

**ЎЗБЕК  
ТИЛИНИНГ  
ИЗОҲЛИ  
ЛУҒАТИ**

**ТОЛКОВЫЙ  
СЛОВАРЬ  
УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКА**

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР  
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ А.С.ПУШКИНА

# ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

В ДВУХ ТОМАХ  
60000 слов  
и сочетаний

Под редакцией  
З. М. МАГРУФОВА

I  
А-Р



МОСКВА  
ИЗДАТЕЛЬСТВО  
«РУССКИЙ ЯЗЫК»  
1981



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҲЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А.С.ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ИККИ ТОМЛИ  
60000 сўз ва бирикмаси

Э. М. МАЪРУФОВ  
тахрири остида

I  
А-Р



МОСКВА  
«РУС ТИЛИ»  
НАШРИЁТИ  
1981

Авторлар:

С. Ф. АКОБИРОВ, Т. А. АЛИКУЛОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ,  
Н. М. МАМАТОВ, З. М. МАЪРУФОВ, М. М. МИРТОЖИЕВ,  
Г. Н. МИХАЙЛОВ, А. Р. РУСТАМОВ, А. Т. ХУЖАХОНОВ,  
А. П. ҲОЖИЕВ

Дастлабки редакторлар:

С. Ф. АКОБИРОВ, Т. А. АЛИКУЛОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ,  
Н. М. МАМАТОВ, З. М. МАЪРУФОВ, А. П. ҲОЖИЕВ

Авторы:

С. Ф. АКАБИРОВ, Т. А. АЛИКУЛОВ, С. И. ИБРАГИМОВ,  
З. М. МАГРУФОВ, Н. М. МАМАТОВ, М. М. МИРТАДЖИЕВ,  
Г. Н. МИХАЙЛОВ, А. Р. РУСТАМОВ, А. Т. ХОДЖАХАНОВ,  
А. П. ХАДЖИЕВ

Первичная редакция:

С. Ф. АКАБИРОВ, Т. А. АЛИКУЛОВ, С. И. ИБРАГИМОВ,  
З. М. МАГРУФОВ, Н. М. МАМАТОВ, А. П. ХАДЖИЕВ

Лугат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 60 минг сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат соҳаларига оид терминларни, диалектал ва эскича сўзларни ўз ичига олади. Лугат ўзбек тилшунослиги бўйича мутахассислар, матбуот, радио ва телевидение ходимлари ва туркологлар учун мўлжалланган.

**Толковый словарь узбекского языка:** В 2-х т.  
Т52 60 000 слов и сочетаний/ С. Ф. Акабиров, Т. А. Аликулов, С. И. Ибрагимов и др.; Под ред. З. М. Магруфова.— М.: Рус. яз., 1981.— В надзаг.: АН УзССР, Ин-т яз. и лит. им. А. С. Пушкина.  
Т. I. А—Р. 632 с.

Словарь содержит около 60 тыс. слов и сочетаний современного узбекского литературного языка, специальную терминологию, а также устарелые и диалектные слова. Предназначен для специалистов по узбекскому языку, для работников печати, радио и телевидения УзССР, для туркологов.

4602020000

Т 70105-071  
015(01)-31 195-196-80

ББК 81.2 Уз  
4И (Узб) (03)

© Издательство «Русский язык», 1981

## СЎЗ БОШИ

Ўзбек тилининг изоҳли Луғати ўзбек халқи тарихида биринчи марта нашр этилди. Луғат кенг ўқувчилар оmmasига — тилшунослар, ўрта ва олий мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилари, ёзувчилар, журналистлар, газета ва нашриёт ходимлари ва ўзбек тилига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

1970 йилда мамлакатимизда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра ўзбек тилида сўзлашувчилар сони 9,2 миллионни ташкил қилади. Шунинг ўзиёқ ўзбек тили изоҳли луғатининг қанчалик зарур эканлигини яққол кўрсатади. Бироқ, бу муҳим вазифани амалга ошириш учун зарур бўлган имкониятлар фақат сўнгги 20-30 йил мобайнида ўзбек тилшунослигида эришилган ва ўзбек лексикографиясини тилшуносликнинг тез ривожланиб бораётган мустақил соҳасига айлантирган улкан муваффақиятлари туфайли юзага келди.

Ўзбек лексикографиясининг тарихи Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрда юзага келган «Девону Луғатит турк» номли луғатига бориб тақалади.

Бу давр ичида ўзбек тили билан боғли ҳолда кўпгина луғатлар яратилган бўлиб, улардан фақат Алишер Навоий асарлари юзасидан тузилган Толе Имонийнинг «Бадойи ул-луғат» номли чигатойча-форсча луғатини (XV аср), «Абушқа» номи билан машҳур бўлган чигатойча-туркча луғатини (XVI аср), Мирзо Махдихоннинг «Санглох» номли чигатойча-форсча луғатини (XVIII аср), булардан ташқари, Муҳаммад Яъқуб Чингийнинг «Келурнома» номли ўзбекча-форсча луғатини (XVII аср)<sup>1</sup> ҳамда Фазлуллохоннинг Калкуттада 1825 йилда нашр этилган чигатойча-форсча луғатини<sup>2</sup> кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши билан турли хил ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлар юзага кела бошлади. Улар орасида ўзбек лексикографиясида ҳам алоҳида ўрин тутган Л. З. Будаговнинг «Сравнительный словарь турецко-татарских наречий» (СПб, 1869—1871) ва В. В. Радловнинг «Опыт словаря тюркских наречий» номли (СПб, 1893—1911) луғатлари диққатга сазовордир.

Лекин ўзбек совет лексикографияси фақат Улуғ Октябр социалистик революциясидан кейингина чинакам равнақ топди ва кенг ривожланди<sup>3</sup>. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардаоқ хилма-хил луғатлар юзага кела бошлади. Улар орасида, айниқса, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларнинг салмоғи катта. Уларнинг энг муҳимлари Е. Д. Поливановнинг «Қисқача русча-ўзбекча луғати» (Тошкент — Москва, 1926), А. Зоҳирийнинг 34 минг сўзли «Мукамал русча-ўзбекча

луғати» (Тошкент, 1927—1928), К. К. Юдахиннинг «Қисқача ўзбекча-русча луғати» (Тошкент, 1927), У. Аҳмаджонов ва Б. Ильязовнинг латин алфавити асосидаги янги ўзбек алифбосида нашр этилган «Ўзбекча-русча луғати» (Тошкент, 1931) ва бошқалардир. 1934 йилда С. Раҳмати ва А. Қодировнинг «Русча-ўзбекча тўла сўзлик» номли луғати (II том, Тошкент — Қозон, 1934, 24 минг сўз; бу луғатнинг I томи чиқмай қолган), 1935 йилда эса В. В. Решетовнинг «Қисқача ўзбекча-русча луғати» (7000 сўз) нашр этилди.

Қирқинчи йилларнинг бошларида (ўзбек ёзуви рус графикаси асосидаги янги алфавитга кўчирилгандан кейин) Ўзбекистонда лексикография ишларининг маркази СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали бўлиб қолди. Бу ерда 17 минг сўзли «Ўзбекча-русча луғат» (Тошкент, 1941) ва 30 минг сўзли «Русча-ўзбекча луғат» (Тошкент, 1942) яратилди ва нашр этилди. Проф. Т. Н. Қори Ниёзий ва проф. А. К. Боровков таҳрири остида тайёрланган бу луғатлар сўзлигининг состави жиҳатидан ҳам, луғат мақолаларининг тўлалиги жиҳатидан ҳам илгариги луғатларга нисбатан анча мукамал эди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти лексикография томонидан Республика нашриётларининг тажрибали таржимонлари билан ҳамкорликда яратилган беш томли «Русча-ўзбекча луғат»нинг босилиб чиқиши (Тошкент, 1950—1955) ўзбек лексикографияси тарихида муҳим воқеа бўлди.

1952 йили ВКП(б) Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси мамлакатимизнинг беш республикасида (Ўзбекистонда, Қозоғистонда, Қирғизистонда, Туркменистон ва Молдавияда) русча-миллий луғатлар тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу луғатларни нашр этиш Давлат хорижий ва миллий тиллар луғатлари нашриётига топширилган эди. Шундан кейин Ўзбекистон ССР ФА Тил ва адабиёт институти лексикографиялари билан мазкур нашриёт ходимлари ўртасида мустаҳкам ва самарали ҳамкорлик бошланиб кетди. Ана шу ҳамкорлик натижасида 50 минг сўзли бир томли «Русча-ўзбекча луғат» (М., 1954) ва 40 минг сўзли бир томли «Ўзбекча-русча луғат» (М., 1959) тайёрланди ва нашр этилди.

Бу луғатлар ўзбек тилининг биринчи Изоҳли луғатини тузиш учун асос бўлди ва унинг илмий базасини юзага келтирди. Лекин Изоҳли луғатни тузиш учун бевосита асос бўлган луғат 1959 йилда нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат»дир. Унда ўзбек лексикографиясининг тажрибаси мумлаштирилган, ҳозирги замон ўзбек тилининг лексик-семантик системаси ва Октябрдан кейинги даврда шаклланган нормалари биринчи марта кенг тавсифланган.

«Ўзбекча-русча луғат» нормативлик принципинга асосланган. Изоҳли луғат ҳам ўзбек тилининг норматив луғатидир.

Шундай қилиб, икки тилли луғатлар, хусусан «Ўзбекча-русча луғат» устидаги барча ишлар, маълум даражада, Изоҳли луғатни яратиш учун тайёргарлик бўлди. Бу ишлар давомида ўзбек тилининг Изоҳли луғати ва ўзбекча-русча луғатларнинг тузилиши учун умумий бўл-

<sup>1</sup> қ. Хафизова А. «Келурнаме» Мухаммеда Якуба Чинги.— «Советская тюркология», 1972, № 3.

<sup>2</sup> қ. Боровков А. К. Лексикографическая традиция в словарях чагатайского языка.— «Лексикографический сборник», 1960, вып. 6.

<sup>3</sup> қ. Магруфов З. М., Михайлов Г. Н. Успехи узбекской советской лексикографии.— «Общественные науки в Узбекистане», 1972, № 11, № 12.

ган кўпгина масалалар амалий равишда ҳал этилди. Луғатда бош сўзларнинг шакли, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъно, стилистик, грамматик характеристикаси, лексикографик белгилар системаси ҳақидаги масалалар ана шундай масалалар жумласидандир.

Ўзбекистонда амалий лексикография соҳасида эришилган муваффақиятлар икки тилли луғатларнинг конкрет лексикографик масалаларни ҳал этишда орттирган бой тажрибасини ва камчиликларини ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишларни юзага келтирди. Улар ўзбек тилининг изоҳли луғатлари учун ҳам, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. Бундай ишлардан А. К. Боровковнинг «Из опыта составления русско-национальных словарей» номли мақоласини (Лексикографический сборник, вып. I, М., 1957), Э. В. Севортянин «Некоторые вопросы тюркской лексикографии» мақоласини (Лексикографический сборник, вып. III, М., 1958), шунингдек, Г. Н. Михайловнинг «Опыт лексикографического исследования узбекско-русских словарей, изданных в советский период» (Тошкент, 1961), Қ. А. Шарафутдиновнинг «Раскрытие значений слова в двуязычном узбекско-русском словаре» (Тошкент, 1963), Т. Алиқуловнинг «Полисемия существительных в узбекском языке» (Тошкент, 1966), С. Ф. Ақобировнинг «Лексикографическая разработка терминологии в двуязычных словарях» (Тошкент, 1969), А. Тўрабоевнинг «Лексикографическое оформление глагольных форм в тюркско-русских словарях» (Тошкент, 1971) номли диссертация ишларини кўрсатиш мумкин. Бу ишларда ўзбек тили Изоҳли луғатининг проблемалари бевосита қўйилмаган бўлса-да, икки тилли луғатларнинг проблемалари билан боғлиқ ҳолда қаралади. А. А. Йўлдошевнинг «Принципы составления тюркско-русских словарей» номли китоби (М., «Наука», 1972) ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Кейинги йилларда ўзбек тили изоҳли луғатини тузишнинг конкрет масалаларига бағишланган айрим ишлар юзага келди<sup>1</sup>.

Рус тили лексикографиясининг муваффақиятлари бизнинг мамлакатимизда барча миллий тиллар, шу жумладан ўзбек тили лексикографиясининг ривожланиши ва камол топишида муҳим роль ўйнади. Рус тилининг изоҳли луғатлари миллий тиллар лексикографиясининг дастлабки даврларида русча-миллий ва миллий-русча луғатлар тузиш ишининг кенг ривожланиши учун асосий база бўлиб хизмат қилган бўлса, ҳозир улар миллий тилларнинг изоҳли луғатларини тузиш учун намуна бўлмоқда. Рус тилининг «Словарь современного русского литературного языка» номли 17 томли академик луғати (М., 1950—1965), проф. Д. Н. Ушаков таҳрири остидаги «Толковый словарь

русского языка» номли тўрт томли луғат (М., 1935—1940), А. П. Евгеньева ва бошқалар таҳрири остидаги «Словарь русского языка» номли тўрт томли луғат (М., 1957—1961), С. И. Ожеговнинг бир томли «Словарь русского языка» (I — нашири, М., 1949, 9—нашири 1973) номли луғатида тўпланган бой тажрибаларни ва уларнинг традицияларини ўзлаштириш асосида миллий республикаларда луғатчи кадрлар етишиб чиқди ва вояга етди.

Ўзбек лексикографиясининг проблемаларини ҳал қилишда, хусусан, ушбу Изоҳли луғатни тузиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишда рус олимлари ва миллий республикалар тилшунослари: акад. Л. В. Щерба, акад. В. В. Виноградов, Е. И. Истрина, С. Г. Бархударов, С. И. Ожегов, А. М. Бабкин, Ф. П. Филин, А. П. Евгеньева, Н. А. Баскаков, К. К. Юдахин, А. К. Боровков, Н. И. Фельдман, С. К. Кенесбаев, А. А. Орулджев ва бошқаларнинг ишлари катта ёрдам берди. Бу ишларнинг кўлида умумий ва хусусий лексикографиянинг муҳим масалалари қўйилган ва ҳал этилган, миллий тиллар лексикографиясининг Октябрь революциясидан илгариги ва Совет давридаги тарихий йўли ёритилган, бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган луғатчилик ишининг бой тажрибаси умумлаштирилган, унинг муваффақиятлари ва камчиликлари кўрсатилган. Бу ишлар билан танишиш ўзбек лексикографларига ўзбек тилининг биринчи Изоҳли луғатини тузишда юзага келган муаммоларни тушуниш ва ҳал этиш учун йўл очиб берди ва бу мураккаб ишни анча осонлаштирди.

Ўзбек тили Луғатини яратиш билан боғлиқ бўлган кўпгина проблемаларни муваффақиятли ҳал этишда СССР ФАнинг Лексикографик комиссияси ташаббуси билан ўтказилган Бутуниттифоқ лексикографик кенгашларнинг материаллари, хусусан, миллий тиллар изоҳли луғатларини тузиш масалаларига бағишланган Боку (1956), Фрунзе (1960), Рига (1961) ва Ленинград (1974) кенгашларининг материаллари катта ёрдам берди.

Лекин шунга қарамасдан, ўзбек тилининг биринчи Изоҳли луғатини тузиш ниҳоятда қийин иш эди. Чунки бу Луғатни тузишда юзага келган ва ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал этиш учун шу чоққача қўлга киритилган муваффақиятларни Изоҳли луғат эҳтиёжларига механик равишда татбиқ этиб бўлмас, балки улардан ижодий фойдаланиш зарур эди.

Ўзбек тилининг Луғатини тузишга киришиллар экан, аввало, Луғат типини танлаш, унинг чегаралари ва манбаларини белгилаб олиш зарур эди. Луғатни хронологик ёки бошқа чегаралар билан чекламасдан ёки адабий тил нормалари билан боғламасдан тузиш ҳам мумкин эди, албатта. Лексикографияда тўлиқ луғат ёки thesaurus (хазина) деб аталадиган бундай луғатнинг объекти ўзбек тилининг туғилишдан то шу кунгача бўлган барча даврлардаги бутун сўз бойлиги бўлар эди. Бироқ бу типдаги луғатларни тузиш жуда катта коллективнинг ёки бир неча авлоднинг меҳнатини талаб қиладиган узоқ йиллик оғир ишдир. Бунга рус тилининг thesaurus ғоясига асосланган ва ниҳоятда етказилмай қолган «Словарь русского языка» номли академик луғати (1891—1907) тажрибаси мисол бўла олади.

Шундай экан, ўзбек тилининг турли тарихий даврларига, турли функционал услубларига оид битмас-туганмас сўз бойлигини тўла-тўқис қамраб олиш учун маълум хронологик чегаралар билан чекланган, конкрет мақсад учун белгиланган бир неча луғат тузиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Алишер Навоийнинг ва бошқа классик шоирларнинг асарларини ўқиш учун махсус луғат зарур, чунки эски ўзбек тили хозирги замон ўзбек адабий тилидан луғат состави жиҳатидан ҳам, грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам анча фарқ қилади. Бундай луғат тузилган ва нашр этилган. Бу — П. Шамсиев ва С. Иброҳимовнинг «Навоий асарлари луғати»дир (Тошкент, 1972). Бу луғат биринчи марта «Ўзбек классик адабиёти асарларини ўқиш учун

<sup>1</sup> Қ. Ақобиров С. Ф. Ўзбек тили луғатининг баъзи бир масалалари.—«Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1960, № 2; Ақобиров С. Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзлар.— «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1965, № 6; Ақобиров С. Ф. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фразеология.— «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1966, № 6; Хожиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фелларнинг берилиши.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1962, № 4; Хожиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўшма сўзларнинг берилиши.— Уша журнал, 1966, № 2.

Ақобиров С. Ф. Некоторые вопросы разработки Толкового словаря узбекского языка.— «Общественные науки в Узбекистане», 1964, № 6; Ақобиров С. Ф. О границах и источниках Толкового словаря узбекского языка.— В сб.: Тюркская лексикография и лексикология. М., 1971; Хамдамова И. Семантические разряды прилагательных и их подча в Толковом словаре узбекского языка. Ташкент, 1965; Юсупов Ходжаева Х. Лексикографическая разработка глагольных форм в Толковом словаре узбекского языка. Ташкент, 1975.

қисқача луғат» номи билан 1953 йилдаёқ нашр этилган эди. Ҳозир, Ўзбекистон ССР ФА Тил ва адабиёт институтининг тарихий-этимологик луғатлар секторига, филология фанлари доктори, проф. Э. И. Фозилов раҳбарлигида шоир асарлари тилининг янада мукамал луғатини тузиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбек тили лексикаси, ҳатто Октябрдан кейинги қисқа даврни олиб қаралганда ҳам, состав жиҳатидан бир хил эмас. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Абдулла Қодирий асарларида, тарихий романларда, Ҳабибий, Собир Абдулла каби классик адабиёт таъсирида ижод этган кекса шоирларимизнинг шеърларида ҳам кўпгина эскирган, ҳозирги адабий тилда ишлатилмайдиган ёки жуда кам ишлатиладиган сўзлар бор. Ёки 20—30 йиллар матбуотида учрайдиган *масаллот*, *тафтишот*, *тавқиб*, *танафас*, *хидмат*, *тақзиб*, *тақфир*, *танзил*, *хусулот* сингари архаик сўзларни ёки ҳозирги поэзияда ва фольклор асарларида хануз учраб турадиган, аллақачон унутилган ёки эскирган сўзларни махсус луғатсиз тушуниш қийин, албатта. Айрим авторлар томонидан ишлатилган, лекин ҳали ўзбек адабий тилига кирмаган, диалектал сўзлар ҳам кўп. Бундан ташқари, Ўзбекистонда қадимдан ривожланган касб-хунарга оид, фақат хунармандлар ўртасида ишлатиладиган лексика ёки ўзбек тилида совет даврида юзага келган сон-саноксиз илмий терминлар борки, буларнинг ҳаммасини битта луғатга сиғдириб бўлмайди. Улар учун С. Иброҳимовнинг «Фарғона шеваси касб-хунар лексикаси» (Тошкент, 1959), Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ш. Ш. Шоабдурахмонов таҳрири остида нашр этилган «Ўзбек халқ шевалари луғати» (Тошкент, 1971) сингари махсус луғатлар яратилмоғи керак. Ёхуд айрим адиблар (мас., Ҳамза, Абдулла Қодирий) асарларида қўлланган тушунилиши қийин сўзлар луғати, 20—30 йиллар кундалик матбуоти луғати, фольклор асарлари луғати ва шу каби турли луғатлар яратилиши мумкин.

Ўзбек тилининг ушбу Изоҳли луғати кенг хронологик доирада ўзбек тилининг барча сўз бойлигини эмас, балки Луғу Октябрь социалистик революциясидан кейинги даврда чинакам ривож топган ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш вазифасини қўяди.

Маълумки, ўзбек тили Совет ҳокимияти йилларида янги-янги сўзлар, сўз формалари ва ифода воситалари билан бойидигина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам анча ўзгарди. Унда янги нормалар, янги хусусиятлар юзага келди, шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Бу ўзгаришлар тилининг фонетик состави ва алфавитида ҳам, имло ва талаффузида ҳам, морфология ва лексик-семантик структурасида ҳам, стилистикасида ва грамматик қурилишида ҳам озми-кўпми ўз аксини топди.

Айниқса ўзбек тили лексикасида катта ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятнинг мислсиз тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, ўзбек тили лексикаси составида жуда кўп янги сўзлар ва терминлар юзага келди. Кўпгина сўзларнинг маъноси ўзгарди, кенгайди, айрим сўзларнинг маъноси эса конкретлашди, дифференциациялашди. Буларнинг ҳаммаси Луғатда қайд этилган.

Айни вақтда ўзбек тилининг энг муҳим алоқа воситаси сифатида жамиятда тугган ўрни, ижтимоий функцияси бениҳоя кенгайди. Тарихан қисқа вақт ичида «Социализмнинг саховатли заминида ўзбек халқининг ранг-баранг, ёрқин ўзига хос маданияти чинакам барқ уриб равнақ топди» (Ш. Р. Рашидов, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг Эллик йиллиги» ҳақидаги докладидан). Ўзбек совет адабиёти юзага келди, камол топди, кўп тилли умумсовет адабиёти сирасидан муносиб ўрин олди. Ўзбек тилида бадий адабиёт, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, илмий-оммабоп асарлар, дарслик ва қўлланмалар яратилди.

Ана шуларни эътиборга олиб, ўзбек тилининг Ок-

тябрдан кейинги хронологик даври доирасида унинг норматив луғатини яратишга қарор қилинди.

Шундай қилиб, Луғатнинг асосий вазифаси ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга, унинг нормаларини белгилаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Айни замонда у нутқ маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Луғатнинг нормативлиги шундан иборатки, унда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз яшаш ва ишлатиш нормалари тавсия этилади. Бунинг учун унга сўзлар, умуммиллий адабий тилга муносабати, унда тугган ўрни ва қўлланиш доирасига кўра, танлаб киритилган.

Луғатда ҳар бир сўзнинг қабул қилинган ёзилиш шакли, келиб чиқиши, зарур ҳолларда, талаффузи кўрсатилган, маъноси (ёки маънолари) аниқланган ва изоҳланган, сўзларнинг аниқланган маънолари ва шу маъноларда тўғри қўлланиши ўзбек бадий адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар, далиллар (цитаталар) билан тасдиқланган.

Лекин нормани пайқаш, норматив ҳолларни ажратиб олиш, академик Л. В. Щерба айтганидек, осон иш эмас. Шу сабабли адабий тил нормаларини белгилашда луғатда айрим хато ва камчиликлар, мунозарали ҳоллар бўлиши табиийдир. Луғатнинг юзага келиши, адабий тил нормаларини мустаҳкамлаш билан бирга, унда узил-кесил ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш ва бартараф қила бориш учун ҳам ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, норматив луғат адабий тил нормаларини белгилашга интилар экан, нормаларни абадийлаштирмайди. Чунки тил нормалари ҳам, тилининг ўзи каби ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда, ўзгариб, ривожланиб туради.

Ўзбек тилининг норматив Изоҳли луғатини тузишга киришишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Биринчи навбатда, бадий адабиёт намуналарига таяниб, луғатнинг лексик асоси — луғат картотекаси яратилди, чунки тилининг бойлиги ва нормалари, аввало, сўз усталарининг асарларида акс этади, сайқал топади. Картотекада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан бошлаб то шу кунгача бўлган ўзбек ёзувчилари асарларидан ҳамда ўзбек тилида Октябрдан кейинги даврда нашр этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, вақтли матбуот, шунингдек, В. И. Ленин асарларининг ва муҳим партия-давлат ҳужжатларининг ўзбекча таржималаридан олинган бир ярим миллиондан ортиқроқ карточка-цитата тўпланди.

Луғат картотекасини тузиш билан бир вақтда дастлаб «Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма» ишлаб чиқилди ва нашр этилди (Тошкент, 1964). «Қўлланма» нашр этилишидан олдин унинг қўл ёзмаси билан танишиб чиққан ва ўз маслаҳатлари билан «Қўлланманинг, ва умуман, Луғатнинг яхшиланишига катта ҳисса қўшган СССР ва ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси проф. А. К. Боровковдан авторлар коллективи чексиз миннатдор бўлиб қолади.

Луғатнинг тузилиш принципларини янада аниқлаш ва уни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мақсадида «Қўлланма» барча қардош республикаларнинг лексикографларига тарқатилди.

«Қўлланма» муҳокамаси давомида қардош республикаларнинг лексикограф олимларидан анчагина қимматли фикр-мулоҳазалар олинди. Ана шу мулоҳазаларни ҳамда луғат намуна қўл ёзмаларини тузиш ва таҳрир қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни ҳисобга олиб, институтнинг катта илмий ходими С. Ф. Ақобиров Луғатнинг «Макети» тайёрлади (Тошкент, 1970). «Макетга Луғатнинг тузилиши ва состави ҳақида рус тилида махсус мақола, баъзи лексик-семантик ва грамматик сўз категориялари учун изоҳ намуналари ҳамда А, Б, Г, Д, ҳарфлари бўйича Луғат мақолалари намуналари киритилган. «Макет» Луғат қўл ёзмасини тузишда тузувчилар билан муҳаррирлар, шунингдек, Луғат авторлари билан нашриёт

муҳаррирлари ўртасида биргаликда олиб бориладиган ишда бир хилликка эришиш ва уни муваффақиятли бажарилишини таъминлашни кўзда тутди.

Дастлабки таҳрир Луғат мақолаларини яхшилаш, уларда йўл қўйилган хатоларни тузатиш билан бирга, умумий ва лингвистик тайёргарлиги жиҳатидан турли савиядаги тузувчилар коллективининг ишида бир хилликка эришиш мақсадини кўзлаб ўтказилди. Дастлабки таҳрир процессида Луғатга кирган айрим ҳарф қўл ёзмалари (мас., Е, Ё, П, У, Ў, Ғ, Ҳ) тўлдирилди ёки қайта ишланди.

Луғатда берилган сўзларнинг келиб чиқиши — манбаига доир маълумотларни луғат секторининг катта илмий ходими Г. Н. Михайлов тайёрлади.

Луғатга киритилган сўз бирикмалари, мақол, матал ва идиоматик ибораларнинг луғат мақолаларида ўзаро мувофиқлигини Луғат секторининг катта илмий ходими Т. Алиқулов текшириб чиқди.

Луғат қўл ёзмасининг лексикографик таҳририни секторнинг катта илмий ходими Н. А. Алҳамова қилди. Иш процессида унинг кўпгина фойдали мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Луғатда илмий терминларга берилган изоҳларнинг тўғрилиги ва аниқлигини таъминлаш учун зоологияга оид терминлар изоҳини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. З. Зоҳидов, ботаникага оид терминларни академик Қ. З. Зокиров, ижтимоий-сиёсий терминларга оид луғат мақолаларини ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори М. М. Хайруллаев ўртоқлар кўриб чиқдилар.

Луғатнинг айрим ҳарфларини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори проф. Ш. Ш. Шоабдурахмонов, филология фанлари докторлари проф. Ҳ. Т. Зарифов, проф. Ф. А. Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори проф. Қ. Х. Хоназаров, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари кандидати О. У. Усмонов ўртоқлар кўриб чиқдилар. Қимматли фикр-мулоҳазалари учун авторлар коллективи ва институт дирекцияси уларга самимий миннатдорчилик изҳор этади.

Луғат қўл ёзмаси, барча фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, Луғатнинг бош муҳаррири ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти луғат секторининг муdiri З. М. Маъруфов томонидан сўнги марта таҳрир қилингандан кейин «Совет энциклопедияси» нашриётининг СССР халқлари луғатлари редакциясига топширилди (ҳозир бу редакция «Рус тили» нашриётига киради). Бу ерда Луғат таҳрирдан ўтказилди. Таҳрир процессида учраган айрим камчиликларни тузатиш, баъзи сўзлар

нинг изоҳига аниқлик киритиш билангина чекланмай, Луғат тузилишига, унинг лексикографик жиҳатдан бе-нуқсон бўлишига алоҳида эътибор берилди.

Луғатни тузиш ва уни нашрга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ишлар Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш институти Луғат секторида бажарилди.

Луғатни тузишда секторнинг илмий ходимлари А. Т. ХУҲАХОНОВ (А, Б, Ҷ; З — Т. Алиқулов билан ҳамкорликда), С. Ф. АҚОБИРОВ (Б, Ж, С ва Т — қисман), З. М. МАЪРУФОВ (Г ва Т — қисман), С. И. ИБРОҲИМОВ (Д, Л ва О — қисман, Ҳ), А. П. ҲОЖИЕВ (И, К, Н), Т. АЛИҚУЛОВ (Й, Р, Х, Ш ва Т — қисман), М. М. МИРТОЖИЕВ (Е, Ё, П, У, Ў), Н. М. МАМАТОВ (О — қисман, Т — қисман ва Қ), С. З. ЗУФАРОВ (Ч, Я), Г. Н. МИХАЙЛОВ (Э), Ш. НУЪМОҲОВА ва Т. АЛИҚУЛОВ (Ф, Ю), Н. ИКРОМОВА ва Т. АЛИҚУЛОВ (Ғ) ҳамда ЎзТАГ ходими Н. ҲАБИБУЛЛАЕВ (Т — қисман), Республика Рус тили ва адабиёти институтининг профессори А. Р. РУСТАМОВ (М) қатнашдилар.

Қўл ёзманинг дастлабки таҳририни Институтнинг катта илмий ходимларидан С. Ф. АҚОБИРОВ (А, В, Г, Д, З, И, М, Н, О, П, Р, Т, Ц, Ч, Э, Қ), Н. М. МАМАТОВ (Й, К, П, У, Х, Ш, Ю, Я, У, Ў, Ғ, Ҳ), З. М. МАЪРУФОВ (Ж, Е, С), С. И. ИБРОҲИМОВ (Б, Ё, И), А. П. ҲОЖИЕВ (Л, М) ўртоқлар бажардилар.

Луғат қўл ёзмасини секторнинг кичик илмий ходимлари Ш. НУЪМОҲОВА ва Ҳ. ЮСУФХУҲАЕВАлар нашриётга топшириш учун тайёрлади.

Қўл ёзmani тайёрлаш ва унга алоқадор техник ишларни бажаришда секторнинг кичик илмий ходимлари Н. Икромова, Ф. Қоношева, М. Холиёров, Р. Шукуров, Б. Хўжахонов; лаборантлар Р. Абдуқаҳорова, А. Алимов, Ш. Иброҳимова, Ш. Халилова, Р. Шукурова, И. Эшонқулова ўртоқлар кўмаклашдилар.

Бу Луғат ўзбек тилининг норматив изоҳли луғатини яратишда биринчи тажрибадор, бинобарин, у камчиликлардан холи эмас, албатта.

Авторлар коллективи Луғатнинг майдонга келиши кенг ўқувчилар оммасининг эҳтиёжини маълум даражада қондиради, ўзбек адабий тили нормаларининг мустаҳкамланишига, нутқ маданиятининг янада юксалишига ёрдам берар, деб умид қилади.

Луғат ҳақидаги мулоҳаза ва истакларингизни қуйидаги адресларга юборишингиз мумкин: ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига — 700041, Тошкент, 41, академик И. Мўминов кўчаси, 9 ва «Русский язык» нашриётига — 103009, Москва, К—9, Пушкин кўчаси, 23.

*Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти*

Ленин В. И. Асарлар. Т. 1—45. Тошкент, 1947—1972.

Абдулла С. Мавлоно Муқимий. Бадий лавҳалар. Тошкент, 1966.

Абдулла С. Соялар. Ҳажвий ҳикоялар. Тошкент, 1963.

Абдулла С. Танланган асарлар. Тошкент, 1957.

Абдулла С. Уғрини қароқчи урипти. Сатира ва юмор. Тошкент, 1956.

Абдулла С. Ҳасан билан Қимсан. Эртақ. Тошкент, 1958.

Абдуллахонов Ж. Йўл. Роман. Тошкент, 1964.

Абдуллахонов Ж. Тўйга келинлар. Ҳикоялар. Тошкент, 1960.

Абдуллахонов Ж. Тўфон. Роман. Тошкент, 1975.

Абдуқаҳҳор С. Қўзлар. Ҳажвий ҳикоялар. Тошкент, 1962.

Абдуқаҳҳор С. Олтин водийларни кезганда. Очерклар. Тошкент, 1961.

Абдуқаҳҳор С. Санамай саккиз дема. Ҳажвий ҳикоялар. Тошкент, 1962.

Азимов С. Оппоқ тонг қўшиғи. Киноповесть. Тошкент, 1962.

Азимов С. Юлдузлар жамоли. Тошкент, 1965.

Айний С. Дохунда. Роман. Тошкент, 1956.

Айний С. Одина. Т. 4. Повестлар. Тошкент, 1965.

Айний С. Судхўрнинг ўлими. Тошкент, 1973.

Айний С. Эсдаликлар. Тошкент, 1953.

Айний С. Қўллар. Роман. Тошкент, 1964.

Акбарий С. Меҳриғиё. Шеърлар. Тошкент, 1961.

Алавия М. Севинчларим. Шеър ва ҳикоялар. Тошкент, 1959.

Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тошкент, 1959.

Анорбоев С. Меҳр. Повесть. Тошкент, 1964.

Анорбоев С. Оқсой шалоалари. Тошкент, 1961.

Афанди латифалари. Тошкент, 1937. Уша асар. 1959.

Аҳмад С. Алла. Тошкент, 1960.

Аҳмад С. Лаъли Бадахшон. Тошкент, 1966.

Аҳмад С. Ойдин кечалар. Тошкент, 1961.

Аҳмад С. Онажонлар. Ҳикоялар. Тошкент, 1962.

Аҳмад С. Таъзим. Ҳикоялар. Тошкент, 1966.

Аҳмад С. Уфқ. Роман. Тошкент, 1965.

Аҳмад С. Ҳукм. Повесть ва ҳикоялар. Тошкент, 1958.

Аҳмад С. Қадрдон далалар. Повесть ва ҳикоялар. Тошкент, 1957.

Аҳмар Х. Ким ҳақ? Ҳикоялар. Тошкент, 1959.

Бобоев М. Айни ёз. Тошкент, 1961.

Бобожон Р. Шеърлар. Тошкент, 1958.

Воҳидов Э. Ёшлик девони. Тошкент, 1969.

Воҳидов Э. Тонг нафаси. Тошкент, 1961.

Воҳидов Э. Чароғбон. Шеърлар ва дostonлар. Тошкент, 1970.

Диёр З. Асарлар. Тошкент, 1954.

Ёкубов О. Дастлабки қадамлар. Повесть. Тошкент, 1961.

## ЛУҒАТДА ФЙДАЛАНИЛГАН АСОСИЙ АДАБИЙ МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

Ёкубов О. Пьесалар. Тошкент, 1958.

Ёкубов О. Тилла узук. Тошкент, 1961.

Ёкубов О. Эр бошига иш тушса. Роман. Тошкент, 1966.

Жалолов Т. Олтин қафас. Қисса. Тошкент, 1962.

Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. Тошкент, 1959.

Жўра М. Қуёшдан нур эмганлар. Тошкент, 1968.

Жўрабоев. Мулла Бурхоннинг мартабаси. Тошкент, 1935.

Зулфия. Юрагимга яқин кишилар. Тошкент, 1958.

Зуннунова С. Гулхан. Повесть. Тошкент, 1958.

Зуннунова С. Олов. Повесть. Тошкент, 1962.

Зуннунова С. Янги директор. Тошкент, 1956.

Зуннунова С. Қанот. Тошкент, 1961.

Ислом шоир. Зулфизар билан Авазхон. Тошкент, 1962.

Ислом шоир. Орзигул. Достон. Тошкент, 1961.

Исмоилий М. Бизнинг роман. Қисса. Тошкент, 1963.

Исмоилий М. Одамийлик қиссаси. Тошкент, 1968.

Исмоилий М. Фарғона тонг отгунча. 1—2 китоблар. Роман. Тошкент, 1975.

Кароматов С. Ҳижрон. Қисса. Тошкент, 1969.

Мираҳмедов А. Кулган чечаклар. Ҳикоялар. Тошкент, 1963.

Мираҳмедов А. Ўт юраклар. Лавҳалар. Тошкент, 1962.

Мирмуҳсин. Чўри. Повесть. Тошкент, 1964.

Мирмуҳсин. Умид. Роман. Тошкент, 1969.

Мирза Ё. Ўғил меҳри. Шеърлар. Тошкент, 1958.

Миртемир. Танланган асарлар. Шеърлар. Тошкент, 1961.

Мухтор А. Давр менинг тақдиримда. Роман. Тошкент, 1964.

Мухтор А. Опа-сингиллар. Роман. Тошкент, 1958.

Мухтор А. Туғилиш. Роман. Тошкент, 1961.

Мухтор А. Қорақалпоқ қиссаси. Тошкент, 1958.

Мухамедов М. Кичик гарнизон. Тошкент, 1958.

Мухамедов М. Қаҳрамон изидан. Повесть ва ҳикоялар. Тошкент, 1958.

Мухаммаджонов М. Турмуш уринишларни. Тошкент, 1969.

Мухаммадий Қ. Танланган асарлар. Тошкент, 1957.

Муҳиддин А. Чап чўнтақ. Ҳикоялар. Тошкент, 1963.

Назаров У. Одамлар. Ҳикоялар. Тошкент, 1962.

Назаров У. Фурур. Тошкент, 1962.

Назир Х. Бир туп ғўза. Ҳикоялар. Тошкент, 1961.

Назир Х. Қўкорол чироғлари. Повесть, Тошкент, 1954.

Назир Х. Қўктерак шабадаси. Тошкент, 1969.

Назир Х. Маёқ сари. Очерклар. Тошкент, 1961.

Назир Х. Сўнмас чақмоқлар. Повесть. Тошкент, 1958.

Назир Х. Сув гадоси оқпадар денгизни бошлаб қелди. Повесть. Тошкент, 1962.

Назир Х. Чўл ҳавоси. Тошкент, 1958.

Назир Х. Ўтлар туташганда. Очерк ва ҳикоялар. Тошкент, 1960.

- Носир У. Шеърлар. Тошкент, 1965.  
 Нурбек. Умид йўли. Шеърлар. Тошкент, 1961.  
 Нуъмон Х., Шораҳмедов А. Ота. Роман. Тошкент, 1965.  
 Нуъмон Х. Фасллар. Тошкент, 1956.  
 Обидов Т. Юсуфжон қизиқ. Тошкент, 1960.  
 Ойбек. Болалик. Хотиралар. Тошкент, 1963.  
 Ойбек. Навоий. Тошкент, 1957.  
 Ойбек. Улуғ йўл. Тошкент, 1968.  
 Ойбек. Танланган асарлар. Тошкент, 1954—1959.  
 Т. 1. Олтин водийдан шабадалар. Роман. 1954.  
 Т. 2. Қутлуғ қон. Роман. 1957.  
 Т. 3. Навоий. Роман. 1957.  
 Т. 5. Нур қидириб. Повесть. 1957.  
 Т. 6. Қуёш қораймас. Роман. 1959.  
 Ойдин. Ҳикоялар. Тошкент, 1954.  
 Олимжон Х. Танланган асарлар. Т. 1—3. Тошкент, 1957—1960.  
 Орипов А. Отажон. Шеърлар. Тошкент, 1969.  
 Орипов А. Рухим. Шеърлар. Тошкент, 1971.  
 Осим М. Аждодларимиз қиссаси. Тарихий қиссалар. Тошкент, 1965.  
 Осим М. Элчилар. Тошкент, 1964.  
 Осим М. Тилсиз гувоҳ. Повесть. Тошкент, 1970.  
 Осим М. Утрор. Повесть. Тошкент, 1962.  
 Оқ йўл. Шеърлар, ҳикоялар ва пьеса. Тошкент, 1958.  
 Пўлат Х. Танланган шеърлар. Тошкент, 1950.  
 Пўлат А. Тасаддуқ. Тошкент, 1958.  
 Пўлкан шоир. Комсомолка Ойтути.— Тўплам. Ўзбек халқ шоирларининг совет давридаги ижоди. Тошкент, 1968.  
 Расул Х. Бахт нашбаси. Шеърлар. Тошкент, 1960.  
 Рашидов Ш. Бўрондан кучли. Роман. Тошкент, 1959.  
 Рашидов Ш. Қашмир қўшиқлари. Тошкент, 1963.  
 Рашидов Ш. Қудратли тўлқин. Тошкент, 1969.  
 Рашидов Ш. Ғолиблар. Тошкент, 1953.  
 Раҳим И. Зангори кема капитани. Тошкент, 1962.  
 Раҳим И. Ихлос. Тошкент, 1958.  
 Раҳим И. Оловкор. Қисса. Тошкент, 1960.  
 Раҳим И. Чин муҳаббат. Роман. Тошкент, 1958.  
 Раҳим И. Ҳаёт булоқлари. Роман. Тошкент, 1954.  
 Раҳим Э. Янги қадам. Тошкент, 1958.  
 Раҳмат А. Элик бир баҳодир. Шонли йиллар тарихидан. Тошкент, 1961.  
 Раҳмат А. Ҳаёт лавҳалари. Тошкент, 1970.  
 Раҳмонов Б. Юрак сирлари. Пьесалар. Тошкент, 1957.  
 Раҳмонов Р. Чангалзордаги шарпа. Повесть. Тошкент, 1969.  
 Салоҳ Х. Чашма. Тошкент, 1958.  
 Сафаров Н. Қўрган кечирганларим. Наврўз. 2 китоби. Тошкент, 1973.  
 Сафаров Н. Пьесалар. Танланган асарлар. Тошкент, 1958.  
 Султонов И. Пьесалар. Тошкент, 1959.  
 Тошматов Ш. Эрк қуши. Тошкент, 1961.  
 Туйғун. Шеърлар, пьесалар, очерклар. Тошкент, 1959.  
 Турсун П. Ўқитувчи. Тошкент, 1958.  
 Тўла Т. Оромижон. Тошкент, 1961.  
 Тўла Т. Танланган асарлар. Шеърлар. Тошкент, 1958.  
 Тўхтабоев Х. Сариқ девни миниб. Тошкент, 1969.  
 Уйғун. Танланган асарлар. Т. 1—2. Тошкент, 1958.  
 Умарбеков У. Бобойноқ. Ҳикоялар. Тошкент, 1961.  
 Умарбеков У. Севгим, севгим. Тошкент, 1963.  
 Усмон бахши Мамат ўғли. Бўтакўз. Тошкент, 1966.  
 Файзий Д. Тонг йўлида. Тошкент, 1961.  
 Файзий Р. Қишиларимиз қиссаси. Тошкент, 1959.  
 Файзий Р. Ҳазрати инсон. Роман. Тошкент, 1970.  
 Фаттоҳ Т. Баҳор. Тошкент, 1965.  
 Фаттоҳ Т. Шеърлар. Тошкент, 1958.  
 Фатхуллин З. Сўнмас юлдуз. Повесть. Тошкент, 1960.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Алломиш. Тошкент, 1957.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Балоғардон. Тошкент, 1956. Уша асар. 1964.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Ёдгор. Тошкент, 1957.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Интизор. Тошкент, 1956.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Малика айёр. Тошкент, 1955.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Муродхон. Тошкент, 1957. Уша асар. 1965.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Рустам. Тошкент, 1957. Уша асар. 1965.  
 Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар. Тошкент, 1955. Уша асар. 1957.  
 Фозилов Н. Оқим. Тошкент, 1962.  
 Холмирзаев Ш. Тулкинлар. Повесть. Тошкент, 1963.  
 Чархий. Шеърлар. Тошкент, 1966.  
 Шайхзода М. Вақтлар меъери. Тошкент, 1964.  
 Шайхзода М. Йиллар ва йўллар. Тошкент, 1961.  
 Шайхзода М. Тошкентнома. Лирик поэма. Тошкент, 1958.  
 Шамс Х. Душман. Тошкент, 1969.  
 Шамс Х. Характеристика. Тошкент, 1960.  
 Шамшаров И. Довруғ. Тошкент, 1960.  
 Шамшаров И. Пахтақайнар. Тошкент, 1959.  
 Шарипов Ж. Хоразм. Роман. Тошкент, 1960.  
 Шукрулло. Шеърлар. Тошкент, 1958.  
 Шукров Ё. Уч савол. Тошкент, 1963.  
 Шукров Ё. Қасос. Тошкент, 1963.  
 Шухрат. Балоғат. Ҳикоялар. Тошкент, 1958.  
 Шухрат. Жаннат қидирганлар. Роман. Тошкент, 1968.  
 Шухрат. Олтин зангламас. Роман. Тошкент, 1970.  
 Шухрат. Шинелли йиллар. Роман. Тошкент, 1959.  
 Эргаш Жуманбулбул ўғли. Кунтуғмиш. Тошкент, 1949.  
 Эргаш Жуманбулбул ўғли. Равшан. Тошкент, 1965.  
 Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ойсулув. Тошкент, 1954.  
 Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ўртоқ Ленин. Тошкент, 1958.  
 Юсуфий Н. Фарғона шўх кулади. Тошкент, 1961.  
 Яшин К. Пьесалар. Тошкент, 1951.  
 Ўзбек халқ дostonлари. Тошкент, 1957—1958.  
 Т. 1. Ширин билан Шакар. 1958.  
 Т. 2. Ёдгор. 1957.  
 Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент, 1958.  
 Ўзбек халқ эртақлари. Тошкент, 1960.  
 Ўзбек халқ кўшиқлари. Тошкент, 1950.  
 Каландаров И. Шохидамас, баргида. Повесть. Тошкент, 1962.  
 Қаҳҳор А. Синчалак. Қисса. Тошкент, 1952.  
 Қаҳҳор А. Танланган асарлар. Т. 3. Қўшчинор чироқлари. Тошкент, 1956.  
 Қаҳҳор А. Танланган асарлар. Тошкент, 1957.  
 Т. 1. Ҳикоялар, фельетонлар, пьесалар.  
 Т. 2. Сароб. Роман.  
 Қаҳҳор А. Муҳаббат. Тошкент, 1969.  
 Қаҳҳор А. Ўтмишдан эртақлар. Тошкент, 1972.  
 Қодирий А. Кичик асарлар. Тошкент, 1969.  
 Қодирий А. Меҳробдан чаён. Роман. Тошкент, 1967.  
 Қодирий А. Обид кетмон. Роман. Тошкент, 1959.  
 Қодирий А. Ўтган кунлар. Тарихий роман. Тошкент, 1958.  
 Қодиров П. Уч илдиэ. Роман. Тошкент, 1963.  
 Қодиров П. Эрк. Қиссалар ва ҳикоялар. Тошкент, 1970.  
 Қодиров П. Қадрим. Повесть. Тошкент, 1961.  
 Қориев М. Ойдин кечалар. Тошкент, 1968.  
 Қурбон Я. Меҳрим ва қаҳрим. Тошкент, 1961.  
 Қўчқорбеков О. Қуйларим ва ўйларим. Шеър, кўшиқ ва масаллар. Тошкент, 1960.  
 Ғайратий. Довдираш. Ҳажвий ҳикоялар. Тошкент, 1961.  
 Ғайратий. Танланган асарлар. Тошкент, 1958.  
 Ғофуров В. Вафодор. Роман. Тошкент, 1961.  
 Ғулом Ф. Қўкан батрак. Тошкент, 1933.  
 Ғулом Ф. Шум бола. Повесть. Тошкент, 1963.  
 Ғулом Ф. Танланган асарлар. Тошкент, 1956—1959.  
 Т. 1. Шеърлар, 1923—1945, 1956.  
 Т. 3. Прозаик асарлар, 1945—1956, 1959.  
 Ғулом Х. Машғал. Роман. 1 китоб. Тошкент, 1960.  
 Ғулом Х. Машғал. 2 китоб. Тошкент, 1961.



Ғулум Х. Сенга интиламан. Роман. Тошкент, 1964.  
 Ғулумов Ш. Ёрқин уфқлар. Повесть. Тошкент, 1961.  
 Ҳабибий. Қўнғил тароналари. Шеърлар. Тошкент, 1957.  
 Ҳабибий. Танланган асарлар. Тошкент, 1960.  
 Ҳакимов А. Илон издан. Тошкент, 1968.  
 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Танланган асарлар. Тошкент,  
 1958.

С. Анорбоев, Оқсой — Анорбоев С. Оқсой шалола-  
 лари.

Жўрабоев, Мулла Б. м. — Жўрабоев. Мулла Бурхон-  
 нинг мартабаси.

М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Исмоилий М. Фарғона  
 тонг отгунча.

«Латифалар» — Афанди латифалари.

Ҳошимов У. Пўлат чавандос. Тошкент, 1962.

Ўзбекистон. Альманах. Тошкент, 1940.

Қизил Ўзбекистон. Тошкент, 1924—1963.

Совет Ўзбекистони. Тошкент, 1964—1970.

Муштум. Тошкент, 1923—1941, 1950—1970.

Фан ва турмуш. Тошкент, 1957—1970.

#### МАНБАЛАРНИНГ ЛУҒАТДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТМА НОМЛАРИ РЎЙХАТИ

Х. Назир, Сув гадоси. — Назир Х. Сув гадоси оқпадар  
 денгизни бошлаб келди.

Ойбек, О. в. шабадалар — Ойбек. Олтин водийдан  
 шабадалар.

«Эртақлар» — Ўзбек халқ эртақлари.

«Қўшиқлар» — Ўзбек халқ қўшиқлари.

Ғ. Ғулум, Қўқан — Ғулум Ғ. Қўқан батрак.

## ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФЕЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

### Луғатнинг таркиби

§ 1. Мазкур Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилининг норматив луғатидир. Шунга кўра Луғатга, хусусан, ҳозирги замон ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва фразеологик иборалар киритилган.

Ўзбек тили изоҳли луғатини яратишда, Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Луғат сектори қошидаги картотека асосий база бўлиб хизмат қилди. Қартотека Луғатга сўз олинган асосий манба ҳисобланиб; у Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги бадиий адабиёт, ижтимоий-сиёсий, илмий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, вақтли матбуот ва В. И. Ленин асарларининг ўзбекча таржималари асосида юзага келган.

§ 2. Луғатда барча сўз туркумларига оид туб сўзлар (бош, стол, қизил, мен, саккиз, юрмоқ каби), ясама сўзлар (ишичи, кўкмиш, гайратли, серҳаракат каби), дефис орқали ёки қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар (мўл-кўл, кўм-кўк, қип-қизил, тоғолча, кўзқорин каби), мураккаб қисқартма сўзлар (авиабаза, райишроком, колхоз каби) киритилган.

§ 3. Сўз танлаш принципи ва вазифаларига кўра Луғатга қуйидаги сўзлар киритилмаган:

1) маълум диалектга хос бўлиб, адабий тилда ишлатилмайдиган сўзлар;

2) фан, техника, санъат ва касб-ҳунарнинг айрим соҳасида, яъни тор доирада қўлланиб, фақат ўша соҳа вакилларигагина маълум бўлган сўзлар;

3) фақат айрим автор асарларида ишлатилган, оммалашмаган сўз ва иборалар;

4) қўпол, вулгар сўз ва иборалар;

5) ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтан назаридан лексик маъноси бўлмаган киши номлари;

6) географик номлар;

7) сўзларнинг бош ҳарфи асосида яратилган қисқартма сўзлар (аббревиатуралар).

§ 4. Ясама сўзларнинг қуйидаги турлари Луғатга киритилмаган:

1) **-лик** аффикси билан ясаиб, жойга муносабат билдирувчи отлар: **тошкентлик, фарғоналик** каби;

2) **-гина, -кина, -қина** аффикслари билан ясалган сифат ва отлар: **кичиккина, яхшигина, болагина, қизгина** каби;

3) **-ли, -сиз** аффикслари билан ясалган сифатлардан мустақил лексик маъно касб этмаган, фақат предметга эгалик ёки эгасизликни билдирадиганлари: **китобли, столли, қаламсиз, стулсиз** каби;

4) **-даги, -дай, -дек** аффикслари билан ясалган сифатлар: **уйдаги, кўчадаги, тухумдай, уйдаи** каби;

5) **-роқ** аффиксини олган сифат ва равишлар: **яхшироқ, узоқроқ** каби;

6) феълларнинг **-вермоқ, -ёзмоқ** ҳамда **-ганлик** аффиксларини олган формалари: **келавермоқ, йиқилаёзмоқ, ўқиганлик, билмаганлик** каби;

7) **-маслик** аффиксини олган феъллар Луғатга асосан киритилмаган: **билмаслик, ўқимаслик** каби.

§ 5. Равишдош ва сифатдошлар Луғатга киритилмаган. Аммо улардан фақат ўз вазифасидан ташқари, бошқа сўз туркуми функциясида қўлланадиганлари киритилган ва изоҳланган. Масалан:

**ТОРТИБ 1** *тортмоқ* *фл. рвдиди. Арқонни таранг тортиб боғламоқ.*

**2** *қўм. (ч. к. билан) Бошлаб, эйтиборан...*

**КЕЛИШГАН 1** *келишмоқ* *фл. сфдиди.*

**2** *Қадди-қомати чиройли, хушбичим. Қелишган йигит...*

§ 6. Маъноси туб сўз ва аффикс маъносидан осонгина англашиладиган, бошқа, мустақил лексик маъноси бўлмаган ясама сўзлар (хусусан **-ча, -чак, -чоқ** аффикслари ёрдамида деярли барча отлардан ясала оладиган сифатлар, **-лик** аффикси ёрдамида ясаладиган белги ёки касб отлари, **-(и)ш, -(у)в** аффикслари ёрдамида ясаладиган ҳаракат номлари, **-(и)вчи** аффикси ёрдамида ясаладиган шахс отлари, **-ча, -часига, -ларча, -лаб, -гача, -дай, -дек, -роқ, бе-** аффикслари ёрдамида ясаладиган равиш ва сифатлар) Луғатга чекланган миқдорда, зарурат бўлган ҳоллардагина киритилган.

§ 7. Маъноси компонентларининг маъноларидан англашиладиган, қўшимча маъноси бўлмаган жуфт ва такрорий сўзлар ҳам Луғатга чеклаб киритилган.

### Луғатнинг тузилиши

§ 8. Бош сўзлар Луғатда алфавит тартибда жойлаштирилган.

§ 9. Бир сўзнинг турли вариантлари бир луғат мақоласида берилган; бунда кўпроқ қўлланадиган вариант биринчи ўринга қўйилган. Масалан:

**НОЗ-ҚАРАШМА, нозу карашма...**  
**НОЗАНДАЙ, -дек...**

§ 10. Мавжуд имло қоидаларига кўра ажратиб ёзиладиган **бир оз, оч қизил, қўл кўймоқ** сингари қўшма сўзлар бош сўз сифатида эмас, балки ўз таркибидаги компонентлардан бири мақоласи ичида, кўпинча биринчи компонент мақоласида келтирилган.

Ажратиб ёзиладиган айрим қўшма сўзлар Луғатда қўшилиб ёзилгани ҳолда бош сўзлар сирасида ҳам берилган, лекин бундай мақолаларда улар изоҳланмай, норматив шаклига қуйидагича ҳавола қилинган:

**БИРОЗ** (*тўғриси бир оз*) *қ. оз 2.*

§ 11. Омонимлар (шакли ва талаффузи бир хил, лексик маъноси бошқа-бошқа бўлган сўзлар) алоҳида-алоҳида мақолаларда бош сўз тарзида берилган ва бир-биридан фарқланиши учун оч рим рақамлари билан кўрсатилган. Масалан:

**БЎЛМОҚ I ...**  
**БЎЛМОҚ II ...**

§ 12. Омографлар (урғуда фарқ қиладиган шаклдош сўзлар) ҳам алоҳида-алоҳида мақолаларда берилган ва урғудаги фарқлари билан кўрсатилган. Масалан:

**ТЕХНИК** Ўрта техника маълумотиغا эга бўлган ва техниканинг бирор соҳасида ишлайдиган мутахассис . . .

**ТЕХНИК** [р технический] 1 Техникага оид . . .

§ 13. Бош сўз ёлғиз ишлатилмаса, балки фақат маълум бирикма таркибидоғина ишлатилса, бош сўздан кейин

#### Луғат мақоласининг тузилиши

§ 15. Бош сўзга тааллуқли барча материал — бош сўзнинг ўзи, унинг муайян хусусиятларига оид белги ва маълумотлар, бош сўз ва фразеологик бириклар маъноларига берилган изоҳлар, мисол ва ш. к. луғат мақоласини ташкил этади.

§ 16. Луғат мақолаларининг тузилиши қуйидагича: бош сўздан кейин унинг этимологияси (келиб чиқиши) ҳақида маълумот берилади, сўнгра (агар бош сўз бир маъноли бўлса) грамматик ва стилистик белгилар қўйилиб, бош сўзнинг маъноси изоҳланади. Изоҳдан кейин бош сўзнинг маъносини тасдиқловчи ва шу маънода тўғри ишлатилишини, бошқа сўзлар билан қандай бирикшини кўрсатувчи типик мисоллар, цитаталар, фразеологик бирик ва иборалар келтирилади. Зарур бўлса, уларга ҳам изоҳ берилади.

Агар бош сўз кўп маъноли бўлса, унинг ҳар бир маъноси тўқ араб рақамлари билан сатр бошидан берилади. Бу ҳолда бош сўзнинг ҳамма маъноларига оид грамматик ва стилистик белгилар ва бошқа кўрсатмалар бевосита бош сўздан кейин, айрим маъноларга оид белгилар эса, тегишли араб рақамларидан кейин қўйилади. Масалан:

**АБРИШИМ** [ф-т] эск. 1 айн. ипак . . .

2 Ипак газлама, шойи. . .

**АБОРТИВ** [р абортивный] 1 мед. . .

2 биол. . . .

§ 17. Фразеологик бирик ва идиоматик иборалар-

икки нуқта орқали шу бирикмалар ёзилган ва изоҳланган. Масалан:

**ЧУМАК II: чумак урмоқ . . .**

**ВОЗ: воз кечмоқ . . .**

§ 14. Синонимик (маънодош) сўзларнинг ҳар бири алфавит тартибда ўз ўрнида бош сўз сифатида берилиб, мустақил равишда тавсифланган ёки бошқа синонимга ҳавола қилинган.

нинг маънолари бир-бирдан нуқтали вергул орқали қавсди араб рақамлари билан ажратилган. Масалан:

**АДО** [а] 1 . . . **Адо қилмоқ** 1) ўтамоқ, бажармоқ, ижро қилмоқ. . .; 2) ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ.

§ 18. Луғат мақолаларини ихчамлаштириш ва Луғатдан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида махсус лексикографик белгилар қўлланилган. Масалан, тўғри тўртбурчак (■) шаклидаги белги цитаталарни бошқа мисоллардан ажратиш учун, ромб (◆) белгиси идиоматик ибораларни бошқаларидан фарқлаш учун хизмат қилади. Мустақил маъно билан маъно нозиклигини фарқлаш учун тик тўғри чизик (|) қабул қилинган. Икки параллел чизик (||) бир туркумдаги сўзнинг бошқа сўз туркуми вазифасида қўлланишини кўрсатади. Масалан:

**ТУЗУК I 1 . . .**

2 Камчилиги, ёмон ери йўқ; дуруст, яхши; бинойи. *Тузук йигит.* || *Бу иш тузук ташкил қилинмапти.* ■ *Ўзи тузук шоир, бироқ тан қидни кўтармагани ёмон.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Дард-касали йўқ; соғ, соғлом; бардам. *Ота, тузук-мисиз? Тузук бўлиб кетдингизми?* | Яхши, қаноатланарли (соғлик, аҳвол ва ш. к. ҳақида).

◆ **Ўзига тузук** моддий аҳволи яхши, ҳар жиҳатдан таъминланган.

#### Этимологик маълумотлар

§ 19. Луғат мақолаларида бевосита бош сўздан кейин (катта қавс ичида) унинг этимологиясига, келиб чиқишига, қайси тилдан ўзлаштирилганлигига оид маълумот берилган. Масалан:

**ЖАМ** [а] . . .

**ГУНАЖИН** [мўғ] . . .

§ 20. Ўзбек халқининг этник составига кирган туркий ва бошқа қабилаларнинг тилларига оид сўзларга этимологик маълумот берилмаган.

§ 21. Аслида бир неча сўздан таркиб топган, ҳозирги ўзбек тилида бир сўз шаклига келган, аммо қисмларга ажратса бўладиган айрим сўзларнинг келиб чиқиши қуйидагича кўрсатилган:

**БУГУН** [асли бу+кун] . . .

**БИРАМ** [асли бир+хам] . . .

§ 22. Аслида бир неча сўз ёки элементдан тузилган, ўзбек тилида фонетик ўзгаришлар натижасида бир сўз холига келган ёки ўзбек тилидаги шакли асл шаклидан узоқлашган ўзлаштирама сўзларнинг этимологияси аниқ бўлса, қуйидагича кўрсатилган:

**ҚУЛУПНАЙ** [р клубника] . . .

**ВАЛЛАМАТ** [а вали+неъмат] . . .

§ 23. Форс ва тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзларга умумий ф-т (форсча-тожикча) белгиси қўйилган.

§ 24. Ўзбек тилига бошқа тиллардан рус тили орқали русча шаклида кирган сўзларнинг манбаи қуйидагича кўрсатилган:

**РЕВОЛЮЦИЯ** [р < фр] . . .

**АДМИРАЛ** [р < а амир ал-бахр] . . .

§ 25. Бош сўзнинг ўзбек тилида ўзлашган маъноси асл маъносидан бутунлай фарқ қилган ҳолларда, этимологик белгидан ташқари унинг асл маъноси ҳам кўрсатилган. Масалан:

**БАСИР** [а, л. м. кўрувчи, кўрадиган] Кўр, сўқир. . .

§ 26. Ясама ёки қўшма сўз компонентлари бошқа-бошқа тилларга мансуб бўлса, этимологик маълумот қуйидагича берилган:

**ВАТАНГАДО** [а+ф-т] . . .

**ВАТАНДОШ** [а+ф-т] . . .

§ 27. Ўзлаштирама сўзлардан ўзбекча аффикслар ёрдамида ясалган **бульдозерчи**, **ватанпарварлик** каби сўзларга этимологик маълумот берилмаган.

§ 28. Атоқли отлардан ясалган сўзларнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумот бевосита изоҳдан кейин кичик қавс ичида берилган ёки умумий тартибда бош сўздан кейин кўрсатилган. Масалан:

**БАНОРАС** [Ҳиндистондаги шаҳар отидан] Қўлда тўқилган шойи газламининг бир тури. . .

## Луғатда сўзларнинг маъно характеристикаси

§ 29. Ҳар бир сўзнинг маъноси қисқа ва аниқ изоҳ билан ифода этилган.

§ 30. Луғатда сўзларнинг, асосан, ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланиладиган маънолари берилган.

§ 31. Сўзларнинг мустақил маънолари бир-биридан араб рақамлари билан ажратилган, ҳар бир маънога таалуқли маъно нозикликлари эса шу маъно ичида бир тик чизиқдан кейин берилган. Масалан:

**ТУЗ I 1 хим.** Кислота таркибидаги водород ўрнини бирор металл эгаллаши натижасида ҳосил бўладиган химиявий бирикмаларнинг умумий номи. *Асосий тузлар. Сульфат кислота тузлари...*

2 Шу бирикманинг овқат учун ишлатиладиган бир тури (натрий хлорид). *Ош тузи. Қоратикан туз. Майда туз. ...* | *(эғалик аффикси билан)* Овқат ёки овқат маҳсулотлари намагининг паст, баланд ёки меъёрида эканлик даражаси. *Ачиқ-чучуқнинг тузи баландроқ бўлибди.*

§ 32. Бош сўзларнинг мустақил кўчма маънолари араб рақамлари билан ажратилган ва кўчма белгиси билан таъминланган.

§ 33. Луғатда айрим сўзларнинг лексик маъно касб этган грамматик шакллари (масалан, айланай, бадалига, давомида, қошида, қўра, қараб, қараганда каби) ҳам берилган ва турли лексикографик усуллар билан изоҳланган:

**АЙЛАНАЙ I айланмоқ** *фл. 1-ш. буйруқ м. ф. 2 унд. с.* Садағанг кетай...

**ДАВОМ [a] I ...**

5 3-ш. эғалик ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. давомида).

**ДАВОМИДА** *кўм. вазифасида ...*

§ 34. Айрим сўзларнинг бошқа сўзларга бирикиб қўшма сўз яшаш хусусияти ҳам мустақил маъно сифатида изоҳланган. Масалан:

**КАМ [ф-т] I ...**

5 Баъзи сўзларга бирикиб, қўшма сўз ясайди, мас. *камгап, камғйит, камҳосил.*

**ОБОД [ф-т] I ...**

2 Баъзи отларга ёки айрим сифатларга қўшилиб шаҳар, қишлоқ ва ш. к. номини ясайди, мас. *Ленинобод, Ишқобод, Бегобод ...*

**БЕРМОК I ...**

7 Айрим отлар билан қўшма феъл ясайди, мас. *жавоб бермоқ, жон бермоқ ...*

§ 35. Бош сўзнинг бошқа сўз туркумига ўтган маънолари (масалан, отларнинг сифатга ёки сифатларнинг отга ўтган маънолари) мустақил маъно сифатида араб рақамлари орқали изоҳ билан берилган ва тегишли грамматик белги билан кўрсатилган. Масалан:

**ТОШҚИН I** *от* Кучли сел, эрувчилик ва ш. к. пайтларда дарё сувларининг қирғоқдан ошиб соҳил, ерларни босуви. *Баҳорги тошқин. Тошқин сувлари...*

2 *сфт* Жўш урган, пишқирган, жўшқин. *Тошқин дарё...*

**ҚИЗИЛ I** *сфт* Қон рангидаги; қирмизи, алвон. *Қизил байроқ. Қизил галстук...*

2 *от* Юзнинг, баданнинг шу тусга мойил ранги; қизиллик. *Унинг юзидаги қизилига яна қизил қўшилди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

§ 36. Айрим сўзларнинг исм сифатида қўлланиши Луғатда шу сўзнинг мустақил маъноси тарзида (асосий маънолардан кейин) берилган. Масалан:

**ДАВЛАТ II [a] I ...**

3 Давлат (*эрқақлар исми*).

§ 37. Луғатда номинатив функцияли сўзларнинг, аниқса, от, сифат ва феълларнинг маъноларини очишда тавсифий изоҳ усулларидан кенг фойдаланилган. Бу хилдаги изоҳларда сўз маъноси унинг асосий белгилари (масалан, ташқи кўриниш, тузилиши, қўлланилиши, вазифаси, таъсири, характери, юзага келиш йўли, сабаби ва ш. к.) орқали очиб берилади. Масалан:

**АБАД [a] I** *от* Охири, поёни йўқ келажак замон; мангулик ...

**АБАЖУР [р < фр]** Ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун лампа устига ўрнатиладиган қалпоқ.

§ 38. Муҳим илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий терминлар маъносини очишда таърифий изоҳ усулидан фойдаланилган. Бундай терминлар маъноси илмий-сиёсий адабиётларда берилган таърифлар орқали очилган. Масалан:

**РАДИУС [р < лат] мат.** Айлана нуқтасини унинг маркази билан туташтирувчи чизиқ.

**СИНФ I [a] I** *сиёс.* Одамларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда муайян тарихий ўрин тутган, ишлаб чиқариш воситаларига бир хил муносабатда бўлган, ижтимоий меҳнат ташкилидаги ва ижтимоий бойликларнинг тақсимотидаги роли бир хил бўлган, умумий манфаатлари билан бирлашган катта ижтимоий группаси. ...

Айрим ҳолларда (сўз маъносини қисқароқ тушунтириш мумкин бўлмаган ҳолларда) энциклопедик изоҳ усулидан фойдаланилган. Масалан:

**БУРЖ [a] I** *астр.* Кўшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркумининг мажмуи ва уларнинг ҳар бири (*Хут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Давл*).

§ 39. Кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар, ундовлар, тақлидий, тасвирий ва модал сўзларни изоҳлашда тушунтирма изоҳ усулидан фойдаланилган. Бунда мазкур сўзларнинг маъноси, функцияси тушунтирилади. Масалан:

**ВА [a] биркт. боғл.** Тенг ҳуқуқли гап бўлакларини ва гапларни боғлаш учун хизмат қиладди...

**АХ унд. с.** Қўрқув, ҳаяжон ёки севинч, ғазаб туйғуларини ифодалайди...

§ 40. Баъзи ясама сўз маъноларини очишда грамматик изоҳ усулларидан фойдаланилган. Бунда сўзнинг маъноси шу сўз ҳавола қилинган сўзнинг изоҳидан ангилашади. Масалан:

**ЕЗУВЧИ I** *ёзмоқ I фл. сфтди.*

2 *от* Бадний асар ёзиш иши билан шуғулланидиган шахс; адиб.

**ДУРАДГОРЛИК** *дурадгор с. касб оти...*

**ЙИГИЛИШ I** *йиғилмоқ фл. иш оти...*

2 ...; йиғин, мажлис.

**КУЛДИРМОҚ** *кулмоқ фл. орт. н. ...*

§ 41. Айрим ҳолларда изоҳ ўрнига ўша изоҳланаётган сўзнинг синонимлари келтирилган. Масалан:

**ПЎРИМ [р форма] с. т.** Башанг, олифта...

§ 42. Синонимлар бошқа турдаги изоҳдан кейин ҳам ишлатилган. Бунда улар изоҳни тўлдириш, полисемантик сўзлар маъноларини бир-биридан яққолроқ фарқлаш учун хизмат қилади. Масалан:

**ГАВДА [a] I** Инсон ёки ҳайвон вужудининг кўриниши; жусса, қад. *Гавдаси келишган одам...*

2 Тан, тана (вужуд билан жон қарама-қарши қўйилганда)...

3 Мурда, жасад...

§ 43. Луғатда синонимларнинг нейтрал ва активлари изоҳланган, қолганлари эса уларга ҳавола қилинган. Масалан:

#### Сўз маъноларининг жойланиш тартиби

§ 45. Луғатда айрим сўзларнинг маънолари тарихийлик (ёки генетик) принцип асосида жойлаштирилган. Бу принципга кўра бош сўзнинг мустақил маънолари ва маъно нозикликлари ўзаро мантиқий боғланишда, бири иккинчисидан тадрижий равишда юзага келиб ва ривожланиб бориш тартибида берилган.

§ 46. Бироқ Луғатда асос қилиб олинган нормативлик принципи сўзларнинг энг асосий (бош, марказий) маъноси олдин қўйилиши, иккинчи даражали маънолари кейин қўйилишини ёки адабий тилда кенг қўлланиладиган маъноларнинг олдин, кам қўлланиладиган маъноларнинг кейин қўйилишини талаб қилади. Луғатда бу принципларнинг ҳар биридан ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилинган. Масалан, сўзнинг дастлабки (эскирган) маъноси билан ҳозирги маънолари ўртасидаги боғланиш яққол сезилиб турса, бундай маънолар тадрижий ривожланиш тартибида жойлаштирилган. Масалан:

**АРАФА** [a] 1 дин. Рамазон ёки қурбон ҳайитидан олдинги кун...

2 Байрам ёки бирор тантанали кундан олдинги кун. *Янги йил арафаси...*

#### Луғатда фразеология

§ 50. Луғатга ҳозирги ўзбек тилидаги фразеологик иборалар, шунинг билан бирга, мақол ва маталлар киргизилган: боши осмонга етди; бандаликни бажо келтирмоқ; беш қўл баравар эмас; тенг тенги билан, тезак қопи билан; ёв қочса, ботир кўпаяди каби. Бундан ташқари составли терминлардан, эркин ва барқарор бирикмалардан иллюстратив мисол сифатида кенг фойдаланилган. Изоҳталаб фразеологик иборалар, составли терминлар, мақол ва маталлар эса Луғатда изоҳланган ва иллюстратив мисоллар билан таъминланган.

§ 51. Фразеологик иборалар, кўпинча, биринчи компонент мақоласида жойлаштирилган. Айрим ҳолларда, масалан, фразеологик бирикларнинг биринчи компоненти олмош, сон ёки ёрдамчи сўз бўлса, у иккинчи ўриндаги мустақил маъноли компонент мақоласида берилган. Масалан, **етти ўлчаб бир кес «етти»** мақоласида эмас, **«ўлчамоқ»** мақоласида, **ўзини босмоқ** ибораси **«ўз»** мақоласида эмас, **«босмоқ»** мақоласи ичида берилган ва изоҳланган.

Фразеологик ибора фақат олмош, сон ёрдамчи ёки ундов сўзлардан тузилган ҳолдагина, у ана шундай сўзлар мақоласида берилиши ва изоҳланиши мумкин. Масалан, **ҳе йўк, бе йўк** ибораси **«ҳе»** мақоласида берилган.

§ 52. Фразеологик бириклар Луғатда фақат бир марта

#### Иллюстратив мисоллар

§ 56. Иллюстратив мисоллар, луғат мақоласидаги сўз ва ибораларнинг ҳамда уларнинг маъно ва маъно нозикликларининг ўзбек тилида ҳақиқатан мавжудлигини, шу билан бирга сўз ва ибораларнинг мазкур маъноларда тўғри ишлатилганлигини тасдиқлаш, шу билан бирга бош сўзнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади.

§ 57. Изоҳдан кейин келтирилган сўз бирикмаси, мақол, матал ва эркин мисоллар мисол-цитаталардан — белгиси билан фарқланган.

§ 58. Луғатнинг ҳажмини ортиқча кенгайтирмаслик учун, маъноси изоҳидан англашилиб турадиган баъзи

**ЖАРРОҲ** [a] эск. айн. хирург.

§ 44. Айрим ҳолларда, изоҳдан кейин, сўз маъносини тўлароқ очиш, изоҳни тўлдириш мақсадида изоҳланувчи сўзнинг антонимидан ҳам фойдаланилган. Масалан:

**АПРИОР** [р априорный] филос., лог. Тажрибага боғлиқ бўлмаган; ... акси апостериор...

§ 47. Сўзнинг дастлабки маъноси билан ҳозирги маънолари ўртасидаги боғланиш сезилмайдиган ёки аҳамиятини йўқотган бўлса, ҳозирги маънолар олдин, дастлабки маънолар кейин берилган. Бунда сўзнинг асосий маъноси биринчи ўринга қўйилган, қолган маънолари кўп ё кам қўлланилишига қараб жойлаштирилган. Баъзан дастлабки (эскирган) маъно ҳатто охириги ўринда берилган. Масалан:

**БАҒИШЛАМОҚ** 1 Бахш этмоқ, бермоқ. *Ғайрат бағишламоқ...*

4 дин. Дуо ўқиб, савобини худога... атамоқ...

5 эск. Кечирмоқ, афв этмоқ...

§ 48. Сўзларнинг стилистик жиҳатдан нейтрал маънолари ҳамма вақт олдинги ўринларга қўйилган, қолган маъноларини жойлаштиришда эса, юқоридаги принциплардан бирига амал қилинган.

§ 49. Сўзларнинг грамматик маънолари (мас. феълларнинг кўмакчи вазифасидаги маъноси, қўшма феъл ясаш функцияси, мустақил маъноли сўзларнинг ундов ёки кўмакчи вазифасидаги маъноси ва ш. к.) уларнинг ҳамма лексик маъноларидан кейин берилган.

(кўпинча биринчи компонент мақоласида) изоҳланган Бошқа мақолаларда улар иллюстратив мисол тариқасида берилган бўлиши мумкин.

§ 53. Бошқа-бошқа мақолаларда келтирилган тенг маъноли ибораларнинг бири (тўғрироғи) изоҳланиб, иккинчиси унга ҳавола қилинган. Масалан:

**БУРУН** I ...

◆ Икки қўлни бурунга суқиб (ёки тикиб) 1) қуруқ; ҳеч нарсасиз; 2) қуруқ; бенасиба.

**БАРМОҚ** ...

◆ Икки бармоқни бурунга тикиб айн. икки қўлни бурунга суқиб (ёки тикиб) қ. бурун I.

§ 54. Фразеологик бирикларнинг факультатив (тушириб қолдирилиши мумкин бўлган) қисми қавс ичига олинган. Масалан:

**БОҒ** I ...

◆ Бири боғдан (келса) бири тоғдан (келади) ...

§ 55. Луғат мақолаларида фразеологик иборалар сўзнинг қайси маъносига тегишли бўлса, шу маъно ичида берилган. Сўзнинг бирор маъносига боғли бўлмаган, изоҳталаб иборалар эса, барча лексик маънолардан сўнг, ромб (◆) белгисидан кейин жойлаштирилган.

сўз-терминларга, айрим ясама сўз формаларига иллюстратив мисол берилмаган.

§ 59. Узун мисол-цитаталар Луғатга қисқартириб олинган. Қисқартиришда цитаталарнинг изоҳланаётган сўзга бевосита алоқаси бўлмаган қисмигина тушириб қолдирилган. Цитатанинг қисқартирилган қисми ўрнига ёнма-ён икки нуқта (..) қўйилган.

§ 60. Мисол-цитаталарда «у», «бу», «шу» каби олмошлардан сўнг, зарур ўринларда, квадрат қавс ичида уларнинг кимлиги ёки нималиги кўрсатилган.

§ 61. Луғат мақолаларида келтирилган ҳар бир мисол-цитатадан сўнг манба (автор ва асар номи, шеърда эса, шоир номи) кўрсатилган.

## Сўзларнинг грамматик характеристикаси

§ 62. Луғатда сўзларнинг грамматик категориясини (қайси сўз туркумига мансублигини) кўрсатиш учун махсус белгилар системаси қабул қилинган.

§ 63. От, сифат ва феълга доир луғат мақолаларида грамматик белги кўйилмаган.

## ОТЛАР

§ 64. Отлар Луғатда бош келишида ва бирлик формасида берилган.

§ 65. Кўплик сонда фақат маълум бир соҳага оид тушунчани ифодалайдиган терминлар ҳамда халқ, қабила ва миллат номлари берилган. Халқ, қабила ва миллат номлари бирлик сонда ҳам берилиб, кўплигига ҳавола қилинган. Масалан:

**СУТЭМИЗУВЧИЛАР** зоол. Болаларини ўз сути билан боқувчи умуртқали ҳайвонлар.

**ЎЗБЕК** қ. ўзбеклар.

§ 66. Отлар турланганда от ўзагида ва аффиксда рўй берадиган фонетик ўзгаришлар тегишли грамматик белгилар билан қавс ичида кўрсатилган. Масалан:

**БУРУН** I (3-ш. бирл. бурни) I . . .

**ТОЛЕ** [а толеъ, 3-ш. бирл. толеи] I . . .

§ 67. -лик аффикси билан ясалган сўзларнинг аввал қайси сўздан ясалганлиги грамматик белги билан кўрсатилади, сўнгра лексик маъноси кўрсатилади. Масалан:

**ЯХШИЛИК** I яхши I с. белги оти...

2 . . .; меҳрибонлик; хайрли иш, эзгулик.

§ 68. Отларнинг -ча, -чоқ, -чак, -чиқ аффикслари билан ясалган эркалаш ва кичрайтиш формалари Луғатда берилмайди. Аммо мустақил лексик маъно касб этганлари тегишли грамматик белги билан кўрсатилади. Масалан:

**ТУГУНЧА** I Кичкина тугун, бўғча...

2 тугун-5 с. кичр. . . .

**ТОЙЧА** I той I 1, 2 с. кичр.-эркл. Бир яшар тойча...

2 кўча Эрка, эркатой, тойлоқ (фақат болаларга нисбатан).

**ТОЙЧОҚ** той I 1, 2 с. кичр.-эркл. . . .

## СИФАТЛАР

§ 69. Сифатлар Луғатда оддий даража шаклида берилган.

§ 70. Сифатлар бошқа сўз туркумига ўтган, масалан, отлашган ҳолларда уларнинг сифат маъносига *сфт* белгиси қўйилиб, отлашган маъносига *от* белгиси қўйилган. Сифатларнинг от ёки равиш вазифасида қўлланилиши эса, икки тик чизикдан кейин мисоллар орқали кўрсатилган. Масалан:

**ОҚ** I I *сфт* Қор, сут, пахта рангидаги...

6 *от* Оқарган тук, мўй; соч ва соқолнинг оқарган қисми...

**ЯХШИ** I Ижобий сифатга эга бўлган, бирор талабга тўла жавоб берадиган, кишига ёқадиган, маъқул бўладиган. *Яхши киши. Яхши от. Яхши баҳо. Яхши гап...* || *Яхши емоқ. Яхши киймоқ. Ўзини яхши тутмоқ.* || *Яхши ошини ер, ёмон — бошини.* Мақол.

§ 71. Сифатларнинг қоп-қора, қип-қизил, ям-яшил, сап-сарик, кўм-кўк каби интенсив формалари . . . с. инт. белгиси билан берилади.

## СОНЛАР

§ 72. Луғатда сон ва унинг турлари тегишли грамматик белгилар билан кўрсатилган. Масалан:

**ИККИ** *снқ* сон...

**ОЛТИНЧИ** *тартб* сон...

**ЎНТАЧА** *чама* сон...

**ИККИТАДАН** *тақс.* сон...

**БЕШОВ** *жамл* сон...

**ЕТТИТА** *дона* сон...

## ОЛМОШЛАР

§ 73. Луғатда кишилиқ ва эгалиқ олмошларининг бирлик ва кўплик шакллари бош сўз сифатида берилган ва тегишли грамматик белги билан кўрсатилган. Масалан:

**МЕН** (қ. к. менинг, т. к. мени) *ки. олми* I-ш. бирл. . . .

**СИЗ** *ки. олми* 2-ш. кўпл. . . .

**МЕНИКИ** *эгалиқ олми* I-ш. бирл. . . .

**БИЗНИКИ** *эгалиқ олми* I-ш. кўпл. . . .

## ФЕЪЛЛАР

§ 74. Феъллар -моқ аффиксли ҳаракат номи шаклида берилган.

§ 75. Феълнинг нисбат формалари Луғатда тегишли белгилар билан кўрсатилган. Масалан:

**ЮВИЛМОҚ** *ювмоқ фл. мажх. н.* . . .

**ЮВИНМОҚ** *ювмоқ I фл. ўзл. н.* . . .

**ЮВИНИШМОҚ** *ювинмоқ фл. бирг. н.* . . .

**ЮВИНТИРМОҚ** *ювинмоқ фл. орт. н.* . . .

§ 76. Агар феъл ёки унинг нисбатлари фақат маълум грамматик формаларда ишлағилса, бош сўз ёнида, қавс ичида махсус грамматик кўрсатмалар берилган. Масалан:

**ИНДАМОҚ** (*фақат бўлишсиз ф-да*)...

§ 77. Феълларнинг бошқаруви (яъни қандай келишиқдаги от билан ишлатилиши) асосан, изоҳ ва мисоллар орқали кўрсатилган.

Аммо феъл муайян ёки бир неча хил бошқарув талаб қиладиган ёхуд бошқа-бошқа бошқарув билан турлича маъно ифодалайдиган қийин ҳолларда, изоҳдан олдин қавс ичида, махсус кўрсатмалар берилган. Масалан:

**ТУРМОҚ** I Оёқ узра тик вазиятда бўлмоқ...

8 (*ў.-п. к. билан*) Бошқаларга нисбатан бирор мавқе эгалламоқ. *Ҳокимият тепасида турмоқ. Тўйнинг бошида турмоқ...*

§ 78. Айрим феълларнинг буйруқ майли формасида муайян ижобий ёки салбий муносабат ифодаладиган маънолари (айланай, айлансин, яшасин каби айрим мақола тарзида ёки бош сўзнинг алоҳида маъноси сифатида Луғатда берилади; улар феълнинг қандай формаси эканлиги кўрсатилиб, сўнгра изоҳланади. Масалан:

**АЙЛАНАЙ** 1 айланмоқ *фл. 1-ш. буйруқ м. ф.*

## РАВИШЛАР

§ 79. Луғатга киритилган барча равишларга, шунингдек бошқа сўзларнинг равишга ўтган маъноларига *рви* белгиси қўйилган. Равишларнинг сифат вазифасида қўлланилиши эса, икки параллел чизикдан кейин келтирилган мисоллар орқали кўрсатилган. Масалан:

## РАВИШДОШ ВА СИФАТДОШЛАР

§ 80. Луғатга киритилган айрим равишдош ва сифатдошлар куйидагича берилган: аввал уларнинг қайси феълдан ясалганлиги, сўнгра қайси сўз туркуми вазифасида қўлланилиши алоҳида-алоҳида маъно тарзида кўрсатилган. Масалан:

**ТОРТИБ** 1 тортмоқ *фл. рвишдш. Арқонни таранг тортиб боғламоқ.*

2 *унд. с.* Садаганг кетай; садақа, қурбон бўлай; ўргилай.

3 Эркалатиш ёки ҳурмат ифодаловчи мурожаат формаси...

**ЯШАМОҚ** 1 Маълум муҳлат умр кўрмоқ, ҳаёт кечирмоқ; тирик юрмоқ...

7 (*буйруқ фл. ф-да*)... Яшасин коммунизм!

**БЕВАҚТ** [*ф-т+а*] *рви* 1 Одатдаги ёки белгиланган вақтдан илгари, вақт-соати етмасдан. *Хўроз бевақт қичқирди. || Бевақт ўлим...*

2 *кўм. (ч. к. билан)* Бошлаб, эътиборан...

**ҚУРА** 1 1 кўрмоқ *фл. рвишдш. Мени кўра солиб ўрнидан турди.*

2 *кўм. (ж. к. билан)* Мувофиқ, биноан. *Комиссия чиқарган хулосага кўра.*

**КЕЛИШГАН** 1 келишмоқ *фл. сфдш.*

2 Қадди-қомати чиройли, хушбичим. *Келишган йигит...*

## ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

§ 81. Боғловчиларнинг турлари Луғатда тегишли белгилар билан кўрсатилган. Масалан:

**ВА** *биркт. боғл. ... Шаҳар ва қишлоқ...*

**ЛЕКИН** [*ф-т<а*] *зидл. боғл.*

**ЧУНКИ** [*ф-т*] *сабаб боғл.*

§ 82. Ю к л а м а л а р н и н г турлари Луғатда тегишли белгилар билан кўрсатилган. Масалан:

-да *куч. ва сўр. юкл. ...*

-а *сўр. юкл. ...*

§ 83. Кўмакчилар Луғатда *кўм.* белгиси билан

берилган, бошқа сўзларнинг кўмакчи вазифасидаги маъносига *кўм. вазифасида* белгиси қўйилган.

§ 84. Ундовлар Луғатда *унд. с.* белгиси билан берилган.

§ 85. Тақлидий ва тасвирий сўзлар *тақл. с. ва тасв. с.* белгиси билан берилган. Лекин **ТАҚ-ТАҚ**, **ЛИП-ЛИП** сингари такрор йўли билан ясалган ва иш-ҳаракатнинг такрорийлигини англатадиган тақлидий ва тасвирий сўзлар ... *с. такр.* белгиси билан берилиб, такрорланувчи компонент мақоласига ҳавола қилинган. Масалан:

**ТАҚ-ТАҚ** *тақ с. такр. Тақ-тақ (қилиб) эшик қоқмоқ...*

## Стилистик белгилар

§ 86. Ҳозирги ўзбек адабий тилида муайян сабабларга кўра қўлланиш доираси чекланган сўз ва ибораларни, уларнинг айрим маъноларини характерлаш учун махсус стилистик белгилар системаси қабул қилинган. Бу белгилар айрим сўзлар, иборалар ёки маъноларнинг қўлланиш доирасини, қандай лексик қатламга хослигини, уларнинг жанрий-услубий ва экспрессив-эмоционал хусусиятларини кўрсатади:

1) *с. т.* белгиси асосан сўзлашув тилида қўлланиладиган сўз, ибора ва уларнинг айрим маъноларига қўйилган. Масалан:

**АНУВ** *с. т.* Анави, ана у...

**ДОВЛАМОҚ** *с. т. ...*

2) *диал.* белгиси муайян бир ёки бир неча диалектларда қўлланиладиган, адабий тилга ҳали ўтмаган, аммо бадий ва илмий-оммабоп асарларда учраб турадиган сўз, ибора ва маъноларга қўйилган. Масалан:

**МУЧЧИ** *диал.* Упиш, бўса...

3) *фольк.* белгиси фольклорга, яъни халқ оғзаки ижодиётига хос асарларда учрайдиган сўз, маъно ва ибораларга қўйилган. Масалан:

**ПАЛАКҚУШ** *фольк.* Қуш кўринишга эга бўлган афсонавий учар аппарат...

**САРЖИҒА** [*ф-т*] *фольк.* Бош кийимига тақиландиган жиға...

4) *кт.* белгиси асосан ёзма нутқда, хусусан китоб ва газеталарда ишлатиладиган сўз, маъно ва ибораларга қўйилган. Масалан:

**САРАФРОЗ** [*ф-т, л. м.* боши юқори кўтарилган]

Бирор мартабага кўтарилган, бирор мартабага кўтарилиб ёки ҳурмат-эътибор ва ш. к. билан тақдир этилган, хурсанд қилинган; хурсанд, шод...

5) *позт.* белгиси асосан поэтик асарларда қўлланиладиган, ўзининг тантанаворлиги ва кўтаринкилиги билан ажралиб турадиган сўз ёки сўз маъноларига қўйилган. Масалан:

**САМОВИЙ** [*а*] *кт. 1 ...*

2 *позт.* Мовий, осмоний ранг, кўм-кўк.

**САРВ** [*ф-т*] 1 ...

2 *кўчма позт.* Қадди-қомати келишган, хушқомат аёл ҳақида...

6) *эск.* белгиси истеъмолдан чиққан ёки чиқиб бораётган сўз, ибора ва маъноларга қўйилган. Масалан:

**ИТТИҲОД** [*а*] *эск. кт.* Иттифоқ, бирлашма, уюшма.

**МУҲАНДИС** [*а*] *эск. айн. инженер.*

7) *тар.* белгиси ўтмишдаги ҳаёт ва маданиятга оид нарсга ва тушунчаларни ифодаловчи сўз ва ибораларга қўйилган. Масалан:

**БАКОВУЛ** 1 *тар.* Подшоҳ, амир, хон саройида: уларга аталган овқатни тотиб қўрувчи ва овқат тайёрлаш ишига масъул мансабдор...

8) *х.-қ.* белгиси сўз ёки иборанинг асосан хотин-қизлар нутқида хослигини кўрсатади. Масалан:

**КОҚИНДИҚ** 1 *эти.* ...

2 *х.-қ.* Жоним тасаддуқ...

**ГИРГИТТОН** *х.-қ.* ...

9) *бол.* белгиси сўз ва иборанинг болалар нутқида хослигини кўрсатади. Масалан:

**БОБОВ** *бол.* Кучук; ит.

**КАКА** *бол. айн.* ширинлик 2.

10) *сўк.* ва *қарғ.* белгилари ҳақорат ва қарғишни ифодаловчи сўз, ибора ва маъноларга қўйилган. Масалан:

**ИТ** 1 ... | *сўк.* Хайвон, махлуқ.

**ИТВАЧЧА** *сўк.* Итдан тузилган, ит боласи...

11) *салб.* белгиси салбий хатти-ҳаракат, хулқ-атвор ва ҳодисаларни ифодаловчи сўз, сўз маънолари ва ибораларга қўйилган. Масалан:

**ҚИРОАТХОНЛИҚ** 1 *дин.* ...

2 *кўчма салб.* Маъносини яхши тушуниб етмай ва танқидий кўз билан қарамай юзаки ёдлаш, юзаки ўрганиш...

12) *кест.* белгиси кинояни, кесатиқни ифодаловчи сўз ва ибораларга қўйилган. Масалан:

**АРЗАНДА** [*ф-т*] 1 Орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки қиз...

2 *кест.* Бирор кишининг ҳаммадан ортиқ кўрган суяқ кишиси, эркаси...

13) такаллуфсиз муомалада қўлланадиган сўз ва ибораларга *беткллф*, нафрат ифодаловчи сўзларга эса *нафр.* белгиси қўйилган. Масалан:

**ПАЛАПОМ** *с. т.* 1 ...

2 *кўчма беткллф, ҳазил* Ҳеч нарса билмайдиган, тажрибасиз...

### Талаффуз ва урғу

§ 90. Маълумки, сўзларнинг ёзилиши, айни вақтда, уларнинг талаффузини ҳам белгилайди. Сўзларнинг талаффузи ҳақида махсус кўрсатма, фақат уларнинг талаффузи ёзилиш шаклидан аён бўлмаган, яъни турлича ўқиш ва турлича тушунилиши мумкин бўлган ҳоллардагина берилган. Масалан:

**БА** (*а — қисқа*) *унд. с.* Баъзи ҳайвонларни чақиришда ишлатилади...

**БА** (*а — чўзик*) *тақл. с.* Қўйларнинг маъраиши ҳақида...

§ 91. Ўзбек адабий тилида урғу, одатда, сўзларнинг охириги бўғинига тушади. Шунга кўра Луғатда, умумий ҳолларда сўзларнинг урғуси кўрсатилмаган. Лекин айрим ҳолларда, хусусан араб ва форс-тожик тилларидан

**СОТҚИН** *нафр.* Ўз виждонини сотиб қарши томонга ўтган; сотилган, хоин...

14) Луғатда эрқалаш маъносини билдирадиган сўз ва ибораларга *эркл.*, ҳазил юзасидан айтиладиган сўз ва ибораларга *ҳазил* белгиси қўйилган. Масалан:

**ОНАЖОН** *эркл.* Онаси ёки кекса аёлни севиб, эрқалатиб, уни жуда яқин олиб мурожаат этиш формаси...

**КАПАЛАК** ...

◆ **Капалаги учди ҳазил** 1) жуда қўрқиб кетди...;

2) аччиғланди, ғазабланди...

§ 87. Луғатда илм-фан, техника, санъат ва умуман кишилиқ фаолиятининг айрим соҳаларидагина ишлатиладиган сўз-терминларга махсус белгилар қўйилган. Масалан:

**ДАРАЖА** [*а*] 1 *мат.* ... 70 *даражали бурчак.*

2 *физ.* ...

**ГИЛВАТА** [*ф-т*] *геол.* Юмшоқ, кул ранг тоғ жинси...

**ГОРМОН** [*р < грек*] *физиол.* ...

§ 88. Тор доирада қўлланадиган, аммо қайси соҳага оидлигини аниқлаш қийин бўлган ёки бир неча учун муштарак сўз ва ибораларга *махс.* (махсус) белгиси қўйилган. Масалан:

**ДАҲА** III *махс.* Ипак қуртининг уйқуга кириш палласи, ёши ...

§ 89. Стилистик белгилар сўзларнинг грамматик хараakterистикасидан кейин қўйилган. Бунда қуйидаги вазият ҳисобга олинган:

1) стилистик белги агар сўзнинг барча маъноларига алоқадор бўлса, у бевосита бош сўздан кейин, араб рақами олдидан қўйилган. Масалан:

**ОЙИМТИЛҲА** *с. т.* 1 Меҳнатга тоби йўқ, қўлини совуқ сувга урмайдиган аёл; оқсуяк аёл...

2) стилистик белги сўзнинг айрим маъносига оид бўлса, шу маънони кўрсатувчи араб рақамидан кейин қўйилган. Масалан:

**ОЙИМСУПУРГИ** 1 ...

3 *кўчма манф.* Супургидай эгилиб-букиладиган, мулойим одам ҳақида ...

ўзлаштирилган сўзларда урғу биринчи ва охиридан олдинги бўғинларга тўғри келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда урғу кўрсатилган. Масалан:

**АЛБАТТА** [*а*] *модал с.* ...

**БАЪЗАН** [*а*] *реш...*

§ 92. Сўз урғусининг ўрни билан бир-бирдан фарқ қиладиган омографларнинг урғулари албатта кўрсатилди. Масалан:

**БАЛЛИ** [*ф-т*] *унд. с.* ...

**БАЛЛИ** I Белгили балл кучига эга бўлган...

**АТЛАС** ...

**АТЛАС** ...

Шунингдек рус тилидан ўзлаштирилган сўзларда ҳам урғу кўрсатилган.



## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМА ВА

### БЕЛГИЛАР РҮЙХАТИ

**а** — арабча  
**ав.** — авиацияга оид термин  
**ад.** — адабиётга, адабиётшуносликка оид термин  
**айн.** — айнан  
**айр. боғл.** — айирувчи боғловчи  
**айр. юкл.** — айирувчи юклама  
**анат.** — анатомик термин  
**аниқл. боғл.** — аниқловчи боғловчи  
**археол.** — археологияга оид термин  
**архит.** — архитектурага оид термин  
**астр.** — астрономияга оид термин  
**белг. олми** — белгилаш олмоши  
**бетакаллуф** муомалада қўлланиладиган сўз, ибора  
**биол.** — биологияга оид термин  
**бирг. н.** — биргалик нисбати  
**биркт. боғл.** — бириктирувчи боғловчи  
**бирл.** — бирлик сон  
**б. к.** — бош келишик  
**бнк.** — бинокорликка оид термин  
**бол.** — болалар нутқиға хос, болалар ишлатадиган сўз  
**бот.** — ботаникага оид термин  
**боғ.** — боғдорчиликка оид термин  
**боғл.** — боғловчи  
**бухг.** — бухгалтерияга оид термин  
**ва ш. к.** — ва шу кабилар  
**вет.** — ветеринарияга оид термин  
**вульг.** — вульгар сўз, ибора  
**г** — грамм  
**голл.** — голландча  
**грек** — грекча  
**геогр.** — географияга оид термин  
**геол.** — геологияга оид термин  
**геом.** — геометрияга оид термин  
**геод.** — геодезияга оид термин  
**геофиз.** — геофизикага оид термин  
**гидр.** — гидрологияга, гидротехникага оид термин  
**грам.** — грамматикага оид термин  
**гум. олми** — гумон олмоши  
**дағл.** — дағал, қўпол сўз, ибора  
**денг.** — денгизчилик ишига оид термин  
**диал.** — диалектал сўз, диалектизм  
**дин.** — диний сўз, ибора  
**дип.** — дипломатик термин  
**жамл. сон** — жамловчи сон  
**жарг.** — жаргон сўз, ибора  
**ж. к.** — жўналиш келишиги  
**зидл. боғл.** — зидловчи боғловчи  
**зоол.** — зоологияга оид термин  
**ингл.** — инглизча  
**инт.** — интенсив форма  
**итал.** — итальянча  
**й** — йнл  
**ий.** — йиллар  
**к.** — келишик  
**кам. қўлл.** — кам қўлланиладиган сўз, ибора  
**камс.** — камситишни ифодаловчи сўз, ибора

**карт.** — карта ўйинига оид сўз, термин  
**кг** — килограмм  
**кест.** — кесатиқ, киноя англатадиган сўз, ибора  
**кино** — кинематографияга оид термин  
**кириш с.** — кириш сўз  
**кичр.** — кичрайтириш формаси  
**киш. олми** — кишилик олмоши  
**км** — километр  
**ком.** — коммерцияга оид термин  
**кон.** — кончиликка оид термин  
**қул.** — қулинарияга оид термин  
**кт.** — китобий сўз, ибора  
**куч. юкл.** — кучайтириш юкламаси  
**кўм.** — кўмакчи  
**кўпл.** — кўплик  
**кўрс. олми** — кўрсатиш олмоши  
**кўчма** — кўчма маънода, кўчма маъноси  
**л** — литр  
**лат** — латинча  
**лингв.** — лингвистикага оид термин  
**л. м.** — луғавий маъноси  
**лог.** — логикага оид термин  
**м** — метр  
**мавх. от** — мавҳум от  
**мажх. н.** — мажҳул нисбати  
**мактубий** — мактубий услуб  
**мас.** — масалан  
**мат.** — математикага оид термин  
**махс.** — махсус термин  
**мг** — миллиграмм  
**мед.** — медицинага оид термин  
**метеор.** — метеорологияга оид термин  
**мех.** — механикага оид термин  
**мин.** — минералогияга оид термин  
**миф.** — мифологияга оид термин  
**млн.** — миллион  
**мм** — миллиметр  
**модал с.** — модал сўз  
**муз.** — музикага оид термин  
**мўғ.** — мўғулча  
**н.** — нисбат (фёъл нисбати)  
**нафр.** — нафрат, жирканиш англатадиган сўз, ибора  
**нем** — немисча  
**неол.** — неологизм  
**ов.** — овчиликка оид термин  
**опт.** — оптикага оид термин  
**орт. н.** — ортторма нисбат  
**палеонт.** — палеонтологияга оид термин  
**пед.** — педагогикага оид термин  
**полигр.** — полиграфияга оид термин  
**поляк** — полякча  
**поэт.** — поэтик сўз, поэзияда ишлатиладиган сўз, ибора  
**психол.** — психологияга оид термин  
**р** — русча сўз, рус тилидан ўзлаштирилган  
**рвш** — равнш  
**рвшдиш** — равншдош  
**радио** — радиотехникага оид термин

*расм.*— расмий нутқда ишлатиладиган сўз  
*с.*— сўз  
*сабаб боғл.*— сабаб боғловчиси  
*салб.*— салбий маънони ифодаловчи (номақбул) сўз, ибора  
*санскр* — санскрит  
*снт* — санъатга оид термин  
*сиёс.*— сиёсий термин  
*снқ сон* — саноқ сон  
*спорт.*— спорт ва физкультурага оид термин  
*с. т.*— сўзлашув тилида (оғзаки нутқда) қўлланиладиган сўз, ибора  
*суғд* — суғдча  
*сфт* — сифат  
*сфтди* — сифатдош  
*сўк.*— сўкиш ёки койишни ифодалайдиган сўз, ибора  
*сўр. олми* — сўроқ олмоши  
*сўр. юкл.*— сўроқ юкламаси  
*такр.*— такрорий сўз  
*тар.*— тарихга оид, тарихий термин  
*тартиб сон* — тартиб сон  
*тасв. с.*— тасвирий сўз  
*тат* — татарча  
*таъкид юкл.*— таъкид юкламаси  
*тақл. с.*— тақлидий сўз  
*тақс. сон* — тақсим сон  
*театр.*— театрга оид термин  
*тех.*— техникага оид термин  
*т. к.*— тушум келишиги  
*т. й.*— темир йўлга оид термин  
*топ.*— топографияга оид термин  
*турк* — туркча  
*туркм* — туркманча  
*тўқм.*— тўқимачиликка оид термин  
*унд. с.*— ундов сўз  
*ф.*— форма  
*ф-да* — формасида  
*фарм.*— фармацевтикага, фармакологияга оид термин  
*физ.*— физикага оид термин

*физиол.*— физиологияга оид термин  
*филос.*— философияга оид термин  
*фин.*— финанс, молияга оид термин  
*фл.*— феъл  
*фл. иш оти* — феълидан иш оти  
*фольк.*— фольклорга оид сўз  
*фото* — фотографияга оид термин  
*фр* — французча  
*ф-т* — форс-тожикча  
*хим.*— химияга оид термин  
*хит* — хитойча  
*х.-қ.*— хотин-қизлар нутқида хос, хотин-қизлар нутқида ишлатиладиган сўз, ибора  
*ч. к.*— чиқиш келишиги  
*ш.*— шахс  
*шарт боғл.*— шарт боғловчиси  
*шаҳм.*— шахматга оид термин  
*эгалик олми* — эгалик олмоши  
*эк.*— экономика, иқтисодга оид термин  
*эл.*— электрга, электротехникага оид термин  
*эргш. боғл.*— эргаштирувчи боғловчи  
*эркл.*— эркалашни ифодалайдиган сўз, ибора  
*эск.*— эскирган сўз, ибора  
*этно.*— этнографияга оид термин  
*юкл.*— юклама  
*юр.*— юридик термин  
*юқ. усл.*— юқори услуб  
*ўзл. н.*— ўзлик нисбати  
*ўзл. олми* — ўзлик олмоши  
*ў.-п. к.*— ўрин-пайт келишиги  
*қ.*— қаранг  
*қарғ.*— қарғиш сўзи, ибораси  
*қ. к.*— қаратқич келишиги  
*қ. х.*— қишлоқ хўжалигига оид термин  
*ғалат* — нотўғри ишлатилган (ёзилган) сўз  
*ҳазил* — ҳазил қилиб айтилган сўз, ибора  
*ҳарб.*— ҳарбий  
*ҳинд* — ҳиндча

## ЎЗБЕК АЛФАВИТИ

Аа	Жж	Нн	Фф	Ээ
Бб	Зз	Оо	Хх	Юю
Вв	Ии	Пп	Цц	Яя
Гг	Йй	Рр	Чч	Ўў
Дд	Кк	Сс	Шш	Ққ
Ее	Лл	Тт	Ъъ	Ғғ
Ёё	Мм	Уу	Ьь	Ҳҳ

# А

**А** I Ўзбек алфавитининг биринчи харфи ва шу харфнинг номи.

**А** II *видл. боғл.* «Аммо», «аксинча», «акс ҳолда» маъноларида қўлланиб, қиёсланаётган гап ёки гап бўлакларини боғлаш учун хизмат қилади.— *Хўш, ваъданг қанча? — Қирқ центнердан. — А қизларчи? — Юэ!* Ойбек, О. в. шабадалар.

-а *сўр. юкл. (унлилардан кейин -я; баъзан алоҳида ёзилади)* I Сўроқни кучайтиради ёки таъкидлайди; тааж-жубни, забани ифодалайди. *Билмайман эмиш-а? — Агар янглишмасам, Сиз тошкентлик бўласиз, а?* П. Турсун, Ҳ. Қитувчи. *Ху ... уйинг куйгур, шу қари Ибод-а? Уғри, жиноятчи бўлиб чиқди-я?* Айний, Жаллодлар. *Улар ишининг ривожланишини орзу қилишим керак эмиш-а?* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 «Нима?», «нима дедингиз?» маъносига сўроқни ифодалайди.— *Ун тўрт сўм берасиз. — А, ўн тўрт сўм?* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АБАД** [а] I *от* Охири, поёни йўқ келажак замон; мангулик. **То** абад умрбод, ҳамиша, доимо. *Кўкрагимда яшнар то абад, Ҳаёт тақиб қўйган гулдаста.* Уйғун.

2 *рвш* Мангу, абадий, умрбод. *Икки нарса бир-бирига абад йўлдошидир, Бири тигдор аёз бўлса, бири қуёшидир.* Ё. Мирза.

**АБАДИЙ** [а] Вақт эътибори билан охири, поёни бўлмаган; мангу, доимий. *Абадий дўстлик. Абадий хотира.* || *Муҳаббат бой зиндонидан абадий қутулган ва у бойнинг бутун сирларини олиб қочган эди.* Айний, Қуллар.

**АБАДИЙЛАШ** Абадий унутилмайдиган, бузилмайдиган, йўқолмайдиган қилиш; авлодларга мангу қолдириш. *Улуғ шоирнинг хотирасини абадийлаш.*

**АБАДИЙЛАШТИРМОҚ** Абадий унутилмайдиган, йўқолмайдиган, бузилмайдиган қилмоқ; авлодларга мангу қолдириш. *Ёзувчининг хотирасини абадийлаштирмоқ.*

**АБАДИЙЛИК** Доимийлик, мангулик. *Материянинг абадийлик қонуни.*

**АБАДИЯ** [а]: саодати абадия *эск. кт.* донмий бахт, кетмас бахт. *Бу байроқ машғал бўлиб, саодати абадия йўлини ёритди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АБАДИЯН** [а] *рвш, кт.* кам қўлл. Абадий суратда. *Султонмурод у қиз-*

*нинг абадиян қўлдан кетганлигига ишонади.* Ойбек, Навоий.

**АБАДИЯТ** [а] *кт.* кам қўлл. Абадийлик, мангулик. *Нур сочилган, гул очилган баҳор тунда Абадият қўшиғига солардим қулоқ.* Уйғун.

**АБАДУЛОБОД** [а] *рвш, эск.* Доимо, ҳамиша, абадий.

**АБАЖУР** [р < фр] Ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун лампа устига ўрнатиладиган қалпоқ. *Чинни абажур. Шойи абажур. Шифтда абажур осиглик.*

**АБАС** [а] *эск. кт.* Фойдасиз, беҳуда. *Бевафодир бу жаҳон, суду зиён барча абас.* Нодира.— *Шундай гулгула, саросима замонда ҳамма муттасил ўз оила ташвиши билан банд бўлганда ярим тилла сўрамоқ абасдур,— деди маддоҳ йиғилган халойиққа.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**АББАТ** [р < лат] I Католик эркаклар монастирининг бошлиғи.

2 Францияда: католиклар руҳонийси.

**АББОСИЙЛАР** *тар.* Бағдод халифалигида 750—1258 милодий йилларда ҳукмронлик қилган араб халифалари сулоласи.

**АББРЕВИАТУРА** [р < итал] *лингв.* I Қисқартма қўшма сўзлар, мас. колхоз (коллектив хўжалик), райижроком (район ижроия комитети), драмтўгарак (драматик тўгарак). | Бир неча сўзнинг бош ҳарфларидан тузилган қисқартмалар, мас. КПСС, СССР, ЎзССР, ТАСС.

2 Шартли қисқартмалар, мас. ва ҳ. к. (ва ҳоказо), ва ш. к. (ва шу кабилар), қ. (қаранг).

**АБГОР** [ф-т афгор] Ёмон аҳволга тушиб қолган; ночор, хароб. *Умарқул абгор бир аҳволда ўрнидан туриб, ҳуржунини очди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Шу залда тўрт йилгача абгор, Бирор ишнинг бошин тутмай юрмиш бекор.* Ғ. Фулом, Қўкан. *Беш машина бостирма тагида ёнма-ён турарди. Кўп қисмлари йўқ, борларини занг босган, абгор.* Й. Шамшаров, Довруғ. *Абгор бўлиб қолган чоллар, кампирлар рўпара келган жангчининг бўйнига осилиб йиғлашади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**АБГОРЛИК** I абгор с. белги оти.

2 Ёмон, ночор аҳвол, ночорлик.

*Бойлар ва руҳонийлар қувватлаб келган бу хурофий урф-одатлар кўп қосиб ва деҳқонларнинг.. абгорлик билан ҳаёт кечиришларига сабаб бўлар эди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**АБДОЛ** [а] *эск. кт.* I Художў, диндор.

2 Девона, телба.

**АБДОЛВАШ** [а+ф-т] *эск. кт.* Қаландарсифат, содда.

**АБЕРРАЦИОН** [р аберрационный] Абберацияга оид. *Абберрацион ҳодиса.*

**АБЕРРАЦИЯ** [р < лат] I *биол.* Маълум бир навга мансуб хайвонлар организмда пайдо бўладиган ўзгалик, ўзгарувчанлик, ўзгариш.

2 *физ.* Ёруғлик нурларининг линза орқали ўтишида линза фокусидан оғиши, четга чиқиш ҳодисаси. **Сферик абберрация** нурларнинг фокусдан оғиши натижасида тасвирнинг хираланиб, чаплашиб тушиши. **Хроматик абберрация** қуёш ва ш. к. нурининг линзадан ўтиб, таркибий рангларга ажрallаниши, товланиши.

3 *астр.* Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланиши натижасида юлдузларнинг асл ўрнидан бир оз силжиганга ўхшаб кўриниши.

**АБЖАД** [а] Араб ҳарфларидан тузилган ва ҳар қайси ҳарфнинг сон қийматини ҳамда қадимий араб алфавити сирасини эсда сақлаш учун ўйлаб чиқарилган саккизта сўздан биринчисининг ва шу саккиз сўз мажмуининг номи. **Абжад ҳисоби ёки ҳисоби абжад** эски араб ҳарфларининг абжад сирасидаги сон қийматига мувофиқ бир сўз ёки иборадан маълум бир сон, санок, тарих чиқариш.

**АБЖАҚ:** **абжақ бўлмоқ** мажақ, пачақ бўлмоқ, дабдала бўлмоқ, ишдан чиқмоқ. **Абжақ қилмоқ** мажақ қилмоқ, дабдала қилмоқ, ишдан чиқармоқ. **Абжағи чиқди** пачақ, мажақ бўлди, мажағи чиқди, ишдан чиқди. **Абжағини чиқармоқ айн.** **абжақ қилмоқ.**

**АБЖАҚЛАМОҚ** *кам қўлл.* Абжақ қилмоқ, абжағини чиқармоқ, дабдала қилмоқ.

**АБЖАҚЛАНМОҚ** **абжақламоқ** *фл. мажж. н.*

**АБЖИР** Оёқ-қўли, тез, эпчил, чаққон. **Абжир бола.** — *Йўлчибой.. барвастилигига қарамасдан абжиргина йигит.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АБЖИРЛИК** I абжир с. бели оти.

2 Эпчил ҳаракат, эпчиллик, чаққонлик. *От мункиб кетганда эгарнинг устидан думбалоқ ошиб тушган паранжисиз қиз ўйноқи каптардай абжирлик билан ўзини ўнгариб олди-да, жувонга ёрдам бергани шошилди.* А. Қаҳҳор, Мاستон.

**АБЗАЛ** [ф-т < афзор] От-уловни эгарлаш ёки аравага қўшиш учун зарур асбоблар мажмуи; эгар-жабдуқ. — *Мана буларни ямаб қўй, — деб жаҳл билан олдиға узилган-юлинган бир тўда қайиш, жазлик, юган — от абзалларини, бир бигиз ва бир неча тикиш билан улоқтирди.* Ғ. Ғулум, Тирилган мурда. *От абзалин шайлади, Ўқ-анжомин бойлади.* «Фольклор».

**АБЗАЛЛАМОҚ** Эгарламоқ, эгар-жабдуқ урмоқ. Ёрнинг ички мани бунда бўзлатти, Абзаллаб минарман бу қора отти. «Муродхон».

**АБЗАЛЛАНОМОҚ** абзалламоқ фл. мажх. н. Абзалланган от.

**АБЗАЛЛАТМОҚ** абзалламоқ фл. орт. н. Отни абзаллатмоқ.

**АБЗАЦ** [р < нем] I Хат боши, сатр боши. Янги абзацдан ёзмоқ.

2 Иккита хат боши орасидаги текст. *Уч абзацни ўқимок.*

**АБИРА** кт. айн. эвара.

**АБИТУРИЕНТ** [р < лат] Ўрта мактабни бўтириб, олий ўқув юртига кираётган киши.

**АБЛАК** [а] Чипор, чавкар (от туси ҳақида).

**АБЛАХ** [а] I Бемаъни, нодон. [Имом] Сафар бўзи каби бир «аблаҳ» билан бахслашиб, ўзига нега бунча хафалик орттирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўтакетган қабиҳ, ярамас, разил. *У аблаҳ бир эшон экан.* Н. Мақсудий, Юксалиш. *Маст, аблаҳ Тантубой-ваччага яна қаттиқроқ-сапирмаганига афсусланди.* Ойбек, Қутлуғ қон. I сўк. *Аҳмоқ, тентак, ярамас. Ие, аблаҳ, бошқа гап қуриб қолдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АБЛАХЛАРЧА** рвш I Нодон кишилардек, аҳмоқона.

2 Қабиҳларча, разилларча, разилана.

**АБЛАХЛИК** I аблаҳ с. белги оти.

2 Нодонларча хатти-ҳаракат, тентақлик. *Чамаси Султонали аблаҳлик қилиб, Анварни бад олдириб қўйган ва тонг вақти, улар уйқуда экан чоғда, ғойиб бўлиб, яна шубҳани орттирган бўлса керак.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Қабиҳ, разил хатти-ҳаракат. *Бош вазир жаноблари, бу кўрнамак билан қадрдон дўст эдик, бундай аблаҳлик қилишига сира кўзим етмас эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**АБЛАХОНА** [а+ф-т] айн. аблаҳларча. *Лекин Гуландом билан сўзлашган сари у баъзи қўпол ҳаракатлардан, аблаҳона қилиқлардан ўзини тийишига тириша бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АБОНЕМЕНТ** [р < фр] Бирор нарсадан, мас. театрдаги ўриндан, маълум бир муддат ичда фойдаланиш ҳуқуқи ва шу ҳуқуқдан фойдаланиш учун берилган хужжат, талон, обуна. *Қутубхоналараро абонемент.* Абонемент хақи. Абонемент олмақ.

**АБОНЕНТ** [р < нем] Абонементдан фойдаланувчи, абонемент эгаси; обуначи. *Қутубхона абоненти.* Абонент бўлмақ. *Мингта абонентга хизмат қиладиган телефон станцияси.*

**АБОРТ** [р < лат] Бола олдириш, бола тушириш; бола ташлаш.

**АБОРТИВ** [р абортивный] I мед. Оғриқни таққа тўхтатадиган, қолдирадиган; касални тубдан даволайдиган. *Абортив даволаш.* *Абортив воситалар.*

2 биол. Ўсмай қолган, ривожланмаган; мажмағил, чала. *Ўсимликларнинг абортив органлари.*

**АБР** [ф-т] эск. кт. айн. булут I. *Абри найсон баҳорги ёмғир булут.* *Абри навбахор эрта баҳор булут.* *Чун абри навбахор худди эрта баҳор булутидек.* *Зор-зор чун абри навбахор йиғлаб, Қелажакнинг балки шоиридир, Балки люллен-пролетари ушбу ғазални айтай.* Ғ. Ғулум.

**АБРАЗИВ** [р < фр] қ. абразивлар. || *Абразив буюмлар.* *Абразив материаллар.*

**АБРАЗИВЛАР** Металл, ойна, ёғоч ва ш.к.нинг юзини силлиқлаш, жилолаш, пардозлаш, шунингдек асбобларни чархлаш учун ишлатиладиган майда заррали жуда қаттиқ моддалар.

**АБРИШИМ** [ф-т] эск. I айн. ипак.

2 Ипак газлама, шойи. || *Унинг эғнида. ранг-баранг порлаган қизил абришим тўн.* Ойбек, Навоий.

**АБРҮ** [ф-т] поэт. Қош.

**АБРУКАМОН** [ф-т] поэт. Қайрилма қош, қошлари қайрилган. *Абрукамон қиз.* || *Қулбачча ва чўрлар орасида абрукамон, мўрчамён, пистадаҳан, марварид дандон, лабихандон, маҳитобан, сарваиронлари жуда кўп.* Айний, Қуллар.

**АБСЕНТЕИЗМ** [р < лат] Буржуа мамлакатларида меҳнаткашларнинг антидемократик сайловларда қатнашувдан бош тортиши, шунингдек коллегиял орган аъзоларининг шу органлар мажлисларида мунтазам қатнашувдан бош тортиши.

**АБСОЛЮТ** I [р < лат] филос. I Идеалистик философияда ва динда: бутун мавжудотнинг азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асоси (руҳ, идея, илоҳ, худо).

2 Мустақил аҳамиятга, мазмунга эга бўлган, бошқа нарсаларга, ҳодисаларга боғламай қараладиган, бошқа ҳеч нарса, ҳодиса билан сабабий боғланмаган нарса, ҳодиса.

**АБСОЛЮТ** II [р абсолютный] I Бошқа нарсаларга, ҳодисаларга нисбат бермай, қиёс қилмай, боғланмай олинган, мутлақ. *Аҳолининг абсолют*

*ўсиши аҳолининг сон жиҳатидан ўсиши (нисбий ўсиш эмас).*

2 Мутлақо, бутунлай, тамомила. *Беморга абсолют тинчлик керак.*

◆ **Абсолют катталиқ мат.** плюс (+) ва минус (−) ишорасиз олинган катталиқ. **Абсолют монархия қ. монархия.** **Абсолют нуль физ.** эриши мумкин бўлмаган энг паст температура (−273°С). **Абсолют температура физ.** 273°Сдан ҳисобланган температура. **Абсолют чемпион** спортнинг бир ёки бир неча тури бўйича энг кўп очко тўплаб ёки ғалаба қозониб биринчиликни олган спортчи.

**АБСОЛЮТИЗМ** [р < лат] Олий ҳокимият батамом бир шахс қўлида бўлган давлат тузуми, чекланмаган монархия, самодержавие.

**АБСОЛЮТИСТ** [р] Абсолютизм таърифори.

**АБСОРБЦИЯ** [р < лат] физ., хим. Ютиш, синдириш; ютилиш, синдирилиш, шимилиш. *Ёруғлик абсорбцияси.* *Товуш абсорбцияси.* *Газ абсорбцияси.*

**АБСТРАКТ** [р абстрактный] Абстракцияга, абстракциялаштиришга асосланган; мавҳум. **Абстракт тушунча.** **Абстракт сон.** || **Абстракт фикрлаш.** — *Объектив реалликни билишнинг диалектик йўли — жонли мушоҳададан абстракт тафаккурға ва ундан практикаға ўтишдан иборатдир.* В. И. Ленин, Фалсафа дафтарлари.

**АБСТРАКТЛАШТИРИЛМОҚ** абстрактулаштириш фл. мажх. н.

**АБСТРАКТЛАШТИРИМОҚ** Нарса ёки ҳодисаларнинг муҳим ва муайян белги ва қонуниятларини ажратиш мақсадида уларнинг баъзи жузъий томонларини ёки боғланишларини фикран бир чеккага қўйиб туриб фикр юртакмоқ.

**АБСТРАКТЛИК** Абстракцияга асосланганлик, мавҳумлик. *Тафаккурнинг абстрактлиги.*

**АБСТРАКЦИОНИЗМ** [р] Санъатда: реал борлиқни акс эттиришдан воз кечувчи, предмет ёки ҳодисаларни шартли чизиқлар, нуқталар ва шакллар билан таъсирлашга интилувчи формалистик оқим.

**АБСТРАКЦИОНИСТ** [р] Абстракционизм принциплариға асосланувчи расом, хайкалтарош.

**АБСТРАКЦИЯ** [р < лат] I Нарса ёки ҳодисаларнинг муҳим ва муайян белги ва қонуниятларини ажратиш мақсадида уларнинг баъзи жузъий томонларини ёки боғланишларини фикран бир чеккага қўйиб туриб фикр юритиш.

2 Мавҳум тушунча, абстракциялаштириш йўли билан ҳосил қилинган назарий умумлаштирма, назарий хулоса.

**АБСЦЕСС** [р < лат] мед. Тўқима ёки органларнинг йиринг боғлаши; йиринг йиққан, газак олган жой.

**АБСЦИССА** [р < лат] мат. Фазодаги

нуқтанинг ўрини аниқлаб берувчи уч координатадан бири (қ, координата).

**АБХАЗ** қ. абхазлар.

**АБХАЗЛАР** Абхазия АССРнинг асосий аҳолиси, абхаз халқи.

**АВАЙЛАБ** 1 авайламоқ *фл. рвдиди*. 2 *рви* Эҳтиётлик билан, эҳтиёт қилиб. *Қоратой билан Уроз йиғитни авайлаб кўтариб.. халқ ичига шўнғиди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АВАЙЛАМОҚ** Эҳтиёт қилмоқ, аямоқ; пахтахламоқ. *Сени авайлайман. Одамларнинг безгак пашишдай ғинғиллашини эшитиб, чехранг бузилмасия дейман*. А. Қаҳҳор, Сароб.

**АВАЙЛАШМОҚ** авайламоқ *фл. бирг. н.*

**АВАНГАРД** [*р < фр*] 1 Ҳарбий кучларнинг ёки флотнинг душман томон юришида асосий кучлари олдида борувчи илғор қисми. 30 октябрь кечаси душман марказ группасининг авангард қисмлари Чайка дарёси бўйига чиқиб, Қизил Армия кучларининг арьергарди билан тўқнашди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Бирор ижтимоий группа ёки синфнинг олдинги сафида борувчи, илғор, етакчи қисми. *Партия — синфнинг авангардидир, бинобарин унинг вазифаси — асло омманинг ўрта ҳолатини ақс эттиришдан иборат эмас, балки оммане ўз кетидан эргаштириб боришдан иборат*. В. И. Ленин, Аграр масала ҳақида 14(27) ноябрда сўзланган нутқ.

**АВАНГАРДЛИК** Олдинги сафларда бориш, етакчилик, илғорлик. *Ишчилар, инженер-техник ходимлар.. коммунистлар авангардидида энг шимариб ишга киришдилар*. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 252.

**АВАНПОСТ** [*р < фр*] Илғор соқчи пост ва уни жойлашган ер.

**АВАНС** [*р < фр*] Бирор иш юзасидан кейинчалик ҳисоб бериш шарти билан олдиндан бериладиган пул, озиқ-овқат ва ш. к.; бўнак. *Аванс бермоқ. Аванс олмақ. Қолхоз аъзоларига пул ва ғалла аванс берилди*.

**АВАНТЮРА** [*р < фр*] Реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмамай таваккалга бошланган, охири вой, шубҳали иш, ҳатти-ҳаракат. *Ҳарбий авантюра*.

**АВАНТЮРАЧИ** *айн.* авантюрист. **АВАНТЮРИЗМ** [*р*] Осонгина муваффақиятга эришиш, фойда олишни кўзлаб таваккалчилик билан қилинган иш, ҳатти-ҳаракат; авантюрага мойиллик. *Сийсий авантюризм*.

**АВАНТЮРИСТ** [*р*] Авантюризмга, авантюрага мойил одам; авантюрачи, таваккалчи.

**АВАНТЮРИСТІК** [*р* авантюристический] Авантюрага, авантюризмга асосланган; авантюристларга хос бўлган. *Импрериалистларнинг авантюристический сисемати*.

**АВАНТЮРИСТЛИК** 1 авантюрист *с. белги оти*.

2 *айн.* авантюризм.

**АВАР** қ. аварлар.

**АВАРИЯ** [*р < итал*] Кема, самолёт, машина, қурилма ва ш. к.нинг ишлаб турган вақтида бузилиши, синиши ёки ҳалокатга учраши. *Авария синали. Авария ҳолати. Аварияга учрамоқ. Авария бригадаси авариянинг олдини олиш ёки оқибатларини йўқотиш учун тузилган бригада*.

**АВАРЛАР** Догистон АССР ва Озарбайжон ССР аҳолисининг бир қисмини ташкил этган халқ; авар халқи.

**АВАХТА** [*р* гауптвахта] *с. т. эск.* Қамоқ уйи, қамаш жойи, қамоқхона, турма. *Оқ пошшонинг авахтаси ҳам кўп, Сибири ҳам кенг*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Авахта қилмоқ** қаммоқ, қамоққа олмақ.

**АВАҒА** 1 *айн.* чевара.

2 Узоқ қариндош, чатишган қариндош. **Авағанинг авағаси, умуртқанининг шўрваси кест**. жуда узоқ, чатишган қариндош ҳақида.

**АВБОШ** [*ф-т*] *эск.* Безори, бевош. *Шаҳарнинг машур «авбошларидан бир тўғи, бир-бирлари билан баслашгандай, қосаларни пайдар-пай сипқиршишди*. Ойбек, Навоий.

**АВВАЛ** [*а*] 1 *от* Бошланиш пайти, вақти; бош, илк пайт. *Авал бошдан. Аввалдан охир*.

2 *рви* Илгариги вақтларда; илгари, бурун. [*Гулнор Мирзакаримбойга:*] *Тиркичилигимиз аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Ўзингиз билсангиз керак*. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *рви* Ҳаммадан олдин; олдин, дастлаб, даставвал. *Авал таом, баъдаз калом*. Мақол. — *Уч томони қамиш билан ўралган ҳовлига аввал Сидиқжон кирган эди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 *кўчма*. (б. к. ва ч. к. билан) Бирор воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган вақтдан олдин бўлганлигини билдиради. *Учрашувимиздан аввал. Бундан тўрт йил аввал*. — *Мана сўнги хотира: икки ярим йил аввал меҳрибон она уни шаҳарга узатади*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АВВАЛАМБОР** [*а+ф-т*] *кириш с.* Аввали шуки, аввало. — *Авваламбор, — деди зардаси қайнай бошлаб Холмирза, — менинг бригадамда сизбоп иш йўқ*. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**АВВАЛАН** [*а*] *айн.* аввало.

**АВВАЛГИ** Вақт эътибори билан бошқасидан олдин, илгари бўлган; илгариги, олдинги, бурунги. *Аввалги хат. Аввалги вағда. Урундан аввалги йиллар*. — *Йўлчи тилсиз каби ғайришунурий равишда бошини чайқади ва аввалги вазиятда қотди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АВВАЛГИДАЙ**, -дек *рви* Аввал ёки аввалги қандай бўлса, шундай; илгаригидай, боғидай, бурунгидай. *Бу ерда ҳеч ўзгартиш йўқ, ҳамма нарса аввалгидай*. — *Лектор четга қараб, аввалгидай паст товуш билан: — Эшик-*

*ни ёнинг, — деди*. П. Қодиров, Уч илдиз.

**АВВАЛГИЧА** *айн.* аввалгидай.

**АВВАЛИ** [*а*] 1 *айн.* аввал.

2 *рви* Бошда, аввал бошда. *У аввали севинди, кейин ўйланиб қолди*.

3 *кириш с.* Биринчидан. *Аввали, бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма*. А. Қаҳҳор, Мастон. **Аввали шуки** биринчидан, авваламбор. *Аввали шуки, ухлаганим йўқ, ундан кейин... А. Қаҳҳор, Қўшчинор*.

**АВВАЛО** [*а*] 1 *рви* Энг аввал, даст-аввал, дастлаб, биринчи галда. — *Тақсир, — деди Олахўжа махсум отдай пишқириб, — агар бу киши болаларни ўқитмоққа келган бўлса, аввало унинг ўзини ўқитмоқ лозим*. П. Турсунов, Ўқитувчи.

2 *кириш с.* Аввали шуки, биринчидан. — *Авало, менинг уйим йўқ, ўндан кейин мени муборакбод қилиб турган танишларим ҳам йўқ, — деди Анвар қўл силтаб*. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**АВГУСТ** [*р < лат*] Янғича йил ҳисобида саккизинчи ой.

**АВЖ** [*а*] 1 Бирор ҳодисанинг, процесснинг энг қизиган пайти, кучайган, зўрайган вақти, юқори нуқтаси, юксак даражаси, чуққиси. *Биринчи қадамда, биринчи бўлиб, Экилган чигитнинг авжини кўрсам, Битта тулғўзанинг мавжини кўрсам*. Е. Мирза. **Авж олмақ, авжига чиқмоқ (ёки минмоқ)** авжланмоқ, зўраймоқ, кучаймоқ, зўрайиб, кучайиб кетмоқ; қизимоқ. *Суҳбат авжига чиқди*. — *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, саз овозини босиб кетди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 *муз.* Қуйдаги энг юқори нота. *Қизлар айтса қўшиқни авжини талашиб, Маставага қатиқдай гапга тикилар*. Ф. Ғулум.

**АВЖИ** *рви* Худди, нақ. *Авжи пишқирилик вақти*. — *Авжи кетиши пайти, бир оздан кейин тонг отади*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АВЖИДА** *рви* Авжига чиққан, авж олган, қизгин. *Курилишда иш авжиди*.

**АВЖЛАНМОҚ** Авж олмақ, авжига чиқмоқ, авжга минмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ. *Шамол яна авжланди*.

**АВЖЛАНТИРМОҚ** авжланмоқ *фл. орт. н.* У оломон билан янги шаҳарга чиқиб, бош ҳоким маҳкамаси олдида қўзғолонни авжлантиришни ўйлаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АВЗО** [*а* авзов, 3-ш. бирл. авзойи] 1 Ташқи қиёфа, чехра; важоҳат, турқ. *Аёл йиғитнинг авзойидан ёмон ниъатли киши эмаслигини пайқади*. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. **Авзойи бузуқ (ёки ёмон)** 1) кўриниши ёмон, важоҳати хунук; 2) ниъати ёмон, ниъати бузуқ.

2 *Кайфият, руҳ. Шарофат.. кечкурун Канизак келганда яна захарга тўлиб ўтирган эди, бироқ уни чуқитмаслик, ғафлатга солиб туриб бирдан қўлга тушириш учун авзойини сира*

билдирмасликка ҳаракат қилди. А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ **Ҳавонинг авзойи бузуқ** ҳаво ёғадиган. Авзойини олмоқ кайфи-ҳолини, сирини билмоқ, қўйнига қўл солиб кўрмоқ.

**АВИАБАЗА** [р], авиация базаси Авиация қисмлари турадиган, самолётларни ремонт қилиш учун устахоналари, зарур нарсалар билан таъминлаш учун складлари бўлган жой.

**АВИАЗАВОД** [р], авиация заводи Самолётсозлик заводи.

**АВИАЛИНИЯ** [р], авиация линияси Транспорт самолётларининг қатнаши учун белгиланган доимий маршрут, ҳаво йўли.

**АВИАМОДЕЛИЗМ** [р] спорт. Учиш аппаратлари моделларини ясаш.

**АВИАМОДЕЛЧИ** Авиамоделизм билан шуғулланувчи шахс.

**АВИАМОДЕЛЧИЛИК** айн. авиамоделизм.

**АВИАМОДЕЛЬ** [р] Учиш аппаратининг модели.

**АВИАНОС** с. т. Авианосец.

**АВИАНОСЕЦ** [р] Самолётларни учирини ва қўндириш учун мосланган махсус майдончаси ва ангари бўлган ҳарбий кема.

**АВИАПОЧТА** [р] 1 Ҳаво йўлидан фойдаланувчи почта.

2 Самолётда ташиладиган почта юклари.

**АВИАРАЗВЁДКА** [р], авиация разведкаси Самолёт билан разведка қилиш, самолёт билан қилинадиган разведка.

**АВИАТОР** [р] Авиация ва умуман учини ишлари билан шуғулланувчи киши; учувчи.

**АВИАТРАНСПОРТ** [р], авиация транспорти Ҳаво транспорти, пассажир, юк, почта ва ш. к: самолётлар мажмуи.

**АВИАЦИЯ** [р < лат] 1 Ҳаводан оғир учини аппаратларида учини назарияси ва практикаси. Авиация техникаси.

2 Учини аппаратларининг мажмуи; ҳаво флоти. Граждан авиацияси. Ҳарбий авиация.

**АВИТАМИНЎЗ** [р < грек + лат] мед. Овқатда витаминлар етишмаслиги натижасида рўй берадиган касаллик.

**АВЛИЁ** [а] 1 дин. Эътиқодли, диндор кишилар назарида: гўё каромат, башорат қила оладиган, муъжизалар кўрсата оладиган муқаддас, азиз одам. Мен шундай авлиёманки, агар тош ёки дарактини қақирсам, олдимга дарров келади. «Латифалар». Тантубойвачча олазарак бўлиб елкасини қисди ва ерга қараб деди: — Биз авлиёмизми? Қаерда эканини айтиши жуода мушкул. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма кест. Улуғ, зўр фахмланган одам ёки нарса. Нима, зверо бўлиб, авлиё бўптими? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 с. т. ҳазил Дарвешсифат, дарвешнамо, ҳеч нарса билан иши йўқ одам. Юрагинда Ўринбой отанинг ўғити

бор-да. Даданг пок одам. Қишлоқнинг авлиёси у. Ишонаман. Ойбек, Қуёш қораймас.

**АВЛИЁНАМО** [а + ф + т] ҳазил Дарвешсифат, дарвешнамо.

**АВЛО** [а] кт. Афзал, ортиқ, яхши. Улар учун минг мулланинг сўзидан Ёвжонлик Шоқирғулмонинг бир оғиз.. сўзи минг марта авлороқ. Айний, Қуллар.

**АВЛОД** [а] 1 Бир ота-бободан тарқатган, қолган насл; зот, зурриёт. Чингиз авлоди. Бобир авлоди. — Биз эски қулларнинг авлодимиз, .. ота-боболаримиз овоз бўлган чоғларда ўзлари учун қурган чайладек уйларда тирикчилик қиламиз. Айний, Қуллар.

2 Бир давр кишиларининг насли. Авлодан авлодга наслдан-наслга, ота-бободан бола-чақага.

3 Бир даврда туғилиб ўсган кишилар; бир бўғин. Ёш авлод.

4 Қариндош-уруғ; қариндош-уруғлар. Фиққ-фужур ўяси бўлган бу оила ҳаммани қораласа ҳам, ўз авлоди бўлган ана шу катта бойга асло тил тегизмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АВЛОД-АЖДОД** 1 Бирор шахснинг ёки бирор давр кишиларининг ота-боболари ва бола-чақалари.

2 Қариндош-уруғлар. Авлод-аждодини суриштирмоқ.

**АВОМ** [а] 1 Эксплуататорлик тузуми шароитида: оддий халқ оммаси, «қора халқ». Авом халқ.

2 Ўқимаган, саводсиз киши(лар). [Рафиқ:] — Бокира деганингизга тушунмадим. [Хўжаев:] — Авомиз. Омиз. Бокира деганим қиз бола деганим бўлади. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**АВРА** [ф + т] 1 Кийим ёки кўрпа, кўрпача каби нарсаларнинг ташқи, сиртқи қавати. Тўннинг авраси. Тўшак авра. Авра тўн астарсиз тўн.

2 Ўстиқнинг сиртқи жилди. Ёстиқ авра(си).

**АВРА-АСТАР** [ф + т] Авра ва астар. Авра-астари бутун кўрпа. Авра-астар чопон авра билан астардангина иборат (яъни пахта-сиз) чопон, тўн.

◆ **Авра-астарини ағдармоқ** (ёки қоқмоқ, сўқмоқ) 1) обдан сўроқламоқ, ипидан игнасингача суриштирмоқ; 2) қаттиқ коймоқ, қаттиқ танқид қилмоқ; 3) бутун кирдикорларини очиб ташламоқ.

**АВРАМОҚ** 1 Ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан ёки алдаб-сулдаб оғдирмоқ, кўндирмоқ; йўлдан оздирмоқ. Баққол бу сўзларни эшитмагандай аврайверди: — Мен сизнинг фойдангизни ўйлайман. Ойбек, Қутлуг қон.

2 с. т. Гипноз қилмоқ (илон ҳақида). Илон заҳарли тилини чиқариб туриб, сеҳрли кўзи билан учар қушларни аврайди. «Қахрамонлар».

**АВРАТ** [а] дин. Тананинг шариятга мувофиқ бекитиб юрилиши талаб қилинадиган қисми (эркаклар учун — киндикдан тиззагача, хотин-қизлар учун — билак бўғимидан бўйингача

ва бўйиндан товонгача). Ўрнимдан турсам, уятли жойларим очилади, сўнгра сенинг раисинг «авратингни очиб хилоф шаръ ишларинг» деб мени бир кам қирқ дарра уради. Айний, Қуллар.

**АВРАТПЎШ** [а + ф + т] дин. Авратни бекитиб турадиган нарса, кийим, лунги.

**АВРАШМОҚ** аврамоқ фл. бирг. н. **АВРАҒИЧ** айн. авроқчи.

**АВРОҚЧИ** 1 Гипнозчи, кўзбоғловчи. | Илон, чиён чаққан кишини гўё авроқ йўли билан даволоччи.

2 Алдоқчи, йўлдан оздирувчи. Унинг қора йўлини давом эттирган бошқа эшонлар, сўфилар, ҳар хил авроқчилар, товланмачиларни фош этаман. Ойбек, О. в. шабадалар.

**АВСАТ** [а] эск. кт. Ўрта, ўртача, ўрта даражадаги. Мадраса талабалари «ағло», «авсат» ва «қдно» номи билан уч гуруҳга бўлинган эди. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**АВТО** [р] с. т. Автомобиль.

**АВТОБАЗА** [р] Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш учун ташкил этилган транспорт корхонаси, шунингдек автомобиллар турадиган ва ремонт қилинадиган жой.

**АВТОБИОГРАФИК** [р автобиографияский] Авторнинг биографияси, таржимаи ҳоли билан боғланган; автобиографияга асосланган. Автобиография повесть.

**АВТОБИОГРАФИЯ** [р < грек] Бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли.

**АВТОБЛОКИРЎВКА** [р] т. й. Поездлар қатновини тартибга солиб турадиган автоматик сигнализация системаси.

**АВТОБУС** [р < грек + лат] Пассажирлар ташийдиган кўп ўринли катта автомобиль. Уттиз ўринли автобус. Автобус қатнови. Автобус парки.

**АВТОГЕН** [р автогенный] Газ алангасида эритиб пайвандлашга оид. Автоген усулида пайвандлаш.

**АВТОГРАФ** [р < грек] Асарнинг автор қўли билан ёзилган асл нусхаси, асл қўлёзмаси. | Автор қўли билан ёзилган текст, авторнинг дастхати. Ойбекнинг автографи.

**АВТОЗАВОД** [р], автомобиль заводи Автомобиль ва унинг қисмларини ишлаб чиқарадиган завод.

**АВТОИНСПЕКЦИЯ** [р] Автомобилларнинг ва умуман шахар транспортининг ҳаракати ва улардан тўғри фойдаланилиши устидан назорат қилиб турадиган давлат органи.

**АВТОКАЧКА** [р] Тўғинларига резина қопланган тўрт ғилдиракли арава. Бобоқул ота Қайнардан қайтмишда Тўламот мўйловнинг пичан ортилган автокачкасига минишга мажбур бўлди. С. Анорбоев, Оқсой.

**АВТОҚЛАВ** [р < грек + лат] Нарсаларни юқори босимда қиздириш учун ишлатиладиган, жипс ёпиладиган идиш (турли физик-химик процессларни

амалга ошириш, медицина асбоблари ва ҳоказоларни стерилизация қилиш ва ш. к. учун ишлатилади).

**АВТОКОЛОННА** [р] 1 Автомобиллар колоннаси, кетма-кет тизилиб келаётган автомобиллар.

2 Автомобиль базаларининг филиали, бир неча автомобили бўлган бўлими.

**АВТОЛ** [р <грек+лат] Автомобиль, трактор ва бошқа машиналарни мойлаш учун ишлатиладиган, нефтдан олинадиган махсулот.

**АВТОМАТ** [р <грек] 1 Белгиланган ишни ички механизми ёрдамида ўзи бажарадиган аппарат, машина, асбоб. Токарлик автомати. Сув сотадиган автомат. Автомат телефон.

2 Тезотар автоматик қурол; пушкет-пулемёт. Булар [ниёда аскарлар] ҳаммаси ҳам милтиқ ва автоматларни тайёр тутган ҳолда рўйиност босиб келмоқда эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**АВТОМАТИЗМ** [р] Ғайриихтиёрий равишда, автоматдек ҳаракат қилиш. Расмий бюрократик автоматизм социализм руҳига ётмас. В. И. Ленин, Сўл эсерларнинг сўроғига жавоб.

**АВТОМАТИК** [р автоматический] 1 Автомат усулида ишлайдиган; ўз-ўзидан ишлайдиган. Автоматик тормоз. Автоматик телефон станцияси.

2 Ғайриихтиёрий, ихтиёрсиз, беихтиёр. Автоматик ҳаракат.

**АВТОМАТИКА** [р] 1 Фан ва техниканинг ишлаб чиқариш ва бошқариш процессларини автоматлаштириш методлари ва воситаларини яратиб ва такомиллаштириш билан шуғулланувчи тармоғи.

2 Автоматик равишда ишлайдиган механизмлар, асбоблар мажмуи.

**АВТОМАТЛАШМОҚ** Автомат асбоблар, машиналар билан қуролланмоқ, автоматика усулларига қўчмоқ. Автоматлашган ишлаб чиқариш.

**АВТОМАТЛАШТИРИЛМОҚ** автоматлаштирмоқ *фл. мажх. н.* Автоматлаштирилган цех.

**АВТОМАТЛАШТИРМОҚ** Ишлаб чиқариш ва бошқариш процессида автоматик асбоблар, машиналар қўлланмоқ. Ишлаб чиқариш процессини автоматлаштирмоқ.

**АВТОМАТЧИ** 1 Автоматик машина, аппарат ёки станокда ишловчи киши.

2 Автомат-пушкет билан қуролланган жангчи. Бектемир танклар пакасида югуриб келаётган душман автоматчиларини кўрди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**АВТОМАШИНА** [р] *айн.* автомобиль. Гулчеҳра қўчага чиқиб, кутиб турган енгил автомашинага тушди. Р. Файзий, Уч қиз.

**АВТОМОБИЛСОЗЛИК** Автомобиль ишлаб чиқариш ва саноатнинг шу соҳага оид тармоғи. Совет автомобилсозлиги. Автомобилсозлик заводи.

**АВТОМОБИЛЬ** [р <грек+лат] Ички ёниш двигатели ўрнатилган релъсиз транспорт воситаси. Енгил автомо-

биль. Юк автомобили. Автомобиль транспорти. Автомобиль заводи. — Қиём пайтида «Пахтакор» колхозининг правлениеси олдига қўнғиз нусха бир автомобиль келиб тўхтади. А. Қаҳҳор, Картина.

**АВТОНОМ** [р автономный] Автономиядан фойдаланадиган, автономия ҳуқуқига эга бўлган; автономияли. Автоном область. Автоном республика. — Район прокурори ўзини эғе бир автоном оролда ҳис этар ва ўз қонуниятини билан ишар эди. И. Раҳим, Ихлос.

**АВТОНОМИСТ** [р] *сиёс.* Автономия тарафдори, автономиячи. Кўкон автономистлари тар. 1917 йилдаги Қўқон контрреволюцион миллатчилик автономиясининг иштирокчилари.

**АВТОНОМИЯ** [р <грек] Ички қонунлар чиқариш ва ўз-ўзини мустақил идора этиш ҳуқуқи; ўз-ўзини идора қилиш. Демократик давлат турли областларнинг автономиясини, айниқса аҳолиси турли миллатлардан иборат бўлган областлар билан округларнинг автономиясини эътироф қилмоғи керак. В. И. Ленин, Миллий сиёсат масаласига доир.

**АВТОНОМИЯЛИ** *айн.* автоном. Демократия бўлмаса — на автономияли Украина бўлади, на мустақил Украина бўлади. В. И. Ленин, Миллий сиёсат ва пролетар интернационализм масалалари.

**АВТОНОМИЯЧИ** *айн.* автономист. **АВТОПИЛОТ** [р <грек+фр] Самолётни автоматик равишда бошқарадиган қурилма.

**АВТОПОРТРЕТ** [р <грек+фр] Рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўз қўли билан ишлаган ўз тасвири.

**АВТОР** [р <лат] Адабий ёки бошқа хил бадий асар, илмий иш, проект, ихтиро ва ш. к. яратган киши; муаллиф. Роман автори. Проект автори. — Мана шу тадбирларнинг авторларидан бири Повадин келатир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**АВТОРЕМОНТ** [р авторемонтный] Автомобиллар ремонтига оид, автомобиллар ремонтини билан шуғулланадиган. Авторемонт ишончаси. Тошкент авторемонт заводи.

**АВТОРЕФЕРАТ** [р <грек+лат] Илмий асарнинг шу асар автори ёзган реферати. Диссертация автореферати.

**АВТОРЛИК** 1 автор *с. мавх. от.* Авторлик ҳуқуқи.

2 Асарнинг авторга мансублиги. Авторлигини аниқламоқ. Авторлик даъво қилмоқ.

**АВТОРЎЧКА** [р] Перосига сиёҳ ўз-ўзидан келиб турадиган ручка.

**АВТОСТОП** [р] *т. й.* Йўл берклигини билдирувчи сигналга яқинлашиб келган поездни автоматик суратда тўхтатадиган мослама.

**АВТОСТРАДА** [р <итал] Автомобиллар қатновли учун махсус қурилган ва ускуналанган катта йўл.

**АВТОСУҒОРҒИЧ** Чорва молларини суғориш учун белгиланган автоматик қурилма.

**АГАР** [ф-т] *шарт боғл.* Шарт эргаш гапларнинг бошида келиб, «са, «са ҳам, «ганда ва ш. к. шарт аффикслари ёрдамида ифодаланган маънони кучайтиради. Агар у келган бўлса, ўзини билдирган бўлар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Агар шу колхозлар ҳам бош қўшадиган бўлса, дамба йигирма-йигирма беш кунлик иш. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Агар унинг [қутидорнинг] ёнида уста Олим бўлмаганда эди, эҳтимол у қай вақтларгача серрайиб қолар эди. А. Қодирий, Утган қунлар.

**АГАРДА** *айн.* агар. **АГАРЧИ** *кам қўлл. айн.* агар.

**АГГЛЮТИНАТИВ** [р агглютинативный] *лингв.* Агглютинацияга асосланган. Агглютинатив тиллар. Ўзбек тили — агглютинатив тил.

**АГГЛЮТИНАЦИЯ** [р <лат] 1 биол. Суюқлик ичида муаллақ сузиб юрадиган зарраларнинг, мас. қизил ва оқ қон таначалари, микроблар ва ш.к.нинг, бир-бирига ёпишиб, қумоқ-қумоқ бўлиб қолиши.

2 *лингв.* Турланишда, тусланишда ва умуман сўз ўзгариши ва ясалнишда аффиксларнинг ўзакка унинг ўзгармагани ҳолда изчиллик билан қўшилиб бориши (агглютинация туркий ва бошқа баъзи бир тилларга хос хусусиятдир); тақ. флексия.

**АГЕНТ** [р <лат] 1 Ташкilot, муассаса ва ш.к.нинг маълум вазифаларни бажариш учун тайинланган вакили. Таъминот агенти. Молия агенти.

2 Бировлар томонидан қўйилган, бировларнинг манфаатлари учун хизмат қиладиган шахс. Буржуазия агентлари. Империализм агентлари.

3 Бирор давлат разведкасининг махфий ходими; жосус, воқеанавис, айғоқчи. Лекин гоёт эҳтиётлик билан ишлар, чунки агентлар ва .. сўз овловчилар қишлоқларда оз эмас. Ойбек, Нур қидириб.

**АГЕНТЛИК** 1 *агент с. мавх. от.* Агентлигини фош қилмоқ.

2 Агент фаолияти, жосуслик, айғоқчилик. Агентлик қилмоқ.

**АГЕНТЛИК** II Бирор идора, муассаса ёки корхонанинг жойлардаги бўлими, ваколатхонаси. Аэрофлот агентлиги. Транспорт агентлиги. | Мухбирлар ёрдамида сиёсий ва ижтимоий ҳаётга доир маълумотлар, хабарлар тўплаш ва тарқатиш билан шуғулланувчи муассаса. Совет Иттифоқи Телеграф Агентлиги.

**АГЕНТУРА** [р] Махфий маълумотлар тўплаш ва қўпоровчилик ишлари олиб бориш мақсадида уюштирилган разведка хизмати. Агентура маълумотлари.

**АГИТАТОР** [р] Омма ўртасида агитация ишларини олиб борувчи шахс. Агитаторлар, активлар .. деҳқон колхозга кириб аҳил ишлагандагина пе-



шанаси очилди, дейишади. А. Қаҳ-  
дор, Кўшчинор.

**АГИТАЦИОН** [p агитационный] Аги-  
тация ишларига оид, агитация учун  
белгиланган. *Агитацион варақа. Аги-  
тацион ши.*

**АГИТАЦИЯ** [p<лат] Қенг халқ  
оммасига сиёсий татсир кўрсатиш,  
уни бирор ишга сафарбар этиш мақ-  
садида аҳоли ўртасида оғзаки ва ёзма  
равишда олиб бориладиган оммавий-  
сиёсий иш, фаолият. *Коммунистик аги-  
тация. Агитация юргизмоқ. Агитация  
олиб бормоқ.*

**АГИТБРИГАДА** [p] Омма ўртасида  
агитация юргизиш, оммавий-сиёсий  
ишлар олиб бориш учун тузилган бри-  
гада; агитаторлар бригадаси.

**АГИТКОЛЛЕКТИВ** [p] Омма ўрта-  
сида агитация юргизиш, оммавий-  
сиёсий ишлар олиб бориш учун КПСС  
бошланғич партия ташкилотлари ҳу-  
зурида ташкил этилган агитаторлар  
коллективи.

**АГИТПОБЕД** [p] Кўчма агитпункт  
сифатида фойдаланиш учун жиҳоз-  
ланган темир йўл поездеи.

**АГИТПУНКТ** [p], агитация пункти  
Омма ўртасида агитация юргизиш,  
оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш  
учун ташкил этилган махсус жой,  
пункт.

**АГНОСТИК** [p] Агностицизм тараф-  
дори. *Агностик: бизнис сезимиз акс  
этириладиган, инжикос қиладиган обь-  
ектив реаллик борми, йўқми, билмай-  
ман, буни билиш мумкин эмас деб эълон  
қиламан, дейди.* В. И. Ленин, Мате-  
риализм ва эмпириокритицизм.

**АГНОСТИК** [p агностический] Аг-  
ностицизмга асосланган.

**АГНОСТИЦИЗМ** [p<грек] Объектив  
дунёни ва унинг қонуниятларини би-  
лиш бўлмайди деб даъво қилувчи идеа-  
листик философик таълимот.

**АГРАР** [p аграрный] Ер-сув, ерга  
эгаллик ва ер-сувдан фойдаланишга  
оид. *Аграр мамлакат* sanoати ривож-  
ланмаган, аҳолиси асосан қишлоқ хў-  
жалиги билан шуғулланадиган мам-  
лакат. *Октябрь революциясидан илгари  
Узбекистон чор Россиясининг  
хом ашё этиказиб берувчи қолақ аграр  
ўлкаси эди.* «Қ. Узбекистон», 1962,  
№ 11. *Аграр масала* қишлоқда ер-сув,  
сифлар ва синфий кураш масалалари.

**АГРЕГАТ** [p<лат] 1 Умумий бир  
ишни бажариш учун бир неча машина-  
дан тузилган мураккаб машина. *Ер  
текислайдиган агрегатлар.*

2 Бир машинанинг маълум ишни  
бажарувчи мустақил механизми (мас.  
автомобилда — двигатель, узатмалар  
қутиси).

3 Тоғ жинсини ташкил этган мине-  
ралларнинг механик аралашмаси ёки  
бирикмаси. || *Моддаларнинг агрегат ҳо-  
лати.*

**АГРЕССИВ** [p агрессивный] Агрес-  
сия сиёсатини қўлловчи, тажовузкор,  
босқинчи. *Агрессив давлатлар.* | Агрес-  
сиядан, босқинчиликдан иборат бўл-

ган, тажовузкорликка асосланган. *Им-  
периалистларнинг агрессив сиёсати.*  
*Агрессив ҳаракатлар.*

**АГРЕССИВЛИК** 1 агрессив с. белги  
оти.

2 Агрессив ҳаракат, агрессия, бос-  
қинчилик.

**АГРЕССИЯ** [p<лат] Ўзга давлат  
ерларини босиб олиш учун унинг  
территориясига қуролли куч билан  
бостириб кириш, бошқа давлат му-  
стақиллигини йўқ қилиш ёки чеклаб  
қўйиш, уни иқтисодий ва сиёсий жи-  
ҳатдан бўйсундириш; босқинчилик, та-  
жовузкорлик.

**АГРЕССИЯЧИ** айн. агрессор.

**АГРЕССИЯЧИЛИК** айн. агрессор-  
лик 2.

**АГРЕССОР** [p] Агрессия сиёсатини  
юргизувчи; тажовузкор, босқинчи. *Аг-  
рессорларни жиловламоқ.*

**АГРЕССОРЛИК** 1 агрессор с. белги  
оти.

2 Агрессив ҳаракат, тажовузкор-  
лик, босқинчилик. *Агрессорлик сиё-  
сати.*

**АГРИКУЛЬТУРА** [p<лат] эск. айн.  
агрокультура.

**АГРОБИОЛОГИК** [p агробиологи-  
ческий] Агробиологияга оид. *Агробио-  
логик тадқиқотлар.*

**АГРОБИОЛОГИЯ** [p<грек] Ўсим-  
лик ва ҳайвонлар ҳаётининг биоло-  
гик қонуниятларини ўрганадиган фан.

**АГРОКУЛЬТУРА** [p] Дехқончилик  
ишларини яхшилашга, ернинг ҳосил-  
дорлигини оширишга қаратилган чо-  
ра-тадбирлар системаси.

**АГРОНОМ** [p] Агрономия мутахас-  
сиси. *Бош агроном. Агроном — со-  
вет замонасида етишиб чиққан қишлоқ  
зидлиси.*

**АГРОНОМИК** [p агрономический]  
Агрономияга оид, агрономияга бог-  
лиқ бўлган. *Агрономик тадбирлар.*

**АГРОНОМИЯ** [p<грек] Қишлоқ хў-  
жалик ишлаб чиқаришининг илмий  
асослари; қишлоқ хўжалик ва дехқон-  
чиликка доир назарий ва практик би-  
лимлар йиғиндиси.

**АГРОНОМЛИК** агроном с. касб оти.  
*Агрономлик қилмоқ. Агрономликка ўқи-  
моқ.*

**АГРОТЭХНИК** [p] Агротехника му-  
тахассиси.

**АГРОТЕХНИК** [p агротехнический]  
Агротехникага оид. *Агротехник тад-  
бирлар.*

**АГРОТЕХНИКА** [p<грек] Қишлоқ  
хўжалик экинларини экишдан тор-  
тиб, то ҳосилни йиғиб-териб олгунча  
бажариладиган ишлар мажмуи ва улар-  
ни бажариш системаси. *Пахтакорлар  
ғўзани илгор агротехника қоидалари  
асосида парвариш қилиб, механиз-  
ацияга янада кенг йўл очдилар.* «Қ. Уз-  
бекистон», 1959, № 158.

**АГРОХИМИЯ** [p] Ўсимликларни  
озиқлантириш, юқори, барқарор ҳосил  
олиш мақсадида уларни ўғитлаш, хи-  
миявий воситалар билан зараркунанда-  
лардан сақлаш тўғрисидаги фан.

**АДА** Дада, ота. *Ада қоғоз, қалам  
бергин деб, Гоҳ ёнимга келиб ўлтирар.*  
С. Жўра. *Адаси хотинлар ўз эрининг  
оти ўрнида ва унга мурожаатда ишла-  
тадиган сўз.*

**АДАБ** [a] Жамиятда, кишилар би-  
лан муомалада ўзини тута билиш; ах-  
лоқ, тарбия ва унинг нормалари. *Адаб  
билан. Адаб бозорда сотилмас. Мақол.*  
*Адабни беадабдан ўрган. Мақол. Адаб  
бермоқ. Адаб сақламоқ.*

◆ **Адабни бермоқ** таъзирини бер-  
моқ, ножўя хатти-ҳаракати учун қат-  
тиқ танбёҳ бериб қўймоқ.

**АДАБИЁТ** [a] 1 Бир халқнинг, давр-  
нинг бадий, илмий, философфик ва  
бошқа асарлари мажмуи. *Антик ада-  
биёт.*

2 Санъатнинг сўз, тил воситасида  
бадий образлар яратувчи соҳаси ва  
шу соҳада яратилган асарлар мажмуи  
(шеър, проза, драма). *Жаҳон адабиёти.*  
*Совет адабиёти. Рус адабиёти. Ўзбек  
адабиёти.*

3 Муайян бир фан ёки соҳага, ма-  
салага оид асарлар, китоблар. *Сиёсий  
адабиёт. Тема юзасидан тавсия этил-  
ган адабиёт рўйхати.* — *Аҳмад Ху-  
сайн ҳар хил китоблар, айниқса мар-  
ксистик адабиётни муролаа этишга  
мажбур эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**АДАБИЁТЧИ** 1 айн. адабиётшунос.  
*Кундан-кун очилиб бораётган ҳарбий  
таълим уфқида Элмурод адабиётчи-  
педагог, Дубенко иқтисодчи нуқтаи  
назаридан қарагандек, Йўлдош энере-  
тик-инженер сифатида яқинлашарди.*  
Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Адиб, ёзувчи.

**АДАБИЁТЧИЛИК** Ёзувчилик фао-  
лияти.

**АДАБИЁТШУНОС** [a+ф-т] Адаби-  
ётшунослик мутахассиси; адабиётчи.  
**АДАБИЁТШУНОСЛИК** Адабиёт та-  
рихи, назарияси ва адабий танқид  
ҳақидаги фанлар мажмуи.

**АДАБИЙ** [a] 1 Бадий адабиётга  
оид. *Адабий асар. Адабий мерос. Ада-  
бий оқим.*

2 Ёзувчиларга, ёзувчилик фаоли-  
тига оид. *Адабий ҳаёт. Адабий му-  
ҳит. Адабий маҳаллас.*

3 Адабиёт талабларига жавоб бера-  
диган; маданий ҳаётда умум томонидан  
қабул этилган (тил, услуб ҳақида).  
*Адабий ибора. Адабий тилда сўзлаш-  
моқ.*

**АДАБЛИ** Одоб-ахлоқ нормаларига  
риоя қиладиган; тарбияли, ахлоқли.  
*Адабли бола. Адабли бўлмоқ.*

**АДАБЛИЛИК** адабли с. белги оти.  
**АДАБСИЗ** 1 Одоб-ахлоқ нормала-  
рига риоя қилмайдиган; тарбиясиз,  
ахлоқсиз, беадаб. *Адабсиз киши.*

2 Одоб-ахлоқ нормаларига тўғри  
келмайдиган, одоб-ахлоқ доирасидан  
ташқари. *Халқ шунингдек гаплар билан  
юз ёқдан унга ҳужум қилиб, ҳатто  
адабсиз сўзлар билан ҳам сўқар эди.*  
А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АДАБСИЗЛИК** 1 адабсиз с. белги  
оти.



2 Одоб-ахлоқ нормаларига тўғри келмайдиган иш, одоб-ахлоқ доирасига сирмайдиган хатти-ҳаракат. Саидий Мирза Муҳиддинга нисбатан *Муҳаммадражабнинг адабсизлигидан хижолат бўлар, ичида «юзсиз, беандиша» дерди.*

А. Қаххор, Сароб.  
АДАД [а] Дона, сон; миқдор (доналаб санаб бўладиган нарсалар ҳақида). *Юз адад ғишт.*

АДАДСИЗ Сон-саноксиз, ҳисобсиз, бехисоб. *Ададсиздир бойларининг йилқиси.* «Ўзбек халқ достонлари».

АДАК-ЧЕЧАК: адак-чечак қилмоқ айн. атак-чечак қилмоқ қ. атак-чечак.

АДАМ [а] эск. кт. Йўқлик, мавжуд эмаслик; борлиқнинг акси. Адам айламоқ йўқотмоқ, йўқ қилмоқ.

АДАПТАЦИЯ [р<лат] 1 биол. Организмнинг, мас. сезги органларининг, турли шароитларга мослашуви. *Кўз адаптацияси.*

2 Чет тилларни ўрганувчилар учун асар тексини соддалаштириб бериш ва шу тариха соддалаштирилган текст.

АДАШ I Бирор кимса билан исми бир одам, оти бира кишилар. *Биз иккимиз адашимиз.*

АДАШ II I Адашган, бир пойи алиш бўлиб қолган. *Қалишим адаш бўлиб қолди.*

2 рвш Янглиш, ноўрин. *Бу ерга адаш келиб қолибман.*

АДАШМОҚ I Йўлини йўқотиб қўймоқ. *У ёрқин кундузда йўлга чиқиб, қоронғи кечада адашган кишидай, нима қиларини билмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 (б. к. ёки ч. к. билан) Янглишмоқ, хато қилмоқ. *Ҳисобдан адашмоқ.* — *Ҳа, ўз манфаатини халқ манфаатидан юқори қўйганлар доим адашади.* Уйғун, Сўнги пушаймон.

3 (ч. к. билан) Жудо бўлмоқ, ажраб қолмоқ, айрилмоқ. *Подадан адашган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошинини тикаверасанми? Ойбек, Қутлуг қон. Э ёронлар, биродарлар, Мен ёримдан адашибман.* «Равшан».

4 Адаш бўлмоқ, алиш бўлмоқ, алишиниб, бошқа-бошқа бўлиб қолмоқ. *Қалишим адашибди.*

АДАШТИРИЛМОҚ адаштирмоқ *фл. мажж. н.*

АДАШТИРМОҚ адашмоқ *фл. орт. н.*

АДВОКАТ [р<лат] I Айбланувчини судда ҳимоя қилувчи, судда бирор шахснинг ишини олиб борувчи, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат берувчи юрист, ҳимоячи.

2 с. т. салб. Маслаҳатчи, ройкорчи.  
АДВОКАТЛИК адвокат I с. касб оти.

АДВОКАТУРА [р] I Адвокатлик иши, фаолияти; адвокатлик.

2 Адвокатлар.

АДОИЙ [а] эск. мактубий Дуо қилувчи, яхшилик тиловчи (мактуб охирида имзодан олдин ишлатилган сўз). *Мунда барча ёру дўст саломат, мендан Ҳасаналига салом айт! Аддоий*

отанг Юсуфбек ҳожи. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АДЕКВАТ [р адекватный] Ҳар жиҳатдан мос, тенг келадиган, айнан бир, ўхшаш, мувофиқ. *Адекват тушунчалар.* *Адекват таржима.*

АДЕЛ [р одеяло] Кўрпа ўрнида ишлатиладиган ялангқават ёпинчиқ. *Шерсть адел. Адел ёпиниб ётмоқ.*

АДИБ [а] Адабий асарлар ёзиш билан шуғулланувчи киши; ёзувчи. *Бизга адиблар, шоирлар, ҳақиқий жасур курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

АДИБА [а] 1 Адиб аёл, ёзувчи аёл.  
2 Адиба (*хотин-қизлар исми*).

АДИ-БАДИ: ади-бади айтишмоқ с. т. баҳслашмоқ, важлашмоқ, тортишмоқ, бўлар-бўлмас гап талашмоқ. *Лейтенант Шиллов, олинг хоинни! Ади-бади айтишиб ўтирадиган пайт эмас.* Шухрат, Шинелли йиллар.

АДИБЛИК адиб с. касб оти.

АДИГЕЙ қ. адигейлар. || *Адигей аёл.*

АДИГЕЙЛАР Адигейя автоном областининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ; адигей халқи.

АДИЛ [а] I Тўғри, тўппа-тўғри, эгилмаган, букилмаган, тик, тикка. *Адил терак. Адил кўча.* — *Қиз.. бўйчан ва самбитгул новдисидай адил эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 с. т. Одил, адолатли.

АДИЛЛИК I адил с. белги оти. *Теракнинг адиллиги.* Кўчанинг адиллиги.

2 с. т. Одиллик, адолат. *Адиллик билан.*

АДИП Кўрпа, тўн ва ш.к.нинг атрофига тутилган энсиз материал; мағиз, паровуз. *Тўннинг адипи.*

АДИПЛАМОҚ Четига адип тутмоқ, паровуз тикмоқ.

АДИР Тепалик ерлар, баландлик, қир. *Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турсуной тиззасини ушлаб зўрға қадам босарди.* А. Қаххор, Мастон.

АДЛ [а] Адолат, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик. *Адл турмоқ* ҳақиқат томонида турмоқ, ҳаққоний бўлмоқ, ҳаққоний иш тутмоқ.

АДЛИЯ [а] эск. айн. юстиция.

АДМИНИСТРАТОР [р] Бирор иш ёки корхона, муассаса мутасаддиси, бошлиғи, маъмури.

АДМИНИСТРАЦИЯ [р<лат] I Муассаса, корхона, ташкилот ва ш.к.нинг маъмурий бошқармаси, маъмурияти.  
2 Муассаса, корхона, ташкилот раҳбарлари мажмуи.

АДМИРАЛ [р<а амир ал-бахр] Ҳарбий-денгиз флотининг олий қўмондонлик составига бериладиган ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган киши.

АДНО [а] эск. кт. Паст, қуйи, учинчи даражали. — *Чимхўрсан-да, қизим... Шу ҳам ош етишим?* — *Меники адно!* — *деди Раъно.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

АДО [а] I Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг охири, тамоми, ижроси. *Не*

қаро даврон экан бу, тингеламас экан ким уним! Хору зорлик топдим-у, хўрлик адосим топмадим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Адо бўлмоқ** 1) тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ, охирига етмоқ. *Бу ривоятлар эшитганингиз билан адо бўлмайди.* Х. Гулом, Маъшал; 2) кўчма ташвиш, дард орқасида холдан тоймоқ, тамом бўлмоқ. *Йўлай-йўлай адо бўлдим.* *Элатимдан жудо бўлдим.* «Равшан». **Адо бўлур!** қарғ. ўлгур! [Хонзода Мастон:] *Қаримай адо бўлгур, Мастон! Арслоний кесак отиб енгмоқчимсан? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Адо этмоқ айн. адо қилмоқ. 1. Адо қилмоқ* 1) ўтамоқ, бажармоқ, ижро қилмоқ. *Бурчи адо қилмоқ.* *Вазифани адо қилмоқ.* — *Анвар «хузури муборак»нинг эшигида тўхтаб, таъзим адо қилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) холдан тойдирмоқ, тинкасини қуришмоқ. *Уни дард адо қилди.* — *Тез замон бўлди қиморга мубтало, Барчани ўйнаб қимор, қилди адо.* Ҳамза.

2 Ишва, жилва, ноз, карашма. *Ҳаёт жажжи қилзаре хос адо билан: — Воей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Жилва ва товланиш. Ранглар ва чизиқларнинг мислсиз чуқур маъносига, нозик адо-сига берилиб, ҳамма нарсани унута эди.* Ойбек, Навоий.

АДОВАТ [а] I Ўзаро низолар, душманлик муносабатлари. *Гина — адоватнинг қўшиниси.* Мақол. — *Агар сиз нафсиламрга қарасангиз, икки халқни бир-бирига совуқ кўрсатиб, адоват туҳумини сочиб келувчи бир нечагина одам бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кек; хусумат. *Ўзбек олим бўлса, эски гина ва адоватларни қайтиб келмас дунёсига жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АДОЙИ [а+ф-т]: адоий тамом бўлмоқ айн. адо бўлмоқ қ. адо 1. *Уйини адоий тамом бўлди.* — *Бечора кампир бу шум хабардан адоий тамом бўлди-ку!* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

АДОЛАТ [а] I Одилона ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик, ҳаққоният, одиллик. *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига голибона юраётир.* Ойбек, Нур қидириб. *Ўртоқлар, олиб бординлар! Буларни адолат судига топширинлар! Тегишли жазосини кўрсин!* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 Адолат (*хотин-қизлар исми*).

АДОЛАТЛИ I Ҳаққонийлик билан иш тутувчи, одилона ва холисона иш тутувчи; ҳаққониятли, одил. *Адолатли киши.*

2 Адолатга, ҳаққонийликка асосланган. *Адолатли ҳукм.*

АДОЛАТПАРВАР [а+ф-т] Адолат тарафдори, адолат, ҳаққоният учун курашувчи.

**АДОЛАТСИЗ** 1 Ҳаққониятсизлик билан иш тутувчи, адолатни поймол этувчи. адолатдан йироқ. *Адолатсиз одам.*

2 Адолатдан ташқари, унга хилоф бўлган. *Адолатсиз жамият.*

**АДОЛАТСИЗЛИК** 1 адолатсиз с. белги оти. *Сизнинг адолатсизлигингизни энди билдим.*

2 Адолатдан, ҳаққониятдан йироқ иш, адолатни поймол қилувчи хатти-ҳаракат ёки ҳолат. *Элмурод ўйлашиб ташқарига чиқди. Ҳақсизлик, адолатсизлик унинг ичини ўртай бошлади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**АДРАС** [ф-т] Ҳриши ипак, арқоғи ип маҳаллий газлама.— [Маҳдум:] *Бўлмаса,— деди иккиланиб,— жўнроқ адрасдан олчи.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АДРАСОФ** [ф-т] Адрас тўқувчи уста, касиб.

**АДРЕС** [р<фр] 1 Бирор киши ёки ташкилот ўрнашган жойнинг батафсил номи. *Институт адреси. Уй адреси.* — *Менга адресингизни беринг, колхозга ўзим хат ёзаман, уйингиздан хабар олишади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Почта орқали юборилган нарсалар устидаги жой ва олувчининг номи кўрсатилган ёзув. *Унинг [Замиранинг] номига ғалати бир конверт чиқди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳри.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Бирор тантана муносабати билан муассаса, ташкилот ёки айрим шахс номига юборилган табрикнома; ёд-нома.

◆ **Адрес столи** (ёки бюроси) бирор ерда яшовчиларни рўйхатга олиб борувчи ва уларнинг турар жойлари тўғрисида справкалар берувчи муассаса, идора. *Адреслар дафтари* кишилар ва идораларнинг адреслари ёзилган дафтар, журнал. *Адресига* номига, шаънига. *Менинг адресимга айтилган барча гапларни халқ ва партия шаънига айтилган гаплар деб ҳисоблайман.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

**АДРЕСАНТ** [р] Почта орқали телеграмма, хат ва ш. к. юборилган киши ёки ташкилот.

**АДРЕСАТ** [р] Адресига хат, телеграмма ва ш. к. юборилган киши ёки ташкилот.

**АДРЕСЛАНМОҚ** Бирор кимса ёки идора адресига юборилмоқ ёки айтилмоқ. *Марказий газета бошқармасига адресланган бу хат шу куни кечқурун Муродхўжа домлининг қўлида очилди.* А. Қаҳор, Сароб.

**АДСОРБЦИЯ** [р<лат] физ., хим. Газ ёки эритилган модда зарраларининг қаттиқ модда сиртига сингиши, шимилиши.

**АДЪЮТАНТ** [р<лат] Хизмат топшириқлари ёки штаб ишларини бажариш учун ҳарбий бошиқ ихтиёрида бўлган ёрдамчи офицер.

**АЁ** эск. айн. эй. *Аё, шоҳим, гўлдай сўлган тарзим бор, Хизматкорман, сизга айтар арзим бор.* «Муродхон».

**АЁВ** аямоқ *фл. иш оти.* *Аёв бермай аямасдан, шафқатсизлик билан.*

**АЁВЛИ** Аяладиган, эҳтиёт қилинадиган. *Аёвли кийим.* *Аёвли меҳмон* қадрли, ҳурматли, ардоқли меҳмон.

**АЁВСИЗ** Аёв бермай, раҳм-шафқат қилмай олиб борилган. *Аёвсиз кураш.* *Аёвсиз зарба.*

**АЁЗ** Ҳавонинг очиқ ва аччиқ совуқ пайти, қора совуқ. *Куруқ аёз — тилсиз ёв.* Мақол. || *Юлдузлар ёруғи билан ярим ойдинлашган аёз кечада нам кум.. устида чўзилиб ётган бир одам ўрнидан турди.* Айний, Куллар. || *Тун аёз, изғириқ ел тўрт тарафга югуриб жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

**АЁЛ** [а] 1 Хотин киши ёки вояга етган қиз.

2 Эрли хотин, рафиқа (ўз эрига нисбатан). [Ермат:] *Аёлим қишин-ёзин ичкари ҳовлининг юмушини қилади, кир ювади, уй-жойни супуради, нон ёпади, кўрпа қавийди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**АЁЛМАНД** [а+ф-т] Оилали, бола-чақали; бола-чақаси кўп. *Аёлманд одам ишламай туролмас экан.* Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.

**АЁН** [а] Очиқ кўриниб турган, равшан, маълум. *Аён масала.* *Аён бўлмоқ.* *Аён қилмоқ* || *Аён кўрмоқ* дамиз нур болқинини, Мардлар шарафига халқ олқинини. Х. Расул. || [Ермат:] *Бу оилада нима сир ўтса, барчаси менга аён.* Ойбек, Қутлуг қон.

**АЖАБ** [а] Ҳайрон қоларли, ажабланарли, ғалати, ажиб, қизиқ. *Ажаб Хирот экан!* *Ҳаловофуруши ҳам шоир.* Ойбек, Навоий. *Ажаб қизиқсан, бугун чоршанбага бир ҳафта бор.* Ҳамза, Холисхон. || *Бир неча қадам босиб, орқасида қолган дарвозага қаради-да, бу ерда гўзал қиз Ойпошша яшаганини эслади.* «Ажаб» — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

◆ **Ажаб бўлди** (ёки бўпти) жуда яхши бўлди, кўнгилдагидай бўлди (бирор кимса қилишига яраша жазо олганда айтиладиган ибор). **Ажаб қилди** жуда яхши қилди, жуда тўғри қилди, бошлади.— *Чийиллама,— деди ҳайқариб Йўлчи.* *Йўлчининг жавобига одамлар секингина кулишиб «ажаб қилди» дегандай бир-бирларига маъноли қараб олишди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**АЖАБЛАНАРЛИ** Ҳайрон қоларли, ажиб, қизиқ. *Бунда ажабланарли ҳеч нарсаси йўқ.*

**АЖАБЛАНМОҚ** Ҳайрон қолмоқ, ҳайратда, таажжубда қолмоқ, ҳайрон бўлмоқ.— *Сени қочиб кетган дейишганди, чирғоғим.* *Қаёққа? — ажабланди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АЖАБЛАНТИРМОҚ** ажабланмоқ *фл. орт. н.*

**АЖАБО** [а], во ажабо унд. с. Таажжуб, қизиқ. *Ажабо, бу қандай гап!* — [Бой ўз-ўзига деди:] *Во ажабо, бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офати жон фарийшати?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**АЖАБСИНМОҚ** Бир оз ажабланмоқ. **АЖАБТОВУР** [а+ф-т] с. т. Бинондай, яхшигина. *Ажабтовур йигит.*

**АЖАЛ** Қишининг куни битган, қазоси етган пайт; ўлим, қазо. *Дард бошқа, ажал бошқа.* Мақол. *Қўрққан ажал қувлар.* Мақол. — *Гулнорнинг ўлимини улар ғоят совуққонлик билан қаршилашга уриндилар.* Улар: «*Гулнор ўз ажали билан ўлди. Ажалга даво йўқ*» дейишди. Ойбек, Қутлуг қон. **Ажал** «етди 1) ўлим соати, қазоси етди, куни битди, умри тугади. *Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган бўлади.* Мақол. — *Жаллодлар зулмида оғир кун кўрдим. Етмайин ажалим қутулиб қолдим.* «Рустам»; 2) *кўйма* тамоом ишдан чиқди, бузилди, тамоом бўлди. *Уйинчоқнинг ажали етди. Ажал олсин! (ёки тортсин, чақирсин)! қарғ. ўлсин!*, *қуриб кетсин!* **Ажалидан беш кун бурун** куни битмасдан, қазоси етмасдан, бевақт. *Уғриллар тешиб олдимга чиққанларидан нима қилар эдим? .. Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим.* А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

◆ **Ажал ҳайдаб келган экан** (ёки келди) бирор жойдан бошқа жойга бориб ўша ерда қазо топган киши ҳақида айтилади. *Ажал ҳайдаб келди гулун қошима, Кетмасан қўлимдан бу замон омон.* «Ширин билан Шакар».

**АЖАМ** [а] 1 эск. кт. Араблардан бошқа халқлар; хусусан, форслар, эронлар.

2 муз. Шашмақом куйларидан бирининг номи. *Савти ажам.* *Ажам тароналари.*

**АЖАМИЙ** [а] эск. кт. Араблардан бошқаларга, хусусан, форсларга, эронлиларга мансуб бўлган.

**АЖДАР** [ф-т] 1 Афсонавий катта илон.

2 Дарахтларда яшовчи, учигша мосланган Жанубий Осиёда тарқалган калтакесак.

**АЖДАРГУЛ** [ф-т] айн. итоғиз.

**АЖДАРНАФС** [а+ф-т] Еб тўймас, мечкай, очофат.— *Наинки Хўжа Абдулло Хотийбек ҳар аждарнафсининг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз,— деди Навоий.* Ойбек, Навоий.

**АЖДА(Р)ҲО** [ф-т] 1 айн. аждар.

2 *кўйма нафр.* Қонхўр, ёвуз одам ҳақида. *Уни отган қизил аскар аждаҳо Гитлернинг тишиларидан бирини қоқиб ташлаган, .. инсоният олдидаги муқаддас бурчини бажарган бўлади.* А. Қаҳор, Иккиннинг бири.

**АЖДОД** [а] Илгари ўтган насл-насаб, ота-боболар.

**АЖЗ** [а] эск. кт. Бирор ишга қурби етмаслик; ожизлик, заифлик. *Биродар, ҳақиқий инсон ўз ажзини иқрор қилмоқдан завқ олу.* Ойбек, Навоий.

**АЖИБ** [а] Ҳайрон қолдирадиган, қизиқ, ажабланарли, ғалати. *Ажиб манзара.*

**АЖИ-БУЖИ** Пала-партиш, эгри-бугри, ёмон-жуман (хат, расм ва ш. к.

хақида). *Ажи-бужи хат. Ажи-бужи сурат.* || *Ажи-бужи қилиб ёзмоқ.*

**АЖИВА** [а ажуба] Масхара бўладиган; кўрмисиз, хунук, бедаво. **Ажива қилмоқ** масхара, мазах қилмоқ. *Кишини ажива қилишни дўндиради у.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Аживасини чиқармоқ** расво қилмоқ, ишдан чиқармоқ.

**АЖИН** Ёш улғайганда юз ва пешанада ҳосил бўладиган йўл-йўл чиқилар, ботик излар. *Унинг пешанасига ажин кирибди.* — *Нормат онасининг ажин босган юзига, ёшли кўзларига термилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АЖИНА** [а] 1 айн. жин 1. *Кампирларнинг миш-мишларига кўра, киши кўзига кўпинча кечалари эчки бўлиб кўринадиган «ажина» ва «кавастилар» макони бўлган бу овлқоқ жой обод бир сайилқоқ бўлиб қолди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 *кўча* Кичкина, ажива одам ҳақида. — *Юзбошини нима қилдинг, ажина? — деди Нишонбек Муҳаррамга.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**АЖНАБИЙ** [а] 1 сфм Чет элларга ёки чет элликларга оид, хорижий. *Ажнабий давлатлар. Ажнабий тиллар.*

2 *от* Чет эл граждани, чет мамлакат одами. *Республикамизга кўп ажнабийлар келади.*

**АЖОЙИБ** [а] 1 Жуда қизиқ, ҳайрон қолдирадиган, таажжуб, ғалати. *Унинг [Бектемир] учун паровозлар қудратли, аjoyиб жонли маҳлуқлар эди.* Ойбек, Кўёш қораймас. || *Аjoyиб! Саудийни Эҳсон билан сўзлашадиган сўзи йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. | *Жуда ҳам яхши, таърифга сиғмайдиган. Аjoyиб манзара. Аjoyиб санъаткор.* — *Узоқ қишлоқда жуда содда турмуш кечиршига ўранган бу бечоралар мана энди аjoyиб шаҳарга келиб қолдилар.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Ҳиндистоннинг аjoyиб ранг-баранг гўзал гуллари секин барқ уриб эсар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *Кишини қизиқтирадиган; қизиқарли, қизиқ. Аjoyиб ҳикоя.*

**АЖОЙИБОТ** [а] Кишининг ақлини шоширадиган, ғайри оддий кўринадиган нарсалар ёки воқеа-ҳодисалар. — *Мен юз йил умр кўрдим, лекин бундай аjoyиботни эшитмадим, — дебди вазир.* «Эртақлар».

**АЖОЙИБХОНА** [а+ф-т] айн. музей. **АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ** Жуда қизиқ, ҳайрон қолдирадиган, таажжуб, аломат. *Аjoyиб-ғаройиб воқеалар.*

**АЖРАЛИШМОҚ** ажралмоқ 5, 6, 7 *фл. бирг. н. Элмурод кўнглида: «сиз ичи қоралардан тезроқ ажралишиб кетганимиз маъқул!»* деган фикр билан уларнинг юзларига жиддий қаради. П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Шаҳарга кирганда, улар бошиқа-бошиқа кўчаларга бурилиб, ажраллидилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен мана бу турмушнинг сирларини билмай қолдим. Фа-*

*қат битта чора қолди: ажралишамиз.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

**АЖРАЛМАС** 1 Ажратиб бўлмайдиган, ўзаро чамбарчас боғланган. *Адабиёт ва санъат совет маданиятининг ажралмас қисмидир.*

2 Бири бирдан сира айрилмайдиган; иноқ, қадрдон. *Ажралмас дўстлар.* | *Бузилмас, маҳкам, мустаҳкам. Совет халқларининг ажралмас дўстлиги.*

**АЖРАЛМОҚ** 1 Бўлақларга ажрамоқ, ёрилмоқ, бўлиноқ. *Палён иккига ажралди. Тахта ёригидан ажралиб кетди.*

2 Таркибий қисмларга ажрамоқ; парчаланоқ. *Молекулалар атомларга ажралди.*

3 Кўчиб чиқмоқ, кўчиб, ажраб кетмоқ; шилиноқ. *Пўстлоқ ажралиб чиқди.*

4 Сиртга тепмоқ, ажраб чиқмоқ (организмдан, мураккаб модда составидан ва ш. к. дан). *Меъда ширасининг ажраллиши.*

5 (ч. к. билан) Алоқани узмоқ, бўлак бўлмоқ; тўдадан, бошқалардан ажраб чиқмоқ. *Элга қўшилсанг — эр бўласан, элдан ажралсанг — ер бўласан.* Мақол. — *Мен [Кутбия] .. ота-онамнинг ризоликлари билан улاردан ажралиб холаминикида турдим.* Айний, Куллар. *Шундай азамат йигитлар билан ишляпманки, улاردан бир минут ҳам ажралгим келмайди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

6 (ч. к. билан) Уа никоҳ аҳдини бекор қилмоқ, ажралишмоқ, ажрашмоқ; қўймоқ (хотинини); чиқмоқ (эридан).

7 (ч. к. билан) Маҳрум бўлмоқ, жудо бўлмоқ, айрилмоқ. *Ўғрилар тешиб олди-меа чиққанларида мен нима қилар эдим? .. Қизингиздан ажралур эдингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Охун:] *Мусофирчилик курсин, жонга тедами. Тикмасам, қўйлакдан ажраламан.. Камбағаллик кишини юрдан-юртга судрайди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

8 (ч. к. билан) Алоҳида, холи бўлмоқ, бўлиноқ. *Юпқа девор билан ҳовлидан ажралган дўконхонада Шокир ота ишлайди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

9 (ч. к. билан) Фарқ қилмоқ, фарқлаиб турмоқ. *Бу ерда ҳаммадан ажралиб турган шахс — самарқандлик Тўғонбек эди.* Ойбек, Навоий.

**АЖРАМОҚ** айн. ажралмоқ 1—3, 5, 7, 9. *Тўдадан ажраган тўрга тушар.* Мақол.

◆ **Юрагим торс ажраб кетай деяпти қ. торс.**

**АЖРАТИЛМОҚ** ажратмоқ *фл. мажх. н. Делегатлар учун ажратилган жой.* *Мақтаб биносини қайта қуриш учун маблағ ажратилди.* — *Граждандар учун виждон эркинлигини таъминлаш мақсадида ЎзССРда .. мақтаблар маъитдан .. ажратилган.* «ЎзССР Конституцияси».

**АЖРАТМА** Бирор мақсад учун ажратилган, чиқарилган маблағ, пул ва

ш. к. *Қолхозларда пул даромадлари ва бўлинмас фонд учун белгиланган ажратмалар кўпаймоқда.*

**АЖРАТМОҚ** 1 ажрамоқ *фл. орт. н. Гўштини суяқдан ажратмоқ. Иш жойини ажратмоқ. Гумон дўстни дўстдан ажратар.* Мақол. — *Сенинг мудоанг,— деди ҳожи,— марғилонлик келинни ўғлингдан ажратиб юбориш ва бу келиннинг билан қолдириш — шундоғми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Орага тушиб, икки ёққа айирмоқ, мас. ёқалашувчиларни. *Одамлар ажратмаганда бу хотин мулла Норқўзини ғажиб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

3 Айриб олмоқ, халос қилмоқ, қутқазмоқ. *Қани, менинг қўлимдан сени ким ажрата олар экан!*

4 Бирор мақсад учун атаб, белгилаб чиқармоқ, айирмоқ. *Маблағ ажратмоқ.* — *Бунга қанча ер ажратамиз? — Урмонжон унинг саволига жавоб бермади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

5 Навларига, турига, хилига қараб айирмоқ, хилламоқ. *Сарagini саракка, пуцагини пуцакка ажратмоқ.* — *Анвар ҳўдайчи учун ажратган аризаларни қўлга олиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

6 Бир-биридан фарқ қилмоқ, фарқга бормоқ, айира билмоқ. *Буларнинг қишлоқ болаларими, ё шаҳар болаларими эканлигини ажратиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АЖРАШМОҚ** 1 ажралмоқ 5, 6 *фл. бирг. н.*

2 айн. ажралмоқ 6. [Заргаров:] *Оқила билан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**АЖРИМ** 1 Икки ўртадаги битим, келишув.

2 юр. Қўрилаётган иш бўйича суд қарори, ҳукми. *Суд ажрими.* **Ажрим қилмоқ** 1) икки ўртани битиштирмоқ, келиштирмоқ; 2) юр. қарор қилмоқ, ҳукм қилмоқ; 3) узил-кесил, қатъий, аниқ жавоб бермоқ, ҳал қилмоқ. [Дадавой Қодира:] *Йўқ, сен менга бир нарсани ажрим қилиб бер-чи, колхознинг каттаси ким? Сенми? Ё менми?* Уйғун, Навбахор.

**АЖРИҚ** Бошоқли ўсимликларга мансуб кўп йиллик серилдиз ёввойи ўт. *Ажриққа ағнагандай қийналиб, азоб чекиб (ётмоқ).*

**АЖРИҚЗОР** Ажриқ босган ер, ажриқ ўсган майдон. *Ажриқзор сойлик.*

**АЖУЗ** [а]: айёми ажуз қ. айём. **АЖУЗ-МАЖУЗ** с. т. айн. айём айём ажуз қ. айём.

**АЗ** [ф-т]: аз рўзи азал аввал бошдан, қадимдан, илгаридан. [Хожар ўз-ўзига:] *Нима қилай, аз рўзи азал иродаси шу экан.* Ҳамза, Холисхон.

**АЗА** [а] 1 этн. Дёлларнинг марҳум уйда йиғи билан ўтказадиган мотам маросими. *Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар.* Мақол. — *Камбағал уруг-аймоқ, қўни-қўшинлар тўйда, азада семирадиган юрмсақ*

аёллар қоронғида туртиниб пиёда жұнаиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Мотам, таъзия. **Аза очмоқ** бошқа хонадонда вафот қилган қариндошига атаб мотам маросими бошламоқ. **Аза тутмоқ** мотам тутмоқ. *Жаббор ака ўлган вақтларда қора кийиб, аза тутиб юрган чоғларида ҳам у ўзини ҳозирейдек якка-ёлғиз сезмаган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | кўчма с. т. Хафагарчилк, йиғи-сиғи. Тўй ўрнига аза. — Тўй бўлиб ўтди, лекин тўй билан Бозорнинг уйига аза, мусибат, мотам келиб кирди. Айний, Дохунда.*

**АЗАВОЗЛИК** с. т. Ортиқча хафагарчилк, йиғи-сиғи. [Бой Жамилага:] *Битта гадо учун шунча азовозликми? Энди Ғофурни оғзинга олма! .. Сенга у номахрам. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Азовозлик қилмоқ* ортиқча йиғи-сиғи қилмоқ, кўз ёши тўкмоқ.

**АЗАДОР** [а+ф+т] Яқин кишиси ўлганига ҳали бир йил тўлмаган, таъзияли. *Азадор аёл.*

**АЗАЙИМХОН** [а+ф+т] этн. Касалларга дам солиб, сеҳр-афсунлар ўқиб «даволаш»ни ўзига касб қилиб олган одам; дуохон. *Жаҳолатпараст сохта табиблар, азайимхонлар .. беморларни дуо ёзиш, тумор тақиш каби бемаъни тадбирлар билан алдаган. «К. Ўзбекистон», 1962, № 160.*

**АЗАЛ** [а] Боши, бошланиш вақти номатълум бўлган; қадимги замон; қадим. *Ариқ қазил, сув чиқариш тўғрисига келса, бу эски гап, азалнинг иши. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Азалдан абад 1) айн. то абад қ. абад 1; 2) бошланишидан охиригача.*

**АЗАЛГИ** Қадимдан қолган, узоқ замонлардан бери давом этиб келаётган, узоқ тарихга эга бўлган; қадимги. *Азалги одат. Азалги орзу. — Бу ўлжанинг ариқларини азалги тажриба ва уқув билан ва бениҳоя зўр, доимий меҳнат билан яратишди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**АЗАЛДА** 1 Аввал бошда; туғилишдан. *Лекин азалда тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушиди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Жуда қадим замонларда.

**АЗАЛДАН** рви Қадим замонлардан бери, эскидан, қадимдан. *Азалдан маълум гап.*

**АЗАЛИЙ** [а] кт. Азалги, қадимий. *Халқларимизнинг дўстлиги ўзининг азаллий тарихига эга.*

**АЗАМАТ** [а] 1 Ғоят катта, улкан, азим. *Азамат ўлка. Азамат бино. — Қишлоқни ёқалаб оқадиган азамат дарёнинг кучга тўлган кезлари ҳам худди шу баҳор ойларига тўғри келади. А. Раҳмат, Варракчи чол. | Улуғвор, мардонатор. Азамат иш.*

2 Қудратли, азимкор, забардаст. *Азамат совет халқи. Азамат Совет Армияси. Азамат пахтакорларимиз «оқ олтин»дан баракали хирмон кўтардилар.*

3 Баҳодир, бақувват. *Азамат йигит.*

**Азамат қўллар.** — Йўлчи ҳам бутун азамат гавдасини силкиб қулади. Ойбек, Қутлуғ қон. || *Чарнабсан, азамат, юр энди, блғндажега кириб ухлаб ол. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

4 Азамат (эркаклар исми). **АЗБАРОЙИ** [ф+т] олд кўм. Сабабли, учун. *Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ёлғиз ташлаб қўйганингиздан айтдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қудрат азбаройи ҳалжонга тушганидан гапни нимадан бошлишни билмай қолган эди. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.*

◆ **Азбаройи** худо 1) худо учун, худо йўлига; 2) худо ҳақи, ўлай агар. *Бунини эшитиб, азбаройи худо, тутақиб, иситмам чиқиб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. Азбаройи шифо 1) шифо бўлсин учун, даво бўлсин деб. Шу дорини азбаройи шифо ичинг; 2) айн. азбаройи худо 2. Азбаройи шифо, бу нима деган гап-а?*

**АЗЗА-БАЗЗА** рви, с. т. 1 Атигидан, атайлаб; махсус. *Омоновдек одам сизни табриклаш учун аzza-базза трест ўринбосари кабинетдан чиқиб келармиди? Б. Раҳмонов, Хўжайини кўчди.*

2 Чиндан, ростдан, астойдил. — *Ўттиз йиллик хотинингизга раҳмингиз келмайдими? — Бону энди аzza-базза йиғига тушиди. Х. Фулом, Машғал.*

**АЗИЗ** [а] 1 Иззат-хурматга сазовор, қадрли, қимматли, муҳтарам. *Азиз меҳмон. Жондан азиз дўст. Фарзанд азиз, одоби ундан азиз. Мақол. — Содиқ [тўғини тўшаб:] Алексей ога, марҳамат. — Йўқ-йўқ. — Тўғн сиздан азиз бўлтими, поёндоз тўшасак арзийди, ака, сизга. Н. Сафаров, Уйғониш. | Яқин кишиларга мурожаат формаси. Азизим, қизингизнинг бахтини бир оловларнинг остонасидан қидирманг! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

2 Ҳар нарсадан улуг, аъло, бебаҳо. *Азиз Ватан. — Совет юрти азиз, гўзал, беҳад улугдир. Е. Мирза. Бугдой шундай азиз овқат. Ойбек, Қутлуғ қон. || Мен учун пахта ҳам болаларимдек азиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бу тиг сен учун энг нодир хотиралар билан боғланган. Шунинг учун азиз тутасан. Ойбек, Навоий.*

3 Пулга ҳам топилмайдиган; қимматли, камчил, тақчил. *Бу ерда сув жуда азиз.*

4 дин. Муқаддас, қутлуғ, табаррук. *Ҳар бир дардни дуо ва тупуриги билан даволайдиган азиз одамлар унга ёрдам бермадилар.*

5 Азиз (эркаклар исми).

**АЗИМ** [а] 1 Ғоят катта, улкан, зўр. *Азим терак. Азим тоғлар. Азим дарё. Шаҳри азим. — Беҳуда қон тўкмоқ, юртни парчаламоқдан азим гуноҳ йўқ! Ойбек, Навоий.*

2 Азим (эркаклар исми).

**АЗИМКОР** [а+ф+т] Ғоят катта ишларни амалга оширувчи, улкан ишларга қодир. *Азимкор совет халқи.*

**АЗИМУТ** [р<а ассумут] 1 астр., геод. Кузатилмоқда бўлган осмон жис-

ми ва кузатиш нуқтаси орқали ўтказилган вертикал текислик билан меридиан текислиги орасидаги бурчак.

2 Ҳарб. Бирор нуқтага ҳамда шимол томонга қарата чизилган икки чизик оралигидаги бурчак. | Қартадан ва компасдан фойдаланиб аниқланадиган энг қисқа йўналиш.

**АЗИЯТ** [а] 1 Қийинчилик, машаққат, азоб. *Азият чекмоқ (тортмоқ). — [Қори:] Ундок бўйса, бу ерга келишидан сизга азиятдан ўзга нима хушлик бор? А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. [Элмурод] онасидан ажралгандан бери кун бўйи қанча азият чекди, қанча кўз ёши тўкди. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 Шикаст, зарар-захмат. *Агар шу қўрбоши ўлдирилмаганда Мухторхонга бир азият етәр экан. А. Қаҳҳор, Сароб. Азият етказмоқ 1) шикаст етказмоқ; 2) хафа қилмоқ, ранжитмоқ. Муборак кўнгилларига азият етказганидан қўрққанлигини сўзлаб уэр тилади. Ойбек, Навоий.*

**АЗЛ** [а]: азл қилмоқ (ёки этмоқ) эск. кт. бекор қилмоқ, четлатмоқ, бўшатмоқ (ишдан, мансабдан). *Азизбек мақсадаг кўнди: — .. Мени Тошкент ҳокимлигидан азл этмоқчи ва қўлларидан келса, ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**АЗМ** [а] кт. Қатъий қарор, жазм. *Шўралисой партиямиз азми, халқ иродаси билан «оқ олтин» конига, яшилаган бўстонга айланди. О. Тиловербердиев, Парвоз. У энди пойтахтга келмоққа азм қилган. Ойбек, Навоий.*

**АЗМКОР** [а+ф+т] Азимдан қайтмайдиган, сўзида қатъий турадиган; қатъий.

**АЗМОЙИШ** [ф+т]: азмойиш(ини) олмақ разм солиб, чамалаб ёки суриштириб билмоқ, пой-чоғини олмақ. [Белтавой] *кечгача дала айланиб азмойиш олиб юрди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**АЗОБ** [а] 1 Жисмоний ёки рухий эзилш, қийналиш, уқубат. *Виждон азоби. Рухий азоб. Йлғари кўй азоби — гўр азоби» дердилар. — [Фуломжон] юрагидоги бор дардларини, тортиган азобларини бир-бир айтиб берди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.*

2 Қийинчилик, машаққат. [Хадича] *ўғли не-не азоб билан ясаан столлар, ўриндикларнинг ташқарига чиқариб уйилаётган синиқларини кўриб дод солиб юборди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Ит азобида дағл. қ. ит. Азоб бермоқ қийнамоқ, қийноққа солмоқ. Йўтал ёмон азоб беряпти. — Зиндонбоннинг даромади қамалганларга азоб бериш воситаси билан улардан олинандиган 4—5 танга пулдир. Айний, Дохунда.*

◆ **Нима азоб** нима жазо, неға мунача қийналиш (қийналиб бирор иш қилаётган кишига ачиниб айтиладиган ибора). — *Нима азоб, 'дадаси, ўпкангиз қирилиб кетди-ю, — Ойшабону эрига ачиниб гапирди. Х. Фулом, Машғал. АЗОБЛАМОҚ* Жисмоний ёки рухий азоб бермоқ. *Қимнинг дилида*

има гап борлиги номаълум. Аммо Абдолатни «руши кимларни тул қилмайти» деган гап азобламоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Қийнамоқ, қийдоққа солмоқ. Босмачилар қанча-қанча қишлоқларни вайрон қилдилар, чолу қампирларни, ғўдақларни азоблаб ўлдирдилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**АЗОБЛАНМОҚ** азобламоқ *фл. ўзл. ай мажх. н.* Хотини индамади. У индамаган сайин Қодир азобланар эди. А. Қаҳҳор, Канотсиз читтак.

**АЗОБ-УҚУВАТ** [а] Турли азоб ва уқубатлар, машаққат ва қийинчиликлар. Улар фронтлардаги азоб-уқубат, ишон ва мардлик билан тўла кунларни .. хотирлар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**АЗОН** [а] 1 дин. Сўфининг масжидда жамоат бўлиб намоз ўқишга чақирғи. Масжиддан шом азони эшитилди Ш. Тошматов, Эрк қуши. Шукр сўфи мезанга чиқиб азон айтди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 қўйма Тонг ёришган пайт, тонгги ғира-шира маҳал, тонг.— Шу бўйи туни билан йиғлаб чиқибди, сўнг, эсендай эрга теккунча, қора эрга тегиб қўй қолай» деб, азонга яқин бир илож қилиб қочибди,— деди Давлатёр. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЗОНДА** рви Тонгда, тонг чоғида, тонг отар пайтда, эрта билан барвақт. У ҳар кунни азонда ишга кетади. Эрта (билан) азонда тонг ёриша бошлаган пайтда, эрта билан барвақт. Эрта билан азонда ўрнидан бошини кўтарди-ю, онасининг иш саватчасига ёпишади. Ойдин, Бечора.

**АЗОНЛАБ** *айн. азонда.*

**АЗОНЧИ** с. т. Муаззин, сўфи. Мирорада азончилар айтар азон. Ойбек, Зафар ва Заҳро.

**АЗОТ I** [р<гезек] Рангсиз ва ҳидсиз химиявий элемент, ўсимликлар озинининг энг муҳим элементларидан бири.

**АЗОТ II:** азот кўтармоқ с. т. даст кўтармоқ, тик кўтармоқ.— Ердами-нгиз учун катта раҳмат! — деди Турсуний ва юкни ердан азот кўтарди-да, кифтига қўйиб жўнаб қолди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**АЗОТЛАМОҚ** Азот ёки азотли моддалар билан тўйинтирмоқ, бойитмоқ. Тўлроқни азотламоқ. Пўлатни азотламоқ.

**АЗОТЛАНМОҚ** азотламоқ *фл. мажх. н.* Азотланган ер.

**АЗОТЛИ** Таркибида азот бўлган. Азотли ўғитлар.

**АЗРОЙЛ** [а] (А — катта) Диний ақидаларга кўра одамлар жонини оладиган фаришта; ажал фариштаси.— Гарданимдаги қарзларимни узеунимча Азройл жонимни олиб қўймасан эди,— деди қарзга ботган киши афандига. «Латифалар».

**АЗТАХИДИЛ** [ф-т] *вск. кт. айн.* астойдил.

**АЙ** *айн. эй.*

**АЙБ** [а] 1 Тартиб-қоидага ёки одоб-

-ахлоқ нормаларига хилоф иш, хатти-ҳаракат; гуноҳ. Ўз айбига иқрор бўлмақ. Айбини бўйнига қўймоқ. Айбини яширган ўнмас. Мақол. — Бўйсизнинг Раззоқ ўз сўзида баён қилган уч айби актда ўнлаб, юзлаб далиллар билан исботланган эди. Ҳ. Ғуллом, Машъал.

2 Киши уяладиган, хижолат тортадиган хатти-ҳаракат; уятли иш, уят. Сўраганининг айби йўқ. Мақол. Орзуга айб йўқ. Мақол. — [Холисхон Тожибойга:] Қўйинг, хафа бўлмаман. Бу ўзимнинг укам, айб бўлади. Ҳамза, Холисхон. **Айб қилмоқ** 1) уят қилмоқ, уят деб санамоқ; 2) масҳара қилмоқ. Қанизақ дастурхон ёзиб оқат келтирди. У бир коса ошини Самандаровнинг олдига қўяр экан: — Айб қилмайсиз-да, Мақсудали ака, холам сўк оши қилиптилар. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Айбга буюрмоқ** (ёки қўшмоқ) *айн. айб қилмоқ.* Энди, меҳмонлар, айбга буюрмайсизлар, менинг қиладиган ишим, борадиган ерим кўп. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

3 Камчилик, нуқсон, қусур, иллат. Ҳар тўқисда бир айб. Матал.

**АЙБАКИ** [а+ф-т] Мол терисидан ишланган сифати наст жўн чарм. Айбаки махси.

**АЙБДОР** [а+ф-т] 1 от Бирор айб иш қилган киши; гуноҳдор. [Ота] болалари олдида айбдордек, ҳўл ўтин вишиллаб сасиётган ўчоққа тикилади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 от, юр. Бирор жиноятда айбланиб, жиний жавобгарликка тортилган киши. Навбатчи милиционер айбдорни олиб чиқиб кетди. Ҳ. Ғуллом, Машъал.

3 сфт Жисмоний жиҳатдан бирор камчилиги, нуқсонни, иллати бўлган, айбли. Айбдор қиз. || Бир кўздан айбдорми? — Шунақа. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЙБДОРЛИК** айбдор с. белги оти. **АЙБЛАМОҚ** 1 Айбли деб топмоқ, айб қўймоқ, гуноҳдор қилмоқ. Мендан чин исмингизни яшириб келганингиз учун айблай олмайман. А. Қодирий, Утган кунлар. [Тантйбойвачча] қизни олиб қочганда эҳтиётсизликда, бўшангликда Қора Аҳмадни айблади. Ойбек, Қутлур қон.

2 юр. Айбини аниқлаб айблов фикрини баён қилмоқ. Жиноят кодексининг 78 моддаси билан айблamoқ.

**АЙБЛАНМОҚ** айблamoқ *фл. мажх. н.* **АЙБЛАНУВЧИ** 1 айбланмоқ *фл. ш. оти.*

2 юр. Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ белгиланган тартибда жиний жавобгарликка тортилиши ҳақида устидан қарор чиқарилган шахс. Айбланувчини сўроқ қилиш.

**АЙБЛАШМОҚ** айблamoқ *фл. бирг. н.* Кўни-қўшинлар: «Фалончининг қизи бемехр экан» деб айблашлари мумкин. Ойбек, Қутлур қон.

**АЙБЛИ** *айн.* айбдор 2, 3. Чолнинг юрак яраларини очишда ўзини айбли санаган Йўлчининг кўкраги оғир туй-

ғулар билан тўлди. Ойбек, Қутлур қон.

**АЙБЛОВ 1** айблamoқ *фл. иш оти.* 2 юр. Белгиланган тартибда айб қўйиш, айблаш. Айблов нутқи. **Айблов фикри** айбланувчининг айблари баён қилинган хужжат; айбнома.

**АЙБЛОВЧИ 1** айблamoқ *фл. ш. оти.* 2 юр. Судда жиний иш юзасидан айблов фикрини қувватловчи шахс. Давлат айбловчиси. Жамоат айбловчиси.

**АЙБНОМА** [а+ф-т] 1 *айн.* айблов фикри қ. айблов 2.

2 Фош қилувчи хужжат, асар ва ш. к. «Оқ қон» рангли фильми атом қуролни ишлатишга эйр бериб ури-наётганларни аёвсиз фош қилувчи сиёсий айбномадир. «К. Ўзбекистон», 1960, № 206.

**АЙБОНА** [а+ф-т] Етказилган зарар ёки бошқа бирор важдан тўланадиган жарима; тоvon. Айбона тўлаш. — Эгамберди, шу бурдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўй! А. Қодирий, Обид кетмон.

**АЙБСИТМОҚ** Бирор айб, камчилик, нуқсон топмоқ. У нимадан айбситишни билмай юрибди. Сени айбситишга ҳеч ўрин йўқ.

**АЙВОН** [а] Кўпинча уч томони берк, олди очиқ хона. Ўзанинг тоқу равоқидан ўзининг айвонинг яхши. Мақол. — Уйнинг орқаси ҳам бир замонлар шунинг синкари ўй бўлса керак, лекин бузилгандан кейин олди деворни олиб ташлаб айвон қилинибди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

◆ **Жаҳон айвонида** *поэт.* оламда, дунёда, жаҳонда.

**АЙЁМ** [а] 1 *кт.* Кун; кунлар. Баҳор айёмида.

2 Байрам кунни; байрам кунлари. Улуғ айём. Айёмлари (айёмингиз) муборак!

◆ **Айёми ажуз** қишининг охирига ҳафтаси. Айёми ажуз олти кун, қаҳр айласа — қаттиқ кун. Мақол.

**АЙЁР** [а] 1 сфт Маккорлик билан иш тутадиган; қув, муғомбир. Айёр бой. Айёр тулки. || Тайёрга айёр. Матал. Иш вақтида айёр, ош вақтида — тайёр. Матал.

2 сфт Макр билан тўлиб тошган, маккорликни ифодалайдиган; маккорона. Айёр боқши. Айёр табассум. — Бек айёр кўзларини Раззоққа қаратди. Ҳ. Ғуллом, Машъал.

3 от Ўзбек халқ дostonларида: хийлагар; айғоқчи. Шу орада Алтамиш .. Қалмоққоҳнинг айёрларини ўтда куйдириб юборди. «Алпомиш».

**АЙЁРГАРЛИК** *айн.* айёрлик 2.

**АЙЁРГАРЛИК** *айн.* айёрлик 2.

**АЙЁРЛАРЧА** *айн.* айёрона.

**АЙЁРЛИК** 1 айёр с. белги оти.

Унинг айёрлигини қаранг-а!

2 Айёр кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; қувлик. Назаримда Турдиев нимжон, ҳеч қандай айёрлик қўйдан



желмайдиган содда кўринди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**АЙЁРОНА** [a-ф-т] *реш* Айёрлик билан, қувлик билан, айёрларча. У айёрона кулиб қўйди. || Айёрона ҳаракат.

**АЙЁРЧА** *айн.* айёрона. Азимбойвачча кўзларини айёрча қисиб таъзим қилди. С. Аҳмад, Хукм.

**АЙИЛ** Эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлангириб боғланадиган тўқали қайиш. Айилни тортиб қўймоқ. Айилни бўшатмоқ.

◆ **Айил маҳкам** *даг.* қорин тўқ. Ҳа, оғайни, айил маҳкамми, ҳеч нарса емайртисиз? Айил боғди қаттиқ тегди, ранжитди. Айтган гапларим .. айил ботган бўлса, узр, Қумри келин-ойи. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**АЙИЛМОҚ** *с. т.* Айрилмоқ, ажралмоқ.

**АЙИРБОШ:** айирбош қилмоқ айирбошламоқ, алмаштирмоқ.

**АЙИРБОШЛАМОҚ** 1 Бошма-бошига ёки бошқа бирор шарт билан алишмоқ, алмашмоқ, алмаштирмоқ. Сотишига ва айирбошлашига ярайдиган нарсалар ҳам соп бўлди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Янгиланоқ, ўзгартирмоқ. Ишдан кейин кийимларни айирбошламоқ.

**АЙИРБОШЛАНМОҚ** айирбошламоқ *фл.* мажх. н. Кийимлар айирбошланди.

**АЙИРИШ** 1 айирмоқ *фл.* иш оти.

2 *мат.* Тўрт арифметик амалнинг бири: бир сондан бошқа сонни олиб ташлаш. Айириш белгиси 1) *мат.* бир сонни иккинчи сондан олиниши кераклигини кўрсатадиган ишора; минус (—) белгиси; 2) *грам.* «ъ» харфининг номи.

**АЙИРИШМОҚ** айирмоқ *фл.* бирг. н.

**АЙИРМА** 1 Икки нарса орасидаги фарқ, тафовут.

2 *мат.* Айириш натижасида ҳосил бўлган сон. Беш билан учнинг айирмаси — икки.

**АЙИРМАЧИЛИК** Ҳаммани баравар кўрмаслик, маъкейга ёки бошқа белгиларига қараб кишиларга ҳар хил муносабатда бўлиш, ҳар хил кўз билан қараш. Миллий айирмачилик. — Бу ерда айирмачилик йўқ, тақсир. Биз ҳаммамиз совет болаларимиз,— дейишди болалар. П. Турсун, Уқитувчи.

**АЙИРМОҚ** 1 Бутундан ажратмоқ, ажратиб олмоқ, таркибий қисмларга бўлмоқ, бўлакламоқ. Тухум сариғини оқидан айирмоқ.

2 Турига, навига қараб бўлмоқ, ажратмоқ. Тўй бекаси, Мирзакаримбойнинг хотини, аёлларни уч гуруҳга айирган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 (*ч. к.* билан) Узоқлаштирмоқ, ажратмоқ. Болани кўкракдан айирмоқ. — Майли, ойи, сиз мани бешун кун бағрингиздан айирманг. Орзум шу ..— деди Гулнор. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 (*ч. к.* билан) Махрум қилмоқ, жудо қилмоқ. Уни ёр олдиға кириш

минутининг яқинлиги, ёр нафасининг яқинлиги эс-хушидан айираётган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о

5 Ажратмоқ, узмоқ. [Гулнор ва Унсин] кўзларини бир-бирларидан бир он бўйсин айирмай, секин-секин дардлаша бошладилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Фарқ қилмоқ, ажрата билмоқ, фарқиға бормоқ.— Ман, ман! Дардинда куйган даданман! — Гулнор ўз дадасининг товушини базўр айира билди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Турли муносабатда бўлмоқ, турли кўз билан қарамоқ. [Пўлат:] Биз миллат айирмаймиз .. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз! Мана бизнинг йўлимиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

7 (*ч. к.* билан) Ажрим қилмоқ, эр-хотинни ажратиб юбормоқ. [Мирзакаримбой] энди Фахриддин каби йшитдан қизини айириб олармиди! Ойбек, Қутлуғ қон.

8 Ажратиб қўймоқ, орага тушиб ёки куч билан ажратмоқ. Сўз таъсир қилмаган, ўзи [домла] оломон орасиға кириб, одамларни айира бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

9 *мат.* Айириш амалини бажармоқ, бир сондан иккинчи сонни олмоқ, ажратмоқ. Уттиздан ўн бешни айирмоқ.

**АЙИРУВ** айирмоқ *фл.* иш оти. Бешдан учни айирув. Айирув боғловчиси (*грам.*). Айирув белгиси *айн.* айириш белгиси қ, айириш 2.

**АЙИҚ** Пахмоқ юнгли, бесўнақай, қатта, сутёмизувчи йиртқич ҳайвон. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Мақол. Айиқ полвон айиқнинг лақаби.

◆ **Айиқ мурут** нокнинг бир нави. Катта Айиқ *айн.* Етти оғайни (ёки қароқчи) қ. етти. Кичик Айиқ *айн.* Кичик Етти оғайни (ёки қароқчи) қ. етти.

**АЙЛАМОҚ** *эск. кт.* (фақат қўшма феъллар составида) Қилмоқ, этмоқ, Марҳамат айламоқ. Шафқат айламоқ. — Қадами мубораклари билан бизни сарафроз айладилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АЙЛАНА** 1 от Теварак, атроф. [Жамила ўз-ўзига:] Мени бу темир қафағага солдилар, ихтиёримни қўлимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровуллар бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи. || Айлана клуб деворлари турли шиорлар ёзилган қизил сатинлар билан зийнатланган. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *от, геом.* Ҳамма нуқталари марказдан баравар узоқликда бўлган ёпиқ эгри чизиқ. Айлананинг узунлиги. Айлана чизмоқ.

3 *сфт* Доиравий, тўғарак, филдирак шаклидаги. Айлана йўл.

4 3-ш. эгаллик ва ў.п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (*қ.* айланасида).

**АЙЛАНАЙ** 1 айланмоқ *фл.* 1-ш. буйруқ м. ф.

2 *унд.* с. Садағанг кетай, садақа,

қурбон бўлай; ўргилай. Офтоб нури нур ўзи, Силаб ўтар бошимдан. Ленин йўли нури йўл, Айлана қуёшимдан. «Қўшиқлар».

3 Эркалатиш ёки ҳурмат ифодаловчи муражаат формаси. [Сифатбуви Жамилага:] Айланай, қизим, наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтаклаб, ўзинг қувласанг! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**АЙЛАНАСИДА** *қўм.* вазифасида Теварагида, атрофида. Шаҳар айланасида.

**АЙЛАНИБ-ЎРГИЛИБ** Айланай, ўргилай дея, парвона бўлиб. Ўзбек ойим ҳам уни [Қумушни] маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўтиб, айланиб-ўргилар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АЙЛАНИШ** 1 айланмоқ *фл.* иш оти. Ерниг айланиши. Чўғнинг кулга айланиши.

2 Тўғри йўлдан четдаги, тўғри йўлга нисбатан узоқроқ ва чалкаш; айланма. Айланиш йўл. — У атил-тапил кийинди-да, айланиш бўлса ҳам, Қашқатовнинг бағри билан юқоридан кетди. С. Анорбоев, Оқсой.

**АЙЛАНИШМОҚ** 1 айланмоқ *фл.* бирг. н.

2 Бирор ерда ёки бирор иш билан овора бўлиб, туталиб қолмоқ, бирор ерда айланиб, ўрналиш юрмоқ. [Ҳакимбойвачча:] Эрталаб келган эдим. Банжада айланишиб қолдим,— деди-да, сўзлаб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *манф.* Бирор иш ёки бирор кимса, нарса билан машғул бўлмоқ, бирор иш ёки бирор кимса, нарсага ошифта бўлмоқ. У ичкиликка айланишади. — Унинг [Шарофатнинг] назарида бу тахминлардан ҳақиқатга яқинроғи Сидиқжоннинг ишу жувон йлғур» Канизакка айланишиб қолганлиги эди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**АЙЛАНМА** 1 *сфт* Айлана шаклида бўлган, доира шаклидаги, доиравий, ҳалқасимон. Айланма темир йўл. Айланма ҳаракат *физ.* доиравий ҳаракат, айлана бўйлаб йўналган ҳаракат.

2 *сфт* Тўғри йўлга нисбатан узоқроқ ва чалкаш, айланиш. Айланма йўл 1) тўғри йўлдан узоқроқ чалкаш йўл. Эҳтиёт юзасидан тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллар билан намозга вақтида Шоқосимникига бошлаб келди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) доиравий, ҳалқас шаклидаги йўл.

3 *от* Трамвай ва ш. к.нинг айланма орқага қайтадиган жойи. Трамвай айланмаси. Троллейбус айланмаси.

4 *от* Дарё, денгиз ва ш. к.нинг одатда муқобил оқимлар тўқнашадиган жойларидан сувнинг уюрмали ҳаракати, шунингдек шу ҳаракат содир бўладиган жой.

**АЙЛАНМАЧОҚ** 1 *сфт* Айланиш ва бурлиш жойлари кўп, айланма, чалкаш. Айланмачоқ йўлларда кўринмай кетган қизлар лип этиб яна

кўзимизга чалинди. Х. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

2 *от* Қиз болаларнинг коптокни ерга уриб ва айланиб уни ерга туширмай ўйнайдиган ўйини. *Айланмачоқ ўйнамоқ.*

**АЙЛАНМОҚ I** I ўз ўқи ёки бирор нарса теварагида ҳаракат қилмоқ, айлана бўйлаб, давра олиб юрмоқ. *Ер ўз ўқи атрофида айланади.* — *Жувон даврани уч айлангандан кейин ўзи сингари кийинган бир йигитни тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Сайр қилмоқ, томоша қилиб юрмоқ. *Ғулумжон .. шаҳар айлангани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Кезмоқ, дарбадар юриб босиб ўтмоқ. От айланиб, қозигини топар.* Мақол. — *Тирикчилик ўтказиш учун Юсуфжон қизиқ Туркистонни, Қозогистонни айланиб чиқди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. | *Бир-бир бориб кўздан кечирмоқ, текширмоқ. Эрталаб қурилишга келганда энг аввал ҳамма участкаларни айланиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Бошқа ҳолатга ўтмоқ, бошқа кўринишга кирмоқ, бошқа тус олмоқ. *Сув музага айланди. Ёмғир аста-секин қорга айланди. Овақияга айланган давомли қарсақлар.* — *Мирзаев шу кунни жуда зерикди. Бу зерикши кечкурунга бориб диққатликка айланди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

4 Бирор ерда ёки доирада ўралашиб юрмоқ; айланишмоқ. [Абдушукур] татар савдогарлари орасида айланаркан, уни-буни таниди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 эк. Муомалада бўлмоқ, юрмоқ, оборот қилмоқ. *Капиталнинг айланиши.*

◆ *Айланиб ... ўргилиб* 1) айн. айланиб-ўргилиб; 2) бир айланиб келиб, орадан маълум вақт ўтказиб.— *Ўзинг қилган ош: айланиб ҳам ичсан, ўргилиб ҳам,— деди Қаромат Хамрога.* Х. Раҳимов, Чин ҳаёт. *Боши айланди* 1) мувоzanатини йўқотиб, ҳамма ёқ айланаётгандай, чайқалаётгандай туйилди. *Ботирали айвон устунига суяниб ўтирди-ю, кўзи тиниб, боши айланиб кетди.* Х. Ғулум, Машғал; 2) кўчма нима қиларини билмай эсанкираб, гангиб қолди. *Дастгоҳларни кўриб аввал бошимиз айланиб қолди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Гап айланиб гап гапга улашиб, гандан гап чиқиб. Гап айланиб бригадалар ишига кўчди.* Н. Сафаров, Хадича Ахорова. *Тил айланмай қолди тил лол бўлиб қолди, тил гапга келмай қолди. Ҳаво айланиб турибди* ҳаво ёғадигандай булутланиб турибди, ҳаво ёғса ёққудай бўлиб турибди.

**АЙЛАНМОҚ II** айламоқ *фл. мажҳ. н.* **АЙЛАНСИН I** Садақаси кетсин, садақа, қурбон бўлсин, ўргилсин.— *Ашула сиздан айлансин эшон, айтиб беради, бироз нафасини ўнглаб олсин,— деди Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эркататиш ёки ҳурмат ифодаловчи мурожаат формаси. *Онанг (ёки онаси) айлансин онанг (онаси) тасаддуқ.*

**АЙЛАНТИРИЛМОҚ** айлантирмоқ *фл. мажҳ. н.* Ғилдирак айлантирилди. *Мақтаб атрофига девор айлантирилди.*

**АЙЛАНТИРМОҚ I** айланмоқ *фл. орт. н.* Ҳазилни чинга айлантирмоқ. *Парракни айлантирмоқ. Шаҳар айлантирмоқ. Капитални айлантирмоқ (эк.).* — *Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски қумуш биласузукни айлантириб гапирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бир томондан иккинчи томонга ағдармоқ, бошқа томонини ўғирмоқ, тўнкармоқ. *Шкафни айлантириб қўймоқ.* — [Хасанали] бу икки турли масаланинг ўнг-терисини айлантириб муҳокама қилди ва ўлмади. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 с. т. Гапга, ишга солиб кўрмоқ.

4 *диал.* Алдамоқ, чалғитмоқ. *Кўса бобо, мени айлантирма! Менинг отам Чамбил белда ҳали тирик, ўлгани йўқ.* «Равшан».

◆ *Айлантириб келганда* ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи. *Айлантириб ташламоқ* бордан айлантириб, ўғириб садақа қилмоқ. *Айлантириб туширмоқ* қулочкашлаб урмоқ. *Бошни айлантирмоқ* 1) гангитмоқ, мияни ғовлатмоқ, каловлатмоқ. *У ерда отлар, аравалар, туяларнинг шовқини, .. нонвойларнинг қичқиринишлари бир-бирига қўшилиб, аллақандай маъносиз, бошни айлантирадиган доимий бир ғовурғуеур ясади.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) эс-хушини олиб қўймоқ, мафтун қилмоқ; 3) йўлдан оздирмоқ, аврамоқ, алдамоқ. [Мақсуд Ялангтўшга:] *Оғайни, мен қора одамман. Зағфар Ёдгорбек бошимни айлантирган экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Гапни айлантирмоқ* гапни чўзмоқ; гапни бошқа томонга бурмоқ, чалғитмоқ. *Сўзлашдик, хотин, у киши сўзини айлантириб сиздек бахтли ота жаҳонда йўқ, деди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АЙМАШМОҚ** ўралиб олмоқ, чирмашмоқ, чирмалмоқ. *Теракка аймашган ток. Печакгул дарахтга аймашибди.*

**АЙМОҚ I** Уруғ, элат.

**АЙМОҚ II** экс. кт. **АЙТМОҚ**, демоқ.

**АЙМОҚИ** Кузда кўмай, қишки совуққа ўргатилган ток. *Аймоқи ток.* — *Фақат бақа терак учларидаги аймоқи узумларига қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**АЙНАМА I** Ҳамиша бир маромда, бир тахлитда турмайдиган, ўзгариб турадиган; беқарор. *Бўйшапирманг теримни ҳаргиз, Қуз — айнама, серқилиқ осмон.* Ойбек, Қизлар.

2 Ранги, туси тез ўнгиб кетадиган. *Айнама чит.*

3 Зоти бузилган, айниган. *Айнама мол.* *Айнама қовун.*

**АЙНАМАЧИ** Бир фикрда қатъий турмайдиган, фикрини, ниятини ўз-

гартираверадиган; субўтсиз, бетайин. *Айнамачи одам.*

**АЙНАМОҚ** айн. айнимоқ.

**АЙНАН** [а] *рви, кт.* Ҳеч қандай ўзгаринсиз, худди ўзгинасидай. *Айнан таржима. Айнан отасининг ўзи.* — *Элмурод жавоб бериш учун кўп йўлаб турмади. Илгари бўлган воқеани бугунга айнан кўчириб айтиб қўя қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЙНИ** [а] 1 Худди ўзи, ўзгинаси, нақ ўзи. *Айни ҳақиқат. Бу — айни нодонлик.* — *Ашула ниҳоятини етди. Лекин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Чол айни саволни Матнонуса ҳам берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *рви* Авжи, нақ, роса. *Поезд айни вақтда келди.* — *Имтиҳон айни қизиган кунлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ *Айни муддао* кўнгилдаги мақсаднинг, муддаонинг ўзгинаси. **Айни замонда** 1) шу вақтнинг, шу палланинг ўзида; 2) *кириш с.* шу билан бирга, шунинг билан бирга.

**АЙНИМОҚ I** Туси, ранги ўзгариб хиралашмоқ, аввалги рангини йўқотмоқ, ўнгмоқ. *Айниган чит.* — *Айниган эски гимнастёркаси ҳам сувга чайқалгандай жиққа ҳўл.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Тозалигини, софлигини, асиллигини йўқотмоқ, бузилмоқ. *Сирка айниб қолибди. Бугдойнинг бу нави айнибди. Асил айнимас, айниса ҳам чиримас.* Мақол. — *Йўқ,— деди онаси,— чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан, ким билади ҳали қачон келишади.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

3 Хулқ-атвори, одоб-ахлоқи жиҳатидан ёмонлашмоқ, ёмон томонга ўзгармоқ, бузилмоқ. [Музаффар Дадавоёга:] *Вақтида жуда хурсанд бўлганми! Сиз билан фахрланганмиз. Аммо кейинги йилларда айниб қолдингиз, димоғингиз кўтарилиб кетди, кўзингизни ёғ босди.* Уйғун, Навбахор.

4 Фикридан, ниятидан, сўздан қайтмоқ, фикрини, ниятини ўзгартирмоқ.— *Уртоқ командир танкист бўлар эмшилар,— деди Тожихон қулиб.— Учувчи бўлишдан айнибдилар.* А. Қаҳҳор, Йиллар. *Арслонкул .. баъзи оғайнилари қидирмоқчи бўлди, лекин яна айниди.* Ойбек, Навойӣ. *Ҳожини хола пулли кўрди-ю, яна айниб қолмасин деб, қўлидан қулиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиб кетмоқ, одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари гапларни гапира бошламоқ.— *Буни қаранг, ёмғирда қолган мушукнинг ҳиди келади!* — *Айнима, айнима!* — *деди йўғон бир товуш.* — *Ёмғирда қолган мушукни ҳидлаб кўрганмисан?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Кўнгли айниди** 1) кўнгли беҳузур бўлди, кўнгли озди, қайт қилгиси келди; 2) *кўчма* феъли озди, аччиғи чиқди. *Мияси айниб қолган эси-хуши жойида эмас, эси кирали-чиқали бўлиб*

қолган. **Феъли айниб турибди** 1) асаби кўзгаб, бузилиб турибди; 2) жаҳли чиқиб, кайфияти бузилиб турибди. **Хаво айниди** хаво бузилди, ҳавони булут қоплади.

**АЙНИТМОҚ айнимоқ** 1—4 фл. орт. н. **Офтоб ранги айнатади.** Дори кўнглимни айнитди. — Укаларингиз ўз багрингизда бўлади, деб бошимни айнитди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Нега сиз тайёр кувёдан ўртоғингизни айнитдингиз.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЙНИЯТ [а]** 1 Айнан ўхшашлик, бир хиллик.

2 **мат.** Таркибидаги барча ҳарфий белгиларнинг ҳамма қийматларида ҳам бузилмайдиган тенглик. **Тригонометрик айниятлар.**

**АЙНИҚСА рви** 1 Хусусан, бошқаларга нисбатан кўпроқ. [Йўлчи] Ерматни, айниқса Гулсумбинини ўйлаб, уларга ачинди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 **Жуда** ҳам, ғоят даражада, бениҳоят. **Атом энергиясидан . . . фойдаланишининг истиқболи айниқса кенгдир.** «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

**АЙРИ 1 сфт** Бирор жойидан иккига тармоқланган. **Айри йўл.** Айри ёғоч. **Айри шох.** Айри бўлиб ўсган ёнғоқ.

2 **сфт,** кўчма Бир-бирга зид, қарама-қарши. **Уларнинг гапи айри чиқди.** Гапи билан иши айри чиқиб қоляпти.

3 **от** Икки шохчали таёқ, ёғоч; тиргак. **Шафтоли шохларига айрилар қўйилди.** — Баъзи ғўзалар айри билан тираб қўйилган. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

4 **от** Беда, пичан, похол кабиларни кўтариш, ёйиш, тўплаш учун паншаха ўрнида ишлатиладиган икки шохли, узун сопли асбоб. **Ёғоч айри.** Темир айри.

◆ **Айри туёқлилар зоол.** туёқлари баб-баравар иккига айрилган сутэмизувчи ҳайвонлар отряди, кўш туёқлилар. **Айри туя** икки ўрқачли туя.

**АЙРИЛИК 1 айри 1, 2 с.** белги оти.

2 **кўчма** Ўзгалик, бошқачалик.

**АЙРИЛИШ 1 айрилмоқ фл.** иш оти.

2 **Йўлнинг тармоқланган жойи.** — Айрилиш келиб қолди. — Қайққа юрамиз? — деди Сидиқжон унинг кўзига қараб. — Ўн қўлга, — деди хотин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 **Айрлик,** бир-биридан ажралиш, жудолик. [Ёдгор Маматга:] **Тирик айрилиш ўлиб айрилишдан минг-минг марта ёмонроқ.** Ҳамза, Паранжи сирлари.

**АЙРИЛИШМОҚ айрилмоқ фл.** бирг. н. **Ниҳоят, кеча кечаси иккиси [Йўлчи билан Петров] турмадан қочиб чиқа билди.** Кучли ҳаяжон ва самимият билан кучоқлаша-кучоқлаша, вақтинча айрилишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АЙРИЛИҚ** Ер-дўстлардан, туғишганлардан ёки севгилисидан айрилиш; жудолик, фироқ, хижрон. **Айрилик ўлимдан қаттиқ.** Мақол. — Гулнор бутун юраги билан Йўлчига мафтүн,

унинг кўксини севги ҳасрати ва айрилиқ лим-лим тўлдирган. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АЙРИЛМАС айн.** ажралмас. **Ҳисобли дўст айрилмас.** Мақол.

**АЙРИЛМОҚ айирмоқ фл.** ўзл. ва мажҳ. н. **Улар бир-биридан сира айрилмайдилар.** Бола онасининг ёнидан айрилгиси келмасди. Айрилганни айик ер, бўлинганни бўри ер. Мақол. Эдан айрилгунча жондан айрил. Мақол. **Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.** Мақол. — Бола «қулоқдан айрилдим» деб ўйлаган бўлса керак, қўрқиб дарров ушлаб кўрди — йўқ қулоқ жойида. А. Қаҳҳор, Йиллар.

**АЙРИЛУВЧИ 1 айрилмоқ фл.** иш оти.

2 **мат.** Бирор сондан айриладиган бошқа сон.

**АЙРИМ 1** Ўзига мустақил, алоҳида, яқка. **Айрим хона.** **Айрим хўжайлик.** **Айрим сўзларни ўзаро бириктириб гап тузмоқ.** || — Бу масалани айрим ҳал қиламиз, — деди Алексей. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

2 **Баъзи,** баъзибир. **Район газетаси шининг бориши ва айрим колхоз, бригада, ҳатто айрим одамларнинг қандай ишлаётгани тўғрисида тез-тез ёзиб турар эди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**АЙРИМЛИК 1 айрим 1 с.** белги оти. **Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi натижасида ишлаб чиқарувчи кучлар ўсди, миллий айримлик ва бекиклик аста-секин йўқола бошлади.** «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 10.

2 **Тафовут,** фарқ. **Синфий айримлик.**

**АЙРИЧА рви** Бошқалардан фарқли равишда, бошқача, ўзгача, алоҳида. **Айрича парвариш қилиш.** || **Айрича муҳаббат.**

**АЙРОН** Қатикқа сув қўшиб шопириб тайёрланадиган ичимлик. **Айрон ош бўлмас,** нодон бош бўлмас. Мақол.

**АЙСБЕРГ [р<ингл]** Қутб денгизларида қирғоқдан ёки муз тепаликларидан ўпирилиб туриб, сувда юрадиган муз тор.

**АЙТАЙЛИК кириш с.** Фараз қилайлик, деяйлик.

**АЙТАРЛИ 1 (фақат бўлишсиз феъллар билан)** Айтса бўладиган, гапирса арзийдиган, унчалик. **Айтарли чиройли эмас**

2 **Кўзга кўринарли,** сезиларли. **Айтарли ўзгартиш бўлмади.** Шунча ҳаракатдан айтарли натижа чиқмади.

**АЙТГАНДАЙ,** «дек 1 **Айтгани** каби, айтгани сингари. **Сен айтгандай,** ераната ташламабди-ю, самолётни ўққа тутабди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 **кириш с.** Сўзловчининг ёдига келиб қолган воқеа-ходиса ҳақидаги гап бошида келади. **Ҳа, айтгандай,** қудангизниқига юборган кишингиз келди-ми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Айтгандай,** Шариф билан кўришиб турасизми? А. Қаҳҳор, Сароб.

**АЙТГАНЧА айн.** айтгандай. **Айтганча,** сизни кимдир сўраган эди. — **Хўжайин айтганча,** «ўзилмаган гул»

бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин, бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АЙТИЛИШ 1 айтилмоқ фл.** иш оти.

2 **Товушнинг,** сўзнинг талаффуз этилиши; талаффуз. **Айтилиши қийин сўзлар.**

**АЙТИЛМОҚ айтмоқ 1—5 фл.** мажҳ. н. **Хамма гап айтилди.** Тўйга кўп меҳмон айтилди. **Атом деб нимага айтилади?**

**АЙТИШМОҚ 1 айтмоқ 1—5 фл.** бирг. н.

2 **Гап** талашмоқ, тортишмоқ, санманга бормоқ. **Сиз билан айтишган енгиллади.** Ҳ. Фулом, Машъал. **Урта-роқда айтишиб икки бола тўсатдан бир-бири билан муштлаша кетди.** Ҳ. Фулом, Машъал.

**АЙТМОҚ 1** Фикрни, мақсадни оғзаки баён қилмоқ, тушунтирмоқ, гапирмоқ; демоқ. **Ростини айтмоқ.** **Ўз фикрини айтмоқ.** **Айтишга тил (оғуз) бормайди.** **Иккинчи хил (турли) айтганда (кириш с.).** **Бошқача (бошқа сўз билан) айтганда (кириш с.).** **Айтишлариға қараганда (кўра) (кириш с.).** **Бетга айтганнинг захри йўқ.** Мақол.

2 **Ҳикоя** қилиб, гапириб, сўзлаб бермоқ. **Эртасига Урмонжон бу воқеа ва ўзининг мулоҳазаларини Иброҳимовга айтди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 **Талаффуз қилмоқ.** **Мўйлови майса бўлиб қолган кап-катта йиештининг «р»ни айта олмаслиги Элмуродга ғалати туйилди.** П. Турсун, Ҳўкутувчи.

4 **Атамоқ,** ҳисобламоқ. **Қиморбоз деб кимни айтасиз? Оғзидаги оши билан ғўлдиради Қамбар.** Ойбек, Қутлуғ қон.

5 **Таклиф этмоқ,** чақирмоқ. **Тўйга айтмоқ.** **Хашарча айтмоқ.** **Айтмаган ерга борма, айтган ердан қолма.** Мақол. **Айтмаган қўноқ — йўнмаган таёқ.** Мақол. — **Маҳалладан ҳам уч-тўрт киши айтдим, ошини кўпроқ қилиш керак.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 **Буйруқ-сўроқ** майли формасида сўзловчининг изҳор қилинган фикрга қўшилганлигини, шу фикрни маъқуллаётганлиги ёки таъкидлаётганлигини ифодалайди. **Мен энг яхши қаймоқни Марғилонда едим. . . Ҳушўйлигини айтинг.** А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун. **Шундай барно, шундай соҳиб-жомол. . . Бунинг устига чеварлигини айтмайсизми?** Шухрат, Она рози.

7 **Баъзи отлар билан қўшма феъл ясади,** мас. **салом айтмоқ,** **узр айтмоқ.**

◆ **Айтгани айтган,** дегани деган сўзини ўтказадиган, ҳукмини сўзсиз юргизадиган одам ҳақида. **Тушингни сувга айт қ.** туш. **Қизим сенга айтман,** келиним сен эшит бирор кишига тегишли гапни шама билан бошқа кишига айтилаётганлигини билдиради.

**АЙТМОҚЧИ 1 айтмоқ фл.** истак ф-си. **Онанинг айтмоқчи бўлган сўзи**



фақат шу эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 ай. айтгандай 1. Кечқурунлари кўпинча одамлар билан гурунлашиб ўтирадиган Иброҳимов, Курбон ота айтмоқчи, гулларни ўз илмидан баҳраманд қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 ай. айтгандай 2.— Айтмоқчи,— деди Тешабой бирдан жонланиб,— Ғулом қорини тушира қолсангиз қалай бўлади? М. Исмонилӣ, Фарғона т. о.

**АЙТТИРМОҚ** 1 айтмоқ 1—5 фл. орт. н. Ашула айттирмоқ. — [Отабек онасига:] Табиб айттирайми? — Айттир. Менинг ҳам кўнглимга шу келиб турган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Унаштирмоқ; унашмоқ. Айттириб қўйилган қиз. — [Хасанали:] Бек учун бир неча жойларга қиз айттирмоқ истал(ин)ган бўлса ҳам.. бекнинг уйланишига бўлган қаршиликларидан бу кунгача тўй қилмай келиш. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЙТУВЛИ** 1 Ҳўрматли, қимматли, азиз. Айтүвели меҳмон.

2 Донг чиқарган, донгдор. Йиғинда .. Қарим понсадардан тортиб, Тошкентнинг айтувли .. аъёнидан ўн бешлаб одам бор эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЙШ** [а] 1 Ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат; нашъу-намо, нашъа. Қарилк айшини сурмоқ. — Мана, ўзингиз кўрган жой, бемадло айшларингизни қилинглар. Хўпми, синглим? А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Кайф-сафо, майхўрлик, ишрат. Олифта одам Аҳмад Хусайнға ўшайган ҳолда, оғзини катта очиб, «йхў, айш жойида-ку» — деди. Ойбек, Нур қидириб.

**АЙШГОҲ** [а+ф+т] Айш-ишрат, кайф-сафо жойи, ишратхона. Бу ёш бойвачча учун ресторанда гўё ҳеч ким йўқ, бу жой ёлғиз унинг айшгоҳи. Ойбек, Кутлуғ қон.

**АЙШ-ИШРАТ**, айшу ишрат Давомли ёки сурункасиз кайф-сафо, майхўрлик, ишрат. Айш-ишрат қилмоқ. — Бутун бойлигини айш-ишрат, фаҳш, бузқўлик, оламида совириб.. ниҳоят тақдир уни завқ-сафо тахтидан унинг ифлос остонасига отган эди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**АЙЮХАННОС** [а] 1 унд. с. Оломонга, тўдага қарата қилинадиган хитоб, нидо. Урда жаричи бозор ва уриниш жойларда тўхтаб: — Айюҳаннос! Билмаган билсин, вишитмаган вишитсин манзумаси билан жар солиб юрар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 кўчма Шовқин-сурон, ҳайқирӣқ; дод-фарёд. Айюҳаннос солмоқ. — Ишбот қилинмаган давво! Мунча айюҳаннос! Ойбек, Кутлуғ қон.

**АЙКАШМОҚ** Устма-уст қалашиб, уйилиб ётмоқ. Тунги сменадан қайтиб келганлар эса, баъзилари жомакорларини ҳам ёмай палаткаларида бир-бирига айқашиб, ухлаб ётишарди. Ш. Ғудомов, Бўз ер уйғанди. Поишо-

ман деган тортишиди, Улик ўликка айқашди. «Равшан».

**АЙҚАШТИРМОҚ** айқашмоқ фл. орт. н.

**АЙҚАШ-УЙҚАШ** Устма-уст қалашган, уйилган, бетартиб. Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил жиҳозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Ойбек, Куёш қораймас.

**АЙҚИРИШМОҚ** айқирмоқ фл. бирг. н.

**АЙҚИРМОҚ** Шиддат ва ҳайқирӣқ билан оқмоқ; ҳайқирмоқ. «Шўхсой» қишлоқнинг қоқ белидан айқириб оқди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АЙҚИРТИРМОҚ** айқирмоқ фл. орт. н. Сувни айқиртир — қўлингиз юргилсин пахта водийсига айланади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**АЙҚИШ-ТУЙҚИШ** ай. айқаш-уйқаш.

**АЙҒИЗ** Толнинг бир нави. || Айғиз шоти.

**АЙҒИР** Уч-тўрт ёш ўртасидаги эркак от. | Умуман эркак от. У [Тўла-мат] вақти-вақти билан колхознинг зотли айғирларига эгар уриб, совутгани олиб чиқарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**АЙҒОҚ** 1 от, ай. айғоқчи.

2 сфрт, вск. Хўшёр, сергак. Оғиз — айғоқ, тил — тойғоқ. Мақол.

**АЙҒОҚЛАМОҚ** Зимдан, махфий равишда текширмоқ, азмойиш олмоқ. Иккинчи кўланка кўча томонини яхши айғоқлаб бўлгач, қоронғироқ томонга ўтиб, деворга тирмаша бошлади. Ғайратий, Тун қўйнида.

**АЙҒОҚЧИ** Махфий агент, воқеанавис, жосус. Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайиб юришибди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**АЙҲАЙ** унд. с. Узоқдаги одамга қаратилган мурожаат овози. Айҳай солмоқ 1) узоқдаги одамни баланд овоз билан чақирмоқ; 2) шовқин-сурон кўтармоқ, айюҳаннос солмоқ.

**АЙҲАЙЛАМОҚ** 1 Узоқдаги одамни баланд овоз билан чақирмоқ.

2 Шовқин-сурон кўтармоқ, айюҳаннос солмоқ. У айҳайлаб ҳамма ёқни бошига кўтарди.

**АКА** 1 Бир ота-онадан туғилган катта ўғил (ўзидан кичикларига, укаларига нисбатан). Катта ака. Уртанча ака. Кичик ака.

2 Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки унга хурмат юзасидан ишлатилади. Деҳқон ака, вҳтиёт бўлинг, аравангиз нобоп, .. бошини чайқаб гапирди Йўлчи. Ойбек, Кутлуғ қон. Биринчи масала юзасидан Бўтабой акага сўз берилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Акаси эр кишининг ўзидан кичикларга эркатлаш ёки хурмат билан мурожаат этиш формаси. Йўқ, акаси, мен бугун иша чиқа олмайдиганга ўйлайман. Куч, мажолим йўқ. Ойдин, Бечора.

3 этн. Бачча сақлаган одам, бесоқолбоз.

**АКАВАЧЧА** Баччанинг акаси (қ. ака 3).

**АКАДЕМИЗМ** [р] 1 Илмий тадқиқот ва ўқув юртларида: қуруқ назарияга берилиб кетиш, ҳаётдан, практикадан узилиб қолиш, қуруқ назариябозлик.

2 Тасвирий санъатда: антик дунё ва Уйғониб Даврининг классик намуналарига кўр-кўрона эргашувчи ва реалистик оқимларга қарши курашувчи оқим.

**АКАДЕМИК** [р] Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. | Бирор академиянинг аъзоллигига сайланган олим, адиб, rassom, ҳайкалтарош ва ш.к.нинг унвони.

**АКАДЕМИК** [р академический] 1 Академияга оид, академияга тегишли; академияда тайёрланган. Академик нашр.

2 Ўқув юртларида: академик йил ўқув йили. Академик соат дарс соати (45 минут).

3 Академизм принципларига асосланган (қ. академизм 2). Академик тасвирий санъат.

◆ Академик театр СССРда: энг яхши, намуна, ўрнатқ бўладиган давлат театрларига бериладиган фахрий ном. Ҳамза номи Ленин ордени ўзбек Давлат академик драма театри.

**АКАДЕМИЯ** [р<грек] 1 СССРда: илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган олий илмий муассаса. СССР Фанлар академияси. РСФСР Педагогика фанлари академияси. ЎзССР Фанлар академияси.

2 Баъзи бир олий ўқув юртларининг номи. Қишлоқ хўжалиги академияси. Ҳарбий медицина академияси.

**АК-АК:** ак-ак қилмоқ ақилламоқ, вовилламоқ.

**АКАС** с. т. Акация.

**АКАЦИЯ** [р<грек] Сохта дуккаклилар оиласига мансуб хушбўй гулли дарахт ёки бута. Оқ акация. Сарик акация.

**АКАШАК** с. т. 1 Мушакларнинг беихтиёр қаттиқ тортишуви натижасида қўл-оёқларнинг йиғилиб, тортишиб қолиши. Акашак бўлмоқ. Қўлинг акашак бўлсин! (қарғ.).

2 Тоб ташлаган, қайишган. Ефим тоға.. дик этиб ўрнидан турди ва болгани қўлига олиб, ўқи букри одамдай акашак бўлиб кетган арава олдида борди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АКАШАКЛАНМОҚ** 1 Акашак бўлмоқ, тортишиб қолмоқ. [Гулнор] оёқларининг акашаклана борганини, бутун гаёдасининг тириша бошлаганини сезди. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Тоб ташламоқ, қайишиб қолмоқ.

**АКБАР** [а] 1 вск. кт. Буюк, улкан, катта. Жиходи акбар 1) дин учун қилинган муқаддас уруш; ғазовот; 2) кўчма катта жанг, катта уруш. Вазир акбар бош вазир, катта вазир. Исфандиёр тахтга ўтирган кечаси Одилбикага, қанча-қанча ваъдалар қилди: отасини вазир акбар қилиш, бошқа

*уйланмаслик ва ҳоказо.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Акбар (эркаклар исми).

**АКВАРЕЛЬ** [p<фр] 1 Сувда эритиб ишлатиладиган бўёқ, сув бўёқ.

2 Шу бўёқ билан солинган сурат, расм.

**АКВАРИУМ** [p<лат] 1 Баилиқ, сув жониворлари ва ўсимликларини асраш ва урчитиш учун ясалган ховуз ёки шиша идиш.

2 Сув жониворлари ва ўсимликларини ўрганиш ва намойиш қилиш билан шуғулланадиган махсус муассаса.

**АКИЛДОҚ** 1 Унар-унмасга акиллайверадиган, вовуллайверадиган (ит ҳақида). *Акилдоқ кучук.*

2 *кўчма дағл.* Бўлар-бўлмасга валдирайверадиган; вайсақи.

3 *кўчма дағл.* Ҳа деб йиғлайверадиган, йиғлоқ, жағи очик (гўдак ҳақида).

**АКИЛЛАМОҚ** 1 Ҳа деб вовулламоқ, вакилламоқ. *Ит акилламайди, қушлар сайрамайди. Улар ўзларини сояга олиб мудрашади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма дағл.* Бўлар-бўлмас гаплар гапирмоқ, вайсамоқ, валдирамоқ, вакилламоқ.— Э, э, акиллай берасан-да, Сафар! — деди бўқоқ,— биз нима деяпмиз-ку, сен нима деяпсан! А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма дағл.* Ҳа деб йиғлайвермоқ, ариллайвермоқ (гўдак ҳақида).

**АКИЛЛАТМОҚ** акилламоқ *фл. орт. н.*

**АКИЛЛАШМОҚ** акилламоқ *фл. бирг. н.*

**АККОРД** [p<итал] 1 Музыкада турли баландликдаги бир-бирига ҳамоҳанг бир неча товушнинг бирданига чалиниши. *Бир йўла бир неча аккорд олиш.*

**АККОРД** II [p аккордный] 1 Ишни борича байлашиб олиш тартиби; ишбай. *Аккорд иш. Аккорд ҳақ тўлаш.*

**АККОРДЕОН** [p<фр] Ҳнг кўл билан ушланадиган томонида клавиатураси бўлган фортепиано типидagi гармонь.

**АККОРДЕОНЧИ** Аккордеон чалувчи.

**АККРЕДИТӢВ** [p<нем] *фин.* Банк ёки омонат кассалардан бирининг бирор шахс ёки ташкилотга маълум миқдордаги маблағни бериш ҳақида бошқа банк ёки кассага юборган буйруқ қозони, мас. омонат кассага қўйилган пулни исталган омонат кассадан олиш учун берилган ҳужжат.

**АККУМУЛЯТОР** [p<лат] Электр ёки иссиқлик энергиясини кейинчалик фойдаланиш учун тўплайдиган асбоб. *Электр аккумулятор. Аккумуляторлар батареяси.*

**АКОБИР** [a] 1 *эск. кт.* Юқори мартабали киши, катта одам.

2 Ақобир (эркаклар исми).

**АКРОБАТ** [p] Акробатика билан шуғулланувчи гимнастикачи; циркда мураккаб гимнастика машқларини ғо-

ят эпчиллик ва моҳирлик билан ижро этувчи артист; муаллақчи.

**АКРОБАТИК** [p акробатический] Акробатикага оид. *Акробатик машқ.*

**АКРОБАТИКА** [p<грек] Спорт гимнастикаси ва цирк санъатининг мураккаб тури.

**АКРОБАТЧИ** *с. т.* Акробат.

**АКС I** [a] 1 *от* Бирор нарсанинг силлиқ, ярқироқ сатҳда кўринган тасвири, шакли. *Ҳовузнинг лиммо-лим суви ишшадай тоза, одамнинг акси кўринади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Ички ҳис-туғйу, кайфият ва ш.к.нинг чехрадаги, ташқи қиёфадаги асари, кўриниши. *Акс этмоқ* 1) силлиқ, ярқироқ сатҳда (тасвири) кўринмоқ. *Кўзгуда акс этмоқ;* 2) қайтмоқ (мас., акс садо ҳақида); 3) кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ (ички ҳис-туғйу, кайфият ва ш.к. ҳақида). *Шу бергина сўз унинг [Мадумарнинг] бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 4) *кўчма ўз* ифодасини топмоқ. *Асарда объектив воқелик акс этган.*

2 *сфт* Тесқари, зид, қарама-қарши. *Акс натижа. Акс таъсир.* || — *Йўғе,— бой домланинг сўзини бўлди. Бўлис бунинг аксини айтган эди-ку.* Ҳ. Ғулום, Машъал. **Аксига олмоқ** (ёки юрмоқ) 1) бировнинг истагига, хоҳишига ёки буйруғига қарши иш тутмоқ, кесма-кесарлик қилмоқ; 2) хоҳишга, истакка қарши юз бермоқ. *Аксига олиб, ёмғир ёғди.*

3 *сфт* Тутган ерини кесадиған, гапга кўнмайдиган, ўжар, қайсар. *Акс бола.*

4 *от* Таъсир. *Одамнинг одамга акси уради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Акс садо** 1) товушнинг узоқдаги нарсалардан акс этиб қайта эшитилиши. *Унинг [Алим буванинг] овози ниҳоят даражада йўғон эди, у тоғтошлар орасида гуриллаб акс садолар билан ёйилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) *кўчма* жавоб садоси, жавоб ҳаракати, ишораси ёки аломати. *Курувчилар мажлисида кўтарилган бу масала шаҳардаги ҳамма корхоналарда акс-садо тонди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Акс** ҳолда шундай бўлмаган (қилинмаган) тақдирда; бўлмаса.

**АКС II** [a] Диний-хурофий тасаввурда: жин, ажина. **Акс** тегди жин тегди.

**АКСА** [a] Димоғ қичиши натижасида ғайрихаттирий равишда ўпкадан кескин товуш билан ҳаво чиқариши; аксирок. *Қимнингдир қаттиқ аксаси Элмуродни чўчитди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Акса урмоқ** аксирмоқ, чучкирмоқ.

**АКСАР** [a] 1 Кўпчилик қисм, кўп қисм; кўп. *Аксар вақт.* — *Аксар уйлар хароб ва кимсасиз эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Меҳмонларнинг аксари ўрта ёшли — ўттиз, қирқ орасидаги одамлар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *реш* Кўпинча, кўп ҳолларда. [*Юсуфбек ҳожи*] *Отабек билан бирор тўғрида сўзлашмоқчи бўлса, уни аксар меҳмонхонага чақириб ёки чақиртириб олади.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**АКСАРИ** [a] 1 Кўпчилиги, кўпчилик қисми. *Уқувчиларнинг аксари ағло ўқийди.*

2 *реш* Кўпинча, кўп ҳолларда. *Соҳилда кучли шамол турган вақти ҳам кўп, бироқ бундай шамоллар, аксари, кечалари бўлади.* А. Раҳмат, Барракчи чол.

**АКСАРИЯТ** [a] Кўпчилик; кўп. *Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб, Мустафо Содиқни оқшиладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

**АКСИГА** *реш* Истакка, хоҳишга зид равишда. *Аксига қор ёққанини қаранг.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кеча аксига, уйга барвақт жўнаган эдим.* Ойбек, Нур қидириб.

**АКСИЛИНҚИЛОБ** [a] *эск. айн.* контрреволюция.

**АКСИЛИНҚИЛОБИЙ** [a] *эск. айн.* контрреволюцион. *Аксилнқилобий ҳаракат.* *Аксилнқилобий унсурлар.*

**АКСИЛИНҚИЛОБЧИ** *эск. айн.* контрреволюционер. *Бойлар, муллалар, қулоқлар ва умуман аксилнқилобчилар томонидан бўлаётган ташвиқот халқни ишдан қочириб, руҳини сўндирмоқда эди.* Айний, Қуллар.

**АКСИЛҲАРАКАТ** [a] *эск. I айн.* реакция I.

2 Реакцион ҳаракат, контрреволюцион фаолият.

**АКСИЛҲАРАКАТЧИ** *эск. айн.* реакционер.

**АКСИНЧА** *реш* 1 Қутилганнинг аксича, қутилганга бутунлай зид ҳолда. *Ҳамма иш аксинча бўлиб чиқди.*

2 Тесқари, нотўғри равишда, эгри. *У ҳамма нарсани аксинча талқин қилган.*

3 *кириш с. вазифасида* Айтилганга ёки қутилганга зид ўлароқ. *Аксинча, ҳамма нарсга ўйзал ва ёқимли бир шакл олди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *зидл. юкл. вазифасида* Йўқ, тесқарисича. [*Турғун Муҳаббатга:*] *Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жиндек озиб яна ҳам чиройли бўлибсиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АКСИОМА** [p<грек] 1 Бирор фаннинг исботсиз қабул қилинадиган ва бошқа қоидаларнинг тўғрилигини исботлаш учун асос бўладиган туб ва асосий қоида. *Геометрия аксиомалари.*

2 *кўчма* Исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат, ўз-ўзидан маълум нарсга. *Революцион синф реакциян урушида ўз ҳукуматининг мағлубиятга учрашини истамаслиги мумкин эмас.* Бу — аксиомадир. В. И. Ленин, Импералистик урушда ўз ҳукуматини мағлубиятга учратиш тўғрисида.

«Коллектив — катта куч» деган аксиома бу ерда ҳам ўзини кўрсатди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**АКСИРМОҚ** Акса урмоқ, чучкирмоқ. *Мавлоно Шахобиддин аксириб, рутубатдан ишкоятланди. Ойбек, Навоий.*

**АКСИРТИРМОҚ** аксирмоқ *фл. орт. н.* Аксиртирадиган газлар.

**АКСИЧА** *рви* I Тескарисича, зид ўлароқ. *Зайнаб эгачисининг аксича ўз яқинларидан «писмиқ» деб исм олган, онаси бўлса аччиғи чиққанда «мингаймас ёлғур» деб уни қарғар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 с. т. айн. аксинча I, 2.

**АКСЛАНМОҚ** I I Акс этмоқ, қайтмоқ. *Қуёш нури қордан аксланиб, кўзни қамаштиради.*

2 Инъикос этмоқ, акс этмоқ, кўринмоқ, намоён бўлмоқ (ички ҳис-туйғу, кайфият ва ш. к. ҳақида). *Муҳаббат опадай матонатли коммунистлар ички сирларини билдирмай ўтирган бўлсалар ҳам, бошқаларнинг кўнгилларида нима ўтганлиги ўз баширларидан аксланиб турмоқда эди. Айний, Қуллар.*

**АКСЛАНМОҚ** II *дин.* Акс тегиб оғримоқ.

**АКСЛИК** I *акс* I 3 с. белги *оти.* 2 Акс, қайсар одамга хос хатти-ҳаракат. *Акслик қилмоқ.*

**АКТ** [*p<лат*] I Мухим воқеа, ходиса, иш-ҳаракат.

2 Бирор ишни, юридик фактни тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Ердан абадий фойдаланиш ҳақидаги акт. Акт тузмоқ. Актга қўл қўймоқ.*

**АКТЁР** [*p*] Спектакль ва кинофильмларда роль бажарувчи артист.

**АКТЁРЛИК** актёр с. касб *оти.* *Актёрлик факультети. Актёрлик маҳорати.*

**АКТИВ** I [*p*] Бирор ташкилот ёки коллективнинг илғор, ташаббускор қисми. *Партия активи. Актив йиғилиши.*

**АКТИВ** II [*p* активный] I Серҳаракат, ҳаракатчан, ғайратли, ишчан, фаол. *Коммунизм қурилишининг актив қурашчилари. || Мунозарада актив қатнашмоқ.*

2 Ҳаракатдаги, ишлаб турган; ривожланидиган, зўрайидиган. *Ўпқадаги актив процесс. — Уран алюминий қобиқ ичидаги актив зонада стержень тарзида жойлашган. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.*

**АКТИВ** III [*p*] *бухг.* Баланснинг кириш, даромад қисми; корхона ёки ташкилотнинг моддий бойликлари, пул, мол-мулк ва х. к. мажмуи; *акси пассив* II. **Актив баланс** четга чиқарилган молларнинг четдан киритилган молларга нисбатан кўпроқ бўлиши.

**АКТИВЛАШМОҚ** Ўз фаолиятини оширмоқ, кучайтирмоқ, фаоллашмоқ.

**АКТИВЛАШТИРМОҚ** активлашмоқ *фл. орт. н.* Жамоат ташкилотларини активлаштирмоқ.

**АКТИВЛИК** I актив II с. белги *оти.* *Коммунистларнинг активлигини оширмоқ.*

2 Ғайрат-шижоат, фаолият. *Қом-*

*сомол ёшлар қўриқ ерларни ўзлаштиришида зўр ташаббус ва активлик кўрсатмоқдалар.*

**АКТИНИЙ** [*p<грек*] *хим.* Уран рудаларида бўладиган радиоактив элемент.

**АКТРИСА** [*p<фр*] Актёр аёл.

**АКТУАЛ** [*p* актуальный] Ҳозирги вақт учун энг муҳим, энг зарур. *Актуал масала. Актуал проблема.*

**АКТУАЛЛИК** актуал с. белги *оти.* *Шуни айтмоқ керакки, теманинг актуаллиги шеърнинг бадиий заифлигини юбиб кета олмайди. «К. Ўзбекистон», 1950, № 24.*

**АКУЛА** [*p*] Денгизда яшайдиган йирик йиртқич балиқ; наханг.

**АКУСТИК** [*p*] Акустика мутахассиси.

**АКУСТИК** [*p* акустический] Акустикага оид, акустикага мансуб. *Акустик аппаратлар. Залнинг акустик шароити.*

**АКУСТИКА** [*p<грек*] I Физиканинг товушлар ҳақидаги бўлими.

2 Бирор бинода товушларнинг эшитилиш шароити ва хусусиятлари, товушларнинг яхши эшитилиши ёки эшитилмаслиги. *Концерт залининг акустикаси яхши экан.*

**АКУШЕР** [*p<фр*] Ҳомиладор аёлларга, туғадиган ва туққан хотинларга ёрдам кўрсатувчи, маслаҳатлар берувчи мутахассис врач.

**АКУШЕРКА** [*p*] Аёлларга хомиладорлик ва туғиш маҳалида ёрдам бера оладиган ўрта маълумотли медицина ходимаси; доя.

**АКУШЕРЛИК** I акушер с. маъ. ва касб *оти.*

2 Медицинанинг хомиладорларга, туққан ва туғадиган хотинларга тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари билан шуғулланадиган бўлими.

**АКЦЕНТ** [*p<лат*] *лингв.* I Урғу, сўз урғуси. | Урғу белгиси.

2 Она тилидан бошқа тилда сўзлагандаги ўзгалик хусусиятлари. *Рус тилида ўзбекча акцент билан гапирмоқ.*

**АКЦИЗ** [*p<лат*] I Капиталистик мамлакатларда ва чор Россиясида: қанд, гугурт, туз сингари кенг истеъмол молларига солинадиган эгри, устама солиқ.

2 Чор Россиясида: шундай солиқни тўплаш билан шуғулланган идора.

**АКЦИОНЁР** [*p*] Акциялар эгаси, акциядор жамият, ширкат аъзоси; акциядор.

**АКЦИЯ** I [*p<фр*] Капиталистик мамлакатларда: акциядорлар жамияти томонидан шу жамият капиталига ўз хиссасини қўшган пайчиларга бериладиган ва уларга жамият ишида қатнашиш, унинг даромадларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, қимматбаҳо қоғоз.

**АКЦИЯ** II [*p<лат*] Бирор мақсадга эришиш учун қилинадиган иш, ҳаракат. *Дипломатик акция.*

**АКЦИЯДОР** [*p+ф-т*] айн. акционер.

**АКЦИЯЛИ** I айн. акционер.

2 Акциядорлардан тўпланган капитал асосида қурилган. *Акцияли жамият.*

**АКЦИЯЧИ** айн. акционер.

**АЛАЙ-БАЛАЙ** с. т. Ҳар хил важ-бахона, майда-чуйда гап. *Алай-балай демоқ ҳар хил важ-бахона қилмоқ, важлашмоқ. Алай-балай десам, тугиб олиб уриш ҳам таъбида бор. Х. Шамс, Характеристика.*

**АЛАЙКУМ** [a]: ассалому алайкум (*л. м.* сиз тинч-омон бўлинг) 1) салом бериш, саломлашниш формаси. — [Саид Жалолхон] *ассалому алайкум, — деди раисга рўпара бўлиб.* А. Қаҳҳор, Башқорат; 2) *кўчма* кўпинча қасос қайтганда таъбир бериш, уялтириш формаси. *Ассалому алайкум, ҳўи, энди қалайсиз? Ва алайкум ассалом (л. м. сиз ҳам тинч-омон бўлинг) саломга жавоб формаси. [Солиҳ маҳдум:] — Ассалому алайкум, келган экинлар, тақсирим! [Эшон:] — Ва алайкум ассалом! Ҳўи саломатмисиз, Солиҳ маҳдум? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**АЛАЙНО** [a]: алайно ошкор очикдан-очик; рўй-рост. *Кўрсанг кўзинг тўйғудек, барваста, қуёш кўрасида тобланган йиғитлардан, юрагининг ургани алайно ошкор билиниб турибди. Ғ. Ғуллом, Оқариб кўринар бир матрап.*

**АЛАЙХ** [a]: *биноан алайх* *эск. кт.* шунга биноан, бипобарин. *Биноан алайх, шу ердаги сирга воқиф бўлганларнинг вазифаси бу ҳодисани кишига сўзлашмаслик. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**АЛАЙХИЛЛАЪНА** [a, л. м. лаънатлар бўлсин] *дин.* Шайтоннинг эпитети. [Фазлиддин:] *Одамнинг ичини билиш жуда мушкул нарса. Қўринишда фариштадай одамнинг ичида шайтон алайхиллаъна ўтиради. Ойбек, Кутлур қон.*

**АЛАЙХИССАЛОМ** [a, л. м. тинч-омон бўлсин] *дин.* Пайғамбарлар, имомлар эпитети. *Тарихда, яъни одам алайхиссалом замонидан то шу кунгача уч одил подшо бўлган. Ойбек, Кутлур қон.*

**АЛАК** Пахта ипдан қўлда тўқилган мата; силлиқ бўз. || *Алак тун.* — *Чит бирла бир ерда алак Бозори тангу тор экан. Муқимий.*

**АЛАЛХУСУС** [a] *эск. кт.* Айниқса, хусусан. [Мирзакаримбой Йўлчи:] *Биласан, хотин аҳли молага ўч бўлади, алаалхусус сандиқдаги молни ер-кўлка ишонмайди. Ойбек, Кутлур қон.*

**АЛАМ** I [a] I Жисмоний азоб, оғриқ. *Қомил калтак алаמידан ҳўнғ-ҳўнғ йиғлаётган боладан яна сўради. Ҳ. Ғуллом, Машъал.*

2 Рухий азоб, қийналиш дард-ҳасрат; изтироб. *Ҳижрон алами. Жудолик алами. Алам чекмоқ (тортмоқ). — Биз у вақтлар севиш нима, севиш, севилиш нима, буларнинг дард ва алами, завқ ва шавқи нималигини ҳам билмас эдик. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қуллик билан тортардик*

алам, Меҳнат қилган хор эди, кўрмасдик роҳат. Ғайратий. Алам қилди с. т. кўнгилга қаттиқ тегди, озор берди, дилни оғритди, ранжитди. Эрининг «бош қоронғи бўл, звида бўл-да» дегани унга жуда алам қилди, хўрлиги келди, ўпкаси тўлди. А. Қаххор, Анор.

3 Қасд, ўч, қасос. Мунча серпичинг бўлиб кетибсиз. Менда аламингиз борми! Шухрат, Шинелли йиллар. Алам(ини) олмоқ 1) қасд, ўч олмоқ.— Мени ташлаб кетганингиз аламини Зайнабдан олмасам, кимдан олай.— деди кулиб Қумчи. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма бирор иш қилиб ёки бирор иш билан шуғулланиб, юракни бўшатмоқ, хафагарчиликни ёзмоқ, хумордан чиқмоқ. Балки аламини ишдан олгандир? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Исанинг аламини Мусадан олмоқ бировдан етган ранж, озор қасдини бошқа айбсиз одамдан олмоқ.

4 Ғазаб, нафрат; захр. Аламдан тарқамок (ёки чиқмоқ) 1) айн. алам(ини) олмоқ 2 қ. алам 3. [Собираҳон:] Йиғладим. Утириб хат ёзим. Бу билан ҳам аламдан чиқмай, хатни кўтариб, Қомила холамнинг олдиларига арза бордим. А. Қаххор, Хотинлар; 2) қасдини, учини олмоқ. Мингбоши тек ётмаган эди, қизининг аламини чиқариб олиш учун баҳона изларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) ғазабдан тарқамок. Сиз кўй демганингизда оғзи бурнини дабдала қилиб, бир аламдан чиқай деган эдим. П. Турсун, Ўқитувчи.

АЛАМ II [а] 1 эск. Байроқ, туғ. 2 дин. «Азия-авлиёлар» дафн этилган мазорга сиғинувчилар томонидан шу мазор дарахтларига боғланган латта. Эр Хуббига бориб астойдил сиғиниб, шайхларга тўн кийеизди, кекса чинорларга алам боғлади, бўлмади. С. Аҳмад, Хукм.

АЛАМАНГИЗ [а+ф-т] Рухий азоб берадиган, қийнайдиган, хафа қиладиган. Аламангиз ҳодиса. — Дўстлардан айрилмоқ гарчи бениҳоя қийин ва аламангиздур. Ойбек, Навоий.

АЛАМ-АЧЧИК Рухий азоб-уқубатлар, дард-хасратлар.

АЛАМДИЙДА [а+ф-т] Юраги дард-алам билан тўлиб тошган, жабр-жафо чеккан, азоб-уқубат тортган. [Йўлчи] ўзи учун эмас, халқ учун, юрт учун, жамияти аламадалар, аламдийдалар учун қон тўкди. Ойбек, Қутлуғ қон.

АЛАМДОР [а+ф-т] эск. Байроқ, туғ кўтарувчи; байроқдор.

АЛАМЗАДА [а+ф-т] 1 айн. аламдийда.

2 Аламиндан тўйиб, қасос, ўч олиш қасдига тушган, кимсада алами бўлган. Зоғора нонни ушатиб қўяётган Полвон: — Оқсоқолдан аламзада бўлганлар кўп-ку,— деди мийиғида кулиб. Ж. Шарипов, Хоразм.

АЛАМ-ИЗТИРОБ айн. алам-аччиқ. Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги

ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи Ислохўжа қизидаги алам-изтиробнинг изларини дарҳол сезди. Ж. Шарипов, Хоразм.

АЛАМЛИ I Оғриб турган, оғриқли. Аламли яра.

2 Дард-алам чеккан, аламдийда. Тоҳирим келмайди деб қаҳр этма, э, жон Зухраҳон, Бир гуруҳ дардли, аламдиларга мен ёр ўлмишам. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

3 Дард-алам билан тўлиб тошган; дард-аламни ифодаловчи. Аламли кўзлар. — Кечир демоқчисиз,— деди Инобат майин, аламли оҳанг билан. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. Аламли ва ярали кўнгишлардан рўй-рост отилиб, ҳавони янграган ҳақиқат овози унинг бутун вужудини титратди. Ойбек, Қутлуғ қон.

АЛАМНОҚ [а+ф-т] айн. аламли 3. [Жомий:] Қўнсул бўлса асар ҳар қанчалик пок, Бўлур у шунчалар кўпроқ аламнок. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

АЛАМОН с. т. Оломон.

АЛАМ-СИТАМ айн. алам-аччиқ. Бугун жуда сиқилиб кетдим.— Дардлашадиган, юрагимни эзган алам-ситамларни эшитадиган дўст йўқ,— деди автор. С. Аҳмад, Севгинга содиқман.

АЛАНГА I Ёниб турган ўтдан, оловдан кўтарилмаётган ёлқин. Газ алангаси. — Шам алангаси ҳар томондан эсиб тураган шабадада тебранар эди. А. Қаххор, Қўр кўзини очилиши.

2 Ғруғлик; ёруғ шуъла. Ашулачиларнинг қўшида қорайган юзлари машғалларнинг алангасида йилтилар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 кўчма Ўт олдирувчи, жўшқин жараён; жўшқинлик, ҳовур; юракка ўт солувчи, ёндирувчи ҳис-туғйу. Фироқ алангаси. Ишқ алангаси. Уруш алангаси. Ғазаб алангаси. — [Шумилов:] Нима бўлар эди? Учқунлаб турган революция алангаси айланар эди. Н. Сафаров, Уйғонши. Алаंगा олмоқ 1) алангаланиб ёна бошламоқ. Жане майдонда душманнинг етти танки аланга олиб ёнди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир; 2) кўчма кучаймоқ, зўраймоқ, авжига минмоқ, шиддатли тус олмоқ. Ўзбек ойимнинг ғазоби тагин ҳам аланга олди: — Сўзимни эшитасанми, кар? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

АЛАНГАЛАНМОҚ I Аланга олмоқ, аланга олиб, ёлқинланиб ёнмоқ, ўт олмоқ. Радиокарнайи осиб олган танк тўхтади-да, бир оздан кейин алангаланди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Кучаймоқ, зўраймоқ, авжига минмоқ; шиддатли тус олмоқ. Бу сўзни эшитиш билан Нурининг сўнган умиди алангаланди, кўкраги ёниқ орзулар билан тўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тутақмоқ; тутақишмоқ.— Жўна кўзимдан, оқ надар, кет, нақ илшингни синдираман қайтиб

келсанг.— Борган сари алангаланди чол. Х. Аҳмар, Ким ҳақ? | Ўртанмоқ, ёнмоқ. Чанқаб кетдим, юрагим алангаланаяпти. «Муштум», 1959, № 8. | Ёнмоқ, чақнамоқ. Қўзи алангаланди, мангалайи буришди, қошлари бир-бирига тортилди. Айний, Эсдалиқлар.

АЛАНГАЛАНТИРМОҚ алангаланмоқ фл. орт. н.

АЛАНГАЛАНУВЧАН Тез ёлқинланадиган, тезда аланга оладиган. Алангаланувчан материал.

АЛАНГАЛАТМОҚ Аланга олдиarmoқ, ёндиarmoқ. Минглаб деҳқонлар тўқайни ўраб олиб, ботоққ атрофидаги қуриб қолган қамишларни алангалатиб ёқмоқдалар. Жўрабоев, Мулла Б. м. Икки севуви қалбнинг орзулари, ўйлари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар, уларнинг севги ва садоқатларини кучлироқ алангалатар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

АЛАНГАЛИ I Аланга бериб ёнаётган; ёлқинли. Алангали гулхан.

2 кўчма Қизгин, жўшқин, оташин; шиддатли. Алангали салом. — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг алангали тўлқинлари, ёлқинли машғаллари узоқ Туркистонга ҳам етиб келди. А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

АЛАНГ-ЖАЛАНГ рвш Аланглаб, кўз югуртириб, олазарак бўлиб. Қўзлари аланг-жаланг бўлди. — Анвар Шавкатий атрофга аланг-жаланг қараб ҳовлиққанича келарди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Мулла Обид орадан ўтган гапни эшитмаганликдан аланг-жаланг бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон. Бўтабойнинг кўзи аланг-жаланг бўлиб қолди. С. Аҳмад, Хукм.

АЛАНГЛАМОҚ Ҳайронликда ёки бесаранжом бўлиб атрофга қарамоқ, олазарак бўлмоқ. Кампир набираси Назирали билан қаёққа борарини билмай, тўрт томонга аланглаб қолди. Ойдин, Мардлик — мангулик.

АЛАНГЛАНМОҚ I алангламоқ фл. ўзл. н. айн. алангламоқ.

2 Безовталанмоқ, бесаранжом бўлмоқ; ҳадиксирамоқ. Улар чўчиб, алангланаиб, орқага чекиншиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

АЛАНГЛАТМОҚ алангламоқ фл. орт. н. Бектемир кўзларини ҳар ёққа аланглатди. Ойбек, Қуёш қораймас.

АЛАНГЛАШМОҚ алангламоқ фл. бирг. н. Бу сабабни қалмоқлар билмасдан, қандай балого дучор бўлиб қолдик, деб аланглашиб қолган эди. «Алпомиш».

АЛАС-АЛАС этн. I Оғир ётган беморни «даволаш» мақсадида таёқча учига ўраб ёндирилган латгани ёки беморнинг кийимини унинг бошидан ўгириши.

2 Кишига илашган жин, опала ва ш. к.дан халос бўлиш учун Сафар ойда гулхан ёқиб, устидан сакраш.

АЛАСЛАМОҚ этн. Алас-алас қилиб «даволамоқ». Домла касал бетига сув сочди. ..Катта бир латгани ён-

дириб, бошидан айлантириб ташлади — аслади. А. Қаххор, Сароб.

**АЛАФ** [а] Еввойи ўт, гнэх. Сасник алаф бурган, супурги ўт.

**АЛАХСИМОҚ** Бирор иш билан овра бўлиб, алақишиб қолмоқ; муддао бир ёқда қолиб, бошқа гапга, ишга чалғимоқ. Гапга алахсиб ишдан қолмоқ. — Уктамхон опа меҳмон билан алахсиб, ҳозиргина койиб ўтиргани магазинчи йиғитни унутган эди. Ш. Фуломов, Ерқин уфқлар. Дарс тугаши билан ҳеч нарсага алахсимай уйига жўнайди. У. Умарбеков, Чарос.

**АЛАХСИТМОҚ** алахсимок фл. орт. н. Уғли .. расм дафтаришни варақлаб яна отасини гапга алахситди. Ойдин, Ирода.

**АЛАЧА** Қўлда тўқилган йўл-йўл ип ёки жуң мата. Бир чопонлик алача. || Алача тўн.

**АЛАЧАБОФ** Алача тўқувчи уста. **АЛАҒДА:** кўнгил алағда кўнгил бетинч, кўнгил жойида эмас, хотиржам эмас, безовта. Алағда бўлмоқ хотиржамликни йўқотмоқ, бетинч бўлмоқ, безовта бўлмоқ. [Баҳри Муҳаббатга:] Хар учрашганимизда ўрига ўйшаб, кўнглимиз алағда бўлиб юрганмишча, бир йўла тўйини қилиб давр-даврон сурганимиз яхши эмасми, эмиш. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АЛАҲЛАМОҚ** 1 Босинқираб ёки иситманинг зўридан қовушмаган, ноаниқ сўзлар сўзламоқ. Тун ярмига борганда Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди. Дам-бадам ҳушини йўқотиб, алаҳлай бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўча манф. Тутуриқсиз, бемаъни гап қилмоқ, валдирмоқ. — Не бало, алаҳлапсизми? — Ана холос, индамасан ҳали жиннига ҳам чиқариб қўясан. Ойдин, Эр юрак.

**АЛАҲСИРАМОҚ** диал. Алаҳламоқ. **АЛБАН** қ. албанлар. Албан халқи. Албан тили. || Албан аёл.

**АЛБАНЛАР** Албаниянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

**АЛБАТ** пост. айн. албатга.

**АЛБАТТА** [а] модал с. 1 Фикрнинг ёки иш-ҳаракатнинг қатъийлигини, муқаррарлигини, шубҳасиз, сўзсиз бажарилишини билдиради. Қори ўрикдан иккитасини Сидиқжонга узатди. — Заб ўрик экан-да, канал битиб, сув сероб бўлиб бог-роғ қилганимизда албатта шунинг данагидан экамиз. А. Қаххор, Қўшчибор.

2 кири с. вазифасида Шубҳасиз, турган гап, табиий, бўлмасачи. Мен, албатта, кўзиниёзининг оқу қораси бўлган ёлғиз қизиниёзини ярамас, бўлмагур кишига тутиб берарсиз, деб билмайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЛВАСТИ** 1 Шарқ мифологияси ва диний-хурофий тасаввурда: гўё хар хил қиёфада кўринадиган афсонавий махлук; жин, ажина. Қампирларнинг миш-мишларига кўра, киши кўзига кўпичча кечалари эчки бўлиб кўринадиган «ажина» ва «алвастилар»

макони бўлган бу овлоқ жой-обод бир сайишгоҳ бўлиб қолди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўча Ниҳоятда кўримсиз, бад-башара одам ҳақида. Шу чоққача бировга сўзини бермаган, бировдан гап эшитмаган Бегим, нотаниши хотиндан дакки едингми, у аластининг ола-кула кўзларидан қўрқиб, калтагидан қочдингми? И. Раҳим, Чин мухаббат.

**АЛВИДО** [а] унд. с., юк. усл. Абадий хайрлашув, видолашув формаси. Абадиян алвидо, севи! Ойбек, Навоий. Заводлар фарёди, тўплар гумбури остида ўтказилган беш минутлик сукунатдан сўнж кеч қоронғисига чулғанаётган минбардан нотаниши бировнинг фарёди эшитилди: — Алвидо, эй жонажон дўстимиз, алвидо! П. Турсун, Уқитувчи.

**АЛВИР-ШАЛВИР** Усти-боши осилган-солинган, шалвираган; бесўнақай. Ўзи ҳам дарров сала-чопонни ечиб ташлаб, содда, алвир-шалвир деҳқон сифатига кириб олади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**АЛВОН** 1 [а], қизил алвон Сидирга қизил ип газлама. Евариқ бўйидаги ёзлик ошхона устунларига узун алвон тортилган. И. Раҳим, Ихлос. Қизил алвон ёпилган столга ҳаммадан бурун келиб ўтириб олган Тожибой мажлисни очди. П. Турсун, Уқитувчи.

**АЛВОН** 2 [а] 1 Қизил тусли, қипқизил, қирмизи. Бунда гулнинг энг асллари Бахмал гилам, алвон поёндоз. Ҳ. Олимжон. Кўёш теракзор орқасига ботиётган, ғарб уфқига алвон ранг шафақ ёйилган ажиб оқшом эди. Ҳ. Фулом, Машғал. Чаманда бир гулал эжонон кўринди, Юзи гул-гул ёниб, алвон кўринди. Ҳабибий.

2 (нумератив с. билан) Хилма-хил, турли-туман. Бир уядан неча алвон қуш учади. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши. Остимда ўйнайди юз алвон отим. М. Алави.

**АЛВОН-АЛВОН** Ранг-баранг, хилма-хил, турли-туман. Атрофида алвон-алвон йиғитлар, Шундай қилиб элда давронинг сурар. «Рустам». Йўл ёқалаб.. Оқши, қизғиш, рангли сарин гуллар Алвон-алвон бўлиб ёзилган. Уйғун.

**АЛГЕБРА** [р<а ал жабр] Математиканинг миқдорлар устида (уларнинг сон қийматларидан қатъий назар) бажариладиган амалларнинг умумий қонунлари ҳақидаги бўлими.

**АЛГЕБРАИК** [р алгебраический] Алгебрага оид, алгебрага мансуб. Алгебраик сон. Алгебраик тенгламалар.

**АЛДАБ-СУЛДАБ** рви Ҳар хил ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан алдаб, турли йўллар билан авраб, лақиллатиб | Яхши гаплар билан алдаб, йўлга солиб. [Майсара Муллариўзига:] Қиргандан кейин уни алдаб-сулдаб ухлатиб, ундан кейин чиқариб юбораман. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**АЛДАМОҚ** 1 Ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан лақиллатмоқ, аврамоқ. Халқ халқ бўлиб бировни алдаган эмас, аммо .. халқни алдаганлар бўлган, ҳа, сиз бизни адамасангиз бўлди, бой, биз сизни алдамаймиз. М. Исмоний, Фарғона т. о. | Фириб бермоқ, панд бермоқ, ҳийла-найранг ишлатиб чув туширмоқ. Водокачкадаги рабобчилар бу ҳужжатни тан олишмапти: «князь сени алдапти, водокачка уники эмас, халқники, пулгини княздан қайтариб ол» дейишпти. А. Қаххор, Қўшчибор.

2 Яхши гап, ваъда ва ш. к. билан йўлга солмоқ, кўндирмоқ. Кўёнинг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Келин уйга қамалиб олган — на ёлворганга кўнади, на алдаганга. А. Қаххор, Тўй.

3 Йўлдан оздирмоқ, йўлдан урмоқ. [Хонзода Жамилага:] Эй тентак.. Юзингни биров кўрган билан ёйлиб қоладими... Шўнадай қилиб акамни алдайсан-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Ёлғон гапирмоқ, ёлғончилик қилмоқ. — Рафиқ, найни ким чалди? — Йўлчи акам. — Ал Ростданчи! Алдама! Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Чалғитмоқ, нотўғри тасаввур туғдирмоқ. [Муса:] Сен бировни ҳам алдама, ўзингни ҳам алдама: мана бу ерда дардинг бор, деди-да.. унинг кўкрагига аста урди. — Мана бу ерда. П. Турсун, Уқитувчи.

**АЛДАМЧИ** 1 Кишини алдашга, аврашга, лақиллатишга уста; алдоқчи.

2 Фирибгар, қаллоб. Буларнинг кайфлари шунчалик чоғ эдики, кўрган киши.. яхши бор баракадан боши осмонга етган алдамчи савдогарми деб ўйлар, муқаррар шундай деб ўйлар эди. М. Исмоний, Фарғона т. о.

3 Ваъдасида турмайдиган; ваъдасиз, субути, бурди йўқ, бебурд. — Алдамчи! — Бу алдашлар — алдаш эмас, сиз ҳали қараб туринг, қочқоқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Ёлғон-яшиқ гапларни кўп гапирувчи; ёлғончи.

5 Чалғитувчи, чалғитадиган, алдайдиган. Кўнелида бир лаҳза учган беҳуда, алдамчи халлардан қутулди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АЛДАМЧИЛИК** 1 алдамчи с. белги оти.

2 Қалб иш, қаллоблик. **АЛДАМ-ҚАЛДАМ** Чалакам-чатти, қалбаки иш; кўзбўямачилик, қаллоблик. Алдам-қалдам иш.

**АЛДАНМОҚ** 1 алдамоқ 1, 2, 3, 5 фл. мажҳ. н. Ёлғон ваъдаларга алданмоқ. — Уятимдан кўзларимни очолмайман. Негаки, еру кўклар, боғу тошлар ва дунёдаги барча нарсалар менинг алданганим учун кулиб масҳара қилгандек қарайдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Одамлар «дин-шариат» деб, урф-одат деб алданиб келдилар. Лекин бунинг асл маъноси қонхўрлик билан барабар ваҳшиёна зулм эканини

тушунмай келдилар. П. Турсун, Ҳқи-тувчи.

2 алдамоқ 5 фл. ўзл. н.

**АЛДАТМОҚ** 1 алдамоқ фл. орт. н.  
2 Алданмоқ, қўлга тушмоқ, фириб емоқ.

**АЛДАШМОҚ** алдамоқ фл. бирг. н.  
**АЛДОҚЧИ** айн. алдамчи 1—4. [Йўлчи:] .. Бойларнинг сўзига сира учини керак эмас. Уларнинг бари алдоқчи. Ойбек, Қутлуг қон.

**АЛДОҚЧИЛИК** 1 алдоқчи с. белги оти.

2 айн. алдамчилик 2.

**АЛЕБАСТР** [р <грек] Пиширилган ва туйилган оқ гипс; ганч.

**АЛЕУТ** қ. алеутлар. *Алеут тили.* || *Алеут аёл.*

**АЛЕУТЛАР** Алеут ва Командор ороллариининг туб аҳолисини ташкил этган халқ.

**АЛЁР** [асли олло+ёр] 1 Знефат, ва ш.к.да қадаҳ кўтариш олдидан айтиладиган сўз ёки кўшиқ. [Аҳмад сардор] ўзи косагул бўлиб алёр айтиб коса бераёттипти. «Хушкелди».

2 этн. Бачча айтадиган ёки унга қарата айтиладиган кўшиқ.

**АЛЁРЧИ** Алёр айтувчи, алёр ай-тишга уста одам.

**АЛЖИМОҚ** 1 Бўлмагур, бемаъни гап қилмоқ, маза-бемаза, тутуриқсиз гаплар гапирмоқ; валдирамоқ, айни-моқ. *Менинг очиқ кўнглилик қилиб алжистеганим учун кечир. Шухрат, Шинелли йиллар.*—*Бас, алжима, пардали гапир!*—*деди хон. Мирмуҳсин, Чўри.*

2 Гап-сўздан янглишмоқ, боши ган-гиб, мияси айниб оғзига келганини гапирмоқ, довдирамоқ.—*Аҳ, нима? .. Библишибдими?—деди у [Олаҳў-жа] ва ўз пешанасига ўзи қаттиқ бир муштлади-да, яна сўрди:*—*Нима ба-ло, мастлик қилиб алжиб қўйдингми? А!* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**АЛЖИРАМОҚ** айн. алжимоқ.

**АЛЖИТМОҚ** алжимоқ фл. орт. н.

**АЛЖИШМОҚ** алжимоқ фл. бирг. н.

**АЛИ** [а]: али деса, бали демоқ гап қайтаравермоқ, бир гапдан ҳам қол-май тортишмоқ, баланд келмоқ. *Мен али десам, у бали деб, оғзимни ҳам очирмайди. Али хўжа—Хўжа али бари бир; иккиси ҳам бир, фарқи йўқ. Элмурод унинг [Мамасайднинг] мақса-дини тушуниб шундай жавоб қилди:*—*Барибир. Али хўжа—Хўжа али!* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**АЛИБИ** [р <лат] юр. Айбланувчи-нинг жиноят содир бўлган пайтда бошқа жойда бўлиши (бу ҳол унинг жиноятга алоқаси йўқлигини тасди-қловчи далилдир).

**АЛИЗАРИН** [р <фр <а] Рўян ўсим-лиги илдизидан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган бўёқ модда.

**АЛИК** [а] с. т. Саломга қайтари-ладиган жавоб; жавоб саломи. *Алик олмоқ (қайтармоқ).* Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз. Мақол. — *Синф бир оғиздан «Ассалому алайкум!» деб қич-*

қирди. *Аммо салом аликсиз қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.—Гулистонликлар андак нарида,—дейишди кампирнинг саломига алик олган ки-шилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**АЛИМЕНТ** [р алименты] Рўзғори бўлак, меҳнатга яроқсиз онла аъзо-ларига (болалари, ота-оналари ва х.к.га) яқин кишилари томонидан қонун бўйича тўлаб туриладиган на-фақа. *Алимент олмоқ. Алимент тў-ламоқ.*

**АЛИФ** I [а] Араб алфавитининг биринчи ҳарфи ва унинг номи.

◆ **Алиф қомат** қади-қомати келиш-ган, хушқомат, сарвқомат. [Ҳайит-жон Тўлаҳонга:] *Кўзимиз билан кўр-дик, худога шукур: қоши, кўзи қундуз-дек, бурунлари бодомдек, қизил юз, алиф қомат суқурдек йигит экан. Ҳамза, Холисхон. Алифни калтак де-ёлмайди ёки ичини (ёки қорнини) ёрсанг, алиф чикмайди хат-саводи маълумоти йўқ, ҳеч нарса билмайди. Акам фақирнинг қорнини ёрсанг, алиф чикмайди-ю, тагин фалонх писмадон деганига куяйми!* П. Турсун, Ҳқи-тувчи.

**АЛИФ** II [р олифа]: алиф мой зи-ғир ёғдан қиздириб тайёрланган ва бўёқчиликда ишлатиладиган мой.

**АЛИФБЕ** [а] I эск. айн. алфавит. *Латин алифбеси. Янги ўзбек алифбеси. Алифбе тартиби.* — *Тузук, алифбени билиб олибсиз. Ҳисобдан ҳам, қўшув, олувларни ўрганибсиз. Х. Фулом Машъал.*

2 Бошланғич савод китоби. *Биринчи синф ўқувчилари учун алифбе.* — *Фақир халқнинг фарзандлари алифбега зор. Ойбек, Нур қидириб.*

3 *кўчма* Бирор маслақ, таълимот, илм ва ш.к.нинг бошланғич асослари, энг оддий қордалари. *Муҳаммад Жа-мол алифбесидан бошлаб, дўстининг онгидан хурофотлар булутини тарқа-тишга тиришди. Ойбек, Нур қиди-риб.*

**АЛИФБО** [а] эск. айн. алифбе.  
**АЛИФМОЙ** [тўғриси алиф мой] қ. алиф II.

**АЛИШ** *диал.* 1 Сув айирғич, икки ёки бир неча дарёни бир-биридан аж-ратиб турувчи баландлик.

2 айн. тўғон 1, 2.

3 айн. адаш II.

**АЛИШИНМОҚ** 1 алишмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтмоқ, айланмоқ. *Отабекдаги бояги тушунмаслик бир шубҳага алишинди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**АЛИШМОҚ** Айирбош қилмоқ, ай-ирбошламоқ, айирбош қилиб олмоқ. *Кел, соатимизни алишамиз. Қаламни ручкага алишмоқ. Бу китобни бошқа ўнта китобга ҳам алишмайман.*

**АЛИШТИРИЛМОҚ** алиштирмоқ фл. мажҳ. н.

**АЛИШТИРМОҚ** 1 алишмоқ фл. орт. н. айн. алишмоқ. *Қаламни ручкага алиштирдим.*

2 Алмаштирмоқ, янгиламоқ. *Кийим-ларимни алиштирдим.*

**АЛКАЛОИД** қ. алкалондлар.

**АЛКАЛОИДЛАР** *хим.* Асосан ўсим-ликларда бўладиган азотли органик моддалар (уларнинг баъзилари, мас. атропин, морфин, хинин, кодеин дори сифатида қўлланилади).

**АЛКИМЕ** [а] Ўрта асрларда «ик-сир», «фалсафий тош» деб аталган муъжизали афсонавий восита ёрда-мида оддий металлларни олтин ва ку-муш сингари қимматбаҳо металлларга айлантириш йўллариин излаган соҳта илм, илми кимё.

**АЛКОГОЛИЗМ** [р] Спиртли ичим-ликларга, ароқхўрликка берилиш на-тижасида юзага келадиган, оғир оқи-батларга олиб борадиган касаллик.

**АЛКОГОЛИК** [р] Алкоголизмга муб-тало бўлган киши; арақхўр, пиёниста.

**АЛКОГОЛЬ** [р <а] I *хим.* Молеку-лалари таркибига кислород ва водород атомлари группаси кирадиган бирик-малар; спиртлар.

2 Арақ, вино спирти ва умуман спиртли ичимликлар.

**АЛЛА** I Гўдакни ухлатишда ай-тиладиган кўшиқ. *Алла айтмоқ.* — *Кўнглимга битмас фароғат берди онам алласи, Бўронли йиллар жасорат берди онам алласи. Ё. Мирза. Қейин [Тўх-тахон] бирдан алла айта бошлади:* — *Бўйларингга бўй тумор бўлай, болам, алла, Кўзларингга кўз тумор бўлай, болам, алла. С. Зуннуново, Гулхан.*

**АЛЛА** II: алла бўлмоқ с. т. чарх-палак бўлмоқ, чирпирак бўлиб, ум-балоқ ошиб йиқилмоқ, қуламоқ. *Қо-қилиб кетиб, алла бўлди. Алла қилмоқ* 1) чархпалак қилмоқ, даст кўтариб йиқитмоқ, кўтариб урмоқ. *У [Элму-род] кийимларини қоқар экан, йигит-лар атрофини ўрашиб, шовқин, кулги билан ҳазил қилишди:* — *Бай-бай, зўр экансиз-а! Полвонни алла қилиб қўй-дингиз-а. П. Турсун, Ҳқитувчи;* 2) *кўчма* бошлаб алдамоқ, фириб бермоқ.— *Ўзимизам алла қилиб қўлга туширув-дик,—деди Соли совуқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**АЛЛАВАҚТ** Анча кеч пайт, ярим кеча. *Аллавақтгача уйқум келмади. Уйга аллавақтда келди.*

**АЛЛАКИМ** *ғум. олми* Қандайдир номаълум шахс, кимдир, биров. *Миш-мишларни унга ҳамма вақт аллаким айтган бўлади. Қим айтганини, сира эслай олмайди. А. Қаҳҳор, Ҳн-ҳи.*

**АЛЛАЛАМОҚ** 1 Алла айтиб ухлат-моқ, *Насиба боласини беланчака солиб аллаламоқда. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

2 *кўчма* Ардоқламоқ, пахтахламоқ. [Жамила Гофурга:] *Кетамиз! Мағо-рада яшасак ҳам ишқимни куйлаб, сизни аллалай. Ҳамза, Бой ила хиз-матчи.*

**АЛЛАМАҲАЛ** айн. аллавақт. *Бо-лалар ухлаб қолди-ю, катталар алла-маҳалгача ухлашмади. Х. Фулом, Машъ-ал. Алламаҳалда Давлатёр Элмуродни*



хўжрасига узатиб қўяр, улар йўл-йўлакай ҳар тўғрида бир талай гап-лашардилар. П. Турсун, Уқитувчи.

**АЛЛАНАРСА** айн. алланима.

**АЛЛАНЕЧА** гум. олми Қанчалиги, номаълум, аллақанча, бир неча. Алланеча киши. — Йигитлар, қизлардан алланечаси Уйинга тушмоқда, сузилмоқда май. С. Назар.

**АЛЛАНЕЧАНЧИ** Тартиб сони аниқланмаган, нечанчилиги номаълум ёки ёдан кўтарилган. Меҳнат қонунлари мажмуасининг алланечанчи моддаси. Май ойининг алланечанчи куниди.

**АЛЛАНЕЧУК** Қандайдир ноаниқ бир тарздаги, аллақандай. Унинг кўнглини алланечук шубҳалар қоплаб олди. — Уктам алланечук ўнғайсизлашиб, қизариб, Жўрага қаради. Ойбек, О. в. шабадалар. Нури юрак сирини яширишга қанча уринмасин, она нимадир пайқаб, тинчсизланди. — Нега бундай алланечуксан? — шивирлаб сўради у. Ойбек, Кутлуг қон.

**АЛЛАНИМА** гум. олми Қандайдир ноаниқ, номаълум бир нарса; нимадир. Девор остига алланималар уйиб қўйилган. — [Самандаров] қўлидаги қоғозни Болтабойга бериб, унга алланимани тушунтира кетди. А. Қахҳор, Кўшчинор.

**АЛЛАПАЙТ** айн. аллавақт.

**АЛЛА-ПАЛЛА** Анча кеч вақт, аллавақт; ярим кеча. Келди-кетди кечаси алла-паллагача давом этди. — Навоий фикрларининг бозмиса, қаламининг оҳангига берилиб, вақтнинг алла-палла бўлагинини сезмай қолди. Ойбек, Навоий.

**АЛЛАҚАЕРГА** Аллақайси ерга, номаълум томонга. У аллақаерга кетди.

**АЛЛАҚАЕРДА** Аллақайси ерда, номаълум жойда, томонда. Уста олим ажабсиниб, Отабекка қаради: .. Сиз уни [Ҳомидни] қаёқдан танийсиз? — Унинг билан аллақаерда сўзлашганим бор эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Шу яқин ўртада хўроз қанот қоқиб жуда ҳафсала билан қўққирди. Бунга аллақаердаги жўжахўроз шошиб-пишиб жавоб берди. А. Қахҳор, Кўшчинор.

**АЛЛАҚАЕРДАН** Аллақайси ердан, номаълум жойдан, томондан; қаердандир. Унинг [Сидиқжоннинг] бутун вужуди эригандай бўлди; кўкрагининг аллақаеридан шув этиб кўтарилган бир нима томоғида лип-лип этди-ю кўзига ёш келди. А. Қахҳор, Кўшчинор.

**АЛЛАҚАЁҚДА** айн. аллақаерда.

**АЛЛАҚАЁҚДАН** айн. аллақаердан.

**АЛЛАҚАЁҚҚА** айн. аллақаерга.

**АЛЛАҚАЙГА** айн. аллақаерга.

**АЛЛАҚАЙДА** айн. аллақаерда.

**АЛЛАҚАЙДАН** айн. аллақаердан.

**АЛЛАҚАЙСИ** гум. олми Қайсилиги аниқланмаган, номаълум ёки ёдан кўтарилган. Аллақайси кун мен уни кўрган эдим. — Эшелон Оренбургдан ўтди, аллақайси станцияда

бир неча соат тўхтаб қолди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**АЛЛАҚАНАҚА** с. т. Аллақандай.

**АЛЛАҚАНДАЙ** гум. олми 1 Қандайдир ноаниқ, номаълум, нотаниш. Отаси бечора .. эл-халқдан номуз қилганидан аллақандай шаҳарларга бадарга бўлиб, яқинда келди. Ҳамза, Холисхон.

2 айн. алланечук. Элмурод собиқ хўжайин билан кўчада дуч келиб қолса, дастлабки кезларида аллақандай бўлиб кетар, ноилож бош ираб саломлашарди. П. Турсун, Уқитувчи.

**АЛЛАҚАНЧА** гум. олми Қанчалиги номаълум кўп, бирқанча, бирталай, кўпгина. Аллақанча одам. Аллақанча вақт. Аллақанча пул. — Йигитнинг наслини айбоситиб бўлмайти, тўғрисига кўчганда, бу йигит насдан биздан аллақанча юқориди туради! А. Қодирий, Утган кунлар.

**АЛЛАҚАЧОН** рвн Анча вақт олдин, анча илгари, анча бурун. Аллақачондан бери. — Отабек онасининг аразига аллақачон тушунган .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Тонг аллақачон ёришган. Осмон, ҳар вақтдагидек, булутлардан ҳоли, бегубор, тиниқ, кўм-кўк. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аллақачонлар жуда кўп вақт бурун.

**АЛЛАҚАЧОНГИ** Узоқ ўтмишдаги, узоқ вақт илгари содир бўлган, бўлиб ўтган; қадимги, эски. Аллақачонги иморат. Аллақачонги гап.

**АЛЛЕГОРИК** [р аллегорический] Аллегорияга оид, аллегориядан, мажоздан иборат бўлган; кинояли, мажозий.

**АЛЛЕГОРИЯ** [р <грек] Мавҳум тушунчаларни конкрет образ воситаси билан ифодалаш; киноя, мажоз.

**АЛЛО** [р <ингл] унд. с. Телефон орқали сўзлашганда «эшитаянларда» ёки «эшитаянлизми» деган маъноларда қўлланилади. Алло, ким гапиряпти?

**АЛЛОМА** [а] кт. Илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукамал эгаллаган, илмли, эрудицияли одам.

**АЛЛОФ** [а] эск. Ун, буғдой савдоси билан шуғуланувчи савдогар. Аллоф — аллофнинг иши қаллоб. Мақол. — Кув, эпил аллофлар. «тош-тарозидан» уриб, бева-бечорани овлайдилар. Ойбек, Кутлуг қон.

**АЛМАШИНМОҚ** 1 алмашмоқ 2 фл. ўзл. ва мажҳ. н. Смена алмашинди.

2 Бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтмоқ, бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтиб, айланиб, ўзгариб турмоқ.

3 Адаш бўлиб қолмоқ.

**АЛМАШЛАМОҚ** Айирбощламоқ, алиштирмоқ; янгиламоқ.

◆ Алмашлаб экиш маълум ер майдонларида турли қишлоқ хўжалик экинларини йил сайин ўзгартириб навбатма-навбат экиш.

**АЛМАШМОҚ** 1 айн. алишмоқ. Кел, отимизни алмашамиз. — Жабборнинг кўзларидаги табассум яна таажжуб билан алмашиди. О. Ғекубов, Учрашув.

2 Бир-бирининг ўрнини олмоқ, эгалламоқ; алмашинмоқ, янгиламоқ.

Уқитувчимиз алмашиди. Смена алмашди. Катта станцияларда паровоз алмашади.

3 Адаш бўлиб қолмоқ. Шляпам алмашиб қолибди.

**АЛМАШТИРИЛМОҚ** алмаштирмоқ, фл. мажҳ. н. Қийим-кечак алмаштирилди. Иш нормалари алмаштирилди.

**АЛМАШТИРМОҚ** 1 алмашмоқ 2, 3 фл. орт. н. Смена алмаштирмоқ. Қийимни алмаштирмоқ. Қалишмни кимдир алмаштириб кетибди. — [Моҳира ойм] олдирган кийимдик Хушрўйга ёқмас, дарров ярамаганини айтиб алмаштириб беришга дабасини мажбур отар ва кўнглидагини ҳосил қилиб тинчир эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Айирбош қилмоқ, алишмоқ. **АЛМИСОҚ** [а]: алмисоқдан бери (ёки буён) жуда қадим замонлардан бери. Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб .. қоронғи хонада ўқиб келган авлод бирдананга оппоқ, ёруғ, тоҳа хонада, ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу хурматни ким кўрган, ким эшитган? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Алмисоқдан қолган қадимги замондан, дақъенусдан қолган, жуда эски. Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди. Ойбек, Кутлуг қон.

**АЛМИСОҚИ** [а+ф+т] 1 Қадимги, бурунги, жуда эски. Алмисоқи лип-лип чироқ. Алмисоқи омон-бўйинтируқ.

2 кўчма Сийқаси чиққан, чайналган, кўнгилга урган (гап, сўз ҳақида).

**АЛМОЙИ-АЛЖОЙИ** с. т. Бўлар-бўлмас; келишмаган, қовушмаган; хунук. Алмоийи-алжойи хат. Алмоийи-алжойи гап. Алмоийи-алжойи туш айн. алоқ-чалок туш қ. алоқ-чалок.

**АЛО** [а]: нур(ан) ало нур (л. м. нур устига нур) қ. нур. Ихтиёр ўзиниғизда, кутмайман десангиз, айтиб кўринг, хўп деса, нур ало нур. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АЛОЙ** айн. алоз.

**АЛОМАТ** [а] 1 от Шартли равишда қабул қилинган ёки қўйилган белги, ишора. Савол аломати. Тенгелик аломати. — Чайко ўз сумкасидан харитани олиб, топографик аломатлар билан белгилаб қўйилган дарё қирғоғидаги уйни кўрсатди. Н. Сафаров, Сўнги нафасгача.

2 от Бирор воқеа, ҳодиса, вазият, ҳолат ва ш.к.дан дарак берувчи белги, нишона. Шодлик аломати. Кўркуе аломати. Сукут — аломати ризо. Мақол. — Соқолининг оқлиғига қарамасдан унинг қаддида кексалик аломатлари сезилмас ва тусида ҳам унча ўзгариш йўқ эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Йўлчи бог ичиди айланиб, «қулоқларни кўздан кечирди, ҳеч ерда сув топиши аломатини кўрмади. Ойбек, Кутлуг қон.

3 от Рамз, символ, эмблема. Ўроқ ва болға — ишчилар билан деҳқонлар иттифоқининг аломати. | Таниқлик белгиси, нишон. Унинг [жувоннинг]

зенида темир йўл ишчиларининг формасида тикилган костюм, ёқасида қизил юлдуз аломати ҳам бор. Ойдин, Эр юрак.

4 сфт Ижобий хислатларга эга бўлган, жуда ажойиб, олижаноб, яхши. Таваба [Матқовул] аломат одам-да. Бу .. дунёда шунақа одамхонлар .. бор экан-да! М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Ҳозиргина «бунинг тағига етсак аломат иш бўлар эди» дематингизми? А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

5 сфт Кишини хайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган, ажиб, ғалати, қизиқ. Не аломат савдолар. || Аваз, «бу қандай аломат бўлди?» деб, ҳар тарафега қаради. «Малика айёр».

АЛОЭ [р<ерек] 1 Узун қалин баргли тропик ва субтропик ўсимлик; сабур.

2 Шу ўсимлик баргининг ширасидан тайёрланган дори.

АЛОҚА [а] 1 Кишилар ёки нарсалар, воқеалар, ходисалар ўртасидаги ўзаро муносабат, ички, узвий боғланиш. Саноатнинг деҳқончилик билан алоқаси. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси. Партиянинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси.

2 Кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги муомала, муносабат, боғланиш; борди-келди. Кардошлик алоқаси. Дўстлик алоқаси. Савдо алоқалари. Алоқамиз яхши. Алоқалари ёмон. Алоқа боғламоқ. Алоқада бўлмоқ. Алоқа қилмоқ. — Хуллас, алоқамиз бузилиб қолди. Х. Назир, Чўл хавоси. [Анвар] яхши оилага кўе бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлат-мандлар билан ҳам алоқа боғлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Ҳа-кимбойвачча] Абдушукур билан яхши алоқада бўлишга тиришар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Дахлдорлик, тегишлилик, дахл. Очил «бу гапларнинг менга алоқаси «йўқ» дегандай қилиб қадамни тезлаштирди ва коридор тўла студентларга аראлишиб, кўринмай кетди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

4 Масофадан туриб хабарлашиш, боғланиш воситаси. Телефон алоқаси. Ҳаво алоқаси. Диспетчерлик алоқаси. Алоқа йўллари. — Юқори штаб билан алоқа йўқ. Бомбардимон вақтида телефон симлари узилиб кетибди. И.Раҳим, Чин муҳаббат. | Масофадан туриб хабарлашиш, боғланиш учун хизмат қилувчи муассасалар мажмуи (телефон, почта, телеграф, радио ва бошқалар). Алоқа министрлиги. Алоқа ходимлари. — Район алоқа бўлими бу ишни жуда қўлай ва маъқул кўриб, кейинчалик бир мунча колхозларда шундай почтаҳоналар ташкил қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон. | Ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ўртасида хабарлашиб, боғланиб туришни таъминлаш кизмати. Алоқа офицери.

5 Севги муносабатлари. Анвар хусусий ҳаёти, айниқса Рағнога алоқа-

сидан ҳеч қимга оғиз очмас эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

АЛОҚАДОР [а+ф+т] Муносабати, алоқаси бўлган, тегишли, боғли, дахлдор. Темага алоқадор китоб ва қўшимча материаллар. Мен бу масалага бевосита алоқадорман.

АЛОҚАДОРЛИК алоқадор с. белги оти. [Алиқулнинг] нима иш қилиши, отаси билан алоқадорлиги тўғрисида ҳеч қим ҳеч нимани билмасди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

АЛОҚАДРИҲОЛ [а] рви, эск. Кучи, қурби етганича, қўлдан келганча, ҳолига яраша. Алоқадриҳол ёрдам.

АЛОҚАЛИ айн. алоқадор.

АЛОҚАЧИ 1 Алоқа ходими, алоқа ишлари хизматчиси.

2 Ҳарб. Алоқа хизматининг солдати, офицери. Элмуроднинг ўйини кириб келган полк алоқачиси чағитди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

АЛОҚ-ЧАЛОҚ туш қовушмаган, боши-кеги йўқ, қўрқинчли туш. Эъзозхон эрининг йўлини тўсиб, қаттиқ тўриб олди.—.. Алоқ-чалоқ туш кўриб чиқдим. Қўйинг, бормай қўя қолинг. Х. Гулом, Машғал.

АЛОҲАЛ [а] рви 1 Ахири, ниҳоят; бошқа илож қолмагач. Қўп уриндим, алоҳал бўлмади.

2 Зўрға, базўр, аранг. Ундан алоҳал қутулдим.

АЛОҲИДА [а] 1 Бошқалардан ҳоли, айрим. Алоҳида ҳужра. Алоҳида уй. — Нури алоҳида хонада ўз ўртоқлари — обрўли оилаларнинг қизлари билан ўлтирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ўзига мустақил, бўлак. Юрьев батальони «алоҳида ўқчи батальон» номи билан армия резервида эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўзига хос, бошқалардан фарқ қиладиган, ажралиб турадиган, бошқача; махсус. Алоҳида парварши. Алоҳида меҳрибонлик. Алоҳида эътибор. || Алоҳида эътибор бермоқ. — Утмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Ғоуру.. ичида Саримсоқовнинг чинқуриб йиғлаган тоғуши алоҳида эшитилиб турар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Катталар билан машғулот Элмуродга алоҳида завқ берар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

АЛОҲИДА-АЛОҲИДА Ҳар бири ўзига ҳоли, мустақил, бўлак-бўлак, айрим-айрим. Алоҳида-алоҳида хона. || Алоҳида-алоҳида кўздан кечирмоқ.

АЛП фольк. Баходир, пахлавон. Ёлғиз йиғит алп бўлар, алп бўлса ҳам, қалб бўлар. Мақол. — Ўзи экан номи кетган пахлавон, Алп Авазни кўрдингизми, онажон. «Зулфизар билан Авазхон».

АЛПАНГ-ТАЛПАНГ рви Лапанглаб, у ёқдан-бу ёққа чайқалиб, энтакт-тентакт. Гўдак алпанг-талпанг юра бошлади. — [Солиҳ маҳдум] алпанг-талпанг ичкарига кириб, ўқувчи қизлар ичидаги Нигөр ойимни ўз ёнига чақирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

АЛПИ-САЛПИ айн. алпанг-талпанг. [Гулнор] қўлларини алпи-салпи қимирлатиб, ёғе онасини қучоқламоқчи бўлди. Ойбек, Кутлуғ қон.

АЛПОЗ с. т. 1 Вазият, аҳвол, ҳолат. Кеча кечқурун бинойидек юрган Муаззам опа тун ярмидан оққанда оёқлари зирқираб оғриб, уйғониб кетди. Шу алпозда анчагача ухломлай ётди. Р. Файзий, Балли, она қизим.

2 Йўсин, тарз, равиш. Ҳоким халққа минг алпозда ўқириб, ҳаммани ҳақорат қилиб кетгандан кейингина у уйига қайтди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

АЛПОН-ТАЛПОН айн. алпанг-талпанг.

АЛФАВИТ [р<ерек] Бирор тил ёзувининг маълум тартибда жойлашган ҳарфлари мажмуи. Грек алфавити. Алфавит тартиби. Алфавит кўрсаткичи.

АЛФОЗ [а] эск. кт. Сўз; сўзлар, иборалар. У менга яқин келган, уни оғзимга келган алфоз билан сўжа бошладим. Айний, Жаллодлар.

АЛЪАМОН [а] унд. с. эск. Жангда таслим бўлган томоннинг омонлик сўраб қиладиган хитоби, мурожаати. Девлар дейди: алъалон, Одамхўр-ку бу Замон. «Нигор ва Замон».

АЛЪАТРОС [р<ингл] Найбурунли қушлардан бири, тумшуги узун, қанотлари ингичка ва кенг, учқур йирик денгиз қуши.

АЛЪБОМ [р<фр] Расм чизиладиган, шеър, қўшиқ, хотира ва ш. к. ёзиладиган қалин қоғозли дафтар. | Фотосуратлар, откриткалар сақланадиган ёки турли-туман марка ва ш. к. лар тўплами ёпиштириладиган қалин муқовали дафтар. | Бирор темага доир расмлар, суратлар, чизмалар ва ш. к. нинг изоҳлар билан таъминланган тўплами. Суратлар альбоми. Чизмалар альбоми.

АЛЪМАНАХ [р<лат<а] Замондош авторларнинг адабий-бадиий, тарихий ва публицистик асарлари тўплами.

АЛЪПИНИЗМ [р] Тоғ чўққиларига, муз тоғларига чиқиш спорти.

АЛЪПИНИСТ [р] Альпинизм билан шуғулланувчи киши.

АЛЪТ [р<итал] муз. 1 Хотин-қизларнинг ёки болаларнинг паст овози. | Шу овоз билан ашула айтувчи хонанда.

2 Паст регистрдаги торли ёки духовий музика асбоби.

АЛЪТЕРНАТИВ [р альтернативный] Мумкин бўлган икки ёки бир неча имкониятдан бирини танлашга асосланган. Альтернатив қарор.

АЛЪТЕРНАТИВА [р<фр] 1 Бир-бирига зид икки ёки бир неча имкониятдан бирини танлаш зарурати.

2 Шу имкониятлардан ҳар бири. АЛЪТИМЕТР [р<лат+ерек] Ердан баландликни кўрсатувчи асбоб; баландлик ўлчатгич.

АЛЪТЧИ Алът чалувчи созанда. АЛЪФА [р<ерек] Грек алфавити-



нинг биринчи харфи ва шу харфнинг номи.

◆ **Альфа-нурлар физ.** баъзи радиоактив моддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган, мусбат зарядланган зарраларнинг — гелий ядроларининг оқими.

**АЛЮМИНИЙ** [р<лат] Химиявий элемент, кумушсимон оқ енгил, қайишқоқ металл. Соф алюминий. Алюминий қотишмалари. Алюминий сақоати. || Алюминий қотишқ.

**АЛКАНДОЗ** [а] с. т. Қийшанғи, қилиқдор одам; масхарабоз, майнабоз.

**АЛҚИССА** [а] кири с. эск. кт. Шундай қилиб, хуллас калом, қисқаси, хуллас.

**АЛҚОР** фольк. Ёввойи тоғ қўйи. Тоғда асов алқоримдан, Ҳар нима йўғу-боримдан, Қаторда юрган норимдан, Барисидан жудо бўлдим. «Равшан».

**АЛҒОВ тар.** Икки дехқон ўртасидаги қўш хўкиз. Алғов қилиб ер ҳайдаш ўртадаги қўш хўкиз билан бир-бирининг ерини галма-галдан ҳайдаш.

**АЛҒОВ-ДАЛҒОВ** с. т. 1 Афдар-тўнтар, ур-йиқит, тартибсизлик. Ҳозир шибилармон одамлар озми! Лекин алғов-далғовдан фойдаланиб, раислик лавозимига яна Равшан полвон чиқиб олса-чи? О. Ёқубов, Ларза. Мана, икки ҳафтадан бери ҳовли алғов-далғов. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Тинчсизлик, бесаранжомлик, гулгула, ғалаён, тўс-тўполон. Милтиқ товушлари билан бошланган алғов-далғовлардан юраги пўкиллаб қолган мулаваҷча яна бир тасодифдан қутилганига шуқур қилиб, ўриндан турди-да, ҳовлига чиқди. П. Турсун, Уқитувчи. Бу вақтда юрт алғов-далғов эди. Й. Шамшаров, Фурумсойликлар. [Солибек] бутун колхозни алғов-далғов қилиб юрганга ўхшайди. Х. Нуъмон, Фасллар.

**АЛҲАЗАР** [а] 1 дин. Худо сақласин. Алҳазар, ярамас кўздан, алҳазар. Ф. Гулом. Парихон отин бир нималар деб Баҳовиддин пиримни тилга олди-да, «ҳов ёмондин алҳазар ..» деди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 унд. с. вазифасида Тавба, ажаб. [Хусайн:] Иблис, муттаҳам, нега айтмадинг? [Мажиддин:] Нимани, шохим? [Хусайн:] Алишер билан Гули ўртасидаги муҳаббатни, аблаҳ! [Мажиддин:] Ё алҳазар! Бу гапларни биринчи мартаба эшитиб турибман. Уйғун ва Й. Султон, Навоий.

**АЛҲАМДУЛИЛЛО(Х)** [а] дин. Оллога шуқур, худога шуқур. [Ёрмат] ҳалқумини бўғган йиғидан қийналиб базўр гапирди: — Алҳамдуллило, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам. Ойбек, Кутлуг қон.

**АЛҲОЛ** [а] эск. кт. Ҳозирда, шу пайтда, айна вақтда.

**АЛҲОСИЛ** [а] кири с. эск. кт. Хуллас калом, қисқаси, ниҳоят.

**АМАКИ** [ф-т<а] 1 Отанинг акаси ёки укаси (жиянга нисбатан). Катта

амаки. Кичик амаки. — [Абдушуқур] бир қанча вақт бекор юргач, кишибилармон амакисининг ёрдами билан ниҳоят, бир бойга мирза бўлди ва хизмат учун Тўғмоқ шаҳрига жўнади. Ойбек, Кутлуг қон.

2 Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки хурмат юзасидан ишлатилади. [Мирзакарим қутидор:] Мени эслай оласизми, бек? — Отабек диққат ва эътибор билан қутидорни кузатиб, жавоб берди: — Йўқ, амаки! А. Қодирий, Утган қулар. Ҳали куёв бўлиш вақтини аниқлай олмаган ва Хадичанинг розилигини ололмаган бўлсам ҳам, ёшлар мени «Нормурод ака» ёки «Нормурод амаки» демасдан «Нормурод куёв» дея бошладилар. Айний; Қулар.

3 Умуман эр киши (Ўзидан кичикларга нисбатан). Зиё шохичи уларни Отабекка танитди: — Амакиларингизни сиз танимагандирсиз, албатта, — деди. А. Қодирий, Утган қулар.

◆ **Бу иш (ёки нарса) амакингиз эмас** бу иш (нарс) ҳазил эмас, бу иш (нарс) осон эмас, жиддий, қийин.

**АМАКИВАЧЧА** [ф-т] Ака-укаларнинг ўғил-қизлари (бир-бирларига нисбатан). — Аслида Фотима менга туғишган жигар, биз амакиваччамиз, — дейди Зухраҳон. Н. Ёқубов, Бўсағада.

**АМАЛ** [а] 1 Кундалик иш, фаолият. Пахта териш машинаси беқийс фойдали экани амалда исботланди. | Кундалик иш, ҳаёт тажрибаси, практика. Илм амал билан шарофатлидир. Ф. Гулом. Амалга ошмоқ юзага чиқмоқ, вужудга келмоқ; барпо бўлмоқ; бажарилмоқ. Орзулар амалга ошди. План амалга ошди. — Бу ишга ҳам бирорта азамат бош қўйса, ажаб эмас; амалга ошса. Ойдин, Ҳазил эмиш. Амалга оширмоқ юзага чиқармоқ, бажармоқ, вужудга келтирилмоқ; жорий қилмоқ. Мақсадни амалга оширмоқ. Режани амалга оширмоқ. — Мен .. сўз бердим, бу сўзимни большевикларча амалга ошириш керак. Айний, Қулар.

2 Мансаб, мартаба, лавозим. Амалга мағрур бўлсанг — тўғдирар. Мақол. — Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанга, халқига қилган хизмати билан ўлчанади, — деди Дубенко. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Амал тегди кест. катта иш, мансаб тегди. Бо-о худо! Амманга ҳам амал тегиб қолган. Кечаю кундуз чурвақалар билан ўралашгани-ўралашган. Х. Назир, Бир туп гўза. Амалга минмоқ с. т. юқорироқ даражали хизматга ўтмоқ, юқори мансабни эгалламоқ. Амалдан тушмоқ с. т. юқорироқ даражали мансабдан тушмоқ, ўриндан, хизматдан бўшаб қолмоқ, мартабадан, мансабдан ажрамоқ.

3 Чора, илож; тадорик. Гарчи режа бузилди, лекин бир амалини қиламиз. Ойбек, Кутлуг қон.

4 мат. Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. Тўрт амал. Арифметика амаллари.

5 этн. Иситиш, совутиш, бировнинг ишини орқага кеткизиш, турган уйдан бездирниш ва ш. к. мақсадларда дам солинган, сеҳр қилинган нарс. Фолбин биринимани енг учидан чиқариб берди. Бу «амал» эди. Бу кичкина туғунчак ичида мазор тупроғи, темиртақ, тобутнинг чўйи, соевун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди. Ойбек, Кутлуг қон.

◆ **Амал олмоқ бот.** бўртмоқ, кўкара бошламоқ. Ёш ниҳолга усталик билан қилинган пайванд тез амал олади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Амал қилмоқ 1) (ч. к. билан) рияз қилмоқ, қўлланма (дастур) қилиб олмоқ; асос сифатида таяниб иш кўрмоқ. Қонунга амал қилмоқ. — Буёқ армиянинг солдатил! Қўйидагиларга амал қилсанг, сенга ўқ тегмайди, енгилмайсан. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) таъсир қилмоқ, кор қилмоқ, кучини кўрсатмоқ (дори-дармон тўғрисида). Сурги дори амал қилмади. — Тоҳиржон кинол билан жилмайди: — Шифосиз қасалса ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан. Ойбек, Кутлуг қон; 3) этн. сеҳрламоқ, сеҳр-жудо қилмоқ.

**АМАЛДОР** [а+ф-т] Мансабдор, лавозимли шахс, юқори мансаб, лавозим эгаси. Аканг жуда тентак йиғит, — деди ниҳоят пўнғирлаб бой, — ахир амалдорларимиз, ҳокимларимиз билан ҳазиллашиб бўладими?! Ойбек, Кутлуг қон.

**АМАЛИЁТ** [а] эск. 1 Кундалик тажриба, практика.

2 Хирургия операцияси. [У] жарроҳга мурожаат этди: Ҳоят нозик амалиётлар қилмишсиз. Ойбек, Навоий.

**АМАЛИЁТЧИ** салб. Назарияни менсимай қуруқ амалиётга берилган, амалиётни назариядан устун қўвчи шахс.

**АМАЛИЁТЧИЛИК** салб. Қуруқ амалиётга берилиб кетиш, амалиётни назариядан устун қўйиш.

**АМАЛИЙ** [а] 1 Кишининг кундалик фаолиятига оид, кундалик иш, ҳаёт билан боғлиқ бўлган; практик. Коммунистик жамият қуриш совет халқининг бевосита амалий вазифасу бўлиб қолди. «КПСС программаси».

2 Бевосита амалга ошириладиган, бажариладиган, амалда кўриладиган, қилинадиган; ҳақиқий. Амалий иш. Амалий натижа. Амалий чора. Амалий ёрдам. — Бир неча кундан кейин .. колхозчиларнинг вакиллари кенгашиб, амалий тадбирлар белгилашди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Амалда татбиқ этиладиган, тажрибада қўлланиладиган, татбиқий. Амалий фанлар. Амалий механика.

**АМАЛИЯ** [а] эск. кт. айн. амалиёт 1. Назарияни амалия билан боғлаш.

**АМАЛЛАБ** 1 амалламоқ фл. ршидиш.

2 рвиш Қандай қилиб бўлмасин, бир илож қилиб, амал-тақал қилиб; эплаб-сеплаб. [Иброҳим ота:] Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвонбойнинг бошини ҳам қўшиб қўярмиз. Ж. Шарипов,

Хоразм. Ака-сингил ҳовлига қамишдан гулхан ёқшиди, унинг ёруғида урина-урина қора чироқнинг пиллигини чиқариб, бир амаллаб ёқшиди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АМАЛЛАМОҚ** Бир илож қилмоқ, иложини топмоқ, амал-тақал қилмоқ, эплаб-сеплаб қийин, мушкул ишни бажармоқ, қийин, мушкул аҳволдан чиқмоқ. *Болам, ғана алмаштириши бўлса, Абдусаттор билан ўзим амалларман.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *У ҳамон янги келган кишиларнинг тунда, очиқ ҳавода қолишидан қўрқар эди. «Кўз қўрқоқ — қўл ботир» деган кексалар; бир амаллармиз, деди у, ўзига тасалли бериб.* Ойдин, Мардик — мангулик.

**АМАЛЛАНМОҚ** амалламоқ *фл. мажх. н.*

**АМАЛЛАШМОҚ** амалламоқ *фл. бирг. н.*

**АМАЛПАРАСТ** [a+ф-т] *нафр.* Амални яхши кўрувчи, ўз фаолиятида шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатлардан юқори қўювчи шахс, мансабпараст, манфаатпараст.

**АМАЛПАРАСТЛИК** 1 амалпараст с. белги *оти.*

2 Амалпарастларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Шеровнинг баъзи ишлари амалпарастлик доирасидан чиқиб кетади.* А. Қаххор, Сароб.

**АМАЛ-ТАҚАЛ:** амал-тақал қилиб с. т. бирор чора, илож топиб, бир амаллаб, эплаб-сеплаб. *Муваққат ҳукумат халққа нафи тегадиган иш қилмайди.. Меҳнатқаш омма аввалгидек бир амал-тақал қилиб кун кўрарди.* Ю. Тошпўлатов, Бинокорлар.

**АМАЛЪГАМА** [р<фр] Симобнинг бирор металл билан қотишмаси ёки металлнинг симобдаги эритмаси.

**АМБРАЗУРА** [р<фр] Турли мудофаа истеҳкомларида тўп, пулемёт ва ш. к.нинг оғзини чиқариб ўт узиш учун қўйилган тешик, шинак. *Қудрат чуқуриликка таллинаркан, икки кўзи ўт очиб турган амбразурада.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**АМБУЛАТОРИЯ** [р<лат] Катнаб даволанувчиларга ва уйда ётган беморларга медицина ёрдами кўрсатувчи шифохона. *Шаҳар амбулаторияси. Завод амбулаторияси. Амбулатория ерачи. Амбулатория режими.*

**АМВОЛ** [а] *эск. кт.* Хусусий шахсга қарашли мол-мулк, мол-дунё, бойлик, капитал.

**АМЁБА** [р<грек] Ҳаракат қилганда тана формасини ўзгартира оладиган бир хужайрали энг содда жонивор.

**АМИН** 1 [а] *фақат кесим вазифасида* 1 Катъий ишонган, астойдил инонган, имони комил. *Биз бу йил шунча шодлик келтирган янги йилда энг яхши орзуларнинг рўйбега чиқишига амин эдик!* О. Ёқубов, Янги йил кечаси. *Мен сизга, иним, йигита ярашур ишларни буюраман, амин бўлинг.* Ойбек, Навоий.

2 Ҳимоя қилинган, гарантиялан-

ган, сақланган. *Чегараларимиз ҳар қандай хавф-хатардан амин.* — *Хушёр бўласак ватанимиз ҳар қандай тасодифлардан амин бўлади.*

**АМИН** 2 [а] *тар.* 1 Ўрта Осиё хонлиқларида даҳо бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли. — *Аминларингни маҳкам ушла, эллиқбошилар одамларга кўз-қулоқ бўлсин, — деди у [ҳоким].* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бозорларда солиқ ундирувчи амалдор; бозор оқсоқоли.

3 Чоризм даврида: Фарғона водийсида сайлаб қўйиладиган қишлоқ оқсоқоли.

4 Амин (*эркаклар исми*).

**АМИР** [а] 1 *тар.* Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси. *Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши.* Мақол. *Амири лашкар лашкарбоши, қўшин бошлиғи, саркарда. Унинг [Азизбекнинг] орқасидан кўзлари ичига ботиқроқ.. бир киши келар эди. Бу киши Азизбекнинг амири лашкари.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Амир (*эркаклар исми*).

**АМИРИ** [a+ф-т] 1 Пўчоғи ва эти кўкиш, хипча узунчоқ қовун нави. 2 Узумнинг бир нави.

**АМИРКОН** [р американский] 1 Қора лок билан ишланган ятироқ тери. *Бир этиклик амиркон. || Амиркон этик.* Амиркон маҳси.

2 Пахтанинг бир вақтлар Америкадан келтирилган нави. *Амиркон экомқ. || Амиркон пахта.*

**АМИРЛИК** *тар.* 1 амир 1 с. *мавж. от.*

2 Амир қўл остидаги феодал мамлакат. *Бухоро амирлиги.*

**АМЛОК** [а] 1 Катта ер-мулк, ер-сув, ҳовли-жой, боғ-роғ.

2 Умуман мулк, мол-дунё.

3 *тар.* Бухоро хонлигида: ер-мулкдан ўлпон олиш учун ажратилган ҳар бир маъмурий-территориал район.

**АМЛОҚДОР** [a+ф-т] *тар.* 1 Катта ер эгаси; заминдор, мулкдор.

2 Амлоқларда (қ. амлоқ 3): ўлпон солувчи мансабдор.

3 Бухоро хонлигида: туман ҳокими. *Меҳмонхонанинг тўрида.. қози, амлоқдор, раис ва миришаб, яъни туманинг чорҳокими ўтирар эдилар.* Айний, Қуллар.

**АММА** [а] Отанинг опаси ёки синглиси (жиянларга нисбатан). *Катта амма. Кичик амма.* — *Фотима Элмуродга синфдош бир аёлнинг жияни бўлиб, аммасининг олдига бот-бот келиб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ Амманнинг бузоғи ҳеч бир ишни эплолмайдиган, лаванг, шуди ҳеч балода йўқ одам ҳақида.

**АММАВАЧЧА** [a+ф-т] Опа-сингилларнинг ўғил-қизлари (тоғаларнинг фарзандларига нисбатан).

**АММИАК** [р<грек] Азот билан водород бирикмасидан иборат ўткир хи-

дли рангсиз газ. *Суяқ аммиак. Аммиак заводи.*

**АММИАКЛИ** Таркибида аммиак бўлган. *Аммиакли бирикмалар. Аммиакли селитра.*

**АММО** [а] *издл. боғл.* Бош ва эргаш гаплар ўртасидаги зиддиятни ифодалайди; маъно жиҳатидан «лекин», «бирок» сўзларига тўғри келади. *Розиман, аммо ҳаммасига эмас. Бу жуда қийин иш, аммо бажарамиз.* — *Майли, сиз яширдингиз. Аммо ман яширмайман.* Ойбек, Кутлуг қон.

**АММОНИЙ** [р<лат] *хим.* Азот ва водороддан иборат атомлар группаси (техника ва қишлоқ хўжалигида кенг ишлатиладиган бир қатор тузлар таркибига киради).

**АМНИСТИЯ** [р<грек] Жазога ҳукм қилинганларнинг олий ҳокимият фармони билан қисман ёки бутунлай озод қилиниши, афв этилиши; афв.

**АМНИЯТ** [а.] *эск. кт.* Хавф-хатардан аминлик, хавфсизлик, беҳавотирлик. [Солиҳ маҳдум:] *Амниятингиз учун бу тадбирни кўп пухта идрок қилдим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АМОМА** [а.] *эск. айв.* салла 1. *Тасбеҳи риб бирла амомандин, ай шайх, Чин бодахўринг хум била паймонаси яхши.* Ҳамза.

**АМОРАЛ** [р аморальный] Одоб-ахлоқ нормаларига хилоф, ахлоқ қоидалари доирасига сиғмайдиган, ярамас, беамза. *Аморал хатти-ҳаракат.*

**АМОРАЛЛИК** Одоб-ахлоқ нормаларига хилофлик; ахлоқсизлик, одобсизлик.

**АМОРТИЗАТОР** [р<фр] Урилиш зарбини юмшатадиган асбоб, мослама (автомашина, самолёт ва ш. к.да). *Пружинали амортизатор.*

**АМОРТИЗАЦИЯ** 1 [р<лат] Машина, асбоб-ускуна, мулк, бино ва ш. к.нинг эскира ва тўза боришига қараб уларнинг баҳосини камайтира бориш, уларнинг шу чегирилган қийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулот устига қўя ботиш. *Амортизация мўдда-ти. Амортизация капитали. Амортизация қилмоқ.*

2 Автомашина, самолёт ва ш. к.нинг урилиш зарбини юмшатиш.

**АМОРФ** 1 [р аморфный] Тузилиши кристалл шаклида бўлмаган, кристалланмаган. *Аморф моддалар. Аморф углерод.*

2 *кт.* Шақлсиз, формасиз; уюшмаган. *Аморф ҳолат. Аморф тиллар* морфологик системаси ривожланмаган ёки тамоман морфологияси йўқ тиллар.

**АМПЕР** [р<фр] Электр токи кучининг ўлчов бирлиги.

**АМПЕРЛИ** Ампер кучга эга бўлган. *Беш амперли сўтчик.*

**АМПЕРМЕТР** [р] Электр токи кучини ўлчайдиган асбоб.

**АМПЕР-СОАТ** Электр миқдорининг ўлчов бирлиги.

**АМПЛИТУДА** [р<лат] *физ.* Тебранувчи жисмининг тебраниш кенг-

лиги, унинг мувозанат ҳолатидан энг узоқ ҳолатигача бўлган масофа. *Соат маятникнинг тебраниш амплитудаси.*

**АМПУЛА** [*p<лат*] Ичига дори солинган ва оғзи пайвандлаб бекитилган найчасимон шиша идиш. *Ампулани синдириб, шприца сиворотка тўлдирди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**АМПУТАЦИЯ** [*p<лат*] Кўл-оёқнинг носог қисмини хирургия йўли билан кесиб ташлаш. *Ампутация қилмоқ.*

**АМР I** [*a*] **I** Буйруқ, фармойиш, фармон. *Бировнинг амри билан иш қилмоқ. Виждон амрига бўйсунмоқ. Амр бермоқ (ёки этмоқ, қилмоқ) буюрмоқ, буйруқ қилмоқ, фармон бермоқ. Ҳомид: «тезроқ!» — деган амрни берди. А. Қодирий, Утган кунлар. Амр эт йўлларингга Поёндозлар солиб берами! Уйғун. [Абдурахмонбой:] Жаноблари амр қилган эканлар, хизматларига бош эгиб келдим. Н. Сафаров, Уйғониш.*

**2** Ихтиёр, изм. *Партия бош бўлди, инсон амрига Бўйсунди дарёлар, чўлда унди дон. Ҳ. Салоҳ. Бунинг ҳам боиси эрмишким аждар, Унинг амрида эрмиш салтанат, зар. Туйғун.*

**АМР II** [*a*] **эск. кт. айн. иш I.** Икки диллик, икки тиллик *Мен эмасман сен айтган, Ҳақ амридан юз ўгириб Азиз имонин сотган. Ҳамза. Амр(и) маҳол амалга оширилиши гумон, жуذا қийин, мушкул иш. Тарки одат — амри маҳол. Мақол.*

◆ **Амр(и) маъруф** диний ўғит, панд-насихат. *Амри маъруф, чиллалар, Шубҳасиз, бу ҳийлалар, Барчасидан мақсадим Танга, червон тиллалар. Ҳамза. Юз амри ширин бетга айтиш ноқулай.*

**АМР-ФАРМОН**, **амру фармон** буйруқ; буйруқлар, фармонлар. *[Бой ҳокима:] Тўражон, биз қўлбаччаларингиз, амр-фармонларингизга ҳозирмиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**АМФИБИЯ** [*p<грек*] **I** зоол. Умуртқалиларнинг бир синфи, сувда ва қуруқликда яшашга мосланган жонивор.

**2** бот. Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган ўсимлик.

**3** Сувдан ҳам, қуруқликдан ҳам учиб қўна оладиган самолёт, шунингдек ҳам қуруқликда, ҳам сувда юрадиган автомобиль, танк.

**АМФИТЕАТР** [*p<грек*] **I** Қадимги Греция ва Римда: томошалар кўрсатиладиган очиқ бино ва унинг зинапоёга ўхшаб кўтарилиб борадиган ўриндиқлари.

**2** Ҳозирги замон театрларида партердан кейинги, юқорига кўтарилиб борадиган ўриндиқлар, шунингдек, залнинг шу ўриндиқлар жойлашган қисми.

**АНА I** *кўрс. олми Нарироқда, кўз ўнгида турган нарси* ёки юз бераётган воқеа-ҳодисани кўрсатишда ишлатилади. — *Аҳмад қани? — Ана, келяпти. Ана у айн. анави. Мен ана у сўзқоқдан юрсам ҳам бўлади. А. Қаҳ-*

ҳор, Хотинлар. Ана шу 1) шу, шунинг ўзи, худди шу. *Сизни сўраган ана шу киши эди; 2) юқорига айтилган, зикр қилинган, мазкур. Домла буг гапни менга айтганида дарров унинг ёқасидан ушласундай бўлдиман. Ана шу чакки бўлган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**2** юкл. Кўрсатиш, таъкид маъноларини ифодалайди. *Ана кўрдингми, нима бўлди? Ана бўлмаса, мен кетдим! Ана энди, сендан, келадиган иш шу-да. Ана тантана-ю, мана тантана!*

◆ **Ана холос!** қ. холос.

**АНАБИОЗ** [*p<грек*] **биол.** Баъзи бир тирик организмларда ҳаётгий процессларнинг вақтинча секинлашуви ёки тўхтаб қолиши (мас. баъзи ҳашарот ва жониворларнинг қишда ухлаши).

**АНАВИ** [*асли ана у*] **I** *кўрс. олми* Ана у ердаги, ана у жойда турган; ўша. *[Давлатёр] Элмуродни туртиб: — Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? Хў, анави, ўртадаги. П. Турсун, Ўқитувчи. Отабек .. гарангисиган қиёфада. Аналилар [Эли шохчи ва унинг ўғли Раҳмат] ўзларини бир мунча тетик тутмоқда эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**2** Илгари айтилган, зикр қилинган; маълум, мазкур. *Бунинг Отабек пайқаман бўлса ҳам,.. анави гапнинг аниқ шу мажлисда очилишига кўзи етиб, чиқиб кетишининг иложини қилолмадик. А. Қодирий, Утган кунлар. Анави кун қайси бир кунни, яқинда. Мен уни анави кунни кўрган эдим.*

**АНАЛИЗ** [*p<грек*] **I** Текшириш объектини фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилиш усули; таҳлил; акси синтез. *Анализ шундай бир мантқиқий усулдирки, унинг ёрдами билан биз буюмларни, ҳодисаларни фикран қисмларга бўлиб, уларнинг айрим қисмларини, белгиларини, хусусиятларини ажратамиз. «Логика».*

**2** Ҳар томонлама таҳлил қилиш, чуқур текшириш, ўрганиш. *Бадиий асар анализи. Лингвистик анализ.*

**3** Модданинг таркибини аниқлаш. *Химиявий анализ. Қон анализи. Сифат анализи.*

◆ **Математик анализ** олий математиканинг бир бўлими.

**АНАЛИЗАТОР** [*p*] **I** Анализ ишларида ишлатиладиган турли асбоблар. *Газ анализатори.*

**2** физиол. Ташқи ва ички муҳитдан қабул қилиб олинадиган сигналларни анализ қилувчи нерв системаси мажмуи — сезиш органлари, мианинг уларга мос қисми ва уларни бирлаштирувчи нерв йўллари.

**АНАЛИТИК** [*p* аналитический] Анализ усулига асосланган; таҳлилий. *Аналитик метод.*

◆ **Аналитик геометрия** математиканинг алгебра ва анализ методлари ёрдамида геометрик шакллари текшириш билан шуғулланадиган бў-

лими. **Аналитик тиллар** гапда сўзлар ўзларининг ўзгаришлари билан эмас, балки сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар, интонация ва ш. к. орқали боғланадиган тиллар. **Аналитик химия** химиянинг моддаларнинг химиявий таркибини аниқлаш билан шуғулланадиган бўлими.

**АНАЛОГИК** [*p* аналогичный] Бир-бирига ёки бошқасига ўхшаш, ўхшаган.

**АНАЛОГИЯ** [*p<грек*] Ўхшатиш, ўхшатма; ўхшашлик.

**АНА-МАНА** Ҳар хил важ-бахона, ваъда, гап. *Ана-мана билан бу ой ҳам тамом бўлди. Ана-мана деб юрмоқ* ҳар хил важ-бахоналар кўрсатмоқ, эрта-индин деб алдаб юрмоқ, галга солмоқ, орқага судрамоқ. *Сўрасам, ана-мана деб бермади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**АНАНАС I** [*p<исп*] Тропик мамлакатларда ўсадиган ўсимлик ва унинг ейишли йирик, чўзинчоқ, хушбўй ва ширали меваси.

**АНАНАС II** Эртапишар, тўрлама, эти ва уруғи қизғиш қуврак ва хушбўй қовун нави.

**АНАРХИЗМ** [*p<грек*] Марксизмга, илмий социализмга зид ўлароқ сиёсий курашнинг зарурлигини, ҳар қандай давлат ҳокимиятини, шу жумладан пролетариатнинг революцион диктатурасини ва пролетариат партиясининг раҳбарлик ролинини инкор этувчи майда буржуа реакция ижтимоий-сиёсий оқими.

**АНАРХИСТ** [*p*] Анархизм тарафдори.

**АНАРХИСТИК** [*p* анархистский] Анархизмга ва анархизмга оид. *Анархистик қарашлар.*

**АНАРХИСТЛИК I** анархист с. белги оти.

**2** Анархистларга хос хатти-харакат, ўзбошимчилик, бошбошдоқлик.

**АНАРХИЯ** [*p<грек*] **I** сиёс. Ҳар қандай давлат ҳокимиятини, ҳамма учун мажбурий қонун-қондаларни, одоб-ахлоқ нормаларини инкор этиш, ҳокимиятсизлик.

**2** қўйма Бошбошдоқлик, бебошлик, тартибсизлик. *Сиз айтгандай қилинса, бебошликка катта йўл очилади, ҳамма ёқ анархия бўлиб кетади. П. Қодиров, Уч илдиз. | Режасизлик, тартибсизлик. Ишлаб чиқариш анархияси (эк.).*

**АНАРХИЯЧИ** айн. анархист.

**АНАРХО-СИНДИКАЛИЗМ** [*p<грек+фр*] Халқаро касаба союз харақатида идеология ва сиёсий жиҳатдан батамом анархизм таъсирида бўлган майда буржуа реакция оппортунистик оқим.

**АНАРХО-СИНДИКАЛИСТ** [*p*] Анархо-синдикализм тарафдори.

**АНАТОМ** [*p*] Анатомия олими, мутахассиси.

**АНАТОМИК** [*p* анатомический] Анатомияга оид. *Анатомик текширишлар. Анатомик атлас.*

**АНАТОМИЯ** [*p<грек*] Тирик организмларнинг ички ва ташқи тузилиши, шунингдек тирик организмларнинг тузилиши тўғрисидаги фан. *Одам анатомияси. Усимликлар анатомияси. Кўз анатомияси.*

**АНБАР I** [*a*] Кашалотлар танасидан чиқадиган мумсимон хушбўй модда (парфюмерияда атра ҳидига турғунлик бериш учун ишлатилади). [*Кулмуҳаммад:*] *Гўзал Ҳолат нафис!* [*Хондамир:*] *Ҳиди анбардин ўткур.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**АНБАР II** *этн.* Эркаклар тобутининг тўрт бурчига тик қоқилган таёқларга ўралган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишқом тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз

**АНБАРАФШОН** [*a+ф-т*] Анбар ҳид сочувчи; хушбўй, муаттар.

**АНБИЁ** [*a*] *дин.* Набийлар, пайғамбарлар.

**АНВАР** [*a*] 1 Нур сочувчи; ёруғ, порлоқ. *Сўзи яхши анвар Охунбобоев.* «Фольклор».

2 Анвар (*эркаклар исми*).

**АНВО(И)** [*a*] 1 *эск. кт.* Тур; турлар, жинслар.

2 Хилма-хил, турли-туман, ранг-баранг. *Минг анво гуллар ичидан ёр кўзини эслатувчи наргисни узиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АНГ-АНГ** *тақд. с.* Итнинг ангиллаши ҳақида. *Анг-анг қилмоқ.*

**АНГАР** [*p<фр*] Самолётлар, вертолётлар ва ш. к. турадиган ва жорий ремонт қилинадиган махсус бино.

**АНГИРИД** [*p<грек*] *хим.* Сув билан бирикиб, кислота ҳосил қиладиган оксид.

**АНГИЛЛАМОҚ** Анг-анг қилмоқ, ақилламоқ. *Ит ангиллаб қочди.*

**АНГИЛЛАТМОҚ** ангилламоқ *фл. орт. н.*

**АНГИЛЛАШМОҚ** ангилламоқ *фл. бирг. н.*

**АНГИНА** [*p<лат*] Томоқ шиллик пардасининг, хусусан бодомсимон безларнинг ялиғланишидан иборат касаллик.

**АНГИШВОНА** [*ф-т*] Иш тикишда бармоқ учига кийдириладиган металл буюм.

**АНГЛАМОҚ I** Гап, иш-ҳаракат, воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг маъносига ёки сабабига тушуниб етмоқ, маъносини, моҳиятини тушунмоқ, уқмоқ, билмоқ; фахлламамоқ. *У воқеани энди англади.* — *У [Комил] дам ҳушидан кетиб, дам ҳушига келиб алаҳлар, аммо сўзини англаб бўлмас эди.* Х. Ғулум, Машъал. *Зайнаб ўзининг хатосини англади ва гапиролмай ғулдиради.* А. Қодирий, Утган кунлар. — *Мен ҳозир кетишга мажбурман, балки ўзининг ҳам англариш.* — *Англадим, — деди уста, — гап-сўз босилаёзган, келмакчимисиз.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ҳақиқий қийматини тушунмоқ, баҳо бермоқ. *Душман ўз ҳолатини*

*англаб, фронтнинг бу участкасида ўз мавқени тиклашга баҳор бўйи ҳо-зирилик кўрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Элмурод шу минутдан бошлаб, ўзининг .. одамлар дарёсининг бир том-чиси эканини англади.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 Кишининг гапидан, чеҳрасидан, ҳаракати ва юриш-туришидан унинг ўзини, юрагини билмоқ. *Бой ўз умрида кўпни кўрган, кўпни таниган, турли шаҳор ва турли одамлар билан муомала қилган .. шунинг учун одамни тез англаб олар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Икки жон, икки юрак гўёки биттадек бир-бирисини англади, бирисидан-бирисига ўтиб юрар эди шу вақт.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**АНГЛАНМОҚ** англамоқ *фл. мажх. н.*  
**АНГЛАТИЛМОҚ** англамоқ *фл. мажх. н.*

**АНГЛАТМОҚ** англамоқ *фл. орт. н.* *Бу нимани англади?* — [*Азизбекка халқ:*] *Сендек итдан бизга қипчоқ яхши! — Халқнинг бу жавоби ишининг на даражага етганини англаатарли эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**АНГЛАШИЛАРИ** Англаб, тушуниб бўладиган; тушунарли; аён, маълум. *Англашилларли баён.* || *Масала англашилларли. Жавоб англашилларли бўлмади.*

**АНГЛАШИЛМАС I** англашилмоқ *фл. бўлишсиз сфтош ф.*

2 Англаб, тушуниб бўлмайдиган; ноаниқ, номатлум. [*Йўлчи*] *ниҳоят, ички бир туртки, англашилмас бир кучнинг сеҳрли таъсири остида, ғайри шуурий равишда орқасига — қиз томонга қайрилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АНГЛАШИЛМАСЛИК:** англашилмаслик даражада англаб, тушуниб бўлмайдиган даражада; ноаниқ, муж-мал.

**АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК I** Хато тушуниш ёки тушуниб етмаганлик орқасида содир бўлган ҳолат; хатолик. *Англашилмовчилик орқасида хафаланиб қолмоқ.* — *Мен Насиба билан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бой ота, бу ерда андак англашилмовчилик борга ўхшайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Низо; келишмовчилик. *Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва мурося йўли билан ҳал қилинади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АНГЛАШИЛМОҚ** Тушунилмоқ, фахлланмоқ. *Зайнаб ялт этиб қайнарасига қаради, чунки Ўзбек ойимнинг боғи гапи энди унга англашилган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**АНГЛАШМОҚ** англамоқ *фл. бирг. н.* *Улар воқеани энди англашди.*

**АНГРАЙШМОҚ** анграймоқ *фл. бирг. н.*

**АНГРАЙМОҚ I** Эс-хушини йўқотган кишидай паришонхотирлик билан лоқайд қараб турмоқ. *Нега анграйиб турирсан?* — *Пул йўқ. Аммо пул йўқ*

*деб анграйиб турилса, ҳовли қўлдан кетади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ҳайратдан қолмоқ, ҳайратдан оғзи очилмоқ. *Балиқнинг катталигини кўриб, полков анграйиб қолди.* Ж. Шарилов, Хоразм.

**АНГРОВ** Эс-хушини ҳа деганда йиғиб ололмайдиган; меров, анқов, овсар. *Анров бола.*

**АНДАВА** [*ф-т*] Сувоқчиликда ишлатиладиган ёғоч дастали, таги силлиқ металл асбоб. *Индава юргизмоқ.*

**АНДАВАЛАМОҚ I** Андава билан сувамоқ, текисламоқ, силлиқламоқ.

2 *кўчма* Бекитиб, ёпиб кетмоқ, хаспўшламоқ, текислаб юбормоқ; силлиқламоқ. *У ўғлининг айбини андаваламоқчи бўлди.* — [*Ғулможон*] *сал асабийроқ, сўзини андавалаб ўтиришни билмайди, шартта юзга солаверади.* М. Худойқулов, Жонли ва жонсиз тўсиқларни ентиб.

**АНДАВАЛАНМОҚ** андаваламоқ *фл. мажх. н.* *Девор андаваланди. Камчиликлар андаваланиб юборилди.*

**АНДАВАЛАШМОҚ** андаваламоқ *фл. бирг. н.*

**АНДАЗА** [*ф-т*] 1 Кийим-бош, пой-афзал ёки бирор бошқа нарса бичиш, тайёрлаш учун қалин қоғоз, картон ва ш. к.дан ясалган шакл; шаблон. *Этик андазаси. Челақ учун андаза ясамоқ. Андаза билан иш бичмоқ. Андазаси келишган I* бичими яхши, усталлик билан бичиб тикилган, хушбичим (кийим-бош, пой-афзал ҳақида); 2) *кўчма* қадди-қомати келишган, бўй-бастаи ўзига ярашган; хушқомат, хушбичим. *Андаза олмоқ (ёки кўтармоқ) I* бирор нарсанинг шаклини кўчирмоқ; 2) *кўчма* ўрناق олмоқ, ибрат олмоқ. *Кулоч ёзинг, қизлар меҳнат маъжиди, Мусобақдошлар олсин андаза.* Т. Тўла. *Қиладиган мажлисимизга активдан андаза кўтарамиз-да!* С. Аҳмад, Хукм.

2 *кўчма* Тайёр қолип, намуна. *Шарқнинг ҳаво дарвозаси биз, Янгилкининг андазаси биз.* Шайхзода, Ташкентнома. *Газет-журналларни варақдасангиз.. баъзида бир хил қолип, бир хил андазада ёзилган ҳикояларни учратасиз.* С. Абдуқаҳҳор, Саманай саккиз дема.

3 *кўчма* Ўлчов, меъёр; мезон. *Ўз андазаси билан ўлчмоқ.*

**АНДАЗАЛИ I** Андазаси, қолипи бўлган.

2 *кўчма* Андазаси, бичими келишган.

3 *кўчма* Ўлчови, меъёри бўлган, ўлчовли. *Андазали иш.*

**АНДАЗАСИЗ I** Андазаси, қолипи йўқ, беандаз такилган, ясалган.

2 *кўчма* Андазаси хунук, беўхшов.

3 *кўчма* Ўлчови, меъёри йўқ, беўлчов; беқийёс. *Нозу неъматга фаровон ҳимматинг андазаси, Бағри кенг меҳмоннавозу меҳрибоним ассалом.* Ҳабийбий.

**АНДАК** [*ф-т*] *реш I* Озгина вақт, пича, хиёл. *Андак ухлаб ол. Андак сабр қилинг.* — *Сиз шу ерда андак*

Ўтириб туринг, она! — деди ҳалиги қирра бурун одам. П. Турсун, Ҳқи-тувчи.

2 Бир мунча, бир қадар. Қасал андак бери қаради. Иссиқ андак пасайди. Ош андак тирик бўлибди. — Саудий ҳатни икки-уч қайта ўқигандан сўнг ўзини андак босиб олиб, атрофга қаради. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Унча катта ёки кўп эмас; кичкинагина, озгина, бир оз, қиттак. Сендан андак хатомик ўтди. Сизда андак ишим бор. Менга андак туз беринг. — Қелина, яхшиси, мен сизга тўқувчи дўстларимнинг ҳаёти, меҳнати, ижоди ҳақида андак ҳикоя қилиб берай. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**АНДАЛИБ** [а] эск. кт. айн. булбул. Андалиб бир савт ила бўлди гирифтори қафас, Зор минг савт этса, қайси дил паршондир аंगा. Ҳамза.

**АНДАРМОН** [ф-т] Банд, машғул. Андармон бўлмоқ 1) бирор машғулот, иш ва ш. к.га берилмоқ, қизиқиб кетмоқ. Обид Йўлдошевчи, бошқа ишларга андармон бўлиб, газета чиқаришга бевосита қатнаша олмадик. П. Қодиров, Уч илди; 2) муҳаббат борламоқ, мафтун бўлиб қолмоқ.

**АНДАРЯГИГА** рви, с. т. Аралашига, кўтарасига; катта-кичиклиги, сара-пачоқлигига қарамай, туришича. Андарягига элик тийиндан. Андарягига баҳо қилмоқ.

**АНДАРЯК** [ф-т] айн. андарягига. **АНДИ** эск. 1 Бошқа жойдан келиб ўрнаниб қолган; келгинди. Чогу кампирнинг ҳар бир ўтиришларида сўз.. марғилонлик қанди келин устида бўлар.. эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Таги, зоти паст (зодагонлар бойлар назарида).

**АНДИША** [ф-т] 1 Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза; эҳтиёткорлик. Андишанинг оти кўрқоқ. Мақол. — Ёўзалариниғизни жуда ўт босиб кетибди-ю, — чўчитиб юбормайлик, деган андиша билан оҳиста сўрадик. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 171.

2 Умуман фикр, мулоҳаза. Бундай синовлар ўтказилишини қувватлаб қандай ҳарбий андишалар кўрсатилмасин, бари бир синовлар бутун инсониятга хавф-хатар солади. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 213. Андишага бормоқ (ёки тушмоқ) айн. андиша қилмоқ 1 қ. андиша 3. Хотин секин уҳ тортиди. Нотиқ буни пайқаб, тўсатдан қаттиқроқ танқид қилди шекилли, деган андишага бориб, сўзини йўқотиб қўйди. А. Қаҳҳор, Нутқ.

3 Шарм-ҳаё, ор-номус; уят. Андишаси йўқ одам. Андиша қилмоқ 1) ўйлаб кўрмоқ, мулоҳаза қилмоқ, мулоҳазага бормоқ. Баҳри бореиси келса ҳам, ниманингдир андишасини қилиб турган экан шекилли, бу гапни эшитиб гўё қанот чиқарди. А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) раъй қилмоқ, юз-хотир қилмоқ. Ҳеч бўлмаса, тул эгачисини

андиша қилса бўлмайди! «Мўштум», 1959, № 12; 3) тортинмоқ, ибo қилмоқ, уялмоқ. Тўғри кириб кетмоқчи эдим, уялдим, одамлардан андиша қилдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**АНДИШАЛИ** 1 Оқибатнинг, кетини ўйлаб иш қиладиган, юз-хотирни билладиган; мулоҳазали. Андишали бола.

2 Ор-номусли, шарм-ҳаёли, иболи. Андишали қиз.

**АНДИШАСИЗ** айн. беандиша.

**АНДОЗА** юқ. усл. айн. андаза. **АНДОМ** [ф-т] 1 Қад-қомағ, жусса, бичим. Икки ош икки йил Юрсанг маҳкам боғлаб бел, Мақонига борарсан, Андомига қарарсан. Ҳ. Олимжон, Семурғ.

2 Тананинг ҳар бир аъзоси. Дилдор баланд бўйли, жуссалигина, бутун андоми ўзига келишган, тиниқ оқ юзли, ингичка нафис қошли.. қиз эди. Ойбек, Навоий.

**АНДУҲ** [ф-т] эск. кт. Рухий азоб, хафагарчилик; ғам, гусса, қайғу. [Кумуш онасиа:] Мен сийҳбахт дунёга келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик андуҳлар йўқ эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АНЕМОМЕТР** [р<грек] Шамолнинг, ҳаво ҳаракатининг тезлигини ўлчайдиган асбоб.

**АНЕРОИД** [р<грек] Ҳаво босимини ўлчайдиган металл барометр.

**АНЖИР** [ф-т] 1 Сутсимон ширадор шапалоқ баргли дарахт. Бир ёмон анжир кесар, икки ёмон занжир кесар. Мақол.

2 Шу дарахтнинг серуруе ейишли меваси. Қора анжир. Хоки анжир. Анжир қоқи. Анжир қиём.

◆ **Анжир шафтоли** шафтолининг меваси анжирга ўхшаш бир тури. Анжир қилиб юбормоқ с. т. эзиб пачоқлаб юбормоқ, абжағини чиқармоқ.

**АНЖИРЗОР** [ф-т] Нуқул анжир билан банд ер, боғ.

**АНЖОМ** [ф-т] 1 Уй-рўзғор асбоблари.

2 Ҳар қайси соҳанинг ўзига хос нарсалар, керак-яроғлар; асбоб-қуроллар. Йўл анжомлари. Уруш анжомлари. Ҳарбий анжомлар. Уқув анжомлари.

**АНЖУМАН** [ф-т] 1 Йиғин, мажлис; съезд. Ёзувчилар анжумани. — Мақтаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил. Ҳамза.

2 Бир даврда яшаб, бир соҳада фаолият кўрсатган атоқли шахслар гуруҳи.

3 тар. Бир хил касбадаги хунармандларнинг бирор маслаҳатли иш юзасидан вақти-вақти билан йиғилишиб ўтказадиган мажлиси; шогирдларни мустақил ишга ўтказиш маросими, зиёфати.

**АНИЛИН** [р<а] Ҳар хил бўёқ, доридармон ва ш. к. тайёрлаш учун ишлатиладиган ёғли, заҳарли туссиз суқоқлик.

**АНИҚ** [а] 1 Ҳақиқатда қандай бўлса шундай акс эттирадиган, кўрсатадиган, ҳақиқатга мос, тўғри. Аниқ вақт. Аниқ портрет. Аниқ ҳисоб. Аниқ ўлчов асбоблари. Шундай бўлсин, отахонлар, баланд-пастлигини аниқ ўлчанглар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шубҳа тугдирмайдиган, иккиланишга, шубҳага ўрин қолдирмайдиган; шак-шубҳасиз; ишонарли, муътабар. Аниқ хабар. Аниқ билмоқ. Аниқ келиши аниқ. — Бектемир аниқ маълумот йиғиш.. ниятида узоқ тенгирди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ўрмонжон аниқроқ суриштириб қараса, тошқин тахминан ҳар ўн-ўн икки йилда бир мартаба бўлар экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. «Бўйсанглик қилсам, номини туя қилиб беришлари аниқ» — ўйлади у [Йўлчи]. Ойбек, Қутлуг қоп.

3 Очик кўриниб турган, равшан, очиқ-ойдин (муҳмал, мужмал эмас). Аниқ хулоса. Аниқ жавоби аниқ. Аниқроқ гапирмоқ. — Элмурод ўзича бирор аниқ фикрга келолмас эди. Шўхрат, Шинелли йиллар. У киши ўтган йил «Қизил Юдуз» ордени олганларида «орденни нима учун олдингиз?» деб уч марта хат қилдим, анигини ҳеч айтмадилар. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

4 Очиқ, равшан, яққол (хира, чап-лашган, ноаниқ эмас). Аниқ хат. Илзо аниқ эмас. Аниқ хона шу қадар қоронғи тортиб кетганки, икки стол наридаги адамни аниқ кўриб бўлмайди. Ҳ. Ғуллом, Машғал.

5 Белгили, таниқли, муайян. Мен буни аниқ одамдан эшитдим. — Биз аниқ шу ишга бел боғлаймизми? А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Аниқ фанлар** математикага асосланган фанлар. Утган замон аниқ феъли грам. иш-ҳаракатнинг ўтган замонда аниқ бўлганлигини билдирадиган феъли.

**АНИҚЛАМОҚ** 1 Текшириб, ўрганиб аниқлик киритмоқ, аниқ-равшан билиб олмоқ, аниқ тасаввур ҳосил қилмоқ, ойдинлаштирмоқ. Масалани аниқламоқ. Ҳақиқатни аниқламоқ. Вазифани аниқламоқ. Қасални аниқламоқ. Дорининг организмга таъсирини аниқламоқ. — Йигитлардан бири меним ким эканлигини аниқлаб олди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | Ҳисоблаб, ўлчаб топтомоқ. Оғирлигини аниқламоқ. Бурчакни аниқламоқ. Масофани аниқламоқ.

2 Белгиламоқ, тайин, муқим қилмоқ. Мажлис кунини аниқламоқ. — Йўқ, бек ака, — деди Раҳмат, — сиз аниқлаб бир кунни тайин қилингиз, биз бу ерда тақлиф қилгани келганмиз! А. Қодирий, Утган кунлар.

**АНИҚЛАНМИШ** грам. Аниқловчи аниқлаб келган гап бўлаги; тақ. аниқловчи 2.

**АНИҚЛАНМОҚ** аниқламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Масала аниқланди. Масофа аниқланди. Текшириш натижасида унинг беғуноҳлиги аниқланди.

**АНИҚЛАШМОҚ** 1 аниқламоқ *фл. бирг. н.*

2 Аниқ-равшан бўлмоқ, ойдинлашмоқ. Масала аниқлашди. Вазифа аниқлашди.

**АНИҚЛИК** аниқ *с. белги оти.* Улчов асбобларининг аниқлиги. Фикрнинг аниқлиги. Хатнинг аниқлиги.

**АНИҚЛОВЧИ** 1 аниқламоқ *фл. ш. оти.*

2 *грам.* Гапда сифатини, белги-хусусиятини характерлаб келувчи иккинчи даражали бўлак; атрибут; тақ. аниқланмиш. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги от ёки отлашган сўзини аниқлаб келувчи эргаш гап.

**АНИҚСИЗЛИК** кам қўлл. айн. ноаниқлик.

**АНИҚ-ТАНИҚ** Жуда ҳам аниқ, тайинли, белгилли. Аниқ-таниқ одам. — Алижон автомашиналарга тикиларди. Уларнинг бирини Норқўзи хайдаб кетайтганини ҳам аниқ-таниқ кўрди. Мирмуҳсин, Чиниқкиш.

**АНКЕР** [*р<голл*] 1 Соат механизмининг муътадил, бир маромда юриб туришини таъминлайдиган қисми.

2 Станок, машина, иншоот ва ш. к.нинг қисмларини бириктириш ёки ўрнатишда ишлатиладиган деталь .. || Анкер болт.

**АНКЕТА** [*р<фр*] Тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси. Қадрларни ҳисобга олиш анкети. Анкета маълумотлари. Анкета тўлдирмоқ.

**АННЕКСИЯ** [*р<лат*] Бирор давлат территориясининг бошқа давлат томонидан бутунлай ёки қисман босиб олинishi. Аннексия миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини бузишдир, давлатнинг чегараларини аҳолининг иродасига қарамай белгилашдир. В. И. Ленин, Ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги дискуссиянинг яқунлари.

**АННОТАЦИЯ** [*р<лат*] Китоб, мақола ва ш. к.нинг аҳамияти, мазмуни ҳақидаги қисқача маълумот. Китоб аннотацияси. Аннотация ёзмоқ.

**АНОВ** *с. т.* Анави, ана у. — Анов, ким, ҳа, Йўлчиға чиқиб айт, айвонда ётсин. Ойбек, Кутлуғ қон.

**АНОВ-МАНОВ** *с. т.:* анов-манов деб у деб, бу деб; ҳар хил баҳона кўрсатиб; анов-манов қилиб (ёки ўтказиб) у қилиб, бу қилиб, бир амаллаб, бир илож топиб. Кундузларини-ку анов-манов билан ўтказиб овунапман-а. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АНОД** [*р<грек*] *физ.* Мусбат зарядланган электрод; акси катод. Мис анод. || Анод ток.

**АНОИИ** Кувлик-шумликни билмайдиган, бировнинг сўзига лаққа учадиган; гўл, лақма. Аноий бола. — Бойлар, бойваччалар, аноий эмас, унга ўз меҳмонхоналаридан жой бериб, зиёфат қилишлари бежиз эмас экан. Ойбек, Кутлуғ қон. || [Ўрмон полвон] агар жим турсак, улар ҳар бир иш қилади-

лар. Лекин биз унақа содда аноийлардан эмасмиз. Айний, Куллар.

**АНОМАЛ** [*р* аномальный] айн. аномал. Аномал ҳол.

**АНОМАЛИЯ** [*р<грек*] Нормадан, умумий қонуниятдан четга чиқиш; нормага, умумий қонуниятга хилофлик, нономаллик. Ўсишдаги аномалия. Жисмоний ривожланишдаги аномалия.

**АНОНИМ** [*р* анонимный] 1 Оти номаълум, ўз отини ёзмаган. Аноним автор.

2 Автор кўрсатилмаган, автор номи қўйилмаган. Аноним хат. — Мажлисни хайратда қолдирган бу хатни аноним деб бўлмади. П. Қодиров, Уч илди.

**АНОНИМКА** [*р*] *с. т.* Автор кўрсатилмаган, имсозис хат; аноним хат, юмалоқ хат.

**АНОНС** [*р<фр*] Гастроль, спектакль, концерт ва ш. к. ҳақидаги олдидан тарқатилган эълон. Анонс тарқатмоқ.

**АНОР** [*ф-т*] 1 Қизил гулли дарахт ёки бута.

2 Шу дарахтнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси. Ачиқ анос. Чучук анос. Анос суви. Анос юз(ли) икки юзи қип-қизил аносдай, тиниқ қизил юзли.

3 Анос (эркаклар ва хотин-қизлар иси).

**АНОРГАНИК** Ўсимлик ёки ҳайвонот оламига мансуб бўлмаган, ноорганик. Аноганик моддалар. Аноганик химия химиянинг ноорганик моддалар таркибини, хосса ва ўзгаришларини ўрганадиган бўлими.

**АНОРЗУЙ** [*ф-т*] Нукул анос билан банд ер, боғ.

**АНОРМАЛ** [*р* аномальный] Нормадан четга чиққан, нормага, умумий қонуниятга хилоф, нономал. Аномал ҳолат. Аномал ҳодиса. Аномал ўсиш.

**АНСАМБЛЬ** [*р<фр*] 1 Ўзаро мос ва уйғун қисмларнинг бириквидан ҳосил бўлган бир бутун нарса. Архитектура ансамбли.

2 Бир бутун бадий коллектив бўлиб томоша кўрсатадиган артистлар гуруписи. Ашула ва рақс ансамбли.

**АНСУРИЙ** [*ф-т<а*]: пиёзи ансурий қ. пиёз 1.

**АНТАГОНИЗМ** [*р<грек*] Асло келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, зиддият. Синфий антагонизм.

**АНТАГОНИСТ** [*р*] Муросазис душман, келиштириб бўлмайдиган душман.

**АНТАГОНИСТИК** [*р* антагонистический] Бир-бирига тамоман зид, душман бўлган. Антагонистик синфлар. | Келиштириб, бартараф қилиб бўлмайдиган. Антагонистик қарама-қаршиликлар.

**АНТАРКТИК** [*р<антарктический*] Антарктикага оид. Антарктик китға.

**АНТАРКТИКА** [*р<грек*] (А — катта) Ер шарининг жанубий кутб области.

**АНТЕННА** [*р<лат*] Радиоустановканинг электромагнит тўлқинларни

тарқатиш ёки қабул қилиш учун мосланган ўтказгич ёки ўтказгичлар системасидан иборат қисми. Радио антеннаси. Телевизор антеннаси. Узатувчи антенна. Қабул қилувчи антенна.

**АНТИБИОТИК** [*р<грек*] қ. антибиотиклар.

**АНТИБИОТИКЛАР** Баъзи микроорганизмлар ҳосил қиладиган ва айрим бактерияларни, микробларни йўқотиш ёки уларнинг ўсишини тўхтатиш, су-сайтириш қобилятига эга бўлган органик моддалар.

**АНТИДЕМОКРАТИК** [*р* антидемократический] Демократияга қарши қаратилган, халқ манфаатларига зид, душман. Антидемократик империалистик сиёсат.

**АНТИДИАЛЕКТИК** [*р* антидиалектический] Диалектикага қарши қаратилган, диалектика принципларига хилоф, зид, душман.

**АНТИИМПЕРИАЛИСТИК** [*р* антиимпериалистический] Империализмга қарши курашувчи, унга қарши қаратилган; душман. Антиимпериалистик ҳаракат.

**АНТИК** [*р* античный] Қадимги Греция ёки Рим ижтимоий тузумига, маданиятига, санъатига оид ёки хос бўлган. Антик философия. Антик театр.

**АНТИКОММУНИСТИК** [*р* антикоммунистический] Коммунизмга, коммунистик ҳаракат ва ғояларга қарши қаратилган, коммунизмга зид, душман.

**АНТИМАРКСИСТИК** [*р* антимарксистский] Марксизмга қарши қаратилган, марксизм принципларига зид, душман. Антимарксистик назариялар.

**АНТИМАТЕРИАЛИСТИК** [*р* антиматериалистический] Материализмга қарши қаратилган, материализм принципларига зид, душман.

**АНТИМЕХАНИЗАТОР** [*р*] *с. т.* Механизацияга қарши қаратилган, механизацияга қаршилик қилувчи. Анти-механизатор деб гуноҳ қўйишлари — туҳмат. И. Раҳим, Ихлос.

**АНТИМИЛИТАРИЗМ** [*р*] Милитаризм сиёсатига, уруш ва қуролланишга империалистик агрессияга қарши қаратилган оммавий халқаро ҳаракат.

**АНТИМИЛИТАРИСТ** [*р*] Антимилитаризм тарафдори.

**АНТИМИЛИТАРИСТИК** [*р* антиимпериалистический] Милитаризмга, империалистик урушларга қарши қаратилган, милитаризмга қарши курашувчи.

**АНТИПАРТИЯВИЙ** [*р* антипартийный] Партиянинг ғоявий ва ташкилий принципларига қарши қаратилган, уларга зид, хилоф.

**АНТИСАНИТАР** [*р* антисанитарный] Санитария талабларига, тозалик ва озодалик қондаларига хилоф, ифлос. Антисанитар ҳолат.

**АНТИСАНИТАРИЯ** [*р*] Санитария талабларига, тозалик ва озодалик қондаларига хилоф ҳолат.

**АНТИСЕМИТ** [*р*] Антисемитизм тарафдори, яҳудийларга душманлик қи-



дуччи, душманлик кўзи билан қаровчи одам.

**АНТИСЕМИТИЗМ** [р] Империалистик буржуазиянинг яхудийларга қарши миллий, ирқий душманликни авж олдириб олиш сибасати, ирқий шовинизмнинг қабих формаларидан бири.

**АНТИСЕМИТИК** [р антисемитский] Антисемитизмга ва антисемитга оид, антисемитизм руҳидаги.

**АНТИСЕПТИК** [р антисептический] мед. Антисептикага оид; зарарсиз, юқумсиз қилладиган. *Антисептик моддалар. Антисептик воситалар.*

**АНТИСЕПТИКА** [р <грек] мед. 1 Микробларни ўлдирадиган химиявий моддалар воситаси билан яра-чақа, жароҳатларни йиринглашдан, газак олишдан сақлаш, уларни зарарсиз, юқумсиз қилиш.

2 Юқумсизлантирувчи моддалар.

**АНТИСОВЕТ** [р антисоветский] Совет ҳокимиятига, тузумига қарши қаратилган, унга зид, душман.

**АНТИТЭЗА** [р <грек] 1 ад. Бир-бирига тамоман зид бўлган икки тушунча ёки образни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, таққослашдан иборат стилистик усул.

2 айн. антитезис.

**АНТИТЭЗИС** [р <грек] филос., лог. Тезисга қарши қўйилган ҳужм, муҳокама, фикр; қарама-қарши тезис.

**АНТИФАШИСТ** [р] Фашизм душмани, фашизмга қарши курашувчи; фашизмга қарши кураш қатнашчиси. || *Антифашист ҳаракат.*

**АНТИЦИКЛОН** [р <грек] метеор. Атмосфера босими баланди, об-ҳаво барқарор бўлган доира; акси циклон.

**АНТИҚА** [а <лат] 1 эск. Қадимдан қолган, қадимий.

2 кўчма Кишини хайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган; ажойиб, қизиқ, ғалати. *Антиқа нарса. Антиқа иш. Антиқа ҳикоя. Антиқа бино.* — *Бухоро антиқа бир шаҳар экан. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**АНТИҚИЙ** [а] айн. антиқа.

**АНТОЛОГИЯ** [р <грек] ад. Турли авторларнинг таъланган асарлари (кўпинча шеърлари) тўплами. *Ўзбек совет поэзиясининг антологияси.*

**АНТОНИМ** [р <грек] лингв. Бирор сўзга қарама-қарши маъноли сўз, мас. оққора, қаттиқ — юшиқ, ачиқ — ширин.

**АНТРАКТ** [р <фр] 1 Спектакль пардалари ёки концерт бўлимлари орасидаги танаффус.

2 Опера ёки драматик спектакль пардалари, кўринишлари орасида ижро этиладиган музика асари.

**АНТРАЦИТ** [р <грек] Тим қора, зич, кучли иссиқ берадиган тошқўмир.

**АНТРОПОЛОГ** [р] Антропология олими, мутахассиси.

**АНТРОПОЛОГИК** [р антропологический] Антропологияга оид. *Антропологик текширишлар. Антропологик музей.*

**АНТРОПОЛОГИЯ** [р <грек] Одам-

нинг биологик табиатини ўрганадиган фан.

**АНТРОПОМЕТРИК** [р антропометрический] Антропометрияга оид. *Антропометрик маълумотлар.*

**АНТРОПОМЕТРИЯ** [р <грек] Антропологик тадқиқотларда одам танаси ва унинг аъзоларини ўлчаш усулларидан бири.

**АНУВ** с.т. Анави, ана у.

**АНЧА** рви 1 Кўпгина вақт, хила вақт, узоқ вақт. — *Қачон кетган? — деди Элмурод. — Анча бўлди. Мен кичкина бола эдим, .. деди Давлатёр. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Анчагача хила вақтгача, узоқ фурсат. Анчадан бери хила вақтдан буён, кўпдан бери. Анчадан бери уни кўрганим йўқ.*

2 Кўп, кўпгина (миқдор, катталиқ ҳақида). *Томларда, дарахтларда қор анча қалинлашган. Ойбек, Қутлуг қон. 3 Хила, хилагина, сезиларли даражада. Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**АНЧАЙИН** 1 Унча аҳамияти бўлмаган; арзмаган, арзмас. *Анчайин соғуқ. — Бошланғида анчайин ҳазилга ўхшаб кўринган бу гинахонлик кутилмаган жойда жиддий бир тус олиб кетди. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.*

2 Чин кўнгиладан эмас, балки тил учиди қилинган; шунчаки, юзакигина. *Анчайин мулозамат. — Ҳўтган бу таклифлар чинми, ё анчайин одамгарчиликми, илжайишининг маъноси не экан, деб ишда ўйлади. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**АНЧАКИ** айн. анчайин.

**АНЧА-МУНЧА** Бирталай, кўп. *Анча-мунча нарса. Анча-мунча одам йўғилди. Анча-мунча иш қилинди.*

**АНЧАР** айн. заққум.

**АНЧИКИ** с. т. Анчайин, анчаки.

**АНЪАНА** [а] Узоқ замонлардан бери авлоддан авлодга, оталардан болаларга ўтиб давом этиб келган урф-одатлар, ахлоқ нормалари, қарашлар ва ш. к.; традиция. *Халқимизнинг ажойиб анъаналари. Пролетариатнинг революцион анъаналари. Зарарли анъаналарга қарши кураш. | Қонда ҳужмига кириб қолган, традицияга айланган тартиб, иш, одат. Республикалар ўртасида анъана бўлиб қолган социалистик мусобақа. | Бирор соҳада қарор топган тартиб, традиция. — Муҳаммад Жамол шеърларни ўзга шоирлардек анъанага мувофиқ, паст овоз билан ўқимади. Ойбек, Нур қидириб.*

**АНЪАНАВИЙ** [а] Одат бўлиб қолган, расм бўлиб кетган, традицион. *Анъанавий байрам.*

**АНҚАЙИШМОҚ** анқаймоқ фл. бирг. н. *Отабек мажлисда тамоман янги ва эшитилмаган фикрларни сўзлаб кетди, улар бекнинг оғзига анқайишиб қолган эдилар. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.*

**АНҚАЙМОҚ** 1 Хайронлик билан қарамоқ, ҳайрон бўлиб оғзи очилиб қолмоқ, бақраймоқ. | Эси оғиб қараб қолмоқ, донг қотмоқ. *Миришлар Йўлчиға эғум билан ўқрайиб ўттишди. Йўлчи бир минут анқайиб қолди-да, юкни*

*нари-бери орқалаб, уларнинг [миришларнинг] изига тушди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Бебарво қарамоқ, анграймоқ. — *Анқайманглар, тезда эғжа тайёр бўлади, — деди шиллаётганлар олдиға бориб навкар, мўйловини бураркан. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**АНҚАЙТИРМОҚ** анқаймоқ фл. орт. н.

**АНҚИМОҚ** Тарқалмоқ, гуркираб турмоқ (ҳид ҳақида). *Саодатхон акация ҳиди анқиб ётган маданият ва истироҳат боғига ёндош кўчага бурилди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.*

**АНҚИТМОҚ** 1 анқимоқ фл. орт. н. *Оқшом шабадаси елтиниб мудом, Димоққа анқитар гуллар исини. М. Икром.*

2 Ҳид таратмоқ, сочмоқ. *Қумуш тоғдек кўркам жийдазор Ҳид анқитар хушбўй гуллари. О. Кўчқорбеков.*

**АНҚО** [а] миф. Гўё Қоф тоғида яшган афсонавий катта қуш (йўқлик рамзи сифатида ишлатилади).

◆ **Анқонинг уруғи (ёки тухуми) ёки анқога шафе** сира топилмайдиган ёки ёят кам учрайдиган нарса ҳақида. *[Кенжа] ҳар ёққа алағлаб, бошпана кўзлашга тушди. Даштда бундай бошпана анқонинг уруғи. Х. Назир, Маёқ сари.*

**АНҚОВ** 1 Эс-хушини ҳа деганда йнғиб ололмайдиган, гапга ҳа деганда тушуниб етолмайдиган; овсар, эсар. *Элмурод ичида: «анқовни топдинг, билганингни маъқуллай бер, чол!» — деб қўйди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

2 Оғзидагини олдирадиган, гўл, лақма. *Бор-йўғин шилеунча ғамхўр «дўст» бўлиб, Анқов билан учраса эғсхўр, ишим битгунча, сиз почкам дедим. «Муштум», 1961, № 1.*

3 Хушёр эмас, зийрак эмас; ангров, меров. *Ялқов билан анқов — душман учун катта ов. Мақол.*

**АНҚОВЛИК** 1 анқов с. белги оти.

2 Анқовларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Бошда ўзим анқовлик қилдим. Бўлмаса ўз қўлим билан қўзичоқдай боқиб ўстирган қизни эшикдан кириб келган бегона одамлар қўлга топшириб ўтирармидим? П. Турсун, Ҳўқитувчи. Ўзини анқовликка солмоқ ўзини анқов, меров қилиб кўрсатмоқ. Викторнинг нимага шима қилаётганини тезга ҳам ўзини анқовликка солиб: — Қанақа шилардан? — деди. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдус.*

**АНҚОВСИРАМОҚ** Анқовлардек додирамоқ ёки ўзини анқовликка, овсарликка солмоқ. *Элмурод секин қулиб қўйди. Муса эса анқовсираб сўрай берди. — Тава! Бунинг ишқи нимага экан-а, ота? П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**АНҒИЗ** 1 Экинни ўриб-йиғиб олинган ер, майдон. *Сувонжон .. қир бағридаги анғизга қўйларни йиғиб юборди-да, ўзи ажриқ устига ёнбошлади. С. Анорбобев, Оқсой.*

2 Экиннинг ўриб олингандан кейин тиккайиб қолган пояси. *Беда анғизи.*

**АНФИРТ** Ўрдакларнинг бир тури; тўрамижоз, атайка.

**АНХОР** [a] Катта ариқ, катта суғориш каналы. Тоғдан эриб тушган қор ва ирмоқлардан каттагина анхор ҳосил бўлган. Шухрат, Шинелли йиллар. Илгари канал тўғрисида гап бўлганда Солиҳжон уни бирон тегирмон сув влтадиган ариқ деб ўйлаган эди, тупроқни кўриб: — Э-ҳа, — деди, — каттакан анхор-ку. А. Каҳҳор, Қўшчинор.

**АОРТА** [p<грек] анат. Юракнинг чап қоринчасидан бошланадиган ва ўпкадан бошқа ҳамма органларни артерия қони билан таъминлаб турадиган энг катта қон томир; бош артерия.

**АПАТИТ** [p<грек] Вулкандан отилиб чиққан кўпгина жинсларнинг доимий таркибий қисми бўлган минерал (асосан фосфатли ўғитлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади).

**АПЕЛЬСИН** [p<голл] 1 Жануб томонларда ўсадиган доим яшил цитрус дарахт.

2 Шу дарахтнинг пўсти тўқ сариқ, гўшти юққа пардалар билан каржларга бўлинган юмалоқ ёки чўзинчоқ серсув меваси.

**АПИЛ-ТАПИЛ** рвш Тезлик билан, наридан-бери, шоша-пиша. *Апил-тапил кийинмоқ.* — *Ҳожия .. чўчиб кўзини очди-да, апил-тапил сочларини тунзатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**АПИР-ШАПИР** рвш Шапир-шупур, тез-тез, наридан-бери. *Апир-шапир ювинмоқ.* *Апир-шапир ювмоқ.* — *Башират овқатни ўғил болалардай тез, апир-шапир ичиб, ҳаммадан олдин тугатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**АПОГЕЙ** [p<грек] астр. Ой ёки Ер сунъий йўлдоши орбитасининг Ердан энг кўп узоқлашган нуқтаси; акси перигей.

**АПОЛИТИЗМ** [p<грек] Ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашувдан бош тортиш, сиёсатга аралашмаслик.

**АПОЛИТИК** [p аполитичный] Ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда турган. *Аполитик гуруҳ.*

**АПОЛОГЕТ** [p<грек] Мадҳ ўқувчи, мақтовчи, маддоҳ. *Капитализм аполлогетлари.*

**АПОПЛЕКСИЯ** [p<грек] мед. Мия қон томирининг ёрилиши ёки тўсилиб қолиши натижасида тўсатдан рўй берадиган оғир хасталик ҳолати, фалаж.

**АПОСТЕРИОР** [p апостериорный] филос., лог. Тажрибага асосланган, тажрибадан келиб чиқадиغان; акси априор. *Апостериор мулоҳаза.*

**АПОСТРОФ** [p<грек] Ёзувда харфий белги билан кўрсатилмайдиган унли ўрнида сатр устига кўйиладиган белги.

**АПОҚ-ЧАПОҚ** Ўзаро ахил, иттифоқ, иноқ, тотув. *Хўш эди, даромаду буромадинени қўй, иккинчи хотининг билан апоқ-чапоқ мисан [сўради шериги шофёрдан].* «Муштум», 1955, № 10. [Қозикалон:] *Тортишманлар, апоқ-чапоқ яшанлар.* И. Раҳим, Ихлос. **Апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқ** жуда иноқ бўлиб кетмоқ, жуда яқин алоқа боғла-

моқ. *Менинг умр йўлдошим хўжайинининг умр йўлдоши билан бирпасда апоқ-чапоқ бўлиб кетишиди.* Ф. Мусажонов, Сабоқ.

**АПОҚ-ЧАПОҚЛАШМОҚ** Иноқлашмоқ, апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқ. *Фотима билан апоқ-чапоқлашиб юреанларингизни ўз кўзи билан кўрганлар бор-ку!* М. Жабборов Севинч ёшлари.

**АППАРАТ** [p<лат] 1 Муайян бир ишни бажариш учун хизмат қиладиган асбоб, мослама, механизм ва ш. к. *Телефон аппарати.* *Фотография аппарати.*

2 физиол. Маълум вазифани бажарувчи органлар мажмуи. *Кўриш аппарати.* *Нафас олиш аппарати.*

3 Бошқарма ёки хўжаликнинг бирор соҳасига хизмат қиладиган муассасалар мажмуи. *Давлат аппарати.* *Партия аппарати.* *Совет аппарати.* | Маъкур муассасаларнинг ходимлари. *Бошқарув аппаратини қисқартирмоқ.*

◆ **Илмий аппарат** илмий иш автори фойдаланган материаллар ва қўлланмалар (кўрсаткичлар, библиография, луғатлар ва бошқалар).

**АППАРАТУРА** [p] Муайян бир ишни бажарувчи аппаратлар мажмуи. *Химиявий аппаратура.* | Лаборатория, цех, катта установка ва ш. к.нинг асбоб-ускуналари. *Электр билан бошқариш аппаратураси.*

**АППАРАТЧИ** Аппаратлар ишини бошқариб ёки назорат қилиб, тўғри-лаб турувчи ишчи.

**АППЕНДИКС** [p<лат] анат. Кўр ичакнинг чувалчангсимон ўсимтаси.

**АППЕНДИЦИТ** [p<лат] мед. Кўр ичак ўсимтасининг яллиғланиши.

**АППЛИКАЦИЯ** [p<лат] 1 Бирор нарсага ранг-баранг газлама ёки қоғоз парчалари ёпиштириб ёки тикиб нақш солиш усули.

2 Шу усул билан солинган сурат, нақш. | Шундай нақшли буюм.

**АПРЕЛЬ** [p<лат] Янгича йил ҳисобида тўртинчи ой. *Биринчи апрель.* *Апрель кунлари.*

**АПРИОР** [p априорный] филос., лог. Тажрибага асосланмаган, тажрибадан олинмаган, тажрибадан олдинги; акси апостериор. *Априор даъво.*

**АПРОБАЦИЯ** [p<лат] 1 Текшириш, синаш ва муҳокама асосида расмий суратда маъқуллаш. *Ўқув программаларини апробация қилиш.*

2 қ. х. Энг яхшиларини уруғликка ажратиш мақсадида экинларнинг сифатини аниқлаш.

**АПТЕКА** [p<грек] 1 Врачларнинг ёзиб берган рецетпларига қараб дори тайёрлайдиган, шуниингдек дори-дармон ва медицина моллари сотадиغان муассаса, дорихона.

2 айн. аптечка.

**АПТЕКАЧИ** 1 Аптекада дорилар тайёрлайдиган ходим; фармацевт.

2 эск. Аптека эгаси, хўжайини.

**АПТЕЧКА** [p] Касалга биринчи ёрдам бериш ёки уни уйда даволаш учун

тайёрлаб қўйилган энг зарур дори-дармонлар; аптека. *Хонаки аптечка.*

**АПШУ** тақд. с. Аксириш товуши ҳақида. *Апшу қилмоқ (бол.).*

**АПШУРМОҚ** кам қўлл айн. аксирмоқ.

**АР** [p<фр<лат] Метрик системада: юз квадрат метрга тенг ер ўлчов бирлиги, бир гектарнинг юздан бир қисми.

**АРАБ** [a] қ. араблар. *Араб халқи.* *Араб тили.* *Араб алифбеси.*

◆ **Араб рақамлари** ўрта асрларда араблардан қабул қилинган ва ҳозирда жуда кенг тарқалган сон белгилари.

**АРАБИ** [ф-т<a] Арабларга ва Арабистонга оид. *Араби гулам.* *Араби от салт миниладиган отларнинг энг яхши наслларидан бири.* *Дутор бўйин араби отлар.* *Чу деса бир қирдан хатлар.* «Равшан».

**АРАБИЗМ** [p] лингв. Араб тилидан ўзлаштирилган сўз ёки ибора.

**АРАБИЙ** [a] эск. Арабларга, араб тили ва адабиётига оид; арабча. *Арабий адабиёт.* — *Яна ўша арабий ва форсий иборалар тўла биз тушунмайдиган машаққатли ўқишга шўнғиб кетдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АРАБЛАР** Осиёнинг Эрон кўрфази билан Ўрта денгиз, Қора денгиз ва Каспий денгиз орасидаги қисмида ва Шимолий Африкада яшовчи, семитик тиллардан бирида сўзлашувчи халқлар.

**АРАБЧА** 1 Арабларга, араб алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Арабча ёзув.* *Арабча кийим.* — *Тожибой саводсиз эди. Фақат кимдандир ўрганилган учта арабча харф билан «Тоғ» деб жуда ғалати қилиб қўл қўяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Араб тили. *Сиз арабчани биласизми? || Арабча гапирмоқ.*

**АРАБШУНОС** Араб тили, ёзуви, маданияти ва тарихи бўйича мутахассис олим.

**АРАБШУНОСЛИК** Араб тили, ёзуви, маданияти ва тарихини ўрганувчи фанлар мажмуи.

**АРАВА** [a] Икки, уч ёки тўрт гилдиракли оддий транспорт воситаси. *Извош арава.* *Шалдирак арава.* *Қўл арава.* *Четан(ли) арава.* *Соябон(ли) арава.* *Кўқон арава.* *Бир арава ўтин.* *Арава минмоқ.* *Арава қўймоқ.* *Гумбур арава с. т.* яп-янг мустаҳкам арава. **Оташ арава с. т. эск.** Поезд. **Шайтон арава с. т. эск.** Велосипед.

◆ **Аравангни торт дағл.** жўнаб қол, юришингни қил, ишингни қил. *Ҳа, ҳа, мен сенларнинг хизматкоринг бўламанми, аравангни торт, шуни билиб қўй, оч қолсам қоламанки, бу ишларни қилмайман.* Р. Файзий, Биринчи баҳор. **Аравани қуруқ олиб қочмоқ** қуруқ, баландпарвоз гап қилмоқ, беҳуда мақтанмоқ. — *Саидғози ака! — деди [Назаров] кинояли жилмайиб, — ҳа деб аравани қуруқ олиб қочаврманг. Сиз билган сиёсатни биз ҳам биламиз.* С. Анорбоев, Оқсой. **Ўз аравангни ўзинг торт**



Ўз ишингни, тирикчилигингни ўзинг қил, ўз меҳнатинг билан кун кечир. Бу кунгача ҳар икки бригадир ўз улуғига тушган вазифани бажариб, содда қилиб айтганда, ўз аравасини тортиб келишарди. Х. Нўтовни, Меҳр.

**АРАВАК** диал. Булоқи.

**АРАВАКАШ** [a+ф-т] 1 от От-арава билан юк ташувчи, арава минувчи, қайдовчи одам. [Йўлчи] отнинг жиловидан тортди, аравакаш ғилдиракдан тортди. От силжимади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 сфм Аравага қўшиладиган, юк тортадиган. Аравакаш от.

**АРАВАСОЗ** [a+ф-т] Арава ясовчи уста.

**АРАЗ** [a] Бировни айбситаиб, ундан гина-кудурат сақлаб гаплашмай юрган киши ҳолати. Шунга ҳам аразми? || У мендан араз. Ака-ука бир-бирдан араз.

■ Жўраҳон йўғламсираб жавоб қилди. Унинг бу ҳолати хафа қилинган жажжи қизнинг аразига ўхшар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кечкиши учун бунчалик араз қилган бу гўзалнинг кундош учун қандоқ ҳолага тушмоғи маълум эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АРАЗЛАМОҚ** Бировни айбситаиб, ундан ўпка қилиб юроқ ёки юз ўтирмоқ. Ари чақди деб аразлама, боли бор. Мақол. ■ Моҳлар ойим маҳдумдан аразлаб Марғилон кетишга мажбур бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АРАЗЛАШМОҚ** аразламоқ фл. бирг. н. Бир-бири билан аразлашганлар кўришмайди. ■ Сиз билан биз аразлашганимиз йўқ, шекилли? П. Турсун, Ўқитувчи. [Қумуш] мендан бошқа хотин бўлса, Зайнабнинг билан биринчи кунданок аразлашар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АРАЗЧИ** Ҳар нарсага аразлайверадиган, бўлар-бўлмасга тумшайверадиган. Аразчи қиз. Аразчи одам. ■ Аразчи десангиз ҳам шу [Қумуш], ичи қоралик десангиз ҳам шунда. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АРАЙИШ** [ф-т] Бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча жойи, кўсти. Арайишини олмоқ 1) бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча ерини қийиб тўғриламоқ, бичимини келтирмоқ; 2) кўйма бирор нарсадан бир қисмини ўғирламоқ, ўмармоқ.

**АРАЛАШ** 1 сфм Турдош, жинсдош бўлмаган элементлардан иборат; состави турлича бўлган; қоришиқ. Аралаш ем-хашак. Аралаш ўғит. Ёмғир аралаш қор. Чақа аралаш танга. Ваҳм аралаш жиддийлик. Йўғи аралаш қўлги. || — Қизим, دادанг, энанг ҳасратингда куйиб битди. Бизни ўлдиришга ҳасд қилганмисан? Гапир! — йўғи аралаш сўзлади — Ёрмат. Ойбек, Қутлуғ қон. — Қим экан? — уйқу аралаш сўради полевон. Ж. Шарипов, Хоразм. Аралаш сон мат. бутун сон билан касрдан иборат бўлган сон. Аралаш ўрмон игна барғли ва япроқли дарахтлар бирга ўсадиган ўрмон.

2 рвш Аралашига, бирга, биргаликда. Қоронғи тушгандан кейин олти жойга кунжара ёқилди. Ёшу-қари, эр-как-аёл аралаш бўлиб олти даврага бўлинди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. У [Қанизак] ўнг кўзини юзи аралаш ушлаб, нима бўлганини ва яна нима бўлишини билмай, гаранг бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**АРАЛАШИБ-ҚУРАЛАШИБ** рвш Аралаш-қуралаш бўлиб, қўшилиб-қорилиб. Тўйда аралашиб-қуралашиб юрaverади, киши. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АРАЛАШИГА** рвш 1 Катта-кичик, яхши-ёмонни ажратмай; андарягига, кўтарасига (донабай нарсалар ҳақида). Аралашига икки сўмдан.

2 Бир-бирга қоришиб ёки қориштириб, бирга, биргаликда, қаторасига. Аралашига урмоқ.

**АРАЛАШМА** Турдош, жинсдош бўлмаган моддаларнинг, элементларнинг механик қўшилмаси. Алебастр билан кум аралашмаси. | Турли моддаларнинг, материалларнинг аралашуvidан ҳосил бўлган махсулот. Ёнувчи аралашма. Бетон аралашмаси. Портловчи аралашма.

**АРАЛАШМАСЛИК** Бирор иш-ҳаракат ва ш. к.га аралашмай четда туриш ёки бош тортиш; холислик. Аралашмаслик сиёсати бошқа давлатларнинг ички ишга аралашмай, ўз ихтиёрига қўйиб бериш сиёсати.

**АРАЛАШМОҚ** 1 Бир-бирга қоришиб, сингишиб кетмоқ, биргаликда аралашма ёки қоришма ҳосил қилмоқ; омухта бўлмоқ. Ловия аралашган мош. Сув аралашган спирт. Қор лойга аралашиб кетди. Мой билан сув аралашмайди.

2 Тартибсиз равишда бир-бирга қўшилиб, қоришиб кетмоқ. Кўчаларда найзабозлик жанги бошилди. Ярим кечада берганда икки томон аралашиб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Бир-бирга қўшилиб адаш бўлмоқ. Болаларнинг китоблари аралаш бўлиб кетибди.

4 Бош қўшмоқ; қотишмоқ, қатнашмоқ; суқилмоқ (гап, сўз, иш ва ш.к.га). Ишга аралашмоқ. ■ Сўзга учинчи звено аъзоси Марьям Умарова аралашди. Н. Сафаров, Хадича Ахророва. [Ёрмат:] Бу оилада нима сир ўтса, барчаси мажбу аён. Тўй, аза барчасига аралашман. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Одамлар билан алоқа қилмоқ, муносабатда бўлмоқ, одамларга қўшилимоқ. Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб кулмас. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Абдурахмон бузуқ савдогарваччаларга аралашиб, амакидан хуфидна айш-ширатга берилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АРАЛАШТИРИЛМОҚ** аралаштирмоқ фл. мажж. н. Кум билан аралаштирилган алебастр.

**АРАЛАШТИРМОҚ** аралашмоқ фл. орт. н. Қоришмани аралаштирмоқ.

Гапга аралаштирмоқ, Ишга аралаштирмоқ.

**АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ** Тартибсиз ҳолда қоришиб кетган, бирдан бирини ажратиб, фарқ қилиб бўлмайдиган даражада қоришган. Аралаш-қуралаш нарсалар. || Унинг бошидаги қирлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. ■ Қелинлар, жувонлар, камтирлар аралаш-қуралаш бўлиб Мирзакаримбойнинг данғиллама дарвозасига қирадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АРАНГ** рвш Катта қийинчилик билан, қаттиқ уришиш, машаққат билан; зўрга, зўр-базўр. Йўлчи «дўппи бозор» дан аравани аранг олиб ўтди: бу ерда зўр тикилинч, кўпчилиги хотин-қизлар. Ойбек, Қутлуғ қон. | Сал-пал, сезилар-сезилмас, билинар-билинимас, базўр. Қўлтивақция қилаётган универсалнинг овози аранг эшитилди. С. Анорбоев, Қолхоз қишлоқлари.

**АР-АР I**: ар-ар қилмоқ унар-унмасга арилламоқ, ариллаб йўғламоқ.

**АР-АР II [a]**: ар-ар терак пирамида-симон терак; шотерак. Тахта кўприкнинг нариги томони .. янги бинолар бўлиб, олдиларига қатор ар-ар тераклар экканлар. А. Қодирий, Обид кетмон.

**АРАСОТ** [a] 1 дин. Ислом динида айтилишча: гўё қиёмат қойим бўлганда жамки одамзод тирилиб тўпланадиган кўрқинчли дашт, қиёматгоҳ.

2 кўйма Шовқин-сурон, ола-тўполон, қирғин-барот. Арасот солмоқ (кўтармоқ).

◆ Арасотда қолмоқ на у ёқли ва на бу ёқли бўлмай, оро йўлда қолмоқ; қилар ишидан янглишиб, гангиб қолмоқ.

**АРАФА** [a] 1 дин. Рамазон ёки қурбон ҳайитидан олдинги кун. Арафадан уч кун олдин. || Арафа бозор. ■ Қурбон ҳайити арафасида қишлоқи мурид Тиллабой яна бир қўй келтириб ташлади. Эшон қўй сўйиб, қурбонлик қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёлғон арафа ҳайитдан олдинги иккинчи кун, индинга ҳайит деган кун. Чин арафа ҳайитдан олдинги кун, эртага ҳайит деган кун.

2 Байрам ёки бирор тантанали кундан олдинги кун. Янги йил арафаси. Тўй арафаси. ■ — Бугун байрам арафаси, — деди Тургенев, жангчиларга ўйчан тикилиб. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 кўйма Бирор воқеадан бевосита олдинги вақт.

**АРАФАГАРЧИЛИК** Ҳайитнинг яқинлашуви, арафа билан боғлиқ бўлган ташвиш-ҳаракатлар.

**АРАХИС** [p<ерек] айн. ер ёнғоқ қ. ер 6.

**АРАҚ** [a] Сув билан вино спирти аралашмасидан иборат ичимлик.

**АРАҚИ** [ф-т] архит. Шиннинг гир айланасига, бўғот остига, эшик, дераза тепасига ишланган ёғоч нақш; карниз.

**АРАҚХҲР** [a+ф-т] Ичкиликка берилган, ароқни кўп ичадиган киши; майхўр; пиёниста.

**АРАҚХҲҮРЛИК** 1 арақхўр с. белги оти.

2 Ароқни кўп ичиш; майхўрлик; ичкиликбозлик.

**АРБИТР** [p < фр < лат] Томонларнинг розилиги билан тайинланган судья; хакам. | юр. СССРда: хўжалик идоралари ўртасидаги жанжалли масалаларни кўриб, бартараф қилувчи лавозимли шахс, воситачи судья.

**АРБИТРАЖ** [p] юр. Икки корхона ёки идора ўртасидаги жанжалли масалаларни томонларнинг розилиги билан тайинланган арбитр ёки арбитрлар судида кўриб бартараф қилиш усули; хакамлар суди. Давлат арбитражи идора ва корхоналар ўртасидаги жанжалларни ҳал қилувчи шундай ташкилот.

**АРБОБ** [a] 1 Фан, маданият, санъат соҳасида ёки давлат ишида фаолияти билан танилган, шу соҳада ўзини кўрсатган шахс. *Жамоат арбоби. Маданият арбоби. Санъат арбоби. Сиёсий арбоб.* — *Урта Осиё аёлларидан давлат арбоблари, меҳнат қаҳрамонлари, олимлар етишган.* Ойбек, Нур қидириб.

2 тар. Бухоро хонлигида: маҳалла бошлиғи, элликбоши ёки қишлоқ оқсоқоли. *Хайдар учинчи ғалвирни тўлдирётганда қишлоқ томонидан ҳар бири бир хуржун кўтариб имом, сартарош ва арбоб иошиб-пишиб етиб келдилар.* Айний, Қуллар.

**АРВОҲ** [a] 1 Диний ақидаларга кўра: фақат одамда бўладиган, у билан худо ўртасида воситачи бўладиган ғайри моддий, ўлмас, абадий асос; руҳ. *Тоға, сизга ялиниб келдим, йўлчи акамни қамоқдан чиқаришига кўмаклашинг .. Онамнинг арвоҳини хурсанд қиласиз.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Арвоҳлар ёр, пирлар мададор бўлиб, овимиз бароридан келисин!* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Арвоҳ оши** ўтган ота-боболарнинг руҳига бағишлаб ўтказиладиган кичикроқ маърака, йўқлов. *Султонбек сўз олди: «Арвоҳ оши» бермайман, ўғлимни тўй қилмоқчиман, тўй дедим.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Арвоҳ пири** ёки арвоҳи пир устоз қўлида касб-хунар ўрганиб, мустақил иш бошлаш учун фотиҳа олаётган шоғирдининг шу муносабат билан ҳамкасаба усталарга берадиган зиёфати. — *Бўлмаса, уста Олим ўз уйига дўкон қурибдир денгчи! — Дўкон қурибдир. Арвоҳ пири бермасдан-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Марҳумнинг киши ҳаёлида кўринган шарпаси, кўланкаси. *Севгучи йигитни солмишдир йўлга, Тунда эртак айтган бир мудҳиш арвоҳ.* Х. Олимжон.

♦ **Арвоҳ капалак** кечаси чироқ ёруғига келадиган каттакон кўнғир капалак (ўлган кишининг руҳи, ўз уйига гўё шу капалак суратида келармиш). **Арвоҳ урди** иш расво бўлди, ишининг пачаваси, расвоси қилди. [Қози:] *Тавба қилдим, худо! [Муллабўст:] Арвоҳ урди, қози!* Ҳамза, Майсаранинги иши. Оч

арвоҳ ёки арвоҳга ўхшаган қилтириқ, нимжон, жуда ориқ.

**АРҒО** [p < фр] лингв. Бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган ясама тили; жаргон. *Ўғрилар арғоси.*

**АРҒОН** [p < грек] Химиявий элемент, ҳаво таркибида бўладиган туссиз ва ҳидсиз газ (электр лампалари ва ёритувчи реклама асбоблари ичини тўлдириш учун ишлатилади).

**АРГОТИЗМ** [p] лингв. Адабий тилга бирор аргодан кирган сўз ёки ибора.

**АРГОТИК** [p арготический] Арготизмга оид. *Арготик сўзлар.*

**АРГУМЕНТ** [p < лат] 1 Фикр, даъво ва ш. к.ни исботлаш учун келтирилган асос, далил.

2 мат. Эркин ўзгарувчи миқдор.

**АРДОБ** [ф-т] 1 Молларга ичириш учун сувга ун чалиб тайёрланган овқат.

2 қўлма Ундан, дондан пиширилаётган ёғсиз суюқ овқат.

**АРДОҚЛАМОҚ** 1 Ғамхўрлик билан қарамоқ, парвариш қилмоқ. *Ғўзани август ойи ичида ҳам ардоқлашига тўғри келди.* — *Бир мурғак барг эдинг, дўндиғим, эркам, Ардоқлаб ўстирдим, олтин қўзичоқ.* Э. Охунова.

2 Эҳтиёт қилмоқ, авайламоқ; кўз қорачиғидай сақламоқ. *Мен сени ардоқлаб ғубордан, чангдан йўлнингга ҳар кунни сув сепармидим!* Шухрат. *Она Ватан тупроғини ардоқлаб, Бегонадан қўриқлайди тинч сақлаб.* Ҳабибий.

3 Эркатламоқ. [Ҳожи она:] *Мана ардоқлаган, севган хотининг! Бола ўлдиршидан мақсади — сендан қутулиб, суйганига қўшилиш экан!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бундан Исфандиёрхон мамнун бўлиб, уни [Шерназарбойни] «Лочиним, офарин» деб ардоқлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

4 Ҳурматламоқ, иззат-икром қилмоқ. *Шу кеча-кундузда қишлоқларимизнинг энг иззатли, энг ҳурматли, халқимиз ардоқлаб қўлида кўтарётган кишилари .. механизаторлардир.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

**АРДОҚЛАНМОҚ** ардоқламоқ фл. мажх. н.

**АРДОҚЛАШМОҚ** ардоқламоқ фл. бирг. н.

**АРДОҚЛИ** Ҳар қанча ардоқласа арзийдиган, ҳурматли, иззатли. *Ардоқли меҳмон.* — *Элимга таниқли, ардоқли чоллар, Ҳамиша беллари белбоғли чоллар.* Миртемир.

**АРЕОМЕТР** [p < грек] Суюқликларнинг солиштирма оғирлигини ўлчайдиган асбоб.

**АРЭСТ** [p < нем]: **арест солмоқ** юр., фин. мулк ёки пулдан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этмоқ, мол-мулкни хатлаб, печатлаб қўймоқ.

**АРЖУМАНД** [ф-т] эск. кт. Азиз, қадрли; қимматли. *Улум, фунунларнинг қадри-қиммати билан ота .. Фарзанд аржумандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн-ахлоқ берган.* Ойбек, Навоий.

**АРЗ I** [a] Оғзаки баён этилган шикоят, дард ёки илтимос. *Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тарадудланиш сезиб қайтадан сўради: Хўш, ўғлим, нима арзинг бор?* Ойбек, Қутлуғ қон. *Подшоим, бизлар сизга арзга келдик.* «Равшан». **Арзи ҳол ёки арзи бандачилик** ўз аҳволи ҳақидаги оғзаки баён; дард-ҳасрат; ўтинчли илтимос. *«Қуш тилини қуш билади» деганларидек, Нодиранинг самимий арзи бандачилиги Моҳлар ойм билан Нигор келиннинг юракларини эзди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Арз қилмоқ** 1) билганини, ўйлаганини ёки дард-ҳасратини оғзаки айтмоқ, баён қилмоқ; ўтинчли илтимос билан мурожаат қилмоқ. — *Мен хонни Тошкентдан жўнатиш олдидан унинг холи вақтинчи топиб, бу фикримни бир даража арз қилиб ўтган эдим.* — *деди [қушбеги].* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шикоят қилмоқ. [Ғофир бой ва қозиларга:] *Хой бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса ҳокимингга бормайман, мингобошингга ялинмайман, халққа арз қиламан, халққа!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Арз сўрамоқ**, эск. илтимос ёки шикоят билан келганларга тегишли жавоб-муомала қилмоқ. *Арз — қадим Хоразм шоҳларининг арз сўрайдиган жойи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**АРЗ II** [a] эск. кт. Ер шарни ёки унинг бир қисми. **Қурраи арз** Ер шарни. **Арзу** само Ер билан осмон, бутун коинот. **Арзи Рум** тар. Рим империяси.

**АРЗА** с. т. Арза.

**АРЗАНДА** [ф-т] 1 Орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки қиз. *Беш яшар қизчасини чақириб у болага кўрсатиб: — Ана кўрмайсанми, бу қандай оптоқ, дўндиқча! Мана шу менинг бирдан-бир арзандам.* Айний, Эсдалиқлар. | Энг севиқли, эрка ўғил ёки қиз. *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ кўпориб, шу кенжа, арзандасига сарф қилиш учун уринар, бу қизни катта шавкат ва даббаба билан узатишини орзу қилар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кест. Бирор кишининг ҳаммадан ортиқ кўрган суюқ кишини, эркаси. *Гулнорга худо берди, у эрка-арзанда хотин бўлиб, эрига сўялиб, кўнглига нима келса, шунки қилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АРЗАНДАИ-КИРОМАНДА** [ф-т] Жуда ҳам арзанда. [Шарофат] *биттаю-битта арзандаи-кироманда қизи билан умри ўтиб кетганини сезмади ҳам.* Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

**АРЗАЧИ** с. т. 1 Одамларга арза ёзиб беришни касб қилиб олган киши; арзанапис. *Шу яқинда ўзи ўрдада турадиган бир арзачи бор эмиш.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Мансабдор шахсга ёки бирор идора, муассасага арза берган, арз қилган киши. *Золимлиги, порохўрлиги, арзаларни қақшатганлиги .. туфайли халқда: «Бизнинг ҳоким-Фишмандир .. Пули йўққа Душмандинр! ..» деб тағрифланган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АРЗҒҮЙ** [a+ф-т] эск. Арз билан келган ёки мурожаат қилган киши. *Қабулхонда кутиб ўтиравериб тоқати тоқ бўлган арзғўлар раис олдига киришга интиладилар.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**АРЗ-ДОД**, арзу дод Тўлиб тошган дард-хасрат ва ундан шикоят. *Қамбағал ҳар ерда мушт ерди, четга қоқиларди, арзу додини ҳеч ким тингламасди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**АРЗИГУДЕК** айн. арзийдиган 2.

**АРЗИГУЛИК** айн. арзийдиган 2. Арзигулик соғва.

**АРЗИГУНДАЙ** айн. арзийдиган 2.

**АРЗИЙДИГАН** 1 арзимок фл. сфдди.

2 сфт Мақтовга, диққат-этиборга сазовор; бирор бир қийматга эга бўлган. *Мақтоса арзийдиган йеит.* Ур-нак олса арзийдиган хўжалик. — Кошки иззатга арзийдиган азиз меҳмон бўлсал! Ойбек, О. в. шабадалар.

**АРЗИМАГАН** Унча қиймати, аҳамияти бўлмаган; анчайин, анчаки, арзимас. *Арзимаган баҳона. Арзимаган гап. Арзимаган жанжал.* — Арзимаган нарсага овора бўлиб ишдан қолибсиз-да, оқсоқол! М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Нега ўзингизни ерга урасиз? Нега арзимаган бир одамга ўз ихтиёрингизни бериб қўясиз? — деди Саида Қаландаровга А. Қаҳҳор, Синчалак. | Унча кўп бўлмаган, озгина, кичкина. [Бой Гофурга:] тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очик қилиб қўясак, деган эдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**АРЗИМАС** айн. арзимаган. Арзимас баҳона. Арзимас сабаб. Арзимас гап.

**АРЗИМОҚ** 1 Белгиланган ёки сўралган (олинган, сотилган) нархга эга, мос бўлмоқ. *Бу нарса неча пулга арзийди?* | кўчма Қиймати ёки аҳамияти жиҳатидан тенг келмоқ, баравар бўлмоқ. *Ёлғиз ўғлингиз ўнга йеитга арзийдилар.* Х. Фулом, Машғал. [Йўлчи] эшикка чиқаркан орқасидан чол сўзлаб қолди: — Ҳай, ўт йеит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди, аммо, ҳар кимга сўзлайверма! Ойбек, Кутлуг қон.

2 Оқламоқ; зое кетмаслик. *Тер тўжканга арзимайдиган иш.* — Мен сизга ҳар қанча яхшилик қилсам арзийди. — Ақлли кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аскар болаларни кафтимизда кўтарсак арзийди.* Ойбек, О. в. шабадалар. | Лойиқ, муносиб бўлмоқ; сазовор бўлмоқ. *Уни мукофотласа арзийди.* — [Қози Қодирқулга:] Юзида оз-моз широйи бўлгани билан ўзи таби паст. Сивнинг остонангизга сира арзимайди. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

◆ **Сариқ чақалик, сариқ чақага** (ёки ҳеч нарсага) арзимайди қ. сариқ.

**АРЗИРЛИ** айн. арзийдиган 2. Арзирли соғва. *Мақтовга арзирли иш.* — Раҳим топириқни бажаршига «қўли тегмаган» баҳона ахтарди, аммо арзирли баҳона тополмади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АРЗИТМОҚ** арзимок фл. орт. н. *Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшингизга арзитдимми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**АРЗНОМА** [a+ф-т] эск. Илтимоснома; арза. *Шу қизгин дамларда .. арзнома ёши, идорама-идора сарсон бўлиб юришга Ойдинойларни нимадир мажбур қилган.* «С. Ўзбекистони», 1964, № 176.

**АРЗОН** [ф-т] Баҳоси, нархи паст, унча қиммат турмайдиган, унча қиммат бўлмаган. *Арзон мол. Газ — энг арзон ёшилги. Арзон энергия.* || *Арзон сотмоқ. Арзон олмақ. Арзон(га) туширмоқ.* || *Арзон беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас. Мақол. Арзоннинг шўрваси татимас. Мақол.* — Қанчага беради шундай папкани? — деди Элмуродга Давлатёр. — Арзон! — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. *Бизнинг Қаландарбой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб саройига босиб қўяди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Арзон баҳо баҳоси паст, унча қиммат турмайдиган. Арзон баҳо мол.*

**АРЗОН-ГАРОВ** рви, с. т. Асл қийматидан анча камига, арзимаган пулга, паст баҳо билан, текиндай. *Арзон-гаров сотиб олмақ.*

**АРЗОН-ГАРОН** айн. арзон-гаров.

**АРЗОНЛАМОҚ** с. т. Арзонлашмоқ. **АРЗОНЛАТМОҚ** Баҳосини, нархини пасайтирмоқ, арзон қилмоқ. *Ўй-жой қурилиш нархини арзонлатмоқ.*

**АРЗОНЛАШМОҚ** 1 Арзон бўлмоқ, баҳоси, нархи пасайиб арзон сотила бошламоқ. *Моллар анча арзонлашди.*

2 Арзон тушмоқ. *Механизация туфайли ҳар бир центнер пахта икки сўм арзонлашди.*

**АРЗОНЛАШТИРИЛМОҚ** арзонлаштирмоқ фл. мажх. н. Кенг истеъмол моллари арзонлаштирилди. Баҳолар арзонлаштирилди.

**АРЗОНЛАШТИРМОҚ** арзонлашмоқ фл. орт. н. Молларни арзонлаштирмоқ.

**АРЗОНЛИК** арзон с. белги оти. Баҳоларнинг арзонлиги. *Мен бу нарсанинг арзонлигига қизиқиб олдим.*

**АРЗОНСИНМОҚ** Асл баҳосидан, нархидан арзон сўрашпни, деб билмоқ; олувчи айтган баҳосини, нархни кам деб ҳисобламоқ.

**АРЗОНЧИЛИК** Нарх-наво паст, ҳамма нарса арзон вақт, қимматчиликнинг акси. *Бозор арзончилик.*

**АРЗОНҚҮЛ** с. т. Озгина ҳақ бадалига ишлайдиган, меҳнати эвазига кам ҳақ оладиган. *Ҳозир олмалар пишган вақт бўлгани учун менга ўхшаш оштомоғизга юридиган арзонқўл кишиларни эшигидан қувелмас экан.* Ф. Фулом, Шум бола.

**АРЗ-ХОЛ**, арзи ҳол қ. арз 1.

**АРИ** Парда қанотли ҳашаротларнинг йиртқи ва чақадиган бир тури. *Сариқ ари. Тукли ари. Қизил ари. Қовоқ ари. Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда тол бўлмас.* Мақол.

**АРИЗА** [a] Расмий ёзма илтимос ёки шикоят. *Ариза бермоқ. Ариза ёзмоқ. Ариза ташламоқ.* — *Берарман ушбу аризани шул хусусдаким, меҳнатчилар даврида кўзим очилиб, ишчи-деҳқон ҳукумати бошлаган колхоз йўлини ихтиёр қилдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**АРИЗАБОЗ** [a+ф-т] салб. Бўлар-бўлмаста аризалар бериб, шикоятлар қилиб, ғавго кўзгаб юриадиган одам.

**АРИЗАБОЗЛИК** 1 аризабоз с. белги оти.

2 Бўлар-бўлмаста аризалар бериб, шикоятлар қилиб, ғавго кўзгаб юриши.

**АРИЗАНАВИС** тар. Одамларга қалам ҳақи бадалига арза ёзиб берувчи мирза. *Маҳаммадражаб кейинги бир ҳафтани турли .. аризанавислардан йўл-йўриқ сўраш билан ўтказди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АРИЗАЧИ** 1 Арза берувчи, арза берган киши. *Мингбоши иошиб бориб меҳмонхона айвонига чиқди-да, ҳар вақт аризанчиларни сўраб, айбдорларни тергов қиладиган ерга келиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 айн. аризанавис.

3 тар. Фуқародан тушган арза, илтимоснома, шикоятларни ўзидан юқори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

**АРИЛЛАМОҚ** с. т. Бақриб йиғламоқ, ҳа деса йиғлайвермоқ, ар-ар қилмоқ (бола ҳақида).

**АРИЛЛАТМОҚ** арилламоқ фл. орт. н. Ариллатма болани.

**АРИЛЛАШМОҚ** арилламоқ фл. бирг. н.

**АРИМОҚ** 1 (б. к. билан) Кетмоқ, битмоқ, тугамоқ. *Кири ариди. Фалокат ариди.* — *Машиариф ака анча тузалиб, танидаги дард ариган бўлгани билан дилидаги дард аримаган эди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

2 (ч. к. билан, асосан бўлишичс ф-да) Холи бўлмоқ; кетмоқ; айрилмоқ. *Юзидан упа-элик аримайди. Лабларингдан кулги аримайди. Уйимиздан меҳмон аримайди. Бугун кунни билан ҳаводан булут аримайди.* — *Ҳали кўзидан уйқу аримаган тракторчи — ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йеит елкасига ёпиб олган фуфайкасига маҳкамроқ ўранди-да, ҳавога қаради.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АРИСТОКРАТ** [р] Аристократияга, оқсуякларга мансуб шахс; оқсуяк, зодагон, аслзода.

**АРИСТОКРАТИЗМ** [р] Аристократларга, оқсуякларга хос сифатлар, аристократик феъл-атвор, юриш-туриш.

**АРИСТОКРАТИК** [р аристократический] 1 Аристократияга, оқсуякларга оид. *Аристократик жамият.*

2 Аристократга, оқсуякларга хос бўлган; назокатли. *Аристократик хулқ-атвор.*

3 Аристократиянинг ҳукмронлигига асосланган. *Аристократик республика. Аристократик ибора усули.*

**АРИСТОКРАТИЯ** [р<грек] Синфий жамиятда: ҳукмрон синфнинг имтиёзли юқори табақаси; оқсуяклар, аслзо-

далар, зодагонлар. | Бирор синф ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг имтиёзли юқори табақаси. *Молия аристократияси.*

**АРИСТОН** [р арестант] с. т. Қамоққа олинган, қамоқдаги киши; маҳбус, банди. — *Қўрқманг, уста, мен сиздан аристонларни қандай қочиртирган-лигингизни сўриштирмоқчи эмасман, — деди Тешабой, шарақлаб кулиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**АРИТМОҚ** аритмоқ *фл. орт. н. Ер захкаш, зовур қазимай туриб, бу ернинг захини аритиб бўлмас эди. Н. Сафаров, Қурбонали.*

**АРИФМЕТИК** [р арифметический] Арифметикага оид. *Арифметик масала. Арифметик амаллар.*

**АРИФМЕТИКА** [р <грек] Математиканинг сонларнинг оддий хоссаларини ҳамда улар устида бажариладиган амалларни ўрғанадиган бўлими; ҳисоб. *Арифметиканинг тўрт амали.*

**АРИФОМЕТР** [р <грек] Арифметик амалларни механик равишда бажарадиган ихчам ҳисоб машинаси.

**АРИХОНА** 1 с. т. Ариси кўп бўлган, арилар ғужғон ўйнаган жой.

2 Асалариларни боқиш ва асал тўплаш учун махсус ясалган яшик, қути.

**АРИЧИ** Асаларичилик билан шуғулланувчи киши.

**АРИЧИЛИК** Асалари боқиш ва урчитиш иши, касби ҳамда қишлоқ хўжалигининг шу иш билан шуғулланувчи тармоғи.

**АРИШ** 1 аритмоқ *фл. иш оти. Абдулвоҳид .. Аҳмаднинг фалокати ариши вҳтимали борлиги ҳақида қисқагина сўзлади. Ойбек, Нур қидириб.*

**АРИШ** II [р роже] Ғалла ўсимликлари билан бири, қора буғдой ва унинг дони, ғалласи. *Ариш уни. Ариш нони. Ариш бошоқ чиқарди. Бир тонна ариш.*

**АРИЯ** [р <итал] муз. Оркестр ёки бошқа музика асбоблари жўрлигида бир киши айтадиган вокал асар, ашула (кўпинча опера, оратория ва ш. к.нинг таркибий қисмини ташкил этади).

**АРИҚ** 1 Сунъий равишда ясалган сув йўли, ўзани ва ундаги сув. *Ариқда чўмилмоқ. Бир одам ариқ қазийди, кўп одам сув ийади. Мақол. — Бойларнинг нимага беллари оғрибдики, ариқда беллари оғрисин. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Катта сув йўлидан ажралиб чиққан кичик тармоқ, кичик сув йўли. Кичик ариққа ҳали сув келмагани учун, Гулнор челақ кўтариб, катта ариққа жўнади. Ойбек, Қутлуғ қон. Ариқ оқсоқол тар. қишлоқ мироби. Бу киши [Мадамин] қишлоқнинг мироби бўлиб, ... кўпчилик бу одамни «Ариқ оқсоқол» дер эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Экин экиш ва суғориш учун экин майдонида тортилган махсус сув йўли, жўяк. *Ўқ ариқ экин майдонида жўякларга сув тарқатиш учун олинган марказий ариқ.*

**АРИҚЧА** 1 Кичкина ариқ, жилғача. *Саҳна дид билан раг-баранг гуллар экилибди, ариқчада ўрта бармоқдай*

*сув эринчоқлик билан .. оқиб турибди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 *тех. Турли деталларнинг ариқсимон ўйилган ери. Поршень халқасининг ариқчаси.*

**АРК** I [ф-т] тар. Пойтахтдаги қаср; хон ёки амир саройининг мустаҳкамланган қисми ва шунингдек саройнинг ўзи. *Бу ердан Амир аркига — ўрдасига чиқиб-тушадиганлар ўтардилар. Айний, Жаллодлар. Арк ичи кимхоб ва зар чакмон кийган, кумуш камар боғлаган ва катта салла ўраганлар билан тўлди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**АРК** II с. т. Арка.

**АРКА** [р <итал] 1 архит. Тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза, эшик, дераза ва ш. к.

2 Шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот. *Кўрғонга киравишида баланд ёғоч арка бор. Аркага: «Урганч районидagi Охунбобоев номи колхоз» деб ёзилган. З. Сотиев, Юрак сўзлари.*

**АРКИ**: арки намакоб с. т. халдан ташқари шўр. *Мастава арки намакоб бўлиб кетибди.*

**АРКОН** [а] эск. кт. Улуғ мартаба эгаси, катта амалдор, мансабдор, арбоб. *Сунага ўн чоғлиқ аркон чиққандан сўнг хон удайчица яна бир нарсга деб кўйди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Аркони давлат давлат арбоблари, юқори мартаба эгалари. Аркони ҳарб қўшинларнинг бош штаби, ҳарбий қўмондонлик.*

**АРКТИК** [р арктический] Арктикага оид. *Арктик экспедиция.*

**АРКТИКА** [р <грек] (А — катта) Ер шарининг шимолий қутб области.

**АРМАН(И)** қ. арманлар. *Арман тили. || Арман(и) аёл.*

**АРМАН(И)ЛАР** Арманистон ССР-нинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

**АРМАТУРА** [р <лат] *тех.* 1 Аппарат, машина ва ш. к.нинг асосий қисмига кирмайдиган ёрдамчи қисмлари мажмуи. *Бу қозонининг арматураси. | Электр ёки водопровод ўтказиш учун керакли нарсалар.*

2 Темирбетон иншоотларнинг пўлат чивиклардан иборат каркаси, синчи, шунингдек иншоотларни мустаҳкамлаш учун уларнинг ораларига қўйилган металл қисмлар мажмуи. *Шлюз деворлари арматураси. — Кечаги катта котлован ўрничи .. арматура симлари қоплаган. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**АРМАТУРАЧИ** Арматура тайёрловчи, ёки ўрнатувчи ишчи.

**АРМИЯ** [р <фр <лат] 1 Давлатнинг барча қуроли кучлари мажмуи. *Совет армияси. — Урушининг иккинчи йили отаси армияга кетди-ю, қўлида хунари йўқ она икки бола билан қолди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Ҳаракатдаги армия армиянинг уруш вақтида фронтда бўлган қисмлари.*

2 Қуруқликдаги қуроли кучлар.

3 Бир ёки бир неча қўшин турларининг бир неча корпус ёки дивизиядан

ташкил топган, уруш операцияларини олиб бориш учун белгиланган қўшилмаси. *Танк армияси.*

4 *кўма* Умумий иш, умумий мақсад билан бирлашган кишилар. *Колхозчилар армияси. Механизаторлар армияси.*

**АРМОН** [ф-т] Амалга ошмаган орзу-истак ёки вақтида қилинмаган иш ва ш. к. туфайли кўнгилда қолган ўқинч. *Йўлчини кўрмадим, армоним шу. Ойбек, Қутлуғ қон. Армоним йўқ, овоз Шарқнинг қизиман, Ой деса — ой, кўкдаги юлдузиман. А. Пўлат. Армон қилмоқ, армонда қолмоқ (ёки кетмоқ) мақсадга эришолмай ёки бирор ишни вақтида рубга чинарломай афсусланмоқ. Эрта эккан хирмон қилур, кеч эккан армон қилур. Мақол. — Усаржондай йигит билан мусобақа қилишсанг армонда кетмайсан. Ойбек, О. в. шабадалар. Кўнгил армони кўнгилдаги орзу, тилак, умид. [Гулл:] Кечирайсиз, келишга журғат этдим. [Навоий:] Кўнгил армони кел! Мақсадга етдим. Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**АРМУҒОН** [ф-т] кт. поэт. Совға, тортиқ, туҳфа. *Бошим кўкка етар, йўқувчим Манзур кўрса армуғонимни. Э. Раҳим. Уч ўғлондир Андижон, Намангану Фарғона, Юртга айлар армуғон Миллион тонна дурдона. Е. Мирза.*

**АРНА** диал. Дарёдан ажралиб чиққан ариқ. *Арна келса ирғитди, Ўр келса ўрмалатди, Шундай Ҳаким йўл тортди. «Алпомиш».*

**АРО** юқ. усл. 1 *кўм. (б. к. билан)* Орасида, ичида; орасига. *Ҳали ҳам кўнгли аро борму деб ишқим асари Разми дил олмоқ учун билгани мастон келадур. Ҳамза. Яна икков юришар чанлар аро. Ойбек, Зафар ва Заҳро.*

2 Ёндош ёки туташ нарсаларнинг ораси, ўртаси, оралиғи. | Олдинма-кетин юз берган икки ҳодиса, воқеа оралиғи. *Хирож тўлар эди Шош фуқароси, Чўзилди узилмай жанглар ароси. Шайхзода, Тошкентнома.*

3 Кўшма сўз таркибига киради, мас. *колхозлараро, районлараро, давлатлараро.*

**АРОБА** юқ. усл. Арава.

**АРОБАКАШ** юқ. усл. Аравакаш.

**АРОСАТ** с. т. Арасот.

**АРОҚ** с. т. Арақ.

**АРПА** Дони овқатга ва ем сифатида ишлатиладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи. *Арпа уни. Арпа эккан, арпа олар, буғдой эккан, буғдой олар. Мақол. Боқ отингни арпа билан, боқар қазм-қарта билан. Мақол. || Жувоон дастурхонга учта арпа нон, икки-уч ҳовуч ўрик ташлади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.*

♦ **Арпангизни хом ўрдимми?** мен сизга нима ёмонлик қилдим? *Алишер Навоийга қарши тилларингни мунча қайрай бердиларини! У жаноб сенларнинг арпаларингизни хом ўрдимми? Ойбек, Навоий.*

**АРПАБОДИЁН** Уруғидан хушбўй эфир мойи олинадиган бир йиллик ўсимлик ва унинг уруғи.

**АРПАПОЯ** 1 Арпа экилган ер, майдон.

2 Арпа ўсимлигининг пояси.

**АРПАҒОН** Чўлда ва адирларда ўсадиган паст бўйли бир йиллик ўт. [Бобо] қўйларнинг донашур, арпағон, сета каби ўтларни талашиб-тортишиб ейишларини завқ қилиб кузатди. С. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

**АРРА** [ф-т] Ёғоч, металл, тош ва ш. к. нарсаларни қирқиш, кесиш учун ишлатиладиган пўлат пластина ёки дискдан иборат қирра тишли асбоб. Қамон арра. Лентасимон арра. Қил арра. Қўл арра. Арра тиши. Арра тортмоқ.

◆ Арра қилмоқ дағл. тенг бўлишиб олмақ. *Ортиқча .. сўздан келган даромад жиноятчилар ўртасида арра қилиб келинган.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 176.

**АРРАҚАШ** [ф-т] Арралаш, арра тортиш билан шуғулланувчи ишчи.

**АРРАҚАШЛИК** аррақаш с. касб оти. Қиши қилган аррақашлик қилиб, тўнғак ковлайдиган бўлиб турибмиз. А. Қаххор, Қўшчинор.

**АРРАЛАМОҚ** Арра билан кесмоқ, бўлмоқ. Ёғоч арраламоқ.

**АРРАЛАНМОҚ** арраламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Арраланган ёғоч.

**АРРАЛАТМОҚ** арраламоқ фл. орт. н.

**АРРАЛАШМОҚ** арраламоқ фл. бирг. н.

**АРРАПЎШТ** [ф-т] Умуртқа поғонаси.

**АРРАЧИ** с. т. Аррақаш.

**АРСЕНАЛ** [р<фр<а] Курол-аслаҳа омбори, қўрхона. | *қўйма* Катта запас, хазина; восита ва имкониятлар манбаи. Кейинги йилларда партия-мизнинг идеология арсенали мислсиз даражада бойиди. «Шарқ юлдузи», 1963, № 8.

**АРСЛОН** 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб баҳайбат йиртқич сутэмнзувчи ҳайвон; шер. Йигит сўзидан, арслон узидан (қайтмас). Мақол. Арслон боласи арслон бўлади. Мақол.

2 *қўйма* Баҳодир, забардаст, довроак одам ҳақида. *Машъум Қалон минорасидан ўлимга итарилган эл арслонларининг наъраси қалғо осмонини ҳамон ларзага келтирмоқда.* Ш. Тошмагов, Эрк қуши. *Юз минг қўқламан пойандоз арслон эрлар йўлига.* Ф. Гулом. 3 *қўйма* Жуда катта, улкан. Арслон қадамлар.

4 Арслон (эркаклар исми).

**АРТЕЗИАН** [р<фр]: артезиан қудуқ пармалаб ковланган ва суви ўзи отилиб чиқадиган теран қудуқ. *Ойқиз бу ерларда артезиан қудуқлари қазилаётганини яхши билади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**АРТЁЛЬ** [р] Бирор касб-хунар эгаларининг биргалишиб, коллектив бўлиб ишлаш учун тузилган бирлашмаси; биргалишиб, коллектив суратда ишловчилар ташкилоти. *Тикувчилар ар-*

*тели. Тунукасозлар артели. Қишлоқ хўжалик артели* социалистик типдаги коллектив хўжалик формаси, йирик ижтимоий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ишларини коллектив меҳнат билан олиб бориш учун деҳқонларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш асосида уюшган ихтиёрий бирлашмаси; колхоз.

**АРТЕРИОСКЛЕРОЗ** [р<грек] мед. Артериялар деворларининг қалинлашуви ва зичлашуви натижасида юз берадиган хроник касаллик.

**АРТЕРИЯ** [р<грек] анат. Юракдан тананинг ҳамма органларига қон тарқатувчи томир, қизил қон томири. *Ўпка артерияси. Қўз артерияси. Артерия босими. Уйку артерияси* бўйин бўйлаб кетган катта қўш артерия.

**АРТИҚЎЛ** [р<фр<лат] лингв. Отларнинг аниқ ёки ноаниқлигини билдирувчи, баъзи тилларда, мас. немис, француз тилларида уларнинг қайси грамматик жинсга мансублигини билдирадиган грамматик кўрсаткич. *Ўзбек тилидаги «бир» ноаниқлик артикли.*

**АРТИҚЎЛ** [р<лат] Маҳсулотнинг хили, тури.

**АРТИКУЛЯЦИЯ** [р<лат] лингв. Нутқ органларининг (лаб, тил ва ш. к.нинг) сўзлаш ёки бирор товушни талаффуз этиш вақтидаги ҳаракати.

**АРТИЛЛЕРИСТ** [р] Артиллерияда хизмат қилувчи солдат, офицер; тўпчи.

**АРТИЛЛЕРИЯ** [р<фр] 1 Тўп, миномёт ва ш. к. отиш қуроллари мажмуи. *Зенит артиллерияси. Ўзи юрар артиллерия.*

2 Шундай қуроллар билан қуролланган қўшин тури. *Шу чоғ артиллерия қисмлари оғир тўплари билан ўта бошлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Тўп-замбараклар, уларнинг тузилиши ва урушда қўлланилиши ҳақидаги фан.

**АРТИЛЛЕРИЯЧИ** айн. артиллерист. **АРТИЛМОҚ** артмоқ фл. мажх. н. *Артилган пиёз.* — *Қўмқўқ осмон худди артилган шишадек тиниқ.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**АРТИНМОҚ** артмоқ 1 фл. ўзл. н. [Қумуш] уйга кириб артиниб, тузатинач, айвонга чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АРТИСТ** [р<фр] 1 Санъат асарларини томошабинлар учун ижро этувчи профессионал ижрочи. *Опера артисти. Эстрада артисти.* — *Концерт тугаган, Элмурод артистларни ўз ертўласига тақлиф этди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *қўйма* с. т. Бирор соҳада юксак маҳоратга эга бўлган, ҳавосини, ҳадисини олган одам.

**АРТИСТКА** [р] Артист аёл.

**АРТИСТЛИК** 1 артист 1 с. касб оти. *Мурзин .. ўзининг артистлик ҳам қилганини Элмурод билан биринчи марта қўл бериб кўришга танда айтган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 артист 2 с. белги оти.

**АРТИШМОҚ** артмоқ фл. бирг. н.

*Олахўжа шошилиб лаганлардаги ошларни бир лаганга тўплади. Бошқалар қўйларини артишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АРТМОҚ** Латта ёки бошқа нарса билан ишқаб чанг-тўзон, кир ва ш. к. дан тозаламоқ ёки намини қуришмоқ. *Ойнани артмоқ. Стол устини артмоқ. Юз-қўлни артмоқ.* — [Бектемир] *милтиқни енди билан артиб, пуфлаб, затворини шақиллатиб ҳам қўйди.* Ойбек, Қуёш қораймас. [Гулнор] *қўз ёшларини арта-арта каловланиб ичкари ҳовлига чиқди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Пўстини, қобиғини олмоқ, пўчоғини тозаламоқ, арчиноқ. *Саби артмоқ. Олманинг пўстини артмоқ.*

**АРТТИРМОҚ** артмоқ фл. орт. н.

**АРУЗ** [а] ад. Шеър тузилишида узун ва қисқа бўғинларнинг маълум тартибда алмашиб келишига асосланган ва Шарқ поэзиясида, хусусан ўзбек классик поэзиясида кенг қўлланилган вази системаси. *Аруз вази. Аруз вазида ёзилган шеър.*

**АРФА** [р<нем] Торлари бармоқлар билан чертиб чалинадиган учборчак шаклидаги чангсимон музика асбоби.

**АРФАЧИ** Арфа чалувчи созанда.

**АРХАИЗМ** [р<грек] лингв. Эскирган, истеъмолдан чиқиб қолган сўз, ибора, грамматик форма.

**АРХАЙК** [р арханческий, арханч-ный] Эскирган, истеъмолдан қолган. *Архайк сўз. Архайк ибора.*

**АРХАР** айн. алқор. *Меҳмон ўз насибаси билан келади, ҳўжайин. Бугун эрталаб битта архар отиб эдим!* С. Анорбоев, Оқсой.

**АРХЕОЛОГ** [р] Археология олими, мутахассиси.

**АРХЕОЛОГИК** [р археологический] Археологияга оид. *Археологик экспедиция. Археологик қазилмалар.*

**АРХЕОЛОГИЯ** [р<грек] Қадимий моддий маданият ёдгорликлари асосида халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуши ва маданиятини ўрганувчи фан. *Археология музейи.*

**АРХИВ** [р<лат] 1 Эски хужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни сақлаш, системалаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган махсус муассаса. *Давлат архиви.*

2 Муассасанинг эски хужжатлар, тамомланган ишлар ва ш. к. сақланадиган бўлими. *Институт архиви.* | Бирор муассаса ёки шахснинг иш фаолиятига алоқадор бўлган хатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар ва ш. к. йиғиндиси, мажмуи. *Ёзувчининг шахсий архиви.* ◆ *Архивга топширмоқ* эскирган ҳисобламоқ, эскирганлиги сабабли унутиб юбормоқ.

**АРХИВАРИУС** [р] Архив ходими, архивда ишловчи киши.

**АРХИВЧИ** айн. архивариус.

**АРХИВШУНОС** [р+ф-т] Архив ишлари бўйича мутахассис олим.

**АРХИЕПИСКОП** [р<грек] Епископдан қўйи унвон ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.



**АРХИЕРЕЙ** [р<грек] Христиан черковларида: юқори даражали рухонийларнинг (епископ, архиепископ ва митрополитнинг) умумий унвони.

**АРХИМАНДРИТ** [р<грек] Эркактар монастыри бошлигининг ва монахларнинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**АРХИПЕЛАГ** [р<грек] Бир-бирига яқин турган денгиз ороллари группаси, ороллар тизмаси.

**АРХИТЕКТОНИК** [р архитектонический] Архитектоникага оид. *Архитектоник формалар.*

**АРХИТЕКТОНИКА** [р<грек] снт., *архит.* Санъатда, хусусан архитектурада бир бутуннинг айрим қисмлари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, мослик; бадий элементларнинг ўзаро монандлиги, мослашуви.

**АРХИТЕКТОР** [р<грек] Архитектура мутахассиси, бино ва иншоотларни лойиҳаловчи ёки қурувчи мутахассис; меъмор.

**АРХИТЕКТОРЛИК** *архитектор с. кааб оти.*

**АРХИТЕКТУРА** [р<грек] 1. Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати; меъморлик. *Рус архитектураси. Самарқанд архитектураси. Замонавий архитектура. Архитектура ёдгорликлари.*

2. Бинонинг характери, услуби. *Архитектура безаклари. Қўчани архитектура жиҳатидан безашга катта аҳамият берилган.*

**АРЧА** 1 Сарвлар оиласига мансуб, игнабаргли, доим яшил бута ёки дарахт. *Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол.

2 *айн. қорақарағай.*

3 Шу дарахтнинг янги йил кунларида кесиб олиб безатилган шохи. *Арча ясамтоқ. Арча байрами* безатилган арча атрофида ўтказиладиган болалар байрами.

**АРЧАЗОР** Нуқул арча билан банд ер, майдон, ўрмон. *Қўқсой ўзанидан кўтарилаётган қуюқ туман* Добил канорларини қоплаб ётган арчазор устига салобат билан бостириб бормоқда. С. Анорбоев, Оқсой.

**АРЧИМОҚ** *арчимоқ* *фл. ўзл. ва мажх. н.* Арчилган सबзи. *Хўл ёғоч яши арчилади.* — Шохлари синиб, пўстлоқлари арчилиб кетган, ўқ ва снаряддан танаси титилган қарағайлар тагида икки нарса қорайиб турибди. И. Рахим, Чин муҳаббат.

**АРЧИМОҚ** 1 *айн. артмоқ* 2. *Тухум арчимоқ. Олма арчимоқ.* — *Жувон Сидиқжондан пичоқ сўраб олиб иккита бодринг арчиди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Шилиб ажратиб олмоқ, шилиб тозаламоқ, шилмоқ. *Терак пўстлогини арчимоқ.*

**АРЧИТМОҚ** *арчимоқ* *фл. орт. н.*

**АРЧИШМОҚ** *арчимоқ* *фл. бирг. н.*

**АРШ** 1 [а] 1 *дин.* Худонинг тахти. *Арши аъло* 1) *дин.* осмоннинг энг юқори қисмидаги сарой, тахт.— *Йўқ, мул-*

*ла,— деди беихтиёр қўлини қовуштириб.— Худо ҳам, ҳамма пошшоларга ўхшаган, тахтида ўтиради. Уша тахтни арши аъло дейишади.* А. Қаххор, Қўшчинор; 2) *кўчмаэск.* ҳар қандай одамга муяссар бўлавермайдиган олий мартаба ёки юксак жой; тахт, салтанат. *Ишинг бўлмасин. Бу ер арши аъло. Унча-мунчага насиб бўлмайдиган жой. Пулларни шу ерда совуради бойлар. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *кўчмаэск. поэт.* Осмон, фалак, кўк. *Саҳарлар сийнадан оху фиғоним аршига чиққанда, Эшитгайман ўғайлардан неча афсона қиздурман. Зебинисо. Арши аълога кўтармоқ* кўкка кўтармоқ, кўкка кўтариб мақтамоқ. *Бир вақтлар унинг олдида ўзини арши аълога кўтарган Жамол Қаримий Улфат энди ўзининг шеърларини бериб, унинг фикрини сўрар эди.* А. Қаххор, Сароб.

3 *эск.* Уй ичининг тепаси; шифт.

**АРШ** II: *арш қилмоқ с. т.* Қайф-сафо қилмоқ, айш-ишрат қилмоқ, айш қилмоқ. *Авалгидан кўра каттароқ арш қилиб юрибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**АРШИН** 1 Метрик система жорий қилинганга қадар қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги (0,71 метрга тенг).

2 Шу узунликдаги ўлчов асбоби, газ, газўп.

**АРЬБЕРГАРД** [р<фр] Ҳарбий юриш, ҳужум ёки чекинishi вақтида асосий кучларнинг кетидан борувчи ва уларни душманнинг орқадан келиб ҳужум қилишидан сақловчи аскарый кўшилма, қисм. *Учинчи октябрь кунги кечаси душман марказ группасининг авангард қисмлари Чайка дарёси бўйига чиқиб, Қизил Армия кучларининг арьергарди билан тўқнашди.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

**АРҚОН** Зиғир, каноп, наша пояси толаларидан, ипдан ёки жундан эшиб тайёрланган, боғлаш учун ишлатиладиган буюм; арғамчи. *Қил арқон. Жун арқон. Қаноп арқон. Илон чаққан ола арқондан кўрқайди.* Мақол. **Арқон солмоқ этн.** янги келаётган келинчак йўлини арқон билан тўсмоқ. *«Арава пойгаининг гумбури, аравакашларнинг қийқириғи, аёлларнинг «ёр-ёри» билан тўй карвони бораркан, қандайдир болалар, ўспиринлар югуриб чиқиб, йўлга арқон солдилар.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бўйнига арқон солгандай** кўярда кўймай, мажбур қилиб.

◆ **Арқонни узун ташлаб қўймоқ** бировнинг ноўрин, ноўя хатти-харақатларига «ўзи тушуниб қолар» деган мулоҳаза билан маълум вақт йўл қўйиб бермоқ. **Арқонни устига ташлаб юбормоқ** сафдан чиқармоқ, ҳайдаб юбормоқ. *Ячейка унинг арқонини устига ташлаб юборган.* А. Қаххор, Сароб.

**АРҚОНЛАМОҚ** Арқон билан боғламоқ; ўтлоқ жойга узун арқон билан қозик ёки дарахтга боғлаб қўймоқ (уй ҳайвонларини). *Отни бедапоёга арқонламоқ.*

**АРҚОНЛАНМОҚ** *арқонламоқ* *фл. мажх. н.* Арқонланган сизир.

**АРҚОНЛАТМОҚ** *арқонламоқ* *фл. орт. н.*

**АРҚОҚ** *тўқм.* Матанинг ўриши билан кўндалангига кесишувчи иплари. *Тандаси ҳам, арқоғи ҳам соф ипакдан тайёрланган атлас.*

◆ **Улар бир-бирлари билан арқоқ-ўриш** 1) улар бир-бирларига жуда яқин қариндошлар; 2) улар бир-бирлари билан жуда иноқлар; уларнинг ораларидан қил ўтмайди.

**АРҒАМЧИ** Ингичка арқон. | Умуман арқон. *Арғамчига қил қувават.* Мақол.

**АРҒИМЧОҚ** Дарахтнинг шохига ёки иморат ёғочига осиб, икки учи қўшиб боғланган арқон; ҳайинчак. *Арғимчоқ солмоқ. Арғимчоқ учмоқ.*

**АРҒУВОН** [ф-т] 1 *от* Ёғочи ўймакорликда ишлатиладиган дуққаки дарахт. *Ибодилла .. отни бино олдидаги қатор арғувон дарахтларининг бирига боғлаб қўйди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 *сфрт* Тўқ қизил, қип-қизил. *Арғувон юз. Арғувон шафак.*

**АРҒУМОҚ**, *арғумоқ* *от* Зотли чопқир *от. Арғумоқлар чопганда янгарар колхоз даласи.* А. Пўлат. *Ем еган арғумоқдай кўкка сапчийди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АСАБ** [а] 1 *айн. нерв.* Асаби мустаҳкам одам. *Асаби бўи одам.* — *Ойсулудан .. Сувонжонга маълум бўлмаган, асабларни қитиқловчи нафис ҳид аңқирди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ғуломжоннинг асаб торлари тортилди, аламга алам қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Асабга тегмоқ, асабни бузмоқ (ёки кўзгатмоқ)** ғашига тегмоқ, ғашини, аччиғини келтирмоқ, қонини қайнатмоқ, қизиштирмоқ. *Болаларнинг қувноқ шовқини, шод қийқириқлари уни хурсанд қилиш ўрнига, аксинча, асабини кўзгатди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Асабий ҳолат. *Адолат асабдан титраб, бошини ушлаб ўтириб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**АСАБИЙ** [а] 1 Салга асабийланаврадиган, бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетадиган; зардаси тез, жиззаки. *Асабий киши. Асабий бола.* — *Отам асабий одам эди. Шундай бўлса ҳам, мени қаттиқ урмаган ва ёмон .. сўкмаган эди.* Айний, Эсдалиқлар.

2 *мед.* Асабларнинг касаллиги туфайли юз берган, асаблар фаолиятининг бузилганлиги натижасида юзга келган. *Асабий касаллик. Асабий тутқалоқ.* — [Жапақини] .. *асабий титроқ бармоқлари ўтовнинг сабит четанига чирмашди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

3 Асабларнинг кўзғалиши билан боғлиқ бўлган. *Асабий ҳолат. Асабий товуш.* — *Саидийнинг юзидан асабий кулги акс этади.* А. Қаххор, Сароб. || [Маҳкамнинг] кўзлари қосасидан чиқиб кетгундай чакчайган, қонсиз юзиданги мускуллар асабий учар эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**АСАБИЙЛАНМОҚ** Асаби, нервни кўзгаб вазминликни йўқотмоқ, қизитиб, тутақиб кетмоқ. [Тангибойваччи] асабийланиб, ўзгарган товуш билан боғлилади: — Алжирма, Аҳмад, тўғри сўзла! Ойбек, Қутлуғ қон. Нима қилай, қўлимдан келган бутун яхшиликни қилиб кўрдим,— чой хўплади Махмудов ва асабийланиб, титраб, ғазаб билан сўзида давом этди. Ойдин, Қўнғил тўлдими, яхши йигит.

**АСАБИЙЛАНТИРМОҚ** асабийланмоқ фл. орт. н.

**АСАБИЙЛАШМОҚ** Тобора асабий бўлмоқ. Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайғуси билан асабийлашган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Курашда асабийлашмоқ ярамайди, бу кучсизлик белгиси. Шухрат, Шинелли йиллар.

**АСАБИЙЛАШТИРМОҚ** асабийлашмоқ фл. орт. н.

**АСАБИЙЛИК** асабий с. белги оти. Элбек ўз кабинетида қайтгандан кейин асабийлик билан нари-бери юриб узоқ ўйлади. А. Мухтор, Туғилиш.

**АСАБИЯТ** [а] 1 Асаб, нерв; асаблар, нервлар. Унинг асабиятга тегишли сўзлари ҳар кун Саидийнинг еганини заҳар-заққумга айлантирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Асабий ҳолат; асабийлик. [Ҳакимбойваччининг] ранги ўчган.. ҳаракатларида кўрқув ва асабият.. сезилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АСАД** [а] 1 (А — катта) астр. Ўн якки буржнинг бири, Саратон ва Сунбула буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида бешинчи ойнинг арабча номи (22 июль — 21 август даврига тўғри келади). Кекса пахтакорларимиз «асад — ғўзани ясап» дейдилар.

3 Асад (эркаклар исми).

**АСАЛ** [а] 1 Бол арилар баъзи ўсимликларнинг гулидаги нектаридан йиғиб тайёрлаган қуюқ ва ширин суюқлик; бол. Соф асал. Меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тоғанинг. Мақол.

2 кўчма Жуда ширин нарса ҳақида. Куз ойлари бошланишида бу ерда ҳовли атрофидаги етинқираган мевалар, сўридаги ҳусайни узумлардан асал томиб туради. Ҳайғун, Дўстлик севинчлари. Ҳа ўзимизникидан: Қорабулоқнинг.. сувини ичди-ю, асал бўлиб кетмайдими? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Асал (хотин-қизлар исми).

**АСАЛАРИ** Ўсимликлар нектарини йиғиб, асалга айлантирувчи ари.

**АСАЛАРИЧИ** Асал олиш учун асалари урчитиб, уни парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши; асаларичилик мутахассиси.

**АСАЛАРИЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг асал олиш учун асалари урчитиб ва уни парвариш қилиш билан шуғулланувчи тармоғи.

**АСАР** [а] 1 Бирор нарсадан қолган ёки ундан дарак берувчи белги; нишон, из. Бир вақтлар гавдали ва чи-

ройли бўлган ўттиз яшар йигит ҳозир чўндай озиб кетган. Юзида қон асари йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Собиқ Туркистон халқларининг асрий қоққлигидан асар ҳам қолмади. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. Асар қилмоқ 1) таъсир қилмоқ, қор қилмоқ; фойда, наф бермоқ. Дори асар қилмади. — [Қулуш] айниқса мусофирчилигим ёмон асар қилди. А. Қодирий, Утган кунлар; 2) кўчма қаттиқ тегмоқ; нашъа қилмоқ. Абдулазиз баққолга қайнисининг ундан ҳазар қилгандай «баққол» деб сансираб гапириши қаттиқ асар қилди. С. Анорбоев, Оқой. Асар урибди таъсири урибди; акси урибди. Унга қўйинисининг асари урибди.

2 Ижодий меҳнат маҳсули. Адабий асар. Босма асар. Илмий асар. Саҳна асари. Музика асари. Танланган асарлар тўплами. Асар ёзмоқ. Асар яратмоқ.

**АСБЁСТ** [р<грек] Ўтга чидамли, кислота таъсир қилмайдиган, иссиқлик ва электрни ўтказмайдиган тоғли минерал; тош нахта.

**АСБОБ** [а] 1 Бирор ишни бажариш учун белгиланган қурол; иш қуроли. Кесувчи асбоб. Дурадоёрлик асбоблари. — Менинг келиниме айт: курак, болта, арра, жами асбобларни йиғсин. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳосил олиш учун.. биланнинг кучидан ташқари асбоб керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Бирор мақсад учун белгиланган мослама, қурол-яроғ ёки буюм. Улчаш асбоблари. Иситиш асбоблари. Хирургия асбоблари. Ёзув-чизув асбоблари. Отиш асбоблари. — Даҳлизда Ҳасанали узилган от асбобларини улаб тиқар.. эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Уй-рўзғорда ишлатиладиган идиш-оёқ ва умуман уй-рўзғор буюмлари. Мис асбоб. Чинки асбоб. — Бир зумда дастурхон ёзилди, гўзал жойтойи идишлар, қумуш асбоблар жой-жойига ўрнатирилди. Ойбек, Нур қидириб.

4 Музика асарини ижро этиш учун хизмат қиладиган қурол; соз. Чоғу асбоби. Музика асбоблари.

**АСБОБ-АНЖОМ** Турли асбоб, қурол-яроғ ва жиҳозлар мажмуи. Унинг ўз таърифича бу сўзлар илгари бизнинг ҳаётимизда мутлақо бўлмади, эндигина оммалашаётган фанлар ва техника қуроллари, буюм ва асбоб-анжомларнинг «ўзбекча атамаси» эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АСБОБСОЗЛИК** Турли асбоблар, иш қуроллари ишлаб чиқариш ва саноатнинг шу иш билан шуғулланувчи тармоғи. Асбобсозлик заводи. Асбобсозликни ривожлантирмоқ.

**АСБОБ-УСКУНА** [а] Турли асбоб ва ускуналар мажмуи. Завод асбоб-ускуналари.

**АСИЛ** [а] 1 Аъло сифатли, энг яхши; тоза, соф (қалбаки, паст эмас). Асил мол. Асил шойи. Асил буюм. || Асил айнимас, айниса ҳам чиримас. Мақол.

2 Қиммат турадиган, қимматбаҳо.

Асил тош қимматбаҳо тош (мас., лаъл, зумрад, бриллиант).

3 кўчма Яхши хислатларга, фазилатларга эга бўлган; олижаноб, бебаҳо; чин, ҳақиқий; соф, пок. Асил одам. Асил фарзанд. — [Қомилов Қодирга:] Яна бўрқ ол десам, бош олиб юрма! Дадавой ака каби одамлар бизга керакли одамлар. Хатолари, нуқсонлари кўп бўлса ҳам, юраги асил кўринади. Уйғун, Навбахор.

4 Асил (эркаклар исми).

**АСИЛЗОДА** [а+ф-т] Феодал ва буржуа-дворян жамятида: юқори табақали зотларга мансуб шахс; оқсуяк, зодагон, аристократ.

**АСИЛЛИК** асил 1—3 с. белги оти. **АСИММЕТРИК** [р<асимметричный] Симметрик бўлмаган, симметриясиз; акси симметрик.

**АСИММЕТРИЯ** [р<грек] Симметрия йўқлиги ёки бузилганлиги; симметриясизлик; акси симметрия.

**АСИР** [а] 1 Уруш вақтида душман қўлига тушиб, озодликдан маҳрум этилган киши. Асирларни алмашиқ. Асир тушмоқ. Асир олмақ. — Турдиев асирни тўғри батальон штабига олиб жўнади. Шухрат, Шинелли йиллар. — Кўрбоши қани? — деб сўради Ботирали ҳамон қўл кўтариб турган асирлардан. Х. Ғулом, Машғал. Тўғрхона қурилишида, биз билан бирга, асир тушган австралиялик солдатлар ҳам ишларди. А. Толибов, Ҳақиқат енгди. || Аҳмаджон бир вақтлар асир неписни кўйдирмоқчи бўлгани ва уни келиман қутқазгани ёдига тушиб, изоҳ бера бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | кўчма Тутқун, банди. Тўрт девор асир бўлиб ўтирган аёллар бундай пайтларда каттакон боғда қафасдан чиққан қуш сингари яйрар. Х. Аҳророва, Орифнинг давлати.

2 кўчма Бирор кимса ёки нарсага берилиб кетган, шайдо бўлган киши; мафтун; банди, қул. Мана шу кундан бошлаб Йўлчи шу қизнинг асир, мафтун бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. Асир қилмоқ (ёки этмоқ) 1) душманни қўлга туширмоқ, асир олмақ; 2) кўчма ўзинга тортмоқ, жалб этмоқ, мафтун, шайдо қилмоқ. У (Ҳаловат) хаёл суриб қолди, эх, хаёллар, қанотли учқур хаёллар.. Сиз кишини асир этишига нақадар устасиз. Н. Орифзонов, Ҳаловат.

**АСИРА** [а] 1 Асир аёл.

2 кўчма Ўз эрки ўзида бўлмаган, эркисиз, ҳуқуқсиз, тутқун аёл. Ҳасан ота ўлгач, Сожиди чин етимлик гирдобиди асир бўлди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**АСИРЛИК** асир с. маъв. от. Асирлик даҳшатли ўлимдан ҳам кучлироқ эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АСКАР** [а] 1 Ҳарбий хизматчи, солдат. Оддий аскар. Пийда аскар. — Даҳлиз эшиги ёнида бир қизил аскар турар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Давлатнинг қуроли кучлари мажмуи ёки уларнинг бир қисми; қўшин, армия. Мунтазам аскар. — Саид Жа-

лолхон ғайратига чидолмай шамишр суғурди ва ҳавода ўйнатиб, аскарга фармон берди. А. Қаҳҳор, Башорат. Қизил Аскар тар. Совет Армиясининг Улуғ Ватан урушидан олдинги номи.

3 Аскар (эркаклар исми).

**АСКАРБОШИ** Катта аскарый қисм бошлиғи, саркарда. *Остонақул додхоҳ ва аскарбошилар қилчларини пешаналарига тўғрилаб таъзим қилдилар.* Жўрабоев, Мулла Б. м.

**АСКАРИЙ** [а] Аскарга, қўшинга оид, ҳарбий. Аскарый қисм. Аскарый қўшилмалар. — *Шундай қилиб, ёз ҳам ўтди. Ниҳоят Аҳмаджон аскарый хизматга чақирилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**АСКАРЛИК** аскар с. маъ. от. Аскарликка олмақ. Аскарликка чақирмоқ. — *Аниқ билган одамларнинг айтишига қараганда, Мадрайим аскарликка ўзи ариза берган ва ҳатто бунинг кетидан хила овора бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**АСКАРЧА** рвш Ҳарбийларча, ҳарбийчасига. Аскарча юриш. || Аскарча этик.

**АСКЁТ** [р < ерек] Аскетизм тарафдори, тарки дунё қилган киши; зоҳид.

**АСКЕТИЗМ** [р] 1 Ҳамма дунёвий нарсалардан воз кечишни, тарки дунё қилишни, зоҳидликни тарғиб қилувчи диний-ахлоқий назария.

2 Эҳтиёжларни қондиришдан, ҳаёт лаззатларидан, ҳамма дунёвий ишлардан, бахт-саодатдан воз кечиш, тарки дунё қилиш, зоҳидлик, гўшанишинлик.

**АСКЕТИК** [р < аскетический] Аскетизмга, аскетга оид. Аскетик ҳаёт.

**АСКИЯ** [а азкиё] 1 Сўз ўйинига, қочирқларга асосланган ҳозиржавоблик мусобақаси (одатда тўй-томоша, базм, зиёфат, сайил ва ш. к. йиғинларда тарафма-тараф бўлиб ўтказилади). *Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Болтавой суҳбатнинг гули, қўшиқ айтса одамни сел қиладиган, аскияда пайровдан чиқмайдиган йигит эди.* С. Аҳмад, Қадрон далалар. **Аския айтишмоқ** шундай ҳозиржавоблик мусобақасида қарши тараф билан олишмоқ. **Аския қилмоқ** 1) айн. аския айтишмоқ; 2) сўз ўйини, қочирқлар билан масхара, майна қилмоқ.

2 с. т. Аскиябоз, аскиячи лақаби.

**АСКИЯБОЗ** [а+ф-т] Аскияга уста, аския айтишни яхши кўрадиган одам. *Аскиябоз ва масхарабозлар тўй маъракасига жон киргизиб турди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АСКИЯБОЗЛИК** 1 аскиябоз с. белги ош.

2 Аския айтишиш. *Мулла Наби .. чапани йигитлар билан чойхонадан чойхонага юриб, аскиябозлик, улфатчилик билан умр кечира бошлади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АСКИЯЧИ** айн. аскиябоз. Буларга .. колхозчи ҳаваскор ашулчилар, ўйинчилар, қизиқчилар, ниҳоят тарафма-тараф аскиячилар қўшилиб, концерт қо-

ронғу тушгунча давом этди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**АСЛ** [а] 1 Ҳақиқат ҳол; туб, негиз. [Гуландом] бир мусулмоннинг қизи. *Аслини суриштирсанг, ота-онасининг кучогидан уни пул кучи сургаб чиққан!* Ойбек, Қўтлуғ қон. **Аслини айтганда** (ёки олганда) ҳақиқат ҳолни олганда, тўғриси айтганда, ҳақиқатда. *Аслини айтганда, янги бир нарас йўқ. Аслини олганда, сиз ҳақли эмассиз.*

2 Дастлабки ҳол, кўриниш. *Аслига қайтмоқ.* — *Мен ҳижоангизга бир фасл орттирдим. Уқиб берман, рози бўлсангиз шундай, йўқса, аслича босилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бориб-бориб суҳбат асл изига тушиб олди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Ҳақиқий нусха, оригинал (қўлёзма, ҳужжат ва ш. к. тўғрисида). *Аслига тўғри. Аслидан кўчирма.*

4 Келиб чиқиш жойи, муҳити ёки зоти, насл-насаби. *Мен ҳам деҳқон боласиман. Аслимиз Қудаидан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Алексей Иванович Тожибойдан Сотволдини ўлдирган Мадамининг асли кимлигини, Тожибой уни қачондан бери танишини суриштирди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

5 сф.т Чин, чинакам, ҳақиқий. *Асла маъно. Асл мурдао. Асл ном.* — *Отабек, уялмай, тортинмай жавоб берингиз, бу гал Тошкентдан чиқшингиздаги асл мақсадингиз нима эди?* А. Қодирий, Утган кунлар. *Билим олишга асл йўл энди очилди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

6 3-ш. эгаллик ва ч. к. аффикслари билан равиш вазифасида қўлланилади (қ. аслида).

**АСЛИАН** [а] Келиб чиқиш жиҳатидан, насл-насаб томонидан. *Қаҳрамон аслан туркман.*

**АСЛИАҲА** [а] Уруш-жанг қуроллари, қурол-яроғ. *Уруш аслаҳалари. Ҳарбий аслаҳа.*

**АСЛАҲА-АНЖОМ** Уруш-жанг учун керакли қурол-яроғ ва ўқ-дорилар мажмуи. — *Тўғри, солдатлар ҳорган, сийраклашган, лекин янги кучлар, қурол, аслаҳа-анжомлар келиб турибди.* — *деди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**АСЛИАҲАЛАМОҚ** Қуроллантирмоқ, қурол-яроғ билан таъминламоқ.

**АСЛИАҲАХОНА** [а+ф-т] 1 эск. айн. арсенал 1.

2 кўчма] Уруш эҳтиёжлари учун яроғ-аслаҳа ва керак-яроғлар етказиб берадиган база. *Уруш йилларида Совет Армияси улкан аслаҳахонасига айланган Ўзбекистонимиз меҳнатқиллари .. қаҳрамонона меҳнатлари билан Ватанимиз тарихига олтин саҳифа ёздилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 107.

**АСЛИ** [а] рвш 1 Яхшиси, тўғриси. *Асли бу тўғрида оғиз очмаслик керак экан ўзи!* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Зотан, аслида. *Сиз асли аэрономисиз?* — *У асли жуда бардошли қиз эканми, ёки фақат Очил борида шундай бўладими — ўтирган жойида безовталаниши, ўринсиз ҳаракатлар қилиши*

сира ҳам йўқ эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**АСЛИДА** рвш Ҳақиқатда, зотан, асли. *Ҳоким Фишман билан чайқовчи Фишман аслида бир киши бўлганлиги туфайли иккови ҳам бир манфаатни кўзлар .. эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**АСЛИЙ** [а]: аслий сифат грам. предметнинг белги-хусусиятларини бевосита англатувчи сифат, туб сифат (мас., оқ, яшил, енгил, иссиқ, совуқ).

**АСЛО** [а] рвш Ҳеч, ҳеч бир, ҳеч қачон; сира. *Асло ундай эмас. Асло кўрқманг. Номардларга асло сунма бўйинингни, пуч ёнғоқча тўлдиради кўйинингни!* Мақол. — *Ҳайла кўрсам, сув асло тугамас куч экан.* Ойбек, о. в. шабадалар. *Қаҳрамонлар асло ўлмайдилар, улар мангу ҳаёт.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

**АСНО** [а] кт. 1 Бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса содир бўлиб турган пайт, фурсат, чоғ. *Иш асноси. Шамол асносида. Шу аснода. Овақат асносида.*

2 Қисқа муддатли икки воқеа, ҳодиса оралиғи. [Имом] шом ва ҳуфтон асноларида ҳам ҳеч ким билан сўзлашмади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АСО** [а] эск. айн. ҳасса. *Соғлар тагида — дилкаш суҳбатда Асога суняган кексалар қатор.* Миртемир. *Назар отанинги таърифига қараганда бу таёқ ҳазрат Мусо асосининг амакибачаси бўлар экан.* Ф. Фулом, Шум бола.

**АСОВ** 1 Ром бўлмаган, одамга ўрганмаган, ўргатилмаган. *Асов туя.* — *Кулги учун бўлса керак, ноиб.. уни асов бир ота миндирган эди.* Айний, Судхўрнинг ўлими. *Чўлга ўрганган асов қўй оғилни бузиб юборгудай типирчилайди.* С. Аҳмад, Қадрон далалар. *2 кўчма* Инсон иродасига бўйсундирилмаган, жиловланмаган (табиат кучлари ҳақида). *Асов дарё. Асов тўлқин.*

**АСОРАТ** 1 [а] 1 Асирлик, тутқунлик. *Хурфот асоратида қолмоқ.*

2 Озодликдан, мустақилликдан маҳрумлик; қуллик. *Мустамаккачилик асорати.* — *Куллик, асорат занжири узиб, Эркинликка чиққан мен чин эрк қизи.* Ҳайратий. [Фурқат] *жуда кўп асарларида зулм ва асорат исканжаларида инграган меҳнатқоши халқнинг орзу-умидини кўйлади.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 243. **Асоратга солмоқ** 1) озодликдан, мустақилликдан маҳрум қилмоқ, қул қилмоқ. *Импералистлар кичик мамлакатларнинг халқларини қурол кучи билан асоратга солиб келган замонлар ўтиб кетди;* 2) кўчма ўзига мафтун қилмоқ, қул қилмоқ. **Асоратга тушмоқ** 1) озодликдан мустақилликдан маҳрум бўлмоқ, қулликка тушмоқ; 2) кўчма мафтун бўлмоқ, қул бўлмоқ.

**АСОРАТ** II [а] 1 Таъсир; асар, из, белги. *Чарнаш асорати. Қасаллик асорати. Утмиш асоратлари.* — *Узоқ оғир йўл ва жадал юришининг асорати бўлса керак, отларнинг сағриси со-*



вундай кўприб турибди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 *мед.* Бирор касалликдан қолган оғир асар, оқибат. *Групп асорати.*

**АСОС** [a] 1 Нарсанинг барча қисмларини тутиб ёки кўтариб турувчи қисми, таянчиги. *Шамдон асоси. Станок асоси.*

2 Ижтимоий ҳаёт ёки табиат ҳодисаларининг негизини ташкил этган нарса; таянч, негиз, пойдевор, база. *План асосига қурилган хўжалик. — Партиянинг асоси бошланғич партия ташкилотидир.* «КПСС Устави». *Лекин зехни бутун ишимиз, Ҳаётимиз йўлига асос.* *Файратий. Асос сөлмоқ* пойдевор қурмоқ; барпо қилмоқ; бошлаб бермоқ. *Шахарга асос сөлмоқ. Ҳамза ўзбек совет адабиётига асос сөлувчилардан биридир. — Асос солди янги дунёнинг Тарихига шу ном-ла башар. Бу номдадир севги ва ҳаёт, Бу ном мангу қуёшдай яшар.* *Файратий.*

3 (фақат кўпл. ф-да) Бош қоидалар, элементлар, асосий принциплар. *Химия асослари. Марксизм-ленинизм асослари.*

4 Содир бўлган ёки қилинган иш-ҳаракат, айтилган фикр ва ш. к. фойдасига ёки зарарига хизмат қила оладиган далил, исбот, сабаб. *Қонуний асос.* — [Руднев:] *Мен бу йиғитнинг ишини текшириб кўрдим. Маҳкамни айблагига асос топмадим.* *Н. Сафаров, Уйғониш. Ҳамида .. ўзининг оқлаш нутқида физиологик асослар ҳам кўрсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.* *А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.*

5 *хим.* Қислоталар билан ўзаро таъсир қилиб, туз ҳосил этадиган бирикма.

**АСОСАН** [a] *рвш* 1 Асос эътибори билан, умумий тарзда, умуман олданда. *Тўғон участкасида ер иши асосан битди.* *А. Қаҳҳор, Қўшчинон.*

2 *Биноан, кўра. Буйруққа асосан. Шунга асосан.*

**АСОСИДА** *кўм. (б. к. билан) Биноан, кўра. Қонун асосида. Хўжжатлар асосида. Буйруқ асосида.*

**АСОСИЙ** [a] 1 Энг муҳим, туб, бош. *Асосий вазифа. Асосий масала.*

2 Асосини, негизини, ўзагини ташкил этган; капитал. *Асосий куч. Асосий девор.* — *Асосий уй-жой фонди давлат мулкидир.* «ЎзССР Конституцияси».

3 *хим.* Қислоталар билан ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлган. *Асосий тузлар.*

◆ **Асосий капитал эк.** ишлаб чиқариш воситаларидан ташкил топган капитал. **Асосий кутубхона** бош кутубхона.

**АСОСЛАМОҚ** 1 Далиллар билан мустаҳкамламоқ, исботлаб бермоқ. *Ўз фикрини асосламоқ. Лойиҳани асосламоқ.* — *Арасту [Аристотель] Ернинг шарсимон тузилиши ҳақидаги таълимотни кенгайтирди ва асослади.* «Астрономия».

2 Асос сөлмоқ; пойдевор қурмоқ; бошлаб бермоқ.

**АСОСЛАНМОҚ** 1 *асосламоқ* *фл. мажх. н. Давво тўла асосланди. Асосланмаган мулоҳаза.*

2 Таянмоқ, суянмоқ. *Марксистлар ишчилар ташкилотига асосландилар. Тахт, сарой — алдаш, макр-ҳийла, найранг, зўравонликка асосланган.* *Ж. Шарипов, Хоразм.*

**АСОСЛАНТИРМОҚ** *асосланмоқ* 1 *фл. өрт. н. ай. н. асосламоқ.*

**АСОСЛИ** 1 Етарли асосга эга бўлган, далиллар билан мустаҳкамланган, исбот қилинган. *Асосли хулоса. Асосли даъво. Асосли равишда қилинган танқид.*

2 Асоси, таянч қисми бўлган. *Чўян асосли лампа.*

**АСОССИЗ** Етарли асоси бўлмаган, далиллар билан мустаҳкамланмаган, исбот қилинмаган; далилсиз, пуч. *Асосиз хулоса. Асосиз таъна. Асоссиз далил. Асоссиз гумонсираш. Асоссиз танқид қилиш.*

**АСОСЧИ** Бирор нарсага асос солган, пойдевор қурган киши; бирор нарсани барпо қилган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши; яратувчи. *Илмий коммунизм асосчилари. В. И. Ленин Совет давлатининг асосчиларидир.*

**АСП** [ф-т] 1 *диал. От. Майдонда йўнаткин аспу тозингни.* «Равшан».

2 *шаҳм. От* шаклидаги сипох; от. *Аспни юрмоқ.*

3 *айн. от II 2. Унинг йили асп.*

**АСПАЛАСОФИН** *с. т. Асфаласофин.*

**АСПЕКТ** [р<лат] *кт.* Нуқтанга назар, қараш (бирор нарсани, воқеани, ҳодисани текшириш, ёритиш ва ш. к. да). *Масалани турли аспектларда текширмоқ.*

**АСПИЖАЛЛОБ** [ф-т+а] *эск.* От олиб сотувчи савдогар.

**АСПИРАНТ** [р<лат] Аспирантурада фан кандидати деган илмий даража олишга тайёрланувчи шахс.

**АСПИРАНТКА** [р] Аспирант аёл.

**АСПИРАНТУРА** [р] Олий ўқув юртлари ёки илмий текшириш институтлари қошида фан кандидати даражасидаги юқори малакали ўқитувчилар ёки илмий кадрлар тайёрлаш системаси. *Аспирантурага қабул қилинмоқ. Аспирантурани тамомламоқ.*

**АСР** I [a] 1 Юз йиллик давр, юз йил. *Йиғирманчи аср.* — *Ўтган асрнинг сўнги кузи Қорабулоққа очик чехра билан келди.* *М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу дароҳтавр бир неча аср умр кўрган.* *Ойбек, Нур қидириб.*

2 Давр, замон. *Ўрта асрлар. Тош асри.* — *Неча асрлар ухладиңг ётиб, Қумушдек таниңг балчиққа ботиб.* *Ҳамза.*

**АСР** II [a] Қуёш ботиш чоғидан бир соатча олдинги пайт ва шу пайтда ўқиладиган намоз. *Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртарақ ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бош-*

ланди. *А. Қодирий, Ўтган кунлар. Базэоз дўконини катта ўғлига қолдириб, ҳар кун аср намозини уйига келиб ўқир эди.* *М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**АСРАЛМОҚ** *асрамоқ* *фл. мажх. н. Ғулможон чаккасида Ҳаёти учун асраган нарсени бор эди.* *М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**АСРАМОҚ** 1 Ўз қарамоғига олиб боқмоқ, парвариш қилмоқ. *Асраб олинган бола. Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой ётар.* *Мақол.*

2 Эҳтиёт қилмоқ, ардоқламоқ, сақламоқ. *Қарини томоқ асрайди.* *Мақол. Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра.* *Мақол. — Еш ғўзани бурон зарбидан сақлаб, кўз қорачиғидай асраб, меҳр билан парвариш қилиш лозим эди.* *Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бир йилдан бери иссиқ қалбида асраб, ардоқлаб ўстирган севгисидан воз кеча оладими?* *М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Бирор мақсад ёки бирор шахс учун атаб қўймоқ *Буни сенга асраб қўйдан эдим. Қишга узум асрамоқ.* — *Чўнтагининг қаеридадир асраб юрган ўттиз сўмликни онасига бераркан, Болтабой ўзида йўқ шод эди.* *Ж. Шарипов, Саодат.*

4 Кулфатдан, бало-қазодан сақламоқ, қутқармоқ, химоя қилмоқ. *Мақсадимиз элчи асраш, Армиям, Ёв устига денгиздай тош, Армиям! Фозил шоир. Шундан буён Унсин йиллайди. Шокир ота: «Золмининг зулмидан асра!» деб йўли учун қайғуради.* *Ойбек, Қутлуғ қон.*

**АСРАНДИ** Бошқа ота-она қарамоғига, фарзандлигига олиб тарбия қилинган. *Асранди бола. Асранди ўғил. Асранди қиз.* || *Лиза ўн учга кирган бўлса ҳам, ўзининг асранди эканлигини мутлақо билмайди.* *Н. Назаров, Замон.*

**АСРАТМОҚ** *асрамоқ* *фл. орт. н.*

**АСРАШМОҚ** *асрамоқ* *фл. бирг. н.*

**АСРДОШ** [a+ф-т] Бирор шахс билан бир замонда, бир даврда яшаган ёки яшаётган одам; замондош. *Навоийнинг асрдошлари.* — *Эй, жаҳонга арзиган инсон Асримизга асрдош бўлган, Кўнглимизга чин сирдош бўлган.* *Э. Аббос.*

**АСРИЙ** [a] *кт.* Асрлар бўйи яшаб, давом этиб келаётган. *Асрий кураш. Асрий муаммо. Меҳнаткашларнинг асрий орзулари.* — *Чўққиси булутлардан ошган асрий тоғлар, ер юзига мангу нур сочиб турган тўйин ой ва чарақлаб турган сон-саноксиз юлдузларга ҳасад билан қарайди.* *З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

**АСРОР** [a] 1 *эск. кт.* Сир; сирлар. *Зайнаб энди ўз асрорини, Армонини, истак, зорини Опасига этиб ошқора Қилмоққидир дардига чора.* *Х. Олимжон, Зайнаб ва Омон. Сергей Қобилининг юрагида кўмилиб ётган сир асрорини билиш учун олисдан гап бошлашга қарор берди.* *Х. Фулом, Машъал.*

2 Асрор (*эркаклар исми*).

**АСРЧИЛИК:** ўрта асрчилик тарихда 5—15 асрларни ўз ичига олган давр ва шу даврга хос ҳамма нарса. *Мавзу устида узоқ.. сўзлаб, шеърдаги эскилик, ўрта асрчилик, сунъийликка кескин қарши чиқди.* Ойбек, Нур қидириб.

**АССАЛОМ** [a] 1 Саломлашув формаси. *Ассалом, ҳорманг, ота.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ассалому алайкум қ, алайкум.* Ва алайкум ассалом қ, алайкум.

2 Салом йўлов, қутлов формаси. *Ассалом, Тошкентлик уста пахтакор.* Мирзачўл бағрига келтирдинг баҳор. А. Пўлат.

**АССАМБЛЕЯ** [p<фр] Бирор халқро ташкилот аъзоларининг ёки бир неча давлат вакилларининг ялпи мажлиси. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси* Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг унга кирган ҳамма давлатлар вакилларидан ташкил топган бош органларидан бири.

**АССИМИЛЯЦИЯ** [p<лат] 1 *биол.* Ўсимлик ёки жонивор организми фаолияти жараёнида ташқаридан қабул қилинган моддаларнинг ўзлашиши, сингиши, ҳазм бўлиши; ўзлаштирилиши, сингдирилиши, ҳазм қилиниши.

2 Бир халқнинг иккинчи бир халқ урф-одатларини, маданияти ва тилини ўзлаштириши натижасида унга аралашиб, қўшилиб бир бўлиб кетиши.

3 *лингв.* Талаффузда сўз таркибидаги икки товушнинг бир-бирига таъсири натижасида ўзаро мувофиқлашуви, бир-бирига сингиб ўхшаб кетиши (*мас., кетди — кетти, отга — отка, шанба — шамба*).

**АССИСТЕНТ** [p<лат] 1 Бирор ишни, мас. хирургик операцияни бажаришда, асосий ижрочига ёрдам берувчи шахс, ёрдамчи. *Профессор ассистенти.*

2 Олий ўқув юртларида кичик ўқитувчилик лавозимини ва шу лавозим эгаси.

**АССИСТЕНТЛИК** ассистент с. *мавж. от.* Ассистентлик қилмоқ.

**АССОРТИМЕНТ** [p<фр] Савдо ёки ишлаб чиқариш корхоналарида белгиланган ёки энг зарур хилма-хил моллар мажмуи. *Бўёқлар ассортименти.*

**АССОЦИАЦИЯ** [p<лат] 1 Шахслар ёки муассасаларнинг маълум иш олиб бориш учун тузилган ихтиёрий бирлашмаси, уюшмаси. *Юристарнинг халқаро ассоциацияси.*

2 *психол.* Нерв-мия фаолияти билан боғлиқ бўлган алоҳида психик актлар, яъни тасаввурлар, фикрлар, хис-туйғулар орасидаги боғланиш ва шу боғланишга асосланган идрок. *Ухшашлик натижасидаги ассоциация.*

**АСТА** *рвш* 1 Секин, шоямдан, шоямилмасдан; имиллаб. *Шоқосим ўрнидан турди, этагинин чангини қоқиб .. ўз чайласи томон аста жўнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ишқолда узум пишди, Узума кўзим тушди.* Чопиб бориб бирпасда, Ёнбошладим аста.

Уйғун. | Ўтиги билан тушунтириб, дона-дона қилиб. *Муса аста уқтирди: пайт топиб сўзлаш.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мирзакаримбой яна ўйшайиб тикилди, аммо маслаҳатгўйлик билан аста сапирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Секин, енгилгина; билинар-билинамас. *Бир маромида аста жимирлаётган сув, худди қаттиқ шамол тургандай, қалқиб кетди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Эҳтиёт қилиб, авайлаб. *Қамчи Ботиралининг белидан суяб, аста кўтарди.* Х. Фулом, Машъал. *Йўли титроқ кўйлар билан Гулнорнинг сочларини аста силади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Секин, товуш чиқармасдан, сездирмасдан, билдирмасдан. *Йўлдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки кўли билан бекитди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

5 Секин, тадрижий равишда. *Кетиб қоларкан, ҳайҳот! Босар ғам тоғи аста.* Ғайратий.

**АСТА-АСТА** *рвш* 1 Секин-секин, секинлик билан, секин-аста; тадрижан. *Кеча яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озаиди, нафас олиши ҳам аста-аста дурустлашди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Паст овоз билан, секин. *Қизлар бўлса, нималарнидир аста-аста сўзлашиб пиқир-пиқир кулишарди.* Ойдин, Келин ўғил туғди.

**АСТАЛИК** *аста* с. *белеи оти.* *Асталик билан тушунтирмоқ.* Беморни асталик билан турғизмоқ. — *У жуда асталик билан кўтариларди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**АСТАР** [ф-т] Қийим ёки кўрпа, кўрпача сингари нарсаларнинг ички қавати, ички томониغا тикилган материал. *Бўз астар. Кўрпанинг астари.*

**АСТАР-АВРА** Астар ва авра. ♦ *Астар-аврасини ағдармоқ айн. авра-астарини ағдармоқ қ. авра-астар.*

**АСТАРЛИК** Астар қилинган ярайдиган; астарбоп. *Астарлик чит. Астарлик газлама.*

**АСТАР-ПАХТА:** астар-пахтасини чиқармоқ (*ёки* ағдармоқ) 1) тит-пит қилмоқ, тилка-пора қилмоқ, дабаласини чиқармоқ; 2) қаттиқ койнмоқ, танқид қилмоқ; 3) бутун кирдикорларини очиб ташламоқ, фош қилмоқ.

**АСТА-СЕКИН** *рвш* 1 *айн. аста* 1, 4, 5. *Отлар ўз-ўзидан аста-секин юриб кетди.* А. Қаххор, Хотинлар. [Мастура Норга:] *Ахир, сиз, қизиқсиз! Беш кун сабр қилинг, кўв-пўвга чиқсин, бир ой, яримой ўтсин, ундан кейин аста-секин қашлаб ишга солайлик-да.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб соз овозини босиб кетди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

2 *айн. аста-аста* 1. *Узоқдаги тоғ оралиқларидан бошланган қоронғулик аста-секин ҳамма ёққа тарала бошлади.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. [Рахматилла] *аста-секин ўзини ўнғарди,*

*уй-жой қилди, хотин олди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

3 Бирин-бирин, бирин-сирин, бирин-кетин. *Ешлар кўчаларни, боғларни бир сидра сайр қилиб чиқишгандан кейин аста-секин тарқалишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АСТАФФИРУЛЛО** [a] *унд. с., эск.* 1 Ажабланишни, ҳайратни билдиради; ёпирай каби сўзларга тўғри келади. *Йўлчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади: «Астаффирулло!»* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ғазабни, аччигланишни билдиради. *Олишда — бисмилло, беришда — астаффирулло.* Мақол. — *Махдум айвонга чиқиб ўтирар чоғида яна бир «астаффирулло» деб кўйди.* Чунки кайфи жуда ҳам бузилган эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**АСТИ** [a] с. т. *Асло.* *Асти қўяверинг.* — *Бир нарсага асти чидаёлмайман.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**АСТМА** [p<грек] Юрак ёки бронхлар касаллиги туфайли нафас бўғилини; зикнафас. *Юрак астмаси. Бронхлар астмаси.*

**АСТОЙДИЛ** [ф-т] *рвш* 1 Чин кўнглидан, чиндан, сидқидил билан. *У [Зебо] Элмуродни астойдил севиб қолган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Авазинг иеърларини астойдил тинглайдиганлардан бири Собир ака эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Чиндан ҳам, чинакамига, ростакамига, жиддий равишда. *Сафар аканинг астойдил ачықланганини сезган имом орага тушди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Петров] *Йўлчини саводли қилишга астойдил уринди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ҳалоллик билан, инсоф билан; виждонан. *Ҳамма кеча демай, кундуз демай, астойдил ишляпти.* Ж. Шарипов, Саодат.

**АСТРОБОТАНИКА** [p<грек] Астрономиянинг планеталардаги (биринчи гада Марсдаги) ўсимликларни ўрғанадиган бўлими.

**АСТРОЛОГ** [p] Астрология билан шуғулланувчи шахс, мунажжим.

**АСТРОЛОГИЯ** [p<грек] Осмон ёриткичларининг ҳолатига қараб фол очишдан иборат, қадим замонда вужудга келган сохта таълимот, илми нужум.

**АСТРОЛЯБИЯ** [p<грек] Астрономияда узунлик ва кенгликларни аниқлаш учун 18 асргача қўлланилган бурчак ўлчаш асбоби.

**АСТРОНАВТ** [p<грек] *айн. космонавт.*

**АСТРОНАВТИКА** [p] *айн. космонавтика.*

**АСТРОНОМ** [p] Астрономия олими, мутахассиси.

**АСТРОНОМИК** [p астрономический] Астрономияга оид. *Астрономик асбоб. Астрономик обсерватория. Астрономик кашфиётлар.*

♦ **Астрономик сонлар** (*ёки* рақамлар) жуда катта сон билан ифодаланадиган миқдорлар, катталиклар.

**АСТРОНОМИЯ** [р<грек] Осмон жисмлари тўғрисидаги фан.

**АСТРОФИЗИКА** [р<грек] Астрономиянинг осмон жисмларининг физик ҳолатини ва химиявий таркибини ўрганадиган бўлими.

**АСФАЛАСОФИЛИН** [а] дин. Дўзахнинг энг таги, жаҳаннам.

◆ **Асфаласофилин бўлмоқ** ёки **асфаласофилинга кетмоқ** 1) чуқурликка, жарликка тушиб кетмоқ; 2) кўчма ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ. Қани, суянчини чакраверинг, Мўминжон ака! Падар лағнат золим Николай подио йиқилибди, асфаласофилинга кетибди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АСФАЛЪТ** [р<грек] 1 Йўллар, тротуарлар қуришда ва саноатнинг баъзи тармоқларида ишлатиладиган табиий ёки сунъий, қорамтир смоласимон модда. Тротуарга асфальт ётқизмоқ. || Асфальт кўча.

2 Йўлга, кўчага, тротуарга ётқизилган шундай модда қатлами. Суворов мактабининг дев қоматли биноси Секин йиғиб олмоқда асфальтдан кўланкасин. Ф. Фулом.

**АСФАЛЪТЛАМОҚ** Асфальт ётқизмоқ, асфальт билан қопламоқ. Йўлни асфальтламоқ.

**АСФАЛЪТЛАНМОҚ** асфальтламоқ фл. мажх. н. Асфальтланган тротуар.

**АСФАЛЪТЛАТМОҚ** асфальтламоқ фл. орт. н.

**АСФАЛЪТЛИ** 1 Асфальтга оид; асфальти бўлган.

2 Асфальт ётқизилган, асфальтланган. Асфальтли кўчалар. Асфальтли майдон. — Ҳамма борар асфальтли йўлдан Қизил Майдон — трибуна сари. Х. Салоҳ.

**АСЪАСА-ДАБДАБА** [а] Зўр маҳобат; катта тавтана, дабдаба. Амири лашкар сармунишлари атрофида асъаса-дабдаба билан киради. К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё.

**АСҚАТМОҚ** Керак бўлмоқ, иш бермоқ, ишга ярамоқ, фойда бермоқ. [Жўранинг] минбарга қўлтиқлаб чиққан қозоғи ҳам асқатмади — унинг ҳар бир ҳарфи чумолидай ўрмалаб кетаяпти. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Кейинги пушаймон, асқатмайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**АТАВИЗМ** [р<лат] биол. Қадимги аждодларда бўлган белгиларнинг бир неча бўғинда йўқолиб кетиб, кейинчалик яна пайдо бўлиши.

**АТАВИСТИК** [р<атавистический] Атавизмга оид. Атавистик ҳодисалар.

**АТАЙ** с. т. Атайин.

**АТАЙДАН** айн. атайин.

**АТАЙИН** [а] рви 1 Маҳсус равишда, алоҳида бир мақсадни кўзлаб, атайлаб, атайдан. Бунини атайин сизга олиб қўйсан эдим. — [Бозоров:] Қани, Адолтон, извошига чиқинг, атайин сизни олиб кетгани келдим. И. Раҳим, Чин мухаббат.

2 Жўрттага, кўра-била туриб, қас-

дан, атайлаб, атайдан. Қулма десане атайин кулади.

**АТАЙКА** [р] айн. англ.т.

**АТАЙЛАБ** айн. атайин 1.

**АТАКА** [р<фл] 1 Шиддатли хужум; хужумнинг ҳал қилувчи пайти. Рўпарадан қилинган атака. Ҳаво атакаси. Атака бошлamoқ. Атака қилмоқ. Атакага ўтмоқ. — Батальон шу кунни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Кўчма Бирор нарсага, кимсага қарши жаҳду жадал билан олиб борилган кураш. Чўлга қарши бир атака ясайлик. Ойбек, О. в. шабадалар. Куч жуда ортиқ бўлган вақтда тўғридан-тўғри рўпарадан атака қилиш билан ҳам энгиси мумкин. В. И. Ленин, Бойкотга қарши.

**АТАК-ЧЕЧАК:** атак-чечак қилмоқ 1) секин-аста қадам ташлаб юра бошлamoқ (асосан эндигина юра бошлаган бола тўғрисида). Бир неча кун бурун ўғилча думалаб-думалаб атак-чечак қила бошлади. Ойбек, Навоий; 2) кўчма с. т. секин-аста иш бошлamoқ.

**АТАЛА** 1 Қиздирилган ёққа ун чалиб, сув қўшиб пишириладиган суюқ овқат. Қийма(ли) атала. Ёвғон атала. — Намозгар-намозишом ўртаси уйга қайтиб аталами, .. угра ошми апиришапир ичиб, яна кўчага чопар эдик. Ф. Фулом, Шум бола.

2 Кўчма Шундай овқат сингари суюқ нарса. Йиғитча уни лойи атала бўлиб ётган бир кўчага бошлаб кетди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Атала маҳсум** бўшашган, лалайган, ланж одам ҳақида. Атала ичдингми? ҳа деб йиқилаверадиган ёки бўшашган одамга ҳазил тариқасида айтиладиган ибора.

**АТАЛАМОҚ** Қориштириб, аралаштириб бирдек суюлтирмоқ. Қатиқ(ни) аталамоқ.

**АТАЛАНМОҚ** аталамоқ фл. мажх. н. Аталанган қатиқ.

**АТАЛА-УМОЧ** Ундан тайёрланган хар хил суюқ овқатлар. Кечқурун декчани қайнатиб қора шўрва, атала-умоч, мошхўрда каби камбағалча овқатларни пишириб, Шокир ота бошлиқ ҳаммалари ўртада баҳам кўришади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АТАЛМОҚ** атамoқ фл. мажх. н. «Гулистон» деб аталган колхоз. Байрамга аталган газета.

**АТАМА** эск. айн. термин.

**АТАМАН** [р] 1 Ихтиёрли казак дружиналарининг сайлаб қўйилган бошлиғи. | Революциядан илгариги Россияда: казак қўшинлари ёки қишлоқларида ҳарбий, полиция ва маъмурий ишларни бажариш учун тайинланган ёки сайлаб қўйилган бошлиқ. Станица атамани. Қўшин атамани.

2 Бирор тўда ёки группанинг бошлиғи; кўрбоши. Босқинчилар атамани.

**АТАМОҚ** 1 Ном бермоқ, от қўймоқ, номламоқ. Ҳоким «Тешабой» деб атаган киши Фосиҳ афанди билан нима

ҳақидадир қизишиб, асабийлашиб гаплашиб турган эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Юсуфбек ҳожи [Кумушнун] .. «фаришта» деб атамоққа ҳам ҳозир эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор киши, тарихий воқеа ва ш. к.га ёки бирор мақсад учун олдиндан белгилamoқ, тайинлamoқ, мўлжаллamoқ. Газета гаалаба байрамига атайб чиқарилган. — Ўзбек оймаининг қутидор, Офтоб ойма ва Ойиша кампирга атайб тиктирган саруполари ҳам битди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3. дин. айн. бағишлamoқ 4. Толеим курсин, деб ёндим, куйдим. Фолбиларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АТАН** Қишга асраладиган узумни осиб қўйиш учун шип остига қурилган маҳсус дор, ёғоч. Ишқомлар ёқуту ақик хазина, қирқ беш ном узум(лар) осилган атан. Ф. Фулом.

**АТАНМОҚ** 1 атамoқ 1 фл. ўзл. н. 2 Ном чиқармоқ. Ўттизида эр атанган, қирқида шер атанар. Мақол. — [Ҳакимбек] етти ёшида ёйини кўтариб отгани учун Алпомиш .. атанди. «Алпомиш».

**АТАШМОҚ** атамoқ фл. бирг. н. Хоразмда Амуни кўлдан телба дарё деб аташади. Э. Раҳим, Янги қадам.

**АТЕИЗМ** [р<фр] Худосизлик, даҳрийлик, диний эътиқодларни рад этиш.

**АТЕИСТ** [р] Атеизм тарафдори; даҳрий, худосиз.

**АТЕИСТИК** [р<атеистический] Атеизмга оид, атеизм руҳидаги, динга қарши қаратилган. Атеистик адабиёт. Атеистик пропаганда.

**АТЕЛЬЁ** [р<фр] 1 Рассом, ҳайкалтарош, фотограф ишхонаси.

2 Кийим-кечак, пойафзал ва ш. к. тикадиган, радио, телевизор ва ш. к. тузатадиган устaxона.

**АТЕРОСКЛЕРОЗ** [р<грек] мед. Юрак қон томирлари деворларининг калинлашуви ва зичлашувидан ҳосил бўладиган касаллик.

**АТИГИ** рви 1 Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи, ниҳоятни, фақатгина. Қози поччам туш кўрсалар, атиги учтагина қолган сўйлоқ тишларидан биттаси тушиб кетибди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. [Саодат онасида:] Бекорга йиғлаб ўзингизни ҳам, мени ҳам хафа қилмасиз. Мен ўлим ерга кетаятганим йўқ-ку. Атиги Тошкентга ўқишга борярман. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 с. т. Атайин, атайлаб.

**АТИГИДАН** с. т. айн. атиги 2.

**АТИР** [а] Хушбўй моддаларнинг спиртдаги эритмасидан иборат косметик суюқлик. Бир ишича атир. Атир иси. — Бозоров «ландиш» атирдан юзига, сочига, кителкининг ёқасига суртди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**АТИРГУЛ** [а+ф-т] Танаси тиканли, гули хушбўй ўсимлик ва унинг гули; қизил гул.

**АТИРСОВУН** Юз-қўл ювадиган хушбўй совун.

**АТИҚА:** осори атиқа қ. осор.

**АТЛАС** [р] Альбом ёки китоб тарзидаги географик карталар, чизмалар, схемалар мажмуи. СССР атласи. Дунё атласи. Юлдузлар атласи. Анатомик атлас. Ботаника атласи.

**АТЛАС** [а] Бир томони ялтироқ, гулдор, кудунланган маҳаллий ипақ газлама. Қора атлас. Сариқ атлас. Хон атлас. Саккиз тенки атлас. — *Замира кўпчилиكنинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас кўйлагининг ранги юзига ургандай қип-қизариб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**АТЛЁТ** [р] 1 Атлетика билан шуғулланувчи спортчи ёки цирк артисти. 2 Қомати келишган бақувват, чайир одам.

**АТЛЕТИК** [р атлетический] 1 Атлетикага оид. Атлетик машқлар. 2 Келишган, бақувват. Атлетик қомат.

**АТЛЕТИКА** [р <грек] Куч ва чаққонлик талаб қиладиган ва уларни камолга етказадиган спорт машқлари мажмуи. Енгил атлетика югуриш, сакраш, найза, диск отиш, ядро иргитиш ва ш. к.ни ўз ичига олган спорт турлари. **Оғир атлетика** оғир юк (штанга) кўтариш машқларини ўз ичига олган спорт тури.

**АТЛЕТИКАЧИ** айн. атлет 1.

**АТМОСФЕРА** [р <грек] 1 Ерни ва бошқа баъзи планеталарни ўраб олган газсимон қобиқ. Ер атмосфераси. Кўйи атмосфераси. Атмосфера босими. 2 физ., тех. Босим ўлчов бирлиги.

**АТМОСФЕРАВИЙ** Атмосферага оид; атмосферада содир бўладиган. Атмосферавий электр разряди.

**АТО** [а]: ато қилмоқ инъом қилмоқ, бахш этмоқ, бермоқ. — *Шу инимга ҳам худо яхши қиз ато қилсин, — яна валдиради хотин.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Жаҳонгировнинг гапи унга [Маҳкам акага] қанот ато қилгандай бўлди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**АТОВ атамоқ** фл. ши оти.

◆ **Атов гап** грам. бирор предмет ёки ҳодисанинг ўзини эслатиб, аташ йўли билан ифодаланган гап.

**АТОМ** [р <грек] Химиявий элементнинг ядро ва электронлардан иборат энг кичик заррачаси. Атом оғирлиги. Атом ядроси. Атом энергияси. Атом музёраи. Атом бомба(си).

**АТОМБОЗ** [р+ф+т] Атом қуролидан фойдаланиш тарафдори, атом қуролини дастак қилувчи.

**АТОМИСТИҚ** [р атомистический] Атомистикага оид. Атомистик назария.

**АТОМИСТИКА** [р] Материянинг атомлардан тузилганлиги тўғрисидаги материалистик таълимот.

**АТОМЧИ** 1 Атом энергиясини ажратиб ва ундан фойдаланиш бўйича мутахассис, олим. 2 айн. атомбоз.

**АТОРУД** [а] (А — катта) эск. айн. Меркурий.

**АТОҚЛИ** Бирор соҳада ном чиқарган, донг таратган, шухрат қозонган, донгдор, машхур. Атоқли олим. Атоқли давлат арбоби. Атоқли пахтакор.

◆ **Атоқли от** грам. бир шахс ёки предметга хос ном.

**АТРИБУТ** [р <лат] 1 филос. Предмет ёки ҳодисанинг ўзига хос, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим хarakterли хусусияти, белгиси. *Харакат материянинг атрибутидир.* 2 грам. Гапда бирор бўлакнинг сифатини, белги-хусусиятини хarakterлаб келувчи иккинчи даражали бўлак; аниқловчи.

**АТРИБУТИВ** [р атрибутивный] грам. Атрибутга, аниқловчига оид; аниқловчи. *Сўзларнинг атрибутив боғланиши. Атрибутив алоқа.* **АТРОФ** [а] 1 Теварақдаги фазо, жой, ер; теварақни ўраб олган ҳамма ёқ, томон. *Кун ботган, бутун атроф қоронғилашган эди.* Айни, Қуллар. *Йўли атрофга кўз ташлар, шамолда шилдираган ҳар баргдан чўчир эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Теварақдаги яқин жой, яқин орадаги ерлар. [Ермат] *атрофдан биронта тарвуз топиб келтириш учун Урозга ялинди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мени бу атрофдаги ўзбек аёллар, эркаклар бири отин она дейишса, бири доктор она дейишади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Теварақдаги аҳоли яшайдиган жойлар (марказга нисбатан). *Бу — Қорабулоқ қишлоғи ва атрофига қозилик қилувчи маълум зот эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Атроф шаҳар ва қишлоқ беклари ҳам аксар Мусулмонқулнинг ўз одамларидан.* А. Кодирий, Утган қуллар.

3 Бирор нарсанинг гир айланаси, теварағи сирти ёки чеги, зиҳн. *Атрофи қора, ўртаси гулли патнис.* *Атрофига қора тутилган байроқ.* — *Асrorқулнинг кўз атрофи қизариб, юзида сохта табассум акс этди.* А. Қаҳор, Асror бобо. 4 кўчма Теварақдаги муҳит, кишилар. *Марьямхон ўзи тўққанми, ё атрофдан эшитганми, ҳар вақт шундай жавоб берад эди: — Кундош — бошингда тош, кўзингда ёш.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 3-ш. ж. к. ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. атрофига, атрофида). **АТРОФИГА** кўм. вазифасида 1 Теварағига, айланасига. *Фосих афанди, минг боши ва аъёнлар садақайрағоч тағидаги супада тузалган ҳашаматли дастурхон атрофига келиб ўтиришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Теварағига, қошига, ҳузурига. *Қишлоқ совети атрофига тўпланган активлар.* **АТРОФИДА** кўм. вазифасида 1 Теварағига, гир-айланасида. *Майдонча*

*атрофида одамлар зич.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Қарийб, тахминан, чамасида. *Элик килограмм атрофида.* Юз центнер атрофида.

3 Теварағида, хусусида. *Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиб кетди.* А. Қаҳор, Қўшчинор.

**АТРОФИЯ** [р <грек] биол., мед. Бирор аъзонинг узоқ фаолиятсизлик ёки озуксизлик натижасида кичрайиб қолиши ёки ҳаётий қобилиятини йўқотиши.

**АТРОФЛАБ** рви Атрофидан айланиб ёки айлангириб; атрофида давра олиб. *Атрофлаб ўрамоқ.* — *Самоварнинг қулдонини ингичка сим билан атрофлаб қовлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига икки-уч думалоқ тош кўмир ташлади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**АТРОФЛИ:** атрофли равишда айн. атрофлича.

**АТРОФЛИЧА** рви Асосли равишда, ҳар томонлама, ҳамма томондан синчиклаб. *Масалани атрофлича муҳокама қилиш.* — *Ҳаётга чуқур, кенг, атрофлича қараш, ундан кейин фикрлаш ва ўйлаш керак.* Ойбек, Нур қидриб.

**АТТАНГ(А)** унд. с. Афсусланиш ёки пушаймон туйғусини ифодалайди. *Аттанг, от бўлганда, орқасидан тушар эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АТТАШЁ** [р <фр] Элчихонанинг бирор соҳа бўйича махсус маслаҳатчиси. *Ҳарбий атташе. Савдо атташеси.*

**АТТЕСТАТ** [р <лат] 1 Ўқув юртини тамомлагандик тўғрисидаги расмий ҳужжат. **Етуқлик аттестати** ўрта мактабни битириб чиққан кимсага берилган расмий ҳужжат, аттестат. 2 Илмий ёки махсус унвон берилганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома. **Профессорлик аттестати.** *Катта илмий ходимлик аттестати.*

3 Ҳарбий хизматчиларга хизмат жойидан ташқарида бўлганда пул, буюм ва бошқа таъминот олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, шунингдек ҳарбий хизматчининг таъминотидан бир қисмини унинг қарамоғидаги шахсининг олиши учун берилган ҳужжат.

**АТТЕСТАЦИОН** [р аттестационный] Аттестацияга оид. **Аттестацион варақа.** **Аттестацион комиссия.** **АТТЕСТАЦИЯ** [р <лат] Мутахассисларнинг ишга лаёқатини, малакасини, билим даражаси ва ҳулқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш ёки унвон бериш. **Аттестациядан ўтказмоқ.** **Аттестация комиссияси.** **Аттестация шаҳодатномаси.**

**АТТОР** [а] Парфюмерия ва галантерея моллари билан савдо қилувчи дўкдор ёки савдогар. *Хуржун ортилган шиакни қишлоқма-қишлоқ олдидан солиб юриб: «Фарағи ип, ироқи совун, оқ сақич, қора сақич!» деб қичқирадиган аттор ҳам бедарак йўқолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АТТОРЛИК** 1 аттор с. касб оти.

**Атторлик қилмоқ.** *Атторлик дўқони. Атторлик моллари.*

2 Бозорда атторларнинг дўқони жойлашган раста, қатор.

**АТТРАКЦИОН** [p<фр] 1 Циркда томошабинларни ортиқ даражада қизиқтирадиган ўйин.

2 Оммавий сайр қилинадиган жойлардаги кўнгил очар мосламалар (карусель, тир ва ш. к.).

**АУДИТОРИЯ** [p<лат] 1 Дарс, лекция, доклад ва ш. к. ўтказиладиган хона, бўлма.

2 Лекция, доклад, нутқ тингловчи кишилар гуруҳи.

**АУҚЦИОН** [p<лат] Очиқ савдо, «кин ошди» савдоси.

**АФАНДИ** [турк-усм<грек] 1 эск. Жаноб, жаноблар (мурожаатда). У аёнларга қараб: — Кетдик, афандилар! Ҳоким тўра кечки салқинда келадилар,— деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 эск. Киши номига қўшилиб хурмат билдиради ёки киши номининг таркибий қисмини ташкил этади. *Фосих афанди сўрига эмас, извошга чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Командир афанди телеграмма беришни билмас эканлар.* А. Умар, Мухтор.

3 эск. Ўқитувчи, муаллим. *Элмурод .. унинг [Сотволдининг] «Муаллим ўзимизники .. Афандимизнинг тупроғи шу ердан олинган» деганини эслади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Афанди (Хўжа Насриддиннинг эпитети).

5 с. т. ҳазил Ишдан янглишиб, кулгили ишлар қилиб юрадиган одам ҳақида. *Афанди одам. Афанди экансиз-ку!*

6 с. т. Латифа, анекдот. У [Сидиқжон] энди .. аския ва афанди айтишар, ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айттар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

7 Афанди (эркаклар исми).

**АФВ** [а] Кечирим, узр. *Сиздан бу улуг ғуноҳим учун афв сўраб, ҳайдалган ўғлингиз — Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Афв этмоқ** (ёки қилмоқ) кечирмоқ, узрни қабул қилмоқ, ғуноҳдан ўтмоқ. *Бу лапашанглигимиз учун раҳнамоларимиз бизни афв этурларми?* Х. Фулом, Машғал. **Афв этасиз** кечира-сиз (одатда сўзловчи гап бошида олдиндан узр сўраб ишлатилади). [Саидбек:] *Афв этасиз, сиз бунга қайқандан биласиз, генерал жаноблари?* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

◆ **Афв умумий айн.** амнистия. **АФЗАЛ** [а] 1 (асосан ч. к. билан, икки нарсани бир-бирига чоғиштиришда) Яхши, аъло, ортиқ. *Номуссиз юрмоқдан номусли ўлмоқ афзал.* Мақол. — Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз .. учун тилладан афзалдир. Ойбек, Навоий. *Чирогим, бу ерни ўз уйингдек бил. Қоратойим қандай бўлса, сан ҳам манга шундайсан.* Балки ундан

афзалсан. Ойбек, Қутлуғ қон. **Афзал кўрмоқ** (ёки санамоқ, ҳисобламоқ, билмоқ) аъло кўрмоқ, яхши, ортиқ деб билмоқ. *Қамишканалар одамларни номлари билан аташдан кўра уларни бирор хусусиятлари билан таърифлашни афзал кўрардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Малъун бўлиб яшашни афзал кўргандар Бўлолмас одамзод билан ҳамнафас.* Ф. Фулом.

2 Афзал (эркаклар исми).

**АФЗАЛЛИК** афзал с. белги оти.

**АФИФ** [а] эск. кт. Покиза, тоза, иф-фатли.

**АФИФА** [а] 1 эск. кт. Покиза, тоза, иф-фатли (аёл ҳақида). *Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага .. чин бир ишқ туғилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. 2 Афифа (хотин-қизлар исми).

**АФИША** [p<фр] Спектакль, концерт, лекция ва ш. к. ҳақида кўринарли жойларга ёпиштириладиган эълон.

**АФКОР** [а] эск. Фикр; фикрлар. **Афкори омма** (ёки умум, умумия) жамоат фикри. — *Мен ҳайронман,— деди Аҳмад Хусайн,— аввало айб ўзингизда. Фалақдан оху зор, нолаи фигон, ҳаётдан норозилик, аммо афкори умумдан тугу.* Ойбек, Нур қидириб.

**АФЛОТУН** [қадимги грек олими Платон номидан]: **Афлотун** мия ақли ўткир, доғишман одам ҳақида.

**АФОРИЗМ** [p<грек] Чуқур маъноли, қисқа, ихчам ибора, ҳикматли сўз. *Навий афоризмлари.*

**АФОРИСТИК** [p афористичный] Афоризм шаклидаги, қисқа, аммо чуқур маъноли, ҳикматли. *Афористик иборалар.*

**АФСОНА** [ф-т] 1 Авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган фантастик, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят, дoston. *Тоғ қишлоқларининг теша тегмаган, ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўладиган ғалати эртаклари, афсоналари бўлади.* Х. Фулом, Машғал. *Оқсойликлар ўртасида бу жойнинг номи ҳақида афсона ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой. **Афсона бўлмоқ** эл-халққа гап-сўз бўлмоқ, элга дoston бўлмоқ. *Излаб сени ҳар кўчада ..., Эл ичра кўп шарманда ҳам афсона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

2 кўча Асоссиз гап, ёлғон-яшиқ, уйдирма. **Афсона тўқимоқ** уйдирма гап қилмоқ, бўлмагур гап-сўз тўқимоқ. *«Минг бир кечанинг Шаҳризодаси афсона тўқиб ўлимдан қутилиб қолгандай, Мухторхон ҳам юқоридаси сингари ривоятлар паҳоҳида омон юрибди.* Х. Фулом, Машғал.

3 кўча Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган, мислсиз нарса, иш. [Одамлар] *«Мирзаҷў» аталмиш қадимий, бағри кенг саҳрода бирга қўл тутушиб .. афсоналарни ҳақиқатга айлантиришмоқда.* В. Абуллаев, Қанотли орзулар.

**АФСОНАВИЙ** [ф-т] 1 Афсона жанрига мансуб бўлган, фантастик. **Афсонавий ҳикоя.**

2 Фақат афсоналарда мавжуд бўлган, оламда йўқ, хаёлий. *Зеби хола дярли ҳар кун туши кўради. Тушида Пўлатжон ҳали қандайдир афсонавий қуш тутиб олган, ҳали саман йўрга миниб сув кечаётган бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 кўча Уйдирма, тўқима. **Афсонавий гап.**

4 кўча Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган, мисли кўрилмаган, мислсиз. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улугворлик баҳи этиб, бир текис чувиллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АФСОНАВОР** [ф-т] айн. афсонавий 4. **АФСУН** [ф-т] айн. жоду. *Гуломжонни мафтун ва афсун қилган дилбар ҳаё ва ибоси билан эмас, сатанг адоси билан ғамза қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АФСУНГАР** [ф-т] айн. жодугар 1. **АФСУНКОР** [ф-т] 1 айн. афсунгар. 2 айн. фусункор.

**АФСУНЛАМОҚ** Сеҳр-жоду қилмоқ. **АФСУНЧИ** айн. афсунгар.

**АФСУС** [ф-т] 1 Ўқиниш, ачиниш туйғуси; пушаймон. *Юсуфий афсус билан илжаиди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Афсус қилмоқ** пушаймон қилмоқ, ўқинмоқ. *Пахта бригадасидан кетганингизга афсус қилмадингизми?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 кири с. Аттанг, эсиз, эсизгина. *Ахтариб ҳақ йўлни, афсус, ҳақ савдосин тоғладим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АФСУСЛАНМОҚ** Пушаймон қилмоқ, пушаймон емоқ, ўқинмоқ, ачинмоқ. *Йўлчи ўз қишлоғидан келган одам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашганига афсусланди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Афанди камбағаллигидан афсуслашиб, ҳар кун кечалари нола қилар эди.* «Латифалар».

**АФТ** 1 Башара, бет, юз. **Афти қурсин!** (қарғ.). — *Сафар бўзчи бошини қашиб, яна маҳдумнинг афтига қараб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Соракон .. ишу тобда кириб нима қилар эди» дегандай қилиб афтини буриштирди.* А. Қаҳҳор, Са-рор.

2 Ташқи кўриниш, қиёфа; турқ, важоҳат. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни [Рўзиматни] гап-сўзда йўқ, ўзи тўнгина бир йиғит гўмон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Қодир бу одамнинг афтидан каб-қорини белгилай олмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**АФТ-АНГОР** Кишининг афти ва ташқи қиёфаси. *Бундай кишилар афти-ангори дуруст йиғитларга эйр ҳасаб билан қарайдилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**АФТ-БАШАРА** 1 Кишининг афти, башараси, афт-боши. **Афт-башараси хучук одам.** — [Қаромат хола] *ораларингизда оталиқдан «келган вақил борми?» Қани у, афти-башарасини бир*

кўриб, дийдорига бир тўйай! — деди. М. Махмудов, Хайбаракаллачилар.

2 кўчма Қишининг ички дунёси, маънавий қиёфаси. Афт-башарасини очиб ташламоқ.

**АФТ-БОШ** айн. афт-башара. Афт-боши тузуккина йигит.

**АФТИДАН** кириш с. Чамаси, оббалолам. Афтидан, улар эндигина заводдан чиққан бўлса керак, бўёқ иси гупиллаб димоққа уриб турибди.

И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АФТОДА** [ф-т] эск. 1 Нотавон, ночор, абгор. Эл бахтсиз эди афтода, Золимларни беомон кўрдим. Миртемир.

2 Ғам-андух билан ёки дард чекиб озвиг-тўзиб кетган, аҳволи танг. Утапнинг қистови билан ошага қолган Жўраров ота ҳамон ўй суриб ўтирган афтода қизига деди: Ҳа деб ўй сура берма, Эъвоз. Х. Ғуллом, Машъал.

**АФТОДАХОЛ** [ф-т+а] 1 айн. афтода.

2 Ўлим тўшағида ётган; ўсал.

**АФФИКС** [р<лат] эск. Ўзақларга қўшилиб янги сўз ёки сўз формалари ясаш, турлаш учун хизмат қиладиган элемент; қўшимча.

**АФРИКАТ** [р аффриката] лингв. Икки ёки ундан ортиқ элементдан иборат қоришиқ товуш (мас., ч—т+ш, п—т+с).

**АФЮН** [а] 1 Кўчнорининг думбул бошогидан олиб кўритилган шира (қора дори, таряк кўринишида кайф қилиш учун, медицинада эса наркотик модда сифатида ишлатилади). Углингиз оти Отабой банги, Афюн чекмакдан сомондур ранги. Нодима. Афюннинг кайфи курсин, домла, сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди. Х. Ғуллом, Машъал.

2 кўчма Қиши онгини заҳарлайдиган нарса ҳақида. Дин — халқ учун афюндир.

**АФҒОН** 1 қ. афғонлар. Афғон халқи. Афғон тили. || Афғон аёл.

**АФҒОН** II [ф-т] кт. Фарёд, нола, фиғон. Афғон чекмоқ. ■ Субҳ чоғида магар чиққанда ёрим тўлғаниб, Гул ёқасин чок этар булбулда афғон кўзгалур. Ҳабибий. Кўрка чиқар ёрим деб афғонларим, Айрилиққа тушгандир ёронларим. «Равшан».

**АФҒОНИЙ** 1 Афғонларга, афғон халқига оид, афғонча. Афғоний ханжарингизни бераман деган эдингиз-а? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Афғонистонда пул бирлиги.

**АФҒОНЛАР** Афғонистоннинг туб аҳолиси; Афғон халқи.

**АХ** унд. с. Қўрқув, ҳаяжон ёки севинч, ғазаб туйғуларини ифодалайди. — Тезроқ келинг, Ҳомид ака. Отабекни ўлдирдик! — деди шошиб Отабек. — Ах! — деб югуриб келди Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гулнор «ах» деб бошини деворга уриб олди, бир онда евжудини титроқ босди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АХБОР** [а] Хабар; хабарлар; маъ-

лумот. Ер ичида кўмилиб ётган ҳамма [хамма] олтин, кумуш Юзага чиқди бари боис анга ахбор, ўқув. Ҳамза.

◆ **Ахборингиз** учун кириш с. маълумотингиз учун, сизга маълум бўлсинки ... Ахборингиз учун. Чека ўша вақтларда боқимсиз болалар устидан ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**АХБОРОТ** [а] 1 Хабар; хабарлар; маълумот, информация. Сўнги ахборот. ■ Капитан Юрьев тўққизинчи ротадан ахборот олгандан кейин, Чернецовнинг ёнига келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Вақт-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ахбороти.

**АХИ(Й)РИ** [а] с. т. Ахир, охири, пиравордида. Ахийри октябрь ойи ҳам тугади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Фотиима Қосимжонга:] Хўп, майли, бўлмаган нарсага ўзингизни ўзингиз қийнаб юрсангиз, ахийри уялиб қоларсиз. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

**АХИР** I [а] таъкид юк. Маънони кучайтиради, таъкидлайди. — Низомиддинов, — деди раис ўрнидан турч, — сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз, ахир. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Ойша буви қизига маъноли қилиб бир қараб олди: — Болам, ахир, икки оғиз гап эшит-чи, олдин! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АХИР** II [а] рви Охири, пиравордида, ниҳоят, оқибат. Ахир бўлмади. Ахир кўнди: ■ — Қазисан, қартасан, ахир аслинга тортасан! — деди кампир омборни қулфлаётиб. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**АХИРИ** қ. ахи(й)ри.

**АХЛАТ** [а] 1 Супуридни ва ташландилар, супуриш-сидириш натижасида тўпланган ифлос нарсалар. Ҳовли юзи турли-турли ахлатлар билан булганч, ебё йиллардан бери тозаланмаган, супуриги кўрмагандек эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Нажас, најосат.

**АХЛАТХОНА** [а+ф-т] Ахлат тўкиш учун махсус ажратилган жой.

**АХЛОҚ** [а] 1 Қишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи, адаб; этика. Коммунистик ахлоқ.

2 Хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, адаб. Яхши ахлоқ. Ахлоқи яхши бола. ■ Ҳа бири ахлоқи билан, иккинчиси ҳусни билан топшиар экан! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АХЛОҚЛИ** [а] Ахлоқ-одобга оид, этик. Ахлоқий принциплар. ■ Бир вақтлар бу уйга онаси билан меҳмон бўлиб келган бир татар қизи русча бир ахлоқий романни унутиб қолдирган. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АХЛОҚЛИ** Яхши тарбия кўрган; одобли, хушахлоқ. Ахлоқли бола. Ахлоқли қиз. ■ Қишлоқ аҳли ишчан, ахлоқли. Шайхзода.

**АХЛОҚСИЗ** 1 Яхши тарбия кўрмаган, ахлоқ қондаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз. Ахлоқсиз бола.

2 Ахлоқи бузуқ, суяқ оёқ, фосиқ. 3 Одоб-ахлоқдан ташқари, одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқадиган, одоб нормаларига хилоф, беадаб. Ахлоқсиз хатти-ҳаракат. Ахлоқсиз гап.

**АХЛОҚСИЗЛИК** 1 ахлоқсиз 1, 2 с. белги оти.

2 Ахлоқ қонун-қондаларига хилоф иш, хатти-ҳаракат. Салимхон синглиси билан номаъдан, нотайин бир студент орасидаги алоқа муҳаббатдан, ўз тили билан айтганда, «ахлоқсизликдан» холи эканига қанча ишонса ҳам, миш-мишлар қўйлади. А. Қаҳҳор, Сароб.

**АХТА** [мўғ] Жинсий безлари, мойги олиб ташланган, бичилган. Ахта от. ■ Бу ахта қул ... аянчли бир махлуқ эди. Ойбек, Навоий. || Тераг пишеган сариқ ахта эринибгина қор кеча бошлади. Х. Ғуллом, Машъал.

**АХТАЛАМОҚ** диал. Ахта қилмоқ, бичмоқ.

**АХТАРИШМОҚ** ахтармоқ фл. бирг. н.— Қанча ахтаришди, топишолмади. Халқ олдида оқсоқолнинг тозиям шармандаси чиқди-да — деди Солижон. Ж. Шарипов, Хоразм.

**АХТАРМОҚ** Қидирмоқ, изламоқ. Қоронғида гуеурт ахтармоқ. Йўқолган буюмни ахтармоқ. Текин бойлик ахтаргунча ўзинга боп ҳунар топ! Мақол. ■ Маҳкам ўз тумбочкаси устига энгашиб ниманидир ахтарар эди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Инсон иложсиз бир қийинчиликка дуч келганда, ҳар томондан ўзини юпатиши йўлини ахтаради. Айний, Эсдалиқлар.

**АХТАХОНА** [мўғ+ф-т] кам қўлл. айн. отхона. Ҳасанали .. қайта-қайта ахтахонага кириб, тўриқ йўрғанинг у ер-бу ерини супурад эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЦЕТИЛЕН** [р<лат] Углерод ва водороддан таркиб топган заҳарли бадбўй ёнувчи газ.

**АЦЕТОН** [р<лат] Лак, портловчи модда, сунъий ипақ ва ш. к. тайёрлашда эритувчи сифатида ишлатиладиган органик бирикма, рангсиз суяқлик.

**АЧА** диал. 1 Буви. [Назирали] .. Ачасига қараб қўйди. Кампир ҳамон бошини экканча ўтирарди. Ойдин, Мардлик — мангулик.

2 Катта буви (бувининг онаси).

3 Она, ойи.

**АЧИБ-БИЖИБ:** ачиб-бижиб ётибди айн. ачиб ётибди қ. ачимоз.

**АЧИМОҚ** 1 Микрорганизмлар таъсиридаги биохимик процесс натижасида ачимсиқ ҳид ёки маза ҳосил қилиб етилмоқ ёки ишдан чиқмоқ. Ачиган гўжа. Ачиган хамир. Ачиган лой. Вино ачий бошлади. Овқат ачиб кетибди. ■ — Дарҳақиқат ачиган кетмиқ, — деди Камолхонот ва яна ялаб кўрди, — йўқ бузилган қаймоқдир. А. Қаҳҳор, Қайғулар.



2. Жизиллаб оғримок, ачишмоқ. *Тутундан кўзим ачиди.* — *Ғумай тигида унинг кўли яна қийилди.* Қон оқиб, бармоғи ачий бошлагандан кейин, рў-молчасига кафтини ўраб олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Аччиқ-тиззиқ гап қилмоқ, сасинмоқ.

◆ **Ачиб** (ёки ачиб-бижиб) ётибди с. т. жуда ҳам кўп, қалашиб, тикилиб ётибди, гиж-гиж. *Бозорда картошка ачиб ётибди. Жонни (ёки ичи, юраги) ачиди* ниҳоятда афсусланди, куйинди. *Ҳа, бўлмаса жонингиз ачиганими бу? Ерни белингиз қайишиб топаннингизда жонингиз ачир эди.* А. Қаххор, Кўшчинор. [Офтоб ойим] *Кумушини кўрган сайн алланечук юраги ачир, жудалик кунларини асло тасаввур қилолмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Мияси ачиб кетди** мияси ғовлаб, гангиб қолди. *Тожибуй таажжубда қолиб, бошини лиқиллатди: — Бир ўзингиз-а? Епирай! Миянгиз ачиб, юрагингиз тошиб кетмайдими? П. Турсун, Ўқитувчи.* **Мияси ачиб қолди** 1) мияси айниб, эси камайиб қолди. *Қайдам, мен бир мияси ачиб қолган чолман, болам.* С. Ахмад, Ҳукм; 2) айн. **мияси ачиб кетди.** **Хамири ачимаган қ.** хамир. **Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган қ.** суюлмоқ.

**АЧИМСИҚ** 1 Ачиган нарсани эслатадиган, бир оз аччиқ (хид, там ҳақида). *Ачимсиқ хид. Ачимсиқ маза.* — *Ҳамма ёқ ачимсиқ, кўзни ачитадиған хидега тўлған эди.* Ғ. Ғуллом, Шум бола.

2 *кўчма* Аччиқ-тиззиқ, қўланса. *Ачимсиқ гап.*

**АЧИНАРЛИ** 1 Қишининг раҳмини келтирадиган, ачинтирадиган; қизганч, аянч. *Ачинарли қийфа. Ачинарли ҳолат. Ачинарли аҳволга тушиб қолмоқ.* | Ачиниш ҳиссини уйғотадиган. *Бурчақда ётган бола уйғусирабми, ё совуқдан уйғонибми, ачинарли товуши билан «дада!» деди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Афсус аралаш ранжиш, ачиниш ҳиссини уйғотадиган. *Ачинарли аҳвол.*

**АЧИНИШ** 1 ачинмоқ фл. иш оти. У Мурзиннинг ҳолига ачинишни ҳам, қиз муҳаббатига сазовор бўлгани учун қувонишни ҳам билмасди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Раҳм, шафқат. *Адолат ўзига нисбатан нафрат эмас, меҳр ва ачиниш сеза бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан.

**АЧИНИШЛИ** кам қўлл. айн. ачинарли.

**АЧИНИШМОҚ** ачинмоқ фл. бирг. н. *Дугоналарининг қўлидан нима келсин, жуда кўп деганда, «вой, бечора Адолат...» деб ачинишлари мумкин, холос* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АЧИНМОҚ** 1 Ичи, юраги ачинмоқ, раҳми келмоқ, куйинмоқ. *Иброҳим отанинг бу қадар тез ўзгариб, чўкиб қолганига Жумагул қаттиқ ачинди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Афсус аралаш ранжимок, хафа бўлмоқ, ўқинмоқ. *«Бу гапни бекор бош-*

*лаб қўйибман», — деб ачинди Қудрат* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АЧИНТИРМОҚ** ачинмоқ фл. орт. н. *Қишини ачинтирадиган англашилмовчилик.*

**АЧИПТИ** Ошиқ ўйинларидан бир тури. *Кўзларида маъносиз бир илтифот, Гўёки у Аллакимдан ранжийди; ҳалигача Мактаб, ўқиш унга ёт, Маиғулоти: «тойди» билан ачипти.* Ғ. Ғуллом.

**АЧИТМА** Қаттиқ, ачитқи каби нарсалар билан ачитилган, ачитиб тайёрланган. *Ачитма гўёжа.*

**АЧИТМОҚ** 1 ачимок фл. орт. н. *Тутун кўзни ачитди. Гўёжа ачитмоқ.* — «*Ёз кунлари [Ўзбек ойим] айвоннинг тўрига ясланиб, Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни танбеҳлабгина ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кучли изғирин, юзнинг терисини шилгандай, ачитади, қулоқларни кесади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Аччиқ гап билан узиб олмоқ, аччиқ-тиззиқ, қаттиқ-қурум гап қилмоқ, гап билан чақиб олмоқ. *Дўст ачитиб гапиради, душман — кулдириб.* Мақол.

◆ **Жон(ни) ачитмоқ** 1) айн. жон(ни) койитмоқ 2; 2) жонни оғритмоқ. *Тун аёз, изғирик ел тўрт тарафга югуриб жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Мияни ачитмоқ** бошни ғовлатмоқ, гангитмоқ, миясини қоқиб қўлига бермоқ. [Абдурашу] «*Янги одамни авраб миясини ачитмасинлар, ўзим бориб бошлаб чиқа қолай» дедим.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Юракни ачитмоқ** раҳминини келтирмоқ.

**АЧИТҚИ** Ачитма хосил қиладиган нарса; ивитқи, туруш, хуруш.

**АЧИШМОҚ** 1 Ачиб оғримок, жизилламоқ. *Ярам ачишяпти.* — *Бас, Уроз, кўзимни кўр қилди тутун,— Йўлчи юм-юм ёш тўйиб, ачишган кўзларини ишқалаб, туртина-туртина эшикни тепиб очди.* Ойбек, Қутлуғ қон. У гоҳ қўлини қўлга ишқаларди, гоҳ тўхтамай чопарди, гоҳ ачишган.. юзларини сийпаларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Ичи ачишяпти** 1) қорни очлигидан ичи жизиллаб оғрияпти. [Йўлчи] қорни очганлигидан, ичи ачишиб, қандайдир бехузурлик сездди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ачиняпти, раҳми келяпти. Она ўглининг аҳволига қараб ичи ачишди. С. Ахмад, Чўл шамоллари. **Юраги ачишди айч. жони (ёки ичи, юраги) ачиди қ. ачимок.**

**АЧИШМОҚ** II ачимок 3 фл. бирг. н. **АЧИШТИРМОҚ** ачишмоқ I фл. орт. н. айн. ачитмоқ I. *Иод ярани ачиштирди.*

**АЧОМ:** ачом қилмоқ айн. ачомламоқ.

**АЧОМЛАМОҚ** бол. айн. кучоқламоқ. *Раъно буweisининг «болагинанинг болагинаси» деб эркалашларини, ачомлаб пешанасидан ўпишлари ..*

*яна аллақанақа одатларини кўмсарди* Х. Назир Сўнмас чақмоқлар.

**АЧОМЛАШМОҚ** ачомламоқ фл. бирг. н.

**АЧЧИҚ** 1 Тами, мазаси ўткир; оғзини ачитадиған, ачиштирадиган. *Аччиқ гармдори. Аччиқ дори.* | *Аччиқни аччиқ кесади.* Мақол. — *Палов исидан кўнгелим кетади .. Аччиқ нарсалар егим келади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Шундай тамли нарса кўп солинган. *Аччиқ шўрва.*

2 Нордон, тишни қамаштирадиган. *Аччиқ (донали) анор. Аччиқ олма.*

3 Сезги органларига қаттиқ таъсир қиладиган, ўювчи. *Аччиқ газ. Аччиқ тамаки. Аччиқ хид.* — *Жиққа хўл ўтин ёлғиз «пирс-пирс» қилиб, аччиқ заҳар тутун буриқтиради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Жазиллатадиган, жонни ачитадиған. *Аччиқ изғирин. Аччиқ совуқ.* — *Далаларда кеч кузнинг аччиқ шамоли эса бошлади.* С. Ахмад, Кадрдон далалар. У [Абдурашу] *дастлабки шикич муштининг аччиқ зарбини татиб кўргач, қоча бошлайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Шербек] *тўригини эгарлади.* *Ўзини эгар устига олар-олмас отга аччиқ қамчи босди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 *кўчма* Қишига қаттиқ тегадиган, кўнгилга озор берадиган; қаттиқ, нохуш. *Аччиқ истехзо. Аччиқ танқид. Ҳақ сўз — аччиқ сўз.* Мақол. *Ширин ёлғондан, аччиқ ҳақиқат яши.* Мақол. *Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.* Мақол. **Тили аччиқ** қишига қаттиқ тегадиган қилиб гапирадиган, гап билан узиб оладиган. *Элмурода рота командири ёқмади: қалампир, тили аччиқ, ҳар гапни писанда қилгандай бураб гапиради.* Шухрат, Шинелли йиллар.

6 *кўчма* Ғам-ҳасрат билан тўлиб тошган; аламли. У [Майна] *ўч олади. Оч, яланғочларнинг кўз ёши учми .. Оиладан махрум этилган Рисолат холаларнинг аччиқ кўргилликлари учун ўч олади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Оқди тинмай кўз ёши селларим, Ўтди шундай аччиқ йилларим.* Ғайратий. | Ғам-қайғуни, алам-изтиробни ифодалайдиган. *Аччиқ йиғи. Аччиқ ҳижоля.* — *Бунёдга келгандан бери қайғу-алам аримаган бу кенг ҳовлида она-бола ўз ҳасратлари, аччиқ ноалари билан қолди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Ольга эрининг кийимларини ювиб-тозалаб халтачага солиб бераркан, кўзларидан аччиқ ёшлар тўқар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. || [Жонфиғоннинг] *уйидан хотин қишининг аччиқ-аччиқ йиғлаган товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон.

7 *от* Қаҳр, ғазаб, жаҳл; зарда. *Аччиғинг кимга? Унинг аччиғи тез. Бургага аччиқ қилиб, кўрпангичи кўйдирма.* Мақол. — *Кумуш ўн беш кундан бери йиғлиб қолган аччиғини бир-варакай тўйиб солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Аччиғи чикди (ёки кел-**

ди, қистади) жахли чикди, ғазабни келди. Кампир йиғлаб юборган эди, Асрорқулнинг аччиғи келди. А. Қаххор, Асрор бобо. *Айтсам, яна аччиғини қистайди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Аччиғи бурнининг устида (ёки учда) бекорга, сэй нарсага жахли қистайверадиған одам ҳақида.— Ҳа, қизи тўшмагур. Нафасини ҳам чиқармайди-я. Аччиғи ҳам бурнининг учда, — деди Муромали. Ш. Рашидов, Вурондан кучли. | Жахли қистаган, ғазабланган ҳолат. Аччиқдан тушмоқ. — Нима гунҳ қилди? Каминга цэр сўрайманми! — деди-да, Йўли сеқингака ўз жойида ўтирди. Қўйдек шови «артдан бундай муомалани сира кўтмаган полиция билиғи аччиғидан туюқди. Ойбек, Қутлуғ қон*

8 от Қийинчилик, машаққат; ғам-ғусса, ғам-ҳасрат; азоб-уқубат. *Аччиқ билан чучуқни тотеги билур, узоқ билан Яқинни юрган билур. Мақол. Вар аччиқнинг бир чучуғи бор. Мақол. — Турмушининг аччиқларини тоғиб кўрган .. қадимги Битрак Абдураҳул бу кунларда ўз мўддасининг амалга оштуруғини ҳис этар эди. П: Турсун, Уқятувчи.*

◆ *Аччиқ чой қуюқ дамланган чой. Жон аччиғида қ. жон.*

**АЧЧИКЛАНИШМОҚ** аччиқланмоқ *фл. бирг. н.*

**АЧЧИКЛАНМОҚ** Жахли чикмоқ, ғазабланмоқ. *Бегим, гарчи аччиқлансанг ҳам, айтишга мажбурман. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**АЧЧИКЛАШМОҚ** Узаро қаттиқ-қурум гап қилишмоқ, ҳафалашмоқ. *Гулнор ўзи ким? Унинг туфайлидан оёдам билан аччиқлашдим. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**АЧЧИКЛИК** аччиқ с. белги оти. *Оқатнинг аччиқлиги. Талнинг аччиқлиги.*

**АЧЧИК-ТИЗЗИК** Қийинга қаттиқ тегадиган, алам қиладиган қаттиқ-қурум гаплар. *Никоҳ кўни ниманинг жўндандир қўданиг билан аччиқ-тиззиқ айтийибсан. Ойбек, О. в. шабадалар. | Қўй шў аччиқ-тиззиқ гапларини, кейинги вақтларда жуда жонимга тегди. Ойдин, Қўнгил тўлдири, яхши. Ўнгил.*

**АЧЧИК-ТИРСИК** диал. Аччиқ-тиззиқ.

**АЧЧИҚТОШ** Алюминий, хром, темир сингари металлларнинг сульфат кислота билан узаро таъсиридан ҳосил бўладиган тузлар (кўн сановатда ва медицинада қўлланилади).

**АЧЧИҚ-ЧУЧУК** I: дунёнинг аччиқ-чучуқлари ҳаётнинг лаззати ва ғам-ташвишлари. *Дунёнинг аччиқ-чучуқларини тотеги одам.*

**АЧЧИҚ-ЧУЧУК** II Туғралган помидор ва пнездан тайёрланадиган соғуқ овқат.

**АШАДДИ(Й)** [а] Утакетган, уччиға чикқан, бориб турган (фақат салбий маънода қўлланилади). *Ашаддий фирибгар. Ашаддий юлғич. Ашаддий бе-*

*зори. — Миллатчилар бизнинг душманларимиз, меҳнаткашларнинг ашаддий душманлари. П. Турсун, Уқятувчи. Мирза йигитим гулеур ашаддий шалоқ; бузуқ йағит экан. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**АШЕ** [а] (3-ш. бирл. ашәин ва ашәси) Ҳар қандай буюм, марса, предмет. *Уй-рўзгор ашәлари. Хом ашә. — Қотиб .. эзув ашәлари турган .. курси олдида тиз чўқди. Ойбек, Навоий.*

◆ *Ашәи далил юр. моддий далил, жиноятни тасдиқлайдиган буюм.*

**АШЕВИЙ** [о] ашәвий далил айн. ашәи далил қ. ашә.

**АШИР** [а] I: ашйр ойн с. т. айн. муҳаррам ойн қ. муҳаррам.

2 Ашир (эрқақлар исми).

**АШТАҚ** диал. Аштгақ-паштақ.

**АШТАҚ-ПАШТАҚ** Данагини ажратиб олиб ва ўрнига мағиз солиб қуритилган ўрик, мағизли туршақ.

**АШУЛА** Якка жонанд; группа ёки хор ижро этидиган вокал асар; кўшиқ. *Ўзбек халқ айтуллари. Хор айтуласи. — Гуландом .. дуторни чертиб, енгил, йўғ айтулани бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай асар ижроси; шундай асар ижро этилаётгандаги овоз; куй. Доғла чапақ чалибди, айтулаё қўйилди. А. Қаххор, Мийг бир жой. Узокдан қўш ҳайдаб юрган йигитнинг айтуласи эшитилди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

◆ *Эски ашула эски гап; кўп гапирилган гап. Бу гап [Ҳажий] Ўзбек ойимнинг дийа эски айтуласини .. тўзим-сизлик билан кўтар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**АШУЛАЧИ** Ашула айтувчи, хонанда.

**АШША** бол. Ош, иссиқ овқат.

**АШЪОР** [а] эск. кт. Шәър; шәърлар, байтлар. [Навоий] форсий ашъорда «Фоний», туркий ашъорда «Навоий» тахаллус қўлаган. Ойбек, Навоий.

**АШҚОЛ-ДАШҚОЛ** ё. т. Рўзгорда ёки бирор қасб-корликда керак бўладиган нарсалар, буюмлар; қақир-қўқир, лаш-луш. *Тўртинчи аравада чодирлар, кўрпа-туштаклар, жўнаб кетаётганларнинг ашқол-дашқоллари. С. Анорбоев, Оқсой.*

**АЪЕН** [а] эск. кт. Юқори мансабли, баланд мартабали кишилар; амалдорлар. *Хиротнинг ақобир ва аъёнлари эси янги подшога яхши кўриниб, ундан янги румбалир, янги сўбоғоллар олиш ниятида уни тўрт кўз билан кутдилар. Ойбек, Навоий.*

**АЪЗАМ** [а] I эск. кт: Улуғ, буюк. *Подшоҳ(и) аъзам. Император(и) аъзам. Вазир(и) аъзам тар. бош вазир. Вазир аъзам подшога қўлуқ қилиб, .. жарчи жўнатди. «Эртақлар».*

2 Аъзам (эрқақлар исми).

**АЪЗО** [а] I Одам ёки ҳайвон организмнинг муайян бир вазифини бажарувчи қисми. *Сезги аъзолари. Ички аъзолар.*

2 Кишининг бутун вужуди, жон-

-тани. — *Сиз нима жавоб бердингиз? — деди бутун аъзосини титроқ босган Гулсумбиби қичқириб. Ойбек, Қутлуғ қон. Аъзойи бадан бутун аъзо, бутун вужуд, жон-тан. Унинг [Ҳамроқулнинг] аъзойи бадани қақшаб, камонча тутгани мадори қолмади. А. Қаххор, Томошабоғ.*

3 Бирор ижтимоий гуруҳ, коллектив ёки жамиятга майсуб хар бир киши. *Оила аъзолари. Экспедиция аъзолари. | Бирор ташкилот, уюлма, иттифоқ ва ш. к.га расмий қабул қилдинган ёки сайланган киши; бирор уюшмага кирган ташкилот, мамлакат. Партия аъзоси. Касаба союз аъзоси. Делегация аъзолари. — Адолат бюро аъзоларининг қизғин гапларини эшитди-ю, ammo улар нима қарорга қелишганини аңглай олмади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

◆ *Муҳбир аъзо қ. муҳбир.*  
**АЪЗОЛИК** аъзо с. маъ. от. *Касаба союз аъзолиги. Партия аъзолиги. Аъзолик вэноси. Аъзолик ҳақи. Аъзоликка қабул қилинмоқ.*

**АЪЛАМ** [а] I эск. дин. Шарият қонун-қоидалари юзасидан беришган, фатовони тасдиқ ёки рад этувчи диний арбоб; бош муфти. *Маросимга етиб келган қози, мингоши, ағлам, муфти, домла-имомларга ўз мартабалирига қараб «аъло», «авсат» чанонлар кийдирилмоқди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Валлоқи аълам қ. валло(қи).*

2 Аълам (эрқақлар исми).

**АЪЛЮ** [а] I Сифати, фазилатлари жиҳатидан энг яхши, энг юқори; асил. *Аъло мол. | Доно дурдан аъло. Мақол. — [Қумуш] .. ҳозирги энг кучли ҳаяжон ва ҳиссиётини ҳиссиётнинг аъло ифодаси бўлган ёш билан тўқар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Аъло деб билмоқ ёки аъло кўрмоқ афзал кўрмоқ. [Ермат:] Мен сизни ўз қизимдан аъло кўрардим. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Уқув юртларида: беш балли системада энг юқори баҳо. *Ҳўп, ҳозир кўраимиз .. «Яхши!» .. «Урта» .. «Урта» .. Қанти «аъло»? Рўсқадан нима учун «яхши»? А. Қаххор, Айб кимда.*

3 Аъло (эрқақлар исми).

◆ **Ариш(и) аъло қ. ариш** I I.  
**АЪЛЮЧИ** I Ҳамма асосий фанлардан аъло баҳо олган ўқувчи; аъло ўқувчи. — *Икковимиз ҳам бир институтда ўқидик. У [Муҳаррам] ҳам аълочи эди, — деди Элмурад. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Ўз ишини, вазифасини аъло даражада бажарувчи ёки фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи. *Аълочи бригада. | Корхона аълочиси. Жанговар ва сийсий тайёрлик аълочиси.*

**АЪМОЛ** [а] эск. кт. Қилинган ёки қилинадиган иш(лар); фаолият. *Тақдиримиз, тўлемиз, аъмолимиз бир. «Ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига мактуби».*

◆ **Номаи аъмо** қ. нома.



**АБРОФ** *фр.* аэрофда қолган аро йўлда қолган; на у ёқли, на бу ёқли бўлган; икки жаҳон овораси бўлиб қолган.

**АЭРОВОКЗАЛ** *[р]* Аэропорт вокзали. **АЭРОДИНАМИК** *[р]* аэродинамический Аэродинамиката оид. *Аэродинамик лаборатория. Аэродинамик труба.*

**АЭРОДИНАМИКА** *[р]* Ҳаво ва газларнинг ҳаракатини ва уларнинг қаттиқ jismlар ҳаракатига кўрсатадиган таъсирига ўрганадиган фан.

**АЭРОДРОМ** *[р]* Учиш аппаратларининг туриши, учиб кетиши, қўниши учун керакли барча иншоотлари бўлган кенг майдон.

**АЭРОКЛУБ** *[р]* Авиация ҳаваскорларининг клуби; авиация билан шўгулланиувчиларнинг оммавий ташкилоти.

**АЭРОМЕХАНИКА** *[р]* Механиканинг газларнинг мувозанати ва ҳаракатини ўрганадиган бўлими.

**АЭРОНАВИГАЦИЯ** *[р]* Учиш аппаратларини белгиланган йўлдан олиб бориш ҳақидаги фан; ҳаво навиацияси.

**АЭРОПЛАН** *[р < грек + фр]* айн. самолёт

**АЭРОПОРТ** *[р]* Ҳаво линияси трассасида жойлашган ва транспорт авиациясининг муносабат қатновини таъминлаб туриш учун керакли иншоотлар билан жиҳозланган аэродром.

**АЭРОСТАТ** *[р < грек]* Ҳаводан енгил учиб аппарати; ҳаво шари.

**АЭРОСТАТИКА** *[р]* Ҳаво ва газларнинг мувозанат қонунлари ҳақидаги фан.

**АЭРОСЪЕМКА** *[р]* айн. аэрофото-съемка.

**АЭРОФЛОТ** *[р]* Ҳаво флоти, учиб аппаратлари мажмуи, авиация.

**АЭРОФОТОСЪЕМКА** *[р]* Самолетдан ёр ва ердаги нарсалар суратини олиш; шў усулда олинган сурат.

**АЭРОЧАНА** Моторли паррак воситаси билан йўрадиган чана.

**АЯ** *диал.* 1 Она, ойна. *[Мурзакарим-Фозил:] Қалай, онаң бақувватми? [Йилчи:] Аяй, шўкур, соғ-саломат.* **Ойбек,** Қўтлуғ қон.

2 Тарбиячи аёл, мураббия.

3 Ҳурмат юзасидан аёллар номига қўшиб айтилади ёки аёллар номининг таркибий қисмини ташкил этади. *Ҳадича ая.* Нури ая.

4 Уздан катта аёлларга ҳурмат билан муражаат қилиш формаси. *[Хонзода Фозир:] Белингда белбоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган аркаксан? [Фозир:] Ая! Ҳақорат қилманг! Ҳамза, бой ила хизматчи.*

**АЯЛМОҚ** аямқ *фл. мажх. н.*

**АЯМАЖИЗ** *с. т. айн.* аяём(и) ажуз қ. аяём.

**АЯМОҚ** 1 Раҳм-шафқат қилмоқ, раҳмдиллик кўрсатмоқ. *Аямасдан урмоқ.* Аямасдан танқид қилмоқ. *Евни аяган яра ер.* Мақол. — *Мажлисда катта-кичик деган гап бўлмайди, гап келганда отаёни ҳам аям!* — деди Сафаров. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Эсиз деб билмоқ, хайф кўрмоқ; қизганмоқ. *У мендан ҳеч нарсани аямайди.* — *Мен биров билан ошначилик қилсам, ҳайто, ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа тиришман.* А. Қодирий, Утган кунлар. — *Мулла Абдураҳмон ўзимизники! — деди маҳдум, — абабатта Мирзо Анвар қўлидан келган ёрдамни аямас.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Эҳтиёт қилмоқ, пайпасламоқ. *Аяган кўзга чўп тушар.* Мақол. | *Тежаб-тергамоқ.* Гоҳи маҳаллар Барот полдон нафасини ўнглаб олиш учун пича ўтириб дам олса, Фуломжон нафас ўнлашига кетадиган вақтини ҳам аяйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АЯНЧ** Кишининг раҳмини келтирадиган, ачинтирадиган; ачирарли. *Аянч қиёфа.* — *Фуломжон.. Матқовулнинг аянч аҳволига.. қараб юраги эзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АЯНЧЛИ** *[ айн.* аянч.

2 Ачйиши хиссини уйғотадиган; ҳазян. *Аянчи товуи.*

**АЯЧА** 1. ая с. эрк.

2 *диал.* Еш аёлларга мурожаат формаси.

**АЯШМОҚ** аямқ *фл. бирг. н.*

**АҚАЛЛИ** *[а]* (асосан бўлишсиз феъл формалари билан) рви 1 Лоақал, жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаганда, жилла кўрса. *Худди мана шу далай шийпоний ўрннда кесак дееор, настйк шийпоний бўларди.* Ҳозиргидек дераза эмас ақалли тушунги ҳам йўқ эди. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийни кезганда. *Низоранинг бепарвогича қайтарган жавоби, юзид ақалли қитдай ҳам ўзгарши сезилмагани Хўжабековнинг газабинчи қайнатили. С. Анорбоев, Оксой.*

2 Ҳатто, лоақал. *Чўпон усталик билан олоиларидан ўтдики, ҳеч бирлари ақалли сезмадилар ҳам.* «Эртақлар».

**АҚИДА** *[а]* *кт.* 1 Кўр-кўрона ишонига, эътиқодга асосланган далилсиз ва исботсиз қонда, догма. *Диний ақидалар. Сивсий ақидалар.* — *Дунёдаги халқларнинг кўпчилиги ўртасида.. ер юмалоқ эмас, балки япалоқ, деган афсона юрарди. Бизда ҳам худди шундай ақида ҳозиргача ҳукм суриб келди, — деди Элмурод.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Ишонч; ишонч билан айтилган ёки қаттиқ ишонилган фикр, мулоҳаза. *Ҳар икковларининг [отам билан уста амакимининг] айрим одамлар ҳақидаги фикр ва ақидалари бир эди.* Айний, Эсдалйқлар. *Ақида қилмоқ* ўйламоқ, .. деб билмоқ. *У бу кунгача «Саудий менинг қўлимда бир зувала хамир: тиласам — қулча қиламан, тиласам бўғирсақ» деб ақида қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Ақида (*хотин-қизлар исми*).

**АҚИДАПАРАСТ** *[а+ф+т]* *салб.* Ақидаларга кўр-кўрона ишонувчи, ақидаларга ёпишиб олган киши, догматизм тарафдори; догматик.

**АҚИДАПАРАСТЛИК** ақиданараст *с. мажх. от.*

**АҚИРМОҚ** *диал.* Бўкирмоқ (бир-кч хайвонлар ҳақида).

**АҚИҚ** *[а]* 1 *от* Турли рангли қимматбаҳо тош; ҳақиқ (зеб-зийнат буюм-ларига йшлатилади). *Қўзқалон сийдиқларни очиб кўрсатди: баъзиларида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва маргарид, .. баъзиларида зеб-зийнатлар тўла эди.* Айний, Дохуфта.

2 *сфт* Қизғиш-зарғалдоқ рангли, қирмизи. *Ақиқ лабига югурган қўзғини тишлаб яширди қиз.* Ш. Фуломов, Соф хаво.

**АҚИҚА** *[а]* *эск.* Ойтада «янги мехмон», яъни чақалоқ дунёга келганлиги муносабати билан бериладиган эътифат (шу маросимда болага от қўйилади). *[Имом] китобларда фарзанднинг отага бир неча ҳаққи бор деганлар: .. отар бола ўғил бўлса, аққа қўй сўйаб, отар қиз бўлса, бир қўй сўйиб, тўғилган кунининг еттисида ақиқа қилиши фарз.* Айний, Дохуфта. | *Тўғилган кун муносабати билан бериладиган эътифат.*

**АҚЛ** *[а]* 1 *Одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти. Одам — ақл эгаси.* *Одамни ақл ажратиб туради.* *Соғ танда соғ ақл.* Мақол. *Ақл танда эмас, бошда.* Мақол. — *Ана ҳоло! Худо сенга бир ботилон кўч берган.* — *Бир мисқол ақлни аяган! — дед қичқарди Али ташжан бўғиллаб.* *Ойбек,* *Кўеш қораймас. | кўима Шундай қобилият эгаси.* У [Леңин] яратган нартга даримиз ифтихори, Заҳабамиз пороки, ақли ҳам виждонидир. Э. Раҳим, Янги қадам.

2 Заковат даражаси; фаҳм-идрок, зехн, донишмандлик, етўқсик. *Ақдан ортиқ бойлик йўқ.* Мақол. *Пял топ-гунча ақл топ.* Мақол. — *Сочининг оқи қариллиқдан эмас, ақидан.* *Ойбек,* *Кўеш қораймас. Ақли расо (ёки бутун) 1) эси, мянси бутун, психик жиҳатдан соғлом; 2) мянси тўла, интеллектуал жиҳатдан етук, заковатли. [Набиеул Қодирев:] Сендай ақли расо, тушуннадиган одам бўлмай; заковатдан кетмас эдим.* А. Қаҳҳор, Кавотсиз читтақ. *Ақли қисқа (ёки кайта) ақли, фаҳми-фаросати йўқ; калтафаҳм.*

3 Эс-хуш; мяя. *Отанг борида йўл тани, ақлинг борида эл тани.* Мақол. *Ақлинг жойидими? Ақлдан эзмок (ёки ёзмок) эяни йўқотмоқ; жинни бўлмоқ.*

4 Мулоҳаза, маस्ताҳат. *Қўндан кўп ақл чикар.* Мақол. — *Бешта ёки ас, бир ақл топ.* *Ойбек,* *Кўтлуғ қон.* *Вайшарти; мен бу ваҳшатга шитмоқ қилган бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўйилинган бўлман?* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ақл билан мулоҳаза билан, ўйлаб.* *Бу тўғрида ўз ақлинг билан аш қил бежоқчиман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

♦ *Ақл тиши* одагда 20 ёшта тўлгандан кейин чиқаётган энг четки жар тиши. *Ақл бовар қилмайди одем ишонгиси келмайди; тасаввур қилиб бўлмайди.* *Ақл бовар қилмайдиган нарс.* — *[Отабек] бу кунги бега даҳққа ора*

сида бўлиб ўтган воқеани ҳеч бир йўсин билан миясига сиғдира олмас, чиндан бўлган иш, деб ўйлашга ақли бовар қилмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ақл етмайди 1) айн. ақл бовар қилмайди. Тўғри илми бор, яхши илми бор! Баъзан ҳеч ҳаёлга келмаган, ақл етмайдиган нарсаларни айтади, лекин ёш! А. Қаххор, Қўшчинор; 2) ишонч комил эмас. Унинг келишига ақлим етмайди; 3) тушунишга ожиз. «Уроли қаерда» дейди кампир, лекин ақли етмайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ақли шошди 1) ҳайрон қолди, ажабланди. Виставакни кўрганларнинг ақли шошди; 2) гангиб қолди, нима қилишни билмай қолди. Ана шу ерга келганда кўпларнинг боши гангиб, ақли шошиб қолди. Ҳ. Фулом, Машъал. Ақлга сиймайди айн. ақл бовар қилмайди. Ақлини йўқотди айн. ақли шошди. Ақлини олмоқ маҳлиё қилмоқ; мафтун қилмоқ. Қулиб келиб менинг ақлим олсан. Ноз қилиб бўйнимга қўлинг солсан. «Кўшиқлар».

**АҚЛ-БОШ** айн. ақл-хуш. —

**АҚЛИЙ** [а] Ақл-идрок фаолиятига, фикр юритишга оид; интеллектуал. Ақлий қобилият. — Бондарь ана шундай пайтларда жуда иш берадиган ақлий тезлик билан фикр қилиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар. | Ақл-идрок ишлатишни талаб қиладиган. Ақлий меҳнат.

**АҚЛЛАШМОҚ** Фикр олишмоқ, маслахатлашмоқ; муҳокама қилмоқ. Етиғи билан айтинг, афандим, ўзи нима гап? Уртага ташланг! Ақллашайлик. С. Аҳмад, Хукм.

**АҚЛЛИ** 1 Ақли расо, мияли. Ақлли бола. Ақлли йигит. — Муаллим ўрта яшар, ақлли, ёшларга меҳрибон киши эди. Ойбек, Нур қидириб. Ақлли кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини. Мақол. | Зийрак, фахмли, хушёр (хайвон ва қушлар ҳақида). Ақлли ит. — Даврага эълолчи чиқиб: — Ҳов, яхшилар, ҳозир биз сизларга номларни: ақлли отлар ўйинини .. кўрсатамиз,— деди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Ақл билан вужудга келган; фахм-фаросатдан, билимдонликдан далолат берадиган. Ақлли табдир. Ақлли иш. — Унинг [Давлатёрнинг] баъзан лўнда ва ақлли гапларини эшитганда Элмурод ҳузур қиларди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**АҚЛЛИЛИК** 1 ақлли с. белги оти. 2 Ақл билан қилинган иш. Вақтида ўқиб ақллилик қилгансан.

**АҚЛЛИ-ХУШЛИ** Ақли-зеҳни жойида; дид-фаросатли. Ақлли-хушли йигит.

**АҚЛСИЗ** 1 Ақли йўқ, беақл. Мусулмонқул .. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни [Худоёрни] хон кўтариб, биз елкасига минди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Офтоб ойм Тўйбекани қарғаб берди: — Сен, ақлсиз ўлеур, Қумушни уялтиргансан! А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ақл ишлатмасдан қилинган, аҳмоқона. — Бундоқ ақлсиз ишларни қўйлик, хотин! — деб мулойимона сўзлаб кетди [Ҳожин]. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АҚЛСИЗЛИК** 1 ақлсиз с. белги оти. 2 Ҳўламасдан қилинган, аҳмоқона иш. Бу ақлсизликдан бошқа нарса эмас.

**АҚЛ-ХУШ**, ақлу-хуш Эс-хуш, фахм-идрок, фаросат. Элмурод ҳаёл ичида аста-секин одимлар экан, гапирди: Узининг ақли-хуши жойидами? Кўришишдан ёмонга ўхшамайди-а, ўзи!? П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**АҚОЙД** [а] кам қўлл. Дин қондалари.

**АҚРАБ** [а] 1 (А — катта) астр. Ҳн икки буржнинг бири; Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи (22 октябрь — 21 ноябрь даврига тўғри келади). Ёзга пайвор куз эди, қишга ҳам баҳор, Ҳамал сула ёр эди, ақраба ҳам қор. Шайхзода.

**АҚРАБО** [а] эск. кт. Яқинлар, ёр-биродарлар, ёр-дўстлар. Оҳ, ким ҳолимни сўрмас ошнолардин бири, Ошнолар, балки ҳешу ақраболардин бири. Муқимий.

**АҚЧИ** айн. пул. [Ҳусайн:] Хазинамдан ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободлиги учун сарф этишга вағда бераман. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**АҒНАМОҚ** айн. ағнамоқ.

**АҒДАРИЛМОҚ** 1. ағдармоқ 1—6 фл. мажҳ. н.

2 ағдармоқ 1, 2,5 фл. ўзл. н. [Отабек секингина ўнг ёнига ағдарилиб, ҳовли томонга қараб ётди. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ Кўнгли ағдарилди кўнгли беҳузур бўлди.

**АҒДАРИШМОҚ** ағдармоқ фл. бирг. н.

**АҒДАРМА** 1 Ичи сиртига, ости устига ағдарилган. Ағдарма чакмон. Ағдарма этик хом теридан ичи сиртига қилиб тикилган этик. Йигитнинг уст-боши, ёмғирда олиб кетган ағдарма этиги кўнжигача лой эди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Юкини ўзи ағдарадиган. Ағдарма арава.

**АҒДАРМОҚ** 1 Тикка ҳолатдан ётқизмоқ; йиқитмоқ. Бирлашган тоғни ағдарди. Мақол. — Оқсой қирғоқлардан ошиб-тошади .. Қўкка бўй чўзган, марур дарахтларни ағдариб, арзимаган бир хасдай оқизади. С. Анорбоев, Оқсой. | Отиб ёки уриб, чопиб йиқитмоқ, ўлдирмоқ. Энди у автоматдан ўқ узиб, гитлерчиларни ағдара берди. Н. Сафаров, Жангчи шоир. [Йўлчи] бирпасда икки мириабни ғишт устига ағдариб ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Иддини тўнқариб ундаги нарсани бўшатмоқ; қуймоқ, тўкмоқ. Қосадаги сутни тоғорага ағдармоқ. Қўмирни ерга ағдармоқ. Қондаги картошкани

ўрага ағдармоқ. — Солдат йигит консервани очиб, тарелкага ағдарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Остини устига қилмоқ, ичини сиртига, бир томонини иккинчи томонига айлантирмоқ. Қостомни ағдариб тикмоқ. — [Умурзоқ ота] декдадаги балки куйиб кетаёзганини кўриб, уни капгир билан ағдариб қўйди. Ҳ. Фулом, Машъал. [Охун] жулдур чопонини тимирскилаб, у ёқ бу ёғини ағдариб, уч сўмлик шалдироқ қоғоз олиб ўртага ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Остини устига қилиб чопмоқ ёки ҳайдамоқ. Қурбонали билан хотини трактор ағдариб кетган ер тепасига бориб, ер атрофига таноб тортиб, қозик қоқдилар. Н. Сафаров, Қурбонали. | Остин-устин қилиб аралаштирмоқ. Пичанни ағдармоқ.

5 Кўйма Ҳокимият тепасидан ёки юқори мансабдан туширмоқ; олиб ташламоқ, итқитмоқ. У [Йўлчи] деди: .. жамики меҳнаткашлар яқтан бўлиб чиқса, бойларни ва қонхўр Николайни ағдариб ташлаши аниқ гап. Ойбек, Қутлуғ қон. | Йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ, улоқтириб ташламоқ. [Қорабулоқликлар] елкаларида эзиб келган қора қашшоқликни ағдариб ташлаш умидида шод ва хуррам бўлиб борадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Жабҳаларда хушёр тур, топмасин омон душман, Ағдариб бало тоғин бор-йўғини яқсон қил. Ғайратий.

6 Кўйма Ноҳақ бировга тўнкамоқ (айб, жиноят ва ш. к.ни). Салим ҳам бутун айбни Йўлчига ағдариб, ўзини қуруққа тортиди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Бировга] бўҳтон ағдармоқ бўҳтон қилмоқ, тухмат қилмоқ.

◆ Астар-аврасини ағдармоқ айн. авра-астарини ағдармоқ қ. авра-астар. Йил ағдармоқ мучал йил ҳисобидан фойдаланиб, туғилган йилини аниқламоқ. Кўнгилини ағдармоқ кўнгилини оздирмоқ. Ўзига ағдармоқ 1) ўз томонига ўтказмоқ, ўзига тортмоқ, жалб қилмоқ; 2) ўзлаштирмоқ. Гапиринг, Абдишукур, жухуднинг пулини қандай қилиб ўзимизга ағдарамиз? Ойбек, Қутлуғ қон.

**АҒДАРТИРМОҚ** ағдармоқ фл. орт. н.

**АҒДАР-ТЎНТАР** Алғов-далғов, тартибсизлик. Ағдар-тўнтар бўлмоқ. Ағдар-тўнтар қилмоқ 1) остин-устин қилмоқ, бутунлай бетартиб қилиб ташламоқ; 2) обдон кавлаштирмоқ, синчиклаб текширмоқ, ахтармоқ, тинтимоқ. — Орлов мелисалари [милициялари] билан ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилайтибди,— деди Фани ота. Ҳ. Фулом, Машъал.

**АҒЁР** [а] эск. кт. 1 Ғайрлар, ўзгалар, бегоналар.

2 Рақиб; рақиблар. Билмам на гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл? Ё рашик ила ағёрим бегона қилиб кетди. Ҳамза.

3 Душман, ёв, душманлар, ёвлар. **АҒНАМОҚ** 1 Ётиб олиб у ёнбоддан

бу ёнбошга ағдарилмоқ, юмаламоқ. Тупроққа ағнамоқ. Майса устида ағнамоқ. Қорда ағнамоқ.

2 Ағдарилмоқ, қуламоқ, йнқилмоқ; узала тушмоқ. Терак ағнади. Нарвон ағнай деб турибди. — Қамолжон Остонақулнинг бир турткиси билан ботқоққа ағнаб тушди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги. Бектемир пулемёт ёнида ағнаб ётган душманга тикилиб, кейин милитигини ҳавода силкиб, ўртоқларига ишора қилди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бир ёнига йнқилмоқ, қуламоқ ёки тўнкарилмоқ (арава, автомашина ва ш. к. ҳақида).

◆ **Ажрикқа ағнагандай қ. ажрик.**  
**АҒНАТИЛМОҚ** ағнатмоқ *фл. мажх. н.*

**АҒНАТИШМОҚ** ағнатмоқ *фл. бирг. н.*

**АҒНАТМОҚ** ағнамоқ *фл. орт. н.* Столни ағнатмоқ. Аравани ағнатмоқ.

**АҒНАШМОҚ** ағнамоқ *фл. бирг. н.* Болалар қорга ағнашди.

**АҒРАЙМОҚ** с. т. Анграймоқ.

**АҲА** *унд. с. 1* Бировнинг қийин аҳволдан кулиш, масхаралаш, истехзо, танбех ифодалайди. Аҳа, энди қалайчан?! Аҳа, қўлга тушинг-ку!

2 Дўқ-пўписани ифодалайди. Аҳа, ҳали гап шуми, шонмай тур!

3 Тасдиқ, таъкид билдиради. Йўлчи .. ўйлади: «Аҳа, бойвачча кўёвдан зерикканга ўхшайди». Ойбек, Қутлуғ қон.

**АҲАМИЯТ** [а] Қишилиқ ҳаётда, воқелиқда тугган ўрин, қиймат, муҳимлик; эътибор. Масаланинг аҳамияти. Ишининг аҳамияти. Давлат аҳамиятига эга бўлган масала. **Аҳамият бермоқ** диққат қилмоқ, эътибор бермоқ. **Шоқосим унинг** [Йўлчининг] сўзларини яхши эшитмадимми, ё аҳамият бермадимми, индамади. Ойбек, Қутлуғ қон. **Аҳамияти йўқ** 1) қиймати йўқ, муҳим эмас. Аҳамияти йўқ. Мана бу сўнги икки нарса устида берган маслаҳатларингиз менинг учун қийматли. А. Қаххор, Сароб; 2) зарари йўқ, ҳеч қиси йўқ. — Сизни безовта қилдим, кечирасиз. — Аҳамияти йўқ.

**АҲАМИЯТЛИ** Муҳим аҳамиятга эга бўлган, муҳим; эътиборли. Аҳамиятли ши. Аҳамиятли гап. — Йигинда аҳамиятли бир масала кўрилиб қолса, қишлоқдилар тез-тез мулла Обидга маъноли қилиб қарашади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**АҲАМИЯТСИЗ** 1 Унча аҳамияти бўлмаган, муҳим бўлмаган; эътиборсиз. Аҳамиятсиз камчиликлар. || **Анвар .. нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизликдан ажратиб, ҳудайчига топшириш учун тайёрлар .. эди.** А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Анчки, арзимайдиган; зарарсиз. Бўксам устига бир оз ханжар учи тегиб ўтган бўлса ҳам, аҳамиятсиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

**АҲБОБ** [а] *эск. кт.* Дўст; дўстлар, қадрдонлар.

**АҲВОЛ** [а] 1 Мавжуд ёки юз берган, туғилган ҳол, вазият. Қўнғилсиз аҳвол. Оғир аҳвол. Халқаро аҳвол. — Йўлчи Қоратойдан замон аҳволини сўради. Ойбек, Қутлуғ қон. Аҳвол борган сари оғирлашди. Погодин қўшинлари ярим ҳалқа ичида қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Турмуш шароити; ҳол-аҳвол. Аҳволнингиз қалай? — Йўлчи Шокир отанинг аҳволини, тирикчилигини сўради. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ички ҳолат, кайфият, авзо. У [Жўраҳон] шу аҳволида кеча Ғулможон олдига жон олиш қасдида келган жононга сира ўхшамасди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Аҳвол(ни) руҳия *эск. кт.* руҳий ҳолат, кайфият, авзо. Эъзохоннинг аҳволи руҳиясини жуда яхши тушуниб олган. . Тозаул дугонасининг қалбиди, руҳиди, кайфиятида бугун юз берган ўзгаришини .. сўрашга ботина олмади. Ҳ. Ғулум, Машғал. | Ташқи кўриниш, қиёфа. Аҳволинени қара, тагин сен ҳаммомга тушган боласан, чиннидек кўйлакни нима қилдинг! Ойдин, Узи монанд.

**АҲВОЛОТ** [а] Ҳол-аҳвол, вазият, шароит. [Раҳмат Отабекка:] Отам сиз билан ўтиришиб, Тошкент аҳволати тўғрисида сўзлашмаққа муштоқдирлар! А. Қодирий, Утган кунлар.

**АҲД** [а] 1 Қатъий сўз, қарор, ваъда, лафз. Аҳд қилмоқ. Аҳдиди турмоқ. Аҳддан қайтмоқ. Ватанига, аҳдига аҳду ўзбек пахтакорлари бир доvon ошди. — Аввалда олиб кўнгим чин аҳду вафо билан, Охирда жафоларга хамхона қилиб кетди. Ҳамза. Сизни жуда кўп эсладим, жуда кўп ўйладим, кейин шу хатни ёзишга аҳд қилдим. О. Ёқубов, Тилла узук.

2 Шартнома, келишув, битим. Тинчлик аҳди. Аҳд қилишмоқ *айн. аҳдлашмоқ.* [Тантубойвачча] кечкурун Гулнорга боришга вагончи билан аҳд қилишганлиги ёдига тушди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**АҲДЛАШМОҚ** 1 Гапни бир жойга қўймоқ, ваъдалашмоқ, бир-бирга қатъий сўз бермоқ. Улар ўн йиллик нормани бажаришга аҳдлашдилар. [Ёқутбика:] Жон Полвон ога, мени кўзмами, даштгами олиб кетинг. [Полвон:] Севганим бор, бика, аҳдлашганмиз. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *расм.* Узаро шартнома тузмоқ, битимга келишмоқ. Аҳдлашувчи тарафлар савдо .. га доир ҳамма масалаларда бир-бирларига энг қулай режими яратиб берадилар. «СССР Олий Совет ведомостлари».

**АҲДНОМА** [а+ф-т] Расмий шартнома, битим; пакт. Узаро ёрдам тўғрисида аҳднома. Дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги аҳднома. Аҳднома тузмоқ. Аҳдномани тасдиқламоқ.

**АҲД-ПАЙМОН** [а+ф-т], аҳду паймон Узаро қатъий келишув, битим, ваъда. Охири оналар ичкарида нон ушатдилар-у, ташқарига «Замира билан Муҳаммаджон ўқшидан кейинга

аҳд-паймон қилди» деб маълум этдилар. П. Қодиров, Уч илдиз.

**АҲЁН** [а]: аҳёнда ёки аҳён-аҳёнда 1) хар замон-бир замонда, гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида. Бу икки улфат аҳёнда мана шундай дилкашлиқ қилганларида суҳбат боддан оёқ икки мавзудан четга чиқмас эди. А. Қаххор, Ужар. Аҳён-аҳёнда Қурбон ота ўтмишини ҳикоя қилиб қолса, Бегижон учун у мудҳиш ва афсонадек бўлиб туйилар эди. Н. Сафаров, Шарқ тонги; 2) у ер-бу ерда, сийрак. Аҳён-аҳёнда жангчиларнинг каскалари кўриниб қолади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**АҲИЛ** [а] Бир ёқадан бош чиқарган, бир жон-бир тан, тотув, иттифоқ, иноқ. Аҳил оила. Аҳил коллектив. || Аҳил яшамоқ. Аҳил бўлмоқ.

**АҲИЛЛИК** 1 аҳил с. белги оти. Оғанилар ўзларининг аҳиллиги бир-бирига меҳри, шафқати билан ҳаммининг диққатини жалб этар, ҳавасини келтирар эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Аҳил кишиларга хос ўзаро муносабат, тотувлик, иноқлик. Аҳиллик билан иш қилмоқ. Аҳилликда яшамоқ.

**АҲИЛЧИЛИК** *айн. аҳиллик* 2.

**АҲЛ** [а] 1 Бир соҳа, касб ёки доира одамлари. Аҳли илм (ёки илм аҳли). Аҳли дониш. Аҳли зако. Аҳли маърифат. Деҳқон аҳли. Хонадон аҳли. Аҳл раста тар. бозорда хусусий мағазин ёки дўконларнинг эгалари, хўжайинлар, савдогарлар. **Ҳотин аҳли** *эск. хотин-қизлар, аёллар.* [Мирзақаримбой Йўлчи:] Биласан, хотин аҳли могага ўч бўлади, алаҳхусус, сандиқдаги молни ер-кўкка ишонмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор жойда истиқомат қилувчи, яшовчи кишилар; аҳоли. Шаҳар аҳллари. Қишлоқ аҳли. Маҳалла аҳли. — Шаҳидбек маҳдумнинг маҳалла аҳллари билан бўлиб, Худоёрхон закотчиларининг биридир. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Қатнашчи. **Мажлис аҳли.** — Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб, Мустафо Содиқни олқишладилар. Ойбек, Нур қидириб.

**АҲМОҚ** [а] Ақлий жиҳатдан чекланган; тентак. Аҳмоқ дўстдан ақлли душман яхши. Мақол. Аҳмоқ ўзи билмас, билганнинг сўзига кирмас. Мақол. | Тутуруқсиз ёки ножўя хатти-ҳаракатлар қиладиган ёки уларга йўл қўядиган, бемаъни. Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса — қариганини. Мақол. Аҳмоққа жавоб — сукут. Мақол. Аҳмоқнинг катта-кичиги йўқ. Мақол. — Иккиси ҳам аҳмоқ. Иккисининг йўли ҳам, менимча, гумроҳликдан бошқа нарса эмас, ... — деди Йўлчи секингина. Ойбек, Қутлуғ қон. **Аҳмоқ қилмоқ** лақнлатмоқ, алдамоқ. Аҳмоқ аҳмоқ эмас, аҳмоқни аҳмоқ қилган аҳмоқ. Мақол. | сўк. Ақлсиз, тентак, ярамас. — Аблаҳ одам экансан! — деди [имом]. — Сиз ҳам аҳмоқ мулла экансиз! — деди Сафар ўғзи. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**АҲМОҚГАРЧИЛИК** с. т. айн. аҳмоқлик 2.

**АҲМОҚЛИК** 1 аҳмоқ с. белги оти. 2 Аҳмоқона хатт-ҳаракат; ноҳўя иш. [Мирзакаримбой:] У аҳмоқликимга айтадман, қариндош! Ойбек, Қутлуг қон — Агар Фотима шунга тегса, аҳмоқлик қилади. У устидан яттирагани билан, асли паст одам — деди Мўса. Ғ. Турсун, Уқитувчи.

**АҲМОҚОНА** [а+ф+т] Аҳмоқларга ҳос бўлишда, аҳмоқларча, тентақларча. Аҳмоқона ҳаракат қилмоқ. || Аҳмоқона савол. — Марьямхон дастлаб ўз кундоши билан чиқишолган эмас. Хатто мусулмонларнинг бундай аҳмоқона закунини фикри-ҳаёлига оғло сиғдира олмаган. Ойбек, Қутлуг қон.

**АҲМОҚЧИЛИК** айн. аҳмоқлик 2. **АҲОЛИ** [а] Маълум бир территория, шаҳар, область, мамлакат ва ш. к. да истиқомат қилувчи одамлар мажмуи. Маҳаллий аҳоли. Шаҳар аҳолиси. Аҳоли янайдиган пункт. Аҳолининг zichлиги. Аҳолини рўйхатга олиш. — Қўзи эскарлар миннатдорчилик билдириш учун тўлажаган қишлоқ аҳолиси билан хайрлашдилар. Ҳ. Фулом, Машъал.

**Б**

**Б** Узбек алфавитининг иккинчи ҳарфи. **Қ. бе.**

**БА** (а — қисқа) ўнд. с. Баъзи хайвонларни чақиршида ишлатилади. *Ба куррай!* (қўйни чақирши учун); *Ба куч-куч!* (итни чақирши учун).

**БА** (а — ирзиқ) тақл. с. Қўйларнинг маъраши ҳақида. *Тўрабой аканинг қўлидаги ҳали териси қурмаган қўзи-чоқлар аҳён-аҳён мойингизга ёба» деб қўяди.* С. Анорбоев, Гузаллик излаб.

**БА** [ф+т] Сўз олдига қўшилиб, бирор сифат-белгига эгалликни билдирувчи, яъни аффиксига тенг сифат ясовчи қўшимча, мас. *бақувват*, *батартиб*, *бадавлат*.

**БАДАБ** [ф+т+а] айн. бодаб.

**БААЙНИ** [ф+т+а] рив. Ажратиб бўлмайдиган даражада ўхшаш, айнан ўхшаш, худди ўзи. *Уқимдган — яланг оёқ, баайни — бир қуруқ тоёқ.* Мақол. *У баайни отасининг ўзи.* — *Баайни сурат: киши ҳам бундай бежирим бўлар экан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БАБАҚ** диал. Товуқ-хўрозларнинг бир хил йирик тури. *Бабақ, товуқ. Бабақ хўроз.* — *Баланд тўрдан қачқирганда бабақ хўроз, жавобига тега-ракдан минглаб овоз.* Ғ. Фулом, Қўкан батрак.

**БАБ-БАРАВАР** баравар 1—3 с. инт. Уларнинг бўйи баб-баравар. *Ҳажми баб-баравар идишлар.* — *Ҳамма мусулмонлар баб-баравар деб билмайсизми? Мусулмонлар ўртасида бўрилар йўқми?* Ойбек, Қутлуг қон. *Унинг гапи*

*қарияларни қитиқлагандек, ҳамма баб-баравар қўзгалди.* Ч. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАББИТ** [р<ингл] тех. Қалай ёки кўрғошинга сурма, мис ва бошқа металллар қўшиб тайёрلانган қотишма (ишқаланиб ейилишини камайтириши сабабли подшипникларга қўйиш учун ишлатилади). *Қалай баббитлари.* Кўрғошин баббитлари. || *Баббит подшипниклар.*

**БАВОСИР** [а] меф. Тўғри ичакнинг пастки қисми вежаси кенгайиши ва тугунчалар ҳосил бўлиши натижасида пайдо бўладиган касаллик.

**БАВОСИТА** [ф+т+а] айн. билвосита.

**БАҒАЖ** [р<фр] 1 Йўловчининг юк, юк. *Қўл бағаж.* | Вагонга, йўловчи вагонига ортилган ёки ортиладиган юк. *Бағаж қитанцияси.* *Бағаж қийди юбормоқ.* *Бағажни олмоқ.*

2 с. т. *кўчма* Билим, савия. *Улар [инспекторлар] бошқарилишнинг янги органларида эски бағаж билан келган, қийшлоқ ҳўжаллигининг конкрет тармоқларида чуқур билимга эга бўлмаган кишилардир.* «Қ. Ўзбекистон», 1964, 25 апрель.

**БАҒАЖНИК** [р] Велосипед, мотоцикл ёки автомобилнинг бағаж ортиладиган махсус жойи. *Бағажникни очмоқ.* — *Домла кўни бўйи елб-юғуриб ҳалдан тўйганини қарамай, иккита оғир чақабонни машинага ўзи олиб чиқди ва бағажникка ўз қўли билан жойлади.* А. Қахҳор, Тўйда аза.

**БАД** [ф+т] Емон, ярамас. *Қизим ақли, хушай қиз, даъосининг бундай бад ниъатки биллади.* Шундан ҳафаланади, кўяди. Ойбек, Қутлуг қон. [Зиё шоҳичи:] *Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феълӣ бадийимиздан!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Бад олмоқ* шубҳа билан қарамоқ, шубҳа қилмоқ, ҳадиқсирамоқ. *Чамаси Сўлмонли аблоҳлик қилиб, Анварни бад олдириб қўйган ва танг вақтда улар уйқуда экан чоғида ғойиб бўлиб, яна шубҳани орттирган бўлса керак.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БАД** [ф+т] Қўшма сўз таркибида унинг биринчи қисми бўлиб келади ва «емон» маъносини билдиради, мас. *бад-ниъат*, *бад-нафс*, *бад-феъл*.

**БАДАВИЙ** [а] 1 Кўчманчи ёки ярим кўчманчи араб қабилаларига мансуб киши; саҳройи. — *Саҳрода арабларнинг бадавий деган ёвоши тоифаси бор экан. Ушлар ҳажга келган-кетганларни талар экан.* — деди Ҳожж хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *қўчма* Маданиятдан орқада қолган, маданиятсиз. *Маданий ва бадавий халқлар.*

**БАДАВЛАТ** [ф+т+а] Катта давлатга, бойликка эга бўлган; давлатманд, бой. *Бадавлат одам.* — *Инқилобдан бир ойча аввал отаси уни Тошкентнинг қашқар маҳалласидаги бадавлат хонадонлардан бирининг арзанда қизига уйлантирган.* Ҳ. Фулом, Машъал. | Иқтисо-

дий жиҳатдан ҳеч муҳтожлиги йўқ, ўзига тўқ, бақувват. *Бадавлат колхоз.* — *Коллектив меҳнатда деҳқонлар бадавлат ҳаёт кечирмоқдалар.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *ЎзССРнинг ҳар бир ержадони.. барча меҳнатқашларнинг бадавлати ва маданий турмушининг манбаи бўлган жамоат мулкни.. сақлаши ва мустаҳкамлаши лозим.* «ЎзССР Конституцияси».

**БАДАВЛАТЛИК** бадавлат с. белги оти.

**БАДАЛ** [а] 1 Ўрнига ўрин, бир нарсанинг эвазига туланадиган ҳақ ёки бир нарсанинг ўрнини босадиган бошқа нарса; эваз.

2 эск. Тўлов, взнос. *Аъзолик бадали.* 3 *Бадал* (эркаклар исми).

**БАДАЛИГА** *қўм вазифасида* Эвазига; ўрнига. *Акам мени тақачица топишди. Еган-ичганим бадалига кечгача дам босар эдим.* П. Турсун, Уқитувчи. — *Майли,— деди,— мён бир бешотарни фидо қилдим, лекин бунинг бадалига юзта бешотарни қўлга киргизарман.* С. Айний, Қуллар.

**БАДАЛИДА** *қўм вазифасида* Давомида, мобайнида. *Икки йил бадалида отамнинг топиб-тўтиб тўлагани қарзининг фойдасинигина қоплай олди.* Ғ. Расул, Адolat.

**БАДАН** [а] 1 Вужуднинг, тананинг сиртки қисми, сиртки. *Бадани оппоқ одам.* — *Ақаси қоронғу бир ҳужрада ётар, юз ва баданлари кўкариб, шишиб кетган эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Тан, вужуд. *Қўнжи тўла сув, кийим-бош жиққа ҳўл, совуқдан бадан қалт-қалт титрайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бадан тарбия эск. айн. физкультура.* У ҳар кўни бадан тарбия қилгиси келарди-ю, иш қўлигидан бу истагига эриша олмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Роҳати бадан қ. роҳатбадан** 1.

**БАДАР** [ф+т]: *бадар кетмоқ* ном-нишонсиз кетмоқ, қорасини ҳам кўрсатмай ғойиб бўлмоқ. — *Боққа бир бордингиз-у, бадар кетдингиз,— деб гинахонлик қилиб кўришди амма.* С. Анорбоев, Мехр.

**БАДАРҒА** 1 Ўз юртидан бошқа жойга сурилиш, ҳайдалиш, қувгин. *Айрилик устига энди бадарғаси ҳам чиқди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Бадарға бўлмоқ* ўз жойидан бошқа жойга ҳайдалмоқ, қувгин бўлмоқ; бирор мажбурият билан ҳар томонларда сурилиб юрмоқ. *Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан номус қилганидан аллақандай шаҳарларга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Паранжи сирларни. *Бадарға қилмоқ* ўз жойидан бошқа жойга қувиб ҳайдаб юбормоқ, қувгин қилмоқ. *Биз муқимизларнинг ерини, асбоб усқунасини, иш ҳайвонларини олиб колхозга беришимиз ва ўзини бу ердан бадарға қилишимиз керак.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Суд ҳукми билан бошқа ерга юборилиш; сургун.

**БАДАСТИР** [ф-т] кам қўлл. диал. Ҳар жиҳатдан тула-тўқис таъмин бўлган, бекама-куст. Уйимиз ҳамма нарсадан бадастир.

**БАДАХЛОҚ** [ф-т+а] Ахлоқи ёмон; ахлоқсиз. Бадахлоқ одам.

**БАДБАХТ** [ф-т] Бахти ёмон, толеи паст; бахтсиз. Мени қаргаманг, қаргаманг бадбахт қизингизни, онажон! Ҳамза, Бой ила хизматчи. [сўк. Ярамас, аблах. Мунча сўзни лоф урмагин сен бадбахт. Фозил шоир. Алексей Мадаминга ая унинг ёнида ётган бир чўлтоқ млатиқ билан зери қилинча кўз олайтириб: — Бадбахт! — деб қўйди. Г. Турсун, Ғўлмувчи. | Майсара Ойхонга:] Мен у бадбахтларни қандай шарманда-ю шармисор қилишимни ҳақиқ кўрасиз. Ҳамза, Майсаранинг шши.

**БАДБАХТЛИК** 1 бадбахт с. мавҳ. от. Ғўломжонни бу ерга юрагини тир-таб турган бир бадбахтлик келтирган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ярамаслик, пастлик, аблахлик. **Сен бадбахтлик қилма!** — Ёки хўшайинингиз бадбахтлигидан, — деб Рўзи .. Хайдаржоннинг сўзига қўшимча қилди. Айний, Жаллодлар.

**БАДБАШАРА** [ф-т+а] Афти, башараси хунук; кўримсиз, бадбурӯш. **Фазлдин, алабатта, бадбашара эмас, кўрғинида туппа-тузук йегит.** Ойбек, Қўтлуғ қон.

**БАДБИЙ** [ф-т] эск. 1 Бировга ёмонлик соғинувчи, бадхоҳ. **Бадбий одам.** 2 Умидсиз, пессимист.

**БАДБИЙЛИК** 1 бадбий с. мавҳ. от. 2 Умидсизлик, пессимистлик; пессимизм. Унинг тақдирини ҳақида энг неҳиб бўлган Хайдар ҳожини, энди бадбийликка тушиб, хатлар ёзади. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАДБУРУШ** 1 айн. бадбашара. Эшон ойимнинг юзи .. маймунининг юзига ўхшаган .. бадбурӯш экан. М. Исмоний, Фарғона т. о.

2 Кўрғиниши хунук, кўрқинчли. **Ховлиси худди тўқайга ўхшайди. Ҳар бири шакдай келадиган учта ити экинжирба. Бадбурӯш эйр итлар.** Ойбек, Болалик.

**БАДБУЙ** [ф-т] Бўйи, ҳиди ёмон; қўланса, сассиқ. Ювиниб-тараниб юришни яхши кўрадиган бой-савдогарлар бадбуй ҳиддан кўнгиллари ағдарилиб, зўрға чидаб турардилар. М. Осим, Ғўтор.

**БАДГИР** [ф-т] кт. Бадолувчи, тўғри ишни, гапни тескарига бурувчи; кўнгли қора. **Бадгир одам.**

**БАДГУМОН** [ф-т] Ҳар кимдан, ҳар ишдан гумон олувчи, ҳадикчи; ҳар кимга, ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи. У бадгумон одам. Бадгумон бўлмоқ. — Бўстон хўжаси Маждиддинни биринчи кўрган ондаёқ ундан бадгумон бўлган эди. Ойбек, Навоий.

**БАДЖАҲЛ** [ф-т]+а Аччиғи тез, жаҳлӣ ёмон. **Баджаҳл одам.** || Загчақўз ёмон, баджаҳл; калмаза тилим келмай қолса, қулогимдан чўзиб, бурчакка бир

оёқ билан тик қилиб қўяр эди. П. Турсун, Ғўлмувчи. | Жаҳли, аччиғи тезликни ифодаловчи. — Бу чорангизга қаршиман, — деди Элчибек бошлиқнинг баджаҳл кўзларига қараб. А. Мухтор, Тўғилдиш.

**БАДЗОТ** [ф-т+а] Зоти, насли ёмон, таги паст. **Бадзот одам.**

**БАДИА** [а] эск. кт. Қишининг диққатини тортадиган, таҳсинга сазовор бадий асар. Ҳар замоннинг ўзига ярашадиган ноҳир кишилари бўлади, улар ўз фазлу камоллари билан асрдошларига турли-туман бадийлар қолдиради. Ғ. Ғўлом.

**БАДИЙЕТ** [а] эск. кт. Бадий санъат ва эстетика талабларига жавоб бера оладиган ижодиёт.

**БАДИЙ** [а] 1 Воқеликий нафис санъат воситалари, образлар арқали ифода этувчи, тасвирловчи. **Бадий асар. Бадий адабиёт.**

2 Юксак эстетик талабларга жавоб берадиган. **Актёрнинг бадий маҳорати. Бадий дид.**

3 Балаид дид ва маҳорат билан ба-жарилган; гўзал, нозик. **Бадий кайфият. Бадий керамика. Бадий ўқиш.**

4 Санъатга, санъаткорнинг фаолиятига оид. **Театрнинг бадий раҳбари. Бадий ҳаваскорлар тўғаради.**

**БАДИЙЛИК** бадий с. белги оти. Асарнинг бадийлиги.

**БАДИҲА** [а] ад. Бирор воқеа, ҳодиса мунсабағи билан тўсатдан айғиб юборилган шеър, шеърини парча ёки музика асари; эхспромт.

**БАДКАРДА** [ф-т] кам қўлл. 1 айн. бадкирдор. **Бадкарда бўлсанг, осилиб ўласан.** «Нигор ва Замон».

2 Ёмон отлик, ёмон ном чиқарган. **БАДКИРДОР** [ф-т] кт. Разил хатти-ҳаракатлардан тортинмайдиган; ярамас, қабиҳ, ифлос. **Бадкирдор одам.** — Тилида кўрғон сўзи, аммо қилмиши-қидирмиши гўноҳдан иборат бўлган харомхўрлар, бадкирдорлар, золимлар оэмиз? — деди Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб. Мен золим, .. алаулуси таловчи бадкирдор эмишман. Ойбек, Навоий.

**БАДКИРДОРЛИК** бадкирдор с. белги оти. **Ези .. ярамас одамларнинг бадкирдорлигидан зорланиб, бир қўйиқ айтиб берди.** «Ези билан Зебо».

**БАДМАСТ** [ф-т] Ёмон маст бўладиган, мастликда ўзини туголмайдиган, маст бўлиб ёмон қилиқлар қиладиган. **Бадмаст одам.**

**БАДМУОМАЛА** [ф-т+а] Муомаласи ёмон, гапни дағал, қўпол. **Бадмуомала одам.**

**БАДНАМО** [ф-т] Башараси, турқи совуқ; хунук, жирканч. Рангини кўринг бу баднамонинг, Ханги эшағи эрур худонинг. Аваз Ғўтор.

**БАДНАФАС** [ф-т+а] кам қўлл. Бўдажак бир ишдан ёки бирор иш оқибатидан яхшилик эмас, ёмонлик кутувчи, ёмон нафас қилувчи, нафаси совуқ. **Баднафас одам.** — Ҳай, бундай бадна-

фас бўлма-я. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАДНАФС** [ф-т+а] 1 Нафсини тия олмайдиган, нафси бузуқ; **Баднафс одам.**

2 *Кўчма салб.* Дунёга, бойликка, пулга ўч, очкўз, харис. **Зотин дунмоқ .. бир неча баднафс .. махлуқлар учун бадлик манбаи эмас!** Ойбек, Навоий.

**БАДНИЯТ** [ф-т+а] Ёмонликни ният қилувчи, ёмон ниятли, нияти бузуқ. **Менинг ҳақимда Алишер Навоийдек одам шундай бадният .. бўлсин.** Ойбек, Навоий.

**БАДНОМ** [ф-т] Ёмон ном чиқарган, номини булганган; номига доғ тушган; ёмон отлик. **Бадном одам. Бадном бўлмоқ. Бадном қилмоқ.** — Бирини шуки, колхознинг иши бузилади, иккинчиси — Ҳасаннинг иши бузилиб, нодонлик ёки зарарқунандалик билан от чиқариб, бадном бўлади. Айний, Қултар. У [Ҳожиқуббой] ҳар қанча ёмонлик қилган бўлса, ўзига қолди, ўзини дунё ва охирада бадном ва расво этди. Айний, Қултар.

**БАДРАФ** [ф-т] диал. Ҳождатхона, хадажой.

**БАДРАФХОНА** [ф-т] айн. бадраф. **БАДРАШК** [ф-т] Орғиқ даражада рашк қилувчи, ута рашкчи. **Бадрашк эр.**

**БАДРҮЙ** [ф-т] Хунук, башараси совуқ. **Урмон аро ўтган йўлдан чиқиб қолди уч-тўрт кўланка. Бирини бадрўйи, қон тоғар ўзидан.** З. Дияр.

**БАДТАР** [ф-т] айн. Бадтар. **Табаи бадтар хира бўйди.** А. Мухтор, Тўғилдиш. **Хайрихон бадтар хафа бўлди.** Р. Файзий, Қузатийш.

**БАДТАРИН** [ф-т] айн. баттарин. **БАДФЕЪЛ** [ф-т+а] Феъли, хулқ атвори ёмон. **Бадфеъл одам. Бадфеълнинг бети қора.** Мақол.

**БАДХАТ** [ф-т+а] 1 Хати ёмон, ёзуви хунук. **Қўй эшити-чизми натижасида хатим бир дарска тўзалиб, ўқиладиган бўлса ҳам, асосан бадхатлар қаторида кириб қолди.** Айний, Қултар.

2 Ўқиб бўлмайдиган ёки ўқилиши қийин ёзув, хунук хат. || **Худди речетт ёзгандай бадхат ёзибсан.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАДХОҲ** [ф-т] Бировга ёмонлик соғинувчи, яхшиликни раво кўрмайдиган, ёвуз ниятли. **Бўларнинг гапи бадхоҳ хайрихоҳларнинг тарбияси, насиҳати, танқидий ўхшир эди.** А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАДХОҲЛИК** бадхоҳ с. белги оти. **Унинг феълиси тўйиуниб қолган бу ердаги мутахассислар бу хайрихоҳлик остида ашаддий бадхоҳлик этиқийини билар эдилар.** А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАДХУЛҚ** [ф-т+а] Хулқи, қилиғи ёмон, қилиғи совуқ. **Бадхулқ одам.**

**БАДХҮЙ** [ф-т] айн. бадфеъл. **Бадхўйнинг бети қора.** Мақол.

**БАДХҮР** [ф-т] Оғизга ёқмайдиган, таъми ёмон; лаззатсиз. **Бадхўр овқат.**



■ Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, бадхўр бўлиб кетмасин деб қўрқаман. У. Исмоилов, Рустам.

**БАДЧЕХРА** [ф-т] I Қўриниши, афти-башараси хунук; кўрмисиз, бадбашара. Қовоғи солиқ, хўмрайган, бадчеҳра маъмур сигарета чекиб ўтирибди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Чехраси совуқ, кайфи, авзойи бузуқ, чехраси очилмайдиган.

**БАДЪЯ** [ф-т] I Ёғоч ёки металлдан ясалган махсус катта челак.

2 *тех.* Бетон ташладиган идиш. *Кран ғирчиллайди, кўтарилаётган бадъядан тақдир-туқур, тош, шалоп-шалоп қоршима тушади.* А. Мухтор, Тўғилиш.

**БАДҚОВОҚ** I Қовоғи солиқ, хўмрайган. *Бадқовоқ одам.* ■ Қенжа нариги столда ўтирган бадқовоқ йигитга қаради. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўйма* Булутли, булут билан қопданган; хира. *Бадқовоқ осмон уч кундан бери ё қор, ё совуқ ёмғир... ташлайман деб, ваҳима солиб турибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БАДҲАВО** I [ф-т+а] Ҳавоси ёмон, ҳавоси бузуқ, ҳавоси паст. *Бадҳаво жой.*

**БАДҲАВО** II [ф-т+а] Қибр-ҳавоси, димоғи баланд, ортиқ, димоғдор, жуда ҳам кеккайган, гердайдган; такаббур. *Бадҳаво одам.* || *Фақ(и)р аҳлига ниҳоянда тавозеъли Муқим, Не керак баъзи такаббур, бадҳаволарга салом! Муқимий.*

**БАДҲАЗМ** [ф-т+а] I Сингиши оғир, тез ҳазм бўлмайдиган, тез сингмайдиغان. *Бадҳазм овқат.*

2 *кўйма* Гап-сўзи, хулқ-атвори совуқ; ёқимсиз. *Шафриндан илгари ёшгина бир йегиш кирди. Бу — Эҳсоннинг яқин дўстларидан, Саидий «бадҳазм» деган кишилардан бири.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *кўйма* Кишини жиркантирадиган, жирканч. *Одобни одобсиздан ўргандим дегандек, балки ота ҳаётининг баъзи бадҳазм, бадбўй томонлари қизни узоқларга назар ташлашга мажбур қилгандир.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**БАДҲАЙБАТ** [ф-т+а] Ҳайбати, кўриниши хунук, кишини қўрқувга соладиган; ваҳимали. *Бадҳайбат ит. Бадҳайбат айшқ.*

**БАЁВ** Соддадил, ҳар нарсага ишона бератдиган; бўшанг, гўл. *Баёв йегит. Четроқда .. бўй-баёвгина, хунуқкина .. калтасоқол бир киши ўтирган экан.* Ойбек, Болалик.

**БАЁЗ** [а] *ад.* Бир ёки бир неча шоирнинг шерларга тўплами. *Муқимий баёзи.*

**БАЁН** [а] I Воқеа, ҳодиса, фикр, мулоҳаза ва ш. к.нинг оғзаки ёки ёзма ифодаси; изҳор. *Оғзаки баён. Фикр баён қилмоқ.* ■ *Уртоқ Лениннинг ҳар сўзин Бир дoston қилмоқ керак. Сидқидилдан таърифдин. Маҳҳин баён қилмоқ керак.* Эргаш шоир. *Мезбонлардан бири меҳмонларга воқеани баён қилди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

2 *ад.* Адабий асарнинг содир бўлаётган воқеалар ҳамда воқеанинг бориши ҳақида ҳикоя қилинаётган қисми. *Романда тавсиф автор мулоҳазалари ва баёнлар кўп.*

3 Текстдан ўқиб ёки айтиб берилганлар асосида ёзиб чиқилган иш (мактабда ёзма ишлардан бир тури).

◆ **Баён аломати грам.** остин-устин икки нуқтадан иборат бўлган тиниш белгиси (:).

**БАЁННОМА** [а+ф-т] I Бирор масала юзасидан расмий ёзма баёнот, билдириш, тушунтириш.

2 *эск. айн.* манифест.

**БАЁНОТ** [а] I *айн.* баённома I.

2 *расм.* Дипломатик мунсабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва ш.к. ҳақида манфаатдор томонлар ва умум ахбороти учун оғзаки ёки ёзма равишда эълон қилинган расмий билдириш ва шу ҳақдаги хужжат. *ТАСС баёноти. Баёнот эълон қилмоқ.* ■ *Йўқ, пролетариат шиорлар, баёнотлар ва битимлар ўйинига маҳлуё бўлмайди.* В. И. Ленин, Ишчилар демократияси ва буржуа демократияси.

**БАЁНЧИЛИК** *ад.* Баён жанри (қ. баён 2).

**БАЁТ** *муз.* Шашмақомнинг учинчи — дугоҳ мақомларига кирадиган куйлар группасидан бирининг номи (қ. шашмақом). *Ўйин баёти.*

**БАЖАРИЛМОҚ** *бажармоқ* *фл.* мажх. н. *План ортиғи билан бажарилди. Бажарилган вағда.*

**БАЖАРИШМОҚ** *бажармоқ* *фл.* бирг. н. *Илғор бригадалар планни муддатидан олдин бажаришди.*

**БАЖАРМОҚ** I Бирор ишни, топшириқни бажо келтирмоқ, адо этмоқ, ўтамоқ. *Планни бажармоқ. Нормани бажармоқ. Ишни бажармоқ. Уз бурчини бажармоқ.* ■ — *Командирнинг буйруғини бажармоқ, керак,— деди қулиб Мурзин. Шухрат, Шинелли йиллар. Қапанчилар .. зиммаларига тушган вазифаларни муқкин қадар тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Ижро этмоқ (роль, музыка асари, рақс ва ш.к.ни). *Ваъзан у ролни жуда қийинчилик билан бажарар, кейин ёлғиз қолганда ўзи қотиб-қотиб қуларди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**БАЖО** [ф-т] I *рви* Яхши, дуруст, жойида, чакки эмас, ёмон эмас. *Хўб бажо иш қилдиниз-да.* ■ — *Пастқам жой экан,— Аҳмад Ҳусайн шивирлади,— Манзил бажо. Ойбек, Нур қидириб. — Ишлар бажо! Отланинлар! — деди уста Замон. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Бажо бўлмоқ* 1) яхши, дуруст, кўнгилдагидек бўлмоқ; 2) амалга ошмоқ, бажарилмоқ. **Бажо келтирмоқ** (ёки *этмоқ, қилмоқ*) бирор ишни, топшириқни ўрнига қўймоқ, ўтамоқ, адо этмоқ, ўринлатмоқ. *Ҳар ҳолда .. хурматларини бажо келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳасанов буйруқни, дарҳол бажо кел-*

*тирди.* Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

2 *кесим вазифасида* Хўп, хўп бўлади; маъқул; бажонидил. *Эртага Ғузорнинг оғзи катталарини қалъгага тўплангиз! — Бажо! — қуллуқ қилди бек. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

◆ **Бандалиқни бажо келтирмоқ** қ. бандалиқ I.

**БАЖОН** [ф-т]: бажону дил қ. бажонидил.

**БАЖОНИДИЛ** [ф-т] *рви* Жону дил билан, мамнуният билан, жон деб.

**БАЗА** [р<фр] I *архит.* Устуннинг, колоннанинг пастки йўғон қисми.

2 Асос, негиз, таянч. *Иқтисодий база. Коммунизмнинг моддий-техника базаси.*

3 Ҳаёт-мамонт ёки фаолият учун зарур моддий-техник бойликлар ёки шароитлар мажмуи. *Чорвачилиқнинг ем-хашак базаси. Ипакчиликнинг озуқа базаси. Енгил саноатнинг хом ашё базаси. Узбекистон — мамлакатимизнинг асосий пахта базаси.*

4 Бирор хизмат кўрсатиш ва керак-яроқлар билан таъмин этиб туриш учун барпо этилган махсус жой, таянч нуқта. *Туристлар базаси. Авиация базаси. Ҳарбий-денгиз базаси.*

5 Мол, товар олиб ва бериб туриладиган жой; омбор, склад. *Таъминот базаси. Савдо базаси. Маданий моллар базаси.* ■ *Жуман ота чойнак-пиёла олгани станцияга тушса, базага бир вагон мол келиб, омбор мундари юк тишириш билан банд экан.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

**БАЗЗОЗ** [а] Газлама сотувчи савдогар; газламафуруш. *Қатор атторлар ва базозлар. Уларнинг дўконлари кичик-кичик ва бир-бирига ёндошган.* Ойбек, Болалик. *Унинг [Алиқулнинг] отасини «Мусахон базоз» дер эдилар.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

**БАЗЗОЗЛИК** I базоз с. касб *оти.* Базозлик дўқони. Базозлик қилмоқ. ■ *Тўй ҳаражатида етмаган пулни ва базозлик молларини «ғамхўрлик қилиб», ўнга [Зуфарнинг отасига] қарз беради.* Айний, Қўллар.

2 Базоз дўқонлари жойлашган рас-та. *Мирзакаримбойнинг эски шаҳардаги дўқони чит растасида эди. Бу растада — икки томонда беш-олтита катта дўқон бўлиб, тор, камгак йўл билан базозликка, шоҳифурушлик растасига туташар эди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**БАЗИС** [р<грек] *эк.* Жамият тараққитининг белгилли босқичидаги сиёсий-иқтисодий тузум, яъни жамиятнинг иқтисодий, ҳуқуқий тузилиши асосини ташкил этувчи ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи. *Базис ва устқурма.*

**БАЗМ** [ф-т] I Тўй, зиёфат ва ш. к.да машшоқлар, ашулчилар ва рақослар иштирокида ўтказиладиган ўйин-кулги кечаси. *Қий-чув билан ўтган наҳорликдан сўнг ҳовлида яна базм бошланди.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Колхозда тўй,*



**дитор, дўмбира.** Базм тинмас сахарга қадар. Ҳ. Олимжон. Янги йилнинг базмида Шишадан майлар тошар. Ғ. Мирза. **Базми жамшид(ий)** жуда қатта базм, шоҳона базм. [Хусайн:] Уҳў, базми жамшид қизиған экан-да, кулгиларингиз осмони фалакка кўтаришмоқда. Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Базм қурмоқ** ўйин-кулгили кўнгил очар йиғилиш ташкил қилмоқ. **Қизлар базми этн.** никоҳ тўйида қиз фақат ўз дугоналари иштирокида ўтказадиган ўйин-кулги кечаси. Унинг [Қумушининг] вужуди қизлар базми ичида бўлса ҳам, хаёли аллақайларда учиб юрган-дек. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ноғора базм** фақат ноғора ёки ноғора ва карнай-сурнай жўрлигидаги ўйин-кулги.

**2** Уйин-кулгили ширин суҳбат. Қўзимиз тўрт бўлди пошшахон, базмингиза муштоқмиз, қани ўтиринг! Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** кўчма Қўшларнинг ва бошқа жониворларнинг сайраши билан кишига завқ берадиган фавқулодда табиий манзаралар ҳақида. Мана соҳилдаги қурбақа базми .. орқада қолди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Улар [каптарлар] дам қўшиб, дам сирганиб зумбазда базм қуришади. Шухрат, Шинелли йиллар. Гулгун дастурхонлар ёзилган, табиат базм қуради. С. Анорбоев, О.сой.

**БАЗМГОҲ** [ф-т] Базм ўтказиладиган ёки ўтказилаётган жой.

**БАЗМОРО** [ф-т] поэт. Базмга оро, файз берувчи (яхши соз, куй, рақс ва ш. к. билан базми қизитувчи).

**БАЗМХОНА** [ф-т] Базм ўтказиладиган ёки ўтказилаётган хона ёки хонадон. Бир пайт базм тугади, созандалар базмхонадан чиқиб, бошқа хонага дам олиш учун кирдилар. Айний, Дохунда.

**БАЗМЧИ 1** Базмда қатнашувчи созанда, ашулачи, раққос. Базмчилар, ноғорачилар нағмасини қўйди, ўйинчилар ўйинини қўйди, либосларини кийди. «Равшан».

**2** Базмда ҳозир бўлган, базмда қатнашган кимса, томошабин. Давра қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тасвирлашга тил кифоя қилмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАЗУР** рвш, с. т. Бахузур, бемалол, бемалоллик билан. Базур ўтираверинг. Чойни базур ичаверинг. — Мен бўлдим. [Ошини] базур олаверинглар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАЗУР** [р-т] рвш Зўр билан, қийинлик, машаққат билан, зўрға, аранг. Қўлга базур илнадиган кичкина қалам. — Гулнор ўқиб-ўқиб базур сўзлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАЙТИФОҚ** [ф-т-а] рвш Иттифоқ билан, ўзаро келишиб. Байттифоқ яшамоқ. Байттифоқ иш ўрмоқ.

**БАЙ** [а] 1 Савдо муомалалари ва ишга ёллаш-ёлланишда ҳар икки томон

ўртасидаги келишув. Байда шундай (эди) 1) шундай байлашилган, келишилган (эди); 2) кўчма ҳазил аслида шундай, бўлгани шу. Бай қилмоқ 1) савдо қилмоқ, сотмоқ; 2) келишмоқ, баҳолашмоқ (савдо муомалаларида ва ишга ёллаш-ёлланишда); 3) кўчма ҳазил умуман келишмоқ, писанда қилмоқ. Ахир бошда бай қилган эдикки, ҳар замонда бир ёлгон гапиромон деб. Ғ. Фулом, Шум бола. Бай очмоқ биринчи харидорга мол сотиб савдонини бошламоқ, почин қилмоқ. Бай пули савдонини ва ишга ёллаш-ёлланишда келишувини мустақамлаш учун тўланадиган пулнинг олдиндан бериладиган қисми. Бай пули бермоқ.

**2** Кўшма сўз таркибда унинг иккинчи компоненти бўлиб келади ва қандай байлашилганлигини билдиради, мас. ишбай, кунбай, соатбай.

**БАЙ-БАЙ** унд. с. 1 Ажабланиш ёки таҳсин билдиради. Бай-бай, мунча ҳиди яхши! — Кимсанбой шуми! Вужудидан салобат ёғилади-я! Эғнидаги костюминини қаранг, бай-бай-бай! А. Мухтор, Тугилиш. [Бурхон!] Бай-бай, бу вино эмас, асал-ку, дўстим. Уйғун, Хуррият.

**2** Норозилик ёки киноя билдиради. Бай-бай, унинг нозу қарашмалари! — Бай-бай, бу болаларнинг дастидан ўлиб бўлдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** Гап мазмунини кучайтиради. Бай-бай, мунча совуқ! Бай-бай! .. Юрак куйиб кетди. Қани бир ниёла муздек сув олиб чиқинг-чи! П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАЙБАЙЛАМОҚ** Бай-бай дея тааж-жуб, таҳсин ёки норозилик, киноя билдирмоқ. Қўнлик график байбайлаганича қорғозда қолиб кетди. «Муштум», 1959, № 11.

**БАЙБАЙЛАШМОҚ** байбайламоқ фл. бирг. н. Улар байбайлашиб қолаверди.

**БАЙДАРКА** [р] Икки уч курак шаклида бўлган бир ёки бирнеча эшкак билан ҳайдаладиган спорт қайиғи. Байдарка ҳайдамоқ. Байдаркалар мусобақаси.

**БАЙИР 1** Маҳаллий шаронгта ўрганган, жайдарн (от ҳақида). Байир от. || Мен унинг [Мўлтоннинг] йигитларига бир кам тўқсон байир берганман. А. Мухтор, Қорақалпоқ, қиссаси.

**2** с. т. Синалган, қадрдон бўлиб қолган.

**БАЙИРЛАШМОҚ 1** Маҳаллий шаронгта ўрганиб, кўнчиқ қолмоқ (асосан от ҳақида).

**2** с. т. Синалиб, қадрдон бўлиб қолмоқ

**БАЙЛАШМОҚ** Нарх ёки иш ҳақи тўғрисида савдолашмоқ, келишмоқ. Ишни байлашиб олмоқ. Молни байлашмасдан (айтганига) олавермоқ. — Йўлчи .. Гулнорни Шоқосимчикида қолдириб, улов қидиришга кетган эди, Қоратойга йўлқонди, қийинчилик билан бир аравани байлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАЙНАЛМИЛАЛ** [а] эск. 1 айн. интернационал 1. Учинчи Байналмилал.

Залда «Байналмилал» садолари янгилади.

**2** сфт, айн. халққаро. Байналмилал аҳвол.

**БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК** эск. айн. интернационализм.

**БАЙНАЛХАЛҚ** [а] эск. айн. халққаро. Байналхалқ аҳвол.

**БАЙРАМ 1** Мухим тарихий воқеа, ҳодиса шарафига шодлик, расмий тантана ўтказиш учун белгиланган муборақ кун. Революцион байрамлар. Октябрь байрами. Биринчи Май байрами. Байрам олди мусобақаси.

**2** Бирор муносабат билан қувонч, шодлик, тантана ва ўйин-кулги билан қутиб олиш, нишонлаш одат бўлиб қолган кун. Янги йил байрами. Арча байрами. — Наврўз байрамидан кейин Исфандиёрхон қазувага чиқишга фармон берди. Ж. Шарипов, Хоразм. Ўқитиб байрамини ёр-жўралар билан ўтказдик. А. Қахқор, Минг бир жон.

**3** Мухим, қувончли ҳодиса юз берган, катта муваффақият қўлга киртилган ва шу сабабли шодлик билан ўтказиладиган кун. Оилавий байрам. — Қишлоқ тарихида биринчи қурилган кўркам мактабнинг катта байрамга айланган тантанаси ишда ғайрат кўрсатганларга мукофотлар улашиш билан тугади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАЙРАМБОЗЛИК** с. т. Иш ўрнига ҳа деб байрам, ўйин-кулги билан овора бўлиш. Байрамбозлик билан овора бўлмоқ.

**БАЙРАМЛАШМОҚ** с. т. Байрам кунлари кўпчилик бўлиб сайр-томоша қилмоқ. Байрамлашиб, шаҳар айландик.

**БАЙРАМЛИК** Байрам совғаси; ҳайитлик. Қелинчисизга мана буни [кредешинни] олдим, сизга уч-тўрт байрамликни бир қилиб олиб келаман. Ҳ. Умарбеков, Она.

**БАЙРОҚ 1** Давлат, ташкилот, ҳарбий қисм, кема ва ш. к.нинг расмий эмблемаси чизилган бир ёки бир неча рангли, сидирга ёки суратли, узун таёқ учига ўрнатилган мато парчаси. Қизил байроқ. Дивизия байроғи. Спорт жамиятининг байроғи. Байроқ ўрнатмоқ. — Уз ССРнинг давлат байроғи қизил алвондан иборат бўлиб, унинг ўртасида бутун бўйига ҳаво ранг йўл тортилган. «ЎзССР Конституцияси». Қойил қолган жумла жаҳон, биз Рейхстагга тикканда байроқ. Уйғун. | Бирор ишора билдирадиган рангли, дастали ёки дастасиз мато парчаси. Мотам байроғи. Кўк байроқ т. й. йўлнинг очиқлигини билдирувчи белги. Кўчма қизил байроқ мусобақа илғорларига бериш учун таъсис этиладиган байроқ. Оқ байроқ ташкил бўлганликни билдирувчи белги. Сарик байроқ т. й. «огоҳ бўл!» маъносини билдирувчи белги. Қизил байроқ т. й. йўлнинг беркчилигини билдирувчи белги.

**2** кўчма Сиесий ёки ижтимоий гурупа, ташкилот ва ш. к.нинг бирлиги, бирдамлиги ва мақсадлари асосини

ташқил этган етакчи ғоя. Яшасин улуғ Октябрь социалистик революциясининг вафари байроғи — барча мамлакатлар меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли марксизм-ленинизм! К. Узбекистон, 1959, № 233. | Бирор мақсад, ғоя ва ш.к. рамзи. Тинчлик байроғи. Пролетар интернационализи байроғи. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқ. Кураш байроғи остида бирлашмоқ.

**БАЙРОҚДОР** 1 Қўшин сафида, намойишчилар олдида байроқ кўтариб боровчи киши. *Элмурод саф олдига юзуриб кетди ва байроқдор билан ўрин алмашди.* II. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Байроқча билан ишора қилиб, йўл кўрсатиб турувчи ходим. *Байроқдорлар учувчида нишан белгилаб туришарди, бунни энди билди Қудрат.* X. Назар, Сўнмас чақмоқлар.

3 *Кўчма* Бирор иқтимоий-сиёсий ҳаракат, янгор фикр, прогрессив янгиликни амалга оширишда етакчи ўринда, олдинги сафда боровчи, ўрнак, намуна кўрсатувчи. *Совет халқи тинчлик учун кураш байроқдоридир.*

**БАЙРОҚЛИ** 1 Байроғи бор, байроқча эга бўлган.

2 Байроқ билан мукофотланган. *Кўчма қизил байроқли қолхоз.*

◆ **Қизил байроқли** Қизил байроқ ордени билан мукофотланган. *Қизил байроқли полк.*

**БАЙРОҚЧА** 1 байроқ 1 с. кичр. *Лейтенант қизларнинг қўлига байроқчалар бериб, уек-буекка йўл кўрсатишни ўргатилди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

2 Карта ёки текстга кичкина байроқча ўхшатиб чизилган ёки қадалган белги. *Мухим шаҳарлар картада байроқчалар билан кўрсатилаган.*

**БАЙТ** [а] 1 *аф.* Аруз вазнида ёзилган, икки мисраъли бир банд, шеърини парча. *Ғазал байр неча байтдан иборат бўлади.* — Қизлар иккинчи байтга ўтадилар: *Бир кўришиб яғмо қилган қилеимни, Қайтиб яна кўролмадим идримни.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 с. т. Умуман шу жанрда ёзилган шеър ёки шеърини парча. *Мунча ширин байтингиз, Омон бориб қайтингиз. Ғошиб, барно йиғитга, Биздан салом айтингиз.* Т. Тула.

**БАЙТАЛ** Ҳўроочи от; бия.

**БАЙТАЛМОН** [а] с. т. қарғ. Эгасиз қолғур; сабил, ордона. — *Яғир ёстиғингизни ерга қўйинг, — деди Холнисо [Бўтакўза]. — Байталмонни мунча кучқалайсиз.* Мирмуҳсин, Чиниқийш. *Байталмон кетмон ярим пуд бўлса, жамул-жам бир ярим минг пуд дегин.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БАЙТАР** [а] *эск. айн.* ветеринар. **БАЙТАРИЯ** [а] *эск. айн.* ветеринария.

**БАЙТУЛАХЗОН** [а] *эск. кт.* 1 Ғам-хасрат уйи; ғамхона.

2 *Кўчма* Бошқа одамлар кам келади-гай, киши зерикадиган уй; фақирона худба. *[Мунтазир] Тожибойнинг қўлидан хуржунини олди: Байтулаҳзонга*

*марҳамат қилдинсин.* С. Абдулла, Мавдано Муқддий.

**БАЙГУЛЛО(Х)** [а, л. м. худонинг уйи] Маккадаги зиёратгоҳ, Қазба. *[Маскура Мирзарайимга:] Сизни деб қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўласан, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман?* Ҳамза, Паранжи сирларини.

**БАЙТУЛМОЯ** [а] *эск.* 1 Давлат хазинаси; ғазна.

2 Давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк ва шундай мол-мулк сақланадиган махсус бино.

**БАЙТ-ҒАЗАЛ** байту ғазал 1 Байтлар ва ғазалар. *Бу сўзларни бунда қаландар айтди. Бир неча байт-ғазалин айтди.* «Ширин билан Шакар».

2 с. т. *Кўчма* Насиҳатомиз ёки шикоятномиз гап; дарду хасрат. **Байт-ғазал ўқимок** дард-хасрат баён қилмоқ; қулоққа ёқмайдиган гап-насиҳат қилмоқ; валдирамоқ. *Шолипоғни сотаман, индин пўл оламан, фалон-туғун деб, анча байт-ғазал ўқиди.* Ҳамза, Паранжи сирларини.

**БАК** [р < фр] Суюқликлар сақланадиган металл идиш. *Бензин баки.*

**БАКА-БАНГ** тақл. с. Ногора, чирманда, барабан товуши ҳақида. *Чилдирманинг бака-банги.*

**БАКОВУЛ** 1 тар. Подшоҳ, амир, хон саройида: уларга атайган овқатни тоғиб кўрувчи ва овқат тайёрлаш ишига масъул мансабдор. *Бир ёқда ўрда қиз-жувонлари ўйин қилиб тўғини қизитмаёттир, келган дастурхонларни баковуллар олаёттир.* «Муродхон».

2 *эск. айн.* **ошпаз.** *Бўйи кўриб, ёзордаги барча баковуллар ҳам келиб, «чима гап, нима гап» деб қолдилар.* «Гўрўғли». *Бўри баковул экан, тўлқи ясовул экан ... (эртақларнинг бошланиши).*

◆ **Тайёр ошга баковул тайёрга айёр** одам ҳақида. *Қиз бўйига етгандан кейин Мамасанд «тайёр ошга баковул» бўлди: «Мен энг яқин тағаман, шунинг учун ота ўрсида отаман» деб даъво қилди.* Н. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БАКОВУЛБОШИ** *эск.* Ошпазлар бошлиғи. *Баковулбоши, юзбоши, саркардалар иш устида эдилар.* Яшын ва М. Раҳмон, Сирдарё.

**БАКОР** [ф-т]: **бакор келмоқ** 1) қорига, кунига ярамоқ, асқатмоқ. *Туркистондан чиққанида ҳавонинг иссиғига кўйлакчан чидай олмас эдим. Энди пахталик камзулим ҳам бакор келмай қолди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари; 2) таъсир этмоқ, таъсир кўратмоқ; 3) тенг келмоқ. *Унга ҳеч ким бакор келмайди.*

**БАКОРАТ** [а] *эск.* Қизлик, маъсумлик, иффат.

**БАКРА** Осётрсимон балиқларнинг бир тури.

**БАКТЕРИАЛ** [р бактерияльный] 1 Бактерияга оид. *Бактериал ҳужайра.*

2 Бактерия ёрдами билан қозирланадиган. *Бактериал йғитлар.*

**БАКТЕРИОЛОГ** [р] Бактериология олими, мутахассиси.

**БАКТЕРИОЛОГИК** [р бактериологический] 1 Бактериологияга оид. *Бактериологик текширишлар.*

2 Қасалликларни юзага келтирувчи бактериялардан фойдаланишга асосланган. *Бактериологик қурал. Бактериологик уруш.*

**БАКТЕРИОЛОГИЯ** [р < грек] Бактериялар ҳақидаги фан.

**БАКТЕРИЯ** [р < грек] Микроскоп воқитаси билангина кўриш мумкин бўлган, ўсимликлар дунёсига мансуб жуда майда организм. *Фойдали бактериялар. Зарарли бактериялар.*

**БАКУЧ** *эск.* Қучи бор, қучди, қувватли, бақувват. — *Тўғри, — деди афанди, — Сиз қудратли водшосиз, бакучсиз.* «Латифалар».

**БАЛ** [р < фр] Катта рақс кечаси. *Янги йил бали.* — *Дўстлик тараққолари энди халқлар дўстлиги бали ўтаётган бинода янада кучлардоқ янгради.* «К. Узбекистон», 1960, № 53.

**БАЛАБАЛ** *эск.* Пуфлаб қалинадиган ўзбек халқ молғу асбобларидан бири (шакли сурнайга ўхшаш, ammo ундан кичик). *Шундай қизлар .. ғижжак, балабан чалиб, .. неча ўйинчи барнолар қош қоқиб, ўртага тушиб ўйнаб турибди.* «Рашидан».

**БАЛАДИЯ** [а]: **баладия шуббаси** (ёки бўлмиш) *эск.* қоммунад хўжалик бўлими.

**БАЛАЛАЙКА** [р] Уч торли, қорни учбурчак шаклидаги рус халқ музыка асбоби. *Қоля балалаikasини чертар, Аҳмад .. мўнжани шийириб; най чалар, Қоиб Фарғонда рақсда Раънони енгишга тиришарди.* X. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БАЛАНД** [ф-т] 1 Пастдан юқорига томон ўлчамли қадди, бўйи узун, новча, дароз. *Баланд дор. Баланд от. Баланд минора. Баланд девор. Баланд том.* Бўйи баланд одам. *Тоғни баланд дема, таллаб қилсанг — чиқсанг, ёрни кучли дема, ғайрат қилсанг — йиқсанг.* Мақол. — *Мингбоши чўрт бурилда-да, самовар айвонидан ўтиб, узоқда кўринган болохонадор, баланд, баҳайбат дарвоза томонига югурди.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

2 Ер юзидан ёки бошқа бирор сатҳдан, нуқтадан юқорида жойлашган, юқори. *Баланд остона. Баланд тоқча. Баланд жой. Баланд ер. Бадахшоннинг энг баланд қишлоғи. Тошкент денгиз сатҳидан 480 метр баланд.* — *Самандаров, қошининг бири паст ва бири баланд, ниманидир диққат билан ўқир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. II *Ҳовуздан йиғирма қадамча нарида, ердан одам бўйи баланд кўтарилиб солинган каттагина шийпон. Ойбек, Қутлуғ қон. Кун баланд кўтарилиб, дарахтсиз, сувсиз кўчаларни, ўтувчи, кетуучиларни оташида ёндириб боради.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

3 Кучли; катта, юқори. *Баланд температура. Баланд босим.* — *Алиқул баланд баҳони кўярди-да, .. пул ундиради.* III. Рашидов, Бўрондан кучди. II

Иситмаси баланд, босинқираяпти. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

4 Кучли, қаттиқ (овоз, товуш ҳақида). Баланд овоз билан. || Унинг овози баланд. — Одамлар бирин-бирин тарқала бошларкан, йўли баланд товуш билан уларга мурожаат қилиб тўхтатди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қишлоқнинг кун ботиш томонидан баланд «ура» овози эшитилди. А. Қахқор, Олтин юлдуз. Янроқ овозни баланд қўйиб, бирдан қўйлаб юборди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қулги баландроқ кўтарилди. А. Мухтор, Она-сингиллар.

5 кўчма («ёлғиз» ёки «мартаба», «обрў», «ном» каби сўзлар билан) Бошқалардан юқори, улуг. Баланд мартабали меҳмон ёнбошдаб сизгара чекар, бошқалар камтарлик билан чўкка тушиб ўтирарди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. || Ҳақли одамни ҳеч ким чалолмайди. Ҳақлининг тили ҳам узун, обрўйи ҳам баланд. П. Турсун, Уқитувчи. || Урушга мардикор оғли муносабати билан ўз мансабини, макенини баланд даражага кўтарган .. элликбоши фуқарони сира менсимайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Отанг сенинг номингни ҳам халқдан баланд қўйиб, Аълохўжа қўйдирди. Лекин ҳеч ким сени ўзидан баланд кўрашни ўстамади. «Одаҳўжа» деди. П. Турсун, Уқитувчи.

6 кўчма («омад», «икбол», «толе», «эътиқод», «ихлос», «қадр» каби сўзлар билан) Катта, кучли, зўр. Бу ерларда сувнинг қадри баланд. Толеингиз баланд экан. Мунинг сизга ихлосим баланд. — Шербек бу одамни ғойибона танир, унга эътиқоди баланд эди. С. Анорбоев, Оқсой. Гулшанинг икболи баланд, жуда пишиқ, жуда тиришқоқ. Ойбек, О. в. шабадалар. || Ўғлида ўз кучига ишонган, қадри-қимматини баланд тутган камбағал йиштининг, одамликнинг ғурури катта эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

7 от Баландлик, тепалик. Баланддан туриб. Баланддан настга тушмоқ. — Ғуломжон кўчани баландда кесиб ўтган темир йўл осма кўпригига етмай, бир табақали кичик вишикни очиб, чиқари кирди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Баландда, юлдузли кўкда қаяққадир самолётлар учиб ўтди. Ойбек, Куёш қораймас.

◆ Баланд охурдан сув ичган қ. охур. Димоғи (ёки тумшуги) баланд қ. димоғ 3. Кайфи баланд қ. кайф 3. Кибри-хавоси баланд жуда ҳам ўзига ишсанган, такаббур, манман. Қўли баланд 1) иши йирик, омади кеанган. Бу йил мўл ҳосил бўлсақ, қўлимиз баланд бўлишини унутманг, азизим. Ш. Рашидов, Бурондан кучли; 2) ғолиб келаяпти, устун чиқаяпти, ютаёпти, енгаёпти. Оқ подшо .. фармон чўқриб, халқдан мардикор сўраб қолди. Урушда қўли баланд эмас текилли, ҳаманинг юраги така-пука. Ойбек, Қутлуғ қон. Баланд келмоқ 1) ғолиб чиқмоқ, устун келмоқ, енгмоқ, ютмоқ; 2) бир-биридан ўзмоқ, ошмоқ (айтишиб, жанжаллашиб қол-

ганда). Ҳай-ҳай .. болаларим, биттанг баланд келганда, биттанг наст бўлсанг-ку, олам гулистон. И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор. Баланддан келмоқ 1) қимматга сўрамоқ, нархини жуда ошириб айтмоқ (сотиладиган нарса ҳақида); 2) катта гапирмоқ, ўзини катта олиб гапирмоқ, катта кетмоқ. Бу қандай одам? .. Гапга келганда улугсифат, чечан, баланддан келади. Ишга келганда, ҳамманинг ҳафсаласини пир қилади. П. Турсун, Уқитувчи.

БАЛАНДЛАМОҚ 1 Баланд кўтаришмоқ, баландлашмоқ, қўқориллашмоқ. Самолёт жуда баланддаб кетди. — Кўтарма кўзга кўриниб, сув баланддаб борди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

2 Кучаймоқ, зўраймоқ. Ҳаммуҳбатим гапини шивирдаб бошдас ҳам, бир зумда овози баландлаб кетди. «Муштум», 1959, № 7.

3 Кўтаришмоқ, ортмоқ, қимматлашмоқ (бахо, нарх-наво ҳақида).

БАЛАНДЛАШМОҚ айв. баландламоқ. Тиниқ самода баландлашиб, магрур турналар алақачондаб учиб ўтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

БАЛАНДЛАТМОҚ баландламоқ фл. орт. н. Овозни баландлатмоқ. — Қачон кўргансан? — деди маймунга ўхшаган киши чироқни баландлатай-тиб. А. Қахқор, Сароб.

БАЛАНДЛАШМОҚ айв. баландламоқ.

БАЛАНДЛИК 1 баланд с. бели оти. Уйнинг баландлиги. Иссиқнинг баландлиги. Овознинг баландлиги. Ҳурматнинг баландлиги. — Бирор одамнинг ўзидан наст ё баландлигини .. унинг уйида нечта гилами борлиги ёки неча кишига сўзи ўтишини билан ўчар эди. А. Қахқор, Хотинлар.

2 Баланд жой, баланд ер, тепалик. Олдинда йўл бошловчи, кейинда Назирли билан Қамтир баландликка кўтарилишиди. Ойдин, Мардикор — мангулик.

3 геом. Геометрик шаклнинг учидан асосига туширилган энг катта перпендикуляр. Уч бурчакнинг баландлиги. Конуснинг баландлиги.

БАЛАНДПАРВОЗ {ф-т} 1 Баланд учадиган, баландда парвоз қиладиган. Бургутдай баландпарвоз бўлиш учун қулоч-қулоч қанот керак. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўчма Ўзини катта оладиган, катта гапирадиган, жуда ҳам магрур. Баландпарвоз одам.

3 кўчма Тамтароқли, дабдабали, сежама. Баландпарвоз вағдалар. Баландпарвоз услуб. Баландпарвоз гаплар.

БАЛАНД-НАСТ айв. наст-балад. Баланд-наст ерлар. Баланд-наст уйлар. Баланд-наст гаплар.

БАЛАНД-НАСТЛИК 1 баланд-наст с. бели оти.

2 Баланд-наст ерлар, жойлар. Бешинчи кун деганда ариқдай баланд-настликлардан ўтиб, эски изга тушиди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

БАЛАНС {р<фр} 1 эк. Халқ хўжа-

лигида ва умуман хўжалик, савдо ишларида бир-бирига боғлиқ бўлган соҳаларнинг ўзаро мувофиқ салмоғи. Қуриқ ва бўз ерлар ўздаштирилган районлар мамлакатнинг гада баландида айниқса муҳим роль ўйнайди. (Узбекистон), 1960, № 12. Савдо баланси маълум дарада четдан киритилган ва четга чиқарилган молларнинг ўзаро нисбати. Актив баланс кирим, даромд чиқимдан, буромаддан ортқ, бўлиб баланс. Пассив баланс кирим, даромд чиқимдан, буромаддан кам бўлган баланс.

2 бухг. Бирор корхона ёки ташкилотнинг белгилі бир муддат ичидаги кирими билан чиқимини, даромд билан буромадини бир-бирига қисс қилиб чиқилган якун. Бир ойлик баланс. Баланс тузмоқ.

◆ Иссиқлик баланси физ., тех. иссиқликнинг ажрвалиши ва сарф бўлишини ўзаро қиссдаб чиқарилган якун. Денгизнинг иссиқлик баланси.

БАЛАНСИР {р<фр} тех. 1 Машиналарда, механизмларда илгариланмаконталанма ҳаракат узатувчи шўкка ёқкали ричаг. Жуман иншиқани кўриб, ҳайрон бўлди: ричақка тош тақдлаб, балансир портлаган эди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Соат механизмининг асосий регулятори.

БАЛАНСЛАМОҚ 1 эк. Халқ хўжалигида, умуман хўжалик ва савдода ўзаро боғланган соҳаларни бир-бири билан мувофиқлаштирмоқ, тўғри нисбатга келтирмоқ.

2 бухг. Балансларни якунламоқ. 3 тех. Машина ва механизмларнинг айланувчи қисмларини мувозанатга келтирмоқ.

БАЛАНСЛАШМОҚ балансламоқ фл. мажс. н. Ҳар бир план доиминг барис таркибий элементлари бўйича оқиқ балансланган бўлиши керак.

БАЛЕРИНА {р<итал} Балетчи артистка, балет раққосаси.

БАЛЕТ {р<фр} Музика жўрлукдаги рақс ва миник ҳаракатлардан иборат бўлган сахна асари ва шу асар учун ёзилган музика. Қора Қоравнинг «Мамақандироқ миздан» номи балети. Балет мактаби.

БАЛЕТМЕЙСТЕР {р<нем} Балет ва умуман сахна асари рақсларини сахнага кўювчи.

БАЛЕТЧИ Балет раққосаси, раққоси.

БАЛИ 1 {ф-т} с. т. Балли.

БАЛИ 2: алим деса, бали дсмиқ қ. али.

БАЛИК 1 Сузгичлари бўлган, оёққуллоқлари орқали нафис оладиган, сув жонивори. Наққо балик. Қора балик. Золотра балик. Денгиз балиги. Балик оёқ. Балик садаш келмаси. Баликнинг тириклиги — сув билан. Мақод.

2 Шу жониворнинг гўшти. Қоўрилган балик. Тузланган балик. Балик комбинати. — У [Сидиқжон] .. бағдан Рўзиматга яқини балик томоқ едими.

дан қоллишмайди», деб мақтаб ҳам кўяр эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Мучал йил ҳисобида бешинчи йил номи. **Балиқ йили** мучал йил ҳисобида бешинчи йил (қ. мучал).

◆ **Балиқ сирги** икки томонга нишаб, сўйри сирт.

**БАЛИҚКҮЗ I** Кўзи чақчайган, чақчайма кўз. — *Йўқ, бир нарсага пушаймон қилаялман, — деди арслонқомат балиқкўз айғит.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАЛИҚКҮЗ II** Шўрхоқ ерларда ўсадиган бир нав ёввойи ўсимлик.

**БАЛИҚТУТ с. т.** Балхи тут. *Ховлининг ўрта ерида паканагина балиқтут ўсиб, остига кул ва бошқа ахлатлар тўпланган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАЛИҚФУРУШ** Хом ёки қовурилган балиқ сотувчи. *Балиқфуруш, нўхотишўраки ва каллапазлар ўз нарсаларининг таъриф-тавсифини қилиб, овозлари борича бакирардилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**БАЛИҚЧИ I** Балиқ тутувчи, балиқ овлочи. *Балиқчи колхозчилар. — Дарёга қармоқ ташлаган киши илгинани нолади-да. Қайси бир балиқчи тўғра тушган лаққани ташлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2.зоол. Сувдаги балиқ билан тирикчилик қилувчи қуш.

**БАЛИҚЧИЛИК I** балиқчи I с. касб оти.

2 Балиқ боқиш, балиқ урчитиш. *Балиқчилик колхозлари.*

**БАЛКА [р]** бик. Ёғочдан, темирдан ёки темир-бетондан қилинган иншоот элементи; тўсин. *Темир балка. Қўш-тавр балка.*

**БАЛКАР қ. балкарлар.** || *Балкар аёли.*

**БАЛКАРЛАР** Туркий тилда сўзлашувчи Кавказ халқларидан бири; Кабарда-Балқария АССРнинг туб аҳолиси.

**БАЛКИ [ф-т]** I сидл. боғл. Маънолари бир-бирига қарама-қарши бўлган гапни, гап бўлақларини боғлаш ёки қиёслаш учун хизмат қилади. *Қатта айб Қора Аҳмадда бўлмай, балки бошқаларда эканини .. сўзлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кири с. Гумон, тахмин маъноларини билдиради. [Йўлчи:] Қаерга келдим? Мирзакаримбой шу кишимикин? Балки, бу бошқа бойдир.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАЛКИМ [ф-т]** эск. айн. балки.

**БАЛҚОН [р<итал]** I Бинонинг иккинчи ва ундан юқори қаватларидаги хоналарга бириктириб, кўча ёки ховли томонга қаратиб қурилган панжарали айвонча.

2 Театрда иккинчи ва ундан юқори қаватдаги ўринлар.

**БАЛЛ [р<фр]** I Табiiий ҳодисаларнинг, мас. зилзила, шамол, штормнинг кучини ўлчаш учун қабул қилинган ўлчов бирлиги. *Зилзила(нинг) кучи саккиз балдан ошди.*

2 Ўқувчиларнинг имтиҳонда олган баҳоларини ифодаловчи рақам. *Тўрт имтиҳондан 18 балл олдим.*

**БАЛЛАДА [р<фр]** Шеър билан ёзилган лирик қисса.

**БАЛЛАСТ [р<ингл]** I Кеманинг белгиланган қисми сувга ботиб, устувор туриши учун кемага ортладиган ёки учиш аппаратининг кўтариш кучини тўғрилаб туриш учун олинладиган оғир юк. *Балластни ташламоқ. || Балласт юк.*

2 *кўчма с. т.* Кераксиз, ортиқча юк, дардисар.

3 Темир йўлда шпалларни ўрнатиш учун ётқизиладиган шағал, қум. *Балласт ётқизмоқ. Балласт қатлами.*

**БАЛЛИ [ф-т]** унд. с. I Мақтўв, маъқуллш, тахсин, тасанно билдиради. *Балли, ўғлим! — Унинг фикрини маъқулловчи овозлар эшитилди: Балли! Отангизга раҳмат!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тасдиқлаш, таъкидлашни билдиради. — *Балли, — Фазлиддин боши билан хотинининг сўзини таъкидлади, — синалган одам керак.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Балли, ҳуқуқматимизнинг даврида яхшилик ерда қолмас экан, шу одамлар кейинчалик бизга қарашиб, шунчалик жой бўлди. — Уша очлик йлли солганмисиз? — Балли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАЛЛИ I** Белғили балл кучига эга бўлган. *Беш балли зилзила. Тўғқиз балли шамол.*

2 Рақамлар системаси билан ифодаланган. *Беш балли система.*

**БАЛЛИСТИК [р баллистический]** Баллистикага оид, баллистика қонунларига асосланган. *Қитъалараро баллистик ракета.*

**БАЛЛИСТИКА [р<грек]** Отилган ўқ, снаряд ва ш. к.нинг ҳаракат қонунларини ўрганувчи фан.

**БАЛЛОН [р<фр]** I Сууюқлик ёки газ сақланадиган берк шиша, металл ёки резина идиш. *Шиша баллон. Газ баллони. — Қасалхоналарда оксиген ёстиғини тўдириш учун алоҳида оксиген баллони бор.* И. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

2 Автомобиль, мотоцикл сингари машиналарнинг ҳаво дамланадиган резина гилдираги.

3 Аэростатнинг газ ўтказмайдиган қобиғи.

**БАЛЛОНЛИ** Баллони бор, баллон билан таъмин этилган. *Икки баллонли газ қурилмаси. Газ баллонли автомобиль.*

**БАЛО I [а]** I Офат, фалокат. *Балойи ногаҳоний. Кўринмас бало оёқ остида.* Мақол. *Сақланганга бало йўқ, сақланмасанг — даво йўқ.* Мақол. *Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур.* Мақол. *Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога.* Мақол. — *Бекни қанча-қанча балолардан халос қилган шу от эмасми?* Ҳ. Гулом, Машъал. *Сув балоси тошқин, сел ва шу қабилардан етган офат.* | Ташвиш, ҳам бир. *Улиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Эшигимиздан қочиб кетган зиндавачча балойи азим бўлди.*

*Бизни кўп ташвишга солиб қўйди, П. Турсун, Ўқитувчи. Балойи нафс ёки нафс балоси нафси бузуқлик, очкўзлик, хирс орқасида бошга тушган кулфат, ташвиш. Бизнинг ўлик ювишга устакор бўлишимиз балойи нафс — пул дарди кабоб.* Ҳ. Гулом, Шум бола. *Бошга бало бўлди I* дардисар бўлди; ортиқча ташвиш бўлди. *Нега бу муаллимни ўз бошингга бало қилиб ўтирибсан?* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бошга кулфат келтирди. *Унинг чиройи ўз бошига бало бўлди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Тухмат балоси* тухмат орқасида бошга тушган кулфат. *Содиқ қулингиз, арслонсифат Шерназарбой тухмат балосига дучор бўлиб, зиндонда сарғайиб ётибди.* Ҳ. Шарипов, Хоразм. *Бало ҳам урмайди* ҳеч нарса бўлмайди, ҳеч қандай офат тегмайди, шикаст етмайди. *Балога қолмоқ* даввосига қолмоқ, қаттиқ хижолатга тушмоқ. *Ишни қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи.* Мақол. — *Ҳой бола, сен тушгана манови отни тақалаб қўй. Агар тушгача тақаламасанг, нақ балога қоламан.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 с. т. Қандайдир ноаниқ бир нарса, иш, иллат, сабаб ва ш. к. ҳақида. *Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур.* Мақол. *Тасмага рангбаранг мунчоқ, темир узук, шинелга қадайдиган сариқ, жез тугма, яна алланима балолардан маржон тизиб қўйилибди.* Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар. **Бало борми?** нима борми; нима қилиб юрибди? (ўринсиз иш, ҳаракат, нарса ва ш. к. ҳақида). *Шу совуқда латифага бало борми?* С. Анорбоев, Оқсой. **Бир бало қилинг** бир иложини қилинг. **Ҳар бало ҳар хил нарса.** *У ҳар балони билади, ҳар шининг уддасидан чиқади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Ҳар бало бўлса** ҳам нима бўлса ҳам, ҳар қалай. **Ҳеч бало ҳеч нарса.** *Бир нима берай десам, ҳеч балойим йўқ. Ҳеч балода йўқ ёки ҳеч балони билмайди* ҳеч нарсада йўқ, ҳеч нарсани билмайди, қўлидан ҳеч қандай иш келмайди. *Бизда ҳам серпан, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп-у, лекин [улар] амалда ҳеч балода йўқ.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Балодан ҳам қайтмайди** ҳеч нарсадан қайтмайди.

◆ **Нима (ёки не, қандай) бало I** кўрилмаган, эшитилмаган таажжуб нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. ҳақида. *Бу нима бало?* — *Шу кунларда шаҳримизда бир эшак пайдо бўлди. .. Не бало эшак! Шамолдан тез, сувдан силлиқ юзурди.* Ойбек, Навоий; 2) сўроқни кучайтиради. *Нима бало, куёвинг кўркисизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) *(киноямоуз интонация билан)* сабаб?, нима учун?, нега? *Нима бало, дом-дараксиз бўлиб кетдинглар?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАЛО II [а]** с. т. Ўз ишига пишиқ; уддабурон, уста. *Вой қиз йлгур, бало экан, ичидан пишган экан.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Мансур:] *бало ошпаз, бало. Улеунча айёр. Ўзи қульвачча, ид-*

роки юксак. Уйгун ва И. Султон, Навоий. Сайфибдин Умаров .. эсингдами, математикадан бало эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАЛО-БАТТАР**, балойи баттар с. т. Хар хил майда-чуйда нарсалар; ул-бул, қақир-қуқур. *Кўчада этган эски тақа, занлаган миҳ, тугмача, шунга ўхшаши бало-биттарларга кўзи тушса дарров олар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАЛОГАРДОН** [a+ф-т] Балони қайтарувчи, даф қилувчи, бало-офатдан сақловчи, қутқарувчи; халоскор. [Мир-зарайим Мастурага:] *Нима бало келса, (пулни кўрса) мана бу улуг балогаardonга ҳавола қилман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Балогардон бўлмоқ** бировни ҳимоя қилиш учун ҳар қандай бало-қазога ўзини рўбарў қилмоқ. **У** [Қудрат] *ўз теварагига Ғуломжон, Замон, Барат полдон сингари ёру биродарларини йиғиб, уларнинг ёрдам ва мададлари билан қишлоқ мазлумларининг ҳақ ва ҳуқуқларини қўлдан келганча ҳимоя қилиб, уларга балогардон бўлиб келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БАЛОДАЙ**, эдек рвш, с. т. Туппатузук, яхши, нозандек. Инглизчани балодай билади. — [Рокья:] *Муҳаббатингиз балодек кийим танлайди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. [Ҳайдар ота кампирга:] *Самоварчиликка яраптими, ахир? — Ҳа, балодай .. Ҳассасиз юради.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**БАЛО-ОФАТ**, балою офат Турли бало ва офатлар. *Сенга ёпишмаган бало-офат борми?*

**БАЛОХҲҲ** [a+ф-т] нафр. Бировнинг хақини еюувчи; текинхўр, харомхўр. *Шундай қилиш керакки, халқнинг пешана тери билан, оғир меҳнати билан чиқариладиган сув битта ёки бир неча балохўр қўлига ўтиб кетиб қолмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БАЛО ҚАЗО**, балойи қазо Турли бало ва офатлар, кулфат ва мусибатлар. *Бахтингиз энди кулади, синглим! Бало-қазолардан қутулдингиз!* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Элдан балойи қазо кўтарилсин!* Ж. Шарипов, Хоразм. *Улар мардикорчиликка олингач, рўзгорлари тутдай тўкилиб, оқлик ва бенаволик бола-чақаларининг ғариб гирибонига бало-қазодай ёпишишини .. чуқур ҳис қилдилар.* М. Ўрунхўжаев, Унутилмас кунлар.

**БАЛОҒАТ** [a] 1 Жисмоний жиҳатдан етилганлик, вояга етганлик; болиғлик. *Балоғат ёши.* *Балоғатга етган қиз.* — *Шу улуг кунларнинг гражданиман.* *Ақл ва балоғат жонга пайваста.* Ғ. Ғулом.

2 *кўчма* Етуклик, камолст. *Унга ўз ҳунаримизни кўрсатиб, балоғатга етганимизни исботлашга уриндик.* И. Раҳим, Оловкор. **Балоғат гувоҳномаси** эск. ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат; етуклик аттестати. *Мана порлоқ балоғат гувоҳномаси.*

*Тўрт минг беш юз йигирма номери ила.* Ғ. Ғулом.

**БАЛХ(И)**: балх(и) жўхори оқ жўхорининг эртапишар бир тури. **Балх(и) тут** меваси оқ ширин тут; оқ тут. *Чумчуқлар айрилишдан бирон юз қаддам наридаги каттақон балх тутда чуғурламоқда.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**БАЛЧИҚ** 1 Кўчаларда, йўлларда ёгингарчиликдан ёки сув босгандан кейин ҳосил бўладиган суюқ, ботқоқ лой. *Илгарди бу ерда ёгингарчилик паласида балчиқ отнинг қорнига етарди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *Ариқ, дарё, кўл ва умуман сув ҳавзалари остига ўтирган лой. Таги балчиқ кўл. Қақаларни балчиқдан тозалаш. Балчиқ билан даволаш.*

3 *кўчма* Оғир, ёмон шароит ёки эскилик, жаҳолат, ғафлат оғушидаги муҳит ҳақида. *Хурофот балчиғи.* — *Вақти келганда, жиян, дўстлар қўлтигинга кириб, балчиқдан тортмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Неча арлар ухладинг ётиб, Қумушдек танинг балчиққа ботиб.* Ҳамза.

**БАЛЧИҚЛИ** Балчиқ босган; сербалчиқ. *Балчиқли кўча. Балчиқли кўл.* **БАЛЧИҚЛИК** Доимо балчиқ босиб ётадиган, сербалчиқ жой. *Балчиқликдан ўтмоқ.*

**БАЛЪЗАМ** [p<грек] Баъзи ўсимликлардан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланган, таркибида смола ва эфир мойлари бўлган қуюқ хушбўй модда.

**БАЛЪЗАМЛАМОҚ** Махсус моддалар воситасида мурдани чиримайдиган қилмоқ; мумиёламоқ.

**БАЛЬНЕОЛОГ** [p] Бальнеология олими, мутахассиси.

**БАЛЬНЕОЛОГИК** [p бальнеологический] Бальнеологияга оид; бальнеология билан шуғулланадиган. *Бальнеологик лаборатория. Бальнеологик курорт.*

**БАЛЬНЕОЛОГИЯ** [p<лат+грек] Медицинанинг минерал сув ва балчиқлар таркибини ва уларнинг касалликларга таъсирини ўрганувчи тармоғи. *Бальнеология институти.*

**БАЛҚИМОҚ** 1 *поэт.* 1 Ерқин нур сочиб жилва қилмоқ; ярқирамоқ, порламоқ. *Тўлин ой балқиб қиқди.* — *Уни энди балқиган қўёи нурга чулғаб кузатиб қўйди.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Балқиб энди Октябрнинг чироғи, Бош кўтарди озодликнинг байроғи.* Ҳабибий.

2 *кўчма* Гул-гул яшнамоқ, гуллаб яшнамоқ, равнақ топтоқ, барқ урмоқ. *Ташаққур партия, абадий балқи, Байроғинг остида халқлар бахтиёр.* А. Пўлат. *Ишчи ўғли, шуҳратингдан, Балқисин рўйи жаҳон.* Ҳамза.

3 *кўчма* Барқ уриб кўринмоқ, намоён бўлмоқ, очилмоқ. *Муздак сув, ғамхўр қизчасининг меҳрибон товуши ва лаззатли тасм ҳиди онанинг кўнглини очди, ҳорғин ва неадир ўйчан .. юзида табассум балқиди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**БАЛҚИМОҚ** 1 1 Билқиллаб кўтарилмоқ, кўлчимоқ. *Чўян эриб симобдай балқиди.* — *Ҳовли хамирдай балқиган, ундан енгил буғ кўтарилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Дирқилламоқ, серқилламоқ. **БАЛҒАМ** [a] Нафас йўли ва ўпкадан ажралиб чиқадиган шиллиқли ёки йирингли модда. *Балғам ташламоқ.*

**БАЛҒАМИ** [ф-т<a] Оч яшил ва кўкиш оралиғидаги (ранг-тус ҳақида). *Муқимий кичик балғами пиёлада чой хўшлаб, Қўқонда қолган ёр-дўстларини соғиниб кетди ...* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**БАМАЙЛИХОТИР** [ф-т+a] *рвш* 1 Шошмасдан, ошиқмай, секин-аста, хотиржамлик билан. *Кўчаларда шовишб кетаётган, ё бўлмаса бамайлихотир сайр этиб юрган .. кишилар ҳам учраб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ҳеч қандай ноқулайлик, ўнғайсизлик ёки монельлик сезмасдан, ҳеч нарсадан ҳавотир олмай; бемалол. *Йўлдош ака тақир шолмага, худди саккиз қават кўрпачада ўтиргандай, бамайлихотир ёстаниб олди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

**БАМАСЛАҲАТ** [ф-т+a] *рвш* Маслаҳат билан, фикрлашиб, кенгашиб. *Масалани бамаслаҳат муҳокама қилмоқ.* — *У ҳамма ишни халқ билан бамаслаҳат қилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БАМАЪНИ** [ф-т+a] 1 Ақл-идрок, мулоҳаза билан айтилган, қилинган; маъноли, мантқиқий, мазмундор. *Бамаяъни иш. Бамаяъни жавоб.* — *Ғуломжон .. бамаяъни гаплари билан Азим тажанга ёқиб қолган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ақл-идрок, мулоҳаза билан иш қиладиган; жиддий. *Бамаяъни одам.* — *Ақлли, бамаяъни қизга ўхшайди, бирпас гаплашиб, кўнглини ёзиб келади.* А. Қаххор, Қўқон конверт.

**БАМАЪНИЛИК** бамаяъни с. белги оти. *Жавобнинг бамаяънилиғи.*

**БАМБУК** [p<фр] Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, танаси қамишга ўхшаш қавак, баланд бўйли ўсимлик. || *Бамбук ҳасса. Бамбук чайла.*

**БАМБУҚЗОР** [p+ф-т] Нуқул бамбук билан банд жой.

**БАМИСЛИ** [ф-т+a] эск. айн. бамисоли.

**БАМИСОЛИ** [ф-т+a] Худди, гўё, гўёки. *Сизлар ҳозир бамисоли булбули гўёсиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Жаҳон бамисоли бадан бўлса, Ҳирот унга нисбатан жондир.* Ойбек, Навоий. *Хушфеъл йигит. Юзи оппоқ, бамисоли сўтга чайиб олгандек.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАНАН** [p<исп] Тропик мамлакатларда меваси ва толаси учун ўстириладиган, барги катта ўсимлик ва унинг ейишли меваси.

**БАНАНЗОР** [p+ф-т] Нуқул банан билан банд жой.

**БАНГ** [ф-т] айн. *ваша* 2.



**БАНГИ** [ф-т] 1 Наша чекувчи, наша чекишга ўрганиб қолган; нашаванд. *[Мамадали бой] ишлари қорайиб кетган бир меҳмонхонада бир-икки банги билан гулхан ёқиб, наша чекиб ўтирган экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш ўринишлари.

2 Умуман гиёҳга (қўқнори, қорадори ва ш. к.га) ўрганган одам; гиёҳванд, қўқнори. *Ўтаси .. қўқнори едирган банги сизгари рангсиз, холсиз, доводир, пириниқотир кўринади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БАНГИДЕВОНА** [ф-т] Бир йиллик захарли ўсимлик.

**БАНГИНАМО** [ф-т] Бангига ўхшаган; банги табиат. *[Қоровул] узун мўйловли, кўзлари ола-була бангинамо киши эди.* Ойбек, Болалик.

**БАНГИХОНА** [ф-т] эск. Бангилар тупланиб наша чекадиган жой, хона.

**БАНД** I [ф-т] 1 Бир нарсанинг ушладанадиган қисми; даста, тугқа. *Чой-нақанинг банди. Челақиниң банди.*

2 Бир нарсанинг бошқа бирор нарсага суқиб, ўзказиб қистириб қўйиладиган қисми. *Узук банди.* ■ *Бойқаро-ниңг қалаёғига қабалдан жиганиңг олтин банди эрталабки кўшида .. ёнарди.* Ойбек, Навоий.

3 Чпроқ ёки олма, нок ва ш.к. меваларниңг новдага, қовун, тарвуз, бодирниңг ва ш. к.ниңг палакка бириктирадиган ичгичка қисми. *Гилос банди. Узун банди.* ■ *Кечаси турган шамол банди бўшаб қолган барларни шохларидан узиб, сувсиз қуруқ ариқларни мазонга тўлдириб қўйган.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

4 Бўғим, бўғин. *Занжирниңг бандлари.* Банди-бандидан ажралмоқ.

**БАНД** II [ф-т] 1 Қарор, қонун, шартнома ва ш. к.ниңг рақам ёки ҳарф билан бўлиб кўрсатилган кичик бир қисми, модда, параграф. *Биринчи бобниңг учинчи банди. Қарорниңг бешинчи банди.*

2 Қофия, ритм ва мазмун жиҳатдан ўзаро боғланган манзума, шеърни парча. *Бир банд шеър. Шеърниңг бир бандици ўқимоқ.*

3 Музика асари ёки ашуланиңг маълум бир қисми. *Аҳмад Хусайн қўшиқниңг айрим бандларини, қўллари ва кўзлариниңг ҳаракати билан таъсирли оҳангда шивирлаб ўқиди.* Ойбек, Нур қандириб.

**БАНД** III [ф-т] 1 Бўғов; боғлам, тугун. *Ианиңг банди. Бандни бўшатмоқ. Бандни ечмоқ.* I Тўсиқ, ғов; тўғов. *Банд солмоқ.*

2 Асирлик, тутқунлик ҳолати; қамоқ, тутқун. *Йўқ тоқати бандиңгда бечорага раҳм эткил.* Муқимий. *Бариниңи бандидан халос қиларман. Бўлмаса, қабоҳат кунин соларман. Ширин билан Шакар.*

3 Кўчма Бирор кимсага берилганлик, мафтувлик ёки унинг ҳукми, таъсири остига олинганлик. *Дилини банд қилмоқ.* ■ *Мирзанўлга келибманки, сенга*

*бандман, Айтолмайман, аммо дилим сени пойлар.* Т. Тула.

**БАНД** IV [ф-т] 1 Ишғол этилган, эгалланган, бўш эмас. *Уй одамлар билан банд. Телефон банд. Ҳанқа керосин билан банд.* ■ *Ҳамма ёқ ашиқлар билан банд.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уқув залида ҳамма ўринлар банд.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Бирор иш, машғулот билан машғул, қўли бўш эмас. *Шавкат ўқиш билан банд. Мен ҳозир иш билан бандман.* *Хозир мениңг бошим бошқа нарсалар билан банд. Халқимиз ижодий меҳнат билан банд.* ■ [Зебо] *Элмурод хаёли билан банд эди.* Шўхрат, Шинелли йиллар. *Бригадир зарур иш билан банд эканлигини кўрсатишга иттиқларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Банд бўлмоқ* 1) бирор нарса билан ишғол бўлмоқ, эгалланган бўлмоқ. *Яқини жойи банд бўлиб қолибди.*

■ *Ҳеч нарсани олдин олиб қўйиш керак эмас, чунки пул бекор банд бўлиб .. қолади.* А. Каҳҳор, Сароб; 2) бирор иш, ҳаракат билан машғул бўлмоқ. *Гулможон кўзача мактаб маърағарлици билан банд бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) *кўчма* мафтув бўлмоқ. *Қўлим банд* 1) қўлимда нарса бор; 2) қўлимда иш бор, иш билан машғулман.

**БАНДА** [р<итал] Куролланган ўғрилар, босқинчилар, қаллакесарлар, бандитлар тўдаси; шайка.

**БАНДА** [ф-т] 1 дин. Диндорлар этиқоқиди худо яратган ва бутун ихтиёри, тақдири унинг амрида бўлган одам, худониңг қули. *Худониңг бандаси.* Банданиңг боши — олоғниңг тоши. Мақол. ■ *Махсум ўзича имон келтирди: — Ё худоё худовандо, бир ожиз бандангман. Гуноҳим бўлса, ўзинг кечиргайсан!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Умуман одам, киши. *Барида — чора-чора, йўғида банда бечора.* Мақол. ■ *Мениңг қир ювиб беришимага зор бандалар бу шаҳарда йўққа ўхшайди.* — деб ҳасрат қилди она. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кўчма Бутун вужуди билан бирор нарсага, кимсага берилган, унинг қули, шайдоси бўлиб қолган киши ҳақида. *Китоб бандаси. Пул бандалари. Нафс бандаси.* ■ *Кизиниң .. қора қўнғир сочи тақимида уриб, киприклари оқ тўшига соя солиб турганини кўрган ҳар бир йигит унга банда бўлар экан.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

4 Кимсага қарам киши; фуқаро. *Бандагиз ёки бандалари эск. мактубий* хатда ёки кимсага мурожаат қилганда ўзини камтар олиб, мурожаат қилинаётган кишига хурмат билдириш формаси. *Эҳтимол содиқ бандаларига инobatларини аямаслар.* Ойбек, Навоий.

◆ *Хом сўт эмган банда қ. эммоқ.* **БАНДАЖ** [р<фр] Танниңг касал жойини нормал ҳолатда тўтиб турниш учун танғиб боғлаб қўйиладиган махсус тертки, қуллоб.

**БАНДАК** [ф-т] этн. Паранжиниңг

орқа томонида осилиб турадиган иккита сохта енг. — *Саккизинчи март — бандасидан торти! — деб қичқирди [Султон] ва онасиниңг паранжисини судраб келиб, қандоғага улоқтирди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**БАНДАЛИК** I дин. Банданиңг қисмати, ҳол-аҳволи (қ. банда). *Бандаликда вафот қилган кишиниңг қариндош-уруғларига таъзия билдириш, кўнгил кўтариш учун ишлатиладиган иборат.* *Ҳалиги .. одам Элмуродниңг юзига эғилиб қаради-да, шанғалиб сўради: — Ҳа, жияним, шундай бўлди-ми-а, ҳай, нима илож, бандаликда .. Майли хафа бўлма. П. Турсун, Ўқитувчи.* *Бандаликни бажо келтирмоқ* қазо қилмоқ, вафот этмоқ, ўлмоқ. *Маҳалламизниңг имоли бандаликни бажо келтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қарам кишиниңг, фуқароларниңг ҳолати, ҳол-аҳволи. *Асарниңг охирида қотилни полиция қамоққа олади ва бир муаллим чиқиб, чор ҳуқуқматиға куллиқ ва бандалиқ мадҳиясини ўқийди.* Ҳамза.

**БАНДАРГОҲ** [ф-т] эск. 1 Порт ва унга кириш-чиқим йўллари.

2 Чўл, дашт ва тоғли ерларда йўллар кесилган, гавжум, қўниб ўтиладиган жой. *Мен бандаргоҳга неча одам қўйиб, мусофирларниңг қочиб кетиб қолмаслик эҳтиётини қиламан.* «Ёдгор».

**БАНДАЧИЛИК** айн. бандалик 1. **БАНДЕРОЛЬ** [р<фр] 1 Почта орқали юбориладиган корреспондентия тури (газета, китоб ва ш. к.). *Бандероли очмоқ. Китобларни бандероли билан юбормоқ.*

2 Баъзи моллар, мас. чой, папирос ва ш. к. пачкаси устидан ёпиштирилган ва шу моллар учун давлат томони-дан белгиланган тўлов тўланганлигини билдирадиган лента қоғоз.

**БАНДИ** [ф-т] эск. 1 Асир тушган, асир қилиб олинган одам; асир, тутқун. *Банди бўлмоқ.* ■ *Банди солдатлар билан бўликда у: «Битсин хоин амалдорлар! .. ширини гулдурашиб куйлайди. Ҳамза. Шу уруида Қовуштихонниңг ўғли Тўлибой синчичи банди қилиб олиб келди.* «Ўрўғли».

2 Қамоққа олинган, зиндонга ташланган одам; маҳбус. *Тўрт бандини зиндондан олиб келдилар.* Айний, Эсдалиқлар. *Етиб келди амаки .. Ўғрини қилиб банди, Уйларига қайтдилар.* З. Диёр.

**БАНДИТ** [р<итал] Куролланган ўғри, босқинчи, каллакесар. *Бандитлар шайқаси.*

**БАНДИТИЗМ** [р] Куролланиб якка ёки шайка билан ўғирлик, босқинчилик қилиш, одам ўлдириш ёки зарар-қунданалик.

**БАНДИТЛИК** 1 бандит с. маъ. от. 2 айн. бандитизм.

**БАНДИЛИ** I Банди, тутқичи, тутқаси сулган. *Олтин бандли кўзойнак.* ■ *Хотин ўртага бандли кичик гулдор хумчада вино билан икки стакан олиб*



келиб қўйди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Бир неча банддан, бўлимдан, параграфдан иборат бўлган. Беш бандли қарор. Саккиз бандли шөгёр.

**БАНИБАШАР** [а] эск. кт. Одам боласи, инсон фарзанди; одамзод.

**БАНИИНСОН** [а] эск. кт. айн. банибашар.

**БАНИОДАМ** [а] эск. кт. айн. банибашар.

**БАНК** I [р<фр<итал.] СССРда: планга мувофиқ қорхоналарнинг кундалик ишлари учун кредит бериб туриш, қаттал қурилушларни маблағ билан таъминлаш, қорхона ва муассасалар ўртасидаги пул муомалаларини нақд пулсиз тартибга солиб туриш, бор пул маблағларини марказлаштириш ва узлуксиз айданиб туришини таъминлаш билан шуғулланувчи давлат муассасаси. Давлат банки. Қишлоқ хўжалик банки. Банк операциялари. Капиталистик мамлакатларда: капиталистлар ўртасида тўлов, кредит ва бошқа ҳисоб-китоб ишларида воситачилик қилиб турувчи муассаса.

**БАНК** II Карга ўйинида: тикилган, ўртага қўйилган пул.

**БАНКА** I [р банк] с. т. эск. айн. банк I.

**БАНКА** II [р] I Шиша ёки металлдан ясалган, одатда цилиндрик идиш. Шиша банка. Консерва банкаси.

2 мед. Қиши тавининг касал ерига қонни юриштириш учун қўйиладиган ноқсимон қалин шиша идиш. Банка қўймоқ.

**БАНКАБРОШ** [р<фр] тўқм. Хом ип тайёрлайдиган машина.

**БАНКАБРОШЧИ** тўқм. Банкаброщда ишловчи ишчи.

**БАНКЕТ** [р<фр] Бирор воқеа ёки кимса шарафига бериладиган тантанали зиёфат, ўтириш. Банкет зали. Банкет бермоқ.

**БАНКИР** [р] Капиталистик мамлакатларда йирик акциядор ёки банк эгаси. Америка банкирлари.

**БАНКНОТ** [р<ингл.] СССРда: Давлат банки томонидан чиқариладиган, маълум моддий қийматга эга бўлган қозғоқ пул. Капиталистик мамлакатларда: эмиссион банклар томонидан чиқариладиган, муомалада пул ўрнига қўладиган банк билети, кредит қозғоқи.

**БАНКРОТ** [р<нем] Қарзини тўлашга ҳам қурби келмай қолган, синган савдогар, капиталист ва ш. к. Банкрот бўлмоқ 1) синиб, қарзини тўлашга ҳам қурби келмай қолмоқ; 2) қўчма батамом эътиборини йўқотмоқ, чиппакка чиқмоқ.

**БАНКРОТЛАШМОҚ** I Банкрот бўлмоқ, синмоқ.

2 қўчма Эътиборини батамом йўқотмоқ; чиппакка чиқмоқ.

**БАНОГОХ** [ф-т] рви Кутилмаганда, тўсатдан, бехосдан; иттифоқо. Бир йилдан сўнг, баногох, Бир сирдан бўлди оғоҳ. Х. Олимжон. Баногох

Саид Жалолхоннинг кўзи қаршидан от қўйиб келетган мулла Шамсидинга тушди. А. Қаххор, Башорат.

**БАНОРАС** [Хиндистондаги шаҳар отибан] Қўлда тўқидган шойи газламаннинг бир тури. || Банорас тўйи.

**БАНОТ** диал. Духоба, бахмал. Бекнинг оти пўлат сувдуқ чайнади. Бахмал-банот қийиб Аваз жайнади. «Хушкелди».

**БАНТ** [р] Қапалакнусха боғ ва шу тарада боғланган лента, жияк ва ш. к. Лертани сочига бант қилиб боғлаган қизча.

**БАНТЫҚ** [р] Кичкина бант.

**БАБОРҮ** Обрўди, эътиборли. Баобрў кишилар.

**БАР** [ф-т] Уст кийимнинг икки ён этаги. Ғулумжон яктагининг барларини белбоғига қистириб олиб, хирмон текислай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ота елкасидаги юкни йўлкадаги бир эшик зинапоясига суяб дам олди, пешонасидаги терни тўғнинг барди билан артди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Бар ўрмоқ I) икки барни белбоғига қистирмоқ; 2) қўчма ишга астойдил киришмоқ.

**БАРАБАН** [р<ф-т] I Икки томонига тери қопланган зарбли музика асбоби. Барабан чалмоқ.

2 тех. Турли асбоб ва машиналарнинг ичи бўш цилиндр қисми. Тўппонча барабани. — Тош майдаловчи машинанинг барабани хунук фирчиллаш бошлади. А. Муҳтор, Тугилдиш.

**БАРАБАНЧИ** Барабав чалувчи. Барабани бола. Отряд барабанчиси. Оркестр барабанчиси.

**БАРАВАР** [ф-т] I сфт Ҳамма, ҳажми, қатта-кичиклиги, сон-қиймати жиҳатидан бир хил, тенг. Бўйи барабар ҳоддалар. Ҳажми барабар идишлар. Еши барабар болалар. Барабар вақт оралиқлари. Самолёт терак барабар (баландликда) учиб ўтди. — Йўлчига шуниси қизиқ туюлдики, бу ерда қай томондан қараманг, ҳамма дарахтлар бир чизик устида текис саф тортиб туради, дарахтлар ўртасидаги масофа ҳам барабар. Ойбек, Қўтлуғ қон. Барабар келмоқ I) ўлчамлари, ҳажми, қатта-кичиклиги, сон-қиймати жиҳатидан бир хил чиқмоқ, тенг келмоқ. Қопларнинг оғирлиги барабар келди. Полонларнинг кучи барабар келди. Кирим билан чиқим барабар келди; 2) мувозанатга келмоқ, мувозанатлашмоқ. Тарозининг паллалари барабар келди; 3) қўчма тенг келмоқ, бас келмоқ (урушда, жанжалда, айтишида). У билан барабар келиб бўладими? I) кесим вазифасида Бир, тенг, фарқсиз. Менга барча барабар. Унга ёш қари барабар. Беш қўл барабар эмас. Мақол. — Хотиним қиз тугди, деб хафа бўлма, шеринг эрка-ургочиси барабар. Мақол. — [Йўлчи:] Петров .. жамики буржуйларни, тўраларни йўқотиб, ҳамма ишни биз ўз одамларимизга, ишчиларга топширагимиз, дейди. «Сарт» ҳам ўрис

ҳам барабар дейди. Ойбек, Қўтлуғ қон. Барабар бўлмоқ I) ўлчамлари, ҳажми, қатта-кичиклиги, сон-қиймати жиҳатидан тенглашмоқ. Иккада машинадаги юк барабар бўлди. Суянинг сати дарёнинг қирғоғи билан барабар бўлди; 2) аҳамияти, нуфузи, мавқеи, тутган ўрни жиҳатидан тенг келмоқ, тенглашмоқ. Бизни ўрса, ё кетади, жондорлар, Бойларимиз, бўл-долмасмиз барабар. «Ширин билан Шакар»; 3) айн. барабар келмоқ 3. Барабар кўрмоқ (ёки қарамоқ) мавқеидан, мартабасидан қатъи назар, бирдек қарамоқ, тенг кўрмоқ. Уқитувчимиз ҳамма болаларни барабар кўради (ҳамма болаларга барабар қарайди).

2 рви Бир-биридан қолишмай, бир вақтда, бир пайтда. Барабар ишламоқ. Барабар жўнамоқ. Барабар ўрнидан турмоқ. — [Мирсат] саманин сен миң, сен арава бўла барабар юрмаган бўлмайди. А. Қодирий, Обид кетмон. Ешлар барабар ҳўгурлашиб, қўллари билан қаёққадыр ишора қилдилар. П. Турсун, Ҳўқитувчи. [Отабек] сир фош бўла қолса, ўн душманга барабар ҳўжум қилишни бўйнига олиб қўйди. А. Қодирий, Утган қушлар.

3 Санок сонлар ва «неча», «бир неча» сўзлари билан келиб, қарралиқни ифодалайди; баъзи ўрниларда «марта», «ҳўсса» маъноларини ифодалайди. Уч барабар кам. Беш барабар халта. Эқулган урудан ўн барабар ортқ ҳўси олинди. — Клязь сув пулини уч барабар ошириб юборибди. А. Қаххор, Қўшчинор. [Отабек] унинг [Қумишнинг] ҳўсндагина эмас, ақда ва бошқада Зайнабдан неча барабар юқорида эканини ўйлади. А. Қодирий, Утган қушлар.

4 3-ш. эғалиқ, ж. к. ва ў-п. к. билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. барабарига II, барабарига).

**БАРАВАРИГА** I рви Бир вақтда, пайтда, барабар, бир-биридан қолишмай. Иккови барабарига кулиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Саккизта чилдирма «така-тум-так, така-тум-так» деб барабарига мақом бошлади. А. Қаххор, Қўшчинор.

**БАРАВАРИГА** II қўм. вазифасида Эвазига, бадалига, ҳисобига. Она-бола неча йиллик меҳнат барабарига келган .. ўриқни ўртага қўйиб, хўрлик ва ҳақорат алмидан ачиқ-ачиқ айтади. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Сав-Маринода бўлган бир карта ўйинида бор-ўғини бой бергандан кейин, .. минг тилло барабарига қўлоғини тиккан эди. А. Қаххор, Барон фон Ринг.

**БАРАВАРИДА** қўм. вазифасида I ... билан бирга, ... билан баробар. Шу мақола барабарига маълум қилмагани, суд Иброҳимов мендан пара сўрагани ёлғон. А. Қаххор, Сароб.

2 Баландлигида, тенглигида. Ура-нинг чуқурлиги кетмон бўйи барабарига. — Агар сувни қайтаришга тўғри келса, унеурни сув барабарига юқоридан

чапиб тушириш керак бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бир қийматда. *Бизнинг ерларда сув олтин бараварда юради.*

**БАРАВАРЛАМОҚ** 1 Баравар қилмоқ, ҳажми, ўлчамлари, катталиги, миқдори жиҳатидан тенг қилмоқ. *Қа- тимларнинг учини бараварламоқ, Ма- шинларнинг юқини бараварламоқ.*

2 Мувозанатламоқ, мувозанатга кел- тирмоқ. *Тарози паллаларини бараварла- моқ.*

**БАРАВАРЛАШМОҚ** 1 бараварла- моқ *фл. ўзл. ва бирг. н. Юклар баравар- лашиди. Тарози паллалари баравар- лашиди.*

2 Аҳамияти, нуфузи, мавқеи, тут- ган ўрни жиҳатидан тенглашмоқ, ба- равар бўлмоқ. *Илғорларга баравар- лашмоқ.*

3 Қатор келмоқ, бир қаторни олмоқ. *Пойгачилар бараварлашиди.*

4 кўчма Тенглашмоқ, бас келмоқ (урушда, жанжалда, айтишишда ва ш. к. да).

**БАРАВАРЛАШТИРИЛМОҚ** баравар- лаштирмоқ *фл. мажх. н. Уларни сиз билан сира ҳам бараварлаштириб бўл- майди.*

**БАРАВАРЛАШТИРМОҚ** баравар- лашмоқ *фл. орт. н.*

**БАРАВАРЛИК** 1 баравар 1, 2 с. белги *оти. Юкларнинг бараварлиги. Ёшимиз бараварлигини энди билдим.*

2 Тенглик, тенг ҳуқуқлилик. [*Пет- ров*] ҳамма меҳнаткашлар, дин, мил- лат фарқида бормасдан бирлашиб, уюшиб бойлар ҳокимиятини ағдарши- лари ва бутун ишни ўз қўлларига олиш- лари, сўнже бараварликка асосланган ҳаёт тузишлари кераклигини уқдирди. *Ойбек, Кутлуг қон.*

**БАРАВЖ** [ф-т+а] кам қўлл. айн. авжида. *Баравж ғўзалар. || Иш баравж.*

**БАРАК** I [р<фр] Вақтинча қурил- ган ёғоч уй. *Чодирларда, баракларда, землянкаларда ҳаёт қайнар эди. Ой- бек, О. в. шабадалар.*

**БАРАК** II [ф-т] диал. Чучвара. *Ҳасанхон полвонча палов, манти, гўшт, барак бериб сийлади. «Рав- шан».*

**БАРАКА** [а] 1 дин. Неъмат, худо- нинг эҳсони, бахшиш этиб бергани. [*Нормат Мастурага:*] *Сизга кушойиш, бизга барака .. берсин! Қани, бир ёғлик фотиҳа берин!* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Вали ака фотиҳага қўл кў- тарди: — Омин, ҳосилга барака бер- син!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Сероблик, мўллик (асосан ноз- неъматлар ҳақида). *Қолжол — барака дарёси. Мақол. Жанжалли уйда ба- рака бўлмас. Мақол. — Қани энди у ҳозир ёнида бўлса, юрт тинчиган, деҳқоннинг оғзи ошга етиб, рўзго- рига барака қираан вақтларни кўрса. С. Аҳмад, Хукм. Баракаси кетди ёки барака кўтарилиди мўл-кўллинг ка- майди, йўқолди. Бир кун жанжал чиқ- қан жойдан қирқ кун барака кўтари-*

лади. Мақол. *Хирмонга барака!* хир- мон кўтараётганларга «ҳосил мўл бўл- син!» маъносида айтиладиган ундалма. *Қўлида барака йўқ ёки қўлининг ба- ракаси йўқ тежаб, ўринли сарф қи- лишни билмайдиган киши ҳақида.*

3 Фойда, наф. *Баракаси йўқ. Ба- рака топмоқ. — [Зухра:] Ўйғлама, йиғидан ҳеч ким барака топган эмас!* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. *Барака топ(кур) «яша», «кам бўлма» маъноси- даги олқини ибораси. Яхши ҳамки, яқинда одамлар бор экан, барака топ- курлар қутқариб қолишди. С. Аҳмад, Хукм. | Махсул, самара, натижа, унум. Ишнинг баракаси йўқ. — Бош роҳати, тан роҳати ишга барака беради. Ой- бек, О. в. шабадалар.*

4 с. т. кўчма Қўшалоқ кўсак, шун- дай кўсакда очилган пахта, қўшалоқ мева ва ш. к.

◆ **Бор барака, бор барака топ, барака де(нг), барака қил(нг)** «олди- соттда молигини сўраётган нарх- га беринг» маъносини ифодаловчи ун- далма. *Қани, ҳа, ука, «барака де, ба- рака де»лардан кейин ярим соатча қўл силтаб савдолашиб, бутун молни бир сўм 10 тийинга сотдик. Ғ. Фулом, Шум бола. Олаҳўжа маҳсум яна гап ташласа, бир икки минг пастга ту- шадиган, кўнса-кўнди, кўнмаса, «бор, барака топ» қилиб юборадиган бўлди. П. Турсун, Уқитувчи. Борига барака борига шукур; бори ҳам бўлар, етар. [Заргаров:] Ҳўп, майли борига барака у ёғини оғзаки боғлайман. А. Қаххор, Оғриқ тишлар.*

**БАРАКАЛИ** 1 Мўл-кўл, тўқин-со- чин.

2 Оз-кўплигидан қатъи назар кўпга етадиган; татимли; фойдали, нафли. *Тўкин ва баракали куз. — [Тошхон:] Ҳа, жуда баракали қозон, ўзига ҳам юз челақ сув кетади. Уйғун, Ҳаёт қў- шини. Қўли баракали қўлига тушган, қўли теккан нарсанинг, ишнинг ба- ракасини оширувчи одам ҳақида. Чўлоқ бўлса ҳам қўли баракали. Экинчи ҳар йили ҳам чакки бўлмайди, шундай- ми? Қамбар? Ойбек, Кутлуг қон.*

3 Серунум, сермахсул, самарали, натижалли. *Баракали иш. Баракали фойдаланмоқ. Ишни баракали қи- лишда машина бир мўъжиза экан-да. Ойбек, О. в. шабадалар. Бу рақамлар кекса санъаткорнинг баракали умрини ва унинг халқ олдида қилган катта хизматларини кишининг хотирида жонлантиради. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

**БАРАКАЛЛА** [а] унд. с. 1 Мамну- ният, таҳсин биядиради. *Баракалла, ўғлим! — Ҳукуматимизнинг бардо- шига баракалла, уруш деб шошиб қол- гани йўқ, ҳамма ёқни баб-баравар бошқаряпти!* И. Раҳим, Чин мухаб- бат.

2 Тасдиқ билдиради.— Э-э, Жав- дат Наимми? — Ҳа, баракалла.— *Бундоқ демасизми? Область ижроия*

комитетда секретарь денг! А. Қах- хор, Мирзо.

**БАРАКАЛЛАЧИ** айн. ҳайбара- каллачи.

**БАРАКАСИЗ** айн. бебарака.

**БАРАКАТ** [а] кам қўлл. айн. барака. *Ҳаракат, ҳаракатдан — баракат. Мақол. Барвақт қилинган ҳаракат — ҳосилга берар баракат. Мақол. Ба- ҳорги ҳаракат — кузги баракат. Ма- қол. — Пахта далаларининг ҳусни ва баракаси — ҳаммаси сув туйғайли. Ой- бек, О. в. шабадалар.*

**БАРАКАТЛИ** кам қўлл. айн. бара- кали. *Улар ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт сўви келтириш учун, сувнинг баракатли неъматига билан бахтиёр бўлиш учун курашга борар- дилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**БАРАКАТСИЗ** кам қўлл. Баракаси йўқ, баракасииз, бебарака. *Баракатсиз урушни.*

**БАРАЛ(Л)А** рви 1 Аниқ, равшан; яққол; бемалол. *Кулги магазинини очик деразасидан барала этишилий туради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Афанди сўради: — Кундузи юлдуз кўриш мумкинми? — Мумкин, — деди Мунажжим, — қирқ кун ёвгон ва тузсиз овқат есангиз барала кў- раверасиз. «Латифалар». || Ҳар кунги гурун, ҳар галги барала сўхбатлардан асар ҳам йўқ. Х. Фулом, Машъал.*

2 Дангал, рўйи-рост, очиқдан-очиқ. *Барала айтмоқ. Барала танқид қил- моқ. — Ойимхон сирни барала очиб гапира бошлаган эди, Гулсум уялгани- дан мулоийм .. кулди. П. Турсун, Уқи- тувчи. Барала кулиш тўғри келмагани учун биримиз мўлдовимизни силаб, биримиз йўталиб дегандай кулгимизни яширдик. А. Қаххор, Жонфигон. | Дадил, дадиллик билан, тортинмасдан Матқовул яктагининг ени билан кўз- ларини артди, бошини барала кў- тарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Хотин чавонини барала кўтариб, ор- қасига ташлади. Ғ. Фулом, Тирилган мурда.*

3 Бор овоз билан, овози борича. *Солдат .. овозини барала кўйиб, йўл ўртасидан ашула айтиб борарди. М. Мухамедов, Кичик гарнизон. Дав- латёр шу бугун эрталаб от сўрггани кетаётди, кўчадан ашулани барала кўйиб ўтди. П. Турсун, Уқитувчи. Юрагим чарогон, ҳаётдан мамнун, Шунингчун барала янграр овозим. Х. Расул.*

4 Бамайқихотир, хотиржам, бема- лол. *Миққий кўндоқ тазида бир қано- тини остига солиб, оёғини барала узатиб ёнбошлаб ётган эди. Ғ. Фулом, Шум бола.*

**БАРАКМАН** [ф-т<санскр] Ҳиндис- тонда: энг олий табақага (тарихан ру- хонийлар табақасига) мансуб киши.

**БАРБОД** [ф-т] Хароб, вайрон; бу- зилган, совурилган. *Ишлар барбод. — Узаро талашлар, фитнаю фасод Меҳнатни, савдони, қўшиқни эзди, экин пайҳон қилди, кўприклар барбод.*

Шайхзода. Барбод бўлмоқ 1) совурилмоқ, беҳуда сарф бўлмоқ. *Унинг бутун давлати барбод бўлди;* 2) йўққа чиқмоқ, пучга, чиппакка чиқмоқ, йўқ бўлмоқ. *План барбод бўлди;* 3) бузиламоқ; пачава, расво бўлмоқ. *Қоса ҳамма иш барбод бўлишини, ўзи устидаги гумон чинга айланишини биларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Дилбар Мирбадалга:] *Сиз шудгорнинг барбод бўлишига сабаб бўлдингиз!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби; 4) емирилмоқ, маҳв бўлмоқ. *Мустамлакачилик системасининг барбод бўлиши.*

**БАРВАСТА** [ф-т] Кенг яғринли, гавдали. *Барваста йигит. Барваста жувон.* — *Очиқ этик остонасиди старшинанинг барваста гавдаси кўринди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**БАРВАСТАЛИК** барваста с. белги оти. *Йўлчибой очиқ, хушчақчақ, муғомбирликни билмайдиган, барвасталигига қарамасдан абжирегина йигит.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАРВАҚТ** [ф-т+а] рви 1 Эрта тонгда, эрта билан, вақтли. *Қушили аёвуст кунларининг бирида Ҳаловат барвақт уйғонди.* Н. Орифжонов, Ҳаловат.

2 Ўз вақтидан кечиктирмай, балки олдинроқ, эрта. *Барвақт қилинган ҳаракат ҳосилга берар баракат.* Мақол.

3 Ҳар вақтдагидан, одатдагидан олдинроқ, эрта. *Ҳосилни барвақт етиштирмоқ.*

**БАРГ** [ф-т] 1 айн. япроқ. *Олма барги. Ток барги. Тамаки барги. Барг чиқармоқ.* — *Ҳалигина ёмғир томчилаб ўтган бўлса керак, корнус олдидаги дарахтлар барида томчилар шудрингдай йилтиллади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ёлгон барг с. т. уснмлик (кўкат, гўза кабилар) ердан энди униб чиққан пайтдаги янги, кейинроқ тўкилиб кетадиган барги. Гўза ёлгон барг чиқариши билан дарҳол яғана қилиниши шарт!* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 Тут дарахтининг япроғи (ипак қуртларига озиқ сифатида). *Куртга барг солмоқ.*

◆ **Барги нозик** қовун навларидан бири. *Сен дарахтнинг шохида юрсанг, у баргида юради у қувликда, ишбилармонликда сендан ўтиб тушади.*

**БАРГАК I** [ф-т] Данаги олиб кўритилган ўрик; ўрик қоғи. *Стол усти оқ-сарик майиз, қандак ўрик, баргакларга тўлиб кетди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**БАРГАК II** [ф-т] 1 Олтин ёки кумуш тангалардан тузилган, аёллар пешанага тақадиган зийнат буюми. *Бойвачча қизлар бўйинларига зебигардонлар, бўйинтуморлар ва тилла баргакларини тақиб олганлар.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

2 Толнинг эрта кўкламда барг ёзиб, популлар чиқарган сурх новдаси. *Барг, баҳор келганда қари толлар ҳам ахирек ёзади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Шундай тол новдаларидан сидириб олинган пўстлоқдан иборат сочпопук. *Эрта баҳор, болалар томда варварак учирадиган, қизлар сочларига баргак тақадиган вақт.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

◆ **Оқ уй, ола баргак** данғиллама, серхашам уй ҳақида. — *Нима, бегона бўлмай сен мана шу даштликмисан, ё ўзинга оқ уй, ола баргак солгани келдингми? — деб фўнғиллади Холдор кўрпа тағидан.* А. Мухтор, Турилин.

**БАРГИЗУБ** [ф-т] Йирик баргли кўп йиллик ўт ва унинг халқ медицинасида ишлатиладиган барги.

**БАРГИҚАРАМ** [ф-т] 1 Оч яшил ранг, қарам ранги. *Баргиқарам, қовоқ сариқ, гўлос, нимпушти, дейди чол ипакларни бир-биридан айчириб.* Ойбек, Болалик.

2 Хон атласнинг шу рангли гуллари бўлган бир тури. *Баргиқарам атлас.*

**БАРГЛАМОҚ** Барг ёзмоқ, барг чиқармоқ. *Кўчатлар барглабди.*

**БАРГЛИ** Барги бор, барг чиқарадиган. *Игна барели дарахтлар.* — *Тайгадан жануброқда қишида ўз баргини тўқадиган аралаш ва баргли ўрмонлар бошланади.* «География».

**БАРДА** [р] Пиво ва арақ заводларидан чиқадиган, озуқа сифатида ишлатиладиган кўйқа.

**БАРДАМ** [ф-т] Куч-қувватга тўла, соғлом, тетик. *Бардам чол. Бардам бўлмоқ. Бардам турмоқ.* — *Улар душманлар билан курашда ўзларининг бардам жангчилар эканликларини .. кўрсатдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 174. **Бардаммисиз?** сўрашиш, соғ-саломатлик сўраш формаси (кўпроқ қарилар билан сўрашганда ишлатилади). — *Келинг ота, — деди Элмурод. Бардаммисиз, отахон? — деди Муса. П. Турсун, Ўқитувчи.* | *Куч-қувватдан, ғайратдан, тетикликдан дарак берадиган. Бардам юриши.* || *Ота залварли таёғини қорға ниқтаб босиб, бардам қадам ташларди.* С. Анорбоев, Оксой. | *Куч-қувват, ғайрат, тетиклик бағишлайдиган. Доим умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан вас-васалар босар дилимни.* Ф. Фулом.

**БАРДАМЛИК** бардам с. белги оти. *Бардамлик тиламоқ. Бардамлик билан.*

**БАРДАНКА** [р берданка] с. т. Берданка. *Солдатлар барданкаларини олдинга ўқталишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БАРДИ** [а] Ботқоқликларда ўсадиган барги уч қиррали, узун кўп йиллик ўт.

**БАРДОР-БАРДОР** [ф-т]: бардор-бардор қилмоқ 1) кўтар-кўтар қилмоқ, қўлма-қўл, қўлдан-қўлга ўтказиб кўтармоқ, тантанали равишда кўтаришмоқ, олқишламоқ. *Қоражонни отининг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди.* «Алломиш»; 2) кўчма иззатини ўринсиз оширмоқ, кўтармоқ.

**БАРДОШ** [ф-т] Чидам, сабр, тоқат, матонат, тўзим: *Бардош билан кутмоқ.* — *Замира ойисининг бардоши чексиз эканини, фарзандлари учун ёш умрини фидо қилганини билар, шундай қийинчиликларда ҳам руҳи тушмаганидан фахрланар ва уни беҳад севар эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Онада бардош қолмади. Ҳўне-ҳўне йўғлаб Ёрмат келтирган мудҳиш хабарни севикли қизига билдирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бардош бермоқ** (ёки қилмоқ) чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; кўтармоқ. *Совуққа бардош берадиган олма.* — *Мели пољвон дуторни қўлига олди, Бироқ қулоқлари ҳаддан ортиқ бураган дутор бардош бермади — узлиб кетган тордан инсрагандай нидо эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бардош қил, дўстим, хафа бўлганинг билан, йўғлаган билан бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**БАРДОШЛИ** Сабр-тоқатли, чидамли, тўзимли. *Қампир ўзича: «Барака топкур жуда бардошли болада, ўзини қувноқликка соялтиш, — деб ўйлади.* Ойдин, Мардик — мангулик.

**БАРДОШСИЗ** Сабр-тоқатсиз, чидамсиз, тўзимсиз. *Бардошсиз йигит.*

**БАРЕЛЬБЕФ** [р<фр] Текис юзага бўрттириб ишланган тасвир. *Гилс барельеф. Пушкин барельефи.*

**БАРЖА** [р<фр] Шатакка олиб юриладиган ёки ўзиюлар юк кемаси. *Ўзиюлар баржа.*

**БАРЗАНГИ** [ф-т] 1 айн. занжи.

2 с. т. Давангирдай, ҳайбатли, қоп-қора одам. *Тоштемирга негедир, эҳтимол мўридан чиққандай қоп-қора ва бақувват барзангидай бир йигит бўлгани учундир — Тошқора лақабини тақинган.* О. Ёқубов, Тилла узук.

**БАРИ** жамл. олмиш Бир турдаги нарса, ҳодиса ёки кимсаларнинг ҳаммаси, барчаси. *Гапларинг бари ҳақ.* — *Буларнинг бари большевик фикрига интизор, бари большевик бўладиган йигитлар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Улар .. қишлоқнинг тор кўчасидан чиқиб, Қамшиқанининг бари, қишу ёз сув ичадиган сойга томон йўл олдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қўл кўтариб, мени йўлга соласан, Баринг келиб, атрофимни олсан.* «Муродхон».

◆ **Бари бир** 1) ҳаммаси бир, бир хил, бирдек, баравар, фарқсиз. *Оқ ит, қора ит — бари бир ит.* Мақол. — *Фарзанд, ўғилми, қизми, бари бир, ота-онанинг юраги бўлар экан.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Менда ихтиёр йўқ, ойижон! — деди Қумуш. Сизлар нимани маъқул кўрсаларингиз менга бари бир.* А. Қодирий, Утган қувлар; 2) кири с. ҳеч нарсага қарамай, қандай бўлмасин, нима бўлса ҳам. *Мен бу ердан, бари бир, кетаман.* — [Халисхон Тожибойега:] *Лекин .. мен банди, сотилган кўри қатори одам бўлсам ҳам, хоҳлаган-хоҳламаганини, бари бир, ёнимга келтирмасликка кучим етади.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БАРИБОҒ** Бир йилга ижарага олинган боғ. *Барибоғ олмоқ.*

**БАРИВОЖ** [ф-т+a] Ривож топган, авж олган. *Баривож гўзалар.* || *Ишлар баривож.*

**БАРИЙ** [р<грек] Химиявий элемент, кумушсимон оқ металл. *Барий хлорид.*

**БАРИКАРАМ** с. т. Баргикарам. *Барикарам духоба.*

**БАРИМТА** тар. Кўчманчи қабидаларда: бир уруққа бошқа бир уруғ томонидан етказилган зарарни тўлашга ёки тахқир қилинган томоннинг иззат нафсини қондиришга мажбур этиш мақсадида, гаров тариқасида унинг молларини ҳайдаб кетиш ёки мол-мулкни босиб олиш одати. *Чигирткадан кўрққан экин эмас, баримтадан кўрққан — мол йиғмас.* Мақол. — *Онанинг гаплари ҳақ. Азизбой ўз отасидан отангни мерос қилиб олган эди. Энди бой, отангни оқдан йўдириб, сени баримта қилиб олмоқчи.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**БАРИТОН** [р<итал] муз. Эркаларнинг бас билан темир ўртасидаги овози ва шундай овозли ашулачи.

**БАРКАМОЛ** [ф-т+a] 1 Қамолга, балоғатга эришган, вояга етган. *Шу вақтларда Барчин ҳам баркамол: ҳар яғрини ўн беш қарич келади.* «Алпомыш».

2 *Кўчма* Қамолотга эришган, камол топган, беками-қўст, етук. *Баркамол инсон.* — *Улар .. бу ерда мустаҳкам, баркамол ҳаёт тўзмок учун зарур материаллар .. ташийдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАРКАШ** [ф-т] Патнис ўрнида ишлатиладиган уй-рўзгор буюми. *Мис баркаш. Бир баркаш нон.* — *Келин қайнаб турган чойнакни кўтариб кирди, .. Битта тарелкада узум ҳам келтириб қўйди. Баркашга қовун сўйди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Асака айирлари орқасидан қизариб, баркашдек ой кўтарилди.* С. Аҳмад, Қадр-далай даладар.

**БАРЛОС** тар. Темур ва теурийлар даврида: катта роль ўйнаган ўзбек қабиаларидан бирининг номи ва шу қабилага мансуб киши.

**БАРМОҚ** 1 Қўл ёки оёқ панжасининг бешта ҳаракатчан қисмидан ҳар бири. *Бош бармоқ. Кўрсаткич бармоқ. Ўрта бармоқ. Бол тутган бармоғини ялар.* Мақол. *Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.* Мақол. — *Олимхон .. бармоқларига тоши йирик узуклар тақади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Адолат бармоғи билан Ғарбий Девиё дарёсининг икки қирғоғига жойлашган шаҳарнинг харитадаги мошдек белгисини кўрсатди.* И. Раҳим, Чин муқаббат. *Бармоқ билан сэнарли қ. санамол* 1. *Бармоқ босмоқ хужжатга имзо ўрнига бармоқ изларини туширмоқ (саводсизлиги учун).* [Қобил] *Ботирали йўлда жон берди, деб тузилган хужжатга мен ҳам бармоқ босанман.* Ҳ. Ғуллом, Машъал.

**Бармоқни бигиз қилмоқ** кўрсаткич бармоқ билан ишора қилмоқ ёки кимсага кўрсаткич бармоқни ўқталиб, силби гапирмоқ (хусусан дўқ урганда, урушганда ёки нафрат билдирганда). — *Ҳақорат қилма.* — *Қобил бармоғини бигиз қилиб, Утарга йиқирди.* Ҳ. Ғуллом, Машъал. *Ҳамма мenden ор қил-япти: ёш бола ҳам бармоғини бигиз қилиб кўрсатади.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Тахминан ўрта қўл энига барабар узунлик ўлчови. *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган гўза ораларига ёйилган хотин-қизлар гулга кўнган асаларидек ғайрат билан шилмоқда .. эдилар.* Айний, Қуллар. *Ўн икки бармоқ ичак анат.* ингичка ичакнинг оқ қозондан бошланадиган ва узунлиги ўн икки бармоқ энига тенг келадиган қисми.

3 *тех.* Машина ва механизмларнинг гўлача шаклидаги қисми. *Поршень бармоғи.*

♦ **Бармоқ вази** ад. ҳижо ва ритм бирлигига асосланган шецърий вазн. **Бармоғини тишламоқ** 1) афсус қилмоқ, аттанг деб қолмоқ. *Эричяк икки ишлар, охири бармоғин тишлар.* Мақол; 2) дол қолмоқ; хайрон бўлиб, ўйлаиб қолмоқ. *Билган, билганин ишлар, билмаган, бармоғин тишлар.* Мақол. — *Қосимов унга [Комилжонга] дарҳол жавоб қилмади, ақсинча, бармоғини тишлаб узок вақт жим юрди.* И. Раҳим, Ихлос. **Беш бармоқни оғизга урмоқ (ёки тикмоқ)** айн. *беш қўлни оғизга урмоқ (ёки тикмоқ)* қ. *беш.* **Беш бармоқдай билмоқ** жуда яхши билмоқ. *Ижтимоий тараққиёт қонуниятини беш бармоқдай билиш керак.* С. Анорбоев, Оқсой. **Икки бармоқни бурунга тикиб айн. икки қўлни бурунга суқиб (ёки тикиб) қ. бурун** 1. *Ҳали икки бармоғимизни бирнимизга тикиб юраверамиз денг?* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**БАРНО** [ф-т] 1 Ёш, новқирон. *Қилмоқ бўлиб бек сайри-сахро, Йигиб талай гўзал ва барно.* Ғайратий.

2 Гўзал ва қадди-қомати келишган. *Барно қиз.*

3 *Барно (хотин-қизлар исми).*

**БАРОБАР** [ф-т] 1 айн. *баравар.* *Бизлар совет халқи, озод элимиз, олтин билан баробардир еримиз.* Фозил шоир.

2 *мат.* Баравар, тенг. *Икки қарра икки — баробар тўрт.*

**БАРОГРАММА** [р<грек] Барограф ёзиб олган, атмосфера босимининг ўзгаришларини кўрсатадиган эгри чизиқ.

**БАРОГРАФ** [р<грек] Атмосфера босимининг ўзгаришларини эгри чизиқ равишида ёзиб борадиган автоматик барометр.

**БАРОР** с. т. Барор. *Бўлмасам нима учун келдик, овнинг баролига ишонмайсизми?* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БАРОМЕТР** [р<грек] 1 Атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб. *Симоб*

*барометрдаги симоб устуни атмосфера босимининг ўзгаришига қараб гоҳ кўтарилади, гоҳ тушади.* «Физика».

2 *Кўчма* Вазият, кайфият, аҳвол қандай бўлишини кўрсатиб, билдириб турувчи нарсга, ҳодиса ҳақида. *Савдо — экономиканинг энг тўғри барометридир.* «С. Ўзбекистон», 1966, 24 июль.

**БАРОМЕТРИК** [р барометрический] геофиз. Атмосфера босимига оид. *Барометрик ўлчамлар.*

**БАРОН** [р<фр] Ғарбий Европа дворянларининг графдан бир қоғона даст унвони ва шундай унвон олган киши. *Барон ертўладан чиқмайди — олиб чиқиб отади, деб қўрқади.* А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг.

**БАРОР** Ишнинг ўнгидан қелиши, ривожи; ривож. *Барор топмоқ. Бароридан келмоқ.* — *Меънинг кўнглимдан ўтди: «Кўзга чалинмайдиган оддий, камтарин бир кексадқи шунча ғиммат ва ҳақиқат бўлса, колхоз иши барор топмаслиги ҳам мумкинми!»* Ҳ. Назир, Узр отахон. *Будар шу ерда кечгача ётишди, бирок ов бароридан келмади: биронта фашист қўрунмади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БАРОТ** 1 [а] 1 Қодшо томонидан берилган озодлик ҳати; оқлик қоғози.

2 Бирор нарсга, чунончи унвон олганлик ёки имтиёз берилганлик ҳақидаги ёрлик.

**БАРОТ** II [а] 1 с. т. Қамария йил ҳисобида саккзинчи ой номи; шаъбон. *Барот ойи.*

2 *Барот (эркаклар исми).*

**БАРОҚ** [турк-усм<фр] Юнги узун, қални ва бир оз жингалак. *Бароқ мушук.* — *Шу пайт катта кўчанин қарши томонидан ўтиб келаётган паст бўйли, бароқ қош йиғит автобусга қараб қолди.* Ш. Ғулломов, Ёрқин уфқлар.

**БАРПО** [ф-т]: *барпо бўлмоқ (ёки топмоқ)* бунёдга келмоқ, қурилмоқ. *Мамлакатимизда кўплаб янги заводлар барпо бўлди.* — *У келганда мамлакатда янги, ер юзидан ҳукуматларнинг ҳеч қайсисига ўхшамagan бир ҳукумат барпо бўлган, ўрнашган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Барпо қилмоқ (ёки этмоқ)** бунёдга, юзга келтирмоқ, ташкил этмоқ, қурмоқ. *Қадоқ қўлли миллионлар янчи зуам тахтини, Барпо этиб бўстонлар, Топди қувонч бахтини.* 3. Диёр.

**БАРРА** [ф-т] 1 айн. *кўзичоқ* 2. *Барра гўшти.* || *Барра кабоб.* — *Қабобпазнинг овози ҳам эшитишар қолди: — Барра кабоб, сара кабоб, Еганларга катта савоб.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 *Кўзичоқнинг жингалак мўйнаси.* *Барра пўстин.* *Барра ёқа.* — *Унинг [Азизбекнинг] орқасидан бошига барра папах кийиб, қора соқоли киши келар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *сфт* Ёш, майин ва беғубор; дик-киллама. *Барра ўт.* *Барра пиёз.* *Барра бодринг.* — *Олпоқ кўзичоқ .. барра майсаларни чимдиб-чимдиб*

юларди. С. Анорбоев, Оқсов. Сувинни майин шабадои барра беданинг ҳидини олиб келарди. П. Турсун, Уқитувчи.

**БАРРИКАДА** [*p* < *фр*] Кўча жангларида дуч келган нарсалардан (хода, тош, дарахт ва ш. к.дан) фойдаланиб қурилган ғов, чеп. Баррикада курмоқ. — 1905 йил революциясини Петров, мустақам большевик бўлган ҳодда, баррикадаларда қўлида милтиқ билан туриб қаршилайди. Ойбек, Қутлуг қон. Ушда вақтда у йегирма икки яшар йегиш эди. Баррикада жангларида кейин чор оҳранкаси уни турмага ташилади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАРС** [*ф-т*] 1 айн. илвирс 1.  
2 Мучал йил ҳисобидан учинчи йил номи; йўлбарс йили. Барс йили мучал йил ҳисобидан учинчи йил (қ. мучал)  
**БАРТАРАФ** [*ф-т+а*]: бартароф бўлмоқ 1) ё у томонга, ё бу томонга ҳал бўлмоқ, бир ёқли бўлмоқ. Тортишув бартароф бўлади; 2) битмоқ, туғмоқ, йўқ бўлмоқ. Капитализмнинг бартароф бўлмайдиған зиддиятлари. Бартароф қилмоқ 1) ё у томонга, ё бу томонга ҳал қилмоқ, бир ёқли қилмоқ. Сиз бир ҳафтанинг ичидан ичини бартароф қилиб, судая чиқарасиз. А. Қаҳҳор, Сароб; 2) битирмоқ, туғатмоқ, йўқ қилмоқ. Капитан Ахмадҷонга, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, немис пулемётларини бартароф қилишни буюрди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БАРХАН** қ. барханлар.  
**БАРХАНЛАР** Саҳроларда шамол кўчириб юрадиган қум тепалар.

**БАРХИТ** [*p* бархат] с. т. Духоба, баҳмал. Мошранг бархит. — Мунисхон қора бархит пальтосининг ёқасини бошигача кўтарган ... ёировни кутган вазиётда турар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАРЧА** жамл. олми Бир турдаги нарса, кймса ёки ҳодисаларнинг ҳаммаси; ҳамма. Барча халқлар. Тўй тегишлилики, ҳайит барчаңики. Мақол. Ботиш топса — барча ер, баҳил топса — босиб ер. Мақол. — Барча оғирлик Хасаналининг устидан. А. Қодирй, Утган кунлар. || Бу девога Тошкентнинг барчасига маълум, беклардан, бойлардан, қисқаси, шаҳарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар орттирган .. бир мажнун эди. А. Қодирй, Утган кунлар. Анвар ҳар ким учун сеvimли .. барчага баравар эди. А. Қодирй, Мехробан чаён.

**БАРШ** [*ф-т*] Афюн, асал ва хушбўй дориворлардан тайёрланган наркотик модда. Қўладош мадрасасида, .. коньяк дейсанми, банг дейсанми, барш дейсанми, чакпада дейсанми .. қисқаси, кайф берадиган ҳар бир нарса десанг бор. Айний, Жаллодлар.

**БАРШЧИНА** [*p* барщина] Россияда: гребенстой дехқонларнинг елмешчик фа. дасяга мажбурий суратда бепул бажарадиган иши.

**БАРҚ** [*а*] лозат. Яшмин, чақмоқ.

Воқеалар барқ суръати билан давом этади. Ойбек, Навоий. Барқ урмоқ 1) чақнамоқ, ярқирамоқ. Қўёшдек барқ уриб чиқса нигорим, Боқолмасман кетиб ақл, ихтиёрим. Ҳабибий; 2) кўчма гуллаб яшнамоқ, равнақ топмоқ, тез суръатлар билан ривожланмоқ. Барқ уриб ривожланмоқ; 3) намоён бўлмоқ, сезилиб турмоқ, кўринмоқ. Суннатнинг хати ўзидай шўх, ҳар жумладан ҳазил-мутоъибга барқ уриб турар эди. Шўхрат, Шинелли йиллар.

**БАРҚАРОР** [*ф-т+а*] 1 Қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; мустаҳкам, устувор. Барқарор совет тузуми. Барқарор фикр. — Бахтинг барқарор бўлсин, Дойм зафар ёр бўлсин! Т. Тўла. Юсуфбек ҳожи ҳаёлидан кўз очди: — Тақсир .. чақиршингиз, албатта, фуқаронинг тўғиллиги, .. ҳукуматнинг барқарор турмоғи учундир! А. Қодирй, Утган кунлар. Муродхон элга, меҳнаткаш халққа бўлган бу гамхўрликда изчил ва барқарор турди. «Муродхон». || Қаришар дилини куйдириган ҳаяжон ёшлар бошида ҳам барқарор. М. Исмоилй, Фаргона т. о.

2 Ҳеч қандай ўзгариш таъсир элмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас, турғун. Барқарор валюта. Ҳосилнинг барқарор бўлиши учун курашайлик.

3 Бир ерда ўрнашиб қолган; муқим. Муҳаррир икки йилдан бери шу вазиёда барқарор эканиса хурсанд. А. Қаҳҳор, Сароб. Бу пунктда барқарор бўлган совет кучлари душманнинг сўл қанотини катта таҳдид остида қолдирганди. Ойбек, Қўёш қораймас.

◆ Кўнгил барқарор бўлди кўнгил тинчиди, кўнгил таскин топди. Муборак бошларига ҳумоюн қўши қўнди, кўнгиллари барқарор бўлди, Ойбек, Навоий.

**БАРҚАРОРЛИК** барқарор с. белги оти. Социалистик тузумнинг барқарорлиги. Совет сўйининг барқарорлиги.

**БАРҚУТ** с. т. Бархит. || Барқут тўн. — Сен билан яшнаган, сен кўкартирган барқут ёдийлардан тўнладим чечак. Ғайратий.

**БАРҚАВО** [*ф-т+а*] айн. баҳаво.

**БАРҚАЁТ** [*ф-т+а*] Яшаб турган, тирик. Барқайёт Лениннинг авлодаримиз, ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг. Ғ. Ғулом. [Навоий:] Ҳовир барқайёт бўлган Темур шаҳзодаларидан энг тўғирқори, энг қобили .., шўбҳасиз, Хусайн Бойқародур. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**БАРҚАМ** [*ф-т*]: барҳам бермоқ йўқ қилмоқ, хотима бермоқ, тўхтатмоқ, бас қилмоқ. Чекишни (чекшига) барҳам бермоқ. — [Отбек] энди .. меҳмонхонада ётгани ҳэм барҳам берса. А. Қодирй, Утган кунлар. Барҳам емоқ (ёки топмоқ) йўқ бўлмоқ, бас бўлмоқ, тўхтамоқ. Қўшаридаги ав-

валги ҳурковчилиги, тортинчоқлиги барҳам еган. Шўхрат, Шинелли йиллар. Истар эди жафокаш ишқоқ: .. Барҳам топса қуллик, қишан, ғам. Уйғун.

**БАРҲАҚ** [*ф-т+а*] эск. кт. Ҳақиқатан ҳам мавжуд; ҳаққоний, чин, рост, ҳаққий. Таёёқ кўтарган қаландари барҳақ, нуроний .. кишига пул, нон .. эчки, товук, қўй, ҳатто турғача назр-ниёз қилдилар. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**БАС I** [*ф-т*] I унд. с. Бўлди, етар; қўй, тўхтат. — Бас! — деди Отбек, Хасанали ҳикоядан тўхтади. А. Қодирй, Утган кунлар. — Бас! — қичқирди Мирзақаримбой, манманлик — худо урганлик. Ойбек, Қутлуг қон. Бас энди, ётаберма. Сал меҳнатга ҳам қайши. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. | кесим вазиёсида Етар, етарли, кифоя; бўлди, бўлади; тамом. Унга қитиб бўлса бас. — Энди меҳмон бўлганинг бас, озгина қаршимасанг бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Бас қилмоқ тўхтатмоқ, хотима, барҳам бермоқ. Нега қўшиқни бас қилдином, яхши йиғит? Уйғун ва И. Султон, Навоий. Мастура опа .. уйда ўтиришни бас қилиб, савод мактабини битириди, болалар боғчасига мураббля тайёрловчи курсга киради, варанжини ташлайди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 кири с. Демак, шундай эқан. Бас, биринчи буйруқни сиз олган экансиз, нега яна қўшбегидан фотиҳа кутиб ўлтирибсиз?! А. Қодирй, Утган кунлар. Йўли бир нафас тўхтаб, .. давом этади: — Уруш бойларнинг ҳамменини тўлдирардими? Бас, улар борсин. Ойбек, Қутлуг қон.

**БАС II** [*а* баҳ]: бас боғлашмоқ (ёки ўйнамоқ) гаров боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. Бас боғлашиб эрта азонда далага чиқсангиз, ҳаммадан олдин Жиларойни кўрасиз. «Қаҳрамоннома». Бас келмоқ тенг, баравар келмоқ, тенглашмоқ, бараварлашмоқ. — Сизга бас келиб бўладими! — деди Элмурод ва бошқа гапирмай, одимлай берди. П. Турсун, Уқитувчи. Ребров ажойиб жанги, аиниқса найзабозликда ҳеч ким унга бас келолмайди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон нзидан.

**БАС III** [*p*] муз. Эракларнинг энг паст, йўғон овози ва шундай овозли ашулачи.

**БАСАВЛАТ** [*ф-т+а*] Қўриниши, қиёфаси ҳурмат-эҳтиром, ҳавас турдирдиган; улуғвор, савлатли. Басавлат одам. — [Ниёз отанинг] басавлат юзини мошкичири соқоли қолдирган, сиражин пешанаси ва ошиқ кенг кўкрагидан тер қўйиб турибди. Ҷ. Назир, Бир туп ғўза. || [Ҳайдар:] Жуда басавлат бўлиб кетибсизлар, дағьатан таниёлмадим. Уйғун, Дўстлар.

**БАСАЛОБАТ** [*ф-т+а*] кт. айн. салобатли. Басалобат нуроний нол.

**БАСИР** [*а*, д. м. қўрувчи, кўрадиган] Кўр, с. л. м. қўрувчи. Ҳатто умри бўйи қорни тўймаган қашшоқ ҳам, кўзи



басир тилани ҳам бир кун бўлса-да, кўпроқ яшасам, дейди. С. Анорбоев, Оксой.

**БАСИТ** [а] эск. кт. Содда, оддий, мураккаб бўлмаган. [Хусайн:] Соҳиб тадбир, доно Навоийнинг бугун басит ва саз мулоҳазалар юртишининг боиси не бўлса экан? Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**БАСКЕТБОЛ** [р<ингл] спорт. Икки команда ўртасида тўпни қўлма-қўл ирғитиб, баланддаги шчитга ўрнатилган чамбар-тўрга тушириш ўйини. *Баскетбол майдони. Баскетбол ўйнамоқ.*

**БАСКЕТБОЛЧИ** Баскетбол ўйновчи спортчи.

**БАСКИ** [ф-т] эск. кт. айн. бас I 2.

**БАСЛАШМОҚ** с. т. Бас боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. *Тўқсон беш центнердан пахта беришга баслашибди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**БАСМА-БАС I** Ким ўзди, ким ўзиш мусобақаси (бирор ишда, соҳада). *Басма-басда ютган эр, Йўлига гул сочайлик!* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

2 рвш Бас боғлашгандай, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилиб, қолишмай, ким ўзарга. *Мели полон ва Юсвали отага ўхшаш баъзи бир активлар ўзларини тўтолмай, улар [Олаҳўжа ва Турдивой халфа] билан басма-бас қўшишдилар. П. Турсун, Ҳўитувчи. Ҳўртоғим билан бирга кетмон чопдик басма-бас. «Кўшиқлар».*

**БАСМА-БАС(И)ГА** рвш Бас боғлашгандай, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилиб, қолишмай, ким ўзарга. *Гўё .. табиат бастакорлари ким ўзар ўйнашарди. Басма-басга бири чўзиб хонши қилса, бошқаси шодлигини ичига сиғдиролмай, шўх-шўх куйларди. С. Анорбоев, Оксой. Қўдам икковимиз, басма-басига оруз-хавас, деб болаларни қўйнаб қўйдик. «Муштум», 1959, № 10.*

**БАСМАБАСЛАШМОҚ** Бас боғлашмоқ, бас ўйнамоқ; ким ўзарга бирор иш қилмоқ. *Басмабаслашиб сузишмоқ.*

**БАСМАБАСЛИККА** айн. басма-бас(и)га.

**БАССЕЙН** [р<фр] Катта сунъий сув хавзаси. *Спорт бассейни.*

**БАСТ** [ф-т] Қад, қомат; гавда. *Писанд эмас унга ҳеч Саҳронинг баланд-пастни. Ҳўзига зап ярашган Қомати, бўйи, бастни. С. Акбарий. Ҳўйитхон бастини ростлаб, атрофиға қаради. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.*

**БАСТА** [ф-т] эск. кт. Боғланган, боғлиқ.

**БАСТАКОР** [ф-т] Музика асари басталовчи; композитор. *Йиғилди бастакорку саз ила созанда, хўшхонлар. Ҳўбибий.*

**БАСТАЛАМОҚ** Музика асари ёзмоқ, қўшиқ, куй ва ш. к. яратмоқ. *Эркин меҳнат қўшиқларин басталаб, яхшилаб чал, ҳордиқларим тўйкайин. Гайратий.*

**БАСТАЛАНМОҚ** басталамоқ *фл. мажж. н.*

**БАСТАЛИК** Тўққинлик, тўсиқ, ғов. *Басталик келтирмоқ* ишнинг ривожига ғов бўлиб тушмоқ; ишни кейинга тортмоқ. *Унинг йиғлаганини билиб қолган домла «кўз ёшининг хосияти йўқ, касб-корга басталик келтиради ..» дейди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**БАТАЛЬОН** [р<фр] Бир неча ротадан иборат бўлган ҳарбий бўлинма. *Пулемётчилар батальони. Батальон байроғи. Батальон комиссари. — Юрьев батальони «алоҳида ўқчи батальон» номи билан армия резервида эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Батальон шу кунги кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**БАТАМИЗ** [ф-т] Тамизи бор, тамизли; фаросатли. *Қўшиқда ўтираан қизлар, Баринг, бирдай батамизлар. «Равшан».*

**БАТАМОМ** [ф-т+а] рвш I Тугал, тўлиқ, қолдиқсиз, сира ҳам қолдирмасдан. *Ҳўқимни батамом олдим. — Ҳўқоннинг ярмини дезрлик ташкил қиладиган охириги фасли батамом ўчирилган. А. Қаҳҳор, Сароб. — Колхоз бўлгандан кейин от-улов эгасининг қўлида қолаверармикин, ё батамом ўртага қўйилармикин? — деди Турғунбой. П. Турсун, Ҳўитувчи.*

2 Буткул, бутунлай, тамомила, тамоман. *Мен бунни батамом унутибман. Фикрингизга батамом қўшилламан. — Қўшиққо ярим кечгача бўлган кўча жангаридан сўнг душмандан батамом тозаланди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Муттасил портлашлар зарбидан Аҳмаджоннинг қўлоғи батамом битган .. эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**БАТАНГ** [ф-т]: қўлоқларни батанг қилмоқ *ёки батангга келтирмоқ* қўлоқларни гаранг қилмоқ, қўлоқни битирмоқ. *[Ҳўрб томондази] шовқин-сурон кишининг қўлогини батанг қиларди. Айний, Эсдаликлар.*

**БАТАРЕЯ** [р<фр] I Бир неча тўп, замбарак ёки миномёт билан қўроланган артиллерия бўлинмаси. *Миномётлар батареяси. Зенит батарея. Батарея командири.*

2 Бир неча тўп, замбарак ёки миномёт жойлашган истеҳком. *Тепаликнинг чўққисиди танкка қарши отадиган батарея пала-партиши ўқ узар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

3 физ. Ҳўзаро бириктирилган бир неча гальваник элемент ёки аккумулятор. *Аккумуляторлар батареяси. Чўнтак фонарининг батареяси. — Батарея йўқ, батарея бўлса радиолани ҳам ишга солардик. И. Раҳим, Ихлос.*

4 тех. Бир турдаги бир неча элемент бирикмасидан иборат бўлган қўрилма. *Иситиш системасининг батареяси.*

**БАТАРТИБ** [ф-т+а] I сфм Тартибга солинган, саранжом-сарипшта, тартибли. *Батартиб уй. Батартиб хўжалик. Батартиб кўчалар.*

2 рвш Тартиби билан, тартибли равишда. *Ҳўқувчилар батартиб синфларга кира бошлади.*

**БАТАФСИЛ** [ф-т+а] рвш Бутун тафсилоти билан, тафсилли равишда, майда-чўйдасигача, икир-чикиригача қолдирмасдан. *Батафсил ўрганмоқ. Батафсил текширмоқ.*

**БАТИНКА** с. т. Ботинка.

**БАТИС** с. т. Батист.

**БАТИСТ** [р<фр] Пишитилган ингичка ипдан тўқилган юпқа газлама. || *Батист рўмол. Батист кўйлак. — Ҳўрматой ипаидай Асл, нафис батистга Санъаткор қиз қўли-ла Ҳўёт ўзи босар гул. Зулфия.*

**БАТОН** [р<фр] Чўзинчоқ оқ бўлка нон.

**БАТРАК** [р] тар. Помешчик ёки қўлоқ хўжалигида ёлланиб ишловчи деҳқон, қишлоқ хўжалик ишчиси. *[Абдурасул] .. қишлоқ бойларининг беҳисоб ерларини камбағалларга, батрақларга бўлдириб беради. П. Турсун, Ҳўитувчи.*

**БАТРАКЛАШМОҚ** Батракка айланмоқ, ер-мулкдан айрилиб, батрак бўлиб қолмоқ.

**БАТРАКЧОМ** [р] тар. I Батрақлар комитети (Октябрь революциясидан кейин батрақларнинг ҳақ ва хўқуқларин бой ва қўлоқлардан химоя қилиш учун тузилган комитет, батрақлар иттифоқи). *Қандай бўлса батрақкомнинг тўраси, Ҳўин айтсам камбағалнинг жўраси. Эргаш шoir.*

2 с. т. Батрақлар комитетининг ранси. *Кейини йилларда батрақкомдан партия ячейкасининг котиблигиға кўтарилган Абдурасул камбағаллар ўртасида тобора обрў орттиради. П. Турсун, Ҳўитувчи.*

**БАТТАР** [ф-т] рвш I Аввалгидан, қиёс қилинаётганидан ортиқ, зиёда (кўпроқ салбий, ўринсиз ёки нохуш хатти-ҳаракат, хўсусият ва ҳодисаларга нисбатан ишлатилади). *Баттар бўлмоқ. Баттар қилмоқ. — [Йўлчининг] бошида шу фикр учқунланди: «Мен қақирсам, баттар уялади, ерга киради, ҳам унинг кўзига қандай қарайман!» Ойбек, Қўтлуғ қон. Домла бозор қилишини, магазинга боришини жинидан баттар ёмон кўрар эди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.*

2 кесим вазифасида Ёмонроқ, ёмон. *Бу ундан ҳам баттар. Бир-биридан баттар — [Марасул Зухрага:] Ҳў холам бўла туриб тўйға келмадингиз-а? Ҳўай бўлсангиз ҳам хафа бўлмас эдим. [Фотима:] Ҳўайдан баттар бу. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.*

**БАТТАРИН** [ф-т] Ҳўтакетган ёмон, жуда ёмон. *Мажиддин Муҳаммад ким? Ундан баттаринроқ ҳам бор. Ойбек, Навоий [Билмаган киши:] «Бў баттарин раис екаң деб Ҳўйиқади ҳам. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.*

**БАТТАРЛАШМОҚ** Аввалгидан ҳам ёмонлашмоқ, оғирлашмоқ, зўраймоқ. *Унинг касали авалгидан ҳам баттарлашиди.*



**БАТТОЛ** [a] 1 Үтакетган ёвуз, бер-раҳм, шафқатсиз, ваҳший. — *Бенюмс баттоллар!* — деган ғазабнок тоғушлар эшитилди. Отлиқлар қилчиларини яланғочлаб, қий-чув кўтарган аёлларни чопа бошладилар. М. Осим, Ҳттор.

2 Үтакетган бадкарда, бадкирдор. Мен билан *Отабекни қаматиб, дор остига юбуровчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо этувчи .. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирӣ, Ҳтган кунлар.

3 Ҳтакетган ўжар, қайсар, терс. || [Қодиржон:] *Бу хизматкор баттоллар қайси ерда қолди экан? Вақт ҳам анча бўлиб қолди.* Ҳамза, Ким ўғри?

**БАФАРМОН** [ф-т]: бафармони худо худонинг амри, фармони билан. *Бора-бора, бафармони худо, тортишув шундай қизиб кетибдики, .. Ойбек, Навоӣ.*

**БАФУРЖА** [ф-т] рви Ҳотиржамлик билан, шошмасдан, бамайлихотир. [Қосимжон:] *Ҳозир иборага бориб келаман, кейин бафуржа гаплашамиз.* Ҳ. Умарбеков, Ҳулдулар. Ҳ. Кеҷроқ. *Буеун дам олиш кунни бўлгани учун Элмурод бафуржа турди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Ҳеч ўнғайсизлик сезмасдан, бахузур, бемалол. Ҳ, ажриқ устига бафуржа ўтириб, дафтари оиди-ю, сўроқ қилишга киришди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Алдаркўса] *овқат пишгунча кутиб ўтирмақчи бўпти.* Этушени ечиб, бафуржа ухлагани ётибди. «Алдаркўса».

**БАХАБАР** [ф-т+а] Хабар бор, бохабар, хабардор.

**БАХАЁЛ** [ф-т+а] айн. бахаёл(га). **БАХАЁЛ(ГА)** рви Олди-сотдида: тўғри келмаса, ёқмаса қайтиб бериш ва қайтиб олиш ёки алмаштириш шарт билан. *Бахаёлга олмоқ, Бахаёлга сотмоқ.*

**БАХАЙ(Р)** [ф-т+а] 1 Ҳайрли, эзгули; яхшилиқка олиб борадиган. || [Абдулмалик:] *Охири бахайр бўлсун. Бу ҳаяллаш бежиз эмас.* Ҳйғун ва И. Султон, Навоӣ.

2 Беморни ёки бирор бахтсизликка учраган кишини кўрганда кўнгил сўраш учун ишлатиладиган ундалма. *Бахайр? Не бўлди, тақсир!* Ойбек, Навоӣ.

**БАХИЛ** [a] 1 Бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; қизғанчиқ, хасис, нокас. *Бахил одам.* || *Бахиллик доим айўк, сахий — айўк бўлса ҳам тўқ.* Мақол. *Сахий топса, барча ер, бахил топса, босиб ер.* Мақол. *Бахилнинг бёғи кўкармас.* Мақол. — *Ҳ ўтакетган бахил бўлиб, ҳатто мусофирларни ҳам жеҳмон қилмас эди.* «Алдаркўса».

2 Кунчи, ҳасади, рашқчи.

**БАХИЛЛИК** бахил с. белги оти. [Турғун:] *Бахилликлари келибди-да .. ўзлари шунча ёшга кириб эр топол-чайдилар, эрга текканни кўролмайдилар.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**БАХМАЛ** [ф-т<a муҳмал] 1 айн. *духоба.* Қизил бахмал. Чий бахмал. ||

*Бахмал дўппи.* — Анвар ҳам бахмал тўнни еча бошлаган эди, ёнига Султонали мирзо келди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

2 Кўйма Далани қоплаган майса, ўт-ўлан ва ш. к. ҳақида. *Узумзорлар, анжирзорлар, энида бахмал либос, Қодоқ қўлли богбонларнинг меҳнатидир—бу, холос.* Х. Расул. *Жилвага бурканди кумуш қирғоқлар, Бағрига тортарди, бахмал ўтлоқлар.* Ҳайратий.

**БАХТ** [ф-т] 1 Ҳаётдан тўла хурсандлик, мамнунлик ва беармонлик ҳолати. *Оилавий бахт.* Меҳнат — бахт келтирар. Мақол. — Лениннинг йўлидан топдим бахтимни, Кўринди ярқираб порлоқ истиқбол. Ҳайратий. *Қайси ота, қайси она боласининг бахтини демайди? М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.* Ҳамманинг умиди ва ишончи шуки, поёнсиз ерлар халқ бахтига хизмат қилсин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бахтинг очилсин ёки бахтинги берсин** ёшларга муҳаббат ва ширин онлавий турмуш тилаш формаси. [Биби:] *Илоё, бахтингни берсин, яхши қалиққа учраб, бу кунларинг унут бўлсин, болам! Ойдин, Чақалоққа чакмонча. Ажаб эмас, бахти очилиб, Гулнор ҳам яхши, обрўли жойларга келин бўлса.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бахти қора** (ёки қаро) турмушдан ёлчимаган, бахтсиз. [Ҳолисон:] *Азиз дўстлар, нетай бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Омад, толе; иқбол. [Қосимжон Фотимага:] *Уф, нима иш қилсам кетга қараб кетади, холос, менинг бахтим курсин.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Ана шу қизлар сафида менга ҳам жой бордир, деб йўлади Адолат.— Бахтимни бир синаб кўрайчи? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳамма гап пешанада, тақсир.— Домла ўқиниб гапирди.— Пешана шўр бўлгандан кейин, унда бахт гули унадими!* Ҳ. Гулом, Машғал.

♦ **Бахт куши бошига кўнди бахти,** омади келди, иши юришди. **Бахтига** (бахтимга, бахтинга, бахтимизга ва ш. к.) кири с. юз берган, содир бўлган ёки бўладиган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг кўнгилдагидек эканлигини ифодалаш учун ишлатилади. **Бахтимизга** замон ўзгариб, бундай яхши кунларга етдик. Э. Раҳим, Янги қадам. *Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг.* А. Қодирӣ, Ҳтган кунлар. **Бахтга қарши кири с.** юз берган, содир бўлган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг кўнгилдагидек эмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. **Мариянинг бахтига қарши,** амаки сил касалигига учраб, ишдан қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бахтдан кўрдим** таваккал, нима бўлса бўлар.

**БАХТИЁР** [ф-т] 1 Бахт ёр бўлган, бахти кулган; бахтли. *Бахтиёр совет халқи.* *Бахтиёр оила.* — *Бахмал қирғоқларни тўлдириб оқди, Бахтиёр*

*элимнинг қувончли саси.* Ҳайратий. *Ойқиз иссиқ юзини сеvimли эрининг кўксига қўйиб, қалби қувонч билан тўлиб-тошарди ва ўзини чиндан ҳам бахтиёр ҳис қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || *Хурсанд эди беҳад икки ёр, Хурсанд эди икки бахтиёр.* Ҳ. Олимжон.

2 Бахта тўлиб тошган; бахтли, ширин, мазмундор; фаровон ва беармон. *Бахтиёр ҳаёт.* — *У кунлар Назиркул учун энг бахтиёр кунлар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**БАХТИЁРИ** [ф-т] Узумнинг бир нави.

**БАХТИЁРЛИК** 1 бахтиёр 1 с. белги оти.

2 Бахтиёр, ширин ҳаёт, рўшнолик. *Оилавий бахтиёрлик.* — [Ойимхон] *инсон ҳаётида юз берган тафовутни — алам билан бахтиёрлик, қуллик билан озодлик ўртасидаги тафовутни тўла ҳис қилиб кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизмай қолмас эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**БАХТ-ИҚБОЛ**, бахту иқбол Бахт ва бахтли келажак. *Мавлон ака Ҳтап хонадонига бахт-иқбол, юртга тинчлик тилаб, дуо қилди.* Ҳ. Гулом, Машғал.

**БАХТЛИ** 1 Бахт ёр бўлган, бахти кулган; бахтиёр. *Бахтли қиз.* *Бахтли совет болалари.* — *Қадрдон далалар, меҳнат тонгида қўлга-қўл беради икки бахтли ёш.* Ҳайратий. *Қоп-қоп олтин-қумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан.* *Илоҳим, бахтли бўл! Онангга, отангга раҳмат, сенга иш ўргатишибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 айн. бахтиёр 2. *Бахтли ҳаёт.* *Бахтли дамлар.* — *Бахтли турмушни топдик сен билан бирга.* *Хурлик нурини сочиб порлади офтоб.* Ҳайратий.

3 Омади бор, омадли, толели; омади, толеи баланд.

**БАХТНОМА** [ф-т] кам қўлл. Бахт йўлга бошловчи, бахтни, бахтиёрликни, бахтиёр ҳаётни мадҳ этувчи, куйловчи нарса, асар ва ш. к. *Дунёнинг тўрт бурчидан ўртоқлар хабарим бор.* *Чунки, менинг севиқли Бахтнома китобим бор.* К. Муҳаммаддий.

**БАХТ-САОДАТ**, бахту саодат Бахт ва саодатлар, бахт ва яхшилиқлар. *Зебонинг шўх қарашни, туришни, қувноқ қулгиси, табассуми Элмуродни ҳали маълум бўлмаган севинч тўла, бахт-саодат тўла бир олажа имлади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**БАХТСИЗ** 1 Бахт қулиб боқмаган, ҳаётдан, турмушдан ёлчимаган, бахти қора. *Дилшикаста, бағри хун, кўзида ёши ташқатор, Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддир.* Ҳамза. *Она боласининг бахтини кўролмай, бахтсиз бўлгани учун йиғласа, икки ёш қалб қовушолмай бахтсиз бўлгани учун йиғлар эди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Қулфат, дард-алам билан тўлиб тошган, рўшноликдан йироқ. *Бахтсиз ҳаёт.*

3 Кўнгилсиз ҳодисага, бахтсизликка

учраган; бечора. *Куйиб куд бўлган Большая Каменка қишлоғида Муҳаммаджон сингари болалар, Абдуазиз ота сингари чоллар, кампирлар, ғалим тўшағида ётган беморлар, бахтсиз майиблар .. оз бўлганликман? А. Қахҳор, Олтин юлдуз.*

4 Бахти йўқ, омади, толеи йўқ; омадсиз.

**БАХТСИЗЛИК 1** бахтсиз с. белги оти. *Анварнинг бу ҳолати балки оила бахтсизлигидан, ота-она бағрида янрамаганлигидан туғилгандир, десак, унинг икки оғаси бундай эмас эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Севуичилар васл оқшомида бахт шаробини ичишса, булар бахтсизлик оғусини ишмоқда эдилар. М. Исмойлий, Фарғона т. о.*

2 Кўнгилсиз, нохуш воқеа, ҳодиса. *Бахтсизликка учрамоқ. — Ҳозирги ҳолатни ифода қилиш учун Чернецов ўзича «бахтсизлик» деган иборадан бошқа сўз тополмади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**БАХШ** [ф-т]: бахш этмоқ бағишламоқ, бермоқ. *Мана, ҳозир ҳам унинг ёқимли овози кўнгилазга роҳат бахш этмоқда. М. Исмойлий, Фарғона т. о. Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улғворлик бахш этиб, бир текис гувилаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**БАХШИ 1** Халқ дostonларини куйловчи шоир, оқин. *Ўзбек халқ бахшилари. Тўйда сўз бер бахшига, харидор бўл яхшига! Мақол.*

2 этн. Дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қидиб даволочни табиб. *Сотиболдиннинг хотини оғриб қолди. Бахши ўқиди. Алақандай бир хотин келиб, толнинг хипчини билан савалади. А. Қахҳор, Бемор.*

3 тар. Бухоро хонлигида: қурилиш учун белгиланган маблағларнинг ҳисоб-китобини юритувчи лавозимли киши.

**БАХШИШ** [ф-т] Садақа, эҳсон, хайр; инъом. — *Секин сўзла, муаллим чақиряпти, дегин, уқдингми? Аҳмад Хусайн дегин, билади, тез физиллаб кириб чиқ, бахшиш бераман, — деди Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб. [Қушбеги] Кумушбибига юзини ўғирди. — Қизим, сизнинг бунчалик заковат ва жасоратингизга отангиз билан эрингиз ҳар қанча ташаккур айтсалар ва ўзларингиз мунтазам сўнги умрларини сизнинг бахшишингиз деб билсалар арзир. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**БАХЯ** [ф-т] Кийим-кечакнинг тўғри чок билан бостирилган қирғоғи, чети, зиҳи ва шундай чокнинг ўзи.

◆ *Бир бахя озгина, кичкина. Бир бахя ҳам суви ерлар бўйи қолмасин. Ғ. Ғулом, Қўкан батрак. Бир бахя ўтади ошиб тушади, ўзади. Маҳмадоналикда сен ундан бир бахя ўтасан. Бир бахя қонди сал қолди, оз қолди. Улишимга бир бахя қолди. Ҳамза. [Маҳкам] Оғим узлиб, жағим осилиб*

*тушишига бир бахя қолди. И. Раҳим, Занғори кема капитани.*

**БАХЯДЎЗ** [ф-т] Бахя тикувчи.

**БАХЯЛАМОҚ** Тўғри чок билан четини бостирмоқ.

**БАЦИЛЛА** [р<лат] Чўпча шаклидаги бактерия. *Сил бацилласи. Бацилла ташувчилар* бацилла орқали юқадиган касалликни тарқатувчилар (мас., шундай касал билан оғриган ва баданидан бацилла аримаган киши).

**БАЧА** [ф-т] диал. Бола.

**БАЧАДОН** [ф-т] анат. Хотинлар таносил аъзосининг ҳомила ўсиб ривожланадиган ички қисми.

**БАЧАҶИШ** с. т. 1 Янги туғилган бола; чақалоқ.

2 Қушнинг янги тухумдан чиққан, ҳали пати чиқмаган боласи.

3 кўчма салб. Ёш бола, гўдак.

**БАЧКАНА** [ф-т] 1 эск. Болалар учун белгиланган, болаларники (уст-бosh, сёқ кийим ҳақида). *Бачкана маҳси. — Ҳайитга нарса олишга улгуролмаганлар чин арафа кечаси тупирчиллоб қолар, .. катта-ю кичкиннинг фарқига бормай .. «мардонга», «заифона», «бачкана» кийимларни соптиб олар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. || Қирқ жуфт бачканага ақча берганмидим? Сиздан ҳозирча йигирма жуфтини сўраб турирман. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 кўчма Болаларга хос, катталарга, улугсифат кишиларга ярашмаган, келишмаган; енгилтак. *Бачкана қилиқлар. — Ёши эллика яқинлашган бўлса-да, .. бачкана ҳаракатлари. Турғуновда ижирганим кўзғатди-ю, лекин мулозиматни қўлдан бермади. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. || — Хи-хи-хи — бачкана қулди чо. Ойбек, Қутлуғ қон. | Хатти-ҳаракатлари катталарга, улугсифат кишиларга муносиб келмайдиган, жиддий эмас. Бачкана одам. Бачкана чол.*

3 кўчма Болаларча қисқа ўйланган, юзак, хом. *Бачкана асар.*

**БАЧКАНАБОЗ** [ф-т] Бачканаликни, бачканабозликни яхши кўрадиган. *Бачканабоз одам.*

**БАЧКАНАБОЗЛИК** Бачкана қилиқлар, катталарга, улугсифат кишиларга номуносиб, ярашмаган, келишмаган хатти-ҳаракатлар.

**БАЧКАНАГАРЧИЛИК** айн. бачканалик 2.

**БАЧКАНАДЎЗ** [ф-т] Болалар кийим-кечаги тикувчи. *Бачканадўз уста. — [Унсин] .. бачкана маҳсиларни (Шокир ота бачканадўз эди) силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнги қора гул сурқаб, уларга пардоз беради. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**БАЧКАНАЛАРЧА** рeш Худди ёш болалардeк, катталарга, улугсифат кишиларга номуносиб, ярашмаган, келишмаган бир йўсинда, енгилтаклик билан. *Бачканаларча мулоҳаза юритиш. || Бачканаларча хатти-ҳаракат.*

**БАЧКАНАЛАШМОҚ 1** Бачкана бўлиб кетмоқ, катталарга, улугсифат

кишиларга номуносиб қилиқлар, бачкана хатти-ҳаракатлар қилмоқ. [*Раис:*] *Нима қиласиз бачканалашиб? Эрақак одамга ярашмайди бундай ожизлик. Ғ. Мусаёнов, Чиқинди.*

2 кўчма Сийқалашмоқ, саёзлашмоқ, суюқлашмоқ. *Аския бачканалашди.*

**БАЧКАНАЛАШТИРМОҚ** бачканалашмоқ 2 фл. орт. н. *Баъзи пропагандистлар .. назарияни баён қилишда .. бачканалаштириш ва хатто сохта-лаштиришга йўл қўйганлар. «К. Ўзбекистон», 1962, 29 август.*

**БАЧКАНАЛИК 1** бачкана с. белги оти.

2 Бачкана қилиқ, катталарга, улугсифат кишиларга номуносиб, ярашмаган, келишмаган хатти-ҳаракат, енгилтаклик. *Бошлиқ унинг жанжалли «бололик, бачканалик» деб ўйламаган. А. Мухтор, Туғилиш.*

**БАЧКИ** [ф-т] 1 Ўсимлик танасининг, поясининг остидан, ён-веридан ўсиб чиққан майда шоҳчалар, ниҳоллар. *Бачки барг ўсимлик танасининг тагидан чиққан барг. Дeққонлар шоналайдиган барғи чин барг, ионалаламйдиганини — бачки барг деб атайдди.*

2 Кўклигида ўриб олиш учун экилган маккажўхори. *Бачки элмоқ. Бачки ўрмоқ.*

3 с. т. эск. Бачкана, болалар пойабзали. *Ўғлим, беш бачкинни пулаб, ил, мум, сирач, лок оламир, хўпми! Ойбек, Қутлуғ қон.*

**БАЧКИЛАМОҚ 1** Бачки чиқармоқ (қ. бачки 1, 2).

2 Кўк поя чиқармоқ (жўжори ҳақида). *Ўриб олинган жўжори тагидан яна бачкилоб чиқади.*

**БАЧЧА** [ф-т] 1 диал. Бола. *Дуойи саям ўша баччаларнинг онасига, ўмид билан бир ёстиққа бош қўйиб, кечакундуз дуойи жонимда бўлганга! Ойдин, Ширин қелди.*

2 этн. Бировнинг (акабаччасининг) қарамоғида ва ихтирида бўлган хушрўй, келишган ўйинчи ўғил бола; бесоқол. *Уша бачча ҳам одам фарзанди. Ота-онаси камбағалликдан уни баччалikka сотгандир. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Умуман ўйинчи бола, раққос. *Ўғорачининг баччаси. — Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**БАЧЧАБОЗ** [ф-т] этн. Бачча сақловчи; болабоз, бесоқолбоз.

**БАЧЧАЛИК 1** диал. Болалик, гўдаклик даври. *Баччаликдаги қилиқлари эсига туьиди, уйқуси қочди, дeр-редай тошди. «Кўшиқлар».*

2 этн. бачча 2 с. маъ. от.

**БАЧЧАТАЛОҚ** [ф-т+a, л. м. талоқ қилинган хотиндан туғилган бола] сўк. Енгил койишни ифодалайди (ҳайвонларга, нарсаларга нисбатан ҳам ишлатилади).

**БАЧЧАҒАР** сўк. Нафрат, ғазаб билан қаттиқ койишни ифодалайди. *«Ит» деганича бор экан. Мунча изғимаса, баччағарнинг зерикмагани! Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.*

**БАШАНГ** 1 Ясанган-безанган; шай. Ҳозир бозор айни авжида. Кийимлари башанг .. қозоқ бийлари, бўлислари ва қўйчи бойлари виқор билан от устида юрадилар. Ойбек, Болалик. || У [Соҳиба] кўйди улуг байрамлардагидек башанг кийинган. «К. Ўзбекистон», 1960, N 72.

2 Ўзига зеб беришни, модага мувофиқ кийинишни яхши кўрадиган, олиф-та. Башанг аёл.

**БАШАР** [а] кт. Инсон, одам, одамзод. Тарихни орқага буриб бўлмади, орқага қайтмайди йўлдан башар. Уйғун. Уч қизим бор, бир ўғлим бор қошимда, .. Бири олим, бири аҳли ҳунардир, мамлакатга садоқатли башардир. Хабибий.

**БАШАРА** [а] 1 Юз, бет, афт; дийдор; кўриниш. Эшик гич этиб очилди-да, тирқишидан бошини яйил қорси билан танғиб, юзига қаттиқ суриб олган аёлнинг башараси кўринди. У. Назаров, Одамлар. Вой башаранг кўрсин, нима бало бўлди? Ҳаммомнинг гуллаҳиса ўхшаб кетибсан. Ойдин, Ҳазил эмиш.

2 Кишининг руҳий ҳолатини, ички кайфияти ёки табиатини, характерини ифодаловчи кўриниш, чеҳра, авзо.— Исфандиёрнинг захар башарасини кўришдан қутулибсан.— деди Қўкан. Ж. Шарипов, Хоразм. Ака-уканинг башарасига разм солиб, кино билан деди: — Кўзларингиз бежо, нима бўлди, тинчликми? Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Кўча Кишининг ташқи ёки маънавий қиёфаси. Одамларнинг «хар икки дунёси» учун ҳам гўё жонқуярлик қилган бу худо вақили [Зағчақўз] хуржунини тўлдириб шаҳарга борганда асл башарасини кўрсатар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

4 Аниқланмиш вазифасида келиб «ўхшаш», «ўхшаган», «симон» маъноларини билдиради. Одамлар гуркираб кулиб турган пайтда уларнинг ёнига мулла башара бир қиши келиб қўшилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бурчакдан муттаҳам башара бир йигит қўлини паҳса қилиб, Шариф Сулаймонга қиққарди. Ойбек, Нур қидриб. Қоп-қора ҳабаш башара Муса соатга қараб турар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

5 Киши, одам; одам қиёфаси (кўпроқ қиёфаси хунук одамга нисбатан ёки сўзловчининг объектга нисбатан салбий муносабатини билдириш учун ишлатилади). Йўлак панасидан мудҳиси башара чиқиб, бир-икки қайта унга қараган, йўқолди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БАШАРИЙ** [а] Инсонга, одамга тегишли; инсон томонидан яратилган (илохий эмас). Ишондим башарий жаннатга бугун. У—Одам ва Ҳаво танбеҳ еб, сурғун қилиб чиқарилган жаннатдан ўза. Ҳозирдан жамоли кўринар кўза. Шайхзода.

**БАШАРИЯТ** [а] кт. Инсоният, кишилик; инсонлар. Прогрессив башариият. Башариият дунёси. — Улуғ

Октябрнинг муборак кўёши ўзининг .. нурида башарииятни мунавоар қилди. «С. Ўзбекистон», 1964, 6 октябрь.

**БАШАРТ** [ф-т-а] шарт боғл. Шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап билан эргаш гапни боғлаш учун хизмат қилади, маъно ва функцияси жиҳатидан «агар», «агарда», «мабодо», «борди-ю» сўзларига тўғри келади.— Башарти хат душман қўлига тиниқ бўлмай бўлса .., ишимиз расво бўлади.— деди .командир. А. Раҳмат, Соқов бола.— Йўқ, деди бек, мен бу ишга, башарти кўнганимда ҳам, қизингиздан яширмайман. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БАШНЯ** [р] 1 Ҳарбий кема, танк ва бронланган машиналарнинг гумбаз шаклидаги қурилмаси. Танкнинг айланадиган башняси. Башнялардан ўт очмоқ.

2 Минора шаклидаги қурilmа. [Юсуф] фермадан чиқиб саво башняси томон юрди. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

**БАШОРАТ** [а] кт. 1 эск. Ҳушхабар, яхши хабар; мужда. Худайи қўрғонбеги қошига этиб, бек ҳазратларининг ҳозир этиб келишарига башорат берди, яна отининг бошини буриб, йигитлари билан орқага қайтди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Олдиндан кўриш, олдиндан айтиб бериш; олдиндан айтиб қўйилган гап. Башорат қилмоқ. Улуғ Ленинниг .. генерал башорати Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон мисолида яққол исбот этилди. — Солдат, Борисовнинг башорат қилиб айтган фикирга қойилдек, унга қараб қўйди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Башорат. (хотин-қизлар исми). **БАШОРАТЛИ** Олдиндан кўрувчи, келажакда бўладиган воқеа, ҳодисани билдирувчи, айтиб берувчи; олдиндан айтиб қўйилган.

**БАЪД** [а] эск. кт. Кейин, сўнг, баъдаз.

**БАЪДАЗ** [а+ф-т] кт. Кейин, сўнг. Аввал таом, баъдаз калом. Мақол. — Баъдаз унинг устидаги шубҳам бироз зойил бўлиб, кўнгиел кўтардим. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БАЪДИДА** кўм. (б. қ. билан), эск. кт. -дан кейин. Қўшин Тошкентга етган баъдида бизлар ташқаридан ва сизлар ичкаридан бўлиб, Мусулмонқулни орадан кўтаргаймиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БАЪЗАН** [а] раш 1 Ҳар замон-ҳар замонда, ахён-ахёнда, баъзи-баъзида, гоҳ-гоҳ. [Йўлчи:] Хўжайинларникига бориб турасизми? [Абдишукур:] — Баъзан бориб тураман. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Баъзи вақтларда; айрим ҳолларда. Баъзан Гулнорнинг юраги тошиб, бутун дардини, яраларини Унсинга очишни истайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Баъзан Рауф Иброҳимовнинг обрўйига зиён етаёттипти. Бу тўғри эмас, мут-

лақо тўғри эмас. А. Қаххор, Қўш-чинор.

3 айр. боғл. Гаднинг уюшиқ бўлакларини боғлаш учун қўлланилади. [Йўлчи] баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди. Ойбек, Қутлуғ қон. Булар душман позициясига мумкин қадар яқинроқ бориб, бирон қўлай жойда соатлаб, баъзан кунни бўйи тойлаб ётишади. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**БАЪЗИ** [а] белг. олми («бир» сўзи билан ёки ёлғиз ишлатилади) Бир турдаги ёки ҳар хил нараса, кимса, воқеа-ҳодисалардан айримларини ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади. Баъзи (бир) нарсалар. Баъзи (бир) одамлар. Баъзи (бир) кунлар. — Гулнор .. [Унсиннинг] бурнини, пешнасини ва баъзи ҳаракатларини Йўлчига ўхшатди. Ойбек, Қутлуғ қон. Оғайнида ҳам оғайни бор. Баъзи оғайни бўлади, унақа. Баъзи оғайни бўлади, жонинга жонини миҳ қилиб қоқиб ташлайди. А. Қаххор, Оғайнилар. Баъзи вақтларда баъзида, баъзан, гоҳ, гоҳида. Ҳеч нимадан хабарсиз Унсин, баъзи вақт: «Нега камини кўрмайман, тоғам қайқа юборган», — деб Гулнордан сўрайди. Ойбек, Қутлуғ қон. | от вазифасида Айрим киши, нараса ва ш. к. Атрофда одам тўлганди. Баъзилар ачинади, баъзилар — томошабин. Ойбек, Қутлуғ қон. Анвар супада ўрда юмушларидан баъзисини тахрир қилиш билан машғул экан, ичкаридан Раъно чиқиб келади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БАЪЗИДА** айр. баъзан 1, 2.

**БАЯН** [р] Катта гармонь. Уч киши саҳнада ўтириб олиб, баян чалмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАЯНЧИ** Баян чалувчи.

**БАҚА** 1 диал. Қурбақа. Фосил афанди чўчиб, оғдининг тагига қаради, ҳақиқатан ҳам, кериб турган оёқларининг орасида бақа сакраб борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бақа бурун 1) ялпоқ ва чаноқлари кенг бурун. Дилора билан эрини минг бошининг бақа бурун миришайди олдимга солиб ҳайдаб келдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) шундай бурунли киши. Бақа кўз 1) чақчайган кўз; 2) шундай кўзли киши.

**БАҚА** II Сув тегиригининг парракдан ҳаракат олиб, тегириг тошини айлантурувчи металл қисми.

**БАҚАВЛИ** [ф-т] модал с., эск. Бамисоли, худди. [Маждиддин:] Шохим, менадан бекорга ранжийсиз, мен бақавли бир ичингизмен топган-тутганимни тишлаб келиб хазинангизга ташлаймен. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**БАҚАДРИХОЛ** [ф-т+а] раш Ҳолига, имкониятига яраша, қурбани етганча, қулдан келганча, баҳоли қудрат. Бақадрихол ёрдам қилмоқ. Ўзбек халқи ҳам Улуғ Ватан урушидаги ғалабага бақадрихол ўз ҳиссасини қўйди.

**БАҚАЛОҚ I** Ҳайвонларнинг туёқ билан илик ўртасидаги бўғини. Бек Равшанинг ота солган даври, Тушади Жийроннинг бақалоғига. «Равшан». | Шу бўғин ва унга ёпишган эт (овқат сифатида). Сўнгра .. Туеунини еди. Роса шитаҳа билан қўйнинг бақалоғини нонга қўшиб еч кетди. «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 11.

**БАҚАЛОҚ II** Эни бўйига номутаносиб; йўғон, думалоқ, семиз. Бақалоқ йигит. | Семиз, йўғон. Бақалоқ қўллар. — Қайрағочнинг қалин, бақалоқ шоҳлари ташлаб турган соя ҳам .. нафаслари бўғилиб турган аёнлар жонига ором беролмай қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БАҚАМТИ** [ф-т+а] рви Юзма-юз, рўбарў. — Мана энди бақамти гаплашайлик, — деди Жаҳонгирова. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Бақамти келмоқ юзма-юз келмоқ, юзлашмоқ, учрашмоқ. Бақамти қилмоқ юзма-юз қилмоқ, юзлаштирмоқ, учраштирмоқ.

**БАҚАР** [а] айн. сигир йили қ. сигир 2. Ундан ёшини сўраганларида у — муш, бақар, паланг, хареғиш, наҳанг — дея эскича йил ағдариб .. жавоб беради. Ф. Расул, Адолат.

**БАҚАСАЛЛА** Қалпоқчали замбуруғларнинг еб бўлмайдиган заҳарли турлари.

**БАҚАТЕРАК** Теракларнинг тарвақайлаб ўсадиган тури. Норматтарангнинг ҳовлиси гузарда, бутун маҳаллага кўриниб турадиган баланд, қари бақатеракнинг сояга жойлашган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БАҚАТЎН** Тўда-тўда бўлиб сув бетини қоплайдиган бир турли сув ўти.

**БАҚБАҚА** [а] с. т. Бағбақа. Ойнинг сутдек нурида .. Гулсумнинг бақбақаси Неккадамнинг кўзига жуда жозибали кўринди. Айниқ, Қуллар. Шу пайт қўшиниси, бақбақаси осилган, семиз Ҳайрихон ҳаллослаб кириб келди. Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз.

**БАҚБАҚАЛИ** с. т. Бағбақали. **БАҚ-БАҚАЛОҚ** с. т. бақалоқ II с. инт. Бақ-бақалоқ бола.

**БАҚИР** эск. Қизил мис. Номаълум ерда олтин бор, борсанг бақир топилмас. Мақол.

**БАҚИР-БУҚУР:** бақир-буқур қайнамоқ қаттиқ қайнамоқ, вақирлаб қайнамоқ.

**БАҚИРИШМОҚ** бақирмоқ фл. бирг. н. Ҳар ёқдан эркаклар бақиршиди, хотинлар қарғашди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир-бирига қарамайди, Сира ҳолин сўрамайди, Қочаёттир бақиршииб, Бир-бирини чақиршииб. «Ширин билан Шакар».

**БАҚИРИҚ I** Кулоқни битирадиган, шанғиллаган овоз; қичқирӣқ. Тўйхонадан йигитларнинг бақирӣғи эшитилиб турарди.

2 Дод, фарёд овози (оғриқдан ёки кўркувдан. Ичкари уйдан эса Саломнинг .. бақирӣғи, ёш боланинг дилни эзувчи чинқирӣғи эшитилиб туради. Х. Аҳмар, Қим ҳақ? Қампирнинг ба-

қирӣғига сарпойчанг Ибодулла билан паранжили Лаъли уйларидан юзуриб чиқшиди. Х. Ғуллом, Машъал.

3 Овозни борича қўйиб қилинган дағдаға, пўнса, дўқ. Жонизоқ чолнинг бақирӣғи Сувонжоннинг жиғига тега бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**БАҚИРИҚ-ЧАҚИРИҚ** Бақирӣқ ва чақирӣқ(лар); шовқин-сурон. Шу вақт отишмалар яна кучайди. Ҳамма ёқни шовқин-сурон, бақирӣқ-чақирӣқ босиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАҚИРЛАМОҚ** Бақир-буқур овоз чиқариб қаттиқ қайнамоқ. [Ҳамробиб] дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб қўйди. Р. Файзий, Эл меҳри.

**БАҚИРЛАТМОҚ** бақирламоқ фл. мажх. н. Оша гуруч солингандан кейин бақирлатиб қайнатилади.

**БАҚИРМОҚ I** Овозни борича қўйиб, шанғиллаб гапирмоқ; қичқирмоқ, қийқирмоқ, шовқин солмоқ. Олахўжа товушининг борича бақиради: — А, тарғил ҳўқиз ўлиб қолди? Нима? Нега ўлар экан? П. Турсун, Ўқитувчи. Эс-ҳушингиз савдодо. Уйқуда ҳам кўпинча мол сотиб, пул санаб бақирасиз. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Дод солмоқ, дод-фарёд кўтармоқ (оғриқдан, кўркувдан). [Салимбойвачча] ҳар он, ҳар лаҳза фалокатни кутди. Гўё Гулнор ҳозир ошини ичади-да, дарров бақиради. Ойбек, Қутлуғ қон. Лаъли бехосдан: «дод, ўламан» — деб бақириб юборди. Х. Ғуллом, Машъал.

3 Овозини борича қўйиб дағ-даға қилмоқ, дўқ урмоқ, пўнса қилмоқ. — Бақ! — Бўронбек бақириб берди. — Мен сизникига ернинг тағрифини эшитгани келганим йўқ. Х. Ғуллом, Машъал. [Мўлтон Муталга:] Бақиргингиз келса, хотинингизга бақиринг! О. Ёқубов, Ларза.

**БАҚИРОҚ** Бақириб, шанғиллаб гапирадиган; шанғи. Бақироқ чол. — Ҳўжайин бақироқ одам. Ойбек, Қутлуғ қон. — Бақироқ туянинг бори яхши, дейдилар. Ота-она ҳаётлигида болалар бир-бирлари билан аҳил бўладилар. Бақироқ туядан кейин, ит-мушук бўлиб қоладилар. — деди Саломат Нодирга. Й. Аҳмедов, Оғир операция.

**БАҚИРТИРМОҚ** бақирмоқ фл. орт. н.

**БАҚИЯ** [а] эск. Солиқ, тўлов, қарз ва ш. к.нинг вақтида тўланмай қолган қисми; қолдиқ, боқимонда. Солиқ бақиялари.

**БАҚИЯДОР** [а+ф-т] эск. Солиқ, тўлов, қарз ва ш. к.ни ўз вақтида тўламаган; қарздор, боқимондачи.

**БАҚИЯДОРЛИК** бақиядор с. белеги оти.

**БАҚЛАЖОН** Бир нав сабзавот ўсимлик ва унинг бинафша ранг, серэт ҳосили.

**БАҚО** [а] I эск. кт. Абдийлик, мангулик; абадият. Берсин ҳаётга сайқал ойинайи жамолинг. Топсин ташаббусингдан ишлар бақо муборак. Ҳамза.

2 Бақо (эркаклар исми).

◆ **Олами (ёки дунёйи) бақо дин.** у дунё, нариги дунё. Бир чойнак чой ичеунча олами фанодан олами бақога ўтиб кетган ўртоқлардек абдол эканлигини тушунтирди. Ф. Ғуллом, Шум бола.

**БАҚОСИЗ** айн. бебақо. Эй воҳ, бақосиз фалак! Ойбек, Навоий.

**БАҚРАЙИШМОҚ** бақраймоқ фл. бирг. н. Бир-бирига бақрайишмоқ.

**БАҚРАЙМОҚ I** Кўзини катта очиб, чақчайтириб қарамоқ, тикилиб қолмоқ (мас., ҳайратдан, ғазабдан). Уктам ўз кўзларига ишонмагандай, бақрайиб қотиб қолди. Ойбек, О. в. шабадалар. Йигит нима бўлганига тушуна олмай, оғзини катта очиб, киприк қоқмай бақрайиб турар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Раҳмон отанинг айтган гапларини Сунната билдирганларида ҳам, у бақрайиб тураверди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

2 Катта очилиб, чақчайиб турмоқ (кўз ҳақида). Абдурашул эшикка қараб ҳўмрайиб турди-да, гудурлаб қўйди: — Одамнинг икки кўзи бақрайиб тургани билан кўрмаса бекор экан! П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАҚРАЙТИРМОҚ:** кўзини бақрайтириб кўзларини катта очиб, чақчайтириб қараб туриб (ғазабдан ёки ҳеч нарса ни назар-писанд қилмагандай). Ҳакимбойвачча Гулсумибини куч билан силтаб тортди, кўзларини пиёладай бақрайтириб бобиллади: «Бас, уятсиз маҳлуқ!» Ойбек, Қутлуғ қон. У ерда кўрнган мўминларга, шу жумладан Ниёзмат ҳожига ҳам, кўзини бақрайтириб ёлгон гапирди. А. Қаҳҳор, Сабор. Одамнинг кўзини ёки кўзинини бақрайтириб одамнинг кўз ўнгида, одамнинг кўзига қараб туриб. — Қўшчиларинг ярамас бўлса, ўғриларга йўл очиқ. Қуппа-кундузи кўзини бақрайтириб талайдилар, — деди Дубов. Ойбек, Қуёш қораймас.

**БАҚРАЙТМОҚ:** кўзини бақрайтиб айн. кўзини бақрайтириб қ. бақрайтирмоқ.

**БАҚУВВАТ** [а+ф-т] I Зўр жисмоний кучга эга бўлган, жисмоний жиҳатдан етук, соғлом ва кучли. Бақувват одам. Бақувват от. Бақувват қўллар. Бақувват тортмоқ. — Нозик ва ингичка Элмурод бақувват ва йўғоч Мели полвоннинг белбоғига қўйини чирмаштириб олди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бақувватмисиз? бардаммисиз?, тетикмисиз? (асосан кексалар ёки касалдан турган кишилар билан ҳол-аҳвол сўрашганда айтилади). Келинг Узар ака, Шерота, бақувватмисиз? Н. Сафаров, Уйғонниш.

2 Пухта, пишиқ, мустаҳкам. Бақувват ит. Бақувват арқон. Бақувват тишлар. — Ҳовлида бир уй, бир аъзон, яна бир ҳўжра бор, Эски, алмо ҳали бақувват. Ойбек, Қутлуғ қон. Кителининг кўкрак чўнтагидан тароғини олиб, қундуздай бақувват сочини таради. С. Анорбоев, Оқсой. || Агар бор-

дон бақувват тўқилганда, устига одам чиқса ҳам тешилмас эди. «Эртақлар».

3 Яхши ўсган, баривож. *Бақувват кўчатлар.* — Ғўзанинг ҳосилдор шохлари бақувват, етук эди. Ойбек, О. в. шабадалар. || *Йўнғичка сизникими? Ёш экан ҳали, жуда бақувват ўсибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *физ.* Катта ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлган, қуввати, кучи кўп, қувватли. *Бақувват мотор.* *Бақувват электр станциялар.*

5 *кўчма* Катта бойликка эга бўлган, бадавлат, давлатли, давлатманд. *Тангриқул ҳожи бақувват хўжалик эди.* Ғулом ака ел келса йиқилдиан, бақувват хўжалик эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Бели бақувват** 1) белида кучи кўп; кучли, қувватли. *Бели бақувват йиғит;* 2) *кўчма* ҳамени бақувват, пулдор, бой, давлатманд. *Чакана-чуканалар шундай, дада.* Аммо, йўғонлар, бели бақувватларнинг иши боран сари авж олмақда. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАҚУВВАТЛАМОҚ** 1) Куч-қувват йиғмоқ, бақувват тортмоқ, тетик, бардам бўлиб қолмоқ. *Дам олиб, анча бақувватланиб қолдим.*

2) Моддий жиҳатдан мустақкамланмоқ, ўзига дуруст бўлиб қолмоқ. *Хўжалигимиз анча бақувватланиб қолди.*

**БАҚУВВАТЛАШМОҚ** айн. бақувватланмоқ.

**БАҚУВВАТЛИК** бақувват с. белги оти. *У сендан бақувватлик қилади.* *Хўжаликнинг бақувватлиги.*

**БАҚҚОЛ** [а] эск. Майда-чуйда рўзгор моллари ва озиқ-овқат билан савдо қилувчи дўкондор. *Урганжиларнинг кўпчилиги баққолик қиларди, шунинг учун уларни «баққолон» — баққоллар деб ҳам юритардилар.* Айний, Эсдалкилар.

**БАҚҚОЛЛИК** 1) баққол с. касб оти. *Баққолик қилмоқ.* — [Ҳасанали] *узун кун уйда бекор зорикканилигидан, ҳожиға айтиб бирмунча дастмоя билан гузардан баққолик дўкони очган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2) Баққол дўкони; бозорда баққоллар дўкони жойлашган раста.

**БАҚҚОЛЧИЛИК** айн. баққолик. *Бир қассоб дўкони; бунинг ёнига суқилган кичкина баққолчилик.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БАҒАЗ** [ф-т] Сўри ёки ишкомнинг поясига боғланадиган кўндаланг ёғочлар.

**БАҒАЙРАТ** [ф-т+а] Ғайратли, серҒайрат.

**БАҒБАҚА** [а] Ияк остидаги осилинқираб турган эт. [Кумушнинг] *бу кунги совуққа қарши кийиб олган савар пўстинининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб, нафис бағбақаларини ўпиб етар эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Кўчаларда .. бамайлихотир сайр этиб юрган, қўш оти ишвозиларда кеккайиб ўтирган, юзлари қип-қизил, бўйинлари йўғон, бағбақалари осил-*

*ган .. кишилар ҳам учрайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАҒБАҚАДОР** [а+ф-т] Бағбақаси бор, бағбақали. *Бағбақадор хотин.*

**БАҒ-БУҒ** Тартибсиз, бир-бирига қулоқ солмай, шанғиллаб гапириш ва шу йўсиндаги гап, шовқин. *«Болалик уй бозор» деганларидек, бу уйда бағ-буғ кўп бўлса ҳам, ғийбат йўқ.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**БАҒИЛЛАМОҚ** 1) Бақириб, овозини борица қўйиб гапирмоқ; бақириб қотиб йиғламоқ. *Бола кечаси билан бағиллаб чиқди.*

2) айн. бақирламоқ. *Самовар бағиллаб қайналяпти.*

**БАҒИЛЛАТМОҚ** бағилламоқ фл. орт. н.

**БАҒИЛЛАШМОҚ** бағилламоқ фл. бирг. н.

**БАҒИР** (3-ш. бирл. бағри) 1) айн. жигар 1. *От — сағридан, қўй — бағридан.* Мақол.

2) *кўчма* Кўкрак, кўкс, тўш. *Бағрига босмоқ.* — *Бўтабой иборига кирганда, Низомиддинов столга бағрини бериб папирос чекар, табуреткада унга қарама-қарши ўтирган паранжили аёл пиқ-пиқ йиғлар эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ботирали, иссиқ бағрига босиб, у юзи-бу юзидан ўпаётган онасига бош эзиб турар .. эди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

3) *кўчма* Мехр-муҳаббат, ғамхўрлик, ҳимоя рамзи; паноҳ. *Онасининг бағрида яшамоқ.* — *Майли, ойи, сиз мани беш-ўн кун бағрингиздан айирманг.* Орзум шу! — деди Ғулнор. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бағрига олмоқ** 1) қаттиқ кучоқламоқ; 2) *кўчма* кучоғига, ўз паноҳи остига олмоқ. *Қолхоз, илгари ўтган наст-баланд гапларни унутиб, буларни хурсандлик билан ўз бағрига олар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4) *кўчма* Ҳис-туйғу ва кечинмалар манбан; юрак, қалб, дил. *Бағрини эзмоқ.* *Бағрини қон қилмоқ.* — *Унинг бағри эзилиб, кўзларига тўлиб кетган ёши қорача юзига икки ёрқин ирмоқча бўлиб оқиб тўиди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

5) *кўчма* Макон, фазо рамзи; қўйин, кучоқ; сийна. *Кенг далада ернинг бағрин ёради дизель.* Ғ. Ғулом. *Овоз жимжит қора тун бағрини яшиндек тилиб, узокда янгради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. — *Жуда яхши, — деди Аҳмад Ҳусайн эркин нафас олиб, — аммо сен ҳам ҳозир кет. Тун бағри ғанимат.* Ойбек, Нур қидириб. **Ер бағрида** 1) ер ичида, ер остида; *Ўзбекистон ер бағриларида жуда кўп ва ранг-баранг фойдала қазилмалар бор;* 2) ер қаърида; ер тагида; гўрда. *Навқирон Тоҳиржон ер бағрида ётганда, мен келинни ўйлайманми?* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бағри кенг** 1) даргоҳи, кучоғи кенг. *Қолхозчилик, Сидиқжон, битта бола бўлса юмалаб-сумалаб ўсади, ҳеч ташвиш тортманг, колхознинг бағри кенг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) саҳий, эшиги ҳамма учун очик, феъли кенг. *Бағри кенг, меъдаси тўқ, қалби тоза,*

*мақсади олижаноб бир киши Муқимий кўз олдига гадаланди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

6) *Ен, нишаб томон.* [Қамолов апи-латип кийинди-да, қўнишга жилға ичи билан эмас, айланши бўлса ҳам, Қашқатовнинг бағри билан юқоридан кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Улар [Суннат билан Элмурод] сув ёқалаб юриб настликка тушдилар, ўннга бурилдилар, бир оз юргач, тоғ бағрида бир неча уй кўринди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Бағри тош** бераҳм, шафқатсиз. *Бағри тош одам.* — *Тухмат қилиб қаматган ҳам жияним, қувнига солган ҳам ўша жияним, бағри тош чиқди, оғайни.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бағри қора** ичи қора, ёвуз. *Бағри қора одам.* — [Жамила хотинларга:] *Йўқол, ҳаммаларинг. Йўқол номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол!* Қассоблар, бағри қора калтакесақлар, илонлар, чаёнлар. Ҳамза, Бой-ила хизматчи. **Бағрингиз бутун бўлиб қолдими?** йироқдаги кишиси келган одамдан кўнгил сўраш учун ишлатилади. **Бағрини кўтариб олмоқ** 1) қоматини ростлаб олмоқ; 2) моддий ёки маънавий қийинчиликдан чиқиб, ўзини ростлаб олмоқ.

**БАҒИР-БУҒИР** айн. бағ-буғ. *Болаларнинг бағир-буғири.* || *Бағир-буғир гаплашиш.*

**БАҒИРЛАБ:** ер бағирлаб ерга ёпишиб ёки ёндошиб. *Самолёт ер бағирлаб учиб ўтди.* *Туман ер бағирлаб ёйилди.* *Ер бағирлаб ўсадиган ўсимликлар.* — *Булар талай ергача эмак-лаб, талай ергача ер бағирлаб боргандан сўнж, бутазорга киришди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БАҒИРЛАМОҚ** айн. бағилламоқ.

**БАҒИШЛАМОҚ** 1) Бахш этмоқ, бермоқ. *Ғайрат бағишламоқ.* *Сиз менга ҳаёт бағишладингиз.* — *Агар кўрсам эди яна ёримни, Бағишлардим ҳамма йўғу боримни!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Боқир, соф, яшил табиат юракларга куч бағишлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2) Сарф қилмоқ, бермоқ, тикмоқ. *Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ўзининг бутун онгли ҳаётини ўзбек миллий санъатини ривожлантиришига бағишлади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3) Бирор нарсани (одатда ёзма асар, спектакль, музыка ва ш. к.ни) бирор кимса ёки нарасга, масалага, маросимга қаратмоқ, атамоқ, белгиламоқ. *Гулжамол жангчи ёри Беғижонга бағишлаб қўшиқлар тўқиб, оқ олтин далаларини янграшиб куйламоқда* Н. Сафаров, Севги. *Шоир бўлсам ёмонми? Ҳамма шеърларимни ёлғиз сизга бағишлардим.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Қалби мардлик кучига тўлганлар, Авлодларга ҳайкал бўлганлар.* *Шулар иши, хотирасига Бағишладим бу дostonимни.* Э. Раҳим.

4) *дин.* Дуо ўқиб, савобини худога, азиз-авлиеларга ёки ўтмиш кишилар арвоҳига атамоқ, бахшида этмоқ. *Йўл-*



чи ёшида онасидан ўрганган қисқа бир сурани ўз билганича қироат билан ўқиди. Ҳамма қўл очиб марҳумнинг руҳига бағишлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 ёск. Кечирмоқ, афв этмоқ. *Кутбияжоним, мени бағишла, деб ёлворган ҳолда Ҳамдам унинг қўлини тўтиб, сўзини давом қилдирди.* Айний, Қуллар.

**БАҒИШЛАНМОҚ** бағишламоқ *фл. мажх. н. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий сессия.* Ҳосилдорликни оширишга бағишланган илмий кенгаши. — *Мен ўзимга бағишланган куч манбаини жуда яхши англадим, мендаги бу ўзгариш манбаи уй ичида ухлоғи бир малак эди. Сиз эдиангиз! А. Қодирий, Утган кунлар.*

**БАҒИШЛАТМОҚ** бағишламоқ *фл. орт. н.*

**БАҒОЯТ** [ф-т+а] *рвш* Ғоят даражада, ғоятда, жуда ҳам. *Қароматингиз бағоят тўғри.* Ойбек, Навоий.

**БАҒРИҚУРТ** Қўларнинг ўпкасига тўшадиган қурт. *Қорақўл [қўй] жонивор қуруққа ўрганган, захха тоби йўқ. Айниқса қорақўл қўзлари назик бўлади; зах ерга етди дегунча, ўпкасига бағриқурт тушиб, ўлиб кетадий.* С. Анорбоев, Эртаги куннинг товуши билан.

**БАҲАВО** [ф-т+а] Ҳавоен мул ва мусавфо, шу билан бирга кенг, очик. *Баҳаво жой.* — *Шоир бир нафас ордм олмоқ учун тоза, баҳаво бир хонага кирди.* Ойбек, Навоий. *Қаторасига биридан иккинчисига кирадиган тўртта катта-кичик нақшн йй, олдига баҳаво бир шийлон.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БАҲАЁ** [ф-т+а] *айн. ҳаёли.* Баҳаё қиз. — *Болаларникидай қулмисираган, жуда жонли ва қандайдир баҳаё қоп-қора кўзлар дафтларлар устида ўйин юғуради.* Ойбек, Нур қидириб.

**БАҲАЙБАТ** [ф-т+а] 1) Жуда катта, улкан, ҳайбатли. *Баҳайбат минора. Баҳайбат тоғ.* — *Қурбонали полвон кўркам ва баҳайбат гавдасини икки букиб, уй эшигидан чиқди.* Н. Сафаров, Қурбонали. *Унлаб баҳайбат қозонларда таомлар тайёрланади.* Ойбек, Навоий.

2) Ваҳимага соладиган; ваҳимали, даҳшатли. *Қуюқ, баҳайбат, баджаҳл булутлардан йирик ёлғир томилири савалаб турарди.* Ойбек, Куёш қораймас. || *Икки-уч юз қадам наридаги якка-ёлғиз дарахтлар ва пастқам уларнинг қамий ва ёғоч бўғотлари туман ичида, оқшом маҳалдаги қўланкада, баҳайбат кўринарди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Тун қоронғусида механизмларнинг гувиллаши янада баҳайбатроқ эшитиларди.* П. Қодиров, Қадрим.

**БАҲАМ** [ф-т]: **бахам кўрмоқ** (ёки кўришмоқ) 1) тенг бўлиши ёмоқ, ўртада ёмоқ, ичмоқ ёки бўлиши олмақ. *Улар топангани бахам кўришди.* — *Кечқурун декчани қайнатиб, қора*

*шўрва, атала умоч, мошхўрда каби камбағалча сөөкларни тишириб, Шокир ота боилиқ ҳаммалари ўртада бахам кўришди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ўртоқлашмоқ, алмашмоқ (билим, тажриба, таассурот ва ш. к.ни). *Бу қизлар ҳам мактабдан олган билимларини колхоздагилар билан бахам кўрмоқдалар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлатан қиз.

**БАҲАМЖИХАТ** [ф-т+а] *рвш* 1) Ҳамжиҳатлик билан, ахиллик, тотувлик билан, бир жон, бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб. *Баҳамжиҳат ишлаганимиз учун, .. бригадамиз юқори ҳосил еттиштиролди.* Ҳ. Назир, Механизатор Тўлган Тошев.

2) кесим вазифасида Иттифоқ, иноқ, тотув. *Келинларий жуда чиқшиоқ, ҳар, ишда бахамжиҳат.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАҲАМЖИХАТЛИК** бахамжиҳат с. белги *оти.* *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, бахамжиҳатлик, яқдиллик сул ва ғаводай зарур.* Ойбек, Нур қидириб.

**БАҲАРНАВ** [ф-т+а] *рвш* 1) Ҳар ҳолда, ҳар қалай, бир наъви. *Бу ҳам баҳарнав.* — *Қатта одамнинг, ҳа деб еуриштира бермай, ўз ҳолича юргани ҳам баҳарнав экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

2) Қандай қилиб бўлмасин, қандай бўлса ҳам. *Баҳарнав, шу эҳтимолни хоннинг қўлига етказасак бас-да, Қалониоҳ.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БАҲАРХОЛ** [ф-т+а] *рвш, кт.* Ҳар ҳолда. *Баҳархол йиғирмалаб бема чироқлар клубни яхши еритиб турдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БАҲО** [ф-т] 1) Нарсанинг, молнинг пул билан ифодаланган қиймати, нарх. *Юқори баҳо. Паст баҳо. Қатъий баҳо.* Чакана баҳолар. *Бозор баҳоси.* Молнинг ўз баҳоси. *Баҳо қилмоқ. Баҳо қиймоқ.* — *Кетамиз, — деди [Отабек] бир оз ўйлагандан кейин, — мол баҳолари тўғрисида битийолмай турамиз, оловчилар арзон сўрайдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2) *Қўйма* Аҳамият, қадр, қиммат. *Бизда сувнинг баҳоси олтин. Баҳоси йўқ* 1) ҳеч баҳолаб бўлмайдиган, жуда қатта аҳамиятга эга бўлган, бебаҳо. *Ҳаётда газ — баҳоси йўқ нарса экан. Олтин-кўмичининг эскиси бўлмас, отанининг баҳоси бўлмас.* Мақол; 2) жуда ҳам одижансб, топилмайдиган, бебаҳо. *Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнатқани, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин.* А. Қаҳҳор, Ориқ тишлар. **Баҳо бермоқ** 1) нархнинг белгилamoқ; 2) аҳамияти, қадри, қиммати ҳақида фикр билдирмоқ, ҳукм чиқармоқ. *Одамнинг ҳуснига баҳо берма, ақлига баҳо бер.* Мақол — *Халқ партия озгани сўзга қараб эмас, ишга қараб баҳо беради.* Уйғун, Навбахор.

3) Уқув юртларида ўзлаштириш даражасига қараб қўйиладиган балл. *Беш баҳо. Қониқарли баҳо.* — *Бу*

*ийл ўқши бошлангандан берли нечта «ағло» баҳо олдинг? — Битта ҳам .. ёмон баҳо олганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *Уқитувчи унга беш баҳо қўйди.*

**БАҲОДИР** [мў] 1) Эртақларда ва дostonларда деҳқомак, улкан, зўр одам. *Алломини баҳодир.* — *Келган ёвда неча баҳодирлар бор, Бўлолдинми уруш кунда барабар.* «Ширин билан Шакар».

2) Азамат, қудратли, ҳимматли, ботир. *Баҳодир ўил-қўллар Отланибди сафарга!* Ё. Мирза. || *Бу кичкина баҳодирнинг Ғазилати, шарафи, Шижобати, бурчи эди Ватанпарварларга хос!* Уйғун.

3) *Қўйма* Улкан, азамат. *Бу ялтироқ кўзли, қоб-қорд узун гавдали, пўлат баҳодир (паровоз, доғд) ўз бағрида бутун бир ҳаёт олий келмоқда.* П. Турсун, Уқитувчи.

**БАҲОДИРЛИК** баҳодир с. белги *оти.* *Баҳодирлик кўрсатмоқ.* — *Мен ҳаминча баҳодирлик қиламан, ёмон топсай жазосини берман.* «Рустам».

**БАҲОДИРОНА** [ф-т<мў] *рвш* Баҳодирларча, ботирларча; баҳодир, азамат кишилардек. *Баҳодирона иш тутмоқ.* — *Баҳодирона садоқатла ҳур диёр аҳли, ҳамийи қалбига сайқал бериб, зид қиламиз.* Ҳабибий.

**БАҲОЛИ** [ф-т] Баҳоилик тарафдори.

**БАҲОИЛИК** 19 асрда Эронда вужудга келган ва эрон буржуазиясининг Эронда чет эл капиталининг ўрнашувиغا ердан беришдан иборат қарашларнинг акс эттирган космополитик таълимот.

**БАҲОЛАМОҚ** 1) Баҳо, нарх қўймоқ, пулга чакмоқ. *Дадиси қазо қилганда Маҳсумнинг отасидан қарз қўтариб қўлибди.* Эчкисини, ерини баҳолаб, қарзига ўтказибди. С. Анорбоев, Оқсой. *Баҳолаб олмоқ* байлашиб, қўтрасига бай қилиб олмақ. *У [Йўлчи] чойхонада .. бир одам билан учрашиб, унга ўн минг жом ғийит қўйиб беришни баҳолаб олди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2) *Қўйма* Баҳо бермоқ, аҳамияти, қадри, қиймати ҳақида фикр билдирмоқ, ҳукм чиқармоқ. *Узини билган одам бу гуноҳни катта жиноят деб баҳолайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БАҲОЛАТМОҚ** баҳоламоқ *фл. мажх. н.* Моллар арзон баҳоланди. *Бизда ҳалол меҳнат жуда юқори баҳоланади.*

**БАҲОЛАТМОҚ** баҳоламоқ 1) *фл. орт. н.* Молни комиссия мағазинда баҳоламоқ.

**БАҲОЛАШМОҚ** 1) баҳоламоқ *фл. бирг. н.* Молни қанча баҳолашди?

2) Баҳоси, нархи ҳақида талашмоқ, тортишмоқ, қийишмоқ, байлашмоқ. *Афанди мардикорчилик қилар эди, бир хасис одам уни ёлламоқчи бўлиб баҳолашди.* «Муштум», 1959, № 7.

**БАҲОЛИ** *айн.* Қимматбаҳо. Баҳоли маллар.

**БАҲОЛИ** [ф-т<а]: баҳоли қудрат қудратига яраша, қурб етганча, қўлдан келганча; бақадрихол. *Баҳоли*



қудрат ёрдам бермоқ. — [Меҳрини-сонинг] отаси ўзига тўқ одам, уни қўша-қўша саруло-ю, зебу зийнат билан узатган, эри ҳам баҳולי қудрат саруло қилганди. Р. Файзий, Ҳазратни инсон.

**БАХОНА** [ф-т] 1 Бирор ишдан бош тортиш мақсадида ёки бирор иш қилиш учун ўйлаб чиқарилган ёки шу мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган ваз, дастак, рўқач. *Баҳона қилмоқ. Арзиймаган баҳона билан урармоқ. — Гулнор .. Йўлчиға сўзлашга ботиймас, сўзлашув учун бирон баҳона, сабаб қидиришга тиришир эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Унда [Имом домлада] ўзига яраша баҳона топилди: — Бажонудил ўқир эдик, ҳазор-бахазор афсуски, ойнак ҳужрада қолибдур. И. Исмоилий, Фарғона т. о. [Рисолат:] Мен унга рўйхуши бермай юрдим. Шундай бўлса ҳам, ҳали уни баҳона қилиб, ҳали бунни баҳона қилиб кириб юрди. А. Қаххор, Хотинлар.*

2 Бошланғич сабаб, боис. [Бой Гофурга:] Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга қақиб, орани очиб қилиб қўйсак, деган эдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи. [Фотиманинг] амакиси «қизга кийим-кечак» баҳонаси билан унинг отасидан қолган бор бисотини сотди. П. Турсун, Уқитувчи. [Абдурашул:] Олаҳўжабойнинг ҳовлисиға қадам босмаганимга роса ишгирига йил бўлди. Сизнинг баҳонаңиз билан бориб қолдим. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Бола баҳона** — дийдор ғанимат бирор ваз, баҳона билан бутунлай бошқа мақсадда, хусусан, севгилисини кўриш учун келган кишига нисбатан айтладиган ибора.

**БАХОНАЧИ** Ҳа деб, ҳар нарсага баҳона топаверадиган, ваз кўрсатаверадиган. *Баҳоначи одам.*

**БАҲОР** [ф-т] 1 Тўрт фаслнинг биринчиси, қишдан кейинги, ёздан олдинги фасл; кўклам. *Эрта баҳор. Баҳор қўёши. Баҳор шамоли.* — У [Гулнор] букун шод, баҳор унинг наизғасига наизга, гўзаллигига гўзаллик қўйган. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *Кўчма* Ҳар нарсанинг, масалан, умрнинг, ҳаётнинг гулгун, яшнаган чоғлари ва шундай чоғлар рамзи. *Бу ҳаётнинг ҳазони йўқ, мангу баҳор, Бу баҳор-ла топди насл шон, эгтибор. Ғайратий. Дунда туганмас, ўзгармас нарса йўқ, шунинг учун Ҳожихоннинг фасли баҳори ҳам, ҳусни малохати ҳам, кучу қуввати ҳам тугалишга қараб юз тутди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**БАҲОРГИ** 1 Баҳорга оид, баҳорда бўладиган. *Баҳорги экин кампанияси. Баҳорги тошқин.*

2 *айн.* баҳори. *Баҳорги бугдой.*

**БАҲОРИ** [ф-т] Баҳорда экилиб шу йилнинг ёзида етиладиган (асосан, дон экинлари ҳақида). *Баҳори бугдой.* — Аллоф баҳорӣ арна ўрнига кузгисини берган экан. Айний, Эсдалиқлар.

**БАҲОРИКОР** [ф-т] Баҳори экинлар экиладиган, суғорилмайдиган. *Баҳорикор ерлар. Баҳорикор деҳқончилик.*

**БАҲОРИКОРЛИК** Баҳори экинлар экиш, баҳорикор деҳқончилик. *Баҳорикорлик районларида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган энг юқори ҳосил олишга эришилди. Н. Сафаров, Дон.*

**БАҲОРИСТОН** [ф-т] поэт. Баҳор мамлақати, яшнаган ўлка.

**БАҲОСИЗ** Ҳеч баҳолаб бўлмайдиган, баҳосиз йўқ; бебаҳо. *Оғзаки халқ ижодиётининг ёзма адабиётга татсири аниқса катта ва баҳосиздир.*

**БАҲР** I [а] I эск. Денгиз; океан.

2 *кўчма* Кенглик, очиқлик; ёруғлик. *Баҳри (ёки баҳри дили) очилди кўнгли очилди, руҳи енгил тортиб, кайфи чоғ, вақти хуш бўлиб кетди. Боққа кирсанг, баҳринг очилади. — Саодат билан кампир уйғоқ. Майин шабада эсмоқда. Оромбахш ҳаво, ҳушбўй ҳид уларнинг баҳрини очмоқда. И. Рахим, Ихлос.*

**БАҲР** II [а] ад. Арузда ўн тўққизта шеърӣ вази группасидан ҳар бири (қ. аруз).

**БАҲР** III [ф-т] *айн.* баҳра. *Навоийнинг санъати зўр назмида, Эл баҳр олур ўз суҳбат базмида. Ҳабибий. Баҳридан ўтмоқ (ёки кечмоқ) фойдасидан, нафйдан (шу билан бирга ўзидан ҳам) кечмоқ, воз кечмоқ. [Ботир:] Валихўжа ака, боши олтиндан бўлса ҳам, шу одамнинг баҳридан ўтинг! Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

**БАҲРА** [ф-т] 1 Фойда, манфаат, наф. *Ҳар бир ёш ўзининг камолотга етиш йўлида мудирнинг ҳар бир гапидан, она сўтидан баҳра олган боладек, баҳра олиб ўсганини .. аниқ ҳис қилмоқда эди. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 Лаззат, маза, ҳузур. *Гулишанининг фазоси, Хуш баҳра, соф ҳавоси. Ҳабибий. Қолхоз даласидан баҳра олсан киши. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.*

**БАҲРАЛАНМОҚ** 1 Баҳра олмоқ (топмоқ), фойда топмоқ, наф, манфаат кўрмоқ, фойдаланмоқ, баҳраманд бўлмоқ.

2 Лаззат олмоқ, маза, ҳузур қилмоқ.

**БАҲРАМАНД** [ф-т] Баҳра олган; баҳра олувчи. *Оламда нимаики бўлса, қўшидан баҳраманд, унга интилади. М. Жўра, Қўшидан нур эмганлар. — Янги водийларнинг шабадасидан мен ҳам халқ билан бирга баҳраманд бўлай,— деди Саксон ота ҳаяжонланиб. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**БАҲРАСИЗ** *айн.* бебаҳра. *Баҳрасиз қолмоқ. — Баҳрасиз илму ҳунардан ҳам муқаррар, дангаса, Дардисар қолхозчи аҳлиға саросар, дангаса. Ҳабибий.*

**БАҲРИБАЙТ** [ф-т<а] Шеър айтишиш ўйини (бу ўйинда тарафлардан бири бир банд шеър айтади, иккинчи

бири шу шеърнинг охириговушидан бошланадиган шеърӣ банд билан жавоб бериши керак). *Баҳрибайт ўйнамоқ. Баҳрибайт айтишмоқ.*

**БАҲРИДИЛ** [ф-т]: баҳридили очилди *айн.* баҳри очилди қ. баҳр I 2. *Оқ олтинлар очилди, Хуш ислари сочилди. Уни эккан кишининг Баҳридили очилди «Кўшнқлар».*

**БАҲС** [а] I Илмий, адабий ва бошқа темалардаги мунозара. | Тортишув, диспут. *Ҳўжабековнинг гапида бир оз ҳақиқат бор. «Ҳақиқат баҳсда очилади»,— деб бекорга айтмаган Аристотель. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 с. т. Ҳар ким ўзиникини маъқуллаш, талашув, тортишув. *Вақт гаңимат, ўртоқлар, баҳс билан вақт ўтказмайлик. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

3 Фан ёки бирор илмий асарда маълум бир масалага оид қисм, бўлим, боб. *Физикада механика баҳси.*

4 с. т. Бирор масала ҳақидаги гап, сўз; бирор масаланинг баёни. *Нур ҳақидаги баҳснинг ўзи уларнинг кўнелини аллақачон ёритиб юборган эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Аммо бизнинг баҳсимиз унинг бева-бечораларга қилган яхшилиги тўғрисида бўлмай .., ўшанди катта ишнинг удадасидан чиқадими устидадир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Баҳс очмоқ 1) мунозара очмоқ; 2) сўз очмоқ, гап бошламоқ. Баҳс қилмоқ 1) мунозара қилмоқ; талашмоқ, тортишмоқ; 2) с. т. бирор ҳақда гапирмоқ. [Ҳасанали] унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят бу унар-унмаснинг охирига шу саволни ҳам улаб юборди: — Бу гап Марғилонга кечикдингизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БАҲСЛАШМОҚ** I Илмий, адабий ва ш. к. темада мунозара қилмоқ, тортишмоқ. *Олаҳўжа билан қассоб жуда диққат билан Элмуроднинг оғзига тикилишиди. Улар .. илм намояндаларининг бирор масала устида баҳслашмоқларини, жуда истар эдилар. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 с. т. Ўз фикрини ўтказиш учун талашмоқ, тортишмоқ; ўзиникини маъқул қилмоқ. *Еш эминдор билан баҳслашиб халқ ғояларини, манфаатларини ҳимоя қилгани учун ўзи хурсанд эди. Ойбек, Нур қидириб. Ёрмаган қор ҳақида баҳслашиб ўтиришининг ҳожати бўлмаса керак. Н. Сафаров, Олияҳон Султонова.*

**БАҲСЛАШУВ** I баҳслашмоқ *фл.* иш оти.

2 Баҳс, мунозара. *Бу таклиф баҳслашувга сабаб бўлди. — Адабиёт назариясининг кўп масаласи юзасидан ҳали ҳам келишмовчиликлар, баҳслишувлар бор. «Адабиёт назарияси».*

**БАҲҲУЗУР** [ф-т+а] рвш I Ҳеч қандай монелик, ўнғайсизлик сезмасдан эркинлик билан, ҳузур қилиб, роҳатланиб, ёзилиб; бемалол. — *Баҳҳузур ёйилиб ўтираверинглар. Далода ёз палласида ёйилиб ўтириш роҳат,— деди*

меҳмонларга мурожаат қилиб бой. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ҳеч нарсага эътибор бермасдан, парвойига келтирмасдан; бамайлихотир, хотиржам. Баҳузур уйқуга кетмоқ. — Бу одамлар .. дунёни сув босса тўйиғига чиқмайдиган, баҳузур ёнбошлаб ётиб, .. бамайлихотир, ҳузур қилиб кулишар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Ҳеч қандай қийинчиликсиз; бемалол. Бу ишни у баҳузур бажаради. — Мен ўзига тўқ одамнинг боласиман, отамнинг тогани, ўзимнинг деҳқончилиқдан топганим битта қорнимга баҳузур этади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Ора узоқ бўлса ҳам, [Мастон кампирнинг] эркачка товуши Ғулмжонга баҳузур этиб келди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

4 кесим вазифасида Бемалол, руҳсат. — Чекишга қаршилик қилмайсизларми? — Баҳузур .. Ойдин, Суҳбати жонон.

◆ **Ўзига баҳузур** ҳеч нарсдан муҳтожлиги йўқ, ўзига тўқ, бадавлат. У ўзига баҳузур одам.

**БЕ** «Б» ҳарфининг номи; қ. б.

**БЕ** (е — чўзиқ) унд. с. Эътироз ёки ажабланишни ифодалайди. Бе ... таъмини ҳидлаган билан қорин тўядими. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу мендан ҳам кўра кўпроқ сизнинг вазифангиз. — Менинг? — деди Тожибой. — Ҳа, сизнинг, — деди Элмурод. — Бе. П. Турсун, Ҳақитувчи.

**БЕ** [ф-т] Отлардан сифат ясовчи олд қўшимча, мас. беақл, бепардоз.

**БЕАДАБ** [ф-т+а] 1 Адаб, тарбия қўрмаган; тарбиясиз, адабсиз. Беадаб бола. || Адабни беадабдан ўрган. Мақол.

2 Адаб-ахлоқ нормаларига сиғмайдиган, адабдан ташқари. Обиджон жуда қўпол ва беадаб бир топшимоқни қичқириб айтган эди, кампир уни қаттиқ қарғади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕАДАБГАРЧИЛИК** с. т. айн. беадаблик 2. Беадабгарчилик бўлмаса айн. беадаблик бўлмаса қ. беадаблик 2. [Рўзимат:] Агар беадабгарчилик бўлмаса, шу сабаблардан биттасини айтиб бермоқчиман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕАДАБЛИК** 1 беадаб с. белги оти. Агар сиз, бу кишининг хаёлини сочади десангиз, у вақтда ўзингизнинг беадаблигингиз устида сўзлаган бўласиз. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Адаб-ахлоқ нормаларига сиғмайдиган хатти-ҳаракат, адабдан ташқари қилиқ, юриш-туриш. Агар қорнинг очиб, ичакларинг узилаёзса ҳам, овқат сўрамагин. Беадаблик бўлади. П. Турсун, Ҳақитувчи. Беадаблик бўлмаса ёки беадаблик бўлса ҳам кири с. айтмоқчи бўлган гапи ёки қилмоқчи бўлган иши учун бошқаларга ҳурмат юзасидан олдиндан уэр сўраш формаси. Агар беадаблик бўлмаса, мен ҳам бир-икки оғиз сўзламоқчиман.

**БЕАДАБОНА** [ф-т<а] рвш Адаб. тарбия қўрмаган кишиларадек, адаб-ахлоқ нормаларига риоя қилмасдан.

**БЕАДАБЧИЛИК** с. т. айн. беадаблик 2. Беадабчилик қилмоқ. — Уртоқ Сафаров мендан ўтди, сизнинг олдингизда беадабчилик қилдим, — деди [Бўтабой]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Беадабчилик бўлмаса айн. беадаблик бўлмаса қ. беадаблик 2. Агар беадабчилик бўлмаса, .. айтиб бермоқчиман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕАДАД** [ф-т+а] Адади, сон-саногини йўқ; сон-саноқсиз, бениҳоят кўп, беҳисоб кўп. Қўчалар байрам тусини олган, одам беадад.

**БЕАЁВ** рвш Аёв бермасдан, аямасдан, раҳм-шафқат қилмасдан; аёвсиз. Қани шерлар, олға томон, ғалаба томон! Душманларни даҳшат билан қўнғинг беаёв. Ҳ. Олимжон. Муротали иш ёқмасларга беаёв эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БЕАЗИЯТ** [ф-т+а] рвш Азият чекмасдан, жон қойитмасдан, қийналмасдан; осонлик билан, беозор, бемашаққат. Беазият топган пул суд қилмас. Мақол.

**БЕАЙБ** [ф-т+а] 1 Айби, гуноҳини йўқ; айбсиз, бегуноҳ. Беайб одам.

2 Нуқсонни, камчилиги йўқ; беиллат. Беайб парвардигор эск. айби, нуқсонни бўлмаган ҳеч банда йўқ деган маънода ишлатиладиган ибора. — Беайб парвардигор, — деди Тунқатор. — Банда ҳамини маъзур ва хатолдир, тақсир. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**БЕАМАЛ** [ф-т+а] 1 Амали, лавозимни йўқ; лавозимсиз, мансабсиз.

2 Фаолиятсиз, танбал. Қизи ўн беидан ошмай эрга берган ваҳший мардумни, — беамал муллани ер ютсун. Осима.

**БЕАМР** [ф-т+а] рвш Амр-фармон бўлмасдан, буйруқ олмасдан; буйруқсиз. Беҳуда сўзлаб турмагин менга, Подшодан беамр очмайман сенга. «Рус-там».

**БЕАНДАЗА** [ф-т] 1 рвш Андазадан фойдаланмасдан; андазасиз. Кийимни беандаза бичмоқ. || Беандаза кийим.

2 сфт, кўчма с. т. Ҳшовсиз, беҳшов. Е гапим беандазани? А. Қаҳҳор, Сароб.

3 сфт Ҳлчовдан ташқари, беҳлчов; беқнёс. || [Мулла Қамол:] Тадбирларингиз беандаза маъқул ҳожим! К. Яшин, Гулсара.

4 сфт, кўчма с. т. Ҳеч қандай нормани тан олмайдиган, чекинни, меъерини билмайдиган, қуюшқондан, ҳаддан ташқари иш қиладиган. Йўқ, таажжубланманг, чунки, беандаза редактор бундан нарига ўтолмаса, нима қилсин. «Муштум», 1941, № 3.

**БЕАНДИША** [ф-т] Андишани билмайдиган, андишаси йўқ; андишасиз. Саидӣ, Мирза Мухиддинга нисбатан Муҳаммадражабининг адабсизлигидан хижолат бўлар, ичиди «юзсиз беандиша» дерди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БЕАНДИШАЛИК** беандиша с. белги оти. — Афсуски, — деди Давлатмандбой, — Иброҳимнинг беандишаллиги ишни бузди. Айниӣ, Дохунда.

**БЕАРМОН** [ф-т] 1 Армони қолмаган, барча орзу-умидлари рўёбга чиққан; армонсиз. Беармон одам. || Беармон яшмоқ. — Қошки эди сўнг қўлингизда, эркаланиб берсам жон. Сўнги нигоҳ сенда қолса, мен кўз юрсам беармон. Зулфия.

2 рвш Тўйиб-тўйиб, мириқиб, қонқиқиб. Чиндан ҳам ҳар бир тўйда тўпалон қилиб, беармон ўйнаб-кулишга ўрганган болалар бу «улуг тўйдан» норози эдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕАХЛОҚ** [ф-т+а] Ахлоқини ёмон; ахлоқсиз.

**БЕАХЛОҚЛИК** беахлоқ с. белги оти.

**БЕАҚЛ** [ф-т+а] 1 Ақли йўқ, ақли қисқа; ақлсиз. Беақл йўлдошдан яшидир таёқ. «Муродхон».

2 Ақл ишлатмасдан, ўйламасдан қилинган; аҳоқона, номаъқул. Беақл гап. Беақл маслаҳат.

**БЕБАРАҚА** [ф-т+а] Барақасини йўқ; барақасиз. Бебарақа овқат. — Бўйдоқ юраверанг ишинг бебарақа, рўзгоринг бефайз бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БЕБАХТ** [ф-т] айн. бахтсиз. Бебахт қиз. || Қашал кетган менинг болам ўлдими? Мен бебахтнинг қуни охири бўлдими? «Равшан».

**БЕБАҚО** [ф-т+а] Тез ўтиб кетадиган, абадий турмайдиган, сақланмайдиган; ўткинчи. Бебақо дунё. || [Ҳусайн:] Дўстим, .. қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик. Тахт бебақо, дунё бевафо. Уйғун ва И. Султон, Навоӣ.

**БЕБАҲО** [ф-т] Ҳеч баҳолаб, баҳосига этиб бўлмайдиган, жуда ҳам қимматли; баҳосиз. [Навоӣ:] Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурмен. Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин бўйи сен, Яшарсен доимо достонларимда. Уйғун ва И. Султон, Навоӣ. Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз, Ҳар они ўтмишининг юз йилга тенг. Ғ. Ғулום. || Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган бир дурри бебаҳодир. А. Қодирӣ, Ҳтган қунлар.

**БЕБАҲРА** [ф-т] 1 Баҳра олиш, фойдаланиш ҳуқуқини ёки имкониятдан маҳрум қолган, маҳрум бўлган; баҳрасиз. Ҳаммамиз бебаҳра илм ила ҳикматдан, Хабаримиз йўқ не кун, ҳақиқатдан. Ҳамза.

2 Фойдаси, нафъи йўқ; бефойда, фойдасиз. Беафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан япроқ яхши. Мақол.

**БЕБИЛИСКА** с. т. 1 Осонлик билан, бемехнат, бемашаққат топилган, текин ва ҳисобсиз. Бебилиска даромад. — Отасининг паноҳида бебилиска пул билан ҳаёт кечирган Шокир ичи қора бир одам эди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. [Насимжон] бебилиска пул топишга одатланиб, хизматини тарк этади. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Пала-партиш, бетартиб. Шундай фактлар ҳам барки, .. сугориладиган ерлардан бевиллиска фойдаланилмоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 73. / Бехуда. Бевиллиска ҳаракат.

**БЕБИЛЧАК** диал. Оёқ юзининг дўнг жойи. Туфли бевилчагимни сиқлатиш.

**БЕБОЗОР** [ф-т]: бобозор кун бозор кунидан бошқа кун; бегим кун. Бу ерда бозор кунлари билан бобозор кунларининг фарқи сезилмайди. Ойбек, Қутлуг қон.

**БЕБОК** [ф-т] Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳайиқмайдиган; ҳеч қандай ножўя ишдан қайтмайдиган, тоймайдиган. Ярим кечаси «ўғлон азиш» қабристони ёнида уч бобок, номаълум қароқчи йўл устида пайдо бўлибди. Мирмуҳсин, Чўри. || Ёмон йўлда адабсиз юрса ким бобоку бехуда, Топиб бир кун гирибонидан олмоққа бало истар. Ҳабибий. | сўк. Шум, баттол.

**БЕБОШ** 1 Боши, калласи йўқ; бошсиз. Бир сеғини айларканман фоти, Истамасман, Сеғиниш асло, Ҳайкал каби бўлишин бобош. Сайёр.

2 кўчма Мияси йўқ, ақлсиз.

3 кўчма Ҳеч кимга қулоқ солмайдиган, сўзга кирмайдиган, қулоқсиз. Неча кундан бери акангни кириб кўр, дейман, бу бобош уялман, деб ҳеч кирмайди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Ёмон йўлга кириб кетган, тарбиясиз. || [Ултон] бобош одамларни амалдор қилиб, бари эртадан оқшомгача базм-суҳбат билан овора бўлиб қолди. «Ёдгор». — Ноаҳил бўлсаларинг, мени ҳам куйдирасанлар, ўзларинг ҳам бобош бўласанлар — деди Фотима она. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

4 кўчма Итоатдан бош тортган, интизомга бўйсунмай кўйган; итоатсиз, ўзбошимча, бетартиб. Подшоҳларини бекор қилган Россия халқи, .. жуда бобош бўлиб кетган, ҳозир ҳукумат бошида ўтиранларга ҳеч ким итоат қилмайди. Айний, Қуллар. || Ғузор фуқароларига маълум бўлсинким, тоғу тошларда қочиб юрган бобошлар келиб, Бек жанобларининг оёқларига йиқилсалар, афв этурлар. Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Қонун-қонда ва ҳақ-ҳуқуқни поймол этувчи, қонундан ташқари иш тутувчи, ўзбошимча.

5 кўчма Тийиб, тўхтатиб, қайтариб бўлмайдиган; жиловсиз. Бобош шамол. Бобош дарё.

**БЕБОШБОҒ** айн. бобошвоқ.

**БЕБОШВОҚ** 1 Бошвоғи йўқ, бошвоқсиз, бўшатиб, ечиб юборилган. Бобошвоқ мол. — Сигир эжониворни йил-йил икки ой бобошвоқ қўйдингми — тамом, ундан қўлинени ювиб қўлтигинга уравер. Ҳ. Умарбеков, Юрак сўзлари.

2 кўчма айн. бобош 3, 4, 5. Бетончиларимиз орасида бир-иккита бобошвоқ болалар бор, улар кўпинча одамларни ишдан қўйиб сандироқлаб юради. Ш. Гуломов, Ёрқин уфқлар. Чақмоқдай бобошвоқ, тошқиндай бе-

раҳм, Лекин кўзларингда бир олам ҳаё. Миртемир.

**БЕБОШЛИК** 1 бобош с. белги оти. Ёшлик — бобошлик. Мақол.

2 Ўзбошимчилик, қонунсизлик. Амалда сиз айтгандай қилинса, бобошликка катта йўл очилади, ҳаммаёқ анархия бўлиб кетади. П. Қодиров, Уч илдиш.

**БЕБУРД** [ф-т] 1 Сўзида турмайдиган, сўзининг, ваъдасининг устидан чиқмайдиган; лафзи, бурди, субути йўқ, субутсиз. Бебурд одам. Бебурд бўлмоқ. || Нодондан ақл кутма, бебурдан — номус. Мақол. Мен аҳдимдан қайтиб бўлман. Қолсомол олдида бебурд бўлиб қололмайман! Х. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Тутуруқсиз, бемаъни. Бебурд гап.

**БЕБУРДЛИК** 1 бебурд с. белги оти. Коллектив бунинг бемаъни иш эканини дарров пайқайди, қурилиш бошқармасининг бебурдлиги .. деб ағлайди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Тутуруқсиз гап, иш, ҳаракат; тутуруқсизлик, бемаънилик. Бизнинг матбуотимиз .. гоёйи бебурдликка ва ревизионизмга нисбатан муросасизлиги билан меҳнаткашларнинг самимий муҳаббатини қозонди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 266.

**БЕВА** [ф-т] Эри ёки хотини ўлган; тул. Бева чол. Бева хотин. || Номарднинг хотини бўлгунча, марднинг беваси бўлган яхши. Мақол. — Домла бундан уч йил бурун бева қолиб, унга гоҳ синглиси, гоҳ узатган қизи қараб юрар эди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

**БЕВА-БЕЧОРА** [ф-т] жамл. от Қаровчиси йўқ, муҳтож, ночор кишилар. Мардикор, аҳли касиб, бева-бечора ўз қорини тўйдирса бас-да! Ойбек, Қутлуг қон.

**БЕВАЖ(Х)** [ф-т+а] рвш Важ, сабаб, асос бўлмагани ҳолда; важсиз, сабабсиз, асоссиз. [Ҳайитжон Тўлаҳонга:] Қўй қизим, йиғлама. Расми, ота-она, ака деган беваж шунақа қилмайди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БЕВАЛИК** 1 бева с. белги оти. 2 Бева хотин ёки эр ҳаёти; эрсизлик ёки хотинсизлик. Беваликда не ҳаратда катта қилганман. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БЕВАСИКА** [ф-т+а] 1 Васикаси, хужжати йўқ; хужжатсиз, беҳужжат. Бевасика уй.

2 кўчма с. т. Бурдсиз, лафзи йўқ, бетайин. Бевасика одам.

**БЕВАТАН** [ф-т+а] 1 Уй-жойи, бошпанаси, ватани йўқ; дарбадар. Суҳбатнинг охирига бориб, Полвон ўзини жуда эркин ҳис қилди, «бу яхши одам экан, беватан, бечора экан», — деб қўйди ичди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Ватани, юрти йўқ; ўз элидан, ватанидан ажралган.

**БЕВАФО** [ф-т+а] 1 Аҳд-паймонни бузувчи; садоқатсиз, вафосиз. Бевафо ёр. Бевафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан яроқ яхши. Мақол. || Билингни, бевафодур, кўнгни қўймоқ хатодур. Мақол. — Гапирса, гап со-

тиб лоф урса-ю, аҳду вафоси йўқ, Хиҷолат бўлмаган андишасиз, ул бевафодан кеч. Ҳабибий.

2 кўчма Ҳеч кимга вафо қилмайдиган, вафосиз; вақтли, ўткинчи, бебақо. Эй дунёйи бевафо! .. Шу йиғитдан бир қатра бахтни аядингми! Ойбек, Қутлуг қон.

**БЕВАФОЛИК** 1 бевафо с. белги оти. Ўз навбатида у ҳам бир қизнинг бевафолigidан шикоят қилиб, пича ёш ҳам тўкди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Аҳд-паймонни бузish, хиёнат, садоқатсизлик. [Жамила Гофурга:] Ҳайр, Гофуржон, бир умр хайр! Сенга бевафалик қилмайман! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**БЕВАҲТ** [ф-т+а] рвш 1 Одатдаги ёки белгиланган вақтдан илгари, вақт-соати етмасдан. Ҳўроз беваҳт қичқирди. || Беваҳт йлим. — Қурбон ота яна неча йиллар эшоннинг хизматида бўлиб, беваҳт кучдан қолди. А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Ноқулай, номатлуб ёки кераксиз вақтда; бемаврид. Беваҳт келиб сизларни йўлдан тўхтатдимми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кеч тунда, бемаҳал. Беваҳт йўл юрма.

**БЕВОСИТА** [ф-т+а] рвш Воситасиз, тўғридан-тўғри. Муҳомада бевосита қатнашмоқ. Ишга бевосита раҳбарлик қилмоқ. — ЎзССР ташқи давлатлар билан бевосита алоқа боғлашга .. ҳақлидир. «ЎзССР Конституцияси».

**БЕВОШ** с. т. айн. бобош 3—5.

**БЕВОШЛИК** с. т. Бобошлик.

**БЕГЕМОТ** [р] Тропик Африка кўл ва дарёлари, шунингдек улар атрофида яшайдиган, териси қалин йирик сут-эмизувчи ҳайвон; сув айғири.

**БЕГИМ**: бегим кун диал. белгиланган бозор кунларидан бошқа кун. Э йғлим, булар бозор кунни халқни алдайди, бегим кунни бир-бирини алдайди. «Муштум», 1941, № 3.

**БЕГОЙИМ** айн. бек ойим (қ. бек 1).

**БЕГОНА** 1 [ф-т] 1 Қариндошлиги, яқинлиги бўлмаган; ёт. Менга бегона бўлсангиз, йўлингизга бегона эмассиз-ку. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Йўлчи учун бу қиз энди бегона эмас. Ойбек, Қутлуг қон. Элмурод унинг ёнида ўтирар ва беихтиёр унинг қиройли кўзларига дамба-дам қараб қўйар, назарида Фотима тобора узоқлашиб, тобора ёт ва бегона бўлиб бораётганга ўхшар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Бегона қилмоқ 1) ўзидан узоклаштирмоқ, ёт кишилар қаторига ўтказмоқ; 2) кўчма четга кеткизмоқ, биронинг қўлига ўтказиб юбормоқ. Агар бундан кейин ҳам насияга йиғит олмақчи бўлсалар, савдони бегона қилмай, менинг олдимга келаверсинлар «Латифалар»; 3) кўчма йўқотмоқ, сочмоқ. Ақани бегона қилманг! Агар чора кўриш лозим бўлиб қолса, мен бу ерда. Н. Сафаров, Соҳиб чангал.

2 Алоқаси, тегишлиги бўлмаган, четдан келган, чет. Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади — бегона кирмасин. Шухрат, Шивелли йиллар. Бир ерда янги келган бегона одам дарров ҳаммани таний олмайди. П. Турсун, Уқитувчи.

3 Бошқаларга тегишли, нотаниш; ўзга. Бегона шахар. — Мана энди, бегона кўз, бегона қулоқнинг йўғида учови хаҳолашиб, оғиз-бурун ўпишиб келаёттир. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дёл .. бегона тилда гаплашувчиларга тиқилиб, рағзи ўчиб ўрнидан турди. Ойбек, Куёш қораймас. Уларнинг [мехмонларнинг] гаплари, муомалалари, юриши-турушлари йўлчиға тамом бегона тўғилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 кўйма Хабари бўлмаган, кўрмаган, бўлмаган; ёт. Ҳаётнинг дағал муомаласидан бегона, фақат унинг чучўк сўзларининггина тинглаб келган Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди. А. Қодирий, Утган кўнлар. Аммо Унсининг кўнгли ўшин-қулеши кўтармас, шодлик унга бегона эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

Бегона ўт маданий экинлар орасида тасодифий уруғдан кўкариб чиққан еввойи ўт. Ердан яхши унум олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, қузда чўқур чопилиши, ёнғ салниниши каби масалаларга кўп аҳамият бериб қолади. А. Қодирий, Обид кетмон.

БЕГОНА II Бекларга хос бўлган, дабабали, хашаматли; бекларча.

БЕГОНАЛАШМОҚ Қариндошлардан, яқин кишилардан узоқлашмоқ, ёт кишидек бўлиб қолмоқ. [Қумуш] кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англади. А. Қодирий, Утган кўнлар. Саидий ҳануз Мунисхондан бегоналашиб кетгани йўқ. А. Қаҳҳор, Сароб.

БЕГОНАЛИК I бегона I с. белги оти. У [Элмурод] кўн сайин ака-ука, ёр-ғайинига айланиб бораётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унутта борди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Бегона, ёт, чет кишиларга бўлган муносабат. [Гулсумбиби] бегона ҳар вақт бегоналигини қилади. Қизим бахтли бўладими, ўтда ёнадими, Мирзакаримбойга бари бир. Ойбек, Қутлуғ қон.

БЕГОНАСИРАМОҚ Бегона ёки нотаниш, хали ўрганмаган кишилар ўртасида ўзини бир қадар ноқулай сезмоқ, сиқик, танг тутмоқ. Саидий ҳозиргина бозордан олиб келинган қўйда бегонасираб бурчакда ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Иккинчи она ва унинг болалари Очига ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда у бегонасираб, сал нарсани кўнглига олиб ўқсир эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

БЕГОР [ф-т] диал. Мажбурий хизмат, ҳашар (феодализм даврида хон-беклар томонидан камбағал фуқарони бепул ишлатиш усули). Хоннинг фар-

мониға кўра ҳар ким бегорда ўн икки кун текинға ишлаб бериши керак эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

БЕГУМОН [ф-т] рвш Гумонсиз, шак-шубҳасиз. [Тоҳир:] Гар вафо бўлмаса, вайл, бегумон, бўлмади эди. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

БЕГУНОХ [ф-т] Гуноҳи, айби, жиноят йўқ; айбсиз, гуноҳсиз. Бегуноҳ бўлди. — Бегуноҳ мўминларни ўлдирвериб; жаннатни ҳам тўлдириб қўйдигиз. «Латифалар». [Жомий:] Ҳазиб тўғини чиқарса подшоҳлар, жиноятчи бўлурлар бегуноҳлар. Уйғун ва И. Султон, Навоий

БЕДА Асосан отга едирши учун экиладиган кўп йиллик туққакли ўсимлик. Ҳял беда. Бир боғ қуруқ беда. Беда сепмоқ. Беда ўрмоқ. Отга беда солмоқ. — Отряднинг отлари ҳолидаги қатёр якка михларга, охурларга, бостирмаларга боғланган, беда, ем емоқда. Айниқ, Қўллар.

БЕДАВ [ф-т] Уқур, ўйноқи (от ҳақида). Кўн ҳисобин би олар, бедав ўрний той олар. Мақол. [Генерал Раҳимов ўзининг куларинг бедавида артилариға полки штабига елиб келди. А. Раҳмат, Эллиқ бир баҳолир.

БЕДАВО [ф-т+а] I Давоси йўқ, тўзалмайдиган, тўзатиб бўлмайдиган. Тоҳиржон киноя билан жилмайди: «Меники бедаво дард, ўкам. Бирор кун енгиллиши йўқ». Ойбек, Қутлуғ қон. «Хамма дарда бёр даво, ойиқнинг дарди бедаво», дебди шоир. П. Турсун, Уқитувчи. Дарди бедаво I) давоси йўқ, тўзалмас дард. Вафосиз ёр деб тўйдим бу дарди бедаволарга, Улимнинг ваҳмидан зардам юрак тўнганга йиғлайман. Ҳамза, Паранжи сирларий; 2) кўйма с. т. тўзатиб, эпақага келтириб бўлмайдиган иш, нарса ёки одам; даҳмаза.

2 кўйма с. т. Жуда хунук, келишмаган, кўримсиз, бадбацара. — Эрим қиморбоз бўлса ҳам, чўтир, бедаво бўлса ҳам, ёмон эмасди. Юзи хунук бўлгани билан одамарийдиги бор эди. — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Золимнинг мақсдини қилган бажо паранжи. Мазлумларга зиндон ул бедаво паранжи. Ф. Ғудом.

БЕДАЗОР Беда экилган ер, бедапоя. Улар пича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорға чиқишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

БЕДАКОР Беда экувчи, беда етиштирувчи.

БЕДАКОРЛИК айн. бедачилик. Қолхозларда бедакорликни қатъий суратда яхшилагомиз .. керак. «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 46.

БЕДАНА Қирғовулсимонлар оиласига мансуб, овланадиган, кичик сайроқи қуш. Урушқоқ бедана. Тезотар бедана. Салмоқи бедана. Бедананинг «виги» дегани — қочани. Мақол. Бедананинг уйи йўқ, қаерга борса титилдиқ. Матал. Бедана юриш майда қадам ташлаб тез-тез юриш. Бегим-

хон гузардан тезлаб ўтиб, қатта йўлдан бедана юриш қилиб кетди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. | Шу қушнинг гушти (овқатлик сифатида). Минaboши қўчқор, хўроз, беданабозликнинг ишқибози бўлса, Салим амин яхши бўза билан бедана кабобнинг ишқибози эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

БЕДАНАБОЗ Бедана ўйновчи, бедана сақлаш ва бедана уриштиришни яхши кўрадиган. Беданабоз одам.

БЕДАНАМАШАҚ Балиқчилар туркумиға мансуб қуш.

БЕДАПОЯ Беда экилган ер, бедазор. Бедапоялардаги бедани ўриб йиғиштиришға раиссиз .. ўзлари раҳбарлик қилсалар. С. Анорбоев, Оқсой.

БЕДАРАК [ф-т+а] рвш Ҳеч қандай хат-хабарсиз, ном-нишорсиз, дараксиз. Бедарак кетмоқ. — Индицаға эрталаб она-бола йўлга чиқиб, бедарак кетган атани излаб кетдилар. П. Турсун, Уқитувчи. [Дилбар:] Ҳа, нега бедарак бўлиб кетдинг? Тоб-мобинг бўлмадимми? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | У эрта билан шаҳардан келган сурағчи йигит билан Қўқороға кетганича ҳамон бедарак эди. Ҳ. Назир, Сўнимас, чакмоқлар.

БЕДАРМОН [ф-т+а] Дармон, кучи, мадори йўқ, қувватсиз, холсиз, заиф. Бедармон чол. | Оёқларим бедармон.

— Қўрғонларда кечки овқатға ёқилган ўткинги нимранг тутунлари пахса деворлардан бедармон қўчиб, гиеҳлар устиға ётанади. С. Аҳмад, Қардон дадалар. Бедармон тортмоқ куч-қуввати кетиб, мадори қуриб бормоқ. Доим захда ўтириб ишлаганиданми ёки ўзининг табиатида заифлик борми? Ишқилиб .. кўп вақтдан бери бедармон тортиб юрибман. А. Қодирий, Утган кўнлар. | Мажмағил, нимжон (яхши усолмаган, ўсимлик ҳақида). Бедармон ниҳол. | Кўп завоноларнинг ғўзаси жуда бедармон. Чопиқ ва сўғорни сифати ҳар жойда бир хил эмас, деди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

БЕДАРМОНЛИК бедармон с. белги оти.

БЕДАҲМАЗА рвш Ортиқча даҳмазаси йўқ, ташвиш орттирмайдиган; беташвиш.

БЕДАҲОНА Беда ва умуман хашак босиладиган уй ёки болохона. Бу уй илгари бедахона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ, тоқчаси ҳам йўқ, тоқиси ҳам йўқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

БЕДАЧИЛИК Беда экиш, беда етиштириш ишлари; бедакорлик. Бедачиликни юксалтириш. Бедачилик хўжалиги.

БЕДИЛ [ф-т] I кт. Маёус, ҳасратли; ғамгин.

2 кўйма Кўнглисиз бўлган, кўнгли совуған. Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмағил. Ҳамза.

3 кт. Ута даражада ошиқ, ишқ ўтида қуйган. Чиропоядаги шам бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхо-

нани аранг ёритар эди. А. Қодирый, Утган кунлар.

**БЕДИН** [ф-т+a] айн динсиз.

**БЕДОД** [ф-т]: бедод бўлмоқ ҳеч кимга арз-дод қилолмай ноилж қолмоқ. [Хайитжон Тўдахонга:] Бир одамга берайликки, дўстлар шод, душманлар бедод бўлиб, ота-она, қавми-қариндошларингизга бундай орзу-армони ушалсин. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БЕДОДЛИК** Арз-додга ҳеч ким қулоқ содмайдиган, адолатсизлик, қонунсизлик ҳукм сурган ҳолат. [Гофур қоҳига:] Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**БЕДОМ-ДАРАК**, бедому дарак рвиш Бугундай хат-хабарсиз, бедарак. Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг дард-фиरोқида куйиб, ётиб қолиптилар. А. Қажҳор, Қўшчинор. Оббо сиз-эй, мунча бедому дарак бўлиб кетмасангиз? Тинчликми ўзи? С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**БЕДОНА** I. [ф-т] Уругсиз қора киши миш узум. Серсус ва хилма-хил узум кўп. Қоражаңжал, бедона, сохиби, дили кафтар, буваки — хуллас буларнинг нафс беҳисоб, Ойбек, Болалик.

**БЕДОНА** II Бир-икки яшар молнинг терисидан ишланган чарм. || Енгил бедона маҳисини билан қала кафши [Раънонинг] кичкина оёғига жуда келишган. А. Қодирый, Мехробдан чаён.

**БЕДОР** [ф-т] I Уйқуга кетмаган, уйқусиз, уйғоқ. Бедор кўзлар. || Тунни бедор ўтказмоқ. Бедор ётмоқ. I Уйқусиз ўтказилган. Бедор тунлар.

2 кўчма Хушёр, сергак, зийрак. Бедор чегара соқчилари. — Ҳар муроду мақсадинга етмоқ истарсан мурод, Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм. Ҳамза. || Мен осойиш тунда беғам, беозор, Бахт берган тунроқни сақлайман бедор. Зулфия.

**БЕДОРЛИК**, бедор с. белги оти. Ҳаяжондан, бедорликдан мадори қуриган аёлни юпатадиган юмшоқ мўжала, илиқ-иссиқ сўз керак эди. Н. Шаломова, Хурмат лойиқ. Чегара соқчилари мамлакатимиз чегараларини бедорлик билан қўриқламоқдалар.

**БЕЖАЛМОҚ** бежамоқ I фл. ўзл. ва мажх. н. Бежалган уй. Деворий газетта яхши бежалитпти. — Ёқимли тоза сувлардан эди беғона Фарғона, Бежалди, яшнади, бўлди бугун Фарғона — Фарғона. Ғ. Фулом.

**БЕЖАМА** I от Безак, зеб, ҳашам; нақш. Бежамаси кўп, бачкана иморат.

2 сфт Безатилган, безалган; сернақш, серҳашам. Бежама зишк. Бежама уй.

3 сфт, кўчма сълб. Дабдабали, тамтароқли, қочирмадан билан безатилган. Бежама гаплар. Бежама услуб.

**БЕЖАМАДОР** айн. бежама 2, 3. Бежамадор қути. Бежамадор услуб.

**БЕЖАМОҚ** I айн. бежамоқ, Қўғир-

чоқни бежамоқ. — Бу узатиш мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун энг асл, энг нафис кийимларини кийиб, фавқулодда ҳусн оламини яна бир қат, яна бир қайта бежабдирлар. А. Қодирый, Утган кунлар.

2 Чиройли қилмоқ, келиштирмоқ. Яп-янги кўк шоҳи тўн кийган устод янги тақъага салланчи бежаб ўрамоқда эди. Ойбек, Навоий.

3 кўчма сълб. Дабдабали, тамтароқли қилмоқ, қочиримлар билан тўлдирмоқ. Гапни хўп бежайсиз-да. Услубни бежамоқ.

**БЕЖАНЖАЛ** Жанжалсиз, тортишувсиз.

**БЕЖАТМОҚ** бежамоқ I фл. орт. н. **БЕЖИЗ** [ф-т бечиз] (фақат бўлишсиз феъллар билан) Бекор, бекорга, асоссиз, сабабсиз. Партияимиз Прогрессимасида коммунизм барча халқларга тинчлик, қардошлик ва бахт-саодат барқарор қилувчи жаҳмият деб бежиз айтилмаган. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 31 июль. Эртўғон деган отни, Отам қўймиган бежиз. Онам тўғон бошида Тўққан экан ўша кез. Қ. Муҳаммадий.

**БЕЖИРИМ** Ихчам, шинам, жажжи ва келишган, чиройли. Бежирим уй. Оёқларида бежирим туғли. — Муҳаррам ширин табассум билан кулди, бежирим лабининг икки бурчагини назик тўр тутилган дастурмољчаси билан артиб қўйди. Шўхрат, Шинелли йиллар. Ойқиз .. қабулхонада бежиримгина, қадди қомаги келишган .. нотаничи қизга назар ташлади. III. Рашидов, Бўрондан кучли. || Турсунои газетаса бежирим қилиб ўралган бир китобни очиб кўздан кечира бошлади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**БЕЖО** [ф-т] рви I Алланечук бесаранжом, бетинч, безовта, изтиробли. Юрагим бежо бўляпти. — Қудрат уч бурчак қилиб, тахланган қозонни очаркан, хайратдан кўзлари чақнар, юраги бежо типирчиларди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ҳамроҳи саманнинг бежо пишқиранини .. эшитиб, чўчиб орқасига қаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Марҳамат .. гапни узоқдан айлантириб келди. Тоғдаги воқеага етганда, Қудратнинг кўзлари бежо бўлиб, турқи ўзгарилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Юриши** (еки қадам олиши) бежо юриши, қадам олиши алланечук бесаранжом, шубҳали. У қўлтиғига бир нарса қистириб олган, юриши ҳам бежо эди. Ҳ. Назир, Яхши исм.

2 Ноҳўя, ноўрин. Мулла Қосимжон! Сизнинг хотинингиз сал бежо юрадиган бўлибдир. Ҳамза, Тўхматчилар жазоси. Қоражонбек, болам, бежо қиласан, зўр ўзбекни қайдан топиб келасан? «Алломиш». Қариганда бежо бир иш қилибсан, Бир шаҳарга ўзинг юриш қилибсан. «Зулфирар билан Авазхон».

3 Ўз жойида эмас, жойидан кўзголган. Китоблар бежо бўлиб қолибди.

**БЕЖОЙ** [ф-т] I Жойи йўқ, маконсиз.

2 диал. айн. бежо. Подишонинг отига бежой минибсиз, жондан кечиб ажаб ишни қилибсиз. «Рустамхон».

**БЕЖОҒЛИҚ** I Бежалган, безатилган, ясатилган. Бир тўп ёш-яланг одоб-тавозе билан тўйхонага кириб келди-да, бежоғлиқ, стога ўтирди. Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

2 Саранжом-саришта. Тежоглиқ иш — бежоғлиқ. Мақол. — Режали иш — бежоғлиқ деганларидек, Исмоил Солиев чойхона ҳисобига келтирилаётган ўтин-қўмирларнинг ҳам режасини олиб қўйган. Т. Ортиқов, Пона емаган танобчи.

◆ **Бекники бежоғлиқ** бекнинг ҳақи, тегиши доим тайёр.

**БЕЗ** I I анат. Одам ёки ҳайвонларнинг тирикчилиги учун зарур моддалар ишлаб чиқарадиган орган. Қалқонсимон без. Лимфа безлари. Ички секретция безлари.

2 с. т. Шу органнинг яллиғланиш натижасида дўмбоқчага айланган ҳолати. Қўлтиғимга без келибди.

3 кўчма с. т. Гап таъсир қилмайдиган; безбет, сурбет. Без одам. Без бўлиб безрайиб, бақрайиб, назар-писанд қилмай. — Оёқсиз бўлганидан кейин ярим одамсан-да. Барри тошдар бўлса, без бўлиб ўтирибдилар. Мен кимга керак? Қимд, — деди Вотиров онасига. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

◆ **Без термоқ** тубан ишга қўл урмоқ маъносини ифодалайдиган ибора. Бундан кўра без теринг. — Сипоҳиларнинг кули бўлгандан кўра, без терган афзал, — деди Аваз қатъий қилиб. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БЕЗ** II [р бяз] Сурпдан кўра қалин, пишқик ип газлама. Оқ без. || Без тўшак.

**БЕЗАВОЛ** [ф-т+a] I Завол кўрмайдиган, заволсиз, сўнмас; абадий, барқарор. Безавол ҳаёт. Безавол қуёш.

2 Ривожни тўхтамайдиган, кетига кетмайдиган, доймо яшнайдиган. Сизни кўрсам, эса тўшар тоғ қизи, Безавол ўлканнинг беуноҳ қизи. Ҳ. Салоҳ.

**БЕЗАК** I Хусн, кўрк, чирой берувчи нарса; зийнат берувчи буюм ёки нақш. Архитектура безаклари. Арча безаклари. Безак буюмлари. — Кабинетнинг бирдан-бир бегази — деразаларнинг ўртасидаги ён деворга осилган «Қишлоқ Совети ерларининг картаси» эди. III. Рашидов, Бўрондан кучли. Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебиғардон каби .. буюмлардан қути-қути йиққан. Ойбек, Қутлуг қон. Дастурхон бегази дастурхонга қўйилган ёки қўйиладиган ноз-неъматлар; дастурхон зийнати. Анор, узум, олмалар дастурхон бегази ҳисобланади.

2 Бирор нарсага ишланган нақш, зийнат; пардоз. Безак бермоқ, Безак ишлари.



3 кўчма Хусн, кўрк. Камтарлик — инсон беъаги.

**БЕЗАҚДОР** айн. безакли. Безакдор қин.

**БЕЗАҚЛИ** Безатилган, безалган, бежалган, нақшдор, зийнатли. Шу безакли, адил қошона, Меҳнаткашга чин роҳатхона. Шайхзода.

**БЕЗАЛМОҚ** безамоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Уйма нақшлар билан безалган уй. Қўчалар байрам либоси билан безалди. — Ерлар кўк гиламлар билан безалганда, .. биз ҳам тўй қилармиз .. Шундайми, Раъно? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЕЗАМОҚ** Зеб, нақш, зийнат бериб ёки кўз қувонтирадиган нарсалар билан бойитиб хусн киргизмоқ, чиройли, кўркем қилмоқ; бежамоқ. Арчани бежамоқ. Дастурхонни бежамоқ. Деворий газетани бежамоқ. — Баҳор келди. Мақтаб саҳнидаги ўрқларни оқ, пушти гуллар бежади. П. Турсун, Ҳўитувчи. Янги қишлоқ уйларини Безар Ильич чироғи. З. Диёр. Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла, Безамоқ чоғидир умр дафтарин. Ғ. Ғулум.

**БЕЗАНГЛАМОҚ** Бирор нарсадан зада бўлиб ёки кўрқиб зириллаб турмоқ, безовта ёки бетоқат бўлмоқ, чўчиб, ирғиб тушмоқ. Дори деса, безанглайди. — Анор Узоқов .. ҳа деганда ёмғирнинг тинмаётганини кўриб, безанглаб қолди. С. Маҳкамов, Катта рулда.

**БЕЗАНГЛАТМОҚ** безангламоқ фл. орт. н.

**БЕЗАНГЛАШМОҚ** безангламоқ фл. бирг. н. Булар ўша пайсалдаги Қўл кучига ётишганлар. Еруғликдан безанглашиб, Қоронғуда топишганлар. «Муштум», 1962, № 20.

**БЕЗАНМОҚ** безамоқ фл. ўзл. н. Безанган аёл. — Қўжам қизи юз очди, мусаффо безанибдур. Энида яшил жомаси зебо безанибдур. Ҳабибий.

**БЕЗАНТИРМОҚ** безанмоқ фл. орт. н.

**БЕЗАРАР** [ф-т+а] Зарар бермайдиган, зиён келтирмайдиган, зарарсиз, зиёнсиз, безиён. Безарар қуш. || Девни ўлдириб агар, Қайтиб келсанг безарар, Шу кунни тўй бошлармиз, Ғам-ғусани ташлармиз. Ҳ. Олимжон.

**БЕЗАТИЛМОҚ** безатмоқ фл. мажх. н. Анвойи таомлар билан безатилган дастурхон. — Байрамдаги, тўйдаги каби, Чўғдай безатилган ҳамма ёқ. Э. Раҳим. Фойе, зал ва саҳна ҳали йиғиштирилмаган, эртаги мажлисага безатилмаётганлиги шундоқ кўриниб турар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕЗАТИШМОҚ** безатмоқ фл. бирг. н.

**БЕЗАТМОҚ** безамоқ фл. орт. н. айн. безамоқ. Газета саҳифасини .. янги ўқиш йилга тайёрлик, ёз хотиралари тўғрисидаги хабар ва шеърлар безатган эди. П. Турсун, Ҳўитувчи. Фуод афанди уни [Ҳожи холини] боқар, ичирар, кийинтирар, безатар, кўнглини хуш қилар, лекин пул олмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕЗАХА** Заҳасиз, эзилган, лат еган жойи йўқ, заҳаланмаган; тоза. Безаха олма. Безаха қовун.

**БЕЗАШМОҚ** безамоқ фл. бирг. н. Пионерлар кабинетни безашди.

**БЕЗ-БЕЗ**: без-без оғримок зириллаб, қақшаб оғримок, безиллаб оғримок, безилламоқ. Оёқларим без-без оғрияпти. Без-без қилмоқ айн. без-без оғримок. Юраги без-без қилади айн. юраги безиллайди қ. безиламоқ 1.

**БЕЗБЕТ** Бети қаттиқ, уят-андишаси йўқ, ор-номусини билмайдиган, гап таъсир қилмайдиган, сурбет, без. Безбет одам.

**БЕЗБЕТЛИК** 1 безбет с. белги оти. Унинг безбетлигини қаранг-га!?

2 Уят-андишани, ор-номусини йиғиштириб қўйиб, сурбетларча қилинган иш, хатти-ҳаракат. Бойнинг безбетлигини Жўра полвон кўриб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕЗГАК** Вақт-вақти билан иситма чиқариб, қалтиратадиган юкумли касаллик. Безак дори. Безгакка қарши кураш. Ўзбекистонда безгак касаллиги тамомилла йўқотилди. — Безгак тутгандек, қизнинг аъзойи бадани титрай бошлади. Ойдин, Ҳикоялар. | Шу касаллик билан оғриган киши. Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон безгакдай қалтираб кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

**БЕЗГАЛДАК** Тувалоқлар туркумига мансуб чўл қуши.

**БЕЗДИРИЛМОҚ** бездирмоқ фл. мажх. н.

**БЕЗДИРМОҚ** безмоқ фл. орт. н. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил. Мақол.

**БЕЗИЁН** [ф-т] айн. безарар.

**БЕЗИЛЛАМОҚ** 1 айн. безангламоқ. Юраги безиллайди юраги ботинмайди, кўрқади. Тишимни олдириб ташлай десам, юрагим безиллайди.

2 Зириллаб, қақшаб оғримок, без-без қилмоқ (кўпроқ чарчаш, уриниш натижасида). Баданидан иситма чиқар, чакка томирлари урар, кўнгли озар ва бутун вужуди безиллар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Жангилар оёқларининг безиллаб қолганидан бўлса керак, ўрдадек лапанглаб юрардилар. Шурхрат, Шинелли йиллар.

**БЕЗИЛЛАТМОҚ** безилламоқ фл. орт. н. Болани жуда безиллатиб қўйибсиз. — Юрагини безиллатмоқ зада қилиб кўрқитиб, чўчитиб қўймоқ. Икки кун муттасил давом этиб турган телба шамол, айниқса қизларнинг юрагини безиллатиб қўйган эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**БЕЗМОҚ** Зада, безор бўлмоқ. Доридан бездим. Бекорчиликдан бездим. — Золим подшоҳдан бездик, улақолсин ул! — деб қичқиршиди хотинлар Ойбек, Қутлуг қон.

**БЕЗОВТА** 1 Ташвишга ёки хаяжонга, изтиробга тушган; бетинч, ғаш. Мадамин бу ердан чиқиб, яна безовта жонига малҳам қидирди. П. Турсун, Ҳўитувчи. || [Раҳим] атрофга безовта

аланглаб, кимнидир ахтарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қишлоқ кўчалари жимжит; фақат ҳовлиларда нимадандир безовта бўлиб итлар ҳуришади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ташвишчи, изтиробли, бетинч ҳолатни ифодаловчи. Санобархон Адолатнинг безовта кўзларига яна тикилиб сўради: — Бирор гап бўлгани йўқми? С. Зуннунова, Гулхан.

2 Тинчлиги бузилган, бетинч. [Жўра:] Қўрбоши ака, неча йилдан берги замона безовта. И. Султон, Бургуннинг парвози.

3 Тиними, ҳаловати йўқ, тинимсиз; бетоқат, беором. Бемор безовта бўляпти. Бола тунни билан безовта бўлиб чиқди. — Бу ернинг ўжар табиатиға, ғилдирак устидаги безовта турмушга у тез кўникди. «К. Ўзбекистон», 1959, № 242. Максим қишлоқда табиблик қилиб юрган вақтларида бундай безовта бетобларни кўп кўрган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БЕЗОВТАЛАНМОҚ** 1 Тинчлигини йўқотмоқ, ташвишланмоқ, ташвиш тортмоқ, безовта бўлмоқ. Вақт ўтган сари меҳмонлар безовталана бошлади. Р. Файзий, Шоҳи дарпарда.

2 Бетоқат, беором бўлмоқ, безовта бўлмоқ.

**БЕЗОВТАЛИК** 1 безовта с. белги оти.

2 Ташвишланиш, ҳавотирлик холати; изтироб, ғашлик. Давронов рўпарда шушайиб турган Ғозига қараб, унинг кўнглидаги безовталикини сезди. И. Раҳим, Ихлос. Набижон ҳамроҳларини кўриб, безовталик билан сўради: — Тинчликми, иш қилиб? Қолиб кетдинглар жуда. С. Зуннунова, Гулхан.

**БЕЗОР** [ф-т] (ч. к. билан кесим вази-фасида) Безган; тўйган. Бекорчидан ҳамма безор. Мақол. — Эрзарор дангасага айтингллар: менинг томонимга қарамасин, мен унақа одамдан безорман. Айний, Қуллар. Безор бўлмоқ жонига тегмоқ, кўнглига урмоқ Пашиадан безор бўлдим. Ундан қўни-қўшинлар ҳам безор бўлиб кетган. Безор қилмоқ жондан тўйдирмоқ, обдан зериктирмоқ. Жондан безор қилмоқ жондан тўйдирмоқ, жуда ҳам жонга тегмоқ, зериктириб юбормоқ. [Оқила:] Узингиз қачон безор қилишяпти. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**БЕЗОРИ** [ф-т] Ножўя ҳаракатлари билан ижтимоий тартибни, кўпчиликнинг тинчлигини бузувчи, ҳаммани безор қилувчи; хулиган. Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас. Мақол. — Ойим билан дадам мени жуда эркалатиб юборишган эмиш, шу кетинида кетаверсам, мендан қип-қизил безори чиқар эмиш. Х. Тўхтабаев, Сарик девни миниб. Ота безори ножўя ҳаракатлари билан ҳаммани, хатто ўз отасини ҳам безор қилган. — Ота безори бўлмоқчимсан? — Абдурахмонбой кутилмаганда кўзига ёш олди Х. Ғулум, Машғал.



**БЕЗОРИЖОН** [ф-т]: безорижон қилмоқ жондан тўйдирмоқ, жонига тегмоқ, зериктирмоқ.— *Бу нима қилганингиз, жон эр? Ҳа деб уйда ётавериб, бизни ҳам безорижон қилдингиз-ку,— деди Отинойи эрига.* Ғайратий, Довдираш.

**БЕЗОРИЛИК** 1 безори с. белги оти.

2 Ижтимоий тартибни, кўпчиликнинг тинчлигини бузувчи, ҳаммани безор қилувчи ноҳўя хатти-ҳаракат. *Безорилик қилмоқ.* — *Ичкилик, безорилик, бузилиш, одобсизлик — ҳаммаси бекорчиликдан чиқади.* А. Мухтор, Чинор.

**БЕЗОТ** [ф-т+а] 1 айн. зотсиз. *Безот сиғирлар.*

2 эск. Синфий жамиятда: аслзодаларга, зодагонларга мансуб бўлмаган, эоти паст. *Сидиқжон безот, Сидиқжон гадобачча...*— *Тўғри, лекин замон шуларники бўлса нима дейсан?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕЗРАЙМОҚ** 1 Кўзни лўқ қилиб қараб турмоқ, бақраймоқ, без бўлиб турмоқ. *Минг боши.. «яна нима дейсан?» дегандай безрайиб тураверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Илгари унча-мунча даққини сиртига юктирмай безрайиб тураверадиган Аvezов ҳозир хотини билан онаси олдида мўминтой боладай бўйин эгиб турарди.* Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

2 Донг қотмоқ, серраймоқ (хайратдан, кўрқув ва ш. к.дан). *Ойшабону нима дейишини билмай, ўтирган ерида безрайиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

3 кўча Пинагини бузмай туравермоқ. *Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг ҳудудида турардик.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Машина [ариқнинг] лабида «тир-тир» деб тутун қайтарди-ю, «пуф» деб тўхтаб қолди.* *Ингитали шўнча уринса ҳам, машина безрайиб тураверди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**БЕЗРАЙТИРМОҚ** безраймоқ фл. орт. н. Кўзини безрайтириб туришти.

**БЕИБО** [ф-т+а] Ор-номусни билмайдиган, шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз, ибосиз, беҳаё. *Кизини бир умр заҳарлаган беибо кишига яна нима керак?* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**БЕИЖОЗАТ** [ф-т+а] рвш Ижозат, руҳсат бўлмагани қолда; ижозатсиз, берухсат.

**БЕИЗ** 1 айн. релъссиз. *Беиз транспорт.*

2 рвш Асар, из қолдирмай; асарсиз. *Куюн тутундек буралиб кўтарилади-ю, қума сепилган сўдай без йўқолади.* М. Назаров, Сирли хат.

**БЕИЛЛАТ** [ф-т+а] Илллати, камчилиги, нуқсонни йўқ; бенуқсон. *Арзон беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас.* Мақол.

**БЕИСТИСНО** [ф-т+а] рвш Бирортасини ҳам четда ёки қатордан қолдирмай, мустасно қилмай; четда ёки қатордан қолмай, барча баравар, ялписига,

истисносиз. *Партия ўқувида беистисно ҳамма қатнашади*

**БЕИХТИЁР** [ф-т+а] рвш Ғайрихтиёрий равишда, ихтиёрдан ташқари, ихтиёрсиз. *Беихтиёр ҳаракат.* — *Уртоқларим, қўлга олсам торимни, Беихтиёр ёлдайдирман еримни!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Бекнинг вужуди титраб, беихтиёр «чу» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**БЕИШ** Иш билан банд (машғул) бўлмаган, ишламайдиган; бекор(чи), ишсиз. *Қолхозда битта ҳам беши одам йўқ.* *Харбий машғулотлардан бўш қолганлар ҳам беши ўтирмас эдилар.* М. Мухамедов, Кичик гарнизон.

**БЕИШКАЛ** [ф-т+а] Ишқали, чатоқ, чалқаш жойи йўқ; силлиқ. *Беишқал иш.* *Иш беишқал битди.*

**БЕК** 1 тар. Айрим туркий халқларда феодализм даврида шаҳар ёки вилоят ҳокимларига, шунингдек баъзи амалдорларга берилган ёки мерос бўлиб ўтган унвои ва шундай унволи амалдор. *Кўрғон беги. Сарой аёёнлари ва беклари.* — *Атроф шаҳар ва қишлоқ беклари.. аксар Мусулмонқулнинг ўз одамларидан.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Азизбек Туркистон хонлигининг энг золим ва мустабил саналган бекларидан бири.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Беклар беги* давлат ишлари бошқарувчи, хонга энг яқин бек. **бек ойма** бекнинг онаси ёки хотини ва уларга мурожаат формаси. *Ҳасанали танитди:— Мана бу киши қайин онангиз бек ойма бўладилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Эркаклар номининг таркибий қисми, мас. *Йўлдошбек, Отабек, Юсуфбек.*

3 (1-ш. эгаллик ф-да) Ўз беги ёки хўжайинига мурожаатда, ёки улар ҳақида гапирганда ишлатилган сўз; ҳозир кино билдиради. *Давр келса, сур, беги.* Мақол. — *Эски вақтда ер-сув эгаларининг хизматкорлари хонлар замонидаги расм-русумни қилиб, ўз хўжайинларини: «беги», «хоним», «ойим» деб ҳурматлар эдилар.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

◆ **Ўзи(га) хон, ўзи(га) бек қ. хон.**

**БЕК** II Берк, ёпиқ.

**БЕКА** 1 тар. Бекнинг ва умуман ҳукмдорларнинг, боёнларнинг хотини. *Чўри қиз Бўстон.. бекасининг ҳозиргина саройдан қанизак келибти. зиёфата олиб кетганлигини билдирди.* Ойбек, Навоий.

2 Хонадонга ёки хўжаликка бошчилик қилувчи аёл. *Уй бекаси улкан лаганда жарқол келтирди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Тўй бекаси Мирзакаримбойнинг хотини аёлларни уч гуруҳга айирган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.— *Ярим кечада қайққа борамиз, ўзингиз ўйлан! — дерди кўв меҳмонхона бекасига.— Жой бўлса сизлардан айланма,— дер эди меҳмонхона бекаси тўйдан келган қизил юзми аёл.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БЕКАМ(И)-КЎСТ** [ф-т] Ҳеч қандай камчилиги, нуқсонни йўқ, ҳар жиҳатдан тўлиқ, мукамал, бенуқсон. *Беками-кўст асар.* *Рўзгоримиз беками-кўст.* *Топшириқни беками-кўст бажармоқ.*

**БЕКАТ** 1 тар. Узоқ қатнов йўлларидаги тўхташ жойи, манзил. *Отабек бир неча бекатга меҳмонларни кузатиб бориб, сўнгера қайтмоқчи эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 тар. Почта станцияси. *Хат ҳам тез келмайди, баъзан бекатларда йўқолиб кетади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 эск. Темир йўл станцияси. *Эшаклар диқир-диқир йўргалаб Қосондан чиқди ва темир йўл бекатида қараб бурилган йўл бўйлаб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 кўча Босиб ўтиладиган йўлнинг ҳар бир босқичи, марраси. *Ҳаётнинг умумий оқими билан бирга ҳаминша олға интилиб, янгидан-янги бекатларни босиб ўтаётганини, улғу манзил сари ҳормай-толмай сузаётганини эслаб, қалби севиш ва қувонч билан тўларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан қучли.

**БЕКАЧ** 1 тар. Бекнинг ва умуман ҳукмдорларнинг, амалдорларнинг, боёнларнинг хотини ёки қизи. *Кеча ўрда бек оймадан менга арава келган экан.. бормай аравани бўш қайтардим.. Бо худо, ўрда бекачи бўлса ўзига, дедим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 эск. Хотин-қизларга ҳурмат билан мурожаат қилганда ишлатилган сўз.— *Сўзламайман,— деди Тўйбека [Қумушга], лекин сирасини сўзлайман.. Оҳ, кўрсанг эди, бир кўвни! Қандай чиройли, қандай ақлли эканини билар эдинг, бекачим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Бекач (хотин-қизлар исми).

**БЕКВАЧЧА** тар. Бекдан туғилган бола; бекзод. *Анвар ҳозир бутун шаҳарга дон таратган, шаҳарнинг уламиси, .. бек ва беканчаси Анварни танийди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЕКЗОДА(А)** Бекдан туғилган бола; бек насли, бек зоти.

**БЕКЗОТ** с. т. Бекзод(а).

**БЕКИК** 1 Берк, беркитилган, ёпиқ; қулф. *Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнавон нақили, бўёқли зишқлари ва деразалари бекик, қалин пардалар билан қопланган.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Тўсилган, тўсиқ. *Бекик йўл.* *Дарё бекик эди.*

**БЕКИЛМОҚ** 1 Қопқоқ ёки тиқин билан маҳкамланмоқ, ёпилмоқ; қопқокланмоқ; тиқинланмоқ. *Сандиқ бекилди. Эшик яхши бекилмади. Хумнинг оғзи бекилди.*

2 Ғов тушиб, тўсилиб ёки тақиқланиб, ўтиб бўлмайдиган бўлиб қолмоқ; ёпилмоқ. *Чегара бекилди. Йўл бекилди. Жўмрак бекилди.* *Йўли тўсилиб тўхтаб қолмоқ, тўхтамоқ.* Ғаз бекилди.

3 Паналаниб, тўсилиб, қўринмай қолмоқ. *Гуллар ўсиб, деворнинг айби бекилди.*

4 *кўча* Тақиқлавиши, тугатилиши ёки белгиланган иш, вазифани бажариб бўлганлиги сабабли фаолиятдан тўхтамоқ, ёпилмоқ. *Мажлис беклиди. Виставка бекилди.*

5 Йиғилмоқ, букилмоқ, ёпилмоқ (очилиб-ёпиладиган, йиғиладиган буклама нарсалар ҳақида). *Соявон бекилди.*

**БЕКНИШМОҚ** бекинмоқ *фл. бирг. н.*

**БЕКНИМАЧОҚ** Яширинганларни қидириб топишдан иборат бўлган болалар ўйини. *Бекинмачоқ ўйини.* — *Кўчадан бекинмачоқ ўйнаётган болаларнинг қий-чуви эшитилди.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о. *Ой сўв юзида қалқиб бораётган қовун палласи каби «бекинмачоқ» ўйнаб, гоҳ кўринади, гоҳ яширинади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БЕКНИМОҚ** Ўзини панага олмоқ; яширинмоқ. *Офтобдан бекинмоқ. Уйга бекинмоқ.* — *Шербек ичкарига сиргани тушиди-да, девор тагида бекина қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БЕКНИТИРМОҚ** бекинмоқ *фл. орт. н.*

**БЕКНИТИЛМОҚ** бекитмоқ 1—3, 5—7 *фл. мажх. н.* Пахта ғарамлари брезент билан бекитилди. *Сув бекитилди.*

**БЕКНИТИҚЧА** рви Махфий равишда, бошқалардан бекитиб; яширин. Қизнинг феъли-атворини, юриши-туришини очиб ва бекитиқча.. *узоқ татқиб атди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕКНИТМОҚ** 1 Қопқоқ ёки тиқин билан оғзини, очилиб-ёпиладиган ёки очик жўйини маҳкамламоқ, ёпмоқ. *Сандиқни бекитмоқ. Эшикни бекитмоқ. Хўмнинг оғзини бекитмоқ. Тешик-ёриқларни бекитмоқ.*

2 Устини, атрофини ўраб (қоплаб, ёпиб, тўсиб) паналамоқ. *Юкни брезент билан бекитмоқ. Юзни бекитмоқ. Офтобдан бекитмоқ.* — *Зебо яна қизариб кетди. Чакка сочларини тузатиши баҳонаси билан кўзини бекитди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Тўсиб, ўраб, қоплаб олиб, кўринтирмай қўймоқ, яширмоқ, кўздан холи қилмоқ. *Булулар ойни бекитиб қўйди.*

3 Яширмоқ, пинҳон қилмоқ. *Бола ўйинчоқни бекитди.*

4 Сир сақламоқ, яширмоқ. *Мен сени яхши биламан, укажон.. тўғри сўз, виждонли боласан. Аммо Раҳимнинг сирини била туриб бекитганинга ҳайронман.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 Ғов солиб, тўсиб ёки тақиқлаб ўтказмай қўймоқ, ёпмоқ. *Йўлни бекитмоқ. Чегарани бекитмоқ.* | Маҳкамламоқ; тўхтатмоқ. *Сувни бекитмоқ. Газни бекитмоқ. Семафорни бекитмоқ.*

6 *кўча* Фаолиятини тўхтатмоқ ёки тамом қилмоқ. *Мажлисни бекитмоқ. Виставкани бекитмоқ. Савдонни бекитмоқ.*

7 Йиғиқ ҳолатга келтирмоқ, букмоқ, ёпмоқ (очилиб-ёпиладиган, йиғиладиган, буклама нарсалар ҳақида).

*Зонтни бекитмоқ. Қаламтароқни бекитмоқ. Қитобни бекитмоқ.*

**БЕКНИТИРМОҚ** бекитмоқ 1—3, 5—7 *фл. орт. н.* Эшиқларни бекиттирмоқ. *Тирқишларни бекиттирмоқ.*

**БЕКЛАМОҚ** с. т. айн. бекитмоқ 1; 5. *Ўзбек ойим уйнинг эшигини беклаб келди-да, Ҳасаналининг яқинроғига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕКЛИК** тар. 1 Бек мавқеи ёки лавозими, вазифаси. *Мен Ойим қишлоғининг беклигининг урдасидан чиқолмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нусратбек .. кўчага чиққанда беклик даъвосини қилиб, уйига кирганда хушрўй бека муте!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бек Алпомини беклик қилиб, Қоражон билан бирликда даврон суриб, мамлакатни обод қилиб, Барчин билан ўйнаб кулиб юраверди. «Алпомини».

2 Бек қарамоғидаги маъмурий территория. *Уша даврда Урта Осиё территорияси .. Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиқлари, турли бекликлар ўртасида бўлинган эди.*

3 Бекларга хос ҳулқ, хатти-харакат, юриш-туриш. *Айниқса сиз ҳамон ўзингизнинг беклигингизга бориб, истиғнонгизни эскича олиб борасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бой отам сенга беклик қилибдилар.* Н. Сафаров, Уйғонини.

◆ **Ҳам хонлиги бор, ҳам беклиги жуда** яхши нарса (мас., от, кийим) ҳақида.

**БЕКОР** [ф-т] 1 Ишдан холи, бўш, иши йўқ; ишсиз, беиш. *Қодқовда битта ҳам бекор одам қолмади.* Бекор вақтларда газета ўқиймиз, шахмат ўйнаймиз. | Бекордан ҳамма безор. Мақол. || Бекор турғунча, бекор ишла. Мақол. — [Ҳасанали] узву кун уйда бекор зерикканликдан, Ҳожига айтиб бир мунча дастмоқ билан гузирдан баққоллик дўкони очган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бекор бўлмоқ** 1) ишдан бўшамоқ, ишдан озод бўлмоқ. У раисликдан бекор бўлди; 2) амалдан қолмоқ, кучини йўқотмоқ. Бу қонун янги йилдан бекор бўлади. **Бекор қилмоқ** 1) ишдан бўшатмоқ, озод қилмоқ. — *Гап яна Бўтабой тўғрисида, — деди. Бектемиров, — уни вақтинча раисликдан бекор қилган эдик.* С. Аҳмад, Хўкм; 2) амалдан, кучдан қолдириш. *Қарорни бекор қилмоқ.*

2-Бехуда, бефойда. — [Пўлатжон домла:] *Насибани узатишга шошилибсиз, деб эшитдим.* — [Роҳила, гангил:] *Йўқ.. Қим айтди?.. Бекор гап! Улимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. | Уринсиз, чакки. *Вали ака.. кейин босиғи билан гапирди: — Бекор хафа бўласиз, ўзингиз ўйлаб кўринг ахир.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о. | «Бу гапни бекор бошлаб қўйибман», — деб ачирди Қўдрат. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Бекор** айтибсиз чакки айтибсиз, айтмасангиз ҳам бўларди. *Менинг*

*келганимни унга бекор айтибсиз. Бекор кетди бехуда кетди, зое бўлди. Ҳасан сўғи билан Алим бува: Унга тушунтирсак, зора .. «Халқ меҳнати бекор кетмасин, халқ бехуда жабр кўрмасин» деб халққа ачинар, шафқат қилар, деб келган эди.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

3 *кесим* вазифасида Ҳеч нарсага арзимаيدн, бир пул. *Бир йигит билан бир қиз гаплашарди. Йигит: ўқитувчи айтдики, ошиқларга қоп-қоп тилла бекор, деб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 *кесим* вазифасида Ёлғон, нотўғри. *Бир йилдан бери ярали қалбида ардоқдагани, жамоа мени бир кўрсам деб зори-интизор бўлгани бекор, бекор! М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

**БЕКОРГА** рви 1 Ҳеч қандай фойдаси бўлмагани ҳолда; бефойда, бехуда. *Муҳаррир.. бир ярим соат бекорга ўтган вақтега ачинаиб, бизга қулоқ берди.* А. Қаххор, Бек. *Одамлар бекорга овера бўлмасин дейман-да.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

2 Жиддий асос, арзирли сабаб бўлмагани ҳолда; бўлар-бўлмаста, бехудага, ўринсиз. *Аниқроқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмон отлиқ бўлиб қолмасин.* С. Аҳмад, Хўкм. *Бекорга йиғлайсан, Рағно! Йиғидан бир фойда чиққанини эшитганмисан, ёки мени ҳам йиғлатмоқчимисан? А. Қодирий, Мехробдан чаён. «Чулмуқ сўйса ҳам қасоб сўйсин», деб бекорга айтмаганлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Пул ёки ҳақ олмай, тўламай, текинга; бепул. — *Юкни бекорга ташишимиз, қобирғамиз синай деди! — қичқиршиди бошқалар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бекорга ҳам олмайди ҳеч ким бу эшигингизни.* «Латифалар».

**БЕКОРДАН-БЕКОРГА** айн. бекорга 2. *Бекордан-бекорга ўзини ўтга-чўққа уришдан нима фойда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**БЕКОРЛИК** 1 бекор с. белги оти. 2 айн. бекорчилик.

**БЕКОРЧИ** 1 Бекор юрвчи, беиш, бўш. *Қаёққа қарасанг, камбағал, бекорчи, нонга зор одамларни кўрасан.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Қиш кечалари маҳалладаги бекорчилардан бир нечаси бу ера тўпланиб «Аҳмад занжи», «Рустам дoston» каби жаннамаларни биронта саводли одамега ўқитиб тингашар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бекор, фойдаланилмай, ишлатилмай ётган; ортиқча. *Бунга бекорчи пул йўқ.* | *Кераксиз, яроқсиз. Бекорчи қоғоз.*

◆ **Бекорчи гап тағи пуч гап, бехуда, бўлмағур, ёлғон гап.**

**БЕКОРЧИЛИК** Ишдан холилик, беишлик, ишдан қўли бўшлик, ишсизлик; бекор вақт. *Бекорчиликка зрмак Унинг бекорчиликдан қўли бўшмайди (кест.).* — *Мен шу кўз бекорчиликда бир ғайрат қилиб кўрмоқчиман! — дейди Мулла Обид.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЕКУЧ** кам қўл. Кучи, қуввати кўк; кучсиз.— Тўғри...— деди афан-ди,— сиз қудратли подшоҳсиз, бакучи-сиз! Биз ожиз, бекучмиз. «Латифалар».|| Қари-қартага бекучлар, Суюниб юр ҳасанғди. Ҳасандайн мардларга, Қани жўра бўсанғди. «Равшан».

**БЕЛ** I I Орқа суякнинг (умуртқа поғонасининг) пастки қисми. **Одамнинг бели.** **Отнинг бели.** **Бели букчайган чол.** **Бел мускуллари.** **Бел оғриғи.** **Бел оғритмоқ** (ёки қайиштирмоқ) жон қойитиб меҳнат қилмоқ. **Ҳа,** бўлмаса жонингиз ачиганими бу? **Ерни белингиз қайишиб чопганингизда жонингиз ачир эди.** А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Бели оғримаяганининг нон ейишига қара ўзи ишласдан бировнинг меҳнати билан топилган нарсани қадр қилмай, тежамай сарф қилувчи одамга нисбатан айтылади.**

2 Гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг хипча қисми. **Бели йўғон одам.** **Бели хипча қиз.**

■ «Тортишмаюқ» бошланди: қиз томондан гунаҳкек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тўнди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Улар қизнинг бўйи, бели, елкаси ва қўлларини ўлаб, ёзиб олишди.** И. Раҳим, Ихлос. | **Биқин.** **Бувинисо** икки қўли билан белини ушлаб, қаддини кўтарди. Ойдин, Ҳикоялар.

3 Қийимнинг энг хипча, ўрта қисми. **Бели бурма қўйлак.**

4 **кўча** Ён, чўнтак ёки белбоғ ҳақда. **Белимда пул,** бошимда савағичдан тўқилган катта қафасда куккулаб турган бир жуфт қумри. **Ғ.** Ғулом, Шум бола. **Мутал** белидан тешасини олар экан, унга жавоб берди. А. Қодирӣ, Утган қунлар. **Беи-ўн** қоғозни белимга тугиб, уст-бошимни бут қилиб.. юртимга жўнаб кетай дегандим. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Бирор нарсанинг ўрта қисми. **Ваён-ремонт заводи комсомол колонна-сининг байроғи вишканого қоқ белига чиқариб қоқилган.** А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 **кўча** Жисмоний ёки моддий куч рамзи. **Фарзанд — белнинг қуввати.** Мақол. — **Ҳайриятки,**— деди чол сел ҳақидаги сўзини давом эттириб,— калхозимиз йириклашиб, бели бақувват бўлиб қолди. **Бўлмаса,** бунақа офатга унча-мунча куч бас келармиди. **Ҳ.** Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Бел олишмоқ** (ёки ушлашмоқ, синашмоқ) 1) куч синашмоқ (қурашда, жангда). **Элмурод** саҳн ўртасида тўпланишган ёшлар томонга кетди. **Бу** ерда қураш бошланган бўлиб, **Давлатёр** билан **Маъмуржон** бел олишмоқда эди. **П.** Турсун, Уқитувчи. **Мардлик** майдониди бел синаш учун **Жасур** ўзбек халқининг ўғли отланди. **Ғ.** Ғулом; 2) **кўча** ким ўзини ўйнамоқ, мусобақа, рақобат қилмоқ.— **Сидиқжон** сизга шогирд тушмоқчи. **Маллавоӣ** қулди.— **Мен** билан бел ушлашмоқчи дегн. **А.** Қаҳҳор, Кўшчинор.

7 Тоғнинг, тепаликнинг эгарсимон чўққиси. **Бўз йиғитлар** бир ғайрати тошиб, **Неча** тоғдан, **неча** беллардан ошиб. «Ёдгор».

◆ **Бел боғламоқ** астойдил жазм қилмоқ, киришмоқ. **Дўстларим.** Сиз билан биз улуг ишга бел боғладик. **Бу** ғоят хатарли иш. Аммо биз қўрқмай-миз. **Ҳ.** Ғулом, Мағъал. **Белига** тепмоқ бирор ишга, айна қизиб турган, долзарб пайтида халал бермоқ, путур етказмоқ. **Сухбат** авжига чиққанда кириб келган икки йиғит гапнинг белига тепди. **С.** Маҳкамов, Дала тонги. **Белини** синдирмоқ катта моддий ёки жисмоний зарар етказмоқ. **Беҳуда** ҳаракат белини синдиради. Мақол. — **Гапнинг** белини синдирманлар, **жим** туринг, **Ҳайдарча** гапирасерсин. Айний, Жаллодлар.

**БЕЛ** II Ер қазिश, сочилган нарсаларни олиш, солиш, тўплаш учун ишлатиладиган ёғоч соғли темир қуроли; белқурак. **Бел** билан **ер** кавламоқ. **Белни** пешлаган билар, **ерни** ишлаган билар. Мақол.

**БЕЛАМОҚ** I Бешикка ётқизиб қўлбоғ, оёқбоғ билан боғламоқ. **Боласини** белаб ухлатди.

**БЕЛАМОҚ** II I Ун, тупроқ, бўёқ сингари юқадиған нарсаларга ботириб ёки булгаб, ҳамма ёғини шу нарса билан қопламоқ, буламоқ. **Тупроққа** беламоқ. **Қонга** беламоқ. — **Вутун** Олтиңсойга мазах бўлганини биласанми? **Ор-номусимизни** лойга беладине, доғи ўлуғча кетмайдиган бўлди. **Ш.** Рашидов, Бўрондан кучли. **Энди** эшикдан бир қадам нари жилсанг, тичоқни тўрт жойингга ураман-у, танинени қонингга белаيمان. **П.** Турсун, Уқитувчи.

2 с. т. Бошдан-оёқ ўрамоқ, кийинтирмоқ. **Шойига** беламоқ.

**БЕЛАНГ** фольк. айн. **беланги.** **БЕЛАНГИ** Бели майиб бўлган ёки оғир ишдан белини кўтара олмай қолган. **Беланги** от. **Оғир** тош кўтариб, **беланги** бўла эдим.

**БЕЛАНМОҚ** I беламоқ I **фл.** **мажх.** **Ноилож** бола яна бешикка беланди. **Ғ.** Расул, Тўнғич ўғил.

**БЕЛАНМОҚ** II беламоқ II **фл.** **мажх.** **ва** ўзл. II **Шойи-атласларга** беланган келин. — **Худойқул,** **Худойқул!** — деди **Давлатёр.** **Қани** энди, **Худойқулдан** садо чиқса. **У** тупроққа беланиб ётарди. **П.** Турсун, Уқитувчи.

**БЕЛАНЧАК** Арғимчоқдек ёки бешикдек тебратиб, бола ухлатиладиган мослама. **Насиба** боласини беланчакка солиб аллаламоқда. **А.** Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Бақов.** «Эмка» машинасига тушиб, **худди** беланчакда ётгандай, **у** ёқдан-бу ёққа тебраниб, **шаҳар** кўчалари бўйлаб, **Мирҳайдаров** (нинг) уйига қараб кетди. **С.** Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**БЕЛАТ** [р. билет] с. т. Билет. **БЕЛАТЧИ** с. т. Билет сотувчи ёки билет ўктувчи.

**БЕЛАШМОҚ** I беламоқ I **фл.** **бирг.** **н.** **БЕЛАШМОҚ** II I беламоқ II **фл.** **бирг.** **н.** **Улар** мени қорға белашиб. 2 айн. **беланмоқ** II. **Ярим** кечада.. **бир** оғилнинг охуридан [кўёғини] қонига белашиб ётгани ҳолда топганлар. **А.** Қодирӣ, Утган қунлар.

**БЕЛАШТИРМОҚ** белашимоқ II **фл.** **орт.** **н.** айн. **беламоқ** II. [Сидиқ:] **Муҳаббат** қиз назокатини, **йиғит** гурурини тупроққа белаштирди. **Н.** Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**БЕЛБОҒ** I Белга боғланадиган, чорбурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз мато парчаси; қийик, қийикча. **Шоҳи** белбоғ. **Белбоғ** боғламоқ. — [Тожибой]. **тўғни** устидан боғлаган оқ гулли қизил белбоғининг қатидан носқоғоғини олди. **П.** Турсун, Уқитувчи.

2 Умуман белга боғланган ёки боғланадиган нарса. [Шарофат:] **Эшигимизга** увада **тўғну** чилвир белбоғ билан келган эдинг.— **Нима** билан чиқиб кетдим? [деди Сидиқжон]. **А.** Қаҳҳор, Кўшчинор.

3 Ҳар нарсанинг ўрта белидан ўтган фаразий чизик ёки ҳалқа. **Энди** биз **Ернинг** белбоғидан ўтдик, **Жанубий** ярим шарга кирдик. **Ҳ.** Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

◆ **Белингда** белбоғнинг борми? йигит-мисан?, йигитлик гуруринг борми? [Хонзода Гофурга:] **Белингда** белбоғнинг борми? **Қандай** шарманда, **худо** урган эркаксан? **Хотининг** бой билан ўйнашадими, **билиб** туриб, **индамай** келасан-а? **Ҳамза,** **Бой** ила хизматчи.

**БЕЛБОҒЛИ** Белида белбоғи бўлган, белбоғ боғлаган. **Қизил** шойи белбоғли йиғит.

**БЕЛБОҒЛИК** Белбоғ учун яроқли ёки етарли. **Бир** белбоғлик газлама. **Белбоғлик** шоҳи.

**БЕЛГИ** I Таниқли қилувчи, фарқловчи нишон, аломат; тамға. **Йўқолган** боланинг белгалари. **Фабрика** белгиси. **Бели** қўймоқ. **Белги** солмоқ. — **Чернецов** планиетдан харитасини чиқарди ва генерал **Погодин** қўйган белгаларни кўздан кечирди. **И.** Раҳим, Чин муҳаббат. || **У** [Ҳамроали] **лип** этиб универсалга ўтирди-ю, **рулни** текис картанинг нариги бошига қоқилган белги ёғонга тўғрилади. **Ш.** Ғуломов, Ташаббус.

2 Бирор маъно, мазмун ёки миқдор ифодаловчи график аломат, ишора. **Сўроқ** белгиси (грам.). **Тенглик** белгиси (мат.). **Нота** белгалари. **Ти-ниш** белгалари (грам.). **Товушларнинг** график белгиси. **Химиявий** элементларнинг белгалари. **Стенография** белгалари.

3 Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти, сифати. **Синфларнинг** бир-биридан фарқловчи асосий белгиси уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришида тутган ўрни, **ниобарин,** ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатидир. — **Буюмларнинг** сифат ва хусусиятлари логикада белгилар деб

аталади. «Логика». Ганда отнинг бирор белгисини билдириб, «қандай?», «қанақар», «кимнинг», «ниманинг?», «нечанчи?» каби сўроқларга жавоб бўлиб келган иккинчи даражали бўлак аниқловчи деб аталади. «Ўзбек тили дарслиги».

4 Дололат берувчи ташқи аломат; рамз. Сукут — розилик белгиси. Мақол. — Содда муомала яқинлик ва меҳрибонлик белгисидир! А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. Фронтларга ҳадямиз — Инобатли севги бўлди, Аҳилликдан бели бўлди. Шайхзода.

5 Ички кечинмаларнинг, психологик ҳолатнинг ташқи аломати, асари, кўриниши. [Гулнорнинг] думалоқ қора кўзларида яширинган алам-ҳасрат белгисини Адолат даров пайқаб олди. С. Зуннунова, Гулхан.

6 Дарак берувчи аломат, нишон. Қасаликнинг белгилари.

**БЕЛГИЛАМОҚ** 1 Белги қўймоқ, белги қўйиб таниқли қилмоқ, ажратмоқ. Ислоҳотда ўзимга теккан ерни белгилаб қозик қоққанымда.. кўп нарсаларни мўлжаллаб қўйган эдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Бирор шартли белги, ишора билан ифодаламоқ. Номаълум сонни «х» билан белгилаймиз.

3 Бирор хусусияти, кўриниши ва ш. к.га асосан аниқламоқ. У [Аҳмад Маҳдум] белгилаган вақтда Ойнинг юзида ҳеч бир тутилиши нишонаси қолмай, бутунлай очилди. Айний, Қуллар. Қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Қодир бу одамнинг афтидан касб-корини белгилай олмади. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

4 Олдиндан чизиб, режалаб, планлаштириб қўймоқ. *Партия Марказий Комитетининг Пленуми халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга доир жуда катта тадбирларни белгилаб берди.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 164.

5 Тайинли бир қарорга келмоқ, тайинламоқ, тайин қилмоқ (мўлжалланган иш ёки унинг вақти ҳақида). *Мажлис кунини белгиламоқ. Тўй кунини белгиламоқ.* Қонун йўли билан ёки қарор асосида жорий этмоқ, тайинламоқ. *Уқув юртларидаги кириш тартибини белгиламоқ. Пенсия белгиламоқ.*

6 Бирор мақсад учун танламоқ, мўлжаллаб, кўзлаб қўймоқ. [Ҳасанали] миниб кетиш учун Қутидорнинг саман йўрғасини белгилади. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

7 Ишга қўймоқ, тайинламоқ. *Муслмонқул.. қўй каби ювоиш Тошкент ҳокими Саримсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек золимни белгилади.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**БЕЛГИЛАНМОҚ** белгиламоқ *фл. мажж. н.* Белгиланган вақтда. *Белгиланган тартибда.* — *Кандидатлик стажининг мuddати бир йил белгила-*

нади. «КПСС Устави». *ЎзССРнинг хўжалик ҳаёти давлат халқ хўжалик плани билан белгиланади.* «ЎзССР Конституцияси». Қолхоз клубининг очилиш маросими бешинчи ноябрь кеч соат саккизга белгиланган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕЛГИЛАТМОҚ** белгиламоқ 1, 2, 4—7 *фл. орт. н.*

**БЕЛГИЛАШ** белгиламоқ *фл. иш оти.* Тўй вақтини белгилаш. *Раис белгилаш.*

◆ **Белгилаш олмоши** *грам.* предмет ёки белги ўрнида қўлланиладиган ҳамда уларни ажратиб, таъкидлаб ва умумлаштириб кўрсатадиган олмош, мас. *ҳар, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай.*

**БЕЛГИЛАШМОҚ** белгиламоқ 1, 2, 5—8 *фл. бирг. н.* Дамбадан манфаатдор бўлган қолхозларнинг вакиллари кенгашиб, амалий тадбирлар белгилашди. А. Қаҳҳор, Бек.

**БЕЛГИЛИ** 1 Белги қўйилган, белги, нишон солинган, белгисиз, нишон бор; таниқли. *Белгили жой. Белгили қалам.* || *Отабек китобни белгили қилиб ёнди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Маълум, муайян, тайинли. *Белгили тартибда. Белгили вақтда.* — [Сафар чўтир] тушининг узук-юлуқ гапларини бир-бирига улаб, белгили маъно чиқаришга тиришарди. Ойбек, Қуёш қораймас. | Маълум, аниқ. *Оталар учун бундай гаплар унчали ёмон таъсир берма-да, хотинларга қандай асар қилиши белгилidir.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Машҳур, таниқли. *Белгили олимлар.*

◆ **Белгили қаратқич** *грам.* -нинг қўшимчасини олган қаратқич, мас. *қолхознинг раиси.*

**БЕЛГИЛОВЧИ** 1 белгиламоқ *фл. иш оти.*

2 Аниқ, белгилаб, кўрсатиб берувчи; аниқловчи. *Белгиловчи омиллар.*

**БЕЛГИСИЗ** 1 Белги қўйилмаган, белги, нишон солинмаган, ишораси йўқ, таниқли эмас.

2 Номаълум, тайини йўқ, ноаниқ. *Оқибат, қоронғи кечада оқсоқ от билан тойғоқ йўллاردан белгисиз сафарга чиқдим.* А. Қаҳҳор, Сароб. || *Дўстим Саидий, илгари ёзганларим сингари бу хатнинг ҳам тақдири белгисиз.* А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Белгисиз қаратқич** *грам.* -нинг қўшимчасини олмаган қаратқич, мас. *қолхоз раиси.*

**БЕЛДАМЧА** 1 Белга ичдан боғлаб олиннадиган иссиқ (одагда пахтали) белбоғ.

2 Қўндалангига, белига қўйиладиган, ўрнатиладиган нарса.

**БЕЛДОВ** *диал.* Тикилган ўтовнинг белидан ўраб боғланган арқон. *Йўни сулув кўрсатади оқ белдов ҳам бўсағаси.* «Кўшиқлар».

**БЕЛДОР** Бели йўғон, бели бақувват, кучли. *Жўра.. аскарнинг юкини*

*олиб,.. белдор зшакка илдам ортиб,.. пиеда кетди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**БЕЛЛИЛА** [р] Минерал оқ бўёқ. Қўрғошин беллиласи. *Рух беллиласи.*

**БЕЛКАШ** Паҳсачиннинг бел билан лой отиб бериб турувчи ёрдамчиси.

**БЕЛКУРАК** *айн. бел II.* Шаҳарда тез-тез машқ тревогалари бўлиб туради. Ҳар хонадоннинг томида қум тўлатилган яшик, ёнида белкурак, чангак ва қизилга бўйланган челақ бор. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БЕЛЛАШМОҚ** 1 Бел олишмоқ, кўч синашмоқ (курашда, жангда). — *Қани, бахтами таваккал. Уртоқ Дўстатов билан бир беллашиб қўйд, — деди Мели полвон.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *кўчма* Ким ўзиш ўйнамоқ, мусобақа, рақобат қилмоқ. *Бу йил 7-бригада аъзолари гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтариш учун биз билан беллашяпти.* «К. Ўзбекистон», 1962, 9 сентябрь.

**БЕЛЛАШТИРМОҚ** беллашмоқ *фл. орт. н.*

**БЕЛЛЕТРИСТ** [р] Беллетристик асар ёзувчи адиб.

**БЕЛЛЕТРИСТИК** [р] беллетристический] Беллетристикага оид. *Беллетристик асар.*

**БЕЛЛЕТРИСТИКА** [р<фр] Проза билан ёзилган бадний адабиёт (роман, повесть, ҳикоя ва бошқалар).

**БЕЛЛИК** 1 *диал.* Жазлиқнинг остига қўйиладиган от абзали. *Чиргининг устидан қўйди беллиқни, Беллиқнинг устидан жаҳалдирикни.* «Ширин билан Шакар».

2 *диал.* Белбоғ.

3 *мах.* Арава ғилдираги тўғинининг икки учи бирлашган жойни қисиб турадиган иккита параллел кегай.

**БЕЛМА-БЕЛ:** белма-бел олишмоқ *айн. бел олишмоқ қ. бел I 6.* *Белма-бел олишса, ажрим бўлади. Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.* «Алпомниш».

**БЕЛЮС** қ. белоруслар. *Белорус тили.* || *Белорус аёл.*

**БЕЛОРУСЛАР** Белоруссиянинг асосий аҳолисини ташкил этган, шарқий славянларга мансуб халқ; белорус халқи.

**БЕЛОРУСЧА** 1 Белорус тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Белорусча рақс. Белорусча кийим.*

2 Белорус тили. *Белорусчага таржима қилмоқ.* || *Белорусча гапирмоқ.*

**БЕЛУГА** Осётрлар оиласига мансуб йирик оқ балик.

**БЕЛУЖ** қ. белужлар. *Белуж тили. Белуж рақси.* || *Белуж аёл.*

**БЕЛУЖЛАР** Асосан Эронда, Афғонистонда ва Покистонда яшовчи, эроний тиллар группасига мансуб тилда сўзлашувчи халқ.

**БЕЛЧА** 1 бел II с. *кичр.* | Қичкина, ўйинчоқ бел.

2 *мах.* Қосибчиликда таг чармини шилиб юпқалаштириш учун ишлатиладиган кескир асбоб.

3 қ. х. Экиннинг тагини юмшатиш, ўтини ўлдириш учун ишлатиладиган асбоб.

**БЕЛЧАЛАМОҚ** қ. х. Экиннинг тагини белча билан юмшатмоқ, ўтнини ўлдиarmoқ. *Кулунпайни белчаламоқ.*

**БЕЛЬГИЯЛИК** қ. бельгияликлар. || *Бельгиялик аёл. Бельгиялик киши.*

**БЕЛЬГИЯЛИКЛАР** Бельгиянинг туб аҳолиси; Бельгия халқи.

**БЕЛЬЭТАЖ** [р < фр] Томоша залида бенуар ва амфитеатрдан юқориги ўринлар.

**БЕМАВРИД** [ф-т+а] рвш. 1 Номувофиқ ёки номақбул пайтда; бемаҳал, бевақт. *Бемаврид келган меҳмон.*

2 Номувофиқ ёки номақбул ўринда; ўринсиз, ноўрин. *Кечирасиз, ўртоқжон, бемаврид ҳазил қилибман.. Қаердансиз? А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**БЕМАДОР** [ф-т+а] Мадорй, кучи, дармонн йўқ; бекувват, бедармон. *Бемадор чол. Бемадор оёқлар.* || *Уст-боши йиртилган сонсиз чоракор, Меҳнат, алам даштида кезар. Бемадор. Ғайратий. Юрай деса оёқлари бемадор. Ғ. Фулом.*

**БЕМАЖОЛ** [ф-т+а] Мажоли, кучи, дармонн йўқ, ҳолдан тойган; бекувват, бедармон. *Бемажол кампир. Бемажол қўллар.* || *Салимхоннинг юраги кўрқинч бир нарсани сезиб, оёқларидан мадор кетди, креслога бемажол ўтирди. Ғ. Фулом, Машғал.*

**БЕМАЗА** [ф-т+а] 1 Оғизга ёқмайдиган, лаззат бермайдиган, мазаси йўқ, таъми ёмон; лаззатсиз. *Бемаза овқат. Бемаза тарвуз. Бемаза қовунинг уруғи кўп. Мақол.* — *Йўлчининг тақачи ошнани Қоратой оч қорнини бемаза мошхўрдага тўлдириб,.. совуқ уйда.. хомуш ўтирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *Кўйма* Бадний жиҳатдан заиф, эстетик завқ бера олмайдиган; бемаъни, сийқа. *Бемаза асар.*

3 Ярамас, ёмон, бемаъни. *Бемаза одам.* || *Сафар бўғчи каби бир бемаъни.. Самад бўқоқ ва Шукр сўфи каби бемазалар олдига имоннинг обрўсини тўқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

4 Одоб-ахлоқ нормаларига сиғмайдиган, одобдан ташқари, келишмаган, ярамас. *Бемаза қилиқлар. Бекорчидан бемаза гап чиқади. Мақол.* | Бекорчи, беҳуда, бўлмағур. [Гулишан] *бемаза гапларни қўйинглар, ухлайлик!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Оғзи бемаза** 1) оғзи овқатнинг мазасини, таъминини сезмайдиган (баъзи касалликлар орқасида). *Сидиқжон, гарчи ҳануз оғзи бемаза ва боши оғирроқ бўлса ҳам,.. кампирнинг меҳрибончиликлариданми, кўнгли кўтарилди.. жуда енгил тортиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор;* 2) беадаб гапларни кўп гапирадиган; чакки оғиз. *Оғзи бемаза одам.* — «Қарвон», оғзи-неизни бемаза қилманг, бу ер — Шўро. *Биз сизни камбағалсиз деб чақирдик. Ғ. Фулом, Машғал.*

◆ **Бемаза қилмоқ** 1) таъбинни кир қилмоқ. *Аммо шаллақи бир кампирнинг уйда тураман; кўп бемаза қилаётир-да. А. Қаҳҳор, Сароб;* 2) то-

бини қочирмоқ. *Иситма жуда бемаза қилди.*

**БЕМАЗАГАРЛИК** айн. бемазагарчилик.

**БЕМАЗАГАРЧИЛИК** Бемаза, бўлмағур иш, ноҳўя ҳаракат; бемаънигарчилик, номаъқулчилик.

**БЕМАЗАЛАШМОҚ** 1 Ёмонлашмоқ, одоб-ахлоқ чегараларидан ташқари чиқмоқ (юриш-туриш, иш, хатти-ҳаракат ҳақида). *Ишлар бемазалашиб кетди. Гапи бемазалаиди.* — *Ҳури.. аксияда ҳеч қачон бачқаналашиб, бемазалашмас, меъбридан ўтиб кетмасди. Ғ. Мусажон, Ҳури.*

2 Суоқлашиб, сийқалашиб кетмоқ, бадний ва эстетик жиҳатдан пасаймоқ. *Буржуа санъатининг бемазалашуви.*

**БЕМАЗАЛАШТИРМОҚ** бемазалашмоқ *фл. орт. н. Ақсияни бемазалаштирмоқ. Асарни бемазалаштирмоқ.*

**БЕМАЗАЛИК** 1 бемаза с. белги оти. *Бемазалиудан оғизга олиб бўлмайди. Асаринг бемазалиғи.*

2 Бемаза, бўлмағур иш, ноҳўя хатти-ҳаракат. *Бемазалик қилмоқ.*

**БЕМАЛОЛ** [ф-т+а] рвш. 1 Малоллик, ўнғайсизлик сезмай, тортинмай, ёзилб; эркин, баҳузур. *Майли, хафа бўлманг. Аям билан бемалол тураверасиз. С. Зуннунова, Гулхан. Бемалол ёзиллиб ўтиринглар!* Ёмон кўрганам ёшларнинг суҳбатига қариларнинг суқилиши. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Дастурхончи ва бошқа қари-қартанг хотинлар Йўлчининг енига бемалол келиб кетсалар-да, у қиз яқин келмас эди. Ойбек, Қутлуғ қон.* | *кесим вази-фасида Майли, хўп бўлади.* — [Хуморхон Фотимага:] *Хола, мен нарсаларимни сизга қўйиб кетаман-да.* — [Фотима:] *Бемалол. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Бемалол бўлса кири с. малол келмаса, малоллик қилмаса. [Фотима домлага:] Келинг, домла почча! Бемалол бўлса, ана шу туран стулни менинг яқинроғимга қўйиб ўтиринг. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.*

2 Бамайхотир, хотиржам. *Шошмасак ҳам бўлади, вақт кўп, бемалол улгурамиз.* — *Хўп майли,* — деди Урмонжон, — *бўлар иш бўлиб ўтипти. Энди бемалол, бежавотир ишлай беринг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Девор тазиди катта сизир бошвогини ерга ёйиб, бемалол кави қайтариб ётарди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Тўсқинликка, қаршиликка учрамай; монесиз, қийинчиликсиз, бежавотир, осон. *Эрталаб кўприк бошқатдан қилинди, энди ҳар қандай оғир юк билан бемалол ўтса бўларди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Орасидан Қўқон арава бемалол юрадиган кенг, узун иш-комлар икки танобдан мўлроқ ерни ишгол этган. Ойбек, Қутлуғ қон.*

4 Аниқ, равшан, яққол. *Алим бува юқоридаги қийғоч тешикчалардан қаради. Ҳамма ёқ бемалол кўринарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

5 Тулик равнида, беками-кўст; танқислик кўрмай. *Запаслар бир йилга*

*бемалол етади. Жой бемалол етади.* — *Ёни-вери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга кирази.. Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан. Шу билан қишигимиз бемалол чиқади. Ойбек, Қутлуғ қон.* | *Етарли.* — *Жой ҳозир бизда бемалол. Юринг,— деди тирсагимдан ушлаб [участка бошлиғи]. Ғ. Умарбеков, Чўлда бир кун.*

6 *Кўйма ҳазил* Утакетган берваро, юраги кенг одам ҳақида. *Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол. Мақол.*

**БЕМАЛОЛЛИК** бемалол с. белги оти.

**БЕМАСЛАХАТ** [ф-т+а] Бошқалар билан маслаҳатлашмай, кенгашмай қилинган. *Бемаслаҳат иш.* — [Вера:] *Ҳар қалай эрга текканинг бемаврид, бемаслаҳат иш бўлди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.* — *Иншоолло! — деди Загчақўз ва яна уқтирдилар: — Асло биздан бемаслаҳат иш қилманг, Мадаминбой.* — *Албатта, албатта, тақсир!* П. Турсун, Уқитувчи.

**БЕМАШАҚҚАТ** [ф-т+а] Машаққат чекмасдан қилинадиган, осон, жўн, машаққатсиз. *Бемашаққат иш.* || *Бемашаққат пул топмоқ.*

**БЕМАЪНИ** [ф-т+а] 1 Маъноси, мазмуни йўқ; маъносиз. *Бемаъни жумла. Бемаъни сўзлар йиғиндиси.* || *Мана ҳозир ҳам.. Тун бемаъни ўтди, на уйқу, на ором, на бирон ўй. А. Мухтор, Тўғилиш.*

2 Куруқ сафсатадан иборат бўлган; бемазмун, беҳуда, бўлмағур. *Бемаъни гапни гапирма, қизим. Сан ким, улар ким? Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Ёлғиз ўйдирмалардан иборат бўлган, ақлга мутлақо сиғмайдиган, ҳақиқатга тамомла хилоф; асоссиз, пуч. *Бемаъни фикрлар. Бемаъни ўйдирмалар.* — *Қанчалик бемаъни, қанчалик бемаъни ўйлар!* — *Юзини қафти билан бекитиб жилмайди Шербек. С. Анорбоев, Оқсой.*

4 Кишига номуносиб, одобдан ташқари; келишмаган, ярамас, ярамас. *Бемаъни қилиқлар.* | *Бемаза, аҳоқона, бўлмағур. Асалнинг шунақа бемаъни ишлари кўплигидан биз ҳам.. куйиб ётибмиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

5 Ноҳўя, номуносиб, бемаза ишлар қиладиган, қилиқлари ёмон, ярамас, бўлмағур. — *Ғози эшон ҳузурингизда экан! — деди Маҳдум,— ўзи кўп бемаъни одам, зийфат-миёфат деб, яқин бир соат вақтинини олди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.* || *Етмиш яшар чола ёлғиз қизимни бермоқчи бўлдингизми? Ота бўлмай кетинг, бемаъни. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**БЕМАЪНИГАРЧИЛИК** Кишига номуносиб, одобдан ташқари, келишмаган, ноҳўя гап, иш, хатти-ҳаракат; бемаънилик, номаъқулчилик. *Бошлиқларга ҳам ҳайронсан-да, айрим кишиларнинг шунақа бемаънигарчилигини кўра-била туриб, индашмайди. Ғ. Абдуллахонов, Тўфон.*



**БЕМАЪНИЛИК** 1 бемаъни с. белги оти.

2 айн. бемаънигарчилик.

**БЕМАЪНО** [ф-т+а] юқ. усл. айн. бемаъни 1—3.

**БЕМАЪНОЛИК** бемаъно с. белги оти.

**БЕМАҚСАД** [ф-т+а] Бирор мақсадга қаратилмаган ёки интилмаган; мақсадсиз. *Бемақсад юриш.* || *Бехуда, бемақсад ўтган умр.*

**БЕМАҲАЛ** [ф-т+а] 1 от Кеч тун пайти. *Пирим бойвачаникидалар. Бемаҳал бўлиб қолганидан ўша ерда тунаб қоладиган бўлилар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шундай.. сизларни кутиб олай деб чиққан эдим. Бемаҳала қолдиларинг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 ривш Номувофиқ ёки номақбул пайтда, бемаврид. *Бировнинг уйига боқма, бемаҳал эшикни қоқма!* Мақол. — *Дехқонлар билишадикки, бемаҳал [ёққан] ёмғир ёғзага шира тушириб юборади.* Х. Назир, Сўнам чакмоқлар. || *Бемаҳал йлимни мардга солмагин.* «Равшан». **Вақти бемаҳал айн. вақт-бевақт.**

**БЕМИННАТ** [ф-т+а] Қилган хизматини, марҳаматини, яхшилигини миннат қилмайдиган, миннатдорлик талаб этмайдиган. *Эллиқбоши унинг ҳуснига маҳлиё бўлипти дейсизми, унга беминнат хизматкор керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Дастёри беминнат** миннатдорлик талаб қилмайдиган дастёр (одагда дастёрликка яраб қолган ўз фарзандлари ҳақида). | *Бировнинг миннатидан ҳоли. Миннатли ошдан беминнат мушт яхши.* Мақол. — *Мен бу ерга келганимда қорним тўқ, устим бутун, чўнтагимда беш-ўн танга беминнат харжим бўлишини кўзлаган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕМИСЛ** [ф-т+а] кт. Мисли, тимсоли йўқ; мислсиз. *Улғу Октябрь социалистик революцияси халқимиз санъатининг тараққиёти учун бемисл имкониятлар очиб берди.* Х. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**БЕМОР** [ф-т] Бирор касаллик билан оғриган; касал, хаста. *Бемор бола.* — *Нормат уни кўрди-ю, Ильичёвқадаги бемор кампир кўз олдига жонланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. || — *Тўғри, жуда тўғри!* — бошини бир неча марта қимирлатиб гапирди бемор. Ойбек, Кутлуғ қон. || *Қунларнинг бирида у [Саудий] тасодифий равишда ўзининг бемор ётган ораси олдига кириб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Бемор оши** 1) касал бўлиб ётган ёки парhezли киши учун тайёрланган овқат; 2) кест. жири йўқ овқат.

**БЕМУДДАТ** [ф-т+а] Муддати белгиланмаган, чекланмаган; абадий. *Колхозлар ихтиёридаги ерлар уларага текин ва бемуддат, яъни абадий фойдаланиш учун мустаҳкамланиб берилади.* «ЎзССР Конституцияси».

**БЕМУРУВВАТ** [ф-т+а] 1 Кимсага мурувват қилмайдиган, одамгарчиликни билмайдиган. *Бемурувват қариндош.* — *Онаи зорим! Кенир бемурувват*

*фарзандинани!* — *Шербек, .. уйга томон талпинди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бераҳм, шафқатсиз. Уни [Салтонбунни] бойлар эшигида хўрланишга, бемурувват турмушининг қақшатғич азоблари ичиде қийналишга мажбур қилган куч, балки болаларига бўлган ўша меҳру муҳаббатидир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕМУСТАХО** [ф-т+а] айн. бенистисно.

**БЕМУҲЛАТ** [ф-т+а] айн. бемулдат.

**БЕНАВБАТ** [ф-т+а] ривш Навбатдан ташқари, навбатсиз. — *Келақолинг, Собиржон ака, буеун сизларга бенавбат,— деди чойнақларга қайнаган сув бураётган Муҳаббат.* В. Гофуров, Вафодор.

**БЕНАВО** [ф-т] Ҳаётнинг лаззатидан, хузур-ҳаловати, роҳат-фароғатидан бебахра қолган, рўшнолик кўрмаган; бечора, шўрли. Э, оппоқ қизим, салолатмисиз, йўқлаб келмасам, бир бенаво ғариб отахоним бор эди, деб хабар ҳам олмайсиз. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. || *Бир бурчакда инграб ётган мен бенавога ҳеч ким назар ҳам солмас, ҳолимни ҳам сўрмас эди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**БЕНАЗИР** [ф-т+а] Тенги, назир, мисли йўқ; мислсиз. *Сиз буюк шахсиз!* Алоҳида, беназир, ноёб шахс! А. Мухтор, Чинор. *Биринчи космонавтнинг — қудратли халқимиз элчисининг беназир жасорати одамларнинг тушунчаларида.* янги порлоқ давр очди. «К. Ўзбекистон», 1961, № 68.

**БЕНАРВОН** Нарвонсиз, нарвон кўймасдан.

♦ **Юлдузни бенарвон урадиган** ўтакетган олғир. У юлдузни бенарвон уриб, ҳатто ойга човут соладиган устаси фаранглардан. «Муштум», 1959, № 22.

**БЕНАСИБ** [ф-т+а] Тегинши хиссадан, насибадан маҳрум бўлган, ҳуруқ қолган, бебахра. *Ҳамма нарасдан бенасиб мустамлака халқлар.* *Бенасиб бўлмақ.* *Бенасиб қолмақ.* — [Қомиш Дилбарга:] *Бу хушнуд нағмалардан бенасиб бўлманг, деб, атайин уйғотдим, бир эшитиб қолинг!* О. Ёқубов, Айтсам тилим куюди, айтмасам — дилим.

**БЕНЗЙН** [р] Нефтдан ёки нефть газидан олинадиган туссиз суюқ ёнилғи.

**БЕНЗОҚОЛОНКА** [р] Автотранспорт воситаларини бензин билан таъмин қилиб турадиган насос установкали станция.

**БЕНЗОЛ** [р<а+лат] Тошқўмир смоласидан олинадиган туссиз, ёнувчи суюқлик (бензинга қўшилади, лак, бўёқ ва ш. к. тайёрлаш учун ишлатилади).

**БЕНИҲОЯ(Т)** [ф-т+а] 1 сфм Ниҳояси, сўнги, чеки йўқ, битмас-туғанмас, чексиз. *Бениҳоят хурсандчилик.* || *Халқимизнинг партия ва ҳукуматга оташин муҳаббати бениҳоя.*

2 ривш Ғоят даражада, бағоят, жуда, жуда ҳам, беҳад. *Бениҳоят ориқ.* *Бениҳоят узоқ.* *Бениҳоят кўп.* *Бени-*

*ҳоя қувонмоқ.* — *Сен туфайли Ватанимиз Яшинди бениҳоя.* Уйғун.

**БЕНОМ** [ф-т] Номи, оти йўқ, номланмаган, номсиз. *Беном кўча.*

**БЕНОМ-НИШОН**, беному нишон 1 Ҳеч ким билмайдиган, ном чиқармаган, шухратсиз. *Шаҳар уламо, ашрафлари буеунга ҳақиқат олдига ҳар замон ёқа ушлаб: «Бир беному нишонга бунча илтифот!» дер эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бедарак, дараксиз. *Шу билан Умри беному нишон йўқолди* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**БЕНОМУС** [ф-т] Уят-номусни, шарм-ҳаёни билмайдиган, ор-номуси йўқ, уятсиз, беҳаё. *Беномус одам.* || [Жамила:] *Дод, сенларнинг туҳматлариндан, беномуслар!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**БЕНОМУСЛИК** 1 беномус с. белги оти. Унинг бунчалик беномуслигини билмас эдик.

2 Уятсизларча, юзсизларча қилинган иш. *Бу қандай беномуслик.* *Бу қандай ҳаёсизлик.* *Ё шаритатда шарм йўқ, дединларми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕНУҚСОН** [ф-т+а] Нуқсон, камчилиги йўқ, беками-кўст, ҳар жihatдан мукамал, тўқис. *Бенуқсон одам.* *Бенуқсон иш.* || *Бенуқсон ишламоқ.* — *Ниғора ечинмоқда эди.* Унинг.. *бенуқсон, қуйиб қўйгандай қомати чироқ ўчиши билан қоронғиликка сингишиб кетгандек бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БЕНҲУХТА** 1 Нўхта солинмаган, нўхталанмаган; нўхтасиз. *Бенўхта, яйдоқ от.*

2 *Кўча* Ўзини тия олмайдиган; бебошвоқ, бебош. *Нега жамоат тартибини бузади, қанақа бенўхта бойвачча у?* «Муштум», 1960, № 12.

**БЕОБРУЎ(И)** [ф-т] Обруйи йўқ, обруйсиз. *Беобрў одам.* *Беобрў қилмоқ.* — *Халойиқ олдига мени беобрў қилишинг оқибатини сен ит қорига бир кўрсатиб қўйай ҳали.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕОЗОБ** [ф-т+а] кт. айн. беадаб. **БЕОЗОР** [ф-т] 1 сфм Қишнга озор бермайдиган, дилни оғритмайдиган, кишини ранжитмайдиган, мулоғим. *Безор танқид.* — [Дадавой Ҳадичага:] *Мен илгари билмай у кишидан [Қомиловдан] ранжиб юрган эканман. Гаплари мулоғим, безор, бамаъни.. одам экан.* Уйғун, Навбахор.

2 ривш Жонга озор бермай, қийнамай, бешикаст; астагина. *Врач тишимни безор суғуриб олди.* — *Эъзозхон пишиллаб ухлаб ётган Учқуннинг юзидан безоргина ўпиб қўйди.* Х. Фулом, Машғал. *Шошманг, шошманг, рўмолингизни менга беринг, мен ўзим безор қилиб боғлайман.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЕОМОН** [ф-т+а] ривш Омон бермай, аямай, шафқатсиз. [Арслон:] *Олдимизда зўр вазифа бор: душманни ҳам ташқарида, ҳам ичкарида беомон янчиб*



ташлаш керак. Қ. Яшин, Тор-мор. Шамол уелар Қизил майдонда, Нина санчар совуқ беомон! Ё. Мирза.

**БЕОР** [ф-т+а] I Ор-номус, уятти йўқ; юзсиз, орсиз, уятсиз. Беор одам. — Ҳар йлик, ҳар тўй бошида таппа-тайёрдир тўрам, Улеудай шилқим, шилмишиқ, роса беордир тўрам. «Муштум», 1959, № 16.

2 кўчма Ер танламайдиган, ҳар қандай жойда ҳам ўсаверадиган (асосан ўсимлик ҳақида). Бу нусхаларни беор ўтдек юлиб ташланса ҳам, яна ниш уриб чиқиб, одамлар ҳақини зулукдек сўрмоқдалар. «Муштум», 1960, № 15.

**БЕОРЛИК** I беор с. белги оти.

2 Беорларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ.

**БЕОРОМ** [ф-т] I Ороми, ҳаловати йўқ, беҳаловат, бетинч. Беором тун. — Узоқ кеча, қийналуру юрак, Тўлганаман бўлиб беором. Ғайратий. || Севгили Марямхон! Мен сизнинг муҳаббатингиздан кўп беоромман. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 рви Тинимсиз, бетўхтов, тинмай, узлуксиз. Чайқалади денгиз беором. Ғайратий. || Моторларнинг гувилашидан ер-кўк титрамоқда. Ғазаби қайнаб тошган дарё ҳам беором. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

**БЕОҚИБАТ** I [ф-т+а] айн. **оқибатсиз** I. РСДРПнинг деподаги яширин тўғаради раҳбарлигида қилинган ерлик ишчилар ғалаёни беоқибат кетмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕОҚИБАТ** II [ф-т+а] айн. **оқибатсиз** II. Беоқибат фарзанд.

**БЕПАДАР** [ф-т] Отаси йўқ, отаси номаълум, отасиз. — Узи оқпадар, бошпанасиз дарбадар, энаси кўчада туққан бепадар, — деди Мавлон Рустам тўғрисида. В. Рахмонов, Мардлар қиссаси. | сўк. Ўз отасини ҳам билмаган, оқпадар, падар лаънат(и). Ўз устозини билмаган бу бепадар, олампахоҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай, .. бу кун кечаси уни қошириб менинг ҳовлимга олиб келди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БЕПАНД** [ф-т] Унча пухта, мустаҳкам бўлмаган; омонат. Бепанд иморат. Бепанд стол.

**БЕПАНЖИ** [ф-т+а] Паранжи ёпинмаган ёки ёпинмайдиган, паранжисиз. Бепанжи хотин. || [Ойпошиша Мастурага:] Бепанжи олдин-кетин келишаверса нима қилади. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БЕПАРВО** [ф-т] I Ҳеч нарсани ўйламайдиган, дунёни сув олиб кетса ҳам тўпигига чиқмайдиган; беғам. Унинг ўрнида бошқа, ниҳоят оғир, бепарво киши бўлганда ҳам мингбошининг .. жавобидан кейин пасангисини йўқотмай қоломасиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Унинг ҳамма сўзларини кунт билан тинлаган Ойқиз, бепарво жилмайиб, устани ютади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ҳар нарсага, ишга эътиборсизлик, совуққонлик билан қарайдиган, қайғуришни, жон куйдиришни билмайдиган, камхафсала, лоқайди. Бепарво расис. || Душманинг сиққонча бўлса ҳам, бепарво бўлма! Мақол. — Бошлиқлар[нинг] салқинда, иш тақдирини билан қизиқмай бепарво юра берганлари Ҳасан сўфи билан Алим бувани ҳам тазанг қилар, ҳам ташвишга солар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Бойларимиз.. қорни тўқлар, халқ аҳволидан беҳабар ва бепарво. Ойбек, Нур қидириб.

**БЕПАРВОЛИК** бепарво с. белги оти. Бепарволик билан эшитмоқ. — Полсон ўзининг табиий бепарволиги орқасида бунга сира эътибор қилмади. Ойбек, Куёш қораймас. Самандаровнинг хотини.. эрининг беғамлигидан, бепарволигидан фиғони чиқиб, вайсаб юриб чой қўйди, дастурхон ёзди. А. Қаххор, Қўшчинор. Нури бундай гапларни бепарволик билан эшитишга уриниб боқарди. Ойбек, Қуллур қон.

**БЕПАРДА** [ф-т] I Парда тутилмаган, пардасиз. Бепарда ойна.

2 кўчма салб. Пардаланмаган, очиқдан-очиқ айтилган, беҳаё, беадабона, пардасиз. Бепарда гап. — Доимо бепарда сўз халқ ичра айтув беибо, Бўлмагай деб кўрқаман ногоҳ сангсар авлиё. Муқимий.

3 муз. Парда боғланмаган ёки пардасиз (чолғу асбоби ҳақида).

**БЕПАРДОЗ** [ф-т] I Пардоз-андоз қилмаган, упа-элик, ўсма-сурма қўйиб ўзига оро бермаган, пардозсиз. Бепардоз хотин. || Онангни отанга бепардоз кўрсатма деганлар-ку. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Пардоз, жило берилмаган, нақшланмаган, оддий. Бепардоз этик. — Оддий бир уй, ёруғ, бепардоз, ўлтиради Ленин жоножон. Қаршисида қанддек оқ қоғоз, Қаршисида иш жаҳон-жаҳон. Х. Пўлат.

**БЕПАРОВУЗ** Паровуз, адип тутилмаган, адипланмаган. Бепаровуз кўрна.

◆ **Оғзи бепаровуз** оғзидан бўлмағур, беадаб гаплар чиқадиган, оғзи бузуқ. Оғзининг бепаровуз қилма, бу ерда улғимиз турибди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

**БЕПАРҲЕЗ** [ф-т] I Парҳез буюрилмаган ёки парҳезни бузган. Бепарҳез бемор.

2 кўчма эск. Ҳеч нарсдан ҳазар қилмайдиган; нопок. Башарти сиз.. ул бепарҳез золимни мингбошилик вазифасидан четлатишга.. бел боғлаган бўлсаларингиз, биз фақирларнинг ақли қасирилизга бир андиша келади. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЕПОЁН** [ф-т] I Поёни, охири, чегараси йўқ, ниҳоятда кенг. Бизнинг мамлакатимиз бепоёнди. — Русия, Русия, азамат ўлка! Эй, омон сингари бепоён Ватан. Х. Олимжон.

2 Чексиз, бениҳоя, беҳад. Мехримиз бепоён, биз асл қардош, Коммуна йўлида бирга, сафардош. М. Шайх-

зода. Ҳамма илмларга бепоён муҳаббат боғлаган. Ойбек, Навоий.

**БЕПУЛ** I Пули йўқ, пулсиз. || Кета бер йўловчи, йўлдан қолмагин! Бепул келиб бизлардан гап сўрама! «Равшан».

2 Пул, ҳақ олинмайдиган ёки тўланмайдиган; текин. Бепул билет. Бепул путёвка. || Уқши Бақақурилоқда, қизил чойхонада бўлади. Дафтар, қалам бепул. А. Қаххор, Қўшчинор.

**БЕРАРМОН** Берадиган киши. Берармонга бешов кўп, олармонга олтов оз. Мақол.

**БЕРАСИ** Берилиши, қайтарилиши керак бўлган нарса; қарз. Менинг унга бераси йўқ. Унинг менга бир оз бераси бор.

**БЕРАҲМ** [ф-т+а] Раҳм-шафқатни билмайдиган, қаҳри қаттиқ; раҳмсиз. [Жамила ўз-ўзига:] Бераҳм бой, тоқайсана хун-бийрон йиғлатасан, бу тўкилган ёшлар.. бу оҳу зорлар сени ёқанедан тутмай қўймас. Ҳамза, Бой ила хизматчи. || [Ҳамидо:] Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм экплуатация қилган кишига қўймоқчиман. А. Қаххор, Адабиёт муаллими.

**БЕРДАНКА** [р] 19 аср охирларида рус армиясида фойдаланилган биротар милтиқ. Бу одамларнинг баъзилари бешотар, ўнбиротар милтиқлар, баъзилари берданка ва оз милтиқлари билан.. яроғланган. Айний, Қуллар.

**БЕРДИРМОҚ** бермоқ 1, 2, 4, 6 фл. орт. н. Қосимжон келгандан кейин бир жазосини бердирмасам бўлмайди. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. [Осуфбек ҳожи Қумуш ва Зайнабни] .. дуо қилиб бир-бирисига салом бердирар .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қўзим очиқ экан, қизингни қорчаёа бердирмайман! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕРЁТ(КА)** [р] Гардишсиз, жияксиз юмшоқ ялпоқ бош кийими. Оқ, қизил, кўк бетеккалар остидан тошган олтин сочлар майин ҳилпирайди. Ойбек, Куёш қораймас.

**БЕРИ** рви I Сўзловчига ёки сўз бораётган пайт ёки ўринга яқин. Бери кел. Ҳечқиси йўқ, бир кун нари, бир кун бери. Вокзалдан бери. Москвадан нарими, берими? — [Қизлар] «Нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. || Яхшиши душанба кун, ундан нарига ўтгани ярамагандек, бериси ҳам фойдасиз .. чунки бир-икки кун бунга ҳозирлик ҳам керак. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўм. (ч. к. билан) Қандайдир пайтдан бошлаб, буён; маълум вақт давомида, мобайнида. Кечадан бери. Яқиндан бери. Анчадан (кўндан) бери. Алмисоқдан бери. — Аскар ота Совет ҳукумати учун қурол кўйтрган ўзбек аёлларидан Маърифатхон воқеасини эшитгандан бери унинг қабрини

зиёрат қилиш ниятида юрган эди. А. Қахҳор, Хотинлар.

◆ **Бери қарамоқ** тузалиш томонига ўтмоқ, яхшиланмоқ (беморнинг аҳволи ҳақида). *Беморнинг аҳволи сал бери қаради. Ингламоқдан бери бўлмоқ* йиғлагудек бўлмоқ. *Отам тайёрланган узангиларини бозорда эртдан кечгача сарғайиб кўтариб юриб, сота олмасдан ҳовлига қўллари қуруқ (ҳолда) йиғламоқдан бери бўлиб қайтар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнинишлари. Нарӣ олиб бориб, бери олиб келмоқ қ. нари.*

**БЕРИГА** с. т. айн. **бери 2.** Қамалган кунимдан берига ундан хабарим йўқ, тақсир! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**БЕРИГИ** Сўзловчига ёки сўз бораётган ерга яқинроқ жойлашган. *Бериши уй. Самарқанддан бериги станция. — Мусулмонқул Чирчиқ бўйига келиб етганда, Қушбеги бошиқ Тошкент йиғитлари ҳам сувнинг бериги юзида ёв қутиб турган эдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**БЕРИДА** кўм. (ч. к. билан) Сўзловчига ёки сўз бораётган пайт ёки ўринга яқинроқда. *Рўпарада Чотқол тоғлари, ундан бериди эса, .. бирин-кетин баландлашиб кетган гўмбаз-гўмбаз қирлар. П. Турсун, Ўқитувчи. Мاستон юқориюққа чиқиб дашт томонга қаради. Уфқдан бериди ўрғимчақдай ўрмалаб арава келар эди. А. Қахҳор, Мастон.*

**БЕРИЛГАН 1** берилмоқ фл. сфдши. Диплом ўрнига берилган справка. *Берилган сон. Берилган вақт.*

**2** кўчма Бирор кимса ёки нарсага ихлос қўйган, муҳаббат боғлаган, содиқ, Фанга берилган одам. *Музыкага берилган ёшлар. | салб. Бирор нарсага майл қўйган, ружу қилган, ўрганган, ўч. Пулга берилган одам. | Фикри-зикри бир нарса билан банд бўлган, чулганган. Башорат унинг катталарга ўхшаб ҳаёлларга берилганини кўриб, қадамни секинлатди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БЕРИЛГАНЛИК 1** берилган **2** с. белги оти. *Китобга берилганлик. Музыкага берилганлик. Ҳаёлга берилганлик.*

**2** Садоқат, содиқлик.

**БЕРИЛИШМОҚ** берилмоқ фл. бирг. н. *Улар ўқишга берилишган.*

**БЕРИЛЛ [р<ерек]** Силникатлар группасига кирадиган минерал.

**БЕРИЛЛИЙ [р<ерек]** хим. Кумуш ранг, енгил, эриши қийин металл.

**БЕРИЛМОҚ 1** бермоқ **1, 2, 4—6** фл. мажҳ. н. *Хат эгасининг ўз қўлига берилади. Қолхоз ихтиёридаги ерлар уларга абадий фойдаланиш учун берилади. Ёзма ишга бир соат вақт берилади. Китоб уйга берилмайди. — «Обдан чиниққан йиғит, унга берилган оёқат беҳуда кетмайди» деб ўйлади у. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-суоқ берилди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**2** Баъзи отлар билан қўшма феъл

ясайди, мас. *жавоб берилди, хабар берилди, сўз берилди, команда берилди, ном берилди.*

**3** Бирор кимса ёки нарсага ихлос, муҳаббат қўймоқ, садоқат боғламоқ. [*Хўжаев:*] *Қайси кўзим билан кўрай. Ҳалиги нотиқ ўзимизнинг Шукрулло афанди экан. Наҳотки, у киши шу қадар берилиб кетган деб ўйладим.* **3.** Саид, Н. Сафаров, *Тарих тилга кирди.* | Бирор нарсага майл қўймоқ, ружу қилмоқ, ўрганиб, ўч бўлиб кетмоқ. *Музыкага берилмоқ. — Айта қолинг, Авлиёта қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а. Ойбек, Қутлуғ қон. | Чўммоқ, ботмоқ, маҳлиё бўлмоқ. [Гулнор] ўзининг парижон ҳаёлига берилиб, кимсасиз ҳовлида кеза бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Агар биз камчиликларимиздан бевоқифа кўз юмиб, яшасинчилик кайфиятларига берилиб кетадиган бўлсак, хато қилган бўламиз. А. Қахҳор, Нутқ.*

**4** Бўш келмоқ; таслим бўлмоқ. *Отабекнинг бу мактуби .. ўзининг осонлик билан рақибга берилмаслигини сўзлар эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**БЕРИЛУВЧАН 1** Бирор нарсага тез бериладиган, майл қўядиган; ўзини, нафсини тия олмайдиган. *Ёмон таъсирга берилувчан бола.*

**2** мед. Юқумли касалликларга мойил; касалликка унча қаршилиқ кўрсата олмайдиган. *Берилувчан организм.*

**БЕРИЛУВЧАНЛИК** берилувчан с. белги оти. *Организмнинг берилувчанлиги. — Тана тежматурасининг пайсийиши организмнинг тириклик фаолиятини заифлаштиради, касалликларга берилувчанликни оширади. «Анатомия».*

**БЕРИШМОҚ бермоқ 1, 2, 4—6** фл. бирг. н. *Уйлашга ҳам вақт беришмади. Сизга яхши маслаҳат беришибди. — Севинганларига, кўнгли беришганларига беш йил тўлиб, олаинчи йил тугай деб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**БЕРК 1** Бекитиб, ёпиб ёки тўсиб қўйилган, ёпиқ. *Дарвоза берк. Уй берк. Йўл берк. Чегара берк. — Шаршатнинг йўли кўп, биттаси берк бўлса, ўнтаси очиқ. А. Қахҳор, Қўшчинор.*

**2** Усти, бир ёғи ёки ҳамма ёғи ўралган, ёпилган. *Усти берк йўлак. Усти берк арава. Берк машина.*

◆ **Боши берк кўча** йўл, илож топиш қийин, мушкул аҳвол. *Илмиз тажриба — боши берк кўча. П. Турсун, Ўқитувчи. Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**БЕРЛИ** эск. айн. **бери 2.** *Бу йил ўқиш бошлангандан берли нечта «аъло» баҳо олдинг? А. Қахҳор, Айб кимда?*

**БЕРМОҚ 1** Қўлига тутқизмоқ; қўлига ёки ихтиёрига топширмоқ. *Қўлингиздагиларни менга бер. Хатни эгасига бердим. Берганнинг бетига қарама. Мақол. Олмақнинг бермоғи бор. Мақол. — Мактубни ёнидагига берар экан, Қушбегига деди. — .. Бу хат тошкентлик Юсуфбек тўғрисидаги*

фикримизни тамом ўзгартадир, тақсир! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**2** Таъмин этмоқ, эҳтиёжини қондирмоқ. *Экинга сув бермоқ. Ерга ўғит бермоқ. Молларга хашиқ бермоқ. Қуришга материал, маблағ бермоқ.*

**3** Маҳсулот етиштирмоқ; тайёрлаб, етказиб турмоқ, ўз маҳсули билан таъминламоқ; натижа келтирмоқ. *Бу халқ хўжалигига нима беради? Зотли сизгилар йилга 4000—5000 литр сўт беради. Қишлоқ хўжалиги аҳолига озиқ-овқат, саноятга хом ашё беради. — Этак-этак пахтани икки қўллаб терганман. Гектаридан юз-юзлаб Пахта берай деганман. «Кўшиқлар».*

**4** Бирор муассасага киритмоқ, ўрнатишмоқ. *Болаларни боғчага бердик.*

**5** Бахш этмоқ, бағишламоқ; бирор тус, қўрилиш, кайфият ва ш. к. хосил қилмоқ, киритмоқ. *Музыка дилларга ором беради. — [Нури] Гулнор тўғрисида сўзлаганда товушига сирли оҳанг берди. Ойбек, Қутлуғ қон: [Отабек] киртайган кўзига куч билан кулиги туси берди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Унинг [Кумушининг] нафис ҳора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**6** Нашр этиладиган нарсага киритмоқ; босмоқ, эълон қўлмоқ. *Мақоланинг давомини журналнинг келаси сониди берамиз. | Эшиттирмоқ; кўрсатмоқ. Концерт бермоқ.*

**7** Айрим отлар билан қўшма феъл ясайди, мас. *аҳамият бермоқ, бой бермоқ, бўй бермоқ, жавоб бермоқ, жон бермоқ, кун бермаслик.*

**8** Қўмакчи фл. вазифасида «(и)б аффиксли равишдош шаклида етакчи феъл орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг биров учун бажарилганлигини билдиради, мас. *ўқиб бермоқ, ёзиб бермоқ, олиб бермоқ. — Сиз Олтин юлдузни қандай қилиб олансиз? Шуни айтиб берсангиз. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. Хадича хола, болалик чоғидингиз сингари, унинг [Сидиқжоннинг] белиги нон тугиб берди. А. Қахҳор, Қўшчинор.*

**9** Қўмакчи фл. вазифасида «(и)б аффиксли равишдош шаклидаги етакчи феъл орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг давомийлиги ёки тақрорийлигини билдиради, мас. *у ўқий берди, мен сўрай бердим. — Душман рўпарадан ҳужум қилиб қайта-қайта қанғишари ёрила бергандан кейин найранг ишлатмоқчи бўлди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. — Ҳўп майли, — деди Ўрмонжон, — бўлар иш бўлиб ўтипти. Энди бемалол, беҳавотир ишлай беринг. А. Қахҳор, Қўшчинор.*

**10** Етакчи феъл сифатида қўшма феъллар таркибига кирди, мас. *бериб тур, бера тур, бера қол. — Тўхташ қаёқда дейсиз, қайрилиб ҳам қарашмайди, — деди майсазорга бағрини бериб ётган йўғон гавдали солдат. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. Қўзатувчи душман позициясига мумкин қадар*

яқинроқ бориб, снарядларнинг қаерларга тушайтганини кузатади ва телефон орқали батареяга хабар бериб туради. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**БЕРТОЛЕ** [р бертолетов]: Бертоле тузи хим. садаф каби товланадиган порошок; калий хлорат (медицинада дезинфекция учун ва техникада портловчи моддалар тайёрлаш учун қўлланилади).

**БЕРУХСАТ** [ф-т+а] рви Рухсат олмай, сўрамай ёки рухсат берилмагани ҳолда; рухсатсиз. *Берухсат кириш мумкин эмас. Мендан берухсат кетманг.* || *Берухсат ов.*

**БЕРЧ** Қаттиқ резина кабн дағал, эзилмайдиган, чайнаб ёки пишириб бўлмайдиган. *Берч лой. Берч нон. Олманинг берч жойи.*

**БЕСАБАБ** [ф-т+а] айн. сабабсиз. *Бесабаб оёққа тикан кирмас. Мақол. — Юзингдан олар беадаб, Ишдан қолар беабаб. «Қўшиқлар».*

**БЕСАБР** [ф-т+а] Сабри, тоқати йўқ, чидасиз, тўзимсиз. *Бесабр бола.* || *Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оғидан йитар.* Мақол. **БЕСАБРЛИК** 1 *бесабр с. белги оти.*

2 Сабри, тоқати йўқ, тўзимсиз одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Бесабрлик қилмоқ. Бесабрлик билан кутмоқ.*

**БЕСАНОҚ** айн. санақсиз.

**БЕСАР** [ф-т]: бесар бўлмоқ бесаранжом бўлмоқ, тинчлигини, ҳаловатини йўқотмоқ; издан чиқмоқ. **Бесар қилмоқ** (ёки **этмоқ**) бесаранжом қилмоқ, тинчлигини, ҳаловатини бузмоқ; издан чиқармоқ.

**БЕСАРАНЖОМ** [ф-т] 1 Саранжом топмаган, саранжом-сарништа қилинмаган; айқаш-уйқаш, бетартиб. *Бесаранжом ўй.* || *Ойхона доим бесаранжом.* — Болаларнинг ўйинчоқлари, китоб, газеталар билан бесаранжом бўлган хонада бир аёл ётарди. С. Зуннунова, Қанот.

2 Саранжом-сарништаликни билмайдиган; пала-партиш, бетартиб иш, рўзғор тутадиган. *Бесаранжом хотин.*

3 Ҳаяжонга келган, ташвишда қолган, изтиробга тушган; ташвишли, изтиробли, бетинч, безовта. *Мўйлов бесаранжом кўзларини жовдираптиб, дарров гапира олмади. С. Аҳмад, Чўл шалолари. Сержант ишонмади. Чунки уларнинг турки бузуқ, ҳаракатлари бесаранжомроқ эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Чол бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак тера бошлади. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.* || *Мулла Абдурахмон .. манглайидаги терини артиб, бесаранжом аҳли мажлисга қараб чиқди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**БЕСАРАНЖОМЛИК** 1 бесаранжом с. белги оти.

2 Нотинчлик, безовталиқ, тартибсизлик; изтироб, ташвиш. *Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайғуси билан асабийлашган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Татьяна Ҳай-*

дарнинг авзойида қандайдир бесаранжомлик борлигини сезди. И. Раҳим, Ихлос. *Мадамин, мана энди бу кунги бесаранжомликдан фойдаланиб, қоронғи тушиши биланоқ Олахўжайниқига кириб келди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БЕСОҚОЛ** 1 сфт Ҳали соқол-мўйлови чиқмаган, ёш. *Кунг урча қаноти кундиган чўлларда .. бесоқол болам йўл бўлсин?* «Кундуз билан Юлдуз».

2 от, этн. Бачча вазифасида сақланган, ҳали соқоли чиқмаган чиройли бола. *Муллаларнинг талаш, вақф, масжид, тўй оши, Бесоқолдир ўйнаши, йўгла миллат, йўглайлик. Ҳамза.*

**БЕСОҚОЛБОЗ** Бесоқол сақловчи; баччабоз.

**БЕСОҚОЛБОЗЛИК** Бесоқол сақлаш; баччабозлик.

**БЕССЕМЕР** [р]: Бессемер процесси бессемерлаш усули билан пўлат олиш процесси. **Бессемер конвертери** Бессемер процесси амалга ошириладиган аппарат. **Бессемер пўлати** бессемерлаш йўли билан олинган пўлат.

**БЕССЕМЕРЛАШ** тех. Эриган чўян орқали ҳаво ёки кислород ўтказиб унинг ортиқча углеродини куйдириш йўли билан чўяндан пўлат ҳосил қилиш.

**БЕСЎНАҚАЙ** 1 Ҳаддан ташқари катта, қўпол, қовушмаган. *Бесўнақай айиқ. Бесўнақай қўллар.* — [Тиллабой] .. *суяги йўғон, семиз, кўзлари қисик, бесўнақай кимса эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Поводин суега тикилиб, аксини кўрган, дарҳол орқага чекинди. «Роса семириб, бесўнақай бўлман», — деди норозилик билан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.* | *Ишга қовуша олмайдиган, ҳаракатлари келишмаган, қовушмаган.* || *Тўхтасин .. узун қўлларини қўйишга жой тополмагандай бесўнақай ҳаракат қилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Ҳаддан ташқари кўрimsиз, бичими, дўхти келишмаган; беўшшов. *Унинг [Полвоннинг] кўзи олдида Умарбекнинг бесўнақай башараси гавдаланди. С. Аҳмад, Қадрон далалар. Унинг [Қобилхонинг] бошида эскирок кўк кепка, шу рангда узун енгил пальто, оёғида эса катта, бесўнақай кирза этик. Б. Даминов, Одамдан яхши ном қолсин.* || [Поччамнинг] бошида бесўнақай ўралган қўпол салла. Ойбек, Болалик.

3 Ҳаддан ташқари беаъни, келишмаган, ҳеч қандай чегарага сикмайди; дағал, қўпол. *Бесўнақай гап. Бесўнақай тактика.*

**БЕСЎРОҚ** рви 1 Рухсат олмай, сўрамай ёки рухсат бўлмагани ҳолда; сўроқсиз, рухсатсиз. *Бу бефаҳм .. Шеров мендан бесўроқ иш қилмайди, деб вақти чоғ. А. Қахҳор, Сароб.*

2 с. т. Терговсиз, тергов қилмайнетмай. *Бесўроқ қамоқда этмоқ.*

**БЕТ** 1 Одам бошининг олдинги қисми; юз, афт. *Бети юмалоқ қиз.* — *Унинг [қизининг] бетидоғи қуюқ қора қоши, қорачиғи, йирикдан келган ўйноқ кўзлари Элмурода Мухаррамни эслатди. Шухрат, Шинелли йиллар. Опық,*

*узунчоқ, юзда хиёл туртиб чиққан бет суяклари ялт этиб кўринди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Тўламат мўйловнинг севинчи бетига қалқиб чиқди. С. Анорбоев, Оқсой. Гўё бу сеҳргар чол ҳамма сирни бетдан ўқиб олар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уч-тўрт кундан буён уларнинг авзойи бузуқ эди, бетларидан заҳар томар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Юзнинг ёноқдан ияккача бўлган икки томонидан ҳар бири. *Икки бети қип-қизил олмайди.* — *Ольга Петровна қизалоқни ўнг бетидан ўйиб: — Сенинг отанг уста Баҳромми? — деб сўради. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

3 Бирор нарсанинг беткай, сирт томони, сирти, юзи. *Кўёи бетидоғи доғлар.* — *Ернинг бети сергиб, тобига келиши билан чигит экишга киришувимиз керак. Н. Сафаров, Ҳадича Ахророва. Ҳовуз бетига кумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илби кета бошлади. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар. Яхши қатиқнинг бети қаймоқдай бўлади-ку! А. Қахҳор, Икки ёрти—бир бутун.*

4 айн. саҳифа 1. *Газетанинг тўртинчи бети.* — *Ойқиз .. бир бет қоғозга нималарнидир ёзиб, Назокатга узатди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

5 Чет, қирғоқ; соҳил. *Буларнинг савол-жавоблари тугамай, кўча бетларидоғи бошқа эшиклар ҳам ғит-ғит очила бошлади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Салорга яқинлашганда, сувнинг нариги бетидан хотинларнинг товуши келди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

6 Тиф, дам. *Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади. С. Анорбоев, Оқсой.*

◆ **Бети йўқ** уятти, ор-номуси йўқ, юзсиз. *Элга қўйилганининг кўнгли тўғ, элдан ажраганининг бети йўқ. Мақол. Бети қалин (ёки қаттиқ) гап юқтирмайдиган, сурбет. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузурни. Мақол. — Умид қилма энди сугу қатиқдан, ўреилдим-ку сендек бети қаттиқдан. А. Пўлат. Бети қора киши ёки эл олдида уятга қолган, юзи шувут. Бадфёълнинг бети қора. Мақол. Қайси (ёки қандай) бет билан қандай қилиб, уялмай-нетмай (нижолатли, уятли иш содир бўлган ҳолларда ишлатилади). Акам — жигарим. Суюнаман! Лекин .. энди унга қайси бетим билан рўпара бўламан! А. Қахҳор, Қўшчинор. Бет чидамайди уяласан, номус қилсан киши. Ҳа деб гап эштавершига бет чидамайди. Бети курсин! қарғ. Ўлсин!, қуриб кетсин! Бетга айтмоқ бирор гапни кимсага, тортинмай, шарт гапирмоқ, шартта айтмоқ. Бетга айтганининг заҳри йўқ. Мақол. Бетга чопмоқ бетига (ўзига) айтмоқ, юз-хотир қилмай тик айтмоқ. Бетига оёқ кўймоқ қ. оёқ. Бетига қарамай ҳисоблашмай. Пулнинг бетига қарамай сарф қилмоқ. ... бетини кўрмаган ҳеч кўрмаган, бошдан кечирмаган ўзи нима эканлигини билмайдиган. Эсини танигандан буён*

хаста бўлмаган, табиб бетини кўр-маган Йўлчи. Ойбек, Қутлуг қон. **Бетини юлмоқ** дод-фарёд солмоқ. *Онам ёнимга келиб, бетини юла бошлади. «Нима бало қилдинг; жувонмарг? Энди эл-юрт олдига қандоқ тирик юрамиз».* П. Турсун, Уқитувчи.

**БЕТА** [p<грек] Грек алфавитининг иккинчи ҳарфи ва шу ҳарфининг номи.

◆ **Бета-нурлар** физ. радиоактив моддалардан отилиб чиқадиган, электрон ёки позитронлардан иборат нурлар.

**БЕТАВФИҚ** [ф-т+а] I Динга, диний ақидаларга, худога ишонмайдиган, тавфиқи, имони йўқ; мункир, муртад. *Қалима келтир, бетавфиқ!* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *кўчма* Беҳаё, шармсиз; уятсиз, виждонсиз. *Мард йигитнинг номусори бўлади. Юлдуз ойни ерим дема бетавфиқ.* «Кундуз билан Юлдуз».

**БЕТАЙИН** [ф-т+а] I Аниқ, тайинли бўлмаган, номалъум, нотайин. *Ғулмжон ҳушига келди. Уни энди бетайин бир кўрқув ҳушига келтирган эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Йигитманки, тавоққалини қилман, Бетайин юртларга кетиб бораман.* «Муроджон».

2 Тутуруғи, бурди йўқ, бир зайлда, бир гапта турмайдиган; беқарор, қарорсиз. *Бетайин одам.* — Умарали .. қисқа вақт ичида ўз ҳаётида юз берган ўзгаришларни эслади, кейин Ғозининг бетайин турмушини кўз олдига келтирди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Таги пуч, асоссиз, беҳуда. *Бетайин гап.*

4 Мужмал, муҳмал, дудмол, *Бетайин жавоб.*

**БЕТАКАЛУФ** Ортиқча такаллуфни, мулозаматни ёқтирмайдиган ёки такаллуфни, мулозаматни билмайдиган; содда, оддий, камсуқум. *Бетакалуф одам.* | Ортиқча такаллуфдан, мулозаматлардан холи, ўзини оддий тутиб қилинган. *Булар орасидаги бетакалуф муомала ва муносабатга одамлар ўрганиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.* || *Ҳабиб бу йигитлар билан бетакалуф кўришиб чиқди. Ҳ. Аҳмар, Қям ҳақ?*

**БЕТАМИЗ** [ф-т] Тамизи, дид-фаросати йўқ, ўз тамизи, ақли, фаросати билан бир иш қилолмайдиган; бефаҳм, бефаросат. *Бетамизда бет бўлмас, безориди уят бўлмас.* Мақол. *Ҳузур-ҳузур бетамизлики.* Мақол. — *Ҳа, бетамиз, юз ювмасдан салом берасанми? Ойдин, Ҳикоялар.*

**БЕТАМИЗЛИК** I бетамиз с. белги оти. *Меҳмоннинг қизарганини пайқаган кекса бой ўз хотинининг катта оғиз ва бетамизлигига аччиланиб, юзини тескари бурди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бетамизларга хос иш, хатти-харакат, қилиқ. *Улар очофатларча кўп овқат есалар ҳам, қанча бетамизлик қилсалар ҳам, ҳеч ким индамасди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**БЕТАРАФ** [ф-т+а] Ҳеч қайси томонга ён босмайдиган, қўшилмайдиган;

халис, нейтрал. *Бетараф мамлакатлар. Бетараф зона* ҳеч кимга қарашли бўлмаган, нейтрал зона.

**БЕТАРАФОНА** [ф-т+а+ф-т] рвш, кам қўл. Ҳеч қайси томонга ён босмай, қўшилмай; халис, нейтрал ҳолда.

**БЕТАРТИБ** [ф-т+а] I Тартибга солинмаган ёки тушмаган, ўлда-жўлда, айқаш-уйқаш бўлиб ётган; тартибсиз ҳолдаги. *Бетартиб хўжалик.* || *Қўра этагидаги девор устига бетартиб шох ёйган қора тол зулмат қўйнида ҳаёлий шарталарни эслатади. Ҳ. Ғулум, Машғал.* | Тартибга бўйсунмаган ёки бўйсундирилмаган, боши-кеги, тартиби йўқ; пойма-пой. *Бетартиб гап.*

2 Тартибга риоя қилмайдиган тартиб-интизомни билмайдиган, тартибни бузувчи; бетартиб. *Бетартиб бола.*

**БЕТАШВИШ** [ф-т+а] I Ғам-ташвишни билмайдиган, ҳеч ғами, ташвиши бўлмаган. *Гулга, нурга бурканган хийбонларда бахтиёр, беташвиш одамлар орасида чарчагунларича [Набижон билан Муборак] юришди. С. Зуннунова, Қанот.*

2 Ғам-ташвишсиз, бошга ғам-ташвиш солмайдиган; осойишта, тинч. *Беташвиш иш.* || *Тун беташвиш ўтди.*

— *Аваллага секин бошланган, кишининг беғам, беташвиш ишх кунларини эслатадиган куй, бориб-бориб жуда авжига чиқиб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**БЕТАЪЛИМ** [ф-т+а] Таълим олмаган, тарбия кўрмаган; тарбиясиз. *Бетаълим бола.*

**БЕТАЪСИР** [ф-т+а] I Тайинли маъноси, мазмуни йўқ; бемаъни, бемаза; сийқа. *Бетаъсир гап.*

2 Гап таъсир қилмайдиган, териси қалин ва бетаълим. *Бетаъсир одам.*

**БЕТАҲЛИКА** [ф-т+а] Бошга таҳлика солмайдиган; таҳликасиз, хавфхатарсиз, тинч. *Бетаҳлика иш.* || *Кун бетаҳлика ўтди.*

**БЕТАҲЧОПАР** Уят-андиша қилмай, тортинмай тик бетга айтувчи. — *Агар боланинг руҳи синмаса, шунақа бетгачопар, .. бўлади, — деди [Акбархўжа].* П. Турсун, Уқитувчи.

**БЕТЕРГОВ** с. т. Терговсиз. *Бетергов ётмоқ.*

**БЕТИМСОЛ** [ф-т+а] Тимсоли, мисли йўқ; мислсиз. *Бир ёнда ҳаёлий Эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг Ватаним. А. Орипов.*

**БЕТИНИМ** I Тинмай иш қиладиган, уриниб, елиб-югуриб юрадиган; тинимсиз, серхаракат. *Бетиним аёл.* — *Жуда бетиним одам экансиз. Нега мунча оворагарчилик! Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Узлуксиз, тўтовсиз, давом этадиган, тағмайидиган, тинимсиз. *Бетиним ёмғир. Қишлоқ комсомоллари ҳаммадан кўра бетиним ишлардилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**БЕТИНЧ** Тинчлиги, осойишталиги йўқ, ҳаловати бузилган; ташвишли, безовта, нотинч. *Бетинч вақт. Бетинч тур. Бетинч уйку.* || *Тун бетинч*

*бўлди.* — *Эл бетинч, одамларнинг юзлари ғамгин, суҳбатлари серташвиш эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Халқ жуда бетинч бўлган дейишади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**БЕТКАЙ** I Бети, олди, сирт томони кузагувчига ёки бирор нарсага қараган. *Кун[га] беткай жойда бўлгани, адир шабадасига кўндаланг тургани учун бу ер доимо қақраб ётади.* И. Раҳим, Хаёт булоқлари.

2 *диал. айн. бет* 3. *Гулзорнинг ўна беткайида ўтирган оқ яқтаклик кишилар .. ичида ҳам Баҳорнинг кутган кишини йўқ эди.* М. Алавия, Севинчларим.

**БЕТЛАМОҚ** I Ботиниб бетма-бет, рўпара бормоқ, ботинмоқ, журъат қилмоқ. *Унга ҳеч ким бетлай олмайди. Юраги бетламади журъат қилиб, ботиниб бормади, рўпара кела олмади. Сувонжон дарчаси боққа қараган уйга киришга юраги бетламай, бир дам туриб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**БЕТЛАМОҚ** II Бетларни, саҳифаларни номерламоқ, бетларга, саҳифаларга номер қўймоқ. *Қўлёзмани бетлаб чиқдим.*

**БЕТЛАШМОҚ** I бетламоқ I *фл. бирг. н.*

**БЕТЛАШМОҚ** II бетламоқ II *фл. бирг. н.*

**БЕТЛАШТИРИЛМОҚ** бетлаштирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**БЕТЛАШТИРМОҚ** бетлашмоқ I *фл. орт. н.*

**БЕТМА-БЕТ** *айн. юзма-юз. Бетма-бет келиб гаплашмоқ.*

**БЕТОБ** [ф-т] Бирор касаллик билан оғриган; касал, бемор. *Бетоб, дармонсиз Гулнор... офтобда қуриган бир қучоқ ёзлик кийимларни алақаёқдан йиғиштириб келар эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**БЕТОБЛИК** бетоб с. белги оти.

**БЕТОН** [p<фр] Цемент, қум ва шалғани сувга қориб тайёрланган қурилиш материали. *Бетон қормоқ, Бетон қорадиган машина.* — *Кеча .. ишчилар ГЭС пойдеворида бетон қуйиб, станция деворини тиклаб бўлдилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БЕТОНЛАМОҚ** Бетон қуйиб ишламоқ, бетон қуйиб мустаҳкамламоқ. *Каналларни бетонламоқ.*

**БЕТОНЛАНМОҚ** бетонламоқ *фл. мажҳ. н.* Бетонланган ариқ.

**БЕТОНЧИ** Бетон қуювчи ишчи. *Бетончилар бригадаси.* — *Ойқиз шағал ва қум уюмларини кўздан кечиригач, майингина сўради: — Бетончилар ҳам борми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**БЕТОҚАТ** [ф-т+а] Тоқати йўқ, сабр-тоқат қилиб, чидам, бардош бериб тура олмайдиган; тоқатсиз, чидамсиз. *Бетоқат одам. Бетоқат қилмоқ.* || *Баъзи бир бетоқатлар кастрель-қошиқларни тақиллатади.* П. Турсун, Уқитувчи. **Бетоқат бўлмоқ** I) сабр-тоқати тугаб, тоқати тоқ бўлиб, ички мувозанатини йўқотмоқ (ички кечинмалар, ҳаяжон, изтироб ва

ш. к.нинг зўридан). Нигоранинг кўз қорачиқлари кенгайди, ҳаяжондан бетоқат бўла бошлади. С. Анорбоев, Оқсой; 2) ортиқ даражада безовта бўлмоқ, ўзини у ёқ-бу ёққа урмоқ, тўлганмоқ (алам-оғриқнинг зўридан). Оёғим оғриб, кечаси билан бетоқат бўлиб чиқдим. ■ Бобоқул ота ётган жойида узоқ йўталди, сўнча ўпкаси қисиб, хириллай бошлади. Бетоқат бўлиб, кўрпани очиб ташлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**БЕТОҚАТЛАНМОҚ** Бетоқат бўлмоқ, тоқат қила олмай қийналмоқ, безовта бўлмоқ. — *Айта қол, ўзи нима гап?* — бетоқатланди Ҳаловат. Н. Орифжонов, Ҳаловат.

**БЕТОҚАТЛАНТИРМОҚ** бетоқатланмоқ фл. орт. н. Тутуннинг ҳиди кашандаларни бетоқатлантирарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**БЕТОҚАТЛИК** бетоқат с. белги оти. Бетоқатлигинг ёмон-да. ■ У [Адолат] Усмоножонни бетоқатлик билан кутар, лекин унинг келишидан кўрқар эди. С. Зуннунова, Гулҳан.

**БЕТСИЗ** Бети, уяти, номуси йўқ; юзсиз. Шу билан нафсларинг ором оладими, қандай бетсиз одамсанлар! Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕТУРИК** Тутуриғи йўқ; тутуриқсиз. Бетутуриқ одам. Бетутуриқ гап. ■ Саккиз йилдан бери суд аппаратида ишлаб, бундай бетутуриқ айблов фикрини .. кўрганим йўқ. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БЕТҲАТОВ** рвш 1 Тўхтаб қолмасдан, тўхтамай, тинмай, сурункасига, тўхтовсиз. Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музади. Орқасидан бир ҳафта бетҳатов қор ёғди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Сўз бораётган оннинг ўзида дарҳол, тез, кечикмай ёки кечиктирмай. Аждажон .. урушга бетҳатов юборилишини кутар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БЕУНУМ** Унум, ҳосил ёки даромад бермайдиган; унумсиз. Беунум иш. Беунум харажатларни камайтирмоқ.

**БЕУСТУХОН** [ф-т] Устухони, суяғи йўқ; суяқсиз. Беустухон бўйит.

**БЕФАЙЗ** [ф-т+а] Файзи, кўрки, илиқ-иссиғи йўқ, кўзни, руҳ-динни қувонтирмайдиган; кўрimsиз, файзсиз, совуқ. Бефайз иморат. ■ Сен ҳам менинг ўғлим тенгисан, ҳовлинг қаровсиз қолиб, жуда бефайз бўлиб қопти. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БЕФАРЗАНД** [ф-т] Фарзанди, боласи йўқ; фарзанд, бола кўрмаган. Бефарзанд одам. || [Ўғилни] бир бефарзандга болаликка бердим. Қаерда бўлса эсон бўлсин. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕФАРСАТ** [ф-т+а] Ақли, фаросати йўқ, унча-мунчага ақли-фаросати етмайдиган; бетамиз. Бефаросат одам. || Ёмон йўлларга бошловчи рафиқа ошондан кеч, Расоларга яқин бўл, бефаросат, норасодан кеч. Ҳабибий.

**БЕФАРСАТЛИК** 1 бефаросат с. белги оти. Кўпчилик бу одамни [Ма-

даминни] «Ариқ оқсоқол», севмаганлар эса, калласининг катталиғи ва бефаросатлиғи учун «Мадамингов» дер эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Бефаросат кишиларга хос хатти-харакат, хислат, бетамизлик. Бефаросатлик қилибман, кечирасиз!

**БЕФАРҚ** [ф-т+а] 1 Ҳар нарсага, ҳар ишга эътиборсизлик кўзи билан қарайдиган; лоқайд, бепарво. Бефарқ, беандиша киши экан-да раис. Ойбек, О. в. шабадалар. || Уларга бамайлихотир, бефарқ анграйиб туриш ҳам хато. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бефарқ қарамоқ 1) эътиборсизлик, бепарволик билан қарамоқ, лоқайд бўлмоқ. «Наҳот эрининг тақдирига шунчалик бефарқ бўлсал!» — кўнглидан ўтди Элмуроднинг, Шухрат, Шинелли йиллар; 2) баравар қарамоқ, тенг кўрмоқ.

2 Яхши-ёмоннинг, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиган. Қир ва ифлос бўлиб юрвчи бефарқ одам ўзи учунгина хавфли эмас, балки бошқаларни ҳам хавфга дучор қилади. «Анатомия». | кўчма Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган; нопок. || Жонларидан тўйган кишилардек, ўлиш ё қолиши бефарқдек безрайиб тураган халқ орасида жонланши бошланди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕФАРҚЛИК** бефарқ с. белги оти. Ускуналардан мана шу равишда бефарқлик билан фойдаланиш ҳақиқатда корхоналаримизнинг ишлаб чиқариш имкониятларини камайтириб юборади. «Қ. Ўзбекистон», 1940, № 10.

**БЕФАҲМ** [ф-т+а] Тезда фаҳмлаб ололмайдиган, унча-мунчага фаҳми етмайдиган, калтафаҳм, фаҳми йўқ. Бефаҳм киши.

**БЕФАҲМЛИК** 1 бефаҳм с. белги оти. Бундай жинояткорона бепарволик қилишга .. ўзимнинг ёўллим, бефаҳмлигим сабаб бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Бефаҳм одамларга хос хатти-харакат, хислат. [Абдумажид] жуда катта бефаҳмлик қилдим-да, деди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**БЕФИРҚА** [ф-т+а] эск. Фирқага аъзо бўлмаган; партиясиз.

**БЕФОЙДА** [ф-т+а] Фойда, даромад келтирмайдиган; фойдасиз. Бефойда иш. || Бефойда ўтган умр.

**БЕХАБАР** [ф-т+а] 1 Хабардор бўлмаган, хабари йўқ; воқиф эмас, хабарсиз. Беҳабар қолмоқ. ■ Ҳаётин бундан беҳабар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Учқун ойисининг бошига тушган мусибатдан беҳабар. Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Маълумоти йўқ, билими бўлмаган; билимсиз. Адабиётдан беҳабар киши.

**БЕХАВОТИР** [ф-т+а] Хавотирликка солмайдиган, ҳеч хавотирланмаса ҳам бўладиган; осойишта, тинч. Беҳавотир жой. || Беҳавотир ухламоқ. Тўғри бўлинг, беҳавотир бўласиз. Мақол. ■ У ер иссиқроқ, беҳавотирроқ микан дейман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕХАРХАША** [ф-т] Хархашсиз,

бежанжал, жанжалсиз, тинч. Беҳархаша бола. ■ Турсуной нима қилсин? Машинани ташлаб, бежанжал, беҳархаша .. қўл теримизга қайтиб кетсинми? И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**БЕХАТАР** [ф-т+а] Хавф-хатардан холи, зён-захмат етказмайдиган, қўрқинчсиз. Беҳатар йўл. Беҳатар жой. Сафарингиз беҳатар бўлсин. || Довондан ўтиб олишса, у ёғи осон. Катта тош йўлга! чиқишади-ю, шаҳарга беҳатар етиб олишади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕХАТО** [ф-т+а] 1 Хатоси, янглиш ери йўқ, хатолардан холи; хатосиз. Беҳато текст. || Беҳато ёзмоқ. ■ Жўрақул ўз расчётдади артиллериячиларга душман танкларини беҳато уриб ёндириш усулларини ўргатар эди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

2 қ. х. Ора-сира унмай қолган ери йўқ. || Анорхоннинг гўзаси .. тамоман беҳато униб чиқди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БЕХИРАД** [ф-т] эск. кт. Ақли йўқ; беақл, ақлсиз, бетамиз. Беҳирадлардан жаноби тождорларга ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕХИСЛАТ** [ф-т+а] Ижобий хислатларга эга бўлмаган, яхши хислати йўқ. Беҳислат одам. ■ [Мастура Мирзақарима:] Ҳар бало бўлсам, шу сафаргиси бошқа жойда бўлсин! Жудаям беҳислат тушлар кўряпман. Ҳамза, Холисхон.

**БЕХОС** [ф-т+а] айн. бехосдан.

**БЕХОСДАН** рвш 1 Қутмаганда, куттилмаганда, тўсатдан, қўққисдан. Назокат бехосдан берилган бу сўроққа жавоб беришга ўнғайсизланиб, узоқда сарғайиб тураган адирларга тикилди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Ғайрихитобий равишда. Ичкарида гап тугаб, маънос сукунат биланган, Элмурод бехосдан қичқириб юборишдан кўрққандай қўли билан оғзини босиб, ёни-верига аланглади. П. Турсун, Уқитувчи.

**БЕХОСИЯТ** [ф-т+а] 1 Ижобий хосиятларга эга бўлмаган, хосияти йўқ; ёмон. Беҳосият одам. ■ Болаларим, асти шамани ютманлар, кўп бехосият нарса бўлар эмши. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ёмонлик келтирадиган, номуборак.

**БЕХУД** [ф-т] Ўзидан кетган, хушсиз. Гоҳ худ, гоҳ бехуд қ. худ. Бехуд бўлмоқ ўзини ёмон хис этмоқ, бехузур бўлмоқ. Уша ерда мен жуда ҳам бехуд бўлиб, ўзимдан кетдим. Ф. Фулом, Шум бола.

**БЕЧИЗ** [ф-т] кам. қўлл. айн. бежиз. Ҳоким тўранинг келиши бечиз эмас! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЕЧИҚИМ** Чиқим, харажат талаб қилмайдиган; чиқимсиз.

**БЕЧОРА** [ф-т] 1 Моддий аҳволи танг, муҳтожликда кун кечирувчи; камбағал, қашшоқ. Қуёв танлаш ке-



рак. Бойми, бечорами, иш қилиб, рўзгор машаққатини елкасидан узмайдиган бир одам бўлса, тўйни бошлармиз, сабр қил. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Мушкул ва аянчли аҳволга тушиб қолган, ноилжликдан нима қиларини билмай қолган; чорасиз, иложсиз. [Жамила ўз-ўзига:] Бечора Гулбахор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик. Ҳамза, Бой ила хизматчи. || [Йўлчи:] Мана улар: деҳқонлар, коранда чоракорлар, ишчилар, зулм оловида суюқларига қадар ёнаган бечоралар ва уларнинг оналари, оталари. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Аянч, ачиниш билдиради; маъно жиҳатидан «боёқиш», «шўрлик» сўзларига тўғри келади. Бу фожиадан .. уста Олим, «вой бечора-бечора» дер эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЕЧОРАЛИК** бечора I с. белги оти.  
**БЕЧОРАЧИЛИК** I Мухтожликдаги ҳаёт; камбағаллик, камбағалчилик. *Большевиклар партияси. Абдурастулга бойлар зулмидан, дарбадарликдан, бечорачиликдан, эзилишдан чинакам қутулиш йўлини .. кўротади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзимга муносиб йишга тегиб, бечорачилик билан бўлса ҳам, тинч кўнгли билан умр кечиришни истар эдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Мухтожликдаги ҳаёт ташвишлари, уринишлари; фақирона тирикчилик. *Хаво қизиб, деҳқончилик ишлари бошланса, бир таноб ери бор қосиблар ўз бечорачиликларига чиқадилар ва бой акамнинг ишлари қолади.* Айний, Қуллар.

**БЕЧОРАХОЛ** [ф-т+а] айн. бечора I. Бечорахол одам.

**БЕШ** I I снқ сон 5 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Беш киши. Беш килограмм олма. Беш карра беш — йигирма беш.* ■ *Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Беш балли баҳо системасида энг юқори, аъло баҳо. *Математикадан беш олдим. Унинг аттестатида нуқул бешлар.*

◆ **Беш кунлик дунё қ. кунлик.** **Беш қўл баравар** эмас ҳамма бир хил эмас, бирдек эмас.— *Беш қўл баравар эмас,— деди Ҳакимбойвачча, биров олим, фозил бўлади, биров мардикор, ҳаммол бўлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Иши беш с. т.** иши жуда яхши, иши жойнда. *Пухтанинг иши беш.* Мақол. ■ *Ефим тоға билан мактаб қурилишида ишлайтган Қўзибойнинг дадаси «Ҳорманлар устакорлар»,— деб келиб, «сепоячиларнинг ишини бир рав кутатишди,— «бу ишларингиз беш».* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Беш кетмоқ с. т.** 1) пирра (қарта) ўйинида беш очко олмоқ; 2) ганин ёки ишни ўринлатиб, рақибни лол қилмоқ, ҳаммани қойил қолдирмоқ. **Беш қўлни (ёки бармоқни, панжани) оғзига урмоқ (ёки тикмоқ)** нафсни тия олмай, бирдан

ҳаммасини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилмоқ.

**БЕШ** II [ф-т]: **беш баттар** ўта даражада, жуда; ортиқ (фақат салбий маънода). *Шўхликда сен ундан беш баттар ўтасан.* ■ — *Эй, бечоралар ... Бу шаҳарда биздан ҳам беш баттар камбағаллар борга ўхшайди,— деди Бувинисо оҳ чекиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕШАК** I [ф-т+а] Шаксиз, шубҳасиз.

**БЕШАК** II [ф-т+а] Эртапишар қовунлардан бир турининг номи. *Яна бир бешак ила босволди, Бари сарё билан тўлиб қолди.* Аминзода.

**БЕШАЛА** с. т. Бешов, бештанинг ҳаммаси. *Бешала панжа.*

**БЕШАМАК** қ. х. Ўқ ариқдан сув олиб эглатларга таратувчи ариқча. *Суғоришни бошлашдан аввал участка пухта тайёрланади. Бунинг учун ўқ ариқлар .. тузатилади, қулоқлар мустаҳкамланади, бешамаклар очилади.* Р. Аҳмедов, Ғўзани суғориш тўғрисида.

**БЕШАРМ** [ф-т] I Шарм-ҳаёни билмайдиган, уяти, шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз. *Бешарм одам.*

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган; беадаб. *Бешарм гап.*

**БЕШАФҚАТ** [ф-т+а] Раҳм-шафқатни билмайдиган; раҳмсиз, шафқатсиз. *Бешафқат одам. Бешафқат уруш.* ■ *Бешафқат касал қизнинг ҳуснинигина эмас, ёшилик ғурурини ҳам олиб кетди.* С. Шамсиева, Шифокор.

**БЕШБАРМОҚ** Тўртбурчак шаклида кесилган ҳамир, гўшт ва думба ёғ солиб пишириладиган овқат; шилпилдоқ.

**БЕШБЕЛ** Бели хипча уст кийим. *Зебихон туғундан иккита нарпаша паранжи, бири миср ипидан, бири духобадан тикилган бешбел тўн, бир жуфт эскироқ амиркон маҳси олди.* С. Зуннувова, Гулхан.

**БЕШИК** I этн. Чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун ясалган тўрт оёқли маҳсус мослама. *Қумиқнинг ойи туғмасданоқ у [Ўзбек ойим] бешик ясатиш билан машғул эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳа деганда ухлай бермади.* Х. Фулом, Машғал. *Саломатой .. бешик тебратиш билан банд.* Х. Фулом, Машғал. **Бешик тўйи** болани бешикка солиш муносабати бўлган ўтказиладиган маросим.— *Мушак,— деди Турробжон,— .. Муллажон қози бешик тўйи қилган.* А. Қаҳҳор, Анор. **Бешик кетди айн. бешиккертги.** [Қози Қодирқулага:] *Бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар йил расм-русмларини қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйибди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. || **Бешик асбоб** болани бешикка белаб ва бешикни безатиш учун зарур асбоблар (тўшакча, кўрпача, ёстиқча, қўлбоғ ва ш. к.) мажмуи.

2 *кўча* Бирор нарсанинг, воқеа-

-ҳодисанинг туғилган ери, ватани. *Москвамиз инқилобнинг бешиги; Бахт эшиги — Москванинг эшиги.* Ҳабибий.

◆ **Бешигини тебратмоқ** янги туғилётган нарсани ардоқлаб, вояга етказмоқ. *Уртоқ Гаритов билмидон инженер, мамлакатимизда карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича янги корхона бешигини тебратибганлиги бежиз эмас.* «Қ. Ўзбекистон», 1964, 16 январь. **Сен менинг бешигини тебратганмисан?** Ўзидан каттага бетаккаллуф муомалада бўлган кишига жавобан ишлатиладиган ибора. **БЕШИКАСТ** [ф-т] I Шикаст емаган, зарарланмаган, бутун. *Бешикаст ёшишларни ажратмоқ.* || *Юкларни манзилга бешикаст етказмоқ.* ■ *Султонмурод хумдонга идиш қалаида уста эди.* У қалаан идишлар бешикаст, тиниқ бўларди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

2 Лат емаган, омон, соғ-саломат. || *Уруидан бешикаст қайтди.* ■ *Шофёр машинасини ҳатарли жойлардан ҳам бешикаст олиб ўтди.* П. Қодиров, Эрк. *Елғиз .. ўзи ишча нарсани гумдон қиялти-ю, .. ўзи ҳали ҳам бешикаст юрибди.* «Муштум», 1961, № 9.

**БЕШИК-БЕЛИК** Бешик ва унинг асбоблари, икир-чикирлари.

**БЕШИККЕРТИ** этн. Болани бешикдалигидаёқ унаштириб қўйиш одати. *Турғун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешиккерт» қилиб қўйган.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БЕШИКСЎПОҚ** Бешикда бир вазиёта ётавериб, боши сўпоқ бўлиб қолган. *Бешиксўпоқ бошида сочининг, Қорасидан кўпроқдир оқи.* Мирмуҳсин.

**БЕШИКТЕРВАТАР** зоол. Бешик каби тебранадиган, оёқлари узун, тўғри қанотли ҳашарот.

**БЕШИНЧИ** I тартб сон Тартиб ўрни 5 рақами билан белгиланган, 5 номерли. *Бешинчи ўрин. Бешинчи кун. Бешинчи марта.* ■ *Қолхоз клубининг очилиш маросими бешинчи ноябрь кеч соат саккизга белгиланган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Катта-кичик нарсаларнинг ўлчам номери. *Бешинчи қалиш.* ■ *Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина ишиасидан хира, кучсиз нур сочиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЕШКОКИЛ** этн. Сочни бешта-бешта кокил қилиб ўриш усули ва шу усулда сочини ўрган аёл. *Бешкокил қиз.*

**БЕШКУРАШ** Спортнинг беш турини ўз ичига олган мусобақа. *Бешкурашда терма командамиз ғолиб чиқди.*

**БЕШКЎТАРАР** Қарта ўйинининг карталарни бешта-бешта тарқатиб, бештадан кўтариб ўйналадиган тури.

**БЕШЛИК** I ад. Беш мисрадан иборат бўлган қитъа; мухаммас.

2 Беш кишидан иборат бўлган група. *Бешлик комиссия.*



3 Бешта холи бўлган карта. *Ғиштиннинг бешиги.*

**БЕШМАТ** [ф-т пешбанд] диал. Бели хилча қавима уст кийими. *Қора бешмат. Духоба бешмат.*

**БЕШОВ** жамл. сон Беш киши ёки бешта нарса. *Бешовимиз биргаликда.*  
— *Кўйиш ҳаво билан чулганган жилға этагида бир қора пайдо бўлган эди. У бир нафасда отлик қорасига айланди. Бир зумда икков, учов, тўрттов, бешов бўлишди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БЕШОВЛОН** бирг. сон Беш киши, беш киши бўлиб, беш киши биргаликда.

**БЕШОТАР** Беш ўқли, беш зарядли. *Бешотар милтиқ.* || *Қўлимизда бешотар, Босмачини қирамиз.* «Фольклор».

**БЕШТА** донa сон Беш донa, беш нафар. *Бешта қалам. Бешта нарса. Бешта одам.*

**БЕШТАЛИК** с. т. Беш сўмлик пул.  
**БЕШУРУҒ** Уруғи кам бир нав тарвуз.

**БЕШҚАРСАК** Рақсинг қарсақ чалиб ижро этиладиган бир тури.

**БЕШҚАРТА** айн. бешқутар.

**БЕҲЛЧОВ** Ҳлчови йўқ, ўлчанмаган; ўлчовсиз. *Бейлчов мол.* — *Бойнинг ҳиммати тутиб кетиб, мошхўрдани бейлчов тоғорада олиб чиқиб ўртага қўйди.* Ф. Ғулom, Шум бола.

**БЕҲШОВ** 1 Бичими келишмаган, ўхшови йўқ, бесўнақай ва хунук; рўдапо. *Бейшшов кийим.* — *Бу кун унинг [Ерматнинг] бошида янги, лекин бейшшов дўппи.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ғавдаси, ташқи бичими, кўриши хунук; кўримсиз. *Бейшшов йигит.* — *Бурни бироз бейшшовроқ эсада, .. унинг умуман юз бичими келишган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ғайриоддий, хунук. *Бейшшов овоз.*

4 *кўчма* Келишмаган, ёпишмаган. *Бейшшов гап. Бейшшов қилиқ.*

**БЕҚАРОР** [ф-т+а] 1 Бирдек турмайдиган, ҳа деб ўзгараврадиган, ўзгарувчан. *Беқарор Аму.* — *Ҳар қандай жонли ва ривожланиб борувчи партида ҳамма вақт чидамсиз, беқарор, иккиланувчи элементлар бўлишини эсингиздан чиқарманг.* В. И. Ленин, Партияни қайта тузиш тўғрисида. || *Зарафшон водийсининг об-ҳавоси жуда беқарор, бир кунда юз марта ўзгаради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Бир жойда қўниш топмайдиган, ҳа деб кўчиб юрадиган; кўнимсиз. *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор, саёқлишмдан жуда ўқинар эдим.* Ф. Ғулom, Шум бола.

**БЕҚАРОРЛИК** беқарор с. белги оти. *Сийсий беқарорлик.*

**БЕҚАСАМ** Ҳриши ипак, арқоғи ип, йўл-йўл газлама. *Бир жўра беқасам.* || *Беқасам тўн.*

**БЕҚИЕС** [ф-т+а] 1 Қиёс қилиб бўлмайдиган; беҳад, чексиз. *Беқиёс ҳурмат.*

2 Ҳўшани, тенги йўқ; мислсиз. *Беқиёс гўзаллик.*

**БЕҚУВВАТ** 1 Қучи, қуввати, дармони йўқ; нимжон, заиф, бемажол, қувватсиз. *Беқувват чол.* || *Оёқларим беқувват.*

2 Унча пухта эмас, жонсиз; бепанд. *Беқувват арқон.* — *Сарторош уни беқувват, шалоқ курсига ўтқизиб, .. бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Иқтисодий жиҳатдан заиф, камқувват. *Ғулom ака ел келса йиқилдиган беқувват хўжалик эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЕҚУВВАТЛИК** беқувват с. белги оти.

**БЕҒАЛВА** Ғалвадан, жанжал-сурондан холи; тинч. *Беғалва иш.* || *[Надежда:] Ваня! .. Беғалва юра олмайсанми?! Н. Сафаров, Қимга тўй, қимга аза. Хайрият, кайфи беғалва тарқаб кетди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БЕҒАМ** [ф-т+а] 1 Ғам-ташвишни билмайдиган, парвойи фалак; бепарво. *Беғам одам. Ғам еманг, беғам ҳам бўлманг (ҳазил).* — *Бу кунлар дунёнинг иши кўпроқ машат, емоқ-ичмоқ тўй-томошадан иборат, деб ўйлайдиган беғам Тожибойға катта ташвиш бўлди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Боқи беғам** жуда ҳам беғам, бепарво одам ҳақида.

2 Ғам-ташвишдан холи; беташвиш, хотиржам. *Аваллига сокин бошланган, кишининг беғам, беташвиш, шўх кунларини эслатадиган куй, бориб-бориб, жуда аважга чиқиб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**БЕҒАМЛИК** 1 беғам с. белги оти. *Самандаровнинг хотини .. буларнинг кулгисини эшитиб, эрининг беғамлигидан, бепарволигидан фйғони чиқиб, вайсаб юриб чой қўйди, дастурхон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Беғам кишиларга хос хатти-ҳаракат, ҳислат, бепарволик. *Хотиржамлик, беғамлик кайфияти.*

**БЕҒАРАЗ** [ф-т+а] 1 Ғаразни билмайдиган, ўз манфаатини кўзламасдан холис иш тутадиган. *Беғараз одам. Беғараз дўст.* — *Халқ ғамида, эл ғамида келган беғараз .. кишиларни минг боши масҳара қилар, .. қувар деб ўйламаган эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ҳеч қандай шахсий манфаатни, ғаразни, ёмон ниятни кўзда тутмай, холислик, сидқидиллик билан қилинган; холисона, объектив. *Беғараз танқид. Беғараз гап. Беғараз ёрдам.*

**БЕҒАРАЗЛИК** беғараз с. белги оти. *Беғаразлик, мардлик каби хусусиятлар характернинг ижобий белгисидир.*

**БЕҒАРАЗОНА** [ф-т+а+ф-т] Ғаразсиз қилинган, холис.

**БЕҒУБОР** [ф-т+а] 1 Чанг-ғубордан холи; соф, мусаффо, тоза. *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Кўнглида кири йўқ; софдил, сидқидил, пок, покиза. *Беғубор йигит.* — *Ҳаммаси сиртида .. анави қор, музни эритаётган осмондаги оф-*

*тобдай очиқ-ёруғ, беғубор одам.* С. Анорбоев, Оқсой. | Ғараз, киноя ва ш. к.дан холи; сидқидилликни ифода-лайдиган; тўғри. У [Элмурод] бу вазмин, хушфеъл аёлнинг содда ва беғубор гапларини тинглаганда, энг меҳрибон бир кимсаси олдида ўтирандай бўлар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

3 *кўчма* Доғ тушмаган, биллурдек тоза, пок. *Элмурод .. қаршисида чўғурлашган, кўзлари тиниқ, қалблари беғубор болаларнинг ҳар бирини қучоқлаб, юзларидан ўнгиси келди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БЕҲ** [ф-т] эск. кт. Яхши, дуруст.  
**БЕҲАД** [ф-т+а] Бейноҳа кўп; чексиз, ҳадсиз. *Мендан дадамга беҳад салом.* А. Қодирий, Ҳўган кунлар. || *Болалар беҳад қувончиб, Йўлчининг бўйнига осилипти.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЕҲАЁ** [ф-т+а] 1 Шарм-хаёни, ор-номусни, уят-андишани билмайдиган, уяти йўқ; уятсиз, бешарм. *Беҳаё одам.* — *Ору номус билмаган, эй беҳаё, юзингга туф!* Сурмалар суртиб сузилган нури йўқ кўзингга туф. «Муштум», 1960, № 2.

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, беадаб. *Беҳаё хатти-ҳаракат. Беҳаё ибора.*

**БЕҲАЁЛИК** 1 беҳаё с. белги оти.  
2 Беҳаё кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш, қилиқ. *Бузуқчилик, беҳаёлик, бўҳтон-туҳматлар унинг [Амирнинг] касби бўлиб қолган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. — *Беҳаёлик қилиб нима қилибман? — деди Салтанат Мўмин акага.* О. Еқубов, Бир фельетон қисаси.

**БЕҲАЛОВАТ** [ф-т+а] 1 Ҳузур-ҳаловатдан холи, тинчлик бермайдиган; бесаранжом, ҳаловатсиз. *Беҳаловат турмуш.* — *Докторларнинг иши ўзи шунақа беҳаловат бўлар экан, — деди Ҳалима.* Ҳ. Назир, Ҳўлар туташганда.

2 Ҳузур-ҳаловатни билмайдиган, бертатиб иш тутиб, боши оворагарчиликдан чиқмайдиган, тинчи йўқ. *Беҳаловат одам.*

**БЕҲАФСАЛА** Ишга астойдил ғайрат, ҳафсала, кунт билан ёпишмайдиган; ҳафсаласиз; бепарво. *Беҳафсала одам. Беҳафсала бўлманг, касалингниз улғайиб кетади.*

**БЕҲАФСАЛАЛИК** 1 беҳафсала с. белги оти.

2 Беҳафсала одамларга хос иш, ҳаракат. *Беҳафсалик қилмоқ.*

**БЕҲ-БЕҲ** унд. с. Товуқларни чақриш учун ишлатилади.

**БЕҲБЕҲЛАМОҚ** «Бех-бех» деб чақирмоқ. — [Ҳайдар:] *Шу иккала хўрознинг баҳрдан ўтасмикан? — [Йўлдош:] Олдин дон сепиб, бехбехлашиб кўрайлик, қани чўқийдимми, йўқми? Уйғун, Ҳуррият.*

**БЕҲБУД** [ф-т] эск. кт. Яхшилик томонга ўзгариш; соғайиши.

**БЕҲБУДЛИК** эск. кт. Яхшилик; рўшнолик. *Ғамгин бўлмай, доим беҳбудлик бўлсин.* «Нигор ва Замон».

**БЕҲИ** I СССРнинг жанубида ва иссиқ мамлакатларда ўсадиган меваги дарахт. *Боғнинг турли жойларида ҳар хил меваги дарахтлар — нок, ўрик, беҳи, жийда ва ҳоказо анчагина. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Шу дарахтнинг олмага ўхшаш меваси. *Сидиқжон уни [онасини] кузатиб қайтиб келганида, ток остидаги эски сўрида сочилиб ётган беҳиларга кўзи тушиди. А. Қаххор, Қўшчиноқ.*

**БЕҲИЗОР** [ф-т] Нуқул беҳи ўсган ер, жой; беҳи боғ.

**БЕҲИКМАТ** [ф-т+а] I Чўқур маънога эга бўлмаган, ҳикмати йўқ; ҳикматсиз. *Ўзари урмай-сўкмай йўлга сол .. деган гаплар дарҳақиқат беҳикмат эмас экан. В. Рўзиматов, Сув.*

2 Ижобий хусусиятларга эга бўлмаган. *Арзон беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас. Мақол.*

**БЕҲИС** [ф-т+а] I Ҳис этмайдиган, ҳис этиш қобилиятини йўқотган, жонсиз, ўлик. *Беҳис бармоқлар.*

2 *Кўчма* Ҳис-туйғуси йўқ; завқ-шавқсиз. *Беҳис одам. || Уста Сирожиддин Тўйчи ҳофизга жўр бўлиб юрган вақтларидан бошлаб, то шу маҳалгача «қассобдан шоир чиқмаганидек, беҳис чалинган ғижжақ арра тортишдан фарқ қилмайди» деб юрди. Мирмуҳсин, Созанда.*

**БЕҲИСОВ** [ф-т+а] I Ҳисови, сон-санови йўқ, жуда кўп; чексиз, ҳисовсиз. *Узоқда тоғ ёнбағирларида беҳисов қоракўл қўйлари ўтлайди. Мирмуҳсин, Ҳамзаободда. Полак мудоффа қилиб ётган район устида душманнинг неча юзлаб самолёти қайта-қайта пайдо бўлиб, беҳисов бомба ёғди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. || Тинч ижодий меҳнат шавқи-завқи билан тўлиб тошган совет кишиларининг зафарлари беҳисов. Ҳ. Назир, Янги саҳифа.*

2 Ҳисов-китоби йўқ, ҳисовга олинмаган ёки олинмайдиган, беҳисов-бекитоб; бебилска. *Ерматнинг қизи унга беҳисов текин пул манбаи очган эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**БЕҲОЛ** [ф-т+а] I Ҳолдан тойган, тинка-мадори қуриган; бемажол. *Тўпа хола саданинг ғадир-будур пўстлогини беҳол бармоқлари билан силаб, юзига суртди. И. Раҳим, Ихлос. Қундузлари иссиқдан беҳол бўлган одамлар кечадан роҳат кутадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Эъвоз-хон ёстиққа беҳол ёнбошлади. Ҳ. Гулом, Машъал.*

2 Касал бўлиб қолган; бемор.

3 Бемор ёки ҳолдан тойган кишига хос бўлган; заиф, бўш. — *Меникига нима мақсадда чилвер кўтариб бориб эдингиз? — Узим, — деди, беҳол, ним-жон товуш билан [Жуман]. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 *Кўчма* Кучсиз, заиф. *Кўчда тилла ранг беҳол қуёш кўринди. И. Раҳим, Ихлос. || Шабада беҳол титратаётган ўрик баргларининг сояси ариқ юзида жимирларди. С. Зуннунова, Олов.*

**БЕҲТАР** I [ф-т] *эск. кт.* Афзал, яхши; яхшироқ. *У .. бу кунни беҳтар билар .. эди. А. Қаххор, Сароб.*

**БЕҲТАР** II [ф-т] Кулупнайнинг йирик бир нави.

**БЕҲУДА** [ф-т] I Ҳеч кераги, фойдаси, нафи йўқ; фойдасиз, бефойда, бекорчи. *Беҳуда жанжал. Беҳуда ҳаракат белни синдиради. Мақол. || Беҳуда ёнма, ука, бир ақл топ. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Амалга ошмайдиган, рўёбга чиқмайдиган; пуч, хом. *Беҳуда умид. — Қоратой Йўлчининг тадбирларини маъқул кўрмади, ҳар бир фикрининг беҳуда эканини тушунтиришга тиришди. Ойбек, Қутлуг қон.*

3 Ҳуринсиз, ноҳақ. *Бу йигитни беҳуда койшидан қутқазганига хотин ҳам хурсанд бўлди. А. Қаххор, Қайгулар. Шокир ота беҳуда тўхматга қолади. Ойбек, Қутлуг қон.*

4 Бемаъни, бемаза, келишмаган; асоссиз; бўлмағур. *Беҳуда гап.*

**БЕҲУДАГА** *реш* Бўлар-бўлмагача, бекорга, ўринсиз, ноҳақ, чакки. *Беҳудага хафа бўлмагач. — «Обид кетмон» лақабини беҳудага тақадиларми? — дейди кулиб, Хатиб домла. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**БЕҲУЗУР** [ф-т+а]: **беҳузур бўлмоқ** ўзини алланечук ёмон ҳис этмоқ. [*Элмурод*] **беҳузур бўлиб саратон иссиғига чидамаган семиз одамдай тўлғонди. П. Турсун, Уқитувчи. Кўнгил беҳузур бўляпти** кўнгил алланечук ёмон бўляпти, кўнгил айниёпти. *Денисов .. кўнгил беҳузур бўлиб қаттиқ ўқиди. Ойбек, О. в. шабадалар. Беҳузур қилмоқ кўнглини аяйитиб, алланечук ёмон аҳволга солмоқ. *Тўғрисини айтганда, гап тинглаш ҳам кўнглини беҳузур қилади. А. Қодирий, Обид кетмон.**

**БЕҲУРМАТ** [ф-т+а] Ҳурматга эга бўлмаган, ҳурмати йўқ; ҳурматсиз. *Беҳурмат одам. Беҳурмат қилмоқ* ҳақорат қилиб ёки бетакаллуф, дағал, қўпол муомала билан кимсанинг ҳурматини кеткизмोक, ҳурматини бажо келтирмай, обрўсини тўкмоқ. — *Қариб, мянгишни еб қопсиз, кўздан ҳам қопсиз — деди [Тешабой] чолни беҳурмат қилиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**БЕҲУРМАТЛИК** **беҳурмат** с. белги оти.

**БЕҲУШ** [ф-т] I Ҳушидан, ўзидан кетган, ҳушини йўқотган; ҳушсиз. *Беҳуш бўлмоқ. — Нормат .. беҳуш хотиннинг юзига сув сенди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. || Бобоқул ота останада беҳуш ётар эди. С. Анорбоев, Оқсой. Бир кечаю бир кундуз беҳуш бўлиб ётибман. Қўзимни очиб қарасам Вася Тюминнинг уйида ётибман. А. Қаххор, Қўшчиноқ. Беҳуш қилмоқ 1) ҳушидан кеткизмोक, ухлатиб қўймоқ (мас., дори бериб). *Хлопроформ билан беҳуш қилмоқ;* 2) *кўчма* эс-ҳушини олиб қўймоқ; бошини айлантирмоқ (мас., бирор таъсир кўрсатиб).*

2 Эс-ҳушини йўқотган, хаёли қочган, паршино; нохуш. *Маърифат бошини эғиб беҳуш уйга кирди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.*

**БИ** с. т. айн. **биби** 2, 3. *Тўхтаби. Би Фотма.*

**БИБИ** I Онанинг ёки отанинг онаси; буви (набирага нисбатан).

2 Ҳурмат юзасидан, одатда кекса хотинлар исмига қўшиб ишлатилади, мас. *Меҳри биби, Хайри биби. — Ҳар кун қўшимиз отин бебида қиймегага ўқиб, кейин то кечгача, кўпинча кечалари ҳам, аямнинг ёнига кириб тиқиш тикдим. Ойбек, Қутлуг қон.*

3 Хотин-қизлар исмининг таркбий қисмини ташкил қилади, мас. *Мадрасаи Бибиҳоним. — [Йўлчи] синглиси билан бирга, мумкин бўлса, унинг [Гулнорнинг] онаси Гулсумбинини ҳам аравага солиб, қишлоққа олиб боришни истаганини айтди. Ойбек, Қутлуг қон.*

◆ **Биби Сешанба этн.** ип йигирувчи хотинларнинг муқаддас саналган афсонавий хомийси, пири (тақводор хотинлар унинг шарафига сешанба кунлари махсус маросим ўтказар эдилар). [*Холжон хола*] ҳар икки ҳафтада *Биби Сешанба онанинг дастурхонини эғиб, «мушкулқушод», чилтонларга атаб шавла қилади. Ғайратий, Довдираш.*

**БИБИШ** I *эск.* Ҳукмрон доираларга мансуб бўлган хотин-қизларга мурожаат ёки ҳурмат билдирish формаси. — *Эй бибишим, мени десангиз Чамбилга борманг .. деди Оққиз Зулфизара. «Зулфизар билан Авазхон». 2 Ҳурмат юзасидан хотин-қизлар исмига қўшиб ишлатилади. Адолат бибиш.*

**БИБЛИОГРАФ** [р] Библиография олими; библиография тузувчи мутахассис.

**БИБЛИОГРАФИЯ** [р] библиографический) Библиографияга оид. *Библиографик кўрсаткич.*

**БИБЛИОГРАФИЯ** [р<грек] I Босма асарларнинг илмий тавсифи ва систематик кўрсаткичларини тузиш усуллари билан шуғулланувчи фан.

2 Бирор масалага ёки соҳага оид илмий асарлар, китоблар рўйхати. *Терминологияга оид библиография. Ўзбек тилшунослиги бўйича библиография.*

3 Газета ва журналларнинг янги чиққан китоблар, асарлар ҳақида қисқача ахборот бериб борадиган махсус бўлими.

**БИБЛИОТЕКА** [р<грек] айн. **кутубхона.**

**БИГИЗ** I Пойабзалдўзларнинг ёғоч сопи, нина учли металл асбоби. *Бигиз билан тешмоқ. — Чол унга сўзан, бигиз тутшини кўрсатди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *Кўчма* Найзадек, нинадек учли нарсаси. [Ништардай ўткир, аниқ сўз, таъна-тазарру, койиш. [Йўлчи:] Андак исоф керак, уят керак. Чолнинг меҳ-

натда чириган кўксига бигизни қадай-герман! Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Бармоқни (ёки қўлни) бигиз қилмоқ қ. бармоқ I.

**БИГИЗЛАМОҚ I** Ҳамма ёғига бигиз санчмоқ, бигиз уриб тешик-тешик қилмоқ.

2 Кўчма Ништардек ўткир, аччиқ сўзлар ёғдирмоқ, таъна-тазарру қилмоқ.— Ҳа, энди икковлашиб, мени бигизланглар! — деди жаҳли чиққандай қошларини чимириб Қомила. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БИГИЗТУМШУҚ** зоол. Бир хил капалак.

**БИДИЛЛАМОҚ** айн. бидирламоқ.

**БИДИР-БИДИР** тақл. с. Жуда ҳам тез, лаби лабига тегмай гапириш ҳақида. Ҳа деб бидир-бидир қилаверма! **БИДИРЛАМОҚ** Жуда ҳам тез, лаби лабига тегмай гапирмоқ. Иккала жувон, фақат шундай гап очилишини кутиб турган экан шекилли, иккови бир-бирига навбат бермай бидирлаб кетди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**БИДИРЛАШМОҚ** бидирламоқ фл. бирг. н.

**БИДОН** [р] Суюқлик солинадиган қопқоқли иднш.

**БИДЪАТ** [а] I дин. Двний ақидаларга киритилган ислоҳ, динга хилоф янгилик, динда кейин пайдо бўлган нарса. Мир Араб Мадрасасининг катталари бу «бидъатнинг гуноҳини ҳам» Мулла Туроб бўйнига юкладилар. Айний, Эсдалиқлар. Бойбўридан бизга маҳрам қилибди, зокот дебди, бир бидъат қилибди. «Алломиш».

2 Эскиликдан қолган урф-одат, расм-русм. Бидъат ва хурофот қолдиқларига қариш кураш.

**БИДЪАТКОР** [а+ф-т] дин. Диний ақидаларни ислоҳ қилиш, динга хилоф янгиликлар киритиш тарафдори; бидъатчи.

**БИДЪАТКОРЛИК** I бидъаткор с. белги оти.

2 Бидъатга берилганлик, бидъатчилик. Аҳмад маҳдумнинг «бидъаткорлиги, динсизлиги ва шайтоннинг дўсти бўлгани» ҳеч қайсиларининг эсига келмади. Айний, Эсдалиқлар.

**БИДЪАТЧИ** I айн. бидъаткор.

2 Эски урф-одатларга, расм-русмларга берилган киши.

**БИЁБОН** [ф-т] Сувсиз чўл, сахро. Большевиклар оломмаган, йўқ ҳеч бир қўрғон, Сахро, дашту биёбонга киргиздилар экан. Туйғун.

**БИЁБОННИЙ** [ф-т] кт. Биёбонда яшовчи; сахройи.

**БИЖ-БИЖ** тасв. с. Бижирлаб, гимирлаб ётган гиж-гиж қурт-қумурсқа ва ш. к. ҳақида. Ариқдаги сув биж-биж қурт.

**БИЖИЛДОҚ** с. т. Ҳеч кимга гап бермайдиган, гап билан ҳаммани енгадиган. Бижилдоқ хотин. — Айвониди бу хонадоннинг бижилдоқ бекаси. Ойбек, Навоий. Бижилдоқ бола ўз тенгдошларига нисбатан гапдон, маҳмадона бола.

**БИЖИЛЛАМОҚ I** айн. бижирламоқ I. Бибизул ич-ичидан қувонар, дугоналари ёнида эркаланар, бахтли хонадон қизларидек бошини кўтариб, андак бижиллаб, мақтаниб ҳам қўярди. Мирмуҳсин, Чўри.

**БИЖИЛЛАМОҚ II** айн. бижирламоқ II. Кўкариб кетган бу сасиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар тушган ерида бир-икки қилпанглаб дарров ўларди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**БИЖИМОҚ** айн. бижғимоқ. Йўлчи отхонанинг бир томонига уйилиб сасиб, бижиб ётган гўнени катта ерга элтиш учун аравага ташимокқа киришган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Бижиб ётибди с. т. жуда кўп. Унда пул бижиб ётибди.

**БИЖИР-БИЖИР I:** бижир-бижир қилмоқ (ёки гапирмоқ, сўзламоқ) айн. бижирламоқ I. [Қизлар] Шоқир отанинг томи лабига қатор тизилишиб, бу «маҳсидўз қиз» билан бижир-бижир сўзлашиб кетар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЖИР-БИЖИР II** тасв. с. I айн. биж-биж. Гўшти бижир-бижир қурт босибди.

2 Кўзга гимирлаётгандек, жимирлаётгандек туйнайдиган ва бир-бирига тутшиб, чаплашиб кетган майда нарсалар ҳақида. Бижир-бижир хат. Бижир-бижир қилиб тикилган гул. — Повнсиз қирларнинг ниҳоятсиз бижир-бижир кўк гилмалари. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**БИЖИРЛАМОҚ I** I Ҳеч кимга гап бермай бидир-бидир гапиравермоқ, тез-тез, лаби лабига тегмай гапирмоқ. «Сал ҳовлиқмароқ бўлса ҳам, жуда очиқ қиз экан, бижирайвериб, келган докторларнинг ҳам бошини айлантириб юборди» — дилидан ўтказди Равшан. Ф. Мусажонов, Равшан.

2 Бийрон-бийрон гапирмоқ, қақилламоқ, маҳмадоналик қилмоқ (ўз тенгдошларига нисбатан гапдон, маҳмадона бола ҳақида).

**БИЖИРЛАМОҚ II** Қайнаб, гужғон ўйнаб ётмоқ, бижғимоқ (гиж-гиж қурт-қумурсқа, майда жониворлар ҳақида).

**БИЖИРЛАТМОҚ I** бижирламоқ I фл. орт. н.

**БИЖИРЛАТМОҚ II** бижирламоқ II фл. орт. н.

**БИЖИРЛАШМОҚ** бижирламоқ I фл. бирг. н.

**БИЖҒИМОҚ I** Ачиб, қайнай бошламоқ. Ёзда қимизлари бижғиб ётади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ачиб-сасиб кетмоқ. Гўшт бижғиб кетибди. / Ортик даражада ивирсиб, ҳаволи бузилиб, сасиб кетмоқ. Худо ҳақи, уйингдан япти вагоннинг иси келади. Бижғиб кетибди. А. Қахҳор, Сароб. / Озодаликка рноя қилмай ивирсиб кетмоқ, ивирсиб ўтирмоқ.— Мен биламан,— деди домла, опансиз табиати жуда нозик кўринади. Бунинг олдида Тўнанинг бижғиб ётиши яхши эмас. А. Қахҳор, Сароб.

3 Кўчма Ачиқ-сасиқ гап қилмоқ, ачимоқ. Нималар деб бижғияпсиз? / Авж олмоқ (иғво, фитна ва ш. к. ҳақида).

**БИЖҒИТИШМОҚ** бижғитмоқ фл. бирг. н. [Олахўжа:] Қўй, Мадалич, қўй, овора бўлма! Уша тўрт томондан бижғитишган вақтда бир нарса қилолмаган, энди уч-тўртта одам нима қилар эдинглар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БИЖҒИТМОҚ** бижғитмоқ фл. орт. н. Гўшти бижғитиб қўйибсиз. Уйни бижғитиб юборибсиз.

**БИЖҒИШМОҚ** бижғитмоқ 3 фл. бирг. н.

**БИЗ** ки. олми I-ш. кўпл. I Сўзловчи ва у кўзда тутган ёки у билан бирга бўлган бир ёки бир неча кишини билдиради. Биз пахта тердик. Биз коммунизм қурувчилармиз. Биз — Ленин авлоди. — [Йўлчи:] Бизнинг урушимиз овозлик уруши бўлади, ота. Биз ҳамма бўриларни, ҳамма қонхўрларни, зolimларни янчиб ташлаймиз! Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Иш-ҳаракатда («билан» кўмакчиши иштирокида) сўзловчининг бирор кимса билан бирга эканлигини билдиради. Биз у билан бордик.

3 Биринчи шахс «мен» ўрнида ишлатилиб каттарлик ёки, аксинча, мақтаниш, ғурурланиш маъноларини ифодалайди.— Ким талабгор? — Мана, биз талабгор. Бу шегъри биз ёзганмиз. Биздан Сизга насиҳат шу.

**БИЗ-БИЗ** тақл. с. Визиллаган нозик товуш ҳақида. Бизбизак биз-биз айланади.

**БИЗБИЗАК** Тўгарак чарм ёки тугмача тешиқларидан ип ўтказиб ясалядиган ва ипини чийратиб, икки учидан тортганда тез айланиб, «биз-биз» овоз чиқарадиган ўйинчоқ. Қўлимга тушган энг яхши чармларни кува билан уриб-уриб, бизбизак кесишга киришман,— дейди Мусавой. Ойбек, Болалик.

**БИЗИЛЛАМОҚ** Бизиллаган нозик товуш чиқармоқ; визилламоқ.

**БИЗНЕС** [р<ингл] Капиталистик мамлакатларда: шахсий бойлик, фойда орттиришга қаратилган иш (мас., чайқов, коммерция, катта даромад келтирадиган корхона ва ш. қ.).

**БИЗНЕСМЕН** [р<ингл] Бизнес билан шуғулланувчи шахс; корчалон.

**БИЗНИКИ** эгаллик олми I-ш. кўпл. I Бизга тегишли, бизга қарашли. Бу уй бизники. — Бу йилги экинлар, мевалар бизники бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Гапир, ҳа гапир!.. Сенинг гапинг гап-у, бизники гап эмасми! А. Қахҳор, Жонфигон. Мирзақаримбой отамнинг остоналарида ўн олти йилдан буён ишлайман, йилгича Шундай бўлгандан кейин «сизники-бизники» дейишга ўрин қоладими? Ойбек, Қутлуғ қон.

2 От вазифасида Бизнинг уй, бизнинг ҳовли. Меҳмонларни бизникига олиб боринг. — Ўртоқ, буғун бизни-

кида ётинг. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 от вазифасида (асосан кўпл. ф-да) Бизга тегишли киши; биз томондаги киши. **Бизникилар** габаба қозонди. ■ **Бизникиларнинг** аҳволи қалай? — сўради Йўлчи. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЗОАТ** [а] эск. Қишининг ортирган, тўплаган мол-дунёси, бойлиги; бисот.

**БИЙ** I тар. I Қабиланинг ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи, тўраси. *Сенга етгай аканг сўзи, Саргай-масин гулдай юзи, Излаганим бийнинг қизи, Жоним синглим, хуш қол энди.* «Алпомиш».

2 тар. Юқори мансабли кишиларни улуғлаш учун ишлатилган сўз ёки уларга берилган унвон. *Сиз улуг мартабали меҳмондўст Ғиждувон беги Норбўта бий бинни Шодибекка етиб маълум бўлсинки..* Жўрабоев, Мулла Б. м.

3 Қозоқларда, қирғизларда: оқсоқол (қ. оқсоқол 2). *Мен умримда тўрт хон кўрдим, Талай бий кўрдим.* Миртемир.

◆ **Чипқоннинг бийи** катта чипқон.

**БИЙ** II диал. айн. **биби** I, 2. Она бийим соғмилар, жияним Жумагул бардамми? Ж. Шарипов, Хоразм.

**БИЙ** III Заҳарли катта ўргимчак.

**БИЙ** IV: бий дала очиқ, яланг дала, бийдай дала.

**БИЙДАЙ**, -дек Очиқ, яланг. *Бийдай дала. Атроф бийдек дашт.*

**БИЙЛАМОҚ** Ботиниб рўпара келмоқ, яқинига йўламоқ, бетламоқ. *Унга ҳеч ким бийлай олмайди.*

**БИЙЛАТМОҚ** бийламоқ фл. орт. н. У ҳеч кимни ёнига бийлатмайди. ■ *Ҳар бир ши унинг [Қундошининг] буйруғи билан бўлади, ҳеч нимага мени бийлатмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЙЛИК** I бий I I, 2 с. мавз. от.

2 Бошқариш, идора қилиш ҳуқуқи; ҳукмронлик. *Далаларнинг нашъасин, Уй ичинг билан суринг, Уз бийлигинг ўзингда, Ишрат, сафолар қурдинг.* Ғайратий. *Утир, дам ол, бийлиги ўтадиган кишилар оҳангида деди опа.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БИЙРОН** I [ф-т], тили бийрон Бурро-бурро гапирадиган, гапга чечан; сўзамол, гапдон. *Дадам қақиряптилар, идорага борган эдим, сизни шу ёқда дейишди.—* Бола бийронгина экан. С. Маҳкамов, Дала тонги. [Адолат] ўзининг бийрон бўлиб кетганлигига ўзи ҳайрон қолар, шунча гапларни топиб гапирганлигини йўлаб, ич-ичидан қувонар эди. С. Зуннунова, Гулхан. *Султоновгина тили бийрон маҳмадонларнинг адабини бериб, жойига ўтқизди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БИЙРОН** II [ф-т] Тобига етказиб пиширилган, қовурилган. *Бийрон қилиб қовурмоқ.*

**БИЙРОН** III [ф-т]: жиғи бийрон *ғалат қ. жиғибийрон.*

**БИЙРОН-БИЙРОН** рвш Бурро-бурро, пишиқ-пишиқ. || Унинг [Лаъли-

нинг]. *бийрон-бийрон сўзларини эшитган Мирҳосил буткул маҳлиё бўлиб, термилиб қолди.* Ҳ. Ғуллом, Машъал.

**БИЙРОНЛАШМОҚ** Тобора гапдон, сўзамол, маҳмадона бўлиб бормоқ. *Гўё эҳни боғишдан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар хаёлига ўзидан-ўзи қуёрилиб келарди.* О. Эқубов, Мирзатерак.

**БИКИР** Пишиқ, бақувват. *Бикир йигит. —* Мана қизим, йўлингга, папирини еб бўлган рўмолини бошинга боғлаб ол, белинг бикир бўлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БИКР** [а] эск. кт. Ифбатли қиз; бокира.

**БИЛА** эск. кт. айн. билан.

**БИЛАГУЗУК** Билакка тақиладиган зийнат буюми. *Олтин билагузук. —* Билагузук таққан билакларни олпоқ, беғубор эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**БИЛАК** I Қўлнинг тирсақдан кафт бўғимигача бўлган қисми. *Билаклари йўғон киши. —* Мунисхон билагидаги олтин соатга қараб, ўрнидан тураанда Саидий ҳам турди. А. Қаххор, Сароб.

2 с. т. айн. кўл I. Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар. Мақол. — *Кучли билаклар қизил байроқларни яна юксак кўтарди. Ҳаво ёриб кетмон ййнар, Унум берган билакларда. Ғайратий.*

3 кўчма Жисмоний куч, меҳнат рамзи сифатида ишлатилади. *Меҳнат озод бўлди, онг озод бўлди, Билак озод бўлди бахт тузмак учун.* Ғ. Ғуллом. *Янги турмуши йўлин очган, йўқсиларни қувонтирган, Ишчиларнинг билагидир. Ҳ. Олимжон. Билак кучи* 1) кўл кучи, жисмоний куч; 2) меҳнат ва унинг маҳсули. *Хонлар, подшоҳлар хазинасидаги олтинлар манбаи ҳам фуқаронинг билак кучидир. А. Қодирий, Меҳробон чаён. Билагида кучи бор куч-қуввати бор, меҳнатга лаёқатли, бақувват. Белинга қуватинг, билагингда кучинг йўқ махлуқсан. П. Турсун, Уқитувчи.*

◆ **Билак шимариб** айн. енг шимариб қ. шимармоқ. — *Бўрон тўхтаган, ундан ҳам яхшироқ ишлаяпмиз,— деди Бекбўта билакларини шимариб. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**БИЛАН** кўм. (б. к. билан) I Иш-ҳаракатда биргаликни билдиради. *Отам билан келдим. —* Улуғ рус халқи билан оға-ини, қариндош. Ғ. Ғуллом. *Кеча у [Абдишукур] ҳўжайини билан извошикка ўтириб, бу ерга меҳмон бўлиб келган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Иш-ҳаракатда воситани билдиради. *Болта билан чопмоқ. Уз қўли билан ёзмақ. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.* Мақол. *Ошнинг тамми туз билан, одам тамми сўз билан.* Мақол. *Сут билан қирган —* жон билан чиқар. Мақол. — *Елғиз сўз билан эмас, кўз-қошлар билан ҳам савоғ қилди Абдишукур.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Унг томондаги тошга.. ҳижрий билан «1335» деб тарих қўйилган эди.* А. Қаххор, Хотинлар.

3 Иш-ҳаракатнинг тарзи, ҳолати ва ш. к.ни билдиради. *Иштаҳа билан. Навбат билан. Бутун кучи билан. Ботирилқ билан. Осонлик билан. Дикқат билан. —* Хотинининг чеҳраси очилиб.. қизларга хос шўхлик билан айлланиб деди: — *Бир нарсанизни бузиб қўйдим, айтсам уришмайсизми?* А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

4 Вақт, пайт маъносидаги сўзлар билан бирга иш-ҳаракатнинг қачон содир бўлганлигини, қанча вақт давом этганлигини билдиради. *Эрта билан вақтли машоққа чиқамиз, ортиқча, турмушга алоқасиз хаёлларни йўлашга ҳам қўл тегмайди.* Ғ. Ғуллом, Ёдгор. *Сидиқжон кечаси билан киприк қоқмай чиқди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

5 Жой маъносидаги отлардан кейин иш-ҳаракатнинг шу жой бўйлаб йўналишини билдиради. *Сўқмоқ йўл билан бормоқ. Қишлоқнинг ичи билан ўтмоқ. —* Бу растада — *икки томонда, беш-олтита катта дўзон бўлиб, тор, каммак йўл билан баэозликка, шоҳифурушилик растасига туташар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг рўй беришига ўзидан олдинги сўз орқали ифодаланган нарса сабаб, асос бўлганлигини билдиради. *Қомандирнинг буйруғи билан келдим. Қонуннинг 125 моддаси билан айбланди. Уз ажали билан ўлди. —* *Орада беш ой ўтгандан кейин, унинг бўйига етган қизи тиф билан оғриб, ўн етти кун деганда вафот қилди.* А. Қаххор, Сароб.

7 биркт. боғл. вазифасида Икки гапни ёки гап бўлақларини боғлайди, маъноси ва функцияси жиҳатдан «ва» боғловчисига тўғри келади. *Шаҳар билан қишлоқ. Йигит билан қиз. —* *Шуни олиб борсам, отим билан сизримни берадимми?* А. Қаххор, Қўшчинор.

8 биркт. боғл. вазифасида Пайт эргаш гапларда -(и)ш аффиксли ҳаракат номидан кейин келиб, иш-ҳаракатнинг бош гапдан ишдан олдин ва тез бажарилганлигини билдиради. *Баҳор келиши билан далага ишга чиқамиз. —* *Маърифатхон номи айтилиши билан сўзбатега яна жон кирди.* А. Қаххор, Хотинлар. *Дераза очилиши билан Йўлчи бошини кўтарди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

9 биркт. боғл. вазифасида Тўсиқсиз эргаш гапда -ган аффиксли сифатдошдан кейин келиб, эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Ҳалво деган билан оғиз чучимайди. Мақол. —* *Ер бўлгани билан, ҳосил бўлмаса қийин.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Нима қилдингиз? Ташкил қилганингиз билан, янги одам топганингиз йўқ-да!* А. Қаххор, Сароб.

◆ **Шу билан** 1) қ. шу(нинг) билан; 2) шу ерда, шу ерга келганда. *Шу билан ишни тўхтатамиз. Шу билан мажлис тамом;* 3) шундай қилиб; хуллас. *Шу билан Умри беном-нишон*

йўқолди. А. Қаххор, Хотинлар. Шу-нинг билан шунинг баробарида, шу билан бир қаторда. Шунинг билан маълум қиламизки, ... (расм.). Шунинг билан этиб маълум бўлсинки, ... (мақтубий).

**БИЛАНГ-БИЛАНГ:** биланг-биланг қилмоқ айн. билангламоқ.

**БИЛАНГЛАМОҚ** Илондек тўлганмоқ, жилпангламоқ. Чирчиқ дарёсининг кумушдай товланиб, биланглаб оқётган суви ҳам қўшининг олтин тиглариди жимжималаниб, кўзларни қамаштиради. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

**БИЛАНГЛАШМОҚ билангламоқ** фл. бирг. н. Олимов пақирчадаги сувда биланглашиб юрган баликчаларни кўраркан, ўзида йўқ қувониб кетди. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

**БИЛАР-БИЛМАС** рвш Аниқ билмаган ҳолда, аниқ билмасдан туриб. Билар-билмас гапирма.

**БИЛАРМОН** 1 Ҳар нарсадан хабардор, билимдон, уста. Билармон одам. Иш билармон ғалат қ. ишбилармон. Ўз билармон ғалат қ. ўзбилармон.

2 кест. Ўзини билимдон деб фахмлайдиган; ўзбилармон. Ҳар вақт ўз гапини маъқуллашга, билармон бўлиб кўринишга уринади.

**БИЛАРМОНЛИК билармон** 1 с. белги оти. Билармонлик қилмоқ ўзини билимдон фахмлаб иш тутмоқ, билар-билмас иш қилмоқ.

**БИЛАҒОН** с. т. Кўп биладиган, билармон, билимдон. Билагон одам. || Ўз ишининг билагонлари. — У баъзи нарсаларни қатта танаффусда билагон ҳамкурсларидан сўраб олмоқчи эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**БИЛВОСИТА** [а] Воситали равишда, бирор кимса ёки нарса воситасида, бавосита. Бевосита ва билвосита таъсир кўрсатмоқ.

**БИЛГИР** айн. билгич.

**БИЛГИЧ** Биладиган, билармон. Агар ўрси [рус] мастиравойлари [ишчилари] шу фикрда бўлса, биз ҳам шунга қўйишмишмиз, негаки, улар жуда билгич халқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЛДИРИЛМОҚ билдирмоқ** 1, 2, 3 фл. мажҳ. н. Бу гап ҳаммага билдирилиши керак. Уларга миннатдорчилик билдирилди.

**БИЛДИРИШ** 1 билдирмоқ фл. иш оти. Миннатдорчилик билдириши. Ишонч билдириши.

2 Кўпчиликка етказиш учун тайёрланган ёзма ёки босма хабар, эълон. Кўринарли жойга осилган билдириши.

**БИЛДИРИШМОҚ билдирмоқ** 1, 2, 3 фл. бирг. н. Онасининг касалигини унга билдиришмайди. Болалар ўқитувчиларига миннатдорчилик билдиришди. — Шу билан белинги бир оз кўтариб оласан, деган маънони очик айтмасалар ҳам, имо билан билдиришади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЛДИРМОҚ** 1 билмоқ 1—6, 8, фл. орт. н. Имо билан билдирмоқ.

Келгани билдирмоқ. — Билмаган бўлсам, билдириб қўйинг. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йўлчи тонг қоронғисиди Қоратойга келиб, воқеани билдирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ошкор қилмоқ, сездирмоқ; очмоқ. Юрагидагини билдирмоқ. Жумард йўқлигини билдирмас, тулпор — очлигини. Мақол. — [Нури] севинч ва ҳаяжонини билдирмаслик учун онасининг юмушларига қараша бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Агар менга шу касалингени бир оғиз билдирсанг, мен қайин отанга хат ёзмами эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу сирни эрингдан бошқа ҳеч кимга билдирма. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Изҳор қилмоқ, айтмоқ. Фикр билдирмоқ. Таъзия билдирмоқ. Ишонч билдирмоқ. — Сидиқжон Урмонжонга миннатдорчилик билдирди ва хайрлашиб чиқиб кетди. А. Қаххор, Кўшчинор. Шокирота кўзойнаги орасидан ўрлага тикилиб, унинг сўзидан норози эканини билдирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Далолат бермоқ, дарак бермоқ, кўрсатмоқ. Бу нимани билдиради? Қомпас стрелкаси дунё томонларини билдиради. — Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳой-хуйлари манзилнинг яқинлигини билдиради эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу нарса ақлли Йўлчига кўп маъно билдирди..., ташқаридаги шубҳали товуш ва ҳаракатлардан уни огоҳлантириб турди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЛЕТ** [р] 1 Бирор нарсадан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. Трамвай билети. Паркка кириш учун билет. — Шербек вагонга чиқиб, билетда кўрсатилган кўне эшигини очди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Бирор ташкилотга, партияга аъзоликни тасдиқловчи ҳужжат. Аъзолик билети. — Муродова ёш коммунистларга партия билети ва кандидатлик карточкалари топшираётган эди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Имтиҳон топшириш учун саволлар ёзиб қўйилган варақа. Менга бешинчи билет чиқди. Билетдаги ҳамма саволларга жавоб бердим.

**БИЛЕТЧИ** Театр, кино, парк ва ш. к. жойларда томошабинларнинг билетини текширувчи ходим, контролёр.

**БИЛЖИРАМОҚ** Алжирамоқ, алжимоқ.

**БИЛЖИРАШМОҚ билжирамоқ** фл. бирг. н. Ортиқча билжирашиб ўтирмаздан, ишга ўтайлик.

**БИЛИК** (3-ш. бирл. билиги ва билги): ўз билгича ёки ўз билиги билан ўзи билганича; ўз ақли, дид-фаросати билан. Наҳотки уч йил бўлса-ю, бир йўли ўз билгиларингизча келмасаларингиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИЛИМ** 1 Объектив мавжудот ҳақидаги ёки муайян соҳага онд маълумотлар мажмун. Ҳарбий билимлар. Агрономик билимлар. Куч билимда. Билим чўққиси. Билим соҳалари. Ки-

тоб — билим манбаи. Билим олмоқ. Ўз билимини оширмоқ. — Инсон ўз ақл ва заковати билан бу қийинчиликларнинг ҳаммасини енади, фанимиз космик бўйлиқ ҳақидаги билимлар билан бойитилади. «Фан ва турмуш», 1959, № 10. | Фан соҳаси, илм. Тил билими. — Кечки ишчилар мактабиди она тили, ҳисоб, табиийёт, ер билимидан маслаҳатгаўй бўласиз. А. Қаххор, Сароб.

2 Ўқимишлилик даражаси, маълумот, эрудиция. Унинг билими зўр. Билимим етишмайди. Билагни зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар. Мақол. — Одамлар оғзинда Элмуроднинг астойдиллиги, одамиавандалиги, ақли, билими.. тўғрисида гап кўпайгач, Тожибой ён босишга мажбур бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Билим юрти** 1) ўқув юрти (мас., мактаб, институт); 2) тар. 1930 йилгача: ўрта педагогик ўқув юртининг номи. Тошкент ўзбек билим юрти. «Билим» жамияти кенг халқ оммаси орасида сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи ихтиёрий жамият.

**БИЛИМДОН** 1 Қатта илмга, маълумотга эга бўлган; ўқимишли, илмий, билимли. Билимдон одам. — Турли ўқитувчиларда ўқиб, билимдон бўлиб бораётган йигитчалар бу ўзгаришни дарров сездилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўз ишини, соҳасини яхши биладиган, омилкор, миришкор. Қолхозга нима фойда, нима зарар, — ақл тарозисиди ўлчай оладиган, колхоз экономикасини чуқур ўрганган, ишининг кўзини биллиб қиладиган билимдон, иш-жоатли, олов раҳбарлар керак. С. Анорбоев, Оқсой. | Қатта турмуш тажрибасига эга бўлган, турмушнинг борди-келдилари, икир-чикирларини яхши биладиган, билармон. Уни [Хадичани] қишлоқ аёлларининг энг ўқитамми, билимдони деб мақташар эди. Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

**БИЛИМДОНЛИК** билимдон с. белги оти. Мударрислар ўз билимдонликларини кўрсатиб, обрў орттириш учун бирон масала устида итдек ўлишар эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Билимдонлик қилмоқ айн. билармонлик қилмоқ қ. билармонлик.

**БИЛИМЛИ** айн. билимдон 1. Билимли ўзар, билимсиз тўзар. Мақол. — Совет ҳукумати бизни халққа астойдил хизмат қилиш учун ўқитди, билимли қилди. Ойдин, Мардик — мангулик.

**БИЛИМСИЗ** 1 Билими, илми, маълумоти йўқ, ўқимаган, илмсиз; нодон. Билимсизга иш йўқ, ишисизга ош йўқ. Мақол.

2 Турмуш тажрибасига эга бўлмаган, турмушнинг борди-келдилари, икир-чикирларини билмайдиган; тажрибасиз.

**БИЛИМСИЗЛИК** 1 билимсиз-с.-белги оти.

2 Илмдан беҳабарлик, нодонлик, жа-



холоат. Улуғ Ленин: бизнинг олдимизда иккинчи душман турибди, бу душман — саводсизлик, билимсизлик, жахолоатдир, деган эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**БИЛИНАР-БИЛИНМАС** Сал-пал билинадиган, деярли сезилмайдиган, билинмайдиган. Бўйида ҳам билинар-билинмас излар, доғлар бор. Х. Фулом, Машъал. || Элмурод бу бахайбат одамнинг дўстона қўл сиқиб кўришишдан, билинар-билинмас кулимсираган мовий кўзларидан қандайдир яхши ният билан келганини сезди. П. Турсун, Уқитувчи.

**БИЛИНАРЛИ** Билинадиган, сезилмайдиган, сезиларли. Билинарли ўзгариши. Ер билинарли даражада силкинди.

**БИЛИНМОҚ** 1 билмоқ 3, 4 фл. ўзл. ва маъж. н. Унинг ким эканлиги энди билинди. Чарчаганим энди билинди. Мард майдонда билинар. Мақол. Агар бўлса оқлигинг, билинмайди йўқлигинг. Мақол. — Отабек изох берди: Келган кунимдан Марғилонингизни хушламай бошлаган эдим, чунки танишларим йўқ, мусофирчилик билиниб қолаётган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 (ч.к. билан) Намоён бўлмоқ, сезилмоқ, акс этмоқ. — Яна нима гап? — деди Урмонжон. Унинг гапга ишонмагани ва аччиғи келгани юзидан билиниб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БИЛИНТИРМОҚ** билинмоқ фл. орт. н. Дўстлари унинг йўқлигини билинтирмади. — Фарида.. билинтирмай шидан ух тортди. Мирмуҳсин, Чиниқини.

**БИЛИСКА** махс. Сўзнинг кўзидан ўтказиб қўйилмайдиган қисқа ип (унга иш тикиладиган ип уланади). Ҳайдар ип пишитиб, сўзларга билиска ўтказди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**БИЛИТТИФОҚ** [а] рвш, эск. Иттифоқлик билан, келишиб. Икки меҳрибон билиттифоқ фақир бошимни икки қилишча қарор берибдилар. Жулқунбой, Қалвак маъхум.

**БИЛИШ** 1 билмоқ фл. иш оти. Ҳид билиши. Гап билиши. Ҳар ким ўз вазифасини билиши керак. — Пул топиш қийин, — соқолини тараб деди бой; — аммо пул харажат қилишини билиши ундан ҳам қийин. Ойбек, Кутлуғ қон. Отабек уят аралаш кулиб қўйиб деди: — Ана уста, менинг борлиқ гуноҳим сизнинг шу кунгача мени Шокирбек деб билишингиздагина! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Мажҳудотни, унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш. Билиш назарияси. — Билиш тафаккурнинг объектга абадий, чексиз яқинлашиб боришидир. В. И. Ленин, Фалсафа дафтарлари.

3 Яқин таниш (киши ҳақида). Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш. Мақол. — Саидий дезонда ўлтирган таниш, аммо билиш бўлмаган киши-

ларга одоб билан салом бериб, пойгакдаги курсига ўтирди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БИЛИШИМЧА** кириш с. Менга маълум бўлишича, менимча. Бу ишга, билишимча, ҳозир жазм қилдинг. Ойбек, Кутлуғ қон.

**БИЛИШМОҚ** 1 билмоқ фл. бирг. н. Меҳмонлар, гарчи бундай вақтда кишига ҳеч қандай сўз тасалли бера олмаслигини билишса ҳам, кампирга тасалли берган бўлиб, қўзғолиши. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Танишмоқ, таниш билиш бўлмоқ. **БИЛИҚСИМОҚ** 1 Жуда ҳам ивирсиб, ифлос бўлиб кетмоқ, кирга, чангтўзонга беланмоқ, ботмоқ. Уй билиқсиб кетибди. Қўнанинг чанги чиқиб-билиқсиб ётибди.

2 Ачиб-сасиб кетмоқ, бижғиб кетмоқ. Ҳаммом билиқсиб кетибди. — Атроф яп-айдоқ, оппоқ, шўр, билиқсиб ётган қўлоб. М. Назаров, Сирли хат.

**БИЛИҚСИТМОҚ** билиқсимоқ фл. орт. н. Уйни билиқсиб юборибсиз.

**БИЛЛА** с. т. Бирга. Билла бормоқ. Билла бўлмоқ.

**БИЛЛО** с. т. Биллоҳ. Бир мен ўзим қоқимчи, ҳам эмчиман, аласи, ..Билло, азиз хислатда мандан яхшидур хасчи. Ҳамза. Биллоий азим айн. биллоҳи азим қ. биллоҳ.

**БИЛЛОҲ** [а] эск. Худо ҳақи. Биллоҳи азим улуғ худо ҳақи. [Тоҳир қозига:] Қичқирма, биллоҳи азим, бошингни кесаман! Ҳамза, Майсаранинг иши.

**БИЛЛУР** [ф-т] 1 Юқори навли тиниқ оқ шиша ва ундан ясалган қимматбаҳо идиш-оёқ; хрусталь. || Биллур қадаҳлар. — Унғурдан биллурдек тиниқ, ичсанг тишингни зирқиратиб юборадиган сув жилдираб оқиб чиқади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 эск. айн. кристалл. Энди кўтарилма бошлаган оптобоннинг нури довсиз-дарахтсиз чўлни қоплаб, қор биллурларини олмос майдаларидай ялтиратган бўлса ҳам, уларни эрита оладиган таъсирга эга эмас эди. Айний, Қуллар.

**БИЛЛУРИН** [ф-т] 1 Биллурдан қилинган; хрусталь. Биллурин қадаҳ. 2 Биллурдек тиниқ, беғубор. Биллурин тишлар.

3 эск. Кристаллардан тузилган; кристаллик.

**БИЛЛУРЛАШМОҚ** эск. Кристалланмоқ, кристаллашмоқ.

**БИЛМОҚ** 1 Бирор соҳада маълумотга, билимга эга бўлмоқ. У биладиган одам. Сиз математикани яхши биласизми? — Қанизак бу ҳақда қонунни биладиган бирор одам билан маслаҳатлашинг.. кераклигини айтганда [Сидиқжон] қаҳ-қаҳа уриб кулди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кошки тил билса-ю, у билан суҳбатлаша қолса! Ойбек, Кутлуғ қон. Хат билмоқ хат-саводли бўлмоқ. Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб, боланинг

отини Ёдгор қўйди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. | Бирор соҳа ёки ишда маълум уқув ёки малакага эга бўлмоқ. Шаҳмат ўйнашни биласизми? У дўштни тикишни яхши билади. — Янги от, янги фалтун. Катта майдондаги саройда. Ха, қўйишни, ҳайдашни биласизми? Ойбек, Кутлуғ қон. | Турмуш тажрибаси туфайли хабардор, ошно, таниш бўлмоқ. Кўп яшаган билмас, кўпни кўрган билар. Мақол. Қари билганини пари билмас. Мақол. Тиканинг захрини тортган, оёғини билиб босади. Мақол. — Ақл ёшда эмас, бошда деган одам, билиб айтган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Зайнаб бўлса худонинг яратган махлуқи: уруи ва араз деган гапни билмайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Урмонжон] капсанчиларнинг кўпчилиги пахтани билмагани учун бу экинни унча-мунча биладиган одамлардан терма бригада-лар тузишни таклиф қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Хабардор, воқиф бўлмоқ. Сиз уйда экансиз, билсам, дафтаримни олиб келар эканман.. сезизгина. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. Қутидор бўлса, эрталаб уйқудан турган, бу хангомани билибдир, жуда ажойиб! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Биласизми кириш с. хабарингиз борми. Биласизми, Салимбойвачча бу ишга қаттиқ норози бўлган эди. Ойбек, Кутлуғ қон. Билмадим 1) хабарим йўқ. Билмадим, бугун нима ваз жўлди экан. А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) кириш с. эҳтимол, балки. [Шокир ота:] Биласанми, Йўлчи, бир шоир, билмадим, Сўфи оллоёрми, шундай деганлар. «Таманонига қўл очандан, йўлчи» Ойбек, Кутлуғ қон. Билмай ёки билмасдан 1) хабари бўлмаган ҳолда, тушунмай-нетмай. — Эҳтимол, жуда ҳам катта гуноҳ эмасдир, чунки билмасдан, тушунмасдан қилинган иш, — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) тасодифан, ногаҳон. Кечирасиз, билмасдан келибман. Билмасам айн. билмадим 1. Ким билсин ёки ким билади ҳеч кимга маълум эмас, ҳеч ким айта олмайди. Ҳай, мен нега уни бевақт уйғотяпман, ким билсин, бу хил уйқу кенжамага яна қачон насиб қилади, бир өз ором олсин. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Киши билмас қ. киши. Худо билсин (ёки билади) айн. ким билсин. Қоронғуда яхши ажрата олмадим, тусини ғира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим. Тагин уми, бошқами, худо билсин. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳис этмоқ, сезмоқ. Оёғим оғриётганини энди билдим. Аҳмоқ ҳориганин билмас. Мақол. — Ҳайдар ота шу йў билан тегирмон бошига етганини ҳам билмай қолди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Сен билан бўлсам, вақт қандай ўтганини билмайман. Ойбек, Нур қидириб. | Идрок этмоқ, англамоқ, фаҳхламоқ, тушуниб етмоқ, уқмоқ, пайқамоқ. Ҳар ким ўз айбини билмас. Мақол. — Мен, биродар, ер-



нинг тагида илон қимирласа биламан. А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун.

4 Асл моҳиятини англамоқ, тушуниб етмоқ; ажратиб, фарқ қилиб олмақ. Мен унинг ким эканлигини энди билдим. — Хатни икки-уч қайта ўқиб чиққандан кейин билсам, ҳақиқат шу эмиш. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Тан олмақ, қадрига етмоқ, тақдирламоқ. Ўзини билмаган, халқни билмас. Мақол. Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас, эл билур. Мақол. Яхшиликни билмаган, ёмонликдан қолмаган. Матал. — Шошмай тур, ҳали у иззатини билмаган итваччани тугиб адабини бердирмасам, Мадумар отимни бошқа қўйиб юбораман. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

6 Танимоқ, таниш бўлмақ. Бу ерда мени ҳеч ким билмайди. — Нурматовни сизлар қанча билсаларинг, мен ҳам шунча биламан-да. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Мен сиз билган Шокирбек эмас, тошкентлик Юсуфбек Хожининг ўғли ва марғилонлик Мирзакарим аканинг кўёви — Отабек. А. Қодирий, Утган кунлар.

7 ... деб ҳисобламоқ, ... деб санамоқ. Ўзингни эр билсанг, ўзани шер бил. Мақол. — Ҳалиги гапирини сир деб бил! Ойбек, Кутлуг қон. Бола ўз қайғусини бутун бир дунёнинг қайғусидек билар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Кетини ўйламадан вағда берган, энди сўздан қайтишни эп билмайди. Ойбек, О. в. шабадалар.

8 Уддасидан чиқмоқ, эплай олмақ. Ҳали сиз ёлгон гапирини ҳам биласизми? А. Қаҳҳор, Айб кимда? Сиз икки келин ушлашни билмасиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

9 Лавзатини тотмоқ; кўрмоқ. У тамни яхши билади. Ошнинг тамини билмоқ.

10 Ихтиёрга, измга эга бўлмақ. — Қўйинг-чи, — деди [Ўзбек оғим] — беш-олти кун қизиз турган киши бир нарса бўлтими? — Сиз тушунмаяпсиз, ойи.. ҳали тагин дадаси билдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. **Билганини қилсин** хоҳлаганини, ҳушига келганини қилсин; ихтиёр ўзида. — Шунчалиги ҳам бор, — деди Зокир ота кетгани кўзғалиб, — майли, билганини қилсин. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Ўзингиз биласиз** 1) ўзингиз хабардорсиз, ўзингизга маълум. Дадани ўзингиз биласиз, оғир ишга ярамайдилар. А. Қаҳҳор, Кўшчинор; 2) ихтиёр ўзингизда. **Офтоб оғим тиллар-тиламас «ўзингиз биласиз» жавобини берди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Билганинг билган** ҳаммасидан ўз ақлингга келгани, ўз билигинг билан қилганинг дуруст. **Кўпчилик бир нафас жим ўтиришди.** Сўнгга ора-ордан: — Сизнинг билганингиз билган, мулла, — деган маъқулловчи товушлар эшитилди. П. Турсун, Уқитувчи. **Билганингдан қолма** ўз-ақлингдан қол-

ма, ўз ақлингга келганини қилавер. **Тилини билмоқ** бирор нарсанинг сирини, ундан фойдаланиш йўлини билмоқ. **У пахта териш машинасининг тилини яхши билади.** **Қуш тилини қуш** билади ҳар тоифа кишилари билан муомала қилишни, сўзлашишни шу тоифа кишиларининг ўзи яхши билади.

**БИЛОНИХОЯ** [а] Бенихоят кўп, кўпдан-кўп. **Дуойи билониҳоя** ва салони муштоқона (эскича мактуб муқаддимаси). || **Шеър ўқий, шеър тўқий,** билониҳоя. Ф. Гулом.

**БИЛОНҒИ** Буралиб-буралиб кетган, эгри-бугри (ёғоч-тахта ҳақида).

**БИЛУВЧИ** 1) билмоқ 1—8 фл. ш. оти. **Сир билувчи бўл,** сир айтувчи бўлма. Мақол. — **Бу ишни ҳозиргача бир ўзим ва бир тангери билди.** Энди бу сирни билувчиларнинг учинчиси сиз бўлдингиз! А. Қодирий, Утган кунлар.

2) Билмдон, билармон, билағон. **Қаердан билувчи бўлиб қолдинг?**

**БИЛЧ-БИЛЧ** айн. **пилч-пилч.** **Билч-билч** лой. || **Билч-билч** лой кечмоқ.

**БИЛЧИЛЛАМОҚ** айн. **пилчилламоқ.** Ёмғир ёғиб билчиллаб кетган йўлларда кийимлари эскирган, ранглари бир ҳолатда қосиблар бошларини эгиб, аста қадам ташлаб борар эдилар. М. Осим, Утрор. **Отаси бошлатиб берган чоригидан қор суви ўтиб, тову ва оёқ бармоқлари сув ичида билчиллайди.** П. Турсун, Уқитувчи.

**БИЛЪАКС** [а] рвш, кт. Аксинча, акс ҳолда. — **Янглишасиз, ота.** — **Янглишмайман, билъакс билб..** сўзлайман. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БИЛЪЯРД** [р<фр] 1) Маҳсус столда шар-соққаларни таёқ (кий) билан уриб, столнинг ёни ва бурчакларидаги чуқурчаларга — лузаларга тушириш ўйини. **Бировлар оқатланмоқда,** яна бировлар билъярд ўйнамоқда. И. Раҳим, Ихлос.

2) Шу ўйин столи ва кий-шарлари. **Дам олиш уйида иккита катта билъярд олиш.** **Билъярд столи.** **Билъярд шари.**

**БИЛҚ-БИЛҚ** тасв. с. Билқилдоқ нарса (мас., қалин тупроқ, лой, бўтқа ва ш. ж.) ва уларнинг ҳаракати, товуши ҳақида. **Билқ-билқ** лой. || **Шава** билқ-билқ қайнапти. — **Йўл жуда оғир:** **Ҳаво иссиқ,** дим ва чанг. **Билқ-билқ иссиқ тупроққа ботиб** бормоқ-дамиз. Ойбек, Болалик.

**БИЛҚИЛДОҚ** Қўпчиб, билқиллаб турадиган; қалин ва оёқ ботадиган юмшоқ. **Билқилдоқ** лой. **Билқилдоқ тупроқ.** — **Шерзод билқилдоқ қум** устидан кетаётди, тик қирғоқдан шағал тошчаларини иштирлаб тўкилаганини эшитиб қолди. Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

**БИЛҚИЛЛАМА** айн. **билқилдоқ.** Билқиллама бағбақалар. — **Баъзан шундай.. жойларда билқиллама шўрхок ҳосил бўлади.** П. Гуломов, Зарафшон этакларида.

**БИЛҚИЛЛАМОҚ** Қўпчиб ёки қайнаб билқ-билқ товуш чиқармоқ. **Йўл-**

**лардаги тизза бўйи тупроқ билқиллаб қайнади; оёқ боссангиз куйдиради.** Ж. Шарипов, Хоразм. **Яна бир кетмон урганда ажриқзордан билқиллаб суюқ лой чиқди-да,** кейин **кучли тинки сув тикка отилди.** И. Раҳим; Чин муҳаббат. **Билқиллаб қайнаётган** декчадан **хушбўй ҳид димоғига гул этиб** урди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БИЛҚИЛЛАТМОҚ** билқилламоқ фл. орт. н.

**БИМЕТАЛЛ** I [р<лат] қ, **биметаллар.**

**БИМЕТАЛЛ** II [р<биметаллический] Икки хил металлдан иборат бўлган. **Бир-бирига парчинлаб қўйилган** икки хил металл, масалан, темир ва жез пластинка **биметалл пластинка** деб аталади. «Физика курси».

**БИМЕТАЛЛАР** Икки хил металлдан иборат бўлган сим, пластинка ва ш. к.

**БИН** [а] айн. ибн.

**БИНАФША** [ф-т] 1) **от** Бир хил ўтсимон ўсимлик ва унинг баҳорда очиладиган тўқ сафсар ранг хушбўй гули.

2) **сфт** Шу гул рангидаги, сапсар. **Тўрт бурчага кўк, бинафша, шафтоли ранг** упақлар билан гуллар тикилган. Ойбек, Кўеш қораймас.

**БИНО** [а] Катта уй, иморат. **Театр** биноти. **Тураб жой** бинолари. **Шаҳримизда янги-янги кўркам бинолар қад кўтармоқда.** — **Дарбозадан ўн беш одимлар нарида,** ишйпонга ўхшати тўрт тарафи очиқ бир бинода, **дарвоза** беклари гулхан солиб чилим чекиб ўтиридилар. А. Қодирий, Утган кунлар. **Бино бўлмақ** 1) қурилмоқ, барпо бўлмақ. **Чўлдан очилган янги ерда** колхознинг иккинчи қишлоғи **бино** бўлди; 2) юзага, бунёдга келмоқ; туғилмоқ. **Бир йигит қирқ йилда** **бино** бўлади. Мақол. — **Бу молларни** **Мадмингов қайқдан олибди!** **Ҳажмаси** сену мендақаларнинг пешана теридан **бино** бўлган. П. Турсун, Уқитувчи. **Бино қилмоқ** қурмоқ, барпо етмоқ. **Социализмни** **бино** қилмоқ. — **Ўзгал-гўзал чаману пахтазор этиб** чўлни, **Безантириб** неча нақшин **бино** қилмаиз. Ҳабибий.

◆ **Бино қўймоқ** 1) ортиқ даражада берилмоқ, эътимод қилмоқ. **Ҳеч ким мендай сена** **бино** қўйган йўқ, «**Равшан**»; 2) зеб бермоқ, оро бермоқ. **Бино қўйиб олтин сочин таради,** **Қўкдам қизил гул ҳидини** сочганда. М. Алавия; 3) ортиқ даражада ишонмоқ, мағрурланмоқ. [**Хонзода Гулбаҳорга:**] **Сен** **ниманга** **бино** қўйсан! **Ҳамза,** **Бой** ила хизматчи. **Ўзига** **бино** қўймоқ 1) ўзига оро, зеб бермоқ. **Ортиқ** **бино** қўйдим **ёр** **деб** ўзимга. **Ҳамза;** 2) ўзига ишониб кетмоқ, мағрурланмоқ. **Гердаий** **ўтириши,** бошини **қўтариб,** **шонмасдан** гапирини [**Хожибичинг**] **мағрур** ва ўзига **бино** қўйган **одам** эканини **кўрсатарди.** М. Осим, Утрор. **Умри** **бино** бўлиб, **дунё** **бино** бўлиб **ёки** **дунё** **бино** бўлганидан бери **туғилганидан** бери. **Равшан** **хола** **умри** **бино** бўлиб,

қилмаган иши қолмади. Кўп қатори, ҳоли қудрат, колхозда ишлади. С. Зиёев, Райҳон. Дунё бино бўлиб, биз Қамишқана меҳнатқашлари бунчалик қувонган эмасмиз. П. Турсун, Ҳикитувчи.

**БИНОАН** [а] кўм. (ж. к. билан) Мувофиқ, асосан, кўра. Ваъдангизга биноан. Юқоридаги сабабларга биноан. Шунга биноан. — УзССРда меҳнат қилиш «ишламаган — тишламас» деган принципга биноан меҳнатга лайқатли ҳар бир гражданининг бурчи ва шарафли ишидир. «УзССР Конституцияси». Амакиси, «қизи борнинг нози бор» деган таомилга биноан унча-мунча ноз ҳам қилиб қўяр эди. П. Турсун, Ҳикитувчи.

**БИНОБАРИН** [ф-т] эргш боғл. Шунга кўра, шу сабабли, демак. [Зебо-нинг] назарида бу муҳаббат ҳеч ким-ниқига ўхшамас, бинобарин, ҳеч ким уни тўла .. тасаввур этолмас эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БИНОЙИ** [ф-т<а] Туппа-тузук, дуппа-дуруст, яхшигина, созгина. Биноий йигит. Биноий иш. — Худди ўзи бўлибсиз-қўйибсиз, офарин, офарин! — деди эшон. — Кўп бинойи! — деди қори. П. Турсун, Ҳикитувчи.

**БИНОЙДАЙ** «дек айн. бинойи. Биноийдек шаҳар. || Ёш нарса бир гувиллаб ёнди қўйди-да! Бир ош пишгунча яна ўчиб, бинойидек бўп қолади. Уйғун, Навбахор.

**БИНОКЛЬ** [р<фр] Узоқни яқин қилиб кўрсатадиган қўш трубади дастаки оптик асбоб, қўш трубади дурбин. Театр бинокли. Дала бинокли. — У йўлда парашют тушган жойни бинокль билан кузатиб борди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БИНОКОР** [а+ф-т] 1 Бино, иморат қурувчи ишчи, уста. Моҳир бинокор. Бинокорлар байрами. Бинокор уста.

2 кўма Барпо этувчи, қурувчи, ижодкор. Коммунизмнинг бинокорлари.

**БИНОКОРЛИК** 1 бинокор с. касб оти. Бинокорлик менинг ота касбим. — Али тажанг жуда тўғри ўсган, йўғон ва баланд қарағайни суйиб қучоқлади. Бинокорликдан пича хабардор эди у. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Қурилиш иши; қурилиш. Мен бинокорликда ишлайман. Бинокорлик бригадаси. — Тепанинг талай ҳиссаси кўчанинг бу бетидоғи янги биноларнинг хом ғишти, сувоғи каби бинокорлик эҳтиёжлариغا ишлатилиб, бир нима таси олинган тўдак кўринишга келиб қолган. А. Қодирий, Обид кетмон.

**БИНОМ** [р<лат+грек] мат. Икки ҳадли математик ибора; икки ҳад. Ньютон биноми.

**БИНТ** [р] 1 Яра боғлайдиган дока лента. Ярасини бинт билан боғламоқ.

**БИНТ II** [а] эск. Хотин-қизлар исмидан кейин «қизи» маъносини билдириб келадиган сўз; тақ. ибн. Қумушиби бинт Мирзақаримбойга .. Отабек Юсуфбек ҳожи ўғлидан. А. Қодирий, Ҳикитувчи.

**БИНТЛАМОҚ** Бинт билан ўраб боғламоқ, танғимоқ. Ярани бинтламоқ.

**БИОГРАФИК** [р биографический] Биографияга оид. Биографик роман. Биографик сарвак.

**БИОГРАФИЯ** [р<грек] Бирор кишининг ҳаётини йўли ва унинг тавсифи, баёни; таржимаи ҳол. М. Горький биографияси. Ойбек биографияси. — Элмурод биографиясини Борисов кутганидан ҳам қисқа қилганда, ҳамма ҳайрон бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БИОЛОГ** [р] Биология олими, мутахассиси.

**БИОЛОГИК** [р биологический] Биологияга, тирик организмларнинг ҳаёти ва ўсишига оид. Биологик процесслар. Биологик тадқиқотлар.

**БИОЛОГИЯ** [р<грек] Тирик организмларнинг ҳаёти ва ривожланиш қонуниятларини ҳақидаги фан. Усимликлар биологияси. Биология кабинети.

**БИОФИЗИК** [р] Биофизика олими, мутахассиси.

**БИОФИЗИК** [р биофизический] Биофизикага оид. Биофизик тадқиқотлар.

**БИОФИЗИКА** [р<грек] Тирик организмларга хос физиквий қонуниятларни ўрганадиган фан.

**БИОХИМИК** [р] Биохимия олими, мутахассиси.

**БИОХИМИК** [р биохимический] Биохимияга оид. Биохимик тадқиқотлар.

**БИОХИМИЯ** [р<грек+а] Тирик организмларга хос химиявий процессларни ўрганадиган фан.

**БИПЛАН** [р<фр] Устма-уст икки қават қанотли самолёт.

**БИР** снқ сон 1 1 ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Бир ёзмиз, икки дилда. Биру бир — икки. Бир кам қирқ. Ундан бир. Бир пой этик. Бир жуфт қалиш. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга — минг қамчи. Мақол. Душманнинг бири ҳам хатар. Мақол. — Икки ўғли уйланган, бир қизи эра теккан, набиралари ҳам бор. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир томчи қонимиз қолгунча йўлингизда жон берамиз. А. Қодирий, Ҳикитувчи. 1264 ҳижрия, дала ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири. А. Қодирий, Ҳикитувчи. | Нумератив сўзлар билан предметларнинг миқдорини ёки мажмуини билдиради. Бир гала қуш. — Навоий .. астрободлик бир тўда танишлариغا йўлиқди. Ойбек, Навоий. | от вазифасида Қиши ёки нарса. Бирни кессанг, ўрни эк. Мақол. Бирники — мингга, мингники — туманга. Мақол.

2 Ноаниқлик артикли вазифасида «қандайдир», «аллақандай», «аллақайси» каби маъноларни билдириб келади. Сизни бир одам сўраб келган эди. — Унинг кўрагини бир нима чуқур эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Афтидан оғзига аччиқ гап келди-ю, дадаси олдидан бу одамга бир нарса дейишдан ўзини тийди. Ш. Рашидов, Бўрондан

қучли. Учовлари ҳам бир нарсанинг ҳаёлини сургандек кўринар эдилар. А. Қодирий, Ҳикитувчи. **Бир кун** 1) қуёш чиққандан қуёш ботгунча (12 соат) ёки қуёш чиққандан эртаси қуёш чиққунча (24 соат) бўлган вақт. Бир кун бир йилни боқади. Мақол; 2) кунларнинг бирида, аллақайси кун. Бир кун(и) биз боққа чиққан эдик. Кунлардан бир кун ўтган кунларнинг бирида.

3 Фейллар билан иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилгани ёки бўлишини билдириб келади. Одам дунёга бир келади. У сени бир чўқшида қочиради. Етти йлчаб, бир кес. Мақол. Бир синалган ёмонни қайта-қайта синама. Мақол. — Йўлчи .. бойвачанинг кўкрагига зарб билан бир мушт туширди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бола бечорага бир ёрдам қилгин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Белги-хусусиятни кучайтириш учун хизмат қилади. Бир катта уй. Ўғли бир яхши йигит экан. — Менга ҳам бир меҳрибон топилаб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. Хасаналининг Отабеклар оиласида бўлганига эллик йиллар чамаси замон ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кетган. А. Қодирий, Ҳикитувчи.

5 Ажратиш, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. Ҳамма рози бўлди, бир мен рози бўлмадим. Бу ишни бир ўзи бажарди. Уйда бир ўзим қолдим. Қамтарлик ҳам бир хислат. Мақол. — Бу бир ибрат. У ёғини ўзингиз биллиб ола беринг. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Вали ака ўғлига бир отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдарди ҳам эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шунини бир биллиб қўйинки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

6 кесим вазифасида Бирлик, бирдамлик, умумийлик ёки бир хиллик, ўхшашлик маъноларини билдиради. Уларнинг ҳаммаси бир. Бизнинг ёшимиз бир. Бизнинг сўзимиз билан ишимиз бир. «От» сўзи «ном» сўзи билан бир. Кемага тушганининг жони бир. Мақол. Билак бир, бармоқ — бошқа. Мақол. — Уртоқ раис, МТС билан колхознинг манфаати бир эканлигини унутманг. Ш. Рашидов, Бўрондан қучли. **Бари бир қ. бари.** **Бир бўлмоқ** 1) бирлашмоқ, бир жон, бир тан бўлмоқ. Кўп оғиз бир бўлса, бир бир оғиз енгилар. Мақол; 2) бир хил бўлмоқ; ўзаро мувофиқ, мос бўлмоқ. Одамнинг дили билан тили бир бўлсин. Мақол. **Бир қилмоқ** бирлаштирмоқ. Гапни бир қилмоқ 1) бир марта гапирмоқ, бир гапириб масалани узил-кесил ҳал қилмоқ; 2) гапни бир ерга қўймоқ, келишмоқ, битишмоқ.

7 Қўшма сўз таркибида келади, мас. бир вақт, бир маҳал, бир өз, бир дақиқа, бир зум, бир лаҳза, бир нафас, бир мунча, бир қанча, бир асосли,

бир жинсли, бир йўла, баъзи бир, ҳеч бир, ҳар бир ва ш. к.

8 Айирувчи боғловчи вазифасида «гоҳ», «гоҳ» маъноларида ишлатилади. Бир ундай бўлади, бир мундай бўлади. Бир каттанинг гапига кир, бир — кишикинг. Мақол. — Умри бир оқарди, бир қизарди-ю, мени қучоқлаб йўлади. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

◆ Бир бор экан, бир йўқ экан ўзбек халқ эртақларининг бошланиш ибораси. Бир бўлса кири с. эҳтимол; ажаб эмас. Ҳоҗия, бир бўлса, докторга кетди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бирни икки бўлмайди рўзгорига, топган-тутганига барака кирмайди, муҳтожликдан чиқмайди. Қудратли қанотингиз остида бирим икки бўлишини умид қилиб келдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бир кун эмас бир кун айн. бирда эмас, бирда қ. бирда. Бир сўзни икки қилмоқ кимсанинг сўзини, гапини ерда қолдирмоқ, бир айтгандаёқ бажармай, такрор айтишга мажбур қилмоқ. Уринбой бир сўзни икки қилмай, хаёл суриб чиқиб кетди, раис унинг ортидан илжайиб қолди. Ойдин, Ҳзи монанд. Бирини олиб, бирига урадиган салб. иккаласи бир хил, бир-биридан яхши эмас, бир-биридан қолишмайди. Бирни иккига олмақ икки баравар қимматга олмақ.

**БИРАКАЙ 1** сфт Биттагина бўлса ҳам, жуда яхши, соз, кўпнинг ўрнини босадиган. Ҳа, отахон, қирқи кетиб, бири қолган, лекин биракайи қолган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 рвш Бир йўла; бир марта бўлса ҳам меҳнатга овора бўлганга арзийдиган, арзирли. Шод қўшиқлар баланд кўшлардан ошур, Эл бари биракай қувонур. Миртемир.

**БИРАКАЙИГА** айн. биракай 2. Остановка асфальтини.. биракайига шипиллатиб супуриб ўтган мўздек ел энди Умматалининг этини жунжитди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**БИРАМ** [асли бир+хам] с. т. Сифат ёки феълнинг олдида келиб, улардан англашилдиган маънони кучайтиради. Бирам чанқадим. Бирам сизни соғиндим. — Қулоқлари бирам чиройли. Ғ. Фулом, Шум бола. Ери кучли экан, бирам экин бўлди-ки, ҳавасингиз келади. Ойдин, Мардлик — мангулик. Бирам кулги бўлди, Сатторқул бирам уялди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БИРАТЎЛА(СИ)** рвш 1 Бутунлай, тамомила, батамом, буткул. Биратўла қутулмоқ. — Энди бу ерларни колхоз биратўла олиб қўйганини кўрган Мадамин қишлоқда чидаёлмади, тонг саҳарда отига миниб жўнади. П. Турсун, Ҳқитувчи. [Мулла Обид] ҳамон энди дехқон бўладиган бўлсақ, биратўласи бўлайлик дейман-да. А. Қодирий, Обид кетмон. Буён биратўласи дам олиш қилсақ, тоққа чиқиб гулхан ёқсақ, нима дейсизлар? Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Бирваракайига, бир йўла; йўл-йўлақай. Энди у [Софья] бу икки мушибатни биратўла қандай кўтаради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. — Аввал қиладиган ишларимни қилиб олай, кейин биратўла ювиниб, овқат ейман, — деди Тўла онасига. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**БИРАТЎЛАСИГА** с. т. Биратўла(си).

**БИР-БИР 1** Тартиби, гали билан, бирма-бир. Қумуш бошқалар билан бир-бир кўришиб чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Рисолат «гапирайми, йўқми» дегандай ҳаммага бир-бир назар ташлади. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 айн. битта-битта 3. Жононга бордим бу кеча. Бир-бир босиб астагина. «Қўшиқлар».

**БИР-БИРИ:** бир-бири билан бири бири билан, бири иккинчиси билан, ўзаро. Бир-бири билан телефон орқали сўзлашмоқ. Бир-бири билан кўришмоқ. — Улар бир-бирлари билан ўракишгандай, хуракни даража-бадаража оширишга тиришади. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бир-бири** учун бири бири учун, бири иккинчиси учун. Агар одамлар сенга қиладиган ибодати ўрнига бир-бири учун меҳнат қилса, сенга қўйган кўнглини бир-бирига қўйса ер юзининг йзи жаннат бўлади. А. Қаҳҳор, Мирзо. **Бир-бирига** 1) бири бирига, бири иккинчисига. Бир-бирига ўрагмоқ. Бир-бирига ёрдам қилмоқ. — Ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қаради. П. Турсун, Ҳқитувчи. Яна кулги бир-бирига илашди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бири-бирига нисбатан, бири бири билан, ўзаро. Бир-бирига зид тушунчалар. — Ҳовузнинг нариги четига бир-бирига яқин ўтказилган.. уч туп олма дарахти. Ойбек, Қутлуғ қон; 3) (т. к. билан) бирини иккинчисига, бирини иккинчиси билан. Қўлларни бир-бирига ишқаламоқ. — У [Йўлчи] жўрттага, лоқайдлик билан икки қолпини бир-бирига уриб сўради. Ойбек, Қутлуғ қон. Махдум мулла Абдурахмон билан Анварни бир-бирларига таништирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**Бир-биридан** 1) бири биридан, бири иккинчисидан. Бир-биридан ўрناق олмақ. Бир-биридан кулмоқ. — Одамлар тўпланишиб, бир-бирларидан сўрашади. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бири бирига нисбатан. Бир-биридан чиройли. Бир-биридан ширин. Бир-биридан узоқ жойлар; 3) (т. к. билан) бирини биридан, бирини иккинчисидан. Боғчаларни бир-биридан айирган деворлар. — Мен билан Отабекни қаматиб дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир-бирини** бири бирини, бири иккинчисини, ўзаро. Бир-бирини сеюмоқ. — Хотинлар бир-бирларини сийлаб, бир-бирларига йўл кўрсатиб, бир-бирларининг қўлларидан ушлаб,

меҳмон опа кетидан уйга бирин-кетин киришди. Ҳ. Фулом, Маъғал.

**БИР-БИРОВИГА** айн. бир-бирига қ. бир-бири.

**БИР-БИРОВИДАН** айн. бир-биридан қ. бир-бири.

**БИР-БИРОВИНИ** айн. бир-бирини қ. бир-бири.

**БИРВАРАКАЙ(ИГА)** рвш 1 Бир галдаёқ, бир сафардаёқ, ҳаммасини бир қилиб, йиғштириб, биратўласига. Қумуш ўн беш кунлардан бери йиғлиб келган аччиғини бирваракай тўқиб солди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Ўлмас] ҳозир Мирҳожибойни қўлга туширса, ҳамма ёмонликлари учун бирваракайига қасос олишга тайёр эди. Ё. Шукуров, Қасос.

2 Бирдан, бараварига. Тенада бирваракай гўлбураган момақалдиорқ Марҳаматнинг диққатини бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Таг-туғи билан, таг-томори билан; буткул, бутунлай. Яхшиси шулки, у бош оғриғиларни бирваракай орадан кўтариб, тинчншайлик. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИРВАРАКАСИГА** с. т. Бирваракай(ига).

**БИРГА** рвш 1 Бир бўлиб, қўшилишиб, биргаликда. Бирга ишламоқ. Бирга ўқимоқ. Бирга ўсган ўртоқлар. — Албатта, ўзинг бирга борсан, қудаларинг билан танишмоғинг ҳам зарур. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бир вақтда, баравар. Ўғлим эрталаб мен билан бирга туради.

3 Бир қаторда, баробарида. Янги мактаблар очиб.. диний дарслар билан бирга жуғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик. Ойбек, Қутлуғ қон. Бута танҳо ва шу билан бирга, дўнгликда унинг ён-вериди жон асари кўринмас эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Бирликда, ҳамкорликда. Бундан кейин гапларимни уқиб олинг, модомики мен билан биргасиз, менинг одамимиз, ҳар бир ишни мен билан баҳамжиҳат қилинг, ўзбилармонликни кўтармайман. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 (т. к. билан) Кимса ёки нарса билан бирликда; бирга қўшиб. Масалаларни бирга муҳокама қилмоқ. Хат билан посилкамни бирга юбормоқ. — Домла.. пионер болалардан иккитасини бирга олиб юра бошлади. П. Турсун, Ҳқитувчи. **Бирга қўшмоқ** 1) аралаштирмоқ, қораштирмоқ; бирлаштирмоқ. Дориларни бирга қўшиб чиммоқ. Колхозларни бирга қўшмоқ; 2) уйғунлаштириб олиб бормоқ. Назария билан амалияни бирга қўшмоқ.

◆ **Тўйга бирга бўлинг** тўйга таклиф этиш формаси. [Ермат] баъзибир «таъби тортган» одамларга: «тўйга бирга бўлинг» деб қўяди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИРГАЛАШМОҚ** Бирга бўлмоқ, бирга қўшилимоқ, қўшилишмоқ; уюшмоқ. Биргалашиб юрмоқ. Биргалашиб овқатланмоқ. — Емган бўлсангиз,

сиз ҳам олишинг! — деди бек. Зайнаб эридан ийманмай биргалашди. А. Қодирий, Утган кунлар. Аҳмаджон бир қарорга келди. У қандай қарорга келганини айтмасданоқ, шериги англади ва тўлемётни биргалашиб оқонга тортиб туширди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Бирлашмоқ, бир жон, бир тан бўлмоқ. [Пўлат:] Ҳа, бир ўзинг ҳеч нарса қила олмайсан. ..Аммо биргалашасан-чи? Н. Сафаров, Уйғониш. Уртоғингиз Содиқбой мен билан биргалашиб камлик кўрмади. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БИРГАЛАШТИРМОҚ** биргалашмоқ *фл. орт. н.*

**БИРГАЛИК** Бирлик, ҳамжиҳатлик. Биргаликни мустаҳкамламоқ.

◆ **Биргалик нисбат грам.** иш-ҳаракатнинг бир неча шахс ёки предмет томонидан бирга ёки ўзаро бажарилишини ифодалайдиган феъл формаси. **Биргалик эргаш гаплар грам.** тўғридан-тўғри бош гапга боғланиб келган эргаш гаплар.

**БИРГАЛИҚДА** *рвш* 1 Жам бўлиб, бир бўлиб, қўшилиб. Буларнинг ҳаммаси биргалиқда бир бутунни ташкил қилади.

2 Бирга, бирга бўлиб, биргалашиб, уюшиб. *Биргалиқда дарс тайёрламоқ.* — *Биргалиқда ўтган шовқин-суронли болалик, қувноқ ёшлик туғади.* П. Турсун, Уқитувчи. | Бир жон, бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик, яқдиллик билан. *Биргалиқда қурашмоқ.* | Бирлиқда, ҳамкорликда, ўзаро келишиб, фикрлашиб. Қасаба союз. комитети. .. маъмурият билан биргалиқда социалистик мусобақа ташкил қилади ва унинг якунларини тўплайди. «СССР Олий Советининг ведомостлари».

**БИРДА** *рвш* Қайси бир кунни. Агар руҳсат берсангиз, ҳов бирда сизга кўрсатган мактубни ўртоқларга ўқиб эшиттирсам. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **Бирда эмас, бирда ёки бирда бўлмаса, бирда бир кун эмас, бир кун, қачондир бир кун.** Тўрақоновга ўхшаш кишилар бирда бўлмаса, бирда, бари бир, тумшуқларидан илдинадилар. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқинлар.

**БИРДАЙ**, «дек 1 *сфт* Ҳар жиҳатдан тенг, айнан бир хил. *Иккита бирдай уй.* || *Менга ҳамма бирдай. Ҳаммага бирдай қарамоқ.*

2 Бир текисда, бир ўлчовда, текис. *Ҳамма кўчатлар бирдай ўсмоқда. От бирдай йўртиб бормоқда.*

3 Ҳамиша, ҳамма вақт, доимо. *Бирдай вақтим йўқ, дейди.* — *Отин ойи бирдай такрорларди.* — *Чаққон-чаққон, тез-тез бўла қол!* П. Турсун, Уқитувчи.

4 Бир хилда, бир зайлда, ўзгаришсиз. *Беморнинг аҳволи бирдай.*

**БИРДАМ** Фикри, мақсади, маслағи бир, ҳамжиҳат, яқдил, ҳамнафас. *Бирдам бўлмоқ.*

**БИРДАМЛИК** 1 *бирдам с.* белги оти. Морозов фабрикасида бўлган стачка ишчиларнинг синфий бирдамлиги ва онглилиги уйғонганлигини кўрсатувчи далил эди. «КПСС тарихи».

2 Ҳамжиҳатлик, яқдиллик, ҳамнафаслик. *Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги.* — *Ашаддий буржуа миллатчилиги шундан иборатки, у ишчиларни буржуазияга боғлаб бермоқ учун уларни оғулайди, лақиллатади, бирдамлигини бузади.* В. И. Ленин, Миллий сиёсат ва пролетар интернационалиزم масалалари.

**БИРДАН** *айн.* бирдан(ига).

**БИРДАН-БИР** Ягона, ёлғиз, биттагина. *Бирдан-бир чора.* *Бирдан-бир сабаб.* — *Ҳовлидаги бирдан-бир катта уйнинг ўртасига ёзилган дастурхон теварасида Зағажқўз домла, Турдиров халфа, Тожибой оқсоқол ўтирар эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *УзССР Олий Совети УзССРнинг бирдан-бир қонуни чиқарувчи органидир.* «УзССР Конституцияси». *Кўриқ ва бўз ерларни очиш учун келган азаматлар бўрон кезиб юрган поёнсиз чўлнинг бирдан-бир хўжайини бўлиб қола бердилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БИРДАҢ(ИГА)** *рвш* 1 Кутмаганда, тўсатдан, қўққисдан. *Сахар палла бирдан кўнглим беҳузур бўлиб, тўлғоқ тута бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мен — ўн олтига роса тўлмаган қиз, бирдан.. катта оилага тушиб олдим. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, хаёлга ҳам келмаганда. *Шу йеғит бирдан уйланиш тарадудига тушиди-ю, бир ҳафтанинг ичида тўй ҳам бўла қолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Кескинлик билан, шитоб билан, шартта. *У бирдан ўрнидан турди.* — *Ун минут қадар йўл юрилган, бир томони чуқур жарлик кўчада Ермат бирдан отни тўхтатди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Карнай-сурнай бирдан тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Тезлик билан, тез ғурсатда. Саккиз меҳмон ичида иккиси бениҳоят семиз эди. Бири яқинда бой бўлиб, бирданнига семирган, пахта завод соҳибни Жамолбой.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Айни бир вақтда, баравар. *Иккиси [Офтоб ойм ва Кумуш] ҳам сачраб Қутидорга қарадилар-да, бирдан сўрадилар:* — *Нима, қандай сир?* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ҳали машинанинг қораси кўздан ўчмасдан, бирдан икки самолёт насланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

4 Бир йўла, бирваракайига. — *Ҳа, ҳаммасини.. бирдан олма,— секин гапирди Эшвой,— бир бўлагини ол.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Сатторқул раис бўлибди ва унинг хотини бирдангина учта туғибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

**БИРЖА** [р<нем] Капиталистик мамлакатларда: қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар савдо-сотик қилинадиган йирик савдо муассасаси. **Фонд биржаси** қимматбаҳо қоғозлар савдо

қилинадиган биржа. **Товар биржаси** ҳар хил моллар савдо қилинадиган биржа.

◆ **Меҳнат биржаси** ишга ёллаш ва ёлланнишда ишчи ва хўжайин ўртасида воситачилик қилувчи муассаса.

**БИРЖАЧИ** Биржа операциялари билан шуғулланувчи капиталист, биржа қорчалони.

**БИРИКИШ** 1 *бириқмоқ фл. иш оти.*

2 *хим.* Икки ёки бир неча моддалар янги бир модда ҳосил бўлиши. *Бирикши редкцияси.*

**БИРИКИШМОҚ** *бириқмоқ фл. бирг. н.*

**БИРИКМА** 1 *хим.* Бирикши реакцияси натижасида икки ёки бир неча моддалардан ҳосил бўлган янги модда. *Минерал-химик элементлардан.. табиий йўл билан таркиб топган химик бирикмадир.* «Қизиқарли химия».

2 *лингв.* Маълум грамматик қонуниятларга бўйсуниб, ўзаро боғланган икки ёки бир неча сўз. *Сўз бирикмаси.* *Барқарор бирикмалар.* — *Тузал бир фикр билдирадиган сўз ё сўз бирикмаси гап дейилади.* «Ўзбек тили грамматикаси».

**БИРИҚМОҚ** 1 Бирга қўшилмоқ, бирга қўшилиб бир бутун ҳосил қилмоқ. *Жувоозхона ичидан тезак, шиптир, мой ва кунжара ҳидларидан бириккан алақандай қўланса ҳид йўлчининг димоғига дарров урди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Ўзаро уйғунлашиб, бирга қўшилиб, бутунлик ҳосил қилмоқ.* *Ҳар ишда керак бардош, Меҳнат, чидам бирикса, Олдида мум бўлур тош.* Қ. Муҳаммадий.

2 Бир-биринга мақкамланмоқ, уланмоқ ёки туташмоқ. *Деталларнинг бириккан жойлари.*

3 Бир маслак, мақсад йўлида бирлашмоқ, уюшмоқ; бир жон, бир тан бўлмоқ. *Бириккан енагр. Мақол. Кўпчилик бирикса, тоғни қулатар.* Мақол.

4 *хим.* Бирикши реакциясига киришмоқ. *Водород билан кислород бириқиб, сув ҳосил қилади.*

**БИРИҚТИРИЛМОҚ** *бириқтирмоқ фл. мажҳ. н.* Деталлар бириқтирилди. *Куч бириқтирилди.* — *Ҳозир юқори курс студентларидан икки киши сенга бириқтирилган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БИРИҚТИРМОҚ** 1 *бириқмоқ фл. орт. н.* Деталларни бириқтирмоқ. *Моддаларни бириқтирмоқ.* — *Глухов пичоқ билан бирпасда беўхшовгина юлдуз ясади, бармоқдай қизил қалам билан уни бўяди-да, ёғочга бириқтириб, қабрга қадади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириқтириб, гап тузалмиш ва фикримизни баён қиламиз.* «Ўзбек тили дарслиғи». *Демократия ўз кучларини маҳкам бириқтирмоғи керак.* В. И. Ленин, Трудовиклар ва ишчи демократияси.

2 *Ихтиёрига бериб қўймоқ, топширмоқ.* *Колхозлар фойдаланиб турган ерлар уларга абадий бириқтириб қўйилади.*

3 Йўл-йўриқ кўрсатиш, ёрдам бериш ёки қараб туриш учун боғламоқ, боғлаб қўймоқ. *Комсомол ташкилати Элмурод Дўсматовни Бўржар бўйидаги тери заводининг қизил чойхонасига бириктириб қўйди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи.

◆ Бошини бириктирмоқ қ. бош. Тил бириктирмоқ қ. тил.

**БИРИКТИРУВЧИ 1** бириктирмоқ фл. ш. оти.

2 Икки нарсани ўзаро боғловчи востита. **Бириктирувчи боғловчи грам.** тенг боғланган гапларни ёки уюшнқ бўлакларни бир-бирига боғловчи ёрдамчи сўзлар, мас. *ва, ҳам, билан.* **Бириктирувчи тўқима биол.** организм қисмларини бириктирувчи, тутиб туривчи ва озиклантирувчи тўқимаси.

**БИРИН-БИРИН** *рвш 1* Бири кетидан бири, бирин-кетин, кетма-кет. *Меҳмонлар бирин-бирин тарқалишди.* — *Зайнабнинг қўрқа-писа қолинг, опа!сидан сўнг, икки тараф ҳам лагандан чимчиан бўлишдилар-да, бирин-бирин қўлни дастурхон четига артишдилар.* А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

2 Тартиби, гали билан, бирма-бир [*Отабек*] Ҳасаналга ўтган гапларни бирин-бирин айтиб бергиси.. келар эди. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

**БИРИНЖ** [ф-т] *эск. айн.* бронза.

**БИРИН-КЕТИН** *рвш* Бири кетидан бири, кетма-кет. *Мажлис тугаб, одамлар иборадан бирин-кетин чиқа бошладилар.* П. Турсун, Ҳўкитувчи. | Бир-бирининг орқасидан, кетма-кет тизилиб, турна қатор бўлиб. *Машиналар бирин-кетин физиллаб бормоқда.* — *Элмурод орқасига бурилиб, Латифий билан Араббойнинг бирин-кетин келадиганини кўри-да, ғазабланди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи. | (*т. к. билан*) Бири кетидан бирини, гали, навбати билан. *Артиллерия.. душман оқопларини, ўт очиш нуқталарини бирин-кетин тор-мор қилмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БИРИН-СИРИН** *айн.* бирин-бирин. *Меҳмонлар бирин-сирин кетишди.* Ҳамма билан бирин-сирин кўришиб чиқди.

**БИРИНЧ** [ф-т] *диал.* Гуруч.

**БИРИНЧИ 1** *тартб сон* Тартиб ўрни 1 рақами билан белгиланган, 1 номерли. *Биринчи том. Биринчи бет. Биринчи қатор. Биринчи март. Навоий қўласидаги биринчи уй.*

2 Маълум тартибдаги предмет, воқеа-ходиса ва ш. к. қаторида энг олдинги ўринда турган, энг олдинги, энг аввалги. *Биринчи синф. Утган асрнинг биринчи ярмида.* — *Ногора ҳўпининг тез урилиши бачанинг бир айланиши ва кучли яли қийқариқ билан базмнинг биринчи қисми тугади.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Биринчи масала юасидан Бўтабой акага сўз берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бошқаларига нисбатан энг олдинги, бош; тўнғич. *Биринчи фарсанд. Биринчи хотин*

1) энг аввалги хотин; 2) *этно. эск.* кўп хотинли кишининг энг катта хотини, бош хотин. *Бу уйланишдан биринчи хотини ва бошқалар сира хабардор бўлмаслиги ҳам мумкин.* Ойбек, Қўтлуғ қон. | Санаб ўтилган, зикр қилинган, кўрсатилган ёки кўзда тутилган предмет, воқеа-ходисаларнинг олдингиси, аввалгиси. *Уларнинг иккаласи ҳам яхши ўқийди, лекин биринчиси шўхроқ.* *Ғолиблар учун уч мукофот белгиланди: биринчиси — 1000 сўм, иккинчиси — 500 сўм, учинчиси — 300 сўм.* — *Мирзаев.. Латофатхонга иккита хат ёзди. Биринчи хати-ку бошдан оёқ «раҳмат»дан иборат эди, кейингисиде «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди.* А. Қаҳҳор, Қўк конверт.

3 Содир бўлган ёки бўладиган иш-ҳаракатда ҳаммадан олдин қатнашган ёки қатнашадиган, энг аввалги. *Уни энг биринчи мен кўриб қолдим.* — *Ҳўп, — деди Сафаров, — бўлмаса, шундоқ жезога лоиқ муштумўзларнинг ном-баном айттайлик. Қани, ёзинг, ўртоқ Самандаров! Биринчи ким?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Биринчи галда** (ёки *навбатда*) энг аввал, аввало, ҳамма(си)дан олдин. *Иш жуда соз бошланди, энди охиригача силлиқ кетсин. Бунинг учун биринчи галда дадиллик керак!* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Бу — колхоз идораси, клуб ва биринчи навбатда қурилиши керак бўлган ўн икки ўйни мўлжалдан бурунроқ битказишга имкон берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Биринчи бўлиб** энг аввал, ҳаммадан олдин. *Биринчи бўлиб сўзга чиқмоқ.* — *Бу ишда Курбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамдқори эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Энг аввал пайдо бўлган, аввал юзага келган. [*Қундузхон:*] *Мен даламизга биринчи трактор чиққан йили тугилган эканман.* А. Қаҳҳор, Қартина. | Энг аввал содир бўлган, ҳаммадан олдин юз берган. *Турғуной биринчи товушни эшитганда, сесканди, сўнгилари эса уни ваҳимага солди.* А. Қаҳҳор, Мастон. | Энди бир бор юз берган, кўринган ёки кўрилган; дастлабки. *Биринчи қор атроф манзарасини ўзгартириб, уларга янги ўйинлар келтирган.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Рус биринчи қарашдаёқ Йўлчига ёқди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

5 Бошдан кечирилмаган, кўрилмаган, ҳаётда энди бир бор юз берган, содир бўлган. *Биринчи муҳаббат.* — *Ота мажлисда биринчи сўзга чиқиши экан.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Танклар жангини Аҳмаджон биринчи кўриши.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. || [*Тожибой Холисхонга:*] *Менинг учун бўлса, менинг чилим чекишим биринчи. Ҳамза, Паранжи сирлари. Нури чидай олмади, биринчи марта аччиланиб гапирди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

6 Ҳаммадан олдинги сафда турган, олдинги ўринни олган, олдинда бо-

рувчи; пешқадам, илғор. *Бу йилги мусобақаларда команدامиз биринчи.* — *Унинг [Аминжоннинг] колхози Довруқда биринчи эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. | Малакаси, маҳорати жиҳатдан энг юқори, устун; энг моҳир. *Шаҳарда биринчи уста.* | Сифати, хусусиятлари жиҳатидан энг юқори, энг аъло; сара. *Энг биринчи приёмник. Биринчи (нав) пахта.*

7 Ҳаммасидан зарур, энг муҳим, асосий, бош. *Биринчи вазифа.*

◆ **Биринчи май** қ. май 1.

**БИРИНЧИДАН** *кириш с.* Гапда санаб ўтиладиган предмет, воқеа-ходиса ва ш. к.нинг энг олдингисини кўрсатишда «биринчи шуки», «аввали шуки» каби маъноларни билдиради. — *Бойвачча — [деди] .. элликбоши, — .. Биринчидан, халққа нуқул фойдали иш, чунки сиз халқни тўғри йўлга бошлайсиз, иккинчидан, юрт тинчийди, учинчидан, номингиз кўтарилади.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**БИРИНЧИЛИК** Сифати, хусусиятлари, маҳорати ва ш. к. жиҳатидан энг устуналик, юқорилик; биринчи ўрин. *Биринчилики олмақ. Республика биринчилиги учун бўлаётган шахмат чемпионатидаги кураш тобора қизиб бормоқда.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 97.

**БИРИСИ:** *бириси кун* эртадан кейин, учинчи кун, индин(ига). *Эртасига яна ишга чиқдик. Индинча яна, бириси кунга яна.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Эртага аспирант, бириси кун қарабсанки.. Қандингни ур; йлгитнинг гули!* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

**БИРКА** [р] Молнинг ва умуман предметнинг номери, нархи ва ш. к.ни ёзиб, уларга тақиб қўйиладиган тахтача; ёрлик.

**БИРКИТИЛМОҚ** *биркитмоқ фл. мазж. н.* Бу колхозларга участка агрономи биркитилган. Бригадирларга биркитилган тракторлар.

**БИРКИТМОҚ** *айн.* бириктирмоқ 3. *Қолхоз правлениеси уруғлик экилаётган Мажидов участкасига агроном Прагерни биркитиб қўйди.* Н. Сафаров, Дон.

**БИРЛА** *эск. 1 кт. айн.* билан. *Марксизм бирла қувват, шонга етди халқимиз.* Курбон шоир.

2 *кам қўлл. айн.* бирга.

**БИРЛАМЧИ 1** *диал.* Биринчи.

2 Бирор процесс ёки ходиса жараёнида биринчи ўрин тутган; биринчи. *Материя бирламчидир (филос.).* — *Материализм табиётда тамоман мувофиқ ҳолда материяни бирламчи, деб билади, онг, тафаккур, сезини эса, иккиламчи деб ҳисоблайди.* В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм. *Бирламчи ўрама физ. электр машина ёки трансформаторларнинг бошланғич ток ўтадиган ва магнит майдони ҳосил қиладиган ўрамаси; тақ. иккиламчи: иккиламчи ўрама.*

**БИРЛАН** *эск. кт. айн.* билан. *Бир фақир бир бадавлат одамга ҳамсоя*



эрди. Бир кун анинг ўгли фақирнинг уйига бориб кўрдик, ул одам бола-чақаси бирлан аллақандай таомни еб ўлтирибдур. А. Қаххор, Миллатчилар.

**БИРЛАШГАН** 1 бирлашмоқ *фл. сфтиш.* Бирлашган — ўзар, бирлашмаган — тўзар. Мақол.

2 Бир турдаги ёки тенг ҳуқуқли кишилардан, ташкилотлардан, давлатлар ва ш. к.дан ташкил топган; муштарак. *Бирлашган хўжалик. Шаҳар ва район партия комитетларининг бирлашган пленуми. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.*

◆ **Бирлашган қишлоқ хўжалик солиғи тар.** деҳқонлардан маҳсулот тарзида эмас, балки пул билан олинадиган, 1923 йилдан бошлаб жорий этилган ягона солиқ системаси.

**БИРЛАШМА** Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кўзда тутиб бирлашиш асосида вужудга келган ташкилот, уюшма. *Сийсий бирлашмалар. Ҳарбий-маъмурий бирлашмалар. Капиталистик бирлашмалар. — ЎзССРда социалистик мулк ё давлат мулки (бутун халқ бойлиги) шаклида бўлади ёки кооператив колхоз мулки (айрим колхозларнинг мулки, кооператив бирлашмаларининг мулки) шаклида бўлади. «ЎзССР Конституцияси».*

**БИРЛАШМОҚ** 1 Ўзаро туташмоқ, уланмоқ, ёпишмоқ, бир-бирига тегишмоқ. *Нихоят, уларнинг лаборатор бештиёр бирлашди, қонларида, томирларида баҳор қўши эригандай бўлди. Ойбек, Қўтлуғ қон.*

2 Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кўзлаб бирга қўшилмоқ, уюшмоқ. *Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!* — Бирлашмак, тоғни бир тепиб қулатамиз. Ойбек, О. в. шабадалар. *Иқтисодий ва сийсий соҳада.. ўзаро ёрдамни амалга ошириш мақсадида, ЎзССР тенг ҳуқуқли Совет социалистик республикалари .. билан ихтиёрий равишда Иттифоқ давлатига бирлашган. «ЎзССР Конституцияси».*

**БИРЛАШТИРИЛМОҚ** бирлаштирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**БИРЛАШТИРМОҚ** бирлашмоқ *фл. орт. н.* Кучни бирлаштирмоқ. *Қамқувват колхозларни бирлаштирмоқ. — Бизларни мактаб бирлаштирди. П. Турсун, Ўқитувчи. ЎзССР Министрлар Совети.. ЎзССР Министрликларининг ишларини бирлаштиради ва йўлга солиб туради. «ЎзССР Конституцияси». Қимки пролетариатга хизмат қилмоқчи бўлса, у киши ҳам «ўзининг», ҳам бошқаларнинг буржуа миллатчилигига қарши оғишмай курашиб, барча миллатларнинг ишчиларини бирлаштирмоғи лозим. В. И. Ленин, Миллий сийёсат ва пролетар интернационалиزم масалалари.*

**БИРЛИК** 1 Ҳамжиҳатлик, яқднлик. *Куч бирликда. Совет халқларининг бузилмас бирлиги. — Партия аъзоси қўйидагиларни бажариши лозим:*

а) партия кучи ва қудратининг асосий шарт бўлган партия бирлигини астойдил қўриқлаш. «КПСС Устави».

2 Умумийлик, муштараклик. *Ойимхон билан уйи [Элмуродни] самимият, очиклик, ният-тилак бирлиги маҳкам боғлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Санаш, ўлчаш, ҳисоблаш учун мезон сифатида қабул қилинган катталиқ. *Ўлчов бирликлари. Электр сиймининг бирликлари.*

4 грам. Шахс ёки предметнинг битталигини билдирувчи грамматик форма, категория. *Биринчи шахс кишилик олмошининг бирлиги — «мен».*

**БИРЛИКДА** *айн. биргаликда* 2. *Бирликда курашмоқ. Бирликда иш олиб бормоқ. Шу билан бирликда. — Василий Степанов ишчи-комсомоллардан бўлиб, у ҳам Давронов билан бирликда шу мактабни ташкил қилишга юборилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БИРМА-БИР** *рвш* 1 Тартиби, гали билан, бирин-бирин, бирин-кетин, кетма-кет. *Сергей чолнинг саволларига бирма-бир жавоб берди. Ҳ. Фулом, Машъал. У [Отбек] сесканди, кўз ўнгидан кечаги мазлум гавдалар бирма-бир ўтиб, у ошиғич равишда хатни буклади. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Тартиби, гали билан, бир мартадан, бир-бир. Элмурод аёлларга бирма-бир қараркан, ҳаммасининг юзиде жиддийлик, ўқишга хоҳиш борлигини кўрди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бутун тафсилоти билан, битта-битта, битта-лаб, бирин-бирин, бирин-кетин. [Элмурод] айниқса райком секретари билан бўлган суҳбатни бирма-бир гапириб бермоқчи бўлиб, ўйланиб қозғозга ёзди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 (*т. к. билан*) Ҳар бирини алоҳида-алоҳида, якка-якка, битта-биттадан, битталаб. *Комиссия ёш ўқитувчиларни бирма-бир чақириб суҳбатлашишга ва уларнинг қаерда, қандай вазифада ишлашини белгилаб беришга киришди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Аҳмаджон] сойдан ўта олмай қайтганларнинг ҳаммасини бирма-бир қўлидан ушлаб ўтказиб қўйди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.*

**БИРМУНЧА** *рвш* 1 Бир неча, бир қанча, анчагина. *Бирмунча вақт. — Элмурод шу кўйи яна бирмунча юргач тўхтади-да, йўл четидеги бир тошга ўтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Бир қадар; маълум, даражада. *Беморнинг аҳволи бирмунча дуруст. — Элмурод қизга яқинлашар .. ва унинг олдиде бирмунча хижолат чекиб, кўпинча гап тополмай, қизарар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БИРНЕЧА** (*тўғриси бир неча*) қ. неча.

**БИРНИМА** (*тўғриси бир нима*) қ. нима.

**БИРОВ** 1 *снқ сон* Бир, битта. *Биров, икков, учов .. — Ростини айтсам, шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин бировининг ҳам маъноси йўқ, бирида*

ҳам маза-матра йўқ. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**БИРОВ** 1 *гум. олми* 1 Қимдир бир киши, номаълум киши, аллақим. — *Қалайсан, ука? — биров келиб туртди йўлчини. Ойбек, Қўтлуғ қон. Обиджон, худди биров қитиқлаётгандай қиқирлаб, Сатторқул акамни бошладилар, деди. А. Қаххор, Кўшчинор. — Эшитилмаган гап бўлсам қоши, — деди яна бирови. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Бошқа бир киши, ўзга, бегона. *Бировга берсам — эсиз ошим, уйда турса — сасир ошим. Мақол. Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса, бировга ур! Мақол. — Қаранг, бировларнинг болаларини пул сарф қилиб, вақт сарф қилиб текинга ўқитса-я! — деди Матқоул. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

◆ **Баъзи бировлар** баъзи бир кишилар. *Шунда маҳаланинг қарияларидан Қарим ота, ҳозир баъзи бировларнинг кўнглига келган гапдан ҳам хунукроқ, бир тахминни айтиб қолди. А. Қаххор, Тўйда аза. Бировлар бир-биридан араз ёки ўзаро адовати бўлган кишилар томонидан бири иккинчисини кўзда тутиб, унинг номи ўрнида ишлатиладиган сўз. Аммо [Отбекда] «бировлар» тўғрисида, нима бўлганда ҳам, бир гап эшитмак ҳаваси туғилган эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**БИРОДАР** [*ф-т*] 1 Ака ёки ука; оға ёки ини.

2 Ака-ука, оға-инилардек яқин, ҳамнафас, ҳамдам, дўст. *Рус халқи қадимдан болгар халқини ўз биродари деб атаиди. — Ҳамма ишчилар бир-бирлари билан биродарлар. В. И. Ленин, Биринчи май.*

3 Ўртоқ, оғайни (мурожаатда). *Металлургия заводи қаерда, биродар? И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**БИРОДАРЛАРЧА** *айн. биродарона.* Биродарларча ёрдам бермоқ. || Биродарларча ёрдам.

**БИРОДАРЛАШМОҚ** Ака-укалардек, оға-инилардек бўлиб кетмоқ; иноқлашмоқ, дўстлашмоқ. *Биродарлашган шаҳарлар. — Фронтида Австрия солдатлари рус солдатлари билан биродарлашдилар. «К. Ўзбекистон», 1960, № 155.*

**БИРОДАРЛИК** 1 Ака-укалик, оға-инилик.

2 Ака-укалардек, оға-инилардек дўстона муносабат; иноқлик, дўстлик. *Биродарлик саломи.*

**БИРОДАРОНА** [*ф-т*] *рвш* Ака-укалардек, оға-инилардек; дўстона. *Биродарона ёрдам кўрсатмоқ. || Биродарона салом.*

**БИРОЗ** (*тўғриси бир оз*) қ. оз 2.

**БИРОН(ТА)** *айн. бирорта.*

**БИРОНҒОР** *тар.* Кўшнининг ўнг қаноти, ўнг фланг. *Хусайн Бойқаро.. бу ерда қўшин тартибини кузатиб турди. Биронғорга амир Бағриддинни сардор қилди. Ойбек, Навоӣй.*

**БИРОР** *гум. олми* Қандайдир бир; қандай бўлмасин бир. *Мени бирор*



киши сўраса, ҳозир келадилар денг. Ейдиган бирор нарса йўқми? — Мана энди мирзам оталик қилиб, ўрдудан бирор иш топиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса ажаб эмас. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

### БИРОРТА I айн. бирор.

2 Батта, битта-яримта; битта ҳам. Ҳали ўйноқи кўзларини юммаган ёруғ юлдузларни ҳисобга олинмаса, Қорабулоқ қишлоғида бирорта уйғоқ жон қолмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БИРОҚ** зидл. боғл. Тенг ҳуқуқли гап бўлаклари ёки гапларни зидлов йўли билан боғлайди. Ҳаво булут бўлди, бирок ёлғир ёрмади. — Петюканинг мўлжалига кўра, бедом-дарак кетган бу немис кетидан бошқаси келиши керак эди. Бирок булар кечгача пойлашди ҳамки, ҳеч ким кўринмади. Қайтишди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БИРПАС** Бир оз, сал, озгина, андак (фақат вақт маъносига). Бирпас дам олинг. Бирпас собр қилинг. У бирпас ҳам тинч ўтирмайди. — Ўзим ҳам сизни бир айтиб келаман, бирпас гапиришиб ўтираман, деб юрган эдим. А. Қаҳҳор, Ўйлар. Бирпасдан кейин кўп вақт ўтмай, бир оздан кейин. [Фотима Акбаралига:] Бирпасдан кейин мен кўнғироқ бераман. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

**БИРПАСДА** рвш. Бир нафасда, сал вақт ичида; тезда. Бирпасда қоронғи тушиди. — Йўлчи улар билан.. бирпасда опоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолди. Ойбек, Қутлуг қон.

**БИРТАЛАЙ** (тўғриси бир талай) қ. талай.

**БИРУ-БОР** дин. Яккаю-ягона, ёлғиз (худонинг эпитетларидан бири).

**БИРҚАДАР** (тўғриси бир қадар) қ. қадар.

**БИРҚАНЧА** (тўғриси бир қанча) қ. қанча.

**БИРҚАТОР** (тўғриси бир қатор) қ. қатор.

**БИРҚОЗОН** Куракоёқли қушлар туркумига мансуб катта бир қуш; сақоқуш. Қайиқ «ялангик»ларга чиққанда бирқозонларнинг оқ булутдай катта галаси эринчоқлик билан осмонга кўтарилади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**БИСЕР** [ф-т] рвш, эск. кт. Ғоят даражада, кўп даражада; бениҳоя. Сиздан бисер хурсандман. — Бу тухматдан йиғитнинг аҳоли бисер танг. Ойбек, Навоий. || Аҳвол ғоят мушкул, чалкаш воқеалар бисер, тақсир, — дейди домла. Ойбек, Болалик.

**БИСКВИТ** [р<фр] Кўпиртирилган тухумга ун ва шакар қориб пиширилган ширин нон.

**БИСМИЛЛО (Х)** [а] I дин. Қуръон сураларининг ва умуман эски китоб, ҳужжат, хат ва ш. к.нинг бошланиш формуласи (бисмиллоҳ раҳмони раҳим) таркибидаги сўз. [Асад қори:] Бошидан ўқиётиман, тақсир. Қози

Асад қорига жаҳл билан ўқрайди: — Бисмиллоҳ қани? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 с. т. Бирор ишга киришишда, хусусан овқат ейишни бошлашда ишлатилган сўз. Бисмилло, деб йўлга тушиди. — Мирзакаримбойнинг хотини, ҳарсиллаб-гурсиллаб нарвончанинг ҳар погонасига қадам қўйганда «бисмилло»ни такрорлаб, аравага ўтирди. Ойбек, Қутлуг қон.

3 кўчма с. т. Бирор ишнинг бошланиши, муқаддимаси, деб очаси. [Мирзаарам Мастурага:] Пул ҳали сомон.. бўлиб қолади. Бу ҳали бисмиллоси-да. Ҳамза, Ялчачилар иши.

◆ **Олишда — бисмилло(х), беришда** — астаффурулло қарз олишни яхши кўрадиган, аммо қайтаришни ёмон кўрадиган одамга нисбатан ишлатилади.

**БИСОТ** [а] I Хотинларнинг ўзига тегишли ўлик моли, мол-дунёси. Мاستонбиби сандиқдан бисотидаги мовут мурсагини олиб кийди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Оналар Қумушининг бу хайқиригини уяланган йўйдилар-да, уйга кириб, бисот кавлашга, тўй ҳозирлигини кўришга машғул бўлдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кишига, оилага хўжаликка қарашли мол-дунёси, бўйлиги. Ўтган замонда бир фақир эру хотин бор экан. Уларнинг бисотида фақатгина битта эчкиси бор экан. «Эртақлар».

3 кўчма с. т. Қимсада бор бўлган ҳар қандай нарса. Бисотимда биттагина латифа бор эди, шунга айтиб бердим. «Муштум», 1963, № 11.

**БИСЕКТРИСА** [р<фр] мат. Бурчакни иккига тенг бўлган тўғри чизик.

**БИТ** Одам ёки ҳайвон танасида унинг қонини сўриб яшовчи паразит ҳашарот. Бит тепкили терлама касалини касал одамдан соғ одамга юқтиради.

◆ **Бит кўз с. т.** 1) қисик, чўзиқ кўз; 2) шундай кўзли одам. Бир кун ичида талай маълумот тўплаган бу бит кўз ўзининг аниқ жавоблари билан ҳокимни қониқтирди. М. Осим, Ўттор. **Иту бит с. т.** эски вақтларда оддий итиларга нисбатан «хамма», «ҳар ким» каби маъноларда ишлатилган ҳақоратомуз ибора. **Бити тўкилди с. т.** роса тўйиб, қониб, мириқиб қилар ишини қилиб олди, мириқди. Мачит жиливхоналарида.. бозори чаққон имомларнинг-ку бити тўкилди. «Муштум», 1925, № 11.

**БИТБИЛДИК** тақл. с. Бедананинг сайраши ҳақида. — Битбилдик, битбилдик! — бедана алақандай эхтирос билан сайрар эди. С. Анорбоев, Оқсой. || Онда-сонда якка беданаларнинг битбилдиги эшитилиб қолади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Бедананинг уйи йўқ, кайга борса битбилдик** турар жойнинг тайини йўқ, дарбадар, аммо беғам, хушчақчақ одам ҳақида.

**БИТИК** I эск. кт. I айн. ёзув. Аҳмад Хусайн қинғир наст девор қаришида тўхтади, унда беўхосовгина йирик ўйма битикларни ўқиди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Хат, мактуб.

**БИТИК** II диал. Эт битиб, бириқиб, тузалиб кетган ёки бекилиб қолган; битов. **Кўзи битик** 1) кўзи очилмаган (баъзи ҳайвонларнинг янги туғилган боласи ҳақида); 2) эт битиб, очилмайдиган бўлиб қолган. *Кўзи битик яра.*

**БИТИМ** I Ўзаро келишув, тўхтам, қарор. Тўй тантанасини кечқурун кувенкида ўтказишга битим қилинган бўлса-да, қизликда ҳам қариндошуруғлар, қўни-қўшинлар лиммо-лим эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Халқаро муносабатларда: аҳднома, шартнома. *Битим тузмоқ.* Битимга келмоқ. — 1921 йилнинг 28 февралда Москвада дўстлик ҳақида совет-афғон битими имзоланди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 122. *Жўнайд Хева хони билан бўлган битимдан кейин тинч қўймади, кетимиздан одам юборди, қўлига тушсақ, ўлдирмоқчи бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**БИТИРИЛМОҚ** I битирмоқ фл. мажҳ. н. Қурилиш ўз вақтида битирилди. Бизда саводсизлик тамомила битирилган.

2 Бекитилмоқ, ёпилмоқ, тугатилмоқ. *Артель битирилди.*

**БИТИРИШМОҚ** битирмоқ фл. бирг. н. Улар мактабни ўтган йили битиришди. — Бу иморат қачон солинган? — деди макана йиғит. — Уруш бошланган йили пойдевор қўйган эдик, уруш даврида битиришибди. А. Қаҳҳор, Картина.

**БИТИРМОҚ** I битмоқ I фл. орт. н. Саводсизликни битирмоқ. Запасларни битирмоқ. Уйчи ўйга етувчи, таваккалчи ишини битирар. Мақол. — Йўлчи сўзини битиргач, Абдишукур илжайди. Ойбек, Қутлуг қон. *Дамба йиғирма-йиғирма беш кунлик иш! Йиғим-теримни олганимиздан кейин бошласак, совуқ тушмай битирамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Ишчиларнинг мақсади — буржуазия ҳокимиятини йўқ қилиш йўли билан ёлланма қўликни битиришидир.* В. И. Ленин, Трудовиклар ва ишчи демократияси. 2 Белгиланган муддат давомида ўқиб, таълим олиб тамомлаб чиқмоқ. *Мактабни битирдим.* — Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. | Белгиланган хизмат муддатини адо этмоқ. *Асрорқулнинг ўша ўғли Ёдгорбой аскарликни битириб келганда, Ҳайдар отанинг жиянига бўлишамиз, деб туришган эди, мана бу уруш чиқди-ю, тўй кейинга қолди.* А. Қаҳҳор, Асрор боёв.

◆ **Қулоқни битирмоқ** 1) қулоқни қар, батанг қилмоқ. *Янгроқ арра товуши, болга, босқонларнинг гуп-гупи қулоқни битиради.* А. Мухтор, Опа-

-сингиллар; 2) гапиравериб чарчатмоқ, жонга тегмоқ.

**БИТИШМОҚ I I** Узаро-бирор қарорга келмоқ, келишмоқ, тўхтам қилмоқ. *Тожибой қудаларнинг битишигани туфайли «қутлуг бўлсин» қилди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Сулҳга, муросага келмоқ, ярашмоқ.

3 грам. Мослашмай, бошқарилмай боғланмоқ (сўз бирикмалари ҳақида). **БИТИШМОҚ II битмоқ III** фл. бирг. н.

**БИТИШТИРМОҚ битишмоқ I I, 2** фл. орт. н. *Томонларни битиштирмоқ.* **БИТИШУВ I битишув** I фл. иш оти. Узаро битишув.

2 грам. Мослашмай, бошқарилмай боғланиш (сўз бирикмалари ҳақида). *Бир сўзнинг иккинчиси билан мослашмай, бошқарилмай боғланиши битишув деб аталади.* «Узбек тили грамматикаси».

**БИТКАЗИЛМОҚ битказмоқ I** фл. мажх. н. *Иморат битказилди.*

**БИТКАЗМОҚ I битмоқ I** фл. орт. н. айн. битирмоқ I. *Уқини битказмоқ. Қурилиши битказмоқ.* — У шу қараш билан «бу одамнинг сенда иши бўлса, битказиб тезроқ жўнат», — демоқчи бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БИТКАЗМОҚ II битмоқ III** фл. орт. н. *Хат битказмоқ.*

**БИТКИЗМОҚ I битмоқ I** фл. орт. н. айн. битказмоқ I.

**БИТКИЗМОҚ II битмоқ III** фл. орт. н. айн. битказмоқ II.

**БИТЛАМОҚ** Бит босиб, битлиқи бўлиб кетмоқ. *Боши битлаб кетибди.*

**БИТЛИҚИ** Ҳамма ёғини бит босиб кетган, бити кўп.

**БИТМА** эск. Қўлда ёзилган, ёзма. *Битма китоб.*

**БИТМАС I битмоқ I** фл. сфтди. 2 Ҳеч тугамайдиган, битмас-туганмас. *Ер-сув — битмас кон.* Мақол.

**БИТМАС-ТУГАНМАС I** Охир-поёни йўқ, узун-узоқ. *Битмас-туганмас йўл.* — Бир тутам қиш кўни Гулнор учун битмас-туганмас узоқ кўринди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Ҳеч тугамайдиган, тугатиб бўлмайдиган, беҳисоб кўп. *Битмас-туганмас бойлик.* — Унинг бу қарашда битмас-туганмас ҳурмат ва эҳтиром, севги ва меҳрибонлик сезилиб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БИТМОҚ I I** Сўнгга, охирига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ. *Гап битди. Уқини битди.* — Ҳикоя битган, [имом] заҳарханда билан Самад бўқоққа қаради. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Иш битди I* иш тугади, иш тамом бўлди. *Эринчакнинг иши битмас.* Мақол. — *Хўжаев [Орифова:] Э, йўлаб нима қиласиз. Уйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битди.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди; 2) иш, режа, мақсад амалга ошди, мурод ҳосил бўлди. [Бой ўз-ўзига:] *Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**Иш битди, эшак лойдан ўтди кест.** ўз ишини битириб олгандан кейин, хайр-маъзурни насия қилиб кетган ёки аввалги муомаласини ўзгартириб юборган одамга нисбатан ишлатилади.

**Куни (ёки умри) битди** умри тугади; ўлди. *Умри битиб, отам кўз юмди, Мозорда саргайди гиёҳ.* Е. Мирза. | Охирига етмоқ, йўқолмоқ. *Бардиуз-замон отга шигаб қамчин урди. Борган сари ёмонлашган йўл, ниҳоят азамат қоялар ичида битди.* Ойбек, Навоий. | Охирламоқ, тўхтамоқ. *Улар одамларни хонавайрон қилаётган уруш эканини, агар уруш битса, ҳаммаёқ яхши бўлиб кетишини сўзлардилар.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. | Тайёр бўлмоқ (қурилаётган, ясалётган нарса ҳақида). *Қурилиш битди. Кўприк битди.* — *Мана, канал ҳам битай деб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Тилла узук] *бююрдим, эрта-индин битиб қолар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Барҳам топмоқ, барҳам емоқ, йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ. — *Ух! — тоқат-сизланиб қиюнди Аҳмад Ҳусайн.* — *Қачон бу ёвузлар, хоинлар битадилар?* Ойбек, Нур қидириб. *Халқ товуши тинимсиз гуеллайди: «Битсин золим подшо!»* Ойбек, Қутлуг қон. | Батамом йўқ бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. *Зўр бир ёнғин кетарди Қанча ўрмон битарди.* Х. Олимжон. | *Бартараф бўлмоқ, тугамоқ. У кунлар кетди, Қайғу ғам. битди.* Эрк қубшининг нурлари етди. Ғайратий. — *Барча ёмонлик ўшанинг [Мусулмонқулнинг] боши билан бирга кетгандек, қилмоқ оғайнилар ила тотувлашдик, қилмоқнинг эски адоватлари битди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Батамом тугамоқ, сира ҳам қолмай сарф бўлмоқ. *Запаслар битди.*

3 -и(б) аффиксли равишдошлар билан кўмакчи феъл вазифасида келиб, иш-ҳаракатнинг тугалланганини билдиради. *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан суюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб битган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қизим, даданг, знанг ҳасратингда куйиб битди.* Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Иззати битди** иззатини билмади, кўрсатилган иззат-хурмат қадрига етмади. — *Бас! Иззатинг битди, доя буvingга бориб айт!* Агар озодлик келтирмасанг, янги сабоққа тушмайсан! — *деди [домла].* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари. **Кулоғи битди** 1) кулоғи гаранг бўлди, батанга келди. *Ҳай, ичкари кир, чағир-чуғурдан кулоғим битди.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) эшитавериш чарчадим, жонимдан тўйдим. **Ҳақи битди** ҳақи қолмади. *Илгариги сўзингиз билан ўзингизнинг ҳақ(қ)-ингиз битганлигини била туриб ҳам, яна уялмай-нетмай виждонсизлар амрини бериб қўясиз-да, уятсизлигингизни яна бир қат орттирасиз!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**БИТМОҚ II I** Усиб унмоқ; ҳосил бермоқ, етишмоқ. *Бугдой яхши битибди.* — *Мана бу юқорига кўтарилган*

*дарёдан Мирзачўл сув ичади, экин битади.* Ойдин, Ширин келди.

2 Эт униб, бирикиб тузалмоқ ёки бекилмоқ. *Яраси битибди.* *Кўзи битиб қолибди.* — *Ҳар ким келса бундан шод бўлиб кетар. Сил бўлса, ўпқасин яраси битар.* Эргаш шоир. *Ғуломжон .. радди ншитари қалбиди оғзаг жараҳат ҳам битиб кетгандай эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Жир битди** қ. жир. **БИТМОҚ III** эск. I айн. ёзмоқ. *Хат битмоқ.* — *Мамлакатда .. хон-беклар зулми авжига минди. Буларни ўз кўзи билан кўрган Аваз нафратланиб, юрак тўлқинини қозоғга битди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 (ж. к. билан) Муяссар бўлмоқ. *Мана, худо хоҳласа-хоҳламаса бошинга дўппи, оёғинга этик, зинига чопон, кўйлак-иштон битади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

◆ **Ақл битди** ақл кирди. *Бу нимаси тагин .. сенга сира ақл битмади.* *Бўйингни қара, менга етай деб қолди.* Ойдин, Ҳўзи монанд. **Бошга битган** бало қутулиш қийин бўлган ташвиш, қуруқ ташвиш. *Ҳе, бу уруш бошга битган бало бўлди-да. Герман ҳам қурсин .. оқ पोшио ҳам курсин.* *Энасининг маҳрини талашармикан!* Ойбек, Қутлуг қон. **Мугуз (ёки шох, қанот ва ш. к.) битди** мугуз (шох, қанот ва ш. к.) чиқди, мугуз (шох, қанот ва ш. к.) пайдо қилди. *Эшакка мугуз битса, жамий жониворларни сузиб йўлбарар экан, мушукка қанот битса ҳеч бир паррандани қўйма экан.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Қай бола мактабда ўқиса аъло, Ушанга ҳеч толмас зўр қанот битар.* Қ. Муҳаммадий. **Пешанага битган (ёки битиб қўйилган)** эск. тақдирда бор, тақдирда белгилаб қўйилган. — [Юсуф:] *Мана, хотиндан ҳам айрилдик!* — [Меҳри:] *Нима қилай, бу ҳам бўлса, пешананга битган бир кўргилик, болам.* О. Екубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим.

**БИТОВ** айн битик II.

**БИТТА** дона сон I Бир (саноқда).

*Битта, иккита, учта...*  
2 Бир дона, бир нафар, ёлғиз. *Эр кишининг сўзи битта.* Мақол. — *Унақа оғайни минтадан битта!* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Айланай болам, ўн битта бола кўрдик, ўни ўлиб, битта сен қолдинг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мана, сиз битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар эмишсиз.* А. Қаҳҳор, Йиллар. **Биттаю битта** ягона, ёлғиз. *Сорахоннинг онаси ҳаммаза: «биттаю битта қизимга иккунё орзу қилиб юрар эдим, худо ниятимга еткисди», — деб юрди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Ноаниқлик артикли вазифасида «қандайдир бир», «аллақандай» каби маъноларда ишлатилади. *Қасалхонага бориб, ўзи кўрган эшикка кириб кетаётганида, битта хотин қайтарди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

4 Бирликни, бир хилликни, ўхшаш-

ликни ёки бирдамликни, якдилликни, ҳамнафасликни билдиради. Уларнинг иккови битта одам. — Уларнинг башараси, иши бошқа-бошқа бўлса ҳам, юраги битта бўлар экан. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Фейллардан олдин келиб, шу фейл орқали ифодаланган иш-харакатнинг бир марта бажарилишини билдиради. Хали кеккайиб бозордан қайтади. Болга билан битта уриб абжақ қилсанг, томоша қилсанг. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Ер билан битта бўлмоқ 1) тўкилиб, сочилиб ҳамма ёқни тутиб ётмоқ. Богда олмалар ер билан битта бўлиб ётипти. — Ҳовли билан битта бўлиб тўкилган довуччалар, барелар ва хас-чўларни дастаси узун супурги билан супуришга тишиди. Х. Назир, Фўнмас чақмоқлар; 2) кўчма обрўйи тўкилиб, қаттиқ изза бўлмоқ. Мени ер билан битта қилиб кетяпти. Майли, қулогиди бўлсин. Сўнги пушаймон ўзига душман бўлади. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**БИТТА-БИТТА** рвш 1 Ҳар бири алоҳида-алоҳида, якка-якка, бирин-кетин, бирма-бир. Битта-битта тарқалишмоқ. — Совет аъзолари .. битта-битта келиб, рўйхатга қўл қўйсин. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 (т. к. билан) Ҳар бирини алоҳида-алоҳида, биттадан, битта-битта. Олман битта-битта термоқ. — Мана бунни қаранг: қовурғасини битта-битта санаса бўлади. М. Исмоилов, Фарғона т. о. Эшонбоев, ўзига эргашган одамларни битта-битта орқада қолдириб, деканатга қараб борар эди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 Дона-дона қилиб, салмоқлаб; секин-аста. Битта-битта гапирмоқ. Битта-битта ўқимоқ. — Курбон ота икки қўлини белгиса қўйиб, битта-битта қадам ташлаб борар, унинг кўз олдидан янги қишлоқ манзараси кетмас эди. А. Қаххор, Қўшқонор.

**БИТТА-БИТТАДАН** тақс. сон 1 Бир донадан, ҳар кимга биттадан. Битта-биттадан бўлиб бермоқ.

2 рвш вазифасида Битта-битта бўлиб ёки қилиб, битта-битта. Битта-биттадан кўздан кечирмоқ.

**БИТТАДАН** тақс. сон 1 Бир донадан, ҳар кимга битта. Биттадан бўлиб бермоқ.

2 рвш вазифасида Битта-битта. Биттадан термоқ. Биттадан тарқалишмоқ.

**БИТТАЛАБ** рвш Битта-битта, битта-биттадан, бирма-бир. Бир қуни ўрикнинг ушига чиқиб, гўраларни битта-битта териб, липпамга қистирдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Сал фурсат қўлдан берилса .. бу пулемет жаначиларни битта-битта теради. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**БИТТАНГА** с. т. Йигирма тийинлик танга, бир танга. — Битта мушак уч мири, — деди Туробжон, — юзта мушак отилса .. биттангадан — юз

танга. Бир миридан кам етмиш беш танга бўлади. А. Қаххор, Анор.

**БИТТА-ЯРИМТА** гум. олми Бироррта, бирор, бир. Балки топилиб, қолар, битта-яримта шундай бамаъни. Ойбек, Қутлуғ қон. [Заргаров:] Ие, тагин нима қилдим дейди-я! .. Хотининг ўқийман деса, битта-яримта мактабга қистириб қўймайсанми-ю, яна битта туққандан кейин ўзи ташлаб кетмайдими? А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**БИТТИРМОҚ** битмоқ III фл. орт. н.

**БИТУВЧИЛИК** Узаро келишиб, битишиб, тотувчилик билан иш тутиш. Битувчилик билан ҳамма иш биттади.

**БИТУМЛАР** [р битумы <лат] Углерод ва водород бирикмаларидан иборат смоласимон табиий ёки сунъий бириктурувчи моддалар (мас., озокерит, асфальт, нефть, гудрон — табиий битумлардир).

**БИФШТЭС** [р <ингл] Қовурилган мол гўшти ва қайладан иборат қуюқ овқат.

**БИХ** Илдизи кўпикланувчи моддага бой ўсимлик, тўқимачилик sanoатига ва медицинада ишлатилади.

**БИЧИБ-ТЎҚИМОҚ** Билар-билмас гап тўқимоқ, ўзинча ҳукм қилмоқ, фикр юргизмоқ. Узимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, алақандай ваҳималарга ишўнғийман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Студентлик йилларимиздаёқ, бизни «келин кўёв» деб бичиб-тўқиб, қўйишганди. «Муштум», 1959, № 15.

**БИЧИЛМОҚ** I бичмоқ фл. мажҳ. н. Бичилган ҳўкиэ. Кенгашил бичилган тўн тор келмас. Мақол.

**БИЧИЛМОҚ** II Терлаб, бўрсиб, яллиғланиб йиртилмоқ (тери қатлари, лаб бурчаклари ҳақида). Чақалоқнинг қўлтиғи бичилибди. — Энди ўртоқ, Исмоилов, гап сотиш ҳам эми билан бўлса, лабларингиз бичилиб ҳам кетгандир. «Муштум», 1957, № 9.

**БИЧИМ** I Қийим-кечакнинг тахлити, фасони, бичиғи. Бичими ҳарбийча кийим. — Айтишларича, бутун Японияда бир неча миллион кимоно бўлса ҳам, ё рангида, ё гулларида, ёки бичимида албатта тафовут бўлади. Х. Хасанов, Экватордан ўтганда.

2 Ташқи кўриниш, тузилиш. Кўз бичими. Юз бичими. | Қад-қомат; қиёфа. Бичими келишган йигит. — Саидғози уларнинг [Пўлат ва Шерматнинг] бичимига қараб, дарров таниди. С. Анорбоев, Оқсой.

**БИЧИМЛИ** Бирор бичимга эга бўлган, ташқи тузилиши, қиёфаси ўхшовли, хушбичим. Бичимли кийим. — Борайтса шер бичимли, кўзи кўр, сулув бир киши саройинг оғзида ҳассасини суяб турибди. «Гўрўғли».

**БИЧИМСИЗ** Бичими келишмаган, беўхшов. Бичимсиз кийим. — Миркомилбойвачча .. оёғини чалиштириб, кичкина, бичимсиз юзини мастларча

бўриштириб, папирос тутатади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БИЧИШМОҚ** бичмоқ фл. бирг. н. **БИЧИШ-ТИКИШ** Бичувчилик ва тикувчилик иши, бичиш ва тикиш. Бичиш-тикишни ўрганмоқ.

**БИЧИҚ** I Қийим-кечакнинг тахлити, фасони, бичим. Тиккан костюмингиз шуми, бичиғи қавиғига тўғри келмайди-ку? «Муштум», 1941, № 7.

2 План, режа. Гулхона бичиғи. Ҳовлининг бичиғи Назаровга ёқинқирамади. Х. Тошхўжаев, Қийиғи чиқди.

**БИЧИҚЛИК** Бичиб тикиш учун тайёр қилиб қўйилган. Бичиқлик материал.

**БИЧИҚЧИ** Қийим-кечак бичувчи уста, мутахассис.

**БИЧИҚЧИЛИК** бичиқчи с. касб оти. **БИЧМОҚ** I Қийим-кечак тикиш учун материални маълум андаза ва ўлчамларда кесмоқ. Қийим бичмоқ. Этик бичмоқ. Бўйига қараб тўн бич. Мақол. — Чол дўконхонада ўтириб, иш бичиб беради, Унсин ичкари уйда тикади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Белгиламоқ, бир ҳукмга келмоқ, кесмоқ (нарх, иш ҳақи ва ш. к. ҳақида). Нарх бичмоқ. — Ҳайр бўлмаса, мен бичай — деб, даллол .. шу бола юз тиллалик «мол» бўлса ҳам, карвон боши бобом рози бўлсинлар, сиз олтини тилла беринг, — деди. Айний, Қуллар.

3 Ахта қилмоқ.

◆ Бировга кафан бичмоқ бировга ўлим тиламоқ. Гапга бичган гапга уста, сўзамол, гапдон. — Ҳожимўқомнинг хотини. Жуда ҳам гапга бичганда. Қофияли қилиб гапирди, — деди Нуъмонжон. С. Ахмад, Чўл бургути. Тўн бичмоқ с. т. баҳо бермоқ. Кадрларнинг савлатига, сўзамоллигига қараб эмас, уларнинг ишига, истеъдодига қараб тўн бичинлар. «Муштум», 1963, № 13. Ердан бичиб олгандай бўйи паст, жуда ҳам пакана.

**БИЧИРМОҚ** бичмоқ фл. орт. н. **БИЧУВЧИ** I бичмоқ фл. ш. оти. 2 айн. бичиқчи.

**БИЮРҒУН** I Шохлари жигар ранг, баргсиз, мўрт кўп йиллик бута.

2 Тиканак баргли, кўп йиллик чўл ўсимлиги.

**БИЯ** Боласи бор байтал.

**БИҚ-БИҚ** I тақл. с. Қуюқ нарсанинг қайнаши ва унинг товуши ҳақида. Бўтқа биқ-биқ қайнапти.

**БИҚ-БИҚ** II: бик-бик (бўлиб) семирмоқ жуда ҳам семирмоқ, ёр битиб биққидай семирмоқ.

**БИҚИЛЛАМОҚ** Узук-узук, бўғиқ товуш чиқармоқ (асосан қайнаб турган қуюқ нарса ҳақида). Шавла биқиллаб қайнапти. — [Валъжон] вагаранка ёнига келди-да, кўк кўзойнақдан биқиллаб қайнаётган металлга тикилди. Мирмуҳсин, Чиниқини.

**БИҚИН** I Гавданнинг қўлтиқдан то тоз суягигача бўлган икки ён қисми. Унге биқин. Чап биқин. Биқин ёғити. — Унинг [Шербекнинг] қўлидаги қамчи

беихтиёр баланд кўтарилиб, отнинг биқинига тушиди. С. Анорбоев, Оқсой. **Оч биқин** биқиннинг кўкрак қасидан пастки қисми.

2 Ҳар нарсанинг ён қисми, ён томони, ёни. 119-тепалгидаги Қизил Байроқ душман армиясининг биқинига найза бўлиб санчилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Махсум .. чўққининг шундай биқинидан қайнаб чиқаётган булоқда ювинди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 3-ш. эгалик ва ў.п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. биқинида).

**БИҚИНИДА** кўм. вазифасида Яқинида, ёнида. Шундай биқинида ўтирган Шербек ҳам «бундан қандай гап чиқарқин?» дегандай кўзини ундан узмай, қизқисниб қараб турибди. С. Анорбоев, Оқсой.

**БИҚИНМОҚ** диал. Беқинмоқ, яширинмоқ. Содиқ темир йўл кўприги тагида биқиниб ётибди. Н. Сафаров, Уйғониш.

**БИҚИР-БИҚИР** айн. биқ-биқ I. Шавла биқир-биқир қайнапти.

**БИҚИРЛАМОҚ** айн. биқилламоқ.

**БИҚИҚ** диал. Бошқалардан ажралиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолган, якка-якка ҳолдаги. Урта Осийдаги совет республикаларининг .. барча меҳнаткашлари учун .. бундан атиги 40 йил муқаддам тарқоқ ва биқиқ ҳолда яшаб келган халқлар қудратли социалистик лагерьга уюшганликларини англашдан ҳам қувончиноқ нарса йўқ. «Қ. Ўзбекистон», 1959, 27 май.

**БИҚМОҚ:** биқиб ётмоқ; 1) биқиниб, беқиниб ётмоқ; 2) пистирма қўйиб, пойлаб ётмоқ.

**БИҚСИМОҚ** I айн. биқисимоқ.

2 Ачиб-сасиб, яроқсиз ҳолга келмоқ, сасиб кетмоқ. Қолган-қутгани бўлса, тўзлаб қўйинг, биқсиб кетмасин, ўзингизга керак бўлади. Уйғун, Дўстлар.

3 Қаттиқ тутамоқ, қуюқ тутун чиқариб ёнмоқ. Уртадаги ўчоқда ҳўл тўяка биқсимоқда. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўчма салб. Ачиқ-тирсиқ гап қилмоқ, бўлмағур гаплар гапирмоқ, сисимоқ. Жамоатчилик улардан ҳисоб сўрайди, .. чекка-чеккаларда биқсиб турмай, гапинг бўлса, ҳаммининг олдида очик гапир, дейди. Уйғун, Замон талаби.

**БИҚСИТМОҚ** биқсимоқ 1—3 фл. орт. н.

**БИҚТИРМА** I сфт. Бекитиқча, яширин, махфий. Бандаргоҳ ерларда қишбегидан қоровул қўйилган биқтирма одамлар бор эди. «Ёдгор».

2 от айн. пистирма.

**БИҚТИРМОҚ** биқмоқ фл. орт. н. **БИҚҚАДАЙ** айн. биққи. Биққадай семирмоқ жуда ҳам семирмоқ, ёғ битиб семирмоқ.

**БИҚҚИ** Жуда ҳам семиз, ёғ битиб семирман. Биққи одам. — Бир маҳал Тўхта опа ҳарсиллаб кириб келди. Ундан қовурдоқ ҳиди келар, биққи

бармоқлари мой эди. Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

**БИҒ-БИҒ** тақл. с. Чақалоқ болаларнинг қаттиқ йиғиси ҳақида. Бола биғ-биғ йиғларди. — Биғ-биғ .. чинқираётган бола кўқариб кетди. Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

**БИҒИЛЛАМОҚ** Қаттиқ йиғламоқ (асосан чақалоқ болалар ҳақида). Келин .. биғиллаб йиғлаётган чақалоғи олдида кетди. Ойбек, Нур қидириб.

**БИҒИЛЛАТМОҚ** биғилламоқ фл. орт. н.

**БИҒИЛЛАШМОҚ** биғилламоқ фл. бир. н.

**БИҒИШТ** [ф-т] кт. айн. жаннат I.

**БИҒИШТИ** [ф-т] Узумнинг бир тури. Бир бош биғишти. | Шу узумдан тайёрланган май. Уктам биғишти «биғишти» очиб, кичкина пиёлаларга қўйди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БЛАНК** [р<фр], **бланка** Графаларини керакли вақтда тўлдириш учун мўлжаллаб босмаҳонада нашр этилган тайёр варақа (анкета, хат-ҳужжат ва ш. к.). Анкета бланкаси.

**БЛИНДАЖ** [р<фр] Уруш майдонида ерни қазиб йўгон ҳодалар кўмиб, бетон ва тупроқ билан мустаҳкамланган ҳарбий истеҳком. Теза ёнбағирлари ҳам гўё жангчиларни бомба ёки снарядлардан сақлайдиган блиндажлар учунгина яратилгандек. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БЛОК** I [р<ингл] Фалтак ва унинг ариқчасидан ўтказилган арқон ёки занжирдан иборат энг содда юк кўтаридиган машина. Қўчмас блок. Блок билан юк кўтармоқ.

**БЛОК** II [р<ингл] I Айрим давлатлар, партиялар, ташкилотлар ёки кишиларнинг бирор умумий мақсадда биргаликда ҳаракат қилиш учун тuzилган иттифоқи. Ҳарбий блок. Сиёсий блок. Коммунистлар билан партиясизлар блоқи.

2 тех. Механизм, иншоот ва ш.к.нинг бир неча айрим қисмларни ўзига бириктирган йирик бўлаги. Цилиндрлар блоқи.

3 блк. Цемент ёки бошқа бирор материалдан тайёрланган катта гишт шаклидаги қурилиш материали. Деворбоп блоқлар.

4 Айрим хона, бўлма, жой (мас., катта биноларда). Тунлардан бирида хотинлар блоқининг орқа томонидаги симларни қирқиб, бир юз етмиш икки кишини тоққа қочирши мўлжалланади. А. Мухтор, Давр меннинг тақдиримда.

**БЛОҚАДА** [р<ингл] I ҳарб. Душман шаҳри, қалъаси, айрим қисми ёки бутун территориясини қуршаб олиш, қамал қилиш; қамал ҳолати, муҳосара. Улуғ Ватан уруши йилларидаги уч йиллик блокада Ленинград ҳимоячиларининг иродасини синдира олмади.

2 сисё. Бирор давлатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яқкалаб қўйишга, унинг бошқа давлатлар билан

алоқасини узишга қаратилган сиёсий, иқтисодий ва молиявий тадбирлар системаси. Иқтисодий блокада.

**БЛОКНОТ** [р<фр] Ён дафтарча, қўйин дафтарча. У .. блокнот ва рўқани ҳозирлаб, қабулни бошлади.

Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БЛУЗА** [р<фр] Қўйлак бичимидаги белбоғсиз кенг устки иш кийими.

**БЛУЗКА** [р] Хотин-қизларнинг енгил материаллардан тикилган, юбка ёки шим билан кийиладиган қўйлакчаси.

**БЛЮМИНГ** [р<ингл] тех. Темир ёядиган кучли прокат машинаси.

**БО** I **диал.** I Яна, тагин. Еганинг ёғ, ичганинг кўк чой. Бо нимага хафа бўлсан? Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

2 унд. с. вазифасида Э, бе. Кеча ўрда бек оймдан менга арава келган экан, феълим айниб турган эди, бормай аравани бўйи қайтардим. «Бо худо, ўрда бекани бўлса ўзига», дедим. А. Қодирий, Ўтган қуялар.

**БО** II [ф-т] кўм. айн. билан. — Ота, бу синглим, — табассум билан деди Йўлчи, — қишлоқдан олиб келганимни эшитгандингиз. Бойниқиде яшашини маъқул кўрмадим. — [Шокир ота:] Яхши қилибсан: «Қабутар бо кабутар, жинс бо жинс». Ойбек, Қутлуғ қон.

бо- [ф-т] айқ. ба-.

**БОАДАБ** [ф-т+а] юқ. усл. Одобли, адабли. Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етми иқлимда ҳам топилмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОБ** [а] I Қитоб, асар, мақола ва ш.к.нинг ҳар бир айрим қисми, фасли. \* Романнинг боблари. Диссертациянинг боблари. — Областларнинг партия ташкилотлари .. ўзларининг ички ҳаётларида област, ўлка ва республика ташкилотлари тўғрисида партия Уставининг V бобида баён қилинган қоидаларга амал қиладилар. «ҚПСС Устави».

2 Бора, жиҳат. Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Мақол.

3 кўчма Давр, саҳифа. Самовий «Восход» кемасининг муваффақиятли парвози инсоннинг космосни ўзлаштиришида янги порлоқ боб очиб бермоқда. «С. Ўзбекистони», 1964, 20 октябрь.

4 3-ш. эгалик ва ў.п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. бобида).

**БОБИДА** кўм. вазифасида Соҳасида, борасида; жиҳатидан. Хусн бобида унинг тенги йўқ. — Мустафо Содиқ узок тарихий даврларда, ўрта асрларда шеър бобида донг чиқарган юксак, илҳомкор шоирлар устиде сўзлади. Ойбек, Нур қидириб.

**БОБИЙ** [ф-т] тар. Бобийлик мазҳабидеги киши.

**БОБИЙЛИК** тар. Эронда 1848—1852 йилларда оммавий антифеодал кўзголонларга бошчилик қилган диний мазҳаб.

**БОБИЛЛАМОҚ** Овози борича бақриб гапирмоқ, бидирламоқ. Замира

то мақсадини тушунтиргунча бўлмай, кампир бобиллай кетди. Х. Назир, Бир туп ғўза. **Бобиллаб бермоқ** овози борича бақириб уришиб бермоқ, койнмоқ.— Одам ҳам шунақа бўладими, қайқларда юрибсиз,— Назокат бобиллаб берди. Х. Ғулум, Машъал.

**БОБИЛЛАШМОҚ** бобилламоқ *фл. бирг. н.*

**БОБО** 1 Отанинг ёки онанинг отаси (набирага нисбатан). Ёшим олтмиш тўртга етди, ўғлим-қизим бўлмади.. Дарвоқе Отабек менга ўғиллик қилмасми, хотини менга қиз бўлмасми, уларнинг болалари мени «бобо» деб, кетимдан югурмасмикинлар? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 (фақат кўпл. ф-да) Қадимда яшган кишилар, аждодлар. Боболар.. «дунёни кири кам икки!»—деганлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Хурмат юзасидан қариялар номига қўшиб ишлатилади. Мурод дарров туриб, Ҳожи билан сўради ва назокат билан унга жой кўрсатди.— Келине, Ҳожи бобо! Кўринмайсиз, келмайсиз? А. Қаҳҳор, Ўйлар.

4 Азиз-авлиёлар номига қўшиб ишлатилади. Шайх Зайниддин бобо. Занги бобо.

5 тар. Бухоронинг катта даҳаларидаги бош миршаб унвони.

6 фольк. Оқсоқол, отахон. Қамбағалар Тоғайни бобо кўтарган эди. У камбағаларга бош бўлиб турган эди. «Рустамхон».

◆ **Бобо(йи)** деҳқон 1) деҳқонларнинг пири, устози; 2) деҳқончилик ишига ғоят уста одам, обрўли деҳқон. **Қор бобо** 1) қордан қилинадиган одам шаклидаги болалар ўйини. **Қор бобо қилмоқ**; 2) арча байрамида қиш рамзи — оқ пўстин ва оқ қалпоқ кийган киши.

**БОВОВ** бол. Кучук; ит.

**БОВОЙ** с. т. 1 Қари киши, чол.— Ҳа, қари деб ўйлабмидиниз? — деди Саблев,— қурилиш чангида кўрган киши сизни ҳам комсомол деб ўйламайди, «бобой» дейди. Ойдин, Мардлик — мангулик. [Йўлчи] Бобойнинг сўзларига тош ҳам эрийди. Сиз одамсиз-ку! Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қарияларга мурожаат формаси. Бардамисиз, бобой? Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОБОКАЛОН** 1 Бобонинг отаси, атта бобо (эварга нисбатан).

2 (фақат кўпл. ф-да) Ота-боболар, аждодлар. Бобокалонларимиз дўстликни тириклик суви деганлар. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 279.

**БОБОТИЛ** Қиёсий-тарихий текшириш йўли билан тикланиши мумкин бўлган қадимий тил.

**БОБРИК** [р] Туки узун мовут, тукли мовут. Бир пальтолик бобрлик. || Бобрлик пальто.

**БОБУНА** [ф-т] айн. мойчекач.

**БОБУНЖ** [а] айн. бобуна.

**БОВАР** [ф-т] эск. Ишонч, ишонич. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар

қилмай юрсам ҳам, сўнғдан тўғри сўз айтганларини билдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ақл бовар қилмайди** ақл ишонмайди, ақлга сиғмайди. Пўлат دادасини сира-сира эздан чиқармасди, унинг ёрқин сиймоси кўз олдига гаддаланарди-ю, ўлганлигига сира ақли бовар қилмасди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқинлар.

**БОВУЖУД** [ф-т] тўсиқсиз боғл., эск. кт. Шунга қарамасдан, шундай бўлса ҳам. [Муқимий:] Сиз назм ёзувлариниздан юборинг деб экансиз. Фақир неча муддатлар бўлдиқим, назм айтурга табиат ланж эрдим. Бовужуд бир ёзув назм пашшаларни шаънига айтиб эрдим. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

**БОД** I [ф-т] кт. Шамол, ел. **Боди сабо** тонги шамол. Арзимни айтмай боди сабога, Шояд гапиргай ул гул қабога. Муқимий.

**БОД** II [ф-т] Бўғин ва мушакларнинг яллиғланиш касаллиги; ревматизм. **Қаттиқ тўтиб оғрийдиган бод**. **Оёқ боди**. — Пирнафас ака.. қумда бод касалини талом йўқота эгган эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БОДА** [ф-т] поэт. Май, ичкилик, шароб. Қадаҳлар лала, Тўлдириб бода, Қелин — табиат Тўтди пийла. М. Алави. Соцларим ўйнатар майин шабада, Табиат ғўёки ичгандай бода. Ғайратий.

**БОДАПАРАСТ** [ф-т] Майпараст, майхўр, ичкиликбоз.

**БОДЕН** айн. арпабодийён.

**БОДИ** [ф-т]: оғзидан боди кириб, шоди чикади жуда ҳам беадаб гаплар гапиради; адаб доирасига сира сиғмайдиган сўзлар билан сўкинади.

**БОДИЯ** [а] эск. кт. Сахро, биёбон, чўл.

**БОДОМ** [ф-т] 1 Сермой ва лаззатли мағизи учун экиладиган дарахт.

2 Шу дарахтнинг меваси (данаги). Одам — одам билан, писта — бодом билан. Мақол.

◆ **Бодом (гулли)** дўппи бодом нусха гулли дўппи. Мен беқасам тўн кийиб, бошимда бодом дўппи, Садага бўлиб кетай ғалаба қадамга. Ғ. Ғулум.

**БОДОМЗОР** [ф-т] Бодом дарахти билан банд ер; бодом боғ.

**БОДОМСИМОН**: бодомсимон безлар анат. ташқи кўриниши бодомга ўхшаш безлар. Дифтерия микроблари кўпинча томоқдаги бодомсимон безларда бўлади. «Анатомия».

**БОДОМҚОВОҚ** Қовоғи бодом шаклида бир оз дўппайган. Бир гапириб, икки қуладиган.. бодомқовоқ бир қиз Муҳаббатнинг ёнига келиб ўтирди. В. Ғафуров, Вафодор. || Қовоғи шундай одам. Умидим бор оларман, албатта, бодомқовоғимни. «Нигор ва Замон».

**БОДПАРАК** [ф-т] диал. Варрак, варварак.

**БОДПО(Й)** [ф-т] фольк. Елдай тез юрадиган, учкур, чопқир (от ҳақида).

**БОДРАМОҚ** 1 Бўртиб, қаппайиб чиқмоқ; бўртиб, қаппайиб турмоқ.—

Анови ўтирган — эрим,— Марьяна Ефимовна томирлари бодраб чиққан, ғадир-будур, өзгин қўлини рамка томонига чўзди. С. Анорбоев, Дўстлар.

2 Дувуллаб, кўпайишиб чиқмоқ. Бир лаҳзада пешанасига бодраб тер чиқди. С. Анорбоев, Мехр. **Бодраб очилмоқ** лўппи-лўппи бўлиб, шиға очилмоқ, текис очилмоқ. **Тошкент область** Калинин районидаги «Победа» колхозидаларида пахта августнинг иккинчи ярмидаёқ бодраб очила бошлади. А. Мухиддин, Ҳада.

**БОДРЕЗАК** [ф-т] Сарғиш гулли бута ва унинг еб бўладиган аччиқ қизил меваси.

**БОДРИНГ** [ф-т] Поллиз ўсимлиги ва унинг ейишли чўзинчоқ ҳосили. **Барра бодринг**. Тузланган бодринг. — Урмонжон акамга яқин одам экансиз,— деди хотин бодрингни қарсиллатиб тишлаб,— ёмон одам бўлмасангиз керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БОДРОҚ** Қизиб турган қумда қовурилган ва оппоқ пахмадек лўппи-лўппи очилган жўхори овқат. **Сара бодроқ**. — Икки томондан отилаётган ўқлар тонг қоронғилигида тепаликда ва пастликда қозондаги бодроқлардек сачрай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БОДРОҚЧИ** Бодроқ қовуриш ва сотиш билан шуғулланувчи киши.

**БОЁК** [р] 1 ҳарб. Отиш қуролларининг ўқ, снаряд пистонига урилиб, уни чақнатадиган қисми.

2 тех. Буғ болғаларнинг ишлов берилмаётган деталга зарб билан урилиб, уни тегишли шаклга киритадиган қисми.

**БОЁН** [ф-т бой с. кўпл.] Бой; бойлар. Чақмоқдан кейин момақалдиороқнинг таъсири ва даҳшатли қанчалик зўр бўлса, «Танобчилардан сўнг «Баччага» шеърининг тарқалиши.. Кўйқон боёнлари.. орасида шунча ваҳима ва парокандалик тўғдирди. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

**БОЁНА** эск. Бойларга хос бўлган; бойлардек, бойларча. **Боёна тўн**.

**БОЁҚИШ** Бечора, шўрлик (асосан ачинишни ифодалаш учун ишлатилади). **Йўлчи ичида ўйлади**: «Чўлоқ одам учун хизматкорлик қийин, боёқиш Қамбар бу камчиликни билдирмаслик учун юғура-юғура югурик бўлиб қолган-да». Ойбек, Қутлуғ қон. Бир кун у: Амманнинг ўғли подачи эди. Олахўжа «экинча мол туширдинг» деб, боёқишни уриб, кўзини чиқарган, деди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Жонивор. Эчки боёқишни панага олганингиз яхши бўлибди. Ойбек, Навоий.

**БОЖ** [а] Чет давлатдан келтирилган мол учун олиннадиган ҳақ. **Бож тўламоқ**. — Сарой дарвозаси ёнида божхона бўлиб, чет эл молларидан бож олинарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БОЖА** Опа-сингилларнинг эрлари (бир-бирига нисбатан). **Ғулумжон** унинг [Ашур Мирзонинг] божаси уста Баҳромдан парталарнинг қандай



ясаганини сўраб олади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БОЖГИР** [a+ф-т] тар. Бож олувчи лавозимли киши; божхона ходими. Ун ички қопқадан, ўн икки йўлдан Божгирга пул тўлаб кирган қарвонлар. Шайхзода.

**БОЖ-ХИРОЖ** [a], божу-хирож тар. Турли-туман солиқ ва тўловлар. Учирди бошидан Хисравнинг тожин. Ва лексин сўрлади божу хирожин. Ҳабибий.

**БОЖХОНА** [a+ф-т] эск. кт. Бож олинадиган жой, идора. Сарой дарвозаси ёнида божхона бўлиб, чет эл молларидан бож олиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БОЗ** I [ф-т] эск. кт. Яна, тағин. Мен кўрқмадим, боз кўрқмасман ўлимдан. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. [Гули:] Йўқ асло! Ўймасин қурбон Алишер, Қўйинг, эл булбули боз сайрасин оз! Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Боз устига** бунинг устига, устига устак. **Боз** II [ф-т] диал. Лочин. Бози бандпарвоз.

**БОЗБОН** [ф-т] диал. Лочин асровчи. **БОЗИЛАМОҚ** I Визиллаган овоз чиқармоқ; визилламоқ.

2 *кўчма* Жуда ҳам қизимоқ, чўгдек қизмоқ. Печь бир пасда бозиллаб кетди. — Чўгдай бозиллаб турган зорғорани Зумрад қўлидан қўлига олиб, пуф-пуфлаб сундирди. Ойбек, Зумрад.

**БОЗИЛАТМОҚ** бозилламоқ *фл. орт. н.* Печни бозиллатмоқ. — Кўмир йўқлигидан, тараша чўғи танчани бирпас бозиллатиб, сўнган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кампир ўчоқда ёниб турган эски чўпчакнинг чўғини бозиллатиб, танчага ташлади. А. Мухтор, Тўғлиш.

**БОЗИНГАР** [ф-т бозигар] I эск. Ҳўйинчи, раққос, раққоса.

2 Кўз боғловчи, фокусчи.

3 *кўчма* Айёр, туллак одам ҳақида. **БОЗИРГОН** [ф-т] эск. кт. айн. савдогар.

**БОЗОР** [ф-т] I Аҳоли савдо-сотиқ қиладиган махсус жой. Мол бозори. Қолхоз бозори. — Пахта бозори мисоли қайнаб тошган бир дарё. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Шундай жойда савдо-сотиқ қилнадиган кун. [Шокир ота:] Эрта чоршанба бозор, ўн жуфтини менга қолдир, эртага сотиб, чайнаб турайлик. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бозор(и)** касод талаб йўқ, ўтмай қолган нарса, мол ҳақида.— Аммо,— давом этди Гуландом,— бозор касодлигиданми, ё иши яхши унмаганлигиданми, дадам тўқувчиликдан ёлчимасди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бозор кун** айн. бозор 2. Бозор кун, одам қалин. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бозор нон(и)** сотиш учун тайёрланадиган махсус нон нави. Ҳаял ўтмай бир чойнакда кўк чой, сири кўчган патнисда тўртта бозор нони кўтариб келди Қудрат. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Борича бозор айн. борича барака** қ. барака. Бозори чаққон талаб зўр бўлган, тез ўтадиган мол, нарса ҳақида.— Марғилонда газмол билан қала пояб-

залнинг бозори чаққон,— деди Ҳомид. А. Қодирий, Утган кунлар. **Бозор кўтармайди** I) бу нархга бозорда ҳеч ким олмайди; 2) *кўчма* с. т. беш-қаларга ёқмайди, ўтмайди, кетмайди. **Бозори ўтмади** I) бозорда ўтмай, сотилмай қолди; 2) *кўчма* ўзига ёки гапига тарафдор чиқмади; номери, хийла-найранги ўтмади. **Бозор қайтди** бозор вақти тамом бўлиб, бозорчилар қайтадиган вақт. **Бозорга солмоқ** I) молни сотиш учун бозорга олиб кирмоқ, харидга қўймоқ. Гаждумбек бозорга борса, Ҳамза бир қулни бозорга солиб турибди. «Гўрўғли»; 2) *кўчма* диққатни жалб қилиш учун бирор нарсани кўз-кўз қилмоқ, айлантириб, кўрсатиб юрмоқ. **Бозор(ини) олмоқ** ёки **бозор қилмоқ** бозорга бориб, савдо-сотиқ ишларини битириб келмоқ. **Бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг порт!** Мақол. — Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган тўячининг тўясига иккита-иккита мингашиб, чопон бозорга қараб йўл солдик. Ғ. Гулом, Шум бола. **Ўзини бозорга солмоқ** ўзини элга кўз-кўз қилмоқ. Агар севгининг нималигини билсангиз, юзингиздаги пардани йиртиб ташлаб, ўзингизни бозорга солиб ўтирмас эдингиз, Жўраҳон! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Шовқин-сурон, тартибсизлик ҳолати. Хуллас «болалик уй бозор» деганларидек, бу уйда бағ-буғ кўп бўлса ҳам, ғийбат йўқ. Ҳ. Гулом, Маъшбал. Буеун дала шийпонида бозор бўлди. Ҳамма сиздан даргазаб, раисликдан туширмоқчилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 *к.* Товар, мол алмашинув сфераси. Ички бозор. Ташқи бозор. Жаҳон бозори.

5 Бозор (эркаклар исми).

**БОЗОРБОП** Бозор судядиган, харидор ёқтирадиган; бозоргир. **Бозорбоп мол.**

**БОЗОРГИР** [ф-т] айн. бозорбоп. Бозоргир мол.

**БОЗОРИ** [ф-т] Бозорда сотиш учун мўлжаллаб тайёрланган; бозорбоп. **Бозори атлас.**

**БОЗОРЛАШМОҚ** Бозор бориб айланиб, томоша ёки савдо-сотиқ қилиб келмоқ.— Йўл бўлсин? — Бир бозорлашиб келайлик!

**БОЗОРЛИК** I айн. бозори.

2 Бозордан савдо-сотиқ қилиб қайтишда олиб келинган совға. Элликбоши хуржунини кўрсатиб,— мана буларни Мирзо бериб юбордилар, жанобларидан бозорлик экан [деди Ойша холага]. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**БОЗОРЧИ** I Бозорга савдо-сотиқ эҳтиёжи билан келган киши. Шаҳарда очлар ва хайр сўровчилар кўпайган эди. Улар хайр сўраб чўзган қўллари билан дўқондорларни ҳам, хонадонларни ҳам, қосибларни ҳам, йўловчиларни ҳам, бозорчиларни ҳам, самовардаги чойхўрларни ҳам безор қилардилар. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

2 Бозорда савдо-сотиқ билан шуғулланувчи, бозор-ўчарни яхши билладиган одам. Мен билан яшайдиган кампир бозорчи хотин эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОЗОРЧИЛИК** Бозорга ҳос муомалалар, қондалар, расм-русм ва ш. к.

**БОЗОР-ЎЧАР** Бозор, савдо-сотиқ ва улар билан боғлиқ бўлган икки-чикирлар. Байрам арафаси бўлгани учун қолхозчилар бозор-ўчар қилиб қайтмоқда. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**БОИС** [a] I Сабаб, асос. Бунинг боиси нима? — Рисолат хола бўйинини қисиб, ўзи ҳам бу сирнинг боисидан беҳабарлигини билдирди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Бола йиғлаб ўз жойига қайтди. Ота-онаси йиғлаганининг боисини сўрадилар. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

2 Боис (эркаклар исми).

**БОЙ** I I Киши кучидан фойдаланиш ҳисобига бойлик, дунё орттирган; бадавлат, давлатманд. Бой адам. — Чоракор чораклаб олар, бой акам — ботмонлаб. Мақол. Хўжайиннинг дадаси катта бой эди, мол-мулкни беҳад йиққан эди. Ойбек, Қутлуғ қон. 2 Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, ҳеч нарсадан камчилиги, мухтожлиги йўқ, ҳамма нарсадан бадастир, тўқис, бадавлат. Бизнинг қолхоз — бой қолхоз; Қўйли, сигирли қолхоз. «Қўшиқлар».

3 (*кўпинча ж. к. билан*) Таркибида, ихтиёрида, бағрида керакли ва фойдали нарсалар кўп, мўл. Темирга бой руда. Мамлакатимиз турли қазилмаларга жуда бой. Ери бойининг, эли бой. Мақол. — Эй Андиджон, қонлар диёри, Пахта, ипак, нефтга бойсан. Боғларингдан шарбат томади, ҳам бойсану, ҳам сўлим жойсан. Ё. Мирза. | Етарли даражада мукаммал, беками-кўст. Бой тил. Бой тажриба. Бой кутубхона. | Жихози, зеби-зийнати, ҳашами зўр; серҳашам, боёна. Искандаро ҳавас ва таажжуб билан биноларга, бой жиҳозларга, айниқса назик санъат буюмларга, эшик ва деразаларга назар ташлаб қўярди. Ойбек, Нур қидириб. Келин ички-ташқи данғиллама ҳовлида саройдай ҳашаматли, бой беақли уйларида, уни ҳеч нарса қизиқтирмас. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 (одатда эғалик аффикслари билан) с. т. эск. Хотин киши ўз эри ҳақида. Бойим уйда йўқ эдилар.

5 Бойларга мурожаатда ёки улар ҳақида сўз борганда уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилади. [Жамила Бойга:] Бой ота! Бу гапни бир айтдингиз, яна қайтиб гапирманг! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бой қурсин, уят-андишани билмайдими? Қариб мияси айнигандир. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Ҳурмат юзасидан киши номига қўшиб ишлатилади. Ҳорманг, Аҳмадбой!

7 Киши номининг таркибий қис-



мига киради, мас. *Болтабой, Тешабой, Жўрабой.*

◆ **Бой касал** ўзи оғир бўлмаса-да парварниш талаб қиладиган ёки шундай парварниш талаб қилиш учун бахона бўлган касаллик ҳамда шундай касалликка учраган одам ҳақида. *Дард деган нарса анойи беморни топса, тана-сидан чиқмай, ўтириб олади. Шунинг учун ҳам оғригининг тайини йўқ беморларни «бой касал» дейишади.* «Муштум», 1964, № 3.

**БОЙ II: бой бермоқ I** ютқизмоқ (*ўйинда, ишда, курашда*). *Бой берилган ишга пушаймон бўлишдан фойда йўқ.* Н. Сафаров, *Ҳаёт мактаби*; 2) бекор кетқизмоқ, зое қилмоқ, қўлдан бериб қўймоқ. *Қудай фурсатни бой бермоқ.* — *Шу ғанимат пайтни бой берсак, пахта ҳақида ўйлашнинг ҳождати ҳам қолмайди.* С. Аҳмад, *Ҳўкм. Сир(ни) бой бермоқ* сирни очиб, билдириб қўймоқ. *Бўтабой энди қўрқиб кетди, лекин .. сир бой бермади.* А. Қаҳҳор, *Қўшчино*.

**БОЙБАЧЧА** *кт. айн. бойвачча.*  
**БОЙВАЧЧА I** Бойнинг боласи. — *Бой амаки! — деди қуйроқда ўтирган ёш бойваччалардан бири, — ўзингизнинг ғамингизни ейсиз-у, бизларни всламайсиз.* Айний, *Дохунда.* *Бойваччароқ қизлар атлас, шоҳи, духоба .. хўйлак ва нимчалар кийиб .. олган.* М. Муҳаммаджонов, *Турмуш уринишлари.*

2 **Бойларнинг болаларига мурожаатда** уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилган. *Янги касб қўллуқ бўлсин, бойвачча! А. Қаҳҳор, Қўшчино*. *Хўжалиги тугатилиши керак бўлган муштумўйрларнинг рўйхатини ўқиди. Булар: .. Саидносир, Шокиржон бойвачча Нўғмонхўжлардан иборат эди.* А. Қаҳҳор, *Қўшчино*.

3 *кест.* **Узини бой боласидек тутувчи олифта** (одам ҳақида).

**БОЙВАЧЧАЛИК I бойвачча I с. белги оти.** [Тўлаҳон ўз-ўзига:] *Мен кичкина гўдакми, алданиб? .. Бойваччалигидан менга нима фойда? Ҳамза, Холисхон.*

2 **Бойваччаларга хос хатти-ҳаракат, юриш, қилиқ.** *Бойваччалик қилмоқ.*

**БОЙВУЧЧА I** Бой хотин (бойларнинг хотини, қизи ҳақида). *Катта бойвуччадан бир қиз, бир ўғил, кичкина хотин қиз туғаркан нуқу.* М. Алавия. || [Оқилжон] *пулингизни ишлатаман, ер-сув қиламан, сиз бойвучча хотин бўлиб даври-даврон сурасиз.* Ойбек, *Қутлуғ қон.*

2 **Уй бекаси.**

3 (*одатда эгалик аффикси билан*) *с. т. эск.* Эр киши ўз хотини ҳақида. *Бойвуччам бир ёққа кетган эдилар.*

**БОЙМОҚ I** Бойлик, дунё, давлат орттирмоқ, давлатманд бўлмоқ. *Суқ тўймас, ўғри бойимас.* Мақол. — *Кўринишда шариятнинг маҳкам ушлаган халфа .. назр-ниёзлар ҳисобига бойиган экан.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

2 **Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам-ланмоқ, беками-кўст бўлмоқ.** *Қолхоз-миз сўнги йилларда жуда бойиб кетди.*

3 **Таркибида керакли, бойдали нарса миқдори кўпайиб, сифат жиҳатидан яхшиланмоқ.** *Руда маълум ишловдан кейин анча бойийди.*

4 **Муқаммалашмоқ, тўлмоқ.** *Кутубхонамиз янги китоблар билан бойиди.*

— **Кунлар сеvimли хунар йўлидаги интилиши ва машғулотлар билан ўтиб, қиз ҳаёти янги воқеа, янги мазмун билан бойиб борди.** С. Абдуқаҳҳор, *Галия Измайлова.*

5 (*ж. к. билан*) **Кўп миқдорда тўп-ламоқ, орттирмоқ, эга бўлмоқ.** *Тажрибага боймоқ.*

**БОЙТИЛМОҚ бойитмоқ фл. мажх. н.** *Бойитилган руда. Витаминлар билан бойитилган озуқа.* *Ўзбекистон оғир саноати янги бешиллик даврида янги соҳа — мис руда саноати билан бойитилади.*

**БОЙТИМОҚ бойимоқ фл. орт. н.** *Рудани бойитмоқ. Кутубхонани бойитмоқ.* — *Анвар .. ҳар кимнинг уйида бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб йилдан-йилга гулзорни бойитди.* А. Қодирий, *Меҳробдан чаён.* *Бизнинг вазифамиз илмни халқ тажрибаси билан бойитиши ва шў билан бирга халқ тажрибасини илмнинг элагидан ўтказишидир.* А. Қаҳҳор, *Қўшчино*.

**БОЙКОТ** [p<ингл] Назар-эйтибордан четда қолдириш йўли билан бирор кимса, нарса, ташкилот ва ш.к.га қарши оммавий, сиёсий ёки иқтисодий кураш олиб бориш формаси. *Бойкот эълон қилмоқ.*

**БОЙЛАМОҚ с. т.** Боғламоқ.

**БОЙЛИК I бой I с. белги оти.** *Бу йилгит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, .. нима учундир, бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.* *Ҳовли саҳнига, айвонларга «сеп» ёйилди. Сепнинг бойлиги, тури, ранг-баранглиги ҳаммани ҳанг-манг этди.* Ойбек, *Қутлуғ қон.*

2 **Дунё, давлат, мол-мулк. Тоғангиз миқти бой.** *Айниқса, мана шу беш-олти йил ичида бойлик жуда зўрайиб кетди, хўп деяверинг.* Ойбек, *Қутлуғ қон.* *Шокиржон бойваччанинг ерини экиб ёки ундан ерни ижарага олиб юрган вақтларимда бу одам орттиратган туман бойликни кўриб, шўр пешаналигимга бирдан-бир сабаб ерсизлик, сувсизлик деб ўйлар эдим.* А. Қаҳҳор, *Қўшчино*.

3 **Моддий ресурслар мажмуи. Ер ости бойликлари. Материал бойликлар. Умумхалқ бойлиги.** — *Пахта — катта бойликдир, Пахта бизнинг шарафшон.* И. Муслим.

4 **Таркибидаги ёки ихтиёридаги бор нарса. Тил бойлиги.** *Ақлдан ортиқ бойлик йўқ.* Мақол. *Соғлигим — бойлигим.* Мақол. *Тани соғлиқ — туман бойлик.* Мақол.

**БОЙЛИК I с. т. айн. боғлиқ I. БОЙЛИК II с. т. айн. боғлиқ II.**

**БОЙПАРАСТ** *Бойдарга мулозамат қилувчи, бойларнинг томонини олдувчи, бойларга мухлис бўлган. Бошқа бир хавф унинг [Гулнорнинг] кўз олдига яна даҳшатлироқ гавдалар эди: онасининг таъбирича, бойпараст ота бир кун тўсатдан: Бой отам фалон одамни маъқул кўрдилар, эрта тўй, фалон кун никоҳ ташриғининг кўравер, хотин! деса, у нима қила олади.* Ойбек, *Қутлуғ қон.*

**БОЙТЕВАТ с. т. I** Катта, баҳайбат кўпнак ит.

2 *кўчма* **Сочлари пахмоқ, уст-боши жулдур одам ҳақида.**

◆ **Бойникини бойтеват қизғанади** бойнинг мол-дунёсидан ўзига ҳеч қандай наф бўлмаса-да, уни бошқалардан қизғанадиган одамга айтиладиган ибора.

**БОЙТУЗОҚ** *Куш тутиш учун қилдан ясалган махсус тузоқ.*

**БОЙЧА** *Чакана бой, кичик бой. Эшик олдига, кўчанинг икки юзига қатор қўйилган скамейкаларда Мирзакаримбой, маҳалланинг имоми, бойлари, бойчалари уларни кутиб оладилар.* Ойбек, *Қутлуғ қон.*

**БОЙЧЕЧАК I** *Илк баҳор очиладиган пиязгул. Баҳор келгач, ҳар йили далаларга чиқардик. Этак-этак чучмома, бойчечаклар йиғардик.* Х. Сабоҳ.

2 *эти.* **Эрта кўклам шу гиёҳ чиққан пайтда эшикма-эшик айтиб юриладиган махсус қўшиқ.** *Бойчечак айтмоқ.*

**БОЙЎҒЛИ I** *Япалоққушлар туркумига мансуб бир турли йиртқич куш. Энди бу ерда илгаригидай бойўғли сайрамайди. Ҳеч кимнинг кўзига жин ҳам кўринмайди.* П. Турсун, *Ўқитувчи.*

2 *кўчма* **Бехосият, машғум одам ҳақида.** — *Бундан буён боғимга қадам қўйманг, сиз бойўғлидан ҳам баттар нарсасиз!* *Кўнган ерингизни қуртасиз.* Мирмуҳсин, *Чинқиш.*

**БОЙҚУШ айн. бойўғли.**

**БОЙҒОЗА диал.** *Янги буюм харид қилган кишидан олинадиган суюнчи.*

**БОК** [ф-т]: **ҳеч бокиси йўқ** *ҳеч зарари йўқ; кўрқинчли эмас, ҳеч нарса қиймайди.* — *Мен сўрамай ҳовлига кирганим учун уэр сўрадим, — деди Камолддин. Чол олижаноблик билан: — Ҳеч бокиси йўқ, болам. Қани ичкарига киринг, — деб таклиф қилди.* Т. Жалолов, *Олтин қафас.*

**БОКИРА [а] I** Эр кўрмаган, турмушга чиқмаган; ифбатли. *Бокира қиз.*

2 *кўчма* **Кўл тегмаган, киши оғи етмаган. Қудратли электр тракторлар чўлнинг бокира вағрини ик дафъа ёриб, ағдариб, ҳавони гумбирлатар эдилар.** Ойбек, *О. в. шабадалар.*

**БОКС I** [p<инел] **Махсус қўлқоп кийиб, маълум қоидаларга асосан муштлашни спорт.**

**БОКС II** [p<инел] **Қасалхоналарда юқушли касаллик билан оғриган кишиларни бошқалардан ажратиб қўйиш**

учун белгиланган махсус зона ёки бйно.

**БОКС III** [р<ингл] Эркакларнинг соч кўйиш усулларидан бири.

**БОКСИТ** [р<фр] Асосий таркибий қисмини алюминий оксиди ташкил қилган тоғ жинси, энг бой алюминий рудаси.

**БОКСЧИ** Бокс спорти билан шуғулланувчи киши. *Боксчиларнинг бутун-иттифоқ мусобақаси.*

**БОЛ** айн. асал 1, 2. *Кузги бол.* — Бу ернинг узуми, анори, анжири бол билан тенг дейдилар. «К. Ўзбекистон», 1959, № 134. *Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ёрнинг лаби бол бўлсин.* «Кунтуғмиш». **Болари** айн. асалари.

◆ **Оғзидан (ёки сўзидан) бол томади** жуда ҳам ширин сўз одам ҳақида. *Ёқимтой бўл ҳар ерда, Мактаб, кино лагерда. Ҳар сўзингдан бол томсин, Кўрган орзулаб қолсин.* Қ. Муҳаммадий.

**БОЛА** 1 Янги туғилган, ҳали кўкрақдан, она бағридан ажратилмаган гўдак; чақалоқ. *Бола эмизмоқ.* Болани аллалаб ухлатмоқ. *Бола йиғламаса, она сут бермайди.* Мақол. *Туғилмаган болага бешик.* Мақол. — *Ўзбек олим бурчақда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўқиб келишга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ҳали ёш, вояга етмаган одам. *Мактабгача ёшдаги болалар. Мактаб ёшидаги болалар.* *Мактаб болалари.* Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра. Мақол. — *Анвар келишган, дўндиқ бола эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қишлоқ болалари бирин-кетин мактабга оқиб келаверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ичкари ҳовли зиғидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар чувилашиб чиқиди.* Ойбек, Кутлуғ қон. **Аскар бола** с. т. аскарликча янги олинган ёш солдат. *Ҳарбий таълим қурол ишлатиш ва ҳарбий расм-таомилни билишдан иборат деб ўйлаган янги аскар болаларга, аялганда, бу қийинчилик, баъзан, ҳарбий билимга алоқасиз кўринган ишлар, ортиқча туйилар эди.* А. Қаҳҳор, Оатин юлдуз. **Бўз бола** ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини тотмаган, турмуш тажрибаси йўқ ёш йигит. *Йўлчи қачон келар экан, келганда ҳам нима қиларди, бўз бола, камбағал.* Ойбек, Кутлуғ қон. **Дала (ёки саҳро) боласи** эск. далада, саҳрода ўсган, турмушдан орқада қолган одам. *Сен саҳро боласига сўзни уқтириш ҳам қийин.* Ойбек, Кутлуғ қон. **Келин бола** ёш келин, янги келин, келинчак. *Ҳожининг «энда келин болани юбормаймиз-да», деб қулишига — «менинг болам эмас, — сизники, у ер ҳам, бу ер ҳам ўзининг уйи» — деди [Қутидор].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Куёв бола** ёш куёв, янги куёв. **Кўча бола(си)** мактабда ўқимай, кўча-кўйда санқиб юрадиган, тарбиясиз бола. *Нариги уйдан увадаси чиқиб кетган ёстиқни кўтариб Ҳамдам чиқди.* — *Ўтир, бу ёққа! Хўш,*

*сеғ-нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоқсизлик қиласан? А. Қаҳҳор, Айб кимда? Ота(си)нинг боласи ўз отасига ўхшаган; ўз отасининг ишини тута билган одам ҳақида. Отабек хуфтон намози учун таҳорат олишга меҳмонхонадан чиққан эди, унинг кетича: — Отанинг боласи-да, деб Зиё шоҳичи меҳмонларга қараб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўғил бола** 1) эркак жинсидаги бола; 2) кўчма мард одам. — *Мен кишининг хизматини унутадиган йигит эмасман, деди Ҳомид ва давом қилди.* — *Ўғил бола учун ўғил болалигим, ёмон учун ёмонлигим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 **Фарзанд, ўғил-қиз; зурриёт. Одамнинг меваси — бола.** Мақол. *Она билан бола — гул билан лола.* Мақол. *Бол ширин, болдан бола ширин.* Мақол. *Бола азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. — *Ота ўз ўйларни билан, бола эса, отаси чеҳрасидаги ғамгинлик сабабларини қидириш билан машғул эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир набадан алвон хил бола туғилади, деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Мен ҳам деҳқон боласиман. Аслимиз Қудайид.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Бола кўрмоқ** фарзандли бўлмоқ. *Орада тўққиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

3 **Кўчма** Ёши улғайган, аммо гўдакларча иш тутадиган, болаларча мулоҳаза юргизадиган одам ҳақида. — *Нега кўнглимга олмай, мен ёш боламми! — деди [Қумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эй хотин, бола бўлиб қолгансан десам, аччиғинг келади.* *Ахир гапнинг охирига қадар тинглаб турмайсанми.* Ойдин, Ширин келди.

4 (кўпинча 1-ш. **зеалик аффикси** билан) **Кексаларнинг ёшларга мурожаат формаси.** — *Қаерликсан, болам, русса ўхшамайсан? — кампир кўз ёшларини артиб, унга яқинлашди.* — *Ота-онанг борми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Янги туғилган, тухумдан чиққан, ҳали вояга етмаган ёш ҳайвон ёки парранда. *Мушук бола.* *Кўнғиз боласини оппогим дер,* кирпи боласини юшиоғим дер. Мақол. — *Қайси бир кавакда чумчуқ болалари чирқиллайди, томдан каптарларнинг ўқсиз «ғу-ғу, ғу-ғу»лари эшитилиб қолади.* Ойбек, Кутлуғ қон.

6 Бир турдаги катта-кичик нарсаларнинг кичиги, кичкинаси. *Қовун бола.*

◆ **Одам боласи қ, одам 2.**

**БОЛА-БАҚРА** Катта-кичик болалар; бола-чақа. *Майсазор тўла бола-бақра, қий-чув: қаердадир патефон хириллаб айланар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**БОЛАЖОН** 1 бола 1, 2, 4 с. *кич.-эрк. Ма, е шуни болажоним, атайин сенга илиниб олиб келдим.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

2 сфт **Болаларни жондан** яхши кўрадиган, болага, фарзандга меҳрибон, болапарвар одам ҳақида. *Болажон ўқитувчи.*

**БОЛАЖОНЛИК** Болаларни жондан севиш, болага, фарзандга ортиқ муҳаббат, меҳр, болапарварлик. *Фотима холадаги болажонлик, фарзандларига бўлаган муҳаббат, уларнинг тарбияси йўлидаги фидокорлик [фильмда] ўз ифодасини топган.* «К. Ўзбекистон», 1964, 14 февраль.

**БОЛАҚАЙ** бола 1, 2 с. *кич.-эрк. Чойхонада овқатланишни болақай шиферга буюради [Ўқтам].* Ойбек, О. в. шнабадалар. — *Ҳа, болақайлар, нима гап? — деди Жўранинг дадаси туюдаги болалар етиб келган.* Н. Фозилов, Ирмоқ.

**БОЛАЛАМОҚ** 1 Бола туғмоқ (ҳайвонлар ҳақида); бола очмоқ (қушлар ҳақида); бола туғиб ёки очиб кўпаймоқ; урчимоқ. *Мушук болалади. Каптар болалади.*

2 **Кўчма** Кўпаймоқ, урчимоқ, туғмоқ. *Чипқон болалапти.* Бир орзу ўн орзу болалайди. Мақол. — *Биллимайдики, пул болалаб туради, индамасдан туғади, чақалоқлари ингиламайди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**БОЛАЛАРЧА** рви Болаларга хос равишда, болаларга ўхшаб; гўдакларча. *Болаларча ўйламоқ.* *Болаларча муҳокама юргизмоқ.* — *Извош ўзиники бўлса, шунақа кийим киймасди, — болаларча ҳақғўйлик билан тишинтиради иккинчиси.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**БОЛАЛАТИЛМОҚ** болалатмоқ *фл. мажх. н.*

**БОЛАЛАТМОҚ** болалатмоқ *фл. орт. н.* Қорамолларни болалатмоқ.

**БОЛАЛИ** Боласи, фарзанди бўлган, бола-чақали. *Кўп болали оналарга .. давлат томонидан ёрдам берилиши хотин-қизларнинг (эркаклар билан тенг) ҳуқуқларини амала ошириши имкониятини таъминлайди.* «ЎзССР Конституцияси». | **Бола бор.** Болали уйда ғийбат бўлмас. Мақол.

**БОЛАЛИК** 1 бола 1, 2, 4—6 с. *белги оти.* Бола болалигига боради. *Болалик — пошшолик.* Мақол. — *Болада, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кишининг ҳали вояга етмаган вақтдаги даври; гўдаклик, ёшлик. *У болаликданоқ отларни севар, яхши отларни боқши, томоша қилишдан ҳар вақт завқланар эди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Сидқижон .. болалиги ўтган .. жойларини бориб кўрди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

3 Болаларга хос хатти-ҳаракат, иш, қилиқ. *Сафарали қаерда туради десак, биров айтиб берадими? Болалигинг қурсин.* *Дунёда Сафаралидан кўпи йўқ.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Булар қурғур ҳам дунёни бошига кўтармай: «болалик қилибди», — деб қўя қолса-ку бўлади.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

4 Фарзандлик, фарзанд қилиб олиш.— *Ҳа, ўғил қаерда? — Бир бефарзанда болаликка бердим. Қаерда бўлса эсон бўлсин.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Ўғил болалик** мардонавор хатти-харакат, мардлик.— *Мен кишининг хизматини унутадиган йиғит эмасман,— деди Ҳомид ва давом қилди,— ўғил бола учун ўғил болалигим, ёмон учун ёмонлигим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОЛАЛИ-ЧАҚАЛИ** айн. бола-чақали.

**БОЛАПАРВАР** Болаларни ортиқ яхши кўрадиган, болаларга меҳрибон, ғамхўр; болажон.

**БОЛАПАРВАРЛИК** болапарвар с. белги оти.

**БОЛАСИЗ** Боласи йўқ, бола кўрмаган; бефарзанд. Боласиз хотин. *Хотинсиз ўтиш — хато, боласиз ўтиш — жафо.* Мақол. || *Боласизга тангериси ҳам, бандаси ҳам бермас экан. Йигирма йил турмуш қилиб бола кўрмадим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Бола йўқ. *Болали уй — бозор, боласиз уй мазор.* Мақол.

**БОЛАСИЗЛИК** боласиз с. белги оти. *Боласизлик учун хафа бўлиш керак эмас, ҳали ёшсиз, бек ака!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОЛАТОЙ** бола 1, 2, 4 с. кичр-эркл.

**БОЛАЧА** 1 бола 1, 2, 4 с. кичр.

2 Қичкина қовун; сапча, хомак.

3 Бир турдаги нарсаларнинг энг кичиги.

**БОЛА-ЧАҚА** 1 Катта-кичик болалар; бола-бақра. *Йиғит ят этиб қўлини далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақалар чувиллашиб пахта-теришаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ойла аъзолари (хотин ва болалар). *Биргина кампир энам бор, ука. Ёшим қирққа етди. На хотин, на бола-чақа. Дунёдан тоқ ўтдик ҳисоб.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бола-чақа қилмоқ** (ёки кўрмоқ) ўйланиб бола-чақали бўлмоқ. [Мамат Холисхона:] *Бола-чақа кўрандан кейин бир умр бориб туришига ҳам ваъда берман.* Ҳамза, Холисхон.

**БОЛА-ЧАҚАЛИ** Уйланиб бола-чақа кўрган; оилали, аёлманд. *Биринчидан, бола-чақали одам хотин устига хотин олса, уйда ҳар кун жанжал-сурон бўлиши шубҳасиз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОЛГАР** қ. болгарлар. Болгар тили. Болгар халқи. || Болгар аёл.

**БОЛГАРЛАР** Болгариянинг туб аҳолисини ташкил этувчи, жанубий славянларга мансуб халқ.

**БОЛГАРЧА** 1 Болгар тилига, адабиётига ва маданиятига оид. *Болгарча кийим. Болгарча рақс.*

2 Болгар тили. *Болгарча(ни) биласизми? || Болгарча сўзламоқ.*

**БОЛДИЗ** Қайин сингил (поччага нисбатан). *Болдиз болдан тотли.* Мақол.

**БОЛДИР** 1 анат. Оёқнинг тизза билан тўпиқ ўртасидаги қисми. *Боти-*

*рали варақаларни болдирига боғлаб, Турроққўрғон солдатлари, эски шаҳар хунармандлари орасида тарқатарди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Турсунбой қизил этигининг кўнжиги болдирига бурма қилиб тушириб .. олган эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Оёқнинг шу қисми орқасидаги сўм, мушак гўшти. Унинг диркиллаган болдирлари, тирсиллаган кўкраклари, оппоқ бағбақалари, қўйингки, гулмисан-гул С. Анорбоев, Оқсой.

**БОЛДИРҚОРА** Бир турли доривор ўсимлик; сочисунбул.

**БОЛДОҚ** 1 Кўзсиз силлиқ узук. 2 айн. зирак. *Дала либоси ўзарган пайт: тераклардан шитирлаб барг тўкилмоқда .. тут япроқлари олтин болдоқдай сарғайиб, шабадада шитирлайди.* И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

3 Баъзи нарсаларни маҳкамлаш учун уларга кийдириладиган халқа. Қилиш болдоғи.

**БОЛИШ** [ф-т] айн. ёстиқ. *Ҳар бир айвоннинг тоқасида беҳисоб бахмал, ипак кўрпачалар, болишлар: Ж. Шарипов, Хоразм. Бобоқул минг қўйли сурунчи айланиб чиқиб, чайлага қайтганида Махсум оёқларини йиғиб, бир қўлини болиш қилиб ётган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. **Лўла болиш** қ. лўла.

**БОЛИҒ** [а] кт. Балоғатга, вояга етган. *Оқил ва болиғ .. бўлганингиз ҳолда, бу хайрли мажлисда ҳозир бўлган, сиз, йиғит шу мажлисда ҳозир бўлиб турган шу қизни .. хотинликка қабул қиласизми? Айний, Эсдаликлар:*

**БОЛИҒЛИК** болиғ с. белги оти.

**БОЛУР** [ф-т] диал. Тўсин.

**БОЛОХОНА** [ф-т] Маҳаллий типдаги иморатнинг иккинчи қавати ва шу иккинчи қаватдаги уй. *Эъзохон чойхона тепасида болохона деразасидан кўчага қараб турибди.* Х. Гулом, Машъал.

**БОЛОХОНАДОР** [ф-т] 1 айн. болохонали. *Шу он минг боши чўрт бурилди-да, самовар айвонидан ўтиб, узоқда кўринган болохонадор баланд, баҳайбат дарвоза томонига югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 қўчма салб. Дабдабали, тамтароқли. *Болохонадор гаплар.*

◆ **Болохонадор (қилиб)** сўкиш одаб доирасидан жуда ҳам четга чиқиб, ўтакетган беадаб сўзлар билан сўкиш. *Шу кунларда у болохонадор қилиб сўкиш соҳасида «рекорд» қўймоқда.* О. Ҳусанов, Тошга сув сепсанг.

**БОЛОХОНАЛИ** Болохонаси бўлган, икки қаватли. *Болохонали иморат.* **БОЛТ** [р] Бир учиде каллаги, иккинчи учиде резьбаси бўлган маҳкамлаш детали.

**БОЛТА** 1 Ёғочни чопиш, кесиш, ёриш учун ишлатиладиган тиғи дастасига параллел металл асбоб. *Болта тушгунча, кунда дам олар.* Мақол. — *Ақлли, тўнғакка нозик ерини — ёриладиган ерини топиб туриб болта уради — ақли билан ёради, ўзини қўйнамайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Болта (эркаклар исми).

◆ **Оёғига** (ёки тағўга, илдизига, томирига) болта урмоқ ʼʼсосини, заминини бўшаштириб, ҳалокатга йўлламоқ, путурдан кеткизмоқ. У [Йўлчи] *зулм илдизига болта урди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ўз оёғингизга ўзингиз болта қўйманг, дейман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Элмурод ўзининг динга, жаҳолатга қарши бўлган билимини одамларга ёйиш билан домланинг томирига болта ураётганини яхши фаҳмламасди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БОЛТАЛАМОҚ** Болта билан кесмоқ, чопмоқ.

**БОЛТАТУМШУҚ** Чумчуқсимонлар туркумига мансуб данакхўр қуш.

**БОЛТАЮТАР** Қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич қуш, ўлимтиклар билан овқатланади.

**БОЛТИРИҚ** Крестгуллиларга мансуб кўп йиллик ўт.

**БОЛТЛИ** Болти бўлган, болти бор; болт билан маҳкамланган ёки маҳкамланадиган. *Болтли бирикма.*

**БОЛУПАР** [ф-т]: болупардан айрилмоқ энг яқин кишидан, таянчигидан айрилмоқ.

**БОЛУТ** айн. эман.

**БОЛУТЗОР** айн. эманзор.

**БОЛЬШЕВИЗМ** [р] Революцион ишчилар ҳаракатининг, революцион йўл билан капиталистик жамиятни ағдариб, коммунистик жамият қуришини рус ва жаҳон ишчилар ҳаракати тажрибасини ўрганиш асосида В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган назарияси ва тактикаси. *Большевизм сиёсий тафаккур оқими ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуддир.* В. И. Ленин, Коммунизмда болаларча «сўллик» касали.

**БОЛЬШЕВИК** [р] Большеви́зм тарафдори, большевистик партия аъзоси, коммунист (дастлаб Россия социал-демократик ишчилар партиясининг В. И. Ленин бошчилигида 1903 йили партия II съездида ташкил топган революцион кўпчилигига мансуб киши). *Февраль революцияси ғалаба қозонгандан кейин большевиклар очик шароитда ишлаб бошлади.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

**БОЛЬШЕВИКЛАРЧА** рви Большевикларга хос йўсинда, большевикларга ўхшаб, большевиклар каби.

**БОЛЬШЕВИКЛАШМОҚ** 1 Большевиклар тарафига ўтмоқ, чинакам большевик бўлиб бормоқ.

2 Большеви́зм руҳи билан суғорилмоқ, большевистик характерга эга бўлиб бормоқ.

3 Большевикларнинг салмоғи ошиб, большевиклар қўлига ўтмоқ.

**БОЛЬШЕВИКЛАШТИРМОҚ** большевиклашмоқ фл. орт. н.

**БОЛЬШЕВИКЛИК** большевик с. белги оти. *Мамажон ака бўлса, бутун совет кўнчилиги ва партия жамоатчилиги олдида бошқа колхозларни мусобақага қақриб, бу йилги планни 150 процент бажаришга большевиклик*

сўзини берган экан. Ф. Фулом, Тирилган мурда.

**БОЛЬШЕВИКЧА** айн. большевикларча. Пахта териш ва тайёрлаш ишчи большевикча уюштирган илгор район ва колхозлар. «К. Ўзбекистон», 1946, № 194.

**БОЛЬШЕВИСТЫК** [р большевистский] Большевикизмга ва большевикларга оид; большевикларга хос бўлган. *Большевиктик газета. Большевиктик партия.* — *Большевиктик социал-демократия гегемонияси бўлсагина революция енга олади.* В. И. Ленин, Иккинчи дума ва революциянинг иккинчи тўлкини.

**БОЛГА** 1 Мих қоқиш, кесувчи асбобнинг муҳрасига зарб билан уриш, материал текислаш, эгиш, букиш каби ишларда қўлланиладиган ёғоч дастали пўлат ёки ёғоч асбоб. *Ўроқ билан болга — иши билан деҳқон бирлигининг рамзидир.* — *Чоллар келганда, Қудрат темир учқунларини сачратиб, болга урмоқда эди.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

2 тех. Металларга зарб билан ишлов берадиган механизм.

**БОЛГАЛАМОҚ** Болга билан урмоқ, болга билан уриб ишлов бермоқ.

**БОЛГАЛАНМОҚ** болгаласмоқ фл. ўзл. ва мажх. н.

**БОМАСЛАХАТ** [ф-т+a] айн. бамаслахат.

**БОМБА** [р<фр] Портлатувчи ёки ёндирувчи снаряд. *Атом бомбаси. Водород бомбаси. Бомба ташламоқ.* — *Полк мудофаа қилиб ётган район устида душманнинг неча юзлаб самолёти қайта-қайта пайдо бўлиб, беҳисоб бомба ёғдирди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БОМБАРДИМОН** [турк-усм<фр] Бомба ташлаш, бомба ёғдириш, бомба ташлаб қириш. *Бомбардимон қилмоқ.*

**БОМБАРДИМОНЧИ** 1 Бомбардимон қилувчи самолёт.

2 с. т. Шундай самолёт учувчиси.

**БОМДОД** [ф-т] 1 дин. Эрта билан кун чиқмасдан ўқиладиган биринчи намоз. *Муздай куз сувига юз-қўлини ювди-да .. ўчоқ бошида ивирсиб юрган хотинидан сўради: — Онаси, болангиз бомдодга чиқиб кетдими?* М. Исмоиллий, Фарғона т. о. **Бомдод** намозин айн. бомдод 1. *Эрта билан соат олти яримда қўнғироқ товуши билан уйғониб, бомдод намозини ўқиймиз.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Эрта тонг пайти; сахар. *Бомдодда турмоқ.* **Бомдод** 1 билан жўнамоқ. **БОНГ** [ф-т] 1 Баланд овоз, қаттиқ товуш. *Йигитлардан бири .. йўғон товуш билан атрофга бонг урди: «Юравер! Майдонга чиқиб, рўйирост чиқиб, ҳақимизни дов қиламиз!».* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қўнғироқ, занг. *Қаердадир узоқда шу кез, бонг уриб паровоз чиққирар.* Д. Файзий. *Командирнинг бу сўзлари бонг овозидай жаранлайди.* «К. Ўзбекистон», 1959, № 107.

3 *Кўчма Садо, овоз; чақирӣқ. Пленум қарорларида тугилган бу шиор .. ғаллакор ва боргонларимиз учун жанговар кураш бонги бўлиб жаранглармоқда.* «К. Ўзбекистон», 1946, № 83. *У эрталаб Зокирни чақириб, «бонг» уришни ва кескин чоралар қўллашни буюрган, шундан кейин иошилинч бюро ўтказилган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**БОНУ** [ф-т] 1 эск. Юқори табақаларга, зодагонларга мансуб аёллар унвони.

2 Хўрмат юзасидан хотинлар исмига қўшиб ишлатилади.

**БОП** [ф-т] Бирор иш, мақсад ёки кимса, нарса учун жуда мос келадиган, муносиб, яхши. *Уйлаб кўрсам, саркоғиб одама шундан боп совға йўқ экан.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Ер чопишга оғирлик қилар .. амомо сув бўғишга боп кетмон ясашибсиз.* А. Қодирӣй, Обид кетмон.

«боп [ф-т] Қўшма сўзлар таркибиде «мос», «муносиб» маъноларни ифодалайди, мас. «оммабоп», «деҳқонбоп», «уруғбоп», «этиқбоп».

**БОПЛАБ** 1 бопламоқ фл. рвдиди.

2 рви, с. т. Ўрнига қўйиб, ўринлатиб, ўхшатиб. *Ермат .. қочан болаларнинг орқасидан боплаб сўкишни мўлжаллади-ю, лекин қаерда, кимлар ўртасида турганини дарҳол эсига олиб, товушини ҳалқумида бўғди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОПЛАМОҚ** 1 Бирор ишни ўрнига қўймоқ, кўнгилдагидек қилиб бажармоқ, яхшилаб ижро этмоқ, ўринлатмоқ, қойил қилмоқ. *Ашулани болади.* — *Қанақа доклад керак бўлса, секретарим шунга қараб бирпасда боплар эди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Ишни бопламоқ** 1) ишни кўнгилдагидек бажармоқ, ўрнига қўймоқ, қойил қилмоқ. *Булар бу йил ишни боплади, қадамни узун-узун қўйишга арзийди.* Ойбек, О. в. шабадалар; 2) ҳаммадан кўра ақллироқ, донороқ иш қилмоқ, ҳаммани доғда қолдирмоқ.

2 Фириб бермоқ, панд бермоқ. — *Бопладимми, — деди Набиғул кетиға қараб, — йилга олти сўм эмиш, олти тийин бермасман!* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

3 Адабини, таъзирини бермоқ (гап билан ёки урушда, курашда ғолиб келиб). [Ғофир Ҳасанга:] *Ахир даллол деганда паранжи бўлади-да, чопонни йигит киши қияди!* — [Ҳолат:] *Бопла, азамат, бопла! Ҳамза, Бой ила хизматчи.* — *Нишолдани маза қилиб еб ўтирган ҳов ану саллаликни кесак билан боппайми? — деди Маҳмуд.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОПЛАНМОҚ** бопламоқ фл. мажх. н. **БОПЛАТМОҚ** бопламоқ фл. орт. н. **БОПЛАШМОҚ** бопламоқ фл. бирг. н. **БОПТА** диал. Боп. *Ғанивой жуда бопта иш қилпти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади.* С. Аҳмад, Лочин.

**БОР** 1 1 Қўлда, ихтиёрда ёки умуман воқеликда мавжуд бўлган; мав-

жуд. **Бор** *Амкониётлардан фойдаланмоқ. Бор маблагларни аниқламоқ. Бор кишилар билан иш бошламоқ. Бор гапни айтиб бермоқ.* — [Отабек] *бир оз кучини йиғиб олган, ҳиқилдоқни бор кучи билан сиқа бошлади.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. || [Заргаров:] *Хўп, майли. Борига баракка, уёғини оғзаки боппайман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Кесим вазифасида Бўлади; мавжуд. Отангиз борми? Бугун мажлис бор. Қўнғилдан кўнғилга йўл бор.* Мақол. *Ўз дўстим деб сир айтма, дўстингнинг ҳам дўсти бор.* Мақол. — *Хўш, Содиқ полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор?* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. — *Тузуқроқ қарасанг-чи, — деди Сувоқкул жиддийлик билан, — бўрон кўтарилми хавфи бор.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кўрар кўзим, жоним акам, бормисан?* «Ширин билан Шакар». **Бормисиз ёки бор экансиз-ку!** узоқ вақт кўринмай, бедарак бўлиб кетган киши келганда ёки бирор киши кўнгилдагидек иш қилганда унга хитобан ишлатиладиган ибора. *Уста Олим келувчининг истиқболи учун ўрнидан турди: «Уста Фарфи, келинг, келинг, бормисиз!» деди.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. **Бор бўлинг!** яшаб юринг, ўлманг (кўпинча «ҳорманг!» сўзига жавобан ишлатиладиган ундама). [Давлатёр] *Элмуродни кўриши билан ашулани тўхтади, қичқирди: — Ҳорманг, ўртоқ муаллим! Элмурод тўхтади: — Ҳа, бор бўлинг, ишлар қалай?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бойлиққа, давлатга эга бўлган; бой, бадавлат. *Бор бўлсанг, кўролмайди, йўқ бўлсанг, беролмайди.* Мақол. *Бор мақтанса, топилур, йўқ мақтанса, чопилур.* Мақол. — [Ермат:] *Ука, бор-борича, йўқ ҳолича, ишқилиб бир кунимиз ўтиб турибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 3-ш. Эгалик аффиксини олган отлар билан таркибли сифат ҳосил қилади. *Пули бор одам. Қизи бор уй доим саришта.* Мақол. — *Ҳар бир ақли бор одам қовунга пивз қўйиб ейиш нотўғри эканини билса керак.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

4 кесим вазифасида Чама билдиради. *Соат бешлар бор. Еши йигирмаларда бор.*

◆ **Айтганича** (деганича, мактанганича ва ш. к.) бор худди айтганидек, шундай деб айтишга (дейнишга, мақташга) арзирли. — *Тўйбеканинг мақтаганича борми ўзи? — Бор, — деди қутидор .. худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. — *Қосимжон бойвачанинг уйларига кўп келаман-да, билман. — Арслон, арслон деганича бор.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. **Бор бўйича** 1) бошидан-оёқ; бутунча, бутун борлигича. *Бор бўйича суратга олмоқ;* 2) *кўчма тўлиқ, равишда;* кескин. *Масалани бор бўйича қўймоқ.* **Бўлса бордир** балки шундайдир; шундай бўлса ажаб эмас. *Келган бўлса бордир.* «са

**борми** агар -гудай бўлса. *Битта-ярипта одам [Урмонжоннинг] хотинига .. кўз олайтирса борми, ҳай-ҳай .. ўзини тополмаса, эшагининг қорнига пичоқ уради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Шуниси** (эки шунчалиги) ҳам борки шуни ҳам айтиш керакки .. шуни ҳам эътиборга олиш керакки .. Аммо шуниси ҳам борки, кейинги вақтларда Азизбек Қўқоннинг ёрлиғ ва фармонларини илтифотсиз қолдира бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар. **Эс(эки ақл)** борда вақтни қўлдан бермай, вақтида. [Юсуфбек ҳожи:] Ҳозир сизларга икки йўл бор: йўл-қизинени сотиб бўлса ҳам, ўттиз икки тангани Азизбек ханисига тўлаш, эки эс борда этакни ёпиб, Азизбекни орадан кўтариш. А. Қодирий, Утган кунлар. **Қўли бор** иштироки бор, иштирок этган, қатнашган. [Мансур:] Зухранинг йўқолишида бу афандининг қўли бор. Иши теровога берилсин. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**БОР II** [ф-т] кт. Марга, дафъа, қарра. [Элмурод] Гулсумни бир неча бор кўздан кецирди. П. Турсун, Уқитувчи. У [Жапақ] буён биринчи бор ўзига келгандай бўлди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Эй йўл, дунёда бўлмақ истасанг олижаноб, Уқигил мактаб келиб, санҳор ўқи, минг бор ўқи. Ҳамза.

**БОР III** [р<лат] Соф ва бирикма ҳолида медицина ва техникада кенг қўлланиладиган химиявий элемент.

**БОРА** [ф-т] кт. I Соҳа; хусус, ҳақ.

2 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. борасида).

**БОРА-БОРА I** бормоқ фл. такр. рвшди.

2 рвш Вақт ўтган сари, борган сари, тобора; охир-пировардида. Қасали бора-бора улғайди. — Дастлабки кунларда қишлоқ аҳолисининг диққати жалб бўлган янги домла бора-бора назардан тушиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БОРАСИДА** кўм. вазифасида кт. Соҳасида, хусусида. Меҳнат борасида ўзини кўрсатмоқ.

**БОР-БУД** Бисотдаги бор нарса, мол-мулк, дунё, буд-шуд. Худо кўрсатмасин, босмачи қуримаса, бор-будимиздан айрилиб қоламиз! Ҳ. Ғулум, Машғал.

**БОРГОҲ** [ф-т] эск. кт. Мансабдорларнинг, зодагонларнинг даргоҳи; қабулхонаси. Ёдеор .. шу ондайёқ «амирнинг арки бутун қуббаю бороҳлари билан бирга ер таъига чўкиб кетар», деб ўйларди. Айний, Дохунда.

**БОРДИ-КЕЛДИ I** Бир-бириникига бориб-келиб туриш, ўзaro яқин муносабат, алоқа; бориш-келиш. [Тожибой] Олаҳўжа махсум менинг тоғам бўлади. Илгари қариндошлик йўли билан учма-мунча борди-келдим бор эди. Кейинги вақтларда алоқани тамом узганман. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўлма Ҳаётда учраб турадиган майда-чуйда, икки-чикри ташвишлар, машаққатлар. Эреғаси ҳали гўдак эди, дунёнинг борди-келдисини билмас .. эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**БОРДИРМОҚ** бормоқ 1—5, 8 фл. орт. н.

**БОРДИ-Ю шарт.** боғл., с. т. Мабодо, агар, башарти. Борди-ю, ҳеч нима чиқмади, унда ишончли одамдан юбораман. Ойбек, Қутлуг қон. Шу савол бошига келганда кўзига тўсатдан Қанизак кўришиб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди: «Борди-ю, шу бўлсачи?» А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БОРДОН** [ф-т] I Қобиғи олинмаган қамишдан тўқилган қалин дағал тўшама. Қатта кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида сериоҳ тол таъига сув секиб, бордон тўшаб қўйилган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай тўқимадан тайёрланган махсус қоп, идиш. Бир бордон бугдой. — Йўлчи ошхонадаги бордонга бугдойни ағдариб, ҳовлида чолдан ҳақини олиб тураркан, қаришидаги уйдан илжайиб Абдушукур чиқди. Ойбек, Қутлуг қон.

**БОРДОНДАЙ**, -дек с. т. Семиз, йўғон одам ҳақида. Бордондай хотин. — Рўзгорни қўлинга олиб, бордондай семиртиб ўтирасанми? Ойбек, Қутлуг қон.

**БОРЖОМ** [р<груз] Шифобахш минерал сув (Грузиянинг Боржоми шаҳри номидан).

**БОРИБ-БОРИБ I** бормоқ фл. такр. рвшди.

2 рвш Охир пировардида, пировард-натихада. Қолхоз ташкил бўлгандан кейин менга ёзув-чизув ишига қарашиб юрган эди, бориб-бориб ўз-ўзидан секретарь бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БОРИ-ЙЎҒИ** қ. бор-йўғи.

**БОРИЛМОҚ I** бормоқ 1—3, 5 фл. ўзл. н. Вокзалга қандай борилади?

2 бормоқ 1, 2, 4—6, 9, 10 фл. мажж. н. УэССРнинг хўжалик ҳаёти давлат халқ хўжалик плани билан белгилашиб, шу план асосида олиб борилади. «ЎзССР Конституцияси».

**БОРИНГКИ** кириш с. Хуллас, қисқаси. Боғда олма, узум., боринги, йўқ нарса йўқ. — Беим .. сизда виждон, инсоф, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринги одалгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. А. Қодарий, Утган кунлар.

**БОРИЧА** рвш Борига қараб, борига яраша; борини ишга солиб. Ука, бор — борича, йўқ — ҳолича, ишқилиб, бир кунимиз йўқ турибди. Ойбек, Қутлуг қон. Онадиган синфимизга иложи борича камбағал болаларини йўғмоқчимиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мен ҳам оёқларимга тикан кирганига қарамасдан жонимнинг борича уни кувлар эдим. Ғ. Ғулум, Шум бола. Погодин овозининг борича қичқириб, Сувонқулни чақирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БОРИШ-КЕЛИШ I** Бир бориб, келтиш. *Бориш-келиш — олтиши километр.*

2 Бир-бириникига бориб-келиб туриш, ўзaro яқин муносабат, алоқа; борди-келди. *Қариндошлар билан бориш-келишингиз борми? — Мулла Туроб .. ҳеч бир киши бидан бориш-келиш қилмас экан. Айний, Эсдалиқлар.*

**БОРИШМОҚ** бормоқ 1—5 фл. бир. н. Отларни хирмон яқинидаги қаллақ урилган тутларга боғлаб, ўзлари хирмонга пиёда боришди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БОР-ЙЎҒИ I** Бисотида, ихтиёрида бўлган ҳамма нарса; бойлиқ, буд(у)-шуд. Ёмон билан ошна бўлсанг, бор-йўғингни қашлайди. Мақол. — Сан-Маринода бўлган бир қарта ўйинида бор-йўғини бой бергандан кейин .. минг тилла бараварига қўлогини тиккан эди, бир испан бойваччаси ютиб, шартта кесиб ташлагани. А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг. Бечоранинг бор-йўғи пешанасидаги боласи шу — бизнинг келинимиз. А. Қодирий, Утган кунлар. 2 Ҳаммаси бўлиб; атиги. *Мажлисга бор-йўғи беш киши келди.*

**БОРЛИҚ I** бор I 1, 2 с. мавж. от. Пул борликка бору, оз-да. — Бир парча ерларинг борлигини эшитар эдим, қўлларингдими? Ойбек, Қутлуг қон. Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Бойлиқ; тўқлик. *Борлиқдан мақтанман.* Мақол.

**БОРЛИҚ I** филос. Объектив дунё, бутун олам, мавжудот. *Материализм табиатни бирламчи, руҳни иккиламчи деб билади, биринчи ўринга борлиқни, иккинчи ўринга тафаккурни қўяди.* В. И. Ленин, Эмпириокритицизмнинг ва диалектик материализмнинг билиш назарияси. *Сутдек ойдин кеча .. Борлиқ уйқуда.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

2 филос. Ижтимоий турмуш шароитлари мажмуи. *Материализм умуман борлиқ онга эмас, балки онг борлиққа боғлиқ, деб баён қилар экан, материализм инсониятнинг ижтимоий турмушига татбиқ этилганда, ижтимоий онни ижтимоий борлиққа боғлиқ деб қарашни талаб қилади.* В. И. Ленин, Карл Маркс.

3 Кишининг бутун вужуди, туриш-турмуши. *Унинг [Йўлчининг] фикри .. бутун борлиги Гулнор ҳаёли билан банд.* Ойбек, Қутлуг қон. [Жамила ҳокима:] *Мен сизнинг чўрғингизман, шафқат қилинг, бу йигит менинг ҳаётим, борлигим, ундан жудо бўлсам, менинг ўлганим! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

4 Барча, ҳамма, бутун. *Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чақиб телиш» қабилидан бўлган бу ҳарақатидан тутунни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўқади.* А. Қодирий, Утган кунлар.



**БОРМОҚ** 1 Сўзловчи ёки кузатувчининг турган жойидан, ёнидан, на-заридан узоқлашмоқ, нари кетмоқ, наридаги жой, манзил томон ҳаракат қилмоқ, жўнамоқ, йўл олмақ. *Ҳозир вокзалга борман.* — *Нима бўлди сизга, қаёққа борасиз?* — *Марғилонга.* — *Буён кеч бўлиб қолди, эртага кетарсиз.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Умуман бирор йўналишда, йўлда нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариланмоқ; узоқлашмоқ. *Поезд .. бепоён саҳродан борар эди, эртасига эрталаб бир соатга яқин тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Йўл юриб, наридаги бирор жойга, манзилга етмоқ. — *Шу ердан.. Шайхонтоғургача қанчада борасиз?* — *Кўз очиб юмеунча.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қисм мудобаа линиясига боргандан кейин Аҳмаджон ҳовлига хат ёзди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Жўнатилган, тарқатилган жойдан, манбадан наридаги жойга етмоқ (овоза, гап, хат-хабар ва ш. к. ҳақида). *Сиздан бир марта ҳам хат бормади. Бу хабар Самарқандга ҳам борди.* — *Қалай?* — *деди Сафаров ўқиб татом бўлгандан кейин. Бўтабой йўлаб туриб: — Бизнинг қишлоқдан ҳам маълумот борган эканда, а? — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 (й-п. к. билан) Бирор транспорт воситасидан фойдаланиб, нари томон юрмоқ, *Трамвайда бормоқ. Самолётда бормоқ.* — [Курбон ота:] *Наманганга машинада борсангиз, у ёни яқин, — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Бирор жойда, бирор киши хузурида бўлмоқ; таширф буюрмоқ. *Тўйга борсанг, тўйиб бор.* Мақол. — *Сотиб олди хўжайинининг олдига арзга борди.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Қанизакни кўрсани борган эдим. Зиёдаҳон ўша ерда экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Давом этмоқ, қатнамоқ. *Ғижим рўмол тўқийман, мактаб бориб ўқийман.* [Қўшиқлар].

5 Уз ишида, фаолиятида ёки тараққиёт жараёнида бирор йўлдан кетмоқ, бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ. *Совет мамлакати халқ хўжалигини тез сурғатлар билан ривожлантириб, дадил олға бормоқда.* «Қ. Ўзбекистон», 1957, 31 март. *Улуғ Ленин! Сенинг йўлингдан Бормоқдадир, жасур авлодинг! Ғайратий.*

6 Давом этмоқ, бўлмоқ, кетмоқ (иш, суҳбат ва ш. к. ҳақида). *Қизгин суҳбат боряпти. Гап кадрлар ҳақида боряпти.* — *Сен мактабга қадам қўйган йилинда, Ғарбда Ватан учун борар эди жанг.* Э. Раҳим. | Давом этмоқ, ўтмоқ, кечмоқ (вақт ҳақида). *Кунлар кетидан кунлар борар эди.*

7 Қўйилмоқ, кўрсатилмоқ (спектакль, томоша ва ш. к. ҳақида). *Кинотеатрда янги фильм бораётди.*

8 Бемалол кирмоқ, сиғмоқ. *Тахта қаттиқ экан, миҳ бормаяпти. Эшик бёғи мга бормаяпти.*

9 (ж. к. билан) Сони, миқдори,

катталиги жиҳатидан юқори чегарага етмоқ, эришмоқ. *Қўйлар (сони) беш юзга борди.* — *Одалда мия пўстлогининг сатҳи, ўртача олганда, 1250 кв. см бўлиб, отда 350 кв. см.га ҳам бормайди.* «Анатомия». | Давом этиб, ривожланиб бирор даражага етмоқ, бирор оқибатга келмоқ. *Аҳвол шунгача борди.* — *Отабек ёрилиш даражасига бориб қайтди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Утиб (кечиб) бирор паллага етмоқ (вақт ҳақида). *Тонг отарга бориб, кўзи ёриди.* — *Қўнларда найзабозлик жанги бошланиб кетди. Ярим кечага борганда икки томон аралашиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Яшаб, улғайиб, бирор ёшга етмоқ, кирмоқ. *Звено пахтакор бригада звеноларидан бўлиб, унинг бошлиғи олтишларга бориб қолган, .. Зокир ота эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

10 Етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг даражама-даража ривожланишини билдиради. *Шамол кучайиб бораётди. Беморнинг аҳволи яхшиланиб боряпти. Тонг ёришиб бормоқда. Вақт ўтиб бормоқда.* — *Башорат синглицининг кўз ўнгида ўзариб бораётганини сезарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ёш юрак аста-секин қарорини йўқота борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг давомийлигини билдиради. *Содиқ уни [Отабекни] Қўқон дарвозасидан чиқариб, то карвонларга қўйилиб олгунча татқиб этиб борган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради. *Золотарёвқа қишлоғига Аҳмаджон ва унинг бўлинмаси ҳаммадан бурун кириб борди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бу ёз пахтани кўриш учун хўжайин чиқиб борди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

11 Қўшма феъл таркибига киради, мас. *бориб етмоқ, бора қолмоқ, ёзиб бормоқ.* — *Хўжайин Самарқанд борса, тўғри бизникка бориб тушар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ўзбек олим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшинининг боласи юзуриб кириб қолди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Олиб бормоқ** 1) бошлаб, йўл кўрсатиб бирга бормоқ. *Жўнар олдида Ўрмонжон Сидиқжоннинг қулоғига «меҳмонларни бизникка олиб бор, мен орқаларингдан этиб борман» деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) йўл бошлаб етказмоқ, эриштирмоқ. *Уртоқ Ленин дехқонларга қашшоқлик ва жаҳолатдан чиқиш учун бирдан-бир йўлни кўрсатиб берди, .. бу йўл колхоз йўли, социализмга олиб борадиган йўл.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 3) элтмоқ, элтиб бермоқ. *Бу нарсаларни уйга олиб бор.* — [Йўлчи] *Анча ергача кузатиб уни [Ерматни] турмага олиб боришларини англаган, ноилож ор-*

*қага қайтди.* Ойбек, Қутлуғ қон. 4) узатмоқ, чўзмоқ. [Отабек] *эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда йўлини тўхтади ва эшикни очмай орқасига қайтди.* А. Қодирий, Утган кунлар; 5) бирор даражага, чегарага етказмоқ. *Биринчи квартал планини 150 процентга олиб бордик;* 6) бошқармоқ. *Уртада Эргаш Ҳамроқулов раислик қилиб, мажлисни олиб бормоқда.* П. Турсун, Уқитувчи; 7) мунтазам равишда амалга оширмоқ, ўтказмоқ. *Иш олиб бормоқ. Тажриба олиб бормоқ.* — *Одамларнинг ўт кечиби, сув кечиби олиб борган курашлари натижасида турмушлари қандай ўзгарганлигини кўрсатмоқчи, холос.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

12 Жўналиш келишиги формасидаги отлар билан ишлатилади ва маъно жиҳатидан бош ёки жўналиш келишиги формасидаги отлар билан келган «қилмоқ» сўзига тўғри келади. *Тоҳиржон болагига бориб, тихирлигини қўймади.* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Жувон бу гапни ҳазил аралаш айтди, чин айтди, Сидиқжон фарқига боролмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Хотин секин уҳ тортди. Нотиқ бун пайқаб тўсатдан қаттиқроқ танқид қилдим, шекилли» деган андишага бориб, сўзини йўқотиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Нутқ.

◆ **Бориб турган** белги-даражанинг орттиқлигини ифодаловчи ибора. *Бориб турган ёлгончи.* — *Мен бўлсам, отам бориб турган камбағал бўлгани учун у ўртоғимга узил-кесил жавоб қила олмасдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. *Борса келмас фольк. борган одам қайтиб кела олмайдиган, жуда хатарли афсонавий жой. Нар и борса қ. нари. Ой бориб, омон кел қ. ой. Пичоқ бориб суякка такалди қ. суяк. Тил бормайди қ. тил 2. Юрак бормайди юрак бетламайди, юрак безиллайди. Қайга борай? нима қилай, қайдан ва нимадан нажот топай. Ўзимдан чиққан балаога, қайса борай давога! Мақол. Қўл бормайди қ. қўл.*

**БОРОНА** [р] Ҳайдалган ерни текислайдиган ва кесақларини майдалайдиган қишлоқ хўжалик курали; сикмола. *Дискли борона. Зигзаг борона. Борона қилмоқ.* — *Плулар орқасига тиркалган бороналар .. ханжар тишлари билан кесақларни чайнаб, майин типроғини чиқариб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БОРОНАЛАМОҚ** Ҳайдалган ерга борона солиб юзини текисламоқ, мола-ламоқ. *Шудгорларни бороналамоқ.*

**БОРОНАЛАНМОҚ** бороналамоқ фл. мажж. н. Баҳорда ер етилиши билан бороналаниб, чигит экилади.

**БОРТ** [р<долл]1 Кема, юк машинаси ва ш. к.нинг ёни, ён девори. *Борти баланд трактор прицеплари.*

2 Фақат келишик аффикси олган формаларда самолёт, кема ва ш. к.нинг ичи маъносини билдиради, мас. са-



молет бортига, кема бортида, корабль бортидан.

**БОРТМЕХАНИК** [р] Учувчининг учини аппарати, мас. самолёт, ва унга ўрнатилган ускуна ва асбобларни ишга солиб, назорат қилиб борувчи масъул ёрдамчиси.

**БОРШЧ** [р борш] Лавлаги, карам ва бошқа сабзавот, резаворлар ҳамда гўшт солиб пиширилган қайнатма суюқ овқат; карам шўрва тури.

**БОСАР-ТУСАР:** босар-тусарини билмай қолмоқ хаддан ташқари мағрурланиб, кеккайиб кетмоқ, манманликка кетиб, ҳеч кимни ва ҳеч нарса ни назар-писанд қилмай қўймоқ. Ҳасанча, анави Сойиб танбурчига ўхшаганлар «хўжайин-хўжайин» дейишаверган, босар-тусарини билмай қолди. С. Маҳкамов, Шогирд.

**БОСАР-ТУТАР** айн. босар-тусар. **БОВСОЛДИ** Олапўчоқ, эти юмшоқ ширин қовун.

**БОСИЛМОҚ** 1 босмоқ 1, 2, 4—8, 10, 13, 14, 15, 16 фл. мажх. н. Тенки босилди. Минг километр йўл босилди. Мақола босилиб чиқди. — Қинғир-қийишқ сертупроқ кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида настак, томига пичан, беда босилган уйлар. С. Аҳмад, Хукм. Султонмурод қайнаган оломон ичида туртки еб, босилиб, эзилиб узоқ юрди. Ойбек, Навоий. — Ултиринг, йлтиринг меҳмон! — деди уста Фарфи — оиға сабаи босилди, — пишди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 босмоқ 2, 10, 14 фл. ўзл. н. Оғриқ босилди. Оёғимнинг қалтироғи энди босилди. Говур босилди. — Шамол дам кўтарилди, дам босилар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Тонг ёришганда жанг бир оз босилди. А. Қаҳҳор, Олтин йулдуз.

3 кўчма Тартибга тушиб, сиполашиб қолмоқ, вазминлашмоқ, қўйилмоқ, тийилмоқ. — Анча босилиб қолган, ҳаётга қайтган йигитимиз шу бўлади, — деди Исмоил. «Ёш ленинчи», 1963, 6 июнь.

**БОСИМ** I физ. Юза бирлигига тўғри келадиган куч. Қон босими. Атмосфера босими. — Жисм сиртига перпендикуляр таъсир этувчи куч босим кучи дейилади. «Физика».

**БОСИМ** II рвш Тин олмай, сурункасига. Уч кун босим ишладим. Бир ҳафта босим қор ёғди. — Узича «бу-гун сен ҳам дам ол, икки ҳафтадан бери босим қум кечавериб чарчагандирсан» деди ва хром этигини кийди [Элмурод]. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БОСИМ** III эск. айн. урғу.

**БОСИМЛИ** физ. Бирор босимга эга бўлган. Юқори босимли буг қозон.

**БОСИНҚИ** Сунъий равишда пасайтирилган; паст, бўғиқ. Босинқи кулги. — Идоранинг ҳовлисида ўн чоғли одам нима тўғридадир босинқи товуш билан сўзлашиб турар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БОСИНҚИРАМОҚ** Ёмон туш кўриб, тушида қўрқиб безовта бўлмоқ, уйқу

аралаш гапирмоқ, алаҳламоқ. Мен: «Йўлдошев, босинқираяпсизми? Тинч ётиш!» деб қулдим ва уни ётқизиб қўйдим. Н. Сафаров, Жангчи шоир. Воҳид худди ёмон туш кўриб босинқирагандек, кўзларини очиб чуқур нафас олди. О. Ёқубов, Тилла узук.

**БОСИРИҚ** I I Ёмон туш, дахшатли туш. Урушда кечирганлари қора босириқдай, баъзан хотирдан ўтажак. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 диал. Епиқ, от ёпиғи.

**БОСИРИҚ** II диал. айн. босим II. **БОСИРИҚМОҚ** диал. Босинқирамоқ.

**БОСИРҚАМОҚ** диал. Босинқирамоқ.

**БОСИШМОҚ** босмоқ 1, 2, 4—8, 10, 11, 13, 15, 16 фл. бирг. н.

**БОСИҚ** I Босиғлиқ, босилган; эзилган; пачоқроқ.

2 Чеккага ёки пешанага туширилган (бош кийими, дўппи ҳақида). Беқасам тўн, қўш шоҳи қийиқ, тус дўпписи манелаида босиқ, Ойбек.

3 Ўзини тута биладиган, оғир, вазмин; сипо. Босиқ киши. || Ушаларнинг гапи гап. Сенам, укам, ловиллаб кетмагинда. Ҳа, босиқ бўл! С. Анорбоев, Оқсой.

4 Босинқи, вазмин; салмоқли, салмоқдор. — Билдим, билдим, — деди ҳалиги одам босиқ товуш билан, майли, даф бўла қолсин. Шу билан қутулган бўлсак яхши бўпти. С. Зуннунова, Гулхан. || — Шўро даврида қадрингизни топасиз, синелим, — Утап босиқ гапирди. Ҳ. Фулом, Машғал. Вали ака.. кейин босиғи билан гапирди: — Бекор хафа бўласиз, ўзингиз йўлаб кўринг ахир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БОСИҚЛИК** босиқ 3, 4 с. белги оти. Маҳкамнинг босиқлиги .. уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди. П. Қодиров, Уч илдиэ. Ашуралининг овозидаги босиқлик йўқолди, қалбига ғазаб тўлди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. Умурзоқ ака .. босиқлик билан сўзларди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**БОСИҒЛИҚ** Устма-уст тахлаб, босиб қўйилган.

**БОСМА** I I Босмаҳонада босилган, чоп қилинган, нашр этилган. Қўлёзма ва босма асарлар. — Босма сўз миллионларча газетхонларнинг ижодий фикрини оширсин. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 158. | Босмаҳонада босишга оид, босиш, чоп қилиш, нашр этиш билан боғлиқ бўлган, шу мақсад учун белгиланган. **Босма** лист қ. лист. **Босма** ҳарф 1) босмаҳона ҳарфи; 2) босма асарларда қўлланиладиган ёзув. **Тош босма** тошга ўйилган қолип ва унинг ёрдамида босиш усули ва шу усулда босилган, нашр этилган нарс. **Босмага тайёрлаш** қўл ёзмани босиш учун тайёрлаш.

2 от, эск. айн. нашр. Эҳсон стол устида ётган бир китобчани Саидийнинг олдига сурди: — Буни кўрдин-

гизми? Иккинчи босмаси. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Махсус усулда (тўқимасдан) тайёрланган (жун буюмлар ҳақида). Босма чакмон. Босма киши.

4 от Сиёҳни шимиб оладиган қоғоз ва шундай қоғоз ўрнатилган асбоб.

**БОСМА** II Баландга юк кўтариш учун хизмат қиладиган, ричаг шаклидаги дастаки асбоб.

**БОСМАХОНА** Босма асарлар чоп қиладиган корхона; матбаа, типография. Гражданларнинг бу (матбуот эркинлиги) ҳуқуқлари меҳнаткашларга ва уларнинг ташкилотларига босмаҳоналар.. бериш йўли билан таъминланади. «ЎзССР Конституцияси».

**БОСМАЧИ** I Босмачилик ҳаракатининг қатнашчиси.

2 Босқинчи, босқинчилик қилувчи; ўғри, бандит.

**БОСМАЧИЛИК** I тар. Қулоқлар ва буржуа миллатчиларнинг Октябрь инқилобидан сўнг (1918—1923 йилларда) Ўрта Осиёда бош кўтарган кулролли контрреволюцион ҳаракати.

2 Босқинчилик, бандитлик, ўғрилик.

**БОСМОҚ** I Устига оёқ қўймоқ. Қурбақани босане, вақирлайди. Мақол. | Устидан юрмоқ, ўтмоқ, устидан юриб, ўтиб эзмоқ, шикастламоқ ёки ўлдирмоқ. [Отабек] туш кўрар эди. Қайтиб чаманга кирса, бир сигир гулни босиб, янчиб ўтлаб юрган эмиш. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Куч билан сиқмоқ. Тенкини босмоқ. Қўнғироқ кнопкасини босмоқ. — Ҳамма ўрнидан турди. Асқар ота ҳам турмоқчи бўлган эди, оқсоқол этиб келиб елкасидан босди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. — Не, Обиджон, — тиржайиб гапирди Қамбар, — мен йўловчимки, улоқни тақимга босиб келасиз, бу ерда қозон осамиз деб. Ойбек, Қутлуғ қон. | Тирамоқ, таямоқ. [Отабек].. ўнг ёнини босиб кўрпага бурканди, шундан кейин тинч ухлаб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Зиёдилла .. кўкрагини столга босиб, ўйга толди. Ҳ. Фулом, Машғал. | Куч билан сиқиб из қолдирмоқ, из туширмоқ. Печать босмоқ. Тамга босмоқ. Читга гул босмоқ. Бармоқ босмоқ қ. бармоқ 1. | Зарб билан уриб ишлаб чиқармоқ, зарб қилмоқ. Танга, чақа босмоқ.

3 физ. Ўз оғирлиги ёки эластик кучи билан таъсир қилмоқ, сиқмоқ. Суюқликлар ҳар томонга баравар куч билан босади.

4 Чоп қилмоқ, нашр этмоқ, босма ҳарф билан ёзиб чиқармоқ. Китоб босмоқ. Текстни машинкада босиб кўпайтирмоқ. Суратини босиб чиқармоқ. — Бу ерда ўтган можарони Қумрихонга айтиб беринг, ҳукоя қилиб ёзин, албатта, босиб чиқарамиз, — деди. А. Қаҳҳор, Бек.

5 Устма-уст тахламоқ, йнғиб қўймоқ. Бизнинг Қаландарбой кудда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон

сотиб олиб, саройига босиб қўяди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. | Ниқтаб солиб қўймоқ, зичлаб жойламоқ ёки ортмоқ. Қанорға ун босмоқ. Аравага беда босмоқ.

6 Тўшамоқ, ётқизмоқ. Йўлга шох босмоқ. — Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғица чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

7 Қўймоқ, суртмоқ, тортмоқ. Бу ким бўлди? .. Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт кўралай кўзи сурма босгандай қора. Ҳамза, Бой ила кизматчи.

8 Илгари сурилмоқ, илгариллаб бормоқ, юрмоқ. Бизнинг йигитни ҳам, катта масофани пиёда босгани учунми, кун хила бетоқат қилган эди. Ойбек, Қутлуг қон. **Босиб ўтмоқ** 1) маълум масофа йўл юрмоқ. Қисм бир неча километр йўлни жанг билан босиб ўтиб, кенга яқин Золотарёвка қишлоғининг кираверишида тўхтаб қолди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) кесиб ўтмоқ, устидан ёки ёнидан ўтиб кетмоқ. Биз Тошкентни босиб ўтдик. — Султонали Мирзо Солиҳ махдум кўчасини босиб, тўғрига ўтди, ўн қадамча юриб тўхтади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 3) кўчма енгиб ўтмоқ, енгмоқ, орқада қолдирмоқ. Сенинг йўлинг билан говларни Босиб ўтдик қилмасдан писанд. Ғайратий. **Йўл босмоқ қ.** йўл б. **Олға** (ёки олдин, илгари) босмоқ 1) йўл юриб, илгари сурилмоқ, илгарилламоқ. *Халқ тўлқини, .. олға босди.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) кўчма раванқ топмоқ, ривожланмоқ; олға силжимоқ. *Соат сайин ишларинг олдин боссин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

9 Урамоқ, қопламоқ, қамрамоқ. Уни муздек тер босди. Кўзини уйқу босди. Моғор босган нон. Ҳамма ёқни қор босди. Осмонни булут босди. Атрофни жимжитлик босди. Дунёни сув босса, ўрдакка нима қайғу. Мақол. — Учоқдаги ўтти секин-секин кул босди. Ойбек, Қутлуг қон. *Утегеннинг кўз олдини қоронғилик босди.* Ж. Ташенов, Жангчи Утеген.

10 Тинчлантирмоқ, тинчитмоқ, тиймоқ; эпга солмоқ. *Жанжални босмоқ.* Тўполонни босмоқ. — Раис қўнғироқ чалиб, говурни босди. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. | Эпга олмоқ; ховуридан туширмоқ. *Ҳайдар ота сал босармикинман деб: — Кўй энди, озор берма, кўнгли яримта,— деган эди, Асрорқул қайта авж олди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Ўзини босмоқ** ўзини оғирликка олмоқ, ўзини тутмоқ, тиймоқ. *Отабек ўзини нечоғлик босиб, ушлаб келган бўлса ҳам, .. энди ичидан қайнаб-тошиб кетган ҳуссиётни босолмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўпкасини босмоқ** 1) айн. **ўзини босмоқ**; 2) ўзини йиғидан тутмоқ. — *Йиғлама қизим, йиғлама,— деди Онахон, ўпкасини зўрға босиб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | *Қамайтирмоқ, пасаитирмоқ* ёки

йўқотмоқ. *Дори оғриқни таққа босди.* | *Қондирмоқ. Чанқоқни босмоқ.* — *Шафтолининг сершарват этлари ёзининг иссиқ кунларида.. «чанқоқ босди» бўлади.* К. Махмудов, Мевалар.

11 Куч, зўрлик билан бостириб келмоқ, бостириб кирмоқ. *Кунлардан бир кун мана шу бойнинг уйини купта-кундуз кун намозгар пайтида ўғри босди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Босиб олмоқ** зўрлик билан эгаллаб, тортиб олмоқ, ишғол қилмоқ, забт этмоқ. | *Тўсатдан келмоқ, келиб қолмоқ. Уйни меҳмон босди.*

12 Куламоқ, ағнамоқ. *Бу оғил босиб қолмаса, деб қўрқаман.* Ойбек, Қутлуг қон.

13 Ушлаб, чегириб қолмоқ. *Ишлаган ҳақини қарзига босиб қолибди.*

14 Устун келмоқ, устун келиб ошиб тушмоқ. *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Ҳалиги гажакдор жувон икки қўлини ҳам, овозини ҳам баланд кўтариб гала-говур, шовқинни босиб тушди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

15 Қайриб тикмоқ, бостирмоқ. *Дастурхоннинг четини босмоқ.*

16 Махсус усулда (тўқимасдан) тайёрламоқ (кигиз, жун мата ҳақида).

◆ **Босиб ишламоқ** бирор ишни сурункасига, тўхтатмай ишлаб бажармоқ, зўр бериб ишламоқ. *Кечанга босиб ишладик, жуда толиқдим.* Ф. Ғулом, Тирилган мурда. **Ем босди** отга ем берилгандан кейин уни совутиш, бирмунча вақт салт миниб юриш. *Отимнинг бир одати бор эди, икки хуфтондан кейин ем ерди, .. сўнгера майдонда ем босди одати бор эди — деди Мирзахон Ғўрўғлига.* «Зулфизар билан Авазхон». **Ён босмоқ қ.** ён. **Оёққа босмоқ қ.** оёқ. **Салобати босди қ.** салобат. **Тош** (ёки палла) босмоқ 1) хажми кичкина бўлгани холда оғир, салмоқдор бўлмоқ. *Пўкак тош босмайди;* 2) оғир келмоқ, салмоғи жиҳатидан устун келмоқ. *Тарозининг бир палласи босиб кетди.* **Фалокат босди қ.** фалокат. **Ўрнини босмоқ қ.** ўрин б. **Қадам** (ёки оёқ) босмоқ 1) қадам қўймоқ, қадам ташламоқ, қадам ташлаб юрмоқ. *У [Мардонбек] кескин бурилиб, қоя чўққиси сари илдам қадам босади.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи; 2) бормоқ, келмоқ; ташриф бўюрмоқ. *У бизникига қадам босмай қўйди.* — *Полж дам олиб ётган бепоён, кун тушмас қалин ўрмон Аҳмаджоннинг назарида дунё аралгандан бери одам оёқ босмаган жойларга ўхшаб кўринди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 3) кўчма бирор йўлда, йўсинда хатти-ҳаракат қилмоқ, иш тутмоқ. *Тиканнинг захрини тортеган оёғини билиб босади.* Мақол. — *У баъзан.. Урмонжондан бирон қадам олдинда юришга интилар, шунинг орқасида баъзан ножўя қадам ҳам босиб қўяр эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Қамчи босмоқ қ.** қамчи.

**БОСТИ-БОСТИ:** бости-бости бўлмоқ улғаймасдан, барчага ошкор бўлмасдан тинчимоқ ёки хаспўшланмоқ (бирор жанжалли иш, можаро ва ш. к. ҳақида). *Оқибатда машина брак қилди, вақт, сарф-харажат ҳайф кетди, биронта жавоббарлиқка тортилмади, иш бости-бости бўлиб кетди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. **Бости-бости қилмоқ** улғайтирмасдан, барчага ошкор қилмасдан тинчитмоқ ёки хаспўшлаб, устини ёпиб, силлиқлаб юбормоқ. *Тўполонни бости-бости қилган бежирим новча йигитнинг кимлигини сўраб қолди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**БОСТИРИЛМОҚ** бостирмоқ *фл. мажҳ. н.* *Иш оёққа бостирилди. Тоғуққа тухум бостирилди.* Бир йилга етарли силос бостирилди. — *Сув устига икки ёғоч ташлаб, шох солинган, тупроқ бостирилган лопиллама инчиқка кўприқдан ўтиб, улар Ҳадра томон буридилар.* Ойбек, Улуғ йўл.

**БОСТИРИҚ** Овқат, дори ва ш. к. устидан истеъмол қилинадиган бошқа овқат ёки ичимлик. *Жаймоқ ака .. оғзига солган тўрт дона мош, гуручни ўн мартаба думалатиб ютар экан, .. устидан бостириқ қилинган сувда оқиб, ичкарига аранг юмалар эди.* «Сирлар».

**БОСТИРМА** 1 Тўрт томони ёки икки ёни ва олди очиқ қўрилма, сарой. *Бостирма солмоқ.* — *Ичкарида, дарвозанинг тўғрисида узун кетган, олди очиқ бостирма.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Усти ёпиқ узун йўлак.

**БОСТИРМОҚ** 1 босмоқ 1, 2, 4—6, 9, 10, 15, 16 *фл. орт. н.* *Ҳужжатга печат бостирмоқ.* Қўлёзми машинкада бостирмоқ. *Ариқларнинг четига чим бостирмоқ.* *Ошга сабзи-пиёз бостирмоқ.* — *Бостириб суғорини усулини қоралаб, най усули билан суғорини тавсия қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўктам .. дўғлини бостириб кийган.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қомилжон бостирган тухумлар жўжа бўлмай палағда чиқиб қолдилар.* И. Раҳим, Ихлос. **Бостириб келмоқ** 1) куч, зўрлик билан босиб келмоқ, босмоқ. *Душман бостириб келди;* 2) беҳосдан келиб қолмоқ. *Колхознинг тажрибакорлари яқин ўртада ногаҳон бостириб келишлари аниқ эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Бостириб кирмоқ** куч, зўрлик билан босиб кирмоқ, кириб келмоқ. *Эй, қандақ хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 айн. босмоқ 10. *Хон қуролсиз халқнинг қонини тўкиб, зўрлик билан исённи бостирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Устидан оғир нарса билан босиб қўймоқ. *Тувоқнинг устидан тош бостирмоқ.*

4 айн. босмоқ 15. *Дастурхоннинг четини бостирмоқ.*

**БОСТОН** [р<ингл] Юқори навли костюмбоп бир турли жун газлама. Бир костюмлик бостон. || Бостон костюм.

**БОСҚИ** 1 с. т. Болаларда бўладиган бўғма касаллиги.  
2 диал. Босқин.

**БОСҚИН** Ўғирлик ёки босқинчилик мақсадида қўққисдан қилинган хужум, бостириб келиш, бостириб кириш.

**БОСҚИНЧИ** 1 Куч, зўрлик билан бостириб келиб таловчи қуроли ўғри; босмачи, бандит. Бу ўша — Юсуфбек, хотинини ўғирлаб кетган босқинчи. Х. Ахророва, Орифнинг давлати.

2 Ўзга юртни, элни босиб олувчи, таловчи; тажовузкор.

**БОСҚИНЧИЛИК** 1 Куч, зўрлик билан бостириб келиб талаш, ўғирлик, босмачилик, бандитлик.

2 Ўзга юртни, элни босиб олиш, талаш, истилочилик, тажовузкорлик. || Империалистларнинг босқинчилик сиёсати.

3 Бировнинг номусига тегиш, тажовуз қилиш. [Гантубойвачча] Гулнорга босқинчилик қилишга Жондорбойни шерик қилмоқчи бўлди-да, пийладаги аччиқ чойни хўшлаб, гапирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОСҚИЧ** 1 Зинанинг, нарвоннинг ҳар бир поғонаси. Мадраса ичига бормай, ўша ерда .. бир тош босқичга отам қадам босди. Айний, Эсдаликлар.

2 кўчма Ўзаро боғланган қуйи ва юқори идора, муассаса, ташкилот ва ш. к.нинг ҳар бир поғонаси, звеноси. Биринчи босқич суд қуйи суд. Биринчи босқич мактаб бошланғич мактаб.

3 кўчма Даража, разряд. ГТО значининг биринчи босқичи.

4 кўчма Тараққиётнинг белгили бир поғонаси; стадия, палла, давр. Ҳосил учун курашнинг якуловчи босқичи бошланди. — Империализм капитализм тараққиётининг юқори босқичидир. В. И. Ленин, Миллий сиёсат ва пролетар интернационализм масалалари.

**БОСҚИЧЛИ** 1 Босқичи, поғонаси бўлган; поғонали. Қўп босқичли зина.

2 кўчма Ўзаро боғланган бир неча босқичдан, звенодан иборат бўлган. Саноат ва қурилиш министрликларининг мавжуд структураси кўп босқичли ва мураккабланган структурадир. «Қ. Ўзбекистон, 1957, 31 март.

3 кўчма Даража-бадаража ривожланадиган, стадияли, стадиял. Кўп босқичли тараққиёт йўли.

**БОСҚОН** Темирчиларнинг катта оғир болғаси. Бир йил ўтгач, олов ёнида туриб, босқон билан қизиган темирни ура бошлади. М. Осим, Ўтрор.— Юрагим темирчининг босқонидек гурсиллаб урарди,— деди Меҳри опа. А. Эшонов, Дутор.

**БОСҚОНЧИ** Темирчининг босқон билан ишловчи ёрдамчиси. Темирчининг минг ургани — босқончининг бир ур-

гани. Мақол. — Буларга [халфа-шогирдларга] «босқончи», «халфа», «дамгар» .. деб ном берилаар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урунишлари.

**БОСҚОҚ** 1 тар. Чекка ўлка ҳокими; ноиб.

2 диал. Уйидан эшикка чиқмайдиган одам; одамови.

◆ **Босқоқ тери диал.** қоракўл терисидан бошқа ҳамма тери.

**БОТ** рви Орадан кўп вақт ўтмай ёки ўтказмай; тез. Экинлар бот авж олди.

**БОТАНИК** [р] Ботаника олим, мутахассис.

**БОТАНИК** [р ботанический] Ботаникага оид. Ботаник география. Ботаник бот.

**БОТАНИКА** [р<грек] Ўсимликлар ҳақидаги фан.

**БОТ-БОТ** рви Дамба-дам, тез-тез. Бот-бот келиб турмоқ. Бот-бот касал бўлмоқ. — Соқолни бот-бот оладиган бўлиб қолибсанми, Мирослав? — ҳазиллашди Ҳабиб. Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

**БОТИЛ** [а] эск. кт. Бўш, сохта, асосиз.— Айтиб кел у фикри ботилни?!— деди у, шиддат билан Асад қорига. М. Исмоний, Фарғона т. о.

**БОТИН** [а] эск. кт. Ич; қалб, кўнгли. Эътибори зоҳир айлаб, ботининг қилма фужур, Ҳақ назаргоҳи кўнгли бу жисм қўрғондир анга. Хама.

**БОТИНКА** [р ботинки] Йп тақиб ёки тугмалаб кийиладиган қисқа кўнгли пойфазал. Бир жуфт ботинка. Ботинка ипи.

**БОТИНМОҚ** Бирор ишга юрак ютиб киришмоқ, журъат қилмоқ, жасорат қилмоқ. Уктам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди-ю, яна ботинмади. Ойбек, О. в. шабадалар. Асрорқул бунга рози бўлмаса ҳам, кампирининг раъйини қайтаргани ботинолмади. А. Қаҳхор, Асрор бобо.

**БОТИНҚИ** с. т. Ичига ботган, ботик. Ботинқи кўзгу. Ботинқи линза.

**БОТИР** [ф-т<мўр баходир] 1 Хавф-хатардан, қийинчиликлардан қўрқмайдиغان, қўрқмас, довюрак, жасур. Ботир йигит. Ботир партизан. Ботир халқ. Кўз қўрқоқ, қўл — ботир. Мақол. || Мерган овда билинар, ботир ёвда биланар. Мақол. | Жасоратни ифодалайдиган, жасорат билан тўлиб тошган. Совет жанчиларининг эгилмас ботир руҳи душманни бадтарроқ қуртуртирди. Ойбек, Қуёш қораймас. **Оғзи** (ёки тили) ботир ҳеч кимни ва ҳеч нарсани раъя-андиша қилмай ва қўрқмай гапираверадиган. Оғзи ботир одам.

2 Ботир (эркаклар исми).

**БОТИРИЛМОҚ** ботирмоқ фл. мажҳ. н. Ботирилган челақни кўтармоқ.

**БОТИРЛАНМОҚ** Ботирлик қилмоқ, ботирлик кўрсатмоқ, журъат қилмоқ.

**БОТИРЛАРЧА** рви Ботир, жасур кишиларга хос йўсинда. Ботирларча иш тутмоқ.

**БОТИРЛАШМОҚ** Тобора ботир, довюрак бўлиб бормоқ, ботирлиги ошмоқ.

**БОТИРЛИК** 1 ботир 1 с. белги оти.

Элмурод Горкуновнинг кўзига қараб ботирлик, қўрқмасликка хос ҳеч нима кўрмади. Шухрат, Ширедли йиллар.

2 Ботирларга, довюрак кишиларга хос иш, мардонават хатти-ҳаракат; жасорат. Ботирлик қилмоқ. Ботирлик кўрсатмоқ.

**БОТИРМОҚ** ботмоқ 1—3, 5 фл. орт. н. Гулнор челақни лойқароқ сувга ботирди ва ариқ бўйига олиб қўйди.

Ойбек, Қутлуғ қон. Бектемир.. этик кўнжидан қошиқни олиб қотелокка ботирди. Ойбек, Қуёш қораймас. Рўзимат кетмонни зўғотасигача ботириб урди-ю Сидиқжонга қаради. А. Қаҳхор, Қўшчинор. Қонга ботирмоқ қонга беламоқ; қирғин қилмоқ. [Грехов:]

.. Агар биз Керенскийнинг талабини бажо келтирмасак, Тошкентни қонга ботирамиз, революцияни ҳалок қилмиз, тарих олдида юзимиз қора бўлади. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Кўлни қонга ботирмоқ қотиллик қилмоқ, ўлдирмоқ. [Ермат:].. Нима иш қилдим? Гуноҳми? Саовлими? Соқолим оқарганда қўлимни қонга ботирдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОТИҚ** Ичига ботган, ботинқи. Ботик оптик ишиша. Ботик кўзгу.

— Мавлоно Биноийнинг ботик кўзларида киноя, нашъа ёниб кетди. Ойбек, Навоий. Тожиддин Қосим — бўйи ишпга етеудай, қориндор, олакўз, ботик пешана, кўсанамо, қирқ беш ёшлардаги киши, дастлаб столдаги дафтларга кўз ташлади. Ойбек, Нур қидириб.

**БОТМОН** [ф-т] тар. 1 Ўзбекистоннинг турли ерларида турли солмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчови. Чумчуқ семиргани билан ботмон бўлмас. Мақол. — [Отам] ўша бир таноб ердан 30 ботмон [240 пуд] ҳосил олишни умид қиларди. Айний, Эсдаликлар.

2 Тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. Мавлон аканинг мерос маҳрига тушган икки ботмон. ери бор. Ҳ. Фулом, Машъал.

**БОТМОН-ДАҲСАР** [ф-т] Жуда катта; жуда оғир; жуда кўп. Боғни боқсанг боғ бўлар, ботмон даҳсар ёр бўлар. Мақол.

**БОТМОҚ** 1 Суюқлик, сочилувчан жисм ва ш. к. ичига ёриб кирмоқ, чўлмоқ. Ярим белидан сувга ботиб ишламоқ. — [Шокир ота] олдида ётган керакли асбобларни тез топа олмас, кувани қидирган қўли ширач қосага ботар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Беламоқ, кўмилмоқ, қопланмоқ. Терга ботмоқ. Қонга ботмоқ. — Чанг-тўзонга ботган Погодин чуқурликда қимирламай ётарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Мадамнинг йўғди, семиз қора бармоқлари ёққа ботган гуручлар орасида ўрмалай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Фарқ бўлмоқ, чўкмоқ. *Душман кемаси сувага ботди.* | кўчма Фарқ бўлмоқ, чўкмоқ, кўмилмоқ. *Шербек ҳаёлга ботиб, узоқ жим қолди, сўнча чуқур уҳ тортиди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гулнор бошини эзиб, чуқур сукутга ботди, бир лаҳзада юзини изтироб кўланқаси қоплади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Матқовул.. биринчи қадамидак қўлғидан қарзга ботди-ю, шу-шу ўнганла олмади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

3 Босиб, эзиб ёки ёриб ичига кирмоқ; кўмилмоқ. *Отнинг айли эшига ботиб кетибди.* Оёғига ботинканинг михи ботиб кетибди. — *Сенинг таниннга ўқ ҳам ботмайди, найза ҳам.* А. Қаҳҳор, Бос тепкини. *[Йўлчи].. анҳор бўйда ерга ботган эски, синиқ тегирмон тошга ўтириб, узоқ вақт бош қотирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Тиқилиб ёки кўмилиб, юролмай қолмоқ, зўрға юрмоқ, Арава ботқоққа ботиб қолди. — *Базан Бектемир тиззага лойга ботади.* Қалавланади, йиқилади. Ойбек, Қуёш қораймас. | кўчма Бирор салбий муҳит, ғоя ва ш. к.га берилиб ёки гирдобга тушиб йўлдан адашмоқ. *Оппортунизм ботқоғига ботмоқ.*

4 кўчма Қаттиқ тегмоқ, оғир туйилмоқ. *Зокир ота кўп йиллик тажрибасини пеш қилиб, Болтабойга ботадиган пичинлар қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. *Бу гап Тўхташ кўксига ханжардек ботди.* Файратий. **Айил ботмоқ айн. қаттиқ (ёки оғир) ботмоқ.** *Бу гаплар Назокатга айил ботди.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар. *Бу гап Умаралига жуда оғир ботди, ҳурматсизлик бўлиб туйилди.* И. Раҳим, Ихлос.

5 Ичкари томон чўкмоқ, ичкари кирмоқ. *Али тажанг бир томони ичига ботган каскасини .. кўзига бостириб кийди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У сал табассум қилса, кулгичи чуқур ботиб, нулли вазмин кўзи «нега сен кулмайсан» дейётгандек бўлади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Собир акиннинг.. чекка томирлари бўртиб чиққан, кўзлари ича ботган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

6 Уфқ орқасига яширинмоқ, яшириниб кўздан ғойиб бўлмоқ (асосан Қуёш, Ой ҳақида). *Қуёш ботганига анча бўлган.* *Атроф ғира-шира қоронғу.* С. Аҳмад, Хўкм. *Тун ниҳоят қоронғи, чунки янги туғилган ой аллақачон ботган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БОТҚОҚ 1** Оёқ босиб бўлмайдиган бўш лой. *Автомобиль ботқоққа ботди.* — *Бойдан қарз бўлиш нима-ю, ботқоққа ботиш нима.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. | Шундай лой билан қопланган ер; ботқоқлик, ботқоқзор. *[Батальон] йўллардан ўрмонга, ўрмондан ботқоққа, ботқоқдан очиқ, йўлсиз далага — экинзорга ўтиб, узоқ юрди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кўчма Салбий муҳит, гирдоб.

*Мешчанлик ботқоғи. Оппортунизм ботқоғи.* — *Улар мени жиноят ботқоғига итармоқчи бўлдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. — *Диний хурофот бозорини ҳам қизитиб юборди,* — деди Шариф Сулаймон. — *Бу ботқоқ бизнинг мамлакатимиз шароитида даҳшатли нарсаси.* Ойбек, Нур қидириб.

**БОТҚОҚЗОР** Ботқоқликдан иборат жой. *Ботқоқзорни қуритмоқ. Ботқоқзордан ўтмоқ.*

**БОТҚОҚЛАНМОҚ** Ботқоқликка айланмоқ. *Тупроқларни .. текиширишдан асосий мақсад маълум территориядаги тупроқнинг тини ва хилларини аниқлаш .., шўрланиш ва ботқоқланиш процессларини ўрганишидир.* М. Баходиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**БОТҚОҚЛИ** Ботқоқ ерлари кўп бўлган; ботқоқ билан қопланган. *Ботқоқли ерлар.*

**БОТҚОҚЛИК 1** ботқоқ с. белги оти. *Йўллар ботқоқлигидан юриб бўлмайди.*

2 Ботқоқ ерлардан иборат бўлган жой; ботқоқзор. *Белгача совуқ сув ичида, ботқоқликда пуд-пудлаб лойни жуда юқориликка отиш керак.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**БОУМИД** [ф-т+а] Умид қилувчи, умидли, умидвор. *Боумид бўлмоқ.* — *Дунёйи боумид айн. умидли дунё қ. умидли 1.* *Дунёйи боумид, жигарпорамни бир кўрсам, деб келган эдим,* — деди Сурхонбой кўзига ёш олиб. И. Раҳим, Тақдир.

**БОХАБАР** [ф-т+а] Хабар бўлган, хабари бор, хабардор. *Ҳар нарсадан бохабар одам.*

**БОЦМАН** [р<голл] Денгиз флотида (кемадарда) ҳамма хўжалик ишлари, тартиб ва тозалик учун масъул ва шу иш бўйича ҳамма матросларга раҳбарлик қилувчи кичик командир.

**БОЧКА** [р] Ёғоч ёки металлдан ишланган цилиндрик идиш. *Ёғоч бочка. Темир бочка. Бир бочка керосин. Цемент солинган бочка.* — *Ениги тўла бочкалар, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари кўчма қум тагидан чиқарилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БОШ 1** Тананинг бўйиндан юқориги (одамда) ёки олдинги (хайвонларда) қисми; калла. *Сўпоқ бош. Юмалоқ бош. Бош касаси (анат.).* || *Бош кийимлар магазини.* — *Ўзбек олим боши билан келинча ризолик билдириб, «баракалла!» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. — *Баданим ўт бўлиб ёнди, бошим оғриб, кўзларим тинди,* — деди Хожки хола. М. Исмоилий, Фаргона т. о. **БОШИМ** кал, кўнглинг нозик қ. кўнгил 1. «Тақдир», «қисмат», «кўргилик» маъносига қўлланилади. *Э-э-х, шўрлик бошим!* *Саидғози кафти билан пешанасига чарс-чарс урди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гулсумбичининг ёнига Хонимбиби қўшилишиди: — Кўп ўйлашманг, ўртоқлар! Барибир, бу гап ҳаммамизнинг бошимизда бор.* А. Қодирий,

*Ўтган кунлар. Бошга тушган (ёки келган) ҳаётда учраган, дуч келган. Бошга тушганини кўз кўрар.* Мақол. **Бошдан кечир(ил)ган (ёки ўтган)** ҳаётда, тақдирда кўрилган, кечир(ил)ган. *Табиб табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.* Матаал. — *Саид Жалолхон бутуф бошдан кечиранларини инқиллай-инқиллай ҳикоя қилиб берди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзининг очилиши.

2 кўчма с. т. Ақл-хуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ. Тоғнинг кўрки — тош билан, одамнинг кўрки бош билан.* Мақол. — *Қоратой Йўлчининг елкасини дўстона қоқиб деди: — Роса бошинг бор, уним Йўлчи, олтин бошинг бор.* Гапларинг — бари ҳақ. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бош оғритмоқ (ёки қотирмоқ)** 1) қаттиқ ўйламоқ, фикр юритмоқ; ташвиш қилмоқ. *Ҳар нарсаси ақлинеиз етади.. Лоақал бу бахтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) мияни ачитмоқ, гаранг қилмоқ. *Нима учун бошимни оғритганингизга тушуна олмадим, ўртоқ раис.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Сўз билан деҳқоннинг бошини қотириб, ниҳоят, тўрт ярим сўмга кўнишига мажбур қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бошига келмоқ** миясига, эшига келмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Қанизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

3 Бошлиқ, раҳбар. *Яхши йигит давранинг боши.* Мақол. **Директор** — командир, бош, муаллим — раҳбар, йўлдош, *Чикма* улар сўзидан, *Бор кўрсатган изидан.* К. Муҳаммадий. **Жўра боши ғалат қ. жўрабоши.** **Иш боши ғалат қ. ишбоши.** **Бош бўлмоқ ёки бошида турмоқ** бошчилик, раҳбарлик қилмоқ, бошқармоқ. *Деҳқон бўлсанг — қошида бўл, сипоҳ бўлсанг — бошида бўл.* Мақол.

4 сфт Бошчилик, раҳбарлик қилувчи, энг катта ёки юқори. *Бош врач. Бош агроном.* — *Совет Армияси ва ҳарбий-денгиз кучларида партия ишига раҳбарликни Совет Армияси ва СССР Ҳарбий-Денгиз Кучларининг Бош сийсий бошқармалари амалга оширадilar.* «КПСС Устави».

5 сфт Энг муҳим, асосий. *Бош масала. Бош сабаб. Пахта — бош вазифа. Бош гап грам. мустақил, бошқа гапга эргашмаган гап. Бош мақола* газета ва журналларда редакция томонидан бериладиган, актуал масала бағишланган, йўл-йўриқ кўрсатувчи мақола. **Бош тўғон** гидротехник иншоотнинг энг юқори томонидаги асосий тўғон.

6 сфт Энг олдинги, биринчи. *Бош бола. Бош келин. Бош хотин* 1) энг олдинги хотин; 2) энг катта хотин. *Нажмиддинбойнинг бош хотинидан Абдиллабой, кичик хотинидан Нурининг эри Фазлиддин туғилган.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бош бармоқ айн. бошмалдоқ. Раис** залга мағрур

назар ташлади, иккала қўлининг бош бармоғини энли камарига тиқиб, гимнастёркасини сидириб тузатди ва ўз жойига ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой.

7 *кўчма с. т.* Одам, киши. Бир бошига бир ўлим. Мақол. — Осонми шунча ошини, колхозда минг-минг бошини Бир тенг кўнглини олмақ, Ҳаммага маъқул бўлмақ. Қ. Муҳаммадий. Бу бош дунёга келиб нимадарни кўрмади-а! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 (снқ сонлар билан) Чорва ҳисобида ҳар бир адад жонивор. Ун бош от. Икки бош қўй. Ҳар бош сигирдан икки ярим минг литрдан сут соғиб олинди. Ҳар юз бош соғилқдан юз йиғирма бош қўзи олинди. — Колхоз чорвасига бир юз йн тўққиз бош мол қўшилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

9 Тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чўққиси. Шамол бўлмаса, дарахнинг боши қимирламайди. Мақол. Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини. Мақол. — Кўёш тик кўтарилиб.. иссиқдан майсаларнинг боши эгилди. Шухрат, Шинелли йиллар.

10 Ўрин, кровать ва ш. к.нинг ёстиқ қўйиладиган юқори томони. Қўдрат, кроватнинг боши уёқда қолиб, оёғига чалқанча ағнаган, нимадандир ижирганиб, лаби пичирларди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Шундай ўринда ётган кишининг белдан юқори қисми атрофидаги жой. Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўтирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Бир вақт хушимга келсам, отам бошимда йиғлаб ўтирибди, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

11 Баъзи отлар билан бирикиб, шу от орқали ифодаланган нарсанинг ўзини ёки у ўрнашган жойни билдиради, мас. бозор боши, ўчоқ боши, тўғон боши, тегирмон боши.

12 Чўзиқ, давомли, бўйли нарсаларнинг бошланиш жойи ёки охири, этаги; шундай нарсаларнинг икки учидан, чеккасидан, томонидан бири. | Дарё бошланган жой дарё боши дейилади. «География». Мана, кўчанинг бошида Салимбойвачча кўринди. Ойбек, Қутлуг қон. Даланинг у бошида парраги чарх уриб, комбайн ўрмаларди. С. Анорбоев, Оқсой. Шовқин-сурон орасида қўрғон беги от устида қўрғоннинг у бошидан бу бошига чопарди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Боши берк кўча 1) бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетиб бўлмайдиган кўча. Извош боши берк кўчада тўхтади. Ойбек, Қутлуг қон; 2) кўчма мушкул, қийин аҳвол, чорасизлик. Бир ёқдан, ўзи билан Ҳаёти ўртасида ишқал, иккинчи ёқдан, мактабнинг форат қилиниши уни боши берк кўчага киритиб қўйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Воқеа, ҳодиса, асар ва ш. к.нинг бошланиш жойи, пайти, аввали, муқаддимаси. Ҳикоянинг боши. Йилнинг боши. Ишнинг боши. Тўйнинг боши — бошланғунча. Мақол. Ни-

ҳолни бошдан, болани ёшдан асра. Мақол. — Қиз сўзининг бошини эшитиб илжайди, охирини эшитиб қўрқувдан бўзарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Кўз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мартнинг боши, чўлда совет одамининг ҳаёт ва бахт яратиши учун фидокорона курашининг иккинчи баҳори эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Аввал боши аввало, даставвал. Хат (ёки сатр) боши айн. абаза 1. Бир бошдан 1) бошидан, бошланиш жойидан. Мен ҳа деб савол бераверганимдан кейин инженер ҳамма воқеани бир бошдан гапириб берди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси; 2) бир чеккадан, тартиби билан. Ойимхон унга [Гулсумга] «майли, қийналиб ўтирма, сенга бир бошдан ҳамма ҳарфларни ўргатиб қўя қолай», дебди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қайта бошдан қайтадан, янгидан. | Воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг бошланиши учун баҳона бўлган нарсаси, дастлабки сабаб. Қўйинининг оши — жанжалнинг боши. Мақол. — Кумринисо Собирахонга кўз қисиб: ўйин-кулгумизнинг боши Баҳрихоннинг тўйи бўлади, — деди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришининг ўзи бахтсизликнинг боши! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

13 Баъзи ўсимликларнинг калла ёки чочоқ шаклидаги ҳосили, меваси. Бир бош узум. Бир бош қарам. Топган — гул келтирар, топмаган бир бош пишэ. Мақол.

14 (снқ сонлар билан) Қарра, ҳисоб. Беш бош қилиб олмақ. Ун бош қилиб тўламоқ.

15 3-ш. эгалик ва ж. к., ў-п. к., ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. бошига, бошида, бошидан).

◆ Боши билан 1) бутун вужуди билан, астойдил. Олимжон кўпдан кутилган ишга боши билан кўмилиб кетган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) жони, ҳаёти билан. Мен бунга бошим билан жавоб берман. Боши боғлиқ унаштириб қўйилган. Хотин боши билан хотин киши бўлгани холда, аёл бўлатуриб. Энди хотин боши билан Марғилонга мурожат қилсинми. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Боши очик 1) паранжи ташлаган, паранжи ёпинмайдиган; очик; 2) унаштирилмаган, уйланмаган ёки ажралишган. Энди у [Мунаввар] боши очик қиз бола эмас. Оилали. С. Анорбоев, Меҳр. Шомурот хотинига айтди: — Бориб, қизингни бир ёқли қилиб келгин, ё биратўла шуники бўлсин, ё биратўла боши очилиб, иштиёри ўзида қолсин. «Ёдгор». Бош оғриғи дардисар нарсаси, ортиқча ташвиш, даҳмаза. Бош устига бажонудил, жону дил билан. — Учрашганингиз тўғрисида менга маълумот ёсангиз, тагин миннатдор қилардингиз. — Бош устига. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Боши қоронғи баъзи ҳомиладор аёлларда

ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида бўладиган ҳодиса (мас., бирор нарсани тусаши). Унинг анорға боши қоронғи. Боши қоронғига олам қоронғи. Мақол. Бош ҳарф грам. катта ҳарф. Ёлғиз боши ёлғиз ўзи, бир ўзи, якка ўзи. Бу безот унга нима деб мақтанди экан? Аввали шуки, ҳеч кимим йўқ, ёлғиз бошим дегандир. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Боши кўкка (ёки осмонга) етди гоят хурсанд бўлди, жуда ҳам кўнгли кўтарилди. Таклиф этдим тонг билан Дилдорни лола сайлига, Бошим осмонларга етди, Ер деганда майлига. Э. Воҳидов. Масалани шундай ҳал қилиши керак эди. Қаримқул акадан эшитиб бошим кўкка етди. Ойбек, О. в. шабадалар. Бош кўтармоқ 1) оёққа турмоқ, тузалмоқ. Бемор касалдан бош кўтарди; 2) машғул бўлган бирор ишдан тўхтамоқ, узиламоқ. Уни бош кўтартирмай ишлаётган нарсаси, балки шу меҳнат хуморидир! М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) униб чиқмоқ, кўкармоқ. Қўжлам келиши билан беғона ўт бош кўтармасин деб.. ер молаланди, чизелланди. Ҳ. Нурий, Яшил хирмон; 4) уфқдан кўтарилмоқ, чиқмоқ (асосан Ой, Кўёш ҳақида). Уч кун ғойиб бўлиб кетган кўёш бош кўтарди. Н. Сафаров, Ҳадича Ахророва; 5) қарши ҳаракат қилмоқ, исён қилмоқ, қўзғалмоқ. Тошкент ҳокими бўлган Азизбек Қўқонга қарши бош кўтарган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бош кўтариб юрмоқ юзи ёруғ, пок, халол бўлганлиги учун кишилар ўртасида бемалол, ерга қарамай юрмоқ. Сиз эсини эзини еб қўйибсиз, ўғлингизни марғилонликка топшириб қўйиб, яна эл ичида бошингизни кўтариб юрмоқчи бўласизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бош олиб кетмоқ ҳамма нарсадан воз кечиб, бутунлай бошқа ерга, юртга кетиб қолмоқ, жўнамоқ. Ўз акама мен сиғинди бўлгунча, Бу ўлкадан бошим олиб кетайин. «Алломиш». Бош оққан томонга кетмоқ дуч келган томонга, тўғри келган ёққа қараб кетмоқ. [Отабек] гузардан ҳам зериккандан кейин боши оққан ёқларга, Солор бўйларигача кетар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бош суқмоқ (ёки тикмоқ) 1) оёқ қўймоқ, кирмоқ. Кампир энам қиз қидира-қидира тинкаси қуриди, қайси эшикка бош тикса, сўрашармиш: савдогарми, боғи борми, уй-жойи борми? Ойбек, Қутлуг қон; 2) ўрнашмоқ, жойлашмоқ. У айтган толлар қўлабди, бош тикмоқчи бўлган мактаб-маориф ҳоҳасига тамоман янги одамлар, олов нафасли ёшлар келибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 3) арашмоқ, қотишмоқ. Собиржон бировларнинг гапига кириб, шунчақанги ишларга бош суқмаса эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бош тортмоқ 1) бошоқламоқ; ғунчаламоқ. Сизни оғзи қон бўри дедим, чунки, .. сиз янги очилган гулларни, энди бош тортган лолаларни вақтсиз сўлдирасиз, очилиб



*битмай йлдираси!* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бирор иш, вазифа ва ш. к.ни бажаришдан юз ўғирмоқ; қочмоқ. *Итоматдан бош тортган Тошкентга қарши Муслмонқулнинг тепа сочи тик туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдуғини тузди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бошинг тошдан бўлсин** умринг узоқ бўлсин, ўлма. *Бор, ўғлим, бор!* Бошинг тошдан, танинг пўлатдан бўлсин, ой бориб, омон кел! З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. **Бош урмоқ** паноҳ тортиб ёки нажот излаб келмоқ; сажда қилмоқ.— *Шошманг, жоним!* — деди Қумуш.— *Нега йламай-нетмай, эшигига бош уриб келган бу йигитни қуялаб солдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Боши чиқмайди** (ч. к. билан) сира қутулмайди, бўшамайди. *Унинг боши касалдан чиқмай қолди.* Қарздан ҳеч бошинг чиқмади-да. — *Ўзингиз биласиз тўрт йилдан бери бу ерда ишлайман, тиним йўқ, ишдан бошим чиқмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бир ёқадан бош чиқариб** бир жон, бир тан бўлиб, ҳамжихатлик, яқдиллик билан. **Бош этмоқ** бўйсунмоқ, итоат қилмоқ, тиз чўкмоқ; сажда қилмоқ. *Улар бўрон заптига олганда, дала ишида қанча-қанча қийинчиликлар пайдо бўлганда, бош эмадилар, чекинмадилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бош қашини** ноилжликдан нима қилишини билмай ўйлаб қолмоқ, бош қотирмоқ. *Ишлаган тишлайди, ишламаган бош қашийди.* Мақол. — *Беда ўриб қўйиши керак эди-ку,— бошини қашиди Ёрмат.* — *А кун ҳам кечикиб қолибди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Боши қотди** нима қиларини билмай қолди, гангиб қолди. **Менинг сенга бошим қоронғи эдим** кест. сенга кўзим учиб турганмиди (номатлуб киши келиб қолганда айтилади). **Бир ёстиқча бош қўймоқ қ. ёстиқ.** **Оёғига бош қўймоқ** 1) *айн. бош урмоқ;* 2) бош эгиб хурмат, эхтиром билдирмоқ. *Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бош қўшмоқ** аралашмоқ, қотишмоқ. [Урмонжон] Абдусамадқорининг бу ишга бош қўйганидан шубҳага тушиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Ўз бошига** ҳар ким ўз холига, ўзича, мустақил.— *Бу ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам Совет ҳукумати тўғрисида қаддини ростлаб олган кишилар.* Қўни Советдан ер олиб, ўз бошига дехқон бўлиб олди.— деди Абдурасул. П. Турсун, Ўқитувчи. **Бошга битган бало қ. битмоқ** Ш. Бошига етмоқ ҳалокатга еткизмоқ, нобуд қилмоқ, ўлдирмоқ. *Ўз бошига етиб, ўлганларнинг биттаси ўшанинг ўғли экан, билдингми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бошига кўтармоқ** 1) жуда ҳам иззат-хурмат қилмоқ, ҳурматини бажо келтирмоқ. *Келин бўлса «дада, ойи» деб бошига кўтаради.* *Топеанидан озми-кўпми дадамега деб-бериб*

*юборади.* Х. Аҳмар, Қим ҳақ?; 2) ҳамма ёқни бузгудек шовқин солмоқ, шовқин кўтармоқ. *Элмурод.. аёлларнинг нимагадир, уйни бошларига кўтариб қийқиршиб, қулганларини эшитди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бошига урадим?** с. т. унга нима кераги бор. *Бошимга урамани бун.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Бошига чиқмоқ** (ёки минмоқ, ўтирмоқ) бировга ҳукмрон ёки хўжайин бўлиб олмоқ. *Чўри қиз бошимизга чиқиб, бизларни оёқ учи билан кўрсади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бошга қўймоқ айн.** бошига кўтармоқ 1. **Бошида ёнғоқ** (ёки тош) чақмоқ доимий равишда хўрламоқ, жабрламоқ. **Бошида калтак синди қ. калтак.** **Иши бошидан ошиб ётибди қ. ошмоқ** 1. **Бошни айлантирмоқ қ. айлантирмоқ.** **Бошни бириктирмоқ** (ёки икки қилмоқ, қўшмоқ) уйлантириб қўймоқ. *Бошинг икки бўлмагунча, молинег икки бўлмайди.* Мақол. — *Биз ҳам дунёдан орзу-заваз кўрмасак, кўзимизнинг очиқлигида бошингни иккита қилиб қўйсак, деймиз-да, ўғлим,— деди чол.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Бир амалла қишдан чиқсак, Полвонбойнинг бошини ҳам қўйиб қўярмиз.** Ж. Шарипов, Хоразм. **Бошни боғламоқ** унаштириб ёки уйлантириб қўймоқ. *Биз Отабекни Тошкентдан уйлантириб, бошни боғламасак, кун сайин унинг Марғилон югуришидан қутула олмасми.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бошни букмоқ** 1) уялтириб, ерга қарагиб қўймоқ; 2) бўйсундирмоқ, тиз чўктирмоқ, тобе этмоқ. *Ҳайла, Қоратой!* *Иш қилиб, Йўлчи боламега таянч бўл, ёлғизлатма, йигитнинг кўнели бузилмасин, боши букилмасин.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бошни емоқ айн.** бошига етмоқ. — *Ичимда «тишинг бошингни есин!» деса ҳам, ташимда ҳурмат билан кутар эдим.* — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Бошни силамоқ** 1) эркаламоқ, юпатмоқ. *Йўлчи Гулнорнинг бошини силаб воқеани қисқача айтиб берди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ўз паноҳига олиб ардоқламоқ, боқмоқ, тарбия қилмоқ. *Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни.* Мақол. — *Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силаб, истиқболи учун қайгурди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бошни тикмоқ** бирор иш учун ўзини қурбон этишга тайёрлик билдирмоқ, жонини фидо қилмоқ. *Раҳмат, Ҳомид ака, сиз жонни аямасангиз, мен ҳам йўлингизга бошимни тикдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бирор ишнинг бошни ушламоқ** (ёки тутмоқ) бирор ишни, ҳунарни пухта эгаллаб, шу ишда муқим қолмоқ.— *Тезда бир ишнинг бошни тутинг. Мен сизга ишонман,— деди милиционер Усмонга.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. **Бошни қовуштирмоқ қ. қовуштирмоқ.** **Бошни қотирмоқ** бўлар — бўлмас иш, гап ва ш. к. билан жонга тегмоқ, зериктирмоқ.

**БОШБОШДОҚ** Ҳеч кимга ва ҳеч қандай қонун-қоидага, тартиб-интизомга бўйсунмайдиган; ўзбошимча, бебош.

**БОШБОШДОҚЛИК** 1 бошбошдоқ с. бели оти.

2 Ҳеч қандай тартиб-интизом бўлмаган, ҳар ким ўз бошига иш қилдиган бир ҳол; ўзбошимчалик, бебошлик, анархия. *Баъзан қаттиққўллик ҳам керак, ўртоқлар! Усиз тартиб-интизом издан чиқади.* Анархия, яъни бошбошдоқлик бошланади. С. Анорбоев, Оқсой. *Бадиуззамон Мирзо исёни эрта-кеч Музаффар Мирзони ҳам оёқлантирар, юрда бошбошдоқлик кучаярди.* Ойбек, Навоий.

**БОШВОҚ** (асли бош+воқ) Чорва молларининг бошига боғланадиган арқон; нўхта. *Девор тагида катта сигир бошвоғини ерга ёйиб, бемалол кави қайтариб ётади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОШВОҚСИЗ** айн. бебошвоқ.

**БОШДА** рвш Аввалда, дастлабки вақтда, дастлаб, аввал. *Бошда Ҳасанали Зий шохичи билан унинг ўғли Раҳматдан яхшигина умид тутган, ҳар ҳолда улардан бошқа таянарли(к) кишим йўқ, деб йўлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШДАН** рвш Аввалдан, дастлабки вақтдан. *Қийимни бошдан, болани ёшдан асра.* Мақол.

**БОШДАН-ОЁҚ** рвш 1 Бошидан то оёғигача. *Йўлда кета туриб, Ботирали Эъвозхона бошдан-оёқ разм солди.* Х. Фулом, Машъал. **Бошдан-оёқ кийинтирмоқ айн.** бош-оёқ кийинтирмоқ қ. бош-оёқ. *Марияга дарров бошдан-оёқ .. кийим кийдирадилар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бошидан то охиригача; тугал, батамом. *Башират воқеани бошдан-оёқ айтиб берди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳолбуки «Капитални ўқиган ҳар бир киши Михайловский фикрларининг бошдан-оёқ нотўғри эканини билади.* В. И. Ленин, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?

**БОШИГА** кўм. вазифасида Ёнига, олдига, қошига. *Битар ишининг бошига, яхши келар қошига.* Мақол.

◆ **Гектар бошига** 1) ҳар бир гектарга. *Гектар бошига бир машинадан гўнг солинди;* 2) ҳар бир гектардан, ҳар бир гектар ердан. *Ҳосилни гектар бошига 40 центнерга етказмоқ.*

**БОШИДА** 1 кўм. вазифасида Ёнида, олдида, қошида. *Аёллар кўприк бошида чапак чалиб, тиззаларини уриб чинқиршибди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 айн. бошда. [Малика:] *Ажаб қипти!* *Бошида айтдим, Зулфиядек қизни йиғлатманлар, кўз ёшининг уволига қоласизлар, дедим, кўнмадиларинг.* О. Ёқубов, Биринчи муҳаббат.

**БОШИДАН** кўм. вазифасида Ёнидан, олдидан, қошидан. *Учоқ бошидан овқатни олиб келмоқ. Қозон бошидан туриб-гатиримоқ.*



**БОШЛАБ 1 бошламоқ I фл. ривиди.**

2 рви Энг аввал, ҳаммадан олдин, дастлаб. *Оғриқнинг биринчи кунни Қумуш ҳеч кимга сездирмай юрди. Аммо, иккинчи кун буни бошлаб Отабек, ундан кейин Ўзбек ойим сездди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 кўм. (ч. к. билан) Бери, буён. Янги йилдан бошлаб. Навоийдан бошлаб *Ҳамзагача.*

**БОШЛАМА** Бирор ишга қўйилган биринчи қадам; ишнинг боши, бошланиши, ибтидоси. *Тўй кейинроқ бўлади, бу фақат бошламаси.*

**БОШЛАМОҚ I I** Бирор ишга киришмоқ. *Гап бошламоқ. Юриш бошламоқ. Хўш, ишни нимадан бошлаймиз? — Гуландом чойдан бир хўлаб, яна ўз ҳикоясини бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Йўл кўрсатиб, бош бўлиб, етаклаб бормоқ. *Яхши билан оина бўлсанг, яхши йўлга бошлайди. Мақол. — Абдишукр эса хўрайди — Қаерга борасизлар! Одамларни қаерга бошлайсан? Ойбек, Қутлуғ қон. | Тортомоқ, олиб кетмоқ. Ҳаёл уни яна уруш фронтларига бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 **-и(б)** аффиксли равишдош формасида қўшма феъллар таркибига киради, мас. *бошлаб юбормоқ, бошлаб бормоқ, бошлаб келмоқ.*

4 **-а, -й** аффиксли равишдошлар билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг бошланганлигини ёки унга киришилганлигини билдиради, мас. *тўкила бошламоқ, қарий бошламоқ, шабада эса бошлади.*

**БОШЛАМОҚ II** махс. Бошлиқ солмоқ, янги бошлиқ солиб тикламоқ (этик, махси ва ш. к.ни).

**БОШЛАНМА** айн. бошлама.

**БОШЛАНМОҚ I I** бошламоқ I фл. мажх. н. Гап бошланди. Бошланган мусобақа тобора кенг авж олмоқда. — *Холмуроднинг янги меҳнат кунни бошланди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 бошламоқ I фл. ўзл. н. Чирчиқ дарёси Чотқол ва Пискем дарёларидан бошланади. Ўзбек совет адабиёти *Ҳамзадан бошланади. — Қаршида қаердан бошланиб, қаерда тугаганлиги маълум бўлмаган бир парда турар эди. А. Қаҳҳор, Башорат.*

**БОШЛАНМОҚ II** бошламоқ II фл. мажх. н.

**БОШЛАНҒИЧ I** Дастлабки, бошланишдаги. *Снаряднинг бошланғич тезлиги. | Ўлчаш, баҳолаш, қиёслаш ва ш. к. мақсадлар учун асос қилиб олинган; дастлабки, бош. Бошланғич далиллар. — Меридианларнинг бири, яъни Лондон орқали ўтадиган меридиан, бошланғич меридиан деб ҳисобланади. «География».*

2 Қуйи, биринчи босқич. *Бошланғич мактаб. — Партиянинг асоси — бошланғич партия ташкилотларидир. «КПСС Устави».*

3 Энг оддий, элементар. *Бошланғич физика.*

4 Дастлабки ҳолдаги, ибтидоий. *Бошланғич жамият.*

5 от, айн. бошлама. *Эришилган муваффақиятлар катта ишларнинг бошланғичи, холос.*

**БОШЛАТМОҚ I** бошламоқ I фл. орт. н. *Қурилишни бошлатмоқ.*

**БОШЛАТМОҚ II** бошламоқ II фл. орт. н. *Этикни бошлатмоқ.*

**БОШЛАШМОҚ** бошламоқ I 1, 2 фл. бирг. н. *Анвар Рағно билан бошлаш хужрадан чиқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Тўртинчи кун кечқурун Назиржон Тўхтақул ака билан бошлашиб кириб келди. Ойдин, Узидан кўрсин.*

**БОШЛИ I** Боши, калласи бор. *Етти бошли илон (эртакларда). — У [Қоратой] ўттиз саккиз-қирқ яшар, юмалоқ, катта бошли, билаклари йўғон киши эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 кўчма с. т. Ақлли, ақлли-хушли. *Бошли йигит.*

◆ **Бутун бошли** бутун, бут-бутун; расо. *Ҳаммаси менга ёпишади: «Бутун бошли отнинг қаёққа йўқолиганини билмасанг, нима қилиб юрибсан қоровулликнинг қафиллини олиб» дейишади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**БОШЛИҚ I I** Идора, муассаса, тишкилот ва ш. к.га бошчилик қилувчи лавозимли ёки сайлаб қўйилган киши; раҳбар. *Идора бошлиғи. Цех бошлиғи. Звено бошлиғи. — [Боштин:] Сиз колхозда ким бўлиб ишлайсиз? — [Дилбар:] Бригада бошлиғи бўлиб. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Иброҳимов раҳбарлик қилаётган бригада Сафаров бошлиқ Рўзимат, Қамбарали акалардан иборат группа Мирҳомид-хўжанинг уйига борди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Умуман бошчилик, раҳбарлик қилувчи; раҳнамо. *Оила бошлиғи. Рўзғор бошлиғи. Қабила бошлиғи.*

**БОШЛИҚ II** Оёқ кийимининг оёқ юзи ва ёнини қоплаб турадиган қисми. *Этикнинг бошлиғи йиртилибди. | Оёқ кийимининг шу қисми учун бичилган тери ёки заготовка. Этика янги бошлиқ солмоқ.*

**БОШМА-БОШ** рви I Бошни бошга қилиб, бошни бошга қаратиб. *Бошма-бош ётмоқ.*

2 Бирни бирга (устига пул ёки бошқа нарса бермасдан, олмасдан). *Бошма-бош қилмоқ. Бошма-бош алмаштирмоқ.*

**БОШМАЛДОҚ (асли бош бармоқ)** Кўл ёки оёқ панжасидаги биринчи йўғон бармоқ.

**БОШМОҚ** Кигиз этик, пийма. | Умуман оёқ кийими. *У чираниб турганда бирдан, Бошмоқлари туиди оёқдан. Бир бошмоғи сувага тез чўкди, иккинчиси ивиди — бўкди. И. Муслим.*

**БОШ-ОЁҚ:** бош-оёқ кийим (ёки сарпо) бир кишилик бир сидра кийим-бош, бир комплект кийим ва пойфзал (ёки сарпо). — *Сизга бош-оёқ кийим! — Сўзингдан қайтма, Офтоб! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бош-оёқ ки-*

*йинтирмоқ бошдан-оёқ кийинтирмоқ, бир сидра кийим қилиб бермоқ. Сунбулхон ая Фотимага жуда катта хурмат кўрсатиб, .. бош-оёқ сарпо қўйди. Мирмуҳсин, Умид.*

**БОШОҚ I I** Бугдой, арпа сингари ўсимликларнинг пояси учида дон ҳосил бўладиган чўзинчоқ туپ гули, боши. | Дон олиб етилган шундай туپ гул, бош. *Бошоқ чиқармоқ (тортомоқ). — Томлардаги бугдойлар бошоқ чиқарди, ораларидаги лолалар қип-қизил бўлиб очилди. М. Исмоний, Фарғона т. о.*

2 айн. машоқ. *Бошоқ термоқ. БОШОҚ II* эск. Камон ўқининг боши, уч қисми.

**БОШОҚЛАМОҚ** Тўп гул, бошоқ чиқармоқ, бош олмоқ (ғалла ўсимликлари ҳақида). *Шоли ёппасига бошоқлади.*

**БОШОҚЛИ** Бошоқ чиқарадиган. *Бошоқли дон экинлари.*

**БОШОҚЧИ** айн. машоқчи.

**БОШПАНА I** Турар жой; уй. *Қишлоқдаги пахса деворли кўрғончалар бой, бадавлат одамларники бўлиб, гувалдан қурилган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Жон сақлаш, яшириниш ёки вақтинча истиқомат қилиш учун яроқли жой; паноҳ, маскан. *Бу ерда на бир қаққайган дарахт ва на бир бошпана топиб бўлади. Ойдин, Мардлик — мангулик. Бошпана бермоқ 1) ўз уйдан жой бермоқ, ўз паноҳига олмоқ. Ўзгөзхон ўзига, болаларига бошпана берган бу меҳрибон кишиларга кўмаклашиб йўлларини ахтариб кўрди. Х. Гулом, Машғал; 2) юр. ўзга эллардан келган муҳожирларга доимий ёки вақтинча яшаш ҳуқуқини бермоқ. Бошпана ҳуқуқи юр. бирор мамлакатда ўзга эллардан қочиб келган сиёсий муҳожирларга доимий ёки вақтинча яшаш учун бериладиган ҳуқуқ. Қуёғинга учраган чет эл еражданларига ЎзССР бошпана ҳуқуқини беради. «ЎзССР Конституцияси».*

**БОШПАНАСИЗ** Уй-жойи бўлмаган, уй-жойи йўқ. *Бошпанасиз қолмоқ.*

**БОШСИЗ I** Боши, калласи йўқ. 2 кўчма *Ақли, мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ.*

**БОШЧИ** Бошчилик қилувчи; бошлиқ, раҳбар. *Минг қўйичига бир бошчи. Мақол. — Иншооло сиз.. бу ишга ўзингиз бошчи бўларсиз. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**БОШЧИЛИК I** бошчи с. мавҳ. от.

2 Йўлбошчининг, раҳбарнинг, бошлиқнинг иши, мавқеи; йўлбошчилик, раҳбарлик. *Бошчилик қилмоқ. — Колхоз идораси Ефим Ефимовичдан янги устахона қурилишига бошчилик қилишни сўради. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Бошчилигида йўлбошчилиги, раҳбарлиги остида, етакчилигида. Коммунистик партия бошчилигида.*

**БОШҚА I** Зикр қилингандан, айтилгандан, кўрилгандан ёки кўзда ту-

тилгандан бўлак; ўзга. *Бошқа уй. Бошқа жой.* Бундан ундан бошқа одам билмайди. — Махдум .. икки болани меҳмонхонани супуриб жой солишга буюрди ва бошқа болаларни ёппа озод қўйиб юборди. — А. Қодирий, Меҳробдан чаён. || *Мен биламан, қизи Маъмуржонни хоҳламайди.* Кўнгли бошқада. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Мустақил, алоҳида. *Билак — бир, бармоқ — бошқа.* Мақол. — [Абдурахмонбой:] Тақсир, аслида кўтармаликларнинг эли бошқа, суви бошқа бўлган. Н. Сафаров, Хуснижамол. Унинг [Хасаналининг] ҳужраси.. моллар ила тўлган ва Отабекдан бошқа, алоҳида ҳужрада туришни ҳам шу молларни сақлаб ётиши учун эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор хусусияти билан фарқ қиладиган; бошқача, ўзгача. *Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиги.* Мақол. — [Йўлчи Абдишуккурга:] Мирзакаримбой бошқа, мен бошқа! Хўжайшлар бор, малайлар бор. Ойбек, Қутлуғ қон. **Бошқа гап 1)** шундай демайсизми; шундай десангиз дуруст. [Йўлчи:] Хуллас, ер жуда арзонга кетди. Кишининг ҳақиқдан қўтулганимизга биз ҳам суюниб қолавердик. — Ҳа, бундай дегин. — Мирзакаримбой.. гапни давом эттирди. — бу энди бошқа гап. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бошқача, ўзгача. — *Уйқуга қонқиндизми, Жўра ака! — деди Йўлчи. — Кучер аҳли ҳам.. тирикликда уйқуга қонадими, ука? Ўлганда — бошқа гап, деб жавоб берди Жўра.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бошқа бўлмоқ 1)** ажралиб, бўлак бўлиб чиқмоқ. *Қичик ўғли уйланиб, бошқа бўлди;* 2) ўзгармоқ, бошқача бўлиб қолмоқ. *Элмурод маъно бир неча қадам босди. — Йўқ, — деди ичида, — бу мен билган, сингаан Фотима эмас. Энди ўзгариб, тамом бошқа бўлиб қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Бегона, ёт; биров. *Бошқалар олдида уялтириб қўймоқ.* — Пичоқни ўзинга ур, оғримаса, бошқага, деган бир гап бор, — деди жиддий вазиятда қутидор. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 рви вазифасида Қайта, яна, тагин. *Бизниқига бошқа келмайсизми? — Жиянингизни бошқа қидирмадингизми? — деди Сидиқжон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

5 (и. к. билан) кўм. вазифасида Бўлак, ташқарн. *Бундан бошқа.* — *Менга қолса ўртада шундан бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим! — деди [ҳожин].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШҚА-БОШҚА 1** Бир-биридан бўлак, алоҳида-алоҳида; мустақил. *Шаҳарга кирганда, улар бошқа-бошқа қўчаларга бурилиб, ажралишдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бир-биридан фарқ қиладиган; ҳар хил. *Тўй учун кувё томонидан бир беш арава юк юборишган. Ҳар бир аравада бошқа-бошқа моллар ва буюмлар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОШҚАЛАМОҚ 1** Ўзгартирмоқ, янгилamoқ. *Уйни бошқалаб олишибди.* 2 Бўлак қилиб қўймоқ, ажратиб чиқармоқ (мас., онладан); ажратмоқ. *Беморнинг идиш-оёғи бошқалаб қўйилди.*

**БОШҚАЛАНМОҚ** бошқаламоқ фл. мажҳ. н.

**БОШҚАЛАШМОҚ** Бошқача бўлиб қолмоқ, ўзгармоқ, янгиланмоқ.

**БОШҚАЛИК** бошқа 1—3 с. белги оти. *Шароитнинг бошқалиги.* — *Тилим билан кўнглимнинг бошқалигини исбот қилингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШҚАРМА** Давлат органлари системасида бирор йирик иш ёки хўжалик соҳасини бошқарадиган ва унга раҳбарлик қиладиган юқори идора. *Қапитал қурилми бошқармаси.* Граждандан ҳаво флотини бошқармаси. — *Батальон комиссари Чернецов армия сисий бошқармасидан келган янги қўланмани ўқиб чиққач, бунни дарҳол жангчиларга етказишга қарор қилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БОШҚАРМОҚ 1** Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. ишнини идора қилмоқ, йўлга солиб турмоқ. *Заводни бошқармоқ.* | Юргизмоқ, тебратмоқ, олиб бормоқ (хўжалик, рўзгор ва ш. к. ни). *Оила бошлиғи — Зуннунхўжа, рўзгорни кампир бошқаради, Сидиқжон далага уруғлик ва гўн элтиб, ҳосил келтирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Оркестрни бошқармоқ** оркестрга раҳбарлик ёки дирижёрлик қилмоқ.

2 Тегишли мослама ва усуллардан фойдаланиб ҳаракатга келтирмоқ, ишга солмоқ, юргизмоқ, ҳайдамоқ. *Тўпни бошқармоқ. Қемани бошқармоқ. Машинани бошқармоқ.* — *Ойқиз.. бир қўли билан Погондинни, иккинчи қўли билан юганни ушлаб, отни бошқарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 грам. Синтактик алоқа қонуниятларига мувофиқ маълум келишик формасини талаб қилмоқ. *Ўтимли феъллар тушум келишигини бошқаради.*

**БОШҚАРУВ 1** бошқармоқ фл. иш оти. *Иш(ни) бошқарув.* *Бошқарув аппарати.* — *Пролетариат биринчи навбатда ўзининг бошқарув органларини — ишчи ва солдат депутатлари советларини ташкил қилди.* В. И. Ленин, Партиясиз ишчи-қизил аскарлар конференциясидаги нутқ.

2 грам. Бир сўзнинг синтактик алоқа талабига кўра бошқа сўз билан маълум келишикда ўзаро боғланиши.

**БОШҚАРУВЧИ 1** бошқармоқ фл. ш. оти.

2 Бошқарма ва умуман корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. бошлиғи, раҳбари.

◆ **Иш бошқарувчи** иш юритувчи; идорада ёзишма, ёзув-чизув ишларини олиб боровчи ходим, котиб. [Тўқсонов] *ғийт заводига иш бошқарувчи бўлиб ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БОШҚАТДАН** рви Қайта бошдан, қайтадан, янгидан. *Бошқатдан ёзмоқ.*

*Бошқатдан кўриб чиқмоқ.* *Бузиб бошқатдан қурмоқ.* — *Бўта .. дўпписини олиб бошқатдан кийди.* С. Аҳмад, Хукм. — *Яхши, ўртоқ Мавлонов, .. эртага мажлисни бошқатдан қиламиз, — деди Абдураҳул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БОШҚАЧА** Бошқалардан бирор жиҳатдан ёки бутунлай фарқ қиладиган; ўзгача, бўлақча. *Олинг, бу бошқача узум.* || *Бошқача кўринмоқ.* — *Ахир у яқиндагина.. бошқача гапларни айтмаганмиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир ондан олдани хил бола туғилади, деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бошқача (қилиб) айтганда** бошқа сўз билан, иккинчи турли қилиб айтганда; яъни. [Отабек] *ҳатто, баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга ғўшанишинликка яқинлашиб борар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШҚАЧАЛАШМОҚ** Бошқача тус ёки ҳолат олмоқ, ўзгармоқ. *Иш бошқачалашди. Сиз жуда бошқачалашиб қолибсиз.*

**БОШҚАЧАЛИК 1** бошқача с. белги оти.

2 Айрма, фарқ, тафовут. *Улар орасида бошқачалик сезилмайди.*

**БОШҚИРД** қ. бошқирдлар. *Бошқирд тили.* || *Бошқирд аёл.*

**БОШҚИРДЛАР** Асосан Бошқирдистонда яшовчи туркий халқлардан бири, Бошқирдистоннинг туб аҳолиси. **БОШҚИРДЧА 1** Бошқирд тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Бошқирдча кийим.* *Бошқирдча ашула.*

2 Бошқирд тили. *Бошқирддан таржима.* || *Бошқирдча сўзлашмоқ.*

**БОШ-ҚОШ** Бошлиқ, раҳбар, бошқарувчи. *Бу кишиларга колхознинг қурилиши бригадир Эргаш Сулдаймонов бош-қош.* Ҳ. Носиров, Чустлик эр-катойлар. *Ғалани ташиб олишда ўзинг бош-қош бўл.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БОЯ** рви Сўз бораётган пайтдан бирмунча вақт олдин; ҳали; яқинда. — *Боя ишалаб ёга бошлаган ёмғир тинганди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон издан. **Боя(т)дан бери** анчадан бери (сўз бораётган пайтга нисбатан). *Боядан бери индамай ўтирган эшон бошини кўтарди ва бировни ичидан мазохлаётгандай секингина кулди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БОЯГИ 1** Боя, ҳали содир бўлган, боя юз берган, кўрилган, эшитилган; ҳалиги. *Бояги гап.* — *Кулги бир оз босилгандан кейин бояги киши яна тахминини давом қилдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Анвар кулди.* Аммо бу кулиш унинг бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни бахтиёрлик кулгиси эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 кири с. вазифасида Гап шундаки, масала шундаки; айтгандай. *Бояги, у қўрқадига-да.*

◆ **Бояги-бояги** — бойхўжанинг таъғи ҳеч ўзгаринсиз, ўзгармаган, қандай бўлса, шундай қолаберган. [Олимпнинг] бошини иккита қилиб қўйишса, очилар деган эдим, бояги-бояги — бойхўжанинг таъғи. Х. Назир, Қанотлар.

**БОЯГИДАЙ**, -дек 1 Боя, илгари қандай бўлса шундай, ҳеч ўзгаринсиз. **Аҳвол боягидай.** — Тўтиқиз авзойини ўзгартмай, боягидай жиддий қилиб: «Бувимнинг қизиман, — деди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Сифати, белгилари жиҳатидан олдингига ўхшаш, тенг. **Бунинг катталиги боягидай бор.**

**БОЯГИЧА** айн. боягидай.

**БОЯЛИЧ** Чўлларда ўсадиган, шўрадошларга мансуб бута. **Шўрхоқларда.. саксовул, боялич ва бошқа буталар учрайди.** «Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий географияси».

**БОЯР** [р боярин] тар. Москва Русияда хукморн синф вакиллариининг ва феодалларнинг унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**БОКИ** қ. боқи(й).

**БОКИБЕГАМ** [a+ф-т+a] с. т. кест. Ортиқ даражада бегам, бепарво, парвойи фалак. [Йўлдош ака] **Кенжага дунёни сел олса, тўпигига чиқмайдиған бокибегам бўлиб кўринди.** Х. Назир, Васият.

**БОКИЗМОҚ** боқмоқ 6 фл. ўзл. н. Қасалини боқизмоқ. — Докторга боқизмасам, йиқилиб қоладиганга ўхшайман. С. Аҳмад, Хукм.

**БОКИ(Й)** [a] 1 Дониий, абадий, мангу, ўлмас. **Боқий дўстлик.** Умринг боқий бўлсин. — Садоқатингизда боқий қолиб, амрилизни ижро этишингизга шўфҳа қилмаймиз. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Боқи (эркаклар исми).

◆ **Боқи(й)** сўзим тамом эск. шу билан сўзим тамом (мактуб охирида ишлатилган ибора). **Боқи(й) ўн беш сўм қолдиқ ўн беш сўм, қолган пул ўн беш сўм.** **Боқи(й) қарз қолган қарз. Хизмати боқий** хизмати учун тегадиган ҳақ. [Қози Майсарога:] **Мана, она, бунинг олинг .. Хизмати боқи!** Ҳамза, Майсаранинг иши.

**БОКИЛМОҚ** 1 боқмоқ фл. мажх. н. Пилла қурти тут бари билан боқилади. Сўқимга боқилган мол. — Остида боқилган тулпор, Кўнглида бир санам дилбар. «Ёдгор».

2 боқмоқ 1 фл. ўзл. н. **Бизга ҳам бир боқилсин.**

**БОКИМ** 1 Боқув, қаров, парварииш. Молларнинг боқими яхши.

2 Бировнинг қарамоғида бўлган, қарам. **Жияним менга боқим.** — Ҳа .. болам. Кишига боқим бўлганидан кейин иложинг йўқ экан. Н. Сафаров, Уйғониш.

**БОКИМОНДА** [a+ф-т] Қолдиқ қарз, ундирилмаган солиқ ва ш. к. **Валихон бориб Ғузор беклигидаги солиқларни, ҳатто боқимондаларига ҳам ундирди.** Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**БОКИМСИЗ** Қаровсиз, ота-онасиз қолган; етим. [Мухаррир] **ахборингиз учун, Чека ўша вақтларда боқимсиз болалар уйига гамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган эди.** А. Қаххор, Са-роб.

**БОКИШМОҚ** 1 боқмоқ фл. бирг. н. 2 Ердамлашмоқ, қарашмоқ. **Эъвозхон уй эшик-даразаларини очиб ташлаб, супуришга тушиди. Тозагул бўйра, на-матларни йиғиб, унга боқишди.** Х. Ғулмо, Машғал.

**БОҚМОҚ** 1 Назар ташламоқ, назар солмоқ, қарамоқ. **Кўзуга боқмоқ. Вагон деразасидан боқмоқ. Етсанг, ёва ёқар, ёт сенга кулиб боқар.** Мақол. **Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ.** Мақол. — **Зайнаб бояги ўн-ғайсизликдан .. қизаринқираб ера боққан эди.** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | **кўчма** Мўраламоқ; кўринмоқ, намоён бўлмоқ. **Зангори денгизнинг тиниқ қўйнидан Кумуш ой нозлаиб, кулиб боқадди.** Уйғун. | Фикран назар ташламоқ, кўз олдига келтирмоқ, кўздан кечирмоқ. **Тарихга боқинг, минг йил илгари Хоразмда Бируний, ўтган, у жуда кўп китоблар ёзиб қолдирган.** Ж. Шарипов, Хоразм. — **Буқаламун фалакнинг гардишига боқ — чирогим!** — деди Шокир ота. Ойбек, Қутлуг қон. | Илтифот қилмоқ, қарамоқ. [Пўлат:] **Бой-бойга боқар, сув сойга оқар.** Бўлмайди. Сиз билан иттифоқ, бўлмаймиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Кажрафтори фалак Мухаммаджонга кулиб боқмади.** Н. Сафаров, Бўзчининг неваралари.

2 Қараб турмоқ, парварииш қилмоқ. **Бола боқмоқ. Қасал боқмоқ.**

3 Парвариишлаб етиштирмоқ, асрамоқ (уй ҳайвонлари ва парранда ҳақида). **Товуқ боқмоқ. Қурт боқмоқ. Боқ отингени арпа билан, боқар қазы-қарта билан.** Мақол. **Мол (сигир, кўй ва ш. к.) боқмоқ** 1) мол асрамоқ; 2) молни етаклаб ёки ҳайдаб юриб ўтлатмоқ. **Мен ёшиқдан отамага қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим. Ҳар кимнинг юмушини қилиб ўсдим.** Ойбек, Қутлуг қон.

4 Ўз қарамоғида бўлган кишиларни моддий жиҳатдан таъминламоқ. **Оила боқмоқ.** — **Етим набираларини оғир .. меҳнат билан ҳам боқа олмаган бу жафокаш чол ўзи учун бир эски уйни ва дўконхонасини олиб қолиб, ҳовлисининг қолган қисмини сотишга мажбур бўлган эди.** Ойбек, Қутлуг қон. | **Тарбиялаб** воёга етказмоқ. **Биттаю битта ўғил Марғилон деган жойда, аллакимларнинг қўлида, асли номтаълим кишиларнинг қизига уйлансин-да, .. ўғил боқиб катта қилган она — Ўзбек ойим икки қўлини бурнига тиқиб қараб қола берсин.** А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | **Тиричкилик эҳтиёжларини қондирмоқ, таъмин этмоқ. Отадан қолган шу қўл дастгоҳ чол-кампирини умр бўйи боқди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Қидириб топиб ўлдирмоқ (битни,

бургани). **Бош боқмоқ** бошдаги битларни, сиркаларни топиб ўлдирмоқ.

6 с. т. Даволамоқ; шифоламоқ. **Унинг касалини боқмаган врач қолмади.** Қасалини боқиб қузатмоқ.

7 Қўмакчи феъл вазифасида келиб, етакчи феълдан аниқланган иш-ҳаракатни бажаришга уриниш, синаш маъносини билдиради. **Ўқиб боқ. Еб боқинг.** — **Йўлчи Шокир отанинг дўконхонаси эшигини астагинай очиб боқди.** Ойбек, Қутлуг қон. **Ҳеч кимга кўринмай боқдим.** Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

◆ **Фол боқмоқ** қ. фол.

**БОҚОН:** боқон солмоқ этн. тухфа олиш учун янги келаётган келин йўлга ров солмоқ, келиннинг йўлини тўс-моқ.

**БОҚТИРМОҚ** боқмоқ 2—6 фл. орт. н. Қасалини боқтирмоқ. **Врачга боқтирмоқ. Молни миришкорга боқтир.** Мақол.

**БОҚУВ** 1 боқмоқ 1—6 фл. иш оти.

2 Қаров, парварииш. **Боқуви яхши.** — **Қани, боқувада орттирган ҳунарингизни кўрсат, лочинлар! Қулоқ чимириб турган отлар бирдан олға ташланди.** И. Раҳим, Чин мухаббат.

**БОҚУВЧИ** 1 боқмоқ фл. ш. оти. **Мол боқувчи. Қурт боқувчи.**

2 Оила бошлиғи, оила қаровчиси.

**БОҒ** I [ф-т] 1 Мевали дарахт, ток ва гул билан банд ер майдони; мевазор. **Олма боғ(и).** — **Бизнинг юртида шу паллада токда узум, полизда қовун, боғда анор.** Ойбек, Қуёш қораймас. **Эй Андижон, конлар диёри, Пахта, ипак, нефтьга бойсан.** Боғларингдан шарбат томади, Ҳам бойсан-у, ҳам сўлим жойсан. Ё. Мирза. **Боғи эрам** 1) дин. жаннат боғи; 2) кўчма жуда ҳам яхши боғ, ажойиб боғ. **Истироҳат боғи ёки томоша боғ** дам олиш, хордиқ чиқариш учун қурилган махсус боғ, парк. **Элмурод билан Мухаррам .. Горкий номли истироҳат боғида кундузи учрашдилар.** Шўхрат, Шинелли йиллар. **Салим билан Физлиддин атомоша боғдан кезган сингари, секин-секин юриб боғнинг ҳар жиҳатини кўздан кечира бошлади.** Ойбек, Қутлуг қон. **Ҳайвонот боғи** халққа кўрсатиш ва илмий-текшириш ишлари олиб бориш учун сунъий шароитда турли жониворлар боқиладиган махсус муассаса. **Боғ қилмоқ** 1) мевали дарахтлар экиб боғ юзага келтирмоқ; 2) кўчма обод қилмоқ, гўзаллаштирмоқ.

2 Шаҳардан ташқаридаги қўрғон ва унга ёпишган мевазор, токзор жой. **Жондор вагончи икки йил ичида катта боғлар сотиб олди, шаҳарда ички ташқи ҳовли бино қилди.** Ойбек, Қутлуг қон. **Боғ кўча** шаҳардан ташқаридаги қўрғонлар, боғлар орасидан ўтган кўча. **Шербақ .. боғ кўчага етганда, тўп-тўп, якка-якка бўлиб, клубга кетаётган таниш ҳамқишлоқларига дуч келди.** С. Анорбоев, Оксой.

3 Кўчма Гуллаб-янаб турган обод жой; гулшан. **Бахт боғи.** — **Гўзал**

боғда ўйнайлик. Гулдан-гулга кўнайлик. Гулдан ўлка маҳчини Биргалашиб кўйлайлик. Ғайратий.

◆ **Бири боғдан (келса), бири тоғдан (келади)** гаплари пойма-пой, муносабатсиз, бири-бирига ёпишмайди. *Ҳамма-ларингизнинг гапларингиз бир жойдан чиқиши керак. Бирингиз боғдан, бирингиз тоғдан келсангиз бўлмайди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Узумини е, боғини суриштирма** матал берганни ол, олдинга кўйганни е, ич, лекин «аердан олдин» деб сўрама; берганнинг бетига қарама.

**БОҒ II 1** Боғлаш учун хизмат қиладиган нарса ва унинг боғланган жойи, туғуни. *Хўл новдалардан қилинган боғ. Боғини ечмоқ.* — *Амин нўхта боғининг қоziқда боғлиқ бўлганини кўрди-да, қиличини суғуриб, у билан ипни кесди.* Айний, Қуллар. | **Боғич. Тўннинг боғи. Ёстиқ жилдининг боғлари.**

2 Тўплаб, дасталаб белидан боғланган пичан, беда, похол, кўкат ва ш. к. *Бир боғ бугдой. Бир боғ сабзи.* — *Топган бир даста гул, топмаган бир боғ пиёз.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. *Қандай беда денг: боғи қучоққа сиғмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Оғзининг боғи қочди айн. оғзининг боғичи қочди қ. боғич.** Оғзининг боғини қочирган *Мараҳим .. яна кўп ёлгон-яшиқларни айтиб чарчади.* Ш. Ризо, Кор ёрди, излар босилди.

**БОҒБОН [ф-т] 1** Боғдорчилик мутахассиси.

2 Боғ ва ундаги мевали дарахтларга, ток ва гулларга қаровчи, уларни парвариш қилувчи мутахассис киши. *Кейин Крупская номидаги болалар боғчасига қаршили боққа боғбон қилиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Ёнлар.

3 айн. боғдор 1.

**БОҒБОНЛИК** боғбон с. касб оти. **БОҒ-БҮСТОН [ф-т], боғу бўстон 1** Яшнаган боғ; яшнаган боғлар, бўстонлар.

2 *кўчма* Гуллаб-яшнаган, сербоғ жой; боғистон. *Дўстлар, менинг юртимни Ўзбекистон дейдилар. Донғи тутган дунёни Боғу бўстон, дейдилар.* 3. Диев.

**БОҒДОР [ф-т] 1** от Боғ эгаси; боғбон. *Домладан кейин сўз олган бир киши Николайнинг вақтида боғдорларга, дўжондорларга қанча солиқ чиққанлиги .. тўғрисида узоқ сўзлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *сфт* Боққа, боғларга эга бўлган; боғлардан иборат бўлган. *Боғдор колхоз. Боғдор районлар.*

**БОҒДОРЛИК 1** боғдор 1 с. мавҳ. от. 2 айн. боғдорчилик. *Сув бўлмаган, боғдорлик ҳам бўлмади.* Айний, Қуллар.

**БОҒДОРЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг мевали ўсимликлар экиш, мевалар етиштириш иши билан шугулланувчи соҳаси. *Боғдорчиликни ривожлантириши. Боғдорчилик соҳаси.*

**БОҒИСТОН [ф-т]** Сербоғ жой; боғ-

лар ўлкаси, боғ-роғлар билан ободлашган жой. *Чирқиннинг ёқасини, Тошкентнинг воҳасини, Мен боғистон дегандим, Боғу бўстон дегандим.* Шайхзода.

**БОҒИЧ** Турли нарсаларнинг учма-уч қилиб ёки бекитиб боғлаш учун хизмат қиладиган қисми, боғи. *Яктақнинг боғичи. Ёстиқ жилдининг боғичлари.* — *Бўронбой ғилфнинг боғичини ечиб, дўторни созлади.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдир.

◆ **Оғзининг боғичи қочди 1)** оғзи катта очилди (хурсандликдан, ҳайратдан). *Иқбол деганда, ўша қишлоқ йиғитларининг қулоқлари динг бўлиб, оғиз боғичлари бир қарич қочади.* С. Абдулла, Иқбол; 2) гапга тушиб кетди.

**БОҒЛАМ** Тўплаб, дасталаб боғланган нарсаларнинг ҳар бир боғи, дастаси. *Бир боғлам пиёз. Бир боғлам шох.*

**БОҒЛАМОҚ 1** Боғ, туғун солиб уламоқ, пайваста қилмоқ; бириктириб туғмоқ. *Ипларнинг учини боғлаб узайтирмоқ. Ботинканинг ипни боғламоқ. Қойнинг оғзини боғламоқ.* — *Хотинлар боя отларнинг оёғига ёпишиб йиғлаганда, паранжи ичида келтиришган қорамтир чилвирни отларнинг оёғига боғлаб қўйишган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Арқон, занжир, ип ва ш. к. восятасида бириктириб ўз жойидан жилмайдиغان, нари кетмайдиغان қилиб қўймоқ (уй ҳайвонларини). *Қўйни боғлаб боқмоқ.* — *Бу ерда итни боғлаган, турмайди. Лекин, хўжайинларга бари бир.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *кўчма* Бирор ердан ёки кишидан айрилмайдиغان қилиб қўймоқ. *Тақдир уларни бир-бирига маҳкам боғлади.* — *Шарофат .. Сидиқжонни бу ерга боғлаган .. нарсани яхшилаб билмоқчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. **Ипсиз боғламоқ 1)** бирор мажбурият билан эркини олиб қўймоқ. [*Қудрат Мирзақулга:*] *Дехқонларни ипсиз боғламоқчилар денг! Уларни ерга боғлаб, қул қилмоқчилар денг! Н. Сафаров, Уйғониш; 2) дудмол гап, ваъда ва ш. к. билан мунтазир қилиб қўймоқ. Шу ерда туринг, ҳозир келаман, деб бизни ипсиз боғлаб кетди.*

3 Боғич ёки бирор бошқа нарса восятаси билан бириктирмоқ ёки тиркамоқ, осмоқ. *Аҳмаджоннинг орқасига боғлаб олган сумкасига, Филатовнинг елкасига мина парчаси теккан эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Иложид бўлса, мени от думига боғлаб, пойга қилсалар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

4 Чандиб, танғиб, қимирламайдиган, ҳаракатлана олмайдиغان қилмоқ. *Қаптарнинг қанотларини боғламоқ.* — *Ётган еридан тўтиб Олдилар боғлаб. Уч-тўрт таёқ урдилар Юз-кўзин чоғлаб.* Ғайратий. *Анварни кўрсангиз .. ҳеч насага қарамай, қўлини боғлангиз!* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

5 Тўплаб, дасталаб белидан боғ солмоқ, боғ солиб туғмоқ, дасталамоқ.

*Пичан боғламоқ. Пиёз боғламоқ. Супурги боғламоқ* супурги ясамоқ. [*Йўлчи*] *саватни анҳор бўйида супурги боғлаб ўтирган бир кишига омонат ташлаб, бозирга ғизиллади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Ұраб танғимоқ, ўрамоқ, тақмоқ. *Рўмол боғламоқ. Қамар боғламоқ. Галстук боғламоқ.* — *Юсуфбек ҳожи бошида оқ дўпписи ва зеида оқ олача тўни .. устидан белини боғлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жувон ўшиқдан кириши билан буларни кўриб бир тўхтадию, дуррасини қайта боғлаб, тўғри супа томонга келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

7 Оғриқ ерни сақлаш, даволаш мақсадида дори-дармон қўйиб ёки шундайлигича ўраб, чандиб, танғиб қўймоқ. *Ярани бинт билан боғламоқ.* — *У бирор ҳафта касалхонада ётиб чиққандан кейин, бир неча кун лунжсини боғлаб юрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

8 *кўчма* Йўл-йўриқ кўрсатиб, ёрдам бериб туриш учун бириктирмоқ, бириктириб қўймоқ. *Бошқарма бизга кекса ишчилардан боғлаб қўйди.* А. Мухтор, Туғилиш. [*Давронов*] .. зоотехникни ҳам пахтага боғлаб қўйди. И. Раҳим, Ихлос.

9 Бўғиб, тўсиб, кераклик томонга йўналтирмоқ (суви). *Экинларга сув боғламоқ.* — *Қатта ариқ сувидан боғлаб олинг колхозлар; Магазинга мол келди, танлаб олинг колхозлар.* «Қўшиқлар».

10 Ұзида бирор нарса пайдо қилмоқ; йиғмоқ, тўпламоқ. *Яра фасод боғлади.* — *Баркашда шарбат боғлаб кетган анжир, олтин сингари ҳусайни узум ва шафтоли бор эди.* Н. Сафаров, Водилик қаҳрамон. **Шира боғламоқ қ. шира 1 5.** Ёғ боғламоқ семирмоқ. **Тўр боғламоқ** тўрламоқ (қовун, хандалак ҳақнда).

11 *кўчма* Ҳузвий равишда бирлаштирмоқ, бирга қўшмоқ, уламоқ. *Таълим-тарбия ишларини ҳаёт билан боғламоқ.* — *Элмуродда янги бир фикр — Коммунистлар партияси сафига ўтishi ва шу партия ҳаёти билан ўз ҳаётини чамбарчас боғлаш фикри туғилди.* П. Турсун, Уқитувчи.

12 Алоқа, муносабат ўрнатмоқ. *Бошланғич партия ташкилоти ишчилар, дехқонлар ва интеллигентлар оmmasини партиянинг раҳбар органлари билан боғлайди.* «КПСС Устави». | Ҳузвий боғланиш, муносабат асосида бир-бирига қўшмоқ, уламоқ, бириктирмоқ. *Икки фикрни ўзаро боғламоқ. Сўзларни боғлаб гап тузмоқ.* — *Чол асл мақсадини унутиб, анча гапларни айтиб юборганини ўзи ҳам сезиб қолди-да, сўзининг охирини яна эчкига боғлади.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Алоқа боғламоқ қ. алоқа.**

◆ **Бел боғламоқ қ. бел.** Бошини боғламоқ қ. бош. **Муҳаббат боғламоқ** муҳаббат қўймоқ, севиб қолмоқ. **Умид боғламоқ қ. умид 1.** Тилини боғламоқ тилини дол қилмоқ. *Лафозат-шу пайт-гача тилини боғлаб-турган аллақан-*

дай кучна енгиб, тез гапира бошлади. О. Ёқубов, Мирзатерак. **Қанот боғламоқ** ўзида гўё қанот пайдо қилмоқ, бирор жойга учиб боргудай бўлмоқ. *Ховлидаги .. дастурхон теварғида текин овқат топилган жойга қанот боғлаб учиб борадиган Загчақўз домла, Тожибой, оқсоқол ўтирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўл боғламоқ** қўл қовуштирмоқ (таъзим, салом белгиси). *Қўрғон устида ясов торган қаҳрамонлар қўл боғлаб .. таъзим билан Азизбекни илгарига ўтказиб бошладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОҒЛАНИШ I боғланмоқ** *фл. иш оти.*  
2 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа. *Ўзвий боғланиши. Манчқий боғланиши. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши.* — У [Мирзакаримайбой] йўлнинг қишлоқдан қайтиб, бирдан ғойиб бўлиши билан ўзининг Гулморга уйланиши ўртасида бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил этган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОҒЛАНМОҚ I боғламоқ** 1—9, 11, 12 *фл. мажҳ. н. Белгига қўш белбоғ боғланган.* — Бир неча киши қўл-оёғи боғланган Оқилхонўрани судраб олиб кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Йўлчи билан Петров] чин дўстлик билан боғландилар. Ойбек, Қутлуғ қон. **Боғланган қўшма гап** *грам. тенг ҳуқуқли содда гаплардан тузилган қўшма гап.*

2 **боғламоқ** 1, 2, 11, 12 *фл. ўзл. н. Ишнинг учи боғланиб қолибди. Улар бир-бирига боғланиб қолган. Юқори иборалар билан боғланмоқ.*

◆ **Қўли боғланиб қолди** 1) қўли банд бўлиб қолди; 2) қўли бекор қолди, иш қилолмай қолди. *Қосиб чоршанба кун бозор қилмаса, бир ҳафтагача қўли боғланиб қолади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОҒЛАТМОҚ** **боғламоқ** 1—7, 9 *фл. орт. н. Ярани боғлатмоқ.*

**БОҒЛАШМОҚ** **боғламоқ** 1—9, 11, 12 *фл. бирг. н.*

◆ **Бас боғлашмоқ** *қ. бас II.*

**БОҒЛАҒИЧ:** кўз боғлағи *с. т. эск. кўз боғловчи, фокусчи.*

**БОҒЛИ I** Боғи, боғчаси бўлган, боғроғли. *Боғли колхоз — ёғли колхоз.* Мақол.

**БОҒЛИ II** Боғи, боғичи бўлган. *Боғли тўн.*

**БОҒЛИҚ I I** Боғлаб қўйилган, боғланган, боғлоғлиқ. *Боғлиқ от. Хунарсининг қўли боғлиқ.* Мақол.

2 Бирор жиҳатдан, мас. тобелик ёки алоқадорлик муносабати билан ўзвий равишда боғланган; алоқадор. *Бир-бирига боғлиқ масалалар. Бу сизга боғлиқ иш. Боланинг ким бўлиб чиқиши тарбияга боғлиқ.* — Гулнор мандан бошқани танимайди, — гурур билан дўстига қараб гапирди Йўлчи, — лекин у, албатта бир қиз: دادасининг ихтиёрига боғлиқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БОҒЛИҚ II** Арава гилдирагининг тўғин учларини бириктириб тутиб турадиган қўшалоқ кегайи.

**БОҒЛИҚ III** Шох-шабба, беда, бугдой, шולי каби чочиқ нарсаларни йиғиб боғлаш учун ўша нарсаларнинг ўзидан ёки новда, похол кабилардан эшилган боғ; белбоғ.

**БОҒЛИҚЛИК** **боғлиқ I с. белги оти.** *Ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги.*

**БОҒЛОВЧИ I** **боғламоқ** 1—9, 11, 12 *фл. иш оти. Беда боғловчи.* || *Боғловчи эвено. Боғловчи модда.*

2 *грам.* Гап бўлақларини ва гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз. *Уюшиқ бўлақлар орасига вергул ёки ва, ҳам, ҳамда сингари боғловчилардан бири қўйилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**БОҒЛОҒЛИК** **Боғлаб қўйилган, боғланган, боғлиқ. Боғлоғлик от.**

**БОҒ-РОҒ, боғу роғ** *Ҳар хил мевазор, токзор, гулзор боғ, майдон, парк ва ш. к. [Холжон хола:] Тоғлар ошди, сув кечди, кўп боғ-роғларга кириб чиқди, эридан дарак топмади.* Ғайратий, Довдираш. *Ойжон! Дадам билан албатта келинг. Бизнинг ўзимиз яратган шаҳарни, боғ-роғларимизни кўринг.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**БОҒЧА I** Кичкина боғ. *Ховлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган таълим-тарбия ўчоғи. *Мен Марусяга тайинлаб қўйдим, эртадан бошлаб [болани] боғчага бер.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Болалар боғчаси** *айн. боғча 2.*

**БРАК** [*р<нем*] Ишлаб чиқаришда яроқсиз деб топилган, сифатсиз маҳсулот; умуман яроқсиз нарса, чиқит иш. *Брак ишша. Брак деталь. Брак мол. Брак қилмоқ. Бракка чиқармоқ.* — Ишнинг брак бўлганини кўрган *Нормурод жаҳли чиқиб, Ҳамдамфўрмага қараб: — Сен ишни бузаян демедимми? — деди.* Айний, Қуллар.

**БРАКОВКА** [*р*] Ишлаб чиқариш корхоналарида: сифатли ва брак маҳсулотни ажратishi, саралаш.

**БРАКОВКАЧИ** Сифатли ва брак молларни ажратувчи, браковка қилувчи мутахассис.

**БРАКЧИ** Ишни сифатсиз бажарган, брак маҳсулот ишлаб чиқарган ишчи.

**БРАКЧИЛИК** Ишни сифатсиз бажариш, брак маҳсулот ишлаб чиқариш.

**БРАСС** [*р<фр*] *спорт.* Иккала қўлни ҳам сувдан чиқармай қурбақачасига сузиш услуби.

**БРАУНИНГ** [*р*] Автоматик тўшпончанинг бир тури.

**БРЕЗЕНТ** [*р<голл*] Сув ўтказмайди-ган канопо мата. *Пахта ғарми устига ёпилган брезент.* || *Брезент кана. Брезент этик.*

**БРИГАДА** [*р<фр*] I Бир неча полк, батальон ёки дивизиондан, денгиз флотидан эса бир неча турдачи ҳарбий кема-лардан иборат ҳарбий қўшилма. *Танкчилар бригадаси. Бригада қўмондонни.*

2 Мехнатнинг муайян бир турини бажариш учун тузилган коллектив. *Пахтакор колхоз бригадаси. Коммунистик меҳнат бригадаси. Бригада бошлиғи.*

3 *с. т.* Бригада бошлиғи; бригадир. *Қимсаной бўлганда ҳозир бригада бўлар эди. Ғайратли, ориятли жувон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БРИГАДИР** [*р*] Ишлаб чиқариш бригадасининг бошлиғи. *Комиссия .. ҳамма эвено бошлиқлари, бригадирлар ва бир мунча колхозчилар билан суҳбат қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БРИГАДИРЛИК** *бригадир с. мавз. от.* *Бригадирлик қилмоқ. Бригадирликка сайламоқ.*

**БРИКЕТ** [*р<фр*] Фишт шаклида прессланган нарса. *Кунжара брикети. Кўмир брикети.*

**БРИКЕТЛАМОҚ** *Пресслаб брикет ҳолига келтирмоқ. Торфни брикетламоқ. Брикетлаш фабрикаси. Шарфун кўмирини брикетлаш технологияси ишлаб чиқилди.*

**БРИЛЬЯНТ** [*р<фр*] Тарашланган ва сайқал берилган олмос. *Брильянт кўзли узук.*

**БРИНЗА** [*р* брынза] Қўй сутидан тайёрланган сир, пишлоқ. *Азолининг сир, ёғ, қатиқ, бринза, сузма каби озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондиришда анчагина ютуқларга эришадирмиз.* «С. Ўзбекистон», 1965, 21 сентябрь. *Терар жирини кув ҳам сепара. Бринзам бозорга бўлур рўпара.* С. Абдулла.

**БРИЧКА** [*р*] Тўрт гилдиракли узун арава. *Ўрмонда тўртта бричка турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БРОМ** [*р<грек*] I Химиявий элемент, тўқ қизил, қўланса суяқлик.

2 Таркибда шу элемент бирикмалари бўлган дори.

**БРОНЕАВТОМОБИЛЬ** [*р*] *айн. броневик.*

**БРОНЕВИК** [*р*] Бронланган, зирх билан қопланган ҳарбий автомобиль. *Атрофи қизил алвонлар билан безатилган броневик устида Ленин бобо кўрди.* Ғайратий.

**БРОНЕНОС** [*р* броненосец] 19 аср охири ва 20 аср бошларида — бронланган, зирх билан қопланган катта ҳарбий кема.

**БРОНЕНОСЕЦ** [*р*] *қ. броненос.*

**БРОНЕПӨЕЗД** [*р*] Бронланган, зирх билан қопланган ҳарбий поезд.

**БРОНЕТРАНСПОРТЁР** [*р*] Моторлаштирилган ўқчи қисмларни ташиш ва жанг олиб боришга мосланган зирх билан қопланган ҳарбий машина.

**БРОНЗА** [*р<фр*] I Миснинг кўрғошин, қалай ва алюминий билан қотишмаси. *Бронза ишлаб чиқариш.* || *Бронза подишпник.*

2 Шу қотишмадан ясалган меъморчилик асари.

◆ **Бронза даври** (ёки асри) моддий маданият тарихида ҳали темир номаълум бўлган, ҳар хил буюмлар бронзадан ясалган давр.



**БРОНЗАЛАМОҚ** Бронза билан қошламоқ, бронза югуртириб беэмоқ.

**БРОНЗАЛАНМОҚ** бронзаламоқ *фл. мажх. н.* Бронзаланган ҳайкал.

**БРОНЛАМОҚ** I Бронь, зирх билан қошламоқ, зирхламоқ.

**БРОНЛАМОҚ** II Бирор кимса ёки нарса учун атаб, банд қилиб қўймоқ. Вагонда иккита ўринни бронламоқ.

**БРОНЛАНМОҚ** I бронламоқ I *фл. мажх. н.* Бронланган машина.

**БРОНЛАНМОҚ** II бронламоқ II *фл. мажх. н.* Бронланган ўрин.

**БРОНЛИ** Бронь билан қопланган, бронланган; зирхли. *Бронли автомобил.*

**БРОНЬ** I [p] Ҳарбий кема, танк ва ш. к.нинг ўқ ўтмайдиган қалин пўлат ниқоби, қошламаси; зирх.

**БРОНЬ** II [p] Махсус ажратилган нарсалардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. *Бронь бўйича поезда билет оломоқ.*

**БРОНЬТЕШАР** Бронни, зирхни тешиб ўтадиган. *Броньтешар ўқ, Броньтешар тўп.* || *Броньтешарлар нишанга олиб, энди ўқ узоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БРОШЮРА** [p<фр] Кичик китоб, китобча; рисола.

**БРУС** [p] *тех.* Чорқирра ёки бошқа бирор шаклдаги узун металл, ёғоч ва ш. к. таёқча, ходача.

◆ **Параллел брус спорт.** иккита параллел ёғоч бўлган спорт асбоби.

**БРУТТО** [p<итал] Молнинг, товарнинг идиши, қопи билан биргаликдаги оғирлиги; *акси нетто.*

**БРУЦЕЛЛЁЗ** [p<ингл] *мед.* Уй ҳайвонларида бўладиган ва уларнинг сuti, гўшти, қони орқали одамга ҳам юқадиган оғир касаллик.

**БУ** I (ж. к. бунга, ў. н. к. бунда, ч. к. бундан) *кўрс. олми* I Сўзловчига яқин, унинг кўз ўнгидаги, олдидаги, ёнидаги ёки қўлидаги нарсани, кимсани билдириб келади. *Бу киши — бизнинг ўқитувчимиз. Бу — колхоз идораси.* — Сан ўғлимсан, — Йўлчига меҳр билан тикилди чол, — бу ожиза — қизим. Ойбек, Қутлуғ қон. — *Бу Мадаминхўжанинг пахтаси, — деди чол, йигит қараб турган томонни кўрсатиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

*Бу отларнинг ичида ювошироғи қайси?* А. Қаҳҳор, Хотинлар. | Қарама-қарши икки нарсадан бирини кўрсатиш учун хизмат қилади. *Кўнанинг бу бетидеги уй. Дарёнинг у бетидан бу бетига сузиб ўтмоқ.* | Чоғиштирилади-ган икки нарса, кимса, воқеа, ходиса ва ш. к.дан бирини кўрсатиш учун хизмат қилади. *У бошқа, бу бошқа. Ундан бу яхши.* | Сўз бораётган пайтнинг ёки унга яқин вақтни билдириб келади. *Бу йил ёз ўтган йилдагидек иссиқ келди.* — *Фазлиддин бу кеча хурсанд эди. Ҳар тўғрида сўзлар, кулар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бу кунларда Сидиқжон нақадар хурсанд бўлса,*

*Қанизак шу қадар хафа эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *У [она] .. то сўнги нафасигача меҳнат, машаққат азоб ичида кеириган бу дунёдан кўзларини юмгунча уни, Йўлчини эслагандир.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бу ўртада** 1) яқин афрофда. *Бу ўртада магазин йўқми?* 2) бирор иш ёки вақт давомида. *Энди сотишга ҳеч нарсам қолмасан эди. Бу ўртада дадам қазо қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Умуман айтиб ўтилган ёки кўзда тутилган нарса, кимса, воқеа, ходиса ва ш. к.ни кўрсатиш, шуларга ишора қилиш учун хизмат этади. *Бу воқеа ўтган йили бўлиб ўтган эди.* — *Ота, — деди Салим жеркиб, — бу нарса кўпга келган тўй.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Деворий соат бирга занг урди. Ўрмонжон, бу соатнинг тўғрилигига шубҳаланди шекилли, ўз соатига қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || *Булар талай ерғача эмаклаб, талай ерғача ер бағирлаб боргандан сўнг, бутазорга киришди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ **У эмас, бу эмас кири с. авваламбор;** иш, гап, масала бутунлай бошқа ёқда. *У эмас, бу эмас, айб ўзингда. У ёқдан кириб, бу ёқдан чиқмоқ* ишни наридан-бери, чалакам-чагги бажармоқ, чала-чулпа қилиб кетмоқ. **Бунинг устига устига устак,** бори етмагандек. — *Раҳматли эрим мардикор эди, — деди кампир, — ёзда топгани қишга етмас эди. Бунинг устига дардга чалиниб, эртароқ ишдан чиқиб қолди. Уни боқдим.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Ундан-бундан** 1) ҳар кимдан; ҳар нарсадан. *Ундан-бундан сўраб билмоқ;* 2) ҳар тўғрида. *Ундан-бундан гаплашиб ўтирмоқ. Уни қўй, бунни қўй* бошқасини қўятур. *Уни қўй, бунни қўй, қачон йўлга чиқамиз.*

**БУ** II юкл. Гапдаги маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. *Бу дейман, ишлар йирик эканда!*

**БУВА** с. т. Бобо. *Буvasи иш қилса, Нигора кўмаклашар, «Оҳ, оҳ, эрмак-кинам, дастёргинам!»*, — деб хурсанд бўларди буvasи. С. Анорбоев, Оқсой. — *Тақсир, — деди Алим бува, қовоғини солиб, — кулган яхши-ю, леки(ги)н билиб кулган яхши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУВАДЕХҚОН** Кекса, тажрибақор деҳқон. Районга сводкани юборибоқ ўчоққа олов ёқтирибсиз-да, Фармонқул ака, бувадеҳқонники бехато чиқаверади, деб ўйлагандирсиз-да. С. Махкамов, Шогирд.

**БУВАК** *диал.* Янги туғилган бола, чақалоқ. — *Нима бўлди, айтсангиз-чи? — деди Салтонбу, кўкрагига зулукдек ёпишиб олиб эмиб ётган ориқ, захил, оёқлари ингичка, қорни катта бувагини тиззасига ўтказиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУВАКИ** Узумнинг бир нави. *Буваки узум.*

**БУВИ** I с. т. Биби. *Набиралар халтадаги қурут эканини эшитиб, кампирнинг оёғи остида ўрмалашди ва:*

*«Менга битта, буви!», «Менга анча беринг, буви!» — деб қий-чув кўтаришди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Иккинчиси етмишлардан ўтган бир кампир, Офтоб ойининг онаси Ойша буви.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *диал.* Она, ойи. — *Йиғламанг, буви, худонинг иродаси, — деди Ғулможон, — бундай гаплар онасининг қалбига малҳам бўлмаслигини билса ҳам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУВИШ** с. т. Бибиш. *Албатта оламан Нигор бувишини.* «Нигор ва Замон».

**БУГУН** [асли бу + кун] I *рви* Сўз бораётган пайтда кечирилаётган ёки кечирилган кун, кеча-кундуз. *Москвадан бугун келдим. Бугун вақтим йўқ. Эртаги ишга бугун режа туз.* Мақол. — *Кеча гупилаб қор ташлади, бугун унинг қора соғуғи ҳамма ёқни қамраб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Нима бўлди сизга, қайёққа борасиз? — Марғилона. — Бугун кеч бўлиб қолди, эртага кетарсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ҳозир, энди, эндиликда. *Ахир, бир кимсасиз етимдан бугун шундай одам бўлсам-у, бошим кўкка етмасинми?! П. Турсун, Ўқитувчи. Бугун эмас, эрта ёки бугун бўлмаса, эрта(га) яқин фурсатда, тез орада, ҳа демай. Мана шуларни [душман, тайёргарлигини] назарга олганда, бугун бўлмаса, эртага жуда даҳшатли жанг бошланиши, муқаррар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *от вазифасида* Ҳозирги пайт, ҳозирги кун. *Бугунимиз жуда яхши, эртამиз бундан ҳам яхши бўлади. Бугунни ўйлама, эртани ўйла.* Мақол.

**БУГУНГИ** I Сўз бораётган кунни содир бўлган, юз берган, юзага келган ёки шу кунни бўладиган. *Бугунги газета. Бугунги машғулот. Бугунги ишни эртага қўйма.* Мақол.

2 Ҳозирги пайтдаги, ҳозирги кундаги, ҳозирги. *Бугунги вазифалар.* — *Йиллар, кўп йиллар давомида у [Юсуфжон қизик] бугунги авлоднинг ўшашига тўсқинлик қилаётган жирканч яшмиш қолдиқларини кулги билан фош этади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**БУГУНЧА** *рви* Шу бир кунга, бир кунчалик. *Бугунча китоб менда қолақолсин.* — *Оғриқ туюа бугунча дам бериб, кейин келадиган карвонларга қўйишлиб кетиш учун булоқ бўйида қолдик, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУГУН-ЭРТА** *рви* Эртага; яқин фурсатда, тез орада. *Ўғлимиз бугун-эрта келиб қолади.* — *Бу йилги қиш бугун-эрта бўлмас адо шекилли.* Ғ. Ғулум.

**БУДДО** [ҳинд], **буддо дини** Эраимиздан олдинги 6 аср охирларида Шимолий Ҳиндистонда юзага келган ва Ҳиндистонда, Тибетда, Монголияда, Хитой, Бирма ва баъзи бошқа шарқ мамлакатларида кең тарқалган динлардан бири.

**БУДИЛЬНИК** [p] Керак вақтда жинглаб вақт билдирадиган махсус соат. *Тонг оқарди ... Деразада қуёш тиғи.*



Жарангади Жабборвойнинг будильниги. Т. Тўла.

**БУДКА** [р] 1 Кичкина қоровулхона. Шлагбаум биринчи кунёқ йўл устига қуриб битказилди, ёнига будка ўрнатилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кичкина дўконча. Саудий будкадан бу журнални олиб, жуда севинди. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Суфлёр будкаси** сахнада суфлёр ўтирадиган чуқур жой.

**БУДКАЧИ** с. т. Будкада ишловчи савдо ходими. Будкачи Саудийга шу бугун олинган бир журнални тақдим қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БУД(У)-ШУД** [ф-т] Кишининг ихтиёридаги, бисотидаги бор нарсаси, бор-йўғи, бойлиги. Уша вақтларда расм бўлган бўлмағур одатларни — етти, йигирма, қирқ оши, ифторлик, ҳайит, йил ошини қиламан деб будушудларидан айрилдилар. М. Осим, Уттор.

**БУЁН** кўм. (ч. к. билан) Бери; бошлаб. Янги йилдан буён. Кечадан буён. Бундан буён. Қўпдан буён. — **Партия мажлисидан буён** бир суткадан ортиқроқ вақт ўтди. М. Муҳамедов, Қаҳҳордан изидан. Эсини танигандан буён хаста бўлмаган, табиб бетини кўрмаган Йўлчи табиблар, дорилар тўғрисида ақлга сиғадиган бир тадбир кўрсатиб, бечорани қаноатлантиришдан ожиз эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БУЁҚ** I кўм. (ч. к. билан) Буён, бери; бошлаб. Бундан буёқ. Қўпдан буёқ. — **Ҳа,** — деди Элмурод. — Бундан буёқ мана биз сизлар билан. Билганларимизни отамлаша берамиз. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БУЁҚ** II (тўғриси бу ёқ) қ. ёқ.

**БУЖМАЙМОҚ** I Совуқдан ёки безгак ва ш. к.дан қунишмоқ, жунжиб букчаймоқ. Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, эғни юпун бўлганидан, оёқларининг жонсизланганини, гавдасининг бужмайганини сездди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қовжираб бурушмоқ, қурушмоқ. Барглар бужмайиб қолибди. — **Ана у [Холбўта] скамейкада хаёл паршон ўтирибди. Юз суяклари бўртган. Дўрдоқ лаблари узум пўстлогидек бужмайган.** М. Назаров, Сирли хат.

3 Фижмалак бўлиб, буришиб-тиришиб қолмоқ, фижимланмоқ. Маҳсим бужмайиб қолибди.

4 Ажин босиб буришмоқ, тиришмоқ. [Ерматнинг] кўз ёшлари ҳасратдан бужмайган юзларидан ва соқолларидан мўл-мўл оқверди. Ойбек, Қутлуғ қон. Она бир зум бўшашиди, кўзлари пир-пир ўнди, этсиз, кичик юзи аламдан бужмайиб кетди. Ойбек, Нур қидириб.

**БУЖМАЙТИРМОҚ** бужмаймоқ фл. орт. н. Гаржсел баргларни бужмайтириб кетди. — **Эраги башарасини бужмайтириб, мазоҳ қилди.** А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**БУЖУН** Қайрағочнинг бир тури (унинг қаттиқ, ёғочидан арава гўпчаги,

ғилдирағи ясалади). Каттақон бужун остидаги қизил дарвозадан .. чиққан бир мўйсафид қоматини растлаб, буларга бир қаради-да, юзрангича кибриб кетди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**БУЖУР** I Ажин босган, бурушиқ; чўтир. Бужур кампир. — **Темиртош ҳар вақт кўзини юмганда... юзлари бужур отасининг чўчки ураётганини кўринарди.** М. Осим, Уттор. | Шундай юзли одам. — **Соли бужур ҳам бир ярим оилар йўқолиб кетиб, Самад акамдан қаноатланарли бир хабар келтира олмади,** — деди Пўлат. Файратий, Ёшлигимсиз.

2 Ғадир-будур, ўйдим-чуқур, кирди-чиқди. Боболарим юрти бужур Қоратог, Олма тўқайларинг имлаши созди. Миртемир.

**БУЖҒУН** Писта дарахтининг мағиз қилмай бужмайиб қолган меваси (халқ медицинасида ва бўёқчиликда ишлатилади). Табиб қўй жигарини ҳам қабоб қилиб бужғун селиб енг деган экан, бир-икки қилибди, лекин дарди ишфо топмабди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУЗДИРМОҚ** бузмоқ 1—3, 5—10 фл. орт. н. Уйни буздирмақ. Бедани буздириб пахта экмоқ. — **Ариқни буздириб нима қилмоқчисиз?** Н. Сафаров, Уйғонини. — **Тўйни шартта буздиридим,** — деди Қомила. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУЗИ** Эчки терисидан тайёрланган чарм, шевро. Бир маҳсили бузи. || Бузи маҳси. — **Буни сотиб, бузи, чарм, ип, сирач, мум сингари қосибчилик учун керакли ашёлар олади.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**БУЗИЛИШ** I бузилмоқ фл. иш оти. Ёзда ғўштнинг бузилиши осон. — **Оилада осойишталикнинг бузилишига, ғурбат бошлиганига мана шу сабаб бўлди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 кўчма Тушқунлик ҳолати, тушқунлик. Мағнавий бузилши.

3 Издан чиқиш, барбодлик ҳолати, барбодлик. Бу масалага икковимизнинг ҳам жиноятқорона совуқ қарашимиз орқасига қатор чиришлар, бузилишлар, қўпоришлар юз бердими? А. Қаҳҳор, Нутқ.

**БУЗИЛМАС** Сира ҳам бузилмайдиган, мустаҳкам. СССР халқларининг бузилмас дўстлиги.

**БУЗИЛМОҚ** I бузмоқ 1—3, 5—10 фл. мажҳ. н. Кўприк бузилди. Уйинчоқ бузилди. Бедария бузилди.

2 бузмоқ фл. ўзл. н. Юзингдан бузилгур! (қарғ.). Бузилган ишни ботир тузар. Мақола. — **Ҳозиргина бир гапириб, икки қўлиб ўтирган Фармонкул аканинг авзойи бузилди.** С. Маҳкамов, Шогирд. **Тахи бузилмаган** кийилмаган, тутилмаган, яп-янги (кийим, ўрин-бош ва ш. к. ҳақида). Тахи бузилмаган шим.

**БУЗИЛУВЧАН** Тез бузиладиган. Бузилувчан озиқ-овқатлар.

**БУЗМОҚ** I Парчалаб ёки қўпориб, ағдариб йўқ қилмоқ, олиб, кўтариб

ташламоқ. Деворни бузмоқ. Уйни бузмоқ. Кўприкни бузмоқ. | Вайрон қилмоқ, емирмоқ. Эшакка муғуз битса, эғасини сузади, туяга қанот битса, томинини бузади. Мақола. — **Маили, Аму билганин қилсин, Ўстаганча бузсин, емирсин.** Э. Раҳим, Янги қадам. Қисмларимиз шундай илдатли зарбалар берар, шундай қисиб-борар эдики, душман йўлларни бузгани, кўприкларни портлатгани улгурмас, кўп жойларда яроқ-аслаҳасини ташлаб қочар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Парчалаб ёки бирор шикаст етказиб ишдан чиқармоқ, ишламайдиган ёки яроқсиз ҳолга келтирмақ. Уйинчоқни бузаб қўйибсан. — **Бир нарсанингни бузиб қўйдим, айтсам уришмайсибми?** А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. [Дадавой Хадичага:] **Соат меники. Бузидиган ҳам ўзим, тузатадиган ҳам ўзим.** Уйғун, Навбахор. [Абдурахмонбой:] **Жайноқ, қўлфни бузма, яхшилик кўрмайсан.** Н. Сафаров, Шарқ тоғи. | Ўзгартириб бирор бошқа мақсадда фойдаланиш ёки бошқа нарса қилиш учун мосламоқ. Бедани бузиб пахта экмоқ. Палтони бизиб костюм қилмоқ. — **Мана, канал битди, мана бу тўқайларни бузиб янги ер очаётимиз.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Уйда бир эски гиламча бор эди, шунини бузиб яна бир хуржун қилиб олар эдим.** Миртемир.

2 кўчма Емирмоқ, ағдармоқ, йўқ қилмоқ. Тақсир, сиз менинг мактабимни бузмадигансиз, бу ерга одам бўлармикиман, илм олармикиман деб инсоний ният билан келган матсумларнинг кўнглини буздингиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Раҳна солмоқ; барбод ёки поймол қилмоқ. Битган ишни бузмоқ. Азди бузмоқ. — **Бўрон режаларимизни бузолмайди, тақдиримиз ҳам бўроннинг қўлида эмас.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Қосимжон тўхматчиларга:] **Э турмуш қўзғунлари, бир янги турмуш қурган оиланинг турмушини бузмоқ учун қандай ҳиллалар қилгансиз!** Ҳамза, Тухматчилар жазоси. | Бирор нарсага хилоф иш қилмоқ, риюа, амал қилмаслик. Қонунни бузмоқ. Интизомни бузмоқ. Тартибни бузмоқ. — **Сен, раис, умумий йиғилиш қарорини бузма, ўзбошимчилик қилма, ҳа, ёмон оқибатларга олиб келади.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Зарарли таъсир кўрсатиб ишнини, ишлашни ёмонлаштирмақ, айнитмоқ. Ёғли овқат меъдани бузади.

5 Мавжуд вазиятни, ҳолатни, кайфиятни ўзгартирмақ, унга ҳалал бермоқ. Тинчликни бузмоқ. Сухбатни бузмоқ. — **Бир зум чўзилган сукутни Салимбойвачча бузди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Беғам, беташиши дўстлар ишини уйқуда эдилар.** Элмурод уларнинг уйқусини бузмаслик учун аста қаравоти ёнига борди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Хаёлни бузмоқ** хаёлни бўлмақ, сочмоқ. **Фақат ошхонадан чиқиб келаятган келиннинг саломигина унинг ха-**

ёлини бузди. Ойдин, Дундикдан ҳам ёш экан.

6 Ҳақиқатдагидан бошқача қилиб юбормоқ. *Ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ. Сўзни бузиб ёзмоқ. Фикрни бузиб талқин қилмоқ.* — *Мезбон қани, Тешабод?* — *деди у, рус тилини немисларга хос бир талаффуз билан бузиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 Уддасидан чиқа олмай ёмон ёки яроқсиз қилиб қўймоқ. *Ошини бузиб қўйибсиз. Суратни бузиб қўйибсиз.*

8 Ахлоқини, феъл-атворини ёмон томонга ўзгартирмоқ, ёмон йўлга солмоқ. *Қишининг зари кишини бузар, зарни кўрган — занжирни узар.* Мақол. — *Шунақанги жой одамни жа бузади-да,* — *деди Холдор Сангин билан Жуманнинг қизлар ҳақидаги гапига лўжа солиб.* А. Мухтор, Тугилиш.

9 Ёмоқлаштирмоқ, чатоқлаштирмоқ. *Муносабатларни бузмоқ. Орани бузмоқ.* | Фулув солмоқ, орани бузмоқ, алғов-далғов қилмоқ. *Яхши ўғил юрт тузар, ёмон ўғил юрт бузар.* Мақол.

10 Фойдалана бошламоқ (яхлит ёки янги нарсалардан). *Пулни бузмоқ. Бочкадаги ёғни бузмоқ. Таҳинни бузмоқ* қийилмаган кийим, тугилмаган ўринбош ва ш. к.дан фойдалана бошламоқ.

◆ **Гўштни бузмоқ** бутун молнинг гўштини бўлақларга бўлмоқ, бурдаламоқ. **Кўнгилни бузмоқ** 1) кўнгилни вайрон қилмоқ, дилини оғритмоқ; 2) бошқа хаёлга келмоқ, умидсизланмоқ. *Умидини узма, кўнгилини бузма.* Мақол. **Оламни (ёки дунёни) бузмоқ** атрофни ларзага солмоқ, бошга кўтармоқ. *Ичкарида хотинлар мажлиси: ...бирова ёр-ёр ўқиб, тагин биттасининг қувончи ичига сиғмай хахолоб дунёни бузади, хуллас, бағ-буғ етти қат кўкдан ошади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Базилар борки, қилар ишининг тайини йўқ, даъвоси оламни бузади.* Х. Назир, Ўтлар туташганда. **Хусн бузмоқ** хуснига мос тўшмай кўзга ёмон қилиб кўрсатмоқ. *Энди унинг хаёлини банд қилган нарса қишлоқнинг хуснини бузиб турган эски гўристонни кўчириш мўаммоси эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БУЗОҚ** Сигирнинг боласи. *Ола бузоқ. Яхши бузоқ икки онани эмади.* Мақол. *Тиррақи бузоқ подани бўлгатади.* Мақол. — *Пададан адашган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошини тикаверасанми?* Ойбек, Қутлуг қон. *Гарчи бирмунча дағалроқ бўлса ҳам, ўзбекчада «бўладиган бузоқнинг турқидан маълул» деган бир мақол бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ **Амманнинг бузоғи** қ. амма. Бузоқнинг югургани сомонхонагача қўли қисқа одам югургани билан ҳеч нарса қилмайди, деган маънода ишлатилган мақол. *Қўлингиздан келганини қиласиз, бек, аммо нутуманги, бузоқнинг югурани сомонхонагача.* Х. Ғулом, Машъал. **Номаъкул бузоқнинг гўштини ебсиз** номаъкул айтибсиз, номаъкул қилибсиз каби маъноларда ишлатиладиган ибора.—*Но-*

*маъкул бузоқнинг гўштини бир едик-да,* — *деди Берди татар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БУЗОҚБОШ(И)** Тиллақўнғизнинг тухумидан чиққан қурти.

**БУЗОҚХОНА** Бузоқлар турадиган оғилхона.

**БУЗРУК** [ф-т бузург] 1 эск. кт. Катта, улуг. *Вазири бузрук Ислохмўжа катта ишлар бошлаб юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 дин. Азиз, авлиё.— *Бузрукдан сўрайдиган тиллақўнғиз бор эканда,* — *деди уста Олим ва кулди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 ҳазил Туянинг лақаби.

4 (Б — катта) Шашмақом система-сидаги биринчи мақом номи (қ. шашмақом).

**БУЗРУКВОР** [ф-т] эск. кт. 1 Улуғ, катта.— *Умидимиз фақатгина бир бузруквор инсонда,* — *деди Абдулоҳид ёстиқдан бош узиб, ингичка белига қўлларини тиради.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Улуғ хурматга лойиқ, муҳтарам. **Падари бузруквор** улуг хурматга лойиқ, муҳтарам ота. *«Шунча йил таълим берган устозинга қуруқ борасанми», — дедилар падари бузрукворимиз.* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма.

3 дин. Азиз, авлиё.

**БУЗУК** 1 Бузилиб яроқсиз холга келган, ишдан чиққан. *Бузуқ арава. Бузуқ машина. Бузуқ кўприк.* — *Турдиев бузуқ девордан ўтаётганда яра қўлини уриб олди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Айниган, ишдан чиққан. *Бузуқ сирка.* — *Сизга бузуқ ҳавони тозалаб берсак. Табиатдек покиза бўлсинлар десак.* З. Дибёр. | Уз вазифасини яхши бажара олмай қолган; ёмон. *Соғлиқ, борган сари тоб ташлаб қол-япти.* Юракнинг мазаси йўқ, асаблар бузуқ. «Муштум», 1962, № 1.

2 Қоидага тўғри келмайдиган, нотўғри. *[Абдишукур] шоирлик истеъдодидан талом маҳрум бўлишига қарамай.. вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Ахлоқ ёмон, суюқ, шалоқ. *Абдураҳмон бузуқ савдогарваччаларга аралашиб, амакидан хуфиёна айши-ишратга берилди.* А. Қодирий, Мехробдон чаён. | Нияти ёмон; ярамас. *Шерназарбой бузуқ одам чиқди, у кўрнамак. Мени сиздан ажратмоқчи у аблаҳ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Авзойи бузуқ** қ. авзо 2. **Боши бузуқ** итотдан чиққан, бебош. *Амир қозига буйруқ юбориб, боши бузуқ оёқ ялангларни ва эски қулларнинг авлодини тутиб қала, деган эмиш.* Айний, Қуллар. **Нафси бузуқ** қ. нафс 1. **Нияти бузуқ** ёки **бузуқ ният** қ. ният. **Ораси бузуқ** ўзаро муносабати ёмон, муносабатлари бузилган. *Қаримов билан Хомидхўжанинг ораси бузуқ эди.* С. Аҳмад, Порахўрнинг ўлими. **Оғзи бузуқ** одобдан ташқари иборалар билан сўкинаверадиган, беадаб, шалоқ. *[Минг боши Юсуфжонга:] Ҳой оғзи бузуқ,*

*мени чуқурдан олиб чиққанинг рост!* *Лекин бунга ҳаммага кўрсата берма.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Суяги бузуқ** суяклари йўғон. *Ярим ҳарбийча кийинсан, суяги бузуқ, чапавеча мўйлов қўйган бу йиғиннинг ўзи армияда артиллерия наводкачиси бўлган экан.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**БУЗУҚ-ЁРИК** Бузилиб-ёрилиб кетган, у ёр-бу ери бузилган, ёрилган. *Бузуқ-ёриқ уй.* | *Уйнинг бузуқ-ёригини тузатмоқ.* — *Кўчанинг икки томони бузуқ-ёриқ паҳса девор, фақат кўчанинг бошида кичкина бир эшик.* Ойбек, Қутлуг қон.

**БУЗУҚИ** Тўғри йўлдан оздирувчи, орани бузувчи, орага ғулув солувчи, бузғунчи, ғаламис.— *Гуруҳбозлиги шуки, ўз атрофига Мели полвонга ўхшаган каллакесарларни, Ойимхонга ўхшаган бузуқиларни йиғиб олиб Советга қарши фитна кўзғаб юрибди дейман,* — *деди Бозорбой.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Иш бузуқи** ишга раҳна солувчи, битган ишни бузувчи, барбод қилувчи. *Агар тезда бу иш бузуқига кескин жавоб қайтариб, анави еиларни ундан айириб олмаса, бузғунга суҳбатдан қузатган мақсади чиптака чиқиши аниқ эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БУЗУҚИЛИК** 1 бузуқи с. белги оти. *Бузуқилигини бошинга етди.*

2 Бузуқиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Бюрократизм, расмиятчилик ҳақидаги ҳайқириқлар билан бузуқиликни оқлаш номуссизликдир.* В.И. Ленин, III съезд қарорларининг умумий плани.

**БУЗУҚЛИК** 1 бузуқ с. белги оти. *Ахлоқи бузуқлик. Нияти бузуқлик.* — *[Марям Қодиржонга:] Менинг ҳам ҳеч бир суйганим йўқ, балки фикр бузуқлик сизда бордир.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Бечора энди мени таниган, авзойимнинг бузуқлигини ҳам пайқаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ахлоқсиз кишиларга хос юриш-туруш, ахлоқсизлик, разоблат, фахш. *Мударриснинг, меҳмонхонаси деворлари Абдураҳмонни «Бухоройи шариф» да авж олган бузуқликлардан сақлай олмади.* А. Қодирий, Мехробдон чаён.

**БУЗУҚЧИ** айн. бузуқи. *[Абдураҳмонбой Алексеега:] Бузуқчиларга бош ўзим дегин.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**БУЗУҚЧИЛИК** 1 бузуқчи с. белги оти. *Энди илгаригидақа бузуқчилик кетмайдил! Энди бюронинг ишига ҳалақит берадиган бузуқларни аёвсиз жазолаймиз.* П. Қодирров, Уч илдиш.

2 айн. бузуқлик 2. *[Неъматилла] ўғирлик пулларни бир неча йил машаққатга, бузуқчиликка сарфлаган.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**БУЗҒУН** Ғулув билан тўлиб тошган, олағовур, нотинч, бузуқ. *Мен туғилиб кўз очган дунё, хароб эди, бузғун, бе-наво.* Х. Олимжон.

**БУЗҒУНЛИК** бузғун с. белги оти. *Ҳар қандай либерал-буржуа миллатчилиги ишчилар орасига жуда катта бузғунлик олиб киради.* В. И. Ленин,

Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.

**БУЗГУНЧИ** Тўғри йўлдан оздирувчи, орани бузувчи, орага гулув, низо солувчи; бузуқ. Орамизда бузгунчи ва низочи унсурлар томир ёйиб ҳар замон содда халқни ҳалокат чуқурига қараб тортадилар. А. Қодирий, Утган кунлар. || Сизга дустона маслаҳатимиз: бузгунчилар тоифасидан ҳазар қилинг, уларнинг йўли фалокат йўлидир. Ойбек, Нур қидириб.

**БУЗГУНЧИЛИК** айн. бузуқчилик 2. *Меньшевикларнинг ажратувчилик, бузгунчилик фаолияти натижасида РСДРП бир бутун партия эмас эди. «КПСС тарихи». Комсомол... контрреволюциянинг ёшларни ўз бузгунчилик таъсири остига олишлариға қарши қаттиқ курашди.* А. Ҳомидхўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузилиши.

**БУЙДАЛАМОҚ** Сиқимлаб юлмоқ, юмдаламок. *Муҳаббат... тўхматчининг сочидан буйдалаб, бир таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб, Оқсойга атайин тушиб, Ёқут ойлмини тополмай қайтибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йўловчи отининг қорни ботқоққа тегаётганини, ёллариини ёввойи жийда буйдалаётганини ҳам сезмайди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи.

**БУЙРАК** 1 анат. Одам ва умуртқали хайвонларнинг модда алмашинуви процессида сийдик ажратиб чиқарадиган органи. *Унг буйрак. Чап буйрак. Буйрак тоши.* — *Буйрак ловия шаклида бўлиб, ботиқ томони гавданинг ўрта чизигига қараган.* «Анатомия».

2 Баъзи хайвонларнинг овқатлик сифатида истеъмол қилинадиган шундай органи. *Қовурилган буйрак.*

**БУЙРУҚ** 1 Идора, муассаса, харбий қисм ва ш. к. бошлигининг маълум вазифаларни бажариш, маълум тартиб-қоидалар жорий этиш ҳақида ўз раҳбарлиги остидагиларга қаратилган расмий амр; фармойиш, фармон. *Директор буйруғи. Олий Бош Қўмондон буйруғи. Гарнизон бошлигининг буйруғи. Ишга тайинлаш ҳақидаги буйруқ. Буйруқ билан расмийлаштирмақ.* — *Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Пок командири, душман нафасини ростлаб олмасдан туриб, қарши ҳужумга ўтиш тўғрисида буйруқ берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Августда демобилизация ҳақида буйруқ чиқса керак.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Шундай фармон тексти ёзилган қоғоз, хужжат. *Буйруқни кўринарли жойга осиб қўймоқ. Буйруққа қўл қўймоқ.* — *Нима десам экан, қани .. юрингчи, буйруқда нима дейилган экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Оғзаки ёки ёзма топшириқ, амр, фармон. *То эсини тангандан бошлаб Нурининг буйруқлариға сўзсиз бўйсуниб келган Гулнор, ҳеч нима йўлмасдан ўрнидан турди.* Ойбек, Қутлуғ қон. У, *Погодинни суяб турган*

*ҳолда Лолага тикилди-да, жиддий тусда буйруқ қилди.* Ш. Рашидов, Бурондан кучли.

◆ **Буйруқ майли грам.** 2 ёки 3 шахсга қаратилган иш-ҳаракатни ифодаловчи феъл формаси.

**БУЙРУҚБОЗ** Буйруқбозликни яхши кўрадиган одам; бюрократ.

**БУЙРУҚБОЗЛИК** Бўлар-бўлмасга буйруқ беравериб, ҳамма ишни фақат буйруқ бериш йўли билан олиб бориш; бюрократизм.

**БУЙРУҚНОМА** Буйруқ тексти ёзилган қоғоз, хужжат. — *Фармонов ўз қўли билан тўйга келинг, деб хат юборибди. Бу таклифномадан кўра ҳам буйруқномаға ўхшарди,— деди уста.* Мирмуҳсин, Созанда.

**БУЙРУҚНОМАЗ** Буйруқ тарздаги; буйруқ оҳангидаги, буйруқнома. || *Тўй эваси Худичахон .. у ёқдан-бу ёққа елиб-югуради, кимларгадир буйруқномаз қичқиради.* Н. Сафаров, Оқим.

**БУКЕТ** [р<фр] 1 Хиллаб дасталанган гул; гулдаста. *Ановий гуллардан қилинган (тузилган) букет.*

2 *кўча* Хилланган, сараланган нарсалар дастаси, туркуми.

◆ **Ғўза букети** к. х. букетлаш натижасида ҳосил бўлган бир тўп ғўза.

**БУКЕТЛАМОҚ** қ. х. Ғўза тупларини кўндалангига культивациялаб, тўптўп қилмоқ, тўпларга ажратмоқ. *Ғўза тупларини гўжлаб қўйиш — букетлаш синдари меҳнатни энг кўп талаб қиладиган ишни батамом йўқотишға имкон беради.*

**БУКИК** 1 Букланган; буклоглиқ. *Прокурор Насриддинов чўнтагидан тўрт букик бир қоғозни чиқариб, қўлини столдаги қўнғироққа чўзди.* К. Алиев, Мараз. | Букилган, эгилган. *Ранг-баранг кийимдаги болалар қадди букик, сочлари оппоқ, кенг юзли... кампирнинг атрофини чуғурлашиб ўраб олишди.* С. Нуров, Мехриғиё.

2 Қуйи солинган; эгилган. *Ҳамма-нинг боши букиқ, кўнгли синиқ эди.* Ойбек, Навоий.

**БУКИЛМА** Бирор нарсанинг букилган ери, букилган жой. *Трубканинг букилмаси.*

**БУКИЛМАС** Сира ҳам букилмайдиган, мустаҳкам. *Букилмас овода.*

**БУКИЛМОҚ** букмоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. Икки букилган қоғоз. *Букиладиган каравот. Икки букилиб салом бермоқ.* — *Бу замоннинг келажасиған, Букиламай сира қоматинг.* Э. Раҳим. *Юк орқалаган, оғир қоплар остида икки букилган аравакашлар .. кўриниб қолди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ҳар анорларки, донаси чойнақдай, узумини кўтаролмай бели букилиб қолган ишқомлар.* С. Аҳмад, Хукм.

**БУКИЛТИРМОҚ** букилмоқ фл. орт. н. Қаддини букилтирмоқ.

**БУКИЛУВЧАН** Осон букиладиган, эгиладиган, эластик. *Букилувчан новда. Букилувчан металл.*

**БУКЛАМ** 1 Букланган, буклоглиқ, букик. *Икки буклам қоғоз.*

2 Қат-қат букланган нарсаларнинг ҳар бир қати. *Букламини ёзмоқ.*

**БУКЛАМА** Буклаб йиғиб қўйиладиган, ёпиладиган. *Буклама пичоқ. Буклама каравот.*

**БУКЛАМОҚ** 1 Бир учини иккинчи учига етказиб қайирмоқ; букмоқ, шу тарзда букиб тахламоқ. *Қоғозни тўрт букламоқ.* — *Сергей актни буклаб қўнтағига солди.* Х. Гулом, Машғал. *Отлиқ қамчисини буклаб пиззи чакмачининг ёқаси билан гардани орасига қистирди-да, отини қистаб деворға яқинлашди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аҳмаджон унинг [душманнинг] қўл-оёғини боғлади-да, икки буклаб зўр билан товуқнинг катағига тикди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Йиғмоқ, ёпмоқ (буклама нарсаларни). *Қаламтарошини букламоқ. Зонтикни букламоқ.*

**БУКЛАМОҚ** букламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. Хотиннинг бериб кетган нарсаси уч-тўрт букланган бир қоғоз эди.

А. Қодирий, Утган кунлар.

**БУКЛАТМОҚ** букламоқ фл. орт. н. **БУКЛОГЛИК** Букланган, букик. *Тўрт буклоглиқ қоғоз.* — *Болтаев жумласини тугатмай, қўлидаги буклоглиқ газетани Султонхўжаевға узатди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Одамлар энди мингобошининг оғзига эмас, қўлида буклоглиқ қамчиға тикилиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ёпилган, йиғилган. *Буклоглиқ қаламтарош.*

**БУКМОҚ** 1 айн. букламоқ 1. *Салимбойвачча хатни ўқиб, аста букди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қайирмоқ, эгмоқ. *Кучли шамол кўтарилиб, боғчадаги ҳар нарсани тўрт тарафға бука боилади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қурбонали полвон кўркам ва баҳайбат гавдасини икки букиб, уй эшигидан чиқди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Ҳайт келинчақларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззадан букиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қоматиға ишонган қаддини букиб кетади, кўпчиликка ишонган — мақсадиға етади.* Мақол. *Бошини букмоқ* 1) бошини қўйи солмоқ. *Болалар ҳам, гўё отадан абадий айрилгандек, бошларини етимона буккан эдилар.* Ойбек, Нур қидириб; 2) *кўча* эл олдида уялтириб, ерга қаратиб қўймоқ. *Қарз кишининг бошини букади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *кўча* Синдирмоқ, енгмоқ. *Бироқ фактлар, ҳужжатлар, жуда кўп одамларнинг гувохликлари унинг қайсарлигини аста-секин қайириб, ниҳоят, букиб қўйди.* Х. Гулом, Машғал. *На баланд кўрғонлар, на қалин дарвозалару ва на элаллолар халқнинг иродасини бука олмади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Ерга букмоқ** ерга кириб кетгудай уялтирмоқ ёки таҳқирламоқ. *Бир кун одамлар олдида Носиримни ерга букиб: «Сиз зангалаган кетмонсиз, оловға тоблаб ўтқир эғовда чархлаш керак», деса-я, оёзсиз! Х. Назир, Ушлар туг*

ташганда. **Номусини букмоқ** номусга қолдирмоқ. *Нодон билан юрма, номусингни букма.* Мақол.

**БУКРАЙМОҚ** *диал.* Букчаймоқ. *Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб шу ерга бир кампир келиб қолди.* «Мурод-хон».

**БУКРИ** *1* *айн.* **букур.** *Букри одам.* — *Ефим тоға .. болгани қўлига олиб, ўқи букри одамдай акашак бўлиб кетган арава олдига борди.* Х. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

*2* Эгилган, майишган. *Букри кўприк.* *Букри тол.* — *Қачон кўрма, бир пой ҳўкиз, букри омов, Бағри шамол кўрмай, Қишда қолади оч.* Ф. Фулом, Кўкан.

**БУКСИР** [*р*] *1* Бошқа кема, баржа ва ш. к.ни шатакка олиб борувчи махсус кема.

*2* Шатакка олиш учун қўлланиладиган махсус пўлат арқон, трол.

**БУКТИРМОҚ** *букмоқ* *фл. орт. н.*

**БУКУР** *1* Умуртқа ёки кўкрак қафасининг эгри ўсуви натижасида ҳосил бўладиган букри жой. || *Букур одам.* — *Ун беш ёшидан бошлаб... то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашига тўғри келгани учун унинг елкаси букур каби, ортиқча туртиб чиққан эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай иллати бўлган киши.

*2* Эгилган, майишган, букри. *Темир йўл ёқалаб кетган дала йўли букур жийда тагида тугарди.* С. Маҳқамов, Шогирд.

**БУКЧАЙМОҚ** Елкаларини чиқариб, кўкрагини ичига олиб энгашмоқ. *Бурчакда индамай букчайиб ўтирган бояғи семиз қаддини ростлади-да, қаттиқ пишиллаб гапга аралашди.* П. Турсун, Ҳўитувчи. | *Белини, кўкрагини кўтара олмай энкайиб қолмоқ.* *Букчайган чол.* *Бели букчайган кампир.* — *Набиул... маҳалла комиссиясининг раиси билан уришар, новча, букчайганроқ бир ийиш ўртага тушиб, уни орқага тортар эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтақ.

**БУКЧАЙТИРМОҚ** *букчаймоқ* *фл. орт. н.* *Қаддини букчайтирмоқ.* — *Паранжи-чачвон ўн икки яшарлигимиздан қаддимизни букчайтирган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БУЛ** *эск. кт. айн. бу.* *Фақир андақ фурсат бошини қўйи солиб туриб дедими, эй хўжа, бул ишда сир бордир, мандин тиламагилки ул сирнинг пардасини кўтарсам.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**БУЛАЙ** *диал.* Бундай. *Улай бўлмаса, булай бўлар.* Мақол.

**БУЛАМИҚ** *1* Болалар учун ун билан сутдан тайёрланадиган аталасимон овқат. *Иш юришмаса — буламиқ дандон синдиар.* Мақол. — *Бир-икки кун сутли овқатлар, буламиқ еб турсинлар.* Мирмуҳсин, Умид.

*2* *кўчма с. т.* Аралаш-қуралаш, чалкаш нарса. || *Ишни буламиқ қилиб юборисиз.*

**БУЛАМОҚ** *Юқадиган* нарсага бо-

тириб ёки булғаб ҳамма ёгини қоламоқ (беламоқ, булғамоқ, ботирмоқ). *Унга буламоқ. Қорға буламоқ.* — *Социмдан тортиб, тупроққа буламоқчи мени у хотин.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳалим эшон номни олча қиёмга булаб еркан.* И. Раҳим, Тақдир.

**БУЛАНМОҚ** *буламоқ* *фл. мажх. ва ўзл. н.* *Тупроққа буланмоқ.* — *Лой ва қурума буланган ярим яланғоч болалар бўри қувған қўй-қўзидай уймалашиб, аччиқ тутун паноҳида биқиниб дийдирайдилар.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**БУЛУБЎЛ** [*ф-т*] *1* Чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *Гул қадрини булбул билар.* Мақол. *Қуш йўқ жойда қурбақа — булбул.* Мақол. — *Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

*2* *кўчма* Хушовоз навозанда, моҳир нотик ёки гўзал ёр ҳақида. [*Мулла-дўст Муларўзига:*] *Қани айтингчи... қайси боғнинг гули, қайси чаманининг булбули экан?* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Сизлар ҳозир бамисоли булбули гўёсиз.* П. Турсун, Ҳўитувчи.

**БУЛДУРГУН** *айн.* хўжағат.

**БУЛДУРУҚ** *1* Булдуруқлар туркумига мансуб бўлган чўл қуши; қорабовур. *Бола ҳаёлимни олиб учарди явшон тоғларидан учган булдуруқ.* Миртемир.

**БУЛДУРУҚ** *II* Майда қаттиқ қор. *Тушдан кейин осмон юзини сарғиш туман қоплаб, майда булдуруқ ёға бошлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. | *Қиров. Бир вақт юрагимни севега маскан этган қора сочга қўнмиш булдуруқ.* С. Зуннунова.

**БУЛУН** Ёввойи от. *Қари ҳам бўлса қуландай, бўйинини чўзиб булондай сувга келаетибди.* «Равшан».

**БУЛОҚ** *1* Ер остидан чиқаётган сув манбаи ва унинг суви; чийма. *Иссиқ булоқ. Булоқ суви.* *Сўзининг онаси қулоқ, сувнинг онаси булоқ.* Мақол. — *Кўнғироқли серкаси Кўйни бошлар ўтлоққа. Чўллаган кўзичоқлар Урмалашар булоққа.* Қ. Муҳаммадий. *Маҳсум .. чўққининг шундай биқинидан қайнаб чиқаётган булоқда ювинди.* С. Анорбоев, Оқсой. [*Унсиннинг*] *кўз ёши булоқдай қайнаган билан юракнинг ҳасратини қурита биладими!* Ойбек, Қутлуғ қон. *Жўш ур, тинма, қайна булоқдек, Бахт куйини ўйна басталаб.* Ҳайратий.

*2* *кўчма* поэт. Бой манба. *Ижод булоғи. Онанинг қалби — меҳр булоғи.* Мақол. — *Энди она анча тузалиб қолди. Фақат Ботиралини эсласа .. бағри эзилади, дили эриб, кўзларининг қўш булоғи қайнайди.* Х. Фулом, Машғал.

◆ *Бурнидан булоқ бўлди бурнидан чиқди, татимади, зое кетди.*

**БУЛОҚИ** Бурунни тешиб тақиладиган зийнат буюми. *Уйини йигит четга чиқиши билан киприкларига сурма қўйган, бурнига булоқи таққан бодомқо-*

*воқ йўғон бир жувон ўртага чиқиб йўрғалай бошлади.* П. Турсун, Ҳўитувчи.

**БУЛУТ** *с. т.* Ҳўтан йили. *Мен сизни бултур кўрувдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУЛУТУРГИ** *с. т.* Ҳўтан йилги; Ҳўтан йили бўлган. *Бултурги қиш. Бу йилги ҳосил бултургидан мўл.*

**БУЛУТ** *1* Осмонни қоплаб олган ёки фалақда у ер-бу ерда гўж бўлиб тўпланган сув буғлари. *Оқ булут. Баҳор булутлари. Тўп-тўп булутлар. Ҳўтан булутдан ёмғир кутма.* Мақол. — *Кўкни булут қолаган, милт этган юлдуз йўқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Қуз фасли бўлса ҳам кун хила иссиқ, дам қўйиш булут орасидан хирагина кўринади.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўкни ўраб олган қора булутлар ҳам тўс-тўсга бўлиниб, ой ҳам қора нарда ичидан ярим юзини очиб ер юзига мўралаб қўйди.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар; **Ҳаво** (ёки **осмон**) булут осмонни булут қоплаган, ҳаво бузуқ. *Осмон булут. Биронта юлдуз кўринмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ҳаво булут, аччиқ ел тўрт томонга югурар, онда-сонда қор учқунларини қуелаб зирқитиар эди.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

*2* *кўчма* Осмонни қоплаб олган ҳар бир нарса. *Эргаш чанг булутини ёриб, извошга етиб олишга шошилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

*3* *кўчма* Таҳдид солувчи ёки дилни қоронғи қилувчи ҳар бир нарса, холлат. *Мен асло қутилмаган тақлиф билан подшоҳнинг юрагини босган ғазаб булутларини хила тарқатдим.* Ойбек, Навоий. *Ҳар ҳолда Тошкент устига яна қонли булутлар чиқди, шининг охири нима билан тинчланар, бу бир худогагина маълумдир.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. *Шунча таҳқир, хўрликларни қадим кўтарган ўлка, Энди солмас бошинг узра қора булут кўланка.* Ҳайратий.

*4* *с. т.* Бир турли денгиз жониворининг говақ, юмшоқ танаси (чўмилишда баданини совун билан ишқаш учун ишлатилади).

◆ **Булутга сакрайдиган қ. сакрамоқ. БУЛУТДАЙ** =дек *1* Булутга ўхшаш, булут сингари. *Тоғларни қоплаган қор оқ булутдай чақнайди.* — *Унинг бутун юрагини қора булутдай қоплаган ғам бир онда йўқолгандай бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

*2* *кўчма* Булутларга егудек, банд. *Еш йигитнинг .. пахтазорга кириб, .. шавқ билан тез-тез терисси, булутдай хирмон қилгиси келди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

*3* *кўчма* Қатта ва учқур (от ҳақида). *Остингда булутдай от, зенинг бут.* Ойбек, Навоий.

**БУЛУТЛАНМОҚ** Булут билан қопланмоқ. *Бир неча кун, булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

**БУЛУТЛИ** Булут билан қопланган, булутланган; ҳаво булут бўлган. *Бу-*

*лутли қиш кунининг юракка зиклик берувчи хира тонги эди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**БУЛЬВАР** [р<фр] Кўча ўртасидаги кенг ҳиёбон. Бизнинг гулбоғларимиз, ҳиёбону бульварларимиз ёз кезларида айниқса кишини ўзига мафтун этади. «С. Ўзбекистон», 1964, 2 сентябрь.

**БУЛЬДОЗЕР** [р<ингл] Ер суриш ва текислаш учун махсус кескич-сурғич билан ускуналанган трактор. Қудратли бульдозерлар ва скреперлар чурқурларни тўлдириб, тепаликларни ағдариб, ер текисларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БУЛЬДОЗЕРЧИ** Бульдозер ҳайдовчи. Бульдозерчи .. тик трассадаги тошларни суриб йўл очиб берди. И. Раҳим, Такдир.

**БУЛЬДОНЕЖ** [р бульденеж <фр] Оқ шар шаклидаги гули май ойида очилганидек декоратив бута ва унинг гули. Таманно иккита атиреул, Эркиной битта қирқоғайни, Турғун битта сирень билан бульдонеж, бошқалар шой-игул, қашқареул, қўқонгул, картошка-гул, ҳусниюсуф кўчталари олиб келишди. И. Исmoilий, Бизнинг роман.

**БУЛГАЛАМОҚ** айн. булғалоқ 1, 3. Лойча булғалоқ. — Бир қўлини кўтариб булғалаб, ҳа деб қақираверди. «Равшан».

**БУЛГАЛАТМОҚ** булғалоқ фл. орт. н.

**БУЛГАЛАШМОҚ** булғалоқ фл. бирг. н.

**БУЛГАМОҚ** 1 Ҳамма ёғини кирга белаб, нопок нарсага ботириб ифлос қилмоқ. | кўчма Бадном қилмоқ. Биз чоллар ҳам дангаса, иш ёқмасларга кўшилиб, ўзини булғамга деб насиҳат қилганмиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Нега у пашиахўрда бўлиб қолди десам .. ўз нафсини кўзлаб, виждонимни ўз шалтоғига булғаб, ширин турмушимни бузмоқчи экан. С. Юнусов, Осон ишининг охи бор. Номини булғаман! Шербек акам тилла йиғит. С. Анорбоев, Оқсой. **Наслини булғамок** 1) наслини бузмоқ; 2) кўчма насли-насабни иснодга қолдириш. Сен бизнинг наслимизни кўтариши ўрнига ерга уриб булғадинг. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Лойқатмоқ, лойқа қилмоқ. Сувени булғамок.

3 диал. Қўл билан имламоқ. Муни қўриб, масти беихтиёр бўлиб, икки қўлини кўтариб, булғаб .. қизларни чақириб бир сўз айтди. «Равшан».

4 Беламоқ, буламоқ, ботирмоқ. Қорга булғамок. — Раъно айвон лабида қўлини керосинга булғаб, лампа ёқши ҳаракатида эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Хомид нонни шиннига булғар экан, сўради: — Ешингиз нечада, бек? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БУЛҒАНМОҚ** 1 булғамок 1, 2, 4 фл. мажх. ва ўзл. н. Лойча булғанмоқ. — Жаллод ингичкагина ўткир дудам пичоқни қинидан суғуриб, бандининг кекирдаги-

га суқиб олди ва қонга булғанган пичоқни бандининг кийимига артиб, қинига солди. Айний, Қуллар. Булғаниш бўлса, шатъним бир марта булғанган. С. Анора муруват қилмай кўя қолинг. С. Анорбоев, Меҳр.

2 физиол. Ихтилом бўлмоқ. **БУЛҒАНЧ** Булғанган, ифлос; лойқа. Ҳовли юзи турли ахлатлар билан булғанч, гўё йиллардан бери тозаланмаган, сулуғи кўрмагандек эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БУЛҒАНЧИҚ** айн. булғанч. **БУЛҒАТМОҚ** 1 булғамок 1, 2, 4 фл. орт. н.

2 айн. булғамок 1,2. Сувени булғатмоқ. — Ўзбеклар айтди: «Ифлос бузоқ подани булғатар». Ойбек, Куёш қораймас. [Насимжон Камолга:] Туз ичиб, тузлигимни булғатиб кетмоқчимисан?! М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

**БУЛҒАШМОҚ** булғамок фл. бирг. н. **БУЛҒОВИЧ** диал. 1 Ип йиғирадиган чархни айлантурувчи чўп, пилтакач.

2 Хамир ва ш. к.ни қорадиган курак.

**БУЛҒОР** эск. айн. болгар. **БУЛҒОРИ**, булғори тери Бир нав юмшоқ тери. У [Степан] қувонганича югуриб ўтовга кирди-да, қўнжи узун булғори этигини кийиб .. чиқди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**БУЛҒОРЛАР** 1 эск. айн. болгарлар. 2 тар. Волга ва Кама дарёлари атрофида маҳаллий қабилаларнинг туркий қабилалар билан чапишуви натижасида ҳосил булган халқ.

**БУМАЗЕЙ** [р бумазей] Бир томони пахмоқ ип газлама. Бир кўйлақлик бумазей. || Бумазей халат.

**БУНАҚА** с. т. айн. бундай. — Бунақа гаплар кимдан чиқади? — деди Аҳмедов мийғида кулиб. А. Қаххор, Қўшчинор.

**БУНАҚАНГИ** с. т. айн. бундай. Бунақанги гапларга шиноаверманг.

**БУНДАЙ** 1 кўрс. олми Худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш, тенг, бунақа, бу каби. Бундай қовун ҳеч қаерда йўқ. Бундай йиғитни сира топа олмайсиз. — Бўтабой бундай саволни кутмаган бўлса керак, гангиб қолди. А. Қаххор, Қўшчинор. | рви вазифасида Шу қадар, шунчалик, бунчалик. Бир жойга бориб сира бундай кеч қолган эмас эди. А. Қаххор, Қанотсиз читтак. Агар сан бир хум олтин топсанг, бундай севинмас эдим. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 рви Айтилганга, қутилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш бир зайлда, тарзда; шундай. Сиз бундай деманг. Сиз бундай қилманг. — Зийдаҳон тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ эди-ку, нега қори бундай деди? А. Қаххор, Қўшчинор. Қоратой, сан бундай қил: ҳозир бориб ёт, чарчагансан. Ойбек, Кутлуғ қон. | Қуйидагича. Бир хатига бундай дебди: «Қатта походдан кейин ҳозир дам олиб ўтирибмиз. Жуда чарчаганман». А. Қаххор, Олтин юлдуз.

◆ **Биров ундай биров бундай** ҳамма бирдек аҳволда эмас, ҳамма бир хил, барабар эмас. Шунга ўхшаш биров ундай, биров бундай. Ўзингизни билинг, ўзга билан нима ишингиз бор? Ойбек, Кутлуғ қон.

**БУНДАЙИН** диал. Бундай. Бундайн ишларни қилма. — Бир мардни бундайн хафа қилибсан. «Муродхон».

**БУНДАҚА** с. т. Бундай. **БУНДАҚАНГИ** диал. Бундай. **БУНДОҚ** с. т. Бундай.

**БУНЁД** [ф-т]: бунёд бўлмоқ ёки бунёдга келмоқ 1) юзага келмоқ, барпо бўлмоқ. Фабрикалар, заводлар бўлди бунёд. Ҳабибий. Бунёдга келгандан бери қайғу-алам аримаган бу кенг ҳовлида она-бола ўз ҳасратлари, ачиқ ноалари билан қолди. М. Исmoilий, Фарғона т. о.; 2) турғилмоқ. Мен 1912 йилда бунёдга келдим. Бунёд қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ) юзага келтирмоқ; барпо этмоқ, яратмоқ, қурмоқ. Ижодкор совет халқи янги дунё бунёд этмоқда.

**БУНЁДКОР** [ф-т] Бунёд этувчи, барпо қилувчи, яратувчи, қурувчи. Бунёдкор совет халқи. Бунёдга келтирмоқ юзага келтирмоқ, юзага чиқармоқ; барпо этмоқ, яратмоқ, қурмоқ. Коммунизм пойдеворини бунёдга келтиришда ишчи ва деҳқоннинг, хизматчи ва олимнинг — ҳар бир совет кишининг буюк ҳиссаси бор. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 165.

**БУНЁДКОРЛИК** 1 бунёдкор с. белги оти.

2 Бунёд этиш, яратувчилик, ижодкорлик. Зўр бунёдкорлик завқи билан тўлиб тошган .. халқимиз мамлакат экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда тобора янгидан янги муваффақиятларга эришмоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 261.

**БУНКЕР** [р<ингл.] Қомбайн, пахта териш машинаси ва ш. к.нинг йиғилган нарса тўпланадиган қисми. Пахта териш машинасининг бункерлари.

**БУНТ** [р] Пахта ғарами. Пахта пунктида тоғ-тоғ бунтлар қад кўтарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БУНЧА** 1 рви Бу қадар, бунчалик, шунчалик. Бунча кеч қолдингиз. — Оҳ раис, раис, сўзни ҳам бунча узоқдан бошлайдиларми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 белг. олми Шу миқдорда; шу миқдордаги. — Шунинг ҳаммаси хатми? — деди Аҳмаджон. — Бунча гапни қаердан топиб ёздингиз? А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**БУНЧАЛИК** рви Бу қадар, бунча, шунчалик. Дунё бино бўлиб биз Қамишқапа меҳнатқиллари бунчалик қувонган эмасмиз. П. Турсун, Ўқитувчи. Бунчалигини билсам иш, аҳвол шундайлигини билсам. Бунчалигини билсам, келмас эдим.

**БУРАЛМА** айн. бурама 1. Иккинчиси, ёшироғи, буралма мўйловли, қопмагина. Ойбек, Кутлуғ қон.



**БУРАЛМОҚ 1** бурамоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.* Винт буралмаятти. Соат пружинаси суткасига бир марта буралади. Мўридан буралиб чиқаётган тутун. — Кулоқлари ҳаддан ортиқ буралган дутор бардони бермади — узиллиб кетган тордан инграгандай нидо эшитилди. П. Турсун, Уқитувчи. Илон изи каби буралиб оқайтган Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги кенг қирда тиккайган дарахт кўринмайди. Ойдин, Фарҳодлар.

2 Гавдани бир турли тўлгантириб юрмоқ, қилпанглатмоқ. Бригадир Қарим Ҳазратов Оstonовнинг арқондай буралиб келаятганини кўриб, ҳазиллашди. С. Равшанов, Тиш оғриғи.

**БУРАЛТИРМОҚ** буралмоқ *фл. орт. н.*

**БУРАМА 1** Спирал ёки винт шаклида буралган, ўралган буралма. Бурама булка. Бурама қовун қоқи. — Ёмини кўйиб есин деб, бурама шимлар ёқилган. «Гўрўғли». Эрта билан зевно ерида бурама мўйловли раис .. ва бошқалар пайдо бўлишди. Мирмуҳсин, Югурдак.

2 Бураб очилиб-ёпиладиган; винт-симон; винтли. Бурама калит. — Дарвозабон отнинг калласидек келадиган бурама кулфага узун калитни солиб анчагача буради-да, дарвозани очди. М. Осим, Утрор. Бурама миҳ с. т. винт, шуруп. Шербек ичкарига сирғаниб тушибди-да, девор тагига бекина қолди. Энди шарманда бўлдим, деган фикр маҳкам ёпишиб, миясини бурама миҳдай пармалай бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Гирдоб, уюрма. Этакда Сир тўлиб, ўқтин-ўқтин бурамадар ҳосил қилиб, тўлғаниб оқмоқда. Й. Шамшаров, Енгиш.

**БУРАМОҚ 1** Донравий ҳаракатга келтирмоқ, айлантирмоқ. Чиғирқиннинг кулогини бурамоқ. Руль чамбаригини бурамоқ. — У телефонни қанча бураса ҳам жавоб бўлмади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Дуторчи дуторининг кулогини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Ўраб, айлантириб, бурама шаклга киритмоқ, эшмоқ. Арқонни бурамоқ. Қўлини бураб йиқитмоқ. — Бригадир қалин мўйловини бураб, ерга тикилганча ўйлалиб қолди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Айлантириб жойига туширмоқ, маҳкамламоқ ёки жойидан чиқармоқ, бўшатмоқ. Гайкани бурамоқ. Винтни бураб киритмоқ.

4 Пружинали механизмларни юргизиб юбормоқ. Соатни бурамоқ. Ўйинчоқни бурамоқ. — Шу машинанинг кулогини бурасанг, логанча чир-чир айланади, ашула, дутор, танбур вангирлайверади. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Бураб гапирмоқ *с. т.* хар сўзни алоҳида акцент билан ажратиб гапирмоқ. Элмурода рта командири ёқмади: қалампир, тиши аччиқ, ҳар гап-

ни писанда қилгандай бураб гапирди. Шухрат, Шинелли йиллар. Кулогини (ёки думини) бураб қўймоқ тартибга чақириб, танбех бериб қўймоқ. Думини мундай бураб қўй, ортиқ акилламасин. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУРАНГ** Буралган, эгри-бурги. Буранг ёғоч.

**БУРАТМОҚ** бурамоқ *фл. орт. н.* Адолат соҳидан буралиб қўйдиган қизлардан эмас. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУРАШМОҚ** бурамоқ *фл. бирг. н.* **БУРГА** Сакраб юрадиган қон сўрувчи, қанотсиз майда паразит. Бурга тутуша ҳам бармоқ ҳўллаш керак. Мақол. — Қишлоқдан-ку бадаргаман, чумчуқдек жоним билан шаҳарга тушиб кетсам, қора пўстакдан бурга қидириши қийин дегандай, шаҳардан мени ким ҳам топиб ола қолади? — деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

◆ Бурга теппи енгил, ўткинчи касалга дучор бўлди. Бурганинг кўзини кўрган салб. кўпни кўрган, пихини ёрган. Бурганинг кўзини кўрган одам.

**БУРГАН** Мураккабгуллиларга мансуб бир йиллик ўт. Бурган босган ер. || Бурган супурги. — Ошқовоқ палаклари чирмаишган қоққа ортида .. бурган говлаб ёттибди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**БУРГАНЗОР** Бурган босган ер, майдон. Бўри хуриб бурганзорда, бойқуш сайради боғда, Октябрда овоз бўлди, обод бўлди қурғоқлар. С. Абдулла.

**БУРГУТ 1** Қарчигаёсимонлар оиласига мансуб энг қатта йиртқич овчи қуш.

2 Кўйма Йиртқич, ёвуз (одам ҳақида). Ўзи мулоийм кўрангани билан, чингаллидан чиён ҳам омон чиқолмайдиган, бурут бу қори! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУРД [ф-т]** Ишончга сазоворлик, тайинлилик, ростлик; эътибор. Гапининг бурди борми? Бурди йўқ эътибори йўқ, ваъдасида, лафзида турмайдиган, гапига ҳеч ким ишонмайдиган, бетайин. Бурди йўқ одам. Бурди кетган эл олдида ишончини, эътиборини йўқотган, гапининг тайини қолмаган. — Менга қара, — деди Ражаб бобо [Хожиматга] .. бир бурдинг кетгандан кейин, ҳеч ким сени одам қаторида кўрмай қўяди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БУРДА [ф-т]** Кичик парча, бўлак (асосан ушатишган нон ҳақида). Бир бурда патир. Қўнчилик бир муштдан урса, ўлдиради, бир бурдадан берса, тўйдиради. Мақол. — Халқ юриши бошлади. Бу бир бурда нон учун, ишончий ном учун бошланган юриш эди. М. Исмоилов, Фарғона т. о. Мана гўжа ҳам тайёр: унда на ёғ бор ва на бир бурда гўшт. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ Бир бурда ер кичик ер парчаси. Бир бурда одам жуссаси кичик ожиз одам. Бир бурда бўлиб қолмоқ жуссаси кичрайиб, ожиз бўлиб қолмоқ. — Рус-

там ака, Азизани шу кунда кўрсангиз, бир бурда бўлиб қолди. — деди ачишиб Муҳаббат. В. Гафуров, Вафодор. Ҳам хўрдани, ҳам бурдани уради унисини ҳам, бунисини ҳам ўз нафсига уради: ҳам ейди, ҳам олиб кетади (олғир одам ҳақида).

**БУРДА-БУРДА** Парча-парча, бурдаланган, парчаланган, бурда-сурда. Бурда-бурда нон. Бурда-бурда қилмоқ 1) парча-парча, тилка-пора қилмоқ. У [Низомжон] .. бу беор, бу субутсиз қизни оғзига келган аламли гаплар билан ҳақорат қилмоқчи, бирга тушган суратни кўзи олдида бурда-бурда қилиб йиртиб ташламоқчи бўлди. С. Аҳмад, Уфқ; 2) кўйма вайрон қилмоқ, пора-пора қилмоқ. [Низомжон] .. танини зирқиратган, юрагини бурда-бурда қилган кечмишини эслади. С. Аҳмад, Уфқ.

**БУРДАЛАМОҚ** Парчаламоқ, бурда-бурда, тилка-пора қилмоқ. Нонни бурдаламоқ. Қозони бурдаламоқ. — Агарда ўз ҳолига қўйиб берилса, аламзада қишлоқ аҳолиси қўлга тушган босмачиларни бурдалаб ташларди. Файратий, Эшлигимиз.

**БУРДАЛАНМОҚ** бурдаламоқ *фл. мажх. н.*

**БУРДА-СУРДА** Парча-пурча, бўлтак-сўлтак. У чой билан қотган бурда-сурда нон ва баъзан салқит ошлар билан менинг парваришимга бошлади. Ф. Гулом, Тирилган мурда.

**БУРДЛИ** Бурдини, эътиборини йўқотмаган, ишонса бўладиган, тайинли. Бурдли одам. — Мана шу ёмон бўлди, чунки Пўлатовнинг унга бундай муносабатда бўлиши, Баратнинг бурдсиз гапларини бурдли қилар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БУРДСИЗ** Бурдини, эътиборини йўқотган, ишониб бўлмайдиган; бетайин, бебурд. — Эл орасида [Маҳмуд] бурдсиз экан, ваъдасида турмабди деган сўз бўлади, — деди Камол. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**БУРЖ [а] 1 астр.** Кўёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркумининг мажмуи ва уларнинг хар бири (Хут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Акраб, Қавс, Жадий, Далъ).

2 Қалъа девори бурчагидаги минора. Деворларида буржларнинг бўлмаслиги, шинакларнинг жуда яқин қўйилиши жонбоз қалъаликларнинг мудофаа системаси анча қолюқ бўлганлигини кўрсатади. И. Жабборов, Кўхна харобалар сирри.

**БУРЖУА I [р<фр]** Буржуазия синфига мансуб киши, буржуазия синфининг вақвли.

**БУРЖУА II [р<фр]** с. т. 1 от Буржуазия. Майда буржуа. Буржуа маданияти. Буржуа матбуоти. — Исомхўжа ёш миллий буржуа вакиллариининг йўлбошчиси эди. Ж. Шарипов, Хоразм.



2 сфт Буржуазия ҳукмронлигига осланган; буржуазия ҳукмронлиги учун хизмат қилувчи. Россия буржуа революциялар даврини кечирмоқда. В. И. Ленин, Брюссель кенгашида РСДРП МКнинг доклади.

**БУРЖУАЗИЯ** [р<фр] Капиталистик жамиятнинг ҳоким синфи, капиталистлар — асосий ишлаб чиқариш восяталарига эгаллик қилувчи ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳисобига бойлик орттирувчи эксплуататорлар синфи. Импералистик буржуазия. — Пролетариат буржуазияни оғдарииш йўлида ўз синфий курашини олиб борди. В. И. Ленин, Италиян, француз ва немис коммунистларига салом.

**БУРЖУАЛАШМОҚ** Буржуага айланмоқ; буржуа руҳи билан суғорилмоқ. Англия шундай бир мамлакат намунасини бердики, Энгельснинг таъбири билан айтганда, ундаги буржуазия буржуулашган аристократия билан бирга пролетариатнинг энг буржуулашган юқори табақасини вужудга келтирди. В. И. Ленин, Учинчи интернационал ва унинг тарихда тутган ўрни.

**БУРЖУАЧА** Буржуаларга ва буржуазияга оид, буржуаларга ва буржуазияга хос бўлган. Буржуача тартиб-қоидалар. — Миллий маданият ишори буржуача. алдовдан иборат. В. И. Ленин, Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.

**БУРЖУЙ** [р] с. т. Буржуа. Петров бошларни «буржуйлар» деб гапирарди ҳар вақт. Жамики буржуйларни, тўраларни йўқотиб, ҳамма ишини биз ўз одамларимизга — ишчиларга топиш-рамит. дейди. Ойбек, Кутлуг қон.

**БУРИЛИШ** 1 бурилмоқ фл. иш оти. [Сдиқжон] .. чапга бурилиши билан пасткамлиқдаги Бақарууллоқ яққол кўринди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Йўлнинг, дарё ва ш. к.нинг бурилган жойи, муйилиши. Анвар, бурилиш, га етанда, ўзидан ўн қадам орқадаги ҳамроҳини кутиб турди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Кескин ўзгариш. Ўтган йили.. пахтачиликни комплекс механизациялаш ишида тубдан бурилиш ясалди. «К. Ўзбекистон», 1960, № 14.

**БУРИЛИШМОҚ** бурилмоқ фл. бирг. н. Булар, овчиларга .. «кетаверинлар» ишорасини қилиб, сўқмоққа бурилишиди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**БУРИЛМОҚ** 1 бурмоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Ўнга бурилмоқ. Нарироқда кўча чапга бурилади. — Бир йўловчининг отига мингашиб келдим. Уч чақирим қолганда йўлни кўрсатиб қўйиб, ўзи бошқа томонга бурилиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бошқа томонга ўгирилмоқ, ўгирилиб қарамоқ. Қизча ётсираб қовғини солиб, тескари бурилди. Ойбек, Куёш қораймас.

3 с. т. Араз қилмоқ, араз қилиб тумшайиб олмоқ. Уят эмасми, келин? Кеча келдинг сурилиб, бугун кетгин бурилиб. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Лаби бурилди** йиғлади, йиғламсиради.

**БУРИЛТИРМОҚ** бурилмоқ фл. орт. н.

**БУРИШМОҚ** бурмоқ фл. бирг. н. Улар аравани ўнга буришди. Йигитлар гапни бошқа ёққа буришди.

**БУРИҚМОҚ** 1 Димиқиб ёки буркалиб терга ботмоқ. Бола бешиқда буриқиб кетибди.

2 айн. **бурқсамоқ**.

**БУРИҚТИРМОҚ** бурикмоқ фл. орт. н. Унинг оёқ яланг, ярим яланғоч шўх болалари бир-бирларини от қилиб миниб, кишинатиб, эски наमतларнинг чангини буриқтириб, ҳар кунги каби, шовқин-сурон билан ййнашар эди. Ойбек, Кутлуг қон.

**БУРКАЛМОҚ** буркамоқ фл. мажх. ва ўзл. н. Қўрпага буркалмоқ. — Уларнинг [ҳоким билан бойнинг] мурувват ва саховат либосига буркалган бу ҳаракатлари келажакдаги чақмоқнинг бир учқунини эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУРКАМОҚ** 1 Бирор нарса билан бошдан-оёқ бекитиб ўралмоқ, ўраб қўймоқ. Чақалоқни буркаб ўргатманг. — Кумушибини онаси билан бувисининг уйдан чиқишлари ила бошини сандалнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳеч бир очиқ жойини қолдирмай ўраб, қоплаб олмоқ. Ҳавони булут буркади. Ҳамма ёқни чанг буркаб олди.

3 кўчма Тўлдирмоқ, қопламоқ. Ўлкамизни боғларга, бўстонларга, гулзорларга буркайлик.

**БУРҚАНИШМОҚ** бурканмоқ фл. бирг. н. Кампир билан шериги паранжиларига бурқанишганларича дарров жўнаб қолишди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БУРҚАНМОҚ** буркамоқ фл. ўзл. н. Қўрпага бурқанмоқ. Шаҳар байрам либосига бурқанди. Осмон булутларга бурқанди. — Ғабаларар шон-шўхратига бурқанган шавқатли Қуролли кучларимиз социализмнинг буюк ғабаларини қўриқлаб турибди. «К. Ўзбекистон», 1960, 10 ноябрь.

**БУРҚАНТИРМОҚ** бурканмоқ фл. орт. н.

**БУРМА** 1 сфт Буриб-буриб ишланган, бурмалаб тикилган; бурмали. Бурма юбка. Кўкрак бурма кўйлак. — [Лиза] шкафдан оқ крепатиндан европача қилиб тикилган бел бурма, қисқа енгли кўйлагини олди. Н. Назаров, Замон. | Бурмаланадиган. [Оғзи] бурма халта.

2 от Шу хилдаги кийимнинг, нарсанинг бурилган жойи. Кўйлакнинг бурмаси.

3 от, геол. Ер қобиғининг қатланган жойи.

**БУРМАЛАМОҚ** Бурмалар ҳосил қилмоқ, бурмалар ҳосил қилиб тахламоқ, йиғиб тикмоқ.

**БУРМАЛАНМОҚ** бурмаламоқ фл. мажх. ва ўзл. н.

**БУРМАЛИ** 1 Бурмаси бўлган, бурма қилиб тикилган. Жўраҳоннинг барвас-

та завдаси, кўкраги бурмали ҳаво ранг чит кўйлагини тўлатиб, тошиб кетгудай кўпириб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Бурма ҳосил қилган, бурмаланган. Мушукда мия ярим шарининг сирти бурмали бўлади, бу билан мия пўстлогининг сирти кенгайди. «Зоология».

**БУРМА-СУРМА** Сербурма, бурмаси кўп. Кийимни жуда қунт билан бурма-сурма, сертузма қилиб тикадилар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУРМАҚОРА** Кўкноригулдиллар онласига мансуб бўлган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

**БУРМОҚ** 1 Ҳаракат йўналишини ўзгартирмоқ, бир томонга қайирмоқ. Чавандоз отини орқага буриб, сув оқмига қараб кетди. Х. Ғулом, Машғал. Саҳарлаб тураман, Далага юрман; Жўяклар олмоққа, Сувларни бурмоққа. Ғайратий.

2 Бирор томонга ўгирмоқ, қаратмоқ. Салимбойвачча аччиғлаиб, юзини тескари бурди. Ойбек, Кутлуг қон.

3 кўчма Йўналтирмоқ, қаратмоқ. Партия халқнинг кўч-ғайратини сув муаммосини ҳал қилишга бурди. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари. [Шумилов:] Эшон халқнинг диққатини революциядан четга бурмоқчи. Н. Сафаров, Уйғониш. Гапни (ёки сўзни) бурмоқ

1) фикрни чалғитиб гапни бирор бошқа мавзуга кўчирмоқ. Мулозамат шў ерга етганда, Раззоқ гапни бошқа ёққа буриб юборди. Х. Ғулом, Машғал.— Софья! — деди Онахон.— Бир нарса демоқчи бўлди-ю, гапни яна фабрикага бурди. А. Мухтор, Опа-сингиллар;

2) фикрни бутунлай бошқача талқин қилмоқ, бошқача англамоқ. [Муқаддас:] Сўзимни бурманг, Раҳимжон ака! Бу номардлик бўлади! О. Ёқубов, Чин муҳаббат. | Оғдирмоқ, мойил қилмоқ. Биз деҳқонни ўз томонимизга буриб олдик. В. И. Ленин, Советларнинг VII Бутунроссия съезди.

4 Бурмаланадиган нарсани ёйиқ ҳолидан бурма холига келтирмоқ, йиғмоқ. Халтанинг оғзини бурмоқ. — Зийдахон .. қопнинг оғзини яна буриб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Лабини бурмоқ** 1) бирор иш-ҳаракат, гап-сўз, имо-ишора в. ш. к.ни маъқулламаганлик, ёқтирмаганлик маъносига лабини қийшайтириб қўймоқ. Бу камсап меҳмонга доир бирор гап чиқса, ё бошини қимирлатиб, маъқул қиларди, ёки хаёл сурган ҳолда лабини буриб қўя қоларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) йиғламсирамоқ; йиғламоқ.

**БУРНАКИ** қ. бур(у)наки.

**БУРНОҒИ** 1 Ўтган йил (ой, кун, ҳафта)дан олдинги. Бурноғи кун. Бурноғи ой. — Шербекнинг ташаббуси билан колхозимизга бурноғи йили майин жулни такалар.. вотли кўчқорлар келтирилиб, ўзимизнинг жайдари қўй ва эчкиларга .. чатиштириш бошланган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 (қўлл. ф-да) кам қўлл. Бурунги одамлар, бурунчилар. Бурунчилар ма-салидурки, бўлар шининг бошига, яхши келур қошига. Гулханий, Зарбулмасал.

**БУРОВ** I бурмаққ фл. иш оти. Бу-рови кам ётарлича буралмаган (соат, патефон сингари пружинали нарсалар ҳақида).

2 Уй ҳайвонларининг тумшунга солинадиган сиртмоқ. У ҳар ингра-ганда Сотиболди, чаккасига буров со-линган қўшидай, талвасага тушир эди. А. Қаҳҳор, Бемор.

◆ **Оғзига буров солмоқ** гапиршиш имкониятидан, ҳуқуқидан маҳрум қил-моқ, гапиртирмай қўймоқ. — Хунар-мандларнинг оғзига буров солиб қўй-моқ керак экан, — деди у [хон] кўзини чақчайтириб. М. Осим, Элчилар.

**БУРОМАД** [ф-т] Чиқим; сарф-хара-жат. Даромадга қараб буромад. Ма-қол. Гапнинг буромади гапнинг ху-лосаси, якуни. Мухтасар гапнинг бу-ромади ишқим, яшасин шўро ҳуку-мати. А. Мухтор, Опа-сингилар.

**БУРОҚ** [а] I миф. Меърож кечаси Мухаммад пайғамбар осмонга миниб чиқиши учун гўё худо томонидан юбо-рилган қанотли от.

2 кўчма Учқур от. Кувонибон мин-дим деб яхши буроқ, Қетай десам отам-нинг юрти йироқ. «Бўтақўз».

**БУРРО** [ф-т] I Кескир, ўткир. Дў-писини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод .. қиличи бурро .., кимнинг ажали етса, пойқадамингизда, офтоб-ни сряга етказмай, бошини кесиб кел-тирмиз-да! Ҳамза, Бой ила хиз-матчи.

2 кўчма Аниқ-равшан ва ўткир, бий-рон. Бурро гап. Тили бурро одам. — Нони бут кишининг сўзи ҳам бурро. Ф. Гулом. Ҳар қандай шер юрак, ҳар қандай бурро тил ҳам муҳаббат сўз-ларини изхор эттиша ожизлик қилади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БУРРО-БУРРО** рви Аниқ-равшан ва ўткир; бийрон-бийрон. Бурро-бурро га-пирмоқ.

**БУРУЛ** Холдор, кўкиш (от туси ҳақида). Бурул от. | Шу тусдаги от. [Абдуҷалил бой:] Бўлмаса, бурулни тўқимлаб келтир. А. Қодирий, Обид кетмон.

**БУРУН** I (3-ш. бирл. бурни) I Ҳид-лаш органи; ҳидлаш органининг таш-қи қисми. Қирра бурун. Қийғир бу-рун. Бурун катаги. — У ердан бичиб олгандек пак-накана, бурни юзи билан баравар деярли теп-текис эди. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. Шарофатнинг юпка лаблари кўқариб пирпирлади, бурни оқариб, катаклари керцлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 с. т. Жўмрак. Чойнакнинг бурни.

3 Қулфнинг қалит солинадиган те-шиги. Нури бугун Гулнорнинг уйини холи топиб, қалити бурнида унутилган бир қўшини очди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

4 Кеманинг олд қисми, тумшуги. Темура Малик энг олинда бораётган кемада эди, у икки қават соғут ва

дубулға кийиб кема бурнига чиқди. М. Осим, Темура Малик.

◆ **Бурни билан гапирмоқ** (ёки куй-ламоқ) димоғи билан гапирмоқ (куй-ламоқ). У [Собираҳон] нима тўғрида-дир ййлар, ихтиёрсиз бўлса керак, аллақандай ҳазин куйни, бурни билан куйлаб борар эди. А. Қаҳҳор, Хотин-лар. Бурни кўтарилди мағрурланиб, кеккайиб кетди. Улар [мардикорлар] Ерматнинг кўз олдида унаа қариши бир нима демасалар ҳам, орқаворатдан уни масхаралашар, ҳатто сўқишар эди: «Хўжайиннинг лайчаси-ку, бур-нини бир қарич кўтарганига ҳайрон-миз». Ойбек, Қўтлуғ қон. **Бурун сук-моқ** (ёки тикмоқ) ўзига алоқаси бўл-маган ишларга аралашмоқ, қотишмоқ. Олимхоннинг «фазилатлари» санок-сиз: у, эллик боши бўлгани учун, ҳамма тўйи, маъракаларга бурнини тикқади. Ойбек, Қўтлуғ қон. **Бурни ҳам қо-намади қ. қонамоқ.** Икки қўлни бур-нига сўқиб (ёки тикиб) I) қуруқ; ҳеч нарсасиз. Эртаси кун, ёки шу кун кечаси икки қўлларини бурунларига тикиб, қўл қуруқ хўжайинларининг хузурига борадилар. А. Қодирий, Обид кетмон; 2) қуруқ; бенасиба. [Йўлчи:] Ман кучимни, теримни тўқай, фой-дасини сояларвар бойлар кўрсин, ман икки қўлимни бурнига тикиб қола-верай! Қани инсоф! Ойбек, Қўтлуғ қон. **Бурнидан оша** (ёки ортиқ) гапир-моқ бировга сал бўлса ҳам ёқмайди-ган, керагидан ошиқ гап айтмоқ. Отанг бурун қандай эди, энди қан-дай?! Дуненинг жабру-жафосини бо-шидан ўтказган. Ҳеч бир одамга бур-нидан оша гапирмайди. «Едгор». **Бур-нидан ип ўтказиб олмоқ** ўз домига ту-шириб, ўз измига солиб олмоқ. Бо-лагинамга эга чиқиб бурнидан ип ўт-казиб олди, бу доғули. «Муштум», 1959, № 12. **Бурнидан тортса йиқил-гай** холдан тойган, рамақижон бўлиб қолган. Гавдасининг шундай каттали-гига қарамай, қандайдир узоқ касалдан турган одамдек, бурнидан тортса йиқил-лай деб қолди. Ойдин, Бечора. **Бурни-дан чикди** татимади; зое бўлди. Уриш эшитиб, ййнагани ҳам бурнидан чиқди. **Бурнини тишлаб қолмоқ** армонда қол-моқ. [Гулнор] бу хўжрага бошлаб келдингиз, менга жуда ёқди, энди уйга қайтиш ййқ, Мирзакаримбой бурнини тишлаб қолсин. Ойбек, Қўтлуғ қон. **Аччиғи бурнининг учиди қ. аччиқ** 7. **Буруннинг тағида** (ёки остида) с. т. олдигинасида, ёнгинасида.

**БУРУН** II (3-ш бирл. бурни) геогр. Қуруқликнинг сувга ёриб кирган чў-зинчоқ қисми. Челюскин бурни. — **Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан фарби Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралган бурун.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БУРУН** III I рви Илгари, илгариги вақтларда. Аҳвол бурун қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эмас. — Мана бу жойлар бурун Абдуваққос деган бир

эшонга қарашли экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Бурунлари** илгарилари, ил-гариги замонларда. Элу-юрт бошидаги оғир кулфатни,.. бурунлари фақат камбағалчиликдан деб билиб, бундан нарисини кўрмай келган бўлса, энди — о, ййқ! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 рви Олдин, илгари, муқаддам. **Бир кун бурун** соҳсанг, ҳафта бурун ўрасан. Мақол. — **Элмурод Ғани Мар-доновнинг сўнги хатини бир ҳафтама бурун олган бўлса ҳам жавоб эза ол-маган эди.** П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўм. (ч. к. билан) Воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан, ёки шу ҳақда сўз бораётган пайтдан олдин бўлганлигини билдиради. Революция-дан бурун. Бундан беш йил бурун. Бундан сал бурун. Иш мўлжалдан йн беш кун бурун бошланди. — **Эрта билан офтоб чиқмасдан бурун бойнинг ҳов-лисиди икки арава тайёр бўлди.** Ай-ний, Қуллар. **Ҳаммадан бурун** 1) энг аввал, дастлаб, биринчи бўлиб. Жо-лотарёвақа қишлоғига Аҳмаддон ва унинг бўлини ҳаммадан бурун ки-риб борди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) биринчи галда, биринчи навбатда, аввало. **Ҳаммадан бурун шу масалани ҳал қилиш керак.** — **Ҳаммадан бурун шартига тўғрилаб байроқни осмонга кўтариб кўйганини қара.** М. Му-ҳамедов, Қиммат билан Қиммат. **Элдан бурун қ. эл.**

**БУРУНАКИ** Бурунга отиладиган, исқаладиган тамаки ёки нос. Шу вақтда кимдир бурунаки отгандек, қайта-қайта апишурди. Ойбек, Навоий.

**БУРУНГИ** I Ўтмишдаги, аввалги, илгариги. — Тағин нима дейсиз? — Ҳеч нарса демайман.. **Лекан сиз икки йил бурунги Қумуш эмассиз.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бурунчилар** қадимги адамлар, ота-боболар. **Бурунчилар.. югурганники эмас, бюреанники дей-ишган.** А. Қаҳҳор Қўшчинор.

2 (ч. к. билан) Бирор пайтдан, жо-қеа-ҳодисадан олдин бўлган; илгариги. **Революциядан бурунги адабиёт.**

3 Қадимий, кўҳна, эски. **Бурунги гап.** Бурунги замонларда Ибнисино, Луқ-мон Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган. Ойбек, Қўтлуғ қон. **Бу-рунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг.** А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**БУРУНГИДАЙ**, «дек Бурун қандай бўлса, шундай; ўзгаришсиз, бурунгича. Аҳвол бурунгидай. У бурунгидай хуш-чақчақ. — Йўлда ўтган саргузашт унутилди. Икки ошина бурунгидай атоқ-чапоқ бўлиб пивохонага кирди. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**БУРУНГИЧА** айн. бурунгидай. Аҳ-вол бурунгича. — [Зайнаб] йн оғизга бир оғиз сўз қайтармас, тингегина, мулоҳимегина, яъни шундан бир йил бурунгича эди. А. Қодирий, Ўтган кун-лар.

**БУРУНДИК** Қонағон туянинг ёки итнинг тумшугига кийдириб қўйиладиган махсус тўр, Тепада итнинг бу-

рундигидек сим тўр кийгизилган қизғиш лампа ёнар эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**БУРУНДОР** Бурни катта. [Ортиқ Холиқов] пакана ғўштдор. серқош, бурундор, бурнининг остида жиндак мўйлови ҳам бор эди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**БУРУТ** (3-ш. бирл. бурти) диал. Мўйлов. Қора бурти кўкка ўсган, бет қипқизил. Ғ. Ғулом.

**БУРУШГАН** 1 бурушмоқ фл. сфтиди. 2 Ажин босган; серажин, бурушқоқ. Бурушган юз. Бурушган олма.

**БУРУШИҚ** 1 сфт Ажин босган, бурушган. Йигит унинг букилган қаддида, бурушиқ юзларида оддий қариллик оқизлигини эмас, балки қуллик изтироби ва синган гурурнинг забунлигини кўриди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 от Бурушган, тиришган жой, бурма, кат; ажин. Қийимнинг бурушиғи. ■ Шокир отанинг юз бурушиқларида нам мавжланган каби туйилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БУРУШИҚ-ТИРИШИҚ** Жуда ҳам бурушган, бурушиб, тиришиб кетган. Скелет каби нукул суюқдан иборат бўлган кичкина хотин, бурушиқ-тиришиқ юзи — олқинди совун. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БУРУШМОҚ** 1 Ажин билан қопланмоқ. Икромжон бўлса, озиб чўп бўйли кетган эди... юзлари саксовулдек бурушиб кетганга ўхшарди. С. Аҳмад, Уфқ. | Нафрат, норозилик, оғриқ каби ҳис-туйғулардан тиришмоқ, чимирилмоқ. Элмурод Мурзиннинг кайфи борлигини сөзди. Нордон нарса чайнагандек юзи бурушиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар. Чолнинг доимо айтадиган бу сўзи кампирга татсир ҳам қилмади.. баттар бурушиб, тумшайиб олди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Курушиб ёки тортишиб қат-қат бўлиб қолмоқ. Бурушиб қолган олма. ■ Ҳаммадан Аҳмаднинг туриши аломат: бошидаги оқ қалпоғи эзилиб, бурушиб кетгани учунми, афтини ошпазларга ўхшатиб юборибди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БУРУШТИРМОҚ** бурушмоқ фл. орт. н. Чокни буруштириб қўйибсиз. Гармсел барглари буруштириб қўйди. ■ Завхоз эса шу ҳам иш бўлди, дегандай лабини буруштириб қўйди. С. Маҳкамов, Шогирд. Ғўзал қиз.. нималардир ёқмаздан юзини буруштирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БУРУШҚОҚ** 1 Бурушган, бурушиқ. Бурушқоқ олма.

2 Бекорга, салга бурушиб қолаверадиган. Бурушқоқ газлама.

**БУРУҚ:** юрак (ёки ич) буруғи 1) айн. дизентерия. Ҳа.. соғлиқни сақлаш бўлимидан чўпонлар ўртасида юрак буруққа қарши профилактика ўтказиш тўғрисида кўрсатма бор. С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўчма дағл. мужмал одам ҳақида.

**БУРУҚСАМОҚ** 1 Паға-паға бўлиб

чиқмоқ, кўтарилмоқ (тутун, чанг ва ш. к. ҳақида). Мўридан буруқсаб тутун чиқаёттир. ■ Майдонни буруқсаган қора, оқ бадбўй тутун эгаллаб олди. Мумтоз, Маъшқ.

2 Тутаб ёнмоқ, тутамоқ; қуюқ тутун чиқармоқ. Самовар буруқсаб кетди. Хазон буруқсаб ёнмоқда.

3 Анқимоқ, гуркираб тарқалмоқ (хид ҳақида). Сочингдан буруқсар эди сунбулнинг иси. Ғ. Ғулом.

4 Кўчма Ичдан чиримоқ, сасимоқ, инқирозга юз тутмоқ. [Ҳамза] кўп асрлардан буён буруқсаб келган феодализм, жаҳолат ва диний тасаввурлар зулмати орасида кўзни қамаштирарлик даражада яркираб турган нур эди. «Ҳамза».

5 Кўчма с. т. Ножўя, бўлмағур гаплар гапирмоқ, алжимоқ.

**БУРУҚСАТМОҚ** буруқсамоқ 1—3 фл. орт. н. Қўнанинг чангини буруқсамоқ. ■ Қози қора чироқнинг тутунини буруқсаб ўртага келтириб қўйди. Шамс, Уруш.

**БУРУҚТИРМОҚ** Паға-паға чиқармоқ, бурқиратмоқ, буруқсамоқ (тутун, буғ, чанг ва ш. к. ҳақида). Отлар бурунларидан буғ буруқтириб, сўлуқ чайнаб шиқирар эдилар. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУРЧ** 1 Адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа, мажбурият. Ватанпарварлик бурчи. Хизмат бурчи. Ҳарбий бурч. Мен ўз бурчимни ўтадим. ■ Бизнинг элимизда Она-Ватанга хизмат қилишдан улуғ ва шарафли бурч ийқ. Ж. Ташенов, Жангчи Утеген. Ватанни душмандан ғимоя қилиш жангчининг муқаддас бурчи. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

**БУРЧ** 2 1 айн. бурчак 2, 3 Қазарма қоронғи, унинг бир бурчида кичкина чироғ милтиллар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Чекка, чет. Истасак нур миниб ярим секундда, Учармиз фазонинг бурчдан бурчига. Ғ. Ғулом. Ошиқ-маъшуқларга дунёнинг нариги бурчи ҳам бир, оғайни. П. Турсун, Уқитувчи. Олдинги тишлари тушганидан лабининг икки бурчи кириб, юзининг бурушиқлари билан туташиб кетган. Шухрат, Шинелли йиллар. Раҳматилла, бир томондан, кўнглининг бир бурчида алланимадан умид пайдо бўлиб, областага борди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БУРЧАК** 1 мат. Бир нуқтада кесишган икки чизик орасидаги текислик. Бурчак даражалар билан ўлчаёди. Тўғри бурчак. Утмас бурчак. Уткир бурчак. Бурчак боши. | Шундай текислик турли ҳодисалар ўлчови сифатида. Мўлжалга олиш бурчаги. Кеманинг курсдан оғиш бурчаги. Нурнинг тушиш бурчаги қайтиш бурчагига тенг.

2 Нарсаларнинг томонлари кесишган жой; бурч. Дафтарнинг бурчаги. Столнинг бурчаги. ■ Тўрт бурчагига кўк, бинафша, шафтоли ранг ипақлар

билан гуллар тикилган. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Хона, бино, ҳовли ва ш.к.нинг ички деворлари туташган ери, бурчи ва унга яқин жой. Ҳовлининг бурчаги. Айвоннинг бурчаги. Қўрғоннинг бурчаги. ■ Бурчакда икки кўрпа, бир болши юмалоқлаб қўйилган. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тахмон ёнидаги бурчакда қўштиғ милтиқ осилган. П. Турсун, Уқитувчи. Уктай бирпас тинглаб, ўз землянкасига кирди-да, бурчакка чўзилди. Ойбек, О. в. шабадалар.

4 Кўчаларнинг, йўлларнинг қайилиш жойи; муюлиш, муюш. Бизники мана шу бурчакдаги эшик. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Кўчма Чекка ер, чекка, тараф, томон. Тарихий байрамга бир ой вақт қолган ҳозирги кунларда республика-мизнинг ҳамма бурчакларидан рапортлар олинмоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1956, 9 октябрь. Тоғнинг ҳар бурчаги ва ёнбағридан акс садо келиб дарани ларзага келтирди. Айний, Дохунда. Тақдир шамоли уни турли бурчакка учирди ва охири, мана Қамишқанага келтириб ташлади. П. Турсун, Уқитувчи. | Киши билмас, пастқам ер; чекка, овлоқ. Ҳасанни Сафарқул бир бурчакка олиб бориб нима хусусодаир у билан гаплаша бошлаганида, Қутбия учун тинч нафас олишга, озод гапиршига фурсат топилди. Айний, Қўллар. Шу чоққача қайси бурчакда могор босиб ётган эдингиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

6 Саноқ сонлар билан қўшма сўз ясайди, мас. учбурчак; тўртбурчак, бешбурчак.

◆ Қизил бурчак ижтимоий-сиёсий, тарбиявий характерда оммавий иш олиб бориш учун ажратилган ва жиҳозланган махсус жой, хона ёки хонанинг бир қисми. Салим Собиров район ва шаҳардаги ёр-дўстларининг ёрдами билан кичикроқ бир кутубхона, қизил бурчак ташкил қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ленин бурчаги Лениннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ оммавий-сиёсий иш олиб бориш учун ташкил этилган қизил бурчак. Маҳсим тегирмон паррагига қўлбола динамосини қўндириб, ундан чойхона сўрсига, Ленин бурчагига, чинор шохига сим тортиб лампочка илди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**БУРЧАКЛИ** Бурчаги бўлган. Тўғри бурчакли учбурчак (мат.). ■ Кампир Эргашнинг қўлидан уч бурчакли кўк конверт билан телеграммани олиб бағрига босди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУРЧЛИ** Бирор бурчи, мажбурияти бўлган; қарздор. Мен сизнинг олдингизда бурчлиман. ■ Муҳаррир ҳар куни газетгага бир мақола ёзишга бурчли. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БУРЧОҚ** Бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг дони.

**БУРЯТ** қ. бурятлар. || Бурят аёл.

**БУРЯТЛАР** Бурятия АССРнинг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ, бурят халқи.

**БУРҚИМОҚ** айн. бурқирамоқ. Машҳадий кимдан ранжиса, ўша соатда бир ҳажв ила ўз «душманини сўз балчиғига шундай булғайдики, ўқиркан, энг чиркин ҳид бурқиб туради. Ойбек, Навоий. Узоқда кўзга хира чалинган теналикнинг орқасида қора, қуюқ тутун бурқиб ҳавода оғир кезарди. Ойбек, Кўеш қораймас.

**БУРҚИРАМОҚ** 1 Паға-паға кўтарилмоқ, буруқсамоқ, бурқимоқ. Мўридан бурқираб тутун қиқайтир. Бурқираб чанг кўтарилди. ■ Телпаги тагидан қозон қайнаётгандай буғ бурқирайди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Гурқирамоқ, анқимоқ, гурқираб таралмоқ (ҳид ҳақида). Ошхона томондан бурқираб сомса ҳиди келди. Ойбек, Улуғ йўл.

**БУРҚИРАТМОҚ** бурқирамоқ фл. орт. н. Чаланинг қип-қизил чўғларини оташкурак билан қоқиб, кўкши тутунни бурқиратаётган чойхоначи кўзларини бадтарроқ қисиб илжайди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БУРҚИТМОҚ** бурқимоқ фл. орт. н. Саври хумор тарқатишга чилимни солар, тутун бурқитиб. Ф. Фулом.

**БУРҒИ** тех. Қончиликда, геологик қидириш ва ш. к. ишларда ишлатилган парма.

**БУРҒИЛАМОҚ** Бурғи билан кавламоқ, пармаламоқ. Бурғилаш техникаси.

**БУРҒУ** Карнай ёки сурнай шаклидаги қадимий чолғу асбоби. Сўғлар ноғора ва бурғулар овози остида боғ-бўстонларига бостириб кирган ёвни аямай қиравердилар. М. Осим, Искандар ва Спитамен.

**БУС-БУТУН** рвш Бутунлай, тамомяла. Ҳозирги Мирзачўлнинг рухсори бус-бутун бўлакча. М. Жўра, Кўёшдан нур эмганлар.

**БУТ** 1 Тўлиқ, расо; беками-кўст. Запас қисмлар бут. ■ Уст-бошим бут, қорним тўқ, қайғим йўқ. Ф. Фулом, Шум бола. Экиш олдида ер яхшилаб текисланди, натижада чигит текис униб чиқади, кўчат бут, квадратлар аниқ ва гектар тўлиқ бўлади. | «С. Ўзбекистони», 1965, 9 февраль. || Саидхон икки парчани бир-бирига улаб, бут қилиб кўрди. Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка. **Нони бут** тиркичлиги тўлиқ таъмин этилган, рўзғордан камчилиги йўқ. Нони бут кишининг сўзи ҳам бурро. Ф. Фулом. **Тўрт (ёки чор) ишкали бут** қ. чор 1.

**БУТ** II 1 с. т. Икки оёқ ораси; чот. Олақаргага етаман деб, чумчуқнинг бути йирилибди. Мақол.

2 диал. Оёқ, пуг. Шундай қаради: кўрди, Кўк дўнанин ўйнатиб бир қалмоқ келайтир. Самарқанднинг миноридай энкайиб, бути аймашиб кетган зўр қалмоқ. «Алпомиш».

**БУТ** III [ф-т] дин. 1 айн. санам. 2 с. т. Крест шаклидаги нарса;

крест. Отряднинг ўликларини тўплаб, қайинзордаги қабристонни ёғоч бутлар билан тўлдириб кетишдан бошқа иложи йўқ эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУТА** [ф-т] Тагидан шохлаб ўсадиган майда дарахт. Ирғай, тўронғи, ёввойи жийда, дўлана сингари бута ва дарахтлардан иборат тўқайни оралаб анча юрилган, ҳеч қутилмаган ерда Ҳрмонжон: — «Келдик», — деб отдан тўшди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**БУТАЗОР** [ф-т] Нуқул бута ўсадиган, бута ишғол этган ер. Бақақурул-лоқдан чиқилгандан кейин йўл бутазор, қумлоқ, қўриқ, ер ва экин майдонларини оралаб кетар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**БУТАЛМОҚ** бутамоқ фл. мажх. н. Буталган дарахт.

**БУТАМОҚ** Шох-шаббаларни кесмоқ. Сидиқжон .. иштоб билан дарахт бутар экан, Қанизкани излаб атрофга кўз ташлади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**БУТАШМОҚ** бутамоқ фл. бирг. н.

**БУТ-БУТУН** бутун 1 с. инт. Бут-бутун этик. Бут-бутун қоп.

**БУТЕРБРОД** [р<нем] Устига сариёғ суртилган ёки пишмоқ, колбаса япроғи қўйилган бир кесик нон.

**БУТИЛКА** [р<бутылка] Бўғзи тор шиша идиш. Ярим литрли бутилка. Бир бутилка лимонад. ■ Бу чоқда ичкаридан тешикка қаратиб ўқ отилган бўлса ҳам, керосин бутилкасини синдиришдан бошқа зарар еткиза олмади. Айний, Қўллар.

**БУТКУЛ** рвш Бутунлай, тамомяла, батамом. Дадам буткул бошқа бир дунё. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**БУТЛАМОҚ** Чаласини, камини, етмаганини тўлдирмоқ, расоламоқ, тўлиқ, беками-кўст қилмоқ.— Ишлаб зарар кўраганим йўқ. Ҳамма кам-кўстларимни бутлаб олдим,— деди Адол хола. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

**БУТЛАНМОҚ** бутламоқ фл. мажх. н. **БУТОҚ** 1 Дарахтнинг танасидан ёки асосий йўғон шохларидан тармоқланиб чиққан ён шох. Инвалид ошпаз оқсоқланиб юриб тут бутоғига осилган зангни қўлидаги таёғи билан ура бошлади. М. Мухамедов, Қиммат билан Ҳиммат. | Кесилган шох қолдиги.

2 кўйма Тармоқ, шохобча. Сомонийлар шажарасининг сўнги бутоғи бўлган одам подшо Нух бин Мансур касалманд одам эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. **Бутоқ отмоқ** 1) айн. **бутоқланмоқ**; 2) кўйма ажралиб чиқмоқ, тармоқланмоқ. Қишлоқ ўртасидан ўтган катта йўл бутоқ отиб, далаларга туташган. Й. Шамшаров, Богбон.

**БУТОҚЛАМОҚ** Бутоқ чиқармоқ, шохламоқ.

**БУТОҚЛАНМОҚ** Бутоқ чиқармоқ, шохламоқ.

**БУТПАРАСТ** [ф-т] Бутга, санамларга топинувчи.

**БУТУН** 1 Синмаган; синдирилмаган; синиқ-мертик жойи йўқ. Бутун нон. Бутун коса. Бутун ғишт. ■ Мураббиа ҳалиги қўли синган кўғирчоқни олиб. Ўрнига бутун кўғирчоқни ётқизиб қўяётган экан. Ойдин, Болалик уйда ғийбат йўқ. | Йиртилмаган, тешилмаган, йиртиқ жойи, тешиги йўқ. Бутун калши. Бутун қоп. ■ Камбағал халқ ўлиб-тирилиб меҳнат қилади-ку, қорни тўймайди, зени бутун бўлмайди. Ойбек, Қўтлуғ қон. | Шикастланмаган, бешикаст. Бутун шоти. ■ Кўприк бутунми ёки мажакаб ташиландими, бу унга қоронғи. И. Раҳим, Чин муҳаббат.— [Насиба Зухрага дастий тугтиб:] Кўлингизни ювинг, хола.— [Зухра:] Оёғим бутун, ўзим бориб ювиб келаман. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Сиртим бутун бўлса ҳам, ичим тутун. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Бузилмаган, очилмаган; яхлит. Бутун консерва. ■ Бой айтади: «Бутун берин пулимни, Кўп сўйлатиб қичмагин тилимни .. Эргаш шонр. Тегирмондан (ёки тегирмонга тушса) бутун чиқади жуда эпчил, ҳар қандай мушкул ахволда ҳам ўзини йўқотмай диган одам ҳақида. Йигитмисан йигит! Кучли, тегирмондан бутун чиқади. А. Мухтор, Тугғилиш. Турсумбетов деган қирғизни полкда ҳамма билар эди. Тегирмонга тушса бутун чиқадиган йигит эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бут, расо, тўлиқ. Эси бутун одам. || Эрта эккан бутун олур, кечга қолган ўтин олур. Мақол. ■ Ортиқча хафа бўлма, болам. Энди сен билан мен бир бутун бўлдик. Икки ёрти бир бутун бўлса, бутун кишининг қўлидан кўп иш келади. А. Убайдуллаев, Қонли издан. **Бир бутун** яхлит ёки бўлинмайдиган. Бир бутун қилиб ясалган дөталь.

3 мат. Қаср қисми бўлмаган. Бутун сонлар. | Икки бутун ўндан беш. Беш бутун бир тақсим икки.

4 Бор, борлиқ, барча, ҳамма. Бутун имкониятлардан фойдаланмоқ. Воқеани бутун тафсилоти билан айтиб бермоқ. Бутун куч, бутун ғайрат — коммунистик қурилишнинг улғу вазибаларини бажаришга қаратилган.

■ Энди мен ўз олдимга битта мақсадни қўйдим. У ҳам бўлса, бутун умримни Ленин иши учун курашга бағишлайдир. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Ҳўжабеков бўм-бўш кўчада якка ўзи. Бутун вужуди асабий титрайди. С. Анорбоев, Оқсой. Унинг назарида бу муҳаббат ҳеч кимникига ўхшамас, бинобарин, ҳеч ким уни тўла ва бутун теранлиги билан тасаввур этолмас эди. Шўхрат, Шинелли йиллар. | Урин, жой, макон билдирувчи сўзлар билан келганда уларни таъкидлаб ёки бутунисча кўрсатиш учун хизмат қилади. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз! ■ Аллақандай қўш карнайнинг овози келди. Бутун қишлоқ янграб кетди. Ойдин, Ширин келди.

**Элмурод** ўзининг кичкина бир қиш-  
лоқда олиб бораётган иши бутун бир  
мамлакатда амалга оширилаётган буюк  
план билан боғли эканини фахмлагач  
бениҳоя фаҳрланди. П. Турсун, Ҳу-  
қитувчи. | Ҳурин, жойи, макон ёки киши-  
лар коллективидаги барча кишиларни  
билдиради. Азон паллада бутун Ко-  
рабулоқ тоққа жўнади. М. Исмои-  
лий, Фарғона т. о. Бу гап бутун полкка  
доғруқ бўлди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.  
Ердан қор кетиши билан кўчиб келиб,  
бутун оила чумолидай ишлар эдик.  
Ойбек, Қутлуғ қон. | Вақт билдирувчи  
сўзлар билан келиб, шу сўз орқали  
ифодаланган вақт оралигини ифода-  
лайди. Бутун йил. — Қутидор эса  
бутун кун меҳмонхонасига келиб-кетиб  
турган кўнгли сўроғчи оина, ёр-дўст-  
лари билан овора бўлди. А. Қодирий,  
Ўтган кунлар.

◆ **Бағри бутун** бола-чақаси, қа-  
риндош-уруғлари ўз олдига бўлган. —  
Қалай, Роҳат опа, зерикмасдан ўти-  
рибсизми? Болаларингизнинг дийдорига  
тўйдингизми? — деб сўради Эйтибор  
опа. — Раҳмат, айланай Эйтибор-  
хон, бағрим бутун бўлиб қолди, —  
деди Роҳатбиби. Ҳ. Гулом, Машъал.  
**Бутун бошли қ. бошли. Нони бутун**  
**қ. нон.**

**БУТУНИСИЧА** рвш 1 Бутунлигича,  
бутун ҳолда, бор бўйича.

2 Тўлиқ ҳолда, батамом. **Марксизм**  
классикларининг идеология ҳақидаги  
таълимоти бутунисича бадиий ада-  
биётга ҳам оиддир. «Адабиёт наза-  
риси».

**БУТУНИЧА** айн. бутунисича. Очи-  
қиб турган эдим паловни бутунича  
югим келди. И. Раҳим, Ҳилола.

**БУТУНЛАЙ** рвш 1 Тамонила, тамо-  
ман, батамом. Бу бутунлай бошқа гап.  
Сизни бутунлай унутибман. У бутун-  
лай эсдан чиқибди. — Тўхта хола ўз  
ўғлини таниёлмади. Унга ҳарбий фор-  
ма жуда ҳам ярашган ва бутунлай  
ўзгартириб юборган эди. И. Раҳим,  
Чин муҳаббат. Элмурод ўз ҳаяжонини  
босишга тиришиб деди: — Бу бутун-  
лай нотўғри. П. Турсун, Ҳуқитув-  
чи.

2 Катъиян, узил-кесил. Чекиш бутун-  
лай ман этилган. — Қурбон ота МТС-  
дан жавоб олиб Капсанчиларга бутун-  
лай кўчиб келди. А. Қаҳҳор, Қўшчи-  
нор.

3 (бўлишсиз феъллар билан) Сира,  
асло, ҳеч. Бутунлай кўрқмайман. —  
Оқила билан Баҳодир бир-бирлари би-  
лан бутунлай гаплашмай кўйдилар.  
М. Жалололидинова, Кейинроқ.

**БУТУНЛАЙИН** рвш 1 Бутунлигича,  
бутун ҳолда. Ҳозни бутунлайин пи-  
ширма.

2 Бутунлай, тамоман. **Бутунлайин**  
кетмоқ.

**БУТУНЛАМОҚ** 1 Бутун қилмоқ,  
бутун ҳолга келтирмоқ. **Шаҳарда Шо-  
кир ота** деган маҳсидўзининг дўконхо-  
насида ўз этигини бутунлаб олипти.  
Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Камнини тўлдириб бут қилмоқ, ра-  
соламоқ, бутламоқ.

**БУТУНЛАНМОҚ** бутунламоқ *фл.*  
мажх. н. Боғнинг атрофи эски, паст,  
лекин ямалиб-яқалиб бутунланган де-  
ворлар билан ўралган. Ойбек, Қутлуғ  
қон.

**БУТУНЛАТМОҚ** бутунламоқ *фл.*  
орт. н.

**БУТУНЛИГИЧА** рвш Бутун ҳолда.  
Дорини бутунлигича ютмоқ. Балиқни  
бутунлигича қовурмоқ. Бутунлигича  
сақланган ёдгорлик.

**БУТУНЛИК** бутун с. белги *оти.*  
Бутунлигини ҳам, синиқлигини ҳам  
билиб бўлмайди. **Бир бутунлик** бир  
бутун ҳолда бўлиш, бўлинмаслик,  
яхлитлик. Бош ва орқа мия бир бутун-  
ликни ташкил этади. «Анатомия».

**БУТХОНА** [ф-т] 1 с. т. Черков.  
Бутхона қўнғироғи кечки ибодатга  
чақириб, оғир ва узун жаранглади.  
А. Қаҳҳор, Тошабоғ.

2 Мажусийлар ибодатхонаси.

**БУФЕР** [р<ингл] Паровоз, вагон,  
автомобиль ва ш. к.да урилиш зар-  
бини юмшатувчи қурилма. Паровоз  
узоқ гудок бериб, жойидан қўзғалди.  
Вагонларнинг буферлари гижирлаб,  
поезд яна ел қувиб учди. М. Муҳамедов,  
Қаҳрамон изидан.

◆ **Буфер давлат** сис. ўзаро зид ёки  
уруш ҳолатидаги давлатлар ўртасида  
қалқон бўлган бошқа, одатда кичик  
давлат.

**БУФЁТ** [р<фр] 1 Идиш-оёқ, меса-  
чева, ичимлик ва ш. к. сақланадиган  
махсус шакаф. **Лаптофат буфетдак**  
гулдор тарелка олиб .. ҳужрага кириб  
кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Енгил-елпи овқатланиш учун мўл-  
жалланган емакхона. **Мактабларни**  
ошхона ва буфет билан таъминлаш  
ҳам яхши ташкил этилган. «С. Ўз-  
бекистон», 1965, 4 февраль.

**БУФЕТЧИ** Буфетда ишловчи савдо  
ходими. Буфетчи Розиковой руҳсат  
сўраб кабинет этигини очди-ю, бедана  
юрши қилиб келиб қўл чўзди. А. Му-  
хиддин, Чап чўнтак.

**БУХАНКА** [р] Бир бутун булка  
нон. **Полвон ҳар ёққа югуриб, бир бу-  
ханка нон топа олди.** Ойбек, Қуёш  
қораймас.

**БУХГАЛТЕР** [р<нем] Идора, муас-  
саса, корхона ва ш. к.нинг ҳисоб-китоб  
ишларини олиб боровчи мутахассис  
ходим; ҳисобчи. **Бош бухгалтер.** —  
Соғ-саломат эканми **Нормат?** —  
Худога шукур .. Эргашбойга ўқитай  
деган эдим, бу ерда ўй, бухгалтер бо-  
лмага олиб кетяпман, — деди кампир  
хатни кўрсатиб. И. Раҳим, Чин му-  
ҳаббат.

**БУХГАЛТЕРИЯ** [р] 1 Ҳисоб-китоб  
назарияси ва практикаси. **Бухгалте-  
риядан дарс бермоқ.**

2 Идора, муассаса, корхона ва  
ш. к.нинг ҳисоб-китоб ишларини олиб  
боровчи бўлими. **Бухгалтерия** ходим-  
лари. **Колхоз бухгалтерияси.** | Шу бў-  
лим жойлашган хона.

**БҮХОР:** Бухор сақич Бухорода тай-  
ёрланадиган оқ сақич. **Бухор танга**  
Бухоро холигида зарб қилинган 15  
тийинлик танга.

◆ **Пуф десант, Бухороча учди қ. пуф.**  
**БҮХОР(О)ЧА** с. т. Бухоро шахрига,  
Бухоро аҳолисига ҳос. **Бухорча дўппи.**

**БУХТА** [р<нем] Бўрон ва тўлқин-  
лардан пана қўлтиқ; кўрфаз.

**БҮЮК** 1 Улуғ, катта. **Буюк шоир.**  
**Буюк давлатлар.** — Ленин фарзандлари  
қалбининг кучи, Атомлар кучидан  
хила буюқдир. **Ғ. Гулом.** | Улуғвор,  
улкан. **Коммунистик қурилишнинг бу-  
юк вазифалари** кишиларимизнинг мат-  
навий қиёфасини тобора ўстиришни  
тақозо қилади. «Қ. Ўзбекистон», 1959,  
№ 131.

2 Баланд бўйли, баланд, юксак.  
**Буюк тоғ.**

3 Буюк (эркаклар исми).

**БҮЮКЛИК** буюк 1, 2 с. белги *оти.*  
Инсоннинг буюклиги ақл-идрок билан.

**БҮЮМ** 1 Тирикчилик ва рўзгорда  
керак бўладиган ҳар бир нарса. **Рўз-  
гор буюмлари. Зийнат буюмлари. Зи-  
рини буюмлар.** — Нури кийинишни,  
безакни севар эди. **Зирак, билағузук,  
заркокил, қўлтиқтумор, тиллақоши,  
зебигардон каби .. буюмлардан қути-  
қути йиққан эди.** Ойбек, Қутлуғ  
қон.

2 Маҳсулот, нарса, ашё. **Буюм ишлаб**  
чиқаришда фойдаланилаётган хом ашё  
ва материалларнинг гоят сифатли...  
бўлиши яхши моллар ишлаб чиқариш-  
нинг энг муҳим шартидир. «С. Ўз-  
бекистон», 1965, 6 июль.

**БҮЮР** диал. Оч биқин. **Шу кунни ..**  
жонивор **Ғирқўқ** сузилиб, буюри-бую-  
рига қапишиб, .. **Ширвонга кириб бор-  
ди.** «Равшан».

**БҮЮРИЛМОҚ** буюрмоқ 1 1, 3, 4  
фл. мажх. н. Буюрилган ишни ўз  
вақтида бажармоқ. — **Уларга ун**  
чиқармайсан, биров билан гаплаш-  
майсан, деб буюрилган. М. Исмоилий,  
Фарғона т. о.

**БҮЮРМОҚ** 1 1 Буйруқ бермоқ, амр,  
фармон қилмоқ, ҳукм қилмоқ. **Иш**  
**буюрмоқ.** **Болани ишга буюр, кетидан**  
ўзинг югур. Мақол. **Иш ёқмасга иш**  
буюрсанг, **Сенга ақл ўргатар.** Мақол.

— **Моҳлар ойм Рағнони бағридан**  
чиқариб буюрди: — **Бор, Анвар** аканга  
салом қил! **А. Қодирий, Меҳробдан**  
чаён. **Капитан Аҳмаджонга ҳар қандай**  
қилиб бўлса ҳам, немис пулемётларини  
бартараф қилишни буюрди. А. Қаҳ-  
ҳор, Олтин юлдуз. **Эртасига Азизбек**  
мажкур икки кишини ўз ҳузурига ол-  
дириб, мақтовчига улуғ мансаб ата-  
қилар ва иккинчисини ўлимга буюрар.  
**А. Қодирий, Ўтган кунлар. Буюрини**  
**ёки буюрсинлар!** 1) буйруғингизни бе-  
раверинг, буйруғингизга тайёрман  
(тайёрмиз). — **Сизга оғир келмаса, бир**  
**хизмат топширмоқчиман, устал!** —  
**Буюрингиз!** А. Қодирий, Ўтган кун-  
лар; 2) марҳамат қилинг, марҳамат.  
[Волков:] **Афандилар, столга буюрсин-  
лар!** Н. Сафаров, Шарқ тонги.



2 Буюртирмоқ, заказ қилмоқ, *Пальто буюрмоқ*. — Атайдан узоқ-узоқ жойлардан ўзига тўқ, бадавлат кишиларнинг хотинлари келиб янги-янги нусхалардан буюриб кетадилар. Ойдин, Бечора. *Хушрўй* синглисини ўтқазиб, чўрисига чўй буюрди. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Топширмоқ, бермоқ (қонун йўли билан). — Нафақа керак бўлса, даромдининг ярмини олинг, лекин болани тўқ қўйинг. Бермайман, овора бўлмаге! — Нега? Болани онага буюради-ку! А. Қаххор, Қўшчинор.

4 Тавсия қилмоқ, ёзиб бермоқ (дори-дармон, парҳез ва ш. к. ҳақида). *Дори буюрмоқ. Парҳез буюрмоқ.* — Қатиқ ичириб кўрдингизми? — деди онасига [Отабек] — Йўқ. — Қатиқ буюринг! А. Қодирий, Утган кунлар.

5 (ж. к. билан) Бирор иш, топширик билан бирор жойга юбормоқ. Қаерга буюрсангиз, тайёрман.

◆ Айбга буюрмоқ қ. айб 2. Ташриф буюрмоқ қ. ташриф.

**БУЮРМОҚ** II Насиб бўлмоқ, насиб қилмоқ. *Буюрса — бола, буюрмаса — бало.* Мақол. — Уғилдан буюрса, шунақа бўлади. Отасининг узини босиб васиятини бажо келтиряпти, барака топкур! Х. Назир, Васият. Ҳа, қизларнинг кўнглини тушуниб бўлмади. Юеургани қолиб, буюрганга билма кета беради, дўстим. П. Турсун, Ҳўқитувчи. — Оқсоқоллигингиз ўзингизга буюрсин! — деб тўнгиллади Гулсум. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БУЮРТИРИЛМОҚ** буюртирмоқ фл. мажх. н. Буюртирилган кийимлар.

**БУЮРТИРМА** айн. буюртма. Буюртирма пальто.

**БУЮРТИРМОҚ** I буюрмоқ I фл. орт. н.

2 Буюрмоқ, заказ қилмоқ. *Этик буюртирмоқ. Овқат буюртирмоқ.*

**БУЮРТМА** I от Бир нарса ясаб, ишлаб бериш ҳақидаги топширик, заказ. *Буюртма бермоқ. Буюртмалар қабул қилмоқ.* — Сарой одамлари ҳам кўп нарсани унга [Собир темирчиға] буюртма қилардилар. Ж. Шарипов, Ҳораэм. Чирчиқ электрохимия комбинати коллективи қардош социалистик мамлакатларнинг буюртмаларини ҳам муваффақиятли бажармоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 13 сентябрь.

2 сфт Буюртирилган, заказной. *Буюртма этик.* — Кундузнинг онаси азондан туриб, нари-бери ҳовлиларини супуриб, буюртма тўппиларни тиқиша ўтиради. Ойдин, Бечора.

**БУЮРТМАЧИ** Буюртма берган киши ёки ташкилот; заказчи. *Буюртмачилар кўп бўлган кунни [уста] жуда ҳам дилкашлашиб кетадилар.* Н. Аминов, Устоз.

**БУЮРМОҚ** буюрмоқ I фл. орт. н. Кийим буюртмоқ.

**БҮЮК** Қаттиқ совуқ, аёз. *Кечга яқин Чирчиқ томондан илғирин турди, бўғотлари ялаб қорини ичириди. Буюк кучайди.* Х. Фулом, Машғал. **БҮЮК**

урдими ёки буюқда қолдингми кест. унча совуқ бўлмаса-да иссиқ кийиниб олган одамга айтиладиган ибора. У, узоқ Фарғона қишлоғининг серқилиқ иқлимини болалигидан билгани учунми, буюқда қоландай эгнига брезент чакмон, бошига намат қалпоқ кийган. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БУҚА** Бичилмаган ёш эркак қорамол.

◆ **Буқа бўйин** бўйни буқанинг бўйнидек йўғон. *Буқа бўйин одам.*

**БУҚАЛАМУН** [ф-т] I от, зоол. Жанубий Осиёда тарқалган, дарихтда яшовчи, судралиб юрувчи жонивор. *Буқаламун сингари ҳар дам ранг-баранг, қилади найранг, Коллективлар қуноғига яширинади захарли ништар.* Ф. Фулом.

2 сфт, кўчма Ўзгарувчан, бирдек турмайдиган. — Бу буқаламун фалакнинг гардишига боқ, чирғим! — деди Шокир ота. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**БУҚАЛАМУНЛИК** Ўзгарувчанлик, бирдек турмаслик. *Мирзонинг бахти учун ҳозирдан бошлаб тадбирлар кўрмоқ зарур. Нечунким, тақдирнинг буқаламунликлари бениҳоятдир.* Ойбек, Навоий.

**БУҚОҚ** I мед. Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасидаги касаллик. | Шу касаллик натижасида катталашган қалқонсимон без. *Малоҳатнинг кўк пиёладан кўра кичикроқ буқоғи бўлиб, шунки ўтган йил кузда кестирган экан.* А. Қаххор, Жонфигон. | Шу касалликка йўлиққан ва қалқонсимон бези катталашган одам.

2 Дарахт танасининг зарарланиши натижасида унда ҳосил бўлган шиш, гурра. *Енғоқ буқоғи*

**БУҚТИРМА** айн. биқтирма.

**БУҚЪА** [а] эск. кт. I Мадрасаларда фақир ёки қаландарлар учун белгиланган хужра.

2 Фақирона уй, кулба.

**БУҒ** Суюқ жисмларнинг иситилгандаги газ ҳолати. *Сув буғи. Симоб буғи. Қуруқ буғ (физ.). Буғ кучи (физ.). Буғ қозони (тех.). Буғ двиеатели (тех.).* *Буғда пиширилган манти.* — *Узун ва кенг баракда катта Тула савовари буғ чиқариб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Буғи чиқиб турган** эндигина қозондан олинган, тандирдан узилган, иссиқ. *Буғи чиқиб турган сомса.* — *Ҳаммамиз бир пиёла-бир пиёла буғи чиқиб турган сутдан ичдик.* Ҳ. Умарбеков, Чўлда бир кун.

**БУҒДОЙ** Бошоқли ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи. *Жайдари буғдой. Оқ буғдой. Буғдой уни. Буғдой сепмоқ. Буғдой ўрмоқ. Буғдой бўлса йлчов топилади.* Мақол. *Арпа эккан, арпа олар; буғдой эккан, буғдой олар.* Мақол. — *Одам Атодан буён тирикчилик буғдой, ун билан ўтади.* Ойбек, Қўтлуғ қон. **Буғдой ранг ёки буғдой манз** қорачадан келган, оқ-қора. *Раҳимнинг буғдой ранг бети жиддийлашган, ақлли тийрак кўзлари бир нуқ-*

тага қадалган. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БУҒДОЙЗОР** Буғдой экилган ер, буғдойпоя. *Бульба билан Нормат қойинзордан Дашковка яқинидаги буғдойзорга чиқдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУҒДОЙИҚ** Ем-хашак учун экиладиган ёки ёввойи ҳолда ўсадиган кўп йиллик ғалласимон ўт.

**БУҒДОЙКОР** Буғдой экувчи, буғдой етиштирувчи. *Буғдойкор колхоз.* | Буғдой экиладиган. *Буғдойкор ерлар.*

**БУҒДОЙКОРЛИК** I буғдойкор с. касб оти.

2 Буғдой экиш, буғдой етиштириш. *Буғдойкорлик билан шугулланувчи районлар. Буғдойкорлик совхозлари.*

3 айн. **буғдойзор.** *Буғдойкорликлар энди пахтага айлантирилса керак.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**БУҒДОЙПОЯ** I айн. **буғдойзор.** *Аҳмаджон .. ўттиз-қирқ метр наридаги буғдойпоя орасида бир немиснинг бошини, ундан кейин елкасини кўриб қолди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

2 Буғдой пояси.

**БУҒЛАМОҚ** I Буғ билан ишлов бермоқ. *Пиллани буғламоқ.*

2 Ўраб, буркаб терлатмоқ (мас., даволаш мақсадида).

**БУҒЛАНИШ** I буғланмоқ фл. иш оти.

**БУҒЛАНИШ** II I буғланмоқ II I, 3 фл. иш оти.

2 физ. Жисмларнинг буғга айланиш ҳодисаси. *Буғланиш температураси.*

**БУҒЛАНМОҚ** I буғламоқ фл. мажх. н. *Сигирларга овқат беришдан илгари ем-хашак майдаланади ва буғланади.* «Зоология».

**БУҒЛАНМОҚ** II I Буғ чиқармоқ. *Талабалар буғланиб турган нонни бирпасда еб битиришди.* Ойбек, Навоий. *Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қарғалар .. буғланиб турган балалар устида у ёқдан-бу ёққа учарди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Буғга айланмоқ. *Моддалар .. тус, ҳид, маза, солиштирма оғирлик, суяқланиш ва буғланиш каби хоссаларига қараб, бир-бирларидан ажратилади.* «Химия».

3 Буғ билан қопланмоқ, буғга тўлмоқ, телчирамоқ. *Ойна буғланиб қолди. Уй буғланиб кетди.*

**БУҒЛАНТИРИЛМОҚ** буғлантирмоқ фл. мажх. н.

**БУҒЛАНТИРМОҚ** буғланмоқ II 2, 3 фл. орт. н. *Сувни буғлантирмоқ.*

**БУҒЛАТИЛМОҚ** буғлатмоқ фл. мажх. н.

**БУҒЛАТМОҚ** I буғламоқ фл. орт. н.

2 Буғга айлантирмоқ. *Сувни буғлатмоқ.*

**БУҒУ** Кўш туёқли, айри шохли кавш қайтарувчи ҳайвон, кийикларнинг бир тури. *Шимол буғуси. Буғу мўйнаси.*

**БУҒУЧИЛИК** Хўжалик мақсадларида кўплаб буғу асраш, буғу урчитиш. *Буғучилик СССРнинг шимолий райо-*



ларида қийлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан биридир.

**БУҒХОНА** 1 махс. Турли аппарат ва қурilmаларнинг хомашёга ёки махсулотга буғ билан ишлов бериш, буғлаш бўлими.

2 Ҳаммомнинг иссиқ хонасидаги буғ ҳосил қилувчи қурилма.

**БУХРОН** [ф-т] эск. айн. кризис.

**БЮДЖЕТ** [р<фр] 1 эк. давлат, корхона, муассаса ва ш. к.нинг маълум муддат учун олдиндан белгилаб қўйиладиган қирим-чиқим, даромад-буромад сметаси. *Давлат бюджети. Ҳарбий бюджет. Бюджет йили.*

2 Шахсий қирим-чиқим мажмуи. *Уқши даврида менинг ойлик бюджетим 30 сўмдан ошмас эди.*

**БЮЛЛЕТЕНЬ** [р<фр] 1 Бирор муассасанинг вақт-вақти билан чиқариб туриладиган босма органи номи.

2 Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бирор муҳим воқеанинг бориши ҳақида вақтли матбуотда эълон қилиб туриладиган ахборот. *Валюталар курси ҳақидаги бюллетень.*

3 Сайловларда овоз бериш варақаси. *Сайлов бюллетени. Бюллетень билан овоз бермоқ.*

4 с. т. Касаллик туфайли вақтинча ишга яроқсизлик ҳақида врач томонидан бериладиган варақа. *Бюллетень олмоқ. Бюллетень бўйича пул тўламоқ.*

■ — Ордан икки ҳафта ўтказиб, хабар олгани борсам, Хўжахоновнинг қўлига игна кириб, бюллетенга чиқиб кетган экан, — деди Утбосар. *Ғайратий, Эпчил куёв.*

**БЮРО** [р<фр] 1 Баъзи муассаса, ташкилот ва ш. к.нинг раҳбарлик қилувчи ва қабул этилган қарорларни ижро қилувчи органи. *Партия комитетининг бюроси. Бюро аъзолари. Бюро мажлиси. — Умумий йиғилиш, конференция ёки съезд бюро ё комитет сайлайди. «КПСС Устави». | Шу орган мажлиси. Элмурод партияга ариза берган, бугун бюродан ўтиши кунни бўлгани учун, овқатга қарамай жўнади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Баъзи бир муассаса, ташкилот ёки уларнинг бўлимлари номи. *Консультация бюроси. Машина бюроси. Қонструкторлик бюроси.*

**БЮРОКРАТ** [р<фр+грек] Ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, расмиятпараст, тўра. *Хў, бюрократ, порахўр, алдамчи, кўзбўямачи, сояпарвар, растратчи! Кўзингни катта оч!* «Муштум», 1959, № 6.

**БЮРОКРАТИЗМ** [р] 1 Капиталистик жамиятда: мамлакатни ҳоким синфлар манфаатини кўзловчи, оммадан ажралган имтиёзли шахслар, тўралар орқали идора қилиш усули. *Бюрократизмга қарши кураш маъносида дадиллик билан иш кўриши керак. В. И. Ленин, Москвада ўтказилаган партия ҳафтаси якунлари.*

2 Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қараш, ҳаётдан, жамият манфаатларидан ажралган ҳолда қуруқ

расмиятчилик билан иш тутини; қоғозбозлик, сансалорлик, тўрачилик. *Наказлар вақтида бажариб бориладиган бюрократизм ва сансалорлик аломатларида қатъий барҳам берилади. «К. Ўзбекистон», 1959, № 239.*

**БЮРОКРАТИК** [р бюрократический] 1 Бюрократизмга асосланган идора усулига оид. *Бюрократик тузум.*

2 Бюрократларга ва уларнинг иш услубига оид, бюрократларга хос бўлган. *Қомсомол аъзолари.. ишдаги канцеляриячилик, бюрократик методларга қарши курашсинлар. «ВЛКСМ Устави».*

**БЮРОКРАТИЯ** [р] 1 айн. бюрократизм 1. *Легал газеталар бюрократияни қаттиқ урмоқдалар, давлатни бошқаришда халқ вакилларининг қатнашуви ни талаб қилмоқдалар. В. И. Ленин, Самодержавие ва пролетариат.*

2 Бюрократлар, тўралар.

**БЮРОКРАТЛАРЧА** *реш* Бюрократларга хос услубда, расмиятчилик билан, тўраларча. *Ишга бюрократларча қараш.*

**БЮРОКРАТЛАШМОҚ** 1 Бюрократга айланмоқ, бюрократизм, тўрачилик руҳи билан суғорилмоқ, тўралашмоқ. *Бюрократлашган идора.*

2 Бюрократларча иш тутмоқ, бюрократизм, тўрачилик услубига кўчмоқ. *Бюрократлашган раҳбар.*

**БЮРОКРАТЛИК** 1 бюрократ с. мавҳ. от. *Бюрократлик биз учун ёт ва зарарлидир.*

2 Бюрократларга хос хатти-ҳаракат, иш; тўрачилик. *Бюрократлик қилмоқ. Ишга бюрократлик билан қарамоқ.*

**БЮРОКРАТЧА** айн. бюрократларча. *Ишга бюрократча раҳбарлик қилиш.*

**БЮСТ** [р<фр] Гавданинг кўкракдан ёки белдан қўқори қисмини тасвирловчи ҳайкал. *Қаҳрамоннинг бронза бюсти. — Асридан индамай бюстни стол устига қўйди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**БҮЁВ** 1 бўямоқ фл. иш оти.

2 диал. Бўёқ.

**БҮЁВЧИ** 1 бўямоқ фл. ш. оти.

2 диал. Бўёқчи.

**БҮЁЁК** 1 Бўяш, ранг бериш учун ишлатиладиган модда; краска. *Аква-рель бўёқ. Мой бўёқ. Қўқ бўёқ. || Бўёқ моддалар. Расмга қизил бўёқ бермоқ. | Нарсаларга суртилган шундай модда қатлами. Бўёғи кўчган идиш. — Очиқ платформаларда зангор бўёқлари ярқираб танклар турарди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 кўйма Нутқни, тасвирни безатувчи ифода воситалари. *Гапга бўёқ бермоқ. Юрак тўлқинларини ифодалашга. Шериятда гўзал йўқ экан бўёқ. Т. Тўла.*

◆ **Бўлар иш бўлди, бўёғи синди** кимсанинг розилигисиз бўлиб ўтган иш-ҳаракат ҳақида, «энди на чора» маъносида ишлатилади. — *Ке, қўй, Қаршивой! Утган гапга саловот. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди. — деди Ҳаққула ота қўл силтаб. Ҳ. Назир, Сув гадоси.*

**БҮЁЁҚДОР** 1 Бўёқ берилган, бўял-

гай, бўёқлар билан безатилган; рангли. *Бўёқли уй. — Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнавон нақшли, бўёқдор вишиклари, деразалари бекик. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 кўйма Бадний воситалардан фойдаланиб безатилган. *Бўёқдор тасвир.*

**БҮЁЁҚЛИ** айн. бўёқдор. *Бўёқли вишик. Бўёқли тасвир.*

**БҮЁЁҚЧИ** 1 Газлама, ип ва ш. к.ни бўёвчи уста, мутахассис; рангворчи. *Нилоби ва зайтунни [қуюқ кўк] ранги керак бўлса, [отам] бўяладиган ипни бўёқчига олиб бориб бўятарди. Айний, Эсдаликлар.*

2 Сиркор уста, уй сирловчи, бўёвчи мутахассис. *Саодатнинг назарида бу чўққиларни гўё бўёқчилар атайлаб пушти ранга бўяб қўйганга ўхшайди. Й. Раҳим, Ихлос.*

◆ **Бўёқчининг нилими қийин** ипни осон фахмлаб, тез битириб беришни талаб қилган кишига «бу сиз ўйлагандай осон иш эмас», деган маънода айтиладиган ибора. **Бўёқчининг хуми айниди** эл орасида тағи-туғи йўқ «миш-миш» тарқалганда айтиладиган ибора (илгари бўёқчи усталарнинг хуми, нили айниса, ирим учун халқ орасида бирор ёлғон гап, хабарни тарқатар эдилар. Гўё шундай қилинса бўёқ айнимайди, деб тушунардилар).

**БҮЁЁҚЧИЛИК** 1 бўёқчи с. касб оти. *Бўёқчилик унга ота касб. Бўёқчилик ишлари.*

2 тар. Бозорда бўёқчилар дўкони жойлашган раста ёки бўёқчилар ўрнашган маҳалла.

**БҮЖАМА** Киши вояга етганда баданига (кўпинча бет ва кўкрагига) тошадиган қизил бўртмачалар; хуснбузар.

**БҮЖИ** бол. Болаларни қўрқитиш ёки алдаш учун «жин», «ажина» каби маъноларда ишлатиладиган сўз. *Қўғирчоқни бўжи олиб кетди. Бўжи келди, бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди. Мағал.*

**БҮЗ** I [а] Қўл дастгоҳида пахта ипидан тўқилган мата. *Малла бўз. Иштонсизнинг тушига икки қарич бўз кирибди. Мақол. || Бўз ятак қичитар, яхши хотин тинчитар. Мақол. — Бўзчилик бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. Аёли царх йиғирса, эркаги бўз тўқирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БҮЗ** II Кўкка мойил оқ ранг (асосан от туси ҳақида). *Бўз от. Ола хўқиз, бўз тўриқ. Бу қўшдан қолмас қуруқ. F. Фулом.*

◆ **Ранги бўз бўлиб кетди ёки бўздай оқарди** ранги оппоқ бўлиб кетди, ранги қув ўчди. *Назокатнинг юзи бўздек оқарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Мол аччиғи — жон аччиғи деган гап рост экан. Синамоқ учун индамай турсам, рангингиз бўз бўлиб кетди — я! Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.*

**БҮЗ** III: **бўз ер** экилмай ётган ер. *Ойқиз шу баҳорда ўзлаштирилаётган қўриқ ва бўз ерларга яқинлашди.*

Ш. Рашидов. Бурондаг кучли. Бў тупроқ субтропик районларнинг чўла ва ярим чўл ерларига хос тупроқ.

**БҮЗ IV:** бўз бола (ёки йигит) турмуш аччиқ-чучугини тотмаган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган, хом бола; ўсмир. [Ёдгор Маматага:] Тўғри ҳам-ма гапинг. Биз ҳали бўз боламиз. Ҳамза, Холисхон. Йўлчи қачон келар экан? Келганда ҳам нима қилади, бўз бола, камбағал. Ойбек, Қутлуг қон.— Шу кичкинагина бўз йигит дилида сўнғисиз ўмидлар бор экан. Таажжубки, менинг ниятларимни тушунибди, интилишларимни билибди,— деди Эъвозхон. Ҳ. Фулом, Машъал.

**БҮЗ V** ўтсимон чўл ўсимлиги; чалов. **БҮЗА I** Оқишқоқ, тариқ, арпа ва ш. к. дан солинадиган кайф берувчи ичимлик. Бўза солмоқ, Бўза ичмоқ. — [Отам] бўза ва мусаллас сингари нарсаларни сира оғзиларига олмас эдилар. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**БҮЗА II** бинк. Гишт терниш ёки пойдевор қўйиш учун тайёрланган қоришма.

**БҮЗАГАР** Бўза ичимлиги тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи одам. Бўзагар Отабекни.. бўзанинг гули билан меҳмон қилар эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**БҮЗАРМОҚ I** Ранги қув ўчиб, оқариб кетмоқ. Қиз сўзининг бошини эшитиб илжайди, охирини эшитиб қўрқувдан бўзарди. П. Турсун, Уқитувчи. Фуломжоннинг бўзариб турган юзига қизил югурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бола қулоғи қизариб, ранги бўзариб кетса ҳам, ун чиқармас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Ғира-шира ёришмоқ, хира тортиб оқармоқ. Тонг бўзарди. Оламеа ёруғлик ёйла бошлади. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.

**БҮЗАРТИРМОҚ** бўзармоқ I фл. орт. н. Рангини бўзартирмоқ.

**БҮЗАРТМОҚ** диал. Бўзартирмоқ.

**БҮЗАХОНА** Бўза сотиладиган ва эчиладиган жой; майхона. Мулла Наби чапани бир йигит бўлиб, кечаси билан бўзахоналарда, чойхоналарда санқиб юрарди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**БҮЗАХҲР** Бўза ичишни яхши кўрадиган, бўзани кўп ичадиган. Бўзагар Отабекни... оддий бўзахўрлар ёнига ўтқизмай, ўзининг махсус ҳужрасига олиб кирар.. эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**БҮЗАХҲРЛИК I** бўзахўр с. белги оти.

**2** Бўза ичиш, бўза ичиб кайф-сафо қуриш. Бўзахўрлик қилмоқ.

**БҮЗАЧИ** айн. бўзагар.

**БҮЗДОҚ** Кўк қаргалар туркумига мансуб кўчманчи қуш.

**БҮЗЛАМОҚ I** Уқириб, уввос тортиб йиғламоқ, зор-зор йиғламоқ. [Элмурод] тонг саҳаргача айланиб чиқди. Бўзлаб, онасини йўқлади. П. Турсун, Уқитувчи. Бўтадай бўзламоқ зор-зор йиғламоқ.

**2** Ҳасратда оҳ-воҳ чекмоқ, нола қилмоқ. Ҳар водийни бир-бир изладим, Етим қўзи янглиғ бўзладим. Ҳ. Олимжон.

**БҮЗЛАТМОҚ** бўзламоқ фл. орт. н. **БҮЗЛАШМОҚ** бўзламоқ фл. бирг. н. Она-бола узоқ йиғлашдилар, кўз ёшлари битгунча бўзлашдилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**БҮЗЛИК I** Бўз ер. Умумий мажлисда «Ҳақ йўл» деб ном берилган колхоз худди шу кунни Қамишқопанинг.. шарқдаги бўзликка ва лалмикор адирга қўши чиқарди. П. Турсун, Уқитувчи.

**БҮЗЛИК II** Бўз болаларга (қ. бўз IV) хос хомлик, ғўрлик. Таваккал билан бўлган ишининг тағи яхши чиқмайди, болалар бўзлик қиляптилар. Ҳ. Нуъмон ва Шораҳмедов, Ота.

**БҮЗНОЧ** Гули қуриганда ҳам айни-майдинг кўп йиллик ўтсимон доривор ўсимлик.

**БҮЗТИКАН** Мураккабгуллиларга мансуб бир турли ёввойи ўт.

**БҮЗЧИ I** Бўз тўқувчи қосиб. Бўзчи билганин тўқир, мулла билганин ўқир. Мақол. Бўзчи белбоққа ёлчмас. Мақол. — Найманчада етти пушти бўзчи ўтганлардан ҳам ҳали белбоққа ёлчган қосиб чиққан эмас. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ **Бўзчининг** моксидек югурмоқ (ёки қатнамоқ) тўхтовсиз бориб-келиб турмоқ, кўп қатнамоқ. Унинг энцил мотоцикли МТС билан қўриқ, қўриқ билан МТС ўртасида бўзчининг моксидай қатнаб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БҮЗЧИ II** Катта япроқли, майда бошоқсимон гулли ёввойи ўт.

**БҮЙ I I** Киши қоматининг баландлиги. Бўйи баланд одам. Бўйи наст одам. Бўйинга қараб тўн бич. Мақол. — Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизик лапофати билан яшнаган чоқда, бойвачча.. уни кўз тағига олиб қўйган эди. Ойбек, Қутлуг қон. | Бўй-баст, қомат. Бўйиндан айланай. — Бўйинанга опане қоқиндиқ. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Нима кийсанг ярашар, Бўйингизга ёр-ёр. Улан айтай деб келдим Тўйингизга, ёр-ёр. «Кўшиқлар». | Юқорига чўзилган қўл баландлиги. Токчага бўйим етмаяпти. Бўй бермоқ 1) сувнинг чуқурлигини ўз бўйи билан ўлчамоқ; 2) кўчма бўйсунмоқ, сўзга, гапга кирмоқ. [Роҳат Шарифе:] Кечирасиз, жазманингизни шу маҳалдан жиловлаб олмасак, кейин бўй бермайдиган бўлиб кетади. Уйғун, Хуррият. Бўй эгмоқ айн. бўйсунмоқ. Тўрахоновнинг кўзи олдида.. бўй земаан Баҳорнинг, мағрур турган Хайрининг юзлари яқроқ гавдаланди! Ш. Рашидов, Қудратли тўлқинлар. **Бўйи(га) етмоқ** бўйи ўсиб балоғатга етмоқ. Бўйига етган қиз билан йигит бир-бирлари билан топилсалар, бунга ҳеч ким қарши келмайди. Айний, Эс-даликлар.

**2** Тик нарсаларнинг баландлиги.

**Миноранг бўйи.** Бўйи узун терак. — Райондаги мактаб бинолари билан бўй ўлчашидиган мактаб биноси солдик. А. Қахҳор, Қўшчинор. **Терак бўйи**

1) бўйи терак билан баравар. Қоля терак бўйи келадиган баланд нарвоннинг тепасига чиқиб олиб, мактабнинг сиртини бўяётган усталарнинг ишини томоша қилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 2) терак баландлигида. Самолёт терак бўйи пасайди. Варрак терак бўйи чиқди. **Бор бўйича** қ. бор I. **Бўй чўзмоқ** 1) бўйи ўсиб баландлашмоқ, ўсмоқ; баланд бўлмоқ. Айни ғўзалар бўй чўзиб қолганда, қора қурт унинг илдизини қирқа бошлайди. Г. Нуруллаева, Сўнгни доvon эмас; 2) юқорига қўл чўзмоқ, узатмоқ. Қўшили баҳор эртаси жуذا ҳам ёқимлики, юрган сари юргинг келади, гуллаган олма шохларига бўй чўзиб, барра майсаларни босиб юргинг келади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўкка бўй чўзган** жуذا баланд, юксак. **Кўкка бўй чўзган** бинолар.

**3** Икки ёки уч ўлчовли нарсаларнинг узун томони. **Бўйи олти метр, яни тўрт метр уй.** — Унғур эница бир қулоч, бўйига бир ярим қулоч қилиб қазилаётган бўлса ҳам.. айтишига осон, қазинга қийин катта унғур эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**4** Қирғоқ, сохил, чет. **Дарё бўйи.** Сув бўйи. — Элмурод билан Абду-расул йўл бўйидаги тепаликка чиқдилар. П. Турсун, Уқитувчи.

**5** (фақат 3-ш. бирл. звалик аффикси билан) кўм. Давомида; мобайнида. Кун бўйи. Йил бўйи. — Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонг отарга яқин кўзи ёриди. П. Турсун, Уқитувчи. Қачон бўлса ҳам шу русга умр бўйи унутилмас бир яхшилик қилишни кўнглига мулк қилди-да, бунинг шу яқин ўртада бўлувча ўзида; сира енгиб бўлмас талаб сазди. А. Қахҳор, Сароб.

◆ **Шу бўйи** 1) шу кўйда, шу ҳолда. Шу бўйи туни билан йиғлаб чиқибди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) шундан буён, шу-шу. Шу бўйи мен Анварни қайтиб кўрмадим. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? **Бўйи(нгиз) етмайди** улдасидан чиқолмайсан, қўлинг қисқалик қилади. Биламан, сиз кўрқмайсиз! Суяган тоғингиз баланд! Урток Носирова ҳеч кимнинг бўйи етмайди. А. Қахҳор, Синчалак. Бўйида бўлмоқ хомилардор бўлмоқ, — Саҳро бўлқасидан уч ой ўтганда, бўйида ёлчиб қолганига рртққ гумоним қолмади,— деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БҮЙ II** [ф-т] Ҳид, ис. Анвар.. қизнинг юзидан ўпди ва унинг тўғриган сочларини тўғрилаб ҳаётбахш кокиларнинг муаттар бўйини ҳидлади. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. Баҳор келди тараддуд билан, Юртга кўчоқ очиб келди у; Коммунизм гулбоғларидан Бахт бўйларин сочиб келди у. Т. Фаттоҳ.

**БҮЙ-БАСТ** Қадди-қомат, гавда, жусса. Бўй-бастни келишган йигит. — Анорхоннинг икки бети қизариб, атлас

қўлақнинг рангида товланар, буй-бастни ҳам ўзига ярашиб турарди. И. Раҳим, Хаёт булоқлари. Хўжа паҳлавоннинг буй-бастни Аҳмад паҳлавоннинг ярмисича келар эди. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**БҮЙДОР I** Бўйи, қади баланд, буйчан, дароз, новча. *Бўйдор йиғит.* — Бекнинг онаси ўрта ёшлардан ўтган, бўйдор, сочларига сал оқ оралаган нуруний хотин эди. А. Мухтор, Туғилиш.

**2** Баланд, ўсиқ. Қайнарнинг бўйдор ўтлари қосилқаларнинг беомон тиллари зарбидан юз тубан йиқиларди. С. Анорбоев, Оқсой.

**БҮЙДОР II** [ф-т] Муаттар ҳидли, хушбўй. *Бўйдор гуллар.*

**БҮЙДОҚ** Уйланмаган, хотин олмага. *Бўйдоқ йиғит.* || *Бўйдоқнинг ақли икки кўзида.* Мақол. || *Ёмон отда юреунча яёв юрган яхшироқ, ёмон хотин олгунча бўйдоқ ўтган яхшироқ.* Мақол. — *Йиғитнинг қўлида гулдай хунари бор экан, бўйдоқ экан, уй-жойи тайин экан.* Ойбек, Қутлуғ қон. Саломатки босмачилар хароб қилгандан сўнж, Бўта хотин олмай бўйдоқ ўтиб кетишга қасам ичган. С. Аҳмад, Хукм.

**БҮЙИМОДАРОН** [ф-т] Мураккаб-гулдиларга мансуб патсимон баргли, майда тўп гулли, кўп йиллик ўтсимон доривор ўсимлик.

**БҮЙИН I** (3-ш. бирл. бўйни) I Гавданинг бош билан танани бириктирувчи қисми. *Бўйни узун от. Бўйнинг узилгур (узилсин)! (қарғ.).* — *Бўйни ингичка, худди гўлаҳдан чиққан каби болагар, кўзлари жавдираб, жангчилар орасидан кимнидир қидиришди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Аҳмаддон автоматини бўйнига осиб олган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ярим чойнак чой ичгулик вақт ўтмай, бўйнинг узилгур икки балоҳўр гуноҳсиз бир бечорани ўз уйдан ҳайдаб чиқишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. Раиснинг қаршисида бўйинини ҳам қилиб турган Бобоқул ота қўрага яқинлашаётган от дунурини эшитиб, бошини кўтарди. С. Анорбоев, Оқсой. **Бўйин эгмоқ (ёки солмоқ)** 1) бошни қуйи солмоқ. *Иккала от узоқ йўл босиб ҳориганидан, оғир бошларини кўтаршига мажолли келмагандай бўйинларини эгиб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўчма айбини бўйнига олмоқ, айбига иқроор бўлиб бошини қуйи солмоқ. *[Йўлчи] тузалмайди. Қамонда эзилса, мулла минган эшакдай бўйинини солиб, бир кунмас-бир кун, балки чиқиб келар.* Ойбек, Қутлуғ қон; 3) таъзим қилмоқ. *Кумуш уялиб, зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожданинг яқинига келиб бўйин эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 4) бўйсунмоқ. *Душманга бўйин эма.* Мақол. — *Эски раислар бўйин эгармикан бу ёш жувонга.* И. Раҳим, Ихлос. **Бўйин қисмоқ айн. бўйин эгмоқ 4.** [Отан] *бир кун эримнинг узоқ сайилга кетганини эшитиб, уйимга етим боладек бўйинини қисиб кириб келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Баъзи асбобларнинг ингичка қисми. *Дуторнинг бўйни.* | **Бўғиз.** Шишанинг бўйни. — *Деворига толгул ва бўйни узун офтобанинг сурати солинган баланд айвон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**3** тех. Ўқ, вал ва ш. книнг подшипникка ўрнатиладиган қисми. *Вал бўйни*

◆ **Бўйни йўғон вулғ.** зўравон, муштумзўр; чапани одам. *[Ўғлингизининг] бошига бир мушт уриб, бир бурда қаттиқ нон берадиган бир бўйни йўғонга тегмасам, мен ҳам юрган эканман!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Бўйин бермоқ** бўйин сунмоқ, бўй бермоқ, гапга, сўзга кирмоқ. *Авлод-аждоди фол очиб, фирибгарлик билан кун кўриб келган мўлатони колхоз ишига бўйин берармиди!* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Бўйин ёр бермади** бўй бермади, бўйсунмади, ўзига эп кўрмади. *Ишга бўйин ёр бермай дайдиб юрмоқ. Бўйин сунмоқ айн. бўйсунмоқ. Номардларча асло сунма бўйинингни, пуч ёнғоққа тўндиради қўйинингни!* Мақол. **Бўйин товламоқ (ёки тортмоқ)** бирор ишни бажаришдан, унга қатнашишдан бош тортмоқ. [Маждиддин:] *Дарвеш Али қўзғолонини бостдиришга Алишернинг ўзини юборинг. Ё Алишер бу ишдан бўйин товлайди ё.. бориб, фитнани бартараф қилади.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Бўйин қўймоқ** кўникиб, бирор иш қила бошламоқ. *Ғуломжон сўнги кунларда меҳнатга бўйин қўйган бўлса ҳам, энди бундан ўзи қониқа олмади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. **Бўйнига** гарданига, зиммасига. *Катта рўзгорнинг ҳамма гуноҳи раисинге бўйнига.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Бўйнига миниб олмоқ** 1) ўз домга солиб, измига тушириб олмоқ; 2) ишламай-нетмай бус-бутун бировнинг қарамоғига ўтиб олмоқ. *Кампир кўзига ёш олди.— Уғлиганимнинг бўйнига миниб олган бу жувоносўхта.* «Муштум», 1959, № 12. **Бўйнига олмоқ** 1) ўз устига, зиммасига олмоқ. [Ҳомид:] *Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйнига олсанг, олт билан айтманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) рози бўлмоқ, қўнмоқ. *Бир гап билан бойлаб бердим қўлимни, Бойлоглиман бўйнимга олдим йлимни.* «Рустам»; 3) иқроор бўлмоқ. *Ўз айбини бўйнига олмоқ.* — *Правление мажлисида Содиқ таранг ариза берганини бўйнига олмади.* С. Аҳмад, Хукм. **Бўйнига осилмоқ** бировга хира бўлиб ёпишиб олмоқ. **Бўйнига тушди** 1) гарданига, зиммасига, устига тушди. *Бу иш менинг бўйнимга тушди.* — *Башарти мажлисдан ўтказишса, бўйнимга катта қарз тушади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) далил-исбот билан бўйнига қўйилди. *Айб кимнинг бўйнига тушди.* **Бўйнига қўймоқ** 1) гарданига, зиммасига, устига юклагоқ, топширмоқ. [Руднев:] *тўй харажатини боининг бўйнига қўйман.* Н. Сафаров, Уйғониш; 2) далиллар билан ўз айбига иқроор қилмоқ. *Салимбойвачча қорғозни қўйда маҳкам сиқиб гурур билан*

*давож — энди.* — *бу нарса қўлиждами, ҳеч ким бирон айбни бўйнимга қўя олмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бўйнида** гарданида, зиммасида, устида. *Аяси қариб қолган, рўзгор ишига ҳам шу қарайди.* Укаларининг кирчири ҳам унинг бўйнида. С. Аҳмад, Уфқ.

**БҮЙИН II** геогр. Сув билан ажралиб қолган қуруқлик қисмларини бир-бирига қўшадиган тор, узун ер.

**БҮЙИН III** қ. х. Ҳайдалаётган ер майдонининг у бошидан бу бошигача бўлган масофа (тахминан 120—150 қадам).

**БҮЙИНБОҒ I** Уй хайвонларининг бўйнига боғланадиган арқон ёки қайиш.

**2** с. т. эск. Галстук. *Нормурод ўрдидан туриб,* — *менга ҳам бўйинбоғ беринглар, мен ҳам эллик яшар пионер»* — деб, ҳамманни қулдирмоқда. Айний, Қуллар.

**БҮЙИНТУМОР I** Аёллар бўйнига тақадиган зийнат буюм (олтин ёки кумушдан ясалади).

**2** этн. Ичига хурофий мазмундаги дуо ёзиб солинган тумор. *Бўйинтумор ўрнига галстук Бойланади қизлар бўйнига.* Уйғун.

**БҮЙИНТУРУҚ I** қ. х. Омочнинг иш хайвони бўйнига тақиладиган қисми. *Кўча ўртасида Мели полвоннинг кўк новвоси билан ўзининг тарғил хўкизига бўйинтуруқ солаётган Юсвали тоға қичқирди: — Абдурасул, қани бўлинлар, вақт ўтмасин, ахир!* П. Турсун, Уқитувчи. *Техниканинг олдида омоч билан бўйинтуруқ, Суст қадам, сўтка, қуруқ.* Ф. Ғулом.

**2** кўчма Жабр-зулм, асорат. *Бойларнинг бўйинтуруғи остида обдон эзилган, бутун борлиги уларга нафрат билан тўлган, кураш йўлини қидирган бу ақлли йиғитни — Йўлчини Петров бутун революцион руҳи ва севисси билан тарбиялайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БҮЙИНЧА** Иш хайвони бўйнига хомут остидан кийдириладиган халқ шаклидаги от-улов абзали. *Хуснибойнинг дадаси Омонбой бўйинча тикар эди.* Ф. Ғулом, Шум бола. **Ич бўйинча** катта бўйинча остидан кийдириладиган юмшоқ бўйинча.

**БҮЙИНЧАДҮЗ** Бўйинча тикувчи уста, саррож.

**БҮЙИЧА** кўм. (б. к. билан) I Мувуфиқ, биноан, кўра; билан. *Бўйруқ бўйича. Қонун бўйича.* — *У ..шарт бўйича Шоқосимга оватка, ётиш учун жувовахона олдидан бир хўжра берди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бир кун кечаси у [Отабек] янги одати бўйича аллақайқа кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У [Элмурод] чопганича келиб, устас бўйича, унвон жиҳатидан юқори бўлган генералдан рухсат сўраб, старший лейтенантга мурожаат қилди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Территория-жой номлари билан бирга келиб, ҳаракат, ҳодиса ёки воқеанинг шу жойга тааллуқли эканлигини билдиради. *Район бўйича. Итти-*

фоқ; бҒйича. — Советингиз бҒйича неча хўжалик, неча оқсоқол бор? П. Турсун, Уқитувчи.

◆ Шу бҒйинча айн. шу бҒйин қ. бҒй.

**БҒЙЛАБ** рөш I Ёқалаб, ёқасидан. Дарё бҒйлаб. Темир йўл бҒйлаб. — Ака-сингил — Олияхон билан Абдурахмон — Бўйсуб бҒйлаб техникум томон йўл олдилар. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

2 Иш-харакатнинг йўналишини билдиради. Жаҳон бҒйлаб саёхатни қилмоқ. Дала бҒйлаб кезмоқ. — Иккиси йўл бҒйлаб сўзлашиб борар эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Шу кун Юсуфжон аканинг севиқли шогирдларидан бири Тамарахоним Қрим бҒйлаб газетрода эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**БҒЙЛАМОҚ** I Ўз бҒйин билан ўлчамоқ. Сувни бҒйламоқ. | БҒйинни чўзиб қарамоқ. Ғоз бҒйиб, сухур бҒйиб Бўйлаганим бҒйлаган. Москвада ўқий деб, ййлаганим-ййлаган. «Кўшиқлар».

2 Сув, йўл ва ш.к.ни ёқалаб бормоқ. Йўл бҒйлаб бормоқ. Ариқ бҒйлаб юрмоқ. — Юринг ўртоқ ййнайлик, дарёларни бҒйлайлик. «Кўшиқлар».

**БҒЙЛАНМОҚ** Ҳидланиб қолмоқ, сасимоқ. Гўшт бҒйланиб қолибди.

**БҒЙЛАШМОҚ** I бҒйламоқ фл. бирг. н.

**БҒЙЛАШМОҚ** II Бўй ўлчашмоқ. Дўстлар билан ўз касбимиз тўйлашдик биз, Баланд-баланд чўққиқларни бҒйлашдик биз. С. Абдулла, Қозоғистон дафтари.

**БҒЙЛИ** I I Қандайдир бўйи бўлган, бўйга эга. Баланд бҒйли йигит. — Барваста бҒйли киши чиқди: «ким?» деб ҳол сўраб. К. Муҳаммадий.

2 Бўйдор, бўйчан, новча. БҒйли одам.

**БҒЙЛИ** II Исли, ҳидли, ҳиди бор. БҒйли гуллар.

**БҒЙРА** {ф-т бурё} Тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама. Эсларингиздами, ...Зокирхўжа қассоблар гулам устида ўтираганда, биз ўтиришига бҒйра ҳам тополмас эдик. П. Турсун, Уқитувчи. **Бир бҒйра** 1) эни-бўйи бўйрадек келадиган. Бир бҒйра ер; 2) бир бўйранинг устига жой бўладиган. Бир бҒйра шоли.

◆ **Бўйра пули тар.** эски мактабларда талабалар ўтирадиган бўйраларни янгилаш учун вақти-вақти билан отоналардан олинган пул.— Чоғимда, пайшанба пули ҳам, супурги пули ҳам, бўйра пули ҳам олмас керак. Ё олармикан-а? — Йўге, йлибдими! М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**БҒЙСИРА** Бўйларнинг паст-баландига мувофиқ саф тортиш. Бўйсира бўлмоқ (ёки турмоқ) бўйинга қараб саф тортмоқ, сафда турмоқ. Бўйсира бўлиб саф тортмоқ.

**БҒЙСУНДИРИЛМОҚ** бўйсундирмоқ фл. мажх. н. Ужар Аму киши иродасига бўйсундирилади. — Ҳамма омавий-сиёсий ишлар меҳнаткашларни

коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларига бўйсундирилмоғи лозим.

**БҒЙСУНДИРМОҚ** бўйсунмоқ фл. орт. н. Душманни бўйсундирмоқ. Табиат кучларини бўйсундирмоқ. Ўз манфаатларини жамийат манфаатларига бўйсундирмоқ. — У орзуларини, тўйғуларини иродага бўйсундириб, йўлини ўзгартирар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БҒЙСУНМОҚ** I Итоат қилмоқ. Кўпчиликка бўйсунмоқ. — Эсини танигандан бошлаб Нурунинг буйруқларига сўзсиз бўйсуниб келган Гулнор ҳеч нима йўлмабдан ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон. Худойберган бек халқнинг талабига ноилож бўйсуниб Хива томон йўл олишга мажбур бўлган. Ж. Шарипов, Хоразм. | Тан бермоқ, рози бўлмоқ, кўнмоқ. Тақдирга бўйсунмоқ. — Раис ўз сўзларида шундай ноўрин, ноҳақ гапларни айтдиларки, бунга индамай қўй бериш ноҳақликка бўйсуниб бўлар эди,— деди Элмурод. П. Турсун, Уқитувчи. | кўйма Тобе, қаратилган бўлмоқ, хизмат қилмоқ. Бутун иш палтани ўз вақтида йиғиб-териб олиш вазифаларига бўйсуниб керак. | грам. Эргашмоқ, тобе бўлмоқ. Ганнинг бошқа бўлақларга бўйсунмай, эргашмай, ўзaro мослашиб келган бўлақлари бош бўлақ дейилади.

2 Тобе бўлмоқ, қарамоғида, раҳбарлиги остида бўлмоқ. Қуйи давлат органлари юқори органларга бўйсунди. — [Николин] ўзига бўйсунган командирларга вазифани содда, равиан тушунирди. Ойбек, Қўёш қораймас.

**БҒЙЧАН** Бўйи, қадди баланд, бўйдор, дароз, новча. Бўйчан йигит. — Қиз ҳали ёш бўлса-да, бўйчан эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БҒЙЎСАР**, бўйўсар без с. т. Кўлтиқ остида ёки чов орасида бўладиган без (гўё шу безлар шишган пайтда бўй ўсар эмиш).

**БҒКА** I Баъзи ҳашаротларнинг тухумидан чиққан қурти (ўқалоғи); хайвонларнинг териси остида, ошқозонида, бурнида паразитларча яшаб етиладиган турли пашшаларнинг умумий номи. Қўй бҒкаси. Қорамол бҒкаси. — [Сигир] мен етиб борганимча ўт чилдиб туради, етиб борганимдан кейин менга бир қараб қўяди-да, худди сағрисига бҒка тушгандай яна йиқоқлаб қочади,— деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

**БҒКА** II диал. Сайғоқ.  
**БҒКАЛАҚ** айн. бҒка I. Бўкалақ (ёки бўкалаги бор) бузоқ териси остида ўқалоғи бор бузоқ. Ям-яшил қирларда, бўкалақ бузоқдай шаталоқ отиб юрган бир бола келиб-келиб хумга қамалган юмрондай бўлиб қолса. Ф. Гулом, Шум бола.

**БҒКАЛАМОҚ** Бўкадан зарарланиб касал бўлмоқ ёки ирғишламоқ (от, мол ҳақида).

**БҒҚИРМОҚ** I Овози борича бақирмоқ, хайқирмоқ. Менга бҒқирманг. |

Ўқирмоқ. Жума кунга, қўйлар маъраган, туялар бҒқирган, отлар кишигаган. Ф. Гулом, Шум бола.

2 Овози борича бақириб йиғламоқ, уввос тортмоқ.

**БҒҚИРТИРМОҚ** бҒқирмоқ фл. орт. н. БҒқиртириб урмоқ. Туяни бҒқиртириб чўқтирмоқ.

**БҒҚМОҚ** I Нам тортиб, намиқиб кўпчилик, бўртмоқ, шишмоқ. Сuedа бўлкан нон. Бўқиб қолган тахта. — Кеча ёмғир ёққан, ер бўқиб ётган бўлишига қарамай, ғўзапоя сўғуришга тушишди. Ойдин, Юрагида ўти бор. | Сув шимиб шилта, шалаббо бўлмоқ, иви-моқ. Ёмғирда бўлкан Сафар, ўзини торгина, олди очик йўлакка олиб, эшикни занжирлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Овқатни кўп еб, қорни шишиб, ўзини кўтара олмай қолмоқ. Олдимда тоғ-тоғ ишлар турсин-у, мен бҒқиб қолган сигирдек оғғимни узатиб ётайми. Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. Халфанинг ҳовли кезиб у ёқдан-бу ёққа юраётганини кўрган Малиқул ота ҳайрон бўлди. «Бу баднафс бҒқиб қолди шекилли», деб ййлади. Ё. Шукуров, Қасос.

**БҒҚСА** Гавданинг бел билан сон ўрталиғидаги қисми. Бўқсам, оғрияпти. — Итнинг тиши қон, кийим-бош аралаш бўқсамга ханжар ургандай ботган эди,— деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.

**БҒҚТАРГИ** I Йиртқиқлар туркумининг қарчиғайсимонлар оиласига мансуб кўчманчи йиртқиқ қуш. Дашт бҒқтаргиси.

**БҒҚТАРГИ** II Эгарнинг орқасига боғланган енгил-елпи юк.

**БҒҚТАРИЛМОҚ** бўқтармоқ фл. мажх. н.

**БҒҚТАРМОҚ** I Эгар орқасига боғламоқ.

2 Юмалоқлаб ўрамоқ (мас., шинелни). **БҒҚТИРМОҚ** бўқмоқ фл. орт. н. Шўрвага нон бўқтирмоқ. — Сен билан мен бўлсак, қаттиқ нонни ҳам ея берамиз, жаззаси чойга бўқтириш-да. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**БҒЛА** I айн. бўлик.

**БҒЛА** II Опа-сингилларнинг бола-лари (бир-бирига нисбатан); холавачча. У бўласининг бугун жуда ҳам тумшайиб олганига ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, парижонлигини тарқатиши учун турли саволлар берар.. эди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**БҒЛАЖАК** кт. I бўлмоқ I фл. келаси замон формаси. Ёв қалтирар, ёв қочар, Ёв бўлажак шарманда. З. Дибёр.

2 Бўлиши тайин, бўлғуси. Бўлажак кувё. — Урмонжон бу нарсаларнинг ҳаммасига бўлажак лаборатория, бўлажак клуб, кутубхона, дам олиш уйи, радио-телефон, умуман янги қишлоқнинг қуртаги деб қарар.. эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БҒЛАК** I Бутуннинг бир қисми; қисм, парча, кесим. Иккала ўртоқ биттадан балиқ бўлагини олдиларига олиб

гуска қилдилар. Шухрат, Шинелли билар. Қози пилани олдиға қўйди-да, сўйилган анордан бир бўлагини олиб йтрик қизил доналарни кафтига уқалай бошлади. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.— Ҳа, ҳаммасини бирдан олма,— *секин гапирди Эшвой*,— бир бўлагини *оғ*. Ойбек, Қутлуғ қон. Гап бўлагини *грам*. гапни ташкил этган ҳар бир муस्ताқил сўз ёки сўз бирикмаси.

2 Тортиб, ўлчаб ажратилган, нарсаларнинг ҳар бир қисми, донаси, пачкаси. Бир бўлак совун. — *Мирзакарим бошини хотини бир катта бўлак чўйни йўлчиға бериб, Гулнорни имлади*. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 сфм Бошқалардан фарқ қиладиган; бошқа, ўзга, бошқача. Бу бўлак гап. У бутунлай бўлак одам. — *Бундай пайтларда у ҳеч нарсани эшитмайди, ҳеч кимға қулоқ солмайди,— ўзига хос бир бўлак дунёда — ҳаёл дунёсида яшайди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ундоқ эмас, янега, энди замон бўлак энди давлат ҳисоб-китоб билан барака топади*. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Ўзига мустақил, алоҳида, ажратилган; бошқа-бошқа, айрим. Уларнинг *рўзгорлари бўлак*. Бўлак қилмоқ 1) қисмларга бўлмоқ. *Қўрсат йўлни, не кунларни соларман, Аджархонни неча бўлак қиларман*. Фозил шоир; 2) онла-рўзгорни ажратмоқ, бошқа қилиб қўймоқ. *Рўзгоримизни бўлак қилдик*.

5 (ч. к. билан) бўм. вазифасида Бошқа, ташқари. Бундан бўлак гапим йўқ. — *Элмурод, эрталабдан бери нончойдан бўлак ҳеч нарса емаганликдан, кўнгли озганлигини сизди*. П. Турсун, Уқитувчи.

**БЎЛАҚДАН** рвш Қайтадан, қайтатдан, бошқатдан. *Бўлақдан ёзмоқ*.

**БЎЛАҚЛАМОҚ** 1 Бўлақларга, қисмларга ажратмоқ, бўлмоқ. *Бутунни бўлақламоқ*.

2 айн. бошқаламоқ. *Отни бўлақладим*.

**БЎЛАҚЛАНМОҚ** бўлақламоқ *фл. мажх.* ва *йўз. н.* Харсанг тошлар «СБУ-2» кучидан титраб, палахса-палахса бўлиб, бўлақланиб кетяпти. С. Қодиров, Норақ нурхонаси.

**БЎЛАҚЛАТМОҚ** бўлақламоқ *фл. орт. н.*

**БЎЛАҚЛАШМОҚ** бўлақламоқ *фл. бирг. н.*

**БЎЛАҚЧА** 1 Кичкина бўлак, парча. Тош бўлақчалари. — *Бир неча ҳафтами, оилми, сен яшасан ана шу жойда алланарсанг қолгандай бўлади*. Аллақаеринг жиз этиб кетади! Шунда қалбининг кичик бир бўлақчасини қолдиргандай ҳис қиласан. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 айн. бошқача. Бўлақча илтифот. Бўлақча қарши. — *Обиджоннинг бу қаршии аввалги бефарқ қарашлардан мутлақо бўлақча эди*. И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Унга [Офтобга] қараб ўтириб нонушта қилишинг бўлақча нашъаси бор*. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Хато қилибман, сен*

олов экансан, бўлақча йигит экансан. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЎЛАЛИ** Яхши ўсган, дуркун, бўлиқ. Бўлали бола. Бўлали қўзилар.

**БЎЛАЛИК** бўла I с. белги оти. *Гавдангиз, бўлалигингизға қараганда.. тоғни урса талқон қиладиган азамат йигит кўринасиз*. Ф. Фулом, Тирилган мурда.

**БЎЛАР** I бўлмоқ I *фл. сфмдш*. Бўлаганча бўлар. Бўлар иш бўлди. Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар. Мақол.

2 кесим вазифасида Етар, бас, кифоя. Шу ҳам бўлар. — *Отабекнинг бу сўзларидан кейин понсодбоши — «Энди бўлар» дегандек қилиб, қушбегиға қаради*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЎЛАР-БЎЛМАС** I рвш Бўлмасданок, бўлай деб қолганда. *Бечора турмуш қилганиға бир йил бўлар-бўлмас иш дардае йўлиққан экан*. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 Бўлмағур; арзимас. *Бўлар-бўлмас гап*. Бўлар-бўлмас гапларни гапираверма. **Бўлар-бўлмасға** арзимаган нарсатга, гапга. *Анзираг хола ҳам юраги тореина бир қамтир, бўлар-бўлмасға хархаша қилади*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЎЛАШМОҚ** Бўлишиб олмоқ, ўзаро тақсимламоқ.

**БЎЛАШТИРМОҚ** Бўлиб, тақсимлаб чиқмоқ; бўлиб, тақсимлаб бермоқ. *Қолхозчилар ўртасидаги даромадни бўлаштирмоқ*.

**БЎЛАШТИРМОҚ** I бўлмоқ I *фл. орт. н.* Бўлмасани бўлдиarmoқ.

**БЎЛДИРМОҚ** II бўлмоқ II *фл. орт. н.* Даромадни бўлдиarmoқ. — *[Абдурасул] ер тақсимловчи комиссия олдида юриб.. кишлоқ бойларининг беҳисоб ерларини камбағалларға, батрақларға бўлдириб беради*. П. Турсун, Уқитувчи.

**БЎЛИБ** I I бўлмоқ I *фл. рвшдш*. *Жамъи (ҳаммаси) бўлиб йн киши*. Нижа бўлиб йқиқганимни билмайман. — *Урмонжон қўзини қолхозлардан келган меҳмонларни кузатиш билан бўлиб, уйига хийла кеч келди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 От туркумдаги сўзлар билан бирикиб «вазифасида», «сифатида» маъносида ишлатилади, мас. *тракторчи бўлиб ишламоқ, ўрناق бўлиб хизмат қилмоқ*. — *Самарқандли бир бойға қарол бўлиб ёлланди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Қўшма равишлар таркибига киради. Ишни биринчи бўлиб бажармоқ. *Тўп-тўп бўлиб юрмоқ, Қатор-қатор бўлиб юрмоқ*. — *Тасодиф бўлиб, шомол узоқ давом этди*. «Латифалар».

4 От туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ясади. *Бундай воқеалар кўп бўлиб туради. Ҳозир кеч бўлиб қолди*. — *«Саводингиз борми?» деган сўроқ бу маҳаллада «ққлингиз росам?» дегандай ҳақорат бўлиб тушадиган бўлиб қолган эди*. А. Қаҳҳор, Мирзо.

5 Ҳол равиши вазифасида бош гап билан эргаш гапни боғлайди. *Богнинг юқориги ва пастки палласидан ҳар*

томонға тортилган қизил чироқлар қишлоқ кўчалари бўлиб, булар туташган доирада боққа қаратиб иморатлар солинар экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЎЛИБ** II бўлмоқ II *фл. рвшдш*. *Иккиға бўлиб, ярмини менга берди*. — *Ботир акам тўғри айтяптилар,— деди Маҳсим унинг сўзини бўлиб*. С. Аҳмад, Хукм.

**БЎЛИБ-БЎЛИБ** рвш I Бўлақларга бўлиб, бўлак-бўлак қилиб; бўлақлаб. *Овқатға гўштини бўлиб-бўлиб солмоқ*.

2 Ҳар бирини ёки ҳар бир қисминини алоҳида, айрим-айрим. *Юкни бўлиб-бўлиб ташимоқ. Дорини бўлиб-бўлиб ичмоқ*.

**БЎЛИМ** I Қисм, хона ва ш.к.га ажратилган нарсаларнинг ҳар бир қисми, хонаси. *Бинонинг бўлимлари. Кеманинг бўлимлари*.

2 Идора, муассаса, корхона ва ш.к.нинг маълум иш билан шуғулланадиган ҳар бир қисми; шуъба. *Министрликнинг кадрлар бўлими. Соххонинг бўлимлари*. | Бирор юқори идорага бўйсунадиган ва маълум соҳани бошқарадиган қўйи идора. *Шаҳар молия бўлими*. — *Маориф бўлимида иш қизғин эди*. П. Турсун, Уқитувчи.

3 Магазин, музей, омбор ва ш.к.нинг бир турдаги нарсалар тўпланган ҳар бир қисми. *Магазиннинг пойафзал бўлими. Музейнинг қадимги дунё бўлими*.

4 Илмий ёки бадий асарнинг маълум масалаға бағишланган ҳар бир мустақил қисми. *Беш бўлимдан иборат бўлган асар*. — *Бирор абзацға келиб, сўнгра қараса керак,— деб йўладим*. Йўқ, бир неча бет ва ҳатто катта бир бўлимдан ҳам ўтиб кетди, қарамади. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. | Газета, журнал, тўплам ва ш.к.нинг бирор мавзуға оид материаллар босиладиган мустақил қисми. *Журналнинг библиография бўлими. Газетанинг эълонлар бўлими*.

5 Ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари орамғи. *Термометр бўлимлари*.

**БЎЛИМЛИ** кам. қўлл. I Бўлали, бўлиқ, дуркун, етилган.

2 Ишнинг кўзини биладиган, иш билармон. *У Тўғонбекни бўлимли — иш билар йигит, деб ҳисоблар эди*. Ойбек, Навоий.

**БЎЛИМСИЗ** кам. қўлл. айн. *ландавур*. — *Аканг жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит,— деди ниҳоят пўнғилаб бой*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЎЛИМЧА** Бўлим ичидаги, таркибидаги кичик бўлим; шуъбача. *Идоранинг бўлим ва бўлимчалари*.

**БЎЛИНИШ** I бўлинмоқ II *фл. иш отл.* *Маъмурий бўлиниш*. Сонларнинг касрсиз бўлиниш белгилари.

2 биол. Энг содда организмларнинг иккига ажралиб урчиши. *Хужайранинг бўлиниши*.

**БЎЛИНМА** I мат. Бир соннинг иккинчи сонға бўлиниши натижасида келиб чиққан учинчи сон.



2 ҳарб. Йирикроқ ҳарбий қисм таркибидаги кичикроқ ҳарбий бирлик (мас., полкда — батальон, дивизион; батальонда — рота). Миномётчилар бўлинмаси. Уқчилар бўлинмаси. Бўлинма команбери. — Бўлинма тушга яқин янги мудофаа линиясига чиқди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БЎЛИНМАС** Бўлиб, ажратиб бўлмайдиган. «Атом» грекча бўлиб, «бўлинмас» деган сўздир. Бўлинмас фонд қишлоқ хўжалик артелининг колхоз аъзоларига бўлиб берилмайдиган, умумлаштирилган маблағлари. Бу йил кўпгина хўжаликлар жамоат даромдининг деярли 30 процентини бўлинмас фондларга ажратмоқдалар. «К. Узбекистон», 1959, 20 январь.

**БЎЛИНМОҚ** I (фақат кўмакчи феъл вазифасида) бўлмоқ I фл. мажҳ. н. У [Отабек] зарлаб бўлинган отини ҳовлига қараб етаклай бошлаганда, ҳалиги қараб турган бош ҳам девордан куйига тушиб йўқолди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЎЛИНМОҚ** II бўлмоқ II фл. мажҳ. ва ўзл. н. Енғоқ иккига бўлинди. Сўз бўғинларга бўлинади. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Мақол. — Жангчилар, кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Отабекнинг ҳаёли бўлиниб, Алига қаради. А. Қодирий, Утган кунлар. Шу тобда Ёлмонбой кўриниб, сўхбат бўлиниб қолди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БЎЛИНУВЧИ** I бўлинмоқ II фл. ш. оти.

2 мат. Бирор сонга бўлиниши керак бўлган иккинчи сон.

**БЎЛИС** [р волость] с. т. тар. I Октябрдан олдинги Россияда: уезд таркибидаги бир қанча қишлоқни ўз ичига олган маъмурий бўлинма. — Миңг боши, — деди у [ҳоким]. Бўлисингда ишга чиқмайдиган битта ҳам одам бўлмаслиги керак! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шундай маъмурий-территориал бўлинма ҳокими. Бўлисимиз Раззоқвойнинг қоғози билан кеча шаҳарга тушиб, китоб, дафтар, қоғоз, қалам, яна аллақанча дов-даскак олдим. Х. Фулом, Машъал.

**БЎЛИШ** I бўлмоқ I фл. ш. оти. Одам бўлиши осон, одами бўлиши қийин. Мақол. — [Эшвой] камбағал бўлишига қарамай, Йўлчининг оиласига қўлдан келганга ёрдам кўрсатар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Маълум бўлишча кириш с. шу (нарса) маълум бўлдики, аниқланишча. Маълум бўлишча, булар бу ерга ўтиргани эмас, бир одамни қидириб киришган экан. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

**БЎЛИШ** II I бўлмоқ II фл. ш. оти. Даромадни колхозчилар ўртасида бўлиш. Пулни тенг бўлиш.

2 мат. Бир сонни иккинчи сонга тақсимлаш амали.

**БЎЛИШЛИ:** бўлишли феъл грам. тасдиқни ифодаловчи феъл формаси.

**БЎЛИШМОҚ** I бўлмоқ I фл. бирг. н. Улар биздан олдин бўлишди. — Жангчилар тушуна олмай ҳайрон бўлишди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Мاستоннинг салмоғи тобора ортмоқда эди. Илгари «сингли» деб турган йигитлар, сал ўтмай, «опа» дейдиган бўлишди. А. Қаҳҳор, Мастон. У жуда оғирлашган. Беш-олтита бўлишди аранг қўзғатадилар. Ойбек, Қутлуг қон.

**БЎЛИШМОҚ** II I Яқин алоқа боғламоқ, яқинлашмоқ. Бўлмаганга бўлишма. Мақол. — Сизга Шукуржон айтган экан-ку, унинг қанақа ишлар қилганини, нима қилардиниз унга бўлишиб. О. Ёкубов, Ота изидан.

2 Ён босмоқ, ёрдамлашмоқ, тарафини олмоқ. Тарафингизни олиб гапирсам: «Нимага бўлишасан, ўйнашимисан!» деб беришча борми. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Битишмоқ, келишмоқ, унашмоқ. Асрорқулнинг ўғли Ёдгорбой аскарликни битириб келганда, Ҳайдар отанинг жиянига бўлишамиз, деб туришган эди, мана бу уруш чиқди-ю, тўй кейинга қолди. А. Қаҳҳор, Асрор бо-бо.

**БЎЛИШМОҚ** III I бўлмоқ II фл. бирг. н. Тенг бўлишмоқ. — Урмонжон Абдусаматқори билан тил бириктириб, икки юз йигирма беш саржини ўтин сотган ва пулини иккови бўлишиб олган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Кўчма Уртада баҳам кўрмоқ. Топганини бўлишмоқ. — У [Фотима] мақтанishi учун эмас, балки ўз қувончини бирдан-бир яқин қариндошлари билан бўлишмоқчи, улардан қариндошлик ҳиммати кўрмоқчи, яхши сўзлар эшитмоқчи эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎЛИШСИС:** бўлишсиз феъл грам. инкор билдирувчи феъл формаси.

**БЎЛИШСИСЛИК:** бўлишсизлик аффикси грам. бўлишсиз феъл формаси яқовли аффикс.

**БЎЛИҚ** Яхши ўсган, дуркун, бўлали. Бўлиқ бола. — Унинг чанг босган юзида ажойиб қизлик ҳусни бор-бўрсиллаган кичкина лаблари, учликкина нозик ияги; ўзи қорача, бўлиқ. А. Мухтор, Туғилми. | Тўладан келган; тўла, семиз. Степан. [қизнинг] бўлиқ гавдасини сезар, ўзини четга олишининг иложини топа олмай, қизнинг диққатини четга ортшиша уринар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Яхши ривожланган, баравж; тўлиқ. Мирзачўл йигитларининг руҳи баланд, улар бўлиқ гўза ўстиришлпти. «С. Ўзбекистони», 1964, 13 июнь.

**БЎЛКА** [р бўлка] с. т. Бугдой ундан тайёрланган, кўпинча узунроқ юмалоқ, шаклдаги нон. Оқ бўлка. Ширин бўлка. — Келиним сизга ўхшаб «берсанг ейман, урсанг ўламан» деб, бўлка нондек бўкиб ўтиргани йўқ. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БЎЛМА** I айн. хона. Орзигул Ҳожини коридорнинг охиридаги зийка — ўзининг бўлмасига бошлади. А. Қаҳҳор, Йиллар. Мунисхон ўзининг грим бўл-

масига югуриб кирди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 айн. бўлим 2. Фабрикаларнинг ишга чақирувчи гудоклари чалинди: бўлмаларда, цехларда, станоклар ёнида яна қизғин ҳаёт бошланди. Туйғун, Станоклар ёнида.

**БЎЛМАГАН** I бўлмоқ I фл. сфтид. Уйимизда меҳмон бўлмаган кун йўқ. У ҳеч вақт бу ерда бўлмаган. || Бўлмаганга бўлишма. Мақол.

2 Асоси йўқ, бўлмагур, пуч. Бўлмаган гап. Бўлмаган ҳаёллар.

**БЎЛМАСА** I бўлмоқ I фл. 3-ш. бўлишсиз ф-си. Бўлмаса, бўлмас! Унисиб бўлмаса, буниси бўлар. Бир балоси бўлмаса, шудорда куйруқ на қилур. Мақол. — Ишлай десаммиш бўлмаса, дехқончилик қилай десам — ер бўлмасал! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 зидл. боғл. Акс холда, йўқса. Аравада.. битта араваканининг ўзи бўлса гўрга-я, бўлмаса иш чатоқ. А. Қаҳҳор, Мастон.

3 кириш с. Шундай бўлган тақдирда у холда. — Айтганингиздек, унинг эшигини Тошкентда ҳар ким билар экан. — Бўлмаса, хатни ҳам топширгандирсиз? А. Қодирий, Утган кунлар. Бўлмаса, нима қил дейсиз, яна икки йил кут, дейсизми? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Майли, бўлмаса, бориб жиндек мизғиб олай. С. Аҳмад, Хукм. Ё бўлмаса ё, ёки, ёхуд. Кампирнинг аҳмоқлиги, ё бўлмаса душманнингизнинг ифвоси учун мени шундай дейишга қандай тилингиз борди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Бўлмаса-чи** тасдиқ жавоби сифатида ишлатиладиган ибора. — Кингас борасизми? — Бўлмаса-чи. — Сен ҳам от қулига ўхшайсан-а. — Бўлмаса-чи, — деди кулиб Йўлчи, — от энг яхши ҳайвон, жуда севаман. Ойбек. Қутлуг қон. Оз бўлмаса қ. оз. Ҳеч бўлмаса лоақал, ақалли. Мирза Муҳиддин ўрин кўрсатиб, ҳеч бўлмаса пойгакдаги кўрпачага ўтиришини сўради. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БЎЛМАГУР** I Асоси йўқ, асоссиз. таги пуч. Бўлмагур ҳаёллар. — Бе бўлмагур гапни қўйсангиз-чи. Эшитмансангиз, кўрмасангиз қайқдан биласиз? П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ододан ташқари, ноҳўя. Бўлмагур гапларни оғизга олманг. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Ярамас, разил, паст. Мен албатта кўзингизнинг оқу қораси бўлган ёлғиз кизингизни ярамас, бўлмагур кишига тутиб берасиз, деб билмайман. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЎЛМИШ** ёск. бўлмоқ I фл. сфтид. Келин бўлмиш қиз. Қувв бўлмиш йигит. Отамиз бўлмиш киши. — Қишлоқ советининг котиби бўлмиш бу кишини одамлар анча ҳурмат билан муллэ Алимқул деб аташарди. П. Турсун, Ўқитувчи. || — Қуда бўлмишимиз, деб ҳол-жонимга қўймапмй, узатиб ўйинқароқ қизи тушмагурдан тинчиб қўя қолсаммикин деган ўйим бор, —



деди Тошхоннинг онаси. А. Мираҳмедов, Ут юраклар.

**БҮЛМОҚ** I I Юз бермоқ, воқе бўлмоқ. Кеча мажлис бўлди. Бугун бир қизиқ воқеа бўлди. Тўйнинг бўлганидан бўлади-бўладиси қизиқ. Мақол. — Менга қолса шундай бўлсин дермидим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сизга нима бўлди, хўжайинлар хафа қилдими? Ойбек, Қутлуғ кон. Овқат устида Хадича хола қишлоқда бўлиб турган ҳамма катта-кичик ҳодисалар тўғрисида гапириб берди. А. Қаххор, Қўшчиноқ. Бўлмаган гап асоси йўқ, асоссиз гап, таги пуч гап. Ота, бу бўлмаган гап. Биронта унсур чиқарган уйдирма бу. С. Аҳмад, Хукм. | Айтилмоқ, изхор қилинмоқ, билдирилмоқ. Мажлисда ҳар хил фикрлар бўлди. А. Қаххор, Қўшчиноқ. | Келмоқ, бошланмоқ (фасл, давр, пайт ва ш. к. ҳақида). Баҳор бўлди. Кеч бўлиб қолди. | Утмоқ, кечмоқ (вақт ҳақида). Бувайдидан чиқиб кетганимга йегирма йилдан ошмайдир, кўп гап бўлгандир. А. Қаххор, Қўшчиноқ. | Баҳоланмоқ, бирор нархга олинмоқ ёки сотилмоқ. — Қанча бўлди? — Арзон бўлди. — Бўлгани қанча? — Олаверинг, от билан туя бўлармиди.

2 Амалга ошмоқ, битмоқ. Бўладиган иш. Бўлмайдиган иш. Ҳамма иш бир ҳафтада бўлади. Уқши қаноат билан бўлади. — Қалай, бўладиганими? — деди домла, Эҳсон подвалдан чиқиб кетганда. А. Қаххор, Сароб. | Тахт ҳолга келмоқ, битмоқ. Қишлоғимизни ҳозирдан ғалаб олдик. Қийим-кечагимиз бўлди. А. Қаххор, Қўшчиноқ.

3 Қилаётган ишни битирмоқ, охирига, тамомига етказмоқ. Ишми кўп эмас, бир-икки кунда бўлиб қоламан. | Ҳозирликни тугатиб, шай ҳолга келмоқ. [Фотима:] Ҳой, мунча ивирсидиларинг! Бўла қолсаларинчи. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. | Тўймоқ. Ошни олинг! Раҳмат, мен бўлдим. | (ч. к. билан) кўчма Тўймоқ, бошдан кечириб ёки синаб қайтиб қолмоқ. Мен доридан бўлдим. Мен ҳаммаларингдан ҳам бўлдим.

4 (бўлишсиз ф-да) Ярамоқ, тўғри, мувофиқ келмоқ. Бу иш менга бўлмайди. Бу пальто сенга бўлмайди. Узига бўй бўлмаган, ўзгага енг бўлмас. Мақол.

5 Эга бўлмоқ; бор, мавжуд бўлмоқ. Бўлгани шу, бошқа йўқ. Бундай ерданнинг бўлганидан бўлмагани яхши. Ботир ёвсиз бўлмас. Мақол. — Дехқоннинг оти бўлади-ю, иша солилмайдими? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Агар гап фақат шунда бўлса, бунақа китоблар ўзбек тилида ҳам бор, яна бўлади. А. Қаххор, Қўшчиноқ.

6 Жойлашмоқ, мавжуд бўлмоқ. Ватанимизнинг чегарасида бўлган шаҳар. | Чўзилмоқ, ёйилмоқ, жой олмақ. Тошкентдан Янгиергача бўлган йўл.

7 Бирор ерга бориб маълум вақт турмоқ ёки қўнмоқ. Москвада кўп бўлганман. Хайвонот боғида сира бўлмаганман. | Ташриф буюрмоқ: Сиз бизнинг

ҳовлида бўлганмисиз? А. Қодирий, Утган кунлар. | Иштирок этмоқ, қатнашмоқ, хозир бўлмоқ. Тўйда бўлдингизми? — Яхши, сен бу тўртовининг ўтиришларида бўлганмидингиз? А. Қодирий, Утган кунлар.

8 Ўсмоқ, битмоқ (ўсимлик, ҳосил ҳақида). Бизнинг ерларда хурмо бўлмайди. Ўзбекистонда пахта яхши бўлади. — Бу ерга анжир эк — лагандай бўлмаса, калламни ол. Ойбек, О. в. шабадалар.

9 Ўсиб-униб, етилиб, етишиб бирор даражага етмоқ, эришмоқ. Одам бўлмоқ, Уқиб инженер бўлмоқ. Арслон боласи арслон бўлади. Мақол. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл. Мақол. — Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан. А. Қаххор, Оғриқ, тишлар.

10 (ч. к. билан) Дунёга келмоқ, туғилмоқ. Чўридан бўлган бола, унинг устига — қиз, бийнинг шаънига иснод эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

11 (ч. к. билан) Келиб чиқмоқ, туғилмоқ. Саломат Наманганнинг Чортоқ қишлоғидан бўлади. С. Аҳмад, Хукм.

12 Сифат туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ясайди, мас. ҳайрон бўлмоқ, хафа бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ. Офат кўрмай десанг, хушёр бўл. Мақол — Мадаминхўжа ўтирган еридан хиёл қўзғалди-ю, қўл ковуштирди: — Хуш келибсизлар. — Хушвақт бўлинг. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кундузлари иссиқдан беҳол бўлган одамлар кечадан роҳат кутадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

13 (ар), (а)диган, (й)диган, (моқ), (моқчи) аффиксли феъллар билан қўшилиб, истақ, майл билдиради. Борар бўлсанг айтарсан. У ҳам мен билан ўқийдиган бўлди. — Қутидор тагин нимадир айтмоқчи бўлган эди, Акрам ҳожи унга йўл бермади. А. Қодирий, Утган кунлар. | (а)дай, (а)дан аффиксли феъллар билан қўшилиб, ҳолат билдиради. Сизни кўриб, отамни кўргандай бўлдим. — Ногоҳ Бектемир даҳшатли тушдан уйғонгандек бўлди. Ойбек, Куёш қораймас.

14 Кўмакчи феъл вазифасида (н)б аффиксли равишдошлар билан қўшилиб, иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради. Ёзиб бўлмоқ. Уқиб бўлмоқ. — Аёл пахтасини тўқиб бўлгунча, Ғуломжон унга ер остидан разм солиб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бўлишсиз формаларда келиб иш-ҳаракатнинг амалга оширилиши қийинлигини ёки мумкин эмаслигини билдиради. Ит оғзидан суяк олиб бўлмас. Мақол. — Лектор менинг гапимга аввал ҳайрон бўлди, кейин чуқур хўрсиниб: — Қандай қилади, лекция ўқиганда қуноққондан ташкари чиқиб бўлмайди. А. Қаххор, Қуюшқон.

15 От кесим таркибида боғлама вазифасида келади. Уртоқ Аҳмедов заводга директор бўлди. Бу киши менинг ўқитувчим бўладилар. Ишни қизитиб

юбориш мумкин бўлган шу кунларда. — [Қўшбеги:] Қутидор билан Отабекнинг кими бўласиз, синглим? А. Қодирий, Утган кунлар. Қотмагина бир йигит келиб: «Қурбон ака сиз бўласизми?» деди. «Ҳа, мен бўламан» деган эдим, сўрайди. А. Қаххор, Қўшчиноқ. [Абдурахмонбой:] Менинг учун така бўлсин-у, сут берсин. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

◆ ...билан бўлмоқ I) бирор томон билан бирга қолмоқ. Ё мен билан бўл, ё у билан бўл; 2) банд ёки овора бўлмоқ; берилмоқ. Тўпансико Сибкожоннинг сўзини эшитмаган ва ўз ўйи билан бўлиб, бошқа ёққа қараб ўтирган эди. А. Қаххор, Қўшчиноқ. Бор бўлинг қ. бор. Бўлган экан иш, ахвол яхши эмас экан. Ия-ия, улуғ, сиз ҳам шу гапни айтдингизми? Сизки шундоқ десангиз, роса бўлган эканда. С. Аҳмад, Хукм. Бўлди кифоя, етарли, бас. Минг боши Жуман писмиққа қараб: «Бўлди, гувоҳлик манзур!» М. Исмоилий, Фарғона т. о. Йўл бўлсин қ. йўл. Ош бўлсин қ. ош. (са) бўлгани (са) яхши бўлур эди. У келса, бўлгани. Ёмғир ёғмаса, бўлгани. (са) бўладими ногаҳон юз берган воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилаётганда ишлатилади. Саҳарга яқин Аччида кетган эдим, рўпарамдан йўлбарс чиқиб қолса бўладими. А. Қаххор, Қўшчиноқ. Шў-шу бўлди-ю қ. шу.

**БҮЛМОҚ** II I Синдириб, қирқиб, ёриб ёки бирор бошқа йўл билан бутунни бўлақларга ажратмоқ, бўлак-бўлак қилмоқ. Патирни тўрт бўлмоқ. Қоғозни иккига бўлмоқ. Уйни пардевор билан бўлмоқ. | Маълум белгиларга кўра тақсимламоқ, қисмларга ажратмоқ. Асарни бобларга бўлмоқ. Болаларни гуруппаларга бўлмоқ.

2 мат. Бўлув амалини бажармоқ. Катта сонни каррали кичик сонга бўлмоқ.

3 Ўртада тақсим қилмоқ, улашмоқ. Даромадни бўлмоқ. Меросни бўлмоқ. — Хотинлар дастурхондаги.. туз, майиз ва чойни бўлиб олишди. С. Аҳмад, Хукм. [Элмурод].. мана бўр, дафтар, қалам, «Алифбе». Ҳаммасига бўлиб беринг! — деди. П. Турсун, Уқитувчи.

4 Йирик ташкилот, муассаса, корхона ва ш.к.ни кичикроқ мустақил қисмларга ажратмоқ. Институтни бўлмоқ.

5 Кўчма Давом этиб турган гап, сўз, суҳбат ва ш.к.ни узмоқ, тўхтатиб ёки кесиб қўймоқ. Эшикдан кириб келган маҳдум уларнинг сўзини бўлди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мамарасул фикрини бўлма, деб ишора қилди. А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**БҮЛСА** I бўлмоқ I фл. шарт. ф. Олим бўлсанг, олам сеники. Мақол. Тўғри бўлсанг, бежавотир бўлсанг. Мақол. — Ҳаво жангида қаттиқ шикаст еган немис самолёти нима бўлди-ю, шу ғарамдан йегирма-ўттиз метр нарига келиб қўнди. Шунда сен бўлсанг, нима қилар эдинг? А. Қаххор, Олтин юлдуз.

2 зидл. боғл. Эса. Мен келавердим, у бўлса қолди. — Кушбеги бўлса негадир узоқ ўйлаб ўтирар, тезда гап очмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЎЛТАК** диал. Майда қисмларга бўлинган, парчаланган; парча. Бу ерларнинг тарихи деганда, отанинг кўз олодида.. яланғоч дашт, қўрғонлар, пастак деворлар, бўлтак ерлар.. гавдаланади. Й. Шамшаров, Довруғ.

**БЎЛТАК-СЎЛТАК** Турлича бўлакларга бўлинган; бўлак-бўлак, парча-пурча. *Бўлтак-сўлтак ерлар.*

**БЎЛУВ I бўлмоқ I фл. иш оти.** Чет эл делегацияларининг Ўзбекистонда бўлуви. — Менимча, бу мироб — ҳосилотликка муносиб бўлуви мумкин. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БЎЛУВ II I бўлмоқ II фл. иш оти.** 2 мат. Бир сонни бошқа бир сонга тақсим қилиш амали. Қасрларни бўлув. *Бўлув ишораси.*

**БЎЛУВЧИ I бўлмоқ I фл. ш. оти.** Уларнинг ҳар бир ўзиница, ҳар бир ҳангомасига «онабош» бўлувчи Тўхта-син ўртоқларини йиғди, улarga ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЎЛУВЧИ II I бўлмоқ II фл. ш. оти.**

2 мат. Бирор сон бўлиниши керак бўлган бошқа сон. *Бўлувчи билан бўлинишнинг кўпайтмаси бўлинувчига тенг.*

**БЎЛУҒСИ I бўлмоқ I фл. сфмди.** 2 Келажакда бўлиши муқаррар ёки эҳтимолга яқин; бўлажак. *Бўлуғси қайнатамиз Бақирқўҳўжа халфа шу киши эканини кейинчалик билдим.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Юрвнинг фикрича, бу тепалик мудофаа жангаридаги на эмас, балки Қизил Армиянинг бўлуғси жангарида ҳам катта роль ўйнаши керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Яқин ёки узоқ келажак вақт; келажак. *Буни бўлуғси кўрсаганида.*

**БЎМ-БЎШ бўш I с. инт.** Бўм-бўш идиши. *Бўм-бўш ўй.* — Хўжабеков бўм-бўш кўчада якка ўзи. С. Анорбоев, Оқсой. *Хаёли ҳам юраги ҳам худди шу хонадай ҳувилаган бўм-бўш.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қадим замонлардан бери бўм-бўш ётган «Саҳрои кабир» учундор далага айланди.* М. Жўра, Кўёшдан нур эмганлар.

**БЎНАК** Бирор иш юзасидан олдиндан бериладиган қарз, аванс. — *Баракалла! — деди Абдухалилбек.* — *Буни си — бўнаги, иш битгач, яна.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ем-хашак йўқ, бир пой хўкиз ориқ-туруқ* Қайдан бўнак олиш билмай, ҳамён қуруқ. Ф. Ғулом. | тар. Уста шогирдига ишлаб бериш ёки кейинчалик қайтариш шарти билан берадиган қарз пул. *Бечора қосиблар олдинроқ олиб, еб қўйган бўнакнинг эвазига тишларини тишларига қўйиб, ҳар қанча оғир гап эшитсалар ҳам чидаб туриб.. жавоб қилар эдилар.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**БЎНАҚДОР** Бўнак олган, бўнак олиб қарздор бўлган киши; дебитор.

**БЎНАҚЧИ тар.** Бўнак бериб одам ишлатувчи корчалон. *Мендан бўлак бўнақчининг қўлига тушганингизда, бирини икки қилиб оларди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

**БЎПТИ с.т. I** Бўлибди. *Яши бўпти. Ажаб бўпти.* — *«Эпирай, оғзинг қани деса, қўлогини кўрсатадиган бизнинг Элмурод бундай одам бўпти» деб, ҳаммасининг оғзи очилиб, ҳанг-манг бўлиб қолар дейман.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Таклифга розиликни билдиради. — *Нима десангиз шу-да, қиламиз, — деди [Сидиқжон].* — *Бўпти, — деди Болтабой.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**БЎР** Қальций карбонатининг, яъни охактошининг оппоқ қумшоқ бир тури. *Бўр билан оқламоқ. Бўр билан ёзмоқ.* — *Жанечилар бўр билан номерланган вагонларга чиқшиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БЎРАЛАМОҚ I** Шиддат билан ёғмоқ (бўронли қор ҳақида). *Ярим кеча .. қор бўраламоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бўралаб ёғаётган қор кўз очиргани кўймас, лекин йиғилган одамлар.. совуқдан киприк қоқмас эдилар.* С. Зунунова, Гулхан.

2 Оғизга келганини қайтармай сўкмоқ. *Бўралаб сўкмоқ.*

**БЎРАМОҚ кам. қўлл. айн. бўраламоқ I.** *Кун ботиб осмон қорайган, аммо тўхтовсиз бўраб ёғиб турган қордан ер тобора оқарайтган пайтда Элмурод.. ёпирилиб қўнаётган қор учқунларини томоша қилар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БЎРДОҚИ I** Ғўшт учун боқиб семиртирилган мол. *Бўрдоқи қўй. Бўрдоқига боқмоқ.* — *Бўрдоқи боқувчилар.. илғор усулларни ва тажрибани кенг қўлламоқдалар.* «Қ. Ўзбекистон», 1964, 19 март.

2 *Кўчма кест.* Бекор ётиб ёки бировнинг ҳисобига яшаб семирган одам ҳақида. — *Мен уйда қолганим билан бўрдоқи бўлармидим, — деди у, соқолларини оғзида ямлаб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳа ўша.. бир умр меҳнаткашнинг сувини сиқиб ичган бўрдоқи Матқовулнинг ўзи.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БЎРДОҚИЧИЛИК** Чорвачиликнинг бўрдоқи боқиш билан шуғулланувчи тармоғи, бўрдоқи боқиш.

**БЎРИ I** Итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон; ҳашиқор. *Тўдадан айрилганни бўри ер.* Мақол. *Бўридан кўрққан тўқайга кирмас.* Мақол. — *Сувонжон кўрага ҳужум қилган бир оч бўрини отиб олибди.* С. Анорбоев, Оқсой. | *кўчма* Ёвуз, золим, қонхўр одам ҳақида. *Бўрини аясанг сени талайди.* Мақол. — *Сизни оғзи қон бўри дедим, — чунки сизда раҳм йўқ.* А. Қодирий, Утган кунлар. [Йўлчи:] *Бизнинг урушимиз озодлик уруши бўлади, ота. Биз ҳамма бўриларни, ҳамма қонхўрларни, золимларни янчиб ташлаймиз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бўри (эркаklar исми).

◆ **Бўри ейдими «нимадан қўрқасан»** деган маънода ишлатиладиган ибора. *Ҳаёт.. жажжи қизларга хос адо билан: — Воей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этаишга юрб кетди.* М. Исмоилов, Фарғона т. о. **Бўримсиз тулкимсиз** қуруқ қайтдингизми ёки ундириб деган маънода ишлатиладиган ибора. [Ҳасан Қодирқўлга:] *Қуруқ келишга уялдим-да, тақсир! [Қодирқўл:] Қани, бўримсиз, тулки. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бўри туғди (ёки болалади) кун чиқиб туриб, ёмғир ёғаётганда айтиладиган ибора. Бўри қулогин овда номаълум кишилар ёки айғоқ-ағёрлар гап пойлаб юргани ҳақида ўз кишининг оғохлангириш учун ишлатиладиган ибора. Қўйни бўрига топширмоқ бирор ишни, нарсани энг кўп зарар етказадиган ёки суистеъмом қиладиган, ишончсиз кишига топшириб қўймоқ. *Муродова билмайди. Шунинг учун кейинги аризани Давронга юборибди.* — *Қўйни бўрига топширибди-да.* И. Раҳим, Ихлос. **Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон** «ёмонлиги билан танилган ёмонлигини қўйса ҳам, қўймас ҳам ёмон» деган маънода ишлатиладиган ибора.*

**БЎРИБОСАР** Бўри овлайдиган, қўйларни бўрилардан қўриқлайдиган катта ит. *Қўйларнинг аянч ноласи.. бўрибосарларнинг эринчоқ вовуллаши билан бўлиниб турар.. эди.* А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда.

**БЎРИҒЎЛ** Доимо яшил кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

**БЎРИҚАЛЛА** Қовун навларида бирининг номла.

**БЎРИҚЎЗ** Меваси ейиладиган теканди бир нав ўсимлик.

**БЎРИҚ** диал. Оқ жўхорининг пояси жўхороя.

**БЎРИҚМОҚ айн. буриқмоқ I.** *Ишчилар то ишдан чиққанга қадар «ҳа бўл, ҳа бўл» билан бўриқиб жони ҳоллари қолмайди.* Ойдин, Гулсанам. *Саодат дарҳол ўридан турди. Унинг икки бет.. иссиқдан бўриқиб кўпчангандек.* Н. Сафаров, Саодат қиссаси.

**БЎРК** эск. Қишлик қалпоқ, телпак. *Бош омон бўлса, бўрк топилади.* Мақол.

◆ **Бош ёрилса, бўрк остида** (ёки ичида) оилавий ёки ички жанжал, низоларни ташқарига чиқармаслик ҳақида ишлатиладиган ибора. *Бош ёрилса, бўрк ичида, дейдилар; бўлар-бўлмасга катталарни ишдан қўйиб фириллайвертиш хунук нарса.* С. Аҳмад. **Хукм. Бўрк ол деса, бош олмак,** буюрилгандан ортиқ жазоламоқ, ҳаддан оширмоқ. — *Биласиз, бўрк ол деса бош олмак, пашшадан фил ясамоқ — полициянинг суйган методи, — деди Аҳмад Хусайн.* Ойбек, Нур қидириб. **БЎРЛАМОҚ** Бўр билан оқартирмоқ. **Деворларни бўрламоқ.**

**БЎРЛАНМОҚ бўрламоқ фл. мажҳ. н.** Бўрланган уй. — *Уйнинг ишти баланд. васса ҳамда харилар тўқ қизил рангга*

бўлган, деворлар бўрланган. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**БҮРОЗ** диал. 1 Етилган қиз.

2 кест. Қари қиз. Худо кўтарсин сен илжик бўрозни! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БҮРОН** 1 Тўзон ёки қор-ёмғир ара-лаш шиддатли шамол. Бўрон турди. Бўрон босилди. Халқ нуфласа, бўрон турар. Мақол. — Қорку майли-я, бўронига нима бор, — деди блиндаж ойнасидан қараб турган Нормат. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қум бўрони ўтов кизиларини, балиқчиларнинг тўрларини осмонда учуриб юрди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Қўранинг теварагига босилган ёшонлар ва шувоқлар ундаги чорваларни қор бўрони ва қум тўфонидан сақлар эди. Айний, Қуллар.

2 кўчма Ёмғирдай ёғдирилган нарса. Майор Сивковнинг сапёрлари душманнинг ўқ бўрони остида «тилсимот» сирларини очиша киришдилар. Н. Сафаров, Тилсимчилар.

3 кўчма Қудратли тўлқин, давом этган шиддатли ҳаракат, оқим; тўфон. — Халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ дош келолмас! — деди-да, Султонмурод чиқиб кетди. Ойбек, Навоий. Делегатлар сўзда яқинлашиб келаётган революцион бўроннинг нафасини олиб келган эдилар. «КПСС тарихи». Халқ қўшиқчиларни қарсақ ва қийқариқ бўрони билан олқишлади. Ойбек, О. в. шабадалар. | Ички кечинмалар ғалаёни. Йўлчи, қулоқлари остида ўқ узилиб тураркан, томирларида жўшқин куч, юрагида юксак ҳисларнинг, орзуларнинг бўронини сизди. Ойбек, Қутлуг қон.

4 Бўрон (эркаклар исми).

◆ Бўрон қуши учиниша ва сузишга яхши мосланган океан қуши.

**БҮРОНЛИ** 1 Бўрон билан ўтган. Бўронли қиш туни.

2 кўчма Кескин, шиддатли кураш, қизғин жанг ва ш. к. билан тўлиб тошган. Қўнглимга битмас фароғат берди онам аласи, Бўронли йиллар жасорат берди онам аласи. Ё. Мирза.

**БҮРСИЛДОҚ** 1 Бўрсиб, кўпчиб, билқиллаб турган. Бўрсилдоқ тупроқ. — Ер қор сувиға тўйдими, дехқоннинг омади келгани шу: тупроқ кўпчиб бўрсилдоқ бўлиб кетади. М. Назаров, Жилвон жилвалари.

2 Биққадай семиз, лўппи. Баҳодир қизининг бўрсилдоқ қўлини ушлаб хайрлашар экан: — Демак театр, санъат институтига кирар экансиз-да? — деди. М. Жалолиддинова, Кейинроқ.

◆ Бўрсилдоқ нон кўпчиб пишган юмошқ нон.

**БҮРСИЛЛАМОҚ** Етилиб кўпчимоқ, семирмоқ. [Роза] ўнг томонда чуқур қилиб ҳайдалган, куз қўшидан нур эмиб бўрсиллаб куч тўплатган шудеорга узоқ-узоқ суқланиб боқарди. Н. Акрамова, Обрў.

**БҮРСИМОҚ** Димиқиб ҳидланиб қолмоқ, сасинқирамоқ. Тўй тарқаб

қозонда, лаганларда қолиб кетган ман-тилар бўрсиб, ҳидланиб кетибди.

**БҮРСИТМОҚ** бўрсимоқ фл. орт. н.

**БҮРСИҚ** Сувсарлар оиласига мансуб йиртқич хайвон. Бўрсиқ териси. Бўрсиқдай семирмоқ хаддан зияд семирмоқ. Элмурод молларнинг тагини кўрар экан, ўзича ўйлади: сенлар бўрсиқдай семириб яша-ю, шунча одам очликдан қирилсинми? П. Турсун, Ўқитувчи.

**БҮРТА** диал. Малла (туянинг тусн хақида).

**БҮРТИК** Бирор нарсанинг бўртиб, туртиб чиқиб турган ери. Бададаги бўртик. Деталнинг бўртиги.

**БҮРТИҚ** айн. бўртик. Унинг юзи сўлиган, кўзларининг оқи кўкарган, тиришган бўйинининг бўртиқ кўкиши томирларида юракнинг уриши сезилиб турар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БҮРТМА** 1 айн. бўртик.

2 сфм Бўртиб чиққан, бўрттириб ишланган. Бўртма нақш.

**БҮРТМОҚ** 1 Амал олмоқ, кўкара бошламоқ; унмоқ. Куртаклар бўртиб қолибди.

2 Кўтарилиб чиқмоқ, туртиб чиқиб турмоқ. Еноқлари бўртиб чиққан юз. — Собир аканинг.. чакка томирлари бўртиб чиққан, кўзлари ичга ботган. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Шишинқирамоқ, андак шишмоқ. Кўп йилгаанликдан кўзлари қизарган, қовоқлари шилган, юзлари бўртган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Иссиқдан бўртган юзлари тарам-тарам қизил. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БҮРТТИРМОҚ** 1 бўртмоқ фл. орт. н. Томирларини бўрттириб гапирмоқ. Нақини бўрттириб ишламоқ.

2 кўчма Жуда аён, яққол қилиб кўрсатмоқ. Айниқса, проеумчиликнинг сиёсий томонини кўзларига бўрттириб кўрсатиши керак, — деб давом этди Эшонбоев. П. Қодиров, Уч илдиш. | Ошириб, кўпайтириб юбормоқ, кўпиртирмоқ. Қабулга келган қиз ўзини камтарин тутарди, ҳатто ҳар бир ҳаракатида ана шу камтаринликни бўрттириб кўрсатишга интиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БҮСА** [ф-т] кт. Меҳр, муҳаббат ва ўта ҳурмат изхори сифатида лабни бирор кимса ё насага тегизиш, ўпиш, муччи. Бўса бермоқ. Бўса олмоқ. — Элмурод Зебони кузатиб қўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан қайтиб келган, узоқ ухлолмади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БҮСАҒА** 1 айн. остона. Очiq ҳовли ишигининг бўсағаларига кўча томондан хирагина ёруғ тушиб турар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Бирор манзил остонаси. Москва бўсағасидаги жанглар. — Саме Абдуллаевнинг қисми Севастополь бўсағаларига яқинлашиб, Сапун гора деб аталган тоғ этакларига етиб келди. А. Раҳмат, Қахрамон сапёр. Сидиқжон худди зўр бахтга эришган ёки ўшандай бахтнинг бўсағасида турган-

дай, терисига сиғмай, ..эски ҳаётини эслагуши ҳам келмай юрар эди. А. Қаҳхор, Қўшчннор.

3 кўчма Бирор маросим арафаси. Янги йил бўсағаси.

**БҮСТОН** [ф-т] поэт. 1 Яшнаган боғ. Меҳнат қилинмаса бўстон қаерда. Ғ. Ғулум.

2 кўчма Боғ-роғли обод ер, яшнаган, гуллаган жой. Ўзбекистон — бўстон. — Қолхоз боғида, гуллар, ҳар шоҳида булбуллар, Чўлни бўстон қилишга Келди сочи сунбуллар. «Кўшиқлар». Салом мактаб, ҳаёт бўстони, Келдим тўнғич ўғлим етаклаб. Ё. Мирза. Қўн-гил бўстониимизда ўсайтган ранго-ранг чечакларнинг энг ўзғали, жажжилари шу қизалоқлар эмасми. Э. Охунова, Ниқоб йиртилди.

**БҮСТОНЛИК** Боғ-бўстонлар билан қопланган, обод ер, ўлка, боғистон.

**БҮТА** 1 Туянинг боласи, бўғалоқ. Бўтадай бўзламоқ қ. бўзламоқ.

2 кўчма Болаларни, ёшларни эркалатиб айтиладиган сўз. Бор-йўгини дастурхон узра Тўқиб солди самбштай аёл. Кампир қистар: — Тортинма сира, олгин, бўтам, еб ўптиргин, ол! Х. Салоҳ. Бўтам! Сиз менга ким бўласиз? С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Бўта (эркаклар исми).

**БҮТАКҮЗ** 1 Далада ўсадиган бир тур кўк гулли ёввойи ўт.

2 кўчма Туя боласининг кўзига ўхшаган чиройли кўз, шахло кўз ва шундай кўзли киши.

**БҮТАЛМОҚ** бўтамоқ фл. мажҳ. н. Бўталган фикрлар.

**БҮТАЛОҚ** 1 Туянинг боласи, бўта.

2 кўчма айн. бўта 2. Сира ҳам ташиши тортма, бўталоғим. Тез-тез келиб, ҳолиндан хабар олиб тураман. Х. Ғулум, Машғал.

**БҮТАМЛАМОҚ** Болам-бўтам деб эркалатмоқ, ардоқламоқ. Шул замонда Гулистоннинг султони, «бўтамлаб, кўзимлаб». йиғлади. «Муродхон».

**БҮТАМОҚ** Аралаштирмоқ, қотиштирмоқ, чалкаштирмоқ, чувалаштириб юбормоқ. Бу йўяна кўп йўларни эргаштириб келиб, фикрини бўтаб юборди. А. Қаҳхор, Сароб.

**БҮТАНА** 1 Лойқа, қум, тупроқ кабилар аралашган (сув ҳақида). Чашмани қаранг, тип-тиниқ: ҳуз пастдаги жилгага ўхшоган бўтана эмас. Т. Ра-сулов, Ишончингга содиқман. [Тур-ғун ва Саодат] пастга тушганда дар-ренинг зилол суви бўтана бўлиб қир-ғоқдан оша бошлаган эди. О. Ёқубов, Тоғ қизи.

2 Лойқасимон, кир тусли, хира. Қиём бўтана бўлмай, тиқиқ тусда бўлиши лозим. К. Маҳмудов, Ўзбек та-омлари.

**БҮТҚА** 1 Гуруч, бугдой каби донлардан қайнатиб пиширилган қуюқ овқат. Бир тариқдан бўтқа бўлмас. Мақол. — Тўйга ҳеч кимни чақирмадик. Ахир икки товоқ бугдой бўтқа билан қилинган тўйни тўй деб бўладими? —

**деди чол.** О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдир.

2 Аталасимон қуюқ нарса. Қоғоз бўтқаси (қоғоз саноатида). — Эриган ишиша бўтқаси пуфлаш найчасига эмас, балки темир таёқчага олинади. М. Аминжоновна, Шижанинг кашф этилиши.

3 **кўчма** Чалкаштириб, чатоқлаштириб, аралаш-қуралаш қилиб юборилган нарса, мошқичири. *Биз мадрасада арабча, тожикча сўзлар бўтқасини кавишидан бошқа нарсани билмас эдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Бўтқа бўлмоқ** 1) аралашиб, эзилиб бўтқа ҳолига келмоқ, *Қўчанинг лойи бўтқа бўлиб кетибди*; 2) *кўчма* аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, чатоқлашмоқ, чалкашмоқ. *Ҳамма иллат шундаки, Уктамжон келдию, иш бўтқа бўлди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

♦ **Бўтқасини чиқармоқ** эзиб, мажлаб юбормоқ, адабини бермоқ. *Сени бугун булар бўтқасини чиқаришмоқчи.* И. Раҳим, Ихлос.

**БҮҲЧА** Қлийқча, рўмол кабиларга ўраб тугилган нарсалар; тугун, тугунча. *Бир бўҳча нон. Бир бўҳча сарпо.* — *Навоий бўҳчани ешиб, лоқайд ва каттарона табассум билан амирлик кийимини кийди.* Ойбек, Навоий.

♦ **Бўҳча қорин** бўҳчага ўхшаб қаппайган қорин ва шундай қоринли одам. *Мулла Мамазолиҳ бўҳча қорини силаб киноямуз деди: — «Э домла! Эшоннинг қорни бешдир, бири ҳамиша бўйдир».* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. **Бўҳчаси тушмаган** ёки **бўҳчасини ташламаган** 1) энди тухумдан чиққан, жиш (қуш болалари ҳақида); 2) *кўчма* тажриба кўрмаган, гўдак. *Сиз ҳам бўҳчасини ташламаган чумчуқ боласиз.* А. Қаҳҳор Сароб.

**БҮҲЧАЛАМОҚ** Бўҳчаларга тугмоқ. *Ул-буллариини бўҳчалаб қўйибди.*

**БҮШ** I I Ичида ҳеч нарса йўқ; қуруқ. *Бўш идиш. Бўш қоп тик турмас.* Мақол. — *Зебо ўзидан нарироққа итариб қўйган бўш стаканни хаёла билан яна олдиға тортди.* — *Бўш бўлса керак, — изоҳ берди онаси.* Шухрат, Шянелли йиллар. *Кеча ўрда бек ойлмдан менга арава келган экан, феъллим айниб турган эди, бормай аравани бўш қайтардим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Қимсадан ёки нарсадан холи, ҳеч ким ёки ҳеч нарса йўқ. *Милицияхона олдидаги бўш кўчанинг деворлари остидан писиб ўрмалаб келаётган қатор қоралар кўринди.* Айний, Қуллар. *Ғиждувоннинг бозор кўни бўлганига қарамай, бозор жойи бутунлай бўш эди.* Айний, Қуллар. *Худоёр 1283 йил тахтага ўтиришида эшиги очик бўш хазинагагина эга бўлган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Банд бўлмаган, ишғол этилмаган, бекор. *Бўш ўрин.* *Бўш ер.* — *Эмзурод ёнида турган бўш табуреткани тортиб, ўтиришга таклиф этди.* Шухрат, Шянелли йиллар. — *Қишлоқда немислардан бўш уй*

*йўқ.* — *деди аёл.* Ойбек, Қуёш қораймас. || *Сўнгера уни бўлаклаб, ёриб бердим ойимга. Бўш турмасин деб бир туп олма экдим жойига.* Қ. Муҳаммадий.

2 Иш билан банд бўлмаган, ишдан холи, бекор. *Бўш кун. Бўш вақт.* *Қолхозда бўш одам йўқ. Мехмонга ош қўй, ички қўлини бўш қўй.* Мақол. — *Маълумингиз, кечалари бўш бўлман, шунинг билан бирга отангиз қайси вақтнинг иштиёр қилсалар ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўли бўш қ.** **қўл.**

**БҮШ** II I Салга узилиб, йиртилиб кетадиган, пишиқ-пухта эмас, жонсиз. *Бўш ип. Бўш арқон. Бўш латта.*

2 Салга сениб, уваланиб кетадиган, юмшоқ. *Бўш кесак. Бўш ер. Бўш ёнғоқ.* — *Бу ёқнинг тоши у ёқники синғари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, ғўраша эди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. || *Дарахтнинг бўшини қурт ер, деб айтганларидай, буларга индамай турсам, елкамга миниб, бошимни емоқчилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Кучсиз, заиф; оҳиста. *Бўш овоз.* || — *Бизниқига борақолайлик, — деди Саидий бўшигина.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Қаттиқ сиқилмаган, таранг тортилмаган, пишиқ-пухта боғланмаган. *Дуторнинг торлари ҳали бўш.* *Машинанинг тормозлари бўш экан.* || *Қамшини бўш ушласанг қўлингни қияди.* [деди Аллоний]. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Эркин, боғланмаган, бўшатилган. *Сендан баттар қилиб мени болаган. Бўш бўлганда сўрар эдим ҳолингни.* | Ширин билан Шакар». **Бўш қўймоқ** (ёки **тутмоқ**) эркинлик бериб ўз холига қўйиб қўймоқ. [Мамат Холисхонга:] *Сени ҳозир бўш қўйман, лекин товуш қилмайсан.* Ҳамза, Холисхон. *Пул асов қушга ўхшайди, сал бўш тутдингми, қўлингдан учди — кетади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 *кўчма* Қаттиқ қўл, талабчан эмас, бўшанг, ландавур. *Бўш раҳбар. Бўш қарамоқ* қаттиқ қўллик, талабчанлик кўрсатмай иш тутмоқ. *Унинг бир қисм ғўзаси суддан қолиб, қатқалоқ босган экан, юзига солиб, «ўзингиз хўб пишиқ дехқонсиз-қу одамларга бўш қарабсиз-да...» деб ёмон изза қилди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. | *Ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиб ола билмайдиган.* — *Бўшсиз, лаҳмасиз!* — *оғзини кўпиртирди Мастура.* Ойбек, О. в. шабадалар. | Пухта, омилқор, билимдон бўлмаган; заиф. *Математикадан жуда бўшман.* Араббой ўқишида жуда бўш.

6 Пухта эмас, бўшаштириб, издан чиқариб юборилган; суст. *Шошганине иши бўш, пухтанине иши беш.* Мақол. | Унчалик кучли, сезиларли эмас; кучсиз. *Баъзи бир қорхона партия ташкилотларининг оммага тавсири бўш.*

7 Етарли асосга эга бўлмаган; пуч, хом. *Бўш хаёллар.* — *Энди унинг ҳаёлида ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Бўш(га) кетмоқ** бекор кетмоқ, зое бўлмоқ. *Шун-*

*ча ҳаракат бўш(га) кетди.* **Бўша чикмоқ** асоссиз, бекор, пуч бўлиб чиқмоқ. *Ҳасаналининг шубҳаси бўшга чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Таги бўш** 1) етарли асосга эга эмас; асоссиз. *Таги бўш гаг;* 2) етарли таънчигин бўлмаган. *Сизнинг тагингиз бўш, тарафингизни оладиган одам бўлмайди.* А. Мухтор, Туғилиш.

♦ **Жони бўш** 1) тез нобуд бўладиган. *Жони бўш махлуқ. Жони бўш ўсимлик;* 2) *кўчма* ҳеч нарсага бардош бера олмайдиган, қийинчиликдан қўрқадиган; жони ширин. *Бу орада Викторга ўхшаган жони бўшлар эса қуён бўлишиди.* Ш. Ғуломов, Чўл белида. **Оғзи бўш** 1) оғзига кучи етмайдиган; сир сақлаёлмайдиган. *Унинг оғзи бўш, сир айтиб бўлмайди унга;* 2) гапини эплаб гапира олмайдиган, гапиришга қўрқадиган. [Абдухолик] *катталарнинг кўзи менинг чумчуқдай ўғлимга, яна бир қанча оғзи бўш камбағалларга тикилибди.* Ойбек, Қутлуғ қон; **Бўш келмоқ** ютқизмоқ, енгилмоқ (бахс, кураш, жанг ва ш. к.да). *Алвасти бўш келгани босар.* Мақол. — *Бўш келманлар, йиғитлар, ураверинг, шоввозлар!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БҮШАЛМОҚ** I с. т. ай. **бўшамоқ** I. *Уй бўшалди. Жой бўшалди.* — *Йўлнинг бўшаллишини кутиб турган миришоб даҳбоиши зеркиб, жалоолларга қараб: — Бошланг! — деди.* Айний, Қуллар.

**БҮШАЛМОҚ** II **бўшамоқ** II *фл. ўзл. н.* *Бир маҳал кўзини очса, тарғил хўкис бўшалиб кетибди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**БҮШАМОҚ** I I Банд этиб ёки ишғол қилиб турган кимсадан, нарсадан холи бўлмоқ. *Зал бўшади. Йўл бўшади. Уй бўшади.* — *Нонустадан кейин шунча одам кўз очиб юмгунча.. ғойиб бўлиб кетди: бутун лагерь кеча кечасидек бўшаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Сабзавот, полиз экинларидан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдаша кирishiлади.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 229.

2 Ишдан қутулмоқ. *У раисликдан бўшади.*

3 Қутулиб чиқмоқ, қутулмоқ. *Турмадан бўшамоқ. Бировнинг қўлидан бўшамоқ.* — *Ғуломжон онасининг иссиқ қўчоғидан бўшаб, секин ўрнидан турди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. | *Ечилиб кетмоқ. Ит бўшаб кетибди.*

**БҮШАМОҚ** II I Бўш, юмшоқ бўлиб қолмоқ. *Ер намиқиб бўшаб қолибди.*

2 Таранглигини ёки мустаҳкамлигини йўқотмоқ, солқаланиб ёки бепанд бўлиб қолмоқ, бўшамоқ. *Отнинг айли бўшаб қолибди. Винт бўшаб қолибди.*

3 Қутулиб чиқмоқ, қутулмоқ. *Турмадан бўшамоқ.*

**БҮШАНГ** Гапини, ишини эплай олмайдиган, бўш, лаванг. *Бўшанг бола.* — *Ҳожибува — Душаннинг оппоқ дадаси. Ўзи ҳеч нарсада йўқ, бўшанг.*

А. Мухтор, Давр менинг тақдирим-да.

**БЎШАНГЛИК** бўшанг с. белги оти. **БЎШАНМОҚ** I бўшамоқ II 3 фл. ўзл. н.

2 Қўзи ёримоқ, туғмоқ. Янги бўшанган аёлларнинг то соғайиб, қувватга кириб кетгунча бўлган даври халқ ўртасида «чилла даври» деб юртилади. С. Исмоилова, Қўкрак касаллиги.

**БЎШАНҚИРАМОҚ** Бир оз бўшашмоқ, юмшамоқ. Кекса милиционер хужжатларни чироққа тутиб қайта-қайта кўздан ўтказди-да, бўшанқираб, йўлдошига берди. Ойбек, Куёш қораймас.

**БЎШАТИЛМОҚ** I бўшатмоқ I фл. мажх. н. Уй бўшатилди. Вагонлар бўшатилди. Ишдан бўшатилди.

**БЎШАТИЛМОҚ** II бўшатмоқ II фл. мажх. н. Қатқалоқлар культивация қилиб бўшатилди.

**БЎШАТМОҚ** I бўшамоқ I фл. орт. н. Йўлни бўшатмоқ. Уйни бўшатмоқ. Вагонларни бўшатмоқ. — Йўлни диққат билан тинглади. Ёрмат пиллани бўшатиб, яна давом этди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Милтлқ бўшатмоқ** ўқ узмоқ. Майна унинг ўнг қўлига устмачуст икки ўқ бўшатди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ **Кўнглини** (ёки юракни, дилни) бўшатмоқ кўнглидаги дардни айтиб енгиллашмоқ, губор тарқатмоқ. Агар атрофида қизлар бўлмаса, Бегимхон шу чоқ овозининг борича дод солиб йиғлар, юрагини бўшатиб оларди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БЎШАТМОҚ** II бўшамоқ II фл. орт. н. Қатқалоқларни бўшатмоқ. Винт-ни бўшатмоқ. Чолғу торини бўшатмоқ. — Минг бало билан Кутидор қўлини бўшатиб, гал Отабекка келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Ўртоқ Дўсматов билан бир беллашиб қўяди, — деди Мели полвон, ўртага чиқиб кўк белбоғини бўшатиброқ боғлай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎШАТТИРМОҚ** I бўшатмоқ I фл. орт. н. Вагонларни бўшаттирмоқ. Ишдан бўшаттирмоқ. — Қайси уйни бўшаттирсак экан? — деб сўради [Ҳажо]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЎШАТТИРМОҚ** II бўшатмоқ II фл. орт. н. Қамқондан бўшаттирмоқ.

**БЎШАШМОҚ** I бўшамоқ I фл. бирг. н. Кўзда болалар дала ишларида бўшашса, мактабни очиб юбориш ниятида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЎШАШМОҚ** II I Юмшоқ бўлиб қолмоқ, юмшармоқ. Ер етилиб, анча бўшашиб қолибди.

2 Таранглигини ёки мустақиллигини йўқотмоқ, солқаланиб ёки бепанд бўлиб қолмоқ. Стулларнинг оёқлари бўшашиб қолибди. Торғоз бўшашиб қолибди. Тишларим бўшашибди.

3 Кучи кесилиб, пасаймоқ, қайтмоқ. Шамол бўшашди. Совуқ бўшашди. —

Иссиқ бирмунча бўшашгандек туюлса ҳам, димлик заптида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Мадори қуримоқ, заифлашмоқ; шалпаймоқ. **Иссиқдан бўшашиб кетмоқ.** — Бир-нимадан қўрқдингми? Нега бўшашасан? Ойбек, Қутлуғ қон. — Вой ўлай, Қумуш она! — деди Зайнаб бўшашган оҳанда. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | **кўчма** Ховуридан тушмоқ, таптидан, шаҳтидан ёки гапидан, ниятидан қайтмоқ, бўш кела бошламоқ. Қобилжон директорнинг кабинетидан латтадан бўшашиб чиқди. С. Аҳмад, Чўл бургути. **Офтоб ойим эрининг кейинги сўзи билан анчагина бўшашди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Бўш қўйилганлиги натижасида сусайиб кетмоқ. Интизом бўшашмасин. Иш бўшашмасин. Талабчанлик бўшашмасин.

**БЎШАШТИРМОҚ** бўшашмоқ II фл. орт. н. Иссиқ одамни бўшаштириб юборди. — Раҳмат сизларга, Энди бу ёгини ҳеч бўшаштирмаслик керак. П. Турсун, Ўқитувчи. Эски бригадаир ошна-оғайнигарчиликни кучайтириб, тўй-тўйлашиб, меҳнат интизоми-ни тўзсиз хамирдек бўшаштириб юборди. А. Муҳиддин, Ҳадя.

**БЎШ-БАЁВ** Ишини, гапини эплай-олмайдиган ва гўл. Бўш-баёв экансизлар. Жилла бўлмаса, мол-мулкни ўз қўлларинга ўтказиб ололмадинлар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЎШЛИК** I бўш I с. белги оти. Идишининг бўшлиги. Уйни бўшлигида ремонт қилиб олайлик.

**БЎШЛИК** II бўш II с. белги оти. Ип бўшлигида салага узлиб кетяпти.

— Ғуломжон боланинг қўллари бўшлигини кўриб, ҳайрон бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЎШЛИК** I Маълум чегаралар билан ўралган фазо, ҳавол жой. Қорин бўшлиғи (анат.). Цилиндр ичидаги бўшлиқ.

2 Олам фазоси. Олимлар яқин вақтларга қадар космик бўшлиқни ўранишни фақат орзу қила олар эдилар. — Адолат тўғрига — бўшлиққа тикилди. С. Зуннунова, Гулхан.

3 Бўш ётган ер, жой. Неча-неча йиллардан бери сув кўрмаган адир бўшлиқлари сувни шимиб, оқимини тобора пасайтирарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 физ. Ҳавосиз жой, вакуум. Торичелли бўшлиғи. Цилиндр ҳавосини тортиб олиб бўшлиқ ҳосил қилмоқ.

**БЎШОҚ** Боғланмаган, арқонланмаган. Қўшоқнинг орқасида (ёки ичида) бўшоқ қ. қўшоқ.

**БЎШТОБ** I Унчалик пишиқ-пухта бўлмаган, бўшроқ, жонсизроқ. Бўштоб бола.

2 **кўчма** Ишни унча яхши удалай олмайдиган, бўшангроқ. Бўштоб бригадир. Бўштоб раҳбар.

**БЎЯЛМОҚ** бўямоқ фл. мажх. н. Бўялган эшиклар. — У Қароматни қонга бўялган паранжисига ўраб, ер-

дан кўтариб олди-да, бағрига босиб уйига йўл олди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

**БЎЯМА** I Бўялган, ранг берилган. Бўяма тери.

2 **кўчма** Сохта, қалбаки. Бўяма гап. **БЎЯМАЧИ** Ҳақиқатни бўяб ёки яшириб кўрсатувчи, алдовчи, кўз бўямачи. **БЎЯМАЧЛИК** Ҳақиқатни бўяб ёки яшириб кўрсатиш, алдаш, кўзбўямачилик.

**БЎЯМОҚ** I Бўёқ бермоқ, бўёқ суртиб безамоқ, сирламоқ. Эшик ва деразаларни бўямоқ. Суратни бўямоқ. Лабларни бўямоқ. — У.. янги, кўркям, ичлари ҳаво ранг бўёқ билан бўялган.. уйга кирди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Бўёқ сингдириб ёки химиявий йўл билан бирор тусга киритмоқ. Ипакни бўямоқ. Қўйлакни бўямоқ.

2 Қоплаб тусини ўзгартирмоқ, бошқа тусга киритмоқ. Чанг бутун маҳалани — томларни ҳам, деворларни ҳам, сувсизликда қақраб қолган яккам-дуккам дарахтларни ҳам бир хилдаги жонсиз, оқши рангага бўярди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Қоплаб, суркаб кир қилмоқ. [Ўқувчи] Бўрни қурт деб ўйлама, Чўнтагинени бўяма. Қ. Муҳаммадий. | Булғамоқ, беламоқ. Ле-нада зolim подшо ишчиларни қонига бўяган эди.

3 **кўчма** Безаб кўрсатмоқ, бузиб, ўзгартириб ёки ёмон томонларини яшириб, яхши томондан кўрсатмоқ, пардоз бермоқ. Ҳақиқатни бўямоқ. — Ғофир бўлса, барча сўзларим Муроталига маъқул бўлаёттир, деб кўнглидан ўтказди-да, Ойқиз билан бўлган суҳбатини анчагина бўяб кўрсатди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кўз бўямоқ қ. кўз.

**БЎЯТМОҚ** бўямоқ I фл. орт. н. Полни бўятмоқ. Қостюмни бўятмоқ. — Ҳа, айтгандай, — деди Қарим ота пиқирлаб кулиб — домла сочларини бўятибдилар. А. Қаххор, Тўйда аза. **БЎЯТТИРМОҚ** бўятмоқ фл. орт. н. Полни қайтадан бўяттирмоқ.

**БЎЯШМОҚ** I бўямоқ фл. бирг. н. Улар уйларини бўяшибди.

2 Бўяш ишига қарашмоқ, бўяшга ёрдамлашмоқ. Акамга эшикни бўяшдим.

**БЎҚОҚ** с. т. Буқоқ.

**БЎҚЧА** с. т. Бўқча.

**БЎҒДИРИЛМОҚ** бўғдирмоқ фл. мажх. н.

**БЎҒДИРМОҚ** бўғмоқ I, 3, 4 фл. орт. н. Сувни бўғдирмоқ.

**БЎҒЖОМА** I Кийим-кечак ва кийимлик газламалар тугиб қўйиладиган катта мата бўлаги.

2 Шундай нарсага тугилган бўҳча, тугун.

**БЎҒИЗ** (3-ш. бирл. бўғзи ва бўғизи) I анат. Томоқнинг қизилунгач ва кекирдак бошланадиган ери; томоқ. — Қалай, раси кўзини очдимми? — Қамчи.. нафаси бўғзига тикилиб, хотинидан сўради. Ҳ. Ғулом, Машъал. | Томоқ, хиқилдоқ. Махсум ўсиқ тирноқларини Бобоқулнинг бўғзига ботиришга чоғлаб,



хезланиб кела бошлади. С. Анорбоев, Оқсой. **Жони бўғизига келди қ. жон.**

2 *кўчма* Жон, ҳаёт-мамонт рамзи. Мусулмонқулнинг омонси қиличи оғайнинг бўғизда эди. А. Қодирий, Утган кунлар. *Бир томондан инглиз, Қонли панжаси, Қадоқ қўллар бўғизда, Зўр исканжаси.* Ғайратий.

3 Турли идишларнинг оғзидан қорингача бўлган тор, найсимон қисми. Шийанинг бўғизи. Обдастанинг бўғизи. *Бўғизи тор идиш.* — Ичига бензин қуйиб, бўғизига латта боғланган бу шишалар дўшманни титратадиган қурол бўлиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Баъзи нарсаларнинг тела қисми, асосига бирлашадиган ери. *Бундай ўтлар ўзини ўнламасиданоқ кунпаякун қилиб ташлаш зарур. Акс ҳолда улар тез қад тиклаб, ёш ғўзанинг бўғизига ёпишади.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

**БЎҒИЗЛАМОҚ** 1 Бўғизга пичоқ қўймоқ, сўймоқ. [Йўловчи] .. аҳволини кўриб, дарров ёнидан пичоғини чиқаради. Кўзлари олайиб, бошини кўтара олмай этган ҳўкизни бўғизлаб юборади. П. Турсун, Уқитувчи. | Бўғиздан тишлаб, ғажиб ўлдирмоқ. *Бўри қўйларни бўғизлаб кетибди.*

2 *кўчма* Қийноқ-қистоқ билан жонини олмоқ, маҳв этмоқ. *Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЎҒИЗЛАНМОҚ** бўғизламоқ 1 *фл. мажҳ. н.* Қўй бўғизланди. *Бўғизланган қўйдек хирилламоқ.*

**БЎҒИЗЛАТМОҚ** бўғизламоқ 1 *фл. орт. н.* Қасоб тайёр, [қўйни] ҳозир бўғизлатасан бўлмайдимиз? А. Қодирий, Утган кунлар.

**БЎҒИЛМОҚ** бўғмоқ *фл. мажҳ. ва ўз. н.* Дарё бўғилди. *Сув бўғилди. Иштаҳаси бўғилди.* — Арзимизни ахир ҳеч ким тингламайди, — деди бўғилиб кетган Пирнафас ака. Ж. Шарипов, Хоразм. *Жапақ бўғилиб кетаётгандай, хомсур қўйлагининг ёқасини йиртиб, бошини қуйи солди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Фотиманинг овози бўғилганда унинг ҳам жонга эзилиб йиғлагиси келди.* Лекин ўзини босди. П. Турсун, Уқитувчи.

**БЎҒИЛТИРМОҚ** бўғилмоқ *фл. орт. н.* Дастрўмолни роса бўғилтириб, юорибсиз дастрўмолни очилмайдиган даражада кир қилибсиз.

**БЎҒИМ** с. т. Бўғин.

**БЎҒИН** 1 *анат.* Гавда суякларининг тоғайлар, пайлар билан бириккан жойлари. *Бармоқ бўғинлари.* | Бир турдаги қисмлардан ташкил топган суякнинг ҳар бир қисми; сегмент. *Умуртқа бўғинлари.* *Бўғинларим оғрияпти.* *Бўғинлари бўшаши (ёки қалтиради)* оёқ-қўли бўшашиб кетди (кўрқув, хаяжон ва ш. к. дан). *Жуман қабулхонага чикиб қўлидаги қоғозга қараган эди, бўғинлари бўшашиб, тиззаси қалтираб кетди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Танаси бир турдаги қисмлардан, сегментлардан тузилган жониворлар-

нинг ёки ўсимликларнинг ҳар бир қисми. *Чувалчанг бўғинлари.* *Қамиш бўғинлари.* *Бўғин оёқлилар* танаси бўғинлардан тузилган жониворлар, хашаротлар.

3 *кўчма* Узвий равишда боғланган воқеа-ҳодиса, жараён ёки ташкилот ва ш. к.нинг ҳар бир звеноси, погонаси. *Шу йилнинг декабрь ойида суд системасининг асосий бўғини бўлган халқ судларининг ваколат муддати тугайди.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 284.

4 *кўчма* Авлод, насл. *Ёш бўғин.* — [Хожар Тўлаxonга:] *Мен қандай қилай! Етти бўғинимизда қулғим бундай сатанг номини эшитганим йўқ эди.* Ҳамза, Холихсон.

5 *грам.* Сўзнинг бир нафас билан айтиладиган бир ёки бир неча товушдан иборат бўлаги. *«Тош» сўзи бир бўғиндан, «болта» сўзи эса икки бўғиндан иборат.*

**БЎҒИН-БЎҒИН** Айрим бўғинлардан, сегментлардан тузилган. *Бўғин-бўғин чувалчанг.* *Бўғин-бўғин гаров қамиш.*

**БЎҒИНЛИ** 1 *айн.* бўғин-бўғин. — *Агар биз,— деди бригадир Бекбой.. бўғинсиз ва бир-икки бўғинли пояларни олиб,— донни уч кун илгари сочиб улгурганимизда, ажойиб иш қилган бўлар эканмиз-да.* Н. Сафаров, Дон.

2 *грам.* Маълум миқдордаги бўғиндан тузилган. *Бир бўғинли сўз.* *Тўрт бўғинли сўз.*

**БЎҒИРСОҚ** Сут, тухум, ёр солинган ҳамирдан юмалоқлаб, қиздирилган ёгда пиширилган овқат. *Бир зувала ҳамирдай қўлингизга тутқизаман, опаси, истасангиз кулча қилинг, истасангиз — бўғирсоқ.* А. Мухтор, Туғилиш.

**БЎҒИШ** бўғмоқ *фл. иш оти.* *Сувни бўғиш.* *Ёқа бўғиш* ёқалашини, ёқа бўғиб мушглашини. *Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашини, ёқа бўғишни ўзига ор билди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**БЎҒИШМОҚ** 1 бўғмоқ *фл. бирг. н.* *Сувни бўғишибди.*

2 *кўчма* Ёқа олишмоқ, урушмоқ, қурашмоқ. — *Ўртада чўкиб қолган танк учун бирпас қизғин бўғишдик,— деди Пахомов.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**БЎҒИШТИРМОҚ** бўғишмоқ 2 *фл. орт. н.*

**БЎҒИҚ** 1 Бўғилиб, хириллаб қолган, хирилдоқ. [Қози].. *боя ўшқирганда томоғи йиртилиб кетганмиди, ҳайтовур, бўғиқ товуш билан:— Имом домла, ўқинг-чи, нима битибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Вагон эшиклари тарақлаб ёнилди: бироз ваҳимада бўғиқ овоз билан нуқул бақирар эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қаердандир, жуда узоқдан қўнғизнинг ғўнғилагани калби бир бўғиқ овоз келди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Бўғов солиб тўсилган, бўғилган (сув ҳўнда).

3 Бўғиб, буриб, сиқиб қўйилган. *Ёқаси бўғиқ кўйлак.* — *Қатак кўйлаги, почаси бўғиқ кўк сатин шалвари озода*

*ва ўзига ярашган.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 Ҳавоси нам ва бузуқ, эркин нафас олиб бўлмайдиган. *Қуртхона ҳавоси бўғиқ, кишининг нафаси қайтар, қандайдир бадбўй ҳид келар эди.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

5 *кўчма* Эркин иш олиб бориб бўлмайдиган; сиқиб, эиқ, танг. *Хўжайин айтганча қузилмаган гул бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Унча очик бўлмаган, хира (ранг, тус ҳақида). *Бўғиқ ранг.* *Ранги бўғиқ чит.*

**БЎҒМА** 1 Бўғиб қўйиладиган ёки бўғиб, буриб қўйилган, бурмали. *Бўғма ёқа кўйлак.* — *Ҳатамова.. новча кишининг почаси бўғма шимини кўриб иккиланди шекилли, нима дейишини билмай қолди.* А. Қаҳҳор, Картина.

◆ **Бўғма** илон ўлжасини танаси билан ўраб, сиқиб ўлдиришга мосланган катта илон.

**БЎҒМА** II *мед.* Дифтерит.

**БЎҒМОҚ** 1 Қаттиқ қисмоқ. *Томоғидан бўғмоқ.* *Галстук бўғиб юборяпти.* — *Хап.. буни бир хилватроқ жойда тўғри келтирсанг-ю, кекирдагидан хиппа бўғиб даммини чиқармай қўя қолсанг.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ойшабону, эрини биров бўғиб йлдираётгандек, дод сола бошлади.* Х. Ғулом, Машғал. | Нафас олишни қийинлаштирмоқ, даммини қайтармоқ. *Совуқ жонларингни оладими? Тутун бўғайди-ку, эшикни очинглар!* Ойбек, Қутлуғ қон. **Овозни бўғмоқ** 1) товуш пайчаларини зарарлантириб, овозини чиқармай ёки хирилдоқ қилиб қўймоқ. *Йўтал овозимни бўғиб қўйди;* 2) *кўчма* сўз эркинлигини олиб, гапирмай қўймоқ. *Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз? Овозини бўғмоқчимисиз?* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қаттиқ сиқиб, чандиб ёки буриб боғламоқ. *Қопнинг оғзини бўғмоқ.* *Қўлни бўғиб боғламоқ.*

3 Ғов, бўғов солиб тўсмоқ. *Дарёни бўғмоқ.* *Кўчани бўғмоқ.* — *Бу ёқдаги унеур, сойнинг ҳамма суви бўғиб олинмадигандек, сой сатҳидан бир қулоч паст қазилаётган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Исканжага олиб танг аҳволга солмоқ ёки халок қилмоқ, маҳв этмоқ. *Бу ерда ҳаёт ҳаётни бўғайди, темир темирни ғажийди.* ўт ўтни сўндиради. Ойбек, Қуёш қораймас.

5 *кўчма* Тўсқинлик қилиб, ўсишдан, ривожланишдан тўхтатмоқ, барбод қилмоқ. *Ташаббусни бўғмоқ.* — *Мен шунча йил қидириб, ниҳолларни бўғиб турган чирмов(уқ)ни топдим-у, лекин ниҳолларни ундан ажратиб ташлай олмадим.* *Кучим етмади.* И. Раҳим, Ихлос. *Иштаҳани бўғмоқ 1) иштаҳани кеткизмoқ. *Ҳаёт.. болягидай қилтoмоқ бўйиб ўтираверди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) ҳафсаласини ўлдирмоқ, кеткизмoқ.—*



Иштахасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг, — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳқитувчи.

6 кўчма Ортиқ даражада асабийлаштирмоқ, хуноб қилмоқ, диққатини оширмоқ, Ҳзингни ҳам диққат қилма, мени ҳам бўғма. — Хатибдаги гаплар мени бўғар, ўзи кечаю-кундуз изимдан қуварди. М. Зайниддинова, Ким эди у, демасангиз айтаман.

7 Рангини, тусини хира, ноаниқ ёки синиққан қилиб кўрсатмоқ. У. ўрта бўйли бир жувон бўлиб, эғнидаги тўйқ қизил қўйлаги, унинг устидан кийиб олган қора жилеткаси, бошидаги яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўп ярашган. А. Қаххор, Қўшчинор. | Қўрнишини бузмоқ. Пахса деворлар табиат манзарасини бўғиб турибди. | Оғирлаштирмоқ, бузмоқ. Илйичёка қишлоғи, тутун ва кукун кўчка кўтарилиб, қишлоқ ҳавосини бўғиб қўйган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БЎҒОВ** 1 Кишан, банд.

2 Тўсиқ, ғов.

3 кўчма Зулм, асорат. Сиз шу кунларда юз йиллардан бери чекиб келаятганингиз зулмдан, азоб, уқубатдан ва бўйингизга солинган қуллик бўғовидан қутулиб, .. ўз тақдирингизга ўзингиз эга бўласиз. Айний, Дохунда.

**БЎҒОВЛАМОҚ** 1 Кишанламоқ, занжирбанд қилмоқ. — Покистон учун мен миллионлар қаторида не-не жафолар чекмадим: қамадилар, бўғовлар, таёқладилар, — деди Абдулвоҳид. Ойбек, Нур қидириб.

2 Бўғов солиб тўсмоқ, бўғмоқ.

**БЎҒОВЛАТМОҚ** бўғовламоқ фл. орт. н.

**БЎҒОЗ** 1 Қорнида боласи бор (ҳайвонлар ҳақида). Бўғоз сигир. Бўғоз совдиқ. | с. т. Хомилдор. Туғишига тўрт ой қолган бўғоз хотинлар ҳам ишга чиқмайдилар. А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЎҒОЗ** II геогр. Икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўли. Гибралтор бўғзи. — Душманни изма-из қувиб бораётган қўшинларимиз билан Абдуллаевнинг азводи ҳам Керчь бўғозига етиб борди. А. Раҳмат, Қаҳрамон саёб.

**БЎҒОТ** 1 Қаминш солиб ёпилган томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми. Чегара билмаган озод қалдирғоч Ошён топади бўғотимизда. Ғ. Ғулом. Пешиндан бери ёғаятган ҳўл қор том бўғотларини, ариқ бўйларини оқартирди. Х. Ғулом, Машъал. | Бўғот том бўғот чиқарилган том. Бўғот томларда лола қизғалдоқ. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Сув йўлининг (мас., ариқ ёки ариқчанинг) бўғилган жойи. Бўғот солмоқ. Бўғотни очиб юбормоқ.

**БЎҒРА** Бичилмаган туя.

**БЎҒУВЧИ** 1 бўғмоқ фл. ш. оти.

2 Нафас йўлларига таъсир кўрсатадиган, нафасни сиқадиган. Бўғувчи газлар.

**БЎҒЧА** эск. айн. бўҳча.

**БЎХТОН** [а] Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; тухмат. Бўхтон қилмоқ. Бўхтон тарқатмоқ. Бўхтон ёғдирмоқ. — Бўхтон — илоннинг захридан беш бадтар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Навоий: Тафтишлар шунки кўрсатадики, Ёдгорбек кўзғолонида бу одамнинг ҳам қўли бўлган. [Мажиддин:] Бўхтон! иғво! Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**БЎХТОНЧИ** Бўхтон қилувчи, бўхтон тарқатувчи; тухматчи. Ҳа, тилинг кесилеур, бўхтончи. Ойбек, О. в. шабадалар.

## В

**В** Ўзбек алфавитининг учинчи ҳарфи; қ. ве.

**ВА** [а] биркт. боғл. Тенг ҳуқуқли гап бўлакларини ва гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Шаҳар ва қишлоқ. Қор ва ёмғир. Кеча ва кундуз. — Уй кичкина, лекин ёруғ ва тоза эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Баҳри хийла олдинда Рисолат билан бирга борар ва отнинг қадам ташлаши мақомига ашула айтар эди. А. Қаххор, Хотинлар.

**ВА** (а — чўзиқ) унд. с. Мақталган нарса, кимса ва ш. к.ни кўрганда уларнинг шу мақтовга арзimasлигини ифодалаш учун қўлланилади. Ва, шу ҳам гул бўлдики! Баъзилари кўзларини уйнатиб: «Уҳў! Уҳў!» деса, баъзилари лабини буриб «ва-а! ва-а!» дерди. Х. Назир, Бир туп ғўза.

**ВААЛАЙКУМ** [а] (тўғриси ва алайкум) қ. алайкум: ва алайкум ассалом.

**ВАБО** [а] 1 Ич суриб кишини тез ҳалок қиладиган жуда юқумли касаллик. Очлик орқасидан вабо келди. Оч, бир бурда нонга муҳтож, қип-яланғоч бўлиб қолган халқ, битталаб, ўнталаб эмас, юзталаб, қишлоқлаб ўла бошладди. Айний, Қуллар.

2 кўчма Офат, қулфат каби кўнгилсиз ҳодисалар ҳақида. Агар минг хатми қуръон этсалар, қўйлар сўйиб арзир, Улимдин қолди қолганлар, бўлуб эрди вабо сайлов. Муқимий.

**ВАВАҒ** 1 тақл. с. Бедананинг сайраши ҳақида.

2 кўчма Бақриб, вағилаб гапирадиган одам ҳақида. — Қаймоқ бозорга кириб .. юрсам, бир бурчакда икки хурма қатиғини ерга қўйиб маҳалладаги оғайниларибдан тегиримончи Абдулла вавағнинг укаси .. Убай ўтирибди, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ВАГОН** [р<ингл] Темир йўлларда пассажир ва юк ташич учун белгиланган махсус арава. Темир йўл вағони. Трамвай вағони. Юк вағони. Вагон ўқи. — Мен вагонга чиққанда ҳамма ўз ўрнини топиб жойлашиб олган, ким ким билан таниши бошлаган эди. Ойдин, Сухбати жонон.

**ВАГОНЕТКА** [р] Тор изли темир

йўлда ва осма йўлларда қатнайдиган кичкина вагон.

**ВАГОНОВОЖАТЙ** [р вагоновожатый] Трамвай ҳайдовчи.

**ВАГОНСОЗЛИК** Транспорт машина-созлигининг вагон ишлаб чиқарадиган тармоғи. Вагонсозлик заводи.

**ВАГОНЧА** 1 Кичкина вагон. Темир йўлимиз обод ва кўркам, Вагончаларда ўйнаб кетамиз. И. Муслим.

2 Дала, йўл, қурилиш шароитида фойдаланиладиган тўрт ёлдиракли кўчма уйча. Қурилиш бошлиғи Смирнов вагончалар олибди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ВАГОНЧИ** Ғалла, пахта сингари молларни бошқа шахарларга вагонлаб олиб бориб савдо қилувчи катта савдогар. [Жондор] нари борса шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун вагончи деб аталди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАГРАНКА** [р] Чўян эритиладиган ва рангли металл рудалари пиширилдиган махсус печь.

**ВАГРАНКАЧИ** Вагранкада ишловчи ишчи, мутахассис.

**ВАДАВАНГ** с. т. 1 тақл. с. Баравж ашула, музика, рақс ва ш. к. ҳақида. [Рустам:] Бугун ашулалар вадаванг-ку, Шер ака! О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

2 кўчма Барваста, лекин иш ёқмас одам ҳақида. Унга бу вадаванг: «Билмайман, асти қиз зоти мен гапландиган эмасман» дебди. — П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ВАДАВАНГЛАТМОҚ** с. т. 1 Каттиқ чалмоқ, гумбурлатмоқ (чилдирма ва ш. к.ни). Бодомхон чирмандасини вадаванглатиб юборди. Шакархон «Яхши бор!» деган қўшиғини бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Авж олдирмоқ, қизитиб юбормоқ (мас., ишни).

**ВАДАНГЛАТМОҚ** айн. вадаванглатмоқ.

**ВАЖ** [а важх] 1 Бирор ишдан бош тортиш, ўзини олиб қочиш учун ёки ўз хатти-харакатини асослаш, оқлаш мақсадида рўкач қилинган далил, баҳона. Олахўжа уни [Элмуродни] ҳар галгидай уйига таклиф қилди. Элмурод ҳам ҳар сафаргидай иш кўплиги, вақт йўқлигини важ қилди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Сабаб, боис. Бағринг кузандайин бўзлаб йиғлайсан, Мена айтгин йиғлаганинг важини. «Гўрўғли». Озгина вақт ўтмай, Муниҳон келганда, Саудий унга секин «бир важ топиб мени бу ердан олиб чиқиб кет» деди. А. Қаххор, Сароб. Оилада осойишталикнинг бузилишига, ғурбат бошланишига мана шу сабаб бўлди. Шу важдан кампирнинг жағи яна очилди, Сидиқжоннинг ўтмишини, қизининг қилмишини яна таъна қила бошлади. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Жихат, томон. — Қорин важи унча мақтарли эмас .. — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Аммо менадан

сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир вазж билан камсита олмайман, балки бизга қуда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли, ўғлим, дейман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВАЖИДАН** кўм. (б. к. билан) Жихатидан, хусусидан. ; — [Хуширўй] иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ важдан ҳам сиқа бошлайдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВАЖ-КОРСОН**, важи корсон Турли хил важдар, баҳоналар. Важи корсон кўрсатмоқ.

**ВАЖОҲАТ** [а] с. т. 1 Одамнинг бичими, ташқи кўриниши, қиёфаси. Бу «улфати чор» ичида катта саллали, оппоқ соқолли, лекин важоҳати йиғитдай бир кекса киши .. диққатни ўзига жалб этади. Ойбек, Қутлуғ қон. | Савлат, салобат. Йўлчи илжайди. У [Жўра] томон қадам қўйди.— Ҳов, қадими Йўлчимсан? Важоҳатингдан одам эмас, от ҳам аравани олиб қочади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Рухий ҳолат, кайфият, ёки қандайдир маъно ифодаладиган кўриниш; авзо. [Асрия] командирнинг нима мақсадда қолаётганини унинг важоҳатидан ўқиб олганди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қанизак қайтиб келганда у [Шарофат] .. кўзлари чақнаб тикка унинг юзига чанг соладиган бир важоҳатда ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Важоҳати бузук** (ёки хунук) 1) кайфи бузук; 2) нияти ёмон кўриниши.

**ВАЖОҲАТЛИ** с. т. Гавдали, барваста. | Савлати зўр, салобатли. Бир қанча вақтдан буён важоҳатли, саллақаллали уламо, мударрис, ағламлар орасида қолдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАЖЖ** [а] эск. кт. айн. важ.

**ВАЗА** [р<фр] Мева-чева, ширинлик солиб дастурхонга қўйиладиган идиш. Бир вазада бандидан янги узиландек тилла ранг олмалар, иккинчи вазада ҳар биттаси кичикроқ чойнакдай келадиган анорлар. С. Анорбоев, Оқсой. | Гул қўйиладиган ёки уйларга, жамонат биноларига зийнат учун қўйиладиган нақшдор, чиройли идиш, кўра. [Гулнор] .. безак учун у ерга, бу ерга қўйилган катта-кичик чиройли хитой вазаларни латта билан яхшилаб артди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАЗЕЛҲИН** [р<фр] Нефтанда олинадиган ва медицинада, косметикада, техникада ишлатиладиган қуюқ мой. Хушбўй вазелин.

**ВАЗИР** [а] 1 тар. Баъзи ислом мамлакатларида: подшоҳ ва хонлар саройидаги олий мансаб эгаси. [Саид Жалолхон] талай вақтдан кейин ҳушига келиб, кўзини очди... Ёнида вазир мулла Шамсиддин чўкка тушиб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Башорат. **Вазир(и) аъзам** қ. аъзам 1.

2 Баъзи шарқ мамлакатларида ми-нистр.

**ВАЗИР-ВУЗАРО** [а] Подшоҳ ва хонлар саройидаги вазирлар ва бошқа катта амалдорлар, аъёнлар.

**ВАЗИФА** [а] 1 Амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масала, эришилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад. Коммунистик қурилишининг буюқ вазифалари.

2 Зиммадаги мажбурият; бурч. Аҳмаджон командирнинг ҳар қандай буйруғини, таълимга тегишли бўлмаган топшириғини ҳам, уруш майдонидаги жановар вазифа ўрнида кўриб бажарар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Топшириқ, хизмат, юмуш. Уй вазифаси. — Эртаси кун [Элмурод] ўз шогирдларига вазифа бериб қўйди-да, аёлларнинг ўқишини кўришга келди. П. Турсун, Ўқитувчи. 119-тепаликнинг қаршиликсини сундириш ва иккинчи эшелон етиб келгунча кўприкни қўлга олиш вазифаси Генрих Грейдер полкига топширилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Умуман иш, юмуш, машғулот. Анвар гулларни сугориш, ўтларни юлиб, тозалаш вазифаларини ўзи бажарди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 Бирор нарса бажарадиган иш; функция. Сезги аъзоларининг вазифаси. Сонлар вазифасида кўра сифатга яқин бўлади, улар гапда аниқловчи бўлиб келади. «Ўзбек тили дарслиғи».

5 Хизмат лавозими, мансаб, амал. Директорлик вазифаси. — Комиссия ёш ўқитувчиларни бирма-бир қақриб суҳбатлашишга ва уларнинг қаерда қандай вазифада ишлашини белгилаб беришга киришди. П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Эск. Муайян иш ёки маълум муддат учун бирор шахсга тайинланган пул, маош. Вазифангиз қанча? Вазифа тайинламоқ.

**ВАЗИФАДОР** [а+ф-т] эск. 1 Мансабдор, амалдор. У Абдусамод мирзо даврида .. майда вазифадорлардан эди. Ойбек, Навоий.

2 Маълум миқдорда маош, пул олиб турувчи. Бухорода хатми кутуб қилиб келган бир «олим» ақалли бир маҳалла имоматига хархашасиз ўтолмасин-да, .. бир бесавод етим .. ўрдадан фалон тилло вазифадор бўлсин. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ВАЗИЯТ** [а] 1 Нарсанинг фазода бошқа нарсаларга нисбатан олиб турган ўрни, мавқеи. Нуқтанинг вазиятини аниқлаш. — Ой ўзининг Ер атрофидаги ҳаракатида Қуёшга нисбатан турли вазиятларни олиб турганлигидан Ойнинг кўриниши ўзгаради. «Астрономия».

2 Гавда ёки бирор аъзоннинг ҳолати, жойланиши, туриши. Хат ёшида гавда, қўл ва бармоқларнинг вазияти. — Ҳар хил вазият ва турли кайфиятда ўтирган кишиларнинг сон-саногини ўйқ. А. Қаҳҳор, Сароб. | Кишининг кайфиятини, рухий ҳолатини, аҳолини ифодаловчи қиёфа, кўриниш, авзо. [Отабек] бояги ярим жиддий вазиятини бузмай сўради. А. Қодирий, Ўтган

кунлар. Унсин чаккасига қўлини тираб, гамеин вазиятда бир дақиқа ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Унинг юраги гупиллаб урар, кўзлари косасидан чиқиб-ган, ҳадди сиғса, ҳозир болани ажратиб олгудек вазиятда эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Кишининг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, нуфузи. Одамлар устидан хусусий мулк ҳукмрон бўлган, кишининг жамиятдаги вазияти, салмоғи, ҳуқуқи, обрўси унинг мулки билан ўлчанадиган бир замонда инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ташқи шароит; аҳвол; ситуация. Халқаро вазият. — Чернецов ҳар қандай вазиятда ўзини тута биладиган одам ва минг ўлчаб, бир кесадиған раҳбар бўлиши билан бирга моҳир номиқ ҳам эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қуролли қўзғолон бошланши вақтида вазият анча оғир эди. О. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси.

**ВАЗМИН** [ф-т] 1 Оғир вазнли, оғир. Вазмин тош. Вазмин юк. — Нури почпўстин кийиб, вазмин зарбоф паранжини ёпиңиб, ҳовлига чиққанда, катта ҳовли хотинлар билан қайнар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Вазмин тўғлардан ерда, самода учган қалдироқларга [Николин] қулоқ солди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Катта куч талаб қиладиган; ма-шаққатли, қийин. Вазмин иш. Вазмин йўл.

3 Ўзини тута биладиган; сипо. У [Элмурод] бу вазмин, хушфемл аёлининг содда ва бегубор гапларини тинглаганда, энг меҳрибон бир кимсаси олдида ўтиргандай бўлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Салобатли, салмоқли, бир маромда сөдир бўладиган. Вазмин гап. Вазмин овоз. — Ўқираг Текстилниг Мағрур, вазмин гудоги. Узоқ-узоқдан Бўйсуннинг гулдурраги. Ғ. Ғулум. Батальон вазмин одим билан илгарилаб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас. || Ўктам сояда аста юриб кетди, қатор жийдаларнинг эгилган новдалари унинг бошига тегиб вазмин тебранади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ВАЗМИНЛАШМОҚ** айн. оғирлашмоқ.

**ВАЗМИНЛИК** вазмин с. белги оти. Яланғоч теракларнинг шохлари тизилишиб, ўтирган қарғаларнинг вазминлигидан эзилган. С. Анорбоев, Оқсой. Сийрак соқол, қотма бир чол Элмуродга тикилиб, вазминлик билан: — Гапингиз тўғри, ўғлим. Бу жаҳонда Лениндай улғ зот бўлган эмас,— деди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВАЗМИНЧИЛИК** айн. оғирчилик.

**ВАЗН** [а] 1 Оғирлик, салмоқ. Юк вазни. Молнинг тирик вазни. — Эгамберди, шу буғдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш! А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўчма* Обру, нуфуз, эътибор, салмоқ. Салимхон жон-дили билан Сидийни беғонасиратмасликка, ўзи билан бир текисликка қўйишга тиришар ҳатто ўзини ноёндликка солиб, Сидийнинг вазини орттирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 *ад.* Шейрий сатрда шейрнинг ритм оҳанги ва тузилишини белгиловчи бўғинлар сони ва жойланиши; шейр ўлчовлари. Аруз вазни. Бармоқ вазни. Шейрлар маълум ўлчовда ёзилади. Шейр ўлчовлари вазн деб аталади. «Адабиёт хрестоматияси».

4 *муз.* Музыка асарига унинг ритм оҳангини ва тузилишини белгиловчи ритмик бирликлар сони ва жойланиши.

**ВАЗНДОР** [a+ф-т] *айн.* вазнли 3. **ВАЗНЛИ** 1 Маълум оғирликка эга бўлган; салмоқли. Оғир вазнли курашчи (спорт).

2 *ад.* Бирор шейрий вазнга эга бўлган, бирор ўлчовда ёзилган. Аруз вазнли шейр.

3 *муз.* Оҳангли, оҳангдор.

**ВАЙ** *айн* вой 1—5.

**ВАЙ-ВАЙ** *айн.* вой-вой.

**ВАЙВАЯК** *диал.* Чнябўри.

**ВАЙ-ВОЙ** *айн.* вой-вой.

**ВАЙРОН** [ф-т] 1 Тамомила бузилиб кетган, ер билан яқсон бўлган, батамом емирилган, харобага айланган. Шу ерда бўлганмиш кўҳна Душанба, .. тангадай соя Қўрмаган жазира, қашшоқ, вайрон жой. Зулфия. Уч кундан кейин улар келганда қишлоқ вайрон бўлган, баъзи бинолари ҳамон буруқсиб ёнарди. Шухрат, Шинелли йиллар. 1 Тамомила издан чиққан, хароб, абгор бўлган. Бир қултум сув учун хонаси вайрон, Қишлоғин тарк этиб адашарди эл. Ғайратий.

2 *кўчма* Қаттиқ озор топган, ғам-ғуссага ботган, шикаста (кўнгил ҳақда). Битта экан қўйлаги, Вайрон экан юраги, Яна бир қўйлак кийиши Кеча-кундуз тилаги. М. Алавиа. Юрагим шув этиб кетди, ичимда: «Менгина ўлай, суриштирмасдан-нетмасдан, бола бечоранинг кўнглини вайрон қилдим-ку» — дедим,— деди Гулчехра. У. Назаров, Ғурур.

**ВАЙРОНА** [ф-т] 1 *от* Вайрон-талқон бўлган жой; хароба, харобазор. Ватаннинг вайронаси — умринг ғамхонаси. Мақол. Санобархон зўр қийинчилик билан жойидан қўзғалди. Вайрона, култепага айланган бошпанасини ташлаб кетиши оғир мусибат эди унга. С. Зуннунова, Гулхан.

2 *сфрт* *айн.* вайрон. Ғулможон хувиллаб, ўти сўниб қолган вайрона хонада бир зум гангиб турди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Камбағаларнинг ўғил-қизлари ота-оналарига ҳайитга уст-бош қилиб беринг, деб йиғлар, ота-оналарнинг вайрона кўнглини яна бузишар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари.

**ВАЙРОНАГАРЧИЛИК** *айн.* вайронгарчилик.

**ВАЙРОНГАРЧИЛИК** 1 Ҳамма ёқни вайрон-талқон қилиш, емириш, харобага айлантириш.

2 Вайронлик ҳолати, харобалик, харобагарчилик. Уруш оқибатидаги вайронгарчилик.

**ВАЙРОН-ТАЛҚОН:** вайрон-талқон қилмоқ батамом вайрон қилмоқ, ер билан яқсон қилмоқ.

**ВАЙСАМОҚ** 1 Кўп гапирмоқ, жаврамоқ. Қампирнинг жиги-бийрони чиқди: омбордан олиб чиққан бир сават пахта-си билан чиғириғини кўтариб, вайсаганича уйга кириб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Бемаъни гап қилмоқ, валдирамоқ, алжимоқ.— *Адолатнинг вағдаси ҳам шамолга учмасмикин?* — Э, эма! Нималарни вайсаясан, Адолатни синамабмидинг? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Фолбин узоқ вайсади. Жинларга ялинди, ёлворди, одам кулеисига ўхшамаган бир йўсинда қийқириб кулди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАЙСАТМОҚ** вайсамоқ *фл. орт. н.*

**ВАЙСАШМОҚ** вайсамоқ *фл. бирг. н.*

**ВАЙСАҚИ** Ҳа деб вайсайверадиган, кўп гапирдиган, кўп гапиришни яхши кўрадиган. Вайсақи одам.

**ВАКАНСИЯ** [р<фр<лат] Бўш ўрин, банд қилинмаган вазифа (идора, муассаса ва ш.к.да). *Вакансия йўқ. Вакансияни эгалламоқ.*

**ВАКАНТ** [р вакантный] Ҳеч ким эгалламаган, бўш (идора, муассаса ва ш.к. штатидаги вазифа тўғрисида). Эшонбоев аспирантурани битиряпти, кафедрада вакант ўрин йўқ, борини Акбаров банд қилиб турибди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ВАКИЛ** [а] 1 Бирор киши, муассаса, ташкилот ва ш.к. номидан иш кўришга ваколати бўлган, унинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс. Қардош республикаларнинг вакиллари. — Ермат улар [мардикорлар] билан бирга яшаб, бирга ошаб, бирга ишласа-да, уларга тўнғ муомала қилиб, ўзини хўжайиннинг совиқ вакили сифатида кўрсатганидан, ҳаммага ёт кўринар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга эвларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли киши, элчи. Дипломатик вакил. Мухтор вакил. Вакил тайинламоқ.

3 Бирор соҳа, ижтимоий группа, жамият ва ш.к.га мансуб киши; намоянда. Республикаimizin ҳар бир соҳа вакили шонли 40 йилликни меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олмақда. «С. Ўзбекистон», 1964, 17 октябрь.

**ВАКИЛА** [а] 1 Вакил аёл.

2 Вакила (хотин-қизлар исми).

**ВАКИЛЛАМОҚ** *айн.* акилламоқ.

**ВАКИЛЛИК** 1 вакил с. мавҳ. *от.* Вакиллик ҳуқуқи. Вакиллик қилмоқ.

2 *айн.* ваколатхона. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакиллиги.

**ВАКОЛАТ** [а] Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва ш.к. номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи. Кенг ваколат. Депутат ўзининг юксак ваколатини сайловчилардан олган. — [Имом Сафар бўзичи:] Мен сизга мизодан хизмат сўраб беринг, деб ваколат берган эмас эдим-ку! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ВАКОЛАТЛИ** Ваколати бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган. Ваколатли муассасалар бўлмаса, демократиянинг, ҳатто пролетар демократиясининг ҳам бўлиши мумкин эмас. В. И. Ленин, Давлат ва револлюция.

**ВАКОЛАТНОМА** [a+ф-т] 1 *эск.* Ишонч қоғози; тилхат.

2 Вакиллик ҳуқуқини берувчи ҳужжат, ваколат, ишонч ёрлиғи.

**ВАКОЛАТХОНА** [a+ф-т] Бирор давлат томонидан ўзга ерда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса. СССРнинг чет элдаги мухтор ваколатхонаси. Савдо ваколатхонаси.

**ВАКУУМ** [р<лат] *физ., тех.* Ҳаво ёки газнинг герметик берк идишдаги ғоят сўйрақлашган ҳолати.

**ВАКЦИНА** [р<лат] Юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган эм дори. *Вакцина билан эмлаш.*

**ВАЛ** [р] *тех.* Турли машина ва механизмларда ўз ўқи атрофида айланадиган ва ўзига ўрнатилган деталга айланма ҳаракат ва куч узатадиган деталь; ўқ.

**ВАЛАД** [а] 1 *с. т. эск.* Шарият йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола; ҳароми. Валади зино *айн.* валад 1.

2 *сўж.* Безори, зумраша, шумтака. **ВАЛАКИСАЛАНГ** *с. т.* Ўта кетган беғам, бепарво; иш ёқмас. [Хумпар, девона. [Абдурайим:] Қўздан қолдингми, валакисаланг, колхозимизнинг бўрдоқига боқилган олди қўйлари-ку. «Мушгул», 1960, № 4.

**ВАЛАҚЛАМОҚ** Гап сотмоқ, сафсата сотмоқ, бўлар-бўлмас гап билан вақтни олмақ. *Жўна, ишингдан қолма, бекорчи валақлашга вақтим йўқ.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Валақлаб юрмоқ, тентираб, дайдиб юрмоқ, бекор юрмоқ.

**ВАЛАҚЛАШМОҚ** валақламоқ *фл. бирг. н.*

**ВАЛДИРАМОҚ** *с. т.* Бўлар-бўлмас гапларни гапиравермоқ, оғзига келганини сўзламоқ, алжиралоқ.— *Укамиз Салим,— деди Ҳакимбойвача,— оғзига нима келса, шуни валдирайверади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАЛДИРАТМОҚ** валдирамоқ *фл. орт. н.*

**ВАЛДИРАШМОҚ** валдирамоқ *фл. бирг. н.*

**ВАЛДИРВАСАР** Гап-сўзининг тайини йўқ; бетайин, думбул.

**ВАЛДИРВОКИ** *айн.* валдиравасар.

**ВАЛЕНТЛИ** *хим.* Муайян валентлик хусусиятига эга бўлган. *Икки валентли химиявий элемент.*

**ВАЛЕНТЛИК** *хим* Бирор элемент атомининг бошқа элемент атомлари билан бирика олиш қобилияти.

**ВАЛЕРЬЯНКА** [р] Валериана ўсимлигининг илдизидан эфир ёки спиртда тайёрланган, асабни тинчлантириш учун истеъмол қилинадиган дор.

**ВАЛИАХД** [а] Тахт вориси. *Хон йў дарёсига фарқ бўлди: «Қимни валиахд қилай? Шуними? Қатта ўғилларим бир-бирлари билан уришмасмикинлар, тахт талашмасмикинлар?»* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ВАЛИЙ** [а] *дин*. Худонинг гўё бўлажақ ходиса, воқеаларни олдиндан айтиш, ғойибдан хабар бериш қобилиятига эга бўлган энг сеvimли, энг азиз бандаси; авлиё. *Одамлар Султон девонани «оташинафас» валий деб мақташар эди. Уша нодон, алданган кишиларнинг мақташ .. юрган «сохиби каромати» бир алжиллаб ўтирган банги экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ВАЛИК** [р] *тех*. Кичкина вал, валча.

**ВАЛИНЕЪМАТ** [а] *эск*. 1 Ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс.— *Бу киши менинг валинеъматим, пирим бўлади.— жиддий жаваб берди [Салимга] Абдушукур.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мулла Абдурахмон ҳам валинеъмати бўлган Анварнинг рияосини унутма ёзди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Олиҳиммат, сахий одам, хайр-саховатли, кўли очик одам.

**ВАЛИШ** [ф-т] *диал* Ишком.

**ВАЛЛАМАТ** [а вали + неъмат] 1 с. т. *айн*. валинеъмат 1.

2 с. т. Ўз меҳнати синмаган нарсаларга, бировникига сахийлик, хўжайинлик қилаверадиган одам; эррайим.

3 Оқсоқол, бошлиқ, амалдор. *Қабул қилмай валламатнинг сўзини Номард Аваз бермас бўлди қизини.* «Равшан». Юртнинг валламатини чақир. Ойбек, Навоий.

4 фольк. Ўнгит, сарбоз. *Баҳодир олиб кетди ул неча валламатим, Уйласам, қолмайди танда тоқатим.* «Алпомиш».

**ВАЛЛОХ(И)** [а] *дин*. Худо ҳақи, азбаройи худо. *Бунда қандай маъно бор? Валлоҳи тушунмайман!* Ойбек, Навоий.

♦ Валлоҳи аълам худо билади; эхтимол, балки, бўлса керак, оббахолам. *Насриддин афандидан бир киши сўради: — Аълам почча, қуръоннинг устида бит ўлдирса, нима бўлади? Афанди чуқур мулоҳазадан кейин: Валлоҳи аълам «қирс» этади,— деди.* «Латифалар».

**ВАЛБЭ** [р < фр] 1 Одатда жуфт-жуфт бўлиб, уч тактда бир айланиб охиста давра олиб ўйналадиган равон ва вазмин рақс ва шу рақс музикаси.

2 Уч чоракли музика асари.

**ВАЛЮТА** [р < итал] Бирор мамлакатда қабул қилинган пул системаси

ва шу мамлакатнинг пул бирлиги (мас., сўм, доллар, франк).

**ВАНАДИЙ** [р] Химиявий элемент, кумуш ранг қаттиқ, мўрт металл.

**ВАНГ-ВАНГ** *айн*. анг-анг.

**ВАНГИЛЛАМОҚ** *айн*. ангилламоқ.

**ВАННА** [р] 1 Чўмилиш учун белгиланган махсус узун тос. *Сирланган ванна. Ваннада чўмилмоқ.* | Техникада ҳар хил эритма, суюқлик ва ш. к. солиш ёки турли процесслар олиб бориш учун белгиланган идиш.

2 *кўчма* Баданни сув, ҳаво ёки офтоб таъсиридан баҳраманд қилиш йўли билан даволаниш. *Куйш ваннаси. Ҳаво ваннаси. Ванна қабул қилмоқ.*

**ВАННАХОНА** [р + ф-т] Ванна ўрнатилган уй, хопа.

**ВАНГ** *рвш.*, с. т. *салб*. Авжида, баравж.— *Турмуш ванг дегин ҳали,— деди Элмурод истеҳзоомиз.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Ванг бўлмоқ** ханг-манг бўлмоқ, хайрон қолмоқ. *Мен шундоғ оғзим очилиб ванг бўл қолдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ВАНГИЛЛАМОҚ** Шовқинли баланд овоз чиқазмоқ (ҳаракатдаги нарсалар ҳақида). *Трамвай вангиллаб кетаёттир. Самолёт вангиллаб учиб юрибди.* — *Машинанинг [граммофоннинг] қулоғини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб, ашула, дутор-тамбур вангиллайверади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

♦ Сув вангиллаб оқаёттир сув тез вариллаб оқаёттир.

**ВАНГИЛЛАТМОҚ** вангилламоқ *фл. орт. н.* Дониёрбеков автоклубнинг радиокарнайини дам олувчилар томонга қаратиб вангиллатиб юборди. И. Раҳим, Тақдир.

**ВАРАНГЛАМОҚ** Қаттиқ титроқ товуш чиқармоқ. *Варварак варанглайди.* — *Азмиддин чўнтаидан наганини олишга улгурди. Ўқ варанглади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ВАРАНГЛАТМОҚ** варангламоқ *фл. орт. н.* *Овчи варанглатиб ўқ узди.* — [Элмурод] *«Бир варанглатиб қўйиб қолайми» деган фикрда милтиқни секин тошлар орасидан чиқарди, лекин тепкисини босмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВАРАСА** [а] *эск. кт.* Ворислар, мерос эгалари, меросхўрлар.

**ВАРАҚ** [а] 1 Маълум шакл ва ўлчамдаги қоғоз ёки бошқа бирор юпқа нарса. *Бир varaқ қоғоз.* — *Куйинг жўйиқин, созинг ўйноқ, шу қадар майин, Завқ селови хаёлимда зар varaқ очар.* Файратий. | Китоб, дафтар ва ш. к.нинг ҳар икки саҳифаси. *Дафтарнинг уч varaғи. Календарь varaғида — 9 май.*

— *Маҳкам қўлидаги планнинг бир varaғини жойига қўйишини ҳам унутиб, сапчиб ўрнидан турди.* П. Қодиров, Уч илди.

2 *кўчма* Давр, саҳифа. *Тарих varaғи.* — *Улуғ Октябрнинг шонли қирқ йилли Тарихлар яратган арафасида Устодни йўқлайди советлар эли Ҳар соат, ҳар varaқ ғалабасида.* Ф. Фулом.

♦ **Ўн varaқ ўтади салб.** Ўн чандон ошиб тушади. *Эзмаликда сен ундан ўн varaқ ўтасан.*

**ВАРАҚА** [а] 1 Оммага тарқатиш учун мўлжалланган муҳим материал босилган қоғоз. *Агитация varaқаси* — *Қудрат ота шу ерлик халқ йишчилари орасида революцион varaқалар мазмунини ўз тилида тушунтириб юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Турлича маълумотлар ёзиш учун белгиланган расмий бланк, қоғоз varaғи. *Ижро varaқаси. Кадрларни ҳисобга олиш учун шахсий varaқа. Қасаллик varaқаси. Контрол varaқа. Сўроқ varaқаси. Varaқа тўлдирмоқ.*

**ВАРАҚ-ВАРАҚ** 1 Жуда кўп varaқлардан иборат бўлган, varaғи кўп. *Варақ-варақ қоғоз.* — *Бой акамлар доим айши-ишратда, қўй-қўй хотин. Пул десанг varaқ-варақ, тилла десанг хумлари тўла.* Ойбек, Болалик.

**ВАРАҚ-ВАРАҚ** 2 тақл. с. Қайнаётган ёки оқаётган суюқлик товуши ҳақида. *Варақ-варақ қайнамоқ. Варақ-варақ қайт қилмоқ.*

**ВАРАҚИ** [ф-т < а] Юпқа ёйилган ёғли хамир ичига қийма солиб ёғда пиширилган сомса. *Офтоб ойм varaқи пиширишдан бу кунги меҳмоннинг унча-мунча киши бўлмаганлигини билди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВАРАҚЛАМОҚ** 1 Китоб, дафтар ва ш. к.нинг varaқларини бирма-бир очмоқ. *Ботирали қизнинг дафтарларини чироққа яқинроқ тутиб, бирма-бир varaқлар кўрди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Янги бир китобни varaқлагандай, Кунлар ўтади-ю юз очар баҳор.* Ё. Мирза.

**ВАРАҚЛАМОҚ** 2 Варақ-варақ, бақир-буқир овоз чиқармоқ (қайнаётган ёки оқаётган суюқлик ҳақида). *Ариқда сув varaқлаб оқаёттир.* — *Эрашгее пулеметидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек varaқлаб қайнаб кетди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

**ВАРАҚЛАНМОҚ** varaқламоқ 1 *фл. мажх. н.*

**ВАРАҚЛАТМОҚ** 1 varaқламоқ 1 *фл. орт. н.*

**ВАРАҚЛАТМОҚ** 2 varaқламоқ 2 *фл. орт. н.* *Саҳро қуёшининг қирқ даражали ялиғи устига моторнинг оловли нафаси радиаторни икки марта varaқлатиб қайнатиб юборди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ВАРАҚЛАШМОҚ** varaқламоқ 1 *фл. бирг. н.*

**ВАРАҚЛИ** Варақлари бор, маълум миқдордаги varaқдан иборат бўлган. *Юз varaқли китоб. Уттиз varaқли қўлёзма.*

**ВАРВАР** [р < ерек] *тар.* Қадимги грекларда ва римликларда чет эллик киши, бошқа эл одами.

**ВАРВАРАК** *айн.* варрак.

**ВАРВАРИЗМ** [р] *лингв.* Бошқа бир тилдан олинган ёки бошқа бир тилдаги сўзлар ва ибораларга тақлидан ясалган, ўзлаштирувчи тилга хос бўлмаган сўзлар ва иборалар.

**ВАРВАРЛИК** Маданиятга душманлик, жоҳиллик, жаҳолатпарастлик. Социалистлар халқлар ўртасидаги урушларни варварлик ва ваҳшийлик иши деб ҳамавақт қоралаб келдилар. В. И. Ленин, Социализм принциплари ва 1914—1915 йиллардаги уруш.

**ВАРИАНТ** [р<лат] Проект, план, илмий, бадиий, адабий асар, машина ва ш. к.нинг бошқача ишланган тури, бошқа хил ишланган нуسخаси. *Икки вариантда тайёрланган проект. «Алпомиш» достонининг Фозил шоирдан ёзиб олинган варианты.*

**ВАРИЛЛАМОҚ** 1 Узлуксиз шарқираган овоз чиқармоқ, шарқирамоқ (тез оқар сув ҳақида). Қор эриб, тунука тарновлардан сув вариллаб оқа бошлади. Ойбек, Қутлур қон.

2 Гурилламоқ, гулдурламоқ. *Тракторлар гуриллаб, вариллаб, майда дарахтларни таг-томири билан қўпориб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ВАРИЛЛАТМОҚ** варилламоқ *фл. орт. н.*

**ВАРРАК** Бир тахта қоғозга қамиш ёки савағич чўлпурини белгили тартибда ёпиштириб ясалган ва шамолда ип қўйиб учириладиган ўйинчоқ; варварак. *Варрак учурмоқ. — Шамол келмас, кўтарилмас дака варрагим, Дардарақдай типирчилар, тошлар юрагим. Ф. Фулом. Дака варрак гир урмай, шох ташламай учадиган варрак. Лайлак варрак қ. лайлак.*

**ВАСВАСА** [а] 1 Кишининг эс-хушини олиб қўядиган, телбаликка соладиган савдо. *Уруш васвасаси. — Фуломжон севги васвасасига учганини, шаънига яраймаган қилиқ қилганини энди англади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Кишини йўлдан оздирадиган гап, хатти-ҳаракат, иғво ва ш. к. [*Юсуфбек ҳожи Отабекка:*] Қайин отандан, мени қувлади, деб кўнглинг олинмасин, чунки бу бечора ҳам бир шайтоннинг васвасаси билан бу хаттоа тушган.

А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Зиёдилла] Қоғоз-қаламни қўлга олганда яна шайтон васваса қилди. Ҳ. Фулом, Машъал.

3 Ҳаяжонга, ваҳимага соладиган ўй-фикрлар, хаёллар. *Таъқиб васвасаси. — [Юсуфбек ҳожи:] Золим кишилар орасида кекса отасини, муштипар онасини кўролмайд дунёдан кетдимкин? — Мана шундай минг турли васвасалар ишида қаршисидаги Азизбекни ҳам унутмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Васвасага солмоқ 1) айн. васваса қилмоқ қ. васваса 2. — *Шайтон васвасага соляпти. Бири телефон қилдеса, иккинчиси ҳовлиқма дейётганга ўхшайди. — деди Эгамберди. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари; 2) ваҳимали ўй-фикрларга, хаёлларга олиб кетмоқ, ваҳимага солмоқ. Қумушининг бу ҳоли [ҳамиша маъюслиги] бечора онанинг юрагини эзар, юз хил васвасаларга солар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Васвасага тушмоқ ваҳимали ўй-фикрларга, хаёлларга бормоқ, ваҳимага тушмоқ.*

«Қулоқларнинг мол-мулки колхозга оли-

*нар эмиш» деган гаплардан кейин Мама-саид Олахўжадан ҳам ортиқроқ васвасага тушди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ВАСВОС** [а] Бошига бирор савдо тушиб ёки бирор нарсага ортиқ даражада берилиб эс-хушидан озган; савдойи. *Васвос одам.*

**ВАСИЙ** [а] Вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мулкка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз устига олган шахс; маънавий ота.

**ВАСИЯТ** [а] 1 Марҳумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзиб қолдирган топшириғи, истағи, насиҳати. *Ўқиш .. Уни ўзим жондан истаганим каби, отамнинг ҳам охири нафасида менга қилган бирдан-бир васияти шу эди. Айний, Эсдаликлар. Афанди ўғлига васият қилди: — Мен ўлсам, эски нарсадан кафан қилиб, гўрға қўйинглар. «Латифалар».*

2 Буюк зотнинг ёки ота-боболарнинг ўз издошларига, авлодига айтиб ёки ёзиб қолдирган ўғити, панд-насиҳати, кўрсатиб кетган йўл-ўйриғи. *Коммунистик партия Ленин васиятларига амал қилиб, аввал қалоқ бўлган халқларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тез ривожланишига алоҳида аҳамият берди. «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки». Русия, Русия, азиз Русия, Бизга оталардан қолган васият: «Йўлдошинг агар русдир, Билки, йўлни дурустдир». Шайхзода.*

**ВАСИЯТНОМА** [а+ф-т] Ёзма васият; васият тексти ёзилган қоғоз, хужжат. *Васиятномани тасдиқламоқ.*

**ВАСИҚА** [а] эск. юр. 1 Мол-мулк сотиб олганлик ҳақидаги расмий хужжат; кўпчик. *Ўз уйимга ўзим кира олмайман. .. Ўз уйим. Васиқам бор. А. Қаҳҳор, Сароб. Сотувчи ва олувчи ўзаро келишганларидан кейин .. қозихонага бориб васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳронани бериб, муҳр бостиранлар. Айний, Эсдаликлар.*

2 Шахсий гувоҳнома, хужжат. *Маждиддин .. муҳрлар босилган бир тахтас қоғоз чиқариб: «Мана бу сизнинг васиқангиз». Ойбек, Навоий.*

◆ **Васиқаси йўқ с. т.** бетаини, бечурд одам ҳақида. *Дийдаси қаттиқ бек ва унинг васиқаси йўқ яқинлари учун масала аён. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.*

**ВАСИҚАЛИ** Эгаллик ҳақида тегишли хужжат билан расмийлаштирилган; керакли хат-хужжатга, васиқага эга бўлган. *Васиқали жой. — [Бобомирза] ёшлигидаёқ отасининг васиқали вориси бўлиб қолди. И. Раҳим, Тақдир.*

**ВАСЛ** [а] кт. Ёрга эришув, ёр билан учрашув. *Гар вафо бўлмаса, васл бегумон бўлмас эди. С. Абдулла. [Анвар] ишқ давоси авом йўлаганча васл эмас — ҳажрдир. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Васлини кўрсатмоқ дийдорини, жамолини кўрсатмоқ, кўрнимоқ. Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтирди, Тараҳхум айласун ул ишқи жонон бир келиб кетсун. Ҳам-*

за. **Ёр васлига етншмоқ** (ёки эришмоқ) ёр билан дийдор кўришмоқ.

**ВАССА** [ф-т] бнк. Иморатнинг тўсинлари устига эич қилиб кўндаланг териладиган, бир томони ясси, иккинчи томони дўнг, калта таёқча; тоқи. *Васса ўрнига орасини очиқ-очиқ қилиб эгри-бугри тараша терилган .. пастаккина қоронғи чойхонада .. самоварчи чойнакка янги чой дамлаб олиб келди. Ш. Ризо, Қор ёғди — излар босилди.*

**ВАССАЖУФТ** [ф-т] бнк. Тўсинлари устига эич қилиб васса териб қурилган. *Вассажуфт иморат. — Эринмай устунларига нақи солибди, кўчма қироатхонанинг китоблари учун жовон ясабди, шипини вассажуфт қилиб, қадимги бўёқларда безабди. И. Раҳим, Ҳилола.*

**ВАССАЛ** [р<лат] 1 Ўрта асрларда: Ғарбий Европада йирик феодалга тобе бўлган кичикроқ феодал.

2 *кўчма* Қарам, тобе одам ёки давлат. *Имперализм вассалари. || Вассал давлат. — Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Тўртқўл, Шобоз, Нукус шаҳарларидан тортиб, то Орол денгизиға қадар Россияға ўтган, Хева хонлиги эса оқподшонинг вассалиға айлантйрилган эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ВАССАЛОМ** [а] 1 *унд. с.* Гап тамом, гап шу, бошқа гап йўқ, бошқа гап бўлиши мумкин эмас. *Сен ҳеч қарғга бормайсан, вассалом.* } Кифоя, бас, етарли. Орқасидан бир тош юмалатиб юборсанг вассалом, тош ўз ишини қилади. Шухрат, Шинелли йнлар.

2 *модал с.* Бўлган тургани шу, бошқа нарса йўқ. *Мана гўржа ҳам тайёр. Унда на ёғ бор ва на бир бурда гўшт. Жўхори, сув, туз — вассалом. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ВАСФ** [а] 1 эск. кт. Оғзаки таъриф, тавсиф.

2 Мақтов, мадҳ.

**ВАТАН** [а] 1 Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг граждани ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улғу ватан. Социалистик ватан. — Ватанни ҳимоя қилиши СССР ҳар бир гражданининг муқаддас бурчидир. «СССР Конституцияси».*

2 Кишининг туғилиб-ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, дийр. *Булбул чаманин севар, одам — ватанни. Мақол. — У [Бектемир] узок ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳамма вақт болаларнинг қий-чуви билан тўлган катта оилани ва колхозни эсларди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

3 Турар жой, бошпана, маскан, уй. *Тўра кафангадо қилмоқчи, ватандан жудо этмоқчи [деди Пирнафас ака хотинига]. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ВАТАНГАДО** [а+ф-т] Ватандан кечиб ўзга элларда дарбадар юрувчи; қочқин. *Ажаб ҳол! Ҳатто бир сиқим тупроқ ҳам ватангадонинг кўз ёши ўз бағрига сингишини истамайди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. Сен хали бутун Россия халқининг нафратига*



учраб, ватангадо бўлиб ўлиб кетасан. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ВАТАНДОШ** [a+ф-т] Ватани бир, бир мамлакатда туғилиб ўсган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Фурқат чет элда яшаган йилларида ватани ва ватандошлари билан доимо алоқада бўлди.* «Ватан адабиёти».

**ВАТАНЛИ** Турар жойга, бошпанга эга бўлган; уйли-жойли. *Ватанли бўлмоқ.*

**ВАТАНПАРВАР** [a+ф-т] Ўз ватанини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** 1 ватанпарвар с. белги оти.

2 Ватанпарварларга хос иш, хатти-харакат. *Ватанпарварлик бурчи.*

**ВАТАНФУРУШ** [a+ф-т] Ўз ватанини, халқини сотувчи, ўз ватанига, халқига хиёнат қилувчи; сотқин, хонин. *Шиддат билан команда берди у [Фрунзе]. — Ўз юртини империалистларга сотган ватанфурushi хоинларга қариши, ўт! Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ВАТАР** [a] мат. Айлананинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизик кесмаси.

**ВАТЕРЛИНИЯ** [p<голл] Кемага нормал юк ортилганда унинг сувга қанчалик ботиши мумкинлигини кўрсатувчи горизонтал чизик.

**ВАТЕРМАШИНА** [p<ингл] Ип газлама тўқийдиган машина.

**ВАТЕРПАС** [p<голл] Бинокорлик, дурадгорлик ишларида сатҳнинг горизонтал ҳолатини текшириб кўриш учун ишлатиладиган асбоб; адилат.

**ВАТЕРПОЛИСТ** [p] Ватерполо ўйинида қатнашувчи спортчи.

**ВАТЕРПОЛО** [p<ингл] спорт. Сувда тўпни қўл билан уриб, рақиб дарвозасига киритишдан иборат спорт ўйини.

**ВАТЕРЧИ** Ватермашинада ишловчи ишчи.

**ВАТИ-КУТИ** с. т. Сўзининг тайини йўқ, валдирвасар, валдирвоқи, думбул.

**ВАТИН** [p] Иссиқ кийимнинг авраси билан астари орасига солинадиган, сийрак тўқилган сермомиқ трикотажа мата.

**ВАТМАН** [p<ингл]: ватман қоғоз чизма чизиш ва расм солиш учун ишлатиладиган юқори навли қалин оқ қоғоз.

**ВАТТ** [p<ингл] физ. Электр қувватининг ўлчов бирлиги.

**ВАТТМЕТР** [p] физ. Электр токининг қувватини ўлчайдиган асбоб.

**ВАФЛИ** [p] Шакар, қаймоқ, тухум қўшиб пиширилган усти катак-катак печенье. [Иноят] патнисдан вафли кўвачали мороженолардан бирини олди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**ВАФО** [a] Ёрга, дўстга, яқин кишиларга садоқат; ўз ахд-паймонини муқаддас тутиш, сўзда, ваъдада қатъий туриш. *Яхшидан вафо — ёмондан жафо.* Мақол. *Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши.* Мақол. — *Авалда оlib кўнглим чин аҳду*

*вафо бирлан, Охирда жафоларга ҳам-хона қилиб кетди.* Ҳамза. **Вафо қилмоқ** 1) содиқ турмоқ, садоқат кўрсатмоқ. *«Мен унга Умри тўғрисида билганларимни айтдим, сўзимнинг охирида ўз эрига вафо қилмаган хотиндан вафо кутма», — дедим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) кунига ярамоқ, асқатмоқ. *Не қилайким дунё вафо қилмади, Вафо эмас қатра шафқат қилмади.* Х. Шамс. **Ваъдага вафо қилмоқ** ваъдаси устидан чиқмоқ, ваъдани ўрнига қўймоқ, лафзида турмоқ. *Ваъдага вафо қилмоқ Мардларга хос фазилат.* Ғайратий.

**ВАФОДОР** [a+ф-т] Ўз ахд-паймонини муқаддас тутувчи, сўзида, ваъдасида қатъий турувчи; содиқ. *Вафодор ёр. Вафодор дўст.* — *Аниқ билдим менга кўнгли бор экан, Икки йилдан бери интизор экан, Ҳақиқат Нигор қиз вафодор экан.* «Нигор ва Замон». | Эгасига содиқ, эгасига берилган (ит ҳақида). *Икки тозим эди она, вафодор, Душман келса бўлар эди баробар.* «Рус-тамхон».

**ВАФОДОРЛИК** 1 вафодор с. белги оти.

2 Вафодор кишиларга хос иш, хатти-харакат. *Вафодорлик қилмоқ.*

**ВАФОЛИ** айн. вафодор.

**ВАФОСИЗ** Вафоси йўқ, бевафо. *Вафосиз одам.* || *Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.* Мақол. — [Ғуломжон устага:] *Бу вафосиз дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгли деган нарса ҳам бор экан.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ВАФОТ** [a] юк. усл. Ўлим, ажал. *Солиҳ маҳдум отасининг вафотида йигирма йиллик талаба эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. *Бугун Гулнор вафотининг саккизинчи кун.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Вафот қилмоқ** (ёки этмоқ) ўлмоқ, оламдан ўтмоқ. *Мирзақаримбойнинг хотини Лутфинисо тўсатдан, қалб хасталигидан бўлса керак, бир кечада вафот этди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАХЛИК** с. т. Эрта, барвақт. *Вой болмай, вахлик келадиган кунинг ҳам бўлар экан.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

**ВАХТА** [p<голл] 1 Кемада посбонлик, навбатчилик; навбатда, постда турган смена.

2 *кўчма* Бирор муҳим воқеа ёки байрам шарафига энг юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун кураш, ижтимоий мусобақани авж олдириш формаларидан бири. *Май олди вахтаси. Тинчлик вахтаси.*

**ВАХТЁР** [p<голл] Муассасаларда навбатчи, қоровул.

**ВАШИЛЛАМОҚ** айн. вишилламоқ. **ВАЪДА** [a] Ихтиёрий равишда зиммага олинган мажбурият ва уни адо этиш ҳақида берилган сўз; лафз. *Куруқ ваъда. Чин ваъда.* — *Ваъда осон, лекин гап ваъдага вафода.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Тўқоновов жўнаётганида муаллимни алмаштириш тўғрисидаги ваъдаси билан Тожбойни қаттиқ ишонтириб кетган эди.* П. Турсун,

*Ўқитувчи. Ўрмонжонга, Бўтабойга, Қанизакка кўндан-кўп салом айтди ва «Қўшчинор»га шу ҳафта ичи, яъни ваъдасидан бурунроқ боришини айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Ваъда бермоқ** айн. ваъда қилмоқ 1. *Ғуломжон кечкурун келишга ваъда бериб, Ольга Петровна билан чиқиб кетди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Ваъда олмоқ** бирор ишнинг, мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида сўз олмоқ. [Юсуфбек ҳожи Зайнабга:] *Жуда тўғри гапирдинг, болам, сендан олган ваъдани ундан [Қумушдан] ҳам оламиз.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Ваъда қилмоқ** 1) бирор ишни, вазифани адо этиш ҳақида мажбурият олмоқ, сўз бермоқ; 2) бирор нарса бериш ҳақида мажбурият олмоқ, сўз бермоқ. *Фотима ваъда қилинган гапни кутар, Элмурод эса, нимадан, қандай бошлашни билмай, мувофиқроқ сўз қидираг эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ваъдага вафо қилмоқ** қ. вафо. **Ваъдада турмоқ** берган ваъдасини бажармоқ, лафзида турмоқ. **Ваъдадан қайтмоқ** айн. ваъдани бузмоқ. **Ваъдани бузмоқ** лафзини ютмоқ, берган сўздан, ваъдасидан қайтмоқ. **Ваъданинг устидан чиқмоқ** айн. ваъдага вафо қилмоқ қ. вафо.

**ВАЪДАБОЗ** [a+ф-т] салб. Куруқ ваъдалар бераверадиган, ваъдабозликни яхши кўрадиган. *Ваъдабоз одам.*

**ВАЪДАЛАШМОҚ** Бир-бирига ваъда бермоқ, бир-бири билан ахд-паймон қилмоқ, сўзини бир жойга қўймоқ. [Отабек устага:] *Тулақилар билан Андижонда бу кунга учрашиш учун ваъдалашган эдим.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ВАЪДАСИЗ** Ваъдасида, лафзида турмайдиган; субути йўқ, субутсиз. *Ваъдасиз одам.* *Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши.* Мақол.

**ВАЪЗ** [a] эск. 1 Диний ақидаларни халққа, қавмга тушунтиришга, тарғиб қилишга қаратилган нутқ. *Орадан уч кун ўтиб, намоз жумадан кейин Абдуваққос эшон ваъз айтибди, ғазотга фатво берибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Доклад; лекция; нутқ. [Охунбобоев] *мажлис қиладилар, ваъз айтадилар дейишди .. Ҳаммамиз бордик.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Насихатомиз ёки агитацион нутқ; панд-насихат, ўғит. *Мажлисда озиқ-овқат развёрсткаси ҳақида ваъз айтади-ю, уйда шолини ўрага кўмади.* Х. Ғулом, Машъал.

**ВАЪЗБОЗЛИК** айн. ваъзхонлик 2. **ВАЪЗГУЙ** [a+ф-т] айн. ваъзчи. **ВАЪЗ-НАСИҲАТ** айн. ваъз 3. *Халқ подшо амалдорларининг: «Мардикорлар фақат фронт орқасидаги ишларнигина бажаради .. деган ваъз-насихатларида ишонмас эди.»* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ВАЪЗХОН** [a+ф-т] айн. ваъзчи. **ВАЪЗХОНЛИК** 1 Диний мазмундаги агитацион нутқ.



2 салб. Амалий, конкрет иш ўрнига ҳа деб нутқ сўзлайвериш, қуруқ гап сотиш, ҳамма ишни оғизда битириш. *Ҳар кунги ваъзхонликдан бир кунги жонбозлик яхши.* Мақол. — *Пропаганда ишларида дабодабозликка, ваъзхонликка, расмиятиликка қатъиян барҳам бериш лозим.* «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 222.

**ВАЪЗЧИ** эск. Ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи; воиз.

**ВАҚ-ВАҚ** тақл. с. Қурбақанинг сайраши ҳақида. **Вақ-вақ қилмоқ** 1) вақирламоқ, вақир-вақир сайрамоқ; 2) кўчма маза-бемаза гап қилмоқ, вақламоқ.

**ВАҚИЛЛАМОҚ** айн. **вақирламоқ**, **ВАҚИР-ВАҚИР** тақл. с. Қурбақанинг тўхтовсиз сайраши ҳақида.

**ВАҚИР-ВУҚУР** айн. **вақир-вақир**, **ВАҚИРЛАМОҚ** 1 «Вақ-вақ» қилмоқ, «вақир-вақир» сайрамоқ. *Қурбақалар вақирлади.*

2 айн. **вақирламоқ**. *Декча бир неча дақиқа вақирлаб қайнади-ю, ўт пасайиши билан яна жимиб қолди.* Х. Ғулум, *Машъал*.

3 кўчма Маза-бемаза сўз қилмоқ, вақламоқ, валдирамоқ, вайсамоқ. *Мингбоши хотинини жеркиб ташлади.* — *Уч талоқ қўйиб кетибди-ку, энди дидингдагини топиб берасан, кўп вақирлайверма!* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.*

**ВАҚИРЛАШМОҚ** вақирламоқ 1, 3 *фл. бирг. н.*

**ВАҚО** [a]: ҳеч вақо йўқ ҳеч нарса йўқ.

**ВАҚТ** [a] 1 Замоннинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва ш. к. билан ўлчанадиган ва объектив борлиқда юз бериб турувчи воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг қанча давом этишини билдирадиган бўлаги. | Шу замон бўлагининг ўлчови ёки ўлчов системаси. *Кўёш вақти.* Москва вақти билан соат тўққиз. Маҳаллий вақт билан соат ўн.

2 Соат, кун, ой, йил ва ш. к.нинг узлуксиз ва изчил алмашинувида бирор мақсад учун белгиланган ёки бирор мақсад учун фойдаланиши мумкин бўлган муддат оралиғи; фурсат. *Вақтни қўлдан бермоқ.* *Вақтдан ютмоқ.* *Вақтдан тўғри фойдаланмоқ.* *Вақтинг кетди* — *бахтинг кетди.* Мақол. | Умуман бирор иш, воқеа, ҳодиса ва ш. к. содир бўлган ёки бўладиган фурсат оралиғи. *Операция вақтида беморга наркоз бермоқ.* — *Бу нарса Аҳмаджоннинг хотирида бор эди, дарров жавоб берди:* — *Қишда, мудофаада ётган вақтимизда, ўртоқ полковник.* А. Қаҳҳор, *Олтин юлдуз*. | Қундалик асосий машғулотдан ташқари бирор ишга, машғулотга сарфланиши мумкин бўлган бўш фурсат. *Бугун кинога боришга вақтим йўқ.* — *У, ҳамма қишлоқ болалари каби, ёшликдан меҳнатга киришган бўлса-да, .. йилларга ҳам вақт топар эди.* Ойбек, *Қутлуғ қон*. | Бирор иш бажариладиган ва одат ҳукмига кирган пайт, маҳал. *Нонушта*

*вақти.* *Овқат вақти.* *Иш вақтида* — *айёр, ош вақтида тайёр.* Мақол. | Бирор иш учун қулай фурсат. [*Абдураҳмонбой:*] *Қудрат, ҳозир гапнинг вақти эмас.* Н. Сафаров, Уйғониш. **Вақти келиб** (ёки келганда) пайти, хонаси, кези келганда. *Вақтида ёки ўз вақтида* белгиланган ёки қулай пайтда, ўз маҳалида. *Ишни вақтида қилиш керак.* *У дарсларини вақтида тайёрлади.* — *Жуда вақтида келдингиз, ука,* — *деди Абдурашул.* П. Турсун, *Ўқитувчи*. **Тез вақтда** яқин фурсатда, яқин келажакда. **У вақт(да)** 1) у пайтда, ўша кезларда. — *Қачон кетган?* — *деди Элмурод.* — *Анча бўлди. Мен кичкина бола эдим.* *У вақт босмақчалар бор эди,* — *деди Давлатёр;* 2) у ҳолда, ундай бўлса. *Агар йўлчи Нурунинг уйига кетиб қолса, у вақт [Гулнор] нима қилади.* Ойбек, *Қутлуғ қон*. | Умуман пайт, фурсат, он, кез, дам. — *Бу маъқул...* — *йўлаб жиддий равишда гапирди Қоратой,* — *сан бундай қил, ҳозир бориб ёт, чарчагансан, вақт ҳам алла-чалла бўлиб қолди.* Ойбек, *Қутлуғ қон*.

3 Кун, ой, йил ва ш. к.нинг белгилли пайти; маънос, кез. *Кечки вақт.* *Тонг вақти.* *Ёз вақти.* *Совуқ вақт.* — *Қиём вақтида бир қанча болалар «тўй келди, тўй келди» деб бақириб-чақириб ююришиди.* Ойбек, *Қутлуғ қон*. | Киши ҳаётидаги маълум пайт, кез, чоғ. *Ёшилик вақти.*

4 Тарихий, давр, замон. *Тинчлик вақти.* *Ер ислоҳоти вақти.* *Улуғ Ватан уруши вақти.*

5 филос. Объектив борлиқнинг материянинг ҳаракати билан узвий боғланган ҳолда узлуксиз ва изчил давом этадиган яшаш формаси; замон. *Фазо ва вақт материянинг объектив яшаш формаларидир.*

◆ **Баъзи вақт баъзан**, қай бир пайтда, гоҳо. **Бир вақтлар(и)** бундан бир қанча вақт илгари, ўтган бир замонда, қачонлар. *Унсин бир вақтлар Гулнор берган узукни акасига топширмаган эди.* Ойбек, *Қутлуғ қон*. **Вақти билан пайти** (ёки кези, хонаси) келганда. [*Йигит:*] — *Нимани эсингизга туширди, ота? [Чоқ:]* — *Кейин, вақти билан айтиб бераман.* М. Исмоилий, *Фарғона т. о.* **Анча** (ёки хийла, алла бир неча) **вақтгача** узоқ фурсат, анчагача. **Айни вақтда** 1) ҳозирда, ҳозирги вақтда. *Айни вақтда у Тошкентда туради;* 2) кириш с. шу билан бирга, шу билан бир қаторда; айна бир вақтнинг ўзида. *У биров билан шахмат ўйнар ва, айна вақтда, йигирмага яқин одамни бзига қаратиб қудириб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, *Қуюшқон*.

**ВАҚТ-БЕВАҚТ** *рош* 1 Исталган вақтда, хоҳлаган пайтда, ҳар маҳал. [*Мария:*] *Менинг уйим — сизнинг уйингиз.* **Вақт-бевақт келиб туринг.** Х. Ғулум, *Машъал*.

2 Кеч, бемаҳал.

**ВАҚТ-БЕМАҲАЛ** айн. **вақт-бевақт**.

**ВАҚТ-ВАҚТ** *рош* Гоҳ-гоҳ, баъзи-баъзида. **Вақти-вақти билан** баъзи-баъ-

зида, гоҳо, ора-сира, ўқтин-ўқтин. *Қўзга чалинмаслик учун мен вақти-вақти билан Тошкентдан чиқиб кетар .. эдим.* Мирходиев, *Унутилмас лавҳалар*.

**ВАҚТИНЧА** *рош* Чекланган бир муддатга, чекли муддат давомида, муваққат. *Қитобни вақтинча фойдаланиш учун бериб турмоқ.* — [*Йўлчи билан Петров*] *кучли ҳалжон ва самимият билан қучоқлаша-қучоқлаша, вақтинча айрилшиди.* Ойбек, *Қутлуғ қон*. *Бир қарасанг ҳамма нарса бор, яна бир қарасанг, ҳеч нарса йўқдай.* *Бари вақтинча .. Худди ўзим ҳам бу дунёда вақтинчадайман.* А. Мухтор, *Туғилиш*.

**ВАҚТИНЧАЛИК** с. т. Маълум вақтга мўлжалланган; вақтли, ўткинчи.

**ВАҚТЛИ** 1 Доимий бўлмаган, маълум бир муддатда ўтиб кетадиган; ўткинчи. *Ер ислоҳоти — вақтли кампания.* А. Қаҳҳор, *Сароб*.

2 с. т. Вақтинчалик. *Шундай қилиб, вақтли маконни ташлаб, шаҳарга келдилар.* П. Турсун, *Ўқитувчи*.

3 *рош* Барвақт, эрта. **Вақтли келинг.** *Болалар вақтли ётиб ухлашди.* — *Эртага парадага вақтли туришимиз керак.* Р. Файзий, *Қишларимиз қисаси*.

◆ **Вақтли матбуот** вақт-вақти билан белгилли муддатларда босиб чиқариладиган, нашр этиладиган газета ва журналлар.

**ВАҚТСИЗ** айн. **бевақт**.

**ВАҚТ-СОАТ** Бирор воқеа, ҳодиса ва ш. к.нинг юз беришига нисбатан тўғридан пайт. **Вақт-соати билан айн.** **вақти билан қ. вақт.** **Вақт-соати келганда** (ёки етганда) айн. **вақти келиб қ. вақт.** *Кечаси [Толибжонбой] бир зифатдан қайтиб лахта-лахта қон қусди, азонга яқин жон берди.* *Билмадим, биров заҳарлаганми, ҳайтовур вақти-соати етган экан.* Ойбек, *Қутлуғ қон*.

**ВАҚТХУШЛИК** Қўнғил шод, ғам-ташвишдан холи кайфият; хурсандчилик. **Вақтхушлик қилмоқ** хурсандчилик билан вақт ўтказмоқ, ўйин-кулги қилмоқ, хурсандчилик қилмоқ.

**ВАҚТЧОҒЛИК** айн. **вақтхушлик**. *Жангчилар бу кунни ййин-кулги, вақт-чоғлик билан ўтказишар.* А. Қаҳҳор, *Олтин юлдуз*.

**ВАҚФ** [a] *тар.* Мулкдорлар томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер-сув, бино ва ш. к.). *Халқнинг миясини айнитадиган мактаб вақфдан маҳрум бўлаганидан кейин ўз-ўзидан ёпилди.* Айний, *Қуллар*. *Валихон мадрасада диний таълим олиб мударрис бўлиб чиққанда, отаси уни сон-саноксиз вақф мулкларига эга қилишни ният қилганди.* Ш. Тошматов, *Эрк қуши*.

**ВАҚФОМА** [a+ф-т] *тар.* Мулк ёки даромадни вақф тариқасида диний муассаса ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги ҳужжат.

**ВАҚФХҲҮР** [a+ф-т] тар. Вақф да-ромадидан фойдаланувчи ёки вақф маблағи ҳисобига яшовчи талаба. Демак, эллик минг тангали ижара ба-далидан .. уч минги барча вақфхўрга ва ўн уч минги бир неча шериклар ора-сида бўлинган. Айний, Қуллар. У ҳужраларнинг эгалари вақфхўрлар эмас. Улар юксак оилаларнинг ўғилла-ри эдилар. Ойбек, Навоий.

**ВАҒ-ВАҒ** тақл. с. Вағиллаб, шов-қин солиб гапирувчи ва унинг овози ҳақида. Вағ-вағ қилмоқ.

**ВАҒИЛЛАМОҚ** айн. вағирламоқ.  
**ВАҒИР-ВУҒУР** тақл. с. Говур-ғу-вур гап, гурунг шовқин ҳақида. Ва-ғир-вуғур қилмоқ. — У сўзларни вағир-вуғур такрорлаш билан овора бўлди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ВАҒИРЛАМОҚ** Бақириб, шовқин солиб гапирмоқ, вағир-вуғур қилмоқ. Вағирламанг беҳуда, бу гал навбат бизники. Ойбек, Болалик.

**ВАҒИРЛАШМОҚ** вағирламоқ, фл. бирг. н.

**ВАҲ** унд. с. Бировни чўчитиш учун билдирмасдан келиб айтиладиган сўз. Орқадан келиб «ваҳ» деса, бир чўчиб тушибман.

**ВАҲИЙ** [a] дин. Гўё худо томонидан пайғамбарга Жабраил фаришта орқа-ли келтирилган хабар, буйруқ ва ш. к. — Пайғамбар бўлсанг, худодан нима деб ваҳий келди? — деб сўради ҳоким афандидан. «Латифалар».

**ВАҲИМ** [a] с. т. Ваҳимали, даҳ-шатли, ваҳшатли. Ҳамма ерда ваҳим тушининг оғир қаноти. Ф. Гулом.

**ВАҲИМА** [a] 1 Қаттиқ қўрқув ёки хавфсираш, юракни ғулғула босиши натижасидаги руҳий ҳолат, руҳий бе-зовталиқ. Серкалар бутун сурунни ўз орқаларидан эраштириб, худди бўри қувғандай ваҳима ичиди тўппа-тўғри жарликка қараб чопмоқда эди. С. Анор-боев, Оқсой. Қамишкапага Мадамин келган эди. Бу унинг, қўлга тушиб қо-лиш ваҳимасида қочғандан бери, қиш-лоққа иккинчи мартаба келиши. П. Турсун, Ҳқитувчи. Қамчини тў-қайга юборишга юбориб қўйиб, Қумри-нинг кўнгли ваҳимага тўлди. Ҳ. Гу-лом, Машғал. **Ваҳима солмоқ** айн. ва-ҳима қилмоқ 1. — Бунча ваҳима солма, директор, — деди Смирнов деворга осиг-лиқ турган барометрга тикилиб, — бўрон ҳозир ўтиб кетади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ваҳима қилмоқ** 1) қўрқмоқ, қаттиқ хавфсирмоқ ёки қўрқитмоқ. **Ваҳима қилманг, бола!** Чўчидиганлардан эмасман. Ф. Муса-жонов, Ҳури; 2) ошириб, кўпиртириб юбормоқ, лоф қилмоқ. **Ваҳима қилади-ган жойи йўқ.** Арзимаган гап. С. Аҳ-мад, Қадрдон даладар.

2 Қаттиқ қўрқитадиган, юракка ғулғула соладиган нарса, гап, манзара ва ш. к.; даҳшат, ваҳшат. — **Вой ваҳи-манг қўрғур, жоҳил!** Бугун кўкнори ич-ган экан, шекилли, — деди [Нийэ қуш-беги]. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Ке-чаги ваҳималарни ўз кўзлари билан

кўрган шоханшоҳлар бир-бирларига сез-дирмай, кечасининг ўзидаёқ қуён бўлиб қочиб қолган эканлар. «Эртақлар». Қў-чаларда аскарлар, ҳар ёқдан ғизиллаган ҳарбий машиналар кўп бўлишига қара-май, бу ерда урушининг қора ваҳимаси оз сезиларди. Ойбек, Қуёш қораймас. **Ваҳимаси зўр** даҳшатли, ҳайбатли. **Ваҳимаси зўр** одам.

♦ **Ваҳима касали** с. т. ўзини доим таъқиб ёки хавф остида деб фаҳмлаш-дан иборат руҳий касаллик. **Ваҳиманг** учоди хангу манг бўлиб қоласан, қўр-қиб кетасан. Чирманда бўғиқ гумбур-лайди. Қўнғироқларнинг жарангидан ваҳиманг учоди. Гўё чирмандани одам чалмайди, қоронги кечада мудҳиш жар ёқасида дев чалади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАҲИМАЛАНМОҚ** Ваҳимага туш-моқ, таҳлика тортмоқ, қўрқмоқ. **Вали** ака ваҳималаниб: — А! — деб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ВАҲИМАЛИ** 1 Кишини ваҳимага со-ладиган; даҳшатли, ваҳшатли, қўр-қинчли. **Ваҳимали кўриниши.** **Ваҳимали** товуши. — **Фронт Бектемира дастлаб** унча ваҳимали кўринмади. Ойбек, Қу-ёш қораймас.

2 *кўчма* Салобатли, ҳайбатли. **Ваҳи-мали** одам. || *Тун қўйнидаги дарё* то-бора ваҳималироқ вағилларди. Ҳ. Гу-лом, Машғал.

**ВАҲИМАЧИ** Ваҳима қилувчи, ваҳи-ма тарқатувчи; лоф уриб, кишилар юрагига ғулғула солувчи. **Бутун ба-тальяннинг ғайрати, жасорати** олдида **битта-иккита ваҳимачининг** воласи нима қила олар эди? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ВАҲИМ** [a] айн. ваҳима. Ҳалимнинг ваҳимдан ҳардам юрак тўлганга йи-глайман. Ҳамза. Бу пойгадан ўзолма-син билгандир, Ваҳм босиб емин олмай қолгандир. «Алломиш». **Барот** пол-воннинг хотини уйда ёлғиз: эри ҳам, ўғли ҳам гузарда .. кўчадаги хотинлар сузури, болалар йиғиси юрагига ваҳм соларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ваҳм қилмоқ** (ёки олмоқ) ваҳимага тушмоқ, қўрқмоқ.

**ВАҲМА** [a] с. т. 1 айн. ваҳима. 2 Ваҳима касаллигига учраган одам. **ВАҲМАК** [ф-т<a] диал. 1 айн. ва-ҳимачи.

2 зоол. Қуртларнинг танасига ту-хум қўювчи ҳашарот.

**ВАҲОЛАНКИ** [a+ф-т] биркт. боғл. Тенг ҳуқуқли, лекин зид маъноли гап-ларни боғлаш учун хизмат қилади; маъноси ва функцияси жиҳатидан «ҳол-буки» сўзига тўғри келади. **Бу қотиш-ма .. 70°га яқин температурада** суюқ-ланади, ваҳоланки, унинг составига кирган металллардан энг осон суюқла-нувчи қалай 232°да эрийди. «Химия».

**ВАҲШАТ** [a] 1 Кишини даҳшатга со-ладиган аянчли аҳвол, ўтакетган ма-даниятсизлик; ноҳоллик, жаҳолат. **Яшасин мактаб, шогирдлар ўқисин, Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқол-син!** Ҳамза.

2 Кишини даҳшатга соладиган ваҳ-шийлик, йиртқичлик, ёвузлик, ваҳ-шийёна ва мудҳиш хатти-ҳаракат. **Бос-мачилар ваҳшатидан эҳтиётланиш** учун **тогда ётган Собирнинг қонсиз** юзига ҳам қуёш нури тушган, у сеска-ниб уйғонди. Ҳ. Шамс, Оқпадар.

3 Умуман кишини даҳшатга сола-диган нарса; даҳшат.

**ВАҲШАТЛИ** Даҳшатли, қўрқинчли, мудҳиш. **Ваҳшатли** товуш. **Ваҳшатли** манзара.

**ВАҲШИЁНА** [a+ф-т] рөш 1 Ваҳ-шийларга хос бир йўсинда; ваҳшийлар-ча, йиртқичларча, ёвузларча. **Ваҳшиёна** қийнамоқ. — **Онахоннинг яраси ўне** елкасида, **ваҳшиёна** урилган пичоқ яра-си эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Амир] .. **Бухоро** аркига борган йиғир-ма бир кишини ваҳшиёна ўлдирган. Айний, Қуллар.

2 Ёввойи, жаҳолатпараст кишилар-га хос равишда; ёввойиларча, нодон-ларча. || [Элмурод:] **Қани, менга ай-тинг-чи**, бу ярамас ваҳшиёна одатлар, қалин олишлар, зўрлаб эрга беришлар қачон барҳам ейди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ВАҲШИЙ** [a] 1 Ибтидоий босқич-даги, маориф-маданиятдан узоқ, жуда ҳам орқада қолган; ёввойи. **Ваҳший** халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Киши оёғи бориб етмаган; киши қўли тегмаган; ишланмаган; ёв-войи, **Ваҳший** даит. — **Бовдан бери** ваҳшийга ўхшаб кўринаётган дарё энди Элмуроднинг амрига бўйсунган, ёв-вошдек .. туюлди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 айн. йиртқич 1.

4 *кўчма* нафр. Инсонлик қиёфасини йўқотган, ўта кетган золим; ёвуз, қон-хўр. **Ваҳший** душман. — **Башарти** Мусулмонқул чин инсон бўлса, инсон-дан ваҳший туғилганини ҳеч ким эшит-ган чиқмас! А. Қодирӣ, Утган кун-лар. | Шундай одамларга хос бўлган, ваҳшиёна; даҳшатли, мудҳиш. **Ваҳ-ший қийқириқ.** — **Нусратилла** ваҳший кўзларини йилтиратиб, титраб, ши-вириб, ёлборган йиғи товуши билан гапирар эди. А. Мухтор, Опа-сингил-лар. **Иккисининг кўзларида ваҳший ға-заб ёнади.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВАҲШИЙЛАРЧА** айн. ваҳшиё-на.

**ВАҲШИЙЛАШМОҚ** Йиртқичлаш-моқ, ёвузлашмоқ, қутурмоқ.

**ВАҲШИЙЛИК** 1 ваҳший с. белги оти.

2 Ваҳшийларга хос иш, хатти-ҳара-кат. **Импералистлар қанчалик ваҳ-шийлик қилмасинлар** эрксевар халқ-ларнинг озодлики, мустақилликка бўлган иттилишини бўға олмайдилар. «Қ. Ўзбекистон», 1956, № 226.

ве «В» ҳарфининг номи.

**ВЕГЕТАТИВ** [р вегетативный] биол. Ҳайвон ва ўсимликларнинг озиқла-ниши, ўсиши ва кўпайиши учун хизмат қиладиган. **Вегетатив** органлар ўсим-

ликларнинг ўсиш ва озиқланиш органлари (индиз, поя, барглар).

◆ **Вегетатив кўпайиш** ўсимликларнинг ғайрижинсий йўл билан, яъни қаламча ёки пайванд қилиш каби йўллар билан кўпайиши. **Вегетатив нерв системаси физиол.** нерв системасининг овқат ҳазм қилиш, қон айланиши органлари фаолиятини, шунингдек организмда моддалар алмашинувини бошқаришда иштирок этувчи қисми.

**ВЕГЕТАЦИОН** [р вегетационный] бот. Вегетацияга, ўсишга оид. **Вегетацион давр** ўсиш даври, ўсимликларнинг ўсиш, кўкариш ва етилиш даври.

**ВЕГЕТАЦИЯ** [р <лат] бот. Ўсимликлардаги ҳаёт процесслари (кўкариш, ўсиш ва етилиш).

**ВЕДОМОСТЬ** [р] I Бирор турдаги маълумотлар йиғиндиси. *Расчёт ведомости. Отчёт ведомости. Тўлов ведомости. Ведомость тузмоқ. Ведомостга қўл қўймоқ.*

2 Ахборот ёки ахборотнома. СССР Олий Советининг Ведомостлари.

**ВЕКСЕЛЬ** [р <нем] Қарздорнинг қарзни белгиланган муддатда тўлаш тўғрисида берган ҳужжати. *Шўринг қурғур саводсиз деҳқонлар бойдан олган юз сўм пуллари бадалига юз йиғирма, баъзан юз элик сўмлик вексель бериб кетардилар. М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.— Шу бас,— деди бойвачча,— бунн вексель дейдилар. Муддатиди тўлайди!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ВЕЛОДРОМ** [р <лат+грек] Велосипед машқлари ва мусобақалари ўтказиладиган махсус майдон.

**ВЕЛОСИПЕД** [р <лат] Педаллари оёқлар билан босиб юргизиладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. *Пойга велосипеди. Велосипед спорти. Велосипед пойгаси. Велосипед минмоқ.*

**ВЕЛОСИПЕДЧИ** Велосипед минувчи; велосипед спорти билан шуғулланувчи.

**ВЕНА** [р <лат] анат. Юракка қон олиб келадиган томир. *Венадан қон олмақ. Вена қони.*

**ВЕНГР** қ. венгрлар. *Венгр тили. Венгрлар* Венгриянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

**ВЕНЕРА** (В — катта) айн. *Зухра I. ВЕНЕРОЛОГ [р] Венерология мутахассиси, таносил касалликлари ваши.*

**ВЕНЕРОЛОГИЯ** [р <лат+грек] Медицинанинг таносил касалликларини ўрганадиган бўлими.

**ВЕНТИЛЯТОР** [р] Ёпиқ бинодаги ҳавони янгилайдиган, ҳавони тозалаш турадиган шамол парракли механизм. *Электр вентилятор.*

**ВЕНТИЛЯЦИОН** [р вентиляционный] Вентиляцияга оид. *Вентиляцион установка. Вентиляцион труба.*

**ВЕНТИЛЯЦИЯ** [р <лат] I Ёпиқ хонанинг ҳавосини янгилаш, тозалаш, шамоллатиш.

2 Бино ҳавосини янгилаш, тозалаш, шамоллатиш учун қурилган мослама ёки мосламалар системаси.

**ВЕРГУЛ** грам. Гапда интонацион бўлак ёки синтактик группаларни айирувчи тиниш белгиси (,). *Вергул қўймоқ. Вергул билан ажратмоқ.*

**ВЕРМИШЕЛЬ** [р <итал] Фабрикада тайёрланган ингичка угра.

**ВЕРСТАК** [р] Дурадгорлик, слесарлик ва ш. к. қўл ишлари бажариладиган махсус дастгоҳ. *Верстақда ишламоқ.*

**ВЕРТИКАЛ** [р вертикальный] Пастдан юқорига ёки юқоридан пастга тик йўналган. *Вертикал чизиқ. Вертикал ҳолат. Вертикал йўналиш.*

**ВЕРТИКАЛЬ** [р <лат] Тик чизиқ; вертикал чизиқ.

**ВЕРТОЛЁТ** [р] Тикка учиб чиқиб, ерга тикка қўнадиган ва осмонда муаллақ тура оладиган, ҳаводан оғир учиб апарати.

**ВЕРФЬ** [р <голл] Кемалар ясаيدиган ва ремонт қиладиган корхона.

**ВЕРШОК** [р] Россияда метрик система жорий қилинганга қадар қўлланилган ва 4,4 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги. *Бир газ ўн олти вершок бўлади.* — Мулла Обиднинг ўз синовица, ғумайнинг томири йиғирма, ҳатто йиғирма беш вершок чуқурда ётади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ВЕСТИБЮЛЬ** [р <фр] Кино, театр ва ш. к. биоларнинг эшикдан кираверишдаги катта, кенг жойи, сахна. *Театр вестибюли. Клуб вестибюли.* — Вестибюль деворини тўлдирган .. буйруқ — рўйхатда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**ВЕТЕРАН** [р <лат] I Армияда кўп йил хизмат қилган, урушларда қатнашган ҳарбий хизматчи. *Гражданлар уруши ветерани. Улуғ Ватан уруши ветеранлари.*

2 Бирор соҳада хизмат кўрсатган арбоб; кўп йил ишлаган кекса ходим. *Колхоз ветеранлари. Меҳнат ветеранлари. Революция ветеранлари. Ветеранлар билан учрашув.*

**ВЕТЕРИНАР** [р] Ветеринария мутахассиси; мол доктори.

**ВЕТЕРИНАРИЯ** [р <лат] Ҳайвонларнинг касалликлари ва уларни даволаш тўғрисидаги фанлар системаси.

**ВЕРСТКА** [р] полигр. I Наборни саҳифаларга бўлиш, саҳифалаш. *Верстка қилмоқ.*

2 Тайёр қилинган саҳифа ва ундан олинган нусха. *Версткани ўқимоқ.*

**ВЗВОД I** [р] Рота, эскадрон ёки батарея составига қирадиган кичикроқ ҳарбий бўлинма. *Танкчилар взводи. Автоматчилар взводи.* — Элмуроднинг взводи ҳам батальон билан икки ҳафтали дала машқига чиққан эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ВЗВОД II** [р] Қуролнинг отишга тайёр ҳолда тутиб турадиган қисми.

**ВЗНОС** [р] Бирор жамият, ташкилот аъзолари ой сарни тўлаб турадиган пул, бадал. *Аъзолик взноси.*

**ВИВЕСКА** [р вивеска] I Корхона, муассаса ва ш. к.нинг номи ёзилган ва кираверишга осиб қўйиладиган лавҳа. *Шамол .. китобларни варақлар, осилиб қолган вивескаларни тебратарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *Кўчма салб.* Кўз бўяш, рўкач қилиш, алдаш учун хизмат қиладиган нарса; парда, ниқоб. *Халқ капитализми деган ва бошқа даъволар фақат қуруқ вивеска, холос, аммо ҳодисаларнинг моҳияти ўзгаргани йўқ.* «Қ. Ўзбекистон», 1963, 28 февраль.

**ВИГОВОР** [р выговор] Ножўя хатти-ҳаракати, интизомсизлиги ёки ишга ёмон, совуққонлик билан қараганлиги учун жамоат ташкилотлари ёки администратция йўли билан бериладиган жазо чораси; ҳайфсан. *Выговор бермоқ. Выговор эълон қилмоқ.* — Ҳакимов қаттиқ выговор билан деканликдан ва кафедра мудириликдан туширилган, энди фақат лекция ўқиб юрар эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**ВИДО** [а] Сўнгги айрлашув, айрилиш. *Етмасмиди видо, етмасмиди ғам? Етмасмиди шўрлик онанинг зори,— Сталинград ёнаётган дам?*—С. Акбарий.

**ВИДОЛАШМОҚ** Марҳум билан абадий хайрлашмоқ. *Жангчилар .. милтиқдан бир йўда ўт очиб, Сариков билан сўнги дафъа видолашдилар. Н. Сафаров, Дон. Ҳамрақул оиласи эртаси кунн қариндош-уруғлари билан видолашди, арзимаган уй-рўғзор буюмларини уларга эдалик қилиб қолдирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ВИЖ-ВИЖ I** айн. биж-биж.

**ВИЖ-ВИЖ II** тақл. с. Хўл ўтиннинг ёниши, ачиган, бижған нарсанинг қайнаши ва ш. к.да чиқадиган товуш ҳақида. *Юпқа тери [ўрдакнинг териси] орасида ялтиллаб турган сап-сарик ёғ оловда куйиб, виж-виж қайнади.* О. Ёқубов, Ларза.

**ВИЖДОН** [а] Кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият туйғуси; диёнат, инсоф. *Соф виждон. Виждон билан иш қилмоқ.* — [Қомил Бўйройовга:] *Виждон билан жигилдон сув билан ўтдек бир-бирига ёв. Жигилдон хуруж қилган ерда виждонга йўл йўқ. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.* — Демак *ўша сўзларингизни исбот қилиш учун хужжатингиз йўқ? — Йўқ .. исбот учун виждонимдан бошқа шохидим йўқ!* [деди Отабек]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оғамиз рус бахтлар богбони, У туфайли кўзимизда нур. Халқнинг идрок кўзи, виждони — Партияга минг-минг ташаккур!* Ё. Мирза. Унинг [Элмуроднинг] *виждони шундай азобландики, гўё чексиз яхшилик қилган .. кишиларнинг яхшиликларини у унутгандек эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. || *Камтарлик, рост-гўйлик. Ҳалоллик — виждон амридир.* **Виждон** азоби виждондан қийналиш. **Виждон қабул қилмайди** виждон йўл қўймайди.

**ВИЖДОНАН** [a] рвш Виждон билан, ҳалоллик, сафдиллик билан, инсоф билан. Виждонан меҳнат қилмоқ. Ишдаги камчиликларни виждонан очиб ташламоқ.

**ВИЖДОНИЙ** [a] Виждонга, инсофга оид, кишининг виждонига боғлиқ бўлган. Виждоний азоб. Виждоний вазифа. Виждоний иш. — [Элмурод] ўша қамалда ётганларни тезроқ озод қилишимиз керак. Мана бу бизнинг инсоний ва виждоний бурчимиз; дўстим! П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВИЖДОНИ** Виждонан иш тутадиган, виждоний бор, инсофли, диёнатли, ҳалол. Соф виждонли кишилар. — [Элмурод] Гулсум, Давлатёр каби виждонли одамларнинг ҳаётлари ёруғ ва ўзлари чинакам бахтиёр бўлмоқлари учун қандай чоралар бор, деб ўйлайдиган бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВИЖДОНСИЗ** Виждонан иш тутмайдиган, виждони йўқ, диёнатини ютган; инсофсиз, ноинсоф. Виждонсиз одам. — [Отабек ўзини нечоғлик босиб ушлаб келган бўлса ҳам, лекин энди ичидан қайнаб тошиб кетган ҳиссиётини босолмади — [Ҳомидни] «виждонсиз тўғғиз» деди-да, иштиёрсиз ўрнидан туриб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВИЖДОНСИЗЛИК** I виждонсиз с. белги оти.

2 Виждонсиз кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат.

**ВИЖИЛЛАМОҚ** айн. вижирламоқ.

**ВИЖИР-ВИЖИР** I айн. бижир-бижир.

**ВИЖИР-ВИЖИР** II тақл. с. Баъзи қушларнинг тўхтовсиз сайраши ҳақида. Атрофдаги овозга гала-гала чуғурчуқларнинг вижир-вижир қўшилади. Ҳ. Назир, Бир туп гўза. Қиш бўйи алақайси гўр остларида жунжиб чиққан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўғғайлар, саъвалар ва бошқа алақанча қуш туркумлари ўз тўғғайлари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб куйлайдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВИЖИРЛАМОҚ** «Вижир-вижир» сайрамоқ, чуғурламоқ (баъзи қушлар ҳақида). Қиз борар ишига, унга ёнма-ён Атласпўш қалдирғоч вижирлаб учар. Х. Расул.

**ВИЖИРЛАШМОҚ** вижирламоқ фл. бирг. н. Мовий омонда сўфитўғғайлар .. тинмай вижирлайар эди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида..

**ВИЗ** тақл. с. Тез айланувчи ва умуман тез ҳаракат қилувчи нарса ҳосил қиладиган товуш ҳақида. Виз этмоқ визилламоқ, визиллаган, бизиллаган товуш чиқармоқ. Тилла қўнғиз виз этиб учди. Уқ виз этиб ўтиб кетди. — [Асаларилар] кўз илғамас хартурмчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна виз этганча келиб .. уйларига кириб кетадилар. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ВИЗ-ВИЗ** виз с. тақр. Асалчи бобо богда Юрар гулларин қараб. Виз-виз

учиб арилар Гул ўпар шарбат ялаб. Қ. Муҳаммадий.

**ВИЗИЛДОҚ** с. т. Қора чигиртка, чурилдоқ. Далалар визилдоқларнинг музикасини тинлагандай жимжит. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ВИЗИЛЛАМОҚ** «Виз-виз» овоз чиқармоқ (тез учар ҳашарот, отилган ўқ, шамол ва ш. к. ҳақида). Шамол кимга тегажаклик қилишни билмай тургандек ўзини уларга урди, кийим-бошларини тортқилаб, қулоқлари тагида визиллаб шўхлик қила бошлади. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси. Тўғай чеккасидан икки ўқ ваيرانлади. Бемўлжан отилган бу ўқлар анча наридан визиллаб ўтди. Х. Гулом, Машъал.

**ВИЗИЛЛАТМОҚ** визилламоқ фл. орт. н.

**ВИЗИТ** [p<фр] Расмий суратда бирор элда, бирор шахс ҳузурига қисқа фурсат бўлиш, ташриф буорида, ташриф. Дўстлик визити. Жавоб визити.

**ВИКЛЮЧАТЕЛЬ** [p выключатель] Электр токини узиш ва улаш учун хизмат қиладиган мослама.

**ВИКТОРИНА** [p] Билимнинг турли соҳаларига доир саволларга жавоб бериш ўйини. Адабий викторина. Музикага доир викторина.

**ВИЛКА** [p] I Овқатни санчиб оладиган дастали асбоб; санчқи. Овқатни вилка билан емоқ.

2 тех. Айри учли ҳар хил деталларнинг номи. Штепсель вилкаси. Велосипед вилкаси.

3 шахм. Асп ёки пиёданнинг бир йўла икки сипоҳга ҳужум қилиш ҳолати.

**ВИЛОЯТ** [a] I тар. Мамлакатнинг пойтахтдан йироқдаги чекка ўлкаси.

2 эск. Йирик маъмурий-территориал бўлима; область, музофот. Фарғона вилояти. Хоразм вилояти. — Аввал шукси, — деди Рустам бош силкиб, — мен бир бечора одамман, мен қаерда-ю, вилоят беги билан қариндош бўлиш қаерда. Айний, Дохунда.

**ВИЛТ** [p<ингл] Гўза, картошка, маккажўхори, кунгабоқар, карам сингари ўсимликларда бактериялар, замбуруғлар, вируслар орқали тарқаладиган касаллик (бу касаллик ўсимлиكنинг сўйли қошига, барглари қовжираб, ҳалок бўлишига олиб боради).

**ВИМПЕЛ** [p выпел<голл] I Кеманинг қайси давлатга мансуб эканлигини кўрсатадиган айри учли энсиз байроқ.

2 Меҳнатда намуна кўрсатган бригада ёки айрим кишига бериладиган энсиз ва узун ёки учбурчак байроқча. Энг яхши тракторчига бериш учун меҳнат жасорати вимпели таъсис этганмиз.

3 Учинч аппаратидан турли маълумот, хабар, газета ва ш. к. ташлаш учун махсус ғилоф ва унга солиб ташланган нарса. Советлар халқининг сўнмас қудрати Ойга вимпел қўйди — буюк саодат. Х. Расул.

**ВИНЕГРЕТ** [p<фр] Майда тўғғалган картошка, сабзавотга сирка, мой

ва ш. к. қўшиб тайёрланган яхна овқат.

**ВИНО** [p] Асосан узумдан тайёрланадиган спиртли ичимлик; шароб, май. Ширин вино. Қизил вино. Вино заводи. **ВИНОЧИЛИК** Вино ишлаб чиқариш. Виночилик саноати.

**ВИНТ** [p] I Бурама резьбали стержень, маҳкамлаш деталли. Винт кесии. Винт билан маҳкамлаш. Винт ясайдиган станок.

2 Кема ёки самолётни ҳаракатга келтирадиган механизмнинг айланувчи ўққа ўрнатилган парраги. Кема винти. Самолёт винти.

**ВИНТОВКА** [p] Стволнинг ичида спиральсойи бўлган милтиқ. Кичик калибрли винтовка. Автоматик винтовка. Винтовка затвори.

**ВИНТСИМОН** Винт шаклидаги, спираль формасидаги; бурама, айланма. Винтсимон зинаоя.

**ВИОЛОНЧЕЛЬ** [p<итал] Камонча билан чалинадиган, катта скрипка шаклидаги тўрт торли музика асбоби.

**ВИРУС** [p<лат] Юқумли касаллик кўзгатувчи жуда ҳам майда микроорганизм. Грипп вируси.

**ВИСИР-ВИСИР** диал. Пичир-пичир, шивир-шивир.

**ВИСКОЗА** [p<лат] I Целлюлозадан махсус йўл билан ишлаб олинандиган модда ва ундан тайёрланган сунъий ипак.

2 Шундай толадан тўқилган газлама.

**ВИСМУТ** [p<нем] I Химиявий элемент, қизғиш оқ тусли, огир, мўрт металл.

2 Шу металл бирикмаларидан тайёрланган дори.

**ВИСОЛ** [a] айн. васл. Соғиниб васлингни сабр этмоққа тоқат қолмади, Бир қиё боқсанг, томошойи висол айлаб кетай. Ҳамаза. Қул учун озодликдан, ошиқ учун ўз жомони висолдан яхшироқ нарса йўқ. Айний, Дохунда.

**ВИСТАВКА** [p выставка] Ҳаммага кўрсатиш, намойиш қилиш учун маълум тартибда қўйилган нарсалар, экспонатлар ва шундай нарсалар қўйилган жой, бино; кўргазма. Расмлар виставкаси. Қишлоқ хўжалик виставкаси. Саноат виставкаси. Виставка экспонатлари. Виставка зали.

**ВИТ** тақл. с. Бедана ва ш. к. қушларнинг овози ҳақида. Бедананинг «вит» дегани — қочгани Мақол.

♦ Вит демок с. т. дағл. қочмоқ, енгилмоқ.

**ВИТАМИН** [p<лат] Инсон ва ҳайвон организмнинг нормал ҳаётий фаолияти учун керакли органик модда. I Шундай моддалари бор препарат.

**ВИТАМИНЛИ** Таркибида витамин бўлган; витаминга бой. Витаминли овқат.

**ВИТ-ВИТ** вит с. тақр. Ҳар томондан «вит-вит», «чиғи-чиғи» деб сайраган қушларнинг турли қўшиқлари сойнинг нашъасига мос бир музика ҳосил қилган. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВИТРИНА** [р < фр] 1 Савдо корхоналарида, магазинларда молларнинг намуналари қўйилган ойна. *Магазин витринаси. Витринага қўйилган мол.*

2 Кўргазма учун қўйилган турли нарсалар — яшик, шкаф ва ш. к. *Қутубхонада В. И. Ленин ҳаётига бағишланган витрина ташиқил қилинди.*

**ВИЦЕ-АДМИРАЛ** [р] Адмираллик унвонининг контр-адмиралдан юқори, адмиралдан қуйи даражаси ва шу унвонга эга бўлган киши.

**ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ** [р] Президент ўринбосари. *Фанлар академиясининг вице-президенти.*

**ВИШ** тақл. с. Чўзиқ «ш» тарзидаги турли товушлар ҳақида. *Илон виш этиб бошини кўтарди.*

**ВИШ-ВИШ** виш с. тақр. *Тахталардан ясалган икки қаат сўрида чақалоқ бармоғидай келадиган, сон-саноксиз ола-була қуртлар шамолдай виш-виш овоз чиқариб, сўнги барглари ни шипирмоқда эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Виш-виш қилмоқ тўхтовсиз вишилламақ, вишиллаган овоз чиқазмоқ.*

**ВИШИЛЛАМОҚ** «Виш-виш» товуш чиқармоқ, «виш-виш» қилмоқ. *Паровоз вишиллади. Утин вишиллати тутаёттир. Илон вишиллади.*

**ВИШИЛЛАТМОҚ** вишилламақ *фл. орт. н. Уста унинг соқолини қиртишлаб... вишиллатиб юзга атир сепгандагина юзи ачишиб, ўзига келди. С. Аҳмад, Онажон.*

**ВИШКА** Баланд минора шаклидаги иншоот. *Кузатиш вишкаси. Парашют вишкаси. Нефть вишкалари.*

**ВИҚОР** [а] *кт.* 1 Мағрурона ва улугвор кўриниш; салобат. *Водийдан ўтарди дарёйи азим, Вазмин оқишида салобат, виқор. С. Абдуқаҳҳор. Қордай ярқирок янги салла ўраган маҳдум виқор билан йўталиб, меҳмонхонага кирди. Х. Фулом, Манъал.*

2 Мағрурлик туйғуси, мағрурлик, гурур. *Қиёфасидан голиблик виқори ва мағлуб бўлганга шафқат акс этиб турарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ойанин остида, музей тўрида Шишада туради бир сиқим тупроқ.. Уни кўрганлар кўкси тоғ бўлиб, Кўзида тенги йўқ виқор ёнади. Шухрат.*

**ВИҚОРЛИ** Ўзини мағрурона ва улугвор тутадиган; салобатли. | Мағрурлик ва улугворлик ифодалайдиган. *Фарғона, Кўқон шаҳарларининг виқорли қиёфаси, Самарқанднинг қадимий обидалари ва ниҳоят Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг чиройи, улугворлиги мени мафтун этди. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 25 июль. Унинг юзи виқорли тус олди. С. Анорбоев, Оқсой. Алақандай таниш баширалар кўз олдида келди: бири виқорли, бошқаси нозли. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ВКЛЮЧАТЕЛЬ** [р] Электр токини улайдиган асбоб; электр калити. *Анна туриб девордаги включателни чиқиллатган эди, уч лампалари қандил ёғдуси*

*нотинч ва ҳаяжонли юзларга тушиди. П. Қодиров, Уч илдиш.*

**ВОАЖАБ(О)** [ф-т+а] *эск. айн. ажабо.*

**ВОБАСТА** [ф-т] *эск. кт.* Бир-бирига боғлиқ, мос, мувофиқ; уйғун. *Муҳаббат ҳуснага вобаста.*

**ВОВ** тақл. с. Итнинг вовиллаши, хуруши ҳақида.

**ВОВАЙЛАТО** 1 *айн.* вовайло. 2. Войвойлаш, байбайлаш.

**ВОВАЙЛО** [а] *унд. с.* Оҳ-воҳни, ҳасратни ифодалайди. *Вовайло қилмоқ.*

**ВОВ-ВОВ** *вов с. тақр.*

**ВОВИЛЛАМОҚ** 1 «Вов-вов» деган овоз чиқармоқ; хурмоқ. *Ит вовиллади. — Изма-из келаятган Йўлбарс вовиллади. С. Анорбоев, Оқсой. Ғазабланган кучукларнинг вовиллаши, томошачиларнинг қийқириши кўкни қоплайди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *кўйма с. т.* Ақилламақ, ўшқирмоқ, қопмоқ. [Элмурод:] *Большевиклар қандай одамлар? — деб сўраган эди, эшон: — Сенга ким қўйибди бундай гапларни! — деб вовиллаб берди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ВОВИЛЛАТМОҚ** вовилламақ *фл. орт. н.*

**ВОВИЛЛАШМОҚ** вовилламақ *фл. бирг. н.*

**ВОДАРИҒ(О)** [ф-т] *унд. с.* Афсус-лушаймонни, оҳ-воҳни ифодалайди, маъно ва функцияси жихатдан «ҳай дариг», «вовайло» каби сўзларга тўғри келади. *Водариғо! Бу қандай гап!*

**ВОДИЙ** [а] 1 Дарё бўйлаб қўзилган ёки тоғлар орасидаги кенг текислик. *Дарё водиси. Тоғ водиси. Фарғона водиси. — Катта-кичик водийларни қоплаб ётган туман худди кўлга ўхшаб кўринар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Умуман экин экиладиган, обод ер. *Амударёни жоловласак, Ўзбекистонда бутун-бутун янги пахта водийлари яратилади. Ойбек, О. в. шабадлар.*

3 *поэт.* Чексиз, бепоён кенглик. *Жунун водийси. Ишқ водийси. — Ҳижрон водийсида тўрт йил суридим. Тўрт йил ҳижронингда тўжилди ёшим. Уйғун.*

**ВОДОКАЧКА** [р] Сув чиқарувчи насослар ўрнатилган махсус бино. *Водокачканинг очилиш маросими катта тўйга, каттақон сайёлга айланиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ВОДОПРОВОД** [р] Саноат ва маиший эҳтиёжларни сув билан таъминлаш учун қурилган сув трубалари, насос станциялари ва ш. к. системаси. *Тошкент водопроводи. Водопровод тармоғи. Водопровод суви.*

**ВОДОПРОВОДЧИ** Водопровод қуриш ва тузатиш ишларида ишловчи мутахассис ишчи.

**ВОДОРОД** [р] Кислород билан қўшилиб сув ҳосил қиладиган химиявий элемент, энгил газ. *Водород билан тўлдирилган авростат. || Водород бомба.*

**ВОЕЙ** *унд. с.* Каттиқ алам ёки ортиқ даражадаги завқ, қувонч каби ҳис-

-туйғуларни ифодалайди. *Воей, ёйи бола деган шунақа ширин бўлаимми! — [Майсара Ҳидоятга:] Қелин қўрққанидан ҳуши кетиб қолди, икковингиз-ку майли, бу ўртада мени худо урди. Худди тилка-тилка қилади-да, воей! Ҳамза, Майсаранинг иши.*

**ВОЖАТИЙ** [р вожатый] Пионер отрядининг раҳбари. *Комсомол ташиқлотлари пионерларнинг дружиналари ва отрядларига раҳбарлик қилиш учун ВЛКСМ агъзоларидан.. вожатийлар белгилайди. «ВЛКСМ Устави».*

**ВОЖИБ** [а] 1 *дин.* Ҳар бир мусулмонга пайғамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий бўлмаган. 2 *с. т.* Бажарилиши мажбурий. [Барногул] *амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди. «Орзигул».*

**ВОЗ**: *воз кечмоқ* 1) эгаллик ёки фойдаланиш ҳуқуқидан, имкониятидан кечмоқ, фойдасидан, бахридан ўтмоқ. *Меросдан воз кечмоқ. Ҳақдан воз кечмоқ. — У [Турғун] Саодат учун ҳамма нарсадан воз кечишига ҳозир эканини ёзган эди. О. Ёқубов, Тоғ қизи; 2) юз ўгирмоқ. [Хусайн Бойқор Мажиддинга:] Сен иблис деб Алишердан воз кечайми? Уйғун ва И. Султон, Навоий; 3) қайтмоқ. Аввалги фикридан воз кечмоқ. — Аҳмадҷон ҳозирча хат ёзишдан воз кечди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**ВОИЗ** [а] 1 *дин.* Диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон, ваъз гўй.

2 *эск. кт.* Насихатомуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотиқ. — *Энди ре-акциянинг аврағич воизлари мусулмонлар бирлиги тўғрисида кўкракларига уриб, дарё-дарё сўз қуядилар... — деди Муҳаммад Жамол. Ойбек, Нур қидириб.*

**ВОЙ** *унд. с.* 1 Каттиқ оғриқ, алам туйғусини ифодалайди. *Мен унинг қўлини қаттиқроқ қисдим. Махубба «вой» деб юборди. О. Ёқубов, Икки мухаббат, Уринг, Ўрмонжон ака! Сўйинг! Қоним оёгингизга тўжилсин. Вой десам инсон эмасман! А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Ҳаяжон, қўрқув хис-туйғуларни ифодалайди. — *Бу нима? Вой, қулоғингиз орқаси ҳам озгина қонабди, — деди Гулнор қўрқиб [Йўлчига]. Ойбек, Қутлуг қон.*

3 Ҳайрат, таажжуб билдиради. *Бу «қиз» ҳалиги бачча эди. Йўлчи ўз ишида: «Вой шайтонлар, роса ўхшатибди!» деди-да, жимгина томошага берилди. Ойбек, Қутлуг қон.*

4 Ғазаб-нафрат ёки ачинишни ифодалайди. *Анзират хола Сидиқжонга: «Вой, садқайи одам кетинг, наҳот киши шундай хотинни, шундай болани қўйиб, бу ёқларда юрса!» А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Вой, бечора! — деди Гулсумбиби бирдан. Ойбек, Қутлуг қон.*

5 Қайғу-алам, изтироб, афсус ифодалайди.

6 Хурсандликни, рухий кўтаринкиликни ифодалайди. Кечқурун кўча эшиги тақиллади-ю, кампирнинг «Вой ўргайлай! Вой, сириттон» деган товуши эшитилди. Ҳаял ўтмай эшикдан Самандаров кирди. А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ **Охири вой** охири, оқибати ёмон (бўлади). *Ваъдабозлик, ёлгончилик, кўзбўямачиликнинг ҳам умри қисқа, охири вой!* «Муштум», 1952, № 12. **Ҳолига вой** холи ёмон, ахvoli оғир. *Йигдан кўзлари, қовоқлари қизариб ишишган Шоқосим етиб келди.— Вафот қилди жонкашим, дардкашим. Ҳозир қўлимда жон берди. Ҳолимега вой!* Ойбек, Қутлуг қон.

**ВОЙБЎ (Й)** унд. с. Ажабланишни, ҳайратни ифодалайди. *Муса Назарович соатига қараб иошилиб ўрнидан турди:— Войбўй, ўтириб қолибман, у ёқда ишим ошиб-тошиб ётибди.* П. Қодиров, Уч илдиз. [Ориpos:] *Хўш, хоним, қаерга келган эдик? Менга қаранг, войбўй, мунча қовоғингиздан қор ёяпти.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ВОЙ-ВОЙ** унд. с. 1 **вой** с. тақр. 2 с. т. Тахсин билдиради.

**ВОЙВОЙЛАМОҚ** Дод-вой қилмоқ, вой-вой деб қичқирмоқ, додламоқ, бай-байламоқ (оғриқ, қайғу-алам, кўрқув ва ш. к. туфайли). *Миришаб кучаниб туриб [боланинг ўнг қулоғини] зарб билан тортган эди, оғриқ жонидан ўтиб кетди, шеклили, бола войвойлаб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ВОЙВОЙЛАТМОҚ** войвойламоқ *фл. орт. н.*

**ВОЙВОЙЛАШМОҚ** войвойламоқ *фл. бирг. н.*

**ВОЙДОД** унд. с. Ёрдამга чақирини нидоси. *Дод! Войдод! Қароқчилар босди!!! Довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ВОЙДОДЛАМОҚ** Войдод деб қичқирмоқ, дод-фарёд кўтармоқ, ёрдამга чақириб додламоқ.

**ВОКАЛ** [р вокальный] Ашулага, ашулачиликка оид; ашула қилиб айтиш учун белгиланган. *Вокал музыка.*

**ВОКАЛИЗМ** [р] лингв. Бирор тилнинг унли товушлар системаси.

**ВОКАЛИСТ** [р] Ашулачилик санъати мутахассиси; ашулачи санъаткор.

**ВОКЗАЛ** [р] Қатнов йўлларидаги катта станция биноси. *Темир йўл вокзали. Дарё вокзали. Вокзал биноси.*

**ВОЛДИР** Шох ёки металлдан ясалган соққа; золдир. *Биласизми қаҳратон қиш, қор бўрони қутурган пайт. Туф десанг, туңгунинг ерга муз волдир бўлиб тушиб йўнаб кетади.* Ш. Гуломов, Бўз ер уйғонди.

**ВОЛЕЙБОЛ** [р<ингл.] спорт. Қарши команда майдонига қўл билан уриб ва тўрдан ошириб кўпроқ тўп тушириш ўйини. *Волейбол ўйнамоқ. Волейбол майдони. Волейбол командаси.*

**ВОЛЕЙБОЛЧИ** Волейбол ўйновчи спортчи.

**ВОЛИ** [а] тар. Вилоят бошлиғи, хокими. *Вилоят волиси.*

**ВОЛИДА** [а] эск. айн. она. *Волидаи меҳрибон.* — Волидамиз бетоб ётган эканлар, мени кўриб ҳудидан кетдилар. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ВОЛОСТНОЙ** [р] тар. Октябрь революциясидан илгариги Туркистонда волость бошлиғи; бўлис.

**ВОЛОСТЬ** [р] тар. Октябрь революциясидан илгариги Россияда ва районлаштиришгача СССРда маъмурий-территориал бўлинма, уезднинг кичик бир бўлага. *Ер бўлиш вақтида волость ер қўмитасидан тўқайса Арслонбеков вакил бўлиб бораган.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ВОЛЬТ** [р<итал] физ. Электр токи кучланишининг ўлчов бирлиги.

**ВОЛЬТА I** [р] Юпқа ип газлама.

**ВОЛЬТА II** [р<итал]: **вольта ёйи** физ. электр токи занжирига уланган икки электрод орасида ҳосил бўладиган қўғ ёй.

**ВОЛЬТЛИ** Маълум вольт кучланишга эга бўлган. *Паст вольтли электр тармоғи. Юқори вольтли установка.*

**ВОЛЬТМЕТР** [р] физ. Электр занжирининг икки нуқтаси орасидаги кучланишни ўлчайдиган асбоб.

**ВОЛЬФРАМ** [р] Химиявий элемент, юқори температурада эрийдиган жуда қаттиқ қумуш ранг металл.

**ВОРИС** [а] 1 Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс; мерос эгаси, меросхўр. *Олимхоннинг «фазилатлари» саноксиз:.. ерли-сувли, пулдор одам вафот қилса, унинг ворисларини бир-бири билан жиққамушт қилади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Тахт вориси мерос ҳуқуқи бўйича тахтни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган шахзода; валиахд.*

2 *қўйма* Ўтмишдан, ота-боболардан мерос қолган моддий ва маданий бойликларга эгалик қилувчилар, уларнинг ишларини давом эттирувчилар. *Совет халқининг шонли революцион ва меҳнат традицияларининг муносиб вориси бўлган ёш авлод фидокорона меҳнатда.. ўсиб етишмоқда.* «Қ. Ўзбекистон», 1963, 27 сентябрь.

**ВОРИСЛИК** ворис с. мавҳ. от. *Ворислик ҳуқуқи.*

**ВОРОНҚА I** [р] Оғзи тор идишларга суюқлик қуйиш ва филтрлаш учун ишлатиладиган найчали конус асбоб. *Шиша воронка. Керосин воронкаси. Сут воронкаси.*

2 Бомба ёки снаряд тушиб портлаган ерда ҳосил бўлган чуқурлик.

**ВОРОНКАСИМОН** Воронка шаклидаги, воронкага ўхшаган. *Воронкасимон чуқурлик.*

**ВОСИЛ** [а]: **восил бўлмоқ** эск. кт. 1) эришмоқ, етишмоқ (ёр васлига); 2) бориб етмоқ, кириб бормоқ (бирор манзилга).

**ВОСИТА** [а] 1 Бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қурол. *Суғорғин қишлоқ хўжалигини интенсификаштиришнинг қудратли воситасидир.* | Иш-ҳаракат қу-

роли. *Ишлаб чиқариш воситалари. Техника воситалари. Тил—алоқа воситасидир.* Меҳнат одамнинг камол топишида хал қилувчи воситадир. Меҳнаткашларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашнинг муҳим ва таъсирчан воситаларидан бири — лекция пропагандасидир.

2 Уртада туриб битиштирувчи; воситачи. *Мунисонни шунча ваҳима босдики, онасини восита қилишга сабри чидамай, акаси билан юзма-юз ўтириб гаплашишга мажбур бўлди.* А. Қаххор, Сароб. [Умурзоқ Ҳожарга:] *Бир томондан, юртнинг улғулари, ҳазратларидан тортиб восита бўлган. Хўп, деб қўйганман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ВОСИТАЛИ** Бирор кимса ёки нарса воситаси билан амалга ошириладиган; бавосита.

◆ **Воситали тўлдирувчи** грам. тушум келишигидан бошқа келишлар, шунингдек, айрим кўмакчилар билан келган сўзлар орқали ифодаланган тўлдирувчи.

**ВОСИТАСИЗ** айн. бевосита.

◆ **Воситасиз тўлдирувчи** грам. тушум келишигидаги сўз орқали ифодаланган тўлдирувчи.

**ВОСИТАЧИ I** Томонларни бир битимга келиштиришда, битиштиришда иштирок этувчи учинчи томон, шахс ёки ташкилот.

2 Муносабат боғлаш, боғланиш учун восита бўлиб хизмат қилувчи, боғловчи. *Эпителий организм билан ташқи муҳит орасидаги воситачидир.* «Анатомия».

**ВОСИТАЧИЛИК** воситачи I с. мавҳ. от. *Бировнинг воситачилигида.* — *Маҳдум Сафар бўзчини мулла Абдураҳмон тарафидан воситачилик учун жўрттага келган, деб ўйлади.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**ВОТ-ВОТ** унд. с. Қарнай овози ҳақида.

**ВОТВОТЛАМОҚ** Гартилламоқ, «вот-вот» қилмоқ (қарнай ҳақида). *Ёш қизчалар укаларини кўтариб, худди ҳозир вотвотлаб ўтадиган қарнайни кутгандай деворлар остига тизилганлар.* А. Қаххор, Сароб.

**ВОФУРУШ** [ф-т] эск. Оёқ кийимлари билан савдо қилувчи дўкондор. *Узум бозорнинг бир бошидан то Чорсуғача барча чойхона, ошхона, қандолатфуруш, чиффуруш, вофуруш дўконлари очик бўлар.. эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнинишлари.

**ВОЯ** [ф-т]: **вояга етмоқ I** улғайиб балоғатга етмоқ. *Вояга етган қиз;* 2) ривожланиб, ўсиб етилмоқ. *Вояга етган мева дарахти;* 3) *қўйма* ўсиб, улғайиб камол топмоқ, камолотга эришмоқ. *Кекса ўқитувчининг гапидан таъсирланган Элмурод индамай туролмади.— Биз сизларнинг тарбиянгизда гўдакликдан вояга етдик.* П. Турсун, Ўқитувчи; 4) *қўйма* ривожланиб маълум бир босқичга, даражага эришмоқ, шаклланимоқ, камолга етмоқ.— *Ҳали инқилобнинг боши,— деди Сафар-*



қул.— бир дарахт ўтқазсанг, уч-тўрт йил ўтмасдан мева бермайди. Шунга ўхшаш иқтилоб ҳам илдиз ёйиб вояга етгандан кейин ўз мевасини беради-да. Айний, Қуллар.

**ВОҚЕ** [a]: **воке бўлмоқ** *кт.* содир бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ; келиб чиқмоқ. *Эртаси кун бутун Марғилон деярли Маликбойнинг майдонида воқе бўлган шига жуда ҳайрон эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ВОҚЕА** [a] Бўлиб ўтган ҳодиса, рўй берган иш. *Қутилмаган воқеа. Тарихий воқеа. Халқаро воқеалар. — Қодир бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб берди. А. Қаххор, Қанотсиз чыт-так.*

**ВОҚЕАН** [a] 1 *рви кт.* Ҳақиқатан, дарҳақиқат, дарвоқе. *Воқеан фикрингиз тўғри. Воқеан иш шундай бўлган эди. — Қутидор ўзича нима тўғрисидадир ҳисоб қилди-да: Воқеан сиз мени эслай олмасиз,— деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *кириш с.* Дарвоқе, айтгандай.— *Ҳай, воқеан,— деди маҳдум,— кулги ораси тўхтаб. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ВОҚЕАНАВИС** [a+ф-т] 1 Воқеликда юз берган ҳақиқий ҳодисаларни акс эттирувчи ёзувчи.

2 *эск.* Расмий йўл билан қўйилган махфий агент; махфий кузатувчи; ай-воқчи, жосус.— *Эҳтиёт бўлиш керак,— астагина шивирлаб насиҳат қилади халфа ва шогирдларга бобом.— Шу кунларда палиса гиз-гиз сангиб қолди, воқеанавислар урчиб кетди. Ойбек, Болажик.*

**ВОҚЕИЙ** [a] Воқеликда, ҳақиқатан рўй берган; чин, реал. *Воқеий ҳикоя.*

**ВОҚЕИЙЛИК** *воқеий с.* Белги оти. *Ҳикоянинг воқеийлиги.*

**ВОҚЕЛИК** *Объектив, реал ҳақиқат; объектив шароит, объектив мухит. Ҳозирги замон воқелиги. Социалистик воқелик.*

**ВОҚИФ** [a] Бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеа, ҳодисадан махфий нарса, сир ва ш. к.дан хабари бўлган; хабардор, бохабар, билган. *Комиланинг юраги хаприқиб кетди, унинг сириндан ҳамма воқиф бўлаётгандай, теваракка.. қаради. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ВОҲ** *унд. с.* Ғам, қайғу, алам, афеус ёки оғриқни ифодалайди; маъно ва функцияси жиҳатидан «ох», «вой» каби сўзларга тўғри келади. *Турфа савдолар бошимга тушиди, кетди ихтиёр, Воҳ, ўтарга ўхшади энди умр занжирида. Ҳамза. Қизил гулдай хотиним қолди.. Воҳ, воҳ, пешанам. .. Ёдимга тушса, жисарим хун бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ВОҲА** [a] Сахро билан ўралган обод, сувли ўлка. *Зарафшон воҳаси. Хоразм воҳаси.*

**ВОҲИД** [a] *эск. кт.* 1 Бир, якка, ёлғиз; бирдан-бир.

2 *эск. мат.* Бирлик (ўлчов бирлиги).

3 Ягона субстанция (алхимиклар тасаввурида).

4 *Воҳид (эркаклар исми).*

**ВРАЧ** [p] Медицинадан олий маълумотга эга бўлган киши; доктор. *Болалар врачи. Ветеринария врачи.*

**ВУЖУД** [a] 1 Кишининг бутун борлиғи, жони ва тани; аъзойибадан. *Ҳўжабеков бўм-бўш кўчада якка ўзи. Бутун вужуди асабий титрайди. С. Анорбоев, Оқсой. Ота дом-дараксиз кетган ёлғиз ўғли Раззоқни эслаб, бутун вужудида аллақандай бир ҳолсизлик сездди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

2 Тан, жусса, гавда; қомат, қад. *У қоп-қора, қотма вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди. А. Қаххор, Қўшчинор.*

3 *кўйма* Одам, шахс, зот. [Отабек:] — *Сизми, Қумуш? — деб сўради. [Қумуш:] — Мен, мен! — Бу савол-жавоб ила икки вужуднинг ҳамма ҳасратлари, аламлари бир-бирларига аңлашилган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

◆ **Вужудга келмоқ** дунёга келмоқ, бунёд, пайдо бўлмоқ. *Унинг [Ботиралининг] ҳисобича, шу поёнсиз тўқайнинг ўсида бир неча янги қишлоқ вужудга келиши мумкин. Ҳ. Фулом, Машъал.*

**ВУЖУДИЯТ** [a] *кт. айн. вужуд 1. ВУЖУДЛИ айн. гавдали. Вужудли одам. Соғлом вужудли тани соғ ва ақли-хуши расо, бардам, тетик.*

**ВУЙ** *унд. с.* Муболағани, ҳайратни ифодалайди. *Вуй, одам! Вуй, ари!*

**ВУЛКАН** [p<лат] Ичидан доимо ёки вақти-вақти билан қайноқ газ, тоғ жинсларининг парчалари, кул ёки лава отилиб чиқиб турадиган конуссимон тоғ; ёнар тоғ. *Ҳаракатдаги вулкан. Учган вулкан.*

**ВУЛКАНИЗАЦИЯ** [p] *тех.* Каучука олтингургурт, қурум ва бошқа материаллар қўшиб қизитиб резинага айлантириш ва резина буюмлар тайёрлаш процесси. *Вулканизация аппарати. Вулканизация цехи. Вулканизация қилмоқ.*

**ВУЛЬГАР** [p вульгарный] 1 Ўтакетган дағал, кўпол, одобдан ташқари. *Вульгар сўз. Вульгар ибора.*

2 *Жуда ҳам соддалаштириб, сохталаштириб, бузиб юборилган. Вульгар материализм. — Вульгар демократ ҳамма ишни бўрон бўлиши ёки бўлмаслиги билан келлаб қўйишгагина қондирдир. В. И. Ленин, Либерал ишчи партиясининг манифести.*

**ВУЛЬГАРИЗМ** [p<лат] *лингв.* Адабий тилда ишлатилган вульгар сўз ёки иборалар.

**ВУЛЬГАРЛАШТИРИЛМОҚ** *вульгарлаштирмоқ фл. мазҳ. н.*

**ВУЛЬГАРЛАШТИРМОҚ** *Объектив ҳақиқат, воқеа-ҳодиса, таълимот ва ш. к.нинг туб маъносини жуда ҳам соддалаштириб, сохталаштириб, бузиб кўрсатмоқ, нотўғри ва сийқа талқин қилмоқ.*

**ВУЛҚОН** *эск. айн. вулкан.*

**Г** **Г** Ўзбек алфавитининг тўртинчи ҳарфи; *қ. ге.*

**ГАБАРДИН** [p<фр] Пальто ёки костюмбоп бир нав жун мата. *Бир костюмлик габардин. || Габардин костюм.*

**ГАБАРИТ** [p<фр] Вагон, машина иншоот ва ш. к.нинг сиртқи ўлчами. || *Габарит дарвоза усти очки темир йўл вагонларининг тўғри юкланганлигини текшириш учун қурилган махсус рама, дарвоза.*

**ГАВАНЬ** [p<гол] Денгиз ёки дарё қирғоғида пароходларнинг келиб туриши ва кетиши учун мувофиқлаштирилган, қаттиқ шамол ва тўлқундан химоя қилинган жой. *Пароход гаванди турибди.*

**ГАВДА** 1 Инсон ёки хайвон вужудининг кўриниши; жусса, қад. *Жўрабой отанинг узун қотма гавдаси қоронғида кўздан ғойиб бўлди. Ҳ. Фулом, Машъал. Мулла Обиднинг.. шу гавдасига бу кетмон ҳам кичик. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Тан, тана (вужуд билан жон қарама-қарши қўйилганда). *Йўқ, юрди эмас, оёқларини ихтиёрига қарши судради. Лекин жони қолиб қуруқ гавдаси кетар эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.*

3 *Мурда, жасад. Дарвозадан ўн одим нарида боши танидан ўзилган уч кишининг гавдасига йўлқўдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Бирор нарсанинг борлиғи, вужуди, танаси. *Ховли ўртасида чирик гавдаси ўрадай ўпирилган қари баҳайбат тол. Ойбек, Қутлуғ қон. Мудҳиш бўлиб кўрчар, Тунда тоғлар гавдаси. Ғайратий.*

**ГАВДАЛАНМОҚ** 1 Кўз олдида пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Катта гулзорга чиққанларида.. баҳаво бино гавдаланди. Ойбек, Навоӣ. | Кўз олдида келмоқ, кўз ўнгида, назарида пайдо бўлмоқ, тасаввурга келмоқ, намён бўлмоқ. Ленин десам, кўзим ўнгида Гавдаланур улуг бир одам. З. Дийр.*

2 *айн. муҷассамланмоқ. Бу томонда ниҳоятда зийнатланиб бино қилинган олий иморатлар бўлиб, шаҳар усталарининг ҳамма санъат ва маҳоратлари шу биноларга гавдаланар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ГАВДАЛАНТИРИЛМОҚ** *гавдалантирмоқ фл. мазҳ. н.*

**ГАВДАЛАНТИРМОҚ** *гавдаланмоқ фл. орт. н.*

**ГАВДАЛИ** 1 Гавдаси, жуссаси катта, норғул, барваста; жуссали. *Бир вақтлар гавдали ва чиройли бўлган ўттиз яшар йигит, ҳозир чўндай озиб кетган. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *Аниқловчи орқали ифодаланган, жуссага эга бўлган. У ўрта бўйли, кичик гавдали, сийрақ сарик, мўйловли, тийрак ўткир кўзли.. серҳаракат йигит. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ГАВЖУМ** Одам зич яшайдиган, одам кўп (жой ҳақида). *Маҳкам.. Сирдарё бўйидаги сершовқин, гавжум ишчилар шаҳарчасида катта бўлган эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Поезд келганда бир нафасгина гавжум бўйли турадиган кичик станцияга юк машинаси келиб тўхтади.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

**ГАВХАР** [ф-т] 1 Тарашланган ва сайқал берилган олмос. | Умуман қимматбаҳо тошларнинг умумий номи; жавҳар. *Кўрдингми? Бу нима? Мана бу — дур, мана бу — марварид. Мана ёнган — гавхар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Қимматли, бебаҳо нарса ҳақида. *Ер — хазина, сув — гавхар.* ■ *Кўсақлар бўлиқ, гавхарга тўлиқ, Эгат ичида янграйди қўшиқ.* М. Алави.

3 *Гавхар (хотин-қизлар исми).*

◆ **Кўз гавҳари** *анат.* кўз қорачиги остида икки томони қавариқ линза шаклидаги тиниқ танача.

**ГАВХАРАФШОН** [ф-т] *поэт.* Гавҳардек нур сочувчи. *Равшан айларман чароғи оғни, Кўзларимдур гавҳарафшон, марҳабо.* Нодира.

**ГАВХАРШУНОС** [ф-т] 1 Қимматбаҳо тошларни яхши биладиган мутахассис.

2 *кўчма* Бирор-нарсанинг кадр-қимматини жуда яхши биладиган; шинаванда, заршунос. *Ўз сўзимизнинг гавҳаршуносини, ўз шеъримизнинг Фердавсий ва Низомийсини кўрмоққа муҳтож эдик.* Ойбек, Навоий.

**ГАГАУЗ** қ. *гагауэлар.* Гагауз тили. Гагауз халқи.

**ГАГАУЗЛАР** Украина ва Молдавия Совет Социалистик Республикаларида, шунингдек Болгария ва Руминияда яшовчи, маданияти жиҳатдан болгарларга яқин халқ.

**ГАДО** [ф-т] 1 *айн.* гадой. *Ғуломжон гадонинг бўйи, очик қўлига бир нарса ташлаш учун чўнтақларини кавлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Камбағал, қашшоқ. [*Жамолiddин:*] *Хазинани бойитаман, деб халқни гадо қилдингиз.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

3 *кўчма* Бирор нарсага муҳтож, зор, интизор, муштоқ одам. *Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз каби илм гадолари учун тилладан афзалдир.* Ойбек, Навоий.

◆ **Тирноқ гадоси** фарзандга зор одам. *Сизнинг бўлса, йўлингиз бошқа. Сиз — тирноқ гадоси.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГАДОБАЧЧА** [ф-т] *эск.* 1 Гадо боласи (қ. гадо 1, 2).

2 Эксплуататор тузуми даврида камбағал, бева-бечораларга нисбатан бой, эксплуататорлар ишлатган ҳақорат, қамситиш сўзи. *Худодан кўрқинг, Махсум. Гадобачча одам эмасми? Ё, шариятда гадобаччани ўлдириш гуноҳ эмас, деб битилганми?* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАДОЙ** [ф-т] Тиланчилик билан кун кечирадиган одам; тиланчи. *Қўли суст косибдан оғи илдам гадой яхши.* Мақол.

◆ **Гадой топмас кўча** топиш қийин, пасткамо кўча.

**ГАДОЙВАЧЧА** *айн.* гадобачча.

**ГАДОЙЛИК** Гадой касби; тиланчилик. *Итдан кўрққан гадойлик қилмас.* Мақол. — *Гадойликдан ўлим яхши, минг марта яхши.* — *йиглаб деди Шокосим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГАДОЙЧИЛИК** *айн.* гадойлик.

**ГАДОЛИК** 1 гадо с. белги оти.

2 *айн.* гадойлик.

**ГАЖ** I [ф-т *каж*] Терс, тескари, акс. *Оҳ десам тўқилар кўзимнинг ёши, Илоҳим қурисин подшоҳар иши, Гажеа айланган шум фалакнинг гардиши.* «Алломиш».

**ГАЖ II** [ф-т *каж*] *айн.* гажак. *Гаж дум.*

**ГАЖАК** [ф-т] 1 Икки чеккага ёки пешанага хусн учун тушириб қўйиладиган ярим халқа шаклидаги соч; зулф. *Гажак қўймоқ.* — *Бегимжон икки чеккасидаги гажагини силкитиб, муштларини белига тираб турган эди, Адолат ўшқириб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *этно.* Шу тахлитда олтин, қумуш ва ш. кдан ясалган ва чеккага тақиладиган безак буюми (баъзи қушларнинг дум-патларидан ҳам шундай безак буюми сифатида фойдаланилган). *Сухсур олиб боқмайди, Гажагини тақмайди, Ишламаган дангаса Кўпчиликка ёқмайди.* «Кўшиқлар».

3 *сфм* Эгилган, қайрилган. *Думи гажак.. ўрдак. Гажак бўлмоқ. Гажак қилмоқ.* — *Кўпларнинг қўлларига дастаси гажак кунгурадор ҳасса, лабларида жим-жимла муштук.* Х. Назир, Хайкал. [*Гулсумнинг*] *бугун янги ўраган қизил рўмоли четидан гажак бўлиб чиққан майин сочлари пардек елпиниб, чиройли юзига хусн бўйли турар эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Қамолхонов, илтимосига «хўп» деган жаовбни кутиб, савол аломатидай гажак бўлиб турганида телефон жириглаб қолди.* А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Ўйнаб думини гажак қилиб сағрисиға ташлаб, Гаждумбек [от] кетиб бораёттиди.* «Қўрўғли».

**ГАЖАКДОР** [ф-т] 1 Гажаги бор, гажакли. *Кўнгил қўйгани у кўзлари хумор, Сизга келин бўлар Нигор гажакдор.* «Нигор ва Замон». || *Обод қилай сенинг бунда шаҳарингни; Қўлга келтирайин гажакдорингни.* «Ширин билан Шакар».

2 Бежама, серхашам. *Гажакдор хат.*

**ГАЖАКЛИ** *айн.* гажакдор.

**ГАЖИМ** Рўмол, дарпарда, дастурхон сочик каби нарсаларнинг зихяга тикиладиган ёки ўздан титиб чиқариладиган шокила; попуқ. *Ғижим рўмол бошимда, гажимлари қошимда, Отам сенга бермайди, Ўн беш яшар ёшимда.* «Кўшиқлар».

**ГАЖИМДОР** Гажими бўлган, гажим

тутилган, гажимли. *Гажимдор дастурхон.*

**ГАЖИМЛИ** *айн.* гажимдор. [*Шарофат*] *бошида гажимли қора рўмол, бир елкаси билан деворга суяниб, .. маънос бир қиёфада ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ГАЖИР** Жангари, қайсар, ўжар. *Гажир бола. Гажир от.*

**ГАЗ I** [ф-т] *эск.* 1 Метрик система қабул қилинганга қадар ишлатилган, 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови; аршин. *Нуриой, ойингиздан тўрт газ чит олиб берасиз, албатта.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Иш талаб қилсак.. юз газ нари сакрайсиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Шу узунликдаги ўлчов асбоби. *Букма газ.*

◆ **Ўз газ билан ўлчамоқ** бирор иш, ҳодиса ҳақида ўзича, ўз шахсий нуқтан назаридан қараб мулоҳаза юритмоқ, бир томонлама ҳукм чиқармоқ. *Ҳамма нарсани ўз гази билан ўлчайдиган Абдурахим, ўзи ёлғончи бўлгани учун, ҳеч кимнинг гапига шонмайди.* «Муштум», 1961, № 3.

**ГАЗ II** [р < *голл*] Зарралари ўзаро кучсиз боғланган, шу сабабли ўзи ишғол қилган бўшлиқни бир текис тўлдириб турадиган енгил модда. *Заҳарли газ. Бўғувчи газ. Газ баллони.* — *Кечаги боржом оғзи очик қолипти, гази чиққандан кейин бир пулга қиммат.* А. Қаҳҳор, Санъаткор. | Ёқиш, ёртиш, иситиш учун ёки двигателларни ҳаракатга келтирувчи куч манбаи сифатида ишлатиладиган газсимон ёки буғсимон моддаларнинг умумий номи. *Табийи газ — энг арзон ёқилғи. Газ саноати. Қолхозчиларнинг ўйларига газ киради. Газ бермоқ с. т. двигатель валининг айланишлар сонини ошириб, унинг кучини кўпайтирмоқ, тезлигини оширмоқ. Йигит газ бериб, олиди кетаётган юк машинани қувиб ўтиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАЗ III** [р < *фр*] Юпқа шаффоф ипак газлама; ҳарир. *Бир кўйлаклик газ.* || *Газ рўмол.*

**ГАЗ IV** [ф-т] 1 *айн.* юлғун.

2 *эск.* Камоннинг патсиз ўқи.

**ГАЗА** *диал.* Тоғ чўққиси; адир, дўнг, баландлик. *Очил буларнинг юриш қилганини кўриб, ҳаммаси чоғланиб, бир газанинг панасига ўтди.* Фозил шоир, Очилдов. **Оч газ** икки чўққи, дўнг оралиғи.

**ГАЗАК I** [ф-т] Яранинг, шикастланган жойнинг яллиғланган, йирирт олган ҳолати. *Халқ.. кўп ишиларни пахтадоғ билан доволайди. Агар бу иши газак иши бўлса, пахтадоғ фойда қилади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **ГАЗАК олмақ** *айн.* газакламоқ 1. *Яра газак олиб кетибди.* — *Радиодан эшиттирилган кичкина хабар туфайли бошланган жанжал газак олиб, кетталашиб кетди.* «Муштум», 1961, № 15.

**ГАЗАК II** [ф-т] Ичкилик устидан ейиладиган овқат; закуска. | Иштаҳа очар енгил овқат.

◆ Газак ҳам бўлмайди сира ҳам кифоя қилмайди, урвоқ ҳам бўлмайди. Бу оёқат менга газак ҳам бўлмайди.

**ГАЗАКЛАМОҚ** I Газак олмоқ, йиринг боғламоқ. Яра газаклабди.

2 *кўчма салб.* Кучаймоқ, зўраймоқ, жиддийлашиб кетмоқ. Дилсиёҳлик газаклаб кетди. Нарзи тоға изза тортди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ГАЗАН** [ф-т] Косибларнинг чарм қирқадиган махсус пичоғи. Тоғам.. қўлимдан газанини йириб олади-да, қиймаланган чармларни йиғиштиради. Ойбек, Болалик.

**ГАЗАНДА** [ф-т] I Ари, илон, чаён каби чақадиган ҳашарот-жониворларнинг умумий номи. Ҳамиша яйраган йиртқич дарранда, йўқолди ҳар қора қуртун газанда. Ҳабибий.

2 *кўчма нафр.* Қаллақесар, ўтакетган ёвуз душман. Бу — меҳнаткашларнинг бошига қулфат келтирилганларнинг энг сўнғиси — қонхўр газанда Мадамин эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Адашевнинг ёлғиз ўзи 50дан ортиқ газандани қириб ташлади. А. Раҳмат, Эллик бир баходир. I сўк. Разил, қабих, ярамас. Мен нодон сендай газандада ишонганим учун етарли жазоландим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Азоб кўриб ширин жоним бу танда, Отиненинг тизгинин тортгин, газанда! «Муродхон».

◆ Газанда ўт айн. чаёнўт.

**ГАЗАРМОҚ** с. т. Гезармоқ.

**ГАЗЕТ** [р газета] с. т. Газета. Йўлчи қайрилиб, қўлтиғига газет қистирган Абдушукруни кўрди. Ойбек, Қутлуғ қон. Эни бир ярим, бўйи икки қарич чамаси келадиган ва юлқа қорозга босилган ана шу газетанинг устига қора, семиз ҳарфлар билан: «Туркистон вилоятининг газети» деб ёзилган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГАЗЕТА** [р<итал] Ҳаётнинг турли соҳаларига онд воқеа-ҳодисаларни ёри-тадиган, шунингдек сиёсий-ижтимоий ва илмий-оммабоп мақолалар босила-диган вақтли (одатда, кундалик) нашр. Кундалик газета. «Ўзбекистон маданияти» газетаси. «Совет Ўзбекистони» газетаси. Деворий газета бирор ижтимоий ташкилот ёки муассасанинг қўлда ёхуд машинкада ёзилиб, деворга осиб қўйиладиган газетаси. Бундан бир йил бурун шу қизил чой-хонанинг деворий газетасида «Сўнғи саводсиз» сарлавҳаси билан бир мақола босилган эди. А. Қажҳор, Мирзо.

◆ **Жонли газета тар.** революциянинг дастлабки йилларида сахна орқали ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борган, турмушдаги, ижтимоий ҳаётдаги нуқсон ва камчиликларни танқид ўти остига олган хаваскорлар тўдаси.

**ГАЗЕТАЧИ** с. т. I Газета ходими, газета редакциясида ишловчи киши.

2 Газета тарқатувчи, сотувчи.

**ГАЗЕТХОН** [р+ф-т] Газета ўқувчи,

газетани қанда қилмай ўқиб борадиган одам.

**ГАЗЕТХОНЛИК** Газета ўқиш, газета ўқиш билан машғул бўлиш.

**ГАЗЕТЧИ** с. т. Газетачи.

**ГАЗИФИКАТОР** [р] Газ ва газлаштириш иши мутахассиси.

**ГАЗИФИКАЦИЯ** [р<голл+лат] I Каттиқ ёқилғини сунъий йўл билан газга, газ ёқилғига айланттириш.

2 Саноат корхоналарини ва турар жойларни газ билан таъминлаш. Газификация қилмоқ.

**ГАЗИФИКАЦИЯЛАШТИРМОҚ** Саноат корхоналари, турар жой ва ш. к. ни газ билан таъминламоқ, газификация қилмоқ.

**ГАЗЛАМА** Тўқиб ёки бошқа йўл билан тайёрланган мата; газмол, мануфактура. Ип газлама. Газлама ишлаб чиқариш. — Йўлчи уч ҳафтадан бери шаҳарда .. ҳар кун и аравада газлама ташиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГАЗЛАМАФУРУШ** эск. Газлама савдоси билан шуғулланувчи; базвоз.

**ГАЗЛАМОҚ** I Газ билан ўлчамоқ, газлаб ўлчаб кўрмоқ.

**ГАЗЛАМОҚ** II Суоқликни газ билан тўйинтирмоқ, суоқликка газ бермоқ (қ. газ II).

**ГАЗЛАНМОҚ** I газламоқ I фл. мажх. н.

**ГАЗЛАНМОҚ** II газламоқ II фл. мажх. н.

**ГАЗЛАТМОҚ** I газламоқ I фл. орт. н.

**ГАЗЛАТМОҚ** II газламоқ II фл. орт. н.

**ГАЗЛАШМОҚ** Газ билан таъмин этилмоқ (саноат корхоналарини ва турар жойларни). Нечоғлиқ газлашиб-дур шаҳр қишлоқ, Бутун меҳнаткаш элнинг кўнгли порлоқ. Ҳабибий.

**ГАЗЛАШТИРИЛМОҚ** газлаштирмоқ фл. мажх. н. Уйларишимиз газлаштирилатир.

**ГАЗЛАШТИРМОҚ** газлашмоқ фл. орт. н.

**ГАЗЛИ** I Газ узунлигидаги (қ. газ I 1). Сўнғроқ тепанинг ўртасидан қадди етти газли бир суна қилиб, устига бир шийпон салади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ГАЗЛИ** II Ичида гази бор, газланган, газ билан тўлдирилган ёки тўйинтирилган. Газли сув. Газли баллон.

**ГАЗМОЛ** айн. газлама. [Ҳасаналининг] хўжраси Отабекники билан бир қаторда бўлиб, газмол, пойафзал ва шунинг сингари моллар ила тўлган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ГАЗНИҚОБ** эск. айн. противогаз. Бурчакдаги столда Осоавиахимга оид буюмлар, плакатлар; қоziқда газниқоб. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ГАЗОГЕНЕРАТОР** [р] Каттиқ ёки суоқ ёқилғиларни ёнувчи газга айланттирадиган аппарат.

**ГАЗОГЕНЕРАТОРЛИ** Газогенератори бор; газогенератор билан ишлайдиган. Газогенераторли установка.

**ГАЗОЛИН** [р<голл+лат] Табиий

нефть газидан ёки нефтдан олинадиган суоқ ёнилғи.

**ГАЗОН** [р<фр] Парк, боғ, биноларнинг олди ва ш. к. жойлардаги ўт экилган ер, майдон, майсазор ва шундай жойларга экилган ўт, майса.

**ГАЗОПРОВОД** [р] Газ манбаидан уни истеъмол қилувчи жойларга олиб борадиган трубалар ва ишшоотлар системаси. Бухоро — Урал газопроводи.

**ГАЗСИМОН** Газ хусусиятига эга бўлган, газ ҳолидаги, газга ўхшаш. Газсимон моддалар.

**ГАЗЧЎП** [ф-т] I Узунлиги бир газга тенг ўлчов асбоби.

2 Сувоқчиликда девор раҳини текис чиқариш учун ишлатиладиган қиррали узун ёғоч асбоб. Анали Холиқ-ку тоғанга таассуб қилиб газчўп билан нуқул деворлар, деразаларнинг кирган-чиққанини ўлчади. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**ГАЙКА** [р] Болтга бураб киритиладиган тешиги резьбали деталь.

**ГАЛ** I Бирин-кетин содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби, навбати. Биринчи галда аввало, ҳаммасидан олдин, биринчи навбатда. [Йўлчининг] қорни жуда оч эди. Лекин унга, биринчи галда, соч-соқолини қирдириш машаққати тушди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қаторда ишғол этилган ўрин, навбат. Бугун менинг галим. — Минг боло билан қутидор қўлини бўшашиб, гал Отабекка етди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гал бермай бир-биридан ошириб, бир-бирига сўз бермай, бир-биридан баланд келиб. [Ишит-қизлар] бир-бирига гал бермай, алақандай воқеани гапиришиб келишяпти. С. Анорбоев, Оқсой. — Ўртоқ Поччаев, пўписасиз, дўстларча, комсомолча гаплайишлик, — деди Нафиса ўрнидан туриб. Лекин Поччаев унга гал бермади. А. Мухтор, Тугълиш. Гали билан навбати билан, бирин-кетин, ўз навбатига. Йўлчи гали билан меҳмонларнинг отларини.. дарахларга қантариб боғлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 («бу», «шу», «ҳар», «бир» ва бошқа баъзи сўзлар билан) Сафар, навбат. Бир гал Дўстнат ҳар сафаридай иш қидириб кетди-ю, лекин қайтиб келмади. П. Турсун, Ўқитувчи. Гулнор бу ерга келса, Нури ҳар гал бирон оғир юмуш қилдирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Галга солмоқ** бирор бахона билан ишни орқага сурмоқ, сансалорликка солмоқ.

**ГАЛА** [ф-т] I Бир турдаги қуш, ҳайвон-жониворлар тўдаси. [Ботирли] шарпага ортиқ нарво қилмай, қушлар галасини завқ билан томоша қила бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал. Миёнсаройда тўпланган мулла ва муллабаччалар оқиққан қашқирлар галасидек увиллашиб мадраса ичига югурдилар. Айний, Қуллар.

2 *кўчма* Бир тўда одам, оломон. Қизлар галасини кўрган Бозоров, от

бошини ўша ёққа бурди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 нафр. Тўда, гуруҳ. Фашист галларни сафида ваҳима-саросималик бошланиб, қочиша юз тутди. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

◆ Бир гала жуда кўп. Йигитларнинг рашики ёмон бўлади, эҳтиёт бўл,— деб бир гала ганини қулоғига қуйди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.

**ГАЛАКТИК** [р галактический] астр. Галактикага оид. Туманликларнинг биринчи группаси галактик туманликлар деб аталади. «Астрономия».

**ГАЛАКТИКА** [р <грек] астр. Ягона юлдузлар системаси. Ҳамма юлдузлар ва уларнинг тўпламлари бирликда юлдузларнинг ғоят катта — гигант системасини ташкил этади, бу система галактика деб аталади. «Астрономия».

**ГАЛАЛАШМОҚ:** галалашиб гала-гала, тўда-тўда, тўп-тўп бўлиб, тўплашиб. Болаларнинг қий-чувлари галалашиб учётган қўшларнинг товушларига ўхшаб эшитиларди. — Ироқдан қабристон орқасидан бўри ва шақаллар галалашиб ув тортади. «Қаҳрамонлар».

**ГАЛАНТЕРЕЯ** [р <итал] Кийиниш, ясашиш-тусаниш учун зарур буюмлар, атторлик моллари. Галантерейя магазини.

**ГАЛГИДАЙ,** «дек: ҳар галгидай ҳар вақтдагидай. Олаҳўжа уни ҳар галгидай уйига таклиф қилди. Элмурод ҳам ҳар сафарандай иш кўпчилиги, вақт йўқлигини ваз қилди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ГАЛДАГИ** Навбатда турган, навбатда қилиниши лозим бўлган; навбатдаги. Галдаги вазибалар.

**ГАЛДИР I** Бошига ишқ савдоси тушган одам; телба, девона.

2 Халқ куйларидан бирининг номи. **ГАЛДИРАҚЛАМОҚ I** айн. галдирамоқ. Мен бечоранинг тилим галдирақлаб, арзи ҳол қилдимки, мени ҳам.. қаландарбаччиликка қабул қилсалар. Ф. Фулом, Шум бола.

2 диал. айн. гандирақламоқ.

**ГАЛДИРАМОҚ** Тили сўзга келмай, тили айланмай гўлдирамоқ; эсанкираб қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ. Эшон ая ўзини йўқотаёди. Тили гапга келмай галдиради. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ГАЛЕРЕЯ** [р <фр] I Бинонинг икки қисмини бирлаштирувчи усти ёпиқ узун йўлак; турар жойдан холи қилиб солинган, ёнлари очиқ ёки ойнабанд балкон.

2 Ер остидаги тор йўл, йўлак (ҳарбий истеҳком, шахта ва ш. к.да).

3 эск. Томоша залида энг юқориги ярус.

4 кўчма Қатор, саф-саф тизилган нарса ёки кишилар; силсила. Адабий типлар галереяси.

◆ Суратлар галереяси суратлар номийиш қилинадиган бино, музей.

**ГАЛИФЕ** [р <фр] Одатда этик билан сийилладиган ёни чиққан шим. Галифе-

сининг чўнтагидан дастурмош чиқариб.. юзларини, бўйинини арта бошлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАЛЛАМОҚ I** кам кўлл. Бирор ишни галма-гал, навбатма-навбат бажармоқ; навбатлашмоқ.

2 диал. Галга солмоқ, алдамоқ, лақиллатмоқ. Бой қизжоннинг отасини алданглар, Пули кўп деб энасини галланглар. «Ҳасан батрак».

**ГАЛЛҲИЙ** [р <лат] Химиявий элемент, оқ тусли нодир металл.

**ГАЛЛЮЦИНАЦИЯ** [р <лат] мед. Мия фаолиятининг бузилиши натижасида кўрув, эшитув, сезув, ҳидлов органларининг чалғиши, йўқ нарсаларни кўриш, эшитиш, сезиш.

**ГАЛМА-ГАЛ** рвш Навбатма-навбат, навбатлашиб. Чуқурчага ўтин қалаб, чуқурча тевараеига Ўроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб, тўнқайиб галма-гал пуфлашарди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ГАЛОГЕН** [р <грек] қ. галогенлар.

**ГАЛОГЕНЛАР** хим. Менделеев даврий системасининг VII группасига мансуб элементлар (фтор, хлор, бром, йод).

**ГАЛБИД(ЛАР)** [р <грек] айн. галогенлар.

**ГАЛОШ** [р галоши] Кўн пойафзал ёки пийма устидан кийиладиган резина оёқ кийим, калиш.

**ГАЛСТУК** [р <нем] Кўйлак ёқаси остидан ўтказиб, олдини тугун ёки бант қилиб тақиладиган мата буюм; бўйинбоғ. Пионерлар галстуги. — Қодирнинг кўйлаги оқ, галстуги кўк экан. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ГАЛЬВАНИ** қ. гальвани(к).

**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯ** [р] Медицина ёки техникада гальвани токидан фойдаланиш; гальвани токи билан даволаш.

**ГАЛЬВАНИ(К)** [р гальванический]: гальвани токи ёки гальваник ток химиявий реакция натижасида олинадиган ток. Гальвани элементи ёки гальваник элемент шундай ток ҳосил қиладиган элемент.

**ГАЛЬВАНОМЕТР** [р] Гальвани тоқини ва умуман кучсиз тоқларни ўлчайдиган асбоб.

**ГАМАДРИЛ** [р <грек] Тумшуғи узун маймувларнинг бир тури.

**ГАМАК** [р <фр] Очиқ ҳавода ухлаш, дам олиш учун фойдаланиладиган осма тўр белангач.

**ГАМБИТ** [р <фр] Шаҳмат ўйинининг бошида тезроқ ҳужумга ўтиш мақсадида бир пиеда ёки сипоҳни қурбон бериш.

**ГАММА I** [р <грек] I муз. Бир ёки бир неча октава таркибидаги яқин товушлар мажмуи.

2 кўчма Бир-биридан муайян муносабатда фарқланадиган бир турдаги нарсалар, ходисалар мажмуи. Бўёқлар гаммаси.

**ГАММА II** [р <грек]: гамма-нурлар физ. радиоактив элементларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган уч хил нурнинг бири.

**ГАН(АК)** Ёнғоқ ёки данак ўйинида тизилган ёнғоқ ёки данаклар. Ганак тикмоқ. Ганак олмоқ.

**ГАНГ** [ф-т]: ганг бўлмоқ айн. гангимоқ. Меҳнатқаш боши ганг бўлди, Зулмдан ҳамма қон бўлди. «Фольклор».

**ГАНГИМОҚ** Қутилмаган воқеа, ходиса ёки ташвишдан нима қиларини билмай қолмоқ, эсанкирамоқ, саросимага тушмоқ. Раис уни даст кўтарди-да, давранинг ўртасига келтириб қўйди, Қурбон ота бир лаҳза гангиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Совет қуролли ўз кучини кўрсатди .. душман гангиб калавасининг учини йўқотиб қўйди. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

◆ Боши (ёки мияси) гангиди 1) боши айланди; 2) боши қотди, нима қиларини билмай қолди. Қўзубой бу янгиликнинг таеига етолмай йўл-йўлакай йўланиб, мияси гангиб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГАНГИРАКЛАМОҚ** диал. Гандирақламоқ.

**ГАНГИРАМОҚ** диал. Гангимоқ. Боши гангираб ўрнидан турган бой яна йиқилиб .. кўнанинг ўртасидаги лойга тушиди. Айний, Қуллар.

**ГАНГИРАТМОҚ** гангирамоқ фл. орт. н.

**ГАНГИР-ГУНГУР** Кўпчиликнинг қизғин суҳбати, бири олиб бири қўйиб гапирishi. Меҳмонхонадагиларнинг гангир-гунгурлари эшитилиб турарди. || Гангир-гунгур гаплашмоқ. — Султонмурод.. гангир-гунгур суҳбатга қулоқ солиб ўтирди. Ойбек, Навоий.

**ГАНГИТИЛМОҚ** гангитмоқ фл. мажх. н. Душман қанчалик гангитилса, унинг ўт очини нуқталари қанча кўп эмириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ГАНГИТМОҚ** гангитмоқ фл. орт. н. Ойсулувнинг жавоби уни гангитиб қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАНГИШМОҚ** гангитмоқ фл. бирг. н. **ГАНГРАМОҚ** айн. гангирамоқ.

**ГАНГРАТМОҚ** ганграммоқ фл. орт. н.

**ГАНГРЕНА** мед. Биологик тўқима ёки бирор аъзонинг жонсизланиб тириклайин чириши; қорасон касаллиги.

**ГАНДА** [ф-т] Ахлат, нажас. Жанда бўлса бўлсин, ганда бўлмасин. Мақол.

**ГАНДИРАҚЛАМОҚ** Мувозаанат сақлай олмай, чайқалиб, энтак-тентак қаддам ташлаб юрмоқ. Турғуной маст кишидай гандирақлаб борар эди. А. Қаҳҳор, Мастон.

**ГАНДИРАҚЛАНМОҚ** гандирақламоқ фл. ўзл. н.

**ГАНДИРАҚЛАТМОҚ** гандирақламоқ фл. орт. н.

**ГАНЖ** [ф-т] кт. Ҳазина, бойлик. Ганжи иқбол. — Мусибат қаддини буқмиш мисли ёй, Улмиш ёлғиз ўғлинг, умидинг ганжи. Миртемир.

**ГАНЖИНА** [ф-т] айн. ганж. Мирзачўл мамлакатимизнинг пахта ганжинасига айланди. Миртемир.

**ГАНЧ** Алебастрнинг бир тури; сувоқ, нақш учун ишлатиладиган қурилиш материали. *Ганч қормоқ.* || *Ганч сувоқ.* — Қамишканада деворлари ганч сувоқ қилиб оқланган, қизил тунука томли бир бино юзага келди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ГАНЧҚОР** 1) от Ганчдан нақш ясовчи уста, ганч сувоқ устаси. *Отаси уста Мурод ҳам, бобоси уста Носир ҳам Бухоронинг кўза кўринган ганчқорларидан бўлган.* «Уста Ширин».

2) сфт Ганч сувоқ қилинган, ганч билан нақшланган. *Ганчқор уй.*

**ГАНЧЛАМОҚ** Ганч билан сувамоқ, ганч сувоқ қилмоқ.

**ГАНЧЛАНМОҚ** ганчламоқ *фл. мажж.* н. Деворлар ганчланган, шиллар сирланган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ГАНЧЛАТМОҚ** ганчламоқ *фл. орт.* н.

**ГАП** I [ф-т] I Сўзлар орқали изҳор этилган ёки этиладиган фикр; сўз; нутқ. *Рост гап. Совуқ гап. Қуруқ гап.* Гапни бошқа ёққа бурмоқ. Менинг сизга айтдиган бир-икки оғиз гапим бор. Яхши гап билан илон инидан чиқади. Мақол. Гап билгунча, иш бил. Мақол. Гап десанг — қоп-қоп, иш десанг — Кўҳи-Қофдан топ. Мақол. — Иброҳимов устод хурсанд бўлганини кўриб, ғўза тўғрисидаги гапни бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гап очмоқ маълум бир иш, нарса ёки мавзу юзасидан гап бошламоқ. Гап сотмоқ ортиқча, керакисиз гаплар билан бошқаларнинг вақтини олмоқ, кўп гапирмоқ. | Нутқ воситасида ифодаланган фикр, ўй, мулоҳаза. *Миямга бир гап келди. Гап келганда, отангни аяма.* Мақол. Гапи оғзида қолди гапириб туриб, бирор есаб билан тўхтаб қолди, фикрини айтолмай қолди. Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очик лаби титради. П. Қодиров, Уч илди. Гап бўлмоқ бошқалар муҳокамасига тушмоқ, гап-сўз бўлмоқ. Гап отмоқ (ёки қотмоқ, ташламоқ) тегишиб ёки жаҳлини чиқариш учун киноя, кесатиз маъноли гап, сўз айтмоқ; пичинг қилмоқ. Гап ташимоқ бирор ерда айтилган фикрни иккинчи ерга, бошқа кишига етказиб турмоқ, чақимчилик қилмоқ. Гап тўқимоқ (ёки уйдирмоқ) бирор шахс ёки нарса ҳақида уйдирма, ёлғон-яшиқ тўқимоқ. Унинг [Йўлчининг] «ахлоқсизлиги» тўғрисида [Салимбойвачча] бир мунча гаплар тўқиди. Ойбек, Қутлуг қон. Гап ўғирламоқ (ёки тарқатмоқ) бошқаларнинг айтганларидан уларнинг фикр-ниятларини билиб олмоқ. Гап қилмоқ надомат қилмоқ, бирор шахс ҳақида нотўғри фикр тарқатмоқ. — Сизни Зиёдаҳон билан гап қилдим, — деди Қори Ҳормонжонга. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гап қисгирмоқ айтилаётган сўз-нутқ орасига луқма киритмоқ. — Рўзимат, ука, яхши, гапингга яна битта гапни қистириб ўтқин... — деди Қамбарали ака. А. Қаҳҳор, Қўшчи-

нор. Гапга бичган ёки онаси гапга туққан гапга уста, гапдон; маҳмадона. — Абдушукурни худо гапга бичган, энгиз бўлмайди, — деди Жамолбой пихиллаб. Ойбек, Қутлуг қон. Гапга солмоқ 1) яхши гап билан йўлга солмоқ. *Аҳмоқни урма, сўқма, гапга сол.* Мақол; 2) гап билан банд қилмоқ; турли сўроқлар бериб, воқеани аниқламоқ. *Шундай пайтларда Мастон, мумкин қадар Турғунюйни гапга солиб, ё бўлмаса диққатини бошқа нарсага жалб қилиб, бу жониворларни кўрсатмасликка тиришди.* А. Қаҳҳор, Мастон. Гапдан илинмоқ, қ. илинмоқ. Гапни йўқотиб қўймоқ фикрнинг давомини унутиб қўймоқ; эсанкираб, нима дейишини билмай қолмоқ. — Йўқ, мен ҳаммаси демоқни эмасман, баъзи бирлари, — деди Бўтабой ака ва гапни йўқотиб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гап(ни) олмоқ бирор нарса, иш ҳақида бошқа бир шахснинг фикрини, мақсадини билмоқ. *Сидиқжон кейинчалик ҳарчанд уринса ҳам бу тўғрида қоридан бошқа гап ололмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Гапни оғзидан олмоқ (ёки илиб кетмоқ) сўзлаб турган кишининг гапни тўхтатиб, ўзи гап бошламоқ. — Бизлар билан кўлга олга чиқинлар, — деди у Жапқнинг гапни оғзидан олиб. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Овоза, хабар; миш-миш. Гап тарқатмоқ.

2) Асосий мақсад, иш, масала. *Ҳамма гап пулда экан.* Ойбек, Қутлуг қон. Катта гап 1) катта, муҳим масала, иш; 2) кўчма ўз имкониятидан ташқари гапларни гапирадиган, қуруқ одам. 3) грам. Тугал фикр англатган айрим сўз ёки сўзлар бирикмаси. *Бош гап. Эргаш гап. Содда гап. Қўйрма гап. Кириш гап. Гап бўлақлари.*

◆ Нима гап? нима бўлди? тинчликми? Орадан (бир) гап ўтди қ. ора 5. Ҳеч гап йўк 1) ҳеч қандай ходиса рўй бергани йўқ; тинчлик; 2) ҳеч нарса йўқ. Бир гап бўлар бирор чораси топилар, ҳал бўлар. Гап бир жойдан чиқди ҳамманинг гапи, маслаҳати бир хил бўлиб чиқди. Гап ковламоқ бўлиб ўтган ишни қайта кўзгамоқ. Гап тегишмоқ (ёки тегдирмоқ) бировни танбехга дучор қилмоқ, танбех олишига сабаб бўлмоқ. *Шоқосимни ишдан узиб, хўжайиндан гап тегдирмаслик учун, арава-улов ахтариш ва, мумкин бўлса, Қоратойга учрашишига Йўлчи ўзи бормоқчи бўлди.* Ойбек, Қутлуг қон. Гап эшитмоқ бошқалардан танбех олмоқ. *Сени деб, ўқитувчидан мен гап эшитдим.* Гапни бир ерга (ёки жойга) қўймоқ бир маслаҳатга келмоқ, келишмоқ. Гапнинг тағига етмоқ бирор ходиса-воқеанинг асл сабабини аниқламоқ; масаланинг туб моҳиятига тушуниб етмоқ.

**ГАП II** [ф-т] Улфатлар орасида навбати билан, одатда ҳафтада бир марта, улфатлардан бириникида ўтказиладиган ўлтириш, зиёфат; улфатчилик. Бу-

гун жума бўлгани учун Ҳакимбойвачча ва Мирзакаримбой ўз улфатлариникига — гапга кетишган. Ойбек, Қутлуг қон. Гап бермоқ ўз навбати келган кунни улфатларига зиёфат бермоқ. Яна бир ҳафтадан кейин Салим акам гап берармишлар. Ойбек, Қутлуг қон. Гап емоқ шундай улфатчиликда мунгазам иштирок этмоқ. *Қишининг узун кунлари бу ерда улфатлар гап ейишади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ГАП-ГАШТАК** [ф-т] с. т. Гап, базм, ўтириш ва ш. к.

**ГАПДОН** [ф-т] Гапга уста, чечан; топиб гапирадиган, тили бурро. *Ҳайдар азалдан гапдон бўлса ҳам, шу чоғ, шу ерда ҳаяжондан соқов эди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ГАПИРИЛМОҚ** гапирмоқ *фл. мажж.* н.

**ГАПИРИМОҚ I** гапирмоқ *фл. бирг.* н. Усмонжон овақатдан кейин онаси кетидан уйга кирди-ю, анча гапиршиб қолди. С. Зуннунова, Гулхан.

2) Бирор масалада ўзаро битишмоқ, келишмоқ. *Мен у билан гапиршиб қўйдим.*

**ГАПИРМОҚ I** Оғзаки равишда фикр, мулоҳаза баён этмоқ; сўзламоқ, айтмоқ. *Ҳайдар гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.* Мақол. Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. Мақол. — Сафаров кулди ва эртага қилинадиган ишлар тўғрисида гапирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Овақат устида Ҳадича қишлоқда бўлиб ўтган ҳамма. ҳодисалар тўғрисида гапириб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Оғзингга қараб гапир ўйлаб, нима деяётганингни тушуниб гапир; ноҳўя, ахлоқдан ташқари иборани ишлатма. | Нутқ сўзламоқ. *Мана, мажлис очик. Қим гапирари?* А. Қаҳҳор, Кампирлар снм қоқди. Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиб кетди. Гапирмаган, тортишмаган одам қолмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2) Гапирши, сўзлаш қобилиятига эга бўлмоқ; тилга кирмоқ. *Бола катта бўлиб қолди. гапирди.*

◆ Катта гапирмоқ имкониятидан ташқари ваъда бермоқ; катта кетмоқ; қуруқ гаплар билан мақтанмоқ; кибр билан, керилиб гапирмоқ.

**ГАПИРТИРМОҚ** гапирмоқ *фл. орт.* н. Зўр қувонч билан бахтиёр бўлган киши, ўзи ҳам сезмай, кўп гапирди; уни ичда тўлган шодлик гапиртиради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГАПЛАШИШМОҚ** гаплашмоқ *фл. бирг.* н. Оз гаплашишар, кулги ва ҳазилни одамлар гўё тамом унутган эди. Ойбек, Куёш қораймас.

**ГАПЛАШМОҚ** айн. гапиршибмоқ. *Сидиқжон, кўнгли ғаш бўлиб, Болтабой билан гаплашгани келди, лекин нима тўғрисида гаплашмоқчи эканини ўзи ҳам аниқ билмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Нури тўшакда эри билан алла-паллагача гаплашиб ётди. Ойбек, Қутлуг қон. Темирчи гаплашиб қўйдим. Эрта саҳар шу ердан олиб кетамиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГАПЛАШТИРМОҚ** гавлашмоқ *фл. орт. н.*

**ГАПСОТАР** Бехуда гапни кўп гапирадиган; сергап.

**ГАП-СЎЗ** 1 Нутқ, гап. Ҳозирги афтини кўрган киши уни [Рўзиматни] гап-сўзга йўқ, ўзи тўнгина бир йигит гуном қилар эди. А. Қаххор, Кўшчинор.

2 Сухбат, гурунг; музокара. *Икки ўртадаги гап-сўз йўл узоклигини билдирмас эди.*

3 Овоза, миш-миш гап, хабар. *Кўқонда Ҳасимбойвачча хизматкорининг қизини олибди, деган гап-сўз ҳам бўлмас. Ойбек, Қутлуг қон. Агар сизга оғир тушмаса, юртдаги гап-сўз босилеунча, бирор йил Тошкентда турсин, сўнгера Марғилонга борсин, дердим! А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ГАПХОНА** [ф-т] *эск.* Гап қатнашчиларининг ўлтириши, йигини бўлади-ган уй, меҳмонхона. *Элмурод Мели полвоннинг қистови билан гапхонага боришга мажбур бўлди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ГАПХЎР** [ф-т] Гап қатнашчиси, гап базмларига мунтазам қатновчи киши; жўра, улфат. *Мулла Жўра билан Қўшоқ.. гапга боранларида гапхўрларга қўшмоқдаги ҳаракатни сўзлаб беришди. Ҳ. Шамс. Характеристика.*

**ГАПЧИ** *салб.* Бир кишининг гапини иккинчи кишига етказиб турувчи, гап ташувчи; ивogar. *Гапчи одам.*

**ГАПЧИЛ** *диал.* Гапга уста, гапдон, чечан; сергап. *Гапчил бола.*

**ГАР** [ф-т] *кт. айн.* агар. *Душиманинг гар мўр эса, Сен бўлмағи андишасиз. Ҳамза. Шу ишга гар қилса қасд, Расо ишга тушса бас. З. Диёр.*

**ГАРАЖ** [р<фр] Автомобиллар, мотоцикллар турадиган ва жорий ремонт қилинадиган бино, хона. [Шофёр] машинасини гаражга қўйиб, уйига кетди. Ойдин, Кўнғил тўлдими, яхши йиғит.

**ГАРАНГ** 1 Қулоғи эшитмайдиган, кар. *Гаранг одам. || Бу гаранг оловни ҳам ўзи ёқди, ўчиришда ҳам ўзи сув чепади. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 *кўчма* Боши қотган, нима қиларини билмай гангиб қолган; ганг. *Болаларнинг жавдираган кўзлари отада. Ота эса нима қиларини билмай гаранг. П. Турсун, Ҳўқитувчи. (Боши) гаранг бўлди* 1) қулоғи битиб, эшитмайдиган, кар бўлиб қолди. *Автомат тириллашидан гаранг бўлган ўн уч немис бараварига қўл кўтариб ўрнидан турди. А. Қаххор, Олтин юлдуз;* 2) *кўчма* нима қиларини билмай гангиб қолди, гангиди. *Уста хийлагачча тили сўзга келмасдан, гаранг бўлиб қолди. О. Ёқубов, Ларза. Гаранг қилди гангиди, ганг қилди, бошни қотирди.*

**ГАРАНГЛАМОҚ** *айн.* гарангланмоқ. **ГАРАНГЛАНМОҚ** *кам қўл.* Гаранг бўлмоқ. *Бектемир гарангланиб, ғайри шурий равишда, ўзини кечаги ёлғир суви йиғилган катта кўлобга отди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

**ГАРАНГЛАТМОҚ** гарангламоқ *фл. орт. н.* [Йўлчи] серсоқол, дов аскар билан олишиб, икки мушт билан уни гаранглади-да, чапдастик билан қилишни суғуриб олди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ГАРАНГСИМОҚ** Нима қиларини билмай эсанкираб, довдираб қолмоқ; гаранг бўлмоқ. *Мутал хануз эшикда гарангсизб ўтирган чолнинг ёнидан ўтиб, ташқарига чиқди. О. Ёқубов, Ларза.*

**ГАРАНГСИРАМОҚ** *айн.* гарангсимоқ. *Тураҳон гарангсизаб қаради: Ҳожи хола кулиб бош тебратди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

**ГАРАНТИЯ** [р<фр] Кафолат, кафилик. *Гарантия муддати. Гарантия ремонтни. Гарантия билан сотмоқ.* | Бирор ишнинг бажарилишини, амалга ошувини таъминловчи шарт-шароит; гаров. *Гарантия бермоқ. — Реставрациядан амин бўлиш учун бирдан-бир гарантия — Ғарбда социалистик ўзгартиш бўлишидир: сўзнинг ҳақиқий ва том маъноси билан айтганда, бошқа ҳеч қандай гарантиянинг бўлиши ҳам мумкин эмас. В. И. Ленин, РСДРПнинг бирлаштирувчи съезди.*

**ГАРАНТИЯЛАМОҚ** Гарантия бермоқ, кафилигини ўз устига олмоқ; ишонтирмоқ. | Бажарилишини, амалга ошувини таъмин этмоқ; ҳимоя қилмоқ, сақламоқ. *Социализм меҳнаткашларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берди ва уларни гарантиялади.*

**ГАРАНТИЯЛАНМОҚ** гарантияламоқ *фл. мажх. н.*

**ГАРАНТИЯЛИ** Гарантияланган, ишончли. *Гарантияли таъминот. Гарантияли страхование. Гарантияли шартнома.*

**ГАР-ГАР** *тақл. с.:* гар-гар кекирмоқ 1) *ха деб кекиравермоқ;* 2) *кўчма нафр.* бойлигидан, тўқлигидан керилиб, гердаиб юрмоқ. *Мол-дунё зўрлигидан гар-гар кекириб юрган Инъомжон жиноят устида қўлга тушиб, ҳибсга олинди. «Муштум», 1963, № 16.*

**ГАРД** [ф-т] 1 Чанг, тўзон; зарра. *Кўмир гарди. — Дўғлар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради. А. Қодирий, Обид кетмон. У йўлни жуда танлаб юради, шунча йўл босиб, почасининг жиягига ҳам гард юққан эмас. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

2 *кўчма* Доғ, нуқсон, ғубор. *Номига гард юкмаган одам.*

3 *кўчма* Зарра, асар.— *Вақтида илм гардидан баҳраманд бўла олмадим, аммо унинг не улуг куч эканини чизи пайқайман,— деди раис. Ойбек, О. в. шабадалар. Қўшиқчи англаб шу чоғ Темирохун дардини, Чехрасига ўрнашган Қайғу, кулфат гардини. Ғайратий.*

**ГАРДАН** [ф-т] Бўйиннинг орқа қисми. *Полвон ўрнидан турди, нима қилишни билмай, гоҳ пешанасини уқалар, гоҳ гарданини қашир эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Соцлари чаккаси*

*ва гарданигача тушган, елкасига фотоаппарат илган ёшгина новча сариқ йигитча ҳаммага бир-бир жиламайиб турарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

◆ **Гарданига олмоқ** 1) ўз устига олмоқ, зиммасига олмоқ. *Ишнинг оғирини ўз гарданига оламан: пули, озиқ-овқат, асбоб-ускунаси, улови менадан; меҳнат халқдан. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.;* 2) иқрор бўлмоқ, тан олмоқ, бўйнига олмоқ. **Гарданига юкламоқ** (*ёки кўймоқ*) зиммасига юкламоқ, топширмоқ. *Директор бу ишни унинг гарданига юкледи. Пахтачиликдаги энг оғир ишлар машиналар гарданига юкланди. Гарданида бўйнида, зиммасида. Дадамнинг гарданида қарзи бор экан.. касали оғирлашгандан кейин, ташвишга туша бошлади. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ГАРДАНКАШ** [ф-т] Қайсар, ўжар. **ГАРД-ГАРД:** гард-гард қилмоқ майда-майда қилмоқ, чилпарчин қилмоқ, яқсон-талқон қилмоқ, тор-мор келтирмоқ. *Аскар ўраб олди ўннадану сўдан, Қочар пайт икковин қилдилар гард-гард! Миртемир.*

**ГАРДДАЙ** Жуда оз, оз миқдорда; озгина, жиндай; нюхотда кичик; майда. *Гарддай дори. Юраида гардай чўғ йўқ.*

**ГАРДЕРОБ** [р<фр] 1 Қийим-кечак қўйиладиган шкаф; қийим жавони. *Қийимни гардероба илмоқ.*

2 Жамоат биноларига кираверишда уст кийимлар сақлаш учун ажратилган махсус хона, жой. *Қийимларни гардеробага топширмоқ.*

**ГАРДЕРОБХОНА** [р+ф-т] *айн.* гардероб 2.

**ГАРДЕРОБЧИ** Гардеробда ишловчи киши (қ. гардероб 2).

**ГАРДИН** Доира шаклидаги, доира. *Махсум ясастиглиқ гардин патнис кўтариб кирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ГАРДИШ** [ф-т] 1 Чамбар, чамбарак. *Чилдирманинг гардиши. — Рағно.. дўпписини қозикқа олиб, гардиши кенг кигиз қалпоғини олиб, устунга ура-ура чангини қоқди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Доира шаклидаги нарса; доира, диск. *Ойнинг гардиши. Кўёшнинг гардиши. — Ҳа, ой атрофида гардиш ясади: эртага ҳаво яхши бўлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

◆ **Фалакнинг гардиши** дунёнинг ўзгартишлари; тақдир, қисмат, пешана; кўрғилик. *Айб бизда эмас, фалакнинг гардиши экан. Ҳамза, Паранжи сирлари. Фалакнинг гардиши билан лўли қиз подшога кўнғил берибди. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда.*

**ГАРДКАМ** *унд. с.* 1 Қимор ўйинида ошиқ ташлашда айтнладиган хитоб. *Тавба! Эшон «гардкам» деб ошиқ отадими-а? Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *с. т.* Нима бўлса бўлар, таваккал. [Абдулазиз] қўлини кўкрағига урди. *Бизнинг иш гардкам! Ё у ёлғик, ё бу ёлғик. С. Анорбоев, Оқсой.*



**ГАРДУН** [ф-т] эск. кт. I Осмон гум-базн. [Навоий:] *Йиқил устимга, эй гардун, йиқил тез! Йиқил, бошимни янч! Гавдамни бос, эз! Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

2 *Кўча* Дунёнинг ўзгаришлари; тақдир, қисмат, пешана; кўргилик.

**ГАРД-ЧАНГ** Кўп миқдордаги гард ва чанг. *Унинг сариқ туқли кенг юзи пахта гарди-чанги билан қопланган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГАРД-ҚУРУМ** Кўп миқдордаги гард ва қурум. *Гард-қурумга беланиб, бедор, .. Кўмирларни қулатар ахлит! Ё. Мирза.*

**ГАРД-ҒУБОР** Кўп миқдордаги гард ва ғубор. *Йўлнинг гарди-ғубори қоқилмаган наматдек қилиб юборган бу башара кўзимга иссиқ-иссиқ кўринди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ГАРМДОРИ** [ф-т] Кўзоқли бир йиллик сабзавот ўсимлиги. *Гармдори кўчати.* Шу ўсимликнинг ҳосили (аччиқ навлари иштаха очиш учун овқатга солинади, чучук навлари сабзавот сифатида ишлатилади). *Янчилган гармдори. Болгар гармдориси.* || *Гармдори дўлма.*

**ГАРМИЁН** [ф-т] Узум тури ва шу узумдан солинган майиз.

**ГАРМОНИК** [р гармонический] I Гармония талабларига мос; оҳангдош, ҳамоҳанг, уйғун. *Гармоник товушлар.*

2 Узаро мувофиқлашган, мувофиқ, мутаносиб, уйғун. *Совет мактаби кишининг ҳар томонлама ва гармоник ривожланишида жуда муҳим роль ўйнайди.*

**ГАРМОНИЯ** [р <грек] I Оҳангдошлик, уйғунлик; оҳанг.

2 Узаро мослик, мувофиқлик, мутаносиблик.

3 Музика назариясининг овозларнинг узаро оҳангдошлиги ва тузилиши ҳақидаги бўлими.

**ГАРМОНИЯЛИ** Гармонияга эга бўлган; гармоник. *Гармонияли оҳанг.*

**ГАРМОНЧИ** Гармоник чалувчи. *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, йўл айна дили-сулига келганда, майдон гумбуллаб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ГАРМОНЬ** [р] Икки ёни буклама, клавиатурали музика асбоби. *Қаёқлардадир зармонь чалинади. Рус халқининг дилрабо ашуласи янграб туради.*

Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ГАРМСАР** [ф-т] с. т. Гармсел.

**ГАРМСЕЛ** [ф-т] Ўсимликлар учун зарарли, иссиқ ёқимсиз шамол. *Бу ерда кўпгина азаматлар янги кўчатлар ўтқазиб, саҳродан келадиган қум ва гармсел йўлини тўсардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ГАРНИЗОН** [р <фр] Аҳоли яшайдиган жой, истехком ёки қалъада доимий ёки вақтинча турадиган ҳарбий қисмлар жамғуру. *Бу яйловга ҳар йили Тбилиси гарнизонининг ҳарбий қисмлари кўчиб чиқади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ГАРНИР** [р <фр] Гўшт ёки балиқ ов-

қатга қўшиб бериладиган, одатда сабзавот, макарон, ёрма ва ш. к.дан алоҳида тайёрланадиган қайла. *Гарнир тайёрламоқ.*

**ГАРНИТҮР** [р <нем] Маълум мақсад учун белгиланган нарсалар комплекти. *Ётоқ гарнитури. Ич кийимлар гарнитури.*

**ГАРОВ** [ф-т] I Олинган қарз эвазига ёки мажбуриятнинг, ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдирилган омонат нарса.— *Хўп, мен гаровга пул бериб кетай,— деди Йўлчи Қора Аҳмадга.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Мен оғайнилари кўзларим устида тутаман, уларнинг муҳтожлик чоғларида кўрсам, ўзимни гаров қўйиб бўлса ҳам, эҳтиёждан чиқаришга тиришаман.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Бу ердан энг камида эллик тонна сабзавот олишга бошим гаров бўлсин!* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Бажарилишини, амалга ошувини таъминловчи нарса, иш-ҳаракат ва ш. к.; гарантия. *Қузги шудгор — мўл ҳосил гарови. Соғлиқ — умр гарови.* .. ишчиларнинг мустаҳкам иттифоқи — бутун меҳнаткаш ва мазлум инсониятнинг фаровонлиги ва бахт-саодати учун бирдан-бир гаровдир. В. И. Ленин, Биринчи май.

◆ **Гаров ўйнамоқ** (ёки боғлашмоқ) бас боғлашмоқ. *Мерганлигимга ишонмайсизми? Ундай бўлса гаров боғлашамиз.* С. Аҳмад, Қадрдон далаалар.

**ГАРОВХОНА** [ф-т] Аҳолидан нарсаларни гаровга олиб, қарз берадиган жой, муассаса; ломбард (СССРда бу муассасалар аҳолининг молини сақлаш учун ҳам хизмат қилади).

**ГАРТТАК** с. т. Гарддай. *Гарттак туз.*

**ГАРЧАНД** [ф-т] эск. айн. гарчи. *Меҳнатлар гарчанд оғир, аммо дилда иштиёқ.* Ғ. Фулом.

**ГАРЧИ** тўсиқсиз боғл. Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилишига тўсиқ бўлолмаслигини ифодалайди. *Гарчи дўст кўрсангиз ҳам баъзи нолайиқ ҳаракатларингиз бизни шубҳага солди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Меҳмонлар, гарчи бундай вақтда кишига ҳеч қандай сўз тасалли бера олмаслигини билишга ҳам, кампирга тасалли берган бўлиб қўзғалишди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**ГАСТРАЙТ** [р <лат] мед. Ошқозон шиллиқ пардасининг яллиғланиш касаллиги.

**ГАСТРОЛЁР** [р] Гастролдаги артист ёки артистка.

**ГАСТРОЛЬ** [р <нем] Театр, ансамбль ёки артистлар группасининг ёки бирор артистнинг бошқа шахарда, мамлакатда спектакль, концерт билан чиқиши. *«Баҳор» ансамблининг гастролли. Гастролга бормоқ. Гастролга келмоқ.*

**ГАСТРОНОМ** [р <фр] I Озиқ-овқат шинавандаси.

2 с. т. Озиқ-овқат моллари магазинининг номи.

**ГАСТРОНОМИЯ** [р] I Пазандалик санъати; шинавандалик.

2 Озиқ-овқат молларининг умумий номи. *Балиқ гастрономияси.*

**ГАУБИЦА** [р <нем] ҳарб. Пана ордасидаги душманга отиш учун ишлатиладиган қисқа стволли тўп.

**ГАУПТВАХТА** [р <нем] Қамоққа ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой, хона. *Гуноҳкор «энди гауптвахтага кетдим» деб турганида, бирдан дардан сўраб қолар, сал тутилса «интизом бузадиган кучни маъна бунга ишлатиш керак» дер эди лейтенант.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ГАШТ** [ф-т] Бирор иш, табиат манзараси, сайр-томоша, давр-даврон ва ш. к.дан олинган эстетик завқ; наъша, наъшу намо. *Гашт қилмоқ. Гаштини сурмоқ.* — *Баъзида.. дала шийпонида ётиб қолардим. Бундай ухлашнинг ўзига яраша гашти бўлади.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Ганижон гашт қилиб, отнинг оёқ ташлаши ва сувлуқнинг шиқиллаши мақомига ашула айтиб борар эди.* А. Қаҳҳор, Кровать. *Азизни сўрсангиз.. каникулнинг гаштини сурди роса.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**ГАШТАК** [ф-т] айн. гап II.

**ГАШТЛИ** Киши гашт қиладиган, кишига ҳузур бағишлайдиган, наъшали. *Бу оқшом Низомиддиновнинг назарида шу пайтгача кўрган оқшомлари ичиди энг ўзгали, энг гаштлиси эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.— *Меҳрингиз тушиб қолган бўлса, ҳар қайси иш ҳам гаштли бўлади,— деди чўпон Аҳмадга мулоимгина қилиб.* Ф. Мусажонов, Меҳмонда.

**ГАҲ** унд. с. Қўлга ўргатилган қушларни қақирғиш учун ишлатилади.

◆ **Гаҳ деса** (ёки деганда) қўлга кўнадиган қилиб олмоқ бировни ўзига бўйсундириб, сўзини икки қилмайдиган, измидан чиқмайдиган қилиб олмоқ. *Ўзи ўғлим ношуд. Хотинини гаҳ деганда қўлга кўнадиган қилиб олмадим, бундай эркакдан оғилхонадаги бузоқ яхши,— деди кампир.* С. Аҳмад, Ҳасрат.

**ГАҲГАҲЛАМОҚ** «Гаҳ, гаҳ» деб қақирмоқ (қўлга ўргатилган қушни).

**ГАҲИ** [ф-т] эск. поэт. айн. гоҳо.

**ГВАРДИЯ** [р <фр] Илгариги вақтларда: монарх, подшо, лашкарбони ва ш. к.нинг шахсий соқчилари. | Кейинчалик қўшиннинг сараланган, чиниққан қисми. *Еш гвардия ёшларнинг ижтимоий ҳаётда хизматига кўра энг актив қисми ҳақида. Кекса гвардия бирор соҳада алоҳида иш кўрсатган, сигналган арбоблар.*

◆ **Кўзил гвардия** 1917—1918 йилларда большевиктик партия томонидан ташкил этилган жанговар ишчилар отряди. *«Кўзил гвардия» деган сўз пайдо бўлди. Элмурод бунӣ катта-кичикнинг оғзидан эшитар, лекин нималигини билмасди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Оқ гвардия** 1918—1920 йилларда граждан-

лар уруши давридаги аксилнқилобий қўшинларнинг умумий номи.

**ГВАРДИЯЧИ** *[р <арб.]* Гвардияга оид, гвардияга мансуб бўлган; гвардияда хизмат қилган; гвардия номини олган. *Гвардиячи қисм. Гвардиячи капитан.* — *Иккала хатга ҳам тезда жавоб келабермади. Бу орада катта жанглар бўлиб, Мирзаевнинг қисми гвардиячи қисм, ўзи гвардиячи сержант бўлди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

2 *қўйма* Бирор соҳада алоҳида иш кўрсатган киши, ўз ишига содиқ курашчи. *Меҳнат гвардиячилари.* — *Биз катталар ҳам гвардиячилардек ишлаймиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ГЕГЕМОН** *[р <грек.]* Бошқаларга йўл кўрсатиб, етакчилик қилиб борувчи раҳбар куч. *Пролетариат — революция гегемони.*

**ГЕГЕМОНИЯ** *[р <грек.]* Раҳбарлик, куч-қудрат ёки таъсир жиҳатидан устунлик; ҳокимлик. *„большевистик социал-демократия гегемониси бўлсагина революция энга олади.* В. И. Ленин, Иккинчи дума ва революциянинг иккинчи тўлқини.

**ГЕГЕМОНИК** *айн. гегемония.*  
**ГЕЗ** *диал. Кез. Сабр айла қиз, сабр дилнинг нақшидир Сен зориқиб кутган шонли гез келар.* Уйғун.

**ГЕЗАРМОҚ** Бирор ташқи таъсирдан ранги ўчиб оқариб кетмоқ, бўзармоқ. *Бобохўжа домла, бу гал синфга турқи бузилиб, гезариб кирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эсан салқин шамолдан қўллар унча қовушмай, лаблар гезариб титрайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ГЕКТАР** *[р <грек+лат]* Метрик системада: 10 000 квадрат метрга тенг сатх ўлчов бирлиги.

**ГЕКТГРАФ** *[р <грек]* Машинкада ёки қўлда ёзилган текстни, иллюстрацияни оз нуҳада кўпайтирадиган сода асбоб. *Гектографда босмоқ.*

**ГЕКТОГРАФИК** *[р гектографический]* Гектографга оид; гектографда босилган. *Гектографик сиёҳ. Гектографик нусха.*

**ГЕЛИЙ** *[р <грек]* Химиявий элемент, рангсиз ва ҳидсиз жуда енгил газ.

**ГЕЛИОТЭХНИКА** *[р <грек]* Техниканинг санаот ва маиший эҳтиёжлар учун қуёш энергиясидан фойдаланиш йўллариини ўрганувчи тармоғи.

**ГЕЛЛАМОҚ** *диал. Лақиллатмоқ, алдамоқ.*

**ГЕМОГЛОБИН** *[р <грек+лат]* Қизил қон таначалари таркибида бўладиган ва қонга қизил ранг берадиган ҳамда бутун организмни кислород билан таъмин этиб туриш учун хизмат қиладиган модда.

**ГЕНЕАЛОГИК** *[р генеалогический]* Генеалогияга, келиб чиқишга оид. *Тилларнинг генеалогик классификацияси.*

**ГЕНЕАЛОГИЯ** *[р <грек]* 1 Насл-насаб тарихи, шажара. | Тарих фанининг насл-насаб тарихини ўрганган ёрдамчи бўлими.

2 Хайвонлар ёки ўсимлик турларининг келиб чиқиши.

**ГЕНЕЗИС** *[р <грек]* Келиб чиқиш, пайдо бўлиш тарихи. *Амфибиялар генезиси.*

**ГЕНЕРАЛ** I *[р <лат]* Олий қўмондонлик ва бошлиқ составига бериладиган ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Армия генерали.*

**ГЕНЕРАЛ** II *[р генеральный]* 1 Бош, асосий, етакчи. *Партиянинг генерал йўли. Генерал секретарь.*

2 Умумий, асосий. *Қайта қурилишнинг генерал плани.*

◆ **Генерал репетиция** спектакль ёки концерт олдидан ўтказиладиган энг сўнгги репетиция. **Генерал штаб** ҳарбий бошқарувнинг марказий органи.

**ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР** *[р <лат]* Революциягача Россияда бир неча губерния ёки вилоятларни ўз ичига олган маъмурий-территориал бўлинманинг энг олий ҳарбий-маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган ҳокими. [Ҳоким.] *Менда ихтиёр йўқ, фақат генерал-губернатордан рухсат бўлса бас.* М. Исмоилов, Фарғона т. о.

**ГЕНЕРАЛИССИМУС** *[р <лат]* Энг олий ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**ГЕНЕРАЛИТЭТ** *[р]* Армиянинг олий қўмондонлик состави; генераллар.

**ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ** *[р]* СССР Куролли кучларида генерал-майордан юқори, иккинчи даража генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**ГЕНЕРАЛЛИК** генерал с. *мавҳ. от. Генераллик унвони.*

**ГЕНЕРАЛ-МАЙОР** *[р]* СССР Куролли кучларида энг қуйи генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК** *[р]* СССР Куролли кучларида генерал-лейтенантдан юқори, учинчи даража генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**ГЕНЕРАТОР** *[р <лат]* *тех.* 1 Механик энергияни электр энергиясига айлантирадиган машина.

2 Бирор нарса ишлаб чиқарадиган турли асбобларнинг умумий номи. *Ацетилен генератори.*

3 *айн. газогенератор.*

**ГЕНЕТИК** *[р]* Генетика мутахассиси. **ГЕНЕТИК** *[р генетический]* 1 Генезисга оид; бирор нарсанинг келиб чиқиши ва тараққиёт процессига оид. *Генетик алоқа.*

2 Генетикага оид. *Генетик проблемалар.*

**ГЕНЕТИКА** *[р <грек]* Биологиянинг ирсият ва организмларнинг ўзгаришчанлигини ўрганадиган бўлими. *Ўсимликлар генетикаси. Генетика лабораторияси.*

**ГЕНИАЛ** *[р гениальный]* 1 Мислсиз истеъодли, заковатли. *Гениал шоир.*

2 Доҳиёна, баркамол. *Гениал асар.*

**ГЕНИАЛЛИК** гениал с. *мавҳ. от.*

**ГЕНИЙ** *[р <лат]* 1 Ижодий талантнинг, истеъоднинг энг юксак даражаси, улкан талант; заковат, даҳо.

2 Шундай истеъодга, заковатга эга бўлган киши; доҳий.

**ГЕОБОТАНИКА** *[р <грек]* Ботаниканинг ер шарида ўсимликларнинг географик шароитларга, иқлими, тупроғи ва ш. к.га қараб қандай тарқалганлигини ўрганадиган бўлими.

**ГЕОГРАФ** *[р]* География олими, мутахассиси.

**ГЕОГРАФИК** *[р географический]* Географияга оид. *Географик атлас. Географик ном.*

**ГЕОГРАФИЯ** *[р <грек]* 1 Ер шарни ва унинг сатҳини, иқлимини, ер юзида аҳоли ва моддий ресурсларнинг жойланишини, турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш шароити ва ишлаб чиқаришнинг тараққиёти хусусиятларини ўрганувчи фанлар мажмуи. *Табиий география. Иқтисодий география.*

2 Ер юзида ёки унинг маълум қисмида бирор нарсанинг тарқалиши, тақсимланиши. *Тупроқ географияси. Хайвонот географияси.*

**ГЕОДЕЗИК** *[р геодезический]* Геодезияга оид. *Геодезик чизиқ.*

**ГЕОДЕЗИСТ** *[р]* Геодезия мутахассиси.

**ГЕОДЕЗИЯ** *[р <грек]* Ернинг шакл ва ўлчамини ўрганадиган ҳамда ер сатҳини план ва карталарда акс эттириш учун ўлчаш билан шуғулланадиган фан.

**ГЕОЛОГ** *[р]* Геология мутахассиси.

**ГЕОЛОГИК** *[р геологический]* Геологияга оид. *Геологик карта. Геологик қидириш. Геологик процесс.*

**ГЕОЛОГИЯ** *[р <грек]* Ер қобиғининг тузилиши, состави ва тарихини, Ерда органик ҳаётнинг пайдо бўлишини ўрганадиган ҳамда фойдали қазилмаларни қидириш ишлари билан шуғулланадиган фан.

**ГЕОМЕТРИК** *[р геометрический]* Геометрияга оид. *Геометрик шакл. Геометрик аксиома.*

**ГЕОМЕТРИЯ** *[р <грек]* Математиканинг фазовий шакллар ва улардаги муносабатларни ўрганадиган бўлими.

**ГЕОФИЗИК** *[р]* Геофизика мутахассиси.

**ГЕОФИЗИК** *[р геофизический]* Геофизикага оид. *Геофизик тадқиқотлар.*

**ГЕОФИЗИКА** *[р <грек]* Ернинг физик хусусиятларини ва унда содир бўладиган физик процессларни ўрганадиган фанлар мажмуи.

**ГЕОХИМИК** *[р]* Геохимия мутахассиси.

**ГЕОХИМИК** *[р геохимический]* Геохимияга оид. *Геохимик тадқиқотлар.*

**ГЕОХИМИЯ** *[р <грек+а]* Ернинг химиявий составини, химиявий элементларнинг ер юзида тарқалиши, тақсимланиши ва уларнинг бир ерда биригаликда учраши қонунларини ўрганадиган фан.

**ГЕРБ** [*p* < *поляк*] Давлат, шаҳар, табақа, уруғ ва ш.к.нинг байроқ, пул, печать ва ш.к.га тушириладиган ўз белгиси. *ЎзССРнинг давлат герби.*

**ГЕРБАРИЙ** [*p* < *лат*] Қуритилган ўсимликлар коллекцияси. *Доривор ўсимликлар гербарийси. Гербарий тузмок.*

**ГЕРБИЦИД** [*p* < *лат*] қ. гербицидлар. **ГЕРБИЦИДЛАР** Қишлоқ хўжалигида бегона ўтларни йўқотиш учун қўлланиладиган химиявий моддалар.

**ГЕРДАЙШМОҚ** гердаймоқ *фл. бирг. н.*

**ГЕРДАЙМОҚ** 1 Виқор билан кўкракни кериб, қаддини ростлаб кеккайиб юрмоқ. *Барот полвон девдай гердайиб турган мингобошининг ёнига борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бойвачча кўчада, халқ орасида қандай бўлса, уй ичида ҳам шундай гердайиб, зуғумли эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 *кўчма салб.* Ортиқ даражада мағрурланмоқ, манманлик қилмоқ, керилмоқ. [У] *«Иллим балан, инженерман», деб гердаймас экан, қора шидан сира ҳам ҳазар қилмас экан. Ойбек, О. в. шабадалар.*

3 *кўчма* Қад кўтариб турмоқ, рўй-рост турмоқ. *Сирдарёнинг ўнг қирғида.. тиккайган дарахт кўринмайди. Елғиз Фарҳод тоғиғина гердайиб турибди. Ойдин, Фарходлар. Катта-кичик дарахтларнинг ерга ташланган қўланкалари, гердайиб кўчка узайган ҳайбатли қайрағочлар сирли, ваҳимали кўринди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**GERMAN** қ. германлар

**GERMANIZM** лингв. Немис тилидан ўзлаштирилган сўз ва иборалар.

**GERMANIY** [*p*] Химиявий элемент, радиотехникада ишлатиладиган кўкиш оқ металл.

**GERMANIST** [*p*] Германистика мутахассиси.

**GERMANISTIKA** [*p*] Герман тиллари, адабиёти ва маданиятини ўрганадиган илмлар мажмуи; герман филологияси.

**GERMANLAR** 1 Марказий, ғарбий ва жануби-ғарбий Европада яшаган қадимий қабилаларнинг умумий номи.

2 *айн. немислар.*

**GERMETIK** [*p* герметический] Зич беркитиладиган, ҳаво ёки суюқликни мутлақо ўтказмайдиган. *Герметик идиш.*

**GERЦ** [*p* < *нем*] физ. Тебраниш частотасининг ўлчов бирлиги.

**GERЦОГ** [*p* < *нем*] Ғарбий Европада юқори табақа дворянларга, князларга бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**ГЕСТАПО** [*p* < *нем*] Гитлерчилар Германиясида: антифашистларга нисбатан қонли кураш йўлини тутган яширин давлат полицияси.

**ГЕСТАПОЧИ** Гестапода хизмат қилган фашист.

**ГЕТМАН** [*p* < *поляк*] 1 16—17 асрларда Украинада: казак қўшинлари-

нинг сайлаб қўйиладиган бошлиғи; 16—18 асрларда: Украина ҳоқими.

2 16—18 асрларда Польша — Литва давлат ҳарбий кучларининг бош қўмондони.

**ГИБРИД** [*p* < *лат*] Гибридизация натижасида ҳосил қилинган янги ўсимлик ёки ҳайвон. || *Гибрид уруғ. Гибрид қўй.*

**ГИБРИДИЗАЦИЯ** [*p*] Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг янги нав-жинсларини етиштириш мақсадида уларнинг турли нав ёки жинсларини ўзаро чатиштириш; гибридлаш.

**ГИБРИДЛАМОҚ** Гибридизация йўли билан янги нав етиштирмоқ; дурагайламоқ.

**ГИБРИДЛАШ** гибридламоқ *фл. иш оти.*

**ГИГАНТ** [*p* < *грек*] 1 *сфт* Жуда катта, улкан, буюк. *Гигант қурилиш. Гигант қадамлар.*

2 *от, кўчма* Ўз иши, ажойиб хислатлари билан бирор соҳада салмоқли ўрин эгаллаган шахс, буюк сиймо. *А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой — рус классик адабиётининг гигантларидир.*

**ГИГИЕНА** [*p* < *грек*] Медицинанинг инсон организмга ташқи муҳитнинг турли факторлари таъсирини ўрганадиган ва шу асосда соғлиқни сақлаш чоралари ва қондаларини ишлаб чиқадиган бўлими. *Меҳнат гигиенаси. Гигиена қондалари.*

**ГИГИЕНИК** 1 [*p* гигиенический] Гигиенага оид; гигиена қондаларига асосланган. *Гигиеник қондалар.*

2 [*p* гигиеничный] Гигиена талабларига жавоб берадиган. *Гигиеник кийим.*

**ГИГРОМЕТР** [*p* < *грек*] Ҳаво намлигини ўлчайдиган асбоб.

**ГИГРОСКОП** [*p* гигроскопический ва гигроскопичный] Намни тез ўзига тортиб оладиган, намга ўч. *Гигроскопик пахта.*

**ГИД** [*p* < *фр*] Туристларга шаҳарнинг хушманзара, диққатга сазовор жойларини кўрсатиб, тушунтириб олиб юрувчи шахс.

**ГИДИР** 1 Юракдаги кир, шубҳа ёки ёмон ният. *Кўнглида гидири йўқ одам.*

**ГИДИР** 2 *с. т.* Гидростанция. [*Ражаб бобо:*] *Гидир қураётганимизни айтдим, бечора бирам севинди. С. Ахмад, Қадрдон даладар.*

**ГИДРАВЛИК** [*p* гидравлический] 1 Гидравликага оид. *Гидравлик текшириш.*

2 Суюқлик босими таъсирида ишладиган. *Гидравлик пресс.*

**ГИДРАВЛИКА** [*p* < *грек*] Суюқликларнинг мувозанати ва ҳаракати қонунларини ўрганадиган ҳамда уларни амалий татбиқ этиш йўллари аниқлаш билан шугўлланувчи фан.

**ГИДРОАКУСТИКА** [*p*] Акустиканинг товушнинг сувда тарқалишини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОБИОЛОГИЯ** [*p*] Биологиянинг сувда яшовчи организмлар ҳаётини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОГЕНЕРАТОР** [*p*] Сув турбина-

си орқали ҳаракатга келиб, сувнинг ҳаракат энергиясини электр энергиясига айлантирадиган генератор.

**ГИДРОГЕОЛОГИК** [*p* гидрогеологический] Гидрогеологияга оид. *Гидрогеологик тадқиқот.*

**ГИДРОЛОГИЯ** [*p*] Геологиянинг ер ости сувларининг пайдо бўлиши, оқиши ва бошқа хусусиятларини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОДИНАМИК** [*p* гидродинамический] Гидродинамикага оид. *Гидродинамик текширишлар.*

**ГИДРОДИНАМИКА** [*p*] Гидромеханиканинг суюқликлар ва газлар ҳаракатини ҳамда уларнинг нисбий ҳаракатида учраган бошқа жисмлар билан ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОИНСОТ** [*p*+*a*] *айн.* гидро-техник инсоот қ. гидротехник.

**ГИДРОЛИЗ** [*p* < *грек*] хим. Мураккаб моддаларнинг сув таъсири билан таркибий қисмларга ажралиши. *Гидролиз процесси. Гидролиз sanoати.*

**ГИДРОЛОГ** [*p*] Гидрология мутахассиси.

**ГИДРОЛОГИК** [*p* гидрологический] Гидрологияга оид. *Гидрологик карта.*

**ГИДРОЛОГИЯ** [*p* < *грек*] Ер юзидаги сувларни ва табиатда сувнинг айланишини (буғланшини, қайта сувга айланишини, сингишини) ўрганадиган фан.

**ГИДРОМЕХАНИКА** [*p*] Механиканинг суюқликлар ва газларнинг мувозанати, ҳаракатини ва уларнинг нисбий ҳаракатда учраган бошқа жисмлар билан ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОПОНИКА** [*p* < *грек*] қ. х. Ўсимликларни тупроқсиз озуқа эритмаси ёрдамида ўстиришдан иборат агротехника усули.

**ГИДРОСТАНЦИЯ** [*p*] *айн.* гидро-электростанция. *Гидростанция энди кўёшда ўзининг азамат гавдасини ва ойна кўзларини чаққатар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ГИДРОСТАТИК** [*p* гидростатический] Гидростатикага оид. *Гидростатик босим.*

**ГИДРОСТАТИКА** [*p*] Гидромеханиканинг суюқликлар ва уларга ботрилган жисмлар мувозанатини ўрганадиган қисми.

**ГИДРОСФЕРА** [*p*] Ер шарининг сув қатлами, Ер юзидаги сувларнинг (океан, денгиз, кўл, дарё сувларининг) жами.

**ГИДРОТЕХНИК** [*p*] Гидротехника мутахассиси.

**ГИДРОТЕХНИК** [*p* гидротехнический] Гидротехникага оид. *Гидротехник иншоотлар* табиий ва сунъий сув оқимларидан фойдаланиб қурилган иншоотлар системаси (каналлар, тўғонлар, гидроэлектростанциялар, суғориш иншоотлари ва ш. к.).

**ГИДРОТЕХНИКА** [*p*] Сувдан ва сув энергиясидан фойдаланиш, ҳамда гидроиншоотлар қуриш йўли билан сув

тошқини ва бошқа офатларга қарши кураш чоралари ҳақидаги фан; техниканинг шундай қурилишлар билан шуғулланадиган бўлими.

**ГИДРОТУРБИНА** [р] Сув оқими энергиясидан ҳаракатга келадиган двигателъ.

**ГИДРОУЗЕЛ** [р] Бир қанча гидро-техник иншоотлар (канал, тўғон, гидростанция ва ш. к.) комплекси.

**ГИДРОХИМИЯ** [р] Гидросферани ташкил қилувчи сувларнинг химиявий таркиби ва уларни текшириш методлари ҳақидаги фан.

**ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ** [р] Сув энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган электростанция.

**ГИДРОЭНЕРГЕТИК** [р гидроэнергетический] Сув энергиясига оид. *Гидроэнергетик ресурслар.*

**ГИДРОЭНЕРГЕТИКА** [р] Фан ва техниканинг сув энергиясидан фойдаланиш, хусусан ундан электр энергияси ҳосил қилиш билан шуғулланадиган бўлими.

**ГИЁ** қ. гиё(х).

**ГИЁВАНД** қ. гиё(х)ванд.

**ГИЁВОН** с. т. Гиёвонд.

**ГИЁСИЗ** қ. гиё(х)сиз.

**ГИЁ(Х)** [ф-т] 1 айн. ўт II. *Доривор гиёҳлар.* — Бир вақтлар ажриқдан бошқа гиёҳ ўлмаган бу ерларнинг пахталарини энди кўрсангиз, ҳайрон қоласиз. Туйғун, Бригадир.

2 Баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланадиган наркотик воситалар (наша, қорадори, кўкнор ва ш. к.). *Зиндон бошлиғи гиёҳ еб пинакка кетгандай, шам ёнида мудраб ўтирарди.* Ойбек, Навоий.

**ГИЁ(Х)ВАНД** [ф-т] *Наша, қорадори, кўкнор ва ш. к. наркотикларни истеъмол қилишга одатланган одам; банги, нашаванд, кўкнори. Урушининг совуқ таъсири кўкнорихонага — таъяга ҳам кириб келди: гиёҳвандлар ҳам сиёсатдан гапиршадиган бўлиб қолган эдилар.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ГИЁ(Х)СИЗ** Ўт, ўсимлик ўсмаган ёки ўсмайдиган; гиёҳи йўқ; тақир. *Гиёҳсиз чўллар.*

**ГИЖБАНГ** тақл. с. Чилдирмаларнинг баралла янграган овози ҳақида. *Ичкаридаги ўйин-қўли, қийқириқ, чилдирманинг гижбанги [Алижоннинг] юрагини тилдалади.* Мирмуҳсин, Чинқиш.

**ГИЖБАНГЛАТМОҚ** Чилдирманни баралла янграиб чалмоқ. *Роса қизилган чирмандаларни гоҳ-гоҳ гижбанглатиб қўяр эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГИЖГИЖЛАМОҚ** Томонларни бир-бирга қарши оёқлантириб, тезлаб улар орасидаги зиддиятни кучайтирмақ, низои авж олдирмақ; олқишламоқ. *Умурзоқова билан Повадин колхозчиларни айнитиб қонуний правлениега қарши гижгижлади, деб шовқин кўтармиз [деди Султонов].* Ш. Рашидов, Бўрдан кучли.

**ГИЖГИЖЛАТМОҚ** гижгижламоқ

*фл. орт. н. Олахўжа ёни-верига қараб, кўзи тушган ўрта деҳқон ва ҳатто яқкаҳол деҳқонларни ҳам Абдурусулга қарши гижгижлата бошлади.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

**ГИЖДА**, **гижда** **нон** Чети қалин, доира шаклидаги нон. *Дастурхон турли-туман қанд-қурс, мева-чева, анвои мураббо, гижда, чап-чап патир, бўғир-соқлар билан зеб берилган.* А. Қаххор, Қўшчинон.

**ГИЖДАПАЗ** Гижда нон ёпувчи; нонвой. *Толиби илмларнинг солган дастурхонида .. Навбахор гузари гиждапазларининг қаймоқ маза берадиган қизил гиждасидан тўртта қўйилган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ГИЖЖА** зоол. Одам ёки ҳайвон ичига яшайдиган паразитларнинг умумий номи. *Ленгасимон гижжа.*

**ГИЖИНГ** Бўйинни гаж қилиб юрадиган; шўх, ўйноқи (от ҳақида). *Арава йўли ўрмондан бағри кенг доштага чиқди, рессорли енгил бричкага қўйилган гижинге қўй от илдан юра кетди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ГИЖИНГЛАМОҚ** Бўйинни гаж қилиб, ўйноқлаб турмоқ (от ҳақида). *Той унинг [жувоннинг] остида гижинглар, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар эди.* А. Қаххор, Хотинлар.

**ГИЖИНГЛАТМОҚ** гижингламоқ *фл. орт. н. Уч катта кўчанинг кесишган жойидаги гузарда зар ёқа тўн кийиб, бедов отларни гижинглатган беклар турардилар.* Ойбек, Навоий.

**ГИЖМАЛОС** Хушбўй гулли бир нав декоратив ўсимлик.

**ГИЛ** [ф-т] 1 Чинни буюмлар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой; каолин. *Оҳақли гил. Чинни гил.*

2 Умуман лой, тупроқ. *Металлурге узун илақ билан печининг эриган металл қўйиб олинадиган ерига гил шуваб қўйди.*

**ГИЛАМ** [ф-т] 1 Одатда жун, ипақдан тўқилиб, ерга, полга тўшаладиган ёки безак учун уй деворларига осиб қўйиладиган буюм; палос. *Ипақ гилам. Туркман гилами.* — *Ости ғажта пол бўлгани ҳолда полнинг устига қизил гилам ташланган, икки ён деворга ҳам қизил гиламчалар қоқилган эди.* С. Айний, Қуллар.

2 *Кўчма поэт.* Ер бетини тўлдириб қошлаб олган нарса (майса, гул ва ш. к. ҳақида). *Чўпон қўбуз чалиб, молларни ёйди, Барқит гилам ёзган тепа, қирларга. Уйғун. Шамол майсалар орасида лола гиламларини силкийди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГИЛАМБОФ** [ф-т] айн. гиламдўз. **ГИЛАМДЎЗ** [ф-т] Гилам тўқувчи. *Гиламдўз аёл.*

**ГИЛАМДЎЗЛИК** гиламдўз с. касб оти. *Хевада гиламдўзлик азалдан ривож топган.*

**ГИЛВАТА** [ф-т] геол. Юмшоқ, кул ранг тоғ жинси (халқ медицинасида томоқ оғриғи, оғиз елиқиши каби касалликларга қарши дори сифатида ишлатилар эди; хозир медицинада ши-

фобахш лой сифатида, техникада эса деталь қуйиш қолдиқларини тайёрлашда қўлланилмоқда). *Майда савдогарлар, сақич, гилвата сотишарди.* И. Рахим, Ихлос. *Ҳалигица қуёш ёғдусида олмоссимон ялтираб тураган тоғ ён бағрилари тезда гилвата тусига кирди* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГИЛҚОР** [ф-т] Ганч ёки алебастрдан нақш ясовчи мутахассис; ганчкор уста.

**ГИЛМОЯ** [ф-т] айн. гилвата.

**ГИЛОС** 1 Олчага ўхшаш даракт. *Нурининг ҳовлисидаги гилослар гуллаган.* Ойбек, Кутлуг қон.

2 Унинг олчадан кўра йирикроқ ширин меваси. *Сариқ гилос. Қизил гилос.*

**ГИЛОСЗОР** Нуқул гилос экилган, гилос билан ишғол этилган ер, майдон, боғ. *Ҳовлининг уч томони бир уй бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор боғча.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ГИЛЬЗА** [р<нем.] 1 Патрон, снаряд ва ш. к.нинг ичига порох ва ёнғичи модда тўлдириб, оғзига ўқ жойланадиган таги берк цилиндр қисми. *Катта йўлда .. болалар тўқилган ўқ, гильза ва ҳар хил бузилган қурол қисмларини те-риб, ўйнаб юрардилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Папироснинг ичига тамаки тўлдириладиган юпка қоғоз найчаси.

3 *тех.* Найча шаклидаги турли деталларнинг номи.

**ГИМН** [р<грек.] 1 Давлат ёки синф бирлиги символи сифатида қабул қилинган тантанали куй. *Совет Иттифоқи Давлат гимни. «Интернационал» — Коммунистик партиянинг гимни.* — *Баралла янграйди гимнимиз куйи, Ол байроқ ел билан ўйнар ҳиллираб.* Ж. Жабборов.

2 Тантанали мақтов қўшиғи; мадхия; бирор кимса ёки нарса шаънига бағишланган музика асари. *Меҳнат гимни.*

**ГИМНАЗИСТ** [р] Гимназия ўқувчиси.

**ГИМНАЗИСТКА** [р] Гимназияда ўқувчи қиз.

**ГИМНАЗИЯ** [р<грек.] Чор Россиясида ва айрим чет мамлакатларда: ўрта умумий таълим ўқув юрти.

**ГИМНАСТЁРКА** [р] Тик ёки қайтарма ёқали, устидан камар боғланадиган уст кўйлак (ҳарбий форма). *Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб, гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдида борди.* И. Рахим, Чин мухаббат.

**ГИМНАСТИКА** [р<грек.] Организмнинг умумий ривожига ва соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машқлар системаси. *Даволаш гимнастикаси. Гимнастика машқлари.*

**ГИМНАСТИКАЧИ** Гимнастика билан шуғулланувчи киши, гимнастика машқларини мохирлик билан ижро этувчи спортчи.

**ГИНА** [ф-т] 1 Бирор кимсага нисбатан дилда сақланган хафалик, норози-

лик; кек. *Яхшида гина бўлмас*. Мақол. *Гина — адоватнинг қўйниси*. Мақол. — [Хусайн:] *Алишер, эски гиналарни унутинг*. Гулига бўлган муҳаббатингиз туфайли, қадимий дўстлик илларини узманг. Уйғун ва И. Султон, Навоий. [Муҳаббат] менга бўлган дилидаги гинасини сездирмасликка интилса-да, кўз қарашларида истеҳзо учқунларини сезиб турардим. Ҳ. Назир, Муҳаббат. **Гинаси қаттиқ** кўнгилдаги хафаликни сира унутмайдиган, кек сақлайдиган. **Гина қилмоқ** бирор кишига нисбатан дилда хафалик, кек сақламоқ; кўнгилдаги хафаликни изхор этмоқ. *Жаҳлимдан тушганимдан кейин шундай танамга ўйлаб қарасам, бечора ўртоғимдан .. гина қилишининг ҳожати йўқ экан*. А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Раҳбар билан сўз уриштириб чакки қилдингиз, отам, деб тўсатдан гина қилди Ойимхон*. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**2** Шикоят, арз-ҳол. *Аҳолига ماشий хизмат кўрсатиши бошқармаси раҳбарларига айтадиган гиналаримиз бор*. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 12 декабрь. **ГИНА-ГУДРАТ** айн. гина-кудурат. **ГИНА-ГУДУР** айн. гина-кудурат. *Баҳор ақлли қиз, мени хафа қилган эдинг, деб гина-гудур қилиб ўтирмади Пўлатега*. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқинлар.

**ГИНАДОР** айн. гинали. — *Қомиланинг келишини билсам, уйдан бир минут силжиримдим? — деди Зайнаб гинадор товуши билан онасига*. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГИНА-КУДУРАТ** [ф-т+а] Ҳар хил гина ва норозилыклар. Онанинг гина-кудурати саратон ёмғирдек тез ўтиб бўлган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Лутфинисо] .. келинларига қарши хаста кўкрагида йиғилган гина-кудуратни эзмалик билан, бирон сўзини унутмай, .. қизининг олдига тўкди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГИНАЛАМОҚ** кам қўлл. айн. гина қилмоқ қ. гина I. *Уста Олим ўз уйига дўкон қўрган экан, гиналаб юрмасин, деб фотиҳага келган эдим*. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ГИНАЛИ** I Дилида гинаси бор; гина сақловчи; гинадор.

**2** Гина билан тўлиб тошган, гина ифодалайдиган, гина аралаш. *Гинали гап*. || — *Шу вақтгача айтмайсиз-а?* — *Гинали эркаланди Саодатхон*. Н. Сафаров, Саодатнинг киссаси.

**ГИНАОМУЗ** [ф-т] Гина оҳангида бўлган, гина аралаш. *Гинаомуз гап*. || — *Танимадингиз-а, Отабобо ака!* — *гинаомуз Охунова кўз ташлади* Имомов. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ГИНАХОНЛИК** I Гина изхор қилиш, дилда бор гиналарни очиқ-ойдин айтиш, тўкиб-солниш. *Зебо шинелини биласига солиб қириб келди. Она уни кўрди-ю, гинахонликка тўшди*. Шухрат, Шинелли йиллар. [Олаҳўжа] гапни гинахонликдан бошлади: — *Жуда қадимингни тийиб қўйдинг. Қелиб тоғандан, ҳолинг қалай, деб суриштирай*

*ҳам демайсан-а*. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Гинахонлик қилмоқ** гина изхор қилмоқ, дилда сақланган гиналарни очиқ-ойдин айтмоқ, тўкиб солмоқ. *Бундан чиқди, биз ҳам сенга ҳеч ким бўла-мабмиз-да, деб гинахонлик қилди Мусо*. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**2** айн. гина 2. **ГИНАХОРЛИК** с. т. Гинахонлик. **ГИНАЧИ** Бўлар-бўлмасга гина қиларидиган, гина, кек сақлайдиган. *Гиначи одам*.

**ГИНАЧИЛИК** гиначи с. белги оти. *Олимжон хангу-манг бўлиб қолди: раиснинг жисзаки ва гиначилигини энди кўриб тургани эди*. Ҳ. Назир, Қанотлар.

**ГИНЕКОЛОГ** [р] Аёллар касалликларни врач, гинекология мутахассиси.

**ГИНЕКОЛОГИК** [р гинекологический] Гинекологияга оид. *Гинекологик операция*.

**ГИНЕКОЛОГИЯ** [р<грек] Аёллар организмнинг ўзига хос хусусиятларини, аёллар таносил аъзолари касалликларини ва уларни даволаш йўллари урганадиган фан.

**ГИПЕРБОЛА** I айн. муболага I. **ГИПЕРБОЛА** II мат. Кonusни иккита ясовчисни орқали ўтган текислик билан кесганда ҳосил бўладиган эгри чизик.

**ГИПЕРБОЛЎК** I [р гиперболический] ад. Гиперболага оид; муболага. *Гиперболик ўхшатини*.

**ГИПЕРБОЛЎК** II [р гиперболический] мат. Гиперболага оид; гиперболадан иборат бўлган. *Гиперболик функция*.

**ГИПЕРТОНИК** [р] Гипертония касаллигига йўлиққан, қон босими ошиб кетган киши.

**ГИПЕРТОНИК** [р гипертонический] Гипертонияга оид. *Гипертоник касаллик*.

**ГИПЕРТОНИЯ** [р<грек] мед. Қон босимининг ошиб кетиши.

**ГИПНОЗ** [р<грек] I Ишонтириш, таъсир ўтказиш йўли билан инсон ёки юқори умуртқали хайвонда ҳосил қилинадиган ярим уйқу ҳолати.

**2** Шу йўл билан ухлатиш ва ухлатилган кишига даволаш мақсадида таъсир кўрсатиш. *Гипноз билан даволамоқ*.

**ГИПНОЗЛАШ** Гипноз йўли билан даволаш.

**ГИПНОЗЧИ** Гипноз қилувчи киши; гипноз йўли билан даволовчи врач.

**ГИПНОТИЗМ** [р] Гипноз ходисалари ҳақидаги фан.

**ГИПОСУЛЬФИТ** [р<грек+лат] Сульфит кислота турларидан бири; бўёқ, қоғоз sanoатида, фотографияда қўлланиладиган кристаллик модда.

**ГИПОТЕЗА** [р<грек] Ҳали исбот қилинмаган илмий тахмин; фаразия. *Фан гипотезалар, яъни илмий фаразлар ёрдами билан турли осмон жисмларининг келиб чиқишини тушунтиради*. «Астрономия».

**ГИПОТЕНУЗА** [р<грек] мат. Тўғри

бурчақли уч бурчакнинг тўғри бурчак қаршидаги томони.

**ГИПОТОНИЯ** [р<грек] мед. Қон босимининг пасайиб кетиши.

**ГИПОФИЗ** [р<грек] анат. Бош миёна остида жойлашган, организмнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этадиган ички секретция беzi.

**ГИПС** [р<грек] I Оқ ёки сарғиш рангли минерал, кальций сульфат (пиширилиб, кукун ҳолига келтирилган гипс қурилиш материали сифатида ишлатилади). *Гипсдан ясалган ҳайкал*. *Гипс кони*.

**2** мед. Чиққан, синган аъзони қимирламайдиган қилиб, тахтакачлаб қўйиш учун шу материалдан қўйилган боғлама. *Максимнинг ҳисобича, Норматнинг оёғидаги гипсни олишга яна бир ой бор эди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ГИПСЛАМОҚ** I мед. Шикастланган аъзони гипс билан боғламоқ, тахтакачламоқ. *Оёқни гипсламоқ*.

**2** қ. х. Ерни майдаланган хом гипс билан ўғитламоқ.

**ГИР** [ф-т]: боши гир айланди боши айланиб кетди. *Аччиқ, ўтқир тамакидан боши гир айланиб, кўзлари ёшланди-да, йўтала-йўтала юриб кетди*. Ойбек, Нур қидириб. **Гир айлана** (ёки айланган) атроф-теваракни ўраган, ишғол этган. *Азимбойвачанинг ташқари ҳовлиси гир айлана ғиштин иморат*. С. Аҳмад, Ҳукм. **Гир айланмоқ** I) доира ясаб айланмоқ, тевагагида, атрофида айланмоқ. *Навкар ўзининг содиқлигини билдирмоқчи бўлгандан унинг [тўранинг] атрофида лайча кучукдай гир айланди*. Ж. Шарипов, Хоразм. У [Гулсум] кенг доирани гир айланаб, завқ ва шавқ билан чалинаётган чилдирма ҳамда чапаклар садосига берилиб, ўйнар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) атрофлаб, давра олиб жойлашмоқ. *Бир тўйда, катта меҳмонхонани гир айланаб ўтирган меҳмонлар ўртасида сув сепандай жимлик ғукм сурарди*. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Гир атроф** тева-атроф, ҳамма ёқ. *Гир атроф шафтоли*. *Гир атрофида айланмоқ*.

**Гир урмоқ** (ёки ташламоқ) бир томонга оғиб, айланиб турмоқ, шох ташламоқ (учаётган варрак ҳақида). *Гир шох урди араалаган варраги*. Ф. Фулом.

**ГИРА** [ф-т] тех. Ишлов бериладиган нарсани маҳкам сиқиб қўядиган асбоб; тахтакач, тиски.

**ГИРАНДА** [ф-т] диал. Ишбилармон, уздабурон, эпчил.

**ГИРВАТ** с. т. Гирдибод.

**ГИР-ГИР**: боши гир-гир айланди боши жуда ҳам айланиб кетди. **Гир-гир айланмоқ** тез-тез айланмоқ, чир-чир айланмоқ. *Шу машинанинг қулогини бурасанг, лаганча, гир-гир айланаб, ашула, дутор-танбур вангиллайверади*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГИРГИТТОН** х.-қ. Эркалаш ёки ҳурмат билдирувчи мурожаат формаси; маъно ва функцияси жиҳатидан «айланай», «ўргилай» сўзларига тўғри ке-

лади. [Нетайхон:] Хожархон, гиргиттон, эккан дарохтларинени Обиджон акангизга кўрсатини. А. Қаххор, Тобутдан товуш. Гиргиттон бўлай айланай, ўргилай. Мени қийнама, жон қизим, онанг гиргиттон бўлсин! — дейди кампир Адолатхонга. У. Назаров, Одамлар. Гиргиттон бўлмоқ меҳрибонлик билан бирор кимса атрофида айланмоқ. Хола Турсунонинг атрофида гиргиттон бўлиб гир айланар; дам бошини ушлаб кўрар, дам юзини силар. С. Анорбоев, Оқсой.

**ГИРД** [ф-т] эск. 1 Чет, зих. Патнис гирди.

2 Атроф, теварак; чегара. Гирдини олмоқ фольк. ўраб, қуршаб олмоқ. Мард Хасаннинг гирдини ўраб олаётибди, Ажали шу ерда, Кўринг ўлаётибди. «Равшан».

**ГИРДАК** [ф-т] кам қўлл. Юмалоқ, чамбар. Яна бир ийгит муллабаччаларга ўхшаш .. бошида гирдак кир салласи бор. Ф. Фулом, Шум бола.

**ГИРД(И)БОД** [ф-т] Тўзон, чагн, қум аралаш буралиб кўтарилувчи қаттиқ шамол; қуюн, уюрма, довул. Утинкашлар бир чақиримча ҳам йўл босмаган эдиларки, чўлда гирдоб кўзгалди. Айний, Қуллар. Гирдибод қуюн уларни ўради. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГИРДИКАПАЛАК**: гирдикапалак бўлмоқ меҳрибонлик ёки хушомадгўйлик билан атрофида айланмоқ. Орамизда оналик меҳрига тўймаган болалар ҳам бор эди: улар кампир келганда атрофида гирдикапалак бўлишарди. С. Аҳмад, Онажонлар.

**ГИРДИГУМ** [ф-т], гирдиғум келган Қалтабақай, миқти, бақалоқ (одам ҳақида). Чойхоначи эллик ёшларда бўлган юмалоқ, гирдиғум одам. Ойбек, Қутлуг қон. Гирдиғумдан келган раис ҳаддан ташқари хушчақчақ эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ГИРДОБ** [ф-т] 1 Ариқ ва дарё сувларининг айланиб-буралиб, уюрма ҳосил қилиб оқаётган ери. Шошқин дарё тўлқини ўз гирдобига тортиб кетмоқчи бўлса ҳам, дарё тилки яхши билган тажрибали сапёр зшакки маҳкам ушлаган ҳолда .. сузиб борарди. А. Раҳмат, Эллик бир баходир. Дашт ўртасида беҳисоб чироқлар ёнмоқда. Бу дашт бағридан ҳайбатли дарё буралиб, гирдоб бўлиб оқмоқда. Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 Кўйма Кишини беихтиёр ўраб, чулғаб олувчи шиддатли ҳодиса, ҳаракат, процесс. Хайлар гирдоби. — Бу ҳаётни оқонларда, землянкаларда, қорда, бўронда, ўт ва ўлим гирдобиди, хастахоналарда бағри хун бўлиб соғинмаганмиди. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 с. т. Гирдибод. Сап-сарик, гирдоб осмон бўйи кўтарилиб айланиб юрибди. — Баъзи ерларда гирдоб гўзаларнинг бошини чирт-чирт узиб кетар, сўппайиб уларнинг жонсиз танасигина қоларди. С. Абдуқаххор, Инсоннинг қўли гул.

4 Айлана, атроф-теварак, гирд. Бо-

дом қовоғи гирдобиди, ёноғи атрофида ва иягида пайдо бўлган .. тер худди ияга тизилган марварид доналари сингари гўзал эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

◆ **Гирдоб** патнис доира шаклидаги катта патнис.

**ГИРЁН** [ф-т] поэт. Йиғлаётган, йиғловчи, йиғили. Кўзи гирён.

**ГИРЁНА** [ф-т]: гирёна бўлмоқ поэт. йиғламоқ, кўз ёши қилмоқ. Эй дилрабо, Ишқинг била девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб. Ҳамза.

**ГИРИБОН** [ф-т] Ёқа; бўғиз. [Алижоннинг] .. узун, баҳайбат қўллари агар бирон кишининг гирибонидан ушлаб қолғудай бўлса, нима бўлиши маълум. Мирмуҳсин, Чиниқиш. Саудийнинг зардаси қайнади ва Ҳамиднинг гирибонидан тугиб, икки-уч силкиди. А. Қаххор, Сароб.

**ГИРИФТОР** [ф-т]: гирифтор бўлмоқ 1) учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ. Емон дардаги гирифтор бўлмоқ. Балоба гирифтор бўлгур! (қарғ.). — Балоба гирифтор бўлдим, отажон, Душманга хор-зор бўлдим, отажон. «Равшан»; 2) мафтун бўлмоқ. Аввал охир бўлдим сенга интизор, Сенинг жамолингга бўлиб гирифтор. «Алпомиш».

**ГИРИШ** Ёйнинг ўқни қадаб отадиган ипи. Қарамтадан ўн тўрт ўқ олди, Ёйнинг гиришига ўқини солди. «Муродхон».

◆ **Гирш** топмоқ диал. ўзаро чиқишмоқ, келишмоқ; тотулашмоқ.

**ГИРИҲ** [ф-т] эск. 1 Қисқ (тиш ҳақида). Тишларим гириҳ бўлди.

2 Мастога сузилган, қисқ. Дўнган мангайда қизил кўзлар гириҳ. Ф. Фулом, Қўкан.

**ГИРРА**: гирра қилмоқ бўйинини қўл билан айлантириб олиб сиқмоқ, бурамоқ. Кувё .. бир қўлини Илашевнинг бўйнига гирра қилиб олди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**ГИРЯ** [ф-т] 1 эск. айн. йиғи 1. Гиря қилмоқ.

2 Халқ куйларидан бирининг номи. **ГИСТОЛОГ** [р] Гистология мутахассиси.

**ГИСТОЛОГИК** [р гистологический] Гистологияга оид. Гистологик тадқиқотлар.

**ГИСТОЛОГИЯ** [р<грек] Инсон ва ҳайвон тўқималарининг тузилишини ўрганадиган фан.

**ГИТАРА** [р<исп] Олти ёки етти торли, чертиб чалинадиган бир нав музика асбоби. Анна Ивановна девордаги гитарасини олиб, кечаси эшитган куйлардан биттасини чалмоқчи бўлди. Шухрат, Шинелли йнлар.

**ГИТАРАЧИ** Гитара চালувчи.

**ГЛАДИАТОР** [р<лат] Қадимги Римда: цирк майдонида полвонлар ёки йиртқич ҳайвонлар билан курашиш учун махсус ўргатилган ҳарбий асир ёки қул. У [Беттерж хоним], чиндан ҳам илон одамни бўғайганини пайқаб,

қадимги юнон гладиаторларини эслади. Мирмуҳсин, Она.

**ГЛАДИОЛУС** [р<лат] Чиройли йирик гулли ўтсимон декоратив ўсимлик; пиёз гул.

**ГЛИЦЕРИН** [р<грек] Мол ёғидан ёки нефтдан олинадиган қуюқ, ширин модда (медицина ва техникада қўлланилади).

**ГЛОБУС** [р<лат] Ер шари ёки осмон сферасининг тагликка ўрнатилган ва ўз ўқи атрофида айланадиган модели.

**ГЛЮКОЗА** [р<грек] Ҳўл меваларда бўладиган ширин модда, углевод; узум шакари.

**ГНОСЕОЛОГИК** [р гносеологический] Гносеологияга оид. Гносеологик хулоса. Гносеологик қараш.

**ГНОСЕОЛОГИЯ** [р<грек] Билиш назарияси — билиш процесси, манбан, формаси ва унинг тўғрилиги ҳақидаги фалсафий таълимот. Материалистик гносеология.

**ГО** с. т. Гох. Го ундай, го бундай.

**ГОВ** [ф-т] 1 Катта, улкан. Гов сигир.

— Кўзлари ўтдай, манглайи чўтдай, калласи гов саватдай .. кампир. «Равшан». Гов ёстиқдай зил халтани кўтариб [онам] келди. Ҳ. Назир, Муҳаббат.

2 сўк. Мол, хўкиз (одам ҳақида). Бу галча кечиринг, оқсоқол, билмасдан вайсаб қўйди, бу гов. «Муштум», 1929, № 11. — Ух, бу говнинг қилаётган найранги! — деди-да, Абдурауф тоқчага суяб қўйилган қўштарни қўлига олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Гов** каптар ёввойи каптарнинг бир тури. Гов печак печакнинг бир тури; чирмовиқ.

**ГОВГУМ** [ф-т] диал. Кечки қоронғилик, қош қорайган пайт. Эрталабдан далага чиқиб кетганча, оқшом кун ботгандан кейин, қоронғи говгумда келади. «Фольклор».

**ГОВМИЧЧА** [ф-т] Кўз жилди атрофида ҳосил бўладиган йирингли чиқиқ. Кўзига говмичча чиқиқбди.

**ГОВМИШ** [ф-т] Зотли, серсат (сигир ҳақида). Мирҳомидхўжа туриб бориб говмиш сигирни устундан ечар экан: — Ҳи-ҳи .. уч маҳал соғилар эди .. ҳи .. — деб Сафарова қаради. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ГОВРОН** [ф-т] Йўғон новддан қилинган подачилар таёғи. Кекса подачи ишхлик қилган молларни говрон билан савалаб .. кетмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГОЛ** [р<ингл] Қарши команда дарвозасига тўпни уриб киритиб олинган очко. Гол урмоқ.

**ГОЛЛАНД** 1 қ. голландлар. Голланд тили. || Голланд аёл.

2 Голландияга ва голландларга мансуб бўлган. Бинонинг икки томонида голланд ва латиш насли қизил сигирлар эриниб кавшанмоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 13.

◆ **Голланд** печи хона ичига қуриладиган, одатда кошин билан қопланган печ.



**ГОЛЛАНДКА** 1 Голланд аёл.  
2 *айн.* голланд печи қ. голланд.  
**ГОЛЛАНДЛАР** Нидерландиянинг туб аҳолиси, халқи.

**ГОЛУБЦИ** [*p* < голубцы] Қарам япроғига қийма аралаш гуруч ўраб тайёрланган овқат; қарам дўлма.

**ГОМГИЛАК** Ичига кесак, тош солиб отиладиган камалак, ёй.

**ГОНОРАР** [*p* <лат] Ёзувчилар, расомлар ва ш. к.га шартнома бўйича бажарилган иш учун тўланадиган пул; қалам ҳақи. *Авторлик гонорари. Гонорар олмоқ.*

**ГОРЁЛКА** [*p*] Суяқ ёқилги ёки газни маълум мақсадда ёқиш учун ишлатиладиган асбоб. *Газ горелкаси. Примус горелкаси.*

**ГОРИЗОНТ** [*p* <грек] Осмоннинг ер ёки сув сатҳи билан гўё қўшилгандек бўлиб кўринадиган еридаги чизиқ, уфқ чизиги; уфқ. *Атрофида кўришиб турган бутун ер юзаси горизонт деб аталади.* «География».

**ГОРИЗОНТАЛ** [*p* горизонтальный] Уфқ чизигига параллел йўналган, тик чизиққа перпендикуляр бўлган. *Горизонтал чизиқ. Горизонтал текислик. Икки қатор горизонтал шпинделли пахта териш машинаси.*

**ГОРИЗОНТАЛЬ** [*p*] 1 Уфқ чизигига параллел тўғри чизиқ; тик чизиққа перпендикуляр чизиқ.

2 *геод.* Топографик карталарда тепалик ва чуқурликларни тасвирлайдиган чизиқлар.

**ГОРИЛЛА** [*p* <ингл] Ғарбий Африкада яшовчи энг йирик одамсимон маймун.

**ГОРМОН** [*p* <грек] физиол. Ички секретция безларидан ажралиб чиқиб қонга қўшилиладиган модда. *Организмда оксил этишмаси гормонлар ҳам кам ишлаб чиқарилади.* Ғ. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

**ГОРН** [*p* <нем] Пуфлаб чалинадиган, одатда чақириш, қабар қилиш учун қўлланлидиган мис чолғу асбоби. *Пионерлар горни. Горн чалмоқ (бермоқ).*

**ГОРНЧИ** Горн чалувчи.

**ГОРОДКИ** [*p*] спорт. 1 Тўртбурчак ичига тизиб қўйилган гўлачаларни таёқ билан уриб, чегарадан чиқариш ўйини. *Городки ўйнамоқ.*

2 Шу ўйин учун белгиланган гўлачалар, чиллақлар.

**ГОРОДОВОЙ** [*p*] тар. Чор Россиясида: шаҳар полицияси ходимларининг энг кўйи унвони ва шу унвонга эга бўлган киши; миршаб. *Қиличи отининг белидан настига кетган бир городской қамчи ўйнатиб, оломоннинг орасини ёриб, қаландарларга йўл бўйшатиримоқда.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ГОРЧИЦА** [*p*] *айн.* хантал.

**ГОРЧИЧНИК** [*p*] Горчица суркалган қоғоз ёки латта парчаси (шамоллаган да сувда ивितिб орқага, кўкракка бир мунча вақт ёпиштириб қўйилади).

**ГОСПИТАЛЬ** [*p* <лат] Одатда ҳарбийлар учун хизмат қиладиган шифона, касалхона. *Дала госпитали.* ■

*Жанг давом этаверди. Суриштиришга фурсат бўлмади. Сўнг ўзим ярадор бўлиб, госпиталда ётдим.* Ойдин, Сухбати жонон.

**ГОТИК** [*p* готический] Готикага оид; готика услубидаги. *Икки ёғи баланд-паст готик бинолар билан ўралган кўча.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.

**ГОТИКА** [*p* <фр] Ўрта аср охирларида Европада кенг тарқалган архитектура услуби.

**ГОТОВАЛЬНЯ** [*p*] Қутича ёки ғилофга жойлашган чизмакашлик асбоблари комплекти.

**ГОҲ** [*ф-т*] *айр. боғ.* Уюшиқ бўлақларни ёки икки содда гапни айириб боғлаш учун хизмат қилади (бунда у такрорланиб, галма-галликни, воқеа-ходисаларнинг галма-гал рўй беришини ифодалайди). *Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди. Гоҳ мен борар эдим, гоҳ у келар эди.* ■ *Гоҳ соғ, гоҳ касал онанинг тақдирни Қомилани таъшишига солади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Икки кундан бери гоҳ савалаб, гоҳ шийдат билан ёғайтган ёмғир ҳамма ёқни ивितिб юборди.* А. Қаххор, Қўшчинон.

**ГОҲ-ГОҲ** *рви* Баъзи-баъзида, ахён-ахёнда, баъзан. *Нурининг қайнаси гоҳ-гоҳ келиб, Гулнорга боқишар эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ГОҲИ(ДА)** *рви* Баъзида, баъзан. *Гоҳи маҳаллар Барот полвон нафасини ўнглаб олиш учун пича ўтириб дам олса, Гуломжон нафас ўнлашга кетадиган вақтини ҳам айди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Бир гапга ўнча гап тўғрилаб туради. Буларга гап тушунтиролмай, соҳида куйиб кетаман, отам,— деди [Ойимхон].* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГОҲО** [*ф-т*] *айн.* гоҳи(да). — *Гоҳо бирпас эшикка чиқаман,— жавоб берди соқолни тутамлаб чол.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гоҳо бу ерда йиғилишлар ҳам, мажлислар ҳам бўлиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГРАВЮРА** [*p* <фр] Металл, ёғоч, ойна ва ш. к. қаттиқ материаллар юзига ўйиб туширилган нақш, сурат ва унинг қоғозга босилган нусхаси.

**ГРАДУС** [*p* <лат] 1 Айлананинг 360 бўлагига тенг бурчак ўлчов бирлиги.

2 Температура ўлчов бирлиги; даража. *Уттиз беш градус иссиқ.*

3 Суяқликнинг зичлигини, шунингдек спирт кучини ўлчаш бирлиги.

**ГРАДУСНИК** [*p*] с. т. Термометр.

**ГРАЖДАН** [*p* гражданин] Бирор давлатнинг турғун аҳолисига мансуб бўлган, шу давлат қонунари билан белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланувчи ва шу қонуналарда кўрсатилганларнинг барчасини бажарувчи киши. *Совет Иттифоқи граждани.* ■ *Социал-демократик программа барча граждандарнинг қонун олдида тенг бўлишларини талаб қилади.* В. И. Ленин, Бунднинг партиядан тугган ўрни. *Граждандарнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадлари... ва шахсий эғалик*

*ҳуқуқини қонун қўриқлайди.* «ЎзССР Конституцияси».

◆ **Граждандар уруши** бир давлатнинг ўз ичидаги қуроли синфий кураш. *Смирнов граждандар уруши давридан бери Қизил Армияда хизмат қилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ГРАЖДАНЛИК** *гражданин с. маъ.* от. *Совет граждандлиги. Гражданилик бурчи.*

**ГРАММ** [*p* <фр] Метрик системада: бир куб сантиметр сувнинг вазнига тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

**ГРАММАТИК** [*p* грамматический] Грамматикага оид (қ. грамматика 1). *Грамматик анализ Тилнинг грамматик қурилиши. Грамматик хато.*

**ГРАММАТИКА** [*p* <грек] 1 Тилшуносликнинг сўз ва гап қурилишини ўрганувчи, шунга кўра икки қисмдан — морфология ва синтаксисдан иборат бўлиши. *Қиёсий грамматика. Тарихий грамматика.*

2 Бирор тилнинг ўзига хос сўз ўзгариши ва сўзларнинг гапда ўзаро бириктиш қоида ва нормалари мажмуи. | Шу қоидалар баён этилган ўқув китоби, дарслик. *Мақтаб грамматикаси. Ўзбек тили грамматикаси.*

**ГРАММЛИ** Грамм оғирлигидаги. 5 граммли олтин.

**ГРАММОФОН** [*p* <грек] Махсус пластинкага ёзиб олинган куй, нутқ ва ш. к.ни қайта эшиттирадиган, қарнайли музика аппарати. *Ленин бурчагидаги устига қизил алвон ёпилган столда граммофон фириллаб қўшиқ айтади.* С. Аҳмад, Хукм.

**ГРАНАТА** [*p* <нем] 1 Портловчи мода тўлдирилган артиллерия снаряди. | Қўл билан иргитиладиган кичкина портловчи снаряд. *У, совуққонлик билан қулоч ёйиб, граната отди — танкнинг баинясиди портлади.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Броньтешарлар нишонга олиб энди йқ узмоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

2 Енгил атлетикада: иргитиш учун ишлатиладиган снаряд. *Граната отиш мусобақаси.*

**ГРАНАТОМЁТ** [*p*] Яқин масофага граната отадиган қурол.

**ГРАНАТОМЁТЧИ** Гранатомётдан ўт очувчи, шунингдек қўл гранаталарини иргитишга уста жангчи.

**ГРАНИТ** [*p* <итал] Таркиби кварц, дала шпати ва слюдадан иборат донадор қаттиқ тоғ жинси. *Қизил гранит.* || *Гранит постамент.* ■ *Тўлқинлар гоҳ кўёш нурларини гранит қирғоқлар сайқалига туширар ва гўё тошни ҳам ёндирар, гоҳ гранит қирғоқлар сайқалини ўзида акс этдириб жилваланди.* П. Кодиров, Уч илдиш.

**ГРАНКА** [*p*] *полигр.* Саҳифаланмаган набордан қоғозга тушириб олинган нусха, отгиск. *Хатоларни гранкада тuzатмоқ.* | Рамкага олинган шундай наборнинг қисми. *Гранка сочилиб кетди.*

**ГРАФ** [*p* < нем.] Фарбий Европада ва революциядан илгариги Россияда княздан қўйи, барондан юқори дворянлар унвони ва шу унвонга эга бўлган дворян.

**ГРАФА** [*p* < грек.] 1 Турли жадвал ва идора дафтарларида икки тик чизик орасидаги, турли маълумотлар ёзилган устун. *Жадвалнинг биринчи графаси.*

2 Текст, қонун ва ш.к.нинг бир бўлаги, банди.

**ГРАФИК I** [*p* < грек.] 1 Турли миқдорий боғланишларни чизиклар воситасида тасвирлаш ва шундай тасвирнинг ўзи. *Атмосфера босими ўзгаришини кўрсатувчи график. Поездар қатнови графиги. Сугориш графиги.*

2 Иш нормаси ва бажарилиш муддати аниқ кўрсатилиб тузилган план. *График билан ишлаш. Иш графиги. Кундалик терим графиги.*

**ГРАФИК II** [*p*] Графика соҳасида ишловчи рассом.

**ГРАФИК** [*p* графический] Графикага оид. *График тасвир.*

**ГРАФИКА** [*p* < грек.] 1 Бўёқ ишлатмай чизик ва штрихлар воситаси билангина нарсаларни тасвирлаш санъати. 2 Шу усулда ишланган расм. *Совет графикаси виставкаси.*

2 лингв. Товуш ёки белгиларнинг ёзма ёки босма шакли. *Рус графикаси асосидаги ўзбек алфавити.*

**ГРАФИН** [*p* < итал.] Сув, вино ва ш.к. солиб қўйиладиган бўғизи тор ва узун идиш. *Патнисда гулли хрусталь графин ва платина рюмка турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Озода] «марсала» вносиши ҳаво ранг биллур графинга қўйиб қўйишни ҳам унутмасди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ГРАФИНЯ** [*p*] Графининг хотини ёки қизи.

**ГРАФИТ** [*p* < грек.] 1 Углероднинг бир тури, тўқ кул ранг ёки қора тусли минерал (қалам ва ўтга чидамли буюмлар яшаш учун ишлатилади).

2 Қаламнинг шу минералдан ясалган ёзадиган қисми. *Графит тошқалам бўлиб, у қогоз варағи ёки тахтага салгина тегса ҳам из қолдиради. «Фан ва турмуш», 1962. № 6.*

**ГРАФЛИК I** граф с. мавж. от.

2 Графга қарашли ерлар.

3 Англия, Ирландия, Америка Қўшма Штатлари, Канада ва бошқа баъзи давлатларда: йирик маъмурий-территориал бирлик.

**ГРАФОЛОГ** [*p*] Графология билан шуғулланувчи киши.

**ГРАФОЛОГИЯ** [*p* < грек.] Киши характери билан мақсадида унинг дастхатини ўрганиш.

**ГРЕЙДЕР** [*p* < ингел.] Ер суриш, канал қазниш, ерни текислаб йўл қуриш учун ишлатиладиган машина.

**ГРЕК** қ. греклар. *Грек халқи. || Грек ай.*

**ГРЕКЛАР** Грециянинг туб аҳолиси; грек халқи.

**ГРЕЛКА** [*p*] Баданнинг оғриган ери-

ни суъбий иситиш учун белгиланган мослама. *Электр грелка. Резина грелка. Грелка қўймоқ.*

**ГРЕЧИХА** [*p*] Бир нав галла ўсимлиги ва унинг донидан тайёрланган крупа. *Гречиҳа эймоқ. Гречиҳадан тайёрланган овқат.*

**ГРИМ** [*p* < фр.] 1 Бўёқ, ясама соч, соқол ва ш.к. ёрдамида актёрнинг ижро этиладиган ролдаги образга мувофиқлаштирилган қиёфаси, кўриниши. *Гримда ўйнамоқ.*

2 Актёрни шу қиёфада кўрсатиш учун ишлатиладиган махсус бўёқ, ясама соч, соқол ва ш.к. *Грим қилмоқ. Гримни артиб ташламоқ.*

**ГРИМХОНА** [*p* + фр-т] Актёрларга грим қилинадиган махсус жой, хона. *Ҳақназар гримхонада тошойнага қараб грим қилмоқда эди. И. Раҳим, Ихлос.*

**ГРИМЧИ** Грим қилувчи мутахассис. *Гримчи рассом.*

**ГРИПП** [*p* < фр.] Нафас йўлининг яллиғланиши ва хароратнинг кўтарилиши билан характерланадиган жуда юқумли касаллик.

**ГРИП I** [*p* < грек.] 1 Антик мифологияда: шер гавдали, бургут қанотли, шер ёки бургут бошли фантастик махлуқ.

2 айн. тасқара 1.

**ГРИФ II** [*p* < фр.] Бирор кимса, муассаса ва ш.к. номи чекилган печать, штемпель ва улардан олинган отгиск. *«Фан» нашриётининг грифи.*

**ГРИФЕЛЬ** [*p* < нем.] айн. графит 2. **ГРОССМЕЙСТЕР** [*p* < нем.] Шахмат усталарига бериладиган энг олий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахматчи.

**ГРУЗИН** қ. грузинлар. *Грузин тили. || Грузин ай.*

**ГРУЗИНЛАР** Грузия ССРнинг туб аҳолиси; Грузия халқи.

**ГРУЗИНЧА I** Грузин алифбеси, адабиёти, маданиятига оид. *Грузинча рақс.*

2 Грузин тили. *Сиз грузинча(ни) биласизми? || Грузинча гапирмоқ.*

**ГРУЗОВИК** [*p*] Юк машинаси, юк ташийдиган машина.

**ГРУЗОВОЙ** [*p*], **грузовой** машина с. т. Грузовик.

**ГРУППА** [*p* < нем.] 1 Бир тўп нараса, одам, ҳайвон ва ш.к.; гуруҳ, тўда. *Баталон миномётчилари икки группага бўлиниб, шимолий ва жанубий қанотларга ташланди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Бирор умумий белги, хусусият ва ш.к. бирлашган нарсалар, ходисалар мажмуи; туркум. *Юлдузлар группаси. Ҳайкаллар группаси.*

3 Умумий мақсад, гоё, иш ва ш.к. туфайли ўзаро боғланган шахслар мажмуи; гуруҳ. *Ташвиқотчилар группаси. Текширувчилар группаси. — Марказий Қомитет Марказий Совет ва жамоат ташкилотларининг ишларига улардаги партия группалари орқали йўл-йўриқ қўрсатиб туради. «КПСС Устави». | Дарс, машғулот ўтказиш мақсадида бирлаштирилган бир неча киши. *Партия тарихини ўрганувчилар группаси.**

**ГРУППАБОЗ** [*p* + фр-т] салб. *Группабозлик, гуруҳбозлик қилиб юрадиган одам; группачи.*

**ГРУППАБОЗЛИК** салб. Бир гуруҳ кишиларнинг ўз манфаатлари учун коллективда қарам-қарши группалар уюштиришга қаратилган ҳаракати; гуруҳбозлик, тўдабозлик. *Шу гапларни Сафарқулга айтсанг бўлмайди? Биз гапирсак, «группабозлик қилманглар, колхозни бузасизлар» деб сўқадилар. Айний, Қуллар.*

**ГРУППАЛАМОҚ** Бирор белгиси, тури, хили ва бошқа хусусиятларига қараб, группаларга ажратмоқ.

**ГРУППАЛАНМОҚ** группаламоқ. *фл. мажж. н.*

**ГРУППАЛАШТИРМОҚ** айн. группаламоқ.

**ГРУППАЧИ** айн. группабоз.

**ГУАШЬ** [*p* < фр.] 1 Белила қўшиб сувда эритиладиган бўёқ. *Гуашь билан расм солмоқ.*

2 Шундай бўёқ билан ишланган расм, сурат.

**ГУБЕР** [*p* губернатор] с. т. айн. губернатор 1. *Шундан уч-тўрт ой бурун «Ултармада гулу чиқди, шаҳардан солдат келиб анча одамни ҳайдаб кетди, буларни губернинг ўзи сўроқ қилар эмиш» деган гап тарқалган эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

**ГУБЕРНА** с. т. губерна.

**ГУБЕРНАТОР** [*p* < лат.] 1 Чор Россиясида: губерния бошлиғи, ҳокими. *Николайни судраб олиб тахтидан, Губернаторларин чопиб ташлади. «Фольклор».*

2 Айрим колонияларда: олий мансабга эга бўлган шахс.

3 Америка Қўшма Штатларининг айрим штатларида ва Латин Америкаси айрим мамлакатларида: сайлаб қўйиладиган олий мансаб эгаси; штат бошлиғи.

4 Бельгияда ва Испанияда: провинция бошлиғи.

**ГУБЕРНЯ** [*p* губерния] Чор Россиясида, шунингдек районлаштириш амалга оширилганга қадар (1929—30 йилларгача) ССРСда: асосий маъмурий территориал бўлима.

**ГУБИР** [*p* губернатор] с. т. Губер, губернатор.

**ГУВ** тақл. с. Шиддатли ҳаракат, ёниш ва ш.к. пайтларда чиқадиган бўғиқ товуш ҳақида. *Костюм яна битмабди. Авалига шу жумлани эшитиб, қуруқ ўтиндай гув этиб ёниб кетдим. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Майдон гув этиб ўрнидан турди, қуюқ чанг билан бирга даҳшатли шовқин, қийқириқ кўтарилди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**ГУВАЛА** Лойдан қўлда ясаб, офтобда қуритилган тағи ясси, чўзинчоқ кесак (қурилиш материали сифатида ишлатилади). *Гувала қилмоқ (қўймоқ).* || *Гувала девор.* — Қишлоқдаги паҳса деворли қўрғончалар бой, бадавлат одамларники бўлиб, гуваладан қурилган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг

бошпаналари эди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ Гувала бош 1) гувала тахлитдаги чўзинчоқ бош; 2) боши шу тахлитдаги одам.

**ГУВАЛАК** диал. Гувала. Унинг [Анзират холанинг] ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак девор билан ўралган. А. Қахҳор, Қўшчиноқ.

**ГУВ-ГУВ** гув с. тақр. Ташқарида — шғирин. Гув-гув шамол деразага, тишкка келиб урилади. Х. Фулом, Машғал. Оломон гув-гув қайнайди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГУВИЛЛАМОҚ** «Гув» этган овоз чикармоқ. Ут гувиллаб ёнмоқда. ■ Ташқарида шамол гувиллаб, кичкина, пастак деразаларни чертади. Ойбек, Қуёш қораймас. Йўл бўйлаб кетган симёғочлар эса узлуксиз гувиллайди. П. Турсун, Уқитувчи. Соё бўйида .. тегирмон гувиллар эди. А. Қахҳор, Асрор бобо. Халқ гувиллаб олдинга юрди, уни миришаблар ғови тўсиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГУВИЛЛАТМОҚ** гувилламоқ фл. орт. н.

**ГУВИЛЛАШМОҚ** гувилламоқ фл. бирг. н. Жанчилар бўр билан номерланган вагонларга чиқишди. Одамлар гувиллашиб вагонларни қуриш олишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ГУВОХ** [ф-т] 1 Бирор воқеа-ходиса рўй берган пайтда шахсан бўлган, уни ўз кўзи билан кўрган киши; шохид. — Онанг бомба тағида ўлди, .. — деди Нормат ва ўзи гувоҳ бўлган мудҳиш воқеани бирма-бир айтиб берди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Бўлиб ўтган воқеа-ходисалардан, ўтмишдан далолат берувчи нарсаси; шохид. Бу дарахтлар, бир неча аср умр кўрган, зўр даҳшатли воқеалар гувоҳидир. Ойбек, Нур қидириб. Унинг [Мадамнинг] тупроққа қорилган гавдаси юқоридан юмалаб тушиб шу ерда тўхтаганига гувоҳ эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 юр. Суд ёки терговдаги иш юзасидан ўз билганларини айтиб бериш учун судга чақирилган киши. Судга гувоҳларни чақирмоқ.

3 Бирор иш ёки воқеа-ходисанинг ҳақиқатан содир бўлганлигини ёки тўғрилигини расмий равишда тасдиқлаш учун шу иш тепасига махсус чақирилган киши. — Боягиси ўн бит-таמידиди? Мана шу сўнгисини ҳисобга ёзинг, — кулиб давоғ этди генерал, — ҳисобга олиш дафтариниёзининг бир чеккасига «гувоҳ фалончилар» деб бизни тиқраб қўйинг. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 Воқеа-ходиса, фикр, даъво, ҳол ва ш. к.нинг тўғрилигини тасдиқловчи нарсаси; далил. Қишини меҳнат улғайди. Сиз-биз кўрган ҳурмат-эҳтиром бунинг гувоҳи. «С. Ўзбекистони», 1964, 11 август.

**ГУВОХЛАНТИРИЛМОҚ** гувоҳлан-тирмоқ фл. мажх. н.

**ГУВОХЛАНТИРМОҚ** Гувоҳлик бе-

риб ёки гувоҳлар чақириб тасдиқламоқ.

**ГУВОҲЛИК** 1 гувоҳ с. мажх. от.

2 юр. Гувоҳ томонидан берилган маълумот, гувоҳнинг айтганлари. Гувоҳлик бермоқ. Гувоҳликка ўтмоқ.

■ Фактлар; ҳужжатлар, жуда кўп одамларнинг гувоҳликлари унинг қайсарлигини аста-секин қайтариб, ниҳоят, букиб қўйди. Х. Фулом, Машғал. Зийдахон билан Анзират холадан, қолаберса, Шарофат можаросидан хабардор бўлган бошқа одамлардан, судда гувоҳлик беришларини сўради. А. Қахҳор, Қўшчиноқ.

**ГУВОҲНОМА** [ф-т] Бирор фактни тасдиқловчи, имзо қўйилган ва печать босилган расмий ҳужжат. Тугилганлик ҳақида гувоҳнома. Студентлик гувоҳномаси. ■ Кеча ўнничини аъло тугатдинг, Қўлингда етуклик гувоҳномаси. Ф. Фулом. Дохунда энг кейинги чора сифатида ўзини қамқондан қутқазган, отряд бошлиғи берган гувоҳномани кўрсатмоқчи бўлди. Айний, Дохунда.

**ГУВРАНМОҚ** Ноаник, тушуниб бўлмайдиган, маъно англашмайдиган овоз чиқармоқ (гўдаклар ҳақида). Чақалоқ ҳам она сийнасида сувдаги балқидай яйраб кетди, .. туемадай жажжи оғизчасидан тупуқ чиқариб алланималар дея гувранди. Х. Назир, Ўтлар туташганда. | Ноаник гапирмоқ, гулдирмоқ. У, ичиди алланима балоларни гуврана-гуврана аргумюқни итара боилади. Ойдин, Дундикдан ҳам ёш экан.

**ГУГУРТ** [ф-т] 1 Ўт ёкиш учун бир бошига ёнувчи модда суркалган чўп; гугуртчўп. Бир дона гугурт. Бир қути гугурт. Гугурт қутича. Гугурт ёқмоқ (чақмоқ). Гугурт чўпи айн. гугурт 1. Гугурт оловиди элликбоши унинг юзидаги саросимани, титроқни кўриб, захарханда қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Харитани гугурт чўпи билан йлаб, қизил ва кўк қаламларда чизиб ўтирган соқолли киши дарҳол ўрнидан турди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Гугурт чўплари солинган, устига ёндирувчи модда суртилган қутича. Папирос чекадиган киши гугуртини олиб юриши керак. А. Қахҳор, Куюшқон.

**ГУГУРТЧЎП** [ф-т] айн. гугурт 1. Бой .. гугуртчўпнинг ўчай-ўчай деб турган алангасидан чилмининг сархонасидаги тамакинни бзўр ёндириб олди. Х. Фулом, Машғал.

**ГУДОК** [р] 1 Сигнал бериладиган турли механик қурилмалар, хуштаклар.

2 Шундай хуштаклар чиқарадиган чўзиқ овоз; сигнал. Паровоз гудоги эшитилди. Гудок бермоқ (чалмоқ).

■ Эрта тонгда завод гудоги Эргашини ҳам уйғотди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Паровоз узоқ гудок бериб, жойидан қўзғалди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Тонги гудок чалмасдан Мен ҳам тураман. Ёш кўнгилинг майлини Иига бураман. Ғайратий.

**ГУДРОН** [р<фр] Нефтни қайта иш-

лаш натижасида қоладиган қора, смолага ўхшаш қуйқум, нефть қолдиги (йўл қурилиши материали сифатида ва бошқа техника эҳтиёжлари учун ишлатилади). || Гудрон йўл.

**ГУЖУМ** диал. Сада қайрағоч. Хоразмда ҳовуз деса дарҳол кўз олдинга катта-катта гуҷумлар-қайрағочлар келади. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ГУЗАР** [ф-т] 1 Қишлоқ ёки маҳаллаларда одатда кўчаларнинг кесишган ерида, чорраҳаларда жойлашган, чойхоналари, қассоб, баққолик каби дўконлари бўлган обод, гавжум ва серқатнов жой. Бу маҳаллада унга [Йўлчига] маъқул бўлган икки киши бор эди. Бир гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси Шокир ота номли маҳсудўз чол. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи соғуғига қарамай гузарда чойхўр кўп эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Йўлчи чопиққа тушмасдан аввал соч олдириш учун гузарга чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қишлоқ гузари жимжит эди. Шундай катта гузарда фақат уч ерда: колхоз идорасида, сельпо магазинида ва Бозоровнинг ҳужрасида чирок ёниб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 диал. Йўл. Қалмоқлар юртига гузарим тушди. «Алпомиш». Гузаримиз тушса, излаб келармиз, Султон бўлган, жоним дўстим, хуш энди. «Муродхон».

3 тар. Бухоро хонлигида: маҳалла.

**ГУЗАРГОҲ** [ф-т] Гузар жойлашган ер; гузар. Қаталак кўчада эмас, гузаргоҳда яшаймиз. Ойбек, Навоий.

**ГУЛ** 1 [ф-т] 1 бот. Уруғли ўсимликларнинг урчиш учун хизмат қиладиган гулбар, чангдон ва гулкасдан иборат қисми. Олма гули. Нок гули.

■ Нурининг ҳовлисидаги гилослар гуллаган. Уларнинг оппоқ кўркама гуллари кўш нурида жуда нафис товланар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Атиргул ва умуман зийнат учун ёкиладиган ёки ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар; чечаклар. Пушти гул. Оқ гул. Қўқон гул. Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз — ҳунар. Мақол.

■ Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган. Ойбек, Қутлуғ қон. Сулаларнинг ора-ларига, атрофида анвои гуллар ёкилган. А. Қахҳор, Асрор бобо. | Шундай ўсимликларнинг узиб (кесиб) олинган ҳосили. Хотин илжайиб, турли ноз-неъмат, гуллар билан безатилган столни кўрсатди. А. Қахҳор, Нутқ. Қизил гул қ. қизил 1. Тувак гул тувакда ўстириладиган хонаки гул.

3 Бирор нарсасида чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш; орнамент. Тез кунда альбомнинг варақлари фотосуратларга ва бўёқ қаламда чизилган гулларга безанди. Х. Назир, Чўл ҳавоси. Меҳрини .. дўпписининг гулидан таниди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 кўчма поэт. Гул-гул очилган, гўзал. Гулни гулга қўш. Мақол. ■ Иккови

ҳам узилмаган гул. Ойбек, Қутлуғ қон. *Мактубимга жавоб ёзмадинг, дилдор, Гулим ҳам баҳорим сенсан, Гулбаҳор!* М. Алавия. *Бермагил ёвузларга бир дақиқа хушнудлик, Гул Ватаннинг мард ўғли, кўкрагинени қалқон қил. Файратий.*

5 (3-ш. эгалик аффикси билан) кўчма Яхшиси, сараси, энг олдингиси. *Йигитларнинг гули. Қизларнинг гули. Жамиятнинг гули.* — [Ёдгор:] *Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингени кўрсатгил, мен унинг қули. Айний, Дохунда.*— *Аҳли савдогар юртнинг гули бўлди, ука,— деди Ермат. Ойбек, Қутлуғ қон.* | *Файз киритувчиси, қизитувчиси. Яхши хотин — уйнинг гули. Мақол.* — *Фасли баҳор. Қўнним Фафур Ғулмонинг элик йиллиги. Ушанда Булбул Мамедов тўйхонанинг гули бўлган эди. Х. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.*

◆ **Қўли гул** ҳар ишга моҳир, ўз ишининг устаси. *Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали пахтакор, қўли гул одам.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Гул ташламоқ** 1) гул-нақш билан қопланмоқ (қишда муз нақши билан қопланган ойна ҳақида); 2) моғорламоқ. *Нон гул ташлабди. Ун гулидан битгаси ҳам очилмаган ёш, навқирон одам ҳақида.*

**ГУЛ II** [ф-т] Қизилча, қизамиқ ва бошқа баъзи бир касалликлар билан оғриган вақтда баданда пайдо бўладиган майда қизил тошма. *Болага гул тошди.* — *Унинг бир кўзига гул тушиб кўролмай қолган, халқ уни Назиркўр деб атай бошлаганди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ГУЛА I** Тўқимачилик дастгоҳининг бир қисми. *Эртаси кечқурун гула тўғрилаб ўтирсам, эшикни биров тақиллатди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ГУЛА II** Нухса, копия. **Гула кўгармоқ** (ёки **кўчирмоқ**) 1) нухса олмақ, копия кўчирмоқ; 2) кўчма тақлид қилмоқ. *Исматов ҳам хўжайиндан гула кўтариб, атрофига қариндош-уруғларини тўйлади-да, юяғичликни бошлаб юборди.* «Муштум», 1963, № 21.

**ГУЛАБАРДОР** [ф-т] Гула тайёрловчи ёки гула кўчирувчи, нухса олувчи мутахассис.

**ГУЛАНДОМ** [ф-т] 1) Қадди-қомати келишган, нозик бадан (гўзал аёл ҳақида).

2) Гуландом (*хотин-қизлар исми*).

**ГУЛБАДАН** [ф-т] айн. гуландом.

**-ГУЛБАНД I** [ф-т] Пичоқнинг дастаси билан тиғи бириккан жойига ўрнатилган махсус металл халқа. *Пичоқ унча катта эмас эди. Гулбандидан ўчигача бир қарич келарди. Айний, Эсдалиқлар.*

**ГУЛБАНД II** [ф-т] бот. Гулни тутиб турувчи новдача.

**ГУЛБАРГ** Гултожни ташкил этувчи ҳамда уруғчи билан чангчини қуршаб турувчи гул япроқчалари, баргчалар мажмуи.

**ГУЛБАХОР** [ф-т] 1) *позт. Гуллар очилган пайт; баҳор. Гулбаҳор шабнам*

безамии гулларни, Майин насим се-винтирмиш дилларни. М. Алавия.

2) **Гулбаҳор** (*хотин-қизлар исми*). **ГУЛБЕОР** [ф-т] Ер бағрилаб ўсадиган этдор баргли, нозик ранг-баранг гулли ўтсимон ўсимлик.

**ГУЛБОҒ** [ф-т] 1) Гул экилган боғ, гулзор боғ, гулистон. *Меҳнат аҳли қилди обод Фарҳод даштини гулбоғлар, Гулистон бўлди саҳролар, учолмас энди ҳеч зоглар. А. Пўлат. Меваларнинг уруғин экинг, асранг, ўртоқлар. Кела-жақда улардан Яратилгай гулбоғлар.* 3) *Диёр.*

2) Сайргоҳ ери; томоша боғ, парк. *Рабошлар гулдай яшнаб кийинган, Оқшом бари гулбоғларда йиғилган. Фозил шоир.*

**ГУЛГАЙ** диал. Оёқ қафтининг дўнг ери.

**ГУЛ-ГУЛ** Чамандек ранг-баранг, гулгун ва гўзал. *Сизлар билан бирга, халқимизга гул-гул нафис газламалар тўқиб кийизамиз!* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сочпоугин ёйган тол барги. Чаман боғлар чиройи гул-гул. Т. Тўла. Гул-гул очилмоқ* (ёки ёнмоқ, яшнамоқ) 1) бутун гўзаллиги, лағофати билан намён бўлмоқ, яшнаб кетмоқ. *Баҳор келиб, далалар гул-гул очилди; 2) шодликдан чеҳраси очилиб, яйраб-қувнаб кетмоқ, очилиб-сочилмоқ. Қанизак Урмонжоннинг олдига юраги тўқиллаб борди, гул-гул очилиб қайтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Саодатнинг ҳаяжондан гул-гул ёнган бахтиёр чеҳрасидан кўзини узолмасдан ўтирган Турғун биринчи марта уни севиб қолганига иқрор бўлди. О. Ёкубов, Тоғ қизи.*

**ГУЛГУН** [ф-т] 1) Қизил, қирмизи, ол; алвон; пушти. *Ленин ёқиб берган чироғлар Бошимизда товланар гулгун. Файратий. Олтин коса гулгун шароб, Ичилди майдон ичинда. «Алпомиш».*

2) *кўчма Гул каби яшнаган, гул-гул очилган; гўзал, чиройли. Келгусига боқсак умидвор, Ҳаёт яна кўринув гулгун. З. Диёр. Сояларда саргайган юзлар қилиб гулгун, Сен ҳам аҳли до-нишлар базмини гулистон қил. Ҳамза.*

**ГУЛДАЙ**, «дек Гул каби яшнаган; гўзал, чиройли. [Шарофат:] *Менга қилмаган ёмонлигинг қолган эмас! Мени тўғримдан айирдинг, ўн йиллик гулдай умримни қурт бўлиб единг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. СССРни гулдай қилган шу дўстлик, Халқ меҳрини кўпайтирган шу дўстлик. Фозил шоир. Шарофат холанинг кўрган азоб укубатлари эсдан ҳам чиқиб кетди. Икки ўғли уйни гулдай тебратта бошлади. А. Раҳмат, Элик бир баҳодир.*

◆ **Гулдай хунар** жуда яхши, покиза хунар. *Йигитнинг қўлида гулдай хунари бор экан, бўйдоқ экан, уйи-жойи тайин экан, яна сенга нима керак. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ГУЛДАСТА** [ф-т] 1) Дасталанган гул, бир боғ гул; букет. — *Раҳмат, Шер ака.— Нигора жилмайиб, ҳали баргларидан шуринг аримаган ранг-баранг гулларни бағрига босди.— Бу гулда-*

станинг эгалари бор. С. Анорбоев, Оқсой.

2) *архит. Мачит, мадраса, сарой ва ш. к.нинг равоқлари ёнидаги минорлар. У мадрасалар .. ҳашиматли тоқ-равоқ ва гулдасталарга эга бўлиб, баъзиларининг пёштоқлари, гўмбалари ва деворлари ранг-баранг кошнлар билан безатилган бўлар эди. Айний, Эсдалиқлар.*

**ГУЛДОН** [ф-т] Гул солиб қўйил-диган идиш; ваза. *Хрусталь гулдон.*

**ГУЛДОР** [ф-т] Гулли, гул-нақш солинган, безакли. *Сопи гулдор пичоқ. Гулдор елпигич. Гулдор маҳси.* — *Лаптофат буфетдан гулдор кўркама тарелка олиб .. ҳужрага кириб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ГУЛДУР** тақд. с. Момақалди-роқ сингари гулдурган товуш ҳақида. *Араванинг гулдурди.* — *Гулдур этиб, булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди. Ҳамза.*

**ГУЛДУРАК I** диал. Момақалди-роқ. *Бир хабар бер ундан менга гулдурок, Бир хабар берсанг-чи, тинимсиз ёғмир. Ж. Жаборов. Ҳаво гулдурди ва бу гулдурак худди Пўлатнинг боши устида бўлгандек, уни ҳозирнинг ўзидайёқ янчиб юборгудек туюлди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқинлар.*

2) Момақалди-роқ сингари гулдурган овоз. *Уқирад Текстилнинг мағрур, вазмин гудоеи, Узоқ-узоқдан келар Бўз сувнинг гулдураси. Ф. Ғуллом.*

**ГУЛДУРАМОҚ** Момақалди-роқ сингари гулдурган овоз чиқармоқ. *Тепаликдан бир ариқ сув ҳовли орқали ҳамини гулдураб жарга қўйилиб туради. Ойбек, Зумрад. Танк гулдурасини келиб [Аҳмаджон ётган] окоп устидан ўтиб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бирдан ҳавода душман самолёти моторининг гулдураси овози эшитилди. Н. Сафаров, Тилсимчилар.*

**ГУЛДУРАТМОҚ** гулдурмоқ *фл. орт. н.* — *Яшасин инқилоб! Йўқолсин амир! — қўтқазувчи йигитлар ва қўтулган бандилар бу сўзларни бир овоз билан айтиб кўкни гулдуратдилар. Айний, Қўллар.*

**ГУЛДУРАШМОҚ** гулдурмоқ *фл. бирг. н.*

**ГУЛДУР-ГУЛДУР** гулдур с. тақр. *Ҳовлига сув севиб тураган Ойбодоқ ташқаридаги гулдур-гулдурни эшитди ва чопиб меҳмонлар ўтирган уйнинг даричаси ёнига келди: «Келишигана ўхшайдилар» деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ГУЛДУРОС** Кучли, давомли гулдурган овоз. || *Залда гулдурок қарсақлар бошланди.* — *Тепанда гулдурок кўтарилиб, гўё тоғ кўчи-ю, уйдаи-уйдай тошлар бир-бирига урилиб кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Залда момақалди-роқ гулдураси кўтарилди. Таманнони саҳнадан шу гулдурок кўтариб чиқиб кетди. М. Исмоний, Бизнинг роман. Салим шундай ўйларга берилиб, тўлғаниб ётаркан, дарвоза оғир гулдурок билан очилди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ГУЛДУР-ШАЛДИР** айн. гулдур-гул-  
дур. Гулдур-шалдир, тарақ-туруқ ўз-  
гаршисиз давом этди. А. Қодирий,  
Обид кетмон. || Мулла Обид чўчиб кета-  
ди, Берди татар гулдур-шалдир хуж-  
рага кириб келади. А. Қодирий, Обид  
кетмон. Орадан икки кун ўтгач, хатда  
айтилгандай, Вика эшикдан гулдур-  
шалдир кириб келди. Мирмуҳсин,  
Она.

**ГУЛЁР** [ф-т] I кам қўлл. Гўзал ёр,  
жонана.

2 Ёр, жонон шаънига айтиладиган  
қўшиқ номи. *Кел, гулёр айтиб кел, ян-  
расин ҳар ён, Дилрабо куйингга тўйсин  
осмон!* Т. Тўла.

**ГУЛЗОР** [ф-т] Гул экилган, гул бил-  
лан ишгол этилган ер; чаманзор, гул-  
шан. Нигора гулзорда гул териб юрган  
экан. С. Анорбоев, Оқсой.

**ГУЛИСТОН** [ф-т] поэт. Яшнаган,  
обод ер; боғ-бўстонлар билан қоплан-  
ган ўлка, обод мамлакат. Канал қазиб  
чўни қилдик гулистон, Даламиз нашъ-  
али, даламиз бўстон! М. Алавия. Ком-  
сомол қиз Ойбобдир Номинг оламга до-  
стон, Саҳроларда яратдинг Янеи, обод  
гулистон. А. Пўлат.

◆ Олам гулистон ўзидан олдинги  
шарт феъли билан ифодаланган иш-ха-  
ракатнинг бажарилиши билан «масала,  
муаммо ҳал», «иш битади-қўяди»,  
«тамом», «вассалом», «ҳамма ҳурсанд»  
каби маъноларда айтиладиган ибора.  
Аммо, сиз «хўй» десангиз олам гулистон.  
Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГУЛҚАРАМ** Ҳосили тўпгул шакли-  
да бўладиган бир турли қарам.

**ГУЛҚОР** [ф-т] Нақш-гул ўювчи ёки  
ясовчи уста, мутахассис. Унга [уста  
амакига] кулоллар, гулқорлар ва чит-  
гарлар каби усталар ўз ишлари учун  
чизма нақшлар буюрар эдилар. Айний,  
Эсдаликлар.

**ГУЛҚОСА** бот. Гулнинг гултож,  
чангчи ва уруғчиларини тутиб турувчи  
қисми.

**ГУЛҚУРПА** Уй деворларига осиб  
қўйиладиган ёки тахмонга ёпиладиган,  
одатда гул тикилган бир турли сўзана.  
Қўша-қўша палак, қўша-қўша паран-  
жи, уч-тўрт уйни ясашига етадиган  
дорпеклар, гулқўрпалар, чойшаблар...  
Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қано-  
атлантирган эмасди. Ойбек, Қутлуғ  
қон. Тақир ерларнинг кўриниши жуда  
бошқача: майса, лолақизғалдоқ, чучмў-  
малар худди гулқўрпа ёпиб қўйгандай  
кўк, қизил, яшил тусда товланади.  
Х. Назир, Чўл ҳавоси.

**ГУЛЛАМОҚ** I I Гул очмоқ, гулга  
кирмоқ. *Ғўза гуллади. Бодом гуллади.*  
— Деразамнинг олдига бир туп Урик  
оппоқ бўлиб гуллади. Х. Олимжон.

2 кўчма Равнақ топмоқ, ривожланиб,  
тараққий этиб юқори босқичга, юк-  
сак даражага кўтарилмоқ. *Яшайсиз  
гуллаган бизнинг замонда, Узоқ умр  
кўринг давру давронда. Фозил шоир.*  
| Обод бўлмоқ, яшнамоқ. *Сенинг ре-  
жанг билан гуллади даштлар — Адир-  
лар гуллади, гуллади диёр.* Ғайратий.

3 кўчма Гул-гул очилмоқ, чирой оч-  
моқ, гўзаллашмоқ, яшнамоқ. *Мажлис-  
га тўпланганларнинг хилма-хил кийим-  
лари ва қувноқ юзлари ёдуда гуллади.*  
П. Турсун, Ўқитувчи. *Еш авлод —  
келгусимиз, фахримиз ҳам кўркимиз,  
Ёшлик — бу умримизнинг гуллаган ба-  
ҳоридир.* Э. Раҳим.

**ГУЛЛАМОҚ** II Моғорламоқ, пўпа-  
нак босмоқ. *Нон гуллабди.*

◆ Оғзидан гулламоқ ғайришуурий  
равишда сирини очиб, айтиб қўймоқ,  
оғзидан илинмоқ. **Қўлингдан** (ёки **кў-  
лидан**) гуллагур қарғ. қўлинг шол бўл-  
гур, қўлинг сингур.

**ГУЛЛАТМОҚ** I I гулламоқ I 2, 3 фл.  
орт. н. *Қўриқ ерлар очаман, чўл-саҳ-  
рони гуллашиб.* Қ. Муҳаммадий. *Мен  
ҳам сенга ҳар нафас Шафқат қўлин  
чўсайин, Қути учган ҳаётинг Гулла-  
тайин, тусайин.* Ғайратий.

2 Файз киритмоқ, зийнат бермоқ.  
Қампир ҳам биз билан стоннинг бир  
тарофини гуллашиб, савлат тўкиб  
ўтирди. Ойдин, Уялди шекилли, ерга  
қаради. | Қизитмоқ, кўтаринки руҳ  
бермоқ. *Унинг асл исми — Наби. Узи-  
нинг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги  
билан сўхбатларни гуллагани учун  
маҳалладаги улфатлари уни «гул» —  
«Набигул» деб атаганлар.* А. Қаҳқор,  
Қанотсиз читтақ.

**ГУЛЛАТМОҚ** II гулламоқ II фл.  
орт. н.

**ГУЛЛИ** I Гули бор, гул-нақш со-  
линган; гулдор; безакли. *Гулли дўппи.*  
*Олма гулли пиёла. Гулли рўмол. Гулли  
чит.* — Улар [Элмурод билан Ойимхон]  
япроқ гулли чинни косалардаги қовурма  
шўрвага нон тўғраб, овқатланаётган-  
ларида Гулсум кириб келди. П. Турсун,  
Ўқитувчи.

2 Ичида гули бор, ичига гул солиб  
қўйилган, гул билан банд. *Гулли ту-  
вак. Гулли ваза.*

**ГУЛМОЙ** [ф-т] с. т. Гулмоҳи.  
**ГУЛМОҲИ** [ф-т] Лососсимонлар  
оиласига мансуб, тоғ сувларига яшай-  
диган холдор балиқ.

**ГУЛНОР** [ф-т] I от Анор гули.

2 сфт Анор гули рангидаги, қизил,  
қирмизи. *Байроғи шафақ ранг, лаби  
лолага ҳамжисн, Гул-гул очилла у юзи  
гулнор ўтажақдир.* С. Абдулла.

3 Гулнор (хотин-қизлар исми).

**ГУЛОБ** [ф-т] I Атиргул суви. Баҳор  
дарахтларни ёш келинлардек безатиб,  
устларига оқ, қизил кўйлак кийгизган,  
қокиллариغا гулб селган эди. М. Осим,  
Ўтроп.

2 Атиргул сувидан тайёрланган ши-  
рин ичимлик; шарбат. [Навоий:] *Гулоб.*  
[Мансур косани узатиб:] *Мана, пирим,  
гулоб.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

3 кўчма Май, шароб.

**ГУЛОБИ** [ф-т] Гулоб рангли, пуш-  
ти. *Очил қайрилиб қараб, гулоби кўйлак  
кийган Замирани .. кўриб қолди.*  
П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ГУЛОБЧИ** Гулоб тайёрловчи; гулоб  
сотувчи. *Гулобчи дўқондор қўлларини  
орқасига қўйиб, юмалоқ қорнини чўқ-*

*қайтириб дўқон олдига аста юрди.*  
Ойбек, Қонли бармоқлар.

**ГУЛРАЪНО** [ф-т+a] айн. раъно I.  
Уларнинг [аммамнинг] уйидаги гуллар-  
нинг-ку сон-саногини ўйқ; гулбеор, гул-  
раъно, гулсапар. Ф. Гулом, Шум бола.

**ГУЛРҲУ** [ф-т] поэт. Гул юзли, чи-  
ройли, гўзал. *Кеча келгумдир дебон, ул  
сарви гулрўй келмади.* Навоий.

**ГУЛСАПСАР** Қиёқ баргли, бинафша  
ёки сариқ гулли кўп йиллик ўсимлик  
ва унинг гули.

**ГУЛТОЖ** [ф-т] I бот. Гулнинг гул-  
барглардан ташиқил топган ва гулкоса-  
ни тўлдириб турган қисми; тож.

2 Гулдан ясалган тож, гул жиға.  
[Навоий:] *Бу — санъат шоҳининг бо-  
шига гултож.* Уйғун ва И. Султон,  
Навоий. *Баҳор қадаб бошингга гултож  
Еллар эсса, бил, ўша менман.* Шухрат.

**ГУЛТОЖБАРГ** [ф-т] айн. гулбарг.

**ГУЛТОЖИХҲУРОЗ** [ф-т] Ҳўроз то-  
жига ўхшаш тўп гулли ўсимлик ва  
унинг гули.

**ГУЛУЗОР** [ф-т] айн. гулюз. [Хидоят  
ўз-ўзига:] *Гулзорни тезроқ менга рў-  
барў қилиб эритиб, юз эчкининг пулини  
олмайсанми?* Ҳамза, Майсаранинг  
иши.

**ГУЛУТА** диал. Гилвата.

**ГУЛҲАЙРИ** [ф-т+a] Баланд пояли,  
йирик гулли декоратив ўсимлик ва  
унинг гули.

**ГУЛҲАН** [ф-т] Исиниш ёки бошқа  
бирор мақсадда ўтин қалаб атайлаб  
ёндирилган ўт, аланга. *Ўлтирибди ик-  
ки дўст, ўртоқ; Отамлашиб гулхан  
ёнида.* Х. Пўлат. *Гулхан теварғида  
бир неча киши исинмоқда эди.* Айний,  
Қуллар. *Бир томонда «чарс-чурс»  
билан гулхан ёнади, у баъзан жуда баланд  
алангаланиб, кечанинг чексиз қора оғу-  
шидан катта нур ўтқони ёради.* Ойбек,  
Қутлуғ қон. *Пионерлар гулхани пио-  
нерларнинг шундай аланга атрофида  
ўтказадиган тантанали йиғилиши, сбо-  
ри.*

**ГУЛҲОНА** [ф-т] I Махсус ажратиб  
гул экилган ер.

2 Гул экиб, гул ва гул кўчати етиш-  
тириб берадиган махсус жой, қурилма;  
оранжерей.

**ГУЛЧАМБАР** Гул, баргли новда ва  
ш. к.дан тайёрланган чамбар. *Қишлоқ  
меҳнаткашлари ўз жанговар фарзанд-  
ларининг номларини ҳурмат билан  
тилга олиб, уларнинг қабрига гулчам-  
барлар қўйдилар.* А. Раҳмат, Шоир  
жанг қилган жойларда.

**ГУЛЧЕҲРА** [ф-т] I Гул юзли, чи-  
ройли, гўзал.

2 Гулчехра (хотин-қизлар исми).

**ГУЛЧИ** I Гул экувчи, гул етишти-  
рувчи мутахассис. *Ҳаваскор гулчилар  
санъатини ақс эттирувчи виставка.*

2 Гул сотувчи; гулфуруш. *Улар [йи-  
гитлар] .. гулчидан гул сотиб олиб, қиз-  
ларга тақдим қилдилар.* П. Турсун,  
Ўқитувчи.

**ГУЛЧИН** [ф-т] Этик ёки маҳси бош-  
лиғининг орқа қисми (баъзан гул ёки  
нақш билан безатилади). — *Бу ерда*



[бозорда] .. ҳамма нарса топилди: .. от бўктаргиси, ёлпўш; гулчин билан таг-чарм қўйилса, ҳали кийса бўладиган нимдошгина саҳтиён маҳси дейсизми, ...— деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

◆ Панжара гулчин жимжимадор, сержашам. Панжара гулчин имзо. Панжара гулчин дарвоза.

**ГУЛЧИНОР** [ф-т] Қарта ўйинининг бир тури; пирра.

**ГУЛЧИРОЙ** [ф-т] кам қўлл. айв. гулчехра 1.

**ГУЛШАН** [ф-т] поэт. 1 Гулзор, чаманзор.

2 кўчма Гуллаган, яшнаган ер, обод ўлка, мамлакат; гулистон. *Томоша қилгали Тошкентнинг эли Шу вақтда бўлбди шаҳарлар гули. Бир-биридан зийд зебо манзили. Бу гулшанда мен ҳам турғали келдим.* Эргаш шоир. [Холиқсон Тожибойга:] Қани, сўрагани айби йўқ, кўзимга ўтдек кўринасиз, қайси гулшанинг гулисиз? Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 Гулшан (хотин-қизлар исми)

**ГУЛЮЗ** Гул юзли, гулрў, гулчехра, гўзал.

**ГУЛҚАЙЧИ** Гул кесадиған маҳсус қайчи. *Саримсоқ ота .. гулқайчи билан ёш дарахтларнинг настки шох-бутоқларини қирқиб юрарди.* Мирмуҳсин, Чинқиши.

**ГУЛҚАНД** [ф-т+a] Атиргул ва шакардан тайёрланадиган бир нав ширинлик, қўём. *У эрталаб гулқанд билан нонушта қилишни .. яхши кўради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ГУЛҚОҒОЗ** [ф-т] Уй деворларига ёпиштириладиган гулли қоғоз.

**ГУЛҒУНЧА** Гул ғунчаси, очилмаган гул.

**ГУЛҲАМИШАБАҲОР** [ф-т] Баҳордан то кузгача очилаверадиған қизғиш-сарик гулли ўтсимон ўсимлик ва унинг гули.

**ГУМ I** [ф-т] Чуқур; сув остидаги чуқурлик. *Тегирмоннинг бутун асоб-анжомлари, тош ва дўлларигача гумининг ишида, қумнинг остида қолган.* Айний, Эсдалиқлар.

**ГУМ II** [ф-т]: **гум бўлмоқ** йўқолмоқ, даф бўлмоқ. *Гум бўлсин, гумон бўлсин, Қўрбоши татом бўлсин.* «Фольклор». **Гум қилмоқ** 1) ўғирлаб, исини ҳам чиқармай йўқ қилмоқ. *Мулла Обид йигитларига, Абдуҷалил бойнинг .. ахтаҳонасида боқиб қўйган бир жуфт тулпорларини гум қилишни буюради.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) йўқ қилмоқ, даф қилмоқ; 3) ўлдириб ҳеч кимга билдирмай йўқ қилмоқ. [Султонбек Турғунга:] *Қўлингизда қоғозда номлари кўрсатилган беш кишини топ, гум қил.* К. Яшин, Йўлчи юлдуз.

**ГУМАНИЗМ** [р<лат] 1 Уйғониш даврида: инсонни феодализм ва католицизм асоратидан озод қилишга қаратилган прогрессив ҳаракат.

2 Инсонпарварлик, кишини қадрлаш, унга муҳаббат ва ҳурмат билан қараш; одабийлик. *Социалистик гуманизм.*

**ГУМАНИСТ** [р] 1 Гуманизм (қ. гуманизм 1) тарафдори, гуманистик ҳаракат қатнашчиси.

2 Гуманизм ғоялари билан суғорилган, инсонпарвар одам.

**ГУМАНИСТИК** Гуманизмга оид, гуманизм ғоялари билан суғорилган; инсонпарвар, одабий. *Гуманистик қараш. Гуманистик адабиёт.*

**ГУМАНИТАР** [р гуманитарный] Инсон ва унинг маданиятини ўрганувчи ижтимоий фанларга оид. *Гуманитар фанлар (мас., фалсафа, тарих, сиёсий иқтисод, тилшунослик).*

**ГУМАШТА** [ф-т] 1 тар. Катта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли кишиси, вакили. *Баъзи серпұл катта дунёдор кўнас бойлар узок юртларга ўз гумашталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди.* М. Умуҳаммаджонов, Турмуш уринишлири.

2 кўчма нафр. Биров томонидан маҳсус топшириқ билан қўйилган шахс. *Душман онсур ўз гумашталарини ҳар қандай йўлар билан соҳонинг раҳбарлик ўринларига қўйишга уриндилар.* А. Ҳамидхўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузлиши.

**ГУМБАЗ** [ф-т] 1 Қубба шаклидаги том; қубба тахлитигадаги нарса. *Цирк гумбаз.* Ҳаммом гумбаз. *Осмон гумбазида ҳисобсиз юлдузлар чамани ёнади.* — *Тўғрида Ҳирот мадрасаларининг нақили гумбазлари эрталабки кўёш нурида ярқираб кўринмоқда.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 кўчма дағл. Бесўнақай, катта, семиз одам ҳақида. *Тунов кунни холаминикига боран эдим, холам .. ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулогига етказувчи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлганини бирма-бир айтиб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ГУМБАЗДАЙ**, =дек Бесўнақай, катта, семиз. *Гумбаздай одам.* || *Тўймаснинг бўлса қўлларга кўкариб, гумбаздек ишииб кетган.* Ойдин, Ҳазил эмиш.

**ГУМБАЗСИМОН** Гумбаз тахлитигаги, гумбазга ўхшаган.

**ГУМБУР I** тақл. с. Портлашга ўхшаш кучли ва узлуксиз товуш ҳақида. *Базм борган сари қизмоқда, чирманда гумбурига қўшилиб, ялли қийқириқлар эшитилмоққа бошлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 сф. с. т. Мустаҳкам, пишқиқ-пухта. *Гумбур арава.* || — *Машина гумбур,— деди Ражаб ака.— Энди бу ёғи сенга боғлик, ука! К. Раҳим, Ўз касбини севган йигит.*

◆ *Иш гумбур* иш жуда яқин, иш авжида. [Мирзариам Гулжонга:] *Мана шу хат билан иш гумбур.* Гулжонни лўқиллатамиз-қўямиз. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ГУМБУРЛАМА** айв. **гумбур** 2. *Гумбурлама арава.* — *Қомилаҳон, ҳалқ ичиде мени изза қлаверманг, эрта-индин гумбурлама кўприк ясаймиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГУМБУРЛАМОҚ** Портлашга ўх-

шаш кучли ва узлуксиз овоз чиқармоқ. *Узоқларда ернинг бир қаватини ўпириб кўтариб кетгудай, даҳшат билан момақалдироқ гумбурлади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Қардадир тўп-лар шошилмасдан, вазмий гумбурлайди.* Ойбек, Қўёш қораймас. *Гуломжоннинг гурзиси .. даҳшат билан урилганда бутун тоғ титрат, ўнгуричи гумбурлаб кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГУМБУРЛАТМОҚ** гумбурламоқ *фл. орт. н.* *Асқар полвон ўйлашиб, ҳали жавоб бераишча йўқ эди, оғир булутли ҳавони артиллерия даҳшатли гумбурлатиб юборди.* Ойбек, Қўёш қораймас. *Қўлмуҳаммад янги от-аравани гумбурлатиб қишлоққа кириб келди.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ГУМ-ГУМ** тақл. с. Портлашга ўхшаш бир-икки топқир кучли овоз ҳақида. *«Гум-гум» икки топқир граната портлаши эшитилди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Мана энди ҳар икки тарафдан ҳужум. Патир-путир, гум-гум бошланди.* Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

◆ **Кўнглим гум-гум кетяпти** кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти, кўнглим айни-япти.

**ГУМДОН** [ф-т]: **гумдон бўлмоқ** гум бўлмоқ, йўқолмоқ, даф бўлмоқ. *Гумдон бўлгур!* (қарғ.). — *Агар тагин эргашса, отиб кетишга аҳд қилдим. Аммо далага бурилишим билан йиғит ҳам гумдон бўлди,— деди Қўлмат.* Х. Фулом, Машғал. **Гумдон қилмоқ** гум қилмоқ, йўқ қилмоқ.— *Агар Содиқлар ана шу ўн тўрт босмачини гумдон қилмасалар, Самсоқбойни ҳам қўлга тушириб бўлмасди,— деди Михайлов.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**ГУМОН** [ф-т] Шубҳа; тахмин. *Бу қон энг қутлуғ, энг муборак, энг соф қон... Бунга гумоним йўқ.* Ойбек, Қутлуг қон. *Агар гумоним тўғри бўлса, Қомилбекнинг қотили Ҳомиддир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | *Кесим вазиғасида Эҳтимолдан узок, қийин; шубҳали. Бундан дуруст жойнинг топиллиши ҳам гумон.* Ф. Фулом, Шум бола. **Гумон қилмоқ** 1) (ч. к. билан) шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ. *Сен кимдан гумон қиласан?* 2) тахмин қилмоқ, ... деб ўйламоқ. *Ҳозирги афтини кўран киши уни [Рўзиматини] гап-сўзда йўқ, ўзи тўнғина бу йиғит гумон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

◆ **Гумон олмоши** грам. аниқсизлик, гумон маъносини билдирадиган олмош, мас. *аллаким, алланима, кимдир, нимадир, қандайдир. Гумон феъли грам.* иш-ҳаракатнинг бўлишини гумон-тусмол йўли билан ағлатадиган феъллар, мас. *борарман, айтарсиз, боришар.*

**ГУМОНА** [ф-т] с. т. Она қорнидаги бола. *Мендан буви Ҳилолнинг бўйида олти ойлик гумона қолди.* «Гурўғли».

**ГУМОНДОР** [ф-т] Бирор кимса ёки нарсдан гумон, шубҳа қилувчи, шубҳаланувчи. *Қашимни олган бир киши, гумондорим минг киши.* Мақол. **Гумон-**



дор бўлмоқ гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ.— *Нусрат дейди!* — Бўлмаг гумондор, Шу бир қошиқ қонимдан кешинг. Ю. Шомансур, Бахт.

**ГУМОНЛАНМОҚ** Бирор кимса ёки нарсадан гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ.— *Нима депяси?* — гумонланиб сўради Йўлчи. Ойбек, Қутлуг қон.

**ГУМОНСИРАМОҚ** Бирор кимса ёки нарсадан бир оз гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ.

**ГУМРОН** [ф-т] кам қўлл.: гумрон бўлмоқ айн. гумдон бўлмоқ қ. гумдон. Гумрон қилмоқ айн. гумдон қилмоқ қ. гумдон.

**ГУМРОХ** [ф-т] кт. 1 Йўлдан озган, адашган; янглишган. [Навой:] *Деги қайдин сен, эй Мажнун гухро!* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Хозир пир ўзларини эмас, сизларни ўйлайдилар, тонг саҳарларда жойнамозга тиз чўкиб «ҳақ йўлдан адашган гухроқ бандаларингга газаб қилма деб худого сифиндилар.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Енгил койиш маъносида ишлатилади.— *Сен гухроқ, она сутти кўр қилгур, адашиб, улоқиб келиб, яна инсофдан дам урасан-а!* — *деди Жўра.* Х. Назир, Онанзор. — *Вой гухроқ, танимайсанми ҳали!* Ойбек, Навоий.

**ГУМРОҲЛИК** 1 гумроҳ с. белги оти. 2 Йўлдан ознишлик, адашганлик; хатолик; янглиш, хато иш, йўл. *Иккиси ҳам аҳмоқ. Иккисининг йўли ҳам, менимча, гухроқликдан бошқа нарса эмас.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ГУМУРМОҚ** диал. Гупилламоқ, дукулламоқ, тез уриб кетмоқ (юрак ҳақида). *У эшикдан кириши билан Саидийнинг юраги гумуриб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Кўнглим гумуриб кетяпти** кўнглим беҳузур бўляпти, кўнглим айниапти.

**ГУНАФША** с. т. Бинафша. **ГУНГ** 1 Сўзлаш қобилиятдан махрум бўлган; тилсиз, соқов, гунгалак. *Гунг одам.* ■ *Боланинг жавоб беришга тили келмай, гўё гунг бўлиб қолганди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 *Кўйма* Сўзлаш, гапириш ҳуқуқидан махрум бўлган; тилсиз, эрксиз. *Подшо хизматидаги инсон гунг ва шол бўлиши керак экан.* Ойбек, Навоий.

**ГУНГАЛАК** с. т. Гунг. *Шоҳимиз бебахт. Унинг оламга довруги кетган яққаю ягона сулув қизи туғилган кунидан бери гунгалак бўлиб юради.* «Эртактлар».

**ГУНГУР-ГУНГУР** айн. гангир-гунгур. *Гунгур-гунгур суҳбат ва кулги овозлари эшитилади.* С. Зуннуова, Янги директор. *Уроз дўмбирани четга қўйди.* *Гунгур-гунгур суҳбат билан чой ичилди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ГУНГУРСДАЙ**, *эдек* с. т. Жуссаси катта; гавдали, гумбаздай. — *Зовур қазийтеганларнинг қаери сиздан кам. Гавдангиз гунгурдай, бир йиғитча қуватингиз бўлса, оғиримизни енгил қилишингиз керакмасми!* — *деди Валижон Асқаралига.* Х. Назир, Олмос.

**ГУНГУРТ** Қора-сарик тусдагн, қора-сарик; кўнғир. *Рағнонинг сочи гун-*

*гурт қора, яъни қуёшсиз жойда қора кўринса ҳам, қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ГУНОҲ** [ф-т] 1 дин. Шарият қонунига, диний ақидаларга хилоф иш. *Домла гудираган овоз билан нўнса қилди.* — *Худонинг қудратига шак келтирманг.* *Гуноҳингизни ортдирасиз.* Сизнинг ҳамма қилмишингиз гуноҳ. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Одоб-ахлоқ доирасига сигмайдиган иш, ноҳўя хатти-ҳаракат; айб. *У [Элмурод] шу вақтга қадар қорининг кулганини кўрган эмас, гўё бу одам учун кулги гуноҳу, кибрлик .. одоб нишонаси эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Бир бечораса туҳмат қилинса-ю, билга туриб, кўра туриб, жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайди?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Жиноят. Отабеклар нега қамалдилар, қандай гуноҳлари бор экан?* А. Қодирий, Утган кунлар. [Ҳамида:] *Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг ҳўжайинига — ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. **Гуноҳидан ўтмоқ** ёки **гуноҳини кечирмоқ** гуноҳ ёки айб иш қилган кишини кечирмоқ, афв этмоқ. *Холхўжага йиғит бўлганинг эсингдан чиқдим!* *Ҳукумат гуноҳингдан ўтди-я.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Агар сиз гуноҳимни кечирсангиз, мен шу дақиқада Тошкент жўнайман!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ГУНОҲҚОР** [ф-т] 1 дин. Шарият қонунига, дин ақидаларига хилоф иш қилган, гуноҳ қилган. **Гуноҳқор банда.** ■ *Мункар-Накир .. шунча йил терговчилик қилиб, бундай гуноҳқорни биринчи мартаба кўриши эди; яна гурзисини ишга солди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш. — *Чилим кечиб бидъат,* — *деди мулла,* — *бунга қилган одам гуноҳқор бўлса ҳам, кофир бўлмайди.* Айний, Қўллар.

2 Одоб-ахлоқ доирасидан ташқари, ноҳўя иш қилган; айбли, айбдор. *Мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман, шулар қатори мен ҳам гуноҳқорман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Киши ўзини гуноҳқор ҳис қилса, беғам қувнаётганларга ҳаваси келади.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 *Жиноят қилган, жиноятчи, айбдор.* **Гуноҳқор қилмоқ.** ■ *Дарров ҳалиги осилиши учун юборилган гуноҳқорларнинг орқасидан от билан югур!* *Дор остидан бўлса ҳам қайтариб кел!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Сизни гуноҳқор қилишига ва гуноҳингизни кечилишига менинг ҳаққим йўқ, дада!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ГУНОҲЛИ** Гуноҳ ёки айб иш қилган; гуноҳқор.

**ГУНОҲСИЗ** Гуноҳ ёки айб иш қилмаган; гуноҳи йўқ, бегуноҳ. *Мусулмонқул ўз ғарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб, қуёви Шералихонни ўлдирди.* А. Қодирий, Муродхонни шаҳид этди. *Гуноҳқорий, Утган кунлар.*

**ГУП** тақл. с. Оғир нарсанинг урилиши натижасида ҳосил бўладиган бўғиқ овоз ҳақида. **Гуп этиб** 1) гупиллаб, зарб билан. *Полвоннинг кучи ошиб, ўз рақибини айлантириб чуномам урдик, у «гуп» этиб ерга йиқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) бирдан ва сезиларли равишда. [Қудрат] *уйга кириши билан, билқиллаб қайнаётган декдан ҳушбўй ҳид димоғига гуп этиб урди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГУП-ГУП** гуп с. тақр. *Юраги гуп-гуп уради.* ■ *Қимдир оғзи билан сув пурқаб, ешиллатиб дазмол босар, қимдир икки қўли билан гуп-гуп уриб, болишини кўпчитарди.* А. Мухтор, Туғилиш. || *Аравалардан гумбирлаб тош-шағал ағдарилиши, янгероқ арра товуши, болға, босқонларнинг гуп-гупи кулоқни битиради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ГУПИЛЛАМОҚ** 1 «Гуп» этган овоз чиқармоқ, гуп-гуп урмоқ. *Ҳамма ёқ жимжит, фақат аллақерда электростанция гупиллар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Адолатнинг юраги гупиллаб ўйнаб кетди.* С. Зуннуова, Гулхан.

2 Бирдан димоққа урмоқ, анқимоқ (хид, ис ҳақида). [Ҳазратовнинг] *қўлида катта сават, саватда бут-бутун қўй .. ундан арчада пишган кабоб ис гупиллаб турибди.* И. Раҳим, Тақдир. 3 *Шиддат билан ёғмоқ (қор ҳақида).*

**ГУПИЛЛАТМОҚ** 1 гупилламоқ 1 *фи. орт. н.* *Гупиллатиб урмоқ.* ■ *Жуда ҳам чиройли, йиғирма тўрт ёшлардаги, қомати худди қуйиб қўйгандек бир қиз, ариқ бўйида жомашовда гупиллатиб кир юаялпти.* С. Аҳмад, Лочин. 2 *айн. гупилламоқ* 2. *Кеча гупиллатиб қор ташлади, бузун унинг қора совуғи ҳамма ёқни қамраб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГУППА-ГУППА** айн. гуп-гуп. *Гуппа-гуппа ёғар эди момик қор, Бунча енеил, бунча оқ!* Ж. Жабборов. [Умаркул] *вақт ўтиб яна дармони кета бошлади.* *Икки-уч қадам ташламадан гуппа-гуппа йиқилаверди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи.

**ГУППИ** Қалин пахтали чопон, тўн. *Адолат онаси келтирган қора духоба гупписини кийиб, бошига каттагина шол рўмол солиб олган эди.* С. Зуннуова, Гулхан.

**ГУПСАР** [ф-т] эск. Кечувдан ўтиш учун хизмат қиладиган ичига ҳаво тўлдирилган меш.

**ГУПУРМОҚ** 1 айн. кўпирмоқ. 2 *кўйма* Жўшмоқ, жўш урмоқ; қайнаб тошмоқ. *Жамол Мунаввар тутқазган бир кучоқ ранго-ранг атиреуллик кўз олдига келтириб, ичидан қувончи гупурди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Ешлик — бебошлик дегандек, телба дарёдек тошиб, денгиздек гупуриб, ўзимизни бекордан-бекора тоғ харсанглариға урдик.* Ё. Шукуров, Уч савол. [Бурхон:] *Кўпроқ юрсам ҳарсиллайман, бағзан юрак гупуриб кетади, нафас қисади.* Уйғун, Ҳуррият.

**ГУПЧАК** Гилдиракнинг марказидаги кегайлар қадалган ва ўққа ўрнатилган гўла қисми. *Арава гупчаги.*

**ГУПЧАКДАЙ**, *«дек [ф-т]* Семиз, юмалоқ. *Ялли шовқин билан «тортиш-мачоқ» бошланди: қиз томонда гупчакдек юм-юмалоқ хотин, беллини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушиди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ГУР** *тақл. ва тасв.с.* Бирдан бошланган шиддатли ҳаракат ва ундан чиқадиган товуш ҳақида. *Кушлар гур этиб учди. Одамлар гур этиб қўзғалишди. Гулхан гур этиб ўт олди.* ■ Кўпчилик чиқолмади, гур этиб кулиб юборди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ГУРАС-ГУРАС** *рвш, диал.* Тўда-тўда, бўлишиб; тўп-тўп. *Унинг [Мақсуднинг] ҳаёлларини дарвозадан гурас-гурас кири келаятган, дарса ошиқаятган студент йигит-қизларнинг шўх, қувноқ овозлари бўлди.* М. Худойқулов, Интилганга толе ёр

**ГУРВАК [ф-т]** Эрта пишар бир нав қовун номи.

**ГУР-ГУР** *гур с. такр.* Одамлар аввало ўқитувчининг фавақулда ҳаракатини ҳазилга йўйиб, гур-гур кулиши ва завқ билан ҳазил қилиши. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГУРЖИ** *с. т. эск. айн. грузин.*

**ГУРЗИ** [ф-т] *1* *тар.* Тўқмоқ шаклидаги ҳарбий қурол; шашпар. *Шерзод ўрнидан туриб, Шернинг бошига яна бир гурзи урди.* «Эртақлар».

*2* Катта оғир тўқмоқ. *Ғулможоннинг гурзиси .тош устига даҳшат билан урилганда бутун тоғ титрар, унгури ичи гумбурлаб кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГУРИЛЛАМОҚ** *1* «Гур» этган овоз чиқармоқ; гулдурмоқ. *Қарсақ гуриллади.* ■ *Мели половон лапанглаб Элмуроднинг қаршисига чиқди. Кулеи яна гуриллади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Утирганлар гуриллаб кулиб юборишади.* С. Аҳмад, Ходивой.

*2* *кўчма* Равнақ топмоқ, барқ уриб ривожланмоқ, тараққий этмоқ, қизи-моқ. *Фан ва маданият гуриллаб кетди. Иш гуриллади.* ■ [Жондор] *нари борса, шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун вагончи деб аталди.* Ойбек, Кутлуғ қон. *Савдо гуриллаган.. Ҳар куну уфлатчилик, базм А. Қаждор, Оғайнилар.*

**ГУРИЛЛАТМОҚ** *гурилламоқ* *фл. орт. н. Шерзодий.. Озаҳиддан, Феруз-дан, Аваздан ғазаллар айтмоқда, тўй-ни қиздириб гуриллатмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ГУРКИРАМОҚ** *1* Барқ уриб ўсмоқ, ривож олмақ (кўкат, ўсимлик ҳақида). *Баҳори бугдойнинг гуркираган пайти.* ■ *Парварши этган гўзалар она сутига мириққан боладек гуркираб ўсарди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

*2* *кўчма* Гуллаб-яшнамоқ, барқ уриб ривожланмоқ, ўсмоқ, тараққий этмоқ. *Саноятимиз гуркирамоқда.* Социалис-

*тик экономаиканинг гуркираб ривожла-ниши.*

*3* *кўчма* Ҳамма ёқни тутмоқ, тарқамоқ, анқимоқ (ҳид ҳақида). *Қамбар бирдан қаттиқ кулиб, Йўлчининг ёни-га ёнбошлади. Оғзидан мусаллас ҳиди гуркурар эди.* Ойбек, Кутлуғ қон. | *Таралмоқ; сезилмоқ. Ҳамма ёқда ба-ҳор нафаси гуркирайди.* С. Аҳмад, Алла.

**ГУРКИРАТМОҚ** *гуркирамоқ* *фл. орт. н. Ёмғир кўклатларни гуркиратиб юборди. Ёшлар ҳаётни гуркиратади.*

**ГУРПАКЛАШМОҚ** Тудалашиб тартибсиз ҳаракат қилмоқ; бир-бирини босиб-йиқитиб ўйнашмоқ (кўпинча болалар ҳақида). *Болалар ўйни бошларига кўтариб гурпаклашарди.* ■ *Чумчуқлар худди оёғи куюётгандай бетоқат типирчилар, ушоқ таллашиб гурпаклашарди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**ГУРРА** *айн. гур.* Алижоннинг икки оёғи осмонда чархлалаб бўлиб ерга тушиди. *Ҳатто ер чанғиб кетди. Даврада гурра қийқириқ кўтарилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**ГУРС** *тақл. с.* Зарб билан урилган оғир нарса овози ҳақида. *Оғилхона тарафида бир ниманинг гурс этиб ерга йиқилиб, хириллай бошлагани эшитилди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ГУРС-ГУРС** *гурс с. такр.* Кўчадан гурс-гурс оёқ товушлари, аллакимнинг янгероқ овози эшитилди. Ҳ. Ғулом, Машғал. *Шукуржоннинг юраги гурс-гурс ура бошлади.* О. Ёқубов, Ота изидан.

**ГУРСИЛЛАМОҚ** «Гурс-гурс» овоз чиқармоқ. *Нимадир гуриллаб ерга тушиди, нимадир санди. Уйнинг эшиги шарақлаб очилди.* А. Қаждор, Майиз емаган хотин.

**ГУРСИЛЛАТМОҚ** *гурсилламоқ* *фл. орт. н. Гурсиллатиб эшик қоқмоқ.* ■ *Хусанжон вазмин одими билан тахта полни гурсиллатиб, ўз жойига қайтди.* И. Раҳим, Тақдир.

**ГУРСКЕТДИ** Пичоқ тегилиши билан гурсиллаб ёриладиган бир нав қовун номи.

**ГУРУНГ** *1* Қизғин суҳбат, гап. *Мушоара — шегър базми, шоирлар гурунги, ширинсуханлар суҳбати.* ■ *Гурунг қизгандан қизиди. Хотинлар дардлашиб, қўвнашдилар.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ўз ғув-ғуви билан гузарни тўлдирган одамлар гурунге ҳам бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Маладали аста бошини кўтариб уй ичида бўлаётган гурунге қулоқ солди.* А. Раҳмат, Мардлар марди.

*2* *эск. айн. гап 2.*  
◆ *Чигатоӣ гурунги тар. 20* асрнинг 20 йилларида вужудга келган ўзбек миллий буржуа интеллигенцияси реакцияни ташкилотининг номи.

**ГУРУНГЛАШМОҚ** Йиғилишиб қизғин суҳбатлашмоқ, бетиним гаплашмоқ. *Куйша терс бир хужрада тўрт киши гуж бўлиб, одатдагича гурунглашиб ўтиришар эди.* Ойбек, Навоий.

**ГУРУ(Н)Ч** [ф-т] Шолидан оқлаб олинадиган ошлик дон. *Гуруч заводи.* ■ *Лаълихон соат беши мўлжаллаб ошининг гуручини солди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

**ГУРУХ** [ф-т] Тўда, тўп, группа. *Жангчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар.* Ойбек, Кўёш қораймас.

◆ *Қора гуруҳлар* ёвуз ниятли кишилар тўпи; реакция кучлар тўдаси. *Хон бошичилигидаги қора гуруҳлар маърифатпарвар Исломуҳжадан ўч олдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ГУРУХБОЗ** [ф-т] *айн. группабоз.* — *Абдурасулни қоралаб гаширасан. Гуруҳбоз дейсан, эшитдингми, гапдон? — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГУРУХБОЗЛИК** *айн. группабозлик.*

**ГУРУХЛАМОҚ** *айн. группаламоқ. ГУСЕНИЦАЛИ* [р] *тех.* Трактор, танк каби машиналарнинг гилдирак ва зифасини бажарувчи кенг, узлуксиз занжирсимон қисми. *Иккинчи гранатани Аҳмедов гусеницани мўлжаллаб улоқтирди-да, ўзини тошдай ерга ташлади.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**ГУСЕНИЦАЛИ** Гусеницаси бор, гусеница билан юрадиган. *Гусеницали экскаватор. Гусеницали танк. Гусеницали трактор.*

**ГУСТОХ** [ф-т] *кт.* Одобсиз, беадаб, беандиша; сурбет; бетакаллуф. *Густох одам.*

**ГУСТОХЛИК** *1* *густох с. мавҳ. от.* *2* Одобсизлик, беадаблик, андишасизлик; сурбетлик; бетакаллуфлик.

**ГУСУР-ГУСУР** *айн. гурс-гурс.* Бир ордан кейин кўча тарафдан гусур-гусур қилиб ўтган бир тўда от оёқларининг товуши келди. *Ғайратий, Унутилмас кунлар.*

**ГУТАЛИН** [р] *Этик мой. Ботинкани гуталин билан тозалармоқ.*

**ГУТТАПЕРЧА** [р<инел] Баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланган чармсимон юмшоқ модда (медицина ва техникада қўлланилади).

**ГУФТУГУ** [ф-т] *эск. кт. Гап, суҳбат; маслаҳат. Гуфтуғу қилмоқ.* ■ *Мен соддадил бундай гуфтуғуларга ишоний, Мирзо Ёдгор хизматиға кирдим.* Ойбек, Навоий.

**ГУШНА** [ф-т] Зўр, зўравон. *Қартабозларнинг гушнасиди шу-да, деб бошқа биров жавоб берди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ГУҲАР** [ф-т] *эск. кт. айн. гавҳар.* [Жомий:] *Гуҳардур ҳар сўзи, ҳар ҳарфи оташ. Уйғун ва И. Султон, Навоий.* *Бўлмағай инсон асиз Яхши хунар қилмаса Ёки ўқиб илм ила ўзни гуҳар қилмаса.* Ҳабийий.

**ГУДАК** [ф-т] *1* Эмадиган, кўкракдан ажратилмаган бола. *Эсли болалар ҳам кўринмайди. Гўдаклар эса бешиқда, дарахтлар орасидеги беланчақларда ухлаб ётишади.* Ойбек, Кутлуғ қон. | *Вояга етмаган, она сутти оғзидан кетмаган бола, ёш бола. Мусулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақсиз*

бир гўдакни хон кўтариб, эл елкасга шинди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўчма Турмуш тажрибасига эга бўлмаган; хом, гўр одам. Баринг гўдак, ҳали нодон боласан, Ҳар иш қилсанг ҳам битмаган чаласан. «Равшан». Дилдор Аъзамжонни кўрди-ю, Низомжон кўзига бир ёш бола, гўдак бўлиб кўринди-кўйди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ГҶДАКЛИК 1** гўдак с. белги оти.— Биз сизларнинг тарбиянгизда гўдакликдан вояга етдик. П. Турсун, Уқитувчи. У [йигит].. гўдаклик йилларининг унутиб бўлма хотираларига бой бўлган адир этаклари, сой бўйлари, сертупроқ кўчалар оғушида маст бўлиб борар эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кўчма Гўдакларга, ёш болаларга хос иш, хатти-ҳаракат, қвлик. Гўдаклик қилмоқ.

**ГҶДАКОНА** [ф-т] рөш Гўдакларга ўхшаб, ёш болалардек, болаларча. Гўдакона араз қилмоқ.

**ГҶЕ(КИ)** [ф-т] эрш. боғл. Қис-лаш, ўхшатиш маъноларини ифода-лаш учун хизмат қилади. Фуломжон суюнганидан ерда юрмас, гўё осмонда учарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Беда ораси жуда иссиқ, гўё кўчининг бутун олови беда ичига яширингандай. Ойбек, Қутлуғ қон. Тожибой кириб келди. Гўё бу ерда ҳеч ким йўқдай, ўтираманлар билан саломлашмай, кеккайиб бориб ўз ўрнига ўтирди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Булбули гўё 1)** жуда яхши сайрайдиган ва одамдек гапира оладиган булбул (эртакларда); 2) яхши ва бийрон гапирадиган одам ҳақида. Сизлар ҳозир бамисоли булбули гўёсиз. П. Турсун, Уқитувчи.

**ГҶЖА:** гўжа ош ўғирда тўйиб оқланган жўхори ёки бугдойдан тайёрланган суюқ овқат. Хотинлар уч-тўрт жойга давра бўлиб ўтиришиш гўжа ичишарди. С. Зуннунова, Олов. Қулмурод қозондаги гўжа ошига икки коса қатиқ қўйди. Айний, Қуллар.

**ГҶЗАЛ 1** Жуда ҳам чиройли, ҳусндор, хушрўй, гулчехра. Гўзал қиз. || Гулсум унинг [Элмуроднинг] ҳаёлида бу ердаги гўзалларнинг гўзали бўлиб тура берди. П. Турсун, Уқитувчи. | Кўзни қувонтирадиган даражада кўркам, файзли, серфайз. Гўзал манзара. Гўзал табиат. | Эстетик завқ берадиган, маънавий бой, сермазмун. У қорли, совуқ кун Йўлчи учун умрининг энг мазмунли, энг рангли, энг гўзал кунни эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Гўзал (хотин-қизлар исми).

◆ **Гўзал адабиёт** эск. бадийи адабиёт. Гўзал санъат эск. бадийи санъат.

**ГҶЗАЛЛАШМОҚ** Чиройи очилиб тобора гўзал бўлмоқ, гўзал бўлиб бормоқ. | Тобора кўркалашмоқ, гўзал, обод бўла бормоқ. Тошкент кундан-кун гўзаллашмоқда.

**ГҶЗАЛЛАШТИРМОҚ** гўзаллашмоқ фл. орт. н.

**ГҶЗАЛЛИК** гўзал с. белги оти. У [Гулнор] буқун шод, баҳор унинг.. гўзаллигига гўзаллик қўшган. Ойбек, Қутлуғ қон. Билинги, гулиниг гўзаллиги ҳам инсоннинг гўзаллиги туфайлидир. Р. Файзий, Гўзал.

**ГҶЛ** [ф-т] Ҳар нарсага ишонаверадиган; содда, лақма. Гўл одам. Гўл қилмоқ. — Аҳмад лўппи, қип-қизил башарасидан гўл кўринар, аммо тўғри сўз, дангалчи бола. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ГҶЛАХ** [ф-т] 1 Ҳаммомнинг ўт ёқиладиган жойи, ўчоғи; гўлаҳхона. Шу вақтда Регистон яқинидаги .. ҳаммом гўлаҳхидан тўрт нафар қиморбоз қўлларидан икки замбар билан чиқиб келдилар. Айний, Қуллар.

2 Ҳаммомга ўт ёқувчи киши; гўлаҳхи.— Йўқ,— деди Эрناзар ака,— капиталист шаҳарга бориб уйма-уй, кўчама-кўча юриб, ҳаммомдаги гўлаҳлар, тақяхонадаги бангиллар, бурчак-бурчаклардаги безориларни тўглаб, қирқ кишилик.. отряд тузишти. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

◆ **Гўлаҳдан чиққан эск.** паст табақадан чиққан. «Гўлаҳдан чиққан теги пастни бошингизга урасизми, олсангиз — бирор хонзадани олинг, деб минг марта айтдим, қулоқ солмадингиз. Ҳ. Фулом, Машғал. **Ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган салб.** Кўп иш кўрган, ҳар балони бошдан кечирган, шайтон одам ҳақида.

**ГҶЛАХИ(Й)** [ф-т] айн. гўлаҳ 2. **ГҶЛАХ ХОНА** [ф-т] айн. гўлаҳ 1. Совуқ кунда бошларини қаёққа уришни билмай, охири бир ҳаммомнинг гўлаҳхонасини топдилар. П. Турсун, Уқитувчи.

**ГҶЛЛИК** гўл с. белги оти. Гўллик қилмоқ. Узини гўлликка солмоқ.

**ГҶЛОС** Тўқ жигар ранг. Гўлос ипак. Гўлос духоба.

**ГҶНГ** От, мол ахлати. Худойқул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди. От-молга қарайди, гўнг курайди, жойи билан пичанпоя қирқади. П. Турсун, Уқитувчи. | От, мол ахлатидан иборат ўғит. Ерга гўнг солмоқ.

**ГҶНГЛАМОҚ** Ерга гўнг сочмоқ, гўнг сочиб ўғитламоқ.

**ГҶНГЛАНМОҚ** гўнгламоқ фл. мажх. н. Майдон шудгор қилиб қўйилди ва гўнланди.

**ГҶНГХОНА** Гўнг тўкиладиган ва сақланадиган катта ўра, чох.

**ГҶНГҚАРҶА** Қарғасимонлар оиласига мансуб, Ўзбекистонда ўтроқ яшайдиган қарға.

**ГҶНИЯ** [грек] Бурчакнинг тўғрилигини текшириш учун ишлатиладиган чизмакашлик ёки дурадгорлик асбоби.

**ГҶПСАНГИ** [ф-т] 1 диал. Катта тош ховонча.

2 кўчма Қўпол, бесўнақай одам ҳақида.

**ГҶР** [ф-т] 1 Ўликни кўмиш учун қазилган чуқур. Бировга гўр қазисанг, ўзинг йиқиласан. Мақол. Гўрингдан

тутун чиққур! (қарғ.). Тўринг(да) куйгур! (қарғ.). — Тўпа холаминг ёнида очик гўр ғорга ўхшаб, аллақандай ваҳима таратиб қорайиб турибди. И. Раҳим, Ихлос. | Ўлик кўмилган жой ва шу жойда кўтарилган тепалик; мазор, қабр. Нокадан қарз бўлсанг, ҳам йўлда қистайди, ҳам гўрда. Мақол. — «Қаерга борасиз, Қулбода, .. ажалингиз етса, отамизнинг гўри ёнига сиз учун катта бир сағана ясаб, сизни элтиб кўмамиз». Айний, Қуллар.

2 Қабр устига қурилган ёдгорлик; мақбара. Гўри мир Самарқанддаги Амир Темур мақбараси.

◆ **Гўр азоби** жуда ҳам қийин, машаққатли иш ҳақида. Йўл азоби — гўр азоби. Мақол. Гўр азобида азоб ва машаққат билан, катта қийинчиликлар билан. **Ота гўри қозихонами?** арзимаган ишга, нарсага ҳам шунча галва-жанжалми? [Ҳасан:] Турмасанг турмасан. Шунга ҳам ота гўри қозихонами! Мен Зухра билан нариги уйга ўтаман. Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. **Қай(си) гўрга с. т.** Қаёқда, қаерга.— Қайси гўрга йўқолдинг, баччагар! — йиқирди Бобоқула қараб.— Утми ёқ. Бир пиёладан чой ичиб йўлга тушайлик! С. Анорбоев, Оқсой. **Ҳаммаси (бари) бир гўр салб** ҳаммаси ҳам бир (хил), бирдек, фарқи йўқ.— Кўп ўтмай, у мени яна бошқа жойга топширди. Бу бой даргоҳида ўтган ҳаётим эслашга арзийдими? Йўқ. Ҳаммаси бир гўр эди,— деди Ҳамроқул. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қисаси. **Ҳар кимнинг гўри бошқа** ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, ҳар ким ўз билганини қиладди. Қаромат ундоқ бўлиб кетди, индамадим; майли, бунисига ҳам бир нима демайман, ҳар кимнинг гўри бошқа, менга нима. А. Қаҳҳор, Қизлар. [Ўз] гўрига тортмоқ бировни ўз айби, жиноятига шерик қилмоқ; оёғидан тортмоқ. У, Олахўжани ўз гўрига тортмай, ўша ёқда йўқ бўлиб кетса қошқил эди. П. Турсун, Уқитувчи. **Гўрига гишт қаламоқ** бировни орқаворатдан сўқмоқ, ҳақорат қилмоқ, қораламоқ. **Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда** ёки йўлидан гўри яқин ўлай деб турибди, ўлими яқин (ўлими яқин бўлиб қолган қари одам ҳақида). **Бир оёғим тўрда-ю, бир оёғим гўрда**, ажал деган рўдало эшикнинг тирқишидан мўралаб турибди-ю, қолган беш кунимга шуқур қилмай яна орзу-ҳавас қилайми, айланай овсин! А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Гўрдами айн. гўрними.** **Қай(си) гўрда с. т.** қаерда, қаёқда; қаердадир. Аҳмаджон ака! Қайси гўрда юрибсиз? Телефон қилмаган жойим қолмади. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. **Қай(си) гўрдан қаердан, қаёқдан;** қаердандир. [Рокия:] Турғунбой — Фарҳоду, Муҳаббат — Ширин эди. Қайси гўрдан бир хат келдию, ора-ларига совуқлик тушиб қолди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Гўрними қаёқда дейсиз, хет-да.** Бу сафар силаб-суйлаб ўтибдими? — Гўрними?

**ГҮРГА** жодал. с. 1 «Яхши», «яхши бўлди» каби маъноларни ифодалайди. *Гўрга, ўзи келиб қолди. Гўрга, ёмғирга қолмай етиб келибсан.*

2 Кесим составида келиб, розилик маъносини ифодалаш учун хизмат этади; маъно ва функцияси жиҳатидан «майли» сўзига тўғри келади. *Ёмғир ёғмаса гўрга эди. — Фойдасини бермаса ҳам гўрга, саккиз минг сўмни қайтарсин. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ГҮР-ЕР** с. т. Уй-рўзгор буюмлари, ул-бул нарсалар.

**ГҮРИСТОН** [ф-т] Ҳлик кўмиладиган махсус жой; мазор, қабристон. *Онахон .. тиканак босиб кетган гўристон устидан тўғри темир йўл устaxonаси томонга йўл олди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ГҮРИСТОНЛИК** айн. гўристон. *Гаждумбек қараса, олдидан бир гўристонлик чиқиб қолди. «Йўрўғли».*

**ГҮРКОВ** [ф-т] 1 Қабристонда гўр қазувчи киши. *Қоратой.. Уроз билан бирга мазорга — гўрковга жўнади. Агар гўрков ҳозир қазини истамаса, қабрини ўзлари қазини учун эҳтиётдан бир кетмон ҳам олишиди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 *кўчма* Йўқ қилувчи, йўқ қилиб, ўрнини олувчи. *Қози ҳам, Асад қори ҳам жадид мактабларига қарши эди, улар бу хил мактабларга диний мактабларнинг гўркови деб қарар эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ГҮРКОВЧИ** диал. Гўрков. [Гулжон Мастурага:] *Айтганингиздек, жониворнинг гўрковчиси, нафсининг терговчиси бўладики, ҳар қилинган ўзига инсоф берсин-да!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ГҮРСҮХТА** [ф-т] қарғ. Гўрингда кўйгур.— *Ахир, пушаймон қилипти-да, гўрсўхта,— деди Йўлчи ҳайратда ёқасини ушлаб.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГҮСФАНД** [ф-т]: гўсфанд йили айн. кўй йили қ. кўй 2.

**ГҮСХҲҲ** Бировга ем бўлувчи лақма, гўл одам.— *Бўлди, хўжайин! Бугундан бошлаб сизга текинча ишлайдиган гўсхўр йўқ! — деди Муҳаммадқарим. М. Урунхўжаев, Унутилмас кунлар.*

**ГҮША** [ф-т] 1 Одамлар назаридан узоқ ер, овлоқ жой; бурчак, пучмоқ. *Аҳмад Хусайн бир кун, пешиндан сўнг, Искандарони кўюқ бир дарахтзор, тинч, сокин бир гўшада кутиб ўтирди. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Фақирона турар жой; бошпана, кулба. У [Матқоғул] .. отасидан қолган тўрт таноб ерда йигитлик терларини тўкиб ўзаса.. кичик бир гўша қурмоқчи эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ГҮШАНГА** [мўғ] этн. Никох тўйининг биринчи кечи куёв билан келиннинг бошқалардан ҳоли ўтириши ва тунаши учун уй бурчагига тортилган оқ чодир; чимилдиқ. *Никох кунчи кечаси гўшангага кириш билан.. Нури.. бутун қуввати сўнган каби, бошидан оёғига қадар оҳиста бир титроқ би-*

лан қолланганди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ГҮШАНИШИН** [ф-т] эск. кт. Одамлардан холи, танҳо ҳаёт кечирадиган, одамга қўшилмайдиган, жамиятдан ажралиб қолган киши. *Кулмуҳаммаднинг гўшанишин бўлиб тўшақда ётиши қулаган минорага ўхшайди. Мирмуҳсин, Чўри.*

**ГҮШАНИШНИК** эск. кт. Одамга қўшилмаслик, аралашмаслик; танҳоликда кечириладиган ҳаёт. *Ҳатто, баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга гўшанишликка яқинлашиб борар эди. Ойбек, Навоий.*

**ГҮШТ** [ф-т] 1 с. т. Тирик организмнинг мушак тўқималари; эт. *Томирларда қон қайнаб, кўзларда ўт чақнарди, мушак гўштлири пўлатдай қотиб кетган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Элмурод аввалига эсанкирагандек юзининг гўштини пирпираб кетди. Суҳрат, Шинелли йиллар.*

2 Сўйилган жонивор танасининг овқат сифатида истеъмол қилинадиган қисми; эт. *Кўй гўшти. Товуқ гўшти. Балиқ гўшти. Қовурилган гўшт. Сур гўшт. Ичак-қорин гўшт бўлмас, душман асло дўст бўлмас. Мақол. || Гўшт қовурдоқ. — Гўшт суякисз бўлмайди, тақсир. Андак сабр қилсинлар. Х. Гулом, Машғал.*

3 Баъзи бир меваларнинг ейиладиган қисми, эти.

◆ **Қип-қизил гўшт** ҳеч вақоси йўқ, камбағал, ночор.— *Ҳол сўр, аммо ҳамённи ҳам сўр, ука! Биласанку аҳволимизни, қип-қизил гўштмиз,— деди Умарали. Ойбек, Улуғ йўл.*

**Бир-бирининг гўштини емоқ** доим бир-бири билан уришмоқ, жиққамушт бўлмоқ. *Гўштини бир бурдадан қилмоқ* роса урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ. *Кўп енгиллик қилиб ҳингиллай берманлар! Отанг кўриб қолгудек бўлса, сени ҳам, мени ҳам гўштишимизни бир бурдадан қилади,— деб то эшикдан чиқиб кетсуна жовраб қоладилар. Ойдин, Бечора. Гўштингни ейман дўқ, пўписа маъносидан ишлатилади. Ейман дейди гўш(т)ини, Қайрайди кал тишини. «Равшан». Номатқул бузоқнинг гўштини ебсиз номатқул айтибсиз; бекор қилибсиз; адашибсиз. Номатқул бузоқнинг гўштини бир едингиз, асти иккинчи еманг. — Номатқул бузоқнинг гўштини бир едик-да,— дейди Берди татар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ГҮШТГИРЛИК** эск. спорт. Бадан тарбияси, физкультура илми. *Паҳлавон қалин лаблари билан сўзни аста ўлчаб кесиб, «гўштгирлик» илми ҳақида қизиқ маълумотлар берди. Ойбек, Навоий.*

**ГҮШТДОР** [ф-т] 1 Гўшти кўп, сергўшт, семиз. *Гўштдор насли йўрдаклар.*

2 Бўлиқ, семиз, этли. *Гўштдор одам. — Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танли эди. А. Қодирий, Утган кун-*

лар. *Салимбой катта гавдаси билан стулни қимирлатиб, йўғон гўштдор қўлларини қордай оқ сурп тўшлаган столга қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Сергўшт, эти қалин (баъзи мевалар ҳақида). *Гўштдор жийда. Гўштдор шафтоли.*

**ГҮШТКҮЙДИ** Хамирга гўшт тугиб, тандирда пишириладиган бир хил сомса. [Чойхонада] *паловхўр хўрандалар учун қозон-товуқ, ўчоқлар шай, кўрада кабоб, тандирда гўшткўйди пиширилади. И. Раҳим, Тақдир.*

**ГҮШТЛИ** 1 айн. гўштдор.

2 Ичда гўшти бор; гўшт солиб тайёрланган. *Гўштли сомса. Гўштли овқат. — Нон бўктириб баҳузур еб-ичиб олинган гўштли шўрва унинг жонини киргизган: рангидан ниҳоятда хушнуд ва бахтли экани кўриниб турарди. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ГҮШТСИЗ** Ичда гўшти йўқ, гўшт солинмаган; бергўшт. *Гўштсиз овқат. — Йўлчи, катта товоқдаги гўштсиз, қатиқсиз, лекин райхон мўллагидан кўқарган мошхўрдадан.. икки қошиққина ичди-да, синелиси Унсин тўғрисида сўз очди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ГҮШТХҲҲ** [ф-т] Гўштни яхши кўрадиган, гўштни кўп истеъмол қиладиган. *Гўштхўр одам.*

**ГҮЯНДА** [ф-т] Ҳофиз, ашулachi. Шерозий овози жаранглаган, балоғатга етган, энди мустақил гўянда бўлган пайти эди. *Ж. Шарипов, Хоразм.*

## Д

**Д** Ўзбек алфавитининг бешинчи ҳарфи; қ. де.

-да куч. ва сўр. юкл. 1 Гапда таъкид, кучайтирув каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. *Зол овози бор-да! Жудаям ширин қовун экан-да! Бир чойнак кўк чой бўлса, ичар эдик-да? — Колхоз яхшимни, чоракорлик яхшимни, бир кўрайлик-да! А. Қаҳҳор, Сароб. | Гапга сўроқ тусини беради. Сиз ҳам борсан экансиз-да? | «Яна», «тагин» каби сўзлар билан келиб, уларнинг маъносини кучайтиради. Маданиятимизни яна-да ривожлантираемиз.*

2 биркт. боғл. вазифасида Бош гап билан эргаш гапни ёки гап бўлақларини боғлайди. *У имо-ишораларни тушуномаса-да, калласини қимирлатиб қўйди. — Шокир ота чиқиб ишга ўтиргач, [Йўлчи] пулни ҳаммасини унинг ёнига қўйди-да, ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ДАБ** с. т. айн. даф II. **Даб бўл!** йўқол!, кет! — *Кўз тегмасин. Келган балалар даб бўлсин! — деди [кампир] ва кўйлашининг ичига туфлаб ҳам қўйди. Ойдин, Ширин келди.*

**ДАББА** [ф-т] 1 мед. Моякдон йўли оғзининг кенгайиши ёки қорин олди деворининг бўшашуви сабабли ичакнинг ташқарига туртиб чиқиб

қолиши ёки моятдонга тушиб қолишидан иборат касаллик. || Дабба одам. Дабба от.

2 *кўчма дағл.* Судралган, юришмай қолган, сушт иш, касод бўлган мол ва ш. к. ҳақида. Дабба мол. || Бу ҳафта бозор дабба.

**ДАБДАБА** [a] 1 Ҳаяжонга ёки ваҳимага соладиган, ларзага келтирадиган хатти-ҳаракат, сурон, қиёфа. — Менинг мансабим олдида ҳамманг етти букилиб таъзим қилганинг, дабдабамдан баргадай титраганинг эсингдан чиқдими? — деди Мадамин. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Танклар дабдаба билан яқинлашиб кела берди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Вижор, ғурур билан тўлиб тошган хатти-ҳаракат, юриш-туриш; қуруқ ваҳима, ҳовур. Танқиддан кейин раиснинг аввали дабдабаси қолмади. Ҳали ёшсан, пишарсан, дабдабанедан тушарсан. Матал. — Ном чиқариш учун дабдаба қилиб юрган бригадирларни кўп кўрдиқ, ука! Ш. Ғуломов, Қалб ундайдн. Қорақум эшон бекни кига дабдаба билан уч извои ҳайдатиб келди-ю, фотиҳаси чўзилиб кетди. А. Мухтор, Чинор.

3 Ҳаддан ортиқ ҳашамат; савлат, маҳобат. Улугбек мадрасасининг дабдабаси Регистонга бошқача тус бериб турибди.

4 Ҳаддан ташқари тантана, шов-шув. Илгариланган сари базмининг бутун дабдабаси аниқроқ сезилиб, Ерматни безовта қила бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Қизини ер-кўкка ишонмаган онаси.. бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Дабдаба сурмоқ давр-даврон сурмоқ, шаън-шавкат билан ҳаёт кечирмоқ. У ҳам хонлик қилиб, подшоҳлик дабдабасини суриб, .. неча ой, неча йилдан кейин ўлиб кетди. «Муродхон».

**ДАБДАБАБОЗ** [a+ф+т] салб. Дабдабани яхши кўрадиган, қуруқ дабдабаларга берилган. Дабдабобоз одам.

**ДАБДАБАБОЗЛИК** 1 дабдабобоз с. белги оти.

2 Иш ўрнига қуруқ; баландпарвоз гаплар билан овора бўлиш. Партия аъзоси.. дабдабобозликка.. қарши курашишмоғи лозим. «КПСС Устави».

**ДАБДАБАЛИ** 1 Ҳаяжонга ёки ваҳимага соладиган, ларзага келтирадиган; ваҳимали. [Навойи:] Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдир. Уйғун ва И. Султон, Навойи.

2 Ҳаддан ортиқ ҳашаматга берилган; ҳашаматли, серҳашам, савлатли, маҳобатли. Дабдабали иморат. Дабдабали қиёфа. — Усмонбек Уратена қозисига қарашли дабдабали уйда дарча ёнида ёлғиз ўтириб, Туркистоннинг ҳарбий харитасини кўздан кечирмоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Уларнинг орасидан машхур.. давлат ходимлари

ва дабдабали тархонлар чиққан. Ойбек, Навойи.

3 Баландпарвоз гаплар билан тўлиб-тошган, тамтароқли. Дабдабали ваъдалар. Дабдабали гаплар. | Ортиқ даражада безатиб, бўрттириб, катта қилб юборилган. Дабдабали плакатлар.

4 Ҳаддан ортиқ тантанали, шов-шувли. Дабдабали тўй.

**ДАБДАЛА**: дабдала бўлмоқ 1) парча-парча бўлмоқ, чилпарчин бўлмоқ. Соат ерга тушиб дабдала бўлди; 2) вайрон-талқон бўлмоқ, ер билан яқсон бўлмоқ. Бомбардировкалар натижасида шаҳарлар дабдала бўлган эди; 3) йиртилиб, тўзиб кетмоқ. Қиймлари дабдала бўлди; 4) аъзойи баданида бутун ери қолмай шикаст емоқ. Қалтак еб дабдала бўлди.

**ДАБДУРУСТДАН** рвш 1 Тўсатдан, қўққисдан, бирдан, қутилмаганда. Дабдурустан берилган бу савола Ҳасан овчи нима дейишини ҳам билмай қолди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Дастлаб, дафъатан, бошда. Ҳайдар ота уни [Асрокқулни] дабдурустан танимади. А. Қажҳор, Асрор бобо.

**ДАВАНГИДАЙ**, -дек диал. Давангирдай. Курашга ишқибоз ёшлар Тўламат мўйловнинг давангирдай қоматига ҳавас билан тикилишарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ДАВАНГИРДАЙ**, -дек салб. Бесўнақай, катта, суяғи бузуқ. Давангирдай йиғит.

**ДАВАРА** диал. Дўқ, пўниса, дағдага. Давара қилмоқ.

**ДАВЛАТ** 1 [a] Ҳукмрон синфнинг мамлакатдаги мавжуд тартибни ҳимоя қилувчи, бошқа синфларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари системаси ва шундай ташкилотлар системасига, ҳокимият органларига эга бўлган мустақил мамлакат. Социалистик давлат. Буржуазия давлати. Темурийлар давлати. Давлат аппарати. Давлат арбоби. Давлат бюджети. Давлат герби. Давлат интизоми. Давлат мулки. Давлат аҳамиятига эга бўлган масала.

— Давлат — бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлик қилиши учун хизмат қиладиган машинадир. В. И. Ленин, Давлат тўғрисида.

**ДАВЛАТ** II [a] 1 Бойлик, мол-дунё, мол-мулк. Давлат тугар, билим тугамас. Мақол. — Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ қўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар.. эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Давлати кўтарай қурбн етади. Биз катта боймиз.. давлатимиз кўтарайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Бахт, бойлик. Соғлигинг — давлатинг. Мақол. Давлатинг — отананг. Мақол. — Усмирлар — давлатимиз, кексалар — савлатимиз. Қ. Муҳаммадий. Фойдаси шуки, болам, бозордан нон сотиб олмаймиз. Кунда иккита нон ўзимга қолса, шу катта давлат. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Давлат (эркаklar исми).

◆ **ДАВЛАТИНГИЗ** (ёки давлатлари) кўланкасида (ёки соясида) ёки сояйи давлатларида (ёки давлатингизда) сизнинг паноҳингизда, ҳимоянги остида (мулозамат юзасидан, кўпинча кириш ибораси сифатида ишлатилади). — Зақотидан тинчмийсиз? — Худога шукур, давлатингизда, мирзам!.. — деди Сафар бўғчи. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Давлат қуши 1) эртақларда: валяхди бўлмаган хон ўлганда, хон қилиб кўтариладиган кишини аниқлаш учун учирилган қуш; 2) *кўчма* бир келиб қолган бахт, омад, толе. Бахтинг бунчалик қулган экан.. давлат қушини қўйдан учуриш қуфрони неъмат, болам! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Бошига давлат қуши кўнди толеи очилди, омади келди. [Сифат буви Жамлага:] Айланай қизим! Наҳотки бошингга давлат қуши қўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДАВЛАТЛАРО** Бир қанча давлат ўртасида бўлган ёки бўладиган, бир қанча давлатга тегишли. Давлатлараро хўжалик бирлашмалари.

**ДАВЛАТЛИ** I 1 Ўз давлатига эга бўлган (қ. давлат I).

2 эск. Ҳар ишга қудрати етадиган, қодир, ҳукмрон (асосан амир, хон, вазир ва юқори табақа амалдорлари ҳақида). Бормасанг, жавоб бер, давлатли хоним! Мен қалмоқ[қа] бораман бундан, султоним! «Алпомиш».

**ДАВЛАТЛИ** II Катта давлатга, бойликка эга бўлган, мол-мулк, пул-дунёси кўп; давлатманд, бадавлат, бой. Давлатли одам. Давлатли оила. — Бу ҳужраларнинг барча эишқлари ёпиқ ва қулфланган.. бўлиб, моллар билан бандлиги ва уй эгасининг давлатли киши бўлганлиги билгнур. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАВЛАТМАНД** [a+ф+т] 1 айн. давлатли II. Давлатманд одам. || Яхши оилага кўев бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа боғлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Иқтисодий жиҳатдан бақувват, ўзига тўқ, бадавлат. Илгари қолақ ва қашшоқ бўлган бу оила маданиятли ва давлатманд оилага айланди. Н. Сафаров, Қурбонали.

**ДАВЛАТЧИЛИК** Давлат тузуми; давлат сифатида уюшганлик. Улар [Каутский ва К°] пролетариат диктатураси.. янги давлатчиликнинг барча аппаратини ўз қўлига олаётган бир синфнинг ҳокимияти эканлигини тушунмаптилар. В. И. Ленин, III Интернационал вазифалари ҳақида.

**ДАВО** [a] 1 Беморнинг шифо топиши учун қўлланладиган восита, дори-дармон; умуман шифобахш нарса. Бош оғриғининг давоси. — [Шоқир ота:] Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмон ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган. Ойбек, Қутлуғ қон. [Келин] докторга кўринган экан, доктор бу дарднинг давоси — денгиз ҳа-



воси дебди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза. **Даво қилмоқ** 1) даволамоқ, муолажа қилмоқ, касални тузатмоқ; 2) кўчма кўмак етказмоқ, ёрдам қилмоқ.

2 кўчма Тадбир, чора, илож. Сақлаганга — бало йўқ, сақламаса — даво йўқ. Мақол. *Ўзимдан чиққан балого, қайга борай давога!* Мақол. — *Ишқ давоси, авом ўйлаганча, васл эмас — ҳажрдир.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. **Даво топмоқ** 1) касални тузатадиган восита, дори-дармон топмоқ; 2) даволамоқ, шифо топмоқ; 3) кўчма илож топмоқ.

**ДАВОЛАМОҚ** Касалга, беморга тиббий ёрдам бермоқ, касални ёки касал органи муолажа қилиб, боқиб тузатмоқ, шифоламоқ, дори-дармон қилиб соғайтирмоқ. *Кулоқни даволамоқ. Тишини даволамоқ.* — *Бир вақтлар даданг бўл урган ғўзани даволаган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Бирор касаллиқни, оғриқни дори-дармон қилиб тўхтатмоқ, йўқотмоқ. *Ракни даволамоқ. Безгакни даволамоқ.*

**ДАВОЛАНМОҚ** даволамоқ *фл. мажҳ. ва ўзл. н.* Дори билан даволамоқ. *Қасалхонада даволамоқ. Курортда даволамоқ.*

**ДАВОЛАТМОҚ** даволамоқ *фл. орт. н.* Нега оламга келиб, оҳ-надомат билан ўтиб кетатган шу ожизани шу кунгача даволата олмадик. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАВОМ** [а] 1 Иш-ҳаракат, процесс, ходиса, воқеа ва ш.к.нинг бориши. *Кўзатишлар «Марс—1» космик станцияси ҳаракатининг давоми нормал эканини кўрсатди. Давом этмоқ (ёки қилмоқ)* 1) узлуксиз бормоқ, ўтмоқ, кечмоқ. *Ленин чақриғи муносабати билан ариза берганларни комсомолга қабул қилиш давом этди.* П. Турсунов, Ўқитувчи; 2) маълум вақтгача чўзилмоқ. *Ўйин-кулги ярим кечагача давом этди.* А. Қаҳҳор, Қайғулар; 3) (ў.-п. к. билан) бошланган иш-ҳаракатни давом эттирмоқ. *Очил индамай ёзишда давом этди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Тўхтатилган ёки тўхтаган иш-ҳаракат, процесс, ходиса, воқеа ва ш.к.нинг қолган (ҳали давом этиши лозим бўлган) қисми. *Ҳикоянинг давоми. Кечаги гапнинг давоми.* — *Қудрат хатнинг давомини ўқиймай .. қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Бирор нарсанинг маълум жойдан нариги қисми, кети. *Йўлнинг давоми. Чизикнинг давоми.*

4 (ж. к. билан) Иштирок этиш, қатнаш, бориб-келиб туриш, даволат. *Ўқувчиларнинг дарсга давоми ҳақидаги маълумот. Ёшларнинг тўғарак машғулотирига давоми яши.*

5 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. давомиди).

◆ **Давом феъли** *грам.* давомли иш-ҳаракатни англатувчи феъл.

**ДАВОМАТ** [а] Иштирок этиш, қатнаш, бориб туриш (машғулот, ўқиш,

тўғарак ва ш.к.га). *Ўқувчиларнинг дарсга давомати яши.*

**ДАВОМИДА** кўм. вазифасида Мобайнида. *Кейинги икки йил давомида биз уруғлик чигитларни нурлантиришга оид тажриба олиб бордик.* «Фан ва турмуш», 1959, № 11.

**ДАВОМЛИ** 1 Узоқ давом этган ёки этакдиган. *Давомли қарсақлар.*

2 Давоми яна бор, бундан сўнг яна давом этакдиган. *Журнал саҳифаларида босилаётган давомли роман.*

**ДАВОМСИЗ** Мунтазам давом этмайдиган, мунтазам қатнамайдиган. *Давомсиз ўқувчи.*

**ДАВОМЧИ** Ўзидан илгаригилар бошлаган ишни давом эттирувчи.

**ДАВОСИЗ** 1 Даволаб бўлмайдиган, давоси, дармони йўқ, бедаво. *Давосиз касаллик.*

2 кўчма Қутулиб бўлмайдиган, иложи, чораси йўқ. *Давосиз иллат.*

**ДАВОХОНА** [а+ф+т] *зск. айн. ши-фохона.*

**ДАВР** [а] 1 Жамият тараққиётида муҳим воқеа, ходиса юз берган, ҳукм сурган ёки ўзига хос хусусияти билан ажралиб турадиган маълум вақт оралиғи. *Қуллик даври. Феодализм даври. Капитализм даври. Социализм даври. Коммунизм даври. Тош даври. Темир даври.* — *Мен совет даврида кўкрагимни кўтариб юришга ўрганиб қолган йигитман.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Тарихда бирор киши ёки гуруҳнинг номи билан боғланган вақт, замон, замона. *Навоий даври.* — *Муҳаммадалихон даврдан (1240 й.) бошланган ўзаро тахт талашини, ўзбек-қипчоқ жанжалли ва бошқа тўполонлар хазинани юлиб-юлқиган эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

2 Киши ёки кишилик ҳаётида маълум вақт; йиллар. *Ёшлик даври. Студентлик даври.* | Бирор авлод яшаган ёки яшаётган вақт, замон, замона. *Ҳар бир совет одамнинг юраги шу даврнинг руҳи билан тепиши керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Бирор иш-ҳаракат, процесс, воқеа, ходиса содир бўладиган ёки бажариладиган муайян вақт. *Ҳисобот даври. Ўсимликларнинг ўсиш даври.*

4 *махс.* Такрорланувчи процесснинг ҳар бир такрорланишида бошланишидан то охиригача ўтадиган вақт. *Битта тўла тебраниш учун кетган вақт давр деб аталади.* «Физика курси».

5 *геол.* Геологик эранинг бир бўлаги, палласи.

6 Роҳат-фароғатли замон; кишининг омади келган чоғлар. *Ҳозир бизга давр келган вақти. Давримизда ўйнаб олайлик. Давр сурмоқ* 1) ҳукмронлик қилмоқ. *Давр келса, ур бегим, даврон келса, сур бегим.* Мақол; 2) роҳат ва фароғатда яшамоқ. *Бизни билсанг, мундан кетиб борамиз; Сайр этиб, дунё даврин сурамиз.* «Муродхон».

◆ **Даври фалак айн. даврони фалак қ. даврон.**

**ДАВРА** [ф+т<а] 1 Доира шаклида

тизилган саф ёки доира ясаб, қуршов олиб ўтирган кишилар. *Томошабинлар давраси.* — *Давранинг ўртасида Гофур пайдо бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Шундай қуршовнинг ўртасидаги бўш жой. *Жуён даврани уч айланганидан кейин, ўзи сингари кийинган бир йигитни тортди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **Давра олмақ (ёки ясамоқ, қурмоқ)** 1) доира шаклида тизилмоқ; қуршов олиб ўтирмоқ. *Саккиз юз одам ҳар тарафдан давра олиб, кийикни тутмоқчи бўлди.* «Эртақлар»; 2) айланиб, доира чизиб учмоқ. *Самолёт шаҳар устида бир давра олиб, кўздан ғойиб бўлди.* — *Қандай бўлди ов менинг ишим деб. Неча давра олди олғир қушим деб.* «Муродхон».

2 Одамлар тўпи, тўдаси, йиғин. *Олимлар давраси. Санъаткорлар давраси.*

3 Ўйин, мусобақа, турнир ва ш. к.нинг бир қури; бир қур ўйин, тур. *Москва — Прага шахматчилари ўртасидаги шахмат матчи биринчи даврасининг сўнги йўлини тамом бўлди.*

4 Кўп босқичли сайлов системасида сайловнинг бир босқичи. *Сайловнинг иккинчи давраси*

5 тўқм. Танда қўядиган айланувчи дастгоҳ.

6 *дин.* Марҳумнинг гуноҳларини ювиш учун, жанозадан илгари тўп-ланиб ўтказиладиган маросим (бунда садақага ажратилган нарсалар марҳумнинг ёшига мувофиқ қўлдан қўлга ўтказиб айлантирилади).

**ДАВР-ДАВРОН, даву даврон** Роҳат-фароғатли замон; кишининг омади келган чоғлар. *Яшайсиз гуллаган бахтли замонда, узоқ умр кўринг даву давронда.* Фозил шоир. **Давр-даврон сурмоқ айн. давр сурмоқ қ. давр б.** | *Сифат буви Жамиллага:* Айланай, қизим... *Бойнинг севиқли хотини бўлиб даву даврон сурмайсанми? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ДАВРИЙ** [а] Вақт-вақти билан воқеа бўлиб, такрорланиб турадиган, мунтазам такрорланадиган. *Даврий тебранишлар (физ.).*

◆ **Даврий каср мат.** чексиз ўзли каср. Элементларнинг даврий системаси хим. элементларнинг хоссалари билан атом оғирликлари ўртасидаги даврий боғланишга асосан улуғ рус олими Д. И. Менделеев тузган элементлар жадвали.

**ДАВРИЙЛИК даврий с. белги оти.** *Тебранишларнинг даврийлиги.*

**ДАВРОН** [ф+т<а] 1 Даврлар, замонлар. *Мени бахт нурига фарқ этди, Меҳнат, шонли давроним.* Т. Тўла. *Узоқ умр суринг янги давронда.* Э. Раҳим.

2 Даврон (*эркаклар исми*).

◆ **Даврони фалак** 1) фалакнинг айланиши, замоннинг ўтиши; 2) кўчма тақдир, қисмат, ёзмиш. **Даврон чархи ёки чархи даврон** тақдир, қисмат, ёзмиш. — *Даврон чархи бундай тескари айланишини кутмаган эдим, — деди*



**Комил.** Х. Фулом, Машғал. **Даврон бурмоқ** айн. давр сурмоқ қ. давр б.

**ДАВУР** диал. Отнинг устига безак учун ёпиладиган, ипак ва зар тикилган ёпиқ. *От боради арқираб, Давурлари арқираб..* «Муродхон».

**ДАДА** 1 Ота, падар. *Гулнор икки ҳафтадан буён дадаси ва онаси билан бирга ҳар кун ишга боради.* Ойбек, Қутлуғ қон. Катта дада с. т. ота ёки онанинг отаси; бобо. *Дадаси этн. хотин кишилар ўз эрининг оти ўрнида ёки унга мурожаатда ишлатадиган сўз.* [Хожар Умурзоққа:] *Тўғри, дадаси, мен айтаман, Ҳамза, Паранжи сирлари.*

2 Дада (эркаклар исми).

**ДАДИЛ** 1 Қўрқини билмайдиган, юракли, дойорак. *Дадил бола. Дадил хотин.* — Раҳимберди ўзига ишонган, дадил йигит эди, ишлаб чарчамасди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Қўрқини нима, билмайди Дадил сенинг юрагинг.* Фозил шоир.

2 Жасорат, ғайрат-шижоат билан тўлиб тошган; жасурана, мардонавор, шахдам. *Дадил қадамлар.* — Орага чўккан жимликни Гулсумнинг кескин ва дадил овози бузди. П. Турсун, Уқитувчи. || *Халқ дадил боради. Айниқса хотинлар — оналар жасур.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Канал чўмоғи ёриб дадил илгариларди.* Ш. Фуломов, Азим дарёман дебон. | Рўйи-рост қилинган, қўрқмай, бемалол айтилган. *Дадил жавоб. Дадил танқид.*

3 Жисмоний, маънавий ёки моддий жиҳатдан бақувват, тетик, бардам. *Октябрнинг шарофати билан дадил, тетик бўлиб қолган қосиблар.. унинг [Кудратилла ҳожи вофурушининг] юзига тик қарайдиган бўлишиди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. || *Элмурод одамлар тўлқинида Фотима билан ёнма-ён юракдан, ўзини ҳар вақтдагидан дадил ва энгли сезди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Дармони қуриган йигит ўзини дадил тунгиша тиришар, лекин мункиб-мункиб кетар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Хамёни дадил** с. т. серпул, пулдор.

**ДАДИЛЛАНМОҚ** Дадил бўлмоқ; тетикланмоқ. *Нодиров залдагиларга қараб олди, ўзининг жанговар дўстларини, донги кетган оловкорларни кўриб, дадилланди.* И. Раҳим, Тақдир.

**ДАДИЛЛАШМОҚ** Тобора дадилланмоқ, тобора дадил бўлиб бормоқ. — *Айтиб берсангиз, балки топарман, — деди Адолат дадиллашиб.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ДАДИЛЛИК** дадил с. белги оти. [Юсуфжон қизиқ] *ижодий мустақиллиги, дадиллиги.. билан Муқимий, Фурқат, Завқийлар диққатини ҳам ўзига тортган эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Иш жуда соз бошланди. Энди охиригача силлиқ кетсин.* Бунинг учун бйринчи галда дадиллик керак. Ойбек, Қутлуғ қон. *Журналининг ваддаси унга дадиллик бериб, иккита шеърини юборишга қарор қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАДИЛОНА** рвш Дадиллик, жасурлик билан, қўрқмай, мардонавор. *Дадилонга олға бормоқ.*

**ДАЖЖОЛ** [а, л. м. ёлғончи] 1 дин. Гўё қиёмат яқинлашганда пайдо бўлиб, одамларни диндан оздирувчи, ўз маслагига киритувчи бир махлуқ. *Бу ҳикоядан [Элмурод] вужудини ваҳима босиб, бошини кўрпага буркаб олди: дажжол деган бир махлуқ кечаси билан тоғларни кемирармиш.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *қўйма* Ўтакетган фирибгар, ёмон одам ҳақида. *Мажиддин дажжол.. эди деб айтухонос соладилар.* Ойбек, Навоий. | *сўк.* Маълун, иблис, шайтон. [Мулла Рўзи Майсарага:] *Ха, мен ўлгани келдимми? Бир ёқдан жўнат қани, дажжол.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ДАЗГИЛ** [ф-т] махс. Косибчиликда тикилаётган ишни тиззага қистириб қўйиш учун ишлатиладиган узлуксиз тасма. [Унсин] *ташига кичкина курси қўйиб, оёқларига дазгил чалмаштириб, эпчил қулоч тортади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДАЗГИР** [ф-т] диал. Дазгил.

**ДАЗМОЛ** [ф-т] 1 Қиздириб кийим-кечак, газлама ва ш. к.ни текислайдиган, гижимини ёзадиган металл асбоб. *Чўян дазмол. Электр дазмол.* — У [она] уйнинг иссиғи ва дазмолнинг тафтидан қизиб кетган. Шухрат, Шинелли йиллар. **Дазмол босмоқ** (ёки **урмоқ, қилмоқ**) дазмолламоқ, дазмоллаб текисламоқ. *Акрам Нигорани уйдан топди: ювлаган кийимларига дазмол ураётган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. [Адолат] *Усмонжоннинг кир кўйлакларини, сочиқларини ювди, дазмол қилди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Кийим-кечак, газлама ва ш. к.нинг юзига дазмоллаш натижасида ҳосил бўлган текислик, силлиқлик. *Кийган кўйлагининг дазмоли ҳали кетгани йўқ. Дазмоли бузилмаган таҳи бузилмаган, гижимланмаган; янги. Унинг назарида Зийнатуллаевнинг чиройли поляк трикосидан тикилган ва ҳали дазмоли бузилмаган костюми ҳам.. ўзига кўп бино кўйганидан далолат берарди.* П. Қодиров, Уч илди.

3 Дазмоллаш иши. *Қорхонамизда анча киши дазмолда ишлайди.*

**ДАЗМОЛЛАМОҚ** 1 Дазмол босиб текисламоқ, гижимини ёзмоқ, силлиқ қилмоқ. *Кўйлакни дазмолламоқ.*

2 *қўйма* манф. Хаспўшламоқ, бости-бости қилиб, текислаб юбормоқ (жиноят, ноҳўя хатти-харакат ва ш. к. ҳақида).

**ДАЗМОЛЛАНМОҚ** дазмолламоқ *фл. мажҳ.* н. Дазмолланган кийим.

**ДАЗМОЛЛАТМОҚ** дазмолламоқ *фл. орт. н.* Кўйлакни дазмолламоқ.

**ДАЗМОЛЛАШМОҚ** 1 дазмолламоқ *фл. бирг. н.* Улар кир дазмоллашяпти.

2 Дазмоллашга ёрдам бермоқ. *Мен опамнинг кирларини дазмоллашдим.*

**ДАЗМОЛЧИ** Тикув ёки кир ювиш қорхонасида кийим-кечакка дазмол босувчи ходим.

**ДАЙДИ** 1 Муқим турар жойи ва белгили касби бўлмаган, шу ваздан бир жойда қўниш топмайдиган; дарбадар, қўнимсиз. *Дайди ҳаёт кечирмоқ.* — *Тайини йўқ дайди.* *Машиҳад бекатларида юриб, майнавозчиликка ўрганиб қолган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Дарахт бир жойда кўкаради.. Отанг раҳматли умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. Сен дайди бўлиб қолдинг.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Доим тентираб, дайдиб, санқиб юрадиган; санқи. *Чорраҳада уни бадмаст ва дайди Боёнларнинг ўраб олар ҳаақаси.* С. Акбарий. || *Кир ювиб ўтирган опам орқадан қичқиради: — Яна қаерга, дайди.* Ойбек, Болалик.

3 Ҳар ёқда изғиб юрадиган. *Дайди ит.*

◆ **Дайди булут** кўкда якка-ярим кезувчи булут. *Кўёш думалаб кўкка кўтарилар, дайди булут парчалари қишлоқ устидан ўтиб турарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Дайди гап оғиздан оғизга ўтиб юрган гап, миш-миш гап.* [Мирзақул:] *Дайди гапга қулқ солмаг!* Н. Сафаров, Уйғонич. *Дайди шамол йўналиши ўзгариб турадиган шамол. Дайди шамол кўзғалиб, Эсар билмай изини.* Ғайратий. *Дайди ўқ бемўлжал отилган, бехосдан келган ўқ. Фашист мерганларининг дайди ўқи Тўрабойнинг бошига келиб тегди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

**ДАЙДИЛАНМОҚ** Бир жойда қўниш топмай, кўчиб юрмоқ, тентиракламоқ; дайдилоқ, санқимоқ.

**ДАЙДИЛИК** 1 дайди с. белги оти.

2 Дарбадар кезиб юриш, қўнимсизлик. *Менинг ҳам кўп умрим қишлоқ-ма-қишлоқ дайдилик билан ўтадиган бўлиб қолди, — деди Ботирали.* Ш. Ризо, Кор ёғди, излар босилди.

3 Тентираб, дайдиб, санқиб юриш, саёқлик. *Туни-кун озги ичкиликдан, ўзи дайдиликдан бўшамайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ДАЙДИМОҚ** 1 Қўниш топмай, дарбадар кезиб, кўчиб юрмоқ. *Дунёдан умидимиз бор. Биз дайдилайдиган кунлар ҳам келар, хўжайин!* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Тентиракламоқ, тентираб, санқиб юрмоқ, санқимоқ. *Уйингда кам бўласан, қаёқларда дайдиёсан?*

3 Бирор мақсадда изғиб юрмоқ, изғимоқ. *Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайди юрибди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДАКА**, дака варрак шох ташламайдиган, мувозанатланган, варрак. *Турсунали ясаб олди ўзига дака. Катта, бутун тахта қоғоз, ўзи ҳам қуроқ.* Ғ. Фулом.

**ДАКАН** Товуқ-хўрозларнинг бўйдор ва гўштдор тури. *Дакан товуқ. Дакан хўроз* 1) шу турга мансуб уришқоқ хўроз. *Қишлоқ томларидан дакан хўрозларнинг уйқу аралаш бўғиқ ово-*

зи эшитилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) *кўчма ҳазил* зўровонлиги билан кериладиган, уришқоқ одам ҳақида. Янги ерга боғиб кетиши учун келган дакан хўроларни ҳам анчагина учратамиз. Ш. Фуломов, Бўз ер уйғонди.

**ДАКАНА** Ўрта яшар ва кекса аёлларнинг саллага ўхшатиб ўраладиган рўмоли (кўпинча оқ докадан бўлади). Булардан биттаси.. бошига оқ дакани хом ташлаган, ўттиз беш ёшлар чамали *гўзал, хушбичим бир хотин*. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДАКАНГ** тақл. с. Чилдирманнинг икки зарбда чиқарган овози ҳақида. **ДАКИР-ДУКУР** айн. дўпир-дўпир. **ДАККАМ-ДУККАМ** айн. яккам-дуккам.

**ДАККИ** [ҳинд] 1 Ножўя иш, хатти-харакат учун айтилган ачиқ гап, қаттиқ танбех, таъзир, койиш. Чаккига дакки. У даккиларга бўш келмайдиган одам. Дакки емоқ (эшитмоқ). — Қилғилкини сиз қилдингиз, даккини биз эшитдик. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Туртки, хўрлаш, таққирлаш. Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси.. Мусулмонқул даккисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рози. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДАЛА** 1 Аҳоли яшайдиган жойдан ташқаридаги экин экиладиган ер, кенг майдон. Қиламан десанг далада ҳам, қишлоқнинг ўзида ҳам иш кўп. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. | Бирор экин экиладиган ер, майдон; пайкал. Республика-мизнинг пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда. Дала шийпони деҳқонлар иш маҳалида хордиқ чиқаришлари учун далада қурилган бино. | Шаҳардан ташқаридаги боғ, қўрғон ва ер-сувлар.— Поччанг ўлсин! — деди аччиғлиниб Хушрўй.— Нажмиддинбек деканнинг даласига кетган эди. Тўрт гундан бери дом-дараксиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Умуман кенг сайхон ер, ёвон. Дала, қирни яйратган Баҳорнинг ёмғири бор. Болаларни яйратган Партия ғамхўри бор. «Кўшиқлар».

◆ Дала машқи ҳарб. аскарларнинг аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида, очик майдонда ўтказадиган машқлари. Элмуроднинг өзводи ҳам батальон билан икки ҳафталик дала машқига чиққан эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Дала мудир с. т. колхозда ҳосилот советининг раиси. Дала почтаси жанг ёки поход вақтидаги харбий почта.

**ДАЛА-ДАШТ** Дала ва дашт ерлар. Зибхўжанинг қўйи, йилқиси тоққа, дала-даштга сиғмайди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ДАЛАТОБ** Далада, қишлоқда ўсган, тобланган, чайир, бақувват. Йигит тушмагур, нима қилса-да, даладоб, азамат йигит-да. Иштаҳаси ҳам қарнайдаккина экан. Ф. Фулом, Шум бола.

**ДАЛА-ТОШ** айн. дала-дашт. Февралнинг ўрталарида ҳаво юмшаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин

қор ёпиғи тешила бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ДАЛА-ТУЗ** айн. дала-дашт. Дала-тузни сув олса, қўнғир ғознинг тўшидан, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан. Мақол.

**ДАЛАЧИ** Далада ўсган, далада, қишлоқда яшовчи.

**ДАЛАЧИЛИК** с. т. Дала экинлари (пахта, ғалла, сабзавот ва ш. к.) экиш; экинчилик. Далачилик бригада-лари.

**ДАЛВ** [а] 1 (Д-катта) астр. Ўн икки буржининг бири, Жадий ва Ҳук буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобиди ўн биринчи ойнинг арабча номи (22 январь — 22 февраль даврига тўғри келади). 1264 хижрия, дала ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДАЛДА** Рухни кўтарувчи, куч-ғайрат, сабр-матонат, мардлик, дадиллик бахш этувчи маънавий ёрдам, илиқ сўз ва ш. к. Далада бермоқ. — Атрофдаги одамларнинг далдаси умиднинг сўнги учқунини сўндирмасликка ёрдам беради. Ойбек, Қутлуг қон. Ишқом поясига суяниб, йиғитдан кўзини узмаган қиз, унга [Йўлчиға] далда бериш учун гапира бошлади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ДАЛИЛ** [а] 1 Фикр, мулоҳаза ва ш. к.ни тасдиқловчи ёки воқеа, ҳодиса ва ш. к. ҳақида гувоҳлик, далолат берувчи нарсаси, факт, исбот. Ишончли далил. Кучли далил. — Элмурод Лениннинг асарларидан далиллар келтириб, майда деҳқон хўжалигидан қулоқ ва қамбағаллик, эзми ва эзилиши келиб чиқишини тушунтирди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Навоий:] Бу одам Ёдгорни хазинагиздаги олтинлар билан тағминлаб турган. [Маждиддин:] Тухмат! Қани далил! [Навоий] Ёдгорнинг хатини кўрсатиб! Мана далил. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 юр. Жиноятни тасдиқловчи нарсаси, факт ёки ҳол. Ашёвий (ёки ашёйн) далил ёки моддий далил жиноятни исботлайдиган буюмлар. Тўғри далил тўғридан-тўғри, бевосита исботлайдиган далил (мас., жиноятчи бармоғининг бирор нарсада қолган изи). Эгри далил бевосита исботлайдиган далил.

**ДАЛИЛЛАМОҚ** Фикр, мулоҳаза, даъво ва ш. к.нинг тўғрилигини асосламоқ, факт, далил ва ш. к. билан тасдиқламоқ.

**ДАЛИЛЛАНМОҚ** далилламоқ фл. мажж. н.

**ДАЛИ-ҒУЛИ** Кўнглида кири йўқ, оқ кўнгли ва хушчақчақ. Уртоғим бирдан кулиб юборди, ўзи жуда серзавқ, дали-ғули, шўх бола, дейди Мусавой. Ойбек, Болалик.

**ДАЛЛА** [а] нафр. Қўшмачилик билан шуғулланувчи, қўшмачи. Кўп қизларнинг бўйи етган паллалар. Келтираркан сарой ичра даллалар. Ҳабибий.

**ДАЛЛОЛ** [а] 1 Савдо-сотикда олувчи билан сотувчи ўртасида воситачилик қилувчи, молга нарх қўйиб, уларни битиштирувчи киши. Эл назар қилмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайсан! Мақол. Тилнинг узунни даллолга керак. Мақол.

2 салб. Ўртада туриб битиштирувчи, муросага келтирувчи воситачи. [Кўзибой:].. Раҳимга нима деб айтаман-а?.. Ўртада даллолмисан демайдимиз! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 Далла, қўшмачи. Гулсанам бола чоғида онаси билан далада ишлашга ўрганиб қолган эди. Энди эшикка чиқармай қўйишди: хоннинг даллоларидан қўрқадилар. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

**ДАЛЛОЛБОШИ** Даллолларнинг бошлиғи, оқсоқоли, бош даллол.

**ДАЛЛОЛЛИК** даллол с. касб оти. Унинг касби даллоллик. Даллоллик қилмоқ.

**ДАЛЛОЛЧИЛИК** Даллоллик.

**ДАЛОЛАТ** [а] 1 Бирор ишга ундаб берилган маслаҳат, бирор ишга ундаб. Далолат қилмоқ (этмоқ). — Келинг, бой ака, шу болани [қулбаччани] олинг,— деб, жиддийроқ далолат қила бошлади даллол. Айний, Қуллар. Далолати хайр хайр ишига, яхшиликка ундаш.

2 эск. Далил; далиллар. Ҳалиги эшитган сиримнинг далолатига қараб, Қомилбекнинг қотили Ҳомид, деган фикрга тушди [деди Фарфи уста Олимға]. А. Қодирий, Утган кунлар. Далолат бермоқ (кўпинча ч. к. билан) хабар бермоқ, дарак бермоқ; гувоҳлик бермоқ; кўрсатиб турмоқ. [Ражабовнинг] ингичка қўли, умуман, кўриниши унинг нимжонроқ ўсганидан далолат бериб турар эди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДАМ** 1 [ф-т] 1 Нафас, тин, сулиш. Дамим қайтиб кетяпти. Дамимни ростлаб олай. Чуқур дам олинг. — Терсақ дамани ичига олиб, тишини-тишига қўйиб, .. тикилиб қолди. «Равшан». Дами ичига тушиб кетди 1) нафаси қайтиб кетди, нафас оломай қолди. Яна дамим ичимга тушди. Бўрон нафасни бўғарди. Ҳ. Назир, Мухаббат; 2) нафаси ичига тушиди, жим бўлиб қолди. [Элмурод] бир нафас дами ичига тушиб ўтирди-да, сўнг оғир бир энтикти: — Хай, майли...— деди. П. Турсун, Ўқитувчи; 3) кўчма нима дейишини билмай, оғиз оча олмай қолди. Бу — Исмаиҳўжага айил ботди шекилли, дами ичига тушиб кетди. Ойдин, Ҳазил эмиш. Дам солмоқ этн. дуо ўқиб, «куф-суф» қилмоқ, куфсуфламоқ. [Фотима домўлага ёзган хатида:] Агар малол келмаса, бир келиб менга дам солиб қўйинг.. деди. Ҳамза, Қим ўғри? Дам урмоқ 1) чуқур нафас олиб «пуф» демоқ, пуфламоқ; 2) айн. дам солмоқ. [Домуллани] отхонага бошлаб кирдим. Тақсир, мана бемор, дедим. Домулла кудли.. Кейин дуо ўқиб, отга дам урди.

Ойбек, Кутлуғ қон. **Дамига тортмоқ** 1) чуқур ва кучли нафас билан ичига тортмоқ, ютмоқ. *Пишириб аждар дамига тортади.* «Шириң билан Шакар»; 2) кўйма ўз таъсирига олмоқ, илтиртмоқ. — *Бизни илондай авраб дамига тортаётганлар кимлар?* — *Нуъмон ҳожи, Мирхайбар хўжа, Оқилхон тўралар.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Дамингни чиқарма** 1) нафасингни чиқарма; 2) ҳеч кимга айтма, гапирма, гинг дема. «*Бир маҳалдан бир қизни олиб қочишди. Бойваччанинг хизматкорининг қизи эмиш.. Дамингни чиқарма!*» Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Ишдан бўш вақт; истироҳат, ором, хордиқ. *Дам бермоқ. Дам оломоқ. Дам бермай югуртирмоқ. Дам олиш кунлари. Дам олиш уйи.* — *Бобохон тоғига етиб, Қоражон отга дам бериб ётди.* «Алпомиш».

3 Бирор нарса ичига дамлланган, тўпланган ҳаво, газ. *Баллонга дам бермоқ. Дами чиққан баллон.* — *Илгари говмиш сигирнинг елинидек солиниб турадиган бағбақаси сўлган, дами чиққан пуфакдай шалвирасан.* А. Қаххор, Сароб. | *Ошқозон ёки ичакда овқатдан пайдо бўлган ел, газ. Қорним дам бўлиб огрияпти.*

4 Тафт, иссиқ, ҳарорат. *Ўчоқлар қавланиб, қозонлар осилди. Тўрт тарафдан ёқилган оловнинг дамида бутун қир илиб кетгандай бўлди.* Ойдин, Келин ўғил туғибди. *Қиём чоғи эди. Куйиш дамини гир-гир эсан шамол кесар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

5 кўйма Қиёр-ҳаво; ховур. *Дамидан тушмоқ (қайтмоқ).* *Ҳали хомсан, пишарсан, бу дамидан тушарсан.* Мақол. — *Бугун Бухородан комиссия келганини эшитган бўлса керак, кечаги дами ҳам қолмаган.* Айний, Қуллар.

6 Буғ, ховур. **Дам емоқ** дамллангандан кейин ўз буғи билан етилмоқ. *Чой дам еди.* — *Ош дам егунча, ниёла неча бор қўлдан қўлга ўтди.* Айний, Дохунда.

◆ **Дами ичида** айтадиганини айтолмайди, тили қисик. *Райҳон қишлоқда, қизиникида турган кунларда Зумраббинининг дами ичида бўлди.* Х. Фулом, Сенга интилама. **Дами кесилди** 1) гапи кесилди, сўзлай олмай ёки сўздан тўхталиб қолди. *Хуббийой.. ўзининг «йўқлигидан» шикоят қилиш учун озгини жуфтласа ҳам, аммо бирдан дами кесилиб қолди.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) кўйма шиддати пасаиди, сусайди. *Совет халқи мардонвор жанг қилди.. Ёвнинг дами кесилди, зарбамиздан ганеиб қолди, қисилди.* Ҳабибий. **Дамини кесмоқ** қувватини кетказмоқ, таъсирини пасаитирмоқ. *Иссиқнинг ва ёғлиқ овқатларнинг дамини кесиш учун ҳеч ким ниёладан, чойнандан қўл узмас эди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**ДАМ II [ф-т]** 1 Он, момент, лаҳза; кез, пайт. *Бахтли дамлар. Бир дам жим қолмоқ. Шу дамгача. Шу дамда.* — *Дам шу дамдир, ўза дами дам дема, Бошинг эсон, давлатингни кам дема.* «Алпомиш». *Туғилган дамимни*

*эслай олмайман.* Ф. Фулом. *Уҳ! Тақдир қурғур бизни ҳар дамда қоқилтиради.* Ойбек, Кутлуғ қон. [Уй эгаси] *дам ўтмай ҳаммасини ҳозир қилди.* А. Қаххор, Кўр қўзининг очилиши.

2 айр. *боғл. вазифасида* Баъзан, гоҳ, гоҳо. *Дам қор ёғади, дам ёлғир.* — *Элмурод икки аёл ўртасида бораётган бу қизиқ гапларнинг нима ҳақда эканини тушунолмай, дам Ойимхонга, дам Гулсумга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАМ III [ф-т]** Кўрага, ўчоққа ҳаво юборадиган гармонсинг асбоб. *Темирчи дами.* — [Фарҳод] *темирчидан бир кўра, бир дам сўраб олди.* «Фарҳод ва Шириң». **Дам бермоқ (ёки босмоқ)** дам орқали ўчоққа, кўрага ҳаво юбормоқ. *Ўчоқнинг орқасидаги уйда икки киши зўр бериб, тўхтовсиз ўчоққа дам беради.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Акам мени тақачига толширди. Еган-ичганим бадалига эртадан кечгача дам босар эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАМ IV [ф-т]** Чет, қирғоқ. *Иброҳимов оёғини ёзгани ўрнидан турди ва айвоннинг дамига бориб, .. узоқдаги каптар ранг тоғларга қаради.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ДАМ V [ф-т]** Асбобнинг кесадиған, ўткир томони, тиғи; тиғ. *Пичоқнинг дами. Қиличнинг дами. Кетмоннинг дами.* — [Отабек] *ханжарини қинидан суғуриб олди-ҳа, дамини ойдинга солиб боқди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Пичоқ дамича (ёки дамидай)** жуда юпқа.

◆ **Қилич дамида юрмоқ ёки қилич дамига оёқ кўймоқ** хавфли, ҳалокатли ишга киришмоқ.

**ДАМБА** [р<голл] Дарё, сой, сув хавзаси ёқаларига тулроқ, шағал, бетон ва ш. к.дан кўтарилган тўсиқ, кўтарма. *Бўрон заптига олган пайтларда канал суви дам бўлиб, .. тулроқдан қилинган дамбаларни ўпириб юборгудек ваҳима солган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ДАМ-БАДАМ [ф-т]** рвш Дам ўтмай, ҳар дамда, тез-тез. [Элмуроднинг] *халини банд этган қиз унинг ёнида, бирга бормоқда. Элмурод унинг юзига дам-бадам қарайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАМГАР [ф-т]** Дам босувчи (қ. дам III). *Уста Шералининг дўконида ишлайдиганларга: «босқончи», «халфа», «дамгар» .. деб ном берилар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ДАМГИР [ф-т], ош дамгир** Ош яхши дам ейиши учун қопқоқни ўраб қўядиган махсус қалин дастурхон ёки мата.

**ДАМДУЗ [ф-т]** Кўнглидагини, ичидини бировга айтмайдиган, кимсага сир бермайдиган; камган. *Дамдўз одам. Мунча дамдўзсан?*

**ДАМКА [р]** 1 Шашка ўйнида: рақиб томондаги энг охириг қаторга қиқиб олган ва истаган томонга юриш ҳуқуқини олган дона. *Дамкага чиқмоқ. Дамкани юрмоқ.*

2 с. т. айн. *шашка I. Дамка ўйнамоқ.*

**ДАМЛАМ:** бир дамлам бир бор дамлланадиган, бир марта дамллашга етадиган. *Бир дамлам чой.*

**ДАМЛАМОҚ I** Бирор нарсанинг ичига ҳаво, газ юбормоқ, дам бериб ҳаво, газ билан тўлдирирмоқ. *Машина баллонини дамлamoқ.*

2 Дам билан етилтирмоқ, буғи, ховури чиқмайдиган қилиб бекитиб, паст оловда ўз буғида етилтирмоқ. *Чой дамлamoқ.* — *Пешиндан кечга қолманг. Мен ошни дамлaб, сизни кутиб ўтираман.* А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Бўғмоқ, тўсмоқ. *Сув(ни) дамлamoқ.*

**ДАМЛАНМОҚ дамлamoқ фл. ўзл. н.** *Ош дамланди. Сув дамланди.*

**ДАМЛАТМОҚ дамлamoқ фл. орт. н.** **ДАМЛОҒЛИК I** Ичига ҳаво, газ киритилиб дам берилган. *Дамлоғлик баллон.*

2 Ўз буғида етилиши учун усти беркитилиб, паст оловга қўйилган. *Дамлоғлик ош. Дамлоғлик чой.* — *Қайнанаг суяр экан, паловхон дамлоғлик.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Тўсылган, бўйилган (катта оқин сув ҳақида).

**ДАММАДАМ с. т.** Дам-бадам.

**ДАМОДАМ [ф-т]** рвш, кт. Доимо, узлуксиз, ҳамisha. [Ғули:] *Кимики бўлса инсон, бўлса одам. Халойиқнинг ғамин ғайдур дамодам. Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**ДАНАК [ф-т]** Баъзи ўсимликлар мевасининг ичидаги қаттиқ пўчоқ ва мағиздан иборат уруғи. *Урик данак. Шафтоли данак.* — *Қози домла бир ютинишидәк, шафтолини саришта қилиб, данагини дастурхонга туфлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Бошида данак чақмоқ кам. қўлла. айн.** бошида ёнғоқ чақмоқ қ. бош. *Данагини чақмоқ кам. қўлла. айн.* мағизини чақмоқ қ. мағиз. *Абдуқодир улғур халқ бошлаган азим ҳаракат ва кураш ҳақида чуқур ихлос ва ҳаяжон билан гапириб, воқеаларнинг данагини ўз билганича чақишга тиришар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДАНГАЛ** Раъя-андиша, юз-хотир қилмасдан очиқ-равшан, рўйи-рост айтилган. *Дангал гап. Дангал айтмоқ.* — [Давлатёр] *ҳар бир қимирлаган одамнинг кирдикорини Мақол, ҳар бирига дангал баҳо берад эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАНГАЛЧИ** Раъя-андиша, юз-хотир қилмай тўппа-тўғриси рўйи-рост айтувчи, шартта гапирувчи. *Дангалчи одам.*

**ДАНГАНА** Шерикчиликка бирор тирик мол (от, сигир, туя ва ш. к.) сотиб олиб, гўштини ўзаро тақсимлаш. *Амма-хала йўғилиб дангана қилур. Бўлиб ололмай хангама қилур. Мақол.*

**ДАНГАСА** Ишёқмас, танбал, ялқов. *Дангаса одам.* || *Иш иштаха очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. — *Эрназар дангасага айтинлар, менинг томонимга қарамасин, мен унақа одамлардан безорман.* Айний, Қуллар.

**ДАНГАСАЛАШМОҚ** Дангаса, ялқов бўлиб кетмоқ.

**ДАНГАСАЛИК** 1 дангаса с. белги оти.

2 Дангасаларга хос хатти-ҳаракат. *Кўриб турибмиз: дангасалик, айёрликни билмайдиган йигитга ўхшайсиз.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ДАНДАНА** I [ф-т] 1 Нарсанинг тишга ўхшатиб ишланган қисми, ула-ниш, бириктиш жойи.

2-Иморат, қўрғон, қалъа деворлари устига, четиға гиштан ёки ёғочдан тишга ўхшатиб ишланган қисми. *Айвоннинг данданаси.* — У [Собир темирчи] қозиниғ қаршисидан дандана устида тиз чўкиб ўтирди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДАНДАНА** II [ф-т] қ. х. Тишлари бўлган мола; сихмола. Трактор билан ҳайдаланган ерларга дандана бостириб қандай қилиб қўйди.

**ДАНДОН** [ф-т] 1 кам қўлл. Тиш. Иш юришса, ишша сандон синдирур, иш юришмаса, атала дандон синдирур. Мақол.

2 Фил тиши, фил суяги. Дандон (сопли) пичоқ.

**ДАНҒ**: данғ қотмоқ 1) қўрқув ёки хайратдан эс-хушини йўқотиб қотиб қолмоқ. *Жуман билан Сангин иш киймида, юз берган воқеани ҳали ҳам англаб етмагандай, данғ қотиб турар эдилар.* А. Мухтор, Тугилиш; 2) қаттиқ ухлаб қолмоқ. *Бола .. гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга югурар, кечалари ҳолдан тойиб, ҳориб, данғ қотиб ухлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАНҒ-ДУНҒ** тақл. с. Металл нарсаларнинг урилишидан чиқадиган овозлар ҳақида. *Данғ-дунғ қилмоқ.*

**ДАНҒИЛЛАГАН** айн. данғиллама. Данғиллаган иморат.

**ДАНҒИЛЛАМА** Керагидан ортиқ ҳашам берилган, ҳашаматли, кенг, катта (бино, иморат, ҳақида). *Тинчлик, омонлик бўлса, бир кун келиб, янги данғиллама иморатлар солиб, ҳозиргидай «шунчалик гап экан-ку!» деймиз.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ДАНҒИР-ДУНҒУР** айн. данғ-дунғ.

**ДАРА** [ф-т] Икки тоғ ораллигидаги узун, тор чуқур жой, жарлик. *От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси. Ботирни ингратар найза яраси.* «Алпомиш». Мана шу кучларнинг узоқ муддат ҳаракат қилиши натижасида тоғлар емирилади. Даралар, музликлар, уйдим-чуқурлар пайдо бўлади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ДАРАЖА** [а] 1 мат. Бурчак ва айлана ёйининг ўлчов бирлиги, доиранинг 360дан бир бўлагини; градус. 70 даражали бурчак.

2 физ. Термометр, барометр ва ш. к. ўлчов асбоблар шкаласидаги чизиқлар ва рақамлар билан белгиланган бўлимлар. *Сув 100 даражада қайнайди. Бугун совуқ 20 даражага етган. Касалнинг иситмаси 38 даражадан ошибди.*

3 мат. Тенг кўпайтувчиларнинг кўпайтмаси, бир соннинг ўзини ўзига

кўпайтиришдан олинган натижа. *Унинг иккинчи даражаси юз.*

4 Нисбий катта-кичиклик, оз-кўплик, ўлчам, чегара ва ш. к. ни билдиради, кўпинча аниқловчилар билан ишлатилади. *Пахтанинги кўп ёки оз тола бериши даражаси. Етарли даражада. Белгили даражада. Кулоқни кар қилар даражада. Гоят даражада.* — Чоллар кутилмаган даражада активлашиб кетдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Баъзи кезларда сўжиб юбориши даражасига бориб қайтар эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Тадрижий ёки нисбий тараққиёт, ривожланиш поғонаси, савия, юксаклик. *Билим даражаси. Турмуш даражаси. Техникани ҳозирги замон талаблари даражасига кўтармоқ. Совет адабиёти янги-янги асарлар билан бойиди, унинг ғоявийлик ва бадиийлик даражаси янада ўсди.*

6 эск. Мансаб поғонаси, рутба, мартаба. *Анвар бош муншийлик даражасини оладан кейин, маҳдум илгариги «сиёсат»ни давом эттириши ва эттирмаслик тўғрисида иккиланиб қолди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

7 Илм-фан соҳасидаги ишлари учун маълум тартибда бериладиган унвон. *Илмий даража. Фан кандидатлиги даражаси. Фан докторлиги даражаси.* | Ўз ихтисоси бўйича эришилган малака поғонаси. *Ўрта даражадаги медицина ходимлари.*

8 Жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин, мартаба, эътибор. *Даражалари баланд бўлсин! (дуо, яхши тилак).* — *Ҳар ким ўз даражасига кўра ҳар вақт ўтирадиган ўрнида қарор топди.* Ойбек, Навоий. *Ховли юзига тўшалган шолча ва кигизларда иккинчи даражадаги одамлар ўтириши керак эди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи.

9 эди. Белги-хусусиятнинг ортиқ-камлигини ифодаловчи грамматик категория, форма. *Сифат даражалари. Қиёсий даража.*

**ДАРАЖА-БАДАРАЖА** рвш Тадрижий равишда, бир даражадан иккинчи даражага кўтарилиб, аста-секин. *Улар [ухлаган меҳмонлар] бир-бирлари билан ўчакшигандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришарди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДАРАЖАЛАМОҚ** Даражаларга бўлмоқ, даражаларга ажратмоқ. *Термометрни даражаламоқ.*

**ДАРАЖАЛАНМОҚ** даражаламоқ фл. мажж. н.

**ДАРАЖАЛИ** 1 Маълум миқдордаги градусга эга бўлган; градусли. *Қирқ даражали иссиқ.*

2 Бирор даражага эга бўлган, эришган, бирор даража олган. *Биринчи даражали шофёр. Даражали олим. Иккинчи даражали Ватан урушини ордени. Қишлоқ хўжалик виставкасининг учинчи даражали дипломи.* | мед. Ҳавфлилик даражаси жиҳатидан маълум ўрин олган. *Биринчи даражали куйиш.*

3 (аниқлаб келувчи сўзлар билан)

Маълум аҳамиятга эга бўлган. *Иккинчи даражали ишлар.* — *Кичкинагина, кўрimsиз дўкон очиб, бошқа паст даражали патент олди.* А. Қаххор, Сароб.

◆ **Иккинчи даражали бўлақлар грам.** гапнинг бош бўлақларидан бошқа бўлақлари.

**ДАРАЖАМА-ДАРАЖА** с. т. Даража-бадаража.

**ДАРАК** [а] 1 Бирор ердан, бирор кимса, нарса ҳақида олинган хабар. *Дарак қилмоқ. Дарак келмоқ. Тоққа кетганлардан дарак борми? У экспедицияга кетганлар ҳақида дарак берди.* — [Қиз] мендан дарак бўлмаган, ё мен билан учрашувга ва бир умр топишувга умиди узилган, Мирзакаримбойга тегишдан ўлимни афзал билган. Ойбек, Қутлуғ қон. **ДАРАК СОЛМОҚ** хабарини билиш, маълумот олиш учун ҳар тарафни суриштирмоқ; хабар тарқатмоқ. **ДАРАК (ёки дарагини)** топмоқ бирор тўғрида хабар, маълумот эшитмоқ. *Отам шу кунни .. хурсанд эди. Марғилонлик ҳожилардан, дарак топибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор нарсадан далолат берувчи аломат, нишона, белги. *Ёшил — ҳаёт, келажак. Ёшил — қудратдан дарак.* Ё. Мирза. *Унинг ёниб турган кўзлари ҳаяжонланганидан дарак берарди.* — *Ўрмонжоннинг уйига Абдусаматқори келди ва эшикдан туриб, жуда зўр мусибатдан дарак берадиган товуш билан чақирди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ **Дарак гап грам.** хабар мазмунини билдирадиган гап.

**ДАРАКЛАМОҚ** Дарак солмоқ, дарагини суриштирмоқ, дарак солиб қидирмоқ. *Даракламаган жойим қолмади. Бир ёқда онаси «боламни топ!» деб.. еган-ичганимни ичима туширмайди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. [Равшанбек] *Ширвон юртини сўроқлаб, Зудхуморойни дараклаб .. бораётир.* «Равшан».

**ДАРАКЛАТМОҚ** даракламоқ фл. орт. н. *Йўқолган нарсани дараклатиб топмоқ.*

**ДАРАКЛАШМОҚ** даракламоқ фл. бирг. н.

**ДАРАКНОМА** [а+ф-т] кам қўлл. Ёзма хабар, ёзма маълумот.

**ДАРАКСИЗ** рвш Дарак бермай, хат-хабар қилмай, бедарак. *Дараксиз йўқолмоқ. Дараксиз кетмоқ.* — [Ҳасанали] *ухламай кутиб ўтирди. Аммо у [Отабек] тунги соат.. ўн иккида ҳам дараксиз эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРАКЧИ** 1 Дарак, хабар олиб келувчи, етказувчи. *Мухбирлар совет матбуотининг даракчиларидилар. Қалдирғоч — баҳор даракчиси.*

2 тар. Айғоқчи, жосус.

**ДАРАНҒ-ДУРУНҒ** тақл. с. 1 Металл нарсаларни урганда ёки торли асбобларни бетартиб чалганда чиқадиган овоз ҳақида [Бобом] *дарров сандиқни даранғ-дурунғ қулфлайди.* Ой-

бек, Болалик. || Энг сўнги нортунинг бўйнига осилган катта қўнғироқнинг даранг-дурунги Чингизхон эми-ларининг етиб келганини ҳаммага эълон қилғудай бўлди. М. Осим, Ўтрор. 2 кўчма Ортиқ шовқин-сурон, шов-шув, овоза, дабдаба. Даранг-дурун тўйи.

**ДАРАНҒЛАГАН** 1 Даранг-дурунғ овозли.

2 Ҳашаматли, данғиллама. Даранг-лаган уй.

3 кўчма Дабдабали, овозали. Мен даранглаган номимга яраша иш кўрсатганим йўқ ҳали. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДАРАНҒЛАМОҚ** Даранг-дурунғ овоз бермоқ. Бутхона қўнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун даранг-ғлади. А. Қаххор, Томошабоғ. Деворий соат даранг-лаб, ўн бирга жом урганда, Саидий ўрнидан турди. А. Қаххор, Сароб.

**ДАРАНҒЛАТМОҚ** даранг-ламоқ *фл. орт. н.* Биринчи жарчи зарда билан яна ноғорасини даранг-латди. Т. Тошматов, Эрк қуши.

**ДАРАХТ** [ф-т] Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсади-ган кўп йиллик ўсимлик. Мевали дарахт. Мевасиз дарахт. Олма дарахти.

■ Бу дарахтлар бир неча аср умр кўрган, зўр даҳшатли воқеалар гувоҳидир. Ойбек, Нур қидириб.

**ДАРАХТЗОР** [ф-т] Дарахтлар билан банд ер, майдон. Сидиқжон Баҳрободга кечки пайт.. қалин дарахтзор ва адир ораларидан.. шом қоронғиси борлиққа тарқала бошлаганда кириб келди. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ДАРАХТЗОРЛИК** Дарахтлар кўп ер; дарахтзор.

**ДАРАХТСИМОН** Дарахтга ўхшаган, дарахтга ўхшаб тармоқланган. Дарахт-симон ўсимта.

**ДАРБАДАР** [ф-т] Эшикма-эшик юр-вчи; ўзга элларда гурбатда кезувчи (мухтожлик ёки мажбурият орқасида ёки жаҳонгашталиқ мақсади билан). Дарбадар одам. Дарбадар кезмоқ (юр-моқ). ■ Сўрасанг отамни, асли бепа-дар — Бепадар ўғлиман, ўзим дарбадар бўлиб қолишимга ҳам ўша [Ғози] са-бабчи. И. Раҳим, Ихлос. Ахир, полвон шу одам касридан неча йил дарбадар кезди. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

**ДАРБАДАРЛИК** 1 дарбадар с. маъх. от.

2 Ўзга элларда гурбатда кезувчи одамнинг ахvoli, гурбатдаги ҳаёт. У, йигитлигини дарбадарликда ўт-казиб, Андижондан Бухорогача пиё-да кезган, тарашадай қотма.. Юсвали чол эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАРБАНД** [ф-т] Тоғ орасидаги тор йўл. Неча дарбанддан ошганман. Ут-дай бўлиб туташганман. Шакарбекдан адашганман. Кўрган борми, билган борми, ёронлар? «Ширин билан Шакар».

**ДАРВОЗА** [ф-т] юқ. усл. айн. дар-

воза. Бу икки дарвоза орасида икки хил ҳолат ҳўкм суради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРВОЗАБОН** [ф-т] юқ. усл. айн. дарвозабон.

**ДАРБОН** [ф-т] тар. Сарой дарво-заси посбони. Амирнинг иккинчи сал-танатида ҳудайчи, шўговул, маҳрам, ясовул, мунийи, дафтардор, дарбон,.. чироғчиларгача тайин бўлиб, Душанбе қишлоғи Бухоро аркинниг тўсига кир-ди. Айний, Дохунда.

**ДАРБОР** [ф-т] эск. Хон ва беклар саройи; боргоҳ.

**ДАРВЕШ** [ф-т] 1 дин. Тарки дунё қилган, гўшанишинликка берилган одам; сўфий. Дамашқ шаҳрида бир карвонсаройнинг дарвозахонасида соч-лари оқарган баланд бўйли бир дар-веш ўтиради. М. Осим, Аждодлари-миз қиссаси.

2 кўчма Ҳеч нарса билан иши йўқ, ўтакетган содда ва сифо одам.

**ДАРВЕШНАМО** [ф-т] Дарвешларга ўхшаган, дарвешларча иш тутувчи; дарвешсифат. Дарвешнамо киши.

**ДАРВЕШОНА** [ф-т] Дарвешларга хос бўлган, дарвешларниқига ўхша-ган. Унинг бурушқоқ маҳсусидан бош-лаб, оддий салласига қадар дарвешона эди. Ойбек, Навоний.

**ДАРВЕШСИФАТ** [ф-т+а] айн. дар-вешнамо. Дарвешсифат одам.

**ДАРВИНИЗМ** [р<инел] Дарвин таъ-лимоти (жонли табиатнинг тарихий ривожланиши, ҳайвонот турлари ва ўсимликлар организмларининг табиий танланиш йўли билан паёдо бўлиши ҳақидаги таълимот).

**ДАРВИНЧИ** Дарвинизм тарафдори.

**ДАРВОЗА** [ф-т] 1 Ҳовли, қўрғон, қалъа; завод ва ш. к.га кириладиган, очилиб ёпиладиган катта эшик, қопқа. Тахта дарвоза. Темир дарвоза. ■ Дарвозанинг бир табақаси очиқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Ҳасанали] ўр-нини.. ёзиб, дарвозани занжирлаб кел-ди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Шаҳар дарвозаси** 1) тар. атрофи мустаҳкам қилиб ўралган шаҳар қопқаси. У Хи-вага бориб етгунча, шаҳар дарвозаси ҳам беркилиб қолган. Ойдин, Гулсанам. Қилчоқлар бизнинг томондан отилган милтиқ ўқларига чидаммай, Самар-қанд дарвозасини ташлаб, Камолон дарвозасига юзландилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шаҳарнинг она шун-дай қопқасига ёпишган маҳалла ёки маҳаллалар.

2 Каналларда сувни тўсиш ёки қў-йиб юбориш учун ишланган махсус қу-рилма; қопқа.

3 спорт. Футбол, хоккей ва ш. к. ўйинларда майдоннинг рақиб юбор-ган тўпни киритмаслик учун ҳимоя қилинадиган чекли қисм.

◆ Бахт дарвозаси бахт йўли, бахтга эришиш имконияти. У сени севмайди. Бахтинг очилишига овора бўлма, бу уйда сенга бахт дарвозаси берк. И. Раҳим, Ихлос. **Билим дарвозаси** билим олиш йўли, билим ўчоғи. Мактаб—би-

лим дарвозаси, яъни фақат билим олиш йўлини кўрсатиб беради, холос. П. Тур-сун, Ўқитувчи. **Дарвозаси кенг** (ёки очик) одам меҳмондўст одам. Э, Ҳа-бибий, ёру дўстларга очик дарвозамиз. Халқпарвар, бағри кенг, ҳимматда бе-андозамиз. Ҳабнбий.

**ДАРВОЗАБЕГИ** тар. Шаҳар дар-возаларини идора этувчи мансабдор. Азизбек қаришида қўл боғлаб турган дарвозабегига бақирди: — Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ити! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРВОЗАБОН** [ф-т] 1 тар. Дарвоза қоровули ёки соқчиси. Қўлларига бер-данка ушлаган дарвозабонлар шаҳарга кирувчи ҳар кимсани бошидан оёғигача тикилиб қарардилар. Ғ. Расул, Адо-лат. Кечаси, маълум, Марғилон дар-возалари ёпиқ бўладир, .. бирорта дар-возабонни қўлга олиб қўймоғимиз ал-батта керак. А. Қодирий, Ўтган кун-лар.

2 спорт. Дарвозани ҳимоя қилувчи ўйинчи. Дарвозабонни алдаб ўтиб тўп-ни дарвозага киритмоқ.

**ДАРВОЗАХОНА** [ф-т] Дарвозага ёпишган усти ёпиқ жой. Мингбоши дарвозахонада ҳовучларини бир-би-рига ишқаб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАРВОҚЕ** [ф-т+а] рвш 1 Ҳақиқа-тан, чиндан, чиндан ҳам. Дарвоқе қишлоқ ҳаётида катта ўзгаришлар қилишга пайт келмадимиз? П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кири с. вазифасида Айтмоқчи, айт-гандай.— Ҳа, дарвоқе,— дейди Қуд-рат, бир нарса эсига тушгандай. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Бой Ғо-фурга:] Дарвоқе, Ғофур, келинга айт, хизмат-низмат қилиб турсин. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДАРГОҲ** [ф-т] 1 Кимсага тегишли уй-жой, ҳовли-жой, маскан. [Қози Мулладўста:] Мана, Мулладўст! Сизга сабр қилинг десам, хафа бўла-сиз. Бизнинг даргоҳимиздан ҳеч ким қуруқ қайтмайди. Ҳамза, Майсаран-нинг иши. | Хонадон; оила. Қизим Гулнор, шундай улғу даргоҳда тушса ёмонми? Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Хизмат, фаолият ўрни, ма-кони. Маориф даргоҳи. ■ ЗАГС — қанчалар кишининг ҳаёт йўлига нур-ли поёндоз тўшаган даргоҳ. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

3 кўчма Нажот олинадиган жой, па-ноҳ бўладиган жой. Ер юзидан шуҳрат-ли, машҳур даргоҳ ўзингсан. Элу юрт-га қудратли, мангу паноҳ ўзингсан. Я. Қурбон.

4 дин. Сиғиналадиган муқаддас жой. Асқар ота.. иккала қўлини кўтарди: Илоҳи омин! .. Худоё худовандо, шу ёшга кириб, даргоҳингдан ҳеч нарса сўраган эмас эдим. А. Қаххор, Хо-тинлар. Даргоҳида қабул қилсин ёки худо (ёки олло) ўз даргоҳида қабул қил-син худо қабул этсин, ижобат қилсин.

**ДАРГУМОН** [ф-т] рвш Гумонли, шубҳали. Бу гапларнинг амалга оши-



иш узок ва даргумон бўлса ҳам, .. ни-мадир, келажакка умид тугдирди. П. Турсун, Уқитувчи. | кесим вази-фасида Қийин, мушкул. Унинг келиши даргумон.

**ДАРД I** [ф-т] I Оғриқ, касаллик. Оғир дард. Дард кўрмоқ. Дард тор-тмоқ. Дардга чалинмоқ. Дардни яшир-санг, иситмаси ошкора қилади. Мақол. Танаси бошқа дард билмас. Мақол. — Унинг халқумини дард қисиб келди. Ойбек, Қутлуғ қон. Илгари ҳам тез-тез касал бўлиб турадиган Иброҳим отанинг дарди устига дард қўшилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Онахон, юра-гини бир нарса санчандай, кўзини юмиб, бошини орқага ташлади. Кўз тагида дард белгилари.. кўринди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Дард кўрма ёки кўлинг дард кўрмасин кўли гул ижрочига яхшилик тилаб айтиладиган ибора. Ишни қойил қилган киши ҳамма жойда мақталади, «қўлинг дард кўр-масин!» деб, тилларда дoston бўлади.

2 кўчма Рухий азоб, ғам-ғусса, алам-хасрат. Айрилиқ дарди. Дардига малҳам (дармон) бўлмоқ. Дардида ёнмоқ (куймоқ). Дардини ичига ютмоқ. — [Фотима домлага:] Менинг ҳеч жойим оғримайди, фақат ишқ дардим бор, уф! Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Сувоғном Ойсулунинг юзида ишқ, дардига малҳам бўлувчи чин юрак меҳрини ҳис этди. С. Анорбоев, Оқсой. [Дадаси Гулнорга:] Ман, ман! Дардингда куйган даданман! Ойбек, Қутлуғ қон. Албатта у ўз юрагини ҳеч кимга оча олмаган. Дардини ўз ичига ютган. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўчма Қийиннинг борлигини, бутун фикри-ёдини банд этган нарса, иш, ташвиш, орзу ва ш. к. Унинг дарди ўйин. Менинг шундан бошқа дардим йўқми? Бирор нарса дардида юрмоқ, Дардини очмоқ. Ишқий йўқ—эшак, дар-ди йўқ—кесак. Мақол. Азага борган хотин ўз дардини айтиб йўғлайди. Мақол. — Мирзажон кўнглида шор-иллик дарди билан тўғилган бола. П. Турсун, Уқитувчи. Отабек Зайнаб-нинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мен кимга йўғлайман, дардимни ёриб. «Ширин билан Ша-кар». У [Гулсул] бундай одамга ўз дардини очиб хасрат қилиш, ундан ёрдам сўрашни истар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ Дарди бедаво қ. бедаво. Дарди ичнда дардини айтмай деса тили қисик. Дард устига чипқон (чипқандек) бу-ниси етмагандай, устига устак. Бола беш ёшида қаттиқ касалга учраб, икки кўзи кўр бўлиб қолди. Дард устига чипқон чипқандек, кўп вақт ўтмай у ота-онасидан ҳам жудо бўлди. Н. Ёқубов, Қалб кўзи билан. Дард қол-моқ ноилж қолмоқ, доғда қолмоқ. Бир оз ақлга ен бериб иш қилган киши ҳеч бир вақт дард қолмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРД II** [ф-т] Койиш сўзи. Али де-

санг, бали дейди ўл десанг дард дейди. — Бахри, ранги бўзариб, қўлидан пичоқ тушиб кетди. — Нима бўлди, опагон? — Дард! А. Қахҳор, Хотин-лар.

**ДАРДАРАК** Варракнинг дариллаб овоз чиқариши учун эгма чўпи ичига ёпиштирилган қоғоз. Шабада варрак-нинг дардарагидан чиқаётган овозни олиб келади. Р. Файзий, Сен егим эмас-сан. Чиллакдай-чиллакдай ниҳолчалар бўронда варрак дардарақчалари каби дириллашар. Х. Назир, Ўтлар туташ-ганда.

**ДАРДДОШ** [ф-т] Бировнинг дардига шерик бўлувчи; ҳамдард. Навоий мин-барда туриб, бир туйғу; бир ҳаяжон билан жим қотган халққа дарддош кўзларини югуртириб чиқди. Ойбек, Навоий.

**ДАРДИ-ДУНЁ:** дарди-дунёси қо-ронгилашмоқ (ёки қоронги бўлмоқ) дунёдан, ҳамма нарсадан воз кечгудай хафа бўлмоқ. Дарди-дунёси қоронги бўлиб, тарвузи қўлтигидан тушган йиғит [Олимжон] қишлоқдан бош олиб кетмоқчи бўлиб юрганда яна [раис Со-лижон] жонига ор кирди. Х. Назир, Қанотлар. [Зухранинг] дарди-дунёси шундай қоронги эдики, кулги ҳам ёқ-масди. Р. Файзий, Балли она қи-зим.

**ДАРДИСАК** [ф-т] Сакта касаллиги. Буви Ҳилолнинг дардисак касали бор экан. «Ўрўғли».

**ДАРДИСАР** [ф-т] Ортиқча ташвиш, дахмаза. [Нор Мастурага:] Паранжиси қурсин, қайданам шу пёсни ёпиниб, Суқмозорга бордим-у, ўзимга дардисар орттирдим, келдим! Ҳамза, Паранжи сирлари. Буларинг менга дардисар бўл-ди. С. Анорбоев, Оқсой. | Бош қоти-радиган, машаққатли иш. Аҳмад Ҳу-сайн адабиётни мақтаб кетди. «Ор-зуларим бор, журналист бўлишни ис-тайман,— деди,— лекин дардисар ти-рикчилик тўққин». Ойбек, Нур қи-дириб.

**ДАРДҚАШ** [ф-т] I Дард тортган, узок вақт касалланиб ётган; дардманд. Унинг [Низоранинг] қаршисида .. ҳафталаб, ойлаб касалхона каравоти-да қўзғалмай ётган, .. бир дардкаш инсон турар эди. С. Анорбоев, Оқ-сой.

2 Дард-алам тортган, дард-алам кўр-ган; аламли. Унинг қўшиғи, йиғи каби, юрагининг бир парчасини узиб кетган, ғариб, дардкаш одамнинг йўқ-лиши каби туюлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Қимсанинг дарди, ғам-қайғусини енгўлаштирувчи ёки бирга тортувчи; ҳамдард, дарддош. Юраги қайғуга тўл-ган Йўлчи, энди сира тортинмасдан, дардига дардкаш бир она каби, у [Сао-дат] кампир билан сўзлаша бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. [Холисхон Тожи-бойга:] Мен кимлигимни ишқ урбат дардкашим бўлган бир сўкчим ёғочнинг [дурторнинг] тили билан сўзлайин. Ҳам-за, Паранжи сирлари.

**ДАРДЛАШМОҚ** Бир-бирга кўн-гидаги дардини, хасратини ихзор қил-моқ, хасратлашиб кўнгили ёзмоқ. Кошки у ҳам Йўлчига ҳамроҳлик қилган бўлса, у билан дардлашиб, ғамларига шерик бўлиб, овутиб, юпатиб, у билан бирга тепалар, жарлар ошса. Ойбек, Қутлуғ қон. Шу залда гурунг қизи-гандан қизиди. Хотинлар дардлашиб, қувнашдилар. Х. Гулом, Машғал.

**ДАРДЛИ I** Дарди, касали бор; хаста, касал. Оғир дардли бемор. | Дард, ка-саллик аломати бор. Унинг [Гулнор-нинг онасининг] ранги касал одам каби дардли. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Дард-алам чеккан. Дардли-ман, дардимни кимга ёрман. «Рус-тамхон». | Дард, алам билан тўлиб тошган; ғамли, аламли. Бу дардли ҳаёт-да Гулнорга ягона бахт — Йўлчининг сингилси Унсин бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Дард-аламни ифодаловчи; мунг-ли. Гулнор .. секин, майин, дардли овоз билан ашула бошлади. С. Зуннунова, Гулхан.

3 кўчма Дарди-фикри бирор кимса ёки нарса билан банд бўлган, бир иш, нарса ёки кимсанинг дардига, ташви-шига тушиб қолган. Дардлиман, дар-димни кимга ёрман, Ҳасратидан элдан эл ахтарамон. «Рустамхон».

**ДАРДМАНД** [ф-т] айн. дардли. Дард-манд киши. — Дардманд бўлгандан кейин, дард устига дард келаверар экан. А. Қахҳор, Сароб.

**ДАРДМАНДЛИК** дардманд с. белги оти. Зиё ака ажабланиб деди — қандай дардмандлик. Отабек соғ-ку?! А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

**ДАРДНОК** [ф-т] Дардли, хаста; қайғули; мунгли. Паранжи балосидан дарднок чеҳрангини пажмурда кўр-моқ биз бўстони маърифат аҳли учун мусибатдир. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДАРДСИНМОҚ** Андак дард тортиб синикмоқ. Шу чоқ аёл юзига боқдим, Турар эди маънос дардсиниб. Сайёр.

**ДАРД-ФАЛОКАТ**, дарду фалокат дард ва фалокатлар, кулфатлар, муси-батлар. Бу сув қишлоқнинг бутун дард-фалокатини, бутун қашшоқлигини ювиб кетаётгандай ҳамма шод-хўррам эди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ДАРДЧИЛ** Тез-тез касал бўлиб ту-радиган, салга касал бўлаверадиган; дард тортиб занфлашиб қолган, дардга чалинган. Не-не умидлар билан олин-ган ер, болалари ёш ва Анзираг хола-нинг ўзи дардчил бўлгани учун эква-сиз қолиб, қўриққа қўйилиб кетди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Дўл урди, жала ёгаверди, ер без бўлиб кетди, ўзга дардчил бўлиб қолди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

**ДАРДЧИЛЛИК** дардчил с. белги оти.

**ДАРЕ** [ф-т] I Манбаидан қуйилиш жойи томон доимий равишда оқиб ту-радиган катта сув. Волга дарёси. За-рафшон дарёси. Азим дарё. Дарё суви. Дарё бўйи. Дарё флоти. Утирган бўй-ра, юрган дарё. Мақол. — Дарё тўл-



қин, сувлар тошиқин, ўтолмайман. «Фольклор». Сенинг режанг билан саркаш дарёллар, Иродамиз олдига эғди бошини. Ғайратий. [Ҳакимбойавча] бу ишдан фойда дарёдай тошиб келишига яна чуқурроқ ишонган, завқданиб кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўча Кўп миқдордаги нарсалар ҳақида. Ҳаёл дарёси. Қолхоз — баракка дарёси. — Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига менадан чуқурроқ ботдингиз. Ойбек, Қутлуг қон. Элмурод тобора фикр дарёсига фарқ бўлиб борарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Одамлар дарёси.. янги шаҳар томонга оқарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Турмуш дарёси истоган томонга оқизади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Дарё бўлмоқ 1) оз-оздан кўпайиб дарёга айланмоқ. Оз-оздан ўрганиб доно бўлур, қатрадан кўпайиб дарё бўлур. Мақол; 2) кўча жўшмоқ; тўлиб-тошиб оқмоқ. Қўз ёши дарё бўлиб оқди.

— Юрагим дарё бўлиб Тошди севинч қирғоғидан. Ё. Мирза.

3 кўча Битмас-туганмас билимга эга бўлган; бой.— Маркс, Энгельс, Ленин .. ҳар бири бир дунё, ҳар бири бир дарё, — деди гурур ва завқ билан мудир. П. Турсун, Ўқитувчи. | Битмас-туганмас; кенг. Тақсиримнинг илмлари жуда дарё, ўзлари Бухорода хатми китоб қилганлар! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

4 эск. айн. денгиз. Шўр дарё ёки Дарёйи шўр Каспий денгизи; Ҳазар денгизи (эск.). Бу аргумоғингиз билан Дарёйи Шўргача етасиз. Ойбек, Навоий.

◆ Юраги дарё айн. юраги кенг қ. кенг. Ҳамманинг юраги сеникига ўхшаган дарёми? Ойдин, Фарҳодлар. Дарёдан бир томчи қ. томчи.

ДАРЕ-ДАРЕ Жуда кўп, беҳад кўп. Бу жангда дарё-дарё қон бараварига олинган социалистик давлатнинг келгуси истиқболли ҳал қилиниши лозим. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўз тарихий байрамини тантана қилган халқ Тошкент кўчаларидан дарё-дарё бўлиб, янги шаҳарга томон денгиз бўлиб борар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАРЕЧИ Дарё транспортда ишловчи ишчи ёки хизматчи.

ДАРЗ [ф-т] 1 Ёриқ, ёрилган. Дарз ойна. — У [чойхоначи] зинғиллаб бориб, бир чойнак чой билан дарз пиёлани Алижоннинг олдига дўқ этиб қўйиб кетди. Мирмуҳсин, Чинқиш. | Ёрилган жой; ёриқ. Дарз бўлмоқ. — Ичкаридан қилт этган товуш эшитилмас, фақат эшик дарзидан.. қинғир чироқ ёруғи тушиб турар эди. Ж. Абдуллажонов, Ўўл. [Тошинг] наҳса девор каби ҳар еридан дарз кетган... дарзларидан сув отилиб чиқмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 кўча Асосига путур етказувчи зарба, раҳна. Совуқ уруш музларида биринчи дарз пайдо бўлди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 257. Оббо, оёғимнинг тагидаги заминда шунчалик дарз бор-

лигини билмаман-да. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Кутбиниса холатинг:] «Қўқонбой салтанатига дарз тушди» деган гапидан жон бор экан-да,— деди ичида Машариф ака. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ДАРИЧА юқ. усл. айн. дарча. Биз булар билан танишишни шу ерда қолдириб, айвоннинг чап тарафидаги дарича орқали уйга кирамиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ДАРИҒ [ф-т] айн. дариго. Дорға қараб, Эралихон йиғлаб: «Э дариг, шунинг тагига қоним тўкилар экан-да»,— деб афрон қилиб сўзлагани. «Эрали ва Шерали».

◆ Дариг тутмоқ (ёки этмоқ) аямоқ, хайф деб билмоқ. Бой шундай хасис эдики, хизматкорларидан ҳатто чойни ҳам дариг тутар экан. Ойбек, Қутлуг қон. Бизни дариг тутмайсиз биздан аямайсиз, бизни четда қолдирмайсиз.

ДАРИҒО [ф-т] унд. Эй дариг, хай аттанг, афсус. Дариго, айрилиб қолдим, ул ой юзми нигоримдан. Хуршид. Во дариго, қани энди ўша бола-чақа. Уйғун, Қотил.

ДАРҚОР [ф-т] модал с. Керак, зарур. Минг ишига бир боши даркор. Мақол. — Ҳар муродо мақсадингга етмоқ истарсан мурод, Қўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм! Ҳамза. Дунё, моли даркор эмас ҳеч бизга. «Ширин билан Шакар». Менинг эски кийимларим сенга нима даркор! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ДАРМАНА [ф-т] Мураккабгуллиларга мансуб доривор ўсимлик ва ундан олинадиган гижжа дори.

ДАРМОН [ф-т] 1 Қувват, мадор, куч. Ахир, дармоним йўқ, бод касалим бор, оёғим иши. Ж. Шарипов, Хоразм. Мана, хотиним этиб қолди, ёстиқдан бошини кўтаришга дармони йўқ. Ойбек, Қутлуг қон. Дармони келмади дармони, мадори етмади. Бозор имомнинг ҳурмати учун ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди, бироқ дармони келмади. Айний, Дохунда. Дармони (ёки дармондан) кетмоқ кучсизланмоқ, бемадор бўлмоқ. Дард келганда — дармон кетар. Мақол. — Поғдин дармондан кетиб, кўзини юмди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Дармон (ёки дармонга) кирмоқ ахволи, соғлиғи яхшиланиб куч-қувватга кирмоқ, тетиклашмоқ. Сал дармонга кирсангиз яхши бўларди. Ўзлик қолмасангиз? С. Зуннунова, Гулхан. Дармон олмақ куч йиғмоқ, дам олиб ахволи яхшиланмоқ. Эҳе.. кўркем лагернинг, Кучоғида кўп-жонлар. Янги ўқув йилгача, Қунаб олур дармонлар. Т. Тўла. Дармони қуриди куч-қуввати, мадори қолмади, мадорсизланди. Кеч кирди. Дармонлар қуриди. Қоринлар оч. Қани энди иссиқ оқат бўлса? Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кўча Мадад, кўмак. Августда ғўзага қуйилган сув ҳосилга дармондир. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 177. Икки

оғиз илиқ сўзинг уларга бир йил дармон бўлади. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Чора, илож; даво. Бу ер [Қисловодск]дан чиқадиган шифобахш минерал сув кўп дардларга дармон бўлади. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 281.

ДАРМОНСИЗ Дармони, куч-қуввати йўқ, кучсиз, мажолли, ҳоли қуриган. Уларнинг [очларнинг] кўпчилиги озғин, юзлари сўлғин, кўзлари касасига чўккан, дармонсиз кишилар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ДАРМОНСИЗЛАНМОҚ Дармони, куч-қуввати кетиб, ҳолдан тоймоқ, мажолсизланмоқ.

ДАРМОНСИЗЛАНТИРМОҚ дармонсизланмоқ фл. орт. н.

ДАРМОНСИЗЛАШМОҚ Дармони, куч-қуввати кетиб, тобора бўшашмоқ. Баъзи хотинлар икки қат бўлганда дармонсизлашади, бошлари оғрийдди. Ойбек, Қутлуг қон.

ДАРМОНСИЗЛИК дармонсиз с. белги оти. Гулнор ўрнидан кўзгалди, дармонсизликдан оёқлари титраб пастга тушди. Ойбек, Қутлуг қон.

ДАРОЗ [ф-т] 1 Бўйи банд, новча, бўйчан, бўйдор. Дароз одам. Дароз терак. — Куёв томондан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади. Ойбек, Қутлуг қон. Тожимат ака.. дароз бўй, кўнглида кири йўқ.. одам эди. С. Анорбоев, Оқсой. Дароздан келган новча, бўйдор. Дароздан келган, яғриндор Тимофей узун ва бақувват қўллари билан Шералини кучоқлади. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 Узундан-узоқ, узун. Айта берса барча нутқин Бўлажак сўзи дароз. Шайхзода.

ДАРОЙИ [ф-т] Узум навларидан бирининг номи.

ДАРОМАД [ф-т] 1 Давлат, савдо-саноат муассасалари, корхоналар, қолхоз, совхоз, ижтимоий ташкилот ёки айрим шахс ҳисобига келиб тушадиган соф пул ва бошқа маблағлар. Бир кунлик даромад. Давлат даромади. Миллий даромад. Саноат корхоналаридан келган даромад. Даромада қараб буромад. Мақол. — Қолхоз боғи ўтган йили.. бир юз ўн икки минг сўм даромад берди. А. Қаҳҳор, Картина. Даромад солиғи ҳамма турдаги даромаддан олинадиган давлат солиғи. Даромад тақсимоти қолхозларда йил бўйи олинган даромадни меҳнатга қараб тақсимлаб чиқиш.

2 Муқаддима, кириш. Гапнинг даромади. «Ушиоқ» даромади. Даромад қилмоқ. — Кенжанинг қисқача даромадидан кейин залда шундай кайфият туғилдики, Аббосхоннинг бу ишораси Саидийга тасалли бермай қўйди. А. Қаҳҳор, Сароб. | Бирор мақсадни англашиш учун шу мақсад атрофида узоқдан бошланган гап.— Шунақа қилиб, Нарзани ҳам юбормоқчимисиз? — деди кампир, дарров гапнинг даромадини пайқаб. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Бу йил совуқ эрта тушадиганга ўхшайди деб, бизнинг томонлардаги одам-

ларнинг одати бўйича даромад қила бошлади, Шоқиржон. Ш. Ризо, Кор ёғди, излар босилди.

3 Бирор жойга кириладиган йўл, эшик, йўлак. Уйларнинг даромади ва деразалари кўчадан кўринади. А. Кодирий, Обид кетмон. Азар хужра даромадиға эшик қуриладиган бўлса, қоронғи бир қабр, яна ҳам тўғриси даҳма ҳолиға киради. А. Кодирий, Обид кетмон.

**ДАРПАРДА** [ф-т] 1 тар. Ойна ўрнига шаффоф қоғоз ёпиштирилган дераза. Бой.. менга янги усулда ўқитишни ман қилди, болаларнинг қўлидаги алифбе китобларини тортиб олиб, дарпардадан улоқтириб ташлади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. 2. Дераза ёки эшик пардаси. Шкафнинг ўрнида каравот турар, деразаларга янги дарпардалар тутилган. О. Ғафуров, Икки муҳаббат.

**ДАРРА** [ф-т] 1 тар. Хон-амирлар даврида жазага маҳкум этилган кишиларни савалаш учун қайишдан ўриб ёки тикиб ясалган махсус қамчи. Унинг қўлигида тўрт қават қайишни устма-уст тикиб, қисқагина сопага ўтказилган бир нарса бор эди, бу раисларнинг яроғи бўлган дарра эди. Айний, Қуллар. Эртасига муфаттиш комиссияси уни йн дарра уришга ҳукм қилди. А. Қаҳҳор, Сароб. Зах-зиндонларда дарра еб, баданлари қаварган.. бегуноҳ кишилар, пок дийдалар ётар эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. **ДАРРАГА ЁТҚИЗМОҚ** дарра билан жазолаш учун ётқизмоқ, ётқизиб дарра билан урмоқ, дарраламоқ. Менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўйдаланг келадиган виждон бор, дённат бор. А. Кодирий, Ўтган кунлар.

2 Халқ ўйинларидан бирининг номи. [Шу ўйинда ютқазган кишини уриш учун рўмол ёки белбоғдан эшиб қилинган қамчи.

**ДАРРАЛАМОҚ** Дарра билан урмоқ. **ДАРРАЛАНМОҚ** дарраламоқ фл. мажх. н. Темирчи Абдукарим. дарраланиб, умрбод зиндонга ташланди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДАРРАЛАТМОҚ** дарраламоқ фл. орт. н. Мингбоши.. ҳоким кетгандан кейин Ғулможонни дарралатмоқчи ҳам бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАРРАНДА** [ф-т] Сутэмизувчи ҳайвонлар.

**ДАРРОВ** [ф-т] рвш Тез, тезлик билан; кўп вақт ўтмай ёки ўтказмай. Дарров келинг.

**ДАРС** [а] 1 Ўқув юртларида илм, маълумот олиш ёки бериш мақсадига ўтказиладиган машғулот, сабоқ. Дарс олмоқ. Дарс бермоқ. Дарс қилмоқ (тайёрламоқ). Ҳозир дарс бошланади. — Насиба дарсда экан, айтдим, ҳозир дарс тамом бўлиши билан келади. А. Қаҳҳор, Саодатнинг қиссаси. Ёўтабой.. ўқишга жуда астойдил бўлиб, баъзи кечалари Урмонжоннинг уйига тиб, қўшимча дарс ола бошлади.

Қаҳҳор, Қўшчинор. Қўйинг,

хола, алақситманг, [Сидиқжон акам] дарсларини қилсинлар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мен дарсимни тайёрлай, Сен ашула қилиб тур. Уйғун.

2 кўчма Тажрибадан келажак учун чиқарилган фойдаланиш натижа, ибрат, сабоқ. Бу унга яхши дарс бўлди.

◆ **Шайтонга дарс беради қ. шайтон** 2.

**ДАРСЛИК** Фаннинг бирор соҳаси бўйича ўқувчилар учун мўлжалланган китоб. Она тили дарслиги. Тарих дарслиги.

**ДАРСХОНА** [а+ф-т] эск. Дарс ўтиладиган хона; аудитория.

**ДАРХОН** 1 тар. Ўрта асрларда солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабила, уруғ, зот ёки мансабдор).

2 Солиқ ва тўловлардан ёки бошқа мажбуриятлардан озод этилган, енгиллик берилган. Солиқдан дархон бўлмоқ. — [Ўқтам:] Қийинчиликлар йўқотилган сайин кексаларни ишдан дархон қилиш керак. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДАРЧА** 1 Илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш табақали эшик. Дарчаси берк бўлганидан уй ичи қоронғироқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Дарвоза.. ёнида кичкина дарчасига сарғимтил қоғоз ёпиштирилган хужра бор. Х. Ғуллом, Машғал.

2 Эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча ёки дераза. Қўпинча ёпиқ бўладиган касса дарчасидан ёқимли зарҳал нур тушиб туради. П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 кўчма Фойдаланиш, кириш имкони; йўл. Дастурхон устида қўзида суҳбат. Очди гўё бирдан фан дарчасини. М. Икром. Бахт — ўзимман. Ҳаёт дарчаларини қадарқ қўларим-ла шошиб очаман. С. Акбарий.

◆ **Бикинингдан** (ёки қўлоғининг тагидан) дарча очиб қўяйми қўлоғиннинг тагига туширайми (дўқ, пўписа бораёси).

**ДАРҒА** 1 эск. Кема бошқарувчиси; капитан.

2 кўчма Машинани бошқарувчи, юргизувчи. Зангори кема дарғалари.

3 кўчма Йўлбошчи, раҳбар. Буюк совет халқига ва унинг доно дарғаси.. Ленинчи Коммунистик партиёга шон-шарафлар бўлсин. «С. Ўзбекистон», 1965, 24 март.

**ДАРҒАЗАБ** [ф-т+а] Ғазаби келган, ортиқ даражада ғазабланган. Дарғазаб Аширмат унинг орқасидан сўкиб, қарғаб қолди. Ойбек, О. в. шабадалар. Хотин ҳеч қандай жавоб ололмасдан дарғазаб бўлиб чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАРҲАҚИҚАТ** [ф-т+а] рвш Ҳақиқатан, чиндан ҳам.— Мулла Абдураҳмоннинг илми дарҳақиқат яхши бўлган деб эшитаман!— деди маҳдум. А. Кодирий, Мехробдан чаён. | кириш с. вазифасида Ҳақиқатан ҳам, ҳақиқатда. Дарҳақиқат, Вали ака ўғлига бир

отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдари ҳам эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАРҲОЛ** [ф-т+а] рвш Тездан, тез, дарров, бир онда. Хушёр, зийрак Саидий, қизнинг ҳолатини дарҳол англаб, сўзни.. қизнинг йиғлаб чиққишидан бошлади. А. Қаҳҳор, Сароб. | Тез вақт ичида, кечиктирмай.— Агар шундай асос топилар экан, сизга дарҳол маълум қиламан,— деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАСИСА** [а] эск. кт. Ҳийла, найранг, алдов, макр. Маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси бир оилани тамом ишдан чиқараёзганки[!], бу тўғрида айниқса сизга сўзлаш ортиқчадир. А. Кодирий, Ўтган кунлар.

**ДАСТ** [ф-т] кам қўл. айн. қўл 1. Қарамоди булар баланд-пастига. Ўқловли милтиқни олди дастига. «Очилдов». Ўқ солинган тўлпонча, тайёр эди дастида. Уйғун.

◆ **Даст** баланд айн. қўли баланд қ. қўл 9. Даст кўтармоқ бир зўр билан ердан узиб тик кўтармоқ, азот кўтармоқ. Мели полвон Элмуродни тўсмадан ўзига тортиди ва даст кўтариб гир айлантирди-да, гўё йиқитолмагандек ерга қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Дастидан** 1) сабабли, туфайли.— Биз у кишининг дастидан ўз юртимиздан бегона бўлиб, жуда кўп кулфатлар торганмиз,— деди Абдурашул. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) жабридан, ёмонлигидан, зулмидан. Босмачилар дастидан ҳатто, чумолига, қушларга кун йўқ. Ҳ. Пўлат, Қишлоқдағилар.

**ДАСТА** 1 [ф-т] 1 Турли асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; соп. Болта дастаси. Пичоқ дастаси.— Бу вақт алақим дарвозанинг таиқи ҳалқасига қамчи дастаси билан уч-тўрт уриб тарақлатди. Ҳ. Ғуллом, Машғал. 2 Тутқа, қабза. Эшикнинг дастаси.— [Гулнор] бир қўли билан деразанинг дастасини ушлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Бекнинг чайир қўли бегона чамадоннинг дастасини ушлаганича тинчиди. А. Мухтор, Туғлиш.

3 Музыка асбобининг тор (ип, сим) тортилган ва қўл суриб парда босиладиган қисми. Дуторнинг дастаси.

◆ **Дастасини ўзидан чиқармоқ айн. сопини ўзидан чиқармоқ қ. соп 1.**

**ДАСТА** II [ф-т] диал. Чиллак.

**ДАСТА** III [ф-т] 1 Бир тутам қилиб терилган ёки боғланган нарса; боғ, боғлам. Бир даста пиёз.— Бир даста гул тақдим қилдинг-да, Яна дилга яқин туюлдинг. Ҳ. Пўлат. У ердан чиптага ўроғлиқ бир даста кўчатни олиб чиқиб менга тутқазди. Ҳ. Назир, Бир тул ғўза.

2 Устма-уст терилган ёки тахлаб боғланган нарса; пачка. Бир даста китоб. Бир даста пул.— У ўрнидан туриб, каравот остидан бир даста журнал олди-да, Эҳсоннинг олдиға қўйди. А. Қаҳҳор, Сароб.

3 мажх. Ипак қурти пилла ўраши учун сўкчакка бостириладиган ғў-

запора ва ш. к. боғлама; гана. Курт уруғдан чиққан, даста қўйилади.

4 Гурух, гўда. Созандалар дастаси.. бир чирмандачи, бир ноғорачи, бир сурнайчи, бир раққоса ва битта қўғирчоқбоздан иборат эди. Айний, Эсдаликлар. | Тўп, отряд. Минг даста тузсин, амирнинг кунни саноқли. Айний, Куллар. Баъзан ҳар икки томоннинг илғор дасталари тўсатдан учрашиб, катта сурон билан ўқ узишадилар. Ойбек, Навоий.

**ДАСТАВВАЛ** [ф-т+а] рвш 1 Аввал, энг аввал, биринчи навбатда, биринчи галда. Даставвал ер ҳайдалди, сўнгра чигит экилди.

2 Энг олдин, ҳаммадан олдин, ҳаммадан илгарини. Даставвал мен келдим.

3 Бошда, дастлаб. Даставвал мен бу гапга ишонмадим.

**ДАСТА-ДАСТА** 1 Бир неча даста, бир неча боғ. Даста-даста гул. ■ Даста-даста гулдаста. Бизга ҳамма ҳавасда. «Кўшиқлар».

2 Тўда-тўда, тўп-тўп. Қўшин келди даста-даста, Ясов тортиди баланд-наста. «Хушкелди».

3 Бир неча пачка, пачка-пачка. Даста-даста хат.

**ДАСТАК** 1 [ф-т] 1 Турли қурилмаларнинг ричаг асосига қурилган қисми; ричаг. Тегирмон қулоғининг дастаги.

2 кам қўлл. Даста, соп, тутқа.

3 кўчма Бирор ҳаракат учун таянч қилиб олинган ёки таянч бўлиб хизмат қилувчи нарса (далил, асос, во-сита, хужжат ва ш. к.). Хомиднинг бу гапи унга катта дастак бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб. Ҳар ҳолда делегатликни дастак қилмасанг бўлар эди. О. Ёқубов, Учранув. Бу [балиқ овлаш] отанине яна бир тирикчилик дастагидир. Ҳ. Ғулوم, Машъал.

**ДАСТАК** II [ф-т] Оёқ кийимнинг то-вонни айлангириб олган ва бошлиққа бириктириладиган орқа қисми. Этик-нинг дастаги. Кавушининг дастаги. ■ Маҳкам ака ботинкани қўлига олиб, дастагини кериб берди. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**ДАСТАКИ** [ф-т] Қўлда ясалган, хо-наки; сўқма. Дастаки самовар. Дастаки қулф.

2 Қўлда бажариладиган, қўл би-лан ишлатиладиган. Дастаки пурка-гич.

**ДАСТАЛАМОҚ** 1 Даста ўрнатмоқ, соғламоқ. Кетмонни дасталамоқ.

**ДАСТАЛАМОҚ** II 1 Даста-даста қи-либ термоқ ёки боғламоқ. Гул даста-ламоқ.

2 Уста-уст, қават-қават қилиб тер-моқ, тахламоқ. Нон дасталамоқ. Қитоб дасталамоқ. ■ Қоғозларни дасталаб турган Саудийнинг ёнида ўлтирган йўлчибой секин Саудийни... имлади. А. Қаҳҳор, Сароб. Келин ювиб артил-ган пидедаларни дасталай туриб, чо-лининг гапини яхши англамади чоги, сўзни бўлди. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

**ДАСТАЛАНМОҚ** I дасталамоқ I фл. мажх. н. Дасталанмаган кетмонлар.

**ДАСТАЛАНМОҚ** II дасталамоқ II фл. мажх. н. Дасталанган гуллар. ■ Хонтахтада.. тандирдан янги узил-ган қип-қизил папирлар дасталаниб турарди. О. Ёқубов, Ларза.

**ДАСТАЛАТМОҚ** I дасталамоқ I фл. орт. н. Тешани дасталатмоқ.

**ДАСТАЛАТМОҚ** II дасталамоқ II фл. орт. н. Гул дасталатмоқ. Қитоб-ларни дасталатмоқ.

**ДАСТАЛИ** Дастаси, сопи, тутқаси бор; сопли, тутқали. Дастали кет-мон. ■ Тол новдадан тўқилган, узун дастали замбил алақачон тайёр бўл-ган. Ф. Ғулум, Шум бола.

**ДАСТАЛИК** Даста бўладиган, дас-та қилинган ярайдиган; дастабоп. Дас-талик тол ёғоч.

**ДАСТАРРА** [ф-т] Бир қўл билан уш-лаб ишлатиладиган арра, қўл арра. Отам онамга болта, дастарра.. тай-ёрлашни буюрди. Айний, Эсдаликлар.

**ДАСТГИР** [ф-т] 1 эск. кт. Ёрдамчи, мадад берувчи. Сагири бўйсин ул хо-ҳи қабири, Чуқур фикри ҳамшиша даст-гири. Ҳабибий.

2 диал. Даста, соп. Дўстлар қилди бир тарафга юришни. От гардон[и]-га тақиб олтин, кумушни. Белга осиб тилла дастгир қилишни. «Орзи-гул».

**ДАСТГОҲ** [ф-т] 1 Ҳунармандлар-нинг, косибларнинг, тўқимачиларнинг дастаки станогини; дўкон. Мен ҳам тў-қувчи косиблар артелига аъзо бўлиб, шоҳи тўқини дастгоҳида ишлаб туриб-ман. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 эск. айн. станок. Қомбинат янги хил тўқув дастгоҳлари билан таъмин-ланган. ■ Автомат дастгоҳлардан мавжлашиб оқайтган ранг-баранг шойи газламалар, шу зўр тўқин билан тўх-товсиз кўпайиб бормоқда. «Қ. Ўзбе-кистон», 1959, № 59.

**ДАСТГОҲСОЗЛИК** эск. айн. станок-созлик. Дастгоҳсозлик заводи. Бизда илгари дастгоҳсозлик қўл меҳнатига асосланар эди.

**ДАСТЁР** [ф-т] 1 Оилада қўлдан келган ишни бажариб, катталарнинг оғирини енгил қилувчи, ёрдамчи. Мен ўн бир ёшларга кирганимда ота-онам-га яхши дастёр бўлиб қолдим. Айний, Эсдаликлар. Эси кириб, дастёр бўлиб қолган Элмурод укасининг.. ингичка оёқларига қараб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бировнинг енгил-елпи ишларини бажариш учун ёлланган хизматкор бола. Тўртинчи кунни [Қудрат] керо-син сотувчи бир рус савдогарга дастёр бўлиб кирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Канал бўйидаги сўрига ўтириб, дастёр болага кўк чой буюрди. С. Аҳ-мад, Ойдин кечалар.

3 кўчма Ёрдамчи, кўмакчи. Совет халқи ўз матбуотини муносиб ёрдам-чи ва дастёр деб билади.

**ДАСТЁРЛИК** 1 дастёр с. мавҳ. от. 2 Енгил-елпи ишларда ёрдамла-

шиш; дастёрчилик. Бўши вақтида.. далага келиб Ғайбуллага дастёрлик қилиб турар, машинанинг қисмларини ўрганар эди. Ҳ. Назир, Маёқ сари.

**ДАСТЁРЧИЛИК** айн. дастёрлик 2. Менинг ҳам дастёрчилик қилмавериб оёғим қаварди. Ойдин, Дўниқдан, ҳам ёш экан.

**ДАСТКАЛЛАК** [ф-т] с. т. Дастко-ла.

**ДАСТКОЛА** [ф-т] Дарахтларнинг шох-шаббасини кесадиган узун даста-ли асбоб. Отам онамга болта, даст-теша, дастарра, дасткола каби асбоб-ларни тайёрлашни буюрди. Айний, Эсдаликлар.

**ДАСТЛАБ** рвш Энг аввал, даставвал, бошда. Эс-ҳушини йўқотиб, гаранглан-ган деҳқон дастлаб индамади. Ойбек, Қутлуғ қон. Кечкурун қишлоққа тер-говчи келди. Дастлаб Мели полвонни чақириб маълумот олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАСТЛАБКИ** 1 Бошланишдаги, бошланғич, биринчи. Дастлабки кез-лар. Дастлабки кунлар. ■ Ахир у [То-жибой] совет ҳукуматининг дастлабки йилларида.. нималар демади? П. Тур-сун, Ўқитувчи.

2 Ҳаммадан олдин юз берган, энг аввалги. У.. дастлабки қийинчилик-лардан қўрқмасликка чақирди. А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор. Узоқ адирнинг орқа-сидан кўтарилган.. ойнинг дастлабки шуғласи тўғоннинг тепасида пири-раб турган байроққа тушиди. А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор.

3 Биринчи галдаги. Дастлабки ва-зифалар.

4 Бирламчи; хомаки. Дастлабки текшириш. Дастлабки ишлаш. ■ Тех-никумда толали экинлар маҳсулотини дастлабки ишлаш учун технолог тех-никлар тайёрланди. «Қ. Ўзбекистон», 1946, № 32.

**ДАСТМОЯ** [ф-т] диал. Қозон сочиқ. **ДАСТМОЯ** [ф-т+а] 1 Савдо-сотиқ ишларида айлангириб туриладиган, фойда келтирадиган дастлабки асосий маблағ. [Ҳасанали] узун кун уйда бекор зериккандикдан, ҳожисга айтиб, бирмунча дастмоя билан баққоллик дўкони очган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дастмоясидан айрилмоқ син-моқ, банкротликка учрамоқ. Ҳисоби-ни билмаган дастмоясидан айрилар. Мақол.

2 с. т. Бисотдаги, пешанадаги бор-йўқ нарса. Унинг дастмояси — шу битта кетмони. ■ [Рафиқ Мидхатга:] Ёзавер.. Занг босиб қолмасин. Дастмоя-ни ишга сол. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

3 кўчма с. т. Бирор иш-ҳаракат учун дастак бўлган нарса; рўкач. Бул-тур ишимнинг ўнғидан келмагани бу йил сизга дастмоя бўлиб қолдими! Н. Сафаров, Олияхон Султонова. Ғиёсиддин.. иккита меини дастмоя қилиб, расталарда «оби худойи» деб, мешкобчилик қилиб юрди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ДАСТОР** [ф-т] *эск. айн. салла* I. *Хирот чапанлиари.. дасторни бошларига наридан-бери чулғаб, жомега келган эдилар.* Ойбек, Навоий.

◆ **Дастор олма** анжирсимон ялпоқ олма.

**ДАСТОРГУЛ** [ф-т] Мураккабгуллиларга мансуб чечак.

**ДАСТПАНЖА** [ф-т] *с. т.* Қўл; кафт ва панжалар. *Улар қўлоғ этикли бақуват оёқлари билан асфальтни гўмбурлатиб тепадилар, дастпанжалари билан тиззаларини уриб, чўккалаб айланадилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ **Дастпанжаси йўқ одам кест.** ҳеч балода йўқ, қўлдан ҳеч иш келмайдиган ношуд одам.

**ДАСТРҮМОЛ** [ф-т] Ёнда олиб юриладиган кичкина рўмолча. *Чўнтагимдан дастрўмол олиб, кўзини артоқчи бўлдим.* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Нури қип-қизил ва семиз юзидан оққан терни юпқа шоҳи дастрўмол билан артиб, паранжисининг чангини қоқди.* Ойбек, Қутлур қон.

**ДАСТТЕША** Қўл теша. *Отам онамга болта, дасттеша, дастарра,.. каби асбобларни тайёрлашни буюрди.* Айний, Эслаликлар.

**ДАСТУР** [ф-т] I *Иш-ҳаракат учун қўлланма, йўл-йўриқ, низо.* *Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси янги кишини вояга етказиш учун қўраш дастуридир.* — Унинг саккиз-тўққиз йиллик тажрибаси колхоз учун бир дастур. А. Қодирий, Обид кетмон. **Дастур тутмоқ** қўлланма сифатида амал қилмоқ.

2 Бирор ишда қабул қилинган қонун-қоида, тартиб. *Меҳнатга ҳурмат— ахлоқнинг юксак дастурларидан биридир.* Ойбек, Нур қидириб. *Бектемир шу пайт, «қимирлаш—ҳалокат» деган синалган дастурдан воз кечди-да, оқопдан ирғиб чиқди ва гоҳ эмаллаб, гоҳ сакраб чопди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ДАСТУРИЛАМАЖ** [ф-т+а] I *эск. айн. дастур* I.

2 Низомнома, устав.

**ДАСТУРХОН** [ф-т] I Уртага ёзиб устига овқат қўйиладиган махсус мата, рўзгор буюми. *Тик дастурхон. Каттак дастурхон.* — *Кумри кулранг бўз дастурхонни ёзди.* Х. Фулом, Машғал.

2 *қўйма* Уртага ёзилган шундай буюм ва унинг устига қўйилган таомлар. *Тўйкин дастурхон. Дастурхон тузамоқ. Дастурхонга боққан дўст эмас.* Мақол. — *Афсуски меҳмон бўлсанг ҳам, дастурхон ёзолмайман, қуруқ аскиядан бошқа ҳеч нимам йўқ.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучди. *Зиё шоҳичи билан йўли Раҳматқулнинг ҳар замон меҳмонларни дастурхонга қисташлари бошқаларнинг иштаҳаларини очишга сабаб бўлсан ҳам,.. бизнинг Отабекка сира тавсир қилмас, ҳаёлланиб ўтирар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Дастурхон қилмоқ** бир гапни ҳар қаерларда ҳар кимларга гапириб, достон қилиб юрмоқ, дастмоя қилиб ол-

моқ. *Сиз кимга яхши қўриқмоқчи эдингиз, ёлғон гапни дастурхон қилиб юрибсиз?* П. Қодиров, Қадрим. **Нонини еб, дастурхонига оёқ артмоқ** яхшиликка ёмонлик қайтармоқ.

**ДАСТУРХОНЛИ** I Дастурхони бор, дастурхон ёзилган. *Дастурхонли стол.* 2 *қўйма* Меҳмондўст, саховатли. *Дастурхонли одам.*

**ДАСТУРХОНЛИК** Дастурхон бўладиган; дастурхонбоп. *Дастурхонлик мата.*

**ДАСТУРХОНЧИ** I Тўй, зиёфат ва бошқа маросимларда дастурхон тайёрлаш ва келган-кетганларни кутиш учун белгиланган аёл киши. *Дастурхончи ва бошқа.. хотинлар Йўлчининг ёнига бемалол келсалар-да, у қиз яқин келмас эди.* Ойбек, Қутлур қон.

2 *тар.* Амир, хон ва беклар саройида сарой аҳлларига бериладиган овқатларни тайёрлатиш ва меҳмон кутиш билан шуғулланган лавозимли киши.

3 *с. т.* манф. Воситачи, даллол.

**ДАСТУРХОНЧИЛИК** дастурхончи I, 2 *с. касб оти.* — *Ўзинг биласан, тўйларда, маъракаларда дастурхончилик қиламан,— деди Ҳожиди хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАСТХАТ** [ф-т+а] Кишининг ўз қўли билан ёзилган хат. *Мулла Мухсиннинг ўз дастхати ва таҳрири билан ёзилган «ариза» мажлисда яхшигина кулги берди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДАСТШҮ(Й)** [ф-т] Қўл-бет ювганда ювинди сув оқиб тушадиган металл идиш. *Анвар ўрнидан туриб даҳлизга чиқди. Қўлчаи оқиб, дастшўй қўтариб, Раёнонинг ёнига келди: — Юв юзингни.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ДАФ** I [ф-т] Чертиб чалинадиган, ёғоч гардишга хом тери қошлаб ясалган музика асбоби; чилдирма, доира. *Ойбодоқ югуриб [бориб] ғижжак, танбур ва даф келтирди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Даф чалиниб, базм бошланди.* Мирмухсин, Ойна.

**ДАФ** II [а дафъ] Қайтариш; йўқотиш. *Мана у [Отабек] шу мудҳиш, бошга тушмоғи аниқ турган ҳалокатнинг дафи учун Марғилондан ошиғич чиқиб жўнаган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Золимлар лаҳадга даф бўлсин!* Х. Фулом, Машғал. *Даф бўл, фалокат шўртмушук.* Ҳамза. **Дафи савдо** 1) бошга тушган савдони қайтариш; 2) бошга тушган савдони қайтарадиган. **Даф қилмоқ** 1) қайтармоқ; йўқотмоқ. *Душман самолётларини даф қиладиган тўп ва самолётларини ким ясаб бериб туради? Яна ўша ота-оналар, ака-укаларми?* А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) хужум қилмоқ, ҳамла қилмоқ. *Беғуноҳларга ноҳўй даф қиладиёнларни сал фаҳмласанг, шипшитиб қўй: нақ белини синдирамиз.* «Муштум», 1961, № 8.

**ДАФИНА** [а] Ерга кўмилган бойлик, хазина. *Ота-бобонгиз ва ўзингиз жамғариб қўйган хазина, дафиналарни бир-бир очиб,.. бизга топширинг.* Айний, Дохунда. *Искандар нечун теран ғор-*

ларда Ахтармиш дафина ва оби ҳаёт! Миртемир.

**ДАФН** [а] Ўлиқни кўмиш, қабрга қўйиш маросими. *Дафн этмоқ (қилмоқ).* *Дафндан сўнг тўй бир йилсиз бўлмаслигини эшитиб, қари кўёв тарвузи қўлтиғидан тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дафн маросими туздан кейин тузаб, одамлар тартибсиз равишда.. тарқала бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАФНА** [турк-усм < грек] Донм яшил хушбўй дарахт; лавр.

**ДАФТАР** [турк-усм < грек] I Хат ёзиш учун китобча шаклида тикланган қоғозлар. *Бир чизикли дафтар. Каттак дафтар. Расм дафтари.* — *Урта ёшлардаги бир киши минбарга чиқди, белига қистириб қўйган қизил муқовали қалин дафтари олиб.. «ўртоқлар!» деди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон. *Ҳамраев қўйин дафтари олиб, нималарнидир ўчирди, яна нималарнидир ёзди.* А. Қаҳҳор, Айб кимда?

2 Кундалик иш, воқеа-ҳодиса, таассурот ва ш.к. ёзиб бориш учун белгиланган шундай нарса. *Бухгалтерия дафтари. Уй дафтари. Шикоят дафтари.* — *Ҳисобга олиш дафтарииниизнинг бир чеккасига «гувоҳ фалончилар» деб, бизни тиркаб қўйинг.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги саргузашт хикоя. *Унинг дафтари узун.* **Дафтар қилмоқ.**

◆ **Кўнгил дафтари** дилдаги дард-хасратлар. **Темир дафтар қ. темир.** (Ҳасрат) дафтари очилди ҳасрати бошланди. *Шу баҳона билан унинг дафтари очилиб кетди.* Х. Назир, Узр, отахон.

**ДАФТАРДОР** [грек+ф-т] I *тар.* Давлатнинг қирим-чиқимлари ҳисобини олиб борувчи лавозимли киши.

2 Идорага келган-кетган хат-хужжатларни журналга ёзиб борувчи ва ёзув-чизув ишларини бажарувчи ходим, секретарь. *Унинг ўзида ўхшаган Ҳомид номли бир ўртоғи бор.* У Округ ижроқўйида дафтардор-журналист. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАФТАРНАВИС** [грек+ф-т] *тар.* Қозихонада ҳукм, васиқа ва ш.к. хужжатларни дафтарга ёзиб борувчи, иш юритувчи.

**ДАФТАРЧА** I дафтар *с. кичр.* [Зокир ота].. унинг [Сидиқжоннинг] отини дафтарчасига ёзиб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

2 Босмахонада китобча шаклида босилган ва графалари зарур вақтда тўлдириладиган хужжат. **Меҳнат дафтарчаси** меҳнат стажиди қайд этиладиган дафтар. *Қолхозчилар меҳнат дафтарчаларини киссаларидан чиқариб унда қараб,.. ҳисоблаша башлайдилар.* Айний, Қуллар. **Омонат (касса) дафтарчаси** омонат кассасига қўйилган ва олинган пуллар ёзиб бориладиган китобча.

**ДАФЪА** [а] Мўрта, қарра. *Илк дафъа. Сўнг дафъа.* — *Бу кун Йўлчи бу уйга биринчи дафъа кирган эди.* Ойбек, Қутлур қон.

**ДАФЪАТАН** [а] рвш 1 Кутилмаганда, бирдан, тўсатдан, кўққисдан. *Елиб, йўрғалаб кетаётган тўриқ дафъатан тушишүғини баланд кўтариб, қаттиқ кишилади.* С. Анорбоев, Оксой.

2 Дастлаб, бошда, аввалига. *Берди татар дафъатан мақсадга тушунмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДАХЛ** [а] Тегишлилик, тааллуқлик, алоқа, муносабат. *Бу ишга менинг дахлим йўқ.* — *Мавлон билан Наврўз ўз иссиқ жойларини ташлаб шундай совуқ ҳавода ўзларига ҳеч дахли бўлмаган колхознинг пахтасини ғайрат билан тераётган ешларнинг ишларидан ҳайрон қолмоқда.* Айний, Қуллар.

◆ **Дахл этмоқ** (ёки қилмоқ) тегмоқ, ҳамла қилмоқ. *Бу Ватанга душманлар дахл этолмас.* Ҳабибий.

**ДАХЛДОР** [а+ф-т] Алоқадор бўлган, алоқаси, дахли бор, тегишли, тааллуқли. *Қишлоқ хўжалиги.. экономиканинг ҳаётини муҳим тармоғи бўлиб, ҳар совет кишисининг манфаатларига дахлдордир.* «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 59.

**ДАХЛЛИ** айн. дахлдор. *Бу гаплар сенга дахлли эмас.*

**ДАХЛСИЗ** 1 Алоқадор бўлмаган, дахли, алоқаси йўқ, тааллуқсиз. *Бу сенга дахлсиз гаплар.*

2 Ҳеч ким дахл қила олмайдиган, қўл тегиза олмайдиган, ҳар қандай қасд ёки тажовуздан ҳимоя қилинган ёки қилинадиган. *Советлар ўлкаси дахлсиз, бутун, Миллион йил оламда барқарор бўлсин.* Г. Гулом.

3 дип. Ўзга элларда қонун йўли билан жазолаб бўлмайдиган.

**ДАХЛСИЗЛИК** 1 Дахли, алоқаси йўқлик, тааллуқсизлик.

2 Ҳар қандай қасд ёки тажовуздан ҳимоя этилганлик. *Совет мамлакатининг дахлсизлиги. Жамоат мулкнинг дахлсизлиги. Дипломатик дахлсизлик.*

**ДАХМА** [ф-т] кт. Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик; мақбара. *Биз дахмага кирган чоғимизда зиёратхонада одам кўп эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ДАХМАЗА** [ф-т] Ортиқча ташвиш, дардисар, бош оғриғи. *Мен аввал анча дахмаза бўлармиким деб ўйлаган эдим, йўқ, қийин эмас экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Э-э! Сотинг бу тўяларни, қиши билан боқасизми?! Ҳашак-хушак, деб дахмаза қилиб юрасизми?!* Ойбек, Болалик.

**ДАШНОМ** [ф-т] Қилмиши учун уялтириш, қаттиқ койиш, сўкиш, таъзир. *Дашном бермоқ.* Раиснинг дашномидан бошини эгиб, ер чизиб ўтирган Ҳиммат истеҳзо билан кулди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. *Етар, дашномлардан тирик ўлганим!* С. Акбарий. *Жувоннинг.. бераан дашноми ҳам бир бўлдию, ҳозир бодринг узатгани ҳам бир бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Дашном ёмоқ** қаттиқ гап, койиш эшитмоқ. *У ҳеч кимдан бундай дашном еманган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАШТ** [ф-т] 1 Экилмай ётган сувсиз ер; чўл. *Бепоен дашт. Қақроқ дашт. Дашт ҳавоси. Канал суви ўтиши билан дашт чекинаверади.* — *Офтоб ғарбга ёнбошлаганда икки йўловчи даштдан чиқиб, тепаликка йўл олди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

2 Кенг, очиқ майдон; дала. *Бировлар бир парча жой тополмай саргардон, чодирсиз, чайласиз даштда ўтирадилар.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДАШТ-БИЁБОН**, **дашту биёбон** дашт ва биёбонлар), чўл ва биёбонлар).

**ДАШТЛИК** 1 Дашт жойлар, экилмай ётган сувсиз ерлар; чўллар.

2 Даштда яшовчи киши.

**ДАШТПИЁЗ** [ф-т] Бир нав ёввойи пиёз.

**ДАШША** диал. Дастшў(й).

**ДАШҚОЛ** Рудадан металл эритиб олишда ҳосил бўладиган шишасимон ёки тошсимон молда; шлак.

**ДАЪВАТ** [а] 1 Бирор ишга ёки бирор йўл, маслак ва ш.к.га ундаш, чақириб. *Тинчликни ҳимоя қилиш учун, янги жаҳон уруши хавфига қарши ёлпасига курашайлик, деган даъват ер ўзидаги ҳамма тилларда ғоят зўр куч билан янгради.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 287. *Икки йигит ҳам ичдаги қандайдир муқаддас бурчининг даъвати билан курашга шўнғиди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Ўзбекистон комсомолнинг XII съезди «Мирэачўлга ҳужум бошлайлик!» деб даъват этган эди.* «С. Ўзбекистон», 1965, 2 июль.

2 эск. Таклиф, чақирув. **Даъват хати** чақирув хати, таклифнома. *Абдурахмон.. Мударрис амакиларидан Бухоройи шарифга келиб таҳсил қилишга даъват хати олди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қўнғироқ чалинди.. Лекин тўрт ўқитувчининг ҳар бири бизни ўз синфига самимият билан даъват қилар эди.* «Қ. Ўзбекистон», 1947, № 78.

**ДАЪВАТНОМА** [а+ф-т] 1 Бирор ишга ёки бирор йўл, маслак ва ш.к.га даъват этувчи, ундовчи хат, варақа, ҳужжат.

2 Езма таклиф, таклифнома. *Тошкентлик Мирсоат заргар олтмиш-етмиш маҳалланинг ҳар биридан ишгарма-ўттиз кишини сайлаб ёздириб, даъватномалар тарқатибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ДАЪВО** [а] 1 юр. Ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талаб, арз. *Пул даъвоси. Мерос даъвоси. Чегара даъвоси.* — *Бир одам Афандига илтимос қилди:— Фалончида менинг бугдой даъво бор, қозига бориб гувоҳлик берингиз!* «Латифалар». *Ҳозир кўп шаҳарларда, кент, қишлоқларда камбағал халқ ўз ҳақини даъво қилиш учун шайланмоқда.* Ойбек, Қутлуг қон. **Хун даъво** тар. ўлдирилган кимсанинг қонига қон олиш ёки қонун йўли билан жазо талаб этиш.

2 Бировни айблаш, тухмат. *У «мени урдий» деб, даъво қилапти.* — *У Араб-*

*бойга даъво қилмоқда эди:— Мана, энди сенинг гапинга кириб нима бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўзида йўқ ҳақ-хуқуқ ёки ҳислат-фазилатларнинг эътироф этилиши йўлидаги талаб, уриниш, идда. *Биринчилик даъво*. — *Нусратбек бўлса, кўчага чиққанда, беклик даъво*сини қилиб, *уйига кирганда — Хушрўйбекка мут!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бегим, аэроиллик даъво қилибсан, Ҳайбат билан жон олмоқчи бўлибсан.* «Муродхон». *Ўзум узсам, узумзордан бир шингил. Асалман дер, ширинликда даъво*си. С. Абдулла.

4 Назарий мулоҳаза, фикр. *Реформист назариячиларнинг, ҳозирги замон капитализми бекризис ривожланиш босқичига кирди, деган даъволари нақадар асоссиз эканлиги.. ҳозирги кунда айниқса яққол кўришиб қолди.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 30.

5 эск. айн. теорема.

**ДАЪВОГАР** [а+ф-т] 1 юр. Ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя этиш ҳақида расмий ёки ғайрирасмий арз қилган, талаб қўйган шахс. *Тангрикулхожи водокачкаларга даъвогар бўлипти: «Князь водокачкаларни менга сотиб кетди», деб ҳужжат кўрсатишти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Ўзида йўқ ҳақ-хуқуқ ёки ҳислат-фазилатларнинг эътироф этилиши йўлида уринувчи. *Биринчиликка даъвогарлар.*

**ДАЪВОГАРЛИК** даъвогар с. мавҳ. от.

**ДАЪВОЛАШМОҚ** Ўзаро ҳақ-хуқуқ талашмоқ, бир-биридан ҳақ талаб этиб, жанжаллашиб юрмоқ.

**ДАЮС** [а] Қўшмачи, далла. *Сидиқ-жоннинг ранги бўзариб кетди.. Мен даюс эмасман! Бунақа қўшмачилик сизлардан келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Каттиқ сўкиш ибораси. *Ух, даюс!.. Бу пичоқ неча гуноҳсининг ёстиғини қуритган экан!* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДАКЁНУС** [а < лат]: **дакёнусдан қолган** 1) қадимдан, алмисоқдан қолган, жуда эски, қадимий. *Мен болаларни Қудратилла қори сингари янги усулда ўқитишни билмаганим учун дакёнусдан қолган усул билан ўқитар эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари; 2) жуда ҳам эскириб кетган. *Гулнор дакёнусдан қолган кафшини кийиб, чирик паранжиге ўралиб, йўлчи билан жўнади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ДАҚИКА** [а] 1 Соатнинг олтмишдан бир бўлаги; минут. *Турдиве бу воқеанинг бир неча дақиқада ўтганини кўриб, шошиб қолди.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Жуда оз вақт, он, пайт. *Кулушининг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўраттиш, албатта, мумкин эмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гоҳ-гоҳда нафас ростлаш дақиқаларида ерга урилган кетмон товчилари эшитилади.* И. Раҳим, Ихлос.



**ДАҚИҚАЛИ** I Дақиқадан иборат, дақиқа ўлчовидаги. Уч дақиқали курашдан сўнг Мутал бўшади, илгариги кучанишлардан қолди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўчма Жуда қисқа, бир онли. Бир дақиқали иш.

**ДАҚҚИОНУС** с. т. Даққенус.

**ДАҚҚИ** Ишлатилвериб хорган, холдан тойган, шарти кетиб, парти қолган. Даққи от. | Кўп иш кўриб ёки даққи еябериб чарчаган, лоқайд бўлиб қолган (одам ҳақида).

**ДАҚҚИОНУС** с. т. Даққенус. Яна тагин шу даққенусдан қолган йўлда ғафлат босиб юраверамизми, ёки.. билакни шимариб колхоз тузамизми? П. Турсун, Уқитувчи.

**ДАҒАЛ** I Ташқи кўриниши, тузилиши беўхшов; кўпол, хунук. Дағал бармоқлар. — Унинг дағал, мардона кўли, Аста силар ипак сочини. Уйғун. | Қаттиқ; майин, силлиқ эмас. Дағал соч. Дағал жун. — Мулла Икром баланд бўйли, дағал соқол.. бир киши эди. Ойбек, Қутлуғ қон.— Кечасиз, колхоз ҳеч нарсани йўқотмайди.— деди Шербек...— фақат дағал яноғи ўрнига майин жун олади. С. Анорбоев, Оқсой. | Кўпол ишланган, жўн. Дағал мовут.

Дағал қороз. — Дағал саҳтиёндан этик кийган оёқларини кериб,.. пичан уюмларини аравага ортарди. С. Анорбоев, Оқсой. | Ҳазм қилиниши оғир, бад-ҳазм. Дағал овқат. — Маккажўхори ва дағал хашак ўрадиган агреатларнинг ҳаммасини тўла ишга солиш керак. «Қ. Ўзбекистон», 1962, 7 август. Мол гўштида эса бирлашма тўқима кўп ва дағал бўлгани учун қаттиқ ва ҳазм бўлиши қийин. Н. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

2 Кишига қаттиқ тегадиган, қаттиқ ботадиган; совуқ, кўпол. Дағал гап. Дағал одам. — Тугилиб эркалик-дағина ўсган, ҳаётнинг дағал муомаласидан беэона.. Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДАҒАЛЛАШМОҚ** Тобора дағал, кўпол бўлиб бормоқ. Гапи дағаллашиб қолибди.

**ДАҒАЛЛАШТИРМОҚ** дағаллашмоқ фл. орт. н.

**ДАҒАЛЛИК** I дағал с. белги оти. Кўлнинг дағаллиги.

2 Дағал муомала, кўпол гап. Ишонмасангиз кириб ахтаринг деди, дағаллик билан қора Аҳмад. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кўпол муомалали одамларга хос хатти-ҳаракат. Жуман ўзининг дағаллик қилиб қўйганини пайқадую, лекин энди кел эди. А. Мухтор, Тугилиш. Ойсулувнинг дағаллиги Сувонжонга қаттиқ тегди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ДАҒ-ДАҒ: дағ-дағ титрамоқ** (ёки қалтитрамоқ) ияги иягига тегмай қалт-қалт титрамоқ (безгақдан, совуқдан ёки қаттиқ кўрқувдан). [Қасал] сизгир ўзини ерга кўтариб урди, кўзлари олайиб кетган, оғзидан кўпик чиқариб дағ-дағ титраб, оёқларини силкитар эди.

Ғ. Фулом, Шум бола. Аҳмад Ҳусайн ғазабидан ранги қув ўшиб, дағ-дағ титрарди. Ойбек, Нур қидириб.

**ДАҒДАҒА** [а] I Ваҳима ёки шовқин солиб қилинган дўқ, пўписа, кўрқитиш. Дағдағалар.. бақирдиқлар, дўқлар, атом бомбаси, Кўрқитолмас бизни, ишонч порлар кўзларда. Уйғун. Отин-ошимнинг аччиғи келди.. ва дағдаға қилди. Ҳай бола, тилингни тий! П. Турсун, Уқитувчи. | Кўрқитиш учун кўтарилган жанжал, низо. Биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришга ҳаракат қилурмиз. Ойбек, Навоий.

2 кам кўлл. Ташвиш, безовталиқ, уриниш. Шаҳарнинг шоирлари.. қофия дағдағаси билан оғрийдилар. Ойбек, Навоий.

**ДАҲА** I [ф-т] тар. I Шаҳарнинг ёки волостнинг маъмурий территориял бўлими; район. Мирзакаримбойни Тошкентнинг тўрт даҳаси билади. Ойбек, Қутлуғ қон. Уста Баҳром Оқёр даҳасининг Бақакуруллоқ маҳалласида турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бухоро амирлигида: ўнта пиёда аскардан иборат бўлган ҳарбий бўлинма.

**ДАҲА** II [ф-т] дин. Рамазон ойда ўтказиладиган ўн кунлик ибодат ва у билан боғлиқ маросим. Рамазон ойининг сўнги ўн кунни қолганда эшон домланинг муридларидан олтиш-етмиш киши мадрасага йиғилиб, хужра-хужраларга бўлиниб, «даҳа» номидаги ибодатга ўтирар эдилар. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**ДАҲА** III махс. Ипак қуртининг уйқуга кириш палласи, ёши. Кичик даҳа ипак қуртининг биринчи, иккинчи ва учинчи уйқуси. Катта даҳа ипак қуртининг тўртинчи ва бешинчи уйқуси. Даҳага кирмоқ уйқуга кирмоқ (ипак курти ҳақида).

**ДАҲАБОШИ** тар. Бухоро хонлигида: даҳани (қ. даҳа I 2) бошқариш учун сайлаб қўйилган маъмур, амин.

**ДАҲАН** [ф-т] I с. т. ай. оғиз I 2, 3. Лоладан пояндоз ҳар бир қадамда, Узлуксиз кулгилар доим даҳанда. Ғ. Фулом.

2 кўчма Сўзамоллик рамзи. [Турдимат] лафзида турмайдиган йигит. Шу даҳани билан шунча йил раислик қилганига доғман. И. Раҳим, Ихлос.

3 Бирор нарсанинг очиқ томони, оғзи, лаби. Холиқ ака айвон даҳанига келиб ўтириши билан Уринжон ичкари уйдан чиқди. Ойдин, Ўзи монанд.

**ДАҲАНА** [ф-т] I қ. х. Экинга сув қўйиш учун қилинган жой. Сафарбаров беихтиёр, гўё пахтазорга ўт кетгандек, даҳанадан даҳанага, увотдан увотга югурди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

2 Сув ўтадиган қисқа ўзан. Қўшчинордан бир ярим километр юқорида бири юз элик, иккинчиси яқин юз қадам келадиган иккита даҳана бўлиб, тошқин суви шу ерлардан ўтар экан. А. Қаҳҳор, Мирзо.

3 айн. даҳан 3. Айвон даҳанаси. — Чойхона кўчанинг шундай даҳанасида, катта ҳовузнинг бўйида эди. У. Умарбеков, Севгим, севгим диал. Қиннинг металл учлиги; пойнак.

**ДАҲАНАК** [ф-т] диал. Қиннинг металл учлиги; пойнак.

**ДАҲАНАКИ** [ф-т]: даҳанаки жанг оғзаки дўқ, қаттиқ айтишиш, сўкишиш. Шу кунни кечаси яна уйимизда даҳанаки жанг бўлди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ДАҲБОШИ** тар. I Ўнбоши, даҳа командири (қ. даҳа I 2). Йўлнинг бўшаишини кутиб турган миришоб даҳбошичи зерикиб, жаллодларга қараб: «Бошланг!» деди. Айний, Қуллар. Бу янглиғ ҳукмиимизни.. барча бекларимизга, ҳоким, қўрбоши ва даҳбошларимизга билдириб қўйурмиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 айн. даҳабоши. **ДАҲЛИЗ** [ф-т] Уйнинг кираверишидаги биринчи хона. Отабек кавушини даҳлизга енди-да.. энтиқиб нафас олди. А. Қодирий, Утган кунлар. Хужранинг даҳлизга қараган эшиги очиқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДАҲМАРДА** [ф-т] диал. Кўй-мол боқувчи хизматкор. Бу майдонда қўйни боққан даҳмарда, биёбонда бир номардни кўрдингми? «Нигор ва Замон». Бойсари кўчса, биз ҳам кўчамиз деб, ҳаммаси чўпонларига, йилқичиларига, туячиларига, ҳамма даҳмардаларига одам юборди. «Алломиш».

**ДАҲО** [а] I Фавқулода зеҳн ва заковат, энг юқори ижодий истеъдод. Партиянинг даҳосидан Илҳом олдиқ, куч олдиқ. Уйғун.

2 Шундай фазилатга эга бўлган кимса; гений. [Мансур:] Бу шегър даҳосига минг йил умр бер! Бу элнинг фахридур, шоир Алишер. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ДАҲР** [а] эск. кт. I Замон, давр.

2 кўчма Олам, дунё, жаҳон. Даҳр ишидин силккан этак, Икки қўлда икки суюқ. Миртемир.

**ДАҲРИЙ** [а] I Дунё ҳодисаларини табиат қонунларидан деб билувчи, охирагга иномовчи киши; материалист. Мен ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасдан бу «даҳрий» мулла билан суҳбатдош бўлиб, ундан кўп нарса ўргандим. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

2 Худого иномовчи; худосиз, атеист. Қутмайди энди диндан. Ҳар ёй юрак бир даҳрий. Ҳ. Олимжон.

**ДАҲРИЙЛИК** даҳрий с. белги оти. **ДАҲСАР** [ф-т] Баъзи районларда ўттиз икки килограммга, баъзи районларда тўртдан бир ботмонга тенг оғирлик ўлчови. Боғни боқсанг, боғ бўлади, ботмон даҳсар ёғ бўлади. Мақол. Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор. Мақол.

**ДАҲШАТ** [а] I Ортиқ даражадаги кўрқинч, хавф, ваҳима. Тун даҳшати. Уруш даҳшати. — Юсуфбек ҳожми.. сўзлар экан юраги машғум бир эҳти-



молнинг даҳшатидан титрар, тили ҳам осонлик билан ҳаракатланмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мингбоши қалтиради, уни ҳокимнинг даҳшати зил кетказиб юборган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Қўрқинчли, ваҳимали ёки аянчли, азоб-изтиробга солувчи мудҳиш аҳвол, воқеа-ҳодиса, манзара. Биз яна элик-олтмиш одим юриб.. борсак, қўрғон ташқарисидан кўрган даҳшатларимизни ўзининг кўланкасида қолдиратурғон яна «даҳшатлар тепаси» га кўзимиз тушадир-да, қўрқувимиздан соатлаб ҳушимизни йўқотиб қўйишга мажбур бўламиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ғуломжоннинг гурзиси олов тош устига даҳшат билан урилганда бутун тоғ титрар, унеур ичи гумбураб кетар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Шундай мудҳиш аҳволдан табсириланиб, ортиқ даражада кўрққан, ваҳимага ёки азоб-изтиробга тушган кишининг руҳий ҳолати. Даҳшат солмоқ. Даҳшатга келмоқ (тушмоқ). — Нисгоранинг ҳамон кўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқунни йилтиради. С. Анорбоев, Оқсой. Нусратилла бу жойларга кўз тикиб, алланималарни даҳшат билан ўйлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ҳаммалари.. Мелиполвонни қуриш олдлар. Шилиниб, тимдаланиб, қон доғлари билан қопланган юзи ва йиртилган кўйлагини кўрганда барчани даҳшат босди. П. Турсун, Ўқитувчи. Отабек масалага тушунгандек бўлди ва даҳшат ичида Али билан йўлга тушди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизингизга эр отидан сўзламанг-да, яроққ каби титрайдиған юрагига даҳшат ҳам солманг! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Табиб Отабекнинг ҳозирги ҳолатидан даҳшатга келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу гапларни эшитиб даҳшатга тушган Ёдгор, бошқа сўроқлар беришга журъат этмади. Айний, Дохунда.

**ДАХШАТЛАНМОҚ** Даҳшатга келмоқ, ортиқ даражада кўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ. Отабек даҳшатланиб, ёнидаги Алига қаради, Али эса ётган жонсиз гавдаларга қараб, лабини тишлаб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАХШАТЛАНТИРМОҚ** даҳшатланмоқ, фл. орт. н.

**ДАХШАТЛИ** 1 Даҳшатга солувчи, даҳшатга келтирувчи; кўрқинчли, мудҳиш. Даҳшатли зилзила. Даҳшатли фожиа. — Бу — улғу халқ исёни.. Ниқодай салтанатига қарши мустамлака қамбағалларининг, капитал қўлларининг кўзғолони, даҳшатли зарбаси эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ваҳимали, кишини ваҳимага ёки азоб-изтиробга солувчи, ханг-манг қилувчи. Даҳшатли хабар. Даҳшатли шовқин. — Бир лаҳза даҳшатли жимлик ҳукм сурди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Утир! — деди Мамасаид, даҳшатли товуш билан. А. Қодирий, Обид кетмон. || Қош қорайиши билан ҳувиллаб қола-

диган Марғилон аллақандай хунук нарсани кутаётгандек яна ҳам даҳшатлироқ кўрунарди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**2** Қаттиқ азоб берадиган, чидаб бўлмайдиган. [Йўлчи] бутун вужудини зирқиратган даҳшатли оғриқдан тишларини маҳкам қисди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДАХЯК I** [ф-т] тар. Кўқон ва Бухоро хонлиқларида: деҳқонлардан ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорда солиқ тариқасида олинган ҳақ. У [бувими] айтарди: — Вақф даҳягини уйлари куйеур, амлоқдор билан ижарадор икки баравар қилиб олдлар. Айний, Эсдаликлар.

**ДАХЯК II** [ф-т] тар. Ўрта Осиёда; ер ислохотига қадар ер, улов, уруғлик, овқат ва бошқа ҳамма харажатларни хўжайинлардан олиб, ҳосилнинг ўндан тўққиз хиссасини ер эгасига, ўндан бир хиссасини ўзи олиш шарти билан ер экинш тартиби. Хув оқ ерни қирқ йил эқдим даҳякка. Анови ерга қуриб олдим чайламни. Ф. Ғулом.

**ДАХЯКЧИ I** тар. Даҳяк йиғувчи амалдор (қ. даҳяк I). Даҳякчининг ҳаракатидан ботирилган мулла Наврўз.. қамчисини олиб, Ҳайдарнинг бошига солди. Айний, Қуллар.

**ДАХЯКЧИ II** тар. Ўндан бирга ер экувчи деҳқон (қ. даҳяк II).

**ДВИГАТЕЛЬ** [р] Энергиянинг бирор турини механик энергияга айлантирувчи ва бошқа машинани ҳаракатга соладиган машина. Ички ёниш двигатели. Поршенли двигатель. Реактив двигательлар.

**ДВИЖОК** [р] Ички ёнишли двигателдан ёки бошқа бирор манбадан энергия олиб ишловчи кўчма электр станция. Олижон қўлини кўтариб, кичкина движок тақдирлаётган жойни, дала шийпоида чақнаб турган чироқларни кўрсатди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ДВОРЯН** [р дворянин] Дворянлар табақасига мансуб киши; оқсуяк, зодагон.

**ДВОРЯНЛАР** Россияда феодализм ва капитализм даврларида помешчик ва мулкдорлардан, уларнинг авлодларидан ҳамда подшоҳга хизмат кўрсатиб мартаба орттирган амалдорлардан иборат ҳукмрон, имтиёзли табақа; оқсуяклар, зодагонлар.

**ДЕ** «Д» ҳарфининг номи. —де юкл., с. т. айн. —да. Кампир ўзича: «Барак топкур жуда бардошли бола-де, ўзини қувноқликка соляпти, деб ўйлади. Ойдин, Фонарь тагида.

**ДЕБ I** демоқ фл. рвидиш. Унг томондаги тоша араб алифбесининг қадимги имлосида.. «Мағрифатхон жаннат макон» деб ёзилган. А. Қаххор, Хотинлар. Гулнор эшитилар-эшитилмас,.. бир нима деб жавоб берди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**2** Қўшма гап таркибида келиб, боғловчи вазифасида қўлланади. Абдушукурни дунедан хабардор, ўқимишли

одам деб билгани учун у маъноли бир кенгаш берар.. деб ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Шу дор бек Равшан деб қурилган чиқар. «Равшан». Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтармаганидан кейин, Мирзаев «унақа гаплар мижозига тўғри келмади шекилли» деб, қаттиқ хижолат тортиди. А. Қаххор, Кўк конверт.

**ДЕБЕТ** [р < лат] бухг. Кирилм-қим дафтарида кирим, ундирилган қарз, даромад ёки бориладиган чап томон; акси кредит.

**ДЕБИТОР** [р < лат] бухг. Бирор идора, ташкилот ва ш.к.дан қарздор бўлган киши ёки бошқа ташкилот; акси кредитёр. Дебиторлардан қарзни ундирмоқ. Дебитор бўлмоқ. || Дебитор қарз. — [Ғазилат:] Мирбаданнинг ҳам элик минг сўмли дебитор қарзи бор. Уч ойдан бери отиётини чўзиб келади. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ДЕБОН** пост. айн. деб I. Изза қилди дебон зинҳор койиманг, Мендайин гадонинг ёлғиз ўғлони. «Рустам».

**ДЕБОЧА I** Китобнинг ранг ва зарҳал билан нақш бериб зийнатланган бош саҳифалари.

**2** Кириш, муқаддима. Пахтакор яратган улғу комбинат. Ҳар одам ҳаёти бунда бир китоб. Булар дostonимга дебоча фақат. Шукрулло. Озод шаҳар, қишлоқлар уфқида балқиб кўёш, Ёзди эрк дебочасин, инқилоб шохномасин. Ф. Ғулом. | кўчма Бошлама; биринчи қадм. Дўстлик сўзи учрашувларимизнинг дебочаси, адабий кечаларимизнинг эпиграфи, ҳафталигимизнинг лейтмотивидир. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 275.

**3** Музика асарининг кириш қисми.

**ДЕВ** [ф-т] I миф. Эртак ва халқ дostonларида шохли, думли, бениҳоят улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган ҳаёлий махлуқ. Овчининг қармоғига бир кўза илиниб чиқди.. Овчи кўзани очган эди, ичидан вишиллоб булут бўйи тутун кўтарилиб чиқди. Тутуннинг ичидан чинордай дев пайдо бўлди. «Эртаклар». Кампир ўзини ундай шум болалар қўлидан қутқариш учун «дев, пари ва жин» лар тўғрисидаги ҳикояларни айтишга киришар эди. Айний, Эсдаликлар. Ойноқ қараса, бир девона ўтирибди, дев сифат, аждардай, ҳеч нарсани кўзига иладиган эмас. «Равшан». Сулаймон ўлди — девлар қутулди қаттиқ қўлли киши кетиб, ҳамма истаган ишини қила олишига, ўзбошимчалikka йўл очилган ҳолларда ишлатилади (мифга кўра, Сулаймон пайғамбар ўзбошимча девларни бандга солиб қўйган, Сулаймоннинг вафотидан сўнг улар эркин нафас олганлар).

**2** кўчма Давангирдай, беўхшов одам ҳақида. [Қизингизни] эрга бермай, девга бердингиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Дев қадам катта қадам, улкан қадам. Ўзбек халқи қисқа тарихий давр ичида зулматдан ёруғликка, қолоқликдан тараққиётга дев қадам

ташлади. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 122. Дев қомат 1) қомати баланд, норғил, барваста. Зайниддин Султонмуроднинг тирсагини туртди: — Анави дев қомат, — деди у бирини қўрсатиб, — Хайдар паҳлавон. Ойбек, Навоий; 2) улкан, азамат. Бу дев қомат, қудратли механизмлар бўлажак нур булоғи — Тошкент ГРЭСи барпо этиладиган жойни кафтдек текисламоқда «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 264.

**ДЕВАЛЬВАЦИЯ** [р < фр] Муоамладаги қадри кетган пулларни бекор қилиб, мустаҳкам кредит билетлари билан айрибошлаш (очиқ девальвация) ёки расмий қоғоз пулларнинг баҳосини тушириш (яширин девальвация) йўли билан ўтказиладиган пул ислохоти.

**ДЕВЗИРА** [ф-т] Маҳаллий гуручининг йирик, сув кўтарадиган нави. Ота.. сопол товоқдаги девзира гуручининг курмагини тера бошлади. Х. Фулом, Машъал.

**ДЕВКОР** [ф-т] Тезкор, чарчашни билмайдиган, ишлаб толмайдиган одам. *Хеч эринмай куч тўкибди Қўқан девкор. Уйламабди шунча пивз кимга даркор.* Ф. Фулом. Шодибой чарчашни билмайдиган фавқулудда девкорлардан эди. Ойбек, О. в. шабадалар. **Девкор дехқон тар.** улгуржи ер экувчи катта дехқон. **Девкор уста** 1) тез ва улгуржи иш қилувчи уста; хунарманд. *У фабриканинг зарбдори, Девкор уста бошчиси, басма-бада ҳам.* Ф. Фулом; 2) тар. бир қанча уста, халфа ва шогирд ишлатувчи корхона эгаси.

◆ **Девкор ишлар** тез суръатлар билан қилинган улкан ишлар. *Буғунги девкор ишларимизни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди.* «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 110. **Девкор одим** тез ва улкан қадам; тез суръатлар. СССРхалқ хўжалигининг барча соҳаларида, шунингдек фан, маданият, меҳнат соҳасида девкор одимлар билан илгариллаб кетганини выставка экспонатлари жонли тарзда ҳикоя қилиб беради. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 162.

**ДЕВКОРОНА** [ф-т] рвш Девкорларга хос йўсинда, ниҳоятда тез. *Бинокорлик девкорона бир суръат.. билан бормоқда эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДЕВОЛ** с. т. Девор.

**ДЕВОЛЗАН** с. т. Деворзан.

**ДЕВОЛ I** [ф-т] Шоирнинг радиф ва қофияларига риоя этган ҳолда алифбе сираси билан тартиб этилган тўлиқ шеърлар тўплами. Навоий девони. *Нодира девони. — Мен мактабда Хофиз девонидан сабоқ ўқирдим.* Айний, Эсдалниклар.

**ДЕВОЛ II** [ф-т] тар. 1 Шарқ муулмон мамлакатларида, жумладан Урта Осиё хонликларида олий давлат амалдорларнинг мажлиси. **Девон қурмоқ** олий давлат амалдорлари мажлисини ўтказмоқ.

2 Давлатнинг бош идораси ва айрим вазириликларнинг маҳкамалари. У

[Мажиддин] Абусаид Мирзо даврида девонда ишловчи майда вазирилардан эди. Ойбек, Навоий.

3 Давлат бош идораси ёки вазирилик маҳкамаси ўрнашган бино. **Девоннинг даричаси ёнига келган тунқотор Султоналига «чиқ!»** ишорасини қилиб, ўзи нарироққа кетди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

4 Давлат бош идорасида баъзи мансабдорларнинг унвони. **Мирзоий девон** давлат олий маҳкамасини идора этувчи амалдор, бош мирза.

**ДЕВОН III** [ф-т] с. т. Диван. *Девонда ёнбошлаб ётган Аббосхон Саидийнинг хурматига қимирлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДЕВОНА** [ф-т] 1 Эси паст, телба, тентак, савдойи. *Девона эрмакчилар қўлидан қутулиб чиқди, аммо уларнинг ичидан кўзини боғлаган бир киши нима учундир, девонанинг орқасидан эргашди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Одамларга аралашмай юганига, баъзи бировлар буни [Худойқулни] «девона феъл» дейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Бошига бирор савдо тушган, эс-хушдан ажралган. *Хар дилнинг ўзини севдиги жононаси яхши. Жонона ўзин севдиги девонаси яхши.* Ҳамза. *Эй, дилрабо, ишқинг била девона бўлдим соғиниб. Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

3 *дин.* Худонинг васлига етишиш умидида эс-хушини йўқотган, зикру самога берилиб кетган сўфий. | Шу куйда дунё ишларидан воз кечган дарвешсифат одам. *Охирида Машираб девона ўз зишадидан тушиб, сарғисига бир шаталоқ уриб: — Бор, сен ҳам Хўжа Аҳрорники бўл! — деб хайдаб юборган.* Айний, Қуллар.

4 Гадо, тиланчи. *Девона ҳам хуржунини бир айқотади.* Мақол. — *Дўстлар, бечора, қашшоқ, камбағал девонаман. Най чалиб, ҳар ерда ўқийман ғазал девонаман.* Муқимий.

5 с. т. Ўзини яқин олиб ёки эркалатиб гапирганда ёки ҳазил тариқасида «жиннивой», «тентаквой» каби маъноларда ишлатилади. *Э, девона, ўзи нарасага муҳтож бўлса, сенга нараса олиб келармиди?* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

**ДЕВОНАВАШ** [ф-т] кт. Девона сифат, девоналарга ўхшаган. *Чун шаҳрдин чиқдим Қудаш, Қўнғил бўлиб, маҳзуну ғаш. Мажнунсифат, девонаваш, Серчашмаю кам чанг экан.* Муқимий.

**ДЕВОНАВОР** [ф-т] рвш Девоналар каби, девоналардек, телбаларча. *Девонавор йиғламоқ. — У [Саидхон] девонавор одимлайди, бирдан сесканади, негадир тўхтаб олади, бошини пастроқ эгади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ДЕВОНАЛИК** 1 девона 1, 2, 3 с. белги оти. [Мулла Обид Хатиб домўлага:] *Колхоз қандай бўлишини мен*

ўзим яхши билмагандан кейин, кишига ўзим билмаган нарсалар тўғрисида маслаҳат беришим девоналик бўлади, тақсир, — деди. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Гадойлик, тиланчилик.

**ДЕВОНБЕГИ** тар. Бухоро ва Хива хонликларида девоннинг ёки айрим вазирилик маҳкамаларининг бошлиқлари. | Хон саройида пул ва озиқ-овқат ҳисобини олиб борувчи амалдор. *Девонбеги билан Петров меҳмонхонага кирганда.. бутун меҳмонхонадагилар оёққа турдилар.* Айний, Қуллар.

**ДЕВОНБЕК** айн. девонбеги. *Хазина ҳисобини олиш учун келган девонбекларни ўлдириб, ўрда дарвозасига осди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДЕВОНХОНА** [ф-т] тар. 1 айн. **девор** II 3. *Анвар девонхона саҳнига етганда, ичкаридаги каттадан кичик мирзо, мунишийлар янги бошлиқларини муборакбод қилгани ўринларидан қўғалдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бухоро хонлигида: суд, суд маҳкамаси, қозихона.

**ДЕВОР** [ф-т] 1 Бинонинг, уйнинг томни кўтариб турувчи ёки хоналарга ажратувчи тик кўтарилган қисми. *Уй девори. Хўжра девори. — Шипти паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона ҳар вақтдагидай ивирсиқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Уйнинг] *икки ён деворига ҳам қизил гиламчалар қоқилган эди.* Айний, Қуллар.

2 Бирор ерни, территорияни ўраб олган ёки қисмларга ажратиб турадиган ғов, тўсиқ. *Чий девор. Тахта девор. — [Анзират холанинг] ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак девор билан ўралган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Кўчанинг икки томони бузуқ-ёриқ пахса девор, фақат кўчанинг бошида кичкина бир эшик.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор нарсанинг атрофини ўраб олган ёки бўлимларга ажратган қисми. *Ошқозон девори. Цилиндр девори.*

◆ **Девори қиёмат** ҳеч нараса эшитмайдиган, қулоғи том битган, гаранг, кар. **Хитой девори қ. хитой.** **Тўрт девор ичида яшамоқ** ташқи оламдан, жамоатчиликдан ажралган ҳолда ичкарида қулларча ҳаёт кечирмоқ (паранжи ичидаги, озодликка чиқмаган хотин-қизлар ҳақида). — *Бизнинг Қамишқапада кўпчилик аёллар ҳали ҳам.. тўрт девор ичида эрларга қул бўлиб келмоқдалар, — деди Гулсум.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Деворга гапиряпманми** гап уқмас ёки бировнинг гапини эйтиборсизлик билан эшитиб англамаган кишиларга қаратиб айтилади.

**ДЕВОР-ДАРМИЁН** [ф-т] 1 Ховли-жойлари битта девор билан ажралган; ёнма-ён турувчи. *У менинг девор-дармиён қўшиним. — Роҳатбиби «Манави ер ютқурлар» деганда девор-дармиён қўшиниси Бадриддин маҳдум хондонини назарда тутди.* Х. Фулом, Машъал. *Амакмининг ҳовлиси бизга девор-дармиён бўлгани сабабли, отам мени шу Темировый устага дам босиш учун шо-*

Бирд қилиб бердилар. М. Муҳаммад-Жонов, Турмуш уринишлари.

2 Чегарадош, ёнма-ён. Бухоро области Самарқанд области билан девор-дармиғи қўйини.

**ДЕВОРЗАН** [ф-т] Пахса девор урув-ин уста.

**ДЕВОРИЙ** [ф-т] 1 Деворга ишланган, деворда кўрсатилган. *Деворий нақшлар.*

2 Деворга ўрнатиш ёки осиш учун мослаб ишланган. *Деворий соат.* ■ Қизил чойхонанинг деворий газетасида «Сўнги саводиси» сарлавҳаси билан бир мақола босилган. А. Қаҳҳор, Мирзо.

**ДЕВОРТАГИ** Ёввойи гиёҳнинг бир тури.

**ДЕВОР-ТОШ** Девор ва девор вазифасидаги тўсиқлар; мустаҳкам девор. *Девор-тош ҳамин! Ошиб тушишининг сира ўнқови йўқ.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ДЕВПЕЧАК** [ф-т] Ўсимликларга, дарахтларга чирмашиб ўсадиган зарарли ёввойи ўт; чирмовиқ. *Девпечак орасидан «парт» этиб бедана кўтарилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ДЕГАЗАТОР** [р] 1 Дегазация аппарати.

2 Дегазация қилувчи киши.

3 Заҳарли моддаларни зарарсизлан-тирувчи модала.

**ДЕГАЗАЦИЯ** [р] Заҳарланган жой, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва ш.к.ни заҳарли моддалар тозалаш.

**ДЕГАН** 1 *демоқ* фл. сфтиди. «Илм—иена билан кўдуқ қазииш» деган қадимдан қолган мақол бор.

2 Номли, исмли; фамилияли. *Қишлоғимизда.. Умринисо деган бир хотин бор эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Турсумбетов деган қирғизни полкда ҳамма билар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин йулдуз. | Номи билан юритиладиган, аталадиган. *Лена деган дарё.* «Октябрь 50 йиллиги» деган колхоз. *Совет ўқитувчиси деган улуг ном.* ■ *Мана, банка деган сўз чиқди.* Кўрдик, фойдаси, манфаати жуда зўр; *вексель деган сўз чиқди.* Уни кўрдик, бениҳоят зарур нарса. Ойбек, Қутлуг қон. | ...деб аталадиган нарса, ҳодиса ёки шахс. *Аҳмад полвон дегани ким ўзи.* ■ *Кетмон деганни бир қиёмда чопади-да!* А. Қаҳҳор, Қушчинор. *Қаршида қаердан бошланиб қаерда тугаганлиги маълум бўлмаган бир нарда турар эди.* Уста «пардаёи асрор» дегани шу бўлса керак деб ўйлади. А. Қаҳҳор, Башорат. *Бола-чақага совға-салом деган нарсалар ҳам бўлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Қўчирма гапни автор гапи билан боғлаш учун хизмат қилади. *Қадимгилар «сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар» деган.* ■ [Қурбон ота] «Бир сиқим тунпроғим беғона юртда қолли кетмас экан» деган ўйга борди. А. Қаҳҳор, Тўй. ...деган гап (ёки сўз) ... билан баравар, бошқа нарса эмас. *Орқага қайтиш — ўлим деган гап.* ■ *Колхозга аъзо бўлиш — колхозга хў-*

жайин бўлиш деган гап. А. Қаҳҳор, Қушчинор.

4 Бирор кимсага аталган, белгиланган. *Кампир ўзи келтирган сарполарни уйиниғ юзига ёзди.* Ичидан Сафаралига деган дўппи чиқди. Ойдин, Мардик — мангулик.

◆ **Айтгани айтган, дегани деган қ. айтмоқ.**

**ДЕГЕНЕРАЦИЯ** [р < лат] 1 Организмдаги биологик ва психик белгиларнинг ёмонлашуви; насли, зоти айниш.

2 биол. Хужайраларнинг ёки жонли организмларнинг бузилиш жараёни. *Томирни ушлаб кўрилганда унинг девори қаттиқ эканлигини сезиш мумкин: бу каби томир деворида дегенерация ҳодисаси бор.* И. Исmoilов, Касалларни парварииш қилиш.

**ДЕГИЗМОҚ** *демоқ* 1, 2 фл. орт. н. *Насриддин афанди подшоҳга: «Ихтиёри сенга бердим!» дегизган.* «Латиқалар».

**ДЕГРЕЗ** [ф-т] Қозон, омон тиши ва бошқа чўян асбоблар қувовчи уста. *Бундагилар олов тан-у, касби дегрез.* С. Абдулла. *Дегрезларнинг кўмирини, чўянини ташийди, қолипни қуяди.* Ойдин, Бечора.

**ДЕГРЕЗЛИК** 1 дегрез с. касб оти.

2 Дегрезлар жойлашган мақалла, жой. *Аҳолиси дегрезлик билан шуғулланадиган жой.*

**ДЕГУНЧА** рви Айтилиши, дейилиши билан, айтилган, дейилган оннинг ўзиде, ҳеч вақт ўтмай. *Ҳаш-паш дегунча никоҳ ҳам бўлиб ўтди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ДЕГУСТАТОР** [р] махс. Тайёрланган вино, пиво, тамаки, чой ва ш.к.нинг таъми ва ҳидига қараб сифатини аниқловчи мутахассис; чашначи. *Қўшимнинг гапидан унинг вино заводида янги виноларнинг мазасини кўрувчи, даражасини аниқловчи — дегустатор вазифасида ишлагани билдим.* «Муштум», 1962, № 3.

**ДЕГУСТАЦИЯ** [р < фр] махс. Тайёрланган вино, пиво, тамаки, чой ва ш.к. таъми ва ҳидига қараб сифатини аниқлаш.

**ДЕДИРМОҚ** *демоқ* 1 фл. орт. н.

**ДЕДУКТИВ** [р дедуктивный] Дедукцияга онд, дедукцияга асосланган; *акси индуктив.* *Дедуктив хулоса.* *Дедуктив метод.*

**ДЕДУКЦИЯ** [р < лат] лог. Умумий ҳолатдан хусусий ҳолатга ўтиб муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш; *акси индукция.*

**ДЕЖУР** [р дежурный] 1 Бирор хизмат ёки жамоат топшириғини навбат билан бажарувчи киши; навбатчи. *Дежур врач.* *Дежур бўлмоқ.* *Дежур турмоқ.* || *Кичкинагина дежур ҳарбийларга хос жиҳдийат билан рапорт берди.*

2 Дам олиш кунларида ёки тунда ҳам ишлайдиган муассаса. *Дежур аптека.*

**ДЕЖУРЛИК** Дежур туриш, навбатчилик. *Дежурлик қилмоқ.*

**ДЕЗЕРТИР** [р < фр] Ўзининг граждандлик вазифасини, давлат ёки жамоатчилик олдидаги бурчинини бажаришдан қочган, дезертирлик қилган киши; қочоқ. *Тилингени тий, дезертир!* А. Мухтор, Туғилиш.

**ДЕЗЕРТИРЛИК** дезертир с. маънот.

**ДЕЗИНСЕКТОР** [р] Дезинсекция қилувчи ходим.

**ДЕЗИНСЕКЦИЯ** [р < фр + лат] Зарарли ҳашаротларни махсус йўллар билан йўқотиш, қириш. *Ғалла омборини дезинсекция қилиш.*

**ДЕЗИНФЕКТОР** [р] Дезинфекция қилувчи ходим.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ** [р < фр + лат] Юқумли касалликларни тарқатувчи микробларни махсус йўллар билан йўқ қилиш, битириш. *Дезинфекция қилмоқ.*

**ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАМОҚ** Дезинфекция қилмоқ, зарарсизлантирмоқ.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАНМОҚ** дезинфекцияламоқ фл. мажж. н. *Қурт боқиладиган хоналарнинг ҳаммаси дезинфекцияланиб, сўқчаклар билан жиҳозланган.*

**ДЕЙИЛМОҚ** *демоқ* 1, 3, 5, 6 фл. мажж. н. *Белги англатувчи сўз сифат дейилади.*

**ДЕЙИШМОҚ** 1 *демоқ* фл. бирг. н. *Жаннат, жаннат дейишади-ю жаннат деганлари Қорабулғимиздан яхшимикан?! М. Исmoilий, Фарғона т. о. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *кам қўлл.* Бир-бири билан айтишмоқ, сану-манга бормоқ.

**ДЕКАБРИСТЛАР** [р декабристы] 1825 йилнинг декабрида крепостной ҳуқуқ ва самодержавиега қарши Россияда биринчи бўлиб қўзғолон кўтарган дворянлар группаси.

**ДЕКАБРЬ** [р < лат] Янги стильдаги календарь йилнинг ўн иккинчи ойи. *Декабрь ойи.* *Декабрь пленуми.*

**ДЕКАДА** [р < фр] 1 Ўн кун, ўн кунлик давр. *Январь ойининг биринчи декадаси.*

2 Ўн кун давомида ўтказиладиган бирор тадбир. *Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси.*

**ДЕКАДЕНТ** [р < лат] Декадентлик оқимига мансуб киши, декадентлик тарафдори. *Декадент шоир.*

**ДЕКАДЕНТЛИК** 19 аср охири ва 20 асрнинг бошларидаги адабиёт ва санъатда инқирозга юз тулган, тушқунликка учраган антиреалистик буржуа оқимининг умумий номи.

**ДЕКАН** [р < лат] Олий ўқув юртида факультет раҳбари, бошлиғи. *Тилишунослик факультетининг декани.*

**ДЕКАНАТ** [р] 1 Олий ўқув юртлари факультетининг декан бошчилигидаги маъмурий-илмий бошқармаси, идораси. *Деканат фармойиши.* *Деканат қарори.*

2 Шундай маъмурийат ўрнашган хоналар. *Бугунги лекция факультет деканатида бўлади.*

**ДЕКЛАМАЦИЯ** [p < лат] Бадий асарни чиройли, таъсирчан қилиб ёдаки ўқиш санъати ва шундай ўқишнинг ўзи. *У тоғушини гуриллатиб, нотиқона ҳақоратлар билан декламация қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДЕКЛАРАЦИЯ** [p < лат] Бирор муҳим сиёсий масала юзасидан расмий суратда эълон қилинган баённома, ҳукумат ёки партия тантанали суратда эълон қилган асосий принциплар, қонун-қондалар. *Россия халқларининг ҳуқуқи туғрисида декларация.* — *Декларация ва манифестда чиқарилган хулосалар таърибада синаб қўрилди.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 175.

**ДЕКОРАТИВ** [p декоративный] Зийнат учун хизмат қиладиган, зийнат берадиган. *Декоратив ўсимликлар.*

**ДЕКОРАТОР** [p] Декорациялар ишловчи rassom.

**ДЕКОРАЦИЯ** [p < фр] Саҳнада тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ўрни ва шароитини акс эттирувчи расм, архитектура иншоотлари, безак ва ш. к. мажмуи. *Спектакль декорациялари.* — *Саҳна декорациясини бутун труппамиз билан муҳокама қилдик,— деди Ҳалима. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**ДЕКРЕТ** [p < фр] Олий ҳокимият органларининг, ҳукуматнинг қонун кучига эга бўлган муҳим қарори, фармони. *В. И. Ленин 1920 йили «Тошкентда Туркистон Давлат университети таъсис этилсин» деган декретга имзо чеккан эди.*

◆ **Декрет отпускази** ҳомиладорлик отпускази.

**ДЕКЧА** [ф-т] 1 Кичкина қозон, қозонча. *Қудрат... янги ўчоқда осиглиқ декча қопқоғини очиб кўрди: декча бўли эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Декчада пиширилган таом. *Хўжайиннинг қозонидан унда-мунда бир тотмасак.. йўқ, мойсиз бўлса ҳам ўз декчамиз яхши.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Декча қайнатмоқ* эплаб-сеплаб қозон қайнатмоқ, кун ўтказмоқ. *Давлатлари соясида декчамиз қайнаб турипти.* Айний, Дохунда.

**ДЕЛЕГАТ** [p < лат] Бирор ташкилот, коллектив томонидан сайлаб юборилган вакил. *Съезд делегатлари.* *Делегат сайламоқ.*

**ДЕЛЕГАТЛИК** делегат с. маъ. от. *Делегатлик гувоҳномаси.* *Делегатликка сайланмоқ.*

**ДЕЛЕГАЦИЯ** [p < лат] Бирор ташкилот ёки давлат томонидан белгиланган делегатлар, вакиллар. *Савдо делегацияси.* *Чет эл ишчилар делегацияси.* *Хотин-қизларнинг жаҳон конгрессида ўзбек аёллари делегацияси.*

**ДЕЛО** [p] Бирор масала ёки шахсга оид ҳужжатлар тўплами, иш. *Қаримов ўзининг оперативлигини кўрсатмоқчи бўлди-да, протоколи дарҳол Маҳкаманинг делосига тикиб, партбюрога олиб*

*кетди.* П. Қодиров, Уч илдиш. | Шундай ҳужжатларни сақлаш учун ясалган махсус папка. *Шербекнинг делосида Назаров билан қизи туғрисида ҳам гап бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Дело очмоқ** 1) бирор масала ёки соҳага оид ҳужжатларни тўплаб сақлаш учун алоҳида папка тутмоқ; 2) суд ва тергов органларида бирор судли иш юзасидан ҳужжатлар йиға бошламоқ.

**ДЕЛЬТА** I [p < грек] Грек алфавитининг тўртинчи харфининг номи.

**ДЕЛЬТА** II [p < грек] геогр. Дарёнинг тармоқлини кўлга ёки денгизга қўйиладиган жойи. *Волга дельтаси.*

**ДЕЛЬТА** III [p < грек] Китсимонлар туркумидан бир тури; денгиз ва океанларда яшайдиган сутэмизувчи қайвон.

**ДЕМАГОГ** [p] Демагогия билан шуғулланувчи, демагоглик қилувчи одам.

**ДЕМАГОГИК** [p демагогический] Демагогияга асосланган, демагогия билан суғорилган. *Демагогик ваъдалар.*

**ДЕМАГОГИЯ** [p < грек] Қуруқ ваъдалар, ёлгон-яшиқ гаплар билан алдаб маълум бир ғаразли мақсадга интилиш, омманга алдаш.

**ДЕМАГОГЛИК** I демагог с. белги оти.

2 Демагогларга хос хатти-ҳаракат, иш, гап. *Демагоглик қилманг! Мен коллективимизнинг ўзига хос хусусиятини айтяпман сизга.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ДЕМАК** I Демоқ, айтмоқ. *Оз демак — ҳикматга боғлиқ.* Мақол. — *Сеники [Ултонники] маъқул демакка бизнинг тилимиз келмас, бу сўзинг ноўрин десак, ўлдирмай қўймас.* «Ёдгор».

2 *кири с.* Яъни, бундан чиқдики, бинобарин. *Шодиев бақариб берди: «Демак, тушунтирмабсизлар! Демак, тушунтириши керак!..»* А. Қаххор, Кўшчинор. *Вақт ўз ишини қилди — оидин ғарб уфқидан тортиб кириб кетди.* *Демак, тонг отди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

3 *кесим вазифасида* Билан баробар, тенг. *Йўлчи учун Мирзакаримбойдан силжиш — Гулнордан айрилиш демак эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДЕМАККИ** айн. демак 2.

**ДЕМАРКАЦИОН** [p демаркационный]: демаркацион линия ҳарб., сиёс. 1) сулҳ вақтида урушувчи томонларнинг қўшинларини бир-биридан ажратиб турган муваққат чегара; 2) урушда енгилган мамлакат территориясини оккупация зоналарига бўлувчи чизик, доира.

**ДЕМАРКАЦИЯ** [p < фр] Қўшни давлатлар ўртасида тузилган шартномага, битимга асосан мамлакатлар орасидаги чегарани аниқлаш, белгилаш.

**ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** [p < лат] Бирор давлатга армия сақлашни, қурол-яроғ ишлаб чиқаришни, истеҳкомлар қуришни ман этиш; қуролсизлантириш. *Демилитаризация қилмоқ.*

**ДЕМИСЕЗОН** [p демисезонный]: демисезон пальто баҳорда ёки кузда

кийиладиган енгил пальто. *Лола янги демисезон пальто, қумуш ранг қоракўл телпак кийиб, бўйнига гўзал шарф ўраб чиққанди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ** [p < фр] 1 Уруш тамом бўлгандан ёки хизмат муддати ўталгандан кейин ҳарбий хизматдагиларни бўшатиб ёки заҳасга ўтказиб. *Командирлар составини демобилизация қилиш.*

2 Қуроли кучларни ва халқ хўжалигининг барча соҳаларини ҳарбий ҳолатдан тинч ҳолатга кўчириш. *Қуроли кучларни демобилизация қилиш.*

**ДЕМОКРАТ** [p] I Демократия тарафдори, демократия учун, халқнинг сиёсий озодлиги ва ҳуқуқи учун курашувчи; халқпарвар. *Муқимий, Фурқат ва Аваз Уштарлар ўзбек халқининг демократ шоирлари эдилар. Рус революцион демократлари.*

2 Буржуа демократик партиясининг аъзоси.

**ДЕМОКРАТИЗМ** [p] Демократияни эътироф этиш ва уни амалга ошириш. *Социалистик демократизм.* — У [онга ишчи] социализм сари демократизм орқали, сиёсий озодлик орқали борадиган йўлдан бошқа йўл йўқлигини билди. В. И. Ленин, Майда буржуа социализми ва пролетар социализми.

**ДЕМОКРАТИК** [p демократический] I Демократия принципларига асосланган, демократияни амалга оширувчи. *Демократик ҳаракат.* *Демократик тузум.*

2 Демократия принципларини ҳимоя қилувчи. *Демократик ёзувчилар.*

**ДЕМОКРАТИЯ** [p < грек] I Ҳокимият халқнинг қўлида бўлган идора усули, сиёсий тузум. *Социалистик демократия.*

2 Барча коллектив аъзоларининг актив иштирокида раҳбарлик қилиш усули. *Партиянинг ички демократияси.*

**ДЕМОКРАТЛАШМОҚ** Демократия изига тушмоқ, демократия асосида қурилмоқ (давлат, жамият, союз ва ш.к. ҳақида).

**ДЕМОКРАТЛАШТИРИЛМОҚ** демократлаштирмоқ *фл. ўзл. н.*

**ДЕМОКРАТЛАШТИРМОҚ** демократлашмоқ *фл. орт. н.* *Сайлов системасини демократлаштирмоқ.*

**ДЕМОҚ** I Оғзаки ёки ёзма равишда бирор фикр билдирмоқ, айтмоқ; гапирмоқ. *Мен сенга нима деган эдим. Бу ҳақда китобларда нима дейилган? Ўғлингиз сизга салом деди.* — *Нури ўз ичидан хўрсинди ва: — У яхши йиқит-а. Санга ёқадими? — деди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Урмонжон унинг бир нима демоқчи бўлганини пайқаб: — Ҳа, нима демоқчисан? — деди.* А. Қаххор, Кўшчинор. | Бирор овоз, товуш, ун чиқармоқ. *Мишук мивё деди.* — *Тепаликдаги бақатерақдан гур этиб кўтарилган бир тўп қарға «қа-қур» деганича ҳар томонга учиб кетди.* А. Қаххор, Қаравот. *Шунча тош текканди «вой» демаган бояги одам укаси*

отган увада текканда «дод» деган экан. А. Қаххор, Қўшчинор. Хотинга узатар экан илжайиб: — Хи-хи..., — деди. А. Қаххор, Хи-хи. **Финг демоқ** қ. финг. Лом-минг демай қ. лом-минг.

2 Атамоқ, номламоқ. Мени «кимсан — Аҳмад полон» дейдилар. Қўнгиз ҳам ўз боласини оппоғини дер, кирпи ҳам ўз боласини юмишогини дер. Мақол. — Қани, хўш, масалан, чойнакнинг қопқоғини русча нима дейди? Самоварнинг жўтрагини нима дейди? А. Қаххор, Айб кимда.

3 Ҳисобламоқ, санамоқ. Сизни тажрибақор боғбон дейдилар. — Абдушукурни... бағълар «аҳрий» дейди. Ойбек, Қутлуг қон. [Фазлиддин:] Саккиз юз сўмни сиз билан биз пул демай-миз. Чиндан ҳам пул эмас. Ойбек, Қутлуг қон.

4 ...деб ўйламоқ, фараз, мулоҳаза, андиша қилмоқ. Шундай ҳам дейлик. Боринг, эртага самолёт учмайди дейлик. Хайр, шундай ҳам денг. — Шовқин солманг, биров зийтса нима дейди! А. Қаххор, Олтин юлдуз. Хўжайин уртага тушса, у вақт иш силкиқ дўйиб чиқса керак, дейман. Ойбек, Қутлуг қон. **Нима дейсиз?** 1) қандай маслаҳат берасиз?, қандай фикр билдирасиз?, қандай деб ўйлайсиз? Балки ғами, ҳасрати озаар, нима дейсиз? Ойбек, Қутлуг қон; 2) нима ҳам қилар эдингиз, қўлингиздан нима ҳам келар эди. Шариат ўзи йўл топиб беради. Йўлни хотинингизнинг ўзи топиб келиб, сизни оғроқиб кетса, нима дейсиз? А. Қаххор, Қўшчинор.

5 Истамоқ, хохламоқ. Нима десанг, албатта муҳайё қиламан. Душман нима демайди, тушса нималар кирмайди. Мақол. — Қолхозчилар нима деса, шу бўлади. А. Қаххор, Қўшчинор. **Уй ажратамиз дедингизу, мен йўқ дедимми?** Ойбек, Қутлуг қон. | Танламоқ, танлаб, сайлаб олмоқ. **Ё мени де, ё уни де.** — Мен сенинг тенгинге эмасман, Омони мёр, сени демасман. Ҳ. Олимжон. **Ўзингиз йўлинг очиб, кета бер, мен ота-онамни дейман деган эдингизку.** А. Қаххор, Қўшчинор.

6 (шарт майли ф-да) Бирор иш-ҳаракатни бажармоқ ёки бажаришга уринмоқ. Гиламни кўтарай десам, жуда оғир экан. Қўпчилик пуф деса, бўрон кўтарилади. Мақол. — Илгарилари уриб энгар эдим, энди урай десам, қочиб толга чиқиб кетади. А. Қаххор, Айб кимда. Қанадан ҳам кўра сизнинг ачиғини келтирди: канани тирай деса, қўймайди — бошини силкийдди, пийқиради. А. Қаххор, Адабиёт муаллими.

◆ **Бир (ҳеч) нима демай** индамай, ҳаршилик кўрсатмай, сўзсиз. Қаромат ундоқ, бўлиб кетди, индамадим; майли, бунисига ҳам бир нима демайман, ҳар кимнинг гўри бошқа, менга нима. А. Қаххор, Қўшчинор. ...деганда... бўлганда, бўлгач, ўтгач. Соат ўн икки деганда этиб келасан... дегандай 1) ...дейилгандек, дейилгани каби. Ўз уйим,

ўлан тўшагим дегандай, сиз ҳам қайтиб келибсиз-да; 2) деган каби, ишора қилиб. У хўп дегандай, бош иргатди. ... дегунча ... биланқо; ҳамона. Қелди дегунча, менга хабар бер. ... демай ёки ... демасдан суриштирмай, ҳисоблашмай. Боши-кўзи демай урарверди. Ёз демасдан, қиш демасдан ишламоқ. — Қистаб кетиб боради, Кеча демайди, — кундуз. «Равшан». Кўп деганда кўпи билан, ортиғи билан, кўп бўлса. Бу ишга кўп деганда ўн кун керак. **Кўрдим демайди** 1) унча-мунчага тўймайди, қонмайди. Бир-икки коса овқатни кўрдим демайди; 2) назар-писанд қилмайди. Унча-мунча оғир меҳнатни кўрдим демайдиган шу йиғит ҳам толиқар.. эди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. **Менга деса** мен учун барибир, нима бўлса, бўлар. Майли, менга деса бу йил меҳнат кунимиз бир миридан тушини А. Қаххор, Қўшчинор. **Нимага десангиз** с. т. сабаб шуки. Уша йиллари механизацияга қарши чиққан одамлар бўлса бўлгандир, нимага десангиз, механизациянинг нималигини билишмаган. А. Қаххор, Қартина. **Шундай денг** 1) баракалла, ана энди ўзингизга келдингиз; 2) ҳали гап шундайми! **Хаш-паш дегунча қ. хаш-паш.**

**ДЕМПИНГ** [р < ингл] эк. Чет эл бозорини эгаллаш ва ундан рақобатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида молни ўз мамлакатидagi нархидан анча арзонга сотиш.

**ДЕНАТУРАТ** [р < лат] Захарли ёки бадхўр модда аралаштириб, ичиб бўлмайдиган қилинган спирт.

**ДЕНГИЗ 1** Океаннинг қуруқликқа туташган ёки қуруқликқа ёриб кирган, суви шўр бўладиган, бир бўлаги. **Ўрта денгиз.** **Болтиқ денгизи.** **Қизил денгиз.** **Орол денгизи.** **Денгиз ҳавоси.** **Денгиз флоти.** — **Каспий денгизиде** пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўпайди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. 2 **Кенг майдонни** эгаллаган суний сув ҳавзаси. **Тошкент денгизи.**

3 **кўчма** Бирор нарса билан қопланган кенг майдон. **Кўм-кўк пахта денгизиде** қизғин иш борар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. **Зангори (ёки само, кўк) денгиз** кенг осмон, само, фалак ҳақида. **Зангори денгизнинг тиниқ қўйнидан** Кўм-кўк ой юзланиб, кулиб боқади. Уйғун. **Баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизига** сиғмай тошади. Ойбек, Қутлуг қон. | **Жуда катта уюм, тўда, оқим** ҳақида. **Қон денгизи.** — **Улар Тошкент кўчаларини тўлдирган** одамлар денгизиде, қўлариде ҳилпирган қизил байроқ билан суздилар. П. Турсун, Ўқитувчи. **Қимларнинг орқасиде** қамчи излари. **Ҳали ҳам тўлқинлар қон денгизлари.** **Ғайратий.** | **Оғуш, қучоқ.** У ҳаёл денгизига чўмиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Тоғлар ва қирлар қоронғилик денгизига** тобора чўмоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Хатни эзган чоғингизда** тамом бир ўт ичида, ғазаб денгизиде сузганлигингиз гавдаланиб, кўз

ўнгимдан ўтди[лар]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДЕНГИЗЧИ** Денгиз флотида хизмат қилувчи киши. **Ҳарбий денгизчи.**

**ДЕПАРТАМЕНТ** [р < фр] 1 Францияда: энг йирик маъмурий-территориал бўлима.

2 Баъзи буржуа мамлакатларида ва чор Россиясида: юқори давлат органларининг, министрликларнинг айрим бўлими.

3 Америка Қўшма Штатларида ва Швейцарияда: министрлик. **Давлат департаменти.**

**ДЕПЕША** [р < фр] Расмий (дипломатик ёки ҳарбий) шошилинч хабар, шошилинч маълумот. **Бисмарк уруши** чиқаришни кўзлаб, ўз қоронинг француз элчиси билан суҳбат қилганлиги ҳақидаги депешани.. матбуотда эълон қилди. «Янги тарих».

**ДЕПО** [р < фр] Паровоз ва вагонлар турадиган ва ремонт қилинадиган маҳсус бино. **Паровоз депоси.** — **Ҳатто унинг** [Мавлоновнинг] қачон, қайси темир йўл депосидан кўтарилгани, ундан Москвада неча йил ўқиб келгани тўғрисида қамшиқапалликлар ҳам сўзлайдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ўт ўчириш депоси** ўт ўчириш машиналари турадиган бино.

**ДЕПСИМОҚ 1** Ер тепмоқ, ер тепиб турмоқ (дўқ уриб, инжиқлик қилиб ёки бетоқатлик билан).

2 Босиб-янчиб ташламоқ, оёқ ости қилмоқ, пайхон қилмоқ, топтамоқ. **Қайсиюм қолхоз яйлоғе катта пода ҳайдаб ўтаётганида чанқоқ пода булоққа ёпирилиб уни депсиб ташлабди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 От ёки эшакни оёқ билан ниқтаб тезлатмоқ. **Сой тарафга от бошини қаратди.** **Узмаси милтиғин отиб шу замон, Сой ичига отин депсиб жўнатди.** «Очилдов».

4 Тепмоқ, урмоқ (қон томири ҳақида).

**ДЕПСИНМОҚ 1 депсимоқ 1, 3, 4 фл. ўзл. н.** [Қорабайир] узун бўйинни гажак қилиб, депсинарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Болалари бўйнига осилиб, уни ерга чўқтирдилар, «от» қилиб устига миндилар, «ўй, чўй!» деб депсиндилар.** Ж. Шарипов, Хоразм. **Раис ўрнидан депсиниб турди-да, чопонининг бир этагини елкасига ташлаб, жаҳл билан юриб кетди.** Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Чўчимоқ, сесканмоқ, чўчиб тушмоқ. **Юрак депсиниб тушар даҳшатли ҳар хабардан.** Ф. Ғулум.

◆ **Бир жойда депсиниб турмоқ** олдинга жилмай бир даражада тура бермоқ. **Янег ер ўзлаштиришни давом эттиришимиз,.. лозим.** **Бир жойда депсиниб туриш** — қолоқликка юз тутуши демакдир. М. Назаров, Жилвон жилвалари.

**ДЕПУТАТ** [р < лат] Маълум тартибда бирор коллектив томонидан давлат органига вакил қилиб сайланган киши. **Олий Совет депутаты.** **Халқ де-**

путатлари Совети. Депутат сайламоқ.

**ДЕПУТАТЛИК депутат** с. белги оти. Депутатлик ўрни. Депутатлик мандати. Депутатликка сайламоқ.

**ДЕРАЗА** Бинонинг очилиб-ёпиладиган ойнали роми; ром. *Сатторкул аканга уйини.. оқлатди, дарчанинг ўрнига дераза курди, печка олиб кирди. А. Қажҳор, Қўшчинор. Чойхона рўпарасидаги ёлғиз иморат болохонасининг деразасидан нур йилт этди. Х. Ғулом, Машъал.*

**ДЕРИВАЦИОН** [р деривационный] Деривацияга оид. *Деривацион канал.*

**ДЕРИВАЦИЯ** [р < лат] Сувни дарёдан бошқа ёққа (қазилган ариққа, каналга) солиб юбориш. *Деривация ишлари. Деривация иншоотлари.*

**ДЕСАНТ** [р < фр] Душман территориясига кема ёки самолётдан туширилган қўшни. *Хаво десанти. — Улар қураётган кўприкка немис десант ташлаганини ҳикоя қилиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ДЕСАНТЧИ** Десант қўшини жангчиси.

**ДЕСАТ(ИНА)** [р десятина] с. т. эск. айн. *десятина. Бутун олинадиган ерлар: Фарғона вилоятида қирқ десатинадан ортиқ .. эди. А. Қажҳор, Сароб.*

**ДЕСЁРТ** [р < фр] Овқатдан кейин ёйиладиган ширин таом, конфет ва ш. к. || *Десерт вино.*

**ДЕСПОТИЗМ** [р] 1 Ҳуқуқи чекланмаган мустабид подшоҳ бошлиқ идора усули.

2 Золимлик, зўравонлик, истибдод.

**ДЕСЯТИНА** [р] Метрик система қабул этилганга қадар Россияда қўлланилган 2400 кв. саржинга ёки 1,09 гектарга тенг ер ўлчови. [19 асрда] 70-йилларнинг охирида хусусий кишиларга қарашли 91,5 миллион десятина ердан 73 миллион десятинадан ошиқроғи дворян помещиклар қўлида бўлган. «КПСС тарихи».

**ДЕСЯТНИК** [р] Қурилишда бир группа ишчиларнинг бошлиғи, ишбоши.

**ДЕТАЛЬ** 1 Машина, механизм ва ш. к.нинг қисми, бўлаги. *Машина детали. Деталь ишлаш.*

2 Бирор иш, ҳодиса ва ш. к.нинг кичик узвий қисми, тафсилоти. *Ҳикоянинг автори ҳатто ҳаётдаги оддий деталларни ҳам тўғри кўрсата билмаган. «К. Ўзбекистон», 1947, № 98.*

**ДЕТЕКТОР** [р < лат] радио Радиоприёмникда қабул қилинган юқори частотали тўлқинларни қулоққа эшитиладиган паст частотали тўлқинларга айлантириб берувчи қурилма.

**ДЕТЕКТОРЛАШ физ.** Мураккаб тебранишлардан товуш частотасига эга бўлган тебранишларни ажратиб олиш процесси, ҳодисаси.

**ДЕТЕКТОРЛИ** Детектори бор, детектори бўлган. *Чойхонада дутор, чанг, детекторли радиоприёмник, шахмат, девор соати пайдо бўлди. А. Қажҳор, Қўшчинор.*

**ДЕТЕРМИНИЗМ** [р < лат] филос. Табиат ва жамиятдаги ҳамма ҳодисаларнинг, шу жумладан, кишиларнинг ирода ва ҳулқларининг умумий объектив қонуниятни борлигини ва улар бир-бирига боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этишини эътироф этувчи назария.

**ДЕТЕРМИНИСТ** [р] Детерминизм тарафдори.

**ДЕТОНАТОР** [р] махс. 1 Ўзи портлаб, бошқа портловчи моддани ҳам портлатувчи модда.

2 Портлатувчи капсуль, пистон.

**ДЕТОНАЦИЯ** [р < лат] махс. Портловчи модданинг бирор ташқи сабаб билан жуда тез портлаши.

**ДЕФИС** [р < лат] Сатр охирига сиймай қолган сўзнинг иккинчи йўлга кўчирилган бўғини ўрнига ёки жуфт ва такрорий сўзлар орасига қўйиладиган чизичқа (-).

**ДЕФИЦИТ** [р < лат] 1 фин. Даромаддан буромаднинг ошиб кетиши. *Бюджет дефицити.*

2 Етишмаслик, камоблик, камчилик, озлик. *Товар дефицити. Ёқилғи дефицити. || Дефицит мол.*

**ДЕФОЛИАЦИЯ** [р < лат] қ. х. Ғўзаларга дори селиб, баргини тўкиш.

**ДЕФОРМАЦИЯ** [р < лат] Жисм шаклининг ёки ҳажмининг ўзгариши, бузилиши.

**ДЕЦИМЕТР** [р < лат + грек] Метрнинг ўндан бирига тенг узунлик ўлчов бирлиги.

**ДЕЯЙЛИК** кам қўлл. айн. айтайлик.

**ДЕЯРЛИ** рвш Айтарли, ... деса, ... деб айтса, ҳисобласа бўладиган. *У — ердан бичиб олгандек пак-пакана, бурни юзи билан деярли теп-текис. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Нури] деярли ҳар кунни бошини ювар, пардоз қилар, ҳар кунни янги кўйлак кияр эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қўқондан деярли ҳар кунни хабар келиб турар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. || Қарийб; тахминан; яқин. Совет аъзоларининг деярли ҳаммаси йиғилган. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ДЕҲҚОН** [ф-т] Асосий касби экин экишдан, деҳқончиликдан иборат бўлган киши. *Деҳқон бўлсанг, шудор қил, мулло бўлсанг, такрор қил. Мақол. — Мен сизга экинларимни кўрсатай.*

*Деҳқон кўзи билан қараб, мени яхшилаб танқид қилинг. Ойбек, О. в. шабадалар. Колхозчи деҳқон 1) тар. коллективлаштириш даврида ўз хусусий ери, от-уловни ва қишлоқ хўжалик асбоблари билан бирга колхозга аъзо бўлиб кирган деҳқон; 2) колхоз аъзоси. Якка деҳқон тар. колхозга кирмай, ўз олдига деҳқончилик қилган деҳқон. Ўрта (ёки ўрта хол) деҳқон тар. ўз ерларини ўзи, оила аъзолари кучи билан экувчи деҳқон.*

**ДЕҲҚОНБОП** Деҳқонлар учун қулай, муносиб. *Деҳқонбоп этик.*

**ДЕҲҚОНЛИК** деҳқон с. касб оти.

**ДЕҲҚОНЧАСИГА** рвш Деҳқонлар сингари, деҳқонлардек, деҳқонларга

хос бир йўсинда. *Йўлчи .. пешанасида мўл-мўл оққан терни енг учи билан деҳқончасига артиб, ерга қаради. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ДЕҲҚОНЧИЛИК** 1 Қишлоқ хўжалигининг ерга экин экиб озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари егиштириш билан шугулланувчи соҳаси, зироатчилик. *Деҳқончиликдаги капитализмнинг асосий аломати ва белгиси — ёлланма меҳнатдори. В. И. Ленин, Деҳқончиликда капитализмнинг ривожланиш қонунилари.*

2 Деҳқон иши, касби, машғулот. *Деҳқончилик қилмоқ. — Ўзимнинг деҳқончиликдан топганим битта қорнимга баҳузур етади, ортиб ҳам қолади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Ерга экилган экин; зироат экинлари. *Анови пастликда деҳқончилигимиз бор. Бемалол, ҳамма нарса ўзимиздан чиқади. Ойдин, Келин ўғил туғибди.*

**ДЕҲҚОНЧУМЧУҚ** Чумчуқнинг бир тури.

**ДИАБЕТ** [р < грек] мед. Қўп сийдирадиган бир қатор касалликларнинг умумий номи. *Шакарли диабет* сийдикда шакар моддаси айрилиши ва қонда шакар моддаси миқдорининг кўпайишидан иборат касаллик.

**ДИАГНОЗ** [р < грек] Беморни ҳар томонлама текшириб, унинг касаллигини аниқлаш. *Диагноз қўймоқ (белгиламоқ).*

**ДИАГНОСТИКА** [р < грек] Медицинанинг касаллик белгиларини, диагноз қўйиш усуллари ва принципларини ўрганадиган бўлими. | *Диагноз белгилаш.*

**ДИАГОНАЛЬ** [р < лат] 1 геом. Кўп бурчакнинг қўшни бўлмаган икки бурчагини ёки кўпбурчакнинг икки учини бирлаштирувчи тўғри чизиқ.

2 Қия йўлли қилиб тўқилган газлама. || *Диагональ шим.*

**ДИАГРАММА** [р < грек] Турли миқдорлар ўртасидаги муносабатни тасвирловчи чизма, график тасвир. *Пахта ҳосилининг йилма-йил ўсиш диаграммаси.*

**ДИАЛЁКТ** [р < грек] Умумий адабий тилдан маълум хусусиятлари билан фарқ қилувчи маҳаллий шева.

**ДИАЛЕКТАЛ** [р диалектальный] Диалектга, шевага оид. *Диалектал сўз.*

**ДИАЛЕКТИЗМ** [р] Умумий адабий тилга диалектлардан кирган сўз.

**ДИАЛЕКТИК** [р] Диалектик фалсафа тарафдори.

**ДИАЛЕКТИК** [р диалектический] Диалектикага асосланган. *Диалектик фалсафа. Диалектик тафаккур. Диалектик материализм.*

**ДИАЛЁТИКА** [р < грек] 1 Табиат, кишилик жамияти ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; абадий ҳаракатланиб ва ўзгариб турувчи табиат ва жамият ҳодисаларини уларнинг ички зиддиятлари ва қарама-қаршиликларини очиш, бу зиддият ва қарама-қаршиликлар ўр-



тасидаги курашни оидинлаштириш асосида билишнинг умумий методи. *Материалистик диалектика*.

2 Бирор нарсанинг ҳаракат, ривожланиш, тараққиёт процесси. *Тарих диалектикаси*. — *Энди билсам, диалектика фақат китобда эмас, модда бор жойининг ҳаммасида бор экан*. П. Қодиров, Уч илди.

**ДИАЛЕКТОЛОГ** [р] Тилнинг лаҳжа ва шеварларини ўрганувчи мутахассис; шевашунос.

**ДИАЛЕКТОЛОГИЯ** [р<грек] Тилнинг лаҳжа ва шеварларини ўрганувчи фан; шевашунослик.

**ДИАЛОГ** [р<грек] 1 Адабий асарда икки ёки бир неча персонаж ўртасидаги суҳбат. | Икки киши ўртасидаги суҳбат.

2 Икки ёки бир неча киши ўртасидаги суҳбат шаклида ёзилган адабий асар.

**ДИАМАТ** [р<диалектический материализм] Диалектик материализм (ўқув курси ҳақида).

**ДИАМЕТР** [р<грек] Айлана ёки шарнинг марказидан ўтиб, унинг икки нуқтасини бирлаштирувчи тўғри чизиқ. | Умуман юмалоқ нарсанинг ва тўғрақ юзанинг кўндаланг кесувчиси.

**ДИАПАЗОН** [р<грек] 1 муз. Бирор чолғу асбоби ёки ашулачи овозининг энг паст ва энг юқори чегараси орасидаги товушлар мажмуи.

2 *кўчма* Кўлам, доира, кенглик. *Биллим диапазони*.

**ДИАПОЗИТИВ** [р<грек+лат] Проекцион фонарь орқали кўрсатиш учун шиша ёки бошқа шаффоқ пластинкага, плёнкага олинган фотосурат.

**ДИАФРАГМА** [р<грек] 1 анат. Кўкрак қафасини қорин бўшлиғидан ажратиб турувчи тўсиқ парда.

2 *опт.* Фотоаппарат ва бошқа оптика асбобларида шуъланинг ўтишини камайтирувчи ёки кўпайтирувчи мослама.

**ДИВАН** [р<ф-т] Ўтириш ва ётиш учун белгиланган суянчиқли юмшоқ мебель. *Шербек диванга ўтирди ва бошидан қулоқчинини олиб, аёлнинг диққатини тортди учун бир-икки марта йўталиб қўйди*. С. Анорбоев, Оқсой.

**ДИВЕРСАНТ** [р] *айн.* диверсиячи.

**ДИВЕРСИЯ** [р<лат] Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини вайрон қилиш мақсадида чет эл давлатлари ёки душман синф агентураси томонидан қилинган кўпоровчилик. *Ватанимиз душманлари очикдан-очик диверсиялар қилишгача бориб етмоқдалар*.

**ДИВЕРСИЯЧИ** Диверсия билан шуғулланувчи, кўпоровчи; диверсант.

**ДИВЕРСИЯЧИЛИК** Диверсия актлари; кўпоровчилик.

**ДИВИЗИОН** [р<фр<лат] 1 Артиллерияда, отлик аскар ва бронетанк қисмларида: ҳарбий бўлима.

2 Ҳарбий флотда: бир типдаги бир неча кемадан иборат қўшилма.

**ДИВИЗИЯ** [р<лат] Бир неча полк ёки бир неча бригаддан таркиб топган ҳарбий қўшилма. *Танк дивизияси*. — *«Марказ», «Шимол», «Жануб» гуруҳларининг армиялари бугун эрталаб саксон дивизия билан хужумга ўтди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДИГАР** [ф-т] *эск. кт.* Бошқа, ўзга; бошқача, ўзгача. *Юз очиб ҳар эрталаб бир ўзгача пардоз ила, Дам-бадам элга бағишлар завқи дигар пахтаминиз*. Ҳабибий.

◆ **Намози дигар айн.** намозгар 2.

**ДИД** [ф-т] 1 Гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти. *Дидига жавоб бермоқ*. *Дидига тўғри (мос) келмоқ*. *Халқимизнинг турмуши, маданияти кун сайин ўсмоқда*. *Шунинг учун ҳам унинг диди, санъатга бўлган талаби тобора юксалмоқда*. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 218. *Партия .. барча меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш ҳамда юксак бадиий диднинг ва маданий малаканинг шаклланиши тўғрисида тинмай ғам-ҳўрлик қилади*. «КПСС Программаси». *Саҳна дид билан ранг-баранг гуллар экилибди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дидига келган ишларни мақтаб, колхозчиларнинг кўнелини кўтаради*. А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Дидига ўтирмоқ* маъқул келмоқ.

2 Ақл-фаросат, фаҳм, идрок.

◆ **Дидини бермоқ** ўхшаб кетмоқ, ўхшаб кўринмоқ, ўхшамоқ. *Ўзи ёш бўлса ҳам олтмиш яшар чолнинг дидини беради*.

**ДИДАКТИК** [р] Дидактика мутахассиси, дидактика ўқитувчиси.

**ДИДАКТИК** [р дидактический] 1 Дидактикага оид, дидактика принципларига асосланган.

2 *кт.* Ибрат бўладиган, ўғит-насихат берадиган. *Дидактик асар*.

**ДИДАКТИКА** [р<лат] Педагогиканинг таълим ва унинг мазмуни, умумий метод ва шакллари ҳақидаги бўлими.

**ДИДЛАМОҚ** Мўлжалламоқ, чама-лаб, тахминлаб кўрмоқ. *Шу қондаги гуручни дидлаб кўр-чи, қанча келар экан!*

**ДИДЛИ** 1 Диди бор, гўзалликни, нафосатни ҳис этадиган, ундан эстетик завқ ола биладиган. *Дидли одам*. *Юксак дидли санъаткор*. — *Нозик дидли рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] хаёлини банд этди*. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ақл-фаросатли, фаҳмли, идрокли. *Ҳамма ёқда дидли, меҳрибон хотиннинг қўли сезилиб турар эди*. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ДИД-ФАРОСАТ** Ақл-фаросат, фаҳм, идрок.

**ДИЕТА** [р<грек] Овқатланишда, айниқса касалик ва ундан кейин белгиланган даврда маълум бир тартиб сақлаш, белгиланган овқатларнигина истеъмол этиш; парҳез. *Диета сақламоқ*.

**ДИЕТИК** [р диетический] *Диетага, парҳезга оид*. *Диетик овқатлар*. *Диетик ошхона*.

**ДИЁНАТ** [а] 1 Виждон, виждонлик, инсоф. *Диёнати йўқ одам*. **ДИЁНАТНИ ЮТМОҚ** виждонини сотмоқ, виждонсизларча иш тутмоқ.

2 Диний қонуи-қондаларга қаттиқ риоя этиш; диндорлик, тақводорлик. *Менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадиган виждон бор, дин бор, диёнат бор*. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Энг мутаассиб, энг рашкли эркаклар ҳам бунди дин ва диёнатга зарарли деб қарайдилар*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДИЁНАТЛИ** 1 Диёнати бор, виждонли, инсофли. *Аслида [биз] ана шу саҳроларда шахарлар бино қилиб, чаманлар яратган, меҳнатсевар, диёнатли кишилармиз*. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Дин қонун-қондаларига риоя қиладиган, тақводор.

**ДИЁНАТСИЗ** 1 Инсофи йўқ, инсофсиз, виждонсиз.

2 Дин қонун-қондаларига риоя қилмайдиган; бетавфиқ. *Диёнатсиз одам*. **ДИЁР** [а] 1 Мамлакат, ватан, юрт. *Социалистик диёр*. *Хур диёр*. — *Советлар юрти бахтлиларнинг диёри, Яшнайдди колхознинг кўп пахтакори*. Фозил шоир.

2 Диёр (эркаклар исми).

**ДИЗЕЛЛИ** Дизель ўрнатилган, дизель кучи билан юрадиган. *Дизелли трактор*.

**ДИЗЕЛЬ** [р<нем] Суяқ ёнилғининг оғир хиллари билан ишлайдиган ички ёнилғи двигателъ. *Нигора касалхонага етиб келганида колхоз дизели гуриллага ишлай бошлаган, ингичка симлардан оқиб келган қувват касалхона чирроларини ёндирган эди*. С. Анорбоев, Оқсой.

**ДИЗЕЛЬ-МОТОР** [р] *айн.* дизель 1. **ДИЗЕНТЕРИЯ** [р<грек] мед. Йўғон ичакнинг ялғиланиши ва қон аралаш ич кетишидан иборат оғир юқумли касаллик. *Дизентерияга қарши кураш*. *Дизентерия бактерияси*.

**ДИЙДА** [ф-т] *айн.* кўз 1. — *Дийдам ҳалибу қардошлик бўстониинг шарофатли ҳусну камолига тўйиб-тўйиб боқмаган эди, — деди автор*. Ш. Фуломов, Ёрқин йўллар. **Нури дийда** 1) кўз нури; 2) *кўчма* севикли фарзанд. *Она нури дийдаси ва жигар пораси Норматни жуда соғинганини .. ёзган эди*. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Дийдам устига** марҳамат, бош устига, хуш келибсиз. *Сизнинг билан бўлсин энди даворним Дийдамнинг устига, азиз меҳмоним*. «Ширин бялан Шакар». **Дийдаси бўш** кўнгли бўш, раҳмдил; йиғлоқи. *Тўғри, биз хотинларнинг дийдамиз бўшироқ бўлади, баъзан илғи юракни бўшатади*. Шухрат, Шинелли йиллар. **Дийдаси қаттиқ** кўнгли қаттиқ, бераҳм; кўзига ёш келмайдиган. *Меч эркакларни дийдаси қаттиқ бўлади деб эшитар, ўзим ҳам*

шунга ишонар эдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дийдаси қотиб қолган кўравериб кўниқиб, қўрқмайдиган бўлиб қолган; йиғлайвериб кўз ёши қуриб қолган. — Акамни отдилар, отам сурғунда ўлди.. Ушанда ўлимни кўравериб, дийдам қотиб қолган эканми, — деди София. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДИЙДАГИРЁН** [ф-т] Йиғили, йиғлаган, кўз ёши тўккан. Дийдагирён бўлмоқ. — Кўзнинг ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди. Дийдагирён бўлиб, бағрим эзилди. «Ширин билан Шакар».

**ДИЙДИЁ** 1 Хотинлар ўргасида ўқиладиган «дийдиё» радиодли шёър.

2 кўйма с. т. Дард-ҳасрат. — Э. Салтанат отин, кўчада ҳам дийдиё ўқиб қолибсиз? — деди Башорат. Б. Раҳмонов, Қилмиш — қидирмиш.

**ДИЙДИРАМОҚ** Совуқ қотиб титрамоқ.

**ДИЙДОР** [ф-т] Қишининг юзи, афт, башара, рухсор. Ғам билан сарғайди гулдайн дийдор. «Ширин билан Шакар». Сенинг совуқ дийдорингни кўришга унча ҳам зор эмас эдим. Ғ. Ғуллом, Шум бола. Дийдор ғанимат! бу ўткинчи дунёда тез-тез кўришиб, учрашиб турайдик, деган маънода ишлатиладиган ибора. Бола баҳона, дийдор ғанимат қ. баҳона. Қиёбат дийдор бўлмоқ юз кўришмайдиган бўлиб кетмоқ. Нуралиман, қон йиғлайман зор-зор, Отам қолди ушбу ишдан беҳабар. Шу сабабдан қилдим қиёмат дийдор. «Зулфизар билан Авазхон». Дийдор кўришмоқ учрашмоқ, юз кўришмоқ.

Дийдор кўришар кун яқин. Аммо ҳужум қилаётир дилимга фироқ, Т. Тўла. Дийдор кўришгунча хайр, яна кўришгунча (хайрлашув ибораси). Дийдор кўрсатмоқ ўзини кўрсатмоқ, кўриниш бермоқ, кўринмоқ. Бир кўрсатиб ғамза билан дийдор ўзинг, Лутфу карам қилдинг қулиб изҳор ўзинг. Ҳабибий. Дийдор очмоқ юзини очиб кўрсатмоқ. Тўйлар муборак, э севгили ёр! Қелдим йироқдин, оч менга дийдор. С. Абдулла. Дийдори ўчсин қарғ. афти қурсин, қуриб кетсин. Дийдорига муяссар этмоқ (ёки қилмоқ) дийдор кўрсатмоқ, юз кўрсатмоқ. Охири ўз дийдорига муяссар қилган қутлуғ ва шарофатли кун келди. Шухрат, Шинелли йиллар. Дийдорига тўймоқ соғинган ёки севган кишини кўриб, васлига тўймоқ. Ой бўлсаму тун бўйи уйғоқ, Дийдорингга тўймай ботсам. С. Акбарий.

**ДИК тасв. с.** Жуда тез содир бўладиган бир онли ҳаракат ҳақида. Бурга дик этиб сакради. Бола дик (этиб) ўрнидан турди. — Бир эшикдан дик этиб чиққан жажжисиёна қизча: «Ассалом алайкум!» деб юборди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДИКАНГ-ДИКАНГ** айн. дик-дик. [Болалар] бир пасда диканг-диканг сактаб келиб, қўлларидан тутам-тутам бошчақни ўқитувчи тақдим қила бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДИКАНГЛАМОҚ** Дик-дик ҳаракат қилмоқ, дик-дик сакраб юрмоқ, яр-

ғишламоқ. Мурод Хўжараҳмоннинг диканглаб кетаётганини завқ билан кузатди-да, кейин ашуласини баланд қўйди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ДИКАНГЛАТМОҚ** дикангламоқ фл. орт. н. Кўйрочқни диканглашиб ўйнатмоқ.

**ДИК-ДИК** дик с. тақр. Дик-дик сакрамоқ. Дик-дик юрмоқ. — Ёқут-ойим худди коптоқдай дик-дик этиб, эрига яқинлашди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ДИКДИККА** диал. Диккак. Отга солди дикдикка, Қойил бўлинг эрликка. Сувсиз чўлда бедов от, Гоҳи чикка, гоҳ пукка. «Равшан».

**ДИКИЛЛАМОҚ** 1 Дик-дик ҳаракат қилмоқ, дикир-дикир сакраб юрмоқ. Кўён дикиллаб югуриб кетди.

2. Шошиб-пишиб, ўйноқилаб юрмоқ. Анна Ивановнанинг майда қадам билан дикиллаб орқага қайтишидан унинг бу учрашувдан хурсанд эканлиги кўриниб турарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ДИКИЛЛАТМОҚ** дикилламоқ фл. орт. н. Эллиқбоши уни тезроқ қалъага дикиллатиб олиб боришга ошиқарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДИКИР тасв. с.** Дик-дик ҳаракат ҳақида.

**ДИКИР-ДИКИР** дикир с. тақр. Дикир-дикир сакрамоқ. — Эшаклар дикир-дикир йўғалаб Косондан чиқди ва темир йўл бекатида қараб бурилган йўл бўйлаб кетди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДИКИРЛАМОҚ** Дикир-дикир ҳаракат қилмоқ, дикилламоқ, Майна эшагини хиллади ва шу захотийёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг дикирлаган йўғраси эшитилди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДИКИРЛАТМОҚ** дикирламоқ фл. орт. н.

**ДИККАЙМОҚ** Тикка кўтарилиб турмоқ, тиккаймоқ. Башоратнинг сақичдай қора сочи .. ўрганида диккайиб турар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қулоғи диккайди 1) қулоғи тик кўтарилди, чимирилди. Кўчадаги шартани эшитган жиён қашқанинг қулоқлари диккайди; 2) диққати тортилди. Шу вақт ичкаридан хотинларнинг фавқуллодда қий-чуғ товушлари эшитилиб, иккисининг [Ҳожи ва Ҳасаналининг] ҳам қулоқлари диккайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДИККАЙТИРМОҚ** диккаймоқ фл. орт. н. Гулсум ҳар қани.. қора пальтосининг ёқасини диккайтирган Элмуроднинг мактабга кетаётганини кўриб қолар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. От хурқиб қулоқларини диккайтириб, орқага қочмоқчи бўлди. Айний, Эсдаликлар.

**ДИККАК** От устига ташланадиган бежакли, попуқли ёпик.

**ДИКТАНТ** [р<лат] Машқ учун айтиб туриб ёздириладиган иш, ёд ёзув. Диктант ўтказмоқ. Диктант олмоқ.

**ДИКТАТОР** [р<лат] Чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган ҳоким, якка

ҳукмдор, ҳокими мутлақ. | Бирор соҳада ўз ҳукмини юргизувчи шахс.

**ДИКТАТОРЛИК** диктатор с. маъ. от.

**ДИКТАТУРА** [р<лат] Ҳукмрон синфнинг кучига таянувчи чекланмаган ҳокимият.

**ДИКТОВКА** [р] Айтиб, ўқиб, ёд ёздирнш. Сиз диктовка қилинг, мен ёзиб олай. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ДИКТОР** [р<лат] Радио ёки телевизор орқали эшиттириладиган текст, мақола, хабар ва ш. к.ни микрофон олдида ўқиб турувчи ходим. Радиоюзел диктори. Диктор бўлиб ишламоқ. — Марказий кўчаларга ўрнатилган радио карнайларидан дикторнинг овози узоқ-узоқларга эшитилмоқда. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 81.

**ДИКЦИЯ** [р<лат] Сўз, бўғин ва товушларни талаффуз этиш хусусиятлари. Унинг диққияси яхши. — Юмористик образ яратишда ижрочилар мимика, диалог, диқция, грим, костюм, бутафория каби театр элементларидан усталик билан фойдаланадилар. М. Қодиров, Халқ рақслари ҳақида.

**ДИЛ** [ф-т] 1 айн. юрак 1. Дил уриши. Дил ўйноғи.

2 кўйма Қишининг ички руҳий дунёси, ички ҳис-туйғулари маркази рамзи; кўнғил, қалб. Дилимиз шод. Бу гаплар дилимга сифадими? Айтсам тилим кўяди, айтмасам — дилим. Мақол. — Булбул сайрайди гулда, Ҳавас қайнайди дилда. «Фольклор». Дили оқ кўнғилида кири йўқ, софдил, оқ кўнғил. Онанинг кўкграги битмас булоқдир. Дили оқ бўлгандан суги ҳам оқдир. Е. Мирза. Дили сиёҳ қ. сиёҳ 1. Дил яраси кўнғилдаги алам-аччиқ, ғам-ҳасрат. [Давронов] боланинг дил ярасини ситишини истамас, унинг кўз ёшини аяр эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Дили қон қ. қон. Дили қора кўнғили қора, нияти, мақсади бузуқ. Дил қуввати кишининг руҳини кўтарувчи, кишига мадад, дадиллик берувчи нарса. Кетиб тандан мадорим гул юзим чун зафарон ўлди. Дилимнинг қуввати, дардимга дармон бир келиб кетсун. Ҳамза. (Сидқи) дилдан жону дил билан, самимий. Мен сизни чин дилдан севман. Бизга ёзган хатида дилдан салом айтибди. Дилдан табрик этмоқ. Сидқи дил 1) дил тўғрилиги, самимият, ростлик; 2) содиқ, садоқатли. Дили бузилди (ёки вайрон бўлди) айн. кўнғили бузилди қ. кўнғил 1. Дил овламоқ айн. кўнғил овламоқ қ. кўнғил. Дили оғриди айн. кўнғили оғриди қ. кўнғил 1. Дили ғаш қ. ғаш.

3 кўйма Кўнғилдаги нарса (тилак, мақсад, ният, ўй, фикр ва ш. к.). Тилни билиш дилни билишга йўл очади. Одамнинг тили билан дили бир бўлсин. Кўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга жўр бўлма. Мақол. Дили қинғирнинг тили қинғир. Мақол. — Қандай қилиб сиз билан менинг дилим бир бўлсин? Ҳеч қачон бўлмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. Синглинг қизинг ди-

лини билиб чиқсин. Ойбек, Қутлуғ қон. [Ўзбекистонда] ўзбек, қозоқ, рус, тожик .. ҳаммасидон ҳам бор. Буларнинг дили бир. Ойдин, Асл ёр. Рамзи дил кўнгил ишораси, кўнгилдаги муддао. Ҳали ҳам кўнгли аро борми деб ишқим асари. Рамзи дил олмоқ учун билгани мастон келаду. Ҳамза. Шарҳи дил қ. шарҳ. Шарҳи дил этмоқ. Кулфи дил қ. кулф. Кулфи дили очилди қ. кулф. Дилга тугмоқ кўнгилда, ичда, юракда сақламоқ, ичга солмоқ, Дунё шундай ясалган экан, болам. Бировга ёруғ, бировга қоронги. Аммо ҳар нарсани ўйлаб дилинга тугма, хафақон бўлиб қоласан. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 кўчма Кишининг хотири, эс, ёд, хаёл; кўнгил. Тўртни ёзамиз, икки дилда. Дилмга бир гап келди. У гапларни дилмдан чиқариб юборганман. ■ [Ғуломжон] қизнинг ўзини ҳам бир кўриб, суратини дилга чизиб олган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Аҳли дил 1) дн. тасаввуф киши-си, сўфий; 2) ҳасраткаш, кимсанинг ҳасратига шерик бўла олувчи киши.

**ДИЛАБГОР** [ф-т] Ғам-қайғу, ҳасрат чекиб ёки озор тортиб дили вайрон бўлган, дилпора. Биров азиз — биров ҳор эмас, Эл бахтиёр — дилабгор эмас. Ғ. Ғулом.

**ДИЛАБГОРЛИК** 1 дилабгор с. маъв. от.

2 Дилабгор кишининг кайфияти. Дилабгорлик тортмоқ.

**ДИЛАФГОР** [ф-т] эск. кт. айн. дилабор.

**ДИЛАФРУЗ** [ф-т] 1 поэт. Дилни ёритувчи, кўнгилни шод этувчи; дилбар.

2 Нокнинг бир тури.

3 Дилафруз (хотин-қизлар исми). **ДИЛБАНД** [ф-т] 1 сфт Дилни ўзига тортувчи, мафтун этувчи. Бу қўшиқлар умрга пайванд, Нақадар шод, ёқимли, дилбанд. Х. Расул. Тожикларнинг тоғлари аро, Урин олган бир дилбанд қишлоқ. Шайхзода.

2 от Севиқли бола, азиз фарзанд. Мушфиқ она кўз олдида Усуб борар дилбанди. Минг хил ният хаёлида, Ким бўларкин фарзанди! Э. Раҳимов.

**ДИЛБАР** [ф-т] 1 сфт Дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган, ёқимли, гўзал; дилрабо. Дилбар манзара. Дилбар боғлар. ■ Бирлашиди шу дилбар соҳилда ёлғиз, Дардлашиди, суқланиб боқар ой ёлғиз. Ғайратий.

2 от Гўзал ёр, маъшуқа, махбуба. Ғуломжоннинг юраси ўйнар, ўтган йили кўрган дилбарин яна бир кўрармиканман деб ўйлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гўзалларнинг сардори, қизлар сарвари. Нодира сен, сўзга кимнинг дилбари. Қ. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. Хастасин кўргали ул дилбари жонон келади. Ҳамза.

3 сфт Гўзаллиги, хушмуомалалиги ва назокати билан эс-хушни оладиган; жонон, жонона. Дилбар йиғит. ■ Бир-

-бирларидан дилкашу дилбар қизлар. Ҳабибий.

4 Дилбар (хотин-қизлар исми).

**ДИЛБАРЛИК** дилбар 1—3 с. белги оти.

**ДИЛГИР** [ф-т] Нохуш, хафа; ғамгин. Бектемир Полвоннинг баъзан зарда билан пишқириб қўйишидан унинг шу тобда дилгир .. эканини пайқади. Ойбек, Қуёш қораймас. Ота-онадан айрилиб, укаларимдан узоқ қолганим учун юрагим дилгир эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қулмухаммад Ниёзмурод навкарликка олдинда деган хабарни эшитиб дилгир бўлди. Мирмуҳсин, Чўри.

**ДИЛГИРЛИК** 1 дилгир с. белги оти.

2 Дилгир кишининг кайфияти; ғамгинлик. [Султонмурод] бугун ҳам эрталабдан бери дилгирликдан ўзини овуттиш учун бир неча марта китобларга мурожаат этди. Ойбек, Навоий. [Олимжон] Анорхонга учрашиб, юрагдаги дилгирлигини ёзмаса, тўни билан ухлаёлмайди. Х. Назир, Қанотлар.

**ДИЛДИРАМОҚ** Совуқдан қалтирамоқ, титрамоқ. Ғариб, сокин бир қиш оқшоми ... Эгни юпун одамлар дилдираб, бошларини икки елка орасига сиқиб чопадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДИЛДИРАТМОҚ** дилдирамоқ фл. орт. н.

**ДИЛДИРАШМОҚ** дилдирамоқ фл. бирг. н. Оппоқ қор .. Қош қорайганда юпун қийинган одамлар қуңушиб, дилдирашиб, қизил чойхонага томон кела бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ДИЛДОР** [ф-т] 1 от Гўзал ёр, ошиқ, маъшуқа, севгили. Дилдорима дарди дилм изҳорини айлаб, Жоним аламин лутф ила жононима айтинг. Ғ. Ғулом. Ғуломжон .. тўймаган кўзлари билан дилдорига тикилиб: «Хайр, яхши қолинг».— деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 сфт Дилни ўзига тортувчи, дилга хуш келадиган; ёқимли, меҳрибон. Умр гулшанида, Жонон ҳаётда, Онанинг сўзлари Муборак, дилдор. Х. Расул.

3 Дилдор (хотин-қизлар исми).

**ДИЛДОРЛИК** 1 дилдор 1, 2 с. белги оти.

2 Меҳрибонлик, дилнавозлик. [Жувон:] «Бизникага хоҳлаган вақтингизда киравERING, уялманг» — деб, дилдорлик қилди. С. Анорбоев, Оқсой. Ўз чодирида нимадир ёзиб ўтирган чол дилдорлик билан [Арслонқулни] қаршилади. Ойбек, Навоий.

**ДИЛ-ЖИГАР**: дил-жигаридан урмоқ айн. жигаридан (ёки юрагидан) урмоқ қ. урмоқ.

**ДИЛИЖОН** [р дилижанс <фр>] Темир Ўул ва автомобиль транспорти тараққий этмаган вақтларда почта, йўловчи ва уларнинг юкларини ташиш учун хизмат қилган тўрт ғилдиракли катта соябон арава.

**ДИЛИ-ЖОН** айн. жон-дил. Сен менинг дили-жонимсан. Жўхори чоранинг дили-жони. ■ [Ҳожи она бойга:]

Хонзода.. сени дили-жонидан яхши кўрар экан. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДИЛИКАПТАР** [ф-т] Узумнинг бир нави. Қуз кунлари. Ишқомларда ҳусайни, авак, диликаптар, кишмиш, шивирғониларнинг боши ерга тегай деб энашган. С. Абдулла, Бир шингилли томоқни ёради.

**ДИЛКАШ** [ф-т] 1 Киши суҳбатлашса, завқ, лаззат оладиган, суҳбатни ширин, хушсуҳбат. Дилкаш қиз. Дилкаш йиғит. ■ Бер қўлингени, дилкаш сафдошим, Бўйур ойга етқудай бошим! Х. Пўлат. Орзигул жуссаси келгани, қорчасинга, дилкаш жувон эди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар. || Нафас олси жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қоладигандек жим эшитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кўнгилни, баҳр-дилни очадиган, дил баҳра оладиган. Дилкаш сабзозор. Дилкаш тоғ манзараси. ■ Шу дилкаш дамларда мен яйраб, Лаззатга гарқ бўлиб кетаман. Х. Олимжон.

**ДИЛКАШЛИК** дилкаш с. белги оти. Дилкашлик қилмоқ. ■ [Йиғитнинг] дилкашлиги Шербекка ёқиб тушиди. Ёнига ўтира қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Зайнаб колхозчилар билан эски қадрдонлардек дилкашлик қила бошлади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДИЛҚУШО** [ф-т] кт. Баҳр-дилни очадиган, кўнгилни хушнуд қиладиган; оромбахш. Бу водийда сиз айтган аждаҳо нафасидий гарселлар ўрнига дилқушо шабадалар эсади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДИЛНАВОЗ** [ф-т] кт. 1 сфт Кўнгилни овловчи, хушнуд этувчи; дилрабо, ёқимли. Муллоим, дилнавоз садолар унинг [Йўлчининг] бутун томирларидан ҳордигини сугурандай бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. Иқлими дилнавоз, бойликлари беқийс.. бизнинг бу серқуёш ўлкамизда олтин кўз барқ урмоқда. Уйғун, Мирмуҳсин, Хирмонга барака.

2 от Гўзал ёр, маъшуқа, маъшуқа, махбуб, махбуба. Менинг дилнавозим, нигорим келур. Ҳабибий.

**ДИЛНАВОЗЛИК** дилнавоз 1 с. белги оти.

**ДИЛОВАР** [ф-т] 1 Юракли, кўрқмас, ботир. Меҳнатда баҳодир диловар. Зар ҳосил олурда кимёгар. Ҳабибий. || Эркак-айл баравар: Еринг учун ғайрат қилгин, диловар. Ислом шоир.

2 Диловар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ДИЛОВАРЛИК** 1 диловар 1 с. белги оти.

2 Диловар кишиларга хос иш, хатти-харакат; қахрамонлик, ботирлик.

**ДИЛОЗОР** [ф-т] Кишининг дилига озор берувчи, кишини ранжитувчи, муомаласи совуқ. Дилозор одам. ■ Раис ака, унақа дилозор бўлманг. С. Аҳмад, Қадрдон даладар. || Мени қақшатма. Ҳой дилозор, ғазабимни келтирма. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. | Дилни эзувчи, оғир, машаққатли. Уларни ночор, дилозор қоракунлари

мажбур қиларди! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДИЛОЗОРЛИК** 1 дилозор с. белги оти.

2 Кишининг дилга озор етказиш, ранжитиш. Дилозорлик қилмоқ. ■ Дилбар бу гапларнинг ноўрин ва дилозорлик эканини била туриб гапирар эди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ДИЛОРО** [ф-т] 1 кт. Кўнгилни хуш, қишини мафтун этувчи; дилдор, дилрабо. Дилоро бир манзара. ■ Тожикларнинг тоғлари аро, Урин олган бир дилбанд қишлоқ. Дарахтзори кўм-кўк, дилоро, Аталаркан у «Баланд қишлоқ». Шайхзода.

2 Дилоро (хотин-қизлар исми).

**ДИЛОРОМ** [ф-т] 1 сфт Дилга ором берувчи; оромбахш, роҳатбахш. Нав низола, кўм-кўк япроқлар.. Яшнадида, бўлди дилором. Х. Расул.

2 от Дилбар, ширин сўз ва меҳрибон ёр; маҳбуба, маъшуқа. [Муларўзи:] Қелмайсиэми, эй дилором! Юрак беором бўлдику! Ҳамза, Майсаранинг иши. Тўйиб ишмиэса ёрим, Ёзилади хуморим, Чечак очар гулзорим, Кўрсам дилоромим. Ё. Мирза.

3 Дилором (хотин-қизлар исми).

**ДИЛПАЗИР** [ф-т] кт. Кўнгилга ёқадиган, ёқимли; дилрабо. Шайх Ҳайда дилпазир бир мақомни ғоят гўзал чалибди. Ойбек, Навоий.— Меҳмонлар кўп мулойим, дилпазир кишилар экан,— деди Абдулла. И. Шамшаров, Биз тўқайбузарлармиз.

**ДИЛПОРА** [ф-т] Ғам-қайғу, ҳасрат чекиб ёки озор тортиб дили вайрон бўлган; дилабгор. Мана, иззат тўшағида пийрона чеҳрадан бахт нурларини тўкиб ўтириши ўрница мусибат кўрпасида дилпора бўлиб ётибди! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДИЛРАБО** [ф-т] 1 сфт Дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган; ёқимли, гўзал. Дилрабо куй Дилрабо манзара. ■ Бойсун . мевазор ва тоқзорлар макони бўлган дилрабо жойдир. З. Акрамов, Бойсун бойликлари.

2 от Гўзал ёр, маъшуқа, маҳбуба. Э дилрабо, ишқинг бегаи девона бўлдим соғиниб. Ҳамза. Кетдим бериб кўнгили у дилрабога вафо билан, Тўлдирди кетди кўнгилимни ишқий наво билан. М. Бобоев.

**ДИЛРАБОЛИК** дилрабо с. белги оти.

**ДИЛРОЗ** [ф-т] Юрак сира, кўнгилдаги ҳасрат ёки тилак, истак. Дилроз айтмоқ. ■ Ғулумжон тоғда бўлаб, дилрозини сўзлаб ётган ойдин кечада бахтининг шу қадар яқин эканлигини билибмиди? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДИЛСИЕХ** [ф-т] (тўғриси дили сиёх) қ. сиёх.

**ДИЛСИЕХЛИК** Каттиқ ранжиш ёки ранжитиш, хафагарчилик. Бу эрхотин ўртасидаги самимийликни, ораларида дилсиёхлик тўғдирайдиган бирон қўполликка йўл бермасликларини кўрсатарди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ДИЛСЎЗ** [ф-т] кт. Дилни куйдирадиган, ўткир, таъсирли. Номаи дилсўз. Ошиқи дилсўз. ■ Чикарди жонидин бир охи дилсўз, Қиёмат бўлди гўёки ўшал рўз. «Тоҳир ва Зуҳра».

**ДИЛСЎЗЛИК** 1 дилсўз с. белги оти.

2 Юракдан берилганлик, ачинганлик, жонкуярлик. Қамбарали Мирҳомидхўжанинг сўзига жон-дили билан қулоқ солар экан.. Мирҳомидхўжага дилсўзлик ваҳжидан чуқур уф тортди. А. Қаҳвор, Кўшчинон.

**ДИЛТАНГ** [ф-т] 1 Юраги сиқилган, ғоят хафа. Аваз отасидан дилтанг бўлиб, «мени йўлдан урди», деб, гина қилди. «Балогардон».

2 Юраги тор, таянган. Дилтанг одам.

**ДИЛТАНГЛИК** 1 дилтанг с. белги оти.

2 Юрак сиқилиш, хафагарчилик.

**ДИЛТОРТАР** 1 Дилга, бир-бирига яқин, кўнгилга хуш келадиган; дилхоҳ. Дилтортар дўст. ■ Чол дилтортар кишиси олдида ечилди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

2 Кишига ёқадиган, хуш келадиган; ёқимли. Муқимийни кўрганлар кам бўлса ҳам .. уни оғиздан оғизга ўтиб келган дилтортар газалларидан .. танийдиғанлар кўп. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДИЛХАСТА** Дилабгор, дилпора. Бошинг кўзи яна қарадинг, Бир кўлинда қизил гулдаста. Кетдинг — поезд чопиб борарди, Қараб қолдим гўё дилхаста. Х. Пўлат.

**ДИЛХАСТАЛИК** 1 дилхаста с. белги оти.

2 Дилхаста кишининг кайфияти.

**ДИЛХИРОЖ** [ф-т] Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи. Бирдан ўйни бошга кўтаргудек бўлиб, дилхирож куйи янгради. С. Зуннунова, Ўзилган нп.

**ДИЛХОНА** [ф-т] поэт. Кишининг ички дунёси; кўнгил, дил. Рангим бўлди-ку зафарон Дилхонаси сенсиз вайрон. «Нигор ва Замон».

**ДИЛХОҲ** [ф-т] 1 Кўнгил истаган, дил хоҳлаган, кўнгил суйган. Ширвон элнинг барнолари, Сулувларнинг пошцолари, Йигитларнинг дилхоҳлари.. Туринглар, Чамбил кетамиз. «Равшан».

2 айн. дилтортар.

**ДИЛХУН** [ф-т] Каттиқ алам тортиб ёки хафагарчиликдан юраги қонга тўлган, хун бўлган. [Онаси] уни юпатгули.. сўз тополмай дилхун бўларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Болаларда дафтару қалам, синфда тахтаю бўр бўлса ҳам, ўқиб китобларнинг йўқлиги Ғулумжонни ёмон дилхун қилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДИЛХУНЛИК** 1 дилхун с. мавҳ. от.

2 Дилхун кишининг кайфияти.

**ДИЛХУШ** [ф-т] 1 Кўнгли шод, хурсанд. Дилхуш бўлмоқ. Дилхуш қилмоқ.

2 Дилни хушнуд этадиган, шодлантирадиган. Дилхуш оҳанг. ■ Кечаги ёмғирдан нишон ҳам қолмаган, хуш-

бўй шабада, дилхуш манзара, оромжон табият. И. Раҳим, Ихлос.

**ДИЛХУШЛИК** 1 дилхуш с. белги оти. Назирхон .. дилхушлик билан қулиб гапира бошлади.. Р. Файзий, Гўзал.

2 Кўнгли очиш, хурсандлик, хурсандчилик. Турдиевнинг шу вазоҳатини кўрган киши уни бир умр дилхушлик қилмаган .. дейди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ДИЛШИКАСТ(А)** [ф-т] Кўнгли синиқ, кўнгли вайрон; дилабгор. Энг ноёб соатлар, Шўрли мужикнинг Аяч тақдиридан Дилшикаста, қон. С. Зуннунова.

**ДИЛШИКАСТ(А)ЛИК** 1 дилшикаст(а) с. белги оти.

2 Дилшикаст кишининг кайфияти.

**ДИЛШОД** [ф-т] 1 Дили шод, хушнуд, хурсанд. Ҳар ким ўз севгани бирла дилшод. Тутқун эмас, эркин, ҳамда овоз. Ҳабибий. Обод уйимни у дилшод қилди. Ғ. Ғулум.

2 Дилшод (эркаклар исми).

**ДИЛШОДЛИК** 1 дилшод 1 с. мазҳ. от.

2 Хурсандлик, хурсандчилик. Узоқ-яқинларда турли-туман қушлар ўз тилларида дилшодлик қиладилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДИМ** 1 1 Шамолсиз ва нафасни қайтарадиган даражада иссиқ. Ёзнинг жазирема иссиқ кунлари, шамолдан асар йўқ, дим. М. Мухамедов, Қаҳрамон изидан. Ҳаво шу қадар иссиқ, дим эдики, эрталаб ўрилган пичан кечгача шақирлаб қуриб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ҳавоси етишмайдиган ёки оғир, нафасни бўғадиган; бўғиқ. Чодир ичи жим ва дим эди. Жўрабоев, Мулла Б. м. Утов дим бўлгани учун Юсуфжон анча вақтгача ухлай олмайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 Ичи ҳаво билан тўлган, ичига ҳаво дамланган. Ошман, тошдек оғир, пуфланган мешидек димсан. Бир кун наққа ёрилиб, ўлигинга эга бўлмасалар, шу. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДИМ** II 1 айн. жим. [Муларўзи Мулладўстга:] Дим! Оғзингизни парижон қилмай сабр қилиб турсангиз, шу ҳафта ичиди бўлади — қолади. Ҳамза, Майсаранинг иши. Ё. оғизга мўм солгандай қолмадим дим. Ғ. Ғулум, Кўкан.

2 Овоз чиқармай, гапирмай жим ўтириш ўйини. Дим ўйнамоқ.

**ДИМ** III диал. 1 Сира, асло. Ичкари кир, ёта бергин жойингга, Дим уларга қарай кўрма, чирогим. «Равшан».

2 айн. жула.— Аваз оға, сизга дим жабр бўлди,— деди [Шерозий]. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДИМИҚМОҚ** 1 Ҳаво бузуқлиги ёки етишмаслиги натижасида қийналиб нафас олмоқ, нафаси қаймоқ; бўғилмоқ. Қуртхонани вақт-вақт шамоллатмаса, қуртлар димиқади. ■ Ёғоч ўйини шифтини, деворларини аланга ялаётган вақтда тутунда димиққан, гўдак

қандай чирқиради экан? А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Нафас қайтарадиган даражада бузилмоқ, оғирлашмоқ (берк жойнинг хавоси ҳақида). Папирос, консерва, яна аллақандай қўланса ҳидлар билан димиққан ҳаво шошиб келган Ульяновнинг ўпкасига оғир ботди. А. Мухтор, Туғилиш.

3 Уралиб ётиб бўрсиб қолмоқ, айнимоқ, бузилмоқ. Овқат димиқиб қолди. Гўшт димиқибди. — Ёз бўйи ғўзаларни тўйдирган серунум тупроқ кул ранг ўғит билан аралашиб, настеа тушар, остки қатламнинг димиқиб ётган қора тупроғи юзага чиқиб товланарди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

**ДИМИҚТИРИЛМОҚ** димиқтирмоқ *фл. мажх. н.*

**ДИМИҚТИРМОҚ** димиқмоқ *фл. орт. н.* Ҳаммом кишини димиқтирадиган даражада иссиқ эди.

**ДИМЛАМА** 1 Димлаб, буг билан пиширилган. Димлама сомса. Димлама котлет.

2 Хом узиб, қалин нарсага ўраб, иссиқ тутиб етилтирилган. Димлама помидор. Димлама нок.

3 от Сув ўрнига кўп помидор ва сабзавотлар солиб, димлаб пиширилган жаркоп.

**ДИМЛАМОҚ** 1 Ҳовури чиқмайдиган қилиб ўраб қўймоқ. Сомсани димлаб пиширмоқ.

2 Бўғмоқ, тўсмоқ (сувни).

3 ўраб иссиқда етилтирмоқ (хом узилган мева ёки сабзавотни).

◆ Сигирни димламоқ *салб.* ўз вақтида соғмасдан елинини шиширмоқ (баъзилар сигирни бозорга солиш учун шундай қиладилар).

**ДИМЛАНМОҚ** димламоқ *фл. мажх. н.* Қизлар шу кунни кечаси билан ухламадилар. Чунки, суё димланиб, тўғон тупроқларини ювиб, ялаб турибди, хавф зўр. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДИМЛАТМОҚ** димлатмоқ *фл. орт. н.*

**ДИМОҒ** [ф-т] 1 *анат.* Бурун бўшлиғи билан оғиз бўшлиғининг туташадиган ери. Тутун димоғимни ачиштирди. Димоғни ёрадиган ҳид. — [Хотин] димоғи билан «қиҳ» этиб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Умарқул] .. ора-сира қандайдир бир қўшиқни димоғи билан хиргойи қилар эди. О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи. [Отабек] ўтириши ҳамоно димоғига ичкилик билан шўрва исси келиб урди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Аҳволи руҳия, кайфият. Димоғингиз чоғми? — Димоғлар чоғ, кайфлар тарақ, ҳамма шод.. Берди чолни қилар эди Эргаш ёд. М. Алави. Ойноқ белини маҳкам боғлади, кампирни сийлади, димоғини чоғлади. «Равшан».

3 кўчма Кибр-хаво, ўзини баланд тутиш, кеккайиш, такаббурлик. Димоғи баланд. Қалон димоғ. Димоғи кўтарилди (ишишди). — Такаббур, олиффа хонимлар димоғи билан кеккайиб, индамай ўтирарди. Ойбек, Нур

қидириб. Икки қарич сурпа экан қулоғи. Чу десанг, тоғларни чоғлар димоғи. «Равшан». У кишининг олдида ўн соат турсангиз ҳам, индамайди, шундақ димоғи баланд. Ойдин, Кўнги тўлдими, яхши йигит. Оббо! Раис бўлиб димоғи кўтарилди қопти-ку! С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **ДИМОҒГА КҮРТ** тушиди ёки димоғидан эшак кўрт ёғилади жуда ҳам кеккайиб, ҳеч кимни менсимай қўйди. Аввал уни муллаваччалар судради, кейин имонсиз мударрис ўзига маҳрам қилиб олди. Ана шундан кейин Мамараим афандининг димоғига кўрт тушиди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Аминжонбойнинг қизига уйланган Невъматилла хотинига теккан меросдан жуда бойиб, димоғидан эшак кўрти ёғадиган бўлиб қолди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

◆ **ДИМОҒИ КҮЙМОҚ** фириб емоқ, панд емоқ. Икки йил бўлди куйган эди димоғим. «Нигор ва Замон». **ДИМОҒ ҚИЛМОҚ** арзимagan нарсага аразламоқ, жаҳли чиқмоқ, зарда қилмоқ.

**ДИМОҒДОР** [ф-т] Димоғи шишган, кеккайган, бошқалардан ўзини баланд тутувчи; кибрли, мутакаббир. Мен баъзи кишиларга ажабланаман. Сал иш қилдим, дарров димоғдор бўлиб кетади. Шухрат, Шинелли йиллар. | Баланд парвоз, катта. Ҳар гал учрашувларда Холдор навбатдаги синовдан қўли баланд ўтганлиги ҳақида димоғдор гаплар қиларди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ДИМОҒДОРЛИК** 1 димоғдор с. белги оти.

2 Димоғдор кишиларга хос хатти-харакат; кибр.

**ДИМОҒЛАНМОҚ** Димоғи кўтарилди, кеккайиб кетмоқ, кибр пайдо этмоқ. Мунча димоғланиб кетибсан?

**ДИМОҒЛИ** *айн.* димоғдор. Ойболтадек салмоғли, Эшон ойлмдек димоғли. Эшон поччамга салом! Ҳамза.

**ДИМОҒ-ФИРОҚ** Ноз-истигно ёки зарда. Димоғ-фироқ қилмоқ. — Ҳай, сенинг димоғ-фироғинг кимга! А. Қаҳҳор, Йиллар.

**ДИН** [а] Илоҳий кучга ишонишга асосланган дунёқараш ва тасаввурлар. Ислоҳ дини. Христиан дини. Будда дини. — Дин ҳар ерда ва ҳамма жойда умр бўйи бошқаларга ишлаб, муҳтожлик ва ғарибликда ишаб келган халқ оммасини эзидиган руҳий зулм шакллари билан бирдир. В. И. Ленин, Социализм ва дин. Бир ғояда иш кўрди бой, эшонлар, Дин номидан бериб турли фармонлар. Меҳнат аҳлини эзиб, тўқдилар қонлар. Ғайратий. Диндан чиқмоқ (ёки қайтмоқ) 1) диннинг илгма, ҳақиқатга хилоф эканини англаб унга амал қилмай қўймоқ. Диндан чиқсанг, чиқ, элдан чиқма. Мақол. Яхши гап билан илон индан чиқади, ёмон гап билан мусулмон диндан чиқади. Мақол.

**ДИНАМИК** [р динамический] 1 Динамикага оид (қ. динамика 1); ҳаракат ва куч таъсири билан боғланган. Динамик куч.

2 кўчма Ҳаракатга, воқеа-ҳодисаларга бой; жўшқин. Ғафур Ғулом «Кўкан батрак» асарига Кўканнынг динамик образини яратган.

**ДИНАМИКА** [р<грек] 1 Механиканинг жисмлар ҳаракатини ва ҳаракат билан уни юзага келтирувчи куч ўртасидаги боғланишларни ўрганадиган бўлими.

2 Ҳаракат ҳолати; ўсиш, ривожланиш. Меҳнат унвдорлиги динамикаси. | кўчма Воқеа, ҳодиса, процесс ва ш. к.даги жўшқинлик. Музика асаридаси динамика.

**ДИНАМИТ** [р<грек] Асосий таркибий қисми нитроглицериндан иборат бўлган кучли портловчи модда (ҳарбий ва тоғ ишларида қўлланади). Тўхтасин полвон тик .. қоялар, тепалар тағидан ўйиб кириб, унинг остига динамит қўйиб портлатиб, дарё устига ағдарар экан. Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

**ДИНАМИТЧИ** Динамит ёрдамида портлатиш ишлари билан шуғулланувчи ишчи.

**ДИНАМО** [р] с. т. Динамомашина.

**ДИНАМОМАШИНА** [р] Электр токи ишлаб чиқарадиган машина, электр генератори.

**ДИНАМОМЕТР** [р<грек] Куч ўлчайдиган асбоб.

**ДИНАСТИЯ** [р<грек] *айн.* сулола 1. Романовлар династияси.

**ДИНГ:** қулоғи динг бирор шарпа, товуш ёки гапни эшитиб хушёр ва бирор нарса пайдан бўлиб турган киши ёки ҳайвон ҳақида. Иқбол деганда ўша қишлоқ йигитларининг қулоқлари динг бўлиб, оғиз боғичлари бир қарич қочади. С. Абдулла, Иқбол. Оғилхонадаси сигир таниш овозга қулоқларини динг қилиб, калта-калта мўлаша тушиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ДИНГИЛЛАМОҚ** с. т. Иккала орқа оёқни кўтариб ирғишламоқ, шаталоқ отмоқ, дирингламоқ. Той дингиллади. Бузоқ дингиллаб чопди. — [Абу] тойчаларга ўхшаб, дингиллаб чопадиган ҳам бўлди. Мирмуҳсин, Она.

**ДИНГИЛЛАТМОҚ** дингилламоқ *фл. орт. н.* Узоқдан Қўзибой, қўлтиғида папкаси, «Оқтойни дингиллаганча келаятган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ДИН-ДИНАТ** Дин ва диёнат, динга амал қилиш, диндорлик.

**ДИНДОР** [а+ф-т] Динга амал қилувчи, худога, динга ишонувчи. Мулла Обид ҳар қанча диндор бўлса ҳам, Хатиб домланинг ғаразсиз бир киши эканлигига унча ишонмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДИНДОРЛИК** диндор с. белги оти.

**ДИНДОШ** [а+ф-т] Бир диндаги кишилар (бир-бирига нисбатан). [Салоҳиддин:] Қаердаки мусулмон дунёсиза дуч келсам, одамлар беш вақт намозларида дуога қўл очиб, сиз туркистонлик диндошларига нажот тилаганини кўрдим. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ДИНИЙ** [а] Динга оид, динга алоқа-дор бўлган, динга, рухониятга тегишли. **Диний ақидалар.** — Гражданилар учун виждон эркинлигини таъминлаш мақсадида ЎзССРда диний муассасалар давлатдан .. ажратилгандир. «ЎзССР Конституцияси».

**ДИНИЯ** [а]: диния назорати эск. диний назорат. **Мадрасаи диния** мусулмон шарқидан олий диний ўқув юрти.

**ДИНЛИ** айн. диндор.

**ДИНОР** Ливия, Тунис, Ироқ, Югославия, Яман, Жазирда пул бирлиги.

**ДИНСИЗ** 1 Динга амал қилмовчи, динга, худога ишонмовчи; атеист, дахрий.

2 Диндорлар назарида: худодан, диндан қайтган, кофир, шаккок. *Бу динсиз ғойибдан хабар беришни даъво қилиб, ўзини худого шерик қилибди-да!* Айний, Эсдаликлар.

**ДИНЧИ** айн. диндор. *Динчи одам.*

**ДИНҒ** тақл. с. Торни чертганда чиқадиган товуш ҳақида. *Дутор динғ этди.*

**ДИНҒ-ДИНҒ** динғ с. тақр. *Дуторим динғ-динғ этади, Ичида мош бормикин!* «Фольклор».

**ДИНҒИЛЛАМОҚ** с. т. Динғирламоқ.

**ДИНҒИЛЛАТМОҚ** динғирламоқ *фл. орт. н. Дуторни динғиллатмоқ.*

**ДИНҒИР** тақл. с. «Динғ» тарзида эшитилган узлуксиз овоз ҳақида.

**ДИНҒИР-ДИНҒИР** динғир с. тақр. *Динғир-динғир қилмоқ. Дуторнинг динғир-динғири эшитилмоқда эди.*

**ДИНҒИРЛАМОҚ** «Динғ-динғ» тарзида овоз чиқармоқ. *Қаердандир дуторнинг динғирлаган овози келяпти.*

**ДИНҒИРЛАТМОҚ** динғирламоқ *фл. орт. н.— Мана, шамол ҳам ғивиллаб қолди,— деди чойхоначи челақни бармоқлари билан динғирлатиб.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДИПЛОМ** [р<фр] 1 Олий ёки махсус ўрта билим юртини битирганлик ёки бирор илмий унвон, илмий даража берилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома. *Илмиёзли диплом. Техника фанлари кандидати дипломи. Диплом олмоқ.*

2 Университет, институт ва ш. к.ни битириб, шундай ҳужжат олиш мақсадида бажарилган иш, тадқиқот ёки проект. *Диплом гиши. Диплом (иши) ёзмоқ. Дипломни ҳимоя қилмоқ.*

3 Бирор ҳуқуқ ёки мукофот берилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома. *Қишлоқ хўжалиқ виставкасининг дипломи. Боксдан жаҳон чемпиони дипломи.*

**ДИПЛОМАНТ** [р] 1 Олий ёки махсус ўрта ўқув юртини битириш дипломи устида ишлаётган студент.

2 Диплом билан мукофотланган киши. *Конкурс дипломанти.*

**ДИПЛОМАТ** [р<фр] 1 Чет мамлакатлар билан расмий алоқа қилиш ёки музокаралар олиб бориш учун ўз ҳукумати томонидан вақил қилиб тайин этилган лавозимли киши. *Совет*

*дипломати. Дипломат бўлиб ишламоқ.*

2 с. т. Иш, гап, муомалада уста киши ҳақида. *Жуда дипломат бўлиб кетибсиз-ку.*

**ДИПЛОМАТИК** [р дипломатический] 1 Дипломатияга, давлатнинг чет мамлакатлар билан бўладиган муносабатларига ва дипломатларга оид. *Дипломатик ваколат. Дипломатик корпус бирор мамлакат ҳукумати хузуридаги чет эл дипломатлари.*

2 *кўчма* Чуқур ва нозик ўйлаб, эҳтиётлик, усталик билан айтилган, қилинган. *Дипломатик жавоб.* — *Шундай бўлса ҳам.., деган маънони ўзи, дипломатик равишда, хотини ва қизи орқали очикдан-очик Саудийга билдирар эди.* А. Қаххор, Сароб.

**ДИПЛОМАТИЯ** [р] 1 Давлатнинг ташқи халқаро сиёсатини амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти. *Совет дипломатияси. Дипломатия каналлари.* — *Ўрта аср ўзбек дипломатиясининг йирик намоёндаларидан бири Абдураззоқ Самарқандий.. атоқли тарихчи олим ҳамдир.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 247.

2 с. т. Бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала.

**ДИПЛОМЧИ** айн. дипломант 1.

**ДИР қ. дир(р).**

**ДИРАМ** [ф-т<а дирхам] 1 тар. Бухоро хонлиги, Эрон ва Ироқда оғирлиқ ўлчов бирлиги.

2 тар. Бухоро хонлигида, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги.

3 Марокашда пул бирлиги.

4 эск. Умуман танга, пул. *Киссангда дирამинг йўқ, киссаурдан ғаминг йўқ.* Мақол.

**ДИР-ДИР** дир с. тақр. *Дир-дир титрамоқ (қалтирамоқ).* [Жамила ўз-ўзига:] *Ғофиржонни кечадан бери ахтараман. Пешанам қурсин, пешанам! Юрагим ўйнайди.. Дир-дир титрайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳатам тўра дир-дир қалтирар эди.* А. Қодирй, Утган кунлар.

**ДИРДОВ** Озгин, қирчанги (асосан уй хайвонлари ҳақида). *Дирдов от. Дирдов қўй. Бунақа дирдов сигирларнинг ўнчасидан битта говмиши афзал.*

**ДИРЕКТИВ** [р директивный] 1 Директива бўладиган, йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган, дастур бўлиб хизмат қиладиган. *Партиямиз Марказий Комитетининг директив хати. Директив план.*

2 с. т. Директива.

**ДИРЕКТИВА** [р<фр] Юқори раҳбар органлар томонидан берилган ва бажарилиши мажбурий саналган йўл-йўриқ, дастур, кўрсатма. *Партия директивалари. Ҳукуматнинг колхоз қурилиши ҳақида чиқарган директивалари. Директива олмоқ.*

**ДИРЕКТОР** [р<лат] Корхона, муас-

суда. *Совхоз директори. Завод директори. Мактаб директори.*

**ДИРЕКТОРЛИК** директор с. мавҳ. от. *Директорлик вазифаси. Директорлик қилмоқ.*

**ДИРЕКЦИЯ** [р] 1 Корхона, муассаса, ўқув юртининг директор бошчилигидаги раҳбарлик аппарати. *Дирекция состави. Дирекциянинг қарори. Дирекциянинг топшириғи.*

2 Шу аппарат ўрнашган хона, бино. *Дирекцияга кирмоқ.*

**ДИРИЖАБЛЬ** [р<фр] Ичига тўлдирилган газ кучи билан ҳавога кўтарилиб, мотор билан юргизиладиган, ҳаводан энгил учиб аппарати.

**ДИРИЖЁР** [р<фр] Оркестр ёки хорни, опера ёки балет спектаклида эса оркестрни, хорни ва барча ижрочиларни бошқариб боровчи раҳбар. *Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг дирижёри.* — *Дирижёр театарди.* С. Аҳмад, Музиқали воқеа.

**ДИРИЛЛАМОҚ** 1 Титраш, тебраниш натижасида дир-дир овоз чиқармоқ. *Салот зарбидан дерзаларнинг ойнаси дириллаб кетди.*

2 Силкинмоқ, тебранмоқ, зирилламоқ. *Бадани дириллайди. Юрагим дириллаб кетди.*

**ДИРИЛЛАТМОҚ** дирилламоқ *фл. орт. н. Паровоз гудиси эшитилди. Унинг узундан-узоқ чўзиқ қичқириши вокзални дириллатиб юборди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ДИРИНГ-ДИРИНГ** тасв. с.: **дириг-дириг** сакрамоқ (ёки ўйнамоқ) диқ-диқ сакрамоқ, диканглаб ўйнамоқ, ўйноқламоқ. *Куйилиб турган шароб, там-тамларнинг қора қошлари.. меҳмонларни дириг-дириг ўйната бошлади.* Ғ. Ғуллом, Қон ҳиди келади.

**ДИРИНГЛАМОҚ** Диқ-диқ сакрамоқ, дикангламоқ, иргншламоқ, ўйноқламоқ. *Отам бир йил эшак сотиб олди.. уни ҳар ким миномас эди, минган одамни диригглаб, устидан отиб ташларди.* Айний, Эсдаликлар.

**ДИРИНГЛАТМОҚ** дириггламоқ *фл. орт. н.*

**ДИРК** тасв. с. Силкиниб, тебраниб турувчи нарса, ҳаракат ҳақида.

**ДИРК-ДИРК** дирк с. тақр. *Думба ёғи дирк-дирк қилиб турибди.*

**ДИРКИЛЛАМА** Диркиллаб турадиган; лорсиллаган. *Диркиллама бадан.*

**ДИРКИЛЛАМОҚ** «Дирк-дирк» ҳаракат қилмоқ, лорсиллаб турмоқ. *Майин эсун деб, юқори сифатли қўй ёйшти, диркиллаган думба ёғидан айриламиз денг.— Шербек ёғиз ўзи кетаётиб ўйга чўмди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ДИРКИЛЛАТМОҚ** диркилламоқ *фл. орт. н. Бедовимни диркиллаб, Туг байроқни селкиллаб. Ҳар кўчганда тўплар отиб, Элма кеткали келдим.* «Гўрўғди».

**ДИР(Р)** 1 тақл. ва тасв. с. Тебраниш натижасида ҳосил бўладиган ҳаракат ва товуш ҳақида. *Учиб ўтган*



самолёт зарбидан деразалар дир этиб кетди.

2 Отни тўхтатиш учун ишлатиладиган ундов сўз.

**ДИРҲАМ** [а] айн. дирам.

**ДИСГАРМОНИЯ** [р<лат+грек] муз. Гармониянинг, уйғунликнинг йўқлиги ёки бузилиши, гармониясизлик, оҳангдош эмаслик.

**ДИСК** [р<грек] 1 Машина, механизм ва ш. к.нинг тўғарак қисми. *Пахта териш машинасининг диски. Борона диски. Телефон диски.*

2 спорт. Қўл билан узоққа отиладиган ялпоқ металл гимнастика асбоби.

3 җарб. Пулемёт, автомат, милтик ва ш. к.нинг тўғарак шаклдаги ўқдон. — *Дискда ўқ тўла эди. Майли, пайти келганда биронтасини ҳам бекор кетказмаймиз,— деди майор.* Ойбек, Куёш қораймас. *Қўприкка икки томондан ўқ ёғилди. Чернецов автоматнинг дискини янгилаб олган, сакраб баландликка чиқди—да, ўқ уза бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДИСКА** с. т. Диск.

**ДИСКУССИОН** [р дискуSSIONный] Дискуссияга, мунозарарага оид; мунозарали, тортишувли. *ДискуSSION макала.*

**ДИСКУССИЯ** [р<лат] Бирор масалани тўғри ҳал қилиш учун матбуотда ёки йиғилишда ўтказиладиган эркин, оммавий муҳокама, мунозара. *Орфография масалаларига бағишланган дискуссия. Илмий дискуссия.*

**ДИСЛОКАЦИЯ** [р<фр] 1 җарб. Ҳарбий қисмларнинг мамлакат бўйлаб жойлашуви ёки жойлаштирилиши, флот кемаларининг портларга бўлиб бириктирилиши. *Погодин Чайка дарёси бўйидаги ўз қисмига ўрмон ичи, пана йўллар билан қайтди ва машинадан тушиши биланок, янги дислокация ҳақида дивизияларга хабар юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 геол. Ер қобиғи қатламлари дастлабки жойланишининг бузилиши, ўзгариши.

3 мед. Синган ёки чиққан суякнинг жойидан силжиши.

**ДИСПАНСЕР** [р<фр] Касалларни даволаш, касалликнинг олдини олиш, уларнинг тарқалиши ва улғайишига йўл қўймаслик учун доимий кузатиш олиб бориш билан шуғулланувчи тиббий муассаса. *Тери ва таносил касаллари диспансери. Онкологик диспансер.*

**ДИСПЕПСИЯ** [р<лат+грек] мед. Кўпинча болаларда бўладиган хазм органлари касаллиги, хазм органлари ишнинг бузилиши.

**ДИСПЕТЧЕР** [р<ингл] махс. Транспорти воситалари ҳаракатини ёки корхонадаги иш жараёнини телефон, сигнализация, телевизор ва ш. к. орқали марказий бир жойдан туриб тартибга солиб, бошқариб турувчи ходим. *Темир йўл диспетчери. Диспетчер бўлиб ишламоқ.* — *Республикамиз саноат корхоналарида айрим тармоқлар ва иш*

жараёнлари .. автоматлашган ҳамда диспетчер ёрдами билан идора қилинмоқда. «К. Ўзбекистон», 1959, 11 июль.

**ДИСПЕТЧЕРЛИК** диспетчер с. маъ. от. *Барча нефть қудуқлари битта диспетчерлик пунктидан бошқарилмоқда. «ЎзССР иқтисодий географияси».*

**ДИСПРОПОРЦИЯ** [р<лат] Пропорционалликнинг йўқлиги, бутун нараса қисмларининг бир-бирига тўғри, мос келмаслиги, номуносиблик. *Планларни бажариш жараёнида қарама-қаршилик ва айрим диспропорциялар борлиги аниқланди. «К. Ўзбекистон», 1962, № 64.*

**ДИСПУТ** [р<лат] Илмий, адабий ва ш. к. темаларда ўтказиладиган оммавий мунозара, дискуссия. *Меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашда диспутлардан .. муттасил фойдаланиш керак. «К. Ўзбекистон», 1963, 5 сентябрь.*

**ДИССЕРТАНТ** [р] Илмий даража олиш мақсадида ўз илмий ишини, диссертациясини илм-фан ахллари ўртасида химоя этувчи киши. *Диссертантга сўз берилди.*

**ДИССЕРТАЦИЯ** [р<лат] Илмий даража олиш мақсадида ёзиладиган ва илм-фан ахллари орасида химоя қилиш учун тақдим этиладиган илмий-текшириш иши. *Кандидатлик диссертацияси. Докторлик диссертацияси. — Истасанг, қишлоқдан аямини олдириб келай, истасанг, синглим келиб турсин, диссертациямини битказиб олай.* С. Аҳмад, Кадрон даладар.

**ДИССИМИЛЯЦИЯ** [р<лат] 1 биол. Организм фаолияти жараёнида қабул қилинган мураккаб органик моддаларнинг ажралиши, ўзгариши; *акси ассимиляция.*

2 лингв. Сўзларни талаффуз этганда артикуляция ўрни ёки усули жиҳатдан ўхшаш товушлардан бирининг ўзгариши, бошқа ноўхшаш товуш билан алмашинуви.

**ДИССОНАНС** [р<фр] муз. Товушлар уйғунсизлиги, ҳамоҳангликнинг, уйғунликнинг йўқлиги ёки бузилиши; *акси консонанс.*

**ДИССОЦИАЦИЯ** [р<лат] 1 хим. Молекулаларнинг таркибий қисмларга ажралиши.

2 психол. Психик жараёнлардаги боғланишнинг бузилиши.

**ДИСТАНЦИОН** [р дистанционный] Масофадан таъсир этадиган, бошқарадиган. *Дистанцион найча. Дистанцион бошқарув.*

**ДИСТАНЦИЯ** [р<лат] 1 Масофа, оралиқ. *Колоннадаги машиналар ўртасида дистанция 50 метр бўлмоғи керак.*

2 спорт. Старт ва финиш оралиғидаги масофа.

3 Темир йўлларнинг ва шунингдек оддий сув йўлларининг маъмурий-техникавий участкаси.

**ДИСТИЛЛАМОҚ** Дистилляция йўли билан тозаламоқ, соф суюқлик ҳосил қилмоқ.

**ДИСТИЛЛАНМОҚ** дистилламоқ фл. мажх. н. Дистилланган сув.

**ДИСТИЛЛЯЦИЯ** [р<лат] Суюқликни бугга айлантириб яна совутиш йўли билан тозалаш, шу йўл билан соф суюқлик ҳосил қилиш.

**ДИСТРОФИК** [р] Дистрофия билан касалланган киши.

**ДИСТРОФИК** [р дистрофический] Дистрофияга оид. *Дистрофик ўзгариш.*

**ДИСТРОФИЯ** мед. Аъзо, тўқима ва умуман организмнинг озикланиш функцияси бузилишдан иборат касаллик. *Жигар дистрофияси. Юрак мушаги дистрофияси.*

**ДИФТЕРИТ** [р<грек] айн. дифтерия.

**ДИФТЕРИЯ** [р<грек] мед. Кўпинча болаларда бўладиган, томоқнинг ва бурун шилиқ пардаларининг яллиғланиши билан кечадиган оғир юқумли касаллик; бўғма. *Дифтерия касали. Дифтерия билан оғримоқ.*

**ДИФТОНГ** [р<грек] лингв. Икки унли товушнинг бир бўғнида бириктирилиши ва шундай бириккан товушлар (мас., немис тилидаги «аи» каби).

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ** I [р<лат] 1 мат. Эркин ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик ихтиёрий ортмаси.

2 тех. Машина ва механизмларнинг турли қисмларига турлича айланиш имконини берадиган механизм.

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ** II [р дифференциальный] I Турли шароитда турлича бўладиган, бир хилда бўлмайдиган, тафовутли. *Дифференциал тариф. Дифференциал рента. Дифференциал ёндашиш. — Дифференциал рента ишлаб чиқаришнинг индивидуал қиймати билан ишлаб чиқаришнинг юқори қиймати ўртасидаги тафовутдан иборатдир.* В. И. Ленин, Биринчи рус революциясида социал-демократиянинг аграр программаси.

2 мат. Дифференциалга оид. *Дифференциал геометрия.*

**ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ** [р<лат] Бир-биридан фарқлаш ёки фарқланиш, бирор фарқига қараб ажратиш ёки ажралиш.

**ДИФФЕРЕНЦИАЛАМОҚ** I Бир-биридан фарқламоқ; табақаларга, таркибий элементларга ажратмоқ.

2 мат. Дифференциални топмоқ, дифференциални ҳисоблаб чиқмоқ (қ. дифференциал I I).

**ДИФФЕРЕНЦИАЛАНМОҚ** дифференцияламоқ фл. мажх. ва ўзл. н. *Дифференцияланган иш ҳақи.*

**ДИФФЕРЕНЦИАЛАШ** I дифференцияламоқ фл. иш оти.

2 айн. дифференциация.

**ДИФФУЗ** [р диффузный]: диффуз товушлар лингв. қоришиқ товушлар.

**ДИФФУЗИЯ** [р<лат] физ. Бирор модда зарраларининг бошқа модда орасига секин-аста ўтиб, кириб бориши. *Газлар диффузияси. Суюқликлар диффузияси.*

**ДИЭЛЕКТРИК** [р] Электр токини ўтказмайдиган модда; изолятор.

**ДИЭЛЕКТРИК** [р диэлектрический] Электр токини ўтказмайдиган. *Диэлектрик моддалар.*

**ДИҚҚАТ** [а] 1 *от* Фикр, эътибор, фикр-зиқр, фикр-ёд. *Акрамжон, бутун диққати хотинида бўлгани учун, мени пайқамди.* А. Қаххор, Минг бир жон. | Назар-эътибор, илтифот. [Кумуш] *очолари орасидаги чигилларни диққат билан тараб, жом ёнига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қудрат чолларнинг гапларини жуда диққат билан эшитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Диққатга сазовор (ёки лойиқ) ёки шоёни диққат эътибор этишига арзийдиган, эътиборни ўзига торталган. Диққатга сазовор гап.* — [Наби қари:] *Хўжаев афандининг фикри-зиқри шоёни диққат.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **ДИҚҚАТНИ ЖАЛБ ЭТМОҚ** (ёки **ТОРТМОҚ**) 1) эътиборни бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ, эътиборни бирор нарсага қаратмоқ. *Лектор тингловчиларини диққатини шу масалага тортди;* 2) бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратмоқ. *Тебранин айтган шам зўр муъжизадай ҳам-манине диққатини жалб қилган эди.* А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши. — 2 *сфм* Зўр эътибор талаб этадиган, юракни сиқиб юбарадиган, оғир, машаққатли. *Диққат иш.* | Зериктирадиган, зерикарли, мароқсиз. *Диққат гап.* **ДИҚҚАТ БЎЛМОҚ** ёки **ДИҚҚАТИ ОШИМОҚ** бўғилмоқ, сиқилмоқ; зерикмоқ. *Унинг [Раъноқини] диққати ошиб кетган, тиқ этса эшикка қараб қўймоқда.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **ДИҚҚАТ ҚИЛМОҚ** 1) эътибор бермоқ; илтифот қилмоқ; 2) бўғмоқ, юракни сиқмоқ; зериктирмоқ.

3 *кесим* *вазифасида* Бўғилган, юраги сиқилган. *Ўзи диққат, хуноб, лекин тез-тез ҳалда кетарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳозир диққатман, кўлмайман. Борар юртимни билмайман.* «Муродхон».

**ДИҚҚАТВОЗЛИК** Диққати ошган, юраги сиқилган, бўғилган кишининг ҳолати; хунобгарчилик, | Шундай аҳволни юзага келтирадиган ҳолат, шароит. *Муқимий .. тарик ўраётган бир тўда деҳқонларни кўриши билан табиатидаги бир дамли раъванлик ўрнини яна диққатвотлик эгаллаб олди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

**ДИҚҚАТЛАНМОҚ** Диққат бўлмоқ, юраги сиқилиб асабийланмоқ, бўғилмоқ. *Отабек диққатланди.* — *Қилчоқлар эканини билдим, аммо гуноҳлари нима деб сиздан сўрайман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДИҚҚАТСИЗ** Диққат этмайдиган, эътибор бермайдиган, бепарво, эътиборсиз.

**ДИҚҚАТСИЗЛИК** 1 *диққатсиз с. белги оти.*

2 *Ишга бепарво қараш, бепарводлик.* **ДИҚҚАТЧИЛИК** *айн.* *диққатвотлик.* *Ҳасан оғчи оғлигини ҳам унутган, диққатчилик унинг циттаҳасини бўғиб қўйганди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР** Диққат ва эътибор. *Диққат-эътиборини тортмоқ.*

**ДИҚҚИНАФАС** 1 Нафас сиқилишлик; нафаси сиқиладиган. | *Кўчма* Юраги сиқилиб асабийланган; хуноб. *Диққинафас одам.* — *Сайхат қилиб дайдиб юришга одатланган бир киши бўлгани учун қопқонга ўхшасан бу дўконда диққинафас бўлиб ўлаётдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Нафасни сиқадиган, бўғадиган; оғир, бўғиқ. *Яна ўша атир ҳидига тўлган диққинафас хона, деворда яна ўша оққуш суратли арзон гилам.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ўйнинг диққинафас ҳавоси менга тўғри келмади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ДИҚҚИНАФАСЛИК** *диққинафас с. белги оти.* [Зебо:] .. *мени севадим?* Чиндан севадим, ёки мусофирликнинг диққинафаслигидан ўзини менга яқин тутиб юрадим? Шухрат, Шинелли йиллар.

**ДО** [р<итал] Музыка гаммасининг биринчи товуши ва шу товушнинг билдирувчи нота.

**ДОВ** I [ф-т] I Қадди баланд, йўғон ва бақувват. [Йўли] *серсоқол, дов асқар билан олишиб, икки мушт билан уни гаранглатдида, чапдастлик билан қиличини суғуриб олди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Дўриллади раис — дов қомат.* Зўр қўлларин белига тираб. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *кўчма* Дадил, журъатли. *Кўнгли (ёки юраги) дов бермади* ботина олмади, журъат қила олмади. [Хожия] *анчагача юраги дов бермай юрди-да, Қумричининг қистови билан охири буғун журъат қилди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДОВ II** [а] Ҳақ-хуқуқни тасдиқлаш ёки қондириш ҳақидаги талаб, даъво. *Ботир ёда биланар, сўзни довада.* Мақол. *Қамбағалининг ови юрмас, ови юрса ҳам дови юрмас.* Мақол. — *Йиғитлардан бири .. йўғон товуш билан атрофга бонг урди: «Юравер! Йиғитлар, юравер! Майдонга рўй-рост чиқиб, ҳақимизни дов қиламиз!».* Ойбек, Қутлуг қон.

**ДОВ III** [ф-т] Қиморда ўртага тикилган пул ёки бошқа қимматли нарса. *Қиморда мени дов тикмасайди, яна бировага ютқинмасайди, деб қўрқар эдим, деди Хожия хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДОВ-ДАРАК** *айн.* *дом-дарак.* Дўстнинг дов-дарасини суриштириш учун Қоратой темирчи елиб югурди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ДОВ-ДАРАХТ** с. т. Ҳар қандай дархат, хар хил даррахтлар.

**ДОВ-ДАСТАК** *айн.* *дов-дастгоҳ.* Дов-дастакни йиғиштирмоқ (ёки кўтармоқ) *айн.* *дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ қ. дов-дастгоҳ.*

**ДОВ-ДАСТГОХ** с. т. Дўкон-дастгоҳ. *Дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ (ёки кўтармоқ) бор-йўғини йиғиштириб жўнамоқ.* *Ҳамроқул наридан-бери дов-*

*-дастгоҳини йиғиштириб жўнади.*

А. Қаххор, Томошабор.

**ДОВДИР** Телба-тесқари иш қиладиган, телбанамо, думбул. *Э, таяба, зеномда биттагина эркак-у, у ҳам бўлса хаёлпараст .. Бу довдирни нима қилсам экан энди? З. Фаткуллин, Оби ҳас.* || **Довдир** гап телба-тесқари, ботайин гап. *Унинг [Зайнабнинг] бу довдир гаплари галаба қозонмоқчи бўлган Кумушни довдиратди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДОВДИРАМОҚ** I Гандиракламоқ, алпон-талпон ҳаракат қилмоқ. [Холжон хола] *боши алданиб, довдириб, кўзини очса, тепасида Салим ака бошини ушлаб, буришдан бетларини силамоқда эди.* Ғайратий, Довдираш. [Муҳаммад Жамол] *эшикдан кириб келган Аҳмад Хусайини ва қизни кўрган, довдириб, гавдасини кўтарди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Телба-тесқари, чалқаш-чулқаш гаплар гапирмоқ, валдирамоқ. *Вой довдир, нима деб довдириятсан ўзини? Қиз ўзини қайнаганга осонлик билан кўрсадими?* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўзини йўқотмоқ, саросимага тушиб, гангиб қолимоқ. *Муаллимнинг тўсатдан берган саволи қорисиди довдираган бола каби, тарабдулланиб, жавоб беришга уринди Абдушукур.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ДОВДИРАТМОҚ** довдирамоқ *фл. орт. н.* *Қийинчиликлар [кишини] гоҳо довдириштириб қўяди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДОВЛАМОҚ** с. т. Ҳақ-хуқуқ талаб қилмоқ, дов, даъво қилмоқ. *Бу қилган ишини кўнглим тўлмайди. Сенинг қилган ишини ишдай бўлмайди. Хун довлайман, нима жавоб берсан?* «Алпоминш».

**ДОВЛАШМОҚ** довлалоқ *фл. бирг. н.* *Кучли билан курашма, молли билан довлашма.* Мақол.

**ДОВОЛ** *диал.* Девор.

**ДОВОН I** I Тоғ ёки тепаликнинг ошиб ўтса бўладиган қулай жойи; ошув. *Қашқар довони.* — *Машина довон тепасига кўтарилар экан, деразадан салқин шамол урилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Уроқчилар Қайнарда довон ошиб тушганларида офтоб найза бўйига келганди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Кейинги ишларга йўл очиб берадиган катта, улкан иш; қийин марра. *Оила қуриш нақадар юксак довон эканини Маҳкам энди биринчи марта .. ҳис қилмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Меҳнат фронтида довонлар ошиб, Ёзилсақ шун турмуш дафтарица ҳам. Ғайратий.*

**ДОВОН II** Тўқувчиларнинг ишхонасида икки устуннинг тепа оралиғига ўрнатилган ва устидан учига тош боғланган таңда ошириб қўшиладиган ёғоч гаятак.

**ДОВОТ** [а] *эск. айн.* *сиёҳдон.* [Аваэ тоқчадаги лос солинган довот, қамич қалам ва қоғозни олиб, хонтахта устига қўйди.] Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДОВРУК 1** Донг, шухрат, машхурлик. *Пахта, ипак, қоракўл, Бойликларинг мунча мўл. Довругинг зўр дунда эй, Бўхоро! Ё. Мирза. Келинг ёртоқ, борайлик, Оқ олтинлар терайлик. Планларни ошириб, Ўрта доврүк солайлик.* «Кўшиқлар».

**2** Миш-миш гап, хабар, шов-шув. *Ўттиз икки танга [солиқ] доврүги гузар аҳлининг юракларини уюштириб, бунни эшитиш биланоқ исенга қўл қўйдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Унинг [Тожибойнинг] юмушбилан Тошкентга бориб келгани Қамишқапада хийла доврүк бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳамма вақт шамол-тўпалондай доврүк солиб юрадиган Погодин жимгина ўтирарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**ДОВРУКЛИ** Довруғи кетган; донг, шухрат чиқарган. *Довруқли пахтакор.*

**ДОВУЛ 1** Кучли, емирувчи бўрон. *Довул турди. Довулада қолмоқ.*

**ДОВУЛ 2** эск. Овчилар, тўпчи қоровуллар ёки ҳарбийлар учун белгиланган махсус ноғора. *Довул ҳар вақт миришабнинг ўзи ёки унинг ўринбосари шаҳарни айланиб юрганда чалинарди. Айний, Дохунда.*

◆ **Довул қоқмоқ (ёки чалмоқ) 1)** қаттиқ овоз чиқармоқ, гумбулламоқ. *Момақалдирақ ваҳимали довулини қоқиб, гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда нақмоқ чақар эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси; 2) бонг урмоқ. Сиз деб қоқдим, яна балким қоқарман, Исён довулини, қаттиқ қоқарман. С. Абдулла, Тоқир ва Зухра.*

**ДОВУР** кўм. (ж. к. билан) Қадар, гача. *Соат иккига довур. Қишга довур. Кечга довур.*

**ДОВУЧЧА** диал. Ҳали пишмаган ўрик, фўра. *Нарироқда қўринган бир неча туп ўрик остида бир неча бола.. қамиш қармоқ кўтариб, довучча узиб оёра бўладилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**ДОВУШ** с. т. Товуш, овоз. **ДОВЮРАК** Қўрқмас, ботир, юракли. *Довюрак одам. Довюрак солдат.* ■ *Эй, қаҳрамон довюрак, жасур, улуғ халқ, Қудратингдан йўқ бўлди хўрлик, асорат. Ғайратий.*

**ДОГМА** [р <ерек] Танқидий текширмай, кўр-кўрона қабул қилинган қонун-қоида, фикр; ақида. *Бизнинг таълимотимиз догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланмадир. В. И. Ленин, Муваққат ҳукуматга муносабат ҳақида.*

**ДОГМАТИЗМ** [р] Доғмаларга, ақидаларга асосланган тафаккур; эскирган, қотиб қолган назария ва қонун-қоидаларга танқидий қарамай кўр-кўрона ишониш; ақидапарастлик. *Доғматизм ва формализмга қарши кураш.*

**ДОГМАТИК** [р] Доғматизм тарафдори; ақидапараст. *Доғматикларни ва қироатхонларни турмуш улақтириб ташлаганлигини ва улақтириб ташлаганлигини кўриб турибмиз.* «Қ. Ўзбекистон», 1962, 23 ноябрь.

**ДОГМАТИК** [р доғматический] Доғ-

матизмга, догма ва ақидаларга асосланган. *Доғматик қарашлар.*

**ДОД** [ф-т] 1 унд. с. Рухий ёки жисмоний азобга чидай олмай чиқарилган қаттиқ товуш; бақирик, фарёд. *Оғриқдан дод демак. ■ Шунча одам тош отганда «вой!» демаган бояги одам укаси отган увада текканда «дод!» деган экан. А. Қаххор, Кўшчинор. [Ҳадича буви:] Дод, золимларнинг дастидан, дод! М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ҳавф-хатардан ёки кўркувдан ёрдамга чақириб чиқарилган қаттиқ овоз; бақирик. *Дод солмоқ. ■ — Дод! Вой дод! Қароқчилар босди! — довом орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ойшабону, эрини биров бўғиб ўлдирётгандек, дод сола бошлади. Х. Ғуллом, Машғал.**

**2** кўма Адолатсизлик ёки азоб-укубатдан нолиб қилинган арз, шикоят, афғон. [Домла:] *Қани, додинани айт, нима додинг бор? [Ғофир:] Зулмдан, жафолардан биз шўрнинг қургурлар кимга дод деймиз? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Додига етмоқ ёки додига қулоқ солмоқ шикоятини, арзини тингламоқ. Додингни худого айт! эск. арзингни, шикоятингни ҳечким тингламайди, дод дейишинг фойдаси йўқ.*

◆ **Додини бермоқ 1)** таъзирини, адабини бериб қўймоқ, қилмишига яраша чора кўрмоқ. *Зарқишлоқликларнинг таъбири билан айтганда [Бўтабой] «Ислоҳотда муштумэўрларнинг додини берган» йиғит эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Тўхтаб тур, ҳали, уйга борарку, бир додини берай! Ойдин, Ўзи монанд; 2) ўлдирмоқ, қирмоқ. Ов овланин тоғу тоиларда юриб, Неча душманларнинг додини бериб. «Ёлгор».*

**ДОДА** диал. Дада, ота. **ДОД-БЕДОД** [ф-т] Нола, арз-дод, фигон, афғон. *Сафарқул ... дарёдан ўтиб Ширинилар қишлоғига яқинлашганда.. қишлоқдан чиқётган «дод-бедод!» ва «вой дод!» садолари уни жуда ҳайратга солди. Айний, Куллар.*

**ДОД-ВОЙ 1** Дод солиш, додлаш; бақирик, фарёд. *Қоронги уйда ур-йиқит тўполон, муштлиш, отишма, дод-вой бошланди. Х. Ғуллом, Машғал.*

**2** кўма Нола, афғон. *Улуғ Октябрнинг тонгидаёқ Ватанимизнинг душманлари пролетариат революциясидан шикоят қилиб дод-вой кўтардилар. С. Қосимов, Партия ва адабиёт.*

**ДОДЛАМОҚ** Рухий ёки жисмоний азобга чидай олмай қаттиқ овоз чиқармоқ, бақирмоқ. | *Қаттиқ овоз чиқариб йиғламоқ, фарёд солмоқ. Кампир додлаганича бориб, ўглининг ўлиги устига ўзини ташлади. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Ари боланинг қулогини чақиб олди, бола додлаб юборди. «Эртаклар». | Ёрдамга чақириб дод солмоқ. Уйлардан додлаш, ўқ овозлари эшитилди: — Шаҳарни босмачилар босган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

**ДОДЛАТМОҚ** додламоқ *фл. орт. н.* **ДОДЛАШМОҚ** додламоқ. *фл. бирг. н.*

**ДОД-ФАРЁД** Дод ва фарёд, дод-вой. *Дод-фарёд қилмоқ. ■ Аёллар дод-фарёд кўтариб, муштлашганларни ажратишга чақира бошладилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ДОД-ФИҒОН** Дод ва фиғон, дод-вой. *Дод-фиғон кўтармоқ. Дод-фиғон қилмоқ.*

**ДОДХОҚ** [ф-т] 1 эск. кт. Адолат талаб этувчи, адолат истовчи.

**2** тар. Бухоро хонлигида адолат истовчилардан амир номига ариза қабул қилувчи лавозимли киши.

**3** Октябрдан илгари Фарғона водийси ва Ташкентда мингбоши ва бошқа баъзи амалдорларни улуғлаш учун ишлатилган сўз. *Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос. Порасиз ўтмас сенга юз илтимо. Муқимий. «Кимсан — минебоши додхоҳнинг қизи, кимсан — Азимбойваччанинг хотини» бўллармиш-у, ёлғон гапирармиш! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ДОЗА** [р <ерек] Беморга бир бор ёки бир кеча-кундузда қабул қилиш учун белгиланган дори миқдори. *Болалар дорисининг дозаси. Катталар дорисининг дозаси. | Умуман ўлчовли миқдор. Намақоб тайёрлаш учун туз билан сув турли дозаларда олиниши мумкин. ■ Усимликка радиоактив нур берилса, берилган нурнинг дозасига қараб ё яхши ўсади, ёқ секин ўсади. «Фан ва турмуш», 1959, № 4.*

**ДОЗАЛАМОҚ** Дозаларга бўлмоқ; дозасини белгиламоқ.

**ДОЗАТОР** [р] тех. Қоришмага киратилган таркибий қисмлар дозасини ўзи ўлчаб ёки тортиб берадиган мослама, асбоб. *Ҳозирги вақтда бетон қилиб қориладиган шағал, майдаланган тош, кўм, цемент махсус тарозилар — дозаторларда тортилади. «Совет мактаби», 1963, № 10.*

**ДОИМ** [а] раи Ҳамма вақт, ҳаминча. *Қизи бор уй доим сарийта. Мақол.*

**ДОИМИЙ** [а] Ҳамма вақт бўлиб, давом этиб турадиган, муттасил. *Доимий ғамхўрлик. || Ермат бу ерда доимий яшамас эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Абадий, мангу, Доимий дўст. || Қасалхона, меҳрибон ҳамшира Элмуроднинг эсида доимий сақланиб қолади. П. Турсун, Ўқитувчи. | Ҳамма вақт бир жойда бўладиган, турадиган. Доимий адрес.*

**ДОИМО** [а] айн. доим. *Доимо кўлмушраб гапирадиган хумшумола комиссар ҳозир дағал ва шиддатли кўринди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ДОИР** [а] кўм. (ж. к. билан) Алоқаси, муносабати, дахли бўлган, алоқадор, дахлдор, тегишли; онд, мансуб. *У [Сидиқжон] .. ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар ўз фикрини айтар эди. А. Қаххор, Кўшчинор.*

**ДОИРА** 1 [а] 1 геом. Айлана билан ўралган юза; тўғарак. *Ярим доира. Доиранинг юзи. Доира чизмоқ 1)* тўғарак чизик чизмоқ; *2) кўма доира шаклида айланмоқ, давра олиб юр-*

моқ ёки учмоқ. *Жуда баянда, худди кўк гумбазининг остида, қандайдир каттакан бир қуш қанотларини борича ёзиб, аста доира чизмоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўча* Белгили бир жой теварағидаги ёки белгили чегара ичидаги жой. *Шаҳар доирасида.*

3 *кўча* Бирор иш-ҳаракат, фаолият, қонун-қонда ва ш. к. давом этиши, жорий бўлиши, тарқалиши мумкин бўлган белгили территория, зона. *Фронт доираси.* — Юрвев оператив картаса қараб: «Тек ўтирганимиз-у йўқ, аммо ҳаракат доирамиз тор», — деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 *кўча* Чегара, рамка. *Инсоф доираси. Фикр доираси. Таъсир доираси. Тематика доираси.* — Қамина адаб доирасидан заррача чиқмаган бўлса керак. Ойбек, Навоий.

5 *кўча* Белгили бир соҳа, касб ёки табақа ва ш. к. ахли. *Юқори доиралар. Хабардор доиралар. Журналистлар доираси.* — Гуландом бундай турмушга нафрат қилар, бу ифлос доирадан, фаҳш уясидан қутулишни истар .. эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ДОИРА II** [a] Чилдирма, даф. *Доира чалмоқ.* — Болоҳонанинг тоқчасида доира, танбур, дутор ва рубоб каби мусиқий асбоблар бор эди. Айний, Эсдалиқлар.

**ДОИРАВИЙ** [a] Доира шаклидаги, тўгарак, айланма. *Доиравий йўл.* — Тепанинг ўртасидан катта доиравий.. бир супа қилиб, устиса бир шийпон солди. А. Қодирий, Обид кетмон. | Асоси доира шаклида бўлган. *Доиравий конус (мат.).*

**ДОИРАСИМОН** Доирага ўхшаш, тўгараксимон. *Сергей .. иккови ҳовлининг доирасимон гулзори билан кичкинагина фонтанча орасида қўйилган скамейкага бориб ўтиришди.* П. Қодиров, Уч ил-диз.

**ДОИРАЧИ** Доира чалувчи, чилдирмачи. *Доирачи раққоснинг етакчиси бўлибгина қолмай, балки бутун ансамблини бошқариб, усуллар йўлини кўрсатиб берувчилардандир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ДОЙИ** диал. Тоға. *Рўмолимнинг учи шойи, Уртасида бордур ойи. Олиб беринге, жоним дойи.* «Кўшиқлар».

**ДОК** [p < голл] Қемаларнинг сувга ботиб турадиган қисмини кўздан кечириш ва ремонт қилиш учун қурилган корхона.

**ДОКА** Юпқа ҳарир ип газлама. [Отабек] ўзининг сўл қўлини дока билан ўраб боғлаган ва кўкраига кўтариб ўраб олган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Тўхта холанинг ўзи ҳам оҳорлик кўйлагини кийиб, оқ дока рўмолини ўраб олган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДОКАФРАНГ** Ингичка ипакдан тўқилган юпқа ҳарир газлама, ипакли дока. *Бир рўмоли докафаранг.* || Докафаранг рўмол. — Докафаранг

кўйлагига кийсанг бўлар, ёр-ёр. «Фольклор».

**ДОКЛАД** [p] 1. Бирор мавзуда кўпчилик олдидан сўзланган нутқ; маъруза. *Хисобот доклади.* — *Биринчи масала.. қурилиш плани ҳақида Бўтабойнинг доклади.. докладдан кейин қизгин музокара бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Шундай маърузанинг ёзма тексти. *Доклад ёзмоқ.*

2 Раҳбар органларга ёки бошлиққа оғзаки ёки ёзма равишда берилган расмий маълумот, ахборот. *Сержант Любов отделениесини бошлаб бориб, жангчиларнинг машққа тайёр эканини доклад қилди.* Шухрат, Шинели йиллар.

**ДОКЛАДНОМА** [p + ф-т] Бирор тўғрида раҳбар органларга ёки бошлиққа ёзма равишда топширилган расмий доклад, ёзма ахборот. *Докладнома ёзмоқ. Докладнома топширмоқ.*

**ДОКЛАДЧИ** Мажлисида, йиғилишда бирор мавзуда доклад қилувчи ёки доклад қилган киши; маърузачи. У [Ойимхон] *мажлисни очган, докладчи-га сўз берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДОКТОР** [p < лат] 1 с. т. Врач. *Шаҳарда касал кўп, доктор бўлса, икки-учтагина.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Олий илмий даража ва шу даражани олган олим. *Филология фанлари доктори.*

**ДОКТОРАНТ** [p] Докторлик диссертациясини ёзиш учун илмий муассасага боғлаб, бириктириб қўйилган ва шу йўл билан докторлик илмий даражасини олиш учун тайёрланаётган олим.

**ДОКТОРАНТУРА** [p] СССР Фанлар академиясининг илмий-текшириш институллари ҳузурда олий малакали илмий ходимлар — фан докторлари тайёрлаш системаси.

**ДОКТОРЛИК доктор с. мавҳ. от.** *Қорабўтанинг қизи докторликка ўқийди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Орадан йиллар ўтиб, Абдуқаҳҳор ака докторлик илмий даражасини олди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

**ДОКТОРХОНА** [p+ф-т] с. т. эск. Амбулатория, касалхона. *Шаҳарда битта докторхона бор. Бу докторхона тўғрисида Сотиболдиннинг билгани шу: салқин, тинч парда, дарахтлар ичига кўмилган баланд ва чиройли оқ иморат.* А. Қаҳҳор, Бемор.

**ДОКТРИНА** [p < лат] кт. Илмий ёки фалсафий назария, система. *Ҳарбий доктрина.*

**ДОКТРИНЁР** [p] кт. Бирор доктринага, догмага қаттиқ ёпишиб олган ва кўр-кўрона эргашувчи, ҳарфхўр; ақидапараст. *Социализм тўғрисидаги масалага биздаги эсер ва меньшевиклар доктринёрларча, ўзлари ёдлаб олган, лекин яхши тушулмаган доктрина нуқтаи назаридан қарайдилар.* В. И. Ленин, Хавф тўғридаётган ҳалокат ва унга қарши кураш.

**ДОЛ** I фольк I сфм Тик, тикка, адил. *Дол қомат.* — *Дол бўйингдан мендай*

*моманг ўрғилсин, Эр йигит суьгани нозли губ бўлсин.* «Нигор ва Замон».

2 *рви* Худди, нақ, қоқ, айни. *Нижоннинг дол ўртасига урмоқ.* — *Олмакўзнинг [отнини] дол белига минайин, Чикиб, саҳрларда сайр қилайин.* «Орзигул».

3 *кесим вазифасида* Ёнғоқ, данак ўйинларида соққанинг ганга энг яқин турган ҳолати ҳақида (бундай соққа эгаси биринчи бўлиб отиш ҳуқуқига эга бўлади). — *Сен долми, мен долми? — Мен дол!*

**ДОЛ II** [a] Араб алфавитида «д» ҳарфининг номи. *Алифдоқ қоматинг долдек эзилми.* *Дол бўлмоқ* эгилмоқ, букилмоқ. *Қаддимиз дол бўлиб, энди юраклар.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. [Ғофир:] *Отамнинг бели шу бойнинг хонадонида дол бўлди.* Ҳамса, Бой ила хизматчи.

**ДОЛЗАРБ** Ишнинг энг қизғин ёки қисталанг келган пайти. *Саодатга шундай долзарбда яхшилик қилмай, қачон яхшилик қиласан?* И. Раҳим, Ихлос. *Долзарб кунлар* ишлар қизиган ёки тикилинч келиб қолган кунлар. *Иш қисталанг келиб, долзарб кунлар ҳам бошланди.*

**ДОЛИ-ГУЛИ I айн. долзарб.** *Ишлар доли-гулига келганда.* — *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, йўли айна доли-гулига келганда, майдон гумбурулаб кетди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Бирор нарсанинг етилган пайти ёки ҳолати. *Агар биз ернинг доли-гулига келишини кутиб ўтирсак, вақтдан ютқазадиганга ўхшаймиз.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

**ДОЛЛАР** [p < ингл] АКШ, Канада, Австралия, Малайзия, Сингапур, Янги Зеландия, Эфиопия ва баъзи бошқа мамлакатларда пул бирлиги. *Америка доллари.*

**ДОЛЛАШМОҚ I** Қим доллигини аниқлаш учун қимнинг соққаси ганга яқинлигини ўлчашмоқ. — *Қим дол? — Мен дол.— Йўқ, мен дол.— Бўлмаса, доллашамиз.*

2 *кўча* Қуч синашмоқ, беллашмоқ. **ДОЛОН** [ф-т] диал. Дарвозадан то ҳовлигача қурилган усти ёпиқ икки томонли девор кенг йўлак. У [Матчон тўра] қандил ёқилган долондан ўтиб, даҳлига кирди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДОЛЧИН** [ф-т] Бир турли тропик ўсимликнинг қуритилган жигар ранг пўстлоғи (зиравор ва доривор сифатида ишлатилади). *Қанисан, болам? Манави чойни ич. Долчин солиб дамлаганман.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**ДОЛҒА** *позт.* Қаттиқ тўлқин, пўртана. *Бу қудратнинг олдидан таъзим қилиб чўларик тиз Дарёларнинг тўлқини, денгизларнинг долғаси.* Х. Расул.

**ДОЛҒАЛАНМОҚ** *позт.* айн. тўлқинланмоқ.

**ДОЛҒАЛИ** *позт.* Қаттиқ тўлқинланган, пўртанали. *Эртанги хаёллар — долғали денгиз. Ғафлат кечасининг сукутига зид.* Р. Бобожон.

**ДОМ I** [ф-т] *кт.* 1 Тузоқ, сиртмоқ; қопқон. *Сайдинг қўйбер сайёд, сайёра экан мендек, Ол домини бўйнидан, бечора экан мендек.* Фурқат. | *кўчма* Асорат, тутқунлик. *Мен у сахро ёўзалнинг бўйнидаги зулм домини зулиб олиб ташламоққа қодир эдим.* Ойбек, Навоий. *Қафасдан бўйшар Эрк истаган қуш, Оҳу холос бўлди йиртқич домидан.* Уйғун.

2 *кўчма* Кимсани илинтириш, қўлга тушириш ёки ўз измига солиш мақсадида қилинган ҳайла, найранг; шу мақсадда қўйилган тузоқ, қопқон. [Эркин:] *Аҳмоқ бўлмасам шуларнинг ҳайласига лаққа тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим.* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. *Йўқ, эси-хуши сизда, муҳаббатингизнинг домига тушди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДОМ II:** *доми ҳам йўқ, дараги ҳам йўқ* дом-дараги йўқ. *Ушандан бери доми ҳам йўқ, дараги ҳам йўқ.* У. Исмоилов, Рустам.

**ДОМАНГИР** [ф-т] Кимсадан гинаси, хафалик жойи бўлган, ўпка-гина қилувчи; даъвогар. *Домангир бўлмоқ.*

**ДОМ-ДАРАК,** *дому дарак* Хабар, дарак; ном-нишон. *Йкки ойдан буён у қозизодадан дом-дарак йўқ.* Ойбек, Навоий.

**ДОМ-ДАРАКСИЗ** Дом-дараги, ном-нишони йўқ. *Қатта акаси дом-дараксиз.* А. Қаххор, Сароб. *Тиллабой шу бўйи дом-дараксиз кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДОМИНИОН** [р < инг] Британия империяси таркибига кирган, формал жиҳатдан ўз-ўзини идора қилувчи, лекин ички ва ташқи сиёсатда унга қарам бўлган давлат.

**ДОМИНО** [р < фр] Йигирма саккизта холдор ясси соққалар билан ўйналадиган ўйин ва шундай соққаларнинг ўзи. *Домино ўйнамоқ.* — *Йишларнинг баъзилари шахмат ўйинига, баъзилари доминога берилди.* Х. Назир, Утлар туташганда.

**ДОМКРАТ** [р < нем] Машина, вагон каби оғир нарсаларнинг остига қўйиб уларни кўтарадиган махсус асбоб. [Шофёр] *уст кийимини ечиб, машинага домкрат қўйиб, филдиракни кўтарди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.

**ДОМЛА** *с. т.* 1 Домулла.

2 Ҳар қандай илмли кишига хурмат билан мурожаат этиш формаси.

**ДОМНА** [р] Темир рудасидан чўян эритиб олиннадиган махсус печь.

**ДОМНАЧИ I** Домна печини қурувчи.

2 Домна печида руда эритувчи мутахассис, ишчи.

**ДОМОВОЙ** [р домовая (книга)] *с. т.* Уй дафтары. *У фамилиясидан «Хужа» ни олиб ташлаган, домовойга «Тошхўжаев» эмас, «Тошев» деб ёзилган.* А. Қаххор, Қизлар.

**ДОМОД** [ф-т] *кт.* айн. куёв.

**ДОМУЛЛА** [а] 1 *тар.* Диний мактаб муаллими. *Сайфулла маҷита бориб домулласидан сабоқ олиб келди.* П. Тур-

сун, Ўқитувчи.] *Мадрасани битирган мулла киши. Хон мулла Ниёз домуллага қаради.. Домулла Ниёз Анавар тарафидан дуога қўл оқди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Домулла имом масжид имоми. Домулла почча имом домуллага мурожаат формаси.*

2 *этно.* Дуохонлик, иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланувчи шахс. [Юсуфбек ҳожи Ўзбек оймағини] *домимо иссиқ-совуқчи домулла, хўжаларникида бош оғриптиб юришини ҳам билар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *с. т.* Ўрта ва олий мактаб ўқитувчиси. *Қудрат уни Олга Петровна билан таништириб: — Мана сизга домулла, шу кишида ўқийсиз,— деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Иброҳимов домулласи Иван Петровичнинг уруғчилик совхозига келганини айтиши биланоқ, бутун материалларини олиб жўнади.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ДОН I** Бошоқли ва дуккакли ўсимликлар махсулининг бир донаси. *Бугдой дони. Маккажўхори дони.* — [Маҳдум] *дастурхондаги донларни териб, оғзига солди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Улар хирмондан дон ташиган чумоликдек тишлоб,.. гўнғи ташимоқдалар.* Айний, Қуллар.] *Шундай махсул мажмуи; ғалла.— Сизнинг.. ўроғингизни ўрган, хирмонингизни янчган, донингизни омборингизга ташиб берган инсонни биламан,— деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Паррандаларга бериладиган шундай овқат, озуқа. ♦ *На дон, на сомон ҳеч нарсага ярамайдиган нарса ёки кимса ҳақида. Дон олишмоқ* бирор кимса билан яқинлик қилмоқ, ўйнаш бўлмоқ, донлашмоқ. *Бу тўғрида баъзилар: «Нисо буви илғари уста Абдурахмон билан дон олишиб юрар экан..» деган гапни қилишди.* А. Қаххор, Бопсиз одам.

**ДОНА** [ф-т] 1 Саноқ сонлар билан келиб, миқдор билдиради. *Бир дона егурут чўпи. Беш дона тухум.* — *Қисловодска бир дона пүтёвка олган экансиз, шуни бизга берсангиз.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. *Хужранинг тўридаги тоқчасига беш-олти дона.. китоб терилган.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Дон, уруғ. *Анор донаси. Маккажўхори доналари. Қорамуғ донаси бўлгунча, бугдойнинг сомони бўл. Мақол. Боламнинг боласи, қандақ ўрикнинг донаси.* Мақол.

3 Сочилувчан нарсаларнинг ҳар бир бўлаги, зарраси. *Қум доналари. Мунчоқдек тер доналари. Марварид доналари.* — *Сулув сочлари тўғридан ҳолатда югуриб кириб, ёмғир доналари юмалаб турган юзини отасининг майин елкасига бодди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

4 Зарралардан тузилган нарсанинг ҳар бир зарраси. *Ҳар қандай материя алоҳида доналар ишқиндисидан тузилади.* «Қизнарди геометрия».

5 Шаҳмат, шашка ва ш.к. ўйинларда ҳар бир сипоҳ, пьёда ёки тўғаракча. *Столнинг устида доналари сочилган шахмат тахтаси, бир четда патефон.* А. Қаххор, Мирзо. [Шайхулислом Мажиддинга:] *Сатранж тахтасида дона суришга хийла устасиз-у, аммо сиёсат тахтасида дона суриб, доим адашасиз!* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

6 Чўтнинг тугмасимон қисми. *Чўт доналари.*

**ДОНАБАЙ** [ф-т+а] Доналаб байлашишга асосланган (олди-сотди муомалаларда ёки иш ҳақи белгилашда). *Улғуржи олиб донабай сотмоқ. Донабай ҳақ тўламоқ. Кунбай ишладан донабайга кўчши натижасида иш ҳақи ошди.*

**ДОНА-ДОНА I** *сфм* Доналарга ажралиб турадиган, ҳар бир донаси алоҳида-алоҳида бўлиб турадиган. *Дона-дона тишлар.* | *реш* *вазифасида* Якка-якка, битта-битта. *Гул уздим дона-дона. «Фольклор».* У, *оппоқ рўмолчаси билан кўзларидан дона-дона оқиб тушадиган ёшини артиб, титроқ овоз билан жавоб берди.* Ш. Рашидов, Бўрондан қувли.

2 *реш, кўчма* Аниқ, равшан, тушунарли. *Почтевининг тўғри, силлиқ гаплари узокдан дона-дона янграб эшитиларди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Михайлов тушунмай қолмасин деб [Элмурод] сўзларини дона-дона қилиб, чўзиб гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гулумжон ҳар сўзини дона-дона қилиб ўқиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДОНАДОР** [ф-т] Қисмлари ёки зарралари дона-дона бўлиб турадиган, доналардан таркиб топган. *Донадор тупроқ.*

**ДОНАЛАБ** *реш I* Ҳар бир донасини алоҳида, дона-дона қилиб; битталаб. *Доналаб санамоқ. Доналаб сотмоқ.*

2 *кўчма* Аниқ, равшан, тушунарли қилиб. *Доналаб гапирмоқ. Доналаб ўқимоқ.*

**ДОНАЛИ I** Белгили доналардан ташкил топган. *Эллик икки донали карта.*

2 *айн. донатор.* *Майда донали чўян (тех.).*

3 Доналаб сотладиган. *Донали моллар.*

**ДОНАЧА** *Майда дона, заррача. Қум доначалари.*

**ДОНАШҮР** [ф-т] Мол ейдиган бир турли ёввойи ўсимлик. *Қуз фаслида қўйларнинг иштаҳаси очилиб, донашўр, жуссан, сита, бузёлиқ сингари донли ўтларни жуда севиб ейди.* С. Абдуқаххор, Олтин водийларни кезганда.

**ДОНГ I** (3-ш. бирл. *донги*) Шухрат, доврўқ, машхурлик. *Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас.* Мақол. — *Хоразмга донги кетган шофёр Олимжон Орифжоновнинг машинаси она шу бўлди.* Қ. Раҳим, Ўз касбини севган йигит. *Гуларёвнинг бўйи етиб, донги бутун қишлоққа тарқалди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Бу ерда уни ҳамма билади. Тупроқ*



қазийшда азаматлиги билан донг чиқарган. Ойдин, Юрагида ўти бор.

**ДОНГ II:** донг қотиб ухламоқ жуда қаттиқ ухламоқ. *Йўл азоби хийла толиқтирган экан, донг қотиб ухлаб ётса, ўғли кириб уйғотибди.* Х. Назир, Ўтлар туташганда. Донг (қотиб) қолмоқ 'эс-хуши қочиб, серрайиб қолмоқ (хайрат ёки қўрқувдан). *Мунисхон мижа қилишини билмай, донг қотиб қолди.* А. Қаххор, Сароб.

**ДОНГ III** Вьетнам Социалистик Республикасида пул бирдиги.

**ДОНГДОР** Донг чиқарган, доврўғи кетган; шухратли, машхур. *Донгдор механизатор. Донгдор врам.*

**ДОНГЛИ** айв. донгдор. Совет шунқорларининг мамлакат самосидаги донгли ишлари ҳақида ҳар кунни фронт бўйлаб учган хабарларда у [Бектемир] нича муболага қўришга мойил эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ДОН-ДУККАКЛИ:** дон-дуккакли экинлар дони учун экиладиган дуккакли ўсимликлар.

**ДОН-ДУН** Ҳар хил дон, ғалла.— *Тўй учун дон-дун тайёр. Фақат кийимларни тиктирсак бас,— деди Ўтбосар.* Ғайратий, Довдираш.

**ДОНИШ** [ф-т] кт. Билим, маълумот. *Ишқ чораси бор, у сабрқ бардош. Дониш берадир бу ишни кенгаш.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. **Аҳли дониш** илм аҳллари, билимдон кишилар. *Соғларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун, Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.* Ҳамза.

**ДОНИШМАНД** [ф-т] Кўп нарса билладиган, билимдон; олим; доно. *Донишманд одам.* — *Бир донишманд «Соли нек аз баҳор маълумаст» яъни кийлининг яхши келиши баҳордан маълум» деб айтган экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ДОНЛАМОҚ** Дон териб емоқ (қушлар ҳақида). *Йўлда донлаб юрган сўфитўргайлар отлардан ҳуркиб, нарироққа бориб қўнар, отлар етай-етай деганда хуркиб, дув этиб учиб кетарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДОНЛАШМОҚ I** донламоқ фл. бирг. н. Қушларнинг ҳаммаси Олимнинг оёқлари остида бемалол донлашар, ундан сира қўрқимасди. Ғайратий, Карқулоқ.

**2** кўчма Дон олишмоқ. *Ҳайдар акам билан қачондан бери донлашасан? Яширмай, тўғрисини айтасан.* В. Ғафуров, Вафодор.

**ДОНЛИ I** Дон билан банд, дон солинган (идиш ҳақида). *Донли қоп.*

**2** Ғалла берадиган, дон етиштирадиган. *Донли ўсимликлар.*

**ДОНО** [ф-т] I Ақл-заковатли, донишманд, оқил. *Донно қиз. Донно раҳбар. Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлиши керак.* Мақол. *Нодон сўзлар — доно ибрат олар.* Мақол. — *Улуғ Октябрь революцияси, доно Ленин партияси эзилган халқларга озодлик берди,— деди мудар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Ақл-заковат билан айтилган, қилинган; ақл-заковатдан далолат берадиган; оқилона. *Донно маслаҳат.* — *Вақилининг қисқа ва доно гапларидан таъсирланиб ўтирган Элмурод қўлини кўтарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДОНОЛИК I** доно с. белги оти. *Фикримни дарҳол қувватлагани ақли расолигидан, донолигидан далолат беради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**2** Доноларга хос иш, хатти-харакат. *Донилик қилмоқ.*

**ДОНОР** [р < лат] махс. Ярадор ва беморларга қўйиш учун ўз қонини берувчи киши. *Донор аёл.*

**ДОНХОНА** Дон-дун сақланадиган махсус хона, дон омбори; ғаллахона. *Офтоб ойим донхонанинг зишигидан туриб хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чақирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДОНХЎР** Ассосан дон еб яшовчи. *Донхўр паррандалар.*

**ДОНХЎРАК** Кафасда сақланадиган паррандаларга дон солиб қўйиладиган махсус идиш.

**ДОР** [ф-т] I Устига кийим-кечак, мол ташлаб қўйиш учун икки устуи орасига кўндаланг ўрнатилган ходала ёки тортилган арқон. *Келинлар туширилган уйнинг ҳар томониға ёғоч дор қурилиб, устига гул тикилган ипак рўмоғлар .. осиб қўйилган бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**2** Ўлимга махкум этилган кишини осиб ўлдириш учун ясалган қурилма. *Дорға осмоқ (тортмоқ). Осилсанг баланд дорға осил.* Мақол. — *Отабек бу ҳолға тушунмади, чунки ахёнда бир осиладиган гуноҳор эски Намозгоҳ дорига элтилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.— *Она,— бошини кўтармай деди Йўлчи,— ман қамалишдан қўрқмайман, дордан ҳам қўрқмайман.* Ойбек, Қулдўғ қон.

**3** кўчма Нохаклиқ, адолатсизлик рамзи. [Навой:] *Замон доноға дор, жоҳил учун ёр.* Уйғун ва И. Султон, Навойий.

**4** Тик ўрнатилган ёғоч ва унга боғлаб таранг тортилган арқон ва чиғирқлардан иборат дорбозлик қурилмаси. *Болалар, гўё дор ўйинини томоша қилишадигандай, завқланиб қичқиршиарди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

♦ **Дор тагидан (ёки дордан) кочган** ўтакетган муттахам, фирибгар одам ҳақида.

**ДОРБОЗ** [ф-т] Дорда ўйновчи киши. *Дорбоз узун лангарни ушлаб, арқондан юқорига ўрналаб бормоқда, ўмбалоқ ошиб ўйнамоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДОРБОЗЛИК** дорбоз с. касб оти. *Дорбозлик инсоннинг диди ва ақл-идроки яратган қадим санъатлардан биридир.* М. Қодиров, Асака дорбозлари.

**ДОР-ДУНЁ** Дунё, олам; кўз ўнги. *Бечора қиз, шундай хафа, шундай ха-*

*фа!* *Дор-дунёси қоп-қоронғи!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ДОРИ I** [ф-т] Касалини даволаш ёки касалликнинг олдини олиш учун ишлатиладиган модда. *Безгак дори. Малҳам дори. Кўз оғриқ дориси. Дори ҳиди. Дори қўймоқ (суртмоқ). Дори тайёрламоқ.* — *Ешллимда кўп касал бўлганман. Ушанда ичган, суртган дориларим эсимда қолган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Умуман шифобахш нарса, восита. Кизиз куйдириб босмаса, қони тўхтамайди! Кизиз ҳар нарсага ҳам дори, тиш захарини сўради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**2** кўчма Дардга дармон бўладиган, ғам-ғуссани тарқатадиган нарса, даво. *Сизнинг гапингиз менинг кўнглимга дори бўлди.*

**3** с. т. Паразит ёки касал тарқатувчи хашаротларга қарши ишлатиладиган химиявий модда. *Бурга дори. Куя дори.* — *Самолёт дала қирғоғига сўнги марта дори сепиб ўтди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Заҳар. [Мастура Гулжонга:] Кундошларнинг ҳам хабари бор. Ҳаммаси бамаслаҳат дори берган-да!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**4** с. т. Турли технологик процессларда ишлатиладиган доривор моддалар.

**5** кўчма с. т. Спиртли ичимлик. *Қори .. (қулиб) ё томоқларингдан қуруқ ўтмайётибдими? Пича дори олиб келайми? Уйғун, Дўстлар.*

**6** с. т. Портловчи модда, порох. *Туючиларнинг ҳаммасида дориси оғзидан тиқиб отиладиган милтиқ бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

♦ **Дорига ҳам йўқ ёки дорига ҳам топилмайди** сира ҳам йўқ, сира ҳам топилмайди.

**ДОРИВОР** [ф-т] I Дори бўладиган ёки дори олинадиган. *Доривор ўсимликлар. Доривор моддалар.*

**2** Овқатни хушхўр қиладиган моддалар (зира, зирк, зарчўва, қалампир ва ш. к.). *Супанинг бир томонини қозога ўралади мурч, зарчўва, қалампир, зира сингари дориворлар, кашнич, кўк пизё, жамбил сингари кўклатлар банд қилган.* А. Қаххор, Сароб.

**3** с. т. Турли технологик процессларда ишлатиладиган моддалар. *Кўнчилик дориворлари.*

**ДОРИГАР** [ф-т] Дорилар тайёрловчи мутахассис; фармацевт.

**ДОРИ-ДАРМОН** [ф-т] Ҳар хил дорилар, медикаментлар.

**ДОРИЛАМОН** [а] Тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган жой, осойишта жой. *Самарқандда инқилоб бўлганмиш. Дориламон дейишади, шу ростми? Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ДОРИЛАМОҚ** Дори сепмоқ, дори пуртмамоқ; тегишли дорилар билан ислов бермоқ. *Агрономлар чигитни саралаб, дорилаб бердилар.* Айний, Қуллар.

**ДОРИЛАТМОҚ** дориламоқ фл. орт. н. *Уруғлик чигитни дорилатмоқ.*



**ДОРИЛБАҚО** [а] дин. Нариги дунё, охират; акси дорилбақо.

**ДОРИЛМУАЛЛИМИН** [а] эск. Уқитувчилар тайёрлаш билим юрти, педагогика институти.

**ДОРИЛФАНО** [а] дин. Бу дунё; акси дорилбақо.

**ДОРИЛФУНУН** [а] эск. 1 айн. университет. Москва Давлат дорилфунунининг медицина факультетида иккита ўрин бор. А. Қаххор, Сароб. 2 кўчма Хаёт мактаби. Ленин партиясининг ўзи ҳаётнинг улғу мактаби, дорилфунунидир. «К. Ўзбекистон», 1959, № 197.

**ДОРИЛХАЛОФАТ** [а] эск. кт. айн. пойтахт. Дорилхалофат фуқароси қошига етгач, фақир [мен] уларни қувонтирмақдан ожиз қолгаймен. Ойбек, Навоий.

**ДОРИЛҲАРБ** [а] Ғайри мусулмон, душман мамлакат. Бухоро амири қочиб кетиб, мамлакат большевиклар қўлига ўтгандан кейин, Ҳисор ва Душанба томонлар мусулмонободликдан чиқиб, дорилҳарб бўлди. Айний, Дохунда.

**ДОРИМОҚ** диал. 1 Қадам босмоқ, келмоқ, ораламоқ. Қадам босмади инсон, Доримади ҳеч ҳайвон. Х. Олимжон.

2 Епирилиб келмоқ, босмоқ. Ун азамат, Холдорхон, Оч бўридай дориди, Душманларнинг қонини, Бўз тупроққа қориди. «Хушкелди».

3 кўчма Таъсир этмоқ, сингимоқ; тарқалмоқ. Шоир деб шуни айтинг, сўзи халқига дориса. М. Алавия.

4 кўчма Йўл олмоқ, жўнамоқ. Қизим, мен ҳам қаридим, Гўрга томон доридим. Х. Олимжон.

**ДОРИССАЛТАНА(Т)** [а] Султон пойтахти, қароргоҳ.

**ДОРИХОНА** [ф-т] Дори тайёрлайдиган ва сотиладиган жой; аптека. Сотиб олдининг хотини дорихонада ишлайди, ҳар кўни мингта одам билан жавоб-муомала қилади. А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

**ДОРОЙИ I** [ф-т] Ўриши хом ипак, арқоғи ишқорланган ипакдан тўқилган сербар, харир тўқима. || Доройи кўйлак. — Ҳосият биби оқ доройи рўмолининг учларини оқки елкасига ташлаб, .. гурунға аралашмай ўтирибди. И. Раҳим, Ихлос.

**ДОРОЙИ II** [ф-т] Узум навларидан бири.

**ДОРПЕЧ** [ф-т] Дорға осилган кийим-кечакнинг устига ёпиладиган безакли буюм. Уч-тўрт уйни ясашига етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшаблар .. Лутифинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДОРУ** [ф-т] эск. кт. айн. дори. Ёру биродарлик — умр доруси; дўстсиз кимнинг бағри бутун бўлади. С. Акбарий.

**ДОРУҒА** [мўғ] тар. Шаҳар ҳокими. Анов қашқа йўрғада жилпанлаган амалдор шаҳар доруғасининг амакиваччаси Шоди бедодир. Ойбек, На-

войи. Доруға ҳақи айн. доруғона. Бу хирмондан.. сизга.. ўндан уч тегади. Бунинг устига.. доруға ҳақини ҳам сизга ўтказаман. Айний, Қуллар.

**ДОРУҒОНА** [мўғ-ф-т] тар. Шаҳар ҳокими фойдасига йиғиб олинандиган пул ёки бошқа нарса; доруға ҳақи. [Жалолиддин:] Хазинани бойитаман деб, халқни гадо қилдингиз. Улоғ деб оласиз, .. доруғона деб оласиз. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ДОРҶИ** тар. Осиб ўлдиришга ҳукм этилганларни дорға тортувчи жаллод.

**ДОРҶИН** [ф-т] айн. долчин. **ДОСКА** [р] Хат ёзиш учун мослаб ясалган, одатда қора ёки жигар ранг силлиқ тахта (мас. мактабда). Синф доскаси. Доскага ёзмоқ, Доскага чиқмоқ. — Дераза билан доска орасида қўлини орқасига қилиб юриб, лекция ўқиётган.. барваста киши тўхтади. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ДОСТОН** [ф-т] 1 ад. Назм ёки наср билан ёзилган ҳикоя, поэма. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. — Ўртоқ Лениннинг ҳар бир сўзин, Бир достон қилмоқ керак. Сидқи дилдан таърифин, Маҳҳин баён қилмоқ керак. Эргаш шоир.

2 ад. Халқ қахрамонлари ҳақидаги эпик асар. Ўзбек халқ достонлари. Фозил Йўлдошининг «Алломиш» достони.

3 кўчма Кечмиш воқеалар; саргузашт. Қўш сурнайлар узоқларнинг достонини мингли-мингли чалиб ўтдилар. Ғ. Ғулум, Соьлар. | Оғиздан оғизга ўтиб юрган маълум, машхур саргузашт ҳикоялар, гап-сўзлар, таъриф-тавсифлар. — Келиннинг сугушлиги Марғилонда маълум эканми? — Маълум экан, тилларда достон экан. А. Қодирий, Утган кунлар. Азиябек Туркистон хонлигининг энг золим ва мустабид саналган бекларининг бири ва унинг ўз қарамоғида бўлган Тошкент аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага достон. А. Қодирий, Утган кунлар. Достон бўлмоқ эл орасида гапирилмоқ, куйламоқ; оғизга тушмоқ. Қадим Хива — минг-минг йилларга достон бўлган, қўшиқ бўлган шаҳар. Э. Раҳим.

**ДОСТОНЧИ** Достон айтувчи, бахши. Ўзбек халқ достончилари.

**ДОСТОНЧИЛИК** 1 ад. Достон жанри.

2 достончи с. касб оти.

**ДОТАЦИЯ** [р < лат] фин. Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к.нинг ортиқча харажатларини қоплаш ва бошқа эҳтиёжлари учун давлат томонидан ёрдам тариқасида берилган пул, маблағ. Дотация бермоқ. Заводимиз давлатдан дотация олмай ишламоқда.

**ДОХИЛ** [а]: дохил бўлмоқ эск. 1) кирмоқ, бир нарсанинг ичига кирган бўлмоқ; 2) бух. кириш хиссига ўтмоқ, ёзилмоқ, келмоқ; 3) дахлдор, тегишли бўлмоқ. Ҳар ким ўз ҳолига яраша бирор нарса худойи қилиб,

савобга дохил бўлишга илтимос қиламан. Айний, Дохунда.

**ДОХИЛИЙ** [а] эск. кт. айн. ички. Дохилий ишлар.

**ДОЦЕНТ** [р < лат] Олий ўқув юрларида профессордан қуйи, ассистентдан юқори унвон ва шундай унвон олган киши.

**ДОШ I** [ф-т] кам қўл. айн. дошқозон. Анави бойлардан ҳам домлага нисбатан кўпроқ жонли-жонсиз моллар олиниб, орада тегирмон-обжуволар ҳам колхознинг умумий дошига тушса керак. А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ Дошда қайнаган ҳаёт тажрибаларини бошдан кечирган, пишган. Бегзода — подшолик дошида қайнаган, ёт эллар пулига ёлланган бир сотқин. Ғ. Ғулум.

**ДОШ II:** дош бермоқ (ёки келтирмоқ) туруш бермоқ, бардош бермоқ, чидамоқ. Шундай жазирмада чопишга фил ҳам дош беролмайди. Ҳ. Назир, Узр, отакон.

**ДОШҚОЗОН** 1 Катта йиғинларда, тўйларда кўпчиликка овқат пишириладиган катта қозон. Мактаб саҳнидан четроққа ўчоқлар қазилиб, икки дошқозон осилган. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўчма Ўртадаги, умумлашган мол-мулк. Биз коллектив дошқозонига ўз ҳиссамизни қўшаётимиз.

**ДОЯ** [ф-т] 1 Тўлғоқдаги аёлларни туғдирувчи хотин; энага, акушерка. Унсин келгандан буён.. хотинларга доя бўлиш учун кампир бемаловроқ юра бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ғўдакларни тарбияловчи аёл. Ҳарам дарвозасида юрчулчи хоннинг ёлғиз ўғли — шахзодага қаровчи қанизлар, доя хотинлар эди. А. Қодирий, Мехробдон чаён.

**ДОЯЛИК** доя с. касб оти. Доялик қилмоқ.

**ДОЯЧА** Ёш доя, ёш энага. Чойдан кейин дояча Қумуш ёнидан бир оё вақтга чиқиб турди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДОЯЧИ** айн. доя I.

**ДОЯЧИЛИК** доячи с. касб оти. Доячилик қилмоқ.

**ДОҒ I** [ф-т] Ута қизитилган, қиздириб етилтирилган (ёғ, мой ҳақида) Қайдандир доғ бўлган ёғнинг ҳиди келиб димоққа урди. — Минг марта айтаманки, чой ҳамавақт доғ бўлиб турсин деб. М. Муҳамедов, Юрак сўзлари.

◆ Доғ сув диал. қайноқ сув. **ДОҒ II** [ф-т] Оғир мусбатдан, қайғу-кулфатдан кўнгилда қолган алам. Хотин йлди, қиз дардида, доғида. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Булбул ошно бўлар вран боғида. Қурсин ўлим, ким чидайди доғида! «Равшан». Армон, ҳасрат. Нега эски доғларни очдинг? Доғ устига оғулар сочдинг? Х. Олимжон. [Ғули:] Унут бахт сўзин, оғзингга олма! Хавл у биз учун, қўй, доғда қолма! Уйғун ва И. Султон, Навоий, Фарзанд доғи фарзанддан жудо бўл-

ганлик сабабли юракда қолган алам. Хотин кишининг юрагидан фарзанд доғи кетса кетадики, бундай ганнинг алами кетмайди. А. Қаххор, Қўшчинор. Доғман ёки доғдаман 1) куйман, бўғиламан, тажанг бўламан. Яна шу шунисиға доғманки, баъзи бойларимиз.. уларнинг сўзига ишонади. Ойбек, Қутлуғ қон. Бутун хаёлим боя Зулайхо айтган гап билан банд. Даврон билан унинг муносабати тушуна олмади доғдаман. П. Қодиров, Қадрим; 2) армондаман. Қўзибой кетди. Раҳим ундан тузукроқ маълумот оломай доғда қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ДОФ III** [ф-т] 1 Нарсаларнинг бетидаги бошқа рангда, бошқа тусда айрилиб турган кичикроқ жой. Бадандаги қизил доғлар. Қўёш доғлари. — Эъзохон юзини нафис доғлар қоплаган бу қорача жувонни севиб юраркан. Ҳ. Ғулум, Машғал. [Курбон ота] қоғоз юзидаги турли шакл ва рангдаги катта-кичик доғларга.. мароқ билан тикилса ҳам, кўз олдига ҳеч нарса келмайди. А. Қаххор, Қўшчинор. Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ. Ойбек, Навоий.

2 Нарсаларнинг бошқа бирор модда тегиб булган жойи. Сиёҳ доғи. Дастурхонда ёғнинг доғи қолибди. — Шилиниб, тимдаланиб, қон доғи билан қопланган юзи ва йиртилган кўйлагини кўрганда барчани даҳшат босди. П. Турсун, Уқитувчи. Ойимхон доғ босган дастурхонни сандалга ёзиб, патнисда тўртта сингиб пишган нон келтириб қўйди. П. Турсун, Уқитувчи.

3 кўчма Иснод келтирувчи, ёмон асар қолдирувчи, булғовчи нарса; иснод, гард, ғубор. Ёмондан доғ қолади, яхшидан боғ қолади. Мақол. — Севеига тушган доғни дарё қадар кўз ёши тўкиши билан тозалаб бўлармиши? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | Эгрлик, қалблик, кир. Тоза қалбда доғ бўлмас. Мақол. Доғ туширмоқ 1) иснод келтирмоқ, бадном қилмоқ, булғамоқ. Номига доғ туширмоқ; 2) кўринишини бузмоқ. Хуснига доғ туширмоқ.

**ДОҒДОР** [ф-т] Бирор жойида доғи бор, доғ теккан, доғли. Доғдор юз. Доғдор пилла.

**ДОҒ-ДОҒ:** доғ-доғ ўртамоқ ортиқ даражада куйдирмоқ, эзмоқ, яраламоқ. Бир йеиет ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар. Ғ. Ғулум.

**ДОҒ-ДУҒ** Ҳар хил доғлар. Юзида доғ-дуғи бор хотин. — Нечун Ойнинг юзи доғ-дуғ, оппоқ эмас? Гўё биров юмдаб-тирнаб олгандай. Қ. Муҳаммадий.

**ДОҒЛАМОҚ** 1 Қиздириб етилтирмоқ, доғ қилмоқ (мой, ёғ ҳақида). Ишдан кейин дил чоғлаб, Қағирни белга боғлаб, Қўй ёғини хўп доғлаб, Пиширдим жонон палов. «Муштум», 1962, № 1.

2 Газаклаган ярага думба ёғи, пиеэ

ва ш.к. қиздириб босмоқ. Ярани доғламоқ.

◆ **Юракни** (ёки бағирни) доғламоқ алам ўтказиб ёки бошга қулфат солиб, дилда қаттиқ асар қолдирмоқ, дилни яраламоқ. [Рафиқ:] Шундай қилиб, белимизни маҳкам боғлаб, душман юрагини доғлаб, Фаффор қўрбошини сўроқлаб, йўлга равона бўлдик. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Айрилиқ ўстига бағримни доғлаб, Мен юрибман Шакарбекни сўроқлаб. «Ширин билан Шакар».

**ДОҒЛАНМОҚ** доғламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Яхши доғланган мойга пиеэ, гўшт тушиши билан бутун қирни ала қандай ёқимли худ тутиб кетди. Ойдин, Ширин келди.

**ДОҒЛАТМОҚ** доғламоқ фл. орт. н. Қалмоққа ишни кўрсатди, Юрак-бағрини доғлатди. «Алпомниш».

**ДОҒЛИ** 1 Юрагида доғи, алами, яраси бўлган, алам чеккан, куйган. Тоқайлар биз юрамиз, Қўлу оёқ боғли?! Бир парча қолган нонга Юрак-бағри доғли! Ҳамза.

**ДОҒЛИ** II Доғи бор, доғ теккан; доғдор. Доғли юз. — Дераза тагида ўтиракан аёл қўлидаги сиёҳ доғли жазвал билан тизига уриб, ора-сира ҳар тўғрида гапириб қўяди. М. Файзий, Уч қиз.

**ДОҒУЛИ** Айёр, муғомбир, алдоқчи. Доғули одам. — Минг бошичи сўфинамо, Тасбеҳу бўйида ридо,.. Бир доғули айёр экан. Муқимий.

**ДОҒУЛИЛИК** доғули с. белги оти. Турғуновнинг авзойи ўзгара бошлагани Бўрибойни чўчитди. У доғулиликка ўтди: — Кечир ука, хатога кетган бўлсам. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ДОҒИЁНА** [а+ф-т] раш Доҳийларча, доҳийларга хос донолик билан, оқилона. Доҳиёна иш тутмоқ. Доҳиёна йўл-йўриқ кўрсатмоқ. || Доҳиёна фикр.

**ДОҒИЙ** [а] Фавқулода ақл-заковатга эга бўлган доно, оқил йўлбошчи. Маркс, Энгельс ва Ленин жаҳон пролетариатининг доҳийларидир. — Сен жаҳонга Лениндек доҳийни бердинг. Файратий. «Уқи, ўқи, ўқи!» — деб, Ленин бобомиз айтган. Доҳийлигининг бу сўзи, Нодонлиқни тугатган. «Фольклор».

**ДОҒИЙЛАРЧА** айн. доҳиёна. Доҳийларча иш тутмоқ.

**ДРАМА** [р < грек] Диалог шаклида, автор нутқи аралаштирилмай ёзилган сахна асари. Ҳамза драмалари. Драма театри.

**ДРАМАЛАШТИРМОҚ** Бирор асарни, мас. романи, қайта ишлаб драма шаклига солмоқ, сахнага мосламоқ.

**ДРАМАТИЗМ** [р] Драма асарига воқеа ва ҳолатларнинг ўзига хос кескинлиги, жиддийлиги, ҳаяжонлиги.

**ДРАМАТИК** [р драматический] 1 Драмага, сахна асарига онд. *Драматик асар. Драматик театр. Драматик актёр.*

2 Драматизм билан сугорилган. *Драматик финал.*

3 Кучли (ашулачи овози ҳақида). *Драматик тенор.*

**ДРАМАТУРГ** [р] Драма асарлар ёзувчи адиб.

**ДРАМАТУРГИЯ** [р] 1 Драматик санъат; драматик асарларнинг тузилиш принциплари ва усуллари ҳақидаги назария. *Драматургия kursi.*

2 Бирор ёзувчининг, халқ ёки даврнинг драматик асарлари мажмуи. Ҳамза *драматургияси. Ўзбек совет драматургияси.*

**ДРАП** [р < фр] Устки кийимлар қилинадиган қалин, жуң газлама, қалин мовут. *Қора драп. — [Шербек] бошига қорақўл қулоқчинини, зенига қора драп пальтосини кийди. С. Анорбоев, Оксой.*

**ДРАХМА** Грецияда пул бирлиги. **ДРЕЗИНА** [р < нем] т. й. Темир йўл изларида қўл кучи ёки мотор билан юргизиладиган тўрт ғилдиракли арава.

**ДРЕНАЖ** [р < ингл] 1 Захоб ерларни зовурлар қазиб ёки қувурлар кўмиб қуритиш ҳамда шундай зовур ва қувурларнинг ўзи.

2 мед. Яранинг йиринг ва зардобини махсус найча ёки дока пилта билан тортиб олиш.

3 мед. Шу мақсад учун ишлатиладиган махсус резина ёки шиша найча.

**ДРЕНАЖЛАШ** Дренаж йўли билан ернинг захини қочирини, қуритиш. Бўлмалар ҳавосининг нам бўлмаслиги учун бинони қуруқ жойега солиш, фундаменти нам ўтмайдиган қилиб ишлаш, ерни дренажлаш керак. И. Исмонлов, Касалларни парварши қилиш.

**ДРОЖЖИ** [р] Ачитиб, ошириш учун солинадиган модда; ачитқи, туруш; хамиртуруш. *Пиво дрожжиси. Хамир дрожжиси.*

**ДРУЖИНА** [р] Бирор иш олиб бориш мақсадида тузилган кўнгилилар отряди, тўдаси. *Пионерлар дружинаси. Дружинага ёзилмоқ. Дружина тузмоқ.* Жамоат тартибини муҳофаза қилувчи кўнгили халқ дружиналари.

**ДРУЖИНАЧИ** Дружина аъзоси. Тўполон бошланди. Шу пайт «чурр» этиб ҳуштак чалинди-ю, благага қизил боғлаган учта дружиначи этиб келди. М. Худойқулов, Дўстлар.

**ДУАЛИЗМ** [р < лат] филос. Дунёнинг негизда бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки нарса, яъни модда ва руҳ бор деб билувчи, материализм билан идеализмни келиштиришга уринувчи фалсафий оқим; акси монизм.

**ДУАЛИСТ** [р] Дуализм тарафдори. **ДУАЛИСТИК** [р дуалистический] Дуализмга онд, дуализм принципларига асосланган. *Дуалистик дунёқараш.*

**ДУББ** [а]: дубби Акбар Етти қароқчи юлдузлар туркуми.

**ДУБ-ДУРУСТ** с. т. Дуппа-дуруст, туппа-тузук.

**ДУБЛЁР** [р < фр] Бирор ишни навбатлашиб бажарувчи икки кишидан бири. *Қосмонавтнинг дублёри.* | Театр-

да бир ролни навбатлашиб бажарувчи икки актёрдан бири. | Дубляж қилинган фильмда овоз берган актёр.

**ДУБЛИКАТ** [р < лат] Бирор хужжатнинг асл нухаси билан баб-баравар юридик кучга эга бўлган бошқа ёзилган нухаси, копияси.

**ДУБЛЯЖ** [р < фр] Бир тилдаги овозли фильм сўзларини бошқа бир тилга кўчириш.

**ДУВУЛЛА** тар. ҳарб. Тиг ёки ўқдан сақланиш учун темир ёки пулатдан ишланган бош кийим; шлем. Қаршидаги боғлар устида кўтарилиб келаётган офтоб суюриларнинг бошларидаги ялтироқ дубулғаларда, эгиларидаги.. совутларда акс этиб, кўзларни қамаштирар эди. М. Осим, Утзор.

**ДУВ** рвш Тез, бирдан, бараварига; дувуллаб. Дув тўпланмоқ. Дув этиб чумоқ. Ҳовли ўртасидаги бир туп тут дув пишити. Боланинг кўзларидан дув ёш тўкилди. — Кумушбиби ўз устига дув йиғилган қиларга кўзини қаратди-да.. чўнмагидан рўмоличасини олиб, кўз ёшини қуритди. А. Қодирий, Утган кунлар. Жангчилар.. кечки йўқ-ламага дув кўтарилдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Дув гап** ҳамма ёққа тез тарқалган, ҳамманинг оғзига тушган миш-миш гап. Янеи шаҳарда аллақайси бир маҳмага неча юз киши таёқ кўтариб, эшигу ойналарини синдирибди, шу одамлардан нечаси қамалибди, деган хабар ҳамма ерда дув гап эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДУВАРАК** [ф-т] 1 Мевали дарахтнинг бир йилда иккинчи бор берган меваси. Дуварақ олма. Олманинг дувараги.

2 кўчма Бўйи паст, пачоқ (одам ҳақида). Дуварақ одамлар. Одамнинг дувараги. | кўчма Хом, ғўр, етилмаган. Келганига бир йил, ярим йил бўлиб қолганлар бор.. дуварақ бўлса ҳам пулни пуфлаб тугадианлар — буларни оз-моз пул билан рағбатлантириш мумкин. А. Мухтор, Туғилиш. | Умуман ҳар нарсанинг кичкинаси, етилмагани. Поезд мени кичкинагина, номи ҳали темир йўл хариталарига кирмаган дуварақ бир разъездега ташлаб ўтиб кетди. С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

**ДУВВА** рвш, диал. Дув. Олма дувва тўкилди. Толдаги чумчуқлар дувва учиб кетди.

**ДУВДОҚ** с. т. Тувадоқ.  
**ДУВ-ДУВ** дув с. тақр. Дув-дув тўқмоқ. Кўз ёшларини дув-дув тўқди. Мевалар шамолда дув-дув тўқилди.

◆ **Дув-дув гап** айн. дув гап қ. дув. Кунларнинг бирини маҳаллада дув-дув гап бўлиб қолди: «Мухторхон домўлла уйланармиш!..». А. Мухтор, Тўйда аза.

**ДУВУЛЛАБ** рвш Тез, бирдан, бараварига, дув. Чиғитлар ердан дувуллаб униб чиқди. — Мастура ҳоланинг кўзларидан дувуллаб ёш оқарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДУГ** с. т. айн. дук 1.

**ДУГОНА** [ф-т] Ўртоқ, дўст (хотин-қизлар ҳақида). Салом менинг азиз дугоналарим, Азим, лобарим, чеварим қизлар. Зулфия. | Шерик, жуфт. Қўқсув билан Оқсув икки дугона дилбар, Икки ёқдан тоғ бағридан ўйноқ-лаб келар. Шайхзода.

**ДУГОҲ** [ф-т] (Д — катта) Шашмақом системасидаги учинчи мақом номи (қ. шашмақом).

**ДУГЧИ** с. т. Дукчи. Менинг отам бўлса дугчи; Кашишоққи, у ёни йўқ. Ойбек, Зумрад.

**ДУД** I [ф-т] Тутун, ис. Пороҳ дуди. — Мамажоннинг димоғига қорачироқ дуди гуп этиб урилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Жанг тингандан сўнж, тилка-пора бўлган ер ҳам, дуд босган осмон ҳам гўё ҳорғин, маънос нафас оларди. Ойбек, Қуёш қораймас. Деворлари ва ишпини қоп-қора дуд босган бу уйга қуёш нуллари кичик бир тўйинқудан тишарди, холос. Ж. Шарипов, Хоразм. Қампир.. ошхона дудида қоқланган ёйишдек қовжираб ётган лобларини тили билан нолаб, хириллаган овоз билан гапирди. Ойдин, Гулсанам.

2 кўчма Ғубор, доғ. Кўзимда ғурбатнинг захарли дуди. Ғ. Ғулум. Гулорнинг кўнглини қолагин ҳасрат дуди тарала бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДУД** II тақл. с. Болалар сурнайнинг овозига ўхшаш товушлар ҳақида.

**ДУДА** [ф-т] Оқ бўзнинг сийрақ тўқилган тури. Дуда паишахона. — Бизда ҳам газламаларнинг турларига исм бор: бўз, дуда, қалами.. ва ҳоказолар. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДУДАМА** [ф-т] 1 сфт Икки томонида дами, тиғи бор. Дудамачи пичоқ. — Пичоқ унча катта эмас,.. инчица ва дудамачи эди. Айний, Эсдалиқлар.

2 от Икки тиғли пичоқ ёки ханжар. Зулайхо орқасига қайтади. Бир неча қадам юриди-ю, дудамачи эслайди. П. Қодиров, Қадрим.

**ДУДБУРОН** [ф-т] Шип ёки девор орқали ташқарига чиқарилган тутун йўли; мўри, мўркон.

**ДУД-ДУД** дуд II с. тақр. Дуд-дуд сурнай чалинди.

**ДУДЛАМОҚ** I Дуд билан ишлов бериб қоқламоқ, сурламоқ (гўшт, қазни ва шу кабиларни).

2 Дуд билан қоқламоқ, исламоқ.

**ДУДЛАНМОҚ** дудламоқ фл. мажҳ. ва ўзл. н. Дудланган қазни. — Пороҳ исми билан дудланган. Қишки сарой тиз чўккан маҳал, Ўқ ялаган юзлал юнун Рус, Тақдирини қилган эди ҳал. С. Акбарий.

**ДУДЛАТМОҚ** дудламоқ фл. орт. н. Гўшт дудлатмоқ.

**ДУДМОЛ** Ҳар хил тушунса бўладиган; мужмал, муҳмал. Дудмол гап. Дудмол қарор. — Тожибой одатиға мувофиқ қисқа, дудмол жавоб берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДУДМОЛЛИК** дудмол с. белги оти. Жавобнинг дудмоллиги.

**ДУДОҚ** кт. I айн. лаб. [Гулнор] Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сезди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Оғиз; тил. Шараф сизга, ёғар миллион дудоқдан кучли олқишлар. Ғ. Ғулум.

**ДУДУЛАМОҚ** с. т. «Дуд-дуд» овоз чиқармоқ. Машина дудулаганича кўздан ғойиб бўлди.

**ДУДУҚ** Баъзи товушларни қийналиб талаффуз этувчи ёки тутялиб гапирувчи. Дудуқ одам.

**ДУДУҚЛАНМОҚ** Баъзи товушларни қийинлик билан талаффуз этмоқ ёки тутилиб гапирмоқ. Мирзакаримбойнинг ранги ўчди, кўз оқлари дахшатли равишда ўйнаб кетди, жаҳлдан дудуқланиб, Гулнорга бақирди: — Сан — санга нима? Аб-аблаҳ. Ойбек, Қутлуғ қон. У [Худойқул] Элмуроднинг сўроқларига дудуқланиб тўймоқ-тўймоқ жавоблар бера бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДУДУҚЛИК** дудуқ с. белги оти. Унинг [Худойқулнинг] дудуқлигини ва ҳовлиқиб гапиролмай қолишини Давлатёр шундай деб таърифлади: — Бу худо қилган соқов эмас, ўртоқ Дўсматов! Мадаминоев шундай қилиб қўйган. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДУДХОНА** [ф-т] Гўшт, қазни дудланган хона.

**ДУК** I [ф-т] Чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган қисми. Ҳар қизнинг олдида. ип ўралган семиз дуклар қаланиб ётипти. Ойбек, Навоий.

**ДУК** II тақл. с. Урилганда чиқадиган бўғиқ овоз ҳақида. Эшик дук этди. Дук этган товуш эшитилди. — [Латиф] челақдан иккинчи ишиани олиб, тағига бир урди-да, Султоннинг олдиға «дук» этказиб қўйди. О. Ёкубов, Ларза.

**ДУК-ДУК** дук II с. тақр. Эшикни дук-дук қоқмоқ. — Ҳасан сўфи тошга қулоғини босиб тинглади. Анча тинглаб ётди. — Дук-дук бор-у... жуда олис. М. Исмоний, Фарғона т. о. Юраги дук-дук урди юраги ўйнади, юраги қаттиқ урди. Эшик очилиши биланоқ Ҳасаннинг юраги дук-дук уриб, ранги оқариб кетди. Ибоҳон, Улуғ кун.

**ДУКИЛЛАМОҚ** I «Дук-дук» этган овоз чиқармоқ. Эшик дукиллаяпти.

2 Ўйнамоқ, тез урмоқ, теймоқ (юрак ҳақида). Қиз этиб, ухлай олмади. Ён-вериди хуррак товушлари эшитилган, у секингина ўрнидан турди, юраги дукиллаб, нафаси тикилганича ташқарига чиқди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДУКИЛЛАТМОҚ** дукилламоқ фл. орт. н. Эшикни бироз дукиллаяпти.

**ДУКҚАК** Ловия, мош каби ўсимликларнинг донни ўраб турувчи икки паллали пўчоғи; кўзоқ. Ловия дуккак чиқарибди. Мош дуккаклари.

**ДУКҚАКЛАМОҚ** Дуккак чиқар-

моқ, дуккак пайдо этмоқ. *Мош дуккак-лабди.*

**ДУККАКЛИ** Дони дуккакларда пишиб етишадиган. *Бошоқли ва дуккакли экинлар.*

**ДУККИПЕШАНА** Дўнг пешана. | Шундай пешанали одам.

**ДУКУР** тақл. с. Дукурлаган овоз ҳақида. *Ҳовлида бир нараса дукур этиб кетди. Дукур этган овоз эшитилди.* ■ *Бошқалар ҳам этиб қулоқ солдилар. Аммо ҳеч ким дукурнинг, қаёқдан келаётганини аниқлай олмади. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Дастурхон йиғиштирилиб, Султонмурод кетмоққа қистаркан, дарвозада отларнинг дукури эшитилди. Ойбек, Навоӣ.*

**ДУКУР-ДУКУР** дукур с. тақр. *Дукур-дукур от қелди, Чиқиб қаранг, ким келди? «Фрльклор». Турсуной ҳеч нарсани кўрмас, юрагининг дукур-дукуридан бошқасини эшитмас. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ДУКУРЛАМОҚ** I «Дук-дук» овоз чиқармоқ. *От оёгининг дукурлаган товуши эшитилди.*

2 Уйнамоқ, тез урмоқ, тепмоқ (юрак ҳақида). *Дарчага яқинлашганида юраси бирдан дукурлаб, эшик олдида тўхтаб қолди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.*

**ДУКУРЛАТМОҚ** дукурламоқ фл. орт. н.

**ДУКУРМА:** дукурма пилла иккита ипак курти бир кафанга ўраган пилла, кўшалок пилла; барака.

**ДУКЧИ** Дук ясовчи уста.

**ДУКЧИЛИК** I дукчи с. касб оти. 2 Бозорда дукчилар дўкони жойлашган раста.

**ДУЛДУЛ** [а] Диний афсоналарга кўра: Мухаммад пайғамбар Ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг лақаби. *Той ўссин, нақ дулдулдай бўлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | кўчма Келишган учқур от. Солибой... ориқ-тўриқ отларни арзон баҳода сотиб олиб, бир оз боқиб, дулдул баҳосида пуллар эди. Е. Шукуров, Қасос.

**ДУМ** [ф-т] I Ҳайвон танасининг чиқарув тешиги теласидан бошланган энг охириги қисми; қуйруқ. *От думи. Итнинг думи. Қаламушининг думи. Сичқон сиғмас инига, ғаливр боғлар думига.* Мақол. — У [ит] думици ликилатди-да Нидоранинг оёғи остига ёта қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Думини хода қилиб 1) думини тикка, юқори кўтариб. — *Сигир бирдан ирғиб ўрнидан туриб, думини хода қилиб бир қочиб берди.* — деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола; 2) кўчма орқасига қарамай, тумтарақай бўлиб. *Қаршисига биринчи қизил аскар чиққанда, ўғри думини хода қилиб қочган. Айний, Дохунда.* I Баъзи ҳашаротлар танасининг кет томонидаги ингичкалашган қисми. *Илоннинг думи.* | Қушлар танасининг кет томонидаги узун патлар. *Хўрознинг думи. Қалдирғочнинг думи.* — *Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи билан.* Мақол. *Думи юлинган мусичадай (ёки товуқ-*

дай) бир ери ёки бир нарсаси етишмагандай, беўхшов. *Бердибой гарчи шаҳардан думи юлинган мусичадай бўлиб келган бўлса ҳам, фалсиз эмас. А. Колирий, Обид кетмон.*

2 Мева, барг ва ш.к.нинг банди. *Дум берган қовун.* — *Бир кун пахта чопиб юрсан, битта қовун жуда ҳам тўри келган, «мени е!» деб дум бериб турибди.* Ф. Гулом, Тирялган мурда. | Сабзавот ўсимликларининг ўсиб турган барги. *Сабзининг думини кесмоқ.*

3 Учин аппаратларининг кет томони. *Бирпадан кейин лагер устида думига каттакон пуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. | Умуман бирор нарсанинг кети, охири. *Юлдузнинг думи. Қанча машиналар қаторлашиб ўтди, ҳали думи кўринмайди.*

4 кўчма Доим бировга эргашиб юрадиган; шотир. *Абдурашул Тожибойнинг мажлисда ўз тарафини оладиган думлар тўғрисида бошлаганини гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пролетариат революцияда либерал буржуазиянинг.. думи эмас, балки, илғор курашчидир.* В. И. Ленин, Қим кадетлар билан иттифоқ тарафдори?

5 кўчма с. т. Қарз, топширилмаган имтиҳон. *Унинг математикадан думи бор.*

◆ **Думи хуржун** (ёки хуржунда) нотайин, тағи-туғи йўқ, чатоқ ёки чала-чулпа. *Думи хуржун гап. Думи хуржун иш.* *Думи тугилди* ишдан бўшатилади, ҳайдалди. [*Розиқ сўфи*] *бир магазинга кечки қоровул бўлиб олган эди. Ундан ҳам ишқал чиқариб, думи тугилди.* С. Абдулла, Соялар. **Думини босмоқ** ғашига тегмоқ. *Идорада, иш устида, иш юзасидан гапирёттирман. Думингизни босганим йўқ.* А. Қаххор, Сароб. **Думини тугмоқ** бўшатиб, ҳайдаб юбормоқ. **Думини тутқазмаслик** (ёки ушлатмаслик) ҳеч кўринмай, йўлиқмай қочиб юрмоқ. *Ғаффор кўрбоши думини тутқазмасга, ўзини ютқизмасга уринди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

**ДУМА** [р] тақр. Чор Россиясида турли марказий ва маҳаллий органлар номи. *Давлат думаси. Шаҳар думаси.*

**ДУМАЛАМОҚ** с. т. Юмаламоқ.

**ДУМАЛОҚ** с. т. Юмалоқ.

**ДУМАЛОҚЛАМОҚ** с. т. Юмалоқламоқ.

**ДУМАХОНА** [р+ф-т] тақр. Дума идораси, дума маҳкамаси. — *Ҳали, — деди Ўрмон полвон, — Россияда подшоҳ йўқ, ҳукумат ишини думахонадан қўйилган Миллюков билан Керенскийдай бир неча киши бажармоқда.* Айний, Қуллар.

**ДУМБА** [ф-т] I Баъзи қўйларнинг кет томонидан сон билан бел ўртасида ўсган ёғ қисми. *Раъно томорқада думбаси серкиллаган, жингалак юнгли кўйичоқларга майса юлиб бераётган эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Қўйнинг шундай қисмидан чиққан

ёғ. *Думба тўғрамоқ. Думба эритмоқ. Эртаги думбадан бугунги шалҳак яхши.* Мақол. — *Қайнананинг маслаҳати билан докага думба ўраб, чақалоққа сўрдиришди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

2 Одам танасининг сон билан бел ўртасидаги юшмоқ орқа қисми. *Думбага укол қилмоқ.*

**ДУМБАДОР** [ф-т] Думбаси ўсган, думбаси катта. *Думбадор қўй.*

**ДУМБА-ЖИГАР** Думба ёғи ва жигардан тайёрланган овқат. *Заргаров яқин бир ой бўлади, чоракам бир литр ҳушбўй винони думба-жигар билан ичгани билан юрар эди.* А. Қаххор, Ужар.

**ДУМБАЛИ** I Думбаси бор. *Думбали қўй.* — *Шербекнинг вазифаси ҳам майин жунли, ҳам думбали дурагайлар урчишидан иборат.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 айн. думбадор.

3 Думба тўғраб солинган. *Думбали сомса.*

**ДУМБАЛОҚ:** думбалоқ ошмоқ айн. умбалоқ ошмоқ қ. умбалоқ. *Ўртага қилтириқ бир бола чиқди ва ҳавода чир айланиб, думбалоқ ошиб сакраб, ҳаммага таъзим қилади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ДУМБУЛ** [ф-т] I Таъм кириб қолган, лекни етлиб пишмаган (мева ҳақида). *Ҳали думбул шафтолиларнинг шоҳлари ерда.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ҳали қотмаган, сутми-қатиқ бўлиб қолган (дон ҳақида). *Думбул жўхори.* — *Бир танобна ерга жўхори экилса, думбул бўлмасдан тамом бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Ақли камроқ, тентакнамо, девонасифат. *Думбул одам. Думбул табиат киши.*

4 Ҳаёт тажрибаси бўлмаган; хом, гўр. — *Ўқинша ҳафсала қоладими? — Ҳафсала-ку бор-а, — деди Холдор нималарнидир эслаб, — аммо йўлаб қарасам, думбул эканман, пишсуничма шоширманг.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ДУМДОР** [ф-т] I Думи бор, думли. *Равшанбек қараса, бир одам ёлдор, думдор бир жийрон отни йўғрасига солиб селкилаб, ҳа деб йўғралатади.* «Равшан».

2 кўчма Мухмал, нотайин (гап ҳақида). *Думдор гап. Думдор қилиб гапирмоқ.*

**ДУМ-ДУМАЛОҚ** с. т. Юм-юмалоқ.

**ДУМЛИ** Думи бор. *Узун думли от.*

**ДУМЛИ** юлдуз с. т. Комета.

**ДУМЧА** I дум 1—4 с. кичр. *Наби полвон қиздирилган тамғанинг думчасидан омбир билан қисиб туриб, уни Некқаданинг билагига босди.* Айний, Қуллар.

**ДУМЧА** II диал. Хумчасимон дастасиз кичкина идиш. *Кўзани чигирининг думчаларига тутиб тўлатди ва қизга узатди.* Ойдин, Гулсанам.

**ДУМЧИЛИК** нафр. Принципсизлик билан бирор маслак, йўл, оқим ва ш.к.-

га эргашиш, *Ғоявий думчилик*. — *Ўзини партия аъзоси деб ҳис қилган пролетар тактика масалаларидаги думчиликни қандай нафрат билан рад қилган бўлса, ташкилий масалалардаги думчиликни ҳам шундай нафрат билан рад қилади*. В. И. Ленин, Бир қадам олға, икки қадам орқага.

**ДУМҒАЗА 1** Қушларнинг дум патлари ўсиб чиқадиган бўғим-бўғим суяги. | Одам ва ҳайвонларнинг умуртқа охиридаги бўғим-бўғим думчага ўхшаш суяги.

2 Қўйнинг шундай суягига ёпишган гўшти. || *Думгаза шўвра*.

**ДУНЁ 1** [a] 1 Коннот, олам.

2 Борлиқнинг, мавжудотнинг айрим бўлаклари. *Юлдузлар дунёси*.

3 Жонли табиатнинг айрим қисми, улар яшайдиган муҳит. *Ҳайвонот дунёси*. *Усимликлар дунёси*.

4 Атрофимизни ўраб турган бутун мавжудот, олам, жаҳон. *Торға — тор дунё, кенга — кенг дунё*. Мақол. — [Отабек] *туш кўрар эди*; [у]. дармонсизланган ва ханжари қўлидан тушган эди.. *Дунёни қоронғилик босган эмиш*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Ер юзи ва ундаги барча одамлар. *Ўзбек пахтакорининг доврўғи дунёга таралди*. *Космонавтиримиз жасоратиша дунё таҳсини ўқимокда*. | Ер юзи ва ундаги барча қитъалар, мамлакатлар. *Сайр этиб, қидириб, дунёни кезиб, Сўз айтиб Москвада юрган Жамбулдир*. Фозил шоир. [Ҳайдар ота:] *Агар биров менга «қолган умрингни дунёни саёҳат қилиб ўтказасанми?» деса, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан шу супани берақол дер эдим*. А. Қаххор, Асрор бобо.

6 Ҳаёт, тириклик. *Дунё ишлари*. *Бу дунё ўтар-кетар, юзи қоралик қолар*. Мақол. — [Тўлаxon ўз-ўзига:] *Ҳар ким бу дунёда ўзига ўзи бек, ўзига жафокор*. Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бу дунёда ўйнаб олганинг қолди*. И. Раҳим, Чин мухаббат. [Ғофир ҳокима:] *Наинки дунёда, адалат, ҳақиқат деган нарса шунчалар оёқ ости қилинса!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Мен сенга боя ҳам айтдим: кишининг дунёда дўсти йўқ*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Беш кунлик дунё** ўткинчи дунё, қисқа умр. *Умр қисқа, бешкунлик дунёда завқ суриш ғанимат*. Ойбек, Қутлуғ қон. **Дунёни кўтир ёки кўтир дунё** ҳар хил ходисалар (яхшилик, ёмонлик, мўдчилик, камчилик ва ш.к.) билан тўлган олам. *Тавба хўп аломат одамда*. *Бу кўтир дунёда шунақа одамхўрлар борлигига ҳеч ақлим етмайди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ёруғ дунё қ**. Ёруғ. *Икки дунё айн. у дунё — бу дунё*. *Одамларнинг «ҳар икки дунёси» учун ҳам гўё жонқуярлик қилган бу худо вакили [Захкаўз] хуржунини тўладириб шаҳарга борганда асл башарасини кўрсатар эди*. П. Турсун, Ўқитувчи. **У (нариги) дунё дин**. гўё кишилар ўлғач, яна тирилиб, абадий яшайдиган, илоҳий дунё. *У дунёда шунча*

*нарса бўлса ҳам, ҳеч ким бу дунёдан кеткиси келмайди*-я. П. Турсун, Ўқитувчи. **У дунё — бу дунё 1)** ҳар икки дунё, ҳозирги мавжуд дунё ва нариги — илоҳий дунё. [Волидамиз:] *У дунё — бу дунё мени рози қилман десанг, шу хотинни рози қил!.. дедилар*. А. Қаххор, Қўшчинор; 2) асло, сира ҳам, ҳеч қачон. *Вася Тюминга «хайр энди, ука, бу қилган яхшилигинг у дунёю бу дунё эсимдан чиқмайди», — дедим*. А. Қаххор, Қўшчинор. **Дунё юзини кўрмоқ** туғилмоқ, дунёга келмоқ. *Сен дунё юзини кўриб, чақалоқ овозинг жаранлаган кун содда қишлоқ хотинлари билан уйимизда кичкина бир тўй ясар эдик*. Ойбек, Қутлуғ қон. **Дунёдан ўтмоқ ўлмоқ**, вафот этмоқ. — [Азизбой:] *Нима гап*. — [Мақсуд:] *Яланғитининг отаси дунёдан ўтди*. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

7 *Кўлма* Кишининг маънавий ҳаёти, бойлиги. *Болалар дунёси*. — *Шу йўғин, қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига ўзатиб, мажлисдан тарқалдилар*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шербекнинг дунёси бўм-бўш, ҳувиллаб қолгандек туюлди*. *Нигорасиз турмушида ҳаловат бўлармиди!* С. Анорбоев, Оқсой. *Шу биргина сўз унинг [Мадумарнинг] бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида ахс эттирган эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 Диний тушунчадаги нариги оламга нисбатан бу, яшаб турганимиз олам. *Дунёга келмоқ*. *Дунёга киши бир келди*. — *Моҳирабонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, тўғичи — Азимбек, ундан кейингиси — Хушрўй, учинчиси — Қаримбек ва тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Маълум бир ижтимоий тузум, маданият ва социал-тарихий белгилари билан бирлашган кишилик жамияти. *Қадимги дунё*. *Капитализм дунёси*. *Социализм дунё*. *Янги дунё*. — *Мен янги дунёда туғилиб, янги дунёда татлим олдим*. *Шунинг учун тилим ҳам, дилим ҳам вур*. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Бир дунё** жуда кўп, беадад кўп. *Оҳ, дадажон, мен шўрли қариган чоғингизда сизга бир дунё ташвиш бўлдим, — деди Эъвозхон*. Х. Фулом, Машъал. **Дунё кў** Сан турмуш тажрибаларига эга, ҳаётнинг борди-келдисини кўрган. **Дунёга устун бўлармидинг** «умр қисқа, абадий яшамайсанку» деган маънони ифодалайдиган ибора. **Дунё тургунча туринг** (ёки **турсинлар**) узоқ умр кўринг. **Икки дунё бир қадам писанд эмас**, ҳеч гап эмас (кўпинча масофа ҳақида). *Сайёқ учун икки дунё бир қадам*. Ойбек, Қутлуғ қон. **Икки дунёда сира ҳам, асло, ҳеч**. — *Мен у билан икки дунёда чиқши олмайман.. деди Тожибой*. П. Турсун, Ўқитувчи. **Дунёни сув босса**, тўпнидан келмайди (ёки тўпнига чиқмайди) беғам, парвойи фалак, ҳеч нарсдан ташвиши йўқ киши ҳақида. *Бу одамлар тўрт ишкали бут, дунёни сув босса, тўпни-*

*рига чиқмайдиган.. кишилардай бамайлихотир, ҳузур қилиб қулишарди*. А. Қаххор, Қўшчинор. **Дунёни танниган ёки дунёдан хабардор** кўпни кўрган, кўп билладиган, билимли.

**ДУНЁ 11** [a] Бойлик, давлат. [Жамила Хонзодага:] *Йўқ, аяжон, йўқ*. *Қўнглингизни тўқ тутинг*. *Ҳеч қандай мерос, мол [тавқидлаб] дунё менга керак эмас*. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДУНЁВИЙ** [a] Дунёга, ҳаётга оид, ҳаётний. *Дунёвий ишлар*. **ДУНЁВИЙ** илмлар илоҳий бўлмаган (дунёга, борлиққа оид) илмлар.

**ДУНЁДОР** [a+ф-т] Дунёси, мол-мулки кўп, бой, бадавлат. *Баъзи ерпул — катта дунёдор кўпас бойлар узоқ юртларга ўз гумашталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди*. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ДУНЁ-ДУНЁ** Жуда кўп, беадад, беадад. *Сизга биздан дунё-дунё салом*. *Дунё-дунё умидлар*. — *Ер узра тушиб Бунёд, Бўлиб дунё-дунё шод*. Х. Олмжон

**ДУНЁЛАРЧА** рвш Бениҳоят кўп, беадад; дунё-дунё. *Албатта Юсуфбек ҳожига бу ваъдаларнинг ҳеч аҳамияти йўқ, фақат у ўғлининг соғлигини билса...* — *унинг учун дунёларча мартаба ва ҳурмат эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДУНЁПАРАСТ** [ф-т] Дунёни, давлатни, бойлиқни жуда ҳам яхши кўрадиган, дунё йиғишга, бойишга уч, очкўз. **Дунёпараст одам**. — **Иттифокнинг нима эканини билмаган дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.**

**ДУНЁҚАРАШ** Объектив воқеликка, ҳаётга, уларнинг айрим воқеа-ҳодисаларига бўлган қарашлар системаси. **Марксистик дунёқараш**. — **Диалектик материализм коммунистик партиянинг дунёқарашини, коммунистик жамият барпо этишни ишчи ҳамда деҳқонларнинг, барча халқларнинг ўтқир назарий қуролидир. Диалектик материализм масалалари.**

**ДУО** [a] 1 дин. *Худоба ёлвориб, унга илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун тилак, тилаш*. *Қўнчиликнинг дуоси кўл бўлур*. Мақол. — *Дуодан сўнг Отабек тўриқ йўғрасини чиқариб, қутидорга тутди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дуода бўл, омон-эсон келаман ва соғ-саломат эл-юртимни кўраман*. «Муродхон». [Адолат:] *Худоб худовандо, қизларимни ўз паноҳинда асраган! — деб дуо қилди*. Х. Фулом, Машъал. **Дуойи бад ёки бад дуо** кимсага ёмонлик тилаб қилинган дуо, қарғиш. **Дуойи хайр** кимсага яхшилик тилаб қилинган дуо. **Дуойи жон кимсага умр ва яхшилик тилаб қилинган дуо**. **Доим сизнинг дуоиди жонингизда**. — *2 дин*. Фотиҳада ўқиладиган қуръон сураси. *Марияга дарров .. мусул-*



монча кийим кийдирдилар, намозни, ҳар хил дуоларни ўқишга ўргатдилар. Ойбек, Кутлуғ қон. | Инс-жинсларни қайтарниш, кимсани кимсага иситиш ва ш.к. учун азайимхонлар, дуохонлар томонидан ўқиладиган ёки тумор ва ш.к.га ёзиб бериладиган хат. Ўзбек оймнинг мияси айнадимми, ёки.. сеҳрчи ҳиндунинг дуоси асар қилдимми, ҳар нуҷук уч йиллик адоватлар ва гина-қудуратлар барчаси ҳам аллақайққа қараб учиб кетдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Умуман кимсага тиланадиган яхшилиқлар, яхши ниятлар. *Олтин олма, дуо ол.* Мақол. **Дуойи** салом салом ва яхши тилаклар ёзилган хат, мактуб. *Уғлингиз сизга бир дуойи салом юборган эди. Дуо демоқ (ёки айтмоқ)* салом демоқ, салом айтиб қўймоқ. *Холамга дуо деб қўй, қизим..— деди Тўхта хола.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДУОГУЙ** [a+ф-т] 1 Дуо ўқувчи, бирор тилак билан худого ёлворувчи. 2 *кўчма* Кимсага яхшилиқлар тилоччи; меҳрибон. *Яшасин дуогўй оналаримиз, Уруш қайирмасин оталар белин.* С. Акбарӣ.

**ДУОХОН** [a+ф-т] 1 *айн.* дуогўй 1. 2 Дуолар ўқиб ёки ёзиб гўё инс-жинсларни қайтарувчи, шу йўл билан касалларни тузатишни даъво этувчи домла. | Иссиқ-совуқчи, азайимхон. — *Мен шу вақтгана дуохондан ҳеч шифо топмаганман..— деди Қаландар деган банди.* Айний, Дохунда.

**ДУП** тақл. с. Бирор нарсанинг ерга ёки ичи пўк нарсага урилишидан чиқадиган товушлар ҳақида. *Бир нарса дуп этди. Дуп этган овоз эшитилди.*

**ДУП-ДУП** дуп с. тақр. *Ойша хола зарда билан дуп-дуп юриб бораркан, бирдан эшик олдида турган, икки кўзи тўла.. қизил жун хуржунни кўрди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДУПОЯ** [ф-т] Ямоқчи усталарнинг учи қайрилган темир асбоби.

**ДУПНА-ДУРУСТ** дуруст с. инт. *Дупна-дуруст тўппи.* || *Дупна-дуруст ёзаяпти.* — *Мен шу машинада дупна-дуруст пахта териб берган механик-ҳайдовчиларни биламан.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ДУПУР** тақл. с. Дупурлаган товуш ҳақида. *Осойишта ширин суҳбатни от дупури бузди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ғулумжон юрак дупурини, ҳаяжонини босишга тиришар эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ДУПУР-ДУПУР** дупур с. тақр. *Адолат аризани тўрт буклаб Иннага узатаётган эди, юзуриб келаётган кишининг дупур-дупур оёқ товушлари эшитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Дупур-дупур оёқ бос, Ерлар титратиб, Душман сари йўлга бос Отлар йўнатиб!* Ҳамза.

**ДУПУРЛАМОҚ** «Дупур-дупур» овоз бермоқ; дукурламоқ. *Дупурлаб юрмоқ. Юрагим дупурлаб уралапти.*

**ДУПУРЛАТМОҚ** дупурламоқ *фл. орт. н.*

**ДУР** [a] 1 Инжунинг, гавҳарнинг йирик тури. *Қамбаржон.. шаҳзодалик либосларини ташлаб, бир қаландарга бир дона дур бериб, унинг жандасини олиб кийди.* «Орзи билан Қамбар». Унинг [Лағлинин] бўйиндаги қатор-қатор дурлар, марваридлар тизмаси кўзгуга тушиб турган қизғиш шўълада ярқ-ярқ товланади. Ҳ. Ғулум, Машъал. *Дев шохнинг қизига.. «Сенга даркор бўлар» деб, дурри жавҳарлар, қиммат-баҳо тошлардан берди.* «Муродхон». *Дурри маржон дурдан тизилган маржон.*

2 *кўчма* Бебаҳо ёки энг яхши, аъло, сара нарсалар ҳақида. | *поэт.* Қийматли, сермазмун, маъноси чуқур (сўз, шеър ҳақида). *Мен.. Навоий «Хамса»сининг сарғиш саҳифаларига қараб олиб йиғлардим, кўз ёшларим тўкилиб, Навоий терган дурларга қоршиарди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Олтин пиллада боллар ичилар, Сўз сўзласа, дурри гавҳар сочилар.* «Ёдгор».

**ДУРАГАЙ** Дурагайлаш йўли билан вужудга келган, чапишган; гибрид (ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида). *Дурагай қўй. Дурагай олма. Дурагай ипак қурт уруғи.* — Шербек *дурагай қўзининг орқа томонидан сеъдирмасдан борди-да, маҳкам ушлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ДУРАГАЙЛАМОҚ** Зоти, тури бошқа-бошқа икки хил ҳайвон ёки ўсимликни бир-бирига чапиштирмоқ, улардан янги бир нав етиштирмоқ.

**ДУРАГАЙЛАНМОҚ** дурагайламоқ *фл. мажҳ. н.*

**ДУРАДГОР** [ф-т] Ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюмлар ясовчи хунарманд, уста. *Ромсоз дурадгор. Сандиқсоз дурадгор.*

**ДУРАДГОРЛИК** дурадгор с. касб оти. *Дурадгорлик ишлари. Дурадгорлик қилмоқ.* — У [Сандумархўжа], ери кам бўлгани учун қариндошлари каби тўқимачилик ва дурадгорлик хунарлари билан ҳам машғул бўлган. Айний, Эсдалиқлар.

**ДУРАДГОРЧИЛИК** с. т. Дурадгорлик.

**ДУРАЛЮМИН** [р дюралюминий] Алюминий, мис мағнийнинг энгил ва қаттиқ қоришмаси. *Дуралюмин идиш.*

**ДУРАНГ** I [ф-т] Шаҳмат, шашка, футбол, карта ва ш.к. нарсаларнинг икки томон тенг келиб галабасиз тугалланиши. *Уйин дуранг бўлди.— Майли, — деди Ойша хола,— бу гал дуранг бўлибмиз, кузда ажрим қиламиз. Мўлжал ҳар қутидан [қурт уруғидан] 120 [килограммдан].* А. Мираҳмедов, Ут юраклар.

**ДУРАНГ** II [ф-т] Маҳси ёки этикнинг чокига кўпинча икки хил ранг, ип ёки ипак билан тикилган гулли ҳошия, уқа. *Ҳаккам дуранг этик, Олифта, сатанг, тетик, Яғрин ташлаб, ҳайқириб, Утганларга кўрсатиб.* Ғ. Ғулум.

**ДУРАФШОН** [ф-т] *поэт.* Дурдек ялтираб турадиган. *Урта Осийнинг қай-*

*рилма қоши, Бири — Амударё, бири— Сирдарё. Ялт-ялт тебранди тубида тоши, Ёқут янглиғ ёки дурафшон гўё.* Т. Тўла.

**ДУРАЯ** с. т. Дурўя. *Дурая рўмол.* **ДУРБИН** [ф-т] Узоқни яқин ва катта қилиб кўрсатадиган асбоб; бинокль. *Командир дурбинни кўзга тутиб, ҳар томонга қаради. Айний, Қуллар. Қарасам, қайнатамизнинг боққа чиқадиган даричалари ишқом ичидан менга рўпара экан — худди дурбиндан қарагандай тўппа-тўғри кўриниб турибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДУРДА** [ф-т] 1 Мураббо, қиём, шинни ва ш.к.нинг бетида ҳосил бўладиган қумоқ-қумоқ парда. *Мураббо дурда боғлабди.*

2 Куйқум, қуйқа, лойқа. *Шинни дурдаси.*

**ДУР-ДАРОЗ** [ф-т], дуру дароз Узундан узоқ, чўзиқ. *Дур-дароз гаплар. Дур-дароз музокаралар.*

**ДУРДОНА** [ф-т] 1 Дурнинг сараси; йирик ва тоза инжу. | *кўчма* *поэт.* Дур каби тоза, оппоқ. *Лаби лаълу, тиши дурдона эрди, Қи, кўрсанг турфа бир жонона эрди.* Сайёдий.

2 *кўчма* Бебаҳо, қийматли, қадрли нарса ҳақида. *Бизнинг Ватан — чин онамиз. Кўз нуримиз — дурдонамиз.* С. Абдулла.

3 *сфт, кўчма* Чуқур мазмунли, қимматли. *Дурдона асар. Дурдона сўзлар.* — *Куйла созим, юрагим, шеърим. Бахт китобин қилми тарона. Замирида ҳуқуқ, эрк, номус, Ҳар бир сатри олмос, дурдона.* Ғайратий.

**ДУРКУН** Бўлиқ, тўла, гавдали. *Тансиқ юзи кенг, лўппи, бодомқовоқ ва ёшига нисбатан дуркун қиз — Дилшодни мақтади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДУРРА(ЧА)** [ф-т] Аёллар ўрайдиган кичик рўмол. *Ипак дурра(ча).* — *Аёлнинг эғнида чит қўйлақ.. бошида чит дурра.* С. Зуннунова, Гулхан. *[Жувон] уйга яқинлашганда бошидаги дуррачасини тузатди, қўлидаги туғунчани ерга қўйди .. Ойдин, Эр юрак.*

**ДУРУСТ** [ф-т] 1 Яхши, тузук. *Дуруст одам.* — *Ҳар қанча бой бўлмасин, олди-кечи тўла набира бўлган чолга дуруст оила қиз берадимиз?* Ойбек, Кутлуғ қон. || *Сидиқжон тушки дам олишдан кейин кечгача хийла дуруст ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || *Хотининг бунча феъли тез экан, [болани] олиб кетмагани ҳам дуруст.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || *Соғ, соғ-саломат. Қанизакни кўрдингми, дурустми, кўзига зиён қилмаптимиз?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Қасалхонада даволаниб, дуруст бўлиб қолдим.* | *Мўл, кўп. Бу йил олинган ҳосил дуруст. У дуруст ойлик олади.*

2 Муносабати яқин, жойида, қалин, иттифоқ. *Уста Турдиали худо билан дуруст эди, уч ярим яшар қизчаси ўлди-ю, ораси бузилди.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.



3 кесим вазифасида Хўп, майли. — Эртага кел, тузукми? — Дуруст.

4 кириш с. Тўғри, фараз қилайлик, шундай ҳам дейлик. Дуруст, сен самолёт ясолмайсан, кетмон чополмайсан.. Лекин қиламан десанг, қўлингдан ши келади. А. Қаххор, Асрор бобо. Кўдрат вазмин гапирди: — Дуруст, мен гапингизга ишонаман, лекин ановларни ишонтириш учун кучли далил керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДУРУСТЛАМОҚ** Дуруст холга келтирмоқ, яхшиламоқ, тузатмоқ. Мен бу гапга дурустлаб ўйламадан жавоб беролмайман. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДУРУСТАЛАНМОҚ** дурустламоқ *фл. мажх.* ва ўзл. н. Бемор анча дурастланиб қолади.

**ДУРУСТАЛАШМОҚ** 1 дурустламоқ *фл. бирг. н.*

2 Дуруст бўлиб қолмоқ, яхшиланмоқ. Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озаиди, нафас олиши ҳам аста-аста дурустлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДУРУСТЛИК** дуруст с. белги оти. Дурустлиги шуки, ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам чаққонгина доктор экан. А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**ДУРУҒ** [ф-т] *кт. айн.* ёлғон. Дуруғ гап.|| Дуруғ айтмоқ 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; 2) янглиш айтмоқ. Мен дуруғ айтган бўлсам, китоб сўзига амал қилдим-да, икки мўминни битиштириш учун сўзладим-да! А. Қодирий, Мехробдан чаён

**ДУРФИШОН** [ф-т] *айн.* дурафшон. **ДУРҒУЯ** [ф-т] Маҳаллий ипак маталарининг икки томони бир хил қилиб тўқилган тури.|| Дуруғя рўюл.

**ДУТО** [ф-т] *позт.* Эгилган, букилган, ҳам бўлган. Дуто қад. — Мушибат остида рост қомати дуто кўринур. С. Абдулла. Хотин-қиз элбас дарду бало паранжи, Шамшод қадларини қилди дуто паранжи. Ф. Фулом.

**ДУТОР** [ф-т] Дастаси узун, икки торли, чертиб чалинадиган музыка асбоби. Дотор чалмоқ. Дотор ипи. — Дотор товуши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек бўлиб эшитилар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДУТОРБЎЙИН** Бўйини узун ва хушбичим (асосан от ҳақида). Доторбўйин араби отлар, «Чу», деса бир қирдан ҳатлар. «Равшан».

**ДУТОРЧИ** 1 Дотор чалувчи созанда. Доторчи доторнинг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди. А. Қаххор, Қанотсиз читтак.

2 Дотор ясовчи уста.

**ДУХОБА** Орқаси ип, юзи текис ва қалин ипак туқлар билан қопланган мато; бахмал, бархит. Қизил духоба. Қора духоба.|| Духоба кўрна. — Мошранг духоба дўппили, тўққиз-ўн яшар чиройликкина бола — болаларнинг каттаси эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Чий духоба қ. чий. Гижим духоба қ. гижим 1.

**ДУХОВКА** [р] Ошхона плитаси ичига ўрнатилган, қиздириб турли таомлар пишириладиган махсус тунука кути. Духовкада пирог пиширмоқ.

**ДУХОВОЙ** [р]: *духовой оркестр* пуфлаб чалинадиган музыка асбоблари оркестри. *Пешинга яқин духовой оркестр ҳам келди, мактаб саҳнасида ўйноқи машқларини дам-бадам гумбурлата бошлади.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ДУЧ**: дуч келмоқ (ёки бўлмоқ) 1) учрашмоқ, тўқнашмоқ. *Поездимиз Туркистонда Москва поезде билан дуч келди;* 2) учрамоқ, рўбарў келмоқ, юзма-юз келмоқ. *Жажжи қиз Мамакатни кўтариб келаётган Боисжон ҳовлида онасига дуч келди.* Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши; 3) учрамоқ, йўлиқмоқ; гирифтор бўлмоқ. *Ботирали бу ерда катта қийинчиликларга дуч келди.* С. Аҳмад, Хукм. *Дуч келган одам учраган ҳар қандай одам. Дуч келган жойда тўғри келган жойда, ҳар ерда. Дуч келган жойда тўхтамоқ* (тўхтаб қолмоқ).

**ДУЧОР** [ф-т]: дучор бўлмоқ 1) учрамоқ, учрашмоқ, юзма-юз келмоқ. Шўри қуриган сенга дучор бўлади. «Алпоминш»; 2) гирифтор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Бош оғриғига дучор бўлдим.* Балоза дучор бўл! (қарғ). — Сен билмай узоқ элдан келибсан; Келиб, ёнган ўтга дучор бўлибсан. «Ширин билан Шакар».

**ДУШ** [р < фр] 1 Ювиниш ёки давланиш учун сувни майда тешиклардан ёмғирдай ёғдириб берадиган қурилма. Душ остида ювинмоқ. *Врач унга ўн душ буюрди.*

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона. Душга кирмоқ.

**ДУШАНБА** [ф-т] Ҳафтанинг биринчи кун, яқшанбадан кейинги, сешанбадан олдинги кун. [Отабек] душанба кун кечаси бир эмас, уч душман билан кураш тўғрисидагина ўйлар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ДУШВОР** [ф-т] Қийин, мушкул, оғир. Душвор иш. — Нечоголик бу курашлар бўлса душвор, Бажаргаймиз зафар бизлар билан ёр. Ҳабибий.

**ДУШМАН** [ф-т] 1 Дунёқараш, манфаатлари, ғоялари бир-бирига қарама-қарши бўлган, зид. *Ғоявий душман.* Синфий душман. — [Шарофат Сидиқжонга:] *Озодлик душман!*.. Мени хотин қилмайдиган бўлсанг, жавобимни бер! А. Қаххор, Қўшчинор. | Бир-бирига ёмонлик истовчи, ёмонлик қилувчи, бири-бирини кўролмовчи; ғаним, ағёр, рақиб. *Дўст ачитиб гапирди, душман — кулдириб.* Мақол. Душманининг қулгани, сирингни билгани. Мақол. Тикон заҳри учида, душман заҳри ичида. Мақол. — Рақибларга, душманларга йўл очиб берган шу онанинг орзуси эмасми? А. Қодирий, Утган кунлар. Оббо.. Душманларим ташқарида десам, ичимда ҳам бор экан-ку. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 ҳарб. Урушда ўзаро жанг қилувчи,

бир-бирига қарши уруш эълон қилган томонлардан ҳар бири; ёв. *Полк мудофаа қилиб ётган район устида душманинг неча юзлаб самолёти қайта-қайта пайдо бўлиб, беҳисоб бомба ёғдириди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

3 кўчма Кишига ва умуман бирор нарсага зарар келтирувчи кимса, нарса, ҳодиса. *Ёвовой ўт — ҳосилнинг душмани.* Жаҳл — душман, ақл — дўст. Мақол. *Сўнги душман — ўзингга душман.* Мақол. — Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. *Наҳот киши ўз мулкига ўзи душман бўлса!* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ДУШМАНЛАШМОҚ** Бир-бирига ғаним, душман бўлиб қолмоқ.

**ДУШМАНЛИК** 1 душман с. белги оти. Нури бу оилага тушган, уч кун утар-ўтмас икки қайнама — кундошлар орасидаги душманликни сезди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Душманларча иш, хатти-харакат. Душманлик кўрсатмоқ. Душманлик қилмоқ.

**ДУШМАНЧИЛИК** *айн.* душманлик 2. Ораларида душманчилик пайдо бўлди.

**ДУШХОНА** [р+ф-т] Душ ўрнатилган хона. Душхона кўрмоқ.

**ДУЭЛЬ** [р < фр] Икки шахснинг ор-номус талашиб маълум шартлар асосида яккама-якка қиличбозлик қилиши ёки отишуви. Дуэла чикмоқ.

**ДУЭТ** [р < итал] муз. 1 Икки музика асбоби ёки икки хил овоз билан ижро этиладиган музыка асари.

2 Шундай асарни ижро этувчи икки созанда ёки навозанда.

**ДЮЖИНА** [р] Ўн икки дона (бир хилдаги нарсалар ҳақида). *Бир дюжина қошиқ.* — *Майхонанинг панароқ бир бурчагига ўттириб, Саидий бир дюжина пиво буюрди.* А. Қаххор, Саароб.

**ДЮЙМ** [р < голл] Эски Россияда ва hozir Англияда: 25,4 миллиметрга тенг узунлик ўлчови.

**ДЮЙМЛИК** Дюйм узунлигидаги, дюймга тенг. *Бир дюймлик тахта* (қалинлиги бир дюйм тахта).

**ДУЖНА** с. т. Дюжина.

**ДУЗАНДА** [ф-т] Игна билан тикувчи (машиначи, пойафзалдўз ва ш.к.) [Унинг] *йиғирматадан кўпроқ дўзандаси бор эди.* Уларга ҳар бир этик учун бир сўм.. берани ҳолда, ўзи ҳар бир этикдан ўн-ўн беш сўм фойда ачири эди. Айний, Куллар.

**ДУЗАНДАЛИК** дўзанда с. касб оти. *Қасби дўзандалик.* Дўзандалик қилмоқ.

**ДУЗАХ** [ф-т] 1 Диний тасаввурларда: ўлган «гуноҳкор» бандалар «нариги дунё»да абадий азобланадиган жой; жаҳаннам. *Насриддин Афандидан Амир Темура сўрапти: одамларнинг туғилиши ва ўлиши қачонгача давом қилади?.. Афанди жавоб берипти: — Дўзах билан жаннат тўлеунча.* «Латифалар».

Ишқ ўти тушса юракка, Дўзах ўтидин ёмон. «Фольклор».

2 кўча Кишини ортиқ азоб-укубат ва мушкул аҳволга солувчи оғир шароит, муҳит, ҳол. Яхши рўзгор — жаннат, ёмон рўзгор — дўзах. Мақол. — Эси бўлса, гўлдек ёллимни шу дўзахда зое қиладими одам боласи: чанг, чивин, офат, иллат, касал. А. Мухтор, Туғилиш.

**ДҶЗАХИ** [ф-т] 1 дин. Дўзахга маҳкум, дўзахга тушадиган гуноҳкор. 2 кўча. Ёмон, бадфёъл киши ҳақида. — *Ие, яхши танаймиз у кишини. — Бўлмаса, уста Баҳром ўша дўзахнинг божаси бўлади.* М. Исмоилов, Фарғона т. о. — *Қуриб кеткур анови дўзахи калмир қилган бу ишни. — деди Гулнор жиғибийрон бўлиб.* С. Зунунова, Гулхан.

**ДҶКАЙ** с. т. Бирор жой, ташкилот ва ш.к.нинг катталаридан, қазоларидан ҳисобланадиган; кузир. *Маҳалла дўқайлари.*

**ДҶКОН** [а] 1 Бирор нарса сотиш учун махсус жиҳозланган савдо қорхонаси; магазинча. Баққон дўқони, Қитоб дўқони. Кооператив дўқони. Дўқон мудури. — *Амакингишнинг дўқонига яхши шоҳилар, бахмаллар келибди, олмайсизми? Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

2 Хунармандларнинг ишхонаси. *Темирчи дўқони. Бўёқчи дўқони.* — [Мулла Обид] *тинчимайди: гузарда ямоқчилик дўқони очиб, ҳам ўзининг, ҳам қишлоқнинг эҳтиёжини ўтаб туради.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Бўтабой ҳам икки кунда тақачилик дўқонини тиклади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Хунармандларнинг иш қиладиган дастгоҳи; станок. *Тўқув дўқони.* — *Илгариги мусиқамиз билан ҳозирги сирасида бўз дўқони билан чит фабрикаси орасидагича фарқ бор.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДҶКОН-ДАСТГОҲ** Қоснларнинг дўқон ва дастгоҳлари (дўқон ва унда буюм ишлаб чиқариш учун зарур бўлган дастгоҳ ва бошқа иш асбоблар мажмуи). *Ота ўлиб боласига дўқон-дастгоҳ мерос қолмаса, одамлар: «гадо бўлар экан, шўрлик» деб, бош чайқашарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ **Дўқон-дастгоҳни йиғиштирмақ** (ёки кўтармақ) айн. дов-дастгоҳни йиғиштирмақ (ёки кўтармақ) қ. дов-дастгоҳ.

**ДҶКОНДОР** [а+ф-т] Хусусий дўқонда мол сотувчи савдогар. *Бунақа ишни бир-биридан харидорини қизғанадиган, бирининг дўқони бирпас ёпилса, бошқаси кўпроқ фойда кўрадиган, шунинг учун бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр турган дўқондорлар қилса бўлади!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ДҶКОНДОРЛИК** дўқондор с. касб ости.

**ДҶКОНХОНА** Хунармандлар дўқони, ишхонаси. Бўзчининг дўқонхонаси. *Машиначининг дўқонхонаси.* — *Шоналар, ҳар хил синиқ-миниқ қо-*

липлар, чарм резгиси, широч коса, маҳси ичига ёпиштирадиган эски латталар ва ҳоказо дўқонхона юзини тўтган. Ойбек, Қутлуг қон.

**ДҶКОНЧА** Кичкина дўқон, савдо будкаси. *Дадам синди, дўқончасини йиғиштириб, уй ичига қамалиб олади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ДҶЛ I** Юмалоқ муз ҳолида ёғадиган ёғин. Унинг [Қудратнинг] бетида дўл аралаш ёмғир уриб берди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Қўрғон ҳимоячилари дўлдек ёғётган тошлар ва ўқлардан сақланган учун ўзларини панавга олган.* М. Осим, Утрор. *Дўлда қолгандай юзи чўтир кимса ёки нарса ҳақида.*

**ДҶЛ II** [ф-т] Тегирмон тоши тепасига ўрнатилган пирамида шаклидаги идиш, ҳампа (тортиладиган дон дўлга солиниб, ундан коса орқали тошга тушади). *Саҳар пайтларида.. икки дўлни янги бурдойлар билан тўлғазам, бир оз кўз илиштириб олиш учун Эгамберди ака ухлашга ётади.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

**ДҶЛАЙМОҚ** диал. 1 Кўзини чақчайтирмақ, ўкраймоқ.

2 Кимсага калтак, мушт кўрсатиб, дўқ урмақ. *Раҳим ҳали шахтидан тушмаган, ҳамон жанга хезланган ҳўроздай бўйинини чўзиб мушт дўлайиб, гоҳ Аҳмадга, гоҳ Қўзибойга пишқирмоқда.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ДҶЛАНА** [ф-т] 1 Кўпинча тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсадиган сариқ ёки қизғиш мевали дарахт ва унинг ёйишли меваси. *Жондан кечмасанг — жонона қайда, тоққча чиқмасанг — дўлана қайда?* Мақол. — *Тўп-тўп ўсган ёввойи дўлана, нағматак шохларида чўмчуқлар чуғурлашарди.* С. Анорбоев, Оқсой. 2 [У[амаки] айғон калта бармоқлари билан айёнда дўлана тасбеҳ ўғириб ўтирар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

3 Шу дарахт ёғочидан ишланган мунчоқ. *Эшакка дўлана таққандек, сенга фартуқни ким илиб қўйди?* И. Раҳим, Ихлос.

**ДҶЛВАР** [ф-т] диал. 1 Гавдаси катта, йўғон, барваста (одам ҳақида). *Дўлвар йигит.* — *Бу дўлвар гавдали хушчақнақ йигит [Иван Ильич] биз билан кўришаркан, яна деди.* Ҳ. Назир, Утлар туташганда. Кенг, тўқис. *Дўлвар кўйлак.*

2 Содда, гўл. *Бир дўлваргина болага шақилдоқ ёқиб қолди.* Деҳқон бола экан. *Қўярда-қўймай бир қовун, икки тарвузга алишиб олади.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ДҶЛМА** Қиймани тоқ, қарам баргига ўраб ёки помидор, бақлажон ва ш.к.нинг ичига солиб пиширилган овқат. *Гулсун опа ҳам ҳар бир овқатни — шўрвадан тортиб дўлмагача, маставадан тортиб паловгача — мазали ва хушўр қилиб тайёрлайди.* Я. Саъдуллаева, Пазанда.

**ДҶЛТА I** диал. Юмалоққина, семизгина, лўппи, дўмбоқ. *Дўлта бола.*

— *Арслонқул унинг юмишқ дўлта юзини бармоқлари билан аста қисиб, қалъага чопди.* Ойбек, Навоӣ.

**ДҶЛТА II** диал. Қаймоқни қиздириб ёғини олгандан кейин қозонда қоладиган жиээсимон ёйишли қисми.

**ДҶМБАЙМОҚ** Қаппайиб, туртиб чиқиб турмоқ. *Чўнтагим дўмбайиб қолди.* — *Қабр ёнига тизланган Отабек ва юқори-қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга соме каби эдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ДҶМБАЙТИРМОҚ** дўмбаймоқ фл. орт. н.

**ДҶМБАЛОҚ:** дўмбалок ошмоқ айн. умбалок ошмоқ қ. умбалок.

**ДҶМБИЛЛАМОҚ** Селкилаб чаққон-чаққон ҳаракат қилмоқ (лўппи, дўмбоқ болаларнинг ўзига ярашган ҳаракати ҳақида). *Эшик ёнида уч-тўрт ёйли қизча дўмбиллаб юрибди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз.

**ДҶМБИРА** [ф-т] муз. 1 Икки торли, пардасиз, чертиб чалинадиган чалғу асбоби. *Ўроз дарахтга суяниб, дўмбирасини чертар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Йўлчи ҳаммадан кўра бу қирғизни кўпроқ севарди, унинг дўмбирасини завқ билан тинглади, аксар кечалари у билан сўхбатлашар эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 с. т. Барабан. ◆ **Дўмбира қилмоқ** 1) дўмбира сингари шишириб юбормоқ. *Француз солдатлари бўлса, халоскоримиз сенсан деб ўпишавериб, икки бетимни дўмбира қилиб юборишди.* К. Яшин, Номус ва муҳаббат; 2) қаттиқ танқид қилмоқ, афт-башарасини, кирдикорларини очиб ташламоқ; 3) шов-шув кўтармоқ, миш-миш гап қилиб юрмақ. [Саидов] *лалайган десам, гандон чиқиб қолди-ку, мана шунақалар кишининг сирини дўмбира қиладиди-да.* А. Мухиддин, Ҳада.

**ДҶМБИРАЧИ** 1 Дўмбира чалувчи, дўмбира билан куйловчи.

2 с. т. Барабанчи.

**ДҶМБОК** 1 Дўмбайган, дўмбайиб, кўтарилиб чиққан. *Дўмбоқ пешана.* *Дўмбоқ жой.* — *Ҳар чиқик тошини ушлаб, тирмашишдан аввал уни бир-икки тортиб, силтаб кўрар, бағзиси кўчиб қўйдан тушиб кетар, йўл-йўлакай бошқа дўмбоқ тошларга урилар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. 1) Дўмбайиб, кўтарилиб турган жой ёки нарса. *Пешанасида дўмбоғи бор.* — *Учларида ботаётган кўёшининг шуғласи ўйнаган иккита адила оқ қайин орасида дўмбоқ пайдо бўлди.* Ойбек, Куёш қораймас.

2 кўча Семиз, тўладан келган, лўппи. *Дўмбоқ бола.* — *Орифнинг бахти ва давлати — гўзал хотини-ю, дўмбоқ қизи.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати.

**ДҶМПАЙМОҚ** айн. дўмбаймоқ. *Муроднинг қўйида бир нима дўмпайиб турибди.* — *Қатта тут ёғочи қўланкасида дўмпайган янги қабрни кўчиб, тупроқларига юзларини суртиб, соат-*

ларча йиғлаб кўзлари ишигандан, тинкалари куригандан сўнг қайтишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Дўмпайиб ётмоқ** мукка тушиб ётмоқ.

**ДҮМПАЙТИРМОҚ** дўмпаймоқ *фл. орт. н.* Қўйини дўмпайтириб олибди. — Нусратулло итнинг ўлганини эслаб «Йўқол!» дейиш учун жуфтлаган өзгичи дўмпайтирганича қолди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДҮНГ** *1 сфт* Кўтарилган, дўмпайган, қаппайган. Асад полвон ёполдош, кўкраги кенг, Тўши дўнг кучи арслон билан тенг. Ҳаббий.

2 *от* Бирор нарсанинг дўнг жойи, дўнг ери. | Ернинг бирмунча баланд кўтарилган жойи; тепалик. *Равшанбек отини ҳайдаб, йўртиб, дўнгнинг устига чиқиб қаради.*

◆ **Дўнг олмақ** энгаштириб думбасига тизза билан тепмоқ (турли ўйинларда).

**ДҮНГАЛАК** *диал.* 1 Филдирак (арава, вагон, паровоз ва ш. к.). *Поездингни юризган Утхонаси билан дўнгалади.* «Кўшиқлар».

2 Дўнг ер, тепалик..

**ДҮНГЛИК** 1 дўнг с. белги оти.

2 Дўнг ер, тепалик. Икки жангчи, милтиқларини елкаларига осганича, командир билан политрук турган дўнгликка чиқдилар. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ДҮНГПЕШАНА** *айн.* дукпешана. *Дўнгпешана йиғит.* — Бўтабойнинг олдига арзга борган аёллардан бири дўнгпешана жувон эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ДҮНГСА** Кичкина дўнг, пастак тепалик.

**ДҮНГСАЛИК** Дўнгса жой, дўнглик, тепалик.

**ДҮНДИРМА** с. т. Жойига келтириб, бошлаб, кўнгилдагидек қилиб ишланган, тайёрланган. *Дўндирма кабов.* Дўндирма иш. — *Анорхон, чойни дўндирма қилиб дамлайсиз, иккаламиз шу ерда ичамиз, дурустми?* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДҮНДИРМОҚ** 1 дўнмоқ *фл. орт. н.* 2 с. т. Бошлаб, жойига келтириб, кўнгилдагидек қилиб бажармоқ, ўринлатмоқ. *Гапни дўндиради. Шўрвани дўндирибсиз-ку!* — *Ҳозирги раис ёшроқ бўлса ҳам, пишиқ. Ишини дўндираятми.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ДҮНДИК** Бўйи-басти келишган, истараси иссиқ, ёқимли. *Дўндик келинчак.* Дўндик қизча. — *Мен ўша вақтда сенга ўхшаган оппоққина, дўндикқина жувон эдим,— деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Анвар келишган, дўндик бола эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. || *Атиргул, лаблари гилос, Бир дўндикқа суқланиб боқдим.* Ё. Мирза. *Йўрғаларди созга бир гўзал дўндик.* М. Алави.

**ДҮНДИҚЧА** 1 дўндик с. кичр.-эркл. *Ана, кўрмайсанми, бу қандай оппоқ дўндикча!* *Мана шу менинг*

бирдан-бир арзандам, келажакда сенинг хотининг бўлади. Айний, Эсдаликлар. Ҳа, бунни яхши қилгансиз, айланай сиздан, дўндикчам! Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *диал.* Бир турли ип ёки ипақ газлама. *Дўндикча рўмол.*

**ДҮНМОҚ** эск. 1 Айланмоқ, бир томондан иккинчи томонга ўгирилмоқ. *Соға дўн! Сўла дўн!* | *Чарх урмоқ, айланиб юрмоқ; жавлон урмоқ.* «*Да 1 деганда доим майдонда дўниб, Неча бадзод менинг қўлимда ўлиб.*» «*Равшан.*»

2 Қайтмоқ; ўзгармоқ. *Мард ўғлонсан, алвон-алвон дўнмагин. Хасмининг сўзига болам, кўнмагин.* «*Хушкелди.*»

**ДҮНОН** Уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга утган от ёки туя. | Икки ёшга тўлиб, уч ёшга қадам қўйган қўй ёки эчки.

**ДҮНГ** тақл. с. Йўғон тор, сим ва ш. к. чертилганда чиқадиган дағал овоз ҳақида. *Дўнг этган овоз эшитилди.*

**ДҮНҒИЛЛАМОҚ** 1 «Дўнг» этган овоз чиқармоқ.

2 Тўнғилламоқ, ноаниқ ёки қўпол гап қилмоқ. *Дераза тагида қовоқ-тумишғини осилтириб ўтирган Муса кўса дўнғиллади.* С. Аҳмад. Ҳукм.

**ДҮНҒИЛЛАТМОҚ** дўнғилламоқ *фл. орт. н.*

**ДҮП** тақл. с. Жарангсиз нарсаларнинг урилишидан хосил бўлган товуш ҳақида. *Дўп этмоқ. Тўп ерга дўп этиб тушиди.*

**ДҮП-ДҮП** дўп с. такр.

**ДҮПИЛЛАМОҚ** «Дўп-дўп» этган овоз бермоқ.

**ДҮПИЛЛАТМОҚ** 1 дўпилламоқ *фл. орт. н.* *Тўпни дўпиллатиб ўйнамоқ.* — *Улар.. оёқларини дўпиллатиб,.. елкаларини дам-бадам қимирлатиб, «жууда яхши совуқ бўляпти-да!» деб қувонишди.* О. Ёқубов, Янги йил.

2 *кўнма* Қаттиқ танқид қилмоқ, хато ва камчиликларини айтиб койи-моқ. *Сабохон минбарга чиқди. Собирвой биров чимдиб олгандай чўчиб тушди: «Мени дўпиллатиб қолса-я..» деб, кўнглидан ўтказди.* А. Муҳиддин, Кўнгиллар.

**ДҮПИР** тақл. с. Дўпиллаган овоз ҳақида.

**ДҮПИР-ДҮПИР** дўпир с. такр. *Уларнинг қий-чувлари карнай овозларига ва дўмбираларнинг дўпир-дўпирларига кўшилиб, дунёни кўтарар эди.* Жўрабоев, Мулла Б. м. [Шербек] бир вақт дўпир-дўпирдан уйғониб кетди. *Қараса, ҳамма перрона интиляпти.* С. Анорбоев, Оксой.

**ДҮПИРЛАМОҚ** *айн.* дўпилламоқ.

**ДҮППАЙМОҚ** с. т. Дўмбаймоқ. [Хокимнинг] қўллари дўппайган қорни устида қовушиқли эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аудиторияда бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фақат столяр устида дўппайиб этган китоб-дафтарлар, портфеллар.. тулар эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ДҮППАЙТИРМОҚ** дўппаймоқ *фл. орт. н.*

**ДҮППИ** Авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жиякдан иборат гулдор ёки гулсиз тўгарак бош кийими. *Бахмал дўппи. Гилам дўппи. Бош омон бўлса, дўппи топилар.* Мақол. *Дўппи тагида одам бор.* Мақол. — *Сидиқжон.. нима дейишини билмай, бошидан дўпписини олиб у ёқ-бу ёғига чертди, тиззасига қўйиб жиягини тортиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Такдўзи дўппи қ. такдўзи. Тус (ёки чуст) дўппи қ. тус II.*

◆ **Дўппи тор келганда** 1) иш қисталанг бўлган ёки ноилжо қолган вақтда; 2) камчилик, етгичмовчилик юз берганда. *Дўпписи яримта иши жойида, чор ишқали бут, ғам-ташвиши йўқ. Бизнинг «картия» жууда беғам, .. ҳеч нима бўлмагандай, дўпписи яримта! Ҳалқумиғача қарзга ботганини ўзи сезмай қолади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Дўппини осмонга отмоқ** (ёки **иритмоқ, ташламоқ**) ортиқ қувонмоқ, хурсанд бўлмоқ. *Шу билан иш битса дўппини осмонга отаман. Дўпписини ол деса, калласини (ёки бошини) олади* хаддан ортиқ иш қиладиган одам ҳақида. [Холмат Хонзодага:] *Тасаддуғингиз кетай, дўпписини олиб кел десаңгиз, ахир биз жаллод, .. бошини кесиб келтирамизда.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Дўппини ерга қўйиб хотиржамлик билан, бамайлихотир, диққатни бир жойга тўллаб. Кетидан па-чаваси чиқмаслиги учун, дўппини ерга қўйиб .. ўйлаб кўринг олдин. Ойбек, Қутлуғ қон.**

**ДҮППИДҮЗ** Дўппи тикувчи уста, чевар.

**ДҮППИДҮЗЛИК** 1 дўппидўз с. касб оти.

2 Дўппидўзлар жойлашган ер (бозорда, шаҳарда). *Биз дўппидўзликда турамыз. Қайтишда дўппидўзлик билан келдик.*

**ДҮППИЛИК** Дўппи бўладиган, дўппибоп. *Дўппилик сатин.* Бир дўппилик духоба. — *Вой, мана бу нарча сатин меники, дўппилигим.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ДҮППИФУРУШ** Дўппи сотувчи савдогар. *Амманнинг қизи Абдураззоқ дўппифурушга тушган эди.* А. Қаҳҳор, Мاستон. *Бозори шабада дўппифурушдан олган дўппиларни кўтариб, арава тагидаги қовун уюмлари олдига тўп-ланишган одамларга кўрсатиб ёлборар эди Усмонжон.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ДҮППИЧИ** с. т. 1 Дўппи тикувчи, дўппидўз.

2 Дўппи сотувчи, дўппифуруш.

**ДҮППИҚАЙТАҚИ** с. т. Парвойи фалак, ҳеч нарсадан ғами йўқ. *Соясалқин ерларда шўрва иопириб, дўппиқайтақи, истироҳатда бўлган орсиз кишилар ҳам бунни ўқийдилар, эшитадилар.* Ф. Фулом, Мард майдонга чиқсин.

**ДҮППОСДАЙ** Дўппайиб чиққан, кў-

тарилиб турган. Меҳмонлар қоринни дўппосдай қилиб... димоғини чоғлаб... икки меҳмон бир сўз айтаяпти. «Ҳасан батрак».

**ДҮППОСЛАМОҚ 1** Дўппиллатиб урмақ, роса муштламоқ. Бой старшинага чопди... Полициялар келиб деҳқонларни дўппослай кетди. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Қудрат ўзидан катта бўласини тағига босиб олиб, роса дўппослади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Қаттиқ танқид қилмоқ, бутун кирдиқорларини очиб ташламоқ, уриб чиқмоқ. Бир оз бетарафона сўзлаб, яна... йиғитни дўппослаб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДҮППОСЛАМОҚ** дўппосламоқ *фл. мажж.* н. Баззоз ўғлининг кучук боласидек дўппосланаётганига чидаб турулмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ДҮРДАЙМОҚ 1** Шишиб, кўтарилиб чиқмоқ. Ари чаққан лаблари дўрдайган эди. Дўрдайган лаб чўччайган қалин лаб. Болалигидаги дўрдайган лаблари энди қуёш тафтида, дашту далада, тоғу тош шамалида пишибди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Қимсага лабини бурмоқ, лабини чўччайтириб, қовоқ солиб қармоқ. Мунча дўрдаясан?!

**ДҮРДАЙТИРМОҚ** дўрдаймоқ *фл. орт.* н. Азалдан хушфеъл одам нос элитган кишидай қовоғини осилтириб, лунжини дўрдайтириб ўтирибди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ДҮРДОҚ** Қалин, кўтарилиб чиққан, чўччайган, дўрдайган. Дўрдоқ лаб. — [Хонзода Гулбахорга:] Сен ниманга бино кўясан? Хуснинггами? Ойнакка қара! Лабинг дўрдоқ, кўларинг ғилай, ажина қошиқдек юзларинг бор! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДҮРИЛДОҚ** Дўриллаган, йўғон. Софианинг қулоқлари остида отасининг дўрилдоқ, аммо эркаловчи овози янграгандек бўлди. Ҳ. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.

**ДҮРИЛЛАМОҚ** Йўғон титроқ овоз чиқармоқ. | Шундай овоз билан гапирмоқ. — Кўрқма, чироғ, Полвоннинг қўлидан мол боласи қочиб қутулган эмас! — деган овози дўриллади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ДҮРИЛЛАТМОҚ** дўрилламоқ *фл. орт.* н. Овозини дўриллатмоқ.

**ДҮСТ** [ф-т] 1 Иноқлик, аҳиллик, тотувлик муносабатлари билан боғланган, кўнгли, дили яқин; муҳиб. Қадрдон дўст. Чин дўст. Улар ёшлиқдан дўст эдилар. Меҳнатдан дўст ортар. Мақол. Ҳ. Ҳошимов, Пўлат чавандоз. 2 Дўст халқлар. — Ишимизга дўст одамлар суюниб, Душман кетсин ўтдай бўйиб куюниб. «Рустамхон.» | Яқин, таниш, ошно. Дўсти нодондан душмани зийрак афзал. Мақол. — Мана бу дўстим билан мен дарёдан ўтолмай қолдик. Шу яқиндаги қишлоққа нон сўраб бордик. И. Раҳим,

Чин мухаббат. Жон дўсти жонини ҳам аямайдиган, самимий, бегараз дўст. Иш дўсти бирга ишлаб орттирилган дўст. Иш дўстинг — жон дўстинг. Мақол. Мол дўсти олди-берди қилиб орттирилган дўст, бирор нарсадан ялнинжи бўлган юзаки дўст. Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молдан кечмайди. Мақол. Пирига ҳам дўст бўлмайди ҳеч кимсага дўст бўлмайдиган ёмон одам ҳақида. Эрининг юз хотирини қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Дўстингдан топ ўз дўсти, яқин кишиси бирор ёмонлик қилганда айтилади.

2 Тарафдор, ҳомий. Бир куни Зумрад менга қараб: «Уртоқжон, ҳукуматимиз хотин-қизларга дўст эмийш, улар ҳам ўз ихтиёри, ўз эрки билан одамдек яшасин, дяр эмиш...» — деган эди. С. Зуннунова, Гулхан.

3 (1-ш. эг. ф-да) Мурожаат формаси. Қамол топинг, дўстим! — Ҳўш, тақсир нега хомушисиз? — Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

4 Диний тасаввуфда: худо. Ҳар замон яқин-йироқдан гадоӣ тоғуши эшитилади: «Ҳей дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо». А. Қаҳҳор, Бемор. Дўст тортмоқ 1) «дўст!» деб худога ёлвормоқ; 2) кўчма қичқирмоқ, сайрамоқ. Қумрилар дўст торттиб, ғазалойлар сайраб, боққа оройиш бериб, нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди. «Равшан».

**ДҮСТ** [ф-т] (ў — чўзиқ) *унд. с.* Тасанно, офарин билдиради. Дўст, кам бўлманг! — «Роҳатни эшитиб, Тантубойвачча «эзиб юбордингиз, жонидан!» — деб қичқирди ва бангилар каби бир «дўст!» тортди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДҮСТ-ДУШМАН** Дўст(лар) ва душман(лар). Сен дўст-душманни ажратиб муомала қилгин. П. Турсун, Уқитувчи. Дўст-душманнинг гапига кириб, ҳамманг ҳам шунга ёпишаверма. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ДҮСТ-ЁР** Дўст(лар) ва ёр(лар), ҳамдам(лар). Дўст-ёрлар иғилиб қағир ичиб, музиқи ва рақслар билан тонг оттирадилар. Ойбек, Навоий.

**ДҮСТЛАРЧА** *реш* Дўстлик билан, дўстона, дўстлар каби. Салимхон.. қўл бериб дўстларча кўришди. А. Қаҳҳор, Сароб. || Дўстларча муомала. Дўстларча кўришиш.

**ДҮСТЛАШМОҚ** Дўст бўлмоқ, дўстона муносабатлар боғлаб яқинлашмоқ, аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ. Биз сизлар билан дўстлашмоққа келдик.

**ДҮСТЛАШТИРМОҚ** дўстлашмоқ *фл. орт. н.*

**ДҮСТЛИК** дўст 1, 2 с. белги оти. Совет халқларининг қардошларча дўстлиги. Дўстлик муносабатлари. Мамлакатимиз халқларининг бузиммас дўстлиги.

**ДҮСТОНА** [ф-т] *реш* Дўстларча, дўстлардек, дўстлик билан. Дўстона кўмагингиз учун ташаккур билдиришдан бошқа сўзим йўқ. А. Қаҳҳор, Сароб. || Дўстона муомала. Дўстона салом. Дўстона сўҳбат.

**ДҮСТПАРВАР** [ф-т] Дўстларни ва дўстликни сеувучи, дўстларча меҳрибон, ғамхўр. Ваъдага вафоли, ахлоқда муътос, Дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ. Ф. Фулом.

**ДҮХТ** [ф-т] 1 *диал.* 1 Тана тузилиши, бичими; қомат. Дўхти келишган йиғит.

2 Юз тузилиши, бичими; афт-ангор.

3 Қийимнинг бичими. Дўхти келишган костюм.

**ДҮҚ** 1 Қўрқитиш учун айтилган гап, қилинган ҳаракат; пўписа, сўёсат. Дўқ урмақ (қилмоқ). — Бир дўққа шунчалик юрак олдирибсиз, яшанг-е, раис ака! С. Анорбоев, Оқсой. Миршав одамларининг «нарироқдан хайда, арвангни бир чеккага ол!» деб дўқ уришлари йўловчиларга таъсир қилмади. Айний, Қуллар. — Қошиқнинг йўғини мўлжаллаб қўйдингми, ростингни айт! — деди Жуман дўқ қилиб. А. Мухтор, Туғилиш.

**ДҮҚ** 2 *тақл.* с. Жарангсиз нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўлган овоз ҳақида. Чойнакни дўқ этиб ерга қўйди. — Шоқир ота ўтирган жойида ҳассасини ерга дўқ этиб урди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДҮҚ-ДҮҚ** 1 дўқ 2 с. тақр.. Чармни кува билан дўқ-дўқ уриб текисламоқ.

2 Дўқиллаган овоз бериб юрадиган, шалоқ. Ғилдираб ҳар қадамда минг дўқ-дўқ, Мунча нотинч онағар арванг. Муқимий.

**ДҮҚИЛЛАМОҚ** «Дўқ» этган овоз бермоқ. Эшик дўқиллади.

**ДҮҚИЛЛАТМОҚ** дўқилламоқ *фл. орт. н.* Она қўлтиқтаёғини дўқиллатиб ичкарига кириб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб. Погодин катта этинини дўқиллатиб айвонга ҳаммадан кейин чиқди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ДҮҚИР** тақл. с. «Дўқ» тарзидаги узлуксиз овоз ҳақида. Дўқир этмоқ. || Дўқир арава. — Кўқон араванинг дўқирни курсин! — вайсади Лутфинисо. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДҮҚИР-ДҮҚИР** дўқир с. тақр. Дўқир-дўқир этмоқ. || Араваларнинг дўқир-дўқирни.

**ДҮҚОЛ** *диал.* Зикна, феълн тор. **ДҮҚ-ПҮПИСА** Дўқ ва пўписа(лар). Дўқ-пўписа қилмоқ. Дўқ-пўписасидан қўрқма.

**ДҮҚ-ТАҲДИД** Дўқ ва таҳдид(лар), қўрқитиш, сўёсат. Гулнорнинг захарланганини Мирзақаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ-таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ДУҒА** [р дуга] с. т. Эгма ҳомит. **ДУҒОБ** *диал.* Сут-қатиқ зардобни.

## Е

Е Ўзбек алфавитининг олтинчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

-е юкл. Ҳайрат, таажжуб, мамнуният, таъкид каби маъноларни ифодалайди. *Йўғ-е! Қўйинг-е! Оббо азамат-е!* ■ [Масъуда:] *Қўйинг-е! Оч қолиб келибдими сизникига?* С. Зуннунова, Кўзлар.

**ЕБТЎЙМАС** Овқатни кўп ейдиган, егани билан тўймайдиган; очофат, мечкай. *Ебтўймас бола.*

**ЕБҚОЧАР** Бировнинг ҳақини, пул, мол ва ш. к.ни еб кетадиган одам; юлғич. *Халқ мулкани ебқочарлардан ҳимоя қилиш керак.* || *Ебқочар одам.*

**ЕВРЕЙ** айн. яҳудий.

**ЕВРОПАЧА** Европага оид, Европага хос. *Европача кийим.* ■ *Деразалари кўчага, айвони ғарбга қараган бу европача ўйнинг саҳни унча катта бўлмаса ҳам, ҳар хил гуллар экиб ташлаганиданми, поёни йўқ гулзорга ўхшаб кўринарди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Ислохўжа.. Тозабодо ҳашиаматли европача иморатлар қурдириди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЕГИЗМОҚ** диал. Едирмоқ.

**ЕГИЛИК** с. т. Егулик.

**ЕГУЛИК** 1 Ейиладиган, овқат учун истеъмол қилинадиган нарса; овқатлик, озиқ-овқат. *Мен тезда отландим.* *Халтама егулик нарса солдим-да, иккимиз йўлга тушдик.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

2 Ўз эҳтиёжи учун экилган ёки ажратилган нарса, озиқ-овқат ҳақида. *Егулик қовун.* *Егулик ун.* ■ *Қолгани — бола-чақамга егулик.* *Жамоа текшириб кўрган.* *Ботиралидан сўранг!* Х. Фулом, Машғал.

**ЕГУЛИК-ИЧГУЛИК** Ейиладиган-ичиладиган нарса; озиқ-овқат. — *Бу касб [қаландарбаччилик] менга кўп маъқул тушиди.* *Егулик-ичгулик истагандан мўл, ёмғирдек ёғилиб келиб туради,— деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ЕДИРИЛМОҚ** едирмоқ *фл. мажх.* ва ўзл. н. *Ошиқ-мошиқлари едирилиб кетган эшик.* *Беморга овқат едирилди.*

**ЕДИРМОҚ** 1 *емоқ* 1-3, 5 *фл. орт. н.* Овқат едирмоқ. *Яхши — қанд едирар, ёмон — панд едирар.* Мақол. ■ *Нигор ойим Мансурга қолган ошини едириб қўйиш билан, ора-чора гапга ҳам қулоқ солгандай бўлар эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. *Шу замонда ким-кимга ҳақини едиради.* *Қўйинг шунақа гапларни.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор нарсани бошқа қаттиқроқ нарсага ишқаб текисламоқ, ишқалаб сийқаламоқ. *Ошиқни ғиштга едирмоқ.*

3 Суяқлиқни (мой, дори ва ш. к.ни) бирор нарсага ишқаб сингдирмоқ.

4 *кўйма* Сингитиб, йўқотиб юбормоқ. *Султонмурод .. дўстининг шеърларида унга аввалдан белгили бўлган*

*баъзи умумий нуқсонларни едириб кетиш учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқишга тиришди.* Ойбек, Навоий.

5 *тех.* Бир-бирига ишқалаб мосламоқ.

**ЕЗНА** диал. Почча.— *Ўҳ ноинсоф! Пирнафас эзанга, опанга, жиянинг аҳволи не кечар экан,— деди маъюс оҳангда Утар бува.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЕЙИЛМОҚ** 1 *емоқ* *фл. мажх.* ва ўзл. н. *Ош ейилди.* ■ *Таом иштаха билан ейилгандан сўнг, .. [Ҳакимбой-вачча] аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ишқаланавериби едирилмоқ, сийқаланмоқ. *Этикнинг поинаси ейилиб кетибди.* ■ *Уйда битта ёғоч чўмич бору, битта учи ейилиб кетган қора ёғоч қошиқ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЕЙИМЛИ** Иштаха билан ейиладиган, хушхўр (мол овқати ҳақида).

**ЕЙИМЛИК** Овқат учун истеъмол қилинадиган нарса; егулик. *Балиқ ва балиқдан қилинган ейимликлар.* ■ *Ейимлигу ичимлик тўла, Нозу неъмат дастурхонида.* Э. Раҳим.

**ЕЙИШЛИ** 1 Иштаха билан, севиб ейиладиган, хушхўр. *Ейишли нон.*

2 Еса бўладиган, еб бўладиган. *Ейишли мева.*

**ЕЙИШМОҚ** *емоқ* *фл. бирг. н.*

**ЕЛ** 1 *айн.* шамол. *Тоғдан совуққина ел эсарди.* П. Турсун, Ҳўитувчи. *Тун аёз, изғириқ ел тўрт тарафга юзуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар. *Алижон Тошкентга елдек етиб келди.* *Мирмуҳсин, Чинқиш.* *Бўтабой эпчилик билан эгарсиз отга минди-да, бир-икки аччиқ қамчи босди: от жон-жаҳди билан пастга қараб елдек учиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор нарса ичига дамланган ҳаво, газ. *Баллоннинг ели чиқиб кетибди.* ■ [Отабек] *ўн беш дақиқалардан сўнг, ичига ел камалган пуфакдек, «уфф» этиб юборган, ўрнидан турди.* А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар.

3 Ичакда ҳосил бўладиган ҳаво, газ.

◆ *Ел ўлмаган соф; тоза, қўл тегмаган.* *У киши ел ўлмаган гулни узмоқчилар, нима дейсиз?* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ел қувмоқ елдек тез югурмоқ, учмоқ.* *Тулпор отлар ел қувиб илгариларди-да, .. ўрмон ичига кириб кетди.* М. Муҳамедов, Кичик гарнизон. *Оғзининг ели билан осон, меҳнатсиз, фақат гап билан битириладиган иш ҳақида.— Ҳўжамнинг даргоҳи кенг, оғзининг ели билан тўмонат элни пуфлагандай боқади,— деди бири, қопини қўлтиқлаб ўрнидан тураркан.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Пўконидан ел ўтмаган қ. пўкон.* *Елга совурмоқ* бекорга сарф қилмоқ, йўқ қилмоқ (пул, маблағ ва ш. к.ни). *Елга учмоқ* бекорга сарф бўлмоқ, нобуд бўлмоқ. *Ниҳоят кутилган кун келди: бутун вужуди билан қилинган ғайрат, ҳаракат елга учмади.* Н. Орнфожонов, Ҳаловат.

**ЕЛ** 2 Киши организмидан бирор қисмининг чириши, бузилишидан иборат оғир касаллик. *Унинг бурнини ел еди.*

**ЕЛВАГАЙ** *рвш* Киймай елкага ташланган ҳолда (мас., пальто, тўн). *Нусратullo кўйлақдан ҳолича чопонини елвагай ташлаб ўтирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЕЛВИЗАК** 1 Қарама-қарши эшик-деразалар очиб бўлган вақтда ёки тор оралиқдан ўтиб турадиган ҳаво оқими, ўткинчи шамол. *Бола елвизакдан шамоллади.*

**ЕЛВИЗАК** 2 Таъкиб остига олувчи, кузатувчи. *Энди унинг кўзи елвизак кўзлардан нари, қулоғи фисқ-фасоддан ҳоли.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЕЛДИРИМ** *кт.* Яшин, чақмоқ. *Зиёдилла ўрин-кўрпасини шошиб йиғиштираркан, мияя елдирим тезлигида ишлаб, ҳар хил мулоҳазаларга борди.* Х. Фулом, Машғал.

**ЕЛДИРМОҚ** 1 *елмоқ* *фл. орт. н.* 2 Тез юргизмоқ, йўрттирмоқ (огни). *Орқадан отларини елдириб, отлиқ аскарлар келиб қолишди.* П. Турсун, Ҳўитувчи. *Йўлчи отини елдириб, тепаликда кетаркан, орқада қолган пастликдаги боққа беихтиёр қаради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕЛИБ-ЮГУРМОҚ** Бирор иш ташвишида тез ҳаракат қилмоқ, у ёқ-бу ёққа югурмоқ. *Дўстининг дом-даргини суриштириш учун Қоратой темирчи елиб-югурди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қурбон ота елиб-юзуриб, сал кунда қишқи ва ёзи қизил чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЕЛИҚИШ** 1 *еликмоқ* *фл. иш оти.* 2 *мед.* Оғиз шилқ пардаларининг яллиғланishi.

**ЕЛИКМОҚ** Елиқиш касали билан оғримоқ. *Боланинг милки елиқибди.*

**ЕЛИМ** [ф-т] 1 Дарахт танасидан силқиб чиқиб қотиб қолган ёпишқоқ шира. *Ўрик елими.*

2 Улаш, бириктириш учун ишлатиладиган ёпишқоқ модда. *Дурадгорлик елими.* *Елим пиширмоқ.*

3 *кўйма* салб. Ёпишқоқ, шилқим, хира (одам ҳақида). *Қаримовга ўхшаганлар илиб кетиши ҳам мумкин.* *Ўзи ўтaketган елим одам дейишади.* П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ЕЛИМБАЛИҚ** Чучук сувда яшайдиган, карплар оиласига мансуб бир турли балиқ.

**ЕЛИМЛАМОҚ** 1 Елим суртмоқ; елим билан ёпиштирмоқ.

2 *мажх.* Елим суртиб қотирмоқ. *Дўппини елимламоқ.*

**ЕЛИМЛАНМОҚ** *елимламоқ* *фл. мажх. н.*

**ЕЛИМЛАТМОҚ** *елимламоқ* *фл. орт. н.*

**ЕЛИМЛИК** *елим* 3 *с. белги оти.* *Елимлик қилмоқ.*

**ЕЛИМШАҚ** 1 Елимга ўхшаш ёпишқоқ. *Елимшақ модда.*



2 *кўчма диал.* Ёпишқоқ, шилқим, хира. *Елимшак пашиша.*

**ЕЛИН** I Сутмизувчи ҳайвонларнинг ургочисидан сут ажратиш органи, сут бези ва эмчак.— *Югуриб бориб, сизирнинг елинини ушласам, жуда пучайиб қолибди .. Ким соғиб кетдикин-а, ака? — деди Раъно. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Елин солмоқ туғиш олдида елини тўлишмоқ.*

2 Овқат сифатида ишлатиладиган шу орган.

**ЕЛИНДОР** Елини катта. *Елиндор сизир.*

**ЕЛКА** I Тананинг бўйиндан қўлгача бўлган қисми. *Аҳмаджон уни дарҳол тортиб олиб қараса, ўнг қўли елкасидан узилган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Аравакаш елкасини гунпачка тираб итарса ҳам, от тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмасди. Ойбек, Кутлуг қон. Бири ҳокимнинг чап елкасига, иккинчиси ўнг елкасига қимматбахо оғир тўнларни илди. М. Исмоний, Фарғона т. о. | Кийимнинг елка устида турадиган қисми. Тўннинг елкаси.*

2 Курак усти, кифт. *Олаҳакка бир сакраб қизил говишининг елкасига қўйди. С. Анорбоев, Оқсой. Анвар ҳиринглаб кулди ва Раънонинг елкасига қокди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

3 ачат. Қўлнинг тирсак суставигача бўлган юқори қисми. *Елка суяги.*

4 *тех.* Ричагнинг таянч нуқтасидан куч қўйилган нуқтасигача бўлган масофа.

◆ **Елкаси ерга тегмаган қ. тегмоқ** I. Елкага миниб олмоқ айн. бўйинга миниб олмоқ қ. бўйин I I. *Мусулмонқул эл елкасига минди. А. Қодирий, Утган кунлар. Елка(си)га ортмоқ (ёки юкламоқ) иш ёки вазифани бирор кимса ёки нарса зиммасига ўтказмоқ. Ҳамма ишини ўринбосари елкасига юклабди. Елкасини қисмоқ I) совуқдан ёки руҳий азобдан сиқилмоқ. Ёрмат кўчадан келди, елкасини қисиб танчага ўтирди. Ойбек, Кутлуг қон; 2) инкор ёки таажжуб аломати; «йўқ», «билмайман» каби маъноларни ифодаловчи ҳаракат.— *Аканг уйга кетдикикин? — деб сўрашди Давлатёрдан. У елкасини қисди, чунки билмас эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Елкамининг чуқури кўрсин бундан кейин умрбод кўрмай. Зуннумҳўжанинг уйини елкамининг чуқури кўрсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.**

**ЕЛҚАДОР** Елкаси одатдагидан кенг, кенг елкали. *Елкадор одам.*

**ЕЛҚАДОШ** Ишда, меҳнатда ёнма-ён турувчи, бир гоё-мақсад учун биргалашиб курашувчи.

**ЕЛКАЛАМОҚ** Елкага кўтариб қўймоқ; елкада кўтармоқ. *Ўқ-дориларни отларга ортиб, қолганларини ўзини елкалаб олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Етиб ҳам келди у, жангчининг бирин елкалаб Олди тез, силаб, авайлаб. Х. Пўлат.*

**ЕЛКАЛИ** айн. елкадор.

**ЕЛКАМА-ЕЛКА** *реш* I Елкадан елкага ўтказиб, навбатма-навбат елкалашиб.

2 Бир сафда, ёнма-ён туриб; тенг. *Мелиқўзи билан елкама-елка бўлиб ишлайётган Жўра Солиев, Мадали ва Раҳимжон Йўлдошевлар оёғина тер тўкмадилар. Н. Сафаров, Карвонбоши Мелиқўзи.*

**ЕЛКАН** I Кема матчасига ўрнатилган, шамол кучи билан кемани юргизадиган катта кенг чодир. *Елкакани кўтармоқ. — Баъзилари елкакани ямайди. Э. Раҳим, Янги қадам. Турли-туман капалаклар елкакани қанотларини ёйиб, эгатлар устида учади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

2 Шундай чодир ёрдамида ҳаракат қиладиган, елкакли кема. *Очиқ денгиз устидан энгил шамол елмақда, Хўв .. оқариб узоқдан ёлғиз елкак келмоқда. З. Диев. Сен кўрган елкак аллақачонлар фарқ бўлган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ЕЛМОҚ** Тез юрадиган туя.

**ЕЛМОҚ** I Ҳаракатга келмоқ, эсмоқ. *Шамол ўйнаб, шамол елади. Э. Раҳим. Қир устида шабада Бир текисда елмақда. З. Диев.*

2 Шамолда, шамол кучи билан юрмоқ, учмоқ. *Ҳайдар ота унинг кетида қолиб, аста-секин елиб юрган сарғилтир чанга қараганча хомуш қолган эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

3 Тез юрмоқ, югурмоқ, шамолдек учмоқ. *Аскарлар турнадай тизилиб, елиб кетишди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Поезд шу қадар елмақдаки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чопиб кетаятгандай. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ЕЛПИЛЛАМОҚ** Шамолда силкиниб ўйнамоқ, тебранмоқ, ҳилпирамоқ. *Байроқ елпиллар эди.*

**ЕЛПИЛЛАТМОҚ** елпилламоқ *фл. орт. н.*

**ЕЛПИМОҚ** I Елпиғич ёки бошқа бирор нарса воситаси билан шабада хосил қилмоқ. *Зайнаб шу ҳолда узоқ фурсат эрини елпиди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ёрмат .. қаттиқ «ух» тортиди ва чопонининг ёқаси билан кўкрагини елпиди. Ойбек, Кутлуг қон.*

2 Ҳилпиратмоқ, тебратмоқ. *Тоғдан эсган шабада .. аёлларнинг чекка сочлари ва бошларидоғи рўймоларини бетиним елпиди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

3 Шамол воситасида донни чиқинди ва чангдан тозаламоқ, совурмоқ. *Мошини елпимоқ.*

**ЕЛПИНМОҚ** елпимоқ I *фл. ўзл. н. Чойфурушининг бир ўзи моғор лунгиси билан елпиниб ўтирар эди. М. Исмоний, Фарғона т. о.*

**ЕЛПИТМОҚ** елпимоқ *фл. орт. н.*

**ЕЛПИШТОВОҚ** Дон елпиш учун ишлатиладиган ясси, юза ёғоч идиш.

**ЕЛПИҒИЧ** Елпиш-елпиниш учун ишлатиладиган ярим доира ёки доира

шаклидаги дастали буюм. *Мирзо Баҳром .. хитойи елпиғич билан ўзини елпиди. А. Қаҳҳор, Мирзо. Афанди товуқ патидан ранг-баранг елпиғич ясаб, бозорга олиб чиқди. «Латифалар». Товуслар кўркам думларини елпиғич каби ёйиб, аста мағрур юришди. Ойбек, Навоий.*

**ЕЛҚАНОТ** Ниҳоятда тез юрадиган, югурик, учар. *Елқанот отлар.*

**ЕМ** I I Ҳайвонларга бериладиган дон. *Ем еган отлар бақувват оёқларини кериб ташлаб, қўйи қосилгани эркин судрай кетдилар. С. Анорбоев, Оқсой. Ем тўрва отга ем бериладиган тўрва. Жуман ота отининг ем тўрвасига икки ҳовуч арпа солиб турганида, кимдир «пўшит..» деб қолди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

2 Қўлда боқиладиган қушларга бериладиган гўшт.

3 Қармоққа ёки тузоққа илинадиган гўшт, чуволчанг ва ш. к.

◆ **Тўп еми қ. тўп** I. **Эшак еми қ. эшак.** *Ём бўлмоқ* нарсага ёки кимсага емиш бўлмоқ, йиртқичлар оғзига тушиб ҳалок бўлмоқ. *Икки шунқор талашса, бир қарғаса ем бўлар. Мақол. — Турғуной, — деди Мастон, — шу ерда қоладиган бўлсақ, бўрига ем бўламиз. А. Қаҳҳор, Мастон. Оқ ем бўлмоқ сувда кўп туриб ёки чайналавериб оқариб кетмоқ (эт ёки тери хақида). Оғзидаги оқ ем бўлиб кетган чандирни олиб намат тағизга қистирган .. кампир .. йиғлаб юборди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**ЕМ** II От оёқларида хосил бўладиган чиқик, шиш касаллиги.

◆ **Оёғингга ем тушганми?** I секин ва судраб қадам ташлайдиган одамга нисбатан қўлланадиган ибора.

**ЕМАК** I Егулик нарса; егулик, овқатлик, овқат. *Кечки емакка чақа топши учун зарурият сездди. Ойбек, Кутлуг қон.*

**ЕМАК** II *эск. айн. емок.*

**ЕМАКХОНА** *эск. айн. ошхона.* *Мадрасамиз уч қаватли бўлиб, бирикчи қаватида ошхона, емакхона жойлашган .. эди. М. Мухаммадҷонов, Турмуш уринишлари.*

**ЕМИРИЛМОҚ** емирмоқ *фл. мажх. н. Амирликнинг емириши. — Натурали хўжалик ва ўрта деҳқонлар хўжалиги қанчалик кўп емирилиб борса, ишлаб бериш усулини капитализм мунчалик кўпроқ сиқиб чиқариши лозим. В. И. Ленин, Русияда капитализмнинг тараққийси.*

**ЕМИРМОҚ** I Кўпориб, ағдариб туширмоқ, нуратмоқ. *Сув соҳилини емирар, алам — дилни. Мақол. — Қирғоқларни емирган Аму. Э. Раҳим.*

2 *кўчма* Ҳаробага, вайронага айлантирмоқ, бузмоқ; тор-мор қилмоқ. *Душман қанчалик гангитилса, унинг дўт очиш нуқталари қанча кўп емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*



3 Йўқ қилмоқ, барбод қилмоқ, тугатмоқ. *Умрни меҳнат эмас, ғам емиради.* Ойбек, О. в. шабадалар.— *Биз бутун мамлакатда эски ҳаётни емириб, янги ҳаётга — социализмга қўчаётимиз,— деди Мавлонов.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**ЕМИШ** Озиқ-овқат бўладиган нарса; овқатлик. *Молга берсанг соз емиш, боқар сени ёзу қиш.* Мақол. — *Емиш олиб келдим,— деди Баҳри эридан қўрқа-писа,— шавла билан зон.* Ҳ. Фулом, Машғал.

◆ **Емиш бўлмоқ айн. ем бўлмоқ қ. ем I.**

**ЕМЛАМОҚ** Ем бермоқ, ем билан боқмоқ. *Фирқўни эмлаб, эртаги урушнинг ғамини ғамлаб, хотирини жамлаб ўтираверди.* «Равшан».

**ЕМОҚ I** Таом истеъмол қилмоқ, овқатланмоқ, тановул қилмоқ. *Қовун есанг — сахар е, сахар емасанг — захар е.* Мақол. *Дарахтининг мўртини қурт ейди.* Мақол. *Берсанг ейман, урсанг ғламан.* Мақол. — У [Бектемир] окопда қаттиқ нонни қусирлатиб чайнаб, консерва билан қўшиб, мазза қилиб еди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тирикчилик ёки маишат учун сарф қилмоқ. *Пул емоқ.* — У [мирзо] бир кунлик даромадини ўн кун ер эди. А. Қаххор, Мирзо.

3 Узиники қилмоқ, ўзлаштириб олмақ. *Уезд ҳокими «аканени мингбоши қиламан» деб уч минг йигирма етти сўм пулини еб, сайловда дегрезлик Исомилдин деган жаллобни сайлаган экан.* А. Қаххор, Йиллар. *Акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас, ё бировнинг ҳақини еган эмас.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Пора емоқ пора олмақ. Еб кетмоқ қарз ёки қайтарилши лозим бўлган бирор буюмни қайтармай ўзлаштириб юбормоқ. Унинг ҳам бир оғайниси йигирма жуфт шериклик туфлини «қўлга тушиди», деб еб кетган экан.* А. Қаххор, Оғайнлар. *Еб қўймоқ I* еб тугатмоқ; 2) сарф қилиб юбормоқ; кириштириб, кеткизиб қўймоқ. *Пулни туттиш қийин, еб қўйиш жуда осон.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *қўйма* Ишдан, сафдан чиқармоқ; шикастлантarmoқ, майиб қилмоқ; ўлдирмоқ. *«Отни единг» дедим ичимда.* Ойбек, Қутлуғ қон.— *Шундай дўстим. Энди унинг ўзини йўқ қилмасак, сени ҳам, мени ҳам ейди ..— деди Давлатёр.* П. Турсун, Ҳитувчи.

5 Баъзи отлар билан қўйма феъл ясади, мас. *ўқ емоқ, лат емоқ, шикаст емоқ, зарба емоқ, калтак емоқ, тўтқи емоқ, ғам емоқ, адабини (таъзини) емоқ.*

◆ **Баланд охурдан ем еган қ. охур.** *Бошини емоқ қ. бош.* *Еб юборгудек (ёки қўйгудек) ғазабни, ғазаб билан; ўкрайиб. Адолат Беймхонга еб юборгудек ё қараш қилди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. *Егани олдида, емагани кетди (ёки ортида, орқасида) тўқ ҳаёт кечирувчи, мўл-қўлчиликда яшовчи*

киши ҳақида. *Нусратуллонинг йўли бошқа, унинг таппа-тайёр ота мулки бар — егани олдида, емагани кетдида.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Миясини (ёки эсини) еб қўймоқ қ. мия.* *Нина еган итдек жуда озгин, касалманд киши ҳақида. Этини (ёки ич-этини) емоқ руҳий азобланмоқ, куюнмоқ, ўртанмоқ. У [Исмоил] Сайёранинг олдида тиз чўкиб, сир бой бериб қўйгани учун, ич-этини еб юрди.* П. Қодиров, Қалбағи қуёш. **Кулоқ-мияни емоқ** жонига тегмоқ, безор қилмоқ. *Э, қўйинг, афандим, шу гап билан ўн йилдан бери қулоқ-миянни ейсиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЕМ-ХАШАК** Ҳайвонларга бериладиган овқатлар, озуқалар, ем ва хашаклар.

**ЕНАМОҚ айн. енамоқ.** **ЕНГ** Қиймининг қўлга кийиладиган қисми. *Калта енг.* — *Кенг енгларидан чиқиб турган қўллари деҳқон қизларининг қўлларидек катта-катта.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ермат ух тортиб, енг учи билан пешана терини артди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Енг** ичида яширинча, махфий равишда. *Енг ичида иш битирмоқ.* **Енг шимариб қ. шимармоқ.** **Енгидан кириб ёқасидан чиқмоқ** ширин сўз билан кишини ўзига ром қилмоқ, аврамоқ.

**ЕНГИЛ I** Оғирлиги, вазни кам, вазмин эмас. *Енгил юк. Енгил тош.* *Юки енгил эшак ётагон бўлади.* Мақол. — *Йўлчи енгил эшикчани очиб кирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ихчам қуролли, ихчам қурол билан қуролланган, ҳаракатчан. *Енгил артиллерия.* — *Бир ордан кейин учта енгил танк пайдо бўлади.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

3 Тез ҳазм бўладиган; оқсил ва жир моддалари кам; қучсиз. *Енгил овқат.*

4 Қалин ва иссиқ бўлмаган, яланг қават; юлқа, юпун. *Енгил пальто.* || *Енгил кийинмоқ.* — *Мезбонлар енгил кийимда баланд айвоннинг баҳаю ерига қўйилган столнинг икки ёғида хомуш ўтиришар эди.* А. Қаххор, Мирзо.

5 *қўйма* Унча чуқур ва жиддий бўлмаган; ўйноқи, шўх. *Енгил қуй.* — *Марямхон .. бир қанча енгил, жиний-можаровий романларни яширин ўқиб чиққан эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Давлатбеков радиодан айтилаётган енгил қуйдан, хусусан, унинг сўзларидан завқланиб тебранади.* П. Қодиров, Қора кўзлар. | Чуқур ақл юритилмаган; саёз, юзаки. *Енгил муҳокама. Енгил фикр. Енгил асар.* || *Енгил ўйламоқ.* — [Хожш:] *Баъзи енгил муҳокамаларинг онангенидан қалишмайди, Отабек!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Чуқур мулоҳазасиз; енгилтак. *Енгил табиат.* *Енгил йигит.* — *Бу сирни эриндан бошқа ҳеч кимга билдирма, қайин онанг ҳам енгил хотин .. сева кўрмасин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Гулсумби:]

*Эс-ҳушингни йиғ, унақа енгил бўлма!* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 *қўйма* Кучсиз, зўр эмас, бўш. *Енгил шабада елкандай сузиб юрган булутларни тоғ орқасига қува бошлаган .. эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. || *Валихоғ енгил йўталиб олди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Рузвон хола гапирганда зал дам енгил кулиб, дам қаттиқ хаяжонда, доим ҳаракатга келиб турди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Билинар-билинмас даражада; оҳистагина, нозик. *Йигирма минут қадар вақт ўтгандан кейин енгил таъзим билан Гуландом кириб келди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Унча хатарли бўлмаган, даволаниши осон. *Енгил тумов. Енгил жароҳат.* || *Сафар чўтирнинг бир бармоғи енгил ярадор бўлган эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

7 *қўйма* Ҳеч қандай қийинчиликсиз; эпчил, чаққон (ҳаракат ҳақида). *Саҳна узра енгил ҳаракат, Рақс тушар ғўзал раққоса.* У. Носир. *Қуёш селида мириқиб чўмилган бўйдор тераклар қучоғида торая-торая ғойиб бўлган текис йўлда аскар енгил одим отади.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Енгил қўчмоқ I** чаққон ҳаракат қилмоқ. *Бугун механика цехи ишчиларининг оёқлари одатдагидан кўра ҳам енгил қўчмоқда.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси; 2) осон ҳал бўлмоқ. *Иш енгил қўчди.*

8 *қўйма* Осон ўзлаштириладиган, тушунилиши осон. *Енгил дарс. Енгил машғулот.* | Бажарилиши, ҳал этилиши осон, мураккаб эмас. *Енгил масала. Енгил меҳнат.* — *Яхшиси енгил иш берайлик. Сизларни қариялар бригадаси деб атаймиз.* И. Раҳим, Чин мухаббат. | Меҳнат машаққати йўқ, осон. *Енгил пул топиш. Енгил ғалаба.* | Меҳнати кам, кам ташвиш, оғир иши йўқ. *Енгил кун.*

◆ **Енгил машина (ёки автомобиль)** одам ташийдиган, пассажирлар учун мўлжалланган машина. **Енгил оёқ ёки оёғи енгил қ. оёқ.** **Енгил саноат кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи.** **Оёқ-қўли енгил чаққон,** эпчил, ҳаракатчан. [Хожш хола:] *Оёқ-қўли енгил, эпчилгина эмасманми, шунга алам қилиб, ёлгон Ҳожш дейишади.* М. Исмоний, Фаргона т. о. **Тупроғи енгил** бирор жойда ёки бирор иш-вазифада узоқ тура олмайдиган; қўнимсиз. **Юки енгил** қарамоғидаги кишилар сони кам, ояласи кичик. [Элмурод:] *Менинг юким енгил, .. ота-она бўлса йўқ — ғалиб кетган.* П. Турсун, Ҳитувчи. **Қўли енгил** қўл урган нарсаси, иши осон ҳал бўладиган. **Докторнинг қўли жуда енгил экан,— дейишади беморлар.** С. Нуров, Дурдона. **Оғири енгил** бўлди оғир ишдан қутулди. [Урмонжон:] *Рауф Иброҳимов боргандан бери оғирингиз анча енгил бўлди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Енгил кўтармоқ** осон, азобсиз ўтказмоқ, кецирмоқ. [Узбек ойим:] *Ўғил туғасан, Кумуш, мен ҳам*

Отабекни, сенга ўхшаш, енгил кўтарган эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзини енгил сезмоқ** (ёки ҳис қилмоқ) айн. енгил тортмоқ 2. Суллонов билан сўзлашиб бўлган, раис ўзини анча енгил сездим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Енгил тортмоқ** 1) тетиклашмоқ, тузалмоқ. [Сидиқжон:] Эртага ўрнимдан туриб кетадиганга ўхшайман, ҳозир ҳам анча енгил тортдим. А. Қахҳор, Кўшчино; 2) рухий азоб ёки ташвишдан қутилиб ўзини яхши ҳис этмоқ. Зокир бир гуноҳдан соқит бўлгандай енгил тортмоқда эди. П. Қодиров, Уч илди.

**ЕНГИЛ-ЕЛПИ** 1 Унча оғир эмас, енгил, майда-чуйда. Енгил-елпи ишлар. Енгил-елпи топишириқ. — Болалар орасида Остап билан Сарсенбой ҳам енгил-елпи нарсаларни ташишда ёрдамлашишмоқда. Р. Файзий, Сен етим эмассан. || Ҳамма оғир ишларни барака топкур йиғитларнинг ўзлари қилишарди, биз чолларга эса енгил-елпти қоларди. В. Ғофуров, Вафодор.

2 кўйма Унча жиддий эмас; кичик, енгил. Енгил-елпи жазо. — Халқ ишига енгил-елпи қарашга, ҳавойи ваъдалар билан кўз бўйша асло тоқат қилолмаймиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Дилором:] Енгил-елпи тўй ўтказишга маҳалла-кўй олдига номус қиламан. Б. Раҳмон, Юрак сирларни.

**ЕНГИЛЛАМОҚ** 1 айн. енгиллашмоқ. Юки енгиллади.

2 кўйма Енгил тортмоқ, тузалиб, соғайиб, ўзини яхши ҳис қилмоқ. — Худога шукур! — деди Ҳасанали, — боғидан бир оз енгиллади. Мазмуни ис теккан экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЕНГИЛЛАНМОҚ** 1 айн. енгиллашмоқ 1. Баҳор, қизлар енгилланиб, кўчага чиқишган.

2 кўйма Енгил тортмоқ, ўзини енгил ҳис этмоқ. Полвоннинг юраги аста ёришиб, ўзи енгилланди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЕНГИЛЛАТМОҚ** енгилламоқ фл. орт. н. Юкни енгиллатмоқ. — Унсин унинг ишини енгиллатмоқ истайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Танини (ёки бўйинини) бошидан енгиллатмоқ бошини олмоқ, ўлдирмоқ. Шоҳим, бошини қулоқдан енгиллатдингиз, Энди бўйинини бошидан енгиллатинг. И. Султон ва Уйғун, Навоий.

**ЕНГИЛЛАШМОҚ** 1 Оғирлиги камайиб енгил бўлиб қолмоқ, енгилламоқ. Юк енгиллашди.

2 Енгил кўчмоқ, осонлашмоқ. Бир иш кўнгалдаидек адо этилса, иккинчисини бажариш анча енгиллашди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 кўйма Рухий азобдан ёки ташвишдан қутулиб енгил тортмоқ. Ботиралининг устидаси оғир юк кўтарилиб, бутунлай енгиллашиб кетди. С. Исомилзода, Темур.

4 кўйма Енгил тортмоқ, соғайиб ўзини яхши ҳис этмоқ. Кечга яқин

Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕНГИЛЛАШТИРМОҚ** енгиллашмоқ фл. орт. н. Юкни енгиллаштирди. — Ахир, чап қанотидаги душман кучларининг кетиши баталвоннинг операциясини енгиллаштирмайдими? И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ЕНГИЛЛИК** 1 енгил с. белги оти. Юкнинг енгиллиги. Овқатнинг енгиллиги. Масаланинг енгиллиги.

2 Бирор ташвишдан қутилгандан кейинги хотиржамлик, рухий тетиклик, бардамлик ҳолати. «Навоийнинг сеҳри саоти Отабекнинг кўз ёшларини қуритди, бир енгиллик бағишлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Поезд қўзғалгандан кейин, Замира ажойиб бир енгиллик ҳис қилди. П. Қодиров, Уч илди.

3 кўйма Оқибатини ўйламай қилинган ҳаракат, енгилтаклик. Уйини ташлаб кетиб, енгиллик қилиб қўйдими-а! С. Зунунова, Гулхан. Мирзакаримбойнинг қизи Нуриносини табиатида енгиллик билан макр устун турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 айн. имтиёз.

**ЕНГИЛМАС** Курашда сира енгилмайдиган, доймо ғолиб чиқадиган. Бирлашган куч — енгилмас. Мақол. — У [Морозов] Қизил Армияни дунёда энг қудратли, енгилмас армия деб билади ва унга ишонади. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ЕНГИЛМОҚ** Ожизлик қилмоқ, мағлубиятга учрамоқ. Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз енгилар. Мақол. — Амир енгилди, аскарлари бузилиб уруш майдонидан қочдилар. Айний, Қуллар. Бўтабой аскиядан енгилди, таслим бўлдим дегандек, икки қўлини кўтарди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЕНГИЛТАК** 1 Оқибатини ўйламай иш қиладиган, енгил табиат. Енгилтак киши.

2 Одобсиз, ахлоқсиз. У [Ғуод афанди] Ҳожини ҳола синеари енгилтак қиз-жувоғларни ахтарар эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ЕНГИЛТАКЛИК** енгилтак с. белги оти. Енгилтаклик .. мана қандай балоларга дучор қилар экан. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Енгилтаклик қилмоқ** 1) оқибатини ўйламай иш қилмоқ; 2) одоб доирасидан чиқмоқ, одобсизлик қилмоқ. Баъзи аёллар гўзалларнинг шўх рақслари ва кучли май тавсири остида енгилтаклик .. қила бошладилар. Ойбек, Навоий.

**ЕНГЛИК** 1 Нон ёпиш ва нонни узиб олиш пайтида қўлни ўтдан сақлаш учун тирсақкача кийиб олинандиган қалин енг. [Шербекнинг] онаси енгликда тандирдан янги узилган патир, икки қўлида қосада совуқ сув кўтариб кирди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Енг учун кесилган мата бўлаги.

**ЕНГМОҚ** 1 Ғолиб чиқмоқ, ғалаба қозонмоқ, рақибини мағлубиятга учратмоқ, устун чиқмоқ. Мусобақада бизнинг командамиз енгди. — Биз

енгамиз, Партия бош армиям, Сира қайтмас, ёвга тайёр, армиям. Фозил шоир. Йўлчи ҳам, Қора Аҳмад ҳам мушт билан бир-бирларини енга олмасликларига ишонч ҳосил қилишди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мулла Абдураҳмон яна оғиз очолмайди, чунки Сафар бўғчи «китоб сўзи» билан уни енгиб қўйди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Заифлаштирмоқ, холдан тойдирмоқ. Элгелдиннинг кўзларидаги ғазабни бахтсиз бир маъюслик енгган эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Дард-ни бардош енгади. А. Қахҳор, Минг бир жон.

**ЕНГСАК** диал. Енглик. Ошхонада Бунисо ҳола бўз енгасак билан тандирдан жазиллаған зогора нонни узиб олар эди. Ойбек, Зумрад.

**ЕПИСКОП** [р<грек] Христианлар черковида олий диний унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс; архиерей. **ЕР** 1 (Е — катта) Қуёшдан кейинги учинчи планета. Ер шари. Ер айланаси. Ер кўчи атрофида айланади. Ернинг сунъий йўлоши.

2 Шу планетанинг қуруқлик қисми (сув билан қопланган қисмига қарама-қарши қўйилганда). Ер планетамизнинг олтидан бир қисмини ташкил этади.

3 Планетамиз қобилининг сиртқи қатлами. Ер бағри. Ер ости бойликлари. Қора (қаро) ерга киргур! (қарғ.). Ер ютгур! (қарғ.). Осмон узок, ер қаттиқ. Мақол. — Бир вақт ер ости дуқиллагандек бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Ер ўчоқ вақтинча фойдаланиш учун ердан қазиб ясалган ўчоқ. Ҳар ер — ҳар ерда қумғон осилган ер ўчоқлардан кўм-кўк тутун кўтарилади. С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Нарсалар турган, тирик организмлар ҳаёт кечираётган юза, сатҳ. Ерга палос солмоқ. Ера тушган — етимники. Мақол. Уларнинг [қушларнинг] турмуш қонунлари жуда енгил: икков-икков севган-севганини олдидилар-да, тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юра берадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган тупроқ қатлами, экин экиладиган жой, экин майдони. Бўз ер. Қўриқ ер. Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг — юз ҳайда. Мақол. — Кўрдингиз-ку, қанча ерга экин экканман. Ойбек, Қутлуғ қон. Ер очмоқ экилмай ётган ерларни маданий экинлар экинш учун мосламоқ. Бригада тўқайликдан йигирма гектар ер очди. | Бирор шахс ёки коллектив тасарруфида бўлган унумдор майдон, ер-мулк. Еридан айрилган — етти йил йиғлар, элидан айрилган — йағунча йиғлар. Мақол. — [Йўлчи:] Еринг бўлса, меҳнати ҳам, роҳати ҳам ўзингники бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Ер ислохоти қ. ислохот.

6 Бирор нарса банд қилиб турган, эгаллаган ўрин, жой; макон. Дарракт бир ерда кўқаради. Мақол. — Ҳоким чўзилиб ётган еридан туриб

ташқари чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 Бирор мамлакат, давлат ёки халққа қарашли территория. Совет ери. Рус ери. — *Етти йиллик охирида ўзбек ерида тўрт миллион тонна пахта етиштирилиши керак.* А. Мухтор, Дўстлигимиз барқ урсин. | Аҳоли яшайдиган жой, территория (шаҳар, мавзе, жой). *Бизнинг ерларда қиш қиска бўлади.* — Қўқон, Марғилон, Андижон, *Уш ва бошқа ерлардаги оғайнилар ҳам бу гандан бош тўлғамаслар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

8 Бирор пунктдан наридаги жой; масофа. *От автомобилдан ҳуркиб хийла ергача суриб кетди.* А. Қаҳҳор, Каравот. *Уттиз чақирим ердан ариқ чиқараман деб, ўттиз ой саргардон бўлайми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

9 Бирор нарсанинг ёки аъзонинг айрим қисми, бўлаги, жойи. *Гиламнинг бир ерида доғи бор.* — *Икки еридан яраланган баҳодир командир Қурчев .. жангга раҳбарлик қилар эди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. | *Воқеа, нутқ, асар, ҳикоя ва ш. к.нинг маълум парчаси, жойи.* *Ҳожи хола ўз таржимани ҳолининг жуда кўп ерларини ташлаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

10 Иш жойи, муассаса, ташкилот. *Ишлаган еридан справка келтирмоқ.* *Бирор ерга арз қилмоқ.* — [Бадрий:] *Сизлар билан бошқа ерда гаплашман!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

11 Кўрсатиш олмошлари билан келиб, шу олмошдан англашилган томондаги жойни ифодалайди. *Шу ер. Уша ер. Бу ер. У ер.* — *Ҳалимхона у ерда, зикирхона бу ерда.* Мақол.

◆ **ЕР ЁНҒОҚ** мағизидан мой олинандиган ўтсимон дуккакли ўсимлик ва унинг меваси; хитой ёнғоқи, арахис. **ЕР ОСТИДАН** (ёки тагидан) яширинча, зимдан. *Раҳим «хап сеними» дегандай ер остидан Аҳмадга ёмон ўқрайди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **ЕР ТУТИ С. Т.** қулупнай. **ЕР ЧОЙ БОТ.** атр гуллилар оиласига мансуб доривор бута. **ЕР ҚАЛАМПИР С. Т.** хрен. **ҚОРА** (ёки қаро) ер ер қаъри, қабр. *Бизни ким писанд қилмай, яъни қилса жаллодлик. Тор-мор этиб охир, Қора ерга пишҳон қил.* Файратий. **ЕР БИЛАН ЯКСОН** бўлмоқ қ. яксон. **ЕР БЎЛМОҚ АЙН.** ерга кирмоқ. **ЕР ТИШЛАМОҚ Қ.** тишламоқ. **ЕР ЧИЗИБ ҚОЛМОҚ Қ.** чизмоқ. **ЕР ЎПМОҚ** икки букилиб энгашмоқ, таъзим қилмоқ; сажда қилмоқ. (**ҚАРО**) ер қилмоқ шарманда қилмоқ, қаттиқ беобрў қилмоқ. *Ер қилдинг-ку менинг ўзимни, Оёқ ости қилиб сўзимни.* Э. Раҳим. **БУРНИНИ ЕРГА ИШҚАМОҚ** роса таъзирини, адабини бермоқ. **ЕРГА КИРМОҚ Қ.** кирмоқ. **ЕРГА УРМОҚ** камситмоқ, жуда ҳам ёмонламоқ. *Гоҳ Умурзоқовани мақтайсиз, гоҳ ерга урасиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **ЕРГА УРСА, ОСМОНГА САПЧИЙДИ** ниҳоятда шўх, тўполончи.

**ЮЗНИ ЕРГА ҚАРАТМОҚ** уят ва номусга қолдирмоқ, шарманда қилмоқ. *Ватанинг амри шу, бурчингни бажар, Охири юзимни ерга қаратма!* Файратий. **ЕРГА КЎЙМОҚ** кўймоқ, дафн этмоқ. *Гапни бир ерга кўймоқ қ. гап I.* **НА ЕРГА ВА НА ҚЎККА ИШОНАДИ** ортиқ даражада иззат-ҳурмат қилади, ардоқлайди. *Кудангиз мени на ерга ва на кўкка ишонади: ўн беш кундан бери қўлимни совуқ сувга ҳам урдирмай қўйдим.* А. Қодирий, Утган кунлар. **ЙЎҚ ЕРДАГИ** аслида содир бўлмаган, ёлғон; ортиқча, кераксиз. *Бойваччалар «йўқ ердаги ғавғони бошимизга сотиб олди», деб қилган ишига пушаймон бўлиб ётди.* «Ёдгор». **ЕРДАН БИЧИБ ОЛГАНДЕК** ниҳоятда паст бўйли, пакана. *У ердан бичиб олгандек пак-пакана ... бир хотин эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЕРДОР** Ер эгаси, мулкдор. *Арслонкул .. болалиқдан пода боққан, ердорларнинг хирмонини кўтарган, қўш ҳайдаган.* Ойбек, Навоий.

**ЕР-ҚЎК** Бутун атроф, ҳамма ёқ; коинот. *Ер-кўкка шафқатсиз аланга сочаётган қўши қандайдир рангсиз бўғиқ ҳаводан соябон ясаб, коинотни тўсиб қўйгандай.* Н. Сафаров, *Узоқни кўзлаган қиз.* *Юсуфбек ҳожи бошиқ ер-кўкка сиғмаган музаффар халқ ўрда теварагини қуришга тушди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **ЕР-ҚЎККА ИШОНМАЙДИ** ортиқ даражада иззат-ҳурмат қилади, ардоқлайди. *Бориб шуларнинг [пионерларнинг] хизматини қиламан, ўтинини ёраман, қоревуллагини қиламан, ота-ота деб, мени ер-кўкка ишонмайдилар.* Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ЕРЛИ I** Ерга эга, ери бор. [Йўлчи] *мироблар билан оғиз-бурун ўпишган катта ерлилар, бой деҳқонлар зўравонлигидан, экинни қуриб қақраган камбағал деҳқонларга дўқ қилиб, ғалва кўтаришидан нафратланган эди.* Ойбек, Қўтлуғ қон. || *Уртоқ Очилди .. Тиктепаннинг ўзидан чиққан, кам ерли камбағал деҳқон боласи.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Шу ернинг ўзида туғилиб ўсган, туб жойли; маҳаллий. *Ерли халқ.* — *Биз, ерли меҳнатқаш ишчи-деҳқонлар, большевиклар партиясининг қарорини қувватлаймиз.* П. Турсун, Уқитувчи. | *Сафимизда ерлиларнинг ҳам кўпайиши отряд олдиға қўйилган вазифининг тезроқ бажарилишиға ҳам хизмат қилади.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЕРЛИК I** ер с. мавҳ. от. *У ер сизларға ерлик қилармиди!* Туйғун, Зулфизар.

2 «У», «бу», «шу», «қай» каби олмошлар билан келиб, шахснинг ўрин-жойга (туғилган, истиқомат қиладиган жойга) муносабатини билдиради. *Мен ҳозир у ерлик саналсам ҳам она юртим қаерда эканлигини билмайман.* Айний, Қўллар.

**ЕРЛИЛАШТИРИШ** ерлилаштирмоқ

фл. иш оти. *Давлат аппаратини ерлилаштириш.*

**ЕРЛИЛАШТИРМОҚ** Идора, муассаса ва ш. к.да ишловчи маҳаллий аҳоли вакиллари сонини кўпайтирмоқ. *Ўзларинг ерлилаштир дейсизлар-да, яна чек қўясизлар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЕРЛИ-СУВЛИ** Ер-мулкка эга бўлган, ер-суви бор. *Икки гапнинг бир-ида [Ермат қизини] хотин устиға бўлса ҳам бойға, ерли-сувлиға бераман, дейди.* Ойбек, Қўтлуғ қон. — *Ҳар бир камбағал, эҳтимол, ерли-суели бўлади,— дейди Алим бува.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЕР-СУВ** Деҳқончилик қилса бўладиган ҳосилдор ер, мулк. *Хўп, уларнинг ер-суви бўлса, нега дондуну йўқ.* Х. Фулом, Машғал.

**ЕРТЎЛА I** Бино остидаги хона; подвал. *У подшо саройидан анча олисда, дарёнинг нариёғидаги баланд уйлардан бирининг ертўласида тураркан.* Х. Фулом, Машғал.

2 Ердан ўйиб қилинган турар жой; землянка. *Ана ҳозир қамиш капалар, брезент палаткалар, ертўлалар кўриниб қолар, деб келяпман.* Х. Назир, Чўл ҳавоси.

**ЕСИР** [а] Эри ўлган, эрсиз қолган хотин; бева, тул. *Бу етим ўғил бўлиб, есир онанинг қўлида қолаверди.* «Муродхон».

**ЕТАҚ I** Етақлаб, эргаштириб бориш, етақлаш. *Ҳақиқатан қўшимми кўрдир .. ўзи илгарига бир одим боса олмагандек, етакка ҳам юрмайдилар.* Жулқунбой, Ужар кўр. *Биттадан отни етакка олиб, икки отлик орқасига қайтди.* Й. Шамшаров, Довруғ.

2 *Кўчма* Йўл, йўл-йўриқ. *Беран оқ сўтимга рози бўлмайман, Энанг бўлиб етагинга юрмайман.* «Рустамхон».

**ЕТАҚЛАМОҚ I** Қўлидан ушлаб, кўмаклашиб олиб юрмоқ; бошлаб юрмоқ. *Қўзга олиб чакалакзорни.* Қиз етақлаб борди беморни. Э. Раҳим. *Юлдузлар хираланиб жимгина сўнаркан, Шокир ота унинг [Унсининг] қўлидан тутиб, куч билан етақлади.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Ёлғиз фарзандидан умид узолмаган ота дўконини, ҳовли-жойини сотиб, хотинини етақлаб Зор қишлоққа келди.* С. Аҳмад, Хукм. | *Жиловидан, бошвоғидан тутиб эргаштирмоқ.* *Мол етақламоқ.* *Қўй етақламоқ.* — *Мамарайим афанди мингбошининг отини етақлаб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *Кўчма* Йўл бошламоқ, йўлбошчилик қилмоқ. *Қурашларға етақладинг бўлиб сен бош.* Файратий. *Ўзига янги билим, янги руҳ бериб олға етақлайдиган одалар борлиғиға [Элмурод] ишонди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ЕТАҚЛАНМОҚ** етақламоқ фл. мажҳ. н. *Мол етақланди.*

**ЕТАҚЛАТМОҚ** етақламоқ фл. орт. н. **ЕТАҚЛАШМОҚ I** етақламоқ фл. бирг. н. *Шундан сўнг отларини етақ-*

лашиб чикарига кардилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Кўл ушлашиб юрмоқ. *Опа-сингил етаклашиб темир йўлчилар посёлкасида чиққанда, қуёш ботган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЕТАКЧИ** 1 Бошлаб, етаклаб, эргаштириб борувчи; бошқарувчи. *Кечгача биз колхознинг у ёқ-бу ёғини кўриб, танишиб чиқишимиз керак. Бизга ҳозир битта етакчи берсаларинг, бас. А. Қаҳҳор, Картина. Доирани раққосанинг етакисини бўлибгина қолмай, балки бутун ансамблини бошқариб, усуллар йўлаарини кўрсатиб берувчилардандир. Т. Обидов, Юсуф-жон қизик.*

2 *кўчма* Йўлбошчи, раҳбар. [Гофур ака:] *Кўпчиликка етакчи, катта-кичikka баравар, қандини есин! Н. Мақсудий, Умидли бола.*

3 *кўчма* Асосий, бош. *Саноятнинг етакчи тармоқлари.*

◆ **Етакчи фель грам.** кўшма фель таркибида асосий маънони англаувчи компонент.

**ЕТАКЧИЛИК** Бошчилик, раҳбарлик. *Ленинча партияннинг етакчилиги, рус халқининг беғараз ёрдами туфайли Шарқдаги совет республикаларининг ҳамма халқлари бахтиёр ва озод ҳаётга эришдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 27 май, 1959.

**ЕТАР 1** етмоқ *фл. рөидиш.*

2 *унд. с.* Бўлди, тўхта, бас. *Кўкарди майса, сочилди ерга дон ҳалигача қиш ... «Бас энди, бўлди, етар!» деб қилай садо шекиллик. Ғ. Фулом.*

**ЕТАР-ЕТМАС** *рөш 1* Маълум бўлжал, меъёрдан бир оз камроқ, сал кам. *Утган йили меҳнат қунига ярим килога етар-етмас бугдой, йигирма уч тийиндан пул олган капсанчилар бу йилги даромадни кўриб, бутун орзулари ушалгандай бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Бирор жой-мазгилга ҳали етмасдан, яқинлашиб қолганда. *Уйга етар-етмас орқамдан ўғлим бориб қолди.*

**ЕТАРЛИ 1** Маълум бир ерга ёки даража-меъёрга қарийб етадиган. *Икки дераза ўртасида ишга етарли катта тош ойнак .. бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Бирор эҳтиёж ёки мақсад учун кифоя қиладиган, етадиган. *Етарли пул. Етарли ёрдам. ■ Ғўза кўшимча кўсақларни етиштириш учун ердан етарли озиқ ололмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Юқоридан етарли вакиллар келиб туришига қарамай, қишлоқ активлари ҳам районга тиңмай қатнар эдилар. П. Турсун, Уқитувчи. | Ўзига яраша. Қим билади, балки унинг [аравақашининг] ҳам ўзига етарли қайғу-аламлари бордир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ЕТИЛМОҚ 1** Пишиб етмоқ, пишмоқ.— *Жонивор хўб етилибди-да,— деди Мадамнингхўжа қовунни коса қилаётиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 **Ўсиб, ривожланиб етух шакл олмақ. Уруғланган тухум бачадонга тушади ва бу ерда эмбрион ўсади, етилади.** «Анатомия». | **Ўсиб, ўлғайиб вояга етмоқ, бағоятга эришмоқ. Яқинда ёш қиз эди, тез етилиб қолибди. Ж. Шарипов, Хоразм. Раъно бу ўн йил ичида яна етилган бўлса керак деб, тўйни кутмаёқ унинг ҳаёлий сиймосини қучоқлай бошлади. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.**

3 Тобга келмоқ, обдан тайёр бўлмоқ. *Ғўза чеканка қилишга етилди. ■ Кунлар исиб кўтарилган нам, Ерлар исиб етилган тупроқ. Ғайратий.*

**ЕТИЛТИРМОҚ** *етилмоқ фл. орт. н. Мевани етилтирмоқ. Етилтириб иштирмоқ. ■ Томирингга қон-жон берди ва етилтирди. Қайта бошдан қуйиб-пишдине ўт-ўчоғида. Ғ. Фулом.*

**ЕТИМ** [ф-т] Отадан, онадан ёки ҳар икковидан ажралган. *Етим бола. Етим кўзи, Холвани ҳоким ер — калтақни етим ер. Мақол. Етим ҳақи ота ёки онадан болага қолган мерос; умуман етимларга тегишли нарса. Ҳалигача сўрамасдан бир дон қовунни ҳам олган эмас, ҳатто мендан ўз етим ҳақини ҳам талаб қилмайди. Айний, Жаллодлар. Тирмқ етим отаси ёки онаси ёки ҳар иккови томонидан ташлаб кетилган қаровсиз бола. Ўғлинени тирик етим қилма. Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса устингга ол. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Чин етим ҳам онадан, ҳам отадан ажралган бола.*

◆ **Етим қовурга анат.** энг пастки жуфт қовурга. *Ерга тушган етимники ҳазил топиб олинган нарсани ўзлаштириш учун баҳона қилиб айтиладиган ибора.*

**ЕТИМВАЧЧА** [ф-т] *эск.* Етим бола. — *Бу ота-бобоси мактаб кўрмаган етимваччаларингизга шундай муаллимни қаяқдан топасиз? — деди Бобо-хўжа домла. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ЕТИМ-ЕСИР** Етим ва есир, етим ва есирлар. *Сизлар суриштирмай, қўллари мизни боғлаб, зиндонга юбрасиз, мол-ашё мизни талайсиз, хотин-болаларимизни етим-есир қиласиз. Айний, Дохунда.— Мен ҳовлини ўзим учун қурганман, етим-есирларинг билан нима ишим бор,— дея тўнғиллади бой. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.*

**ЕТИМЛИК 1** *етим с. мавҳ, орт. От ориқликда, қиз етимликда кўримсиз, Мақол. ■ Ундан битта ёдгорлигим ... етимлиги билинмасин, ўқсинмасин дейман. Қарғасам тилим қуяди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Етимларга хос ҳаёт, ота-онасизлик. *Етимликда ўсанми, жуда синиқ йигит кўринади. С. Зуннунова, Гулхан.*

**ЕТИМОНА** *рөш* Етимга ўхшаб, етимлар сингари. *Болалар ҳам гўё отадан абадий айрилгандек, бошларини етимона буккан эдилар. Ойбек, Нур қидриб.*

**ЕТИМПАРВАР** [ф-т] Етимларга меҳрибонлик, ғамхўрлик қиладиган. *Етимпарвар одам.*

**ЕТИМХОНА** [ф-т] 1 *тар.* Етимлар ва қаровсиз қолган болаларни тарбиялайдиган ва ўқитадиган муассаса. [Холмурод] *одамлардан етимхона қардалигини ва у ердаги болаларнинг ҳол-аҳоли қандалигини суриштирмоқчи бўлди. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 *эск. айн. интернат.*

**ЕТИМЧА** Ота-онасиз қолган бола, етим бола, гўдак. *Саид Жамолхон қизининг рўзгорини «отининг қилаётган етимчадан осонгина қутулди. Саломатни шонга назир қилди. С. Аҳмад, Ҳукм. Уни босмачилар отиб ўлдирди, Мана шу кичкина болалар етимча бўлиб қолишди. Ҳ. Фулом, Ма-шъал.*

**ЕТИШМОВЧИЛИК 1** Камчилик, нуқсон.

2 Камчилик, танқислик. *Сув етишмовчилиги.*

**ЕТИШМОҚ 1** етмоқ 1, 2, 7, 8 *фл. бирг. н. Йигитлар ярим соат йўл юриб, гузара етишди. Ойбек, Нур қидриб. [Ширин ва Шакар] соҳ вақтларда сувсиз чўллarga тушиб, қистаб юрар бир-бирига етишиб. «Ширин билан Шакар».*

2 Етмоқ, эришмоқ. *Мақсадага етишмоқ. Ер васлига етишмоқ. ■ Мулла Бурхон Ғиждувон беига қирқ йил солиқ йиғувчилик қилиб, қоровулбегилик мавсубига етишди. Жўрабоев, Мулла Б. м.*

3 (фақат бўлишсиз ф-да) Кифоя қилмоқ, етарли бўлмоқ. *Болаларга жой етишмаяпти.*

**ЕТИШТИРМОҚ 1** етишмоқ *фл. орт. н.*

2 Экиб ёки боқиб маҳсулот етказиб бермоқ. *Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йўл-кўй етиштирайлик.*

3 *кўчма* Вояга етказмоқ, Кадрлар етиштирмоқ. ■ *Шундай вақт келадикки, домла ўзининг қўёи билан мақтанайди ва яна «мен етиштирдим» деб керилди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ЕТКАЗИЛМОҚ** *етказмоқ фл. мажҳ, н. Иш охирига етказилди. Ҳаммага хабар етказилди. ■ Ранг-баранг қимматбаҳо мева-чевалар билан лим тўлган патнуслар кетма-кет етказилиб турилади. Ойбек, Қутлуғ қоз.*

**ЕТКАЗМОҚ** етмоқ 1—4, 5—7 *фл. орт. н. Манзилга етказмоқ, Хабар етказмоқ. ■ Ўн йил соғинтирган она қишлоғимга етказдинг, миннатдорман. Н. Сафаров, Уйғониш. Интизордир чилвер соч, Етказгил саломимни. Ё. Мирза.*

**ЕТКАРМОҚ** *эск. айн. етказмоқ.*

**ЕТКИЗМОҚ** *айн. етказмоқ.*

**ЕТМАК 1** *эск. айн. етмоқ.*

**ЕТИМАК II** Кўпикланувчи моддага бой илдиз (тўқимачилик санвати ҳамда медицинада қўлланади).

**ЕТМИШ** *снқ сон 70* рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Етмиш кун. Етти карра ўн —*

*етмиш. Эр йигитга етмиш хумар оз. Мақол. — Жами бўлиб бир сўм етмиш тийиш ишлаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЕТМИШИНЧИ** *тартб сон* Тартиб ўрни 70 рақами билан белгиланган, 70 номерли. *Етмишинчи уй. Етмишинчи кун.*

**ЕТМИШТА** *дона сон* Етмиш дона, етмиш нафар. *Етмишта китоб. Етмишта одам.*

**ЕТМИШТАДАН** *тақс. сон* Ҳар бирига етмишта; етмиш донадан, етмишта-ейтмишта. *Ҳар вагонда етмиштадан той.*

**ЕТМОҚ** **1** *Юриб, маълум бир ерга, бирор манзилга бориб олмоқ. Ҳайдар ота Қўтармага хуфтондан кейин етди. А. Қахҳор, Асрор бобо. Шу йўсин ошиқлар ёр васлига ошиққандек, мулла Абдурахмон ҳам ўз шаҳрига елиб-югуриб етди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**2** *Қувиб тенглашиб олмоқ. Ошиқмазан қуёнга етибди. Мақол.*

**3** *Жўнатилган, тарқатилган жойдан, манбаидан наридаги бирор жойга бормоқ (овоza, гап, хат-хабар ва ш. к. ҳақида). Бу хабар бизгача етиб келди. Бу гап унинг қўлигига етмасин.*

**4** *Бўй, ҳажм, миқдор жиҳатидан бошқа бирор нарса билан тенглашмоқ, баробар келмоқ. Девор ўлғудай баланд-да, бўйи етмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Сони, миқдори, катталиги жиҳатидан бирор чегарага эришмоқ. Қўйларнинг сони миңга етди. Температура қирққа етди.*

**5** *Таъмин этадиган, кифоя қиладиган миқдорда бўлмоқ. Жой ҳаммага етади. Оз бўлса етар, кўп бўлса кетар. Мақол. — Қандоқ қилай, ўртоқжон, бошқа ишларни йиғиштирай десам ойлик етмайди. А. Қахҳор, Қанотсиз читтақ. | Кифоя қилмоқ. Онанг бечорага отангдан иккита сағир билан қолиб, кўрган кунлари ҳам етади. А. Қахҳор, Қўшчинон. Қўй энди, ўзимнинг қийналаганам ҳам етади. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

**6** *Маълум бир ёшгача яшаб бормоқ, умр кўрмоқ. Отам саксонга етди. — Олтмиш тўрт ёшга етдим, ўғлим-қизим бўлмади. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**7** *Бирор мақсадга эришмоқ, муваффақ бўлмоқ. Яхши билан юрдим — етдим мурода, ёмон билан юрдим — қолдим уятга. Мақол. — Қани энди, дунёда вафо бўлса, ҳар ким тилагига етса. А. Қахҳор, Шоҳи сўзана.*

**8** *Келмоқ; бошланмоқ. Вақти етди. Кунни етди.*

**9** *Қўшма феъллар таркибига киради, мас. зарар етди, шикаст етди, озор етди.*

**10** *Етақчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради. Зайнаб.. ўз ўйига бориб етди. А. Қодирий, Утган кунлар. Йўқ, ҳали англаб етганингизча йўқ, Н. Сафаров, Уйғониш. Ота-онасига*

*ўз сўзини етказишга Саидий ишониб етмади. А. Қахҳор, Сароб.*

**◆** *Боши кўкка (ёки осмонга) етди қ. боши. Нима етсин ҳеч нарса тенг келолмайдиган иш, нарса ва ш. к. ҳақида айтиладиган ибора. Эҳе, китоб ўқишга нима етсин. П. Турсун, Ўқитувчи. Оғзи қўлигига етди қ. оғиз. Пичоқ суякка етди қ. суяк. Тагига етмоқ қ. таг. Қўли етмоқ қ. қўл.*

**ЕТОВ** *Жиловидан тутиб эргаштирилган, етакланган, етақдаги. Етов от. — Етовдаги отни танимаган одам оз эди. Ойбек, Навоий.*

**ЕТТИ** *снқ сон 1 7 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Етти киши. Етти сўм. Етти метр, Етти меҳнат кунни. Етти ўлаб, бир кес. Мақол. Ёмондан қоровул қўйсанг, ёв етти бўлар. Мақол. 2 этн. Вафотнинг тўртинчи кунни ўтказиладиган маросим, маърака. Кеча одатга мувофиқ нари-бери етти қилинди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**◆** *Етти буклимоқ ортиқ даражада иззат-ҳурмат қилмоқ, ўта сифинмоқ. Етти ёт бегона қ, ёт 1. Етти иклим қ. иклим. Етти пушт қ. пушт 2. Етти хуфтонгача қ. хуфтон 2. Етти қовун пишиғи бор қ. пишиқ. Етти оғайни яққол кўришиб турадиган, чўмичсимон ўрнашган, етти юлдуздан иборат шимолий бурж (юлдузлар туркуми); Етти қароқчи, Катта айиқ. Кичик етти оғайни қутбга яқин, чўмичсимон жойлашган, етти юлдуздан иборат шимолий бурж (юлдузлар туркуми); Кичик етти қароқчи, Кичик айиқ.*

**ЕТТИЛИК** **1** *Етти нарса ёки кишидан иборат. Еттилик комиссия.*

**2** *Еттига ҳоли бўлган карта. Еттилик фиштин.*

**ЕТТИНЧИ** *тартб сон* Тартиб ўрни 7 рақами билан белгиланган, 7 номерли. *Еттинчи синф. Еттинчи бригада.*

**ЕТТИТА** *дона сон* Етти дона, етти нафар. *Еттита қалам. Еттита бола. — Каттақон кекса қайиш дарахти атрофидан дафъатан пайқаб бўлмайдиган еттита ертўла топилди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.*

**ЕТТОВ** *жамл. сон* Етти нафар, етти киши. *Еттов бордик. Еттови келди.*

**ЕТТОВЛОН** *бирг. сон* Етти киши, етти киши бўлиб, етти киши биргалликда. *Еттовлон ўринларидан туришди. Еттовлон ҳужумга ўтди.*

**ЕТУК** **1** *Жисмоний жиҳатдан тўла ривожланган, камолотга эришган. Туркишдан мўралдим: Йўли, ҳам етук бир қиз. Ойбек, Қутлуғ қон. Қирқ ҳа дегунча ўтиб ҳам кетди, ўғлининг кўрсайдиги етук камолин. Ф. Ғулом.*

**2** *Билимди, ғилми. Етук олим. | Ўз ишида катта тажриба, билим, маҳорат орттирган; тажрибали. Етук актёр. — Мулла Мухсин ақча ҳисобларица ҳам унчалик етук эмас. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**3** *Юқори савияда ишланган; пишиқ, пухта. Етук асар.*

**ЕТУКЛИК** *етук с. белги оти.*

**◆** *Етуклик аттестати қ. аттестат.*

**ЕФРЭЙТОР** *[р<нем]* *Оддий солдатга бериладиган бошланғич ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.*

**ЕЧИЛМОҚ** **1** *ечмоқ фл. мажх. ва ўзл. н. Унинг калта сочлари ҳа деб ечилиб кетаверарди. — Ҳисоб-китоб бор ерда ечилмайдиган чигил йўқ. Н. Сафаров, Уйғониш. Ҳасанали учун биринчидан англашилмай қолган маънолар бу кейинги гап билан ечилди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**2** *с. т. Ҳиммати ошиб ортиқ сахийлик қилмоқ. Ҳаловатхон ечилиб кетиб, зифат дастурхонини тўкиб қилиб тузади... ҳозиргина қириб келган дадасини очилиб-сочилиб дастурхонга ўтқазди. Ҳ. Назир, Утлар тугашганда. | Қўнгилдагиларни ёзилиб гапирмоқ.*

**ЕЧИМ** **1** *Ечиш; ечилиш. Боғлашда курмак солсанг, осон бўлар ечими. Бир ногаҳон гуноҳнинг осон бўлар кечими. «Қўшиқлар».*

**2** *Масала, муаммо ва ш. к. нинг жавоби. Масаланинг ечими.*

**3** *ад. Асарда воқеаларнинг ҳал бўлиши, тамомланиши. Романнинг ечими. — Зотан, ҳар бир асарнинг туғуни билан бирга ечими ҳам бор-ку! Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

**ЕЧИНИШМОҚ** *ечинмоқ фл. бирг. н.*

**ЕЧИНМОҚ** *ечмоқ 3 фл. ўзл. н. Мухаррам ечинаётиб, каравот тепасидаги суратларга беихтиёр кўз ташлади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ЕЧИНТИРИЛМОҚ** *ечинтирмоқ фл. мажх. н.*

**ЕЧИНТИРМОҚ** **1** *ечинмоқ фл. орт. н. [Ҳасанали] Отабекни ечинтирар экан, ризосиз бир оҳангда беди: «Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор!» А. Қодирий, Утган кунлар.*

**2** *Бировнинг кийим-кечакларини зўрлаб ечиб олмоқ, тўнамоқ.*

**ЕЧИШМОҚ** *ечмоқ фл. бирг. н.*

**ЕЧИҚ** *Боғланмаган, ечилган, бордан бўшатишган. Ечиқ мол. Ечиқ қоп. — Қўл-оёқлари ечиқ бандилар боғланиб кўрага қамалдилар. Айний, Қуллар. Бўйни боғлиқ ҳам эмас, ечиқ ҳам эмас: қамоқ бўлмаса ҳам қамоққа ўхшайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЕЧМОҚ** **1** *Боғичини, боғини ёзмоқ, бўшатмоқ. Белбоғни ечмоқ. — Чий эшикнинг боғичини ечиб қўтарганида, инграш яна эшитилди. А. Мухтор, Қорақаллоқ қиссаси. Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хом семиз ҳоким формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елгинишда тутинди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аҳмаджон немисни цохнинг тағидан тортиб олди ва оёқ-кўлини ечиб, турғузиб қўйди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.*

**2** *Ўрминини ёзмоқ, хомитмоқ. У [Кумуш] бу кечаси кўрган баъзи тушларини Отабекнинг бу кун келишига йўйди-да, эрталабдан туриб сочларини ечди. А. Қодирий, Утган кунлар.*



3 Қийини ташламоқ, ечинмоқ. Тўйни ечмоқ. Қўйлақни ечмоқ. | Чиқармоқ, бўшатмоқ (оёқ кийими ҳақида). Сувни кўрмай, этик ечма. Мақол. — Малла киши янги бузи кавушини даҳлизда ечиб, чап ёқдаги каттакон хонага кирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Насиба унинг носкисини еча бошлади. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

4 кўчма Маъносини очиб бермоқ; ҳал қилмоқ. Масалани ечмоқ. — Ёшлар бу жумбоқни еча олмай, ҳайрон бўлиб қолишди. П. Турсун, Уқитувчи. Бу муаммони кекса бир жангчи ечиб берди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ЕЧТИРМОҚ** ечмоқ *фл. орт. н. Гулсужуби қизини ўтказди, маҳсисини ечтирди, бир оз дам олиб, кейин ишга чиқишга бюрди.* Ойбек, Қутлуг қон. Соцларимни ечтирай кўклармани, ҳам уни мен юдирай тошқин селига. «Кўшиқлар».

**ЕШИНМОҚ** с. т. Ечинмоқ.

**ЕШИНТИРМОҚ** с. т. Ечинтирмоқ.

**ЕШИҚ** с. т. Ечиқ. Пальтонинг тугмаси ешиқ.

**ЕШМОҚ** с. т. Ечмоқ.

## Ё

Ё I Ўзбек алфавитининг еттинчи ҳарфи ва шу ҳарфининг номи.

Ё II [а] Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида «й» ҳарфининг номи.

Ё III *эск. кт. айн.* ёй I 2.

Ё IV [а] *унд.* Кучли эмоция билан боғли бўлган мурожаатни билдиради. Парлихўжа ёғчи ичкари ҳовлидан чиқиб, «Ё олло! Ё қозиул ҳождат! Яккасан, яғонасан!» каби сўзларни аралаштириб, ҳовлида юра бошлади. Ойбек, Қутлуг қон. Ё амир ал муслимин, тагин кўзингизга зарар етказмасин. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. | Қойил қолиш, ажабланиш маъноларини билдиради. — Ё қудратингдан! — деди Туробжон, келтирган нарсаларини титкилаб. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Раҳбар деган ҳали шунча кўпол бўладими? Ё тавба!.. П. Турсун, Уқитувчи. Ё, пирим I) ажабланиш ифодалади; 2) пирга сифинишни, ундан мадад тилашни ифодалади. — Ё, пирим! — деб юкни елкасига олди.

Ё V [ф-т] *боғл.* I айир. Тенг хуққли икки гап ёки айрим гап бўлаги олдида такрор келиб, фикрнинг қиёсланувчи бўлаклардан бирига тааллуқли эканлигини билдиради. Иллат ё ошда, ё мошда. Матал. — У ё уялиб, ё кўрқиб останада турарди. П. Турсун, Уқитувчи. Қаердадир биров ё симга қоқилди, ё уни бир нима қилд-тир. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 айир. Гап ёки айрим гап бўлаклари олдида такрор келиб, уларни санаб кўрсатиш, умумлаштириш учун қўланади. [Бувим:] Қим бўлмаган бу кун сен, ишимчи, ё тоқарми, ё кол-

хозчи, ё уста, Ҳамма ҳам бир текисда. Қ. Муҳаммадий.

3 *зидл.* Сўроқ гап олдида келиб, унинг ўзидан аввалги гап маъносига нисбатан зид эканлигини билдиради. [Жонфигон:] Шу гап гап бўлдимиз, ё тагин жинниликни тутармиким? А. Қаҳҳор, Жонфигон. [Ойимхон:] «Сен ўйнамасанг ким ўйнайди. Ё қариган чоғимда мен ўйнаймил!» П. Турсун, Уқитувчи.

**ЁБИ** фольк. Насли паст от. Бу сўзларинг, Айноқ, бекор экандир. Ёби дема, шу от тулпор экандир. «Равшан».

**ЁБОН** [ф-т] *эск. айн.* ёвон.

ЁВ I Уруш, жанг ҳолатидаги қарши томон, душман. Ёв қочса, ботир кўнара. Мақол. Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер. Мақол. Ёвга чиқсане, яроқли чиқ,— ёлғиз чиқмай, ҳам-раҳли чиқ. Мақол. — Бир соат чамаси отишгандан сўнг, ёв бизнинг ўқимизга чидамай, икки дарвоза орасида уч-тўрт юз ўлик қолдириб, қочишга мажбур бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ёв чопди душман бостириб кириб, қирғин қилди. Бобоқулнинг отаси қишлоққа ёв чопганда, Оқсой кўпригининг остига бекиниб, жонини асраб қолган экан. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Қарама-қарши мақсаддаги киши; душман, ганим; рақиб. Ёмон йўлдош ёв бўлади, охир иши дов бўлади. Мақол. — Қимор қизиб, ҳар кимса бир-бирига ёв. Файратий.

◆ Ёв юрак айн. довурак. Ёв ёйдими нимадан кўрқасан; кўрқма. Ёв келдими нега бунча шошасан, шошма. **ЁВАР** [ф-т] *эск. кт.* Ёрдам берувчи киши; ёрдамчи, мададкор; хомий.

**ЁВВОЙИ** I Инсон қўлига ўрганмаган, хонакилашмаган, табиат кучоғида эркин ҳаёт кеңирувчи (хайвон ва паррандалар ҳақида). Ёввойи мушук. Ёввойи қуён. Ёввойи каптар. | Инсон меҳнатсиз, табиий ҳолатда ўсадиган, маданийлаштирилмаган (ўсимликлар ҳақида). Ёввойи олма. Ёввойи пиёз. — Дарҳақиқат, салгина хотиржам бўлдингми, ёввойи ўтлар ўсиб кетади-ю, ўзаларни сиқиб ташлайди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Инсон оёқ босмаган, эгалланмаган, ўзлаштирилмаган, ишланмаган (ер-жой ҳақида). Ёввойи чўл, бўз саҳрони ўз измига қаратиб, Янги жаҳон қураётган.. Азиз дўстлар, ўртоқлар. С. Абдулла. Бу заминсиз ёввойи йўлларнинг ўзига хос ажойиб ҳаёти бор. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 кўчма Қўрқинчли, ваҳимали, даҳшатли. Ёввойи овоз. — Бўрон ёввойи бир куч билан ўқирарди. С. Анорбоев, Оқсой. Яқиндагина Мўттихонага ҳам ёввойи қарши қилган бу кўзлар, энди унга талаб билан тикилиб турибди. С. Зуннунова, Гулхан.

3 Маданиятнинг ибтидоий босқичига хос; ваҳший, қолюқ. Саҳрода арабларнинг бадавий деган ёввойи тои-

фаси бор экан... М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Бу европалик донишманд эски, йиртиқ кийимда,.. Мухтожликда қолиб келаётган Осиё «ёввойилар»да ҳам ақл ва идрок борлигига ажабланар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Одамга аралашмайдиган; бегона, одамови, ёт. Жияним ўқини битириб келса, фойдаси тегиб қолар, деб севинади. Сиз бўлсангиз ёввойи бўлиб кетибсиз. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ЁВВОЙИЛАШМОҚ** Ёввойи бўла бормоқ, ёввойи бўлиб кетмоқ; бегоналашмоқ. Ёввойилашган ит.

**ЁВВОЙИЛИҚ** I ёввойи с. мавҳ. от.

2 кўчма Ёвузлик, ваҳшийлик.

**ЁВВОШ** *диал.* Ювош. От жонивор, чиройли сариқ бошини ёввош чўзиб, чол кетидан эргашди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЁВГАРЧИЛИК** с. т. Жанг, уруш ҳолати. Ёвгарчилик бўлди энди, ёронлар! Файрат қилинг, Чамбилга ёв йўлатманг! «Гўрўғли».

**ЁВ-ЁВ** с. т. Ёв ҳужуми; уруш, жанг. Ёв-ёв бўлди. — Қадимги замонда ёв-ёв бўларкан. Юртни бирдан ёв босиб келар эканда, ҳаммининг иши ишда, оши ошда қолиб, жанг майдонига қараб югурар экан. Ойдин, Ўн беш газли арқон.

**ЁВЛАМОҚ** фольк. Ҳужум қилмоқ, бостириб бормоқ. Одилоҳ подшоҳ Қовуштирхоннинг юртига ёвлаб борди ва уни ўлдирди. «Гўрўғли».

**ЁВЛАШМОҚ** *фл. бирг. н.*

2 Ёв, душман бўлмоқ. Қаранг, оқсоқол, кеча ҳокимни ғажиб ташлағудай бўлиб, ёвлашиб ўтирган халқ, мана бугун уни бошига кўтаряпти. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЁВОН** [ф-т ёвон] Дала, дашт, шаҳардан ташқари ер. Қоқо ёвонда ўз арпасини ўриб янчиб, энди уни совураётган эди. Айний, Қуллар. Сўнгис ёвон, совуқ ёвон, тиззадан қор. Миртемир. Матон тўра ёвон ҳовлисига кирмасдан шаҳар ҳовлисига от солди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЁВУЗ** Утакетган баттол, йиртқич, ашаддий. Ёвуз душман. Ёвуз ниятли одам. — Энди ёвуз аждар бизларни ютар. «Нигор ва Замон». Хали сизни биров ўлдирмоқчи ҳам бўлганми? Қандай ёвуз экан у? П. Турсун, Уқитувчи. || Етиб келди ёвузлар, одамларни осдилар. Уйғун.

**ЁВУЗЛАШМОҚ** айн. ёвузлашмоқ.

**ЁВУЗЛАРЧА** *рвш* Ёвузларга ўхшаб, ёвузлар каби. Ёвузларча қийнамоқ.

**ЁВУЗЛАШМОҚ** Ёвуз бўла бормоқ, ёвузлиги ортмоқ. Душман ёвузлашди.

**ЁВУЗЛИК** I ёвуз с. белеги оти.

2 Ёвузларга хос хатти-ҳаракат, жоҳиллик. Бу ёвузлик уларни ҳатто одам қиёфасидан чиқарган. А. Қаҳҳор, Сароб. Сиз Мадаминнинг илгари ким бўлганини, халққа қарши қандай ёвуз-



ликлар қилганини билармидингиз? П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ЕВУК** эск. айн. яқин. *Евуқ қариндош.* — Бу вақтда *ёвуқдан* милтиқ овози эшитилиб унинг тутунни бандилар ва соқчиларни қоплаб олди. Айний, Қуллар.

**ЕВУҚЛАШМОҚ** эск. Яқин келмоқ, яқинлашмоқ.— *Келинг энди, барчанинг хаёлини машғул этган ишлар борасида, яъни кун сайин ёвуқлашаётган ғанимни даф этмоқ чоралари тўғрисида сўйлашиб олайик,— деди оқсоқол. М. Осим, Уғрор.*

**ЕВШАН** Мураккабгулларга мансуб ем-хашак бўладиган кўп йиллик ўсимлик.

**ЕВ-ЯРОҚ** фольк. Қурол-аслаҳа, қуроллар. Узоқдан *ёв-яроқ* таққан кишиларнинг қораси кўришиб қолди. «Ёдгор». *Ҳасанхон Ғирқўқнинг устига миниб, ёв-яроғини чоғ қилиб.. келиб туриб эди.* «Равшан».

**ЕВҚУР** Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган; жасур, ботир, мард. *Кўрдинеизми, бургутнинг боласига ўхшайди — ёвқур, забардаст йигит.* Яшин, Номус ва мухаббат. *Бир даста ёвқур, чаққон йигитларни саралади.* Ойбек, Навоий.

**ЕВҚУРЛИК** ёвқур с. белги оти. Жангчиларимизнинг ёвқурлиги.

**ЕВҒОН** Гўштсиз, ёғсиз тайёрланган суяқ овқат. Миннатли паловдан, миннатсиз ёвгон яхши. Мақол. — *Бир қошиқ ёвгон учун бойлар эшигига бош қўйган бу собиқ батрак, чорақор ҳозир ким бўлиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар. || *Бу ерда ёвгон шўрва ичадиган парҳезиллар йўқ.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Фақирона суяқ ош, суяқ овқат. *Ойим ўчоқ бошига бориб олов ёқади, озгина пиёздор қилиб ёвгон мошқўрдасига урина бошлайди.* Ойбек, Болалик.

**ЕВҒОНСИРАМОҚ** Ёвгон истеъмол қилавериш зафлашмоқ, ёғли овқат талаб бўлмоқ. *Бечора қушлар жуда ҳам ёвгонсираб кетди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Шўрвага йиқилинг, домла, иззат талаб бўлиб ўзи чақиринини кутиб юрсангиз, ёвгонсираб ўласиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЕД** [ф-т] Хотирада, эсда сақлаш; хотира, эс. *Едга олмоқ. Едимга тушиди. Еддан чиқармоқ. Еддан ўқимоқ.* — *Мана шу юришимизнинг ҳар бир қадами, сиздан эшитган гапларимнинг ҳар бир сўзи менинг ёдимда абадий қолади.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Сени кўрдим, едимга тушиди* Ёшлигимда кўрган бир жувон. Уйғун. *Қайфи кўтарилиб қолган Абдушукр Умар Ҳайёмнинг мана шу рубойисини еддан ўқиб кетди.* Ойбек. *Кутлуг қон. [Йўлчи] Гулнорнинг ёди, қайғуси билан атрофда тенгитираш учун кетди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Ед қилмоқ (ёки этмоқ, олмоқ) айн. ёдламоқ.*

◆ **Ед** ёзув эск. айн. диктант. **ЕДАКАЙ** с. т. Едаки. **ЕДАКАСИГА** с. т. Едаки. **ЕДАКИ** [ф-т] рвш Хатга қарамас-

дан, ёддан. *Шеърни ёдаки ўқимоқ.* — [Лектор] *бу орада ёдаки яна икки марта «Уртоқлар!» деди.* А. Қаҳҳор, Қуюшқон.

**ЁДГОР** [ф-т] I Бирор шахс ёки воқеа-ҳодисани эслатиб турувчи нарсаси, нишона, эсдалик. *Унсини онасидан ёдгор қолган .. кумуш билақузукни айлантириб гапирди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Мархума онасининг ёдгорлари бўлган бу уч болани бегоналар қўлида хор қилиб қўйишни Нодира истамаса ҳам, эрининг фақирлиги бунга мене эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Эсдалик учун бериладиган нарсаси; ҳадя. Мен нимани айлайман ёдгор, бошим қотди .. қисилди нафас.* Ё. Мирза.

2 **Ёдгор** (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЁДГОРЛИК** I айн. ёдгор I. *Бу соат отамдан қолган ёдгорлик.*

2 Ёдгор бўладиган, эсдалик сифатида сақланадиган нарсаси; обида. *Азим дарахтлар қучоғидаги ҳашаматли Кўк-ғумбаз маҷити — кечмиш аср меъморчилигининг нодир ёдгорлиги.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЁДЛАМОҚ** I Эсга олмоқ, хотирага келтирмоқ. *Йўлчини ёдларкан, унинг юрағида энди ғазоб қўзғалар эди.* Ойбек, Кутлуг қон. *Уртоқларим, қўлга олсам торимни, беҳтиёр ёдлайдирман ёримни.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Хотирда сақлаб қолмоқ, эслаб олмоқ. *Бола шеърни икки-уч ўқиб чиқшидаёқ ёдлаб олди.*

**ЁДЛАМОҚ** ёдламоқ фл. мажх. н. **ЁДЛАТМОҚ** ёдламоқ фл. орт. н. *Шеър ёдлатмоқ.* — *Маҳдум Анварга.. «Гулистони» Сатъиддан бир неча банд ўқитиб, маъноси билан ёдлатар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Йўлчи биринчи боқшидаёқ у қизнинг чеҳрасида Гулнорнинг руҳини кўрди: юз бичими, айниқса, кўзларининг ички маъноси ва жиласи Гулнорни ёдлатди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ЁДЛАШМОҚ** ёдламоқ фл. бирг. н. **ЁДНОМА** [ф-т] айн. адрес 3.

**ЕЗ** I Йилнинг баҳор билан куз орасидаги энг иссиқ фасл. *Лайлак келди — ёз бўлди. Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас.* Мақол. — *Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, қишида қор-муз кечиб, .. бутун оғирликларга қарамасдан, жонқашлик билан ишлади.* Ойбек, Кутлуг қон. *Куз келди-ю, кетди ёз: гул, майса ўт сарғайди.* Ҳ. Пўлат.

2 *Кўчма Умрнинг энг гуллаган, яхши даври. Ёзим ўтди, қиройинизга тўймай асло бу қувноқ кўнгул.* Файратий.

◆ **Кўнгул ёз** бўлди ортиқ севиниб, баҳри дили очилди. *Назир отанинг кўнгули ёз бўлиб кетди.* У. Умарбеков, Чарос.

**ЕЗГИ** Ёзга оид, ёзда бўладиган; ёздаги. *Ёзги ёлғир. Ёзги тун. Ёзги иссиқ. Ёзги меҳнат — қиши роҳат.* Мақол. — *Баҳор кезларида майсаларга ястаниб, дарахт тағларида бирга*

*дарс тайёрлаганимиз, ёзги каникулда тоғларга саҳнат қилганимиз .. менинг эсимдан чиқмайди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. | *Ёз учун белгиланган, ёзда фойдаланиладиган; ёзлик. Ёзги кинотеатр.* — *Қурбон ота елиб-юғуриб, сал кунда қўшқи ва ёзги қизил чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЁЗДИРИЛМОҚ** I ёздирмоқ I фл. мажх. н.

**ЁЗДИРИЛМОҚ** II ёздирмоқ II фл. мажх. н.

**ЁЗДИРМОҚ** I ёзмоқ I 1—4 фл. орт. н. *Дастурхон ёздирмоқ. Оёқ чиғилини ёздирмоқ.*

**ЁЗДИРМОҚ** II ёзмоқ II 1, 2 фл. орт. н. *Хат ёздирмоқ.* — *Қримдан номингеизни ёздириб келган пиёламда ўзингиз чой ичинг!* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**ЁЗДИРМОҚ** III ёзмоқ III 1 фл. орт. н. *Ақдан ёздирмоқ. Тўғри йўлдан ёздирмоқ.*

**ЁЗИЛИШМОҚ** I ёзилмоқ I 2 фл. бирг. н. *Меҳмонлар нафасларини ростладилар, ёзилишдилар.* Ғ. Расул, Адолат. *Келинг, яккама-якка бир ёзилишиб гаплашиб олайлик!* Н. Сафаров, Уйғоғниш.

**ЁЗИЛИШМОҚ** II ёзилмоқ II фл. ўзл. ва бирг. н. *Улар қўриқ ерга кетиши учун рўйхатга биринчи бўлиб ёзилишди.*

**ЁЗИЛМОҚ** I I ёзмоқ I 1, 2 фл. мажх. ва ўзл. н. *Дастурхон ёзилиб, тушилик чой келди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Оёғинг .. йўлга тушасан ёзилиб кетади.* А. Қаҳҳор, Мاستон. *Пешанамни ҳам ғурра қилди-я, эртагача ғурра ёзилиб кетса ғўрға эди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Гулсапар, жамбилларнинг ёзилган қат-қат. Файратий. Роҳатбиби кўнгулдаги ғаш ёзилмади.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Кун ботиши томондан осмонга пушти қизил туғла ёзилган эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 *Кўчма* Чарқоқни тарқатмоқ, ташвишни, дилғирликни йўқотмоқ, яйрамоқ. *Кўча юзини кўртасан, ёзилиб қайтасан.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Суҳбатда одам ёзилади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Айтмабидим, қайнонангни олиб келганида, анча ёзилиб, баҳри очиларди.* Р. Файзий, Янги йил оқшомида.

3 с. т. *Бўшалмоқ, таҳорат ушатмоқ.*

**ЁЗИЛМОҚ** II ёзмоқ II фл. мажх. ва ўзл. н. *Хат ёзилди. Акт ёзилди. Ҳикоя ёзилди.* — *Бўлди мажлис сон-саноксиз, ёзилди қарор.* А. Пўлат. *Уни яна бир кўриш пешанама ёзилганмикан?* Ойбек, Кутлуг қон. *Бўтабой партизан отрядига кўнгулли бўлиб ёзилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЁЗИН-ҚИШИН** рвш Йил бўйи; йилнинг тўрт фасли давомида. *Ишчилар сезондагина ишладан қутилиб, ёзин-қишин ишлайдилар.* «Гулистон».

**ЁЗИШМА** Ўзаро ёзилган хатлар, ёзма алоқа. *Идоралар ўртасидаги ёзишма.*

**ЕЗИШМОҚ** I ёзмоқ I фл. бирг. н.  
**ЕЗИШМОҚ** II ёзмоқ II фл. бирг. н.  
**ЕЗИҚ** I эск. кт. айн. гуноҳ. Ажалнингениг етиши қилган ёзиғингдан эмас, бек аканенинг қонсиратиш! А. Қодирий, Утган кунлар. Бизнинг худога нима ёзиғимиз бор экан. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЕЗИҚ** II I Ёйилган, очилган. *Ёзиқ палос, Ёзиқ чойшаб. Ёзиқ гулкўрпа. Ёзиқ дастурхонли уй — кунни доим тўй.* Мақол.

2 Кенг, энди. *Келиб кўрдим: кенг иш, ёзиқ кўчалар, кундуздай равшандир юрсак кечалар.* Жуманбулбул, *Равшанхон сўзлайди алвон-алвон, ярини ёзиқ полвон, юзлари олмадай пишган, кўрганнинг ақли шошган.* «Равшан».

3 айн. **ёйиқ** 3. *Ёзиқ ликопча. Ёзиқ саваат.*

**ЕЗИҚЛИ** I Тўшаб қўйилган, ёзилган. *Ерга ёзиқли шоҳи гилам, тахмондаги кўрпа-кўрпачалар .. унинг кўчаларига кўришиб кетаётгандай бўлди.* Х. Фулом, Машъал.

**ЕЗИҚЛИ** II Ёзилган, битилган. Буларнинг ҳаммаси унинг бўйнига қарз бўлиб ётарди. Булардан ташқари, отасининг дафн харажатлари ҳам темир дафтарда ёзиқли эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дафтарнинг ҳар бетига число ва сарлаҳа ёзиқли эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЕЗИҚЛИ** III эск. Ёзиғи, гуноҳи бор; гуноҳкор. *Пешанамиз тор экан, ёзиқли жон бор экан, энди билсак бу ишда «жоҳил» жавобгар экан.* Ҳамза.

**ЕЗИҚСИЗ** эск. Ёзиғи, гуноҳи йўқ; беғуноҳ, гуноҳсиз. *Ҳеч ёзиқсиз мазлумларча инграган, жафо тортаган қора кунлар кетмишидир.* Ғайратий.

**ЕЗЛАМОҚ** Ёз фаслини бирор жойда яшаб ўтказмоқ. *Ишламаган тишламасин, Уйимизда қишламасин, Боғимизда ёзламасин, Кўнгиел торин созламасин.* С. Акбарий.

**ЕЗЛИК** Ёзга ҳос, ёз учун белгиланган, ёзга мувофиқлаштирилган; ёзги. *Ёзлик чойхона. Ёзлик кўйлак.* ■ *Гулнор бу кун ювилиб, офтобда қуриган бир қулоч ёзлик кийимларни аллақайқдан йиғиштириб келар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. ■ *Ёзлиги йўқ ёз иссиғига бардош беролмайдиган. Сизнинг ҳам менга йхшаи ёзлигингиз йўқ экан, — деди у, Сорахоннинг қўлини ушлаб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЕЗЛЮҚ** Ёз фаслида яшайдиган жой; ёйлов, яйлов. *Ёзлюққа кўчиб кетмоқ.*

**ЕЗМА** Ҳат, ёзув воситасида ифодаланган, ёзилган. *Ёзма маълумот. Ёзма иш. Ёзма савол-жавоб. Ёзма ахборот бермоқ.*

**ЕЗМИШ** эск. I Тақдир, қисмат.  
 2 Гуноҳ, ёзиқ. *Айбдор ўз ёзмишларига яраша жазо олди.*

**ЕЗМОҚ** I I Уроғлик, тахлоғлик нарсани очмоқ, ёймоқ. *Гиламини ёзиб кўрмоқ. — Қодир рўйжани ёзиб, синчиклаб қаради.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Бостирмада Зиёдахон супра*

*ёзиб, ун алаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Ғижимланиб, бужмайиб қолган нарсани текисламоқ. Солиев холи қолач, ғаладондан сарғайиб кетган аллақандай қоғозларни олиб, кафти билан ғижимини ёзди.* «Муштум», 1959, № 9. | *Тўшмоқ, солмоқ. Башират ўзини қайғука қўйишини билмас, опаларига кўрпача ёзиб, яхшилаб ўтиришларини илтимос қилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Она-бола бир ўрин ёзиб ётдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Очмоқ, узатмоқ; кермоқ, Панжасини ёзмоқ. Қанот ёзмоқ.* ■ *Пирнафас ака қулочини ёзиб, кучи борича санчқини отди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Тўлланиб, уюлиб турган нарсани ёймоқ, тарқатмоқ. *Хирмондаги пахталарни ёзмоқ.* ■ *Беш танобга солинган тупроқни ёзиб, очилган ерни ҳам чопиб шудор қилиб қўяди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *Уринини ечмоқ, ёймоқ. Сочинени ёзма, дедим-ку! Қулдоғинга тош битқур!* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Пастроқда заррин попуқларини ёзиб, хотин-қизлар артелининг байроғи ҳилпирайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Чикармоқ, очмоқ. *Гуллар ҳам яроқ эди.* ■ *Қанча сувлар оқиб ўтди, тез қайта-қайта барг эди дарахт.* Ё. Мирза, Чикдим дала бағрига толлар баргак ёганда. З. Днёр.

4 Кўчма Айтмоқ, баён қилмоқ. *Ҳар кима асрор ёзма, мунису ҳамдам билиб. Ҳамза. У доим уйда .. товуш чиқариб, ўз ҳасратини эза олмайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Шарҳи дилим кимга ёсам, Шакар деб дунени кезсам.* «Ширин билан Шакар».

5 Кўчма Тарқ этмоқ, тарқатмоқ, йўқотмоқ (дард, алам ва ш. к.ни). *Хафалигини ёзмоқ. Дил ғуборини ёзмоқ. Хуморни ёзмоқ.* ■ *Бизни койиб-койиб таптани ёзиб кетади.* С. Аҳмад, Онажонларим. *Бечора канизлар дард-аламларини ййин-кулги билан чиқарар, ғамларини шу билан ёзардилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Оёқнинг чигилини ёзмоқ** бироз юриб, оёқ увушганини тарқатмоқ, *Иброҳимов оёғининг чигилини ёзгани ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Қулоч ёзмоқ қ. қулоч I.*

**ЕЗМОҚ** II I Қоғоз ёки бошқа материал юзига бирор белги (харф, рақам ва ш. к.) туширмоқ; битмоқ. *Нота ёзмоқ. Сидё билан ёзмоқ.* ■ *Ёзганда ҳам, тез-тез, китобга кўз ташлаб, чапдан ўнга қараб ёзарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қўлга базўр илинадиган кичкина қалам билан .. маҳорқа қоғозларига ёзиб, Йўлчиға русча харфларни тантиди.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Хатга туширмоқ, ёзув орқали ифодаламоқ. Ариза ёзмоқ. Мақтуб ёзмоқ.* ■ *Сафаровнинг чеҳраси очилиб кетди: — Э, сизми? Аризани ким ёзиб берди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Ёзма нутқни эгалламоқ. У францўзча эза билади.* | *Ёзма равишда ёки*

*матбуот орқали хабар бермоқ, маълумот бермоқ. Султонбекдек бир давлатманд ўз ўғлини мавлуд тўйи билан кесди, деб газетга ёзаман.* Ойбек, Қутлуг қон. *Мен шу тўғрида газетга бир мақола ёзсамми, деб ўйлаган эдим.* А. Қаҳҳор, Ўзар. | *Ҳат билан мурожаат қилмоқ, хат юбормоқ. Ҳа, кимга ёзин бўлмаса, Охунбобоёга ёки Калининга ёсса бўлармиди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Рўйхатга киритмоқ, рўйхатда қайд этмоқ. Шанбаликка ҳаммани ёзди, мени ёзмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Бўйи қозиқлар қўнғил учун осилган биттагина кир дастурхонини тилга олиш билан бу ҳовдининг жиҳоз-амлоқини — рўзгорини ёзиб чиқилган бўлинур.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ёзма асар яратмоқ; ижод қилмоқ. *Ҳикоя ёзмоқ. Поэма ёзмоқ. Диссертация ёзмоқ.* ■ [Абдишукур] *шоирлик истеъдодидан татом маҳрум бўлишига қиримий, у.. вазми бузуқ, фикри сазё, рангсиз назмлар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Музыка асари яратмоқ. Балет ёзмоқ. Опера ёзмоқ.*

◆ **Пешанага ёзган гўё** тақдирда белгиланган нарса; тақдир, қисмат, ёзмнш. *Худо бандасини яратганда, пешанасига «чоракор бўласан» деб ёзмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЕЗМОҚ** III I эск. айн. адашмоқ 2. *Йўлдан ёзмоқ.*

2 Гуноҳ қилмоқ. *Мен унга нима ёзибманки, бошимга бу кулфатларни солмаса.*

3 Кўмакчи феъл вазифасида -а билан ясалган равишдош билан келиб, етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тўла рўёбга чиқмаганлигини, бажарилмишга сал қолганлигини билдиради. *Эҳтимол, [Олимжон] ана шу меҳнат шавқига кўнмилиб, Ойқизни ҳам унута ёзгандир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳикоя битган, [имом] заҳарханда билан Самад буқоққа қаради, дами кесила ёзган буқоқ бундан руҳланди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

◆ **Ақлдан ёзмоқ** эсини йўқотмоқ, девона бўлиб қолмоқ. *Дарҳақиқат ақлдан ёзиб, кўчаларда очиқ кезиш ва кишанга тушишининг ўзи ҳам Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЕЗУВ** I ёзмоқ II I фл. иш оти. *Ёзувда хато қилмаслик. Ёзув столи. Ёзув машинкаси.* ■ [Йўлчи] .. ҳар кун терлаб-пишиб соатларча ёзув машқ қилди. Ойбек, Қутлуг қон. *Котиб .. ёзув ашёлари турган пастгина курси олдидан тиз чўкди.* Ойбек, Навоий.

2 Ёзиш учун қўлланидиган график белгилар системаси. *Араб ёзуви. Славян ёзуви. Рунлик ёзуви.*

3 График белгиларнинг тасвири, ёзилиш услуби. *Чиройли ёзув. Йирик ёзув. Насх ёзуви.* ■ *Биринчи гал Отабек тилидан ёзган сохта хатини унинг қўл ёзувини мулоҳаза қилмасдан*

юборган .. эди. А. Қодирый, Ўтган кунлар.

4 Ёзилган нарса, мас. текст, хат. Асад қори тахтадаги ёзувни тартиби билан ўқий бошлади. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Мирзакаримбой соқолини селкиллашиб кўлди ва бу ёзувдан рози бўлганини билдирди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мана шундай ёзувлар тошга ўйиб ёзилган. З. Днёр.

**ЕЗУВЛИ** Ёзуви бор, ёзилган. Ёзувли қоз. — У ниҳоят «койхона» деган ёзувли баракка етиб келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЕЗУВЧИ** 1 ёзмоқ 1 фл. сфрди. 2 от Вадийи асар ёзиш иши билан шуғулланадиган шахс; адиб. Талантли ёзувчи. Ўзбек совет ёзувчилари союзи. — Эр-хотин айтаберса, бу жанжалнинг тарихи бирон ёзувчининг қўлига тушса, каттақон бир китоб бўладиغان. А. Қаҳҳор, Жонфигон.

**ЕЗУВ-ЧИЗУВ** Ёзув ва чизув, умуман ёзув билан бўладиган ишлар. Секретарь доимо ёзув-чизув билан банд. — Инженерлар ҳам ёзувчиларга ўхшаб доим ёзув-чизув қилиб юради. Ойдин, Сухбати жонон.

**ЕЗУВЧИЛИК** ёзувчи с. касб оти. Саидий — жўн студент, ёзувчиликка урнаб, ҳамини муваффақиятсизликка учраб юрган бир йигит. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЁЗГИРМОҚ** 1 Хафа бўлиб гапирмоқ, гина қилмоқ, шикоятланмоқ. Ахир, опам эшитса, ёзғирмайдими? Унинг ҳурмати йўқми. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

2 эск. Гуноҳ қилмоқ, ёзмоқ. Мен нима ёзғирдим сизга?

**ЁИНКИ** эск. айн. ёки.

**ЁЙ** 1 Кўёш нурининг ёмғир томчиларида синий натижасида осмонда ярим доира шаклида ранг-баранг тусда кўринадиган йўл; камалак.

2 айн. камалак 1. Ҳақимбек ўн тўрт ботмон ёйни қўлига ушлаб кўтариб тортиди. «Алпомиш».

3 эск. айн. қавс 1. Қатта ёй. Ёй ичига олмоқ.

4 мат. Айлананинг бўлаги. Параллел ватарлар орасидаги ёйлар бир-бирига тенгдир. «Геометрия».

5 Камалак шаклидаги, эгик нарса. || Тоҳир болатой бўпти .. Зухра қадди ёй бўпти. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

◆ **Электр ёйи** икки электрод ораллигида ёйиб турган ёй.

**ЁЙ II** [а] айн. ё II.

**ЁЙДИРМОҚ** ёймоқ фл. орт. н. Қир ёйдирмақ, Ҳўл пахтани ёйдирмақ. Сочини ёйдирмақ.

**ЁЙИЛМА** 1 Дарёнинг суви ёйилиб оқадиган кенг жойи. Шеробод дарё водийсининг этагида дарёнинг кенг ёйилмаси бор. «Ўзбекистон географияси».

2 мат. Геометрик жисмининг ёйиқ холга келтирилган устки сирти. Кубнинг ёйилмаси.

**ЁЙИЛМОҚ** 1 ёймоқ фл. ўзл. ва мажж. н. Илдиш ёйилди. Нур ёйилди. ■

Майда ўрилган қорча, узун каксиллар белига тушади, енгил йўрғалаган сари ёйлиб силкинади. Ойбек, Қутлуғ қон. Тутур ҳар ёнга учкун сочиб, қишлоқ устига ёйилмоқда. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бир чеккада суҳбат кетади, ўрта ерда ёйилган китоб. И. Раҳим. Қобилиятли боланинг овозаси кун сайини кенгроқ ёйила бошлайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Ҳовли саҳнига, айвонларга сеп ёйилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ўзини эркин қўймоқ, бемалол ҳис қилмоқ. Семиз одам салқин супада чордона қуриб ёйилиб ўтирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Абдурашул бутунлай ёйилиб илжайганича келиб янги раҳбарга қўлини чўзди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёғоч полвон ёйилиб кўлди. С. Ахмад.

3 айн. ёзилмоқ 1 2. Бу куюнчақ қиз ёйилиб келсин учун, қўйиниларникига чиқишга буюрди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Кун ёйилди** кўёш кўтарилиб, атрофга тўла нур сочди.

**ЁЙИЛТИРМОҚ** ёйилмоқ фл. орт. н. Соҳларини ёйилтирмақ.

**ЁЙИҚ** 1 Ёйилган, ёйиб осиб қўйилган. Ёйиқ қирларни йиғиштирмақ.

2 Ёзқ, тўшалган, солинган. Ёйиқ дастурхон.

3 Чўқур бўлмаган; ясси, юза. Ёйиқ тарелка. Ёйиқ идиш. — Буги кўтарилиб турган ширмойи тўла ёйиқ сават кўтарган нонвой кириб келди. «Гулистон».

4 Ўрилмаган, сочиқ (соч ҳақида). Соч ёйиқ қизчанинг кўзига боқ ёр-ёр, қандай русса кўнглини эзди шу чоғ, ёр-ёр. «Кўшиқлар».

◆ **Ёйиқ гап лингв.** бош ва иккинчи даражали бўлақлардан тузилган гап.

**ЁЙИҚЛИ** айн. ёйиқ.

**ЁЙЛАМОҚ** фольк. Яйрамоқ. Менинг тўйиш сенинг доим яйловинг, ёйлай кўргин, ёрим, даврон сеники. «Равшан».

**ЁЙЛОҚ** с. т. Яйлов.

**ЁЙМА** Ёйиладиган, ёйиқ; ёйиб, ёйиб тўшаладиган. Ёйма тўр. — Ёйма саватлар тўла маржон каби қулундай. Шайхзода. Ит исқатиб, ёйма матраб билан бедана овлашининг гаитини сўрадиган мавсум ҳам келди. «Гулистон».

**ЁЙМАЧИ** Бозор кунлари молларини ерга ёйиб сотадиган майда савдогар.

**ЁЙМОҚ** 1 айн. ёзмоқ 1 1, 2. Қалтираган қўллари билан дастрўюлини ёйиб кўрди: иккаласи ҳам оқ шойидан. Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Очиб, ёйиб осмоқ (дор, шох ва ш. к.га). Қир ёймоқ. Қийимларни дорга ёймоқ. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр. Мақол.

3 Уриб, эзиб юпқаламоқ, яссиламоқ; чўзмоқ. Хамир ёймоқ.

4 Бир-бирдан ажратиб тарқатиб, сочиб қўймоқ; таратмоқ, тарқатмоқ. Ёнғоқни офтобга ёймоқ. Қўйларни қирга ёймоқ. — Жилва қилар хандон уриб ой, кўз-кўз қилар сочини ёйиб.

Ғайратий. Томир ёймоқ қ. томир б. | Сочмоқ. Қўклам осмонига ёнбошлаб ёр қўёш алвон-алвон нур. Т. Тўла.

5 кўйма Маълум қилмоқ, оммалаштирмақ. Қудрат .. у ерда [тўғаракда] ўрганганларини маҳаллий ишчилар орасида ёйиб юрган кунларининг бирида уни жандарма исковичлари тўтиб қамадилар. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Бу нарсани сир сақлаш ярамайди. Ҳаммага ёйиб намуна қилиш керак. П. Турсун, Ўқитувчи. | Овоза қилмоқ, тарқатмоқ. Миш-миш гапларни ёймоқ.

◆ **Кулоч ёймоқ** айн. кулоч ёзмоқ қ. кулоч 1.

**ЁКИ** [ф-т] айр. боғл. Икки гап ёки айрим гап бўлаги орасида келиб, фикр уллардан бирига қаратилганлигини билдиради. Мен борайми ёки ўзинг келасанми? — Бирон одамнинг ўзидан наст ё баландлигини .. унинг уйида нечта гилами борлиги ёки неча кишига сўзи ўтиши билан ўлчар экан. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁЛ** 1 [ф-т] Баъзи ҳайвонлар гардаида бўладиган узун соч. Шер ёли. Ёли қуюқ эшакдан яғир бўлган от яши. Мақол. — Отнинг .. ёлига қумуш тангалар, қуюшқонига эса садафлар тақилган. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Кўрагида ёли бор** ҳақиқий эркак, мард.

**ЁЛ II** диал. Сайр, истироҳат. Яшил ўрмон бўйру ҳали кўл айланаси, ёз кунлари ёл эткали қушлар панаси. Миртемир. Ҳали ишга рухсат йўқ! Уч кун аввал келдингиз, ҳозирча ёл этингиз. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё.

**ЁЛВОРИШМОҚ** ёлвормоқ фл. бирг. н.

**ЁЛВОРИШМОҚ** Ўтнинг, илтимос қилмоқ; илтижо қилмоқ, ялинмоқ. — Мен ёлғиз ташлаб кетманг, — деди Қумри Қамчиға ёлвориб. Ҳ. Гулом, Машъал. Бирам ялинди, бирам ёлворди, урманг, таваб қилдим, деб йиғлади, кўзларидан дарё-дарё ёш кетди-я! М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**ЁЛДОР** [ф-т] 1 Қалин ва узун ёлли; серёл. Равшанбек қараса, бир одам, ёлдор, думдор бир жийрон отни йўрғасига солиб селкиллаб, ҳа деб йўрғалатади. «Равшан». Мартен печининг ҳайбат билан ўт сочиб, вағиллаб ёнши ром қилинган ёлдор шерни еслатади. Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

2 Жунли, сержун. [Тўламатининг] ҳамон кенг, ёлдор кўкраки қишин-ёзин очқ. С. Анорбосев, Оқсой.

◆ **Ёлдор бўри** айн. сиртлон.

**ЁЛЛАМОҚ** Маълум шарт билан бирор ишни бажаришга қабул қилмоқ, пул бериб ишлатмоқ. Одам ёлламоқ. Мардикор ёлламоқ. — Мен, — деди бой, — шўро ҳукумати қонунининг чегарасидан чиқмадим. Пахта экинни учун битта-иқкита одам ёллаб циллатишга шўро ҳукумати рухсат берган. Айний, Қуллар. | Қирага, ижарага олмоқ, кира қилмоқ. Такси ёлламоқ.

**ЕЛЛАНМА** Ёлланиб ишлайдиган, ёлланган. Ёлланма ишчи. — Тўрнинг ўнга яқин ёлланма навкари бўлиб, ҳаммаси қилич, милтиқ билан қуролланган. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЕЛЛАНМОҚ** ёлламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. [Ёрмат:] Кейин самарқандли бир бойга қарол бўлиб ёлландим. Ойбек, Қутлуғ қон. Қайиқ .. аёллар томонидан соат бешда икки соатга ёлланган. А. Қаххор, Сароб.

**ЕЛЛАТМОҚ** ёлламоқ фл. орт. н.— Поччанг келса,— деди Нури Гулнорга,— бир «оқ соч» ҳам бир эркак хизматкор ёллатаман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕЛЛАШМОҚ** ёлламоқ фл. бирг. н. **ЕЛЛИ** айн. Ёлдор 1. Махсум бирданига кўк ёлли оч бўрига айланиб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЕЛПЕЧ** айн. Ёлпўш.  
**ЕЛПУШ** [ф-т] Отнинг ёлини ўраб қўйиладиган мата, ёпиқ. [Шокир] ағнаб эгарини ағдарган отнинг устини очиб, .. ёлпўш билан ёпиб, айил тортди. Айний, Қуллар.

**ЕЛЧИМОҚ** Етарли даражада таъминланмоқ, қониқмоқ. Умрида ёлчиб овқат емаган, иззат кўрмagan Назирқул учун бундан ортиқ бахт йўқ эди. С. Аҳмад, Хукм. Кўпична оч-наҳор қолардик, ҳатто зогора нонни ҳам ёлчиб емаган кунларимиз кўп бўларди. Х. Турсунқуллов, Ҳаётим қиссаси. | Қонмоқ, мириқмоқ, барака топмоқ. Ичкарига кириб ётине, пича дам олинга, уч кун бўлди ёлчиб ухлаганингиз йўқ .. Уйғун, Хуррият. | (ж. к. ёки ч. к. билан) Яхшисига етишиб, хурсанд бўлмоқ, мамнун бўлмоқ. Шошанг қиз эрга ёлчимас. Мақол. Бўзчи белбоққа ёлчимас. Мақол.

**ЕЛЧИТМОҚ** ёлчимоқ фл. орт. н. Ёлчишиб ишламоқ. Кийим-кечакка ёлчитмоқ.

**ЕЛҚАМСИҚ** айн. ялқамсиқ. Бир рўзгорга айланганлар ичида яхши ишлайдиганлари бор, ёлқамсиқ, муғом-бир кишилари ҳам бор. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЕЛҚИН** 1 Ёнаётган нарсадан кўтарилиувчи ўт; аланга. Шох ўтиннинг ўчоқни тўлдириб ловиллатётган ёлқини қорайган кўчага шуъла сочмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи. [Бектемир] соф, лола ранг ёлқинга термилиб, .. узоқ ўйлади. Ойбек, Қуёш қораймас. | Шуъла. Қуёш нури том тунукаларида, оппоқ оқланган деворларда кўзни тиндирувчи ёлқин билан жимирлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Саҳнага берилган қип-қизил нур ёлқини залнинг ғира-шира қоронғилигида Маҳкамнинг юз чизиқларини .. бўрттириб, мардонвор қилиб кўрсатарди. П. Қодиров, Уч илдия.

2 Ёлқин (эркаклар исми).  
**ЕЛҚИНЛАНМОҚ** 1 Алангаланиб, ёлқин таратиб ёнмоқ. Хонанинг ўртасида манғал тўла қип-қизил чўғ ёлқинланади. Ойбек, Навоий.

2 Қуёш нуридан ялтираб кўрин-

моқ, товланмоқ. Қум тепалар ёлқинланади, Жимирлайди уйилган зардай. Э. Раҳим.

3 Кўча Ёнмоқ, алангаланмоқ. Минбарнинг икки томонида барча колонналарнинг байроқлари тўпланган кичкина майдончалар ёлқинланар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЕЛҚИНЛАТМОҚ** ёлқинланмоқ 3 фл. орт. н. Юрагимда чўғ бўлиб ёнган оловни, Ёлқинлатиб қулф уриб кўкка кўтариб, Лавасин жаҳонга сочиб солдилар. У. Исмоилов.

**ЕЛҚИНЛИ** Нурли; алангали; иссиқ. [Сулув] яқин келган сари унинг ёлқинли юзи, тик ўқталган кўзлари Жапаққа ғалати кўришиб кетди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.— Яна виждондан, ифбатдан даъво юритадилар! Ёлқинли кўзларида яна ғазаб тошиб,— деди Искандор. Ойбек, Нур қидириб. Барқ урар ёшилигим юрт баҳорида. Дилимда элимга ёлқинли бир ишқ. Э. Охунова.

**ЕЛҒИЗ** 1 Бирорта ҳам шериги йўқ, бир ўзи; якка, танҳо. Ёлғиз уй. Ёлғиз дарахт. Ёлғиз ўзи келди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донги чиқмас. Мақол. — Шубҳали ёлғиз йўловчи кетганича кўринмади-қўйди. Х. Ғулум, Машъал. || Ёлғиз чой ичишбек хунук нарса йўқ. Ҳамза, Паранжи сирлари.

2 Ака-ука ва опа-сингиллари, жигари йўқ; ягона. Ёлғиз ўғил. — Жинаста — Хамрохоннинг ёлғиз бир эрка қизи. Ғайратий. [Ёрмат:] Эл орасида мени шарманда қилма, ёлғиз қизимсан, аяб турибман. Ойбек, Қутлуғ қон. || Кўзларингга тикилиб ўстирдим сени кўзим. Ғарибликка ўзинени Чоғладингми, ёлғизим? Ғайратий.

3 Эри ёки хотини йўқ; сўққабош, тоқ. Ёлғиз аёл. Ёлғиз чол. || Дунёда тоқ ўтган яхшироқ, ёлғиз юрган тинчроқдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 юл. вазифасида Ўзи бирикиб келган бўлақдан англашилган маънони таъкидлаш, ажратиб, айириб кўрсатиш учун хизмат қилади; фақат, биргина. Олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч ҳаёл бўлса ҳам ундан воз кеча олмадим. Ойбек, Нур қидириб. [Адолат] ёлғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлаб хотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди. С. Зуннунова, Гулхан. Аҳмад Хусайн бир неча кун уйдан қўзғалмади. Унинг эрмази ёлғиз китоблар бўлди. Ойбек, Нур қидириб.— Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.— деди Анвар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

◆ Ёлғиз оёқ йўл пиёдалар юриши мумкин бўлган тор йўл; сўқмоқ. Баланд қияликдаги ёлғиз оёқ йўлдан бошқа кўчаси бўлмаганидан, атрофда ҳеч ким кўринмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ёлғиз қўл ишда кўмаклашувчи кишиси йўқ. Ёлғиз қўл одам. — Абдулқодир ёлғиз қўллиги туйфайли кўпдан бери бажаролмай юрган ўзга юмушлар билан

шуғулланмоққа илжон топган эди. Ойбек, Нур қидириб.

**ЕЛҒИЗЛАМОҚ** Ёлғиз қўймоқ, танҳо қолдириб, яқкалаб қўймоқ.

**ЕЛҒИЗЛАНМОҚ** ёлғизламоқ фл. мажх. ва ўзл. н. —

**ЕЛҒИЗЛАМОҚ** ёлғизламоқ фл. орт. н. [Қудрат] кўп тентираб чарчагани устига, сингелисини узоқ ёлғизлатиб қўйганидан хижолатда эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [Шокир ота:] Уйла, Қоратой, иш қилиб Йўлчи боламга таянч бўл, ёлғизлатма, йигитнинг кўнгли бузилмасин, боши букилмасин! Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕЛҒИЗЛИК** ёлғиз с. мавҳ. от. Хоним афанди, ёлғизлик ҳам одамни жуда диққинафас қилиб юборади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЕЛҒОН** 1 сфт. Ҳақиқатга зид, нотўғри. Ёлгон сўз. Ёлгон хабар. — [Отабек] илгари .. ўзининг ёлгон жаовобларидан жуда хавотирланар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.— Қайси ноинсоф толиб келди сизга бу ёлгон гапни? — деди Алим бува хуноб бўлиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || — Нимасини суриштирасиз, мўмин-маъқул йигит. Ўлақолай ёлгон ашпирсам,— деди Нури эрига. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ҳақиқатда бўлмаган; уйдирма. [Фотима ўз-ўзига:] Ўз нафсларига берилган йезилар бировнинг ҳалол хотинига кўз тикиб, ҳаётда ҳеч бўлмаган ёлгон сўзларни қилиб ширингина бир турмушни бузмоқчи бўладилар Ҳамза, Тухматчилар жазоси.— Мухбир Нуриддинно тўғрисида энди, ёлгон материал бермайди демоқчимисиз? — дейди Аҳмедов. А. Қаххор, Хотинлар.

2 от. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, нотўғри гап, нарса; уйдирма. Ширин ёлгондан аччиқ ҳақиқат яхши. Мақол. Ёв макрини ёлгон яширар. Мақол. — Ҳаёт ҳақиқатини қуйласанг, халқ учун ёзсанг, таёқ ейсан, ёлгонни ёзсанг-бошингни сийлайдилар. Ойбек, Нур қидириб. Ёлгонни сал киши ишонмадиган қилиб гапирини керак, Сафар! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 сфт. Ҳақиқий эмас, сохта, ясама, қалбаки. Ёлгон йиғи. Ёлгон кулги.

◆ Ёлгон арафа қ. арафа 1. Ёлгон барг уруғдан униб чиққан дастлабки кўш барг. Ёўза ёлгон барг чиқариши билан дарҳол яғана қилиниши шарт. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Ёлгон тонг тонготардан анча олдин, тонг ёришгандек туйиладиган пайт; субҳи козиб. Тонг бўзариб ёриши. Ёлгон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЕЛҒОНДАКАМ** айн. ёлгондакам.  
**ЕЛҒОНДАКАМ** 1 Чин эмас, сохта; қалбаки. Ёлгондакам тўппонча. Ёлгондакам ҳужжат.

2 Ғайритабиий, сохта. Ёлгондакам кулги. — У .. ўзини ёлгондакам уйқуга солиб, мударгадан ўтирган экан. Ойбек, Болалик. Мўғуллар қўрғон мудофаачиларини чалғитиш учун дарвозалар олдида сурон кўтариб, ёлгон-

дакам ҳужумга ўтар .. эдилар. М. Осим, Утрор. || — Бир кун, — деди у ёлғондакам қулиб, Афанди уйига келган меҳмонларнинг олдига бир ғужумдан узум қўйибди. «Муштум», 1959, № 3.

**ЕЛҒОНДАН** Ёлғондакамига, қалбаки равишда. Ёлғондан гапирмоқ. Ёлғондан дўқ қилмоқ. — Шарофат ёлғондан қийқириб қулди. А. Қаххор, Қўшчинор. Командирни қайтариб келинче дейман, — дедим, ёлғондан ўрнимдан ҳам турдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ЕЛҒОНЛАМОҚ** Ёлғон гапирмоқ; алдамоқ. Отабек оғир ҳолага тушди .. шундай бўлса ҳам ёлғонламай чораси бўлмади. А. Қодирий, Утган кунлар. Мурзиннинг ёдига [Элмуроднинг] ёлғонлагани тушди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЕЛҒОНЛИК** Ёлғон с. мавҳ. от. Муродхона синглини қараб, гапининг ёлғонлигини сезиб, акасининг сўзига ишонмай бир сўз айтибди. «Муродхон».

**ЕЛҒОНЧИ** Ёлғон гапирадиган одам; алдамчи. Ёлғончига қўшилма, рост сўзингени яширма. Мақол. || Ёлғончи бола.

**ЕЛҒОН-ЯШИҚ** Ёлғон ва уйдирмалар. Ёлғон-яшиқ гап. — [Отабек] Зайнабнинг ёлғон-яшиқ гаплар билан Кумуш юрагига ўт ёққанини пайқади. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЕМ** Катта, улкан хум. — Ошпазнинг ўчоғида, кўнчининг ёмида, нонвойининг томида сиғиниб юрган калтакзада бир ит эдим, — дейди Бердибой. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЕМБИ** Қуйма олтин ёки кумуш. Икки юз граммлик ёмби. — Боёнлардан ёмбилар .. лаъли-гавҳарлар ҳаёда олди. Ойбек, Навоий.

**ЕМОН** 1 Сифати, нави паст, яхши эмас. Ёмон қоғоз. Ёмон чит. Ёмон бўёқ. Ёмон арава йўл бузар. Мақол. | Зоти паст, хашаки. Ёмон товук. Ёмон отга ёл битмас, ўлармонга мол битмас. Мақол. | Тажрибасиз, нуноқ. Ёмон сувоқчи. Ёмон ташкилотчи. Ёмон ходим.

2 Ахлоқи, феъли-атвори бузуқ; ярамас. Яхши ўғил юрт тузар, ёмон ўғил юрт бузар. Мақол. Ёмон йўлдошдан таёқ яхши. Мақол. || Ёмонга таёқ бўл, яхшига — ямоқ. Мақол. — [Зиёдахон:] Ёмон одам бўлсангиз мени ҳар нима қилиш қўлингиздан келар эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Нохуш, ёқимсиз, кўнгилсиз. Ёмон кайфият. Ёмон туш. Ёмон оби-ҳаво. — Орамизга совуқлик тушади, мана бу ёмон нарса. Ойбек, Қутлуғ қон. [Ҳожи хола:] Истамбулда менинг бошимга ёмон балолар ёғилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Кишига хуш келмайдиган; дағал, тўнг. Ёмон характер. Ёмон муомала.

4 Зарарли, разил. Ёмон мақсад. Ёмон ният. — Катта кўчага чиққач, мусулмонларнинг ёмон фикрларига эсим бермаслик учун, Йўлчи ўзини беш-

-ўн қадам олдинроқ олиб юрди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Оғир, хатарли; қаттиқ. Ёмон дард. Ёмон шикаст. Ёмон касал. || Яраси ёмон, ҳусисиз ҳолда ҳиқиллаб ётибди. А. Қодирий, Утган кунлар.

6 Ўқув юртларида: ўқувчининг билми даражасини кўрсатувчи энг паст баҳо.

◆ Ёмон гап (ёки сўз) адаб доирасига сиғмайдиган ибора. [Гулсумби:] Бу ёмон гапни қаердан ўргандинг? Ойбек, Қутлуғ қон. Ёмон гапирмоқ уришмоқ, койймоқ. [Ўрмонжон] тушунтирди, яхши гапириб, ҳам ёмон гапириб кўрди, фойдаси бўлмади. А. Қаххор, Қўшчинор. Ёмон кўз билан қарамоқ бузуқ ният билан суқланиб қарамоқ. [Асқар ота:] Ўз қадрини билган хотинга эркак киши ёмон кўз билан қарагани ботинолмайди. А. Қаххор, Хотинлар. Ёмон кўрмоқ ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик, севмаслик. Мен ичшини ёмон кўраман. Ёмон отли бўлмоқ қ. отли II.

**ЕМОНЛАМОҚ** I Қоралаб, ёмонга чиқариб гапирмоқ. Овқат вақтида Ҳожи ҳеч кимга сўз навабати бермай, бурунчи замонни ёмонлай кетди. А. Қаххор, Йиллар. Уни келиб менга ёмонладилар, лекин унга ҳам бориб, албатта, мени ёмонлаганлар, дадажон! И. Акрам, Адолат. Овқат маҳалида «булбули гўё» одатдагича яна талай одамларни ёмонлади. А. Қаххор, Сароб.

**ЕМОНЛАМОҚ** II Бирдан пайдо бўладиган дард-касаликдан қаттиқ безовталанмоқ, ёмон ахволга тушмоқ (от, мол ҳақида). Махдум меҳмонхонасидан юриб келган оёқ товушини эшитиб, ёмонлаган отдек типирчилади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЕМОНЛАНМОҚ** ёмонламоқ I фл. мазж. н.

**ЕМОНЛАШМОҚ** I ёмонламоқ I фл. бирг. н.

2 ёмонламоқ I фл. ўзл. н. Ҳаво ёмонлашди. — Марямхон .. зрининг кўнгли иккига бўлинса, турмуш ёмонлашаёганини тушунтиришга тиришган. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Оғирлашмоқ, улғайиб, кучайиб кетмоқ (касалик ҳақида). Касал ёмонлашди. Соғлиги ёмонлашди. — Тун яримга борганда Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЕМОНЛИК** ёмон с. белиги оти. Яхшиликнинг яхшилиги тегар тор ерда, ёмоннинг ёмонлиги тегар ҳар ерда. Мақол. — Бизнинг мақсадимиз — кишиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу-қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин .. — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЕМҒИР** Булутдан томчи ҳолида тушадиган сув, томчи ҳолидаги ёғин. Ёмғир суви. Ёмғир ёғди. Утган булутдан ёмғир қутма. Мақол. — Ёмғирхудди жонга игна санчаандай, эзиб муттасили саваларди. Ойбек, Қуёш

қораймас. Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари баданни чимчилаб ўтади, гоҳ сескантиради. Шухрат, Шинелли йиллар. Уқ ёмғири ёмғирдай ёғилаётган кўп ўқ. Уч томондан ёғилаётган ўқ ёмғири уларнинг бошини кўтариб кўйди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЕМҒИРГАРЛИК** айн. ёмғиргарчилик.

**ЕМҒИРГАРЧИЛИК** Ёмғир кўп ёққан вақт; ёмғирли об-ҳаво. Апрельда ёмғиргарчилик бўлади.

**ЕМҒИРЛИ** Ёмғир ёғдирадиган. Ёмғирли булут. | Ёмғир кўп бўладиган; серёмғир. Ёмғирли фасл.

**ЕМҒИРСИЗ** Ёмғир ёғдирмайдиган, ёмғири бўлмаган; қуруқ. Ёмғирсиз булут. Ёмғирсиз кун. — Ёмғирсиз булутга ўхшаб хўмрайиб юраверганинг билан иш битадимиз? — деди Холмат. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЕН** I Тананинг елкадан сонгача бўлган ўнг ёки чап қисми. [Отабек] ўнг ёнини босиб, кўрпага бурканди. А. Қодирий, Утган кунлар. Мингбоши қўлини ёнига туширди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Нарсаларнинг ўнг ёки чап қисми. Ёни бўялган шкаф. — Қанизақ энги билан бурнининг икки ёнини тез-тез артар экан, Самандаровга кўз қири билан қаради. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Ўнг ёки чап томон; тараф. Худоёр ҳузурига кирадиган эшикнинг икки ёнида ойболта кўтарган икки жаллод сурат каби қотганлар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мадамин сафарга чиқар бўлса, ўнта милтиқли йиғит икки ёнида юради. П. Турсун, Ўқитувчи. Асад қори ёнидаги эллик бошини туртди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ён қўшни ёнма-ён хонадон, ўнг ёки чап томондаги ҳовлида яшовчи. Бирдан ён қўшинимизикидан ўқ товуши келди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

3 Ёқа, чет; қирғоқ. Ариқ ёни. — Деворнинг ёни билан келгани учун ҳам Ойқиз кўрмай қолган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Чўнтак, кисса. Ёнимда пулим йўқ. Ёнини қовламоқ. Ёнини тўлдирмоқ. || Ён дафтар. — Бир сўмни ёнга солиб, бошқа пулларни ҳам бунинг устига жамлаб, эндики катта сафар учун йўл анжомларини олишга киришдик. Ф. Фулом, Шум бола.

5 3-ш. эгалик ва ж. к., ў-п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. ёнига, ёнида, ёнидан).

◆ Ён бағир қиялик ер. Тоғ ён бағри. Ён бермоқ энгилмоқ, паст келмоқ. Ёлғари Ашурдақаларга дарров ён берар эдим. П. Қодиров, Қадрим. Ён босмоқ ҳомийлик қилмоқ, ёқламоқ. Бир тараф Соҳиб қорига, иккинчи тараф Адолата ён босди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ёнига қирмоқ кўмак-лашмоқ. [Ўктам:] Ачинсан, ёнимга кир, қизчаларга ёрдамлашайлик. Ой-



бек, О. в. шабадалар. **Енига тушмоқ** тарафини олмоқ. *Ғиди-биди авжига чиқди. Она ўғил енига тушди.* «Мустум», 1959, № 9. **Енини олмоқ** химоя қилмоқ, қувватламоқ. *Холиқ ёнимни олармикан десам, у ҳам бошқаларга қўшилиб, мени калака қиляпти.* Х. Назир, Чўл хавоси.

**ЕНАР** **ёнмоқ** *фл. сфтди* Ёниб турадиган, ёнувчи. *Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур.* Мақол. **Енар тоғ** *эск. айн. вулкан.*

**ЕН-АТРОФ** Ҳамма томон; тўрт томон. *Киришим билан: «Касал қаерда экан?» — деб ён-атрофга қарадим.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

**ЕНАШМОҚ** *айн. ёндашмоқ.*

**ЕНАШТИРМОҚ** *ёнашмоқ фл. орт. н.*

**ЕНБОШ** 1 *айн. ён* 1. *Ёнбошим оғрийди.* Илгарилар [Қамишқапага] елкасиа милтиқ тақиб, ёнбошига чарм халта осган отлиқлар келарди. П. Турсун, Уқитувчи. **Ёнбошга олмоқ** курашда кўтариб олиб ёнбошига қўймоқ. *Али полвон .. мени бир неча вақт айлантириб юрди, сўнгера чамага келтириб, ёнбошига олмоқчи ва ерга урмоқчи бўлди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**Ёнбоши ерга тегмаган** курашда йиқилмаган, зўр полвон. *Ёнбоши ерга тегмаган паҳлавон.* — *Чет эллардан паҳлавонлик дағдағаси билан келиб турадиган сўрлардан биронтаси ҳали унинг ёнбошини ерга тегизган эмас.* Ойбек, Навоий.

2 **Ён**, **ён** томон. *Дарвозанинг ички тарафида долоннинг ҳар икки ёнбошига кўтариб суначалар ишлатилган экан.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

3 3-ш. эғалик ва ж. к., ў-п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. **ёнбошига**, **ёнбошида**, **ёнбошидан**).

**ЁНБОШИГА** *кўм. вазифасида* Ёнига, ён томонида, тарафида.

**ЁНБОШИДА** *кўм. вазифасида* Ёнида, ён томонида; яқин. *Мақтабнинг ёнбошида болалар боғчаси бор.*

**ЁНБОШИДАН** *кўм. вазифасида* Ёнидан, ён томонидан; яқинидан.

**ЁНБОШЛАМОҚ** 1 Бир ёнбош билан тирсакка таяниб ётмоқ. *Ермат бошини кўтарди, бир қўлини ерга тираб ёнбошлади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Кумуш Отабек яқинига сурилди ва тирсаклари билан унинг тиззасига ёнбошлаб эркаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бир томонга оғмоқ; эғилмоқ, қийшаймоқ. *Девор ёнбошлади.* — *Машина жойидан силжиши ҳамон, ғарба хиёла ёнбошлаб турган анорлар носқовоққа ўхшади гулларини баланд кўтариб, эғйё унинг орқасидан югураётгандек туюлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *поэт.* Бота бошламоқ (қуёш, ой ҳақида). *Ой ғарбага томон ёнбошлайди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Мутал райондан чиққанда, қуёш ғарбага ёнбошлаганди.* О. Ёкубов, Ларза.

**ЁНБОШЛАТМОҚ** *ёнбошламоқ* 1, 2 *фл. орт. н.* *Хотин талпинган сайин*

*терговчи уни ўзига тортар эди. Ахир уни ёстиққа ёнбошлатиб, қўлини елкасининг устидан оширди.* А. Қахҳор, Сароб.

**ЁНБОШЛАШМОҚ** *ёнбошламоқ* 1, 2 *фл. бирг. н.*

**ЁНДАМА** *айн. ёндамасига.* *Раъно йўлда ярмисини кўрсатиб ёндама турган хотиннинг олдига борди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЁНДАМАЛАМОҚ** *Ёнлаб ўтмоқ.* [Тантубойвачанинг] айтишига қараганда, пайғамбарларимизнинг қабрлари устидан каптарлар учиб ўтишига журғат қилолмас эмиш, шундай учиб келиб, зиёрат қилиб, ёндамалар, яна қайтар эмиш. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЁНДАМАЛАТМОҚ** *ёндамаламоқ фл. орт. н.* *Норбукаев жуда озиб қолибсан «дедим», сўнгера мен уни ёндамалашиб эшикдан уйига киритиб қўйдим.* Шодикул, Табарсук майдонида уч ўйин.

**ЁНДАМАСИГА** *рви* Ёнлаб, ёни билан; кўндалангига. [Хатиб домла] қорни бўғоз сизирларникидек ўбдан зишланликдан ёндамага ёстиққа .. ёндамасига қўйиб олади. А. Қодирий, Обид кетмон. «Универсал» ээатларни ёндамасига кеса кетди. Ш. Фуломов, Ташаббус.

**ЁНДАМОҚ** Яқин бормоқ; яқин келмоқ, яқинлашмоқ.

**ЁНДАТМОҚ** *ёндамоқ фл. орт. н.* *Босмачиларни қишлоғимизга сира ёндамай қўйдик.* Яшин, Тор-мор.

**ЁНДАШМОҚ** 1 Ёнма-ён келмоқ; яқинлашмоқ. *Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.* Мақол. — *Бўтабой .. Самандаровага ёндашиб ундан секин: — Тинчликми? — деб сўради.* А. Қахҳор, Қўшчинор. *Гулсум сандалнинг четига, Ой-имхонга ёндашиброқ ўтирди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *кўчма* Мойил бўлмоқ, оғмоқ (фикр, қараш ҳақида). *Қаминага хоннинг ээтишмоди ёндашмоқда ..* А. Қахҳор, Мехробдан чаён. *Баъзилар иккиланиб, бир-бирларига имо қилиб, секин-секин (қўзғолончиларга) ёндаша бошладилар.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 *кўчма* Масалага, ишга маълум бир нуқтаи-назардан қарамоқ. *Масалага тўғри ёндашмоқ.*

**ЁНДИРИЛМОҚ** *ёндирмоқ фл. мажж. н.* *Қоғозлар ёндирилди.*

**ЁНДИРИШМОҚ** *ёндирмоқ фл. бирг. н.* *Айни тунда сайр этиб узоқ, Ёндиришиб ранго-ранг чироқ.* Ғайратий.

**ЁНДИРМОҚ** *ёнмоқ фл. орт. н.* *Авал, бек афанди, сиз уйингизга ўт қўйиб ёндириб кетасиз.* Х. Фулом, Машғал. *Кун баланд кўтарилиб, дарахтсиз, сувсиз кўчаларни, ўтувчи-кетувчиларни оташида ёндириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бутун гавдасини қандайдир иситма қоплаб, суюқларигача ёндиргандай бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас. [Ғофир:] *Аллақандай гумонлар юраимни ёндирмоқда.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Эрининг вазмин туриб айтган гапи хо-*

*тинининг тутай бошлаган ўтинчи баралла ёндириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Май Қомиланинг кўзларини ёндириб юборди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мудҳиш хабар ёш қарининг юрагиди ғазаб ва қасос алағасини ёндириб юборди.* Н. Сафаров, Севги.

**ЁНДОШ** 1 Ёнма-ён турган, ёнма-ён ўрпашган. *Ёндош қишлоқ.* *Ёндош бино.* — *Йўлга ёндош анҳор шовиллаб оқиб ётарди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Самарқанд билан ёндош Бўхорода халқнинг амирликка қарши қудратли ҳаракати янада ривожланди.* М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. 2 *эск. айн. параллел* 1. *Ёндош чи-зиқлар.*

**ЁНДОШМОҚ** *айн. ёндашмоқ.*

**ЕН-ЕК** *диал.* Ени-вер, атроф, теварак. *Тоғай шундай ён-ёғига қарайди, Бу бошига шолдан салла ўрайди.* Фозил шоир.

**ЕНИ-ВЕР** Атроф, теварак. *Ёни-веримга қарасам бизниклар йўқ, ҳамма кетиб бўлибди.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Наимий] *йўлаб қараса, ёни-вериди унга дўст, хайрихоҳ бўлган биронта тирик жон қолмабди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЕНИГА** *кўм. вазифасида* 1 Яқинига, ён томонида, ён тарафида. *Уй ёнига бормоқ.* — *Фуломжон ўчоқ ёнига ўтириб, қўлларини исита бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Бир гап авало бегонанинг қулоғига етмасин.* *Етдимми, ёнига ўзидан тўртта гапни улаб, варрак қилади ..— деди оқсоқол.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *Ўзи* билан бирга, етаклаб, бошлаб. *Сидиқжон ўн бир гувоҳни ёнига олиб, районга жўнади.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ЕНИДА** *кўм. вазифасида* 1 Яқинида, яқин жойда, яқин томонда, ён томонда. *Уйимиз мактаб ёнида.*

2 Ҳузурда, қошида; қарамоғида. *Дирекция ёнида тузилган комиссия.* — *Азизбек ёнида [Юсуфбек ҳожи] қандай мавқе тутган бўлса, Нурмуҳаммад қушбеги олдидан ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ ээтибор қозонди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЕНИДАН** *кўм. вазифасида.* Ён томондан ўтиб, ёни билан; олдидан. *Қатта йўл кечаси душман ўт қўйиб кетган қишлоқнинг ёнидан ўтар эди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз. *Девоннинг бериси ээтигидаги ваҳимали жар ёнидан эсон-омон ўтиб олармикан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЕНИЛҒИ** Ёнадиган суюқ модда, суюқ эқилғи (бензин, нефть ва ш. к.). *Ёнилғи тўла бочкалар, тракторларнинг ээтиёт қисмлари кўчма қум тагидан чиқарилади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Дмитрий душманнинг иккита ёнилғи базасини портлатган.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**ЕНИҚ** 1 Ёниб, нур сочиб турган. *Ёниқ гўлхан.* *Ёниқ чироқ.*

2 *кўчма* Чақнаб, ялтираб турган. *Келин жавоб бермайди. Унинг кўзлари*



ёнади. *Лекин шу ёниқ кўзларида ҳам-ма жавоб аён.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 *кўчма* Жўшқин, ҳис-ҳаяжонли; оташин. Нурининг кўкраги ёниқ орзулар билан тўлди. Ойбек, Қутлуг қон. Бу халлар тезда йиғитликнинг кучли интилишлари билан қўшилиб, ёниқ орзу-ҳавасга айланди. Ҳ. Назир Утлар туташганда.

**ЕНЛАМОҚ** Ёнда қолдириб, четлаб ўтмоқ, юрмоқ. Немис орқасига қарамай бир граната иргиди. Турдиев уни ёнлаб ўтди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Отабек] боқчанинг кун ботари билан харобазор иморатлари ёнлаб юрди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЕНМА-ЁН** *рвш* 1 Бир-бирига яқин, ёндош. Меҳмонхонада эру-хотин ёнма-ён ўтиришдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Аваз ўзиб кетмоқчи бўлди. Гулсум ундан қолишмади, баравар, ёнма-ён чопишди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Бир қаторда, бир сафда. Қизлар жангларда йиғитлар билан ёнма-ён туриб олишадилар. Ойдин, Узида кўрсин.

**ЁНМОҚ** 1 Ўт олмоқ; ўтда куймоқ. Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ барабар ёнади. Мақол. Қаловини топса, қор ёнар. Мақол. — Қуруқ ўтин бир зумда ловуллаб ёниб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ёлқинланиб, нур бериб турмоқ. Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир ҳужра .. бу ҳужрада шам ёнади. А. Қодирий, Утган кунлар. Қўринарди узоқдан Ёниб бир чироқ. Файратий. | Нур сочмоқ. Қўжда дарахтлар устида ғуж-ғуж юлдузлар ёнади. Ойбек, Қутлуг қон. Арча турар ўртада ёниб, Оқмоқдадир ҳарён шўбла-нур. Файратий.

2 Нурда товланмоқ, нур қайтармоқ. Шам нурида товланар, ёнар, Бир чеккада турган мис чилим. Э. Раҳим. Қорда юлдузчалар ёнар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Ортиқ даражада иссиғи, ҳарорати ошгандек сезмоқ, қизимоқ. — Уҳ .. баданим ёниб боради ..— деди Гулнор. А. Мухтор, Опа-сингиллар. У ёноғини онасининг ёниб турган ўтли ёноғига суртиб, синиқ товуш билан пичирлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Қайгурмоқ, куймоқ; ачинмоқ. Вали ака Ғулможоннинг ёниб куйлаганига, кўзларининг ғўзалар ичида нигорон бўлашига ҳайрон бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Мухаббат:] Сендан яширадиган сирым йўқ! Илгарилари бундай эмас эди .. Қўрма-сам юрагим ёнади, кўзи кўзимга тушса, ағзойи баданимга қалтироқ киради. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Қиз нима ўйлайди, унинг қалби ҳам ишқ алангасида ёнадими, йўқми? Ойбек, Қутлуг қон.

5 *кўчма* Қизишиб, асабийлашиб кетмоқ, тутоқмоқ; алангаланмоқ. Ис-

моилжон бир нима десам, лов этиб ёниб кетадиган турқи бор. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Сиз онамдан хафа бўлмаг, азизим, унинг одатини биласиз-ку, бир ёниб, бир ўчаверади. С. Анорбоев, Оқсой.

6 *кўчма* Алангаланмоқ, ўт олмоқ. Беғубор тонг каби қалбнигда Ватан ишқини, халқ меҳри ёнар. Файратий. Ҳозир Халиловнинг нафрати ёниб турибди. И. Раҳим, Ихлос.

7 *кўчма* Ошиқмоқ, сабрсизлик билан кутмоқ. Навоий Хиротга кириши билан, унинг махсус фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга яшиндек тарқалди. Ҳамма уни тезроқ ёшитиши орзуси билан ёнди. Ойбек, Навоий.

**ЁНОҚ** Юзнинг, бетнинг бўрттиқ қисми. Ёноқлари чиққ юз. Ёноқ суяги. — [Баширатнинг] юз-кўзи отасига тортиган эди: қошлари қуюқ, қалин; юм-юмалоқ ёноқлари ҳамшиша қизил. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЁНЧИҚ** 1 Чўнтак; чўнтакча. — Ҳа демай элга қаҳатчиллик бўлмай,— деди Бурроҳонни қаламтарашини ёнчиғига солар экан. М. Осим, Уттор.

2 Пул солиш учун ёнда олиб юриладиган халтача; ҳамён. Ҳомид ёнчиғини чиқариб бир қўлдан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ёнчиғимни шартта чиқардим-да, ҳавода муаллақ қўлнинг қафтига олтин зарраларидек тўкиб юбордим. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшнғи.

**ЁНҒИН** Бино, ўрмон, ғарам ва ш. к.га ўт тушиши натижасида ҳосил бўладиган зўр аланга. Ҳамманинг кўзи узоқдаги осмонни ютмоқчидек қутуриб юксалган даҳшатли ёнғинда эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ёнғиннинг аждаҳодай узун тили чўзилиб кўкларга чиқар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Мадрасанинг ғарб томонида ёнғиндан чиқаётгандек тутун аралаш бир ёруғлик кўринарди. Айний, Эс-даликлар.

**ЁНҒОҚ** 1 Мағзи қаттиқ пўчоқ қобикқа ўралган кўп йиллик дарахт. Адолат чироқларни ёқиб юбориб, ёнғоқ тағидаги супага жой қилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шу дарахтнинг меваси. Ёнғоқ чақмоқ. — Улар боққа чиқиб тўкилган ёнғоқларни териб турганда, Жонизоқ оқсоқол қайтиб келди. С. Анорбоев, Оқсой. Ер ёнғоқ айн. ара-хис.

◆ Бир қоп ёнғоқ ичида кири йўқ, хушчақчақ одам ҳақида. Семиз йиғит бир қоп ёнғоқ(дай) шаддир-шулдир, очикқина эди. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. Бошида ёнғоқ чақмоқ қ. бош. Қўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ амалга ошмайдиган, қуруқ ваъдалар билан алдамоқ.

**ЁНҒОҚЗОР** Ёнғоқ дарахтлари билан банд ер, майдон. Писта, бодом, ёнғоқзор, Этиб бўлмас бурчига. Қ. Мухаммадий.

**ЕП** *диал.* Суғориш канали, катта

артиқ. Амударё ва ундан чиқадиған ёпларнинг ер сатҳидан анча паст бўлгани туфайли Хоразмда қадимдан сув чиқарадиган техника ишлатилган. И. Жабборов, Кўхна харобалар сири. Сирчали ёпи бўйлаб бир қанча бинолар солиниши керак эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЕПИЛМОҚ** I I ёпмоқ I *фл. мажх. н.* Эшик ёпилди. Китоб ёпилди. Айби ёпилди. — Ойдинли қиш кечаси .. деворларига кимнингдир томонидан ёпилиб, йиғиштирилмай қолган таппилар ҳам, аллақандай бежирим манзара аямди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Булут билан қопланмоқ. Ҳаво гоҳ очиларди, гоҳ ёпиларди.

**ЕПИЛМОҚ** II ёпмоқ II *фл. мажх. н.* Тандирга нон ёпилди. — Ҳар кун икки юз қозон ош дамланар, саккиз юз тандир нон ёпилар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЕПИНИШМОҚ** ёпинмоқ *фл. бирг. н.* **ЕПИНМОҚ** ёпмоқ I I *фл. ўзл. н.* [Гулнор билан Унсин] паранжи чачовонларини ёпиниб кўчага чиқишди. Ойбек, Қутлуг қон. Қор чойшаблар ёпиниб, Кекса тоғлар ухларди. Ҳ. Олимжон.

◆ Ойқора ёпинмоқ чопоннинг бир пешини бошга, бир пешини оёққа тортиб ёпиниб ётмоқ.

**ЕПИНТИРИЛМОҚ** ёпинтирмоқ *фл. мажх. н.* Ҳар икки янға, Еқуттой учовлари «остонаси хил-олтин» уйдан паранжларини қийишқ ёпинтирилиб ҳайдалдилар. Ф. Фулом, Соғлар.

**ЕПИНТИРМОҚ** ёпинмоқ *фл. орт. н.* Чопон ёпинтирмоқ.

**ЕПИНЧИ** *айн.* Ёпинчик.

**ЕПИНЧИҚ** Ёпиниб юриладиган нарса (паранжи, тўн ва ш. к.). Ёз ёпинчиғининг қўйма, қиш ўзинг биласан. Мақол. — Қолхозчилар: «Бошидаги ёпинчиғига бало бормиди-а» деган сўзлар билан холога тега бошладилар. Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. Тездан ота-онаниза ёрдан қилна: суянса суянчиқ, ёпинса ёпинчиқ бўлина. М. Исмоилий, Фарзандлик бурч.

**ЕПИРАЙ** *унд. с.* Ҳайратланиш, ажабланиш маъноларини билдиради. — Епирай, [Бургут] қурултойдан келди-ю, бошқа одам бўлди-қўйди,— деди чол. С. Аҳмад, Чўл бургути. [Муса:] Шу жонивордаям орзу-ҳавас, ишқ бор денг? Епирай! П. Турсун, Уқитувчи.

**ЕПИРИЛИШМОҚ** ёпирилмоқ *фл. бирг. н.* Қушлар узумга ёпирилишиди. — Қолхозчилар ёпирилишиб силос бостиришайтган экан, роса томоша қилдик. А. Мирахмедов, Қулган чечаклар.

**ЕПИРИЛМОҚ** Кўплашиб, галаси билан келиб босмоқ. Чигирткалар ёпирилди. — Тоғда дон тополмай оқ қолган какликлар гала-галаси билан дарага ёпирилиб тушган. С. Анорбоев, Оқсой. | Кўплашиб келиб тушмоқ, ёйилиб қоламоқ. Болалар қулулпнайга ёпирилди.

**ЕПИРИМ** (тўғриси ё пирим) *қ. § IV.* [Шокир ота] катта ҳассасини авайлаб

қўя-қўя, ҳар қадамда «ёпирим» деб базўр гузарга чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қани, бир «ёпирим» деб ўрнингиздан туриг, хўжайин, остингизни супуриб қўяй. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**ЕПИШМОҚ** I ёпмоқ I фл. бирг. н.

**ЕПИШМОҚ** II ёпмоқ II фл. бирг. н.

**ЕПИШМОҚ** III I Бирикиб, туташиб кетмоқ, жипслашмоқ; қапишмоқ. Марка конвертта яхши ёпишди. — Дўппи калнинг бошига ширачлагандек ёпишиб қолган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Бир нафасдан кейин Ҳаёт унинг қайноқ бағрида, Ғуломжон лаблари эса Ҳаётнинг ўт бўлиб ёнган дола бетига ёпишди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Йигит бирдан илон чаққан сингари сапчиб туриб, орқаси билан деворга ёпишди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. | Жипс тақалмоқ, ёндашмоқ. Уйимиз боққа ёпишган.

2 Маҳкам ушламоқ, тирмашиб олмақ. Эшон ая Бўтанинг ёқасига ёпишди. С. Аҳмад, Ҳукм. Жангчилар кўзларини роса очмасдан, милтиқларига ёпишдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. | кўйма Қўлдан чиқармаслик, ажралмаслик учун тиришмоқ. Ёлғиз кичкина бир тепаликка фашистлар тиш-тирноғи билан ёпишиб олишди. Ойбек, Қуёш қораймас. | кўйма Астойдил берилмоқ, жон-жаҳд билан киришмоқ. Китобга ёпишмоқ. — Ҳар бири бир янгилик келтираётган бу кунларнинг шавқидан маст бўлган халойиқ ҳар қандай ишга мўр-малаҳдай ёпишар эди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Зайнаб бу ёлғонлаш натижасидан қўрқиб, ўнгу терс ишга ёпишди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. | кўйма Айб қўйнига ҳаракат қилмоқ. Менга ёпишма. — Айб ўзинда экан-қў, култивацияга ёпишиб юрибсан,— деди Халилов. И. Раҳим, Ихлос. | Илашмоқ. Қийимга пахта ёпишди.

3 Мос тушмоқ, ярашмоқ. Ҳарбий форма унга жуда ёпишди.

◆ **Оғзиндан чиқиб, ёқангга ёпишсин!** қ. ёқа II. Тилинг танглайингга ёпишгур! қарғ. ўлгур!

**ЕПИШОҚ** айн. ёпишқоқ.

**ЕПИШТИРИЛМОҚ** ёпиштирмоқ фл. мажҳ. н. Деразасининг икки кўзиди ойна бор, қолганларига қоғоз ёпиштирилган, тахта қоқилган. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ЕПИШТИРМОҚ** ёпишмоқ III I—3 фл. орт. н. Конвертта марка ёпиштирмоқ. — Бир альбом бор, секретарим қаерда докдабон нарса кўрса, қирқиб шунга ёпиштириб юради. А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. [Мастура] паҳса деворга ёпиштириб, қурилган тандирдан .. патир узайтир эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ **Оғзидан олиб ёқасига ёпиштирмоқ** салб. гап қайтармоқ; дарҳол жавоб қилмоқ. Барно .. ўзи ҳақидаги заррача гапни дарҳол оғзидан олиб ёқасига

ёпиштирадиган бўлди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ЕПИШОҚ** I Ёпишадиган, ёпишувчан. Ёпишқоқ модда. Ёпишқоқ лой. — Ёмғир на тинар, на ёғар дегандай, йўлларнинг сарғиси ёпишқоқ балчиғи этикларни оёқдан суғура эди. А. Мухтор, Туғилши. Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун мумли, ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб қўяди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўйма Тутган кишини қўймайдиган; шилқок, хира. Ёпишқоқ бола.

◆ **Ёпишқоқ ёнғоқ** мағзи пўчоғига қаттиқ ўрнашиб қолган ёнғоқ.

**ЕПИШҚОҚЛИК** ёпишқоқ с. белги оти. Тупроқнинг ёпишқоқлиги. — Қўлингизда турибди-ку, нега қизғанасиз? — деди Эрали ёпишқоқлигини қўймай. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЕПИҚ** I I Утиш ёки кириш-чиқиш жойи тўсиб, бекитиб қўйилган; берк. Ёпиқ эшик. Ёпиқ йўл. | Қайнар йўли ҳозир от-арова учун ёпиқ. С. Анорбоев, Оқсой. Кечаси .. Марғилон дарвозалари ёпиқ бўлади. А. Қодирӣ, Утган кунлар. | Ёпилди, ёпилган, берк. Идора ёпиқ. Мажлис ёпиқ. — Қатор кетган аудиториялар ёпиқ, ичкаридан босиқ ғовур эшитилади. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Тўсилган; бекитилган. Нури қуёйда кумушдай ялтировчи банорас паранжида; юзи қат-қат шойи рўмоллар билан ёпиқ, хонанинг остонаси ёнида сал эгилиб туради. Ойбек, Қутлуғ қон. | Паранжи ташламаган, очилмаган. [Азизов:] Хотини ҳам ёпиқ дейман. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

3 Усти бекитилган, ёпилган. Ёпиқ қозон. — Отабек хуржунини кўтариб эшикка кирди, усти ёпиқ қоп-қоронғи йўлакдан ўтиб каттагина бир ҳовлига чиқди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Бўйналган йўлда .. усти ёпиқ бир файтуан пайдо бўлди. Айний, Қуллар.

4 Маълум шахслар учун хос, маълум шахсларнинг иштироки билан бўладиган. Ёпиқ мажлис. Ёпиқ маслаҳат йиғилиши.

◆ **Ёпиқ овоз бермоқ қ. овоз 7.**

**ЕПИҚ** II От устига ёпиладиган мата. Той устига ёпиқ ташламоқ. — Сайслар .. отлар устидаги ёпиқларни ва тўқимларни олиб, ҳалиги тол дарахти остига ёзганлар. Айний, Эсдалиқлар.

**ЕПИҚЛИ** I айн. ёпиқ I. Ёпиқли эшик. Ёпиқли қозон ёпиқли сир сақланиши, бости-бости қилиниши лозим бўлган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида айтиладиган ибора.

**ЕПИҚЛИ** II Ёпиғи бор, устига ёпиқ ташланган. Ёпиқли от.

**ЕПМОҚ** I I Эшик, дераза ва ш. к.ни бекитмоқ. Нури вақт тигизлигидан хавфланиб деразасини оҳиста ёпди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Қутидор] дарбозани ёпиб, шилдир-шилдир занжи-

рини боғлай бошлади. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Бирор нарса билан тўсмоқ, паналамоқ. Ойни этак билан ёпиб бўлмас. Мақол. — Гулнор.. кўрпани тортиб, кўкрагини ёпди ва Йўлчига тикилди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Устини қопламоқ, бекитмоқ. Чол тўнчининг бари билан чойнакни ёпди. С. Аҳмад, Ҳукм. Уни шох-шабага ётқизиб, устига Бектемирнинг шинелини ёпдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. | Қопқоқ билан бекитмоқ, қопқоқламоқ. Қозоннинг тувоғини ёпмоқ. | Қўймоқ. Токни ёпмоқ.

3 Иш-ҳаракат, ҳодиса, жараён ва ш. к.ни тўхтатмоқ, тамомламоқ. Мажлисни ёпмоқ. — [Отабек] дўконни ёпиб, Ҳасанали билан бирга кетди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Абдусаммад қори самоварини ёпиб, менга жавоб берди. А. Қахҳор, Қўшчинор. | Фаолиятини тўхтатмоқ, бекитмоқ. Мақтабни ёпмоқ.

4 Очик, ёзиқ нарсани йиғмоқ, йиғиштирмоқ, бекитмоқ. Дафтари ёпмоқ. — Раъно китобни сегингина ёпиб, Анварга узатди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. | Букмоқ, йиғмоқ. Бойвачча зонтигини ёпиб, Йўлчига ағрайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Иморат устини бекитмоқ. Уй ёпмоқ.

6 диал. Курмоқ. [Худоёрхон] меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб.. сарой ва расталар, қаландархона ва ўрдалар ёпмоқда эди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

7 кўйма Яширмоқ, махфий тутмоқ. Сиригини ёпмоқчи бўлдингми? Ёполмайсан! Безбет! А. Қахҳор, Қўшчинор.

◆ **Эсинг бориди этагингни ёп** вақт-ғанيماتни қўлдан берма, хатонинг ўз вақтида олдини ол.— Эсинг бориди этагингни ёп. Менга йигит бўл! — деди Холхўжа Бўтама. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЕПМОҚ** II I Тандирга ёпиштириб пиширмоқ. Нон ёпмоқ. — Нон ясаб бўлгунча тандир қизиди. Кейин бир чекадан ёпдим. Ойбек, Қутлуғ қон. Аноргул.. қолган нонни ёпиш учун ошхонага кетди. Ойдин, Ширин келди. У қайроқ буғдой унидан ёғлиқ патир, сомса ёпди, қатлама пиширди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Босиб, чаплаб ёпиштирмоқ, чапламоқ. Деворга таппи ёпмоқ.

**ЕППА** айн. ёппасига. Барча қиз ёппа сафарбар, Шарафла етмакка шу бахтли дама! Зулфия. Закоатчининг томоғи тақилладими, зарчи, фалокат, қўлтигимдаги бўзни ёппа олди-қўйди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**ЕППАСИГА** рви Ҳаммаси бир йўла, ҳаммаси бирдан; бутунлай.— Болаларимизнигина эмас, катталарни, шу жумладан хотинларни ҳам, ёппасига саводли қилишимиз лозим,— деди Абдурасул. П. Турсуӣ, Уқитувчи. Чуст қишлоғи ёппасига қолхозлашган. Ғ. Ғулом. [Норвой ака:] Қани, қўлинг шу топда машина бўлиб қолса, бир тола-

син қолдирмай, ёппасига йиғиб олсанг. К. Мухаммадий.

**ЭПТИРИЛМОҚ** ёптирмоқ *фл. мажх. н.*

**ЭПТИРМОҚ** I ёпмоқ I *фл. орт. н.* Эшикни ёптирмоқ. Дўконни ёптирмоқ. Иморат ёптирмоқ.

**ЭПТИРМОҚ** II ёпмоқ II *фл. орт. н.* Сомса ёптирмоқ. — [Оқилжон] йўл учун дарров патир нон ёптирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЭПҚИЧ** Ёпиш, қоплаш учун хизмат қиладиган буюм. Шоҳи ёпқич. **От ёпқичи** *айн.* ёпқич II.

**ЁР** [ф-т] I Дилдан яқин киши; дўст, муҳиб. Зийфатга ўртоқлар, ёр ва биродарлар келишиди. — **Массажетлар** бирдек жонбозлик кўрсатиб ёв билан мардларча олишиди, ниҳоят, зафар уларга ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлади. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. [Гулжон:] Ароҳлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, овимиз бароридан келсин. Ҳамза, Паранжи сирларни. Қўп замонлар кутган замонни Мана энди бизга ёр этди. Э. Раҳим.

2 Сегили, маъшуқ, маъшуқа. Вафодор ёр. Ёлғизликда ёр яхши. Мақол. — **Менинг ёрим** келдики жангандан? Айтинг, қимдан тондингиз хабар. Т. Тўла. [Йўлчи] Гулнорга боқаркан, кўкрагини йиғитлик ғурури ва мोजаро орқасида ёрига етишган ошиқнинг бахти қавартирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бўйни ёр** бермайди бирор ишни бажаришга ғурури йўл қўймайди, истамайди. Эргаш уни, меҳнатга бўйнинг ёр бермаса, ҳозирок бўштиб қўяман, деб қаттиқ огоҳлантирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЁР-БИРОДАР** Дўстлар, ошна-оғайнилар, ўртоқлар. Бўта қишлоқни, ёр-биродарларини эслади. С. Аҳмад, Хукм.

**ЁРДАМ** I Бирор ишни бажаришда кўмаклашиш, қарашни; кўмак, мадад. — **Отам ёрдамага** югурган эди, қолган иккитаси отамага ёлишиди, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эртасига .. қўшни бригаддан кетмончилар ҳам ёрдамага келишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. — **Бас, сиз билан мен** фақат у ёрдам сўрагандагина кетмон кўтарамиз, бошқа даҳлимиз йўқ! — дедим. А. Қодирий, Обид кетмон. | Маънавий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқлаш; кўмак. [Ғофир:] Бу қандай зулим, бу қандай бедодликки, севган хотинимни золим бой тортиб олмақчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига бойнинг ёнини оласиз! Ҳамза, Бой ила хизматчи. [Абдишукр] .. амакисининг ёрдами билан, ниҳоят, бир бойга мирза бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Кўма: тарикасида бериладиган парса, мае. пул, маблағ. Очилнинг уйдан оладиган ёрдами катта эмас эди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 Фойдали таъсир, наф. Дорининг ёрдами бўлмади.

**ЁРДАМЛАШМОҚ** Ёрдам, кўмак бермоқ, қарашмоқ. [Хотин] касални ёт-

қизишга ёрдамлашгани келди. Айний, Куллар. [Ёрмат] катта туеунларни хотинларнинг қўлларидан, бошларидан олиб, ичкарига олиб киришга ёрдамлашади. Ойбек, Қутлуғ қон. Корнидан яраланган жангчини ишелега ётқизиб, судраб кетаётган ҳамширага ёрдамлашди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЁРДАМЧИ** I Ёрдам қилувчи; кўмакчи, мададкор. Қиз онага ёрдамчи. — **ВЛКСМ бутун давлат ва хўжалик қурилишида** партиянинг актив ёрдамчисидир. «КПСС Устави».

2 Раҳбар ходим ўринбосари. Директор ёрдамчиси. Раис ёрдамчиси. — **Салтанат бунга ёрдамчи** бўлиб ишлайди, сўрасам, албатта айтиб беради. Ойдин, Ҳикоялар.

3 *сфт* Қўшимча равишда фойдаланиш учун мўлжалланган; қўшимча. Касалхонада ётиб тузалгандан кейин, [Ашир] лазернинг ёрдамчи хўжалигида чўйча боқди. С. Анорбоев, Оқсой. **Электр қувватини кўпайтирувчи ёрдамчи станцияни** монтаж қилишида ҳам наманганлик азаматлар ишлайди. Ойдин, Болали уйда ғийбат йўқ.

◆ **Ёрдамчи сўз** грам. мустақил маънога эга бўлмаган, грамматик муносабатларни билдирадиган сўз. Ёрдамчи феъл *айн.* кўмакчи феъл қ. кўмакчи.

**ЁРДИРМОҚ** ёрмоқ I, 2 *фл. орт. н.*

**ЁР-ДУСТ** *айн.* ёр-биродар. Унинг кўп ёр-дўстлари, таниш-билишлари орасида Саидийнинг эътибори кетди. А. Қаххор, Сароб. У киши ҳали ишдан қўл узанлари йўқ, хишчақчақ суҳбатни яхши кўрадилар, ёр-дўстлариникига борадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁР-ЁР** *этно.* Келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти «ёр-ёр» ибораси билан тугайдиган қўшяқ. **Бир арава қиз-жувон чилдирма чалиб, ёр-ёр айтиб ўтишиди.** А. Қаххор, Қўшчинор. **Неча қиз-жувон .. ўлан ва ёр-ёрлар айтиб, келинройимни тилла жабуқли отнинг олдига олиб келишиди.** «Эртаклар».

**ЁР-ЖўРА** *айн.* ёр-биродар. Пахта байрамини ёр-жўралар билан Гулистон районида ўтказдик. А. Қаххор, Минг бир жон.

**ЁРИ(Й)** [ф-т] *эск. кт.* Қўмак, ёрдам. Ёрий бермоқ. — **Давлатлари ёри берса, албатта бизнинг муддао ҳам шунда ..** — деди қўрғон беги Азизбекка. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қумушбибининг тоғаси Аҳмадбек бўлиб, у ҳам умрининг кўтини Қўқондами, Хўжандами ўтказар, шунинг учун ундан ёрий кутми ҳам узоқ гап эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЁРИЛМОҚ** I ёрмоқ I, 2 *фл. ўзл.* ва *мажх. н.* Бош ёрилса, бўрк ичида — қўл синса, енг ичида. Мақол. **Тўнкаларни** қовлаб бир чеккадан ёрилса, талай ўтин беради. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *айн.* портламоқ. Бомба ёрилди. — **Ҳавода пулемётлар тариллади, снарядлар ёрилди.** Ойбек, Қуёш қораймас.

3 *кўчма* Дардини айтмоқ, очилмоқ. **Ҳаёт булоқ бошидаги рози дилдан кейин онасига ёрилган, йиғлаб туриб истаklarини айтган эди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЁРИШМОҚ** I Ёруғ, равшан бўлмоқ; чарогон бўлмоқ. **Шам нуридан хона ичи ёриди.** — **Сепояларга** ўрнатиб ёқилган кунжараларнинг сарғимтил-қизғич алангаси шабадада бир томонга салгина қийшайиб гуркирар, буларнинг ёруғи бир-бирига қўшилиб, ҳамма ёқ ёриган эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Ёришмоқ (тонг ҳақида). **Субҳ азони айтилиб, секин-секин тонг ёриб борди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 *кўчма* Яшнамоқ, гулламоқ, обод бўлмоқ. **Ҳар бирингиз тушган ер нурингиздан ёришди.** П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Кўзи ёриди** I) таниди, билди, англади. **Кўзимиз ёриди** — кўрдиқ оламни, Шунчалар жамоли бор экан ерининг. Ғ. Ғулом; 2) тугди. **Аёл тўн бўйи азоб чекиб, тонг отарга яқин кўзи ёриди.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Ичига чироқ ёкса ёримайди** дард-дунёси қоронғи, хафа. — **Шу чоқда ичимга чироқ ёқсалар ҳам ёримайди-да!** — деди ва кўзига жиқ ёш олди [Офтоб ойм]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЁРИТИЛМОҚ** ёритмоқ *фл. мажх. н.* Йўл электр чироқлари билан ёритилган. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**ЁРИТМОҚ** I ёримоқ *фл. орт. н.* Баланд осилган қирққинчи чирогнинг ёруғи чоғроқ уйнинг бурчақларига ёритган. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ленинизм** машғали уларнинг [одамларнинг] йўлларини ёритмоқда. Н. Сафаров, Жангчи шоир.

2 *кўчма* Ёзиб баён қилмоқ, тасвирламоқ, мохиятини очиб бермоқ (матбуотда, асарда). **Колхоз ҳаётини ёритмоқ.** Автор асарда коммунистнинг ролини яхши ёритган.

**ЁРИТҚИЧ** *астр.* Ёруғлик берувчи, ёритувчи (осмон jismlарни ҳақида). **Осмон ёритқичлари.**

**ЁРИШМОҚ** I I Ёруғ бўла бормоқ, ёримоқ. **Қун ёришиди.** — **Ҳаммаёқ сутдек ёришиди.** С. Аҳмад, Хукм. **Тонг** аллақачон ёришиб, кўчалар одамга тўлаган. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Офтоб яна ёришиди.** А. Қаххор, Минг бир жон.

2 *кўчма* Хурсандлик, шодлик аломати пайдо бўлмоқ (юзда ва кўзда). **Мурзин худди шу сўроқни кутиб тургандек ёришиб кетди.** Шухрат, Шинелли йиллар. **Чолнинг нурсиз кўзлари** қизга тушиши билан ёришиди. **Ҳожи Аҳмар, Қим ҳақ? Қодиров от устида .. бораркан, бирдан юзи ёришиб кетди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *кўчма* Енгил тортмоқ; очилмоқ. **Дили ёришиди.** — [Қутидор:] **Ўрнингни қалин қилиб бурканиб ёт, тер-**

ласанга ёришасан, қизим. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЕРИШМОҚ** II ёрмоқ фл. бирг. н. Утин ёришмоқ.

**ЕРИҚ** I сфт Ёрилган, дарз кетган. Ериқ қовун.

2 от Дарз кетган, ёрилган жой; тирқиш, оралиқ. Девор ёриғи. — Қозонга ёпилган туюқнинг ёриқларидан буғ кўтарилди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЁРЛАШМОҚ** фольк. Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ. Эркак-аёл рабобчилар баробар, Ёрлашар колхоздан бўлиб хабардор. Фозил шоир. Қомил бўлиб, элга кўп аралашди, Иш ўраниб, бир нечага ёрлашди. Эргаш шоир.

**ЁРЛАҚАМОҚ** I Афв этмоқ, кечирмоқ; гуноҳини ўтмоқ. Отигагина хон бўлиб ўтирувчи Худоёрхон ҳам, остириш, кестириш ва ёрлақаш ўз ихтиёрида бўлган Мукулмонқул майдондан олимпиадани ўзининг кўғирчоқ қидат юра беришини тушунди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Афв этмоқ, кечмоқ, ўтмоқ. Сиз менинг бу хатимни ўқиб, гуноҳларимни ёрлақаб турган кезларингизда, албатта, мен Марғилон йўлида бўлсам керак. А. Қодирий, Утган кунлар. Худо ёрлақадим дин. худо дилига солди, марҳамат кўрсатди. — Хайрият, хайрият, Абдурашул — деди Олахўжа, сенинг ҳам қадамнинг биз томонга тушар кун бор экан. Нечук худо ёрлақадим. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЁРЛИҚ** I тарв. Бирор амал, унвон, суюрғол ва ш. к. берилганлиги ҳақидаги расмий ҳужжат; фармон. Тўраннынг хондан икки юз таноб ерга ёрлиқ олгани бежиз эмас. Ж. Шарипов, Хоразм. Кўк салла ўраган йиғит, Чингизнинг тожик тилида ёздирган ёрлигини ўқиб эшиттирди. М. Осим, Уттор.

2 Бирор санаот маҳсулотига, унинг номи, миқдори, ишлаб чиқарилган жойи ва ш. к. маълумотлар ёзиб, бириктириб қўйилган қоғоз парчаси. Фабрика ёрлиғи. Багаж ёрлиғи.

◆ **Фахрий ёрлиқ** қ. **Фахрий** 2.

**ЁРМА** I Оқлаб туйилган бутун дон, оқланган ғалла маҳсулоти. Бугдой ёрмаси. — Янгамга айтсангиз, бугдой бошоқларидан бироз синдириб олиб, тўқмоқлаб, ёргучоқда ёрма тортса бўлмайми? — деди Сафар. Айний, Қуллар. || Суюм ога ёғоч чораларга икки оворадан ёрма гўжа қуя бошлади. Н. Фозилов, Оқим.

2 Шундай маҳсулотдан тайёрланган овқат. Сурхонбой .. мусофирларга атаб оқшомда чиқарилган бирор коса ёғон уера ёки ёрма билан кун ўтказди. И. Рахим, Тақдир.

**ЁРМОҚ** I Чопиб, кесиб бўлақларга ажратмоқ, бўлмоқ. Тўнка ёрмоқ. — Қимдир қарс-қарс ўтин ёради. С. Аҳмад, Хукм. | Уриб парчаламоқ, синдирмоқ, ўймоқ, тешмоқ. Музни ёриб сув олмоқ. — Йўлчи ернинг тош бағрини ёриб тўнка кўпори. Ойбек, Қутлуғ қон. | Чақа қилмоқ; дарз қил-

моқ. Тухумни ёрмоқ. Қовоқни ёриб қўймоқ. Қичкина тош бош ёрар. Мақол. — Отам, ўйин қизигида ютқазига ютқазиб қўйиб, кейин ўзини урди, пешанасини ёрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кесмоқ, тилмоқ. Ойи, нима қилай, сўзимга ишонмасангиз, пчоқ билан кўксимни ёриб кўрсатайми? Ойбек, Қутлуғ қон. У қўлини бўшатган чоқдаёқ Отабек .. Хомиднинг қорнини шир эттириб ёриб юборган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 **зиб** аффиксли равишдош ф-да «ўтмоқ», «кирмоқ», «чиқмоқ» феъллари билан келиб қаршилик, тўсиқ, ғов ва ш. к. ни енгиш маъносини ифодалайди. Фронт линиясини ёриб ўтмоқ. Тўдани ёриб кирмоқ. Қуришовни ёриб чиқмоқ. — Миришлар орасидан учта ёш бола ёриб ўтиб, мингбошининг кимхоб тўнига, оёғига осилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Норжон билан Элмурод у ёқдан-бу ёққа типирчилаб, олдинга ёриб ўтмоқчи бўлишди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Пих(ни)** ёрган қ. пих I. Тилни ёради таъми ниҳоятда ширин. Тиш ёрибди тиши чиқибди. Юракни ёрмоқ қаттиқ кўрқитмоқ, чўчитмоқ. Қилини қирқ(ка) ёрадиган қ. қил. Қорнини ёрса алиф чиқмайди қ. алиф.

**ЁРОН** [ф-т] кт. Яқин кишилар, дўстлар. Фурсатни ўтказмай, ёронлари ёнига югурди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЁР-ОҒАЙНИ** айн. ёр-биродар. Даданинг ёр-оғайнилари, .. бечора чолнинг бошини айлантдиришади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁРТИ** эск. Ярим, яримта. Икки ёрти — бир бутун. Мақол. Ёмондан ёрти қошиқ. Мақол. Яхши ният — ёрти мол. Мақол. | Бут эмас, чала. Тўғонбек пўнғиллади: — Иш ёрти қолмасин, қари шайтон. Ойбек, Навоий.

**ЁРУҒ** I Ёниб, қизиб турган нарсдан тарқалиб, мавжудотни кўриш учун имкон берадиган ёғдули энергия; нур. Қуёш ёруғи. Шам ёруғи. — Ғуломжон ўчоқдаги ўт ёруғида қомати хирагина кўриниб турган дўстини бориб қучоқлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Максим чироқ ёруғида китобнинг муқовасини очини билан эсанкираб қолди. С. Аҳмад, Хукм.

2 Нур, ёғду тушиб турган. Ёруғ уй. || Хона ёруғ. Қўчалар ёруғ. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Мақол. — Уй ёруғ эди. Сергей стол лампасини ўчирмай ухлаб қолганди. П. Қодиров, Уч илди.

3 **кўйма** Аниқ, равшан, ёрқин. Фотима дунёга келиб, ўзи билан шу қадар меҳрибон, ҳушимомала гаплашадиган одамлар борлигини, уларнинг бирдан-бир мақсадлари уни овоз қилиб, ёруғ йўлга бошлаш эканини англади. П. Турсун, Уқитувчи. Бу кўз ёшларини ғам ва ҳасрат эмас, аксинча, ўша ёруғ ҳислар туғдиран эди. О. Ёқубов,

Ота изидан. [Тантибойвачча] юрагиди очилган бу ёруғ фикрни бир зумда бошқа орзу-тама қораси босди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Ёруғ дунё** 1) ер юзи, олам, тирклик дунёси, бу дунё. Ёруғ дунёнинг лаззати — рўзгор билан фаранд. И. Рахим, Ихлос. [Ғофир:] .. Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Ҳамза, Бой ила хизматчи; 2) овоз, бахтли ҳаёт, рўшнолик. Ленин доҳиймизнинг меҳнаткашларни мана шундай ёруғ дунёга чиқарганига миннатдорчилик билдириш учун кундузи эмас, кечаси ҳам ишлаган ҳақ сўзимни бераман. П. Турсун, Уқитувчи. Кўзига (ёки унга) ёруғ дунё қоронғи (бўлди) кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди; кўнгли ғаш, қаттиқ хафа. Азизбек кўзига ҳозир ёруғ дунё қоронғи, бу қоронғилик ичида боғи ширин ҳаёллар .. кўринмай қоладилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Ёруғ кун бахтли кун. Сен ҳам келадиган ёруғ кунлар бор экан, айланай болам! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ёруғ юлдуз катта, кучли нур сочувчи юлдуз. Ҳали йўноқи кўзларини юммаган ёруғ юлдузларни ҳисобга олинмаганда, Қорабулоқ қишлоғида бирорта уйроқ жон қолмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Юзи ёруғ қ. юз.

**ЁРУҒЛАШМОҚ** Ёруғроқ бўлмоқ. Қуёш ҳозир бизнинг мана шу ўлкамиз осмонига келиб тўхтаб, тўлишиди, ёруғлашди. М. Файзий, Уч қиз.

**ЁРУҒЛИК** I ёруғ с. мавҳ. от. 2 Ёғду, нур. Ёруғлик тезлиги (физ.)

— Хужранинг ичи оқшом каби қоронғи, даҳлиз орқали тушган ёруғлик, хужрани ёритишга кифоя қилмайди. А. Қодирий, Обид кетмон. Ой ёруғлиги учбурчак равишда йўлакка тушиб турар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 **кўйма** Овоз, бахтли ҳаёт; рўшнолик; бахт. Сув — ёруғлик. Мақол. Сендан ёруғлик — итдан чорғилик. Мақол. — Оқ работга кетадиган катта йўл яқинида, умрбод ёруғлик учун қурашувчилар ўтирибди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Берди Октябр ёруғлик, биз етармиз қадрига, Ҳабийй. || [Нодира:] Қандайин ёруғлик кунларга етдим. Ҳамза, Майсараниқ иши.

**ЁРҚАНОТ** диал. Кўршапалак. Хўроздан, «тонг отишини нилмадан биласан?» деб сўралса, «ёрқанотнинг чийиллаганидан биламан», деган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЕРҚИН** I Ёруғ, ёғдули; тиниқ. Ёрқин майдон. Ёрқин кун. — Қуёш чиқиб анҳор ёқасидаги толарни олтинлатган, тоза, ёрқин ҳаво кўзини қамаштиради. Ойбек, Қутлуғ қон. [Тозагулининг] бағри эзилиб, кўзларига тўлиб келган ёши қорача юзига икки ёрқин ирмоқча бўлиб оқиб тушди. Ҳ. Ғулом, Машғал. || Энида узун қизил шохи кўйлак, кимхоб нимча, бошида шафтоли ранг ёрқин товланган ипак дуррача. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *кўчма* Аннқ, равшан, яққон. Аҳмад Хусайн узок сўзлади, деҳқонларнинг ҳаётини ёрқин, чуқур тафсилли ҳикоя қилди. Ойбек, Нур қидриб. Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси. У ғалабининг ёрқин нишонин. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *кўчма* Бахтиёр, бахтли. Ёрқин ҳаёт. — Шундай ёрқин, шундай ойдин замони ҳам бўлармикин бу жафокаш кекса дунёнинг? М. Исмоилий, Фарғона т. о. У тотув ва соғлом ишчи оиласида ўсиб, кўп ёрқин дамларни бошдан кечирди. П. Қодиров, Уч илди.

4 Ёрқин (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЕРҒИ I** диал. Жарима. Олиб бориб хон Даллининг отаси, Беш юз тилла мени ерғи айлади. «Равшан».

**ЕРҒИ II** диал. Арра.

**ЕРҒУЧОҚ** Дон янчиш, ун тортиш учун ишлатилган хонаки асбоб; қўл тегирмони. У [Ниёзмурод] .. кунни бўйи ёрғучоқ айлантирди. Мирмуҳсин, Чўри.— Янгамга айтсангиз, бугдой бошқоқларидан бироз сандириб олиб, .. ёрғучоқда ёрма тортса бўлмайди-ми? — деди Сафар. Айний, Қуллар.

**ЕСТИҚ I** Бош остига қўйиб ётиш, ёнбошлаш, суялиш учун ишлатилган юмшоқ буюм; болиш. Пар ёстиқ. Духоба ёстиқ. — Адолат бошини кўтараман деди-ю, кўкрагини гижимлаб, бошини қайта ёстиққа қўйди. С. Зунунова, Гулхан. Чол индамади. У ёстиққа сунгангича, анча вақт сукунатга кетди. Х. Гулом, Мащғал.

2 *махс.* Бинокорликда: хари, тўсин ёки сарров остига қўйилган гўлача, ёғоч.

◆ **Бир ёстиққа бош қўймоқ** бирор киши билан турмуш қурмоқ; эр-хотин бўлмоқ. **Икки жинс бир ёстиққа бош қўйиши билан .. ўтмиши ва келажак наслни бир-бирига боғлайдиган ҳалқа вужудга келтиради.** А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. **Бошинга ёстиқ қиласанми?** бўйи етиб вақтида узатилмаётган қиз ҳақида айtilадиган ибора. **Қиз етилган, уни эгасига топшириш керак!** Бошинга ёстиқ қиласанми уни? И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ёстиғини қуритмоқ** ўлдирмоқ. Андижон зилзиласи минг-минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди, томини қуратди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЕСТИҚДОШ** Бир ёстиққа бош қўйган, бирга турмуш қурган киши; эр ёки хотин. **Маманиёз ёстиқдоши ўлиб кетиб, бир ўғилча қолган экан бўйи етиб.** Ф. Гулом, Кўкан. **Қулфат изларини .. ёстиқдошидан айрилиб, ҳали ҳам ҳижрон алаңасида қовурилаётган жувонларнинг юзидасида кўрди.** А. Раҳмат, Эллик бир баҳодр.

**ЕСТИҚЧА I** ёстиқ с. кичр.

2 *махс.* Штамп ва печатга сиёх юқтириш учун ишлатилган, сиёх шимдирилган буюм. **Рўйхатни имзолашда одамлар бош бармоқларини сиёх**

шимдирилган духоба ёстиқчага шикалаб олиб, сўнгра босиб из туширар эдилар. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЕСУМАН** [ф-т] I Хушбўй, оқ тўп гулли декоратив бута. Саидий .. боғда ёсуман гуллари, хурмо ва апельсин дарахтлари устирди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 *кўчма* Ҳийлагар, маккор аёл (Навоийнинг «Фарход ва Ширин» асаридagi Фарходни ҳийла билан қўлга туширган аёл номидан).

**ЁТ I** Қариндошлиги йўқ; бегона. Ёт одам. Қадр билмас қариндошдан, қадр қилган ёт яхши. Мақол. Туққан туққан топишар, ётга бало ёпишар. Мақол. **Ётти ёт бегона мутлақо қариндошлиги йўқ, нотаниш. Ётти ёт бегона, аммо шу маҳаллалик Маҳмуд тақачининг бу гаплари ёш Ҳакимжонни ўйлантириб қўйди.** Р. Файзий, Раянинг арчаси.

2 **Танишлиги йўқ; нотаниш, чет, бегона. Отабек ўзи билан кўришган бундаги иккита ёт кишини танимаганликдан бир-бир қайта қараб уларни кўз остидан кечирди.** А. Қодирий, Утган кунлар. | Бошқаларга тегишли; чет, бегона; ўзга. **Ёт ўлка. Ёт нарса. Ёт сизга.** | Бирор нарса ёки кимсага хос бўлмаган; чет, бегона. **Организмдаги ёт жисм. Ёт унсур.**

3 *қ. х.* Ёввойи, бегона. **Хотин-қизлар .. пахта ораларидаги ёт ўтларни термоқда эдилар.** Айний, Қуллар.

**ЁТАҒОН** Ҳа деб ётаверадиган, кўп ётадиган. Ётағон ёшак.

**ЁТИНҚИРАМОҚ** Бироз қийшайиб, эгилиб қолмоқ. **Бугдой поляри ётинқиради. Девор ётинқираб қолди.**

**ЁТИШМОҚ I** ётмоқ *фл.* бирг. *н.* Болалар жойларига ётишиди.

**ЁТИШМОҚ II** Маъқул тушмоқ, қовушмоқ.— **Билмадим ..— деди ниҳоят Ҳожми,— сизларнинг муддаонгларга тушунмадимми ёки тушунсам ҳам ўзимга ётишиб келмадим, ҳайронман!** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЁТИҚ I** ай. горизонтал. Ётиқ чизиқ.

2 Бирор томонга қийшайган; қия. **Ётиқ соҳил.** || Ётиқ ўсган дарахт. — **Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб зўрға қадим босарди.** А. Қаҳҳор, Мастон. **Навоий қилични ҳасса каби тутиб, ётиқ тепадан илдам настга тушиди.** Ойбек, Навоий.

◆ **ЁТИҒИ** билан кишининг асабини кўзгамайдиган даражада, мулойимлик ва оҳисталик билан (муомала ҳақида). **Ётиғи билан тушунтирмоқ.** — **Асалбиби, қизим енгиллик қилиб, қариндош олдига яна шовқин кўтармасин, кейинча ётиғи билан сўзлашиб кўтарман, деб воқеани яширган эди.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЁТИҚЛИК I** ётиқ с. белги оти. Ёрнинг ётиқлиги.

2 Ётиқ жой, ён бағир. **Тоғ ётиқлиги.**

**ЕТЛАШМОҚ** Ёт, бегона бўла бормоқ, бегоналашмоқ. **Бола ётлашди. ЕТЛИК** ёт с. маъ. от. **Илон изи бурилма, Сувларидир чизилма, Ўзи мусофир билма, Қалба ётлик солмайман.** Ҳамза.

**ЕТМОҚ I** Танани ерга (қаравот, тўшак ва ш. к.га) бериб чўзилмоқ, узала тушмоқ. **Ерга ётмоқ. Ут устига ётмоқ: — Йўлчи қуруқ наमतга ётиб, устига кўрпача ёнди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Ҳасанали секингина дарича остига ётиб, ҳужра ишига қулоқ солди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **У келганда Қурбон ота ўрнида ёнбошлаб ётар, маҳсум ухлаб қолган эди.** А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. **Кимдир чалқанча ётиб ингарди, ёрдам сўрарди.** А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Ўрнини банд қилмоқ; жойлашмоқ. **Қўйлак сандиқда ётибди. Қитоб стол устида ётибди.** — **Енларининг таҳидан бу қўйлакнинг нафталин ҳидини синедириб алақерда узок вақт ётгани билиниб турарди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. | Сақланмоқ, турмоқ. **Пулим кассада ётибди. Мақола редакцияда ётибди.**

3 Турмоқ, яшамоқ. [Зайнаб:] **Бу ҳол ташқарида ётиб юришингиз учун катта сабаб бўлолмайди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Норқўзи ташқарида — меҳмонхонада ётиб юради.** А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

4 Тунамоқ, ухламоқ. **Бола бешикда ётади.**

5 Касал бўлиб, туролмай қолмоқ. **Қампир оғир ётибди. Бемор узок ётди.** — **Эшитдингизми, улуг афандининг тоби қочиб қолди.** **Бояқши қаттиқ ётган эмиш.** С. Аҳмад, Ҳукм. **Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг дард-фиरोқида куйиб, ётиб қолибдилар.** А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

6 Ҳисбда бўлмоқ, қамалмоқ. **Ётиб чиқмоқ.** — **Қани у [Йўлчи] севкли ака, қаерда, қайси зиндонда ётади?! Ойбек, Қутлуғ қон. Мирза Муҳиддин томонидан эҳтиёт ҳораси кўриланча бир йилдан ортиқроқ сўроқсиз ётди.** А. Қаҳҳор, Сароб.

7 *с. т.* Тўхтамоқ, тўхтаб қолмоқ, ёпилмоқ. **Соат ётди. Трамвай-троллейбуслар ётган.** — **Самовар ётган, бир чол чойнак-пиёла артар, ҳовуз бўйидаги супада кимдир хуррак отиб ухлар эди.** А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

8 Равиш ва равнишдошлар билан бирикиб, иш-ҳаракат ёки хлатнинг доимий, давомий эканлигини билдиради, *мас.* бекор ётмоқ, осилиб ётмоқ, ишлаб ётмоқ, қаровсиз ётмоқ. — **Уч хонали уй бўм-бўш, ҳувиллаб ётарди.** А. Убайдуллаев, Қонли издан. **Бу эғлонлар олдига турли касбадаги одамлар уймаланиб ётади.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Биласанми, ер-сувдан ажраган унсулар ҳали-бери тинч ётмайди.** С. Аҳмад, Ҳукм. **Заванов: Мана ўртоқлар, душман тек ётмайди.** З. Санд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.



◆ **Ётиб емоқ** бирор жойда ишламай, ишлаб пул топмай ўз жамғармасини харжлаб яшамоқ. *Ётиб ёишига тоғ ҳам чидамайди.* Мақол. **Ётиб қолгунча, отиб қол!** охириги кунинги ҳам ишга сол, фурсатни қўлдан бермай, ҳаракатингни қил маъносида ишлатиладиган ибора. *Безори ўз манфаати йўлида ҳамма нарсадан кечадиган йигит бўлгани учун, ётиб қолгунча, отиб қол, қабилда иш кўрмоқчи бўлди.* И. Қаландаров, Шохдамас, Бағида.

**ЕТОҚ** 1 Етадиган жой, ўрин, хона. *Етоғинг бўлсин гулдек, Узинг тур ёруғ кундек.* Қ. Муҳаммадий. *Қулди гўзал тонгининг юзи, Қушлар турди ётоғидан.* Ғайратий.

2 айн. **ётоқхона.** Мақтабнинг ётоғи бордир, ахир. *Ҳ. Ғулом, Машғал. Улмас ихтиёрсиз қулогини ушлаб, секин ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтади.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

**ЕТОҚДОШ** Бир ётоқда бирга яшовчи ёки яшаган. *Мулла Бозор сирларни ўзининг ётоқдоши ва бирдан-бир яқин дўсти бўлган мулла Туробга айтган бўлса-чи? Айний, Эсдалиқлар. Уз фикрларини ётоқдош дўстлари билан ўртоқлашган эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ЕТОҚИ** айн. ётағон.

**ЕТОҚИЛАМОҚ** айн. ётоқчиламоқ. **ЕТОҚХОНА** Бир жойда ишлайдиган ёки ўқийдиган кишилар учун ажратилган махсус бино, хона; ётоқ. *Элмурод ётоқхонада ёлғиз қолиб, .. ҳаммадан кейин ташқарица чиқди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Уларнинг ётоқхоналари ўша корпуснинг ҳовлисида қизил ғиштдан солинган икки қаватли кичик иморатда эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ЕТОҚЧИЛАМОҚ** Ҳа деб ётавермоқ, тез-тез ётмоқ. *От ётоқчилади.*

**ЁТСИНОМҚ** айн. ётсирамоқ. *Болалар уйдаги меҳмон болани кўриб, унга бир оз ётсиниб тикилиб туришди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЁТСИРАМОҚ** Ўзини ёт тутиб, тортиниб, аралашмай турмоқ. *Қизча ётсираб, қовоғини солиб, тескари бурилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бек ётсираб қараб қўйди ва йиғилганларни кабинетига таклиф қилди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ЁТСИРАШМОҚ** ётсирамоқ фл. бирг. н. *Болалар аввалига ётсирашиб туришди-ку, кейин дарров қадрдон бўлиб кетишди.*

**ЁТҚИЗИЛМОҚ** ётқизмоқ фл. мажҳ. н. *Тўғра Қулмуш ётқизилган, унинг оёғи томонида Ўзбек ойим чақалоқни кўтариб ўтирган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Қор куралди, ерга тахта ётқизилди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. *Атрофига ғишт ётқизилиб йўлка қилинган теп-текис, чорбурчак ҳовли қуёшда қизиб жимгина ухлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁТҚИЗИШМОҚ** ётқизмоқ фл. бирг. н. *Кўчага асфальт ётқизишди. — Бир томони босиб қолган қулбага йўл-*

*чини оҳиста ётқизишди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁТҚИЗИҚ** геол. Сув ёки шамол кучи билан ҳосил бўлган тоғ жинслари қатлами. *Қумли ётқизиқлар.*

**ЁТҚИЗМОҚ** ётмоқ 1—7 фл. орт. н. *Беморни ётқизмоқ. Қўчага асфальт ётқизмоқ. — Қодир уйга кирди. Хотини боласини аллалаб ётқизмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. [Бектемир] қорнидан яраланган жангчини шинелга ётқизиб, судраб кетаётган ҳамширага ёрдамлашди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЁХУД** [ф-т] кт. Ёки, ё. *Ирқий ёки миллий ортиқликни ёҳуд душманликни тарғиб қилувчи шахслар қонунга мувофиқ жазоланади.* «ЎЗСРР Конституцияси».

**ЁШ** 1 Қаттиқ оғриқ, қайғу ёки кучли севинч-шодлик ва ш. к. натижасида кўз безларидан ажралиб чиқадиган тиниқ суюқлик. *Чин кўнғилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келар.* Мақол. — *Ҳаётнинг ўнг ёноғига бир томчи иссиқ ёш тўкилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Бас, Ўроз, кўзимни кўр қилиб тутун, — Йўлни юм-юм ёш тўкиб ачишган кўзларини ишқалаб, туртина-туртина вишқни тепиб очди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Келар йўлинг супурай, сочим билан, Чанги чиқса, сув сепай ёшим билан.* Ё. Мирза, Ўғил меҳри. *Кўз ёшин айн. ёш 1 1. *Кўз ёши қилмоқ. — Онаси энгининг учи билан кўз ёшларини артоди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўзига ёш олмақ* йиғламосирамоқ. *Офтоб ойим уни қуноқлаб юзидан ўпди ва кўзига ёш олди...* А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 *қўча* Янги. *Золим бойлар мазах қилиб куларди, Раҳми келмай муҳтожларнинг ёшича.* Эргаш шоир.

**ЁШ** II 1 *от* Туғилган вақтдан бошлаб яшаб ўтказилган йиллар жами; умр узюқлиги. *Ўғлим ўн беш ёшда. Мен ишгирма беш ёшда уйландим. — Уттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходимларидан Гулшанбону эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. — *Биз шу ёшга келиб, ҳали ўзимизнинг каттароқ шахарларимизни ҳам кўра олмадик, — деди Қутидор.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Ёшини яшаб, ошини ошаган** узоқ умр кўрган, қари (одам ҳақида). | *Инсон ёки хайвон ҳаётидаги босқич, давр, умр. Мақтаб ёши. Боғча ёшидаги бола. Урта ёш. Катта ёш. — Учинчи дарсда .. ўрта ёшлардаги бир қўли чўлоқ, қирра бурун, ияги чўзиқроқ ўқитувчи уй расмини солишни ўргатди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Ёши** ўтган (ёки қайтган, ўзган) ўртача умридан ортиқ яшай бошлаган умрининг иккинчи ярмига қадам қўйган. *Ҳожидан аканинг ёши қайтиб, кўнгли жуда ҳам бўйшашиб кетибди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Дастлаб ёши ўзганлар, сўнгга ёшу яланлар четланишди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Қишлар умр узюқлигини қисқалашда — йил. Энди ўзим*

*ҳам юз ёш умр кўришни истайман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ольга Петровна Ғуломжондан бир неча ёш катта.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ётти ёшдан етминн ёшгача** ёшу-қари, ҳамма.— *Тўқсонбой ғиламфуруш десалар, етти ёшдан етминн ёшгача — барча жамоат танир эди, — деди домла.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *сфт* Қари эмас, навқирон. *Ёш одам. Ёш жувон. || Ёш келса ишга, қари келса ошга.* Мақол. *Ёшдан хато, каттадан узр.* Мақол. — *Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қарши олар эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Қорабўлоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш икки отлиқ чиқиб келаверди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Балоғатга етмаган, ҳали ўсиб етилмаган. Ёш бола. Ёш қиз. Ёш новда. — Миришлар орасидан учта ёш бола ёриб ўтиб мингбошининг кимхоб тўғизга, оёғига осилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Хон сайлагувчилар орасида ёш йигитлар бор.* А. Қодирий, Утган кунлар. || *Бу ерда колхоз ёшларининг ҳаракати билан Паст ариқдан чигир билан сув оқизилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 *сфт* Ёшликка, ёшлик даврига хос. *Ёш куч. — Тонгги гудок чалмасдан мен ҳам тураман. Ёш кўнғилнинг майлини ишга бураман.* Ғайратий. *Йигит чаноклардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-ю, ўзининг ҳам ёш чеҳраси шу чаноклардай очилиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *сфт, кўча* Етарли тажрибага эга бўлмаган, тажрибасиз. *Ёш ёзувчи. Ёш санъаткор. — [Абдурахмоннинг] фикрича, Қўқондаги қариндош-уруғлари ҳам ёш олимнинг истиқболига ҳозирлик кўргандек эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. || [Сафар] Тақсирим бўлсангиз ҳам ҳали ёшисиз-да. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

5 *сфт, кўча* Янги ташкил этилган, ҳали мустақамланиб етмаган. *Ёш колхоз. Ёш ташкилот. || Колхозда партия ташкилоти ҳали ёш .. Лекин бу ёш партия ташкилоти тез вояга етаётибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Янги турмуш қурган. Ёш оила.*

**ЁШАРМОҚ** Ёш кўринмоқ, ёш тус олмақ. *Жуда ёшариб кетибсиз.* | *Ўзини ёш ҳис қилмоқ, ёшлардек сезмоқ. Оғзиндан айланай, .. қиз дедингизми? Яна ўн йил ёшарар эканмиз-да!?* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁШАРТИРМОҚ** ёшармоқ фл. орт. н. *Меҳнат кишини ёшартиради.*

**ЁШАРТМОҚ** ёшармоқ фл. орт. н. *Саксон ёш эмасман, ўттиз икки ёш, Ёшимни ёшартган Октябрь қуёш.* Фозил шоир.

**ЁШДОШ** Бир йилда туғилган; тенгқур. *Ёшдош ўртоқ! Хотини ўзи билан ёшдош.*

**ЁШЛАЙ** рвш Ёш ҳолатда. *Бу элда гўдақлар ёшлай ўлмайди.* Ғ. Ғулом.



**ЕШЛАМОҚ** Қўзига ёш олмоқ, йиғламоқ.— Болам, мен ҳам сени бахтли бўласин дейман-да,— деди Ҳайдар ота кўзларини ёшгаб. У. Умарбеков, Юрак сўзлари.

**ЕШЛАНМОҚ** Бирор таъсир (тутун, шамол, касаллик ва ш. к.) сабабли кўзга ёш келмоқ; ёш оқмоқ. [Адолатнинг] .. кекса кўзлари беҳтиёр ёшланди. Х. Фулом, Машғал.

**ЕШЛАНТИРМОҚ** ёшланмоқ фл. орт. н. Ачиқ тутун кўзларини ёшлантириди.

**ЕШЛАТМОҚ** ёшламоқ фл. орт. н. Тутун кўзини ёшлатди.

**ЕШЛИ** I Ёш билан тўлган; ёши оқиб турган. Ёшли кўзлар. — Эъзозхон Қумрига ёшли кўзлари билан тикилди. Х. Фулом, Машғал.

**ЕШЛИ** II Ёшга кирган; ёшда бўлган; яшар. Урта ёшли. Йигирма ёшли йиғит. Икки ёшли бузоқ. — [Бой] йигирма уч ёшли йиғитнинг ақлида сира нуқсон кўрмади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕШЛИҚ** I ёш II с. белги оти. Ёшлик чоғлари. Ёшлик — бебошлик. Матал. — Улар ёшлик, тажрибасизлик орқасида олган ҳадялари. босган қадамлари учун умрларининг гулбахорлари билан, ҳатто ўзлари билан ҳақ тўлар эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ёшларга хос хатти-ҳаракат, хусусият. Ёшлик ғурури. — Урта бўйли, ҳшиқомат вужудидан ёшлик кучи ва ғайрати ёғилиб турган қоп-қора жувон отда, .. йўл бўйида турар эди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Ёшлик қилмоқ ёшларча иш тутмоқ, тажрибасизлик қилмоқ. Ош, сиздан ўргилмай, боласи тушкур ёшлик қиялпти. Қаерда эканини унутиб қўйдик. Ойдин, Мардлик — мангулик.

**ЕШУЛЛИ** диал. Катта ёшли, ёши улуг, мўтабар киши. | Шундай кишиларга нисбатан мурожаат формаси. Келинг, ёшулли. Ёшулли, сиз қаерлик бўласиз?

**ЕШ-ЯЛАНГ** Ёш одамлар. Василчи тўпланганларни кўздан кечирди — қари-қартанг, ёш-яланглар. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Соғ-саломатман .. Мехрибон она! Менга ўхшаган қизлар, ёш-яланг бу ерда жуда кўп. Х. Нурий, Лочин боласи — лочин.

**ЕШ-ҚАРИ** Ҳамма ёшдаги одамлар. Қолхозда ёш-қари, эркак-аёл ҳамма катта олимни кутар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ғўзага ҳусн бўлиб, меҳнат қилар ёш-қари. И. Муслим.

**ЕҚ** I Томон, тараф. Унг ёқ. Сўл ёқ. Бу ёқ. У ёқда. Шу ёқда. Нариси ёқдан. У ёғида. Икки ёғидан. — Соё томонидаги унеур эски ариқдан бир қулоқ чамаси наст, бу ёқ бўлса, эски ариқдан бир ярим қулоқ баланд,— деди Ҳасан сўфи куюниб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уй бу ёқда қолиб, энди қайёққа кетясики, тақсир? А. Қодирий, Мехробдан чаён. Майин тонг шабадаси ранг-баранг гуяларни секин

тебратиб, атирларини ҳар ёққа сепади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 (ч. к. ёки ў.п. к.-да «бир» сўзи билан): 1) ишнинг бир пайтда — кетма-кет, пешма-пеш бажарилишини билдиради. Қунлар ғанимат. Бир ёқдан ғишт қуйиб, бир ёқдан сойдан тош ташишга кириша берайлик. П. Турсун, Уқитувчи; 2) бир томондан, .. иккинчи томондан. [Мамат:] .. бир ёқда пул, бир ёқда ишқ алами, бир кун оғимдан тортмай қолмас. Ҳамза, Паранжи сирлари. Нурига ўхшаш қизларнинг ишқи баҳорда ёққан қордай: бир ёқдан ёғиб, бир ёқдан эриб кетади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 мат. Геометрик жисмни ўровчи ҳар бир текислик. Куб ёқлари.

ёёқ айн. юк. Ҳакимбойвачча Фарғонадан қайтган кунёқ, бир юмуш буюришига Йўлчини сўради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕҚА** I I Сув ҳавзаси ёки чуқурлик бўйлаб кетган ер; сохил, қирғоқ; бўй, лаб. Ариқ ёқаси. Сув ёқаси. Жар ёқаси. Дарё ёқаси. — Элгелди қамшизорни оралаб кўл ёқасига чиқди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Каналнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган икки қаватли бинолар шу қадар кўркам, шу қадар чиройликки; металлурелар шаҳарчасига ҳусн бўлиб тушган эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Чет, чекка, хад. Кўча ёқаси. — Йўлнинг икки ёқасида тераклар шовиллайди, булбуллар сайрайди. Х. Фулом, Машғал. Сўнг беш-олти одам тизилди Қирғоқдаги қир ёқасида. Э. Рахим. Шу кунги у бориб бир тепалик ёқасига етгандагина шамол бир оз пасайди. Ф. Расул, Адолат.

3 кўчма Бирор хавфли, ҳалоқатли воқеа-ҳодисанинг бошланишига, содир бўлишига яқин қолган пайт, ҳолат. Содиқ ҳам ўлим ёқасида. Энди сиз билан иккимизгина қолдик! А. Қодирий, Утган кунлар. Жар (ёки чох) ёқасида қ. жар I.

**ЕҚА** II Қийимнинг бўйин ўрни учун очилган қисми ва унга бириктириб тикилган мата. Ёқа очмоқ. Кенг ёқа. Тор ёқа. Қайтарма ёқа. Очiq ёқа. Тик ёқа. — [Қори] ёқасини катта очиб кўкрагига уч марта туфлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Саман отлиқ қамчисини буқлаб .. чакмонининг ёқаси билан гардани орасига қистирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Очил ўрнидан туриб кийина бошлади. Лекин анчагача ёқасининг туемасини ўтказа олмади. П. Қодиров, Уч илдин. | Уст кийимнинг шундай қисми устига тики ёки илиб қўйиладиган иссиқ жунли тери парчаси. Қоракўл ёқа. Савсар ёқа. | Ёқани кирланишдан сақлаш учун, унга вақтинча чашиб қўйиладиган оқ сурп тасма. Дам олиш кунлари киядиган гимнастёркасига ёқа тикиб кийди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ Ёқа бўғишмоқ бир-бирини ёқасидан бўғиб ўришмоқ, муштлашмоқ.

[Йўлчи] Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашини, ёқа бўғишини ўзига ор билди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин!** қарғ. айтганинг ўзингга урсин, тилаганинга ўзинг дучор бўл (совуқ хабар, ёмон ният ва ш. к. ҳақида). [Зухра:] Охиратга бунчалик хирс қўйган экансан, боравер. [Фотима:] Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Оғзидан олиб ёқасига ёпиштирмоқ қ. ёпиштирмоқ. Бир ёқадан бош чиқариб қ. бош. Енгидан кириб ёқасидан чиқмоқ қ. енг. Ёқасини ушламоқ (ёки тутмоқ) ҳайратда қолмоқ, тонг қолмоқ. Ёқасини ушламоқ хайратда қолдирмоқ, тонг қолдирмоқ. Буеунги янгилик ҳам-манинг ёқасини ушлашиб қўйди. С. Ахмад, Ҳукм.

**ЕҚАВАЙРОН** Ёқа тутмалари солинмаган; очик. Остонада юзи докабек оппоқ, кўзлари олайган, .. ёқавайрон Нусратиллаҳўжа турар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Уни ёш, камтар, ёқавайрон йиғит қаршилади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЕҚАВАЛАНГАР** диал. Ёқавайрон. Остонада соялари чеккаларига ёпишган ёқавалангар Виктор турарди. Ш. Гуломов, Чўл беллада.

**ЕҚАЛАМОҚ** I кам қўл. Ёқасидан тутмоқ, ёқасидан бўғиб ушламоқ.

2 Йўл, сохил ва ш. к. ёқаси бўйлаб юрмоқ, бормоқ. У жинниларча ўз-ўзи билан гаплашиб анҳор ёқалаб анча вақт тентиради. Ойбек, Қутлуғ қон. Сафаралди атрофига бир назар ташлағач, зиндон девори ёқалаб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЕҚАЛАШМОҚ** Ёқа бўғишиб уришмоқ, муштлашмоқ. Бу ер шундай гужанак жойки, баъзан болалар бир-бирларининг ёғишларини егудек ёқалашсалар ҳам ҳеч ким билмайди. Ойдин, Ҳазил эмиш.

**ЕҚИЛМОҚ** ёқмоқ I фл. мажҳ. н. Ут ёқилди. Утда ёқилди. Электр ёқилди. — Тўртинчи кунги кечқурун вагонларга шам берилмади. Станция ҳарбий комендантин «чироқ ёқилмасин» деди. И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ЕҚИЛҒИ** Иссиқлик энергияси олиш учун ёқиладиган ашё. Шу сувнинг қувватидан Уйимиз ёруғлиги. Сув, кўмир, ўтин — асл, мамлакатда ёқилғи. Қ. Муҳаммадий. — Биз материалларни, ёқилғини, вақтнинг тежаси билан жуда кўп малаба тўплашимиз мумкин...— деди Ефим Данилович. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЕҚИМЛИ** I Истараси иссиқ, ёқимтой, кишини ўзига тортадиган, кўзга яқин. Ёқимли бола. Ёқимли жувон.

2 Кишига ёқадиган, завқ берадиган, хузур бағишлайдиган, мулойим, хузурли. Ёқимли куй. Ёқимли кўлги. Ёқимли шабада. — Узоқдан, радиодан майин, ёқимли музика оқар эди. Ойбек, Нур қидириб. Ёқимли нигоҳ отди Кўкда тўлин ой. Ғайратий.

**ЕҚИМЛИЛИК** ёқимли с. белги оти. Куйнинг ёқимлилиги.

**ЕҚИМСИЗ** I Сўхтаси совуқ, беўшшов, кишини ўзига тортмайдиган. Ёқимсиз бола.

2 Кишига ёқмайдиган, завқ ёки хузур бермайдиган, хузурини буздиған; ёмон. Ёқимсиз куй. — Узоқ-узоқларда ёқимсиз сароб кўринар, сарғиш тўзон ойнадай мусаффо осмонга қараб сузиб борарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЕҚИМСИЗЛИК** ёқимсиз с. белги оти. Совуқнинг ёқимсизлиги.

**ЕҚИМТОЙ** Истараси иссиққина, ёқимли, жозибали. Мансур суратни қўлга олиб, унга меҳр билан қараб қолди .. бир-биридан ёқимтой уч бола беғубор кулиб турарди. Ё. Шукуров, Уч савол.

**ЕҚИ՘ҚИРАМОҚ** Бироз ёқмоқ, хуш келмоқ (кўпинча бўлишсиз ф-да). Назокатхоннинг тез-тез тутилиб, гапдан адашиб кетиши ва шошиб-шошиб ўзини-ўзи тузатиб туриши Ойқизга ёқи՘қирамади, албатта. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шарифжон [Манзурага] ёқи՘қирамай қолди. Х. Тўхтабоев, Фельдетондан сўнг.

**ЕҚИҚ** ай. ёқиқли.

**ЕҚИҚЛИ** Ёқиб қўйилган, ёқилган, ёқиқ. Қирқинчи лампалар ёқиқли, қизил чойхона колхозчилар билан тўлган эди. Айний, Қуллар.

**ЕҚЛАМА** рощ Тарафдан, жиҳатдан, томондан, томонлама. Масалага бир ёқлама ёндашмоқ. Икки ёқлама 1) икки томондан, икки томонлама. Ёўза қатор ораларига икки ёқлама ишлов бермоқ; 2) икки томоннинг хошияини ҳисобга олган ҳолда. Икки ёқлама битим тузмоқ. Ҳар ёқлама ҳамма томонини ҳисобга олиб, атрофлича. Лекин биринчи кўвнинг феълитавори [Мирзакаримбойга] маъқул тушмагани учун, кўб бўлажак ийгитни ҳар ёқлама текширишини, синашини истар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЕҚЛАМОҚ** I Тарафини олмоқ, қувватламоқ. Директорнинг фикрини ёқлаб гапирмоқ. — Қўнғилинғизга келмасин, мен Болтабойни ёқламоқчи эмасман, правлениенинг, колхозчиларнинг раъйи шу бўлса, бунга на сиз қарши чиқа оласиз, на мен. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ватан ишқи, янги давр талабини ёқлайман. Ғайратий.

2 юр. Судда судланувчини ҳимоя қилмоқ; оқламоқ.

3 Махсус йиғилишда муҳокамага қўйилган ишни (проект, диссертация, диплом иши ва ш. к.ни) маъқуллатиб, муносиб даража ёки унвон олмоқ, ҳимоя қилмоқ. Диссертация ёқламоқ. Диплом ёқламоқ.

**ЕҚЛАНМОҚ** ёқламоқ фл. мажҳ. н. Қарор ёқланди. Диссертация ёқланди.

**ЕҚЛИ:** бир ёқли бўлмоқ ҳал бўлмоқ, ечилмоқ; ажрим бўлмоқ. Низомиддинов иш бир ёқли бўлгунча, вақтинча, раислик вазифасини бажариб туради.

ган бўлди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бир ёқли қилмоқ масалани ҳал қилмоқ, ечмоқ; ажрим қилмоқ. Гаффор отанинг ишини бир ёқли қилиш .. йўлини ахтармоқ лозим. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЕҚМОҚ** I I Ёндириб, ўт, аланга ҳосил қилмоқ, чақмоқ, ёндирмоқ. Қоғоз ёқмоқ. — Ҳовлига олов ёқиб чилдирмангни қизит. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Совуғинга чидамай душман Атрофинга ёқарди гулхан. Т. Тўла. Салимбойвачча аравага ўтирмасдан бурун гузурт ёқиб папирос тутатар экан, Ерматга кўзи тушди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Нур, ёлқин ҳосил қилмоқ, ёритмоқ. Электрни ёқмоқ. Шам ёқмоқ. — Николин қўл фонарини ёқиб, яғона ҳамшира билан бирга, ярадор командира ёрдам кўрсатишга киришди. Ойбек, Куёш қораймас. Ҳожи болани настан тополмай оёғининг учида юриб иккинчи қаватга чиққётган эди, кимдир зинанинг устидаги чироқларни ёқиб юборди. А. Қаҳҳор, Йиллар | Утда куйдириб юбормоқ, куйдириб йўқ қилмоқ. Ахлатни ёқиб юбормоқ. — Синдир ҳаммасини! Ташқарига чиқар! Ёқ, ўт қўй! М. Исмоний, Фарғона т. о.

2 Олов, ўт воситасида қиздирмоқ; исвятмоқ. Плита ёқмоқ. — Обиджонинг печка қураман деди, майли дедим. Курдик.. Қиши билан бекор турди, икки марта овқат пиширдик, холос, бошқа ёққанамиз йўқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ Уруш оловини ёқмоқ қ. олов. Юрагига ўт ёқмоқ бировни қизиқтирмоқ, хаяжонга солмоқ.

**ЕҚМОҚ** II I Дидга, хоҳишга мос тушмоқ; маъқул бўлмоқ. Ашуланинг куйи менга ёқди. Қилағи ёқмади. Берган худога ёқибди. Мақол. Куруқ гап қулоққа ёқмас. Мақол. — Бектемирга .. командирнинг фикри ғоят ёқди. Ойбек, Куёш қораймас. [Зебо:] Элмурод .. йқимишли, камтар йиғит, менга ёқади. Шухрат, Шинелли йиллар. [Дўмбира] Халқ кўнғилини овлаган, Улфатда доим, Овози жонга ёқар, Нозик мулоим. Қ. Муҳаммадий.

2 Мижозга тўғри келмоқ, маром келмоқ; даво бўлмоқ. Менга хамир овқат ёқмайди. Бу дардга минерал сув ёқади. — [Кумуш] ёқмайдиган ҳеч нарса егани йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ Жинига ёқмайди ёмон кўради, хушламайди. Сатторқул акага уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда .. токча жинига ёқмаса ишватиб ташлайқолсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Оғзига ёқмади иштаҳа билан емади, хуш кўрмади. Сидиқжон бир ниёла чойни, худди уера ош ичгандай, узун-узун хўплаб ичди-да, чой оғзига ёқмаса ҳам, бир оз таъби очилгандай бўлди.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Хуш ёқмоқ қ. хуш 2. Қадами ёқмади келиши шарофатли бўлиб чиқмади.

**ЕҚТИ** диал. Еруғ. Неча шоҳлар

ўтди фоний дунёда, Баъзиси отли, баъзиси пиёда. Хўп кайфингни сургин ёқти дунёда. Ислом шоир.

**ЕҚТИРМОҚ** I ёқмоқ фл. орт. н. Олов ёқтирмоқ. Утда ёқтирмоқ. — Орадан ярим соат ўтгандан кейин полвон .. деворнинг устидаги шамни ёқтирди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

**ЕҚТИРМОҚ** II Яхши кўрмоқ, севмоқ; хуш кўрмоқ. — Ҳали Шакархон мени ёқтирди қўйдими? Бу оналаримизнинг тузган режаси,— деди ва тезгина меҳмонхонадан чиқиб кетди. Ойдин, Ўзидан кўрсин. У одатда шўх, енгил, тез бориб етадиган куйларни ёқтирарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Қампир яхши билмадики Наврўз — калла шўрвани ёқтирмайди. Ш. Сулаймон, Ота ўғил.

**ЕҚУВЧИ** ёқмоқ фл. ш. оти. Ўт ёқувчи. Печь ёқувчи.

◆ Уруш оловини ёқувчилар зўр бериб уруш қикаришга уринувчилар, гиж-гижловчилар.

**ЕҚУТ** I [а] I от Турли рангда бўладиган тиниқ қимматбаҳо минерал, тош. Ёқут кўзли олтин узук. Ёқути алвохий табиий ҳолатдаги, ишланмаган ёқут. Ёқути баҳрий мовий рангли ёқут. Ёқути занжорий сарғиш-яшил рангли ёқут. Ёқути зулмоний кўкимтир-қора рангли ёқут. Ёқути осий тиниқ-яшил, нок япроғи рангидаги ёқут. Ёқути райхоний тўқ-қизил рангли ёқут. Ёқути сақийи сақл ёқути. Ёқути собуний юмшоқ ёқут. Ёқути қарросий тўқ яшил рангли ёқут.

2 сфт Жилва бериб товланиб турадиган, қизил ёқутдай. Бири чучук анор ёқут ёноқли, Асабга шифобахш, ҳар донадандир. Х. Расул. [Одилбиканинг] сарв қомати, ой каби юзи, қора қалам қоши, шахло кўзлари, юпка ёқут лаблари ҳар бир кишини ўзига беҳштиёр жалб қиларди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Ёқут (хотин-қизлар исми).

**ЕҚУТ** II қ. ёқутлар. Ёқут халқи. Ёқут тили. Ёқут адабиёти. || Ёқут аёл.

**ЕҚУТЛАР** Ёқутстон АССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган турк тилида сўзлашувчи халқ.

**ЕҒ** Чорва моллари, умуман жониворлар организмда, сутида, баъзи ўсимликларнинг уруғи, дони, гулида бўладиган ёки ундан ажратиб олинadиган мой модда. Қўй ёғи. Мол ёғи. От ёғи. Сар(уғ) ёғ. Қунжут ёғи. Эритилган ёғ. Ёғни қиздирмоқ. Ёғни эритмоқ. Эчкига жон қайғуси — қас-собга ёғ қайғуси. Мақол. Емонга ёғ ярашмас, хибдонликка — боғ. Мақол. || Ёғ идиш. — [Қози домла] қозонда ёғ доғ қилинаётган бўлса, ўт олиб кетди, шекилли деб қўрқарди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Даранинг аҳолиси ўз иши билан машғул: хотин-қизлар қув пишириб, ёғ ажратмоқда. С. Айний, Дохунда. Оқ ёғ I) қўй ёғи; 2) диал. чигит ёғи.

◆ **Нонни ёғ билан емоқ** тўқ, фаровон ҳаёт кечирмоқ. **Ёғ тушса** (ёки томса) ялағу(ндай) супуриб-сидирилган, ниҳоят даражада тоза, озода. **Ҳамма чарса саранжом.** *Ховли-жой ёғ тушса ялағудек.* С. Анорбоев, Пушаймон. **Ёғи чиқадими** айни бир ишни ҳа деб тақдорлай берилганда айтиладиган ибора. *Текшираверган билан ёғи чиқадими.* С. Аҳмад, Хукм. **Ёғи чиқди** ниҳоятда кир бўлиб, йилтраб кетди. *Дўппининг ёғи чиқди. Ўз ёғига (ўзи) қовурилмоқ* ўз қийинчилигини ўзи тортмоқ. *Уч кундирки, Бўтйбой ўз ёғига ўзи қовурилиб ўтирибди.* С. Аҳмад, Хукм. **Илоннинг ёғини ялаган** айёр, муғомбир, қув. *Кўп ишни кўрган бу Зуннунов. Илоннинг ёғини ялаган. Жуда нозик жойини топибди.* И. Раҳим, Ихлос. **Кўзининг ёғини емоқ** ўзини кимгадир яқин кўрсатиб, унинг хайрихоҳлигидан ортиқ даражада фойдаланмоқ. *Сизда виждон деган нарса йўқ! Кўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қочдингиз.* С. Аҳмад, Дадамнинг ўртоғи.

**ЁҒАЛОҚ:** ёмғир ёғалоқ ёмғир ёғаверади. *Ёмғир ёғалоқ, эчки туғалоқ, бойнинг қизиниң қорни юмалоқ.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁҒДАЙ,** эдек Ёғ сингари. **Ёғдай** ёқди жуда ёқди. **Зигир** ёғдай кўнгилга урди қ. **зигир.** *Меҳри зигир ёғдай кўнгилга урган насиҳатни .. чидам билан эшитди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЁҒДИРИЛМОҚ** ёғдирмоқ *фл. мажх. н.* *Сунъий ёмғир ёғдирилди. Ўқ ёғдирилди.*

**ЁҒДИРМОҚ 1** ёғмоқ *фл. орт. н.* *Сунъий ёмғир ёғдирмоқ.*

**2** Ёмғирдай, дўлдай кўп туширмоқ; тўкмоқ. *Жангилар траншеяларга яқинлашиб келганда, яна душман бирдан пулемётдан ўқ ёғдирди.* Ж. Ташенов, Жангчи Утеген.

**ЁҒДУ** Ёритувчи манбадан таралувчи ёруғлик, нур, ёрқин. *Ой ёғдуси. Электр ёғдуси.* Ёғду сочмоқ. — **Кўтарилиб келаётган қўшиниң ёғдуси дарахтлар тепасида қанот қоқа-қоқа, зумрад водийни зарға кўма бошлайди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Виқор билан қалб қўшиниң куйлар эканман, Бу ерларга ёғду сочар Ильич чироғи.* Туйғун. *Тўйин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунуқаларига аёвсиз тўқар, булбул эса ҳамон сайрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.**

◆ **Шимол ёғдуси** Кутб доирасида атмосфераниң юқори қатламларида кузатиладиган ёғду.

**ЁҒИЛМОҚ 1** Ёмғирдай, дўлдай тушиб, ёғиб турмоқ; тўкилмоқ. *Тош ёғилди. Пул ёғилди. Ёнроқ дўлдек ёғилди.* — **Тўрт тарафдан ўқ ёғилади.** Ойдин, Сухбати жонон.— **Бахтсизлик фақат халқ бошига ёғилди,**— деди **Муҳаммад Жамол.** Ойбек, Нур кидириб. | **Кетма-кет келиб турмоқ.** *Хабар ёғилди. Хат ёғилди. Олқиш*

*ёғилди. Саволлар ёғилиб кетди.* — **Сизнинг устингиздан бизга, бошқа идораларга имзосиз аризалар ёғила-ёттипти.** А. Ҳамзор, Кўшчинор. **Уҳар кунни бадан тарбия қилишни истарди-ю, иш кўнлигидан бу истагига эриша олмасди, чунки турли-туман иш ёғилиб келаберади.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**2** *кўчма* Акс этмоқ; таралмоқ. *Зиё ёғилди. Нур ёғилди.* — **Юзларидан нур ёғилади.** С. Аҳмад, Хукм.

**ЁҒИН** Қор, ёмғир, дўл тарзида булутдан тушадиган атмосфера намлиги.— **Ҳали вақт яхши!** — деди **Обид кетмон,**— **ёғин бўлмай турса, тўқ-қизга етолмасак ҳам, беш-олтини ҳайдаб ташлармиз!** А. Қодирий, Обид кетмон. **Сўри остидаги супаниң четлари ёғин билан нураб, устидан бир неча жойи узун-узун ёрилган эди.** А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЁҒИНГАРЧИЛИК** Ёғин кўп бўлган пайт, мавсум ва шундай ёғиннинг ўзи. *Бу йил ёз ёғингарчилик билан ўтди.* — **Кўз келиб ёғингарчилик бошланди.** Х. Ғуллом, Машъал. **Ёғингарчиликдан пайкалга кириб бўлмай қолди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Дўкон айвонларидаги устунларга суянган азаматлар дам-бадам эснашиб, шундай ёғингарчилик кунлари ҳам қишлоқ марказида авж оладиган келди-кетди, савдо-сотиқни томоша қилардилар.** П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЁҒИН-СОЧИН** Серёғин пайт; ёғингарчилик.— **Пахтани илиқ-иссиқда ёғин-сочинга қолмай, териб олсак яхши бўларди,**— деди **Алижон.** Х. Нуъмон, Фасллар.

**ЁҒИН-ЧОЧИН** с. т. Ёғин-сочин, ёғингарчилик.

**ЁҒЛАМОҚ** Ёғ суртмоқ, ёғ қўймоқ. *Ғилдиракни ёғламоқ. Машинкани ёғламоқ.* — **Мана қулоқ солинелар,**— **у пулемёт қисмларини бирма-бир қўлга олиб, .. уларни Эмин Ражабова узатди:** — **Ол тузатиб, ёглаб қўй.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Оғзини (ёки томоғини) ёғламоқ** айн. **оғзини мойламоқ қ. мойламоқ.** **Қозониниң қулоғини ёғламоқ** иссиқ овқат қилмоқ. [**Хожар:**] **У ҳам хотин олғунча чоршанба, пайшанба қозониниң қулоғини ёғласин!** Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ЁҒЛИ 1** Ёғи кўп, серёғ; ёғ солиб пиширилган. *Ёғли шўрва. Ёғли пастир.* Ёғли сомса. — **Кечки норин учун катта қозонда ёғли қазни пишади.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**2** *кўчма* с. т. Унумли, яхши даромад берадиган. *Ёғли иш. Ёғли жой. Боғли колхоз — ёғли колхоз.* Мақол.

**ЁҒЛОҒИ** Идишдан идишга суюқлик олиб солиши учун ишлатиладиган уй-рўзғор буюми; катта чўмич.— **Вой, дазмолим эсимдан чиқибди!** — деди югургилаб кирган Раъно ва ўртаси хинадай сарғайиб кетган галстукни ёғлоғидаги сувга тикиб, акасига айб-

*дорча термулди.* Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ЁҒМОҚ 1** Томчи, зарра ёки дона-дона холида кетма-кет, бир текисда, ҳаводан тушиб турмоқ. *Ёмғир ёғди. Дўл ёғди. Қум ёғди.* — **Қор кучли ёғарди.** *Кўчалар, томлар, деворлар, дарахтлар оппоқ ... Ойбек, Қутлуғ қон.*

**2** *кўчма* Кетма-кет кўплаб келиб турмоқ. *Тош ёғди. Ўқ ёғди. Пул ёғди.*

◆ **Қовоғидан қор ёғайди қ. қовоқ П.** **ЁҒОЧ** Дарахт, ёғоч. *Отабек ҳовлининг ўртасида, тут ёғочиниң ёғича келиб тўхтаган ва жанубда киши йўқми, деб аланлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | **Кесилган дарахтнинг танаси; хоша.** *Сарровлик ёғоч. Харибон ёғоч. Ёғочниң бўйини қурт ер. Мақол. || Ёғоч қошиқ.* — **Оқсоқога уйиниң ёғочлари керак эди.** П. Турсун, Ўқитувчи. *Эсимда Анҳориниң ёғоч кўприғи, Бу ерни азалдан дейишган Ўрда. Шайхзода. Қосимов маст эмасиди,*— деди **Солибек қизиқиб.** Унинг ҳам кайфи бор-у, аммо **Ғулломжонга йўшаб ёғоч қауш кийган эмас.** Х. Нуъмон, Фасллар. **Ёғоч уйга ердан бир қанча баланд кўтариб тахта терилган, унинг устига қатор қоплардан палос тўшалган.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Ёғоч оёқ 1)** этн. оёққа боғлаб, бўйни узун қилиб кўрсатиш учун мослаштирилган ёғоч.— **Баланд пошнада худди ёғоч оёқ кийгандай қилтилламан,**— деди **Қомила сал оқсоқланиб юриб, шикоятли товуш билан.** Ойбек, О. в. шабадалар; **2)** ёғочдан қилинган ясама оёқ, протез. **Сим ёғоч с. т.** электр, радио ва телефон симларини тортиб улаш учун ерга қадалган узун, тўғри ёғоч; столба.

**ЁҒОЧЛИ:** тўққиз ёғочли томи тўққиз тўсин солиб ёпилган. *Қоратой оч қорнини бемаза мошхўрдага тўлдириб, тўққиз ёғочли совуқ уйда танчада, кўзларини хира чироққа тикиб, хомуш ўтирар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЁҒОЧСОЗ** Ёғоч буюмлар ишловчи уста.

**ЁҒОЧСОЗЛИК** ёғочсоз с. касб оти. *Ёғочсозлик цехи. Ёғочсозлик комбинати.*

**ЁҒСИРАМОҚ** Ёғ талаб бўлмоқ. *Холикдан .. ёғсираган арава йўқдай овоз чиқар эди.* Ш. Ризо, Қор ёғди — излар босилди.

**ЁҒУПА** Қосметик пардоз мойи; крем.

**ЁҒЧИ 1** Жувоз хайдаб ёғ чиқарувчи, жувюзкаш.

**2** Ёғ сотувчи.  
**ЁҒУ** [ф-т] унд. Худога қарата, кучли эмоция билан айтиладиган, илтижо маъносини ифодалайди. *Шоқосим чиқди, кўкка боқиб, бўғиқ товуш билан «ёҳу!» деб қичқирди-да, ўтин келтириш учун қаёққадир ғойиб бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

## Ж

**Ж** Ўзбек алфавитининг саккизинчи харфи, портловчи «дж» (мас., «жамият», «жамоа» сўзларидаги) ва сиргалувчи «ж» (мас., «журнал», «гизда» сўзларидаги) ундош товушларини ифодалайди; қ. же.

**ЖА** с. т. Жуда. [Тўла:] *Жа савдогар бўлиб кетибсизми, утиринг энди. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**ЖАБАЗАҚ** диал. Жавпазақ.

**ЖАББОР** [а] 1 дин. Худонинг номларидан бири. *Жаббор олсин (қарғ.).*

◆ **Жонни жабборга бериб жон-жаҳди билан, куч-қувватини аямай. Махсум, тузингизни ичган бўлсак, текинга ичмадик, жонимизни жабборга бериб ишладик.** С. Анорбоев, Оқсой.

2 **Жаббор** (эркаклар исми).

**ЖАБДУҚ** 1 От абзали. *Арава ҳам эртаси кунни келтирилиб, Холмирза ака отга жабдуқлар олиш .. учун шаҳарга тушиб кетди.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Жабдуқ урмоқ** огни эгарламоқ, жабдуқламоқ. *Жабдуқ урдириб берсам, ўзлари миниб кетсалар.* М. Исмойлий, Фарғона т. о.

2 **Керак-яроғ, анжом. Уй жабдуғи. Сафар жабдуғи. Сафар жабдуғини тузмоқ** (ҳозирламоқ). — **Итоатдан бош торган Тошкентга қариши, Муслмонқулнинг тега сочи тик туриб, адаб бериш ниятида сафар жабдуғини тузди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЖАБДУҚЛАМОҚ** Отга эгар-жабдуқ урмоқ.

**ЖАБДУҚЛАНМОҚ** жабдуқламоқ *фл. мажх. н. Эгарланган, жабдуқланган от.*

**ЖАБДУҚЛАТМОҚ** жабдуқламоқ *фл. орт. н.*

**ЖАБР** 1 [а] Жисмоний ёки рухий азоб; зулм, адолатсизлик. *Полиция маҳкамаси олдида ўтар экан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабрини, даҳшатини халқ ҳар кунни, ҳар соат, ҳар минут тотиб турар энди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кимга бориб дод этай, зотим фалакнинг жабридан.* Муаззамхон. **Жабр кўрмоқ** (ёки **чекмоқ, тортмоқ**) 1) азоб чекмоқ, азоб тортмоқ, зулм кўрмоқ; зулм остида эзилмоқ, қийинчилик кўрмоқ. *Ёшишимда қайнананинг жабрини торта-торта танимда жон қолган эмас.* А. Қахҳор, Оғриқ тишлар; 2) моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ. *Завод эгаси бўлишига қарамай, у ҳам жабр кўрган экан.* А. Қахҳор, Йиллар. **Жабр қилмоқ** 1) азоб бермоқ, зулм ўтказмоқ, қийнамоқ. *Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабага жабр қилган кўринасиз.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) моддий зарар етказмоқ, зиён бермоқ. | *Кесим вазифасида Қийин, оғир; азоб. Ахир, ўзингиз кечасига мен хамир қилай десам койидингиз .. Биз-ку, жайли, кунни бўйи ишлаб келган*

*Анварга жабр: А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ЖАБР** II [а] *эск. айн. алгебра.*

**ЖАБРАН** [а] *рвш, эск. кт.* Жабр қилиб, жабр кўрсатиб, зўрлик билан. *Бой, .. сизда одамгарчилик бўлганда эди, Қудратни жабран Сибирга ҳайдадиб, ҳовлисини ўзингизники қилиб олмасдингиз.* С. Сафаров, Уйғониш.

**ЖАБРДИДА** *айн. аламдида.* *Отанадан ажралган жабрдида Абу шундан сўнг ризқ излаб, .. дайдиб кетди.* Мирмуҳсин, Она.

**ЖАБР-ЖАФО**, **жабру жафо** Ортиқ даражадаги жабр, қаттиқ жуфла, зулм. *Феодалларнинг ўзро рушларидан жабр-жафо чеккан ўрта Осиё халқлари Россияга қўйиллишдан манфаатдор эдилар.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 122.

**ЖАБР-ЗУЛМ**, **жабру зулм айн. жабр-жафо.** У [Йўлчи], *энди танҳо эмас, у ўзини дўстлар ичида, ўзи каби эзилган, жабр-зулма қариши кураш учун шайланабошлаган одамлар орасида сизди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖАБРИЙ** [а] *эск. айн. алгебраик.*

**ЖАБРЛАМОҚ** Жабр қилмоқ, зулм қилмоқ, жабр-зулм ўтказмоқ, қийнамоқ. *Табиат чиндан ҳам бевақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга пишган паррандадек жабрлаган эди. Ботинкасининг қўнжидан тортиб то шимининг почасигача лой, пальтосининг этагидан мунчоқ-мунчоқ сув томчиларди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ЖАБРЛАНМОҚ** 1 **жабрламоқ** *фл. мажх. н.*

2 **Моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ.**

**ЖАБРЛАНУВЧИ** 1 **жабрланмоқ** *фл. иш. оти.*

2 **юр. Жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки моддий зарар тортган шахс. Янги кодекс лойиҳасининг амалдаги жиноят процессуал кодексдан фарқи шуки, у жабрланувчининг ҳуқуқларини анча кенгайтиради. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 119.**

**ЖАБР-СИТАМ**, **жабру ситам айн. жабр-жафо.**

**ЖАБҲА** [а] 1 *эск. Фронт; фронт линияси. Жабҳаларда ҳушёр тур, топмасин омон душман. Файратий.*

2 **Соҳа, бора. Ҳар жабҳада биз бўлдик Ленин йўлида ғолиб.** Файратий.

**ЖАБҲАСИДА** *қўм. вазифасида* Борасида, соҳасида. *Меҳнат жабҳасида. Илм-фан жабҳасида.*

**ЖАВГАЗА** [ф-т] *айн. жавгазим.*

**ЖАВГАЗИМ** *бот.* Фарғона лоласи.

**ЖАВДАР(И)** [ф-т] 1 **Маҳаллий бугдой** (ўсимлик ва ғалласи, дони). *Жавдар ун.*

2 **дўал. Жайдари.**

**ЖАВДИРАМОҚ** (кўз) сўзи билан ёки ёлғиз) **Нажот излаб илтижо билан қарамоқ, термилмоқ. Қўл-оғи боғланиб зиндонга ташланган бахтсиз нажот излаб, ёруғ кўзлаб жавдирагандек, мен сизни излаб, сизни кўзлаб, жавдирайман.** М. Исмойлий, Фарғона

т. о. *Болаларнинг жавдираган кўзлари отада. Ота эса, нима қиларини билмай гаранг. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ЖАВДИРАТМОҚ** **жавдирамоқ** *фл. орт. н. Бувинисо .. бошига тушган мусибатларни ҳикоя қилганда одамларнинг раҳми келди, унинг қора кўзларини жавдиратиб турган ўғлига .. кўп хонадонлар бир қоса иссиқ овқатларини, кийишга ярарли эски-тускиларини аямадилар.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ЖАВДИРАШМОҚ** **жавдирамоқ** *фл. бирг. н.*

**ЖАВДИР-ЖАВДИР:** **жавдир-жавдир қарамоқ** (ёки **боқмоқ**) кўзларини жавдиратмоқ. *Гап тугар-туғамас Жавчаев ирғиб туриб, қўл кўтарди. Атрофга жавдир-жавдир боқиб, қаердан туриб гапиришни мўлжалларкан, шовқин-сурон авж олди.* А. Мухтор, Тўғлиш.

**ЖАВДИРОҚ** **Жавдираган, термилган. Жавдироқ кўзлар.**

**ЖАВЗО** [а] 1 (Ж — *катта*) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Саратов ва Савр буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 **Шамсия йил ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи** (22 май — 21 июнь даврига тўғри келади).

**ЖАВЛОН** [а] 1: **жавлон урмоқ** (ёки **қилмоқ**) 1) **жилва билан ўйноқлаб, чопиб юрмоқ. Бунёд жаҳонни жавлон уриб, яна йўл кетди, Саҳро билан чўл кетди.** Х. Олимжон. *Мана бу от-арава сизники, сизга бердим, қани ўтириб бир жавлон қилиб келинг.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) **бирор жабҳада, ишда ўзини кўрсатмоқ, мана мен деб турмоқ.** [Қудрат] *ўзини эзилган, хўрланган халқнинг бир зарраси деб билар, мана шу шўрлик халқ соадати учун курашда жавлон уриб келарди.* М. Исмойлий, Фарғона т. о.; 3) **рўёбга чиқмоқ, намоён бўлмоқ. Ғуломжоннинг кўнглида яйраган қувонч баҳори кўзларида жавлон урди.** М. Исмойлий, Фарғона т. о.

2 **Жавлон** (эркаклар исми).

◆ **Жавлон кўзлар шўх, ёниб турган кўзлар.**

**ЖАВОБ** [а] 1 **Сўроққа, мурожаатга жавобан қайтарилган гап, хат, имо-ишора ва ш. к. Қониқарли жавоб. Қатъий жавоб. Мужжал жавоб. Уқувчининг саволларга жавоби. Жавоб қайтармоқ. Жавоб қилмоқ. Жавоб ёзмоқ. Аччиқ савол бериб, ширин жавоб қутма.** Мақол. **Аҳмоққа жавоб — сукут.** Мақол. — [Ҳасанали] *қоронғида занжирни тимирскилар экан, «ким» деб сўради ва жавобига «мман» деган .. товущини эшитди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Азизбек уларга қариши олтин сопли қамчисини кўкрагига кўндаланг қўйиб, боши билан жавоб ишораси бериб олдинлар эди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Отабек .. ҳуштак берди, ҳуштак жавоби эшитилган, тешик ичига кирди.** А. Қодирий, Утган кунлар. [Кумиш] *совчиларнига ўзингиз билган*

жавобни бераверинг. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Партия ва комсомолга буюн Ленин қаҳириси эълон қилинди. Буюн мингалаб кишилар бу қаҳирӣққа ариза билан жавоб беради. П. Турсун, Ўқитувчи. | Масаланинг, муаммонинг ечими. Икки чол .. ўзларини таъминига солган муҳим масалага ҳали жавоб топмаганлар, жавоб излар эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Йигирманчи аср талабларига жавоб берадиган мукаммал мактабларни бу усулда таъшиқ қилиш маҳол, — деди Абдушукур. Ойбек, Кутлуғ қон. Аскарий интизомга муҳолиф ўзбошимчалик қилиб, бир одамни ўлдирганим учун оқсоқолларнинг ўрнига пролетариат суди олдида мен жавоб берман, — деди уни отган киши. Айний, Куллар.

2 Қетиш, чиқиш, бўшаш ва умуман бирор иш учун берилган руҳсат, ижозат; розилик. Менга бошқа сўзингиз бўлмаса, сизга жавоб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ожизамиз билан Мирза Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди. Шу тўғрида жанобингиз Мирза Анвардан тўйга уришнишимиз учун бир калима жавоб олиб берсангиз. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Далада ишининг тўғиз вақти ўтгани учун мардикорларга бундан бир неча кун илгари жавоб берилган. Ойбек, Кутлуғ қон. | Хотинини қўйиш, хотиндан ажралиш ҳақидаги розилик; талоқ. — Жавоб сўрасанг, — деди кулиб Хушрўй, — сени талоқ қилиш учун эринингиз кўзи қиядими? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Агар Зайнаб менга кундошлик қила берса, кўвингиз унинг жавобини бермоқчи. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖАВОБАН** [a] рвш Жавоб бериб, жавоб тариқасида. Суднинг саволига жавобан Сидиқжон ўн бир гувоҳнинг номини айтганида, Шарофат рўмонининг учини тишлаб донг қотиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЖАВОБГАР** [a+ф-т] 1 Зиммасига бирор ишнинг, соҳанинг масъулияти юклатилган; масъул. Жавобгар ходим. Жавобгар редактор. || Чигит экиш учун сиз ҳам Қодиров билан баб-баравар жавобгарсиз. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

2 юр. Қилмиши, хатти-ҳаракати учун жавоб бериувчи, жавобгарликка тортилувчи. Жиноий иш бўйича гувоҳлар ва жавобгарлар. — Бундай фишқ-фужур учун ўзингиз жавобгар бўлиб қолманг, яна. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЖАВОБГАРЛИ** Жавобгарлик билан боғланган; масъулиятли. Жавобгарли иш. — Жанобнинг амрлари билан, — деди Анвар уларга хитобан, — оғир ва жавобгарли бир хизматни ўз устимга олишга мажбур бўлдим. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖАВОБГАРЛИК** 1 жавобгар с. мавҳ. от. Жавобгарликка тортмоқ.

2 Ўз зиммасидаги вазифанинг бажарилиши фаолияти, хатти-ҳаракати оқибатлари учун ҳисоб беришни ёки

масъулиятга тортишни талаб қиладиган ҳолат. Маънавий жавобгарлик. Моддий жавобгарлик. Суд жавобгарлиги. Жавобгарликни ҳис этиши. Жавобгарликка тортилиш. Жавобгарлик ҳиссини кучайтириши. Ишга жавобгарлик (ҳисси) билан қараши. — Даб-даба камроқ бўлсин-у, жавобгарликни сезиш ҳисси кўпроқ бўлсин. Ш. Рашидов, Ғолиблар. [Аҳмад] бутун жавобгарлик ўз елкасига ағдарилгандай ҳанг-манг бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЖАВОБ-МУОМАЛА** Сўроқ, муомала ёки муурожаатга яраша жавоб; муомала, муносабат. Абдусаматқори эртадан кечгача ибодата ўтирар, иш билан келган колхозчиларга кўпинча раис, баъзан правление номидан жавоб-муомала қилар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЖАВОБНОМА** [a+ф-т] расм. Жавоб хати.

**ЖАВОБСИЗ** 1 Жавоб қайтарилмаган, жавоб берилмаган. || Жавобсиз кетмоқ. Редакцияга келган хат жавобсиз қолдирилмади. — «Хўп, нон олдираман» дейишга ҳам маҳдумнинг мажзоли қолмаган ҳолда, бошини қуйи солиб, жавобсиз ташқарига жўнади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Руҳсатсиз, ижозатсиз, берухсат. Жавобсиз чиқиб кетдим.

**ЖАВОН** айн. шкаф. Қитоб жавони. Қийим жавони. — Сихларда кабоб келгач, Бозоров жавоннинг пастки тор-тмасини очиб, бир ишича беш юдузли коньяк олди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ЖАВОНИБ** [a] эск. кт. Тарафлар, томонлар.

**ЖАВОҲИР** [a] 1 Қимматбаҳо тош; қимматбаҳо тошлар. Азизбек бўлса жавоҳир қадалган тожлар, олтин тах-талар, нозанин паривашлар .. ҳақидагина ўйлайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Қимматбаҳо нарса. У билди экани, чигит эмас жавоҳир. Уйғун.

**ЖАВОҲИРОТ** [a] Қимматбаҳо тошлар. Мирзакаримбой .. жавоҳиротни қайгадир яширди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЖАВПАЗАК** [ф-т] Эртапшир, чилаки. Афандининг бир туп жавпазак ўриги бор эди «Латифалар».

**ЖАВР** с. т. айн. жабр 1. Қизлар оғир бўлади, отга жавр, деди ўспирин арвакаш ҳазиллашиб. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЖАВРАМОҚ** 1 Ҳа деб гапиравермоқ, зериктирарли даражада кўп гапирмоқ, вайсамоқ. «Буни еганлар ноҳ емайди, ишнавандага сотаман», деб жавраб мақтаб, пешинда аранг сотиб тугатдим. Ғ. Фулом, Шум бола. Қурсига ўлтирандан сўнг комиссия аъзоларига .. бир-бир қаради-да, ҳеч ким сўроқ бермасдан, ўзидан-ўзи жавраб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЖАВРАМОҚ** II диал. Совуққа қотмоқ, совуқ емоқ, дийдирамоқ. Туни билан жавраб чиқдим.

**ЖАВРАТМОҚ** I жаврамоқ I фл. орт. н. Ҳайр ишни бошлайлик, жон қизим, бир соатдан бери мени жавратасан. Ҳамза, Холисхон.

**ЖАВРАТМОҚ** II жаврамоқ II фл. орт. н.

**ЖАВРАҚИ** с. т. Ҳа деб гапираверадиган; вайсақи.

**ЖАВҲАР** [a] 1 Қимматбаҳо тошларнинг умумий номи.

2 кўчма Энг қимматли, бебаҳо нарса. Муҳаббат жуда оз ийгитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ерега тош ташласангиз, жавҳар қилиб чиқариб беради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Куч, ғайрат, энергия. Эркакнинг жисмидаги жавҳар тугамайди. Ойбек, Кутлуғ қон.

4 эск. айн. Кислота. Жавҳари лиму айн. жавҳарлиму 1.

5 Жавҳар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЖАВҲАРЛИМУ** [a] 1 эск. Лимон кислотаси.

2 кўчма Тили аччиқ, заҳар одам ҳақида.

**ЖАД** қ. жад(л).

**ЖАДАЛ** [a] 1 рвш Тезлик билан, тез суръатлар билан, тез. Жадал қилмоқ, Техникани жадал тараққий эттириши. Жадал усул билан. Жадал суръат(лар) билан ишлаш. — Юкнинг оғирлигидан ёки гулчакларнинг ёғираганидан арвалар ғирчиллаб, .. жадал бормоқда. И. Раҳим, Чин мухаббат. Бу қудратли овозда улкан корхонанинг ўзига хос салобати, ҳароратини нафаси ва жадал суръати сезилмоқда. Ҳ. Назир, Янги саҳифа. Ермат бир йилдан буён қизини муносиб жойга узатишга тиришади. Лекин, бу масалани ҳал қилишда у масъулиятни .. Мирзакаримбойга топширгани учун бу тўғрида жадал қилмайди. Ойбек, Кутлуғ қон. Жадалига олмоқ жадаллашмоқ, тезлашмоқ. Дўл бир зумда шундай жадалига олдики, ер оппоқ бўйди. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

2 сфт Кечиктириб бўлмайдиган; ошиғич, шошилинч. Элмурод жадал иши бордай қиқиб кетди. Шухрат, Шнелли йиллар.

**ЖАДАЛЛАМОҚ** Жадалига олмоқ, ўз тезлигини, суръатини оширмоқ; тезлашмоқ. Шарофат болани олиб дарвозадан кириб кетгач, Сидиқжоннинг юраги «жиз» этди, .. секин бурилиб анча ергача бошини қуйи солгани ҳолда битта-битта қадам ташлаб борди, кейин жадаллади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЖАДАЛЛАТМОҚ** жадалламоқ фл. орт. н.

**ЖАДАЛЛАШМОҚ** жадалламоқ фл. ўзл. н. Иш жадаллашди.

**ЖАДАЛЛАШТИРМОҚ** жадаллашмоқ фл. орт. н. Ишни жадаллаштирмоқ.

**ЖАДАЛЛИК** жадал с. бели оти. Инобат эрталаб туриб далага чиқиб

кетди ва жадаллик билан пахта тера бошлади. Ж. Шарипов, Саодат. Ҳасанов .. етти жангчи ва бир пулемётчини олиб, плацдармда ўрнашган штабга жадаллик билан етиб келди. Н. Сафаров, Уқ ўтмас ботир.

**ЖАДВАЛ** [a] 1 Маълум тартибда сатр, катак ва устунларга, графаларга жойлаштириб берилган маълумотлар; таблица. *Қўпайтириш жадавали (мат.)* *Отларнинг турланиш жадавали (грам).*

2 Машғулот, дарс, иш, ҳаракат, тадбир-чора ва ш. к.нинг ўрни ва пайти кўрсатилган график. *Дарс жадавали. Лекциялар жадавали. Поездларнинг ҳаракати жадавалини тўзмоқ. Жадал билан иш олиб бормоқ.*

**ЖАД(Д)** [a] эск. айн. бобо 1. Бу ҳусудда шоир билан улуг жадингиз хоқон Темур .. ораларида бўлган ҳикояни ҳам эшитганман. Ойбек, Навоий.

**ЖАДИД** [a] тар. Жадиличлик тарафдори, жадиличлик ҳаракатининг қатнашчиси. Усули жадида эски мактабдаги тартиб ва ўқитиш усуллари ўрнига жадидал жорий қилган янги тартиб ва таълим-тарбия усули; бу усул, жумладан, хат-савод чиқаришда хижо системаси ўрнига товуш системасини киритган.

**ЖАДИДИЗМ** [r джадидизм] Жадиличлик.

**ЖАДИДЧИЛИК** тар. 19 асрнинг иккинчи ярми, 20 аср бошларида туркий халқлар ва тожиклар орасида юзага келган, Туркистон халқларининг турли-туман социал табақаларни манфаатларини ифодалаган, бошда маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилишга, диний мактабларнинг программасига айрим дунёвий фанларни киритишга интилган, бироқ, кейинчалик миллий буржуазиянинг тор синфий манфаатларига бўйсундирилган сиёсий оқим.

**ЖАДИЙ** [a] 1 (Ж — катта) астр. Ун икки буржнинг бири; Далв ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22 декабрь — 21 январь даврига тўғри келади).

**ЖАЖЖИ** Кичкина ва бежирим, келишган (кўпроқ болаларга, қизларга нисбатан ишлатилади). *Олти-етти ёшлар чамаси дўндиққина, оққа мойил юзчаси иссиққина бу жажжи қиз .. қўғирчоққа ўйнар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.* | Кичкинагина (нарса ҳақида): *Сенга қурдим жажжи уй, Қуриб ётгин бемалол. И. Муслим.*

**ЖАЖМАН** диал. Жажжи. [Бола] ўзи ҳам жажман, ўткир қиличини, ханжарини, кичик лекин ростакам ўқ-ёйини тақиб олди. Ойбек, Навоий.

**ЖАЗ** I Тўғралган, тўғрамча гўшт.

**ЖАЗ** II тақл. с. Қизиб турган нарсага совуқ нарса текканда, сувли нарса қизитилганда ёки қовурилганда ва ш. к. ҳолларда, чиқадиган товуш ҳа-

қида.— *Менимча,— Қоратой темир-ни сувга «жаз» босиб гапирди,— Мир-закаримбой .. сенга ён босар. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЖАЗ** III айн. жиз I.

**ЖАЗ** IV [r джаз < ингел] Турли музика асбобларидан, кўпинча уриб ва пуфлаб чалинадиган асбоблардан тuzилган оркестр.

**ЖАЗАВА** [a] 1 Ўзини йўқотиш даражасидаги асабийлик ҳолати. Ҳалқа ўртасида беш-олти киши бақириб, фигон қилиб гоҳ кўкка сакрайди, .. гоҳ жазаваси тўтиб йиқилиб қолади. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Ўзини йўқотиш даражасида завқланиш, жўш-хуруж. *Жангчиларнинг жазаваси пасайгандан кейин эшон ҳасасини кўлга олиб, қайрағоч тағига келди. Н. Юсуфий, Саидон достони.*

**ЖАЗБ** [a]: жазб қилмоқ (ёки этмоқ) ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ. *Раёно келинларча Анварга салом қилди ва жазб қилингандек Анварнинг яқинига бориб тўхтади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ЖАЗ-БУЗ** жаз II с. тақр. Қозонда ёйиш жаз-буз қовурилмоқда.

**ЖАЗВАЛ** [a] эск. I Чизғич, линейка. *Дераза тағида ўтирган аёл кўлидаги сиёҳ доғли жазвал билан тизига уриб, ора-сира ҳар тўғрида гапириб қўяди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 айн Чизик 2. *Жазвал тортмоқ.*

**ЖАЗ-ЖАЗ** айн. жаз-буз.

**ЖАЗ-ЖУЗ** айн. жаз-буз.

**ЖАЗЗА** с. т. Жазо. Жаззасини есин. *Жаззасини тортсин. — Сен билан мен бўлсак, қаттиқ нонни ҳам ея берамиз, жаззаси чойга бўқтиришда. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ЖАЗИЛЛАМА** Қизиб турган, куйдирадиган даражада иссиқ; қизиқ. *Жазиллама тупроқ.*

**ЖАЗИЛЛАМОҚ** «Жаз» этган товуш чиқармоқ. *Шийпондан нарида жазиллаб кабоб пишар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

◆ **Юрагим жазиллапти** I кўнглим чопяпти; кўнглимга ёқаяпти. *Бу қурилиш тўғрисида юрагим жазиллапти, ҳақиқатан ажойиб иш. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) юрагим ачинапти, ачинаяпман.*

**ЖАЗИЛЛАТМОҚ** I жазилламоқ фл. орт. н.

2 Куйдирмоқ, узиб олаётгандек таъсир кўрсатмоқ. *Офтоб жазиллатмоқда. Изгириш қуллоқларимни жазиллатяпти.*

**ЖАЗИЛЛАШМОҚ** Жон ачитиб, ловуллаптиб оғритмоқ. *Ярам жазиллашиб кетди.*

**ЖАЗИРА(МА)** I сфм Жуда иссиқ, куйдирадиган даражада қизиган. *Жазирама офтоб. — Июнь охирламай, жазирама кунлар бошланди. Ш. Рашидов, Фолиблар. || Эрта баҳордан буён саратон жазирамаси.*

2 от Жуда иссиқ, офтоби куйдирадиган жой.

**ЖАЗЛИК** Эгар қоптоли остига қўйиладиган бир жуфт юмшоқ от абзали.

**ЖАЗМ** [a] Катъий қарор. *Жазм қилмоқ (этмоқ).* — *Майор Семёнов, танк жанги билан боришга жазм қилган мухбир ким экан, деган маънода .. бошимдан оёғимгача тикилиб чиқди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

**ЖАЗМАН** [a] I Катъий қарор қилган, қарор берган. *Жазман харидор.*

2 с. т. Ўйнаш, хуштор. || *Жазман йигит. — Туппа тузук ўтирган одам бирдан айниб, энди ундоқ бўласан, бундоқ бўласан, жазман ҳам чиқиб қолади, деб жаҳлимни чиқардилар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ЖАЗМЛАНМОҚ** Жазм қилмоқ, астойдил, қатъий қарор қилмоқ, қарор бермоқ. *Бек ошиқ,— деди кўнглида ва жазмланиб ҳужра эшигига юриб келди [Ҳасанали]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЖАЗО** [a] I Айб ёки жинояти учун кўриладиган чора. *Оғир жазо. Ўлим жазоси. Жазо чоралари. Жазо бермоқ. Жазога тортмоқ. — Қўрқинсизку, ҳақ жойига қарор топади, ноҳақ жазосини олади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жазо отряди (ёки экспедицисси) меҳнаткашларнинг норозилик ғалаёнларини ёки кўзғолонларини бостириш учун ҳарбий-полиция отряди.*

2 Қилмишига яраша кўриладиган оқибат. *Қўй, қизим, Нури тўхмат қилган бўлса, худого солдим. Ўзи ир кун жазосини тортар, изза бўлар. Ойбек, Қутлуғ қон.— Зап қилгансиз, Отабек,— деди уста, ёмонларнинг жазоси шундай бўлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 с. т. Илож, чора. *Бунинг [тоғ қазининг] жазоси бир қулоч-бир ярим қулочлик беш-олтита таёқ. Уёғи осон. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

◆ **Нима жазо** с. т. нима азоб. *Нима жазо, кўннинг иссиғида кетмасангиз.*

**ЖАЗОЛАМОҚ** Жазо бермоқ; адабини бермоқ. *Ҳеч кимни қаммади ҳам, ҳеч кимни жазоламади ҳам, шундайми? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ЖАЗОЛАНМОҚ** жазоламоқ фл. мажх. н.

**ЖАЗОЛАТМОҚ** жазоламоқ фл. орт. н.

**ЖАЗОЛОВЧИ** I жазоламоқ фл. ш. оти.

2 Жазо отрядининг аъзоси (қ. жазо I: жазо отряди).

**ЖАЙБ** [a] эск. Чўнтак, ҳамён. *Ахир уч десат(ина) жойдаги сойнинг тошидек қовунлари қани, кимнинг жайбига кетди? А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ЖАЙДАРИ** I Маҳаллий зотга мансуб, маҳаллий (уй ҳайвонлари ва ўсимликлар ҳақида). *Жайдари олма. Жайдари пахта. Жайдари сигир.*

2 Қўлбола, хонаки. *Ўзимизнинг жайдари кетмонлар ҳам кифоя қилар эди-ку? А. Қодирий, Обид кетмон.*

3 кўчма с. т. Оддий, содда, дўлвар. *Жайдари одам.*

**ЖАЙНАМОҚ** диал. Яшнамоқ. *Саҳар вақти майна гулдай жайнадинг,*



осойишта танда жоним қийнадинг. «Равшан».

**ЖАЙРА** Териси дук шакли игналар билан қопланган, кемирувчи, сутеми-зувчи хайвон.

**ЖАЙРАН** Охуларнинг Сурияда, Эронда, Афғонистонда, Закавказьеда ва Урта Осиёда тарқалган бир тури; қорақулоқ.

**ЖАЙХУН** [ф-т] [Ж — катта] тар. Амударёнинг қадимги номи.

**ЖАКЕТ** [р < фр] Хотин-қизларнинг калта ўст кийими.

**ЖАКЕТКА** [р] с. т. Жакет.

**ЖАЛА** 1 Шиддатли ёмғир. Томиш-лаб турган ёмғир бирпасда жалага айланади. 3. Рашидов, Ғолиблар.

2 физ. Элементар заррачаларнинг шиддатли оқими. Электронлар жаласи.

**ЖАЛАЛАМОҚ** Кўпайиб, улғайиб кетмоқ. Яраси жалалаб кетибди. Кўзи-қорин жалалаб чиқди.

**ЖАЛАНГЛАМОҚ** диал. Алангламоқ.

**ЖАЛБ** [а]: жалб этмоқ (ёки қилмоқ) 1) тортмоқ, ўзига тортмоқ. Диққатни жалб қилмоқ. — Ажойиб суҳбатда Юсуфжон қизқ ширларни ҳам ўзига жалб қила олар эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик; 2) (ж. с. билан) тортмоқ, қатнаштирмоқ, иштирок эттирмоқ. Жамоат ишларига жалб этмоқ. Қурилишга жалб этмоқ.

**ЖАЛЛОБ** [а] 1 Туёқли мол олиб сотувчи. Жаллоб — турган-битгани қаллоб. Мақол. Аспи жаллоб от олиб сотувчи. Кўй жаллоб кўй олиб сотувчи.

2 кам қўл. Умуман олиб сотар, чайқовчи.

◆ Хотин жаллоб хотин олиб, хотин кўловчи.

**ЖАЛЛОБЛИК** жаллоб 1 с. касб оти. У бир умрини жаллоблик, қаллоблик билан ўтказган одам. Айний, Қуллар.

**ЖАЛЛОД** [а] 1 Ўрта Осиё хонликларида: ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини оловчи, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни ижро этувчи одам. Қалла олиб ўрганиб қолган жаллод янги қаллани олаётганида кўз юммага-нидек, ҳоким ҳам одамларни отиб, уй-қарига ўт қўйиб одатланиб қолган киши совуққонлиги билан ўшқирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Йигитлар тўтиб келтириб турадир, жаллод бош кесиб борадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Қаллақесар, қотил. Тасаддуфингиз кетай. Дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод, .. кимнинг ажали етса, пойқадамнингизда офтобни сояга етказмай, бошини кесиб келти-рамиз-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Золим, ёвуз; эзувчи. Чор жаллодлари.

— Билгакс, сиз ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖАЛЛОДЛИК** 1 жаллод с. касб оти.

2 кўчма Золимлик, ёвузлик. Бизни ким писанд қилмай, яъни қилса жал-

лодлик, Тор-мор этиб охир, қора ерга пинҳон қил. Ғайратий.

**ЖАЛОЙИР** қ. жалоийрлар.

◆ Жалоийрга жар солмоқ ай. жар солмоқ 2 қ. жар II.

**ЖАЛОЙИРЛАР** Ўзбек халқининг генетик составига кирган қабилалардан бири.

**ЖАЛЮЗА** [р жалюзи < фр] тех. Очилиб ёпиладиган параллел пластиналардан тузилган парда, тўсиқ (ҳаво ва ёруғлик оқимини ростлаб туриш учун хизмат қилади).

**ЖАМ** [а] 1 Йиғилган, тўпланган. Жамоат жам. Жам бўлмоқ. — Эрталаб кўчи қум девонларидан кўтарилган пайтда Мастура жала чой олиб келди, ҳамма жам эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Жами 1) ҳаммаси, барчаси. Йўлчи биринчи кунни бозорни айлана-айлана кечга қадар .. юк орқалади .. Жами бўлиб, бир сўм етмиш тийин ишлаган эди. Ойбек, Қўтлуғ қон; 2) ҳамма, барча. Ҳаммаларинг ўз дардларингни айтасизлар. Бундай ҳол жами халқнинг бошида бор. А. Қаҳҳор, Сароб. Хотирингиз жам бўлсин хотиржам бўлинг, ташвиш қилманг, хавотир бўлманг. Хотирингиз жам бўлсин, айтганларидан зиёда бўлади.

2 эск. ай. кўшув 2. **Жам қилмоқ** 1) тўпламоқ, йиғмоқ; 2) мат. кўшув амалини бажармоқ, қўшмоқ.

**ЖАМАЛАК** [ф-т < а] 1 Қиз болаларининг хали ўсиб етмаган, ечилиб кетмаслиги учун, одатда пахта пилик қўшиб ўрилган сочлари. [Раъно] қулоқлари устидаги жамалак сочларини ликиллатиб, апил-тапил оқ пақирчадаги сутни товоқларга қуяётибди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 диал. Сохта кокил. Қал қиз ҳам, қирқта қизни ўзига ёллаб олиб, қора иплардан орқасига жамалак қилиб, бу ҳам мис патнисларга солиб, кўтартириб жўнади. «Муродхон».

3 диал. Сочга тақиладиган зийнат асбоби; сочпопук.

**ЖАМАРГА** 1 ай. жамғарма.

2 Бисот, мол, бойлик. Тўй белгилангандан бир кун кейин жамарғаси ҳам келди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖАМБИЛ** ай. жанбил.

**ЖАМИ(Й)** [а] ай. жами(й)ки. Одамлар тўлқини Тошкентнинг жамий кўчаларидан дарё-дарё бўлиб оқиб бир-бирига қўшилиб, сўнгга ҳаммаси қадимги Шайхантахур бўйлаб янги шаҳар томонга денгиздай тўлқинлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖАМИ(Й)КИ** белг. олми Барча, ҳамма, бутун. Жамики меҳнаткашлар яктан бўлиб қўйса, бойларни ва қонхўр Николайни ағдариб ташлаши турган гап. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ЖАМИЛА** [а] 1 эск. кт. Соҳибжамол, хусндор, чиройли, гўзал. Мирзо Анвар каби донишманд етиштирган киши оқила ва жамила қиз тарбия қилмаганмикин, деган андишага борибдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Жамила (хотин-қизлар исми). **ЖАМИЯТ** [а] 1 Тарихий тараққиётнинг маълум босқичида моддий бойликлар яратишнинг муайян усуллари ва муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи. *Феодал жамият. Капиталистик жамият. Синфий жамият. Коммунистик жамият* — синфсиз жамиятдир.

2 Бирор мақсадда тузилган ихтиёр бирлашма, ижтимоий ташкилот. *Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият. «Пахтакор» спорт жамияти. Матлубот жамияти*. Кўрлар жамияти.

3 Жамият доира кишилари, аҳллари.— *Албатта, терифуруш савдогарларга, билимнинг нима ҳолати бор? Биз, албатта, у жамиятнинг кишилари эмасмиз. Бизда билим ҳаёт билан қўшилиши керак,— деди Давронов. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЖАМЛАМОҚ** 1 Тўпламоқ, йиғмоқ.— *Талабингиз ўринли,— деди қушбеги,— аммо .. бириси кунни бешовингизни бир ерга жамлаб ўз ҳукмишни берармиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 эск. мат. Жам қилмоқ, қўшув амалини бажармоқ, қўшмоқ.

**ЖАМЛАНМОҚ** 1 жамламоқ *фл. мажх. н.*

2 жамламоқ 1 *фл. ўзл. н.* Уларнинг қисқа мазмундор сўзларида олам-олам маъно жамланган.

**ЖАМЛОВЧИ:** жамловчи сон грам. шахс ёки предметнинг тўдасини билдирувчи сон, мас. икков, учаласи, тўрттовимиз, бешовол.

**ЖАМОА** [а] 1 диал. Қишлоқ ва унинг аҳолиси. *Дўстмат пулни санаб чўнтакка солмасданок, жамоада ҳар бир оиланинг тўйнуғидан чиқадиган тутунга қараб, элликоши етиб келди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 диал. Қишлоқ совети. *Дадамни икки марта жамоа чақиртирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

3 эск. Бир тўда, гуруҳ кишилар. *Дехнавнинг ўзида «ўйжалар» деган бир жамоа борки, булар ҳам ўша эски қуларнинг авлоди дейдилар. Айний, Қуллар. Икки-уч йилдан бери уйларига кун сайин совчилар жамоаси ёғилиб ётганлигидан, бу совчилар ҳам ўшаларнинг бирисидир, деб ўйлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 ай. обичина. *Марҳамат қилиб айтинг-чи: «Жамоа ва чек ерга тарафдор бўлиш» билан социализмнинг нима алоқаси бор? В. И. Ленин, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?*

**ЖАМОАТ** [а] Бир тўда кишилар, халойиқ, кўпчилик. *Жамоат мулки. Жамоат қорхоналари. Жамоат хўжалиги. Жамоат фирми. Жамоат қораловчиси. Жамоат ишлари.* — Юсуфбек .. Эскижўвада азим бир жамоат йиғиб, Азизбек билан бўлган можаросини сўзлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қамишқанада паранжани эво-*

ханга биринчи иргитиб, жамоат ишига биринчи аралашган аёл [Ойимхон-она] қуллик билан озошлик ўртасидаги тафовутни тўла ҳис қилиб, кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизмай қолмас эди. П. Турсун, Ҳўқитучи.

◆ **Жамоат жам** ҳамма йиғилган, ҳамма ҳозир. Овқатни Комилжон келганда сузасан, жамоат жам бўлиб учамиз. И. Раҳим, Ихлос.

**ЖАМОАТЧИ** Жамоат ишларида жонбозлик кўрсатувчи; активист. *Актив жамоатчи.* || *Жамоатчи ёшлар.*

**ЖАМОАТЧИЛИК** 1 Жамоат, жамият ва унинг илғор қисми. *Совет жамоатчилиги. Илмий жамоатчилик. Социалистик тартибни мустақамлашда жамоатчилик ҳал қилувчи куч бўлиб қолди.*

2 Жамоат ишларида актив қатнашиш; активлик. *Совет тузуми миллион-миллион кишиларни юксак жамоатчилик бурчини ҳис қилиш руҳида тарбиялади. Жамоатчилик асосида ёки жамоатчилик йўли билан жамоат кучи, фаолияти билан; пулсиз. Жамоатчилик асосида қурилган стадион.*

**ЖАМОЛ** [а] 1 Чиройли юз, гўзал чеҳра. *Ғуломжон унинг жамолини кўриб сурат бўлиб қолди. Ун беш-ўн олти ёшларда, юзлари ширмондай чиройли қиз эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Ҳусн, кўрк, чирой, гўзаллик. *Бу баҳорнинг ҳазони йўқдир. Кун сайин тўлишар жамоли. Уйғун. Элимзининг баҳоридек камоли пахтадан, юртнинг киздек етилиши, жамоли пахтадан. Е. Мирза.*

3 Жамол (*эркаklar ва хотин-қизлар иси*).

**ЖАМУЛЖАМ** [а] Ҳаммаси бўлиб, бор йўғи, йиғиндиси, жами. *Харидорнинг жамулжам пули бир сўм етти тийин қиқиб, уч тийин етмай қолди. Ғ. Ғулом, Шум бола. Мен оддий граждан, менинг овозим, Асрлар овозин жамулжамидир. Шухрат. Жамулжам бўлиб 1) ҳаммаси бўлиб; 2) тўпланиб, йиғилиб, жамоат жам бўлиб.*

**ЖАМҒАРИЛМОҚ** жамғармоқ *фл. ўзл. ва мажх. н. Жамғарилган пул. Жамғарилган ем-хашак. Капиталнинг жамғарилиши.*

**ЖАМҒАРМА** Харажатлардан, чиқимдан орттириб, тежаб-тергаб тўпланган пул; маблаг. *Меҳнат жамғармаси. Пландан ташқари жамғарма. Жамғармаларни кўпайтириши. Иш кучини елга берма, ерга бер, жамғармани селга берма, элга бер. Мақол.*

◆ **Жамғарма капитал** ёки **капитал жамғармаси** эк. капиталистик тузумда: қўшимча қийматнинг капиталга айланган қисми ва унинг кенгайтирилган капиталистик тақдор ишлаб чиқаришда фойдаланилиши. **Социалистик жамғарма** эк. социалистик тузумда: миллий даромадан бир қисмининг кенгайтирилган социалистик тақдор ишлаб чиқаришда фойдаланиши.

**ЖАМҒАРМОҚ** Харажатлардан, чиқимдан орттириб, тежаб-тергаб тўп-ламоқ, оз-оздан йиғмоқ. *Мен таҳсил учун пул жамғариш мақсадида Лоҳурда катта бир складда юк ташувчи бўлиб ишладим. Ойбек, Нур қидириб. Граждандарнинг ўз меҳнатлари билан топаган даромадлари ва жамғарган мол-мулкларига шахсий эгаллик ҳуқуқини қонун қўриқлайди. «ЎзССР Конституцияси». | Ғамламоқ, йиғмоқ. Дон уруғларини жамғариш. Қиш учун ем-хашак жамғармоқ.*

**ЖАНБИЛ** 1 Бир йиллик хушбўй кўкат; ошкўк.

2 Жанбил (*эркаklar исми*).

**ЖАНГ** [ф-т] 1 Қуролли кучларнинг; ҳарбий қисмларнинг қонли тўқнашуви. *Қўл (найзабозлик) жанглари. Ҳаво жанги. Жанг майдони. Жанг ас-лаҳалари. Жанг қилмоқ. — Мадад учун юборилган немис танкларининг йўлини бизнинг танкларимиз тўсган, сойликда танклар жанги бўлмақда эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Қишлоқ ярим кечагача бўлган кўча жангларидан сўнга душмандан батамом тозаланди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Қарама-қарши ижтимоий гуруҳларнинг, синфларнинг қаттиқ тўқнашуви, кескин кураши. *Кўкракдан оқ қанг қонга беланиб ётса ҳам [Йўлчи] фикран, руҳан жангда — курашда эди. Ойбек, Қўлғу қон. | Қийинчиликларни, тўсқинчиликларни энгиз мақсадга эришиш учун қилинаётган иш, ҳаракат, кураш. Ўзбек халқи тинчлик кунларида катта меҳнат жангларини кўрди ва ғалаба қилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Меҳнат жабҳасида солдатман, Ер остида борар жангларим. Е. Мирза.*

3 Спорт ўйинларида томонларнинг кураши; мусобақа.

4 *Кўча* Зўр тортишув, баҳс, мунозара. *Очилгач келиб эртаси ҳужраси, Қилур жангу жанжал ҳар эртаси. Муқимий.*

◆ **Даҳанаки жанг қ. даҳанаки.**

**ЖАНҒАРИ** [ф-т] Жанжалкаш; уришқоқ. *Жанғари бола. — Муҳаббатнинг ўзи шунақа жанғари-роқ,— деди боласидан меҳр тўла кўзларини узмай Турсуной. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.*

**ЖАНГГОҲ** [ф-т] Жанг майдони. *Бир кўришга зорман, тунда бедорман, Қайси жанггоҳдасан марди майдоним? Т. Тўла.*

**ЖАНҒ-ЖАДАЛ** Шиддатли жанглр, қизғин курашлар. *Унинг баданидан она тупроқ интизорлиги, жанг-жадал суронлари ҳордиғини суғуриб олаётгандек эди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ЖАНГИЛЛАМОҚ** Жаранглаган овоз чиқармоқ. *Ҳужранинг деворларидан чанг ёғди, тоқчадаги мис лаган жангиллаб кетди. А. Қаҳҳор, Башорат.*

**ЖАНГИЛЛАТМОҚ** жангилламоқ *фл. орт. н.*

**ЖАНГИР-ЖУНГУР** тақл. с. Жангдор нарсаларнинг, мас. кўнғи-

роқнинг узлуксиз урилишидан чиқадиган товушлар ҳақида. *Эшик ёнидаги сув тўла тунука баксинг қулоғига занжир билан боғланган .. кружка қўлдан қўлга ўтиб жангир-жунгур қилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ЖАНГНОМА** [ф-т] Уруш ва жанглар солномаси, ҳикояси; уруш ва жанглар ҳақидаги бадий асар. *Раҳматлик уста Мўминга кечалари жангнома ўқитиб, эшитганларимиз эсингда борми? Ўша ҳазилакам урушлар тўғрисида лоф-қоф уриб ёзилган жангномаларга шунча қизиқар эдик. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

**ЖАНГОВАР** [ф-т] 1 *эск. айн. жангчи. Катта майдон жанговарлар билан тўла. Ойбек, Навоий.*

2 Уруш-жанга оид, уруш-жанг олиб бориш учун белгиланган; ҳарбий. *Петька унинг сўзига диққат билан қулоқ солди-да, мишиғида қулди ва жанговар бир эпизодни айтиб берди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Юрвез учинчи рота командирига ўн томондаги душман ротасининг жанговар позициясини аниқлашни буюрди. Шухрат, Шинелли йиллар. Шинели белвизача тушган Али тажсанг ҳам, бел, милтиқ ва бошқа жанговар буюмларини эплай олмасдан қийналувчи баҳайбат Асқар полов ҳам келиб ўзбекча чўққайишди Ойбек, Куёш қораймас.*

3 Урушда бўлган, жангларда қатнашган ва чиниққан, уруш-жангларда ўзини кўрсатган; шижоатли. *Жанговар халқ. Жанговар полк. — Асридан қанча кўп зерикса, шунча кўп батальонини, ундаги жанговар дўстларини эслайдиган бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

4 *Кўча* Кескин кураш олиб борувчи, курашга астойдил бел боғлаган; оташин. *Жанговар меҳнат.*

5 *Кўча* Курашчан, фаол. *Жанговар атеизм. Жанговар шоир. — Абдолтининг «Ўзимизни ишда ҳам кўрсатайлик» деган сўзлари бригада қизларининг жанговар шиори бўлиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

6 *Кўча* Жуда муҳим, кечиктириб бўлмайдиган, тез фурсатда бажарилиши зарур бўлган, зарурий. *Жанговар вазифа.*

**ЖАНГОВАРЛИК** жанговар 3—6 с. белги оти. *Коммунистларнинг партия қарорларига пассив ва формал муносабатда бўлиши партиянинг жанговарлик қобилиятини сусайтиради. «ҚПСС Устави».*

**ЖАНГСИЗ** Жанг бўлмасдан; жанг қилмасдан. *Бўлнчма кечагина душман батареяси турган тепаликни айланиб ўтди ва жангсиз илгари қараб юрди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**ЖАНГЧИ** 1 Уруш қатнашчиси, урушда, жангларда қатнашаётган киши. *Жангчиларнинг қудратли овози ер-кўкни ларзага келтирди, замбарак овозидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, душман оқоғлари устига ёғилди. Ж. Ташенов, Жангчи Утеген.*

2 Одий аскар, солдат. *Пидда аскарларнинг жанговар уставида командирнинг буйруғи — қонун, командир нотўғри буйруқ берса ҳам, жангчи аввал буйруқни бажариб, ундан кейин шикоят қилиши керак дейилган.*

А. Қаҳор, Олтин юлдуз.

**ЖАНДА** 1 Дарвеш ва қаландарларнинг улоқ-қуроқ тўни. *Ишла, ишлов вақти келди, Ётма гофия бандалар. Битсин, энди эски турмуш, Ул кулоҳу жандалар. Ҳамза. | Умуман улоқ-қуроқ ёки жулдур кийим.*

2 Болалар ўйинида: ўйинни яхши билмайдиган болага икки марта ўйнаш учун берилган ҳуқуқ.

**ЖАНДАПУШ** эск. 1 Дарвеш, қаландар.

2 Улоқ-қуроқ ёки жулдур кийган киши.

**ЖАНДАРМ** [р < фр] қ. **жандарм(а).** **ЖАНДАРМ(А)** Жандармерия ва унинг хизматчиси, ходими. *Уни [Кудратни] жандарм исковчилари тутиб қамадилар. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

**ЖАНДАРМЕРИЯ** [р] Буржуа мамлакатларида: сиёсий муҳофаза, тинтув ишлари олиб бориш, революцион харакаتلарга қарши кураш учун хизмат қиладиган махсус полиция кўшинлари. *Чор жандармерияси. Жандармерия офицери.*

**ЖАНЖАЛ** 1 Бир-бири билан айтишиш, сану-манга бориш; уришиш. *Хар кунни жанжал бўлмаганда ҳам, ҳафтада, ўн кунда бир тўпонон чиқмаса, албатта, кундошни кундош деб бўлмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳали ош вақтида ошнинг тузини паст қилиб қўйибсан ёки шўр қилиб қўйибсан, деб баҳона қиламан-да, катта жанжал чиқараман. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.*

2 Бир-бири билан даъволашиш, ҳақ талашини; даъво. *Жанжал комиссияси.*

**ЖАНЖАЛҚАШ** Жанжални яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган; жанжалчи. *Жанжалқаш одам.*

**ЖАНЖАЛЛАШМОҚ** 1 Жанжал қилмоқ, айтишмоқ, сану-манга бормоқ. *Зайнаб билан жанжаллашишининг ўзи бир ҳузур ва жанжалдан бўшагач, қайин отанинг қаршисига ўтириб насихат эшитиш ундан ҳам ҳузур. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Даъволашмоқ, ҳақ талашмоқ. *Хўжайин билан уришиб, жанжаллашиб, жуводизни ундириб олдим. «Эртақлар».*

**ЖАНЖАЛЛИ** 1 Жанжаллардан, можаролардан ҳоли бўлмаган. *Жанжалли уйда барака бўлмас. Мақол.*

2 Даъволашувга, баҳслашув-тортишувларга сабаб бўлган. *Жанжалли масала.*

**ЖАНЖАЛСИС** 1 Можаросиз, бежанжал. *Қасам ич! Мен билан кетиб, қочмай, жанжалсиз турсанми, йўқ?! Ҳамза, Холисон.*

2 Даъволашиб юрмай, битишув билан. — *Мана бу ишинг жойида, Бегим, — деди Бозоров кулиб. — Ахир шу ишни жанжалсиз қилсақ бўлмасмиди? И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ЖАНЖАЛ-СУРОН** Зўр жанжаллар, можаролар. *Бола-чақали одам хотин устига хотин олса, уйда ҳар кун жанжал-сурон бўлиши шубҳасиз. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ЖАНЖАЛЧИ** айм. жанжалқаш.

**ЖАННАТ** [а] 1 Диний-мистик тасаввурларда: диндор бегунох кишиларнинг руҳи у дунёда роҳат-фароғатда яшайдиган жой; бихишт. *Уста Турдиали у дунёдаги жаннат роҳатидан кўра ҳозир юрагини бўйлаб олишни афзалроқ кўриб, худога хитоб қилди: «.. бу қилмишинг аҳмоқлик!» А. Қаҳор, Қабрдан товуш. Амир Темурафандидан сўради: — Одамлар қачонгача тугилиб ўлаверади? — Дузах билан жаннат тўлғунча. «Латифалар».*

2 Қўйма Ҳамма нарса муҳайё бўлган, роҳатбахш, хушманзара, обод жой. *Яхши рўзғор — жаннат, ёмон рўзғор — дўзах. Мақол. — Бўйсин деймиз жаҳон бўйлаб Инсонлар ери жаннат, Яшасинлар бахтни куйлаб Худованддан беминнат. Шайхзода. Жаннат, жаннат дейишади-ю, жаннат деганлари Қорабулоғимиздан яхшимикан? М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

3 Жаннат (хотин-қизлар исми). **ЖАННАТИ** [ф-т < а] дин. Жаннатга тушадиган бегунох одам.

**ЖАНОБ** [а] (кўпинча «жаноблари», «жанобингиз» ф-да) 1 Революциядан илгариги даврларда: амалдорлар унвони ёки уларни улуғлаш формаси. [Шайхулислом:] *Демак, жанобларининг ҳукми жиддий? [Навоий:] Тақсир, салтанат ишларида ҳазил бўлмайди. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Жаноби олийлари қ. олий 1.*

2 Буржуа ва феодал жамиятларида: юқори табақаларга мансуб кишилар, улуғ шахслар исми ёки мансабига қўшилиб хурмат ифодалайди. *Бу замонда Навоий жанобларидек пок одам ҳаргиз топилмас. Ойбек, Навоий. Қози домла мухтарам Тешабой жанобларининг илтифотларидан мамнун бўлиб дилар. М. Исмоилий, Фаргона т. о. — Мудир жаноблари, — ётиғи билан мурожаат этди Аҳмад Хусайн, — мен тарбия бобида ҳеч қандай хато қилганим йўқ, Ойбек, Нур қидириб.*

3 Чет эл арбобларига нисбатан хурмат, расмийат билдиради. *Эли жаноблари. Премьер-министр жаноблари. ЖАНОЗА* [а] дин. Ўлган киши ҳақида бағишлаб дафн олдидан ўқиладиган намоз.

◆ **Жаноза ўқилди с. т.** адоий тамом бўлди.

**ЖАНР** [р < фр] Бадий асарларнинг сюжет ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳар бир тури. *Лирика жанри. Ҳажв жанри. Қўшиқ жанри.*

**ЖАНУБ** [а] 1 Дунёнинг тўрт асосий

тарафларидап бири, шимолнинг акси; кун чқиш томонга қараб турганда — ўнг қўл томон, шимолга тескари йўналиш. *Деразалари жанубга қараган уй. Самолёт жануб(га) томон йўл олди.*

◆ **Кунгайда, қишлоқнинг жанубида** чўккалаган ва этагига қазувчилар мазил қурган бу пастак тоғ Музлоқ тоғ деб аталарди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Шу тарафда жойлашган ерлар, ўлкалар; иссиқ мамлакатлар. *Жанубда ўсабдиган ўсимликлар. — Бизни меҳмон қилди деб, Қадримизни билди деб, Сенга раҳмат айтмамиз, Сўнг жанубга қайтамиз. Уйғун.*

**ЖАНУБИЙ** [а] Жанубга оид; жанубга хос бўлган; жануб томондаги. *Жанубий кутуб. Мамлакатнинг жанубий чегаралари. Қримнинг жанубий соҳили. Жанубий районлар. Жанубий мамлакатлар.*

**ЖАНУБИ-ШАРҚ** [а] 1 Жануб билан шарқ ўртасидаги тараф; жануб билан шарқ ўртасидаги йўналиш. *Ўзбекистоннинг жануби-шарқида. Самолёт жануби-шарққа йўл олди.*

2 Шу тарафдаги ерлар, ўлкалар.

**ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ** [а] Жануби-шарққа оид, жануби-шарққа хос бўлган; жануби-шарқ томондаги.

**ЖАНУБИ-ҒАРБ** [а] 1 Жануб билан ғарб ўртасидаги тараф; жануб билан ғарб ўртасидаги йўналиш. *Тошкентнинг жануби-ғарбида: Жануби-ғарбга йўл олмоқ.*

2 Шу тарафдаги ерлар, ўлкалар.

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ** [а] Жануби-ғарбга оид, жануби-ғарбга хос бўлган. **ЖАПС** Бир-бири билан зич боғланган; жипс, зич. *Жапс бўлиб. — Икковинг ҳам бир-биринга интизор, Ошиқларнинг сўзи шундай жапс келар. «Алпомиш».*

**ЖАПСАК** Кесакнинг деворга ўрнатилган еридаги тирқишни бекитиш ва ҳусн бериш учун эшик, дераза атрофига қоқиладиган энсиз жимжимадор тахта.

**ЖАР** 1 [ф-т] Четлари ўпирилган чуқур сойлик; чуқурлик. *Чуқур жар. Паст жар. Ёв йўқ дема — жар остида, бўри йўқ дема — бўрк остида. Мақол. — Азизбек сипоҳлари ила жарга тушди ва сув кечиб ҳалиги тепага юзланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У ўрик шохидан эмас, жар ёқасидан жуда пастга, тагсиз чоғга қулаб тушаётгандек жуда ёмон кўрүк кетди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

◆ **Жар ёқасида** ҳалокат олдида, ҳалокат ёқасида. *Ахир, жар ёқасида турибсиз-ку, Комилжон. Ҳ. Фулом, Машъал.*

**ЖАР** II [а < жахр]: жар солмоқ 1) жарчи қўйиб ҳаммага хабар бермоқ, эълон қилмоқ. *Эрта билан Хўжа-ориф Бозоридан бир жарчи юқоридаги мазмунда жар солмоқда эди. Аммо .. қочган қулардан бирон из-асар тополмадилар. Айний, Қуллар; 2) кўчма овоза қилмоқ, гап тарқатмоқ,*

ҳаммага билдирмоқ. *Гузарда гап кутиб ётган Мирвали бангига ўхшаш «достончилар» мулла Обиднинг қўлида кўрилган кетмон ҳақида Тиктепа қишлоғига жар солиб юбордилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Жалойирга жар солмоқ айн. жар солмоқ 2.*

**ЖАРАЁН** [a] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бориши, ривож, оқими; процесс. *Тарихий тараққиётнинг объектив жараёни.* ■ Дарёни янги изга солувчи, шаҳарни тамоман янги бир қиёфага киргизувчи одамлар бу иш жараёнида ўзларини ва ўз турмушларини ҳам ўзгартадилар. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЖАРАНГ** тақл. с. Металл, чинни, шиша буюмларнинг урилишидан чиқадиган оҳангдор товуш ҳақида; тақ, жиринг. *Расталарда оломоннинг шовқини, олтин-кумушининг жаранги. Ойбек, Қутлуғ қон. Унинг [келинчакнинг] кулгиси жонон пиёланинг жарангидай тиниқ эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЖАРАНГДОР** Металл тебридаги оҳангдор товуш чиқарадиган; жаранглама, жарангли. *Жарангдор кўбиз.* ■ Анна Ивановна ўзининг жарангдор товуши билан қаҳ-қаҳ уриб қулди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЖАРАНГ-ЖУРУНГ** айн. жангир-жунгур. *Бостирма устунига осилган релс парчасининг таниш жаранг-жунгунг бутун қурилиш майдонини тўлатиб янгради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ЖАРАНГЛАМА** 1 айн. жарангдор. *Жаранглама дутор.*

2 кўчма салб. Дабдабали, ҳашамдор; қуруқ. *Социализм даврида эркинлик жаранглама қуруқ сўз эмас, балки жамиятнинг моҳиятидир. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 159.*

**ЖАРАНГЛАМОҚ** 1 Металл тебри каби оҳангдор товуш чиқармоқ; тақ, жирингламоқ. *Токчадаги чинилар жаранглаб кетди. Соат жаранглади. Кўнғироқ жаранглади. Дутор жаранглади.* ■ Афанди пулни олиб .. юқорига ташлайди ва тахтага тушиб жаранглашини кутади. «Латифалар». Тўхтастоннинг кўнғироқдай жаранглаган овози қизларнинг кулгиси ичидан алоҳида эшитилиб турар эди. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

2 кўчма Янграмоқ, баралла эшитилмоқ. *Газета саҳифаларида жаранглаган бу сўзларда халқнинг ўз фарзанди Юсуфжон қизиққа бўлган муҳаббати, иззат-ҳурмат туйғулари ифодаланган. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

◆ **Қулоқлари жаранглади** қулоқларига жаранглаган овоз эшитилаётгандек туюлди.

**ЖАРАНГЛАТМОҚ** жарангламоқ фл. орт. н. *Кўнғироқдай овозини жаранглашиб гапирмоқ.* ■ Бўйинларига осилган кўнғироқларни оғир жаранглашиб туюлар ўтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖАРАНГЛИ** 1 айн. жарангдор. — *«Низоранинг кулиши бундан ҳам жа-*

*рангли», — деди ўзига-ўзи Шербек. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 лингв. Товуш пайчаларининг иштироки билан ҳосил этиладиган. *Жарангли ундош.*

**ЖАРАНГЛИЛАШМОҚ** лингв. Жаранглилик хусусиятини олмоқ (ундош товушлар ҳақида).

**ЖАРАНГСИЗ** 1 Жарангламайдиган. *Жарангсиз пиёла.*

2 лингв. Товуш пайчаларининг иштирокисиз ҳосил этиладиган. *Жарангсиз ундош (товуш).*

**ЖАРАНГСИЗЛАНМОҚ** лингв. Жаранглилик хусусиятини йўқотмоқ (ундошлар ҳақида).

**ЖАРАҚ-ЖАРАҚ** тасв. с. Асо сан олтин-кумуш пулларнинг ялтираши ҳақида. *Ер сотанларнинг кўпини кўрдик, охири гадоё бўлади. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни жарақ-жарақ санаб оладилар. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЖАРАҚЛАМОҚ** Ярақламоқ, ярқирамоқ, ялт-ялт этмоқ (асли олтин-кумуш пул ҳақида).

**ЖАРАҚЛАТМОҚ** жарақламоқ фл. орт. н. *Пулни жарақлатиб санаб олди.*

**ЖАРГОН** [p < фp] Бирор социал ёки профессионал группанинг шу группа диди ва талабларига мос сўз ва иборалар билан адабий тилдан фарқ қиладиган специфик тили. | Фақат маълум группа кишилари тушунадиган шартли тил; арго.

**ЖАР-ЖУЛГА** Турган-битгани жар ерлар; жарликлар.

**ЖАР-ЖУР** айн. жар-жулга.

**ЖАРИДА** [a] эск. тўплам, альманах, журнал. — *Бу, отажон, мажмуа, жарда, деди Абдушукр, — ойда икки дафъа .. босилиб, аҳли илм орасида тарқалади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЖАРИМА** [a] 1 Қонун-қондани бузганлик, қонун-қондага хилоф хатти-ҳаракат учун тўланадиган пул; штраф. *Жарима олмоқ. Жарима солмоқ.* ■ Бефарзандлик аламин фуқародан оларкан, Қим фарзанд кўрса, унга хон жарима соларкан. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

2 Зарарни қоплаш учун белгиланган тўлов, тоvon. *Утган етти ой мобайнида .. завод сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун 150 минг сўм жарима тўлади. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 208.*

**ЖАРИМАДОР** [a + ф-т] эск. Жарима, штраф солинган киши ёки ташкилот.

**ЖАРКОП** [p жаркóе] Гўшт ва картошкадан тайёрланган қовурма овқат; қовурдоқ.

**ЖАРЛИК** Жар жой, жар ер, жар. *Чуқур жарлик. Тубсиз жарлик.* ■ Олтинсой жарлиги қанча чуқур бўлмасин, жуда тор ва тўғон қуришга ўнғай. Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Жарликда кезиб юрган тоғ шалоли .. шалола тепасида доим осилиб турган .. сув*

*зарраларини атрофдаги ўтлоқлар, дарахтларга пуркайди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЖАРОҲАТ** [a] 1 Шикастланган, синган, чиққан, яраланган жой; яра-чақа. *Оғир жароҳат. Енгил жароҳат. Ёмон жароҳат с. т. куйдирги.*

2 кўчма Катта зарар, зиён-заҳмат. *Совет халқи ҳаммаси бўлиб беш-олти йил ичида .. уруш жароҳатларини тузатди.*

3 кўчма Юракдаги алам, яра, доғ. *Бошимда турли савдо, Кўксимда минг жароҳат. Файзибиби. Мақтуб унинг [Кумушининг] юрак жароҳатини қайтадан тирнаб ташлаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЖАРОҲАТЛАМОҚ** 1 Ярадор қилмоқ, шикаст етказмоқ.

2 кўчма Алам ўткизмоқ, юракни доғламоқ, дилга озор бермоқ. *Ҳамма иш жойида, лекин бир нарсагина кўнглининг инеичка ерини жароҳатлайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЖАРОҲАТЛАНМОҚ** жароҳатламоқ фл. мажж. н. *Унинг оёғи жароҳатланди. — Дарахт устимизга ағдарилиб, .. беш киши оғир жароҳатланди. Х. Худойбердиев, Халқ манфаати учун курашда.*

**ЖАРОҲАТЛИ** 1 Ярадор, яраланган, шикаст еган.

2 кўчма Алам ўтган, доғланган, озор топган; аламдйда.

**ЖАРРОҶ** [a] эск. айн. хирург. *Оғриқ азобидан тўлғанаётган Пўлатжоннинг хаёлидан жанг тўфонлари, .. госпиталь жарроҳининг йилтироқ асбоблари бир-бир ўтаверди. С. Аҳмад, Қадрон даладар.*

**ЖАРРОҶИЯ** [a] эск. айн. хирургия.

**ЖАРЧИ** 1 тар. Одамлар кўп тўпланадиган жойларда расмий эълонлар эшиттириб юрвчи киши. *Эртасига жарчилар шаҳар ва қишлоқларда халқни ҳаширга чорлаб, жар чақирдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 кўчма Хабар-дарақ берувчи. *Йўлдан салина нарида бўрон жарчиси пайдо бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бизнинг мамлакатимиз халқлар улғў дўстлигининг жарчиси ва ижодкоридир.*

**ЖАРҚАЛДИРҒОЧ** Узунқанотлилар туркумига мансуб, ерда юролмайдиган, лекин тез учадиган қуш.

**ЖАРҚАНОТ** Чумчуқсимонларга мансуб, қояларда, тик жарликларда яшайдиган қуш.

**ЖАСАД** [a] 1 Ўлик, мурда. *Бизлар .. қаҳрамоннинг жасоди устида жим туриб қолдик. М. Мухамедов, Қаҳрамон изидан.*

2 Гавда, жусса. *Энкайиб кўлга қаради, сувенинг ичида ўзини кўрди: худди .. жасоди .. Қултойнинг ўзи бўлди. «Алпомиш». [Ғофир Жамлага:] Бу золимлар юрагимни суғуриб олдилар, қуруқ жасадимни сибори қиладилар, холос. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ЖАСОРАТ** [a] Мардонавор иш, ҳаркати; мардлик, ботирлик, довиюрак-

лик. Совет жангчиларининг фидокорона жасорати. Жасорат қилмоқ. Жасорат кўрсатмоқ. — Ойқизнинг барча ҳаракатларини диққат билан кузатган Лола унинг жасорат ва мардлигига, чидам ва садоқатига қойил бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Уктам янги ёш колхозни оёққа қўймоққа азм ва жасорат билан киришди. Ойбек, О. в. шабадалар. «Мен сизни танидим .. танидим» .. дегиси келди-ю, лекин жасорат қилолмади. П. Турсун, Ҷўитувчи.

**ЖАСОРАТЛАНМОҚ** айн. жасурланмоқ. Паҳлавонларча жасоратланиб кетган Омон шартта кўйлак-иштонини ечиб, ўзини ҳовузга ташлади. Ф. Фулом, Шум бола.

**ЖАСОРАТЛИ** айн. жасур. Жасоратли йиғит.

**ЖАСОРАТСИЗ** Хавф-хатардан, қийинчиликлардан қўрқадиган, журъатсиз, қўрқоқ. Жасоратсиз одам.

**ЖАСОРАТСИЗЛИК** Хавф-хатардан, қийинчиликлардан қўрқини; журъатсизлик, қўрқоқлик. Гулнор егё ўзини жасоратсизликда айбланган ва ўз аҳволдан умидсизланган, ўқинган каби, кўзлари ёш билан тўлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖАСУР** [a] Хавф-хатардан, қийинчиликлардан қўрқмайдиган; мард, довжурак. Жасур жангдан қўрқмайди, ёдан сира ҳуркмайди. Мақол. — Мардлик майдонига бел синаш учун Жасур ўзбек халқининг ўғли отланди. Ф. Фулом. || Халқ дадил боради. Айниқса, хотинлар — оналар жасур. Улар Николайдан тортиб эликбошиларга қадар ҳаммани қарғашади. Ойбек, Қутлуғ қон. || [Унсин] қаддини кўтариб, жасур боқди Шарофатхонга. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖАСУРЛАНМОҚ** Жасорат қилмоқ; журъат қилмоқ, ботинмоқ, дадилланмоқ. [Бектемир] кейин бир қадар жасурланиб .. бошини бир икки марта кўтариб қўйган эди, каскасининг ёнидан визиллаб ўқ учди. Ойбек, Куёш қораймас.

**ЖАСУРЛИК** 1 жасур с. белги оти. Табиат стихиясини енга оладиган бирдан-бир куч — одамлар, совет кишилари, улардаги жасурлик.

2 айн. жасорат. Тепалик учун бўлган жангда жасурлик кўрсатиб, душманнинг жонли кулларига, техникасига талафот етказгани учун қўмондонлик миномёт расётининг командири Бегижон Курбоновни «Жасурлик учун» медали билан мукофотлади. Н. Сафаров, Севги.

**ЖАСУРОНА** [a + ф-т] рвш Жасурлик билан, қўрқмасдан; мардона. Жасуруна курашмоқ. || Жасуруна кураш. — Чиндан ҳам бу жасуруна исён хотин-қизлар томонидан Худобёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилишни эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖАТ:** жатига қолди с. т. бошқаларнинг қилмиши учун жавобгар бўлиб

қолди, касрига, балосига қолди. Қилғиликни у қилди-ю, жатига мен қолдим.

**ЖАФО** [a] Маънавий, руҳий ва жисмоний эзиллиш, азоб-уқубат, кулфат. Айрилиқ жафоси. Жафо тортмоқ (чекмоқ). Жафо қилмоқ. Яшидан — вафо, ёмондан — жафо. Мақол. — [Гофир:] Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобиға яширинган зулмдан, жафолардан биз шўринг қурғурлар кимга дод деймиз? Кимга? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бечора мазлумлар учун Сонсиз жафолар чеккан ул. Хизмат қилиб, унинг руҳин Қўл шодмон қилмоқ керак. Эргаш шоир.

**ЖАФОГАР** [a + ф-т] айн. жафокор. **ЖАФОКАШ** [a + ф-т] 1 Жафо чеккан, азоб-уқубатлар тортган, бошидан кулфатлар, оғирчиликлар кечирган, эзилган. Истар эди жафокаш инсон: Баҳор каби гулласса олам. Баҳор каби кулса озодлик, Барҳам топса: қуллик, кишан, ғам. Уйғун.

2 кўчма Меҳнаткаш, меҳнатсевар. Улма, эй қўли қанд, жафокаш боғбон, Яшай бер, боғларга чулганган Ватан. Ф. Фулом.

**ЖАФОКАШЛИК** 1 Жафо тортиш, азоб-уқубатлар кўриш, бошдан кулфатлар, оғирчиликлар кечириш, эзиллиш. Унинг [Саодатнинг] кичик, кўкишроқ кўзлари оғир меҳнат, жафокашлик, сабр ва қаноат билан тўлган ҳаётининг .. қийинчиликларга қарамай, ўз ғурурини йўқотмаган узун умрнинг тарихини жонли ифода қилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Меҳнаткашлик, меҳнатсеварлик.

**ЖАФОКОР** [a + ф-т] Жафо қилувчи, эзувчи.

**ЖАФОЛАНМОҚ** Жафо тортмоқ, азоб-уқубатлар чекмоқ, бошдан кулфат, оғирчиликлар кечирмоқ.

**ЖАФОЛИ** Жафо, азоб-уқубат, кулфат ва оғирчиликлар билан тўлиб тошган, машаққатли. Уқизи — жафоли, кети — вафоли. Мақол. — Шоир ўзбек халқининг тарихий кишилари образини, бой ва гўзал табиатини, жафоли ўтмишини, бугунги фаровон турмушини тасвирлайди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 234.

**ЖАЯ** махс. Отнинг сон гўшти.

**ЖАҒ** 1 Калланинг тишлар ўрнашган суяги. Устки (тепа) жағ. Пастки жағ. Жағ суяги. — Мунча юрагингиз дарё бўлмаса, жаврайвериб жағим толди, ё ҳа, ё йўқ демасиз. «Муштум», 1961, № 23.

2 Оёқ кийимининг юзи билан дастаги бирлашган ери, ёни. Аксарининг уст-боши юзун, маҳсиларининг ийртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради, кимларда похол тиқилган эски калши, кимларда жағи йиртиқ қауш, лекин улар шод. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 махс. Баъзи асбобларнинг қисадиган, кесадиган қисми. Омбир жағи. Қайчи жағи.

◆ Жағи очик 1) кўп гапирадиган,

вайсайверадиган, вайсақи, жаврақи. Э, бўлди, кўп чўзма! Бир жағинг очилса, қайтиб ёпилиши қийин. Уйғун Навбахор; 2) кўп йиғлайдиган, йиллоқ. Жағи очик бола. Жағ тиш айн. озиқ тиш қ. озиқ. Жағи тинмайдиган 1) айн. жағи очик; 2) доим овқат чайнайидиган, овқатдан оғзин бўшамайидиган, ейямсак. Жағ урмоқ ха деб гапиравермоқ, вайсамоқ, жаврамоқ. Жағига суяниб (еки таяниб) қолган айн. жағи очик 1.

**ЖАҒ-ЖАҒ** Крестгуллиларга мансуб, майда, оқ гулли ва халтача шаклида кўзоқли бир хил ўт.

**ЖАҒИЛЛАМОҚ** Чўзиқ «жа-а-а» товуши чиқариб қайнамоқ. Нозик, дўндиқ Мис лаганда жағиллайди Рух самовар. Ф. Фулом, Кўкан.

**ЖАҒИЛЛАТМОҚ** жағилламоқ фл. орт. н. Бирпасда самоварни жағиллашиб қайнашиб келди.

**ЖАҒЛИ** Жағи бўлган, жағи бор (қ. жағ 3). Ясси жағли омбир.

**ЖАҲАННАМ** [a] 1 дин. Диний-мистик тасаввурларда: гуноҳкорларнинг руҳи нариги дунёда доимий азобда яшайдиган жой; дўзах.

2 кўчма Чидаб бўлмайдиган шароит, оғир муҳит. Октябрнинг охири эди. Кун иссиқ бўлса ҳам, лекин ёз ойлари-нинг жаҳаннамга нисбатан бу фаслнинг ҳавоси покисмонликлар учун жуда мулоим, ҳатто салқиндек сезилар эди. Ойбек, Нур қидириб. Нега она тўнғич қизини жаҳаннамга ташламоқчи? Остин-устин бўлиб кетдимиз бу дунё? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Гулнор уч кунни жаҳаннам азобида ўтказди. Ойбек, Қутлуғ қон. Немислар тепаликни ярим соат тўнга тутайдиган кейин, Юрьев батареялари .. ёв устига жаҳаннам оташи ёғдирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 кўчма Жуда чуқур жарлик, тубсиз ер. Нима қиларди дейсиз, ҳамма гап сувда-да. Мана шу жаҳаннамда оқайтган сувни баланд кўтариб, чўлларни обод қилмоқчи бўлган, дейдилар. Ойдин, Ширин келди.

**ЖАҲД** [a] Зўр бериш, ғайрат. Жаҳд билан ишламоқ. Жаҳд қилмоқ.

**ЖАҲД-ЖАДАЛ**, жаҳду жадал Зўр ғайрат, ғайрат-шижоат. Зафарингиз учун камина қўлдан келгани қадар жаҳду жадал кўрсатгусидир. Ойбек, Навоий.

**ЖАҲЛ** [a] 1 Ножўя хатти-ҳаракатдан, гапдан ёки воқеа-ҳодисадан ранжиш, аччиғланиш, ғазабланиш туйғуси; аччиқ, ғазаб. Жаҳл—душман, ақл — дўст. Мақол. Ақлингга ақл қўй, жаҳлингга — сабр. Мақол. Жаҳл келганда ақл кетади. Мақол. — Дунёси бор — улар одам! Аслида ҳаммаси бир қақага арзимайди! — деди-да Йўлчи жаҳли билан ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон. Адолат неча кунгача бу хил ҳазилларга кўниқолмади, ғашни келди бу ҳатто жаҳли чиқиб, баъзи солдатларга ўқидириб берди ҳам. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Жаҳл устида ач-

чиғи, ғазаби келиб турган пайтда. *Жаҳл устида оғзимдан бирор ёмон сўз чиқиб кетади. У вақтда кўнглиңиз оғрийди, кўйиңиз эрталарга сўзлашармиз. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.*

2 айн. жаҳолат 1. *Мақтаб анжуман борғил, унда фикр очиб соҳи, Илму фан тиғи билан жаҳл бағрини қон қил. Ҳамза.*

**ЖАҲЛДОР** [а + ф-т] Салга жаҳли чиқаверадиган, ҳа деб жаҳл қилаверадиган; сержаҳл, аччиғи тез. *Жаҳлдор одам.*

**ЖАҲЛЛАНМОҚ** Аччиғланмоқ, ғазабланмоқ. *Қози жаҳлланиб, афандини чақиртирди. «Латифалар».*

**ЖАҲЛЛИ** 1 айн. жаҳлдор. *Жаҳлли одам.*

2 Жаҳл, ғазаб билан тўлган; жаҳлни, ғазабни ифодаловчи. — *Ҳа, бу ёққа қаранг! — чақирди Мастура жаҳлли овоз билан. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ЖАҲОЛАТ** [а] 1 Илм-маърифатдан маҳрумлик, қолоқлик, маданиятсизлик, нодонлик, зулмат. *Одаларнинг миясини ўргимчак уясидай чулғаб, кўзларини ҳақиқатни кўришдан тўсиб келган жаҳолатни сундириб ташлайдиган билим, куч ва ғайрат бердингиз. П. Турсун, Уқитувчи. Уйғониш шомоли тебранган чоқда, Жаҳолат тумани таралган дамда, Юксалиш кўшигини кўйлашиб келдик. Уйғун.*

2 айн. жаҳл 1. *Қутидор: .. Жаҳолат келса, ақл қоқадир, қизим! — деб кўйди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ЖАҲОЛАТЛИ** 1 Жаҳолатда қолган; қолоқ, маданиятсиз, нодон, жоҳил.

2 Жаҳлли, жаҳлдор, сержаҳл. *Жаҳолатли одам.*

**ЖАҲОЛАТПАРАСТ** [а + ф-т] Эскиликка ёпишиб олган, эскилик, қолоқлик тарафдори, илм-маърифат, маданият душмани.

**ЖАҲОН** [ф-т] 1 Ер юзи ва ундаги бутун борлик; дунё, олам. *Бутун жаҳон. Қенг жаҳон. Жаҳон касабга союзлари федерацияси. — Гапингиз тўғри, ўғлим. Бу жаҳонда Лениндай улур зот бўлган эмас. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 поэт. Дунёдаги ҳамма халқлар, бутун инсоният. *Сен ҳайқирдинг, жаҳон ҳайқирди, йигит-қизлар интиқом учун. Оталар ва оналар ўзни Чоғладилар шараф, шон учун. Ғайратий.*

3 *кўчма поэт.* Узига хос бир олам, бошқалардан фарқ қиладиган бир дунё. *Жаҳонда гўзал бир жаҳон Москва, Жаҳон жисмига жон Москва. Ҳабибий. Хуш келибсиз, ажаб мезмон экансиз, Хушрўйликда сиз бир жаҳон экансиз. С. Абдулла.*

4 Жаҳон (хотин-қизлар исми).

◆ **Бир жаҳон** жуда кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб. *Унинг жаҳли чиққан, ранги ўчган, лабларини пириллатиб, бир зумда бир жаҳон гапни гапириб ташлади. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. Икки жаҳон овораси қ, овора 1. Ой(и)наи жаҳон қ. ойна.*

**ЖАҲОНБАҲШ** [ф-т] поэт. Сахий, қўли очиқ.

**ЖАҲОНГАШТА** [ф-т] 1 Дунёни кезган, кўп ерларни кўрган, кўп саёҳат қилган. *Жаҳонгашта сайёҳ.*

2 *кўчма* Кўпни кўрган. *Жаҳонгашта одам.*

**ЖАҲОНГИР** [ф-т] 1 тар. Жаҳонни забт этган; жаҳонни забт этувчи (кўп ўзга ерларни босиб олган шох, амир ва хонларнинг эпитети).

2 эск. айн. империалист.

3 Жаҳонгир (эркаклар исми).

**ЖАҲОНГИРЛИК** жаҳонгир 2 с. белги оти. *Жаҳонгирлик сийсати.*

**ЖАҲОНДИЙДА** [ф-т] Кўпни кўрган, катта турмуш тажрибасига эга бўлган.

**ЖАҲОНДОР** [ф-т] тар. Жаҳон хокими, бутун дунёга ҳукмронлик қилувчи.

**ЖАҲОН-ЖАҲОН** Жуда кўп, сон-саноқсиз, беҳисоб. *Оддий бир уй, ёруғ, бепардоз, Ултиради Ленин жонажон. Қаршисида қанддек оқ қоғоз, Қаршисида иш жаҳон-жаҳон. Ҳ. Пулат.*

**ЖАҲОНИЙ** [ф-т] поэт. айн. оламшумул. *Бу кучли иробани, бу жаҳоний қудратни Ҳар кимки менсимаса, ўзи-ўзига золим. Ғ. Ғуллом.*

**ЖАҲОННАМО** [ф-т] фольк. Жаҳоннинг исгаган ерини кўрсатувчи кўзгу; ойинаи жаҳон.

**ЖАҲОНШУМУЛ** [ф-т] айн. оламшумул.

**ЖАҲР** [а] 1 эск. Эълон, хабар; тақжар 11.

2 дин. Овоз чиқариб қилинадиган зикр. *Жаҳр, зикр-самони .. томоша қилмоқ баҳонаси билан .. масжидга кирдик. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. Кундузи кўчада ханграб, Кечаси хонақода Бақироқ зинакдек, Жаҳру пушаймон қиладир. Ҳамза.*

**ЖАҲРИЯ** [а] дин. Ошқор, овоз чиқариб зикр қилувчи. *Занги бобо мазори ёнидаги масжидда шайхлардан чиққан жаҳрия эшонлар ўз муридлари билан зикр тушишмоқда эди — буни ҳам кўрайлик, деб кирдик. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.*

**ЖАҲРЧИ** 1 эск. айн. жарчи 1.

2 айн. жаҳрия.

же «Ж» ҳарфининг номи.

**ЖЕВАК** 1 этн. Хотин-қизларнинг бўйнига тақиладиган зийнат буюми. *Келиннинг олтин-қумуш, мис жеваклари қоқиқларга илиб кўйилган. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.*

2 Дераза, эшик ва мебелларга зийнат бериш учун ишлатилган металл қубба. *Деразалари ҳовлига қараган бинонинг ялтироқ мис жеваклар қоқилган қалин дарвозаси олдида усти жилд билан ёпилган бир неча тўп турарди. Жўрабоев, Мулла Б. м.*

**ЖЕЗ** Мис, руҳ ва қалай қотишмаси. *Тахталанган жез. || Жез тўқа. — Ҳожимат пичоғини жез пойнакли қинига сола туриб жавоб берди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ЖЕЗЛ** [р] 1 т. й. Поездлар ҳаракатини тартибга солиш учун қўлланиладиган металл таёқча (бу таёқча маши-

нист қўлига берилгач, келгуси станциягача йўл очилади).

2 Кўча ҳаракатини тартибга солувчи милиционернинг ола-була таёқчаси.

**ЖЕЗНА** диал. Почча.

**ЖЕК** жек кўрмоқ с. т. ёмон кўрмоқ. *Узингиз жек кўраингиз учун мени ҳам ўзингиздек фаҳмлаб кирмайсиз. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ЖЕКРИШМОҚ** жекирмоқ фл. бирг. н. *Бир-бирига жекришмоқ.*

**ЖЕКИРМОҚ** Дўқ уриб гапирмоқ, ўдағайламоқ, дўқ қиламоқ, ўшқирмоқ. *Менга жекираверма!*

**ЖЕЛ** Эски вақтларда: маҳбусларнинг бўйнига ва оёқ-қўлларига солинган кишанларга боғлаб кўйиладиган занжир. *Бу миршабхонанинг тор қамоқхонасини тўлдириб оёқларига кунда, қўлларига қўлқунда, бўйинларига жел урилган бир неча банди ётмоқда эди. Айний, Қуллар.*

**ЖЕЛА** диал. Тузоқ.

**ЖЕЛАК** диал. Хотин-қизлар бошга ташлаб юрадиган рўмол; ёпинчиқ. *Базмда пир-пирлар шолдан желлагим. Қарчиғай чангалли, йўлбарс билагим. «Муродхон».*

**ЖЕЛАТИН** (техникада желатина) [р < фр] Ёш мол суягидан ва терисидан тайёрланадиган бир нав слимшак модда (техника, фотография, кулинария ва медицинада қўлланилади).

**ЖЕЛАТКА** [р жилетка] с. т. Жилетка.

**ЖЕМ** [р джем] Қуюқ шинни. *Олма жем.*

**ЖЕМПЕР** [р джемпер] Жундан, ип ёки ипақдан тўқилган, ёқасиз ва тугмасиз фуфайка.

**ЖЕНЬШЕНЬ** [хит] Узоқ Шарқда ва Хитойда ўсадиган доривор ўсимлик.

**ЖЕРКМОҚ** айн. жекирмоқ. *Мавлон мингбоши бозорда тарвуз сотаётганларни сўйиб, .. жеркиб турганда, тасодифан лойга сирганиб йиқилади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Олим полвоннинг гапига Қудратнинг энсаси қотди шекилли, уни жеркиб берди. Ҳ. Ғуллом, Машғал.*

**ЖЕТОН** [р < фр] Бирор нарса, мас. пул ўрнига ўтадиган ёки бирор нарса олиш учун ҳуқуқ берадиган металл нишон.

**ЖИБЛАЖИБОН** 1 Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, ингичка ва узун думли кичкина кўш.

2 с. т. Майда қадам ташлаб, ноз-карашма қилиб юрадиган нозик, хилча аёл ҳақида.

**ЖИВИЛЛАМОҚ** айн. живирламоқ.

**ЖИВИР-ЖИВИР** тақл. с. Кўзни қамаштирадиган даражада нозик, майда ва кўп нарса ҳақида. *Живир-живир хат. — Қамчи янги қизил тўн кийган. Ҳошиясига алақандай живир-живир гул нақилланган. Ҳ. Ғуллом, Машғал. Живир-живир товланмоқ ранг-баранг тусда кўринмоқ, жилва қилмоқ. Унинг [бойнинг] .. шоху яктаги қуёшда живир-живир товланиб, учқунланиб ялтирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Живир-*



-живир қилмоқ 1) айн. живир-живир товланмоқ; 2) чаплашиб кўринмоқ, бир-бирига чаплашиб кўзни чарчатмоқ (жуда майда, нозик хат, нақш, гул ва ш. к. ҳақида).

**ЖИВИРЛАМОҚ** 1 Ранг-баранг тусда товланмоқ, жилава қилмоқ. Қия очик дарчадан тушган ойдан .. гиламларнинг гуллари устида живирлаб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар. Ойбек, Навоий.

2 Чаплашиб кўринмоқ, бир-бирига чаплашиб кўзни толитмоқ (жуда майда, нозик хат, нақш, гул ва ш. к. ҳақида).

**ЖИВИРЛАШМОҚ** живирламоқ 2 с. бирг. н. Бегимхон узок текилиб қолди. Унинг кўзлари живирлашиб, қаршисида қора мунчоқлар пайдо бўлди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ЖИГАР** [ф-т] 1 анат. Одам ва ҳайвонларнинг ўт (сафро) ишлаб чиқарадиган органи. Жигарим оғрияпти. Жигар касалликлари.

2 Ҳайвонларнинг овқат сифатида ишлатиладиган шу органи. Қовурма жигар. || Жигар қабоб.

3 кўчма Яқин қариндош (ота-бола, ака-ука, опа-сингил, тоға-жиян ва ш. к.). Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука — жигар, тош отай деса жигарчилик, отмай деса хон турибди; ниҳоят тўнудан увада юлиб отибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мадамин бунни кутмаган бўлса керак, шовқин солди «Хизматкорим эмас! Худойкул менинг ўз жигарим, аммадан қолган сағир». П. Турсун, Ҳўқитувчи. | кўчма. Туғишгандек, фарзанддек яқин киши. [Темир йўлчи:] Вой жинни-ей .. Сен ҳали Федямисан (қулоч ёзиб юборайди). Жияним, жигарим! Н. Сафаров, Уйғониш. Ўзбекининг иниси, азиз жигари, Диринг қундан-қун борар илгари, Тепанеда балқийди бахтлар хулқари. Шайхзода. Сен етим эмассан, Тинчлан, жигарим! Ғ. Фулом.

◆ Жигари хун бўлди қ. хун 1. Жигар ранг долчин ранг, долчин рангидаги. Жигар ранг костюм.

**ЖИГАРБАНД** [ф-т] Энг яқин, бир туғишган қариндош (фарзанд, ака-ука, опа-сингил). [Ойша:] .. Акажонлаб атрофида парвона бўлиб учганинда қанотимни ўз жигарбандим қирқади, деб ўйлаганмидинг, болам? О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. | кўчма Фарзанддек, туғишгандек яқин киши. Заковатли озод халқимнинг Жигарбанди юксакла учиб, Эл қудратин қилди намойиш. Қ. Ҳикмат.

**ЖИГАР-БАҒР**: жигар-бағридан урди мафтун қилди, шайдо қилди, юрагидан урди. Жигар-бағри эзилди айн. юрак-бағри эзилди қ. эзилмоқ 2. .. Бувинисо .. фарзандининг жасади устида жигар-бағри эзилиб, кўзларидан сел-сел ёш тўқди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЖИГАРГОҲ** [ф-т]: жигаргоҳи эзилди айн. юрак-бағри эзилди қ. эзилмоқ 2.

**ЖИГАРГУША** [ф-т] айн. жигар-банд. [Хусайн:] Мўмин, жигарғушам,

саломат келдингми? Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**ЖИГАРПОРА** [ф-т] 1 айн. жигар-банд. Одиблика уни бағрига босиб: «Укажоним, жигарпорам, меҳрибоним, сени кўрар қун ҳам бор экан-а», деб ўйғарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Фарзанд, бола.

**ЖИГАРСҲУХТА** [ф-т] 1 Оғир мусибат чекиб эзилган, кўнгли ярим бўлиб қолган; хаста дил.

2 Мафтун бўлган, юрак-бағридан урган, ошиқчи беқарор.

**ЖИГАРЧИЛИК** Яқин қариндошлик, яқин қариндошлик муносабатлари. Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука — жигар, тош отай деса жигарчилик. Отмай деса хон турибди; ниҳоят тўнудан увада юлиб отибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЖИГИ-ЖИГИ** 1 с. т. Жик-жик.

2 унд. с. Эчкиларни чақирришда қўлланилади.

**ЖИГИЛЛАМОҚ** айн. жикилламоқ. **ЖИДД** [а]: жидду жаҳд қилмоқ зўр ғайрат қилмоқ, жон-жаҳд билан ишламоқ.

**ЖИДДИЙ** [а] 1 Пухта ўйлаб, чуқур мулоҳазаларга суяниб иш кўрадиган; мулоҳазали. Жиддий йеит. Жиддий олим. — Анвар ёш бўлса ҳам жиддий, кичкина мясия муҳокамага қобил эди. А. Қодирий, Меҳробдан қаён. Улар жуда жиддий ва бир умр ҳазил-мutoйиба қилмаган кишиларга ўхшайдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Пухта ўйлаб, чуқур мулоҳазаларга суяниб, катта аҳамият, зўр эътибор бериб қилинган; асосли, пухта. Жиддий асар. — Романлар бизда йўқ, — дона-дона гапирди Мустафо Содиқ, — жиддий ва ижтимоий аҳамияти зўр бўлган қиссалар ҳам йўқ. Ойбек, Нур қидирта.

3 Катта аҳамиятга эга бўлган, муҳим; зўр диққат-эътибор талаб қиладиган; шундай диққат-эътиборга сазоворликни ифодалайдиган. Жиддий масала. Жиддий проблема. Жиддий сабаб. — Биринчи рус революцияси .. Туркистоннинг туб аҳолисини сийсий тарбиялашнинг жиддий мактаби бўлди. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 122.

4 Ўй-фикрга чўмган, ўйчан; жиддият ифодалайдиган, ҳазил-мutoйибага йўл қўймайдиган; сипо, салобатли (киши қиёфаси, авзойи, ташқи кўриниши ҳақида). Уларнинг кўз ёшларини маънос эгилган бошлари, жиддий юзлари, кўзларидидаги ғам, кўнгли фарёдларини эса музикаларнинг мунели сабоси .. ифода қилар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. — Ҳозир ҳосил учун қурашнинг авжи вақти, — деди Уктам жиддий тус билан. Ойбек, О. в. шабадалар. Саидийнинг жимлайиб толмаган башараси бирдан жиддий тус олди. А. Қаҳҳор, Са-роб.

5 Ҳазил-мutoйибасиз айтилган, чин, рост; тайинли. Жиддий ваъда. Жиддий гап. — Заводда уни Набиғул эмас, «прогуля» дейишади. Аммо бунга ўзи ран-

жимайди, чунки бу лақаб ўз зарарига қўзғалган жиддий гапни баъзан қулгига, ҳазилга айлантириш омили бўлади. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. || Бундай ачиқ пичинга жавоб қайтариш йўлини тополмаган Ҳасан бориб унинг рўйпарасига ўтириб: Кел бўл-маса, жиддий сўзлашайлик, — деди. Айний, Қуллар.

6 Ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган; оғир, мушкул. Жиддий касаллик. Жиддий вазият туғилди. Уруш жиддий тус олди. || — Аҳвол оғир ва жиддий, — деди капитан Стеклов. Ойбек, Қуёш қораймас. | Ҳисоблашни талаб қиладиган, хавфли. [Хўжабеков] «Шербек жиддий, хавфли рақиб», деган тўхтамага келди. «У ўқиган, чоранинг тилини билади .. колхозчилар ўртасида ҳам обрўси ортиб борапти» деб кўнглидан ўтказди ҳасад билан. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЖИДДИЙЛАШМОҚ** 1 Жиддий, кескин тус олмақ; оғирлашмоқ, мушкуллашмоқ, кескинлашмоқ. Вазият жиддийлашди. Кураш жиддийлашди. Қасалнинг аҳволи жиддийлашди.

2 Жиддий кўриниш олмақ, жиддий тусга кирмоқ, ўзини жиддий қилиб кўрсатмоқ. Фазлидин ийрик тишларини кўрсатиб, хахолоди. Кейин жиддийлашди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЖИДДИЙЛАШТИРМОҚ** жиддийлашмоқ фл. орт. н.

**ЖИДДИЙЛИК** жиддий с. белги оти. Масаланинг жиддийлиги. Ишнинг жиддийлиги. Вазифанинг жиддийлиги. — Аҳволнинг жиддийлиги, ҳар бир солдатнинг, офицернинг бурчи ҳақида генерал қисқа равишда гапирди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳасрат тугагандан сўнг Отабекнинг юзидида боязи ярим жиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди. А. Қодирий, Утган қувлар. — Онанинг қадрига етиш керак. Она қайда! — деди Уктам қариларча жиддийлик билан. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЖИДИЯТ** [а] Жиддий тус, жиддий кўриниш, жиддийлик, сиполик. Жиддият билан. — Унинг кўзларида, юзидида ва бутун ҳаракатларида сокинлик, .. жиддият ва куч яққол сезилиб турар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЖИЗ** 1 тасв. с. Жон ачитадиган, ловулатадиган бехос оғриқ ҳақида. Ари жиз этиб чақиб олди. Қўлимга жиз этиб иена кириб кетди. Чўр оёғимни жиз этиб узиб олди.

◆ Юраги жиз этди юраги жизиллади, тўлқинланди; юрагида қизиқниш пайдо бўлди. [Рокия Муҳаббатга:] Югурмайсанми? .. [Ўзига:] Бу йиғитганининг юраги жиз этганга ўхшаб қолди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ЖИЗ** II айн. жаз II.

**ЖИЗ-БИЗ** I айн. жаз-буз.

2 кўчма Овқат, қовурма ҳақида. Қани-қани ўтиринлар. Унта сиз-биздан битта жиз-биз яхши, дегандай амалий гапга кўчиб қўяқолай. «Муштум», 1959, № 9.

**ЖИЗ-ЖИЗ I** жиз I с. тақр. *Асал ари ҳамма ёғимни жиз-жиз чақиб ташлади.* Қизиган тошлар оёқларни жиз-жиз узиб олар эди. — Бу ерда папирос чекиб ҳам ҳузур қилиб бўлмайди. Изғирин бир зумда тамақини ялаб кетди, қулоқларни жиз-жиз узади. Ойдин, Мардлик — мангулик. Рўнарадан уриб турган қор [Сувонжоннинг] юзини аридай жиз-жиз чақади. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЖИЗ-ЖИЗ II** айн. жаз-буз.

**ЖИЗЗА** Уз ёғида қовурилган тўғрамча думба, чарви. **Жизза** нон жиззали нон. *Онаси ҳам шод бениҳоя, Нонуштага ёнди жизза нон.* Ё. Мирза.

**ЖИЗЗАКИ** Салга аччиғи, жаҳли чиқаверадиган, гап кўтара олмайдиган, жиртаки. **Жиззаки** одам.

**ЖИЗЗАЛИ** **Жизза** солинган. **Жиззали** нон. — *Дастурхон ёзиб, топган-тутганларини тўқиб ташлади: дастурхонда тут майиздан тортиб қанд-курсгача, жиззали патирдан тортиб, сап-сарик пишлоқчама бор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЖИЗИЛЛАМОҚ I** 1 **Жон** ачитиб оғримоқ, ловулламоқ. **Ярам** жизиллаб оғриятти.

2 *кўчма* Ачитиб гапирмоқ. — *Узинг хато қилгандирсан! — дея жизиллай бошлади Дўндиқ. Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.*

◆ **Юраги** жизиллади айн. **юраги** жиз этди қ. жиз I. — *Яхши кўрасанми ўзи? — Ҳа. Бир кун кўрмасам юрагим жизиллаб туради.* П. Турсун, Ҳўкитувчи.

**ЖИЗИЛЛАМОҚ II** айн. **жазилламоқ**, **Қабобпаз** баррадай нон бетига жизиллаган алақанча сихларни қалаб, пиз ва гармдори билан қўйиб кетди. **Ойбек**, О. в. шабадалар.

**ЖИЗИЛЛАТМОҚ I** 1 **жизилламоқ I** 1 фл. орт. н. **Совуқ** жизиллатиб турибди. — *Шудгор қизиган мисдай оёқни жизиллатиб узиб олади.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. **Кўзибой** қизиқиб кетиб, яқинроқ бориб қолган эди, бирдан арилар ғувиллашиб унга ҳужум қилди, ҳаш-наш дегунча **Кўзибой**нинг кичкина қулоғини жизиллатиб чақиб ҳам олди. **Ҳ. Назир**, **Сўнмас** чақмоқлар.

2 *кўчма* айн. **жизилламоқ I** 2.

◆ **Юракни** жизиллатмоқ **юракни** тўлқинлантирмоқ, **юракда** қизиқиш пайдо қилмоқ. **Унинг** [Шерозийнинг] овози жозибали, қўшиқлари **юракни** жизиллатади. **Ж. Шарипов**, **Хоразм**.

**ЖИЗИЛЛАТМОҚ II** **жизилламоқ II** фл. орт. н.

**ЖИЗИЛЛАШМОҚ** **Жизилла** оғримоқ. **Ярам** жизиллашиб кетяпти.

**ЖИЗИЛЛАШТИРМОҚ** **жизиллашмоқ** фл. орт. н. **Дори** ярамни жизиллаштириб юборди.

**ЖИЗҒИН** айн. **жизғинак**. **Жизғин** ҳиди. **Жизғин** бўлмоқ айн. **жизғинак** бўлмоқ қ. **жизғинак**.

**ЖИЗҒИНАК** Сал куйган, куйбошлаган юнг, жизғин. **Жизғинак** бўлмоқ

1) сал куйиб, жингалак бўлмоқ. **Юнг** жизғинак бўлди; 2) *кўчма* жазирама офтобда ёки ўт тигида қовжирмоқ, қақрамоқ, куймоқ. **Бу** ерларда эрта баҳорда ўт кўқарса ҳам, сал ўтмай, қуёшнинг ўткир тигида жизғинак бўлиб қолар экан. «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 134; 3) *кўчма* ортиқ даражада куйинмоқ, хуноб бўлмоқ. **Нафратдан** жизғинак бўлмоқ.

**ЖИЙДА** Барги узун, гули хушбўй мевали дарахт. **Сидиқжон** .. ёввойи **жийда** тағида **тўхтаб Шарофатни кутди**. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Шу дарахтнинг ейишли, медицинада дори сифатида ишлатиладиган ширин меваси. **Хашаки жийда**. **Нон жийда**. **Жилон жийда**. — **Жийда қайнатиб** ичибди, **қалампир мунчоқ қайнатиб** ичибди, **хуллас ҳеч бири қор қилмабди**, **охири илгари кунни ишдан келибди-ю**, **ийқилибди**. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Жийда** қоқмоқ **обдан** совқотмоқ, совуқдан дағ-дағ титрамоқ. **Кечаси** билан **жийда** қоқиб чиқдим.

**ЖИЙДАЗОР** Нуқул **жийда** дарахти билан банд ер, майдон.

**ЖИЙДАЗОРЛИК** айн. **жийдазор**.

**ЖИЙДА-МАЙИЗ** Турли қуруқ мевалар (жийда, майиз, туршак ва ш. к.). **Латофат** ишда кезлариди қўшни болаларини чақириб, **аллақайси тўйдан олиб келган жийда-майизни бериб**, **яна ўқитди**. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЖИЙДИРМОҚ** **жиймоқ** фл. орт. н.

**ЖИЙИРИЛМОҚ** **жийирмоқ** фл. ўзг. н. **Бирдан** **Остонақулнинг** ранги ўзгарди, .. **бурни жийирлиб тўсатдан** .. **ийглаб юборди**. С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас.

**ЖИЙИРМОҚ** Буриштирмоқ, тириштирмоқ, чимирмоқ. **Мунисхон «йўқ»** дейиш ўрнига «қўй ўшани, гапирма» дегандай қилиб, бурнини **жийирди**. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЖИЙМОҚ I** Қир босиб, тўкилиб тушмоқ, қирлаб чириб кетмоқ (кийим-кечак ҳақида).

2 **Сасиб**, **бижғиб** кетмоқ. **Муштум-зўрнинг жийган** ўлакка тани **Аллақайси** илди, **чирик бутоққа** илинади, **Сассиғин сочиб** ҳар ёққа. Ф. Фулом.

**ЖИЙРОН** Қизғиш малла (от туси). **Жийрон от**. | Шу тусдаги от. **Саманни сан мин** .. **Мең жийронни** згарлатаман. А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ **Жийрон қарқара** айн. **жийронқуш**.

**ЖИЙРОНҚУШ** Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оила сига мансуб, оёқлари, бўйни ва тумшуги узун қуш.

**ЖИК-ЖИК** Чумчуқсимонлар туркумининг сариқ мойқутлар уруғига мансуб қушча.

**ЖИКИЛДОҚ** с. т. манф. Ҳа деб маҳмадоналик қилаверадиган, маҳмадона, билармон. **Жикилдоқ** одам.

**ЖИКИЛЛАМОҚ** с. т. манф. Ҳа деб маҳмадоналик қилавермоқ, бидир-

ламоқ, билармон бўлиб гапирмоқ. — *Ия, тақсир, менинг қайси гапим ҳақ эмас! — жикиллади домла.* Х. Фулом, Машъал.

**ЖИКИЛЛАШМОҚ** с. т. **Айтишмоқ**, бахшлашмоқ.

**ЖИККАК** **Жуссаси** кичик, ихчам. **Самоварчи чивак юзли**, **эти суюғига ёпишган**, **жиккак ва фирт кўса** одам эди. **Ойбек**, **Қутлур** қон.

**ЖИКТОҚ** **Балиқчилар** туркумияга мансуб қуш (чигирткаларни кўплаб қириб, қишлоқ хўжалигига фойда етказди).

**ЖИЛВА** [a] 1 **Гўзал**, назокатли ҳаракат, муқом (рақсда). **Жилва қилмоқ**.

2 **Ноз-карашма**, **ноз-истиғно**, ишва. **У кўзларини сүзиб жилва қилди**. — **Ҳўп**, **майли**, **мен кетай**, — **деди Ҳаёт**, **жилва билан қайрилиб**. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* **Ранг-баранг** тусланиш, товланиш; **латиф**, **қўркам кўриниш**. **Олтин қуёш шугласи**, **Уйнар булоқ сувида**. **Кўрнар ранг-баранг тош Жилва билан тубида**. **Ғайратий**. **Коммунизм жилва қилди**, **Бизни бахтиёр этиб**, **Жаҳонларга шугла берган Октябрьнинг** тонгида. **Уйғун**. **Ҳўжабеков Шербекнинг рўнарасида тўхтади**. **Унинг чўзинчоқ юзларида**, **чуқур тушган кўзларида киноя жилва қиларди**. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЖИЛВАГАР** [a + ф-т] айн. **жилвали**. **Жилвагар** кўзлар.

**ЖИЛВАДОР** [a + ф-т] айн. **жилвали**. **Сув оқайи згалар бўйлаб** **Оқ** **ипакдай кўркам**, **жилвадор**. **Ғайратий**.

**ЖИЛВАЛАНМОҚ** 1 **Узининг** бутун латофати, назокати, гўзаллиги билан кўзга ташланмоқ.

2 **Ранг-баранг** тусланмоқ, товланмоқ. **Ой нуллари анҳор сувида жилваланиб ўйнамоқда**. **Ж. Шарипов**, **Свадат**. **Кўм-кўк** ток барглари эрталабки қуёшда **жилваланади**. **Ойбек**, **Қутлур** қон.

**ЖИЛВАЛАНТИРМОҚ** **жилваланмоқ** фл. орт. н.

**ЖИЛВАЛИ I** **Ноз-карашмали**, **ноз-истиғноли**; ишвали, ишвагар. **Жилвали қараш**. **Жилвали кўзлар**.

2 **Ранг-баранг** тусланувчи, товланувчи. **Шоҳи япроғи марварид таққан**, **Жилвали меваси бизга ёққан**. **Миртемир**.

**ЖИЛВИР**, **жилвир** қоғоз **Қайроқ** кум қоплаган қоғоз ёки мата (буюмларнинг сиртини силлиқлаш, сайқаллаш, жиллолаш учун ишлатилади).

**ЖИЛВИРЛАМОҚ** **Жилвир** қоғоз билан силлиқламоқ, сайқалламоқ, жиллоламоқ.

**ЖИЛВИРЛАНМОҚ** **жилвирламоқ** фл. мажх. ва ўзг. н.

**ЖИЛД I** [a] 1 **Бирор** нарсга устидан кийдириладиган, қоплаб қўйиладиган ғилоф. **Естиқ жилди**. **Тўшак жилди**. **Китобни жилдга солиб қўймоқ**.

2 **Илгариги** вақтларда мактаб болалари портфель ўрнида ишлатган халта. **Эсингизда борми**, **бўйинимизга жилд осиб «Урфон» мактабига қатнаган кунларимиз?** А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Сомсанинг жилди** сомсанинг қий-мани ўраб турган қисми.

**ЖИЛД** II [а] айн. том III. Қиши билан бир неча жилд китоб ёзиш мумкин. А. Қаххор, Сароб.

**ЖИЛДИРАМОҚ** Оз миқдорда оқмоқ. Самовар жўмрагидан сув жилдираб оқмоқда. — Ариқчалардан жилдираб оқиб келган сув узун тарнов орқали ҳовузга тушади. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

**ЖИЛДИРАТМОҚ** жилдирамоқ фл. орт. н. Чойхоначи гулзорга ҳам жилдираб сув оқизди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЖИЛДИРМОҚ** жилмоқ фл. орт. н. Ҳўжайиннинг феълига тушуниб қолган кучер извоини беозоргина, секин жилдирди. Х. Ғулум, Машъал. Сув ҳам чиқар-у, лекин ўша мингбоши билан Содиқ аминлар муштумдай тошни бир ердан иккинчи ерга жилдириб қўймас. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ташқаридан хабар олинг. Миришларни маҳкама атрофидан жилдирманг. Н. Сафаров, Уйғонши.

**ЖИЛДЛАМОҚ** кам қўлл. Жилд билан қопламоқ, жилд кийдирмоқ, жилдга солмоқ. Ёстиқларни жилдламоқ.

**ЖИЛДЛИ** Жилд билан қопланган, жилд кийдирилган, жилдга солинган. Чиройли гиламлар, жилдли креслолар, тувакли гулар билан безатилган кабинет. — Жувон ёпчиллик билан тахминада қават-қават тахланиб ётган ипак кўрпалар устидан иккита духоба жилдли пар ёстиқ олиб, меҳмоннинг орқасига қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЖИЛДЛИК** 1 Жилд қилиш учун белгиланган; жилдбоп. Жилдлик газлама. 2 Маълум миқдордаги жилд учун етарли. Бир жилдлик сурп.

**ЖИЛЁТКА** [р] Енгиз калта камзул; нимча. Эғнидаги тўқ қизил кўйлаеи, унинг устидан кийиб олган қора жилеткаси .. ўзига ҳўп ярашган эди. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ЖИЛИТМОҚ** жилмоқ фл. орт. н. **ЖИЛЛА** (фақат бўлишсиз феъл ф. билан) рви Унча, у қадар; бир оз. Собир ортиқча куюнчақлик ва ғам-хўрлик кўрсатқиси келса, Анорхонга жилада ёқмас эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ **Жилла курса** (ёки бўлмаса, бўлмаганда) жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаганда, лоақал. Жилла курса жуволдиз билан қарашай. Ойбек, О. в. шабадалар. Жилла бўлмаса меннинг келишимни кутсанг бўлмасиди! М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ЖИЛМАЙИШ** 1 жилмаймоқ фл. иш оти.

2 Қулимсираш, табассум. Юздаги жилмайиши.

**ЖИЛМАЙИШМОҚ** жилмаймоқ фл. бирг. н.

**ЖИЛМАЙМОҚ** 1 Қулимсирамоқ, табассум қилмоқ. Утеген Шомуроднинг уддабурағиғига қойил қолиб

жилмайди. Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

2 *кўчма* поэт. Кўринмоқ, юз кўрсатмоқ (ой, кўёш ҳақида). Булутлар орасидан ой жилмайди. Шу чоқда дераза олдига келиб, Жилмайиб боқадир кўёш — олтин қиз. Ғайратий.

**ЖИЛМОҚ** 1 Жойдан кўзгалмоқ, силжимоқ, сурилмоқ, нари кетмоқ. Бир неча бола дафтар-қаламини ташлаб ташқарига югурди. Қолганлари жойларидан жилмай тураверишиди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бошқа ерга кўчмоқ, кетмоқ. Дарахт бир ерда кўкаради .. Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Жўнамоқ, юрмоқ, йўлга тушмоқ. Поезд секин жилди. Биз у ер-бу ерда тўхтаб, Тошкентга етиб келдик; М. Мирҳодисев, Унутилмас лавҳалар.

4 *кўчма* Жўнашмоқ, юрнимоқ, олға босмоқ. Шу курс билан ишим оз-оз олдин жилган. Ф. Ғулум.

**ЖИЛО** [а] 1 Силлиқ ёки сайқалланган, пардозланган сиртнинг ялтираши. Атрофингга қара, лолаларни кўр! Қулуш ирмоқларнинг жилосига боқ. Уйғун. Муҳташам саройларнинг жилоси кетган. Ғайратий.

2 *кўчма* Хусн, кўрк. Қадимий шаҳар ҳақида гап кетса, «Самарқанд сайқали рўйи заминаст» («Самарқанд-ер юзининг жилосидир, кўркидир») дейишарди. «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 144.

**Жило бермоқ** 1) жиллоламоқ, сайқаллаб, пардоз бериб ялтиратмоқ. Тайёр буюмларга жилло бермоқ; 2) *кўчма* хусн, кўрк бермоқ. Бу нур — эрк, озодлик, тинчлик, бахт, виқор. Бунга жилло берар қирқ йиллик умр. Х. Расул; 3) ялтирамоқ, ярқирамоқ, жилва қилмоқ, товланмоқ. Ранго-ранг мрамрлардан шиланган бу мақбара ҳозир ҳам ёрқин жилло бериб турибди. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари; 4) *кўчма* намоён бўлмоқ, кўринмоқ, акс этмоқ. Мирзачўл даштини эгалланг дея, Тарихий декретга чекканди имзо. Бу имзо мазмунин олтин сатрида Эртаги кунимиз бермоқда жилло. Ғайратий.

**ЖИЛОВ** 1 Юганинг чарм тизгини. Отнинг жиллови. — Катта тош йўлда елиб келётган отлик «тисси» деб отнинг жилловини тортди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 *кўчма* Бошқариш, идора қилиш механизми, тизгини; ўз ҳукмини, амрини, сўзини ўтказиш йўллари, воситалари. Совхоз, колхозларда давлат бераётган техниканинг жиллови моҳир қўлларда. | Ҳокимият; ҳукмронлик. Узимиз инглиздан зўрға қутулдик, лекин у ҳамон жилловимизни бергиси келмайди. Ойбек, Нур қидириб. Жилловини қўлга олмақ бошқариш, идора қилиш аппаратини, эркини қўлга олмақ. Жилловини қўлдан бериб қўймоқ бошқариш, идора қилиш аппаратини, эркини қўлдан бермоқ.

◆ **Жилов урмоқ** жиловламоқ, тиймоқ, тартибга солиб қўймоқ, бўйсундирмоқ, ром қилмоқ. Тинмай-талашиб, Дарға жиллов урди. Уктам инсонлар, Улуғ бир тўғон қурди. Миртемир. Жилловини бўш қўймоқ бўш қарамоқ, ўз ҳолига, ихтиёрига қўйиб юбормоқ. Жилловини бўш қўйганингиздан кейин шундай бўлади раис. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жилловини тартиб қўймоқ тартибга чақириб қўймоқ, рамкага солиб қўймоқ.

**ЖИЛОВБАРДОР** 1 тар. Ўрта Осиё хонлиқларида: мансабдорларнинг отларига қаровчи ва уларга йўлга чиқишда отни ростлаб бериб, йўлдаи қайтганда кутиб олувчи хизматкор.

2 *кўчма* Лаганбардор, хушомадгўй. **ЖИЛОВДОР** 1 айн. жилловбардор 1. Тонг билан амир саломига келган дарбор аҳлининг талларини жилловдорлари миниб, жилловхонада, Дорушишфо мид-расасининг остида ясов торттиб .. қатор бўлиб турар эдилар. Айний, Қуллар.

2 ҳарб. Отларга қараш учун ажратилган аскар.

**ЖИЛОВЛАМОҚ** 1 Жилов урмоқ, от-улов бошига нўхта ёки юган солмоқ. Ҳамроҳи .. саманин жилловлаб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Тиймоқ, тартибга солиб қўймоқ; бўйсундирмоқ, ром қилмоқ. Агрессорларни жилловлаб қўймоқ — Амударёни жилловласак, Ўзбекистон бутун-бутун янги пахта водийлари яратади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЖИЛОВЛАНМОҚ** жилловламоқ фл. мажҳ. н. Жилловланган от. — Пишқириб оққан Олтинсой суви энди жилловланди. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

**ЖИЛОВХОНА** Шох, хон саройларига ёки масжид ҳовлисига қираверишдаги махсус хона ёки бостирма. Жилловхонадаи номоз кутиб ўтирган қавмлар ичида Самад бўёқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЖИЛОЛАМОҚ** Жило бермоқ, сайқаллаб, пардозлаб ялтиратмоқ. Мебелларни жиллоламоқ.

**ЖИЛОЛАНМОҚ** 1 жиллоламоқ фл. мажҳ. н. Жилловланган мебель.

2 Ялтирамоқ, ярқирамоқ, жилва қилмоқ, товланмоқ. — Йўл-йўлкай шилдираб Сен ёқимли куйлайсан, Жилоланиб, жилдираб Не хусусда сўйлайсан? З. Днёр.

**ЖИЛОЛАНТИРМОҚ** жиллоланмоқ фл. орт. н. айн. жиллоламоқ. Қалбларни кўзудек жиллолантириб, Қўн-гиллар зангини сиз кеткиздингиз. Ф. Ғулум.

**ЖИЛОЛИ** Жило берилган, жиллоланган; товланган, силлиқ ва ялтироқ. **ЖИЛПАНГ-ЖИЛПАНГ:** жилпанг-жилпанг қилмоқ айн. жилпангламоқ.

**ЖИЛПАНГЛАМОҚ** 1 Тўлқинсимон илон изи каби ҳаракат қилмоқ, тўлганмоқ. Қонхўр оқ подишонинг қора доғруғини, унинг мазлум халқлар бо-

ишда жилпанлаган илон қамчисини синдириши кун! Ойбек, Қутлуғ қон.

2' дағл. Илондек тўлғаниб, буралиб юрмоқ, қийшангламоқ. Домла ер остидан паранжи тагида жилпанлаб турган шўх аяга бир боқди-да, никоҳ хутбасини бошлаб юборди. «Муштум», 1959, № 14.

**ЖИЛПАНГЛАНМОҚ** жилпангламоқ фл. ўзл. н. Нури жилпангланиб жавоб берди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖИЛПАНГЛАТМОҚ** жилпангламоқ фл. орт. н. Болтабойнинг оёғи остида уймаллашиб, думини жилпанглатиб юрадиган! Бўрининг [итнинг] ҳам иштин йўқ. Ж. Шарипов, Саодат.

**ЖИЛПАНГЛАШМОҚ** жилпангламоқ фл. бирг. н.

**ЖИЛҒА** Тоғдан оқиб тушаётган кичкина сув; дарёча, йилға.

**ЖИМ** рви 1 Овоз, товуш чиқармай, индамай, овозсиз, товушсиз, сукут сақлаб, сукунатда. Мўм тишлагандек жим ўтирмоқ. Писмиқ телба фарқ қилар, жим оққан сув фарқ қилар. Мақол. — Саид ғози, сен гапирганда Шербек жим ўтирган эди,— кимдир луқма ташлади. С. Анорбоев, Оқсой. Сафаров сўзга чиқди .. Ҳамма жим тури қулоқ осди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ота-бола анчагина жим борди. Ўртага оғир сукунат тушди. М. Исмонлий, Фаргона т. о. | кесим вазифасида Овозсиз, товушсиз, тинч. Ҳамма ёқ жим. Фақат пашиша гинғиллайди, бемор инграйди. А. Қаҳҳор, Бемор.

2 Қимирламай, қимир этмай, ҳаракатсиз, тек. Унинг кўзини юмиб жим этганини кўрган Бобоқул ота ўрнидан қўзғалди. Сен тинчгина ухлайвер, чирок. Мен .. бир айланиб келай. С. Анорбоев, Оқсой. Омон бўлинг-э, раис ака, .. тийиниғача тўғрилаб дафтардан ўтказдик-ку? Бироқ, ўзингиз жим ётган илоннинг бошини қўзғаб яхши қилмадингиз. С. Анорбоев, Оқсой. **Жим бўлмоқ** 1) тўхтамоқ (гап, сўздан); сукутга кетмоқ, сукутга ботмоқ. Ойи, сиз сезасизми, боиникида орқадан кулишади, гапиришади, .. ман яқинлашсам жим бўлишади. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) тўхтамоқ, тинчимоқ, босилмоқ (овоз, товуш, шовқин ва ш. к. ҳақида). Фақат болғаларнинг тарақа-туруғи жим бўлганда Йўлчи жиддий суҳбатга ўтди. Ойбек, Қутлуғ қон. Аҳмаджон бир сидра ўқ ёғдиргандай немис пулемёти жим бўлиб қолган эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 унд. с. вазифасида Овозингни ўчир, товушингни чиқарма; тек тур, тинчлан.— **Жим!** — муштини кўтарди Ёрмат.— **Товушинни ўчир.** Ойбек, Қутлуғ қон.— **Жим, жим!** — деди ярим товуш билан Кумри.— **Гулшан бизни-кига ухлагани келган экан.** А. Қодирий, Мехробдан чаён.

◆ **Жим турмоқ** (ёки ўтирмоқ) гапирмай, эътироз билдирмай, қаршилик кўрсатмай туравермоқ.— **Тўғри,** — деди Урмон полвон, агар жим турсак, улар ҳар бир иш қилади. Айний,

Қ улар. Бир бечорага туҳмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдими? М. Исмонлий, Фаргона т. о. **Жим бўлиб кетмоқ** хат-хабар қилмай, дарак бермай, кўринмай кетмоқ. Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз? .. Мен сизни жуда соғиндим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖИМЖИЛОҚ** Қўл ёки оёқнинг бешинчи энг кичик бармоғи.

**ЖИМЖИМА** Серҳашам ўйма нақш, гул, кунгура. Панжараларнинг жим-жиммаси. || **Жимжима** гулли пиёла. **Жимжима хат.**

**ЖИМЖИМАДОР** Серҳашам ўйма нақшли, кунгирали. **Жимжимадор**, нақшин панжара.

**ЖИМЖИМАЛИ** айн. жимжимадор.

**ЖИМЖИТ** жим 1, 2 с. инт. Кичик укам ухлайди **Жимжит** ўрнида. 3. Днёр. Айвонларда оёқ учларини таңчага эйр-базйр тиқиб, жимжит ўтирган хотинлар. Ойбек, Қутлуғ қон. || Йўлчи жимжит кўчада таңҳо айланиб юриб, боиникига қайтди. Ойбек, Қутлуғ қон. || **Кишлоқ жимжит**, ҳамма маст уйқуда. П. Турсун, Ўқитувчи. ◆ **Жимжит бўлиб кетмоқ айн. жим бўлиб кетмоқ қ. жим.** Хайр, Зухраҳон, жимжит бўлиб кетманг. Тез-тез хат ёзиб туриг. Н. Сафаров, Олияҳон Султонова.

**ЖИМЖИТЛИК** Чурқ этган товуш, шовқин йўқлиги; тинчлик, жимлик, сукунат. Бу ҳикояни эшитган командир фикрга чўмиб кетди, мажлисни жимжитлик босди. Айний, Қуллар. Ҳар ким ўз вазифасига берилиб, орага жимжитлик кирди, фақат бу тинчликни савағич қаламларнинг қорғоз устида қириллаши .. бузар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | кесим вазифасида Ҳеч гап йўқ, ҳеч хабар йўқ. **Хат ёзилганга уч-тўрт ой бўлди.** Ҳалиғача жимжитлик.

**ЖИМИЛЛАМОҚ** айн. жимирламоқ. **ЖИМИМОҚ** Жим бўлмоқ, сукутга кетмоқ, ботмоқ; тўхтамоқ (сўз, гап, шовқин ва ш. к.дан). Кулгилар билан гуркираб турган гузар бирдан жимиди. М. Исмонлий, Фаргона т. о. **Ойқиз** билан Олимжон қўшиқ айтиб оқайтган ариқ ёқалаб, алақачон жимиб қолган кишлоқ кўчасига бурилдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Шу чоқ узоқдан чинни пиёла жарангидай кулги эшитилди-ю тезда жимиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЖИМИР:** эти (ёки бадани) жимир этиб кетди айн. эти (ёки бадани) жимирлашди қ. жимирлашмоқ. Сув бети жимир этди сув бети майда тўлқинлар билан қопланди, мавж урди.

**ЖИМИР-ЖИМИР:** жимир-жимир тўлқинлар майда тўлқинлар. Гавҳар кўлнинг жимир-жимир тўлқинларига тикилиб бир лаҳза жим қолди. П. Қодиров, Уч илди. **Жимир-жимир қилмоқ айн. жимирламоқ.** Сув юзи жимир-жимир қилар, .. сувда ой акси ўйнарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЖИМИРЛАМОҚ** 1 Майда тўлқинлар билан қопланмоқ, мавж урмоқ. **Ёвариқ суви жимирлаб, ниманидир шиширлаб оқмоқда.** И. Раҳим, Ихлос.

2 Милтилаб кўринмоқ, жилва қилмоқ. **Кўйи нури том тунчукалари, оппоқ оқланган деворларда кўзни тиндирувчи ёлқин билан жимирлар эди.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўзим** (ёки кўзларим) жимирлаб кетди кўз ўнгим қоронғиллашди, кўзим тинди. **Эти** (ёки бадани) жимирлаб кетди айн. **Эти** (ёки бадани) жимирлашди қ. **жимирлашмоқ.** У [Эъвозхон] **Ботиралини Хумсонда кўргандаёқ бадани жимирлаб, қалби жис этган эди.** Ҳ. Гулом, Машғал.

**ЖИМИРЛАТМОҚ** жимирламоқ фл. орт. н. Узоқда, сувни ҳатто жимирлатмасдан, секин ва майин сирпаниб сузган оқ .. ўрдаклар .. ғағиллашиб, ҳар томонга илдам қочишди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Мастура** қиқирлаб кулиб юборди .. Бу ҳазил ва айниқса кулги аввал хунук, одамнинг этини жимирлатадиган даражада хунук эшитилди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**ЖИМИРЛАШМОҚ:** кўзи жимирлашди 1) кўз ўнги қоронғиллашди, кўзи тинди. Боқди ҳар ён шошиб-пишиб, Тўймас қараган сари. Бирданга жимирлашиб, тиниб кетди кўзлари. Т. Тўла; 2) кўзи қамашди. **Офтобда қорға қарасам, кўзим жимирлашади.** **Эти** (ёки бадани) жимирлашди баданда титроқ югургандай бўлди; сесканди. Қизнинг ҳар бир гапи унинг [Элмуроднинг] баданига мўдеқ сув томчилари томаётгандек таъсир қилди, аъзойи бадани жимирлашиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖИМИРЛАШТИРМОҚ** жимирлашмоқ фл. орт. н.

**ЖИМИТ** Жуда кичкина, кичкинтой, жажжи, митти. **Жимит китобча.** **Жимит** ошиқ.

**ЖИМИҚМОҚ** айн. жимимок. **Жимикиб кетмоқ** жим бўлиб кетмоқ, дарак бермай, кўринмай кетмоқ. **Жимикиб кетма, тез-тез келиб тур.**

**ЖИМЛИК** Чурқ этган товуш, шовқин йўқлиги; тинчлик, жимжитлик, сукунат. **Ғовур босилди.** Бир лаҳза жимликдан сўнг кулги кўтарилди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. **Тун жимлигини самолёт моторининг узоқдан келаётган бўғиқ товуши бузмоқда.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЖИН** 1 [а] 1 Шарқ мифологиясида ва диний-хурофий тасавурларга кўра: пастқам жойларда киши кўзига олам образида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалитириб (мас.; оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ. **Энди бу ерда илгарингдай бой-ўғли сайрамайди.** Ҳеч кимнинг кўзига жин ҳам кўринмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Азизбекнинг] орқасидан жин ялаган деганларидек, қошсиз, қорамтир юзли, .. кўримсиз қора соқоли бир киши келар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўча с. т. Кишининг табиаи, таъб. Шунақанги гапларни жиним суймайди. — Сатторқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда.. токча жинига ёқмаса суватиб ташлай қолсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Жин кўча** пасткак тор кўча. Халқ Астрободнинг кичик йўлларида «жин кўчаларидан» оқиб .. далага ёйилган. Ойбек, Навоий. **Жин чироқ** пахтадан эшилган пилик ва бутилкадан иборат, шшасиз чироқ, лип-лип чироқ. Уйдаги нарсаларни бир-бирдан ғира-шира айиришга имкон берувчи «жин чироқ» ҳам энди кўринмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Жини тутди** (ёки кўзиди, кўзгади) табиятига тўғри келмайдиган иш, ҳаракат ёки гапдан ғазабга келди, жаҳли чиқди, асаби кўзгади, тутди. [Заргаров Насибага зехн солиб:] Ҳм. .. **Формада олиб бора кўрма, формани кўриб ЗАГС мудирининг жини кўзғамасин тагин.** А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. **Жинига тегмоқ ёки жинини кўзғатмоқ** табиятига тўғри келмайдиган иш, ҳаракат ёки гап билан асабини кўзғатмоқ. **Жинима тегмаган сен бормидинг. Сени (ёки сенга) нима жин урди?** сенга нима бўлди?; эсингни едингми?; ақлдан оздингми? [Қози Мулладўстга:] **Сенга нима жин урди?** [Мулладўст:] **Сизни урган жин! Жим туринг, бу кун ҳам озлик қилмасин!** Ҳамза, Майсаранинг иши.

**Жин I:** жин чақа айн. **жиринг чақа қ.** **жиринг.** **Жин чақа** ҳамманинг кармонига тупуриб, бойларнинг ҳамёнига ўзини уради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**Жин II** [р джин < ингл], **жин машина** Пахта тозалайдиган, чигитдан тозаларни ажратиб оладиган машина. **Завод ишкарисида «жинлар пахта тозалаб чиқармоқда.** Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЖИНГ:** (ғ)инг йўқ, жинг йўқ с. т. ҳеч нарса демай, эътирозсиз, гап-сўзсиз; сабр-қаноат билан. **Қорни тўқ,** эғни бутун бўлса, бас. «Инг» йўқ, «жинг» йўқ ишлайверади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖИНГАК:** жингак бўлмоқ 1) буривиб-тиришиб қолмоқ, қуришиб қолмоқ, бужмаймоқ. **Офтобда тери жингак бўлиб қолибди;** 2) муз-кесак бўлиб қимирламай қолмоқ, увушмоқ. **Совуқда қўлларим жингак бўлиб қолди.** **Жингаги чикмоқ айн.** **жингак бўлмоқ.**

**ЖИНГАЛА(К)** 1) сфт Табиий ёки сунъий равишда халқа ёки ярим халқа шаклида буралган, кўнғироқ (соч, жун ҳақида). **Жингала(к) соч.** **Сочлари жингала(к) бола.** — **Жингала** киприклик шаҳло кўзлари. М. Алавиё. **Сочларининг учи кўнғироқ боғлангандай жингала.** Ф. Ғулум, Тирилган мурда. **Рағно томорқада .. жингалак юнгли кўзичоғига майса юлиб бераётган эди.** Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2) от Шундай буралган кўнғироқ сочининг бир бураи. **Сочларининг жингалаклариди шуъаллар мавъжланиб ёнар эди.** Ойбек, Қутлуғ қон.

3) от Баъзи ўсимликларнинг, мас., тоқнинг чирмашадиган новдчаси.

**ЖИНГАЛАКЛАНМОҚ** **Жингалак** бўлмоқ. **Сочлари ўзидан-ўзи жингалакланиб туради.**

**ЖИНГИЛА** айн. **жингала(к).** **ЖИНГИЛЛАМОҚ** айн. **жирингламоқ.** **Танга жингиллаб тошга тушди.**

**ЖИНГИР-ЖИНГИР** айн. **жангир-жунгир.**

**ЖИНГИРЛАМОҚ** айн. **жирингламоқ.**

**ЖИНГИРЛАТМОҚ** **жингирламоқ** фл. орт. н.

**ЖИНГИРТОБ** [ф-т] **Жазирама** офтобда ёки ўтда обдан қизиган, қақраган, қовжираган; қайишган, майишган. **Ўқтам ранг-баранг майда тошлар билан тўла сойликдан жингиртоб тепага кўтарилди.** Ойбек, О. в. шабадалар. **Жингиртоб бўлмоқ** 1) обдан қизимоқ, қақрамоқ, қовжирамоқ; қайишмоқ, майишмоқ. **Катта омборлар, ҳар нав юк ортилган юзлаб вагонлар жингиртоб бўлиб ёнади.** Ойбек, Қуёш қораймас; 2) кўчма ёнмоқ, қовурилмоқ. **Лекин қуролсизланиш ўрнига жаҳон .. қуролланиш талвасасида жингиртоб бўлмоқда.** «Қ. Ўзбекистон», 1955, № 221.

**ЖИНГУЛ** **Итбуруннинг майда гулли** тури.

**ЖИНДАЙ**, «дек рөш **Бир оз, озгина, қиттак.** **Жиндак ухлаб ол.** **Жиндай сабр қил.** — **Эшикни жиндак очиб қарасам уришмайдими?** А. Мухтор, Опа-сингиллар. || **Олимжон Бойчиборга яна жиндек беда ташлаб, аста Ойқиз ёнига келди.** Ш. Рашидов, Голиблар.

**ЖИНЖАК** **Дуккакли ўсимликларнинг бир тури.**

**ЖИНЖАЛОҚ** **диал.** **Жимжилоқ.**

**ЖИННИ** [а] 1) Ақлдан озган, рухий касалликка йўлиққан; телба, савдойи. **Индмас жинни.** **Чала жинни.** **Жинни «жинини» десанг, арпа бўйи кўшиллар.** Мақол. — [Йўлчининг] **фикри .. бутун борлиги Гуянор ҳаёли билан банд; танҳо қолган чоқларида, жинни каби, ўз-ўзи билан гаплашади.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Фожиянинг ўнинчи кунларида Зайнабнинг жинни бўлиб, очик қўйи кўчада юрган хабари эшитилди.** А: Қодирий, Ўтган кунлар.

2) кўчма с. т. **Кўнглига келган ножўя, аҳмоқона ишлар, келишмаган қилиқлар қиладиган; думбул.** **Жинни бўлмаган! Олинг қўлингизни! Бу нима маси?!** А. Қаҳҳор, Қайғулар. **Маслаҳатингиз учун раҳмат, раис.** **Мен бўлсам, жинни бўлиб сизга мақтанибман.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | **Ўзини яқин олиб, эркалиб гапирганда ёки хазил тариқасида «демонахон», «тентаквой» каби маънода ишлатилади.** **Девона севикли қовғини сўрида кўриб қувона кетди:** **Вой .. жинчилар, вой эси йўқ хуварилар! Қовғимни бер, жинчилар.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Жинни шамол** **гоҳ у томонда,** **гоҳ бу томондан** эсадиган шамол, уюрма шамол. **Жинни кўйининг қалласини едингми?** эсингни едингми?, жинни бўлдингми? **Нарса жиннис** бирор нарсага берилган; уч, ишқивоз. — **Латта жиннис!** — **деб бақирди Бўтабой** бутун аламини хотинидан олмоқчи бўлиб, — **латтанинг учини кўрсатса ўзингни томондан ташлайсан.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Жиннисини чиқармоқ** с. т. 1) калака қилмоқ. **Қорбўрон қилиб, унинг жиннисини чиқаришди;** 2) расвосини чиқармоқ. **Болалар кўгирчоқнинг жиннисини чиқаришти.**

**ЖИННИВАЧЧА** [а + ф т] сўж. **Жиннидан** тугилган, жиннидан таркаган.

**ЖИННИВОЙ** с. т. **Ўзини яқин олиб, эркалатиб гапирганда ёки хазил тариқасида «демонахон», «тентаквой» каби маънода ишлатилади.**

**ЖИННИЛИК** 1) жинни I с. белги оти. **Унда жиннилик асари бор.**

2) кўчма с. т. **Ножўя, аҳмоқона иш, бемаъни одамларга хос келишмаган қилиқ, бемаънигарчилик, тештаклик, аҳмоқлик.** «**Латифий ўзи хўп келишган йеит-у, лекин ишўхлик қиламан деб жиннилик қилгани ёмон, бемаъза гапни кўп айтади,** дебди [Фотима]. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖИННИНАМО** [а + ф т] **Жиннига ўхшаш, жиши табнат.** **Жиннинамо чол.**

**ЖИННИСАНГИ** **Ножўя, аҳмоқона ишлар, келишмаган қилиқлар қилиб юрадиган.** **Жиннисанги одам.**

**ЖИННИХОНА** [а + ф т] **Жинпилар, ақлдан озганлар шифохонаси.**

**ЖИНОЙ** [а] юр. **Жиноятга оид, жиноят билан боғланган, жиноят деб қараладиган, жиноятдан иборат бўлган.** **Жиноий иш.** **Жиноий ҳаракат.** **Жиноий жавобгарлик.**

**ЖИНОЙ-ПРОЦЕССУАЛ** юр. **Жиноий ишларни судда кўриш тартибига, процессига оид.** **Жиноий-процессуал кодекс.**

**ЖИНОЯТ** [а] 1) юр. **Давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонунларга асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавфли хатти-ҳаракат.** **Оғир жиноят.** **Амадан фойдаланиб қилинган жиноят.** **Жиноят устида ушламоқ.** — **Ватанга хиёнат қилиш энг оғир жиноят ҳисобланиб, бундай жиноят қилувчилар қонунга мувофиқ жуда қаттиқ жазоланади.** «ЎзССР Конституцияси».

2) кўчма **Ёмон оқибатларга олиб борадиган нотўғри, зарарли хатти-ҳаракат, иш.** **Бас, сиз билан биз, Тожибой ака, бу ишга раҳбарлик қилиш ўрнига қўл силтар эканмиз, жиноят қилган бўлаемиз ва бунинг учун халқ олдида жавобгар бўламиз.** П. Турсун, Ўқитувчи. У [Рақитин] **ўлимга қаришликсиз таслим бўлишни жиноят деб билди.** **Шухрат, Шинелли йиллар.**



**ЖИНОЯТҚОР** [а + ф-т] айн. жи-  
ноятчи. [Қози Мулладўста:] Мулла-  
дўст, ишимиз хароб! [Майсара:] Бўлди  
ўйин ҳам .. Қани обчиқинг, бу жиноят-  
корларни! Хордиқ чиқсин. Ҳамза, Май-  
саранинг иши.

**ЖИНОЯТҚОРЛИК** 1 жиноятқор с.  
белги оти. Улар жиноятқорлик қилиб  
юрган вақтларида, одам ўлдиршида  
тажриба орттирганлари учун бу ишда  
қўллари титрамас ва юраклари ҳурк-  
масди. Айний, Бухоро жаллодла-  
ри.

2 Жинорий ишлар, жиноятлар. Ка-  
питалистик мамлакатлар а жиноят-  
қорликнинг ўсиб бориши.

**ЖИНОЯТҚОРОНА** [а + ф-т] рви  
Жиноятқорларча, жинорий йўл билан.  
|| Жиноятқорона ҳаракат.

**ЖИНОЯТЧИ** Жиноят қилган киши.  
Хавфли жиноятчи. Ҳарбий жиноятчи.  
■ Ғазаб тиғин чиқарса подшоҳлар,  
Жиноятчи бўлурлар бегуноҳлар. Уй-  
ғун ва И. Султон, Навоий. Элмурод  
аччиқ истеҳзо билан кулди.— Галини  
қаранг-а. Жиноятчиға жазо талаб  
қилиш уят бўлар эмиш. П. Турсун,  
Ўқитувчи.

**ЖИНОЯТЧИЛИК** жиноятчи с. белги  
оти.

**ЖИНС** [а] 1 биол. Жонли организм-  
ларнинг биологик ва жисмоний хусу-  
сиятларига кўра икки (эркак ва ур-  
ғочи) туридан бири. Эркак жинси.  
Хотин жинси.

2 Тур, нав, хил.

3 Ижтимоий группа, табақа; уруғ,  
зот. Жинсига тортмоқ. ■ — Ота, бу  
синглим,— табассум билан деди Йўл-  
чи .. — Бойниқда яшашини маъқул  
кўрмадим.— Яхши қилибсан: Кабутар  
бо кабутар, жинс бо жинс .. Тўғри,  
улар қариндошинг, лекин улар сени  
ўз жинсига қўймайди. Улар пул жин-  
сидан. Ойбек, Қутлуг қон.

4 геол. Ер қобиғининг маълум қат-  
ламини ҳосил қилган минерал. Тор  
жинслари.

**ЖИНСДОШ** [а + ф-т] 1 Бир биоло-  
гик жинсга мансуб бўлган, жинси бир.  
Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин,  
Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинс-  
дош. Ғ. Ғулум.

2 Бир ижтимоий группага, табақага  
мансуб бўлган; зоти бир. Сен ҳали  
ҳам ўз чўрилишингни эсингдан чиқар-  
маган, ҳали ҳам менинг қолмини ўз  
жинсдошларинг бўлган бафрак — қул-  
ларни семиртириш йўлида исроф қилар  
экансан. Айний, Қуллар.

**ЖИНСИЙ** [а] Биологик жинсга оид.  
Жинсий белгилар. Жинсий айирмалар.

**ЖИНЧИ** Жинда, жин машинада иш-  
ловчи (қ. жин III).

**ЖИНҚАРЧА** диал. 1 Чаттак.

2 кўчма Тирранча, тирмизак. Шунча  
ёшга кириб, шунча йил эл бошида ту-  
риб обрў орттирган Умарни жинқар-  
чалар отдан адариб ташлагани ях-  
шим? И. Раҳим, Ихлос.

**ЖИНҒИЛ** диал. Юлғун.

**ЖИНҒИРЛАМОҚ** Қўнғироқ товуши

чиқармоқ. Соат жинғирлади. Телефон  
жинғирлади.

**ЖИНҒИРЛАТМОҚ** жинғирламоқ фл.  
орт. н. Қўнғироқлар жинғирлатиб  
ўтар карвон. Ойбек, Зафар ва Зах-  
ро.

**ЖИПС** рви 1 Орасида жой, тирқиш  
бўлмаган, тирқишсиз, зич. Жипс пол. ||  
Полнинг тахталари жипс қоқилган.  
Жипс ёпилмайдиган эшик. ■ — Ман,  
Йўлчи, — йигит тўхтади. — Қачон ке-  
динг! Бу қандай гап? Ҳаяжон билан  
сўзлади Ермат ва Йўлчиға жипс тўқ-  
нашиб, шубҳали қаради. Ойбек, Қут-  
луг қон.

2 кўчма Мустаҳкам бирлашган, бир  
жон-бир тан, бирдам. Тинчлик ишини  
ҳимоя қилаётган давлатларнинг жипс  
сафи ўсмоқда. || Қоллектив билан жипс  
боғланмоқ.

**ЖИПСЛАМОҚ** Орасида жой, тирқиш  
қолдирмай тақамоқ, зичламоқ. Пол  
тахталарини жипсламоқ.

**ЖИПСЛАШМОҚ** 1 жипсламоқ фл.  
ўзл. н. Чолнинг юзида табассум пайдо  
бўлди, қовоқ усти, кўз ости ажинлари  
жипслашди. Ойдин, Олтин узукка ол-  
мос кўз.

2 кўчма Жипс, мустаҳкам бирлашмоқ,  
бир жон-бир тан бўлиб метндек мус-  
таҳкам бирлик ташкил этмоқ. Тинчлик  
ва демократия лагери Совет Итти-  
фоқи теварағида жипслашди.

**ЖИПСЛАШТИРИЛМОҚ** жипслаш-  
тирмоқ фл. мажҳ. н.

**ЖИПСЛАШТИРМОҚ** жипслашмоқ  
фл. орт. н.

**ЖИПСЛИК** жипс с. белги оти. Со-  
циалистик мамлакатлар халқлари-  
нинг бирлиги ва жипслиги.

**ЖИР** [р] 1 с. т. Мой, ёғ.— Етмиш  
икки ҳунаринг бор, лекин хумчангда  
беш пайса жиринг йўқ! — деб Мир-  
вали банги бир кун Бердибойни койи-  
ган эди. А. Қодирий, Обид кетмон.  
**Жири йўқ** ёғи йўқ, ёғсиз (овқат ҳа-  
қида).

◆ **Жир битди** 1) семирди, эт, ёр  
битди. Қўйға ҳеч жир битмаптир. ■  
— Сидиқжон қайнасангдан .. таъна-  
ларни кўп эшитсанг, лекин сира гап  
қайтармаган эди, бу сафар заҳарханда  
қилиб: Ўзи тўймаганинг салқити қо-  
ринг оғритади, онажон, сиздан орди-ю  
бизга жир битдим! — деди. А. Қаҳ-  
ҳор, Қўшчинор; 2) кўчма бойиди, дав-  
лати ортди. Энди жир битди-да!  
Битта кўйлак иккита бўлди. А. Қаҳ-  
ҳор, Қўшчинор. **Жири бор** қўр-қути  
бор, давлатманд. **Жири бор** оилалар-  
нинг болаларига мактаб ҳам, мадраса  
ҳам ярашади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЖИР II** диал. Қўшиқ. Утовлардан  
чўпонларнинг ўланлари, оқинларнинг  
жирлари янгар, узоқ-узоқларга акс  
садо беради. «Қ. Ўзбекистон», 1956,  
№ 36.

**ЖИРАҒА** [р < фр < а] Тропик ма-  
млакатларда яшайдиган, бўйни ва  
оёқлари жуда узун кавш қайтарувчи  
ҳайвон.

**ЖИРДОН** [р + ф-т]: жири йўқ, жир-

донн йўқ с. т. ёғи йўқ, ёғсиз (овқат  
ҳақида).

**ЖИРИЛЛАМОҚ** салб. Аламга чи-  
дай олмай гапирмоқ; гап, танқид ва  
ш. к.ни кўтара олмай қизишмоқ. Кам-  
чиликларингизни кўрсатса, нега жи-  
риллайсиз. ■ Бирданига қирқ етти  
боғ ютқизган Ниёзмат Ҳожи жирил-  
лаб, яна тўқсон тўрт боғ тикди.  
А. Қаҳҳор, Сароб. Бу гап юрагига  
наштардай санчилиган Тихонов жирил-  
лади. «Муштум», 1959, № 14.

**ЖИРИЛЛАШМОҚ** жирилламоқ фл.  
бирг. н.

**ЖИРИНГ** тақл. с. Металл, чинни,  
шиша буюмларнинг урилишидан чиқа-  
диган нозик товуш ҳақида; тақ. жа-  
ранг. Телефон жиригга этди.

◆ Мулла жиринг ёки жиринг чақа  
с. т. пул, танга-чақа.— Ҳукуматчи-  
лик,— деб ҳамсуҳбатларига тасалли  
берди Махсум,— менга ўхшаи, сенга  
ўхшаи мойжувози борлар солиқ тў-  
ламай қўйса, советнинг ҳамёнига мулла  
жиригга қайдан тушади? П. Турсун,  
Ўқитувчи.

**ЖИРИНГЛАМОҚ** Металл тебри  
каби бўғиқроқ товуш чиқармоқ; тақ.  
жарангламоқ. Телефон жириглаб, Му-  
родованинг ҳаёлини бузди. И. Раҳим,  
Ихлос.

**ЖИРИНГЛАТМОҚ** жиригламоқ фл.  
орт. н. Сўлаквойили жириглабди На-  
зокат ҳам яқинлашди. А. Мухтор,  
Опа-сингиллар.

**ЖИРИШ** Чала эланган, серкепак ун.  
**ЖИРКАНМОҚ** Ҳазар қилмоқ, йир-  
ганмоқ. Қизлик вақтида Нури улар-  
нинг кулбасига жуда оз, чиқар эди,  
мабодо кириб қолса, уларнинг кўрпа-  
ёстиғидан жирканар .. эди. Ойбек,  
Қутлуг қон. Унинг [Умрининг] кирди-  
корини мен биламан, ундан мен жир-  
канаман деб юрсам, бутун қишлоқ  
билар экан, бутун қишлоқ жирканар  
экан. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**ЖИРКАНТИРМОҚ** жирканмоқ фл.  
орт. н.

**ЖИРКАНУВЧАН** Ҳар нарсадан  
жирканаверадиган, ҳар нарсани кўнгли  
тортавермайдиган, кўнгли нозик; қа-  
зарчи. Жирканувчан одам.

**ЖИРКАНЧ** Одам ҳазар қиладиган,  
жирканадиган; кишини жиркантира-  
диган; разил, қабих, ифлос. Жирканч  
манзара. Жирканч башара. Жирканч  
муҳит. Утмишининг жирканч сарқит-  
лари.

**ЖИРЛАМОҚ** диал. Қўшиқ айтмоқ,  
қуйламоқ.

◆ [Бировнинг] жирини жирламоқ  
бошқаларнинг фикр-ғояларини тар-  
ғиб қилмоқ.

**ЖИРОВ** диал. Бахши. Қозоқлар ора-  
сида бахшилар, жирозлар, охунлар  
эли оралаб тентираб юриб, тирикчи-  
лик ўтказадилар. М. Муҳаммаджонов,  
Турмуш урнишлари.

**ЖИРОНҒОР** эск. ҳарб. Қўшиннинг  
сўл қаноти, сўл фланг. Ҳусайн Бой-  
қаро .. бу ерда .. қўшин тартибини  
кузатиб турди. Жиронғорга Вали-



бекни .. сардор белгилади. Ойбек, Навоий.

**ЖИРТАК:** жиртак отмоқ (ёки чалмоқ) 1) хуштакбозликка олмоқ, майна қилиб гапирмоқ. «Қизил йўл»ликлар ҳали-ҳали орқамиздан жиртак чалиб юришибди. М. Мухамедов, Қахрамон изидан; 2) ичи қоралик қилмоқ, биронинг бошига тушган бактсизлигидан хурсанд бўлмоқ, чапак чалмоқ.

**ЖИРТАҚИ** айн. жиззакн.  
**ЖИРТИЛЛАМОҚ** с. т. Жирилламоқ.

**ЖИСМ** [а] 1 физ. Маълум жойни эгайлаб, ишғол қилиб турган материя, модда. Қаттиқ жисмлар. Суяқ жисмлар. Газсимон жисмлар. | Фазода мавжуд бўлган нарса.

2 мат. Фазонинг ҳамма томондан берк сирт билан ўралган бир қисми. Геометрик жисмлар.

3 Тан, тана; вужуд. [Навоий:] Эшит, Мансур! [Мансур:] Бутун жисмим қулоқдир. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

◆ **Исми бор-у, жисми йўқ қ. исм.** Исми жисмига мос (ёки монанд, муносиб, ярашган) исмига, номига, унво-нига мос фазилатларга эга бўлган. «Намуна» исми жисмига мос колхоз. Раъно исми жисмига мос қиз экан.

**ЖИСМАН** [а] рвн Жисмоний жиҳатдан, жисмоний. [Ойсара] жисман заифлигига қарамай, юмушни кўп қилар .. эди. Ойбек, Қутлуг қон. Маънан ва жисман эзилган .. Анвар .. бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига ўнғашди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЖИСМОНИЙ** [а] Жоғли организмларнинг жисмига онд; мускул ҳаракатлари билан боғланган, мускул ишига асосланган. Жисмоний куч. Жисмоний тарбия. Физкультура кишини жисмоний томондан мустаҳкам қилади. — Унинг [Аҳмаджоннинг] суяги жисмоний меҳнат билан қотди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ЖИЧЧА** диал. Жиндек, озгина. — Уртоқ Рўзиев, жиччагина илтимосимиз бор эди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

**ЖИШ** I бол. айн. гўшт.

**ЖИШ** II Қушларнинг ҳали пат чиқармаган боласи.

**ЖИЯК** [ф-т] I Дўппи, тўн ва ш. к.нинг четига тутиладиган махсус лента, тасма. Қўлада тўқилган жияк. Духоба жияк. Гул тикилган жияк. Бир дўппилик жияк. — Унинг .. оппоқ соқоли, ёқаси очик оппоқ яктаги, дўпписининг оппоқ жияклари .. ҳаммаси чангага ботган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Очил .. ёқаси ва енгларига қўнғир клеёнкадан жияк қўйиб тикилган эски пахталик фуфайкада.. эди. П. Қодиоров, Уч илди.

2 Бирор нарсанинг гир атрофи, чети, гардиши. Мурод унинг жияклари қизарган кўзларига термилди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

**ЖИЯН** I Ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг фарзанди (тоғага, амакига,

холага, аммага нисбатан). Фотима Элмуродга синфдош бир аёлнинг жияни бўлиб, аммасининг олдига бот-бот келиб турарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ҳамид .. ер остидан жиянига қаради. Тоғасининг ҳолидан хабарсиз Раҳмат сўзида давом этди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзидан кичик яқин кишиларга мурожаат формаси. — Чаққон жўнайлик, жиянлар, — деди Олимов. Ҳ. Назир, Сўнмас чаққонлар.

◆ **Анқога жиян с. т. ҳазил айн.** анқога шафе қ. анқо.

**ЖИҚ** қ. жик(қа). Этугим жик ҳўл бўлди. Кўзи жик ёцга тўлди. — Офтобойим .. кўзига жик ёш олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖИҚ-ЖИҚ** қ. жик(қа)-жик(қа). Жик-жик ҳўл сиқиб олгудай ҳўл, шилта ҳўл.

**ЖИҚИЛЛАШМОҚ** I Қаттиқ айтишмоқ, тортишмоқ. [Юсуп Комилга:] Гап тамом! Сен билан кўп жикиллашиб ўтиришга фурсат йўқ. О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим.

2 Муштлашмоқ, жиққамушт бўлмоқ.

**ЖИҚ(ҚА):** кўзи жик(қа) ёшга тўлди кўзига кўп ёш келди. Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жикқа ёшга тўлди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Жик(қа) ҳўл шилта ҳўл, сиқиб олгудай ҳўл, шалаббо. Жикқа ҳўл ўтин. — Унинг .. олача яктаги сувга пишгандай жикқа ҳўл бўлган. Ойбек, Қутлуг қон. Жик(қа) мой турган-битгани мой, жуда ҳам ёғли. Ош жикқа мой бўлибди.

**ЖИҚ(ҚА)-ЖИҚ(ҚА)** жик(қа) с. инт.: кўзларига жик(қа)-жикқа ёш келди ёки кўзлари жикқа-жикқа ёшга тўлди кўзларига кўп ёш келди. У ўйлаб-ўйлаб Назокатга раҳми келди. — Бечоранинг кўзлари жикқа-жикқа ёш, эҳтимол турмушида бирор бахтсизлик учрагандир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жикқа-жикқа муштлашмоқ қаттиқ муштлашмоқ, жиққамушт бўлмоқ.

**ЖИҚҚАМУШ(Т):** жиққамуш(т) бўлмоқ қаттиқ муштлашмоқ, урушмоқ. Ерли-сувли, пулдор одам вафот қилса, унинг ворисларини бир-бири билан жиққамушт қилади. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЖИҒ** I: жиғига тегмоқ тегишиб ёки бирор ёқмайдиган иш, гап билан жаҳлини чиқармоқ, гашини келтирмоқ. Баъзан Анорхоннинг жиғига тегиш учун, йиғитни улар ўзаро «Собир почча» дейишар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Бошқа овоз раисинг жиғига қаттиқроқ тегди. Ш. Рашидов, Фолиблар. Жиғини эзмоқ уриб абжақ қилмоқ, кунини кўзига кўрсатмоқ. [Марасул:] Ҳа, ўша сени .. [урмоқчи бўлади]. Жигингни эзаман! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ЖИҒ** II тақл. с. Қайнай деб турган самовар, қўмғон в. ш. к.дан чиқадиган товуш ҳақида. Самовар жиғ этди — қайнади.

◆ **Юраги жиғ этди юраги жиғиллади,** юраги (шув) этди, юраги орқасига тортиб кетди.

**ЖИҒА** [ф-т] 1 этн. Бош кийимига тақиладиган, уқпар ва қимматбахтошлар билан безатилган зийнат буюми (асосан, қиз тўйида куёвнинг, хатча тўйида тўйболанинг бош кийимига тақилар эди). Куёв узун ва кең зарбоф тўн кийиб, катта салласига кўркам олтин жиға қўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар сдоси билан ўзиникига кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 айн. тож 3. Узоқдаги Чотқол қуёшдан Олтин жиға тақими бошига. С. Акбарий.

**ЖИҒАДОР** [ф-т] 1 Жиға таққан, жиғали.

2 тар. Ўрта Осиё хонлиқларида: жиғаларни сақловчи лавозимли киши. Шундан сўнг бари амалдор, туғдор, жиғадор бекларини қақриб, .. ўтган воқеаларни сўради. «Муродхон».

**ЖИҒИБИЙРОН** [ф-т]: жиғибийрон бўлмоқ ортиқ даражада куйинмоқ, куйиб-пишмоқ, ўртанмоқ; ачинганидан ёки ғазабдан ўзини туюлмай қолмоқ, тутақиб кетмоқ. — Худо кўрсатмасин, қамаб қўйсалар яхшимиз! — жиғибийрон бўлиб деди она. Ойбек, Нур қидириб. Жиғибийрони чикди айн. жиғибийрон бўлди. [Штаммер], ғазаб қайнаб тошайтганини, .. жиғибийрони чиқётганини зўр билан билдирмай турарди. М. Мухамедов, Қахрамон изидан.

**ЖИҒИЛДОН** I Қушларнинг қизил ўнғачидаги овқат тўпланадиган ва юмшатиладиган бўқоқсимон кенг жойи.

2 кўчма с. т. Томоқ, қурсоқ (нафс ҳақида). Жиғилдон овораси (ёки бандаси) томоқ, нафс овораси. Фармонкул кўп балағни эди-ю, икки-учта жиғилдон оворалар уни йўлдан уришди-да. С. Маҳкамов, Шогирд. Жиғилдонга урмоқ ёки жиғилдондан ўтказмоқ дағл. емоқ, еб юбормоқ, томоқдан ўтказмоқ, ҳазм қилиб юбормоқ. Қиз бўйга етгандан кейин Мамасаид «тайёр ошга бақову» бўлди. Калининни енг учуда олиб жиғилдонга урди-да, қизни узатди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Жиғилдон қайнаш** баъзи ошқозон-ичак касалликлари орқасида меъда қайнаб ачишуви. Ҳамир овқат есам жиғилдоним қайнади.

**ЖИҒИЛЛАМОҚ** I «Жиғ» этган товуш чиқармоқ, мас., қайнай деб турган самовар ҳақида. Самовар жиғиллаёттир.

2 кўчма с. т. Куйиб-пишиб гапирмоқ, жаврамоқ. [Ғуломжон] ўзининг ҳали-ҳали уйланмаганини .. бошингни иккита қилиб қўйсақ, деб жиғиллаб ўтаётган ота-онасини бахтиёр қилиши мужминлигини ўйлаб ачинди. М. Исмоилйи, Фарғона т. о.

◆ **Юраги жиғиллади** юраги шиғиллади, юраги шув этди, юраги орқасига тортиб кетди. Қодир .. ўрнидан туриб, соатига қаради. Соат тўрт. Юраги жиғиллаб кетди. Бир жойга бориб

сара бундай кеч қолган эмас эди. А. Қаххор, Қанотсиз читтақ.

**ЖИҒОЛТОЙ** Йиртқиш қушларнинг лочинсимонлар олдасига мансуб бир тури.

**ЖИХАТ** [а] 1 эск. Тараф, томон. *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби Қутидор ва қўшнисининг иморатлари ... ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Бирор иш, масала ва ш. к. нинг таркибий қисми, элементи, томони ёки аспекти. [Фотима] ўзига кимларнинг кўнгли қўйганини билар ва муомалада бу жиҳати ҳисоба олар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖИХАТДАН** кўм. Тарафдан, томондан. *Шу даврда уни ҳам, ўзини ҳам ҳар жиҳатдан текшириб кўрди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Еш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағакўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам зарба эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖИХОД** [а] дин. Мусулмонларнинг «ғайридинларга қарши «муқаддас» уруши; газават. Аҳолининг гашига тегадиган турли миш-мишлар тарқатишда, .. «жиҳоди акбар» кундида иш берадиган одамларни таниб олишда, .. Раҳматилла катта иш қилди. А. Қаххор, Кўшчинор.

**ЖИХОЗ** [а] 1 Асбоб-ускуна; ишлаб чиқариш қуроли. *Кема жиҳозлари. Цех жиҳозлари. Лаборатория жиҳозлари.*

2 Асбоб-анжом, уй-рўзгор асбоблари, буюмлари. *Уй жиҳозлари. Меҳмонхона жиҳозлари.*

**ЖИХОЗЛАМОҚ** 1 Асбоб-ускуна, ишлаб чиқариш қуроллари билан таъминламоқ, ускуналамоқ, Кемани жиҳозламоқ. *Заводни энг янги ишлаб чиқариш қуроллари билан жиҳозламоқ.*

2 Асбоб-анжом билан таъминламоқ, анжомламоқ, Клубни жиҳозламоқ, Меҳмонхонани жиҳозламоқ.

**ЖИХОЗЛАНМОҚ** жиҳозламоқ *фл. мажх. н. Техниканинг энг янги ютуқлари асосида жиҳозланган завод.* — Ойқизнинг кабинети оддий ва камтарингина жиҳозланган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЖИХОЗЛАНТИРМОҚ** жиҳозланмоқ *фл. орт. н. айн. жиҳозламоқ.* «Ж»ЛОВЧИЛАР *лингв.* Ўзбек тилининг «й» ўрнида «ж» ишлатувчи диалектига мансуб ўзбеклар.

**ЖО** [ф-т]: жо бўлмоқ жойлашмоқ, мустақкам ўрнашмоқ; сиғмоқ. *Ҳамма кийимлар бир чамадонга жо бўлди.*

— Ойқиз қалбига жо бўлган фикрларнинг ҳаммасини бирма-бир айтди. Ш. Рашидов, Ғолиблар. **Жо қилмоқ** жойламоқ, жойлаштирмоқ; мустақкам ўрнаштирмоқ. — *Наказингиз жо қилдим Барини дилга, — деди, — Бутун кучим, қудратим Куч берган элга, — деди.* Зулфия.

**ЖОБАЖО** [ф-т]: жобажо бўлмоқ жой-жойига, тартибга тушмоқ, жой-жойига келмоқ, саранжом-саришта

бўлмоқ. *Ҳамма нарса жобажо бўлди. Жобажо қилмоқ (ёки этмоқ) жой-жойига, тартибга келтирмоқ, саранжом-саришта қилмоқ. Ҳалолу дилкаш эрур борбону деҳқони, Ҳар ишни қойил этар жобажо, омон бўлсин.* Ҳабибий.

**ЖОВЛИ(К)** *реш. дил.* 1 Ёппасига, ялписига, бари, ҳаммаси бирдан. *Оломон қиллини яланғоч қилди. Саккиз юзи бирдан жовлик от қўйди.* «Очилдов». *Оқсой Созогонга бориб қолади, Созогонда булар жовлик қўнади.* «Очилдов».

2 Батамом, тамомила, бутунлай. *Жамбил сенга, жовлик ўзинга қолди.* «Равшан».

3 Қўтара, кўтарасига. *Молни жовлик олмоқ (сотмоқ).*

**ЖОДИ** қ. ҳ. Беда, пичан, хашақ қирқадиган дастаки асбоб. *Бола .. супура, ахлат ташир, кечқурун қаролар даладан келганларида отларга жодидо беда қирқишар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЖОДУ** Диний-хурофий тасаввурларга кўра, гўё қандайдир ғайритабиий кучларни бўйсундириб, улар ёрдамида муъжизали ўзгаришлар вужудга келтира оладиган сеҳрли ҳаракат ва дуолар. *Ўғлингизнинг бу иши бежиз эмас: Марғилонлик сеҳр қилдим, жоду қилдим, ҳайтовур сиз ту йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўғилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Жоду** кўзлар сеҳрли, жозибали, мафтун қиладиган кўзлар. *Қийгани гулгун қирмизи, Ақлим олар жоду кўзи.* «Муродхон».

**ЖОДУГАР** [ф-т] 1 Жоду қилувчи; сеҳргар, афсунгар. *Нима бало жодугармисиз, ота? Бизнинг ичимиздаги гапларни қайқдан биласиз-а?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Ўтакетган айёр, маккор, ҳийлагар. *Матқовул жодугар турмушга ташлаган буриччи қадамидеёқ қулоғидан қарзга ботиб-ю, шу-шу ўнла-нолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Жодугар** кўзлар айн. жоду кўзлар қ. жоду.

**ЖОЗИБА** [а] эск. Жазб этувчи, тортувчи; жозибали, жозибадор. *Қай дил чамани бой, жозиб нафаси.* Зулфия.

**ЖОЗИБА** [а] 1 Тортиш кучи, тортувчи куч; тортув. *Ер жозибаси эск.* Ерниг тортиш кучи.

2 кўчма Тортувчи, жазб этувчи, мафтун қилувчи куч. *Унинг учинида, йўнинида кишини мафтун этувчи жозиб, дэжойиб санъат бор эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЖОЗИБАДОР** [а + ф-т] 1 Тортиш кучига эга бўлган, тортувчи. *Жозибадор куч.*

2 кўчма Тортувчи, жазб этувчи, мафтун қилувчи. *Жозибадор табассум. Жозибадор манзаралар. Жозибадор музика.* — *Холжонбиканинг .. ҳусни Ёқубиканикича бўлмаса ҳам, истараси иссиқ, юзидаги холи тим қора, кўзи жозибадор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЖОЗИБАЛИ** айн. жозибадор. *Жозибали шеърлар. Жозибали куйлар.* — *Комила келишган, кўзлари жозибали, ақлли, латофатли, шўх эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ЖОЗИБАСИЗ** 1 Тортиш кучига эга бўлмаган, ўзига тортмайдиган.

2 кўчма Қизиқтирмайдиган, жазб этмайдиган.

**ЖОИЗ** [а] Ижозат этилган, рухсат қилинган, йўл қўйилиши мумкин бўлган, ўринли. *Агар шундай дейиши жоиз бўлса. Агар савол жоиз бўлса.* — *Эътибор ёзди ўқурсан, сўзлари жоизми, кўр.* Э. Охунова.

**ЖОЙ** 1 [ф-т] 1 Бирор кимса ёки нарса ишғол қилиб турган ёки ишғол қилиши мумкин бўлган ер, нуқта, юза, фазо; ўрин, макон. *Қарават турган жой. Парк эгаллаган жой. Туя чўкса, жой топади.* Матал. *Золмининг жойи — жаҳаннам.* Мақол. — *Бозор кўни бўлганига қарамай бозор жойи бутунлай бўи эди.* Айнйи, Қуллар. *Милтигини жойига қўйди-ю; .. китоб мутлоа қилиб ўтирган Элмурод олдига келди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Отабек раҳмат айтиб, жойидан қўзғалмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор воқеа, ҳодиса юз берган ер; иш-ҳаракат, процесс ва ш. к. ўрни. *Хизмат жойи. Қузатиш жойи. Грамвай тўхтайдиган жой. Қаҳрамоннинг туғилган жойи.* — *Учта транспортёр иши жойига ўрнатилди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Сидиқжон болалиги ўтган .. тор кўчаларни, қишлоқ, аҳор бўйлари, сизир боққан жойларини бориб кўрди.* А. Қаххор, Кўшчинор. | Бирор нарса ёки иш-ҳаракат учун энг мувофиқ, мос ер, ўрин. *Мутахассисларни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди.* Мақол. *Жавдар жойига тушса бугдой бўлади, бугдой жойига тушмаса жавдар бўлади.* Мақол. — *Бу ер ҳазилнинг жойи эмас.* А. Қаххор, Оғайнилар. [Мулад ўст Майсарага:] *Э, худо демай ўлгур! Худо дейичининг ҳам жойи бор-да!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Бирор хусусияти билан ажралиб турадиган ер. *Ҳоли жой. Пастқам жой. Яланг жой. Паст-баланд жойлар.* — *Асрорқул самоварни жуда баҳаво жойга қилган эди.* А. Қаххор, Асрор бобо. *Эрта куз жаласи тоғлик жойларга хос ҳафсала билан қуяр эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. | Ер юзининг, фазонинг белгили ери, пункти, нуқтаси. *Сўқмоқ катта йўлга тутаишган жойдан бепеён дала бошланар эди.* А. Қаххор, Кўшчинор. *Бу жойдан бойнинг бутун пахта даласи кўзга ташланиб турар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Географик ёки маъмурий район; тараф, томон, ўлка; юрт. *Бизнинг жойларда анор кўп.* — *Йўқ, у [Элмурод] бу жойларни тушиди ҳам, ўнгда ҳам кўрган эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу жойни халқ қадим замонлардан бери Қултепа деб атар эди.* Ш. Рашидов

Ғолиблар. Морозов Смоленскда туғилди, Смоленскда ўсган. Унинг отоналари ўша жойда қолган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 (фақат кўпл. ф-да) Мамлакатнинг марказдан йироқ, чекка ерлари, маҳаллар. Жойлардан келган вакиллар. Жойлардан олинган хабарлар. — Маориф бўлимида иш қизғин. — Янги ўқитувчиларни жойларга тақсимловчи комиссия аъзоларидан ташқари яна бир қанча одамлар эшикдан-этикка кириб-чиқиб юрадилар. П. Турсун, Ҳақитувчи.

6 Бирор нарсанинг айрим қисми, ери, бўлаги. Ғўшнинг ёғли жойи. Қосанинг дарз кетган жойи. Иппинге тушган жойи. — Мана шу четидан тангадай жойини сичқон емаганда беш юз сўмлик мато экан. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Бирор жойинг оғрийдими, Кумуш. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар. | Бадиий асар, музыка ва ш. к.нинг айрим ери, қисми, парчаси. Абдушукур .. бойвачанинг қўлидан китобни .. олиб, керакли жойини топди. Ойбек, Қутлуғ қон. Баъзан севган қизларидан келган хатнинг қалбга бориб теккан жойларини бир-бирларига ўқиб берардилар. Шухрат, Шинелли йиллар. | Гап, иш, хатти-ҳаракат ёки белгиларнинг субъектив баҳолаш учун дастак, асос бўладиган ери, ўрни. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Ундан камчилик жойим йўқ. Менинг қўрақадиган жойим йўқ. — Мен сизга айтсам қиёматлик ўртоқмиз-у, мendan хафа бўлган жойи бор. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бу тўғрида мendan ҳам ўтган жойлари бор. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

7 Яшаш, ҳаёт кечириш, ётиш-туриш учун хизмат қиладиган ер; маскан, ватан, уй-жой, ҳовли-жой. Жой олма, қўшни ол. Мақол. Тор жойда томоша. Мақол. — Йўлчи бизникка ишлагани келган, ишласин. Пули йўқ, жойи йўқ, ҳам ўзи ёш ҳали, хотинни нима қилади? Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳукумати-мизнинг даврида яхшилик ерда қолмас экан, шу одамлар бизга кейинчалик қарашиб, шунчалик жой бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қишлоқ советининг раиси Борисов шу ерда айланаб юрибди. У жой сўраганларга жавоб қиляпти: — Ҳамма уйлар солдат билан банд. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

8 Ҳўтириш ёки ётиш учун қилинган, солинган, тўшалган ўрин; қўриндиқ. Вагонда бешта бўш жой қолди. Бугунги сеансларга жой йўқ. — Ҳожимирсирож автобусда жой таллашиб, болали бир хотин билан айтишиб қолди. А. Қаҳҳор, Йиллар. [Асроккул] атрофга сув сеипи, супага жой қилди. А. Қаҳҳор, Асрок бобо. Холда кичик қизи Раънони уйга ётқизиб, эрига жой солгани айвонга чиқди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. У кийимларини ечмай, жойига чўзилди. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

9 Ер-сув, ер-мулк. «Ракат» мавзуида

отадан қолган уч таноб жой бор эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Мана шу жойлар бурун Абдуваққос деган бир эшонга қарашли экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

10 Иш, хизмат, вазифа, ўрин. У яхши жойда ишлайди. — Жонфигон .. хотиница неча-неча тавба-тазаррулар қилиб, энди бирон жойга кириб ишлаганга .. сўз берибди. А. Қаҳҳор, Жонфигон.

11 Оила, хонадон. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом. Мақол. — Иқболингга кўп яхши жойдан қаллиғ чиқди, болам. Ҳаммалари бирам сипо, бирам салобатли одамлар экан. П. Турсун, Ҳақитувчи.

◆ **Нозик** (ёки ингичка) жой бирор иш, масала, муҳокама ва ш. к.нинг қалтис, нозик ери. Кўнглидан (ёки юрагидан, қалбидан) жой олмоқ кўнгида қолмоқ, юрагидан, қалбидан ўрин олмоқ; кўнгида чуқур из, асар қолдирмоқ. Мен хотиним билан анча йилдан бери туриб, ундан кўп яхшиликлар кўранман, бу яхшиликларнинг ҳар қайсиси кўнглимдан алоҳида-алоҳида жойи олган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Ҳўтиргани (ёки ўзини кўйгани) жой тополмай қолмоқ типирчилаб, нима қиларини билмай қолмоқ, гангимоқ, саросимага тушмоқ. Ғулмжон ҳокимни кутгани бормасди. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати кўзгаб, ўзини кўйгани жой тополмай қолди. М. Исмонлий, Фаргона т. о. Ҳўтиргани жой тополмай қолмоқ жуда катта ҳурмат билан кутиб олмоқ. Офтоб ойлми бўлса Ҳўбек ойлми Ҳўтиргани жой тополмас, «қуда» сўзи ўрнига «синглим» деб хитоб қилар, ошни ҳам унинг раъини сўрамасдан буюрмас эди. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар. Жойига келтирмоқ (ёки кўймоқ) ўринлатмоқ, ўрнига кўймоқ, тегишлича адо этмоқ, бажо келтирмоқ. Ҳурматини жойига келтирмоқ. — [Мухлис:] Дуруст, ҳамма ишни жойига қўйди. Қадри мўхмонларимизнинг кўнгилига пугур етмаса, бас. З. Санд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Ҳўшини жойига келтирмоқ кеккайиб, ўзига ишониб, ҳаддан ошиб кетган кишини тартибга чақириб кўймоқ. Гапни (ёки сўзни) бир жойга кўймоқ қ. гап I. Кўнгили жойига тушди қ. кўнгили. Кутмаган (ёки кутилмаган) жойда кутмаганда, кутилмаганда. Бошлангида анчайин ҳазилга ўйшаб кўринган бу гинахонлик кутилмаган жойда жиддий бир тус олиб кетди. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар. Гап (ёки сўз, фикр) бир жойдан чиқди қ. гап I. Жойини топди с. т. 1) жойига тушди; 2) ишлатиб, ҳазм қилиб юборилди, эгаллик бўлиб кетди.

**Жой II** [ф-т] рви, диал. Бафуржа, кечроқ, кейинроқ, бамайлихотир. Бугун ишга жойроқ бораман. Дам олиш кунни эрталаб жойроқ туришди.

**Жойида** рви Чакки эмас, ёмон эмас, тузук, дуруст, соз; саранжом-сарништа. Иш жойида. Аҳволингиз жойидами? — Эс-хуши жойида, қадди-

-қомати келишган, тан-жони соғ, куч десангиз битта ман-ман деган йиғитнинг ишини баҳузур қиладиган хотин эди-да. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Дастурхон жойида, қанд-курс, мева-чева саноги йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖОЙЛАМОҚ I** Батартиб териб, тахлаб кўймоқ; сифдирмоқ, кўймоқ. Яшиқларга олма жойламоқ. Вагонларга юк жойламоқ. Китобларни тоқчаларга жойламоқ. — [Гулнор] саноксиз асбоблар, идишларни пала-партиши йиғитириб, сандиқларга жойлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Солмоқ, солиб кўймоқ; жойлаш тирмоқ. Милтиққа ўқ жойламоқ. — Икки тахта оқ қоғоз олди, орасига қора қоғоз қўйди, машинкага жойлади. «Муштум», 1959, № 8.

3 Бирор иш ёки ўқишга жойлаштириб кўймоқ. Ҳўқишга жойламоқ. — Никанор ота уни ўғлига қўшиб, уста-хонага ишга жойлаб қўйди. С. Аҳмад, Ҳукм.

◆ **Кўнгилга** (ёки дилга) жойламоқ кўнгилга, дилга тугмоқ, жо қилмоқ.

**ЖОЙЛАНМОҚ I I** жойламоқ I, 2 фл. мажх. н. Ҳамма нарса бир чамадонга жойланди. — Меҳнатсевар аёллар фабрикага жойланди. «Кўшиқлар».

2 жойламоқ 3 фл. ўзл. н. Ишга жойланмоқ.

**ЖОЙЛАНМОҚ II** Текислик ёки фазода маълум вазият, жой олмоқ, жойлашмоқ. Осмон жисмларининг жойланиши. Расмда ички аъзоларнинг жойланиши кўришиб турибди.

**ЖОЙЛАТМОҚ** жойламоқ I, 2 фл. орт. н. Қолхозимиз вагонларга олма жойлатмоқда.

**ЖОЙЛАШИШ** жойлашмоқ I фл. иш оти. Ишга жойлашиш. Ҳўқишга жойлашиш.

**ЖОЙЛАШМОҚ I I** Жой олмоқ, эгалламоқ, жой олиб ўтирмоқ; сифдирмоқ, сифдирмоқ, жо бўлмоқ. Хотинлар қий-чув билан етти аравага жойлашди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳамма жойлашган, аъвод командири сержант Турғенев отув қуроллари ҳақида .. машигулот бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Яшаш, истиқомат қилиш, ётиш-туриш ёки иш юритиш учун жой, хона, бино ва ш. к.га ўрнашмоқ. Туристлар палаткаларга жойлашдилар. — Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Текислик ёки фазода маълум вазият, жой олмоқ, жойланмоқ. Шифохона колхозинг энг ўзгал ва баҳово ерига жойлашган.

2 Қирмоқ, ўрнашмақ. Ҳўқишга жойлашмоқ. Ишга жойлашмоқ. — Мактабда домланинг .. тарафдорлари ҳам бор эди. Буларнинг кўплари мактабга домла востисати билан жойлашган эди. П. Турсун, Ҳақитувчи.

**ЖОЙЛАШМОҚ II** жойламоқ фл. бирг. н. Олмаларни яшиқларга жойлашди. Делегатларни меҳмонхоналарга

жойлашди. Битирувчиларни ишга жойлашди.

**ЖОЙЛАШТИРИЛМОҚ** жойлаштир-моқ *фл. мажх. н.* Умумлаштирилган жониворлар Нуъмонхожининг катта-кон қўрасига жойлаштирилди. А. Қаҳ-хор, Қўшчинор.

**ЖОЙЛАШТИРМОҚ** 1 жойлашмоқ I *фл. орт. н.* [Домла] Абдурахмонни ўз меҳмонхонасига жойлаштирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Жойламоқ, қўймоқ. Гулнор ўз уйига кириб, қутиллардан бирини очиб, кийимлари орасига ҳалиги дўппини жойлаштирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖОЙЛИ** I Жойи, ери бўлган; он-ладан. Жон қизим! Сенга нима бўлди, сендан ёш, ёшига қизлар, уйли, жойли бўлишиб кетди. Ҳамза, Холисхон.

◆ **Туб жойли** шу жойда туғилиб ўсган, асли шу ерли.

**ЖОЙЛИ** II Диний-хурофий эъти-қодларга кўра: «муқаддас» жойларда ноҳўя иш қилганлиги сабабли вужудга келган. Қасалингиз жойли экан, — деб-ди фолбин.

**ЖОЙНАМОЗ** [ф-т] Намоз ўқиш учун солинадиган палос, мато ва ш. к. Тожибой ака қозикдан жойнамо-ни олиб, бомдоқ номозини ўқишга ўтир-ди. С. Зуннувова, Гулхан.

**ЖОЙРАВО** [ф-т] *диал.* Кўчалик кийим. Ҳасан очви ягона жойравоси — оқ гулли авра-астар қизил чит чо-понини ечиб хотинига узатаркан, ота-си Санам отинга кўзи тушиб, у билан саломлашди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЖОЙСИЗ** I Жойи, ери бўлмаган, уйсиз. Қишлоқ ўсиб-унган юртим. Албатта, жойсиз қолмасмиз, соғ бўлсак тирикчиликни ҳам йўлга солармиз. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖОЙСИЗ** II *рвш.* кам қўлл. Ҳуринсиз, ноурин. Қўқонга боргач биринчи ишим йўлингизни қутқазим бўлсин, жойсиз қайғурмангиз, ҳожим! А. Қодирий, Утган кунлар. II Қутидор ўзининг жой-сиз саволидан ўқиниб ерга қаради. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЖОЛИБ** [а] *эск. кт.* Жалб этувчи, ўзига тортувчи. Эски мадрасалар, .. миноралар, .. кўшклар .. буларнинг кўпларини Арслонқул яқиндан кўр-ган бўлса ҳам, .. орадаги масофа уларга аллақандай илиқ ҳусн бағишлаб, яна кўпроқ жолиби диққат қилган эди. Ойбек, Навоий.

**ЖОМ** [ф-т] 1 Мис тос. Тўхта хола .. Славикни жомдаги илиқ сувда чў-милтирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. 2 Шароб ичиладиган идиш; қадах. Россияда унинг жомига Галабанинг майи қуйилди. Россияда унинг номига Бутун бошлиқ қишлоқ қўйилди. Уй-ғун. Муҳаббат жомдан нўш айлаган аҳли зако бўлмиш, Фунуни тибда маж-нундир, кишининг қуйса сафроси. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *позт* Қўнғироқ, занг. Жом ур-моқ [эки чалмоқ] жирингламоқ, занг урмоқ (мас., соат ҳақида). Девор соат жаранглаб беш марта жом урди.

С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Кремль жом урса, бир урар юрак. С. Абдулла.

**ЖОМА** [ф-т] Кийим, либос. Ипак галстукка энди ижозат, Йишга му-носиб йигит жомаси. Ф. Ғулом. Қўжлам қизи юз очди, мусаффо безанибдур, Эғнида яшил жомаси, зебо безанибдур. Хабибий.

**ЖОМАДУЗ** [ф-т] *эск.* Машиначи, тикувчи. Холаси чевар — жомадўз эди. Ойбек, Навоий.

**ЖОМАҚОР** Иш кийими, коржома. Қизлар жомакор кийиш ўрнига, яса-нишган эдилар. Ойбек, О. в. шабада-лар. Умурзоқ ота юпка жомакори ус-тидан белини маҳкам боғлаган ҳолда совуқни писанд қилмай ишларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЖОМАШОВ** [ф-т] Қир ювадиган сопол тоғора. У [Латофат] кирни бувиладан қолган расм билан жома-шовда, чўққайиб ўтириб юрмайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Нотавон кўнгилга кўтир жомашов** қ. нотавон.

**ЖОМЕ** [а]: масжиди жоме шаҳар ёки маълум районнинг жума намози ўқиладиган энг катта, марказий мас-жиди. Йўлчи «Поякилик» орқали ун бозорига, «Масжиди жоме» томонига чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖОМИУЛ-УЛУМ** [а] *эск. кт.* Илм-нинг қони (жуда ҳам илмли, ўқимиш-ли кишилар ҳақида). Саводсиз бекни «жомиул-улу» деб юксалтиради. Ой-бек, Навоий.

**ЖОН** [ф-т] I Диний-мистик тасаввур-ларда ва идеалистик фалсафада: жо-ниворлар барҳаётлигининг ўлганда гўё тандан жудо бўладиган, одамда эса руҳга айланиб абадий яшайдиган гайритабиий (илоҳий) омили. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Мақол. Жон бор жойда қазо бор. Мақол. — Одамнинг лойдан ясалишини, унга жон бағишла-нишини, .. шундай қизиқ қилиб ўқиб бердики, ўтирганлар кула бериб қо-тиб қолишди. А. Қаҳхор, Қўшчинор.

**Жони бор** 1) тирик, жонли. Жони борнинг умиди бор. Мақол. — Танимда жоним бор экан, пахта беришга ти-ришаман. Ш. Рашидов, Ғолиблар; 2) кўчма асоси бор, асосли. Гапингиз-нинг жони бор. Жон бермоқ 1) вафот этмоқ, ўлмоқ. Вафот қилди жонка-шим, дардқашим. Ҳозир қўлимда жон берди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўчма таслим бўлмоқ, курашни, қаршиликни тўхтатмоқ. Йўқ Хўжабековга ўхша-ганлар осонликча жон бермайди. Етиб қолгунча отиб қолади. С. Анорбоев, Оқсой; 3) кўчма фидоқорлик қилмоқ. Мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек бу кун сизларга ях-шилинигизни ўттиз икки тағна солиқ билан қайтармоқчи бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар. Жон кирди 1) тирилди. Балиққа жон кирди; 2) кўчма жонлан-ди, рухланди; қизиди. Қутидор қайтиб йўлакка кириши билан .. Офтоб ойим ила Қумуша қайтиб жон кирган каби бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар. Таби-

атга жон кирди, толлар баре чиқарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Маърифатхон номи айтилиши билан суҳбатга яна жон кирди. А. Қаҳхор, Хотинлар. **Жон олмоқ** 1) ўлдирмоқ. Мен ўзим-нинг ашадий душманим билан танҳо курашиб, ё жон бермоққа ва ё жон олмоққа қарор берган эдим. А. Қо-дирий, Утган кунлар; 2) кўчма қийна-моқ, сиқмоқ; безор қилмоқ. Ямоқчини бўлса Исмаиловчи ҳар қуни масжидга чақириб, одамлар ўртасида ҳақорат қила бериб жонини олди. Ойдин, Ямоқ-чи кўчди. Жони узилди вафот этди, ўлди. Жони чиқди 1) айн. жони узилди. Жонинг чиққур! (қарғ). Тер чиққандан жон чиқмас. Мақол. — Ибн Синоза касалининг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўчма кўрқди, эси чиқиб кетди. Туф-э, куриб кетсин, жоним чиқиб кетди-я. А. Қодирий, Утган кунлар; 3) кўчма жаҳли чиқди, аччиғи қистади, газаби келди, даргазаб бўлди. Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним. Мақол. — Полон келанда темирчи шундай қилган эди унинг жони чиқиб, тишини ғижирлатди. А. Қаҳхор, Са-роб. Жони халқумига (эки бўғизга, ҳиқилдоғига) келди (эки тикилди, етди) 1) ўлар ҳолатга келди, ҳолати разм бўлди; 2) кўчма айн. жони чиқди 2. Боя нима ларни сўзладингиз, сир очил-дими, деб жоним бўғизимга келди. А. Қодирий, Утган кунлар; 3) кўчма безор бўлди, тоқати тоқ бўлди, тоқати қолмади. [Соли совуқдан] жабр кўра-кўра жони халқумига етган аҳоли уни қирқ олти йилдан бери эмас, қирқ олти минг йилдан бери яшаб келади, деб билар эди М. Исмоилий, Фарғона т. о. Жонни жабборга бериб қ. жаббор. 2 Сезувчи, ҳис этувчи тан, бадан. Бутун жоним қақшаб оғриятти. Тиш олдирган эдим, худди жонимни суғу-риб олаандай бўлди. Оғриқ босилиб, жоним ором олди. Газ жоннинг ҳу-зури экан. Бетимнинг қалини, жоним-нинг ҳузури. Мақол. — Тим қоронғи, изгирилик кеча. Ёмғир худди жонга игна санчаандай, эзиб муттасил са-валарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ғу-ломжон айвонда отаси билан тўрар, столларнинг қарсиллатиб синдирила-ётганини эшитиб, худди ўз қовурғала-ри синдирилаётгандек, жони оғрир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Жон(и) ачиди** ачинди, дилдан хайрихолик билдирди; ачинди. Унга жоним ачиди. Жондан ўтди 1) баданни, аъзонни оғрит-ди, қақшатди, зирқиратди. Оғриқ жон-дан ўтди; 2) кўчма қаттиқ татсир қилди, кор қилди. Айниқса буеунги сўзлар жон-жонимдан ўтиб кетди. Ш. Рашидов, Ғолиблар. **Жонни койт-моқ** қийналиб, машаққат чекиб бирор иш қилмоқ, қаттиқ уринмоқ. Қўш-чинорлик эки қўғазорликлар у ёқда турсин, сувнинг бошида бўладиган ба-қақуруллоқликлар ҳам ўзи эки улови-нинг жонини койитгиси келмас эди. А. Қаҳхор, Қўшчинор.

3 Ҳаёт; ҳаёт-мамот. *Кемага тушганнинг жони бир.* Мақол. Эчкига жон қайғу, қасосба ёғ қайғу. Мақол. Жондан кечмасанг иш битмас. Мақол. Текин-хўрларники — тарала бедод, жон ғанимат. Матал. — Чечан Жамбул, сен Ватанин севасан, Керак бўлак, жонингни ҳам берасан. Фозил шоир. *Отам мени жонидан ортиқ кўрар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Жон сақламоқ** ўзини маънавий ёки жисмоний ҳалокатдан ёки оғир, мушкул ахволдан сақлаб қолмоқ. *Офтобдан дархтларнинг тагида жон сақладик.* — У ҳануз қавақда жон сақлаб келмоқда. Бефаросат, лақма одамни кўрса, қавақдан секин чиқади, алақимдан эшитган янгиликларини айтади, яна кириб кетади. А. Қахҳор, Ҳи-хи. **Жон ховучлаб** ўз ҳаётидан хавотир бўлиб, қўрқа-писа. *Мирзо Ёдгорнинг боши кесилди. Унинг тарафдорлари жонларини ховучлаб, ининига кирди.* Ойбек, Навоий. **Жон(и)га ора кирди** 1) ҳалокатдан ёки бирор кўнглисиз воқеадан, танг ҳолатдан сақлаб қолди. *Булар [Григорий К., Дмитрий М., Владимир Ж.] ўз жонларини фидо қилиб, минглаρχа совет кишиларининг жонига ора кирдилар.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз; 2) қийин, мушкул ахволдан қутқазди, оғир пайтда ёрдам келди, ёрдам қилди. *Шундай дўштор келган пайтда Азим бойвачча Холхўжанинг жонига ора кирди.* С. Аҳмад, Хукм. **Жондан безор қилмоқ** (ёки тўйдирмоқ) 1) ўлимга рози қилмоқ; 2) жуда ҳам зериктирмоқ, кўнглига урмоқ, безор қилмоқ. [Оқила:] *Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти.* А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. **Жондан тўймоқ** 1) ўлимга рози бўлмоқ; 2) жуда ҳам зерикмоқ, безор бўлмоқ.

4 Киши, одам. *Жон бошига. Биз тўққиз жон эдик.* — Қорабулоқ қишлоғида бироррта уйғоқ жон қолмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳамма ишни тўжатиб, қимирлаган жонни теримга солар эканми.* Н. Сафаров, Ҳаёт мақтаби. *Тепаликда жон асари кўринмайди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз. *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жонондиси.* Ҳамза.

5 Кўпинча аниқловчилар билан қўлланиб «бош», «жусса» маъноларини ифодалайди. *Қиз жонинг билан қаергача боролардинг.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. — *Еш жонинг бор қизим,— деди [Офтобойим],— бировга ёмонлик соғинма.* А. Қодирий Утган кунлар. — *Вой шўрим,— деди Мастура,— Жиндақкина жонингизга-я. Шу жуссангизга учта дард сиғадими?* А. Қахҳор, Минг бир жон.

6 кўчма Куч, қувват, мадор. *Тезроқ қимирласангчи, жонинг борми?* *Жон борича ҳаракат, ғайрат қилмоқ.* — *Ҳожи .. секингина қўлини узатиб, қулогини ушлади ва уч буқлаб туриб каттиқ қисди, жон борича қисди.* А. Қахҳор, Ийлар. **Жони йўқ** 1) ўлик. *Сойга қарасанг, учта балиқ ётибди,*

*иккитаси йўлик, биттасининг жони йўқ.* «Эртақлар»; 2) кўчма кучи йўқ, кучсиз, мадорсиз. *Бир қўлимнинг жони йўқроқ. Сенинг муштингни ея бериб жонимда жон қолган эмас.* А. Қахҳор, Қўшчинор; 3) бўш, чидамсиз. *Жони йўқ ин.* *Жони йўқ мата.* **Жон олиб, жон бермоқ** бирор ишда астойдил ғайрат кўрсатмоқ; жонбозлик, фидокорлик қилмоқ. *Бўтабой кечани-кеча, кундузни-кундуз демая, колхоз учун жон олиб, жон беради.* С. Аҳмад, Хукм.

7 кўчма Яхши кўрадиған, севимли, ёқимли киши ёки нарса ҳақида. *Олма — унинг жони.* *Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмас.* Мақол. — *Талғатхон они, Оқ бугдойнинг нони, Ҳамма ёмон кўрсанда, Адасининг жони.* «Фольклор». *Ҳой-ҳой, менинг ёримсан, Танимдаги жонимсан.* А. Қахҳор, Қаратоп. *Шўро тузган жон Октябрь, Юртга меҳрибон Октябрь.* Эргаш шоир. *Аммо, лекин Мухторхон домла нафсамбрига одамнинг жони эди.* А. Қахҳор, Тўйда аза. [Жамила Гофирга:] *Агар ўтирган жойингизга хас-хашақлар тўжилса, сочларим билан супуриб, чанги чиқса, кўз ёшларим билан сув сепай, жонгинам. Ҳамза, Бой ила хизматчи.* | «Опасни», «акаси», «отаси» ва ш. к. сўзлар билан, баъзан ёлғиз «жонидан» ф-да сўзловчининг тингловчига яқин муносабатини, эркалаш ёки хушомад маъноларини ифодалайди. — *Опаси жонидан, дуторингизни чалинг тузуроқ,— деди у [Маликахон] Адолатга қараб,— уйин-кулгига ташна бўлиб ётганмиз.* С. Зуннунова, Гулхан. *Мунча курт-кurt қилиб чайнайси!* — *Туруп деган шунақа бўлади, жонидан.* А. Қахҳор, Асрор бобо. | *Энг яқин, севикли кишиларга мурожаатда сўзловчининг уларга яқин муносабатини ифодалайди; бегоналарга нисбатан эса хурмат ёки хушомад билдиради. Гулнорнинг кўзлари очилиб кетди, .. Йўлчига тикилди.* — *Нима қилди, жоним,— сўради Йўлчи, лекин бетобмисиз дейишга тили бормади.* Ойбек, Қутлуг қон.

8 кўчма Бирор иш, соҳа ёки доирада: илҳомлантирувчи, ташкил этувчи, ташкилотчи шахс, марказий сиймо. *Жамиятнинг жони.* *Жўраларининг жони.* — *Василий Степанов ишчи-комсомоллардан бўлиб, уш ҳам Давронов билан бирликда шу мактабни ташкил қилишга юборилган эди. Энди у мактабнинг жони бўлиб қолди.* П. Турсун, Уқитувчи.

9 кўчма Ҳаёт манбаи, ҳаёт бағишловчи нарса ҳақида. *Ёлғир — экиннинг жони.* Мақол. — *«Иссиқ — пахтанинг жони» деган мақол ҳам бежиз айтилмагандир.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Ҳозирги вақтда механизация колхознинг жони эканини ҳар бир колхозчи кўриб, биллиб турганда механизацияга қарши одам бўлиши .. билмадим.* А. Қахҳор, Картина.

10 Мурожаат қилинаётган шахсни билдирувчи сўздан олдин мурожаатда-

ги илтимос, илтижо маъносини кучайтиради. *Нибз мен билан хайрлашар чоғида: жон Ҳожи ака! Энди гап шу ерда қолсин .. деди.* А. Қодирий, Утган кунлар. — *Урманг отамни! Жон амаки, урманг! — деб зор уйғай бошлади болалар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Шу позицияда эркалаш маъносини билдиради. *Эй жон болам!*

11 кесим визифасида Шукур. *Офицернинг шу кетиши бўлса, итбағи етиб борса ҳам жон.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

12 Шахс билдирувчи сўзларга кичрайтиш-эркалаш маъносини беради, мас. *холожон, бунжон, ойижон, домлажон.* | Эркалаш ёки хурмат билдириш учун кишилар отига қўшиб ишлатилади, мас. *Каримжон, Аҳмаджон.* | Атоқли отларнинг таркибий қисмини ташкил этади, мас. *Қўшжон, Мамажон.*

13 Турдош отлардан кейин келганда предметнинг жуда яхши, соз эканлигини ифодалайди. *Бузуни ош паловжон бўлибди-да.* — *Аммо бу отжон экан.* Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Бир жон, бир тан бўлиб** бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжиҳат бўлиб. **Жон акага жон борми айн.** жон деб. — *Москвага борасанми?* — *Жон акага жон борми.* **Жон аччиғида** (ёки ҳолатда) 1) ўлим талвасасида. *Офицернинг ўзи ҳам талвасада ҳолдан тоьган эди, бунинг устига хотини полда юмалаб жон аччиғида хирилларди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 2) ғайрихиттиёр равишда, беихтиёр. *Чеккасини зах ерга бериб йиқилган ва кесак каби ҳиссиз қизини [кутидор] жон ҳолатда қучоғига олди.* «Қизим .. Қумуш .. Қўзингни оч!» А. Қодирий, Утган кунлар. **Жоним билан** бош устига; жон деб, бажону дил. — *Агар шахарда зарур ишларингиз бўлмаса, мен билан бир ерга бориб келсангиз.—* *Жоним билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аскарликка жоним билан бораман, Ватанин сўнги томи қоним қолгунча қўриқлайман.* П. Турсун, Уқитувчи. **Жон деб** хурсандлик билан, мамнуният билан, бажону дил. *Агар лозим келса, тошқўмир қонига бориб кўмир қазиб келтиришга ҳам жон-жон деб кетар эдим.* А. Қахҳор, Сароб. **Жон қоши** қошиқиди, қани эди-я. **Жон талвасаси** қ. талваса. **Жоним тасаддуқ** қ. тасаддуқ. **Жўжабирдек жон қ.** жўжабирдек. **Ўлмаган менинг жоним қ.** ўлмоқ. *Жони кирди* 1) хузур қилди, маза қилди, ором олди. *Уйига водопровод, газ ўрнатиб, жони кирди.* *Тиш олдириб, жони кирди;* 2) жуда хурсанд бўлди, қувонди, севинчи ичига сигмай кетди. *Кино деса, жони киради.* — *Аёллар: — Бўлмасачи! Ҳамминанг жони кирди. Қамишқапада ҳеч бунақа томоша бўлган эмас, дейишди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Жон куйдирмоқ** қ. куйдирмоқ. **Жон(и)га** тегди безор қилди, кўнглига урди; кўнглига тегди. *Мусофирчилик жонга тегди.* Ойбек,



Кутлуғ қон. Бир иш буюрсанг, сўрай бериб жонга тегади. Ойдин, Уялди шекилли ерга қаради.

**ЖОНАЖОН** [ф-т] 1 Энг севимли, қадрли, қадрдон. Жонажон дўст. Жонажон ўртоқ. Жонажон Ватан. — Жонажон Партия элга бош бўлди. Фозил шоир.

2 Энг муҳим, энг зарур ва фахрли. Тинчликни ҳимоя қилиш — жаҳон халқларининг жонажон ишидир.

**ЖОНБАХШ** [ф-т] Жон бахш этувчи, жон бағишловчи, мардонатор ишларга чорловчи, олантирувчи, куч-ғайрат, далда берувчи. Сир ва Аму дарёнини жонбахш сувлари. — Нафас олса жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қолаётгандек жим эшитди. М. Исмоил, Фарғона т. о.

**ЖОНБОЗ** [ф-т] Бирор ишда жон олинб, жон берувчи, астойдил ғайрат кўрсатувчи, фидокор. Жонбоз пахтакорлар. Жонбоз жангчи.

**ЖОНБОЗЛИК** жонбоз с. белги оти. Жонбозлик қилмоқ, Жонбозлик кўрсатмоқ, Совет халқлари жаҳонда тинчлик учун жонбозлик билан курашмоқдалар. — Урушга кирганлар ҳам оғир участкаларда жонбозлик қилишни буйнига олиб кирарди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ЖОН-ДИЛ**, жону дил Энг яхши кўрадиган, энг севимли киши ёки нарса ҳақида. Жон-дили китоб. Унинг жонидили — шахмат. Улар сизга жондил билан ёрдам беришга тайёр.

**ЖОНДОР** [ф-т] айв. жонзод. Бир турли жондорлар пайдо бўлибди, У жондорлар Муроджонни кўйибди. «Муроддон».

**ЖОНДОШ** [ф-т] поэт. Бутун ҳаёт тий манфаатлари, фикри-зикри бир бўлган; якдил, ҳамнафас. Бу баҳор байрами, гуллар байрами, .. Бу қондош ва жондош элар байрами! Шухрат.

**ЖОН-ЖАХД**, жону жаҳд: жон-жаҳд билан жон борича, бор куч билан; зўр бериб, ғайрат қилиб, астойдил, энг шимариб. Жон-жаҳд билан ишламоқ. — Уша куну у ҳам .. жон-жаҳди билан (пахта) терди. П. Қодиров, Уч илдиэ. У мотоциклнинг рулини жон-жаҳди билан ушлаб, бошини кўтарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЖОНЗОД** [ф-т] Жон эгаси, тирик жон, жонивор. Қўрада бандилардан бошқа жонзод эдилар, қўйлар ўтловга ҳайдалган қоллар. Айний, Қуллар.

**ЖОНИБ** [а] эск. кт. Тараф, томон, ер. Ул жонибдаги сиз ҳурматли ва иззатлиларнинг ҳам.. сизатлариниенгни .. сўраб турмоқдамиз. А. Қодирый, Утган кунлар.

**ЖОНИВОР** [ф-т] 1 Жон эгаси, тирик жон, тирик организм (ўсимликлардан бошқаси). Узимни кўрсатиб, ер юзидаги жониворлар ва уларнинг кўпайишини тушунтирмоқчи бўлдим. «Латифалар». [Муллаўст қозига:] Шухратларидан ўргилай, у жанобни, билмайдиган жонивор борми тақсир. Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 Нарса, ўсимлик, ҳайвон ва ш. к.га нисбатан эркалаш маъносига ёки «бечора», «болякш», «шўрлик» каби маъноларда ишлатилади. От сағрисида лойга ботган, жонивор бор кучи билан пишқириб олдинга интиларди. Ойдин, Фонарь тагида. Ишқом четида бир шафтоли бор экан, жонивор, мевасини кўтаролмай шохлари ерга қайрилиб ётибди. П. Турсун, Уқитувчи. Оғайни, бу ош деган жонивор куйиб кетмади! Ш. Рашидов, Фолиблар.

3 Кўчма Одам, махлуқ. — Қори ибод деганинг аҳмоқ бир жонивор экан, — деди Қурбон девона. Айний, Жаллодлар.

**ЖОНИҚМОҚ** с. т. Бир нарсдан қуруқ қолаётгандек шошмоқ, ошнқмоқ, шошқалоқлик қилмоқ. Шошма, мунча жоникмасанг?

**ЖОНКАШ** [ф-т] Меҳнатни жонидан ҳам ортиқ кўрадиган; меҳнатқаш, жафоқаш. Жонкаш аёл. — Вафот қилди жонкашим, дардокашим. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЖОНКАШЛИК** жонкаш с. белги оти. Жонкашлик қилмоқ, Жонкашлик кўрсатмоқ. — Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, қийда қор .. муз кечиб, .. бутун оғирликларга қарамасдан, жонкашлик билан ишлади. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЖОНКУЯР** Бирор иш, соҳа ёки киши учун жон куйдирувчи, астойдил ғайрат кўрсатувчи; ғамхўр. Менинг жонкуярларим бор. Механизация жонкуялари. — || Қурмагур, яхши йигит. Ёш тракторчи бўлса ҳам иши пишқ; жонкуяр универсалчи. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

**ЖОНКУЯРЛИК** жонкуяр с. белги оти. Жонкуярлик қилмоқ. Жонкуярлик кўрсатмоқ. Жонкуярлик билан ишламоқ. — Қодир ака ўн йилдан бери раис бўлса ҳам, колхозчиларнинг бу йилгидек жонкуярлигини ҳеч қачон кўрмаган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЖОНЛАНИШ** 1 жонланмоқ фл. иш оти.

2 Ҳаракатга, жўшга келиш; юксалиш; кўтаринки руҳ. Залда жонланиш. Ишдаги жонланиш. — Машиқлар ашула бошлаб юбордилар. Одамлар ўртасида шивир-шивир, жонланиш бошланди. С. Зунунова, Гулхан. Жонланиш, гап, кулги бир-бирига қўйилиб, зал шов-шув бўлиб кетди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ЖОНЛАНМОҚ** 1 Ҳаёт белгиларини кўрсатмоқ, тетикланмоқ, тетик, бардам бўлиб қолмоқ, кучга кирмоқ; тирилмоқ. Дам олиб, анча жонландим. Шаҳарда рамақижон бўлиб қолаган моллар яйловда жонланиб қолибди. Баҳор — табият жонланадиган фасл.

— Оқсоч Саидийнинг ёрдами билан бошини бир оз кўтариб, сувни шимирди-да, .. бир оз жонлангандек бўлиб пишчирлади. А. Қаҳқор, Сароб. Эрталаб қишлоқ аҳолиси, баҳор кўёшининг дастлабки илиқ нуридан жонланган жониворлар сингари, ўрмалаб кўчага чиқа бошлади. А. Қаҳқор, Олтин юлдуз.

2 Руҳи кўтарилиб, енгил тортиб, жонли тус олмақ, руҳланмоқ, ҳаракатга, жўшга келмоқ. Қумуш .. сесканиб ўзига келди. Хушдан ажралайган бечоралар [кутидор, Офтобойим] бу ҳолдан сўнг бир оз жонлангандек бўлдилар. А. Қодирый, Утган кунлар. У севгилиси қўлидан ўзига оби ҳаёт оқиб ўтгандек жонланди. М. Исмоил, Фарғона т. о. Тожбойи кириб келди. .. Энди, мажлис бошланади, деган фикрда ҳамма жонланди. П. Турсун, Уқитувчи.

3 Гавжум, обод бўлмоқ. Кундуз соат бирлардан кейин тўйхона жонланиб қолди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш урнишлари.

4 Равнақ, ривож топмоқ, юксалмоқ, олға босмоқ. Ишлар жонланиб кетди. — Солиҳ маҳдумнинг мактаб иши ҳам учинчи йилдан бошлаб бир оз жонланган, болалар ҳам ўттиз-қирққа етган эдилар. А. Қодирый, Меҳробдан чаён. | Қизғин тус олмақ, қизмоқ. Сухбат жонланди. — Дутор ёнига чилдирманинг чертмағи келиб қўйилгандан кейин базм тагин ҳам жонланди. А. Қодирый, Утган кунлар.

5 Кўчма Жонли бўлиб кўринмоқ, гавдаланмоқ. Йўлчининг онгида ўтмиш манзаралари жонланар экан, қайғу кўкракни яна чуқурроқ эзади. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЖОНЛАНТИРИЛМОҚ** жонлантирмоқ фл. мажх. н.

**ЖОНЛАНТИРМОҚ** жонланмоқ фл. орт. н. Ишни жонлантирмоқ. Сухбатни жонлантирмоқ. — Бир зум қараш билан юракка нақилланган унинг чеҳрасини яна кўз олдига жонлантиршига тиришди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**ЖОНЛИ** 1 Жони бор, тирик. Жонли тўқима (биол.). — Уша сатин тўғрисида Ўжғаназар: «унда от, одам каби жонли нарсаларнинг сурати бор, .. сурат бўлган жойда намоз ўқиш ҳам тузук эмас» деб тарқатган. Айний, Қуллар. | Тирик организмлардан, одамлардан, жониворлардан ташкил топган. Жонли табият. — Жамоат корхоналари ва уларнинг жонли ва жонсиз мол-мулклари колхозларнинг ва кооператив ташкилотларининг жамоат, социалистик мулкидир. «ЎзССР Конституцияси». Теталик учун бўлган жангда жасурлик кўрсатиб, душманнинг жонли кучларига, техникасига талафот етказгани учун қўмондонлик .. Беғижон Қурбоновни «Жасурлик учун» медали билан мукофотлади. Н. Сафаров, Севги. | Тирик организмга, хусусан одамга хос бўлган. [Гулдор] Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудокларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сездди. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Яшаб турган, барҳаёт, тирик. Утмишининг жонли шояди. — Жонли гувоҳни ишга тиқиб бўлмайди. А. Қаҳқор, Сароб.

3 Кўчма Тийрак, серҳаракат; шўх,



шўхчанг. *Тахтапуллик Собиржонни Танир эдим мен Бокудан, Зап чавандоз, миқти, жонли, Хосиятли уфат жуда. Шайхзода. У ҳозир болаларнинг шўх, жонли, қайноқ ўйинларини томоша қилади. Ойбек, Кутлуг қон.* | *Тетниклик, ғайрат, хушчақчақлик ифода этувчи; шўх, ўйноқи (кўз қараш, кўз, чеҳра ҳақида). Ўйлининг чиройли кенг юзида, .. жонли, теран маъноли кўзларида қандайдир илиқ, самимий табассум тошган эди. Ойбек, Кутлуг қон.* | *Рухли, қизғин. Жонли суҳбат.* — *Бу узатиш мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун барча қизлар ўзларининг энг асл, энг нафис кийимларини кийиб, .. хусн оламни .. яна бир қайта бежабдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 *кўчма* Худди ҳақиқатдагидек, чин, ҳақиқий; воқеликдан олинган, воқеликни акс эттирадиган. *Жонли портрет. Адабиётнинг энг муҳим вазифаридан бири даврнинг жонли материаллари асосида янги киши типини яратибди.* — *Жилин билан Қостилиннинг саргузашти уларнинг кўз олдидарида жонли воқеадай ўта берди. П. Туреун, Ўқитувчи.* | *Ифодали, ёрқин. [Сайрамов] ҳар масалани жонли мисоллар билан баён қилди. Ойбек, О. в. шабадалар. Атоқли халқ санъаткори [Юсуфжон қизиқ] ҳаётнинг энг чигал, мураккаб томонларини жонли тил билан содда қилиб тушунира оларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. || Эски адабиётни яхши ўқийди, айниқса Шохнома, Аҳмадзанжи, Абомуслим достонларини .. ўқиганда жуда ҳам жонли чиқаради. А. Қодирий, Обид кетмон.*

5 *кўчма* Ҳаёт қайнаган, жўш урган, жўшқин. *Кундузига қараганда сарой жонли: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хахолаб кулишишлари саройни кўкка кўтарардек. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

◆ *Жонли газета қ. газета. Жонли тилда сўзлашув тилида, халқ тилида.* **ЖОНЛИЛИК** жонли с. белги *оти. Рақсинг жонлилиги. Суҳбатнинг жонлилиги. Жозибали декорация «Буюк канал» операсига жонлилик киритган.* **ЖОНЛИК** *дик.* Худо йўлига, азиз-авлиёларга қурбонлик учун аталган уй ҳайвони ёки товуқ, хўроз. *Жонликларнинг калла-почалари ҳар доим шу ерда кўзларини лўқ қилиб, пойлаб ётувчи мозор шайхларига улашиларди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ЖОНОН** [ф-т] 1 *от* Жуда гўзал, барно, зебо, қадди-қомати келишган аёл; нозанин. *Кўзим нури, латофати на хуш озода жононсан, Нечук ҳам яхши жононсан, менинг жисмим аро жонсан. Ҳабибий.*

2 *сфт* Жуда яхши, гўзал, ширин, соз, олжаноб; аъло. *Жонон йиғит. Жонон палов.* — *Шаҳримиз кўрқидир жонон болалар. Ф. Ғулум. Айтсам дўстлар, шу тунни Бўйиб ўтди жонон*

*тўй.* 3. *Двёр, Ҳой қушлар, жонон қушлар, Қелин чертай бирга тор. Ғайратий. Кулисчи чиройли экан, жонон чинни чертилгандай бўлди. М. Исмонлий, Фарғона т. о.*

3 *Ҳқн* кишиларга мурожаатда хурмат ёки кесатиқ маъноси, бегоналарга нисбатан эса хушомадни билдиради. — *Жонон, — деди у, хотинининг бошини силаб. А. Қаҳҳор, Сароб.*

4 *Жонон (хотин-қизлар исми).* **ЖОНОНА** [ф-т] Маҳбуба, маъшуқа, севгили ёр. *Жондан кечмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлана қайда. Мақол.* — *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жононаси. Ҳамза.*

**ЖОНОҚИ, жоноқи** *олма* Эртапишар, хушбўй, ширин қизил олма. *Олдин пишар жоноқи олмалар оловдай ёнади. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ЖОНСАРАК** [ф-т] 1 Саросимага тушган, эсанкираган, гангиб қолган; безовта. [Мансур:] *Мағрур Алишернинг сувдан чиқариб ташланган балалардай жонсарак, уни бузилган қушдай безовта бўлиши қасос билан тўлган юрагимга тасалли беради. Уйғун ва Й. Султон, Навоий. Олдинги позицияга илк қадам қўйиб, ҳар нарсадан ҳадиксиратгандай теваракка жонсарак ва ожиз қарайдиган янги жангчилар орасида [Бектемир] ўзини пихини ёрган хўроздай сезар эди. Ойбек, Қуёш қораймас. || Ярим соат чамаси жонсаракка ураб учиб юришга мажбур бўлган қаргалар елнинг босилганини бир-бирларига хабар бергандек ға-ғу билан эски ўринларига қўна бошладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *кўчма* Сира бекор ўтирмайдиган, доим ўзига иш топиб ғимирлаб юрадиган, тинчимайдиган; серҳаракат. *Ҳозир ўша жонсарак тана жим, ўша чевар қўллар бедармон. И. Раҳим, Ихлос.*

**ЖОНСАРАКЛИК** жонсарак с. белги *оти. Жонсараклик билан.*

**ЖОНСИЗ** 1 *Жон* йўқ, ўлик. *Колхозчилар югуришиб келганларида, Умурзоқ ота жонсиз эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.* | *Жони йўқ нарсалардан ташкил топган. Жонсиз табият. Жонсиз материя.* — *Жамоат корхоналари ва уларнинг жонли ва жонсиз мол-мулклари колхозларнинг ва кооператив ташкилотларининг жамоат социалистик мулкидир. «ЎзССР Конституцияси».*

2 *Ҳаракатсиз* қотган, ҳеч нарса ифода этмайдиган, серрайган, ўлик-тириклигининг нишонаси йўқ; беҳуш, қарахт. *Жонсиз чеҳра.* — *Силкиниши орқасида унинг юзини тўзғиган соҳ тоналари ўраб олиб жонсиз бир суратга киргизди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Отабек ота-она орзусига, ўз таъбирича, жонсиз ҳайкал бўлиб ризолик берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 *Кучи йўқ, кучсиз; бўш, чидамсиз; нимжон. Нимжон ва жонсиз одам. Жонсиз ип.* — *Мурзин унинг паришон сочларини, нозик бўйнига ёпишган*

*майя, жонсизнинг соҳ тоналарини томоша қиларди. Шўхрат, Шинелля йиллар.*

4 *кўчма* Ифодасиз, руҳсиз, таъсирсиз; суст. *Жонсиз спектакль. Жонсиз услуб.* | *Мажлис жуда жонсиз ўтди.*

5 *Ҳаёт сўнгган, сукутга чўмган, жонсиз.* *Жонсиз кўчалар. Жонсиз ҳола.* — *Узоқларда жонсиз кўринган, Овулар ҳам йиғлаб ухлаган. Саҳар туриб шўри хотинлар «Тангрим» деган тўйиб йиғлаган. Ҳ. Олимжон.*

**ЖОНСИЗЛАНМОҚ** 1 *Ҳаракатсиз* қотмоқ; тириклик нишонасини йўқотмоқ, серраймоқ. *Салимбойачанинг ранги оқариб, кўзлари кўрқувдан бир лаҳзада жонсизланди. Ойбек, Кутлуг қон.*

2 *Жонсиз* бўлиб қолмоқ, увушмоқ. *Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, эни юпун бўлганидан, оёқларининг жонсизланганини, гавдасининг бужмайганини сезди. Ойбек, Кутлуг қон.*

**ЖОНСИЗЛАНТИРМОҚ** 1 *жонсизланмоқ* *фл. орт. я.*

2 *мед.* Этини ўлдирмоқ, аъзонинг бирор ерини огрик сезмайдиган қилмоқ. *Укол билан баданини жонсизлантирмоқ.*

**ЖОНСИЗЛИК** жонсиз с. белги *оти.*

**ЖОН-ТАН,** *жону тан айн. жон-дил.* *У сени жон-тан билан яхши кўради.* — *Ҳар янги ишга қучоқ очиб, жону тан билан киришадилар. Ойбек, О. в. шабадалар. Номим Али, касби-рўзин сартарош, Жону таним санъат, ўзим сартарош. Т. Тўла.*

**ЖОН-ҲОЛ:** *жон-ҳолига қўймай ҳол-аҳволига ва эркига қарамай, мажбуран. Бормасангиз сира иложи йўқ деб жон-ҳолига қўймай, ўзрлаб розилик олиб кетди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

**ЖОРИЙ** [а] *Ҳозирги* кунда, ҳозирги пайтда юз бераётган, содир бўлаётган, давом этаётган, олиб борилаётган; амалдаги, кундалик. *Жорий сўёсат. Жорий ремонт.* — *Перспектив планлар ҳам, жорий планлар ҳам ҳар бир иқтисодий-маъмурий районнинг барча ижтисодиётларини ҳисобга олиш асосида тузилиши зарур. «Қ. Ўзбекистон», 1957, 31 март. Жорий қилмоқ 1) амалга оширмоқ, кучга киргизмоқ. Умумий мажбурий таълимнинг жорай қилиниши. Янги қонун биринчи апрелдан жорий қилинади; 2) татбиқ этмоқ, қўлламоқ, ёймоқ, расм қилмоқ. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришига жорий қилиши.*

**ЖОРИЯ** [а] *эск. кт.* Чўри, оқсоч — *Мен .. отам томонидан эски кийим-кечакари қаторида ютқизилган, қиморбознинг мулкига айланган жория эдим, — деди Ҳожи хола. М. Исмонлий, Фарғона т. о.*

**ЖОСУС** [а] Бирор давлат ҳақида маълумот тўплаш, хусусан унинг ҳарбий сирларини билиш учун бошқа давлат томонидан қўйилган шахс; айғоқчи, шпюн.

**ЖОҲИЛ** [а] 1 *Жаҳолатда* қолган, илм-маърифатдан маҳрум; қолоқ, ма-

давиятсиз, подон. **Жаҳл** — жоҳилнинг қуроли. Мақол. || Жоҳил уламолар; ■ [Қози элликбошига:] Сиз аралашмай туринг, элликбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ гапириб ишинг пачавасини чикардингиз! Ҳамза, Бой йла хизматчи.

2 Ўжар, қайсар; қийиқ.

**ЖОҲИЛЛИК** жоҳил с. белги оти. Жоҳилликдан жон чиқар, қобилликдан донг чиқар. Мақол.

**ЖОҲИЛОНА** [a+ф-т] рвш Жоҳил одамлардек, подонларча. Жоҳилона илжайиш. || Жоҳилона ҳаракат.

**ЖУББА** [a] диал. Қўйлак бичимида тикилган пахтали иссиқ кийим. Кишилар қишинг оғир юклари: пўстин, пахталик, чопон, жуқбаларни ташлаб, ўзларини эркин ҳис эта бошладилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЖУВОЗ** [ф-т] 1 Ўсимликлар уруғидан, хусусан, чигитдан мой чиқарадиган қурилма; мойжувоз. Жувоз ҳайдамоқ. Отни жувозга қўймоқ. ■ Қўйини ҳовлидан қучитилган жувоз мойининг иси келади. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Шоли оқлайдиган қурилма; обжувоз.

**ЖУВОЗКАШ** [ф-т] 1 Жувоз ҳайдовчи, жувозхонада (обжувоз ёки мойжувозда) ишловчи ишчи. || Жувозга қўшиладиган. Жувозкаш от.

2 Тирикчилиги, даромади асосан мойжувоз устида бўлган шахс, мойжувоз эгаси. Йўлчи уни [Шоқосимни] бир жувозкаш майда боёга хизматкорликка — унинг жувозини ҳайдовчи сифатида ўрнаштиради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖУВОЗХОНА** [ф-т] Обжувоз ёки мойжувоз ўрнатилган жой, бино. Жувозкашининг ташқарисида жувозхона, .. отхонадан бошқа бир бурчада кичкина ҳужра бор эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖУВОЛДИЗ** [ф-т] Қоп тикиш учун ишлатиладиган йўғон, эгик игна. Уктам .. супадада ўтириб, жуволдиз билан йиртиқ қоп-қанорларни тикаётган кампир қошига келди. Ойбек, О. в. шабалалар.

**ЖУВОН** [ф-т] 1 Эрга чиққаш, ҳали ёш, етук аёл. Ёш жувон. Урта ёшлардаги жувон. Жувон ўлири! (қарғ.) ■ Ёши ортиб бораётган ҳар бир .. жувон сингари, Тўраҳон ҳам бола кўришини хоҳлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эрдан чиққан ёки тул қолган хотин. [Қутидорнинг] .. битта жувон қизи бор-ку, мунча, тўйни бошқа, ниқонни бошқа қиламиз деганига ҳайронман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ифқатини йўқотган қиз. Қизми, жувонми, Гулнорми барибир, мен дадамнинг ёш хотин олишини хохламайман. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖУВОНА** [ф-т] диал. Икки-уч яшар қора мол; новвос.

**ЖУВОНБАХТ** [ф-т] эск. кт. Бахтли, бахтиёр; толен баланд, омадли.

**ЖУВОНМАРГ** [ф-т] Ёш ўлган, авжи етилган пайтида ҳалок, нобуд бўлган. [Гули:] Жувонмарг гунчани

ҳам асла, ёд эт. Унутма доимо рўҳини шод эт. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Жувонмарг бўлмоқ 1) ёш ўлмоқ, ҳалок, нобуд бўлмоқ. Мени бу балодан ҳалос қилинг. Ёшиман, бемаҳал жувонмарг бўлиб кетмай. С. Аҳмад, Ҳукм; 2) кўйма барбод бўлмоқ, бекор кетмоқ, зое бўлмоқ. Ёшлик умрим жувонмарг бўлмади. О. Юнус. [Назира:] Хузуржонов Насибанинг ўқишини жувонмарг қилди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [Ҳоҷар Тўлаҳонга:] Ҳа, жувонмарг, холанга нима дединг? Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ЖУВОНМАРД** [ф-т] эск. кт. 1 Мард, ботир, довурак.

2 Олийжаноб, олиҳиммат, хотам.

**ЖУВОНСЎХТА** [ф-т] сўк. Жувонмарг. [Гулнор Мастурага:] Жувонсўхта Норбойваччанинг мунчаём иқболи баланд экан. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ЖУДА** [ф-т] жудо рвш Ортиқ, ниҳоят даражада, ҳалдан ташқари ғоят; ниҳоятда, бениҳоя. Мен сиздан жуда хурсандман. — Чарчаганга ўхшайсиз? — Жуда. ■ Ўқимаганимга жуда армон қиламан. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сени жуда-жуда кўргим келади. Ш. Рашидов, Ғолиблар. | Сифат ва равишларнинг ортирма даражасини ясади. Жуда яхши. Жуда ёмон. Жуда чиройли. ■ Сиз жуда қийиқ, жуда ўжар йегиб экансиз. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида қўйилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

◆ **Жуда бўлмаганда** (ёки бўлмаса) ай. ҳеч бўлмаганда қ. ҳеч 1. Жуда бўлса (ёки деганда) ортиғи билан, нари борса. Самарқандгача жуда бўлса 400 километр.

**ЖУДАЯМ** [асли жуда ҳам] рвш, с. т. Жуда ҳам, ортиқ даражада. Қўббулоқни ҳам тазаласак, жудаям сўз бўларди, нима дейсиз? Ш. Рашидов, Ғолиблар.

**ЖУДО** [ф-т]: жудо бўлмоқ 1) бирор кимса ёки нарсадан айрилиқ, маҳрум бўлмоқ; жудолликка учрамоқ. Азиз дўстлар нетай, бахти қаро бўлганга йўғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йўғлайман. Ҳамза. Мен бир оёғимдан жудо бўладим-у, аммо юзлаб гўдакнинг жони саломат қолди. Уйғун, Ҳаёт қўшиғи; 2) ҳалос бўлмоқ, айрилиқ. Боши танидан жудо бўлди. **Жудо қилмоқ** (ёки этмоқ, айламоқ) 1) бирор кимса ёки нарсасидан айирмоқ, маҳрум қилмоқ; жудоллик солмоқ. Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биригиздан жудо этувчи .. баттол Ҳоимид экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Рангини завфар этди, бағрида доғ бўлди, Илму ҳунар олишдан қилди жудо паранжи. Ф. Ғулум; 2) ҳалос қилмоқ, айирмоқ. Боснинг қиличи душман солдатининг чап қўлига тасига бориб тушди ва унинг калласини танидан жудо қилди. Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғилиши.

**ЖУДОЛИК** Яқин кишилардан йи-

роқдаги ҳаёт; яқин кишилардан жудо бўлиш; айрилиқ, ҳижрон. Оғир жудоллик. Жудоллик алами. Жудолликда яшамок. ■ [Офтоб ойм] Кумушини кўрган сайин юраги ачир, жудоллик кунларини асло тасаввур қилмаас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖУЖУН(ЧА)** [хит] Уст кийим учун ишлатиладиган қалин ипақ газлама. Бир костюмлик жужунча. || Жужунча шим.

**ЖУЖУР** [р дежурный] с. т. Навбатчи, дежур. [Зухра:] Ҳа, жужурман. Эл-юртга ҳар ким қўлидан келсан хизматини қилади. Сиз жужур ҳам эмас-да, хоним, .. хотинсиз! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ЖУЖУҚ** диал. Бола; гўдак.

**ЖУЗ** [a] 1 эск. Қисм, улۇш. Инсон ҳаётдан қилган талабнинг бир жузинигина олади. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ёзув қоғозининг метрик системада эллик тахтага тенг ўлчов бирлиги. Гилам устида жуз-жуз.. қоғозлар ётарди. Ойбек, Навоий.

3 Тикилган дафтар, китобча ёки китобнинг бир бўлаги. Дафтарнинг варақлари жузидан чиқиб кетган, йиртилиб тушган, .. чалкашган бўлса керак, лектор лекциянинг бош-кетини тополмай, хила овера бўлади. А. Қаҳҳор, Қуошқон.

**ЖУЗГИР** [a+ф-т] эск. ай. жуздон. [Ноиб] ўз жузгирдан қоғоз ва қаламдонидан қалам чиқариб, Ҳамро рафиққа қараб сўради. Айний, Судхўрнинг ўлғими.

**ЖУЗДОН** [a+ф-т] ай. папка. Бу қоғозни алоҳида жуздонга солиб қўйди. Ойбек, Навоий.

**ЖУЗЛАМОҚ** эск. Қоғоз, китоб варақларини жуз-жуз қилиб тахламоқ ёки тикмоқ.

**ЖУЗЬИЙ** [a] Унчалик катта, муҳим, жиддий бўлмаган; анчаки, арзимаган, аҳамиятсиз. Жузъий хато. Жузъий камчиликлар. Жузъий масала.

**ЖУЗЪЯ** [a] тар. Урта Осий хонликларида ерли ахудиёлар мулкидан маълум улۇш миқдоридан олинган солиқ.

**ЖУЙРУК** диал. Чоққир, учқур, югурик (от ҳақида).

**ЖУЛ** 1 Қўлда тўқилган дағал жун мата. Бир чакмонлик жул. || Жул чакмон. Жул қоп. Жул арқон. ■ Омон бояги жул арқонни ўликнинг ҳар икки оёғига тўғиғидан маҳкам сиртмоқ солиб боғлади. Ф. Ғулум, Шум бола.

2 диал. От ёпғи, ёпиқ. Бизнинг қўлда тулпор отлар боқилсин, Сулувланса, баҳмал жуллар ёпилсин. «Нигор ва Замон».

**ЖУЛДУР** Қийилавериб ёки тутилавериб дабдаласи чиққан, увадага айланган, увада. Жулдур қоп. ■ [Дехқон] жулдур чопоннинг этаги билан бурушиқ пешананинг терини артди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бойнинг қўрасига келган .. жулдур кийим дехқонларни кўриб юрагим эзилар, гирдиғум бойни кўриб ғазабнок бўлар өдим. М.

Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. || *Алиохун ҳам кўрпаси, ҳам чопони бўлган бир жулдурни жийда бутоқлари орасидан олиб, пичан устига солди ва .. қўлини ёстиқ қилиб чўзилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖУЛДУРВОҚИ** с. т. Жулдур.

**ЖУМА** [а] I Ҳафтанинг, душанбадан ҳисоблаганда, бешинчи кунни номи. *Буеун жума.* || *Жумабозор.* — Урушдан ярадор бўлиб келган Содиқжон деган йигит ўтган жума кунни самоварга келиб, урушда кўрганларидан анча гапириб берди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Октябрь революциясидан илгари: мусулмонлар ҳисобида Ҳафтанинг охириги, дам олиш кунни, шунингдек шу кунни ўқиладиган намоз. [Йўлчи] *вақт-соат, жума, байрам, ҳайит нима эканини билмасдан ишлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ошину еб бўлганларида у ёқ-бу ёқдан жума товуши кела бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Жума (эркаклар исми).

**ЖУМАК** [ф-т] диал. Жўмак.

**ЖУМАЛИК** тар. Жума кунни муносабати билан ўтказиладиган маросим, мас. гап, сайил. *Бу кун жумалик қилиб чиққан эдим.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Тошкентдаги жумалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни мақтар ва бу мақтовга қарши иккинчиси: «Нега мунча мақтайсан, Азизбекнинг асли бир бачча-да!» дер.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖУМАРД** диал. Жувонмард. *Йўқчилик жумарднинг қўзин йяма? Қўлингдан келганин қилгин аяма! «Равшан».*

**ЖУМАХШАНБА** [ф-т] с. т. Пайшанба.

**ЖУМБИШ** с. т. Жунбиш.

**ЖУМБОҚ** айн. топшимоқ. *Жумбоқ айтишни биласанми? Айтсам топасанми? .. — Билсанг менга очиб берчи: папкакана бўйи бор, етти қават тўни бор. Нима у? П. Турсун, Ўқитувчи. | кўчма Ечилиши, ҳал қилиниши керак бўлган, бош қотириладиган масала; тушуниб бўлмайдиган сирли иш, гап ва ш. к.; муаммо. Минг йилларни қийнаган жумбоқ Унинг [Лениннинг] ақли билан топилди. Чирик, қонхўр тузумнинг шу чоқ Эшиклари тақ-тақ ёпилди. Х. Олимжон.*

**ЖУМЛА** [а] I Тугал маъно ифода-лайдиган сўз ёки сўзлар бирикмаси; гап. *Узун жумла. Содда жумла.* — *Элмурод .. русчадан «оот», «нет», «естъ» каби бир талай сўзларни билди, лекин буларни бир-бирига улаб жумла туза олмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг [Суннатнинг] хати ўзидай шўж, ҳар жумладан ҳазил-мутойиба барқ уриб турар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 эск. айн. гап I 2. Сўроқ жумла.

3 Бир турдаги, маълум жиҳатдан бир хил нарса, ҳодиса ёки кишилар йиғиндиси, мажмун. *Тил ижтимоий ҳодисалар жумласига киради.*

♦ **Жумла(и) мўмин дин.** мусулмонлар. **Жумла(и) жаҳон** жаҳондаги барча кишилар; ҳамма, барча. *Қойил қолган жумла жаҳон, биз Рейхстагга тикканда байроқ.* Уйғун.

**ЖУМЛАДАН** кириш с. Айтилганлар ёки кўзда тутилганлар жумласидан. *Химиявий элементларга, жумладан, бром, йод, водород ва ш. к. киради.*

**ЖУМОДИЛАВВАЛ** [а] Камария йил ҳисобида бешинчи ойнинг арабча номи. **ЖУМОДИЛОХИР** [а] айн. жумодиссоний).

**ЖУМОДИССОНИЙ** [а] Камария йил ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи. **ЖУМУРШҚА** Дуккакликларга мансуб, молга ем-хашак бўладиган, асалга бой бир йиллик ва баъзи турлари икки йиллик ўсимлик.

**ЖУМУР** диал. Учи найза кигиз қалпоқ. *Бошида жумури, танида жанда.* «Нигор ва Замон».

**ЖУМЪА** [а] эск. айн. жума.

**ЖУМХУРИЯТ** [а] эск. айн. республика. *Мен ўша саҳролардан бир-бир ўтаман, Пахта жумхуриятига тўғри кетаман.* Миртемир.

**ЖУН** I Ҳайвон ёки кимса баданини қоплаган қалин тук, мўй, юнг. *Жуни майин кўй. От ағнаган ерда жуни қолар.* Мақол. *Қўйларнинг жунини олмоқ.* — *Сидиқжон .. ўша одамни тасаввур қилмоқчи бўлган эди, кўз олдига жуда новча, ўйғон, билак ва кўкракларини қоп-қопа жуни босган .. бир киши келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Ҳайвонлардан (асосан кўй, эчки ва туядан) қирқиб олинган шундай мўй, юнг. *Титилган, савалаган жуни.* — *Профессорнинг ҳар бир сўзи унинг учун тилладай қимматбаҳо .. Йўқ, ипакдай майин фарам-фарам жуни олиш тилсимининг калити эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Хотин бошидаги жуни рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

♦ **Бола-чақа пўстакнинг жунини** ейдими дағл. «ойла аъзолари таъминотини ҳам ўйлаш керак» деган маънода ишлатиладиган ибора. *Қасал бўлиб қолсам нима бўлади? Бирон офат келиб қолса нима бўлади? Бола-чақа пўстакнинг жунини ейдими? .. Акам бўлмаса, укам бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЖУНБИШ** [ф-т]: жунбишга келмоқ (ёки кирмоқ) I) ҳарақатга келмоқ, тўлқинланмоқ, тебранмоқ, мавж урмоқ. *Бу азамат иш бошланиши билан бутун води янги бир жунбишга киради.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) кўчма қўзғалоқ, қайнамоқ, жўш урмоқ. *Муфтиларни кўриши ҳамоно нафратни жунбишга кирган Султоналининг бу ҳолдан тасаж-жуви ортиб, Анварга қаради.* А. Қодирий, Мейхробдан чаён.

**ЖУНЖАЙМОҚ** айн. жунжимоқ. *Ҳасанали .. жунжайиб дарича остида, изгирик қучоғида ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖУНЖИКМОҚ** диал. Жунжимоқ. *Мақсадимиз «хонақоҳнинг бир бурчагида жунжикиб ўтириб, кўзлари-*

*мизни илтириб олмоқ, эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ЖУНЖИМОҚ** Совуқдан ёки касалликдан букчаймоқ. *Лейтенант чарчоқ, очиққан ва совуқдан жунжиган жангчиларга мурожаат этган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Айвоқларда оёқ учларини танчага зўр-бузўр тикиб жунжиб ўтирган хотинлар ..* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖУНЖИТМОҚ** жунжимоқ фл. орт. н. *Тун соғуғи вуҷудини жунжита бошлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ЖУНУН** [а] кт. I Жинни; жинилар. *Тоғи-тошда жунунлардек чопмасдан Гўзал қизлар ё келинлар меҳнатда, Эркин яшаш тузуми-ла роҳатда.* Ғайратий.

2 Жинилик, ақлдан озганлик. *Зайнабнинг жунуни қозилар ва табилар тарафидан ҳам тасдиқ этилган, унинг устидаги жазо кўтарилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖУРНАЛ** [р<фр] I Қитобча ёки мажмуа шаклида белгили вақтда чиқиб турадиган даврий нашр. *Ойлик журнал.* «Тил ва адабиёт масалалари» журнали. «Муштур» журнали. *Журнал мақоласи.*

2 Қундалик иш, воқеа, ҳодиса ва ш. к. ёзиб бориладиган қайд дафтари. *Қирган, чиққан хатлар журнали. Синф журнали. Кема журнали. Бухгалтерия журнали.*

**ЖУРНАЛИСТ** [р] Даврий матбуотда адабий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи адиб, матбуот ходими. *Совет журналистлари. Журналистлар союзи.*

**ЖУРНАЛИСТИКА** [р] I Журналист фаолияти, журналистик. *Журналистикани яхши эгалламоқ.*

2 Газета ва журнал адабиёти; газета ва журналлар мажмуи. *Совет журналистикаси.*

**ЖУРНАЛИСТКА** [р] Журналист аёл.

**ЖУРЪАТ** [а] I Хавф-хатар, қийинчиликлардан ҳайиқмай қилинган шиддат; жасорат. *Азим ишга қатта журъат керак. Журъат қилмоқ (этноқ, кўрсатмоқ).* — *Қалбингизда бўлсин журъат, ирода, Кундан-қунга ғайратингиз зиёда.* Ҳабибий. *Бувинисо кўнглидагини очиқ айтишга журъат қилолмай:— Мен .. мен, бир илож қилар эдим-да,— деди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Журъат (эркаклар исми).

**ЖУРЪАТЛАНМОҚ** Журъат қилмоқ, ботинмоқ.

**ЖУРЪАТЛИ** Хавф-хатардан, қийинчиликлардан кўрқмайдиган; шиддатли, жасур. *Журъатли йигит.*

**ЖУРЪАТСИЗ** Хавф-хатардан, қийинчиликлардан кўрқадиган; шиддатсиз, жасоратсиз. *Журъатсиз одам.*

**ЖУССА** [а] Тананинг ташқи бичими, умумий кўриниши; гавда, сумбат, қадди-қомат. *Жуссаси келишган йигит.* — *Қумушуби энди ўн еттинчи кўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан, бўйи ҳам онасига етаётган, аммо*

*жуссаси онасига кўра тўлароқ эди.* А. Қодирий, Утган қушлар.

**ЖУССАДОР** [а+ф-т] айн. *жуссали* 1. Менинг набирам ҳам сенга ўхшаб, Аскарликда хизмат қилади. Сенга ўхшаши *жуссадор*, норғул, Омон деса, ҳамма билади. Уйғун.

**ЖУССАЛИ** 1 *Жуссаси* катта, йўғон, гавдали, барваста, норғул. *Жуссали йигит*. — Дилдор баланд бўйли, *жуссаликкина*, бутун андоми ўзига келишган .. қиз эди. Ойбек, Навоий.

2 Аннқловчи орқали ифодаланган жуссага эга бўлган. *Йўғон жуссали одам*. — Янги командир .. назик юзли, кўзлари сузук, кичкина жуссали, ўттиздан ошмаган *йигит*. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЖУТ** [р джуг] Толасидан дағал мата, аркон тўқиладиган бир йиллик ўсимлик.

**ЖУФАЙ** *рви* Жуфт бўлиб, жуфт-жуфти билан. Тоғлардаги охулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖУФТ** [ф-т] 1 Иккига қолдиқсиз бўлинадиган (бутун сонлар ҳақида); акси ток. *Жуфт сонлар. Жуфт номерли уйлар*. | Икки дона, иккита (оғзаки санокда). *Бир жуфт тухум. Ўн жуфт данак*.

2 Бир бутун, комплект ҳосил қиладиган иккита бир турдаги нарса. *Бир жуфт маҳси. Бир жуфт билгаузук*. — [Қора Аҳмад] .. эски-тускилар орасидан бир жуфт кавуш топиб чиқиб, Йўлчининг оёқлари остига ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 айн. *жўра* II. У киши келинигизга икки жуфт атлас олиб келган эканлар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Бир-бирига мос, жўр, доим бирга бўладиган ёки бир иш учун бирлашган икки киши, нарса ёки жонивор. *Бобоқул .. кунига яраб турган бир жуфт өкисис-ю, қафтдай келадиган еридан ҳам айрилиб, бутунлай хонавайрон бўлиб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Хамманинг диққати ўртадаги бир жуфт курашида эди.* Й. Раҳим, Ихлос. [Бой ўз-ўзига:] *Бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офати жон фариштами? Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора.* Хамза, Бой ила хизматчи. *Юлдузи жуфт тушган бир-бирига мос, бир-бирига ёққан (икки одам ҳақида).*

5 Рафиқ ёки рафиқа; эр ёки хотин (бир-бирига нисбатан). *Жуфтинени қанотинг остига олиб, уча кет, лочин!* Ойбек, Қутлуғ қон. *Жуфти пок (ёки ҳалол) эск. қонуний эр-хотин.*

◆ **Жуфт бўлсин** ижро этилган мунжа, ашула, рақс маъқул тушганда «яна бўлсин», деган маънодаги ундамла ибора. **Жуфт кучлар физ.** бир жисмга қўйилган, қиймат жиҳатидан бир-бирига тенг, аммо қарама-қарши йўналган икки куч. **Жуфт сўзлар лингв.** бир лексик маънони ифода этадиган, дефис орқали ёзиладиган икки

компонентли сўзлар. **Жуфт тушган хил тушган, икковни бир хил; бирини-олиб**, бирнга урадиган (иккита феъли-атвори, юриш-туриши бир хил одам ҳақида). **Номини (ёки отини) жуфт айтмоқ** номини ҳамма элементлари, титуллари билан тўла айтмоқ. *Тўй, шундай улур айём кунда ҳам Остон дедилар-а!* Шунча йилдан бери бир мартаба отини жуфт айтганларини эшитмабман. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЖУФТАК:** жуфтақни ростламоқ (ёки урмоқ, отмоқ) с. т. қочиб қолмоқ, ура қочмоқ. *Омон менга қаради, мен тагин бир бало бўлиб қолди шекилли» деб, алақачон жуфтақни ростлаган эдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ЖУФТЛАМОҚ** Жуфт-жуфт қилмоқ, жуфти, шериги билан бир қилиб қўймоқ. *Қалишларни жуфтламоқ.*

◆ **Бошини жуфтламоқ** уйлантирмоқ.

**ЖУФТЛАНМОҚ** жуфтламоқ *фл. мажж. ва ўзл. н. Кучли кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, .. киприги жуфтланди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖУФТЛАШМОҚ** Жуфт бўлмоқ, жуфти билан қўшилмоқ.

**ЖУФТЛАШТИРМОҚ** жуфтлашмоқ *фл. орт. н. Сен эшитдинеми, йўқми, билмадим, улар иккимизни жуфтлаштирмоқчи бўлиб, бу кун мenden киши орқали тўй вақтини белгилашни сўраган эдилар.* Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖУФТЛИК** 1 жуфт с. белги оти. 2 Жуфт-жуфт бўлиб яшаш. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидеги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЖУГРОФИЙ** [а] эск. айн. географик. **ЖУГРОФИЯ** [а<эрек] эск. айн. география.

**ЖУХУД** с. т. эск. айн. яхудий. **ЖЮРИ** [р<фр] Мусобақа, выставка ва ш. к.да мукофот белгиловчи мутахассислар, ҳакамлар комиссияси.

**ЖУВА** 1 Хамир ёйдиган, ўрта қисми йўғон асбоб. *Жўва билан хамир ёймоқ.*

2 *тех.* Турли материалларни сиқиб ўтказиб юпқалаштирувчи, ёювчи асбобларнинг гўла қисми. *Блюминг жўвалари. Чигирик жўвалари.*

**ЖУВАЛАМОҚ** 1 Жўва билан хамир ёймоқ.

2 *тех.* Ёймоқ, прокатка қилмоқ.

**ЖУЖА** [ф-т] 1 Товуқнинг ва баъзи қушларнинг боласи. *Жўжани кузда санайдилар.* Мақол. || **Жўжа хўроз** 1) ёш, вояга елмаган хўроз; 2) с. т. кест. ёш, ғурурли йнгитча ҳақида. *Ориқ қосиб йигитча жўжа хўроздай бўйинини чўзиб қичқирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. 2 *кўчма с. т. Фарзанд, бола.* [Содиқ:] *Бир ўзимга саккиз жон қарайди. Бева опам, унинг учта сағири, .. ўзимнинг учта жўжам.* Н. Сафаров, Уйғонини.

**ЖУЖАБИРДАЙ**, «дек: жўжабирдай жон кўп болади, аёлманд киши ҳақида. *Жўжабирдек жонман, болам, улур биладилар, бир бева қизим уч*

*боласи билан, кўвини босмачи отиб ташлаган, ўзимда тўрт бола.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЖУЖАЛАМОҚ** Жўжа очмоқ, бола очмоқ.

**ЖУКА** Иқлими мўътадил мамлакатларда ўсадиган, барги юраксимон, хушбўй гулли дарахт.

**ЖУЛАК** Қўй қанаси.

**ЖУМРАК** [ф-т] 1 Турли асбобларнинг сув тушадиган қисми. *Чойнак жўмраги. Обдаста жўмраги.* — *Супа четидеги ўчоқда қор-қорайиб, жўмраги кемтик қумғон қопқоқни кўтариб биқир-биқир қайнарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Турли асбобларнинг сув тушадиган йўлини очиб-беркитиб турадиган қисми; кран. *Самовар жўмраги. Водопровод жўмраги. Жўмрақни бурамоқ.*

**ЖУН** 1 Паст навли, сифати паст, сифатсиз. *Жўн мол.* — *Махдум ўйлиниб қолди; — Бўлмади,— деди иккиланиб — жўнрок адрасдан ол-чи!* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 *кўчма с. т. эск.* Иштиёзли табақаларга мансуб бўлмаган; оддий, содда. [Юсуфбек ҳожи:] *Жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юрим, дегин?! — Жўн одамлар қаторида эмас,— деди [Отабек],— мажбурлар қаторида, зўрланганлар қаторида!* А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Юқори савияда бўлмаган, бўш, заиф. *Жўн асар.* || *Охирги саҳифа жўнроқ ёзилган экан.* А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Унча мураккаб ва қийин бўлмаган, осон, энгил. *Жўн масала. Жўн иш.* || [Бой ўз-ўзига:] *Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди.* Хамза, Бой ила хизматчи.

5 *рви* вазифасида Бекор, шунчаки; бекорчиликка эрмак қилиб. *Қишлоқда жўн юрмай, бир балони бошимизга сотиб олган эканмиз.* «Очлдов». Саидий бундай қилолмади, чунки ўқини эмас, китобни жўн варақлаш ҳам уни толиқтирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. 6 3 ш. эгаллик ва ж. к., ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. жўнига, жўнидан).

**ЖУНАЛИШ:** жўналиш келишиги грам. «кимга», «ниммага» сўроқларига жавоб бўладиган келишик.

**ЖУНАМОҚ** 1 Йўлга чиқмоқ, йўлга тушмоқ. *Поезд соат бешида жўнайди.*

— [Йўлчи] *отга миниб, аравани гумбирлатиб жўнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | (ж. к. билан) Йўл олмоқ, кетмоқ. *Уйга жўнамоқ, Шаҳарга жўнамоқ.* — *Саҳар туриб, қишлоққа жўнайман.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 (буйруқ майл ф-да) унд. с. вазифасида. Йўқол, кет; кетсин. *Жўна, Шоқосим, чайланган! Ҳозир атрофдан аёлларни топиб бораман. Уларсиз иш битмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бойваччалар жўнасин мардикорликка, бизга тинчлик керак!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЖУНАТИЛМОҚ** жўнамоқ *фл. мажж. н. Қишлоққа керакли моллар жўнатилди.* — *Азизбек Тошкентдан*

жўнатилади. Унинг ўрнига Қўқондан Нормухаммад қушбеги белгилиани келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЖУНАТМОҚ** I жўнамоқ *фл. орт. н.* Поездни ўз вақтида жўнатмоқ. — *Ўзим очик қўл йўлтиман. Бир оғайним уйга борса, юз сўм сарф қилмай жўнатмайман.* А. Қаххор, Қанотсиз читтак.

2 (*ж. к. билан*) Юбормоқ; кузатмоқ. Болани мактабга жўнатмоқ. Колхозга машина жўнатмоқ. — *Холбуви.. ўғилларини фронтга жўнатганда бақувват ва тетик эди.* Ш. Рашидов, Голиблар.

3 Юриштирмоқ, жўнаштирмоқ. Қиз чиқарадиган, ўғил уйлантирадиган.. хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари жўната олмас эдилар. А. Қдирий, Ўтган кунлар.

**ЖУНАШМОҚ** I жўнамоқ *фл. бирг. н.* Қайн ата-куёв апқ-чапоқ бўлиб, извоида нотариус эжўнаиди. С. Ахмад, Хукм.

**ЖУНАШМОҚ** II Ривожланиб кетмоқ, юришиб кетмоқ, юришмоқ; гурилламоқ. Гулхан жўнаиди. — *Иш жўнашиб кетди. «Ха-ҳу» дегунча кафани ҳам кўкладик.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ЖУНАШТИРМОҚ** жўнашмоқ II *фл. орт. н.* Отанинг [Асрорқулнинг] ўзи самоварни жўнаштириб юборганидан кейин кўп иш қилди. А. Қаххор, Асрор бобо.

**ЖУНАҒАР** *диал.* Тоғда ёлғиз оёқ оғир йўл. Юрган йўлинг адир эмас, жўнағар. «Алпомиш».

**ЖУНИГА** *кўл. вазифасида* Ҳақида, тўғрисида, жиҳатдан. — *Энди тўй жўнига келсам, ҳамма гап вақт-соатга боғлиқ, дўстим, — деди Собир.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЖУНИДАН** *кўл. вазифасида айн. жўнига.* — *Ер жўнидан сиқикроқмиз, — деди бошини аста қимирлатиб Уктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЖУНЛИКЧА** *рвиш* Осонлик билан, осонликча.

**ЖУПЛАМОҚ** Мўлжалламоқ, чоғламоқ; мувофиқ кўрмоқ. *Хуфтон асқосида Сафар бўғчи етиб келди, воқеани эшитиб, дафъатан Мирзони яшириш учун шаҳарнинг четроғида бўлган язнасининг уйини жўплади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

◆ **Оғиз жўпламоқ** бирор гап айтмоқчи, гапирмоқчи бўлмоқ.

**ЖҶР** I Тўрғайлар оиласига мансуб сайроқи қуш.

**ЖҶР** II [*ф-т*] Мос тушган, мос, оҳангдош, ҳамоҳанг, уйғун. *Уларнинг овози жуда бир-бирига жўр.* — *Дехқонбой ҳам қўшилишиди, бироқ унинг овози жўр тушмагач: .. тамом! — деб пилоткасини кўлига урди Қамолжон.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Дилга дил, тилга кўнги албатта жўр овоз экан.* Ф. Фулом. **Жўр бўлмоқ** I) бир-бирига мос, уйғун овоз билан бирга, барабар айтмоқ, куйламоқ; қўшилмоқ. *Қизлар чилдирмага жўр бўлиб, Ҳамза Ҳакимзода ёзган қўшиқни айтиб ке-*

*лишарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Куй Ойқиз юрагига жуда ёқиб туиши шеклими, ичида унга жўр бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) қўшилмоқ, жўра, шерик бўлмоқ. *Қўзи кўрға жўр бўлсанг ҳам, дили кўрға жўр бўлма.* Мақол. **Жўр қилмоқ** I) ашула ёки рақс ижро этилаётганда бирор музика асбобини чалиб ёки оркестр билан йўлга солиб турмоқ; 2) қўшмоқ. *Тариллаётган пулемётга Аҳмаджон ўлжа пулемётини жўр қилди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**ЖҶРА** I [*ф-т*] I Ошна-оғайни, ўртоқ. *Буни ҳайданг, буни ҳайданг, Тез орадан, жўралар! Яна ёлгонлар ила кўп Сизни сарсон қилалар.* Ҳамза. *Биз ҳам бир жўраимиз билан нима иш бўлса қиламиз деб, Тошкентга келган эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 «Гап», «тўкма» қатнашчилари, улфатлар (бир-бирига нисбатан). *Мана, нега шу вақтгача — жўраларнинг сони ҳамон ўша тўққиздан ортмайди.* А. Қаххор, Сароб.

3 «Ўртоқ» маъносигади мувожаат формаси. *Аҳмаджон ундан секин: — Жўрам, қаёққа кетаётибмиз? — деб сўради.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

4 **Жўра** (*эркаклар ва хотин-қизлар исми*).

**ЖҶРА** II [*ф-т*] Бир кийимли икки бўлақдан иборат ипакли мол (беқасам, атлас, шойи ва ш. к.). *Мен келтирган атласни Ерим солмас сандиққа. Минг жўраси арзийди, Шу ударник дўндиққа. «Кўшиқлар».* Сенга бир жўра беқасам олиб қўйдим. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЖҶРАБОШИ** I «Гап», «тўкма» қатнашчиларининг (жўраларнинг) бошлиғи. *Ҳар бир жўранинг жўрабошиси, йигит оғаси бўларди.* Н. Сафаров, Қўрган-кечирганларим.

2 *кўчма* Ишбоши, саркор.

**ЖҶРАБОШИЛИК** жўрабоши с. белги оти.

**ЖҶРЛАШМОҚ** I Бир-бирига товуш беришиб турмоқ.

2 Ҳамоҳанг, оҳангдош бўлмоқ, уйғунлашмоқ, жўр бўлмоқ.

**ЖҶРТТАГА** *рвиш* Онгли равишда, атайин, атайлаб, қасддан. *Мен жўрттага бағзи гапларни тескариликка олиб кўрсам ҳам, у [Зайнаб] чурқ этмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Улар эшитмадиларми, ё эшитсалар ҳам жўрттага шундай қилдиларми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖҶРЧИ** Йиртқич қушларнинг қарчигайсмонлар оиласига мансуб бир тури.

**ЖҶХОРИ** Бир йиллик ғалла ўсимликларидан бир группасининг (сўтали маккажўхори ва бошоқли қўқон жўхорининг) умумий номи ва унинг дони, ғалласи. *Жўхори эмкоқ, Жўхори туймоқ.* — *Отингизга озроқ жўхори бериб қўйдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. || *Ўғлим, қани, жўхори гўжадан қўйиб ич, чанқоқни босади.* Ш. Рашидов, Голиблар.

**ЖҶХОРИЗОР** Жўхори экилган ер, майдон.

**ЖҶХОРИКОР** Жўхори экувчи, жўхори етиштирувчи. *Жўхорикор районлар.*

**ЖҶХОРИКОРЛИК** I Жўхори экиш, жўхори етиштириш.

2 Жўхори экилган ёки экиладиган ерлар; жўхоризор.

**ЖҶХОРИПОЯ** Жўхори пояси. *Чойракор билан хизматкор Остонақул эса, даладан олиб келинган сўнги икки арива ёўзаоя ва жўхориюяларни дарвозанинг томига босишар эди.* А. Қаххор, Сароб.

**ЖҶШ** [*ф-т*]: жўш урмоқ *поэт.* I) қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ. *Денгиз жўш урмоқда.* — *Бизнинг ҳаёт жуда кенг, Жўш урган денгиз.* Файратий; 2) *кўчма* қайнамоқ, тўлиб тошмоқ. *Зебихон ҳам, Адолат ҳам буни яхши ҳис қилишар, лекин жабру жафолар исканжасида фарёда келган қалбларида одам бўлиб яшаш истаги жўш урарди.* С. Зуннунова, Гулхан. **Жўшга келмоқ** I) айн. жўш урмоқ; 2) жазавасти тутмоқ.

**ЖҶШМОҚ** *поэт.* I Жўш урмоқ, қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ. *Ҳаммасин биласан ёй, сирли дарё, Оқасан узоққа жўшиб беларво.* Файратий.

2 *кўчма* Жўш урмоқ, қайнамоқ, тўлиб тошмоқ. *Юракларда жўш урган Ҳаваслардан сўйладик.* З. Дийёр.

**ЖҶШҚИН** *поэт.* I Жўш урган, қаттиқ тўлқинланган, мавж урган. *Эй, тельба, ховлиқма, эй жўшқин дарё, Ястанди йўлингда поёнсиз саҳро.* Файратий.

2 *кўчма* Жўш урган, қайноқ; оташин. *Ғалабанинг жўшқин куйлари Жарангайди қалбингда ҳар чоқ.* Файратий. *Холмурод унинг жўшқин овозини эшитди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЖҶШҚИНЛИК** жўшқин с. белги оти. *Ҳаётнинг жўшқинлиги. Шоир ижодиётининг жўшқинлиги.* «*Кўча боғи*» унинг овозига қовушиб, ажойиб қувноқлик, жозибали бир жўшқинлик билан янгарди. М. Исмоний, Фарғона т. о.

**ЖҶЯ** [*ф-т*]: жўяси билан тушунтириб, тартиби, ётиги билан, гапни ўрнига қўйиб. *Жўяси билан гапиринг.*

**ЖҶЯК** [*ф-т*] *қ. х.* Экин ариғи, икки пушта ўртасидаги арнқ. *Жўяк олмақ.* — *Мана шу бегоён далаларда, .. жўякларда шилдирган сулардан сенинг биринчи бор айтган сўзларингни тинелардим.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ЖҶЯЛИ** *Уриш*ли, бамаъни, маъқуд. *Жўяли маслаҳат.* — *Аволажбор ташлаб келганинг жўяли иш бўлмаган эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**ЖҶЯСИЗ** *Уринсиз*, бемаъни, ножўя, номаълум. *Жўясиз танбеҳ.* *Жўясиз ҳаракат.*

**ЖҶҚЧИЛАР** *эск. айн.* «*ж*»ловчилар.



3 Ўзбек алфавитининг тўққизинчи ҳарфи; қ. зе.

**ЗАБ** 1 сфт Ниҳоятда яхши, хўб; ажойиб. *Бу ер заб жой экан-да.* — Қори туеунчани очиб ўриқдан иккитасини Сидиқжонга узатди. — *Заб ўрик экан-да.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Дадавой Қаландаровга:] *Заб милтиқ эканми? Ош пишгунча лип этиб сойга тушиб, жиндак ов қилиб келмайликми? Уйғун, Навбахор.*

2 рвш Ниҳоятда, жуда ҳам. Қизлар кулиши: «Салимаҳон, ўзингизга ҳам келинлик заб ярашар экан-да». Н. Фозилов, Оқим. | Нақ, айни. — *Хошимжон, заб вақтида келдингиз-да,— деди бир кун Фармонқул ака Қобиловга.* С. Маҳкамов, Шогирд.

**ЗАБАР** [ф-т] Араб графикаси системасида қисқа «а» унлиси ўрнида ҳарф устига қўйиладиган қия дефис шаклидаги диакритик белги.

**ЗАБАРДАСТ** [ф-т] 1 Жисмоний жиҳатдан бақувват, кучли. *Забардаст йигит. Забардаст қўллар.* — *Икки забардаст паҳлавон ўртада бел тўтишиб кетдилар.* М. Муҳаммадҷононов, Турмуш уринишлари. | Ҳар ишга қодир, қудратли. *Забардаст халқ.*

2 кўчма Етуқ, ўткир, зўр. *Забардаст олим. Забардаст шоир.*

3 кўчма Улкан, катта. *Забардаст куч.*

**ЗАБАРДАСТЛИК** забардаст с. белги оти.

**ЗАБАРЖАД** [а] мин. Шаффоф оч-яшил қимматбахо тош. || *Забаржад зирак.* — [Ҳадичабегимнинг] бошидаги даканага қийматбахо тошлар: ёқут, лаъли-забаржадлар.. жуда моҳирона қадалган эди. Ойбек, Навоий.

**ЗАБАСТОВКА** [р] Ташкилий равишда ялписига ишни тўхтатиш, иш ташлаш. *Забастовка ҳаракати. Забастовка қилмоқ.* — [Петров] ишчилар орасида урушга қарши ташвиқот юргизгани ва забастовка ташкил қилгани учун қамалади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАБАСТОВКАЧИ** Забастовка қатнашчиси.

**ЗАБОЙ** [р] қон. Қоннинг фойдали қазилмалар қавлаб олиш процессида сурилиб борадиган ва қончининг иш ўрни бўлган жойи.

**ЗАБОЙЧИ** айн. забойшиқ.

**ЗАБОЙШИҚ** [р забойшиқ] Забойда ишловчи қон ишчиси.

**ЗАБОН** [ф-т] кам қўлл. 1 айн. тил. *Мундай гапирсангиз-чи, забон борми?!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Сўзлаш қобилияти; нутқ. *Сигирнинг-ку забони йўқ, олдига нима ташласанг, чайнайверди [деди раис Қомилжонга]. «Муштум», 1959, № 10.*

◆ **Оташ забон** оташин нутқ сўзловчи; гапга чечан; сўзамол. *Оташ забон нотик. Оташ забон шоир.* — *Хотинларнинг баъзилари .. Йўлчиға яширинча*

*мўралашди. Қимдир биров «оташ забон йиғит экан» деб қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Ширин забон** сўзи ширин, ёқимли. *Дарёйи сўзи равон Муқимий, Халқ ичра ширин забон Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. **Забони қисқа** айн. тили қисқа қ. тил.

**ЗАБТ** [а] Босиб олиш, эғаллаш; истило. **Забт этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) харбий куч билан босиб олмоқ, истило қилмоқ. *Бутун Европани забт этганда, уларнинг жимжилоғи ҳам қонамаган эди.* Ойбек, Қуёш қораймас; 2) ўз ҳукмига бўйсундиarmoқ, жиловламоқ. *Қиз [Нафиса] минбарда гапирётган Умиднинг ҳаракатлари ва интилишларида асрий чўлни забт этиш учун бел боғлаган эл фарзандларидан бирининг ифодаси, жасорати, маънафини кўрарди.* Ш. Гуломов, Ерқин уфқлар; 3) кўчма эғалламоқ, мафтун, банд қилмоқ. *Фойда келтирадиган бу ўйин ёш юракни тобора зўр куч билан забт этарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Забт билан куч билан**, шиддат билан. *Муҳаррам ўша тотли муҳаббат кунлари, ойлари ўз оғушига забт билан тортаетгандек кўзларини беҳтиёр юмди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Забти тез** тез аччиғи чиқадиған, серзарда, сержаҳл. *Забти тез одам. Забти кўтармайди жини хоҳламайди, ёқтирмайди. Ҳазилли унинг забти кўтармайди.* **Забтига олмоқ** тобора кучаймоқ, авжга минмоқ, зўраймоқ. *Ёмғир забтига олаёттир. Совуқ забтига олди.*

**ЗАБТКОР** [а+ф-т] Забт этувчи, ўз ҳукмига бўйсундирувчи.

**ЗАБУН** [ф-т] кт. 1 Нимжон, заиф. *Ҳатто эрта кеч танчанинг бир томонини банд этишдан ўза иша ярмаган забун кампирлар ҳам .. бу «хон-тақлид тўйини» томоша қилишдан ўзларини тия олмадилар.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Ночор, иложсиз. *Мардликни севган, мағрур йиғит ўзини ожиз, забун, ихтиёрсиз сизди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Оғир, мушкул, танг. || *Тортарди омон деҳқон Кўкси тўла доғ-армон, ўз юрти унга зиндон, Аҳволи забунлардир.* С. Абдулла. **Забун бўлмоқ** 1) ночор, танг ахволга тушиб қолмоқ. *Ҳаялланган тангдир энангнинг ҳоли, эсга олса, забун бўлар аҳволи.* «Едгор»; 2) заволга юз тутмоқ. [Мажиддин:] *Алишер тахтингиз атрофида айланиб юрган илон. [Хусайн:] Йўғол Ҳасад! Алишер ҳеч қачон менинг забун бўлишимни истеган эмас.* Уйғун ва И. Султон, Навоий; 3) мағлубиятга учрамоқ, енгилмоқ. *Йлоҳи, душманлар забун, дўстлар музаффар, давлати шўромизнинг обрўси бундан ҳам зиёда бўлсин.* Ҳ. Гулом, Машғал.

**ЗАБУР** [а] дин. Гуё худто томонидан Довуд пайғамбарга юборилган муқаддас китоб.

**ЗАВЖ** [а] эск. юқ. усл. Эр; қайлиқ. *Қумушибиби бинти Мирзақариббойга— завжи тошкентшиқ Отабек Юсуфбек*

*ҳожии ўғлидан.* А. Қодирйй, Ўтган кунлар.

**ЗАВЖА** [а] эск. юқ. усл. Рафиқа; қайлиқ. *Завжаи муҳтарамамиз.*

**ЗАВКОМ** [р], завод комитети Завод касаба союз ташкилоти комитети. *Завком мажлиси. Завком раиси.*

**ЗАВОД** [р] Йирик саноат ёки хунармандлик корхонаси. *Ёғ заводи. Қўн заводи. Металлургея заводи. Нон заводи. Пахта (тозалаш) заводи. Фишт заводи. Вино заводи.*

◆ **От заводи** қ. от 1. **Қурт уруғи заводи** ипақ қурти уруғи тайёрлайдиган корхона.

**ЗАВОДЧИ** Завод эгаси, хўжайини. *Ўртада заводчи бойнинг ўғли Миркомилбойвачча икки ёш хотинни ёнига олиб, тўпписини столга қўйиб ўтиради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАВОЛ** [а] 1 эск. кт. Куннинг иккинчи ярми, кун оққан пайт билан кун ботар пайт оралиғи. **Завол пайти** кун оққан пайт.

2 кўчма Йўқ, маҳв бўлиш, ҳалокат. *Ростга завол йўқ. Мақол.* — *Қариган чоғларинг қора шомиди Хурросон ўлкасин заволни кўрдим.* Ҳ. Гулом. [Мўмин:] *Азоларни енгиб, халқ учун, ижод учун яшанг! Санъат осмонида нур сочувчи улғў юлдузга асло завол йўқ!* Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Завол бўлмоқ** бирор нарса ёки кимсанинг йўқ (ҳалок) бўлишига сабаб бўлмоқ. — *Гулдай урмимизга завол бўлган киши сиз эмасмики? — деди Роҳат Темирга.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Завол топмоқ** (ёки кўрмоқ) йўқ, маҳв бўлмоқ, ҳалокатга юз тутмоқ, талафот кўрмоқ, йитмоқ. *Бу ўлканинг завол топмас бахти бор, Москвадек улғўвор пойтахти бор.* Шухрат.

3 кўчма Офат, қушанда. *Чигирткалар экин-тикиннинг заволи. Вилт — ғўзанинг заволи.* — *Тождиддин Қосим овқатини секин ошай берди, уламолар овқатнинг заволи-ку, менга нима, жиғилдоним тўлғунча ошай, дерди ичида.* Ойбек, Нур қидириб. | Бирор нарсани бекорга исроф, увол қалувчи. *У қорғознинг заволи.*

**ЗАВОЛИЖОН** [а+ф-т] Жоннинг заволи, жон офати. *Бошинга бир қисмат тушмасин, тушгач заволижон экан, .. деди чол.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**ЗАВОЛЛИ** Заволга, ҳалокатга юз тутган, хароблашган. *Заволли Туркистон учун бойлар керак.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАВҚ** [а] 1 Эстетик леззат бағишловчи нарсалардан кишида юзага келадиган кайфият; шавқ. *Завқ олмоқ. Завқ қилмоқ. Музиқадан завқ олмоқ.* — *Аҳмад Хусайн бир неча минут кўзларини юмиб, завққа берилди, кейин ҳаяжон билан ўрнидан турди.* Ойбек, Нур қидириб. *Нури.. қўшиқларни завқ билан тинглар, баъзан ялачиларга яширинча мўралаб қўяр эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Ҳузур, нашъа, гашт. *Яшаш завқин билмоқ бўлсанг, фан*



тоғиға иктилгин. Ё. Мирза. Самандаров завқ қилиб кўлди ва болани қўлидан тортиб олиб бағрига босди. А. Қаххор, Қўшчинор. Катталар билан машғулот Элмурода алоҳида завқ берар эди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Марок, зўр хоҳиш, қизиқиш, руҳий кўтаринчилик, иштиёқ. Докладчи завқ билан сўзламоқда. — Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Нафосатни, гўзалликни сезиш қобилияти, эстетик дид. *Узи катта шопир, нозик завқ эгаси.* Ойбек, Навоий.

**ЗАВҚБАХШ** [a+ф-т] Завқ бағишлайдиган, кишининг завқини келтирадиган; нашъали. *Завқбахш музика.* — *Дунёда китоб ўқимоқдан, тафаккурдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқ.* Ойбек, Навоий.

**ЗАВҚЛАНМОҚ** Лаззат, завқ олмақ. *Анвар жавобни ўқиб завқланди: — Офарин, Раъно, лекин бировнинг устидан ортиқчароқ муболаға қилибсан!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Элмурод Тожибойнинг бу қадар содда ва бегубор мулоҳазасидан завқланиб кўлди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. | Ҳузур, гашт қилмоқ, мароқланмоқ. *Киши ҳаёт йўлида бошдан кечирган воқеалар орасида бахтли деб ўйлаган замонларини ёдлашдан ҳарчоқ завқланади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАВҚЛАНТИРМОҚ** завқланмоқ *фл. орт. н.* Завқлантирувчи асар.

**ЗАВҚЛИ** 1 Эстетик лаззат, завқ бағишлайдиган, кишининг завқини келтирадиган. *Завқли музика.* *Завқли томоша.* — *Созандалар ўзлари чалган мунгли ва завқли куйларга авдаларини тебратиб ўтирадилар.* П. Турсун, Ҳқитувчи. | Кишига ҳузур бағишлайдиган; мароқли, нашъали. *Завқли иш.* *Завқли ҳаёт.* — *Овчилик қамишкапалликлар ҳаётида завқли машғулот эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Эстетик лаззат, завқ ола биладиган. *Завқли одам.*

**ЗАВҚ-САФО** айн. кайф-сафо.

**ЗАВҚ-ШАВҚ** Ута даражадаги завқ, ҳузур, нашъа. *Унинг [Лаълининг] бийрон-бийрон сўзларини виштан Мирҳосил буткул маҳлиё бўлиб термилиб қолди, кўкраги завқ-шавққа тўлди.* Ҳ. Ғулум, Машъал.

**ЗАГОТОВКА** [р] махс. Бирор буюм ясаш учун мўлжаллаб тайёрланган хомаки маҳсулот, танавор. *Этик заготовкаси.* *Заготовка тайёрламоқ.* — *Заготовкалар тайёрлаш ишларининг тўла-тўқис механизациялаштирилганини кўплаб чарм тежаида муҳим роль ўйнади.* «Қ. Ўзбекистон», 1960, № 61.

**ЗАГОТОВКАЧИ** махс. Хомаки маҳсулот тайёрловчи, заготовка ясовчи.

**ЗАГС** [р] Турилганлик, ўлганлик, никоҳ, ажрим, фарзанд асраш каби ҳолатларни қайд қилувчи орган. *Загдан ўтмоқ.*

**ЗАДА** [ф-т]: *зада бўлмоқ* бирор кимса ёки нарсадан юрак олдириб, бе-

зиллаб қолмоқ, безор бўлмоқ: *безмоқ.* [Хондамир:] *Дўстлар зада бўлган қушлар сингари ҳар тарафга питраб кетдилар.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Тўламатмўйлов паст эшикларга бошини уриб зада бўлиб қолган кабинетга эгилиб кирди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Зада қилмоқ* бездирмоқ. *Кучукни уравериб зада қилмоқ.*

**ЗАЁМ** [р], давлат заёми Қарз асосида давлат бюджетига маблағ тўплаш формаси. *Давлат ички ютуқ заёми.* *Заём облигациялари.*

**ЗАЖИГЎЛКА** [р] Ўт чиқарадиган (одатда папирос тутатадиган) чўнтак асбоби. *У папиросни ғалати зажигалка билан ёндириб, .. қатъий товуш билан интизом ҳақида гапирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЗАЗОР** [р] *тех.* Бириктирилган икки қисм орасида қолган оралиқ, жуда тор тирқиш.

**ЗАИФ** [а] 1 Қуввати кам, кучсиз, беқувват, нимжон. *Заиф бола.* || *Унинг юраги заиф.*

2 Иқтисодий ёки ҳарбий жиҳатдан кучсиз, камқувват. *Заиф хўжалик.* *Заиф армия.*

3 Унчалик балинд, кучли бўлмаган; кучсиз, паст. *Заиф шуъла.* *Заиф овоз.* — *Сариқ, мойли қоғоздан эйрга ўтган заиф нур тўқувчи аёлларнинг танда устидаги қўлларигагина тушади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. — *Қўрқманг, мен...— деди Ғулумжон, куз янроғидай титраб турган заиф товуши билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Етарли даражада етук эмас, пухта ишланмаган; бўш. *Заиф асар.* *Заиф фильм.* || *Унинг билими заиф.*

5 Унчалик саботли, иродали эмас, ўзини унчалик тия олмайдиган; бўш. *Заиф одам.* — *Генрихнинг бир заиф томони шу эдики, ёшлигидан, ичкиликка муқкасидан кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 *от вазифасида, с. т.* Хотин, рафиқа.

**ЗАИФА** [а] *эск. кт.* 1 Хотин киши, аёл. *Харам дарвозасидан юрүвчилар ёлғиз хоннинг ўғли — шаҳзода, .. канизлар, доя хотинлар, яна баъзи «махсу» юмушларга хон томонидан белгиланган заифларгина эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Эркак никоҳидаги аёл, хотин; рафиқа. [Фосих афанди:] *Ашур мирзонинг эшиги шуми? — деб овоз қилди.* *Ичкаридан Жамилахоннинг настгани овози эшитилди: — Шу... Заифлари бўласизми, хоним афанди? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ЗАИФЛАНМОҚ** Куч-қувватни йўқотмоқ, кучсизланмоқ, бўшашмоқ. [Отабек:] *Мен ўша кун кечаси душманлардан бирини ўлдирдим-да, сўнг даражада заифландим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗАИФЛАНТИРМОҚ** заифланмоқ *фл. орт. н.* Дард беморни заифлантириб қўйибди.

**ЗАИФЛАШМОҚ** 1 Тобора заифлан-

моқ, куч-қувватини йўқотиб бормоқ. *Бемор кундан-кунга заифлашмоқда.*

2 Иқтисодий ёки ҳарбий жиҳатдан кучсизланмоқ. *Уруш натижасида кўп давлатнинг экономикаси заифланди.*

**ЗАИФЛАШТИРМОҚ** заифлашмоқ *фл. орт. н.*

**ЗАИФЛИК** заиф 1—5 с. белги *оти.* *Шербекнинг вазифаси ҳам шу заифликлардан холи бўлган, ҳам майин жулли, ҳам думбали дурагайлар урчитшидан иборат.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЗАИФОНА** [a+ф-т] *эск.* 1 Хотин-қизларга хос бўлган. *Заифона нозик қўллар.* — *Қилтириқ махсум юмшоқ маҳси кийган заифона оёқлари билан.. дастурхонни гиламдай юмалатиб чиқиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Хотин-қизлар учун белгиланган (оёқ кийими ҳақида). *Заифона маҳси.* — *Қафшнинг бири «заифона», бири «мардона» бирининг пошнаси бутунлай йўқ, бириники яримта.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАЙЛ** [а] Иш-ҳаракат тарзи, тахлитни ёки ҳолати. *Элмуроднинг машғулоти бир зайлда давом этди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Шу зайлда орадан бир ойча вақт ўтди.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Замона(нинг) зайли** (билан) 1) вақтнинг тақозоси (билан). — *Ота-оналар замоннинг зайли, деб қизларини ўқитиш зарурлигини тан олсалар ҳам, ўқимишли қизларнинг ўзига хос хоҳишларини тан олмайдилар,— деди Қумуш.* Т. Жалолов, Олтин қафас; 2) тақдир амри билан, фалакнинг гардиши билан. *Ана, замона зайли билан бу ерларга келдим.* *Роза билан қайта танишидим.* Б. Абдуллаев, Тўй бўлади. **ЗАЙЛИДА** *рви* Қабилида, тарзида. *«Сиз қўрққан олдин мушт кўтарар» зайлида иш тутяпсиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЗАЙТУН** [а] 1 Доим яшил субтропик дарахт.

2 Шу дарахтнинг олхўри шаклидаги меваси (ундан одатда мой олинади). *Зайтун мойи.*

**ЗАК** *диал.* Зах.

**ЗАКАЗ** [р] *с. т.* Буюртма. *Заказ олмақ.* *Заказ бермоқ.* *Билет заказ қилмоқ.*

**ЗАКАЗНОЙ** [р] Кўшимча ҳақ тўлаб юбориладиган ва адресатнинг қўлига етказиб берилиши шарт бўлган (хат, бандероль ҳақида).

**ЗАКАЗЧИ** Заказ берувчи, заказ қилувчи; буюртмачи. *Заводнинг заказчилари.* *Заказчиларга хизмат кўрсатмоқ.*

**ЗАКАЛАТ** [р *заклад*] *с. т.* Сотиб олинадиган ёки заказ қилинадиган нарса учун олдиндан тўланадиган ҳақ. *Закалат бермоқ.* *Закалат олмақ.*

**ЗАКАН** Намлик ёки захни қочириб-ушун ер, пайкал ўртасидан қазилган ариқ; зовур. *От ботқоқликдаги закан сувига тумшугини ботириб ичмоқчи бўлди-ю, шўрлигидан яна тумшугини тортди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи.

**ЗАКИЙ** [а] *кт. айн. заковатли.* Закий одам. Закий йигит.

**ЗАКИЙЛИК** *закий с. бели оти.*

**ЗАККИ** *с. т. 1* Закий. *Ўзи яхши мулла бўлган кўринди, заки таъб йигит.* А. Қодирий, Меҳробан чаён.

**2** Қийим-бошга зеб берадиган; олиф-та, башанг.

**ЗАҚО** [а] *айн. заковат.* Аҳли зақо ўткир ақл-идрок, заковат эгалари, донишмандлар.

**ЗАҚОВАТ** [а] ўткир ақл-идрок, зеҳн, зақо; донишмандлик. — *Унинг [Зокиржоннинг] нозик ҳаракатлари, шоирона муомалалари, заковати, малоҳати, жозибали фасоҳати мени ўзига мафтун қилди, — деди Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Унинг [Ибн Синонинг] қотмадан келган тиниқ юзида, катта-катта кўзларида заковат нури порлайди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ЗАҚОВАТЛИ** Ақли, зеҳни ўткир, ақлли, идрокли, донишманд. *Заковатли олим.* — *Бу заковатли ва меҳрибон киши ҳақида Абдуваҳоб хотинига кўп марта ҳикоя қилиб берган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЗАҚОН** [р] *с. т.* Қонун. *Ҳар қалай закон биладиган кишисиз, бир йўл кўрсатинг.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. [Аҳмаджон] *дам-бадам ўзига ўзи «Э, уруш деганнинг закони борми, йўқми» деб хитоб қилар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ **Закон сўқмоқ** қонунни рўқач қилиб баҳслашмоқ ёки дўқ урмоқ. *Бобохўжа домла билан Рамазон Қори унга «закончи», закон сўқадиган бўлиб кетган бу бола. «деган айбни» тўнкашибди.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**ЗАҚОНЛАШМОҚ** *с. т.* Қонун талашмоқ, қонун талашиб баҳслашмоқ.

**ЗАҚОНЧИ** *с. т. 1* Қонунни яхши биладиган киши; адвокат, юрист. *Ўзи закончи.* *Суд — жанжал ишига аралашса ҳар қандай мушкул иш бўлса ҳам эплаб чиқади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2** Қонунни рўқач қилиши яхши кўрадиган, қонунни рўқач қилиб баҳслашувчи ёки дўқ урувчи. *Кампири тушмагурнинг дарров закончи бўлиб қолганини қаранг.*

**ЗАҚОНЧИЛИК** *с. т. 1* закончи *с. мавҳ. от.*

**2** Қонунни рўқач қилиб баҳслашиш ёки дўқ уриш. *Кўп закончилик қилаверма!* *Закончилигингизни менга қилманг.*

**ЗАҚОТ** [а] *1* дин. Шарият ҳукми бўйича пулдор, молдор мусулмоннинг ўзига қарашли мол ва пулиннинг қирқдан бир улуши миқдорига рўза вақтида бева-бечораларга, камбағал-қашшоқларга берадиган хайр-садақаси. *Закот олмоқ. Закот бермоқ.*

**2 тар.** Урта Осие хонлигида: чорва ва мол-мулкнинг қирқдан бир улуши миқдорига ҳар йили ҳазина фойдасига олинган солиқ. *Солиқларнинг учинчи тури — закот — мол-мулкдан олинмаган давлат солиғи эди.*

Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар.

**ЗАКОТЧИ** *тар.* Закот йиғувчи мансабдор шахс. *Закотчи бек ёки хон томонидан тайинланмаган закотчи йиғар эди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар.

**ЗАКУСКА** [р] *с. т.* Спиртли ичимликлар истеъмол қилинганда ейиладиган енгил овқат; газак. *Столда Тошкент суви, коньяк ва закускалар пайдо бўлди, янги бодрингнинг ҳиди анқиди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ЗАЛ** [р < нем] *1* Катта йиғилиш, машғулот қатнашчилари ёки томошобинлар ўрнашадиган кенг хона. *Концерт зали. Мактаб зали. Операция зали. Суд зали.* — *Шоабдуфаттоҳ Хўжаев уч оғайниси билан залнинг ўртасида турар, бўш стол излаб бўлса керак, у ёқ бу ёққа кўз ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Оғайниллар.

**2** Хусусий хонадондаги энг катта уй; меҳмонхона.

**ЗАЛВАР** Салмоқдор ёки қурч нарсаларнинг оғирлиги; салмоқ. *Залвар билан урилмоқ. Залвар билан йиқилмоқ.* — *Залвари, қадри-қиммати тилладан кам бўлмаган оқ пиллаарни пунктда ҳам қўлма-қўл олиб кўришди.* М. Кўшоқов, Катта хирмон жилғаси.

**ЗАЛВАРДОР** *айн. залварли.*

**ЗАЛВАРЛИ** Салмоқли оғирликка, кучга эга бўлган; салмоқдор, оғир, чўнг, залвардор. *Залварли мушт. Залварли тўқмоқ.* — *Ота залварли таёғини қорға ниқтаб босиб, бардам қадам ташларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳавонинг қовоғи солиқ. Айир орқасида залварли қўроғошиндек булт кўтарилиб келарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ЗАЛДИВОР** *с. т.* Зардевор.

**ЗАЛИЛ** [а] *эск. кт.* Хўрланган, таҳқир қилинган; ҳақир.

**ЗАЛОЛАТ** [а] *эск. кт.* Йўлдан озиш, гумрохлик. [Хатиб домла мулла Муҳсинга:] *Гўё сиз ҳам домласиз-да!* *Ҳам ўзингиз осий, ҳам қавмларингиз залолатда.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЗАЛП** [р] Отиш қуролиларидан бараварига узилган бир неча ўқ. *Тўплар залпи.* — [Партизанлар] *ёвни бир залп билан қириб ташлашлари мумкин эди.* В. Гафуров, Вафодор.

**ЗАМ** [а]: зам қилмоқ (ёки айламоқ) *кт.* бор нарса устига қўшмоқ, замламоқ. *Ёвага раҳм этманг, уринг, ҳайданг, суринг, берманг омон.* *Зарбалик даҳшатни айланг зам уза зам, жангчилар.* Ҳабибий.

**ЗАМАЗКА** [р] Бўр, алиф ва елимдан тайёрланадиган ва тирикчи, ёриқ ва ш. к. ни беркитиш учун қўлланадиган хамирсимон қориниша. *Дераза замазкаси.* *Эшик чокларини замазка билан беркитиш.*

**ЗАМАЗКАЛАМОҚ** Замазка суртмоқ, замазка билан тешик-ёриқларни беркитмоқ. *Дераза ойналарини замазкаламақ.*

**ЗАМАЗКАЛАТМОҚ** замазкаламақ

*фл. орт. н.* Дераза ойналарини замазкаламақ.

**ЗАМБАР** *диал.* Замбил. *Тўрт нафар қиморбоз қўлларида икки замбар билан чиқиб келдилар.* Айний, Қуллар.

**ЗАМБАРАК** [ф-т] Узун стволли артиллерия қуроли; тўп. *Ёвбошида найза, қилич ўйнатишни ўргандим, Мардчасига замбаракдан ўқ отишни ўргандим.* Х. Пўлат.

**ЗАМБАРАКЧИ** Замбарак отувчи; тўпчи.

**ЗАМБИЛ** [ф-т] *1* Икки параллел дастага одатда тол ёки тут новдаларидан ўртасини чуқурроқ қилиб тўқилган ва фишт, тош, гўнг ва ш. к. юкларни ташини учун қўлланадиган иш қуроли; замбар. *Матқовул билан яна бир киши нарироқда замбил, кетмон, болға билан қуролланиб, тош-шағал таширди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2 с. т.** Зилдай оғир, зил.

◆ **Бир (ёки қўш) замбил икки (ёки тўрт) ҳаммол керак бўлиб қолди** жуда ўсал ёки хижолат бўлган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Мен Садирдан хижолат бўлдим, ... шу тобда иккаламизга қўш замбил-у, тўртта ҳаммол керак бўлиб қолди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Замбил бел** бели, ўртаси замбилга ўхшаш букич, эгилган. *Замбил бел от. Замбил бел тоғ.* **Замбил эшик** новдалардан тўқилган эшик. [Салимбойвачча билан кўёви] *кичкина замбил эшик олдида аравадан тушишиди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЗАМБИЛКАШ** [ф-т] Замбилда юк ташувчи; замбилчи.

**ЗАМБИЛЧИ** *1* Замбил тўқувчи уста.

**2 айн. замбилкаш.**

**ЗАМБИЛҒАЛТАК** [ф-т] Замбилга ўхшатиб ясалган ва юк ташишда фойдаланиладиган бир гилдиракли қўл арава. *От-арава ва замбилғалтакларда тош ташишга ўн беш киши ажратилди.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**ЗАМБУРУҒ** Таркибида хлорофилл бўлмайдиган, споралари билан кўпаядиган илдизсиз ва уруғсиз тубан ўсимликларнинг умумий номи (уларнинг еб бўлмайдиган баъзи турлари «қурбақа салла» номи билан машҳур). *Ейишли замбуруғлар. Оқ замбуруғ.*

**ЗАМЗАМ** [а] (З — катта) Макка шаҳрида Каъба яқинидаги, мусулмонлар муқаддас ҳисоблайдиган қудуқнинг номи. *Замзам суви. Оби замзам.* — *Қози Афандидан сўйради: — Агар ҳажга боран бўлсангиз, айтинг-чи, Замзам Каъбанинг қайси томонида? «Латифалар».*

**ЗАМЗАМА** [а] *1* Музика асарининг кириш қисми; даромад.

**2** Секин овоз билан бошланган қўшиқ; хиргойи.

**3** *кўча* Имо, ишора, шама. *Қосимов Рамазон аканинг замзамасига тушуниб қақиллаб қилди.* Х. Нуъмон, Фасллар. *Замзама заммоқ* *1)* секин овоз билан ашула айтмоқ, хиргойи қилмоқ. *Зебо пари енгил халқ қўшиқларини замзама*

қилар эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий; 2) қўйма шама қилмоқ.

**ЗАМИН** [ф-т] 1 эск. Ер шарни, Ер. Рўйи замин қ. рўй.

2 Экин экиладиган ер. Бу қишлоқнинг суви тоза, замини унумли, ҳавоси ёқимли, дехқонларининг қўли баракали экан. Ф. Гулом, Т. мурда. | Умуман ер.

3 қўйма Қулай шарт-шароит, имкон. У Бўтабойга ҳозир бундай талаб қўйиб бўлмастгидини, бунинг учун аввал замин тайёрлаш кераклигини тушунтирмоқчи бўлган эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

4 қўйма Асос, негиз, база. Моддий замин яратмоқ. — Ҳарбий куч заминда эмас, балки умумий қурулсизлашнинг асосидagina халқаро ҳафсизликнинг ишончли системасини юзага келтириши мумкин. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 247.

5 қўйма Таянч, таянчиқ. Охири Абдураҳмон чойхонашинин тавкарир ва бобойи банглар орасидан ўзига замин топди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Муҳит, ора. Ўзини билган бошлиққа битта машина ҳам қифоя. Ўзи кўрарган заминни унутганларга тўққизтаси ҳам камлик қилади. С. Анорбоев, Оксой.

**ЗАМИНДОР** [ф-т] кт. Катта ер-сув эгаси. Коллежларимизда фақат бойлар, заминдорларнинг болалари ўқийди. Ойбек, Нур қидириб.

**ЗАМИН-ЗАМОН**, замин у замон поэт. Осмон ва ер; дунё, коинот, олам.

**ЗАМИР** [а] 1 Туб моҳият, маъно, мағиз. Сидиқжон бу гапнинг замирига тушунди-да, билинар-билимас қизариб: — Шундоқ бўлса ҳам тўғрилиқча гаплашиб юрган бўлса ажаб эмас,— деди. А. Қаххор, Қўшчинор. Ҳозир Зайнабнинг чеҳраси очикдек кўринса ҳам, аммо бу очик чеҳранинг замирида уни жиддийроқ машғул қилган яна бир гап бордек .. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 эск. айн. оломш.

3 Замир (эркаклар исми).

**ЗАМЛАМА** эск. кт. Устига қўшилган, орттирилган; устама. Замлама нарх.

**ЗАМЛАМОҚ** 1 Устига қўшмоқ, орттирмоқ, йиғмоқ. Бу гуноҳиниғизнинг устига танқидни ўзингизга юқтирмаслик касалингиғизни замласак, биласизми, а, кимга ўхшайсиз! Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

2 Бирга қўшмоқ, уйғунлаштирмоқ. Тажрибани назария билан замламоқ.

**ЗАМЛАНМОҚ** замламоқ фл. мажҳ. н. Иш замланиб қолди.

**ЗАММА** [а] Араб графикаси система-сида: «у» ва «ў» унлиси ўрнида харф устига қўйиладиган вергул шаклидаги диакритик белги.

**ЗАМОН** [а] 1 филос. Объектив борлиқнинг, материянинг ҳаракат билан узвий боғланган ҳолда ҳаракатсиз ва изчил давом этадиган формаси; вақт.

Мақон ва замон материянинг объектив яшаиш формаларидир.

2 Бирор характерли ҳодиса, тарихий воқеа юз берган ёки бирор ҳоким синф, табақа ҳукмронлик қилган даврни ўз ичига олган муайян вақт; давр. Тинчлик замони. Уруш замони. Амир замони. — Элимга, юртимга қилдим хизматни, Совет замонида кўрдим иззатни. Фозил шоир.

3 Сўз бораётган пайтда кечириладиган давр ва унинг тартиб-қондалари. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Мақол. — Сан замонни тушунсанми, ўйлаб қара. Ойбек, Қутлуғ қон. | Умуман вақт, давр, пайт, кез, маҳал. Бурунги замон. Ҳозирги замон. — Хасаналининг Отабеклар оиласида бўлгангиза эллик йиллар чамаси замон ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кетган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эсини таниганидан бошлаб онаси билан кечирган замонлар масъуд, лекин қайтарилмас бир туши каби, Йўлчининг кўз олдидан бир-бир ўтади. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир замон 1) бир вақт, бир маҳал, ўтмишда, аллақайси бир пайт. Туробжон қизарди, у бир замон бетоб ўртоғини йўқлаб элган тарвузини, бемаза чиққан бўлса керак, сизирнинг охурида кўриб шундай хижолат бўлган эди. А. Қаххор, Анор; 2) бир вақтлар, ўтмишда. Бу кенг кўкрак бир замон Қақраб ётарди. Ваҳшат азоб, ўлим, қон Тўлиб ётарди. Файратий. Бир замонлар айн. бир замон 2. Ўйнинг орқаси ҳам бир замонлар шунинг сингари уй бўлса керак, лекин бузилгандан кейин олди деворни олиб ташлаб айвон қиллибди. А. Қаххор, Қўшчинор. Охир замон дин. қиёмат яқинлашган вақт.— Билмадим, буёқчининг нили бузилганми ё, охир замон яқинлашиб яъжуж-маъжуж хуруж қилганми? — Султонбек атрофиданларга кўз югуртди. Ойбек, Қутлуғ қон. Шу замон 1) ҳозирги замон; ҳозирги пайт. Шу замоннинг ёшлари; 2) шу он. Шитир этса тушган барг, Эшитилар шу замон, Қанча айёр бўлмасин, Ёвга бермайман омон. Уйғун.

Хали замон ха демай, тез фурсатда, хаш-паш дегунча. Сержант ўшқириб «нима дейсан? Етиб ухласангчи, хали замон постга борсан» деди-да, ўқишда давом этди. И. Раҳим, Чин мухаббат. Ҳар замон(да) вақти-вақти билан, ахён-ахёнда. Отишма тўхтади. Узоқдан ҳар замон тўп овози эшитилар эди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. Айни замонда бир вақтнинг ўзида. Ҳозир унинг [Абдушукурнинг] қулоғи қўшини стулда икки русининг муҳокамасида: уларнинг бири кексароқ одам, у ё чиновник, ё катта савдогар ёки айни замонда ҳар иккиси. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир замонда 1) айн. бир замон 2. — Бир замонда,— деди дадам,— Афлотун деган бир ҳаким ўтган экан. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бир пайтда. [Анвар] шунчалик зўр харидорлари

турган бир замонда бу вазифанинг менга келиб тўхтаганига ҳануз ақлим бовар қилмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бобомнинг замонида узоқ ўтмишда, аллақачонлар. Ҳеч замонда ҳеч қачон, ҳеч вақт, асло. Ҳеч замонда бундай нарсани кўрганмисиз?

4 Давр, даврон. Умрларинг узун бўлсин. Замонларинг келибди: уйнанглар, қулинглар. П. Турсун, Ўқитувчи. [Қодир сувоқчи Йўлчиға:] Эҳтиёт бўл. Замон кимники — бойники! Одам отиш ҳам буларга ҳеч гап эмас. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 грам. Фезлдан англашилган иш-ҳаракатнинг нуқт моментига муносабатини ифодаловчи форма. Ҳозирги замон. Келаси замон. Утган замон.

6 Замон (эркаклар исми).

**ЗАМОНА** [а] айн. замон 2, 3, 5. Замона талаблари. Замонамиз олимлари. — Эммурад .. жиддий гапирди: — Албатта, Афлотун ҳам Арасту ҳам замонасининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлгани шубҳасиз. П. Турсун, Ўқитувчи. Болтабой омон замонда орттирилган тажриба пратроқ замонасида камлик қилишини айтиб Зоқир отанинг қайсарлигини жоҳиллик деб атади. А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ Замонанинг зайли билан қ. зайл.

**ЗАМОНАВИЙ** [а] Ҳозирги замонга хос, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган; ҳозирги. Замонавий апаратлар ва машиналар. Замонавий асарлар. Замонавий талаблар.

**ЗАМОНАСОЗ** [а + ф-т] салб. Замоннинг, даврнинг оқимига қараб иш тутувчи, замонга мослашувчи; принципсиз шахс.

**ЗАМОНАСОЗЛАШМОҚ** Замон, давр оқимига қараб иш тутмоқ, шароитга мослашмоқ. [Кўрқмас:] Сиз ҳам комсомолмисиз. Ана замонасозлашиб қолибсиз-а, бойвачча! Э. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ЗАМОНАСОЗЛИК** салб. Замон, давр оқимига қараб иш тутуш, шароитга мослашиш; принципсизлик. Муллалардан ҳам ҳукуматларга салом берганлар, ҳатто замонасозлик қилиб ҳушомад қилганлар .. кўп. Айний, Қуллар.

**ЗАМОНДОШ** [а + ф-т] Бирор кимса билан бир замонда, бир даврда яшаган ёки яшаётган киши. Алишер Навоий замондошлари. А. С. Пушкин замондошлари. Адабиётда замондошларимиз образи. — Замондош дўстларим чиндан юракдош, Ҳамшиа ҳамнафас, ўртоғу йўлдош. С. Абдулла.

**ЗАМЧА** Қовуннинг бир нави.

**ЗАМША** [р замша] Буғу, қўй ва ш. к.нинг терисини алоҳида усулда ошлаш йўли билан тайёрланадиган бархитсимон майин чарм. | Замша(а) туфли.

**ЗАМҲАРИР** [ф-т] эск. кт. Қаттиқ совуқ; қаҳратон қиш, аёз. Замҳарир қиш мавсумида офтобни излаймиз. Шайхзода.

**ЗАНБАР** диал. Замбил.

**ЗАНБИЛ** *диал.* Замбил.

**ЗАНГ I** [ф-т] Кўнғироқ ва умуман товушли сигнал бериш учун белгиланган металл предмет, мас. темир ёки рельс парчаси. *Инвалид ошпаз оқ-соқлашиб юриб тут бутоғига осилган зангни қўлидаги таёғи билан ура бошлади.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. | Шундай кўнғироқ, сигнал ёки соат товуши. *Бобоқул отанинг занги эшитилмайдиган бўлди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Занг урмоқ** (ёки чалмоқ) 1) металл парчасини жаранглашиб, товушли сигнал бермоқ. *Овқатга занг урмоқ;* 2) жирингламоқ (соат ҳақида). *Девор соат олти марта занг уриб, Пўлатжоннинг сўзини бўлди.* С. Ахмад, Қадрдон далалар.

**ЗАНГ II** [ф-т] 1) Металлнинг сув ёки ҳавода оксидланиши туфайли унинг сиртида ҳосил бўладиган оксид қатлами. *Темирчилар зангелган темирни ўтга солсанг, занги тўқилади, дейишади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

2) кўчма Доғ, ғубор. *Артиб кўнғиллар зангини Қишни баҳор айлаб келинг.* С. Абдулла. *Давлат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар, халқни парварши этсалар, ҳаётнинг зангини олтинга айлантирмоқ мумкин.* Ойбек, Навоий. **Занг босган** (ёки олган) 1) занг билан қопланган, занглаган. *Занг босган арра;* 2) кўчма ишлатилмай ётган ёки бир чеккада қолиб, унутилиб кетган. *Қишлоқда Аҳмаджон билан қучоқлашиб хайрлашган бир йигит хатида; «Қўмондонлик бизни тамом эсидан чиқарди, шекилли: ҳали ҳам занг босиб ётибмиз» деб ёзибди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 3) кўчма доғ, ғубор билан қопланган. *Занг босган дил.*

**ЗАНГ III** Ток танасининг илдизга яқин қари қисми. [Мирзакамолиддиннинг] башараси токнинг зангидек бўжмайиб, қовоқлари ёнғоқ палласидек бўртиб кетибди. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

**ЗАНГИ** [ф-т] айн. занжи.

**ЗАНГИЛА I** *мед.* Организмда витамин етишмаслиги натижасида организмнинг бўшашуви ва милкларнинг еликишидан иборат касаллик; цинга.

**ЗАНГИЛА II** [ф-т] Қўл ва оёқларга кўнғироқчалар тақиб ўйналадиган ўйин, рақс.

**ЗАНГЛАМОҚ I** Занг билан қопланмоқ, занг босмоқ. *Зангелган мих. Зангелган арра. Кетмон занглаб кетибди.* ■ *Тепаликларда қор остидан зангелган тунука ва темир, қора ва сариқ ғишт, бетон парчалари чиқиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. 2) кўчма Ишлатилмай ётмоқ, бир чеккада қолиб, унутилиб кетмоқ; ғубор босмоқ. *Ўртоқлар, ёшлик нима учун берилган бизга? Тоқай занглаб ётаман? Бирор иш қилиш керак.* А. Мухтор, Турғилиш.

**ЗАНГЛАТМОҚ** зангламоқ *фл. орт. н.* Буни занглашиб қўйгунча, илга-

*рироқ, айтсанг бўлмасмиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЗАНГОРИ** [ф-т] Яшил билан кўк ўртасидаги рангга эга бўлган; оч ҳаворанг, мовий. *Зангори бўёқ. Зангори духоба.* ■ *Оғажоннинг сой ва қирларига зангор гулам тўшади.* Н. Сафаров, Дон. *Қатор-қатор турналар зангори осмонда ғирқиллашиб, шимолга учиб ўтди.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Зангори кема қ. кема.** Юрагимни зангор босиб (ёки боғлаб) кетди диққатим ошиб кетди, диққинафас бўлиб кетдим, жуда сиқилиб кетдим.

**ЗАНЖАБИЛ** [а] Илдиздан эфир мойи олинадиган ўтсимон тропик ўсимлик (иштаха очиб учун овқатга ҳам қўшилади). *Занжабил парварда.*

**ЗАНЖИ** [ф-т] *эск.* Қора тандилар ирқига мансуб бўлган ва тропик Африканинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ вакили; негр.

**ЗАНЖИР** [ф-т] 1) Тартиб билан бири-бирига ўтказилган металл ҳалқалар тизмаси. *Темир занжир. Соат занжири.*

■ *Боғлаб қўйилган шердай ит бор томонга қараб ириллар, занжирни узиб юборгудай ўзини отарди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Трактор кесилган катта дарахтларнинг тўнқасига занжир боғлаб тортар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Эшик ёки дарвозаларни занжирлаб қўйишда зулфинга илинадиган илгак.— *Хайрли кеч, Собиржон ака! — деди Насиба эшикнинг занжирини иларкан.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. [Ҳасанали] занжирни тушириб дарвозанинг бир табақасини очиши ҳамона шу табақага суялиб турган Отабек Ҳасаналининг оёғи остига йиқилиб тушди. А. Қодирий, Утган кунлар. | *Кесим вазифасида Занжирланган, занжирли. [Отабек] Жаннат опанинг «эшик занжир» деган товушини эшитгач, роҳат тин олди ва дарича ёнига чўнқайди.* А. Қодирий, Утган кунлар. 2) Маҳбусларнинг қўли ёки оёғига боғланадиган темир ҳалқа; кишан; бўғов. *Шоир Аваз хоннинг ғазабига дучор бўлади ва занжирда азоб-уқубат билан вафот этади.* «Ўзбек совет адабиёти тарихи».

3) кўчма Асорат, қуллик. *Бу ерда ота-боболардан қолиб келадиган эски урф-одатлар занжири ҳамон Гулсумнинг эркини бўйиб, тақдирига ҳавф солиб турарди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Халқнинг энг яқин севгили ўртоғи ўзингсан, Сен Партия, асрлар кишинин, занжирин узган.* С. Абдулла.

4) с. т. Гусеница. *Шу вақт ўрта кўчада занжири узилиб, йўлга кўндаланг бўлиб қолган танкдан яқка милтиқ овози эшитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5) кўчма Бирор нарсанинг узлуксиз, чамбарчас боғланиб кетган тизмаси. *Ҳуломжон миришлар занжирини учиб олдинга ўтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6) кўчма Икки нарсани, қимсани ўзаро мустаҳкам боғловчи нарса; ришта, ип.

[Анвар] *журфтланишининг, менямча, энг муҳим бир шартти бор, ул ҳам икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир-бирларига қаттиқ боғланишларидир.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

7) *физ., тех.* Узлуксиз система ёки линия ҳосил қилувчи элементлар бирикмаси. *Электр занжири. Ток занжири.*

◆ **Занжирдай хамир** узилмайдиган, пишиқ хамир.

**ЗАНЖИРБАНД** [ф-т] 1) Занжирга боғланган, кишанланган; занжирдаги. *Занжирбанд шер.* ■ — *Мен дарров айвон олдида офтобда мудраб ётган занжирбанд ил олдинга яқинлашман, — дейди Мусавой.* Ойбек, Болалик.

2) кўчма Асоратга, қулакка солинган.

**ЗАНЖИРЛАМОҚ** Занжирни зулфинга илиб беркитмоқ (эшикни, дарвозани). [Ҳасанали] ўрнини меҳмонхонага ёзиб дарвозани занжирлаб келди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗАНЖИРЛАНМОҚ** занжирламоқ *фл. мажҳ. н.* Эшик занжирланди. ■ *Мен ҳам кирдим, орқамдан эшик шакрлаб занжирланди.* Айний, Қуллар.

**ЗАНЖИРЛИ I** Занжири бор; занжир тақилган. *Занжирли соат. Занжирли дарвоза.*

2) с. т. Гусеница. *Занжирли трактор.*

**ЗАНЖИРЛИК** Занжирлаб қўйилган; берк. *Ойдинда эшикнинг занжирлиги аниқ кўришиб турар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗАНЖОРИЙ** [а<ф-т]: ёқути занжорий қ. ёқут I.

**ЗАНТАЛОҚ** [ф-т+а] сўк. айн. хотини талоқ қ. талоқ. *Занталоқ носни чекканингдан кейин қўйлатади, бир нарса ичмасанг, кишини абор қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ғани ота кўлди. Сенага [қора йўрға] насиб бўпти, ол, Абдураҳмон занталоқнинг меросхўри.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ЗАНҒАР** [ф-т] сўк. Баччағар, лаънати. *Утапнинг ёнида ўтирган пақангагина, қотма йигит — Қамчи қувончига сиғмай қичқирди: — Амир занғар тўнғиз қулибди-да!* Ҳ. Фулом, Машғал. *Гап билан бўлиб занғар кайф ҳам тарқаб кетди, қани, қуй-чи, бир-иккин!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗАП** с. т. Заб.

**ЗАПАС** [р] 1) Келажакда фойдаланиш учун ғамлаб, кўр қилиб қўйилган ёки ажратилган нарса. *Ёқилги запаси. Озиқ-овқат запаслари. Ғалла запаси.* | Эҳтиёт шарт тайёрлаб қўйилган қимса ёки нарса. *Машинанинг запас қисмлари.* || *Запас ўйинчи.* ■ *Милтиқ овозлари хандақларнинг ичкарисидаги запас пистирмаларгача етиб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2) Қазилма бойликларининг ер остидagi миқдори. *Руда запаслари. Нефть запаслари.* | *кўчма* Қишининг маънавий бисотидаги бойлиги, ҳазинаси. *Сўз запаси. Билим запаси.*

3) с. т. Матанинг кийим чоки остида

эхтиёт учун қолдирилган ортиқча қис-  
мя.

4 *ҳарб.* Зарур вақтда ҳарбий хизматга  
чақириш учун рўйхатга олиб қўйилган  
гражданлар категорияси. *Запасдаги*  
*лейтенант. Запасга чиқмоқ.*

**ЗАПОВЕДНИК** [р] Турли жонивор  
ва ўсимликларни сақлаш ва кўпайти-  
риш учун махсус ажратилган терри-  
тория (бундай жойларда ов қилиш,  
дарактларни кесиш ман қилинади);  
қўриқхона. *Қавказ давлат заповедниги.*

**ЗАПОНКА** [р] Эркаклар, шунингдек  
аёллар кўйлагининг ёқасига ва энгига  
тақйладиган махсус илма тугма. *Кумуш*  
*запонка.*

**ЗАПРАВКА** [р] с. т. махс. Машина,  
трактор, самолёт ва ш. к.га ёнилғи,  
мой сув қуйиш. *Трактор заправка*  
*қиллинди.*

**ЗАПТ** с. т. Забт.

**ЗАР** [ф-т] 1 *айн.* олтин 1. *Зар қа-*  
*рини заргар билади.* Мақол. — *Кўй-*  
*лаклари яшил, зангори, сиргалари ол-*  
*тин билан зар.* Т. Тўла. | *кўчма* Ол-  
тин билан тенг нарса ҳақида. *Тошлар*  
*устига дўланадай-дўланадай йирик*  
*томчилар тушиб атрофеа зар кукунла-*  
*ри сочилди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқ-  
лар. *Қора зар* нефть ёки тошкўмир ҳақи-  
да. *Қоратор қўйишга қўл солди одам, ўл-*  
*ка учун қора зар олди одам.* Миртемир.

2 Олтин, пул, бойлик. *Қари бор*  
*уйнинг зари бор.* Мақол. *Тер тўкиб*  
*меҳнат қилсанг, ердан ҳатто зар унар.*  
Мақол. — *Саройга боримду пул олаганим*  
*йўқ, Шаҳаншоҳнинг деди, олтин зари*  
*йўқ.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.  
*Зарга кўймоқ* (ёки *ботирмоқ*) ёки *бо-*  
*шидан зар кўймоқ* олтинга, бойликка  
кўймоқ. [Жамила бойга:] *Уша қаро-*  
*ликниги яхши кўриб текканман, бо-*  
*шимдан зар қўйсангиз ҳам ундан ай-*  
*рилмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 Зардўзликда ишлатилдиган, ол-  
тин ёки кумуш билан қопланган ипак  
ёки сим. *Зар билан тикилган дўппи.*  
|| *Зар камар.* — *У . . зар ёқа кимхоб*  
*тўн ичида йўғон гавдаси билан одамлар*  
*ўртасида савлат тўкиб турибди.*  
М. Исмоилий, Фаргона т. о. | *кўчма*  
Ёрқин нур ҳақида. *Кўёш бошлар қизил*  
*майдонга, бошларимга сочиб олтин зар.*  
Ҳайратий.

4 Безак ёки ўров учун ишлатилдиган  
юпқа металл varaғи. *Зар қоғоз. Зарга*  
*ўралган попуқлар.*

**ЗАРАНГ** I [ф-т] I Кунгурадор япа-  
лоқ баргли, ёғочи қаттиқ дарахт. ||  
*Заранг товоқ.*

2 Шу дарахтдан ясалган коса. *Қорсон-*  
*да қимиз келди. Бек бир-икки заранги*  
*ичгандан кейин, ясланиб кўкка қараб*  
*ётиб олди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗАРАНГ** II [ф-т] Зичланиб кетган,  
қаттиқ (ер ҳақида). *Улкан экскаватор-*  
*лар одам қадами тегмай ётган ёввойи*  
*заранг ерлар тўйини тилка қилмоқда.*  
Х. Назир, Утлар туташганда.

**ЗАРАНГЛИК** заранг II с. белги *оти.*  
Ернинг заранглиги. *Кетмон билан чо-*  
*пишга ер заранглик қилляпти.*

**ЗАРАР** [а] I Савдо-сотикдан кўрил-  
ган зиён, ҳаён, ютқизик. *Мол юз сўм*  
*зарар қилди.* — [Кампир] *баъзи вақт*  
*нуқул зарар: нонни сотаман, бозорга*  
*борсам, ун баҳоси ошиб кетибди.* Ойбек,  
Қутлуг қон. | Умуман моддий ёки  
маънавий зиён, йўқотик. *Биздан Мир-*  
*закаримбой ҳеч вақт зарар кўргани*  
*йўқ. Пахта йилдан йилга мўл бўлиб,*  
*фойдаси ҳам ошиб турибди.* Ойбек,  
Қутлуг қон. *Зиёфат асносида итти-*  
*фоқнинг фойдалари, тарқоқликнинг*  
*зарарлари сўзланди.* А. Қодирий, Ут-  
ган кунлар.

2 Ёмон таъсир ёки зиён; шикаст,  
заҳмат. *Папироснинг зарари.* — *Кумуш*  
*отасининг олдига қанот ёзган каби*  
*юғуриб, унинг соқолини силар ёкан*  
*сўради: — Сизга зарар бермадиларми,*  
*отажон?* А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ *Зарари йўқ* ҳечқисси йўқ, ҳеч  
нарса эмас, зарарсиз.

**ЗАРАР-БУРД** [а+ф-т] *айн.* зарар 1.  
**ЗАРАР-ЗАҲМАТ** *айн.* зарар 2.

**ЗАРАРКУНАНДА** [а+ф-т] 1 Қиш-  
лоқ хўжалик экинларига, ўрмон ва  
омбор хўжаликларига зарар етказувчи  
хайвон ёки ҳашарот. *Қишлоқ хўжалик*  
*зараркунандалари.* *Ғўза зараркунан-*  
*далари. Ғалла зараркунандалари.*

2 Жамиятга, халққа зарар келтирув-  
чи шахс. [Набиғул рўйхат қилувчига:]  
*Ёлғон гапирма!.. Зараркунанда экансан*  
*ўзинг. Шанбаликка кўп киши келишига*  
*қаршисан.* А. Қаҳҳор, Читтак.

**ЗАРАРКУНАНДАЛИК** I зарарку-  
нанда с. белги *оти.*

2 Жамият, халқ учун зарарли иш,  
хатти-ҳаракат. [Муҳаббат:] *Мен ўйлай-*  
*манки, Ҳасанжон кўра била туриб бир-*  
*рор зараркунандалик.. қилмаган.* Ай-  
ний, Қуллар.

**ЗАРАРКУНАНДАЧИЛИК** *айн.* зар-  
аркунандалик 2.— *Бу тўйлар нуқул*  
*зараркунандачилик,— Азизов яна гап*  
*бошлади,— бунни алоҳида масала қи-*  
*либ юрт олдига қўйиш керак.* Ш. Тош-  
матов, Тонгдаги қўланка.

**ЗАРАРЛАНМОҚ** Ёмон таъсир кўр-  
моқ ёки шикастланмоқ, шикаст емоқ,  
зарар топмоқ. *Ёз! Биринчи: ҳозир на-*  
*зорат остида бўлган ғўзаларни тек-*  
*шириб, буларнинг асосий шохи қамон*  
*зарарланганини белгила.* А. Қаҳҳор,  
Қўшчинор.

**ЗАРАРЛАНТИРМОҚ** зарарланмоқ  
фл. орт. н.

**ЗАРАРЛИ** I Моддий зиён келтира-  
диган; бефойда. *Зарарли ши.*

2 Ёмон таъсир қиладиган; зиёнли.  
*Зарарли фикрлар.* — *Хурфотларнинг*  
*пуч, бемаъни ва зарарли эканини содда*  
*тилда тушунтириш керак.* Ойбек,  
О. в. шабадалар. | *Зарар, шикаст ет-*  
*казадиган; Зарарли ҳашаротлар.* || *Чо-*  
*киш зарарли.*

**ЗАРАРСИЗ** I Моддий зиён келтир-  
майдиган; фойдали.

2 Зарар-заҳмат етказмайдиган, ши-  
каст бермайдиган; безиён, безарар.  
*Зарарсиз дори. Зарарсиз ҳашарот.* ||  
*У ҳарбий инженерлик санъатининг энг*

*сўнги янгликларини ёғаллади, ай-*  
*ниқса дарё ва ботқоқлик ерлардан*  
*қўйишларни тез ва зарарсиз олиб ўтиш*  
*усуллари билан танишди.* И. Раҳим,  
Чин муҳаббат. | *кесим вағифасида За-*  
*рари йўқ, ҳечқисси йўқ.— Ушга жо-*  
*роҳат олганим?— деб сўради қутидор.*  
— *Бўжаси билан қўлидан яраланган*  
*бўлса ҳам, зарарсиздир [деди Уста*  
*Олим].* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛМОҚ** зар-  
арсизлантирмоқ фл. мажх. н. *Қасал-*  
*лик ўчоғи зарарсизлантирилди.*

**ЗАРАРСИЗЛАНТИРМОҚ** Зарар бер-  
майдиган, шикаст етказмайдиган қил-  
моқ. *Минани зарарсизлантирмоқ.*

**ЗАРАРСИЗЛИК** зарарсиз с. белги  
*оти.*

**ЗАРАФШОН** [ф-т] Зар соғувчи; ол-  
тиндай товланувчи, ярқироччи. *Юр-*  
*тинг қаер, қайси элдан келасан? Зулфи*  
*зарафшоним, қайдан бўласан? «Рав-*  
*шан».*

**ЗАРБ** [а] I Қаттиқ урилиш, кучли,  
шиддатли, залварли туртки, зарба;  
шашт. *Эшикни зарб билан ёлмоқ.*  
*Зарб билан отмоқ.* — *Яқин орадаги*  
*объектов пойкўпининг зарби ерни сил-*  
*китиб-силкитиб тўлқин берар олди.*  
А. Қодирий, Утган кунлар. У [Абду-  
расул] *даслабки икки-чи муҳитини оч-*  
*чиқ зарбини татиб кўрсан, қоча бот-*  
*лайди.* П. Турсун, Уқитувчи. | *Бирор*  
*нарсанинг ритмиқ ҳаракати, бир те-*  
*кисда уриб туриши, тепиши.* *Мария*  
*Николаевна Лавлина диванга ётиқлиб,*  
*кўзларини очиб кўрди, юрагини тинчати,*  
*билагидан ушлаб, томжар зарбларига*  
*санади.* Х. Фулом, Машғал. [Сўз] *ўз*  
*йўлида учраган хайбатли тошларга*  
*зарб билан урилиб, чақмоқ чаққандай*  
*қирғоққа халқа-халқа кўйиқ сочмоқда.*  
Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Зарб*  
*емоқ қаттиқ урилиш, туртки натижа-*  
*сида шикаст тортмоқ. Йиқилиб қаттиқ*  
*зарб едим.*

2 *кўчма* Махв этувчи, йўқ қилувчи  
кескин хужум, қақшатғич зарба.

3 *кўчма* Қаттиққўллик сийсати,  
қаттиққўллик. *Менинг зарбим қаттиқ,*  
*йил — ўн икки ой колхозчига тинчилик*  
*бермайман.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Танга-чақа пул, орден, медал ва  
ш. к. босиш, чекиш. *Танга зарб қил-*  
*моқ.*

5 *эск. мат.* Кўпайтириш амали. *Ик-*  
*кини учга зарб қилмоқ.* — *Механизм*  
*иш учумини юзга, минга зарб уриб*  
*юборади, деган гап рўст экан.* У. Сар-  
римсоқов, Олтин калит қўлинда.

6 муз. Чолғу асбобини чалишда қўл-  
нинг маълум куч ва ритм билан ури-  
лиши. *Дуторчининг зарби яхши.*

**ЗАРБА** [а] I Қаттиқ зарб, кучли,  
шиддатли, залварли туртки. *Ер бора-*  
*бора кучга бўйсунди. Йўлчининг зар-*  
*баси остида тўнқалар яланғочлани,*  
*ўзининг қўпол, баҳайбат гавдасини*  
*кўрсата бошлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *кўчма* Махв этувчи, йўқ қилувчи  
кескин ҳаракат, хужум. *Мустамла-*  
*качилик системаси миллий овоздаш*



ҳаракатининг кучли зарбалари остида барбод бўлмоқда. — Душман кечгача тўққиз марта атака қилди ва ҳар сафар қақшатғич зарбага учрар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 кўчма Қаттиқ шикаст ёки зиён, зарар-заҳмат. Ёш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши Загҳакўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ғуломжон сўнги зарбанинг [отаси вафотининг] оғир жароҳатидан узоқ вақтгача тузала олмай юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЗАРБАЛИ** Катта зарб кучига эга бўлган, зарба берадиган; зарбли, зарбдор. Зарбали куч. Зарбали тўлқин.

**ЗАРБДОР** [a+ф-т] 1 Техникани яхши эгаллаган, нормаларни ошириб бажарадиган ва башқаларга ҳар жиҳатдан урناк бўладиган илғор ходим. Қурилиш зарбдорлари. Пахта дала-ларининг зарбдорлари. || Зарбдор бригада. | Тез суратлар билан ва илғор техникага асосланиб олиб бориладиган. Зарбдор қурилиш.

2 Кескин зарба бериш учун белги-ланган. Зарбдор армия. Зарбдор батальон.

3 айн. зарбали. Зарбдор куч.

**ЗАРБДОРЛИК** зарбдор с. маъ. от. [Матқовул:] Ҳой болалар ҳамма гап ғайратда, зарбдорликда. К. Яшин, Тор-мор.

**ЗАРБЛИ** айн. зарбали.

**ЗАРБОФ** [ф-т] Зардан ёки зар қўшиб тўқилган мага; кимхоб. Бир кийимлик зарбоф. || Зарбоф тўн. Зарбоф нимча. Зарбоф дўппи. — Нури. . зарбоф паран-жини ёпиниб, ҳовлига чиққанда, катта ҳовли хотинлар билан қайнар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАРБУЛМАСАЛ** [a] кт. Рамзли ҳикоя, масал. Мулла Муҳсин гоҳ ўзининг баъзи ҳаракат ва сўзлари билан кўрувчи ва ўшитувчиларни қулди-риб, кўп вақт оғизларида зарбулмасал ҳам бўлиб юриди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЗАРБХОНА** [a+ф-т] Танга, чақа, орден, медал ва ш. к. зарб қилинадиган корхона. Унда [кўчма арда] зарб-хона. . ва элчиларни қабул қиладиган жойлар бор. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЗАРВАРАҚ** [ф-т+a] 1 айн. зар-боф. Зарварақ тўн.

2 кўчма Зардек нурафшон; ёрқин, зарҳал. Тўда олдиди қор кечиб бора-ётган Сергей Шарққа зарварақ уфқини ёятган қуёш шўбласини кўрди. Ҳ. Ғулом, Машъал. Миллон тоннамиз зар-варақ дафттарда бўлсин. Р. Норжигитов, Республика тендоши.

**ЗАРГАР** [ф-т] Олтин, кумуш ва турли қимматбаҳо тошлардан зийнат буюмлари, безаклар ясайдиган уста. Ювиниб, тараниб тоза кийинган қиз заргар қўлидан эндигина чиққан узукка ўшайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЗАРГАРЛИК** 1 заргар с. касб оти.

2 тар. Бозорда заргарлар жойлаш-ган раста, қатор.

**ЗАРДА** [ф-т] 1 Ўт, сафро.

2 Қизилўнғачнинг ачишиб оғриши, жигилдон қайнаши. [Боқижон Бақо-ев:] Ҳимм.. Яхши қилибсан. Рабфакка ўт деб мен айтиб эдим шекилли? Ҳимм.. Ауфф, зарда бўлибман. А. Қаҳ-хор, Адабиёт муаллими.

3 кўчма Жаҳл, ғазаб, зўғим. Зар-дангиз қурсин, ҳарвақт дўқ билан га-пирасиз! Ойбек, Қутлуғ қон. Гумонси-раганларини пайқаган, йиғитлар гоҳ мулоиймлик, гоҳ зарда аралаш ўзла-рини танитишга тиришдилар. Ой-бек, Қуёш қораймас. Оқсоқол опа зарда билан эшикни ёнди. С. Аҳмад, Қадр-дон далалар. Зардаси қайнади 1) меъ-даси, жигилдони қайнади.— Худди кўргошин ютгандайман, кўкрагим оғир.. Зардам қайнаб туради,— деди Саидий. А. Қаҳҳор, Сароб; 2) кўчма жаҳл чиқди, ғазаби келди. Мўйса-фидлар қаторига қўйишлик қолганига қарамай, ҳамон йиғитлик ғайрати сўнмисан Тўлмат полвон тракторчи-нинг бу гапидан зардаси қайнади. С. Анорбоев, Оқсой. Зарда қилди 1) меъдани, жигилдонни қайнатди. Ёган овқатим зарда қиладу; 2) кўчма жаҳл қилди, ғазаби келди. [Қодир:] Дадавой ака, оғир бўлинг. Маълисга ҳурмат керак! Саволларга зарда қил-май, пичинг қилмай тўғри жавоб бе-ринг! Уйғун, Навбахор.

**ЗАРДАБОЗЛИК** Ҳа деб зарда, жаҳл қилавериш.

**ЗАРДАЛИ** 1 Жаҳли тез, серзарда. Зардали одам.

2 Жаҳл ёки ғазабни ифодалайдиган, зарда аралаш. Зардали қиёфа. Зардали пичинг. Зардали товуши. — Дастав-вал Бўтавой деган балони оёқдан йиқиб керак,— деди Азимбойвачча зардали. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЗАРДЕВОР** [ф-т] Ип ёки ипак газ-ламага ҳар хил гуллар тикиб уйнинг деворларига, шифтага тақаб гир айлана осиладиган безак буюм.— Кенной-им.. ҳа деб қизга атласлардан кўрпаю, тўнагу, гулкўрпалар, зардеворлар, хилма-хил молларни йиғай,— дейди Мусавой. Ойбек, Болалик.

**ЗАРДОБ** [ф-т] 1 Қатикдан ёки иви-ган сутдан ажралиб чиқадиган сарғиш суюқлик. Ха, айтгандай, . . кейинрок, хурмачанинг устини очиб қўйсин, ўзинг билсанку, болам, яна зардоб йиғиб ивимай қолмасин. С. Анорбоев, Ше-рари.

2 кўчма Жароҳатланган ёки касал-ланган органдан ажралиб чиқадиган ёки унда йиғилиб қоладиган суюқ-лик. Беморнинг ярасидан зардоб олин-ди.

3 мед. Қон ва лимфанинг ивишидан ҳосил бўладиган суюқлик ва ундан тайёрланадиган суюқ дори. Дифтерия бўғмасида дифтерияга қарши зардоб эмланади. ♦ Юрак зардобни кўнгилда тўпланган жард-алам. Энди йиғла-майман. Олти ойдан бери йиғилиб ётган юрак зардобни бўлади [деди Му-ҳаббат]. В. Гафуров, Вафодор. Зардоб

ютмоқ (ёки бўлиб кетмоқ) руҳан қат-тиқ алам чекмоқ, дард-аламга тўлмоқ. Бас, йиғлама; етмасми беш йил ҳаж-рида зардоб ютганине. Уйғун. Юраги (ёки ичи) зардобга тўлди (ёки айланди) руҳан сиқилишдан тоқати тоқ бўлди, юраги дард-аламга тўлди. Подшоҳзода ҳушига келиб паризодга қараб, уни сезиб, саҳроларда кезиб юрганларини, юраги зардобга айланганини айтиб байт ўқиди. «Эрталар». [Мадамин:] Қани, қани, мистер Рейли. Бундай ширин гаплардан бўлсин. Зардобга тўлган юраклар ёзилсин. К. Яшин, Тор-мор.

**ЗАРДОЛИ** [ф-т] диал. Ўрик ва унинг меваси.

**ЗАРДУЗ** [ф-т] Зардан гул тикувчи чевар. Бухоро зардўзлари тайёрлаган махсулотлар жаҳонга машҳур.

**ЗАРДУЗИ** [ф-т] Зар (билан) тикил-ган. Зардўзи дўппи. Зардўзи кавуш.

**ЗАРДУЗЛИК** зардўз с. касб оти. Зардўзлик буюмлари.

**ЗАРИФ** [a] 1 Ақли теран, ғоят ақл-ли, идрокли. Бозорчилар тожикчани яхши биладиган бу мулоийм зариф кишидан [Муқимийдан] жуда миннат-дор эдилар. С. Абдулла, Қувғинда.

2 Ғоят гўзал, зебо, нозик, нафис. Электр маржони нури қўйнида Чи-милдиқ тўсмаган суратинг зариф. Зулфия.

3 Зариф (эркаклар исми).

**ЗАРКОКИЛ** этн. Хотин-қизларнинг бир-бирига занжирбанд қилиб уланган кумуш тангалардан қилинган соч ўрим-ларига тақадиган безак буюми. Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билгаузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби.. буюмлар-дан қути-қути йиққан. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАРЛИ** фольк. Зар тикилган, зар гулли. Равшанбек айни ўн уч ёшида, Зарли қалпоқ бошида. «Равшан».

**ЗАРНИГОР** [ф-т] Зар билан қоп-ланган; заррин. Шамаси эл молли била зарнигор. Ойбек, Навоий.

**ЗАРПЕЧАК** [ф-т] Бошқа ўсимлик-лар танасига чирмайиб, уларнинг хи-собига яшайдиган баргсиз, нингичка ёввойи сариқ ўсимлик.

**ЗАРРА** [a] 1 Моддаларнинг кўзга кўринар-кўринмас кичик, майда бўла-ги. Металл зарралари. Чанг зарралари. Ҳаводаги сув зарралари. — Кум зар-ралари қуёш нурида товланиб ялти-рарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 рвш Озгинагина, заррача. Яқсон бўлғай душманинг Зарра қолмасин армонинг. «Алпомиш». || Қўк юзиди зар-ра булут йўқ. Ш. Ғуломов, Ташаббус.

**ЗАРРАБИЙ** [a+ф-т] эск. айн. мик-роскоп.

**ЗАРРАЧА** 1 Энг кичик зарра, энг майда бўлакча. Атомлар шу қадар майда заррачалардирки, уларни ҳат-то микроскоп орқали ҳам кўриши қийин. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

2 рвш вазифасида Озгинагина, қит-так. Саидий шу кунги лекциялардан



заррача ҳам баҳра алмади. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЗАРРИН** [ф-т] 1 *кт.* Зар тикилган, зар гул билан қопланган; зарнигор. *Ҳасанали илжайган кўйи қўлтигида-га заррин чопонни олиб сандал устига қўйди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Олтин билан безатилган; олтин югуртирилган, зарҳалланган. *Заррин милтиқ.* — Мана, қўёш нурларида товланиб турган заррин гумбазли Полвон Муҳаммад мақбараси. Ж. Шарипов, Хоразм. У [асир] шароб тўла мешларга ва заррин косаларга, овқат сузилган товоқларга ишора қилди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

2 *қўйма* Олтиндай товланиб, жилоланиб турадиган; ярқироқ. *Заррин шафақ.*

**ЗАРУР** [а] Бирор эҳтиёж ёки иш учун керак бўлган; керакли, даркор. *Зарур ашё. Зарур китоб.* — [Марасул Фотимага:] Пулингиз борми? Аҳмаджон акама яна уч минг сўм зарур бўлиб қолибди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тншлар. | Тез бажарилиши, қилиниши шарт бўлган, кечиктириб бўлмайдиган; муҳим. *Зарур масала.* — Бир зарур иш билан Шаҳар советига бордим. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. | *кесим вазифасида* Керак, даркор, лозим. *Менинг ҳозир боришим зарур.* — Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, яқдиллик сув ва ҳаводай зарур. Ойбек, Нур қидириб. *Зарур келибдими ёки нима зарур нима кераги бор, ҳеч кераги йўқ. У кишига ёпишиб менга зарур кептими.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бизнинг кўнглимизга қўл солиш сенга нима зарур. Ўз ишинени билсанг-чи, жўнасанг-чи.* П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ЗАРУРАТ** [а] 1 Бирор иш ёки нарсага бўлган эҳтиёж; кераклик, зарурлик. *Зарурат туғилди. Зарурати йўқ.* — *Эрта-кеч гузарни обод қилиб турадиган одамлар, бир зарурат билан кооперативга югуриб келиб-кетмасалар, энди уйларида чикмас эдилар.* П. Турсун, Ҳўитувчи. *Ахир, одамлар қор, лой демай тонгдан ишга тушиб, зарурат учун зар тўкса-ю, биз сувга тушган нондек бўкиб ўтирсак яхшимми?* Ойдин, Ширин келди. *Бу вафосиз дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгли деган нарса ҳам бор экан.* М. Исмонлий, Фарғона т. о.

2 *қўйма* Табиий эҳтиёж, ҳожат. *Бектемиров Низомидиновни зарурат учун ташқари чиққан гумон қилиб, келгунча чироқни ёқиб қўймоқчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЗАРУРИЙ** [а] *кт.* Энг керакли, жуда ҳам зарур. *Ижтимоий зарурий меҳнат.*

**ЗАРУРИЯТ** [а] *айн.* зарурат 1.

**ЗАРУРЛИК** 1 зарур с. бегли оти. *Ишнинг зарурлиги.*

2 *айн.* зарурат 1.

**ЗАРХАРИД** [ф-т] Пулга сотиб олинган, олтин баробарига келган. *Зархарид ер. Зархарид мол.*

**ЗАРЧУВА** [ф-т] Тропик ўсимлик ва унинг илдизидан тайёрланадиган зирвор (овқатга сарғиш тус беради ва уни хушбўй қилади).

**ЗАРШУНОС** [ф-т] 1 Бирор нарса-нинг қадри-қимматига ета биладиган, унга нозик дид билан баҳо бера оладиган киши. *Биз ўз асарларимизни халқ учун яратамиз. Шу асарларнинг асосий заршуноси бўлган халқ ҳаёт ҳақиқатига зид келган ҳамма нарсани қатъиян рад этади.* М. Жалолов, Ҳаёт илҳом манбаи.

2 Бирор соҳада мукамал билимга эга бўлган, ўз касбини пухта эгаллаган киши. *Пахта заршунослари.*

**ЗАРШУНОСЛИК** заршунос с. бегли оти. *Бойлик эгаси бўлиш бошқа-ю заршунослик бошқа.*

**ЗАРЯД** [а] 1 Патрон, снаряд ва ш.к.даги портловчи модданинг муайян миқдори. *Портловчи заряд. Порох заряд.*

2 *физ.* Электрланган жисмдаги электр миқдори. *Мубат заряд. Манфий заряд. Электр заряди.*

**ЗАРЯДКА** [р] 1 Организмни чиниктириш учун қилинадиган жисмоний машқ. *Зарядка қилмоқ.* — *Элмурод билан командир ташқарига чиққанда, рота энди эрталабки зарядкага сафланмоқда эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *физ.* Бирор жисмга электр заряди бериш; зарядлаш. *Аккумуляторни зарядка қилмоқ. Зарядка токи.*

**ЗАРЯДЛАМОҚ** *физ.* Бирор жисм, асбоб ва ш. к.га электр заряди бермоқ. *Батареяни зарядламоқ.*

**ЗАРЯДЛАНМОҚ** *зарядламоқ* *фл. мажх. ва ўзл. н.* Зарядланган батарея. *Аккумулятор зарядланди.*

**ЗАРЯДСИЗЛАНМОҚ** Зарядни йўқотмоқ. *Аккумулятор зарядсизланиб қолибди.*

**ЗАРҒАЛДОҚ** 1 *от* Чумчуқсимон қушларнинг бир тури, қанотлари қорамтир, ўзи сариқ сайроқи кўш.

2 *сфм* Тўқ сариқ ранг, тўқ сариқ рангли. *Зарғалдоқ ипак.*

◆ **Зарғалдоқ шафтоли** меваси сариқ ва йирик бўладиган шафтолиннинг бир нави.

**ЗАРҲАЛ** 1 *от* Бронза порошогидан тайёрланган бўёқ. *Зарҳал билан ёзилган ишор.*

2 *сфм* Шундай бўёқ билан ёзилган, чизилган ёки олтин сувни югуртирилган; заррин. *Зарҳал пиёла. Зарҳал нақш. Зарҳал рамка.* — *Яшаш дарвозаси остонасидан зарҳал китоб каби очилур олам.* Ф. Фулом. | *қўйма* Зардек нурафшон, зарварақ. *Мана олтин куз янги ерларга ҳам зарҳал чодирини ёзди.* Ш. Фуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.

**ЗАРҲАЛЛАМОҚ** Зарҳал билан қопламоқ ёки нақшламоқ. *Пиёдаларни зарҳалламоқ. Безакни зарҳалламоқ.*

**ЗАРҲАЛЛАНМОҚ** зарҳалламоқ *фл. мажх. н.* Зарҳалланган пиёла.

**ЗАРҲАЛЛИ** Зарҳал билан қоплан-

ган ёки безалган; зарҳалланган. *Гулан-дом кичкина чойнақдан очкич чойни ичи зарҳалли пиёлага оз-оз қўйиб, назокат билан сўзлаб, «ширин» ўтириш ясади.* Ойбек, Кутлур қон.

**ЗАСТАВА** [р] 1 *ҳарб.* Чегарада соқчилик қилувчи ҳарбий қисм ва шу қисм жойлашган территория. *Застава начальниги ўрнашган хонага шамол тезлигида учиб келган Эркин начальник қаршисида энтикиб-энтикиб гапира бошлади.* А. Раҳмат, Варракчи чол.

2 *тар.* Россия шаҳарларига кирувчиларни текшириб, улардан бож олиб турувчи соқчилар ва улар турадиган пункт.

**ЗАТВОР** [р] *махс.* Турли машина, аппарат, иншоот ва ш. к.да бирор йўлни, тешикни бекитадиган, шунингдек отиш қуролиларида ствол каналини очиб-ёпишга хизмат қиладиган қисм. *Трубопровод затвори. Винтовка затвори. Фотоаппарат затвори.* — *У [Аҳмаджон] эшик ёнига чўнқайиб ўтирди-да милтигининг затворини бир неча мартаба очиб ёпди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ЗАФАР** [а] *кт.* 1 Қўлга киритилган ютуқ, ғалаба, муваффақият. *Меҳнат зафари. Зафар байроғи.* — *Қалбарда партия бахш этган шодлик, Мардона борамиз зафарлар томон.* Ҳ. Саллох. *Зафар топмоқ (ёки қучмоқ) ёки зафарга эришмоқ* муваффақиятга эришмоқ, ғалаба қозонмоқ.

2 *Зафар (эркалар исми).*

**ЗАФАРЛИ** Зафар қозонган ёки зафарга элтувчи; ғолибона. *Зафарли одим. Пахтакорларнинг зафарли юриши.*

**ЗАФАРНОМА** [а+ф-т] Қўлга киритилган зафарлар, ғалабалар қиссаси. *Беши йилликлар зафарномаси.*

— *Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар.. қоя ва қабр тошларига ўйиб ёзилган зафарномаларда учрайди.* И. Жабборов, Қўна харобалар сирини. **ЗАХ** 1 *сфм* Суви кўп, сернам, захкаш (асосан ерт, тупроқ ҳақида). *Зах ер. Зах уй.* — *Ертўла атрофидан зах тупроқ шувиллаб тўкилди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Йўлчи қайтиб, зах уйга — хизматкорхонага кирди. Уйнинг деворларидан нам, моғор ҳиди ва совуқ эсарди.* Ойбек, Кутлур қон.

2 *от* Сернам, захкаш жой; намлик. *Кеча захда ётавериб менинг белим қориб қопти.* Ф. Фулом, Шум бола. *Қодирнинг қиздан умиди узилиб, кўкрагини захга бериб ётибди.* «Эртақлар». **ЗАХА** Полиз экинлари ёки ҳўл меванинг урилиб, эзилиб шикастланган ери. *Нокнинг захаси. Қовуннинг захга еган жойи. Заха бўлмоқ (емоқ).* || *Заха олма.*

**ЗАХАЛАНМОҚ** Заха бўлмоқ, захга емоқ, эзилмоқ, шикастланмоқ (полиз экинлари, ҳўл мева ҳақида). *Захаланган қовун. Захаланган шафтоли.*

**ЗАХИРА** [а] *эск. кт.* Келажакда фойдаланиш учун ғамлаб қўйилган нарса; запас. *Ҳар бир нарсани тежаш, бу-*

гунгени ортага захира қўйиши яхши фазилат. **Ф. Фулом, Шум бола.**

**ЗАХКАШ** Таркибида сизот сувларни кўп бўлган, суви юзага тепиб турадиган; зах, сернам (ер ҳақида). *Ер захкаши, зовур қазимай туриб бу ернинг захини аритиб бўлмас эди.* **Н. Сафаров, Курбонали.**

**ЗАХЛАМОҚ** 1 Зах бўлиб кетмоқ, зах босмоқ; намиқмоқ. *Ёгингарчиликлар натижасида ер захлаб кетди. Захлаган девор. Захлаган ертўла.* ■ Муштумзўрлардан олинган ғалланинг ярмидан кўпи Шокиржон бойваччанинг отхонасида захлаб ётибди. **А. Қаҳҳор, Қўшчинор.**

2 Совуққа қотмоқ. *Оёғим захлаб кетди.*

**ЗАХЛАНМОҚ** айн. захламоқ 1. *Ернинг захланиши ва шўрланишига қарши кураш.*

**ЗАХЛАТМОҚ** захламоқ *фл. орт. н.* Экинни захлаатиб сурғормоқ.

**ЗАХЛИК** зах с. белги *оти.* *Бу уй менга захлик қилди.*

**ЗАХМ** 1 [ф-т] 1 Тиг, найза каби ўткир нарсалардан баданга етган жароҳат. — *Ўқ ва қилич захми ва зарбини кўрмаган иштининг мақтанишини қаранг, — деди Темиртош Ҳожибга истеҳзо билан.* **М. Осим, Ўтрор.**

2 *кўчма* Кишига ўтказилган алам. Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир, *Кел буеун захминга маърифатни дармон қил.* **Ҳамза.**

**ЗАХМ** II [ф-т] *мед.* Оғир оқибатларга олиб борадиган юқумли таносил касаллиги; сифилис.

**ЗАХОБ** 1 Зах ерларда сиртга оқиб чиқадиған; сизот (сув ҳақида). *Захоб сувлар.*

2 Ер ости суви юзада бўлган; зах, захкаш. *Захоб ерларни қуритиши.*

**ЗАЧЁТ** [р] Олий ва махсус ўқув юрларида студентларнинг амалий билимларини синаш тури. *Зачётга тайёрланмоқ. Зачёт топширмоқ.* ■ *Оранан бир неча кун ўтгандан кейин коридорда ёзи имтиҳон ва зачётлар жадвали пайдо бўлди.* **П. Қодиров, Уч илди.** **Зачёт** дафтарчаси студентларнинг қайси фандан қандай баҳо билан имтиҳон ва зачёт топширганликлари қайд этиладиган дафтарча.

**ЗАЪФАР** [а] 1 *от* Заъфарон ўсимлиги гулидан тайёрланадиган ва овқатни хуштаъм ва рангдор қиладиган тўқ сариқ зиравор.

2 *сфм* Сапсарик, сомон ранг. *Бечоралар қуёш нури кўрмаган Ранги заъфар, ўйнаб кулиб юрмаган. Ҳабнбий.*

**ЗАЪФАРОН** [а] 1 *от* Ингичка узун баргли, тўқ сариқ гулли, пнёссимон илдизли ўсимлик (гулидан бўёқ ва зиравор тайёрлаш учун фойдаланилади).

2 *айн. заъфар* 2. *Ёр йўлида.. рангларни заъфарон бўлган Фуломжон сўнги кунларда нотаниш ҳислар азобини чека бошлади.* **М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.**

**ЗАЯВКА** [р] с. т. Бяроп нарса олиш

учун олдидан бериладиган талабнома. *Билетага заявка. Заявка бермоқ. Заявка қабул қилмоқ.*

**ЗАҚҚУМ** [а] 1 *бот.* Сутсимон шираида ўткир захарли модда бўлган дарахт; анчар.

2 *дин.* Дўзах дарахти (худо ғазаб қилган бандалар гўё дўзахда шу дарахт меваси билан овқатланармиш).

3 *кўчма* Татимайдиган, миннатли ёки захардай аччиқ овқат. *Узоқдан келадиган Гулфом билан Некқадамми кўрган Фарҳод чала қолган сўзини тугатди: Ана булар келтирайётган захри заққумни ичиб, йўлга чиқиши керак.* **Айний, Куллар.** || *Қалампир кўп солинганидан шўрва заққум бўлиб кетибди.*

◆ **Заққум ютмоқ** бениҳоят қайғурмоқ, руҳан эзидилмоқ. *Елғиз бир мен онасиз ўтдим, Елғиз бир мен заққумлар ютдим.* **Ҳ. Олимжон.** **Заққум** қилмоқ захарга айлантирмоқ, татимайдиган қилмоқ. *Бежиз маскан «ўқийман» дея Заққум қилганинг еган ошимни.* **С. Жўра.**

**ЗАҒИЗҒОН** Қарғасмонлар оиласига мансуб, ола-була қанотли, думи узун қуш; ҳаққа. *Бор экан-да йўқ экан, битта зағизғон бўлган экан.* «Эртақлар».

**ЗАҒЧА** с. т. Зоғча.

**ЗАҲАР** [ф-т, 3-ш. бирл. захри] 1 Тирик организмни оғулаб емирадиган ёки ўлдирадиган модда, оғу. *Илоннинг захари. Захар суртилсан ўқ.* ■ [Салмбойвачча] *ички чўнтагидан қорозга ўралган захарни олиб, титроқ қўллари билан ошга сепди ва қошиқ билан илдам аралаштирди.* **Ойбек, Қутлуғ қон.** *Захар ичибди [деди табиб]. Отабек сапчиб кетди.* **А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.**

2 *кўчма* Оғу сингари аччиқ, кишининг ҳаётини оғулайдиган, кишига татимайдиган нарса. [Элмурод] *Сайфуллага ҳовлинида еган-ичганим захар эди, энди мактабда рангим чиқиб қолди» деб таъна қилармиш.* **П. Турсун, Ўқитувчи.** **Захар бўлди** захарга, оғуга айланди; татитмади. *Яна дардга кўмилди Нисохон боши. Захар бўлди бир коса Совуған оши.* **Ғайратӣ.** **Захар қилмоқ** захарга, оғуга айлантирмоқ, татитмаслик. *Янги йилни ҳам захар қилдинг. Захар ютмоқ* аччиқ-алам чекмоқ, жафо чекмоқ, аччиқ-алам ютмоқ. *Дўстнинг учун захар ют.* **Мақол.** ■ *Сув ўрнида захар, қон ютсак, Яна нундан яхшилик кутсак, Йиғиштиринг бўлмадек гапни.* **Э. Раҳим.** | *Кишига найзадек ботадиган, дилига озор берадиган нарса, аччиқ-тирсик ва ш.к. Раис устага ғазаб билан тикилди-ю, захар тўла киноя қилди.* **Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.**

3 *кўчма* Жаҳл, ғазаб. *Миришнинг осилиб турган қовоғини, юзидан томиб турган захарини кўриб, Матқовул алақандай бўлиб кетди.* **М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.** *Ҳовлида ошқовоқ пўчоқ судраб ўйнаб юрган бола ва кўришгани*

*қучоқ ёзиб келадиган кампирнинг устбошини кўриб [Шарофатнинг] захри бир оз тарқалди.* **А. Қаҳҳор, Қўшчинор** **Заҳри** келди аччиғи келди, жаҳл чиқди. *Бунёднинг қаҳри келди Девнинг ҳам захри келди.* **Ҳ. Олимжон.** **Захар солмоқ** қаҳр-ғазаб қилиб кишининг дилига озор бермоқ, турмушини оғуламоқ. — *Ота, — деди. Йўли чолга бориб, — раҳмат сизга, лекин захрини солган илонга ялиниши ярамайди!* **Ойбек, Қутлуғ қон.** **Захар** (ёки захрини) сочмоқ ғазаб қилмоқ, ғазабини тўкиб солмоқ, жаҳл-ғазаб қилиб аламдан тарқамоқ. *Қилғилиқни Уктам қилади-ю, захарини менга сочмасизми? Ойбек, О. в. шабадалар. Нега ёнган юрагимга яна сен ҳам ваҳар сочсан.* **А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.** **Заҳрияни ютмоқ** аччиғини ичига ютмоқ, ғазабини билдирмаслик. *Ҳожи бирпас ваҳарини ютиб турди-да, бола автобусдан тушиб кетаётганида, секин қўлини узатиб, қулоғини ушлади ва уч букаб туриб қаттиқ қисди, жонининг борича қисди.* **А. Қаҳҳор, Йиллар.**

4 *кўчма* Аччиқ зарб, аччиқ оғриқ. *Тикан захри учиди, душман захри ичиди.* **Мақол.** ■ *От чидамас аччиқ қамчи захрига.* «Гўрўғли». **Совуқнинг захри** совуқнинг жонни ачитувчи таъсири.

5 *сфм, кўчма* Жуда ҳам аччиқ. *Захар овқат. Захар тутун.* **Заҳри қотил** 1) ўлдирадиган захар; 2) ўлғудай аччиқ. *Заҳри қотил дори.* | *Кишига найзадек ботадиган, дилига озор берадиган, аччиқ. Захар пичинг. Захар тил.* ■ *Отинийнинг аччиғи келди.* — *Вой, тилигинанг узилгур, мунча тилинг захар!* **П. Турсун, Ўқитувчи.** | *Тили аччиқ ва жиззаки. Захар одам.* ■ *Холмисага иш буорадиганларнинг бири тентак, кекса сатана, бири esa гирт ваҳар бўлиб чиқди.* **А. Мухтор, Опа-сингиллар.** — *Исфандиёрнинг захар башарасини кўришдан қутилибсан, — деди [Қазак Авазга].* **Ж. Шарипов, Ҳоразм.**

**ЗАҲАР-ЗАҚҚУМ** Жуда ҳам захар, аччиқ, оғу. *Захар-заққум овқат.* || *Халқ молини егандан кўра захар-заққум е!* **Ойбек, О. в. шабадалар.** **Захар-заққум бўлди айн.** захар бўлди қ. захар 2. **Захар-заққум қилмоқ айн.** захар қилмоқ қ. захар 2.

**ЗАҲАРЛАМОҚ** 1 **Захар бермоқ,** захар бериб ўлдириш. *Қаламушларни захарламоқ. Бўғувчи газ билан захарламоқ.* ■ *Кечаси бир зифатдан қайтиб, [бой] лахта-лахта қон қусди; азонга яқин жон берди. Билмадим, биров захарлаганми, ҳайтовур вақти-соати етган экан.* **Ойбек, Қутлуғ қон.** | *Захар кўшмоқ, захар сепмоқ, солмоқ, оғуламоқ. Сувни захарламоқ. Спиртли ичимликлар организмни захарлайди.*

2 *кўчма* Рухий азоб бериб, дилини сиеҳ қилмоқ, турмушини оғуга айлантирмоқ, оғуламоқ. [Ермат:] *Юрагимни захарладинг, юрагингни қий-*

налайман. Ойбек, Қутлуғ қон. Бойларнинг сўзига сира учши керак эмас. Уларнинг бари алдоқчи, бари юртимизни заҳарлайди, бари ифлос! Ойбек, Қутлуғ қон. | Ёмон таъсир кўрсатмоқ, ёмон таъсир кўрсатиб бузмоқ, йўлдан чиқармоқ. Хурофотлар кишининг онгини заҳарлайди.

**ЗАХАРЛАНМОҚ** заҳарламоқ *фл. мажх.* ва *ўзл. н.* Овқатдан заҳарланмоқ. — Гулнорнинг заҳарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсуаи қурбонинг ота-оналарининг тилларини дўқ-таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗАХАРЛИ** 1 Заҳардан иборат бўлган; заҳарлайдиган. Заҳарли модда. Заҳарли газлар. | Заҳари бор; таркибида заҳари бўлган. Заҳарли илон. Заҳарли ўсимлик. — Қора илон тутган ўлжасини махсус заҳарли тишлари билан ўлдирди. «Зоология».

2 Заҳар суртилган. Заҳарли найза. Заҳарли ўқ.

3 *кўчма* Кишига найзадек ботадиган, ачиқ (гап-сўз ҳақида). Заҳарли киноя. Заҳарли мактуб. — — Онажон, — деди Отабек, сизнинг заҳарли сўзларингизга нима дейишга ҳам ҳайронман.. А. Қодрий, Ўтган кунлар. || Фуломжон заҳарли кулди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЗАХАРЛОВЧИ** Заҳарлайдиган, заҳарли. Заҳарловчи моддалар.

**ЗАХАРХАНДА** [*ф-т*] Ачиқ киноя, пичинг, истеҳзо. Йигитнинг юзиде заҳархандан нишона ҳам йўқ, аксинча, жиддий. С. Анорбоев, Оқсой. — Ўртоқ Йўлдошев, — деди бой у йигитга қараб заҳарханда билан, — сизнинг отангиз раҳматлик Йўлдош ака жуда бечора, мулоийм, ҳеч кимга озор бермайдиган яхши одам эди. Айний, Қуллар. Кўзини китобдан олмай ўтирган Элмурод бошини кўтариб унга [Заҳарханда] қараб заҳарханда қилди: Нима бўлди сизга тақсир! Менинг кимлигимни шу вақтгача билмайсизми? П. Туреун, Ўқитувчи.

**ЗАХИЛ** [*ф-т* захир] Рангида қони йўқ, ранги сариқ, сарғайган, касал башара. Комилнинг захил юзи ҳам оқариб кетди. Х. Фулом, Машғал. Қитя ичкари кириб, ранги захил, сап-сариқ офицерни кўрди. В. Фафуров, Вафодор.

**ЗАХМАТ** [*а*] 1 Оғир, машаққатли меҳнат. Кўчмаги заҳмат — қишчи роҳат. Мақол. Заҳмат қадрини заҳматкаш билади. Мақол. — Кезар эдим нон излаб саҳро, Салдо тортиб, сузардим дарё, Арқон зарби елкам узарди, Бу заҳматлар тинчим бузарди. Ғайратий.

2 *кўчма* Азоб-уқубат, қулфат, машаққат. Машаққат, сафардан бешиб, толиқиб, Не-не заҳматларга йўлда йўлиқиб, Судралиб борарди одамлар хомуш. Шайхзода. Заҳмат чекмоқ 1) машаққатли меҳнат қилмоқ. Шонани кўсак қилгунча қанча-қанча заҳ-

мат чекилмади; 2) азоб-уқубат чекмоқ, қулфат тортмоқ, машаққатланмоқ. Бу харобани кўриб, Курбон отанинг кўз олдига Фармонқул ва ўшанга ўхшаган дунёга надомат билан келиб, заҳмат чекиб, ҳасрат билан ўтган кишилар келди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЗАХМАТКАШ** [*а+ф-т*] Меҳнат қилувчи, меҳнаткаш, жафокаш. У умрининг ярмидан кўпи азобда ўтган бу заҳматкаш чолга юрагиде чуқур меҳр ва ачинини билан уйқуа кетди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЗАХОТИ** *рвш, с. т.* Дарҳол, биланоқ. Кўзи юмилган заҳоти хаёлида Розия гавдаланар, . . бутун вужуди ловиллаб кетарди. О. Ёқубов, Тилла узук. Шу (ёки ўша) заҳоти шу онда, дарҳол, ўша оннинг ўзиде. Қиз менинг овозимни таниб, шу заҳотиёқ чапиб келди. Нигора қор сувига қўлини тикди-ю, ўша заҳоти тортиб олди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЗАХР** айн. Заҳар.

**ЗАХРА** [*ф-т*] 1 *эск. айн. зарда* 1. 2 *фольк.* Журбат, шижоат, жасорат. Бунни кўриб халқда заҳра қолмади, ҳар тарафа энди қоча бошлади. «Фольклор».

◆ Заҳраси учди аччиғи келди, жаҳли чикди; кайфи учиб кетди. Болам-бўтам қилиб юрган Бўрихўжа амаки «Алхамду»ни ўратмоқчи бўлганида Валижоннинг заҳраси учган эди. Мирмухсин, Чиниқши.

**ЗВЕНО** [*р*] 1 Колхоз ва совхозларда энг кичик ташкилий группа, қисм ва унинг ихтиёридаги ер-сув, хўжалик. Пахтачилик звеноси. Далачилик звеноси. Бригадамизда бешта звено бор.

— Сидиқжон.. бу звено қерда ва нима иш қилишини ҳам сўрамадан эртасига азонда Қанизак билан бирга ишга борди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Шундай ташкилий группа аъзолари. Дашт бригадаси фронтга совга юборяпти, деган гап звеноларга, бригадаларга, бутун қишлоққа ёйилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *с. т.* Шундай ташкилий группа, қисм бошлиғи. Қанизак звено бўлар эмиш. А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Умуман айрим ташкилотларнинг энг кичик ташкилий қисми, группаси. Пионерлар звеноси. Қирувчи самолётлар звеноси.

4 *кўчма* Бирор иш, ходиса, процесс ва ш. к.нинг узвий қисми. Марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш бутун идеология ишининг ҳал қилувчи звеносидир. Ш. Рашидов, Агитация-пропаганда иши савиясини оширайлик.

**ЗВЕНОВОЙ** [*р* звеньевой] *с. т.* Звено бошлиғи.

**ЗВЕНОВОЙЛИК** *с. т.* Звенолик. **ЗВЕНОЛИК** Звено бошлиғининг иши, вазифаси. Бу қизнинг ҳал қилувчи ўқийдиган вақти. Ўқийман деб звеноликни ташлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. зе «З» ҳарфининг номи.

**ЗЕБ** [*ф-т*] Безак, зийнат; кўрк, хусн. Одоб — кишининг зеби. Мақол. Зеб

бермоқ 1) безамоқ, ясамоқ. Кишимга зеб бермоқ. — [Ермат] отга чиганоқли асобларни тақиб, ёлнини қизил латталар билан ўриб, отнинг атрофида айланиб, унга жуда зеб берди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) пардоз-андоз қилмоқ, оро бермоқ. Ўзига зеб бермоқ. — [Жаббор] куюк мўйловига ортиқча зеб бериб, .. уни тез-тез сизлаб турганиданми, «мўйлов» лақаби унга ҳатто исм бўлиб кетган. Б. Даминов, Одамдан яхши ном қолсин.

**ЗЕБ-ЗИЙНАТ**, зеби зийнат [*ф-т+а*] 1 Турли хил безаклар, зийнат буюмлари. Қийим-бош, зеби-зийнат ишлаганга ярашади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Бор, кўйлогини кийдириб, зеби-зийнатини тақиб қўй! И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Гўзаллик, кўрк, хусн. Соғинган кунлар ва айрилиқ ойларида дилларга тугилган ноёб ва ширин ҳаяжонли ва самимий сўзлар севиғи сўхбатининг мундарижаси ва зеб-зийнати эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЗЕБИГАРДОН** [*ф-т*] *этно.* Олтин ёки қумушдан ясалиб, бўйинга осилдиган зийнат буюми. Қанизларнинг.. бармоқларида ёқут, гавҳар кўзли узуклар, .. бўйинларида зебигардонлар. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЗЕБО** [*ф-т*] 1 Ғоят гўзал, барно, келишган. Фарғона! . . О, қайси юракка ўт солмас экан Чўғдай атлас кийган зебо қизларинг. Ж. Жабборов.

2 Хушманзара, кўркем. Зебо ўлка. — Томоша қилгали Тошкентнинг эли, Шу вақтда бўлибди шаҳарлар гули, Бир-бирдан зиёд зебо манзили, Бу гулшанда мен ҳам тургали келдим. Э. Жуманбулбул. || Кўклам қизи юз очди, мусаффо безанибдир! Зебода яшил жомаси зебо безанибдир! Ҳабибий.

**ЗЕБОЛИК** зебо *с. белги* оти. Зеболикда тенги йўқ киз.

**ЗЕБОҚАД** [*ф-т+а*] айн. зебоқомат. **ЗЕБОҚОМАТ** [*ф-т+а*] Қад-қомати келишган, хушқомат; зебоқад. Зебоқомат йигит.

**ЗЕБРА** [*р<фр*] Отсимонлар оиласига мансуб, Африкада яшайдиган тарғил ёввойи от.

**ЗЕБУ** [*р<фр*] Жанубий Осиё ва Шарқий Африкада яшайдиган ўрқачли хўкиз.

**ЗЕМЛЕМЁР** [*р*] Ер ўлчовчи мутахассис.

**ЗЕМЛЕСОС** [*р*] Тупроқни лойқатиб, кучли насос ёрдамида чиқариб ташлайдиган машина.

**ЗЕМЛЯНКА** [*р*] Ертўла уй. Чодирларда, баракларда, землянкаларда ҳаёт қайнар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЗЕМСНАРЯД** [*р*] Землесос ўрнатилган махсус кема, мас. дарёни чуқурлаш учун хизмат қилади.

**ЗЁМСТВО** [*р*] тар. Революциядан илгариги Россияда ҳуқуқи ғоят чеклаб қўйилган маҳаллий идора, бошқарма.

**ЗЕНИТ** [*р<фр<а*] 1 *от, астр.* Осмоннинг кузатувчи тепасидаги энг

балад нуқтаси. *Қуёш зенитда турибди.*

2 *сфт, ҳарб.* Осмондаги нишонларни ўқга тутиш учун хизмат қиладиган. *Зенит тўпи. Зенит артиллерияси.*

**ЗЕНИТКА** [р] с. т. Зенит қуроли. *Автоматик зенитка. — Тепаликларнинг этаида оғир тўплар, узун қувурлари осмонга кўтарилган зениткалар туради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ЗЕНИТЧИ** Зенит қуролидан отувчи.

**ЗЕР** [ф-т] Араб графикаси системасида, қисқа «и» унлиси ўрнида ҳарф остига қўйиладиган қия дефис шаклидаги диакритик белги.

**ЗЕР-ЗАБАР**, *зеру забар*: зер-забар қилмоқ остин-устин қилмоқ; ер билан яксон қилмоқ, тор-мор этмоқ, емирмоқ. *Босмачилар қишлоқларни зер-забар қилган эдилар.* Фан ва техникадаги улуг кашфиётлар диний ақидаларни зер-забар қилмоқда.

**ЗЕРИКАРЛИ** Кишини зериктирадиган, юракни қизтадиган, қизиги йўқ, мароқсиз. *Зерикарли китоб. Зерикарли доклад. — У [ўқитувчи] ҳозирги шарқ тарихидан жуда зерикарли лекция ўқирди.* П. Қодиров, Уч ил-диз.

**ЗЕРИКИШМОҚ** зерикмоқ *фл. бирг. н.* Сизни кутиб-кутиб зерикишиди.

**ЗЕРИҚМОҚ** 1 Бекорчиликдан ёки лоқайдликдан сиқилмоқ, эңк, диққинафас бўлмоқ, юраги, ичи қизимоқ. *У [Рафиқжон] жуда зерикиб, нима ўзин йўнашини, ким билан йўнашини билмас эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. Қалай, мулла, бизнинг ёқлар сизга маъқул бўлдими? *Зерикаётганингиз йўқми, ишқилиб?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Безор бўлмоқ, хуноб бўлмоқ. *Доридан зерикдим. — Сочларини қирқ қожил қилиб ўришларини айтинг.* Ургунча зерикиб кетишир? Шухрат, Шинелли йиллар. *Маҳдум, муборақбодчи камбағаллар у ёқда турсин, ҳатто уламо ва бойлардан ҳам ҳозир зериккан эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЗЕРИКТИРМОҚ** зерикмоқ *фл. орт. н.* *Умурзоқ ота: — Ҳа Фани самоварчи эски қадрдоним. Қурмагур бир қоп ёнғоқ; борсам сира зериктирмайди.* Ҳ. Ғулум, Машғал.

**ЗЕРО(КИ)** *эргш. боғл., эск.* Чунки, негаки, сабаб шуки; шундай бўлганидан. [Абулмалик:] *Ҳеч ким ишқни бунчалик таъриф қила олмаган.* [Навой:] *Зеро, ҳеч ким ишқ жабрини менчалик тортмаган.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Мен, Қумуш! — деди яна Зайнаб аммо кетмай иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗЕФИР** [р<грек] Бир турли юпқа ва нафис ип газлама. *Оқ зефир.* || Зефир кўйлак.

**ЗЕХН** [а] Идрок этиш, билиб олиш, тушуниш қобилияти; идрок, фаҳм, уқув. *Анвар.. зехнининг тиниқлигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқа-*

*эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Унинг зехни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди, мактабда энг кучли ўқувчилардан ҳисобланарди.* П. Қодиров, Уч ил-диз. *Уч-тўрт кундаёқ Тожибойнинг ўқиша кунти йўқ, зехни тўжмоқ ўқувчилардан экани билиниб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зехн солмоқ (ёки кўймоқ) диққат билан кузатмоқ, қарамоқ, кўздан кечирмоқ. Бектемир ҳар вақт турли қуролларга зехн соларди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ишни олиб ҳар кун ёнингга, Зехн қўйиб кашта тикасан!* И. Муслим. *Зехни паст тез тушуна олмайдиган, ўзлаштира олмай-диган; уқувси.*

**ЗЕХНИЯТ** [а] кам қўлла. *кт. айн. зехн.* *Ҳар қатим, ҳар чокда катта маҳорат — Акс этган сиздаги ипақдек нозик Хунарга муҳаббат санъат, зехният.* Ғайратий.

**ЗЕХНЛИ** Тез идрок этадиган, зехни ўткир; идрокли, уқувли. *Тиллаҳон ёшлигиданоқ чаққон, зихли, зийрак қиз эди.* Ж. Сейтназаров, Тиллаҳоннинг қувончи.

**ЗИГЗАГ** [р<фр] Сяниқ чизик, || Зигзаг борона.

**ЗИД(Д)** [а] 1 Бир-бирига хилоф бўлган; тесқари, акс. *Зид фикрлар. Ҳақиқатга зид маълумотлар. — Бундан бирор ҳафта илгари бахт бўйини анқитган маҳалла ҳозир шунинг зидди билан ҳўвиллар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Халқ тажрибаси билан илм бир-бирига зид келиб қолган пайтларда илми қўллаш, илмга йўл очиб бериш керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

2 Бир-бирига душман бўлган, ўзаро келиштириб, битиштириб бўлмайдиган, муросага келмайдиган; қарама-қарши. *Қандай қилиб сиз билан менинг дилим бир бўлсин! Ҳеч қачон бир бўлмайди.* Аксинча ўт билан сўдек зид. П. Турсун, Ўқитувчи. *Жамиятда бойлар ва ишчи-меҳнаткашлар синфи борлигини, бойларнинг манфаатлари билан меҳнаткашларнинг манфаатлари бир-бирига зид эканини тушунтирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бировнинг зидига иш қилмоқ бировга қарши иш қилмоқ. Воқеадан хабарим бор, Тоҳиржон зиддинга иш қилмоқда.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

◆ **Зидди захар** эск. захарга қарши дори. *Захарланганда сут, қатиқ зидди захар ҳисобланади.*

**ЗИДДИЯТ** [а] *кт.* 1 Бир-бирига хилофлик, акслик. *Домла гапининг учини йўқотиб қўйдими, ё фикридаги ошқор зиддиятдан хижолат тортдимми, ямлаини қолди.* М. Исмоний, Фаргона т. о.

2 Муросага келтириб бўлмайдиган қарама-қаршилик. *Давлат — синфий зиддиятлар муросасизлигининг маҳсулидир.* В. И. Ленин, *Давлат ва революция.* | Душманлик, адоват. — *Мен сизни ёки уни [Аҳмад маҳдумни] йўздан озган демайман, — деди мулла Муҳиддин, — бироқ шунги биламанки, сизлар билан унинг ораларингизда сув*

*билан ўт орасидаги каби зиддият бор.* Айний, Эсдаликлар.

**ЗИДЛАШМОҚ** 1 Бир-бирига қарама-қарши иш қилмоқ, бир-бирининг аксини олмоқ, ўчакишмоқ.

2 Бир-бирига душман бўлиб қолмоқ, душманлик қилмоқ, адоват талашмоқ. **ЗИДЛИК** *айн.* зиддият.

**ЗИДЛОВЧИ:** зидловчи боғловчилар *грам.* тенг ҳуқуқли гап бўлақларини ёки гапларни бир-бирига зидлаб боғлайдиган ёрдамчи сўзлар (*мас., аммо, лекин, бироқ*).

**ЗИДЛОВЧИЛАР** *айн.* зидловчи боғловчилар қ. зидловчи.

**ЗИЁ** [а] 1 *кт.* Ёғду, ёруғлик, нур. *Қаердандир отилган мушакни кўз қамаштирувчи ёрқин зийси тунни гўё кундузга айлантириб юборди.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

2 *кўчма* Жило, ярқироқлик. *Муҳташам саройларнинг Жилоси кетган. Улаётган синфдек Зийси кетган.* Ғайратий.

3 *кўчма* Билим, маърифат. *На қуръони шариф, на ивжил, таврот, На пайғамбар ва на азиз авлиё, На осмондан олов олиб тушган у — Прометей менга беролди зиё.* С. Акбарий. | Онгни ёритувчи ҳар қандай нарса. [Ғули:] *Ғазал эрмас бу бир меҳри зиёдур, Мунаввар айлаган дилни зиёдур.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

4 *Зиё (эркаklar исми).*

**ЗИЁД** [а] 1 *рви* Ортик, кўп, кўпроқ. *Ҳаддан зиёд қувонч. Юздан зиёд китоб. Кутилгандан ҳам зиёд самараларга эришдик. — [Хосият:] Мен сени ўз боламдан зиёд қилиб, елкамда кўтариб катта қилганман. Онанг бўлман-а, қизим!* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 *Зиёд (эркаklar исми).*

**ЗИЁДА** [а] 1 Ортик, аъло, аълороқ. *Майор Абдурахмонов билан туғишган ака-укалардан ҳам зиёда бўлиб қолган эдик.* М. Мухамедов, Қаҳрамон изидан. *Дўснат билан Бувиқисо хўжайинга эгилиб қуллуқ қилишиди: — Қуллуқ, қуллуқ! — деди Дўснат. — Илоҳим давлатингиз зиёда бўлсин!* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *Зиёда (хотин-қизлар исми).*

**ЗИЁДАЛИК** *зиёда с. белги ота.* **ЗИЁДОН** [а+ф-т] *фольк.* Қандил; шамдон. *Унда ҳам кўйику айвон...* *Зиёдоналар алвон-алвон.* «Равшан».

**ЗИЁЛИ** Билим-маърифатли киши; интеллигент. *Қишлоқ зиёллари. Совет зиёллари. — Инженерлар ҳам зиёли ҳисобланадими? — деди Ёқубжон Саидийга қараб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЗИЁН** [ф-т] *айн. зарар.* Чекишининг турган-битгани зиён. *Зиён бермоқ. Зиён келтирмоқ. Зиён кўрмоқ. — Қилтириқмахсумнинг гапига қараганда дўконларда кечанинг йўздаёқ 29 минг зиён кўрилипти.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сен чурвақаварнинг қўлидан келадигани шу-да! Йишга зиён етказишдан бўлакни билмайсанлар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. [Марасул:] *Мутла-*

қа осимдан чиқипти! Майли, зиёни йўқ, тўғрилаймиз. А. Қаҳҳор, Оғриқ тиллар. Бир мири ҳаён, уч мири зиён фойдасидан кўра зиёни кўп.

**ЗИЕН-ЗАҲМАТ** айн. зарар 2.

**ЗИЕНКУНАНДА** [ф-т] айн. зараркунанда.

**ЗИЁНЛИ** айн. зарарли. *Зиёнли ши. Зиёнли ҳашарот.* || Чекиш зиёнли.

**ЗИЁНЧИ** Зиён етказувчи, зиёнкунанда, зараркунанда. *Зиёнчи унсурлар.* || Сизга бошқа одамлар тўққинлик қилди, бўлмаса бундай зиёнчилар, хушомадегўйларни уриб патини тўзатиб эборар эдингиз! А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

**ЗИЁНЧИЛИК** 1 зиёнчи с. белги оти.

2 Зараркунандалик, зарар етказиш. *Зиёнчилик қилмоқ.*

**ЗИЁРАТ** [а] 1 дин. Муқаддас ҳисобланган жойга бориб сиғиниш. *Қувада тоғниг ёйққисиди «Қоровул отанинг гўри бор. Зиёратга келган авом халқ қабрининг деворларига бошларини уриб йиғлар.. эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

2 Элга танилган арбоб ёки ўзига яқин кишининг қабрига бориб кўриш, эслаш. Биз Шоҳимардонда Ҳамза Ҳакимзода қабрини зиёрат қилиб, қайтишди Водила қўшини лозим топдик. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон.

3 Ҳурмат ёки расмият юзасидан бирор шахсни бориб кўриш.— *Утираверинглар, зиёратларига келдим. Ойбек, Қутлуғ қон.— Мирзо Анвар нимга худо мартаба ато қилган эмиш деб виштдим,— деди Сафар бўзчи,— пиримни зиёрат қилай, деб келялман. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

♦ **Ҳам тижорат, ҳам зиёрат** сафар баҳонасида бошқа ишни ҳам битиришни кўзлаган кишига нисбатан айтилади. *Эшон сўзини тамом қилгач, мулла Муҳаммад Салим унга: Демак, сизнинг сафарингиз ҳам зиёрат, ҳам тижорат экан-да,— деди. Айний, Дохунда.*

**ЗИЁРАТГОҲ** [а+ф-т] 1 дин. Зиёрат қилинадиган муқаддас ер, қадамжо. *«Занги бобо» зиёратгоҳи бир мақбарадир. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

2 Кишилар кўп борадиган, йиғиладиган муътабар жой.

**ЗИЁРАТХОНА** [а+ф-т] дин. Зиёратгоҳнинг зиёратчилар сиғинадиган, тазоф қиладиган биноси, хонаси. *Бойқушлар уяси бўлган икки тўп чинорнинг қаршисиди гумбаза рўбарў-рўбарў қилиб солинган айвон — зиёратхона бор. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ЗИЁРАТЧИ** дин. Муқаддас ҳисобланган жойга зиёрат учун келган киши. *У мозорга теварак атрофдан зиёратчилар.. турли-туман назр-ниёзлар ва шу жумладан егулик нарсалар кўп келтирар эканлар. Айний, Эсдаликлар.*

**ЗИЁФАТ** [а] 1 Тантанали катта меҳмондорчилик. *Қўшмоқ тарихида киринчи қуриланг кўркам мактабнинг батта байрамга айланган тантанаси уйин-кулги ва зиёфат билан тугади..*

П. Турсун, Ҳўқитувчи. | Умуман меҳмондорчилик, меҳмон қилини. Ҳакимбойвачча.. бир катта хитой лаганда, уйилган қирғовул, каклик гўшти қовурмаси билан [эликбошини] зиёфат қилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор расмий шахс шарафига ёки расмий маросим муносабати билан уюштирилган тантанали ўлтириш, меҳмондорчилик; банкет. *Элчи шарафига зиёфат берилди.*

**ЗИЙНАТ** [а] 1 Гўзаллик, зеб берин учун хизмат қилувчи буюм; безак. *Зийнат асбоблари.* — *Унсин онасидан ёдор қолган ва ягона зийнати бўлган юлқасина эски билгузукни айланттириб гапирди.— Мен ҳам қолмайман, ака. Ойбек, Қутлуғ қон. [Нодира Майсарога:] Аммажон, қўрққангидан қиммат-қиммат олтин, кумуш, маржон, сирга — мана шундай зийнатларини олдим,— холос. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

2 Нақш, безак. *Меҳмонхона зийнати.*

3 *Кўчма* Ҳусн, кўрк берувчи нарса; ҳусн, кўрк. *Қамтарлик — инсон зийнати.* Мақол. — *Эрнинг зийнатидир ваъдага вафо. Ф. Фулом. Дастурхон одамнинг зийнати, болам. Одам олдида дастурхон ёйиш бизнинг ота-бобомиздан қолган расм. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

4 Зийнат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ЗИЙНАТЛАМОҚ** Безак ёки нақшлар билан ҳашам бермоқ; безамоқ, безатмоқ. *Бинони зийнатламоқ.*

**ЗИЙНАТЛАНМОҚ** зийнатламоқ *фл. мажн. н.* *Урда қўрғонининг ташқари айланаси ажойиб гулзорлар, анвои мевали дарахтлар билан зийнатланган. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ЗИЙНАТЛИ** 1 Зийнат берилган, зийнатланган. *Зийнатли камар.*

2 *Кўчма* Гўзал, кўркам. *Зийнатли ҳаёт.*

**ЗИЙРАК** [ф-т] 1 Тез фаҳмлайдиган, фаҳми ўткир, уқувли. *Кексалик тоши, ғам юки остида қадди букчайган бу зийрак чол аёлларнинг аҳвол руҳиясини сезди, англади. Ҳ. Фулом, Манъаял. Тиллаҳон ёшлигиданоқ таққон, эҳнли, зийрак қиз эди. Ж. Сейтназаров, Тиллаҳоннинг кезинчи.*

2 Тез сезадиган, сезонир, сергак, ҳушёр. *Зийрак соқчи. Зийрак қуш.* — *Қийшлар жуда зийрак бўлади. Уларга сал ширпа кифоя. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ЗИЙРАКЛИК** зийрак с. белги оти. *Элмурод саволларнинг мазмунини дарров англаб, раҳбарнинг бунчалик одампарварлиги ва зийраклигига жуда қойил бўлди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Санасев дарахт устида туриб, кўринган ҳар бир нуқтани зийраклик билан кўздан кечирди. Н. Сафаров, Мардлар.*

**ЗИКР** [а] 1 кт. Эслаш, хотирлаш, сўзлаш, тилга олиш. *Зикр қилмоқ.* — *Нодирабегим номи зикр қилиниши билан Муҳаммаднинг ёдига китоб ту-*

*шиб кетиб, жим тўриб қолди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

2 дин. Мусулмонларнинг бирор руҳоний етакчилигида давра қуриб, худо ва азиз авлиёларнинг номларини баланд овоз билан тилга олиб, ғайритабiiий ҳаракатлар ва жазава билан ўтказадиган маросими: **Зикр** тушмоқ шундай маросимда қатнашмоқ. *Занги бобо мазори ёнидаги масжидда шаҳардан чиққан Жаҳрия эшонлар ўз муридлари билан зикр тушмоқда эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ЗИКР-САМО**, **зикру** само айн. зикр 2. *Мақитларда жар, зикр-само.. оҳ-воҳ.. Ҳеч қўяверинг! Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

**ЗИКРХОНА** [а+ф-т] дин. Зикр тушадиган ёки зикр тушилатган жой.

♦ **Зикрхона у ерда, ҳалимхона бу ерда** хизматни бирор ерда қилиб, муздини бошқа ерда талаб қилинганда айтиладиган ибора.

**ЗИКРЧИ** Зикр тушувчи одам, зикр қатнашчиси. *Бобом «хул» деб дарров ўртадаги зикрчиларга қўшилиб, зикр тушиб кетди. Ойбек, Болалик.*

**ЗИЛ** 1 1 Ердан узиб бўлмайдиган даражада оғир (нарса, юк ҳақида). *Зил юк.* — *Лойга тушиди югуриб шу чоғ, Зил шотини кўтарди азот. Мирмуҳсин. Руҳи сўниқ Валижон битта-битта қадам ташлар, оёқлари зил эди. Мирмуҳсин, Чинқиш. Йўл азоби, бунинг устига ёлғир эмиш зил бўлиб кетган пальтосининг оғирлигиданми унинг қопма, чуваккина юзлари.. қизарган, кенг пешанасини майда тер босган эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

2 *Кўчма* Кишига оғир тегадиган, оғир ботадиган, оғир. *Ҳазил, ҳазилнинг тағи зил. Мақол. [Ичдан] зил кетмоқ* 1) қаттиқ мулзам бўлмоқ, хижолат тортмоқ; 2) хавотирликка тушмоқ, кўрқмоқ. *Майор ичиндан зил кетиб, чурқ эттишга ҳам мадори қолмади. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан; 3) рашкига ёки аламига чидолмай ич-ичдан куймоқ, ёнмоқ. Ботирга бўлган ҳурматни кўриб Аҳмад ич-ичидан зил кетди.*

**ЗИЛ** II Бир-бирга уриб чалинадиган металл тарелка шаклидаги музика асбоби. *Зил чалмоқ.*

**ЗИЛДАЙ**, =дек *Жуда оғир, зил. Зилдек чемодан.* — *Ҳойшдан келган бу хуржунни Ойша хола салмоқлаб кўрди. У ниқлаб тўядирилган, зилдай оғир эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ЗИЛ-ЗАМБИЛ** Кўтариб бўлмас даражада оғир. *Зил-замбил гилам. Зил-замбил шаф.* — [Қодирқулнинг] гавдаси, айниқса, боши зил-замбил, уни кўтариб одамларга тик қарашга мадори йўқ. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

♦ **Зил-замбил бўлмоқ** хижолатдан ўзини жуда воқулай ҳис қилмоқ, изза бўлмоқ. *Мен зил-замбил бўлиб, ерга кириб кетай дедим. Ойдин, Садаған бўлай, командир.*

**ЗИЛЗИЛА** [а] 1 Бирор табiiий сабаб билан ер қобғининг ларзага келиши.



ер қимирлаши. Андижон зилзиласи минг минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди, томини қулатди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Дахшатли тўлқин, ларза.

**ЗИЛЛАТ** [а] айн. залолат. Биз зорликдан, зиллатдан қутилурмиз, тинч бўлурмиз, ватанимиз тинч бўлсин.. деди оломон. Ойбек, Нур қидириб.

**ЗИЛОЛ** [а] кт. Нихоят даражада тиник, шаффоф, мусаффо. Зилол осмон. Зилол сув. — Ёмғир өса, зўр шиддат билан ер юзини ювар, шамол кучоғида чайқалаётган дарахларни зилол томчилар-ла чўмилтиради. М. Жабборов, Севинч ёшлари.

**ЗИМ**: зим бўлмоқ бедарак кетмоқ, йўқолмоқ, ғойиб бўлмоқ, зимзиё бўлмоқ. Бир ҳафтадан бери қаёққа зим бўлдинг. З. Фатхуллин, Оби ҳаёт.

**ЗИМДАН** [а] рвш, с. т. Махфий суратда, яширинча, билдирмасдан. Зимдан кузатмоқ. — Исфадиёр отасидан кейин тахтага ўтиришни истар ва бу мақсадга эришмоқ учун зимдан ҳаракат қилар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Жўраҳон Назокат ҳақида кўп эшитган, унинг ҳаракат ва гапларига зимдан разм солиб турди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЗИМЗИЁ** [ф-т сям-сиёх] с. т. Ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган даражада қоронғи; қоп-қоронғи, тим қоронғи. Зимзиё тун. Зимзиё ғор. — Бир текис ўсган сершоҳ, сербарг дарахлар ойни қора девордай тўсиб турар, сўқмоқ зимзиё эди. Х. Гулом, Машғал.

◆ **Зимзиё бўлмоқ айн. зим бўлмоқ қ. зим.** Раҳимбой дейман, қаёққа зимзиё бўлиб кетдинг десак, у ёқда қаҳрамонлик қилиб юрган экансан-да! Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Зимзиё қилмоқ йўқ қилиб юбормоқ, ғойиб қилмоқ.

**ЗИМИСТОН** [ф-т] 1 эск. кт. айн. қиш. Зимистон чекмаган одам баҳорнинг қадрини билмас. Мақол.

2 кўчма Рўшноликдан, зийдан маҳрум ҳаёт; қоронғилик. Ёруғ дунё шу экан, деб зимистонга кўникиб қолганмиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар. — Қандай нодон одамлар эканмиз-а! Қора чироқдан бошқа нарсани билмас эдик. Илмсизлик зимистон экан [деди кампир]. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. | Номаълум, қоронғи нараса, номаълумлик. — У одамнинг ўтмиши зимистон. Ана шу ўтмишини яшириб юради, — деди Сартаков. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

3 кўчма Қоронғи, қоронғилик. Осмонда қора булутлар пайдо бўлиб, ўрмон ичини зимистонга айлантирди. А. Раҳмат, Эдлик бир баходир. Шу лаўза бирдан савҳатчилар кўз олдига зимистонни қилмидай кесиб нур чақолаб кетди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 сфт, кўчма Қоп-қоронғи, тим қоронғи, зимзиё. Кўёш нурлари Бўхоро амирининг зах, зимистон зимдонига

сира ҳам тушмаган. || Долол — кундуз кунлари ҳам қоронғи — зимистон бўлади. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЗИММА** [а] (фақат ж. к., ў-п.к. ва ч. к. ф-да эгалик қўшимчалари билан) Кимсанинг гарданидаги, устидаги, бўйнидаги иш, вазифа, бурч ва ш.к.ни билдиради. Зиммасига олмақ. Зиммасига тушиди. Бинокорларимиз зиммасига ғоят зўр масъулият юкланган. — Милтиқларни ремонт қилдириш ҳам [сарбозларнинг] ўз зиммаларида эди. Айний, Эсдалиқлар. Агар сен бу ёқни ўз зимманга оладиган бўлсанг, бу томондан ҳам хотиржам бўлманг. А. Қодирий, Обид кетмон. [Муҳаммадрасул] кўп чиқимларни мен ўз зимманга олдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗИМНАН** [а] эск. айн. зимдан. Зимнан кузатмоқ.

**ЗИМ-ҒОЙИБ**: зим-ғойиб бўлмоқ айн. зим бўлмоқ қ. зим. Хотин бошқа нарсаларни ҳам сотиб тап-тайёр бўлиб турган экан, волидаимиз билан қизини олибди-ю бир кечда зим-ғойиб бўлибди қолибди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ЗИНА** [ф-т] 1 Юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун белгиланган поғонали қурилма; зинапоя. Ғиштин зина. Зинадан чиқмоқ. Зинадан тушмоқ. — Гулнор шошиб-пишиб уйдан чиқди, Унсини зинада қарши олди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 с. т. Шундай қурилманинг ҳар бир поғонаси; босқич. Сафарали бир зина пастга тушган эди, орқда рус қизи бир нима деди. Ойдин, Келин Уғил туғибди.

3 кўчма Босқич, поғона. Хоннинг йўлбошчиси бўлган кишининг ўзи зулмда Азизбекдан неча зина баланд ўринни ишғол этгувчи кимса бўлса, биз қандоғ қилайлик! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗИНАПОЧА** [ф-т] айн. зина 2.

**ЗИНАПОЯ** [ф-т] айн. зина 1.

**ЗИНДА** [ф-т] 1 эск. кт. Тирик, барҳаёт. [Ҳайитжон Тўяхонга: Бираканг борки, мурдани зинда, зиндани газанда қилади. Ҳамза, Холискон.

2 сўк. Шум, шумтака; бадбахт (асосан болаларга нисбатан ишлатилади). [Хожар:] Остонада ўлигинг қолсин, зинда! Ҳамза, Холискон.

**ЗИНДОН** [ф-т] 1 тар. Ер остидаги зах ва қоронғи қамоқхона. Зулм зимдондан ёмон. Мақол. — Маҳбусларга тўлиб зимдонлар, Адолат деб тўкилди қонлар. Э. Раҳим. Қўл-оёғи боғаниб зимдонга ташланган бахтсиз нажот излаб, ёруғ кўзлаб жовдираганидек, мен сизни излаб, сизни кўзлаб жовдирайман. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Зимдон қилмоқ с. т. зимдонга солмоқ, ташламоқ.

2 кўчма Кишининг боши азоб-уқубатлардан чиқмайдиган жой; азобхона, ғурбатхона. Кўча(да) — хандон, уй(да) — зимдон. Мақол. — Бойнинг уйи сарой бўлсин, барибир Гулнорга зимдон бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗИНДОНБОН** [ф-т] тар. Зимдон

соқчиси, қоровули. Зимдонбоннинг даромади қамалганларга азоб бериш воқитаси билан улардан олинадиган 4-5 танга пулди. Айний, Дохунда.

**ЗИНДОНИ** [ф-т] с. т. Баданга чиққан катта ёмон яра.

◆ Пулига зимдони чиқибдимми ўз пулини қизганиб, бировдан тама қилувчиларга нисбатан айтяладиган ибора. **ЗИНДОНЧИ** с. т. Зимдонбон.

**ЗИННИХ** с. т. Зирних.

◆ **Зиннихи куйибдимми?** «ундан нима кетди?», «сунга нима?» каби маъноларда ишлатиладиган ибора.

**ЗИНО** [ф-т] кт. Ниқоҳсиз эркак

билан аёлнинг жинсий алоқаси; бузуқлик, фахш. Зино қилмоқ. Валади зино қ. валад 1.

**ЗИНОГАР** айн. зинокор.

**ЗИНОГАРЛИК** айн. зинокорлик.

**ЗИНОКОР** [ф-т] Зино қилувчи, бузуқ.

**ЗИНОКОРЛИК** Бузуқлик, фахш.

**ЗИНҒИЛЛАМОҚ** 1 Жуда тез юрмоқ, елдай чумоқ, зипилламоқ, ғирилламоқ. Чопиб бораётган кийик гоҳ қайрилиб, орқасида зинғиллаб келаётган кийикчани кўриб қўярди ва яна олға интиларди. Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси.

2 Ғувиллаган товуш чиқармоқ, зивилламоқ. Кулоғим зинғиллаб кетди. — Телада зинғиллаб ушган снарядлар.. олов ва тутун аралаш ер уюмларини кўкка иргитиб тўкилади. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЗИНҒИЛЛАТМОҚ** зинғилламоқ фл. орт. н.

**ЗИНҒИЛЛАШМОҚ** зинғилламоқ фл. бирг. н.

**ЗИНҒИРЧА** с. т. Зиғирдай, жуда оз, озгина.

**ЗИНҒОР** [ф-т] рвш. (фақат бўлишсиз феъллар билан) Асло, сира, мутлақо, ҳеч. Бировнинг айбига қулмагин зинҳор, сенинг ҳам айбинга қулувчилар бор. Мақол. — Яшишлиқдир, ёмонликдир, ҳар нимашики ўзлари қилсинлар, зинҳор сен аралашма! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗИНҒОР-БАЗИНҒОР** рвш (фақат бўлишсиз феъллар билан) Сира ҳам, ҳеч-ҳеч, асло-асло. Маждиддин.. жаҳлла товуш билан гапирди: — .. Сиз бу сўзни иккинчи дафта зинҳор-базинҳор оғзингиздан чиқарманг. Ойбек, Навоий.

**ЗИП**: зип этиб жуда тез, елдай учиб. Зип этиб ёнимга келди. Зип этиб трамвайга чиқиб олди.

**ЗИПИЛЛАМОҚ** с. т. Жуда тез юрмоқ, елмақ, зивилламоқ. Бир ордан сўнг емакиси ҳовлига чиқди ва зипиллаб ошхонага кирди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ЗИПИЛЛАШМОҚ** зипилламоқ фл. бирг. н. Болалар зипиллашиб кўчага чиқиб кетишиди.

**ЗИР** 1 юк. Иш-ҳаракатнинг тезлиги ёки такрорийлигини билдиради. Турсуной билан Султонжон тўрт томонга зир югуриб бригадирни қидирдилар. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Наҳотки икки йилдан бери бир бечорани зир қатнашиб овора қилсалар,



Тошкент қишлоғи билан Марғилоннинг ораси оёғина йўлими, ахир? А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗИР II тақл. с.** Ларзадан тебранувчи нарсаларнинг ҳаракати ва товуши ҳақида. Портлаш зарбидан ойналар зир этиб кетди. — Руҳли, кучли кўкракдан чиққан бу ашула теваракни зир эттириб юборгудек, Отабекка ҳам бошқона бир таъсир берадир. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Зир титрамоқ** 1) қаттиқ қалтирамоқ (совуқдан, қўрқувдан ёки хаяжондан). *Зир титрадим, бир қўрқдимки, нафасларим бўғилиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб; 2) қўйма жуда ҳам қўрқмоқ, хайиқмоқ. *У менам зир титрайди.* Юраги зир этди юраги шув этди, юраги гул-гул уриб кетди. *Тантубойваччанинг юраги зир этиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗИРА** [ф-т] Бир нав ўтсимон ўсимлик ва унинг сабзи уруғига ўхшаш уруғи (овқатни хушхўр қилувчи зиравор сифатида ишлатилади).

**ЗИРАВА** [ф-т] диал. Зирапча. **ЗИРАВОР** [ф-т] Овқатни хушбўй ва хушхўр қилувчи ўсимликлар ёки уларнинг уруғи, барги, илдизи ва ш. к. (мас. зира, зирк, қорақанд, зарчўва, қалампир, мурч).

**ЗИРАК** Қулоққа тақиладиган безак; исирға. *Тилла зирак. Ёқут кўзли зирак. — Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, биллагузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби.. буюмлардан қути-қути йиққан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗИРАЛАМОҚ** Зира сепиб қўймоқ. *Гўштини зираламоқ.*

**ЗИРА-ПИЁЗ** Майда тўғраб, устига зира сепилган пиёз. **Зира-пиёз қилмоқ** 1) пиёзни майда тўғраб, устига зира сепмоқ. *Бўри: Хўй, хўроз, сени ейман!* — дебди. *Хўроз унга: Бўлмас олдин бир зира-пиёз қилайлик, — дебди.* «Эртақлар»; 2) зираланган пиёзга босиб ўлдиarmoқ (гўштни). *Афанди беданадан элликтасини сотиб олиб, ҳафсала билан тозалаб, зира-пиёз қилиб, қозон кабоб қилди.* «Латифалар».

**ЗИРАПЧА** Терига санчилиб қолган жуда ингичка чўп; тиканак. *Сенга зирапчани раво кўрмайдиган онанг сенга ножўя насихат қилармиди, болам?* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ЗИРБАК** Палов учун қовурилган гўшт, пиёз, сабзи. *Саудий ҳовлининг саҳниса бурилди, диморига зирбак ҳиди келди.* А. Қаххор, Сароб.

**ЗИРВАК с. т.** Зирбак. *Бир қозонда мажарон шўрва қайнаётди. Иккинчисида ошининг зирвагини қилаяман.* П. Қодиров, Қадрим.

**ЗИР-ЗИР** зир II с. тақр. *Зир-зир титрамоқ.*

**ЗИРИЛЛАМОҚ** I Ларзага келмоқ, дрилламоқ, титрамоқ. *Момақалди-роқдан деразалар зириллади.* — *Узоқдаги самолётларнинг гувилаши эшитилди. Ер ва ҳаво зириллади.* З. Фатхуллин, Сўнамас юлдуз.

2 қўйма Жуда қўрқмоқ, хайиқмоқ. 3 айн. безангламоқ.

**ЗИРИЛЛАТМОҚ** зирилламоқ *фл. орт. н.* *Зириллатиб қуаламоқ.* — *Зириллатиб дала-тошини автомобиль, қўрғончанинг ёнбошига чўкди бир фил.* F. Гулом, Қўкан.

**ЗИРИЛЛАШМОҚ** зирилламоқ 1,2 *фл. бирг. н.* *Мажлисларда кимнинг камчилиги бўлса [Асрора] шартта юзига айтаверарди. Ундан раис ҳам хайиқарди. Қизлар-ку зириллашарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ЗИРИҚТИРМОҚ** Тумгарақай қилиб қочирмоқ, тириқтирмоқ, тирақайлатмоқ. *[Ёрмат] чағир-чуғур қилиб, ошиқ ўйновчи маҳалла болаларини зирқириб қулайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗИРК** [ф-т] I Тоғда ўсадиган тиканли бута.

2 Шу бутанинг қарағатга ўхшаш меваси.

◆ **Зирк дарахти** оқ қайишлар оиласига мансуб шавалоқ баргли дарахт ёки бута.

**ЗИРИХ** [а] I Бадандаги тукни тўкиш ва шунингдек майда яра-чақаларни даволаш учун ишлатиладиган олтингугуртли қоричма.

2 Дўппига гул босиш учун ишлатиладиган сарғиш бўёқ.

**ЗИРОАТ** [а] эск. I айн. **деҳқончилик** 3. *Зироат мамлақати.* — *Кучимиз кам, ҳукумат ўзининг трактори, машиналари, .. зироат илмини биладиган муллалари билан бизга кўп ёрдам берсин дейман.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Қишлоқ хўжалик экинлари. *Ўтган йил қўшни колхозлар бирлашгандан кейин кучга куч, ерга ер қўшилди, пахта ва бошқа зироатлардан улғуржи ҳосил кўтарган эдилар.* С. Абдулла, Соялар.

**ЗИРОАТЧИ** эск. I айн. **деҳқон**. 2 айн. агроном. *Жаид мактабларни кўплаб очиб.. аслодаларнинг ўғилларидан зироатчи, доктор, техник тайёрлаб чиқаришимиз лозим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЗИРОАТЧИЛИК** эск. айн. **деҳқончилик** 3. *Зироатчилик мамлақати.*

**ЗИРК-ЗИРК:** зирк-зирк қилмоқ (ёки оғримок) зирқираб, қақшаб оғримок. *Оёқларим зирк-зирк оғрияпти.* Юраги зирк-зирк қилади юраги безиллайди. *Дори деса юрагим зирк-зирк қилади.*

**ЗИРҚИЛЛАМОҚ с. т.** Зирқирамоқ. **ЗИРҚИРАМОҚ** I Томир тепкиси сингари узуқ-узуқ, лекин тўхтовсиз оғриб турмоқ, зирк-зирк қилиб қақшаб оғримок, сирқирамоқ. *Оёқларим зирқираяпти. Хўжизнинг шоҳига урсанг тўғи зирқирайди.* Мақол. — *Ота.. бошим оғриб, танам зирқираб турибди.* С. Аҳмад, Хукм. Юраги зирқираб кетди I) айн. юраги зирк-зирк қилди қ. зирк-зирк; 2) юраги шувулдаб кетди. *Ўктам хабарга кўз тикди: «Аямнинг ҳоли жуда оғир, тез этиб келинг, — Латифжон». Ўктамнинг ҳам юраги*

*зирқираб кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 диал. Тирақайлаб қочмоқ. *Қўшин қочди тирқираб, Пийдаси зирқираб; Ҳадик дейишиб, йиғлайди, Қўрқоқлари чирқираб.* «Равшан».

**ЗИРҚИРАТМОҚ** зирқирамоқ *фл. орт. н.* [Йўли] *бутун вужудини зирқиратган дахшатли оғриқдан тишларини маҳкам қисди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Куз ҳовосининг суякларни зирқиратуви чи соғига қарамай гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона, т. о.

**ЗИРҚИРОҚ** Зирқираган, қаттиқ оғриқ, сирқироқ. [Элмуроднинг] *баданига зирқироқ югурди, кўз ўнгини туман қоплади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЗИРХ** [а] Ҳарбий кема, танк ва ш. книнг ўқ ўтмайдиган пулат қопламаси; бронь.

**ЗИРХЛАМОҚ** Зирх билан қопламоқ; бронламоқ.

**ЗИРХЛАНМОҚ** зирхламоқ *фл. мажҳ. н.* *Зирхланган автомобиль.*

**ЗИРХЛИ** Зирх билан қопланган; бронли. *Зирхли автомобиль. Зирхли поезд. Зирхли пароход.*

**ЗИЧ** I Орасида бўш жой, тирқиш қолдирмай бир-бирига тақаб қўйилган, ёпиштирилган; жипс. *Зич пол. || Тахталарни зич қилиб қоқмоқ. Эшикни зич ёпмоқ.*

2 Бир-бирига жуда яқин жойлашган; тифиз, қалин. *Зич ўрмон.* — *Унинг қоши қоп-қора бўлса ҳам, қорача юзидан унча кўзга ташланмайди. Фақат зич оқ тишлари майин йилтираб, чехрасини очиб туради.* П. Қодиров, Уч илдиз. || *Араваларда, ерларда одамлар зич. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

**ЗИЧЛАМОҚ** I Орасида жой, тирқиш қолдирмай бир-бирига тақаб қўймоқ, жипсламоқ, жипслаб маҳкамламоқ. *Пол тахталарини зичламоқ.* — *Мунисхон эшикни зичлаб Саудийнинг қаршисига ўттирди-да, унга томон энгашиб пичирлади.* А. Қаххор, Сароб.

2 Тифиз қилиб жойлаштирмоқ, тикмоқ, тифизламоқ. *Зичлаб похол тиқилган қоп.*

**ЗИЧЛАШМОҚ** зичламоқ *фл. ўзг. н.* *Зичлашган тупроқ.*

**ЗИЧЛИК** I зич с. белги *оти.* *Аҳолининг зичлиги.* Экинларнинг зичлиги.

2 физ. Модданинг ҳажм бирлиги ичидан жойлашган миқдори. *Сувнинг зичлиги.* Эчкилик бирлиги.

**ЗИҚ** [а] I рви (фақат кесим өзифасида) Ғоят чекланган, тифиз, қистовли. *Вақт зиқ, тонг ёриши яқин, тез ҳаракат қилиш керак эди.* А. Раҳмат, Эллик бир баходир. *Йигит чигит өкади, Диққат билан ерига. Иши эвқ, ларво қилмас юздан оққан терига.* Уйғун.

2 қўйма Бекорга диққат бўлаверадиган, юраги тор, таянган. *Зиқ одам.* — *Шу қадар зиқ, ноизи табиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 қўйма Юракни сиқадиган, диқ-

қатни оширадиган. **Зиқ-иш.** Юраги зиқ бўлиб кетди сиқилиб кетди, диққати ошиб кетди. Ҳа деб ишга тўғри бориб, тўғри қайтаверса ҳам зиқ бўлиб кетаркан киши. Ф. Мусажонов, Сабоқ.

**ЗИҚЛИК** **зиқ** с. белги оти. Вақтининг зиқлиги. — Булутли қиш кунининг юракка зиқлик берувчи хира тонги эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗИҚНА** Бировга ҳеч нарсасини ҳам раво кўрмайдиган, ўтакетган хасис; қизганчик, мумсиқ. **Зиқнанинг** пир ургани. . . *Кимсан терифуручи фалончи бой! Лекин кўрган одам ямоқчим, бўзимчи деб йиллар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Узи кўп зиқна, кўп пухта одам. Бир тийинни кўрса, ўн юмалайди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ЗИҚНАЛИК** **зиқна** с. белги оти. [Куёв] ўта зиқналикдан, торликдан дамлаб ичадиган чойларини ҳам йлчаб берадиган бўлди, тийинларини пуфлаб тугди. Ш. Ғуломов, Саҳрода.

**ЗИҚНАФАС** [а] **мед.** Нафас қисниш касаллиги; астма.

**ЗИҒИР** 1 Поясидан тола, уруғдан ёғ олинадиган бир йиллик ўсимлик. *Узун толали зиғир. Зиғир эқмоқ.* — [Амлоқдор] **зиғир, тариқ, кунжут** каби экинларнинг ораларидан от йўрттириб поймол қилиб.. *уватга келиб тўхтади.* Айний, Қуллар.

2 Шу ўсимликнинг уруғи, ҳосили. *Зиғир мой (ёғ).*

◆ **Зиғир ёддек кўнғилга (ёки меъдага)** урди (ёки тегди) жонга тегди, жондан безор қилди. [Мулларўзи Мулладоўста:] *Ҳозир бу бойвачангиз ҳам меъдага зиғир ёддек тегиб турибди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ЗИҒИРДАЙ**, =дек 1 Жуда кичкина, зиғир уруғича. *Зиғирдай бола.* — [Олияхон:] *Вой, қуртни нега ўрайсиз.. Зиғирдай нарса диққинафас бўлиб йлмайдими?* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

2 Жуда оз, озгина. *Унда зиғирдай ҳам айб йўқ.*

**ЗИҒИРҚОР** Зиғир экиш ва етштириш билан шуғулланувчи. *Зиғирқор колхоз.*

**ЗИҒИРҚОРЛИК** **зиғирқор** с. касб ши. *Зиғирқорлик районлари. Зиғирқорлик хўжалиги.*

**ЗИҒИРПОЯ** 1 Зиғир ўсимлигининг пояси, танаси.

2 Зиғир экилган дала, майдон.

**ЗИҒИРЧА** айн. **зиғирдай.** Ёғни — ёққа, ёғишни—ёғишга энди ажратиб бўлай деганимизда, *Жўрапошиша келиб қолди.* Рангида *зиғирча* қон йўқ, оп-оқариб кетибди. М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

**ЗИҲ** 1 Икки сатҳ кесишган чизиқ; кинра. *Тахтанинг зиҳи. Деворнинг зиҳини чиқармоқ.*

2 Чет, қирғоқ. *Косанинг зиҳи.* — *Қор учқунлар, том ва девор зиҳлари оқариб қолган эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ЗЛОТИЙ** [р<поляк] Польшада пул бирлиги.

**ЗМЕЕВИК** [р] **тех.** Спираль шаклида буралган найча, бурама труба.

**ЗНАЧОК** [р] Бирор ташкилотга мансубликни билдирувчи, бирор хизматни тақдирлаб берилган, зийнат ёки эсдалик учун чиқарилган нишон. *Комсомол значоги. Университет значоги. «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» значоги.*

**ЗОБИТ** [а] **эск. кт.** 1 айн. офицер. *Буни менга бир турк зобити ўргатган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Забт этувчи, босқинчи, оккупант. — *Бу ноқору ғариблик етмагандай, инглиз зобитларининг қамчини ҳам елкамизга тушади,— деди Абдуваҳоб Шомий.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

**ЗОВУР** Заҳоб ерларни қуришти, захни қочирши учун қазилган чуқур ариқ; закан. *Қамчи унга.. шудгор чеккасидеги зовур бўйида дуч келди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Зовурни қанча чуқур олсангиз, сизот сув шунча тез йўқолади.* Ҳ. Нуъмон, Қаҳрамон пахтакор.

**ЗОДАҒОН** [ф-т] **эск.** Феодал ёки капиталистик жамиятда оқсуякларга, имтёзга табақага мансуб шахс, аслзода. *Саройга яқин турган зодагонлар ва амалдорларнинг хонадонларидан келган.. димоғдор, кибр-заволи хотинлар.. Биби отининг диний афсоналарини тингलाшар эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЗОДАК** [а<грек] **астр.** Куёш ўзининг йиллик ҳаракати йўлида босиб ўтадиган ва ўн икки бурж (Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Даль, Хут) жойлашган айлана.

**ЗОЕ** [а] **рвш** Фойдасиз, бекор, беҳуда. *Зое бўлмақ (кетмоқ). Зое қилмоқ (этмоқ). Меҳнатим зое кетди. Шамолли кун қичқирма, товушинг зое кетади.* Мақол. — *Бечора Нодира оғир ҳолда, Анварни кишига шогирд бериб, ўқийшини зое қилишга кўзи қиймади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ЗОЕЛИК:** **зоелик** **тортмоқ** (ёки **кўрмоқ**) (кўпинча бўлишсиз феъллар билан) зиён кўрмоқ, зарар қилмоқ. *Мен сиздан зоелик тортмадим.* — *Ҳар қалай даштага тер тўкиб зоелик кўрмади. Нимаки тикса олтин бўлиб унати.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

**ЗОЙИЛ** [а]: **зойил** **бўлмақ** **эск. кт.** йўқ бўлиб кетмоқ, тарқамоқ. [Хатиб домла:] *Луқмондан ҳам зиёда экансиз, Холмирза ака, алҳамдулиллоҳ, оғриқлар зойил бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЗОК** **хим.** Темир купороси, темир сульфат, сувда осон эрийдиган оч яшил кристаллик модда.

**ЗОЛ** I [ф-т] Кўп иш кўрган, кўп иш қўлидан келадиган, талбирли. *Зол одам.* — [Мулларўзи:] *Энди хат масаласи бўлса, барибир, у зол хотин бир алдандими, энди хушёрроқ бўлди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ЗОЛ** II [а] Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувида ўн биринчи ҳарфнинг номи.

**ЗОЛДИР** Шар соққа, волдир. *Темир золдир.* — *Одамгарчилик йлсин, золдирга ўхшаб нуқул нишабега думаласал!* Шухрат, Олтин зангламас.

**ЗОЛИМ** [а] 1 Шафқатсиз жабр-зулм қилувчи, эзувчи. *Золим бой. Золим подшо.* — *Мен сизга айтсам, йғлим, Мадамин бу қишлоқ халқи бошида қирқ йил данак чаққан золим Салимбой оқсоқолнинг йғли бўлади.* П. Турсун, Ҳикитувчи.

2 Раҳм-шафқатни билмайдиган, бераҳм, шафқатсиз. *Золим эр.* || *Фосиқдан ҳаё қутма, золимдан — вафо.* Мақол. — *Бориб айтинг йшал золим йгитга, Унинг ишқи бу бағримга тутади.* Ҳ. Ғулом, Машғал. | **Бераҳмлиқни, шафқатсизликни** ифодаловчи. *Гулсумбиби индамади, ёлғиз золим кўзлари билан ўқрайдида, айвоннинг бир чеккасида, касал каби, чўғилиб ётди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | **Жабр-зулм билан тўлиб тошган.** У [Йўлчи] *ўз сингелисини Гулордан айириб, уни золим танҳолик қўчоғига отишини устамаганидан, яна бир неча вақт Унсинни бу ерда қолдиришга.. мойил эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗОЛИМЛИК** **золим** с. белги оти. *Золимлик қилмоқ.* — *Сизлар шўх йгитлар ҳақидами, оқсоқ Темирнинг золимлиги ҳақидами, бемалол гаплашиб ўтиринглар.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЗОЛИМОНА** [а+ф-т] **рвш** Золимларга хос бир равишда; золимларча, золимлик билан. *Золимона сийсат юргизмоқ.* — [Зайнаб] *Хушрўйнинг юзида золимона бир истеҳзо кўрди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЗОМИН** [а] Юз берган кўнғилсиз иш учун сабабчи ёки айбдор бўлган; жавобгар. *Зомин бўлмақ.* — *Бахтимга зомин бўлдингиз?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Паризодим, сенга вафо қилмайман, ўлдириб қонинга зомин бўлмайман.* «Муродхон». [Ҳикоят! *икки йил отаси зомин бўлиб ўқийдан қолган бўлса ҳам, ҳозир яхши ўқийди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ЗОНА** [р] Қандайдир умумий белгиси билан ажралиб турадиган ва муайян чегаралар билан ўралган фазо, ер; минтақа; район. *Муз ва тундра зоналари. Чегара зонаси. Иқтисодий зоналар.* — *Нейтрал зонадан ўтиб сойга тушдим. Атрофга кўз ташласам, нарироқда шерикларим кўринди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Табиат хусусиятларига қараб, Ер шарини табиат поясларига ёки, бошқача қилиб айтганда, табиат зоналарига бўлиш мумкин.* «География».

**ЗОНАЛ** [р зональный] Бирор зонага оид ёки хос бўлган. *Усимликларнинг зонал туркуми.* | Бирор зона чегарасида ўтказилган. *Зонал конференция.*

**ЗОНД** [р<фр] 1 **мед.** Ички органларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган най шаклидаги асбоб.

2 Ер ости қатламларини текширишда қўлланадиган металл бурғи, парма.

8 Метеорологик кузатишлар олиб бориш учун ўзи ёзадиган асбоблар ўрнатиб учирладиган ҳаво шари.

**ЗОНТ** [р] айн. зонтик.

**ЗОНТИК** [р<голл] Кун таяғи ёки ёмғирдан сақланиш учун тутилдиган дастали йиғма чодир; шамсия, соябон. Аёллар зонтиги. Зонтик тутмоқ. — Бойвачча зонтигини ёпиб, Йўлчиға ўқрайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗООЛОГ** [р] Зоология олими, мутахассиси.

**ЗООЛОГИК** [р зоологический] Зоологияга, ҳайвонот оламига оид. Зоологик музей. Зоологик карта.

**ЗООЛОГИЯ** [р<грек] Ҳайвонот оламини ўрганадиган фан. Зоология фани. Зоология дарси.

**ЗООПАРК** [р] айн. ҳайвонот боғи қ. боғ 1.

**ЗООТЕХНИК** [р] Зоотехника мутахассиси.

**ЗООТЕХНИК** [р зоотехнический] Зоотехникага оид. Зоотехник лаборатория.

**ЗООТЕХНИКА** [р<грек] Чорвачиликни ривожлантириш, чорва молларни асраш, парвариш қилиш, урчитиш ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақидаги фан.

**ЗОР** [ф-т] 1 Ҳасратли йиғи, нола, фиғон, афғон. Зор йиғламоқ (қақшамоқ). — Чирқираб йиғлаётган ҳалиги боланинг зорига яна икки боланинг фарёди қўшилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Букун бозорга ўхшайди. Етимлар зор қақшайди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Утинчли илтимос, илтижо. Ахир, нима ҳам қила оларди бечора солдат, зори бор, зўри йўқ. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

3 кесим вазиғасида Мухтож. Нимани қилсанг хор, шунга бўласан зор. Мақол. Хунарли эр хор бўлмас, дўст душманга зор бўлмас. Мақол. — Биров чақага зор, биров пулининг ҳидига ётолмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Муштоқ, нитизор. Сенинг совуқ дийдорингни кўришга унча ҳам зор эмас эдим. Ғ. Ғулом, Шум бола. Бир кўришга зорман, тунда бедорман, қайси жангоҳдасан, жарди майдоним? Т. Тўла.

◆ Зор қолгур қарғ. қуриб кетгур, ўлгур, сабил қолгур. Онаи зор қ, она 1. Худонинг зорини қилмоқ кўп ялиниб ёлвормоқ, ўтинчли илтимос, илтижо қилмоқ. Ҳожи хола.. худонинг зорини қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЗОРА(ИКИ)** [ф-т] юк. Қани энди, кошки, кошки эди. — Зора ўғлимизнинг артист бўлиши баҳонаси билан мени ҳам томошига олиб борсангиз! — деб қошириқ қилди эрига. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. Зора Санобар [механизаторлик курсини] битириб чиққунча терим машиналарининг мукамалроғи чиқса. Ғ. Ғулом, Миллион тоннамиз зарварақ дафтарда бўлсин.

**ЗОРА-МОРА** с. т. Зора, қани энди. Зора-мора келиб қолса.

**ЗОР-ЗОР** зор с. инт. Зор-зор йиғламоқ (қақшамоқ). — Етимликдан мен йиғлайман зор-зор. «Ғўрўғли».

**ЗОРИЛЛАМОҚ** с. т. Ачиниб, куйиб-пишиб гапирмоқ, жоврамоқ. [Азизахон Мурода:] Қийимни ҳам кийимдай қилиб киймайсизда, эркатой, Тухфанинг зориллаганича бор. Ҳ. Назир, Чиранма ғоз, хунаринг оз.

**ЗОРИҚИШМОҚ** зорикмоқ фл. бирг. н.

**ЗОРИҚМОҚ** 1 Зор бўлмоқ, бирор нарсага мухтожлик сезмоқ, мухтожликдан қийналмоқ. Пулга зорикмоқ. — Мен сизни бирон нарсага мухтож қилиб қўйдимми? Ёки болаларингиз бирон нарсага зорикдимми? И. Аҳмедов, Қим айбдор? Зорикқанмиз йўқ, болам. Беш-ўн танга ҳам орттириб қўйдим. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Сабрсизлик билан кутмоқ, интизор, муштоқ бўлмоқ. Ер васлига зорикмоқ. — Фуркат танг, қирғоқнинг у томонидаги жанговар дўстлари Санаевнинг сигнални зорикиб кутиб турибдилар. Н. Сафаров, Тилсимчилар.

**ЗОРИҚТИРМОҚ** зорикмоқ фл. орт. н. Назарида Турдиев зориктириб қўйганим учун узр, Мастуриш», деб эшикдан кириб келаётганга ўхшарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, қўллари меҳнатда, фронтни зориктирмаслик, душманни тезроқ яқсон қилиш учун тинимсиз ишлар эдилар. С. Аҳмад, Ойдин кезалар.

**ЗОРЛАНИШ** 1 зорланмоқ фл. иш оти. Зорланишдан, ични ёйишдан бошқа ҳеч нима қўлидан келмаган, нима қилсин? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Шикоят, ҳасрат, нолиш. Унинг сўз оҳангида зорланиш асари ҳам йўқ.

**ЗОРЛАНИШМОҚ** зорланмоқ фл. бирг. н. Улар ҳеч қачон зорланишмайди.

**ЗОРЛАНМОҚ** 1 Бирор нарсадан, вазиятдан нолимоқ, шикоят қилмоқ, ҳасрат қилмоқ. Хотин киши паранжи ичида йиғлаб, қақшаб туриб зорланди: Ҳоким тўра ҳақиқат қилсин. Боламини чақириб ўзи сўрасин! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Одилбика.. фалакнинг гардишидан зорланар, ўз бахти қоралигидан нолир эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кам қўлл. Ачинмоқ. Сиз неча пулга олдингиз? Бир юз йигирма сўмга.. Хотин бошини чайқади ва зорланиб деди: — Ахир мен бунга тўқсон сўмга олмаган эдим-ку? А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ЗОРЛИК** 1 зор 3 с. мавҳ. от. Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнгилда тўла, аммо бу дамда бир парча чапатага зорлик қандай мусибат! Ойбек, Нур қидириб.

2 Моддий хижатдан қийналиш, танглик, мухтожлик. Ҳаққинг ол ишчилар, яшов давринг сенинг, Басдур шунча хўрлик, зорликлар кўрганинг. Ҳамза. Кутқардинг элимни зулму қулфатдан, Хорликдан, зорликдан ҳам уқубатдан. Фозил шоир.

**ЗОРМОНДА** [ф-т] Зор қолгур, қуриб

кетгур, сабил қолгур маъноларида қўлланиб, қарғини ифодалайди. Вой, белим, бу зормонда тоғора длаур белими наҳ узиб юборди. Ш. Саъдулла, Ўки билагузук. | Бой шундай кутурганки, у кунга битта хотин олғиси келади. — Эшитдим ҳаммасини. Икки хотини бор эмиш у зормондангиз,— деди Зумрад ойисига. Ойбек, Зумрад.

**ЗОТ** [а] 1 Бир бобокалондан, аждоддан тарқалган насл, авлод. Кишилик зоти. Қамбағал зоти. Яхшидан зот қолади, ёмондан дод қолади. Мақол. | Келиб чиққини. Зоти наст. Зоти баланд. — Ҳа, Гулнорнинг таги настда.. чўри.. зотига тортади, зоти наст. Ойбек, Қутлуғ қон. Зинҳор манманликнинг йўлини тутмай! Асли зотим баланд дема, чироғим. «Равшан».

2 Бирор фазилати билан ажралиб туравчи киши; шахс. Улуғ зот. — Бу — Қорабулоқ қишлоғи ва атрофида қозиллик қилувчи маълул зот эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қар вақт кўпчилиқка том устидан қарайдиган бу зотлар бундай пайтларда «мансбодан тушиб» кўпчилик орасига суқилишга мажбур бўладилар. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Зоти олий олий зот, улуғ инсон. | Умуман ҳар қандай шахс, одам, киши. Мажлис Зие шохичининг уйида Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йиғилган. Юқорида исмлари ўтган зотлардан бошқа Ҳомид, Раҳмат ҳам Ҳасанали бор эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бердибойнинг зое кетган ўн беш йиллик меҳнатини ҳимоя қилдиган бир зот кўринмади. А. Қодирий, Обид кетмон. | Бирор табақа кишиси, аҳли. Қарвонбоши Акробойни ўз олдига чақириб: Бугун, — деди, — харидор зотининг сароғига киришига йўл берманг, қул ва чўриларни ҳеч бир ишга кўрсатманг. Айний, Қуллар.

3 Жинс, нав. Қорамол зоти. — Кун тартибидан бир масала: мушук билан алоқа боғлаб, сичқонлар зоти учун тинчлик ўрнатиш. Т. Обидов, Юсуф-жон қизик.

◆ **Эр(мак) зоти** с. т. эркаклар. Доя келгандан сўнг ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хотин (ёки қиз) зоти с. т. хотинлар, қизлар. Унга бу вадавонг: «Билмайман, асти қиз зоти билан гаплаган эмасман»,— дедди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЗОТАН** [а] 1 рвиш Зоти, жинси, насли-насаби эътибори билан; аслан. Онам зотан хотин, ерим ҳам хотин, синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош. Ғ. Ғулом.

2 кири с. Аслини олганда, аслида, ҳақиқатда. Мажлис тайинли бир фикрга келмасдан тарқалди. Зотан Иброҳимовнинг бу масалани қўйишидан мақсади бирон қарорга келиш эмас, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЗОТДОР** [а+ф-т] Яхши зотга мансуб; наслдор, зотли. Зотдор қўй. Зотдор товуқлар.

**ЗОТИЛЖАМ** [а] *мед.* Упканинг ялглиганиш касаллиги. Зотилжам бўлмоқ. Зотилжам билан оғримоқ.

**ЗОТИРРИЯ** [а] *эск. айн.* зотилжам.

**ЗОТЛИ** *айн.* зотдор. Зотли қўйлар. Молине зотли бўлса, емишинг тотли бўлар. Мақол.

**ЗОТСИЗ** Зоти паст, хашаки, наслсиз. Зотсиз сигирлар.

**ЗОҒ** [ф-т] *айн.* қарға. Меҳнат аҳли қилди обод, Фарҳод даштини гулбоғлар, Гулистон бўлди саҳролар, Учолмас энди ҳеч зоғлар. А. Пўлат.

◆ (Ҳеч) зог йўқ ёки зог учмайди ҳеч ким йўқ, бирорта одам кўринмайди. Қудрат кўча айланиб келиб уйига кирса, ҳеч зог йўқ. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Хувиллаган далада зог учмайди. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**ЗОҒ-ЗОҒАН** Қарғалар, қузғунлар. **ЗОҒОРА** Маккажўхори ёки оқ жўхори унидан ёпилган нон. Қариндош хотинлардан бири .. бизга зогора ёпиб берарди. Айний, Эсдаликлар. Ҳамроқил алақадёққа бориб, рўмолга зогора нон билан туршак туғиб келди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **ЗОҒОРА** нон *айн.* зогора.

◆ **Зогора балиқ** чучук сувда яшайдиган балиқнинг бир тури. Урта Осиёнинг дарё, кўл ҳамда сув омборларида энг кўп тарқалган балиқлардан бири зогора балиқдир. А. Омонов, Сурхон балиқлари.

**ЗОҒНА** Қарғасмонлар оиласига мансуб, патлари қорамтир қуш. Қарға ва зогчаалар айни уйқу замонда .. ғағу билан чакалак устидан айлана бошладилар. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

◆ **Зогча кўз** 1) оч ҳаворанг кўз; 2) шундай кўзли одам.

**ЗОҲИД** [а] 1 *дин.* Тарки дунё қилиб, тоат-ибодатга берилган одам; аскет, сўфий. Маллапўш, турмакр [маккор], Зоҳид, домига бўлма асир. Ҳамза. 2 Зоҳид (эркаклар исми).

**ЗОҲИДЛИК** зоҳид 1 *с. мавҳ. от.* Энди у [Онаҳон] бу қора сояларнинг зоҳидлик ридоси ёпинган қабиҳ одамлар эканини аниқ билди. А. Мухтор, Опасингиллар.

**ЗОҲИР** [а] *кт.* 1 Сирт, сиртқи томон, сиртқи кўриниш. Жомийнинг зоҳири соддалик ва камтаринлигида буюк маънавий куч равшан сезиларди. Ойбек, Навоий.

2 *кесим вазифасида* Очиқ-ойдин, равшан. Зоҳир бўлмоқ. Зоҳир қилмоқ. — *Посбоннинг яроғида, Содоқат зоҳир; Улақамиз байроғида Содоқат зоҳир.* Ё. Мирза. [Зайнабнинг] кўз ҳаракатида ҳам бир бесаранжомлик зоҳир эди. А. Қодирий, Ҳўтган кунлар. Унинг [Нусхадине] бежирим юзида алақандай менсимаслик ифодаси зоҳир бўлди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**ЗОҲИРАН** [а] *рвш. кт.* Сиртдан қараганда, юзаки қараганда, ташқи кўринишича. Ҳўжабеков фикрини ўтказолмаган, зоҳиран осойишта кўрин-

са-да, ичида Шербекни еб қўйгудек эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЗОҲИРИЙ** [а] *эск. кт.* Сиртқи, ташқи. Зоҳирий кўриниш.

**ЗУБР** [р] Ҳўмонда яшайдиган ёввойи ҳўкиз.

**ЗУВТУРУМ** *айн.* баргизуб.

**ЗУВАЛА** Битта нон ясаш ёки бир марта угра кесиш учун лойиқ қилиб юмалоқланган хамир. У онаси келганга қадар супрадаги урни қоқиб-суқиб, бир зувала хамир қилиб қўйган эди. Ойдин, Гулсанам. Олдингизга келдим, қўйингизда бир зувала хамирман, истасангиз қулча, истасангиз патир қилине [деди Ҳожимат]. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

◆ **Зуваласи бир жойдан** (ёки ердан) олинган ҳар жиҳатдан бир-бирига ўхшаш одамлар ҳақида. Сизга гапириб овоздан ажраш ҳеч нарса эмас. Ботиоров билан сизнинг зувалангиз бир жойдан олинганга ўхшайди. Б. Раҳимов, Олтин одамлар. Зуваласи пишиқ жисмоний жиҳатдан пишиқ-пухта, ёши улғайган билан қариб кучдан қолмаган. Лолахон — зуваласи пишиқ, йигитларча абжир қиз — алланималар дея унга йиғлажсираб сўзлапти. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЗУВАЛАЛАМОҚ** Зувала қилмоқ, зувала ясамоқ. Ҳулқар хамирни зувалалаб бўлди-ю, ўчоқдаги чўғ устига қозонни тўнтариб қиздира бошлади. П. Кодиров, Қора кўзлар.

**ЗУВ-ЗУВ** тақл. с. Қуш ёки ҳашаротларнинг қанот қоққанда чиқади-ган товуши ҳақида.

**ЗУВИЛАМОҚ** «Зув-зув» овоз чиқармоқ, «зув-зув» қилмоқ. Шохли қўнғиз зувиллаб учиб кетди.

**ЗУД** [ф-т] *рвш. кт.* Тезлик билан, ҳаёлламай, тез. Зуд бориб, зуд қайтмоқ. || Қулмуҳаммад алик олган, шининг зуд эканлиги, икки оғиз гап айтиб жўнайжагини маълум қилишиди [Мат-ёқуб билан Нақиб]. Мирмуҳсин, Чўри.

**ЗУДЛИК** зуд с. белги оти. Ишнинг зудлиги. Зудлик билан етиб кел. — Автомобиллар зудлик билан посёлканинг чор атрофига таралишиди ва ҳадемай Қизилқумга синиб, кўздан ғойиб бўлишиди. Ҳ. Назир, Ҳўтлар туташганда.

**ЗУККО** [а] 1 *айн.* заковатли. Онам ажойиб зукко, зийрак аёл, мендаги ўзгаришининг тагига аллақачон етиб олган. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

2 *с. т.* Олифтагарчиликка зев берган; олифта. Қариб қуйилмаган кўйси ғалвир ошиқ «суд» билан зукко «келин» гулдаста ушлаб ЗАГС остонасида пайдо бўлишиди. М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.

**ЗУККОЛИК** зукко с. белги оти. — Баракалла сизга! — деб юборди Умурзоқ ота, кўнелидаги гапни топган ошнанининг зукколигига тан бериб. Ҳ. Гулом, Машъал.

**ЗУЛЛИСОНАЙН** [а] *эск. кт.* Икки тил эгаси, икки тилни билувчи.

**ЗУЛМ** [а] Ҳўқимларнинг тобеларга,

золимларнинг мазлумларга зўравонлик билан қилган ёки қиладиган жабри; шафқатсиз эъши, истиғбод. Миллий зулм. Мустамлака зулми. Қапитализм зулми. Зулм зиндондан ёмон. Мақол. — Аҳоли ғалаёнга келди, қўрққанидан эмас, зулма, зўрликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан ғалаёнга келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У [Йўлчи] бўйинини чўзиб, қайноқ, асабий, ғазабли омгани, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботири халқни кўздан кечирди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Умуман жабр-сўтам, эъши, шафқатсизлик. Қундошлик зулми. Зулм қилмоқ (этмоқ, ўтказмоқ). — Маъшуқ аҳлига ярашмас доимо зулму жафо. Ҳамза. Биров зулм қилса, биров раҳм қиларкан, биров ош берса, биров нон берар экан. Ойдин, Қандолатнинг ҳикояси. Фалак жабри сенга зулм қилганди. Шум фалак бошинга заво солганди. «Ширин билан Шакар». Одамларга ўтказган зулми учун Олаҳўжа халқ олдида жавоб бермай ҳеч қайққа кетмайди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Зулм кўрмоқ (ёки тортмоқ, чекмоқ) ноҳақ жабрланмоқ, эзилмоқ. Аёллар ўтмишида ҳаммадан кўп зулм кўрган. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЗУЛМАТ** [а] *кт.* 1 Тим қоронғулик, зимзиё. Теварак жим.. қора кеча .. зулмат, Қоқмайди ҳаттоки чайқалар қанот. Ф. Гулом. Ҳамма ёқни зулмат қоплаган, кенг даланинг ақали бирор бурчида милат этган нур кўринмайди. Ф. Гулом, Машъал.

2 *кўчма* Нодонлик, жаҳолат. Зулматдан ёруғликка чиқмоқ. — Элмурод ўзича: «Демак, мен .. ўтмиш зулматидан эзилганларнинг ёруғ келажаги учун фидокор бўлишми керак!» деб қўяди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ЗУЛМКОР** [а+ф-т] Бировга жабр-зулм қилувчи, азоб берувчи; жафокор, золим. Иншоолло, ҳақиқат душманларини, зулмкорларни мағлуб қилурсиз. Ойбек, Навоий.

**ЗУЛМОНИЙ** [ф-т<а]: ёқут зулмоний қ. ёқут 1.

**ЗУЛУК** 1 Ҳайвонлар қонини сўриб овқатланишга мослашган, чучук сувларда яшайдиган чувалчанглarning бир тури. Зулук солмоқ (*мед.*). — Айрилиқни зулукка ўхшатса бўлади: одамнинг қонини, дармонини сўриб, жуда бўйиштириб қўяди. Ҳ. Гулом, Машъал.

2 *кўчма нафр.* Қишилар ҳисобига яшовчи, одамларнинг қонини сўрувчи; текинхўр. Хон — жаллод, қозикалон — ўрғимчак, ясовулбошилар эса зулук эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЗУЛУКДАЙ**, *едк* 1 Зулукка ўхшаш, зулук сингари. Менга қанча азоб берган, шу деб қанча юртларда яланг оёқ, саргардон кезганман. Йигитлик кучимни зулукдек сўрган. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *кўчма* Қоп-қора, тим қора. Зулукдай от. — Тошхон ерга қараган ҳолда олдида тушиб турган узун ва

зулукдай қора сочларини ўйнаб аста заширди. А. Мираҳмедов, Ут юраклар.

**ЗУЛУМОТ** [а] юқ. усл. айн. зулмат.  
**ЗУЛФ** [ф-т] кт. Аёлларнинг икки чаккасидаги жамалаги, кокили. Гуломжон қизнинг чап қулогини тўсиб турган жингалак зулфига тикилиб тўхтади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. | Умуман соч, кокил. Унинг [қизнинг] қора зулфи нар ёстиқнинг турли томонида тартибсиз сураатда тўзиб, .. кўзлари бир нуқтага тикилган. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЗУЛФАҚ** [ф-т] фольк. Зулф, гажак, жамалак. Келин ой, Келин дейишади, Зулфагин шамоллар ечади. «Фольклор».

**ЗУЛФАҚДОР** фольк. Гажакдор. Зулфакдор қиз. — Бу сўзларни айтма, Гулеун зулфакдор, мен ҳам ўз юртида даврон сураман. «Ширин билан Шакар».

**ЗУЛФИН** [ф-т] Қулф осиб учун эшикка ўрнатилган кичкина ҳалқасимон темир. Туробжон эшикдан ҳовлиқиб қираб экан, яктагининг энги зулфинга илиниб тирсақкача йиртилди. А. Қаҳҳор, Анор. Дарвозанинг ҳар тарақсиди биттадан қуйма ҳалқа, дарвоза қулфланган вақтда бу ҳалқалар зулфин ўрнида ишлатилади. Айний, Дохунда.

**ЗУЛФИҚОР** [а] 1 Муҳаммаднинг куёви бўлмиш тўртинчи халифа Алининг афсонавий қиличи. Бошимга ҳазрати Алининг муборак зулфиқорлари келганда ҳам ҳаққу-ҳақиқатдан юз ўғирмоқ одатим йўқ. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

2 Зулфиқор (эркаклар исми).

**ЗУЛҚАЪДА** [а] Қамария йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи.

**ЗУЛҲИЖЖА** [а] Қамария йил ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи.

**ЗУМ** 1 Чиллак ўйнида: нафас олмайд югуриб бораётганда чиқариб бориладиган товуш (бу товушнинг узлини нафас тугатганини ва ўйинчи ўйиндан чиққанини билдиради).

2 Жуда оз фурсат, лаҳза, он. Орқанда от тўғқарларининг тақир-туқури эшитилди. Зум ўтмай Иван Василичининг ёнида от ўйнаётган Майна пайдо бўлди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Гулнор ҳамма нарсаи бир зумда тайёрлаб, дадасига кўрсатди. Ойбек, Қуллуғ қон.

**ЗУМИЛЛАТАР** Ютқизган томон нафас етган жойгача зумлаб югуртириладиган чиллак ўйни.

**ЗУМЛАМОҚ** Чиллак ўйнида: нафас етганча «зум» деб югурмоқ. Юз қадам жойга зумлаб боради.

**ЗУМЛАШМОҚ** зумламоқ фл. орт. н.

**ЗУМРАД** 1 Оч яшил тусли қимматбаҳо тош. || Зумрад кўзли узук.

2 Зумрад (хотин-қизлар исми).

**ЗУМРАША** с. т. Қўлидан ҳар қандай ёмонлик келадиган бола; шумтака, тирранча, тирмизак. — Кеча бўлса завҳоз Нормат зумраша укасига келин туширди, — деди калпир. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. — Бир зум-

раша шиферингиз бор-а? — Бор, — қулиб жавоб берди Уктам. — У боланинг таъзирини бериб қўйинг. Ойбек, О. в. шабадалар. | сўк. Шум, шумтака. — Хой жувонмаре, зумраша, тагин кўчагами? Бу ёққа кел, ўтинни туташтириб кет, тутай бериб кўзимни кўр қилаёғди, — деди Шум болага онаси. Ф. Фулом, Шум бола.

**ЗУМУРРАД** айн. зумрад.

**ЗУННОР** [а] 1 тар. Маълум тусдаги жундан эшилган чизимча-белбоғ (му-сулмон давлати қўл остидаги христианлар, яхудиелар шу чизимчани устки кийим устидан боғлаб юришга мажбур эдилар).

2 с. т. Христианларнинг бўйнига осиб юрадиган крести, хочи. Бўйинига таъналарни зуннор қилмасанг-чи! Шўхий.

3 тар. Ҳукмдорларнинг иш вақтида бўйнига тақадиган амалдорлик белгиси.

**ЗУРРИЁТ** [а] кт. 1 Бир бобокалондан тарқалган авлод, насл-насаб, зот. Баён айла зурриётинг, Қайси шаҳар мамлакатинг? «Муродхон».

2 Бола, фарзанд. — У дилу жигарининг бир парчаси, орзуларининг гунчаси, табиатининг назук ерларидан сўраб олган зурриётим, — деди Қамчи. Х. Фулом, Машғал.

**ЗУХАЛ** [а] (з — катта) астр. айн. Сатурн.

**ЗУХРА** [а] 1 (з — катта) астр. Қуёш системасидаги тўққизинчи катта планетадан бири, Ерга энг яқин, Қуёшдан ҳисобланганда иккинчи планета; Венера.

2 Зухра (хотин-қизлар исми).

**ЗУХУР** [а] кт. Намоён бўлиш, кўриниш, пайдо бўлиш. Зухур этмоқ намоён бўлмоқ, кўринмоқ. Шербекнинг юзида ачиниш зухур этди. Қошлари чимирилди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЗУР** [ф-т] 1 от Куч, ҳувват. Ишончим бор қувватима-зўрима, Осдирман сени тилла дорима! «Зулфирар билан Авазхон». [Санаев] кесақдек қотиб қолган қўл-оёғини зўр билан қимирлашиб эмалай бошлади. Н. Сафаров, Тилсимчилар. | Уриниш, ҳаракат. Зўри беҳуда белки сундиради. Мақол. | Зарб, шиддат. — У-ў., — деди Элмурод бош чайқаб, — калтакнинг зўрини менгина ейманми десам, сен ҳам ер экансан, боёқчи. П. Турсун, Уқитувчи. | Зўрлик, зўравонлик. [Мансур жаҳл билан:] Хайр, майли, ихтиёринг. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. З. Санд, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. Зўр бермоқ 1) куч етганча уринмоқ, астойдил ҳаракат, ғайрат қилмоқ. Зўр бериб мутлоа қилмоқ. — Сидиқжон шу қадар берилиб, шу қадар зўр бериб ишлар эдики, битта одамнинг қўлидан шунча иш келишига баъзан ўзи ҳайрон қолар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) бутун диққат-эътиборни, кучни бир нарсага қаратмоқ, куч бермоқ. — Чўлда одамлар етишмайди. Машинага зўр бераверсин, — деди Шерали Асалхонга. Х. Гулом, Сенга интила-

ман; 3) ҳа. деб бирор нияти такрорлайвермоқ. Саодатхон онасини зўр бериб ўпар, Қиммат холаини юзига юзини қўйиб, бағрига босар эди. Н. Сафаров, Саодат.

2 сфт Катта жисмоний кучга эга бўлган; кучли, бақувват, қудратли, забардаст. Зўр лизгит. Зўр от. Зўр арегат. Зўр армия. || Зўрға ҳам зўрдек бало бордир. Мақол. || Одамнинг қўлидан келмайдиган ҳеч бир иш йўқ, — деди болааларга бир-бир қараб Саодатхон, — одам ҳамма нарсадан зўр. С. Зунпунова, Янги директор. | Катта иқтисодий кучга эга бўлган; қудратли, бақувват. — Шунчалик зўр харидорлари турган бир замонда бу вазифанинг менга келиб тўхтаганига ҳануз ақлим боғар қилмайдир, — деди Анвар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. || Наҳмидинбойнинг давлати зўр. Ойбек, Қуллуғ қон.

3 сфт Катта, улкан, буюк. Зўр тоғ. Зўр ишонч. | Кучли, шиддатли; кескин. Зўр шамол. Зўр эланила. Зўр жанг. | Оғир, қаттиқ. Зўр оғриқ. Зўр қайғу. — Бу зўр меҳнат Ойқиз юрагида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил туйғу яратди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ҳаммининг юзидан, ҳаракатидан зўр бир мушбат ақс этар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Кучли, буқилмас. Зўр ирода.

4 сфт Катта маҳоратга эга бўлган, моҳир, кучли; забардаст. Зўр шоир. Зўр педагог. Зўр олим. — Илор бригадаларнинг район слётида райкомнинг секретари отага катта баҳо берди, Асрорқул ота районида энг зўр ағитатор. А. Қаҳҳор, Асрорбобо.

◆ Зўр келади зўриқлади, оғир кўчади, оғирлик тушади. Қўз учман кўзлама, кўзинга зўр келар. Мақол. — Буларни билмасак, ҳар қайсисини ўзига лойиқ, ўзига муносиб жойга қўя олмаймиз, ўстира олмаймиз, кўтара олмаймиз. Унда ўзимизга зўр келади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Зўр келса қаттиқ зарурат, эҳтиёж туғилса; бошқа иложи бўлмаса. Зўр келса, хўжайин берадиган тўққиз танга ҳақни бермай қўяқоларда. С. Аҳмад, Оқпадар.

**ЗУРАВОН** [ф-т] нафр. Кучга таянувчи, ҳеч қандай қонунга бўйсунмай, бировларга зўрлик қилувчи, зулм ўтказувчи; эолим. Қаҳқаҳа тинар-тинмас, Гуломжоннинг орқасидан фарёд кўтарилди. — Вой-дод! Зўравоннинг дастидан дод! М. Исмоилий, Фаргона т. о. Ер ҳам, сув ҳам, қуёш ҳам, оби ҳаво ҳам Қамбагал номин бутун қилмади. Нега? Зўравонлар ҳукмида қул эди одам. Шайхзёда, Тошкентнома.

**ЗУРАВОНЛИК** 1 зўравон с. белги оти.

2 Зўравонларга хос иш, хатти-ҳаракат. Зўравонлик қилмоқ. — У ўз кучига жуда ишонар экан, зўравонлик билан яшапман, зўравонлик билан сайҳат ҳам қиламан; деб ўйлабди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЗУРАВОР** диал. Зўравон.



**ЗУРАЙМОҚ** 1 Кучлироқ бўлиб бормоқ, кучаймоқ. *Ёмғир зўрайди. Иш ҳам зўрайиб кетди.* — Шерназарбойнинг шиддати зўрайиб, қалъани бадтарроқ тўпга тутдирди. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Оғирлашмоқ, ёмонлашмоқ. *Беморнинг дарди зўрайди.*

**ЗУРАЙТИРМОҚ** зўраймоқ *фл. орт. н.* Ишни зўрайтирмоқ.

**ЗУРАКИ** [ф-т] Уз хохишидан ташқари қилинган, ғайриихтиёрий; сохта. *Зўраки илжайиши. Зўраки таъзим.* — Балли! — деди зўраки кулги билан Насимжон. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЗУР-БАЗУР** [ф-т] *рвш* Зўрға, базўр, аранг. *Зўр-базўр ўрнидан туриб ариқ бўйига келди ва юзини ювиб, хотинини чақирди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қамбағаллар пушти-пушти билан саводсиз, оғир ва машаққатли ҳаётдан зўр-базўр тебраниб тирикчилик қилар. Н. Сафаров, Олтинқўллар.

**ЗУРИҚМОҚ** Оғир кўтариш ёки қаттиқ уриниш оқибатида шикаст топмоқ. *Кўзим зўриқди. Унинг касали зўриқшидан бошланди.* — Ёқутжон-бикадан шум хабарни эшитган, Полвоннинг қони қайнаб, асаблари зўриқиб, тўрани «золим, жаллод» деб сўқди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЗУРИҚТИРМОҚ** зўриқмоқ *фл. орт. н.* Белни зўриқтирмоқ.

**ЗУРЛАМОҚ** 1 Зўр билан бирор ишга ундамоқ, хохишдан ташқари иш қилдирмоқ, мажбур қилмоқ. *Беморга зўрлаб дори ичирмоқ.* — Уста Олим оизга сабаи босиш билан овора эди: — Мен сизни зўрламайман, лекин йўл устида қориниғиз очиб қолса, ўзиниғиздан ўп-каланг. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Элмурод:] Сиз шу ернинг биринчи активлариодансиз. Қани, менга айтингчи, бу ярамас ваҳишён одатлар: қалин олишлар, зўрлаб эрга беришлар қачон барҳам ёйди? П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кучаймоқ, зўраймоқ. *Ёмғир яна зўрлади. Шамоқ зўрлаб бораётир.*

3 Бировнинг номусига тегмоқ, тажовуз қилмоқ.

**ЗУРЛАНМОҚ** зўрламоқ 3 *фл. мажх. н.*

**ЗУРЛАШМОҚ** зўрламоқ 1, 3 *фл. бирг. н.*

**ЗУРЛИК** 1 зўр *с. белги оти.* Ақнинг зўрлиги. Шамолнинг зўрлиги. — Қизил аскар зўрлигини билдирди, Четдан отишганини отиб ўлдирди. «Очилдов».

2 *айн. зўравонлик* 2. Бу нима зўрлик, бек? Мавлон ака ғазабдан титраб сўради. Ҳ. Фулом, Машъал. Эртасига онаси қуда томонга одам юбориб: «Қизимиз хоҳламади, ўзининг хоҳлагани бор, зўрлик билан иш қилишни замона кўтармайди.» — деди. А. Қахор, Кўшчинор.

**ЗУРМА-ЗУРАКИ** *с. т.* Хохишдан ташқари, зўраки, зўрлик билан қилинган. *Зўрма-зўраки иш.*

**ЗУРҒА** *рвш* Зўр-базўр, бир амаллаб, аранг. *Меани полвоннинг лаблари зўрға*

*пичирлади.. «Сув .. сув». П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЗУРҒАТДАН** *с. т.* Зўрға, аранг.

**ЗУҒИМ** Қахр, ғазаб, сўтам. *Зўғим қилмоқ. Зўғими ортди.* — Миришлар Йўлмига зўғим билан ўқрайиб ўттишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЗУҒОТА** 1 Кетмон, теша ёки болтанинг соп ўрнатиладиган тешиги. *Рўзимат кетмонни зўғотасигага ботириб урди-ю Сидиқжонга қаради.* А. Қахор, Кўшчинор.

2 Маккажўхорининг донсиз ўзаги; сўта.

## И

И Ўзбек алфавитининг ўннинчи ҳарфи. **ИБИ** *унд. с. диал. Ие. Сухбатдошим* бу гапларни .. эшитган, унинг юзида бирдан қувонч нури пайдо бўлиб, ҳаяжонланди: — Иби! .. деди. Айний, Эсдалиқлар.

**ИБЛИС** [а] 1 *дин.* Одамларни йўлдан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи мифик махлук; шайтон. *У, Саидғозининг .. юрагига иблис ин қурган тўхматчи, бутун бодани заҳар боғлаб кетган ғаразгўйлигини билмаган экан.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Ёмон одам ҳақида; малъун, шайтон. *Эъвозхон одам суратидаги иблис ҳикоясига кўрқув ичида қулоқ солиб ўтираркан, унинг [Зидилланинг] мақсадига тушуна олмади.* Ҳ. Фулом, Машъал. | *сўк.* Лаънати, малъун, шайтон. *Қутидор қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди: — Виждонсиз, иблис! — деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИБЛИСЛИК** 1 иблис 2 *с. белги оти.* Сенинг иблислигини энди билдим.

2 Иблисона хатти-ҳаракат, малъунлик, шайтонлик. [Шавкатий] иблислик қилиб Мунисни йўлдан оздирган маккор. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ИБЛИСОНА** [а+ф-т] *рвш* Иблисларга, малъунларга хос равишда; разилона, ибليسларча. *Мен бу иблисона алдогога учиб, бу тўғрида на сенга ва на Нормухаммад қушбегига оғиз очмадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИБН** [а] *эск. кт.* Эркак кишини ўз отасига нисбат этиб кўрсатувчи, «ўғли», «зода» маъноларини билдирувчи сўз; киши номи таркибида келиб улуғлаш, ҳурматлашни ҳам ифодалайди, мас. *Ибн Сино, Ибн Батута, Ибн Аҳмад Мирзо. Хоқон ибн хоқон хоқон ўғли хоқон (ота-боболарни хоқон ўтган киши ҳақида). Мен ким, Марғилон ҳокими Уттабод қушбеги ўз ҳукмида хоқон ибн хоқон жаноби олий Худоёрхон исми шарифларидан эшиттираман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИБО** [а] 1 Бирор андиша билан тортиниш, уялиш; уят, шарм, ҳаё. *Дилора қулиб чарақлаб қайтиб келганда, Фуломжон ҳар қандай ибоба парво қил-*

*май, бўласи ёнига борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кравцова бу «шаллоқ» йиғитнинг бунчалик ибоба билан қилаётган ҳаракатидан кулгиси қистади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Анвар меҳмонхонага кириб келувчи Султоналидан ҳам ибоба қилмай, .. сандал устига энгашиди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўзини, нафсини тийиш, қаноат.

3 Ибоба (*хотин-қизлар исми*).

**ИБОДАТ** [а] *дин.* 1 Худога қуллуқ қилиш, сифиниш ва шу муносабат билан бажариладиган маросим; намоз. *Бутхона кўнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун даранғлади.* А. Қахор, Томошабоғ. **Ибодат қилмоқ** 1) худога сифинмоқ; намоз ўқимок; 2) кеча-кундуз тоат қилмоқ. [Навой:] *Менинча, олтмиш йил қуруқ тоат, ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.* Уйғун ва И. Султон, Навой; 3) *кўчма* бирор нарсага ортиқ даражада берилиб кетмоқ, чўқинмоқ. *У пулга ибодат қиладиған одам.* — Агар одамлар сенга қиладиған ибодати ўрнига бир-бири учун меҳнат қилса, сенга қўйган кўнглини бир-бирига қўйса.. ер юзининг ўзи жаннат бўлади. А. Қахор, Қабрдан товшу.

2 Ибодат (*хотин-қизлар исми*).

**ИБОДАТГОҲ** [а+ф-т] *дин.* Ибодат қилинадиган жой.

**ИБОДАТХОНА** [а+ф-т] *дин.* Ибодат қилинадиган жой ёки уй, бино (мачит, хонақоҳ ва ш. к.). *У [Очил] Байжунинг кўл бўйида, эски ибодатхона олдида айтган ашулаларни .. юм-юм йиғлаб эшитди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ИБОЛИ** Ибоси бор, андишали, тортиночқо, ҳаёли. *Иболи қиз. Иболи йиғит.*

**ИБОРА** [а] 1 Бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи сўзлар бирикмаси; таъбир. *Образли ибора.* — Чернецов «вақтинча тантан», «вақтинча чекиниш», «қайта ҳужумга ўтиш» деган ибораларни қийналиб айтди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг [Тўқсоновнинг] оғзидан чиққан иборалари таълим кўрган одамнинг сапига ўхшамасди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Фразеологик ибора** маъно жиҳатдан яхлит бир бутунликни ташкил этувчи бир неча сўзлардан иборат бирикма.

2 *айн. сўз* 2.

**ИБОРАТ** 1 [а] Ташкил топган, таркиб топган, тузилган. *Сув водород ва кислороддан иборат. Беш кишидан иборат комиссия.* | *Феъл-боғлама вазифасида.* Асосий вазифа — мавжуд барча моддий ресурслардан фойдалана билишдан иборат.

**ИБОРАТ** II [а] *эск.* Ибора; сўз. *Хат ўқилди завқ бирлан сар-басар, Бир иборат чиқди мазмуни итоб. Муқимий. Иборат аро гўзал маъноли, ифодали. Дўстмуҳаммад .. Зебо парининг ласи терилган ипакдек иборат аро сўзларидан ўз савияси етанча гавҳар териб, завқлана бошлаган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.



**ИБОСИЗ** Ибоси йўқ, андишани, тортнишни билмайдиган; бешарм, беҳадё. *Ибосиз киши. Ибосиз йигит.* — *Мунисхон гўё олдиди гўдак ёки ўз эри ўтиреандай, ҳеч ибосиз устки кўйлагини еча бошлади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ИБОСИЗЛИК** ибосиз с. белги оти. Қизининг ибосизлигидан койиди.

**ИБРАТ** [а] Одамлар учун намуна, ўрناق бўладиган иш-ҳаракат, воқеа, ходиса. *Ибрат бўлмоқ. Ибрат кўрсатмоқ. Ибрат олмоқ. Нодон сўзлар, доно ибрат олар. Мақол.* — *Мен кўрдим театрни .. Мен борганимда бир илм-сиз боланинг безори бўлиб кетганини кўрсатишди, холос.— Мақтаб эмас, ибрат дегел! Ойбек, Қутлуғ қон. Умрингда самоварнинг жўлрагини ушламаган бўлсанг ҳам, кўп тўқим табиат самоварчиларга ибрат бўладиган иш қилибсан! А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Янгиликни тарқатишда дадил бўлиш керак халқ ўзимиздан ибрат олгани яхши. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**ИБРАТЛИ** Ибрат бўладиган, намуна, ўрناق олса арзийдиган; ўрناقли. *Ибратли тажриба. Кейинки вақтларда сиёсий ва илмий билимларни кенг пропаганда қилиш соҳасида ибратли ишлар қилинди.*

**ИБРАТОМУЗ** [а+ф+т] Ибрат бўларли, намуна, ўрناق бўларли. *Ибратормуз иш. Ибратормуз сиймо.* || *«Мушук ва сичқон» ҳикояси бирам ажойибки, тўқ одамлар билан фақир одамларни мушук билан сичқонлар орқали ҳикоя қилади бу китобда. Мақсади жуда ибратормуз. Ойбек, Болалик.*

**ИБРИЙ** айн. иброний.

**ИБРОНИЙ** эск. 1 айн. яҳудий.

2 Яҳудийларга, уларнинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Иброний тили. Иброний ёзуви.*

**ИБТИДО** [а] кт. Бирор нарса, иш-ҳаракат, воқеа-ходиса ва ш. к.нинг боши, аввали, бошланиш даври, бошланғичи. *Воқеанинг ибтидоси ва интиҳоси.* — *Миллиард йиллар сари йўл олган Авлодларнинг ибтидосиман. 3. Обидов.*

**ИБТИДОЙ** [а] кт. 1 Кишилик тарихининг энг қадимги, дастлабки даврига оид, синфий жамиятдан олдинги. *Ибтидоий одам. Ибтидоий жамият. Ибтидоий коммунизм қ. коммунизм.*

2 Бошланғич, дастлабки. *Ибтидоий мактаб (эск.).* — *Шу оддий бир киши(ни), ибтидоий мактабнинг муаллими, Аббосхондан тортиб Муҳаммаджон домлагача иззат қиладилар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

3 Оддий, элементар. *Мулла Шоҳнинг адабиёт билан машғулотни жуда содда ва ибтидоий эди. Айний, Эсдаликлар. | Бурунги замондан қолган; оддий, содда. Бир неча мусиқа асбоблари ҳам бор. Ғоят ибтидоий. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИВИМОҚ** I Сув ёки бирор бошқа сувоқликни эмиб, шийиб, ҳўл бўлмоқ, нам тортиб юмшамоқ, бўкмоқ. *Сувда ивиган нон. Қийилларим ём-*

*ғирда ивиб кетди.* — *Султон товоқда қаймоқни шилиб ивиб қолган нон бурдаларини лунжига тўлдириб чайнай бошлади. Х. Фулом, Машғал. Сафаров, папирос найчасининг ивиган жойини тиши билан узиб, пуфлаб ташлади-да, ўйчан жавоб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ИВИМОҚ II** 1 Қуюлиб қолмоқ, қуюқлашмоқ, қуюқ тортмоқ (қон ҳақида).

2 Қатикқа айланмоқ (сут ҳақида). *Оч уйда қатик ивигас. Мақол.*

3 Бузилиб, айниб қолмоқ, чириб тушмоқ. *Сут ивиб қолибди.*

**ИВИНДИ** Ўз-ўзидан ивиб қолган нарса (асосан сут ҳақида).

**ИВИРСИЛАМОҚ** айн. ивирсимоқ 1. *Ҳой, мунча ивирсиладиларинг. Бўла қолсаларинг-чи! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

**ИВИРСИМОҚ** 1 Майда-чуйда ишлар билан овора бўлмоқ, имиллаб иш қилмоқ, ғимиллаб юрмоқ. *Анзираб хола.. ўз-ўзидан жавраб, қоронғида ивирсиб юрар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Супурилмай-сидирилмай, йиғиштирилмай бетартиб ҳолга келмоқ, кир, тўзон ва ш. к. билан қопланмоқ. *Уй ивирсиб ётибди. Ивирсиган уйга меҳмон келар. Мақол.*

**ИВИРСИРАМОҚ** диал. Ивирсимоқ. *Нима қилиб ивирсираб ўтирибман, тезроқ яранинг олдини олиш керак. Ҳамза, Заҳарли ҳаёт.*

**ИВИРСИТМОҚ** ивирсимоқ 2 *фл. орт. н.* Қудрат кўча айланиб келиб уйига кирса ҳеч зог йўқ, фақат товуқлар ҳовли билан битта бўлиб экинларни пайҳон қилиб, ҳамма ёқни ивирситиб юрибди. *Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ИВИРСИҚ** 1 Супуриб-сидирилмаган, йиғиштирилмаган, бетартиб ҳолдаги; тўзгин-сочқин. *Ивирсиқ уй.* — *Шипи паст, деворлари юпқа торгина дўконхона ҳар вақтдагидай ивирсиқ. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Саранжом-сариштали эмас, уй-рўзғорни бетартиб тутадиган; пала-партиш. *Ивирсиқ хотин.*

**ИВИР-ШИВИР** тақл. с. Шивирлашувчиларнинг ўзгаларга аниқ эшитилмайдиган суҳбати ва шу суҳбат товуши; шивир-шивир. *Ивир-шивир гаплар. || Тўхтасин ўртоқларини йиғди, уларга ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИВИТИЛМОҚ** I ивитмоқ I *фл. мажх. н.* Ивитилган ем.

**ИВИТИЛМОҚ II** ивитмоқ II *фл. мажх. н.* Бошларида қатик ивитилган.. *хурма билан яланг оёқ, кир, жулдур кийимли болалар шипиллаб ўтади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ИВИТМА** Ивитиб тайёрланган. *Ивита палов олдиндан ивитилган гуручдан тайёрланган палов.*

**ИВИТМОҚ I** ивитмоқ I *фл. орт. н.* Ошга нўхатни ивитиб солмоқ. *Молга емни ивитиб бермоқ. — Улар..*

*тилхатларни чўнтақларидан чиқариб кўрсатдилар .. Улардан бири,— биз бу тилхатларни ивитиб ичамизми? Айний, Қуллар.*

**ИВИТМОҚ II** ивитмоқ II *фл. орт. н.* *Қатик ивитмоқ.*

**ИВИТҚИ** с. т. Қатик ивитиш учун сутга солинадиган озгина қатик, томизги, оқлқ. *Сутга ивитқи солмоқ.*

**ИГНА I** Тешигидан ип ўтказиб, нарса тикиладиган, учи найза, ивгичка металл асбоб. *Машина игна. Тепчик игна. Қавиқ игна. Игнага ип ўтказмоқ. Игнадек (ёки игна каби, игна бўлиб) санчилмоқ (ёки қадалмоқ) қаттиқ ботмоқ (гап ҳақида). Бекмурода чолнинг деганлари гўё игнадек санчилди. И. Уктамов, Ўзза.*

2 Турли асбобларнинг учи ўткир, ивгичка қисми. *Патефон игнаси. Примус игнаси.*

3 Баъзи ўсимлик ва жониворларнинг игнасимон аъзоси, найзаси, тикани. *Дарахт игнаси. Кирпи игнаси.* — *Бирдан шамол елди, баланд чўққиларда кўкариб турган игна барглари шитирлатди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

◆ **Игна билан қудуқ қазимок қийин**, майда, машаққатли ва узоқ муддатли ишни кунт, бардош, матонат билан бажармоқ. *Илм (оши) — игна билан қудуқ қазимок билан барабар. Мақол.* *Игнадай нарсани туядай қилмоқ* кичик нарсани катта қилиб кўрсатмоқ, муболага қилмоқ, орттириб, бўрттириб юбормоқ. *Қўзибойнинг .. игнадай нарсани туядай қилиб гапирши одати бор. Х. Назир, Кўкорол чирроғлари.* **Игна санчмоқ** 1) аччиқ, қаттиқ, айил ботадиган гап қотмоқ, қаттиқ тегадиган гап гапирмоқ; 2) санчилган игнадек оғритмоқ, санчилмоқ. *Емғир жонга игна санчгандай эзиб муттағил савалар эди. Игна тешигидан ўтадиган ихчам ва чаққон, абжир. Раъведкага игна тешигидан ўтадиган элчил .. кишилар керак. Шўхрат, Шинелли йиллар. Игна устида ўтирмоқ бетоқат, безовта бўлмоқ. У [Одилжон] игна устида ўтиргандай, жуда бетоқат эди, дам-бадам томоғини қириб йўталиб, соатига қарарди. И. Раҳмонов, Қўшниллар.*

**ИГНАБАРГ** Баъзи бир дом яшил дарахт, мас. қарағайнинг игна шаклидаги барги, яроғи.

**ИГНАБАРГЛИЛАР** Игнасимон баргли, яланғоч уруғли ўсимликлар (мас., қарағай, қора қарағай, оқ қарағай ва ш. к.).

**ИГНАЛИ** I Игнаси бўлган, игна билан ишлайдиган.

2 Игнасимон тиканлари, найзалари бўлган. *Игнали дарахт.*

**ИГНАСИМОН** Игнага ўхшаш ўткир, найзали. *Игнасимон барг.*

**ИГНАСОЗ** Игна ясовчи уста.

**ИГНАЧИ** диал. Игначи. *Унинг апрофидида гулзорда ранг-баранг капалаклар, игначилар қанот қоқар, асаларилар гўнғиллар .. эди. А. Қаҳҳор, Картина.*

**ИГРЕК** [*p* < *лат*] 1 Латин алфавити-да охириги ҳарфдан олдинги «у» ҳарфининг номи.

2 *мат.* Шу ҳарф билан ифодаланган номаълум.

**ИДДА** [*a*] *дин.* Эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга хомиладорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган юз кунлик муддат. *Менинг бу хатимни албатта шариат пешволари шаръий ҳисоблаб, иддангиз битиши билан сизга бошқа эр қилишга ихтиёр берсалар керак.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Идда** сақламоқ идданинг охиригача эрга тегмаслик.

**ИДДАО** [*a*] 1 Ноўрин ёки ноҳақ талаб, даъво.— *Сиз фронтда юрганда, бошқага кўнгила қўйсам, сизни ҳақоратлаган бўлардим. У ҳолда сизни бу эрга чақиршига, бирор иддао қилишга ҳақ-ҳуқуқим қолмасди.— деди Кумуш Қамолдинга.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

2 Ўзини улуг, билимдон деб фахмлаш. *Унинг иддаоиси баланд-ку!* — *Амалин пеш қилиб, ҳар кимга ҳар хил иддао этган. Баланд тумшук, бўйин ғоз, бадҳаволарни кўролмасман.* «Муштум», 1962, № 2.

**ИДДАОЧИ** Иддао қилувчи, ўзини улуг, билимдон деб фахмловчи. *Иддао-чи одам.*

**ИДЕАЛ** I [*p* < *фр*] Энг юксак ва олижаноб мақсад, энг юксак орзу ва тилак, ғоя. *Бизларни мақсаднинг бирлиги, идеалларнинг бирлиги, ягона марксча-ленинча таълимот бирлаштиради.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 166. *Меҳнаткашларни юксак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашнинг муҳим ва таъсирчан воситаларидан бири лекция пропагандадир.* «С. Ўзбекистони», 1964, 9 октябрь. | Ҳар жиҳатдан баркамол, намуна бўладиган, кўнгилдагидек нарса, ҳодиса ёки одат. *Унинг идеали — ёқтирган қизини ўз таъсирига олиб, ўз қадрини эрга урмай севилмоқ эди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**ИДЕАЛ** II [*p* идеальный] Ҳар жиҳатдан яхши, беками-кўст, соз. *Идеал образ.*

**ИДЕАЛИЗМ** [*p* < *фр*] *филос.* Бутун борлиқнинг негизи материя эмас, балки онг, идея, руҳ деб билувчи; онгнинг, идеянинг материя маҳсули эканини, иккиламчилигини инкор этувчи реакцион фалсафий оқим. *Объектив идеализм. Субъектив идеализм.*

**ИДЕАЛИСТ** [*p* < *фр*] 1 Идеализм тарафдори, идеалистик фалсафа издоши. *Идеалист назарида «ҳақиқатда бор бўлган» нарса сезгидир.* В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.

2 Ҳаёлпараст; ҳақиқатни идеаллаштирувчи, бўяб кўрсатувчи одам.

**ИДЕАЛИСТИК** [*p* идеалистический] Идеализмга доир, идеализмга хос ёки унга асосланган. *Идеалистик фалсафа. Идеалистик дунёқараш. Тарихга идеалистик қараш.*

**ИДЕАЛЛАШТИРИЛМОҚ** идеаллаш-тирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**ИДЕАЛЛАШТИРМОҚ** Бирор нарса, воқеа, ҳодиса ёки одамни юқори кўтариб, беками-кўст, яхши, бенуқсон қилиб кўрсатмоқ. *Утмишни идеаллаштирмоқ.*

**ИДЕОГРАММА** [*p* < *грек*] *лингв.* Тилнинг айрим товушларини эмас, балки тўлиқ тушунчаларни ифодалашга асосланган шартли ёзув белгилари (рақамлар, математик шакллар ва ш. к.).

**ИДЕОГРАФИК** [*p* идеографический] Идеографияга оид. *Идеографик ёзув.*

**ИДЕОГРАФИЯ** [*p* < *грек*] *лингв.* Идеограммага асосланган ёзув системаси.

**ИДЕОЛОГ** [*p* < *грек*] Бирор синф, ижтимоий-сиёсий тузум ёки оқим идеологиясининг, мафкурасининг ифодачиси, ҳимоячиси ёки раҳнамоси. *Революцион пролетариатнинг идеологлари.*

**ИДЕОЛОГИК** [*p*. идеологический] Идеологияга оид; идеологияга хос ёки бирор идеологияни ифодаловчи, унга хизмат қилувчи; мафкуравий. *Идеологик масалалар. Идеологик кураш. Марксистик партиянинг идеологик асослари.*

**ИДЕОЛОГИЯ** [*p* < *грек*] Идеаллар мажмуи, муайян синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий қарашлар системаси; мафкура. *Марксча-ленинча идеология. Буржуа идеологияси. Идеология ишлари.*

**ИДЕЯ** [*p* < *грек*] 1 Объектив борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айни замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи тушунча, тасаввур.

2 Ният, мақсад, фикр. *Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш идеяси.*

3 Бирор бадий, илмий ёки сиёсий асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр; ғоя. *Асарнинг идеяси. Ойбекнинг «Қутлуг қон» романининг идеяси.*

**ИДЕЯВИЙ** *айн. ғоявий.*

**ИДЕЯВИЙЛИК** идеявий с. *маъв. от. Совет адабиётининг идеявийлиги.*

**ИДЕЯСИЗ** *айн. ғоясиз.*

**ИДИОМА** [*p* < *грек*] *лингв.* Маъноси ўз таркибидagi сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора, мас. *томдан тараша тушгандай, оғзингга қараб гапир.*

**ИДИОМАТИЗМ** [*p*] *айн. идиома.*

**ИДИОМАТИК** [*p* идиоматический] Идиомага, идиоматикага оид. *Идиоматик ибора. Тилнинг идиоматик бойлиги.*

**ИДИОМАТИКА** [*p*] *лингв.* 1 Идиомалар ҳақидаги таълимот.

2 Бирор тилдаги идиомалар мажмуи.

**ИДИШ** Турли нарсалар солиб қўйилган уй-рўзғор ёки хўжалик буюми. *Дон идиш. Сув идиш. Тунука идиш. Чинни идиш.* — *Унинг икки кўзи бир дўқондаги катта идишларга солинган қандларда эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

*Полвон битта туҳум, иккита хурмо, ярим мисқол аседана, беш дона бўтақўз, бир қошиқ асални топиб бир пиёла сув билан мис идишида қайнатшига буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

**ИДИШ-ОЁҚ** Овқат тайёрлаш ва ейиш-ичиш учун қеракли асбоблар, уй-рўзғор буюмлари. *Идиш-оёқ магазини.* — *Маҳалла болалари эшикма-эшик юриб: «Барот келди билдингизми; Идиш-оёқ ювдингизми?» ашуласини айтар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ИДИШ-ТОВОҚ** *айн. идиш-оёқ.* Тўхта хола ҳовлида идиш-товоқ ювиб юрган экан, Олимжонни кўриб юраги ёрилиб кетгудек бўлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИДИШҚАЙТТИ** *этно.* Қиз унаштиришда куёв томондан юборилган дастурхонга қайтарилган дастурхон ва уни кутиб олиш маросими.

**ИДОРА** [*a*] 1 Белгли тартибда бошқариб, йўлга солиб бориш; бошқариш. *Идора усули.* — *Отабек айтди: — Энди бизнинг Тошкент халқи қипчоқларнинг жабру зулми ва таъбирсиз идораси остида ётиб жуда тўйди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Идора этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ. *Давлатни идора қилмоқ. У катта бир ташкилотни идора қилиб турибди;* 2) бош бўлиб белгили тартибда олиб бормоқ, ўтказмоқ. *Ҳар бир мажлиснинг жонлантирувчи, идора қилувчи, бир-икки қаҳрамони бор бўлганидек, бу қизлар мажлиси ҳам шундай қаҳрамонлардан холи эмас эди.* А. Қодирий, Утган кунлар; 3) белгили бир тартибга бўйсундирмоқ, бошқармоқ. *Ўзини идора қилмоқ. Ўз иродасини идора қилмоқ.*

2 Маълум бир ижтимоий давлат, хўжалик, савдо ва ш. к. тармоқларини бошқариш учун штатли ходимлари ва маъмурияти бўлган ташкилот, муассаса, бошқарма ва улар ўрнашган бино. *Ижроком идораси. Маориф бўлими идораси. Идорада ишламоқ.* — *Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шербекнинг ёдига раиснинг бултур идорада ўтириб айтган бошқа сўзлари тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ИДОРАВИЙ** [*a*] Идора ишлари билан боғлиқ бўлган; идора томондан қилинадиган; маъмурий. *Идоравий ишлар.*

**ИДОРАЧИЛИК** Ўз идораси манфаатлари билан чегараланиш, ўз идораси манфаатларига берилиб кетиш. *Идорачилик тўсиқлари .. саноат ва қурилишга раҳбарлик қилиш практикасидаги катта камчиликдир.* «Қ. Ўзбекистон», 1957, 31 март.

**ИДРОК** [*a*] 1 Билиш, тушуниш қobiliяти; зеҳн, фаҳм, фаросат. *Сенинг идрокнинг зўр экан. Идрок билан иш қилмоқ керак.* Ақлнинг ўлчови — идрок. Мақол.

2 *филос.* Айни пайтда сезги орган-

ларига таъсир этаётган объектив мавжудот, предмет ва ҳодисаларнинг киши онгидаги инъикоси; идрок инъикос этилаётган предмет ва ҳодисаларнинг аввалги тажрибалар асосида тушунилишини ҳам ўз ичига олади. **Материя** — биз сезгиларимиз билан идрок қиладиган объектни реалликдир. В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм. **Идрок этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) тушуниб етмоқ, фахлмоқ. *Сизга узоқдан кўзим тушган ҳамон ботир, диловар йигитлардан эканлигини идрок қилган эдим.* Ойбек, Навоий; 2) филос. онда инъикос этган воқеа-ҳодисани тушунмоқ, билиб олмоқ.

**ИДРОКЛИ** Идрокли бор, тез тушуниб оладиган, зеҳни ўткир, фахмли, фаросатли. *Идрокли бола.* — Идрокли, иродали. .. Чернецов ҳарбий киши бўлмаसा ҳам табдилли киши бўлганидан, Юрвев унинг қудратига ишонарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИДРОКСИЗ** Идрокли йўқ, зеҳни паст, бефаҳм. *Идроксиз одам.* || *Домла қўққисдан уйқудан уйғотилган кишидай идроксиз ҳаракат қилар, аммо ичкарига кирмас эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ИЕ** унд. С. Ажабланишни, ҳайронликни ёки норозиликни билдиради; ийи, ийе, ийя. *Ие, нима деганине у?* — *Ие, ҳали хабарини йўқми?* Хотиннинг азонда жўнабди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ИЕРОГЛИФ** [р < ерек] Қадимги мисрликлар ва баъзи бир халқлар ёзувида бутун бир тушунча, ибора, сўз, бўғин ёки товушни ифодалаган ҳайвон, одам, ҳар хил буюм, асбоб ва ш. к. тасвиридан иборат белги; ҳозир хитой, япон ва корейс ёзувларидаги белгилар ҳам иероглифлар деб аталади.

**ИЖАРА** [а] 1 Бирор кимса ёки ташкилотга тегишли нарсадан маълум ҳақ тўлаб вақтинча фойдаланиш; қира. *Уй ижараси.* Ерни ижарага олмоқ. *Уйни ижарага қўймоқ.* — *Кейинги йилларда капсанчилар ерни ташлаб кета берган экан, бойлар ерларини арзон-арзон ижарага беришпти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Шу тартибда вақтинча фойдаланиш учун олинган нарса эвазига тўланадиган ҳақ. *Бу уй учун ҳар ойда ўн сўм ижара олинади. Ижарани вақтида тўламоқ.*

**ИЖАРАДОР** [а+ф-т] диал. айн. ижарачи 1. *Бир чопар келиб, .. унда ўтирган ижарадорга внагишиб салом берди.* Айний, Қуллар.

**ИЖАРАХЎР** [а+ф-т] Уй-жойини ёки нарсани ижарага қўйиб, ундан келган даромад билан кун кўрувчи, бойлик орттирувчи киши.

**ИЖАРАЧИ** 1 Уй-жойини, ерини ёки нарсаларини ижарага берувчи киши; ижарадор.

2 Бировнинг уйда ижарага ўтирувчи киши. — *Асада ҳужра уники, мен эсам бир ижарачи эдим, — деди [Ҳажжи хола].* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ИЖИРҒАНМОҚ** Ножўя ёки ёқимсиз иш, гап, қилиқ, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан гаши келиб ёқиминмоқ; шундай ички кайфиятни ташқи белгилар (юз буруштириш, безовталиқ ва ш.к.) билан ифодаламоқ. *Нега ижирғанаяписи?* — *Шербек у қандай даромад тўғрисида гапирётганини пайқаб, ижирғанди.* С. Анорбоев. Оқсой. — *Яна бизда ярасам бир одам бор, — деди Сайрамов ижирғанди, — эрақлар теримни менсимайдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ИЖОБАТ** [а]: ижобат бўлмоқ дин. қабул этилмоқ, эътиборга олинмоқ (худого қилинган илтижо, талаб ҳақида). *Беғуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуо си ижобат бўлади.* А. Қаҳҳор, Бемор. **Ижобат олмоқ** розилиқ олмоқ. *Ижобатни оладан сўнг .. Тошкент ашрафлари бир мажлис қуриб, ўтиришга Нормуҳаммад қўшбеғини ҳам чақирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Ижобат эшигини очмоқ** киришга рухсат қилмоқ, қабул этмоқ.

**ИЖОБИЙ** [а] 1 Маъқул, мақбул деб топилганлигини ифодаловчи; маъқулловчи, ёқловчи, мақтовли. *Ижобий баҳо. Ижобий фикр. Ижобий муносабат.* || *Масалаги ижобий қарамоқ. Масала ижобий ҳал бўлди.*

2 Маъқуллашга, ёқлашга, мақтовга сазовор бўлган; яхши, фойдали. *Ижобий таъсир.* — *Лекин шунги билингики, бошлаган ишинининг ижобий томони билан бирга салбий, жуда катта салбий томони ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Яхши фазилатларга, хислатларга эга бўлган; ибратли. *Ижобий образ. Ижобий қаҳрамон.*

**ИЖОД** [а] 1 Бадий, илмий асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик, ижодиёт. *Ёш шоирларнинг ижоди жўи урмоқда.* — *Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдири билан боғлашга ҳаракат қилдим.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт. *Қай томонга қарасанг, ижод булоғи бор.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Ижод этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) бадий, илмий-техник асар ёки моддий бойлик яратмоқ, вужудга келтирмоқ; янгилик кашф этмоқ; 2) ўйлаб чиқармоқ, кашф этмоқ. — *Буларни, — деди Элмурод Мели полонининг дуторига имо қилиб, — ўз халқимизнинг усталари ижод қилган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Яратилган асар, ижодий маҳсулот. *Навоийнинг ижодини ўрганиш. Мақоллар халқ посттик ижодининг муҳим жанридир.*

**ИЖОДБАХШ** [а+ф-т] Ижодий куч бағишловчи, илҳом берувчи; илҳомбахш. *Унинг [Ҳамзанине] порлоқ ва ижодбахш ҳаёти, унинг ёрқин хотираси узоқ йиллар қолажак.* «К. Ўзбекистон», 1946, № 77.

**ИЖОДИЁТ** [а] 1 Ижодий иш билан боғлиқ бўлган фаолият; ижод.

2 Бирор жанр ёки шахсга мансуб асарлар мажмуи. *Бадий ижодиёт. Навоий ижодиёти.*

**ИЖОДИЙ** [а] Ижод этиш ва ижодиёт билан боғлиқ бўлган, яратувчилик учун хизмат қиладиган. *Ижодий иш. Ижодий меҳнат.* — *Юсуфжон қизиқнинг ижодий йўли жуда мураккаб, ранг-барангдир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Ижодий кеча** бирор санъаткорнинг ижодий иш ва фаолиятини кўрсатишга бағишланган кеча, йиғилиш.

**ИЖОДКОР** [а+ф-т] Ижод этувчи, яратувчи, бунёдга, вужудга келтирувчи; бунёдкор, ижодчи. *Ижодкор халқ.* — *Қўз илғамас водийларинг оқ олтинга кон, .. Халқинг зафар ижодкори, тинчликка посбон.* Ғайратий. *Менинг Ватанимда туғилган инсон Табиий ижодкор бўлар беғумон.* Қ. Муҳаммадий.

**ИЖОДКОРЛИК** ижодкор с. маъ. от. *Ўзбекистонда элмонавий бадий ижодкорликнинг барча турлари ва жанрлари ривожланди.* «К. Ўзбекистон», 1963, 25 октябрь.

**ИЖОДКОРОНА** [а+ф-т] рвш Ижодкорлик билан, яратувчилик намуналарини кўрсатиб. *Ижодкорона иш тушмоқ.*

**ИЖОДЧИ** айн. ижодкор. *Бу қўшга қудрат берган Сенинг буюк голяндир. Бу ҳаётнинг ижодчиси, Посбони сен, партиям!* Уйғун.

**ИЖОДЧИЛИК** ижодчи с. маъ. от.

**ИЖОЗАТ** [а] Бирор иш учун берилган ҳуқуқ ёки изн, рухсат. *[Мирям Холматга:] Ҳай! Сен бу ерда кимнинг ижозати билан кириб ётдинг!? Ҳамза, Ким ўғри? Ғуломжон жўраларига айтиб, кейин Содиқ, аминдан ижозат олди-да, Эрбўта билан қишлоққа жўнади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Уртоқ командир, ижозат этинг!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. || *Менда бошқа юмушингиз бўлмаса, сизга ижозат.*

**ИЖОЗАТНОМА** [а+ф-т] Ижозат этилганлиги, рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат; рухсатнома.

**ИЖРО** [а] 1 Қарор, ҳукм, топшириқ, талаб ва ш. к.нинг бажарилиши, амалга оширилиши. *Ижрони текшириш.* — *Уставнинг.. ижроси қаттиқ қўллик билан талаб этилар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Низз қўшбеги менга йигит қўшиб, бу ҳукмномани ижро қилишда беқка ёрдам бермак учун жўнади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ижро варақаси** юр. суд ҳукминин мажбурий амалга ошириш учун ёзилган ҳужжат. **Ижро қилувчи** бажарувчи, амалга оширувчи. *ЎзССР давлат ҳокимиятининг ижро қилувчи ва бошқарувчи олий органи ЎзССР Министрлар Советидир.* «ЎзССР Конституцияси».

2 Куй, рақс, музика асари, роль ва ш. к.нинг бажарилиши. *Чортоқ куйи мақомчилар ижросида янгради.* Мактабнинг хор коллективи ҳар бир қўшиқни эйр маҳорат билан ижро этди.

**ИЖРОИЯ** [а]: ижроия комитети Халқ депутатлари советларининг ҳокимият

органлари қарорларини бажарувчи, амалга оширувчи органи. Район ижроия комитети.

**ИЖРОКОМ** [a+r], ижроия комитети қ. ижроия.

**ИЖРОЧИ** 1 Қарор, қонун, фармон, буйруқ, ҳукм ва ш. к.ни ижро этувчи, амалга оширувчи, бажарувчи шахс ёки ташкилот. Суд ижрочиси суд қарорини ижро варақасига асосан амалга оширувчи лавозимли шахс.

2 Куй, рақс, музика асари, роль ва ш. к.ни бажарувчи санъаткор, артист. *Ижрочи ўз ролини маҳорат билан бажарди. Якка ижрочи* чолғуни якка ўзи чалувчи созанда ёки ашулани якка ўзи айтувчи хонанда; солист, яккахон. *Якка ижрочиларнинг ижрочилик савиясини оширмоқ.*

**ИЖРОҚУМ** эск. айн. ижроком.

**ИЖТИМОИЁТ** [a] эск. 1 Социалистик жамият, социализм.

2 Жамият, унинг ҳаёти ва қонуниятлари ҳақидаги фан; жамиятшунослик. *Ижтимоиёт фани. Ижтимоиётдан дарс бермоқ.*

**ИЖТИМОЙ** [a] 1 Кишилик жамиятга, унинг ҳаёти ва қонуниятларига оид; социал. *Ижтимоий тузум. Ижтимоий тараққиёт. Ижтимоий ишлаб чиқариш. Ижтимоий муносабатлар. Ижтимоий формациялар. Ижтимоий фанлар.*

2 Бирор социал табақага, синфга мансуб. *Ижтимоий группалар. Аҳолининг ижтимоий состави. Ижтимоий аҳвол* муайян бир социал табақага, синфга мансублик. *Ижтимоий аҳволи — деҳқон. Ижтимоий чиқиш (ёки келиб чиқиш) ота-онанинг қандай социал табақага мансублиги. ЎзССРнинг 18га етган барча граждандари... ижтимоий чиқишидан қатъий назар, депутатлар сайлашга қатнашиш ҳуқуқига эгадир. «ЎзССР Конституцияси». Ижтимоий тарбия* муайян синф идеологияси руҳида бериладиган тарбия.

3 Кишиларнинг жамиятдаги фаолияти билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид. *Ижтимоий ҳаракат. Ижтимоий фикрнинг ривож. Ижтимоий меҳнат.* — *Ижтимоий ҳаётда рўй берган воқеа ва ҳодисалар ҳалқ қўшиқларида ўз ифодасини топади. «Фольклор».*

4 Жамиятнинг, омманинг сиёсий, маданий ва бошқа эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда хизмат этиш билан боғланган. *Ижтимоий ташкилот. Ижтимоий тавълият.* | Жамоатчилик ўртасида, жамоат кучи билан ёки жамоатчилик топшириғи билан бажариладиган. *Ижтимоий топшириқ. Ижтимоий ишлар.*

5 Оммага, умумга тегишли, умумий. *Ижтимоий мулк.* | Биргаликда, кўпчилик кучи билан бажариладиган, умумлашган.

6 эск. айн. социалистик. *Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар Жумҳурияси. Ижтимоий жамият.*

**ИЖТИМОЙЛАШМОҚ** *Ижтимоий* тус олмоқ, умумлашмоқ.

**ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ** [a] Жамият ва сиёсатга, ижтимоий ва сиёсий ҳаётга, жамоатчилик ўртасида олиб бориладиган ижтимоий ва сиёсий ишларга оид. *Ижтимоий-сиёсий ишлар. Ижтимоий-сиёсий фанлар.* — *ЎзССРда хотин-қизларга .. маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилди. «ЎзССР Конституцияси».*

**ИЖТИХОД** [a] эск. кт. Зўр ғайрат, чалишиш, уриниш, тиришиш; сазй-ҳаракат. *Ижтиҳод этмоқ (қилмоқ).* — *Ўқиб, ўрганиш, ҳормай эйр ижтиҳод билан ишлаш, шубҳасиз ғалабаларга етказар.* Ойбек, Нур қидириб.

**ИЖТИХОДЛИ** эск. кт. Серғайрат, ҳаракатчан, уринчоқ, тиришчоқ. *Ижтиҳодли студент.*

**ИЗ** 1 Ерни босганда ёки бирор нарсани ушлаганда оёқ ёки қўлдан тушиб қолган асар, белги, нишона. *Оёқ изи. Ойна юзида қўлнинг изи кўринади.* — *Бу ерда гиёҳ ҳам қолмабди. Фақат мол туёқларининг тартибсиз излари кўринади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Сидиқ:] *Бўйнидан бўғилган. [Нодир:] Панжа излари бор.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Илон изи** қ. илон. | Бир нарсанинг иккинчи бир нарса юзида қолдирган асарни, белгисини. *Машина игнасининг изи. Дазмол изи.* | Бирор таъсирдан қолган асар, белги, нишона. *Яранинг изи. Қамчиннинг изи.* | Бирор белгидан, хусусиятдан қолган асар, нишона. *Из қолдирмоқ.* — *Юзида эски гўзалликнинг излари ҳали сақланган, қирқ ёшли .. хотин меҳрибонлик билан қизига қаради.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Ёдгорлик, асар, нишона. *Холохундек зотлардан қолмаганми из.* Ғайратий.

3 Қатнов йўли. *Кенг из. Тор из.* | Рельс, рельслар. *Трамвай изи.* | Умуман йўл. *Арслон изидан, йигит — сўзидан қайтмас.* Мақол. — *Кўзим изингга, қулоғим товушингга зор бўлиб кутиб ўтирибман.* Ойбек, О. в. шабадалар. | *Ўзан. Дарёнинг изи.*

4 *Кўйма* Хатти-ҳаракат, фаолият йўналиши; йўл. **Из қувмоқ** 1) кимса ёки нарсани босган изи билан ахтариб бормоқ; 2) бирор ҳодиса, воқеанинг тагига етиш учун тинмай суриштирмоқ. **Изга солмоқ (ёки туширмоқ)** 1) белгили бир издан йўналтирмоқ. *Дарёни янги изга солмоқ;* 2) *кўйма тартибга келтирмоқ, йўлга солмоқ. Ишни изга солмоқ. Изга тушмоқ* 1) ўз йўлига тушмоқ (мас. дарё ҳақида); 2) *кўйма тартибли йўлга тушмоқ, тартибга келмоқ. Адолат, хафа бўлма, ойнанг ярми қоронғи бўлса, ярми ёруғ. Ҳаммаси изга тушиб кетади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Изига тушмоқ** 1) айн. *изга тушмоқ;* 2) бедарак кетган кимса ёки нарсанинг изини топмоқ. **Изига қайтмоқ** 1) борган йўли билан қайтмоқ. *Боргин-у, тез изингга қайт;* 2) олдинги

холига, аслига келмоқ. *Ишлар яна изига қайтди. Изидан бормоқ* йўлидан бормоқ, эргашмоқ. *Ленин изидан бормоқ. Издан (ёки изидан) чиқмоқ* 1) йўлидан четга чиқмоқ, чиқиб кетмоқ. *Вагон изидан чиқиб кетди;* 2) тартибли йўлдан чиқиб кетмоқ, бузилмоқ, айнимоқ.

◆ **Изи битди** изи, асари ҳам қолмади, йўқолди, битди. *Пул топмасанг қамаласан, битади изинг.* Ойбек, Зафар ва Захро.

**ИЗА** с. т. Юза. *Изада оқадиган дарё. Иза сув* ерининг юзига сизиб чиқиб қолган сув, зах сув.

**ИЗВОШ** [p извозчик] с. т. Резина филдиракли энгил от арава; фазтон, файтон. *Колхозга янгича илм керак. Қўнғингизга келмасин-ку, извошга шак қўшиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчнор.

**ИЗВОШЧИ** с. т. Извош ҳайдовчи ёки унинг эгаси. *Ярим кечада эшик тақиллади. Чиқиб оқдим, қари извошчи, .. мен билан жуда ҳазилкаш.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ИЗДАҲОМ** [a] кт. Сухбатлашиш, чақчақлашиш максадида тўпладан йинги, йингилиш, давра. *Тожибой, агар Муқимий «хўп» деудек бўлса, шу нотаниш издахомнинг ўртасига тушиб чиқдиргани қарс уриб, Муқимийнинг бошига одам тўплашга тайёр эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ИЗДОШ** Бирор кимса бошлаган йўлдан, унинг изидан борувчи; унинг ишини, йўлини давом эттирувчи; маслақдош. *Навоий издошлари. Маяковский издошлари.* — *Маркс, Энгельс ва Лениннинг содиқ шоғирлари ва издошлари уларнинг буюк тавълимотини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келдилар. «ҚПСС тарихи».* | Бирор кимса бошлаган ишда унга эргашувчи. *Чинозлик Турсуноийнинг сафдош ва издошларини энди .. қардош республикаларнинг пахта далаларида ҳам учратиш мумкин.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

**ИЗЗА** [a] Уялиш туйғуси; уят, хижолат. *Унинг иззаси учига тушди. Изза бўлмоқ (ёки тортмоқ)* уялмоқ, хижолат тортмоқ. *Эргаи қизарган юзини кафти билан сидириб қўйди, ортиқча қизишганидан изза бўлди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Араббой кўпчилик кулгисидан бир оз изза тортиди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Изза қилмоқ (ёки бермоқ)** уялтирмоқ. *Изза қилманг, жоним, келар йил лежовой олиб бераман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ИЗЗАТ** [a] 1 Кимсага кўрсатилган ёки кимса сазовор бўлган ҳурмат; эҳтиром. *Келин ойилари Нури учун эмас, балки қайнана иззати учун айланиб-ўргилиб кўришди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Иззати битди** иззатини билмади, кўрсатилган иззат-ҳурмат қадрига етмади. **Иззат сақламоқ** 1) айн. *иззат қилмоқ;* 2) обрў сақламоқ. *Ғуломжон тутган табуреткага [Матқовул ака] ўтирди, қўлларини қовуштириб, иззат сақлади.*

М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Иззат қилмоқ** кимсага хурмат-эҳтиром кўрсатмоқ; сийламоқ. *Иизатлар .. уни шунчалик иззат қилишар эдики, Асқар ота бу жувоннинг оддий тракторчиси-на эканига шубҳаланиб қолди.* А. Қаҳқор, Хотинлар.

2 Иззат (эркаklar исми).

**ИЗЗАТ-ИКРОМ** Баланд хурмат ва иззат, икром, эҳтиром. *Иззат-икром билан.*

**ИЗЗАТЛАМОҚ** Иззат қилмоқ, иззат-хурмат кўрсатмоқ, сийламоқ.

**ИЗЗАТЛАНМОҚ** иззатламоқ *фл. мажх. н.* Улар [меҳмонлар] суяқ ошлар, ҳолва, нишолдалар билан иззатландилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИЗЗАТЛИ** Иззати бўлган, иззат-хурматга сазовор; мухтарам, хурматли. *Иззатли меҳмон.* — Отабекнинг бу ҳолига қарши чиқувчи ва Зайнабни йўл-йўриққа солувчи яна фақат Ўзбек ойим эдики, бунинг сабаби ҳам иззатли ўқувчиларимизга бир даража маълум бўлса керак. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИЗЗАТМАНД** [a+ф-т] *кт. айн.* иззатли. *Иззатманд меҳмон.*

**ИЗЗАТ-НАФС**, иззати нафс Қишининг ўз қадр-қийматини, ўз фазилатларини сезиш ва уни қадрлаш ҳисси, нафсоният. *Иззати нафсига тегмоқ қ. тегмоқ.*

**ИЗЗАТТАЛАБ** [a] *салб.* Ўзининг иззат-хурмат қилинишини яхши кўрадиган, нафсонияти зўр. *Иззатталаб одам.*

**ИЗЗАТ-ХУРМАТ** *айн.* иззат-икром. *Иззат-хурмат қилмоқ. Иззат-хурмат билан кутиб олмақ.*

**ИЗИЛЛАМОҚ** *диал.* Бир турли чўзиқ чинқироқ овоз чиқариб елмоқ; визилламоқ, изғирмоқ. *Шамол изиллаб эсмоқда.* 1 Елдай учмоқ, ғизилламоқ. *Ғайратинг бор экан, шунда синадим. Йўлихса изиллаб қочади девлар.* «Рустам».

**ИЗИЛЛАТМОҚ** *фл.* изилламоқ *фл.* орт. н. *Совуқ шамол изиллатмоқда.*

**ИЗИЛЛАШМОҚ** *изилламоқ фл. бирг.*

4.

**ИЗЛАГИЧ** Бирор нарсани излаб топиш учун хизмат қиладиган асбоб. *Мина излагич. || Излагич дурбин.*

**ИЗЛАМОҚ** 1 Йўқолган ёки дараксиз кетган кимсани, нарсани изидан, кетидан юриб ёки сўроқлаб ахтармоқ, қидирмоқ. *Чўпон йўқолган қўйларни изламоқда эди.* — Бошим эсон, ўтиб кетди кўп йиллар. *Шакарбекни излаб, топмадим хабар.* «Ширин билан Шакар». *Индинга эрталаб она-бола йўлга чиқиб, бедарак кетган отани излаб кетдилар.* П. Турсунов, Ўқитувчи. | *Керакли кимса ёки нарсани ахтармоқ, қидирмоқ. Иш изламоқ. Она йўлига қиз излар эди.* — [Қудрат] бозорда уч кунгача овқат кўзлаб, бошпана излаб юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Кўз югуртириб ёки атрофга кўз ташлаб керакли кимсани қидирмоқ. *Хунлод қуюқ қошлари остидаги ярим очик кўзлари кимнидир излагандек қа-*

*райдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У кимнидир излаётгандек, у ёқ-бу ёғига пича аланглаб қараб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *Тимирскилаб керакли нарсани ахтармоқ. Кампир игнасини излади.*

3 Фикран чора, тadbир, йўл ва ш. к. ахтармоқ. *Баҳона изламоқ. Далил изламоқ.* — *Матчон тўра Жумагулга эришишга кўзи етмаган, уни Исфандиёрхонга инъом қилиб, унга яхши кўриниш йўларини излади.* Ж. Шарипов, Хоразм. | *Масаланинг ечилиш йўлини илмий муҳокама ва текшириш йўли билан қидирмоқ, тadқиқ этмоқ. Янгилик изламоқ. Қосмосни забт этиши йўларини изламоқ. Атомнинг ички сирларини изламоқ.*

◆ **Тирноқ орасидан кир изламоқ** қ. тирноқ.

**ИЗЛАНИШ** 1 изланмоқ *фл. иш оти.*

2 *кт.* Янгилик топиш учун ҳаракат қилиш; янгилик излаш, қидириш, ахтариш. *Ижодий изланиш. Янгилик изланишишиз бўлмайди.* — *Опоқ қороз, кичик бир қалам, Изланишда ўтиб кетар тун.* Зулфия. *Жазирама ёзда ҳам, қаҳратон қишда ҳам геололарнинг қиладиган иши асосан битта — мутасил изланиш.* «Фан ва турмуш», 1963, № 8.

**ИЗЛАНМОҚ** 1 *изламоқ фл. мажх. н.* Изланган нарса.

2 Ен-верини, чўнтақларини кавлаб бирор нарса қидирмоқ, тимирскиланмоқ. *Кампир бирор нарса йўқотгандай изланар эди.*

3 Янгилик топиш учун ҳаракат қилмоқ, янгилик изламоқ, қидирмоқ, ахтармоқ. *Чинакам санъаткор доимо изланади.*

**ИЗЛАНУВЧИ** Янгилик изловчи, ахтарувчи, қидирувчи.

**ИЗЛАТМОҚ** *изламоқ фл. орт. н.* *Кеча йзингиз .. кўзойнагингизни излатдингиз.* А. Қаҳқор, Ужар.

**ИЗЛАШМОҚ** *изламоқ фл. бирг. н.* **ИЗЛИ** Изда юрадиган. *Изли транспорт.*

**ИЗЛОВЧИ** 1 *изламоқ фл. ш. оти.* *Халқ бахтини изловчи, марксизмни пишиқ ўрганган, маълумотли курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *Тadқиқот йўли билан қидирувчи, изланувчи. Янгилик изловчилар. Изловчи олимлар.*

**ИЗМ** [a азм] *Ихтиёр, эрк.* — *Якшанба кунни тўй — деди у биркессарлик қилиб.* — *Қизингиз изми отада.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Бошқариш, идора қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи; ихтиёр. Бу ерлар колхоз измида.* — *Қурилишда мен бошлиқман, Бўриев. Маблағ ҳам, одамлар ҳам, жумладан, сиз ҳам менинг измимдасиз.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳожи бобо дўжоннинг измини менга топишиб, чиқарига кириб кетди.* Ф. Фулом, Шум бола. | *эск. Амр, фармон; ижозат. Жаноблари ҳам келдилар, элликбоши ўтирган жойидан эълон қилди ва мирзонинг измини кутди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **ИЗМ бермоқ** рухсат ёки ихтиёр бермоқ. *Хиёл қўз-*

*ғалмоқчи эди, Дадашев изм бермади.* И. Раҳим, Тақдир. **ИЗМИГА** *кирмоқ* кимсанинг ихтиёрига бўйсунмоқ. *Шонли комсомолнинг измига кириб, Тарк этмоқда қўллар уйқунди.* Зулфия. **Ўз измига солмоқ** ўз йўлига юргязиб, ўзига, ўз ихтиёрига бўйсундирмоқ. *Механизаторлар машиналарни ўз измига солиб, пахтадан юқори ҳосил олмақдалар.*

**ИЗМА** *Қийим, ёстиқ жилди ва ш. к.нинг тугма ўтказадиган тешиги. Изма очмоқ. Измасини тикмоқ.* — *Фотима занглаб, кўқариб кетган мис тугмани измадан чиқариб олиб, чўнтагига қабабди.* С. Ахмад, Отажонлар.

**ИЗМА-ИЗ** *рвш* Кимса ёки нарсанинг изидан қолмасдан, из қувиб, кетма-кет. *Жангчилар билан изма-из етиб келган шафқат ҳамшираси Эргашни кўтариб, оқолга олиб тушди.* Н. Сафаров, Сўнги нафасгача. *Изма-из чўлиб кетаётган икки қиз кўринди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ИЗМАЛАМОҚ** *Изма* ўрнини очиб, атрофини йўрмаб қўймоқ.

**ИЗН** [a] *Рухсат, ижозат. Изн бермоқ. Изн олмақ.* — *Сигирсизлар .. бирор ҳафта мардикор ишлаб, беш-ўн сўм топиб қайтиши учун изн истайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *У менинг воситамда тўйни бошлаш учун изн олгани келган экан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Шу вақтгача ўзини босиб индамай турган Ғулможон мингбошидан бир-икки савола изн сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИЗО** [a] *кт. айн.* **ИЗЗА.** *Изз бермоқ. Изз тортмоқ.*

**ИЗОЛЯТОР** [p<фр] 1 *Электр токини ўтказмайдиган модда (мас., чинни, шиша, каучук, резина).*

2 *Электр симларини изоляциялаш ва маҳкамлаб тортиб қўйиш учун шундай моддалардан ясалган чиганоқ.*

3 *Касалхона, казарма, лагерь, болалар уйи ва ш. к.да касали аниқланмаган ёки юқумли касал билан оғриган беморларни бошқалардан вақтинча ажратиб қўйиладиган алоҳида хона, жой. Беморни изоляторга ётқизмоқ.*

**ИЗОЛЯТОРЧИ** *Изоляция қилувчи ишчи. Пайвандчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Ротор кетидан изоляторчилар, сўнгара қувур ётқизувчилар .. бормоқда.* И. Раҳим, Тақдир.

**ИЗОЛЯЦИОН** [p изоляционный] *Изоляция қиладиган, ўтказмайдиган. Изоляцион лента. Изоляцион ипак радио саноатида симларга ўраш учун ишлатилади.*

**ИЗОЛЯЦИОНИЗМ** [p] *сиёс.* Дастлаб АҚШда Европа ишларига аралашмаслик широр остида майдонга келган, амалда эса Америка монополистик капиталининг агрессив сиёсатини ниқоблаш формаларидан бирига айланган реакцион буржуа сиёсий оқими.

**ИЗОЛЯЦИЯ** [p<фр] 1 *Энергия манбаини, энергия ўтказувчи сим, труба ва ш. к.ни ёки хона, асбоб ва ш. к.ни (мас., холодильникни) электр, иссиқ,*



нам, сув ва ш. к. ўтказмайдиган материал билан ўраб, қоплаб қўйиш.

2 Шундай ўрама, қоплама қатламнинг, материалнинг ўзи. *Изоляция куйиб қолибди.*

3 Бошқа беморлардан ажратиб, бўлак-лаб қўйиш. | Бошқа кишиларга аралаштирмай қўйиш, эркин алоқа қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш.

**ИЗОЛЯЦИЯЛАМОҚ** 1 *тех.* Энергия манбаини, энергия ўтказадиган сим, труба ёки хона, асбоб ва ш. к. ни электр, иссиқ, совуқ, нам, сув ва ш. к. ўтказмайдиган материал билан қопламоқ. *Кувурларни изоляцияламоқ. Симларни изоляцияламоқ.*

2 Бошқа беморлардан ажратиб, алоҳидалаб қўймоқ. | Бошқа кишиларга аралаштирмаслик, эркин алоқа қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмоқ.

**ИЗОЛЯЦИЯЛАНМОҚ** *изоляцияламоқ* *фл. мажх. н.*

**ИЗОМЕРИЯ** [р<грек] *хим.* Изомерларнинг мавжудлигини изорат ҳодиса.

**ИЗОМЕРЛАР** [р изомеры] *хим.* Химиявий таркиби ва молекуляр оғирлиги бир хил, аммо тузилиши, физик ва химик хусусиятлари бошқа-бошқа бўлган моддалар.

**ИЗОМОРФ** [р изоморфный] Изоморфизм хусусиятига эга бўлган. *Изоморф моддалар.*

**ИЗОМОРФИЗМ** [р<грек] *хим.* Химиявий таркибига кўра бир хил, кристаллик хусусияти бир-бирига ўхшаш моддаларнинг эритмадан биргаликда кристалланиб, ажралиб қолиш хусусияти.

**ИЗОТЕРМАЛАР** [р<грек] 1 *геогр.* Географик хариталарда температураси ўртача бир хил бўлган жойларни бирлаштириб турган чиқиқлар.

2 *физ.* Иссиқлик ҳодисалари диаграммаларида доимий температура остида содир бўладиган боғланишларни тасвирловчи чиқиқлар.

**ИЗОТЕРМИК** [р изотермический] *махс.* 1 Изотермаларга оид, изотермалар билан боғлиқ бўлган. *Изотермик чиқиқлар.*

2 Температураси ўзгармай, бир хилда турадиган. *Изотермик вагон.*

**ИЗОТОПЛАР** [р<грек] *хим.* Бирор химиявий элемент атомларининг бир-биридан атом оғирлиги ва радиоактивлиги билан фарқ қиладиган турлари.

**ИЗОФА** қ. *изофа(т).*

**ИЗОФАЛИ** қ. *изофа(т)ли.*

**ИЗОФА(Т)** [а] 1 *эск. кт.* Қўшиш, боғлаш, тиркаш. *Яна ўз фикри босавобларини изофа қилиб, қусур ва хатоларини мизни танбеҳ этсалар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *лингв.* Форс, араб ва баъзи туркий тиллар грамматикасида: аниқланиши билан ундан кейин жойлашган аниқловчини боғлайдиган урғусиз боғловчи элемент; ўзбекчада ундошлардан кейин «я», ундилардан кейин «й», мас. *ошиқки беқарор, шаҳри азим, боди сабо, ойнайи жаҳон, балойи нафс.*

**ИЗОФА(Т)ЛИ** *Изофа(т) воситасида* боғланган. *Изофали бирикма.*

**ИЗОХРОМАТИК** [р изохроматический] *физ.* Бир рангли, ранг-туси бир хил, бир рангдаги; бир хил ранг-тусни сезадиган. *Изохроматик фотоматериаллар.*

**ИЗОХРОН** [р изохронный] *физ.* Давомлиги жиҳатидан тенг, бир хил вақтда содир бўладиган, баравар давом этадиган. *Изохрон тебранишлар.*

**ИЗОХРОНЛИК** Баравар содир бўлиш, баравар давом этиш. *Тебранишларнинг изохронлиги.*

**ИЗОЧИЗИҚЛАР** *махс.* Харита ёки диаграммаларда сон кўрсаткичлари, мас. температура, босим, намлик даражалари ва ш. к. бирдай бўлган жойларни бирлаштирувчи чиқиқлар.

**ИЗОХ** [а] 1 Сўз, ибора ёки воқеа-ҳодиса ва ш. к. га тушунтириш; шарҳ. *Изоҳ бермоқ.* — *Зайнаб кейинги сўзларга тушуна олмаган, .. Кумушдан изоҳлар олмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Менинча, савол равшан, изоҳга эҳтиёж йўқ!* А. Қаҳқор, Мунофиқ. — *Бизнинг театар ҳали янги-да. Уста йиновчилар йўқ, — деб изоҳ бера бошладилар Абдушукур.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Текстнинг айрим ерига киритилган ёки айрим масалага берилган қўшимча маълумот, тушунтириш, эслатма, уқдириш.

**ИЗОҲЛАМОҚ** Сўз, ибора ёки воқеа-ҳодиса ва ш. к. маъносини тушунтирмоқ, унинг моҳиятини очмоқ, шарҳламоқ. *Сўз маъносини изоҳламоқ. Қонуннинг айрим моддаларини изоҳламоқ.* — *Унинг [Отабекнинг] сўзига қараганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатган экансиз, деб изоҳлади уста.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гапда эга ёки келимга эрашиб, уни изоҳлаб, аниқлаб, тўлдириб келадиган бўлақлар иккинчи даражали бўлақ дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**ИЗОҲЛАНМОҚ** *изоҳламоқ* *фл. мажх. н.*

**ИЗОҲЛИ** *Изоҳи бор, маъноси, моҳияти тушунтирилган.* *Изоҳли луғат сўзнинг маъноларини шарҳлаб, тушунтириб берувчи луғат.*

**ИЗОҲЛОВЧИ** 1 *изоҳламоқ* *фл. ш. оти.*

2 *грам.* Шахс ёки предметни бошқа бир ном бериш йўли билан аниқлаб келадиган бўлак.

**ИЗОҲОТ** [а] *эск. кт.* *Изоҳ; изоҳлар, тушунтиришлар, шарҳлар.*

**ИЗОҲТАЛАБ** [а] *Изоҳланиши, маъно ва моҳияти тушунтирилиши керак бўлган, изоҳсиз тушулмайдиган, изоҳга муҳтож.* *Изоҳталаб сўз. Изоҳталаб ибора.*

**ИЗСИЗ** 1 *Изни йўқ, без.* *Изсиз транспорт.*

2 *Асарсиз, беасар.* *Изсиз йўқолмоқ.*

**ИЗТИРОБ** [а] Қаттиқ ҳаяжон; руҳан эзилиш, сиқилиш. *Изтироб чекмоқ (тортмоқ).* — *Сен шу кунларда*

*жуда қаттиқ алам, изтиробдасан, асабинг бузуқ.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Уни танҳолик, ғариблик, йўқсизлик изтироби кемиради.* Ойбек, Қутлуг қон. **Изтиробга солмоқ** қаттиқ ҳаяжонга солмоқ; руҳан-эзоқ, сиқмоқ; бетоқат қилмоқ.

**ИЗТИРОБЛАНМОҚ** *Изтироб чекмоқ, қаттиқ ҳаяжонга келмоқ; руҳан эзилмоқ, сиқилмоқ; бетоқат бўлмоқ.*

**ИЗТИРОБЛИ** *Изтиробга солувчи, руҳан эзувчи, сиқувчи; изтироб билан тўлиб тошган.* *Изтиробли сўзлар. Изтиробли чехра.* — *Изтиробли айрилиқда жафо чека-чека севгилисиз ёнига олам тўла қувонч билан қайтман шўрлик ошиқ ёрни вафосизликда .. кўриб қандай ҳолатга тушса .. Ғуломжон ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИЗЧИ** *Изига тушиб, из қувиб топувчи, изни яхши биладиган; изқувар.* *Тажрибали изчи овиқлар.* | *тар.* Йўқолган ёки яширинган шахсни қидирувчи, уни таъбиб этиб борувчи. *Изчиларнинг сўзига кўра булар сизнинг қишлоққа келган ва шу ерда изи йўқолган.* Айни, Бухоро жаллодлари.

**ИЗЧИЛ** 1 *Бир меъёрга, бир тахлитда, бир йўналишда; мунтазам, тадрижий давом этадиган.* *Изчил тадбирлар.* | *Бу ишларни изчил равишда давом эттириш керак.*

2 *Узаро узвий ва манتيқий боғланган қонуниятларга асосланган, ичкни эъдиётлардан холи.* *Марксча-ленинча революцион изчил таълимот.* | *Бирор йўлдан оғишмай борувчи, оғишмай унга амал қилувчи.* *Изчил марксистлар. Изчил революционерлар.*

**ИЗЧИЛЛИК** *изчил с. белеи оти.* *Партиянинг ленинча бош йўлини изчиллик билан амалга оширмоқ.*

**ИЗҚУВАР** *айн. изчи.* *Полиция изқуварлари мекинг ҳам кетимеа туди.* И. Қаландаров, Шохида эмас, баргида.

**ИЗГИМОҚ** 1 *Ҳамма ёқни босиб дайдиб юрмоқ, санқимоқ. Даштда бўрилар изғийди.* — *Қани, бўлинглар! Ҳозир жўнганлар! Агентлар, жосуслар изғиб юришибди.* Ойбек, Нур қидириб. | *Умуман дайдимок, кезмок. Болалар кўчада изғиб юришибди.* — *Бир кунни каскар чиқади» ваҳимасида бутун қишлоқ чувиллаб тоққа чиқиб кетди.* *Кун бўйи тоғларда изғиб юриб, қоронғи тушганда элга қайтди.* П. Турсун, Уқятувчи.

2 *кўчма* *Бўраламоқ, изғирмоқ (изғирин, шамол ҳақида).* *Шамол(лар) сарвзорда изғийди.* Ойбек, Навоий.

**ИЗГИН** *Изиллаган, чийилдоқ овоз.* *Изгин тортмоқ* *изиллаган овоз чиқармоқ. Оҳ урганда неча сўзи, Чиқди тўп-ларнинг овози.* *Изгин тортиб йиғлади, Алимхоннинг сарвози.* Х. Абдуқарим.

**ИЗГИРИН** *Қаттиқ совуқ бўралаган шамол; изғирик; қорли уюрма. Топ томондан қор изгиричи ёсмоқда.* П. Турсун, Уқятувчи. *Болгина бир нав ёғиб турган қор энди дала ёқдан эса-*



Итган очик, изгирин билан бўралаб уриб берди. Х. Фулом, Машғал.

**ИЗГИРИНЛИ** Изгирин билан келган, қорла уюрма шамол эсиб турган; аёзли. *Кишиник изгиринли кунига қарамай, ҳамма томлар бошларида паранжи ё чопонни нари-бери ёган хотинлар, қизлар билан тўлди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ИЗГИРИҚ** айн. изгирин. *Ҳасанали ярим яланғоч ҳолда жуңжайиб дарча остида, изгирик қучоғида ўтирар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ИЗГИРМОҚ** Бўралаб эсмоқ (изгирик ҳақида).

**ИЗГИТМОҚ** изгимок фл. орт. н.

**ИЗГИШМОҚ** изгимок фл. бирг. н. *Дастурхончилар тўйма-тўй изгишарди. — Қирларда майсалар ўсма қўйган қизларнинг қошидек терилди, подалар изгишиб қолди. Ойдин, Ширинга мактуб.*

**ИЗҲОР** [а] Баён этиш, айтиш, билдириш. *Дўстлик изҳори. Миннатдорлик изҳори. Изҳор этмоқ (айламоқ, қилмоқ).* — *Мен ҳар нима бўлса ҳам, ўқишга боришимни изҳор қилдим. Айний, Эсдалиқлар. Севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этмайдилар. Шухрат, Шинелли йиллар. У шу жиламайишида ишқини менга изҳор айлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ИЙ** унд. с. 1 с. т. Ие, ийе, ийи, ийя. — *Ий, ий,— деди мулозим,— тандир ичида нима қилиб ўтирибсиз? «Латифалар».*

2 *Хавфсирашни ифодалайди. Ий, қоч, от тепиб олади! Ий, ишқилиб тушасан.*

**ИЙД** [а] Диний байрам; ҳайит. *Ийдлари муборақ! Ийд кунлари. Ийд намози рамазон ва қурбон ҳайитларининг биринчи кунни эрта билан ўқиладиган намоз. Бунда [бу масжидда] ийд ва жума намозлари ўқилмайди. Имоми — «домла шалхақ» деб от чиқарган мулла Мухсин домла. А. Қодирий, Обид кетмон. Ийди рамазон рўза тугаши билан уч кун давом этадиган диний байрам, рамазон ҳайити, катта ҳайит. Ийди қурбон катта ҳайитдан 70-72 кун кейин ўтказиладиган диний байрам.*

**ИЙДИРМОҚ** иймоқ фл. орт. н. *Кампир сигир елимини бузоққа эмизиб ийдирди. — Нури .. онасини ёлғиз учратиб, уни ийдириш учун эркаганиб, секингина мақсадини айтди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ИЙДЛИҚ** тар. Диний байрам муносабати билан домлага олиб борадиган ҳая; байрамлик. *Эски мактабларимизда болалар ҳар пайшанба нон ё ноннинг пулини олиб борадилар. Бундан бошқа бўйра пули, кўйир пули, ийдлик пули ҳам бор. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ИЙЕ** айн. ие. *Ийе, ҳали танимас экансиз-да, бу киши оқсоқолмизининг аёллари бўладилар. П. Турсун, Уқитувчи.*

**ИЙИ** айн. ие. — *Ийи! — деди афанди, қўрқмай бораверинглар. «Латифалар».*

**ИЙИНДИ** Сигир соғилгандан сўнг елинда қолган ва иккинчи марта ийдириб соғиб олинган сут. *Паттихон сигирларни оғилда боқди. Соғиш олдидан .. ийиндиларини ҳам соғиб оладиган бўлди. М. Тожихалилова, Бирн биридан ўттир.*

**ИЙИНМОҚ** иймоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

**ИЙИҚ** От, эшак каби иш ҳайвонларининг елкасида пайдо бўладиган оқма яра. || *Ийиқ от.*

◆ **Ийинги чиққан** абжари чиққан, абжақ бўлган. *Билсанг, оғайни, мен ураллик бўлман. Урал темир йўлида ишлайвериш ийинги чиққанини билсанг эди. Н. Сафаров, Уйғонни. Ийинги чиқармоқ (ёки бермоқ) абжарини чиқармоқ, абжақ қилмоқ.*

**ИЙЛАМОҚ** Эзиб ёки муштлаб юмшатмоқ, маромига етказмоқ. *Малҳамни ийламоқ. — Шербек .. кўнгни гап бўлиб уйга келганда, онаси ўчоқ бошида хамир ийлаётган эди. С. Анорбоев, Оқсой. Тери ийламоқ ошланган терини, кўнни фижимлаб эзиб юмшатмоқ. Хом терини ийласанг, ултон бўлур. Мақол.*

**ИЙЛАНМОҚ** ийламоқ фл. мажҳ. н. *Ийланган тери.*

**ИЙЛАТМОҚ** ийламоқ фл. орт. н. *Терини ийлатмоқ.*

**ИЙЛАШМОҚ** ийламоқ фл. бирг. н.

**ИЙМАНМОҚ** Уялиб, бирор андишага бориб ўзини тортиб турмоқ, мулоҳаза қилмоқ, тортинмоқ. *Эргаш бир оз ийманиб турди-ю, ростини айтди. А. Мухтор, Опа-сиягиллар. Йўлчи [ноннинг] бир бурдасини оғзига тиқса, лунжининг бир чеккасида йўқолиб кетар, патнисга кетма-кет қўл чўзаверишига ийманилар эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ИЙМОҚ** 1 *Едини юмшаб равон сут берадиган ҳолга келмоқ (соғин сигир, қўй, эчки ва ш. к. ҳақида).*

2 *Кўчма Кўнгли юмшаб, эриб мойил бўлмоқ, ҳиммати ошмоқ. Ҳимматни баланд қилинг, она! — шовқин кўтаришиди ийитлар. Лутфинисо ийиб, икки дўппи ва ўн сўм пул узатди. Ойбек, Қутлуг қон. «Энди сенинг этагингдан маҳкам тутдим, қайси йўлдан бошласанг ўзинг биласан» дегандан кейин Қодир жуда ийиб кетди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз чигтақ.*

**ИЙЯ** айн. ие. *Ийя! Аблах, бошқа гап қуриб қолдимиз? Ойбек, Қутлуг қон.*

**ИК** диал. Ик, лук.

**ИКИР-ЧИКИР** 1 Катта бир нарсадан кичик бир қисми, майда-чуйда элементлари ёки тафсилоти. *Икир-чикригача ўранмоқ.* || *Икир-чикир гап майда-чуйда, арзиманга гап. Икир-чикир иш майда-чуйда, арзиманга ишлар. Анзират хола йиртиқ-ямоқ ва ҳар хил икир-чикир ишлар билан машғул бўлиб, кечгача Сидиқжоннинг олдидан жилади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 *Майда-чуйда нарсалар. Турмуш икир-чикирлари. — Уйлаб қараса, ..*

*уйга чиққанда кўнни жуда катта кўринган бу ташвиш ҳозир кундалик икир-чикирлар қаторига кириб қолибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ИККАЛА** жамл. сон Икки киши ёки икки нарса бирдан, ҳар иккиси барабарига. *Иккала томон келишди. Иккаламиз бордик. Ҳар иккаласи ҳам келди. — Қори бирдан иккала қўли билан бошига урди-ю, ҳўнграб, ўзини Урмонжоннинг оёғига ташлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ИККАМ** [асли икки кам] с. т. Санокда йигирмадан юқориги ўзли сонлар олдидан қўшилиб миқдорга иккита етмаслигини англатади, мас. *иккам ўттиз (яъни йигирма саккиз), иккам олтмиш (яъни эллик саккиз).*

**ИККИ** с. т. сон 1 2 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Икки киши. Икки уй. Ун иккидан иккинчи олмақ. Саккизга иккинчи қўшмоқ. Иккимиз ҳам борамиз. — Чол газабланди, кампир иккиси уришди. «Эртақлар». Бирн икки бўлмайди қ. бир.*

2 *Беш балли баҳо системасида қониқарсиз, ёмон баҳо. Инишдан икки олибди. Икки баҳо қўйибди.*

◆ **Икки гапнинг бирида** гап орасида, ҳа деб, тез-тез. *Режиссёримиз .. икки гапнинг бирида «таббир жойиз қўрилса» деб туради! А. Қаҳҳор, Санъаткор. Икки дунё бир қадам қ. дунё 1. Икки оғиз гап (ёки сўз) қ. оғиз. Икки эллик қисқа, кичик (хат ҳақида). Икки кўлни бурнига суқиб (ёки тикиб) қ. бурун 1.*

**ИККИЕКЛАМА** (тўғриси икки ёқлама) қ. ёқлама.

**ИККИЛАМЧИ** 1 диал. Иккинчи. *Иккиламчи гапим шуки, ... | Иккинчи бор, иккинчи марта. — Бор синфинга, иккиламчи бевманлик қилма,— деди директор [Тўлага]. М. Исмоилий, Бизнеснинг роман.*

2 *Бирор процесс ёки ҳодиса жараёнида иккинчи ўрин тутадиган, иккинчи даражали.*

3 *Филос. Материядан кейин унинг ҳосиласи сифатида юзага келган. Материализм табиётга тамоман мувофиқ ҳолда материяни бирламчи деб билади, онг, тафаккур, сезгини эса иккиламчи деб ҳисоблайди. В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.*

◆ **Иккиламчи ўрама физ.** электр машина ёки трансформаторнинг индукцияланган ток ҳосил қилувчи иккинчи ўрамаси.

**ИККИЛАНМОҚ** Қатъий бир фикрда турмай айнайвермоқ, ҳардамхаёл бўлмоқ, тараддулланмоқ. *У «гуруч солсаммикан, солсаммикан», деб иккиланди. Х. Фулом, Машғал. Қоровул чол идорида мажлис бўлаётганини айтган эди, остонада бирдан ўйғаниб, кириш-кирмаслигини билмай иккиланди. С. Аҳмад, Хукм.*

**ИККИЛАНТИРМОҚ** иккиданмоқ фл. орт. н.

**ИККИЛИК I** Ё у ёқлик, ё-бу ёқлик бўладиган, яхши томонга ҳақ бўлиши гумон.

**ИККИЛИК II** 1 Икки дона холи, сурати бўлган (карта ҳақида). Таппоннинг иккилиги.

2 Икки мисрала (шеър банди, байт ҳақида).

**ИККИНЧИ тартиб сон** 1 Тартиб ўрни 2 рақами билан белгиланган; 2 номерли. *Иккинчи том. Иккинчи уй. Иккинчи қатор.*

2 Маълум тартибдаги предмет, воқеа-ҳодиса ва ш. к. қаторида энг олдингидан кейинги ўринда турган, биринчидан кейинги. *Иккинчи синф. Утган асрнинг иккинчи ярмида.* — Далага биринчи кун 52, иккинчи кун 79 .. одам чиқди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.] Санаб ўтилган, зикр қилинган, кўрсатиладиган ёки кўзда тутилган предмет, воқеа-ҳодисаларнинг кейингиси. *Уларнинг иккаласи ҳам яхши ўқийди, лекин иккинчиси шўхрок.* — Улар бир-бирлари билан ўқакшгандай, хурракни даража-бадаража оширишига тиришади: бирисиники авжга минганда, иккинчиси бошлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Қайта, қайтадан, бошқа марта. *Бас, уятсиз махлуқ! .. Қим уни заҳарлайди? Бу гапни ман иккинчи эшитмай.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИККИНЧИДАН кириш** с. Гапда санаб ўтиладиган предмет, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг иккинчисини кўрсатишда «иккинчиси шуки», «яна бири шуки» каби маъноларни билдиради. — *Бойвачча, — [деди] .. эликбоши, — биринчидан, халққа нуқул фойдали иш, .. иккинчидан юрт тинчийди, учинчидан номингиз кўтарилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИККИТА** дона сон 1 Икки (саноқда). *Битта, иккита, учта ..*

2 Икки дона, икки нафар. *Иккита одам. Иккита уй.* — *Мирзаев шошиб қолиб, бир куннинг ўзида Латофатхонга иккита хат ёзди.* А. Қаҳҳор, Қўж конверт.

**ИККИТАДАН тақс.** сон Икки донадан, икки нафардан, иккита-иккита. *Иккитадан бермоқ. Иккитадан олинелар.* | Икки кишидан бўлиб. *Иккитадан сафга турмоқ.*

**ИККИТАЛИК** Ҳар бири икки донадан иборат бўлган.

**ИККИЮЗЛАМА** 1 Унг-териси бир, икки тёмони ҳам бир хил. *Иккиюзлама шойи.*

2 *Кўчма* Унга бошқа, бунга бошқача сўзлайдиган; икки томонга икки хил муомала қиладиган; мунофиқ, рибкор. *Иккиюзлама одам.*

**ИККИЮЗЛАМАЛИК** иккиюзлама 2 с. *белги оти.*

**ИККИЮЗЛАМАЧИ** с. т. айн. иккиюзлама 2.

**ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК** иккиюзламачи с. *белги оти.*

**ИККИҚАТ** с. т. Ҳомиладор; бўғоз. *Иккиқат аёл.*

**ИККОВ жамл.** сон Икки киши ёки иккита нарса. *Иккови ҳам келди.* — *Икки танқидчи ялт этиб бир-бирига қаради ва бу қарашда икковининг ҳам кўнелидан бир гап ўтди: «бола ҳам шундай ўжар бўлади!»* А. Қаҳҳор, Ўжар. *Хўрозни уялтирди бу сўзим, жанжал босилди, ярашиб олди.* Иккови ахил бўлишиб қолди. И. Муслим.

**ИККОВЛАШМОҚ** Икки киши бир бўлиб барабар ҳаракат қилмоқ. *Ярим кечадан ўтганда Омон уяғотди. Икковлашиб оёқ учи билан оғилхонага кирдик. Ф. Гулом, Шум бола. Орадан кўп ўтмай, икки фаррош арк дарвозасидан югуриб чиқиб, икковлашиб ҳалиги занжирни кўтариб, йиғиштириб, бир томонга элиб қўйдилар.* Айний, Эсдаликлар.

**ИККОВЛОН бирг.** сон Икки киши бўлиб, икки киши биргаликда. *Қайтадан қўл ушлашиб, Семурғ билан хушлашиб, Ажралдилар икковлон.* Ҳ. Олимжон, Семурғ.

**ИККОВОРА** Икки кишига битта, икки кишига бир лагандан (тўй, зиёфат ва ш. к. да меҳмонларга тортилган ош-таом ҳақида). *Ош икковордан тортилди. Икковора-икковора бўлиб олаверинелар.*

**ИКРА** [р] 1 Балиқ уруғи.

2 Шу уруғдан тайёрланган яхна овқат. *Тухум, икра, ёғлиқ шўрва, қазми ва мол ёғини кўп истеъмол қилиш атеросклезроз касаллигининг ривожланишига сабаб бўлади.* Ғ. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

3 Тўғралган бақлажон, пиёз, помидор ва ш. к.лардан тайёрланган қовурма овқат.

**ИКРОМ** [а] 1 *кт.* Ҳурмат, иззат. *Қилган иззат ва икромларингиз учун раҳмат!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Икром (*эркаклар исми*).

**ИКС** [р<лат] 1 Латин алфавитида охиридан учинчи «Х» ҳарфининг номи.

2 *мат.* Шу ҳарф билан ифодаланган номаълум сон, миқдор. *Иксни топмоқ.* **ИКСИР** [а] Урта аср кимёгарлари тасавурида ҳамма нарсани олтинга айлантира оладиган афсонавий тош.

**ИЛА** *кт.* 1 *биркт.* боғ. Билан, бирлан. *Бой ила хизматчи.* — [Кумуш] .. мактубни ўқиб тамом қилди-да, жонсиз бир товуш ила «уятсиз» деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўм.* Бирга, билан бирга.

**ИЛАКМОҚ** *диал.* Илашмоқ.

**ИЛАЛАБАД** [а] *реш.* *кт.* Абадий, бир умрга. *Мен аркони давлат ва амирлар билан ҳазилашмоқни илалабад тарк этдим.* Ойбек, Навоий.

**ИЛАНГ-БИЛАНГ** Эгри-бугри, у ёқ-бу ёққа эгилган, бурилган. *Мастон иланг-биланг йўлни қолдириб мўлжалланган тепаликка қараб тикка йўл солди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

**ИЛАС-ИЛАС** *реш* Ғира-шира, эс-эс. *Бу воқеа илас-илас ёдимда.*

**ИЛАШМОҚ** 1 Илинб ёпишиб ол-

моқ, ёпишмоқ, илакмоқ. *Унинг этакига пахта илашибди. Яхшига илак илашур, ёмонга тикан.* Мақол. | Ёпишиб тушмоқ, мос келмоқ, қовушмоқ. — *Гапласам ҳам, худди бироз оёғим учини босиб тургандек бўлади. Сўзим— сўзимга илашмайди, — деди Комилжон.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

2 Хира бўлиб эргашиб юрмоқ, эргашмоқ. — *Пулмни олдириб қўйдим. Ёнимда мана шу шум йигит илашиб юрган эди...* — деди Султон, бир қосиб йигитни кўрсатиб. Ғ. Гулом, Шум бола.

◆ Кўзга илашмоқ кўринмоқ.

**ИЛАШТИРМОҚ** илашмоқ *фл. орт. н.* *Ғиёсиддин ёшиғиди оёғига илаштирган лойни ҳали ҳам сўдраб юрибди. Қайга борса, қаерга кирса ифғос қиладди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ИЛВАСИН** Овланган ёки овланадиган парранда. *Илвасин ови. Илвасин ёўшти.*

**ИЛВИРАМОҚ** Ёйринг олиб, ириб кетмоқ. *Яраси илвираб кетибди.*

**ИЛВИРАТМОҚ** илвирамоқ *фл. орт. н.*

**ИЛВИРС** 1 *зоол.* Ёввойи мушукларнинг бир тури, баланд тоғларда яшайди.

2 *кўчма* Сездирмай пайт пойлаб келадиган одам ҳақида.

**ИЛГАК** 1 Илиб, осиб қўйиш ёки илиб беркитиб қўйиш учун хизмат қиладиган, бир уч қайрилган металл мослама, илмоқ. *Эшикнинг илгаги. Ёйитни илгакка осиб қўймоқ.* — *Пўлатжон ўртадаги сепояда туриб, симга илгак солиб, тортди-да, ҳодага маҳкам боғлаб кейин қўйиб юборди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Тугмалаш, қадаш, беркитиб қўйиш учун хизмат қиладиган мослама. *Палатонинг илгаги.*

3 Учида илмоғи, чангаги бор асбоб: чангак. *Челакни илгак билан тортиб олмақ.*

**ИЛГАКЛАМОҚ** Илгакни илиб беркитмоқ, маҳкамламоқ. *Эшикни илгаклаб кел.*

**ИЛГАРИ** 1 Ўтган вақтлар(да), хозирги вақтдан олдин; аввал, бурун: бошда, дастлаб. *Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Олға томон; илгарига, олд томонга. *Ўлган, ярадор бўлганларга қарамай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, тоши бўронни кучайтирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қудрат билан Ғуломжон ҳам бир неча одим илгари юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўм.* (ч. к. билан) Олдин, бурун, аввал. *Байрамдан илгари. Бундан икки ой илгари.* — *Ҳадича хола одатдагича, кеча ва ундан илгари қандоқ тушлар кўргани .. тўғрисида тинмай жавраб, сунага қизил шолча ва янги лас кўрпача солди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ИЛГАРИГИ 1** Ўтмиш вақтдаги, ўтмишда бўлиб ўтган, яшаган; аввалги, бурунги, қадимги. *Илгариги вақтлар. Илгариги одамлар.*

2 Яқин ўтмишдаги, яқинда бўлиб ўтган; бошдаги, даслабки. *Уч дақиқали курашдан сўнг, Мутал бўшади, илгариги кучанишларидан қолди ва бир-икки даффа тўлганиб жимгина жон берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Илгариги кун кечаги кундан олдинги кун, ўтган кун.*

3 айн. **СОБИҚ**, **КОЛХОЗИНГ** илгариги раиси.

**ИЛГАРИГИДАЙ**, **ДЕК** *рви* Аввал бошда қандай бўлса шундай, ўзгаришсиз. *Аҳвол илгаригидай. Улар илгаригидек иноқ бўлиб кетишган.*

**ИЛГАРИГИЛАР** Илгари ўтган кишилар, аждодлар, ота-боболар, қадимгилар. *Бу илгаригилардан қолган гап. Илгаригилар шундай деган экан.*

**ИЛГАРИГИЧА** айн. илгаригидай.

**ИЛГАРИДАН** *рви* 1 Ўтган вақтлардан; аввалдан, азалдан. *Акам ёиллик қилгандир, ҳам ўзи унча-мунча гапни кўтармайдиган йиғит, илгаридан феъли шундоқ. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 айн. **ОЛДИНДАН**. *Илгаридан тайёрлаб қўймоқ.*

**ИЛГАРИЛАМОҚ** 1 Илгари қараб юрмоқ, олға томон ҳаракат қилмоқ, силжимоқ. *Сувонжон ҳамон олдинда қоматини букиб, боши билан бўронни сузиб, елкалари билан ёриб илгариларди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Олдинга ўтиб кетмоқ, ўзмоқ. *У биздан анча илгарилаб кетди.*

**ИЛГАРИЛАР(И)** Илгариги вақтларда; бурун, қадим. *Илгарилар одамзод оёғи етмаган ерлар энди бог-бўстон бўлди.*

**ИЛГАРИЛАШМОҚ** 1 илгариламоқ *фл. бирг. н.* Овчилар хийла илгариларди.

2 айн. **ИЛГАРИЛАМОҚ**. *Жуда яқин туюлган базмга етиши учун хийла йўл юришди. Илгариланган сари базмининг бутун дабдабаси аниқроқ сезилиб, Ерматни безовта қилаверди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИЛГАРИЛАШТИРМОҚ** илгарилашмоқ *фл. орт. н.*

**ИЛГАРИТДАН** Илгаридан, азалдан, бурундан.

**ИЛГИЧ** Илиб олиш учун ишланган асбоб; илмоқ.

**ИЛДАМ** Тез ҳаракат қиладиган, бошқалардан тезроқ юрадиган; чаққон. *Илдам йиғит. Қўли суст косибдан оёғи илдам гадой яхши. Мақол. — Қарам читтак — кичкина, лекин ҳаракатлари чаққон ва илдам бўлганидан, ёилликда шундай лақаби бор эди — ҳазир кимсан — Мирзакаримбой. Ойбек, Қутлуғ қон. Рўпарадаги кўркам уйлардан яхши кийинган, ранглари тоза, серғайрат ва илдам аёллар қўллариди идишлари билан қозон бошига қатнаб турибдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Умурзоқ аканинг сабри чидамади, гўё шу офатнинг йўлини тў-*

*сишга отлангандай, илдам қадам бошда чиқиб кетди. Ҳ. Назир, Сунмас чақмоқлар.*

**ИЛДАМ-ЖИЛДАМ** Тез ҳаракат қиладиган, тез юрадиган, чаққон. *У илдам-жилдам йиғит. || Илдам-жилдам иш қилмоқ.*

**ИЛДАМЛАМОҚ** Тез олға бетмоқ; илгари юрмоқ, илгарилаб кетмоқ; тезлашмоқ. *Илдамлаб олдинга бормоқ.*

**ИЛДАМЛАТМОҚ** илдамламоқ *фл. орт. н.* *Элмурод .. гурур билан қадамларини илдамлатди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ИЛДАМЛАШМОҚ** 1 илдамламоқ *фл. бирг. н.* *Улар пахтазор томон илдамлашди.*

2 айн. **ИЛДАМЛАМОҚ**. *Қишлоқ кўчаси товонларини куйдиргандек жангчиларнинг одимлари ўз-ўзидан илдамлашди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

**ИЛДАМЛАШТИРМОҚ** илдамлашмоқ *фл. орт. н.* *Ишни илдамлаштирмоқ. Қадамларни илдамлаштирмоқ.*

**ИЛДИЗ** 1 Ўсимликнинг ердан сув ва ўғит моддалар олиб берадиган ер ости қисми; томир. *Илдиздан кўрарган дарахт. — Қайрағоч, теракларнинг илдизи ер бағрига қаттиқ синган. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Тиш, соч, тирноқ кабиларнинг тери ёки эт орасида жойлашган қисми, томири. *Тишининг илдизи.*

3 *кўчма* Бирор нарсанинг асоси, негизи. — *Колхознинг кучи қалай, довуғи қалай? — Колхознинг илдизи жойида. Ойбек, О. в. шабадалар. | Келиб чиқиш жойи, манбаи, замини. [Элмурод:] Менинча, [бойларнинг] ҳаммасининг илдизи бир. Ҳаммаси кишиларни бир-бирига қарши қўйишга қаратилади! П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг .. исм аъмолдан маълумки, илдизи қадимги зодагонларга бориб уланади. Ҳ. Фулом, Куба ҳақида хикоялар. Илдиз отмоқ (ёки ёймоқ) 1) илдизи хар томонга ўсиб, бақувват тортмоқ (ўсимлик ҳақида); 2) *кўчма* томир ёйиб кенг тарқалмоқ, ҳамма ёқни эгалламоқ. Бу ҳол ҳамма ёққа илдиз ёйган. Илдизига болта урмоқ қ. болта. Илдизини қуритмоқ таг-томири билан йўқотмоқ.*

4 *мат.* Маълум бир даражага кўтарилганда, ўз-ўзига кўлайтирилганда берилган сонни ҳосил қиладиган сон; радикал. *Тўққизнинг квадрат илдизи — уч. Илдизини топмоқ.*

◆ **Илдиз қувмоқ** 1) томирини, келиб чиқиш манбаини ахтармоқ; 2) наслдан-наслга ўтмоқ, суяк сурмоқ.

**ИЛДИЗЛАМОҚ** Илдиз ёймоқ, илдиз қўйиб ўсмоқ.

**ИЛДИЗМЕВА** Баъзи ўсимликларнинг озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган ер остки қисми.

**ИЛДИЗМЕВАЛИ** Илдизмева берадиган. *Илдизмевали ўсимликлар.*

**ИЛДИМ-ЖИЛДИМ** *с. т. кам қўлл.* Илдам, илдам-жилдам, чаққон. *Ҳасанча ёмон йиғит эмас, илдим-жилдим, билмадим, нима сабадан ўртоқ Қо-*

*билвога ёқмаётган экан. С. Маҳкам, Дала тонги.*

**ИЛДИРИЛМОҚ** илдиримоқ *фл. мажх. н.*

**ИЛДИРМОҚ** илмоқ 1 *фл. орт. н.* **ИЛЖАЙИШМОҚ** илжаймоқ *фл. бирг. н.* *Улар бир-бирларига қарашиб илжайишдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ИЛЖАЙМОҚ** Овоз чиқармай лаб ва кўз ҳаракати билан кулги нфода қилмоқ, мийинида кулмоқ. *Обиджон акасининг ёнида ўтириб нима қилишини, нима дейишини билмас, дам-бадам унинг елкасини ушлар ва илжияр эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинон.*

**ИЛИГУЗИЛДИ** Кўр-қут тугаган, ҳали ҳеч нарса пишмаган пайт. *Айёрбой [Солибой] қиш ва илгузилди — баҳор кезларда ўн бордон галлини деҳқонларга бўлиб бериб, кузда яна йигирма бордон қилиб йиғиб олар эди. Ё. Шукуров, Қасос.*

**ИЛИК** 1 Суяк ичидаги ёғсимон мода. *Кўйнинг илици. Илик мойи. Илик қоқмоқ. — Хотин ишласа-ку, сатта иликка палов қилар эйиқку-я. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.*

2 Болдир суяги. *Ҳа, кўчага чиқмайсан, эшитдингми? Ҳой бола! Илигингни синдираман-у, касалингни боқиб ўтираверман. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. | Мол оёқларининг суяги. Махсум еб тозаланган илқини аста дастурхонга қўйди-да, ҳаяжон ичида бақрайиб ўтирган Бобоқулга тикилди. С. Анорбоев, Оқсой.*

◆ **Илиги тўқ** бақувват, хол-қудратли. *Устим бутун, илигим тўқ. Илиги қуримоқ (ёки пучаймоқ) хол-қудратдан кетмоқ, тинка-мадори қуримоқ. Шунақа, эшон, деҳқон қишин-ёзин ишлайди-ю, куза бориб илиги қурияди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Гофир:] Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам силларга ялинмайман. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ИЛИ-МИЛИҚ** Бир оз иссиқ, илиқ-милиқ. *Бирданига чўлнинг ҳавоси ўзгарди, эрта куз бўлишига қарамай, эсиб турган или-милиқ шабада ўрнига қандайдир димоққа хуш ёқадиган, бошлардан эсётган ёқимли шамол кела бошлади. С. Аҳмад, Чўл бургути.*

**ИЛИМОҚ** 1 Бир оз иссиқ. *Сув илди.* — *Осмонимиздаги булутлар тарқалиши билан, танамиз илдийди, жонимиз тинчиди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

2 Сал қўйилиб пишмоқ (тухум ҳақида).

◆ **Ичи илимади** кўнгли тўлмади; хотири жам бўлмади. *Сира кўнглим чопмас бу юришинга. Сира ичим илимайди қилган ишинга. «Едгор».*

**ИЛИНАРЛИ** Қўлга киритгудай; қўлга олса, яратса бўладиган; яровли. *Этиқнинг оёққа илинари жойи қолмабди. Қўлга илинари ҳеч нарса йўқ.*

**ИЛИНЖ** Умид боғланган нарса, кимса. *Бунда менинг ҳеч илинжим йўқ. Унинг шу қизда илинжи бор экан. — Кунлардан бир кун Зокирхўжа қасосб*

**Абдурасулдан от сўрайди.** Абдурасул дндан *эйшит қарз олиш илинжи бўлаганидан айўқ* дёлмайди. П. Турсун, Уқитувчи. Қиз умид билан кўтарган бошчасини яна ёстиққа қўйди. Нон илинжида чақнаган йирик кўллари маъюс юмилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИЛИНМОҚ 1** илмоқ I фл. ўзл. ва мажх. н. Кўчада кетаётган бир хотиннинг юпқа хитойи зонти қўлидан учиб кетиб, парашютдай лананглаб борди-да, бир дарахтага илинди. Х: Назир, Сўнмас чақмоқлар. Деворий гаэталарнинг имтиҳонга бағишланган янги сонлари илинди. С. Зуннунова, Янги директор.

2 Кўлга тушмоқ, тўғри, дуч келмоқ. Қўлига илинган бир каскани кийиб олди, қўлини бўш сезиб, милтиқни эслади. Ойбек, Кўёш қораймас.

3 Домга, тузоққа тушмоқ, тутилмоқ. Тузоққа бедана илинди. Қармоққа балиқ илинди. Қопқонга тулқи илинди. — [Тулқи:] Балойи нафс учун охир сунундим. Келиб сайёд домга мен илиндим. «Масал». | кўчма Кўлга тушмоқ. Муғомбир тумшугидан илинар. Мақол.

4 Бир нарсани (мас., овқат ёки кийимни) ўзи ишлатмай энг яқин кишига бермоқ ёки атаб сақлаб қўймоқ. Майна дастурхондаги паловни Верага, комбат билан комиссарга илинди. Ш. Тошматов, Эрк қўши.

5 Сиемоқ, кирмоқ. Узук бармоққа зўрға илинди. Этик оёғининг учига ҳам илинади. Оёққа илинадиган оёққа кийса бўладиган.— Мен пул берай, шу атрофдан оз-моз дуруст, оёққа илинадиган бир нарса топиб беринг,— Йўлчи мурожаат қилди Қора Аҳмадга. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Мухтожлик сезмоқ, мухтож бўлмоқ. Бир оз пулга илиниб турибман.

7 Аранг етиб олмоқ, етиб келмоқ. Кечки пазеда илиндим.

◆ **Кўзга илинмоқ 1)** кўзга ташланмоқ, кўринмоқ, илганмоқ. Емгир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) кўтарилиб, обрў орттириб, маълум, машхур бўлиб қолмоқ. Ишда ҳам Назаров тез кўтарилди. Саидғози бўлса чеккада кўзга илинмай қолиб кетаверди. С. Анорбоев, Оқсой; 3) эътиборни ўзига тортмоқ. Қизалоқ кўзга илинадиган бўлиб қолибди. Кўзи илинди кўзи уйқуга кетди. Кўзи энди илинганда сапчиб ўрндан туриб кетар, болалари устини ёпиб қўяр, кейин девордаги соатга қарарди. С. Абдуқахор, Кўзлар. Пичоққа илинадиган бирор нарса учун маъқул бўладиган, ярайдиган, яроқли. Пичоққа илинадиган ҳеч нарса йўқ. Тилидан (ёки гапидан, оғзидан, сўзидан) илинмоқ гаёришуурий равишда гапириб, айтиб қўйиб, қўлга тушмоқ, сирини очмоқ. [Мирзақул:] Бой ота, .. мен Суярни терговчи тўранинг олдига олиб борай. Бир умрида тергов-

чига сўров бермай юрган одам ўз талидан илиниб ўлтирмасин. Н. Сафаров, Уйғониш.

**ИЛИНТИРМОҚ** илинмоқ 1, 2, 3, 6 фл. орт. н. Тузоққа бедана илинтирмоқ. Қармоққа балиқ илинтирмоқ. Пулга илинтирмоқ. — Саидғози Хўжабековни тузоққа илинтирган бўлиши ҳам мумкин. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Кўз илинтирмоқ** бир оз ухлаб, мизғиб олмоқ.

**ИЛИНЧОҚ** Кишини тутиб, боғлаб турадиган нарса ёки кимса. Менинг бу жойда ҳеч илинчоғим йўқ.

**ИЛИТИЛМОҚ** илитмоқ фл. мажх. н. Илитилган сув. Илитилган тухум.

**ИЛИТМОҚ 1** Бир оз иситмоқ, илиқ-милиқ қилмоқ. Сувни илитмоқ.

2 Иситиб сал пиширмоқ (тухумни).

◆ **Кўнглини (ёки қалбини) илитмоқ** бировнинг кўнглини иситмоқ. «Фақат мени кутади», деб юрибди Норматинг. Эҳтимол шу ишонч унинг қалбини илитиб юргандир. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИЛИҚ 1** Бир оз иссиқ, илиқ-милиқ. Илиқ сув. Илиқ шабада. — Тантана кунни ҳам етиб келди. Бу — Улуғ Октябр революциясининг 12 йиллиги арафаси — кўзнинг очик ва илиқ бир кунни эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 кўчма Ёқимли, хуш келадиган. Илиқ сўз. Илиқ суҳбат. Илиқ муомала. — Ошиқ йигитларнинг кўзлари ва илиқ табассуллари ҳақида зимдан ўйлаб яна ўзидан-ўзи уялиб кетарди. Ш. Тошматов, Эрк қўши.

**ИЛИҚ-ИССИҚ 1** Унча иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас, бир оз иссиқ, аммо ёқимли. Эрта баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланди. С. Ахмад, Хукм.

2 кўчма айн. илиқ 2. Ҳаяжондан, бедорликдан мадори қуриган аёлни юпатадиган юшиоқ муомала, илиқ-иссиқ сўз керак эди. Н. Шаламова, Хурматга лойиқ.

◆ **Илиқ-иссиғида** вақти ганиматда, қулай фурсатда; ўз вақтидан ўтказмай, фурсатни қўлдан бермай.

**ИЛИҚЛИК** илиқ с. бели оти. Чолининг қиёфасида кишини ўзига тортувчи аллақандай илиқлик бор эди. Ф. Мусажонов, Пушаймон.

**ИЛИҚ-МИЛИҚ** с. т. Бир оз илиқ, или-милиқ.

**ИЛИҚМОҚ 1** Шаҳвоний нафсни қондириш иштиёқида эргашмоқ (ит ҳақида).

2 дағл. Бирор хотинга хирс қўймоқ. Бойнинг бошқарувчилари орасида оймисан ой, кунмисан кундай Бибиқатча деган қиз бўлар эди. Аллонбийнинг шунга илиққан йиллари икки хотини бирдан ўлди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**ИЛК 1** Энг аввалги, дастлабки, биринчи. Қўёшнинг илк нурлари. Шоирнинг илк шеърлари. | Бошланғич. Кишилик тарихининг илк даври. — Шербек студентлик ҳаётининг илк дам-

ларида ўзини худди қафасдаги қишга ўхшаши ҳис этди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Эрта; эртаги. Илк баҳор. — Илк саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кунларнинг бирида қўёш энди тиг ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш икки отлиқ чиқиб келаверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИЛКИС(ДАН)** рви, диал. Кутилмаганда, тўсатдан, беҳосдан. Тонгга яқин Дилбархон ўрнидан илкис турди-да, шошиб эрини уйғотди. Х. Тўхтабоев, Садоқат. Э ёронлар, қизи қурсин, .. илкисдан бировга қўнғил бериб, бўзариб турган кўзи курсин. «Равшан».

**ИЛЛАТ [а]** 1 Тандаги дард, касаллик, хасталик. Дала ҳавоси .. бутун иллатни хамирдан қил суғургандай тортиб олади. Ойбек, Қутлуғ қон. Докторга ҳам қаратдик, қизим, доридармон ҳам қилдик. Иллат сунда. П. Қодиров, Қадрим. | Жисмоний ёки рухий камчилик, нуқсон, айб. Қизнинг оёғида бир иллати бор.

2 кўчма Бирор ишга, ҳолга сабаб бўлган бузуқлик, бало, офат. Мана, иллат қаерда: айб оби-ҳавода эмас, айб меҳнат интизомининг йўқлиғида! Уйғун, Навбахор. | Умуман камчилик, нуқсон. Унинг ҳамма юккасалардан иллат қидириши, обрўси ортан ҳар бир ҳамқасбига танқид кўзи билан қарани шундан эди. П. Қодиров, Уч илди. | Гуноҳ, айб. Бўйида иллати борнинг оёғи қалтирайдди. Мақол. — Такаббурилик кишининг юзига чиққан бир иллат .. Уни кесиб ташлаш керак. С. Маҳкамов, Дала тонги.

**ИЛЛАТЛИ** Иллати, дарди ёки айби, камчилиги бор; нуқсонли. Ёмон иллатли одам.

**ИЛЛАТСИЗ** Иллати, дарди ёки айби, камчилиги йўқ; бенуқсон.

**ИЛЛО [а]** боғл., кт. Бироқ, аммо. Қелганингиз маъқул, илло ўзи жуда чарчаб қолган-да, четдан дуо қилиб турсанингиз ҳам кифоя, ука. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ИЛЛО-БИЛЛО [а]** Ҳеч, сира, асло; худо ҳаққи. Илло-билло бу гапни мен гапирганим йўқ.

**ИЛЛОЗИОНИЗМ** [р<фр] филос. Моддий дунё фақат зохирий кўрнинидан, иллюзиядан иборат деб ҳисобловчи гайриилмий, субъектив-идеалистик дунёқараш.

**ИЛЛЮЗИЯ [р<фр]** 1 Сезгиларнинг алданиши натижасида борлиқни, воқеликни нотўғри гидрок қилиш; зохирий, хаёлий нарсаларни тўғри деб қабул қилиш.

2 Амалга ошириб бўлмайдиган режа, пуч, хом хаёл.

**ИЛЛЮМИНАТОР [р<лат]** Кема ва самолётларнинг маҳкам бекиладиган, сув ўтказмайдиган тўгарак дарчаси.

**ИЛЛЮМИНАЦИЯ [р<лат]** Катта байрам ва тантаналарда бино ва кў-

чаларни, майдонларни ранг-баранг чироклар, ёниб турадиган ёзувлар билан безатиш.

**ИЛЛЮСТРАТИВ** [р иллюстративный] Иллюстрация учун хизмат қиладиган. *Иллюстратив мисоллар.*

**ИЛЛЮСТРАТОР** [р] Китоб, журнал ва ш. к. текстига мослаб расм чизувчи рассом.

**ИЛЛЮСТРАЦИЯ** [р<лат] 1 Китоб, журнал, газета ва ш. к. даги текстни, асар мазмунини тушунишга хизмат қиладиган расм, сурат.

2 Намунали мисол, далил.

**ИЛМ** [а] 1 Кишининг ўқиш, ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида орттирган билими; маълумот, дониш. *Илм даражаси. Илм олиш ҳуқуқи.* — Иброҳимов .. тўхтаб қолган гапини давом эттирди: — Шунақа, Урмонжон ака, мақсадим — иллим етганча, қўлимдан келганча сизларга хизмат қилиш, ундан кейин Тошкентга бориб яна ўқиш,— деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Зокир ота нима дейишини билмай, бир оз туриб қолди, давом этди: — Илми болаларни ўқитишга етса етар, лекин катталарни ўқитишга етмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 айн. фан. *Илм аҳли. Илм — игна билан қудуқ қазичи. Мақол.* — Янги мактаблар очиб .. тарих, ҳисоб каби илмлардан ҳам таълим берайлик. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИЛМА** Ипни чаптиштириб, илиб тикиш усули ва шу усулда тикилган нарса. *Илма чок. Илма тикиш.*

**ИЛМ-АМАЛ** с. т. этн. Кишини бировдан «совутиш» ёки бировга «иситиш» учун қилинадиган амал. Э, энди билдим: [Сидиқжоннинг] онаси ўлгур ҳам бир илм-амал қилган, уни мендан совутган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ИЛМА-ТЕШИК** Тешик-ёриги кўп, ҳамма ёғи тешик-ёриқ. *Илма-тешик челақ. Уқ ёмғири деворни илма-тешик қилибди.* | Йиртилиб, тигилиб кетган, ҳамма ёғи йиртиқ, жулдур. *Илма-тешик қоп.* — Илма-тешик бир паранжини келтириб, йўлчиға тутқазди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИЛМИЙ** [а] 1 Илм-фанга оид, илм-фанга асосланган. *Илмий асар. Илмий ҳулоса.* | Илм-фан билан шуғулланувчи, тадқиқот ишлари олиб борувчи. *Илмий текшириш институти. Илмий даража илм-фан соҳасида мустақил ишлай олишни кўрсатувчи фан доктори ёки фан кандидати даражаси.*

2 Ўқишга, ўқиш-ўқитиш ишларига оид. *Илмий бўлим. Илмий мудир.*

**ИЛМИЙ-ОММАВИЙ** Фан ва техника ютуқлари билан оммавий формада таъинштирувчи. *Илмий-оммавий лекциялар.*

**ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ** Техникавий фанларга оид. *Илмий-техникавий адабиёт. Илмий-техникавий терминология.*

**ИЛМЛИ** Илм бор, ўқиган, маълумотли. *Илмсиз бир яшар, илмли мине яшар. Мақол.*

**ИЛМ-МАЪРИФАТ**, илму маърифат Илм ва маърифат, оғн-билим. *Илм-маърифат олмоқ.* — Не бахтдир бу илму маърифат билан Тошкентни Москва қайтадан қуриш. Ф. Ғулом.

**ИЛМОҚ** I 1 Мих, қозик, илгак ва ш. к. га осмоқ, осиб қўймоқ. *Илмоқ .. бошидан қалпоғини олиб қозикқа илди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Отилан ёки юқоридан тушаётган нарсани ерга туширмай қўл билан ушламоқ, тутмоқ. *Тўғни илмоқ. Олмани илиб олмоқ.* — [Қудрат] Қўзибойнинг бемўлжал отган тошини сакраб илман деган ерида шақ этиб тушириб юборди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Илиб кетмоқ** олиб кетмоқ, олиб қочиб кетмоқ. *Бургут қўзичоқни илиб кетди. Илиб олмоқ* 1) ушлаб, тутиб олмоқ (ҳаводат нарси). *Тўғни илиб олмоқ;* 2) қўйма дарҳол тушуниб олмоқ, фаҳмламоқ. *Индан ҳориб-толиб чиққан Шоқосим чала-чулла эшитса-да, маънони тез илиб олди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Сўзни илиб кетмоқ** бировнинг оғзидан гапини олиб давом эттирмоқ. *Тўғонбек бир ҳикояни битириб, бошқаларни ўйларкан, Биноий сўзни илиб кетди.* Ойбек, Навоий.

3 айн. **кйймоқ** 1. Чопонни елкага илмоқ. — Ғуломжон апил-тапил кийимларини кийди, оёқларига кавушларини илди. М. Исмоний, Фарғона т. о.

◆ **Кўзга (ёки назар(и)га) илмайди қ. назар** I.

**ИЛМОҚ** II 1 Илиб олиш, илиб кўтариш учун ишлатиладиган темирдан ёки дарахтнинг бутогидан ясалган хонаки айри асбоб; илгак.

2 *қўйма* Гапнинг замиридаги киноя, шама ёки ғараз.— Минебоши бу қочиримдан ҳеч бир илмоқ сезмади, лекин бу қочирик уни яна ҳам очиб юборди,— деди Шокиржон. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

3 *қўйма* Тўғоноқ, гов. *Ишга илмоқ солмоқ.* | Тузоқ, дом. *Илмоқ солмоқ.*

**ИЛМОҚДОР** айн. **илмоқли.** Унинг илмоқдор шўҳ сўзлари юракларни тўлқинлантирар, гур-гур кулги кўтарар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ИЛМОҚЛИ** 1 Илмоғи, илгаги бор. *Илмоқли занжир.*

2 *қўйма* Замирида киноя, шама ёки ғараз бўлган. *Илмоқли гап.* — У ҳар қалай ўз фикрини айтиб қўйишини лозим топиб, ҳамроҳига илмоқли савол ташлади. Х. Ғулом, Машғал.

3 *қўйма* Тузоқли, тузоғи, домъа бўлган. *Қаршибоев тинелар мажлис фикрини. Узича илмоқли бир режа қураб.* Ж. Жабборов, Тоғлар садоси.

**ИЛМОҚСИЗ** I Илмоғи, илгаги йўқ. 2 *қўйма* Беғараз, тўғри. *У илмоқнинг илмоқсиз гапи йўқ.* Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

**ИЛМПАРВАР** [а+ф+т] Илмни севадиган, илм-фаннинг ривожини учун қурашувчи; маърифатпарвар. *Хусайн Бойжаро ҳазратлари ҳам шоир, ҳам илмпарвар эмишлар.* Ойбек, Навоий.

**ИЛМСИЗ** Илми, маълумоти йўқ;

ўқимаган, нодон. *Илмсизга иш йўқ, билимсизга ош.* Мақол. — Ғарчи Анварга халис қиймат бермақчи бўлганда ҳам, буни Сафар каби илмсиз, нодон бир кишига тушунтирмоқ учун қандай ҳажат бор эди? А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Илм-фан ёрдамисиз, илм-маърифатга эришмаган, таянмаган. *Илмсиз тажриба — боши берк кўча. Мақол.* — Илмсиз, маърифатсиз янги турмуш қуриб бўлмайди, албатта. Х. Ғулом, Машғал.

**ИЛМСИЗЛАРЧА** рвш Илмсиз кишиларга хос бир равишда; нодонларча. *Илмсизларча ҳаракат. Илмсизларча иш тутмоқ.*

**ИЛМСИЗЛИК** илмсиз с. белги оти. *Илмсизлик қоронғилик эканини билсангиз, ўқинг деганда, менинг олдимга ёғоч от миниб келармидингиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ИЛМ-ФАН**, илму фан Илм ва фан(лар).

**ИЛМ-ҲУНАР**, илму ҳунар Илм ва ҳунар(лар).

**ИЛОВА** [а] Айтилган гапга, изҳор қилинган фикрга ёки бирор асарга қўшимча тарзда айтилган ёки берилган нарса, қўшимча изоҳ. *Қарорнинг иловаси. Китобнинг иловаси. Асарнинг охирида иловаси бор.* — Эшик олдига чиқиб турган Сайфулла отасининг гапига илова қилди: — Бунга одам қилиб бўлмайди! П. Турсун, Ўқитувчи. | Китоб, газета, журналга қушиб чиқарилган алоҳида китоб ёки китобча. *«Огонёк» журналининг иловасига обунга бўлмоқ. Китобча адабиётлар рўйхатини илова этмоқ.*

**ИЛОВАЛИ** Иловаси, қўшимчаси бор. *Иловали журнал.*

**ИЛОЁ** [а] унд. с. с. т. Истакни кучайтириш учун ишлатилади.— *Илоё эрим ўлсин, шу ерда ҳам мени ёлғиз ташлаб кетибди-да!* — деди.. Холжон хола. Ғайратий, Довдираш.

**ИЛОЖ** [а] I кт. Даво чораси, муолажа, даво. *Қасалликнинг иложини топмоқ.*

2 Тадбир, чора; имкон. *Бунинг иложи борми? Келмасанг, иложни йўқ. Бир илож топмоқ. Илож борича ҳаракат қилмоқ.* — Ойимни бориб кўриб, иложи бўлса, ўзимиз билан бирга бу ерга олиб келамиз,— деди Ботиралӣ. Х. Ғулом, Машғал. *Элмурод Гулсум билан жуда кўп гаплашигиси келар, лекин ҳеч иложини тополмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Иложим қанча?** нима ҳам қила олар эдим?, қўлимдан нима ҳам келар эди, на чора?

**ИЛОЖСИЗ** Илож, чораси, имкони йўқ; чора, тадбир топиб бўлмайдиган; ноиллож, чорасиз. *Иложсиз аҳвол. Иложсиз қолмоқ.* — Инсон иложсиз бир қийинчиликка дуч келгандан ҳар томондан ўзини юпатиш йўлини ахтарайди. Айний, Эсдаликлар. *У аҳоли яшайдиган қай бир пунктни, қай бир шаҳарчани мўлжаллаб унга тўғри йўл бешламасин, бир ордан кейин иложсиз тўхтарди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ИЛОЙИМ** унд. с., с. т. Илоё, илоҳим. Эшон кўзларини пириллатиб, тасдиқлади: — Ҳа, ҳа, бор эди.. Кейин.. қочиб кетди. Кўр бўлсин, илойим! П. Турсун, Уқитувчи. [Холисон:] Илойим паранжи курсин, мени шундай қора кунларга солди. Ҳамза, Холисон.

**ИЛОН** 1 Сударалиб юрувчи, оёқсиз, кўзларида қовоқлари бўлмайдиган жонивор. Бўғма илон. Заҳарли илон. Заҳарсиз илон. Кўзойнакли илон. Оқ илон. Сув илон(и). Қора илон.

2 Мучал йил ҳисобида олтинчи йил номи; мор. илон йили мучал йил ҳисобида олтинчи йил (қ. мучал).

◆ **Илон изи** эгри-бугри, иланг-биланг. Илон изи йўллар. Илон изи чиқиқ. — Қизлар ичида ҳали тўғри чокни илон изи қилиб тиқувчилар йўқ эмасди. У. Назаров, Замон. **Илон пўст ташлайди** ҳеч чнда бўлмайд (ноўрин, ноҳўра гап, иш ҳақида). Бу гапларга илон пўст ташлайди. Ер тагида илон қимирласа биладиган ҳамма нарсани дарҳол фаҳмлаб оладиган, жуда ҳам зийрак. Ер тагида илон қимирласа билдиган базоз шохардоги ҳамма воқеалардан хабардор эди. М. Осим, Утзор.

**Илондан** — илон, чаёндан — чаён ёмондан ёмон тугилади маъносида ишлатиладиган мақол. Илоннинг ёғини ялаган қ. ёғ.

**ИЛОНБАЛИҚ** 1 Бир турли узун балиқ.

2 Шу балиққа ўхшаш денгиз жонивори.

**ИЛОҲ** [а] Худо, оллоҳ.

**ИЛОҲА** [а] Хотин қиёфасидаги худо, санам; маъбуда. Диана — қадимги Рим мифологиясида ов илоҳаси.

**ИЛОҲИ** [а] унд. с. Илоё, худоё. Ўғлим бўлса шундоғ бўлар эди-да, менадан кейин ҳамма давлатим шунки, илоҳи омон бўлсин! А. Қодирий, Утган кунлар.

**ИЛОҲИЁТ** [а] Худо ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи; теология.

**ИЛОҲИЙ** [а] дин. Худого, илоҳиётга онд, худонинг қудратига боғлиқ, деб тасаввур қилинадиган. Илоҳий куч. — Сиз билан биз дину шариатнинг илоҳий қувватига ҳеч шак келти, майлик, бу гапни, қўйинг, тақсир. П. Турсун, Уқитувчи.

**ИЛОҲИМ** унд. с. с. т. Илоё, илоҳи, худоё. Қоп-қоп олтин, кумуш тўкиб олса арзийдиган қизсан. Илоҳим, бахтли бўл. Ойбек, Қутлуг қон.

**ИЛТИЖО** [а] Худога, илоҳий кучга сўғиниб планоҳ тилаш. [Умуман яланиб-ёлвориб, ўтиниб сўраш; ўтинчли илтимос. Илтижо этмоқ (қилмоқ)]. — Шунча кишининг илтижосини ерда қолдириш ўзи ярамаслик. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Кўзинени тикма об-ҳавога, У қулоқ солмас юз илтижога. М. Раҳмон. Мард қилмайдн нолиш, илтижо! — Ватан меҳри дилга бўлса жо. Ё. Мирза.

**ИЛТИМОС** [а] Бирор муддаони қондириш ҳақида кимсага қилинган мурожа-

ат, сўров. Сиздан илтимос шуки, қишлоқдаги воқеаларга кўз-қулоқ бўлиб туринг. Х. Ғуллом, Машғал. Петька Уховнинг илтимосига кўра, ..«Гаяля тўғрисида қўшиқни айтиб берди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ИЛТИМОСНОМА** [а+ф-т] Илтимос хати. Франция ва бошқа мамлакатлардан.. юз минглаб ампула дори сўралган илтимосномалар келиб турибди. М. Яхёев, Оламга машҳур кимёгар.

**ИЛТИМОСЧИ** Илтимос билан мурожаат қилган киши, илтимоси бор шахс. Анвар бу кейинги илтимосчилардан гоҳ аччиғланиб, гоҳ кулар, ҳар ҳолда, бир неча дақиқали ваъдалар билан уларни жўнат унча эси кетар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ИЛТИФОТ** [а] Кишига қилинган марҳамат, ҳиммат, диққат-эътибор, яхши муносабат. Илтифот этмоқ (кўрсатмоқ). Бизга ҳам бир илтифот этинг! — Шунча эътибор, шунча илтифотга қарамай, Нури зериккан қони хомуш ўтирди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ИЛТИФОТЛИ** Кишига илтифот этадиган, марҳаматли, ҳимматли. Илтифотли одам.

**ИЛТИФОТСИЗ** Кишига илтифот қилмайдиган, ҳиммати йўқ; ҳимматсиз. Илтифотсиз одам. — Илтифотсиз қушбеги маҳкамасига кирдим. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ИЛТИФОТСИЗЛИК** илтифотсиз с. белги оти. Тўйибу қизига илтифотсизлик билан бир қараб қўйди-ю, жавоб бермади. С. Зуннунова, Гулхан.

**ИЛҒАМОҚ** (фақат бўлишсиз ф-да ва «кўз» сўзи билан) Кўра олмақ, кўрмоқ (узюқдаги ва майда нарсаларни). Бу нима, менинг кўзим илғамаяпти? Кўз илғамас (илғамайдиган). — Унинг кўзлари теваарак-атрофда нима содир бўлаётганини илғашдан ожиз. И. Раҳим, Ихлос.

**ИЛҒОР** 1 тар. Қўшиннинг олдинги қисми, авангарди.

2 кўчма Ишда, сафда олдинда борувчи, пешқадам. Пахтачилик илғорлари.

**ИЛҒОРЛИК** илғор с. белги оти. Илғорлик роли. Илғорликни сақлаб қолмоқ.

**ИЛҲАК** [а] Умидворлик билан кўз тутиб кутувчи; муштоқ, мунтазир, интизор.— Муҳаррамни олиб чиқ! Бегимиз илҳақлар,— деди юзбоши. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. **Илҳак бўлмоқ** бирор нарса ёки кимса илннжида ҳақ деб турмоқ, муштоқлик билан кутмоқ. Касаллик, ўлим тўғрисидаги гап тугаб, хушчақчақ суҳбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акрамжон Мастура бошлаган аскияни илиб кетди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**ИЛҲОМ** [а] 1 Ижодий ғайрат ва завқ жўш урган ҳолат, кўтаринки ижодий руҳ. Менга илҳом келиб турибди. Илҳом билан ёзмоқ. Шеърни зўр илҳом билан ўқимоқ. Илҳом бермоқ (бағишламоқ). — Табиатни яшнатиб, гўё ҳаммани янгидан тирилтирган баҳор

унинг танига ҳам янги ғайрат ва илҳом бағишлади. П. Турсун, Уқитувчи. **Илҳом олмақ** айн. илҳомланмоқ. Табиатдан илҳом олмақ. Илиқ табрик сўзлардан илҳом олмақ.

2 Илҳом (эркаклар исми).

**ИЛҲОМБАХШ** [а+ф-т] Кўтаринки ижодий руҳ бағишловчи, илҳом берувчи. Илҳомбахш сўзлар.

**ИЛҲОМКОР** [а+ф-т] кам қўлл. айн. илҳомбахш. Илҳомкор сўзлар. — Мустафо Содиқ узюқ тарихий даврларда.. шеър бобида донг чиқарган илҳомкор шоирлар устида сўзлади. Ойбек, Нур қидириб.

**ИЛҲОМЛАНМОҚ** Кўтаринки ижодий руҳ касб этмоқ, илҳом олмақ. Табиат манзараларидан илҳомланмоқ.

— [Режиссёр:] Биз колхоз тўғрисида асосий матълумотларни олдик, дегин буларнинг ҳаммасини кўзимиз билан кўришимиз керак, токи илҳомланайлик. А. Қаҳҳор, Қартна.

**ИЛҲОМЛАНТИРМОҚ** илҳомланмоқ фл. орт. н. Янги ғалабалар сари илҳомлантирмоқ. — Мавлонов билан бўлган суҳбат Элмуродни илҳомлантирди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ИЛҲОМЧИ** Кўтаринки ижодий руҳ, илҳом бағишловчи, илҳом берувчи. Сен халқларнинг халоскори, Илҳомчиси, раҳбари. Октябрь, халққимизни Етиштирдинг зафарга. Уйғун.

**ИМ** Бош иргатиб ёки юз, кўз, қош, қўл ҳаракати билан қилинган ишора, имо. Им қоқмоқ. — «Алиф» ўтиб, «лом» ёзилар «ми» билан, Бир-бирингга гап қотасан им билан. «Равшан». Навбатнинг олдида турган машина шофёри кабинадан бош қижарди-да,.. Тургунбой Дадажоновга тарозибон ийгитни кўрсатиб им қоқди. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. Отасининг юзида аччиғланиш сезган Раъно Анварга «нима гап?» деган каби им қилган эди, Анвар кўз қисиб, арзимасанлик ишорасини берди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ИМДОД** [а] кт. Мадад етказиш; кўмак, ёрдам. Имдод сўрамоқ. Имдод этмоқ. — У [Отабек].. умрликка Марғилон билан видолашмоқчи эса-да, бошқа бир кимса унинг кўз йнгида кўрингандек ва безона, раҳмсиз бир ишгитнинг қучоғидан қутулиш учун ундан имдод сўрагандек бўлар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ИМЗО** [а] Кишининг ўз қўли билан ёзилган фамилияси; қўл. Буўруқда директорнинг имзоси бор эди. Имзо чекмоқ (қўймоқ). — Мулла Обид ва партия яеийкаси Берди Шодиев имзоси билан район партия қўшиқсига рапорт ўйлайдилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Низомиддинов арзизини имзо чекадиган жойини кўрсатди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ИМЗОЛАНМОҚ** Имзо қўймоқ, ўз имзоси билан тасдиқламоқ. Буўруқни имзоламоқ. Шартномани имзоламоқ.

**ИМЗОЛАНМОҚ** имзоламоқ фл. мажҳ. н. Шартнома имзоланди.



**ИМЗОЛАТМОҚ** имзоламоқ *фл. орт. н.* Хужжатларни имзоламоқ.

**ИМЗОСИЗ** Имзоси йўқ, имзо қўйилмаган, имзо қўйиб тасдиқ этилмаган. Буйруқнинг имзосиз нусхаси. Сизнинг устингиздан бизга, бошқа идораларга имзосиз аризалар ёғилаётинти А. Қаххор, Қўшчинор. **Имзосиз хат** имзо қўйилмаган, автори кўрсатилмаган хат; аноним хат.

**ИМИ-ДИМИ** Наридан-бери, қўл учидан қилинган. *Ими-дими иш.*

**ИМИ-ДИМИДА** *рвш* 1 Наридан-бери, қўл учидан, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» зайлида. *Ими-димида иш қилмоқ.*

2 Илқ-иссиғида, фурсатни қўлдан бермай. *Ишни ими-димида қилмоқ.*

**ИМИ-ЖИМИДА** *рвш* 1 айн. **ИМИ-ДИМИДА**. *Ими-жимидида кийиниб ҳовлига чиқди-ю, полиз ичида пиёз юлаётган дадасини кўрди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Довруқ солмасдан, ҳаммага кўз-кўз қилмасдан, енг ичида. *Бу қиз нима иш қилмасин, ими-жимидида ба-жарар, бўлар-бўлмас нарса учун дунёга доврүк солиб юришни ёқтирмас эди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ИМИЛЛАМОҚ** Сузлик билан иш, ҳаракат қилмоқ, иш-ҳаракатда суз бўлмоқ, судралмоқ. *Мунча имиллайсан? Имилламай тезроқ бўлсанг-чи!*

**ИМИЛЛАШМОҚ** *имилламоқ фл. бир. н.*

**ИМИРСИЛАМОҚ** айн. **ИМИЛЛАМОҚ**.

**ИМКОН** [а] Бирор иш, мақсад, талаб ва ш.к.ни амалга ошириш, юзага чиқариш, бажариш учун зарур ёки қулай шарт-шароит; имконият. *Элмурод.. Эргашини.. қидирса, сўраб суриштирса топарди, аммо бунга имкон қани.* П. Турсун, Уқитувчи. *Ҳозир тўппа-тўғри жўнаш учун ҳеч қандай имкон йўқ.* Гулнор ҳориган, кийими йўқ, Ойбек, Қутлуг қон. **Имконим қанча!** на чора, илож қанча. **Имкондан ташқари** имкон етмайдиган, имкони, имконияти йўқ. **Имкондан ташқари иш.** Имкондан ташқари талаб. **Имкон бермоқ** бирор иш, мақсад, талаб ва ш. к.ни амалга ошириш, юзага чиқариш учун йўл бермоқ, шарт-шароит яратмоқ.

**ИМКОНИЯТ** [а] Зарур ёки қулай шарт-шароит; имкон. *Бизда ҳоннинг ҳар томонлама йўшини учун ҳамма имкониятлар яратилган.* ■ Қолхозда мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишга ва йўқ имкониятларни яратишга нимага тўққинчилик қилаётгани тўғрисида гапириб кетди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Амалга оширишнинг имкони бўлган. **Имкониятни ҳаққатга айлантирмоқ.**

**ИМКОНСИЗ** Имкони йўқ; имкондан ташқари, амалга ошириб, юзага чиқариб бўлмайдиган. *Яни командир — капитаннинг боши нодир бош экан. Бўлмаса, бу ерни эгасилардан бир ҳафтада ҳам тозалаш имконсиз эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ИМЛАМОҚ** Имо билан чақирмоқ. *Бектемиров.. одамлар орасидан чолни топиб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб ёнидан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Хукм. *Олимов.. қўли билан болаларни имлади-да, чўққининг остида гор каби ўйилган бир ерни кўрсатди.* Қ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | **Им қоқиб** имо-ишора қилмоқ, кўрсатмоқ. *Кампир жой солаётиб Ҳайдар отага яна «айтинг, хатни берсин» деб имлади.* А. Қаххор, Асрор бобо. *Ёввойи каптардан каттароқ тўқ кул ранг каклик уларнинг ёнидан ўтиб кетди.* Шербек Нигорага имлаб кўрсатди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ИМЛАШМОҚ** *имламоқ фл. бир. н.* Йўлчи билан Ўроз кўзлари билан имлашиб, унинг кўнгли учун, суҳбатни қизитишга тиришадилар. Ойбек, Қутлуг қон.

**ИМЛИҚ** *грам. эск.* Ундов сўз, ундалма.

**ИМЛО** [а] айн. **орфография**. Ўзбек тили имлоси. *Имло қоидалари. Имло хатоси.* | *эск.* Ёзув, графика. Гага чечан, эски имлода.. ҳар қандай хат ишларини бошқарадиган қишлоқ советининг котиби бўлмиш бу кишини одамлар анча ҳурмат билан мулла Алимқул деб аташарди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ИМЛОВИЙ** [а] Имлога, орфографияга оид. *Имловий хато. Имловий тузатишлар.*

**ИММАНЕНТ** [р *имманентный*] *филос.* Бирор ҳодисанинг ички хусусиятларига хос, унинг ички табиатидан келиб чиқадиغان. **Капиталистик ишлаб чиқаришнинг имманент қонунлари.**

**ИММУНИТЁТ** [р *<лат*] 1 *биол., мед.* Организмнинг юқумли касаллик билан оғримаслик, касал юқтирмаслик хоссаси. **Табиий иммунитет. Сунъий иммунитет.**

2 *юр.* Давлат учун алоҳида мавқега эга бўлган айрим шахсларга нисбатан қонуннинг баъзи бир моддаларини истисно қилиш. **Дипломатик иммунитет.**

**ИМО** Бош иргатиб ёки юз-кўз, қош, қўл ҳаракати билан қилинган ишора, им. *Имо билан чақирмоқ. Имо билан билдирмоқ. Имо қилмоқ.* ■ *Михаил Иванович унинг сўзларидаги ёки кўзларининг имосидоги ва қўлларининг ҳаракатидаги маъно ва оҳанг бойлигига гўё завоқлангандек разм солар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ғулмжон кутилмаган таширфнинг маъносига тушунса ҳам, болаларни қўл имоси билан турғизди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Гуландом «сиз биласиз» деган каби, қоши билан чиройли имо қилди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ИМО-ИШОРА** Имо ва ишора(лар). **Имо-ишора тили** *лингв.* нутқ товушларисиз, имо-ишора билан фикр англа-тиш.

**ИМОМ** [а] 1 Намозда жамоатнинг олдида туриб намозни бошқарувчи, уларни ўзига иқтидо эттирувчи шахс;

руҳоний, домла. *Масжид имоми. Маҳалла имоми.*

2 **Исло** пешволарининг унвони.

3 **Имом** (эркаклар исми).

**ИМОМАТ** [а] Имом иши, машғулот; имомлик.

**ИМОМАТЧИЛИК** *с. т.* Имом иши, имомлик, имомат.— *Сиз имом эмас-мидингиз? — деб сўради у одамдан.*— *Мен,— деди у,— инқлобнинг бошидан бери имоматчиликни ташлаганман.* Айний, Қуллар.

**ИМОМАТЧИЛИК** айн. **ИМОМАТЧИЛИК.** *Менинг бу гапим кўллarga маъқул туиди ва мени имоматчиликдан озод қилдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари.

**ИМОМЛИК** *имом с. мавҳ. от.* **Имомлик қилмоқ. Имомликка ўтмоқ** жамоат олдига ўтиб, намозни бошқармоқ. **ИМОМЧА** Мадрасада имомликка тайёрланаётган муллавачча.

**ИМОН** [а] 1 *дин.* Худого бўлган ишонч, эътиқод. *Имонига, динига мустаҳкам покиза одам бор жойдан ажина юз чақирим нарига қочармиш.* С. Аҳмад, Хукм. — *Ҳазилингиз курсин! — деди [Норқўзининг хотини] чирокчи паст-латаётиб, — кишининг имонини қочиради.* А. Қаххор, Майиз емаган хотин. **Имон келтирмоқ** «Лоилоҳа» оятини ўқиб, худого ишонч-эътиқод билдирмоқ. *Эшон .. бўғилиброк давом этди.*— *Йўқ, банданинг иши ҳақ таолога имон келтирмоқ!* П. Турсун, Уқитувчи. *Бу одамлар худого эртаю кеч ибодат қилар, ҳар бир сўзда унга имон келтирар.. эдилар.* П. Турсун, Уқитувчи. **Имонни ютмоқ** (ёки **йўқотмоқ, сотмоқ**) 1) худого ишончни йўқотмоқ, диндан қайтмоқ; 2) *кўчма* виждонини сотмоқ, виждонсизлик қилмоқ.

2 Умуман ишонч, эътиқод. *Николин душманни улоқтириб ташлаша энди имони комил эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ИМОНЛИ** 1 *дин.* Имони бор, худого, динга ишонадиган, эътиқодли, художўй.

2 *кўчма* Ҳалол, виждонли.

**ИМОНСИЗ** 1 *дин.* Худого ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган; даҳрий.

2 Виждонфуруш, ярамас, разил. [*сўк.* Виждонсиз, диёнатсиз.— *Ҳой имонсиз чол, Мирзахайдар акани нега қўшасан? — деди кимдир орқадан.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ИМОРАТ** [а] Катта уй, бино. *Ғишт иморат. Темир-бетон иморат.* ■ *Зебихон Адолатни айлана қилиб солинган катта оқ иморатнинг бир хонасига бошлаб кирди.* С. Зуннувова, Гулхан. *Биронта иморат йўқ. Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган.* А. Қаххор, Олтин юлдаз.

**ИМОРАТСОЗ** [а+ф+т] **Иморат** қурувчи ишчи, уста. **Иморатсоз уста.**

**ИМОРАТЧИ** айн. **иморатсоз.** *Иморатчи уста.*

**ИМПЕРАТОР** [p < lat] Монархия давлатларида монархнинг, империя подшоҳининг унволи ва шу унвога эга бўлган шахс. *Хитой императорлари. Россия императори.* — Бу тўғрида императори аъзамнинг катта амалдорларидан бўлиб, ... жаноби олийини хизматларига кирган бу меҳмонлар, — Петров тўра ва Исқандар тўра гапириб берадилар. Айний, Куллар.

**ИМПЕРИАЛИЗМ** [p < lat] Капитализмнинг энг юқори ва охириги босқичи (бу босқичда йирик капиталистик монополиялар ҳукмронлик қилади, капитализмнинг барча зиддиятлари сўнг даражага етади, бозор ва хомашё манбалари учун ўзга мамлакатларни босиб олиб эксплуатация қилиш ниятида кураш авжига миниб, капитализмнинг ҳалокати тезлашади). *Биз Фарбий Европада империализмнинг чиримқоё эканини кўриб турибмиз. В. И. Ленин, Шарқ халқларнинг II Бутуроссия съездидаги доклад.*

**ИМПЕРИАЛИСТ** [p] Империализм сиёсатини юргизадиган йирик капиталист. *Иблис империалистлар уруш оловини ёқиб, халқларни қон ва ўлжима фарқ қилмоқчилар. Ойбек, Нур қидриб.*

**ИМПЕРИАЛИСТИК** [p империалистический] Империализмга оид. *Империалистик қарама-қаршиликлар. Империалистик давлатлар. Империалистик урушлар.*

**ИМПЕРИЯ** [p < lat] 1 Мустабид ҳоким, император бошчилиқ қиладиган йирик монархияли давлат. *Улуғ Карл империяси.*

2 Мустамлакаларга эга бўлган йирик империалистик давлат. *Буюк Британия империяси. — Большевикларнинг қўлига тушган ҳар бир ўқ герман империясини яралиши мумкин. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ИМПОРТ** [p < англ] Бирор мамлакатга чет эллардан мол ва капитал келтириш ва шундай молнинг, капиталнинг ўзи; *акси экспорт.* || *Импорт моллар. — Машиналар ҳамда бошқа мураккаб асбоб-ускуналарга бўлган бироз вҳтиёжнинг ҳам қарийб ярмиси импорт ҳисобига қондирилар эди. «СССР иқтисодий географияси».*

**ИМПРОВИЗАТОР** [p] Олдиндан тайёрланмасдан, лозим келган вақтнинг ўзида шеър айтиб юборувчи, куй яратувчи ёки нутқ сўзловчи киши; бадиҳагўй.

**ИМПРОВИЗАЦИЯ** [p < итал] Олдиндан ҳозирланмасдан, лозим келган пайтнинг ўзида шеър, куй, музыкали пьеса ижод этиш. | Шундай асарнинг ўзи; бадиҳа.

**ИМПУЛЬС** [p < lat] 1 Бирор иш, ҳаракатга туртки берувчи ички сабаб. *Минерал сув таркибида бўлган турли қўзғатувчиларнинг терига таъсири марказий нерв системасига борувчи импульсларни пайдо қилади.* Фан ва турмуш, 1962, № 10.

2 физ. Ҳаракат миқдори (жисм мас-

саси ва тезлиги кўпайтмасига тенг бўлган миқдор).

**ИМТИЁЗ** [a] Ҳамма учун белгилангандан ортиқ ҳақ-ҳуқуқ, шароит, енгиллик. *Қишлоқ ўқитувчилари учун белгиланган имтиёз.*

**ИМТИЁЗЛИ** [a] Ҳамма учун белгилангандан ортиқ ҳақ-ҳуқуққа, имтиёзларга эга бўлган, енгиллик берилган. *Имтиёзли темир йўл билети. Имтиёзли диплом ўқув юртини аъло битирганларга бериладиган диплом. Элмурод институтини имтиёзли диплом билан татомлади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ИМТИЁЗСИЗ** Имтиёзи йўқ, енгиллик берилмаган.

**ИМТИҲОН** [a] 1 Ўқув юртларида ўқувчиларнинг ўқув программаларида белгиланган билимини қанчалик ўзлаштирганлигини текшириш, сўраб, сынаб кўриш. *Давлат имтиҳони. Институтга кириш имтиҳони. Имтиҳон комиссияси. Имтиҳон бермоқ (топширмоқ). Имтиҳон оломоқ.* — Бир томонда ёзи имтиҳонлар ҳам яқинлашиб қолибди. С. Зуннунова, Янги директор.

2 Умуман синов, текшириш. *Бу савол ўзига ишонарли жавоб талаб қилиш билан қилса, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб келинаётган бир асос мантқиқга имтиҳон ҳам эди. М. Исмоний, Фарғона т. о. Имтиҳон қилмоқ сынаб кўрмоқ. Сергей Қобилни яна бир бор сынаб кўришга, унинг виждонини.. сўнги марта имтиҳон қилишга қарор берди. Х. Фулом, Маъшғал.*

**ИМТИҲОНСИЗ** Имтиҳон олмай ёки топширмай; беимтиҳон. *Институтга имтиҳонсиз кирмоқ.*

**ИН** Қуш, ҳашарот ва ҳайвонларнинг яшаш, бола очиш учун қурган жойи; уя. *Арининг ини. Тулкининг ини. Яхши сўз билан илон индан чиқар. Мақол.*

◆ **Инига** (ёки **ин-инига**) **кириб кетди** қўрққанидан ўзини панага тортиди, ҳеч ким тополмайдиган жойга бекинди. *Полиция маҳкамасининг миззаси Тожиҳон Турсунхўжа ўғлининг.. келиши билан одамлар ин-инига кириб кетар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. Сичқоннинг ини минг танга қ. сичқон. Сичқон сизмас инига, галвир боғлар думига қ. сичқон.*

**ИНВАЛИД** [p < lat] Касаллик, кексалик ёки бирор шикаст орқасида меҳнат қобилиятини йўқотган киши, майиб; мажруҳ. *Меҳнат инвалиди. Улуғ Ватан уруши инвалиди.*

**ИНВАЛИДЛИК** инвалид с. белги оти. *Вақтинча инвалидлик. Инвалидлик пенсияси.*

**ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ** [p] Қорхона, муассаса, хўжалик ва ш. к.нинг мол-мулкни, ускуна ва ашёларини ҳисоблаб, санаб кўздан кечириб рўйхатга олиб чиқиш. *Инвентаризация акти. Инвентаризация қилмоқ.*

**ИНВЕНТАРЬ** [p < lat] 1 Қорхона, муассаса, хўжалик ва ш. к.га қарашли мол-мулк, асбоб-ускуна, ашё-анжомлар. *Қишлоқ хўжалик инвентари. Жонли инвентарь от-улов, қорамол, парранда ва ш. к.*

2 Шу хилдаги мол-мулкнинг тўла рўйхати. *Инвентарь тузмоқ. Инвентарга олмақ.*

**ИНВЕРСИЯ** [p < lat] лингв. Гапда сўзларнинг одатдаги тартибини бузиб, ўринларини алмаштириш.

**ИНГ** тақл. с. Чақалоқнинг йиғисига ўхшаш овоз ҳақида. *Инге демоқ. Инге деган овози чиқмади. «Инг» йўқ, «жинг» йўқ* индамасдан, жимгина, сўзсиз. *«Нурки» Дадамда бир малай бор.. Қорни тўқ, эни бутун бўлса бас. «Инге» йўқ, «жинг» йўқ ишлайверади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИНГА** тақл. с. Чақалоқ йиғиси ҳақида. *Темир йўл ишчилари турадиган тунука томи умумий ётоқхонанинг чеккадаги хонасидан гўдак ингаси. Ҳадянинг алласи эшитиларди. Ў. Тошматов, Эрк қуши.*

**ИНГА-ИНГА** инга с. тақр.

**ИНГАЛАМОҚ** Инга-инга тарзида овоз чиқариб йиғламоқ (чақалоқ ҳақида). *Бирдан бошқа бир овоз эшитилди: кимдир тез-тез гапирди; дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб ингалайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИНГАЛАТМОҚ** ингаломоқ фл. орт. н.

**ИНГАЛЯТОР** [p] 1 Ингаляция учун қўлланиладиган асбоб, қурилма.

2 Ингаляция йўли билан даволаш хонаси, кабинети.

**ИНГАЛЯЦИЯ** [p < lat] Буг ёки газга айлантилган дорилардан нафас олиб даволаниш усули.

**ИНГИЛЛАМОҚ** айн. ангилламоқ. **ИНГИЧКА** 1 Қўндаланг кесими жуда кичик. *Ингичка ип. Ингичка сим. Ингичка толали пахта. Ингичка толали жун. Ип ингичка еридан ўзилади. Мақол. | Хипча, нозик. Ингичка қўллар. Бели ингичка аёл. | Йўғон — чўзилади, ингичка — ўзилади. Мақол.*

2 Чийилдоқ, ўткир (товуш ҳақида). *Унинг ингичка товуши менга танишдай туюлди. — Қизикчи ингичка, қулоқни тешадиган даражада каттиқ додлаганидан ҳамма кулиб юборди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

3 Қўйма Нозиклик билан иш тутадиган, нозик. *[Ермат] қўлини аллақандай чуқур, ингичка маъно билан бўшанг силкиди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу чучмал адоват билан ингичка табиатли Анварнинг не кайфиятга тушишини тасаввур қилолмас.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

◆ **Ингичка касал с. т. сил касаллиги. ИНГИЧКАЛАМОҚ** Йўнб ёки чўзиб ингичка қилмоқ. *Қаламнинг учини ингичкаломоқ.*

**ИНГИЧКАЛАММОҚ** ингичкаломоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ип чўзилиб ингичкаланди. Бола ўсиб ингичкаланди.*

**ИНГИЧКАЛАШМОҚ** ингичкаламоқ *фл.* ўзл. н. Болаларча қулмишираган ва юқоридан пастга майин ингичкалашган оқ, тиниқ юзи, қалам билан чизилгандек ингичка, маънодор қошлари, узун, қуюқ киприклари орқасида ёнган йирик қора кўзлари бор эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИНГИЧКАЛАШТИРМОҚ** ингичкалашмоқ *фл.* орт. н.

**ИНГЛИЗ** қ. инглизлар. *Инглиз тили.* || *Инглиз аёл.*

**ИНГЛИЗЛАР** Англиянинг туб аҳолиси, асосий халқи.

**ИНГЛИЗЧА** 1 Инглиз халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Инглизча ёзув. Инглизча кийим.*

2 Инглиз тили. *Сен инглизчани биласанми? || Инглизча гапирмоқ.*

**ИНГРАМОҚ** 1 Оғриқ-алам таъсирида мунгли товуш чиқармоқ, дард билан йнгламоқ, ихрамоқ. *Бир кечаси бемор жуда азоб тортиди. У ҳар инграганда Сотиболди, чаккасига буров солинган кишидай талвасага тушар эди. А. Қахҳор, Бемор.*

2 Қўчма Нола-фиғон қилмоқ, фарёд чекмоқ. *Мустамлака халқлари империализм зулми остида асрлар бўйи инграр эди. — Тўрт ўғлим, хотиним Иванов отли бир бойнинг отхонаси ёнидаги кичкина, қоронғи зах уйда инграб кун кечирардик. М. Жўрабоев, Мулла Б. м.*

**ИНГРАТМОҚ** инграмоқ *фл.* орт. н. Оғриқ уни кечаси билан инграпти.

**ИНГРАШМОҚ** инграмоқ *фл.* бирг. н.

**ИНГРОҚ** Йиғна ўхшаш, ҳазин, йиғлоқни овоз. *Узоқдан кимнингидир икромга эшитилди. || Ингроқ куй.*

**ИНДАМАС** 1 индамоқ *фл.* бўлишсизлик ва келаси замон гумон *ф.-си.* Томга чиқсак, ҳеч ким индамасмикин.

2 Жуда кам гапирадиган; камгап, дамдуз. *Индамас одам. — Ҳамма гап пудам экан Охун, — тошкентлик бир индамас мардикор сўзга аралашди, — мен ўттиз қиронинг юртини кўрмадим, лекин оқпошоҳнинг ўттиз шаҳрини кездим. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИНДАМОҚ** (фақат бўлишсиз *ф.-да*) Бирор нарса демоқ; овоз чиқармоқ. *Индамай иш қилмоқ. У индамай ўтиб кетаверди. — Мастура эса менга бир қаради-ю, танимади шекилли, индамади. А. Қахҳор, Минг бир жон. Биламан, Қосимжон бойваччанинг итлари. Кўп ёмон ит, индамасдан илқидан олади. А. Қахҳор, Миллатчилар.*

**ИНДАТМОҚ** индамоқ *фл.* орт. н.

**ИНДАШМОҚ** индамоқ *фл.* бирг. н.

**ИНДЕЕЦ** қ. индеецлар. *Индеецларнинг тиллари.* || *Индеец аёл.*

**ИНДЕЕЦЛАР** Америка қитъасида европалиklar пайдо бўлмасдан у ерда яшаган, ҳозир фақат Шимолий ва Жанубий Американинг айрим районларида сақланиб қолган қадимги ерли қабил ва элатларнинг умумий номи.

**ИНДЕКС** [р < лат] 1 Бирор нарсанинг ном, баҳо ва ш. к. кўрсаткичи,

рўйхати. *Чиқарилаётган китоблар индекс. Товарлар индекси.*

2 Иқтисодий ҳодисаларнинг тадрижий ўзгаришларини процентлар ҳисобида ифодаловчи рақам кўрсаткичлари. *Меҳнат учумдорлиги индекси.*

3 мат. Асосан белги остига қўйиладиган харфий ёки сон кўрсаткич.

**ИНДИВИД** [р] *айн.* индивидуум.

**ИНДИВИДУАЛ** [р индивидуальный] Бирор шахсга хос, шахсий, хусусий.

*Индивидуал хусусиятлар.*

**ИНДИВИДУАЛИЗМ** [р] Шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан юқори қўйиш; худбинлик (хусусий мулкчилик идеологиясининг асосий принципларидан бири) *Индивидуализмга қарши кураш. — Партия ходимлари кенг оммасининг мустақил фикр қилувига кўпроқ ишонч билдирмоқ керак, чунки шулар, фақат шулар.. анархистларча индивидуализм ўтини сўндира оладилар. В. И. Ленин, «Искра» редакциясига хат.*

**ИНДИВИДУАЛИСТ** [р] Индивидуализм тарафдори, ўз манфаатларини жамият манфаатларидан юқори қўювчи шахс; худбин. *Киши қайси даражаларда индивидуалист бўлмасин, на даражаларда ўзини кўпчиликдан четга олмасин, баҳарҳол кўпчиликнинг.. тарбияси ҳазил гапга ўхшамайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ИНДИВИДУАЛИСТИК** Индивидуалистларга хос, худбинларча. *Социализм эски жамиятнинг инерция кучини ва индивидуалистик хулқларини бартараф қилолмайди, деб умид қилган буржуа идеологларининг умидлари чилпарчин бўлди. «С. Ўзбекистонни», 1967, 8 январь.*

**ИНДИДУАЛЛАШТИРИШ** Бирор кимса ёки нарсанинг индивидуал белги-хусусиятларини эътиборга олиш, шу томонларига қараб фикрлаш.

**ИНДИДУАЛЛИК** индивидуал с. белги оти.

**ИНДИВИДУУМ** [р < лат] Ўзига мустақил ҳар бир тирик нарса (организм, жонивор ёки ўсимлик). | *кт.* Якка шахс, одам. *Бир қадам олға, икки қадам орқага... Бу ҳол индивидуумлар ҳаётида ҳам, миллатлар тарихида ҳам, партияларнинг ўсишида ҳам бўлиб туради. В. И. Ленин, Бир қадам олға, икки қадам орқага.*

**ИНДИКАТОР** [р < лат] 1 *тех.* Физик миқдорнинг, мас. босим, нарузка ва ш. к.нинг катта-кичиклиги, ўлчовини аниқлайдиган асбобларнинг умумий номи.

2 *хим.* Химиявий процессларнинг хусусиятларини, боришини кўрсатиш учун эритмага оз миқдорда қўшиладиган модда.

**ИНДИН(ГА)** Эртадан кейинги кун, бириси кун. *Эртас, индин. — Эртага аввал бу масалани правлениеда бир гаплашиб олсаю, индинга умумий мажлис чақира қолсак. А. Қахҳор, Қўшчинор. Эрта кел, индин кел галга солиш ҳолларида айтиладиган ибора.*

**ИНДИНГИ** Эртадан кейинги кунда бўладиган.

**ИНДИРИЛМОҚ** индирмоқ *фл.* мажҳ. н. *Чор аркининг қулатилди семирғи... Темир парда индирилди бу қарра. Шайхзода.*

**ИНДИРМОҚ** инмоқ *фл.* орт. н. *Қобил ўғил от миндирар, нақобид ўғил отдан индирар. Мақол.*

**ИНДОВЧИ** с. т. Ундовчи.

**ИНДОНЕЗ** қ. индонезлар. *Индонез тили.* || *Индонез аёл.*

**ИНДОНЕЗЛАР** Индонезиянинг туб аҳолиси, халқи.

**ИНДУКТИВ** [р индуктивный] 1 *лог.* Индукцияга оид; индукцияга асосланган. *Индуктив метод. Индуктив хулоса.*

2 *физ.* Индукцияга оид, индукция орқали содир бўладиган, вужудга келадиган. *Индуктив алоқа.*

**ИНДУКТОР** [р < лат] 1 Қўл билан ҳаракатга келтириладиган, ўзгарувчан электр токи ҳосил қиладиган асбоб.

2 Электрогенератор ёки динамомашиналарда магнит майдони ҳосил қиладиган магнит ёки электромагнит.

**ИНДУКЦИОН** [р индукционный] *физ., эл.* Индукцияга оид; индукция натижасида пайдо бўлган. *Индукцион ток. Индукцион ғалтак.*

**ИНДУКЦИЯ** [р < лат] 1 *лог.* Жуъзий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш; *акси дедукция.*

2 *физ., эл.* Электр ўтказгичнинг магнит майдонидаги ҳаракати натижасида ёки ўтказгич атрофидаги магнит майдонининг ўзгариши натижасида ўтказгичда электр ток ҳосил бўлиши.

**ИНДУСТРИАЛ** [р индустриальный] Оғир ва енгил саноатга оид; индустрияга ва унинг тараққиётига боғлиқ бўлган. *Индустриал ва азарр мамлакатлар. Қишлоқ хўжалигининг индустриал базаси.*

**ИНДУСТРИЯ** [р < лат] Машина техникасига асосланган саноат. **Оғир индустрия** ишлаб чиқариш қуруллари ва воситалари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи (мас. машинасозлик, металлургия). **Енгил индустрия** енгил саноат, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи.

**ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШ** Мамлакатда машина техникасига асосланган саноат, ишлаб чиқаришини юксалтириш; ишлаб чиқариш тармоқларини машина техникаси асосига ўтказиш. *Қишлоқ хўжалигини индустриалаш. — Ҳозир биз мамлакатни индустриалаш пилани амалга ошираётимиз. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШМОҚ** Машина техникасига асосланмоқ, шу асосда ривожланмоқ. *Индустр(ия)лашган қишлоқ хўжалиги. Индустр(ия)лашган мамлакат.*

**ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШТИРМОҚ** индустр(ия)лашмоқ *фл.* орт. н. *Мамлакатни индустриалаштирмоқ.*

**ИНДУСТРАШ** қ. индустр(ия)лаш

**ИНДУСТРАШМОҚ** қ. индустр(ия)-лашмоқ.

**ИНДУСТРАШТИРМОҚ** қ. индустр(ия)лаштирмоқ.

**ИНЕРТ:** инерт газлар Менделеев даврий системасининг нолинчи группасидаги элементларнинг умумий номи.

**ИНЕРЦИЯ** [р < лат] физ. Жисмларнинг, бирор ташқи куч мажбур этмагунча, тинч ҳолатини ёки ҳаракатини сақлаш ҳусусияти.

**ИНЕРЦИЯЛИ** Инерцияга асосланган. *Инерцияли ҳаракат. Инерцияли аккумулятор.*

**ИНЖЕНЕР** [р < фр] Техниканинг бирор соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассис. *Тог инженери. Ҳарбий инженер.* ■ «Электрстанцияни тезроқ битириш учун ўртоқ Мавлонбеков катта инженер олиб келибдилар», деган ҳабар бутун қишлоққа тарқалди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ИНЖЕНЕРЛИК** инженер с. касб оти. *Инженерликка ўқилмоқ.* ■ Уч-тўрт километрга чўзилган тепалик ҳарбий инженерлик санъати билан узоқ йиллар давомида қурилган мустақам қалъага ўхшарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИНЖИЛ** [а < грек] Христиан динининг афсонавий асосчиси Исонинг «ердаги ҳаёти» ҳақидаги ҳикоялардан тузилган тўрт диний китоб.

**ИНЖИЛМОҚ** диал. Ижирғанмоқ. *Бу сўз айтиб меини энди тилади, Бойбўри инжилиб базўр кўнади.* «Алпомиш».

**ИНЖИМОҚ** диал. Ранжимоқ.

**ИНЖИРГА:** инжиргаси чикди (ёки ўйнади) мажағи, абжағи чикди, абжағ бўлди.

**ИНЖИТМОҚ** инжимоқ фл. орт. н. *Гул кўлкаси гулхан каби қизгин, Қизгин... яна сайрайди дуторлар. Сайрайди... тубанларда баҳорлар... Инжитмади кўнглимни-да бир кун. Ҳ. Олимжон.*

**ИНЖИҚ** 1 Унча-мунчани ёқтирмайдиган, унча-мунчага кўнмайдиган, табиати нозик, миждов. *Инжиқ одам. Инжиқ харидор.* ■ *Ижод қилувчи кишининг ҳаёлидай ўйноқи, ширин ва инжиқ ҳаёл бўлмаса керак.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

2 *Кўчма Терс, акс, бир хилда турмайдиган. Инжиқ дарё. Инжиқ об-ҳаво.* ■ *Сал ўтмай Маҳкам ақанинг юраги сиқла бошлади. Ишлаб юрган вақтида бундай инжиқ дардларнинг гарди ҳам йўқ эди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

3 *Серхархаша, йиғлоқ. Инжиқ бола.*

**ИНЖИҚЛАНМОҚ** 1 Инжиқлик, миждовлик қилмоқ.

2 *Хархаша қилмоқ, ҳа деб йиғлайвермоқ.*

**ИНЖУ** 1 Марварид, дур. *Тўй оқшоми инжу таққан етим қиз; Мажнунтолнинг маржонидо булдуриқ.* Ғ. Ғулом. *Кўзларидан оққан томчилар кўшида инжудай ёнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Инжу тишин кўрсади пахталар*

*Мўл ҳосилни кўриб қунаб қоламиз.* Ғ. Ғулом.

**ИНЖУ** II тар. Чингизхон хонадони аъзоларига тегишли ер-сув; кейинчалик шоҳлар, амирлар, хонлар хонадони аъзоларига тегишли ер-сув.

**ИНИ** 1 айн. ука. *Йигим-терим вақтида бир фалокат юз бериб, Ҳасан ўз инилари ва уларнинг болаларидан ажралди.* Айний, Қуллар.

2 *Ўзидан ёш эр кишига, уни ўзига яқин тутиб мурожаат этиш формаси.* — *Иним Содиқбой, ишимиз жуда хом ҳали!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. — *Биз бу гапларнинг тариқасига тушунолмаймиз, иним, — деди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ИНКАСАТОР** [р < итал] Асосан муассасалардан ташқарида юриб пул йиғиш ва пул тўлашга вакил қилинган мансабдор шахс.

**ИНКВИЗИТОР** [р] Инквизиция судининг аъзоси.

**ИНКВИЗИЦИЯ** [р < лат] тар. Феодал зулмга ва католик черковининг асоратига қарши чиққан кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун 13 асрда католик черкови қошида таъсис этилган, бевосита Рим папасига бўйсунган, суд-полиция ташкилоти.

**ИНКИШОФ** [а] кт. Очилиш; очиш, кашф этиш. *Инкишоф қилмоқ.* ■ *Дўстим, орқадошим, Ғафур! Олтамиш ёш шоирларнинг авжи етуклик ёши. Бу сенинг ижодинг ва талантининг инкишофидир.* Ойбек, Ижод булогинг ҳамisha қайнасин.

**ИНКОР** [а] Тан олмаслик, қабул ёки тасдиқ этмаслик; рад. *Материалистик диалектиканинг инкорни инкор қонуни. Инкор юкламаси (грам.). Инкор этмоқ (ёки қилмоқ, рад этмоқ) тан олмаслик, бўйинга олмаслик. Келинмиш мендан яхшилик кўрмас, демаганми эдим? Сиз билан отам бунга кўнмаган эдингиз, сиз буни инкор қиласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИНКУБАТОР** [р < лат] Тухумдан сунвий йўл билан жўжа очириладиган аппарат.

**ИНКУБАТОРИЙ** [р < лат] Тухумдан сунвий йўл билан жўжа ёки пилла қурти очириладиган махсус жой. *Қурт уругини инкубаторийда очирши.*

**ИНКУБАТОРХОНА** айн. инкубаторий. *Инкубаторхонада очтирилган жўжа.*

**ИНКУБАЦИЯ** махс. Тухумдан жўжа ёки пилла қурти очтириш. *Инкубация қилмоқ. Инкубация даври* 1) тухумдан жўжанинг очилиши даври; 2) *мед.* касал юққандан унинг биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган давр, касалликнинг яширин даври.

**ИНЛАМОҚ** кам қўлл. Инига кирмоқ.

**ИНЛАТМОҚ** инламоқ фл. орт. н. *Беклигимда суриб қилдим миннатим, Бир тулқини қувиб келиб инлатдим.* «Малика Айёр».

**ИНМОҚ** 1 Ўтирмоқ, кўнмоқ. *Яснай*

*Полянада ҳамма нарса оппоқ: далалар ҳам, кумуш қиров инган ўрмонлар ҳам, қўшқаватли дарвозанинг қуббали устунлари ҳам, кўрадаги ҳовузлар, уйлар ҳам.* А. Муҳтор, Чинор.

2 *Диал.* Юқоридан пастга тушмоқ. *Пода қирдан инди.*

**ИННАЙКЕЙИН** [асли ундан кейин] с. т. 1 Ундан кейин; сўнгра. [Ҳасан қозига:] *Иннайкейин, бой акам билан инковларининг ўйнаклари бир оз хира бўлиб қолган.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 *кири с.* Бундан ташқари; шу билан бирга. *Шаҳар ҳам, қишлоқ ҳам бир гўру, лекин шаҳарда унча-мунча иш топилиб туради. Иннайкейин, шаҳарда турсанг, одамнинг кўзи ҳам очилар экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИННАНА** Узун ёғоч ёки тахтанинг ўртасини бирор гўла устига ўрнатиб, икки бошига икки киши ўтириб олиб, навбат билан кўтарилиб-тушиб ўйналадиган болалар ўйини ва шундай мотаманинг ўзи. *Уни бир чеккага қўйиб, ўзи узала тушиб ётган терак устида кўндаланг турган узун ходанинг бир бошига миниб, иннана ўйнай бошлади.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

**ИНОБАТ** [а] 1 Ишонч; ишончи. *Инобат қилмоқ.* ■ *Юсуфбек ҳожи ва домла Солиҳбек охундлар қушбегининг пир деб инобат қилган одамлари бўлганлиги учун, элнинг осойиши ва мамлакатнинг ободлиги номига бу тақлифни.. бўйинга олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Назар-эйтибор. **Инобатга олмоқ** эйтиборга, назарга олмоқ, назарда тутмоқ; ҳисоблашмоқ. *Ўйлаб иш қилинг. Ҳукуматишимиз ҳам ўша норасидаларнинг кўз ёшини инобатга олади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Энди ўша одамлар унинг гапини хоҳласа инобатга олади, хоҳламаса йўқ.* О. Ёқубов, Ларза.

3 *Инобат (хотин-қизлар исми).*

**ИНОБАТЛИ** 1 Ишончли, бирор кимса ёки кишилар назарида ишонч қозонган. *Ҳожи бўлса шининг кўзини билади. Ундан кейин амалдорларга инобатли.* А. Қахҳор, Сароб.

2 *Эйтиборга олса, ишонса булади-ган; мўътабар. Инобатли гап.*

**ИНОБАТСИЗ** 1 Ишончсиз, бирор кимса ёки кишилар назарида ишонч қозонмаган.

2 Назар-эйтиборга олиб бўлмайдиган ёки олинмаган; эйтиборсиз. *Айва-ни инобатсиз қолдирмоқ.*

**ИНОД** [а] Бўйин товлаш, ўзарлик, қийиқлик. *Инод қилмоқ.* ■ *Ҳазир индонинг ўрни эмаслигини ҳарчанд индормоқчи бўйдим, кўнмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИНОН** [а] Идора, бошқариш, бошқарув.

**ИНОН-ИХТИЁР**, **инони ихтиёр** Хоши, ихтиёр. *Хотинимнинг инон-ихтиёри ўсида. Бойга тегмоқчи экан, тегаверади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ИНОНМОҚ** Ишонч хосил этмоқ, ишонмоқ. *Биринчи қарашдаёқ кутган кишининг тўғрилигига инонди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ИНОНТИРМОҚ** *инонмоқ фл. орт. н.* **ИНОНУВЧАН** Ҳар нарсага инонб кета берадиган.

**ИНОЯТ** [а] 1 Марҳамат, лутф, илтифот. *Иноят қилмоқ.* — Ленин ўғли ота юртга қилмас хиёнат! Алданмайди, каззоблардан кутмас иноят! Ё. Мирза. — Майли, — деди, — бунда қолинг, Қилдим сизга иноят. Бошингизни шарт узаман Гар қилсангиз хиёнат! Шухрат.

2 Иноят (эркаklar ва хотин-қизлар исми).

**ИНОҚ** [мў] 1 Ўзаро дўстона муносабатда бўлган; ахил. *Биз у билан туғишган опа-сингиллардек иноқмиз.* *Иноқ бўлмоқ.* || *Иноқ яшамоқ.* — Маза қилиб куламан мен ҳам, Элим иноқ битта аймоқдай. Турмуш тотли ширин қаймоқдай. С. Акбарий.

2 тар. Бухоро амирлигида: амир буйруғини етказиш, амир номига келган хатларни ўқиб эшиттириш билан шуғулланган лавозимли шахс. **ИНОҚИ** калон катта иноқ, амир буйруғини етказувчи иноқ. **ИНОҚИ** хурд кичик иноқ, амир буйруқларини ўқиб эшиттирувчи иноқ.

3 Иноқ (эркаклар исми).

**ИНОҚЛАШМОҚ** Бир-бири билан яқин, дўстона муносабат боғламоқ, ахиллашиб кетмоқ. *Поёвон бу ерда бошқа шаҳар-қишлоқлардан келган кишилар билан танишди ва улар билан иноқлашиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ИНОҚЛИК** *иноқ с. белги оти.* Қайнана-келин ўртасидаги кишининг ҳавасини келтирадиган иноқлик, меҳр-муҳаббат Рисолат холагини қалбини жижиллатиб ўтди. Р. Файзий, Қайнана.

**ИНС-ЖИНС** [а] Жин-ажина(лар). *Зардўшт динка бинван.* ўтаа сўгиниш турли фалокат ва инс-жинслардан сақлар, турмушда бахт келтирар эмиш. И. Жабборов, Кўхна харобалар сирӣ.

**ИНСОН** [а] 1 Одам. башар. *Инсон боласи.* *Инсон ўзининг ҳаётга муҳабати билан кучли.* *Инсон ақли — олмос.* Мақол. — Мавлоно Туробий инсонни комил одам. Ойбек, Навоий. *Нигора бекам-кўст гўзал.* *У табиат гўвалдигининг такомил, инсон латофатининг айни мужассами эди.* С. Анорбоев, Оксой.

2 Кимсага мурожаат қилишда қўлланади. *Хў, инсон, бу нима номаъқуллик!*

**ИНСОНИЙ** [а] 1 Инсонга, одамга хос; одамий. *Юксак инсоний фазилатлар.* — Сизнинг молларингизга қараган, ҳеч қачон инсоний ҳурмат кўрмаган, балки сўкишингизни эшитиб, қалтагингизни еган, чексиз хўрланган бир инсонни биламан. П. Турсун, Уқитувчи. *Халқ юриш бошлади.* *Бу бир бурда нон учун, инсоний нон учун*

бошланган юриш эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Инсонпарвар, одампарвар. *Бизнинг қонунларимиз жаҳонда энг одил ва инсонийдир.*

**ИНСОНИЯТ** [а] 1 Инсонлар, одамлар, инсон насли, башарият. *Инсоният тарихи.* *Инсониятнинг келажаги.*

2 Юксак инсоний фазилатлар; инсонийлик, одамийлик.

**ИНСОНЛИК** 1 Инсон наслига мансублик, чин одамлик. *«Паранжи ичида қул бўлиб келган аёлларни жамонат ишига кўлаб тортишлар.* *Уларда инсонлик ҳуқуқи, инсонлик тушунчасини уйғотинлар!!!» — деб ёзибди улар.* П. Турсун, Уқитувчи. *Умидсизлик сени инсонликдан чиқармоқчи.* *Кимга керак сенинг ўлиминг?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Инсонга хос юксак фазилатга эгаллик. *Кўп офарин! Инсонликни кўрсатдинг, Ёвни янчи нафратинг.* Ё. Мирза.

**ИНСОНПАРВАР** [а+ф-т] Одамларга ғамхўр, одамларни севувчи; одампарвар, гуманстр.

**ИНСОНПАРВАРЛИК** *инсонпарвар с. белги оти.* *Жамият ишига биринчи аралашган баланд бўйли, қотма аёл ўз ўтмиши билан совет ҳукумати кўрсатган инсонпарварликни бир-бирига таққослаганда кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизмай қолмас эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ИНСОФ** [а] Адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, виждон. *Одобли одамнинг ҳаёси ҳам, инсофи ҳам бўлади.* — *Ман кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин, ман икки қўлимни бурнимга тикиб қолаверай!* Қани инсоф. Ойбек, Қутлуғ қон. *Нима қиламан бўлмаса, [болани] Анзират холага ташлаб қўйиш ҳам инсофдан эмас.* *Мен у кишидан жуда хижолатда.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. **ИНСОФ** қилмоқ адолат ва виждон юзасидан иш тутмоқ, инсофан иш қилмоқ. — *Саксонта қовуна-я? Уч сўй? — дехқон тескари бурилди.* — *Инсоф қилинг, баққол ака!* Ойбек, Қутлуғ қон. **ИНСОФ** га келмоқ виждони азобида инсофан иш тута бошламоқ. *Жонфигон охири инсофга келиб, шу бу йил кишида нон заводига ишга кирибди.* А. Қаҳҳор, Жонфигон.

**ИНСОФАН** [а] рви Адолат ва инсоф юзасидан, виждон амри билан; виждонан. *Инсофан иш қилмоқ.*

**ИНСОФЛИ** *Инсоф эгаси, адолат ва инсоф билан иш қилувчи, ҳалол, тўғри, виждонли.* *Инсофли одам.* — *Боёқши кўп яхши одам эди; инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИНСОФСИЗ** *Инсофи йўқ, виждонсиз.* — *У жуда инсофсиз бой,* — деди темирчи. — *аммо суриштирсанг, ҳамма бой бир текисда инсофсиз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИНСОФСИЗЛИК** 1 инсофсиз с. белги

*оти.* *Инсофсизлигининг билмас эканмиз.*

2 Инсофсиз кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. — *Бу қандай инсофсизлик? — деб Эргаш баққриб югурди, от устида қаламни қозғога чизаман деб турган мизраинг қўлидан тўтди.* Айний, Қуллар.

**ИНСПЕКТОР** [р < лат] Ишнинг тўғри боришини, қонун-қондаларга тўғри амал қилинишини назорат этиб, йўл-йўриқлар кўрсатиб турувчи лавозимли киши. *Мюриф инспектори.* *Соғдиқни сақлаш бўлими инспектори.* *Савдо инспектори.*

**ИНСПЕКЦИЯ** [р < лат] 1 Текширув, назорат. *Инспекция ўтказмоқ.*

2 Белгиланган қонун-қондаларнинг тўғри бажарилишини назорат қилиб, йўл-йўриқлар кўрсатиб борувчи муасаса. *Санитария инспекцияси.* *Район қишлоқ хўжалик инспекцияси.*

**ИНСТАНЦИЯ** [р < лат] Бир-бирига бўйсунган давлат, партия ва жамоат ташкилотлари системасидаги бошқичлардан ҳар бири. *Партия аъзоси қўлидаги ҳуқуқларга эга... Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси Марказий Комитетигача партиянинг ҳамма инстанцияларига ҳар қандай масала ва ариза билан мурожаат қилиши.* «КПСС Устави».

**ИНСТИНКТ** [р < лат] Тирик организмнинг ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга қараб, онгсиз равишда, аммо мақсадли ҳаракат қилишидан иборат табиий майл, туйғу; бир-бирига боғлиқ бўлган тугма рефлекслар.

**ИНСТИНКТИВ** [р инстинктивный] Инстинктга хос, инстинкт равишида юз берадиган; ғайришуурий. *Баъзан ҳайвонлар организмда озик моддалари этишмаётганининг севди ва инстинктив равишда унинг ўрнини тўлдиришига интилади.* Ғ. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

**ИНСТИТУТ** [р < лат] Баъзи олий ўқув юрти ва илмий текшириш муассасаларининг номи. *Илмий-текшириш институти.* *Педагогика институти.*

**ИНСТРУКТАЖ** [р] 1 Йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш. *Ғуломов агитаторларнинг навбатдаги суҳбатга юзасидан инструктаж ўтказишига тайёрланиб ўтирган эди.* И. Раҳимов, Ҳаёт булоқлари.

2 Бош қўлланма, инструкция.

**ИНСТРУКТИВ** [р инструктивный] Йўл-йўриқ, қўлланма бўладиган, берадиган. *Инструктив кенгаш.* *Инструктив суҳбат.*

**ИНСТРУКТОР** [р < лат] Инструкция берувчи, ўргатиб, кўрсатма бериб турувчи, амалий машғулотлар ўтказувчи ходим, раҳбар. *Район партия комитетининг инструктори.* *Мақтабнинг политехник таълим бўйича инструктори.*

**ИНСТРУКЦИЯ** [р < лат] Бирор ишнинг олиб бориш, амалга ошириш тартиби ҳақидаги йўл-йўриқ, қўлланма, кўрсатма. *Газдан фойдаланиш ҳақида*

ги инструкция. Сайловларни ўтказиш тартиби ҳақидаги инструкция. — Сийсий бўлимлар Марказий Комитет томонидан тасдиқланадиган махсус инструкциялар асосида ишлайдилар. «КПСС Устави».

**ИНСТРУМЕНТАЛ** [р инструментальный] Музыка асбоблари воситасида ижро этиладиган ёки музыка асбоблари билан ижро этиш учун белгиланган. *Инструментал музыка.*

**ИНСУЛИН** [р < лат] Организмда углевод алмашинуви тартитига солиштида иштирок этадиган меъда ости беши гормони ва ундан тайёрланадиган дори.

**ИНСУЛЬТ** [р < лат] Бош мия қон томирларининг ёрилиши ёки тўсилиши натижасида рўй берадиган оғир касаллик, фалаж бўлиб қолиши.

**ИНСЦЕНИРОВКА** [р < лат] Бирор асарни сахнабош қилиб ўзгартириш, сахнада қўйиш ва сахналаштирилган асарнинг ўзи.

**ИНТЕГРАЛ** [р < лат] мат. Олий математикада: чексиз кичик сонлар йиғиндиси сифатида қараладиган бутун миқдор.

**ИНТЕГРАЛЛАШ** мат. Берилган функциянинг, математик ифоданинг интеграллини топиш, аниқлаш.

**ИНТЕГРАЦИЯ** [р < лат] 1 айн. интеграллаш.

2 Айрим бўлақларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланиши. *Социалистик интеграция.*

**ИНТЕЛЛЕКТ** [р] Ақл, идрок, заковат; ақлий, маънавий жиҳатдан етуклик даражаси.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ** [р интеллектуальный] Ақл, заковат эгасига оид; ақлий. *Интеллектуал қобилият. Интеллектуал меҳнат.*

**ИНТЕЛЛИГЕНТ** [р] Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи, ўқиниши, заковатли киши; зэйли. *Қишлоқ интеллигентлари.* — *Кўпчилик ишчилар, ёш шоирлар, ёзувчилар прогрессив интеллигентлар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ** [р < лат] Ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар; интеллигентлар, зэйлилар. *Қишлоқ интеллигенцияси.* — *Меҳнаткаш интеллигенция сафидаги энг актив ва энг онгли граждандар.* — *Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига бirlашдилар.* «УзССР Конституцияси». *Пассивлик — революцияга эмас, балки майда буржуа интеллигенциясига хос хусусиятдир.* В. И. Ленин, Меньшевикизм кризиси.

**ИНТЕНДАНТ** [р < фр] Армияда интендантлик хизматини бажарувчи ҳарбий хизматчи.

**ИНТЕНСИВ** [р интенсивный] 1 Ортиқ даражада тифиз, қизгин, жадал, тез. *Интенсив ҳаракат. Интенсив тебранишлар.*

2 Энг кўп махсул берадиган, серузум. *Деҳқончиликнинг интенсив системаси.*

**ИНТЕНСИВЛАШ** Қўшимча тадбирлар кўриб, маҳсулдорликни, ҳосилдорликни ошириш. *Меҳнатни интенсивлаш. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш.*

**ИНТЕРВАЛ** [р < лат] 1 Бир нарса билан иккинчи бир нарса оралиғидagi масофа, бўшлиқ, оралиқ. *Колоннада машиналар 50 метр интервал билан борар эди.*

2 Бир ҳодиса билан иккинчи ҳодиса ўртасидаги оралиқ, ўтган ёки ўтадиган вақт; танаффус. *Артиллерия заллари орасидаги интервал бир неча секунддан ошмас эди.*

**ИНТЕРВЕНТ** [р] Интервенция уюштирувчи ёки унда қатнашувчи; интервенциячи, босқинчи.

**ИНТЕРВЕНЦИЯ** [р < лат] Ўзга территорияни босиб олиш ёки тобе қилиш мақсадида ўзга давлат ерига қурол, куч билан босириб кириш, унинг ички ишларига зўравонлик билан аралишиш; босқинчилик. *Қуролли интервенция.* — *Антантга интервенция ва блокададан тўхтатишга мажбур бўлди.* В. И. Ленин, Янги замонлар, янги шаклдаги эски ҳатолар.

**ИНТЕРВЕНЦИЯЧИ** айн. интервенент.

**ИНТЕРВЬЮ** [р < ингл] Матбуотда эълон қилиш, радиода эшиттириш ёки телевидениеда кўрсатиш учун мухбирнинг бирор арбоб билан ўтказган суҳбати ва шу суҳбатнинг эълон қилинган тексти. *Конференция қатнашчиларидан олинган интервью.*

**ИНТЕРМЕДИЯ** [р < лат] Асосан драма асари орасида бажариладиган, одатда ҳажвий мазмундаги, қўшимча кичик сахна асари ёки пьеса.

**ИНТЕРНАТ** [р < лат] 1 Ўқув юрти қошидаги ўқувчилар ётоғи. *Шаҳар чеккасига янги типовой мактаб, унинг ёнига қурилган шаҳар пионерлар уйи, ётоқ-интернат биналарининг қизғиш фаштлари кун тигида жимирлайди.* Ш. Ғуломов, Ерқин йўллар.

2 Ўқувчиларни давлат томонидан овқат ва кийим-кечак билан таъминланадиган ўқув юрти. *Интернатга берилди Етим қиз Кумри. Утди унинг шу ерда Уч-тўрт йил умри.* Ғайратий.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛ I** [р < лат] 1 Халқаро сийсий бирлашма. **Биринчи Интернационал** 1864 йил 28 сентябрда Лондонда таъсис этилган биринчи халқаро пролетариат ташкилоти. **Коммунистик Интернационал** 1919 йилдан то 1943 йилга қадар жаҳон коммунистларини бирлаштирган халқаро ташкилот.

2 (И — катта) Халқаро пролетариат гимни; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва бошқа коммунистик партиялар гимни. *«Интернационал» садолари.* — *«Интернационал» Элмуроднинг.. энг севилик ашуласи эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛ II** [р интернациональный] 1 Интернационализм принципларига асосланган, ундан

келиб чиқадиган; интернационализм руҳидаги. *Интернационал тарбия.*

2 Ҳамма миллатлар учун умумий, муштарак, миллатлар ўртасидаги; миллатлараро, халқаро. *Интернационал алоқалар.*

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ** [р] Капиталистик тузумни ағдариб, коммунизм қуриш учун курашда ишчилар ва барча меҳнаткашларнинг халқаро бирлик ва бирдамлиги; барча халқлар, миллатларнинг озодлиги, мустақиллиги ва тенглигини ҳимоя қилиш, улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик учун шовинизмга, ирқчилик ва миллатчиликка қарши кураш. *Пролетар интернационализи.* *Еш авлодни интернационализм руҳида тарбиялаш.*

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ** [р] Интернационализм тарафдори.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТИК** [р интернационалистический] Интернационализмга асосланган, интернационализм ғоялари билан суғорилган, интернационализм руҳидаги.

**ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШТИРИШ** Интернационал деб ҳисоблаш, ҳамма халқлар учун умумий, муштарак деб эълон этиш, тенг ҳуқуқ билан фойдаланиладиган қилиш.

**ИНТИБОҲ** [а] Уйғоқлик, бедорлик. *Бузма кўнглинг, боқ бу шўро Берди мангу интибоҳ.* Ҳамза.

**ИНТИЗОМ** [а] Бирор коллективнинг барча аъзолари амал қилиши, бўйсунуши лозим бўлган қатъий тартиб, қоида. *Ҳарбий интизом. Меҳнат интизому.* — *Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки интизом бузилди, у ерда иш расво.* Уйғун, Навбаҳор.

**ИНТИЗОМЛИ** Интизомни маҳкам тутувчи, унга амал қилувчи, бўйсунувчи, тартибли. *Интизомли лашкар энгилмас.* Мақол. — *Мактабдошлари орасида Беишжон интизомли ва сергак бўлганидан, ўқитувчилари бошқа болаларни у билан тенглашишга чақирар эди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

**ИНТИЗОМСИЗ** Интизомни йўқ, интизомга амал қилмайдиган, бўйсунмайдиган; тартибсиз.

**ИНТИЗОМСИЗЛИК** интизомсиз с. белги оти. — *Мен бундай интизомсизликка чидаб туролмайман, — бошлиқ тўқманоқдай мушти билан столни урди, — мен ҳалоллик билан, виждон билан ишлайдиган одамни яхши кўраман.* Ойбек, Нур қидириб.

**ИНТИЗОР** [а] Сабрсизлик, муштоқлик билан кутувчи; мунтазир. *Интизор бўлмоқ. Интизор қилмоқ (этимок).* — *Балки интизордир онаси, ёри, Балки соғингандир экинзор қирлар.* Уйғун. *Фақат она, дард ва жафога тўлган она, тиқ этса эшикка қараб йўлига интизор ўтирар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Булардан эллик қадамча нарида, ўқ ариқ ичида, юзини ўсиқ ғўзалар билан тўсиб турарди уни интизор этган қиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.



**ИНТИЛИШ** 1 интилмоқ *фл. ш. оти.* Ҳаётни билиш ва ундан ўзининг лойиқ ўринини топшига интилиш ҳар бир кишининг умиди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Майл, қизиқиш. Қиз Сирожни севадими, йўқми — ўзи ҳам билмас эди. Аммо кўнглида Сирожга интилиш сезиб юрарди. Ф., Мусажонов, Хури. Адолат ўзиги нариги маҳалладаги Султон ҳожи бойнинг совчи қўйдираётганини сезиб қолганди. Бу нарса Адолатга Усмонжонга бўлган интилишини кучайтириб юборди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ИНТИЛМА:** марказга интилма куч *физ.* айлапа бўйлаб ҳаракат қилаётган жисмини айланада тутиб турувчи, шу айлана марказига йўналган куч.

**ИНТИЛМОҚ** 1 Бирор нарсага, кимсага ёки томонга жон-жаҳд билан ҳаракат қилмоқ ёки ҳаракат қилишга, етишга урином. [Жувон]. . . шохни ушлагани икки-уч интилиб, уилай олмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Асқар ота кўзига қовоқроқ кўринган бир отни синамоқчи бўлиб минган эди, от анҳорга интилди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

2 Бирор мақсад учун, унга эришиш, етишиш йўтида ҳаракат қилмоқ. *Илм-таърифатга интилмоқ.* — У худди синглисининг қотилини эди топандай титраб-қақшаб қасосга интиларди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ИНТИЛТИРМОҚ** интилмоқ *фл. орт. н.*

**ИНТИМ** [р интимшый] Юракдаги сир, ҳис-туғғу ва ш. к.га оид; юракдаги, сирли. *Интим муносабатлар.* *Интим суҳбат.* *Интим лирика.*

**ИНТИХОБ** [а] *эск. кт.* Танлаш, сайлаб олиш. *Интихоб этмоқ (ёки қилмоқ)* танлаб, сайлаб олмақ.

**ИНТИҚ** *диал.* Сабрсизлик билан кутувчи; интизор. *Мен зиндонга арқон солай, Бела боғла, тортиб олай; Бирга йўлга равиш бўлай, Йўлингга интиқ Барчиной.* «Алпомиш».

**ИНТИҚМОҚ** *диал.* Шошмоқ, ошиқмоқ.

**ИНТИҚОМ** [а] Ҳис, қасос. *Интиқом олмақ.* — *Интиқом ҳисси-ла кўзга қон тўлган, Доворак эрларнинг намоиши бу.* Ғ. Ғулом.

**ИНТИХО** [а] Охир, кет, сўнг, поён. *Ишни интихосига етказмоқ.* — *Қаҳрамонлардан ҳар бирининг йў-фикрини, босган қадамини... ҳамма, ҳаммасини... ибтидосидан интихосигача яхши биллади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ИНТИХОСИЗ** Охири, интихоси йўқ, тўғанмас, бепоён. *Мирзақомалийдиннинг узоқ интихосиз гапидан шундай мазмун чиқар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Очил китоб ўқишга ихлос қўйган эди, китоблар унинг интихосиз ҳаёлларига қанот боғлар...* эди. П. Қодиров, Уч илди.

**ИНТОНАЦИЯ** [р интонационный] Интонацияга оид. *Нутқнинг интонацион воситалари.*

**ИНТОНАЦИЯ** [р < лат] 1 Сўзловчининг нутқ мавзусига муносабатини, ҳис-туғғусини ифодаловчи талаффуз услуби; тон.

2 *лингв.* Товушнинг ўзгаришидан, паст-баланд бўлиб туришидан иборат бўлган ритмик-мелодик нутқ тузилиши; оҳанг. *Хитоб интонацияси.* *Сўроқ интонацияси.*

3 муз. Ашулада ёки музикада оҳангнинг тўғғи олиниши.

**ИНТРИГА** [р < фр < лат] 1 Бирор ғаразли мақсадга эришиш учун қилинган яширин ҳаракат, фитна, хийла-вайранг. *Интрига уюштирмоқ.*

2 *ад.* Роман ёки драма асарига воқеаларнинг кескинлиги ва чигаллиги билан ажралиб турадиган сюжет йўли.

**ИНТРИГАЧИ** Интрига уюштирувчи; фитначи, ғаламис.

**ИНТУИЦИЯ** [р < лат] *кт.* 1 Тажрибага асосланган ғайрихитибий ҳис, зйираклик. *Интуиция билан йўл топмоқ.*

2 *филос.* Илмий тажриба ва мантиқий мулоҳаза ёрдамисиз «ҳақиқат»ни билиш мумкин, деб қаровчи идеалистик тушувча.

**ИНФАРКТ** [р < лат] Қон томирининг сиқилиши ёки тўсилиб қолиши натижасида қоннинг тўхташи.

**ИНФЕКЦИОН** [р инфекционный] Инфекцияга, юқумли касалликларга оид, инфекциядан келиб чиққан; юқумли, юқадиган. *Грипп инфекцияси касаллик.* *Инфекцион касаллик.*

**ИНФЕКЦИЯ** [р < лат] *мед.* Касаллик пайдо этадиган микроорганизмлар туфайли касалликнинг юқиши; юқтиришлик. *Инфекциянинг олдини олиш чоралари.*

**ИНФИНИТИВ** [р < лат] *грам.* Фельнинг ноаниқ формаси; маслар.

**ИНФЛЯЦИЯ** [р < лат] Муомаладаги қоғоз пулларнинг керагидан ортиқ кўпайиб кетиши ва қадрсизланиши.

**ИНФОРМАЦИОН** [р информационный] Информацияга, ахборотга оид. *Информацион билдириш.* | *Информация тўплаш* ва керакли маълумотлар бериб туриш билан шуғулланадиган. *Информацион бюро.*

**ИНФОРМАЦИЯ** [р < лат] Ахборот, маълумот. *Илмий информация.* *Информация бермоқ.* *Информация олмақ.*

**ИНФРАТОВУШЛАР** *физ.* Инсон қулоғи эшитмайдиган паст частотали товушлар.

**ИНФРАКЗИЛ:** инфрақизил нурлар *физ.* спектрнинг қизил тусли қисмига ёндош, кўзга кўринмайдиган нурлар.

**ИНФУЗОРИЯ** Сувларда яшайдиган микроскопик бир ҳужайрали жонивор.

**ИНЧУНИН** [ф-т] *кири с.* Шундай, худди шунинг каби; шунингдек. *Инчунин, Қулматқорани бир кун эмас бир кун шип-шийдан қилиб, гўлаҳхонада тиз чўктириш ораси қанчалик лаззатли!* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ИНШО** [а] Ҳуқуқ юртларида она тили ёки адабиётдан эзма иш. *Иншо олмақ.* *Иншо ёзмақ.*

◆ **Иншо қилмоқ** *эск.* қурмоқ, барпо қилмоқ.

**ИНШООЛЛО(Ҳ)** [а] *эск.* 1 Худо хоҳласа. *Боя ачиққина хўрда қилиб қўювдим, ичиб олди. Иншооллоҳ, эртага туриб кетар.* М. Исмонлий, Фарғона т. б. *У зулм илдиизига болти урди. Иншоолло, зулм дарахти қурийд.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Яхши истак билдириш учун қўлланилган ва худоб, илоҳим каби маъноларда келадиган дуо ибораси. [Мунажжсим:] *Самовий мавжудотлар шаҳинишнинг бахт ва саодатидан башорит бердилар.* [Ҳусайн:] *Иншоолло, айтганингиз келсин!* Уйғун ва Я. Султон, Навоий.

**ИНШОТ** [а] Турли мақсадлар учун қурилган бинолар ва уларнинг ускуна жиҳозлари. *Гидротехник иншоотлар.*

**ИНЪЕКЦИЯ** [р < лат] Тери орасига дори юбориш; уқол. *Инъекция усули билан қўлланилган дори организмга жуда тез таъсир қилади.* Н. Исmoilов, Қасалларни парвариш қилиш.

**ИНЪИКОС** [а] 1 Ойнада, сувда ва умуман ялтироқ нарса бетида акс этган тасвир; акс.

2 Объектив мавжудотнинг, воқеликнинг киши онгида акс эттиши; акси. *Драматургнинг ифода қилиб берган тиллари турмушимизда ҳали ҳам учраб келадиган эскилик сарқитларидан қутила олмасан кишиларнинг бадий инъикосидир.* «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки».

**ИНЪОМ** [а] 1 Тортиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, совға. *Инъом қилмоқ.* *Инъом бермоқ.* — *Шомуродга мени таъриф қиласан... қизили кўндирасан, келиб менинг инъомларимни олсан.* «Ёдгор».

2 *Инъом (эркаklar исми).*

**ИНҚИЛЛАМОҚ** *Ориқ,* дарад зўридан ихрамоқ. — *Емон билан тенглашиб бўлмади, жоним,* — *деди Насимжон касалдай инқиллаб.* Ойбек, О. в. шабадалар. | *Оғир юк зўридан «иҳ-иҳ!» деган овоз чиқармоқ.* *Шофёр ҳар бири қўйдек келадиган иккита чўл қовунини инқиллаб кўтариб келди-да...* *дуналашиб юборди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ИНҚИЛЛАТМОҚ** инқилламоқ *фл. орт. н.*

**ИНҚИЛОБ** [а] 1 *эск. айн. революция.* *Маданий инқилоб.* — *Маҳкам ота ўтирган ерида: «агар Октябрь инқилоби бўлмаганда, қизим мана шу ўзини бенаво, ғариб деб атаётган исқиртга оқсоч бўлар эди», — деб дилдан ўтказди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 *Инқилоб (эркаklar исми).*

**ИНҚИЛОБИЙ** [а] *эск. айн. революцион.* *Инқилобий ҳаракат.* *Инқилобий шир.* — [Темир:] *Йўқ, инқилобий қонун бундай ишга йўл қўймади, Ғаффорбой халқ олдига, халқ сўзи олдига қилмишларидан ҳисоб бери.*

З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ИНҚИЛОБЧИ** эск. айн. революционер.— *Ойим мени деб, элни деб, инқилобчи бўлиб ўлиб кетди,— деди Раззоқ, қўзғолонда отилган онасини эслаб.* Х. Фулом, Машъал.

**ИНҚИРОЗ** [а] 1 Тараққиётда орқага кетиш, пасайиш; таназзул, регресс, тушкунлик. *Капиталистик жамиятнинг инқирози. Буржуа маданиятининг инқирози.*

2 Тугаш, охир бўлиш, битиш. *Мўминмирзоннинг ўлими Темурийлар хонадонининг инқирозидан нишондир. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Инқирозга учрамоқ (ёки юз тутмоқ) 1) орқага кетмоқ, пасаймоқ, таназзулга, тушкунликка учрамоқ; 2) тугамоқ, битмоқ.*

**ИОН** [р < грек] физ. Электр заряди бўлган атом ёки атомлар группаси.

**ИОНА** [а] эск. 1 Моддий ёрдам, нафақа.— *Бу юртнинг бойлари қани? — диққати ошиб қизиша бошлади Валихон.— Қани савдогарлари? Қани амалдорлари? Сийлов қани? Иона қани? Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

2 Бирор кори хайр учун тўпланган пул. *Паспортимни қўлимга осонгина тутқизиб қўя қолмади... иона баҳонаси билан алақандай бир қутига пул ташлаттириб, сўнгра қўл қўйдириб, паспортимни қўлимга тутқазди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уришлари. Мен боёнларимиздан эликтасини «кўмак» рўйхатига олиб қўйдим. Улар бугун-эрта иона тўплаб келтирадилар. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

**ИОНИЗАЦИЯ** [р] физ. Ионларга айланиш ёки айлантириш; ионларнинг ҳосил бўлиши, ионлашув.

**ИОНЛАШМОҚ** физ. Ионларга айланмоқ, ион ҳосил қилмоқ. *Ионлашган ҳаво.*

**ИОНЛАШТИРМОҚ** ионлашмоқ фл. орт. н. *Ҳавони ионлаштирмоқ.*

**ИОНЛАШУВ** физ. Ионларга айланиш; ионларнинг ҳосил бўлиши; ионизация. *Ионлашув процесси. Ҳавонинг ионлашуви.*

**ИОНОСФЕРА** [р] физ. Атмосферанинг ион ёки эркин электронларга бой бўлган юқори қатлами.

**ИП** 1 Пахта, ипак, зиғир, жун ва ш. к. толасидан ингичка қилиб йиғирилган ёки йиғирилмаган тикув, тўқув материали. *Пишиқ ип. Хом ип. Машинага ип солмақ. Ип газлама. [Алиохун] бир неча минутдан сўнг туриб... игнани олди, қаердандир ип топиб, эски, серямоқ кўйлагининг йиртигини тикиша ўтирди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бунни сотиб чарм, ип, сирач, мум сингари қосибчилик учун керакли ашёларни олди. Ойбек, Қутлуғ қон. Умуман боғлаш, ўраш ва ш. к. мақсадлар учун қўлланиладиган нарса, мас. шнур, қаноп, чилвир, Ботинка иши. Мард иигит қўлда аждар бўлади, номард одам ипни аждар била-*

ди. Мақол. — *Тоғаси сўйилган қўйнинг ипини олди-ю, шошиб ташқарига чиқиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Пай, ичак ва ш. к.дан чолғу асбоблари учун ясалган тор. *Мели полвон... дўторга аччиқ қилиб сўзлади: — Сени ўйлаб топган Афлотунни кўп ақли одам ўтган дейдилар-у, фақат ипингни узилмайдиган қилиб ясашга ақли етмапти-да. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 *Кўчма айн. ришта 3. Дўстлик ипи. Муҳаббат ипи. — Доирачи, раққоса ва созандалар ўртасида томошабин сезмайдиган нозик алоқа ипи мавжуд. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.*

4 *Кўчма Йўл, чизиқ, хат. Узоқда, кечанинг қора чодирига бурканган дарахлар устидан... ўқлар... ҳавода олов ип чишиб учардилар. Ойбек, Қуёш қораймас.*

5 *Кўчма Мазмуний боғланиш. [Умурзоқ Ҳожара:] Шўринг курсин-да, хотин! Ғуриг-ғуринг қиласан, на гапинининг ипи бор, на боғичи. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

◆ **Ип эшолмайди** тенг ёки бас кела олмайди. *Сизнинг сарполаңгизни кийгандан кейин бирам очилиб кетдики... жаннатдаги хури-ғулмонлар ҳам унинг олдида ип эшолмайди деб бўлиб қолдилар. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. Ипидан игнасиғача бутун тафсилоти билан, тўла-тўқис, майда-чуйдасиғача, батафсил. Сиз айтинг, ахир, сиёсатни ипидан игнасиғача биласиз, мен нима қилсам бўлади энди? П. Турсун, Ўқитувчи. Ипни узиб ерга ташламоқ узил-кесил ҳал қилмоқ, бир ёқлик, бартараф қилмоқ.*

**ИПАК** 1 Пилла қурти чиқарган жуда ингичка пишиқ тола ва ундан йиғирилган ип. *Хом ипак. Пишитилган ипак. — Адолат қопчиғини очди. Унда ангишвонадан тортиб, ип, ипакларга-ча бор эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Шундай иплардан тўқилган мато, шойи ва ундан тикилган кийим ёки буюм. | *Ипак рўмол. — Зайнаб ҳам тамою ипакларга кўмилиб ясанган, кеча эрга теккан янги келинлар сура-тига кирган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 *Кўчма Мулойим, нозик. Ботирали хотинининг қалин ипак сочини силаб гапирди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

◆ **Ипак ойим қ. ойим 3.**  
**ИПАКДАЙ**, эдек 1 Ипак сингари мулойим, нозик. *Ипакдай майин пахта. 2 Кўчма Жуда ҳам хушмуомала, ширин сўз; мулойим. Ипакдай аёл. Танқиддан кейин ипакдай бўлиб қолди.*

**ИПАКЛИ** Ипаги бор, ипакдан тўқилган. *Нигора.. чамадонини очди... ичинини тита бошлади. Янги гулдор дастурхон, бир-икки жўра ипакли, яна жилдли, жилдсиз китоблар. С. Анорбоев, Оксой.*

**ИПАКЛИК** Ипакли газламадан, шойидан қилинган, тикилган кийим. *Ипаклик киймоқ.*

**ИПАКФУРУШ** Ипак ёки ипакли газлама сотувчи савдогар. *Поякиликдан нововийни оламан-да, таниш ипакфуруш яҳудийдан онам буюрган ипакларни харид қилгани жўнайман. Ойбек, Болаклик.*

**ИПАКЧИ** 1 айн. ипакфуруш. 2 Пилла ва ипак тайёрлаш билан шуғулланувчи.

**ИПАКЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг пилла етиштириш иши билан шуғулланадиган тармоғи. *Ипакчилик хўжалиги. Ипакчилик бошқармаси.*

**ИПИЛТИРИҚ** Жуда ориқ, нимжон, қилтириқ. *Ипилтириқ бола. — Ер ориққун ипилтириқ бўлиб сабази, Эл олдида Қўканининг ҳеч Қолмай лафзи. Ф. Фулом, Қўкан.*

**ИПИР-ИПИР** Бурда-бурда, бўлак-бўлак, ипга ўхшаш паға-паға (сут, ис кабилар ҳақида). *Сут чириб ипир-ипир бўлиб қолди. — [Қорхонанинг] деворлари, шиллари ўрчимчак иллари, ипир-ипир қора ислар билан қопланган. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИПОР** 1 Баъзи хайвонларнинг, асосан Сибирда яшайдиган бир хил кийининг жинсий безидан олинадиган хушбўй модда; мушк.

2 Шу модданинг ва умуман хушбўй нарсаларнинг хиди. *Тарқатар шингилларинг райҳон ипорнинг бўйини, Чорласа ширин чарослар — бормайин қолгайми мен! Ф. Фулом.*

**ИПОРГУЛ** Ипор каби хушбўй гул, атир гул.

**ИППОДРОМ** [р < грек] От чоптириб, улоқ ва пойгадар ўтказиладиган кенг майдон; отчопар.

**ИПСИЗ** Ипи йўқ, беип. **Ипсиз боғламоқ қ. боғламоқ.** — *Бизни ҳоким Тешабойга ипсиз боғлаб бериб кетди,— деди Қудрат. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ИРВАЙМОҚ** Эгри бўлиб қолмоқ, қийшаймоқ (уй, девор ҳақида). *Деворнинг ирвайган ерлари. | Иржаймоқ (оғиз ҳақида).*

**ИРВАЙТИРМОҚ** ирваймоқ фл. орт. н. *Нимага қийшиқ оғзини ирвайтириб куляпсан? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ИРГАМЧИК** с. т. Кишини жиркантирадиган; йиргамчик, жирканч.

**ИРГАНМОҚ** с. т. Йирганмоқ, жирканмоқ.

**ИРГАНЧ** с. т. Жирканч.

**ИРЖАЙМОҚ** Овоз чиқармай лабларни ёйиб ёқимсиз кулимсирамоқ, иршаймоқ, тиржаймоқ. *Мунча иржайсан? — Фосиҳ афанди бўлса... қора дулдул устида куйдирган калжадай иржайиб ўтирар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ИРЖАЙТИРМОҚ** иржаймоқ фл. орт. н. айн. иржаймоқ. *Бола... унинг жигига тегар, йўларга эса ўрқир тишларини иржайтириб, кўзларини қисиб ирилларди. М. Осим, Утпор. Тишларини иржайтириб ўлакка қидирган оч бўрилларнинг овози эшитила бошлади. Ғайратий, Унутилмас кунлар.*

**ИРЖАЙТМОҚ** иржаймоқ *фл. орт. н. айн.* иржайтирмоқ.

**ИРИЛЛАМОҚ** 1 «Ир-р-р» деган овоз чиқариб хурмоқ (ит ҳақида). *Узала тушиб оғзи билан пашиа тутиб ётган каттақон сариқ ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 *кўйма салб.* Уришгандек гапирмоқ, итдек қопмоқ. *Сиз бўлмасангиз, булар билан бир ерда ўтириб, гаплашиб бўладими. Халфа билан Махсумнинг дарров ириллаганини кўрдизми?! П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ИРИЛЛАТМОҚ** ирилламоқ *фл. орт. н.*

**ИРИЛЛАШМОҚ** ирилламоқ *фл. бирг. н.*

**ИРИМ** *этно.* Бирор мақсад, ният билан қилинган хурофий тадбир, мас. тўйдан яхши ният билан бирор нарса олиб кетиш, дард-балони қайтариш, зиён-заҳматдан, кўз тегишдан сақлаш учун бирор нарсани бошдан ўгириб ташлаш. *Ирим қилмоқ.* — *Хола тирағи билан Қаримани секин туртиди: «Келин, ирими учун отангизга уч-тўрт сўм пул беришингиз керак».* Мирмухсин, Жаҳолат панжаси. *Эски иримлардан қутулиб етмаган бағзи бўлтаклар, .. ходанинг устига исирқи боғлаб қўядилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ИРИМИГА** *реш* Йўли учун, номига, хўжа кўрсинга. *Концертда биринчи рақсни жуда ҳам ёмон ўйнадим. Бир-икки одам иримга чапак чагандай бўлди.* С. Ахмад, Зумрад. *Муродова ҳамроҳлари билан уриштирди-ю, иримга бир хўлаб, рюмкасини ишига орқасига яшириб қўйди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ИРИМОҚ** Микроорганизмлар таъсирида бузилмоқ, сасиб-бижғиб яроқсиз холга келмоқ, айниқмоқ, чиримоқ. *Гўшт ирибди. Олма ириб кетибди. Сут ириб тушибди.* | *Йиринг олиб, фасод боғлаб илвираб кетмоқ. Яраси ириб кетибди.*

**ИРИМ-СИРИМ** *айн.* ирим-чирим.

**ИРИМЧИ** Иримга ишонувчи; ирим-чиримга берилган. *Иримчи одам.* — *Унинг [сигирнинг] бўйнидаги бир парча эски чарм саланглаб, яғриница урилари. Эгаси иримчи бўлса керак, кўз тегмасин, деб тақиб қўйган-ку.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ИРИМ-ЧИРИМ** Ҳар хил иримлар. *Шу қорда домлаб бориш нимаси! Ҳар баҳо ойимдан чиқади. Ирим-чирим бўлса бас.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИРИН** *эск.* Лаб, дудоқ. *Ярим очик ириллари ичидаси оқ тишлари билан тилини ғарчча тишлаган-да, эйе шу турмушда, шу замонда тугилгани учун каттадан ўқийдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИРИС** [р] Одатда тўртбурчак шаклидаги бир хил ширинлик, конфетнинг бир тури.

**ИРИТМОҚ** иримоқ *фл. орт. н.*

**ИРКИЛМОҚ** *диал.* Ўзини тортмоқ, тортинмоқ. *Чол чарвоққа келиб юра-*

*диган йўлга бурилди. Шунда Ёдгор иркилиб, отининг жиливини тортиб, бовага қараб бир-икки оғиз сўз айтиб турибди.* «Ёдгор».

**ИРКИТ** Қиши йирғанадиган даражада кир, ифлос. *Иркит бола. Иркит пиёла.* — *Бир ёнда судралган қиши увадаси: иркит қор уюми.* Р. Бобожон, Янги китобдан.

**ИРМОҚ** 1 Бирлашиб катта дарё хосил қилувчи ҳар бир айрим кичик дарё. *Сирдарё ирмоқлари.* — *Елғиз оққан ирмоқ ҳам фойда келтиради, қизим, ахир оқиб-оқиб дарёга қўшилади-ку!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Умуман дарёча, кичик дарё, сув. *Бу водийнинг қўёши ҳам бизники, Баҳвал қир, зумрад ирмоқлари ҳам.* Ғ. Ғулум.

**ИРОДА** [а] 1 Мақсадни, вазифани ва умуман ҳар қандай ишни бажариш, юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият. *Кучли ирода. Темир ирода. Иродаси йўқ одам.* — *Улар қўроллари синса — қўллари билан, қўллари синса — тишлари билан, тишлари синса — иродалари билан қазини қасдида келган сув таиналари эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Турғунбойнинг] кўнглини қандайдир шубҳа ва норозилик таталаб турган бўлса ҳам, бирон қарши фикр айтишига иродаси етмади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ихтиёр, хоҳиш. *Ўз иродасига қарши иш қилмоқ.*

**ИРОДАЛИ** Иродаси кучли, бирор мақсад учун матонат ва қатъият билан курашадиган. *Муҳиддин қори Ёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъаткор эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**ИРОДАСИЗ** Иродаси йўқ, иродаси суст, бардошсиз. *Иродасиз одам.* — *Ҳалво — иродасиз кишиларни авраб-алдаб, уларни сотиб олиш ва йўлдан оздириш; қамчи — ишчиларнинг ва халқнинг иши учун курашувчи сидқидил ва онгли кишиларни қўрқитиш ва «зарарсизлантириш» учун хизмат қилади.* В. И. Ленин, Партиямиз программасининг лойиҳаси.

**ИРОДАСИЗЛИК** иродасиз с. белги оти.

**ИРОҚ** I Узоқ, олис, йироқ. *Шаҳар бизга анча ироқ, Осмон ироқ — ер қаттиқ.* Мақол. || *Қамбағаллик қолган ироқда, Яшар, яшнар ҳис, тилак, хаё.* Ҳ. Пўлат.

**ИРОҚ** II (И — катта) Шашмақом системасидаги олтинчи мақом номи (қ. шашмақом). *«Ироқ»ни ироқдаги ёрига эшитилсин деб қуйлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИРОҚИ** I Ип ёки ипақларни кесиштириб, крест шаклида гул тикиш усули ва шу усулда тикилган нарса. *Ироқи тикмоқ.* || *Ироқи жияк.* — *Бошидаги ироқи дўпписи ҳуснига ҳусн қўшарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ИРОҚИ** II: *ироқи совун* юз-қўл ювини учун қўлланиладиган ҳидли совун,

атир совун. *Темиртош ҳам кеча қаллиги Менглиойнинг янғасига иккита ироқи совун, ула-элик олиб, янги рўмолчага тугиб, қош қорайганда борган эди.* М. Осим, Ўттор.

**ИРРАЦИОНАЛ** [р иррациональный] 1 *филос.* Қонуниятга эга бўлмаган ва шу сабабли тушуниб, ақл билан билиб, мапткий йўл билан тушуниб бўлмайдиган; ақлдан ташқари. *Иррационал қараш.*

2 *мат.* Бутун сон билан ўлчаб, ифодалаб ёки ҳисоблаб бўлмайдиган. | *Арифметик амалдан ташқари илдиэ топиш амалини талаб қиладиган. Иррационал тенглама.*

**ИРРИГАТОР** [р] Ирригация, сув чиқарин ишлари мутахассиси.

**ИРРИГАЦИОН** [р ирригационный] Ирригацияга, суғориш ишларига оид. *Ирригацион ишоотлар.*

**ИРРИГАЦИЯ** [р < лат] Сувсиз ерларга сув чиқариш ишлари. *Ирригация ишоотлари.*

**ИРСИЙ** [а] *биол.* Наслга оид, наслдан наслга ўтадиган; наслий. *Ирсий белгилар.*

**ИРСИЯТ** [а] *биол.* Тирик организмларнинг жисмоний ва психик хусусиятларни сақлаш ва наслдан наслга ўтказиш қобилияти.

**ИРШАЙМОҚ** Овоз чиқармай, лабларни ёйиб кўримсиз кулимсирамоқ; иржаймоқ, тиржаймоқ. *Иршайиб қулмоқ.* — *Ер ютгурлар, нима қилиб иршайиб турибсизлар, ҳув, кўзларингиз тешилсин!* — *деди хотинлардан бири.* М. Осим, Ўттор.

**ИРШАЙТИРМОҚ** иршаймоқ *фл. орт. н.*

**ИРШОД** [а] Тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўлга солиш, таълим бериш. **Иршод қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) тўғри йўл кўрсатмоқ, тўғри йўлга солмоқ; 2) эътиқод қилмоқ.

**ИРҚ** I [а] I *эск.* Насл, зот.

2 Инсоннинг бадан ва ранги, юз-бош тузилиши ва ш. к. наслий белгиларни бир хил бўлган, тарихан шакланган ҳар бир группаси. *Оқ ирқ, Қора ирқ, Сариқ ирқ.* — *ЎзССР геражданларининг миллати ва ирқидан қатъий назар .. ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас қатъий қонундир.* «ЎзССР Конституцияси».

**ИРҚ** II *диал.* Юз; ёноқ. *Аваз қараса, Оққиз дуруст қизга ўхшайди, ирқи олмадай пишган, зуфлари белига тушган.* «Балогардон».

**ИРҚИЙ** [а] Ирққа хос; ирққа оид (қ. ирқ I). *Ирқий белгилар. Ирқий назария.* — *Ирқий ёки миллий ортиқликни ёхуд душманликни ва камситишни тарғиб қилувчи шахслар қонунга мувофиқ жазоланади.* «ЎзССР Конституцияси».

**ИРҚЧИ** Ирқчилик тарафдори, ирқчилик сиёсатини юргизувчи. *У тошкентлик Собир — Сардор фашистларни қилди хароб, Гўйсиз ётган ирқчи — мурдор Осидан олди жавоб. Шайхзода.*

**ИРҚЧИЛИК** Ирқлар тенг эмас, шунинг учун гўё «олий», «сара» ирқларнинг «паст» ирқлар устидан ҳукмрон бўлиши тарихий заруратдир деб даъво қилувчи буржуача реакция назария ва сиёсат.

**ИРҒАЙ** Ёғоч қаттиқ, пўсти қизғиш бута.

**ИРҒАЙЗОР** Нуқул ирғайлар билан банд ер, майдон.

**ИРҒАЛМОҚ** диал. У ёқ-бу ёққа чайқалмоқ, қалқимоқ; силкинмоқ. Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқмоқ ёлли тўриқ отни миниб, .. мункиб, қалқиб, минган оти .. бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан. «Муродхон».

**ИРҒАМОҚ** Бошни тебратмоқ чайқамоқ; силкитмоқ. Машинада алланарсани кўчираётган аёлга салом берди. Аёл машинадан кўзини олмай бош ирғаб кўя қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Абдуразоқ ота кўлидаги бўшаган пилани ерга қўйиб, бош ирғаб қудуқ томонни кўрсатди. С. Абдуқаҳор, Олтин водийларни кезганди.

**ИРҒАТМОҚ** ирғамоқ фл. орт. н. У [Самандаров].., кампирнинг ёғдираётган саволларига гоҳ бош ирғитиб ва гоҳ сўз билан жавоб бериб супага томон келар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ИРҒИМОҚ** айн. сакрамоқ. Ариқдан ирғиб ўтмоқ. Ирғиб (ўрнидан) турмоқ чаққонлик билан тез, қалқиб (ўрнидан) турмоқ, диқ этиб (ўрнидан) турмоқ. Ирғиб тушмоқ беҳосдан юқорига кўтарилиб тушмоқ, сапчиб кетмоқ. Оғимга бир нарса тегиб ирғиб тушдим. — Шарофат ирғиб дераздан тушди; худди Сидиқжон унга ҳамла қилгандай, эшикка томон қочди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ирғиб чиқмоқ ташқарига бўртиб, туртиб чиқмоқ (кўз соққаси, томир ва ш. к. ҳақида). Ирғиб чиққан кўзлар. Ирғиб чиққан томирлар. — Унинг [Кўчқорнинг] офтобда қорайсан ориқ, пайлари ирғиб чиққан оғи .. тарашага ўхшарди. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ИРҒИТИЛМОҚ** ирғитмоқ фл. мажх. н. Чуқурликлардан ирғитилаётган тупроқ оқопларнинг чап қирғоқларида тоғ бўлиб кўтарилмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИРҒИТИШМОҚ** ирғитмоқ фл. бирг. н.

**ИРҒИТМАЧОҚ** Бирор нарсани бир-бирга ирғитиб ўйналадиган ўйин. Ирғитмачоқ ўйнамоқ.

**ИРҒИТМОҚ** 1 ирғитмоқ фл. орт. н. Илон юрган қийин йўлдан, «Чу» деб отини ирғитди. «Нигор ва Замон».

2 Отмоқ, улоқтирмоқ. Елкадаги юкни ирғитмоқ. Қўлга тушган нарсани ирғитмоқ. — Ёлғамжон .. қамчини мингбошининг кўлидан юлиб олиб супага ирғитди. М. Исмовилӣ, Фарғона т. о. Қўзйибой ҳар тошни ирғитганда гимнастикачилардай енгил гавдаси билан бир ирғиб тушар ва бу қилигидан ўзи завқланиб куларди. Ҳ. Назир, Сўнас чақмоқлар. Қамчи ирғитмоқ қамчи солмоқ, қамчиламоқ. Арава

оҳиста йўл босарди, қўтослар секин, ялқов қадам ташлар ва ўқтин-ўқтин аравакаш «хўш-хўш!» деб қуруқ суяқ қўтосларга қамчи ирғитиб кўярди. Ойбек, Нур қидириб.

3 Юқорига томон силкимоқ, кўтариб ташламоқ. Ер худди от олиб қочган аравадай кишини ирғитиб-ирғитиб ташлар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ИРҒИШЛАМОҚ** Бир ерда туриб бир неча бор ёки тинимсиз ирғитмоқ, сакрайвермоқ.— Ака! — деди Дилбар ва суюнганидан ёш боладай ирғишлай бошлади. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. Яқинда борсам, қизчалар мени кўришди олиб, ирғишлаб чапак чалишди: «Суюнчи, суюнчи!» деб. А. Мухтор, Туглиши.

**ИРҒИШЛАТМОҚ** ирғишламоқ фл. орт. н.

**ИРҒИШМОҚ** ирғимоқ фл. бирг. н. ИС I Ҳид, бўй. Гул ис. Хандалакнинг ис. — Боғма-боғ ошиб, шамол димоққа аллақандай хушбўй исларни олиб келади. С. Ахмад, Ҳукм.

◆ Исини чиқармай ҳеч кимга билдирмай, маълум қилмай; махфий, яшрин. Бизга нимани буюрган эдинглар? Қизни олиб қочиш, ҳам бир қанча вақт исини чиқармай сақлаш, шундайми? — Шундай. Ойбек, Қутлуғ қон. Одам исн ёқмаган одамни ёмон кўрадиган, ҳеч кимни ёқтирмайдиган.

ИС II I Тутун, дуд. Самовардан бурқираб ис чиқяпти. Ис чиқармоқ этн. арвоҳларга атаб ёки инс-жинсларни қайтариш учун иссиқ овқат пишириб худойи қилмоқ. [Кампир] Уғлимнинг кўлини ҳалоллатсам, сўйиб жиндак ис чиқарман, деб умид билан боқиб юрган бир улогим бор эди. П. Турсун, Уқитувчи. | с. т. Ёнишдан ҳосил бўлган зарарли газ, кўмир оксиди. Сандалли уйдагиларга ис тегибди.

2 Тутун ёки чангдан шип ёки деворларда ҳосил бўладиган ипир-ипир нарсалар. [Хизматқорхонанин] деворлари, шиплари ўргимчак иллари, ипир-ипир қора ислар билан қопланган. Ойбек, Қутлуғ қон. Ис босган 1) ис билан қопланган. Ис босган деворлар; 2) кўчма аллақачонлардан бери ётган, қолиб кетган; эски. Ис босган одам.

**ИСБОТ** [а] 1 Фикр, даъво, фараз ва ш. к.нинг тўғрилигини ёки юз берган ҳодисанинг чинлигини тасдиқловчи факт, ҳужжат, далил.— Гапингизнинг ҳақлиги учун қандай исботингиз бор? Эғриликка олманг, Зайнаб,— деди Қумуш.— Мен бу гапни ёнимда эрим бор бўлганда кирма, деб айтмадим, балки, боғи сўзимнинг исботи учун айтдим. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Тилим билан кўнелимнинг бошқалигини исбот қилингиз. Ҳасанали гинали қиёфада қошларини чимирди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Бирор қонда ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қондалар асосида мантиқий мулоҳаза ва далиллар

билан тасдиқлаш усули, системаси. Пифагор теоремасининг исботи. Уч-бурчакларнинг ўхшашлиги ҳақидаги теоремаларни исбот қилиб беринг.

**ИСБОТЛАМОҚ** 1 Фикр, даъво, фараз ва ш. к.нинг тўғрилигини ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг чинлигини далил, ҳужжат, факт билан тасдиқламоқ. Ўз гапининг тўғрилигини исботламоқ. — Энди у солдатларга бутунлай бошқа гапни айтиши керак. Айтишга айтади-ю, лекин исботлай оладими? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор қонда ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қондалар асосида мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тасдиқламоқ, исбот қилмоқ. Теоремани исботламоқ.

**ИСБОТЛАНМОҚ** исботламоқ фл. мажх. н. Пахта терши машинаси бекуёс фойдали экани амалда исботланди. Даъво исботланди.

**ИСЁН** [а] 1 Синфий, миллий, ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиб кўтариладиган кўзғолон; ғалаён, туғён. Лена дарёсидаги ишчилар исёни. — Бу — улуг халқ исёни, бу — асрлардан буён давом этган жабраи, қўлликка қарши мустамлака камбағалларининг, капитал қўлларининг кўзғолони, дахшатли зарбаси эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Дин. Худонинг амрини бажаришдан бош тортиш, диндан қайтиш.

**ИСЁНКОР** [а+ф-т] 1 Исён кўтарувчи ёки исён кўтарган; исёнчи, кўзғолончи. Эллик йил илгари исёнкор руснинг Биринчи қадамда тўқилган қони Бу кун байроқларга жилвасин солиб, Нурларига чўммишидир яқсар жаҳонни. Ғ. Ғулوم.

2 Исёнга қаровчи, исёнга даъват этувчи. Ҳамза — бой ва амалдорларнинг муртаб башараларини очиб шармандаи шармисор этган исёнкор шоир.

**ИСЁНКОРЛИК** исёнкор с. белги оти.

**ИСЁНКОРОНА** [а+ф-т] рви Исёнкорлик билан.

**ИСЁНЧИ** айн. исёнкор. Тошкентнинг Қўқонга қарши исён қилган бир замонида, исёнчилардан бири... Юсуф-Ҳожидек бир кимсанинг ўз ўғлини Марғилонга юбориб, бунда ҳам исён чиқариш қасдида бўлмоғи унингча [кушбегича] ҳақиқатга жуда яқин ва шубҳасиз эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ИСЁНЧИЛИК** кам қўлл. исёнчи с. белги оти.

**ИСИМОҚ** 1 Ўзига иссиқлик олиб ҳарорати кўтарилмоқ. Сув исиди, Печка қизиб, уй яхши исиди. | Қуёш ҳароратидан қизмоқ. Кун исиди. Ҳаво жуда исиб кетди. — Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким формасининг кўрак тугмаларини ечиб ташлаб елғинишга тушди. М. Исмовилӣ, Фарғона т. о.

2 Кўчма Қўнгли тортмоқ, рағбати, муҳаббати ошиб яқинлик сезмоқ; кўнгли илмоқ. Энди хотинига исиб, меҳмонхонада ётишни ҳам барҳам

берса. А. Қодирий, Утган кунлар.— Йўлдошининг олдига кириб ўтсам, Жамилахоннинг боши кўкка етар. Зора-мора менга кўнгли исиб қолса, .. ўғлимнинг ҳам бахти очиларди-қўярди,— деди Салтанат. Б. Раҳмонов, Қилмиш — қидирмиш.

**ИСИНМОҚ** Ҳозир иссиққа товлаб ёки иссиқ жойда ўтириб баданни иситмоқ. Ғуломжон челақни ёноқ ёнига келтириб қўйди, сувининг эришини кутиб, ўзи ҳам шу ерда исиниб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИСИНТИРМОҚ** **ИСИНОМҚ** *фл. орт. н.*  
**ИСИРИҚ** Кўп йиллик ўтсимон захарли ёввойи ўсимлик. Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, «ёмон кўздан сақласин» учун исериқ тутаттирир, гоҳ қизини қучиб йўғлар.. эди.. Ойбек, Қутлуғ қон. **ИСИРИҚ СОЛМОҚ** исериқ тутатиб кишиларга тутмоқ.

**ИСИРИҚДОН** Исериқчининг исериқ солиб тутатиладиган мис идиши.

**ИСИРИҚЗОР** Исериқ ўсган ер, майдон.

**ИСИРИҚЧИ** Кишиларга исериқ солиб шундан тушган садақа билан кун кўрувчи киши. Йўлчи қараб, киноя билан қошларини чимирди. — Мен хўжайинларнинг бўйинтуруғига каламни тикай, ишлай, улар обдон мойимни ишласин, кейин мени «хушти» деб ҳайдасин, мен гадоёй бўлай, исериқчи бўлай! Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИСИРИҚЧИЛИК** исериқчи с. касб оти.

**ИСИРҒА** 1 Қулоққа тақиладиган олтин, кумуш каби металлдан яса-ладиган зийнат буюми; зирак. Тилла исирға. — У [Турсуно] маржон, исирға, узук тақини бировлардан кўриб ҳавас қилар .. эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Баъзи ҳайвонлар, чунончи эчки-нинг томоғи остидан осилиб турадиган солинчақ этги.

**ИСИТИЛМОҚ** иситмоқ *фл. мажх. н.*

**ИСИТМА** 1 Қасаллик натижасида кўтаришган ҳарорат. *Иситмани йл-чамоқ. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.* Мақол. — Ҳайрият, онангизнинг аҳоли анча тузук бўлиб қолди, иситмаси ҳам қайтди,— деди отаси. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 с. т. Баланд ҳарорат билан ўта-диган баъзи касалликларга (мас. безгак, тифга) берилган ноғўғри ном. *Кумқишлоқ деҳқонларини қадимдан қийнаб келган ботқоқларни, .. иситма, безгак ўчоқларини қуритиш учун бир неча чақирим узунликда зовур қазииш кўрди.* Х. Ғулом, Машғал.

3 *этно.* Кишининг дилини ўзига ёки бошқага мойил этиш мақсадида қилинган амал. *Иссиқ сўзим — иситма, совуқ сўзим — совутма.* Мақол. 4 сфт Иситилган. *Иситма ош.*

**ИСИТМАЛАМОҚ** Дарддан иситмаси кўтаришмоқ, иситмаси кўтарилиб оғир дард чекмоқ. *Матҳолик ака, қанча ерни суғориб, қанча ерда дарахт кўкартиргандан кейин, .. куз пайтида*

Қамишқабанинг чорбоқ даласидаги ертўлада иситмалаб ётиб, ўлиб кетади. 11. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ИСИТМА-СОВУТМА** *этно.* Кишининг дилини ўзига ёки бирор кимсага мойил қилиш ёки ундан «совутиш» мақсадида қилинган амал. [Фотима:] Йўқ, тақсир бўлмайди, сиз иситма-совутмани қилиб бериб кетасиз, ўзим чиқариб юбораман. Ҳамза, Тухматчилар жа-зоси.

**ИСИТМОҚ** 1 **ИСИМОҚ** 2 *фл. орт. н.* — Мен кўрқаманки,— деди у [Ҳам-дамформа], .. Бухоронинг асл шойисидан тикилган ҳилпиллама кўйлақлар, .. амиркони ботинкалар сенинг кўнгли-нгни унга иситган бўлмасин. Айний, Куллар. Мана ман асл дуохон ... Иси-тиб, совутиб қўяман. Ҳамза, Қуз-ғунлар.

2 Ўз тапти, ҳарорати билан бошқа нарсанинг, кимсанинг иссиқлигини оширмоқ, кўтармоқ, иссиқ қилмоқ; ҳарорат бермоқ. Бектемир унинг совуқ қотган жажжи қўлларини пуф-лаб-пуфлаб иситди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Оловга қўйиб, тоблаб ёки бошқа бирор йўл билан иссиқ қилмоқ. Ошни иситмоқ. Сув иситмоқ.

**ИСКАБТОПАР** 1 Чивинга ўхшаб одамни қаттиқ чақадиган майда ҳа-шарот.

2 с. т. Чивин. У [кечалари] ҳам гарм-селлари билан, ҳам қайнашган искаб-топарлари билан одамлар бошига қо-ра қийноқ келтиради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИСКАМОҚ** 1 Ҳидни бурунга тор-тмоқ; хидламоқ. Ҳайдар ота бир туп сада райхонга қўл уриб отади. А. Қах-хор, Асрор бобо. *Искаб кўрсам тоза боғнинг гулисан, Қай шаҳарда қандай беқнинг ўғлисан?* «Ширин билан Ша-кар».

2 Ҳидлаб чиқмоқ. *Раҳим елкасида халта бедозор ёнида турар, «Тарзан» эса тизза бўйи ўсиб гуллаган кўм-кўк беда ичида бир нимани искаб юрар-ди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

3 *кўчма* Пайқамоқ; сезмоқ. «Ҳа айёр чўлоқ, искабсан дарров! Бир маҳалла-дан бир қизни олиб қочишди. Бойвачча-нинг хизматкорининг қизи эмиш ... Дамингни чиқарма!» Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Елкаси ер искамаган** курашда йиқилмаган. Уни Ҳакимполвон деб аташлари ҳам бежиз эмас. У, катта курашларда полвонлар билан беллаш-ган, аммо елкаси ер искамаган. А. Шер-мухамедов, Пискентлик пахлавон.

**ИСКАНА** [ф-т] Ёғоч-тахтани ўйиш, тешиш учун қўлланиладиган, учи япалоқ ўткир пўлат асбоб. У [отам] .. чархнинг парраги ўтказиладиган тешиқларини искана билан кавламоқда эди. Айний, Эсдалиқлар.

◆ **Искана пайванд** қ. х. пайванд-тағни искана билан ёриб, новда сўқиш йўли билан қилинадиган пайванд.

**ИСКАНЖА** [ф-т] 1 Нарсаларни сиқадиган, пресслайдиган асбоб; пресс.

2 *кўчма* Сиқиклик, сиқув. *Бикжон-бика кундошлар исканжасида қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Берлин искан-жада, 1-Украина, 1-ва 2-Белоруссия* фронтларимиз қўшинлари уни ҳам-ма томондан қуришиб, темир халқа ичига сиқиб олган. «Қ. Ўзбекистон», 1959, 9 май. *Олга борсангиз ҳам, орқага қайтсангиз ҳам очлик, сувсизлик искан-жасидасиз.* М. Уринхўжаев, Унутил-мас кунлар. **Исканжага олмоқ** 1) ис-канжа орасига олиб сиқмоқ; прессла-моқ; 2) *кўчма* сиқувга олмоқ, сиқиб қўймоқ. *Энди нолиш ҳам гуноҳ бўла-ди, ўртоқ Умурзоқова, сиз Қодировни исканжага олиб эзбисиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ИСКАРТ** Белгили меъёр, ўлчов; норма. *Искарта келмоқ.* — Энди ташишининг кўплигини айтинг: ис-картдан ортиқроқ ёлғир ёғса экиндан айрилиб қоламаним деб жонимни ҳовучлаб, нуқул қурбақа ўлдирман. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ИСКАТМОҚ** **ИСКАМОҚ** *фл. орт. н.* Дори искатмоқ. Атир искатмоқ. — Поенсиз қирларнинг .. димоғларга маж-бурий искатган даво ислари, ёқимли хидлари ҳар қандай ишдан чиқаёз-ган ҳаёт эгасини озгина бўлса ҳам энга ола биладилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ИСКАШМОҚ** **ИСКАМОҚ** *фл. бирг. н.*  
**ИСКОВУЧ** 1 Ис, хид биладиган; йўқолган, қочган нарсани, кимсани изидан ҳидлаб бориб топадиган. **Иско-вуч** ит 1) ис, хид биладиган ит; 2) с. т. овчи ит.

2 *кўчма* Полиция айғоқчиси. *Қуд-рат .. у ерда ўрганганларини маҳаллий ишчилар орасида кенг ёйиб юрган кунларининг бирида уни жандарма исковучлари тугиб қамадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИСКРАЧИ** 1900 йили Ленин томо-нидан ташкил этилган «Искра» газета-си атрофида уюшган революцион таш-килот қатнашчиси.

**ИСЛАМОҚ** *айн. дудламоқ.*

**ИСЛАНМОҚ** 1 **ИСЛАМОҚ** *фл. ўзл. н.*  
2 Айниб, бузилиб ёмон хид олмоқ, сасимоқ (гўшт, балиқ ва ш. к. ҳақи-да).

3 Ис-қурум босмоқ.

**ИСЛАТМОҚ** **ИСЛАМОҚ** *фл. орт. н.* Балиқ ислатмоқ.

**ИСЛИ** Исн бор, хидли. *Исли райхон. Исли ҳандалак.* — Қаладан қалампир юклар қалачи. Ҳар хил исли бўлар тоғнинг оғочи. «Равшан». *Сенга кунда ўн марта хуш исли совун билан юви-либ ҳеч бир нарсанга теккизилмайдиган нозик қўллар керак.* Айний, Куллар.

**ИСЛИҚ** Утовнинг тепа туйнугини бекитиб турадиган қисми.

**ИСЛИҚИ** Ифлос, исқирт.— *Қазисан, қартасан, ахир аслингда торта-сан!* — деди кампир омборни қулфла-ётиб .. Увада, ислиқи тўн, чилвир бел-боғнинг хумориси тутгандир! А. Қах-

хор, Қўшчинор. У [ўгай она]..мур-дашўйлардан чиққан ислиқи кийимларни билмадим қаердан топиб келтириб, мени уларни кийишга мажбур қиларди. Айний, Эсдалиқлар.

**ИСЛОВОТ** [р слободка] с. т. эск. Исловотхона, фохшишахона. Некалайнинг [Николайнинг] замонида қайнатма Искобилдаги исловотда етти йил қоровуллик қилган. С. Аҳмад, Хукм.

**ИСЛОВОТХОНА** [р+ф-т] эск. айн. фохшишахона. Исловотхоналари тараққий топган мамлакатларда адашган қизлар, озган жувонлар кўпинча Фуод афанди тутган йўллар билан қўлга туширилар.. эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИСЛОВОТЧИ** эск. Исловотхона эгаси.

**ИСЛОМ** [а] 1 Мухаммад пайғамбар асос солган дин; мусулмон дини. *Ислом дини. Ислом қонунлари.* — Бутун ислом дунёсида, айниқса Туркистонда, эшонпарастлик жуда авж олган бўлиб, мусулмонларнинг кўпчилиги эшонга қўл бермаса, имонсиз кетишдан қўрқар эди. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишларн.

2 Ислом (эркаklar исми).

**ИСЛОМИЯ** [а] Исломга алоқадор, исломга мансуб бўлган. **Миллати исломия** ислом динидаги кишилар. *Мақсади диний, дунёвий ҳар нав фойдали ёзувлар билан миллати исломиянинг кўзини очиш, ҳақиқат йўлини кўрсатишидир.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Шўройи исломия тар.** Урта Осиёда Октябрь социалистик революциясидан кейинги дастлабки йилларда пайдо бўлган реакциян сиёсий ташкилот.

**ИСЛОМИЯТ** [а] Ислом дини ва ислом олами. [Мутавалли:] *Ажаб эмаски, уларнинг насаби исломиятдан илгариги Бухоро оташпарастларига бориб етса.* Айний, Эсдалиқлар.

**ИСЛОҲ** [а] 1 Тузатиш, тузатиб яхшилаш. *Ислоҳ қилинган араб алифбоси.*

2 Бирор соҳада тубли равишда ўтказилган ўзгартиш; реформа. *Биз деймишки, турмушимизда бир қадар ислоҳ юзага чиқсин, бемаъни ишларни йўқотайлик.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИСЛОҲОТ** [а] Тубли равишда ўтказилган ўзгартиш; ислоҳ, реформа. *Пул ислохоти. Иқтисодий ислохот. Алифбо ислохоти.* — Бу мушарраф пок мамлакатимизда турли тадбирлар ва ислохотлар ила жамият ишларини тартибга солмоғимиз лозим. Ойбек, Нур қидириб. **Ер ислохоти тар.** 1921—25 йилларда Урта Осиёда ерларни ўзи ишламай, ёлланма кучдан фойдаланиб эктирувчи бойлар ва қулоқлар қўлидан тортиб олиб, ерсиз, кам ер дехқонларга бўлиб бериш мақсадида ўтказилган ислохот ва шу ислохот билан боғлиқ бўлган тадбир-чоралар.

**ИСЛОҲОТЧИ** Ислохот тарафдори; реформатор.

**ИСЛОҲОТЧИЛИК** айн. реформизм.

**ИСМ** [а] айн. от 1. *Исмингиз нима? Исм қўймоқ. Исм бермоқ.* — Бу ёқимтой боланинг исми Қўзбой! Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Исми хос грам.** эск. атоқли от. **Исми ом грам.** эск. турдош от.

◆ **Исми бору, жисми йўқ номи бору, ўзи йўқ. Исми жисмига мос қ. жисм.**

**ИСМАЛОҚ** Барги овқатга (мас., сомсага) солинадиган ўсимлик, кўкат, ўт. *Исмалоқ сомса.*

**ИСМАТ** [а] 1 Номус, ифрат, поклик. [Гули:] *Тириклик битди-ю, сақланди исмат. Алишер, найлайин, шул бўлди қисмат.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 **Исмат (эркаklar исми).**

**ИСМОДШ** [а+ф-т] кам қўлл. айн. адаш 1. *Биз иккимиз исмодош эканмиз.*

**ИСМЛАМОҚ** Исм бермоқ, от қўймоқ.

**ИСМЛАММОҚ** исмламоқ фл. мажж. н.

**ИСМЛАНИ** Исмга эга бўлган, исм билан аталган; номли. *Лола исмли қиз.* — Анварнинг айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Рағно ва иккинчиси сабоқдош шериги Насим исмли бола эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ИСНОД** [а] Уятга ёки таънага қолдирадиган, номига доғ туширадиган иш, номус. *Ҳа, бу исноднинг бир чеккаси ўқитувчиларга ҳам тегади, бутун мактабга тегади!* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мастонбининг келини бу йил ҳам планини бажаролабди, деган иснодни кўтароласанми?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Иснод келтирмоқ** уятга, таънага қолдирмақ, номига доғ туширмақ. **Иснодга келмоқ** уятга ёки таънага қолмоқ, ёмон отли бўлмоқ.

**ИСПАН** қ. испанлар. *Испан тили.* || **Испан аёл.**

**ИСПАНЛАР** Испаниянинг туб аҳолиси; испан халқи.

**ИСПАНЧА** 1 Испанларга, испан халқи, тили ва маданиятига оид. *Испанчо рақс.*

2 Испан тили. *Испанча(ни) биласизми? || Испанча гапирмоқ.*

**ИСПИХОН** с. т. Исфихон.

**ИСПОЛКОМ** [р] айн. ижроком. *Исполком раиси.*

**ИСРОФ** [а] Бехудага хор, нобуд қилиш; ўринсиз ёки ортиқча сарф. *Исрофга йўл қўймаслик.* — Бу гавадга бейўнақай устидан хум калла, Булар учун исроф бўлмиш, эсиз, афсус, Бир дока салла-ю, ўттиз қари малла. Ҳамза. Челагимиз тўйдими, Дарров бураб қўямиз. *Керак бўлса ҳар қачон — Исроф этмай қуямиз.* Қ. Мухаммадий.

**ИСРОФГАР** [а+ф-т] Ўринсиз ёки ортиқча сарф қилувчи, бехудага хор, нобуд қилувчи. *Тантубойвачча каби исрофгар, бекорчи, қиморбоз қудёни Мирзакаримбой ҳар қанча ёқтирмасанда, бир вақтлар катта қизининг ундан айрилиш тилағига тўсиқ бўлган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИСРОФГАРЛИК** айн. исрофгарчилик.

**ИСРОФГАРЧИЛИК** Ўринсиз ёки

ортиқча сарф қилиш, бехудага хор, нобуд қилиш, нобудгарчилик. *Бу харажат, бу исрофгарчиликка тоғ ҳам чидамайди, дўстим Йўлчи.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИСРОФЛАМОҚ** Ўринсиз ёки ортиқча сарфламоқ, исроф қилмоқ, хор, нобуд қилмоқ.

**ИСРОФЧИ** айн. исрофгар.

**ИСРОФЧИЛИК** айн. исрофгарчилик.

**ИССИК** 1 от Жисм таркибидagi молекуларлар ҳаракати (ёниш, химиявий реакция ва ш. к.) натижасида юзага келадиган ва жисмларни иситадиган, қиздирадиган кинетик энергия, иссиқлик, ҳарорат. *Печканинг иссиғи. Утнинг иссиғи.* — *Қовоқ девона деганимиз.. кун иссиғига қарши ўлақишгандек бошига эски телпак, эғнига пахтасидан бошқаси тўзиб кетган гулпи чопон кийган .. эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Қасалиқдан кўтарилган ҳарорат, иситма. *Офтоб ойлм эрининг сўзини кучлаб тушди: — Иссиғи бөр, юзи ҳам қизариб, бўртиб туриббур.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Иссиғим ортиқлидиган сув устига сув ичардим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **сфт** Бирор манба ҳарорати билан исиган, илган, қизиган. *Иссиқ кун. Иссиқ сув.* || *Бугун кун иссиқ.* || *Қаҳратон қишда ялангоёқ муз босиб, саратонда қизган қум кечиб, иссиқда, совуқда обдан тишган бизнинг йигитни ҳам, .. кун хила бетоқат қилган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 **сфт** Иссиқлиқни сақлайдиган, иссиқ тутадиган. *Иссиқ кийим.*

4 **от** Қозон овқати, пиширилган овқат. *Энди мен кета қолай, болагинам йўлдан оч келиб, бир қошиқ иссиққа зориқиб ўтиргандир.* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 **сфт, кўчма** Қишига хуш келадиган, ёқимли. *Иссиқ йеит.* *Иссиқ муомала.* — *Луқмонча, худди юмалагандек, юзуриб медпунктага кириб бораркан, Элчибек уни қақириб, бир иссиқ гап айтгиси келди.* А. Мухтор, Туғилтиш. *Улар ишини навбатчиға топириб келган тракторчилар билан иссиқ саломлашган, Поводиннинг кичик кабинетиға кирдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Истарсан иссиқ** қ. **истара.** Кўзга иссиқ кўринмоқ 1) ёқимли кўринмоқ, хуш келмоқ. *Дадаси дейман, дўстингиз Олимжонни жузаям мактаб буюрди-ю, .. қизингиз бир нарсани билар экан-да, ҳайтовур, шу йеит кўзимга иссиқ кўринган эди.* О. Ёқубов, Чин муҳаббат; 2) **таннича** ўхшаб кўринмоқ. *Ҳой, менга қаран!* *Кўзимга иссиқ кўринсан .. Ёширд.* Карим ака .. мени танидингизми? Н. Сафаров, Шарқ тонги.

◆ **Иссиқ** жон тирик организм, хусусан киши, одам. *Иссиқ жон. Мен оғриб ётарман, бир қошиқ сувага муҳтож бўларман.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Иссиғида** қолай фурсатда, вақти ганиматда. *Иссиғида жўнаб қолинг.* — **Боринг, Насибани мактабидан айтиб**



келинг, иссиқда бора қолайлик! А. Қаҳор, Оғриқ тишлар.

**ИССИҚЛАМОҚ** I Иссиқдан ҳаллослаб қолмоқ, иссиқ ўтиб кетмоқ. *Иссиқлаб келдинг, совуқ сув ичма.*

2 Иссиққа бардош беролмай қийналмоқ. *Қалмоқи сигирлар ёзда иссиқлаб қолади.*

**ИССИҚЛАТМОҚ** иссиқламоқ *фл. орт. н.* Бу минебошини ташвишга солди. *Хўжайинни иссиқлатиб қўйиши ярамаслигини додхоқ яхши билар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ИССИҚЛИК** I иссиқ 2,5 с. белги оти.

2 *айн.* иссиқ I. Химиявий энергиянинг иссиқликка айланиши. *Иссиқликни йлаш асбоби.*

3 Ўзбек халқ медицинасида: юқори калорияли озиқ-овқатлар (қазни, ёғ, палов, ширинлик ва ш. к.); тақ. **совуқлик** 5.

4 с. т. Қасаллик ёки бошқа бирор сабаб билан баданда пайдо бўладиган майда-майда бўртмачалар; тошма. *Боланинг баданига иссиқлик тошибди.*

5 *қўма* Яхшилик, фойда. *Деҳқон бундан иссиқлик чиқишига ишончини йўқотган, асабийлашган ҳолда қичқирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**ИССИҚСЕВАР** Иссиқни севадиган, иссиқда яхши ривожланадиган (даррахт, экин ва ш. к. ҳақида). *Ўзбекистоннинг жанубида иссиқсевар субтропик экинлардан шакаркамизи, шарқ хурмоси .. хандақларда — цитрус мевалар етиштирилади. «ЎзССР иқтисодий географияси».*

**ИССИҚСИРАМОҚ** Бир неча вақт иссиқ овқатсиз қолиб иссиқ овқат ёки иссиқ чойга талаб сезмоқ, иссиқ овқатни соғинмоқ, кўмсамоқ.

**ИССИҚ-СОВУҚ** I Иссиқ ва совуқ овқатлар. *[Раис ошпазга:] Меҳмонларнинг иссиқ-совуқдан хабардор бўлиб тур. Булар шаҳар кишилари, табиатларига яраша овқат қил. М. Муҳамедов, Ҳайбаракаллачилар.*

2 Ҳаётнинг оғир-енгли, яхши-ёмон кунлари, икир-чикир ташвишлари, ҳар хил шароитлари. *Начальник Каримов қирқ бешлар чамасида, анча пихи қайрилган, иссиқ-совуқни бошидан кечирган. С. Абдулла, Куёвлар, келнлар.*

3 *эти.* Кишини гўё бирор кимсага «иситадиган» ёки ундан «совутадиган» амал, дуо ва ш. к. нарсалар. *Кейинги қийдирган иссиқ-совуғи кор қилди, шекли, бира тўласига Марғилонни тилини олмаёқ қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ИССИҚ-СОВУҚЧИ** *эти.* Иссиқ-совуқ қўлувчи дуохон.

**ИССИҚХОНА** I Ҳаммомнинг терлатадиган даражада иситиладиган алоҳида хонаси. *Яқингинада юз ва сочларини силлаб эсан шабада ҳозир су-сайиб, ҳаво ҳаммомнинг иссиқхонасидаидай дим бўлиб қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Ўсимлик ёки ҳайвонларни совуқ

вақтда парваришlash учун қуёш нури билан иситиладиган махсус ойнавон қурилма, бино. *Парниклар ва иссиқхоналарда етиштирилган эртанги сабзавот.*

**ИСТАК** I Кишида бирор нарсага бўлган интилиш; тилак, хоҳиш. *Бунга истаги йўқ. Истаги бор. Истак билдирмоқ. Ўз истаги билан иш қилмоқ. Истагига қарши чиқмоқ. — Жоду кўзларни яна бир кўриш, ҳеч бўлмаганда у кўзлар эгасининг кимлигини билиш истаги билан юраги тепарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Истак феъли грам. истак-хоҳиш маъносини ифодалайдиган феъл формаси.*

**ИСТАК II** Ток пояларини боғлаш учун ишлатиладиган тол новдаси. *Бор очилганига бир ҳафта бўлди, боғбоннинг кўлиди истак. С. Аҳмад, Колхозда баҳор.*

**ИСТАКЛИК** Истак бўладиган новда. **ИСТАЛМОҚ** **истамоқ** *фл. мажҳ. н.* *Исталган натижага эришилади.*

**ИСТАМОҚ** I Истак-талаб хис этмоқ; хохламоқ. *Кўнглингиз нима истаиди? Истаган нарсангиз топилади. Мен сизни ранжитишни истамайман.*

— У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутаётган Тешабойнинг минебоши бўлиб келганми-йўқлигини билишни истар, лекин билолмай тажанг бўларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ахтармоқ, изламоқ, қидирмоқ. *Сиз кимни истаб эдингиз? — Зар қадрини билди заргар, Қошки заргар бўлса жононим; Зўр машаққот бўлса ҳам асар, Истаб келса мени меҳмоним. Ё. Мирза.*

**ИСТАРА** [ф-т]: **истараси иссиқ** чехраси, кўриниши, юзи иссиқ, ёқимли. *Истараси иссиқ йиғит. — Ҳалил жажжигина, истараси иссиқ, сочлари қўнғирок, бўйи ўзига қарийб тенг келадиган дилакш бир қиз билан танишди. Туйғун, Дўстлик севинчлари.*

**ИСТАРАПИЛ** [р стропила] с. т. Томга ёпилган турунка, шифер ва ш.к.ни кўтариб турувчи қир тўсинлар. *Истарاپил қурмоқ.*

**ИСТАР-ИСТАМАС** *рви* Унчалик истаги бўлмагани ҳолда, унчалик истамаса ҳам. *Истар-истамас рози бўлмоқ.*

**ИСТАШМОҚ** **истамоқ** *фл. бирг. н.* *Улар кимни исташяпти?*

**ИСТЕЪДОД** [а] Ижодий қобилият, лаёқат, талант. *Шоирлик истеъдоди. Истеъдод эгалари. — Биласиз, бутун истеъдодини халқ учун сарфлаган улғ одамлар ўзларини гражданин деб атаганлар. П. Қодиров, Уч илди. Ҳар кимса ўз истеъдодига қараб ўзидан кейин бирор из қолдириб кетиши керак. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ИСТЕЪДОДЛИ** Истеъдодга эга бўлган; қобилиятли, лаёқатли, талантли. *Истеъдодли бола.*

**ИСТЕЪДОДСИЗ** Истеъдоди йўқ, қобилиятсиз, лаёқатсиз, талантсиз.

**ИСТЕЪМОЛ** [а] I Ишлатиш, қўллаш, фойдаланиш, истифода. *Кенг ис-*

*теъмол-моллари. Истеъмолдаги сўзлар. — Тилимиздаги баъзи бир сўзлар даврнинг ўтиши билан эскириб истеъмолдан чиқиб кетади. «Ўзбек тили дарслиги». Буюмнинг фойдали бўлиши унинг истеъмол қимматиدير. В. И. Ленин, Карл Маркс.*

2 Ейиш-ичиш; қабул қилиш. *Гўшт истеъмол қилмоқ, Дори истеъмол қилмоқ. — Аъзоларнинг ўз истеъмоллари учун экилган майда экинлар ҳам чакки эмас. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ИСТЕЪМОЛЧИ** Истеъмол қилувчи, ишлатувчи, фойдаланувчи. *Истеъмолчиларнинг талабини эътиборга олмақ. Электр истеъмолчилари.*

**ИСТЕЪФО** [а] Ўз мансаб ёки хизматидан ўз ихтиёри билан воз кечиш, кетиш. **Истеъфо бермоқ** ўз мансаб ёки хизматидан воз кечмоқ, кетмоқ. **Истеъфога чиқмоқ** мансаб ёки хизматдан бўшаб кетмоқ.

**ИСТЕЪЗО** [а] Кимсанинг устидан кулиш, масҳара қилиш; масҳара, мазах, киноя. *Истеъзо этмоқ (қилмоқ). — Балки беғингизнинг тамалари хон қизидадир,— деди истеъзо билан Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ИСТЕЪЗОЛАНМОҚ** Кимсани масҳараланган каби кулимсирамоқ. *[Кумуш] Зайнабнинг бир ярим қарич осилиб кетган қовоқ дудогига истеъзоланиб томоша қилар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ИСТЕЪЗОЛИ** Истеъзо аралаш, кинояли. *Унинг лўппи, юмалоқ юзларида истеъзоли кулги пайдо бўлди. Ш. Ғулломов, Бўз ер уйғонди. Муҳаммадҷонга доим илқ муомала қиладиган Зуфар Ҳакимович бузуи нега қўл бериб кўришмагани мана шу истеъзоли саволидан билиниб турарди. П. Қодиров, Уч илди.*

**ИСТЕЪЗОСИЗ** Истеъзодан холи, киноясиз, тўғри. *Унинг кулгиси истеъзосиз, самимий эди; ҳазиллари пичиңгесиз, қоңириқлари ачиқ эмасди. Ф. Мусаёнов, Хури.*

**ИСТЕЪЖОМ** [а] I *ҳарб.* Мудофаа учун қурилган мустаҳкам тўсиқ, гов, девор, қалъа ва ш. к. *Ҳарбий истеъжом. Мудофаа истеъжоми. Дала истеъжомлари. Истеъжом қурмоқ. — Сиз мардлар авлоди, сиздаги ғурур Пўлат найза каби ўткир, буқилмас. Шунқор кўкрагингиз истеъжомдан зўр, Чунки пок ҳавода олмишдир нафас. Ғ. Ғуллом.*

2 Мустаҳкам таянч, суянчиқ; кўрғоп. *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқлар дўстлигининг истеъжомидир.*

**ИСТЕЪСОЛ** [а] *кт.* Ҳосил этиш; унумдорлик.

**ИСТЕЪСОЛОТ** [а] *эск. кт.* Ишлаб чиқариш, санаот.

**ИСТИБДОД** [а] Мустабидларнинг маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуқига асосланган жабр-зуул, эъши; шу асосга қурилган идора усули. *Тошкент халқи Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак*

сўрашни ҳам билмайди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ИСТИБДОДЧИ** Истибдодга асосланган; мустабид, золим. **Истибдодчи ҳукумат** золим подшоҳ ҳукумати.

**ИСТИЛО** [a] Қурол кучи билан ўзга мамлакатни босиб олиш, забт этиш. *Араб истилоси. Мўғуллар истилоси. Ватанни ажнабийлар истилосидан ҳимоя қилмоқ.*

**ИСТИЛОЧИ** Истило, забт этувчи ёки этган; ўзгаларнинг ерини, мамлакатини қурол кучи билан босиб олган; тажовузкор.

**ИСТИЛОЧИЛИК** Ўзгалар мамлакатини қурол кучи билан босиб олиш, шундай мақсад йўлидаги хатти-ҳаракат, сиёсат; тажовузкорлик. *Истилочилик сиёсати.*

**ИСТИЛОҲ** [a] *эск. кт.* Термин, атам. *Фалсафа истилоҳлари.*

**ИСТИЛОҲОТ** [a] *эск. кт.* Терминология, терминлар, атамалар.

**ИСТИНОД** [a] *эск. кт.* Таяниш, орқа қилиш, суяниш; таянч, суянчиқ. *Давлатнинг истиноди. Истинод этмоқ.*

**ИСТИНОДГОҲ** [a+ф-т] *эск. кт.* Таянладиган, беркиниладиган жой; таянч, орқа.

**ИСТИОРА** [a] I *ад.* Бадий ўхшатма, метафора.

2 *эск. лнгв.* Бошқа тилдан ўзлаштирилган сўз, ўзлаштира.

**ИСТИРОҲАТ** [a] Роҳат қилиб дам олиш, хордик чиқариш. У [Сидиқжон] .. *истиरोҳат чоқларида рўпара келган тўпа қўшилиб хурсаночилик қилар .. эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ИСТИРОҲАТГОҲ** [a+ф-т] Дам олиш жойи, роҳат қилиб дам олиннадиган жой. *Гоҳ одамлар .. велосипедга миниб, шаҳардан ташқаридаги истироҳатгоҳ — булоқ бўйига жўнайди.*

А. Қаҳҳор, Сароб.

**ИСТИСНО** [a] *рвш* Қонун-қоидадан, умумий тартибдан ёки қатордан, ҳисобдан ташқари; мустасно. *Истисно қилмоқ (этмоқ).* *Бир-иккита бола истисно қилинса, қолганлари яхши ўқийди.* Умумий қоидалар ҳаммавақт истиснога йўл қўяди. *Экскурсияга ҳамма боради, бундан фақат дежурликка қолдирилган болалар истисно.* ■ Саройдаги бир-икки хужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофирлар ила тўла. А. Қодирий, Утган кунлар. *ЎзССРнинг ҳамма судларида ишлар, агар қонунда истисно қилинмаган бўлса, очик кўрилиб, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи тағмин этилади.* «ЎзССР Конституцияси».

**ИСТИСНОСИЗ** *рвш* Истисно қилмасдан; мустасносиз, беистисно.

**ИСТИСҚО** [a] *мед.* Юрак, буйрак ва ш. к. нинг касалланиши натijasида тана тўқимасида сув тўпланиш касаллиги. *Мен фалон бойвачанинг хотини бўлар эдим. У киши яқинда истисқо касали билан ўлди.* Ф. Ғулум, Тирилган мурда.

**ИСТИФОДА** [a] Фойдаланиш, ишла-тиш. *Истифода қилмоқ (этмоқ).* ■

Улар оммада диний, миллий адоват қўзғаб, уни ўз мақсадлари йўлида истифода қилмоқчилар, бу орада сен ва мен ҳаром ўлиб кетамиз. Айний, Дохунда.

**ИСТИФОДАЛАНМОҚ** Фойдаланмоқ, истифода қилмоқ.

**ИСТИҚБОЛ** [a] I Қелгуси замон, келгусидаги ҳаёт; келажак. *На ҳозирги ҳолати, на истиқболи унга ҳеч нарса вағда қилмас эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. | Бирор ишнинг, нарсанинг келажакдаги тақдири; перспектива. *Колхозчи-миэнинг истиқболи. Шаҳримизнинг истиқболи.*

2 Муҳаббат изҳор этиш учун кимсанинг йўлига пешвоз чиқиш, уни қаршилаб, кутиб олиш. **Истиқболига чиқмоқ** қаршилаб, кутиб олмоқ, пешвоз чиқмоқ.

**ИСТИҚБОЛЛИ** Истиқболи порлоқ, келажакга яхши, умидли, келажакдан яхши умид кутса бўладиган. *Истиқболли ёш олим. Истиқболли иш.*

**ИСТИҚБОЛСИЗ** Истиқболи, келажакга йўқ, келажакдан яхши умид кутиб бўлмайдиган.

**ИСТИҚБОЛЛИ** [a] Бошқаларга тобе бўлмай ўз эрки билан яшаш, ўзини-ўзи идора этиш; мустақиллик, эркинлик. *Миллий истиқлол.*

**ИСТИҚОМАТ** [a]: **истиқомат қилмоқ** (ёки **этмоқ**) бирор жойда яшамоқ, турмоқ, ҳаёт кечирмоқ. *Шўрлисойда истиқомат қилувчи аҳоли колхозга уюшиб, чўл қулашга тўнди.* И. Раҳим, Хислат. **Истиқомат жойи** яшаш жойи, турар жойи.

**ИСТИҚОМАТГОҲ** [a+ф-т] Истиқомат қилинадиган жой, турар жой. *Воҳадаги истиқоматгоҳларнинг мустақамланганлиги .. Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жаҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа областларидан ажралаб қолганлигини кўрсатади.* И. Жабборов, Кўхна харобалар сирин.

**ИСТИҒНО** [a] I Эътиборсизлик билан қараш, рўйхуш бермаслик; бейлтифотлик. *Эгасининг одамгарчилиги ҳар қанча катта бўлганда ҳам меҳмонларнинг .. истиғно ва виждон доирасидан чиқмаслиги лозим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Ўз қийматини ошириш учун ўзини кимсага нисбатан бепарво қилиб кўрсатиш, ноз қилиш; ноз, карашма. *Ёр истиғносидан йлмасману Қуйдим ва лек — Лобарим олдида назмим Бу қадар бехол учун.* Э. Воҳидов.

**ИСТИҒНОЧИ** Истиғно қилувчи, нозли, карашмали.

**ИСТИҒФОР** [a] *дин.* Худодан гуноҳни кечириниши сўраш, қилган гуноҳларига тавба изҳор этиб, «астағфируллоҳ!» дейиш. *Истиғфор келтирмоқ.* ■ У [аттор] из қидириб, эшоннинг даровзасига келса ҳам, эшондан шубҳа қилиш гуноҳ бўлганидан истиғфор айтиб қайтиб кетган. Ф. Ғулум, Шум бола.

**ИСТИҲОЛА** [a] Андиша, мулоҳаза, тортиниш. *Истиҳола қилмоқ (торт-*

моқ). ■ *Муса зарда билан бурилиб, Бўйтага еворгудек бўлиб тикилди, .. айтадиган гани уятлироқ экан шекилли, аёллардан истиҳола қилиб айтолмади.* С. Аҳмад, Хукм. *Жуда истиҳола тортди, пешанамдан тер чиқиб кетди.* Ф. Ғулум, Тирилган мурда. |

**ИСФИХОН**, **исфихон қилич** Исфихонда ясалган қилич. *Белда кескир исфихон.* «Равшан».

**ИСҚИРТ** Жуда ҳам кир, яғир, ифлос (одам ва унинг кийим-боши ҳақида). *Бекнинг кўзига бўйнига тўра осган юпун аёл кўриди. Қўйлаги йиртиқ, Олпоқ билаклари исқирт.* Ҳ. Ғулум, Машъал. У [Жолаббой] бошига ёғи чиқиб кетган исқирт дўппи, энига юз ямоқ тушган чопон, оёғига ҳам теридан тикилган эски этик кийиб олганди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ИСҚОТ** [a] *дин.* Қилинган гуноҳини ювиш ёки бало-офатни даф этиш ниятида ажратилган пул, нарса. *Ҳожи эшонга тортиқ қилиш учун бир тўп дока, исқот бериш учун юз танга нақд пулни оқсоқол қўлига топишди.* Айний, Дохунда. | Ўлган кишини нариги дунёда тортадиган азобдан қутқариш учун бериладиган хайр-садақа, нарса; шу муносабат билан ўтказиладиган маросим. *Абдуражаб қасоб деган бир вазоҳатли чол қазо қилиб, исқот кўтарилганида пир-эшон ҳазратлари ҳузурда шу чолнинг «гуноҳларини сотиб олиб», банди эзулукдан эътиборли мулкдорлар доирасига аралаша бошлаган экан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Искотинга кўй қарғ.** Ўлганингда исқот қилиб берилсин (бирор кимса бирор нарсасини бировдан қизганда айтилади).

**ИСҚОТИ** [ф-т < a] I Исқот қилинган, исқотга берилган, қўйилган нарса.

2 *сўк.* Ярамас, нокас, паст. *Атторнинг эшаги, шундай ўйлаб қараса, .. аттор ҳар кун азонда оғир юк ортади, ўзи ҳам миғнади, «хи, исқоти!» деб икки биқинига тепади.* А. Қаҳҳор, Барон фон Ринг. *Исқоти, оти нима эди? — Абдулла бир лаҳза ўйлаб, отини эсломади шекилли, сўзини давом эттирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ИТ** I Уй-рўзғорни кўриқлаш, ововлаш ва ш. к. мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёқли сүтэмизувчи уй ҳайвони. *Қўпнақ ит. Ов ити.* ■ *Катта темир дарвоза остида чўзилб ётган хирсдай ит бошини кўтариб қириллади.* А. Қаҳҳор, Бошсиз ўдам. | *сўк.* Ҳайвон, махлуқ. *Азизбек қаршишида қўл боғлаб турган дарвоза бегига бақирди: — Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ит?!* А. Қодирий, Утган кунлар. **Ит эмган** итвачча, итдан таркаган. — *Бу ёққа кел, ит эмган! — деди мингбоши, қизил кўзларини ола-була қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Бировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам; малай. *Мусулмонқул-*

нинг ити бўлмаса, ўзимиздан мингбоши бўларлик одам қуриб қолувдимиз, дейман. А. Қодирий, Утган кунлар.

3 Мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил номи; сак. Унинг йили ит. Ит йили мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил (қ. мучал).

♦ Ит азобиди ёки ит хасратда жуда оғир машаққат, қийинчилик билан. [Хожар:] Ит азобиди кечани кундузга улаб меҳнат қила-қила энди юрт орасида шер қилдим деганда, обрўни тўкиб қўйсам қандай кўргилик! Ҳамза, Паранжи сирларай. Бошига ит кунини солмоқ роса қийнамоқ, азоб-қийноққа солмоқ. Улар қишлоқдашларнинг бошига ит кунини солибди — деҳқонларни қийнабди, ўлдирибди; пахта эксаларинг ўлдирамиз деб дўқ урибди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. Бўйнидан боғланган ит овга ярамас хоҳиши бўлмаган кишини зўрлаганинг билан иш бермайди, деган маънода ишлатилган мақол. Ит тегди нопок, ҳаром бўлди. Қай юз билан боқаман унга? Мени кечирармикан? Кечирмас! Ахир менга ит теккан! С. Аҳмад, Ҳукм. Камбагални туянинг устида ит қопади иши юришмаган киши ҳақида айтиладиган ибора. Ит хасратда айн. ит азобиди. Итдан бир суяк қарз қарзи жуда кўп, ҳаммадан қарз. Итнинг туваги олтиндан жуда ҳам бой, ошиб-тошиб кетган, бой.

ИТАЛГУ айн. итолги.

ИТАЛЬЯН қ. италянлар. Итальян тили. | Италиян аёл.

ИТАЛЬЯНЛАР Италиянинг туб аҳолиси, италян халқи.

ИТАЛЬЯНЧА і Италияларга, Италия халқи, тили ва маданиятига оид. Италиянча қўшиқ.

2 Италиян тили. Сиз италянча(ни) биласизми? || Италиянча гапирмоқ.

ИТАРИЛМОҚ итармоқ фл. мажх. н. Йўлчи .. йўллара берилгани чоқда, кўча эшик қаттиқ итарилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ИТАРИШМОҚ итармоқ фл. бирг. н. ИТАРМОҚ Куч билан ўзидан нари томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ. Столни девор томонга итармоқ. Пиёлани столнинг ўртасига итариб қўймоқ. — [Йўлчи] ички бир жасорат билан эшикни итариб, уй ичига кирганини сезмай қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. Одамлар бир-бирларини итариб, қоқалиб зўр бўрон билан олдинга югурди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ИТАРТИРМОҚ итармоқ фл. орт. н. [Содиқ] ўн-ўн беш одимдан сўнг, ўртоқларига итартириб ўтирмасдан, ўз ихтиёрини юра бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар.

ИТБАЛИҚ Сувда ва қуруқда яшовчиларнинг тухумдан чиққан муртаги.

ИТБУРУН Майда қизил нордон мевали бута ва унинг меваси; наъматакнинг бир тури.

ИТВАЧЧА сўк. Итдан туғилган, ит боласи. Шотмай тур, ҳали у иззатини

билмаган итваччани тутиб адабини бердирмасам. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Бой мени олдиға чақдириб: — Итвачча, нега буларнинг айтганларини қилмадинг? — деди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ИТИРҚИН(И) с. т. Жуда ҳам бертатиб, остин-устин; ифлос. Уй итирқини бўлиб кетибди.

ИТМОМ [а] эск. кт. Сўнг, охир. Итмомига етмоқ. — Бундан сўнг маросим итмомига етиб, Анвар секин-секин орқаси билан юриб биринчи хонага ва.. даҳлизга чиқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИТОАТ [а] Қимсанинг айтганини қилиш, амрини бажариш, бўйсунуш; тобелик. Итоат қилмоқ. — Юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин кутибдорнинг рафиқаси — Офтоб ойим. А. Қодирий, Утган кунлар. Араббойнинг ёши ўн еттида, гавдаси ҳам каттароқ бўлгани учун ҳамма болалар унга итоат қиларди. П. Турсун, Ўқитувчи. Буеундан эътиборан Исфандиёр тўра Хева хонидир. Ҳамма янги хонга сўзсиз итоат қилишга мажбур. Ж. Шарипов, Хоразм.

ИТОАТГУЙ [а+ф-т] айн. итоаткор. ИТОАТГУЙЛИК итоатгўй с. белги оти.

ИТОАТКОР [а+ф-т] Бировга бўйсунувчи, итоат қилувчи, итоатли. Аҳмад Хусайн қўлдан бадтар оғиз, забун, ҳамиша тақдирга итоаткор, ғирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди. Ойбек, Нур қидириб.

ИТОАТКОРЛИК итоаткор с. белги оти. — Совуқ қотдингми? — Сувонжон унинг елкасига қўл ташлаб ўзига тортиди. Ойсулув итоаткорлик билан Сувонжоннинг кўкрагига бош қўйди. С. Анорбоев, Оқсой.

ИТОАТКОРОНА [а+ф-т] рвш Итоаткорлик билан, бўйсуниб.

ИТОАТЛИ Итоат қиладиган, бўйсунадиган. Итоатли бола.

ИТОАТСИЗ Итоат қилмайдиган, бўйсунмайдиган. Итоатсиз бола.

ИТОБ І [а] Таъна, танбех. Итоб этмоқ (қилмоқ). — У Қумушдан итобо-муз сўзлар, ачиқ хитоблар қутар, биринчи итобаёқ ота-она гуноҳига тавба қилишга ҳозирланар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

ИТОБ ІІ [р этап] с. т. Сургун. Итоб қилмоқ.

ИТОЛГИ Лочинсимонлар онласига мансуб йиртқич қуш.

ИТОГИЗ Гули итнинг оғзига ўхшаш бир йиллик ўсимлик ва унинг гули.

ИТПАШША Уй хайвонларида бўладиган қонхўр хашарот. [Жўра] отнинг яғриниға ёпишган битта итпашшани тутиб, сўка-сўка этик пошнасига билан эзди. Ойбек, Қутлуғ қон.

ИТСИГЕК айн. болтирик.

ИТТИФОҚ [а] І от Групп, жамият, синф ёки давлатларнинг бирликда иш олиб бориш учун тузган бирлашмаси; бирлашма, уюшма. Совет Иттифоқи.

Иттифоқ тузмоқ. — ЎзССР тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Республикалари .. билан ихтиёрий равишда иттифоқ давлатига бирлашган. «ЎзССР Конституцияси».

2 сфт Иноқ, ахвл. Иттифоқ оила. Улар бир-бири билан иттифоқ. Иттифоқ бўлмоқ. — Қўнғиллари доим ёши бўлсин. Ўзаро дўст, иттифоқ, ҳамдам, оилага биздек бош бўлсин. Ҳ. Гулом, Байрам кечиди.

ИТТИФОҚАН [а] айн. иттифоқо. ИТТИФОҚДОШ [а+ф-т] айн. иттифоқчи. Барча иттифоқдош республикаларнинг граждандари ЎзССР граждандари билан баравар ҳуқуққа эгадирлар. «ЎзССР Конституцияси».

ИТТИФОҚЛАШМОҚ Иттифоқ бўла бормоқ; ахиллашмоқ, иноқлашмоқ. Октябрь революциясидан кейин мамлакатимиздаги барча миллатлар ўзаро иттифоқлашиб кетдилар.

ИТТИФОҚЛИК иттифоқ 2 с. белги оти. Оқсоқол .. насихатгўйликка ўтди. Иттифоқ бўлинлар. Ҳар бир ишда иттифоқлик яхши. П. Турсун, Ўқитувчи. Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжхатлик, яқдиллик сўз ва ҳаводай зарур. Ойбек, Нур қидириб.

ИТТИФОҚО [а] рвш Кутилмаганда, тасодифан, тўсатдан. Иттифоқо учрашиб қолдик. — Иттифоқо, бошқармада иш авж олиб кетган кунларда Қандолатхон ҳафталаб ишга келмади. Мирмухсин, Феълан кучсизлик.

ИТТИФОҚСИЗЛИК Иттифоқнинг йўқлиги; ноиттифоқлик, ноақиллик.

ИТТИФОҚЧИ і Ҳамкорлик қилувчи, ўзаро иттифоқликда бирга ҳаракат қилувчи; ҳамкор. Раис учун бўрон яна битта иттифоқчи топилгани билан баравар эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Деҳқонларни биз озодлик учун курашни охирига етказиш ишида пролетариатнинг эҳтимол тутилган иттифоқчилари ичида асосий иттифоқчиси деб биламиз. В. И. Ленин, Думадаги фракциямизнинг декларацияси тўғрисида.

2 Бир иттифоққа, бир бирлашмага кирган. Иттифоқчи республикалар.

ИТТИХОД [а] эск. кт. Иттифоқ, бирлашма, уюшма.

ИТУЗУМ Оқ гулли, майда қора ёки қизил мевали бир йиллик ёввойи ўсимлик.

ИТФЕЪЛ Феъли жуда ёмон, жуда ҳам бадфеъли. Вақфда ҳали ер кўп, .. лекин ҳаммаси итфеъл уламоларнинг чангалида. Ойбек, Улуғ йўл.

ИТФЕЪЛЛИК итфеъл с. белги оти.

ИТХОНА Ит турадиган жой, ит учун қурилган хона.

ИТЯЛОҚ диал. (тўғриси ит ялоқ)

1 Итга овқат бериладиган идиш, итнинг туваги. Итйалоғ, олгиндан айн. итнинг туваги олтиндан қ. ит. 2 сўк. Паст, пасткаш, аблаҳ. Кампир уйда жавар, қизини қарғар эди: — Э, йл, итйалоқ! Дайди итнинг тумшугини ёғ қилмай йл! А. Қаҳхор, Қўшчинор.

**ИТҚИТМОҚ** Ирғитмоқ, улоқтирмоқ, отмоқ. [Бухалтер] елкасидаги оғир юкни итқитган одамдек, атрофга енгил назар ташлади. Ш. Фуломов, Ташаббус.

**ИТҚОВУН** 1 Палаги ва меваси қовунга ўхшаш ўсимлик, ёввойи қовун.

2 с. т. Кавар. *Гишт кўприк ёнбошидаги ҳаммомнинг гумбазларини пўпанак босиб кетган, масжид пештоқидан то ергача осилиб тушган итқовуннинг палаги қуриб қолган.* С. Ахмад, Хукм.

**ИФЛОС** [а] 1 Нопок нарсалар билан булганган, булганча. *Ифлос ҳовли. Ифлос ариқ.* — *Отхона ичидан ифлос кўрак ва сунурга кўтариб Жўра чиқди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Қир босган, кир, исқирт. [Ҳаммолларнинг] белида, елкасида .. узук-юлук арқон, кийимлари жулдуз, ифлос. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Ҳар қандай ёмон, қалб ишга юрадиган, нопок, разил, қабих. *Ифлос одам.* | *Йўқол дедим, йўқол тулки!* Қолхозимизда сендек ифлосларга нон йўқ. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Ярамас, ёмон; одобдан ташқари. *У уйнинг у ёғидан-бу ёғига батоқат юриб, ифлос гапларни оғзига тўлдириб сўқинди.* Х. Фулом, Машғал. | *сўқ.* Ярамас, разил, палид. [Чўпон қозига.] *Туфу, ифлос!* Ҳали сенми шунча хотин билан тагин бировларнинг ҳарамига кўз солидиган. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ИФЛОСЛАМОҚ** Ифлос қилмоқ, булғатмоқ. *Қор эриб расталарни жуда ифлослаган, ҳамма ёқ пилч-пилч лой, балчиқ, сув.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИФЛОСЛАНМОҚ** ифлосламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.*

**ИФЛОСЛАШМОҚ** 1 ифлосламоқ *фл. бирг. н.*

2 Тобора ифлос бўлиб бормоқ.  
**ИФЛОСЛИК** 1 ифлос с. бели оти. Уйнинг ифлослигидан бош суқиб бўлмайд.

2 Ифлос кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. Унинг қўлидан ҳар қандай ифлослик келади.

**ИФО** [а] *эск. кт.* Бурч ва ваъдани бажариш; адо этиш. *Ифо этмоқ.* — *Фосиҳ афанди .. туллаган қошларини ғурур билан чимириб, ўз зиммасига тушган шарафли вазифанинг ифосига бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИФОДА** [а] 1 Уй-фикр, ички кечинма, ҳолат, воқеа-ходиса ва ш. к.ни ўзида акс эттирувчи ёки мужассамлантирувчи белги, ҳолат, рамз. *Қардош республикалар адабиёти ва санъати декадалари — халқлар дўстлигининг ифодасидир.* — *Узингиз билан сизиз, деди Сидиқжон унга маънос назар ташлаб, — унинг бу қарашига чексиз миннатдорчилик ифодаси бор эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Мен коммунистман! Ажиб бир ҳис билан дейман бу сўзни!* Бу сўз борлигининг, бутун қалбимнинг Ифодаси бўлиб қўйилар тилга. Зулфия.

2 Нутқ обороти, ибора, таъбир, гап. *Тождидин Қосим бу даргоҳга келар қан, алланима бало гаплар, ажойиб*

*ўхшатишлар, энг гўзал ифодалар ва таъбирлар ўйлаган эди, ҳозир ҳеч бири эсида йўқ.* Ойбек, Нур қидириб. **ИФОДА ҚИЛМОҚ** (ёки **ЭТМОҚ**) баён, изҳор қилмоқ, билдирмоқ. Унинг [Гулнорнинг] ҳаёлида ёлғиз Йўлчиғина ўчади, фикран у билан сўзлашади, .. ёлғинли муҳаббатни сўз билан ифода қилолмай, боқилари билан баён қилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор математик боғланишни билдирувчи формула. *Алебраик ифода. Пифагор теоремасининг математик ифодаси. Ифодани емоқ.*

**ИФОДАЛАМОҚ** 1 Ўзида акс эттирмоқ, мужассамлантирмоқ, англатмоқ, билдирмоқ. Унинг мардона очиқ пешанаси, қуюқ эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Сўз билан баён қилмоқ, англатмоқ, таъбирламоқ. *Элмурод мактабга етгач, ўз дардини икки оғиз сўз билан ифодалаб, кейин хайрлашмоқчи бўлди.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 Математик формула орқали таъбирламоқ.

**ИФОДАЛАНМОҚ** ифодаламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.* [Қора Аҳмад] бир зум ўтмай бирдан Йўлчиға қаради. Унинг бу қарашинда чуқур таажжуб билан ҳурмат ифодаланди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИФОДАЛИ** Дона-дона ва таъсирли (бадий ўқиш ҳақида). *Ифодали ўқиш.*

**ИФОДАЛОВЧИ** 1 ифодаламоқ *фл. шахс оти.*

2 ай. ифодачи.

**ИФОДАЧИ** Ифода этувчи, билдирувчи, англатувчи. *Пролетариат синфий курашининг онли ифодачиси бўлган социал-демократия ўз постида бир жон-бир тан бўлиб маҳкам туради ва ўз бурчини охиригача бажаради.* В. И. Ленин, Арафада.

**ИФРОТ** [а] *эск. кт.* Ортиқ даражада, хаддан зиёд. *Тождидин Қосим ифрот одоб билан, уялиб-тортиниб, гўё тўйган қўздай, оёқатни суст ея бошлади.* Ойбек, Нур қидириб.

**ИФТИРО** [а] *эск. кт.* Бўхтон, тухмат. [Гулнор] ота-онадан, атрофдаги кўзлардан қўрқар эди .. Ҳар хил ғийбат ва ифтиролар тарқалса, одамларнинг бетиға қандай қарайди? Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИФТИХОР** [а] 1 Шон-шараф хисси; фахр. *Чол ўғлиға, унинг тез-тез қимирлаётган қаламиға қараб-қараб жим ўтирар, кўзларида оталик меҳри ва ифтихор сезиларди.* Х. Аҳмар, Қим ҳақ?

2 Шон-шараф келтирувчи, фахрланса арзийдиган иш, кимса ёки нарса. *Ёшлар бизнинг ифтихоримиз. Алишер Навоий маданиятимизнинг ифтихори.* Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихоридир. *Ифтихор қилмоқ (этмоқ).* — *Сени бахтим, ифтихорим, Шарафим, деб партиям, Бутун меҳрим, севгим билан Улуғлашга ҳақлиман.* Уйғун. *Сиздай ўғлонларни улғайтирган халқ,*

*Отанинг ҳаққи бор қилса ифтихор.* Ғ. Гулом.

**ИФТИХОРЛИ** Ифтихор қилса арзийдиган, фахрли; ифтихор ифода этадиган.

**ИФТОР** [а] *дин.* 1 Рўза кунлари шом пайтида ўтказиладиган оғиз очиш маросими. *Ифтор қилмоқ. Ифторга ўтирмоқ.* — *Афанди узун кун рўза тутиб толиққан эди, ифтордан кейин мачитга .. чиқмади.* «Латифалар».

2 Хайр-худоий учун ифтор вақтида бериладиган зиёфат, меҳмондорчилик. *Рўза тутдим ор учун. Ҳар кунимфтор учун, Чунки ҳар ифторчининг Бир чопони бор учун.* Ҳамза.

**ИФТОРЛИК** ай. ифтор 1. *Ифторлик вақтида биз ҳар кун шинингиз нонин ботириб уриб, унинг устиға майиз ва бошқа мевачеваларни ер эдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ИФТОРЧИ** с. т. Ифторлик ўтказувчи киши.

**ИФФАТ** [а] Виждоний поклик; номус, ҳаё. У [Азиза] муҳаббатдек соф, қизлик иффатидек беғубор кишилар сафига қўйилади. С. Аҳмад, Муҳаббатнинг туғилиши. *Уй бурчагида шоҳи сўзана ёнида иффат юзасидан юзини яшириб Майна ўтиради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ИФФАТЛИ** Иффати бор; номусли, ҳаёли. *Ёқутбика тўрнинг хотинлари ичиде ор-номусли, ақли, шарм-хаёни билган иффатли хотин эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. — *Нима муборак бўлсин?! [деб сўради Отабек]. — Сизға иффатли ва сеvimли рафиқа билан қутидордек қайната, Ҳасаналиға — келин. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ИФФАТСИЗ** Иффати йўқ; ҳаёсиз, номуссиз.

**ИФШО** [а] *эск. кт.* Ошкор, фош этиш, очиш. *Ифшо қилмоқ (этмоқ).*

**ИХВАТ** [а] *эск. кт.* Бирдорлик, қардошлик. *Маорифсиз ҳеч бир халқ Дунёда яшай олурми!? Ихват ҳисси кўз очмасдан Чин ўроқлаша олурми!?* Ҳамза.

**ИХ** ай. қиҳ.

**ИХ-ИХ** их с. тақр. *Ҳакимбойвачча диққат билан ичда ўқир экан, юзига табассум ёйилди. Уқиб бўлиб их-их деб кулди-да, дадасига қаради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИХЛАМОҚ** «Их-их» деган товуш чиқармоқ.

**ИХЛОС** [а] Чин юракдан ишонч билан берилиш; астойдил муҳаббат, меҳр. *Одамларнинг сизға ихлоси баланд. Қорабойға ҳеч кимнинг ихлоси йўқ. Ихлос билан.* — *Қутлуғнинг жавабидан самимият ва ихлоси ёнларини томиб турар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ихлоси қайтди кўнгли қолди, ҳафсаласиз пир бўлди. Хўжабеков билан касалхонада тўқнашган кунни бу кўзларда кўрқоқликни кўриб Акрамдан ихлоси қайтди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ихлос қўймоқ* чин юракдан муҳаббат боғламоқ, мухлис бўлмоқ. *Бобоқул отани бузоқнинг ҳаққи бор, деб сўт ич-*

майдиган аелиё сансб, ихлос қўйган эди-ю? Шербек хафа бўлди. С. Ансрбоев, Оқсой. | Астойдил ғайрат, хавас, ҳафсала. Бизнинг замонамизда меҳнатга бўлган ихлос муқаддас туйғуга айланмоқда.

**ИХЛОСЛИ** Чин юракдан ишонч билан муҳаббат боғлаган; ихлосманд, мухлис. *Хўжасига ихлосли Ҳасаналининг тажрибали кузатишидан бекнинг махфий дарди узоққа қочолмай, натижада сир очилади. А. Қодирий, Утган кунлар.* | Астойдил ғайрат қилуви, меҳр қўйган, ҳафсалали. *Ихлосли ўқувчи.*

**ИХЛОСМАНД** [+ф-т] айн. ихлосли. *Ўз касбига ихлосманд чорвадорлар. || Санъат ихлосмандлари. — Кўпчилик қишлоқлар менга ихлосманд: баъзилари эшонпоча дейди, баъзилари қори ака дейди, баъзилари мулла ака дейди,— деди домла. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

**ИХРОЖ** 1 бот. Заҳарли, сутсимон шира чиқарадиган ўт.

2 айн. сурги I.

3 Одатда баҳор пайтида ични тозалаш мақсадида турли кўкатлардан соса, чучвара кабу овқатлар қилиб ейиш.

**ИХТИЁР** [а] 1 Хохиш-истак эрки; эрк, хохиш. *Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан. Мақол. — Сендан ҳеч сиримни яширмайман. Дастлаб кирган заводимдан ўз ихтиёрим билан кетганим йўқ. А. Қаҳҳор, Қанотсиз чинтақ. Ихтиёр этмоқ (ёки қилмоқ) хохламоқ. — Соғ бўлинг, бек ака; борадиган кунингизни тайин қила оласизми? — Маъълумингиз, кечалари бўш бўламан, шунинг билан бўрга отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар, ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас. А. Қодирий, Утган кунлар.*

2 Фойдаланиш, тасарруф ёки идора қилиш ҳуқуқи; изм. *Бу ерлар колхоз ихтиёрида. Директор ихтиёридаги мукофот фонди. Завод ихтиёрида бўлган машиналар.*

**ИХТИЁРИЙ** [а] Хохиш-истак эркига боғлиқ бўлган, кишининг ўз хохиши билан қилинадиган ёки қилинган; эркин, кўнгилли. *Ихтиёрий ёрдам. — ЎзССР тенг ҳуқуқли Совет социалистик республикалари .. билан ихтиёрий равишда Иттифоқ давлатига .. бирлашган. «ЎзССР Конституцияси».*

**ИХТИЁРИЙЛИК** ихтиёрий с. белги оти. *Дехқонларнинг кооперативларга киришида ихтиёрийлик принципини бузиш ҳоллари йўқотилди. «С. Ўзбекистон», 1967, 25 июнь.*

**ИХТИЁРЛИ** Ихтиёрий, кўнгилли. *Ихтиёри жамият.*

**ИХТИЁРЛИ-ИХТИЁРСИЗ** Истар-истарас. *Кумушбиби ҳам ихтиёрли-ихтиёрсиз бу кулгиликка тортилиб, ўнинг ювошигина илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир оз кўрғиниб қўйдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ИХТИЁРСИЗ** Хохиш-ихтиёрдан ташқари; беихтиёр, ғайриихтиёрий. *Ихти-*

ёрсиз ҳаракат. — У [Собираҳон] нима тўғридадир ўйлар, ихтиёрсиз бўлса керак, аллақандай ҳазин куйни бурни билан куйлаб борар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. || Ихтиёрсиз куюлиб келган қайноқ кўз ёшларини Гулнор баъзан зўрға яширди, баъзан яширишдан ожиз қоларди. Ойбек, Қутлур қон.

**ИХТИЁРСИЗЛИК** ихтиёрсиз с. белги оти.

**ИХТИЛОЛ** [а] кт. Исён, қўзғолон, ғалаён.

**ИХТИЛОЛЧИ** кт. Ихтилол қатнашчиси, исёнчи, қўзғолончи, ғалаёнчи.

**ИХТИЛОФ** [а] Қарама-қаршилиқ, келишмовчилик, зиддият, низо. *Халқаро ихтилофларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш. — Революция давомида большевиклар билан меньшевиклар ўртасида ихтилоф чуқурлашди. «КПСС тарихи».*

**ИХТИЛОФЛИ** Моҳиятида, мазмунда қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар бўлган; жанжалли, низоли. *Ихтилоfli масалалар.*

**ИХТИЛОФЧИ** Ихтилоф чиқарувчи, ихтилоф, низо уруғини сстувчи.

**ИХТИОЛ** [р<грек+лат] Таркибида қазилма балиқ қолдиқлари бўлган слансдан ҳосил қилинадиган ёғсимон малҳам дори.

**ИХТИОЛОГ** [р] Ихтиология мутахассиси.

**ИХТИОЛОГИЯ** [р<грек] Зоологиянинг балиқлар ҳақидаги бўлими.

**ИХТИРО** [а ихтироф, 3-ш. бирл. ихтиро] 1 Фан-техника соҳасида кашф этилган янгилик, кашфёёт. *Янги машина ихтиро қилмоқ.*

2 с. т. ҳазил Уйдирма; янгилик. *Бу гаг энди Омон ўз ихтироидан мағрур бўлгани учун дадилланиб қолган эди. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

**ИХТИРОИ** қ. ихтиро.

**ИХТИРОЧИ** Янгилик кашф этган, ихтиро қилган киши; кашфёетчи. *Ёш рационализаторлар ва ихтирочилар.*

**ИХТИРОЧИЛИК** Ихтиро қилиш, янгилик очиш, кашф этиш. *Ихтирочиликини ривожлантириш. Ихтирочилик таклифлари. — Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган Андижон паровоз депосида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати кенгаймоқда. И. Аҳмедов, Янгилик яратувчилар.*

**ИХТИСОС** [а] Илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб; мутахассислик. *Сизнинг ихтисосингиз нима? Ҳар турли ихтисосдаги кишилар. — Совет Армияси сафида хизмат қила бошлаган йилнинг дастлабки ойидаёқ янги ихтисос орттириб олди. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. Қичкина Қаримов оддий маъмурий ходимликдан ўз ихтисосини ошириш орқасида яқинда теровчиликка кўтарилди. С. Абдулла, Қуёвлар, келинлар.*

**ИХТИСОСЛАШМОҚ** Бирор ихтисосга мансуб бўлиб қолмоқ, мослашмоқ. *Ихтисослашган саноат тармоқлари.*

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛМОҚ** ихтисослаштирмоқ фл. мажх. н. Ихтисослаштирилган заводлар. *Ихтисослаштирилган меҳнат бригадалари. Соҳхоз ғалла этиштириш учун ихтисослаштирилмоқда.*

**ИХТИСОСЛАШТИРМОҚ** ихтисослашмоқ фл. орт. н.

**ИХТИСОСЛИ** Илм-фан, техника ёки саноатнинг маълум бир соҳаси бўйича ихтисос олган, билим-малака ҳосил этган. *Ихтисосли кадрлар.*

**ИХЧАМ** 1 Тузлиничи, бичими келишган, бежирим, йиғноқ ва қулай. *Ихчам машина. — Унинг ихчам кетмони офтобда ятирарди. Ж. Шарипов, Саодат. [Мирзакаримбой] супандан тушиб, кечагина сотиб олингандай, ярқираган, чиройли, ихчам «содиқий кавуш»ни оёқларига олди. Ойбек, Қутлур қон. || Олимхон .. ҳар вақт яхшигина, ихчамгина кийнади. Ойбек, Қутлур қон. | Жуссаи келишган ва кичик, хипча. Ихчам одам.*

2 Сиққ ичи фойдали. *Ихчам хат. || Фикрни ихчам баён қилмоқ.*

**ИХЧАМЛАМОҚ** Ихчам қилмоқ, сиққ, йиғноқ ва қулай ҳолга келтирмоқ. *Аппаратни ихчамламоқ.*

**ИХЧАМЛАШМОҚ** 1 Ихчам бўлмоқ, сиққ, йиғноқ ва қулай ҳолга келмоқ.

2 Кичрайиб хипчашмоқ (гавда, жусса ҳақида).

**ИХЧАМЛАШТИРИЛМОҚ** ихчамлаштирмоқ фл. мажх. н.

**ИХЧАМЛАШТИРМОҚ** ихчамлашмоқ фл. орт. н. *Машинани ихчамлаштирмоқ. Аппаратни ихчамлаштирмоқ.*

**ИЧ** 1 Ички бўшлиқ. *Чодирнинг ичи.*

*Оғизнинг ичи. Кўзанинг ичи. — Офтоб билан тўлган кенг деразали уйнинг ичи ойдин. Айний, Қуллар. | Нарсаларнинг ички буюм элтадиган қисми. Бош ёрилса, бўрк ичида. Мақол. — Сумкасини титкилаб ичидан ички-ич хил дори олди, уларни уста Баҳромча бериб, қачон, қандай ичини тайинлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Нарсаннинг ички қисми, ораси. Ноннинг ичи. Хамирнинг ичи. Тарвузнинг ичи.*

*Ичи тушган қовун пишиб ўтиб кетган, пўла қовун. | Нарсаларнинг тескари, орқа томони, тескараси, ичкараси. Сидиқжон этикни чироққа солиб устини, ичини кўрди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.*

2 Ошқозон, қорин, меъда. *Кўзинг оғриси қўлини тий, ичинг оғриси нафсингни тий. Мақол. — Жонфигон бюлетьень олгани докторнинг одида чилимнинг сувини ичиб, лоҳас бўлиб кирган экан, доктор ичини чайқабди. А. Қаҳҳор, Жонфигон. Беморнинг ичи бузилибди.*

3 Қўйма Кишининг ички, руҳий дунёси; кўнгил, юрак, дил, қалб. *Ота ичидан ўтганини ўзи билади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. — Тўғри, Уктам менга ёқади. Бироқ ҳаммадан бурун одамнинг ичи керак,— деди Қомила. Ойбек, О. в. шабадалар. Элмурод унинг ҳаракатларида беихтиёр раэм солиб ўтирди. Назарида, соқоли хийла оқариб*

қолган бу одамнинг вазоҳати заҳарли, ичини қандайдир алам ўртган кўринди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Ичи қора** дили бузқ, бировнинг бахт-қувончини кўролмайдиган, хасадгўй. — Яхши, ўша Ҳомидни сен қандай одам, деб ўйлайсан? [деб сўради Юсуфбек ҳожи]. — Қўланса сўзли, ичи қорароқ бир йигит эди, — деди Ҳасанали. А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар. **Ич-ичидан** юракдан, қалбдан, чин дилдан. **Ич-ичидан** севинмоқ. **Ич-ичидан** таҳсин ўқимоқ. **Ичи ачиди** қ. **ачимоқ**. **Ичи** пўшди (ёки қизиди) 1) зерикди. **Уйда ўтиравериб**, ичим пишди; 2) тоқати тоқ бўлди. **Бавзи бировлар ичи пишиб**, гоҳ йўлга қарашади, гоҳ тоққа чиқиб қилинадиған ишларни ўзларича чўтлашади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ичидан** пишган сирини ҳеч қимга билдирмайдиган, ўз ишига пишиқ, қув. Унинг ҳаракати ва товланшидан ичидан пишган уddbуро экани дарров сезилди. Шўҳрат, Шинелли йиллар. **Ичини** бўшатмоқ кўнглидагини айтиб, руҳан енгилланиб олмақ. Унинг гапирмагани **Жуман аламда қолди** .. **Аччиқ** ҳақиқатни юзига солиб, рўй-рост сўка қолмайдими? Қизигида **Жуман ҳам** ичини бўшатиб оларди. А. Мухтор, Туғилш. **Ичини ит** (ёки мушук) **тир-наяпти** (ёки таталаяпти) кўнгли нотинч, гаш, безовта. **Бу пайт Саидғозиди** ҳам **Ҳўжабекова ачингудек ҳол қолмаганди**: ичини мушук таталарди. Аммо сирини бой бермади. С. Анорбоев, Оқсой.

4 3-ш. эгалик ва ў-п. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **ичида** 2, 3, 4).

**ИЧАК 1 ачат**. Овқат ҳазм қилиш органларининг эластик найсимон қисми. **Ичичка** ичак. **Йўғон ичак**. **Аччиқ ичак**. **Тўғри ичак**. **Ичак касали**. **Чап ичакка ҳам юк бўлмади** қ. чап. **Ичакдай** чўзилган жуда узун.

2 с. т. Резинка ёки брезентдан ясалган трубка, шланг. **Ички эпчил** йигит бочкани салқинга олиб, резинка ичак билан касаларга пиво қуя бошлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Ичишлар** узун резинка ичакни у ёқдан-бу ёққа судраб, чанқаб қолган гулларга, чанг ўтира бошлаган дарахт баргларица сув сепишарди. П. Қодиров, Ҳў илди.

**ИЧАК-ЧОВОҚ** Одам, хайвон ва қўшларнинг қоринда жойлашган ички қисмлари, мас. ошқозон, ичак. **Бомбардимонда ичак-човоғи чиқиб кетган** бир гўдак унинг қўлида жон берган экан. А. Мухтор, Туғилш. **Арава бўлса** пастликлардан чиқиб, тушиб, одамнинг ичак-човоқларини чайқаб юборди. Ойдин, Фонарь тагида.

**ИЧБУРУҒ** с. т. Йўғон ичакнинг яллиғланишидан иборат оғир юқумли касаллик; юракбуруғ, дизентерия.

**ИЧГУЛИК** Ичса бўладиган, ичиш учун зарур бўлган, ичиш учун белгиланган. **Уйда ичгулик сув ҳам йўқ**.

**ИЧИДА** 1 рвш Товуш чиқармай, дилда, кўнглида. **Ҳақимбойвачча диққат**

билан ичида ўқир экан, юзига табассум ёйилди. **Ойбек**, Қутлуғ қон. **Ичимда** «тилинг бошингни есин!» десам ҳам, ташимда ҳўрмат билан кутар эдим, — деди **Ҳўжи хола**. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўм. вазифасида Қуршовида, орасида. — **Сен аҳмоқсан**, Гулшан опа! — дер эди Қумри, — эрингни ёлғиз ташлаб, биз бўйдоқлар ичида нима маъно топасан?! А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. **Пастқам уйларнинг қамиш ва ёғоч бўғтолари туман ичида**, оқиқмо маҳалдаги кўланкадай, баҳайбат кўринарди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

3 кўм. вазифасида Шароитда, оғушида. **Уйқу ичида**. **Оғир шароит ичида**.

4 кўм. вазифасида Маълум вақт оралиғида, мобайнида, давомида. **Элмурод .. шу бир ҳафта ичида қилган барча ишларини бир-бир хаёлидан ўтказди**. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ИЧИКИШ 1** ичкимоқ фл. иш оти.

2 с. т. Ота-онани соғиниш натижасида болаларда рўй берадиган касаллик ҳолати.

**ИЧИКМОҚ 1** Жуда ҳам соғинмоқ, дийдорига муштоқ бўлмоқ. [Мулладўст:] **Ҳеч ўзимда йўқман-а**. Бошимнинг тукидан тирноғимгача ичкиб кетаётибди-да. **Ҳамза**, Майсаранинг иши. **Ойимнинг ишлари шунақа**. **Жўжлардан** бирпас ажралсалар, ичкиб қоладилар. **Ҳ. Назир**, Маёқ сари. | **Сабрсизлик билан кутмоқ**. — **Кўп ичкимай тур**, хотин. **Ҳали — замон чўзилиб кираб ҳам келар** .. — деди **Холмирза**. **Ҳ. Назир**, Ҳўтлар туташганда.

2 Ота-онани соғиниб касал бўлмоқ (болалар ҳақида). **Туйнукка қараб чақирсақ**, отамиз келар экан деб, ўчоқнинг мўрисица бош суқиб чақиршиладиган бўлишипти. **Қўйинг-чи**, иккови ҳам ичкиб, озиб-тўзиб ҳалок бўлипти-да. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ИЧИЛМОҚ** ичмоқ фл. мажҳ. н. Ҳўроз дўмбирани четга қўйди. **Гунгур-гунгур** сўхбат билан чой ичилди. **Ойбек**, Қутлуғ қон.

**ИЧИМЛИ** Ичиладиган, ичишга яроқли. **Ичимли сув**.

**ИЧИМЛИК** Ичиладиган нарсалар (мас. шарбат, сув). **Ейимлигу ичимлик** тўла Нозу неъмат дастурхонида. Э. Раҳим.

**ИЧИН-ТАШИН 1** Ичкари ва ташқаридан иборат. **Ичин-ташин ҳовли**. 2 Ички ва устки. **Ичин-ташин кийим**.

**ИЧИРИЛМОҚ** ичирмоқ фл. мажҳ. н. **Беморга дори ичирилди**.

**ИЧИРМОҚ** ичмоқ фл. орт. н. **Мен дори юборай**, дарров ичиринг, тузукми? А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар.

**ИЧИШЛИ** Ичишга боп, маза қилиб ичиладиган. **Ичишли шўрва**.

**ИЧИШМОҚ** ичмоқ фл. бирг. н.

**ИЧКАРИ 1** Ички қисм, ички томон. **Мамлакат ичкарисини**. — **Ҳамдамформа**, маълум бир ҳовлининг оқрасица ўтиб, ўзига таниш бўлган бир деразадан ичкарига қаради. **Айний**, Қўллар.

2 этн. Ҳовлининг ташқи ҳовлидан девор билан ажратилган, аёллар ва болалар турадиган қисми; ички ҳовли; тақ. **ташқари** 2. **Марямхон ўн тўққиз ёшида**, бундан саккиз-тўққиз йил илгари бу уйга, мусылмон «ичкарисица» қамалган. **Ойбек**, Қутлуғ қон. **Доя келгандан сўнг ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди**. А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар.

**ИЧКАРИГИ** Ички, ичкаридаги. **Ичкариги хона**.

**ИЧКАРИЛАМОҚ** Ичкари томон йўналмоқ, кирмоқ. **Қисм ҳам**, батальон ҳам душман мудофаасини ёриб ичкарилаб кетди. Шўҳрат, Шинелли йиллар.

**ИЧКАРИЛИК** Марказга, катта кўчага нисбатан анча ичкарида бўлган ер, жой. **Анчагина ичкариликда бўлган ҳовлидан хотинларнинг шовқин-сурони**, .. **қий-чў товушлар** янграйди. **Ойбек**, Қутлуғ қон. | **Кўча шовқинларидан** узокроқ, ичкарироқ; тинч. **Арава** сиймайдиган ичкарилик кўчага буеун жон кирган. **Ойбек**, Қутлуғ қон.

**ИЧКИ 1** Ич қисмда, ичкарида жойлашган; ичкариги, ичкаридаги. **Ички ҳовли**. **Ички эшик**. — **Ойқиз** **Олимжондан келган хатни** .. **нимчасининг ички чўнтасица** яширди-да, дарров ўрнидан турди. **Ш. Рашидов**, **Бўрондан кучли**. | **Устки кийим** остидан кийиладиган. **Ички кўйлак**.

2 **Мамлакат**, давлат, ташкилот ва ш. к.нинг ўз ичида ва ўз иши билан боғлиқ бўлган. **Ички ишлар**. **Ички имкони-ятлар**.

3 Кишининг руҳий дунёсица, кечинмаларига оид. **Унинг .. оқиш юзи ички кечинмаларини узлуксиз акс эттирарди**. П. Қодиров, Ҳў илди. **Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи** **Исломхўжа** қизидаги алам-изтиробнинг изларини дарҳол сезди. **Ж. Шарипов**, **Ҳоразм**.

**ИЧКИЗМОҚ** ичмоқ фл. орт. н.

**ИЧКИЛИК 1** Қайф берадиган ичимлик; май. **Тантубойвачча кечаги бозм** ва ичкилик кайфини бутун кун чўзилган уйқу билан тиниқтириб, қўғрон эшигидан боғ ташқарисица чиқди. **Ойбек**, Қутлуғ қон. **Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар** ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди. А. Қодирӣ, Ҳўтан кунлар.

2 **Қайф-сафо**, майхўрлик, ичкилик-бозлик. **Ҳар кунги меҳмонлар**, **ҳар кунги ичкилик**. **Ойбек**, Қутлуғ қон.

**ИЧКИЛИКБОЗ** Доим ичиб юрадиган, ичкиликка берилган, майхўр. **Орамизда ичкиликбозларга**, **безориларга** ўрин йўқ.

**ИЧКИЛИКБОЗЛИК 1** ичкиликбоз с. мавҳ. от.

2 **Қайф-сафо**, майхўрлик. **Ичкилик-бозлик қилмоқ**.

**ИЧКИЛИКХОНА** Ичкилик ичиладиган жой; майхона.

**ИЧКИЛИКХўРЛИК** кам қўлл. айн. ичкиликбозлик 2.

**ИЧКИ-ТАШҚИ** айн. **ичин-ташин**. **Ички-ташқи ҳовлилик** .. **икковимиз хувиллаб ўтирсак**, — **еганим татийди**



ми? — Йўқ татимайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИЧКУЁВ** этн. Келиннинг ота-онасига тегишли ҳовлида бирга яшовчи куйёв. Агар худо Гулнорнинг бахтини очса, бирор қобил йигит топиб, ичкуйёв қилиши ниятдаман. Айний, Дохунда.

**ИЧКУЯР** кам қўл. Жонкуяр, гамхўр. Ёшилгимда етимлик билан ўсдим, Менда ҳеч йўқ эди ичкуйар дўстим. «Элат ботир».

**ИЧМОҚ** 1) Суюқликни хўплаб ёки шимириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ. Айрон ичмоқ, Сут ичмоқ. Ош ичмоқ. — Гулолжон ҳам алам, ҳам қувонч билан булоққа қайтиб келди, сув ичмоқчи эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Пахта теримида ҳашарчи бўлиб келган мактаб ўқувчилари зўр иштаҳа билан хўрдани ичдилар. Ж. Шарипов, Саодат. | Қабул, истеъмол қилмоқ. Дори ичмоқ.

2) Спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ. У ичмас яролмайди. | Ичкилик-хўрликка сарф қилмоқ. Топганини ичади.

◆ **Онт ичмоқ** айн. қасам ичмоқ қ. қасам 3. Сув қилиб (ёки сувдек) ичмоқ (ёки ичиб юбормоқ) айн. сув қилмоқ 2 қ. сув. Эзиб ичмоқ қ. эзмок 1.

**ИЧРА** кўм. (б. к. билан) поэт. Орасида, ичиди. Қураминг янги дунёни жаҳон ичра. Ҳамза. Ёвни кўрсанг, шер сингари юриш қил, Чапаевдай майдон ичра уруш қил. Фозил шоир.

**ИШ** 1) Инсоннинг яратувчилик ёки ижодий фаолияти; меҳнат. Ақлий иш. Жисмоний иш. Амалий иш. Илмий иш. Иш кунни. Иш ҳақи. Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. Мақол. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. Мақол. — Далаларда иш қайнайди: кимлар пахта таради, кимлар бедё ўради, кимлар шудеор қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Панама ва Сувайш каналлари қурувчиларининг 34 йиллик ишини ўзбек халқи Фарғонада олтиши кунда бажарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Юмуш, машғулот. Ишдан қолдирмоқ.

— Йўлчи ишга разм солиб, қайдан бошлади кераклигини ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Фотиҳадан сўнг ҳар ким ўз ишига ўтирди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Топширик, вазифа. Иш буюрмоқ. Уй иши ўқувчиларга уйда бажарини учун берилган вазифа. Иш ёқмас ишга хуши йўқ, дангаса, ялқов. Иш ёқмасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар. Мақол.

2) Хизмат вазифаси, хизмат; лавозим. Ишга кирмоқ. Ишга жойлашмоқ. Ишдан бўшимоқ. Ишдан бўшатмоқ. — Марасул акамни Москвага ишга чақиртирди. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

3) Меҳнат натижасида яратилган нарса, маҳсулот ва ш. к. Иш намуналарини виставкага қўймоқ.

4) Меҳнат натижасида эришилган маҳорат, хунар. Ёрмат Йўлчининг ишдан камчилик топиб, ўз маҳоратини унга кўрсатиши умидида бир муддат кузатиб турди. Лекин Йўлчининг

ишида ҳеч қандай камчилик кўра олмади. Ойбек, Қутлуғ қон.

5) Фаолият, меҳнат, машғулот ва ш. к.нинг бирор соҳаси; касб, хунар. Инженерлик ишлари. Луғатчилик — қийин иш. — Анов ерда уста Тошпўлат бор, биларсиз. Арава ишида фаранг! Ойбек, Қутлуғ қон.

6) Фаолият, меҳнат, машғулот объекти. Бундан сўнг улар ўртасида иш тақсим қилинади: чол дўконхонада ўтириб, иш бичиб беради, Унсин ичкари уйда тикади. Ойбек, Қутлуғ қон. Кумуш ишини ёнсага қўйиб энди онасига қаради. А. Қодирий, Утган кунлар.

7) Зарурият, эҳтиёж. Сизда бир ишим бор. Минг қўйлининг иши, бир қўйлига тушади. Мақол. — Бир жойдаги одамиз, яна бир-биримизга ишимиз тушади, отахон! Ойбек, Қутлуғ қон. | Дахл, муносабат. Сенинг нима ишинг бор. — Булар шунақанги феъли тор адамлар экан. Сизларни кўролмас экан. Ёлмас буларнинг иши нима? П. Турсун, Ўқитувчи.

8) Қўтилмаган ташвиш, қийинчилик. Қишининг бошига бир иш тушганда дарров биродан кенгаш ва ёрдам сўрайди. А. Қодирий, Утган кунлар.

9) Бурч, вазифа. [Эллиқбоши:] Маҳалладаги йигитларнинг бари менга маълум .. Билиш менинг ишим-да. Ойбек, Қутлуғ қон.

10) Масала, муаммо. Айниқса кундошлик иши қийин, коса-косага текканда гиди-гиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қолади. А. Қодирий, Утган кунлар.

11) Юр. Суд ёки маъмурий органларда кўрилатган, текширилатган процесс. Жанжалли иш. Жиноий иш. — Отабек иш бир тарафли бўлгунча ўзининг қочмаслиги учун қафил беришга мажбурдир! А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳе, бечоранинг бошига мушкул тушиб турибди: иши прокурорда. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. | Шундай процессга тегишли ҳужжатлар мажмуи: дело. Судланувчининг иши билан танишмоқ.

12) Содир бўлган воқеа, ходиса. Уэ уйда ўтирган қиз бир кечда ғойиб бўлсин, тавба! Жуда хунук иш, Олимхон ака? Ойбек, Қутлуғ қон.

13) Ҳолат, аҳвол. Иш чатоқ. — Утирар-ўтирмас Ҳомид ундан сўрай бошлади: Хўш, Содик полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор? А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Иш бермоқ** хизмат қилмоқ, бирор корига ярамоқ (кийим-кечак, қурол, асбоб ва ш. к. ҳақнда). [Йўлчи] Ёрматгами ё бошқа бир собиқ қаролга узоқ иш бериб, йиғи чиққан .. этикни кийди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Иш қатта** бирор нарсанинг қўтилмагандан ортиқлиги, юқори даражада эканлигини ифодалайди. Уста Фарфи тўқуш дўконларига ишорат қилиб деди: — Ишлар қатта-ку, уста! Дўконларни ҳам қуриб юборибсиз! А. Қодирий, Утган кунлар. **Иш кўрган** турмуш тажрибасига эга; тажрибали. **Иш кўрсатмоқ**

1) айн. иш бермоқ; 2) қилиқ кўрсатмоқ, қилиқ қилмоқ. **Иш ташлаш** сийсий ёки иқтисодий мақсадлар билан уюштирилган оммавий ҳаракат — оммавий равишда ишни тўхтатиш. **Иш чиқармоқ** яхши натижага эришмоқ. Бу боришдан (Отабек) бирор иш чиқара олдим, йўқми, бу тўғрида биз келаси фасларнинг бирида ўрганамиз. А. Қодирий, Утган кунлар. **Ишдан чиқмоқ** 1) яроқсиз холга келмоқ. Қурол яроқ ишдан чиққан. С. Ахмад, Хукм; 2) меҳнат қобилиятини йўқотмоқ. Некқадам қариган, ишдан чиққан эди. Айний, Қуллар.

**ИШБАЙ** Бажарган ишга қараб, иш ўлчовида ҳақ тўлаш усули. Меҳнатни ишбай асосида ташкил этиши.

**ИШБИЛАРМОН** Ишни, ишнинг кўзини яхши биладиган; уста. **Ишбилармон ташкилотчи кадрлар.**

**ИШБОЛ** Ишга муносиб, иш учун қулай, иш вақтида фойдаланса бўладиган. **Ишбоп кийим.**

**ИШБОШИ** Бирор ишнинг боринини кузатиб, раҳбарлик қилиб турувчи киши; саркор. Хон тарафидан улар устига ишбоши қилиб белгиланган саркорлар, .. қулоқ эшитмаган сўкишлар билан бечораларни таҳқир этар .. эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ИШБОШҚАРУВЧИ** Идора, бошқарма ва ш. к. да расмий ёзишма ишларини олиб боровчи ходим.

**ИШБУЗАР** айн. ишбузуқчи.

**ИШБУЗУҚИ** Битиб турган ишни бузувчи, келишилган масалада қаршилик кўрсатувчи одам; бузуқчи, галамис. — Мадрайим қора, ишларнинг мазаси йўқ-ку! .. деди тўра. — Тўра, ишбузуқлар бор, — деб пўнгиллади Мадрайим навжар Полвонга қараб. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ИШВА** [а] Юз, кўз, қош жилваси; ноз, адо. Бир ишва билан жонон девона қилиб кетди, Ақлимни сочиб ҳар ён, мастона қилиб кетди. Ҳамза, Паранжи сирларни. У .. йирик, кўкчил кўзларига шўхлик ва ишва беришга тириша бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИШВАКОР** [а+ф+т] айн. ишвали. **Ишвакор аёл.**

**ИШВАЛИ** Ишваси бор, ишвакор, серишва, позли. Хадичабегим ҳали ҳусни сўлмаган нозу ишвали аёл эди. Ойбек, Навоий.

**ИШВА-НОЗ** Ноз ва ишва(лар). Тинглай, — дея, хуш овозингни, Ўзинг тутдинг садаф созингни. Черта кетдим зўр ихлос билан, Қараб турдинг ишва-ноз билан. Шўхрат.

**ИШГИР** диал. Абжир, эпчил, чаққон. Ишгир салот бари босиб келарди. «Очилдов».

**ИШКАЛ** 1 [а] Ишдаги чатоқлик, чалкашлик, бузуқлик. — Тагин ёмон! Ҳар нарсадан ишқал топадиган бўлбасиз, — деди Нафиса. А. Мухтор, Тугъилиш. Қоровул ўлеур ишни ишқал қилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Тўрт ишқал** айн. чор ишқал қ. чор 1.

**ИШКАЛ II диал.** Похол ёки қўғадан эшилган боғлиқ, арқон.

**ИШКАЛЖИК** Ишқал қилса бўлади-ган; ишқалбоп (қ. ишқал II).

**ИШКОМ** Токларни кўтариб қўйиш учун поя ва бағазлардан қурилган арк-симон сўри; валиш. Гулнор очилган токларни ишқомга кўтариб, тол пўст-лоғи билан маҳкамлаб боғлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИШЛАМОҚ I** Иш билан машғул бўлмоқ; меҳнат қилмоқ. Заводда ишламоқ. Лабораторияда ишламоқ. Унумли ишламоқ.

2 Бирор лавозимни ўтамоқ, адо этмоқ, бажармоқ, хизмат қилмоқ. Директор бўлиб ишламоқ. — Петров .. Ростов шахрига келиб заводга киради, мастерларнинг қўлида шогирд бўлиб ишлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ишлов бермоқ, Терини ишламоқ. | Ишлов бериб бирор нарса ҳозирламоқ, чиқармоқ. Қоғоз ишламоқ.

4 Яратмоқ, ижод этмоқ. Расм ишламоқ. Ҳайкал ишламоқ. Фильм яхши ишлайди.

5 Ҳаракатда бўлмоқ, юрмоқ, юриб турмоқ; амал қилмоқ. Тегирмон ишляпти. Станок ишляпти. — У, дала шийпонига етиб келганда, телефон ишляётгани тўғрисида хабар қилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Ўз вазифасини бажариш учун очиқ бўлмоқ. Музейлар ҳар кун ишлайди.

6 физиол. Ўз функциясини, вазифасини нормал бажармоқ. Чап қўлим ишламайди. — Бектемирдан кўнглим тўқ,— деди Али тажанг,— калласи ишлайди. Ойбек, Қуёш қораймас.

7 с. т. Меҳнат қилиб топмоқ. Пул ишламоқ. Бир ойда юз сўм ишладим.

◆ **Ишлаб чиқариш** муайян ижтимоий муносабатлар шароитида киши меҳнати туфайли моддий бойликлар яратиш процесси. Социалистик ишлаб чиқариш. Капиталистик ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш қуруллари. Ишлаб чиқариш муносабатлари. **Ишлаб чиқармоқ** махсулот тайёрламоқ. **Ишлаб чиқмоқ** 1) ўрганиб чиқмоқ. Маълумда қарорни ишлаб чиқдик; 2) тайёрламоқ. Пахта териш машинасининг янги моделини ишлаб чиқдик.

**ИШЛАНМОҚ** ишламоқ 3, 4 фл. мажх. н. Точка ичига ясалган қизил ёғочдан ишланган ишқалларни .. яхши-лаб артди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИШЛАТИЛМОҚ** ишлатмоқ фл. мажх. н. Печкага ишлатиладиган кўмир. — «Гулистон» колхози .. неча замоналардан бери ишлатилмай ётган бўз-да янги ер оиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИШЛАТМОҚ I** ишламоқ фл. орт. н. Одам ишлатмоқ. Ақл ишлатмоқ. Расм ишлатмоқ.

2 Қўлланмоқ, фойдаланмоқ, ишга солмоқ. Асбоб ишлатмоқ. Сўз ишлатмоқ. — Улар гоҳ қамчин билан, гоҳ қилч, гоҳ тўпнотча ва милтиқни аямай ишлатиб, халқни босиб туришибди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Сарфламоқ; истеъмол учун қўлланмоқ. Гуруччи кам ишлатмоқ. Маблағларни тежаб-тежаб ишлатмоқ. **ИШЛАТТИРМОҚ** ишлатмоқ фл. орт. н.

**ИШЛАШМОҚ** ишламоқ фл. бирг. н. Дадаси, онаси билан бирга Гулнор ҳам эрта-кеч ишлашар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИШЛИ** Иши, юмушй бор; иш-хизматли. Ишли йигит. || Ишлининг иши битар, ишсизнинг куну ўтар. Мақол. — Яна бир оз кут, келиб қолар. Ишли одам эмасми, ахир! Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

**ИШЛОВ I** ишламоқ фл. иш оти. 2 Хомашедан махсулот тайёрлаш учун қилинган меҳнат жараёни ва унинг натижаси. Ишловини келтириб-сиз. Ишлови яхши. — «Қаловини топсанг, қор ёнар» деганларидек, ишлови етилса, шўр ерларда ҳам пахтадан мўл ҳосил олиш мумкин. Ш. Мусаев, 55 центнердан. Кечикиб экилган галла ҳам, чигит ҳам Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхши унум қилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИШОНАРЛИ** Ишонши мумкин бўлган; ишончли. Ишонарли гап. Ишонарли далил. — Бу савол ўзига ишонарли жавоб талаб қилиш билан бирга, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб келинаётган бир асос мантқиқига имтиҳон ҳам эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИШОНИЛМОҚ** ишонмоқ фл. ўзл. ва мажх. н.

**ИШОНИНҚИРАМОҚ** айн. ишонқи-рамоқ.

**ИШОНМОҚ I** Ҳақиқат, чин деб билмоқ. Сўзига ишонмоқ. Ваъдасига ишонмоқ. — Бундай яхшиликни ҳар ким ҳам қила олади, Сафар ака,— .. шунинг учун миззабошининг қилган яхшилигига мен ишондим. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Эътиқод қилмоқ. Худога ишонмоқ. Динга ишонмоқ.

2 Ишонч билдирмоқ, ишонч билдириб топширмоқ. Уйимни сизга ишондим. — Ҳаёт Ғуломжонга ишонса ҳам, .. чоғ олдида турган кишидай қўрқиб, сўради: — Қаёққа? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Умид боғламоқ, ортиқ даражада берилмоқ, эътимод қилмоқ. Қоматига ишонган, қаддини букиб кетади, кўп-чилликка ишонган, мақсадига етади. Мақол. | Паноҳ тортмоқ, орқа қилмоқ; суянмоқ. Қумуш ва онасининг бирдан-бир ишонганлари яна Ҳасаналининг ўзи эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИШОНТИРАЛИ** Ишонтира олади-ган; ишонарли. Ишонтитарли далиллар.

**ИШОНТИРМОҚ** ишонмоқ фл. орт. н. Бораман деб ишонтирмоқ. — Яхши гаплар билан уларни ишонтириб, болани олиб чиқдим ва Хонкелдига топшириб кетдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИШОНЧ I** Ҳақиқат, чин деб билиш,

ишонши; эътиқод. Унинг ваъдасига сира ишонч йўқ. — Йўлчи чакки одамларни топмади, Ерматнинг ҳақсиз эканига ишончи кундан-кун ортди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ишонччи** қомил тўлиқ аминман. — Пахта тайёрлаш планининг бажарилишига ишонччи қомил. | Ҳеч шубҳасиз ишонши, эътимод. Унинг ўзига ишончи қатта. Ишонч билан гапирмоқ. **Ишонч ҳосил қилмоқ** 1) ишонмоқ, амин бўлмоқ. Ўз кўзи билан кўргандан кейингина ишонч ҳосил қилди; 2) ишонтирмоқ, амин қилмоқ. Душмани бу жойдан ўтказмаймиз. Кечаги жанглар менда ана шундай ишонч ҳосил қилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Эътиқод этилган, суянилган, умид боғланган шахс ёки нарса. Модомики, иккимизнинг ёлғиз ишончимиз шу ўғлимиз экан .. бизга лозими, унинг хурсандлиги нима билан бўлса, шуну ахтаришидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИШОНЧЛИ I** Ишонса бўладиган. Ишончли вақил. Ишончли одам. — Сиз суянчиқларга ишониб бўлмиз, жаноблар! .. Бошқа ишончли суянчиқларни топамиз. Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Эътиборли, муътабар. Ишончли манбалардан олинган хабар.

**ИШОНЧСИЗ I** Ишониб бўлмайдиган; бетайин. Ишончсиз киши билан ишлама, ажбланиб бир кун тилинг тийшлама. Мақол.

2 Умид-ишончи йўқ, ишонмовчи; ишончсизлик ифодаловчи. Дўстининг ташвишини ишончсиз кули билан йўқотқишга тиришиди. Ойбек, Қуёш қораймас. || **Отабек** бу қарши олинчиларга жуда ишончсиз қарар .. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИШОНЧСИЗЛИК** ишончсиз с. белги оти. Ишончсизлик билан гапирмоқ. — Широқ шохнинг ишончсизлик кўзи билан қараётганини фаҳмлаб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга киришди. М. Осим, Аждодларимиз қисаси.

**ИШОНҚИРАМОҚ** Бир оз ишонмоқ, ишонгандай бўлмоқ. — Билмадим, директор мени шунчаки ҳовурумни босиш учун ёлғондан айтдим, дейман,— деди ишонқирамай Алимжон. К. Раҳим, Ўз касбини севган йигит.

**ИШОРА [a]** I Кўз, қош, қўл, бош ҳаракати билан берилган белги, нмо; шама. Ҳўксига туртки, донога ишора кифоя. Мақол. — Сафаров кўз ва қош ишораси билан Самандаровга: «Эвдида! Бу гаплар, бу муомала ортиқча» дегандай қилди. А. Қаҳҳор, Қўнчинор. Мингбоши толдаги карнайчиларга «бас» ишорасини қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ибодилла паканада ишлат қўли билан ишора қилган тарафга қаради. Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Белги, аломат. Математик ишора. **ИШОРАЛАМОҚ** кам. қўлл. Белги қўймоқ, белгиламоқ. Бу юмларни рақамлар билан ишораламоқ.

**ИШОРАЛАНМОҚ** ишораламоқ фл. мажх. н.

**ИШОРАТ** айн. ишора.

**ИШПЕЧ** Чеварларнинг ип, ипак, игна ва бошқа кераклик нарсалари сақланадиган ва тиззага қўйиб иш тикадиган халтаси. Мукаррамо чевар қиз, *Ишпечи тўла ипак*. Л. Абдуллаева. Қампир ишпечи билан шойи кўйлакчани олдига олиб ўтирди. Х. Назир, Яхши исм.

**ИШРАТ** [а] Қайф-сафо, айш-ишрат, айш. *Ишрат қилмоқ*. — Яна янги овқатлар, ичимликлар, лаганчаларда анор ва олмалар келди. *Ишрат қизиб кетди*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Ишрат кечаларининг бирида Ҳожи хола хўжасига сўнги қадаҳни тутди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ИШРАТГОҲ** [а+ф-т] айн. ишрат-хона.

**ИШРАТПАРАСТ** [а+ф-т] Айш-ишратга, кайф-сафога берилган, ишратни севувчи.

**ИШРАТХОНА** [а+ф-т] Ишрат қилинадиган жой; ишратгоҳ. *Аандирхон ишратхондан ўтиб, ҳарамхонанинг ҳовлисига чиқди ва катта ҳовуз ёнидан ўтди*. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ИШСИС** 1 Иш-юмуши, қиладиган иши йўқ; бекорчи. *Ишлининг иши битар, ишсизнинг кунни ўтар*. Мақол.

2 Иш, хизмат билан таъминланмаган. *Қаҳратон қиш. Нима кўп — ишсиз кўп. Иш топиш қийин. Мардикорлик, дала ишлари йўқ*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Шаҳарлар, қишлоқлар бир-биридан афзал эмас, ҳамма оч, ҳамма ишсиз*. Ойбек, Нур қидириб.

**ИШСИСЛИК** ишсиз с. белги оти. Капитализм вақтида кўмир қазишда банд бўлган миллионларча кон ишчиларининг меҳнатини қозов қилиш муқаррар равишда оммавий ишсизликка олиб боради. В. И. Ленин, Техниканинг катта ғалабаларидан бири.

**ИШТАҲА** [а] 1 Овқатга майл, овқатни кўнгли тусаб ейиш. *Ёдгор соғайиб, иштаҳаси охирги даҳадан турган пилла қуртиникидай бўлган эди*. Айний, Дохунда. *Иштаҳа очмоқ* овқатга майл уйғотмоқ. *Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар*. Мақол.

2 Кўчма Иштиёқ, майл, ҳафсала. *Уҳ-хў, балли иштаҳанга, шошма бу ҳам бўлур тез. Ойга бориб, ўзинг ойни ола қолгин яхши қиз*. М. Шайхзода. **Иштаҳани бўғмоқ** (ёки ўлдиримоқ, кесмоқ)

1) овқат тусамайдиган қилиб қўймоқ. *Ҳаёт-эса бояғидай қилтомоқ бўлиб ўтирaversди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнорнинг ҳам иштаҳаси кесилди, икки-уч қонини шўрва ҳалқумидан баёвр ўтди*. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ҳафсалани ўлдиримоқ.

◆ **Иштаҳаси карнай дағл**. 1) иштаҳаси баланд. — *Иштаҳа карнайга ўхшайди*, — деди кулиб Ғози, кейин икки бармоғи билан томоғини силади. И. Раҳим, Ихлос; 2) хоҳиши зўр.

**ИШТАҲАЛИ** Иштаҳаси яхши, ов-

қатни севиб, кўнгли тусаб ейдиган; сертомоқ.

**ИШТАҲАСИЗ** Иштаҳаси йўқ, овқатни севиб, кўнгли тусаб емайдиган, камтомоқ. *Гулсумбибетоб, иштаҳасиз қизи учун ўз ҳовлисида, ўз декчасида тайёрлаган бир коса серқатиқ хўрда ошни авайлаб кўтариб, эшикдан кириб келди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИШТИВОҲ** [а] Шақ-шубҳа, гумон. *Кўпчиликка айтадиган гап эмас ўзи. Майли, иштивоҳ қолмасин сизларда, айтаман*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ИШТИЁҚ** [а] Зўр истак, хоҳиш. *Иштиёқ билан ишламоқ*. — *Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишга иштиёқ туғилди*. С. Зуннунова, Гулхан. *Элмурод болга ажойиб ёдудли хатларни яна бир кўрши иштиёқда аланглади*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ИШТИЁҚЛИ** Иштиёқни, истаги бор, зўр истак, иштиёқ билан ёнувчи. *Иштиёқли ўқувчи*.

**ИШТИЁҚМАНД** [а+ф-т] айн. иштиёқли. *У ҳунар ўрганшига иштиёқманд*.

**ИШТИЁҚСИЗ** Иштиёқни, майли, хоҳиши йўқ.

**ИШТИРОК** [а] Бир ишда, маросимда, мажлис ва ш. к.да ҳозир бўлиш, қатнашиш. *Дирекция вакили иштирокида бўлган мажлис. Иштирок этмоқ* (қилмоқ). — *Хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим иштироки билан ўтказиб олсалар, ўзларини шаҳарнинг энг бахтли хотинларидан санаб .. юрар эдилар*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Ҳомид:] *Ҳатто, почтам ила жиянимнинг ҳам менинг бу ишда иштироким борлигини билмасликлар керакдир*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Алексейнинг мажлисга иштирок этиши меҳнаткашларнинг кўнглини кўтариб, уларнинг куч ва қувватларини оширгандай бўлди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ИШТИРОКИОН** [а] эск. айн. коммунист. *Иштирокион фиркаси коммунистлар партияси. Уртоқ Кенжа айтгандай, биз зиёлилар иштирокион фиркасининг бошлаган бу ишини олқийлаб ёрдам беришимиз керак*. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ИШТИРОКЧИ** Иштирок этган ёки этувчи; қатнашувчи. *Мажлис иштирокчилари*.

**ИШТОН** [р штаны] Тананинг белдан пастиқ қисмига кийиладиган, узун икки почали ички кийим, лозим. *Қамолон дарвозаси билан Самарқанд дарвозасига бўлган кўрғон остлари бошсиз ва иштондан бошқаси тўналган инсон гавдалари билан тўлибди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИШТОНБОҒ** Иштоннинг липпасига ўтказилган боғ.

**ИШТОНСИЗ** Иштони йўқ; беиштон. *Иштонсизнинг тушига икки қарич бўз кирибди*. Мақол.

**ИШТОНЧАНГ** 1 Иштоннинг устидан шим киймаган ҳолда, фақат иштон билан. Саидий қайта қелганида ҳам-

*ҳужраси Эҳсон тор ва дим уйда иштончанг, димиқиб ўлатириб мутлола қилар эди*. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Диал. Иштонсиз, беиштон.

**ИШХОНА** 1 Иш, хизмат қилинадиган жой; корхона, идора.

2 айн. устахона. *Қоратой .. ишхонада .. қизил чўғ бўлган темир парчасини болга билан гурс-гурс урар, яхсилар, чўзар, қайдира эди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ИШЧАН** Ишлаб парчамайдиган, сергайрат. *Ишчан одам*. — *Ишчан педагог Салима Бердиева порлоқ келажакнинг меҳнатсевар, гайратли қурувчиларини тарбиялаб еттиштирмоқда*. Ж. Саъдуллаев, Қамолот. *Бригада чиндан ҳам ахли ва ишчан коллектив*. Ф. Нуруллаев, Бўз йиғит.

**ИШЧАНЛИК** ишчан с. белги оти. *Ишчанлиги билан обрў қозонмоқ. Ишчанлик кўрсатмоқ*.

**ИШЧИ** 1 Меҳнат билан шугулланувчи, ўз қўл кучи билан ҳаёт кечирувчи киши; меҳнаткаш. *Шу йўсин ариқ қазила бошланди. Лекин ишчи кўп, озиқ-овқат йўқ эди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Биз ишчимиз, меҳнатчимиз, Биз ҳам инсон ўғлимиз*. Ҳамза.

2 Корхоналарда жисмоний меҳнат билан машғул бўлган шахс (социалистик жамиятда: бутун халқ билан тенг ҳуқуқда ишлаб чиқариш воситаларининг эгаллик қилувчи киши; капиталистик жамиятда: ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган, ўз кучини сотиш билан кун кўрувчи ёлланган шахс). *Темир йўл ишчиси. Завод ишчиси. Қишлоқ хўжалик ишчиси*. — *Россия ишчилари оғир ва даҳшатли курашларда капиталистлар ва помещикларни тор-мор этиб озодлик байроғини қўлга олганлар*. Ойбек, Нур қидириб. **Ишчилар синфи** ижтимоий ишлаб чиқаришда моддий бойлик яратувчи синф.

**ИШШ** унд. с. Эшакни тўхтатиш учун ишлатилади. *Дангаса салқинга қочгай иш десанг, Тўхтамоқ одат эшакка «ишш» десанг*. Ҳабибий.

**ИШШАЙМОҚ** Тишларнинг оқини кўрсатиб товушсиз илжаймоқ. *Мурзин ҳайрон қолиб «у эмас-ку!» деган эди, комендант «Адамманг, айнан ўзи», деди, сурбетларча ишшайиб*. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ИШҚ** [а] 1 Ёрга бўлган муҳаббат, севги. *Мажнуннинг Лайлига ишқи. Ишқ савосси. Ер ишқиде ёлмоқ. Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак*. Мақол. — *Бир вақтлар ишқ можазоларини ёлғиз эртақлардан тингалаган Гулнор, .. энди ўзи ишқнинг олов кўйлаганда яшар эди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Зўр эҳтирос, майл; иштиёқ. *Ишга ишқ қўймоқ. У китобни ишқ билан ўқийди. Ҳар ишга ҳам ишқ керак*.

**ИШҚАЛАМОҚ** Икки нарсани бир-бирга суркамоқ. *Ғиштни ишқига ишқалаб силлиқламоқ*. — *Биров ишдан келса, сиз ошдан келасиз, — деди Мели полвон жаҳли чиқиб ва қўлларини ишқалаб кетган соғини ушлади*. П. Тур

сун, Ҳқитувчи.] Қўл билан қаттиқ босиб силамоқ, эзмоқ. Оёқни ишқаламоқ. — *Мўйсафид сартарош унинг [Йўлчининг] бакуват .. бошини ишқалай бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИШҚАЛАНИШ 1** ишқаланмоқ *фл. иш оти.*

**2** *физ.* Жисмларнинг бири иккинчисининг силжишига қаршилик кўрсатувчи физик ҳодиса. *Қуруқ ишқаланиш. Ишқаланиш кучи.*

**ИШҚАЛАНМОҚ 1** ишқаламоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.* Унинг юзи қаттиқ серқирра тошларга узоқ вақт ишқаланган, ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**2** *кўчма* Хира бўлиб ёпишмоқ, сурканмоқ.

**ИШҚАЛАТМОҚ** ишқаламоқ *фл. орт. н.*

**ИШҚАЛАШМОҚ** ишқаламоқ *фл. бирг. н.*

**ИШҚАЛМОҚ** ишқамоқ *фл. ўзл. ва мажх. н.*

**ИШҚАМОҚ** *айн.* ишқаламоқ. Ёрмат севинганидан кафтини ишқаб, кулиб танчадан бир қадм нарига чўкка тушди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бурнини ерга ишқамоқ қ. ер. ИШҚИБОЗ** [а+ф-т] Меҳр-хавас қўйган, муҳаббат боғлаган, берилган; хавасманд. Музикага ишқибоз одам. — *Ҳамро аканинг қизи Обида қишлоқ мактабда ўқиб юрган кезларидан машинага ишқибоз эди. Ҳ. Назир, Маёқ сари.*

**ИШҚИБОЗЛИК** ишқибоз *с. мажх. от.* Санъатга ишқибозлик.

**ИШҚИЙ** [а] Ишқ-муҳаббатга оид; ишқни ифодаловчи. *Ишқий шеър. Ишқий драма.* — *Гулнор ишқий кечинмалар, белгисиз хаёллар ичида ўртаниб ёлғиз ётаркан, ҳовлида отасининг овозини, қўй матрашини эшитди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИШҚИЛИБ** *кири с.* Нима қилиб бўлса-да, ҳар қалай, ҳар ҳолда. *Бобоҳўжа домла ҳамма вақт бир хилда ўқитар, бир хилда ёддирар, ишқилиб, бир амаллаб вақтни ўтказар эди. П. Турсун, Ҳқитувчи. Мажлис қизиб кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб, гапирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ИШҚИРМОҚ** *диал.* Пишқирмоқ. *Бу майдонда бедов отлар, Ишқирар майдон ичинда. «Алпомиш».*

**ИШҚОР 1** *хим.* Металларнинг аралашувида ҳосил бўлган, сувда эрийдиган гидрооксидлар, мас. ўювчи натрий, ўювчи калий.

**2** Шундай моддалар эритма.

**ИШҚОРИЙ** *хим.* 1 Ишқор ҳосил қилувчи. *Ишқорий металллар.*

**6** Ишқор хусусиятига эга бўлган. *Ишқорий эритма.*

**ИШҚОРЛАМОҚ** Ишқор билан ишлов бермоқ, ишқор солмоқ. *Сувни ишқорламоқ.*

**ИШҚОРЛИ 1** Ишқори бор, ишқор аралаштирилган. *Ишқорли сув.*

**2** Ишқор воситасида ишлайдиган. *Ишқорли аккумулятор.*

**ИШҒОЛ** [а]: ишғол қилмоқ (ёки этмоқ) 1) эғалламоқ, қўлга олмақ; банд қилмоқ. *Пиёда аскарларимиз .. ҳамла қилиш учун қўлай позицияларни ишғол қилган эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Улар пича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқибди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) банд қилмоқ, чулғамоқ. Унинг фикрини ўз ишлари ишғол қилган эди.*

**ИЮЛЬ** [р<лат] Янгича йил ҳисобида еттинчи ой номи.

**ИЮНЬ** [р<лат] Янгича йил ҳисобида олтинчи ой номи.

**ИЯ** *с. т. Ие.*

**ИЯК 1** Пастки жағнинг ҳар икки томони қуйилиб келиб бирлашган жойи. *Ияги чўзинчоқ одам.* — [Бозорбой] пойгакка чўккалаб, сўнг бир қўли билан соқоли майса бўлиб қолган иягини силаб қўйди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**2** Пастки жағ. *Дадаси бўлса, уруида .. Ҳадича аянинг ияги қалтиради. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

◆ **Ияк ташламоқ (ёки қоқмоқ)** ўлим таъвасида ётмоқ.

**ИЯРМОҚ** *диал.* Эргашмоқ. *Ҳайронлик устига бағрин доғлади, Туяга ияриб бўлзаб йиғлади. «Алпомиш». Тўғонбек кўп ичди. Унга ияриб Алоиддин ҳам .. қадаҳни ортиғроқ кўтариб, ниҳоят, чўзилиб қотиб қолди. Ойбек, Навоий.*

**ИЯРТМОҚ** иярмоқ *фл. орт. н.*

**ИҚБОЛ** [а] 1 Бахтли тақдир, порлоқ келажак; бахт, омад. — *Гулишаннинг иқболи балан. Жуда пишиқ, жуда тиришқоқ у, — деди Зайнаб. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**2** Умуман тақдир, қисмат. [Мулла-дўст ўз-ўзига:] *Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртга кирибманки, иқболим наҳс-фалокатдан сира ажралмайди. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

**3** Иқбол (хотин-қизлар исми).

**ИҚЛИМ** [а] Бирор жойнинг ўзига хос об-ҳаво шароити. *Тоғ иқлими. Денгиз иқлими.*

◆ **Етти иқлим** қадимги араб географларининг қарашларига кўра ернинг етти минтақасидан ҳар бири. *Етти иқлим подшоиси етти нома ёзиб, ўз элчиси орқали Қорасоч парининг отасига юборибди. «Эртақлар». Қамбар чўлоқдек исковуч етти иқлимда йўқ. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ИҚЛИМИЙ** [а] *кт.* Иқлимга оид. *Иқлимий шароит.*

**ИҚЛИМЛАШМОҚ** Бирор ернинг иқлимига мосланмоқ, иқлимга ўрганмоқ (усимлик, ҳайвон ҳақида).

**ИҚЛИМЛАШТИРМОҚ** иқлимлашмоқ *фл. орт. н.*

**ИҚРОР** [а] Тан олиш, бўйнига олиш; эътироф этиш. [Унинг] *тенги йўқ, ҳушрўйлигига ҳамма иқроор.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Иқроор бўлмоқ (ж. к. билан)** тан олмақ, бўйнига олмақ, эътироф этмоқ. *Қиз аммасининг оёғига йиқилди ва ўз қилмишига*

*иқроор бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Иқроор қилмоқ (т. к. билан) айн. иқроор бўлмоқ. Тўғриси у, Меҳрининг чаққонлигига қойил бўлган эди-ку, бунини иқроор қилгиси йўқ эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ИҚТИДО** [а] *эск.* Эргашниш, тақдид қилиш. **Иқтидо қилмоқ** намозда имомга тақдиддан ҳаракат қилмоқ. [Домла:] *Халқ ичида қандай ташвиқот қила оламан, зероки маҳалладаги менга иқтидо қиладиган қавмдан ниҳоят уч-тўрт кишигина қолди, холос. К. Яшин, Ендирамиз.*

**ИҚТИДОР** [а] Куч, қудрат, қодирлик. *Мулла Муҳсиннинг изволи маълум, ўздан бир гап чиқариб мажлисни хурсанд қилишга иқтидор ва мижҳазини йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ИҚТИДОРЛИ** Куч-қудратга молик, қудратли, қодир. *Иқтидорли санъаткор.*

**ИҚТИДОРСИЗ** Иқтидори йўқ, куч-қудрати йўқ. *Эшикдан кириб стол устидаги қоғозларга кўзи тушиши билан ўзини ҳаддан ташқари чарчаган, ҳар қандай фикрий ишга иқтидорсиз сезиб бўйшади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ИҚТИСОД** [а] 1 Сарф-харажатда эҳтиёткорлик, тежамкорлик. *Маблағини иқтисод қилмоқ.*

**2** *айн. экономика.* Ўрмонжон колхоз ва колхозчининг иқтисодини кўтариш чораларига кўпроқ аҳамият берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ИҚТИСОДИЙ** [а] Иқтисодга, экономикага оид; иқтисодга боғлиқ бўлган. *Иқтисодий масалалар. Иқтисодий шароит.* — *Иқтисодий ва сиёсий соҳада ўзаро ёрдамни амалга ошириш мақсадида ЎзССР тенг ҳуқуқли совет социалистик республикалари .. билан ихтиёрий равишда Иттифоқ давлатига .. бирлашган. «ЎзССР Конституцияси».* — *Бизнинг муҳим иқтисодий районларимизни босиб олишига қарамай, душман мадордан кетаяпти, — деди майор. Ойбек, Кувш қораймас.*

**ИҚТИСОДИЯТ** [а] *эск. кт. айн. экономика.*

**ИҚТИСОДЧИ 1** Тежаб-тергаб сарф этувчи; сарф-харажатни тежаб-тергаб бажарувчи; тежамкор. *Иқтисодчи киши.*

**2** Иқтисод фанлари ва иқтисодий масалалар бўйича мутахассис. *Иқтисодчи олимлар.*

**ИҒВО** [а] Орага низо, нифоқ солишига, иттифоқни бузишга, бузғунчиликка қаратилган ҳатти-ҳаракат, ёлғон-яшиқ, уйдирма, бўхтон ва ш. к. *Бойнинг иғвосига алданган бечоралар икки жаҳон овораси бўлди. Айний, Қўллар. — Ҳўш, — деди Бўтабой, — сен ҳам ёт унсурларнинг иғвосини тарқатадиган бўлиб қолдингми! А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Сарҳадда қон, сарҳадда қурбон, Нечун иғво, не учун нифоқ. 3. Обидов.*

**ИҒВОГАР** [а+ф-т] Иғво билан шуғулланувчи, иғво тарқатувчи, орага нифоқ солувчи. *Иғвогар одам.* || [Музаффар:] *Ҳақиқатни гапирсак, ёмон*

отлиқ қилдингиз. Иғвогар, юрт бузуқи, ҳасадғўй дедингиз. Уйғун, Навбахор.

**ИҒВОЧИ** айн. иғвогар.

**ИҲ** унд. с. Норозилик ифодалайди. — Сен ёлғиз эмассан, — пичинг қилди Салим, — Гулнордай онаг бор .. Нурининг ғазаби тутатиқиб .. «иҳ!» деб, тескари бурилди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ИҲОНАТ** кт. Бепарволик, писанд қилмаслик, беҳурмат қилиш, таҳқирлаш, хўрлаш. *Иҳонат қилмоқ.*

**ИҲОТА** [а] Атрофини тўсиш, ўраш ва шу мақсад учун қилинган тўсиқнинг ўзи. *Иҳота қилмоқ. Иҳота дарахтлари қаттиқ шамол, бўрон, гармсел ва ш. к.дан сақлаш мақсадида экилган дарахтлар. Нукус атрофида шамол ва қумга қарши иҳота дарахтлари вужудга келтирилмоқда.* «Ўзбекистон ССР иқтисодий географияси».

**ИҲОТАЛАМОҚ** Маълум бир территорияни чегаралаб ўраб, тўсиб қўймоқ; иҳота қилмоқ.

**ИҲОТАЛАНМОҚ** иҳоталамоқ фл. ўзл. н.

**ИҲРАМОҚ** Оғриқ, алам ифодаловчи овоз чиқармоқ. *Икки ийгит ўқ еди шекилли, ихраб кулади.* Х. Ғулом, Машъал.

**ИҲРОМ** [а] айн. эҳром. *Миср иҳромлари.*

**ИҲТИЛОМ** [а] физиол. Эркакларда ғайриихтиёрий булганлиш.

**Й**

**Й** Ўзбек алфавитининг ўн биринчи ҳарфи; қисқа и.

**ЙИГ** айн. дук. *Ип йиғда пишитилади.* *Ипни йикка ўрамоқ.*

**ЙИГДАЙ**, =дек Йикка ўхшаш; тик, адил. *Кўчалари йиғдай, хибонлар мўл, Сувлари шарқирар кечаю кундуз.* Миртемир.

**ЙИГИРИЛМОҚ** йигирмоқ фл. мажҳ. н. *Йигирилган ип.*

**ЙИГИРМА** 1 снқ сон 20 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Йигирма киши. Йигирма кун. Йигирма литр сут. Йигирма сўм. Йигирма туп кўчат.* — У кўринишда уятчанг, йигирма яшар йигитча эди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 этн. Киши вафотидан сўнг ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи кунни ўтказиладиган маросим. *Йўлдош мотамсари.* *Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатм қуръон деб анча чиқилдор бўлганга ўхшайди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Одатга мувофиқ онаминг йигирмасини ўтказадман деб, бор-йўқ пулларимдан ажралдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ЙИГИРМАЛАБ** чамд сон Йигирмага яқин, йигирматача; йигирмата-йигирмата қилиб. *Мажлисга йигирмалаб одам қатнашди.* — Азаматлардан йигирмалаб чопиқчини туширилса, бу бошқа гап, — деди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЙИГИРМАНЧИ** тартб сон Тартиб ўрни 20 рақами билан белгиланган, 20 номерли. *Йигирманчи уй. Йигирманчи мактаб. Йигирманчи аср. Йигирманчи йиллар.* | Баъзи нарсаларнинг (мас. болалар кийимининг) ўн тўққиздан катта, йигирма бирдан кичик ўлчам номери. *Йигирманчи туфли. Йигирманчи пайпоқ.*

**ЙИГИРМАТА** донд сон Йигирма донд, йигирма нафар. *Йигирмата китоб. Йигирмата қалам.*

**ЙИГИРМАТАДАН** тақс. сон Ҳар бир бўлакка ёки кишига йигирма дондан ёки йигирма нафардан. *Ҳар бир болага йигирматадан дафтар берилди. Ҳашарчилар йигирматадан бўлиб тўрт бригадага бўлинди.*

**ЙИГИРМАТАЛАБ** тақс. сон Йигирмата-йигирмата қилиб, йигирмата-сини бирдан. *Ғиштни йигирматалаб ташимоқ.*

**ЙИГИРМОҚ** Толаларни эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Ип йигирмоқ. Юнғ йигирмоқ. У ҳар сменада беш тонна ипак йигиради. Чарх йигирмоқ* чархда толани пишитиб ип қилмоқ. *Найманча — азалдан қосиблар маҳалласи .. Аёли чарх йигирса, эркаги бўз тўқирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЙИГИРУВ** йигирмоқ фл. иш оти. *Йигирув фабрикаси. Ип йигирув цехи.* — *Йигирув, тўқув, чигга гул босиш фабрикаларида янги, .. дастгоҳлар гумбурлаб юриб турибди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**ЙИГИРУВ-ТЎҚУВ:** йигирув-тўқув фабрикаси ип йигирадиган ва ундан газлама тўқийдиган фабрика.

**ЙИГИРУВЧИ** йигирмоқ фл. иш оти. *Йигирувчи қиз. Йигирувчилар бригадаси.*

**ЙИГИТ** 1 Жинсий ва жисмоний жиҳатдан воғга етган эркак киши. Уларнинг бири йигирма ёшлардаги қотма, хипча йигит эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Умуман ёш эркак, ёш киши. *Мана шу ерда МТС ташкил қилинди-ю, бунга ўша пахта заводда ишлайдиган бир йигит каттакон бўлиб келди.* А. Қаххор, Кўшчинор. || [Ермат:] *Ишнинг пир ургани шу. Кишини чақиб қўяди.* — *Тўғри, аммо йигит одамга ҳеч нарса эмас, — бепарво жавоб берди Йўлчи.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма Эр киши, жасур одам, мард. *Йигит сўзидан қайтмас, арслон изидан.* Мақол. *Эр йигит бошига иш тушганда синалар.* Мақол. *Йигит(нинг) моли ерда.* Мақол.

3 с. т. Қизнинг кўнгил қўйган, кишини, севгилиси. *Ҳой, менга қара, сенингча йигити бор қиз бирор билан гап-лашмайдимми? Шухрат, Шинелли йиллар.*

4 Бирор ҳарбий тўдага, гурпуга мансуб бўлган эркак киши. *Холхўжага йигит булганинг эсиндан чиқдимми? Ҳукумат гуноҳингдан ўтди-я.* С. Аҳмад, Хукм. *Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгандан кейин, Камолон тарафидан бир юз чамалик саркарда ва йигитлари би-*

дан Азизбек кўринди. А. Қодирий, Утган кунлар.

Б Ўзига нисбатан ёши кичик кишига мурожаат қилишда қўлланади. *Йигит, бу йўл қовққа олиб боради?*

**ЙИГИТБОШИ** эск. Бирор ҳарбий тўда ёки гурпулага (йигитларга) бош киши, бошлиқ. *Кўришмат жаноблари Раҳмонқул қўшинини ўз ҳимоясида идорасига олади. Энди унга сиз каби, Комал афанди каби йигитбошилар керак.* Х. Ғулом, Машъал.

**ЙИГИТЛАРЧА** рош Йигитларга хос, мардона, мардонвор. *Йигитларча иш-ламоқ.*

**ЙИГИТЛАРЧАСИГА** айн. йигитчасига.

**ЙИГИТЛИК** 1 йигит 1 с. белги оти. *Йигитлик гурури.* — *Сиздай йигитлик чоғимда бошимга бир кўлфат тушди.* А. Қаххор, Кўшчинор. [Хонзода:] *Тур-ей! Йигитликка иснод келтирдинг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Мардлик, довораклик, жасурлик. — *Жуда аҳши, жуда соз бўпти, асл йигитлик қилибсиз!* — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг йигитлигига тилда таҳсин ўқиб.. келатганимда, бек ака! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

3 айн. йигитчилик. *Сен ҳали ёшлиқ қилсан. Йигитлик эмиш. Шу ҳам гап бўпти-ю.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЙИГИТЧА** рош Йигит сингари, йигитга хос, йигитдек; мардона. *Бир йигитча иш қилмоқ. Қиз тўн, дўппи кийиб, белбоғ боғлаб, йигитча ўйинга тушди.*

**ЙИГИТЧА** 1 йигит 1 с. кичр.-эркл.

2 Ёш йигит, ўсмир, ўспирин. *Шу баҳорда ўзи ўлиб кетди. Қўлдин иш келадиган битта йигитча ўғли бор, қолганлари чурвақа.* Ойбек, Қутлуг қон. *Йигитча уни [Элмуродни] лойи атала бўлиб ётган бир кўнага бошлаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ўзига нисбатан ёши кичик йигитга, ўсмирга мурожаат қилишда қўлланади. *Э, э йигитча! Қани бу ёққа келингни!* А. Қаххор, Ўжар.

**ЙИГИТЧАСИГА** рош Йигитларга ўхшаб, йигитлардек. *Йигитчасига иш-ламоқ. Йигитчасига қадам ташламоқ.*

**ЙИГИТЧИЛИК** Йигитликда бўладиган хатти-ҳаракат, юриш-туриш; йигитларга хос гурури. — *Бўлагуси қайна-тамизнинг кичкина боғлари бор эди. Йигитчилик экан-да, бозор кўни ғира-шира маҳалида уч нахса девордан ошиб тушдим, — деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЙИГИТ-ЯЛАНГ** Эркак жинсидаги ёшлар, ёш кишилар, йигитлар. *Самоварга келувчи йигит-ялангнинг чаккасида лола гулларни кўриб қолдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Кейинги кунларда маҳалла йигит-яланглари ўртасида янги гап тарқалди.* Х. Ғулом, Машъал.

**ЙИГНА** с. т. Игна.

**ЙИК** с. т. Дук.

**ЙИҚЧИ** с. т. Дукчи.

**ЙИЛ 1** Ернинг Куёш атрофида бир марта айланиб чиқиш мuddати; ўн икки календарь ойига тенг вақт. *Минг тўққиз юз етмишинчи йил. Йил бўйи. Йил сайин. Йилнинг тўрт фасли.* | Бирор воқеа, ҳодиса юз берган кундан бошлаб ўтган ўн икки ойлик вақт. *Унинг ишга кирганига беш йил бўлди.*

■ *Бўлмаса нима қил дейсиз: Яна икки йил кут дейсизми? — деди туюқиб хотини. М. Исмоилий, Фарғона т. о.* | Ўн икки ойлик вақт билан ҳисобланадиган календарь системаси. *Янги йил. Милодий йил. Ҳижрий йил. Кабиса йили. Куёш йили. Ой йили. Қамария йил ҳисоби. Йил ўн икки ой с. т. йил бўйи. Йил ўн икки ой бекорга ишлабман! Уқув йили ёзги каникул охиридан бошлаб келгуси ёзги каникул бошланишигача бўлган ўқиш мuddати.*

**2 астр.** Бирор планетанинг Куёш атрофидан бир марта айланишида ўтадиган мuddат. *Марс йили 687 суткага тенг. Зуҳра йили 225 суткага тенг.*

**3 тар.** Мучал йил ҳисобида ўн икки муҳалнинг бири (қ., мучал). *У қўйи йилида туғилган. — Йилнинг нима? — Йилим — сичқон. — Бу йил ит йили эканми, билмайман. Қулолликда ҳам мени итлар тинчитмасди. Ғ. Гулом, Шум бола. Йил ағдариш ёшни мучал ҳисоби билан белгилаш.*

**4 (фақат кўплик ф-да)** Муайян тартиб сонлардан кейин келиб, ўн йиллик мuddатни ифодалаш учун ишлатилади. *Йиизрманчи йиллар адабиёти. Ут-тиничи йиллар давомида санаот ва қишлоқ хўжалигимизда катта бурилиш юз берди.*

◆ **Йил оши этн.** киши вафотига бир йил тўлиши муносабати билан (одатда тўққизинчи ёки ўн биринчи ойда) халойиққа ош бериб ўтказиладиган маросим. *У вазифа ота-онамиз учун йил оши бериш ва икки укамизни тўй қилиш эди. Айний, Эсдалиқлар.*

**ЙИЛБАЙ** Йилига байлашилган, йиллик қилиб шартлашилган, бир йил давомида ёки бир йилда бир марта ҳақ тўланадиган. *Йилбай иш. Йилбай ҳақ.*

**ЙИЛГИ** Аниқловчи сўзлар билан келиб, нарса ёки ҳодисанинг қайси йилга оидлигини билдиради. *Бу йилги пахта терим кампанияси. Утган йилги хатолар тақорланмасин. — Аравакаш: .. Бу — ўтган йилги, узоқ йилги пахталар, — деб жавоб қиларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб нарса ёки ҳодисанинг қанча вақтдан буён мавжудлигини ёки давом этиб келаётганини билдиради. Уч кун ичида уч йилги касалдай бўлиб қолибсан. Ойбек, Қутлуғ қон. Юз йилги гап қадимги, эски гап.*

**ЙИЛДАН-ЙИЛ(ГА)** Йил ўтган сари, йил сайин. *Қишлоғимиз йилдан-йилга ободлашмоқда. Унинг иши йилдан-йилга ривожлана борди. — Пахта йилдан-йилга мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди. Ойбек, Қутлуғ қон. Анвар .. ҳар қимнинг уйда бўлган янги гуллар-*

*дан кўчат ва уруғ олиб, йилдан-йилга гулзорни бойитди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ЙИЛДИРИМ** эск. кт. Чақмоқ, яшин. **Йилдирим соқчиси** эск. яшин қайтаргич. *Оёқ остидаги сомон парчасидан тортиб томдаги йилдирим соқчисигача Саудийга қарайди. А. Қаххор, Сароб.*

**ЙИЛГА** Ҳар бир йил учун, ҳар йил ҳисобига, бир йил давомида. *[Урозни] бир қўйчи бой, йилига саккиз сўмдан ёллаб, Тошкентга келтирган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ҳар йили. Биз йилига Арслонбобда дам оламиз.*

**ЙИЛЛАБ** рвш Бир неча йил мобайнида, бир неча йиллар давомида. *Илгари бировларнинг ишини қилиб қорин тўйдиролмасдик. Йиллаб ҳақимизни ололмасдик. П. Турсун, Ҳўитувчи.*

**ЙИЛЛАРЧА** рвш Бир неча йил мобайнида, йиллаб. *Ҳозир иккиси [Йўлчи билан Гулнор] қалбларига йилларча сақлаган муқаддас орзуларга етишганликларидан .. маст каби эди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЙИЛЛИК 1** Бир йилга мўлжалланган; бир йил ичида содир бўладиган. *Йиллик мажбурият. Йиллик пахта топшириш плани. Йиллик ёгин миқдори. Йиллик температура. | Йилига байлашилган, бир йил мuddат билан ёлланган. Йўқ бечора тинмай меҳнат қилгандир, Ҳарна фойда бўлса бойлар олгандир. Ё ойликми, ё йилликми, камбағал, Меҳнат ҳосилдан қуруқ қолгандир. Эргаш шор. | Миқдор-сон билдирувчи сўзлар билан келиб, қанча йилга мўлжалланганликни, неча йил давом этишлигини билдиради. Беш йиллик план. Уч йиллик мажбурият. Саккиз йиллик мактаб. Бир йиллик экин. Кўп йиллик ўсимлик. — Боғдорчилик ҳам бўлмади, икки йиллик қаҳатчилик, очлик халқни ҳар бир нарсадан ажратди. Айний, Қуллар. Иккиси, неча йиллик қадрдонлар каби, самимий кўришдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**2** Бирор тарихий воқеа ёки ҳодиса нишонланадиган йил. *Октябрь социалистик революциясининг элли йиллиги.*

**ЙИЛМА-ЙИЛ 1** Ҳар бир йилни алоҳида ҳисоблаганда; йилларни тартиби билан бирин-кетин ҳисоблаганда. *Ёзувчи Артамоновлар оиласининг ҳаётини йилма-йил кўрсатиб беради. «Адабиёт назарияси».*

**2** Йилдан-йилга, йил сайин. *Ҳосилдорлик йилма-йил ошиб борди.*

**ЙИЛНОМА** Йилма-йил ёзиб бориладиган воқеа, ҳодисалар тарихи; солнома. *Йилнома ёзмоқ. — Ёшларимизнинг меҳнат зафарлари тўғрисида ажойиб йилномалар ёзиш мумкин. С. Ўўлдошев, Шонли йўл.*

**ЙИЛНОМАЧИ** Солнома тузувчи, тарихни ёзиб борувчи; солномачи.

**ЙИЛТ:** йилт этмоқ йилтиллаб кўринмоқ; йилтираб кўриниб қолмоқ. *Тун қоронғи эди. Осмонда йилт этган юлдуз кўринмасди. С. Анорбоев, Оқсой. Синган эшикдан уч яроғли киши босиб кир-*

*ди. Буларнинг бириси қўлида йилт этиб бир шам ёқилди. Айний, Қуллар.*

**ЙИЛТИЛЛАМОҚ** Ўзидан нур сочиб турмоқ, ўқтин-ўқтин нур таратмоқ, йилт-йилт қилмоқ; йилтирамоқ, милтилламоқ. *Қоронғи тунда юлдузлар йилтиллади. Ўзқондан йилтиллаб ўт кўринади. — Лабларда маҳорка чўғи йилтиллади, чекка-чеккада маъноси англашилмаган қандайдир гурунг. Ойбек, Куёш қораймас. | Ора-сира пур қайтариб, нур сочаётгандай бўлиб кўришмоқ, йилтирамоқ. Унинг [Утаннинг] белбоғидаги пичоқ сопи нурда йилтиллади. Ҳ. Гулом, Машъал. Фақат жимирлаб оқаётган дарё сувлари йилтилламоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ЙИЛТИЛЛАТМОҚ** йилтилламоқ *фл. орт. н. Хиравлатилган чироғи билан йўлнинг қора, лой бетини йилтиллаб, катта машина келди-ю, хийла тўхтади, мотор бир гуриллаб жим бўлди. Ойбек, Куёш қораймас.*

**ЙИЛТИРАМОҚ** Йилтилламоқ, милтилламоқ. *Хира саҳтиён маҳсиллар пардоздан сўнг йилтирайди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ЙИЛТИРАТМОҚ** йилтирамоқ *фл. орт. н. Суна лабида турган қурбақа оч кўкчил терисини йилтиратиб, тап этиб ариқча лабига сакраб тушиди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.*

**ЙИЛТИРОҚ** Нур қайтариб ёки пур сочиб турадиган, жилотаниб кўринадиган; йилтирайдиган; ялтироқ. *Ҳовуз бетига қумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илаб кета бошлади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Саид афанди йилтироқ кўзларини ўйнатиб, қўл учига чапак чалиб қўйди. Ҳ. Гулом, Машъал.*

**ЙИЛТ-ЙИЛТ:** йилт-йилт қилмоқ (ёки этмоқ) ўқтин-ўқтин нур қайтариб ёки нур сочиб турмоқ, товланмоқ, жилотанмоқ. *Ой ҳали чиқмаган, фақат унинг заиф нури қоронғидан кўрққандек .. йилт-йилт этиб кетади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ЙИЛҚИ 1** Отлар подаси; отлар. *Барчин .. отасининг тўғсон тўғдай йилқисидан ўн отни сайлаб олди. «Алломиш». Анҳорнинг икки томони Матмон тўра ерлари эди.. тўранинг йилқилари, сизир-қўйлари ўтлашиб юрибди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**2** Подада боқиладиган от. *Колхознинг беш юз йилқиси бор.*

**ЙИЛҚИБОН** Йилқи боқувчи одам; йилқибоқар. *Аллонбийнинг йилқибони бўлган Эгелди.. Сулувини отай миғаштириб яйлдовдан-яйлосга кезарди. А. Мухтор. Қорақалпоқ қиссаси.*

**ЙИЛҚИБОҚАР** айн. йилқибон.

**ЙИЛҚИЧИ 1** 1 сфм Йилқиччилик билан шуғулланувчи, йилқич ёшийтирувчи. *Йилқичи колхоз. || Тажрибақор йилқиччилар.*

**2** от эск. Йилқиччилик билан шуғулланган бой.

**ЙИЛҚИЧИ II** Балиқчиларга мансуб, ҳашаротлар билан овқатланадиган, саҳрода яшовчи тунғи қуш. *Ахён-*



-аҳднда йилқичи қушининг «ғақ-қу»лаган товуши эшитилди. Ф. Мусажонов, Қолхоздан келган қиз.

**ЙИЛҚИЧИЛИК** Йилқи етиштириш билан шуғулланадиган хўжалик тармоғи. Йилқичилик хўжалиги. Йилқичиликни янада ривожлантирамиз.

**ЙИЛҒА** айн. жылға. [Уктам] фронтда.. ўқ дўллари орасида дарёларни, неча-неча йилгаларни сузиб ўтган эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЙИПРАНМОҚ** кам қўлл. Эскириб титилмоқ, йиртилмоқ. Баъзи қоғозларнинг четлари йипранган, доғ-дуг тушган. Ойбек, Навоий.

**ЙИРГАМЧИК** Киши йирганадиган, кишининг кўнгли тортмайдиган; жирканч, ифлос. Йиргамчик овқат.

**ЙИРГАНМОҚ** Ҳазар қилмоқ, жирканмоқ. Шу овқатдан йирганеди. — Бойларнинг дарди олтин умуни, мисоли итпашшайдай ёпишасиз унга, йирганган бойларнинг нафсидан, хасислигидан! — деди Зумрад бойга. Ойбек, Улуғ йўл.

**ЙИРИК** 1 Ҳажми, ўлчамлари жиҳатидан нисбатан катта. Йирик марварид. Йирик гуруч. Йирик томчи. Йирик олма. Йирик пул 1) майдаланмаган, ушатилмаган пул; 2) кўп пул, катта маблағ. | Тузилиши жиҳатидан катта; гавдали. Йирик одам. Йирик қўллар. — Қиз умид билан кўтарган бошчасини яна ёстиққа қўйди. Нон илинжида чакнаган йирик кўзлари матоғи юмилди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. | Кенг, катта (қадам, одим ҳақида). Пулет станогини орқалаган Аскар полвон бошини қуйи солиб, одати бўйича, оғир ва йирик одим отарди. Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Кўп кишидан иборат, кўп сонли. Йирик қўшин. Йирик қўшилма.

3 Катта моддий куч ва имкониятларга эга бўлган, кўлами кенг; катта. Йирик санаот. Йирик хўжалик. Йирик қолхоз. Машиналаштирилган йирик кишлоқ хўжалиги. — Йирик заминдорлар, сармоядорлар учун.. ўз фойдасидан юқори нарса йўқ. Ойбек, Нур қидироб.

4 Ўз иши, фаолияти ёки таъсири билан кўзга кўринган, шуҳрат-обрў қозонган; атоқли; нуфузли. Йирик мутахассис. Йирик олим. Йирик адиб. — Тинчлик ва халқлар озодлиги йўлида тинмай курашаётган йирик давлат арбоби бўлмиш М. Турсунзода.. тинчлик учун курашга муносиб ҳисса қўшиятти. К. Яшин, Атоқли адиб.

◆ Иши йирик омади келган, хар жиҳатдан муваффақиятга эришаётган, ошқин олчи. — Ҳозир унинг [Омоннинг] иши йирик. Абдулла қорақошга шогирд тушган, уйига сув ташиб, от боқиб юрибди, — деди Туроббой Шум болага. Ғ. Ғулום, Шум бола.

**ЙИРИКЛАШМОҚ** Майдаларни қушиб яхлитлаштирмоқ, йириклаштирмоқ; йирик қилмоқ. Пулни йирикламоқ.

**ЙИРИКЛАШМОҚ** Йирик бўлмоқ, катталашмоқ. Йириклашган хўжалик.

Йириклашган қолхоз. — [Баҳри:] Қолхоз йириклашиб кетди. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

◆ Иши йириклашди омади келди, иши юришиб кетди, ошиғи олчи бўлди.

**ЙИРИКЛАШТИРМОҚ** йириклашмоқ фл. орт. н. Қорхоналарни йириклаштирмоқ.

**ЙИРИЛМОҚ** йирмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Лайлакнинг юришини қилман деб, чумчуқнинг чатаногой йирилибди. Мақол. — Эркабой ўтган жойдан сакрайман, деб бутимиз йирилмасин [деди Фозилжон Саидга]. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

**ЙИРИНГ** Тўқималарнинг яллиғла-нишидан ҳосил бўладиган сарғиш-кўк рангли ва ёмон ҳид тарқатадиган қуюқ, модда; фасод. **Йиринг** бойлади 1) газак олиб, йиринг хосил қилди, йиринглади. Яра йиринг бойлади; 2) кўчма авж олди, зўрайди. [Усмонжоннинг] болалигида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг бойлаб, фасод йиға бошлади. С. Зуннунова, Гул-хан.

**ЙИРИНГЛАМОҚ** Йиринг олмоқ, йиринг бойламоқ. Оёқларидаги занжирнинг сиқувини ҳам, елкасидаги йиринг лаб кетган чуқур яранинг оғригини ҳам унутган темирчи.. энтикиб «озод» деган сўзини такрорлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЙИРИНГЛИ** Йиринг бойлаган, йиринги бор. Йирингли яра.

**ЙИРИК** Йирилган, ёриқ жой, ёриқ. Тахта деворнинг йириги.

**ЙИРМОҚ** Куч билан орасини очмоқ, кермоқ, икки ёққа ажратмоқ. Бола қушининг тумишурини йириб оғзига дон солди. — Фашист бўғзига тобора чуқурроқ ботаётган Алижоннинг темир панжаларини йириб ташламоқчи бўлиб уринар эди. С. Анорбоев, Дўстлар. Дўстим Сардор жуда чарчаган бўлса-да, бирмунча вақтгача кўзларини йириб очиб ётди. М. Осим, Элчлар.

**ЙИРОҚ** айн. узок. Йироқ жой. Осмон йироқ, ер қаттиқ. Мақол. || Олма тагидан йироққа тушмас. Мақол. Кўринган тоғнинг йироғи йўқ. Мақол. — Йироқ кетмай ёнингдан, Парвариш-лаб қарайман. Й. Муслим.

**ЙИРОҚ-ЁВУҚ** айн. узок-яқин. Бир соатдан сўнгра, йироқ-ёвуқдан тўйга даъват қилинганлар келабошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЙИРОҚЛАШМОҚ** айн. узоклашмоқ. Машина кўздан йироқлашди.

**ЙИРОҚЛАШТИРМОҚ** йироқлашмоқ фл. орт. н. Бунинг ҳаммаси Саидийни Кенжадан кундан-кун йироқлаштирар эди. А. Қаххор, Сароб.

**ЙИРОҚЛИК** айн. узоклик. Йўлнинг йироқлиги.

**ЙИРОК-ЯҚИН** айн. узок-яқин. Йироқ-яқин қариндошлар. ||Йироқ-яқиндан келган меҳмонлар.

**ЙИРТИЛМОҚ** йиртмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Кенг кенгашиб йиртилди, тор тортишиб. Мақол. — Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами

яктагининг ени зулфинга илиниб тир-саккача йиртилди. А. Қаххор, Анор.

**ЙИРТИШ** 1 йиртмоқ фл. иш оти. 2 эин. Марҳумни кўмиш маросимида қатнашган кишиларга ва унинг яқин-ларига бериладиган бир бўлак рўмол-чабоп газмол; оқлик. Жанола намози ўқилиб, йиртиш ва исқотлар бўлинди. Айний, Дохунда. Маросимга етиб келган.. оддий фақирларга йиртиш улашилмоқда. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари.

**ЙИРТИШМОҚ** йиртмоқ фл. бирг. н. **ЙИРТИК** Йиртилиб кетган, йиртилган. Иштонсиз тиззаси йиртиққа қулар. Мақол. — Аксарининг усти-боши юнун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради.. ким-ларда жаги йиртиқ қафи, лекин улар шод. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЙИРТИК-ЯМОҚ** 1 Кўп ямоқ солинган, кўп йиртилган; жулдуз. Ҳов-лида, қор устида болта билан ўтин ёраётган йиртиқ-ямоқ тўнли бир йиғит Элмуродни имлаб чақирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Йиртилган кийим-кечак, кўрпа-ёстиқ ва ш. к. ҳамда уларни тикиш, ямаш ишлари. Кўйдан бери ил-ишна ушламас эди, йиртиқ-ямоқ тикишни хушламас эди. З. Дибр. Анзират хола йиртиқ-ямоқ ва ҳар хил икир-чикир ишлар билан машғул бўлиб кечгача Сидиқжоннинг олдидан жилмади. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЙИРТМОҚ** Газмол, қоғоз ва ш. к. ни узмоқ, узиб бўлақларга ажратмоқ. Латтани йиртмоқ. Қоғозни йиртмоқ. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар. Мақол. — У [жангчи] бинтининг учини йиртар экан, офицерга қараб бир нима деди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

◆ **Бағрини** (ёки кўксини) йиртмоқ қаттиқ азобламоқ, қийнамоқ, эзмоқ. Айрилиқ савдоси бағрин йиртади. «Ширин билан Шакар». Пора-пора йиртди кўксини ситам, сўргувчи борми кўнгилининг зорини. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЙИРТҚИЧ** 1 Жонивор гўшти билан овқатланадиган (хайвонлар ҳақида). Йиртқич хайвон. Миққий — йиртқич қуш. || Қуён йиртқичларга ем бўлди. | кўчма Ўта ёвуз, шафқатсиз, зolim. Ваҳший, йиртқич қўлларда Сочине юлинди. Ғайратий. Тоғнинг баланд чўққисиди ўтирган қушлар.. одамларга йиртқич кўзлари билан хўйрайиб қарайди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. || Мен бу уятсиз йиртқич билан ярам-моқ учун умид тутмайман.. [деди Қумуш]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Шафқатсиз эксплуатация, босқинчилик ҳисобига бойлик орттирадиган одам. Давлатёр оғзи-бурни қонга беланган Худойқулнинг ҳолини кўриб: — Йиртқич қулоқ. Қуни сен бечорага етибди-да! — деди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЙИРТҚИЧЛАРЧА** рви Йиртқичларга хос равишда, йўсинда, йиртқичлар сингари.

**ЙИТИРМОҚ** йитмок фл. орт. н. Яхши иш битирар, Ёмон иш йитирар. Мақол. — Орзуелинг ташқарида йиғлайди. .Йитирибди ўғингизнинг ўғлини, Кўчаларда боласини излайди. «Орзу-гул».

**ЙИТМОҚ** Ғойиб бўлиб кетмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ, йўқолмоқ. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оғвидан йитар. Мақол.

**ЙИҚИЛИШМОҚ** йиқилмок фл. бирг. н.

**ЙИҚИЛМОҚ** 1 Куламоқ, ағнаб тушмоқ. Кўкка боққан йиқилар. Мақол. — Саид Жалолхон ўрнидан турган эди, гандираклар йиқилди. А. Қахҳор, Башорат. Ғулумжон.. ҳовузнинг қоқ лабига тиззаси билан гурсиллаб йиқилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ётиб қолмоқ, куламоқ (тик турган нарса ҳақида). Терак йиқилди. — Кўчада.. гурсиллаб деворлар йиқилади, шарақлаб дарахтлар қулайди. А. Қахҳор, Башорат. Қосилкаларнинг ўткир тиглар тинмай шатирлаб, умри қирқилган бўлиқ ўтлар даста-даста бўлиб йиқиларди. С. Анорбоев, Оқсой. | Баландликдан пастликка, тубанликка беҳосдан тушиб кетмоқ; куламоқ. Бола дарахтдан йиқилди. Бировга чоғ қазисанг, ўзинг йиқиласан. Мақол.

2 Курашда енгилмоқ, мағлубиятга учрамоқ. Йиқитган мард эмас, йиқилганни турғизиб қўйган мард. Мақол.

3 кўчма Ҳокимиятдан махрум бўлмоқ; ағдарилмоқ; йўқ, қилинмоқ. Подшо ҳукумати йиқилди.

4 кўчма Имтиҳонда ёмон баҳо олмақ, синовдан ўтолмай қолмоқ. Студент фалсафадан йиқилди.

◆ **Оёғига йиқилмоқ** қ. оёқ.

**ЙИҚИТИЛМОҚ** йиқитмок фл. мажх. н. Тераклар йиқитилди. — У [Фотима] подшо йиқитилгани, камбағалларнинг иши юришиб кетгани тўғрисидаги гапларни эшитган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЙИҚИТМОҚ** 1 Куч билан қулатмоқ; ағдармоқ, ағнатмоқ. Шамол дарахтларни йиқитди. Уйқу арслонни ҳам йиқитади. Мақол. — Чакалакзордан катта-кичик дарахтларни йиқитиб, мажаклаб чиққан танк.. Аҳмаджон пулемёти расчётига томон кела бошлади. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. | Бузмоқ; қулатмоқ. Деворни йиқитмоқ. Уйни йиқитмоқ. | Баландликдан пастликка, тубанга тушириб юбормоқ; қулатмоқ.

2 Куч билан ерга ётқизмоқ, курашда енгмоқ, зўр чиқмоқ, устун чиқмоқ. Хонқалик Нодир паҳлавон гурланлик кучли Қўчқор паҳлавонни йиқитди. Ж. Шарипов, Хоразм. — Йиқитган полвон йиқилгани кўтариб қўяди, — деди Ўрмонжон Курбон отага кўз қисиб. А. Қахҳор, Қўшчинор.

3 кўчма Куч билан ҳокимиятдан махрум қилмоқ; ағдармоқ; йўқ қилмоқ. [Першин:] Съезд империалистик буржуазия диктатурасини йиқитмоқ, кераклигини айтди. Н. Сафаров,

Шарқ тонги. Раҳматхоннинг овози йигин тепасида янграб кетди: «Халқ подшоини йиқитди. Лекин халқнинг аҳволи ўзгармади». П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўчма Имтиҳонда ёмон баҳо қўймоқ; синовда ўтказмай қўймоқ. Имтиҳонда йиқитмоқ.

**ЙИҚИШМОҚ** йиқмок фл. бирг. н. Шунни билиб қўйинларки, Бўтага туҳмат қилиб, колхозни оёқдан йиқишмоқчи. С. Аҳмад, Хукм.

**ЙИҚИК** Йиқилган, бузилган, вайрон. Мاستон хола билан Турсуной йиқик деворлардан ўтиб ҳовлига қадам босганларида, қаршидаги айвонда .. шайхнинг капта гавдаси кўринди. Уйғун, Турсуной.

**ЙИҚМОҚ** айн. йиқитмок. Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингени йиқар. Мақол. — Уроқ ўткир эди. Уралиб-чаплашиб ўсган қалин майсани [Йўлчи] «шар-шар» йиқиб борар экан, ўзи ҳам завқланди. Ойбек, Қутлуғ қон. Эскини йиқамиз, янгийни қурамай! Уйғун, Навбахор. Чор тахтини йиққан ишчилар, Деҳқон қўлин сиққан ишчилар. Ё. Мирза.

**ЙИГДИРМОҚ** йигмок фл. орт. н. Дастурхонни йигдирмоқ.

**ЙИГИ** 1 Кўз ёши тўкиш; йиғлаш. Кампир йигидан ўзини тийёлмади. | Овоз чиқариб йиғлаш; инграш, хўнграш. Гўдак йигиси. — Ғулумжон йиғлаб юборди. Унинг йигиси устига болалар юзуриб киришди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ҳовлидан чиқатган йиги овозини эшитиб [мўйсафид] сесканиб кетди. А. Раҳмат, Хаёт лавҳалари.

2 этн. Мархумни хотирлаб ўтказиладиган аза маросими. Йиги бошламоқ, Йиги чиқармоқ киши вафоти муносабати билан кўпчилик бўлиб овоз чиқариб, айтиб йиғламоқ.

◆ **Шайтон йигиси** ёлғон йиги, мунофиқона кўз ёши. У буну узатилладиган қизларнинг «шайтон йигиси» деб тушунади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЙИГИЛИШ** 1 йигилмок фл. иш оти. Пионерлар соат ўнда йигилиши керак эди. Йигилиш пункти — мактаб.

2 Бирор ташкилот ёки коллектив аъзоларининг маълум масалани ҳал қилмоқ учун тўпланиши; йигин, мажлис. Йигилиш қарори. Қомсомол активининг йигилиши. Сайлов олдидан йигилишлари.

**ЙИГИЛИШМОҚ** йигилмок фл. бирг. н. Колхозчилар мажлисга йигилишди.

**ЙИГИЛМОҚ** йигмок фл. ўзл. ва мажх. н. Ҳовлига болалар йигилди. Ҳосил йигилди. — Савдогарлар хоннинг қошига йигилиб борди. «Ёдгор». Одамлар тамом йигилган бўсалар ҳам, ҳали катталардан дарак йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тўхта хола кўрпаси йигилмаган сўрига дастурхон ёзиб, қумғонда чой келтирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ЙИГИМ** Бирор мақсад учун халқдан (хонадон бошига ёки жон бошига)

олинадиган ҳақ, пул ёки буюм; солиқ [Мингбоши:] Беш йилдан бери йлпонки бермайсан, солиқни тўламайсан, йигим деса жонинг бўғзинга келади, йлакка! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЙИГИМ-ТЕРИМ** Ҳосилни йиғиб-териб олиш. Йигим-терим кампанияси. Пахта йигим-терими. Ҳозир колхозда йигим-теримнинг айни қизгин пайти. | Йигим-терим мавсуми, пайти.

**ЙИГИН** 1 Кишиларнинг ўзаро фикр олиниши ёки бирор масалани ҳал қилиш учун тўпланиши; йигилиш, мажлис. Колхоз клубида капта йиғин бўлди. — Ниёз Қўчбеги сўзлаб йиғиннинг мақсади билан аҳли мажлисни танқитчлар борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кишиларнинг бирор маросим, зىёфат муносабати билан ёки ўзаро суҳбатлашни, кўнгил очини учун тўпланиши; йиғилиш. Билдимки, бугун уйимизда бир йиғин бўлади. Ойдин, Дундикдан ҳам ёш экан. Энди гузар ва йиғинларда мулла Обиднинг кучи ҳақида муболага бошлайдилар. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЙИГИНДИ** 1 Бир турли нарсаларнинг бир жойга тўпланган ҳолати, тўплами, мажмуи. Қонунлар йигиндиси. Қарорлар йигиндиси. — Ҳар қандай материя алоҳида доналар йигиндисидан тузилади. «Қизилқарли геохимия».

2 мат. Икки ёки бир неча соннинг қўшилиш натижаси, ўзаро қўшилган сонлар мажмуи. Уч, олти ва ўн бир сонларининг йигиндиси йигирма бўлади.

**ЙИГИНМОҚ** йигмок 1, 2 фл. ўзл. н. Йиғиниб ўтирмоқ.

**ЙИГИНЧОҚ** 1 Саранжом-сариштали, тартибли; ихчам. Йигинчоққина уй. Йигинчоқ бир ҳовли.

2 Сочилмаган, тўпланган; йиғиқ, йиғноқ. Йиғинчоқ фикр.

**ЙИГИНЧОҚЛИК** 1 йигинчоқ с. белге оти.

2 кам қўлл. айн. йигинчоқ 1. Болачақлари бўлмаганидан, ўйлари бизникига ўхшаш тўс-тўполон эмас — йигинчоқлик. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**ЙИГИ-СИГИ** Бир қанча кишининг йиғлаши; йиғи овозлари; йиғи ва нолишлар.— Кундуз қўнлари қишлоқ бир оз тинч бўлса ҳам, кечалари алақайқадан йиғи-сиғи овози келиб, тонгага қадар қўрқиб ухлолмай чиқар эдим,— деди Пўлат. Ғайратий, Унутилмас кунлар. Ола-ғовур, йиғи-сиғи, портлаш, гўмбурлаш бир нафас тинмасди. С. Абдуқаҳҳор, Дала гвардиячилари.

**ЙИГИЧИ** этн. Азада айтиб йиғловчи аёл. Бош йиғичи азада йиғи бошловчи, бошқаларни эргаштирувчи аёл. Турсуной ва Шарофатхон қайинчанинг ўлимига ичидан ғоят севиңган бўсалар ҳам .. овозларига чўзиқ, қалбаки мотам оҳанги бериб, бош йиғичига жўр бўлишар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЙИГИШ** 1 йигмок фл. иш оти.

2 *тех.* Қисмларни йиғиб бутунлаш, ясаш. *Йиғиш цехи. Йиғиш ишлари.*

**ЙИГИШМОҚ** *йиғмоқ* *фл. бирг. н.* Бригадирлар .. одамларни баланд овоз билан чаққириб йиғишди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ЙИГИШТИРИЛМОҚ** *йиғиштирмоқ* *фл. мажж. н.* Дастурхон йиғиштирилди.

**ЙИГИШТИРМОҚ** 1 Ёйиқ, чочиқ нарсаларни бир жойга тўпламоқ; йиғмоқ. *Социлаган қорозларни йиғиштирмоқ. — Гулнор .. офтобда қуриган бир кучоқ ёзлик кийимларни аллақайқдан йиғиштириб келар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Жувои асабий бир ҳаракат билан рўмолчини олиб ўради, этакларини йиғиштириб ўрнашиб ўтирди. А. Қаххор, Қўшчинор.*

2 Йиғиб олмоқ; йиғиб бошқа ерга олиб қўймоқ; тахлаб қўймоқ. *Дастурхонни йиғиштирмоқ. — Марасул ашула айтиб асбобларини йиғиштиради ва кийнади. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. У супадаги кўрна-тўшакни наридан-бери йиғиштирди-ю, кўчага қараб югурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Супуриб-сидириб олмоқ, тозалармоқ, тартибга солмоқ. *Стал устини йиғиштирмоқ. — [Унсин] уларнинг уй-жойларини йиғиштиради ва ҳар қандай юмушни сўзсиз бажаради. Ойбек, Қутлуг қон. Ойбодоқ ташқарини йиғиштириб кирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 *кўчма* Бирор ҳаракат ёки ишга барҳам бермоқ; тўхтатмоқ. *Ишингни йиғиштир!* *Улфатчилкни йиғиштирмоқ. — Бегимхон чокани йиғиштириб, дуонасини кўрначага ўтказди-да, патнис тузаб келди. И. Раҳим, Чин мухаббат.*

◆ **Дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ** *қ. дов-дастгоҳ, Лабини (ёки лаб-лунжини) йиғиштирмоқ* кулгидан ёки йиғидан тўхтаб, лабларни жойига келтирмоқ. *Тўпанисо кулгидан лабини йиғиштиромай, ерга қаради. А. Қаххор, Қўшчинор. Эсини (ёки эс-хушини) йиғиштириб олмоқ* ақлни жойига келтирмоқ, ўйлаб кўриб нотўғри йўлдан, фикрдан ва ш. к.дан қайтмоқ. *[Шариф] ҳали эсини йиғиштириб ҳам ололмаган эди. В. Маҳкамов, Ҳам айланиб, ҳам ўргилиб.*

**ЙИГИҚ** 1 Йиғиб, тўплаб қўйилган, тўплоғлик. *Йиғиқ соч. Йиғиқ барлар.*

2 Йиғинчоқ, йиғноқ; ихчам. *Йиғиқ фикр.*

◆ **Йиғиқ гап грам.** Бош бўлақлардан тузилган гап.

**ЙИГЛАМОҚ** 1 Кўз ёши тўкмоқ (ғам, адам, оғриқ ва ш. к. сабабли). *Ачиниб йиғламоқ. Хўрликдан йиғламоқ. Пиқ-пиқ, йиғламоқ. Ув тортиб йиғламоқ. Ўқиб йиғламоқ. Хўнграб (хўн-хўн) йиғламоқ. — Бола ҳануз чирқираб йиғлар эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Айтиб йиғламоқ* этн. марҳумга қуйиниб, юрак сўзларини айтиб йиғламоқ, уни мадҳ этиб йиғламоқ. *Қон йиғламоқ* алам-изтироб билан қақшаб

йиғламоқ. *Холанинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули кунни ёдига тушар .. эди. А. Мухтор, Опа-сиянгиллар.*

2 *кўчма* Нолимоқ, нолиш қилмоқ. *Ўз ҳолидан йиғлаб гапирмоқ. — Узоқ-узоқларда музика йиғларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

◆ **Йиғлаб кўриш(а)ди** *с. т. кест.* жуда монанд, мос келди, жуда ҳам ярашди. *Тўн йиғлаб кўришди. — [Хотам:] Қани совимасин [рўмкага қўйиб]. Бу жонивор қабоб билан йиғлаб кўришади. Қитдай-қитдай ютайлик. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Холига маймунлар йиғлайди қ. маймун.*

**ЙИГЛАМСИРАМОҚ** *Йиғлаш* даражасига етмоқ; йиғлагандай бўлмоқ. *Жўраҳон йиғламсираб жавоб қилди. Унинг бу ҳолати хафа қилинган .. қизнинг аразига ўхшар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Мен ўзбошимчалик қилганим йўқ, — жавоб берди бола йиғламсираб. Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.*

**ЙИГЛАТМОҚ** *йиғламоқ* *фл. орт. н.* — Илгари оқсоқол бўлиб кўп одамларни қон йиғлаган экан бул — деди Давлатёр. П. Турсун, Ўқитувчи. *[Раҳима хола:] Мени кўп йиғлатма. Қандай қиласан? Боланга эҳтиёт бўл Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ЙИГЛАШМОҚ** *йиғламоқ* *фл. бирг. н.* Она-бола узоқ йиғлашдилар. *Кўз ёшлари битмегунча бўзлашдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ЙИГЛОҚ** Бўлар-бўлмагга йиғлай берадиган; йиғлоқ; йиғлоқ одам жангчи бўла олмайди-а, дада? А. Умар, Мухтор.

**ЙИГЛОҚИ** 1 *айн. йиғлоқ. Йиғлоқи* бола. — Улар [болалар] ялқов, йиғлоқи ва серуйқу эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Қишини эзадиган; мунгли (куй, оханг ва ш. к. ҳақида). *Мунгли булбулдай Ингради тинмай, Бағрим эзарди, Борлиқни ёқиб Йиғлоқи сурнай. Ғ. Фулом. | Йиғига ўхшаш, ингроқ, ҳазин. Тўқсоновнинг руҳни сўндирадиган йиғлоқи овози жуда кўп одамларга бошдаёқ ёқмай қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ЙИГЛОҚИЛИК** *йиғлоқни* *с. белги оти.* *Йиғлоқлик* сизга ярашмайди. И. Раҳим, Тақдир.

**ЙИҒМА** 1 Айрим қисмларини суриб-қўзғатиб тахланадиган, йиғиладиган. *Йиғма курси. — Бу ерда [палаткада] уч йиғма койка бир-бирига тақаб қўйилган эди. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

2 Турли қисм ёки элементлардан йиғилиб, бир бутунни ташкил қиладиган. *Йиғма уй. Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш корхоналари.*

**ЙИҒМОҚ** 1 Маълум бир жойга тўпламоқ, тўп қилмоқ, уймоқ; йиғиштирмоқ. *Ўқувчиларни йиғмоқ. Дафтарларни йиғмоқ. — Мана, Назира хола ҳам, Шаҳодат хола ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб,*

*икки оғиз гаплашмоқни эди. А. Қаххор, Кампирлар сим қоқди. | Битта-лаб термоқ, териб кўпайтирмоқ. Болалар гулган учун ўтин йиғдилар. — Раъно ўз ёнидаги гўжумларни йиғиб, Анварга берди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. | Таплаб, сайлаб, саралаб олмоқ. Қомандага кучли ўйинчиларни йиғиб олмоқ. — Очадиган синфмизга, илжои борича, камбағал болаларини йиғмоқчимиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Тўпламоқ, жамгармоқ, тўплаб қўпайтирмоқ, орттирмоқ. *Пул йиғмоқ. — Хўжайиннинг дадаси катта бой эди, мол-мулкни беҳад йиққан эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

3 Саранжом-сарништа қилмоқ, тартибга келтирмоқ; йиғиштирмоқ. *Китоб-дафтарларни йиғмоқ. Дастурхонни йиғмоқ. — Эски сандиқ устига йиғиб қўйилган бир тўда пахтаси чиққан увадалар кўрна-ёстиқ отини ўз усталарига олур эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Йиғма, буклама нарсаларни йиғиқ холга келтирмоқ. *Палаткани йиғмоқ. Зонтикни йиғмоқ. Самолёт шассисини йиғиб олди. — Оёқни йиғмоқ* оёқларни тортиб, остга босиб ўтирмоқ. *Чолнинг ҳурмати учун меҳмонлар оёқларини йиғиб ўтиришга уриндилар. Ойбек, Қутлуг қон.*

5 *тех.* Қисмларни ўзаро бириктириб бутун холга келтирмоқ. *Тракторни йиғмоқ.*

6 *кўчма* Маълум бир нуқтага қаратмоқ, тўпламоқ, марказлаштирмоқ (хал, ақл, куч ва ш. к.ни). *Степан эсини йиғиб ўрнидан турди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Чувалашиб кетган фикрларни йиғиб .. қатъий қарорга келиш мумкин эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

7 Иш, ҳаракат, фаолият ва ш. к.ни тўхтатмоқ, йиғиштириб қўймоқ. *Шоқир ота ишни йиғди, кўзойнагини олиб қўйди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ЙИҒНАЛМОҚ** *йиғнамоқ* *фл. ўзл. ва мажж. н.* Бу хабарни Муродхоннинг онаси, сингисини эшитиб, қаттиқ хафа бўлди, дарров йиғналиб йўлга чиқди. «Муродхон».

**ЙИҒНАМОҚ** *диал.* Йиғмоқ, тўпламоқ. *Эртасига ўроқчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошладилар. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЙИҒНОҚ** Йиғинчоқ, ихчам. **ЙИҒУВ** *айн. йиғиш. Йиғув* *цехи.* Трактор-йиғув заводи.

**ЙИҒУВЧИ** 1 *йиғмоқ* *фл. ш. оти.* [Отабек ва Али] *дастурхонни йиғувчи келинчакка ўғил тилаб дуо қилганларидан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *тех.* Деталь ёки қисмлардан яхлит машина ясовчи. *Трактор заводининг йиғувчилари. || Йиғувчи* *слесарь.*

**ЙОД** [р < грек] Химиявий элемент, асосан денгиз ўсимликларидан олинандиган тўқ кул ранг кристалл модда ва

унинг медицинада қўлланадиган спирт-даги жигар ранг эритмаси.

**ИҲЙДИРМОҚ** йўймоқ I фл. орт. н.

**ИҲЙИЛМОҚ** йўймоқ I фл. мажҳ. н.

**ИҲЙМОҚ** I (кўпинча ж. к. билан)

Бирор нарсага (мас. гап ёки иш-ҳаракатга) ўзича бир маъно бермоқ; ... деб тушунмоқ ёки тушунтирмоқ; ... деб ўйламоқ ёки ҳисобламоқ. *Тушни яхшиликка йўймоқ.* — Сувонжон чолнинг жим бўлиб қолганини жаҳлдан тушидига йўйиб: — Утоғаси, қўчқорларни ҳайдаб кетавераймми? — деб сўради секин. С. Анорбоев, Оксой. *Суюк-суюгига бориб етган бу терс жавобни полвон Холмирзанинг ўжарлигига йўйиб кўрди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. | Гап ёки иш-ҳаракат мазмунини бошқа ёққа бурмоқ, айлантирмоқ, бошқача маъно бермоқ. *Гапни ҳазилга йўйиш учун Сидиқжон ҳам кулди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

**ИҲЙМОҚ** II кам қўлл. Махв этмоқ, йўқ қилмоқ. [Хазина] .. фуқаронинг жон отиб қилчоқларни қириб йўйганлари учун инъомларга, эъзоларга ва озиқ-овқатларга қурбон қилинган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ИҲЙ** I Кишилар ёки транспорт қатнаши учун белгиланган узун ер бўлаги. *Автомашинна қатнайдиغان йўл. Темир йўл. Сўқмоқ йўл. Тош йўл. Узоқ йўл. Қишлоқ йўли.* — [Қампир] ёлғиз оёқ йўлдан битта-битта юриб кетди. Ҳ. Умарбеков, Ялпиз ҳиди. *Урмон бўйлаб чўзилган катта йўлда, жиққа ҳўл бўлган баталон .. оғир одим отарди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

2 Кема ва самолётлар қатнаши учун махсус белгилаб қўйилган линия, трасса. *Сув йўли. Ҳаво йўли.*

3 Ҳаракат йўналган томон, йўналиш; маршрут. *Машина йў йўлида давом этди. Йўл бошламоқ* йўлни кўрсатиб бошлаб бормоқ; эргаштирмоқ. *Вожатий дарё томон йўл бошлади. Йўл бўлсин?* 1) қадёққа кетяпсан (кетяпсин)? *Ойжамол қизим, йўл бўлсин?* Айтгил эрка қўзим, йўл бўлсин? *Қайеа бунча шошиб борасан, Шаҳду-шакар сўзим, йўл бўлсин?* Е. Мирза; 2) (ж. к. билан) кўчма бирор ишни бажариш кимсанинг қўлидан келмасликни ифодалаш учун ишлатилади. *Шеър ёшига сенга йўл бўлсин.* — *Элмурод [курсантларнинг] .. машқдан келётганини кўриб «буларга етишга бизга йўл бўлсин» деб қўйди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Йўл олмоқ** маълум манзил томон жўнамоқ, кетмоқ. *Биз шаҳарга йўл олдик.* — У [Эргаш] баракдан ишчилар билан бирга чиқиб, шу послелкада донғи чиққан «йёбек самоварига йўл олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Йўл солмоқ** кутилмаганда, кўққисдан бирор томонга қараб жўнаб қолмоқ. *Улар биров келётганини пайқаб, тепаликка қараб йўл солишди.* Ойдин, Фарходлар. **Йўлим тушиди** тасодифан ёки йўл-йўлакай бориб (келиб) қолдим. *Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин шу томонга йўлим тушиди-ю, касалхонани*

*босиб ўтолмадим.* А. Қаххор, Минг бир жон. *Қишда Паркентга яна йўлим тушиди.* С. Анорбоев, Муаммо. **Йўлга тушмоқ** жўнаб кетмоқ, йўлга равона бўлмоқ. *Азонлаб йўлга тушидик.* — *Она-бола яна йўлга тушишди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. **Йўлдан қайтармоқ** 1) орқага қайтишга мажбур қилмоқ; 2) кўчма кишини ёмон хулқ ёки ножўя хатти-ҳаракатдан тиймоқ. *Ёмон йўлдан қайтармоқ.* — *Маҳаммадражаб .. хотини орқали уни шу йўлдан қайтаришга уринди.* А. Қаххор, Сарсб.

4 Бирор ҳаётий функция бажарувчи найчасимон орган.

5 Сафар қилиш, бирор ёққа бориш; сафар; саёҳат. *Йўл анжомлари. Йўл харажати. Йўлга ҳозирланмоқ. Оқ йўл бўлсин! Йўл азоби — гўр азоби. Мақол. Йўлга чиқсанг, йўлдошинг бўлсин. Мақол. — Отам суюниб кетди. «Бир ҳафтадан кейин йўлга чиқадиган бўлдик.» — деди [Ҳожиди хола]. М. Исмонилӣ, Фарғона т. о. [Оқилжон] йўл учун дарров патира нон ёптирди.* Ойбек, Қутлуг қон.

6 Босиб ўтиладиган масофа. *Уч кунлик йўл.* — *Ҳайдар, бирга бориб келамизми? Бир ярим соатлик йўл.* А. Қаххор, Асрор бобо. *Тошкент.. Марғилоннинг ораси озгина йўлми, ахир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Йўл кира** бирор транспорт воситасида босиб ўтилган йўл учун тўланадиган ҳақ. *Фестивалга борадиганлардан йўл кира олинмайди, тушундингми, болакай?* Н. Фозилов, Ирмоқ. **Йўл босмоқ** 1) маълум масофани босиб ўтмоқ; орқада қолдирмоқ, юрмоқ. *Рота .. бир неча километр йўл босганидан кейин, сойликка тушиди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз; 2) кўчма маълум тарихий ёки ҳаётий йўлни ўтмоқ, бошдан кечирмоқ. *Келажак бахт йўлимни сиз билан бирга босмоқни орзу қиламан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Сатҳга туширилган ёки тортилган чизиқ, из. *Бир йўли оқ, бир йўли қизил шойи.* — *ЎзССРнинг давлат байроғи қизил алвондан иборат бўлиб, унинг ўртасида бутун бўйига ҳаво ранг йўл тортилган.* «ЎзССР Конституцияси». **Йўл-йўл** узун, тўғри чизиқли, излар туширилган, тўғри чизиқли. *Йўл-йўл беқасам.*

8 Қатор, сатр. *Бир неча йўл хат.* — [Анвар Раъноа:] *Менинг ёганимни сен уят қилмасанг, мен ҳам сенинг ёганингни уят қилмайман. Лекин шарт шуки, менинг икки йўлимга жавоб бўлсин.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | с. т. Мисра. *Тўрт йўл шеър.*

9 қ. х. Эгат, жўяк, қатор. *Бир йўл ғўза.* — *Пахта экинги йўл билан, Агроном усул билан, Қолхозларни яшнатинг, Безанг гул, сунбул билан.* «Кўшиқлар».

10 Кўчма Гоявий йўналиш; дунёқараш, маслак. *Партия .. марксизм-ленинизм тағлимотига асосланган си-*

*ёсий йўлни ишлаб чиқди.* «КПСС тарихи». *Энди билсам, ҳақ йўл — шўро йўли экан.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

11 Киши ҳаётида, иши, фаолияти ва. ш. к.да босиб ўтилган босқичлар мажмуи. *Шоирнинг ҳаёт йўли.* — *Юсуфжон қизиқнинг ижодий йўли жуда мураккаб, ранг-барангдир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳаққоний жангларда қозондик зафар, Энг оғир йўллари босиб ўтдик биз.* И. Муслим.

12 Иш-ҳаракат воситаси, тарзи, усули; чора, тадбир. *Бу масалани икки йўл билан ҳал қилиш мумкин.* Анг-лашилмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилмоқ. *Оммавий-сиёсий ишни ривожлантириш йўллари.* — *Биз фақат тушунтириш, одамларнинг кўзини очиш йўли билан эскиликка, хурофотга зарба беришимиз мумкин.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Йўл(ни) қилмоқ** бир амалламоқ, бирор чорасини топмоқ. *Унинг қўрққанини пайқаб, сестра дарров йўл қилди: — Йе, Ҳожиди ака, сизга дори бериш эсимдан чиқибди-ку, юринг.* А. Қаххор, Кўшчинор. | Иш-ҳаракат режаси, плани. *Мен бир вақт сенга йўл чиқиб берган эдим-ку, шундан чиқма, пахтани биринчи қўлдан ол.* Ойбек, Қутлуг қон. **Йўлга тушмоқ** бирор нарсага эришиш учун интилмоқ, пайига тушмоқ, ҳаракат қилмоқ. *У дунё орттириш йўлига тушиди.* | Бирор иш-ҳаракат қилиш имконияти; имкон, илож. *Йўл изламоқ. Йўл топмоқ.* — *Шунинг ила сизни-да, ўзимни-да Ҳомид қўлида йўл бўлмоғимизга катта йўл очган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Йўл кўймоқ** (ёки бермоқ) имкон бермоқ, имконият яратмоқ. *Ўзбошимчалikka йўл қўйилмасин! Хатога йўл қўймоқ.* — *Бу иш қўлимдан келмайди, деб ташлаб кетиш номарднинг иши.* *Номус-ор бунга йўл қўймайди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

13 Хатти-ҳаракат, юриш-туриш тарзи; юриш-туриш. *Ёмон йўлга кирмоқ.* **Эгри йўл** ёмон ният билан қилинадиган хатти-ҳаракат, ярамас иш; ёмон хулқ. *Эгри йўлга кирмоқ. Эгри йўлдан қайтмоқ. Йўлдан чиқармоқ (ёки урмоқ, оздирмоқ) бировни ярамас ишга ундамоқ, нопокликка бошламоқ. [Мас-тура:] *Шундоғ-у, хола, бир бошимга шу ер ютқурни деб беҳисоб ёш келинчаларни йўлдан чиқардим.* Ҳамза, Паранжи сирлари. [Нури:] *Биламан, жуеонмарг Гулнор ўзи қошини қўққан, кўзини учирган, шундай қилиб дадамни йўлдан оздирган.* Ойбек, Қутлуг қон.*

14 Миқдор, сон билан бирга қўлланганда «марта», «карра», «бўр» каби маъноларни ифодалайди. [Ҳожиди она:] *Мен икки йўл ҳажж қилган, художўй, батавфиқ хотинман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бир йўл кўринди кўзгуда юздан олиб ниқоб.* Хуршид.

15 с. т. Бирор куй, музыка асари ёки ашулани ижро этиш усули. *Дутор уфур куйини чалиб, чилдирма ҳам но-*

зик йўл билан унга қўшилиши борди. А. Қодирий, Утган кунлар. Хавода у кўйнинг сўнги мавжлари тинаркан, Йўлчи деди: — Роса овози бор экан-да, йўлини ҳам қияр экан. Ойбек, Қутлуғ қон.

16 (эгалек ва ў.-п. к. қўшимчалари билан) «Учун» кўмакчиси маъносиди қўлланиб, нарса ёки иш-ҳаракатнинг бирор нарсага қаратилганини, бағишланганлигини билдиради. Ватан йўлида жонни фидо қилмоқ. — Мен нима қилсам илм учун, илм йўлида қиламан. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. Фарҳодми, Баҳромми ҳаёт даиштида, Ер васли йўлида қазганмиш тоғлар. Ғайратий.

◆ Йўл(инг) очик қаёққа хоҳласанг кетавер, тўрт томонинг қибла. Узингиз йўлинг очик, кетавер, ..» деган эдиңгиз-ку. А. Қаххор, Қўшчинор. Сомон йўли қ. сомон. Йўли очилди бахти очилди; иши юришиб кетди. Йўли очилган йўшнинг янгаси олдидан чиқар. Мақол. Йўлга кирмоқ юра бошламоқ (эндигина юришни машқ қилаётган бола ҳақида). Зебиҳон .. келса, почаси қўлига ҳали йўлга қирмаган болани кўтариб, ҳовлида алла айтиб юрибди. С. Ахмад, Уфқ. Йўлга солмоқ яхши гапириб кўндирмоқ, розилигини олмоқ. Бўтабой уни [Содиқни] алдаб-суддаб йўлга солмоқчи йўлди. С. Ахмад, Хукм. Йўлга қўймоқ ўижовлантирмоқ, ривожлантириб обормоқ, тартибга солмоқ. Оммавий-сийишларни йўлга қўймоқ. Ора йўлда қолмоқ айн. арасотда қолмоқ қ. арасот. Йўлингдан қолма! тўхтама, кетавер! Келган бўлсанг индамайгина кетавер, йўлингдан қолма! «Равшан».

ЙУЛА: бир йўла бирдан, биратўла, бир вақтнинг ўзиде. Бир йўла тўланадиган ҳақ. — У [Соттиҳон] бир йўла тўрт станокда одми шойи тўқишга ўтди. Туйғун, Станоклар ёнида.

ЙУЛАК Кўча эшигидан ховлига олиб борадиган тор йўл; коридор. Узун йўлак. Қоронғи йўлак. — У эшикдан йўлакка киргани ҳам йўқ эди, ичкаридан чақалоқ бола товуши келди. Ойдин, Чақалоққа чакмонча.

ЙУЛАКАЙ рвш Йўлда кетатуриб, ўтатуриб, йўл-йўлакай. [Ахмад] йўлакай кулгонага кирди. Унда бир тўда бола ойналарга қараб .. қотиб қулишар эди. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. [Ҳамишра] Қўдратга қўллуқ қилиб ташқари юраркан, йўлакай радио қўлоғини бураб қўйди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ЙУЛАМОҚ 1 Яқин келмоқ, яқинлашмоқ. Қани энди на трамвай, на троллейбусга йўлаб бўлса: зинасигача одам. У. Юсуфжоновна, Жўнатилмаган хат. Низомжон қизлар эвеносига йўламай қўйди. С. Ахмад, Уфқ.

2 диал. Суямоқ, суяб кўтармоқ; қўлтиқламоқ. Мамаарийм пилдираб бориб отни келтирди-да, хўжайинини қўлтиғидан йўлаб миндирди. М. Исмомчлий, Фарғона т. о.

ЙУЛАТМОҚ йўламоқ 1 фл. орт. н. [Алексей:] Кўприк яқинига ҳеч кимни йўлатмай! Н. Сафаров, Шарқ тонги. Ҳа, асов сигирнинг феълини билмасанг, олдига йўлатмайди — сузади, тепади, сут бермайди. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ЙУЛБАРС 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон. Йўлбарс териси. Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак. Мақол.

2 айн. барс 2.

ЙУЛБОСАР айн. йўлтўсар.

ЙУЛБОСАРЛИК йўлбосар с. мавҳ. от.— Бу ўғирликнига эмас, қароқчилик — кундузлай халқнинг кўзи олдига йўлбосарлик,— деди Ҳайдар. Айний, Қуллар. Кеман билан денгизга кетиб йўлбосарлик қилишдан бўлак чорам қолмади [деди Эримбет]. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ЙУЛБОШЧИ Бирор синф, партия ёки ижтимоий ҳаракатнинг голий ва сиёсий раҳбари; йирик раҳбар, бошлиқ. К. Маркс бутун дунё пролетарларининг йўлбошчисидир. — Исомхўжа ёш миллий буржуа вакилларининг йўлбошчиси эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ЙУЛБОШЧИЛИК йўлбошчи с. мавҳ. от. Ақл йўлбошчилик қилолган ерда, чўлоқ чумолидек ожиз Геракл. Ғ. Ғуллом.

ЙУЛДОШ 1 Йўлда, сафарда бирга бўлган киши; ҳамроҳ. Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл. Мақол. — Маддоҳ тўрға ўтиб, .. ўз йўлдошлари билан ўтирди. Айний, Қуллар.

2 астр. Бирор планета ёки юлдуз атрофида ҳаракат қилувчи осмон жисми. Ой — Ернинг йўлдоши. Ернинг сунъий йўлдоши.

3 анат. Ҳомиладорлик пайтида хомила билан бирга пайдо бўладиган ва хомилани озуқа моддалари билан таъминлаб турадиган орган. Агар унинг ёнида йўрғада ётган чақалоқ бўлганида, жувон кўзи ёриган одамега ўхшамас, қорни бояғидай эди. Бу йўлдошининг ишича бошласанидан далолат. С. Анорбоев, Мехр.

4 Йўлдош (эркаклар исми).

◆ Умр йўлдоши бирга турмуш қурган икки кишидан бири; эр ёки хотин. Саломат бўлишингизни тилаб қолувчи бўлажак умр йўлдошингиз Эштиборхон. Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

ЙУЛИҚИШМОҚ йўлиқмоқ фл. бирг. н. Улар дўстлари билан йўлиқиди.

ЙУЛИҚМОҚ 1 Дуч келмоқ, учрамоқ, учрашмоқ. Ишдан сўнг директорга йўлиқдим. — Отабек ва Али дарвозадан ўн одим нарида боши танидан олинган уч кишининг гавдасига йўлиқдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.— Мирзақаримбойнинг боғи қаерда, билмайсизми? — деди [йигит].— Нима ишинг бор? — Йўлиқмоқчи эдим-да. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Дучор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ, чалинмоқ. Қисилга йўлиқмоқ. Йўл қувелаган хазинаси йўлиқар, гап қувелаган бир балога йўлиқар. Мақол. — Бечора турмуш қилганига бир йўл бўлар-бўлмас шу дарога, йўлиққан экан. А. Қаххор, Минг бир жон. Натижида юрак фалажига йўлиққанки маълум бўлиб, шу кун кечаси .. вафот этди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. ЙУЛИҚТИРМОҚ йўлиқмоқ фл. орт. н.

ЙУЛ-ЙУЛ Узун-узун, баъзан рангбаранг йўллари бўлган, узун-узун йўлли. Йўл-йўл қит.

ЙУЛ-ЙУЛАКАЙ рвш 1 Йўл бўйи, йўл давомида, йўлда кетаётиб. Эрталабки ноқушадан лабимда қолган битта увоқни кўтариб кетмоқчи бўлган сарик ари йўл-йўлакай чақа кетган эди. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.

2 Бир вақтнинг ўзиде, бир пайтда; гап орасида. Йўл-йўлакай Қамолжон 1941 йилда Львов шаҳрида рўй берган бир воқеани айтиб берди. Н. Сафаров, Жангчи шор.

ЙУЛ-ЙУРИҚ 1 Тартиб-қоида, қонун-қоида. Қимни колхозга олиш, қимни колхоздан чиқариш колхозчиларнинг ўз ихтиёрида. Бунинг ўз йўл-йўриғи бор. Уртоқ Самандаров ана шу йўл-йўриқни бузманлар дейдилар, холос. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Маслаҳат, кўрсатма, йўлланма. Ҳамқишлоқ бўлгандан кейин йўл-йўриқ кўрсатмайдими, ахир? П. Қодирон, Уч илди. [В. И. Ленин] НЭПнинг аҳамиятини ҳар тарафлама асослаб зарур йўл-йўриқлар берган эди. М. Урунхўжаев, Унутилмас кунлар.

ЙУЛКА 1 Одатда кўча четидати тош, гишт ёки асфальт ётқизиб кўтарилган, пиёдалар юрадиган тор йўл; тротуар. Қатта йўлга тош ётқизилиб, .. йўлқалар асфальт қилинган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Довла кўчанинг ўртасидан юрмай, йўлка билан, бошини кўтариб, жиддий ва жоҳат билан ўтаётибди. П. Турсунов, Ўқитувчи.

2 Парк, боғ ва ш. к. жойларда юриб сайр қилиш учун ажратилган махсус йўл; хиёбон.

ЙУЛЛАМОҚ 1 Йўл кўрсатмоқ, йўл бошламоқ, йўналтирмоқ. Партиямиз бизни қўллар, Зафарларга ўзи йўллар. Ё. Мирза. Турдимат .. сел сувини саккиз ариқ, икки каналга йўлади. И. Раҳим, Ихлос.

2 Жўнатмоқ, юбормоқ. Салом йўлламоқ. Дўстига бир мактуб йўлладим. Тўпни дарвозага йўлади. — Йўлларимга толе не йўллар. Шайхзода.

ЙУЛЛАНМА 1 Бирор жойга (ишга, ўқинишга, даволаниш ва ш. к.ларга) юборилувчи кишига бериладиган расмий гувоҳнома, ҳужжат; путёвка. Қомсомол йўлланмаси билан қурилишга бормоқ. — Йигит ҳам институтни тамомлаган экан. Қишлоққа йўлланма беришган экан, бормабди. С. Анорбоев,



Оқсой. Эртаси кунни ёш ўқитувчилар маориф бўлимининг йўлланмаси билан бирин-кетин ҳар томонга тарқала бошлади. П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 махс. Транспорт хайдовчиларнинг маршрути ва қилаётган иши ёзиб қўйилган алоҳида варақа; путёвка. Шофёрнинг йўлланмасини текширмоқ.

3 кўчма. Йўл-йўриқ, кўрсатма; раҳнамо. Ўз ватанига ва халқига қизгин муҳаббат ҳисси унга умрбод йўлланма бўлди. | Даъват, қақирқ. Бизлар учун ҳар бир партиявий анжуман замонанинг ўловчи, .. эртанги куннинг йўлланмасидай жаранглаб турди. Шайх-зода, Вақтлар меъёри.

◆ **Ҳаётга йўлланма** кт. мустақил иш қилиш учун имкон берувчи билим, малака ва ш. к.

**ЙЎЛЛАНМОҚ** йўлламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. Ёш муллавачча таъзим билан ўрнидан туриб, Ғуломжон ҳужрасига йўлланди. М. Исмонилӣ, Фарғона т. о. Марғилон ва ўзёза шаҳарларнинг ишончли уламо ва беқларига мурожаатномалар йўлланди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ЙЎЛМА-ЙЎЛ** 1 Ҳар бир сатри алоҳида, сатрма-сатр, сўзма-сўз. *Йўлма-йўл таржима.*

2 айн. йўл-йўлакай 1.

**ЙЎЛОВЧИ** 1 Йўлда кетаётган, ўтиб бораётган одам. *Кўчаларда йўловчилар сийраклашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тоққа қараб кетган худди шу сим ёғочли йўлда бир пидда йўловчи бормоқда.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Бирор транспортда кетаётган киши; пассажир. *Автобус йўловчилар билан лик тўла эди.*

**ЙЎЛОЁҚ** эск. 1 Узоқ сафарга чиқиш муносабати билан бериладиган зиёфат, ҳадя. *Йўлоёқ улашмоқ.*

2 Қузатиш маросими, хайрлашув маросими.

**ЙЎЛПАША** Халқ эътиқодига кўра, уйга меҳмон келишидан дарак берувчи катта кул ранг пашша.

**ЙЎЛТЎСАР** Йўловчиларни тўсиб, уларни талайдиган босмачи; қароқчи. *Тоғ. Бу ерда йўлтўсарлар бор.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЙЎЛТЎСАРЛИК** йўлтўсар с. касб оти. Қани энди кўзимга ўша номард кўринса-ю, йўлтўсарлик қилиб мой чайнайдиган тишларини битта-битта суғуриб олсам, эҳ! Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа.

**ЙЎЛЧИ** 1 айн. йўловчи. Якка йўлчи мазгилга етолмайди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Йўл қурилиши ишларини бажарувчи ишчи, мутахассис. Айланма магистралнинг барпо қилинишида тажрибали йўлчилар меҳнат қилдилар.

3 Йўлчи (эркаклар исми).

◆ **Йўлчи юлдуз** йўл кўрсатувчи, раҳнамо. [Ботирали] менга янги ҳаёт йўлини кўрсатган йўлчи юлдузим эди. Х. Ғулом, Машъал.

**ЙЎНАЛИШ** 1 йўналмоқ фл. иш оти.

2 махс. Бирор нарсанинг ҳаракатдаги йўли; траектория. *Тик йўналиш. Снаряднинг йўналиши.*

3 кўчма Йўл, оқим. Санъатдаги реалистик йўналиш. *Илмий тадқиқотнинг йўналиши.* | Муайян мақсад йўлидаги интилиш. *Ёшларнинг фикрини қатъий бир йўналишга солиш керак.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ЙЎНАЛМОҚ** Бирор томонга қараб йўл олмоқ; юрмоқ, жўнамоқ, бормоқ. *Йигит еганини айтолмай, бўйлашиб эшик томонга йўналди.* С. Аҳмад, Хукм.

**ЙЎНАЛТИРИЛМОҚ** йўналтирмоқ фл. мажх. н.

**ЙЎНАЛТИРМОҚ** йўналмоқ фл. орт. н. *Домла .. қизини Саудийга томон йўналтирди.* А. Қаххор, Са-роб.

**ЙЎНДИРМОҚ** йўнмоқ фл. орт. н.

◆ **Йўқни йўндириб** йўқдан бор қилиб, амал-тақал қилиб. *Йўқни йўндириб бўлмас.* Мақол. — *Борни тежаб, йўқни йўндириб, дам оч, дам чала кўрсоқ бўлиб яшадик.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЙЎНИЛМОҚ** йўнмоқ фл. мажх. н. *Айтилмаган ерга йўнилмаган таёқ.* Мақол. — *Унинг [Сотволдининг] юзи қаттиқ серқирра тошларга узоқ вақт ишқаланган, ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ЙЎНИК** Йўниб маълум шаклга киритилган; йўнилган. *Йўник тош.*

**ЙЎНМОҚ** Йўниб маълум шаклга киритмоқ; тарашламоқ. *Полвон .. бир тошини танлаб олди-да яхшилаб артишига ва бир томонини йўнишига буюрди.* А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

**ЙЎНҒИЧҚА** Дуккакли ўсимликлар оғласига кирадиган, ем-хашак бўладиган ўтсимон ўсимлик; беданинг бир тури. *Йўнғичқа ўрмоқ.* — *Яна ишр ерни чопдик. Йўнғичқанинг илди-зини суғурдик.* Ойдин, Гулсанам.

**ЙЎНҒИЧҚАЗОР** Йўнғичқа экилган майдон. — *Ҳуз анави сой бўйидаги йўнғичқазорга [отни] олиб бор,— деди Зиёбек Кенжага.* Н. Фозилов, Оқим.

**ЙЎНҒИЧҚАПОЯ** диал. Йўнғичқазор.

**ЙЎРГАК** Чақалоқни ўрайдиган кичик қойшаб. *Болани доим озода, йўр-гакларини қуруқ туттиш керак.*

◆ **Йўрғакда теккан касал** ёшликдан ўрганган, туғма одат. — *Бу [амални суйистеъмоқ қилиш] Тожибойнинг йўр-ғакда теккан касали,— деди Абдура-сул.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ЙЎРГАКБОҒ** Йўрғак устидан боғланадиган боғ, лента.

**ЙЎРГАҚЛАМОҚ** Йўрғакка ўрамоқ. Чақалоқни йўрғакламоқ. — *Раъно кўғирчоғини рўмол билан йўрғаклаб, қўлига кўтарди-да, .. онасининг олдига кирди.* Ойдин, Қўнгил тўлди, яхши йигит.

**ЙЎРГАҚЛАНМОҚ** йўрғакламоқ фл. мажх. н. *Мунавварнинг кабинетида*

*ҳамишира кириб келди. Унинг қўлида йўрғакланган чақалоқ бор эди.* С. Анорбоев, Мехр.

**ЙЎРИК** Иш-ҳаракат тарзи, усули; чора, тадбир, йўл. *Ҳар ишнинг ўз йўриғи бор.* — *Мени десанг, бир йўриғи бўлар-да, Алопошининг ўғли ўша Ёдгор-да.* «Ёдгор».

**ЙЎРМА** Қаштачиликда қўлланадиган чок турларидан бири. *Йўрма қилиб тикмоқ.* — *Тикиши силлиқ эмас: Уеирмаси — чакмага, Санамаси йўрмага Кундош бўлиб тушгандай.* Ғ. Ғулом.

**ЙЎРМАДУЗ** Йўрма тикувчи мутахассис.

**ЙЎРМАДУЗИ** Йўрма усули билан тикилган ёки гул солинган буюм. *Анорхоннинг устида қизил атас қўй-лак, бошида йўрмадўзи дўппи.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ЙЎРМАДУЗЛИК** йўрмадўз с. касб оти. *Йўрмадўзлик ҳўнари.* *Йўрмадўзлик билан шуғуланмоқ.*

**ЙЎРМАМОҚ** айн. кўкламоқ II.

**ЙЎРТМАЧОҚ** Йўртиб, сакраб юрадиган.

◆ **Йўртмачок** бола эндигина йўлга кирган, юра бошлаган бола.

**ЙЎРТМОҚ** Йирик қадам билан тез юрмоқ, елмоқ; лўкилламоқ (от ва эшак юриши ҳақида). *От бош силкиб .. йўртиб кетмоқда.* С. Аҳмад, Хукм.

**ЙЎРТОҚ(И)** Йирик қадам ташлаб, елиб юрадиган; лўкиллайдиган. [Қорасоч] .. *ҳар қалай, йўрға тугул, йўртоқ бўлса ҳам, от миниб дала кезиши ор этмас эди.* С. Сулаймон, Қорасоч.

**ЙЎРТОҚИЛАМОҚ** Йўртиб, елиб юрмоқ, йўртмоқ.

**ЙЎРТТИРМОҚ** йўртмоқ фл. орт. н. *Икки часандоз ёнма-ён от йўрттириб келарди.* Ҳ. Ғулом. *Эрталаб дарга отини йўрттириб жўнаб кетди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ЙЎРҒА** 1 1 Майда қадам ташлаб тез юрадиган (от, эшак ҳақида). *Бурдоё денгизда сузиб юраман. Мен мингаан йўрға от гўёки қайиқ.* Ҳ. Пулат. | *Йўрғалаб юрадиган от ёки эшак. Қобил қора йўрғани згарлаб, бойвачани эшик олдида кутиб турарди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Зеби хола ҳар кунни туши кўради. Тушида Пўлатжон .. саман йўрға миниб сув кечаётган бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. | *Майда қадам ташлаб юриш, йўрғалаш. Майна зиагини хилхлади ва шу заҳотиёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг ҳам диқирлаган йўрғаси эшитилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Якка отнинг йўрғасидан чиқарми чанг.* Ғ. Ғулом.

2 кўчма дағл. Енгил табиатли, ёмон йўлга кирган; бузуқ.

◆ **Йўрға чикармоқ** қилиқ чиқармоқ; енгил сёқлик қила бошламоқ. [Ҳожар:] *Бу қора ер ютқурнинг йўрға чикаришини етти ухлаб тушида ким кўрибди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.



**ЙУРГА** II Бешикнинг бир текисда осон тебраниши учун, унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама.

**ЙУРГАЛАМОҚ** I Майда қадам ташлаб тез юрмоқ; югурмоқ, пилдирамоқ. *От йўргалади. Бебана йўргалади. Бола онасига томон йўргалаб кетди.* ■ Эшик тағида турган хотин айвонга йўргалаб, хотинларга алланима деб пичирлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Тилладай, кумушдай товланиб, эрта йўргалаб қолишар кўзилар ўтлаб. Зулфия. Юки оғирлашган шак бўлса, таёқ тегмаса ҳам, дикир-дикир қилиб йўргаларди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 кўчма Тез ва текис ҳаракат қилмоқ; юрмоқ, югурмоқ. [Муниснинг] оқ бармоқлари, клавишлар устида йўргалаб, унинг юрак сўзларини куйга кўчирар эди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

3 с. т. Ўйинга тушмоқ, рақс қилмоқ. Ўйинчи йигит четга чиқиши билан киприкларига сўрма кўйган .. бир жувон ўртага чиқиб йўргалай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. [Холмат:] Гўзалларнинг гўзали! Энди иккитагина хурсандчилик қиламиз-да. Бир йўргалаб берасиз-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

◆ Уста кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар бирор касбни тутмаган, мустаҳкам эгалламаган киши ҳар қандай ишга уринаверади, деган маънода ишлатиладиган мақол.

**ЙУРГАЛАМОҚ** йўргаламоқ *фл. орт. н.* Маъмуржон иш осон битганлигини қавми-қариндошларига етказиш учун отини йўргалатиб олдин жўнади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЙУРГАЛАШ** I йўргаламоқ *фл. иш оти.* Отнинг йўргалаш.

2 кўчма Бехуда қилинган ҳаракат, югур-югур, оворагарчилик. *Бўчининга моксилидек, Авлиё-ота [билан] Тошкент орасида йўргалашдан нима фойда.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЙУСИН** I Бирор нарса ёки иш-ҳаракатнинг юзага келиш, амалга ошиш тарзи; тариха. *Автоматик йўсинда ишлайдиган затвор.* ■ Бой .. аввалги йўсинда, лекин оҳистароқ гапира бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. У .. якка хўжалик йўсинида олинган ҳосилнинг ўзигагина қаноатланмоқчига ўхшайди. А. Қодирий, Обид кетмон. | Бирор ишнинг бажарилишидаги усул, йўл; чора. *Гарчи унинг [Ҳасаналининг] қарори бир нуқта устида тўхтаган бўлса ҳам ... Яна юз турли бошқача йўсинларни ўйлади.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Шу йўсин(да) шундай қилиб, шу тарзда, шу усулда. Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЙУСИН** II Зах ерларда, тош, дарактлар устида ўсадиган илдизсиз майда ўсимлик. *Тош устини йўсин қоплабди.*

**ЙУТАЛ** Нафас йўлининг касалланиши, қичиши туфайли хирилдоқ ва шовқин аралаш ўқтин-ўқтин кучли зарб билан нафас чиқариш. *Кузнинг ёқимсиз шамолы ўпкани қичитиб йўтални қистатар .. эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Домла йўталди ва йўталнинг зўридан қизариб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. | с. т. Шундай ҳодиса билан кечадиган касаллик. *Қуруқ йўтал. Йўтални даволамоқ.* || *Йўтал дори (с. т.).*

**ЙУТАЛМОҚ** Нафас йўлининг касалланиши туфайли хирилдоқ ва шовқин аралаш ўқтин-ўқтин кучли зарб билан нафас чиқармоқ. *Бола йўталди.*

**ЙУТАЛТИРМОҚ** йўталмоқ *фл. орт. н.*

**ЙУҚ** I Мавжуд эмас; акси бор I. *Ўзингда йўқ—оламда йўқ.* Мақол. *Ўзи йўқнинг кўзи йўқ.* Мақол. *Хунари йўқ кишининг мазаси йўқ ишининг.* Мақол.

2 Жавоб ичда келиб, инкор маъносини йодолайди; акси ҳа II. *Сидиқжон бир сонини эгарга қўйиб жувонга томон деирилиб ўтирди.— Бу ерлар ҳам қўшчинорга қарашлими? — Йўқ.* А. Қаххор, Қўшчинор.— *Сиз ҳам қизиқсиз-да, Ҳожи хола.— Йўқ, қизиқ эмасман, тўғри гапни қиялапман, Тўрагон. М. Исмоиллий, Фаргона т. о.* | *Мумкин эмас.— Бу ерда чекши мумкинми? — Йўқ.*

3 Гап олдиан келиб, олдинги гапда баён этилган фикрга эътирозни билдиради. [Фотима:] .. *Мендан ўзингизни ажратиб олинг, дейсизми? Йўқ, бу хилда хаёлларни ўйламанг.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Йўқ, колхознинг иши бу йил яхши бўлди.* А. Қаххор, Қўшчинор.— *Бўйра нули ҳам оймаса керак. Ё олармикан-а? — Йўғ-е, ўлибдим.*— *деди Матқовул.* М. Исмонлий, Фаргона т. о.

4 *от вазифасида* Камбағал, қашшоқ; ноҳор. *Бор бўлсанг кўролмайд, йўқ бўлсанг беролмайди.* Мақол. *Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан.* Мақол. *Йўқнинг кўнгли йўрга тилар.* Мақол.

◆ **Йўқ** деганда ҳеч бўлмаганда, ақалли, жилла курса. *Ўзида йўқ шод (ёки хурсанд) жуда хурсанд, ниҳоятда хурсанд.*

**ЙУҚЛАМА** I Кишиларнинг бор ёки йўқлигини билиш учун рўйхат бўйича уларнинг исм ва фамилиясини айтиб чақириш. *Йўқлама қилмоқ.* ■ *Бир кун, жангдан чиқиб дам олаётган бир бўлинмага бориб қолдим, шу вақт роталарнинг бирида кечки йўқлама бўлган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Жангчилар шу ҳақда анча тортишгач, кечки йўқламага дуа кўтарилдилар.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 эск. Мактабда синф журнали. *Бунда [дарсада] 6—8 бола баҳоланиб, уларнинг баҳоси йўқламага еа кўндаликка қўйилади.* Й. Абдуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш керак?

**ЙУҚЛАМАЧИ** с. т. Йўқлама қилаётган одам.

**ЙУҚЛАМОҚ** I Хол-ахвол сўрагани бормоқ ёки келмоқ. *Касални йўқлаб бормоқ.* ■ *Қосимжон катта бошини кичик қилиб, йўқлаб боролмади, сингаиси .. ўзи эшик қоқиб келди.* С. Аҳмад, Катайса.

2 этн. Бирор муносабат билан муборақод қилиб, совға олиб бормоқ. *Чақалоқни йўқлаб бормоқ.*

3 Бирор нарса ёки кимсани истаб суриштирмоқ, ахтармоқ, сўрамоқ. *Мирзакаримбоҳи шубҳа билан боқиб сўради:— Келинг, кимни йўқлаб келдингиз бу ерда? Ойбек, Қутлуғ қон.* *Бек инқилоб бўлган йил Раҳим домлани йўқлаб мачитга келганини .. эслади.* Х. Фулом, Машғал.

4 Эсламоқ; ҳурмат нзҳор қилмоқ, қадрламоқ. *Наманган шаҳридин кетсам, Мени йўқлар кишим борму?* Машраб. *Биз уларни йўқласак, улар бизни эслайдилар.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Келар охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши.* Муқимий.

**ЙУҚЛАНМОҚ** йўқламоқ *фл. мажх. н.* Унинг ўрни йўқланди унинг йўқлиги билиниб, сезилиб турди. *Элмурод Рашиднинг олдида қайтган, ортиқча қайғурмаси ҳам, нима учундир уч-тўрт кундан кейин унинг ўрни йўқланди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ЙУҚЛАТМОҚ** йўқламоқ *фл. орт. н.* [Пўлат:] *Қори афанди мени йўқлатган эканлар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ЙУҚЛАШМОҚ** йўқламоқ *фл. бирг. н.* Бир-биримизни йўқлашамиз .. *деб аҳд қилишибмиди?* М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

**ЙУҚЛИК** I йўқ I с. белги оти. *Шошма, даданг йўқлигида сен .. билан гаплашиб олай.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 айн. **Йўқчилик.** *Борлик — ярашиш, йўқлик — уришиш.* Мақол. ■ *Олижаноб Қудратиллаҳжабой йўқлик ботқоғига қўл қовуштириб чўкяпти, хилақит берманг, олимпошона.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 *филос.* Мавжуд эмаслик; акси борлик I.

**ЙУҚЛОВ** I йўқламоқ *фл. иш оти.*

2 этн. Тўй-ҳашам ва ш. к. муносабат билан йўқлаш маросими.

**ЙУҚОЛМОҚ** Кўздан ғойиб бўлмоқ, йўқ бўлиб қолмоқ. *От йўқолди. Пул йўқолди.* ■ *Фолдин уй бурчагида оқариб кўринган чодир ичида йўқолди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Саломат шахт юриб аёлларга етиб олди-да, арчазор орасига кириб йўқолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ЙУҚОТИЛМОҚ** йўқотмоқ *фл. мажх. н.* *Модомики, ўз ғарази йўлида истибод орқали эл устига ҳукмрон бўлгувчилар йўқотилмас эканлар — бизга наҳот йўқдир.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЙУҚОТИШ** I йўқотмоқ *фл. иш оти.* *Пул йўқотиш. Қўйлакнинг доғини йўқотиш. Меҳнат қобилиятини йўқотиш.* ■ *Уламоларимизда ҳам айб*

кўп, .. бидъат ишларни йўқотиш ўрнига, уларни ҳимоя қиладилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Айрилиқ, жудолик. Унинг вафоти биз учун катта йўқотиш бўлди.

**ЙЎҚОТИШМОҚ** йўқотмоқ 1—3 фл. бирг. н.

**ЙЎҚОТМОҚ** 1 Эҳтиётсизликдан бирор нарсаининг қаердалигини билмай қолмоқ; тушириб қўймоқ. *Калитни йўқотмоқ. Паспортни йўқотди.* ■ [Йўлчи] этикни турмада йўқотган. Устида уада чопон. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Йўқ қилмоқ, тугатмоқ; бархам бермоқ. *Саводсизликни йўқотмоқ.* ■ — Подшоҳони, бойларни йўқотсак, ана унда замон яхши бўлади, — дейди [Йўлчи]. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Кўчма Ажралмоқ, маҳрум бўлмоқ. *Эс-ҳушини йўқотмоқ. Меҳнат қобилиятини йўқотмоқ.* ■ Ёш юрак аста-секин қарорини йўқота борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гуландом ёлғиз гўзалгина эмас, балки ақли ва инсоний ғурурини ҳали жилла йўқотмаган хотин каби туюлди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Айрилмоқ, жудо бўлмоқ. *Жангда ўз сафдошларидан бир нечасини йўқотди.*

4 Кучдан қолмоқ, йўққа чиқмоқ. *Буйруқ ўз кучини йўқотди.*

◆ **Узини йўқотмоқ** нима дейишни, нима қилишни билмай қолмоқ, гангб қолмоқ. *Мингбошининг буйруғи, эрининг ғазабли хайқирғи билан қадди букилиб, оёқлари қайиша бошлаган Жўраҳон бир неча зум ўзини йўқотиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЙЎҚСА** зидл. боғл.: с. т. Акс ҳолда, бўлмаса. *Тезроқ юринга, йўқса кечикиб қоламиз.* ■ *Уқиб бераман, рози бўлсангиз шундай, йўқса, аслича босилар.* А. Қахҳор, Сароб.

**ЙЎҚСИЛ** Камбағал, қашшоқ. *Аммо жафо чекар бахт дёв гардага Ишсизлар, гадолар, йўқсиллар, хорлар.* Уйғун. *Никитин ҳам Иванга ўхшаб, биз йўқсиллар ва оддий халқ учун жонини фидо қилишга тайёр экан.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. | эск. Пролетар. *Бутун дунё йўқсиллари; бирлашингиз!*

**ЙЎҚСИЛЛИК** эск. Қашшоқлик.

**ЙЎҚЧА** диал. Ниҳоятда кам, жуда оз, йўқ даражада. *Йўқча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнели хуш бўлур.* Мақол.

**ЙЎҚЧИЛИК** Иқтисодий танқислик, етишмовчилик; камбағаллик. *У йўқчилида ўсан.* ■ *Уша вақтларда қишлоғимизда .. йўқчилик азобини торттиб, бамисоли қул кун кечирарди:* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ЙЎҒИРМОҚ** диал. Аралаштирмоқ, қораштирмоқ; йиғмоқ; тўпламақ. *Кулмурод чойжўшини оловга осгандан кейин, қора уйга кириб бир оз сув ва сут қўйиб, устига халтадаги ундан тўрт-*

*-беш қўш ҳовуч солиб йўғира бошлади.* Айний, Қуллар.

**ЙЎҒОН** 1 Кўндаланг кесими катта; семиз. *Йўғон ип. Йўғон терак. Йўғон гавда.* || *Йўғон чўзилади, ингичка узилди.* Мақол. ■ *Ражаббой колхоз правлениеси олдида турганда йўғон, хушчақчақ бир одам келди.* Й. Шамшаров, Довруғ. *Данильченко асабий эди. Гарчанд кучаниб гапирмаса ҳам, ориқ юзидаги йўғон томилари бўртиб чиқар, кўзи пирпирар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Шербек, йўғон бир жуфт қамчидай сочи тақимга тушган Нигора .. кўздан гоийб бўлгунча, алам ичида тикилиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Кўчма дағл. Миқдор жихатидан катта; салмоқли. *Улиқни кўйиб келиш қийин эмас, лекин йўғон чиқимлари кейин келади, биласанлар.* *Ҳали Шоқосим кўп қарз сўрайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Қийин, оғир, катта. || [Қомил:] Э, ҳали кўп беллашамиз. *Ишининг йўғонлари энди чиқадиганга ўхшайди.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

3 Дўриллаган; дағал (овоз ҳақида). *Уйининг эгаси Маликаҳон баланд бўйли, овози ҳам эркакаларнинг овозидек йўғон, сатанганмо хотин эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Буни билмаган, балки билгиси ҳам келмаган Қулмат қора эса, гўр ичидан гапиргандай, паст ва йўғон овоз билан давом этди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Кўчма дағл. Катта, каттакон; дўкай. *Йўғон одам.*

**ЙЎҒОНЛАШМОҚ** 1 Йўғон бўла бормоқ, энига ўсмоқ, катталашмоқ; семирмоқ. *Ниҳоннинг танаси йўғонлашди.* ■ *Муҳаммадражаб семирган, йўғонлашган.* А. Қахҳор, Сароб.

2 Дағал бўлмоқ, дўриллamoқ (овоз ҳақида). *Унинг овози йўғонлашиб қолди.*

**ЙЎҒОНЛИК** йўғон с. белги оти. *Йўғонлиги бир метр келадиган чинор.* ■ [Йўлчининг] икки қоши ўртасидан бош томонга кетган томир ўрта бармоқ йўғонлигида бўртиб чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Шу вақт нарироқдаги бец қулочча йўғонлиқда бўлган азим қайрағочда чумчуқлар қулоқни битиреудай қаттиқ чирқиллашиб қолди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЙЎҒИРЛМОҚ** 1 йўғирмоқ фл. мажҳ. н. *Хамир сута йўғрилди.* ■ *Камбағал толиби илмларнинг солган дастурхонида қишлоқда қуритилган ўрик, майиз, сута йўғрилган, аммо андак суви қочган қулчалар .. қўйилган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 Қўшилиб, аралашиб, бириктиб кетмоқ, қорилмоқ; мужкассамланмоқ. *Уларнинг [Аброр билан Чинниҳоннинг] муҳаббати соф дўстона ҳурмат туйғулари билан йўғрилган эди.* П. Қодиров, Қалбадаги қуёш. *Руҳин билан йўғреакландим, Меҳрин билан йўғрилдим.* Т. Тула.

**К**

**К** Ўзбек алфавитининг ўн иккинчи харфи; қ. ка.

**КА** «к» харфининг номи. **КАБАРДИН** қ. **кабардинлар.** *Кабардин тили.* || *Кабардин аёл.*

**КАБАРДИНЛАР** Кабарда-Балқария АССРнинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

**КАБЕЛЧИ** Кабель ишлаб чиқарувчи ёки кабель ўтказувчи ишчи.

**КАБЕЛЬ** [р < голл] Алоқа, сигнал бериш ва ш. к. учун хизмат қиладиган электр энергиясини ер ва сув остидан ўтказиб берувчи герметик ёлоф билан ўралган бир ёки бир неча ўтказгич (сим). *Кабель ишлаб чиқариши. Электр кабели. Телефон кабели. Кабель заводи.*

**КАБИ** кўм. (б. к. билан) Ўхшатиш, мослик ёки қиссани билдиради; сингарин. *У ҳам сен каби серзавқ.* ■ *Бахтли онлар умр тундида юлдузлар каби чақнайди, улар юракка тотли ҳасрат ва юпатиш бағишлаб имлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Эшик очилиб, шоп мўйлов, гўштдор юздан захар томчиллаган Мочалов билан бирга, унинг каби погонли, яроғ-аслаҳали икки тўра эйнада қаққайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАБИНА** [р < фр] Бирор ишни бажариш учун махсус жиҳозланган кичкина хона, бўлма. *Автобус кабинаси. Учувчи кабинаси. Сайлов кабинаси. Лифт кабинаси.* ■ *Машина кабинасида ўтирган шофёр сигнал берди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

**КАБИНЕТ** [р < фр] 1 Бирор иш қилиш учун ажратилган хона. *Олимнинг кабинети.* ■ [Хуморхон:] *Toʻgʻal.. катта сандиқни олиб чиқинг. Устидаги нарсаларни Аҳмаджон акамнинг кабинетларига олиб кириб қўйинг!* А. Қахҳор, Оғриқ тишлар. | Муассасаларда масъул раҳбар ходимларнинг ўз вазифасини адо этадиган алоҳида хонаси. *Директор кабинети.* ■ *Раис стол орқасидан чиқди, кабинет эшиги олдидаги бўйи жойда қўлларини орқасига қилиб, у ёққа-бу ёққа юра бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Илмий тадқиқот муассасалари, ўқув юрглари, поликлиника ва ҳоказоларда махсус машғулот учун мўлжалланиб, тегишли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хона. *Методика кабинети. Рентген кабинети. Физика кабинети.*

3 Баъзи давлатларда министрлар хайъати, ҳукумат состави; ҳукумат. *Министрлар кабинети. Кабинетчи тарқатиб юбормоқ.*

**КАБИР** [а] 1 эск. кт. Катта, улуғ. *Ёлгон гапирмоқлик гуноҳи кабир!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сахроин Кабир геогр.** Шимолӣ Африкадаги қуруқ иқлимли жуда катта ер, дашти биёбон, гиёҳсиз чўл, бепоён сахро.

2 Етимлик ёшидан ўтган, балоғатга етган, улгайган. *Сағир ва кабир.*

3 Кабир (эркаклар исми).

**КАБИСА** [а]: кабиса йили тўрт йилда бир келадиган 366 кунлик йил (бундай йилда февраль ойи 28 эмас, 29 кун бўлади).

**КАБК** [ф-т] эск. поэт. айн. каклик.

**КАБОБ** [а] Гўштига сикхта торттиб, чўққа тутиб пишириладиган таом. *Жигар кабоб. Ўйла кабоб. Қийма кабоб. Тандир кабоб. Қозон кабоб.* — Йўлчи ичмади, овқатга ҳам иштаҳаси бўғилган эди. *Совиб қолган кабобдан бир сикх олди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Рашид икки кулча нон орасига олинган кабобнинг сикхи биндини Муҳаррамга тўғрилади.* Шухрат, Шинсели йиллар.

◆ **Бағри** (ёки юраги, дили, жигари, кўкси) кабоб бўлди қаттиқ куйинди, рухий азоб тортди. *Дили кабоб бўлган Полвон бу йигит воқеасини тўлароқ билмоқчи эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Кабоб бўлмоқ** 1) иссиқлик татсирида куймоқ. *Офтобда кабоб бўлмоқ;* 2) кўчма ўртаммоқ, куймоқ. *Сикх ҳам куймасин, кабоб ҳам қ.* сикх.

**КАБОБПАЗ** [а + ф-т] Кабоб пиширувчи ва кабоб сотувчи. *Кабобпазнинг елпигичи мовий дудлар билан ёқимли ҳид таратади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**КАБОБПАЗЛИК** 1 кабобпаз с. касб оти. *Кабобпазлик қилмоқ.*

2 Кабоблар тайёрлаб сотиладиган жой; кабобхона. *Кабобпазликда ишламоқ.* *Кабобпазликка бормоқ.*

**КАБОБХОНА** [а + ф-т] Кабоб пишириб сотиладиган жой, дўкон.

**КАБОБЧИ** с. т. Кабобпаз.

**КАБУТАР** [ф-т] кт. айн. каптар.

*Кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўйиб, .. ўйнашар эди.* Ойбек, Навоий. *Менинг дилим кабутар бўлди, Йўлларига сен қўйдинг тузоқ.* Уйғун.

**КАВАК** [ф-т] 1 Чиршиш, нураш натижасида бирор нарса ичда ҳосил бўлган чуқурча, бўшлиқ. *Дарахт каваги. Девор каваги. Тиш каваги. Қоядаги каваклар.* || *Кавак тиш. Кавак тош. Ичи ксвак дарахт.* — *Ҳа, беш-олтита каллакесар босмачи хом хаёл қилмасин, биз уларни, қайси тоғ-тош кавагига беркинса ҳам топиб, Сотиболдиннинг ўчини олмай қўймаймиз.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Умурзоқ ота кавак толга қоқилган михларга осимлиқ қармоқларни олиб кўздан кечираркан .. мийғида жилмайиб қўйди.* Х. Ғулом, Машъал. | Бирор нарса ичдаги табиий бўшлиқ. *Қамиш каваги. Суяк каваги.* | Бир-бирига ёнма-ён ёки тегиб турган нарсалар (мас. тошлар, кесаклар) орасидаги тор бўшлиқ.

2 с. т. Ин, уя. *Сичқон каваги. Чумчуқ каваги.*

3 *Кўчма* Хилват жой, ўрин. [*Заргаров:*] *Сен нима қиласан нолиб! Омбуринг қўлингда, бир кавакдан ҳайдаса, бошқа кавакда тиш суғуриб айшингни*

*қилаверасан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [*Розиқ:*] *Қизимни шу ерда бир клиникага жойлаштириб қўйишининг иложи бормикан, деб бошимни урмаган кавак қолмади.* И. Уктамов, Ҳикоялар. [*Шоқир ота:*] *Тавба, ажойиб замона. Ёшим шунчага келиб бундайларни энди эшитдим.* Бутун умрим кавакда ўтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Кавак иччилар** зоол. чувалчанг каби кўп хужайрали жониворларнинг энг содда бир типининг номи.

**КАВАКЛАМОҚ** Кавак ҳосил қилмоқ, ўймоқ.

**КАВАЛЁР I** [р < итал] Орден билан мукофотланган киши; нишондор. *Улуғ Ватан уруши ордени кавалери. Икки Шухрат орденининг кавалери.*

**КАВАЛЁР II** [р < фр] с. т. Бирор аёл билан бирга бўлиб, суҳбатлашиб юрвчи, кузатиб борувчи ёки бирга танча қилувчи эркак. [*Қиз:*] *Сиз маданиятсиз кавалер экансиз-ку, деб ҳазиллашди-да, қўлтиқлаб олмоқчи бўлди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

**КАВАЛЕРИСТ** [р] Кавалерияда хизмат қилувчи ҳарбий; отлик аскар. *Армияда кавалерист бўлиб хизмат қилмоқ.*

**КАВАЛЕРИЯ** [р < фр] Отлик қўшин. *Кавалерия полки.*

**КАВАР** Ер бағирлаб ўсадиган жануб усимлиги ва унинг қовунга ўхшаш чўзинчоқ майда меваси.

**КАВЕРНА** [р < лат] мед. Бирор органнинг, хусусан ўпка тўқимасининг бўзилиши, ўлиши натижасида пайдо бўлган кавак. *Ўпка кавернаси.*

**КАВКАБ** [а] эск. поэт. айн. юлдуз 1.

**КАВҚОБ** с. т. Кабоб.

**КАВҚОБЧИ** с. т. Кабобчи.

**КАВСАР** [а] Ислоом дини эътиқодига кўра жаннатдаги ховузнинг оти. *Баъзи ривоятларга қараганда, фаршталар жаннатдаги кавсар сувидан .. қумгонларимизга қўйиб кетар эмиш.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари. *Ҳиротликлар ўз шаарлари билан фахрларини, унинг тупроғини олтинга, боғларини жаннатга, сувларини кавсарга ўхшатар эдилар.* Ойбек, Навоий. **Ҳовзи кавсар** айн. кавсар. | Тоza, муздек, зилол (сув ҳақида). *Чорбоғ .. атрофларида мусаффо тоғ ҳавоси, кавсардек муздай сув, гўзал боғ-роғлари ва дарахтзорлари бўлган кўркам жойлар бор.* «ЎзССР иқтисодий географияси».

**КАВУШ** [ф-т кавш] Чармдан тикилган ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийими. *Заифона кавуш. Бачкана кавуш.* — *Оттабек кавушини даҳлизга ечди-да, уй бўйига бир-икки қайта юрди ва энтикиб нафас олди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ **Кавушим** кўчада қолгани йўқ айн. оёғим кўчада қолгани йўқ қ. кўча. **Кавушинг** тўғри жунай бер, йўқол. **Кавуши** тўғри бўлмоқ қувилмоқ, хайдалмоқ. **Кавушини тўғрилаб қўймоқ** бировни ҳайдаб юбормоқ, қувиб юбормоқ.

**КАВУШАНДОЗ** [ф-т] Уйнинг оёқ кийимини ечиб қўйиладиган ери; даҳлиз. *Домагадудураб бир нави дуо қилди-да, кавушандозга тушиб, .. калишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бошқатдан тўғрилаб олди.* Х. Ғулом, Машъал.

**КАВУШДЎЗ** [ф-т] Кавуш тикадиган косиб. *Кавушдўзга шогирд тушмоқ. Кавушдўзга кавуш тиктирмоқ.* || .. *Калиш кавушдўз косибларнинг ва вофрушларнинг бозорини касод қилган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КАВУШДЎЗЛИК** кавушдўз с. касб оти. *Кавушдўзлик қилмоқ. Кавушдўзликни ўрганмоқ.* — *Бирон касб-ҳунар билан .. кулочилиқ ёки.. кавушдўзлик билан машғул бўлувчилар ҳам анчагина.* Ойбек, Навоий.

**КАВУШЧАН** Яланг оёққа фақат кавушнинг ўзини кийган. *Кавушчан киши. Кавушчан юрмоқ.*

**КАВШ:** кавш қайтарувчилар чайнаб ютилган овқатни оғзига қайтариб чиқариб, қайта кавшовчи ҳайвонлар отрядининг номи. **Кавш қайтармоқ** чайнаб ютилганни оғзига қайтариб чиқариб, қайта кавшмоқ. *Тирсиллаган қўй-қўзилар кунни билан қоринларидан йиққан овқатларини, байалихотир ётиб, кавш қайтараятгандир.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КАВШАМОҚ** 1 Овоз чиқариб чайнамоқ, емоқ (ҳайвон ҳақида). *Фақат .. отларнинг беда кавшаб, депсингани эшитилади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 дағл. Чайнамоқ, емоқ (одам ҳақида). *Матқовул .. ноннинг катта бир бўлагини сундириб оғзига солди-да, суҳбат охиригача шуни кавшади.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар. *Элмурод ўйчан бир ҳолда нон кавшаб, чой ичур экан, Ойимхон .. янгилликлар тўғрисида унга маълумот берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАВШАНМОҚ** кавшмоқ фл. ўзл. н. *Меҳмонхона эшиги олдидаги суяда синиқ чойнак-пиёла, кенг айвонда эса, ўқ теккан икки от кавшаниб ётарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Мадамин паттисдан нон олиб кавшанаркан, қовоғини қаттиқроқ чимиб, хурпайган қошларини наст-баланд қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАВШАР** 1 тех. Металл буюм, деталь ва ш. к.ни бир-бирига улаш учун ишлатиладиган металл ёки қотшма. *Кавшар қилмоқ.*

2 *Кўчма* Гап, суҳбатни бир-бирига улаш, уни давом эттириш учун сабаб, восита. *Мақол — гапнинг кавшари.* — *Ҳаммамиз ўтирибмиз, қани энди биронтанимиздан садо чиқса! .. Ҳайрият, ҳалиги қиз бор экан — гапга кавшар бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КАВШАРЛАГИЧ** Кавшарлайдиган асбоб. *Кавшарлагични қиздирмоқ. Электр кавшарлагич.*

**КАВШАРЛАМОҚ** Металл қисмларини бир-бирига уламоқ, кавшар қилмоқ. *Самоварнинг ўтхонасини кавшарламоқ.*

**КАВШАРЛАТМОҚ** кавшарламоқ *фл. орт. н.* Чойдиш дастасини кавшарламоқ.

**КАВШАТМОҚ** кавшамоқ *фл. орт. н. кам қўлл.* Нон кавшатмоқ. — Қўзи, қўйларни кавшатар экан, ҳам қотган қониқи ушатар экан. Миртемир.

**КАВШАШМОҚ** кавшамоқ *фл. бирс. н.*

**КАВШОВЧИ** I кавшамоқ *фл. сф. тдш.*

2 Кавш қайтарувчи (хайвонлар ҳақида).

**КАДАР** [а] *эск. кт.* Мунг, маҳзунлик; ҳафалик, ғашлик. *Оти шароб, ғзи захар, Менда йўқдир ҳеч бир қадар.* Ислом шоир.

**КАДЕТ** I [р < фр] *тар.* Революцияга қадар Россияда кадет корпусининг ўқувчиси. **Кадет(лар) корпуси** дворян болаларини офицерликка тайёрлайдиган ҳарбий ўрта ўқув юрти.

**КАДЕТ** II [р] 1905 йилда ташкил топган, конституцион-демократик партия деб аталувчи партиянинг аъзоси. *Кадетлар Россияда империалистик буржуазиянинг асосий партияси сифатида 1917 йилдан бошлаб контрреволюцион ҳаракатга бошичилиқ қилган. Кадетлар — собиқ демократдирлар, деҳқонлар эса — бўлғуси демократдирлар.* В. И. Ленин, Биздаги тугатувчилар.

**КАДИ** [ф-т] *диал.* Қовоқ, ошқовоқ. *Сув кади.*

**КАДМий** [р < лат] Химиявий элемент, кумушсимон оқ юмшоқ металл.

**КАДР** I [р < фр] I Киноплёнка ёки фотоплёнкага алоҳида-алоҳида туширилган суратлардан бири, битта сурат, якка расм. *Кунлар кино лентасининг кадрлари сингари бир-биридан фарқсиз, аммо ҳаётда янгидан-янги манзаралар вужудга келтириб ўтар эди.* А. Қаххор, Сароб.

2 Кинофильмнинг айрим кўриниши, битта эпизод. *Бадий фильм кадрлари.*

**КАДР** II [р < фр] I Ҳарбий қисмининг доимий состави. *Кадрлар состави.* || *Кадр офицер.* — Армиянинг кадрларини кўпайтирмоқ керак, уларни тиңч контингентлардан ҳарбий контингентларга кўчириш керак. В. И. Ленин, Янги вазифалар ва янги кучлар.

2 Бирор корхона, муассаса, партия ёки касаба союз ташкилотининг тажрибакор хизматчи, ишчи ва ходимлари. *Кадр етказиб бермоқ. Кадр тайёрламоқ. Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. — Область партия ташкилотчи .. колхозларни малакачи, урдабуро ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамлашга жиддий эътибор берди.* Б. Раҳимов, Янги ғалабалар сари. — *Бу киши шунақа, ўртоқ Тўқсоқов, — деб тўнғиллади Тожибой, — «Илмим бор кадрман» деб бизниям назарга илмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кадрлар бўлими* корхона ёки муассасанинг ишга қабул қилиш, ишдан сўшатиш ишларини бошқарувчи бўлими.

**КАЖ** [ф-т] I *эск. кт.* Тесқари, чап-

па. *Менга худо ғолиб қилди золимни, Золим фалак кажга урди фолимни.* «Равшан».

2 Қийшиқ, эгри. *Сулунинг ёнида турган қовоқ қосадаги тиниқ сув, кўзгудай йилтиллаб, Бибиқатчининг оқариб кетган юзини каж қилиб кўрсатди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қисаси.

**КАЖАВА** [ф-т] Одатда иш хайвонларига ортиб, юк ташиш учун махсус ясалган катта чорқирра идиш. *Сават кажави. Тери кажави.* — *Келаятган сарбозларнинг бири бир қоп арпа, бири бир кажави узум, яна бири бир қоп қовун .. кўтариб келарди.* Айний, Дохунда. [Носир:] *Кажаваса юкланган кўзачалардаги сув ҳам тугабди.* Туйғун, Йиллар ва кишилар. | Уй хайвонлари устиди одам олиб юриш учун мосланган махсус ўтиргич. *Кажавида сафар қилмоқ.*

◆ **Кажави қорин** 1) қорни катта, катта қоринли; 2) кўчма тўймайдиган, очкўз, юхо.

**КАЖБАҲС** [ф-т + а] Ўжар, тиҳир. *Кажбаҳс одам.* — *Дарвеш Ҳожи ҳеч кимнинг фикри билан келишолмайдиган ўжар, кажбаҳс эди.* Ойбек, Навоий.

**КАЖБАҲСЛИК** кажбаҳс с. белги оти. *Кажбаҳслик қилмоқ.*

**КАЖРАВ** [ф-т] *эск. кт.* Эгри юрвчи, тесқари, нотўғри иш қилувчи. *Сен билан бўлмоқни ҳар дам кўнглим айлар ихтиёр, Қилмагай деб қўрқаман кажрав фалак раишу ҳасад.* Ҳабибий.

**КАЖРАФТОР** [ф-т] *айн.* кажрав. Бироқ *кажрафтор* фалак уни ҳам бигрида қора доғи билан ўрда томонга судрар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Чархи кажрафтор** тесқари, нотўғри иш қиладиган дунё (замона ёки тақдирдан шикоят қилиб айтиладиган ибора).

**КАЗАК** [р < туркий] I Рус давлатида 15—17 асрларда крепостной деҳқон ва шахар камбағаллари орасидан Дон, Ёйиқ, Запорожье каби чекка жойларга қочиб борган эркин киши, рус қозоғи. *Запорожье казаклари.* || *Казак аёл.*

2 Революциядан олдин Россияда 18 асрдан бошлаб ердан имтиёзли фойдаланиш эвазига ҳарбий хизматни адо этишга мажбур бўлган ҳарбий табақа вакили; Кубань, Оренбург, Дон ва шунингдек аскар олинадиган бошқа областларда яшовчи киши. *Дон казаси.* | Шу табақа вакилларида иборат қўшинлардаги аскар. *Баланд бўйли, наҳмоқ сочили, дов казак аскарлар халқни уриб, ниқтаб орқага суришга тиришди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Совет Иттифоқидаги айрим (илгари аскар олинадиган) областларнинг туб аҳолисига мансуб киши.

**КАЗАРМА** [р < итал] I Ҳарбий қисм жойлаштириладиган махсус ёнио. Буларнинг [Кавказ отлиқларининг] казармалари амир турадиган жойлар-

нинг ҳар бирига яқинроқ ерларда бино қилинган эди. Айний, Эсдалиқлар.

2 Чор Россиясида ва ҳозирги капиталистик мамлакатларда ишчиларнинг фабрика ва корхона қошидаги умумий ётоқхонаси.

**КАЗЕИН** [р < лат] Сутда бўладиган оксил модда (бўёқ, елим, лак ва ш. к. тайёрлашда ишлатилади). *Казеин заводи. Казеин олмоқ.*

**КАЗЕМАТ** [р < фр] I Ҳарб. Артиллерия ўқлари ва кичикроқ бомбалардан сақланиш учун (ер ости ёки устига) қурилган мудоффа иншооти. *Каземат қурмоқ.*

2 Ҳарб. денг. Кепада ўрта калибмли тўплар ўрнатилган бронланган хона. *Кема каземати. Тўп ўрнатилган каземат.*

3 Революциядан илгари Россияда сиёсий маҳбуслар якка-якка қамаб қўйиладиган турма-қалъа камераси. *Петропавловск қалъасининг казематлари.*

**КАЗЗОБ** [а] Елғончи, алдоқчи; фирибгар, мунофиқ. — *У уйинг куйгур, ёлғонни чин қиладиган каззоб .. эканда.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Утакетган каззоб, ўғри. Холхўжа босмачи бўлса, ўзини эшон деб юртди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**КАЗЗОБЛИК** каззоб с. белги оти. *Каззоблик қилмоқ.*

**КАЗО-КАЗО** [а], казо-казолар Илм, амал, бойлик, донолик каби хислатлари билан танилган юқори мартабали кишилар. *Маҳалланинг балоҳўри афандини чақириб: — Уйингизга ош буюринг, казо-казолар келишган, кириб чиқамиз, — деди.* «Латифалар». *Ғиёсидин тилмочлик қилиб юрган кезларда, шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўпишиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**КАЙВОН** [ф-т] I (К — катта) *астр. эск.* Зуҳал, Сатурн.

2 фолк. Балад айвон. *Унда ҳам кўйшу айвон, Зарварақли олтин кайвон, Зиёдонлар алвон-алвон.* «Равшан».

**КАЙВОНИ** [ф-т] I *айн.* дастурхончи.

2 Уй бекаси.

3 Кўп нарса биладиган, билимдон. *Кайвони бола.*

**КАЙНОЗОЙ** [р < грек] Ернинг геологик тарихининг икки даврга, яъни урчламчи даврга бўлинадиган энг сўнгги даври. *Кайнозой эраси.*

**КАЙФ** [а] I Рухий ҳолат, кайфият; авзо. *Кайфи яхши. Кайфи чоғ. Кайфи бузуқ.* — *Махдум айвонга чиқиб ўтирар чоғида, яна бир «астағфидулло» деб қўйди. Чунки кайфи жуда ҳам бузилган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Сораконнинг кайфи ҳам Саидийникидан яхши эмас эди.* А. Қаххор, Сароб. *Мингбосшининг кайфи жойида эмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кайфи учди** I) кайфияти бузилди; 2) қўрқди, қўчиди. — *Кайфим, учиб кетди-я!* — *эди қори ва ёқасини катта очиб, кўкрагига уч марта туфлади.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Кишининг завқланган, роҳатланган руҳий ҳолати, завқ-шавқ; гашт. Ола-чалпак қор пагаларини босишдан ву-жудга келган оёқ остидаги «гарч-ғурч» товушлари кишига бир турли кайф, муқаввий энгилик берар эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Янги ерни обод қилишда ўзгача кайф бор. Ойбек, О. в. шабадалар. Кайфини сурмоқ бирор нарсаининг яхши таъсиридан роҳатланмоқ, гашт қилмоқ. Мехнат кайфини сурмоқ.

3 Ичкилик ва бошқа маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилиб, таъсирланган ҳолат; мастлик. Кайфи бор. — Ҳайит ва Исмоиддиннинг кайфи бироз тарқалган бўлса ҳам, бош оғриғи тинч ухлагча қўймади. Айний, Дохунда. Афюннинг кайфи курсин, домла, сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди. Х. Фулом, Машъал. Кайфи баланд (ёки тарақ) қаттиқ маст. Ҳаммининг кайфи тарақ бўлса ҳам, Мажиддин хушёр эди. Ойбек, Навоний. Шира кайф энгил мастлик. [Уктам] гулзорлар, дарахтлар орасида ҳар ёққа тармоқланган топ-тоза йўлларда пилрос чекиб, винонинг шира кайфи билан аста юрди. Ойбек, О. в. шабадалар. Шира кайф бўлмоқ энгил маст бўлмоқ. Кайфи ошмоқ қаттиқ маст бўлмоқ. Кайф қилмоқ 1) таъсирланмоқ, роҳатланмоқ, завқланмоқ. [Элмурод].. .. вагондаги йўловчи қизларнинг рўзга айтган қўшиқларидан кайф қилиб, .. Гулсулни хийлагача ўйлаб ётди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) ичкилик ёки бошқа маст қилувчи нарсалардан истеъмол қилиб таъсирланмоқ, маст бўлмоқ. Тўлқинхўжа аламиндан бир оз ичиб кайф қилди. Ф. Мусаёнов, Хури; 3) маст қилмоқ. Пиво ҳам кайф қилади. Кайфини кесмоқ мастликни тарқатмоқ.

КАЙФИЕТ [а] кт. Маст қилувчи ва наркотик моддалар (мас. афюн, наша, кўкнор).

КАЙФИЯТ [а] 1 айн. кайф 1. Фосих афанди устанинг кайфиятини бузилганини кўриб, гап оҳангини ўзгартирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Умумий вазият, аҳвол, ҳолат. Иш шу хилда борса, кайфият шу бўлса, ҳа демай капсанчиларда биронта ҳам якка ҳўжалик қолмаслиги муқаррар эди. А. Қаҳхор, Қўшчнор.

3 Кишининг руҳий ҳолати. Бобоқул ота ўғлининг кайфиятини сезди чамаси, ўзини беғамликка солди. С. Анорбоев, Оқсой. Ишчилар билан солдатлар ўртасида қандайдир бирдамлик кайфияти сезиларди. О. Раҳимов, Шенли кунлар хотираси.

4 поэт. айн. кайф 3. Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона, Кайфият ўлди зоҳир жому шароб кўрмай. Фазлий.

КАЙФЛАНМОҚ кам қўлл. 1 Таъсирланмоқ, роҳатланмоқ, завқланмоқ. Хотинининг тирноқ остидан кир излаб ва даъвосининг исботи учун ғўлдиранишдан ортиқча кайфланган Юсуфбек

ҳожии кўзига чиққан ёшларини артар! А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Маст бўлмоқ, кайф қилмоқ. КАЙФЛАНТИРМОҚ кам қўлл. 1 кайфланмоқ фл. орт. н.

2 Ақлу ҳушини олмоқ, маст қилмоқ. Кўзгу ичидан кўринган малак ўз эгасини ҳам кайфлантириб, секингина илжайиб қўйган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

КАЙФЛИ 1 Кайфи бор, маст. Олма шохида осиғлиқ турган чироқ энгил эган шабадада тилини чўзиб оларди. Бу кайфли Валихонча халқ исёнини элатди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Кайф берадиган, маст қиладиган, ақлу ҳушини оладиган. Кайфли ичимлик.

3 кўйма Кишининг баҳри дилини очадиган, завқ-шавқ бағишлайдиган, завқли. Кайфли манзара.

КАЙФ-САФО [а], кайфу сафо Майхўрлик, зиёфат, ўйин-кулги ва ш. к. билан кўнгил очиб; айш-ишрат. Кайф-сафо сурмоқ (қилмоқ). Кайф-сафога берилмоқ. — Кечга бориб хон «Ғоиблар шарафига.. зиёфат берилсин» деб фармон берди. Тонг отар базм бўлиб, кайф-сафо сурилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Енгил-елли ҳавас, кайф-сафо учун Қурбон қилинади вафо ва ихлос. Ж. Жабборов.

КАЙФСИЗ Кайфи бузук, кўнгли гаш, таъби хира, хафа. Бектемир, Полвоннинг баъзан зарда билан пишқираб қўйишидан ёки оғир хўрсинишидан унинг шу тобда дилсир ва кайфсиз эканини пайқайди.. Ойбек, Кўёш қераймас. [Абдураҳмон] бир неча ойлари ниҳоятда руҳсиз, кайфсиз ва дарсига ҳам ҳафсаласиз давом этиб юрди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

КАЙФСИЗЛАНМОҚ Кўнгли гаш бўлмоқ, таъби хира бўлмоқ; хафа бўлмоқ; авзон бузилмоқ. Домла Саудийнинг шундай кайфсизланганини билмай, «жеркиганимга хафа бўлди» деб кўнглини олмоқчи бўлди. А. Қаҳхор, Сароб.

КАЙФСИЗЛАНТИРМОҚ кайфсизланмоқ фл. орт. н. Бу Мунишонни бир қадар кайфсизлантирса ҳам, Саудий ёлғиз Мунишоннинг кайфсизланганлиги учун хафа бўлар, йўқса бу гаплар камдан-кам гашини келтирар эди. А. Қаҳхор, Сароб.

КАКА бол. айн. ширинлик 2. Қумалокни кака демоқ (ёки ҳисобламоқ) аслида ёмон нарса, тушунмасдан ёки бирор мажбурий остида яхши демоқ. Кишининг дўниси тор келганда қумалокни кака ҳисоблаб қолар эмиш. А. Қодирий, Обид кетмон.

КАКАО [р] 1 Уруғидан шоколад тайёрланадиган тропик дарахт; шоколад дарахти. Какао плантацияси. Какао ўстирмоқ.

2 Шу дарахтнинг уруғи ва ундан тайёрланган порешок. Бир банка какао.

3 Шундай порошокдан қўшиб тайёрланган ичимлик. Какао ичмоқ.

КАКИЛЛАМОҚ айн. какирламоқ.

КАКИР-КАКИР тақл. с. Какликнинг сайрашига ўхшаш узуқ-узуқ овоз ҳақида.

КАКИРЛАМОҚ 1 Какир-какир деган овоз чиқармоқ; какилламоқ (баъзи қушлар ҳақида). Каклик какирлайди. — Ола қанотли лайлакнинг какирлаб баҳордан хабар берганига .. анчагина бўлди. «Қаҳрамонлар».

2 диал. Тақирламоқ.

КАКИРЛАТМОҚ какирламоқ 2 фл. орт. н. Совуқдан тишларини какирлатди.

КАККУ, какку қуш Ўзи ин қурмасдан бошқа қушларнинг уясига тухум қўядиган ўрмон қуши.

КАКЛИК Товуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи тоғ қуши. Каклик овози. Каклик боқмоқ. Какликдек йўргаламоқ. — Элмурод овоза чиқиб.. тоғ жилғаларининг катта тошлари панасида пишиб ётиб, каклик пойлар эди. П. Турсун, Уқитувчи. Ҳакимбойовачча. [Эликбошини] бир катта хитой ласанда уйилган қирғоғул, каклик ёйиши қовурмаси билан зиёфат қилди. Ойбек, Қутлур қон.

КАКРА 1 от Кўпинча ғалла экинлари орасида ўсадиган кўп йиллик тахир, талха ўсимлик. Ариқнинг нариги ёнида какра, суपुरе, шўра.. яна аллақандай ёввойи ўтлар говлаб ётар.. эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 сфт Тахир, аччиқ. Қўк чой какра бўлиб кетибди. Оғзим какра бўлиб кетяпти.

КАКТУС [р < лат] Америка чўлларида ўсадиган, тикан билан қопланган, баргсиз, этср танали ўсимлик. Экинзорларнинг атрофи 2,5 метр баландликдаги хушбичим кактуслар билан қуршалган. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

КАЛ [ф-т] 1 Соч остида фасодли қасмоқ пайдо бўладиган ва сочили тўкиб юборадиган юқимли тери касаллиги. Кал юқтирмоқ. Кални даволамоқ. | Шу касалга йўлиққан киши.

2 Бошининг сочи тўкилган ери. Бошининг калини бекитиб юрмоқ. || — Ҳайр, майли, — деди бошқа бир ишчи, — уларнинг кал бошларини милтиқдориси билан даволаймиз. Айний, Қуллар. Бошим кал, кўнглим нозик қ. кўнгил 1.

3 Соч бутунлай ёки қисман тўкилиб кетган киши. Қалинроқ ўртоғим Аъзам кал ҳамма каллар сингари ганга чечан, қочирик гапларни гапириб мулаваҷчаларни ва ҳаттоки пешқадамларни қулдирар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Тепа кал 1) бош тепасидаги сочи тўкилиб кетган жой. Саидғози.. Ҳўжабековнинг тепа калига боқиб, хушомадгўйлик билан илжайди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) бошининг тепасида сочи йўқ киши.

4 кўйма Ернинг ўт-ўлан чиқмай қолган бўлаги, тақир. Ернинг кали.

5 кўйма Жун-пати тўкилиб тақир бўлиб қолган жой. Пўстакнинг кали. Гиламининг кали.

◆ — Калнинг нимаси бор? — Темир тароғи бор! бор нарсасини қизганадиган хасис одам ҳақида айтиладиган матал.

**КАЛАВА** [ф-т] Чархга бир неча марта текис қилиб ўралган ва чархдан чиқариб олиб тахланган бир ўрам ип, ипак. *Уч калава ипак.* ■ Устахонага эшик олдидаги арқонга илинган қизил, сариқ, сур ранг, бинафша ранг ип калавалари тагидан бош эғиб қирилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

◆ Калава нон калавага ўхшатиб пиширилган, ўртаси тешик нон. **Чягал калава** аниқдаш қийин бўлган иш, чалкаш масала. *Устага энди кўп нарса равиан бўлди. Бироқ унга аён бўлган сир бошқалар учун ҳалиям чигал бир калава эканини тушунарди.* О. Ёқубов, Ларза. **Гапнинг** (ёки сўзнинг) калаваси чувалди гап-сўз, суҳбат мавзудан четга чиқиб кетди, гаплар бир-биринга қовушмай қолди. *Станлар бўшаган сари, юзлар қизариб, гапнинг калаваси чувала бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Калаванинг учини йўқотмоқ** ишни ёки гапни нимадан, қандай бошлашни билмай қолмоқ, нима қилишни билмай қолмоқ.

**КАЛАВАЛАМОҚ** Калава ҳолга келтирмоқ, ўраб калава қилмоқ. *Ипни калаваламоқ.*

**КАЛАВАЛАНМОҚ** калаваламоқ *фл. мажх. н.* Бу станокда бир соатда юз килограмм ип калаваланади.

**КАЛАВАХОНА** [ф-т] Тўқимачилик сапоатида: ип ёки ипак калава қилинадиган бўлим, цех.

**КАЛАВАЧИ** Цехда калава тайёрловчи ишчи. *Калавачилар устози, комбикат ишчилар комитетининг раиси Галина Александровна бизни кенг, озода цехда гумбуллаб юриб турган дастгоҳлар ёнига олиб борди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**КАЛАКА** [ф-т]: калака бўлмоқ масҳара, мазах бўлмоқ, майна бўлмоқ. *Баротнинг калака бўлиши, бурдизланиши учун Ёқубжоннинг гапларидан бир жуфти кифоя эди.* А. Қаххор, Сароб. **Калака қилмоқ** бировни масҳара, мазах қилмоқ, майна қилмоқ. *Муса кўп вақт унинг [Рамазон қорининг] «а, лаббай!» деган гапини кўп такрорлаб, бўйини буриб туришини ва баъзи бировларга дўқ уришини калака қилиб, болаларни кулдирад эди.* П. Турсун, Ҳкитувчи.

**КАЛАМЕНКА** [р каламянка] Зиғир толасидан зич қилиб тўқилган газмол. *Уларнинг [йигитларнинг] ҳар иккаласи каламенкадан кител кийган.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. || *Район газетасининг редактори хилчадан келган.. эғнига каламенка костюм, оёғига брезент туфли кийган Усмонов эди.* Н. Назаров, Замон.

**КАЛАМУШ** [ф-т] 1 Керирувчи сўтмизувчиларга мансуб зараркунда хайвон. *Оқ каламуш.* ■ *Сизникининг айби йўқ, сичқон бор, каламуш бор, кам чикса айб ўшаларнинг бўйнига*

*илинаверади.* — *Завхоз Қобиловнинг бу киноясига тушунмади.* С. Маҳкамов, Шогирд.

2 *Кўча* Ўғри (ишлаб турган жойидан, мас. омбор ёки магазиндан уни-буни ўғирлаб ташийдиган киши ҳақида). *Ҳар каламушларимиз борки, бурғойни шолга, арпани маккажўҳориға аралаштириб торгани-торган.* С. Маҳкамов, Шогирд.

**КАЛАПАТРА** [ф-т] *диал.* Ишни тартибсиз, чала-чулла, пала-партиш қиладиган. *Калапатра одам.* | *Чала-чулла қилинган, пала-партиш. Калапатра иш.*

**КАЛВАК** [ф-т] Бефаросат, бефаҳм. *Калвак одам.* ■ [Ўзбек ойм.] *Бу калвак ўглинғиз марғилонликнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАЛВАРС** *диал.* Калвак.  
**КАЛДИРАМОҚ** *айн.* галдирамоқ. У [Аҳрор] *атрофиға бир алағлаб, тили калдираб, ўрнига ўтирди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

**КАЛЕНДАРЬ** [р < лат] 1 Йилнинг барча ой-кунлари тартиби билан кўрсатилиб, бошқа маълумотлар ҳам берилган жадвал ёки китобча. *Стал календари.* *Йиртма календарь.* | Ҳаёт ёки илмнинг бирор соҳасидан маълумот берувчи шундай жадвал ёки китобча. *Астрономия календари. Табиат календари. Хотин-қизлар календари.*

2 Йилнинг ой-кунларини ҳисоблаш системаси. *Календарни ислоҳ қилиш. Григориан календари. Юлий Цезарь календари.*

3 Қилинадиган иш ёки машғулотларнинг бажарилиш муддатлари (ой, кунлари) кўрсатилган маълумот, жадвал. *Иш календари. Машғулот календари. Мусобақа календари.* || *Календарь план.*

**КАЛЖҲҮРЧИ** *айн.* Ўлаксахўр.

**КАЛИБР** [р < фр] *махс.* 1 Милтиқ, тўп каби ўқ отар қуроллари стволнинг диаметри. *Милтиқ калибри. Милномёт калибри. Замбарак калибри.* | Ўқ ёки снаряднинг диаметри. *Ўқ калибри. Бомба калибри.*

2 *тех.* Саноат буюмларининг аниқ ўлчови, размери.

3 Буюмларнинг, мас. машина қисмларининг катта-кичиклигини ўлчайдиган асбоб.

**КАЛИБРЛАМОҚ** 1 Аниқ ўлчамда тайёрламоқ, аниқ ўлчамга келтирмоқ. *Замбарак стволни калибрламоқ.*

2 Аниқ ўлчамли нарсаларнинг катта-кичиклигини текширмоқ, ўлчамоқ.

3 Нарсаларни йўгон-ингичкалигига, майда-йириклигига қараб группалаштирмоқ, хилларга ажратмоқ, сараламоқ. *Деталларни калибрламоқ. Чигитни калибрламоқ.*

**КАЛИБРЛАНМОҚ** калибрламоқ *фл. мажх. н.* *Стволлар калибрланди.*

**КАЛИБРЛИ** Қандайдир калибрга эга бўлган. *Кичик калибри милтиқ. Йирик калибри тўп.*

**КАЛИБРЛОВЧИ** Буюмларнинг йўгон-ингичкалигини, катта-кичиклиги-

ни, калибрини ўлчаб аниқловчи, аниқ ўлчамга келтирувчи; нарсаларни катта-кичиклигига қараб хилларга ажратувчи, сараловчи. *Калибрловчи ишчи.*

**КАЛИД** [ф-т] *эск. кт. айн.* калит.  
**КАЛИЙ** [р < а] Химиявий элемент, кумуш ранг юмшоқ оқ металл.

**КАЛИМА** [а] 1 *кт. айн.* сўз 1. *Сидиқжон «унсур» калимасини ҳуқуматга қарши» деган маънода ишлатар, бу ердагилар ҳам шу маънода англар эди.* А. Қаххор, Қўшқинор. | *Ибора, гап. Ҳожи .. бундан бошқа сўз айтмайди ва айтса ҳам, уч-тўрт калимадан ошмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Икки калима** сўз икки оғиз сўз, қисқа хабар, маълумот. *Булар бу ерда тура-версин, энди икки калима сўзни Кўктемир подшоҳдан эшитин!* «Эртақлар».

2: **калимайи шаҳодат дин.** мусулмонликка иқрор бўлиш учун ёки мусулмонлик далили сифатида айтиладиган арабча ибора. **Калима келтирмоқ** калимайи шаҳодатни айнан айтмоқ; мусулмон бўлмоқ. *Бобоқўлнинг кўзига Махсум таърифлаган дўзах кўриниб кетгандай бўлди. Калима келтирди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Тили калимага келмай қолди** 1) *дин.* калимайи шаҳодатни айтолмади; 2) *кўчма* кўрқини, изтиробга тушиш, аччиқкланиш туфайли гапиролмай қолди. *Отангизнинг ҳам тиллари бурро эди. Лекин моддасини моддасига тўғрилаб қўйганимда, тили калимага ҳам келмай қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КАЛИМАГУЙ** [а + ф-т] *дин.* Калимайи шаҳодатни доим такрорлаб турувчи мусулмон.

**КАЛИТ** 1 Қулфни очиш ва беркитиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Уйнинг калити. Сандиқнинг калити. Эшикнинг калити.* ■ *Мамарайим афанди Тешабойдан оғборларнинг калитларини олгандан кейин у ердаги молларни яхшилаб кўздан кечириб чиқди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Бирор механизмни бураб юргизиш, ишга тушириш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Девор соатнинг калити. Уйинчоқнинг калити.*

3 *кўчма* Бирор нарсасга эришиш ёки уни тушунтириш (англаш), топши, эгаллаш йўли, воситаси, имконияти. *Бахт калити. Ғалаба калити.* ■ «Мағрур овоз берар одам деган сўз» *Тилсимлар калити унинг қўлида.* Т. Тўла. *Ҳаётда шундай кишилар ҳам бўладики, қалб калити уларнинг қўлида.* Ё. Шукуров, Халқ билан ҳамнафас.

**КАЛИШ** [р калоша] Нам ўтказмайдиган, одатда маҳси, ботинка каби пойафзаллар устидан кийиладиган резина оёқ кийим. *Болалар калиши. Катталар калиши.* ■ *Қиз паранжиси ўрнига чурук бир яқтак ёпинган эди. Эғнида .. чит қўйлақ. Оёқларида жуда эски калиш.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Этик** (ёки **пучук**) калиш этик, ботинка ёки пийма устидан кийиладиган учи тўмтоқ европача калиш. **Ўзбекча калиш**



одатда маҳси устидан кийиладиган енгил, учлик калиш.

**КАЛЛА** [ф-т] 1 Жониворларнинг боши (одатда чорва молларининг боши ҳақида). Отнинг калласи. Хўкиннинг калласи. Фининг калласи. | Сўйилган чорванинг боши (хом ёки пиширилган). *Калла гўшти. Калла куйдирмоқ. || Калла шўрва.* — *Ҳеч бир тўй-томоша .. оқсоқолсиз ўтмасди. Биронтаси эчки сўйгудек бўлса, калласини энг аввал оқсоқол олдиға қўймай иложи йўқ.* П. Турсун, Уқитувчи. **Калла** сомоқ чорванинг калла-поча ва ичини пиширмоқ.

2 с. т. Одам боши. У [амир] кулган сари қилтириқдай бўйниға калласи огирлик қилиб, дам олдинға, дам орқасига оғиб кетарди. С. Анорбоев, Оқсой. [Ғофир қозига:] Бу қўлланса қоринларингизни ёрса, шу қовоқ калдаларингизни кавласа, .. шикку муҳаббатдан қилча нишон топилмас-ю, яна сизлар шик-муҳаббат деб лоп-қоп урасиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Қози калласи эзилган илондай тўлғаниб, эллиқбошиға қичқирди: — Синдир ҳаммасини! Ташқарига чиқар! Ёқ, ўт қўй! М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Боши катта кишига лақаб сифатида ишлатилади, мас. *Аҳмад калла, Қарим калла.*

3 с. т. кўчма Ақл, мия. *Калласи бор одам кўп чекмайди. Боланинг калласи жойида. Калангени ишлат!*

4 с. т. кўчма «Нодон», «ахмоқ», «каллаварам» каби маъноларда ишлатиладиган ундалма. *Хом (ёки қовоқ) калла айн. калла 4. Билмасанг, нега урди, деб қўл қўйсаң, мажбур қилди деб гувоҳликка ўтасан, қовоқ калла?!* О. Ёқубов, Ларза.

◆ **Калла қанд қ. қанд.** Куйдирган калла тиржайган киши ҳақида. *Калла пишдимми? с. т. уйқуга тўйдинг(изми)?* **Каллаини** саҳарлаб (ёки саҳардан) эрта тонгда, эрта саҳарлаб. **Калла ташламоқ** боши билан сувға шўнғимоқ. **Калла қилмоқ** (ёки урмоқ) боши билан урмоқ.

**КАЛЛАВАРАМ** [ф-т] Ўйламасдан, тартибсиз, ахлоқона ҳаракат қиладиган. [Қодиров:] *Сен мени каллаварам деб ўйлама, ҳа. Қодиров ўз ақли билан ишлайдиган раис. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || Сен кимга қарши қўл қўйиб, кимга чоҳ қазганини биласанми ўзи, каллаварам?* О. Ёқубов, Ларза.

**КАЛЛАВАРАМЛИК** каллаварам с. белги оти. **Каллаварамлик қилмоқ** 1) ўйламасдан, ноўя ҳаракат қилмоқ; 2) қулай фурсатдан фойдаланмай фурсатни бой бермоқ.

**КАЛЛАДОР** [ф-т] Калласи, боши катта. *Калладор, чўтирсмон, юм-юмалоқ раис катта қоринни силкиб қилди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАЛЛАК** [ф-т] Дарахт танасининг шох-бутқоқлари кесиб ташланган юқори қисми. *Сидиқжон супага чўзилар экан, тутнинг каллагига қистириб*

қўйилган тунука печкани кўриб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. | Дарахтнинг шох-бутқоқлари кесилган ост қисми; каллакланган дарахт. || *Каллак тол.* — *Подшонинг дори шу Гулистон шаҳрининг бир чеккасида, каллак тутга яқин жойда эди. «Муродхон». Каллак урмоқ айн. каллакламоқ. Яни каллак урилган тут остида қўлига болтасини ушлаб Собиржон ўтирибди.* С. Зунунова, Олов.

**КАЛЛАҚДОР** [ф-т] 1 Кўп йиллардан бери каллакланавериб сершоқ бўлиб кетган, каллакланган жойи йриқлашиб кетган. [Йўлнинг] *икки четида эса, ҳар хил дарахтлар, самбит тоғлар, каллақдор тутлар қад кўтарган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 с. т. Калладор.  
**КАЛЛАКЕСАР** Одам ўлдирувчи ўғри, босмачи, босқинчи; ҳеч нарсадан хайқмайдиган ашаддий жиноятчи. *Азим тажанг қиморбозлар, ўғрилар, каллакесарлар орасида кўп бўлган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Революциядан кейин Мадамин ўттиз чоқли каллакесарни тўплаг, Советга қарши бош кўтарган Раҳмонқул босмачига қўшилиб кетди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**КАЛЛАҚЛАМОҚ** Янгитдан шохлатиш мақсадида тут, тол каби дарахтлар танасининг юқори қисмини эски шох-бутқоқларини кесиб ташламоқ; каллак урмоқ. *Толларни каллакламоқ.* — *Биров пешанасини танғиб олиб, ҳа деб тут каллакляпти.* Ж. Шарипов, Саодат.

**КАЛЛАҚЛАНМОҚ** каллакламоқ фл. *мажх. н. Дераза яқинидаги бир туپ каллакланган тутнинг майда, барра барелар билан қопланган бутқоқларида қоринлари қаппайган қора тумшуқ чумчуқлар уймаланишган.* П. Турсун, Уқитувчи.

**КАЛЛАҚЛАТМОҚ** каллакламоқ фл. орт. н.

**КАЛЛАПАЗ** [ф-т] Калла-поча ва ичларни пишириб сотувчи киши. *Узум бозорининг атрофида .. нохотийўракчи ва каллапазлар ўз нарсаларининг тәриф-тавсифини қилиб, овозлари борича бақирадилар.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**КАЛЛАПАЗЛИК** 1 каллапаз с. касб оти. *Қаллапазлик қилмоқ.*

2 Калла гўшти сотиладиган жой.  
**КАЛЛА-ПОЧА** [ф-т] Сўйилган чорванинг (хом ва пиширилган) калласи ва сёқлари. *Калла-поча тозаланоқ.* — *Маллавоёй ака бир ўтирғанида битта қўйни калла-почаси билан еб, терисини ноқуштага қўяди.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

**КАЛЛАПЎШ** [ф-т] диал. Бош кийми; дўппи.

**КАЛЛАХОМ** [ф-т] 1 Териси шилиб олинган мол калласи.

2 Қора молнинг калла териси. *Каллахом чарм.*

**КАЛЛАХУМ** [ф-т] Боши жуда катта, катта бошли. *Эшикдан қамчи*

нини елкасига қистирган, баланд бўйли, яғриндор, каллахум йиғитча кирди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАЛЛИГРАФ** [р] Хусниҳат қодаларига риоя қилиб чиройли ёзидиган киши; хаттот.

**КАЛЛИГРАФИК** [р каллиграфический] Каллиграфияга оид; чиройли (ёзув ҳақида). *Каллиграфия хат.*

**КАЛЛИГРАФИЯ** [р < грек] Чиройли ёзиш санъати, хаттотлик; хусниҳат.  
**КАЛОВЛАМОҚ** 1 У ён-бу ёнга оғиб, потекис юрмоқ, гандиракламоқ. *Бу салобатли одамлар орасида хизмат қилган йўлчи ғоят сиқилди. Юрса каловлагандай, бировни туртгандай туюлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 кўчма Эсанқирамоқ, довдирамоқ.  
**КАЛОВЛАНМОҚ** каловламоқ фл. *ўзл. н. айн. каловламоқ. У [Йўлчи] оёқларида мадор қолмаган каби каловланиб, ўзидан йиғирма қадамча нарида ишком бошида турган қизинга ёнига келди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**КАЛОВЛАТМОҚ** каловламоқ фл. орт. н. *Қор ва қум бўрони кўз очтирмас, [кишини] каловлатар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАЛОМ** [а] Сўз; нутқ, гап-сўз; сўзлаш, гапириш. *Авал таом, баъдаз калом.* Матал. — *Сўзни, Муқимий, керак этмак таом, Мазаси қолмас узун ўлса калом.* Муқимий. *Менга боқиб, салом этиб, Ҳар бири бир калом этиб, Сўзлади эҳтиром этиб, Топди баҳона қизларим. Ҳабибий.*

◆ **Каломи шариф** дин. қуръон, каломулло. **Хуллас(н)** калом гапнинг лўндаси, хулосаси.

**КАЛОМУЛЛО** [а] дин. айн. қуръон. [Маждиддин:] *Агар ҳийла қилсам, каломулло урсин! Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**КАЛОН** [ф-т] 1 диал. Катта. **Қози калон** эск. беш қози.

2 Қалон (эркалар исми).

◆ **Калон димоғ қ. димоғ 3.**

**КАЛОРИМЕТР** [р < лат + грек] Жисмнинг ўзига оладиган ёки ўзидан чиқарадиган иссиқлик миқдорини (калория ҳисобида) ўлчайдиган асбоб.

**КАЛОРИМЕТРИЯ** [р < лат + грек] Физиканинг жисмлардаги иссиқлик сифтини ўлчаш иши билан шуғулланган бўлими.

**КАЛОРИФЕР** [р < фр] Ичидан иссиқ сув, буғ ёки тутун юргизиладиган трубапар системасидан иборат иситиш, вентиляция ва қуритиш мақсадида ишлатиладиган қурилма. *Буғ калорифери.*

**КАЛОРИЯ** [р < лат] Иссиқлик миқдорини ўлчаш бирлиги. Катта калория 1000 кичик калорияга тенг иссиқлик миқдори. **Кичик калория** бир грамм тоза сувни бир градусга кўтариш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори.

**КАЛОРИЯЛИ** Калорияси кўп. *Калорияли овқат.*

**КАЛОРИЯЛИЛИК** калорияли с. мавҳ. от. *Овқатнинг калориялилиги. Кўмирнинг калориялилиги.*

**КАЛТА** [ф-т] 1 Бўйи узун бўлмаган; қисқа. *Калта соч. Калта шим. Калта қалам. Калта ип боғловга етмас.* Мақол. || Сими калта кесмоқ. — Юк машинасидан калта пўстинли бир солдат тушиб, Адолатнинг қўлидаги автоматга ёшиди. И. Раҳим, Чин мухаббат. | Узунлиги керагидан кам. *Калта пальто.* || Бу кўйлак сизга калта. || Кўйлакни калта бичмоқ.

2 Вақт нуқтаи назаридан қисқа, тез тугайдиган, узоқ давом этмайдиган. *Калта кун.* || *Калта нафас олмоқ. Калта йўталмоқ.* — Соат кетидан соат ўта берди. *Калта куз кунни оғди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Троллейбуслар, янги машиналар калта-калта сигнал бериб ўтмоқда.* И. Раҳим, Чин мухаббат. | Керагидан кам давом этган, қисқа. *Шу қадар калтамини сенинг умринг? Йўқ .. Авжга яшайдиган вақтинг.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

◆ **Ақли калта** қ. ақл 2. Гапни (ёки сўзни) калта қилди қисқа сўзлади, чўзмади. *Калта ўйламоқ* яхшилаб, пишиқ қилиб ўйламаслик, юзаки ўйламоқ. *Кўли калта қ. Кўл 9.*

**КАЛТАБАҚАЙ** Паст бўйли, аммо йўғон ва пишиқ, бақалоқ (одам, ҳайвон ва уларнинг аъзолари ҳақида). *Калтабақай одам. Калтабақай от.* — [Матқоёул] *бесўнақай битган картошкадай калтабақай бармоқларини яттак ёқасига олиб бориб, сержун кўкракига туфлаб қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КАЛТАБИН** [ф-т] Ҳозир кўзига кўришиб турган нарсалар асосида ҳукм чиқариб, унинг оқибатига фаҳми етмайдиган, келгусини, узоқни кўрмайдиган, қисқа ўйлайдиган. *Калтабин одам.*

**КАЛТАБИНЛИК** калтабин с. белги оти. *Сийсий калтабинлик.* — Улар .. калтабинликлари, бепарволиклари орқасида, баъзан қандай қилиб Совет Хукуматининг зарарига иш қилиб қўйганликларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Уйғун, Навбахор.

**КАЛТАДУМ** [ф-т] 1 Думи калта, думи кесилган; чўлтоқ. *Калтадум эшак. Калтадум ит.*

2 *Кўчма с. т.* Европача кийинган, калта кийим кийган. У [хотин] *шаҳардан келган бир калтадум домлага тегиб олди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**КАЛТАК** [ф-т] 1 Асосан уриш, саваш, ҳайдаш учун ишлатиладиган таёқ, гаврон. [Жаллод] .. бандининг тиззасидан қуйисига — оёқлари суягининг қиррасида калтак билан қаттиқ бир урди. Айний, Эсдаликлар. [Шербек] .. қўлига калтак олиб, мол боққани қирра чиққанида .. қувончини ичига сифдира олмай дўмбалоқ ошган .. эди. С. Анорбоев, Оқсой. | *фольк.* Тўқмоқ, чўқмор; гурзи. *Тўқсон ботмон чўян калтак қўлида.* «Ширин Ёлган Шакар». [Кўжалдошининг] тақимида беш юз ботмон калташи. «Алломиш».

2 Таёқ, мушт ва ш. к. зарби; уриш.

*Соҳиб қорининг ҳозирги чимчилаши бир оздан кейинги калта калтакнинг шабадаси эди. Шунинг учун Холида .. шамдек қотиб қолди.* И. Раҳим, Чин мухаббат. *Сувонжоннинг калтакка тоқат қилиши Ойсулувга баттар алам қилди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Калтак емоқ** калтакка дучор бўлмоқ, калтакланмоқ. *Эчкининг калтак егиси келса, чўпоннинг таёғига сурканади.* Мақол. **Калтак остида қомақ** кўп калтак емоқ, дўппосланмоқ, саваланмоқ. *Бирдан ўнларча мушт ҳавога кўтарилди. Эликбоши ва унинг шериклари калтак остида қолди.* Ойбек, Қутлув қон.

3 *Кўчма* Маънавий, руҳий зарба; дакки. *Чолнинг ҳар бир мақтов сўзи полвонга калтак бўлиб тушмоқда эди.* Х. Назир, Утлар туташганда. [Аваз:] *Менинг шеърим улар учун умрбод калтак бўлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ **Алифни калтак деёлмайди қ. алиф 1.** Бошида калтак синди қаттиқ гап (койиш, сўкиш) эшитди, балога қолди, жазоланди. *Ҳамма иллат Салоҳиддинда! Калтак шу одамнинг бошида синиши керак.* А. Қажхор, Сароб. **Оқ калтак, қора калтак** ҳужум қилиш учун таёқ, теша ва ш.к.лар билан қуролланган оломон ҳақида. **Қора калтак билан қуролсиз, оддий таёқ билан.** [Абдурахмонбой:] *Мирзақул, Николай полвон зўр. Хом ҳаёлларга бориб юрманг, қора калтак билан подшоҳликни йўқитиб бўлармишим!* Н. Сафаров, Уйғониш.

**КАЛТАКЕСАК** Судралиб юривчилар синфига мансуб, думи узун ва усти майда тангачалар билан қопланган жонивор.

**КАЛТАКЗАДА** [ф-т] Кўп марта калтакланган, калтак зарби ўтган, калтак зарбидан безиллаб қолган. *Ошпазнинг ўчоғида, кўнчининг ёмида, нонвойнинг томида сиғиниб юрган калтакзада бир ит эдим.* А. Қодирый, Обид кетмон.

**КАЛТАКЛАМОҚ 1** Калтак билан урмоқ; саваласмоқ. *Ҳўкизни калтакламоқ.* — Тўлқинни яна калтаклайди. *Бу маҳал калтак Эъвозхона ҳам тегиб, у муккасидан йўқилади.* Х. Ғуллом, Машъал.

2 *Кўчма с. т.* Қаттиқ танқид қилмоқ; қаттиқ койймоқ.

**КАЛТАКЛАНМОҚ** калтакламоқ *фл. мажр. н.* *Пирнафас ақанинг калтакланиши сабабини Полвон аниқ билмаса ҳам, лекин ақли етар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАЛТАКЛАТМОҚ** калтакламоқ *фл. орт. н.* *Мачитага қатнамайди, намоз ўқимайди, деб тўранинг буйруғи билан Пирнафас ақани оқсоқол хўп калтаклатди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАЛТАКЛАШМОҚ** калтакламоқ *фл. бирг. н.* — *Мажлисда уни роса калтаклашди.* Яхши, лекин бунинг учун яна сизни калтаклашар, оға. — деди уқаси секингина. Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАЛТА-КУЛТА** Қалта ва арзирлик бўлмаган (нарсалар ҳақида).

*Калта-култа тахталар.* | Чала, тўлиқ бўлмаган ҳолда, узуқ-юлуқ. *Аҳволни калта-култа қилиб тушунтирмоқ.*

**КАЛТАЛИК** калта с. белги оти. *Нарсанинг калталиги.* Ақлнинг калталиги.

**КАЛТАФАҲМ** [ф-т + а] Дарров тушуниб, уқиб ололмайдиган, ақли, фаҳми етмайдиган; фаҳми калта. *Калтафаҳм киши.* || *Шунақа калтафаҳмлар ҳам бор экан-да, а?* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**КАЛТАФАҲМЛИК** калтафаҳм с. белги оти. *Кишининг калтафаҳмлиги.* *Калтафаҳмлиқ қилмоқ.*

**КАЛҲАМАЖ** Гўнг сийдиган ва гўнгни соққа қилиб, ичига тухумини қўядиган бир хил кўнғиз.

**КАЛҲАТ** Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб, катта йиртқич қуш; сор. *Султонмурод Султонхўжаев жўжа устига ташланган калхатдек газетлага ташланди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**КАЛЬКА** [р < фр] 1 Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. *Қалька билан расм олмоқ.*

2 Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси.

3 *лингв.* Бошқа тилдан сўзма-сўз таржима қилиш йўли билан ясалган сўз ёки ибора. «Дунёқараш» сўзи русча «мировоззрение» сўзининг, «ишчи кучи» эса «рабочая сила» иборасининг калькаси.

**КАЛЬКАЛАМОҚ 1** *тех.* Калькага кўчирмоқ. *Чизмани калькаламоқ.*

2 *лингв.* Калька йўли билан ҳссил қилмоқ. *Калькалаб термин ясамоқ.*

**КАЛЬКУЛЯТОР** [р < лат] Калькуляция мутахассиси, калькуляция тузувчи ҳисобчи ходим.

**КАЛЬКУЛЯЦИЯ** [р < лат] Товар, маҳсулот ва ш. к.нинг таннархини ҳамда харид ва сотиш баҳосини ҳисоблаш. | Нарсаларнинг таннархи ва сотиш нархи аниқ кўрсатилган маълумот.

**КАЛЬЦИЙ** [р < лат] Химиявий элемент, оҳақтош, мрамар ва ш. к. таркибида бўладиган кумушсимон ялтироқ металл.

**КАМ** [ф-т] 1 Керагидан оз, етишмайдиган, озлик қиладиган. *Суви кам дарё. Кам ерли дехқон (тар.).* Ақли кам одам. *Бу йил ёғинарчилик кам бўлди.* — *Чоршанба кунни далага қўйи чиқиши керак. Лекин, ҳақиқатга қараганда, уловимиз кам.* А. Қажхор, Кўшчинор. | *Б ўтабой Урмонжонга* ўзр айтишни кам билиб, бирон иш билан ўзини оқлашни кўнглига тугиб қўйди. А. Қажхор, Кўшчинор. | *Кўп эмас, оз. Гапни кам сўзла, ширни кўп кўзла!* Мақол. — *Капсанчиларда чакка ўтмаган ўй кам қолди.* А. Қажхор, Кўшчинор. | *Етишмай турган, керак бўлиб турган.* — *Келин, келинг, Шоражаб,— деди қаландарга қараб Са-*

фар.— бир сиз кам эдингиз. Айний, Куллар.

2 Бирор хислат жиҳатидан бошқаларга тенг келолмайдиган, паст даражали; ёмон. [Кимсаной] *гайратли, ориятли жувон эди. Мана, Канизак эвено бўлар эмиш, Кимсанойнинг Канизакдан нимаси кам. А. Қаххор, Қўшчинор. Барчин Алпомишдан кам эмас.* «Алпомиш».

3 *от вазифасида* Етишмовчилик, етишмаган нарса. Қамини *тўғриламақ*. — Сизнинг давлатингизда ейтишчишдан, айш-ишратдан камим йўқ, «Эртақлар».

4 *с. т.* Сонлар билан бирга келиб, миқдорнинг тўлиши учун қанча етишмаганлигини билдиради. *Бир кам қирқ, Бобом икки кам тўқсонга кирди.* — «Йиши» колхозида Аширмат деган йигит ҳар кунни сал кам тўрт меҳнат ишлайди. А. Қаххор, Қўшчинор.

5 Баъзи сўзларга биркиб, қўшма сўз ясади, мас. *камган, камғишт, камҳосил.*

◆ Кам бўлманг яшанг, камол топинг. *Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан.* Мақол. Кам деганда кири с. камид, ҳеч бўлмаганда, ақалли.

**КАМАЙМОҚ** I Миқдор ёки ҳажм жиҳатидан оз, кам бўлмоқ, озаймоқ. *Маҳсулот таннархи камайди. Қасаллар сони камайди. Қаналда сув камаймади. Камайиб кетган қўйларнинг ўрни тўлдирилди.*

2 Куч, таъсир даражаси жиҳатидан озаймоқ, йўқола бошламоқ. *Оғриқ камайди. Хавф камайди.*

◆ Камайиб қолмайдн ёки бирор жойи камаймайди ҳеч қандай зарар етмайди.

**КАМАЙТИРИЛМОҚ** *камайтирмоқ* *фл. мажх. н.* Курол-яроғнинг камайтирилиши. *Қўл меҳнати анча камайтирилди.*

**КАМАЙТИРМОҚ** *камайтирмоқ* *фл. орт. н.* Маҳсулот таннархини камайтирмоқ. *Харажатни камайтирмоқ. Ут чиқиш хавфини камайтирди.* — *Ҳавонинг сал бўлса-да салқинланиши кетишди, йўлида қуондай кўтарилиб турган чанг-тўзонни камайтира борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КАМАЙТМОҚ** *камайтирмоқ* *фл. орт. н.*

**КАМАЛАК** [ф-т] I Қаттиқ ёгоннинг икки учидан ип тортиб эгиб, ярим доира шаклида ясалган, найза-ўқ солиб отиладиган қадимий қурол; ёй, камон. *Афанди елкасига камалакни осиб .. узоқ бир кўлга гоз олагани кетди.* «Латифалар». | Шу қурол шаклидаги (асоблар ҳақида). *Камалак арра. Камалак парма.* Камалак қилмоқ камалакка ўхшатиб эгмоқ. *Раис .. бир қўлини орқасига қўйиб, иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб, иккинчи елка қоқди-да, шундай йўғон гавдали бўлишига қарамасдан, беданадай йўғалади.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Камалак бўлмоқ** камалак шаклини олмақ, эгилмоқ. *Қошлар учади, кўзлар қулади, гоҳ чап қўл орқа белга ўтиб,*

*ўнғ қўл қош устида камалак бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *айн.* Ёй I I. Дарахтларнинг орқасида қизил, қўқ, пушти ва зангор чизиқлар билан товланиб турган камалак кўринди. И. Раҳим, Ихлос.

**КАМАНД** [ф-т] *эск. кт.* Бирор хайвонни тутиш, банди қилиш, боғлаш ёки бирор нарсага илтириб баландликка чиқиш учун ишлатиладиган сиртмоқли арқон. *Тўғрибой камандни ростлаб туриб, йўлбарснинг бўйнига солибди.* «Эртақлар». **Каманд қилмоқ** боғламоқ, сиртмоқ солмоқ. [Навоий:] *Мени девонани занжирбанд қил. Қаро зулфинени бўйнига каманд қил. Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**КАМАР** I [ф-т] I Кийим устидан белга боғланадиган, одатда кўндан қилинадиган энли тасма; қайиш. *Солдатча камар. Камар боғламоқ.* — *Мингбоши кимхоб тўйининг чап барини қайириб, бошмалдогини қумуш қамарига ўтказди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Пидёа аскарлар] .. белларини қайиш камар билан боғладилар. Айний, Эсдалиқлар. *Почтаев ўрнидан туриб, сербар қамарини тузатди-да, томоқ қириб ўзидан хабар берди.* А. Мухтор, Туғилиш. | *Шим, юбка белига боғлаб қўйиш учун унинг юкори қисмига матодан тикилган тасма.* 2 *қўчма эск. кт. айн. бел* I 1, 2.

◆ **Хизмат қамарини боғламоқ** *кт. сндқд* дилдан берилиб хизмат қилмоқ. **Хизмат қамарини боғламоқ** *кт. с.* схийлик қилмоқ, аямасдан сарф қилмоқ. *Бойвачча, ота орзусига ҳиммат қамарини боғлайверинг.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАМАР** II [ф-т] I Сув қирғоғида, жар четида, тепалик ёки тоғ бағрида ювилиш, ўпирилиш ва ш. к. натижа-сида ҳосил бўлган ғорсимон ўйиқ жой. *Сувонжон тол тағидаги камарга шўнғиб кириб кетарди-да, ачандан кейин қўлида балиқ билан чиқиб келарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бир кийик бор экан, у кийикнинг тоғ қамарида уяси бор экан.* «Эртақлар».

2 *анат.* Умуртқали хайвон ва одамнинг айрим бўғинларида, ўзаро тутанш икки суякнинг бирида бўладиган ярим шар шаклидаги ўйиқ жой, кўз. *Елка (қўл) қамари.*

**КАМАРБАНД** [ф-т] I Камар боғлаган; бели боғли. *Камарбанд одам.*

2 Икки учи елка оша қамарнинг икки ерига бириктирилган, қамарни белда тутиб турадиган боғ, тасма. *Сарой дарвозасидан .. камарбандига қаламдондек .. бир чўп қистиргани ҳолда амир маҳрамларидан бири кириб келди.* Айний, Куллар.

**КАМАРБАСТА** [ф-т] I *кт.* Хизматга тайёр, шай. *Ўлғина кишилар унинг [Ёқубжоннинг] хизматида камарбаста эдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 *тар.* Уста деб маълум қилинган шогирд, уста сифатида мустақил ишлашга рухсат олган қосиб. *Шогирд*

*узоқ йиллар ишлаб кўз нури, куч-қувватини сарфлагани ҳолда қорхона эгаси билан хамфасани рози қилмагунча, фотиҳа олиб камарбаста .. бўлмастди.* М. Уринқўжаев, Унутилмас кунлар.

**КАМАЮВЧИ** I *камаймоқ* *фл. ш. оти.* 2 *мат.* Айриш амалида ичидан бошқа сон айриб олинадиган сон.

**КАМБАЛА** [р < фин] Икки кўзи бир томонда бўлган ялпоқ денгиз балиғи.

**КАМБАР** [ф-т] Эни қисқа, энсиз. *Камбар лента. Камбар чит. Камбар қайиш.* — *Камбар тахталардан нари-бери ясалган скамейкалар қинғир-қийишқ, синиб кетгудай нимжон эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**КАМБАРГ** [ф-т] Барги кам, сийрак баргли. *Баланд сўритокларда чумак урган чиллақилар, камбарг дарахтлардаги олма ва наштадилар у [Нормат] билан хайр-хўшлашмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КАМБАҒАЛ** [ф-т] I Мухтожликда яшовчи, тирикчилик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган; қашшоқ; фақир, бечора. *Камбағал дехқон. Камбағал оила.* | *Бой кийса, «қутлуғ бўлсин!», камбағал кийса, «қайдан олдинг?».* Мақол. — *Камбағал йигит энди ёруғда ҳамма отларни айрим-айрим кўздан кечирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ўқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Ғулможон ота-оналар билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ овқат қилдириб бериб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 (*ж. к. билан*) Бирор нарсаси кам, етарли бўлмаган, етишмайдиган. *Сувга камбағал ер. Сўзга камбағал одам.*

3 *қўчма с. т.* Мушкул ёки аянчи ахволга тушиб қолган киши; шўрлик, бояқиш, бечора.

**КАМБАҒАЛЛАШМОҚ** Камбағал бўла бормоқ, камбағал бўлиб қоламоқ.

**КАМБАҒАЛЛИК** *камбағал с. белги оти.* *Маллавоё ака камбағалликдан қутулиш йўлига тушган кишилар ҳозир қай ҳолда ишлайганликлари ҳақида гапирди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**КАМБАҒАЛПАРВАР** [ф-т] Камбағалларга ёрдам кўрсатувчи, шафқат қилувчи. *Камбағалпарвар одам.* — *Бойлардан биттаси жуда камбағалпарвар ўтган экан, чакалқорига дошқозон остириб, оч қолганларга хўрда, атала улашиб турар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. | *Камбағалларнинг ҳуқуқини химоя қиладиган, уларнинг камситилишига, эксплугация қилинишига йўл қўймайдиган.*

**КАМБАҒАЛПАРВАРЛИК** *камбағалпарвар с. белги оти.*

**КАМБАҒАЛЧИЛИК** *с. т.* Камбағаллик, қашшоқлик. — *Ҳозир ҳам камбағалмиз,— деди Сатторқул давом этиб,— лекин бу камбағалчилик ёруғ дунедан бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунедан бўлган умидимиз бу камба-*

галчиликни еб, кемириб ташлаётибди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**КАМГАК** Атрофи ёки икки-уч томони девор ёки бошқа бирор нарса билан ўралган пана жой. [Йўлчи] катта ҳовлига терс бўлган камгак — панароқ жойда самовар қўйиш, ўтин ёриш билан машғул бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ботиқ, ўйиқ пана жой. — Йўл ёқасидан ўзимни четга олиб қарасам, бўз адирнинг камгакроқ бир ерида босмачилар пистирмаси турибди, — деди Пўлат. Ғайратий, Ёшлигимиз.

**КАМГАП** [ф-т] Кўп гапиришни ёқтирмайдиган, кам гапирувчи. Камгап одам. — Насиба қанчалик сергап, сермулозамат бўлса, Маҳбуба шунчалик камгап ва камсуқум эди. О. Ёқубов, Тилла узук. У [Смирнов] камгап, аммо бошқаларнинг ҳар қанча узоқдан-узоқ гапларини ҳам диққат билан тинглайди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КАМГҶШТ** [ф-т] 1 Гўшти оз, оз гўшт солинган (овқат ҳақида). Камгўшт ош. Камгўшт сомса. || Ош камгўшт бўлибди.

2 Танасида, гавдасида гўшти кам; озгин, ориқ. Камгўшт одам. — Катта укам Сирожиддиннинг аҳволи ҳам яхши эмас, у аслида, ориқ, камгўшт ва касалсимон, ранги ўчган эди. Айний, Эсдалиқлар.

3 с. т. Ейиладиган жойи, эти кам. Камгўшт мева.

**КАМДАН-КАМ** рвш Жуда кам. Бунақа концерт камдан-кам бўлади. — Ҳайдар қурчоқбозни камдан-кам одам танимаса, ҳамма танир эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Маъжис анча қизиқ бўлди. Совет авзоларининг бу қадар кўп иштирок этган мажлислари камдан-кам бўлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАМДАРОВАД** [ф-т] Даромадни кам берадиган. Камдаровад хўжалик. Камдаровад иш.

**КАМДИЙДОР** [ф-т] с. т. Кам кўришадиган, кам учрашадиган. Камдийдор бўлиб кетмоқ.

**КАМЕР** [р камерный] Солист, созандалар ёки бир неча кишидан иборат ансамблнинг ижро этиши учун мўлжалланган. Камер музыка. Камер асарлардан концерт.

**КАМЕРА** [р < лат] 1 Баъзи муассасаларда бирор нарса учун мўлжалланган махсус хона, бўлма. Юк сақлаш камераси. Дезинфекция камераси. | Қамоқхонада маҳбусларни қамаб қўйиладиган хона. Турма камераси. Бир кишилик камера.

2 Асбоб, машина, иншоот ичидаги атрофи берк бўшлиқ. Сиқилган ҳаво камераси. Шлюз камераси. Торпеда камераси.

3 Велосипед ва машина гилдираги, тўп ва ш. к.нинг ҳаво дамланадиган резина филофи. Велосипед камераси. Машина камераси. Футбол тўпининг камераси.

4 Фотография аппаратининг плас-

тинка ёки плёнка қўйиладиган ички қисми.

**КАМЕРТОН** [р < нем] Қаттиқ жисм билан урганда маълум бир баландликда овоз чиқарадиган айри шаклидаги махсус пўлат асбоб (музыка асбобларини созлаш учун ишлатилади).

**КАМЕЪ** [ф-т] Кам топиладиган, сийрак учрайдиган; етишмайдиган, камоб. Илгари гугурт ҳам камёб нарса эди. — Сув тилладай азиз, камёб эди. Ш. Рашидов, Сув йўли.

**КАМЗҶЛ** [р < фр] 1 Илгари ёзлик пальто ўрнида кийиладиган енгил узун уст кийим. Унинг [Салимбойваччининг] бошида яп-янги тагдўзи дўппи, устида чўнтакларни қопқоқли, қайтарма ёқали узун оқ жузун камзўл. Ойбек, Қутлуғ қон. Бежирим, келишган нозик ниҳолнинг, Беқасам камзўлинг ярашибди ҳўб. Х. Расул.

2 Желаткага ўхшаш қалта, одатда енгсиз, ёқасиз хотин-қизлар кийими. Духоба камзўл. Заррин камзўл. — Балки ўртача бўйи, бахмал камзўли маҳкам қўчоқлаб олган нозик бели билан таниши кўрингандир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КАМИДА** рвш Кам деганда, энг ози; минимум. Бу иш учун камида уч ой вақт керак. Бу пайкал камида беш гектар келади. — Қолхозга саводли одам кўп керак. Ўқигани имконияти бўлган йигитлардан камида беш-олти кишини ўқигаша юбориш чорасини кўриши тўғрисида ўйлайлик. А. Қаххор, Қўшчинор.

**КАМИМОҚ** с. т. Камаймоқ.

**КАМИНА** [ф-т] юқ. усл. 1 Камтарлик ёки одоб юзасидан «мен» сўзи ўрнида ишлатилади. Бу мақола каминаники. Каминанинг сизга бўлган ҳурмати ғоят самимий. — Каминанинг номлари — мулло Али. Т. Тўла. Каминайи камтарин қ. камтарин.

2 эск. Содиқ хизматкор, қўл. [Салимхўжа:] Каминангиз бир ўзимман, қийинчиликларнинг қурбониман, хоним, ҳа, қурбониман. А. Мухтор, Опасингиллар. [Элликбоши:] Камина сизнинг илтимосингизни ерда қолдиришдан кўра ҳар қандай машаққатни ўзиммасига олишни аъло кўради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАМИТИЛМОҚ** камитмоқ фл. машх. н.

**КАМИТМОҚ** с. т. Камайтирмоқ.

**КАМ-КАМ** рвш Секин-аста; бирдан эмас, оз-оздан. Қарзни кам-кам узмоқ. Қимизни бирданга кўп ичиб бўлмайди, кам-кам ичиб ўрганиш керак. — Муҳиддин ака, «фақат сиз бидингиз» деган гап хуш ёқиб, илжайди: «Кам-кам ўрганамиз-да, мулла, кам-кам». А. Қаххор, Қўшчинор.

**КАМ-КЕТИК** айн. кам-кўст. Рўзгорнинг кам-кетиклари.

**КАМ-КҶСТ** Етишмай, камлик қилиб турган нарсалар, етишмовчилик. Рўзгорнинг кам-кўсти. — Тўйнинг кам-кўсти битгандир? Раис мўйловини силаб, Саидхонга мурожаат қилди.

Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. Курбон ота елиб-юзуриб сал кунда қиши ва ёзи қизил чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Иш ёки нарсанинг камчиликлари; нуқсон. Машинанинг кам-кўсти. Кам-кўстини тузатмоқ.

**КАМЛИК** 1 кам с. белги оти. Аҳолининг камлиги. Ёгин-сочиннинг камлиги. — Йўқ, отахон, домла бу гапларни илми камлигидан айтган эмасдир. Илмда ҳам илм бор. А. Қаххор, Қўшчинор. Камлик қилади кифоя қилмайди, етмайди, озлик қилади. Болтабой омон замонида орттирилган тажриба трактор замонасида камлик қилишини айтиб, Зокир отанинг қайсарлигини жоҳиллик деб атади. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Етишмовчилик, камчилик; моддий қийинчилик, мухтожлик. Унинг ҳеч нарсасдан камлиги йўқ. — Сендаги дўстлик меҳри Дўстларингга зиёда, Сен билан бирга бўлган Камлик кўрмас дунёда. Ғайратий.

3 (ч. к. билан) Нуқсон, камчилик, кам-кўст. Унинг сендан нима камлиги бор? Бу шкафнинг наригисидан сира камлиги йўқ. Унинг бир камлиги — мактанчоқлиги.

**КАМНАМО** [ф-т] Кам кўринувчи (узоқ вақт кўринмай кетган, кам учрашадиган киши ҳақида). Илгари ҳа деганда рўпарангдан чиқиб қолдизан бу Холдор тушмагурса нима бўлди-я? Энди камнамо бўлиб қолди, — деб ўйлади Малика. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳида.

**КАМОБ** [ф-т] 1 айн. камёб. Камоб мол. Камоб нухса. — Шу йилги, айниқса, қиш қуруқ келиб сув камоб бўлган, пахта ҳосили хафғ остида қолган. Х Назир, Сув гадоси оқпадар.

2 эск. айн. камсув 1. Камоб ер. **КАМОБЛИК** камоб с. белги оти. Сувнинг камоблиги. Молнинг камоблиги. — Қолхоз агрономи чўлга келиб, сув камоблиги ва уни енгиси тадбирлари ҳақида лекция ўқиди. М. Назаров, Жилвон жилвалари.

**КАМОЛ** [а] 1 Ҳар жихатдан тўқислик; мукамаллик, етуқлик. Манманга — завол, камтарга — камол. Мақол. — Етимлик айб эмас, инсон учун фазлу камол лозим. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Камол топмоқ тараққий этмоқ, ривожланмоқ, камолга эришмоқ. Ўзбек санъати ва адабиёти айниқса кейинги йилларда камол топди. — Гарчанд соча қўнди бемаҳал қиров, Чиройинг, ироданг топоди камол. Зулфия. Камол топинг ёки камолга етинг кўпинча хонанда, созандаларга мамнуният билан янада камол тилаб айтиладиган ундалма.

2 Камол (эркақлар исми).

**КАМОЛИ** [а + ф-т] рвш Ғоят, ниҳоят даражада, жуда; азбаройин. Отабек камоли бўлганидан суқут қилишга мажбур бўлди. А. Қодирий, Ўтган қунлар. Бу қишлоқ камоли кичкиналицидан тегишқоқ ўртоқлари

[Йигитни] қишлоқ олий советининг секретари деб кулишар эди. А. Қўхор, Олтин юлдуз. **Камоли эҳтиром билан** тўлиқ эҳтиром билан. Саҳна ёнидан чиқиб келган Ризамат чой қўйиб, камоли эҳтиром билан минбарга қўяди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**КАМОЛОТ** [а] айн. камол 1. **Камолотга эришмоқ.** — Ҳар бир ёш ўзининг камолотга етиши йўлида мудирнинг ҳар бир гапидан .. баҳра олиб ўсганини, мана энди айрилмиш кунлари келганини жуда аниқ ҳис қилмоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАМОМАД** [ф-т] Мол, пул ва ш. к.нинг тегишли миқдордан кам чиққан қисми. **Қамомадни аниқламоқ.** **Қамомадни қопламоқ.** — Яраш режаси тузилди: қамомадлар ҳисоб қилиниб, ҳар ким ўз ҳиссасига яраша бойдан қардор бўлиб, тилхат берди. Айвий, Қуллар.

**КАМОН** [ф-т] 1 айн. **камалак** 1. Афанди дарров камондан [қийшқак] ўқ узган эди, ўқ хато кетди. «Латифалар».

2 **Ғижжак**, скрипка каби чолғу асбобларини чалиш учун ишлатиладиган бир учидан иккинчисига қил тутами тортилган таёқча; камонча. **Салоҳов чолғучиларга қаради:** фақат ғижжакчигина камон тортар, .. қарнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди. С. Ахмад, Музикали воқеа.

3 **пoэт.** Камалакка ўхшаш, эгилган, қайрилма (қош ва қомат ҳақида). **Иси жисмига хўп мос, Номии унинг Жинаста.** Анор юзли, қора соч, **Қамон қошлар пайваста.** Ғайратий. **Қоши камон** қоши қайрилма (гўзал ҳақида). **Хабаринг йўқ; кўпдангиз Мафтун бўлдим сенга қошлари камон.** Х. Салоҳ. **КАМОНКАШ** [ф-т] Камондан ўқ отувчи киши, жангчи.

**КАМОНЧА** 1 Кичкина камон, камалак. **Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар .. эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. **камон** 2. Қўлингда ўйнасин шўх-шўх камонча, Қулоқларга ёқимли андижонча. Ҳабибий.

3 **Чегачилик, қадоқчилик, дурадгорлик** каби касбларда пармани айлантриш учун хизмат қиладиган камалак асбоб. Унинг [қадоқчининг] аъзойи бадани қақшаб, камонча тутгани мадори қолмади. А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

4 **пoэт.** Камончага ўхшаш, эгилган, қайрилма. [Лобарнинг] камонча қошлари остидаги кўларига ўйчанлик ва сабот акс этарди. А. Муҳиддин, Ҳада.

**КАМОНЧИ** Ғижжакчи, скрипкачи. Тўхтасин ака кейинча яхши камончи бўлиб танилди. С. Абдулла, Ҳалқ бастакори.

**КАМПАНИЯ** [р < фр] 1 Муҳим ижтимоий, сиёсий ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирор вазифани бажариш учун маълум бир даврда сафарбарлик йўли билан ўтказиладиган ишлар, кўриладиган тадбир-чоралар системаси. **Сайлов кампанияси.** **Кўчат**

экиш кампанияси. — **Йиғим-терим**—деҳқончиликда энг масбулиятли, ҳал қилувчи кампания. Б. Раҳимов, Янги ғалабалар сари.

2 **ҳарб.** Маълум вақт ўтказилган ва муайян стратегик мақсадни кўзда тутган ҳарбий операциялар, уруш-жанглар мажмуи.

**КАМПАНИЯБОЗЛИК** салб. Ишни гоҳ бўшаштириб, гоҳ яхшилаш учун бутун кучни сафарбар қилиш; плансиз, тартибсиз ноизчил иш олиб бориш. **КАМПАНИЯЧИЛИК** айн. **кампаниябозлик.** Ишимизда кампаниячиликка йўл қўйилмасин.

**КАМПИР** 1 Ёши улғайган, кекса, қари хотин. **Кичик, хароб, фақир бир уй, кампир ва ёшироқ бир хотин жўхори тозилар эдилар.** Ойбек, Нур қидириб. У [Анзираг хола] олтмишларга бориб қолган, нимжон.. бир кампир эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. [Элмурод:].. **Юртингизда кимларингиз бор, Ғани ака? — Битпагина кампир онам бор.** П. Турсун, Ўқитувчи. Шундай хотинларнинг исмига қўшиб ишлатилади. **Ўзбек ойимнинг қутидор, Офтоб ойим ва Ойша кампирга атаб тиктирган саруполари ҳам битди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ёши улғайган она ҳақида. [Ғани Мардонов:] **Сизга кампирдан кўндан-кўп дуо!** П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёши улғайган кишининг хотини ва унга мурожаат формаси. [Шокир ота:] **Кампирга йўлдош, етим гўдакларимга бош бўлади бу қизим..** Ойбек, Қутлуг қон.

**КАМПИРАК** [р конфорка < голл] Чойнак қўйиб чойни дам едириш ёки иситиш учун самовар ўтхонаси устига ўрнатиладиган мослама. [Матлуба] дам есин, деб чойнакни кампирак устига қўйди. Н. Назаров, Замон.

**КАМПИРДАҲАН** Оғзи ва янги кампирлариникига ўхшаган. **Эшикдан тишлари тушиб, лаблари ичига кириб кетган кампирдаҳан, зағачкўз бир чол кириб тавъзим қилди.** М. Осим, Ўтзор.

**КАМПИРЛИК** Қариллик (хотин кишига нисбатан). **Кампирлик даври.**

**КАМПИРЧОПОН** Бир турли захарли ўт. Самарқанд ва Бухоро атрофларида кўп ўсадиган кампирчопон ўсимлигининг қай даражада захарли эканини ким билмайди дейсиз! Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.

**КАМСИТИЛМОҚ** камситмоқ **фл. мажх. н.** Совет Иттифоқида ҳеч қайси миллат ирқий жиҳатдан камситилмайди. — **Ўғли учун тортеган хўрлиги, камситилиши аламини тортеанлари** [Болтабой отанинг] эсига тушиб кетди. С. Зуннунова, Олов.

**КАМСИТИШМОҚ** камситмоқ **фл. бирг. н.**

**КАМСИТМОҚ** 1 Қадр-қийматини пастга туширмоқ; паст, арзимас, айбли қилиб кўрсатмоқ, ерга урмоқ. **Бировни иккинчи бир одам олида ҳар хил мазаҳ гаплар билан камситиш, унинг [Араббойнинг] энг яхши кўрган**

одатларидан эди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Юсуфбек ҳожи:] **Мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир ваз билан камсита олмайсиз.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 **Қамайтирмоқ, бузмоқ.** Бу ўзгаришлар унинг [Қулушининг] ҳуснини, латофатини бир зарра ҳам камситмади, балки ўн қайта оширган эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 **Ҳуқуқини чекламоқ, тенг ҳуқуқликдан маҳрум қилмоқ.**

**КАМСОҚОЛ** Соқоли кам, сийрак. [Шокир ота] эти сўякка ёпишган, чивак юзи ва пешанаси чуқур чизиклар-буршиқлар билан қуқуқ қопланган камсоқол кекса эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**КАМСУВ** 1 Суви оз, суви кам. суви қамайган. **Қамсув ер, Камсув дарё.**

2 **Шираси оз, шираси қочган.** **Қамсув олма. Мева ёмон сақланса, камсув бўлиб қолади.**

**КАМСУВЛИК** камсув с. белги оти. Ернинг камсувлиги. Дарёнинг камсувлиги. Меванинг камсувлиги.

**КАМСУТ** Сути кам, сутни кам берадиган. **Қамсут сигир.**

**КАМСУТЛИК** камсут с. белги оти. Биянинг камсутлиги. — **Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эди.** А. Қаҳҳор, Икки ёрти бир бутун.

**КАМСУХАН** [ф-т] айн. **камгап.** **Қамсухан йигит.** — **Қамтар ва камсухн гўзал Искандаро қулоқ солиб, жиддий ва оғир ўтирарди.** Ойбек, Нур қидириб.

**КАМСУХАНЛИК** камсухан с. белги оти. Унинг камсуханлиги ҳаммага маълум. — **Менда нима бор дейсиз? — дейди камсуханлик билан тегирмончи, — ўша сизникига ўхшаш борди-келди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАМСУКУМ** Иззат ва ҳашамат талаб қилмайдиган; содда, камтар. **Насибачи кичлик сергап ва сермулозамат бўлса, Маҳбуба шунчалик камгап ва камсукум эди.** О. Ёқубов, Тилла узук.

**КАМСУКУМЛИК** камсукум с. белги оти. **Қамсукумлик қилмоқ.**

**КАМТАР** [ф-т] Мақтанишни истамайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган, мағрурланмайдиган. **Қамтар олим.** — **Ҳақиқатда у [Аҳмад Маҳмуд] жуда камтар бўлиб, саводсиз, оддий одамлар билан улфатлик қиладди.** Айний, Эсдалиқлар. **Қамтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг, Бир кун хижолатдан сиз қилманг аттанг.** Ҳабибий.

**КАМТАРИН** [ф-т] Жуда камтар ва итоаткор. [Фаррош] **дарвешнамо, камтарин, ҳаёлчан киши эди.** Ойбек, Навоий. **Сенга мен камтарин фарзанд эрурман. Жигарбанду яқин пайванд эрурман.** Ҳабибий. — **Қабулга келган қиз ўзини камтарин тутарди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Каминайи камтарин эск.** ўта камтаринлик юзаси-

дан мактубларда «мен» олмоши ўрнида ишлатилган ибора.

**ҚАМТАРИНЛИК** камтарин с. белги оти. Қишининг камтаринлиги. Камтаринлик билан муомала қилмоқ. — Ҳа, айтгандай, менинг муовиним камтаринлик қилиб, бир нарсани айтмай кетди, — деди Хўжабеков. С. Анорбоев, Оқсой.

**ҚАМТАРЛИК** камтар с. белги оти. Камтарлик қилмоқ. — Алексейнинг одамлар билан муомалага усталлиги, камтарлиги. Элмуродни қойил қилар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҚАМТАРОНА** [ф-т] рви кт. Камтарлик билан, камтарлик қилиб, мақтанмасдан, мағрурланмасдан. Муҳаммад Жамол кучли, самимий олқишларга камтарона таъзим этиб, жойига ўтиргач, Шариф Сулаймон ўз нуқтини бошлаб юборди. Ойбек, Нур қидириб.

**ҚАМФАРА** [р < грек] Ўткир хидли рангсиз кристалл модда (медицина ва техникада фойдаланилади).

**ҚАМФАҲМ** [ф-т+а] Фаҳми кам, тезда тушунмайдиган, англаб олиши қийин; фаросатсиз. Камфаҳм киши.

**ҚАМХАРАЖАТ** [ф-т+а] Харажати кам бўладиган; харажатни кўп талаб қилмайдиган; камчиқим. [Фотиманинг амакиси]. топши-тутуши ўчоғлик бўлганидан камхаражат етим қизга уйланиб қўя қолиш фикрида экан. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ҚАМХАРЖ** [ф-т+а] Пулни кам сарфлайдиган (пули кам ёки хасис одам ҳақида). Камхарж одам. — [Юсуф]. ҳозир камхаржроқ бўлиб турибман... бир нима обормасам, ишдан ҳайдайдилар! А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**ҚАМХАРЖЛИК** камхарж с. белги оти. У [Аброр] ўзининг камхаржлигини Чиннихондан яширмас, уни қиммат томошаларга олиб тушаман, деб чиранмас эди. П. Қодиров, Юракдаги кўёш.

**ҚАМХАСТАК** [ф-т] Паст бўйли бир хил ёввойи дарахт. Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлари орасида камхастак номли мевали дарахт кўп учрайди. М. Тўйчиев, Табиатшунос.

**ҚАМЧИЛ** Кам топиладиган, кам учрайдиган, етишмайдиган; камоб, оз. Камчил мол. || Бу ерларда ҳўл мева камчил. — Бултур сув камчил бўлишига қарамай, гектаридан 30,1 центнердан ҳосил кўтардик. У. Саримсоқов, Олтин калит қўлимизда. Мана, айланай, ҳеч нарсдан камчил жойимиз йўқ [деди Рисолат буви]. А. Мухтор, Қарс икки қўлдан чиқади.

**ҚАМЧИЛИК** 1 Нуқсон, айб. Жисмоний камчилик. Ишдаги камчиликлар. — Ермат Йўлчининг ишидан камчилик топиб, ўз маҳоратини унга кўрсатиши умидида, бир муддат кузатиб турди. Лекин унинг тажрибали кўзи Йўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик кўролмади. Ойбек, Кутлуғ қон. Чўлоқ одам учун хизматкорлик

қийин; боёқши Қамбар бу камчиликни билдирмаслик учун югура-югура югурик бўлиб қолган-да. Ойбек, Кутлуғ қон.

2 с. т. Етишмовчилик, камлик, кам-кўст. У камчилик кўрмасдан ўсди. Ҳеч нарсдан камчилигимиз йўқ.

3 Кам одам, кам одам иштирокида; озчилик билан. Камчилик овоз билан.

**ҚАМЧИЛИКСИЗ** Камчилиги йўқ, тўла-тўқис, беками-кўст. Камчиликсиз иш. || Ўзбек ойим аралашган тўйли хотинларнинг кўнгилларидаги орзу-ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ҚАМЧИЛЛИК** камчил с. белги оти. Сув камчиллиги. Молнинг камчиллиги.

**ҚАМЧИҚИМ** Чиқими, харажати кам; сарф-харажатни кам талаб қиладиган; камхаражат. Камчиқим иш.

**ҚАМШИК** 1 Чети, лаби учган, синган, ўйиқ бўлиб қолган. Камшир камшик пиёлада дамба-дам чой ишарди. Ш. Ғуломов, Бочка. [Мадамин] деворнинг камшик еридан кўнчага ошиб тушгач, отини тўхтатиб, қўлга милтигини олди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 айн. кемшик.

**ҚАМҚАТНОВ** Одам, улов ва транспорт воситалари кам юрадиган Шаҳарнинг камқатнов кўчалари. || Чилонзор йўли қишлоқ марказига ва далага чап бўлганидан камқатнов. Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ҚАМҚОН** Қони камайган, қони қочган; оқарган, рангпар. Камқон бола.

**ҚАМҚОНЛИК** 1 камқон с. белги оти. Боланинг камқонлиги.

2 мед. Қон миқдори, қизил қон таначалари ва гемоглобин моддасининг камайиши билан характерланган касаллик. Қизил қон таначаларининг сони ва унда бўлган гемоглобин моддаси камайганда ҳарсиллаш пайдо бўлади. Бу каби касалликка камқонлик касаллиги дейилади. Н. Исмонлов, Касалларни парвариб қилиш.

**ҚАМҚУВВАТ** [ф-т+а] Куч-қуввати нормал даражадан кам, қуввати сз. Камқувват одам. Камқувват хўжалик.

**ҚАМҚУВВАТЛИК** камқувват с. белги оти.

**ҚАМҲАФСАЛА** [ф-т+а] Бирор ишга астойдил ёпишиб ҳаракат қилмайдиган; ҳафсаласи йўқ. Камҳафсала одам.

**ҚАМҲОСИЛ** [ф-т+а] Оз ҳосил берадиган, ҳосили кам. Камҳосил ер. | Оз ҳосил етиштирадиган, ҳосилни кам оладиган. Камҳосил хўжалик.

**КАНА** [ф-т] Ҳайвон ёки одам танасига ёпишиб, қонини сўриб ҳаёт кечирувчи паразит жонивор. Тахта кана айн. қандала. Ўргимчак кана қ. ўргимчак.

**КАНАКҲУНЖУТ** [ф-т] Уруғидан кастор мойи олинадиган, белдан бўйли бир йиллик ўсимлик. | Шу ўсимлиكنинг қул ранг, ялтироқ уруғи.

**КАНАЛ** [р < лат] Дарё, қўл ёки денгизлар ўртасида кема қатновини

ўрнатиш, шунингдек экин майдонларини сув билан таъминлаш ва ортиқча сувларни йиғиб-оқизиб юбориш учун махсус қазилган сув йўли. Волеа-Дон канали. Катта Фарғона канали. — Майли, мана бу канал битди, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди. Ушанда ҳаммининг егани олдида, емагани кетида бўлиб қолади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**КАНАЛИЗАТОР** [р] Канализация ишлари мутахассиси.

**КАНАЛИЗАЦИОН** [р канализационный] Канализацияга оид. Канализацион қувурлар. Канализацион тармоқ.

**КАНАЛИЗАЦИЯ** [р] Ахлатларни, ифлос ва ёгин сувларини аҳоли яшайдиган жойлардан оқизиб чиқариб ташлаш учун ер тагидан ўтказилган қувурлар системаси. Шаҳар канализацияси. Канализация ишлари.

**КАНАЛИЗАЦИЯЧИ** айн. канализатор.

**КАНАЛЧИ** с. т. Канал қурилишида ишловчи. Қаналчилар, таниш қолхозчилар Жумақул отани қулиб қарши олдилар. Ш. Сулаймон, Ота ўғил.

**КАНАРЁЙКА** [р] Қафасда сақланган сайроқи қушча.

**КАНАХОНА** [ф-т] 1 Кана босган жой, канаси кўп хона.

2 тар. Ичида канаси кўп зиндон, қамоқхона. Амирнинг дори бор, микори бор, ногорaxonаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхона», «канахона» номи дўзахлари бор. Айний, Дохунда.

**КАНДА** [ф-т]: канда қилмоқ доим қиладиган машғулот, иш-ҳаракат ёки сдатини бажармай қўймоқ, тарк этмоқ. Муаллимнинг кўрганда, Саломнинг қилма канда. Қ. Мухаммадий. [Мухаррам:] Хатни бўлса... ака-сингилларча самимият билан канда қилмадим. Шўхрат, Шинелли йиллар.

**КАНДИДАТ** [р < лат] 1 Сайланиш, тайинланиш ёки бирор ташкilotга қабул қилиниш ва ш. к. учун белгиланган киши. СССР Олий Совети депутатлигига кандидат. Партия аъзолигига кандидат. — Сайловда кандидатлар сайлов округларидан кўрсатилади. «ЎзССР Конституцияси».

2 СССРда бирор фан бўйича диссертация ёқлаш асосида берилдиган кичик илмий даража ва шу илмий даражани олган шахс. Техника фанлари кандидати. Фалсафа фанлари кандидати. — У киши ишлайди, мен ўқийман. Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан. А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**КАНДИДАТЛИК** 1 Кандидат деган илмий даража ва шундай даражага эгаллик. Кандидатлик даражаси. Кандидатлик диссертацияси. Кандидатликка имтиҳон бермоқ. Кандидатлик минимуми фан кандидати деган илмий даражани олиш учун эгалланиши лозим бўлган билим ҳажми ва шу ҳажмда топшириладиган имтиҳонлар.

2 Аъзоликка қабул қилиниш учун синов муддатини ўтайдиган босқич.



Кандидатликка қабул қилмоқ. Кандидатлик карточкаси. Кандидатлик стажи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига киришда утиладиган синов мuddати.

**КАНДИДАТУРА** [р] Бирор лавозимга тайинлаш, бирор органга сайлаш ёки ташкилотга қабул қилиш учун номзоди кўрсатилган одам; номзод. *Делу-татликка ўқитувчимизнинг кандидатураси кўрсатилди.*

**КАНДИЛ** [р < грек] айн. кандил 2. **КАНИЗ** [ф-т] 1 Тутқин аёл; чўри. [Афанди:] *Энди менга бирмунча ходим, каниз, машаат анжомлари бера-сиз.* «Латифлар».

2 Хон, амир ва бошқа ҳукмдорлар саройидаги хизматчи аёл. *Шоир ҳарамдаги канизлардан бири билан алоқа боғлаган экан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**КАНИЗАК** [ф-т] тар. Ёш каниз. [Мажиддиннинг] хотини маликани, бутун канизаклари билан., ўз уйига чорлайди. Ойбек, Навоий.

**КАНИКУЛ** [р каникулы < лат] Ўқув юрларида ўқувчиларнинг дам олишлари учун махсус ажратилган машғулотлар тўхтатилган вақт. *Ёзги каникул.* Қишқи каникул. *Каникул кунлари.* — Шундай қилиб, бизни соғинтирган баҳор каникули келди. Х. Назир, Чўл хавоси.

**КАНИФОЛЬ** [р < грек] Игна баргли дарахтлар ширасидан олинадиган шивашимон мўрт модда (саноатда елимлаш, изоляция қилиш ашёси сифатида, камончага суртиш учун ишлатилади).

**КАНОП** 1 Поясидан тола олинадиган, баланд ўтсимон ўсимлик. *Каноп экилган майдон. Каноп фабрикаси.* | Шу ўсимликнинг толаси. || *Каноп ип. Каноп арқон.*

2 Шу толадан эшилган ип. *Қол оғзини каноп билан боғламоқ. Қоп-қанорни каноп билан тикадилар.* — *Қанопнинг бир учи катта ходага, иккинчи учи қамишларга боғланган, буларга ҳамма вақт катта балиқлар илинади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАНОПЗОР** Каноп экилган майдон.

**КАНОР(А)** [ф-т] эск. Қирғоқ; чет. *Бир дафъа саргардон йўл канорида, Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.* Миртемир. *Тог канораси ён бағир. Уч қиз йўл юрса ҳам мўл юриб, неча шаҳар, дарё, саҳролар ошиб ниҳоят бир тоғнинг канорасига етиб борибдилар.* «Эртақлар».

**КАНТАТА** [р < итал] Кўпинча оркестр жўрлигида хор ижро этадиган тантанали йирик музика асари.

**КАНТЧИ** Кантчилик тарафдори, Кант фалсафаси тарафдори.

**КАНТЧИЛИК** Немис философи Кант ва унинг издошлари томонидан яратилган идеалистик фалсафий оким.

**КАНЦЕЛЯРИЯ** [р < лат] Корхона ва муассасаларнинг идора ишларини олиб борадиган бўлими ва шу бўлим

жойлашган хона. *Канцелярия хизматчилари.*

**КАНЦЛЕР** [р < нем] Баъзи мамлакатларда олий давлат лавозими ва шу лавозимдаги амалдор.

**КАОЛИН** [р < хит] Чинни ишлаб чиқариш ва бошқа саноат тармоқларида ишлатиладиган ўтга чидамли чўзилувчан оқ лой.

**КАПА** [ф-т] Вақтинча яшаш учун дарахт шоҳлари ва йирик ўт-ўланлар билан ўраб қилинган хона, ёзлик уй; чайла. *Ҳамма ўзига қамишдан қапа қилиб олган.* С. Аҳмад, Одамнинг изи. *Баҳор ва ёз кунлари қапада кун ўтказиш мумкин-а, аммо қаҳратон қишда, айниқса кечалари, сира чидаб туриб бўлмасди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАПАКИ** 1 1 Пойафзалнинг тагчарми.

2 Эскирган, тешилган тагчарм устидан қопланадиган чарм, резина ва ш. к. *Чарм қапаки. Резина қапаки.* — *Унинг [Омонтойнинг] қапаки солинавериб тагчарми қалинлашиб кетган этигининг кўнжлари буқланиб чанг йиғилиб қолган.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**КАПАКИ** II [ф-т < а]: **капаки** (қилиб) отмоқ кафтга солиб оғзига отиб киргизмоқ (нос, толқон ва ш. к. ҳақида).

**КАПАЛАК** Икки жуфт ранг-баранг қаватли позик ҳашарот. *Капалак гулли соғинар, булбул куйини.* Мақол. — *Райҳонлар қад кўтариб, ҳид сочди, бирин-кетин очилган ранг-баранг гуллар устида капалаклар қанот қоқа бошлади.* А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ **Капалаги учди ҳазил** 1) жуда кўрқиб кетди. *Эртасига от оғриб қолса бўладими! Капалагим учиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) аччиғланди, ғазабланди. *Эркалиги ҳам майлига-я, буйруқни ёмон кўришадди, сал гапга капалаклари унади.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

**КАПИР** [ф-т] 1 Қуюқ овқатларни кавлаш ва сузиш учун ишлатиладиган, тешик-тешик япалоқ кафтли рўзгор буюми.

2 с. т. Соат маятниги. *Узун сариқ капирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соати узиб-узиб данғиллай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАПЕЛЛА** [р < лат] Сөзсиз ижро этиладиган ашула ва шундай ашулаларни ижро этувчи хор. *Хор капелласи.*

**КАПИЛЛЯР** [р < лат] махс. 1 Тешиги жуда ингичка найча. | Қилдан ингичка тешик, майда канал. *Тола капилляри. Тупроқ капилляри.* || *Капилляр каваклар.* Капилляр намлик тупроқдаги қисмон ингичка тешикларга тўпланган намлик, сув.

2 Энг майда қон томири.

**КАПИТАЛ** I [р < лат] 1 эк. Капиталистлар қўлида марказлашган ва ёланма меҳнатни, асосан ишчиларни эксплуатация қилиш йўли билан кўшимча қиймат ҳосил қилиш ва уни ўзлаштириш қуроли бўлиб хизмат қи-

ладиган воситалар мажмуи. *Саноат капиталли. Молия капиталли.*

2 Капиталистлар, буржуа синфи; капитализм.

3 с. т. Катта маблағ, кўп пул, бойлик.

**КАПИТАЛ** II. [р капитальный]: **капитал ремонт** тўла, бошдан-оёқ ремонт (қилиш). **Капитал қурилиш** халқ хўжалигининг кенгайишида, ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган қурилиш (мас., турар жой қурилиши, саноат қурилиши).

**КАПИТАЛИЗАЦИЯ** [р] эк. 1 Қўшимча қийматни капиталга айлантириш; кўшимча қийматнинг капиталга айланиши.

2 Капиталистик жамиятда мулкнинг қийматини ундан олинадиган даромадга қараб белгилаш.

**КАПИТАЛИЗМ** [р] Ҳамма ишлаб чиқариш воситалари ёлланган ишчиларни эксплуатация қилувчи капиталистлар синфининг хусусий мулки ҳисобланадиган ижтимоий тузум.

**КАПИТАЛИСТ** [р] Буржуазия жамиятида ҳоким синфининг вакили, ёланма ишчиларни эксплуатация қилувчи капитал эгаси. *Бу бир мамлакатки, унда ирк, синф, капиталист, судхўр йўқдир, ҳаммаси тор-мор бўлди ва одамлар у ерда социализм боғида бахт гуллини ўзадилар.* Ойбек, Нур қидриб.

**КАПИТАЛИСТИК** [р капиталистический] 1 Капитализмга ва капиталистларга оид ва уларга хос бўлган. *Капиталистик ахлоқ. Капиталистик ишлаб чиқариш усули. Капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари.*

2 Капитализм принципларига асосланган. *Капиталистик давлат. Капиталистик эксплуатация.*

**КАПИТАН** [р < фр] 1 СССР Қурули Кучларида старший лейтенантдан юқори, майордан кичик офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган офицер. *Гвардия капитани.*

2 Кема командири, кема бошлиғи.

3 Спорт командасидаги йўлбошчи.

◆ **Зангори кема капитани** пахта териш машиналарини хайдовчи механизатор.

**КАП-КАТТА** катта 2,3 с. илт. — *Ие,— деди Абдурасул ажабланиб.* — *кап-катта одам ёш боланинг гилини гапирасиз-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАПЛАМОК** с. т. Кафтлаб олмақ. *Толқонни каплаб емоқ.*

**КАПОТ** [р < фр] Турли механизмларнинг маълум қисмларини чанг, нам ва ш. к.дан сақлаш учун ишланган, очилиб-ёпиладиган темир қопқосғи. *Самолёт капоти.* — [Азизов] *капотни ёпиб, чаққонлик билан кабинага чиқди.* Ш. Топматов, Тонгдаги кўланка.

**КАППА-КАППА:** оғзини каппа-каппа очмоқ оғзини энтикиб-энтикиб катта-катта очмоқ. *Иссиқ бугун чакана эмас. Шундай салқинда ўтириб, худди сувдан чиққан балиқдай, оғзимни каппа-каппа очаман.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Каппа-каппа емоқ (ёки отмоқ)*

каппалаб емоқ, отмоқ. *Том устида пашмак-толқон, каппа-каппа есамми. Тарновлардан чак-чак оққан сувни шарбат десамми.* Х. Ғукубов.

**КАППАЛАБ** Оғзини катта-катта очиб ва оғзига кўп-кўп солиб. *То ҳай-ҳайлаб бормагунча [сигир] бир туп ғўзани кўсак-пўсаги билан каппалаб жигилдонига урди-қўйди.* Х. Назир, Бир туп ғўза.

**КАППОН** [ф-т] Дон, ғалла бозори. Ҳаммоликнинг ўнчинчи-ўн биринчи кунни бир мўйсафид киши [Йўлчиға] каппондан бугдой кўптартирди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Кимлар Чархипалак, каппон, томонга, кимлар беда бозори, хода бозорига шошади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КАПРОН** [р] Сунъий толанинг бир тури ва шу толадан тўқилган газлама. || *Капрон қўйлак. Капрон пайпоқ.*

**КАПСАН** I тар. Қишлоқ маъмурлари, руҳонийлари, шунингдек қишлоққа хизмат қилувчиларга (мас. сартарош, тегириқчи ва ш. к.га) махсулот, дон билан тўланадиган ҳақ.

2 эск. Хирмон кўтарилганда камбағалларга бериладиган садақа-сийлов. *Эшак миниб чўлма-чўл капсан йиққан чол, ҳозирги замон «Победа»сига тушиб юрипти.* И. Раҳим, Оловкор.

3 тар. Бозорда сотилган ғалладан олинган ҳақ.

**КАПСАНЧИ** тар. Капсан олувчи.

**КАПСУЛА** [р < лат] I Ютиладиган дориларнинг крахмал, желатин ёки қоғоз каби юпқа материалдан қилинган қобиги, ғилофчаси.

2 анат. Турли органларни ёки уларнинг айрим қисмларини ўраб олган парда.

◆ **Космик кема капсуласи** космик кеманинг ундан ажраладиган ва ерга ёки сувга қўниш учун мосланган бўлмаси.

**КАПСЮЛЬ** [р < фр < лат] Бирор нарсага урилиши билан тез ўт олиб, снарядни портлатиб юборадиган махсус найча. *Граната капсюли. Мина капсюли. Снаряд капсюли.*

**КАПТАР** [ф-т] Ранг-баранг тусли ва турли шаклли хонаки ёки ёввойи қушларнинг умумий номи. *Оқ каптар. Қўк каптар. Чин каптар.* — Яна қандай денг, энг йиқинчи, серпарвоз каптарларимдан ажралдим. А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ **Тинчлик каптари** тинчлик символ бўлиши оқ каптар.

**КАПТАРБОЗ** [ф-т] Каптар ишқибози, каптар боқувчи. *Бобоқул ота Қўзбойни тўхтатди: — Сен, болакай, қайтишида анави каптарбоз болани ҳам олдинга солиб келгин.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КАПТАРХОНА** [ф-т] I Каптарлар турадиган ин, уй. *Сўққабови маҳалла қоровули томига атайин каптархона қуриб, элик-олтмиштача каптар боқарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 с. т. *Кўча* Кирди-кичи кўп бў-

ладиган (ҳар ким кириб-чиқиб кетаверадиган) жой.

**КАР** [ф-т] Эшитиш қобилиятини йўқотган, эшитмайдиган ёки яхши эшитмайдиган; каркулоқ. *Ҳа, менга нима бўпти, эшитмай қулогим карми? Ойдин, Ҳикоялар.* || *Кўр тутганини қўймас, кар эшитганини.* Мақол.

**КАРАБЙН** [р < фр] Қисқа стволли милтиқ.

**КАРАВОТ** [р кровать] I Тўрт оёқли, устига кўрпа-тўшак солиб ётиладиган уй-рўзгор анжоми. *Шербек ҳовли ўртасидаги япасқи балх тут тагидаги каравотга ечинмасдан чалқанча ётди.* С. Анорбоев, Оқсой. Унинг [Зевонинг] каравоти ғирч-ғирчидан онанинг уйқуси ўчи кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Устида кўпчилик бўлиб ўтириш (баъзан ётиш) учун махсус ишланган, ёз кунлари ҳовли, чойхона ва ш. к. жойларга қўйиладиган махсус қурилма; сўри, кат. *Нури ғилослар остига қўйилган панжаралари кўк бўёқ билан сирланган катта ёғоч каравотга қалин кўрпача ёйиб, ёстиққа ёнбошлаб ўтирар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАРАИМ** қ. **караимлар.** *Караим тили.* || *Караим аёл.*

**КАРАИМЛАР** Украинада, Литвада ва Польшада яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи кичик бир элат.

**КАРАМ** I [ф-т] Поллиз экини, резаворнинг бир тури ва шу экиннинг барглари ўраמידан ҳосил бўлган боши, ҳосили. *Карам кўчати. Карам тузламоқ.* || *Карам шўрва. Карам дўлма.* — *Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб «пул» қилишга тиришар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАРАМ** II [а] кт. Марҳамат, мурувват, химмат. [Шоҳмурод:] *Тангрининг карамига сизгиниб, уларни Астробод томонига жўнатдим.* Худойим лутф қилса, бирон иш қилиб келарлар. Айний, Қуллар. *Меҳнатда бўлур аҳли замоннинг карами, Ҳам дабдабали тўю иморат, ҳашами.* Ҳабибий. **Карам қилмоқ** (ёки **айламоқ**, **этмоқ**) раҳм-шафқат, мурувват қилмоқ, сийламоқ. *Эй кўзлари, хуморим, Карам қил, бунча куйдирма, Куйди сабру қарорим, Дилим куйгунча куйдирма.* Т. Тўла.

**КАРАМЕЛЬ** [р < фр] I Конфетнинг шакар ва қиёмдан, хушбўй ҳидли ва рангдор модда қўшиб тайёрланган қаттиқ бир тури. *Нордон карамель. Карамель чеши.*

2 махс. Кондитер молларни рангдор қилиш учун ишлатиладиган қоворилган шакар.

**КАРАМЗОР** [ф-т] Карам экилган майдон, дала. *Йиқитлар, ғўё карамзор бошидаги дарахтларда тинмай сайраётган булбулга қулоқ солаётгандек, жим қолишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КАРАНТИН** [р < фр] I Юқумли касалларнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун шундай касал билан оғри-

ган ва улар билан алоқада бўлган кишиларни вақтинча бошқалардан ажратиб, медицина назорати остига олиш. *Карантинга қўймоқ. Карантин эълон қилмоқ.*

2 Юқумли касал тарқатган жойдан келган одам, транспорт воситалари ва молларни медицина кўригидан ўтказиш пункти.

**КАРАХТ** [ф-т] I Ҳис-сезгиси ўлик; ҳаракатсиз, қотиб қолган. *Назокатнинг.. карахт вужудида томирларга қон югургандек бўлди.* С. Аҳмад, Қадридон далалар. || — *Қўл майиброқ, ўғлим.. — деди чол Сидиқжонни хи-жолатдан чиқариб, — мана шу ўнг қўл карахт.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Қалби дод, дод, деб фарёд солар, амяо йиғлай деса, кўзига ёш келмади, сўзлай деса, тилига сўз келмади — вужуди карахт бўлиб қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. | Эс-хушини йўқотган, ҳушсиз. *Шарофат Анзират холининг остонасидан ичкарига қадам босганда, заҳарга тўлган чаёндек, ўз заҳаридан ўзи карахт эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Қиш уйқусидаги. *Карахт пашша. КАРАХТЛАНМОҚ* кам қўлл. **Карахт** бўлмоқ.

**КАРАШ** мед. Касалликдан тил устида пайдо бўладиган оқ қатлам. *Тил караш боғлаб қолган бўлса, яхшилаб артиш зарур.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**КАРАШМА** [ф-т] Бировга ёқиш учун гавда, айниқса юз-кўз билан қилинган нозли ҳаракат; қичиқ. *Карашма қилмоқ.*

**КАРАШМАЛИ** Ноз-карашма қиладиган; нозли; ноз-карашма билан ижро этилган. *Караשמали қиз. Караשמали ҳаракат.* — [Қиз:] *Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди, қўлимни қайтарманг!* — деди-да, йиқитларнинг кўнглини ларзага соладиган шўх, карашмали кулги билан кулди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАРБИД** [р < лат + грек] хим. Углероднинг баъзи металллар ёки металл-лоидлар билан бирикишидан иборат жуда қаттиқ, кристалл модда. *Кальций карбида.*

**КАРБОЛ** [р карболовый]: **карбол кислота** дезинфекцияловчи заҳарли суюқлик.

**КАРБОЛКА** [р] с. т. Карбол кислота.

**КАРБОНАТ** [р < лат] I хим. Кўмир кислотаси тузлари (мас. сода).

2 хим., геол. Таркибида углерод оксиди бўлган минерал.

3 махс. Бургилаш ва жилвирлашда ишлатиладиган қора олмос.

**КАРБОРУНД** [р < лат + ҳинди] махс. Кремнийнинг углерод билан бирикмасидан иборат жуда қаттиқ модда, кремний карбида.

**КАРБЮРАТОР** [р < фр] Ички ёнишли двигателларда ёнилғи бугдари билан ҳаво аралашмасини тайёрлаб берадиган асбоб.

**КАРВОН** [ф-т] 1 Узоқ жойларга юк ва одам ташувчи хайвонлар, аравадар ва уларни бошқарувчи шахслар тўдаси, қатори. *Савдогарлар карвони. Туялар карвони. Йт ҳуради, карвон ўтади.* Мақол. — *Биз ҳам, отам иккимиз, иккита нор туяни кира қилиб карвонга уландик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.] Узаро ёрдам ва хавфсизликни таъминлаш учун бирга қўшилиб йўлга чиққан йўловчилар, саёхатчилар тўдаси. *Қўшманчилар карвони.* — [Арабистон саҳроларида] ҳожилар якка-дуikka юришдан қўрқиб, карвон бўлиб юришар экан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.] Ҳар қандай транспорт воситаларининг тўдаси, қатори. *Автомашиналар карвони. Кемалар карвони.* — *Даланг қирғоғидан уқдай ўтар Пахталар юклаган чексиз карвон.* Ғ. Ғулوم. «Арава пойга»нинг гумбури, аравакашларнинг қийқириги, аёлларнинг «ёр-ёри» билан тўй карвони бораркан, қандайдир болалар, ўспиринлар юғуриб чиқиб, йўлга арқон солдилар. Ойбек, Қутлуғ қон. **Қизил карвон** пахта ва умуман қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини биринчи бўлиб давлатга топшириш учун йўлга чиққан, алвонлар, ширлар билан безатилган, тантана билан йўлга чиққан карвон.

2 эск. Карвонни бошқарувчи шахс; карвонбоши. *Қўшчилик лозим кўрса, карвон туясини сўяр.* Мақол.

3 с. т. Араваларда йўловчи ёки юк, мол ташиш билан шуғулланувчи шахс; аравакаш. *Шоюнус карвонда етти ўғил бор.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Оғир карвон қ. оғир.**

**КАРВОНБОШИ** 1 Карвон бошлиғи, карвонга бошчилик қилувчи. *Савдогарлар туяларини йиғиб, юкларини ортиб карвонбошига «тайёр бўдик» дейишибди.* «Эртақлар».

2 тар. Амирга қарашли туя, от, арава ва ш. к. турадиган саройнинг бошлиғи.

3 тар. Бухоро савдогарларининг бошлиғи.

4 тар. Юк хайвонлари ва араларни кира қилиш ишларида воситачилик қилувчи даллол.

5 қўлма Биринчи ўринда борувчи, бошида борувчи; етакчи, йўлбошчи; раҳбар.

**КАРВОНСАРОЙ** [ф-т] Карвонлар қўниши, тунаши учун махсус мосланган жой; сарой. *Карвонлар олиб келганини сотиб, оладиганини олиб ётди. Шу вақтда бир неча амалдор бож олмақчи бўлиб, карвонсаройга келиб қолди.* «Ёдгор».

**КАРВОНҚУШ** Ёз кунлари ярим кечада шарқ томондан кўринадиган кичикроқ юлдузлар тўдаси.

**КАРДИОГРАММА** [р < грек] Юрак уришининг кардиографда ёзиб олинган график тасвири.

**КАРДИОГРАФ** [р < грек] Юрак уришини ёзиб олувчи асбоб.

**КАРДИОГРАФИЯ** [р < грек] Кар-

диограф ёрдамида юрак уришини ёзиб олиш.

**КАРДИОЛОГ** [р < грек] Юрак касалликлари бўйича мутахассис, врач.

**КАРДИОЛОГИЯ** [р < грек] Медицинанинг юрак касалликларини ўрганадиган соҳаси.

**КАРЁТА** [р] Усти ва ёнлари ёпиқ тўрт гилдиракли енгил арава.

**КАРЖ** [ф-т] 1 Ковун ёки тарвуз тилимидан кўндалангига кесилган бўлаклар. *Энчил баковул дарҳол дастурхон ёзиб, энг олдин бир даста нон, кейин анжир, узум, карж қилинган қовун келтириб қўйди.* М. Осмон, Элчилар. *Алижон қўлида бир карж тарвуз ушлаган ҳолда бошини сарак-сарак қилди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 Дўппи таҳининг тўрт қисмга ажраладиган бўлақларидан бири.

**КАРЖЛАМОҚ** 1 Карж қилиб кесмоқ (қ. карж 1). *Мен ва бувим чайлада, Улатириб шу паллада, Сўйиб қилдик кўса ҳам, Каржлаб едик роса ҳам.* К. Ҳикмат.

2 махс. Каржларга, тенг тўрт қисмга ажратмоқ, тах урмоқ (қўпинча дўппи ҳақида).

**КАРЖЛИ** Карж чиқарилган, каржларга бўлингган. *Пастликдан, энг аввал, солдатча этигини судраб, тўрт каржли янги дўппи кийган Эраш кўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КАРИКАТҶРА** [р < итал] Киши ёки бирор нарсанинг селбий тсмонларини, характерли хусусиятларини атайлаб бўрттириб, кулгили ёки мазаҳ қилиб ишланган ҳажвий расм. *Тағига эса пашша қўриб ўтирган Садри ва Шоғзимнинг ваҳимали карикатураси чизилганди.* П. Қодиров, Уч илди.

**КАРИКАТУРАЧИ** Карикатура ишловчи rassom.

**КАРИЛЛАМОҚ** 1 айн. қарилламоқ. 2 қўлма. Ортиқ даражада мақтанчоқлик қилмоқ, ортиқ даражада мақтанмоқ. [Сарқор:] *Менинг ҳаммадан ҳам укам Маматхонга раҳим келади. Қариллаб юрган йигитнинг ёру оғайнилари орасида шохи қайрилди-я.* Яшин, Нурхон.

**КАРИХ** [а] эск. кт. Қўнғил айни-тадиган; жирканч, ёқимсиз. *Тунқотарнинг карих бу муқобаласидан кишилар сиқилиб қолдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**КАРК** [ф-т] с. т. Каркидон. *Чорҳоким эмасман, Чамбилгадир хон, Азаматга бердим карк тери қалқон.* «Равшан».

**КАРКАС** [р < итал] махс. Иншоот ёки қурилманинг металл ёки ёғоч синчлари, скелети. *Темир-бетон каркаси.* || *Каркас бино.*

**КАРКИ** [ф-т] Каркидоннинг шохи, суяги ёки терисдан қилинган. *От думига солаберди бек Раёшан, Ун икки узмалли карки қуошқон.* «Равшан». **Карки қалқон** каркидоннинг терисдан қилинган қалқон. **Карки пичоқ** 1) сопи, дастаси каркидоннинг суяги-

дан ёки шохидан қилинган пичоқ; 2) умуман суяк сопли пичоқ. *Усмонали ака.. қўлидаги тол новдасини карки пичоқ билан йўғиб, унинг гапларига диққат билан қулоқ солар эди.* С. Ахмад, Чўл шамоллари.

**КАРКИДОН** [ф-т] Тоқ тўёқли сут-эмизувчиларга маъсуб, битта ёки иккита шохли бор, териси қалин, бахайбат катта хайвон; ўсимликлар билан овқатланади.

**КАРМАК** Терини сшлаш учун ишлатиладиган таннин моддали илди.

**КАРМОН** [р карман] 1 Пул солиш учун махсус (одатда чармдан) иппиланган халтача; ҳамён. [Мирзақаримбой] *кармондан беш сўмлик қоғоз олиб, сандалга қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 қўлма с. т. Чўнтак; пул. *Ҳар кимнинг кармони ўзига маълум.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Кармон кўтармайди** пул кам, пул етмайди.

**КАРНАВАЛ** [р < итал] Маскарад кийимларида, турли томошалар, ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган оммавий сайил. *Шаҳар боғларида кўноқ карнаваллар бўлиб ўтди.*

**КАРНАЙ** [ф-т] 1 Мисдан ясалган, узун, оғзи кенг пуфлаб чалинадиган қаттиқ овозли музыка асбоби (одатда тўй ва катта тантаналарда чалинади). *Кўёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига кўркам олтин жиға қўндириб, ҳавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Шу асбобга бирор жиҳатдан ўхшаш бўлган нарса. *Самовар карнайи.*

◆ **Иштахаси карнай с. т.** истеъмоқ қилиш, ўзлаштириш ёки фойдаланиш учун истаги, майли жуда зўр. *Унинг [Муроднинг] дастурхонни ҳам еб қўйгудай иштахаси карнай бўлса ҳам, овқат аралаш ганини қанда қилмас эди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**КАРНАЙГУЛ** [ф-т] Чирмашиб ўсадиган ўсимлик ва унинг карнай шаклида очиладиган гули.

**КАРНАЙЧИ** Карнай чалувчи. *Фақат ғижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «тақ» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Ахмад, Музикали воқеа. **Карнайчидан бир пуф** ҳеч оғирлик қилмайди, оғзининг ели билан биттади каби маъноларда ишлатиладиган матал.

**КАРНИЗ** [р < грек] 1 Бино деворининг устки қисмида ёки эшик, дераза устида горизонтал ҳолдаги чиқиқ қисм.

2 Шип, бўғот сстидаги тахта, ёғоч ёки ганчдан қилинган узун горизонтал безак; пирамон.

3 Дераза ёки эшик тепасида парда осиш учун ёғоч ёки металлдан қилинган дор.

**КАРОМАТ** [а] 1 дин. Бирор воқеа-ходисанинг қачон ва қандай бўлишини олдиндан билиш, олдиндан айтиб бериш, хабар қилиш; башорат. *Каромат ногорачиларда бўлади. Қўшинининг хотини туғса, эрталаб қоғора*

овозидан биласан. Т. Обидов, Юсуф-жон қизик.

2 эск. Олдиндан айтилган хабар, фикр-мулоҳаза. *Кароматингиз жуда тўғри. Каромат қилмоқ* 1) олдиндан айтмоқ, олдиндан билиб башорат қилиб айтиб бермоқ. *Агар шаҳардаги қўл берган донишманд пирум келиб: «Хой Мадамин, бир кун эмас, бир кун амалдан ажраб, халқ олдида бўйин эгасан»,— деб каромат қилса, пир бўлишига қарамай, қамчи билан роса савалардим.* П. Турсун, Уқитувчи; 2) олдиндан хабар бермоқ, фикр билдирмоқ.

3 Каромат (эркаклар ва хотин-қизлар иси).

◆ Каромат кўрсатмоқ с. т. ажабланидиган ёки қойил қоладиган иш қилмоқ, муъжиза кўрсатмоқ. *Уқиб нима каромат кўрсатардингиз, болам? Жуда шаҳар олиб берармидингиз? М. Жалолдинова, Журъат.*

КАРОМАТЛИ дин. Ғойибдан хабар берувчи, олдиндан айтувчи, каромат қилувчи. *Махсум асл эшонзодалардан-ку, кимсан кароматли Эшонбобонинг фарзанди! Тил тегизиб бўлар эканми унга!* С. Анорбоев, Оқсой.

КАРТОҒИН [р < лат] Кўпроқ сабзи, тухум сариғи, сут ва ш. к. да бўладиган, деярли ҳамма ўсимлик таркибида учрайдиган сариқ-зарғалдоқ рангли молда.

КАРП Тангали балиқларнинг бир тури, зогора балиқ.

КАРРА [а] Саноқ сонлар билан бирга қўлланиб, ҳаракатнинг такрорланиш даражасини билдиради; марта. *Етилмоғи учун у сингари зот.. Баҳор юз карра гул очмоғи лозим.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Саидғози, сўзим маъқулми, дегандек яна бир карра кабинетдагиларни кўзи билан сузиб чиқди.* Анорбоев, Оқсой.

КАРАЛИ: каррали сон мат. маълум бир сонга қолдиқсиз бўлинадиган сон.

КАРСИЛЛАМА Тишлаганда карсиллайдиган; куврак. *Карсиллама олма.*

КАРСИЛЛАМОҚ Тишлаганда карс-курс товуш чиқармоқ (куврак нарсалар ҳақида).

КАРСИЛЛАТМОҚ карсилламоқ *фл. орт. н.— Бир оз ковлагандан кейин битта-иккитадан сабини этакка артиб, тозалаб карсиллатиб маза қилиб еб олдиқ,— деди Шум бола.* Ғ. Фулом, Шум бола.

КАРС-КУРС тақл. с. Куврак нарсаларни чайнаганда чиқадиган товуш ҳақида.

КАРТ: карт думба тақл. с. думбанинг (думба ёғининг) ўзи.

КАРТА [р] 1 Ер сатҳининг қоғоз, тахта каби тексликка чизилган шартли тасвири. *Географик карта. Маъмурий-сиёсий карта. СССРнинг физик картаси.* — Кабинетнинг бирдан-бир безаги деразаларнинг ўртасидаги ён деворга осилган қишлоқ совети ерла-

рининг картаси эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 қ. х. Ернинг, даланинг алоҳида яхлит бўлаги, бир бўлак дала. *Трактор бригадаси бугун Ширинбулоқ участкасидаги сўнги карталарнинг шудеорини тамомлайди.* Й. Шамшаров, Орзигул Тўрабоева.

КАРТЁЛЬ [р < фр] эск. Капиталистик монополиянинг бир формаси: йирик корхона эгаларининг бозорда танҳо ҳукмдорлик қилиш, кўп фойда олиш мақсадида тузган бирлашмаси.

КАРТЕР [р < ингл] тех. Механизмни тутиб турадиган, чаг-тупроқ ва шикастан сақлайдиган металл қоробка.

КАРТЕЧЬ [р < поляк] 1 Ичи юмалоқ питра билан тўлдирилган, яқин масофадаги душманини қириш учун мўлжалланган артиллерия снаряди. *Тўпга картечь солиб отмоқ.*

2 Ов милтиғи учун йирик сочма ўқ, йирик питра.

КАРТИНА [р] с. т. Кинофильм, кинокартина. *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда [мактаб саҳнида] картина қўйиб берар эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

КАРТОГРАММА [р+грек] Муайян ходисаларга оид статистик маълумотлар график равишда тасвирланган карта. *Аҳолининг зичлиги картограммаси.*

КАРТОГРАФ [р+грек] Картография мутахассиси, географик карталар тузувчи, чизувчи мутахассис.

КАРТОГРАФИЯ [р+грек] Географик карталар тузиш ҳақидаги фан ва шундай карталар тузишнинг ўзи.

КАРТОН [р < итал] Махсус ишланган қалин, қаттиқ қоғоз. || *Картон муқова. Картон папка.* — *Уячани фанердан, картондан икковимиз ясардик-у, аммо инни дарахтага ўзим осиб тушардим.* А. Мухиддин, Чап чўнтак.

КАРТОТЕКА [р+грек] 1 Маълум бир нарасга, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва системага солинган карточкалар мажмуи. *Кутубхона картотекаси. Луғат картотекаси.*

2 Шундай карточкалар солинган яшиқлар, жой, бўлим. *Картотека фонди.*

КАРТОЧКА [р] 1 Қалин қоғоз ёки картондан тўрт бурчак қилиб кесилган, бирор маълумот, хабар ва ш. к. ёзиб қўйиладиган варақача. *Карточкага мисол олмоқ.*

2 Кичкина картон қоғоз, билет шаклидаги гувоҳнома, хужжат. *Визит карточкаси.* — *Муродова ёш коммунистларга партия билети ва кандидатлик карточкаларини топшираётган эди.* И. Рахим, Ихлос. | *Озиқ-овқат ёки бошқа нарсалар тақсимоти нормалаштирилган вақтда шу нарсаларни олиш ҳуқуқини берадиган, кесиб олинадиган талони бор бланка. Қирқ учинчи йилда озиқ-овқат карточкалари тарқатадиган идорада унинг бир тоғаси ишлар эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

3 Кичик размерли фотосурат, кичик фотокарточка.

КАРТОШКА [р] Сабзавот ўсимликлардан бири ва унинг илдизида пайдо бўладиган овқат учун ишлатиладиган ҳосили. *Картошка пояси. Картошка эжмоқ.* — *Экинлар жуда соз. Айниқса картошка билан сабзи мўл ҳосил беради.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Мастира:] *Хай, Тожи! Шўрванг нима бўлди? — [Тожи:] Картошкани солдим. Ҳамза, Яллацилар иши.*

КАРТОШКАГУЛ [р+ф-т] Илдизида картошкасимон тугунаги бўладиган узун пояли, йирик ранг-баранг гулли декоратив ўсимлик.

КАРУСЕЛЬ [р < фр] Ўтирадиган жойлари от, айиқ, шер, қайиқ ва ш. к. шаклларида бўлиб, доира бўйлаб айланадиган қурилма. *Пастликда.. катта карусель.. Майсазор тўла бола-бақра, қий-чув.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

КАРЧ [ф-т] айн. карж. *Ковун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаш бир қарни оғзига солди-ю, мазасига қойил бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КАРЧЛАМОҚ айн. каржламоқ.

КАРҚУЛОҚ Эшитиш қобилияти йўқ; кар. *Мен ундан [бойдан] тўғри ҳисоблашни илтимос қилиб ялинардим, у карқулоқ ва соқовдек ғўдайиб тураверарди.* И. Рахим, Ҳаёт бўлоқлари.

КАРҚУР Товуқсимонларга мансуб катта ўрмон қуши.

КАС [ф-т] диал. Одам, киши. *Дўст йиғлатиб, душманимни қулдирма. Бу сиримни ҳеч бир касга билдирма.* «Зульфизар билан Авазхон».

КАСАБА [а:] касабасоюз ишчи ва хизматчиларни меҳнат сохалари бўйича бирлаштирувчи ва улар манфаатини ҳимоя қилувчи оммавий ташкилот.

КАСАЛ [а] 1 сфм Организмнинг нормал фаолияти бузилган, касалликка йўлиққан, оғриган; бетоб. *Касал киши. Касал от.* — *У ҳаддан ташқари хо-муш, касал товуқдай қанотлари осилган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Шарофат яна кўзига ёш олди.. Нуқул «қанотим синди» деб йиғлайди.. Ушандан бери бир кун соғ бўлсалар, уч кун касал.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Организмнинг нормал ҳолати бузилган киши, касалликка йўлиққан, оғриган киши; хаста, бемор. *Касални парварши қилмоқ. Касални кўреани бормоқ.* — *Сотиболдиннинг хотини оғриб қолди. Сотиболди касални ўқитди — бўлмади, табибга кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Ниора.. эғизга оқ халат кийди, термометр билан виштиш трубкасини чўнтағига солиб, касаллар олдига кириб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Организм нормал фаолиятининг, саломатлигининг бузилган ҳолати, касаллик. *Юрак касали. Касалга учрамоқ. Касалнинг олдини олмоқ.* — [Тоҳиржон] *яна у касали ҳақида табиблар, дорилар тўғрисида сўзламоққа*

бошлади. Ойбек, Кутлуғ қон. Касалдан турмоқ қ. турмоқ 4.

4 *қўйма* Терк этиб бўлмайдиган, суюкка синган одат.— Сағвани яши кўрасизми? — сўради Уктам қизиқиб. — Отадан қолган касал бу,— кулиб жавоб берди Йўлдошев. Ойбек, О. в. шабадалар.— Бу [амали суишестемол қилиш] Тожибойнинг йўракда теккан касали,— деди Абдурасул. П. Турсун, Уқитувчи.

5 Қамчилик, иллат.

6 *қўйма* Орзу-истак, иштиёқ, дард-илинж. Узинг айт, агар менга шу касалингни бир оғиз билдирсанг, мен қайин отанга хат ёзмамиз эдим. А. Қодирий, Утган қулар. | дағал Иш, ташвиш, ғам. Қўриб олганингиз менми ҳаммангизнинг, сизларнинг мендан бўлак касалларингиз йўқми? Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

7 *қўйма* Бахтсизлик, муваффақиятсизлик сабаби; касофат. Ҳамма касал шундаки, сиз халқ кучига ишонмайсиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ *Чўнтак* (эки ҳамён) касал чўнтакда пул йўқ, ҳамён куруқ.

**КАСАЛВАНД** [а+ф-т] с. т. Касалманд. [Наби:] Гапиринг тақсир, менинг ўғлим нима гуноҳ қилди? Узи мардикорликдан яқинда келди, унинг устига касалванд. А. Раҳмат, Абдулла Набиев.

**КАСАЛЛАНМОҚ** Бирор касал билан оғримоқ, касалга чалинмоқ.

**КАСАЛЛИК** 1 касал 1—5 с. белги оти. [У] аҳнда қизил, чойхонага чиқиб қолса, рўпара келган одамга касаллигидан, умри оз қолганидан ҳасрат қилар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Организм нормал фаолиятнинг, саломатлигининг бузилиши; дард, оғриқ, хасталик. Юқумли касаллик. Упка касаллиги. Усимлик касаллиги. Вилт касаллиги. — Шўро медицинасининг асоси — касални тўзатиш эмас, касалликни тўзатиш, яъни унинг сабабларини йўқотиш-ку! А. Қаҳҳор, Сароб. Мариянинг бахтисга қарши амаки сил касаллигига учраб шидан қолди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**КАСАЛМАНД** [а+ф-т] Тез-тез касал бўлиб турадиган; дардчил. Азадан касалманд Башират хола эрининг ўлимидан кейин яна ҳам қийналиб қолди. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.— Поччам эликдан ошган, новча, касалманд, рангпар,— дейди Мусавой. Ойбек, Болалик.

**КАСАЛНАМО** [а+ф-т] Касалга ўхшаш кўринадиган. Урта бўйли, тўла, лекин кенг юзининг ёғишлари сарғайиб, солқиб тушган элик саккиз ёшларда бўлган касалнамо хотин аста-аста юриб келаверди. Ойбек, Кутлуғ қон.

**КАСАЛХОНА** [а+ф-т] Касалларни мунтазам кузатиш ва даволаш учун жойлаштирилган муассаса; шифохона. Мастура Алиева саккиз ойдан бери палатасидан чиқмай ётган оғир хаста, уни касалхонада ҳамма билар,

қўп киши кириб кўрган экан. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**КАСАНА** [ф-т] эск. Ёлланган хунарманд — косиб томонидан уйда тайёрланадиган нарса ва шу тартибда ишлаш.

**КАСАНАЧИ** эск. Ёлланиб уйда ишлайдиган хунарманд-косиб.

**КАСБ** [а] Иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; хунар. Бу киши ўзлари ҳосилот, касблари агроном, кечки мактабда муаллимлик ҳам қилдилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Касбим тўқувчилик, Шоқирбек. А. Қодирий, Утган қулар. | салб. Умуман одат қилинган иш; одат. Фойдаҳўрлик — тан-суягингизга сингиб кетган касбингиз. Х. Гулом, Машъал. Хотинини қўшиб амал олиш у сизнинг касбингиз, минбоши! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Касб этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) эга бўлмоқ, эгалламоқ. Аҳалият касб этмоқ. — Фавқуллода даҳшат касб этган унинг (Отабекнинг) кўзлари қаршисида кўрбошининг гуноҳкор кўзлари чидай олмадилар-да, эрга боқдилар. А. Қодирий, Утган қулар; 2) ифода-ламоқ. Дарахтлар оёидинда ажойиб бир манзара касб этмоқда. — Уйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсунчиби йўргали кетди. А. Қодирий, Утган қулар.

**КАСБДОШ** [а+ф-т] Бир хил касб-ли, бир касбдаги; шерик. Хат уни [Михайловни] ўз ораларидан ишга юборган.. ишчилар коллективидан, касбдош дўстларидан экан. П. Турсун, Уқитувчи.

**КАСБИЙ** [а] Касб-хунарга оид. Касбий манфаат. Касбий касаллик.

**КАСБ-КОР** [а+ф-т] Умуман касб, хунар; машғулот, иш. Эндликда.. бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишга, касб-корига сабаби тирикчилик, деб қарамайди. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**КАСИР-КАСИР** айн. касир-кусур. **КАСИР-КУСУР** тақл. с. Куруқ ва мўрт нарсаларнинг синишдан чиқадиган товрушни билдиради. Касир-кусур чайнамоқ.

**КАСИРЛАМОҚ** Касир-кусур овоз чиқармоқ.

**КАСИРЛАТМОҚ** касирламоқ *фл.орт.* н. Бектемир бақуват тишлари билан қандни касирлатиб, устидан нонни тушира бошлади. Ойбек, Куёш қораймас.

**КАСКА** [р < фр] Ҳарбий хизматчи, ўт ўчирувчилар ва ш.к.нинг металлдан ишланган бош кийими. Кейин. каскасининг ёнидан визиллаб ўқ учди. Ойбек, Куёш қораймас.

**КАСКАД** [р < фр] *тех.* Ўзаро боғланган бир қанча иншоотлар, механизмлар, қурilmалар туркуми. Гидроэлектростанция каскади бир дарё оқимида бир-биридан маълум масофада жойлашган, умумий сув режими билан ўзаро боғланган бир неча гидроэлек-

тростанция. Чирчиқ ва Бўёқ гидроэлектростанциялари каскади бир дарёдаги 16та электростанциядан иборат. «Ўзбекистон ССР иқтисодий географияси».

**КАСОД** [а] 1 Талаб ёки харидор йўқлиги туфайли сотилмай туриб қолган. Шу ойда [рамазон ойида] барча дўкандорлар то саҳаргача савдо-сотик қилар,.. касод молларни кечалари пуллар эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. Бозор касод молга харидор йўқ, мол ўтмаяпти.— Хурмача тузук ўтмаяпти-ю, тоғораларнинг бозори касод,— деб жавоб берди Қулмуҳаммад. Мирмуҳсин, Касод.

2 фольк. Касофат, зарар. Уйқунинг касоди кўпдир кишига Бувушим, ғафлатдан кўтар бошингни! «Равшан».

**КАСОФАТ** [а] 1 сфм Ёмон оқибатга олиб борадиган, бахтсизлик (зиён, захмат) келтирадиган. Касофат иш. — Шира кўп касофат нарса, ғўзининг ёш бареларига ёпишдимми — уни бузмайтириб қўяди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 от Ёмон оқибат, бахтсизлик, фалокат. Яхшининг — шарофати, ёмоннинг — касофати. Матал. Очлик касофатидан она-бола дунёдан кетди. С. Исмоилзода, Темур. Ҳамма касофат Шербекда. С. Анорбоев, Оқсой. Бировнинг касофатига қолмоқ бирвнинг айби туфайли фалокатга йўлликмоқ, бахтсиз бўлмоқ. Бу орада қизим шўрлик унинг касофатига қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | сфк. Ёмонликка етакловчи, ёмон оқибатларга сабаб бўладиган киши, ёмон киши. Нима дейсан? Ана, бир зумда касофатларнинг дамига илиндинг? Чиқ уйга! Чиқ дейман сенга. С. Зуннунова, Гулхан. Сен замонни тушунсанми, ўйлаб қара, агар шу хом қовоқда миянг бўлса, ишглама, касофат. Ойбек, Кутлуғ қон.

**КАСОФАТЛИ** Бахтсизлик, фалокат келтирадиган. Касофатли қора ўтмишда Сожидда хола тўнғич ўғлидан ана шундай қилиб ажралган эди. Ф. Расул, Тўнғич ўғил.

**КАСР I** [а] *мат.* 1 Бирликнинг қисмларидан ташкил топган сон. Оддий каср. Унли каср. Узлуксиз каср. Тўғри каср. Аралаш каср. || Каср сон. Каср қолдиқ бирга етмайди, бирдан оз бўлган қолдиқ.

2 эск. айн. қолдиқ 4. Ун олтини учга бўлса, битта каср қолади.

**КАСР II** [а] Ўзганинг айби билан бўладиган ёмон таъсир, ярамас оқибат; касофат. Фарҳоднинг тоғ қазишини Алишер Навоий тасвирлаб байт ёзган эди, шуни келтира олмадим. Уқимаганликнинг касри шу-да. Ойдин, Ширин келди. Менга касрнинг тегди сен туфайли мен зиён-захмат кўрдим. [Бировнинг] касрига қолмоқ бирвнинг касофатига қолмоқ.

**КАСРЛИ** *мат.* Бирга етмаган миқдорли (қолдиқли), ёнида касри бор. Касрли сон.

**КАССА** [*p* < итал.] 1 Пул, қимматбаҳо қоғозлар сақланадиган пул сандиқ, қути, шкаф.

2 Муассаса, корхоналарнинг пул қабул қилиш, пул бериш, билет сотиш ва ш. к. билан шуғуланувчи бўлими.

3 Пул билан иш юритувчи, муомала қилувчи айрим муассаса ёки ташкилотларнинг номи. *Омонат касса. Ҳазор ёрдам кассаси.*

4 Муассаса, корхона ва ш. к. даги бор пул. *Кассани топишмоқ. Кассани қабул қилмоқ.*

**КАССАЦИЯ** [*p* < лат.] 1 юр. Суд ҳукмидан норози бўлиб, ишни қайта кўриш тўғрисида юқори суд органларига шикоят қилиш усули. Суд ҳукмини қайта кўриш ҳақидаги ариза. *Кассация муддати. Кассация аризаси бермоқ.*

2 Конституция ёки сайлов қонунига хилоф равишда бузиб ўтказилган сайловни бекор қилиш.

**КАССЕТА** [*p* < фр.] Фотопластинка ёки фотоплёнка солинадиган, ёруғлик ўтказмайдиган сурма қопқоқли маҳсус қутича.

**КАССИР** [*p*] Пул ва қимматбаҳо қоғозларни қабул қилиш, бериш, билетлар сотиш ва ш. к. ишларни бажарувчи ходим.

**КАССИРЛИК кассир с. қасб оти.** Салоҳиддин *кассирлик ишига Ёқубжоннинг ёрдами билан кирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**КАСТА** [*p* < порт.] Ҳиндистон ва баъзи шарқ мамлакатларида ўз аъзоларининг насаби, ҳуқуқи, урф-одатлари ва касбига қараб алоҳида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ, табақа, тоифа. *Қоҳинлар кастаси. Каста урф-одатлари.* — Ҳиндистонда турли тоифалар, касталар, *чуноччи, қоҳинлар, аскарлар ва деҳқон касталари бор эди.* «Янги тарих».

**КАСТОР** [*p* касторовый]: кастор мой айн. касторка.

**КАСТОРКА** [*p*] Канакунжутдан олинадиган мой, канакунжут мойи (сурғи дориси сифатида ишлатилади).

**КАСТРЮЛЬКА** [*p*] Одатда цилиндр шаклида бўладиган, икки банди, қулоғи ва қопқоғи бор, асосан, овқат пишириладиган металл идиш.

**КАТ** [*ф-т*] диал. Кенг ёғоч қаравот. — *Келинг, келинг, Тўғрай, катга чиқинг, — деди кампир мулозамат қилиб.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАТАК** [*ф-т*] 1 Парранда ёки айрим жониворлар туриши учун маҳсус ишланган уйча, бўлма. — *Товуқларга.. — деди Уринжон секингина, — каткак солдим-да. Товуқларингиз кўк пилларни каллаклаб ташлабди.* Ойдин, Ўзин монанд.

2 Нарса юзасига ишланган, туширилган тўртбурчак; шундай тўртбурчакларнинг бири. *Шаҳмат катаги.* || *Каткак кўйлак. Каткак дафтар.* — *Азимов қора фарзинни қўлида бир оз ушлаб туриб, шахматнинг оқ катагига та-*

*қиллатиб урди-да, кшаҳ» деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Кичик-кичик бўлимлар, уялар, тешикларнинг бири. *Ари уясининг катаги.* — *У вестибюлга кириб ранг-баранг эълонлар осиглик доска ёнидан ўтаётганда чапга, ари уясидай сертоқча почта катагига қаради.* П. Қодиров, Уч илдиш. | Бурун катаги, буруннинг ташқи тешиги. [*Шокир отанинг*]. — *қайрилиб тушган, катаклари кенг, бесўнақай қайроқ бурни учида тер томчилари ялтирар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КАТАКЧА** Кичик каткак. *Шипи шарқча нақидор уй.. Токчалар қадимча — ганчдан ишланган қат-қат каткакчалардан иборат.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Бир нав қилиб пезад томига чиқасиз ва юк қўятурган каткакчаларнинг бирида жойлашасиз.* «Муштум», 1924, № 12

**КАТАЛАК** Каткакдай кичик, кўримсиз уй, хона. *Бору йўқ уйларини банда байн гар қилсам: Бир каткак, икки калпа, уч олачүк, тўрт каталак.* Махмур. *Каталак дўкончада бобом, икки тоғам, тўртта халфа маҳси тикар эди.* Ойбек, Болалик.

**КАТАЛИЗ** [*p* < грек.] хим. Катализатор таъсирида химик реакциянинг тезланиши ёки сусайиши.

**КАТАЛИЗАТОР** [*p*] хим. Химик реакцияни тезлатадиган ёки секинлатадиган, аммо ўзи ўзгармай қоладиган модда.

**КАТАЛОГ** [*p* < грек.] Бир турдаги нарсаларнинг (китоб, қўл ёзма, музей экспонатлари ва ш.к.нинг) маълум алфавит тартибда тузилган рўйхати. *Кутубхона каталоги. Техникага доир адабиётлар каталоги. Юлдузлар каталоги.*

**КАТАПУЛЬТА** [*p* < грек.] 1 Самолёт ва космик кема аварияга учраганда ундан учувчи ёки космонавтни ажратиб, чиқариб юборадиган мослама. 2 Кемадан самолёт учирини учун қурилган мослама.

**КАТЕГОРИЯ** [*p* < грек.] 1 филос. Моддий дунё ҳодисаларининг умумий хусусияти ва алоқаларини ифодаловчи тушунча. *Замон категорияси. Сабабият категорияси.*

2 Илмий терминологияда: предмет турларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча. *Грамматик категориялар. От категорияси. Эгаллик категорияси.*

3 Бир хил нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи; даража, разряд.

**КАТЕГОРИЯЛИ** Бирор категория, даража, разрядга эга. *Биринчи категорияли шахматчи.*

**КАТЕР** [*p* < ингл.] Катта пароходларнинг қирғоқ билан алоқа қилиб туриши учун хизмат қиладиган эшаккали ёки моторли кичик кема. | ҳарб. Ҳарбий-денгиз флотига ёрдамчи вазифаларни (десант тушириш, миналарни қидириб топиш) бажарувчи жанговар

кема. *Соқчи катер. Торпедалар ташиувчи катер.*

**КАТЕТ** [*p* < грек.] мат. Тўғри бурчакли уч бурчакнинг тўғри бурчак ҳосил қилган томонларидан бири.

**КАТОД** [*p* < грек.] физ. Манфий зарядланган электрод; акси анод.

**КАТОЛИК** [*p* < грек.] Католицизм маъзабидаги киши, католицизмга эътиқод қилувчи киши.

**КАТОЛИК** [*p* католический] Католицизмга оид; католицизм маъзабидаги. *Катolik аёл.*

**КАТОЛИЦИЗМ** [*p* < грек.] Христиан динининг Рим папаси бошчилигидаги маъзаби.

**КАТОРГА** [*p* < грек.] Чор Россиясида ва буржуа мамлакатларида сургун қилиш, жуда оғир шароитда ишлатиш ва қамашдан иборат жазо чораси ва шундай жазо жойининг ўзи. *Қаторгага юбормоқ.* — *Тўғқиз кишини йигирма йилдан каторгага — оғир ишга ҳукм қилибдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. | Умуман оғир меҳнат ва чидаб бўлмайдиган даражадаги оғир ҳаёт ҳақида.

**КАТТА** 1 Ҳажми, ўлчами нисбатан ортиқ; улкан. *Катта шаҳар. Катта ҳовли. Катта дарё.* — *Трактор кесилган катта дарахтларнинг тўнқасига занжир боғлаб тортар, арра, болта кўтарган одамлар буларни кесиб, қирқиб арваларга юклашар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Уроз қаердандир катта тарвуз келтириб ўртага қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Сон, миқдор жиҳатдан ортиқ миқдорли. *Катта қўшин. Катта оила. Катта коллектив.*

2 Ёш жиҳатдан улуғ, ёши ортиқ. *Катта ўғил. У мenden катта.* — [*Юсуфбек ҳожи:*] *Ойим, ҳар нима, сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Катта хотин этн.* биринчи, бош хотин. | Улғайган, балоғатга етган, ақли кирган, ақлли. *Катта қиз. Катта ёшбоғ болалар. Катта қилмоқ* боқиб ёки парвартиш қилиб ўстирмоқ, вояга етказмоқ.

3 От Ёши катта киши; қари, кекса. *Каттани ҳурмат қил. Катталар гапига қулоқ сол. Каттани кесиб кичкина қилган* кекса кишиларнинг гапини гапирадиган ёш бола ҳақида.

4 Даражаси, кучи юқори; буюк, зўр. *Катта ғалаба. Катта маҳорат. Катта тортишув.* — *Бу китобни ўнга кечаси катта қизиқши билан қўлга оларкан, эри Абдуллабой келиб қолиб, [китобни] қўлидан йириб слади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Аҳамияти юқори, муҳим аҳамиятли, жиддий. *Катта масала. Катта вазифа.* — *Болтабой кечки овқатдан кейин келди. У жуда катта ишни битириб келгандай оғзи қулоғида бўлиб, нуқул цемент тўғрисида.. цементлаб қилинган тўғон қанчалик пишиқ бўлиши ва ҳоказолар тўғрисида гапирар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.



5 Хизматдаги мартабаси, унвони, даражаси жиҳатдан (бошқага нисбатан) юқори. *Катта илмий ходим. Катта лаборант.* | *кўйма* Кўзга кўринган, атоқли, машхур. *Катта олим. Катта артист.* — Абдурахмоннинг амакилари.. Бухорода катта муаррислардан саналар эдилар. А. Қодирий, Меҳрб-дап чаён.

6 *от* Юқори лавозимдаги амалдор, раҳбар, бошлиқ. *Шаҳарнинг катталари.* — [Тожибой:] — Э, нодон.. Менга тегсанг жон-жон демайсанми? Бир юртнинг каттаси бўлсам. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Одамлар тамом йиғилган бўлсалар ҳам, катталардан дарақ йўқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўзини катта олмоқ* (ёки *тутмоқ*) амал, даража ёки билим жиҳатдан ўзини бошқалардан устун қўймоқ, мағрурланмоқ, кеккаймоқ.

◆ *Катта арава қаёққа юрса кичиги ҳам шу ёққа юради* ёшлар, тажрибасизлар катталардан, тажрибали, обрўли кишилардан ўрнак олади деган маънода ишлатиладиган ибора. *Катта бошини* (ёки *ўзини*) кичик қилиб ёшининг катталиги, амали-мартабаси ёки давлатига қарамай, ўзини катта олмай; камтарлик билан. *Марғилон деган шаҳардан катта ўзини кичик қилиб қизи ила келаётган Мирзакарим акага ўғлининг ҳўрлик келтиришидан чўчиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Катта оғиз ёки оғзи катта қ. оғиз.* *Катта кетмоқ айн. катта гапирмоқ қ. гапирмоқ.*

**КАТТА-КАТТА** 1 *айн. катта* 1, 2, 4, 5 (одатда кўлл. ф-даги отлар олдидан) келиб, белгини ва кўплик маъносини кучайтириш учун қўлланади. *Катта-катта қизлар. Катта-катта уйлар. Катта-катта қовунлар. Катта-катта вазифалар. Катта-катта ишлар. Катта-катта ёзувчилар.* — *Катта уйда, даҳлизда катта-катта пўлат сандиқлар, қутилар, уюм-уюм гиламлар, кўрпа-ёстиқлар, ҳар хил асбоб-иошишлар тартибсиз қалашиб ётар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *рви* Кўп, кўп-кўп. *Катта-катта емоқ. Катта-катта сарфламоқ. Ошини катта-катта ошмоқ.* — [Собира-хон:] *Уртоғим катта-катта топиб келганига, мен яхши-яхши тикканимга, пиширганимга хурсанд бўлиб юра берибмиз.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**КАТТА-КИЧИК** 1 Катталлиги ҳар хил, ҳар хил катталликдаги, турлича. *Урмонжон айвонга чиқиб, стол ва қараётда турган бир неча катта-кичик туғунларни кўриб ҳайрон бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Аҳамияти, даражаси, кучи жиҳатдан ҳар хил, турли даражадаги. *Катта-кичик муваффақиятлар. Катта-кичик амалдорлар.* || *Аҳмоқнинг катта-кичиги йўқ.* Мақол.

3 *от, с. т.* Турли ёшдаги кишилар; Сарча, ҳамма, каттаю кичик. *Майдонга катта-кичик йиғилди.* — *Менинг ёшим олтида, Катта-кичик олтида..*

*Кўзни қилиб шамғалат, олмайман ҳеч шоколад.* Қ. Муҳаммадий.

**КАТТАКОН** с. т. 1 Одатдагидан анча катта; жуда катта. *Каттакон бўри. Каттакон қовун.* — *Хонада ўн-тача эски, чанг босган парта, кираберишдаги девора каттакон қора тахта қоқилган эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Дарё бўйида князнинг каттакон боғи бўлиб, князь ҳар йили баҳорда.. келиб, кузакда кетар эди.* А. Қаҳҳор, Қўш-чинор.

2 *айн. катта* 2, 3, 5, 6. *Каттакон қизим — врач. Каттакон шоир.* || *Де-мак, сув чиқади. Қандай қилиб чиқариш эса одамларнинг ихтиёрида. Фақат каттаконлар йўл қўйиб берса бўлгани.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КАТТАЛАШМОҚ** Ҳажми, ўлчами ортмоқ, катта бўла бормоқ, йириклашмоқ. *Энди у эди, соқоллари ўсди, юзи қорайди, шахло кўзлари яна катталашди, қадди чўзилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КАТТАЛАШТИРМОҚ** катталашмоқ *фл. орт. н.*

**КАТТАЛИК** 1 *катта* 1—4, 6 с. белги *оти. Ҳовузнинг катталлиги. Ютуқ-нинг катталлиги. Вазифанинг катталлиги. Ёш жиҳатдан катталлик.* — *Кетмоннинг вазидан катти назар, кетмоннинг бет катталлигини ерга чизиб кўрсатди.* А. Қодирий, Обид кетмон. — *Нима қилди, ҳақиқат олдида менинг кичиклигим, сизнинг катталлигингиз барибир эмасми? — деди Элмурод.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 *Ўзини ўзгадан юқори тутиш; манманлик. Катталикни билмас бир яхши одам, Сахитикда йўлда қолибди Хотам.* Фозил шоир. **КАТТАЛИК ҚИЛМОҚ** ўзини ҳаммадан катта олмоқ, ҳаммани ишга буюрмоқ, ҳўжайинлик қилмоқ.

**КАТТАҚЎРҒОН** Оқ узумнинг доналари йирик, боши катта бўладиган бир хили. *Нимранг тоифи, пуштиранг ҳўсайни, тилла ранг қирмиқса, қаҳрабо ҳўсайни, ҳар донаси ёнғоқдай келадиган каттақўрғон — ҳаммаси шигил пишган.* С. Анорбоев, Меҳр.

**КАТЮША** [р] Автомобилга ўрнатилган реактив миномётга ҳазил-эр-калаш тариқасида берилган ном.

**КАУЧУК** [р < инг.] Баъзи ўсимликларнинг, мас. кўксағизнинг, ширасидан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган эластик модда (резина) тайёрлаш учун ишлатилади. *Табиий каучук. Синтетик каучук.*

**КАФАН** [а] Кўмиш олдидан мурдани ўрайдиган оқ мато; қабр либоси. *Уни [ўлган болани] эски доқа кафанга ўраган вақтда бўйни ва оёқлари чўзилиб кетганини кўриб, уч ёшга кирганини эсладилар.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КАФАНГАДО** [а+ф-т] Бор-йўғидан ажралган, ҳеч нарсага йўқ. **Кафангадо бўлмоқ** бор-йўғидан ажралмоқ, ҳеч нарсага йўқ. [Дехқонбой:] *Халқнинг рўзғори бузилди, юрт вайрон*

*бўлди, таландик, кафангадо бўлди.* Яшин, Тор-мор.

**КАФАНДЎЗ** [а+ф-т] Кафан тикувчи.

**КАФАНЛАМОҚ** Кафан ўрамоқ. *Ғасол мурдани кафанлади.*

**КАФАНЛАНМОҚ** кафанламоқ *фл. мажҳ. н.* *Жасад ювилиб, кафанлангандан кейин, пешинга яқин тобутни кўчага олиб чиқдилар ва уни елкадан елкага кўтаришиб қабристонга борадиган йўл четидоғи майсага олиб бориб ерга қўйдилар.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КАФАНЛИК** Кафан қилинадиган мато; кафан учун белгиланган мато. *Ҳўжайин.. мурдашунни қақиртириб кафанлик учун тўрт қари бўё ва икки танга хизмат ҳақи инъом қилди.* Айний, Дохунда.

**КАФЁ** [р < фр] Чой, кофе, енгил таом ва ш. к. сотиладиган кичик ресторан.

**КАФЕДРА** [р < грек] 1 Лекция ўқиш, доклад, ахборот қилиш ва ш. к. ишлар учун махсус баланд қурилма; минбар.

2 Олий ўқув юртларида бир ёки бир неча ўзаро яқин фанлар бўйича иш олиб борувчи профессорлар, ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг ташкилий бирлашмаси ва шу бирлашма жойлашган хона. *Марксизм-ленинизм кафедраси. Органик химия кафедраси. Кафедра мажлиси. Кафедра мудири.*

**КАФИЛ** [а] Бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб масъулиятни ўз устига олувчи, гарантия берувчи шахс. *Мен Эргашнинг яхши дўст бўла олишига кафилман.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар. *Сўрасангиз, Ҳожихон, бермаганда ҳам олиб беришга мен кафил.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кафил бўлмоқ** (ёки *турмоқ*) ишонтириб, масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олмоқ. *Ҳамма мол ва мулки билан қутидор Отабекка кафил бўлди, учовлари маҳкамадан биргалашиб чиқиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кафилга бермоқ** бировга ишониб, айбланувчини унинг жавобгарлигига, зиммасига топширмоқ. *Волостной Муҳаммадкарим билан Аҳмад соқовни кафила бериб бўшатинлар деди-ю, тарвузи қўлтиғидан тушган кишидай бўшашиб.. кўздан ғойиб бўлди.* М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. **Кафилга олмоқ** жавобгарликни ўз устига олиб айбланувчини қутқармоқ, ажратиб олмоқ. **Кафилини олмоқ** масъулиятини, жавобгарлигини ўз устига олмоқ. *Бу ишнинг кафилини олганим йўқ.*

**КАФИЛЛИК** кафил с. белги *оти. Кафиллик хати.* — *Оқсоқол ўзининг кафиллиги билан самоварчи Қудратдан Ёдгорнинг номига, ҳар азонда бит-танга фойда бериш шарти билан, 25 танга қарз олди.* Айний, Дохунда.

**КАФОЛАТ** [а] Масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда ишонтириш; кафиллик; гарантия.

**КАФОЛАТНОМА** [a + ф-т] Кафил-лик хати. *Фотима ўзимизнинг колхозга бош бухгалтер бўлди. Партияга ўтди. Ўзим кафолатнома ёзиб бердим.* С. Ахмад, Онажонлар.

**КАФТ** [a] Қўлнинг билак учидан бармоқларгача бўлган ички яхлит қисми. [Тожбой] кафтига якки чимдим нос ташлади-да, оғзини осмонга қилиб туриб чекди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. | Қўлнинг билак учидан бармоқларнинг охиригача бўлган қисми; панжа, шапалоқ. *Полвоннинг рапидадек кенг кафтларидан чиққан қарс-чапак кўп кишиларнинг диққатини жалб этди.* Ойбек, Куёш қораймас. **Бир кафт** кафтга сизгарлик, озгина; бир сиқим (ун, дон ва ш. к. ҳақида). *Тўйдан шу болага атаб бир кафт ширинлик ҳам келтирмабсан.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

◆ **Кафтда кўтармоқ** эъзо-икром билан муносабатда бўлмоқ, жуда хурмат қилмоқ. *Аскар болаларни кафтимизда кўтарсак арзийди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КАФШ** [ф-т] эск. кт. айн. кавуш. *Анвар бир оз ёнбошлагандан кейин яна ўрнидан турди, кафшини кийиб келиб эшикни очди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**КАФШДЎЗ** [ф-т] эск. кт. айн. кавушдўз. *Сўз тери эмаски, кафидўздек, сув пураб чайнаб тортаверсанг.* Ойбек, Навоий.

**КАЧКИЛ** [ф-т] 1 Бели сиқик қоққли, ўйма нақшли челақсимон мис идиш.— *Меҳнат ҳам мўъжиза!* — деди Робия, качкига латтага ўраб солинган чинни асбобларни кўтарар экан. «Қахрамоннома».

2 айн. кашкул.

**КАШАК** [ф-т] Иморат ёки бошқа қурилишда қисмларни қимирламайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун қоқиб қўйиладиган ёғоч; тирагич, тирак.

**КАШАЛ** I *диал.* Интизор. *Тезроқ боринг шу чодирга, Қашал онам сиздай зўрга.* Ислом шоир. **Кашал** бўлмоқ 1) интизор бўлмоқ; 2) хавотир олмақ. *Кашал бўлманг, бир кун кириб бораман, Бек отамга дарак берманг, бобожон!* Ислом шоир.

**КАШАЛ** II *диал.* Узоқ. *Жавоб беринг, қалмоқ элга борайин, Қашал элдан бийни олиб келайин.* «Алпомиш». *Кашал кетган менинг болам йўдимиз? Мен бехабатнинг кунни охир бўйдимиз?* «Равшан».

**КАШАЛОТ** [р < фр] Китсимонларнинг бир тури, юз тоннача бўладиган улкан денгиз ҳайвони.

**КАШАНДА** [ф-т] Чекишга одатланган; чекувчи. *Мен чекмайдиган одамман, лекин сизлар чекишларингиз мумкин.* *Чекмаса суҳбат юришмайди, дейишади қашандалар.* А. Мухтор, Ола-сингиллар.

**КАШАР** Чорва қишлайдиган жойларда чорвачилик ходимлари (чўпон, зоотехник, ветврач кабилар)нинг яшаши ва ишлаши учун мосланган бино.

**КАШКУЛ** [ф-т] тар. Қаландар-

ларнинг хайр-садақа йиғадиган махсус идиши. *Абдуваҳоб ғазалага қўлоқ солиб ўтирмади, қўлидаги тангани қаландарнинг белда осимлик қора кашкулга ташлади.* Ш. Тосматов, Эрк қуши.

**КАШМИР** айн. кашмири. *Не ишларни кампир бунга солиди, Гулжун бу айёрдан ўчин олади. Бу дунёдан кашмир фано бўлади. Шундай бўлиб энди айёр ўлади.* Фозил шоир.

**КАШМИРИ** [ф-т < Кашмир вилояти номидан] 1 фольк. Айёр, хийлакор; сеҳргар.— *Сен жодуеарми, ё бир кашмирими, фириб билан боғлабсан укамнинг қўлини.*— деди. «Нигор ва Замон».

2 Жундан ёки жунга ип ёки ипак аралаштириб тўқилган майин мато. *Кашмири чопон. Кашмири шоҳи.* ■ *Ҳовлида, ҳинд кимхобидан тўн кийган, печи зарҳал кашмири саллани бошига қўйган амир ўзига яқин бўлган амалдорлари билан борардилар.* Жўрабоев, Мулла Б. м.

**КАШНЕ** [р < фр] Бўйинга ўрайдиган камбар рўмол; шарф. *Жун кашне.* ■ *Гулсум ҳар кун дарвоза тирқишидан кўчага мўралар, .. ияжларини оқ йўлли кашине билан ўраб Элмуроднинг мактабга кетаётганини кўриб қолар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КАШНИЧ** [ф-т] Овқатни хушхўр қилиш учун солинадиган сербарг хушбўй ўсимлик.

**КАШТА** [ф-т] 1 Тикиб туширилган гул, расм, чизик ва ш. к. У [Фотима] енгеларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Гул, расм, чизик ва ш. к. тикилган мато. *Деворларда Тамара.. ўз қули билан тиккан кашталар.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**КАШТАДЎЗ** [ф-т] айн. каштачи. *Ҳар хонага зеб беради каштадўзлари, Меҳнатидай оромбахидир ширин сўзлари.* Н. Назруллаев.

**КАШТАДЎЗЛИК** каштадўз с. касб оти.

**КАШТАЛИ** Тикиб гул солинган, кашта тикилган. *Бойлар устларига ипак чопон, чиройли каштали чакмонлар кийиб оланлар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**КАШТАН** [р < лат] 4 Қора қайинларга мансуб дарахт.

2 Шу дарахтнинг меваси, ёнғоғи. **КАШТАЧИ** Кашта тикувчи; каштадўз.

**КАШТАЧИЛИК** каштачи с. касб оти. *Бадиий каштачилик фабрикаси.*

**КАШФ** [a] айн. кашфиёт. *Кашф этмоқ (қилмоқ).* ■ [Йўлдош] айниқса бу кашф ҳарбий истеҳкомда қўлланилса, эйр фойда келтиришини алоҳида таъкидлари. Шухрат, Шинели йиллар. *Ернинг қуёш атрофида айланшини дастлаб Коперник деган олим кашф қилди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. | с. т. Ўйланган, фарз қилинган нарса, ўйлаб ҳаёлга келтирилган нарса; фарз.— *Ҳали шунақа сиздан яшириш си-*

*рим борми? — Бор! — Бўлмаса марҳамат қилиб кашфингизни сўзлангиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КАШФИЁТ** [a] Текшириш, илмий тадқиқот натижасида топилган, яратилган нарса; ихтиро. *Олимларимиз фанни янги кашфиётлар билан бойитмоқдалар.*

**КАШФИЁТЧИ** Кашф этувчи; ихтирочи.

**КАШШОФ** [a] 1 эск. айн. пионер 1. 2 кт. Биринчи бўлиб янгилликка қадам босувчи, бирор ҳаракатни бошлаб берувчи. *Мўйитхон мулоимлик билан давом этди: — Сизга ўхшаган кишиларнинг хотинлари озодликнинг кашшофлари бўлиши керак.* С. Зуннунова, Гулхан.

**КАЪБА** [a] (К — катта) 1 дин. Мусулмонларнинг Маккадаги зиёрат қиладиган, ибодат қиладиган муқаддас жойи. *Қози Афандидан сўради: Агар ҳажга боран бўлсангиз, айтингиз, замзам қудуғи Каъбанинг қайси томонда?* «Латифалар».

2 Ҳар қандай азиз ва муқаддас ҳисобланган жой. *Бу ер [Эшон бозор] Тошкент ва Сайрам музофотларининг чоракам бир Каъбаси ҳисобланар эди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**КАЪБАТУЛЛО(Ҳ)** [a] айн. каъба 1. *Шу каъба туллонинг ичида ўтириб ёлгон гапирган одам муслмон эмас, кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти мазҳабда мўъмин эмас!* [деди Сафар бўғчи]. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**КАЮТА** [р < голл] Пароход ва кемада экипаж ва пассажирлар учун белгиланган ҳар бир алоҳида бўлма, хона.

**КАҲРАБО** [ф-т] 1 Сарик рангли, шаффоф, ялтироқ, тош қотган елим — смола; зийнат буюмлари учун ишлатилади. *Қаҳрабодан ясалган муштук.* || *Қаҳрабо маржон. Қаҳрабо мунчоқ.* ■ *Домла ҳеч нарса демай, қаҳрабо тасбеҳини ўғириб, алақайси бир сурани пичирлай бошлади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

2 кўча Каҳрабо рангига ўхшаш, саргайган, заъфарон. *Қишининг элчиси етиб келди. Қаердадир ҳазонрез изғирин кезиб юрибди. Қаҳрабо далалар намиққан.* А. Мухтор, Мўъжизали аланга. *Хон жуда зolim экан, оти Хонбобо экан, зулм остида бу элнинг юзи қаҳрабо экан.* С. Абдулла.

**КВАДРАНТ** [р < лат] 1 мат. Доиранинг тўртдан бир қисми, чсрағи. 2 эск. астр. Қуёш ва умуман юлдузларнинг баландлигини ўлчаш учун қўлланган қадимий асбоб.

**КВАДРАТ** [р < лат] мат. 1 Тенг томонли тўғри тўртбурчак. *Квадрат метр.* | Шундай шаклдаги нарса. *Бодомхон харитага ёпишиб олиб, гўё ундан севикли эрини қидириб топиб оладигандек, нуқталар, чизиқлар, квадратларни бармоғи билан санаб чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир сонни ўз-ўзига кўпайтириш-

дан ҳосил бўлган сон. *Тўртнинг квадратини ўн олти бўлади.*

**КВАДРАТУРА** [р] Юзанинг квадрат бирлиги билан ифодаланган катталиги. *Уйнинг квадратураси.*

**КВАДРАТ-УЯЛАБ:** квадрат-уялаб экиш қ. х. уруғни даланинг узунасига ҳам, кўндаланг йўналишида ҳам бир хил, тенг ораликда жойлаштириб экиш.

**КВАЛИФИКАЦИЯ** [р < лат] 1 Даражасини аниқлаш, белгилаш. *Жиноятни квалификация қилмоқ юр. жиноят даражасини ва унга мувофиқ келадиган жазо чораларини белгиламоқ.*

2 Малака, маҳорат даражаси. *Квалификацияни оширмоқ.*

3 Ихтисос, касб, ҳунар.

**КВАНТ** [р < лат] физ. Бирор энергиянинг энг кичик миқдори. *Квант механикаси физиканинг атом, электрон, протон сингари зарралар ҳаракати қонуларини ўрганадиган бўлими.*

**КВАРТАЛ** [р < лат] 1 Йилнинг тўртдан бири, чораги (уч ой). *Йилнинг учинчи квартали. Тўртинчи квартал ҳисоботи. Иккинчи квартал плани.*

2 Шаҳарнинг бир-бирини кесиб ўтган катта кўчалар билан ёки кўча ва майдонлар билан чегараланган ҳар бир қисми; ўрам. *Шаҳардаги эски маҳаллалар ўрнида кўркам кварталлар барпо этиляпти. С. Солиев, Фахр. Бу атроф кўчалар бўм-бўш эди. Лекин бир-икки квартал ўтгандан кейин.. Одамлар учради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

3 махс. Ўрмон, тоқзор ва ш.к.нинг маълум оралик билан ажратилган ҳар бир участкаси (одатда чор бурчак бўлади).

**КВАРТЭТ** [р < итал] муз. 1 Тўрт овоз ёки тўрт соз учун ёзилган асар.

2 Шундай асарни ижро этадиган тўрт ашулачи ёки созандадан ташкил топган ансамбль.

**КВАРТИРА** [р < нем] 1 Катта бинонинг кўпинча бир оилга мўлжалланган бир ёки бир неча хона, ошхона ва ш.к.дан иборат бўладиган алоҳида яшаш жойи. *Квартирада бинонинг тўртинчи қаватида. Янги квартирага кўчиб кирмоқ. ■ Пўлат кўювчи Тургеневнинг квартираси заводнинг орқасидаги икки қаватли уйнинг биринчи қаватида эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.* Вақтинча яшаш учун ижарага олинган турар жой. *Квартира олмақ. Квартира ҳақи.*

2 ҳарб. Кўшилларнинг қароргоҳи. *Полкнинг қишқи квартиралари.*

**КВАРТИРАНТ** [р] с. т. Квартирани ёки умуман яшаш жойини ижарага олиб турган киши.

**КВАРЦ** [р < нем] геол. Тиниқ, рангсиз, оқ, баъзан бошқа ранглардаги кристаллик ёки аморф минерал.

**КВАРЦИТ** [р < нем] геол. Асосан кварц ва жуда оз миқдорда бошқа минераллардан иборат тоғ жинси (бинокорликда, металлургия саноати ва ш.к.да ишлатилади).

**КВАС** [р] Сули нонидан, унидан ёки ундириб янчилган сулига ун қўшиб тайёрланган нордонроқ ичмлик. *[Мутаваалли] бир коса муздек квас ичиб, юрагининг ўтини сўндирди-да, тўғини елкасига ташлаб, гандираклар ташқари чиқди. М. Осим, Элчлар.*

**КВИНТА** [р < лат] муз. 1 Диатоник гамманинг бешинчи пардаси ва биринчи парда билан бешинчи парда оралиғи.

2 Скрипка ва бошқа баъзи музика асбобларининг энг ингичка (овози, энг юкори) тори.

**КВИНТЕТ** [р < итал] муз. 1 Беш овоз ёки беш соз учун ёзилган асар. 2 Беш ижрочидан иборат ансамбль.

**КВИТАНЦИЯ** [р < итал] Пул, қимматбаҳо нарса ва ш. к.ни қабул қилиб олганлик ҳақидаги расмий ҳужжат. *Почта қвитанцияси. Қвитанция олмақ.*

**КВОРУМ** [р < лат] Мажлис қарорларини қонуний деб топиш ёки мажлисини очиб шу учун унда қатнашиши шарт бўлган аъзолар сони.

**КЕГАЙ** Ғилдиракнинг тўғини билан гупчагини қўшиб, тутьиб турувчи таёқсимон қисмлардан бири. *Арава ҳам кўҳна, ямоқ-ясоқ, ғилдирак темирдан унда-мунда нарча-пурча қолган; кегайлари шалоқ. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**КЕДР** [р < грек] Доим яшил игна баргли дароҳт.

**КЕЗ** Вақтининг маълум қисми; пайт, давр. *Баҳор кезлари. Ёшлик кезлари. ■ Бултур ана шу кезде, — деди Сафар энгашиқираб, — бозорга саккита бўз олиб тушган эдим. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Йўлчи ҳам бошқа бир кезни мўлжал қилди-да, Шокир ота билан хайрлашиб, эшикка чиқаркан, орқасидан чол сўзлаб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кези келганда фурсатдан фойдаланиб, имконини туғилганда; зарур бўлганда. Ҳар бир қизнинг айтса адо бўлмайдиган қиссаси бор, кези келганда, ёрилиб олмаса, қачон ёрилади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**КЕЗАК** диал. Кез.

**КЕЗДИРМОҚ** кезмоқ фл. орт. н.

**КЕЗИШМОҚ** кезмоқ фл. бирг. н. *Оқиом кучоғида кезишиб танҳо Бораркан нақирон икки ёш юрак. Ғайратий.*

**КЕЗМОҚ** Юриб, айланиб кўрмоқ; сайр қилмоқ; саёҳат қилмоқ. *Чўлларда кезмоқ. Шаҳарни кезиб чиқмоқ. Денгиз соҳилида кезмоқ. ■ Шукржон қишлоқда бир кун турди, пахтазорларни кезди, онаси билан бувисининг қабрини зиёрат қилди. О. Ёқубов, Ота изидан. Уктам ариқ бўйида Ота кезиб, Комилани ўйлади. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**КЕЙИН** 1 рвш Шу ёки ўша тобда эмас, маълум вақт ўтгач; сўнг. *Шу китобни кейинроқ ўқийман. ■ Хўп, ҳозир тақмасанг чўнтакка сол, уйингга яшир, кейин тақсан. Ойбек, Қутлуғ қон. Қалитис йиқилиб бирон жойи майиб бўлган киши бунинг оғриғини*

*ўша тобда эмас, кейин билгандек, Сидиқжон бу можаронинг бутун даҳшатини шу кечаси кўрпага кирганидан кейин билди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.* | Аввалгисининг кетидан; сўнг, сўнгра. *Мадамхўжа дастурхон соди, нон ушатди, кейин каттақон бир гурскетини келтириб пичоқ торган эди, қовун қарс этиб ёрилди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Ерга тушган чироқ, бир-икки липиллади-ю аввал кўк, кейин қизғиш аланга кўтарилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кейин(га) сурмоқ (ёки силтамоқ) ишнинг бажарилишига, амалга ошувига монелик қилмоқ, фурсатини чўзмоқ, кечиктирмоқ, орқага сурмоқ. Кейин(да) қолмоқ бошқалардан орқада қолмоқ, кечикмоқ. *Соатим кейин қолибди.**

2 кичи с. Бундан ташқари, шунинг билан бирга, шунингдек; яна. *Азар [қовун] яхши бўлса, халқ еб, сизни дуо қилади, мен ўзим емайман. Кейин, ким билади, бир палакдан ҳар хил қовун етишади.. Уч сўлкавой бераман, хўп денг. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 қўм. (ч. к. билан) Сўнг, кетидан, тугагач, ўтгач. *Ҳаммадан кейин. Ишдан кейин. Овақатдан кейин. Кун ботгандан кейин. ■ Ҳаммага зехн солиб ўтиради Сафаров.. Бўтабой акадан кейин ўшанга [Рўзиматга] сўз берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Сидиқжон сўз қатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани яримлатмасдан кўзи сузилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.* | Кетгач; ўлгач. *Отаси вафот этди.: отадан кейин шўрлик бола кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

4 (ч. к. билан) боғл. вазифасида Сабаб эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Кўл калта бўлгандан кейин, қаяққа узатасан? Ойбек, Қутлуғ қон. Еруғ дунёдан умидинг бўлмагандан кейин, дарчаг қайишқ турди нима бўлди, тўғри турди нима бўлди. Бунақа нарсалар.. орзу-ҳавасга боғлиқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.* | Пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Сизга шу гапни ўргатиб юборган одамга бориб айтинг: — Совет ҳукумати ерни сиздан тортиб олгандан кейин, асл эгаларига топширар экан.. денг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**КЕЙИНГИ** 1 Кетма-кетликда олдингидан кейин турувчи, навбатдаги. *Раёно кейинги мисрани ўқиб ўйланиб қолди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. У.. кўзлабани жойига тезроқ етишга ошиқиб ўткинчилардан сўрар эди: — «Тўп қайрағоч»га яқин қолдимми? — Ҳали бор. Кўприкдан кейинги гузар. Ойбек, Қутлуғ қон.* | Кетма-кетликда энг сўнги ўриндаги; охириги, сўнги. *[Ҳасанали:] Қайғурма беғим! Бу кеча сенинг қайғули кечалариникинг энг кейингиси ва ойдинли ҳам шеърятли тунлариникинг арафасидир, беғим! А. Қодирий, Утган қунлар.*

2 Кет томондаги, орқадаги. *Араванинг кейинги ғилдираги. Отининг кейин-*

зи оёқлари. — Шоҳ [пашша] кейинги оёқлари билан қанотининг устини силади. А. Қаҳҳор, Башорат.

3 Охирги, сўнги. Гуломжон кейинги вақтларда танҳоликка майл бўлган, мулаваачалар суҳбатидан ўзини тортадиган бўлиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уртоқ Аҳмедов бу қишлоқнинг тарихини, кейинги бир йил ичида қилинган ишларни, «Қўшчинор»нинг келажagini гапириб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Яқинда пайдо бўлган, янги. Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чалинмаган латифалар суҳбатга «ранг» бериб турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Итнинг кейинги оёғи хурматини йўқотган, обрўсизланган одам ҳақида.

**КЕЙИНДА** рвш Кетма-кетликда, қаторда кейинги ўринда; орқада. Кейинда келатган киши. Кейинда турган бола.

**КЕЙИНЧА** айн. кейинчалик. Ҳозирча бошини қайириб олса, кейинча қуйруғини букиш осон. А. Қодирий, Обид кетмон.

**КЕЙИНЧАЛИК** рвш Маълум вақт ўтгач, кейинги вақтларда, келгусида. Кейинчалик бир гап бўлар. — Сидиқжон кейинчалик ҳарчанд уринса ҳам бу тўғрида қоридан бошқа гап ололмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Элмурод собиқ хўжайин билан кўчада дуч келиб қолса, ноилож саломлашарди. Кейинчалик уни писанд қилмай қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**КЕК** Уч олиш истаги, душманлик туйғуси, хисси; адоват; гина. Кек сақламоқ. — Болангизнинг бир мартаба «дада» деганини эшитсангиз, ҳар қанақа кек эрдан чиқади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Салим. Гулнорга қарши сингелида бўлган зўр кекдан фойдаланиши керакми, йўқми, кўзини юмиб ўйлай бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Узим айтганча, унинг кўнгли юмшоқ, тезгина шахтидан тушади. Унақа кек сақлашни яхши кўрмайди. Ойдин, Икки кўзи шунда.

**КЕКИРДАК** 1 Нафас йўлининг юқориги қисми. Ингичка ва йўғон, калта ва чўзиқ товушлар. кекирдаклари узилиб кетмайдибу хўроларнинг? И. Раҳим, Ихлос.

2 с. т. Бўйиннинг олд қисми; томоқ. Бўйинни чўзиб, кўллари арра қилиб гапираркан, лаблари дўрдайиб, кўзлари ола-кула бўлиб, кекирдагидаги томirlари бўртиб чиқиб кетган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ Кекирдак олмаси айн. куштомоқ. Кекирдак чўзмоқ дағл. жеркимоқ; бақирмоқ. Янги ер очили тўғрисида муттасил кекирдак чўзидиган ўртоқлар ҳақиқатдан кўз юмқодалар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**КЕКИРИК** Ошқозонда тўпланган ҳавонинг оғиз орқали шовқин билан чиқиши.

**КЕКИРМОҚ** Ошқозонда тўпланган ҳавони оғиз орқали шовқин билан чиқармоқ. Тўлаган энгашиб дастурхоннинг бир четига соқолини артди, дон тиқилган товуқдай бўйинни чўзиб кекирди. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

**КЕККАЙИШМОҚ** кеккаймоқ фл. бирг. н.

**КЕККАЙМА** нафр. Доим кеккайиб-кериладиган. Халқ кураш «илмини» яхши билувчи чинакам танги ва баҳодир полковларни ҳурмат қилган, қадрлаган. Кеккайма, мақтанчоқ, қуруқ полковлардан кулан. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

**КЕККАЙМАЖОН** айн. кеккайма. Ўз иззатини билмаган кеккаймажонларга ялинининг нима кераги бор. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КЕККАЙМОҚ** 1 Гавдани тик, гоз тутмоқ. Баланд бўйли, қирра бурун, келишган ва ҳар доим яхши кийиниб, кеккайиброқ юрайдиган бу широйли қоратўри йиғит ўша Фотимага ошиқ бўлиб юрган бўйдоқ ўқитувчи Қаримов эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўйма салб. Ўзини ҳаммадан юқори тутмоқ, гердаймоқ, мағрурланмоқ. Кеккайганга кеккайин бошинг кўкка етгунча. Матал. — Қамтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг, Бир кун хижолатдан сиз қилманг аттанг. Ҳабибий.

**КЕККАЙТИРМОҚ** кеккаймоқ фл. орт. н. Эҳтимол юз центнерчини қувонтириб юборгандир, амм кеккайтиргани йўқ. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

**КЕКСА** 1 Узоқ яшаб катта ёшга етган, қариган; қари. Кекса одам. Кекса аёл. || Кексалар уйи. — Қуёш энди тиг ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш икки отлик чиқиб келаверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Узоқ вақтдан бери, кўп йиллар давомида ишлаб келган; эски. Кекса ходим. Кекса матбуотчи.

3 кўйма вақт йиллардан бери мавжуд, кўп йилларни кўрган; қадимий, эски. Бу жуда кекса машқ. А. Қаҳҳор, Сароб. Эй, кекса булоқлар, эски қадрдон, Уйноқи умримдай жўшиб оқдингиз. Ғайратий.

**КЕКСАЙМОҚ** Кексалик даврига ўтмоқ; қаримоқ. Дунё можаросидан қўй ювмоқчи бўлган бир отага кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ муқофотдир! А. Қодирий, Утган кунлар.

**КЕКСАЛИК** Умрнинг етукликдан сўнги, организм фаолияти аста-секин заифлаша борадиган даври; қариллик. Кексалик даври. — Юзини кексаликдан кўра кўпроқ кўргиликлар фикимлаб ташлаган бу чол билан у ўтган йил баҳорда.. танишган эди. А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

**КЕКСАРМОҚ** с. т. Кексаймоқ. **КЕКЧИ** Кек сақлайдиган, ўч олиш пайига тушган; адоватчи. Кекчи одам. Утакетган кекчи.

**КЕКЧИЛИК** кам. қўлл. Кек сақлаш; адоват.

**КЕЛАЖАК** 1 сфт Ҳозирги пайтдан кейин келадиган, келгусидаги. Йўлчи унинг [Гулнорнинг] сўзларини тингларкан, келажак умри, орзулари, умид ва хаёллари бир парча доғсиз, туташи нур ичида кўриниб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. Гўзаллар, бахтимиз олдинда, Келажак кунларга назар сол. Т. Тўла.

2 от Ҳозирги пайтдан кейин келадиган замон, давр; келгуси. Ким ҳақлигини келажак кўрсатади. — У мактабда ҳамма фанлардан «аёло» олиб ўқир, ҳар фаннинг ўз фазилати борлигини билар, лекин келажакда ўзини қайси бирига бағишлагани билмасди. П. Қодиров, Уч илди. | Келгусидаги ҳаёт; тақдир, истиқбол. Илгари ҳам баъзан ўз келажagini ўйлаган вақтларда, бахтли ҳаёт манзарасида Йўлчининг онасини ҳам кўрар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу гапларнинг амалга ошиши узоқ ва дарумон бўлса ҳам, нимадир кўнглини овутиди, нимадир келажакка умид тугдирди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Келгусида қандай бўлишлиги, тақдир. Уртоқ Аҳмедов бу қишлоқнинг тарихини, кейинги бир йил ичида қилинган ишларни, «Қўшчинор»нинг келажagini гапириб берди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КЕЛАСИ** Ҳозиргидан кейинги, бундан кейин келадиган (асосан вақт ҳақида). Келаси ҳафта. Келаси ой. — Биринчи масала.. колхознинг келаси йили хўжалик ва қурилиш плани ҳақида Бўтабойнинг доклади.. эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Келаси замон грам. ҳаракатнинг нутқ моментидан кейин бажарилишини билдирувчи феъл категорияси.

**КЕЛБАТ** [ф-т] диал. Қомат, бичим. — Тўламант ака, бутун бошлиқ тўнғизни битта ўзингиз еб қўймагандирсиз, ярим-ёртиси тураандир? — деди келбати Тўламантга ўхшаброқ кетадиган бир йиғит. С. Анорбоев, Оқсой.

**КЕЛБАТЛИ** диал. Қоматли, бичимли. Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йиғитлар бўлди. «Равшан».

**КЕЛГИНДИ** Шу ерли эмас; ўзга жойдан, бошқа юртдан келган. — Ҳиндистоннинг озодлиги учун келгинди хўжайинлар, очкўз бўриларга қарши сўнги томчи қоним, сўнги нафасимгача жанг қилишни улуғ бахт деб билар эдим, — деди Аҳмад. Ҳусайн. Ойбек, Нур қидириб. || Бош сўқма элнинг эзгу ишга, келгинди! А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**КЕЛГУСИ** 1 айн. келаси. Келгуси йил. Келгуси ҳафта.

2 айн. келажак 2. Сизлар келгусида маданиятли, билимдон кишилар бўласиз. П. Турсун, Ўқитувчи.

**КЕЛДИ-КЕТДИ** Келиб кетувчилар, меҳмонлар ва меҳмондорчилик (бирор йиғин, тўй, маърака ва ш. к.да). Зиёфат ва келди-кетди кечаси алла-

паллагача давом этди. Ойбек, О. в. шабадалар. *Кели-кетди бўлиб Низомжон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учраша олмади.* С. Ахмад, Уфқ.

**КЕЛИ** диал. Ўғир. Хотин жўхорини туйиб бўлди, уни келидан тоғорчага солайтиб дўнғиллади: — Ҳаваса анор ейди дейсиз, шекилли. А. Қаххор, Анор.

**КЕЛИБ-КЕЛИБ** Охири келиб, охири (анчадан бери ўзгармай ёки амалга ошмай давом этаётган иш-ҳаракат, воқеа, ҳодиса ҳақида). *Келиб-келиб тўй кунни қор ёғди.* — Мана, бекачим,— деди кулиб Тўйбека.. Анови кунги ёш меҳмонни сенга мақтасам очигландинг, аммо келиб-келиб букун сени ўшанга бердилар. А. Қодирий, Утган кунлар. [Ғофир:] Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-келиб сизларга айтдимми? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**КЕЛИМ** кам қўлл. Фойда, даромад, кирим. *Келим топмоқ (кўрмоқ).* *Келим қилмоқ.*

**КЕЛИН** 1 Янги турмушга чиққан ёки чиқаётган қиз. [Заргаров:] *Менга қаранг, ука.. Кўёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ..* А. Қаххор, Оғриқ тишлар. **Келин кўрмоқ** 1) этн. ҳайит-байрам кунлари янги тушган келинни кўриш учун бормоқ (ёш қизлар ҳақида); 2) келинли бўлмоқ, ўғлини уйлантирмоқ. *Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормикин!* А. Қаххор, Қўшчинор. **Келин қилмоқ** с. т. ўғлига хотин олиб бермоқ.— *Келин қилгани бисотда ҳеч нараса борми? — .. Бисот дейсиз, менинг бисотим сизлар-да, ўғлим!* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Ўғилнинг хотини (қайната ёки қайнанага нисбатан). *Фотима .. мана шу Марасулни туққанимда «Шу ўғлим катта бўлса, хотин олса, келинимнинг ҳеч ишига аралашмайман» деб ният қилганман. Худо ниятимга етказди.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

3 Уканинг хотини (ака ёки опага нисбатан). *Зидилланинг ўз оиласида шу вақтгача содир бўлган кўнғилсиз ҳодисаларни ҳам, ўз келинини бебош бўлиб кетганини ҳам ҳазм қила олмаслиги турган гап эди.* Х. Ғулум, Машғал.

4 Ўзидан ёш бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаат. [Гапга] *Ҳайдар ота аралашди: — Келин рост айтадилар. Менга қаранг, келин, ўртоғингиз менга сизни олиб келишни жуда таянлаган.* А. Қаххор, Асрор бобо.

◆ **Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр** кўрмасдан, билмасдан олдиндан ҳукм чиқарма, деган маънода ишлатиладиган мақол.

**КЕЛИНБАРОН** айн. келинтушди. **КЕЛИНЛИ** Келини бор; ўғлини уйлантирган. *Ахир ўғил уйлантириб, келинли бўлдингиз, яки келиннинг*

қўлини кўрсатай ҳам демайсиз! А. Қодирий, Обид кетмон.

**КЕЛИНЛИК** 1 келин с. мавҳ. от. 2 Янги турмушга чиққан вақт, давр (қиз-жувонлар ҳақида). *Келинлик даври. Келинликда жуда гўзал эди.* — *Офтоб ойимнинг: «Нега қирқ кокил қилмайсан?» деб сўрашига: «Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди..» деб кулди [Қумуш].* А. Қодирий, Утган кунлар.

**КЕЛИНОЙ** 1 Аканинг хотини (ука ёки синглига нисбатан). [Нури] *тагин дадамга, акаларимга гапирманг бу сирни. Келиноийларим ҳам зинҳор эшитмасин.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ёши ўзидан катта бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаатни билдиради. *Агар шу гапларга қаттиқ ишонсанглар, Кумри келиноий, мен ҳовлингизда қолмайман [деди Онахон].* А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Унсин] *қаддини кўтариб, жасур боқди Шарофатхона: — Келиноий, акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас, ё бировнинг ҳақини еган эмас.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЛИНСАЛОМ** этн. Келин тушган куннинг эртасига эрталаб келинни куёвнинг қариндошларига кўрсатиш, таништириш ва саломлашни маросими. *Келинни келинсаломага олиб чиқмоқ.*

**КЕЛИНТУШДИ** этн. Келиннинг келиши ёки уни олиб келиш муносабати билан куёвнинг уйида бўладиган тўй, тантана, зиёфат маросими.

**КЕЛИНЧАК** келин 1 с. кичр-эркл. *Элмурод билан Алексей йўл четида, чилдирмага мунгли қўшиқни жўр қилиб келинчақни узатиб бораётган аёлларга қараб туришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир қаришиқдан дуторни севман. Бир қўйини келинчақдан ўрганган эдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЛИНЧАКЛИК** 1 келинчақ с. мавҳ. от.

2 айн. келинлик 2. *Келинчақлик даври.*

**КЕЛИСОП** диал. Ўғир.

**КЕЛИШГАН** 1 келишмоқ фл. сфтиди. 2 Қадди-қомати чиройли, хушбичим. *Келишган йигит. Қомати келишган қиз.* — [Муаттар:] *Сен у йигитни кўрмасан, дунёга келмасан. Қалам қош, қуралай кўз, бир келишган, бир келишган эди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**КЕЛИШИК** грам. Отнинг бошқа гап бўлақларига муносабатини кўрсатувчи сўз турловчи грамматик категория. Бош келишиқ. Тушум келишиқи. *Келишиқ формалари.*

**КЕЛИШИЛМОҚ** келишмоқ 2 фл. мавҳ. н. [Абдурасул:] *Колхозни меҳнаткаш камбағаллар ўзлари хоҳлаб тузишди. Райком билан келишилган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КЕЛИШИМЛИ** айн. келишган 2. *Розикўжоннинг жўрлари ҳам ўзига ўхшаш келишимли кишилар экан. Роса ҳангамалашдик.* И. Уктамсв, Ҳикоялар.

**КЕЛИШМАГАН** 1 келишмоқ фл. бўлишсиз сфтиди.

2 Ўринсиз, ножўя. *Келишмаган савол. Келишмаган ҳаракат. Келишмаган гап.*

3 Ярашмайдиган, беўхшов, хунук. *Бичими келишмаган кийим.*

**КЕЛИШОВЧИЛИК** Фикр, тушуниш, дунёқараш ва ш. к.да бир-бирига мос эмаслик, қарама-қаршилиқ. *Зимдан бўлса ҳам бу икки босмачи бошлиқлари орасида жиддий келишмовчилик давом этарди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**КЕЛИШМОҚ** 1 келмоқ 1, 8, 13 фл. бирг. н. Улар овдан кеча қайтиб келишиди.

2 Ўзаро маслаҳатлашиб, маълум бир фикрга (хулоса, битим ёки қарорга) келмоқ. *Молнинг нархини келишиб қўймоқ. Шартлашувчи томонлар ўзаро келишдилар.* — *Правление аъзолари билан келишиб, асосий кўчни бешинчи, саккизинчи бригадага бердик.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. | Ўзаро муроца қилмоқ, ҳамжихатликка эришмоқ, қўшилмоқ. *Бу масалада сиз билан келиша олмайман.* — *Бўтабой бир вақтлар қари хусусида Ўрмонжон билан келиша олмаганини, .. ҳаёлига ҳам келтирмас эди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Муносиб тушмоқ; ярашмоқ. *Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ташлаб қўйганингиздан айтдим.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ильч бобом чироғи Нур сепади уйига. Стол, стул келишар Солижоннинг бўйига.* Қ. Муҳаммадий.

◆ **Тили келишмайди** яхши, раво талаффуз қила олмайди. **Тоби келишмай турибди** биров бетоб, мазаси йўқроқ. **Кўли келишади** биров ишни қўл билан бажариш қобилиятига эга, билади. *Зийрак қизнинг қўли [биез санчиша] дарров келиша қолди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЛИШТИРМОҚ** 1 келишмоқ 1, 2 фл. орт. н.

2 Ўрнига қўймоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ, ўхшатмоқ.— *Мен шу тўғрида газетага бир мақола ёзмамми, деб ҳам ўйлаган эдим,— деди Заргаров, лекин келиштирилмасман деб қунт қилмадим.* А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**КЕЛИШУВ** 1 келишмоқ 2 фл. иш оти.

2 Ўзаро маслаҳатлашиб баён этилган фикр, хулоса, қарор, битим, шартнома. *Оғзаки келишув. Келишув тузмоқ.*

**КЕЛИШУВЧИЛИК** Ўз манфаатини кўзлаб муроцага келиш, рози бўлиш, қўшилиш; мурোসозлик. | *сиёс.* Синфий душманга хайрихоҳлик билан қараш, унга ён бериш; либераллик.

**КЕЛМОҚ** 1 Юриш, учини ёки транспорт воситалари билан сўзловчи турган томонга, жойга ёки сўзловчи кўрсатган, айтган жойга яқинлашмоқ, етмоқ. *Поезд келяпти. Яқинда қалдирғоч келади. Чўлга сув келди. Биз-*

ниқига меҳмонлар келяпти. Делегатлар Самарқандга келди. — Буғун МТСа [Ўрмонжон] келган бўлиши керак. Келмаган бўлса, энди келади. А. Қаххор, Қўшчинор. Ермат қоронғида йиқилиб, сурилиб элликбошининг уйига келди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Чиққан жойига қайтиб етмоқ, қайтмоқ. Ёз фасллари деҳқончилик қилди, сахар кетиб кеч келади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Йўқ, — деди Ўзбек олим, — ош эгаси билан ширин. Ҳа, айтгандек, қуданеизниқига юборган кишингиз келдими? А. Қодирий, Утган кунлар. | Белгиланган жойга етиб бормоқ, адресатга топширилмоқ (бирор ёққа юборилган нарса ҳақида). Ундан телеграмма келди. Унга уйдан посылка келди. Ҳали хат келгани йўқ. | Эшитилмоқ (овоз, товуш ҳақида). Оёқ товуши тўхтаб, нариги ёқдан уста Олимнинг товуши келди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ундан кейин қардабир пулемёт тариллади; якка милтиқ товушлари, «ура!» садолари келди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

2 Бошланмоқ, етишмоқ (вақт, фасл, мавсум ҳақида). Баҳор келди. Қиш келди. Пахта терими мавсуми келди. — Сен кўпроқ ўзинг тўғрингда, ўғлинг тўғрисида ўйла, болам. Сизлар яшайдиган замон келади. А. Қаххор, Қўшчинор. — Дунёдан умидимиз бор, биз дайимайдиган кунлар ҳам келар, хўжжайин! — дейди Абдурашул. П. Туреун, Ҳикитувчи.

3 Пайдо бўлмоқ, насиб бўлмоқ, қисматига, бошига тушмоқ. Қайғу кетиб шодлик келди. Унга бахт келди. Бизга омад келди. — [Йўлчи:] Менинча, Қоратой ака, Шоқир ота, бутун кулфатлар турмушининг ёмон тузилганидан келади. Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Истақ қўшимчалари эги (эки, эки), ягу (яку, ягу) ва эгалик қўшимчасини олган феъл формаси билан бирикканда шу феъл билдирган ҳаракатни бажариш истагини билдиради, мас. кўргим келди, кулисис келди, чеккилари келмаяпти. — Сидиқжон унинг [жувонининг] бўйнига қаради, қулоғи билан бўйни орасидаги сийрак сочи назарига жуда чиройли кўриниб, шу ердан йлқиси келди. А. Қаххор, Қўшчинор. | Эгалик қўшимчасини олган айрим мавҳум сўзлар билан келганда, шу сўз билдирган ҳис, туйғу ёки ҳолат пайдо бўлиши, уйғонни маъносини билдиради, мас. қаҳри келди, аччиғинг келмасин, раҳим келди, хўрлиги келади, қитиғингиз келадими?, уйқимиз келмади. — Болтабой Сидиқжоннинг унга ҳаваси келтиганини билди: — Шогирд тушасизми? — деди. А. Қаххор, Қўшчинор. Қанизак Сидиқжоннинг юзидаги зўр таъшиш ифодасини кўриб, унга раҳми, атлас кўйлак кийган олифта жувонга ғазабни келди. А. Қаххор, Қўшчинор.

5 Эвазига тушмоқ, слинмоқ, тўғри келмоқ. Бу пулга кўп нарса келади. — Косибнинг бир ҳафталик ишига бир

халта дон келмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Ҳажм, ўлчов, миқдор билдирувчи сўзлар билан бирикканда, шахс ёки предметнинг шу сўзлар билдирган ўлчов ёки миқдор даражасида эканлигини билдиради, мас. ғоз беш кило келади, теракнинг баландлиги 15—16 метр келади, ҳар бир олма коптокдек келади. — Оёғини ёруққа тутган эди, худди бош бармоғининг тағида егугурт қўндай келадиган тикан ёнланмасига санчиби турганини кўрди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шарофат.. паранжисини .. тиззасидан келадиган қуруқ ўт-ўлан устига ташлади .. А. Қаххор, Қўшчинор.

7 Ж. к. ф-даги айрим сўзлар билан бирикканда шу сўз билдирган нарсанинг баёнига, изоҳига, муҳокамасига ўтиш маъносини билдиради. Энди Бўтанинг устидаги анови гапга келсак, бу туҳмат гап. С. Аҳмад, Хукм. Энди пахта ни мага кўзда сотмай, ёзда сотаётганига келсак, бунинг тағида гап кўп. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тўпанисо, ўзи ҳақидаги мақтовга келганда, оғзининг таноби қошиб: — Мен нима қилибман? .. Менда нима гап? .. Ҳеч-да, деди. А. Қаххор, Қўшчинор.

8 Ж. к. ф-даги айрим мавҳум сўзлар билан бириккиб, шу сўз билдирган тушунчага эришишни, уни тўғри деб билишни ифодалайди, мас. қандай фикрга келдингиз? Мен шундай хулосага келдим. — [Ҳасанали] кўп ўйласа ҳам бир қарорга кела олмади. А. Қодирий, Утган кунлар.

9 Ч. к. ф-даги шахс билдирувчи сўзлар билан бирикканда, бирор хатти-ҳаракатнинг шу сўз билдирган шахс бажаришини билдиради, мас. бу иш сендан келган. — Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди .. Мен дуюс эмасман! Бунақа қўшимчилик сизлардан келади. А. Қаххор, Қўшчинор. Улардан [амалдорлардан] ҳеч бир кишига ёмонлик келмайди, улар ёлғиз тартибни, таъовени талаб қилишади. Ойбек, Қутлуғ қон. Қўлидан келади қ. кўл 9.

10 с. т. Ч. к. ф-даги сўзлар билан бириккиб, шу сўз билдирган нарса ҳақида гап боришини ёки гапириш кераклигини билдиради, мас. қани чойдан келинг, қуруқ гапни қўйинг, ишдан келинг. Бир боғдан келса, бири тоғдан келади. Матал. — Ёмоннинг жанозасидан яхшининг ҳикояси фойдали кўринади.. Қани, сўздан келинг. А. Қодирий, Утган кунлар.

11 с. т. Белги, хусусият билдирувчи айрим сўзлар билан бирикканда «бўлмақ» маъносини билдиради. Сутсиз сигир сузоғон келади. Мақол. — От жонивор жуда эслик келади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

12 2-ш. бўйруқ ф-да (кел, келинг) даъват, қақирғи, ундаш, қисташ каби маъноларни билдиради. Кел, гапчингиз қўйчи, сўқат-повқатинг борми? Ғ. Ғулом, Шум бола. Келинг, ҳазилинеизни

қўйинг, тиллани чиқариб беринг. «Латифалар».

13 «(и)б равишдош формасидаги етакчи феъл билан бириккиб, кўмакчи феъл вазифасида қўлланади ва ҳаракатнинг анча илгаридан давом этаётганлигини билдиради. Нурининг бўйруқларига сўзсиз бўйсуниб келган Гулнор, ҳеч нима ўйламасдан ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Қори:] Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келётган эдим, энди айтмасам бўлмайди. А. Қаххор, Хотинлар.

14 Отлар ва баъзи бошқа сўзлар билан бириккиб, қўшма феъл ясади, мас. дуч келмоқ, зўр келмоқ, яқин келмоқ, тенг келмоқ. — [Бўтабой ака:] Бу ҳам майли, бир эви бўлар, зўр келса, бу ёғи ҳукуматчилик — район ёрдам берар. А. Қаххор, Қўшчинор. Подадан адашган бузоққа ўхшаб, дуч келган эшикка бошингни тикаверасанми? Қимсан ўзинг? Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Бас келмоқ қ. бас II. Хуш келибсиз қ. хуш. Ўзига келмоқ қ. ўз.

КЕЛТИРИЛМОҚ келтирмоқ фл. мажх. н. Заводга янги машиналар келтирилди. Далил келтирилмоқ.

КЕЛТИРИШМОҚ келтирмоқ фл. бирг. н. Аччиғини келтиришди. Далил келтиришди.

КЕЛТИРМОҚ I келмоқ 1, 3, 4, 5 фл. орт. н. Уйга келтирмоқ. Чекисини келтирмоқ. Ғазабини келтирмоқ. Ғашини келтирмоқ. — Ҳокимнинг зўғмили бўйруғи халқни ғалаёнга келтирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фикрини қувватлаш, исботлаш учун қўшимча фикр айтмоқ ёки бошқа кишининг фикрини қўшиб айтмоқ. Мисол келтирмоқ. Цитата келтирмоқ. Далил келтирмоқ.

◆ Ўрнига келтирмоқ айн. жойига келтирмоқ (ёки қўймоқ) қ. жой. [Қилтириқмахсум] гумашталикни жуда ўрнига келтирди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КЕМА [ф-т] Сувда сузадиган, юк ташин, балиқ ови ёки ҳарбий мақсадлар учун белгиланган қурилма. Балиқчилар кемаси. Юк ташини кемалари. Ҳарбий кема.

◆ Зангори кема пахта териш машинаси. Қосмик кема космосда учини учун махсус ишланган қурилма. Кемага тушганининг жони бир бир мақсадда бирга ҳаракат қилувчилар қийинчилики ҳам, хурсандчилики ҳам, бирга баҳам кўрадилар, деган маънони билдирадиган мақол. Эмин Ражабов ўзини яна полка тағида олмоқни эди, Нормат ушлаб қолди. — Додил бўл, ўртоқ, кемага тушганининг жони бир! И. Раҳим, Чин мухаббат. Ҳаёо кемаси дирижабль ёки оғир самолёт.

КЕМАСОЗ [ф-т] Кема қурувчи мутахассис.

КЕМАСОЗЛИК Кема қуриш, шунингдек кема қуриш ҳақидаги фан. Кемасоэлик институти.

КЕМАЧИ Кемани бошқарувчи киши; кема билан дарёдан киши ва юк



Ўтказиш ёки ташиш иши билан шуғулланувчи киши. Дарё бўйида кемачи йигитлар Муқимийга хушхабар етказдилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**КЕМИРИЛМОҚ** кемирмоқ *фл. мажх. н.*

**КЕМИРМОҚ** 1 Каттиқ нарсани тиш билан қририб, ушатиб майдаламоқ; ғажимоқ. Суяк кемирмоқ. ■ Уч-тўрт яшар сап-сариқ қизча пўсти арчилган сабзи кемириб турибди. П. Турсун, Ҳўнтувчи.

2 *кўчма* Таталаб қийнамоқ, азоб бермоқ (рухий кечинмалар ҳақида). У минут сайин юрагини кемириб кетмаётган бу дардни ҳеч қимса айта олмас.. эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Нигоранинг илк бор «Шер ака» деганини эшитганида, баданини кемираётган оғриқни ҳам унутиб, алақандай ширин, қайноқ бир ҳиснинг зўридан маст бўлган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**КЕМИРУВЧИЛАР** Сутэмизувчиларнинг ўсимликлар билан овқатланадиган бир туркуми, курак тишлари яхши ривожланиб овқатни кемиришга мосланган бўлади (мас. қуён, каламуш, сичқон).

**КЕМИРЧАК** *анат.* Одам ва ҳайвон организмдаги эгилувчан ва қаттиқ бириктирувчи тўқима; тоғай. Бурун кемирчаги.

**КЕМТИК** 1 Предметнинг учган, синган, кертилган жойи. Санам боғ адоғидаги кемтиктан ошиб, эгаси кўчи кетиб, ҳувилаб қолган қўшини боққа тушди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. ■ Дарҳақиқат унинг чап қулғи кемтик. Уқ олиб кетган. С. Аҳмад, Ҳукм. Супа четидаги ўчоқда, қоп-қорайиб, жўмраги кемтик қумгон қоп-қоқни кўтариб бақир-бақир қайнарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Етишмайдиган, тўлмай қолган жой; камчилик, нуқсон. Бу проектининг кемтиги кўп. ■ — Аҳ, тезроқ юзга ета қолсайди, — деди Дилишод. — Жиндай кемтик бўлса, кишига алам қилади-да. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КЕМШИК** Бир-икки олд тиши тушган ва ўрни очик қолган. Қемшик бола. ■ [Кампир] Холдор билан Қимсаннинг уйғоқлигини кўриб, ерга чўкка тушди, кир рўмолининг учини кемшик оғзига солди. А. Мухтор, Туғилдиш.

**КЕНАС** 1 с. т. эск. Қнязь. 2 *кўчма* Ҳўзини катта фахмлайдиган, кеккайган одам ҳақида.

**КЕНГ** 1 Эни, кўндаланг ўлчамни катта бўлган; энли, сербар. Кенг кўприк. Кенг йўлка. Кенг баргли ўсимликлар. ■ Орасидан қўқонараса бемалол юрадиган кенг, узун ишқомлар икки танобдан кўпроқ ерни ишғол этган. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ҳажми, сифтини ёки сатҳи катта бўлган; катта. Кенг уй. Кенг ғор. Кенг сахро. ■ Бунёда келгандан бери қайғу-алам аримаган бу кенг ҳовлида она-бола ўз ҳасратлари, аччиқ нолалари

билан қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўёнининг зар қоқили билан Ясашибди кенг пахтазоринг. Ғайратий. Одамлар .. сахнга кенг давра қуриб ўтирдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ҳўчами катта, катта келадиган, бемалол сиғадиган; тўқис (кийим ҳақида). Кенг енг. Кенг пальто. ■ Мингбоши куйиб-пишиб ўрнидан турди. Кенг, оппоқ суруп йртагининг барларини .. икки ёққа ёйиб, секин-секин лапанглаб борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 *кўчма* Ҳаммани ёки кўпчиликни, ҳамма нарсани ёки кўпчилик қисмини ўз ичига олувчи, ҳаммага, кўпчиликка тааллуқли бўлган. Кенг ишчилар оммаси. Кенг истеъмол моллари. ■ Кенг тарқатмоқ (ёймоқ). ■ [Фрунзе:] Кенг дехқонлар оммасига Совет ҳокимиятининг ҳақиқий қийфасини кўрсатиш керак. Ана шунда душман иғвосига учганларнинг кўзи очилади. И. Султон, Бургутнинг парвози. Абдурахмон .. жума кун и амри-маъруфини кенгроқ доирада юритиб, кўпларнинг кўнелини эритишга муваффақ ҳам бўлди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қудрат.. у ерда [тўғарақда] ўрганганларини маҳаллий ишчилар орасида кенг ёйиб юрган кунларининг берида уни жандарма иксовучлари тутиб қамадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Ҳар тарафлама; катта. Кенг муҳокама. Кенг ижкониятлар. Кенг билим.

6 *кўчма* Ҳимматли, мурувватли одам ҳақида. Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан. Мақол. ■ Холам қўли очик, кенг. Овқатни улашар тенг. Қ. Муҳаммадий. Феъли (ёки кўнгли) кенг ҳимматли, сахий. Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин. Мақол.

◆ Юраги кенг унча-мунчага ғам емайдиган; қайғурмайдиган, беғам. Юрагиниз мунча ҳам кенг бўлмаса, кўзингизга уйқу келганига ҳайронман. А. Қаххор, Қўшчинор.

**КЕНГАЙМОҚ** 1 Ичи ёки сатҳи ортмоқ, кенг бўлмоқ. Қўча кенгайди. Уй кенгайди. Пахта майдони кенгайди. ■ Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очик лаби титради. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Кўпчиликни ўз ичига олмоқ, кўпчиликка тарқалмоқ; кўпчиликка тааллуқли бўлиб қолмоқ, қулоч ёймоқ. Тинчлик тарафдорларининг қудратли ҳаракати тобора ўсмоқда ва кенгаймоқда.

**КЕНГАЙТИРИЛМОҚ** кенгайтирмоқ *фл. мажх. н.* Уй-жой қурилиши тобора кенгайтирилмоқда.

**КЕНГАЙТИРМОҚ** кенгайтирмоқ *фл. орт. н.* Кўчани кенгайтирмоқ. Сафни кенгайтирмоқ. ■ Мухторхон .. ана шу ердаги кўржимсизгина чайхонани арзон-гаров харид қилиб, уни кенгайтирди. Х. Фулом, Машъал.

**КЕНГАШ** 1 Нима қилиш, қандай қилиш ҳақидаги фикр-мулоҳаза, йўл-

-йўриқ; маслаҳат. Қишининг бошига бир иш тушганда, дарров бировдан кенгаш ва ёрдам сурайдир. А. Қодирий, Утган кунлар. Майор руҳсат этди, баъзи кенгашлар бериб.. хасталардек кўзларини юмди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ҳўзаро, биргалликда муҳокама; шундай муҳокама мажлиси; йигилиш. Ишлаб чиқариш кенгаши. ■ Агитаторлар кенгашига келмаётган йигит-қизларнинг телпақ, дўппи, шляпа ва рўмоллари устида эриб бораётган қор йилтиради. П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Бирор корхона, муассаса, жамиятнинг фармойиш ёки маслаҳат берувчи органи. Оқсоқоллар кенгаши. Ҳўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик Кенгаши.

**КЕНГАШЛИ** с. т. Кенгаш билан бўлган, кенгаш билан қилинган. Кенгашли тўй тарқамас. Мақол. | Кенгашиб, маслаҳатлашиб қилинадиган, маслаҳат билан амалга ошириладиган; маслаҳатлашини талаб қиладиган. Кенгашли бир иш бор.

**КЕНГАШМА** эск. Кенгаш, бошқарма.

**КЕНГАШМОҚ** 1 Биргалликда муҳокама қилмоқ, Ҳўзаро маслаҳатлашмоқ. [Урмонжон:] Агар шу станциядан уч колхоз баҳра оладиган бўлса, улар билан гаплашамиз, кенгашамиз. А. Қаххор, Қўшчинор. Бир неча кундан кейин дам-бадам манфаатдор бўлган колхозларнинг вакиллари кенгашиб амалий тадбирлар белгилашди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Маслаҳат олмоқ, маслаҳат сўрамоқ. Кенг кенгашиб йиртилади кийин кенг бўлса тез йиртилади қолмайди, узоққа чидайди маъносига мақол.

**КЕНГАШЧИ** Маслаҳат берувчи, маслаҳатчи. Қушбеги Отабекнинг бу гапларидан яхшигина тараддудга тушган эди, аммо Азизбекнинг оталини ва кенгашичи бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли бўлиши унинг миъясини қотириган,.. эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**КЕНГЛИК** 1 кенг с. белги оти. Шаҳарнинг кенглиги. Уйнинг кенглиги. Ижкониятнинг кенглиги. Кенглик қилмоқ 1) кенг қелмоқ. Бу пальто женга кенглик қилади; 2) *кўчма* ҳиммат ёки мурувват қилмоқ; 3) *кўчма* бепарволик, совуққонлик билан қарамоқ.

2 Кўндаланг ўлчам, эн. Кўчанинг кенглигини ўлчамоқ. ■ Бу жой тепалик ўртасида бўлиб, кенелини ярим гектардан ортиқ эмас эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 геогр. Экватордан меридиан бўйлаб кетган ва градуслар билан ифодаланган массфа (ердаги пунктлар ўрнини белгилаш учун хизмат қилади). **Жанубий кенглик** экватордан жануб томонга кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа. **Шимолий кенглик** экватордан шимол томонга кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа.

**КЕНГУРУ** [*p<ингл*] Австралияд тарқалган қопчиқли сутэмизувчи ҳайвон.

**КЕНГЧИЛИК** с. т. Мўлчилик, маъмурчилик.

**КЕНДИР** Толаси тўқимачиликда хомашё сифатида ишлатиладиган ўсимлик ва шу ўсимликнинг толаси.

**КЕНЖА** 1 Энг охирги фарзанд, энг кейин туғилган ўғил ёки қиз. *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ кўтариб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кенжа ўғил Сайфулла билан кенжа қиз Мастурабиби айвон олдига келган уст-боши ниҳоят(да) кир Элмуродга жирканч билан тикилиб турардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 махс. Бошқаларига нисбатан кейин пайдо бўлган, янги; маълум белгилари билан шу онладаги бошқа ўсимликлардан фарқ қиладиган. *Ғўзанин кенжа авлоди.*

3 Кенжа (эркаклар исми).

**КЕНЖАТОЙ** 1 кенжа 1 с. кичр.-эркл. *Кенжатаойимиз ҳар кун ийғлаб қайтади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Бола, гўдак, кичкинтой.

**КЕННОЙ** с. т. Келиной. *Ўзбек ойм ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшиннинг боласи юзуриб кириб қолди.— Севинчи беринг, бек буви, кеннойим келдила!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КЕНТ** эск. Маълум хусусияти билан шаҳар ва қишлоқдан фарқланиб турувчи аҳоли яшайдиган жой, кичик ва тарқоқ шаҳар. [*Йўлчи:*] *Эшитган бўлсангиз керак, ҳозир кўп шаҳарларда, кент, қишлоқларда камбағал халқ ўз ҳақини даъво қилиш учун шайланмоқда.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕПАК** 1 Бугдой, жўхори каби донларнинг тортганда (ун қилинганда) чиқадиган пўсти ва ун бўлмаган дон чиқтилари.— *Нонларингиз ичида нега сомон кўп?— деди Шокир ака.— Сомон эмас, арпа унинг кепаци, қилтиги,— деди Қулмурод.* Айний, Қуллар. *Ойимхон.. очдан йлмаслик учун эртадан кечгача кир юиб, ҳақиқа бир коса кепак олиб, нон қилиб еган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Қазғоқ.

**КЕПАТА** диал. Ачинарли ҳолат, аянч аҳвол. *У.. нажот йўлини бутунлай йўқотган киши кепатасида ўтирарди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Паранжили хотин ўғлининг заҳил юзини, озиб кетганини кўриб, йиғлаб юборди.— Вой, айланай болам-ей! Жон болам-ей! Сени қандай кепатага солибди-я бу эолим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КЕПКА** [*p*] Эркак кишиларнинг гардишсиз, қозирекли бош кийими.

**КЕПЧИК** Ёғоч гардишга хом тери қопланган, ғаллани елпиш, совриш учун ишлатиладиган рўзғор буюми.

**КЕРАГА** Утовнинг четанга ўхшатиб ишланган девори. *Шамол кучайиб*

*ўқирмоқда, Шерали ўтирган ўтов ёрдам сўраб ялинаётгандай титраб-тебранар, керагалари зорланаётгандай ғижирлар эди.* С. Анорбоев, Шерали. *Сувонжон.. милтигини чайлангани керагасига одида, отаси ёнбошлаб ётган кўрпачанинг чеккасига ўтирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КЕРАГИЧА** рвш Талаб этилган миқдорда, талаб этилган даражада. [*Ўзбек ойм:*] *Қам бўлса, дарров омордан керагича олиб чиқ, ундан кейин хамиринга ўзинг қара.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КЕРАК** 1 Талаб-эҳтиёж бор, даркор. *Жой керак. Қитоб керак.* — [*Нур:*] *Пул керакми сизга, Йўлчи ака, айтаверинг, уялманг.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Талаб этилади. [*Эллиқбоши:*] *Бундай ишга бениҳоят уқув, чапдастлик, хўш, яна муҳокама ва моҳирлик керак.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Эғалик қўшимчасини олган иш оти билан бирикканда, у билдирган ҳаракатни бажариш лозимлигини билдиради. *Эртага меҳмонлар келиши керак. Хат ёзишим керак.* — *Аҳмаджон ўзининг пулемёти билан уларни [пийда аскарларни] сўл томондан ҳимоя қилиши керак.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Фельнинг шарт майли формаси билан бирикканда, гумон, тахмин, эҳтимоллик маъносини билдиради, мас. *келса керак, билса керак, айтса керак, чиройли бўлса керак, ширин бўлса керак.* — *Ўрмонжон акамга яқин одам экансиз,— деди хотин бодрингни карсиллатиб тишлаб,— ёмон одам бўлмасангиз керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КЕРАҚЛИ** Керак бўладиган, талаб этиладиган; зарур. *Керакли китоб. Керакли асбоб.* — *Улар буни varaқлаб, керакли газламаларнинг парча-парча нусхаларини кўриб таналядилар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Хўжаликка керакли биналар.. муддатидан анча бурун битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КЕРАКСИЗ** Кераги йўқ, талаб этилмайдиган; ортиқча. *Кераксиз идиш. Кераксиз нарсалар.* — [*Тантибойвача*] *кераксиз бўлса ҳам тантилик учун ҳар хил овқатлар, ичимликлар буюрди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕРАМИКА** [*p<грек*] 1 Табiiий лойлардан сопол, чинни идишлар, нақшли нафис буюмлар ишлаб чиқариш ва шундай иш санъати. *Мамлакатимизда графитдан асосан керамика ва бўёқ sanoатида фойдаланилади.*

2 Табiiий лойдан ясалган буюмлар. *Керамика цехи. Керамика буюмлари.* — *Қурилиш материаллари sanoати цемент, оҳак, ғишт, алебастр, трубалар, шифер, керамика.. кабиларни ишлаб чиқаради.* «Ўзбекистон ССР иқтисодий географияси».

**КЕРГИ** 1 Каштачилик асбоби; чамбар, чамбарак.

2 Нарсалар орасини очиб, кериб қўйиш учун ишлатиладиган икки томонлама тиргак.

**КЕРИК** 1 Ораси очиқ, керилган; тешиклари катта.

2 *кўчма* Ўзига бино қўйган, талтайган, керилган. *Мана бугун ҳам мингбошининг кериқ хотини.. «Итваччаларини эргаштириб чиқмасин, бирам суқ, бирам ифлоски болалари», деанини эшитиб бормадим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КЕРИЛМАЖОН** айн. керилмачоқ.

**КЕРИЛМАЧОҚ** с. т. салб. Донм керилиб мақтанадиган, ўзига бино қўйган. *Керилмачоқ одам.*

**КЕРИЛМОҚ** 1 кермоқ фл. *ўзл. ва мажх. н. Абдулвоҳид, гўё бошидан совуқ сув қўйгандек, сескани кетди, қирра бурнининг катаклари керилиди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Мақтанмоқ, гурурланмоқ, талтаймоқ.

3 айн. керишмоқ 2.

**КЕРИШМОҚ** 1 кермоқ фл. бирг. н.

2 Увишиб қолган аъзони ўз ҳолига келтириш учун гавада ва қўл-оёқни ҳаракатлантирмоқ, кермоқ. *Ўйонгандан кейин ҳузур қилиб бир керишди.* — *Оқшом салқинидан увишган танасини ҳаракатга келтириш учун керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб:— Кетдикми, Деҳқонбой!— деди.. бир жангчи.* Н. Сафаров, Жангчи шоир. *Алиохун ўрнидан туриб кенг сертук кўкрагини қавартиб керишди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 диал. айн. керилмоқ 2. *Бекор керишганлар аҳмоқ бўлади.* «Алломиш».

**КЕРКМОҚ** Бир оз кўпчиб кўтарилмоқ (юз, қовоқ ҳақида). *Қовоғи кериқди.*

**КЕРМОҚ** Икки томонга тортиб орасини очмоқ, йирмоқ. *Маҳкам ака ботинкани қўлига олиб, дастасини кериб берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. [*Чол*] *ҳатто бесўнақай қўлининг панжаларини кериб, ҳарбиича салом ҳам бериб қўйди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Кўкрагини кермоқ қ. кўкрак. Қошини кермоқ* 1) қошини кўтармоқ; 2) таажжубланиб қарамоқ. *Қудратнинг дами ичига тушиб кетди, қошини кериб жавоб кутиб турган Қолянинг афтига тик боқолмади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар; 3) *кўчма* менсимай қарамоқ; мақтанмоқ. *Керма, манманлик билан, ўрнида турган қошини.* Чустий.

**КЕРОГАЗ** [*p*] Иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун белгиланган, керосин буги билан ёнадиган асбоб.

**КЕРОСИН** [*p<ингл*] Нефтан хайдаш йўли билан олинандиган ўткир хидли суюқ ёқилғи. || *Керосин лампа.*

**КЕРОСИНКА** [*p*] Иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун белгиланган, керосин билан ёнадиган пилиқли асбоб.

**КЕРТИК** 1 айн. кемтик. *Пйёганине кертиги. Кертик қилмоқ* синдириб, учуриб олмоқ. *Домлани кўз қирлари билан кузатган ҳолда бўйрачўпнинг бир ёнидан жиндек кертик қилиб, «қўчқор» ясадилар, сўнг иккови «қўчқор*

уриштира бошлади». П. Турсун, Ҳқитувчи.

2 Арра тиши каби ўсиб, чиқиб турган икки аъзо ўртасидаги кемтик жой. *Баре кертими.*

**КЕРТИЛМОҚ** кертмоқ *фл. мажх. н.* Мард қўлида пўлат ханжар Кертилди майдон ичинда. «Равшан».

**КЕРТМОҚ** Қирқиб, чопиб майдаламоқ, Укроп кертмоқ. *Отга беда кертиб солмоқ.*

**КЕСАК** 1 Қотган, қуриган лой бўлаги. *Ичкаридан ҳам чертиши товуши эшитилгандан кейин ердан бир кесак олиб, деразага катта ҳарф билан «мен» сўзини тескари ёди.* Айний, Қуллар. *Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчириб олиб мулла Норқўзига ўхталди.* А. Қаххор, Майиз емаган хотин. **Текканга тегиб, тегмаганга кесак отади** дуч келгани хафа қилаверадиган, ҳеч кимга тинчлик бермайди, урушқоқ, безори.

2 *диал.* Гувала. **Кесак қаламоқ.** || *Кесак девор.*

3 *кўйма* Ҳис-туйғуси йўқ, ҳушсиз; ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган; лоқайд.— *Қиз билан бошлашиб [Қосимовнинг] уйига кираман, жигига тегаман, қани, раиқ ўти бормикан вужудида. Агар ғирт кесак бўлса, ўздан кўрсин,— деди Аҳмад.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.— *Ермат, одаммисан, отамисан! — деб бақирди эллиқбоши,— йл, кесак! Ойбек, Қутлуғ қон. Кесак бўлиб қолмоқ* ҳис-сезгисиз, хуши йўқолиб қолмоқ; қотиб қолмоқ. «*Отиб ўлдириш*» сўзини эшитган Азизий курсига суялганга кесак бўлиб қолди. Ҳ. Гулом, Машғал. **Кесақдан олов чиққандек қ. олов.**

◆ **Қоронги уйга кесак отгандек** фойдасиз, беҳуда. *Бунга [меҳмонга] гап уқтириши, қоронги уйга кесак отгандек гап эди.* А. Қаххор, Думли одамлар.

**КЕСАКИ** [р косяк] Эшик ёки дераза ўрнатиладиган чорчўп. *Болтабой кўзларида жикқа ёш билан эшикнинг кесақисига беҳол суялиб қолган Саодатни кўриб, юрак-бағри эзилди.* Ж. Шарипов, Саодат.

**КЕСАТИШМОҚ** кесатмоқ *фл. бирг. н.* **КЕСАТИҚ** Қочирим билан, пардалаб масхаралаш, кулиш ёки камситиш; истеҳзо, пичинг. *Элмурода қизнинг сўнги «сиз ҳали хафа бўлдингизми шунга?» дегани нечукдир кесатикдай туюлди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**КЕСАТМОҚ** Қочирим сўз, гап, оҳанг билан масхараламоқ, истеҳзо, пичинг қилмоқ, кулмоқ. [Хонзода:] *Ғофиржоннинг ошиғи оми! Хотини орқасида бой бўляпти!* [Ғофир:] *Аяжон, кесатманг! Уртанган юракка сиз ҳам туз сепманг! Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**КЕСИК** 1 Кесилган жой. *Илдиз учининг тик кесиги.* || *Азизбек мудофилларнинг саломларига жавоб қайтаришнинг ҳам унутиб, кўзини кесик бошларга тикди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Кесилиб, узилиб чикувчи (товуш ҳақида).— *Қани менинг меҳрибоним?—*

Йўлчи ичида ўйларкан, ҳар ёқдан қизгин, кесик товушлар эшитди.— *Ана полицмистр! .. Ана аскарлар .. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**КЕСИЛМОҚ** кесмоқ 1, 3—7 *фл. мажх. н.* Кесилган нон. *Кесилган дарахт. Сухбати кесилди.* Молнинг нархи ҳали кесилгани йўқ. *Безори уч йилга кесилди.* Ҳарорати кесилмоқ.

**КЕСИМ** 1 Кесилган бўлак (кажж, бурда ва ш. к.) *Бир кесим нон.* — *Ҳаёт эса қимтиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун олади-да, бир тишлаб, яна коса четига қайтариб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *тех.* Бирор жисмни текислик билан кесиш натижасида ҳосил бўладиган юза. *Цилиндрнинг кўндаланг кесими доирадир.*

3 *грам.* Гапнинг бош бўлақларидан бири; эга ифодалаган предметнинг ҳаракатини, ҳолати ёки белгисини билдирувчи бўлак.

**КЕСИШМОҚ** 1 кесмоқ *фл. бирг. н.*

2 Йўналишда бир-биринга дуч келиб ўтмоқ (йўл, чизик ва ш. к. ҳақида). *Параллел чизиклар кесилмайди.* — *Йўллар кесишган жойда ногоҳ катта машина тўхтади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**КЕСКИН** 1 Узил-кесил тарздаги, қатъий. *Кескин мулоҳаза. Кескин гап.* || *Кескин жавоб бермоқ.* — *Бу кескин фикр унинг фикрини қамраб, жасоратга даъват қилар эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Ер шилаанга бу кескин қонун.* Ғайратий. *Жуман жуда кескин гапирмасдан, фикрларини эҳтиёт билан, мулоҳаза шаклида айтишга қарор қилди.* А. Мухтор, Тўғлиш.

2 Ҳал этилиши оғир, катта куч ва эҳтиётлик талаб этувчи; жиддий; ҳал қилувчи. *Абдураула кескин курашга тайёрланиш кераклигини тушуинди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

3 Тез юз берувчи ва кучли, шиддатли, қаттиқ (овоз, шамол ва ш. к. ҳақида). *Йўлчи кўчага чиқishi билан кескин совуқ шамол қулоқларида гувиллаб, игнадай ўткир, майда қор парчаларини унинг юзига урди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *рвиш* Жуда тез, шартта. *Уктам ўзини чўл ҳўжайини сезиб, тевааракка қарчиғай боқishi билан аланглаб, отини истаган ёққа кескин бурар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Аҳмад бирдан бошини кескин силкитди.* О. Ёқубов, Дастлабки қадамлар. | *Бирдан ва бутунлай; тез.* Ҳавонинг кескин ўзгарishi. *Нархнинг кескин кўтарилishi.* — *Йўлчидаги бу кескин ўзгарishi унинг аввалги фикрини таъкидлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕСКИНЛАШМОҚ** Ҳал этилиши қийинлашмоқ, оғирлашмоқ, мураккаблашмоқ, ёмон тус олмақ; жиддийлашмоқ. *Вазият кескинлашди.* *Кураш кескинлашмоқда.* | *Зўраймоқ, кучаймоқ.* *Зиддият кескинлашди.* *Совуқ кескинлашди.* — *[Кумуш] ўн беш кун ичидаёқ бунча кескинлашган Зайнаб-*

нинг ички адоватининг бир ойда қайси даражаларга бориб етишини ўйлар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**КЕСКИНЛАШТИРМОҚ** кескинлашмоқ *фл. орт. н.* Рақиб ўйинни яна кескинлаштирди. — *Империализм капитализмнинг барча зиддиятларини ниҳоят даражада кескинлаштириб юборди.* «КПСС тарихи».

**КЕСКИНЛИК** 1 кескин с. белги оти.

2 Оғир оқибатларга, тўқнашувга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб, оғир ҳолат, зиддият. *Халқаро муносабатлардаги кескинлик анча юмшади.*

**КЕСКИР** Яхши кесадиған, тиғи ўткир. *Сарғиш суяк сопли кескир пичоқ унинг кўз ўнгидан ўтди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Остингда юз алвон ўйнайди отинг, Белинда ярқирар кескир пўлатинг.* «Алпомиш».

**КЕСКИЧ** *тех.* Қаттиқ нарсаларни, мас. тош ёки металл буюмларни, кесадиған, қирқадиган асбоб. *Токарь кескичи.* || *Кескич асбоб.*

**КЕСМА** 1 Кесиб, қирқиб, ажратиб олинган бўлак. *Газета кесмаси.* || *Кесма ҳарф.*

2 *мат.* Тўғри чизикнинг иккала томонидан чегараланган қисми.

**КЕСМОҚ** 1 Тиг билан бўлақларга ажратмоқ, бўлақламоқ; қирқмоқ. *Нонни кесмоқ.* *Дарахт кесмоқ.* *Етти ўлаб, бир кес.* Мақол. *Еғоч кессанг, узун кес, темир кессанг, қисқа кес.* Мақол. — *Йўлчи уни [Рафиқжонни] овутиши учун толдан бир нова кесиб олиб, кичкина ҳуштак ясади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Зиёдаҳон шитоб билан уера кесар экан, унга [Сидиқжонга] бир қараб қўйди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Ток кесмоқ** тоқдаги ортиқча новдаларни қирқиб олиб ташламоқ, бутамоқ. | *Канал, йўл ва ш. к. қуриш учун ёки ер очиш мақсадида балангликни қавлаб, қазиб, ёриб, чопиб текисламоқ.* *Адирни кесиб йўл қурмоқ.* — *Оқўра олислик қилса, тоғни тешиб ўтирмай, кесиб ўтказдиқ [сувни].* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўйма* Бирор жойнинг ўртароқ қисмидан, орасидан тиккалаб йўл олмақ, йўналмоқ. *Ҳуши ўзига келган Бўта бировнинг қўрғонига бемаҳал мўралаб турганидан хижолат бўлиб, толзорни кесиб орқасига қайтди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Булар [жангчилар] шағал тўқилган катта йўлни кесиб ўтиб, адирга томон чиқиб кетаётганда, бо-таётган қуёшнинг ҳорғин нури рўпарадаги қорли тоғ чўққисини .. бир лаҳза қизарттирди-да, сўнди.** А. Қаххор, Олтин юлдуз. **Йўлни кесмоқ** йўлни тўсмоқ. *Нарироқда чойхонадан йигитлар чиқиб, белбоғларидан нари-бери арқон ясаб, йўлни кесдилар.* *Шоғқин-сурон яна кучайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *кўйма* Орага лўкма ташлаб галини бўлмоқ, тўхтатмоқ. *Йўлчи ҳали гапини битирмаган эди, Мирзакаримбой уни кесди.* «*Бир терининг ичида қўй*

*неча оғиб, неча марта семиради», — деди салмоқлашиб бой. Ойбек, Қутлуғ қон.*

4 с. т. Белгиламоқ (мас., нархни). Улғуржи савдогарларга сотиладиган молларнинг нархни Ҳожи Ҳамдам кесиб берарди. М. Осим, Элчилар.

5 с. т. Жазога ҳукм қилмоқ. Суд ўғрини беш йилга кесди. — [Амаки Фотимага:] Энди эшикдан бир қадам нари жилма, пичоқни тўрт жойингга ураман .. Кейин майли, ҳукуматинг мени кесади, осадими, нима қилса қилаверсин! П. Турсун, Ҳукутовчи.

6 кўчма Пасайтирмоқ, қайтармоқ, йўқ қилмоқ. Кун мисдай қизиб кетган, фақат адиб ва сойлардан келган шабада куннинг тафтини кесиб, одамларга ором бериб турмоқда. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Аччиқни аччиқ кесади, дегандек дадасининг бу сўзлари ташқаридаги совуқни кесди шекилли, Сувоғжон эшикни куч билан очиб, ўзини бўроннинг кучоғига отди. С. Анорбоев, Оқсой.

7 этн. Хатна қилмоқ. Лекин маҳалламизда газет ўқийдиган бир «шумтака» бор, у ҳароми .. «Султонбекдек бир давлатманд ўз ўғлини мавлуд тўйи билан кесди, деб газетгага «эман» дейди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Бир кесар бир марта айтадиган, айтганини қиладиган ёки қилдирадиган, бир сўзди. — Жуда бир кесар экансиз-ку! — Қобилонинг сўзини бўлди Фармонкул ака. С. Маҳкамов, Дала тонги. Тутган ерини кесадиган ўтакетган ўжар, қайсар, терс. Тутган жойидан ёки тутганини кесади қ. тутмоқ. Чўрт кесар қ. чўрт.

КЕСТИРМОҚ кесмоқ 2—4, 5, 7 фл. орт. н. Чол ёш дарахтни кестирмади. Гулни кестирмоқ. Нархни кестирмоқ. — Акам ўғлини кестирди. А. Қахҳор, Қанотсиз читтак. Отам билан онам: «Тоза шарманда бўлди. Беш-олти йилга кестириб юборса сени, қандай қилиб қутқариб оламиз. Пирага мол-дунёмиз бўлмаса» дейишди. П. Турсун, Ҳукутовчи.

КЕТ 1 Орқа қисм, орқа томон; орқа. Машинанинг кети. | Ҳайвонларнинг бошга қарама-қарши бўлган қисми: | Одам танасининг белдан пастки қисми. Отолмаган соқпон ҳам бошга тегар, ҳам кетга. Мақол.

2 (3-ш. ф-да) Чўзиқ нарсаларнинг тугайдиган жойи, поёни, охири. Қомила Уктамни дастлаб катта боққа олиб кирди. Кети кўринмаган мевали дарахтлар қатори таажжубланарли гўзал эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 (3-ш. ф-да) Охири, оқибати, натижаси. Уқши — жафоли, кети — вафоли. Мақол. — Уч-тўрт кундан буён булут аримайди. Кети ёмон бўлди, шекилли. Ойбек, О. в. шабадалар.

4 Нарса ёки қимсаннинг юз, бет, олд томонига қарши томон; орт, орқа. Кетга сурмоқ. — — Ота ... — деди Майна ўзини кетга ташлаб. Ш. Тошматов, Эрк қушн.

5 3-ш. эгаллик ва ж. к., ў. п. к. ва ч. к. аффикслари билан қўмакчи вазифасида ишлатилади (қ. кетига, кетда, кетидан). Кетда қолмоқ ай. орқада қолмоқ қ. қолмоқ 9. Аввал шаҳарни, сўнгера дарахтлар билан чиқорланган далани кетда қолдириб, даштга чиққанидан сўнг ростдан ҳам йўли кўнаймади. А. Қахҳор, Сароб.

◆ Болаларим, кетимда қолинлар қариялар ўз фарзандларига узоқ умр тилаб айтадиган ибора. Иш кетга (қараб) кетди иш юришмади, ўнгидан келмади, орқага қараб кетди. [Косимжон:] Уф, нима иш қилсам кетга қараб кетади, холос, менинг бахтим кўрсин. Ҳамза, Тухтамчилар жазоси. Кетидан қулмоқ ай. орқасидан қулмоқ қ. орқа. Олдиан келса тишлайди, кетидан келса тепади баджаҳл, жангари одам ҳақида. Мулла Норқўзи ўша гапни ҳазиллашиб айтганини арз қилиш учун олдиан келса тишлар, кетидан келса тепар эди. А. Қахҳор, Майиз емаган хотин.

КЕТВОРГАН с. т. Ҳар томонлама келишган, жуда чиройли; жуда яхши. Кетворган қиз. Кетворган йилит. — Ярашибдими? — Майна жилмайганича, ўзини тик туганча улдан сўради. — Кетворган, — деди Мадёров ва энгашиб Майнанинг гимнастёрка елкаларидаги уч бурчакли қизил белгиларини текширди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КЕТИГА кўм. вазифасида 1 Орқа томонига; ортига. Машина кетига прицеп тирмамоқ.

2 Орқасига, изига. Полиция изқуварлари менинг ҳам кетимга тушди. М. Мирходиев, Унутилмас давҳалар.

КЕТИДА кўм. вазифасида. Бирор кимса ёки нарсанинг орқа томонига, нариги томонига; орқасида. Бу ўрмоннинг кетида қишлоқ бор. — Самандаров боядан бери Қанзақнинг кетида .. тикка турган болага қаради. А. Қахҳор, Қўшчинор.

КЕТИДАН кўм. вазифасида. 1 Тамом бўлгач, -дан кейин, кейинидан, орқасидан; кейин, сўнг. Кунлар кетидан ойлар ўтадилар. Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. Хаял ўтмай Аҳмедов, унинг кетидан Урмонжон билан Иброҳимов, Зокир Ота кириб келишди. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Орқасидан, изидан, изма-из. Бировнинг кетидан пойлаб бормоқ.

3 Бирор иш, вара, кимса учун, унинг ҳаракатида. Шухрат кетидан қуемоқ.

КЕТИРМОҚ с. т. Келтирмоқ. КЕТКАЗМОҚ кетмоқ 1—4, 6, 7, 10, 11, 13, 15 фл. орт. н. Уйдан кетказмоқ. Ишга кетказмоқ. Вақтни кетказмоқ. Доғни кетказмоқ. Пул кетказмоқ. Молини кетказмоқ. Шухратини кетказмоқ. Чокидан кетказмоқ.

КЕТКИЗМОҚ ай. кетказмоқ. КЕТМА-КЕТ рещ 1 Бир-бирининг давомидан, узлуксиз. Илтиҳон бошланади. Ҳар томондан кетма-кет са-

воллар туша бошлайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. — Товба қилмайман! — деди Тошмат кетма-кет тушайтган калтак зарбларидан инграб. Х. Ғулом, Машғал.

2 Изма-из, орқама-орқа, кетидан. Отабек Ойбодоқ билан кетма-кет ичкарига кирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕТМОН Юзи катта, орқа томонида даста суқиб қўядиган зўғатаси бор, ер чопиш учун ишлатиладиган асбоб. [Йўлчи] катта кундаларнинг тева-рагини кетмон билан чопишга бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

КЕТМОНЧИ Кетмонда, кетмон билан ишловчи, кетмонда қилинадиган ишни бажарувчи.

КЕТМОҚ 1 Ўз турган жойини тарк этмоқ; бошқа ёққа, бошқа жойга жўнамоқ, жилмоқ. Бу ердан ҳеч ёққа кетмайман. — [Йўлчи сўради:] Унсин, бу оила қандай? Кетасанми, ё бу ерда қола турасанми? Ойбек, Қутлуғ қон. Азар ораларингизга совуқчилик тушадиган бўлса, сен ўнақишиб юрма, яхшиси .. бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ўз турган жойидан бошқа томонга йўл олмоқ, юрмоқ, бормоқ. Далада кетайтган ким? Поезд эрталаб кетади. Ленинградга самолётда кетамиз. — Шундай кейин у [Ҳасанали] ўзича нимагадир қулмисраб хотинлар олдига кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Бирор мақсад билан бирор жойга йўл олмоқ, жўнамоқ, бормоқ. Уқшига кетмоқ. Оёга кетмоқ. — Бири «Нормат акам аскерликка кетяпти» деса, иккинчиси «катта командир бўлгани боряпти» дейди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор машғулот, хизмат ёки вазифани тарк этмоқ, ташламоқ. Ишдан кетмоқ. Уқшидан кетмоқ. — Сендай, ақли расо, тушунмайдиган одам бўлса, заводдан кетмас эдим. А. Қахҳор, Қанотсиз читтак.

3 Тамом бўлмоқ, тугамоқ, ўтмоқ (вақт ҳақида). Бўлинглар, вақт кетяпти. Вақтинг кетди — бахтинг кетди. Мақол. — Шундай роҳат турмушимиздан, шундай ширин умримиздан дарров бир йили кетдим! Ох, дод дейман. А. Қахҳор, Нутқ.

4 Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, аримоқ. Далалардан қор кетди. Кийимнинг доғи кетмади. — Ҳасрат туягандан сўнг Отабекнинг юзигаги болаги ярим жиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қадаҳ тўхтаб қолди. Сўхбатдан нечुकдир файз кетди. А. Қахҳор, Қанотсиз читтак.

5 Кўчма Оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. Мен ўн беага кирганда аям ўлди. Ҳали қирққа бормаганди. Ёш кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Сарф бўлмоқ. Йўл ҳаражатига ҳаммаси бўлиб эллик сўм кетди. Бу ишни бажаришга кўп вақт кетади. — Куч кўп кетади, лекин экинлар ичида бун-

дан [пахтадан] сердаромади йўқ. А. Қаххор, Қўшчинор. | Ишлатилмоқ. Рўзгорга кетадиган нарсалар.

7 с. т. Ўтмоқ; сотилмоқ, пулланмоқ. Тез кетадиган мол. — Хуллас, ер жуда арзонга кетди. Ойбек, Қўтлуғ қон.

8 Давом этмоқ; бормоқ, бўлмоқ. Экзамен кетаяпти. Мажлис кетаяпти. — Урмонжон, одатда, иш сустроқ ёки ёмонроқ кетаётган участкаларга борар .. эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Агар, биз, ёрнинг доли-гулига келишини кутиб ўтирсак, вақтдан ютқаздиғанга ўхшаймиз, ҳаво шундай кетавермас [деди бригадир]. Н. Сафаров, Хадича Ахорова.

9 Кўйма Иш-фаолиятнинг бирор соҳаси, йўналиши билан бормоқ, давом этмоқ. Ақаси учувчи эди, уқаси ҳам унинг орқасидан кетди. Бола отаси изидан кетиб, ўқитувчи бўлди. — Бутун оиласи бу ера резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, «пул» қилишга тиришар эди. Абдушукр бу йўлдан кетмади. Ойбек, Қўтлуғ қон.

10 Тарқамоқ, бориб етмоқ (овоза, доврўқ ва ш. к. ҳақида). Шухрати бутун дунёга кетди. — Аммо номи тилдан-тилга ўтиб, бутун фронтга доврўғи кетган бу қизнинг йўлида фақат Нормат кечарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

11 с. т. Ишдан чиқмоқ, мас. синмоқ, ёрилмоқ, йиртилмоқ каби маъноларни ифодалайди. Девор ўртасидан дарз кетибди. Шимим тиззасидан кетди. — Араванинг тагидан дехқоннинг аянчили товуши эшитилди: — Ўқи кетипти, иш пачава. Ойбек, Қўтлуғ қон. | Қийшаймоқ, оғмоқ, йиқилмоқ. Бинонинг тепа қисми ариқ томонга анча кетибди.

12 с. т. Ярашиб тушмоқ (кийим ҳақида). Бу костюм сенга жуда кетибди.

13 Истеъмол қилинмоқ, ейилмоқ ёки ичилмоқ; ўтмоқ. Иссиқ кунда палов унча кетмайди. — Чучурадан кейин чой жуда яхши кетади-да, — деди Боқижон Бақоев, юздаец терни артиб. А. Қаххор, Адабнёт муаллими.

14 с. т. (асосан бўлишсиз ф-да) Маъқулланмоқ, йўл қўйилмоқ. — Хим, оқсоқол мажлисни қадимеи замон усулида — тарафқашликка айлантирмоқчи экан-да. Кетмайди, — деди Абдурашул. П. Турсун, Ўқитувчи.

15 Сифмоқ, жойланимоқ. Бу самоварга уч литр сув кетади. Залага икки юз киши кетади.

16 Кўмакчи фл. вазифасида равишдошнинг «и(б) аффиксли формасига бирикканда: 1) ҳаракат, ҳолатнинг юқори даражада юз беришини билдиради, мас. қизариб кетмоқ, говлаб кетмоқ, чарчаб кетмоқ; 2) ҳаракатнинг тўсатдан, кутилмаганда ва тез юз беришини билдиради, мас. туртиниб кетди, қўрқиб кетди, машина бирдан гувиллаб юриб кетди. — Қиз Йўлчининг ёнидан ўтиб, бойнинг дарғозасига кираркан, паранжиси унинг тизза-

сига тегиб кетди. Ойбек, Қўтлуғ қон; 3) ҳаракатнинг давомийлигини билдиради. Отабек .. янги ва эшитилмаган фикрларни сўзлаб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

17 Кўмакчи фл. вазифасида, равишдошнинг «а(й) аффиксли формасига бирикканда, ҳаракатнинг тез ва кучли равишда бошланиши ва давом этишини билдиради. Самандаров .. қўлидаги қогозни Болтабойга бериб, унга алланимани тушунтира кетди. А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ Беш кетмоқ қ. беш. Сув текин кетди жуда арзонга сотилди. Ўзидан (ёки хушидан) кетмоқ хушини йўқотмоқ, хушсизланмоқ. — Хушидан кетиб қолдим, кейин нима бўлганини билмайман, — деди Ҳожи хола. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

КЕФЙР [р] Махсус томизғи билан ивтилган чучук қатиқ.

КЕЧА 1 Сутканинг кундуз қисми тугаб, тун қисми бошланадиган пайти, кундуз билан тун оралиғи. Кеч кирди. Кеча яқин. — Кеч қоронғисига чулганаятган минбардан нотаниш бировнинг фарёди эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи. — Кеч бўлиб қолди, буғун кетмайди, — деди у. С. Зуннунова, Гулхан.

2 рви Белгили ёки керак вақтдан кейин; белгили ёки керак вақт ўтгач. Ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлгани яхши. Мақол. — Онаси унинг бутун ҳаракатини таъқиб қилиб турарди... Сал кеч келса, чироқ ўчирмай кутиб ўтиради, неча марта кўчага чиқиб келади. Шухрат, Шинелли йиллар. Кеч деганда ёки кечи билан бажариш муддати жуда чўзрилиб кетган тақдирда, жуда узоққа чўзилса, узоғи билан. Бу топширқни кечи билан биринчи майёча бажариш керак. — Кеч деганда, мартнинг биринчи ярмида чигитни экиб олсак, марра бизники. Н. Сафаров, Хадича Ахорова. Кеч қолмоқ кечикмоқ. [Фотима:] Келиң, мунча кеч қолдингиз! Ҳамза, Тухматчилар жазоси. | кесим вазифасида Вақт ўтди, қулай фурсат кетди. — Бўлар иш бўлди, овра бўлманг, энди кеч. — Ҳали ҳам кеч эмас! — деди Адолат. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ Кеч куз кунининг сўнги пайти, куз охири. Вақт кеч куз бўлишига қарамай, кун совуқ эмас. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КЕЧА 1 Сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча ўтадиган қисми; тун. Ойдин кеча. Қоронғи кеча. — Ойимни бир ойдан бери кўрганым йўқ. Бир кеча ёнида ётишни орзу қиламан, — деди енгиллаб Нури. Ойбек, Қўтлуғ қон. Сидиқжон йўлга тушиши нияти борлигини айтмаса ҳам, чол .. бу кеча шу ерда қолишни, эрта сажар йўлга чиқишни маслаҳат берди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Бирор нарсага бағишланган, одатда расмий ва бадий қисмдан иборат бўлган кечки умумий йиғилиш. Меҳ-

монлар билан вакилларнинг қизғин табриқлари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 рви Бугундан олдинги кун. Кеча сизни кутган эдим. — Кеча эрталаб шаҳарни бир айлаиб келайин деб чиқиб кетган. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕЧАГИ Бугундан олдинги кунда юз берган, маълум бўлган; кеча бўлган. Газетанинг кечаги сони. Кечаги воқеа. — Бугун эрталабки чойдан сўнг Ҳасанали кечаги фикрни чинлаб амала оширмоқчи бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Яқин ўтган вақтдаги, ҳозирдан олдинги. Ҳар бирининг кечаги ўтмишини эслаб кўрайликчи: бири бойнинг подачиси, бири руҳонийнинг .. Ҳаммалари, кулфатга дучор бўлган .. болалар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

КЕЧА-КУНДУЗ, кечаю кундуз рви кечаси ва кундузи, кечаси ҳам, кундузи ҳам. Кеча-кундуз ишламоқ. | Ҳамнаша, доим, узлуксиз равишда; тинмай. Кечаю кундуз ҳаёлим сизда. — Ҳеч хавотир олмаган, — деди Давлатёр пешанасини тириштириб, — кеча-кундуз йўлаб гаранг эдим. П. Турсун, Ўқитувчи. [Гулнор:] Ёлғизман, ғариб-бенавоман, лекин кўнглим сизда, .. Кеча-кундуз ёдингиз билан яшайман. Ойбек, Қўтлуғ қон. Шу кеча-кундузда шу кунларда, ҳозир ўтаётган кунларда; ҳозирги вақтнинг ўзида.

КЕЧАЛИК Кечаси бўладиган; кечасига, тунга онд. Тўғри, дада! Қўйни эртароқ сўйиб саранжом қилганингиз яхши. Кечалик иш курсин. Ойбек, Қўтлуғ қон. [Тожибой:] .. Ундан кейин шунча машаққатларнинг устига бир кечалик бир машаққатни ҳам устингизга оласиз. Ҳамза, Яллачилар иши.

КЕЧАСИ 1 Сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча бўлган қисми; кеча, тун. Янги йилга ўтар кечаси. Кечаси билан қор ёғди. — Бийрон тилдан сўз оқар равон: «Ада, нега кечаси узоқ?» Ё. Мирза.

2 рви Сутканинг кеча, қоронғи қисмида; тунда. [Урмонжон:] .. Яхши ухлаб турдингми, кечаси келсам, ухлаб қолган экансан. А. Қаххор, Қўшчинор.

КЕЧИК Дарё, кўл кабиларнинг кечиб ўтиладиган жойи. Биров сув тополмайди ичгани, биров кечик тополмайди кечгани. Мақол.

КЕЧИҚМОҚ 1 Керакли ёки белгиланган вақтдан кейин келмоқ, кейин бормоқ, кеч қолмоқ. Ишга кечикмадингизми? — У ҳозир хотинининг .. нега бунча кечикдингиз деган сўроғини кутар [эди]. А. Қаххор, Қанотсиз читтак. Севкли куёвни йўлда кўрган Офтоб ойм, .. кечиккани учун нечоғлик ташвишлар тортиб ва қандог тушлар кўрганини [Отабекка] лаби-лабига тегмай сўзлай кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Белгили муддатдан кейинга қолмоқ, ўз вақтида бажарилмаслик. Ремонт ишлари бу йил бироз кечикди. ■ Кечикиб экилган галла ҳам, чигит ҳам Матқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай яхши унум қилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 с. т. кам қўлл. Кеч бўлмоқ, кеч кирмоқ.— Беда ўриб қўйиш керак эди-ку,— бошини қашиди Ермат.— А, кун ҳам кечикиб қолибди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЧИКТИРИЛМОҚ** кечиктирмоқ фл. мажх. н. Экспедицияга жўнаш кечиктирилди.

**КЕЧИКТИРМОҚ** кечикмоқ фл. орт. н. Ишни ўз вақтида бажар, кечиктирма. ■ Ёқубжон ҳамма вақт бир нарса демоқчи бўлса, аввал шундай бир нотайин ва, кўпинча, совуқ гапни айтиб, изоҳни кечиктиради. А. Қаххор, Сароб.

**КЕЧИНМА** (асосан қўлл. ф-да) Кишининг рухий ҳолатига таъсир қиладиган хис-туйғулар, ўй-хаёллар. Ёқимли кечинмалар. Қайғули кечинмалар. ■ Гулнор кўркам сояларини тузатиб, .. чиройли туши каби енгил ва тотли кечинмаларга, ўйларга берилиб ўтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЧИРИЛМОҚ** кечирмоқ фл. мажх. н. Кечирилган кунлар. Гуноҳи кечирилди. Қўйлар сойдан кечирилди. ■ Холмурод у кечирилган лаззатли ҳаётни эслашдан қизнинг юраги ўйнай бошлашини сизди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги. Кўёникидан келган сарполар .. унинг [Нурининг] кўзидан ҳам алоҳида кечирилган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЧИРИМ** Афв этиш; узр. У эрининг юзига кечирим сўрагандек тикилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**КЕЧИРМОҚ** кечмоқ 1, 3, 4 фл. орт. н. Сув кечирмоқ. Ҳаёлидан кечирмоқ. Гуноҳини кечирмоқ. Бошдан кечирмоқ ўз ҳаётида синаб кўрмоқ, тағимоқ, билмоқ. Саид Жалолхон бошдан кечирганларини инқиллай-инқиллай ҳикоя қилиб берди. А. Қаххор, Башорат.

**КЕЧКИ** 1 Кечга оид; кечқурун бўладиган. Кечки пайт. Кечки университет. ■ — Унингчини кечки мактабда битираман! — деди Насиба. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. Эшелон ошпазлари кечаси овқат пиширмаслик ва кечки овқатни ҳам кундузи пишириб қўйиш ҳақида буғирқ олдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кеч пиядадиган. Кечки узум. Кечки ўрик. | Кеч экиладиган. Кечки бодринг. Кечки картошка. Кечки экиннинг хатари бор. Мақол.

**КЕЧКИРМОҚ** Кеч бўлмоқ, кечга яқинлашмоқ. Киш кунлари қисқа бўлади — бирпасда кечиради. ■ — Бугун қолинг, кун кечкирди, эртага ўзим арава тегиб жўнатман, — деди [Сидиқжон]. А. Қаххор, Кўшчинор.

**КЕЧЛАТИБ** Кеч киритиб; кечқурун. Азимжонга айт, кечлатиб бораман. С. Аҳмад, Хукм.

**КЕЧЛИК** Кечки овқат. Улар масжиддан шомни ўқиб кирган, ичкаридан Ойбодоқ кечлик олиб чиқди. А. Кодирӣ, Ўтган кунлар. Меҳри опа кечликка барвақт унади. Р. Файзий, Шохи дарпарда.

**КЕЧМИШ** 1 Ўтган, бўлиб ўтган (асосан пайт, замон ҳақида). Шамолдек кечмиш йиллар унинг [Гулчехранинг] чиройига чирой қўйган. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. У ҳозир болаларнинг шўх, жонли, қайноқ ўйинларини томоша қилади. Ўзининг кечмиш болалиги, қишлоғи, ўртоқлари ёдига тушади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ўтган ҳаёт, ўтмиш. Октябрь инқилоби асрий лавнати кечмишига хотима берди. ■ У ўз кечмиши билан болаларнинг муҳаббатига сазовор эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**КЕЧМОҚ** 1 Бирор нарса устидан ботиб ўтмоқ, юрмоқ. Қор кечмоқ. Лой кечмоқ. ■ Қаратон қишда яланг оёқ муз босиб, саратонда қизгин қум кечиб, иссиқда, совуқда, обдан пишган бизнинг йигитни [Йўлчини] ҳам, катта масофани пийда босгани учинми, кун хила бетаоқат қилган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Уч артиллерия разведкачиси купла-кундуз кунни қамишзор оралаб, чуқур сувдан кечиб боради. Н. Сафаров, Тилсимчилар.

2 Юз бермоқ; содир бўлмоқ. У [Қоратой] бойнинг уйида кечган воқеалардан хабардор бўлиб туриш учун Шокир отанинг кампирини тайинлаган. Ойбек, Қутлуғ қон. У [Қодиров] сўзлаш учун йрндан тургандаёқ, ярагида нималар кечаётганини пайқадим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Холи нима (ёки не) кечди холи нима (не) бўлди, қандай ахволга тушди. [Жайноқ:] Утир .. Нафасингни ростлаб ол. Болаларнинг холи нима кечди? Н. Сафаров, Уйғониш. | Ўтмоқ. Кўнелидан қандай гаплар кечди экан? ■ Йилларимдан хафа эмасман, Меҳнат, жангда кечди онларим. Ё. Мирза. Гулнорни севган ва у билан тил бириктирган бир йигитнинг мажжудлигини [Салимбойвачча] ўша вақтларда билган бўлса ҳам, унинг хотиридан Йўлчи сира кечмаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Афв этмоқ, кечирмоқ, кечмоқ. [Мирзақул:] Бой ота, Суярнинг гуноҳини мен сиздан сўрадим. Кечинг. Н. Сафаров, Уйғониш. Бир қошиқ қонидан кечмоқ фольк. афв этмоқ, афв этиб омон қолдирмоқ, ўлдирмаслик, жазоламаслик.

4 Бахридан ўтмоқ; бағишламоқ. Ҳамма нарсасидан кечмоқ. Мол-мулкдан кечмоқ. Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмас. Мақол. ■ [Бек:] Хон-монимдан кечаман, .. аммо бу ишни очмасдан қўймайман. А. Қаххор, Бек. | Юз ўгирмоқ, алоқа, муносабатни узмоқ, бегона бўлмоқ. Норози бўлишдан нима фойда. Даданган кечасанми? Ойбек, Қутлуғ қон. | Қайтмоқ; рад этмоқ.

[Нури] .. кейин бу фикрдан кечган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЕЧПИШАР** Кеч пишадиган, кейин етиладиган; кечки. Кечпишар қоюв.

**КЕЧҚУРУН** рви Кундуз тугаб, тун бошланаётган пайт, кеч пайти; оқшом. Адолат ҳар кунни кечқурун Усмонжонни кўриш орзусида уйига ошиқар, уни соғинар, лекин бунни тан олишга ўз-ўзидан уяларди. С. Зуннунова, Гулхан. [Аҳмаджон] кечқурун ҳамма кинога кетганда бирпас мизғигани казарма ётидаги майсага чўзилган эди, рўпарадаги адир ён бағирлигидан ашула товуши эшитилди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**КЕЧҚУРУНГИ** Кечқурун бўладиган; кечки. Муродхўжа домла кечқурунги зиёфатда яхши «Маданий» закускалар ҳам бўлсин, деб шу яқиндаги бир ресторанда бюортмалар берган эди. А. Қаххор, Сароб. Қадокчи Ҳамроқулнинг тоби қочди. Ким билади, кеча кечқурунги худойи ош ёқмадимми, ё эрталаб чоёнак қадоклатиб кетган кишининг носиди бир гап бор эканми. А. Қаххор, Томошабоғ.

**«ки [ф-т]** 1 боғл. Эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Бир ойна бўлдики, шу фабрикада ишлаётиман. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Оқибат шундай бўлдики, Саидийнинг ички ҳаёти билан ташқи ҳаёти орасидаги кундан-кунга ўсиб бораётган қарама-қаршилик унинг жонига қасд қиларлик даражасига етди. А. Қаххор, Сароб.

2 юкл. Таъкид ва кучайтириш маъносини ифодалайди. Полвонлардай йигит экан, кўкси тўла орденки, бири-биридан чиройли. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КИБЕРНÉТИКА** [р<грек] Турли (механик, электик, физиологик ва ш. к.) процессларни автоматик равишда бошқариш системалари, формалари, методлари ва воситалари ҳақидаги фан.

**КИБОР** [а] эск. кт. 1 Жамиятнинг олий табақасига оид киши; оқсуяк, аслзода. Киборлар жамияти. ■ Европа киборлари расмича муомала қилишга мажбурман. А. Қаххор, Бос тепкини.

2 айн. кибрли. Атай излаб келдим оқ қоя, Сен нақадар мағрур ва кибор. Миртемир. || Қулаҳмад ўзини кибор тутар, .. одам юзига боқмай, терс қараб гапирарди. Мирмуҳсин, Чўри.

**КИБР** [а] Ўзини ҳаммадан юқори хис этиш; манманлик, кибрлик. Олифта бойвачча кибр ва аҳмоқона гурури ила креслода талтайганча қолди. Ойбек, Нур қидриб.

**КИБРЛАНМОҚ** Ўзини ҳаммадан юқори хис этмоқ; манманлик қилмоқ, кеккаймоқ. Рихсибий ака кейинги пайтда жуда кибрланиб кетди; колхозда эришилган ютуқларнинг ҳаммаси мен туфайли дейдиган бўлиб қолди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.



**КИБРЛИ** Ўзини ҳаммадан юқори ҳис этадиган; кеккайғар; кибор. [Қизлар] Кутбияни кибрли, мағрур ва ота-онасига катталиқ қилади» деб айблардилар. Айний, Эсдалликлар.

**КИБРЛИК** **1** кибр с. белги оти. Унинг нақадар кибрлигини билсангиз эди!

**2** айн. кибр. Араббой овқат вақтида бошқалар олдида ўзига хос кибрлик билан Элмурода таъна қилди: «Ҳа, қоровулхонада мактаб очибсиз деб айбидик» .. Ойлик қанча? П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КИБР-ҲАВО**, кибру ҳаво Ўзига ортиқча баҳо бериш, манманлик. Ҳабибий қош кериб, мағрур боқма элга, камтар бўл, Назардан қолма, бадахлоқ ила кибру ҳаводан кеч. Ҳабибий.

**КИГИЗ** Юнгдан босиб тайёрланадиган қалин пишиқ палос; намат. Учоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сариқ, бужуру одам кўк пиёладан чой ҳўплаб ўтирибди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Кигиз этик** с. т. валенка, пийма.

**КИЗАК** [ф-т] Дўппининг тепа ва жияги ўртасидаги қисми, гардиши. Назирқул нима дейишини билмай .. дўпписининг кизагини тортиб ўйнар, гоҳ-гоҳ ёлворгандек кўзларини пиртиратиб Низомиддиновга қараб қўярди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**КИЙ** [р<поляк] Билъярд ўйинида қўлланадиган, учи ингичка узун таёқ.

**КИЙГЗМОҚ** киймоқ фл. орт. н. Табиат чўл энига кўм-кўк шоҳи кўйлак кийгизди. — Ҳаётхон ўрнидан турди, онам умид билан унга тиктириб қўйган .. қашқари қундуз телпакни кийгизди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИЙДИРМОҚ** киймоқ фл. орт. н. Қийган тўнинг эскийди, кийдирганине эскимас. Мақол. — Марияга дарров бошдан-оёқ мусулмонча кийим кийдирадилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Кулоҳ кийдирмоқ** с. т. лақиллатмоқ; алдамоқ.

**КИЙИҚ** Қувур шохли сутэмизувчилар оиласининг оху, бугу ва хоказолар каби катта бир группасининг умумий номи. Тоғ чўққисидан ўтлаб юрган кийик шарпани эшитиб, бош иргатандай бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИЙИЛМОҚ** киймоқ фл. мажҳ. н. Қийилган этик. Қийилмаган пальто.

**КИЙИМ** Бадани ва тан аъзоларини беркитиш, ёпиш учун кийиладиган, асосан мато ва теридан тикиб тайёрланадиган нарсаларнинг умумий номи. Ички кийим. Устки кийим. Бош кийими. Оёқ кийими. — Тор кўчанинг юқори бурчагида отининг тизенини ўйлагани ҳолда бир йиғит кийимига ўтирган чанг-тўзонлари қоқар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Гулнор .. қўтилардан бирини очиб, кийимлари орасига ҳалиги дўппини жойлаштирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИЙИМ-БОШ** Кийиладиган нарса-

лар, кийим; уст-бош. Булар [йиғитлар] бир шаҳарга тушиб, эртасига кийим-бош олишди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Элмурод .. ўзини улар олдида дадасининг кийим-бошини кийиб юрган боладай қўпол, укувсиз сезарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КИЙИМ-КЕЧАК** айн. кийим-бош. Арава-арава кийим-кечак келтирилиб, ҳамма болаларга бир сидра янги ички ва устки кийим-бош берилди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Мирбадал тўкиб қўйилган пахта устида кийим-кечаги билан донг қошиб ухлаб ётибди. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**КИЙИМЛИК** Кийим қилинадиган, кийимбоп газлама. Бир кийимлик духоба. Икки кийимлик атлас. Кийимлик харид қилмоқ. — [Деқхон:] Ковуним пишиб чириб кетди .. битта четанда олиб тушай-да, сотиб болаларга кийимлик олай, деб хаёл қилган эдим. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИЙИММОҚ** киймоқ фл. ўзл. н. Қийинайтиб столдаги графининг тагига қистирилган бир парча қоғозга кўзим тушди. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. Ҳар доим яхши кийиниб, кеккайиброқ юрадиган бу чиройли, қоратўри йиғит ўша Фотимага ошиқ бўлиб юрган бўйдоқ ўқитувчи Қаримов эди. Т. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КИЙИТИРМОҚ** кийинмоқ фл. орт. н. Фуод афанди бир ярим йилдан бери уни [Ҳожки қизни] боқар, ичирар, кийиттирар .. лекин пул олмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИЙМОҚ** **1** Кийим билан баданини ёки бирор аъзосини ёпмоқ, беркитмоқ. Кўйлак киймоқ. Дўппи киймоқ. Этик киймоқ. Пальто киймоқ. — Қиз туғунини қўлтиқлаб ҳовлига тушди. Қавушини киймади. Ялангоёқ «шип-шип» юриб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ғулможон апила-тапила кийимларини кийди, оёқларига қавушларини илди .. шарпасиз қадамлар билан дарча олдига келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бирор кийимга егишмоқ, кийимли бўлмоқ. Йўли Мирзақаримбойёга томон гавдасини чўзиб қичқирди: .. этик, чопон ва бошқаларни қўйверай, биронта янги дўппи кийганим йўқ бу остонада! Ойбек, Қутлуғ қон.

**2** этн. Ҳадея кийими олмоқ. Шармисэдр юзлари, Ошега тўймас кўзлари, Тўйга бориб, тўн киймоқ Ҳамон фикру сўзлари. Ҳамза.

**3** кўча Уранмоқ, қопланмоқ, бурканмоқ (ўт-ўлан, гул ва ш. к. билан). Баҳорнинг дастлабки кунлари: колхоз қишлоғи яшил либос кийган. Н. Сафаров, Ҳадича Ахророва.

**КИЛО** [р] с. т. Килограмм.

**КИЛОВАТТ** [р<грек+ингл] Электр токи қувватининг 1000 ваттга тенг ўлчов бирлиги.

**КИЛОВАТТ-СОАТ** [р+а] Электр токнинг ток қуввати бир киловатт бўлганда, бир соатда бажарган ишга тенг ўлчов бирлиги.

**КИЛОГРАММ** [р<фр<грек] Мет-

рик системада 1000 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

**КИЛОГРАММЛИ** Килограмм оғирликдаги; килограмм келадиган. Беш килограммли тош.

**КИЛОМЕТР** [р<фр] Метрик системада 1000 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги. Қанал ўн етти километр узунликда бўлиб, Яқкабоғдан чиқарилиши ва Шўртепанинг пастроғидан яна дарёга ташланиши керак эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КИМ** **1** сўр. олми Шахс ҳақида сўроқни билдиради; қайси одам? — Менинг бу ерда эканлигимни ким айтди? — деди Сидиқжон бирпас жимликдан сўнг, ўзини сўроқлаб билдингизми? Қимдан сўрадингиз? А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Қимнинг биласида кучи бўлса, ким ишининг ҳавосини олса, .. ўша ударник бўлаверади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** Қатор келган бир неча гаплар бошида қўлланиб, **бири**, **баъзиси** деган маънони билдиради: Уларнинг бари жароҳатланган: кими бошини ушлайди, кими белини кўтара олмайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Аксарининг уст-боши юпун, .. кимларда похол тиқилган эски калши, кимларда жағи ширтиқ қавуши, лекин улар шод. Ойбек, Қутлуғ қон.

«ким эск. айн. «ки.

**КИМАРСА** эск. айн. кимса.

**КИМДИР** гум. олми **1** Кимлиги номаълум одам; биров. Ташқаридан кимдир «Ўрмонжон ака» деб чақирди, ҳаял ўтмай эшикдан илжайган калла намоев бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Атиреула тўсатдан силкинди-да, кимдир энгашиб анорзорга қочди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**2** Ким бўлса ҳам бир одам, бирор киши, ким бўлмасин. Қимдир шу ишни бажаришни керак.

**КИМЕ** [а] **1** айн. химия.

**2** Кимё (хотин-қизлар исми).

**КИМЁВИЙ** [а] айн. химиявий.

**КИМЁГАР** [а+ф-т] айн. химик.

**КИМСА** Умуман одам, шахс, зот. Қисқаси, илгаридан оддий бир тенгдошдек бўлиб келган бир қиз энди Элмурод учун сирли бир кимсага айланиб борар эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Бу номаълум кимса оёқ учи билан юриб келди-да, мўралаб айвонга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КИМСАН** **1** Назарда тутилган шахснинг даражаси (амали, унвони, бойлиги ва ш. к.) юқсрилигини таъкидлаш учун ишлатилади. [Тантубойваччанинг дадаси] зикнанинг пир ургани эди .. Кимсан — терифуриш фалончи бой! Лекин кўрган одам ямоқчимми, бўъчимми деб ўйлар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. — Хотинлари ҳам, кимсан — оқсоқолнинг хотинимиз деб, кеккайишиб, ўзларига хон, ўзларига бек бўлиб, роса зугумини ўтказишди, — деди Юсвали тоға. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**2** Кимсан (хотин-қизлар исми).

**КИМСАСИЗ 1** Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. [Элмурод:] .. Ахир, бир кимсасиз етимдан бугун шундай одам бўлсам-у, бошим кўкка етмасинми?! П. Турсун, Уқитувчи.

2 Одам зоти йўқ, одамсиз; бўм-бўш. Онахон .. Найманчанинг кўчаларига яна бир тикилиб қаради: ҳамма ёқ боғайдай жим-жит, кимсасиз эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КИМХОБ** [ф-т] Уриши ипак, арқоғи зардан тўқилган мато. Бир тўнлик кимхоб. || Кимхоб тўн. Кимхоб нимча. — Бу туяларнинг бир нечтасига .. духоба, кимхоб, зарбоф, атлас, адрас ва шойи кийимликлар .. юкланган экан. Айний, Эсдаликлар.

**КИН** [ф-т] кт. Гина; кек. Кўзголончи халқнинг кин, қаҳри ҳар лаҳза кучайди, ҳайқариғи кўкни тутди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИНДАК** I с. т. айн. киндик I. **КИНДАК** II с. т. айн. киндик II.

**КИНДИК** I I анат. Қориндаги болани она танаси билан бирлаштирувчи, болани озиқ моддалари билан таъминлаш учун хизмат қилувчи ичак-най. Учқуннинг киндигини кесганда, Тозаул кўзларини юмиб, қалт-қалт титраб турди. Х. Ғулум, Машъал.

2 Бола туғилгач шу ичак-найни кесиб ташлаш натижасида қорин ўртасида ҳосил бўлган кичик чуқурча. | Қориннинг ўрта қисми. У [Соли совуқ] шошиб-пишиб Азимбойваччани кўрагидан итарган эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Киндик қони** тўқилган ер (ёки жой, тупрок) туғилган ер, туғилган, ўсган жой; ватан. Сафаргадига бу қумлар чақалоқ вақтидан ошна. Қорақумда унинг киндик қони тўқилган. Ж. Шарипов, Хоразм. Қиши қаригандан кейин киндик қони тўқилган жойини кўмсаб қоларкан. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

3 кўма Марказ, ўрта. — Даштнинг киндиги мана шу ер, .. деди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**КИНДИК** II Дорбоз юрадиган арқонни ўртароқ жойидан кўтариб турувчи икки ёғоч учларининг бир-бири билан, шунингдек арқон билан туташган, кесилган жойи.

**КИНДОР** [ф-т] Гинадор, кеки бўлган. Лекин шу кунлари бутун совет солдатлари, бутун совет халқи, ғазабнок, киндор эди. Ойбек, Қуёш қораймас. || [Мўмин Мирзо] таажжуб билан Тўғонбекка тикилди. Ингичка қошларини киндор чимирди. Ойбек, Навоий.

**КИНЕМАТОГРАФ** [р < грек] I эск. Кинотеатр, кино.

2 Кино санъати.

**КИНЕМАТОГРАФИСТ** [р] Кинематография ходими.

**КИНЕМАТОГРАФИЯ** [р] Кинофильмлар ишлаб чиқариш ва уларни намойиш қилиш санъати ва санъати. Совет кинематографияси. Кинематография ходимлари.

**КИНЕСКОП** [р < грек] Телевидениеда тасвири қабул қилиб олувчи электрон-нур трубка.

**КИНЕТИК** [р кинетический] I Кинетикага оид. Кинетик назария.

2 Ҳаракатга оид. Кинетик энергия.

**КИНЁТИКА** [р < грек] Назарий механиканинг динамика ва статикани ўз ичига олган бўлими.

**КИНЛИ** айн. киндор. Йўлчи лабини маҳкам тишлаб, кинли кўзларини бир нуқтага тикди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИННА** этн. Хурофий тушунчага кўра, гўё суқланиб қарап таъсирида «кирадиган» касаллик, оғриқ. Кинна солмоқ афсун айтиб, силаш, уқалаш билан «киннани ҳайдамоқ», касалликни йўқотмоқ. Унсин келандан буён касалларга кинна солиш, туққан хотинларга доя бўлиш учун кампир бемалолроқ юра бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Кинна солдирмоқ кинна солдириб «даволатмоқ».

**КИННАҚАШ** айн. кинначи.

**КИННАЧИ** Кинна солувчи, кинна солиш билан шуғулланувчи шахс; киннақаш. — Тунов кун бошим оғриб кинначини чақирсам, [қайнана] ҳайдаб юборди. — деди Савлатхон ўртоғига. Ғайратий, Савлатхон.

**КИННАЧИЛИК** Кинначининг касби, кинна солиш билан шуғулланиш. Анорбига ўхшаш тул хотинларнинг қиладиган иши ҳар кимга ҳам маълум: маҳаллада дастурхончилик, бойлар эшигида оқсочлик, кинначилик ва ҳоказо. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Биласан-ку, кампирим баъзи вақтда кинначилик қилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИНО** [р] I айн. кинематография.

2 с. т. Кинофильм. Овозли кино. Овозсиз кино. — Улмас .. ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтатди: — Ҳўш, ўртоқ командир, қанақа кино кўрдингиз? А. Қаххор, Йиллар.

3 с. т. Кинотеатр. Кинога бормоқ.

**КИНОАКТЁР** [р] Кино артисти, киноартист.

**КИНОАКТРИСА** [р] Кино артисткаси.

**КИНОАППАРАТ** [р] Ҳаракатдаги объектларни киноплёнкага тушириб оладиган, шунингдек, кинофильмлар намойиш қилинадиган аппарат.

**КИНОАППАРАТУРА** [р] Кинематографияда ишлатиладиган расм олувчи, овозни ёзиб олувчи, проекцион ва ш. к. машина ҳамда станоклар мажмуи.

**КИНОАРТИСТ** [р] айн. киноактёр. **КИНОЎДКА** [р] Киноаппарат жойлаштирилган ва шу ердан туриб кинофильм намойиш қилинадиган махсус хона.

**КИНОДРАМАТУРГИЯ** [р] I Киносценарийлар мажмуи.

2 Киносценарийлар тузиш, яратиш назарияси.

**КИНОЖУРНАЛ** [р] Кундалик ҳаётнинг муҳим воқеаларни намойиш қиладиган қисқа метражли фильм.

**КИНОКАРТИНА** [р] айн. кинофильм.

**КИНОЛАШТИРМОҚ** Бирор территорияда кинотеатрлар қурмоқ. Қишлоқларни кинолаштирмоқ.

**КИНОЛЕНКА** [р] Кинофильмнинг бир нусхаси; кино лентаси.

**КИНОМЕХАНИК** [р] Киноустановкани ишлата билувчи ишчи, кинофильм кўрсатувчи механик.

**КИНООПЕРАТОР** [р] Кинофильмларни суратга олувчи мутахассис.

**КИНОПЛЁНКА** [р] Кинофильмларни суратга олиш учун ишлатиладиган лента; кино плёнкаси.

**КИНОПРОКАТ** [р] Кинофильмларни намойиш қилиш учун чиқариш ва уларни маълум вақтда фойдаланиш мақсадида кинотеатр, клуб ва ш. к. жойларга бериш. | Шу иш билан шуғулланадиган муассаса.

**КИНОРЕЖИССЁР** [р] Кинофильмни кўювчи режиссёр, кинокартина режиссёри.

**КИНОСТУДИЯ** [р] Кинофильмлар ишлаб чиқарадиган корхона.

**КИНОСЦЕНАРИЙ** [р] Кинофильм яратиш учун асос бўладиган бадиий асар.

**КИНОТЕАТР** [р] Кинофильмлар намойиш қилинадиган махсус бино.

**КИНОУСТАНОВКА** [р] Кинофильмлар намойиш қилинадиган аппарат, асбоб-ускуналар.

**КИНОФЕСТИВАЛЬ** [р] Вақти-вақти билан ўтказиладиган бир умумий темага бағишланган кинофильмлар ёки бирор мамлакатнинг энг яхши кинофильмлари кўриги. Халқаро кинофестиваль.

**КИНОФИЛЬМ** [р] Экранда намойиш қилиш учун яратилган кинематография асари; кинокартина. Рангли кинофильм. Илмий-оммабоп кинофильм.

**КИНОХРОНИКА** [р] Кундалик ҳаётдаги воқеаларни кўрсатиб берадиган қисқа метражли фильм ёки киножурнал.

**КИНОЯ** [а] Масхаралаш, кулиш учун айтилган пардали гап; қочқирим, истеҳзо, пичинг, кесатиқ. — Ҳўш, сизча нима қилиш керак, ўқимшли акам! — деди киноя билан Йўлчи. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИНОЯЛИ** Пичинг билан айтилган; пичинг, киноя ифодалайдиган. Уктамнинг кўзларида эса қандайдир кинояли маъно, лабларида галати табасум сезандек бўлди Собир. Ойбек, О. в. шабадалар. Лейтенант .. товушини ортиқча баланд чиқариб қоймас, салмоқлаб, кинояли сўзлар билан етмиш икки томирга игна тикқандан бадтар жонини ҳалқумига келтирар эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**КИНОЯОМИЗ** [а-ф-т] Киноя тарзидаги.

**КИОСКА** [р кiosk] Савдо-сотиқ ёки бошқа мақсадлар учун мўлжалланган павильон; кичик дўкон. Гул киоскаси. — Газета киоскаси олдида сочиға оқ оралаган, ўрта ёшлардаги бир хотин

унга қараб турарди. С. Аҳмад, Қадрон далалар.

**КИПРИК** Кўз қовоқлари четда қатор жойлашган туқлар. Кучли қулгидан Рағнонинг кўзи ёшланиб ўсиқ киприги жуфтланди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қозининг тусиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклари пилпиллади, лаблари пичирлади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

◆ **Киприк қоқмай** (ёки қоқмасдан) бутунлай ухламасдан; дам олмасдан. Мاستон унинг ёнида ўтириб, киприк қоқмай тонг отдирди. А. Қаххор, Мастон.

**КИР 1** Бадан, кийим ва ш. к. га чанг-тўзон ўтиришидан ҳосил бўлган ифлослик. **Кир босган кўйлак**. || **Кир дастрўмол**. — Чанг ва тердан ҳосил бўлган кирни яқтак этаги билан юзидан сидириб ташлади. Ойбек, Қутлуф қон.

**2** Ювиладиган ёки ювилган кийим, сочиқ, дастурхон ва ш. к. буюмлар. **Гулроқ титроқ лаблари билан базўргина**: — Яхши, .. аммангизни севинтиринг, ман нима? — деди-да, қир ёйишни баҳона қилиб, узоқлади. Ойбек, Қутлуф қон. [Ойимхон] оқдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақиқа бир коса кепак олиб, нон қилиб еган. П. Турсун, Ўқитувчи. **Кир тоғора кир** ювиш учун белгиланган катта тоғора; жомашов. **Кир ўра** кир ювилган ифлос сув ташланадиган ўра. У [Сидиқжон] тўғон бошига боришни эртадан қўйиб, кунни шу ерда ўтказди, лекин кунни бўйи тинмади, .. тўйиб қолган кир ўрани кўйиб ташлаб бошқа ўра қазиди. А. Қаххор, Қўшчиноқ.

◆ **Кир ювди этн.** киши дафн қилингандан кейин учинчи кунни бўладиган биринчи марсеим (бунда марҳумнинг кийимлари ювилиб, ювгучга берилади). Кўнглида **кири йўқ** дарров хафа бўлавермайдиган, бировга гина-адоват сақламайдиган, бировга ёмонликни истамайдиган; очиқ кўнглили. **Тирноқ остидан** (ёки орасидан, тагидан) кир қидирмоқ қ. тирноқ.

**КИРА** [а] **1** Бирор жойга бериш ёки бирор юкни олиб бориб бериш учун арава, машина ва ш. к. ни ёллаш. **Кира ҳақи неча пул бўлади?** **Кира қилмоқ 1)** ҳақ тўлаш шарти билан бошқанинг от, арава, машина ва ш. к. дан фойдаланмоқ, ёлламоқ. — **Биз ҳам, отам иккимиз, иккита нор туяни кира қилиб қарвона уландик**, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фаргона т. о.; **2)** қирақашлик билан пул топмоқ.

**2 с. т.** Бадал, эваз. **Холбекани мен кўрсатсам, тўражон, Кирасига не берасан ўзим?** «Кунтуғмиш».

**КИРАВЕРИШ** Ҳовли, уй ва ш. к. нинг ичига кириш бошланадиган жойи; тақ, чикавериш. — **Қани, мин!** — деди Ўрмонжон ҳайрон бўлиб турган Сидиқжонга, — мана шу тепалик орақасида бизнинг Бақақуруллоқ деган

маҳалламиз бор, шунинг кираверишида сени бир хотин кутиб турипти. А. Қаххор, Қўшчиноқ. [Растага] кираверишидаги якка-ягона атлас дўконидан Назоқат деган хушбичим жувон ишларди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **КИРАҚАШ** [а+ф-т] Улов билан ёллашиб юк ёки одам ташиш иши билан шуғулланадиган шахс.

**КИРАҚАШЛИК** Қирақашнинг машғулоти, касби. У [Насим] .. Бухоро — Баҳоваддин оралирида қирақашлик қиларди. Айний, Эсдалиқлар.

**КИРГИЗИЛМОҚ** киргизмоқ *фл. мажх. н.*

**КИРГИЗМОҚ** кирмоқ *фл. орт. н.* Молни оғилга киргизмоқ. Михни тахтага киргизмоқ. Болани ўқишга киргизмоқ.

**КИРДИҚОР** [ф-т] Ёмон, ярамас ишлар, қилмиш, хатти-ҳаракат. **Ойимхон Тожибойнинг ҳамма кирдикорини билар**, буларни жамоат ҳам билиб қўйишини истар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг [Умрининг] кирдикорини мен биламан, ундан мен жирканаман деб юрсам, бутун қишлоқ билар экан, бутун қишлоқ жирканар экан. А. Қаххор, Хотинлар.

**КИРДИ-ЧИҚДИ 1** Кириш-чиқиш, кириш-чиқиш ҳаракати.

**2** Қирган-чиққан, нотекис. **Қирди-чиқди ер. Деворнинг кирди-чиқди жойларини тузатмоқ.**

**КИРЗА** [р] Оёқ кийими ва бошқа нарсалар учун тери ўрнида ишлатиладиган пишқ сунъий материал. || **Кирза этик.**

**КИРИЛМОҚ** кирмоқ **1 фл. мажх. н.** Залга ҳовлидан қирлади.

**КИРИМ 1** Бух. Турли манбалардан келиб тушадиган пул, моддий бойлик маблағ. **Қирим ва чиқим. Қирим дафтари.**

**2 айн. даромад.** Мен эсимни таниган вақтларда бу чолнинг ҳеч бир қирими йўқ ва унинг қундалик овқатини қариндошлар бериб турардилар. Айний, Эсдалиқлар.

**КИРИМ-ЧИҚИМ** Ҳисобга олинадиган ёки ҳисобдан чиқариладиган пул ва моддий бойликлар. **Қирим-чиқимни ҳисобга олмақ. Қирим-чиқим дафтари. КИРИТИЛМОҚ** киритмоқ *фл. мажх. н.*

**КИРИТМОҚ** кирмоқ **1—4, 7, 8 фл. орт. н.** Уйга киритмоқ. Қозикни ерга киритмоқ. Рўйхатга киритмоқ. Ишга киритмоқ. Ҳосилга киритмоқ. — [Ғулможон] бир ёқдан ўзи билан ҳаёти ўртасидаги ишқал, иккинчи ёқдан, мактабининг форат қилиниши уни боши берк қўчага киритиб қўйди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Қолхоз правлениеси Ўрмонжонни ҳосилот кенгашининг раиси қилиб тасдиқлади, уни правление составига киритди. А. Қаххор, Қўшчиноқ.

**КИРИШ 1** кирмоқ *фл. иш оти.* Уйга киришга ошиқди. Аспирантурага киришни орзу қиларди. Кириш имтиҳони.

**2** Бирор асарнинг асосий қисмидан олдинги, бошланғич қисми; дебоча. **Қитобнинг кириши.**

**3** Бирор фаннинг асосий тушунчаларини баён этувчи, шу фандан дастлабки маълумотлар берувчи қисм. **Философияга кириш. Тилишуносликка кириш.**

◆ **Кириш сўз** (ёки гап) қ. сўз **1.**

**КИРИШИЛМОҚ** киришмоқ **2 фл. мажх. н.** Ҳайдашга киришилди. Ишга яна зўр ғайрат билан киришилди.

**КИРИШИМЛИ** Ҳар ким билан суҳбатлашиб, аралашиб, дўстлашиб кетаверадиган, одамлардан ўзини четга олмайдиган, ётсирамайдиган. **Малика киришимлигина бўлгани учун ҳам қайнанасининг кўнглини топиб, ундан ширингина гапини аямади.** Мирмуҳсин, Чинқиш.

**КИРИШМОҚ 1** кирмоқ **1, 4, 5, 7 фл. бирг. н.** Ўқувчилар синфга киришди. — Булар талай ергача эмаклаб, талай ергача бағирлаб боргандан сўнгра бутазорга киришди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**2** Бирор иш-ҳаракатни бажаришга бошламоқ. **Бу ишга қўнда киришдик. Ўқишга астойдил киришди.** — **Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўмоли билан кўзини яшириб, йиғламоққа киришди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Кишилар билан яқин муносабатда бўлмоқ, аралашиб, қўшилиб кетмоқ. У [Саидий] бир мунча Шариф сингари танишлар ортдирди, аммо булар билан киришиб кетолмас, бу янги доирада ўзини мусофирдай сезар эди. А. Қаххор, Сароб.

**4** Иссиқ, совуқ ёки нам таъсирида қисқармоқ (мато ҳақида). **Бу мато ювилганда ҳам киришмайди.**

**5** Белгиланган мақсаддан бошқа нарсага сарф бўлмоқ (пул, маблағ ҳақида). **Савҳатга аталган пул уй ремонтига киришиб кетди. Сенинг ўн сўминг менга киришди.**

**КИРИШТИРМОҚ** киришмоқ **2, 5 фл. орт. н.**

**КИРКЎ** [р] *айн. метин 1.* Дарё ёқасида уй малашиб, лом ва киркалар билан тош кўчираётган одамларнинг кийимларини [шамол] юлқийди. Ш. Ғуломов, Бўз ерга баҳор элтганлар.

**КИРКИҚ** Беданани чақириб (тўрга илтириб тутиб) учун махсус ишланган хуштак. **Содиқвой, ҳатто киркикни ҳам синдириб ташлади, сайратмаларини бировга бергани йўқ, ҳаммасини учириб юборди.** Ғ. Шамшаров, Пахтақайнар.

**КИРЛАМОҚ** Қир бўлмоқ, кир билан қопланмоқ. **Уст-боши қирлаб кетибди. Бола қирлаган бетини юва бошлади.**

**КИРЛАНМОҚ** Қир олмоқ, кир бўлмоқ. **Қўйлак қирланди.** — Чолнинг зенида қирланиб, мойланиб йилтиллаган қора камзул, оёқларида эскириб ола-пелланган амирқон маҳси, йиртиқ калиш. Ойбек, Қутлуф қон.

**КИРМОҚ** (асосан ж. к. билан) 1 Юриб ёки силжиб бирор нарсанинг ичига, ички қисмига ўтмоқ, ўзини ичкари қисмга олмоқ. *Уйга кирмоқ, Ҳора кирмоқ.* — *Аҳмаджон буш лаганни дастурхони билан қўтариб қушбеи кирган эшикдан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бектемир тездан ўзини пастликка ташлади, югура-югура ўрмонга кирди.* Ойбек, Қўёш қораймас. *Йўл устидан чиқиб қолган чаққон калтакесаклар ўқдай отилиб кавакларга, тош ораларига кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Мастон. | Бирор нарсанинг орқасига ўтмоқ, яширимоқ. *Парда орқасига кирмоқ.* — *Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом қоронглиги босди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2. Нарсанинг орасига, ички қисмига ёриб, тешиб ўтмоқ, сукулмоқ; санчилмоқ. *Қўйга тикан кирди. Ер шундай қаттиқки, қоқиқ қоқсанг ҳам кирмайди.* — *Тош учланган қирраси билан бекнинг бошига тушиб, ярмигача ййиб кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. | Ботмоқ, чўкмоқ, ғарқ бўлмоқ. *Сувга кирмоқ. Арава гилдирақлари балчиққа кириб кетибди.*

3 Орқасига, қаторига қўшиб ёзилмоқ, қўшилмоқ. *Бу гаплар мақоланинг учинчи бетида киради.* — *Иккитасида Азимбойваччанинг оти ёзилиб, кейин ўчирилган, охирисида мулақо рўйхатга кирмаган.* С. Аҳмад, Ҳукм. | Қаторига қўшилмоқ, ҳисобланмоқ. — *Ҳа, ҳа бундан маълум бўлдики, ибодат қилмаслик гуноҳга кирмайди.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

4 Иш, хизмат, ўқиш ва ш. к.га қабул қилинмоқ; жойлашмоқ. *У давтавал институтга лаборант бўлиб кирди. Ишга кирмоқ. Заводга слесарь бўлиб кирмоқ.* — [Петров] *Ростов шаҳрига келиб заводга киради, мастерларнинг қўлида шогирд бўлиб ишлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Бирор жамият ёки ташкилот сафига аъзо сифатида қабул қилинмоқ, ўтмоқ. *Космомолага кирмоқ. Қаторга кирмоқ қ. қатор* 2.

5 Саноқ сон, баъзан «ёш» сўзи билан бирга қўлланганда, шу сон билдирган йилча умр кўрганликни билдиради, мас. *отам олтмишга кирди, қиз ўн етти ёшга кирди.* — *Раҳмат, юзга кир, ували-жували бўл, ўғлим.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Шу ёшга кириб шунча йил яшаб. Мен шу ёшга кириб кўпчилик ичиде ксамоварчи, чой» деган одам эмасман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

6 Пайт ёки фасл билдирувчи айрим сўзлар билан бирикканда, шу пайт ёки фаслнинг бошланишини билдиради. *Кечикиб кирган киши энди кун сайин совуғини кучайтира бошлаган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кеч кирди. Товуқлар ғира-шира қоронғида пир-пир учиб, бостирма шипидаги қўноққа чиқа бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Айрим отлар билан бириктиб, шу от ифодалаган нарсанинг пайдо бўлиши ёки вужудга кела бошлаганли-

гини билдиради, мас. *қўчалар мевага кирди, ток ҳосилга кирди, товуқ тухумга кирди.* — *Июнь ойининг охири. Ғўзалар айни сулга кирган вақт.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. | Ўзи бириктиб келган сўз ифодаланган хол-хусусиятга ўтганликни билдиради, мас. *касал уйқува кирди, кўм-кўк осмон бирпасда кулранг тусга кирди.* — *Уй бекаси ўзининг асл руҳига кирди, жангчиларни қиём ва печенье билан меҳмон қилди.* Ойбек, Қўёш қораймас. *Бутун юзи қулоқларига кўкариб, қўллари ёнига шаловираб тушган Писмиқ ўлик тусига кириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 Айрим отлар билан бириктиб шу от ифодалаган нарса ёки хусусият пайдо бўлганлигини, эришганлик ёки касб этилганликни билдиради, мас. *кучга (қувватга) кирмоқ, иштаҳага кирмоқ, соҳига оқ кирди, узумга ранг кирди.* — *Ўрмонжон .. вужудига титроқ кириб, секин курсига ўтирар экан, унинг [Тўпанисонинг] юзида тикилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Бир кун икки орадаи бу муносабатга тўсатдан ўзгача бир маъно кириб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Гапга (ёки сўзга) кирмоқ** бировнинг айтганига кўнмоқ, унамоқ; рози бўлмоқ. **Гўрга кирмоқ** ўлмоқ, ерга кўмилмоқ. **Ерга кирмоқ 1) айн. гўрга кирмоқ.** *Сиздай одама бундай бўҳтон қилгандан кўра ерга кирганим яхши эмасми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) ҳаддан ташқари уялмоқ, мулзам бўлмоқ. *Мен қақирсам, баттар уялади, ерга киради, ҳам унинг кўзига қандай қарайман!* Ойбек, Қутлуғ қон. **Етти ухлаб тушига кирмаган қ. туш.** **Ёнига (ёки кўлтиғига) кирмоқ** қўллаб-қўлтиқламоқ; ёрдам бермоқ. *Қурбон ота шу ишни бошлаган вақтда унинг ёнига кирадиган одамлар пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Жонига ора кирмоқ қ. жон.** 3. **Жонни кирди қ. жон.** **Жон кирди қ. жон 1.** **Оғзидан боди кириб, шоди чиқади қ. боди.** **Паранжига кирмоқ** паранжи ёпинмоқ (вояга етган қиз ёки паранжи ташлаб қайта паранжи ёпинган хотин ҳақида). **Пинжига кирмоқ қ. пинж 2.** **Тилга кирмоқ қ. тил 2.** **Тушига кирмоқ** тушида кўринмоқ. *Товуқнинг тушига дон киради. Нафақа керак бўлса даромадимнинг ярмини олинг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **У қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқди шу оннинг ўзидаёқ унутилди, жуда тез эсидан чиқди. *Бу гаплар унинг у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетаверди.* **Қулоғига кирмоқ** эшитилмоқ, етиб бормоқ (гап, сўз, овоз ҳақида). *Қандайдир, инграшми, алаҳлашми йўлчининг қулоғига кирди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Қўлга кирмоқ** тасарруфига, ихтиёрига ўтмоқ. *Ёни-вери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга киради.* Ойбек, Қутлуғ қон.**

**КИРОВКА** эск. Қўпинча совут остидан кийиладиган, қаттиқ нарсадан

ёки металлдан ишланган нимча. *Оқ кировка, олтин соевут кияман.* «Ал-помийш».

**КИРОЙИ** [a+ф-т] 1 Айтишга арзийдиган, гапирса, мақтаса бўладиган. *Мана бу кироийи ши бўлибди.* — *Рақиб деганининг кироийи айтишга сўзи, муштилшишга мушти бўлса.* Ҳ. Гулом, Машғал.

2 Ўтакетган, жуда, ғоят. *Энди орада қақир тиканак бўлишим — кироийи номардлик!* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КИРОМ** [a] эск. кт. Муҳтарам, азиз. **КИРПЕЧ** Қир тахланган тоқча олдини тўсиб, беркитиб қўйиш учун ишлатиладиган безак буюми.

**КИРПИ** диал. Типратикан.

**КИРПИТИҚАН** диал. Типратикан.

**КИРПҶШ** с. т. Қирпеч.

**КИРТАЙМОҚ** Уйқусизлик, ҳорғинлик, чарчоқлик ва ш. к. натижа-сида кичрайиб, ичига тушмоқ (фақат «кўз» сўзи билан). *Қудратнинг афтидан қаттиқ ҳаяжон ва чарчоқ сезилар, лекин киртайган кўзлари жилмайиб турарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Жуда ҳам ориғлаб кетибди, кўзлари киртайиб қолибди. Ё иши жуда оғирмикин?* А. Муҳтор, Тугилиш.

**КИРТИЛЛАМОҚ** «Қирт-қирт» деган товуш чиқармоқ.

**КИРТИЛЛАТМОҚ** киртилламоқ фл. орт. н.

**КИРТ-КИРТ** тақл. с. Ўт, хашак ва ш. к.ни узиш ёки чайнашда чиқадиغان товуш ҳақида. *Пастда, ўтлоққа ёйилган пода эринибгина кирт-қирт ўт кемиради.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

**КИРХОНА** Қир ювиш, дазмоллаш каби ишларни бажарувчи муассаса, ишхона.

**КИРЧИ** Қир ювувчи ишчи. *Кирчи аёл.*

**КИР-ЧИР** Ҳар хил ювиладиган ёки ювилган кийим, сочиқ ва ш. к.

**КИСЕЛЪ** [р] Мева шарбати ёки сутга крахмал қўшиб пишириладиган енгил овқат, қуюқроқ ичмлик. *Қулуннай кисели.*

**КИСЛОРОД** [р] Ҳаво таркибига кирувчи, нафас олиш, ёниш учун зарур бўлган, водород билан бириктиб сув ҳосил қиладиган химиявий элемент; рангсиз, ҳидсиз газ.

**КИСЛОТА** [р] Таркибида водород бўлган ва шу водород ўрнини бирор металл эгаллаганда туз ҳосил қиладиган, нордон химиявий бирикма. *Азот кислотаси.*

**КИСЛОТАЛИ** Таркибида кислотаси бор. *Кислотали бирикмалар.*

**КИССА** [ф-т] 1 эск. Оғзини бўғиш учун махсус ип ўтказилган, мато ёки чармдан ишланган кичик халтача.

2 диал. Чўнтак. *Шерали киссасидан блокнотини олиб, чироқ шўғласига яқин борди-да, унда бир нималарни ёзиб қўйди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**КИССАВУР** [ф-т] Чўнтак ўғриси. Каромат киссавуруларда бўлади .. Пулчинг борини билиб орқандан илашади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**КИССАДУЗ** [ф-т] эск. Кисса тикувчи уста.

**КИТ** [р<грек] Кўриниши балиққа ўхшаган жуда катта, сутэмизувчи денгиз хайвони.

**КИТЕЛЬ** [р<нем] Бир ёқлама тугмаланадиган, тик ёқали расмий кийим. Унинг энгида келишган, ёқаси бўғиқ китель; бошида наррак ва қанот белгиси тақилган, гардиши таранг фуражка. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КИТОБ** [а] 1 Бирор текст ёзилган varaқлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган босма (қадим қўл ёзма ҳам) асар. *Китоб магазини. Китоб савдоси. Китоб ёзмоқ.* — Аҳмад Хусайн .. китобларни саралаб чемаданга жойлади. Ойбек, Нур қидириб. Ҳозир отага қарашиб турибман: чойхўрларга газета, китоб ўқиб бераман. А. Қаххор, Арсор бобо.

2 Йирик адабий асарнинг (одатда романинг) катта бир бўлими.

**КИТОБИЙ** [а] Китоб тили ёки ёзма нутққа оид; оддий сўзлашувда қўлланмайдиган. *Китобий сўз. Китобий ибора.* — Салимхўжа муллавачча бу оилага тез-тез келиб турар ва Нусратилланинг иқболи ҳақида кўп чиройли китобий сўзлар китоб гапирар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КИТОБФУРУШ** [а+ф-т] Китоб сотувчи, китоб савдоси билан шуғулланувчи.

**КИТОБХОН** [а+ф-т] Китоб ўқувчи. *Китобхонлар конференцияси.* — Тоғ каби .. уй, ичи лиқ тўла китоб. Уқуш залида жим, Китобхонлар беҳисоб. К. Муҳаммадий.

**КИТОБХОНА** [а+ф-т] с. т. Кутубхона.

**КИТОБХОНЛИК** Китоб ўқиш. Гап-аштакларда, ўтиришларда китобхонлик қилган жўралари орасида «ширин сухан»лик билан танилган Олимхон сайрайверди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИТОБШУНОС** [а+ф-т] Китобшунослик мутахассиси.

**КИТОБШУНОСЛИК** Китоб ҳақидаги фан (маданият ва саноат маҳсули сифатида).

**КИФОЯ** [а] рвш Қаноатланса бўладиган даражада, қаноатланарли; етарли. *Ҳўкизга туртки, донога шора кифоя.* Мақол. — Биз сизларнинг ўқиб юрганнгизни кўриб хурсанд бўлиб юрсак ҳам кифоя [деди Ғани ака]. П. Турсун, Ўқитувчи. Рангнинг йчиши, юракнинг уриши учун Ғулумжонга шу бир сўз кифоя қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИФОЯЛАНМОҚ** Қониқмоқ, қаноатланмоқ. *Бойвачча чилимни бир марта енгил тортиш билан кифояланади, лекин бир зум ўтмасдан, яна талаб қилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КИФТ** [а китф] Гавданинг бўйиндан қўлгача бўлган қисми; елка. *Отам келиб хуржунни кифтиса олди, мен унга эргашдим.* Айний, Эсдаликлар. — Тирноғимиз орасига бот-бот кирадиган кирдан бошқа оғирлигимиз йўқ, — кулди Элмурод Дубенқонинг кифтига қўлини ташлаб. Шухрат, Шинелли йиллар. | Қийимнинг елкада турадиган қисми. *Тешабойнинг тағнаси бозаги кифти ямоқ қотма чолнинг жаҳлини чиқарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Якка кифт бўлиб қ. якка 1.**

◆ **Кифтини келтирмоқ** с. т. жуда яхши ижро қилмоқ, бажармоқ; қойил қилмоқ, бошламоқ. *Мақоланинг кифтини келтирмоқ.* — Аканг айлангур, ҳазиллам кифтини келтирасан, — Тўламаст мўйлов йирик-йирик тишларини кўрсатиб илжайди. С. Анорбоев, Оқсой.

**КИЧИК** [ф-т] 1 Ҳажми, ўлчами нисбатан катта бўлмаган. *Кичик шаҳар. Кичик уй. Кичик ҳикоя.* — Сўнгги масофани поезд шошилмай ўтди. Кичик-кичик станцияларда ҳам унинг йўлига қизил фонарь кўндаланг бўлаверди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аксар шаҳар уйларидек, уста Баҳромники ҳам икки хона, бир айвондан ва кичик саҳндан иборат эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Бўйи, гавдаси нормал даражадан паст. *Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Анави кичик жангичча ҳам йўқманми.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Сон, миқдор жиҳатдан кам. *Кичик отряд. Кичик коллектив. Катта карвон қай йўлдан кўчса, кичик карвон ҳам шу йўлдан кўчар.* Мақол.

2 Ёш жиҳатдан паст; ёш. || *Кичикларга мурувват қил, катталарни хурмат қил.* — Узидан кичик бу йигитнинг сенсиргани Аҳмаджонга малол келди. А. Қаххор, Олтин юлдуз. *Улар [Мирзакаримбой, Йўлчи] боддан чиқиш олдидан бир йишга дуч келди. Йўлчи уни тоғасининг кичик ўғли Салимбойвачча эканини пайқайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Кичик келиноий** кичик аканинг хотини. **Кичик ойи қ. ойи.**

3 Вазифа жиҳатдан даражаси қуйи. **Кичик илмий ходим. Кичик лаборант.** — Яхши йигитлар — армиянинг хусни. Кузга бориб буларни кичик командир қилиб чиқарамиз-а. Шухрат, Шинелли йиллар.

4 Катта аҳамиятга эга бўлмаган, унча арзимайдиган. *Кичик бир айб. Кичик хато.* | Қўламини, шухрати у қадар катта бўлмаган. **Кичик бир тўй.**

**КИЧИКЛАШМОҚ** Кичик ҳолга келмоқ, кичраймоқ.

**КИЧИКЛАШТИРМОҚ** кичиклашмоқ фл. орт. н.

**КИЧИКЛИК** кичик с. белги оти. *Унга энг кичиклигидан шундай деб уқтирганлар.* Ғ. Ғулум, Соялар. **Кичиклик қилмоқ** 1) ёшлик қилмоқ; 2) торлик қилмоқ. *Этик кичиклик қилди.*

**КИЧИРИ** айн. мошкичири. Дарвозахона ёнидаги қоронғи бир қўшхонада

*жулдур кийимли қўллар ва қароллар кичири еб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

**КИЧКИНА** Нисбатан кичик. *Кичкина ҳовли.* || *Бу бола кичкина.* — Уй кичкина, лекин ёруғ ва тоза эди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Бўйинма командири .. кичкина бир совға берди.* А. Қаххор, Кўк конверт.

**КИЧКИНТОЙ 1** кичкина с. кичр.-эркл.

2 Гўдак бола; гўдак. *Кичкинтойлар кийими.* — *Дала шийпони шинам қилиб безатилиб .. кичкинтойларнинг яйраб-яйнаши учун барча шарт-шароит яратиб берилган эди.* Б. Эрқоров, Мусобақадешлар.

**КИЧРАЙМОҚ** Кичик бўлмоқ, кичиклашмоқ, ўлчам жиҳатидан қисқармоқ; майдалашмоқ. *Шар кичрайди.* — [Мингбошининг] .. ҳамма вақт ишосупада талтайиб ўтирадиган йўғон гавдаси мана энди кичрайди, нортундек новча бўйи пасади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИЧРАЙТИРМОҚ** кичраймоқ фл. орт. н. *Портретни кичрайтирмоқ. Макетни кичрайтирмоқ.*

**КИЧРАЙТМОҚ** кичраймоқ фл. орт. н.

**КИШ** унд. с. Тсвуқ ва бошқа қушларни хайдашни ёфодалайд.

**КИШАН 1** Отнинг икки олдинги оёғига солинадиган бўғов, занжир.

2 Оёқ, қўл, бўйинга солиб қўлқаб банд қилиб қўйиладиган темир халқалардан ишланган махсус асбоб; занжир. *Наби Фарҳоднинг қўл-оёғига боғланган оддий кишанни очди ва бўғовли кишанлардан бирини олиб, унинг бутми ва бўйнига урди.* Айний, Қуллар. *Солдат калитни берди. Бозаги эркак маҳбусларнинг қўлларидоги кишанларни очди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Кўйма Умуман эркин ҳаракатга йўл қўймайдиган нарса, тўсиқ, ғов. *Аммо Соҳиб қори билан Бозровлар унга кишан бўлмасалар бас эди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Келди очилур чоғинг ўзлигинг намоён қил, Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.* Ҳамза.

**КИШАНБАНД** Кишан урилган, кишанланган (қ. кишан 2). *Уч маҳбус бошига бало осмони ағдарилгандек, кишанбанд қўлларини қоринлари устида жуфтлаб гангиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИШАНЛАМОҚ** Кишан урмоқ, кишан солмоқ (қ. кишан 1, 2). *Отни кишанламоқ.*

**КИШАНЛАНМОҚ** кишанламоқ фл. мажҳ. н. *Қул ва чўрилар ертўлаларга қамалдилар, айёрроқ қулларнинг оёқларига кунда уриди, баъзилари кишанланиб темир қозикларга боғланди.* Айний, Қуллар.

**КИШАНЛАТМОҚ** кишанламоқ фл. орт. н.

**КИШАНЛИ** айн. кишанбанд. *Кишанли оёқларини бир тарафга осилтириб олган темирчи Ражаб полвон-*

нинг белидан кучоқлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**КИШВАР** [ф-т] эск. кт. Вилоят, ўлка, мамлакат. *Етишди бу гўзал кишварда Бобир, Бўлиб сўз устаси, санъатли шоир.* Хаббий.

**КИШИ** I Фикрлаш, сўзлаш ҳамда ижтимоий меҳнат жараёнида қурол ясаб, ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлган жонли мавжудот; одам, инсон. *Эркак киши. Аёл киши. Катта киши.* Тил кишиларнинг ўзаро алоқа қуролидир. *Одоб — кишининг зеби. Мақол.* — Ҳозир қоронғи ҳам ўбдан тушанликдан киши кишини танимаслик даражада эди. А. Қодирий, Утган хунлар.

2 Ўзга, бегона шахс; биров. *Киши юртида хон бўлгунча, ўз юртида гадо бўл.* Мақол. — *Жиян, ақлинг бўлса кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Тийин ҳам пул, юз минг сўм ҳам пул.* Ойбек, Кутлуг қон.

3 Умуман ҳар қандай одам (одатда «мен» маъносига қўлланиб, ҳар учала грамматик шахсини билдириши мумкин). — *Ёрмат ака, мендан нимани яширасиз? Қийнаманг кишини.* — *Йўлчи ялинди.* Ойбек, Кутлуг қон. — *Кишининг юрагини қон қилиб юборасан!* — *деди [Туробжон] анчадан кейин.* — *наъки жен асал олсам!* А. Қаҳҳор, Авор.

4 с. т. эск. Шариятга биноан, баалоғатга етган хотин-қизлар юзини, ўзини кўрсатмаслиги лозим бўлган бегона эркак киши. *Кўрғон эшигидан аёл овози эшитилди: — Нима керак? — Мунда кел!* — *чол қўли билан имлади.* — *Киши борку...* — *Қариндош, Хушрўйнинг ўғли,* — *деб тушунтирди чол.* Ойбек, Кутлуг қон. **Кишидан қочмоқ** бегона эркакка ўзини, юзини кўрсатмаслик, паранжи-чачвон ёпинмоқ.

◆ **Киши билмас** яширин ҳолда, ҳеч кимга билдирмай; зимдан. *Жуда ҳаяллаб кетишдику. Киши билмас бориб келмайсанми, ука?* [деди Мансур]. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**КИШИЛИК** I **киши** с. белги оти. 2 Инсоният, одамзод, инсонлар жамияти. *Кишилик тарихи. Кишилик жамияти.*

3 Саноқ сон ёки миқдор билдирувчи сўзлар билан қўлланганда куйидаги маъноларни билдиради: 1) кишидан иборат, кишидан ташкил топган. *Беш кишилик комиссия. Уч юз кишилик коллектив. Халқ маорифи ходимларининг кўп минг кишилик армияси;* 2) кишига, одамга мўлжалланган. *Уч кишилик палов. Қолхознинг минг кишилик дангиллама клуби бор.*

◆ **Кишилик олмоши** грам. шахс билдирувчи олмош.

**КИШИСИС** кам қўлл. I Ҳеч ким бўлмаган, одам яшамайдиган. *Кишисиз жой. Кишисиз орол.*

2 Қаровчи одами йўқ; қаровчисиз, кимсасиз, ёлғиз.

**КИШ-КИШ** киш с. такр.

**КИШКИШЛАМОҚ** «Киш-киш» демак, «киш-киш» деб хайдамоқ (мас., товуқларни).

**КИШМИШ** Меваси майдироқ бўладиган уруғсиз узум. *Ишқомларда хусайни, .. диликаптар, кишмиш, шивиргонларнинг боши ерга тегай деб энгашиган.* С. Абдулла, Бир шингил томоқни ёради. | Шу узумнинг майизи. *Патнусдаги кишмишдан бир қисм олиб, уни тозаламасдан оғзига солди, кейин жавобсиз қолган гапни улаштирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КИШНАМОҚ** Кишнов товуши чикармоқ (от ҳақида). *Елиб-йўрғалаб кетайтган тўриқ дафъатан тушугини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади.* С. Анорбоев, Оқой.

**КИШНАТМОҚ** кишнамоқ фл. орт. н. **КИШНАШМОҚ** кишнамоқ фл. бирг. н. *От кишнашиб топишар, одам — эслашиб.* Мақол. *Узоқдаги кишнашар, яқиндаги тишлашар.* Мақол.

**КИШНОВ** От кишнаганда чиқадиган ўзига хос товуш.

**КИШТ** I Шаҳмат ўйнида: бирор дон билан шохга хужум ҳақида огоҳлантириш. [Шайхулислом:] *Балли! Кишти! [Мунажжим:] Э, асп кетди, тақсир!* Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Кишт бермоқ** шохга хужум қилмоқ ва шу хужумни эълон қилмоқ.

**КИШТ** II айн. киш.

**КИЯ** с. т. Бирор нарсани қадрламаслик натижасида ўзи берадиган ёмон оқибат; жазо. *Киясиа учрамоқ. Киясига қолмоқ.* — *Шунақа бебурд, пасткашмидинг, Неъматжон. Илон бўлиб авраган экансан-ку мени, муҳаббат киясига учрагур!* — *деди Зухра-хон.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**КЛАВИАТУРА** [р < нем] I Клавишли музика асбобларнинг ҳамма клавишлар қатори. *Рояль клавиатураси. Баян клавиатураси.*

2 Турли хил механизмлардаги клавишларнинг жами. *Езув машинкасининг клавиатураси.*

**КЛАВИШ** [р < поляк] I Музика асбобларида (фортепьяно, аккордеон ва ш. к.да) овоз чиқариш учун уриладиган тугма ёки тахтача. [Мунис] *гоҳ хайлач тебраниб, пианионининг клавишларига тикилиб қолар ва гоҳ илҳоми эйр келиб, яна ашуласини давом эттирар эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 Езув машинкаси, телефон аппарати ва ш. к. механизмларнинг ишлатиш учун бармоқ билан босиладиган қисми, тугмаси. [Машинка] *чиқир-чиқир, шўх-шўх куйлаб, клавиши дик-дик дйнаб, Оқ қорозга ҳарф қўнар, Ҳарф йиғилиб жумла бўлар.* К. Муҳаммадий.

**КЛАВИШЛИ** Клавиш бор, клавишга эга. *Клавишли музика асбоби.*

**КЛАПАН** [р < нем] I тех. Турли машина ёки механизмларнинг ҳаво, суюқлик, сўғ ёки газ йўлини очиб-ёпиб турадиган қисми, қопқоқчаси. *Гудок клапани.*

2 Пуфлаб чалинадиган музика асбобларнинг очилиб-ёпилиб, овоз тоини ўзгартирадиган пардаси, тили. 3 *анат.* Юракнинг қон йўлини очиб-ёпиб, фақат бир томонга қон ўтказиб турадиган қисми.

**КЛАРНЕТ** [р < фр] Сурнайга ўхшаш музика асбоби.

**КЛАРНЕТЧИ** Кларнет чалувчи музикачи.

**КЛАСС** [р < лат] Бирор даража ёки разрядга эга бўлган. *Иккинчи класс шофёр. Биринчи класс ҳарбий кема.*

**КЛАССИК** [р < лат] I Фан, санъат, адабиётнинг машхур, шу соҳада бошқаларга намуна бўладиган, эътироф этилган арбоби. *Марксизм-ленинизм классиклари. Ўзбек адабиёти классиклари.*

2 Классицизм вакили, издоши, тарафдори (қ. классицизм I).

**КЛАССИК** [р классический] I Классиклар томонидан яратилган, халқларнинг ифтихорига айланган, намуна бўладиган. *Классик асар.*

2 Классицизмга оид (қ. классицизм I). *Классик трагедия.*

**КЛАССИФИКАЦИЯ** [р < лат] Нарса ва hodсаларни уларнинг ўзига ва хусусиятларига қараб тур, хил, туркум ва ш. к.га ажратиш, тасниф қилиш, туркумлаш, классификация қилиш. *Дунё тилларининг классификацияси. Ўсимликлар классификацияси.*

**КЛАССИЦИЗМ** [р < лат] I 17 ва 19 аср бошида адабиёт ва санъатда антик дунё (қадимги Юнон ва Рим) сюжетлари ва формаларига тақлид қилувчи оқим.

2 Қадимги Юнон ва латин тиллари ҳамда маданиятини ўрганишга асосланган ўқитиш системаси.

**КЛЕЁНКА** [р] Бир ёки ҳар икки томони сув ўтказмайдиган модда билан қопланган мато.

**КЛЕРИКАЛИЗМ** [р < лат] Буржуа мамлакатларида мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётида черковнинг таъсирини кучайтиришга уринувчи реакциян сиёсий оқим.

**КЛЕТЧАТКА** [р] Ўсимлик хужайралари пардасини ташкил қиладиган модда (саноатда хомашё сифатида ишлатилади).

**КЛЁШ** [р < фр] Юбка этаги ёки шим почасининг паст томони кенг бичими. [Гавҳар] *қизил шерсть кофта ва клёш этакли қора юбка кийган, битта қилиб йрилган узун сочи бош орқасида лента билан бугиб қўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**КЛИЗМА** [р < грек] I Ични тозалаш ёки даволаш учун орқа йўлдан сув ёки бирор суюқлик юбориш. *Клизма қилмоқ.*

2 Шу ишни бажариш учун қўлландиган асбоб.

**КЛИНИКА** [р < грек] Беморларни даволаш билан бирга ўқитув-тажриба ва илмий текшириш ишлари олиб борадиган махсус шифохона. *Хирургия клиникаси.* — *Одатда, ўқори медицина*



мактаби ўқувчиларининг ўқийдиган ва тажриба оладиган жойлари клиника деб аталади. Н. Исмоилов, Қасалларни парвариш қилиш.

**КЛИШЕ** [р < фр] полигр. Қоғозга босиш учун металл, ёғоч ёки тошга туширилган сурат, расм, план ва ш. к. Рух клише.

**КЛУБ** [р < ингел] 1 Мехнаткашларнинг сиёсий онгини, маданиятини ва умумий савиясини ошириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи маданий-маърифий, сиёсий ёки бошқа характердаги ижтимоий ташкилот, муассаса.

2 Шу муассаса жойлашган бино. *Завод клуби. Қолхоз клуби. Тўқимачилар клуби.*

**КЛЮКВА** [р] 1 Ботқоқликларда ерга ёйилиб ўсадиган майда мевали бутача.

2 Шу бутачанинг қизил нордон меваси.

**КЛЮЧ** [р] 1 Механизмни ишлатиб юбориш — мурватни бурашда ишлатиладиган темир асбоб. *Сайфи ключни олди. Гап билан айлантирди. Мотор ух тортиб, дуд берди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

2 *тех.* Механизмнинг бирор қисмини, мас. гайка, қопқоқча ва ш. к. ни бураб маҳкамлаш ёки бўшатиш учун ишлатиладиган асбоб. *Гайка ключ билан маҳкамланади.*

**КНОПКА** [р < голл] 1 Қоғоз, мато ва ш. к. ни қаттиқ нарсага қадаб қўйиш учун ишлатиладиган кенг қалпоқчали, босма миҳча. *Қўзибой газетининг тўрт бурчагини кнопка билан столга маҳкамлади.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

2 Турли механизмларда, мас. электр кўнғирокда, токни улаш учун бармоқ билан босиладиган тугмача. *Холмат электр кўнғирок кнопокасини босиши билан, хона чиқарисидан ёқимли овоз ишитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КНЯЗЛИК** тар. 1 Князь қўл остидаги ўлка. *19 аср бошида Германияда 300га яқин майда феодал князликлар бўлган.* «Диалектик материализм масалалари».

2 Князнинг амали, унбони.

**КНЯЗЬ** [р] тар 1 Феодал-князлик давридаги Русда аскар бошлиғи ва вилоят ҳокими.

2 Революциягача Россияда: мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидаги хизматлари учун берилган фахрий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган шахс.

**КОАЛИЦИОН** [р коалиционный] 1 Коалицияга оид, коалиция аъзолари ўртасида тузилган. *Коалицион шартнома.*

2 Коалицияга асосланган. *Коалицион ҳукумат.*

**КОАЛИЦИЯ** [р < лат] Давлат, партия ва ш. к.нинг бирор умумий мақсадга эришиш учун тузган иттифоқи, бирлашмаси.

**КОБАЛЬТ** [р < нем] 1 Химиявий элемент, кумушсимон оқ қаттиқ қизғиш товланадиган металл.

2 Шу металл бирикмаларидан олинган тўқ кўк бўёқ.

**КОБИЛИ:** *кобили шўрва* гўшт, тухум ва турли резаворлар солиб жуда лаззатли қилиб тайёрланган қовурма шўрва. *Меҳмонлар жуда усталик билан пиширилган қозон кабобини иштаҳа билан еб, устидан бир қосадан кобили шўрванни ичиб, оғир нафас олишар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КОВАТОҚ** Ток баргига қийма ва гуруч (ёки фақат қийма) ураб пишириладиган таом; тоқбар дўлма.

**КОВЕРКОТ** [р < ингел] Юнгдан ёки юнг аралаштириб тўқилган ва асосан устки кийим (мас., костюм) тикиш учун ишлатиладиган мато.

**КОВ-КОВ:** *ков-ков қилмоқ* обдан текширмоқ, миридан-сиригача текширмоқ, текшириб остин-устин қилмоқ.

**КОВЛАГИЧ** Бирор нарсани ковлаш, ўйиш ёки қазиб чиқариб олиш учун ишлатиладиган асбоб. *Тиш ковлагич тиш орасига кириб қолган овқатлардан тишни тозалаш учун ишлатиладиган учи чиқарилган пат ёки чўп.*

**КОВЛАМОҚ** 1 Ичига қараб ўймоқ, ўйиб чуқур қилмоқ, қазимоқ. *Ариқ ковламоқ. Ура ковламоқ. Кудуқ ковламоқ.* — *Ғуломжонлар шу бир неча кун ичида унгуричи уч қулоқдан ортиқ ковлаб қўйдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўзинг ковлаган гўрға, ўзинг кир!* Н. Сафаров, Уйғониш.

2 Ковлаш асбоби воситасида ёки бошқа йўл билан ердан, тупроқ ичидан чиқариб олмоқ, қазиб олмоқ. *Қартошқа ковламоқ. Қўмирни ковлаганга ёқтир, молни миришкорга боқтир.* Мақол. — *Тўнқаларни ковлаб, бир чеккадан ёрилса, талай ўтин беради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бармоқ ёки бирор нарса тиқиб тозаламоқ. *Самовар тагини ковламоқ.*

4 Бирор нарса билан остин-устин қилиб ағдармоқ, айлантирмоқ. *Ўтти ковламоқ. Қозондаги овқатни ковламоқ.* — *Бир девона .. гулхан теварагидан айланиб, қўлидаги косови билан тўрт томондан ковлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *с. т. айн.* *ковлаштирмоқ* 2. *Ўтти ковласанг ўчар, қўшинини ковласанг кўчар.* Мақол.

6 Қўл солиб қидирмоқ, ахтармоқ, титкиламоқ. *Ғуломжон гадоининг бўйи, очик қўлида бир нарса ташлаш учун чўнтакларини ковлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 *кўчма* Миридан сиригача текширмоқ, суриштирмоқ, кофтуков қилмоқ. *Ота-бувамни ковлаб, газетага уриб чиққинди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. — *Ҳалма нарсага разм солиб, коелаб юратан-а, писмиқ!* — *жеркиб ташлади* [Гулнорни] Нури. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Гап ковламоқ қ. гап I.

**КОВЛАНМОҚ** ковламоқ 1, 2, 6 *фл. мажх. н.* *Кудуқ ковланди.* Юз тонна лавлаги ковланди. — *Учоқ ковланиб, қозонлар осилди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

**КОВЛАТИЛМОҚ** ковлатмоқ *фл. мажх. н.*

**КОВЛАТМОҚ** ковламоқ *фл. орт. н.* *Қартошқа ковлатмоқ.*

**КОВЛАШМОҚ** ковламоқ *фл. бирг. н.* **КОВЛАШТИРМОҚ** 1 Ковлаб, титкилаб қарамоқ, қидирмоқ, ахтармоқ; титкиламоқ. *Сандиқни ковлаштирмоқ.* — *Қани юринг-чи, лабораторияни ковлаштириб кўрайлик, гормонли сивороткадан бир оз бўлса керак.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Сир олиш мақсадида суриштирмоқ, кофтуков қилмоқ. *Гап ковлаштирмоқ. Ковлаштириб билмоқ.* | Ғараз билан текшириб суриштириб юрмоқ, чағоғини чиқаришга уринмоқ.

**КОВУЛ** айн. кавар.

**КОВЯ** махс. Қалайлаш, кавшарлаш асбоби.

**КОД** [р < фр] Телеграф, телефон, радио ва ш. к. орқали турли маълумотлар беришда қўлланадиган шартли белги ёки сигналлар системаси. *Телеграф коди.*

**КОДЕКС** [р < лат] Ҳуқуқнинг бирор соҳасига оид тартибга солинган қонунлар тўплами. *Жиноий кодекс. Гражданлик кодекси. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси. Ахлоқ кодекси* маълум тузум ёки жамиятга оид одоб-ахлоқ қондалари мажмуи. *Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси.*

**КОЖУХ** [р] *тех.* Машина, механизм, асбоб ва ш. к.нинг устки химоя қопламаси. *Эргашев пулеметидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемет кожухидаги сув, самовардагидек варақлаб қайнар эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

**КОЗЁЛ** [р] спорт. Гимнастика машқлари учун белгиланган тўрт оёқли, усти чарм билан қопланган асбоб.

**КОЗИРЁК** [р козырёк] Шапка, кепка, фуражка каби бош кийимининг олдинга чиққан ярим доира қисми, соябони. *Козирёги бир қарич келадиган чипор шапкасини бошидан олиб қозикқа илди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**КОЙНОТ** [а] Бутун борлик, еру-осмон, олам. *Қоинотнинг келиб чиқиши ва тузилиши.*

**КОЙМОҚ** 1 Танбехловчи гап, сўз айтмоқ, танбех бермоқ, уришиб қўймоқ. *Она бўлгандан кейин вақти келса койийди, вақти келса эркалайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. — *Нормурод ака,— деди у,— сиз ишни буздинг, деб мени койдингиз, эҳтимол билмасдан, тажрибасизликдан бузган бўлсам.* Айний, Қуллар.

2 Хафа бўлмоқ, койинмоқ. *Мулла Норқўзи бу одамнинг оддий ҳақиқатни англамаслигидан койиди.* А. Қахҳор, Майиз емаган хотин. *Раҳимнинг ўзбошимчалигидан [Умурзоқ аканинг] бун-*

чаллик койиб гапириши Қудратни янада хушёр қилди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 кам қўл. Бирор нарса тайёрлаш учун уринмоқ, овора бўлмоқ. *Йўли қишлоқдан келтирган халтани кампирга узатди.— Аям бериб юборди, қурут...— Садагаси кетай,— кампир халтани ушлагиси ҳам келмай, қўл учи билан тутиб гапирди,— койиб нима қилар эди бечора. Ойбек, Қутлур қон.*

**КОЙНМОҚ** Бирор нарсдан шикоят қилмоқ, зорланмоқ, хафа бўлмоқ.— *Эҳ, одамнинг ёғли қурсин-да,— элик-боши Ҳасан овчидан койнади.— Бошида бахт қуши билан бу одам от бозорида нима қиларкан-а? Ш. Тошматов, Эрк қуши. Солмоқдор оғир шудринг Олча шохларин эгди. Қарилқдан койиниб, Мичурин боққа кирди. Қ. Мухаммадий.*

**КОЙТМОҚ коймоқ** 3 фл. орт. н. Арзимаган нарсага ўзингизни койтаверманг.

◆ **Жонни койтмоқ** қ. жон 2.

**КОЙКА** [р < голл] Бир кишилик каравот, жой (больница, ётоқхона ва ш. к. да). Қасалхонада койкалар сони оширилди.

**КОЙКАЛИ** Койкаси бор, койкага эга бўлган; ўринли. *Қишлоқнинг энг хушманзара жойига юзта койкали янги типдаги болалар боғчаси қурмоқчимиз. С. Анорбоев, Оқсой.*

**КОКАЙН** [р < исп] Тропик ўсимликдан олинadиган алкалоид, наркотик модда (медицинада баданини оғриқ сезмайдиган қилиш учун ишлатилади).

**КОКИЛ** [ф-т] 1 Соч ўрми. *Майда ўрилган қора, узун кокиллари белига тушади. — [Бой ўз-ўзига:]... Ана хусн, ана малоҳат! Ҳисобсиз кокил, қўнғир сочларига нима дейсан? Тақмини ўпади-я, тақмини! Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Ясама узун соч. Худди мана шу меҳмонхонада тонг отгунча қартабозлик бўлар, ёш-ёш йиғитларга кокил солиб йнатишарди. С. Аҳмад, Хукм.*

2 этн. Назр қилиб ёш болалар бошида қўйиладиган бир ўрим соч. *Назирқулнинг кокилига эшоннинг ўзи тиғ урди. С. Аҳмад, Хукм.*

3 с. т. Баъзи нарсаларга ёпиштириб, қадаб қўйиладиган узун лента. *Болалар дўпписининг кокили.*

**КОКОС** [р < исп] Танаси ҳалқа-ҳалқа, барги патсимон бўладиган баланд бўйли пальма дарахти ҳамда унинг жуда катта ёнғоққа ўхшаш меваси. *Кокос мойи. Кокос ёнғоғи. — Кокос пальмасининг бўйи кўпинча 20—30 метр бўлади, баъзилари эса 50 метр бўлади. Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.*

**КОКС** [р < нем] Ҳавосиз қиздириш йўли билан тошқўмир, торф, нефть қолдиқлари ва ш. к. дан ҳосил қилинадиган ёқилғи.

**КОКСЛАМОҚ** Тошқўмир, торф ва ш. к. ни махсус печларда ҳавосиз қиз-

дириш йўли билан коксга айлантирмоқ.

**КОКСЛАНМОҚ** коксламоқ фл. ўзл. н. *Донбасс кўмири яхши коксланади.*

**КОЛБА** [р < нем] Химиявий тажрибаларда ишлатиладиган бўғизи узун, шар ёки конус шаклдаги шиша идиш.

**КОЛБАСА** [р] Ичакка ёки сунъий плёнкага қийма, гўшт тиқиб тайёрланган маҳсулот. *Дудланган колбаса. Колбаса чеҳи.*

**КОЛЕНҚОР** [р < фр] Крахмаллаб ёки елимлаб қотирилган оқ ёки рангли пишиқ сурп. || *Коленқор муқова.*

**КОЛЛЕГИАЛ** [р коллегиальный] Коллегия томонидан бамаслаҳат, биргалашиб, кенгашиб қилинадиган. *Коллегиал раҳбарлик. Коллегиал қарор. || Масалани коллегиал ҳал қилмоқ.*

**КОЛЛЕГИАЛЛИК** коллегиал с. белги оти. *Ҳўжалик ишларига раҳбарлик қилишда коллегиаллик принципига амал қилиш керак.*

**КОЛЛЕГИЯ** [р < лат] 1 Бирга, бамаслаҳат иш кўрувчи, маъмурий органни ташкил этувчи раҳбар ходимлар группаси. *Пахтачилик министрлиги коллегияси. Редакцион коллегия.*

2 Айрим касб аҳллари уюшмаси. *Ҳимоячилар коллегияси (юр.).*

3 тар. 18 асрда Россиядаги марказий ҳукумат муассасаларининг номи. *Ташқи ишлар коллегияси.*

**КОЛЛЕДЖ** [р < ингел] Англия ва Америкадаги олий ёки ўрта ўқув юрти.

**КОЛЛЕЖ** [р < фр] Франция, Бельгия ва Швейцариядаги ўрта ўқув юрти.

**КОЛЛЕКТИВ I** [р < лат] Мақсад, фаолият ва манфаатнинг умумийлиги билан бирлашган кишилар группаси. *Бадий ҳаваскорлик коллективи. | Бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бирга ишлайдиган кишилар мажмуи. Завод коллективи. Қолхоз коллективи.*

**КОЛЛЕКТИВ II** [р коллективный] Коллективчилик принципига асосланган. *Коллектив хўжалик. Коллектив меҳнат.*

**КОЛЛЕКТИВИЗМ** [р] Меҳнаткашларнинг шахсий манфаатини кўпчилик манфаатига онгли равишда бўйсундиришга асосланган дўстларча ҳамкорлик принципи; коллективчилик. *Коллективизм руҳида тарбия қилмоқ.*

**КОЛЛЕКТИВЛАШМОҚ** Майда деҳқон хўжалигидан йирик социалистик хўжаликка (колхозга) айланмоқ.

**КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИЛМОҚ** коллективлаштирмоқ фл. мажҳ. н.

**КОЛЛЕКТИВЛАШТИРМОҚ** коллективлаштирмоқ фл. орт. н. У [Сафаров] коллективлаштиришда йўл қўйилган хатоларни эътироф қилди, бундан кейин колхозга кириш кирмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида эканини айтди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КОЛЛЕКТИВЛИК** айн. коллективизм. *Коллективлик принципи.*

**КОЛЛЕКТИВЧИ** Коллективизм тарafdори; жамоатчи.

**КОЛЛЕКТИВЧИЛИК** айн. коллективизм.

**КОЛЛЕКТОР** [р < лат] 1 тех. Турли канал ва қувурлардан оқиб келувчи газ ёки суюқликларни тўплаб бошқа томонга оқизиб, чиқазиб юбориш учун хизмат қиладиган катта қувур ёки канал.

2 Бирор нарсани тўплаш ва тарқатиш билан шугўлланувчи муассаса. *Библиотека коллектори.*

3 Бирор нарса намуналарини (мас., тоғ жинслари намуналари, тупроқ намуналари ва ш. к. ни) тўловчи, рўйхатга олувчи ва сақловчи шахс.

4 тех. Динамомашинанинг ўзгарувчан токни доимий токка айлантирувчи қисми.

**КОЛЛЕКЦИОНЁР** [р] айн. коллекционерчи.

**КОЛЛЕКЦИЯ** [р < лат] Айрим нарсаларнинг (мас., танга, марка, китоб ва ш. к. нинг) тартибга солинган тур ва хиллари тўплами. *Қапалар коллекцияси. Минераллар коллекцияси.*

**КОЛЛЕКЦИЯЧИ** Коллекция тўловчи.

**КОЛЛОДИЙ** [р < грек] Клетчатканинг спирт билан эфир аралашмасидаги эритмасидан иборат қуюқ ёпишқоқ модда (медицина ва фотографияда ишлатилади).

**КОЛЛОИД** [р < грек] хим. Кристалланмайдиган, сувда эритилганда лойсимон қуюқ эритма ҳосил қиладиган модда, мас. елим, крахмал, оқсил.

**КОЛЛОКВИУМ** [р < лат] Ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш ва ошириш мақсадида улар билан ўтказиладиган суҳбат, имтиҳоннинг бир тури.

**КОЛОНИСТ** [р] Ўзга мамлакатдан кўчиб келиб колонияда (қ. колония 2, 3) яшовчи киши.

**КОЛОНИЯ** [р < лат] 1 Империалистик давлат томонидан зўрлик билан босиб олиниб эксплуатация қилинувчи мамлакат; мустамлака. *Англия колонияси.*

2 Бирор мамлакат ёки шаҳарга бошқа мамлакатдан кўчиб келиб ўрнашган жамоа. *Чор Россияда немислар колонияси.*

3 Кишиларни бирор мақсадда тўплаб ўрнаштириладиган жой. *Ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси.*

4 биол. Бир-бирга ёпишиб яшовчи жониворлар туркуми, тўдаси. *Маржонлар колонияси.*

**КОЛОНКА** [р] 1 Устун шаклидаги турли асбоб, идишларнинг номи. *Бензин колонкаси. Водопровод колонкаси. 2 айн. сутун 2.*

**КОЛОННА** [р < фр] 1 архит. Иморатнинг пештоқи, ички қисмлари ва ш. к. нинг таянчи бўлган баланд қисми; устун. *Деразалари кенг ва эшик олди оптоқ чиройли колонналар билан безалган клуб биноси. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий бўлинмаларнинг бирин-кетин тизилган сафи. *Тревога эълон қилиниши билан солдатлар дарахт паналарига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | Кетма-кет тизилиб борадиган одамлар, машиналар ва ш. к.да группаси. *Намойишчилар колоннаси. Танклар колоннаси.* — *Шу чоқ танклар колоннаси етиб келди-да, йўлда туриб олиб тепалikka тўп ота бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КОЛОНТИТУЛ** [p < нем] полигер. Ҳар бетнинг устки ҳошиясига ёзилган сарлавҳа, автор номи (журнал, тўплам ва ш. к.да) ёки ҳар бетнинг устки ҳошиясига босилган биринчи ёки охириги сўз (луғатда).

**КОЛОНЦИФР** [p колонцифра < нем] полигер. Китоб, журнал ва ш. к. бетларига қўйилган рақамлар.

**КОЛХОЗ** [p] Асосий ишлаб чиқариш қуролларини умумлаштиришга ва бир-галалиб ишлашга асосланган қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари уюшмасининг социалистик формаси; коллектив хўжалик. *Қолхоз ерлари. Қолхоз фермаси.*

**КОЛХОЗЛАШМОҚ** Коллектив хўжаликка (колхозга) бирлашмоқ.

**КОЛХОЗЛАШТИРМОҚ** колхозлашмоқ *фл. орт. н.*

**КОЛХОЗЧИ** Қолхоз аъзоси. *Комиссия .. ҳамма звено бошлиқлари, бригадирлар ва бирмунча колхозчилар билан сўхбат қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КОЛХОЗЧИЛИК** с. т. 1 колхозчи с. маъх. от. *Ун йил колхозчилик қилди.*

2 Қолхоз ҳаёти унда кишиларнинг ўзига хос ўзаро муносабатлари. *Бировага оғирлигини тушмайди. Қолхозчилик — битта одамнинг оғирлиги шунча одамга бир мисқолдан ҳам тушмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КОЛЧЕДАН** [p] Металларнинг олтингугурт, маргимуш ёки селен билан бирикмасидан юзага келган минералларнинг умумий номи. *Мис колчедан.*

**КОЛЯСКА** [p] 1 эск. Тўрт филдиракли извош. *Қоляскани қўймоқ. Қоляскада сайр қилмоқ.* — *Ун-ўн бешлаб аргумоқ отлар дейсизми, қоляска арвалару, қўй хотин дейсизми, ишқилиб ундаги мулк-амлоқнинг ҳисобига чўт билмаган содда дехқон етолмас экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Чақалоқ болалар солиб юриладиган кичик аравача.

3 Махсус қўшимча аравача. *Мотоцикл қоляскаси.*

**КОМ** I [ф-т] эск. кт. Оғиз (кўпинча аждар, дев каби афсонавий махлуқларнинг оғзи ҳақида). *Энди амриқингиз шарманда бўлиб қочгандан кейин ҳам .. халқнинг қолган-қутган мол-мулкани ҳам талаб у аждархонинг комига солмоқчисиз?* Айний, Қуллар. *Комига тортмоқ* ичига, дамга тортмоқ, ютмоқ. *Аждар чўпонни комига тортди.* «Эртаклар».

**КОМ II** [ф-т]: *ком олмоқ эск. кт.* мақсадга эришмоқ, комрон бўлмоқ. *Бахту давлатдин бутун ўртоқларинг ком олдилар, Соати дунёда бўлмаг комрон қандоқ қилай.* Ҳадия биби.

**КОМАНДА** [p < фр] 1 Ҳарб. Командирнинг расмий, қисқа буйруғи. — *Ураб олинглари! — деб Сафаркул ўз йўлдошларига команда берди.* Айний, Қуллар. *Сўнгера полкка «Смирно!» командасини бериб, Элмуродга ташаккур эълон қилди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Ўзига алоҳида кичик ҳарбий қисм, маълум мақсад учун вақтинча тuzилган қисм ёки группа. *Разведкачилар командаси. Снайперлар командаси.* | Маълум вазифани бирга бажарувчи кишилар группаси. *Ўт ўчирувчилар командаси.*

3 Спортнинг алоҳида тури бўйича бирга ҳаракат қилиш учун тuzилган спортчилар коллективи. *Волейбол командаси. Совет шахматчилар командаси. Иккинчи группда ўйновчи футбол командалари.*

4 Кемадаги матрос ва командирлар состави. *Крейсер командаси. Теплоход командаси.*

**КОМАНДАРМ** [p] Армия қўмондони.

**КОМАНДӢР** [p] Ҳарбий қисм, бўлима, кема ва ш. к.нинг бошлиғи. *Взвод командири. Дивизия командири. Сув ости кемаси командири.*

**КОМАНДИРОВКА** [p] 1 Хизмат топшириғи билан иш жойидан бошқа жойга юбориш ёки бориш. *Илмий командировка. Командировка муддати. Командировкага бормоқ.* — *Давронов партия топшириғи билан Хоразмга командировка қилинди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Шундай ишга юборилганлик тўғрисидаги расмий ҳужжат, гувоҳнома. *Командировка ёзмоқ. Командировкани кўрсатмоқ.*

**КОМБАЙН** [p < ингел] Бир неча машинанинг ишини бир йўла бажарадиган мураккаб машина. *Ғалла комбайни. Қўмир комбайни.*

**КОМБАЙНЧИ** Комбайн ҳайдовчи, комбайнда ишловчи.

**КОМБИНАТ** [p < лат] 1 Бир-бирга узвий боғланган бир неча муассаса, корхона ва ш. к.ни бирлаштирувчи йирик ташкилот. *Целлюлоза-қоғоз комбинати. Гўшт-сут комбинати. Тўқимачилик комбинати.*

2 Бирор муассаса қошида бўладиган турли босқичдаги ўқув юртлари бирлашмаси.

**КОМБИНАЦИЯ** [p < лат] 1 Бир турдаги нарсаларнинг ёки бирор нарсаларнинг уйғунлашган ёки мослашиб қўшилган бирикмаси, мажмуи. *Ракамлар комбинацияси. Бўёқлар комбинацияси.*

2 Бир мақсадни кўзлаб қилинган бир неча хил ҳаракатлар мажмуи, бирлиги. *Шаҳмат комбинацияси.*

3 Хотин-қизларнинг ич кўйлаги. **КОМБИНЕЗОН** [p < фр] Шини бя-

лан кўйлаги бирга қўшиб тикилган иш кийими.

**КОМЕДИЯ** [p < грек] Кулгили сахна асари. *Сатирик комедия.*

**КОМЕНДАНТ** [p < фр] 1 Қалъа ёки мустаҳкамланган райондаги барча қўшиннинг бошлиғи. *Шаҳар комендант. Округ комендант.*

2 Гарнизон ва қоровул хизматининг тўғри бориши, жамоат ичида ҳарбий хизматчиларнинг интизоми устидан назоратни бошқарувчи ҳарбий бошлиқ.

3 Темир йўл станцияларида ва сув йўлларида (порт ва пристанларда) ҳарбийлар ва ҳарбий юкларнинг тўғри боришини кузатиб турувчи ҳарбий хизматчи. *Тўртинчи кун кечқурун вагонларга шам берилмади, станция ҳарбий комендант «Чироқ ёқилмасин» деди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Айрим муассасаларга қарашли жамоат уйларининг бошқарувчиси. *Ётоқ комендант.*

**КОМЕНДАТУРА** [p < нем] Ҳарбий комендантнинг идораси ва бу идора жойлашган бино.

**КОМЕТА** [p < грек] *астр.* Марказида анча ёруғ қуюқ массаси, ядроси ва дум шаклида ёруғ йўли бўлган туманлиқдан иборат осмон жисми; думли юлдуз.

**КОМИ** Коми АССРнинг туб аҳолиси. *Қоми тили. || Қоми йиғит.*

**КОМИЛ** [a] 1 Қамолатга эришган, беками-кўст, тўла даражада. *Муҳаммад Жамол энди сўзни Искандардан бошлади: — Гўзал, келишган ва ақли комил қиз, — деди.* Ойбек, Нур қидириб. *Аммо, Ойқизнинг ишончи комил эдики, эрта-индин бу ерлар ҳам чамандек яшнайд.* Ш. Рашидов, Бўрондан кули. *Имони комил тўла, қаттиқ ишонади, ишончи комил.*

2 Комил (эркаклар исми).

**КОМИНТЕРН** [p], *Коммунистик Интернационал* 1919—1943 йилларда: жаҳон коммунистик партиялар ва коммунистик ташкилотларнинг халқаро революцион ташкилоти.

**КОМИССАР** [p < фр] 1 СССРда: 1) ҳарбий комиссарлик бошлиғи; 2) халқ комиссари 1917—1946 йилларда— Халқ Комиссарликларига бошчилик қилувчи ҳукумат аъзоси. *Ички ишлар Халқ Комиссари. Халқ Маорифи Комиссари;* 3) 1918—1942 йилларда: партия ва ҳукуматнинг армияда, ҳуқуқи ва масъулияти командир билан барабар бўлган алоҳида вақили; 4) 1935—1942 йилларда: армия сўёсий ходимларининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Батальон комиссари. Полк комиссари.*

2 Чет элларда ва 18—19 асрларда Россияда: полициячилик вазифаларини бажарувчи амалдор.

**КОМИССАРИАТ** [p] *айн.* комиссарлик.

**КОМИССАРЛИК** Комиссар томонидан бошқарилувчи бир қатор давлат муассасалари ва маъмурий муассасаларнинг номи. Халқ комиссарлиги

халқ хўжалиги ёки давлат ҳаётининг бирор тармоғига раҳбарлик қиладиган давлат органи (СССРда: 1946 йилда министрликка айлантирилган). *Ташқи ишлар халқ комиссарлиги. Ҳарбий комиссарлик* ҳарбий хизмат ўташ лозим бўлган кишиларни ҳисоб олиш, армияга чақириш ва ш. к. ишларни бажарадиган давлат ташкилоти. *Область ҳарбий комиссарлиги.* — *Элмурод уйга келиб, столи устида ҳарбий комиссарликнинг повесткасини кўрди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**КОМИССИОН** [р комиссионный] Воситачилик (битиштирувчилик) родини ўйновчи; молни комиссияга қабул қилувчи. | Комиссияга берилган, комиссия магазин орқали сотиладиган. *Комиссион моллар. Комиссион магазин* аҳолининг ортиқча, кераксиз нарсаларини қабул қилиб олиб, сотиб берадиган махсус магазин.

**КОМИССИЯ** [р < лат] 1 Махсус ваколатга эга бўлган шахслар гуруҳи ёки шундай шахслар гуруҳларидан ташкил топган орган. *Ревизия комиссияси. Ҳисоб комиссияси.* — *Пахталаримиз ҳолини кўриб баҳо бериш учун комиссия чиқарингиз.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

2 Маълум вазифани бажарадиган давлат бошқармаси. *ЎзССР Давлат план комиссияси.*

3 Бировнинг молини, нарсасини сотиб бериш учун қабул қилиши ва сотиши эвазига ҳақ тўланадиган воситачилик. *Молни комиссияга топширмак.*

**КОМИТЁТ** [р < фр] 1 Бирор ишни бошқарадиган, сайлаш йўли билан тайинланадиган орган. *Область партия комитети. Район ижроия комитети. Касаба союзининг маҳаллий комитети.*

2 Хўжалик, маданий ва мудофаа ишлари бўйича Министрлар Совети томонидан ташкил этиладиган махсус давлат органи. *Давлат радио комитети. Давлат кинематография комитети.* — *Қўқонда революцион комитет хузурида миллий санъат труппаси ташкил қилинган йили ёш Абдулла бу труппага қоровул ва хат ташувчи бўлиб кирди.* А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

**КОММЕРСАНТ** [р < фр] Савдо-сотиқ ишлари билан хуеусий равишда шуғулланувчи шахс; савдогар.

**КОММУНА** [р < фр] 1 Мулк ва меҳнатни умумлаштириш асосида birlikда яшаш учун бирлашган кишилар коллективи, жамоаси.

2 Франция ва бошқа айрим мамлакатларда қўйи маъмурий-территориал бўлини.

◆ **Париж коммунаси** 1871 йилда қўзғолон кўтарган француз меҳнаткашларининг 18 мартдан 28 майгача ҳукм сурган ва биринчи бўлиб пролетариат диктатурасини ўрнатишга ҳаракат қилган революцион ҳукумати. *Қишлоқ хўжалик коммунаси тар.* қол-

лективлашган қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш, истеъмол ва маиший хизмат воситалари умумлаштирилган юқори формаси.

**КОММУНАЛ** [р коммунальный < фр] Шаҳар хўжалигига оид, шаҳар хўжалигига боғлиқ. *Коммунал банк. Коммунал қурилиш. Коммунал хўжалик бўлими* маҳаллий ҳукумат органининг шаҳар ҳаёти билан боғлиқ хўжалик тармоқлари, мас. уй-жой, транспорт, электр, водопровод, ҳаммом ҳамда ободонлик ишлари билан шуғулланувчи бўлими.

**КОММУНАР** [р < фр] 1 Париж коммунаси қатнашчиси.

2 Коммуна аъзоси (қ. коммуна 1).

**КОММУНИЗМ** [р < фр] 1 Социалистик революция, пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва эксплуататор синфларни тугатиш йўли билан юзага келадиган ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришга асосланган энг юқори ижтимоий-иқтисодий формация. | Коммунистик жамиятнинг социализмдан кейинги «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» принципига асосланган юқори босқичи. *Коммунизм ғоялари. Коммунизм қурувчилар. Коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш.*

2 Коммунистик жамият қуришнинг Маркс — Энгельс — Ленин томонидан яратилган илмий назарияси ва тактикаси. *Илмий коммунизм айн. коммунизм 2.*

◆ **Ибтидоий коммунизм** ижтимоий синфлар келиб чиққунга қадар ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотлари умумий бўлган ибтидоий уруғчилик жамоасининг ижтимоий тузуми. **Утопик** (ёки ҳаёлий) коммунизм қ. утопик 1. **Ҳарбий коммунизм** совет ҳокимиятининг 1918—1920 йил граждандар уруши даврида хўжаликдаги хароблик ва ҳарбий даврнинг қийинчиликлари юзага келтирган иқтисодий сиёсати.

**КОММУНИКАТИВ** [р коммуникативный] лингв. Коммуникацияга, фикр алмашувга оид. *Тилнинг коммуникатив вазифаси.*

**КОММУНИКАЦИОН** [р коммуникационный] Коммуникацияга, алоқа йўллари оид. *Коммуникацион линия.*

**КОММУНИКАЦИЯ** [р < лат] 1 махс. Алоқа йўллари, армиянинг ўз базалари билан боғлайдиган алоқа йўллари ва ундаги иншоотлар. *Коммуникация линияси. Сув коммуникацияси. Душман коммуникациясини ишдан чиқариш.*

2 лингв. Фикр алмашув, алоқа. **КОММУНИСТ** [р] Коммунистик партия аъзоси. *Мен бу ерда очик кўз билан келдим. Мен аввал коммунист, ундан кейин агрономман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КОММУНИСТИК** [р коммунистический] 1 Коммунизмга оид. *Коммунистик қурилиш.*

2 Коммунизм принципларига асосланган. *Коммунистик жамият.*

3 Коммунизм ғоялари билан суғорилган, коммунизм ғояларига амал қиладиган. *Коммунистик партия. Коммунистик ахлоқ. Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш.*

**КОММУТАТОР** [р < лат] 1 физ. Электр занжирини узиш ва улаш ёки ток йўлини ўзгартириш учун хизмат қиладиган асбоб.

2 Телефон аппаратларини узиб-улаб туриш учун хизмат қиладиган қурлма, ускуна.

**КОМПАНИЯ** [р < фр] 1 Вақтиний бирга ўтказувчи ёки бошқа бирор нарса билан уюшган шахслар гуруҳи; улфат, улфатчилик.

2 Капиталистик савдо ёки саноат бирлашмаларининг бир тури. *Савдо компанияси. Акционерлар компанияси.*

**КОМПА́РТИЯ** [р] Коммунистик партия.

**КОМПАС** [р < лат] Уфқ (дунё) томонларини аниқлайдиган, магнитланган стрелкаси доим шимолни кўрсатиб турадиган асбоб; қибланома. *У [Ноира] рюкзайдан компасни олиб, турган ерини аниқлади.* М. Худойқулов, Оханрабо ахтариб.

**КОМПЛЕКС** [р < лат] Бир бутунни ташкил қилган нарсалар, ҳодисалар, белги-хусусиятлар мажмуи. *Архитектура комплекси. Гимнастика машқлари комплекси. Агротехника ишлари комплекси.* || *Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш. Хўжаликнинг комплекс равишида ривожланиши.*

**КОМПЛЕКТ** [р < лат] Бирор нарсанинг бир бутунлигини ташкил этувчи тўла мажмуи. *Машина запас қисмлари комплекти.*

**КОМПОЗИТОР** [р < лат] Музика асарлари ёзувчи киши; бастакор.

**КОМПОЗИЦИЯ** [р < лат] 1 Адабий асар, санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ўзарс муносабати. *Романнинг композицияси. Операнинг композицияси.*

2 Таркибий қисмлари маъно жиҳатдан ўзаро боғланиб бирлик ташкил этган бадиий асар, музика ёки рассомлик асари.

3 муз. Музика асари яратиш назарияси. *Композиция классининг студенти.*

**КОМПОНЕНТ** [р < лат] Бирор нарсанинг таркибий қисми. *Қўшма сўзнинг биринчи компонентти.*

**КОМПОСТ** [р < ингел] қ. х. Ўт, пўчоқ, ахлат каби чиқинди ва чириндилар билан тўпроқ ёки торф аралашмасидан тайёрланган органик ўғит. *Компост билан ўғитлаш. Компост ўраси.*

**КОМПОСТЕР** [р < фр] Темир йўл билети, банк чеки ва ш. к. ҳужжатларга тешиб контрол тамға босадиган асбоб. *Компостер қилмоқ айн. компостерламоқ.*

**КОМПОСТЕРЛАМОҚ** Компостер билан бирор белги босмоқ (регистрация қилинганлиги ёки ҳисобга олинганлиги ҳақида). *Поезд билетини компостерламоқ.*

**КОМПОСТЕРЛАНМОҚ** компостерламоқ *фл. мажх. н.*

**КОМПОТ** [р < фр] Куруқ ёки хўл мевадан қайнатиб тайёрланган ширин ичимлик. *Олча компоти.*

**КОМПРЕСС** [р < фр] Оғриган, шикастланган жойга бирор дорили сувга ботириб ёки куруқ ҳолда боғланадиган (ўраладиган) латта, пахта ва ш. к. *Компресс қўймоқ.*

**КОМПРЕССОР** [р < лат] Дам берадиган, босим остида ҳаво, газ, буғ юборадиган машина.

**КОМРОН** [ф-т] *эск. кт.* Ўз мақсадига эришган; бахтли. *Комрон бўлмоқ.*

**КОМРОНЛИК** 1 *комрон с. белги оти.* Ошиқнинг комронлиги.

2 Бахт; бахтиёр дамлар.

**КОМСОМОЛ** [р] 1 Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи. *Комсомол аъзоси. Комсомол билети. Комсомол сафиса кирмоқ.*

2 *с. т.* Шу Союзнинг аъзоси. *Ўзинчи синфда ўттизта комсомол бор.* — Раҳматиланинг ўрнига келган ёш ўқитувчи Салим Собиров мактаб комсомолларидан бир неча кишини қизил бурчакка наватчи қилиб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КОН** [ф-т] 1 Фойдали қазилмаларни олиш учун қурилган ер ости иншоотлари, шунингдек бундай қазилмаларни олишни амалга оширувчи тоғ саноати корхонаси. *Қўмир кони. Конда ишламоқ.* — *Конлар инженерни, тоғлар Фарҳодни, Устасин чақирар тонгги гудоклар.* Ғ. Ғулом.

2 Фойдали қазилмалар тўпланган жой ва шу қазилмалар тўплами. *Тугилган ватаним шу Ўзбекистон, Ералар ҳосилдор, тоғларидир кон. Фозил шоир. Еру кўкни қопласин мевазор боғ, ўрмонлар; Ер остида ётмасдан юзага чиқсин конлар.* Қ. Муҳаммадий.

3 *кўчма* Бирор нарсага жуда мўл, сероб жой. *Оқ олтин конига айлантирилган қўриқ ва бўз ерлар.* — *Кўз илғамас водийларинг оқ олтинга кон, Меҳнат билан ҳур Ватанда топдине шухрат-шон.* Ғайратни.

◆ *Кони зарар жуда зарарли, турган-битгани зарардан иборат. Мураккаб бу механизмнинг бекор туриши кони зарардир.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**КОНВЕЙЕР** [р < инг.] Юк ташиш ёки ишланаётган нарсаларни бир иш жойидан иккинчи иш жойига кетма-кет етказиб бериш учун тўхтовсиз айланиб турадиган лентасимон махсус қурилма. *Конвейер усулида ишламоқ.*

■ *Катта дарвоза ёнига қурилган гаражда эндигина конвейердан чиққандек, янги ҳаворанг «Победа» ялтираб турибди.* Т. Жалолов, Олтин қафас.

**КОНВЕРТ** [р < фр] Ичига хат, хужжат ва ш. к. солиб бирор жойга юбориш учун ишлатиладиган тўрт бурчак шаклида ясалган қоғоз пакет. *У гостипалга келиб, шу кунни кечгача ўтириб хат ёзди. Хатни Латофатхоннинг конвертига ўйшаган кўк конвертга солиб адрес ёзди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

**КОНВЕРТЕР** [р < инг.] Эриган чўян орқали ҳаво ўтказиб пўлат олиш учун қўлланадиган махсус аппарат.

**КОНВОЙ** [р] 1 Қўриқлаб, кузатиб борувчи қуроли соқчи.

2 Қўриқлаб, кузатиб борувчи кема ёки самолёт.

**КОНВОЙ** [р < голл] 1 Қўриқлаб, кузатиб борувчи қуроли соқчилар отряди. *Жинойтчилар конвой остида қишлоқ шўросига ҳайдалдилар.* Айний, Куллар.

2 Қўриқлаб, кузатиб борувчи кемалар ёки самолётлар группаси.

**КОНГЛОМЕРАТ** [р < лат] 1 *геол.* Турли тош ва тош парчаларининг лой, оҳак ва ш. к. воситаси билан бир-бирига маҳкам ёпишувидан ҳосил бўлган тоғ чўқмиди жинси: *Қадимги дельта ётқиқиқлари конгломератлар ва қум қатламларидан иборат.* П. Ғуломов, Зарафшон этаклари.

2 Турли-туман жинс, предмет ва қисмларнинг тасодифий механик қўшилмасидан иборат нарса; қурама.

**КОНГРЕСС** [р < лат] 1 Муҳим сиёсий, илмий ва бошқа масалалар юзасидан ўтказиладиган халқаро съезд, кенгаш. *Тинчлик тарафдорларининг жаҳон конгресси. Физиологларнинг халқаро конгресси.*

2 АҚШ ва Латин Америкасидаги кўпчилик мамлакатларда конун чиқарувчи органнинг (парламентнинг) номи.

**КОНДЕНСАТОР** [р < лат] 1 Электр токи тўплайдиган асбоб.

2 Бугни совутиб, сувга айлантирувчи асбоб.

**КОНДЕНСАЦИЯ** [р < лат] *махс.* 1 Тўплаш, тўпланиш (мас. электр энергияси).

2 Буғ ёки газнинг суюқ ҳолга айланиши.

**КОНДЕНСАЦИЯЛАМОҚ** 1 Тўпламоқ, йиғмоқ (мас., электр энергиясини).

2 Газ ёки буғ ҳолидаги жисмларни суюлтирмоқ, суюқ ҳолга келтирмоқ. *Бугни конденсацияламоқ. Газни конденсацияламоқ.*

**КОНДЕНСАЦИЯЛАНМОҚ** конденсацияламоқ *фл. мажх. ва ўзл. н.*

**КОНДИТЕР** 1 [р < лат] Кондитер маҳсулотлари тайёрловчи пазанда, шакарпаз; қандолатчи. *Кондитерлар тайёрлаш курси.*

**КОНДИТЕР** II [р кондитерский] Кондитер маҳсулотлари (пирожний, торг ва ш. к. ширинликлар) тайёрлаш ёки улар билан савдо қилишга оид. *Кондитер моллар. || Магазиннинг кондитер бўлими. Кондитер цехи.*

**КОНДУКТОР** [р < лат] 1 Поездни кузатиб борувчи, унинг хавфсизлиги, ундаги юкларнинг сақланиши устидан назорат қилиб борувчи темир йўл ходими.

2 Трамвай, троллейбус, автобусларда пассажирларга билет сотувчи, уларнинг чиқиш-тушишини кузатиб борувчи ходим. *Мелиқўзининг хотини — автобусда кондуктор, баъзан ярим кечада келади.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

**КОНКРЕТ** [р конкретный < лат] Реал мавжуд бўлган, аниқ, равшан, белгилли. *Конкрет кўрсатмалар. Конкрет топшириқ. Конкрет таклиф.*

**КОНКРЕТЛАШМОҚ** Аниқ, белгилли бўлмоқ. *Ушандагина образ конкретлашади, кишини ишонтирадиган, таъбирли бўлади.* «Адабиёт назарияси».

**КОНКРЕТЛАШТИРИЛМОҚ** конкретлаштирмоқ *фл. мажх. н.*

**КОНКРЕТЛАШТИРМОҚ** конкретлашмоқ *фл. орт. н.* Аниқлаб, белгилаб бермоқ; аниқлаб, белгилаб олмоқ.

**КОНКУРЕНЦИЯ** [р < лат] Энг кўп фойда олиш, бозорларни, хомаёш манбаларини эгаллаш ва ш. к. учун капиталистлар ва капиталистик мамлакатлар ўртасида олиб бориладиган ўзаро кураш; рақобат.

**КОНКУРС** [р < лат] Тақдим этилган асарлар ёки қатнашчилардан энг яхшиларни ажратиб, танлаб олиш мақсадида ўтказиладиган мусобақа. *Конкурс эълон қилмоқ. Конкурсага қатнашмоқ. Конкурсдан ўтмоқ. Ўқишга конкурс билан қабул қилмоқ.*

**КОНСЕРВА** [р консервы < лат] Бузилмайдиган қилиб ишлаб, герметик ёпиладиган (ҳаво ўтказмайдиган) банкларга солиб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотли. *Балиқ консерва. Гўшт консерва. Консерва банкаси. Консерва заводи.* — *Жангиларга қаттиқ нон ва консерва улашдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**КОНСЕРВАТИВ** [р консервативный] Тараққиётга қарши (душман), эскиликни ҳимоя қилувчи. *Консерватив партиялар.* — *Муътадил консерватив буржуазиянинг халқаро иттифоқига фақат биргина куч: революцион пролетариатнинг халқаро иттифоқигагина қарши тура олади.* В. И. Ленин, Европа капитали ва самодержавие.

**КОНСЕРВАТИВЛИК** консерватив с. белги оти. Табиийки, буржуа аподегети айни «табиат қушларининг консервативлиги устига» ва «ҳосилнинг камайиб бориш қонуни» устига қўйиб, деҳқончиликдаги қолақликнинг ижтимоий ва тарихий сабабларини инкор этишга ҳаракат қилади. В. И. Ленин, Аграр масала ва «Маркс-ни танқид қилувчилар».

**КОНСЕРВАТИЗМ** [р < фр] Тараққиётга, янгилик, илғор гоёларга душманлик; эскиликни сақлаб қолишга, тиклашга интилиш; консерваторлик, мутаасиблик.

**КОНСЕРВАТОР** [p < лат] 1 Консерватизм тарафдори, эски, қолиб кетган тартибларни сақлашга интилувчи одам; мутаасиб.

2 Реакцион консерватив сиёсий партиянинг аъзоси.

**КОНСЕРВАТОРИЯ** [p < итал] Олий музыка ўқув юрти.

**КОНСЕРВАТОРЛИК** консерватор с. белги оти айн. консерватизм.

**КОНСЕРВАЧИ** Консерва тайёрловчи, консерва саноатининг ишчи-ходими.

**КОНСИЛИУМ** [p < лат] Айрим ҳолларда касаллик характериани аниқлаш ҳамда даволаш йўллариани белгилаш учун чақириладиган врачлар кенгаши. *Консилиум ўтказмоқ.*

**КОНСОЛИДАЦИЯ** [p < лат] 1 кт. Бирлаштириш, жипслаштириш, бирга тўплаш, мустаҳкамлаш. | Бирлашиш, жипслашиш, мустаҳкамлашиш. *КПСС социаллистик дўстлик давлатларининг сиёсий консолидациясини мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифалари деб ҳисоблайди. «КПСС программаси».*

2 фин. Давлатнинг қисқа муддатли қарзларини узоқ муддатли қарзга айлантириш.

**КОНСОНАНС** [p < фр < лат] муз. Бир неча товушларнинг гармоник уйғунлиги; оҳангдорлик; акси диссонанс.

**КОНСОНАНТИЗМ** [p < лат] лингв. Бирор тилнинг ундош товушлар системаси.

**КОНСПЕКТ** [p < лат] Китоб, мақола, лекция ва ш. к.нинг қисқа ёзиб олинган мазмуни, баёни. *Конспект тузмоқ. — Қудрат уни [Тешавойни] янги келтирган ўқув қуроллари ва ўзича тутган дарс бериш методикаси планлари билан мукаммал таништирди. Ҳатто қисқача конспект олиш йўллариани ҳам тушунтирди. Ж. Абдуллахонов, Йўл.*

**КОНСПЕКТИВ** [p конспективный] Конспект характеридаги, асосий мазмуни қисқача баён этадиган. *Конспектив обзор.*

**КОНСПИРАТИВ** [p конспиративный] Конспирация билан боғлиқ бўлган; яширин, махфий. *Конспиратив ташкилот. Конспиратив учрашув.*

**КОНСПИРАТОР** [p] Конспирацияни уюштирувчи, конспирация иштирокчиси.

**КОНСПИРАЦИЯ** [p < лат] Нолегал, яширин ташкилотларнинг ўз ишини сир тутуш ва аъзоларини яшириш учун қўллаган усуллари, чора-тадбирлари. *Конспирация чоралари.*

**КОНСТИТУЦИОН** [p конституционный] Конституцияга оид. *Конституцион партия. Конституцион қонун.* | Конституцияга асосланган. *Конституцион тузум.*

**КОНСТИТУЦИЯ** [p < лат] 1 Давлатнинг ижтимоий ва давлат тузумини, сайлов системасини, давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятини, граждандарнинг ҳуқуқлари ва

бурчларини белгилаб берувчи асосий қонуни. *СССР Конституцияси. Ўзбекистон ССР Конституцияси.*

2 физиол. Организмнинг тузилиши, тахлити. *Одам конституцияси.*

**КОНСТРУКТИВ** [p конструктивный] 1 Конструкцияга, тузилишга оид. *Иморатнинг конструктив камчиликлари.*

2 Асос қилиб олса, амал қилса бўладиган; амалий. *Конструктив таклиф.*

**КОНСТРУКТОР** [p] 1 Машина, механизм, иншоот ва уларнинг айрим қисмлари конструкциясини, лойиҳасини тузувчи мутахассис, инженер. *Самолёт конструктори.*

2 Болалар турли машина ва иншоотлар ясаши учун белгиланган деталлар тўплами.

**КОНСТРУКЦИЯ** [p < лат] 1 Иншоот, механизм, асар ва ш. к.нинг тузилиши, қисмларнинг ўзаро жойлашуви. *Эски конструкция. Янги конструкциядаги самолёт. Кўприкнинг конструкцияси.* | Мураккаб тузилишли иншоот, механизм ва ш. к.нинг ўзи. *Темир-бетон конструкция. Мураккаб конструкция.*

2 лингв. Грамматик жиҳатдан ўзаро боғланиб, бир синтактик бирикмани ташкил этадиган икки ва ундан ортиқ сўз, умуман сўзлар бирикмаси.

**КОНСУЛ** [p < лат] 1 дип. Бирор давлатнинг бошқа бир давлат территориясида туриб, ўз давлати ва ўз мамлакати граждандарининг мафиаатларини ҳимоя қиладиган доимий расмий вакили.

2 тар. Қадимги Римда ҳамда 19 аср бошида Францияда: олий ҳукумат амалдорларининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахслар.

**КОНСУЛЛИК** 1 Консулга оид; консулнинг лавозими, иши, вазифаси. *Консуллик вазифаси. Консуллик қилмоқ.*

2 Бир давлатнинг бошқа давлат территориясидаги консул томонидан бошқариладиган ваколатхонаси. *Совет консуллиги.*

3 тар. Қадимги Римда консул ҳукм сурган (идора этган) давр.

**КОНСУЛХОНА** [p < лат + ф-т] Консул идораси жойлашган бино. *Совет консулхонаси. Бош консулхона.*

**КОНСУЛЬТАНТ** [p] Ўз ихтисоси бўйича кенгаш, маслаҳат, консультация берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи мутахассис.

**КОНСУЛЬТАТИВ** [p консультативный] Кенгаш, маслаҳат берадиган, маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган. *Консултатив совет. Консултатив орган.*

**КОНСУЛЬТАЦИЯ** [p < лат] 1 Мутахассиснинг ёки билимдон, омил кишининг бирор масала бўйича маслаҳати. *Консультация бюроси. Консультация олмақ.*

2 Ўқитувчиларнинг фанни ўзлаштириш учун ўқувчиларга берадиган

ёрдами; шундай ёрдам бериш машғулоти. *Институтда ҳар бир имтиҳон олдидан консультациялар ўтказилади.* | Бирор ишни амалга оширувчи ёки машғулот ўтказувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида ўтказиладиган суҳбат, машғулот. *Семинарлар раҳбарлари учун консультация ва лекциялар уюштирмоқ.*

3 Мутахассислар маслаҳати орқали аҳолига ёрдам кўрсатуви муассаса. *Юридик консультация. Болалар консультацияси. — Уни [Сидиқжонни] узил-кесил тинчитиш учун Зиёдаҳон юридик консультацияга бориб, энг яхши юристга учрашишни маслаҳат берди. А. Қаххор, Қўшчинор.*

**КОНТАКТ** [p < лат] 1 тех. Электр занжирида икки ўтказгичнинг бир-бирига тегиши, бирикиши, шунингдек шу бириккан жой. | Умуман икки жисмнинг бир-бирига тегиши ва тегиб турган жойи.

2 Бевосита алоқа, боғланиш. *Бирор кимса билан контакт боғламоқ.*

**КОНТЕЙНЕР** [p < ингл] Ичига юк жойланадиган махсус яшик. *Темир йўл контейнери. Контейнерда юк жўнатмоқ. Контейнерга юк жойламоқ.*

— *Кўтариш крани раствор ва гишт тўла контейнерларнинг тўрттасини бир йўла кўтариб, иккинчи қаватда ишлаётганларга узатди. А. Муҳиддин, Янги шаҳар.*

**КОНТЕКСТ** [p < лат] Ёзма нутқнинг ўз ичига кирган сўз ёки иборалар маъносини белгилашга имкон берадиган, тугал фикрни ифодалай оладиган парчаси.

**КОНТИНЕНТ** [p < лат] Бирор коллектив, корхона, ташкилот, армия ва ш. к. составидаги кишилар мажмуи. *Қурилишдаги ишчилар контингенти. Ўқувчилар контингенти.*

**КОНТИНЕНТ** [p < лат] Ер юзини ташкил қилган қуруқликнинг океанлар билан ўралган катта бўлақларидан ҳар бири; қитъа. *Евросиё (Европа ва Осиё) континенти. Австралия континенти.*

**КОНТИНЕНТАЛ** [p континентальный] Континентга, қитъага оид. *Континентал мамлакатлар.* | Континентда жойлашган, бўладиган. *Континентал Европа. Континентал иқлим денгиздан узоқда жойлашган қиши совуқ, ёзи иссиқ бўладиган жойлар иқлими. Кескин континентал иқлимга эга бўлган Нурота тоғ тизмасида ёз ўзининг иссиқ ва қуруқлиги билан ажралиб туради. «Фан ва турмуш», 1962, № 11.*

**КОНТОРА** [p < нем] Корхона, муассасаларнинг маъмурий-идора бўлими ёки айрим мустақил муассасаларнинг умумий номи. *Завод контораси. Алоқа контораси. Нотариал контора. — Бўтабой Бектемиров билан тушдан кейин учрашишни ваъдалашиб, зағотэрно контораси олдидан ажрашди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**КОНТРАБАНДА** [p < итал] 1 Тақиқланган мол-товар ва бошқа қим-



матбаҳо нарсаларни давлат чегарасидан ғайриқонуний равишда, яширинча, бож тўламай ўтказиш.

2 Шундай йўл билан ўтказилган мол-товар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларнинг ўзи.

**КОНТРАБАНДИСТ** [р] Контрабанда билан шуғулланувчи киши.

**КОНТРАБАС** [р < итал] Тикка туриб камонча билан чалинадиган скрипка шаклидаги овози энг паст, катта музика асбоби.

**КОНТРАГЕНТ** [р < лат] Шартнома билан ўз зиммасига бирор мажбурият олган киши ёки ташкилот.

**КОНТР-АДМИРАЛ** [р < фр] Ҳарбий денгиз флотига энг қўйи (биринчи) адмираллик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**КОНТРАКТ** [р < лат] Томонларнинг келишуви асосида тузилган шартнома, битим.

**КОНТРАКТАЦИЯ** [р] 1 Бирор нарсани маълум муддатга олиш ва маълум шароитда фойдаланиш учун тузилган шартнома.

2 Тайёрлаш ташкилотлари билан колхоз, колхозчи ёки яқка хўжаликлар ўртасида деҳқончилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ҳар йили тузиладиган шартнома. *Пахта контрактацияси. Пилла контрактацияси. Ғалла контрактацияси.*

**КОНТРАМАРКА** [р < фр] Томоша жойларига бепул кириш учун ҳуқуқ берадиган талон.

**КОНТРАСТ** [р < фр] 1 Кўзга ташланадиган кескин фарқ, айирма. || *Контраст ранглар.*

2 Рассомлик ва фотографияда: предметнинг бир-биридан кескин фарқ қиладиган қоронғи ва ёруғ жойлари. || *Контраст сурат.*

**КОНТРИБУЦИЯ** [р < лат] Урушда енгилган давлат томонидан ғолиб давлатга тўланадиган пул; тоvon. | Чет эл қўшинлари томонидан босиб олинган территория аҳолисига солинадиган мажбурий солиқ.

**КОНТРОЛ** [р контрольный] Текширишга, назорат қилишга оид, назорат қиладиган. *Контрол органлари.* | Назорат учун хизмат қиладиган, назорат учун қилинган. *Контрол аппарат. Контрол иш. Контрол рақамлар.*

**КОНТРОЛЁР** [р < фр] Контроллик, назорат қилувчи, текширувчи, назоратчи. *Темир йўл контролёри.*

**КОНТРОЛЬ** [р < фр] 1 Текшириш мақсадидаги кузатиш; назорат. *Ишнинг сифати устидан контроль. Ишлаб чиқариш устидан контроль. Контролни сусайтирмаслик керак.*

2 Ташкилот ва корхоналарнинг иш фаолиятини текшириб, тафтиш қилиб турувчи муассаса. *Давлат контроли. Халқ контроли комитети.*

**КОНТРЕВОЛЮЦИОН** [р контрреволюционный] Революцияга қарши қаратилган, революцияга душман; аксидинқилобий. *Контрреволюцион ташкилотлар. Контрреволюцион партия-*

*лар. — Буржуазия .. халққа қарши чинакам контрреволюцион фитналар уюштиради.* В. И. Ленин, Ун саккизинчи июнь.

**КОНТРЕВОЛЮЦИОНЁР** [р < фр] Контрреволюция тарафдори ёки қатнашчиси; аксидинқилобчи.

**КОНТРЕВОЛЮЦИЯ** [р < фр] Эксплуататорлар синфининг революцион ҳаракатни бостиришга, революция самараларини йўқ қилишга, революциядан илгариги тузум ва тартибни тиклашга қаратилган ҳаракати; аксидинқилоб. *Контрреволюцияга қарши курашмоқ. — Контрреволюция ишчилар ҳаракатини ўзининг асосий душмани деб билиб, бу ҳаракатнинг бутун формаларини ҳуқуқат ва III Дума орқали таъқиб қилмоқда.* В. И. Ленин, РСДРП VI Бутуроссия («Прага») конференцияси.

**КОНТУЗИЯ** [р < лат] Тўсатдан етган зарбдан, мас. снаряд ёки бомба портлашидан, организмнинг жароҳатланмай лат ейиши, қарахт бўлиши. *Узоқов .. жанг вақтида контузия бўлиб бир неча кун медресабатда даволанди.* А. Раҳмат, Шонли йиллар солдати.

**КОНТУР** [р < фр] 1 Нарса-предметнинг ташқи, сиртқи шакли, кўриниши. | Нарсаларнинг чизиклар билан тасвирланган ташқи кўриниши. *Бинонинг контурини чизмоқ. — Расом безакнинг контурини поғона-поғона бўлиб тушувчи чизиклар билан давом эттиради.* «Фан ва турмуш», 1963, № 5.

2 эл., радио Ёпиқ электр занжири. **КОНТУРЛИ** Контурдан иборат, контурдан ташкил топган. *Контурли расм.*

◆ **Контурли карта** қуруқлик, шунингдек сув ҳавзаларининг номи кўрсатилмай, фақат шакли кўрсатилган географик карта. **Контурли чизик** қатор нукталардан иборат чизик.

**КОНУС** [р < лат] геом. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катет атрофида айланишдан ҳосил бўладиган геометрик шакл ва шу шаклдаги нарса.

**КОНФЕРАНСЬЁ** [р < фр] Эстрада томошаларида, концертларда программани эълон қилувчи ва ўйинлар орасида ўзи ҳам бирор номерни ижро этиб, томошабинларни машғул қилиб турувчи артист. *Конферансьё навбатдаги номерни эълон қилгани чиққанда ҳам қарсақлар гулдуриси тинмаган эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**КОНФЕРЕНЦ-ЗАЛ** [р < нем] Тантанали мажлислар, конференциялар, кенгашлар ўтказиладиган зал.

**КОНФЕРЕНЦИЯ** [р < лат] Давлатлар, партия, ижтимоий, илмий ва ш. к. ташкилотлар вакилларининг бирор масалани муҳокама қилиш, ҳал этиш учун чақирган мажлиси, кенгаши. *Тинчлик тарафдорларининг халқаро конференцияси. Ўқитувчилар конференцияси. Партия конференцияси.*

**КОНФЕТ** [р конфета] Турли шартлардан, шакар қўшиб қайнатиб тайёрланган ҳар хил шаклдаги шакарпазлик маҳсулоти. *Нордон конфет. Шоколадли конфетлар.*

**КОНФИСКАЦИЯ** [р < лат] Хусусий кишиларга қарашли мол-мулкларни батамом ёки қисман давлат ихтиёрига ўтказиш, мусодара қилиш.

**КОНФЛИКТ** [р < лат] Қарама-қарши томонлар, фикр, куч ва ш. к.нинг тўқнашуви; жиддий келишмовчилик, кескин низо. *Драматик конфликт.* | Халқаро муносабатларда баъзан қиролли тўқнашувларга олиб келадиган жанжал, можаро. *Чегара конфликти.*

**КОНЦЕНТРАТ** [р < лат] 1 Махсус ишловдан ўтказилган ва пиширишга тайёр қилиб қўйилган қуруқ маسالик. *Қаша концентрати. — Самолёт яна бир нечта қоп ташлади. Бу қопларда концентрат, сухари ва шакар бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 қ. х. Кучли ем-хашак, озуқа. || *Концентрат ем.*

3 кон. Фойдали қазилмаларни бойитиш (тош, тупроқ каби кераксиз нарсаларни чиқариб ташлаш) йўли билан ҳосил бўлган маҳсулот. *Вольфрам концентрати. Мис концентрати.*

**КОНЦЕНТРАЦИОН** [р концентрационный] концентрацион лагерь фашист режими ҳукмрон бўлган мамлакатларда: сиёсий маҳбуслар қамаладиган махсус лагерь.

**КОНЦЕНТРАЦИЯ** [р < лат] 1 Бир жойга тўплаш, йиғиш; тўпланиш, йиғилиш. *Конкуренция қилувчи капиталист билан конкуренция қилувчи миллатнинг синишидан капитал ютиб чиқади, у янада кучлироқ концентрация қилинади.* В. И. Ленин, II Интернационалнинг ҳалокати.

2 хим. Суюқликда эритилган ёки ҳавога тарқалган модданинг шу суюқлик ёки ҳаво ҳажмига нисбатан миқдори, кўп-озлиги, қуюқ-суюқлиги. *Ҳавода захарловчи модданинг концентрацияси.*

**КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШМОҚ** Бир ерга тўпланмоқ, жамланмоқ. *Капитализм тараққий қилиб бориши билан ишлаб чиқариш воситалари концентрациялашади.* «КГКС тарихи».

**КОНЦЕНТРИК** [р концентрический < лат] мат. Умумий марказга эга бўлган. *Концентрик айланалар.*

**КОНЦЕПЦИЯ** [р < лат] Қарашлар, фикрлар системаси; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули. *Социал-демократия ичидаги экономистлар, бир томондан, соф ишчилар ҳаракати деган ярим анархиячи концепцияга берилиб кетдилар.* В. И. Ленин, Ишчилар демократияси ва буржуа демократияси.

**КОНЦЁРН** [р < ингел] Капиталистик корхоналарнинг бир ёки бир тўда йирик капиталист қўл остидаги монополистик бирлашмаси.

**КОНЦЕРТ** [р < итал] 1 Музыка асарлари, ашула, рақс ва ш. к. номерларнинг маълум программа асосида омма олдиде ижро этилиши, оммага кўрсатилиши. *Учинчи кун рай-ондан артистлар келиб, дарё бўйида катта концерт берди.* А. Қаҳҳор, Кўшчнор.

2 Оркестр жўрлигида бир чолғу асбоби учун ёзилган музыка асари.

**КОНЦЕРТМЕЙСТЕР** [р < нем] 1 Оркестрда ижрочилар группасининг бошлиғи (биринчи скрипкачи, биринчи альтчи ва ш. к.).

2 Ашулачиларни тайёрловчи, машқ қилдирувчи пианист.

**КОНЦЕССИЯ** [р < лат] 1 Бирор давлат томонидан айрим капиталистларга кон, саноят корхоналари ва ш. к.ни ишга солиш ёки янги корхона қуриш учун ижозат бериш ва шу ҳақдаги шартнома.

2 Шундай шартнома асосида қурилган корхона. *Чоризм Узоқ Шарқда босқинчилик сиёсатини амалга оширмоқда эди. Унда подшоинг ва унинг яқинларининг таямагирлик манфаатлари учун концессиялар тузилган эди.* «КПСС тарихи».

**КОНЦЛЭГЕРЬ** [р] айн. концентрацион лагерь қ. концентрацион.

**КОНЧИ** Конда ишловчи, кон ишчиси. *Ҳа, нима бўпти боқса кончи йигит, Юраингени ёқса, кончи йигит? Меҳмон бўлгин, кондан қайтганинда, Қайсиси сенга ёқса, кончи йигити.* Т. Тўла.

**КОНЧИЛИК** 1 кончи с. мавҳ. от. 2 Кон қуриш ва кондан фойдаланиш соҳаси.

**КОНЬ** [р] Гимнастика машқлари учун белгиланган, козёлдан узун, тўрт оёқли асбоб.

**КОНЬКИ** [р] Оёқ кийимига боғлаб музда учини ишлатиладиган, энсиз узун тигли мослама. *Конькида джюк.* — Юзларидаги қизили нофармон бўлиб кетган тинмас шўх болалар оёқларига коньки, тахтакач боғлаб, .. шаҳар айланадилар. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**КОНЬКИЧИ** Конькида учини билан шуғулланувчи спортчи.

**КОНЬЯК** [р < фр] Узум виносини ҳайдаш ва узоқ муддат сақлаш йўли билан олинадиган кучли спиртли ичимлик.

**КООПЕРАТИВ** [р < лат] 1 айн. кооперация 2. *Матлубот кооперативи.* || *Кооператив савдо.* — *Биз, кооператив ташкилотлари қатнашчиларининг кўпчилиги бизни қувватлайди, деб ишонамиз.* В. И. Ленин, Бутунроссия МИК ва Халқ Комиссарлари Советининг иши тўғрисида.

2 с. т. Кооперация магазини. *Мол топши ҳам жўн. Кооперативдан мижозлар кўп.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**КООПЕРАТИВЛАШМОҚ** Кооперация асосида бирлашмоқ.

**КООПЕРАТИВЛАШТИРИЛМОҚ** кооперативлаштирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**КООПЕРАТИВЛАШТИРМОҚ** кооперативлашмоқ *фл. орт. н.*

**КООПЕРАТИВЧИ** с. т. Кооперацияга қарашли магазин сотувчиси.

**КООПЕРАТОР** [р] айн. кооперативчи.

**КООПЕРАЦИЯ** [р < лат] 1 Ўзаро боғланган ишлаб чиқариш процессида ёки саноят тармоқларида кишиларнинг ёки ташкилотларнинг ҳамкорлик асосида ишлашини ташкил этиш формаси.

2 Пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотик ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамияти. *Хунарманчилик кооперацияси. Уй-жой кооперацияси.* — *Қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини сезгирлик билан ҳисобга олиб бормайтган матлубот кооперациялари ҳам бор.* «С. Ўзбекистон», 1964, 26 июль.

**КООРДИНАТ** [р координаты < лат] Нуқтанинг текислик ёки фазодаги турган жойини белгилайдиган миқдор.— *Координатини айт!* — *Юрвез телефон трубкасига қичқирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КООРДИНАЦИЯ** [р < лат] Иш, фаолият ва ш. к.ни бир-бирига мувофиқлаш, тўғрилаш, уйғунлаш.

**КОПАР** копар иссиқлик ўта иссиқлик (қ. иссиқлик 3). *Қазу — копар иссиқлик. Копар совуқлик ўта совуқлик (қ. совуқлик 5). Қарам шўрва — кспар совуқлик.*

**КОПТОК** 1 Чўзилувчан ёки эластик материалдан ишланган, қаттиқ сатҳга урилганда ириб отиладиган шар; тўп. *Футбол коптоқи. Волейбол коптоқи. Резинка копток. Болалар копток ўйнашмоқда.*

2 Коптоққа ўхшатиб ўралган, думалоқ ўрам (ни, каноп ва ш. к. ҳақида). *Бир копток ип. Уч копток-ипак.* — *Ранг-баранг ипакларни калавасидан чиқариб, чархда бор-шкки товлаб олади-да, копток қилиб ўраб қўяди.* Ойдин, Бечора.

**КОР** [ф-т] кам қўлл. 1 Бирор мақсадда қилинадиган фаолият, ҳаракат, иш. *Сиз «қаторда норим бўлса юким ерда қолмайди», деб юрибсиз. Гап норда эмас, корда!* С. Абдуқаҳҳор, Гап норда эмас. **Кори хайр хайрли, яхши иш. Бир-биримизга қанот-қуйруқ бўлиб, вақт-соат етганда кори хайрга киришамиз.** Ойбек, О. в. шабадалар. **Кори бад ёмон иш, ярамас хатти-ҳаракат. Сиз менинг мактабимни ёндирмадингиз, йўқ, болаларнинг дилларида ўз кори бадингиз билан ўзингизга нафрат ўтларини ёндирдингиз.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ҳожат-эҳтиёж. *Бирор корига ишлатмоқ. — Шунисига суюнаманки, ўша вақтларда яхшигина рўғзор тузиб, қўй-қут орттирган эканми, бари халқнинг корига ярайди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Тўғрилаш йўли; илож.

◆ **Кор қилмоқ** таъсир қилмоқ. *Сув ўтга кор қила бошлади ва орадан бирор соат ўтар-ўтмас аланга пасайди.* Х. Фулом, Машғал.

**КОРАНДА** [ф-т] тар. Ҳосилнинг бир қисмини (1/4 дан 1/2 гача қисмини) олишга байлашиб ишловчи деҳқон. *Мен минбошининг корандасиман. Қаллайи сахардан қоронги кечгача қўйи ҳайдаб, бир маҳал ҳўкизларимни қайтариб келайтсам, ҳаром ўлгурлардан биттасининг оёғи бузуқ кўприкка тикилиб, синиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КОРАФТА** [ф-т] с. т. Кўпни кўрган, ўз бошидан кечириб тажриба орттирган; тажрибали. *Ўзи ўн йил муттасил машина ҳайдагандан кейин корафта бўлиб кетаркан, керак бўлса чироқсиз ҳам ишлайверади.* Х. Назир, Маёқ сари.

**КОРГОҲ** [ф-т] эск. кт. 1 Ўзаро тортишувлар, олишувлар бўлиб турадиган жой, кураш майдони. *Авалло шунни айтай: бу олам, дарҳақиқат, голят мураккаб сиргоҳ ва коргоҳдир. Лекин энг мураккаб нарсаси — одамдир, одам бўлмоқдир.* В. Зоҳидов, Гўзаллик нимада.

2 айн. ишхона.

**КОРДОН** [ф-т] кт. кам қўлл. айн. ишбилармон. *Сиз каби кордон пойтахтимизда осойишталикни .. барпо қилур.* Ойбек, Навоий.

**КОРЕЕЦ** [р] қ. кореецлар. *Кореец халқи. Кореец тили.* || *Кореец киз.*

**КОРЕЕЦЛАР** Корееянинг асосий аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

**КОРЕЙС** с. т. Кореец.

**КОРЖОМА** [ф-т] Иш кийими. *Шийпон четидаги трактор ғилдирақлари остида коржома кийган ёш йиғит тимискиланиб, ўзича гоҳ у, гоҳ бу ерни тиқирлатиб қўярди.* Р. Бўлатов, Олтин калит.

**КОРЗИНКА** [р] Дастали сават. *Бир корзинка олма.*

**КОРИДОР** [р] Хоналарга кириш ва хоналарнинг ўзаро алоқаси учун хизмат қилувчи бинонинг ичидаги йўлак. *Улар коридордан ўтаётганларида Вая Степанов мударнинг кабинетидан чиқди.* П. Турсун Ўқитувчи.

**КОРИЗ** [ф-т] қ. х. Бир неча қудуқларни бирлаштирувчи ер ости канали, бир-бири билан бирлаштирилган қудуқлар системаси.— *Ўйза қуриб қолланти. Сув керак, сув! Коризлар бўлса кўмилиб кетяпти!* — *деди раис.* С. Анорбоев, Мехр.

**КОРОБКА** [р] Картон, тахта ёки металлдан ясалган қопқоқли кичкина идиш; қўтича. *Бирор коробка шоколад. Қомпас коробкаси.* | *Пачка. Бир коробка папирос.*

◆ **Тезликлар коробкаси** *тех.* автомашина, трактор ва ш. к.да тезликларни ўзгартириш учун хизмат қиладиган механизм.

**КОРОЛЛИК** айн. қироллик.

**КОРОЛЬ** 1 айн. қирол.

2 с. т. Шоҳ (шаҳмат ва қарта ўйинида). *Фиштин король.*

**КОРОНКА** [р] Тишни сақлаш учун унга кийдириб қўйиладиган металл ёки пластмассадан қилинган қоплама.

**КОРПУС** [*p* < *лат*] 1 Механизм, аппарат ва ш. к.нинг таянчини ёки қобинни ташкил этувчи қисми. *Соат корпуси. Станок корпуси.*

2 Бир умумий участкадаги бинолардан бири, алоҳида бино. *Асосий корпус. Уқув корпуси.*

3 Бир неча дивизия ёки бригадалардан иборат йирик ҳарбий қўшилма. *Кавалерия корпуси. Танк корпуси.*

4 Махсус иш билан машғул бўлган мутахассислар группаси. *Дипломатлар корпуси. Офицерлар корпуси.*

**КОРРЕКТОР** [*p* < *лат*] Корректурга ўқиш ва тuzатиш ишини бажарувчи типография ёки нашриёт ходими. *Машиналар фириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Солиштириб кўради. Қ. Муҳаммадий.*

**КОРРЕКТУРА** [*p* < *лат*] 1 Босилган текстдаги хатоларни тuzатиш.

2 Текстнинг хатоларини тuzатиш учун бостириб олинган нусха. *Бир кўни муҳаррир корректурга ўқиб ўтирган эди, кабинет эшиги яқинлаб қолди. С. Абдуқаххор, Рецензент.*

**КОРРЕСПОНДЕНТ** [*p* < *нем*] айн. мухбир.

**КОРРОЗИЯ** [*p* < *лат*] 1 *тех.* Металларнинг химиявий таъсир остида емирилиши, занглаши.

2 *геол.* Тоғ жинсларининг шамол ва сув таъсирида ўзгариши.

**КОРСОЗ** [*ф-т*] айн. кордон. *Корсоз йиғишта ўхшаб кетади. Ойбек, Навоий.*

**КОРСОН** [*ф-т*] 1 Ёғочдан ишланган катта товоқ. *Корсонда қимиз келди. Бек бир-икки зарангни ичгандан кейин, ясланиб кўкка қараб ётиб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дастурхон устига бир корсон ширқовоқ қўйилган. Айний, Дохунда.*

2 Айрим музика асбобларнинг товушини кучайтирадиган ковак қисми, қорни. *Дастанг зардолдан, корсонинг арча, Бордир оҳанглари эқимтой анча, Куйласанг, қўллага маҳлиё барча, Суҳбатнинг маъсали бўлган дўмбирам. Ёдгор бахши.*

3 *диал.* Эгарнинг орка қисми. *От белига ташлайберди чол Соқи, Корсонни кумуш, қоши олтин эгарни. Эргаш шоир.*

**КОРХОНА** [*ф-т*] 1 Ишлаб чиқариш ёки савдо бўлими ҳамда шундай бўлимлардан бир нечасининг бирлашмаси. *Давлат корхоналари. Савдо корхонаси. Хусусий корхона. — Механик заводлари қурилганга қадар эски тартибда дегрезлик корхонаси ишларди. Ойдин, Бечора.*

2 *с. т.* Иш жойи, ишхона. *Малоҳат суриштиргани корхонага борибди; суриштириб қараса, Жонфигон фақат ўн етти кун ишлабди, холос. А. Қаххор, Жонфигон.*

**КОРХОНАЧИ** *тар.* Корхона эгаси.

**КОРЧАЛОН** *с. т.* Корчалон.

**КОРЧАЛОН** 1 Ўзини ҳаммадан билмидон деб ҳисобловчи, билармон; маҳмадона. *Санамай саккиз деб юрган*

*экансиз, корчалон кексал Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Ишбилармон, эпчил. *У [Алимардон] қай даражада корчалон ва уддабурулмигани, Бекнинг олдида катта обрўёга эгаллигини хўжайинга ўқдириши фикрида эди. Айний, Дохунда.*

**КОРЧАЛОНЛИК** *корчалон с белги оти. Мен ундан [Мўминжондан] Холиқнинг қандай қилиб «инженер» бўлиб қолганини сўрасам, унинг эъсаси қотиб: «Инженер қайқдай» Ўзларича корчалонлик қилавердилар»,— деди. Х. Назир, Бир туп ёзу.*

**КОСА** [*ф-т*] 1 Пиёладан каттароқ, асосан суюқлик ва суюқ овқат солиб ичиш учун ишлатиладиган идиш. *Бир коса сунт. Икки коса қатиқ. — [Йўлчи] .. меҳмонлар учун дам ясоғлик, патнўслар, дам чой, .. дам косаларда шўрвалар ташшиди. Ойбек, Қутлуғ қон. Жувои бўшаган чинни косаларни йиғиштириб оиҳонага чиқиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Овқат пишди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган ёйжага қатиқ ҳам ранг киргиза олмади. Туробжан икки коса ичди, хотин эса ҳануз бир косани яримлата олмас эди. А. Қаххор, Анор.*

2 Ўз пўчоғи устида (пўчоғидан айириб) кўндалангига кесиб қўйилган қовун, тарвуз ёки хандалак бўлаги (одатда ярим ёки чорак палла бўлади). *Ковунни коса қилиб сўймоқ. — Патнус кўкча ва шакарпалак косалари билан тўлиқ эди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.*

◆ **Бош косаси** *анат.* калланинг мия жойлашган қисми, мия қопқоғи. **Кўз косаси** бош суягининг юз қисмидаги кўз жойлашган чуқурлик. *Унинг [Сотволдининг] .. чап кўзи йўйилган ва кўз косасига қуюқ қора қон тўлиб қотиб қолган, маҳкам юмилган лаблари тимдаланган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Косаси оқармайди хаёти, турмуши яхшиланмайди, ўнгламайди. Дангасанинг косаси оқармайди. — Дадам раҳматликнинг қўли ҳар хунарга эпчил эди,— деди Йўлдошев,— .. аммо ҳеч вақт бечоранинг косаси оқармади. Ойбек, О. в. шабадалар. Сабр косаси тўлиб тошди қ. сабр 2.*

**КОСАГУЛ** [*ф-т*] Ўтиришда ичкилик қуювчи ва ўтиришни бошқариб турувчи шахс; соқий. *Косагул бўлгандир энане, алла-ёр, алла-ёр!* «Ширин билан Шакар».

**КОСАЧА** 1 *коса* 1 *с. кичр.*

2 *бот.* Гулнинг гултожи остидаги косачабарглardan ташкил топган пнеласимон қисми.

**КОСАЧАБАРГ** *бот.* Гулнинг косачасини ташкил қилувчи яшил баргчалардан бири.

**КОСЕКАНС** [*p* < *лат*] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг тор бурчак қаршисында катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг секанси.

**КОСИБ** [*а*] 1 Қўл иши билан шуғулланувчи хунарманд. *Қўли сунт косибдан оёғи илдам ғадой яхши. Мақол.*

— *Уста Мўмин Ёғиз қўл бир косиб эди. А. Қаххор, Асрор бобо. Найманча — азалдан косиблар маҳалласи .. Бўғчилик — бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

2 **Оёқ кийими** (этик, маҳси ва ш. к.) тикиш билан шуғулланувчи хунарманд.

**КОСИЛКА** [*p*] Ўт, беда ва ш. к. экинларни ўрайдиган машина; ўроқ машина. *Пичан ўришга кимлар бориши, қанча от косилка, қанча трактор косилка ажратишини белгилашиб, қарор қабул қилишгунча, йўнқароқ болалар икки уйқуни олишган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**КОСИНУС** [*p* < *лат*] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда тор бурчакка ёпишган катетнинг гипотенузага нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг синуси.

**КОСМЕТИК** [*p* косметический] Косметикага оид. *Косметик моллар.*

**КОСМЕТИКА** [*p* < *грек*] 1 Кишининг ташқи кўрнини яхшилаш мақсадида терини парвартиладиган ва дориллаш чора-тадбирлари; пардоз.

2 Пардозга, пардоз қилишга оид воситалар (упа-элик ва ш. к.).

**КОСМИК** [*p* космический] Космосга, коинотга, олам фазосига оид, уни ўрганиш учун хизмат қиладиган. *Космик кема. Космик станция. — Физик олимлар яқин вақтларга қадар космик бўйлиқни ўрганишни фақат орзу қила олар эдилар. «Фан ва турмуш», 1959, № 10. Космик нурлар коинот фазосидан бизнинг планетамизга тушадиган, катта энергияга эга бўлган алоҳида нурлар.*

**КОСМОГОНИЯ** [*p* < *грек*] Астрономиянинг осмон jismlарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги масалалар билан шуғулланадиган бўлими.

**КОСМОДРОМ** [*p* < *грек*] Сунъий йўлдош, космик кема ва ш. к. космосга учир аппаратларини учуриш учун махсус жиҳозланган жой.

**КОСМОНАВТ** [*p* < *грек*] Космик кемада космосга учувчи, космосга парвоз қилувчи киши. *Космонавт учуғчи.*

**КОСМОНАВТИКА** [*p* < *грек*] Космик аппаратларни планеталараро фазода учуриш ҳақидаги фан; астронавтика.

**КОСМОПОЛИТ** [*p* < *грек*] Космополитизм тарафдори; ватанпарварлик ҳиссини йўқотган киши.

**КОСМОПОЛИТИЗМ** [*p*] «Киши дунё граждандир» деган сохта шиор остида ватанпарварликни, миллий маданият традицияларини, халқларнинг миллий мустақиллигини инкор этувчи реакция буржуа идеологияси.

**КОСМОС** [*p* < *грек*] Ягона бир система ташкил этган бутун жаҳон, олам, коинот. *Ойга томон учирилган иккинчи совет ракетаси космос сирларини билшига доир қимматли маълумотлар берди. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.*

**КОСОВ** Ўт, оловни тўғрилаш, тортиш ва ш. к. учун ишлатиладиган ёғоч ёки темир таёқ. *Косов узун бўлса, қўл куймас.* Мақол. — *Тоир ака қўлдан косов билан олов тўғрилар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**КОСТЮМ** [р < фр] 1 Пиджак ва шим ёки жакет ва юбкадан иборат устки кийим.

2 с. т. Ёқаси қайтарилган, кўкрак олди очиқ, тугмали калта устки кийим; пиджак ёки жакет.

3 Маскарад ёки театр кийими.

**КОСТЮМБОП** Костюм қилишга ярайдиган, арзийдиган. *Костюмбоп мато.*

**КОСТЮМЁР** [р] Спектакль учун костюмлар, кийим-бошлар тайёрловчи театр хизматчиси. — *Театримизда-чи, режиссёр, костюмер, суфлёр .. ҳаммаси бор. Фақат раҳбар йўқ, — деди Собиржон Маишраба.* Ш. Саъдулла, Икки билгузук.

**КОСТЮМЛИК** Костюм қилишга етадиган. *Бир костюмлик коверкот.*

**КОТАНГЕНС** [р < лат] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда бурчакка ёпишган катетнинг қаршидаги катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция; кўшимча бурчакнинг тангенсини.

**КОТИБ** 1 тар. Рўйхат тузиш, қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланган шахс; мирза.

2 айн. секретарь 1—3.

3 эск. айн. секретарь 4.

**КОТЛЕТ** [р котлета < фр] Қиймаланган ёки туйилган гўшдан тайёрланган ясси, кулча шаклидаги овқат.

**КОТЛОВАН** [р] Пойдевор қуриш учун қазилган чуқур. *Иморатларнинг пойдеворини қуриш учун котлован қазимокдамиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўтган яқшанба эрталам Самдўшлар турган тўғоннинг настидида котлованда сув пайдо бўлди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**КОФЕ** [р < голл < а] 1 Уруғидан махсус ичимлик тайёрланадиган тропик ўсимлик, қахва дарахти.

2 Шу дарахтнинг уруғи ва ундан тайёрланган порошок; қахва толқони. *Чой, кофе, какао, гарждори, қора мурч ва тамаки таркибиде алкалоидлар бор.* «Фан ва турмуш», 1964, № 2.

3 Шундай порошокдан қўшиб тайёрланган ичимлик; қахва. *Бир стакан қора кофе.*

**КОФЕЙН** [р < голл < а] Кофе дони, чой барги ва бошқа баъзи ўсимликлар таркибиде бўладиган алкалоид (қўзғатувчи, тетиклантирувчи дори сифатида қўлланади). *Кофейн моддаси чойни хушхўр қилади, кишини тетиклаштириб, унинг чеҳрасини очади.* «Фан ва турмуш», 1959, № 7.

**КОФИ** [а] эск. кт. Кифоя қиларли, етарли. *Бу хизматга унинг илми кофими?* [деди Имом]. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**КОФИР** [а] дин. 1 айн. гайридин. *Ҳамма мусулмонлар боб-баравар, деб ўйлайсизми? Мусулмонлар ўртасида бўйлар йўқми? Майли, кофирми,*

*мусулмонми, биз бўйларнинг жазосини берамиз. Улар кофирда ҳам бор, мусулмонда ҳам.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Шаҳар фаранг, инглиз деган кофирлар билан тўла ётибди. Араблар унда-бунда кўринди, холос, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Дин йўлидан қайтган, худосиз. *Бир зум чўзилган сукутни Салимбой-вачча бузди .. Уламоларимиз газета ўқиган одамларни ҳам «кофир» деб ҳисоблайдиларки, бу жаҳолатдан бошқа нарса эмас.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КОФТА** [р] Аёлларнинг калта қўйлаксимон, одатда белгача тушадиган кийими. *У [Фотима] енгларига чиройли қизил кашталар тиқилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КОФТУКОВ** [ф-т] Синчиклаб текширув, тафтиш. *Кофтуков қилмоқ.*

**КОЧЕГАР** [р] Буғ қозонларининг ўтхонасига ўт ёқувчи ишчи. *Пароход кочегари.*

**КОЧЕГАРКА** [р] Буғ қозонининг ўтхонаси жойлашган, шунингдек ёқилган турадиган хона, жой.

**КОШИН** [ф-т] 1 Чиннига ўхшатиб ишланган, ялтироқ, нақшли гишт лангаси. *Деҳлида масжид ва мезаналар керамидан ортиқча. Ҳалларини, кошинларини, нақшларини қаердадир кўргандаймиз.* 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

2 Бир-бирига зич қилиб ёпиштирилган ранг-баранг шпша, мрамар, тош, ёғоч ва ш. к.дан ясалган сурат ёки нақш. *У мадрасалар ички-ташқи кенг саҳна, баланд ва мустақкам деворга, ҳашаматли тоқ-равоқ ва гулдасталарга эа бўлиб, баъзиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан безатилган бўлар эди.* Айний, Эсдаликлар.

**КОШИНКОР** [ф-т] 1 Кошин ишловчи, биноларни кошин билан безатувчи уста. *Машхур кошинкор.*

2 Кошин ишланган, кошин билан безатилган. *Шу икки уйнинг орасига ўтирган кошинкор ва нақшин чорхари айвон бу ҳовлининг биринчи мартаба кўзга чалинадиган ортиқликларидандир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КОШИНЛИ** айн. кошинкор 2.

**КОШКИ** [ф-т] модал с. Сўзловчининг айтилаётган фикрга тарафдорлигини, шуни хоҳлашини билдирди, «қани энди», «қандай яхши бўлар эди» каби маъноларни ифодалайди. *Кошки у ҳам йўлчиға ҳамроҳлик қилган бўлса, у билан дардлашиб, ғамларига шериқ бўлиб, овутиб, юпатиб, у билан бирга тепалар, жарлар ошса.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кошки эди, .. -са яхши бўлар эди. Кошки эди, ўзингиз шу ерда бўлсангиз.*

**КОШКИЙДИ** с. т. (тўғриси кошки эди) қ. кошки. — *Кошкийди, қизим, даданг сўзимга қулоқ соладиган эркак бўлса [деди онаси Гулнорга].* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КОШОНА** [ф-т] кт. Ҳашаматли,

кўркам бино. *Сиз ишсиз, қашшоқ йигит, лекин саройларда, кошоналарда яшовчиларнинг, қорни тўқ ва ҳамёни тўйликларнинг фикрига жўр бўляпсиз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КОЭФФИЦИЕНТ** [р < лат] 1 мат. Бирор математик ифоданинг ўзгармас ёки маълум кўпайтувчиси.

2 физ. Бирор физик хоссани миқдор жиҳатдан белгиладиган кўпайтувчи. *Кенгайиш коэффицентини. Фойдали иш коэффицентини.*

**КОҲИН** [а] кт. 1 Дин аҳли, руҳоний. *Бобил ва Миср коҳинлари йом-фандан ўз манфаатлари учун фойдаланганлар.* «Астрономия».

2 Бирор воқеа-ҳодисани олдиндан билиб хабар берувчи; ромчи; фолбин. *Ҳойибдан хабар берувчилар икки турли бўладилар: биринчиси — вали, иккинчиси — коҳин.* Айний, Эсдаликлар.

**КРАБ** [р < голл] Ўн оёқли денгиз қисқичбақаси.

**КРАН** [р < нем] тех. Оғир юкларни кўтарадиган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчирадиган механизм. *Кўтарма кран. Кўйма кран.*

**КРАНЧИ** Кранда ишловчи.

**КРАСКА** [р] айн. бўёқ 1.

**КРАТЕР** [р < грек] геол. Вулканиннг лава отилиб чиқадиган воронкасимон оғзи.

**КРАХМАЛ** [р < нем] Кўпчилик ўсимликларда фотосинтез натижасида ҳосил бўладиган углевод; баъзи ўсимликлардан олинадиган тамсиз оқ порошок; оҳор (озик-овқат, химия, текстил sanoатларида ишлатилади). *Чит тўқилгандан кейин оҳор берилади.* Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак. Ойдин, Сухбати жонон.

**КРЕДИТ** [р < лат] бухг. Қирим-чиқим дафтарларининг чиқимлар, унадиган пуллар ёзиладиган ўнг томони; акси дебёт.

**КРЕДИТ** [р < лат] 1 Қарзга мол бериш, шунингдек қарзга берилган мол; қарз. *Узоқ муддатли кредит. Кредитга мол олмақ.*

2 Маълум харажатлар учун чиқарилган пул, маблағ. *Халқ маорифи учун ажратилган кредит.*

**КРЕДИТОР** [р < лат] Мол ёки пулни насияга, қарзга берган муассаса ёки шахс; акси дебитор.

**КРЕЙСЕР** [р < голл] Кучли артиллерия, ракета, торпеда ва миналар билан қуроллантирилган тез юрак, катта харбий кема.

**КРЕМ** [р < фр] 1 Қанд, қаймоқ, мева шираси ва ш. к. қўшиб тайёрланган нишолдасимон ширинлик (кўпинча торт, пирожний каби кондитер маҳсулотларини безаш учун ишлатилади).

2 Чарм оёқ кийимларига суркаб пардозлаш учун ишлатиладиган махсус мой; этик мойи. *Қора крем. Жигар ранг крем.*

3 Косметик пардоз мойи; ёғупа.

**КРЕМАТОРИЯ** [р крематорий] Кремация қилинадиган бино ёки печь.

**КРЕМАЦИЯ** [р < лат] Жасадни юқори температурали махсус печда куйдириши.

**КРЕМЛЬ** [р] Қадимги Русь шаҳарларида: шаҳарнинг ички қалъаси. *Москва Кремль. Козон шаҳри кремль.*

**КРЕМНИЙ** [р < грек] Кварц, чақмоқтош каби, тоғ жанслари составига кирувчи химиявий элемент.

**КРЕПДЕШИН** [р < фр] Пишиқ юпқа шоҳи газлама.

**КРЕПОСТНИК** [р] Крепостной хуқуқ тарафдори, крепостной хуқуқни химоя қилувчи реакционер, помешчик; крепостнойчи.

**КРЕПОСТНОЙ** [р] 1 *сфт* Помешчикларнинг ўзига қарашли дехқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгаллик қилишга асосланган. *Крепостной тузум. Крепостной хўжалик.* Крепостной хуқуқ помешчикларнинг ўзларига қарашли дехқонларга, уларнинг мол-мулкига, меҳнатига чексиз эгаллик қилиш хуқуқи.

2 *от* Крепостнойлик тузуми асосида помешчикка қарам бўлган шахс. *Крепостнойлар қўзғололи.*

**КРЕПОСТНОЙЛИК** 1 Крепостной хуқуқига асосланган тузум. *Крепостнойлик даври.*

2 Шу тузумга хос ижтимоий муносабатлар. *Крепостнойлик хўжалиги. Крепостнойлик меҳнати.*

**КРЕПОСТНОЙЧИ** *айн.* крепостник. **КРЕСЛО** [р] Тирсақларни қўйиб, суяниб ўтириладиган кенг курси. *Смирнов Походинни креслога таклиф қилдию, ўзи ҳам унинг ёнига стул келтириб ўтиргач, гапнинг олдини олиб сўз қотди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**КРЕСТ** [р] Христиан динида топиниш символли ва предмети; бут, хоч.

2 Бир-бирини кесиб ўтган икки нарса, мас. икки чизиқ.

3 Шу шаклдаги орден. *Революциягача Россияда мардик учун Георгий крести берилар эди.*

◆ **Қизил Крест** ва **Қизил Ярим ой** жамияти уруш ёки табиий офатлардан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун тузилган кўнгилли жамият.

**КРЕСТГУЛЛИЛАР** Уруғи икки паллали, гулбарглари крест шаклида жойлашган ўсимликлар (мас. карам, турп, хантал).

**КРИЗИС** [р < грек] 1 Бирдан, тўсатдан юз берган ўзгариш, танг ва мушкул аҳвол; танглик. *Сисей кризис* халқ оммасининг умумий аҳвол ва ҳукумат сисейнинг қатъий норозилиги орқасида мамлакатда вужудга келган танг сисей ҳолат. *Ҳукумат кризиси* эски ҳукуматнинг истеффо бериши ҳал этилган, аммо ҳали янги ҳукумат тузилмаган давр.

2 *мед.* Қасалликнинг кескин ўзгариши, қасалликнинг энг оғир аҳволдан тузалишига томон ўзгариш пайти.

3 эк. Капиталистик хўжаликда аҳоли харид қобилиятига нисбатан ортқча мол ишлаб чиқарилиши натижасида майда ишлаб чиқарувчиларнинг сони-

шига, ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, ишсизликнинг кўпайишига олиб борадиган танглик; бухрон. *Саноат кризиси. Аграр кризис.*

**КРИМИНАЛИСТ** [р] Криминалистика мутахассиси. *Оқлов ҳодиса рўй берган жойнинг фотосхемасини олишга уринаётган криминалист ходим ёнига келди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**КРИМИНАЛИСТИК** [р криминалистический] Криминалистикага оид. *Криминалистик текшириш. Криминалистик экспертиза.*

**КРИМИНАЛИСТИКА** [р < лат] Хуқуқ илмининг жиноий ишларни текшириш методларини ўрганадиган бўлими.

**КРИПТОН** [р < грек] Химиявий элемент, инерт газлардан бири.

**КРИСТАЛИК** [р кристаллический] Кристаллардан иборат, кристаллардан таркиб топган, кристалл тузилишга эга бўлган. *Кристаллик жанслар. Кристаллик формалар.*

**КРИСТАЛЛ** [р < грек] Табиий равишда кўп қиррали шаклга эга бўлган қаттиқ жисм. *Муз кристаллари. Туз кристаллари.*

**КРИСТАЛЛАНМОҚ** Кристаллга айланмоқ, кристалл шаклига кирмоқ. *Кристалланган модда.*

**КРИСТАЛЛАШМОҚ** Кристаллга айланмоқ, кристалл шаклига келмоқ. **КРИСТАЛЛАШТИРМОҚ** кристаллашмоқ *фл. орт. н.*

**КРИСТАЛЛИЗАЦИЯ** [р] Кристаллга айланиш ёки айлантириш.

**КРИСТАЛЛИК кристалл с. белги** **ОТИ КРИТЕРИЙ** [р < грек] Бирор нарсага баҳо бериш, бирор нарса ҳақида фикр юритиш ва ш. к. холларда асос қилиб олинadиган ўлчов, мезон; белги.

**КРИТИК** [р критический < грек]: **критик текст** бирор тарихий асар ё текстнинг турли вариантларини ўрганиш, таққослаш асосида тузилган энг тўғри, аслига энг яқин нусхаси. *Навой асарларининг илмий-критик тексти.*

**КРОВАТЬ** [р] *айн.* каравот.

**КРОНА** Чехословакия, Швеция, Норвегия каби баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида пул бирлиги.

**КРОСС** [р < ингел] *спорт.* Паст-баланд, йўлсиз жойда бўладиган пойга, югуриш ёки бирор нарсани тез юргизиш мусобақаси. *Мотоциклистлар кросси. Чанғичилар кросси. Беш километрга югуриш кросси.*

**КРОССВОРД** [р < ингел] Катакларни харфлар билан тўлдириб, ўйланган, катакларга яширилган сўзни топиш ўйини.

**КРУЖКА** [р] Стокан шаклидаги дастали идиш. *Алюминий кружка. Бир кружка сув.* — *Биринчисига қўзиқорин солинган картошка шўрва, иккинчисига эзилган картошка билан бир бурдадан гўшт, учинчисига бир кружкадан сут тарқатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КРУПА** [р] Пўсти тозаланган, оқ-

ланган дон; ёрма. *Сўк (тариқ) крупаси. Манний крупа. Арпа крупаси.* **КСЕНОН** [р < грек] Химиявий элемент, инерт газ (нурланувчи лампаларда ишлатилади).

**КУБ** [р < грек] 1 Ҳамма томони тенг квадратдан иборат олти ёқли геометрик шакл. | Шундай шаклдаги нарса.

2 *мат.* Бирор соннинг ёки алгебраик ифоданинг учинчи даражаси, ўз-ўзига уч марта кўпайтмаси. *3 сонининг кубу 27 бўлади.*

3 с. т. Бир куб метрга баравар ҳажм ўлчови; кубометр. *Икки куб тахта.*

4 Сууюкликни қайнатиш ёки сақлаш учун ишлатиладиган цилиндр шаклидаги катта ёпиқ идиш.

**КУБАНКА** [р] Теласи ясси, қулоқчинсиз, одатда қорақўлдан қилинадиган пастак телпак. .. *Утайтган колонналар, солдатлар, командирлар кўл ранг шинель, кубанка кийиб олган қизил юзли, қора кўзи, ўрта бўйли қиздан кўз узолмас .. эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КУБАТУРА** [р] Бирор нарсанинг кубометр ҳисобидаги ҳажми. *Хонанинг кубатураси.*

**КУБИЗМ** [р < фр] Ғарбий Европа санъатида, хусусан рассомликда, нарсаларни содда геометрик шакллар комбинацияси тарзида тасвирлашдан иборат тушкун, формалистик оқим.

**КУБИК** [р] 1 Ҳар бир ёнга расм, харф ва ш. к. туширилган, маълум тартибда терилганда бир бутун тасвир, сўз ва ш. к. ҳосил бўладиган куб шаклидаги ёғочлардан иборат болалар ўйини.

2 с. т. Бир куб сантиметрга тенг ҳажм ўлчов бирлиги. *Уч кубик глюкоза.*

3 с. т. 1943 йилгача Совет Армиясида ўрта командирлар составининг тўрт-бурчак шаклидаги унвон белгиси. *Гимнастёрка ёқасида унвондан кубик тиккадан қўйилаётган иссиқ кўш нурида ёқутдек қизариб товланади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**КУБОМЕТР** [р] Бир куб метр ҳажмидаги. *Бир кубометр тахта. Ун кубометр цемент. Юз кубометр сув.*

**КУВ** Сутни чайқатиб ёғини олиш учун ишланган цилиндр шаклидаги узун ёғоч идиш ва унинг учи йўғонлашган таёқсимон сопи. *Терар жирини кув ҳам сепара, Бринзам базорга бўлу рўпара.* С. Абдулла. *Кув пишмоқ* кувда ишлаб сутнинг ёғини олмоқ.

**КУВА** 1 Бўғзи сиқикроқ узун сопол идиш (сув, сут ва ш. к. сууюкликлар солиш учун ишлатилади).

**КУВА II** Косибчликда чарми уриб текислаш, чўзиш ва ш. к. учун ишлатиладиган оғир, темир асбоб. *Буришган эски чармларни хўллаб кунда устига қўйиб, кува билан текислашни жуда севар эдим.* Ойбек, Болалик.

**КУВАЛАМОҚ** Кува билан уриб текисламоқ, чўзмоқ. *Чарми куваламоқ.*

**КУВАЧА** Кичик кува (қ. кува I). *Кудуқ олдидан турган сопол кувачани*

қудуққа тушириб сув тортидим, кувачани отамга узатдим. Ойдин, Садаганг бўлай, командир.

**КЎВЛАМОҚ** айн. кув пишмоқ қ. кув.

**КЎВЛАНМОҚ** кувламоқ *фл. мажх. н.*

**КЎВРАК** Чайнаганда касир-кусур қиладиган (бодринг, сапча ва ш. к. ҳақида). *Куврак олма.* || Қомилжоннинг қовуни ҳам ширин, ҳам хушхўр чиқди. У шакарпалакнинг сал куврак-роғини танлабди. Ҳ. Иброҳимов, Ойдин кечада.

**КУДУНГ** махс. Тўқилган матони уриб текислаш, силлиқлаш ва унга жило бериш учун ишлатиладиган тўқмоқсимон ёғоч асбоб.

**КУДУНГГАР** Кудунгловчи уста. Кудунггарнинг минг ургани — босқончининг бир ургани. Мақол.

**КУДУНГЛАМОҚ** махс. Кудунг билан пардозламоқ, жило бермоқ.

**КУДУНГЧИ** айн. кудунггар. У [Искандаровнинг отаси] ҳали гула қўяр, ҳали кудунгчиларга қарашар, ҳали дўконга ўтириб моки отарди. Ё. Шукуров, Қасос.

**КУДУРАТ** [а] *кт.* 1 Кўнғил гашлик, хафалик, ғам. Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳрам гаплардан гапиршиб, кўнғилдаги кудуратларни ёзайлик. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Шубҳа, гумон. — Бу тўғридан муборак хотираларига ҳеч бир кудурат йўл топмасин, — деди Имомқул [амиргга], — мен қуллари бу камчилиكنи тўлдириб учун бир чора ўйлаганман. Айний, Дохунда.

**КУЁВ** 1 Қизнинг эри (қизнинг ота-онасига нисбатан). — Йўқ, ойи, ҳеч нима керак эмас, — яна мулоҳим гапирди қизи, — кўёвнингизни жўнатаман деб чарчадим. Ойбек, Қутлуғ қон. **ИЧ КУЁВ** қайнота-қайнонанинг уйда яшаб қолувчи куёв. | Синглининг эри (ака ва опага нисбатан). Салимбойвачча илдамлик билан уларга югурди. Синглисидан аҳвол сўраб, кўёвнинг қўлини сиқди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Энди уйланаётган ёки янги уйлانган йигит (ўз қайлиғига, хотинига нисбатан). Сен ҳали денгизни кўрганнинг йўқ, қизим! Худо хоҳласа, кўёвнинг билан бирга кўрасан. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**КУЗ** 1 Ёз билан қиш ўртасидаги фасл. *Кеч куз. Кузга яқин.* — Шу орада яшаркан. Бир бадавлат — бой хўроз, Роҳат умр кўраркан Кузу, қишу, баҳор, ёз. З. Дибр.

2 Кўйма Даврининг, мас. киши ҳаётининг, умрнинг охириги дамлари. *Қимдир шошилди жавоб қайтарди:* — Бу гал унинг [душманнинг] кузи келади. Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. Ахир ёшимиз кетяпти, умр баҳоримиз ўтиб, кузимиз яқинлашиб келяпти, Ҳаётхон! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КУЗАК** с. т. айн. куз 1.

**КУЗАЛМОҚ** кузамоқ *фл. мажх. н.*

Ота [Охунбобоев] унинг [Мустақимнинг] гапларини гоҳ панжалари билан чиройли кузалган соқолини тараб, гоҳ келишган мўйловининг учини ҳамариб, юзи-кўзи кулиб эшитди. Й. Шамшаров, Улғайиш.

**КУЗАМОҚ** Текис қилиб кесмоқ, қирқиб текисламоқ (ёлни, соқолни, мўйловни). *Тойнинг ёлини кузамоқ.*

**КУЗАТИЛМОҚ** кузатмоқ *фл. мажх. н.*

**КУЗАТМОҚ** 1 Кетаётган киши билан хайрлашиш учун бирор ергача бирга бормоқ, бирор ергача олиб бориб қўймоқ; узатмоқ. *Меҳмонларни вокзалгача кузатиб чиқмоқ.* — Қомил билан Бўронбек Зидиллани кузатиб қўйиши учун далага чиқди. Ҳ. Ғулом, Машғал. | Кетаётган киши билан хайрлашмоқ, хайр-хўшлашиб қолмоқ, жўнатмоқ. *Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Кумуш билан онасидан хўппак олар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Баланд теракларда қушлар чуғуллаб, Файзли бу оқшомни йўлга кузатар. Ғайратий.*

2 Билиш, аниқлаш мақсадида синчиклаб қарамоқ, кўздан кечирмоқ. *Қуёш тугилишини кузатмоқ.* — Эргаш минбарнинг пенжарасини бармоқлари билан қисиб, кўзлари чақнаб, халқни кузатарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Краснов .. ҳарсиллаб-гурсиллаб дарахта чирмашид-да, теваракни кузатди. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Зимдан қараб текшириб турмоқ, таъқиб қилмоқ.

4 Бирор нарсани (мақсадни) назарда тутмоқ. *Агар Мусулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилганда, золимларни ўртадан кўтариб, юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олар эди? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кейиндан маълум бўлдики, бу Боқимирзанинг бу ерга келишдан кузатган мударасига дахлдор экан. А. Қаҳҳор, Мирза.*

**КУЗГИ** Кузга хос, кузда бўладиган. *Кузги ёмғир. Кузги мева. Кузги йиғим-терим. Кузги экинлар. Кузги шудгор.*

**КУЗИР** [р зозырь] 1 Қарта ўйинида бошқа ранг-тусдаги қарталардан кучли ва уларни боса оладиган қарта. *Кузирни юрмоқ. Кузир билан босмоқ.*

2 Кўйма Кучига, бойлигига ишонган одам; зўравон, дўкай.

**КУЗЛИК** Кузга мўлжалланган, кузга хос. *Кузлик кийим.*

**КУЗОВ** [р] Автомашинанинг одам ёки юк жойлашадиган қисми. «ЗИС»нинг кузовида ўтирган раис ҳаммани кулдириб, тўсатдан Қомила холани кучоқлаб олди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан брида.

**КУЙ** 1 Маълум музика асари, ашула, қўшиқ ҳосил қилувчи муслиқий товушлар бирлиги; оҳанг. *Қуноқ куй. Мунгли куй. Янги куй яратмоқ.* — Йўлчи бир нафас тараддудланиб, бошқа бир куйни чалди-да, кейин найни болага берди. Ойбек, Қутлуғ қон.

Шеърни куйга солмоқ шеърнинг вазнига мос келадиган муслиқий асар яратмоқ.

**КУЙ** II айн. кўй 2, 3.

**КУЙДИ-ПИШДИ** Ҳар бир ишга астойдил киришувчи, астойдил ҳаракат қилувчи; ғамхўрлик қилувчи. *Куйди-пишди одам.*

**КУЙДИРГИ** Қора мол, от, қўйларда бўладиган, баъзан одамларга ҳам зарар келтирадиган юқумли касаллик. «*Ха сени .. Тилингда куйдирги чиққур!*» *Сувонжон нақ елкасига тушай деган ўрма қамчиға чап берди. С. Анорбоев, Оқой.*

◆ **Ақлингга куйдирги чиққанми** ақлинг йўқми. *Шунга шунча йил чидаганимга ҳайронман. Вой-бўй, ақлимга куйдирги чиққан эканми дейман-а!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Пулингга куйдирги чиққанми** айн. пулингга чечак чиққанми қ. чечак II.

**КУЙДИРИЛМОҚ** куйдирмоқ *фл. мажх. н.* *Адолат кўзларини бир нуқтага тикканича қимирламай ўтирар эди. Қишга ўраб куйдирилган аёлининг таниб бўлмас башараси унинг кўз олдига келди. С. Зуннунова, Ғулан.*

**КУЙДИРМОҚ** куймоқ *фл. орт. н.* *Ер — тўйдирар, ўт — куйдирар. Мақол. Бола печкани ушлаб қўлини куйдириб олибди.* — Ҳамма ўзини соя-салқинга урганда, *Матқозул офтоб куйдириб турган оловдек кўча билан уйига югурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сатторқул аканг уйини янги турмуш қилди. Обиджонинг шуларга таъсиб қилмаган деб мени хўп куйдирди-да. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

◆ **Жон куйдирмоқ** 1) бор куч-имконини аямай астойдил ҳаракат қилмоқ. *Бутун коллектив Октябрь байрами шарафига рапорт бериш учун жон куйдириб ишламоқда. Н. Сафаров, Сасдатнинг қиссаси; 2) ачинмоқ, илтифот қилмоқ. Беш болали бир аёлининг Элмурода жон куйдириб, уни ўз паноҳига олмоқчи бўлгани тўғрисидаги гаплар Бувиносига жуда хуш келди. П. Турсун, Ҳўкитувчи. Куйдирган калладай нафр. хунук илжайган, тиржайган одамга нисбатан қўлланади. — Гап унда эмас, бугдойда! — бирдан куйдирган калладек тиржайди Пардаев. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.*

**КУЙИКМОҚ** биол. Жинсий активлик даврига кирмоқ, «эрсирармоқ» (урғочи ҳайвонлар ҳақида).

**КУЙИНДИ** Қуйган нарса, куйиш натижасида ҳосил бўлган қолдиқ, куюк. *Қудрат .. Шу ёқимли ҳид ичида қирмонинг куйинди исини пайқамлади ҳам. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Йўлнинг икки бетида илдизи билан қўпорилиб ташланган .. дарахтлар, куйинди ҳиди анқиб турган чакалақзор-бутазорлар. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

**КУЙИНМОҚ** 1 Каттиқ ачинмоқ; ташвиш тортмоқ; хафа бўлмоқ. *Элмурод бадиий асарлар одамларнинг таш-*



на дилларига нақадар роҳат бағишлаганини сезар, лекин бундай асарларнинг ўз тилимизда камлигидан куйинлар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Аяш, ачиниш билан қайғурмоқ, ғамхўрлик қилмоқ.— *Вой ўлмасам, чиқ-а, чиқ вагонингга, юрагимни ёрдине,— деди онаси куйиниб.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**КУЙИНЧАК** Ҳар нарсага ҳам ачинаверадиган, қайғураверадиган, куйиб ташвишланаверадиган; астойдил ғамхўрлик қиладиган. *Содда, болалари учун куйинчак, қўни-қўшилар, ақраболар билан ҳамиша хушмуомала аёл.* Ойбек, Навоий.

**КУЙИНЧАКЛИК** куйинчак с. белги оти. *Халқ тўпланган вақтларда у аксари шундай куйинчаклик кўрсатар, қўлдан келганича, меҳмондўстлик қилишга тиришар эди.* Ойбек, Навоий.

**КУЙКА** I Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. *Дон ўгриси — юронқозикнинг шу қадар динг қулоғи ҳам уни ўткир кўз куйканинг ҳужумидан сақлаб қололмаган.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

**КУЙКА** II с. т. Исқирт, ифлос.

**КУЙЛАМОҚ** кт. I Қўшиқ ёки ашула айтмоқ. *Улуғ Ватан қўйида яйраб ўсамиз. Қатор-қатор кўчадан қуйлаб ўтамиз.* И. Муслим. *Баъзи вақт унинг қўшиғи Унсин қулоғига етади. Чол хаста овоз билан куйлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *пост.* Мадр этмоқ; тараннум қилмоқ. *У севги ҳақида ўйлар экан ё сўйлар экан, .. севгини куйлаб ўтган зотлар сиймоси кўз олдидан кетмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КУЙЛАНМОҚ** куйламоқ *фл. мажх.* н. *Куйланса қувноқ яла Андижоннинг бошида, Ҳамза тинглар баралла Шохимардон тоғида.* Ё. Мирза.

**КУЙМАЛАНМОҚ** Майда-чуйда ишлар билан ўралашмоқ, машғул бўлмоқ; ивирсимоқ. *Ҳар икки ҳафтада Бибишешанба онанинг дастурхонини ёзиб «мушкулқушод», чилтонларга атаб шавла қилади, ис-чиноқ билан куймаланади.* Ғайратий, Довдираш.

**КУЙМАНМОҚ** айн. куймаланмоқ. *Турсун хола уйда .. беташвиш, майда-чуйда иш билан куйманиб ўтирарди.* Х. Нурий, Лочин боласи — лочин.

**КУЙМОҚ** I Аланга чиқармай ёнмоқ. *Тутаб куяётган от эти ва терисининг қўланса ҳидидан унинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 Умуман ўт-олов олмоқ; ёнмоқ; ёниб ишдан чиқмоқ. *Ҳали совет халқи азиз фарзандларининг хунини ундан талаб қилади; бурнини ерга ишқаб вайрон бўлган шаҳарларини, куйиб қол бўлган қишлоқларини тиклаб беришга мажбур қилади.* А. Қаҳҳор, Иккинчи бири. | Эриб кетмоқ, қаттиқ қизиб ишдан чиқмоқ (электр асбоблар ҳақида). *Лампочка куйиб қолди.* Дазмол куйиб қолди.

3 Ортиқ даражада исиб-қизимоқ.—

О-о, офтобда қолибсизлар-ку? — деди у, халқнинг офтобда куйиб турганлигини энди кўрардай. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Август ойи жазирамаси — куйиб ёнар эди ҳамма ёқ.* Э. Раҳим. | Ҳарорати ортиқ даражада кўтарилмоқ. *Бемор куйиб ётибди.*

4 Ўт-олов ёки куйдирадиган нарса таъсирида зарарланмоқ, жароҳатланмоқ (тирик организм ҳақида).

5 Қуёш иссиғи таъсирида қуриб-қовжираб кетмоқ, нобуд бўлмоқ (Усимликлар ҳақида). *Яна бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, экинлар куйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

6 *кўчма* Бекор бўлмоқ, беҳуда кетмоқ, фойдасиз йўқ бўлмоқ. *Меҳнатингиз куймайди. Унмайди ҳам, куймайди ҳам.* Матал. — *Болтабой, икки кун ишлаб, дарров табелидан шикоят қилаётинти, деб ўйлади шекилли, унга [Сидиқжона] тик қараб: — Нима қилди? Ҳеч кимнинг ҳақи куймайди! — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Қондани бузиш туйфайли бекор бўлмоқ, ҳисобга олинмайдиган холга келмоқ (мас. қарта ўйнида, ютуқ ҳисоби ҳақида). | Маҳрум бўлмоқ, ажраб қолмоқ. *Бечора хотинлар бўлса эрларидан бекитиб юрган пулларини даъво қилолмай, дамлари ичларига тушиб, куйиб қола берадилар.* П. Турсун, Уқитувчи. *Бу йил ҳам донга куядианга ўхшаймиз, жиян.* Н. Сафаров, Уйғониш.

7 *кўчма* Зарар-зиён кўрмоқ, пушаймон бўлмоқ. *Бу одамга қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз, лекин ҳосилот кенгашига раис қилсаларинг куймайсизлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Бирор нарсадан, кимсadan ёлчимай азият тортмоқ. *Тўлаган ҳам кўп оғайнларидан куйган, кўпларидан аламзада экан.* А. Қаҳҳор, Оғайнлар. *Кўнгли оқиқ, содда ўйгит экансиз, мен ҳам эрдан куйганман.* М. Иброҳимов, Ўйлақдаги муҳаббат. *Фосих афанди бежо даромадидан ўтдай куяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

8 с. т. Харж бўлмоқ, сарфланмоқ. *Бунга сизнинг пулингиз куйибдимми? Пули куйган қалампир чайнабди.* Мақол.

9 *кўчма* Алам қилмоқ, алам қилиб бўғилмоқ, қаттиқ хафа бўлмоқ, ғам-алам чекмоқ. *Узи билмайди-ю, менга ўрагангизга куяман!* А. Қаҳҳор, Санъаткор. *Қўйинглар, чироқларим, сўранглар. Бизнинг кўранларимиз қурсин — эшитманглар ҳам, куйманглар ҳам.* П. Турсун, Уқитувчи.— *Йўлчи ўғлимнинг қони қутлуғ, уни юза, кўзга суртиш керак,— чуқур хўрсиниб давом этди чол,— куйма, қизим [деди Унсинга].* Ойбек, Қутлуғ қон. | Қаттиқ азоб-алам чекмоқ, эзилиб адо бўлмоқ.— *Қизим, даданг, энанг ҳасратингда куйиб битди. Бизни ўлдиришга қасд қилганмисан? Гапир!* — *ийғи аралаш сўзлади Ёрмат.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Севган кишининг васлига етиш йўлида қийналмоқ, етишол-

май азоб чекмоқ; қаттиқ севиб соғинмоқ. *Қошинг асли қорадир — ўсма қўйганинг ёлгон, Сенинг учун мен куйган, Сенинг куйганинг ёлгон.* «Қўшиқлар».

10 *кўчма* Ғамхўрлик қилмоқ, қайғурмоқ; ачинмоқ. *Мен кетдим, энди сенга ким куяди.. Она шундоқ бўлар экан!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Эшон тунни билан ухламай қурғон ўқийди. Ўз тақдири учун куяди, худосига нола қилади.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ *Ичи куймоқ* бахиллик ёки рашк ҳисси билан хафа бўлмоқ, алам қилмоқ. *Яккаўғжалликлар, еш-ялане, аёллар ва болалар иш бошланган ера бордилар.* Қизиққанлар ҳам, ҳайрон бўлганлар ҳам, ваҳимага тушган ва ичи куйганлар ҳам эргашди. П. Турсун, Уқитувчи. *Оёғи куйган товуждай қ. оёқ.* *Охирати куяди дин. гуноҳкор бўлади, дўзахга тушади.* *Оғзи куймоқ қ. оғиз.* *Сих ҳам куймасин. кабоб ҳам қ. сих.* *Уйи куймоқ* катта, жиддий зарар кўрмоқ, хонавайрон бўлмоқ. *Му-сулмонлар!* *Азизбек бу кун сизларга яхшилигингизни ўттиз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди .. Уйинг куйди, муулмонлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юраги куймоқ* 1) кучли даражада чанқамоқ. *Оқсоқол парво қилмай гапирди: — Бай-бай .. Юрак куйиб кетди.* *Қани бир пиёла мюздек сув олиб чиқинг-чи!* П. Турсун, Уқитувчи; 2) ишқ ўтида ўртанмоқ. [*Тожибой Гулсумга:*] *Сени парвардигорим менинг учун яратган. Сенинг ишқинда юрагимнинг ярмиси куйиб кетди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**КУЙЧИ** кт. I Ашула, қўшиқ айтиш билан шуғулланувчи киши; ашулачи.

2 *кўчма* Санъатнинг бирор соҳасида шахс ёки нарсани улуғлаб тасвирловчи; ташвиқ қилувчи (шор, ёзувчи, рассом). *Революция куйчиси.*

**КУК-КУ** тақл. с. Қақку қушнинг сайрашдан чиқадиған товуш ҳақида.

**КУККУЛАМОҚ** «Кук-ку, кук-ку» деган овоз чиқармоқ (қақку ҳақида). *Белимда пул, бошимда савағичдан тўқилган катта қафасда куккулаб турган бир жуфт кумри.* Ғ. Ғулом, Шум бола. **КУККУЛАШМОҚ** куккуламоқ *фл. бирг. н.*

**КУКУЛАМОҚ** айн. куккуламоқ.— *Кимга бўларди дейсиз, Ширинга-да,— деди ва ўзи кумри сингари куккулаб куйди.* Ойдин, Ширинга мактуб.

**КУКУН** Қаттиқ жисмнинг майдаланган зарралари; порошок. *Раҳмонқулов оҳақ кукуни ачитган ятироқ бошини тинмай артиб, ким биландир гапга-ишб турарди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**КУКУНЛАМОҚ** Кукун ҳолига келтирмоқ.

**КУКУНЛАНМОҚ** кукунламоқ *фл. ўзл. н.*

**КУЛ** Бирор нарсанинг ёниб-куйишидан ҳосил бўладиган оқиш-қора ёки кўкиш чангсимон минерал қолдиқ. *Тошқўмирнинг кули.* — *Осмонни кизғиш,*

кул ранг туман қоплаб, куннинг юзини гира-шира ва таъсирсиз қилиб қўйди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Кул тепа 1) кул ва бошқа ахлатлардан ҳосил бўлган тепалик. — Тфу, иккинчи бу ҳовлини елканинг чуқури кўрсин, — деди [Фотима] ва бир-бирига туташган қўшни томлар билан юзуби бориб, бир бостирма орқасидаги кул тепага сакраб тушди. П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) кўча куйиб хароб бўлган, қулаган бино қолдиги, вайрона. У [Аҳмаджон] Красно-Сергеевсиз қишлоғида бир кул тепада одамларнинг қорайган панжалари, оёқ ва бош суюқлари чиқиб ётганини кўрди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

◆ Кулини кўкка совурмоқ қ. совурмоқ 3.

**КУЛАК** [р] айн. кулоқ III.

**КУЛАЛА** [ф-т]: кулала бўлиб ёгмоқ оёқ-қўлини йиғиштириб, гужанак бўлиб ёгмоқ. Иккинчи супада бўлса, бағрини бир умр ёнбошдан кўтармасдан бир тўда латта-путталар орасида кулала бўлиб, ҳикоямизнинг қаҳрамони Мамажон ётар экан. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

**КУЛАНКИР** Тovuқ-хўрознинг йирик ва зотли бир тури. Куланкир хўроз.

**КУЛАҒОН** Жуда кўп куладиган. Кулагон бола.

**КУЛБА** Кичик, кўримсиз, бечора хол уй; бошпана. Қамбағал деҳқонларнинг кулбасидан фарқ қилмайдиган бу уй, ана, рўпарада шумшайиб турибди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ойдинли қиш кечиси шундай ғўзал, шундай улғворки, ҳатто хизматкорларнинг хароб кулбаси ҳам .. аллақандай бежирим манзара ясайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛГИ** 1 Хурсандлик, вақтичоғлик ва завқланишни ифодаловчи, бўлиниб-бўлиниб чиқадиган товушлар ёки овозлар. Самийий кулги. Залда кулги кўтарилди. ■ Сидиқжон кимнингдир қаттиқ кулгисидан уйғониб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Мазҳа ёки калака қилинадиган нарса, масҳара. Бу ўринсиз ишдан Офтоб ойим аччиғланди: — Маним ҳолим сенга кулгим, қизим? А. Қодирӣ, Ҳтган кунлар. «Биронтасини чақирсам, кейин, албатта, масҳара қилишади, кулги, мазҳа учун уларга баҳона топилди» деб ўйлади Гулнор. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЛГИЛИ** 1 Кулги кўзғатадиган, кулдирадиган; қизиқ. Гўё зеҳни боғайдан ҳам ўтқирлашиб, тили бейронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар ҳаёлига ўзидан-ўзи қуйилиб келарди. О. Ёқубов, Мирза терак.

2 Масҳара ёки калака бўладиган. Уларнинг [Элмурод билан Гулсумнинг] усти-бошлари батамом ивиди. Шундай кулгили бир ҳолда гузарга кириб бормаслик учун қишлоқ четидоғи эски бир эғасиз уйнинг айвонида ёмғирнинг тўхташини кутдилар. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КУЛГИЛИК:** кулгиллик олмоқ жиддий гапни ҳазилга бурмоқ, айлантормоқ. Иккилини берилган бу жавобдан Ҳомид билан Раҳмат бир-бирларига қарашиб олдилар. Отабек бу ҳолатни сездди ва ўзининг сўзини кулгилликка олиб изоҳ берди. А. Қодирӣ, Ҳтган кунлар.

**КУЛГИЧ** айн. кулдиргич. Кулча юзларида кулгичи бор, нозиккина бир қиз тортинибгина сўз сўради. Ф. Нуруллаев, Бўз йитг.

**КУЛДИРГИЧ** Киши юзида бўладиган, кулганда аниқ кўринадиган чуқурчалар. Малоҳат Қаримованинг юзларига қизил юзурди, юзидаги кулдиргичлар ҳуснига ҳусн қўйди, кўзлари чарақлаб кетди. Ойдин, Асл ёр. Назокат уялгандан ерга қаради, ўнг юзидаги кулдиргичини шамол тўғитган сочлари тўсди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**КУЛДИРМОҚ** кулмоқ фл. орт. н. У [Сидиқжон] .. бутун эвенони гуллатиб ашула айтар, одамларга тегишар, кулар, кулдирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Олғил-у, ҳеч олдирма, Ёвни омон қолдирма; Душманнинг кулдирма, Ой бориб, омон келиш. Т. Тўла.

**КУЛДОН** Чекилаётган папирос ёки махорканинг кулини ва қолдигини ташлаш учун ишланган маҳсус идиш. [Генерал] стол ёнига келиб, папирос қолдигини кулдонга ташлади. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**КУЛИМСИМОҚ** айн. кулимсирамоқ. Моҳлар ойим кулимсиди: — Агар ўлмасам, шу дўндиқ қизимни бериб, Анварни ўзимга қувё қилман. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**КУЛИМСИРАМОҚ** Мийғида кулмоқ, илжаймоқ. «Келинг, уста Кудрат», — деди Тешабой, ўтирган ерида мулоиймгина кулимсираб. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**КУЛИШМОҚ** кулмоқ фл. бирг. н. Аскига жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Бу қишлоқда туғилиб ўсадиган болалар бир вақти келиб, эҳтимол бизнинг ишларимиздан кулишар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КУЛ-КУЛ** раш Майда-майда, чил-чил, чилпарчин. Кул-кул қилмоқ. Кул-кул бўлмоқ.

**КУЛМОҚ** 1 Хурсандлигини ёки завқи-шавқини кулги билан ифодаламоқ. Хаҳолаб кулмоқ. Қаҳқаҳа уриб кулмоқ. ■ Олдин Қамолддин маҳдум, унга эргашиб Асад қори хи-хилаб кулди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Кулги билан масҳараламоқ, мазҳа қилмоқ. Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқамдан кулишади, гапиршади, пичинг, кесатиқ-месатиқ .. ман яқинлашсам, жим бўлишади [деди Гулнор]. Ойбек, Қутлуғ қон. Сафаров ичида кулдио, Мирҳомидхўжадан: — Бу иморат отангиздан қолган бўлса керак? — деб сўради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мийғида кулмоқ қ. мийғ.

◆ Бахти кулди омади юришди, бахти келди. — Кўрқма, қизим, бахтинг кулди, .. — деди Матъумаой севинчини ичига сиғдира олмасдан. Н. Сафаров, Дон.

**КУЛОЛ** Лойдан турли сопол идишлар тайёрлайдиган хунарманд. Бўзчи белбоққа ёлчмас, кулол мўндига. Мақол.

**КУЛОЛЛИК** 1 кулол с. касб оти. 2 Кулоллар ишлайдиган жой. Кулоллик орқали каппонга йўл солдим. «Муштум», 1941, № 5.

**КУЛОЛЧИЛИК** с. т. айн. кулоллик 1.

**КУЛОНҒИЧ** с. т. Кулагон.

**КУЛОҲ** [ф-т] Қаландар, дарвешлар киядиган учли қалпоқ. Дўкон оғзида бошига кулоҳ кийган, .. сурбет қаландар ҳа деб айланшиб, исирикдонини уёқдан-буёққа силкитаверди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**КУЛФАТ** [а] Қийнайдиган, азоб берадиган ҳолат; қийноқ, азоб-уқубат. Бировга кулфат бермоқ. Бировнинг бошига кулфат солмоқ. Кулфат тортомоқ. Ҳамжиҳатлик — давлат, ёлғизлик — кулфат. Мақол. Донога иш-ишону шўхрат, нодона иш — ғаму кулфат. Мақол. ■ — Биз у кишининг дастидан ўз юртимиздан беғона бўлиб, жуда кўп кулфатлар тортганмиз, — деди Абурасул. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**КУЛФАТЛИ** Ғам-аламли, азоб-уқубатли.

**КУЛЧА** Тандирда ёпилган кичкина думалоқ нон. Эъвозхон эрини қўярда-қўймай кўрпачага ўтказиб, дастурхон ёзди ва унга тўрттагина кулча билан бир-икки қисим қанд-курс ташлади. Ҳ. Ғулом, Машғал. Кулча юз кулчига ўхшаш думалоқ юз. Хатни ўқиб Абдурахмоновнинг кулча юзига қон югурди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Кулча бўлмоқ кулчига ўхшаб думалоқ бўлиб олмоқ. Илон кулча бўлиб ётади. ■ Сидиқжон шундай қаттиқ кулдик, бурнакда кулча бўлиб ётган мушук иошиб ўрнидан турди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КУЛЧАТОЙ** Шапалоқ-шапалоқ қилиб кесиб, гўшт қайнатилган шўрвада пиширилган хамир оққат. Қозоқлар мени меҳмонга чақирган қуни гўштни қозонда қайнатиб пишириб, кулчатойга аралаштириб, катта ёғоч тоғорада ўртага қўйиб хўб туширишар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. | Норин учун шапалоқ-шапалоқ қилиб кесиб пиширилган хамир. Кулчатой тўғрамоқ.

**КУЛЬМИНАЦИОН** [р кульминационный] Энг юқори нуқтасига етган, авжга чиққан; долзарб. Кульминацион нуқта.

**КУЛЬМИНАЦИЯ** [р < лат] 1 дстр. Ёритқичларнинг осмон меридианидан ўтши пайти, ер сатҳига нисбатан энг тик, энг юқори нуқтага келиши.

2 Бирор нарсанинг ривожига энг юқори нуқта, энг юқори нуқтага кў-

тарилиш; авж. *Ишнинг кулминацияси. Хикоянинг кулминацияси.*

**КУЛЬТИВАТОР** [р] Ҳайдалган ерни юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш ва экин қатор ораларини ишлаш учун хизмат қиладиган қишлоқ хўжалик машинаси. *Осма культиватор. Тир-кама культиватор. Трактор культиватор.* Ғўза қатор ораларига культиватор билан ишлов бермоқ.

**КУЛЬТИВАЦИЯ** [р < лат] Ерни, экин қатор ораларини культиватор билан ишлаш. *Культивация қилмоқ. Ғўзаларга культивация билан бир вақтда ўғит солинад.*

**КУМУШ** 1 Химиявий элемент, оқ-кўкиш рангли ялтироқ асл металл. || *Кумуш танга. Кумуш қошиқ.*

2 Кумуш (*хотин-қизлар исми*).

**КУМУШЛАНМОҚ** Кумуш тусида ялтираб товланмоқ. *Тог ёнбағрига тикилган оқ ўтов ой шўбласида кумушланиб, кўкалалзор адирларга яна ҳусн қўйган.* «Адабиёт хрестоматияси».

**КУМУШСИМОН** Кумушга ўхшаш, кумуш рангли. *Кумушсимон оқ металл.*

**КУН** 1 Сутканинг куёш чиқишидан куёш ботгунча бўлган қисми. *Ҳасанали кунларини томоқсиз, тунларини уйқусиз кечира бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Бир кеча-кундузга — 24 соатга тенг вақт; сутка. *Бир йил — 365 кун.* — *Шунча замбарак .. бир кунда қанча ўқ чиқаради, деб ўйлайсан? Шунча ўқни ким етказиб бериб туради?* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

3 Ой ёки ҳафтанинг маълум бир календарь числоси, санаси. *Шанба кунни сиз келинг, якшанба кунни мен борай. Қайси кунларда уйда бўласиз?* | Ойнинг маълум бир ходисага бағишланган числоси, санаси. *Қурувчилар кунни. Артиллерия кунни.*

4 Умуман вақт, пайт, кез, давр. *Болалик кунларимда, Уйқусиз тунларимда, Қўп эртак шитгандим.* Ҳ. Олимжон. *Эркин кунлар келур, истиқболимиз ёрқин, толеимиз баланд бўлур, албатта.* Ойбек, Нур қидириб.

5 Турмуш, тирикчилик, ҳаёт. *Қора кун машаққатли турмуш, азоб-уқубатли ҳаёт ёки шароит. Илоийм паранжи қурсин, мени шундай қора кунларга солди!* Ҳамза, Паранжи сирлар. *Кун бермайди тинч яшашга қўймайди, доим куткилайди, азоб беради. Угай бта .. етимга кун бермади.* Ойбек, Қутлур қон. *Кунни битди (ёки етди) ўлиш ёки йўқ бўлиш, тугаш вақти келди. Мен муштипар на иш келсин қўлимдан? Куним битса юз қайтармай ўлимдан.* «Рустам». *Бир вақт келиб, дадамнинг кунни етса, Гулнорнинг чурвақалари бош кўтарди.* Ойбек, Қутлур қон. *Кун кўрмоқ (ёки кечирмоқ, ўтказмоқ) яшамоқ, тирикчилик ўтказмоқ. [Бой:] Еганинг олдинда, емаганинг кетинда. Хоннинг хотинидай кун кўрасан, тушундинеми*

*энди, Жамилахон? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бу одам [Асрорқул] ўзи ўттиз бешларга бориб қолган бўлса ҳам, бола-чақа қилолмаган, отасидан қолган мерос-тегирмонини айланттириб, кунини ўтказиб юрган экан.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. | *Тинчлик, осойишталик, тинч-тотув ҳаёт. Шунч бир билиб қўйингки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

6 с. т. *Куёш, офтоб. Кун ботиб, қоронгу туша бошлади.* — *Куннинг қизитиб, ёндириб турганига қарамай, [Ҳасан сўфи билан Алим бува] қишлоққа қайтишди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Ой чиқса ҳам унга, кун чиқса ҳам унга кест.* ҳамма нарса, диққат-эътибор унга (кимсанинг эрка-арзандаси бўлиб қолган кишига нисбатан айтилади).

◆ *Иш кунни иш, хизмат учун белгиланган маълум муддатли вақт. Иш кунни тугади. Мехнат кунни қ. мехнат. Кун тартиби мажлис муҳокамасига қўйиладиган масалалар. Туну кун қ. тун-кун. Қулоғидан кун кўринади жуда озиб кетган. Кун(и) тугди қ. туғмоқ.* — *Ўзинг ҳам колхозга кир. .. мен сенга ариза ёзиб берай. Энди сенинг ҳам кунинг турди. Одам бўл! — деди Давлатёр ва молларни қайтара бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кундан-кун(га) борган сари, кун сайин. Бемор кундан-кунга бери қарамай бошлади Улган(и)нинг кунидан қ. ўлмоқ.*

**КУНБАЙ** Кун ҳисоби билан ҳақ тўланадиган. *Кунбай иш. Кунбай иш-ламоқ.*

**КУНБОТАР** айн. ғарб. «Б» қишлоғининг кунботар томонидаги пастгина кулбадан .. бир чол чиқди. А. Раҳмат, Варракчи чол.

**КУНГАБОҚАР** Пояси учуда тарелкасимон сариқ тўпгули бор, уруғинан мой олиш учун экиладиган йирик баргли ўсимлик.

**КУНГАЙ** Куёшга юзланган, куёш тик тушадиган. *Қўчаларнинг кунгай томонида лой қуриб, ҳавасга юрадиган юмшоқ қайроқдай йилтироқ сўкмоқ йўл тушиди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. — *Ҳар қанақа тоғнинг кунгай ёғи терская ёғидан шунча паст бўлади, — деди Алимбува.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**КУНГУРА** [ф-т] Қалъа деворлари ёки иморат айланасига тинга ўхшатиб ишланган архитектура безаги; лан-дана. *Фақат шаҳар атрофини ўраб олган паҳса деворлар устида соқчиларгина у ёқдан-буёққа қуриб турар, девор кунгураси орқали қараб, шаҳарни ташқи ҳужумдан қўриқлар эди.* Ойдин, Гулсанам. *Бу очиқ мазористонни кўрғон кунгуралари устида .. Тошкент мудофёлари минг турли шодликлар ичида томоша қилардилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**КУНГУРАДОР** [ф-т] Кунгураси бор, кунгурали. *Урданинг ғиштин, кунгурадор кўрғонлари ости билан махсус муҳофиз йигитлар айланиб, бегона*

*кишини кўрғон яқинига йўлатмай эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан қаён.

**КУНГУРАЛИ** айн. кунгурадор.

**КУНДА** I [ф-т] I Кесилган ёки синган дарахнинг илдизи томонида қолган остик қисми; тўнка. *Кунда кавламоқ.* — *Исматҳожиди қора мовут чакмоннинг бир барини қайириб, яқиндагина кесилган бир терак кундасига келиб ўтирди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

2 Устида бирор нарсени чопиш, қирқиш ва ш. к. учун қилинган махсус ғўла. *Кудунгичининг кундаси.* Кундага қўйиб чопмоқ. *Болта тушгунча кунда дам олади.* Мақол. — *Қассоблик қилмоқчи бўлган одам аввало бир қўлини кундага қўяди-ю, болта билан чопади.* Агар чопилмаса, қассоблик қилади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 махс. *Мой жувознинг ўғирсимон таянч ёғочи, ичи ўйилган йўғон ғўла. Тангадек соя тушмайдиган дарахтсиз ташқари ҳовли .. ўртасида жувоз кундага ўхшаш қозик.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

4 тар. Бандиларнинг оёғига уриладиган махсус ёғоч асбоб, тахта кишан. *Хатирчилик бандининг «бизни озод қиладилар» деган сўзига ҳалигача ишонмай турган бандилар ҳам, кишан ва кундаларининг очилабошлаганини кўриб, қувонмоқда эдилар.* Айний, Қуллар.

**КУНДА** II рвш Ҳар кунни. *Кунда хабар олиб турмоқ.* — *Боринг, Урмонжон акамга ростини айтнинг .. шундай бўлган эди, билмабман дег.* *Кунда-кунда ўлгандан бир кунда ўлган яхшироқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КУНДАК** [ф-т] Дарахтнинг остки қисмидан-тўнкадан ўсиб чиққан қисми. *Кундак тут. Кундак қайрағоч.* — *Ҳовузнинг .. лабида бир-икки кундак тола ҳам бор эди.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**КУНДАКОВ** [ф-т]: *кундаков қилмоқ* тўнкани ердан кавлаб чиқармоқ. — *Кўрдннеми бу тўнкаларни? — Йўлчига қараб гапирди у [Мирзақаримбой]. — Боплаб кундаков қил, илдизи қолмасин, уқдинеми? Ойбек, Қутлур қон.*

**КУНДАЛ** эск. 1 Зар иплар билан тўқилган қимматбаҳо мато. *Кундал тўн.*

2 Шундай матодан тикилган камзул ёки авра тўн. *Иккита яхши кундал бериб юборсин, ҳокимтўра билан приставга кийдирамиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**КУНДАЛИК** I Ҳар кунги, ҳар бир кунга хос. *Газеталардан кундалик ахборотни эфр ташвиш билан қузатиб турган кишиларга ҳали ўзи ҳам тушуна олмаган бу ердаги осойишталик тўғрисида нима деб ёзди?* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Кунда бўлиб турадиган; одатдаги. *Лекин ўйлаб қараса, районга деб йўлга чиққанида, кўзига жуда катта кўринган бу ташвиш ҳозир кундалик иқир-чикирлар қаторига кириб қолибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Ҳодисалар, кузатишлар ва ш. к. ёзиб бориладиган журнал, дафтар. *Экспедиция кундалиги*. — *Йўлдош, кундаликка ёзиб қўйинг. Битта ош ҳам қарз қилиб қўйдик.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 Уқувчиларнинг уйга берилган вазифаси ва олган баҳолари ёзиб қўйиладиган дафтарни. *Уларнинг [ўқувчиларнинг] баҳоси йўқлама ва кундаликка қўйилади.* Й. Абдуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш керак. || *Кундалик дафтар айн. кундалик* 3, 4.

**КУНДОШ** эск. Бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-бирига нисбатан). *Сабаби, икки хотиним бор, икки кундошининг устига қувё кўрмаган қизни анча-мунча одам, албатта, бермайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**КУНДОШЛИК** Кундош хотинлар орасидаги ҳолат, муносабат. *Айниқса кундошлик иши қўйин, коса-косага текканди фиди-ғиди гаплар қўпайса, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қолади.* А Қодирий, Утган кунлар.

**КУНДУЗ** Сутканинг қувё чиққандан қувё бутгунча бўлган қисми. *Булар — булутлар, Эъвозхон. Шу булутлар тунда йиғилиб, кундуз тарқалиб турибди.* Х. Ғулом, Машғал.

**КУНДУЗГИ** Кундузга хос, кундузи бўладиган. *Сарой аҳли кундузги иш-кучларидан бўшаб хужраларига қайтганлар, .. шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонли.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**КУНДУЗЛАР** рвш Сутканинг қувё кўринадиган қисмида, ёруғ пайтда. — *Қўйинлар, — деди Рўзимат жанжалнинг олдини олмоқчи бўлиб, — бу гапни кундузи гаплашинлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчнор.

**КУНЖАРА** Уруғ ёки мағизларнинг ёғи сиқиб олингандан кейинги қолдиғи (кўпинча чорва озуқаси сифатида ишлатилади). *Пахтадан турли-туман газлама, ёғ, кунжара, совун ва бошқа маҳсулотлар олинади.* Кунжара молни семиртиради.

**КУНЖУТ** [ф-т] Жанубда ўсадиган, уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик ва шу ўсимликнинг уруғи.

**КУНЖУТЛИ** Кунжут сепилган. *Сих кабоб, кунжутли нон, пешноб, сомсалардан еб қолинг!* И. Раҳим, Ихлос.

**КУНЖУТПОЯ** [ф-т] 1 Кунжут ўсимлигининг асосий танаси, пояси.

2 Кунжут экилган ер майдони.

**КУНИГА** рвш Ҳар куни, бир кун давомида. *Кунига уч маҳал дори ичмоқ.*

**КУНЛАШМОҚ** Ҳасад, рашк қилмоқ. *Жуда ҳам Омоннинг бахтидан кунлашар эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**КУНЛИК** Бир кунга мўлжалланган, бир кунда бўладиган, бир кунга оид. *Кунлик норма.* | Сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб қанча кунга мўлжалланганликни ёки неча кун давомида юз беришини, неча кунга ойдликни билдиради. *Ун кунлик*

*норма. Уч кунлик пойга. Ун беш кунлик озиқ-овқат.*

◆ **Беш кунлик дунё** тез ўтиб кетадиган, қисқа ҳаёт ҳақида. — *Ичинг, Салимжон, ичинг Абдушукур! — хитоб қилди Жамолбой. — Беш кунлик дунёни кайф чоғлик билан ширингина ўтказиш керак.* Ойбек, Қутлуг қон.

**КУНПАЯКУН:** кунпаякун бўлмоқ бузилиб, янчилиб, йўқ бўлиб кетмоқ. *Шаҳар ўртасидаги икки катта бино ҳам кунпаякун бўлди.* Мирмуҳсин, Она. *Кунпаякун қилмоқ* бузиб, янчиб, йўқ қилиб юбормоқ. *Яна бир неча кундан кейин Туркистонда жаҳолат ва зулмининг сўнғи таянчи кунпаякун қилинади, Регистонга озодлик байроғи тикилади.* И. Султон, Бургутнинг парвози.

**КУНУН** диал. Ҳар куни, кунда. **КУНЧИ** 1 Ҳасад, кўролмаслик ҳисси кучли; ҳасадчи. *Кунчи одам.*

2 Рашк, қизганиш ҳисси кучли; рашкчи. *Маждиддин кунчи эрлардан бўлса ҳам, лекин бу хабар уни жуда қувонтирди: унинг номи ва рутбаси сарой хонимларининг ҳам олий диққатини жалб этди.* Ойбек, Навоий.

**КУНЧИЛИК** кунчи с. белги оти. — *Бачкана бўлмане, Асад ака. Кунчилик ҳам ўлсин шунақа бўлса. Воҳид Зокировичнинг лойиҳаси ёлғиз тожик халқининг эмас, ўзбек халқининг ҳам манфаатини кўзлайди — деди Адолат.* З. Фатхуллин, Оби ҳаёт.

**КУНЧИҚАР** айн. шарқ 1. Итларнинг қишлоқнинг кунчиқар томонидан бошланган ақиллашлари секин-секин қишлоқнинг кунботар томонига келмоқда эди. Айний, Куллар.

**КУНЧУВОҚ** айн. офтобчувоқ. *Қиз-келиндяклар қалин усти-бошларини ташлаб, енгил кийиниб олишган .. қизлар кунчувоққа ўтириб кашта тикади.* Н. Фозилов, Оқим.

**КУПЕ** [р<фр] Вагоннинг бир неча пассажир учун ажратилган алоҳида бўлмаси. *Шербек вагонга чиқиб, билетда кўрсатилган куте эшигини очди-ю, тўхтаб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КУПЛЕТ** [р<фр] 1 Шеър ёки кўшиқнинг икки ёхуд тўрт мисрадан иборат бўлган алоҳида банди.

2 Эстрадада ижро этиладиган, актуал темадаги хажвий кўшиқ.

**КУПОН** [р<фр] Қимматбаҳо қоғозларнинг процентини тўлашда кесиб олинадиган қисми, талони. *Облигация купони.*

**КУПОРОС** [р] Баъзи сульфат кислотаси тузларининг техникада қабул қилинган номи. *Мис купороси. Темир купороси.*

**КУППА-КУНДУЗ** Кундуз кунни, куннинг ёруғида.

**КУРАК** 1 Сочилган нарсаларни си-дириш, кураш, тўплаб бирор нарсага солиш учун ишлатиладиган ёғочдан ясалган узун сопи асбоб. *Йўлчи .. курак ва супурги олиб отхонани тозалай бошлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *анат.* Елканнинг юқори қисмидаги

уч бурчак шаклли ялпоқ суяк. *Секинроқ юрсанг бўлмайдами, қизим! — деди она қўли билан Зебонинг икки кураги ўртасига ёпишган кўйлагини кўчирар экан.* Шухрат, Шинелли йиллар.

◆ **Курак тиш** юқори қатордаги олдинги икки ялпоқ тиш. *Куракда турмайдиган 1) тилга олиб бўлмайди-ган, ярамас, уятли (гап-сўз ҳақида). Норматҳожининг жони чиқиб, томдагиларни куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб, ҳайдаб юборди.* Ойдин, Бечора; 2) ақлга тўғри келмайдиган; бемаъни. *Эсон яна ўтириб қолишга мажбур эди. Чунки у, ақасининг ичганда қилдиган ўжарлиги ҳеч куракда турмайдиган даражада бўлишини биларди.* Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ?

**КУРАКЧА** 1 курак 1 с. кичр.-эркл.; кичкина курак.

2 Кул ёки ўт олиш, кўмир солиш учун ишлатиладиган икки чети қайрилган дастали асбоб. *Қурач куракча билан оловга кул сепди-да, ўйга кирди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КУРАЛМОҚ** курамоқ *фл. мажҳ. н.* Қор куралди, ерга тахта ётқизилди, устига чодир капалар, қора уйлар қўндирилди. Ойдин, Мардлик — мангулик.

**КУРАМОҚ** Курак билан сидирмоқ, сурмоқ; тўпламоқ. *Баҳорни кутманг. Қор куранг, саловарчиларга сув ташинг.* Ойбек, Қутлуг қон. *Худойкул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди. От-молга қарайди, гўнж курайди, жоди билан пичанпоя қирқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КУРАНТ** [р куранты<фр] Минвора ёки деворга ўрнатилган музика жўр-лигида занг урадиган соат ва шундай соатларнинг музика механизми. *Кремль куранти.*

**КУРАТМОҚ** курамоқ *фл. орт. н.*

**КУРАШ** 1 1 Йиқитиш, ғолиб чиқиш учун икки киши ўртасидаги, маълум қоидага асосланган олишув, ўзаро беллашув. *Ўзбекча кураш. Французча: кураш.* — *Элмурод саҳн ўртасида тўпланишган ёшлар томонга кетди. Бу ерда кураш бошланган бўлиб, Давлатёр билан Маъмуржон бел олишмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кураш(га) тушмоқ** йиқитиш ёки ғолиб чиқиш учун ўзаро беллашмоқ, курашмоқ. — *Ҳа, сен гитлерчилар билан кураш тушгани келганмидин? — қилди Бектемир.* Ойбек, Кувёш қораймас. | Спортнинг бирор тури бўйича куч, маҳорат, устунлик кўрсатиш учун бўлган мусобақа. *Хозир шахмат тожи учун кураш бормоқда.* — *Тренер менга қўлқоп бераётми? .. «Машғудот вақтида ҳам, ҳақиқий кураш вақтида ҳам юрагингни сақла», — дер эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Йиқилган курашга тўймас** ўзаро мусобақада ёки олишувда бир неча бор ютқазганда ёки мағлудиятга учраганда ҳам яна мусобақалашини ёки олишувни талаб этаведиган шахс ҳақида айтилган матал.

Йиқилган курашга тўймас, деганларидек у дўстидан яна бир партия шахмат ўйнашни талаб қилар эди.

2 Бирор нарсага эришишга, бирор мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолият, хатти-ҳаракат. Тинчлик учун кураш. | Қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар, қарама-қарши оқимлар, дунёқарашлар ва ш. к.нинг ҳукмронлиқни, устунлиқни қўлга киритиш учун ўзаро тўқнашуви, олишуви. Синфий кураш. Мафқуравий кураш. | Бирор кимса ёки нарсага кўрсатилган актив қаршилиқ; уни енгиш ёки йўқ қилиш учун бўлган ҳаракат, олишув. Эскилик сарқитиларица қарши кураш. Қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши кураш. — Покистонда ободон ва фаровон ҳаётга етмоқ учун бирдан-бир чора фақат курашдир,— дейди секин Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб. [Абдурасул] қамишқапада биринчи мартаба батрак-камбағалларни уюштиради. Босмачиларга қарши курашда Қизил Армияга ёрдам беради. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Қарама-қарши ҳис-туйғулар тўқнашуви. Чолаар одамлар даврасида анча жим ўтиришиди. Ичларида айтиши ва айтмаслик кураши кетаётгани равшан эди. М. Исмоилӣ, Фаргона т. о.

**КУРАШ II** курамоқ *фл. иш эти.* Шундай кезларда қор ҳам ёғиб қоладиган бўлса, дарҳол болат куракка айирбошланиб, қор курашга тушилади. А. Қодирӣ, Обид кетмон.

**КУРАШМОҚ I** I Бир-бирини йиқитиш, ғолиб чиқиш учун маълум қоида бўйича олишмоқ, ўзаро беллашмоқ, кураш(га) тушмоқ. Улар бир-бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаб узоқ курашдилар. | Спортнинг бирор тури бўйича устун, ғолиб чиқиш учун мусобақалашмоқ. Футбол командалари ўзаро астойдил курашмоқда. Эртага энг зўр шахматчилар курашадилар. — Сурон зўрайди, [тортишувчилар] яна туриб, хансираб, тортишувни давом эттирадидилар. Куч синишда ҳар икки томон астойдил курашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор нарсага эришиш, бирор мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилмоқ, куч сарфламоқ, уринмоқ. Коммунистик бригада номини олиш учун курашмоқ. Юқори ҳосил етиштириш учун курашамиз.

3 Бирор кимса ёки нарсага актив қаршилиқ кўрсатмоқ, уни енгиш ёки йўқ қилиш учун чора кўрмоқ, ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ, олишмоқ. Жабр-зулмага қарши, ҳуқуқсизликка қарши курашмоқ керак. Ойбек, Нур қидириб. Бўрон вақтида ҳам, бўрон тўхтаганда ҳам, битмас-туганмас ғайрат ва жасорат намуналарини кўрсатиб, табиат офатига қарши курашдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**КУРАШМОҚ II** курамоқ *фл. бирг. н.* Болалар кун бўйи тоғлардаги ва ҳовлидаги қорларни курашди.

**КУРАШТИРМОҚ** курашмоқ I *фл. орт. н.*

**КУРАШЧАН I** Курашга қобилиятли, кураш олиб боришга қобилияти зўр.

2 Муросасиз кураш олиб борувчи. Курашчан материализм. Курашчан атеизм.

**КУРАШЧИ I** Кучи ва эпчиллигини намоён қилиш мақсадида кураш билан шуғулланувчи, кураш тушадиган шахс, спортчи. Иккови гўё уста курашчилардай белларини эгиб, бўйинларини бир-бирининг елкасига қўйганлари ҳолда айқдай тебранишиб даврани айландилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўз мақсади, ғояси йўлида актив ҳаракат қиладиган, бунга монелик қилувчи ғовларни енгиш учун олишувга, ҳатто душманга қарши жанг қилишга ҳам тайёр бўлган шахс.— Ҳаммаларини эгиб ўқишга, билим олишга, коммунизм қуриш йўлида онгли курашчилар бўлишга чақираман,— деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. [Петров] «ҳамёни зўрлар»нинг ҳокимиятини парчалашга бел боғлаган курашчиларга табиий бир ички интилиш билан яқинлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУРК:** курк товук тухум қилишдан чиқиб, тухум босишга — бола очишга етилган товук (бунда товук хурлайиб, «курк-курк» деган товуш чиқариб юради). Курк бўлмоқ тухум қилишдан чиқиб, тухум босиш — бола очиш даврига ўтмоқ (асосан товук ҳақида).

**КУРҚА** Қирғовуллар оиласига мансуб, товуксимон йирик уй қуши. Курқа гўшти. Курқа тухуми.

**КУРҚИНАК** Яшил патли бигиз тумшукли жарларга уя соладиган ҳашаротхўр қуш.

**КУРМАК** Одатда шолিপояда кўп ўсадиган ёввойи ўт ва унинг қорамтир тарикқа ўхшаш дони. Шолининг орқасидан курмак сув ичади. Мақол. — Баҳона билан, шол и орқасидан курмак сув ичиб, янги уйлик ҳам бўлиб қолдим. С. Аҳмад, Қадрдон далаалар. Бас, тишиқиз ғирчилаб, тош-паш чайнамагин деб, Гурчларни тозалаб курмагин терганларим. С. Акбарий.

**КУРОРТ** [р<нем] Табиий шароити жинхатидан дам олиш ва даволаниш учун қулай жой ва шундай жойдаги даволаниш муассасаси. Курорт мавсуми. Курортда даволанмоқ.

**КУРРА I** [а] *кт.* Шар шаклидаги нарса; шар. Ер курраси Ер шар.

**КУРРА II** *диал.* Хўтик.

**КУРС I** [р<лат] I Ўқув юртларида бирор фан ёки унинг бирор қисмининг маълум ҳажмдаги систематик баён; шундай баёндан иборат бўлган дарслик. Партия тарихи курси. Ҳозирги замон ўзбек тили курси.

2 Тугал таълим, ихтисос берадиган махсус ўқув юрти. Бухгалтерлар курси. Машинисткалар курси. Стенография курси. Шофёрлар курси. — [Жонфигон] .. бир вақт қарасаки,

Малоҳат, курсни битириб, грузовой миниб юрибди. А. Қаххор, Жонфигон. Қори настқи синфларни ўқитар ва ҳар ёз ўқитувчилар қайта тайёрлов курсида ўқиб билимини ошириб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Олий ва махсус ўрта ўқув юрларининг ҳар бир йили, бир йиллик босқичи, поғонаси. Бу йил у институтнинг иккинчи курсини тамомлайди. Нечанчи курсда ўқиясиз? — Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг қалити маълум бир жойга яшириб кетиларди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

4 Бир давра даволаниш; даволаниш тадбирларининг тугал бир давраси. Электр билан даволаниш курси.

**КУРС II** [р<лат] I Қема, самолёт ва ш. к.нинг олган ёки туган йўли, йўналиши.— Жаноб капитан, кемани Бектош курсидан адаштирмасанг, елкаданг ўқ ейсан. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 кўчма Маълум бир масалани ҳал қилишда тутилган йўл, сиёсат, установа. Ҳозирги асосий курс қишлоқ хўжалигини интенсификациятиришидир.

3 СССРда: пул ва қимматбаҳо қоғозларнинг давлат томонидан белгиланган барқарор қиймати. Совет сўмини барқарор қилиши. | Капиталистик мамлакатларда: пул ва қимматбаҳо қоғозларнинг биржада сотиладиган ёки сотиб олиннадиган нархи, қиймати.

**КУРСАНТ** [р] I Махсус таълим, ихтисос берадиган курсда ўқувчи, курс ўқувчиси. Илгари совхозда механик-ҳайдовчилар курси ташкил қилинган бўлса ҳам унда ўқийётган курсантлар асосан овул йиғитлари эди. Э. Носиров, Ташаккур сизга, ҳолажон.

2 Ҳарбий мактаб ўқувчиси. Баъзи курсантлар командирларни тўтиб ўқиш мўддати, қандай ишонли командир бўлиб чиқишини сўраб, улар ҳам ё кулиб қўя қолишар, ёки «ҳарбий сир» деб ўтиб кетишар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**КУРСИ** [а] Бир киши ўтириши учун мўлжалланган, одатда, тўрт оёқли оддий мебель; суянчиқсиз стул. Унисин .. курсида ўтириб маҳси тикади. Ойбек, Қутлуғ қон.

♦ Қора курси судда айбдор ўтирадиган жой, стул ёки скамейка. Қора курсида эри билан ёғлининг ўртасида ўтирган Ширмонхон ғужанак бўлиб олган, қимирламасди. С. Зуннунова, Гулхан.

**КУРСИВ** [р<лат] полигр. Ёзма ҳарфга ўхшаш босма ҳарф. Сўзни курсив билан ажратмоқ. || Курсив ҳарфлар.

**КУРСИЛЛАМОҚ** «Курс-курс» деган товуш чиқармоқ.

**КУРСИЛЛАТМОҚ** курсилламоқ *фл. орт. н.* У [Шерали] аввал Қирғийга, кейин Қорабайирга икки чақмоқдан қанд берди. Отлар қандни курсиллаатиб



чайнай бошлади. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

**КУРС-КУРС** тақл. с. Каттиқ ёки куврак нарсаларни чайнаганда чиқадиган товуш ҳақида.

**КУРСОВКА** [р] Курортда ётоқ олмадан даволаниш ва овқатланишгагина ҳуқуқ берадиган ҳужжат.

**КУРТ** Учи тўмтоқ, ўтмас (игна ҳақида). *Курт игна.*

**КУРТАК** 1 Ўсимликнинг тана ва новдаларида бўртиб пайдо бўладиган, ривожланиб, барг, гул, шох каби қисмларга айланадиган аъзоси, бошланғич органи. *Барг куртаги. Гул куртаги. Поя куртаги. Новада куртаги.* — *Эрта баҳор, дарахтлар энди куртак чиқара бошлаган пайт.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак Соғинган кўнгила берар тасалли.* Ғ. Ғулум.

2 *кўчма* Бирор нарсанинг ўсиб, ривожланадиган дастлабки намунаси, ривожланишидан дарак берувчи нишониси. *Унгиллик куртаклари. Коммунизм куртаклари.* — *Сенинг йўларингда, ҳисларингда, келажакнинг куртаклари бор.* Уйғун.

**КУРТАКЛАМОҚ** Куртак пайдо қилмоқ, куртак чиқармоқ. *Дарахтлар куртаклади.*

**КУРТИЛЛАМОҚ** «Курт-курт» деган овоз чиқармоқ.

**КУРТИЛЛАТМОҚ** куртилламоқ *фл. орт. н. Катта ўрик тагида куртиллаб беда чайнаётган отлар Аҳмадни кўриб, ердан бош кўтарди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

**КУРТКА** [р] Олди бошдан-оёқ тугмалаб кўйилладиган қисқа устки кийим. *У [Ботир] .. камарини маҳкам тортиданда, устидан кийган оч-кўк курткасининг тузмаларини солиб олди.* И. Раҳим, Ихлос.

**КУРТ-КУРТ** тақл. с. От ёки мол ўт чайнаганда чиқадиган товуш ҳақида.

**КУСАМОҚ** с. т. Тусамоқ. *Мунисхон одатдагича гапни бошқа ёққа бурди: эркаланиб ҳозир кўнгли ғўра қусаётганини айтди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**КУСТАРЛИК** 1 *кустарь* с. касб *оти.* *Кустарлик билан шуғулланмоқ.*

2 *айн. кустарчилик* 2.

**КУСТАРЧИЛИК** 1 *кустарь* с. касб *оти.* *Кустарчилик саноати.*

2 *кўчма* Қолоқ усуллар билан, ҳар ким ўзича иш олиб бориш; шундай иш усулининг ўзи. *Кустарчиликка йўл қўймаслик.*

**КУСТАРЬ** [р] Ўз уйда бирор маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахс, ҳунарманд, касиб.

**КУТИЛМАГАНДА** *реш* Ҳеч ўйламаган, кутмаган бир вақтда; тўсатдан, тасодифан. *Қичкина жарликдан ўтилгач, батальон кутилмаганда қаттиқ оловга тутилди.* Ойбек, Қуёш қераймас.

**КУТИЛМОҚ** *кутмоқ* 1 *фл. мажҳ. н.* *Кутилмаган воқеа.* — *Мирҳомидхўжа уларни кўндан кутилган азиз меҳмон-*

*лардай таъзим-тавозе билан .. чап томондаги уйга бошлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КУТИШМОҚ** *кутмоқ* 1 *фл. бирг. н.* *Икки йўловчи муйилишида тепаликнинг соясида тошининг устида ўтириб, дашт томондан келаятган аравини куттишар эди.* А. Қаҳҳор, Мاستон. — *Бе.. — қўзғолмасдан гапир бошлади Ермат, — ҳар қанча меҳмон бўлса, ўзлари куттишади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУТКИЛАМОҚ** Жонга тегар даражада узлуксиз танбех бериб, тергаб турмоқ. *Қабристондаги пайғамбарларга меросхўр шайхлар уни куткилай бериб тинчитишмагандан кейин, қори бошқа йўл, муслимларга хизмат қилишга киришди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**КУТМОҚ** 1 Мўлжалланган нарса ёки шахснинг пайдо бўлишини, келишини ёки учрашгани умид қилган, унга кўз тиккан ҳолда маълум вақт бирор жойда турмоқ; пойламоқ; мунгазир бўлмоқ. *Самолёт келишини кутмоқ. Сени кўп кутдим.* — *Юсуфбек ҳожиди сипоҳлардан бирининг қўлтиқлаши билан отиға миниб, нарида кутиб турган Ҳасаналига қараб юрди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Аҳмадхон пулемётни .. дарҳол окоп бўйига ўрнатди ва немис пиёда аскарларининг яқинроқ келишини кутди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Келувчини ҳурматлаб йўлнга, истиқболга чиқмоқ. *Ғулумхон ҳокимни кутгани бормади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. — *Э-э, келинг, Оқилахон опа .. . Кайси автобусда келишинингизни билмаганим учун кутиб олгани чиқолмадим. Яхши келдингизми?* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

3 Бировнинг, мас. меҳмонларнинг, кўнглини олиш учун хизматида бўлмоқ, хурсанд қилиш учун унга хизмат қилмоқ, кўнглини олмоқ. *Мезбон меҳмонларни яхши кутди.* — *Печак гулдек бўлиб эрига чирмашиганини кўрамиз, ҳали худо кўрсатса; бор, ўйнаб-қулиб меҳмонлариники кут!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

4 Бирор нарсанинг бўлишини умид қилмоқ, шундай бўлади деб ўйламоқ. *Нодондан ақл кутма, бебурддан — номус.* Мақол. — *Қотиб хатни олди-ю, Элмурод кутгандек, ўқиб ўтирмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 Ножўя ҳаракатлари учун қойилмоқ; қойиб, уришиб ёмон йўлдан қайтариб турмоқ; тергамоқ.

**КУТТИРМОҚ** *кутмоқ* 1 *фл. орт. н.* *Афанди шунча одамларни куттириб қўйганига қози аччиғлини ўтирган эди.* «Латифалар».

**КУТУБХОНА** [а+ф-т] 1 Китоб, журнал ва ш. к.ни тўплаш, сақлаш ва уларни ташвиқот қилиш, ўқувчиларга фойдаланиш учун бериш билан шуғулланувчи муассаса. *Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонаси. Қолхоз кутубхонаси.*

2 Тури, типиди жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ва маълум бир туркумга оид китобхонларга мўлжалланган ки-

тоблар сериясининг номи. «*Муштум*» кутубхонаси.

**КУТУБХОНАЧИ** Кутубхонада китобларни сақлаш ва ўқувчиларга бериш ва қабул қилиш вазифаларини бажарувчи шахс.

**КУФ** *эти.* Дам солганда, дуо ўқиганда беморга ёки унга бериладиган нарсага нафас уриб чиқариладиган товуш; суф-куф. *Куф демоқ. Куф урмоқ.*

**КУФР** [а] *дин.* Худони, динни таҳқирлаш. *Куфр кетмоқ* дин ва ҳудога қарши сўзламоқ, диндан тоймоқ. *Гоҳи маҳаллар куфр кетишдан ҳам тоймас эди шўрлик она.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

♦ *Куфр бўлмоқ* ҳуноб бўлмоқ, хит бўлмоқ, ортқ даражада асабийланимоқ. *Куфрри неъмат айн. куфрони неъмат қ. куфрон.*

**КУФРОН** [а]: *куфрони неъмат эск. неъмат қадрини билмаслик; кўрнамалик. Худой таоло нури покдан яратган сиздай фариштини қўйиб, фисқ-фужур йўлига юрмоқ куфрони неъмат бўлур эди.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**КУФ-СУФ** Дуо ўқиб, беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солганда чиқадиган товушлар. | Даволаш учун дуо ўқиб, беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солиш ва шу йўл билан даволаш. *Биргина кампир ёнам бор, ука. Ёнам кинна солишга, куф-суфга чаққон.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЧ** 1 Одам ва жониворларнинг ўз мускулларини ишлатиб жисмоний ҳаракат қилиш қобилияти; жисмоний энергия, қувват. *Жисмоний куч. Мускул кучи. Эсинг борида эл тани, кучинг борида ер тани.* Мақол. — *Бола кучи етса челақ судраб, етмаса кўра кўтариб саҳнга сув сепар .. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кимнинг билагидики кучи бўлса, ким шининг ҳавосини оласа .. ўша ударник бўлаверади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Кучдан қолмоқ* куч-мадори кетиб заифлашмоқ. | *Мехнат қилиш, яратиш, юзага келтириш қобилияти, иш-меҳнат. Бир парча куйган қора нон учун Ёшил чоғиндан ўз кучинг сотиб.* Ҳамза. [Бойлар] .. *кўкламгача ювинди билан боқадиди, олти ой ёз текинга ишлатади.* Одамнинг кучи эшак кучидан наст баҳога тушиди уларга! Ойбек, Қутлуғ қон. | *Маънавий, ақлий ва руҳий қувват. Ақлий кучи.* — *Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишонмас, шунинг учун ҳозир Асрорқулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 *физ.* Жисмларнинг ўзаро механик таъсир этиш қобилияти ва унинг ўлчови. *Марказдан қочма куч. Куч бирлиги.* | *Қувват, энергия. Шамоил кучи.* — [Улар] *Фарҳод ГЭС мамлакатга нур беришини, фабрика-завадларга куч беришини, фаровон, ҳаёт шўларники эканини яхши билдилар.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

3 Таъсир қилиш даражаси; таъсир. *Дорининг кучи.* — *Бу кунги қора со-*



вуқ қўйи кучини-да кесган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 Бирор ишни амалга ошира билиш имкони, имконият, ҳол-қудрат, қурб. Унинг автомашина сочиб олишга ҳам кучи етади. — Қамбарали акани сочиб олгани кучинииз етмаса керак. Милтиқ билан бўлмади, энди пул билан рахна солмоқчимизлар? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

5 Бирор соҳада ва умуман ишлаб чиқаришда ишловчи кишилар. Хотин-қизлар — колхозда катта куч. — Бугун Ўзбекистонда биринчи марта қурилаётган металл заводига ФЗОни битирган ёш кучлар келди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Қўйиб келган заводларга қизларни юбордик: кучимиз озайиб қолди, вазифамиз катта, юкимиз оғир. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Область ва район театрларининг бирлашган кучи томонидан бериладиган концерт бошланиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Иш кучи ишчилар.

6 Бирор ишни амалга оширишга қаратилган, унга ёрдам берадиган ҳаракат, ғайрат. Уч коммунист уч участкада туриб олиб чолларнинг кучи билан кечалари маҳаллий ўғит тўплатиб, далага ташиб турдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Биз] .. келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевоқифа бартараф қиладиган бўлиб қолдик. А. Қаҳҳор, Нутқ.

7 (асосан кўпл. ф-да) Ҳарбий қўшилмалар; қўшин. Куролли кучлар. — Танк ва мотодивизиялардан ишгирма иккитаси катта ҳаво кучларининг ёрдами билан Калинин, Орёл, Тулага қараб бормоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

8 (асосан кўпл. ф-да) Жамиятнинг бирор белги-хусусияти, дунёқараш ва ш. к. билан фарқланувчи қисми. Реакцион кучлар. Синфий кучлар муносабати.

9 юр. Қарор, қонун ва ш. к. нинг қўлланиши, жорийлиги. Қонун кучга кирди. Ҳукм кучда қолди. Қарор кучини йўқотди.

◆ Емоннинг кучи япалокқа етар қ. япалок. От кучи физ. двигатель қувватининг ўлчов бирлиги. Оғзига кучи етмаган қ. оғиз.

КУЧАЙМОҚ Таъсир даражаси юқорилашмоқ, кучли тус олмақ, авж олмақ, зўраймоқ. Оғриқ кучайди. Совуқ кучайди. — Қўрғонда хотинларнинг, болаларнинг шовқини кучайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Деҳқонларнинг антифеодал ҳаракатлари кучайди. Г. Тўхтаметов, Бухоро халқ революцияси.

КУЧАЙТИРИЛМОҚ кучайтирмоқ фл. мажх. н. Тарбиявий ишлар янада кучайтирилмоқда.

КУЧАЙТИРМОҚ кучаймоқ фл. орт. н. Назоратни кучайтирмоқ. Тинчлик учун курашни кучайтирмоқ. — Қўзғолончилар катта сурон билан

илгари отилиб, «тош бўрон»ни кучайтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

КУЧАЛА 1 Гули сариқ, кўк, сафсар ўтсимон ўсимлик ҳамда унинг медицинада ишлатиладиган захарли тугмасимон меваси.

2 Терак, тол каби дарактларнинг тўпгули. Улар [дарактлар] ҳам бўртиб, кучала чиқара бошлашибди. Т. Тўла, Тошкент ўйлари.

КУЧАН диал. Бўйинча.

КУЧАНМОҚ 1 Бутун кучи билан кескин ҳаракат қилмоқ; тиришиб, чираниб зўр бермоқ. Юкни кучаниб кўтармоқ. — Ҳомид ҳануз қўлини бўшатишга кучанар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Машина орқасидан ачиқ ҳидли қорамтир тутун чиқариб, бир кучанди-да, елиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 кўма Ута муболага билан мақтанмоқ, чиранмоқ. Бу муваффақиятдан чатнаёзган мулла Абдураҳмон кучанганидан кучанар .. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

КУЧЕР [р < нем.] Извош ҳайдовчи. Хўжайинининг феълига тушуниб қолган кучер извошини беозоргина, секин жилдирди. Х. Фулом, Машъал.

КУЧЛАНИШ 1 физ. Электр зарядларининг силжишида, кўчишида электр кучининг ишини кўрсатувчи миқдор. Юқори кучланиш. Паст кучланиш.

2 тех. Каттиқ жисмда ташқи таъсир натижасида юзага келадиган сиқилиш ёки кенгайиш ҳодисаси ва унинг катталиги.

КУЧЛАНИШЛИ Кучланишга эга (қ. кучланиш 1). Юқори кучланишли ток.

КУЧЛИ 1 Жисмоний қобилияти, куч-қуввати бошқаларга нисбатан ортиқ; бақувват. Кучли йигит. — Му-тал кучли эди, аммо Отабек ундан ҳам кучли эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Сен мана шу олтинни ол, .. бир кунлик нари қишлоқдан икки от ол, кучли, қочқир зотлардан бўлсин. Ҳамза, Майсаранинг иши. | Соғлом ва яхши тараққий этган. Юраги кучли. — Унинг [Гулнорнинг] хаёлида ёлғиз йўлчигина учди, фикран у билан сўзлашади, гўё йигит унинг сочларини сийлайди, кучли, кенг кўкрагига унинг бошини олиб эркалайди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кучи, зарби сезиларли, қаттиқ, зўр. Кучли зарб. Кучли туртки.

2 физ., тех. Катта қувватга эга бўлган; қувватли. Кучли мотор. Кучли станок. Кучли трактор.

3 Иқтисодий, моддий ва бошқа жиҳатдан бақувват, зўр, қудратли. Кучли давлат. Кучли армия.

4 Таъсир кучи юқори, тез таъсир қиладиган. Кучли дори. || — Энди шунини учасиз, Ҳомид ака! — Йўқ, Содиқбой иним, мен жуда ҳам бўлиб қолдим, ўзи ҳам жуда ҳам кучли чиққан экан. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Зухур этиш даражаси юқори; қаттиқ; шиддатли. Кучли шамол. Кучли фарёд. — Музлоқ тоғ бино бўлиб бун-

дай кучли гулдуросни эшитмаган эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Эргашев пулемётдан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек ғарақлаб қайнар эди. Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилниши.

6 Ўз иш-ҳунарини яхши билувчи, қобилияти зўр; талантли. Кучли ўқувчи. Кучли спортчи. — Ҳевада кучли табиблардан шу киши қолди ... — дея Иброҳим ота Утар бувани мақтаб кетди. Ж. Шарипов, Хоразм.

7 с. т. Таркибида ўғит моддалари кўп, унумдор; семиз. Сен ҳам пахта берасан, .. аммо еринг кучли, янги ер. Азот керак эмас. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

8 Ўсиш, ривожланишни тезлаштирадиган; кўп куч-қувват бағишлайдиган; тўйимли, тўқ тутадиган. Кучли ем. Кучли оғат. Кучли ўғит.

9 Бузиш, чекинмиш ёки бажармасликка йўл қўймайдиган, мустаҳкам, қатъий. Кучли назорат. Кучли талаб. — Интизом қисмдагидан кучли; уставнинг моддаси эмас, ҳатто ерегулигача назарда тутилар, ижроси қаттиқ қўллик билан талаб этилар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

КУЧЛИЛИК кучли с. белги оми. Марямхоннинг бундай ботирлигининг сабаби унинг қўтилишига бўлган умидининг кучлилигидир. Ҳамза, Яллачилар иши. Кучлилик қилади с. т. ҳазм қилиб бўлмайдӣ, оғирлик қилади. Палов беморга кучлилик қилади.

КУЧСИЗ 1 Жисмоний қобилияти паст, куч-қуввати бошқаларга нисбатан оз; заиф. — «Бурнидан портса йиқилдиган», кучсиз, ҳунуқкина киши — баззоз Абдулхолиқбой қошини чимириб, ингичка, хотинчалиш овози билан гапга аралашиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор иш қилиш ёки ишлаб чиқариш қобилияти, қуввати бошқалардан паст, оз; қувватсиз. Кучсиз мотор.

3 Иқтисодий жиҳатдан камқувват, ҳол-қудрати бошқаларга нисбатан паст, оз. Ҳукуматга чап бериб, кучсиз хўжаликларнинг баданига зулукдай ёпишиб олган мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Таъсир кучи паст; бўш. Кучсиз дори.

5 Зухур этиш даражаси паст, оз; секин ёки суст юз берадиган; заиф. Кучсиз овоз. Кучсиз шамол. Кучсиз портлаш. — Дўлар тўғрисидаги бешинчи қироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради. А. Қодирий, Обид кетмон.

6 Ўз иш-ҳунарини яхши билмайдиган, қобилияти паст; бўш. Тўрттинчи синфнинг ҳаммаси энг яхши ўқийдиган болалар бўлса ҳам, ўқишда ... ҳамма дарслардан кучсиз, русчадан эса ҳеч тайёрламайдиган Мирзажон Латифий деган ҳам бор эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 с. т. Таркибида ўғит моддалари кам; унумсиз, ориқ. *Кучсиз ер.*

8 Кам калорияли, енгил. *Кучсиз овқат.*

**КУЧСИЗЛАНМОҚ** Куч-қуввати оdatлагидан озаймоқ, пасаймоқ, заифлашмоқ. *Угли Тоҳиржон сил касалидан ўладдан кейин Шокир отанинг бели яна кўпроқ букилган, кўзлари йиғи билан яна кўпроқ кучсизланган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЧСИЗЛАНТИРМОҚ** кучсизланмоқ фл. орт. н.

**КУЧСИЗЛИК** кучсиз с. белги оти.— *Сиз кучсизлик қилибсиз-да, ойингиз сизни енгиб қўйибди. Аксинча сиз ойингизга ўз таъсирингизни ўтказишингиз керак эди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

**КУЧУК** [ф-т] 1 Итнинг боласи; етилмаган ёш ит. *Ким, кучук бирлан хўтиikka қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмастар асло одами!* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 с. т. Умуман ит. *Нури .. айвонга яқинлашган, тўпроққа қоршиб ётган катта, пахмоқ кучук занжирини шалдиратиб ўрнидан турди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КУЧУКБАЧЧА** [ф-т] айн. итвачча.

**КУШАНДА** [ф-т] 1 Еб йўқ қилувчи, ўлдирувчи. *Мушук — сичқонларнинг кушандаси.*

2 Зарар-зиён етказувчи, зарарку-нанда. *Ургилмаккана — гўзанинг кушандаси.*

3 *кўма* Умуман йўқ қилувчи; тамоман ўзгартириб юбурувчи омил. *Хар бало, хар иллатнинг ўз кушандаси бор. Чўлики — сув.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КУШЕТКА** [р<фр] Диваннинг орқа суйниги йўқ бир тури.

**КУШОД** [ф-т] рви, кам қўлл. Роса, тўла-тўқис; ортиги билан. *Мен уни кўрмаганимга кушод уч ой бўлди. — Уйнатиб остида отини, зўрлигин кушод билдирди.* «Зулфизар билан Авазхон».

◆ **Кушод кўтармоқ** даст кўтармоқ. **КУШОЙИШ** [ф-т] кт. Бирор қийин ишнинг осон ҳал бўлиши, муваффақият. *Сизга кушойиш, бизга барака билан сабр берсин.* Ҳамза, Яллагилар иши.

**КУШХОНА** [ф-т] Чорва молларини сўйиш, тўшт-ёғ тайёрлаш билан шуғулланувчи қорхона. Бибугул кушхонага судраб олиб кетилаётган экидек аъзойи бадани титраб, аранг қадам ташларди. Мирмуҳсин, Чўри.

**КУЮК** 1 Пиширилган, қовурилган нарсанинг куйган жойи, куйган қисми. || *Куюк кулча. — Кеча кечқурун Грасиано .. пўчоқ ва нон куюклари билан қорнини тўйгазди.* Ё. Шукуров, Грасиано.

2 Қуйиш натижасида ҳосил бўлган яра, жароҳат; тирик организмдаги куйган жой. *Унинг куюк соҳисиз боши, яримта юзи жизганак бўлиб, шилеираб турар .. эди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

3 *кўма* с. т. Доғ-алам, дард-ғам.

*Хар куюкка кўнар одамнинг боши. «Гўрўғли».*

**КУЯ** I Қурти юнгли матолар, дон ёки ўсимликларни нобуд қилувчи кичкина капалак. *Йигит .. Муҳаммад Жамолнинг кую еган эски қорақўл папахини қозиқдан олиб, бинт устидан бошига бостириб кийди.* Ойбек, Нур қидириб.

**КУЯ** II Нарсаларнинг куйишидан, ёнишидан ҳосил бўладиган майда қора зарралар; қорақуя; қурум. *Қозонга яқин юрсанг куюси юқар.* Мақол. — *Қўлимга тушганда, юзига кую суриб, эшакка тескари миндирад эдим-қу, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қозининг ҳузурига олиб борар эдим,— деди Халфа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КУХ** тақд. с. Бирор нарсани, мас. қўлни иситиш учун унга қаттиқ пуфлаганда чиқадиган товуш.

**КУХЛАМОҚ** «Кух» деб нафас чиқармоқ (одатда қўлни иситиш учун шундай қилинади).— *Буғун совуқ ҳам ачиққина,— деди қўлларини кўхлаб Анзират.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КЪЯТ** Бирмада пул бирлиги.

**КЎЗ** I Тирик мавжудотнинг кўриш органи. *Кўз косаси. Кўз оқи. Кўз қорачиғи. Қора кўз. Кўк кўз. Хумор кўз. Аяган кўзга чўп тушар.* Мақол. *Қарға қарганинг кўзини чўқмайди.* Мақол. *Кўз қўрқоқ, қўл ботир.* Мақол. — *Мастон, унга эътибор қилмай, отнинг тумшугидан кўтариб унинг очик қолган кўзларига қаради.* А. Қаххор, Мастон. **Кўз гавҳари анат.** кўз қорачиғи остида икки томони қавариқ линза шаклидаги тиниқ танача. **Кўз олди ёки кўз ўнги** кўз кўриб турган, кўриниб турган майдон, фазо. **Ҳамманнинг кўз(и) олдиди.** **Кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган жойлар** жуда узоқ, номаълум жойлар. **Кўз олди қорайди** (ёки қоронгулаши) ёки кўз ўнги хираланди қаттиқ чарчас ёки асабийлашиш туфайли нарсаларни фарқлаёлмайдиган, аниқ тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолди; боши айланиб гангиб қолди. *Бошида бутун ғайрати, саҳийлиги билан порлаган қадрдон кўёш гўё бир зумда сўнди-ю, унинг кўз олди қорайиб кетгандек бўлди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Ғуломжон Ҳаётни кўрди-ю, юраги шиғиллаб, кўз ўнги хираланди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўз(ни) сўзмок қ. сўзмок** I. **Кўз нуруни тўкмок** кўзи толиққанига ҳам қарамай, астойдил ишламоқ (ўқиш, ёзиш, тиқши каби ишлар ҳақида).— *Мен .. ишгирига ил халифа учун кўз нури тўкиб ишлабман,— деди Чоргул биби.* Айний, Қуллар. **Кўз қисмок қ. қисмок** 4.

2 Назар, нигоҳ; қараш. [*Кумушининг*] *кўзлари ўйнагувчи қизларда бўлса ҳам, ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Гулнор бузуқ қиз бўлса, кўзимиздан узоқроқ жойга йўқолгани яхши.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Кўз ташламок** назар

солмоқ, қарамоқ, бир қараб қўймоқ. **Кўз тикмок** 1) давомли равишда қарамоқ, қараб, тикилиб турмоқ. [*Кумуш*] *бир ҳовуч сув олиб юзидан тўкиб туширди ва оҳистасина йўлак томонга қараб олгандан кейин, сувнинг оқшига кўз тикди.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) *кўма* умид боғламоқ. *У ёлғиз ўғлига кўз тиккан.* **Кўзи тушмок** бехосдан кўриб қолмоқ. *Менинг китобимга кўзингиз тушмайми? **Кўз югуртирмок** тезгина қараб (ёки кўриб) чиқмоқ. *Йўлчи атрофига кўз югуртириб, қизга томон икки-уч қадам босди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Кўздан кечирмок** (ёки **ўтказмок**) бир чеккадан қараб, кўриб чиқмоқ. *Қўл ёзгани кўздан кечирмок.* **Кўздан қочирмок** 1) қасққа кетганини билмай қолмоқ, қорасини йўқотмоқ; йўқотиб қўймоқ. *Кимда ғумонинг бўлса, кўздан қочирма, ишига туш.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) назардан четга олмоқ; яширмоқ, беркитмоқ. *Бу жанжаллар бир ёқли бўлгунча, уни кўздан қочириб туриш керак.* **Кўзини олмади** (ёки **узмади**) тикилиб қараб турди, қарашда давом этди. *Ҳаёт то уйга кириб кетгунча, Ғуломжон кўзларини олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Кўриш қобилияти. *Кўзи ўткир. Кўзи хира. Кўзи ожиз.* — *Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим .. энди ундай ишларга кўзим ўтмайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Кўздан қолмок** 1) кўриш қобилиятини йўқотмоқ, кўрмайдиган бўлиб қолмоқ; 2) кўзини ишлатавериб, қарайвериб толиқтирмоқ. *Кечалари кўздан қолиб тиккан дўппингни ўзинг киймайсан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўзни олади** кўзга қаттиқ таъсир қилади, кўзини қамаштиради (нур ҳақида). *Кўзинг олур — ипаклари тиллодан.* Т. Тўла. *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб турадиган маълум қисми, бўлаги. *Деразанинг кўзи. Ёғочнинг кўзи. Булоқнинг кўзи. Узукнинг кўзи* узукка қўйилган ялтироқ тош. *Хуржуннинг кўзи* хуржуннинг нарса солинандиган ҳар бир бўлаги.

◆ **Ёмон кўз** 1) хурофий тушунчага кўра, зарар-захмат, мусибат келтирувчи назар, қараш. *Лутфинисо дам ўтмасдан келиб ёмон кўздан сақласин* учун, *исириқ тутаттирар, гоҳ қизини қучиб йиғлар* эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ёмон, бузуқ ният. *Ўз қадрини билган хотинга эркак киши ёмон кўз билан қарагани ботинолмайди.* А. Қаххор, Хотинлар. **Қора кўз** бола, фарзанд, ёш бола. *Бу қора кўзлар — бизнинг келажагимиз.* **Кўзи оч** бориға қаноатланмайдиган, суқ; қизганчиқ; очкўз. **Кўзи очик** 1) ишнинг моҳиятига тушунадиган; фойда-зиённи ажрата биладиган. *Яраларимизга, дардларимизга малҳам қидирган ва оламдан хабардор, кўзи очик*

одамларимиз бор. Юрт қайғусига улар чора кўради. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) Улмаган, ҳаёт. Қизини кўндр: кўзини очилдида эра тегсин. И. Раҳим, Ихлос. Кўз таниш қ, таниш 3. Кўзи тирик с. т. ай. кўзи очик 2.— Бе, Салимжон ким? Уғлимми? У нияни билади? Кўзим тирик — мен билан муомала қиласиз. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўзи тор ўзгага ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; зиқна, бахил.— Узлариям йлунча кўзи тор, зиқна,— деди Латип. Ғ. Ғулом, Шум бола. Кўзи қаттиқ с. т. кншига тикилиб қарайдиган, уялмайдиған; ҳаёсиз. [Ашир-жат:] Бироқ, қиз қурғур ота-онасиға фхшамайди-да, кўзи қаттиқ, тили тез, димоғдор қиз бўлибди. Ойбек, О. в. шабадалар. Кўз бўямоқ ўз фойдаси учун фактларни бузиб, потўғри кўрсатмоқ, бошқаларни алдамоқ. Меҳмонлардан бири, ёш болаларни тўплаб шеър ўқиб бераётган бир жувонга таъна қилди: — Мусобақада кўз бўйи билан ютган эканси-да, Тўтихон! А. Қаххор, Мирзо. Кўзи етмоқ ишонч ҳосил қилмоқ, ишончи қомил бўлмоқ. Хайдар ота ундан жаовоб ололмалигига кўзи етиб, ишонганича ичкарига кирди. А. Қаххор, Асрор бобо. Кўзи ёриди қ. ёримок. Кўзи илинмоқ (ёки кетмоқ) с. т. ухлай бошламоқ, мудрамоқ; мизғимоқ. Ҳожи хола кўзи илиниб, энди хуррак ота бошлаган эди, Тўраҳон гап қотиб қолди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Кўз олдига (ёки ўнгига) келмоқ тасавурда гавдашанмоқ, хаёлан кўринмоқ; Кўз олдига (ёки ўнгига) келтирмоқ тасавур қилмоқ, хаёлан кўрмоқ; хаёл қилмоқ. Ўзи қатнашган дахшатли жангаларни кўз олдига келтирди. Кўз очиб кўрган биринчи эр ёки хотин. Иккаласига бир нардан қўйлақлик ол! Бирини паст, бирини баланд қилма, бу хотиннинг бўлганда, ул ҳам кўз очиб кўраганинг. А. Қодирий, Утган қунлар. Кўз очиб юмгунча қ. юммоқ. Кўзи очилди мохиятига тушунди; оқ-қорани танийдиган бўлди. Энди бас! Кўзим очилди, Гулнор. Лекин бу кўз қурғур жуда кеч очилди. Юрагимга заҳар югурганда очилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўз очирмайди қ. очирмоқ. Кўзи очик кетмоқ с. т. дунёдан армон билан, мақсадиға етолмасдан ўтмоқ. Кўзи пишимоқ (ёки пишмоқ) ўз ишида маълум тажриба орттирмоқ. Кўз тагиға (ёки остига) олмақ назорат қилмоқ, таъқиб қилмоқ. Жайноқни кўзингиз тагиға олинг. Н. Сафаров, Уйғонини. Кўз ташламоқ бир рав қарамок; назар солмоқ. Кўз тегди хурофий кишилар тушунчасига кўра: бировнинг суқланиб, ҳасад билан қарашни туфайли эиён етди, шикастланди, бетоб бўлиб қолди. Тўққиз қанотли, гўлдор керағли оқ уйнинг тепасида қўнқор шох осиглиқ .. Аллохўжа уни хонадонимга кўз тегмасин деб ирим қилиб осган экан. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Кўз тикмоқ 1) умид билан кутмоқ,

умид боғламоқ.— Кўз тикиб турган ерларимиз эски ариқданки сув ичолмабди, яна азалигдай қақраб ётавереди.— деди Ҳасан сўфи. М. Исмоиллий, Фарғона т. о.; 2) ай. кўз(ни) олайтирмоқ. [Фотима ўз-ўзича:] Бундай ўз нафсларига берилган зотлар бировнинг ҳалол хотиниға кўз тикиб, ҳаётда ҳеч бўлмаган ёлғон сўзларни қилиб ширингина бир турмушни бузмоқчи бўлдилар. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Кўзи тинмоқ қ. тинмоқ. Кўз тутмоқ умид қилмоқ, умид боғламоқ; интизор бўлиб кутмоқ, зор бўлмоқ. Қапсанчилар бир вақтлар шундай азим дарё бўйида осмондан тушадиган томчиға кўз тутиб ўтиришар эди. А. Қаххор, Қўшчинор. Кўзи тўрт бўлди ниҳоятда интизорлик билан кутди.— Шукур, ўғлим, шукур, келдингми? — .. Сени келади деб ойинг иккаламизнинг бир ойдан бери кўзимиз тўрт. Ҳ. Ахмар, Ким ҳақ? Кўз уриштирмоқ қ. уриштирмоқ. Кўз юммоқ қ. юммоқ 1. Кўзи ўйнамоқ ҳаваси келмоқ; ҳасад қилмоқ. Хушрўйини кўзи ўйнаб, ҳар секундда ўн ёққа алангар эди. А. Қодирий, Утган қунлар. Кўзи қиймайди қ. қиймоқ. Кўз ёши қилмоқ 1) йнгламоқ; 2) йнглагудек бўлиб, нолиб шикоят қилмоқ. Қош қўяман деб, кўз чиқармоқ қ. қош 1. Кўргани — кўзи, отгани ўқи йўқ жуда ёмон кўради. Ҳозир Холмирзаинг ўз божасини кўргани — кўзи, отгани ўқи йўқ эди, шунди сезиб қолди полвон. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. Тўрт кўз тугал ай. тўрт кўз тугаллик қ. тугаллик. Омин, қасд қилганлар паст бўлсин, бало-қазо йўқ бўлсин. Тўрт кўз тугал, тинчлик-хотиржамлик бўлсин. Н. Сафаров, Уйғонини. Юзингда кўзинг борми демай қ. юз 1. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ кўз олдига бўлмаган одам билан ҳисоблашмай, унинг ҳақиға хиёнат қилинган чоқда ишлатилдиган матал. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, норози бўлиб гапирди бойвачча, уч кун кўринмасам, бошқасига кўндирибсан-да. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўзга дори жуда қадри бўлиб кетган камёб нарса ҳақида қўлланадиган ибора. [Ер-мат:] Тирикчилик қийин .. Кумалоқ ҳам кўзга дори. Ўн тополмай, кўчада гўдолик қилиб юрганлар озми, ука? Ойбек, Қутлуғ қон. Кўзга илмоқ писанд қилмоқ, назарға олмоқ, хурмат қилмоқ. Аё тўрам, айтмагунча билмадинг, Ё билмайман, бизни кўзга илмадинг. Эрган шонр. Кўзга иссиқ кўринмоқ қ. иссиқ. Кўзга ишонмаслик кўраётган нарсаси ҳақиқатда бор ва шундай эканига шубҳа қилмоқ, ўта хайрон бўлмоқ. У [Ўрмонжон] икки кўлида уртадан олмита чойиқ кўтариб, ҳовуз бўйидаги чойхўрлар олдига кетаётган Сидиқжонни кўриб, худди кўзига ишонмагандай, туриб қолди. А. Қаххор, Қўшчинор. Кўзга кўринган маълум ва машҳур, таниқли, донгдор. Кўзга кўринган олим.

Кўзга суртмоқ ортиқ даражада қадрламоқ, эъзозламоқ. Кўзга ургандек у ёқ-бу ёриға қарамасдан, суриштирмасдан, савдолашмасдан. Бу ноҳишов костюмни кўзга ургандек олиб, пушаймон бўлиб юрдим. Кўзига чўп солмоқ билдирмай ёмонлик қилмоқ; таққирламоқ.— Ҳазилингни қўй, болам, кўзга чўп солиб бўладими! — деди мулоим Зеби хола ва Содиқнинг етаклаб кетди. С. Абдуқаххор, Кўзлар. Кўзингга қара «хушёр бўл», «эхтиёт бўл», «бошқа ёққа чалғима», «алаҳсима» маъноларда ишлатилади. Кўзга тутмоқ мулжал қилмоқ, ўйламоқ, назарда тутмоқ. Ишнинг кўзини билмоқ ишнинг сирини, мохиятини осон бажариш, кўпроқ манфаатли бўлиш йўлини билмоқ. Кўзини лўк қилиб қ. лўк. Кўз(ни) олайтирмоқ қ. олайтирмоқ. Кўзини (мошдай) очиб қўймоқ 1) хушёр қилиб қўймоқ, ўзига келтирмоқ. Кечагина бўлиб ўтган гап Содиқнинг кўзини мошдай очиб қўйди. С. Анорбоев, Кўзлар; 2) кўйма таъзирини бермоқ, бошламоқ.— Ҳамма ўлиб-тирилиб ишлаб юрса-ю, бир тиррак подани булғатса, ҳақи кўрасан, бунинг исноди бутун бригадаға тегади, кўзини очиб қўйиш керак бундақаларни,— деди Сибгатуллин. Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. Кўзини шамғалат қилиб қ. шамғалат. Қулогини қар, кўзини кўр қилиб олмақ гўё ўзини ҳеч нарсани эшитмаган, кўрмаган ва билмаган қилиб кўрсатмоқ. Кўшининг кўр бўлса — кўзининг қис «ён-атрофингдагиларға қараб, ўшаларға хуш келадиган қилиб иш тут» маъносидаги мақол. Кўзининг оқу қораси энг яқин кишиси, суянган тоғи, яккаю ёлғиз. Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам битта-ю битта кўзининг оқу қораси мен эдим. Ғ. Расул, Адолат. Кўзининг пахтасини чиқармоқ газаб ёки ҳаяжондан кўзини қатта очмоқ, кўзини ола-кула қилмоқ. Кўзининг пахтасини чиқариб, дам бошмалдогидан оқатган қонға, дам Бобоқулға қараб бақирди. С. Анорбоев, Оқсой.

КўЗА I [ф-т] Сув солиш, ташиш учун ишлатиладиган қорни кенг, бўғиз ингичка, бир томонида дастаси бор идиш. Сув келтирган хор-зору, кўза сундирган азиё. Мақол. — Сопол кўза бир зумда синиб, сувлари ерга сийди, мис кўза дса терлаган қўлан чиқиб кетди-ю, тошдан тошга урилиб, пастга юмалади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КўЗА II с. т. дин. Рўза тутмаган киши.

КўЗАНАК кам қўл. Кўзга ўнашаш тешик. Асалари ичининг кўзанақлари. — Мен бечоранинг тилим гўлдираб, арз-ҳол қилдимки, мени ҳам шу ҳалқан илоҳийға [қаландарликка] бир кўзанақ занжирдай тиркаб, қаландарбачаликка қабул қилсалар экан,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

КўЗБОЙЛОҒИЧ с. т. Ҳар хил фокуслар, найрангбозликлар кўрсатувчи; найрангбоз, фокусчи. Бу ерда,

[Хиндистонда] масхарабозларни, кўзбойлогичларни, илон ўйнатувчиларни кўрасиз. 3. Акбаров, Хиндистон лавхалари.

**КҮЗБОҒЛОВЧИ** айн. кўзбойлогич.

**КҮЗБОҒЧИ** диал. Кўзбойлогич.

**КҮЗБУҒМАЧИ** Ўз фойдаси учун фактларни бузиб, нотўғри кўрсатувчи, бошқаларни алдовчи, алдоқчи.

**КҮЗБУҒМАЧИЛИК** 1 кўзбуғмачи с. белги оти.

2 Кўзбуғмачи одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; алдовчилик. *Кўзбуғмачилик қилмоқ.*

**КҮЗГУ** кт. айн. ойна 3, 4. [Секретарь] ўрнидан туриб кўк шойи парда тутилган дераза ёнидаги бўй баравар келадиган кўзгу олдига келди. С. Абдуқаххер, Нусхаой.

**КҮЗДАЙ**, -дек Жуда яқин. *Кўздек кўйшилар.* — *Кўздек оғайнисиз, Омон. Бундай бир-биримизни алдаб юришимиз яхши эмас,— деди Шум бола. Ф. Гулом, Шум бола.*

**КҮЗИҚМОҚ** Хурсфий кишилар тушунчасига кўра кўз тегиши натижасида бирор фалокатга йўлиқмоқ, зарар кўрмоқ, шикастланмоқ, касалланмоқ ва ш. к. Бола кўзқибди.

**КҮЗ-КҮЗ:** кўз-кўз қилмоқ бошқаларни қизиктириши, ҳавасини келтириш учун мақтаниб кўрсатмоқ; намоён қилмоқ. *Аҳмад дафтарики, Меҳри гуластасини, Кўзбой расмларини кўз-кўз қилмоқда эди. Ҳ. Назир, Сўнас чамқоқлар. Сенинг эиндик ишингни ҳам кўкка кўтариб мақтасалар, кўз-кўз қилсалар .. газетада суратларинг чикса. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**КҮЗ-КҮЗЛАМОҚ** кам қўлл. айн. кўз-кўз қилмоқ қ. кўз-кўз.

**КҮЗЛАМОҚ** 1 Бирор нарса ёки мақсадни кўзда тутмоқ, мўлжалламоқ ва ўшанга эришиш учун ҳаракат қилмоқ. *Тинчини кўзламоқ. Давлат манфаатини кўзламоқ. Маҳсулот чиқаришини кўзлайтиришини кўзламоқ. Олисини (ёки узоқни) кўзламоқ кейин келадиган натижани, оқибатни ўйлаб, шу нуқтани назардан биш тутмоқ. Эшон олисини кўзлайди. Н. Сафаров, Шарқ тонги.*

2 Мўлжалга, нишонга олмоқ, мўлжалламоқ, пойламоқ.

**КҮЗЛИ** 1 Кўзи бор. *Қора кўзли. Катта кўзли. Қисич кўзли. Шиша кўзли одам.*

2 Кўзга ўхшаш тешиги, изи ёки ўрни бор. *Майда кўзли тўр. Олти кўзли дераза. Кўп кўзли тахта. Бриллиант кўзли узук.*

3 *Кўчма* Нарсаларнинг моҳиятига тушунадиган, биладиган; кўзи ўткир. *Шокиржон ака бирда бу бозорга иши тушмаган одам бўлганлиги учун алданиб қолмайин деб, бозордан кўзлароқ таниш одам қидирди. С. Абдулла, Дами чиқиб кетди. Кейин [академик] Мелиқўзига қаради: кўзли дехқон экансан, укам. Тан бердим. Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.*

**КҮЗМУНЧОҚ** айн. мунчоқ. Бола

*эмиб тўйиб, соявон тагидан чиқди, унинг тумор ва кўзmunчоқ тақилган қизил дўпписи тагидан кокили диккайиб чиқиб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шу замоннинг қизлари ҳаммани кўйиб кўзmunчоқ тақармиди? Ойдин, Дундикдан ҳам ёш экан.*

**КҮЗОЙНАК** Нормал кўриш ёки кўзни химоя қилиш учун тақилладиган, иккита шиша кўз ўрнатилган махсус асбоб; ойнак. *Сақлагич кўзойнак. Кўзойнак тутмоқ.* — *Кўзойнак тутиб олиб сандалнинг бир четиди алланарса ямаб ўтирган Хосият буви Адолатни кўриб ҳайрон бўлди. С. Зуннунова, Гулхан.*

**КҮЗОЙНАКЛИ** Кўзойнак таққан, кўзойнаги бор. *Кўзойнакли киши.* — *Абдушукр мангайли тиришган, кўзойнакли .. ориққина киши. Ойбек, Қутлуғ қон.*

◆ **Кўзойнакли илон зоол.** бўйнида кўзойнакка ўхшаш халқасмон доғи бор йирик захарли илон.

**КҮЗСИЗ** 1 Кўзи йўқ, кўрмайдиган; кўр. *Кўзсиз одам. Тузсизни кўзсиз ҳам биллади. Мақол.*

2 Кўзи, тешиги, бирор нарсанинг ўрни, изи йўқ. *Кўзсиз тахта.*

**КҮЗ-КУЛОҚ:** кўз-қулоқ бўлиб турмоқ кўриб, эшитиб, кузатиб турмоқ; пойлаб турмоқ. *Урмонжон тўсатдан келиб қолди. Унинг келганини на Курбон ота пайқади, на кўз-қулоқ бўлиб турган Сидиқжон. А. Қаххор, Кўшчинор. Акам Қобил карвонни: «дарвозага кўз-қулоқ бўлиб туринг», деб эшикка чиқариб юборди. Х. Гулом, Машъал.*

**КҮЙ** 1 эск. Кўча; йўл. *Юсуфбек ҳожиди то Эскижўбага етеунча ўзининг юқоридаги сўзини кўй, гузар халқига такрорлаб келмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 (ў.-п. ёки ж. к. ф-да) Бирор нарса дарди, савдоси, ҳаракати. *Ниманинг кўйида юрибсиз? Дўсмет тиричилиги кўйига тушди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Ишқ, муҳаббат. Гулмонжонни шу кўйга, шу савдога солган .. таннози кулиб турар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бу ухлагувчи менинг ҳалол рафиқам бўлиб икки йилдан бери мен ҳам унинг кўйида саргардонман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 (бирор аниқловчи сўз билан) Аҳвол, ҳолат. *Элмурод шу кўйи яна бирмунча юргач тўхтади-да, йўл четидидаги бир тошга ўтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**КҮЙЛАК** Тананинг юқори қисмига мослаб тикилган яланг қават юпқа кийим. *Атлас кўйлак. Чит кўйлак. Шойи кўйлак. Ич кўйлак. Эркаклар кўйлаги.*

◆ **Битта кўйлаги** иккита бўлди моддий аҳволи яхшиланди, бойиб қолди. *Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди! А. Қаххор, Кўшчинор. Кўйлагига сиймай кетди айн. терисига сиймай кетди қ. тери. Кўйлакини ортиқ (ёки кўпроқ) йиртган ёши катта; тур-*

*муш тажрибаси кўп, кўпроқ биладиган. Исроилдан сўраймикин? У, уруш кўрган, мenden кўра кўпроқ кўйлак йиртган .. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**КҮЙЛАҚБОП** Кўйлак қилса бўладиган, кўйлакка мувофиқ. *Кўйлақбоп чит.*

**КҮЙЛАҚЛИ** Кўйлак кийган; кўйлаги бор. *Қора кўйлакли қиз.* — *Ўртада ўтирган қизғиш сатин кўйлакли Маърифатой, қўлидаги қаламнинг учсиз томонини иягига тираб, .. ўтирибди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**КҮЙЛАКЛИ** Кўйлак қилинадиган; кўйлақбоп. *Адолат юпангандан кейин Усмонжон стол устига — қоғозда ўроғлик турган нарсага ишора қилиб деди: «Сизга кўйлакли олиб келдим». С. Зуннунова, Гулхан. | Кўйлак тиктриса бўладиган, кўйлакка етарли. Бир кўйлакли шоҳи. Уч кўйлакли мато.*

**КҮЙЛАҚЧАН** Фақат кўйлакнинг ўзида, бошқа устки кийимсиз. *Мақtab олдидаги майдончада кўйлақчан, яланг оёқ, яланг бош лапта ўйнашгаётган болаларнинг шўх кўлилари .. тинди. С. Анорбоев, Оксой. | Ҳасанали кўйлақчан энига чопонини ёпиниб ўрнидан турди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**КҮК** 1 Тиниқ осмон рангидаги; мовай, зангори. *Кўк кўз. Кўк бўёқ.* — *Кўлимизда товланар жажжи-жажжи байроқлар, Осмонда кўк, қизил шар енгил учиб ўйноқлар. Й. Муслим. | Кул рангидаги, кул ранг. Кўк бўри. Кўк каттар.* — *Қамчи кўк от билан саман тойни етаклаб дарё томонга кетди. Х. Гулом, Машъал. | с. т. Яшил, сабза. Кўк ўт.*

2 Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турадиган ҳаво қатлами; осмон. *Энкайганга энкайгин, бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етеунча. Мақол.* — *Мартининг охириги кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда ўз кўйга солаётти. А. Қаххор, Минг бир жон.*

3 Усаётган ўт-ўсимлик, ўт-ўлан; майса, қўкат. *Ёмғирлар ёғиб, ерда ўт-ўланлар кўрича бошлади, ҳайвонларнинг оғзи кўкка теоди. М. Муҳаммад-жонов, Турмуш урнишлари. Менинг бригадамга қарашли ердан уч гектарига миср пахта экдим. Кўки жузда яхши. Ф. Гулом, Тирилган мурда. Кўк сомса ичига янги ўсиб чиққан жағ-жағ, йўнғичка, ялпиз каби ўт-ўланлар барги солинган сомса.*

4 Кашнич, жанбил, укроп каби овқатга қўшиб ёйиладиган резавор ўсимликлар, қўкат. *Кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

◆ **Боши кўкка етди қ. бош. Қулини кўкка совурмоқ қ. совурмоқ** 3. *Кўкка кўтармоқ таъриф, тавсифини жуذا оширмоқ, ўта мақтатмоқ.— Муштоқман, аммо бир оз сабр эт,— деди лабларидан мева тирасини артиб Аҳмад*

Хусайн.— Қани, сен хали кўкка кўтарган таълимист қайси? Ойбек, Нур қидириб. Тутуни кўкка чикди ўта даражада хафа бўлди, хуноб бўлди. *Ўзбек ойм йўғининг «ўлгани устига чиқиб тегиш» қабилдан бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КҰКА, кўка гули** Йирик баргли, баргининг усти силлиқ, ости қалин оқ тулки, гули сариқ кўп йиллик ўсимлик.

**КҰКАЛАМ** с. т. Кўкаламзор. Болалар тоғни саёхат қилиб, булоқлар, кўкалам ерларни томоша қилиб юрган эдилар. «Ўрўғли».

**КҰКАЛАМЗОР** Ўсиб, кўкариб турган ўт-ўсимлик, дарахтлар билан қопланган жой. *Булоқ атрофидаги кўкаламзор эса жазирама иссиқларда ҳам сўлмайди, қишин-ёзин ўлмайди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. Бўз ерларга сув чиқади, қишлоқ атрофи, қақир-бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КҰКАЛАМЗОРЛАШМОҚ** Кўкаламзор бўлмоқ, кўкаламзорга айланмоқ. *Шаҳар кўчалари кўкаламзорлашди.*

**КҰКАЛАМЗОРЛАШТИРИЛМОҚ** кўкаламзорлаштирмоқ *фл. мажж.* н. Янги кўчалар кўкаламзорлаштирилмоқда.

**КҰКАЛАМЗОРЛАШТИРМОҚ** кўкаламзорлашмоқ *фл. орт. н.* Шаҳарни кўкаламзорлаштирамиз.

**КҰКАНАК:** кўзга — кўканак, оёққа — тиканак ҳаммага халал берувчи, урушқоқ киши ҳақида айтиладиган матал.

**КҰКАНТОЙ** Лочинлар онласига кирувчи йиртқич қуш.

**КҰКАРМОҚ** I Тиниқ осмон рангига кирмоқ, кўк, мовий тусга бўялмоқ. *Сийёҳдан қўли кўкарди. Мис намда кўкариб қолади.* | *Ўт-ўсимлик ёки барглари билан қопланган кўк, яшил тусга кирмоқ. Баҳор кели — далалар кўкара бошлади.* — *Гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар қони бараварига ям-яшил кўкарган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Каттиқ зарб, совуқ ёки бошқа бирор сабаб таъсирида кўк қорамтир тусга кирмоқ (бадан, юз ранги ҳақида). *Боланинг қўллари совуқдан кўкариб кетибди.* — *Кўкариб кетган оёқни кўриб Полвоннинг раҳми келди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бўтавой жаҳдан кўкариб сўкинар, паранжиси елкасига тушиб кетган Эшон ая овозининг борича дод солиб уни қарғарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Айниб, бузилиб қолмоқ (гўшт ҳақида).

4 Униб-ўсмоқ, кўкламоқ (ўт-ўсимликлар ҳақида). *Экин яхши кўкарди. Сепилган уруғ кўкариб чиқади.* — *Чурук бўғотлари осилган .. эски уйлarning томлари четида майсалар кўкаради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Кўйма Ривож топмоқ; ўсиб-унмоқ, ўсмоқ. *Дарахт бир жойда (ерда) кў-*

*каради.* Мақол. — *Ер олган кўкаради, ер сотган қурийд.* Мана бу гапнинг маъини чақ, жиян! Ойбек, Қутлуғ қон.

**КҰКАРТИРМОҚ** кўкармоқ *фл. орт. н.* Сийёҳ билан қўлини кўкартирмоқ. — *Уфққа ёнбошлаган кўз илғамас семиз далаларда у очган қўриқ, кўкартирган мева бор.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**КҰКАТ** I Ўсиб турган ўт-ўлан; ўт-ўсимлик. *Қўйларнинг барра кўкатларни ўткир тишлари билан жодидай қирқиб пишиллашлари, қўзиларнинг оналарини қидириб мағрашлари атрофни босди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Овқатга қўшиб ейиладиган (кашнич, укроп каби резавор) ўсимликлар; ошкўк. *Хушбўй мевалар, айниқса кўкатлар, турли нав сабзавотлар жуда мўл ёғилди.* Ойбек, Нур қидириб.

**КҰКАТЗОР** Кўкатлар билан қопланган жой, майдон.

**КҰҚИМТИЛ** *айн.* кўқимтир.

**КҰҚИМТИР** I Кўк рангга яқин, кўкка мойил, кўкиш, оч кўк. [*Турсуной*] *маржон, исирга, узук тақшини бировлардан кўриб ҳавас қилар, лекин ингичка кўқимтир томчилари билиниб турган бўйни ва қўлларига бу зийнатлар ярашиб тушмас эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Атрофдаги ҳовиллардан кўтарилган тутунлар кўқимтир, майин мавж билан тиниқ, совуқ ҳавода сузади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 с. т. Яшил ёки зангор рангга яқин, оч яшил. *Кўқимтир шоҳи рўмоқ.* — *У [Салимбой] кўзларини ҳовуздаги турғун кўқимтир сувга тиқиб ўйлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КҰҚИШ** *айн.* кўқимтир. *Ўртадаги ўчоқда ҳўл тўнка биқсимоқда. Ундан чиққан кўқиш тутун юқори кўтарилиб, ис босган қопқора шиллардан жой қидиради.* П. Турсун, Ҳўнтувчи.

**КҰҚИЎТАЛ** *мед.* Уқтин-ўқтин тути узлуксиз йўталтирадиган, одатда болаларда бўладиган юқумли касаллик. *Йўталнинг кечаси, шунингдек дам-бадам тутиши кўқийўталнинг алоҳида хусусиятларидандир.* Н. Исмоилов, Қасалларни парварिश қилиш.

**КҰҚЛАМ** Йилнинг қиш билан ёз оралиғидаги фасли; баҳор. *Қўклам келиши билан дала ишлари қизиб кетди.* — *Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорини равшанлаштириб юборган, қишда кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**КҰҚЛАМГИ** Кўклам фаслидаги, кўклам фаслида бўладиган; кўкламга оид. *Кўкламги дала ишлари. Қўкламги дон эши.*

**КҰҚЛАМОҚ** I с. т. Амал олмоқ, ўсиб ривожланмоқ (ўсимлик ҳақида).

**КҰҚЛАМОҚ** II Вақтинча, йирик-йирик қилиб, наридан-бери тикиб қўймоқ. *Машиначи кўйлакни кўклаб қўйди.* — *Иш жўнашиб кетди. Хиш-паш дегунча кафанни ҳам кўкладик.*

*Ўликнинг очиқ бадани мумкин қадар кўздан яширилган эди,— деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

**КҰКМАК** с. т. Кўм-кўк. *Қарагайларнинг орасидан пастликдаги кўкмак водийа жойлашган Қисловодскийнинг чироқлари қозонга ёпишган учқунлардай милтиллаб кўринмоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

**КҰКНОР** I Қўсаксимон ҳосили ичидан майда кўкиш уруғи бор, танасида сут шира етишадиган ўсимлик.

2 Шу ўсимликнинг ҳосилдан ивтиб, эзиб тайёрланган, кайф берадиган ичкилик. [*Марайим*] *кирмаган кўча қолмади: наъжани ўрганди, қора дори еди, таъяларга кириб кўкнор ичди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КҰКНОРИ** Кўкнор ичувчи банги. *Фуломжон пинаги бузилган кўкнори сингари сесканиб ёнига қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Кўкнори хаёл** ақлга тўғри келмайдиган, рўёбга чиқishi мумкин бўлмайдиган пуч хаёл. *Кўкнори хаёл қилмоқ.*

**КҰКНОРИХОНА** Кўкнор ичимлиги тайёрланадиган ва кўкнор ичувчи бангилар йиғиладиган жой; така.

◆ **Нафасинг кўкнорихонага урсин** совуқ хабар билдирган кишига эътироз сифатида айтиладиган ибора. [*Сайфи:*] *Ҳақим акамлар ваъданинг устидан чиқмасалар ҳаммамизнинг асфаласофилин бўлишимиз ҳеч гап эмас-а? — Э, нафасинг кўкнорихонага урсин! Суф сенга! — деди Эгамберди.* Б. Раҳмонов, Ҳўжайин кўчди.

**КҰКРАК** I Тананинг бўйиндан қорингача бўлган олд қисми; кўкс. [*Элмурод*] *қизаргунча ювинди, ҳўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва ягринларини обдан ишқалаб, қонини бетга тепдирди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпан баҳайбат мош-суруч соқолини қалам билан тарлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Аёллар кўксиданги бир жуфт сут бези, эмизиш органи; эмчак. *Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоқда бойвочча уни кўз тағига олиб қўйган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Кўкрак бермоқ** эмизмоқ.

3 Қийимнинг юқори олд қисми. || **Кўкрак чўнтак.** — *Унинг зенидаги якка бортли шевот костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенглик қилади, кўкраги бироз халта бўлиб ёқаси кўчиб турибди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

◆ **Кўкрак кермоқ** 1) гурур, кибр билан гавдани тик тутмоқ; кеккаймоқ. *Уша пул бўлганда Нусратилла Қулматқоранинг олдига кўкрак кериб кириб борарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) фахрланмоқ. *Кўкрак кериб постда тураман, Ватан ёви кул бўлсин доғда.* Сабо. **Кўкрагида ёли бор қ. ёл** I. **Кўкрагига шамол тегди қ. шамол.**

**КЎКРАКБУРМА:** кўкракбурма кўйлак кўкраги қат-қат тах қилиб, буриб тикилган кўйлак. *Кўйлак тиктирдим форма, Янгича кўкракбурма.* С. Абдулла.

**КЎКРАҚДОР 1** Кўкраги кенг, яғрндор. *Кўкрақдор йиғит.*

**2** Кўкраги, эмчага бўлиқ, катта. *Киз ўн етти-ўн саккизга кирган, ўрта бўйли, .. кўкрақдор, тўлагина, лўпнигина қиз эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎКРАҚЛИ 1** Кўкракка эга, кўкраги бср. *Муҳаммадкаримнинг қадди-қомати келишган, кўкрак, кенге кўкракли, елкасига тегирмон тоши кўйса бўладиган йиғит деганларича бор эди.* М. Ҳурунқўжаев, Унутилмас кунлар.

**2** айн. кўкрақдор **2.** [Гуландом] баланд бўйли, кўкракли, тўла эмас, лекин миқти, диркиллама танга эга. Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** кўйма Баланд, баҳаво; кенг. *Кўкракли ер.*

**КЎҚС 1** айн. кўкрак. *Кўлини кўксига кўйиб тавзим қилмоқ. — Хонанинг тўридаги пўстак устида оппоқ соқоли кўксига тушган катта саллали, ола чопонли домла ўтиради.* П. Турсунов, Ҳўқитувчи. *Жингалак сочлари кўзларини тўсиб турган Раиса икки кўли билан онасининг кўксини ушлаб йўглаб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** кўйма Юрак, қалб. [Йўли] гулбоғчадаги у пари кўздан ғойиб бўлгунча, отни секин юрезиб, кўксига чекиз шодлик билан қаноатланган, ширин ўйларга ботган ҳолда кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** кўйма Бирор нарсанинг ўртаси, ичи, бағри. *Ёшлар чўл кўксини ёриб, тобора илгарилаб борарди.* Ш. Ғуломов, Шоңли авлод. *Ғуломжон қизларни кўм-кўк кўксига олган ғўзага бир неча зум суқланиб қараб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КЎҚСОВ** Кўп ва қаттиқ йўталадиган (чорва моллари ҳақида). *Чанг орасида битта-яримта кўқсов кўйларнинг йўталгани эшитилар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бўриларнинг этни жимирлаштирадиган улиши, тўнғизларнинг кўқсов йўталишидек ёқимсиз товуши .. бу танҳо йўлчининг юрагига ваҳим соломасди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи.

**КЎҚСУЛТОН 1** Думалоқ нордон мевали дарахт. *Бир туп кўқсултон.*

**2** Шу дарахтнинг меваси. *Кўқсултон — витаминларга бой қимматли мева.*

**КЎҚЧА** Қовуннинг бир тури (сертўр, кўкиш, чўзиқ қовун). *Каттақишлоқнинг эртапишар қовунлари, амири, кўкча, оқуруғлари қадим замонлардан бери машҳур.* И. Раҳим, Ихлос.

**КЎҚЧИ** Кашнич, кўк пиёз, укроп каби резаворлар етиштирувчи ва шундай кўкатлар билан савдо қилувчи шахс.

**КЎҚЧИЛ** кам қўлл. айн. кўким-

**тир 1.** У, аввал Салимбойвачча, кейин бошқалар билан чўқиштириб шампанскийни ичди-да, йирик, кўкчил кўзларига шўхлик ва ишва беришга тириша бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎҚҚАРҒА** Яшил-кўк патли, кўк-ламда келадиган қуш.

**КЎҚҚЎТОН** Узун оёқлилар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб, пати кўк, бўйни ва тумшуги узун ўлаксахўр йиртқич қуш.

**КЎЛ** Кенг чуқурликда йиғилиб қолган сув, табиий сув ҳавзаси. *Катта кўл. Чўлда юрган қўнғир ғоз, кўл қадрини не билур. Мақол. Тома-тома кўл бўлар.* Мақол. — [Ғуломжон] ой ёруғида қумуш товлаб турган кўланинг чап қирғоғи билан пастга тушиб борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КЎЛАГА** эск. айн. кўланка. *Майдон эшиги очилди. Бири орқасидан бири юриб икки кўлага майдонга кирди.* А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

**КЎЛАМ** Бирор иш-фаолиятнинг ёйлиши, қамраш доираси, ҳажми, миқдори; ривожланиш, авж олиш даражаси. *Ишлаб чиқариш кўлами. Революцион ҳаракатлар кўлами.*

**КЎЛАНКА 1** Офтоб нуридан тўсилган жой; соя. *Абдувахоб айвондаги кўланкага ўтирди, ўғилчасини тиззасига олиб пешанасидан ўпди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Машина теракларнинг қуюқ кўланкаси остида учиб бораркан, Қўдратнинг дўстлари кўм-кўк ва бўйлиқ пахтазор далаларни унга кўрсатиб, фахрланар эдилар.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. | *Книши ва нарсаларнинг ёруғликка қарама-қарши томонга тушадиган сояси. Аравани от тортар, кўланкасини ит тортар.* Мақол.

**2** Узоқда, қоронғиликда, туманда ғира-шира кўринган нарса; қора, шарпа. *Уй ичидан дераза орқали Гулнорнинг кўланкаси кўринган, [Унсин] ҳовлининг четидан чаққон юеурди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ғорда Жавҳарид билан тегирмончи қонинг кўланкалари пайдо бўлди.* О. Акрамхўжаев, Кониютнинг сири. *Қарағайларнинг кўланкаси тунги сокин ҳавода қимир этмай турарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**3** кўйма Бирор ички руҳий ҳолатнинг (мас. ташвиш, ғам, азоб) юздаги ифодаси, акси. **Кўланка солмоқ** (ёки ташламоқ) из қолдирмоқ, акс этмоқ, билинмоқ. *Нисора қайрилиб қараб жилмайди. Унинг бу табассуми зўрма-зўраки эканини, қандайдир ғўсса юзига кўланка солиб турганини Шербек бир боқишдаёқ пайқайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уриш барча қатори Мақсуда опанинг ҳақ бошига кўланкасини солди.* К. Шукурова, Толашунос олима.

**4** кўйма (3-ш. эгалик ва ў.п. к. ф-да) Бирор кимсанинг ҳимояси; паноҳ, ҳомийлик. *Бировнинг кўланкасида яшамоқ. — Қалай, Хомидбек, юртларингиз тинчликми? — Худого шукур,*

*давлатлари кўланкасида.* А. Қодирий, Ҳўтган кунлар.

**5** кам қўлл. *Нарсаларнинг бошланғич шакли, ҳали тўла шаклланмаган умумий кўриниши. Чисит экиш бошлангунча янги қишлоқнинг кўланкаси кўриниб қолади: .. ҳали очилмаган кўчаларнинг икки юзига саксон беш мингдан ортиқ кўчат ўтқазилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Кўланкаси қолибди** жуда озиб кетибди, рамақижон бўлиб қолибди. *Сўрила-сўрила кўланкаси қолган совлиқ нимага ярайди? С. Анорбоев, Оқсой. Узи хон, кўланкаси майдон қ. хон.*

**КЎЛБУКА** Қамишзорларда яшайдиган балиқхўр тунгги қуш.

**КЎЛКА** кам қўлл. айн. кўланка. *Жимжит, қоронғи кўчалардан отни қаттиқ ҳайдаб кетди. Хуштак, шаққидоқ чапган танҳо қоровул кўлкалари унда-бунда учраб қолар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎЛЛАМОҚ** Оқмай бир жойга тўпланиб, йиғилиб қолмоқ, кўл бўлиб қолмоқ (сув ҳақида). *Сайфи тол соясига ётиб хуррак отаяпти. Сув эса эгатларнинг бир жойидан юеуриб ўталяпти, бир жойида кўллаб қоляляпти.* Ф. Нуруллаев, Агитатор. *Сквер томондан оқиб тушган баҳор суви тротуарнинг эҳидида кўллаб ётар, .. эди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**КЎЛЛАТМОҚ** кўлламоқ фл. орт. я. *Кўллайтиб суғормоқ. Бу ерда ғўзалар кўллайтиб суғориларди.*

**КЎЛМАК** Чуқурроқ жойга тўпланиб қолган ёмғир суви, халқоб сув. *Кун исиб кетди. Ҳар қадамда халқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | *Кўлмак сувлар устида чивиллар галаси уймалашмоқда.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**КЎЛОБ** айн. кўлмак. *Кўлоб ҳозиргина сепилган сувдан ҳосил бўлган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КЎЛОБЛАТМОҚ:** кўлоблатиб сув сепмоқ сувни жуда кўп, қалин сепмоқ. **Кўлоблатиб суғормоқ** айн. кўллатиб суғормоқ кўп сув кўйиб суғормоқ, бостириб, тўйдириб суғормоқ. *Кўлоблатиб суғорилган ғўзалар, қаранг, Кўринади сув остида баргелари аранг.* А. Пўлат.

**КЎМА** диал. 1 Уюм, тўплам. *Қовун кўмаси. — Икки қум кўмаси орасидан бораётган отлиқ отини тўхтатиб, ундан тушди.* Айний, Қуллар.

**2** айн. паға. *Тутун кўмаси.*  
**КЎМАК** [ф-т] Моддий ёки маънавий мадад; ёрдам. *Катта кўмак. Кўмак олмоқ. Дўстлар кўмагида қийинчиликларни енгмоқ. — Қетаман, қизим, шаҳарда аллақанча ишим бор. Ботиралининг кўмаси билан битказиб олай.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Оғир дақиқаларда бир-бирларини кўллаб, кўмак берардилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.



**КҰМАҚДОШ** [ф-т] кт. Кұмақ берувчи; ёрдамчи, кұмакчи.

**КҰМАҚЛАШМОҚ** Ёрдам, кұмақ бермоқ, ёрдамлашмоқ. [Унсин:] Тога, сизга ялинб келдим, йўлчи акамни қамоқдан чиқаришга кўмаклашинг. Ойбек, Қутлуғ қон. *Езги каникулда тоғларга сайхат қилганимиз, бир-биригизга кўмаклашиб, Чилён чўққиларига чиққанимиз. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**КҰМАҚЧИ** 1 Ёрдам, кұмақ берувчи, ёрдамчи. *Пахта теримига чиққан шаҳарли кўмакчилар.* — Бу ғамлар етмагандай, унинг яёна кўмакчиси бўлган шогирдини яқинда бошқа бир уста айитиш олиб, бечора чолнинг кўлини кесди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *грам.* Отлардан кейин келиб, уларнинг бошқарув йўли билан тобеланишини кўрсатувчи ёрдамчи сўз, мас. *учун, билан, томон.* **Кўмакчи феъл** асосий феълнинг маъносига кўшимча маъно берувчи ёрдамчи феъл.

**КҰМАЧ** Иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон, *Кўчи кетар вақтида Зебо Ёзи келса ер деб, бир оз унни кўмач қилиб, кўрга кўмиб кетган экан.* «Ёзи билан Зебо».

◆ **Ўз кўмачига кул тортмоқ** ўз манфаати учун ишламоқ; ўзига ўзи қайгурмоқ. *Ҳар ким ўз кўмачига ўзи кул тортадиган .. бир замонда исон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир қуфлат йўқ. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**КҰМДИРМОҚ** кўммоқ фл. орт. н. *Ўрани кўмдирмоқ, Картошка кўмдирмоқ.*

**КҰМИК** Суякнинг говак қисми; говак суяк.

**КҰМИЛМОҚ** кўммоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ешилганида одат қилсанг, қаригунча кўникасан; қариганда одат қилсанг, кўникунча кўмиласан.* Мақол. — *Зайнаб ҳам талом ипакаларга кўмилиб ясанган.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. — *Шаталоқ отиб юреунча, уйда кўмилиб ўтирсаларинг бўлмайди-ми? — деди Фотима опа [болаларга]. Р. Файзий, Сен етим эмассан.*

**КҰМИР** 1 Куйиб қорайган, лекин хали кулга айланмаган ёғоч қолдиғи. *Писта кўмир махус кўрада ёғочни куйдириб тайёрланган кўмир. Очик танчага писта кўмир солиб .. икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *Ердан қазиб олиннадиган, асли ўсимлик қолдиғидан ҳосил бўлган қаттиқ ёқилғи; тошкўмир. Кўмир саноати. Кўмир кони.* — *Шахталарда нахтёр шиддаткор .. Кўмирларни қулатар яхлит.* Ё. Мирза. *Кўмир пули тар. эски мактабда мактаб биносини иситиш учун ўқувчилардан олиннадиган солик.*

**КҰМИРХОНА** Кўмир қўйиладиган, сақланадиган жой.

**КҰМИРЧАК** 1 *диал.* Пиширилган, қовурилган овқатнинг бир оз куйиб, қотиб пишган жойи; қирмоч.

2 *айн.* кемирчак.

**КҰМИРЧИ** Кўмир тайёрлаш ёки кўмир сотиш билан шуғулланувчи киши. *Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин, тўрт деворнинг ичиди севганинг бўлсин.* Ҳамза, Яллагчилар иши.

**КҰМИРЧИЛИК** Кўмирчи касби.

**КҰМИШ** 1 кўммоқ фл. иш оти. *Боғларда узум, олма, ноқлар йиғиштириб олинган, тоқлар кўмиши учун тайёрланмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *Дафн маросими.* У [Адолат] Зумраднинг йлимига сира-сира чидаёлмадди. Уни кўмиши учун тўпланган одамлар билан маҳалласи томонга кетар экан, кўз ёшини тиёлмас, секин-секин хўрсиниб борар эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**КҰМИШМОҚ** кўммоқ фл. бирг. н. *Улар анор кўмишди.*

**КҰМ-КҰҚ** кўк с. инт. Жуда кўк, кучли даражада кўк; тиниқ кўк. *Кўм-кўк майса. Кўм-кўк сув.* — *Тонг аллақачон ёришган. Осмон ҳар вақтдагидек, булутлардан холи, беғубор, тиниқ, кўм-кўк.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**КҰММА** 1 *диал.* Ханжувар. *Кўмма қилиб эмкоқ.* — [Ҳўза кўчатиши] болалар лой-пойи билан кўчириб, .. ва бўлтак ерга қатор кўммалар очиб ўтқаздилар. Н. Сафаров, Замон.

2 *Ерга кўмиб ўрнатилган. Кўмма устунлар.* — *Саҳнини янтоқ босган яланг ҳовлида иккита ёғоч қаравот, ўртага кўмма стол ясалган, унинг атрофига қўлбола табуреткалар қўйилган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 *Одатда кўмиладиган, кузда кўмиб совуқдан сақланадиган (мевали дарахтлар ҳақида). Кўмма анор. Кўмма ток. Кўмма қилмоқ.*

**КҰММОҚ** 1 Кавланган ерга (чуқурча, ўра ва ш. к.га) жойлаб, устини беркитмоқ. *Сабзини кўммоқ. Картошкани кўммоқ.* — *Шоллини кечаси отхондан олиб, бошқа ерга кўминг.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 *Тупроқ, шағал, қум, тош, кесак каби нарсалар билан қоплаб беркитмоқ, кўрүнмайдиган қилиб кўймоқ. Оёқни кўмга кўммоқ.* — *Пахомов картошкаларни ҳавас билан бир-бир ушлаб, ўтга кўма бошлади.* Ойбек, Кўёш қораймас. | *Совуқдан сақлаш учун устини тупроқ, хас-хашак каби билар билан беркитмоқ. Токни кўймоқ. Бу жойларда анжир билан анорни ҳам кузда кўмадиладар.*

3 *Ўликни гўрга кўймоқ; дафн этмоқ. Узининг ўсарлигини эзни деб гулдек қизимни бегона шаҳарга икки қўлаб кўмиб келдим.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 *Чуқур жойни тўлдирмоқ, ер билан текисламоқ. [Сидиқжон] .. тўлиб қолган қир ўрани кўмиб ташлаб, бошқа ўра қазиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Бултур пахта эккан бригада ернинг намини сақлаш учун зовурни кўмган экан.* Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

5 *кўма* Жуда ортиқ даражада таъмин этмоқ; тўкиб, ёғдириб ташламоқ. *Ишга кўмиб юбормоқ. Пулга кўмиб ташламоқ.* — *Ҳайитмат ақанинг назарида Ҳикмат домла ўз қавмларини ҳаш-паш дегунча олтинга кўмиб юборатгандек бўлиб кўринди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

◆ **Улганнынг устига кўмган қ. уст.** **КҰН** Ишланган, пиширилган тери; чарм. *Кўн заводи.* — *Бой ақамнинг дардлари деҳқончилик устида эмас, бошқа жойда, — деди эски бир этикнинг остига янги кўндан таг қўлиб тикаётган бир киши.* Айний, Қуллар. *Умурзоқ ака баланд қоматини эгиб, кўн этигининг учини аста-секин босиб болалар тепасига кирди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**КҰНАК** *диал.* Қимиз солиб кўйиш учун теридан ясалган идиш; қатта саноч. *Қимиз дори деган неча такконлар, Чайиб берсин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

**КҰНГИЛ** (3-ш. бирл. кўнгли) 1 *Кишининг ҳис-ғуйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил. Кўнглида яхши ниятлари кўп. Кўнглим қуёвонларга тўлди.* — *Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнглида тўла, аммо бу дамда бир парча чапатиға зорлик қандай мусибат.* Ойбек, Нур қидириб. [Зайнаб:] *Кўнглимда тарикдек ёмонлик бўлса, эртагача етмайин.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. *Нигоранинг кўнглини қандайдир ғамгин ҳис-ғуйғулар эгаллаб олди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Кўнгли бор** 1) хоҳиши, майли бор; мойил. *Шу ерда қолиб ишлашга кўнгли борлигини бирдан айтишга бўйни ёр бермай ўйланди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадри; 2) яхши кўрада, севади. *Ундай деса, Солиянинг пичингида ҳам жон бор. Ахир илгарлари «ака» демас эди-ку? Кўнгли бормикан-а?* С. Анорбоев, Шерали севиб қолди. **Кўнгли бузуқ** 1) фикри, нияти ёмон, ёмонлик қилишни ўйловчи; 2) ғамгин, руҳан эзилган, кўнгли яримта. *Кўнгли бузуқ бўлса, болам, шод айла, Йиқилганни, болам, сен босиб ўтма.* «Равшан». **Кўнгли жойига (ёки ўрнига) туши** хотиржам бўлди, тинчланди; таскин топди. *Ғуломжон .. ҳали қўйиниси терим бошламаганини кўриб, кўнгли анча жойига тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли йўқ** 1) майли, хоҳиши йўқ; мойил эмас, истамайди. *Аслида Шодмон отанинг бешикка кўнгли йўқ эди.* Ҳ. Назир, Кўрмана; 2) яхши кўрмайди, севамайди. **Кўнгли очик ёки очик кўнгли** 1) истагани, хафа ёки хурсандлигини яширмайдиган; тортинмай гаплаварадиган. *Унинг [Йўлчининг] кўнгли очик, содда йигит эканини билиб болалар бирин-бирин яқинлаша бошлайдилар.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) ҳар нарсага хафа бўлавермайдиган, гина сақламайдиган; беғараз. **Кўнгли оқ ёки оқ кўнгли** бирозга ёмонликни истамайдиган; беғараз, юраги тоза,

софдил. Оқ кўнгли одам. — Салим-бойваччадан қилча шубҳаланманг, — қатъий деди Тантйбойвачча, — унинг кўнгли оқ. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўнгли соф (ёки тоза), соф (ёки тоза) кўнгли ай. кўнгли оқ. [Гулнор:] Узимдан ортиқ сизга ишонаман. Сиз кўнгли тоза йигит, биламан. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўнгли тош ёки тош кўнгли раҳм-шафқати йўқ, бераҳм, шафқатсиз; бемурувват. [Фотима:] Золим, раҳмсиз, тош кўнгли! Айний, Қуллар. Кўнгли хира ай. таъби хира қ. хира. У смена охирида .. бироз енгил тортди-ю, лекин кўнгли ҳамон хира эди. А. Мухтор, Туғилиш. Кўнгли хуши ўзининг хурсандлиги, вақти чоғлиги учун хизмат қиладиган иш-ҳаракат ёки нарса; хурсандлик, вақти чоғлик воситаси. Қиз бўлса ҳам кўнгли хуши, Фарзанд керакдур йигитга. «Кўшиқлар». Кўнгли юмшоқ ёки юмшоқ кўнгли қ. юмшоқ 4. Кўнгли қаттиқ ёки қаттиқ кўнгли ай. кўнгли тош. Шу ёша келиб оталик меҳрини жуда кам кўрсатган қаттиқ кўнгли отанинг юраси бирдан эрит кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўнгли қора ай. ичи қора қ. ич 3. Қайси кўнгли қорадан чиқди бу гаплар? А. Муҳиддин, Кўнгилар. Кўнгли ғаш таъби хира, бирор нарсадан ташвишли, безовта, нотинч. Кўнгли ғаш, бояги қувончи, ширин, аммо таги йўқ хаёллардан асар ҳам қолмаган эди. О. Ёқубов, Муқаддас. Кўнгли бермоқ (ёки кўймоқ) меҳр-муҳаббат боғламоқ, севмоқ. Йиғит шу қизга кўнгли қўйди. — Кўнгли берганимни, яхши кўрганимни йўғанидан кейин яна ҳам аниқ билдим. Ҳеч кимдан уялмай бағримга босиб йўғладим, деди Ҳожии хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўнгли бузилди кайфияти бузилди; қаттиқ хафа бўлди, қайғуга чўмди. Дунор чалиб ўтирсам, йпи узилиб кетди, Ёр сени йўлаб турсам, Кўнглим бузилиб кетди. «Кўшиқлар». Кўнгли ёзмоқ (ёки очмоқ) ғам-ғуссани тарқатмоқ, унутмоқ, хурсандчилик қилмоқ, ўйин-кулги, сайр ва ш. к. билан дилгирликни тарқатмоқ. Бамаъни одам билан гаплашиб, кўнглини ёзмоқ. — [Шумилов:] Қўшиқ кишининг кўнглини оцади .. Лениннинг қўшиқни севishi ҳам шундан бўлса керак. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Кўнгли кўтарилди (ёки ўсди) рухланди, руҳи, кайфияти кўтарилди, руҳи енгил тортди; хурсанд бўлди. Сидиқжон .. иситмаси тушганиданми ёки кампирнинг меҳрибончилигиданми, кўнгли кўтарилиб, таъби очилганданми, жуда енгил тортди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кўнгли кўтармайди 1) хоҳламайди, ёқтирмайди, табиатига тўғри келмайди. Қариндошлар, қўшинлар — ҳеч ким ёқмас, ҳеч нарсани кўнгли кўтармас, ҳеч нарсани истамас эди. Ойбек, Нур қидириб; 2) ҳазм қилолмайди; еб-ичоломайди. Ёғли овқатни кўнглим кўтармай қўйди. Кўнгли сўрамоқ бошига бирор мусибат ёки ташвиш туш-

ган кишидан ҳол-аҳвол сўра, ҳамдард бўлмоқ, кўнгли кўтарувчи сўзлар айтмоқ. Ёдгорбойнинг .. нобуд бўлганидан булар беҳабар экан, тўғри келиб кампирдан кўнгли сўрабман. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Кўнгли тинчиди қ. тинчимоқ 1. Кўнгли чопмоқ 1) табиатига, дидига мос келмоқ, мувофиқ деб билмоқ, ёқтирмоқ. [Гулсумбиби:] Дурадгор йигитнинг онаси қатнай-қатнай тинка мадори қуриди. Айниқса йшанга кўнглим чопган эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бирор нарсанинг рўёбга чиқишига, амалга ошишига ишонмоқ. — Қайгурма, Офтоб, .. кўёвнинг бунчалик сулув бўлса, .. чимликда печак гулдек бўлиб эрига чирмаганини кўрармиз! — Оҳ, опажон, — деди умидсизча ойим, — менинг бунга кўнглим чопмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кўнгли чўкди руҳи тушиб кетди, умидсизликка берилди; ўксиди, афсусланди. Боланинг кўнгли чўкди. — Ҳаётнинг кўнгли чўкиб кетди, лекин .. умид ипини узгиси келмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўнгли юмшадди ачинаб раҳми келди; аччиғидан, қаҳридан тушди. Меҳри юрак-юрагидан эзлиб, дадасининг кўнглини юмшатиш йўларини қидирарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кўнгли оғриди хафа бўлди, ранжиди. Кўнгли совиди (ёки қолди, қайтди) аввалги яхши муносабати, майли йўқ бўлди, ихлоси қайтди, севмайдиган бўлиб қолди. Ўстидан кўнгли совиди. — [Абдушукрнинг] кейин мадраса илмларидан кўнгли совий бошладим, чунки имом бўлиш уни сира қизиқтирмади. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўнгли ўксиди хафа бўлди, маъюсланди. Қизнинг атрофга жовдираб турган кўзлари хомуш ерга боқди. Қиз кўнгли ўксиди. С. Аҳмад, Меҳрибон. Кўнглига келмоқ 1) ўзича ўйламоқ, хаёлидан ўтмоқ. Зўрликни кўнглига келтирманг. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Ўзинг биласан. Ахир шундай бўлади, деб кўнглимга келтирманманми?! П. Турсун, Ўқитувчи; 2) хафа бўлмоқ. Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эскача илм ... Кўнглингизга келмасин-у, извошае зшак қўшиб бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кўнглига қарамоқ раъйига, хоҳиш-истагига мувофиқ иш тутмоқ. Мана шунақа-да, боланинг кўнглига қарайверсангиз, ҳаддидан ошиб кетади. Ойдин, Ўзи монанд. Кўнглида кири йўқ 1) ай. кўнгли оқ; 2) ай. кўнгли очик. Юрагидан бори юзига тепиб турадиган бундай кишиларни кўнглида кири йўқ деб мақтайдилар. П. Қодиров, Уч илдиэ. Кўнглидан кечирмоқ (ёки ўтказмоқ) хаёлидан ўтказмоқ, ўйламоқ. «Энди бу ҳаёт нимага керак?» деган фикрни кўнглидан кечирганди. О. Ёқубов, Тилла узук. «Тегиримонга тушса, тирик чиқадиган одам» — дея кўнглидан ўтказардилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кўнглидан қарармоқ 1) буткул унутиб юбормоқ; ўйламай, эсламай қўймоқ. Аслида эса Холмурод севган

қизидан ҳали-вери жудо бўлишни ҳам, уни кўнглидан чиқариб юборишни ҳам истамади. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) илгари хафа қилган кишини уэр тарзида хурсанд қилмоқ, хафалигини, гина-кудуратни тарқатмоқ. Бола бечоранинг дилини оғритган эдим .. Улмасам бир яхши иш қилиб, кўнглидан чиқариб юбораман. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Кўнглини бузмоқ хафа, ғамгин қилмоқ, ғамга ботирмоқ. Бир ёш аёлнинг ғам ва ҳасрат билан тўйла «ёр-ёр» алоҳида эшитилар, одамнинг кўнглини бузар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Кўнглини кўтармоқ (ёки ўстирмоқ) руҳлантирмоқ; хурсанд қилмоқ. — Хафа бўлманг, Тўғша хола, кўнглига келган тўй, — деди Бозоров, унинг кўнглини кўтариши учун. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бу гап Жуманнинг кўнглини ўстириб юборди. А. Мухтор, Туғилиш. Кўнглини олмоқ 1) хурсанд қилмоқ. Мен биров билан ошначилик қилсам, ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа тиришаман. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бировнинг севгисини қозонмоқ, ўзига меҳр-муҳаббат уйғотмоқ, ром қилмоқ. [Сидиқжон:] Бунақа қўшмачилик сизлардан келади. Инъомжонга «Қизимнинг кўнглини ол, эридан чиқариб сенга бераман» деган кишидан келади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кўнглини оғритмоқ хафа қилмоқ, ранжитмоқ. Ука, мен уч-тўрт кундан кейин Фарғонага жўнайман. Лекин, сан чолнинг кўнглини заррача оғритма, дурустми. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўнглини эритмоқ дилини, қалбини эритмоқ, юмшатмоқ.

2 Фейл-атвор; характер, хулқ. Кўнгли бўш одам. — Жаҳлдан тушганингиздан кейин, яна юмшаб қоласиз, раис, кўнглингиз бўш. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. [Бурхон ота:] Қаригандан кейин шунақа кўнгли бўш бўлиб қолар экан кишининг. О. Ёқубов, Ота изидан. Кўнгли кенг 1) ҳар нарсага сиқилавермайдиган, ташвиш тортавермайдиган. У кўнгли кенг, вазмин бўлишни, анча-мунча нарсани ичига бемалол сиғдириб, ҳеч нарса қўрмагандек бўлиб юришни ҳавас қилади. П. Қодиров, Уч илдиэ; 2) олий ҳиммат, саховатли. Кўнгли тор 1) ҳар нарсага сиқилаверадиган, ташвишланаверадиган; сержаҳл; 2) хасис, зўқна.

◆ Бир кўнгли бир қур тахмин қилиб, ичиди гумонсираб. Бир кўнгли бу гапни қози топиб келгандир, деб ўйлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Борган еригача куйдириб борди. Бир кўнглим, «Заҳар бериб қўйдими?» деб қўрқдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўнгли тўқ ғам-ташвишдан холи, хотиржам. Элга қўшиланнинг кўнгли тўқ, элдан ажралганининг бети йўқ. Мақол. — Бектемирдан кўнглим тўқ, — деди Али тажанг, — калласи шилайди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ишончларингизни оқлайман, кўнглиларингиз тўқ бўлсин. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўнгли учун хурмат юза-

сидан; ҳеч бўлмаса, шунчаки, тил учида. *Шаҳидбек гўё кўнгил учун яна:— Кўп яхши экан!* — деб қўйди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Кўнгли ярим(та)** ғам-ташвиш билан рухан эзилган, дилшикаст. — *Кўй энди, озор берма, кўнгли яримта,* — деган эди, *Асрорқул қайта авез олди: — Кўнгли яримта бўлса, мияси ҳам яримтами?* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Кўнгли айнимок** беҳузур бўлмоқ, ўзини ёмон хис қилмоқ. **Кўнгли бўлмади** бирор ишни бажаришга ботина олмади, раъий бўлмади. *Халиғача қизлар билан мусобақалашиб кўрган эмас эдим, қандай бўлар экан, қизларни хафа қилиб қўйишга кўнгли бўлмайди.* Н. Сафаров, Саодатнинг кўссаси. **Кўнгли овламоқ** 1) ўзига мойил, ром қилишга интилмоқ. *Кўзингени сузиб овлоқда Пўлатжоннинг кўнглини овлаб юрган эмишсан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар; 2) бировни хурсанд қилишга, кайфни чоғ қилишга ҳаракат қилмоқ. **Кўнгли султ кетди** жуда ҳам ҳаваси келди, тотиб кўргиси, егиси ёки ичгиси келди. *Анора кўнглим султ кетди.* **Кўнгли тўлди** мамнун бўлди; қаноат ҳосил қилди, тинчиди. *Муҳиддин ака .. алланимадан хурсанд бўлиб, кўнгли тўлиб чиқиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Кўнгли узмоқ** бахридан ўтмоқ, кечмоқ, ажралмоқ, ташлаб кетмоқ. *Бир ёғи булар, қолаверса волидамизнинг қабрларидан кўнгли узолмай, капсанчиларда қолиб кетдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Урганган кўнгли ўртанса** кўймас киши бирор нарсага ўрганиб, одатланиб қолса, гарчи у зиён бўлса ҳам, уни тарк этолмайди, маъносидан ишлатиладиган матал (асосан ярамас одатлар ҳақида). **Кўнглига оғир олмоқ** с. т. арзимаган нарсага хафа бўлмоқ; ўзига таққир деб тушунмоқ. *Кўйингичи .. ўзингиз ҳар бир нарсани кўнглингизга ола берар экансиз.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Қалмоқларнинг кўзича сен мендан зўр бўлсин, қандай сўбсат қилиб гапирсанг ҳам мен кўнглимга оғир олмайман.** «Алпомиш». **Кўнглига тегмоқ** (ёки урмоқ) айн. чаккага тегмоқ қ. чакка 1. *Булар ҳаммаси ҳам кўнглига урди шекилли, гулзорлар бўйлаб, боғни айлана бошлади.* Ойдин, Фонарь тағида. **Кўнглига тугмоқ** қ. тугмоқ. **Кўнглига қўл солиб кўрмоқ** қ. қўл. **Кўнглига қўл (ҳам) сиғмайди** айн. юрагига қил (ҳам) сиғмайди қ. юрак. **Кўнглини топмоқ** истак-хошишга мос тушадиган иш ёки ҳаракат билан ўзига мойил қилмоқ, ўзидан хурсанд қилмоқ. *Қаттароғини ака де — қўлтиғига кир, кичикроғини ука де — қўлтиққа ол, кўнглини топ.* П. Турсун, Уқитувчи.

**Кўнгилли** 1) Кўнгилга ёқадиган, хуш келадиган; ёқимли. *Кўнгилли манзара.* — *Бу ерда мева-чева кўп, дарахтма-дарахт тирмашиб ёввойи узум ейишдан ҳам кўнгилли нарса борми?* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? У [Нур] .. *Марьямхонни ўзига яқинроқ*

*тутди. Чунки бу очиқ кўнгилли, самимий хотин эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2) Кишиларнинг ўз истаги, хошиши билан қўнгилян, тузилган. *Кўнгилли армия. Кўнгилли аскарлар.* || *Бўғтабой партизан отрядига кўнгилли бўлиб ёзиди.* С. Аҳмад, Ҳукм. | *от вазифасида қўл. ф-да кўнгиллилар бирор ишга ёки гуруҳга ўзи истаб, ўз хошиши билан кирган ёки уюшган кишилар.*

**Кўнгилисиз** 1) Кўнгилга хуш келмайдиган; ёқимсиз, хунук. *Кўнгилисиз воқеа.* — *Чекинши, албатта, жуда кўнгилисиз ҳол. Лекин уришда бўладиган гап боп.* Ойбек, Қўш қораймас.

2) Севги-мухаббати йўқ, севмайдиган. [Мастура Гулжонга:] *Ҳаммаси зўрлик билан эрга тегиб, кўнгилисиз бўлганлар, яхши кўргани билан ўйнаганлар.* Ҳамза, Яллагилар иши.

**Кўнгилисизлик** кўнгилисиз с. белги оти. *Шундай кўнгилисизликка сабаб бўлгани учун Саидий кўп хижолат тортар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Саидий, унинг Мухторхонга кўнгилисизлигини ўзи ҳам билди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**Кўнгилчан** 1) Раҳмли, раҳмдил. [Гулнор] .. *Йўлчининг онасини меҳрибон, кўнгилчан, гоят самимий бир қайнона каби тасаввур қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2) Каттиқ талаб қила олмайдиган; бўш. [Мазкур] *ўртоқ жуда кўнгилчан одам, бу масъул постга эса қаттиқ қўл киши керак.* М. Бақоев, Ибрат.

**Кўнгилчанлик** кўнгилчан с. белги оти. [Ботир:] *Мана кўнгилчанлик кишини қаерга олиб боради! Қани партия мажлисига, кечикмайлик.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**Кўндаланг** Узунасига қараб эмас, балки энига қараб жойлашган, эни бўйлаб кетган. *Кўндаланг тўсин.* **Кўндаланг кесим.** || *Қоғозни кўндаланг кесмоқ.* *Туғини қийин бўлади — бола кўндаланг келди.* — *Вагон ўртасида кўндаланг қўйилган тахтада тўрт киши домино ўйнамоқда.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

◆ **Масалани кўндаланг қилиб қўймоқ** бирор иш-мақсадни ошқора, дангал ўртага ташламоқ. [Бировнинг] *йўлига кўндаланг тушмоқ* (ёки турмоқ) бирор иш қилишига йўл қўймаслик, қаршилик кўрсатмоқ. *Дангал айтишим керак, ўртоқлар, машинага ўжай кўз билан қаровчилар йўлимизга кўндаланг тушиб олдилар.* А. Шермухамедов, Пискентлик пахлавон.

**Кўндаалангига** рвиш Нарсаннинг энига, эни бўйлаб. *Тахтани кўндалангига арраламоқ.* *Ғўза қатор ораларини кўндалангига культивация қилмоқ.*

**Кўндирмоқ** 1) кўнмоқ 1 фл. орт. н. *Мен сизга айтиб эдим-а,— деди [кўрбоши] — ҳожини ҳар нарсага кўндирсангиз ҳам, бу гапга кўндиролмасиз, деб.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**Кўндирмоқ** II эск. кт. Юбормоқ, йўлламоқ. *Ва лекин ул тождор кўндирмоқ махфий номалар кўндириб ..*

*амри олиларни дариг тутмагайлар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**КўНИКМА** Бирор ишда ортирилган маҳорат, малака. *Меҳнат кўникмалари.* *Кўникма ҳосил қилмоқ.*

**КўНИКМОҚ** 1) Кўниб, ўрганиб қолмоқ. *Шароитга кўникмоқ.* — *Қизим тўрт-беш кун йиғлаб-сиқлаб кўникибам [кўникиб ҳам] қолади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. | *Қаноат қилмоқ, кўнмоқ.* **Бориға кўникмоқ.**

2) Тан бермоқ, рози бўлиб қолмоқ. *Эрининг раъйига қарши боришдан фойда йўқлигини билди ҳам кўникди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КўНИКТИРМОҚ** кўнмоқ фл. орт. н.

**КўНИШМОҚ** кўнмоқ фл. бирг. н.

**КўНИШМОҚ** 1) Бирор иш, илтимос, талаб ва ш. к.га рози бўлмоқ; хўп демоқ, унамоқ. *Маслаҳатга кўнмоқ.* *Гапга кўнмоқ.* — *Уни ташлаб бир туя кўн кетишига туячилар кўнмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2) Қаноат қилмоқ, кўникмоқ. *Ўзага кўнмоқ.* **Бориға кўнмоқ.** *Қийинчиликларга кўнмоқ.*

**КўНЧИ** Терини пишириш, пардозлаш, чарм тайёрлаш иши билан шуғулланувчи мутахассис, тери пиширувчи. *Ошпазнинг ўчоғида, кўнчининг ёнида, нонвойининг томида .. сиғиниш жонимга теккан эди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**КўНЧИЛИК** 1) кўнчи с. касб оти. *Кўнчилик қилмоқ.*

2) тар. тери пишириш корхонаси. *Мирза ҳам ҳали Тавҳидий ўқиган «Хикоятнинг ёзилми тарихини сўзлаб берди.* Маълум бўлишича, у [Мирза Баҳром] яқинда, бойвачча билан унга қарашли кўнчиликка борган экан. А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**КўП** 1) Сон ёки миқдор жиҳатидан катта, бир қанча. *Кўп китоб.* *Кўп одам.* *Кўп йиллик ўсимлик.* *Кўп бир бўлса, бир йўқ бўлади.* Мақол. *Кўпдан кўён қочиб қутулмас.* Мақол. — *Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда, Кўп эртак эшитгандим, Сўзлаб берарди бувим.* Ҳ. Олимжон. *Кичкина чуғурчуқлар шунча кўп кўндиларки, дарахтларнинг шохлари қишда қалин қор босгандаги сингари ерга салом бериб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Зокир ота кўп йиллик тажрибасини пеш қилиб, Болтабойга ботадиган пичинлар қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *кесим вазифасида.* *Ариқда сув кўп.* *Гап кўп — кўмир оз.* Мақол. — *Чойхонада одам кўп эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2) рвиш Узоқ вақт давомида, узоқ. *Кўп кутмоқ.* — .. *Ўзинг биласан, болам.* *Кўп ўтирма.* Ойбек, Қутлуғ қон. У [Отабек] *Марғилонда кўп тўхтамас, бир кун, узоққа тортилмас икки-уч кун туриб қайтар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

3) рвиш Орадан узоқ вақт ўтмасдан, тез-тез, дам-бадам. *Мен уни кўп кўраман.* *Улар бизниқига кўп келишди.*

4 Ортиқ даражада, ортиқ; жуда, ғоятда. *Боеқши кўп яхши одам эди, инсофли, ҳамиятли эди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Көзи бойга:] Минабоси додхо сизга қилган беадаблигимдан кўп пушаймон. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

◆ **Худо кўп кўрди с. т.** бирор одам ёки нарсадан айрилганда нишлатиладиган ибора. [Иқбол:] *Биргина кўнели чирғоғим сиз эдингиз. Худойим сизни ҳам манга кўп кўрса ... Н. Сафаров, Уйғониш. Кўпи билан ёки кўп деганда кўп бўлса, энг узоғи билан. Кўп деганга .. кўпи билан ўч-тўрт кечада саранжомлаб ташлайман. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Кўпга келган тўй қ. тўй. Кўпни кўрган кўп воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирган, кўп турмуш тажрибасига эга. Сиз кўпни кўргансиз. Сизни эшитсак, ақлимизга ақл қўшилади, отахон, сўзлайверинг. С. Анорбоев, Оксой.*

**КЎПАЙИШ 1 кўпаймоқ** фл. иш оти. 2 биол. Ўзидан кўп насл қолдириш; урчиш. *Жинсий кўпайиш. Жинсиз кўпайиш. Куртакланиш йўли билан кўпайиш. Бўлиниш йўли билан кўпайиш. Кўпайиш органлари.*

**КЎПАЙМОҚ 1** Сон ёки миқдор жиҳатдан ортмоқ; ошмоқ. *Чорва молларининг сони кўпайди. — Келди-кетди, меҳмонлар, томошабилар кўпайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 биол. Ўзидан кўп насл қолдирмоқ; урчимоқ.

**КЎПАЙТИРМОҚ 1 кўпайтириш** фл. орт. н. Мевали дарахтларни янада кўпайтирамиз. — *Мудир гапни кўпайтириб, харидорнинг қонили қайнатмаслик учун оқсоқланиб чиқари кириб кетди. И. Раҳим, Ихлос.*

2 мат. Бирор сонни бошқа бир сон ифодалаган миқдор ҳиссадада орттирмоқ, зарб қилмоқ. *Учни иккига кўпайтирмоқ.*

**КЎПАЙТИРУВЧИ мат.** Кўпайтириш амалида бошқа сонни кўпайтирадиган сон.

**КЎПАЙТМА мат.** Кўпайтириш амалида икки сонни кўпайтиришдан чиққан натижа.

**КЎПАС** [р купец] с. т. ёск. Савдогар, бой. *Ҳамма ер Болта кўпасининг меросхўри Тешабойники. М. Исмоний, Фарғона т. о.*

**КЎПАЮВЧИ мат.** Кўпайтириш амалида бошқа сонга кўпайтирила-диган сон.

**КЎПБУРЧАК мат.** Снинг чивиклар билан ўралган, тўртдан ортиқ бурчакли геометрик шакл.

**КЎПДАН-КЎП** рвш Жуда кўп, беҳад. *Кўпдан-кўп салом. — Баракалла, ўғлим, баракалла. — деди Ҳожичурсига эҳтиёт билан ўтираётиб, — Умингиз узоқ бўлсин. Кўпдан-кўп хурсанд бўлдим. А. Қаҳҳор, Ёиллар.*

**КЎПИК 1** Маълум сабабларга кўра суюқликларда ҳосил бўладиган майда пуфакчалардан иборат масса. *Сув кўпиги. Ливо кўпиги. — [Сой] ўз йўлида учраган ҳайбатли тошларга зарб би-*

*лан урилиб, чақмоқ чаққандай, қирғоққа ҳалқа-ҳалқа кўпик сочмоқда. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Элмуроднинг: «Шояд Йўлдош билан бир қисмега тушсам, дардлашиб юрар эдик», — деган умиди ҳам совуқ кўпигидай тез ўчди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Одам ёки ҳайвоннинг майда-майда пуфакчали сўлағи. *Комиссар оғзидан кўпик келиб, пол устида чўзилиб ётарди. М. Мухамедов, Кичик гарнизон. [Хўжиз] ўрнидан кўзгала олмай, оғзидан оқ кўпик оқизиб, кўзлари олаиб, бўқириб ётибди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**КЎПИКЛАМОҚ 1** Кўпик ҳосил қилмоқ, кўпирмоқ. *Шўрва кўпиклади.*

2 Терлаб кўпик чиқармоқ, кўпик билан қопланмоқ. *Улар кўпиклаб кетган отларини йўнатиб, воқал рўпарасидеги яланг жойга етганларида, Мирохўр от бошини тортди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**КЎПИКЛАНМОҚ** кам қўлл. айн. кўпикламоқ.

**КЎПИКЛАТМОҚ** кўпикламоқ фл. орт. н. *Ҳамма қувноқ. Татьяна кўпиклашиб шампанское қуймоқда. И. Раҳим, Ихлос.*

**КЎПИНЧА** рвш 1 Кўп ҳолларда, кўп вақт. *[Йўлчи] кўпинча икки марта қаттар, оқшом вақтида, баъзан ундан кечроқ далага қайтар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. У [Элмурод] оёга кўпинча Давлатёр билан борарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Кўп ўтмай, тез-тез. *Ёдингизда борли, кўпинча чаққайган кўзли бир йигит ишхонамизга уни сўраб борар эди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**КЎПИРМОҚ 1** айн. кўпикламоқ. *Ўқтам эса кўпирган, ўкирган сувда бўйнигача ботиб, ҳансираб ишлар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. От чопасериб кўпириб кетган эди. Ғ. Ғуллом, Шум бола.*

2 *кўчма салб.* Ўта мақтанмоқ, мақтанчоқлик қилмоқ. *[Тожибой] баъзан «Мадмингов ўттиз йил амалик қилган бўлса, мен элик ил советга расислик қиламан» дея кўпириб қўярди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**КЎПИРТИРМОҚ 1** кўпирмоқ 1 фл. орт. н. *Сувни кўпиртирмоқ.*

2 *кўчма* Бўрттириб, ошириб гапирмоқ, муболага қилмоқ. *Аслида бўлиб ўтган воқеа аҳамиятсиз бир гап эди. Бироқ уни ишириб, кўпиртириб юбориш мумкин. С. Аҳмад, Ҳукм. Оғиз кўпиртирмоқ 1) бўрттириб, муболага қилиб гапирмоқ. Унинг хушмуомалалиги, диалкачилиги тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирди. П. Турсун, Муаллимнинг тонги; 2) мақтанчоқлик қилмоқ, мақтанмоқ. Механизация тарафдори бўлиб, мажлисларда оғиз кўпиртирадиган акаларни мenden кўра, яхшироқ биласизлар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.*

**КЎПКАРИ** диал. айн. улоқ III 1. **КЎПЛАБ** рвш Кўп миқдорда. *Бу*

*ҳақда редакция кўплаб хат олди. — Мақсад давлатга кўплаб оқ олтин пахта бериш эканини [деҳқонларга] уқтиричелар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**КЎПЛАШМОҚ** Кўпчилик бўлмоқ; кўпчилик бўлиб, биргалашиб ҳаракат қилмоқ. *Кўплашиб ишламоқ. Юк машинасини кўплашиб ариқдан чиқариб олди. Кўплашган ёни қайтарар. Мақол. — Чивин кўплашса, фильни йиқитади, деган гап бор, — деди Эргаш салмоқлаб. — Чумоли бирлашса, чиннинг нустини титади. И. Раҳим, Чин мухаббат.*

**КЎПЛИК 1** кўп 1 с. белеи оти. *Ишнинг кўплиги. — Кўпларига тиреувчулар қўйилган бўлса ҳам, меванинг кўплигидан шохлари синиб ерга тегиб ётади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 лингв. Предметнинг бирдан ортиқлигини кўрсатувчи форма. *Кўплик сон. Кўплик қўшимчаси.*

**КЎПМОҚ** диал. Ошмоқ, кўпчи-моқ. *Хамир кўпик қолипти.*

**КЎППАК** Итларнинг кўриқловчи хашаки бир зоти. *Ўтовда каттакон бир олакўз кўппак ялоқдан бошини кўтармай, тилини чалпиллатиб атала ичяпти. «Шарқ юлдузи», 1958, № 4.] сўк. Ит, итвачча. — Ҳа, ноинсоф, ҳа кўппак! — Қоратой бойни сўка бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**КЎПРИК** У қирғоқдан бу қирғоққа ўтиш учун сув, чуқурлик ва ш. к. устига қурилган йўл, иншоот. *Ғишт кўприк. — Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб [полвон] қайиқчини чақирибди. И. Раҳим, Чин мухаббат.*

◆ **Кил кўприк** диний ақидага кўра у дунёда жаннатга ўтиладиган ягона йўл, қилдек ингичка кўприк; нули сирот. *Тожибой оқсоқол унинг узилиб қолган гапини эсига солди: — Ҳўш, тақсир, ана энди, борингки, оқ кўчқорга миниб эсон-омон қил кўприқдан ҳам ўтиб олди. Ҳўш, ундан у ёғи жаннатми? П. Турсун, Ўқитувчи.*

**КЎПТИРМА** диал. Оширма. *Кўп-тирма нон. — Агар иш кўп-тирма нон-дай ерлар чоракорнинг ўзиники бўлса-чи? А. Қаҳҳор, Сароб.*

**КЎПТИРМОҚ** диал. айн. оширмоқ II. *Ойим сахарда туриб, Талай хамир кўп-тирган. Оқ олтин — пахталарни Нормасидан кўп терган. «Кўшиқлар».*

**КЎПЧИЛИК 1** Маълум сон ёки миқдордаги киши ёки нарсаларнинг катта қисми, кўп қисми, аксари; аксарият. *Ўқувчиларнинг кўпчилиги. Кўпчилик овоз билан сайланмоқ. — Йўлчи дўпни бозоридан аравани араме олиб ўтди: бу ерда зўр тикчилни, кўпчилиги хотинлар. Ойбек, Қутлуғ қон. Одатда кўпчилик қиларнинг хусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Кўп одам, халойиқ; омма. *Озчилик кўпчиликка бўйсунди. Кўпчилик ўртасида. Кўпчилик бир муштдан урса — ўлдирди, бир бурдадан берса — тўйдирди. Мақол.*

**КЎПЧИМОҚ I** Шишмоқ, бўртмоқ, шишиб кўтарилмоқ (юз, қовоқ ва ш. к. ҳақида). *Кўришаётганда кўзлари ҳам қизариб қолганини, қовоғи одатдагидан кўпчиброқ турганини кўрди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. *Башорат етиб келди. .. юм-юмалоқ юзи терлаб, қизариб, кўпиб кетган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**2** Етилиб, шишиб кўтарилмоқ; етилмоқ; ғов-ғов бўлиб турмоқ. *Ағдариб, ҳайдалган туپроқ худди кўпчангача хамирдай кўтарилиб турибди.* Ҳ. Шамшаров, Орзигул Тўрабоева.

**КЎПЧИТМОҚ** кўпчимоқ *фл. орт. н.* Уғит ернинг хамиртуруши, уни кўпчи-чтади, семиртиради.

**КЎР** [ф-т] I Кўриш қобилияти йўқ; сўқир. *Кўр одам.* || *Кўрлар мактаби.* *Кўр ҳассасини бир йўқотади.* Мақол. *Кўр кўрни қоронғида танийди.* Мақол. — *Бектемир қоронғида кўр сингари тусмол билан юриб, дарахтга бошини қаттиқ уриб олди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**2** *кўйма* Нарса, воқеа, ходиса ва ш. к.нинг моҳиятига тушуна олмай-диган; онги етилмаган, онгсиз, билимсиз. *Сийёсий кўр.* — *Кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирардимми?.. қизим, кечир, бу адашган кўр дадангни кечир!* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Кўр ойдин қ. ойдин.**

**КЎРА I I** *кўрмоқ фл. ривиди.* Мени *кўра солиб ўрнидан турди.* — *Ўз роҳатимни кўзлаб сизнинг ошингизни кутиб қолсам, беш кишини кўра-била туриб, оч кўйган бўлман,— деди Отабек.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**2** *кўм.* (ж. к. билан) Мувофиқ, би-ноан. *Комиссия чиқарган хулосага кўра.* — *Аҳмаджон .. Петька Уковнинг илтимосига кўра, у билан бирликда «Галъа тўғрисида қўшиқни айтиб берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**3** *кўм.* (ч. к. билан) Нисбатан, қараганда. *Сиз бундан мендан кўра яхшироқ биласиз.* *Ундан кўра бу яхшироқ.* — *Раис бошқалардан кўра Бақақуруллоқдаги водокачкини тиклаш мувофиқроқ ва қулайроқ эканини тушунишига кўп овра бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КЎРА II I** Тунука-темирдан тарнов шаклида ясалган кабоб пиширладиган асбоб.

**2** Писта кўмир тайёрланадиган чуқур.

**3** Гул қўйиладиган зийнатли чинни идиш; ваза. [Зумрад] *деворларнинг нақшини томоша қилди, кўралар ва ипақ гиламларни бир-бир кўздан кечириб, ажабланди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**4** *диал.* Тунукадан ишланган оғзи каттароқ жўмраксиз обдаста. *Бола кучи етса челақ судраб, етмасга кўра кўтариб сахнга сув сепар эди.* М. Исмомлий, Фарғона т. о.

**КЎРАК** Ҳали етилмаган пайтида совуқ урган, очилмай қолган кўсақ. *Кўрак чувиш машинаси.* — *Далада*

*пахта тугади, энди кўрак узилаяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КЎРГАЗМА I** Кўриш, томоша қилиш учун қўйилган нарсалар ва шу нарсалар қўйилган жой; выставка. *Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси.* *Кўргазма экспонатлари.*

**2** *айн.* кўрсатма.

**КЎРГАЗМАЛИ** Ургатишда, тушуни-тиришда намуна тарзида кўрсатиш учун хизмат қиладиган. *Кўргазмали кўраллар.* | Урганиладиган нарса, унинг модели ва ш. к.ни кўрсатишга асосланган. *Кўргазмали дарс.*

**КЎРГАЗМОҚ** *айн.* кўрсатмоқ.

**КЎРГИЛИК I** Эрқ-ихтиёрдан ташқари ҳолда киши ҳаётида юз берган кўнгилсиз воқеа, ходиса; ҳолат.— *Тирик каланинг бу дунёда кўрадигани кўп экан, ўртоқ Дўсматов, бу ҳам кўргилик-да!* — *деб оҳ чекиб, кўйиниб кўйди Мели полон.* П. Турсун, Уқитувчи. *Революциядан илгари, айниқса хотинларнинг кўргилиги қаттиқ, кўрлари ёшигидан ҳазон бўлар эди.* М. Алавия, Севинчларим.

**2** *дин.* Пешанга ёзилган нарса; тақдир, қисмат. *Дўсмаст унга қишлоқдаги аҳвол ҳақида ҳасрат қилди .. ва ҳар сафаригидай: — Ҳай, худо ёзан кўргилик шу экан-да!* — *деб ҳасратини тугатди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**КЎРИК I** Ижтимоий текшириш, синов. *Механизаторлар барча машиналарни техника кўригидан ўтказдилар.* — *Баҳодир мактабга етиб келди.* *Клубда ёш ҳаваскорлар кўриги энди бошланган эди.* М. Жалолиддинова, Кейнроқ.

**2** Ҳаммага кўрсатиш, намоён қилиш; намоёнш. *Бу китоблар кўрикка қўйилганми?*

**КЎРИЛМОҚ** *кўрмоқ 2—8, 10, 13, 14. фл. мажх. н.* Бу масала келаси мажлисда кўрилади. *Хат чироққа солиб кўрилди.* *Муолажадан яхши фойда кўрилди.* *Бемор профессор томонидан уч марта кўрилди.*

**КЎРИЛМИ** *айн.* кўркам. *Кўримли бино.* *Кўримли манзара.*

**КЎРИМСИЗ** Кўриниш ёқимли эмас; савлати, кўрки йўқ; хунук. *Кўримсиз киши.* — *Тишдан қараганда эски, кўримсиз, лекин катта, сермол дўконда Мирзакаримбой билан Салимбойвачча турар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎРИНАРЛИ** Кўриш мумкин бўладиган, кўринадиган, кўриниб турадиган. *Эълонки кўринарли ерга осиб керак.* *Кўзга кўринарли маълум аҳамиятга эга; мақташга арзийдиган, арзири.* *Кўзга кўринарли ишимиз ҳам бор.* *Унга ярашур қадр-қийматимиз ҳам бор.* Ойдин, Ширинга мактуб.

**КЎРИНИШ I** кўринмоқ с. иш оти. *Маҳкам ҳозир унинг яна нимадир демоқчи эканини сезди, лекин унга кўринишини ҳам, гапиришини ҳам истамгани учун бош ираб шиқдан чиқди.*

**2** Ташқи қиёфа, қиёфа. *Қиз, кўри-*

*нишдан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-сўзларидан анчагина саводли эканини кўришиб турар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Книшининг ўзини тутиши; юриш-туриш. Кундошининг кўриниши боёва ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**3** Кўзга кўриниб турган нарса, манзара. *Отабек табиатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб бир оз ётгандан кейин, .. узоқ тин олиб қўйди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**4** *театр.* Драматик асарда парданинг махсус декорация талаб этувчи бир қисми. *Иккинчи парданинг бешинчи кўриниши.*

**КЎРИНМОҚ I** *кўрмоқ 1, 2, 10 фл. ўзг. н.* *Шаҳар узоқдан кўриниб турибди.* *Шу кунларда неча кам кўринасиз?* — *Бояги совчилар бу фавқуллодда муомалани кўриган бирозга дoston қилиб ўқийдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Бу Қанизақнинг унга қиладиган ҳар бир муомаласидан очик-ойдин кўришиб турса ҳам, .. бунга ҳеч ким аҳамият бермас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**2** Кўз олдида намоён бўлмоқ, пайдо бўлмоқ. *Остонада Қора Аҳмад кўринди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Кўзга кўринмоқ 1)* тасаввурда гавдаланмоқ, ҳаёлда кўринмоқ. *Шу савол бошига келганда кўзига тўсатдан Қанизақ кўришиб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор; *2)* *кўйма* эл-юртга танилмоқ; шуҳрат қозонмоқ. *Кўзга кўриган олим.* — *Менинг ҳам болам одам бўлди, кўзга кўринди.* «Ёдгор». *Бу қасаба союзларига ўзбек меҳнаткашларининг кўзга кўриган намоёндалари бошчилик қилдилар.* С. Қосимхўжаев, Рус ишчилари.

**3** Тасаввур қилинмоқ, туюлмоқ; ўхшаб кетмоқ. *Она Норматнинг бўйига тикилиб қаради.* *Кечагина мактабга қатнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йигит бўлиб кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аваллари бу иш [самоварчилик] ҳаммага бирам ёриш кўринди, бирам галати туюлдики, болам бечора Абдор номусларга ўлди.* А. Қаҳҳор, Асрор бабо.

◆ **Кўзга ҳеч нарса кўринмайди** асабийлашиш, ғазабланиш ва ш.к. натижасида ҳеч нарсага эътибор қилмайди; ҳамма нарсадан кечди. *Раҳимбердининг асаблари ўт бўлиб энди, кўзларига ҳеч нарса кўринмади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**КЎРИШИШМОҚ** *кўришмоқ 2 фл. бирг. н.* *Икки дўст [Йўлчи билан темирчи] полвонлардек қучоқлашиб, салмоқли кўришишди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Божамиз сиз билан кўришишини орзу қилган эдилар-у фурсатлари бўлмади.* *Қўлдан-қўл салон айтдилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**КЎРИШМОҚ I** *кўрмоқ 1—11, 13, 14 фл. бирг. н.* *Сиз билан анчадан бери кўришганимиз йўқ.* *Болалар кино кўришди.*



2 Салом-алик қилишмоқ, саломлашмоқ, Исроил, Эминлар ҳам у билан бошқатдан чучоқлашиб кўришдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**КЎРК** Хусн, чирой, гўзаллик. Тоғларнинг беткай томонларида, энди гуллаган жийдилар боғларнинг кўригига кўрк қўшарди. О. Ёқубов, Ота изидан.

**КЎРКАМ** Кўриниши ёқимли, чиройли, гўзал. Кўркам йиғит. Қадди-қомати кўркам. Тошкент — республикамизнинг обод ва кўркам шаҳарларидан бири.

**КЎРКАМЛАШМОҚ** Ёқимли, чиройли тусга кирмоқ; гўзаллашмоқ. Кеч кирди, электр чироқлари ёнди. Колхоз қишлоғи кундүзидан ҳам кўркамлашиб, кўча колхозчи ёшлар билан гавжум бўлди. Н. Фозилов, Ҳаёт ўргатди.

**КЎРКАМЛАШТИРМОҚ** кўркамлашмоқ *фл. орт. н.* Шаҳримизни янада кўркамлаштирамиз.

**КЎРКЛИ** кам қўлл. айн. кўркам. Тошкент Осийнинг кўркли ўрнида, Мақталса арзийди, оз эмас, анча. *Ф. Ғулум.*

**КЎРҚИСИЗ** Кўриниши ёқимсиз, чиройли эмас; хунук. Хотин Офтоб оимнинг бу гапидан ҳайрон бўлди ва ўйлаб сўради: — Нима бало, кувингиз кўрқисизми? А. Қодирий, Утган кунлар.

**КЎР-КЎРОНА** *рви* Мулоҳаза юритмасдан, яхши ўйлаб кўрмасдан. — Бу гаплар бошқа бировни эслаб туриб, менга айтилган экан. Мен уни кўр-кўрона, қабул қилибман, — деди Маҳбуба Маҳмудга. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. У устозларидан кўр-кўрона тағлими олиб, ўзига тегадиган гапни сира ҳам ўйлаб қарамаган. А. Қодирий, Обид кетмон.

**КЎРЛАРЧА** айн. кўр-кўрона. Ҳар номаъмурчиликка кўрларча отиладиган баъзи йиғитлар муштларга тутуриб бир-бирларига кўз олайтираркан, кексалар пайқаб қолиши-да, оталарча койиш билан босди-босди қилиб қўйишди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎРЛИК** кўр с. белги оти. Сиёсий кўрлик. — Лекин [Йўлчи] ўз саваодсизлигидан энди жуда чуқур ўқсинди. «Мана, бу ўрис китоб билан дардлашиб ётибди, лаби қимирламаса ҳам гаплаша ётибди... Эҳ, кўрлик қурсин!» Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎРМАНА** Келини ёки янги туғилган болани кўришда бериладиган совға. Кўрманна бермоқ. — Тойчоғимнинг кўрманасини чиқар, دادаси, — деди [Узбек оим]. А. Қодирий, Утган кунлар.

**КЎРМОҚ** 1 Кўриш, қобилиятига эга бўлмоқ, киши ва нарсаларнинг, борлиқнинг кўриниши қандайлигини фарқлай билмоқ. Бемор ҳамма нарсани аниқ кўрадиган бўлиб қолди. Шофёр туманда йўлни яхши кўролмади. — Жувон .. чиммати остидан чиқиб кетган калтакесакни кўриб, дод деб юборди. А. Қаҳҳор, Мاستон. | Кўз вссита-сида аниқ фарқламоқ, сезмоқ, билмоқ.

Лекин раиш қитиқлаган кезларда чегранга ўзгаради. Мен бунга ўз кўзим билан кўргандман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Танишиш, билиш, аниқлаш ва ш.к. мақсадда кўздан, назардан кечирмоқ; назар солиб текширмоқ; қарамоқ. Врач касални кўрди. Китобни кўрмоқ. — Маллавоё ака .. чоригини чироққа солиб кўрди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Уйда яхши найим бор, — гапирди Рафиқ. — Ростми? — Олиб чиқ, кўраман [деди Йўлчи]. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Бирор тўхтамага келиш, чора белгилаш учун муҳокама қилмоқ. Бировнинг аризасини кўрмоқ. Бу масалани мажлисда кўриниш.

4 Дуч келтирмоқ, учратмоқ. Сал кеч қолганинда кўролмай, армонда кетардим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Вой, ҳароми ноинсоф! Мен бундай мўлтлонини сира кўрганам йўқ эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Ҳол-аҳвол сўраб йўқламоқ. Беморни кўрмоқ. — [Унсин:] Гулдор опани унутмайман сира, уни кўргани тез-тез келиб тураман. Ойбек, Қутлуғ қон. [Қурбон ота:] МТСга келганида [Урмонжон] мени кўрмасдан кетмайтиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

6 Бошдан кечирмоқ; тажрибадан ўтказмоқ. У кўп қийинчиликларни кўрган киши. — Ҳар қанча дарбадарлик бўлса мен кўрганман, ўғлимга қолгани йўқ, — деди Сидиқжон. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ингитликда бизнинг бошимиздан ўтган саргузашиш шундоқ бўлган, ўғилларим. Бизнинг кўрганларимиз қурсин. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Бирор кимса ёки нарсага эга бўлмоқ, эришмоқ, етишмоқ. Давлат кўрмоқ. — Яқин тўрт ойна умр қилдик. Умримда хотин кўрганам ҳам шу. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кампир .. эшикка қаради. — Вой оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган кўним ҳам бормикин! А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мен-ку йишда беш газ чит кўрмайман, келишингизда шу бечорага бир нарса олиб келсангиз-чи сиз ҳам одам бўлиб! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. | Баҳраманд бўлмоқ, нималигини билмоқ. Бу чўл неча йиллардан бери сув кўргани йўқ. — Отлар бўлса, колхоз отхонасига киргандан бери, қашлағич кўргани йўқ, таги қамдан-кам тозаланади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Боши бўлинг, сув чиқарайлик, экин қилайлик, оз бўлсаям оғзимиз ош кўрсин. М. Исмоилий, Фергона т. о.

8 ... деб ҳисобламоқ, билмоқ; ... деб қарамоқ, тушунмоқ. Лойиқ кўрмоқ. Мувофиқ кўрмоқ. Раво кўрмоқ. Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўринг. У йиғитни ўзига тенг кўрмади. Барчани барабар кўрмоқ. Мен сени ўз укамдай кўраман. — [Йўлчи:] Синглим, ўз уйингдай кўр, тортинма. Кампирнинг юмушларига қараш. Ойбек, Қутлуғ қон. Эп кўрмоқ қ. эп.

9 Юз берган воқеага бошқа киши

ёки нарсани сабаб қилиб кўрсатмоқ. Китобни ўзи йўқотиб мандан кўраёттир. Ўзинг қилиб, бировдан кўрма! Келмаса ўзидан кўрсин.

10 Томоша қилмоқ, томошабин сифатида кузатмоқ. Болалар телевизор кўрмоқда. Кеча янги кино кўрдик. — Эсингда борми, райондан театр кўриб келаётган кечамиз аравада Сотиболди ашула айтаман деб Қанизакни қистади, кўнмагандан кейин соҳидан тортиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

11 Тажрибада синамоқ, синаб билмоқ. Ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охири гадоё бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Вексель деган сўз чиқди. Уни ҳам кўрдик, бениҳоят зарур нарса. Ойбек, Қутлуғ қон. | Пайқаб билмоқ; сезмоқ. Катта кўрлаганни кичик кўради, иккаласи биргалашиб, қараса, ҳеч нарса кўздан қочмайди, дейди халқ. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

12 Бирор нарсани таъкидлаш ва унга диққат-этиборни жалб этиш учун қўлланилади. Ширинлигини кўр! — Набиғулнинг акаси: — .. Дибни кўринг-а, трафаретнинг рангига мос абазур! А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Болтабой «кўрдингми, яширмайди» деган мазмунда Сидиқжоннинг тиззасини босиб қўйди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

13 *кўм. фл. вазифасида:* 1) равишдошнинг **(н)б** аффиксли формаси билан бирикиб, синаш, билиш учун қилинган иш-ҳаракатни билдиради, мас. *еб кўрмоқ, ҳидлаб кўрмоқ, чамалаб кўрмоқ, овқатнинг тузини татиб кўр*; 2) равишдошнинг **-а/й** аффиксли формаси билан бирикиб, бирор иш-ҳаракатни бажармаслик ҳақида қатъий огоҳлантиришни билдиради, мас. *бора кўрма, ича кўрма, сўрай кўрма*.

14 Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўз маъносига боғли қўшма феъл ҳосил қилади, мас. *зарар кўрмоқ, фойда кўрмоқ, баҳам кўрмоқ, ёмон кўрмоқ, яхши кўрмоқ, таҳсил кўрмоқ, умр кўрмоқ.*

♦ **Елкамининг чуқури кўрсин қ. елка.** Иш кўрган қ. иш. Кўпни кўрган қ. кўп. Кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ ҳаддан ташқари ёмон кўради. — Ўзимнинг ҳам тўрани кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ, — деди чилми тортиб туриб Рустам ака. Ж. Шарипов, Хоразм. Туя кўрдингми, йўқ ўзини ҳеч нарса кўрмаган, билмаган қилиб кўрсатиш лозимлигини таъкидлаш учун ишлатиладиган матал. [Баққол:] .. Иложи бўлса яматганингизни айтманг, койиб-нешиб юрмасин тагин. Туя кўрдингми — йўқ, вассалом. Ойбек, Қутлуғ қон. Узққни кўрмоқ қ. узққ. Хўжа кўрсинга қ. хўжа. Юз кўрмас бўлиб кетмоқ қ. юз 1

**КЎРНАМАҚ** [ф-т] Яхшиликни қадрламайдиган; яхшиликка ёмонлик қиладиган; тузининг ичиб, тузлағишга тупурадиган; нонкўр. Кўрнамақ *одг.*

**КЎРНАМАҚЛИК** кўрнамақ с. белги оти. Нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини беҳуда исроф этиши кўр.



намаклик, қолаберса жиноятдир. С. Махкамов, Ноз-неъматни қадрланг.

**КЎРОЛМАСЛИК** Бошқанинг муваффақиятидан, яхши яшашидан рашиқ қилиш, унга ҳасад, ғараз туйғуси билан қараш; ҳасад. *Шундай одамлар борки, ўзларида ҳеч нима йўқ, бошқанинг мулкига ҳасад қилади, кўролмайдди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎРПА** Ётганда, ухлаганда совуқдан сақланиш учун устга ёпиладиган, чорбурчак ғилоф ичига пахта солиб қавилган буюм. *Духоба кўрпа. Шоҳи кўрпа. Кўрпа қавимоқ. Кўрпага бурканмоқ.* — *Устимга кўрпа ташла! — деди хотинига у, титроқ товуси билан.* Х. Ғулум, Машъал.

◆ **Кўрпа кўтарди** диал. малай, югурдак. *Уринбой қалъачининг .. гунаҳтаси ва кўрпа кўтардиси бўлган бир киши фаол колхозчи бўлмас.* Айний, Қуллар. **Кўрпага қараб оёқ узатмоқ** ҳол-қудратига қараб, ўз имкониятини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқ. *Сиз учун хи-жолат чекишни истамайман. Ҳаммамиз ҳам кўрпага қараб оёқ узатганимиз яхши.* С. Абдулла, Соялар. **Бир кўрпада катта бўлмоқ** бир оила ёки хонадонда ўсмоқ, ёшлиқдан бирга яшаб ўсмоқ. *Шундай пайтда Коля — Қудратнинг бир кўрпада катта бўлган оғайниси — жонига ора кирарди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Кўрпа-ёстиқни кўтармоқ** кетмоқ, кўчиб кетмоқ; бадарга бўлмоқ. *Учар бу ердан ҳам кўрпа-ёстиғини кўтарди.* — *Орамизга совуқлик тушади, мана бу ёмон нарса. Кейин мен кўрпа-ёстиғимни кўтариб, қай эшикка бораман?* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎРПАБОП** айн. кўрпалик 1. **КЎРПАЛИК** 1 Кўрпа қилинадиган, кўрпабоп. **Кўрпалик** чит.

2 Кўрпага етадиган. **Икки кўрпалик** атлас.

**КЎРПАЧА** Ўтирганда остга тўшаладиган, узун ғилоф ичига пахта солиб қавилган қалин ва юмшоқ тўшак. *Учоққа яқинроқ ерда кизиз устига солинган кўрпачада, кичкина бир сарик, бужур одам кўк пиёладан чой ҳўплаб ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ **Соясига кўрпача солмоқ** қ.соя. **КЎРСАТИЛМОҚ** кўрсатмоқ 1—3, 5, 7, 8 фл. мажҳ. н. *Филм кўрсатилди. Қаршилик кўрсатилмади.* — *Бола кўрсатилган иккинчи сўзни ўқийман деб турсанда, синф эшиги қаттиқ тепкидан ланг очилиб, ичкарига совуқ тирилиб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Сайловда кандидатлар сайлов округидан кўрсатилди.* «ЎзССР Конституцияси». *Иброҳимов кўрсатилган далилларни ўлчаб, салмоқлаб кўрди, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб ёзиб олди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**КЎРСАТИШ** кўрсатмоқ фл. иш оти. **Кўрсатиш** олмоши грам. шахс ёки нарсаларни кўрсатиш, унга ишора қи-

лиш учун қўлланувчи олмош, мас. бу, шу, у.

**КЎРСАТИШМОҚ** кўрсатмоқ фл. бирг н.

**КЎРСАТКИЧ** 1 Кўрсатиш учун хизмат қилувчи ёзув, стрелка ва ш. к. *Йўл кўрсаткичи.*

2 Бирор нарсанing ривожини, даражасини, ишнинг боришини, бажарилишини ва ш. к. билдирувчи белги ёки нарса. *Халқ хўжалиги тараққиётининг кўрсаткичлари. Студентлар экзаменларда юқори кўрсаткичларга эришди.* — *Албатта, ишимизга баҳо берар эканлар, энг олдин кўрсаткичларимиз ва сўнгра, аҳолимизни ҳисобга оладилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 грам. Бирор категорияга тааллуқлиликни кўрсатиб турувчи белги; кўшимча. **Грамматик кўрсаткич.** Эгаллик кўрсаткичи.

◆ **Кўрсаткич бармоқ** бошмалдоқдан кейинги бармоқ; қорамалдоқ.

**КЎРСАТМА** Қандай ҳаракат қилиш, ишлаш лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ; қўлланма. *Алексей, партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларига мувофиқ, ёппасига коллективлаштириш шароитига қараб, турли ерда турлича сўрғат билан амалга оширилишини тушутирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**КЎРСАТМОҚ** 1 кўрмоқ 1—3, 5, 6, 8—10 фл. орт. н.

2 Намойиш қилмоқ; амалда иботламоқ; билдирмоқ. *Билимдонлигини кўрсатди. Дўстлигини кўрсатди.* — *У [Аҳмаджон] меҳнатга бўлган қобилиятини айниқса колхозда кўрсатди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. *Бу йигит бошқа ҳеч ишда ўзини кўрсатмаган эди, шу ишга қўйди, бунда ўзини кўрсатди.* А. Қаххор, Қартина.

3 Далил келтирмоқ, айтиб ёки намойиш қилиб иботламоқ. *Баҳона кўрсатмоқ. Далил кўрсатмоқ. Сабаб кўрсатмоқ.* — *Бунга нима ваз кўрсатасиз? Кўрдингизми, кўрсатаётган вазингизнинг ўзи вазга муҳтож.* А. Қаххор, Қўшчинор.

4 Нишон бермоқ; далолат, ишора қилмоқ, билдирмоқ. *Бу нарса кўрсатдики, Мирзақарим отам дунё лаззатини яхши тушунадилар, яна кўп вақт бу лаззатдан баҳраманд бўлишини истайдилар.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Лекин кечаси кўринган бутун аломатлар душман иштоб билан чекинаётганини кўрсатар эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

5 Бирор иш ёки вазифани бажариш учун бировнинг мувофиқлигини, муносиблигини айтмоқ, номзодини таклиф этмоқ. *Аравакаш ..Йўлини чақирди: — Катта ойимнинг юмушлари бор экан. Менга буторган эдилар. Ишим зарурлигидан сизни кўрсатдим. Сиз учрашинг.* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 с т. Адабини, таъзини бермоқ; ўч олмоқ. *Қачонгача овозимни бўғадилар; тирикман — тинчимайман. Кўрсатаман уларга!* Ойбек, Қутлуғ қон. *Халойиқ олдида мени беобрў қи-*

лишинг оқибатини сен ит қориса бир кўрсатиб қўй ҳали! М. Исмоилий, Фарғона т. о.

7 «Қилиб», «этиб» равишдошлари билан бирикчи, улар бошқарган сўздан англашилган белги ёки хусусиятга эга эканликни иботлашга, бунга бошқаларни ишонтиришга уринмоқ маъносига ишлатилади, мас. *бировни ёмон қилиб кўрсатмоқ, ўзини билармон қилиб кўрсатмоқ.*

8 Айрим отлар билан бирикчи, шу отлар маъносига боғли қўшма феъл ҳосил қилади, мас. *жасорат кўрсатмоқ, матонат кўрсатмоқ, таъсир кўрсатмоқ, қаршилик кўрсатмоқ, ғам-хўрлик кўрсатмоқ, ҳурмат кўрсатмоқ.* — *Гулнорнинг ғоиб бўлиши Йўлчига яшин урган каби таъсир кўрсатди.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Азизбек.] *Бунчалик ғайрат кўрсатган фуқароларга раҳмат; дунё турғунча турсинлар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Қорасини кўрсатмайди** бутунлай кўринмайди, кўриниш бермайди, учрашмайди. *Бу нима гап, қизим? Ақлли, ҳушли кап-катта йеиит бирдан қорасини кўрсатмай кетсин!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**КЎРСИЧҚОН** Ер остида яшашга ва оёқлари ер қавлашга мосланган, кўзи кўр, ўсимликхўр кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон.

**КЎРФАЗ** геогр. Океан, денгиз ёки кўлнинг қуруқлик ичкарисига кирган қисми.

**КЎРСАПАЛАК** [ф-т кўршабпарак] Олдинги оёқлари қанотга айланган тунги сутэмизувчи ҳайвон. *Қоронги сомонхона, молхоналарнинг шиғтида яшириниб ётган кўршапалакларгина энди яйрашар, учушар, пашиша овлашар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**КЎСА** [ф-т] 1 Соқол-мўйлови жуда сийрак ёки бутунлай йўқ, чиқмайдиган. *Кўса одам.* || *Аҳмоқ ҳориганини билмас, кўса — қариганини.* Мақол. — *Аравакаш камсоқол, кўсароқ муло-йимгина киши.* Ойбек, Болалик. *Сен кўсанинг мандан ўлинг келдимиз? Е, билмайман, кунинг охир бўлдимиз.* «Равшан». **Алдар кўса** кўпгина шарқ эртақларининг асосий қахрамони — тадбирли ва айёр киши образи.

2 *кўма* Ўт-ўлани кам, гиёҳ кам чиққан ёки мутлақо унмайдиган. *Эҳе, бу кўса ерлар ҳам шундай гуллаб кетсинки, одамлар бир сайр қилишни орзу қилсин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**КЎСАК** [ф-т] Ғўзанинг гулдан сўнг тугадиган, ичида пахта етиладиган чаноқлардан иборат меваси. *Кўсақлар очилди.*

**КЎСАКЛАМОҚ** Кўсақ ҳосил қилмоқ, кўсақ боғламоқ. *МТС ёнидаги пайкалда ўтган йили ғўза кўкрак бўйи ўсибди, тепасигача кўсақлаб, қарийб ҳаммаси очилди.* Й. Шамшаров, Кўрк мейморлари.

**КЎСАНАМО** Кўсага ўхшаш, соқол-мўйлови сийракроқ. *Кўсанамо бир киши ўтирганларни оғзига қаратиб,*

нимадир ҳикоя қиларди. С. Аҳмад, Хукм.

**КЎСТ кам қўлл.** Бирор нарсанинг ортиқча, ошиқча қисми. *Кўстини қирқиб ташламоқ.*

**КЎТАК:** кўтак арава ғилдираклари кичик, пастак арава; дўнғалак арава. **КЎТАЛАНГ** Етса туролмайдиган; бедармон. *Кўталанг бузоқ.*

**КЎТАРА** Бутун борича, яхлитича ёки катта, кўп миқдорда амалга оширилмайдиган; улгуржи (олди-сотди, савдо ҳақида). *Кўтара савдо.* || *Кўтара олмоқ. Кўтара сотмоқ.* — *Шу вақтларда Муҳаммадражоб у билан кўтара мол оладиган харидорига қилгандай муомалада бўлар эди.* А. Қаххор, Сароб. **Кўтара савдо қилмоқ** 1) улгуржисига сотмоқ ёки олмоқ; 2) *кўма айб бўлса-да, бор гапни очиқ-ойдин лўнда қилиб айтиб қўя қолмоқ.* — *Номасқул бузоқнинг гўштини ебсан! Билдингми? — деди Очилдов кўтара савдо қилиб.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

**КЎТАРАМ диал.** Кўталанг. *Ҳожини хола зуғум бошлади: — Ҳай, латта бой, кўтарам бўлганмисиз? Мунча ёнингиз ердан узилмайди? М.* Исмоиллий, Фарғона т. о.

**КЎТАРАСИГА** рви Бутун борича, яхлитича; улгуржи. *Кўтарасига сотмоқ.*

**КЎТАРГИЧ** Кўтариш учун ишлатилмайдиган, кўтарилмайдиган. *Кўтаргич механизми. Кўтаргич машина.*

**КЎТАРИЛМОҚ** 1 кўтармоқ 1—7, 10—16 *фл. мажж. н.* Парда кўтарилди. *Меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Кўп ҳосил кўтарилди.* — *Парда ёпилиши билан залда қарсақ кўтарилди.* М. Жалолиддинова, Кейинроқ. *Кейинги йилларда батрачқомдан партия яней-касининг котиблигига кўтарилган Абдурашул камбағаллар ўртасида тобора обрў ортдирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Рашид ҳақидаги муҳошиш йўлар ҳаёлидан кўтарилди кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 кўтармоқ 3, 5, 6, 7, 10, 12, 16 *фл. ўзл. н.* Ернинг унумдорлиги кўтарилди. *Беморнинг ҳарорати кўтарилди.*

3 Юқорига, баландга, осмонга чиқмоқ. *Кўёш анча кўтарилди қолибди.* — *Омоҳ ағдарган ерлардан ҳовур кўтарилди.* С. Аҳмад, Хукм. *Тутун ва кукун кўкка кўтарилди, қишлоқ ҳавосини бўғиб қўйган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Учмоқ, парвоз қилмоқ. *Бургут жуда баландга кўтарилди.* — *Тепаликдаги бақатерақдан гурр этиб кўтарилган бир тўп қарга «қа-қу» деганича ҳар томонга учиб кетди.* А. Қаххор, Қаравот.

**КЎТАРИНКИ** Зўр хурсандчилик ва фахрлиниш ҳисси билан жонланган; жонли. *Бу оқимон иборида ҳаёт ҳамма вақтдагидан кўра шовқинли ва кўтаринки эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дехқонлар кўтаринки руҳ билан дех-*

*қончилик ишини бошлаб юбордилар.* Айний, Эсдалиқлар. — *Қани жўнадик! — у кўтаринки бир вазиятда кўллари қовуштирди.* С. Анорбсев, Оқсоғ.

**КЎТАРИНКИЛИК** кўтаринки с. белги оти. *Раис шундай тўлиб-тошиб гапирар эдики, ундаги бу кўтаринкилик кайфияти дарровда Шавкатга ҳам юқди.* Ш. Пўлат, Хиждолат.

**КЎТАРИШМОҚ** кўтармоқ *фл. бира. н.* Юк кўтаришмоқ. *Кўл кўтаришмоқ.*

**КЎТАРМА** 1 Кўтарилмайдиган, кўтариб қўйилмайдиган қилиб қўрилган. *Кўтарма кўприк. Кўтарма тўғон.*

2 Тупроқдан баланд қилиб, кўтариб ишланган тепалик. *Темир йўл кўтармаси.* | Тупроқдан ишланган ғов, тўснқ. *Сув кўтармани ювиб кетди.* — *Кўтарма бошига қайтиб келган йиғитлар унга ярим соатда тупроқ босиб, оёқлари билан шиббалаб, сув бузолмайдиган қилиб қўйдилар.* Айний, Қўллар.

**КЎТАРМАЧИ** эск. Газлама, атторлик моллари ва ш. к. ни қишлоқма-қишлоқ кўтариб юриб сотадиган майда савдогар. — *Лахтакларни катта чифуруш газламачилар арзонроқ баҳо билан кўтармачиларга сотадилар,* — *деди Шум бола.* Ф. Гулом, Шум бола.

**КЎТАРМОҚ** 1 Ердан ёки ётган жойидан узиб, ажратиб олмоқ. *Замбар кўтармоқ.* — *Эргаш у билан кучоқлашиб кўришмоқчи бўлган эди, Нормат унинг белидан маҳкам кучоқлади-да, даст кўтариб, уни айвон супасига чиқариб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ердан узилган, ажралган холда тутмоқ, қўлда тутмоқ. *Сумка кўтариб бозорга бермоқ. Қолонна бошида байроқ кўтарган қизлар бермоқда.* — *[Отабек] отини ахтаҳонага боғлаб, сөөга тўдириб келган ипак хуржунни кўтариб ичкарига кирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Маҳдум шу сўз билан ичкарига кириб, ҳовли саҳнида чақалоқ кўтариб турган Рағно ёнидан айвонга ўтди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | *Ўз устида тутган холда юриш-тортиш, элтиш қудратига эга бўлмоқ. Туя кўп юк кўтаради.* — *Тошўжа эшон ҳазилакам эшон ўтган эмас, боқиб қўйилган ўн бешта отдан уни фақат иккитасигина кўтара олар эди, холос.* А. Қаххор, Қўшчинор.

3 Юқори, баланд ҳолатда тутмоқ, юқорига чиқармоқ. *[Сидиқжон] .. бирдан бошини кўтарди ва Қанизакка қаради.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Обиджон.. чирогининг пилигини кўтариброқ қўйди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **Кўл кўтармоқ** 1) қўлни юқори ҳолатда (бошдан юқори) тутмоқ; 2) бировни уришга шайланмоқ; 3) мажлисда бирор масала юзасидан ўз розилигини билдирмоқ, овоз бермоқ. *Митинг қатнашчилари большевиклар тақдим этган резолюцияга қўл кўтардилар.* С. Қосимхўжаев, Рус ишчилари.

4 Бирор нарсани уйиб, устма-уст қилиб, устига қўйиб баланд қилмоқ.

*Ламбани кўтармоқ. Йўлни кўтармоқ. Марзани кўтармоқ.* — *Суғни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғича чим босиб кўтариб келиш лозим бўлади,* — *деди Алим бува.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

5 *Кўма* Оширмоқ, кўпайтирмоқ (куч, даража, нарх-наво ва ш. к. ҳақида). *Нархни кўтармоқ. Температура турани кўтармоқ.* — *Кейин овозини пардама-парда кўтариб дўқ ура кетди.* М. Исмоиллий, Фарғона т. о.

6 *Кўма* Мавқени, хол-қудратини, моддий аҳволи ва ш. к. ни яхшиламоқ. *Обрўини кўтармоқ.* — *[Қодир:] Яхши қилибсиз .. колхознинг аҳволи ёмонга ўхшайди, кўтариш керак.* Уйғун, Навбахор.

7 Юқори мансаб ёки лавозимга тайинламоқ, белгиламоқ. *Пастдан юқорига кўтармоқ. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларга дадил кўтариш керак.* — *[Ақром ҳожин:] Аларда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 *Кўма* Бардош қилмоқ, бермоқ; чндамоқ. *Болаининг инжиқлигини онаси кўтаради.* — *Қампирга айтма, кўтаролмайди.* [Ёдоғорбойдан] *қора хат келган!* А. Қаххор, Асрор бобо. *Энди у [Софья] бу икки мусибатни биратўла қандай кўтаради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

9 *Кўма* Ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ. *Ҳар қанча оғдат бўлса ҳам кўтаради—кучи кўп. Бемор паловни кўтаролмади.* — *Томоғи тақиллаб ўтирган дўторчи «кўтармасалар — ичмасинлар» деса ҳам Набиғул унамади.* А. Қаххор, Қанотсиқ чинтак. | *Ёқтирмоқ, суймоқ; тоқат қилмоқ. Бундан кейин .. ҳар бир ишни мен билан баҳамжиҳат қилинг, ўзбалирмонлиқни кўтармайман.* Ойбек, Кутлўф қон.

10 *Кўма* Бирор иш-ҳаракат қилишга илҳомлантирмоқ, қўзғаб отлантирмоқ, сафарбар қилмоқ. *[Алексей:] Мустамлакачи золимларга, бойларга қарши яна халқни кўтарайлик! Қудратнинг ишини охирига етказайлик!* Н. Сафаров, Уйғонши.

11 *Кўма* Ўз устига олмоқ, ўз ҳисобидан тўламоқ (сарф-харажат ҳақида). *Умурзоқ ака: — Болалар бизга шунча ёрдам беришди. Энди .. саёҳат қилиб келишсин. Бутун йўл харажани колхоз кўтаради,* — *деди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Энди Шобудуфаттоҳ Ҳўжаевнинг сарфини ҳам кўтарайлик?* А. Қаххор, Оғайинлар.

12 *Кўма* с. т. Йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, битирмоқ. *Адоватни орадан кўтармоқ. Худо кўтарсин! (қарғ.).* — *Мусулмонқул .. золимларни ўртадан кўтариб юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олар эди? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ғам ема, беғижон, ўрлинг топилар. Кўтар юрагинедан қайғу ваҳмини. Фозил шоир. Муаттаринге билан бирга худо кўтарсин сени!* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

13 *кўчма с. т.* Ичмоқ, урмоқ (май ҳақида). Қадаҳ кўтармоқ. — [Равшан половон] «хоним» олиб келган коньякдан кўзларини чирт юмиб, бир юм-касини кўтариб ташлади. О. Ёқубов, Ларза.

14 *кам қўлл.* Қарзга олмоқ. Бир пуд ғаллани, топилса уч пуд ғаллага бўлсам, жон деб кўтарамиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Матқовул келаси йил ҳосили ҳисобига Ҳақимжон бойваччанинг отаси Латифжонбойдан пул кўтариб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

15 с. т. Етиштирмоқ, олмоқ. Гектар бошига ўн тоннадан ҳосил кўтардик. Хирмон кўтармоқ йиғим-терим ишларини тугатиб, ҳосилни йиғиштириб олмоқ. Улуғ етти йилликнинг биринчи кўзини мўл-кўл хирмон кўтариб муборакбод этдилар. А. Мухтор, Дўстлигимиз барқ урсин.

16 Айрим отлар билан бириккиб, шу от билдирган нарсани юзага келтиришни ифодалайди, мас. жанжал кўтармоқ, исён кўтармоқ, шовқин-сурон кўтармоқ.

◆ Бош кўтармоқ қ. бош. Бошига кўтармоқ қ. бош. Бурнини кўтармоқ манманлик қилмоқ; гердаймоқ. Улар [Ерматни] сўкйишар эди: «Хўжайиннинг лайчасику, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз». Ойбек, Қутлуғ қон. Гап кўтармайдиغان сал гапга жаҳл қиладиган, жиизаки. Гула кўтармоқ қ. гула П. Замон(а) кўтармайди замонга, қонун-қондага тўғри келмайди. Эртасига онаси қуда томонга одам юбориб: «Қизимиз хоҳламади, ўзининг хоҳлагани бор, зўрлик билан иш қилишни замона кўтармайди», — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қўкка кўтармоқ қ. кўк. Кўнглини кўтармоқ қ. кўнгил 1. Кўнгилни дўст кўтарар. Мақол. Сиркаси сув кўтармайдиغان одам қ. сирка. Уй кўтармоқ с. т. ҳамма нарсани ташқарига олиб чиқиб, уйларни тозаламоқ, тартибга солмоқ. Қампир эгила-букила, терлаб-пишиб уй кўтараётган эди. Х. Назир, Бир туп ғўза. Қадини (ёки белини) кўтармоқ ай. қадини (ёки белини) ростламоқ қ. ростламоқ 2.

КЎТАРТИРМОҚ кўтармоқ *фл. орт. н.* Бировга юк кўтартирмоқ.

КЎТОҲ [ф-т] *кам қўлл.* Қалта, қисқа. Қўли кўтоҳ. Ақли кўтоҳ. Арқонни қалтаи кўтоҳ қилиб қирқмоқ.

КЎТОҲЛИК 1 кўтоҳ с. белги оти. Қўли кўтоҳлик. Ақли кўтоҳлик.

2 *диал.* Айбли иш, гуноҳ иш. Аччиғаниб, половон неча сўз айтди, Сўраган кишилар уялиб қайтди, Биз билмаймиз нима кўтоҳлик ўтди. «Ед-гор».

КЎЧ Кўчиш пайтида ташилладиган уй-рўзгор буюмларидан иборат юк. Бир машина кўч. — Кўч ортган арваларимиз билчиллаан лой йўлдан чуқур из қолдириб боради. С. Абдуқаҳҳор, Янги беш йиллик тўнғичи.

Кўч кўтармоқ рўзгори билан бошқа жойга кўчоқ.

КЎЧА 1 [ф-т] 1 Аҳоли яшайдиган жойларда йўловчилар ўтиб турадиган, транспорт қатнайдиغان йўл. *Навоий кўчаси. Собир Раҳимов кўчаси. Ошинге ҳалол бўлса, кўчада ич. Мақол.* — Тўхта хола кўчада узоқдан бирин-кетин келаётган икки кишининг қорасини кўрди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ер юрган кўчаларни супурай сочим билан. «Кўшиқлар». Гадоё топмас кўча топиш қийин, пастқам кўча.

2 Янаш, туриш жойидан ташқари бўлган жой, очиқ майдон. *Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ. Мақол.* — Кишининг охириге кунлари, кўчада қора совуқ билан изгириш юрар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

◆ Кўча боласи умумий таълим-тарбиядан четда қолган бола. *Утир бу ёққа! Хўш сен нима учун кўча болаларига ўхшиб ахлоқсизлик қиласан! А. Қаҳҳор, Айб кимда? Хоҳламасанг (ёки истамасанг) — қатта кўча хоҳламасанг, истамасанг билганингни қил, хоҳлаган ерингга кетавер; тўрт томонинг қибла. Кўчасига кирмоқ би-рор нарса қилиш пайига тушмоқ, уринмоқ. Аблаҳ Тиллабойга энди ишонч қолмади. Чамамда феъли айнаб, хиёнат кўчасига кирганга ўхшайди. П. Турсун, Уқитувчи. Кўчада қолган ташлаб қўйилган, кераксиз. [Муаттар:] Бугунда қолмай кўчингни кўтар! Олти ойдан бери касал боқамиз. Кўчада қолган номини йўқ. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Оёғим (ёки кавушим) кўчада қолгани йўқ ёки оёғим кўчада қолибдими ҳар қанақа жойга бора-вермасликни, унча-мунча жойни назар-писанд қилмасликни ифодалаш учун айтиладиган ибора. Давранинг тўрида эдим, оёғим кўчада қоптимми, деб унча-мунча тўйга бормасдим. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ўзбек ойлм унча-мунча тўю азаларга кавушим кўчада қолган эмас» деб бормас эди. А. Қодирий, Утган қушлар. Кўчасидан ўтмоқ бирор иш ёки ҳаракат билан шуғулланмоқ; билмоқ. [Муҳаббат:] Турғунжон ака, қўйинг, мен бир умримда савдо кўчасидан ўтган бўлмасам, мени мажбур қилманг. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.*

КЎЧА 2 *диал.* кўча оши ай. гўжа.

КЎЧА-КЎЙ [ф-т] Кўча ва умуман уй-ховлидан ташқари бўлган жойлар. [Йўлчининг] ҳақимни еб кетди бой, деб кўча-кўйда боғни қоралаб юрганлигини [Салимбойваччага] айтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

КЎЧАЛИК Кўчага чиқилганда, меҳмондорчиликка борилганда кийиладиган. *Кўчалик кийим.*

КЎЧАТ 1 Уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ва бошқа жойга олиб ўтқазилладиган ёш дарахт; ниҳол. *Олма кўчати. Тут кўчати. Кўчат ўтқазмоқ.* — Мана шу анжирнинг кўчатики [Раисимиз] Оққўрғондан олдириб келди. А. Қаҳҳор, Картина.

2 Парник ёки бошқа иссиқ жойда етиштирилган ҳамда кўчириб экишга мўлжалланган ёш ўсимлик. *Анвар .. ҳам кимнинг уйда бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йўлдан-йўлга гулзорни бойлатди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

3 Умуман энди ўсаётган ёш ўсимлик ёки дарахт. *Ўзинг ўстирган кўчат мавдси ширин бўлади.*

КЎЧАТЗОР Кўчат ўтқазиб қўйилган, кўчат етиштириладиган жой, майдон.

КЎЧАТХОНА, Кўчат етиштириладиган хона; парник.

КЎЧИРИЛМОҚ кўчирмоқ *фл. мажх. н.* Текст машинкада кўчирилади. *Шеър оққа кўчирилди. — Пулемётчилар бошқа қазармага кўчирилди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

КЎЧИРИК *эпн.* Қасалдан инс-жинсларни «хайдаш» учун қилинадиган ирим-сирим. Бахшилар кўбизни қалиб, қасалларни кўчириб қилдилар. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринынлари.

КЎЧИРМА 1 Асл вусҳадан ёзиб, чизиб, кўчириб олинган нусха. *Буйруқнинг кўчирмаси. Қарордан кўчирма олмоқ.*

2 Бошқанинг ишидан айван ёки қисман кўчирилган, ўғарилган. *Кўчирма асар.*

◆ Кўчирма *гап грам.* ўзганинг ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган гап.

КЎЧИРМАКАШ ай. кўчирмаччи. КЎЧИРМАКАШЛИК ай. кўчирмачиллик. — Йўлдош кўчирмакашлик қилиб она тилидан «икки» олди. Алгебрадан кўзги имтиҳонга қолди, — деди Муродов. Б. Раҳмонов, Қалмиш — қидирмиш.

КЎЧИРМАЧИ Ўзганинг ишнинг кўчириб олиб, ўзиники қилиб кўрсатувчи киши. *Кўчирмачи шоир.*

КЎЧИРМАЧИЛИК Ўзганинг ишнинг кўчириб олиш билан шуғулланиш.

КЎЧИРМОҚ 1 *кўчмоқ фл. орт. н.* Қишлоқни шу ерга, янги ариқнинг икки юзига кўчирмоқчимиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ярандан эски доқани кўчирар эканман, бутун боданим зирқираб кетди. Шухрат, Шивелли йиллар.

2 Текстни бошқа қозоғга қайта ёзмоқ ёки қайта чизмоқ, ундан нусха, кўчирма олмоқ. *Элмурод .. ҳар жумлани неча қайта ўйлаб, ҳар ёганини кун сайин яна бошдан кўчириб, республика газетасига мақола тайёрлади. П. Турсун, Уқитувчи. Гапларда шоирлар ўз янги шеърларидан ўқир, саводли кишилар эса уларни қўлда кўчириб тарқатардилар. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

3 *эпн.* Турли ирим-сирим қилиб бемордан инс-жинсни, касалликни «хайдамоқ», шу йўл билан «даволамоқ»; кўчириқ қилмоқ.

КЎЧИРТИРМОҚ кўчирмоқ *фл. орт. н.* Дипломни уч нусха кўчиртирдим.

КЎЧКИ Тош, тупроқ, қор ва ш. к.нинг тоғдан кўчиб, нураб тушадиган

уюми. *Муз кўчкиси. Тоғ кўчкиси. Қор кўчкиси.* — [Мирзакамолиддин] ўш довонида кўчки тагида қолиб ўлан эмиши. С. Аҳмад, Қадрдон даладар. У [Холхўжа] мақсадига эриша олмайдди,— йўлда кўчки остида босилиб ҳалок бўлади. Е. Шукуров, Қасос.

**КҮЧ-КҮРОН** Умуман кўч нарса-лари, бошқа жойга кўчганда бирга олиб бериладиган рўзғор буюмлари.— [Раҳмат ҳожи] бир неча кун Марғилонда тургандан кейин хотинини кўч-кўрони билан Тошкентга олиб келибди,— деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**КҮЧМА** 1 Бир жойда турмай, жойдан жойга кўчиб юриб ишлайдиган. *Кўчма устахона. Кўчма кино. Кўчма кутубхона.*

2 Мусобақада кейинги ғолибга олиб бериладиган. *Кўчма қизил байроқ. Кўчма кубок.*

3 Ўз ўрнидан силжиб, сузиб ёки учиб, бошқа жойга кўчиб юрадиган. *Кўчма муз тоғлари.* — Орқага қайтиш учун кўчма қумлар орасидан юриш керак. А. Қаҳҳор, Мастон.

4 лингв. Ўз, асл маъносидан бошқача маънода ишлатилган. *Сўзнинг кўчма маъноси. Кўчма маъноли сўзлар.*

**КҮЧМАНЧИ** Ўтроқ бўлмаган ҳолда, кўчиб юриб ҳаёт кечирадиган. *Кўчманчи қабила. Кўчманчи қушлар. Кўчманчи ҳаёт.* II Бир вақтлар кўчманчилар яшаган ерлар.

**КҮЧМАНЧИЛИК** 1 кўчманчи с. белги от.

2 Ўтроқ бўлмаган ҳолда, кўчиб юриб яшаш.

**КҮЧМОҚ** 1 Яшаш ёки ишлаш жойини ўзгартирмоқ, бир жойдан бошқасига ўтмоқ. У [Нури].. Ёрмат оиласининг боққа кўчиб кетганини эшитиб афсус қилди. Ойбек, Қутлуғ қон. Бу ердан ҳеч қачон кўчмайман, сен ҳам кўчмайсан. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Умуман ўрнини, манзилни ўзгартирмоқ; бошқа жойга ўтмоқ, жилмоқ, кетмоқ. Ана, қоқди қанотин булбул, Қелиб қўнди чиройли гулга. Шохдан-шоҳга кўчади нуқул, Куйи роҳат берар кўнгилга И. Муслим.

3 Ўқининг юқори босқичига: синфдан синфга, курсдан курсга ўтмоқ. *Ҳаммамиз тўққизинчи синфга кўчдик. Бу йил қизим учинчи курсга кўчади.*

4 Ёпишган, бириккан жойидан ажрамоқ. Унинг [масжидининг] баланд ва сирини кўчиб кетган эски устунлик айвониди уч-тўртта намозхон бужмайиб ўтиришибди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Ғишт қолипдан кўчди қ. ғишт.**

5 кўчма Темани, ҳаракатни, ишлаш ёки яшаш ўйсинини ўзгартирмоқ, бошқасига ўтмоқ, киришмоқ. *Сўхбат саяхат темасига кўчди. Конвейер усулида ишлашга кўчмоқ. Беш кунлик иш ҳафтасига кўчдик.* — Гап айланиб бригадалар ишига кўчди. Н. Сафаров, Ҳадича Аҳророва. *Тезроқ мақсадага кўчмоқ керак.* И. Раҳим, Ихлос.

◆ **Енгил (ёки осон) кўчмоқ қ. енгил 7. Оғир (ёки қийин) кўчмоқ қ.** йинчилик билан содир бўлмоқ; қийин ҳал бўлмоқ; оғир шароитда ўтмоқ. Бу йил ичи яна анча оғир кўчадиганга ўхшайди-а. Ш. Ғуломов, Комсомол иродаси. Айниқса қий билан олишини жуда-жуда қийин қийибди. Ш. Ғуломов, Ерқин йўллар.

**КҮШҚ** [ф-т] Баланд, баҳаво қилиб солинган енгил иморат. *Хоразмбоғ ёдгорлиги Хоразм ҳокимининг шаҳар четидаси ёзги кўчки бўлганлигини кўрсатди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сирини. [Қорабек] .. Ўзи учун бир кўчк ва бир чорбоғ бино қилдирди. Айний, Эсдалиқлар.

**КҮҲ** [ф-т] эск. айн. тоғ 1 **Кўҳи Қоф** афсонавий тоғлар, афсонага кўра ер атрофини ўраб олган буюк тоғлар.

◆ **Кўҳи ғам** оғир ғам. **КҮҲЛИ(К)** Кўриниши ёқимли; чиройли, гўзал.— *Бизнинг Марғилонда бир қиз бор,— деди [Раҳмат],— шундоқ кўҳлики, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас, деб ўйлайман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**КҮҲНА** [ф-т] 1 Узоқ ўтмишдан давом этиб келаётган; қадимий. *Кўҳна қардошлик муносабатлари. Кўҳна одат.*

2 Эскириб пугурдан кетган; эски. *Арава ҳам кўҳна, ямоқ-ясоқ ғилдирак темирдидан унда-бунда парча-парча қолган; кегайлари шалоқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Дераза олдида кўҳна стол. Бериги дераза ёнида диван.* М. Муҳамедов, Қичик гарнизон.

**КҮҲНАЛИК** кўҳна с. белги оти.

## Л

Л Ўзбек алфавитининг ўн учинчи ҳарфи.

— ла поэт. «Билан» кўмакчисининг қисқа шакли. *Тонге салқининг эман сувни жим, Тавозе-ла тутар лавозим.* Ойбек.

**ЛАБ** [ф-т] 1 Оғиз атрофининг юқори ва қуйи томонидаги эт-мушакдан иборат ҳаракатчан қисми; дудоқ, ирин. *Устки лаб. Пастки лаб. Қалин лаб. Юпқа лаб.* — Йўлчи найини лабига қўйиб, бутун завқ билан чала кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Намиқиб, кўчкариб турган нафис лабларига нозик табассум юзурди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Идиш оғзининг айлана чети; зих. *Кумгоннинг лаби. Қозон лаби. Лаби учган пиёла. Халтанинг лаби. Лаб урмоқ* лабини қайтариб ҳимармоқ (қоп, халта ва ш. к. ҳақида).

3 Қиргоқ, ёқа, чет. *Дарё лаби. Ҳовуз лаби. Қўлнинг лаби. Йўлнинг лаби.* — *Булоқ лабига ўтириб, ҳовучини очганда, кафтида ғижимланиб ётган ҳўл рўмолчага кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Ердан баланд ясси сатҳнинг чети,

чекаси. *Томнинг лаби. Супанинг лаби.* — [Йўлчи] айвон лабига ўтириб, бошини қўллари остига олди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Лаб товушлари** лингв. лабларнинг ишгиروي ҳосил этиладиган товушлар.

**ЛАББАЙ** [а] 1 унд. с. Чақириққа бериладиган жавоб; ҳа. *Элмурод собиқ хўжайини билан кўришишга мажбур бўлди. Лекин эшон унинг юзига қанча тикилиб қарамасин, ҳовлисиди «ҳа!» деса «лаббай!» деб югурадиган етимчани .. танимади.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Хуморхон:] *Лаббай! Аҳажон ака! Қайси гўрда юрибсиз? Телефон қилмасан жойим қолмади!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. **Шошганда лаббай топилмас** кутилмаган иш, сўроқ ва ш. к.дан шошилиб қолган ҳолларда айтиладиган мақол. «**Лаббай**» деб **жавоб бермоқ ёки «лаббай» демоқ** бирор даъватга ёки чақириққа дарҳол жавоб бермоқ, унда кўрсатилган вазифани бажаришга дарҳол киришмоқ.— *Бас, шундай экан,— деди Абдурашул,— яна тагин гафлат босиб юраверамизми, ёки Ленин партиясининг чақириғига «лаббай!» деб, колхоз тузамизми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 сўроқ юқламаси вазифасида «Нима дейсиз?», «нима дедингиз?» каби маънолардаги сўроқни англатади. [Канизак:] *Шунақа, Сидиқжон ака, одам ўзини-ўзи танимай қоладиган вақт ҳам бўлар экан.— Лаббай? — деди Сидиқжон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЛАББАЙГУЙ** [а+ф-т] салб. Бировнинг гапини, топшириғини доим «лаббай!» деб бажарувчи; итоаткор, итоатгўй, лаганбардор. *Лаббайгўй одам.*

**ЛАБ-БАЛАБ** [ф-т] айн. лаболаб. *Лаб-балаб тўла.*

**ЛАБ-ДАҲАН** [ф-т] 1 Лаб ва оғиз. *Мавлавий Йўлдош кўлидан лаб-даханини йиғиштиролмади қолди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

2 кўчма с. т. Тил, гапириш қобилияти; кимсага гапириб бирор ишни битириш, ўз гапини маъқул қилиш қобилияти. *Гапирсанг-чи, лаб-даханинг борми?! — Хўжайин бўлгандан кейин киши ўз хўжалигининг кам-кетиги, унинг ривожини тўғрисида ўйлайди, жон куйдиради, маслаҳат солади, .. шуларнинг ҳаммасига лаб-дахан керакми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЛАБ-ДАҲАНЛИ** Кимсага гапириб бирор ишни битказишга қобил, ўз гапини, фикрини маъқуллата оладиган. *Лаб-даханли йигит.*

**ЛАБДИР** айн. лаванд. **ЛАБДИРЛИК** лабдир с. белги оти. *Бу тариқа лавандлик ва лабдирлик билан хотин ушлаб бўлурму?* А. Қодирий, Қалвак маҳзум.

**ЛАБЗ** с. т. Лафз. **ЛАБИАЛ** [р лабиальный]: лабиал товушлар айн. лаб товушлари қ. лаб. **ЛАБИРИНТ** [р<грек] 1 Бир-бирига ўхшаш, киши юрса адашиб қоладиган чалкаш йўллар.

2 *анат.* Кулоқ ичидаги чиганок-симон қисм.

**ЛАБЛАНГАН** *линг.* Лабларнинг чўчайиши билан юзага келадиган (товуш ҳақида). *Лабланган унлар.*

**ЛАБ-ЛУНЖ** Лаб ва лунж.— *Қишлоққа бўлсанг ҳам, бир маҳмадонасанки ..— деди-да Шарофатхон лаб-лунжини буриб, ортиқча китбон юриши билан чиқиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Лаб-лунжи осилди** хафа бўлди, қовоғи солинди. *Бугун у ваҳим бўлган кишидай ҳар нарсадан чўчиб, қўрқиб, ҳадиксираб, лаб-лунжи осилиб юрган кечаги Мадумар мингобошига сира ўшамас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЛАБОЛАБ** [ф-т] *рви, кт.* Лабигача тўла, лиқ тўла, лиммо-лим. *Дарवेशали, кўнелингиз ҳар чоғ эл муҳаббати билан лаболаб тўлсин.* Ойбек, Навоий.

**ЛАБОРАНТ** [р<лат] 1 Лаборатория ёки илмий муассасада илмий техника ишларни бажарувчи ходим.

2 Лаборатория машғулоти вақтида профессор ёки ўқитувчи керакли асбоб, препарат ва ш. к.ни тайёрлаб берувчи ёрдамчи ходим. *Химия кафедрасининг лаборанти.*

**ЛАБОРАНТЛИК** лаборант с. касб *оти.* *Лаборантлик қилмоқ.*

**ЛАБОРАТОРИЯ** [р<лат] 1 Илмий текширишлар, тажрибалар, амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлими ва улар жойлашган бино. *Химия лабораторияси. Физика лабораторияси. Лаборатория машғулоти.*

2 *қўлма* Ўзувчи, расом ва ш.к.нинг ижодий фаолият соҳаси. *Ўзувчининг ижодий лабораторияси.*

**ЛАВА I** [р<итал] Вулкандан отилиб чиқадиган эриган тоғ жинси.

**ЛАВА II** [р] Шахтада кўмир қатлами ёппасига қазиладиган жой. *Қайноқ лавада транспортёр лентасига бетўхтов кўмир ташлашга, смена тугагунча уни ўн икки-ўн уч тоннага етказишга ҳар кимнинг ҳам бардоши ўтавермайди.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

**ЛАВАНГ** с. т. Лаванд.

**ЛАВАНД** [ф-т] Ўзини-ўзи уdda қилмайдиган, қўлидан бирор иш келмайдиган; шалвирган, бўшанг, ношуд. *Тарбиятсиз ота-она фарзанди, Бориб-бориб бўлур лаванди.* Чархий.

**ЛАВЛАГИ** Сабзавот ўсимликларидан бири ва унинг овқат учун ишлатиладиган илдиз меваси, хосили. *Оқ лавлагги. Қизил лавлагги. Лавлагги чопиғи. Лавлагги сугориши.* — *Ошани ўзларингга айтиб кетсам, қилаверар экансизлар. Лекин сабзи йўқ, ўрнига лавлагги соласиз.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Қанд лавлагги лавлагининг қанд, шакар тайёрлаш учун ишлатиладиган оқ ширин нави.*

◆ **Лавлагги бўлиб кетмоқ** ёки **лавлагиси чиқиб кетмоқ** уятдан ёки ҳароратдан юзларига қизиллик ёйилмоқ,

қизариб кетмоқ. *Мен уялиб, қип-қизил лавлагги бўлиб кетган эдим.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ЛАВЛАГИКАВЛАГИЧ** қ. х. Лавлагги хосилини кавлаб оладиган махсус машина.

**ЛАВЛАГИКОР** Лавлагги экиш, лавлагги хосили етиштириш иши билан шуғулланувчи дехқон ёки хўжалик.

**ЛАВЛАГИКОРЛИК** лавлагикор с. касб *оти.*

**ЛАВЛАГИЧИ** *кам қўлл. айн.* лавлагикор.

**ЛАВЛАГИЧИЛИК** *кам қўлл.* лавлагичи с. касб *оти.*

**ЛАВОЗИМ** [а] *кт.* Муассаса, идора ташкилот ва ш. к.да бирор расмий хизматни бажариш билан боғли бўлган доимий вазифа; амал, мансаб. *Раислик лавозими. Раҳбарлик лавозими. Президентлик лавозими.*

**ЛАВОЗИМСИЗ** лавозимсиз **министр** баъзи капиталистик мамлакатларда: махсус топшириқларни бажарувчи, муайян тармоққа тайинланмаган **министр.**

**ЛАВР** [р<лат] 1 *айн.* дафна. *Лавр барги.*

2 Шу дарахтнинг шох-шаббаларидан қилинган ва шухрат, ғалаба белгиси ёки олий мукофот сифатида голиб кишининг бўйнига солинадиган чамбарак.

**ЛАВҲ** [а] *эск.* Китобни қўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама. *Кичик Алишер лавҳ устига Фаридиддин Атторнинг «Мантқиқут-тайр» [Қушлар тили] номли китобини қўйиб ўқимокда эди.* «К. Ўзбекистон», 1946, № 14.

**ЛАВҲА** [а] 1 Силлиқланган тош ёки металл тахта. *Оппоқ мрамор лавҳа устига қўйилган сийёҳдон жуда ярашглиқ эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Хотира ёки қисқача тарихий маълумот ёзиб, бирор жойга ўрнатиб қўйилган тош ёки металл тахта ва унга ёзилган текст, хат. *Қахрамон хотирасига ўрнатилган лавҳа.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қутидор лавҳа қаршида эди. Лавҳани йўқиб чиққандан кейин у ҳам тўқ-тўқ йиғлаб юборди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ҳақидаги кичик асар ёки парча. *Қино лавҳа. Пахтакорлар ҳаёти ҳақида лавҳалар.*

— *Ҳаёлимнинг олтин қайиғи Сузар экан бағрингда мағрур, Жилва билан кекса тарихнинг Лавҳалари бир-бир кўринур.* Уйғун. *У отасининг суҳбатини севар, граждандлар урушига доир лавҳаларни севиб тинглар эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 *полигр.* Китобнинг бошига, боб ва фасларининг аввалига саҳифанинг эни бўйлаб солинган нақш.

5 Кўриниш, манзара. *«Тезгузар» да бўлдим. Утмиш асрларнинг харобазор, ваҳима, чўй лавҳаларидан из ҳам қолмаган.* Туйғун, Йиллар ва китилар. *Навоий .. ҳаёт лавҳалари ва табиат манзараларини тасвирлаш*

да ҳам моҳир санъаткордир. «Ватан адабиёти».

**ЛАГАН I** Куюқ овқатлар солинадиган, тарелкадан катта ясси идиш. *Мис лаган. Сопол лаган. Чинни лаган.* — *Анвар ўртада дастурхон ёзиб, икки лаган майти чиқариб қўйди.* А. Қодирий, Мехрбоддан чаён. *Хитой лаган сергул катта чинни лаган. Эшон ая хитой лаганда қовурма олиб кирди.* С. Аҳмад, Хукм.

2 *диал.* Косадан катта ичи чуқур сопол идиш; товоқ. *Бошларида қатиқ ивителидиган лаган .. билан яланг-оёқ, кир, жулдур кийимли болалар шипиллаб ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЛАГАНБАРДОР** *салб.* Ўз манфаати учун мансабдор олдиди ўзини жуда тубан тутиб, унга хушомад қилишга тиришадиган пасткаш одам; хушомадгўй. *«Ҳа!» деса «лабай!» дейдиган, сўз қайтармас, лаганбардорлар, унинг [Тўқсоновнинг] парвоз қилишини таъминлайдиган қанот бўлиб кўринадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛАГАНБАРДОРЛАРЧА** *рви* Лаганбардорлик билан, лаганбардор кишиларга хос ҳолда. *Лаганбардорларча муомала қилмоқ.* — *Бошқалар бойвачанинг гатини лаганбардорларча бош қимирлатиб маъқулладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛАГАНБАРДОРЛИК** лаганбардор с. белги *оти.* *Лаганбардорликка қарши кураш.*

**ЛАГЕРЬ** [р<нем] 1 Қўшнинг аҳоли яшайдиган ердан ташқаридаги вақтинча қароргоҳи. *Бу ердаги ҳаёт фронтдан мингаларча километр узоқда, мамлакат ичкарида бўлган ўша лагерь ҳаётдан ҳам осойиштароқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Вақтинча туриш учун қурилган жой, вақтинча қароргоҳ. *Туристлар лагери. Альпинистлар лагери. Пионерлар лагери.*

3 Маҳбуслар ва ҳарбий асирлар сақланадиган жой. *Ахлоқ тузатиш меҳнат лагери. Ҳарбий асирлар лагери. Концентрацион лагерь қ. концентрацион.*

4 *қўлма* Муайян бир маслакдаги ижтимоий-сиёсий гуруҳ; ҳаммаслак кишилар тўдаси. *Тинчлик тарафдорлари лагери. Социализм ва демократия лагери.* — *Маҳкум синф—беклар курашдан толди, Бизнинг лагерь устунлик маршии чалди.* Ғайратий.

**ЛАЁҚАТ** [а] 1 Бирор ишга яроқлик, қобиллик; бирор ишни бажариш, удалаш қобилияти. *Ўқшига лаёқат. Ишга лаёқати йўқ одам.* — *Бой тоғанинг ҳамма юмушларини яхши бажаргани ва меҳнатга лаёқатини, уқувини яққол кўрсатгани учун бой унга [Йўлчиға] катта ерга чиқиб пахтада ишлашга буйруқ берган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *айн.* истеълод.

**ЛАЁҚАТЛИ** 1 Бирор ишга яроқли, қобил, лаёқати бўлган. *ЎзССРда меҳ-*



нат қилиш, «ишламаган тишлამас» деган принципга биноан, меҳнатга лаёқатли ҳар бир гражданинг бурчи ва шарафли ишидир. «ЎзСРР Конституцияси».

2 айн. истеъдодли. Лаёқатли бола.

3 Фойдаланишга, ишлатишга ярайдиган, яроқли. Баатадан бошқа лаёқатли асбоб йўқ эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛАЁҚАТСИЗ** 1 Бирор ишга яроқсиз, бирор ишни бажариш қўлидан келмайдиган; қобилиятсиз. Меҳнатга лаёқатсиз киши.

2 айн. истеъдодсиз.

**ЛАЗАРЁТ** [р<фр] аск. Ҳарбий қисм қошидаги кичкина касалхона.

**ЛАЗГИ** Хоразмнинг шўх куйларидан бири ва шу куйга ижро этиладиган рақс. Бир оздан сўнг Хоразмнинг йўноқ куйлари чапиниб, шўх лазги бошланди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЛАЗГИН** қ. лазгинлар Лазгин тили. Лазгин халқи. || Лазгин аёл.

**ЛАЗГИНЛАР** Доғистонда яшайдиган Кавказ халқларидан бири.

**ЛАЗГИНЧА** 1 Лазгинларга, лазгин тили, адабиёти ва маданиятига оид. Лазгинча кийим. Лазгинча рақс.

2 Лазгин тили. Лазгинча(ни) биласизми? || Лазгинча гапирмоқ.

**ЛАЗЗАТ** [а] 1 Нарсаларнинг маза-таъм билиш аъзолари орқали сезиладиган хусусияти; маза, таъм. Овқатнинг лаззати. Анжирнинг лаззати.

2 кўчма Хузур-халоват ҳисси; маза, наъша, завқ. Меҳнат лаззати. Дунё лаззатлари. Уйқу лаззати. Осон ишда лаззат бўлмайди. ■ Саҳилларни айлаиб, Утирамиз оқиомлар. Кеч лаззатига қониб. Роҳатланади танлар. Т. Тўла.

3 Лаззат (хотин-қизлар исми).

**ЛАЗЗАТЛАНМОҚ** Лаззат олмоқ, маза қилмоқ, роҳатланмоқ. Қамилининг бундай парвосиз ўтиришини, бунинг устига, шеър ўқиб лаззатланаётганини кўрган Бйронбекнинг ағзи очилиб қолди. Х. Ғулом, Машъал.

**ЛАЗЗАТЛИ** 1 Мазаси яхши, ёқимли; ширин, тотли. Лаззатли шўра. Лаззатли мева. ■ Меҳмонлар лаззатли овқатларни хўп ейишди, ичишди. П. Турсун, Ўқитувчи. 1 Димоққа ёқимли, хушбўй. Кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўчма Хузур-халоват бағишлайдиган; наъшали, завқли. Лаззатли ҳаёт. Лаззатли сўхбат. Лаззатли оналар.

**ЛАЗЗАТСИЗ** 1 Бемаза, тамсиз, ёқимсиз. Лаззатсиз овқат.

2 кўчма Хузур-халоватсиз, завқсиз. Лаззатсиз турмуш.

**ЛАЗИЗ** [а] 1 кт. Мазаси ёқимли; ширин, лаззатли. Уламолар эса, гўё уч кундан бери туз тотмагандай, лизиз овқатларга чигирткадай ёпирилиб ура бошладилар. Ойбек, Нур қидириб.

2 Лазиз (эркаклар исми).

**ЛАИН** [а] кт. Лаънатланган, қарғиш олган; лаънати. Шайтонни лани

1) дин. лаънатланган (худонинг даргоҳидан қувилган) шайтон; 2) кўчма ўтакетган фирибгар, хийлагар, қаллоб.— Сен шайтонни лансан, энди билдим, хонлар билан ҳамтовоқ бўлгансан,— деди Абдулвоҳид. Ойбек, Нур қидириб.

**ЛАЙЛАК** [ф-т<а] 1 Узун оёқ қушлар туркумига мансуб, тумшуги узун, парлари оқ ва қора аралаш катта қуш. Лайлак уяси. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ. Мақол.

2 Баландга юк чиқариш учун қурилган, таянчиги ўртасида бўлган ричаг шаклидаги мослама. Лайлак бўлмоқ с. т. олди осмонга, кети эрга бўлиб қолмоқ (мас., арава ҳақида). Тўзон басилганда қарасица, машина кузови кўтарилганча, .. қияликнинг энг четида шундоқ лайлак бўлганча омонат туриб қолибди. А. Мухтор, Туғилиш. Лайлак қилиб кўймоқ с. т. олдини осмонга, орқасини эрга қилиб кўймоқ. Лайлак қилиб кўйилган четан араванинг тағида икки киши хандалак еб ўтиришарди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ Лайлак варрак ромб шаклидаги бир турли варрак. Лайлак қор йирик, пилта-пилта бўлиб ёғадиган қор. Урик қийғоч гуллаган кунлари бирдан ҳаво совиб, лайлак қор ёғиб юбарди. П. Кодиров, Уч илдиш.

**ЛАЙЛАТУЛҚАДР** [а] дин. Рамазон ойининг муқаддас саналувчи йигирма еттинчи тунн.

**ЛАЙНЕР** [р<ингл] Муайян бир йўлдан қатнаб юк ёки пассажир ташийдиган катта тез юрар кема.

◆ Ҳаво лайнери катта тез учар самолёт.

**ЛАЙЧА** 1 Кичкина, пастак уй ити. Қора лайча. || Булардан ташқар, фақат уйнинг зийнати учун боқиладиган .. битта лайча кучук, .. битта бароқ мушук. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 кўчма салб. Бировнинг ҳар қандай топширигини кўр-кўрона сўзсиз бажаришга тайёр киши; югурдак, малай. Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз. Ойбек, Қутлуг қон.

**ЛАК** [ф-т<хинд] аск. Юз минг. Ғози Абдулқарим подшо Араб вилоятида .. худо йўлида жанг қилувчи йкки лак аскар пайдо қилди .. Айний, Дохунда.

**ЛАКАЛОВ** с. т. Анқов, меров; лақма. Лакалов одам.

**ЛАК-ЛАК** Юз мингларча, беадад, кўп, сон-саноксиз, бехисоб. Лак-лак одам. Лак-лак пул. ■ Сен лак-лак қўшинга саркарда бўладиган бўлимли йигитсан. Ойбек, Навоий.

**ЛАКЛУК** с. т. айн. тилча 2.

**ЛАКМУС** [р<голл] хим. Баъзи ўсимликлардан олинадиган, кислотада қизил, ишқорда кўк тусга кирадиган модда. Лакмус қороз лакмус эритмаси шимдирилган қороз (кислота ва ишқорни аниқлаш учун ишлатилади).

**ЛАКОТ**: лакот бўлмоқ бўшашмоқ, ланж бўлмоқ.

**ЛАЛЛАЙИШМОҚ** лаллаймоқ фл. бирг. н.

**ЛАЛЛАЙМОҚ** Бўшашмоқ, шалвирамоқ; анқаймоқ. Ҳожимат бува зарда билан ўрнидан тураркан,— мана шу лаллайган, ландовурни айтяпман!— деб бурчақда ўтирган тракторчи Турсунбойни кўрсатди. М. Муҳамедов, Ҳамқишлоқлар.

**ЛАЛМИ** Суғорилмайдиган, ёғиндан сув ичадиган; бахори. Лалми ер. Лалми бугдой. ■ Аммо улар .. лалми экинларни томоша қилишни бошқа вақтга қолдирдилар. Айний, Дохунда.

**ЛАЛМИКОР** 1 Ёғин сувидан фойдаланиб дехқончилик қилинадиган; ёғин суви билан унадиган, суғорилмайдиган «Ҳақ йўл» деб ном берилган қолхоз .. ширқдаги бўзликка ва лалмикор адирга қўш чиқарди. П. Турсун, Ўқитувчи. Лалмикор бугдойнинг яшил гилмига [кўеи] олтин нурини тўжмоқда. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

2 Лалми экинлар экиш билан шуғулланувчи дехқон. Лалмикорлар мўл бугдой ҳосили олдилар.

**ЛАЛМИКОРЛИК** 1 Лалми экинлар экиладиган ерлар.

2 Лалми экинлар экиш иши.

**ЛАМА** [р<тибетча] Тибет ва Мўғулистонда будда дини руҳонийси.

**ЛАМПА** [р<фр] Ёритиш учун ишлатиладиган шишали асбоб; чироқ. Лампа шиша. Лампа пилиги. Учинчи лампа. Электр лампа. ■ Раъно айвон лабида қўлини керосинга булгаб, лампа ёқиш ҳаракатида эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Уртадаги тахта полли айвонга осма лампа осиб қўйилибди. С. Анорбоев, Оқсой. Лампа ёғ (ёки мой) аск. айн. керосин.

**ЛАМПА** Ғанч ёки алебастр сувоқ қилинган шиш. Чий лампа қ. чий 2.

**ЛАМПОЧКА** [р] Электр токи билан нур тарқатадиган, шарсимон шишадан иборат ёритиш асбоби; электр чироқ. Шербек қоронғи бог кўнадан ўтиб, ҳар жой-ҳар жойда симёгочларда электр лампочкалар қизариб турган кенг .. кўчага етганида, .. таниши ҳамқишлоқларига дуч келди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛАНГ** I [ф-т] аск. Чўлақ, оқсоқ.

**ЛАНГ** II: ланг очик кенг очик, катта очик. Қизлар етаклашиб, ланг очик дарвазадан тўғри кириб бордилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кун дим. Қолхоз клубининг ҳамма деразалари ланг очик. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. Ўзги ланг очилиб қолди хайратдан анграйиб қолди, хайрон бўлиб қолди.

**ЛАНГАР** I [ф-т] Кемани бир жойда тўхтатиб туриш учун занжирга бириктириб сув остига ташланадиган чангаксимон оғир темир. Лангар ташламоқ. Лангарни кўтармоқ.

**ЛАНГАР** II [ф-т] лангар чўп Дорда мувозанатни сақлаш учун дорвоз қўлда тутадиган узун хода. Дорвоз узун лангарини ушлаб, арқондан юқорига ўр-



малаб бормоқда. Ж. Шарипов, Хо-разм.

**ЛАНДАВУР** Ҳеч бир ишни уддалай олмайдиған; лапашанг, ношуд.

**ЛАНДАВУРЛИК** ландавур с. белги эти.

**ЛАНДАХУР** эск. кт. айн. ландавур.  
**ЛАНДИШ** [р ландыш] Япроқлари баргизуб барги сингари чўзиқ, кўн-вироқчасимон майда оқ хушбўй гулли ўсимлик.

**ЛАНДШАФТ** [р < нем] геогр. Кўри-ниши, манзараси бир хил бўлган ер, жой. Тоғлик ландшафт.

**ЛАНЖ** 1 Тоби айниған, бўшашған; доҳас. Ланж бўлмоқ. Ланж қилмоқ (этмоқ). Ҳизми ланж сездим. — Мингбошининг майи мени анча ланж қилди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. || Эртасига оғиз тахир, ўзимиз йаудек ланж. М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Ортиқ дам еб тобидан ўтган ёки суви кўплигидан узоқ қайнаб бўшаш-ган. Ланж ош. Палов ланж бўлибди.

3 кўчма Аниқ ва қатъий фикр бил-дира олмайдиған; фикридан қайтиб, айниб турадиған; мижгов. У ўзи ланж одам эди. — Бригадирнинг ўзи ҳамон ланж, бригада аъзолари виждон азобиди. Н. Сафаров, Мардлар майдон-да. [Мулладушт:] Тайёр ошга баковул бўлмай ўл! Пок бўлмаса, бузиб қў-ювдиңку, ланж. Ҳамза, Майсаранинг иши. | На у ёқли эмас, на бу ёқли эмас; ноаниқ, муҳмал. Ланж жа-воб. Ланж ҳаво. — «Ўқилларини та-момлашаверсин-чи, бир гап бўлар», — деб ланжроқ жавоб қайтарган эди Ғўламат. С. Анорбоев, Оқсой. Ҳа-санов «ўзингиз биласиз» дегандек ланж-роқ гап қилди. И. Раҳим, Ихлос. | Шаҳти паст; руҳсизланган, бўшашган. Ҳамиша шўх табиатли, чаққон ва дадил ҳаракатли Юсуф Маёдор нега-дир хафа, ланж кўринадди. Ш. Тош-матов, Эрк қуши. Низомиддин район активидан ланж бўлиб қайтди. С. Аҳмад, Хукм.

**ЛАНЖЛИК** ланж с. белги эти. Па-ловнинг ланжлиги. — Қадоқчи Ҳам-роқулнинг тоби қонди, .. кеча эрталаб ҳам ланжлиги бор эди. А. Қаҳҳор, Томошабор. Ланжлик қилмоқ султ ҳаракат қилмоқ; иккиланмоқ.

**ЛАНКА** [хит] 1 Орқасига оғир ме-талл парчаси, танга, қақа ва ш. к. ёпиштирилган узун юнгли тўгарак тери парчасидан иборат, теппи ўйна-ладиган болалар ўйини. Ланка ясамок.  
2 Шу ўйиннинг ўзи. Ланка ўйнамоқ. Ланка тепмоқ.

**ЛАНТАН** Химиявий элемент, оқ металл.

**ЛАНГИЛЛАМОҚ** Яллиғланиб, қип-қирил алангалиниб ёнмоқ; алангалан-моқ. Учоқда ўт лангилаб турарди. Гулхан лангилаб ёнар эди. — Ни-замжон .. иссиққина ҳўжрада, лан-гиллаб ёнаётган печ олдиди ўтирибди. С. Аҳмад, Уфқ. Уртадаги катта ман-қалда яхши алдирилган иссиқ саксовул

кўмир лангилаб ёниб турарди. М. Осим, Ўттор.

**ЛАПАНГЛАМОҚ** У ёққа, бу ёққа ўрдаксимон чайқалиб, ташланиб юр-моқ. Лопанглаб юрмоқ. Лайлак лапан-глаб учди. — Асқар половон бесўна-қай лапанглаб, шапта йиқилди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Чайқалиб турмоқ, ло-пилламоқ. Кўприк лапанглаб турибди. — От оёқларини зўрға кўтариб таш-лар, устидаги оғир юки секин-секин лапанлар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛАПАНГ-ЛАПАНГ** тақл. с. У ёқ-бу ёққа оғир, бесўнақай чайқалган ҳаракатни билдиради. Лапанг-лапанг қилмоқ айн. лапангламоқ.

**ЛАПАНГЛАТМОҚ** лапангламоқ фл. орт. н. Ойимхон катта ва йўғон га-вдасини лапанглатиб йўл бошлади. П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ЛАПАР** Тўй ва йигинларда йигитлар билан қизлар орасида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган терма қўшиқ. [Қумуш жуда хафа эди]. Шунинг учун бошқа йўнларни кўя туриб мажлис-нинг энг қизик тарафи бўлиб санал-ган лапар айтишга кўчдилар. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

**ЛАПАРЧИ** Лапар айтувчи, лапар айтишга уста киши.

**ЛАПАШАНГ** Бирор ишни эплай ол-майдиған, бўшашган, шалвирраған; ландавур. У вақтда бошқача эди-ку: у-сти-боши мойга беланган, лапашангроқ бола кўринган эди. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

**ЛАППАК** диал. Ялпоқ, ясси. Пол-вон .. учинчи дафъа келтирган тошлар ичидан лаппак, етти-саккиз қадоқ ке-ладиган бир тошни танлаб олди-да, яхшилаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди. А. Қаҳҳор, Кўр кўз-нинг очилиши.

**ЛАППОС** с. т. Тўладан келган; кўпол. Зайнаб лаппос ва йўнта сўзга аранг битта жасоаб қайтарадиган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЛАРЁК** [р] Савдо дўкончаси, Китоб ларёни. Газлама ларёни.

**ЛАРЗА** [ф-т] 1 Кучли таъсир на-тижасида юз берадиган қаттиқ тит-ранш, қаттиқ силкиниш; титроқ. Тўх-товсиз ва қаттиқ отишмалардам вру осмон ларзада. — Артиллерия ер-кўкни ларзага келтириб, ўт сомоқда. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. Тўпларнинг садосидан .. ҳамма ёқ ларзага тушиди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кўчма Бирор ижтимоий-сиёсий ҳаракат, тузум ва ш.к.га берилган қаттиқ зарба. Октябр галабасидан капитал дунёси ларзага келди. — 1905—1907 йиллардаги рус революция-си янги давр ниҳоятда чуқур сиёсий ларзалар ва революцион жанглар дав-рини очиб берди. «КПСС тарихи». [Қиз] йигитларнинг кўнглини ларзага соладиган шўх, карашмали кулаг билан кўлди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛАРЗОН** [ф-т] Оғирлигидан осилиб, лапанглаб, тебраниб турадиған. Лар-

зон урмоқ силкинмоқ, чайқалмоқ, у томон-бу томонга ташланмоқ. Бир қатор турна келади Гул шоҳига кўн-гани. Гул шоҳи ларзон уради Турнани кўндиргани. «Фольклор».

**ЛАРИНГИТ** [р < грек] мед. Ҳиқил-доқ шиллиқ пардасининг яллиғлани-ши.

**ЛАРИНГОЛОГ** [р] Томоқ-бўғиз ка-салликларни мутахассис, врач.

**ЛАРИНГОЛОГИЯ** [р < грек] Меди-цинанинг томоқ ва ҳалқум касаллик-ларини ўрганадиган бўлими.

**ЛАС** [ф-т] Чйтага нисбатан энч тўқилган, юзи силлиқ ип газлама; сатин. Кўрпалик лас. Қора лас.

**ЛАТ** [ф-т]: лат смюк йиқилиш ёки бошқа таъсирдан шикастланмоқ (эти узилмоқ, кўкармоқ, шишмоқ ва ш. к.). Оғир юк кўтариб, белим лат эди. — Шербек лат еган чап қўлига тегишга ўзи ҳам безиллар эди. С. Анорбоев, Оқсой. | Зарарланмоқ, шикастланмоқ, бузилмоқ (синмоқ, учмоқ, пачақ бўл-моқ ва ш. к.). Бўронда лат еган то-лар, тахта деворлар ремонт қилинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Ҳай-дарбой] жўмраш ёки қоридан лат еб чегалатилган кўримсиз чойнакларга чой дамайдди. П. Турсун, Ўқитувчи. Лат бермоқ (ёки етказмоқ) кам қўл. зарар келтирмоқ, зиён бермоқ. Аммо .. фойда қиламан деб .. колхознинг юз минг сўмлик ҳосилига лат беради. А. Қо-дирий, Обид кетмон.

**ЛАТИН** [лат] Қадимги Римга, қа-димги римликларга оид. Латин тили. Латин алфавити.

♦ Латин Америкаси Урта ва Жану-бий Американинг умумий номи бўлиб, халқлари асосан испан ёки португал тилларида сўзлашади.

**ЛАТИНЛАШТИРИЛМОҚ** латин-лаштирмоқ фл. мажх. н. Латинлаш-тирилган ўзбек алфавити.

**ЛАТИНЛАШТИРИЛМОҚ** 1 Латин ти-ли ва латин маданиятини ўрнатмоқ, жорий қилмоқ.

2 Алфавитни латин графикаси асо-сида қайтадан тузмоқ.

**ЛАТИНЧА** 1 Қадимги Рим тарихи ва маданиятига оид.

2 Латин тилига, қадимги римликлар тилига оид. || Латинча сўзлашмоқ. — [Боқижон Бақоев:] Практикум, ми-нимум, максимум булар ҳаммаси ла-тинча ёки латинчага яқин сўзлар. Мен шажсан шундай деб биламан. А. Қаҳ-ҳор, Адабиёт муаллими.

3 Латин графикаси асосида ишлан-ган, латинлаштирилган (ёзув ҳақида). Латинча алфавит. Латинча ёзув.

**ЛАТИФ** [а] 1 Гузал, чиройли ва нозик. Латиф лаб. — [Қиз] оқ қўл-лари билан латиф бурнининг ўнг то-монида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан кўндирилган қора холини қашиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёқимли, майин, нозик. Гулнинг латиф ҳиди. Латиф тонг ели. — Отабек табиатнинг шу кўркам ва ла-тиф кўринишига мафтун бўлиб ..

узок тин олиб қўйди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Мулойим, хушмуомала, ёқимли. Латиф йигит.

4 Латиф (эркаклар исми).

**ЛАТИФА** [а] 1 Кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя. Бир оз чарчагандан сўнг, ўтириб турли латифалар, .. қизиқ-қизиқ ҳикояларни эсладик. О. Ёқубов, Янги йил кечасида. Тошкентлик машҳур бойнинг хасислиги ҳақида ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чалинмаган латифалар суҳбатга ранг бериб турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Афанди латифалари афсонавий халқ қахрамони Хўжа Насриддин афандининг саргузаштлари билан боғлаб, халқ томонидан яратилган қисқа-қисқа кулгили ҳикоялар.

2 Латифа (хотин-қизлар исми).

**ЛАТИФАБОЗ** [а+ф+т] айн. латифачи.

**ЛАТИФАБОЗЛИК** Латифа айтиш. Кулгили ўйинлар қизиқчилик, аския, латифабозлик билан бир қаторда, меҳнаткаш халқ оммасининг қувноқ оптимистик руҳини ифодалайди. М. Қодиров, Халқ рақслари ҳақида.

**ЛАТИФАҒЎЙ** [а+ф+т] айн. латифачи.

**ЛАТИФАҒЎЙЛИК** айн. латифабозлик.

**ЛАТИФАЧИ** Латифа айтувчи, латифалар латиф этувчи, латифага уста одам; латифағўй, латифабоз. Мавлоно Абулвоси деган машҳур ҳажвчи — латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳаммининг ичагини узди. Ойбек, Навоий.

**ЛАТИФЛИК** латиф 1—3 с. белги оти.

**ЛАТИШ** қ. латишлар. Латиш тили. Латиш халқи. || Латиш оёл.

**ЛАТИШЛАР** Латвия ССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ, латиш халқи.

**ЛАТИШЧА** 1 Латишларга, латиш тили, адабиёти ва маданиятига оид. Латишча рақс.

2 Латиш тили. Сиз латишча(ни) биласизми? || Латишча гапирмоқ.

**ЛАТОФАТ** [а] 1 Латиф кўриниш, чирой; латифлик, нозиклик, гўзаллик. Бир қиз бўлса, шунчалик бўлар-да! Ана латофат, ана назокат! Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Нарса, ҳодиса, манзара ва ш.к.нинг нозик хис уйғотувчи гўзаллиги, ёқимлиги. Кўришунча хайр, соҳиллар! Хайр, шимол латофатлари! С. Акбарий. Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат: ариқларда сув қумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўйган каби жимир-жимир мавзланади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Латофат (хотин-қизлар исми).

**ЛАТОФАТЛИ** Ёқимли, гўзал, латиф. Кўзим нури латофатли на хуш озода жонансан. Ҳабибий. || Турғуннинг хусини зимдан томоша қилар-

ди. Ўша кунни Саодат бурунгидан ҳам латофатли кўринди унга. О. Ёқубов, Тоғ қизи.

**ЛАТТА** 1 Газлама парчаси; ишлатилган, эски газлама бўлаги. Катта-кичик хитой вазаларни латта билан яхшилаб артоди. Ойбек, Қутлуғ қон. Икки қадам борди-ю, латтага ўралган бир нимани [Самандарнинг] қўлига берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 с. т. Умуман ип газлама. Янги ёр тоғанда дўстлар, эскидан кечмоқ керак, эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Ип газламадан тикилган нарсалар, кийимлар.

3 диал. Ипак мата. Хитойи латта. Латта рўмол. — [Кумушининг] паранжиси қўлида, қора атлас кўйлак эғнида, зангор латта мурсак устида .. эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

4 кўйма дагл. Утакетган бўш, ношуд; шалвирраган. Эракнинг зугми бўлмаса, хотинлар уни латта дейди. С. Юнусов, Осон ишнинг охи бор.

◆ **Латта жинниси** с. т. салб. газлама ёки кийим йиғишга ўч.— Латта жинниси! — деб бақирди Бўтабой, бутун аламини хотинидан олмоқчи бўлиб,— латтанинг учини кўрсатса, ўзингни томдан ташлайсан. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Гапидан латта ҳиди (ёки иси) келади бемаъни, мужмал ёки ғаразли фикр-мулоҳаза ҳақида айтиладиган ибора.— Ҳодивой, аччигинг чиқмасин-ку, .. гапидан латта ҳиди келадиган бўлиб қолган,— деди уста. С. Аҳмад, Ҳодивой.

**ЛАТТАЛИК** латта 4 с. белги оти. Уртада [Холдор] пайдо бўлганда мен бачкана араз билан ўзимни четга олдим, латталик қилдим. А. Мухтор, Туғилниш.

**ЛАТТА-ЛУТТА** айн. латта-путта. Дарахтларга боғланган ҳар хил латта-лутталар баъзан эсан кечки шабадада тебранар ва мозорга қўрқинчли тус бағишларди. С. Зуннунова, Гулхан.

**ЛАТТА-ПУТТА** Эски-туски латталар; газлама бўлақларидан қилинган эски-туски буюмлар. Иккинчи супада бўлса, .. бир тўда латта-путталар орасида қулала бўлиб, ҳикоямизнинг қахрамони Мамажон ётар экан. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. | с. т. Газлама ва уллардан қилинган бисот буюмлар. Лаъли билан Баҳри ҳовлининг у ёғидан-бу ёғига югуриб, мусодара қилинаётган мол-мулклар орасидан алақандай латта-путта, идиш-товоқларни ажратиб олиш ҳаракатида юрибдилар. Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ЛАТТАФУРУШ** Эски-туски кийим-кечаклар олиб сотувчи киши; эскифуруш, эскичи.

**ЛАТТАЧАЙНАР** салб. Гапнинг тутуриги йўқ; бир гапни ҳа деб такрорлай берадиган; эзма. Мана шундай латтачайнар одамни кўрса, Назар ота гипта бўғилади-ю, кўзи тиниб, оғзидан нима чиққанини бил-

май қолади. С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

**ЛАТЧА** Сувсарлар ояласига мансуб танаси чўзиқ, серҳаракат йиртқиқ хайвон.

**ЛАУРЕАТ** [р<лат] Фан, санъат ва ш. к. соҳаларда кўрсатган жуда катта хизматлар учун бериладиган унвон ва шу унвонга эга бўлган киши. Ленин мукофоти лауреати. Тинчлик мукофоти лауреати. Халқаро ёшлар фестивали лауреати.

**ЛАФЁТ** [р<фр] Тўп, замбарак ўрнатилган дастгоҳ; замбаракнинг шоти ва гилдираклардан иборат ост қисми.

**ЛАФЗ** [а] 1 кт. Сўз, калима; тил. Лафзи тез оғзига келган сўзни қайтармайдиган, салга жаҳли чиқиб гапириб юбораверадиган. Кумушинингнинг феъли-автори ўзимга маълум: эрка ўсган, лафзи тез. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Лафзи ширин гап-сўзи ёқимли.

2 кўйма Берилган ваъда, аҳд, сўз. Ҳозир Нодирнинг юрагида номус ўти, йиғитлик лафзи, ориятидан кўра худбинлик, ўжарлик устун турди. Ш. Ғуломов, Ерқин уфқлар. Пахтакорнинг одатича шундай: сўз берднгми, лафзинда тур! Шермухамедов, Пискентлик паҳлавон. Лафзи йўқ ёки лафзида турмайдиган сўзида, аҳдида турмайдиган, ваъдасини бажармайдиган. Лафзи ҳалол чин сўзли, аҳдида турадиган, ваъдасининг устидан чиқадиغان. Лафзи ҳалол қуролдош дўстлар, Уринлайди ҳалол паймонни. Ё. Мирза. Лафзини ютмоқ ёки лафзидан қайтмоқ аҳддан қайтмоқ, тонмоқ.

**ЛАФЗАН** [а] рвш, кт. Сўз орқали, сўзда ифодаланган; ошқора айтилган. Унинг [Ўтабекнинг] шу йўсин мулҳаза ва фикрлари мажлисга чувалган ипнинг учини топиб бергандек бўлиб, лафзан бўлмаса ҳам, маънан уларнинг таҳсин ва олқишларини олди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЛАФЗСИЗ** Лафзида, сўзида, аҳдида турмайдиган, субутсиз. Лафзсиз одам. **ЛАФЗСИЗЛИК** лафзсиз с. белги оти. Бизнинг оилдан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЛАХТА** [ф+т]: лахта қон ивиб қолган қон парчаси. Илоғ оғзингдан лахта қонинг келгурлар, уни ҳам «сен асир бўлдинг» деб олиб кетишди. И. Раҳим, Чин мухаббат. Қолхозчи эрлар .. Зарбли байроқ қўлларингга баландга кўтар, Уни кўриб ёвуз душман лахта қон ютар. Туйғун.

**ЛАХТАК** [ф+т] Газлама ёки терининг қолдиғи, парчаси.

**ЛАХТАК-ЛУХТАК** Қолдиқ лахтақлар; парча-пурча. Терскайда лахтақ-лухтақ қор уюмлари. С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛАХТА-ЛАХТА**: лахта-лахта қон бўлак-бўлак, парча-парча ивиб қолган қон. Кечаси бир зиёфатдан қайтиб, лахта-лахта қон қусди, озонга яқин жон берди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛАХЧА:** лахча чўғ (ёки ўт, олов) қизариб, яллиғланиб, ловиллаб турган чўғ, ўт. Гул киприги оппоқ. Бир дуру сабафдек, Лолалар қизарди Бир лахча оловдек. Ҳ. Олимжон. [Ғофир:] Нечук ўртанган, лахча чўғ бўлиб ёнган юрагимни тирнайси? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ЛАЧАК** Кекса хотинлар ботша ўрайдиган оқ дока ёки сурп; дакана. Мақбаранинг панасида бошига оқ лачак ёпинган аёл киши кўринди-ю, ғойиб бўлди. С. Анорбоев, Ғузаллик излаб.

**ЛАЧАКЛИҚ** Лачак бўладиган, лачак қилишга мўлжалланган мато. Энабувининг хаёли аллақайларга бориб келди. Пилта саватдан тортиб, эри марҳум Шониёзгача, илidan тортиб, лачоқлик бир ярим қарич докагача .. ўйлай-ўйлай мадорсиз кўзлари толди ва уйқура кетди. Ғ. Ғулум, Соляр.

**ЛАШКАР** [ф-т] эск. Давлатнинг қуроли кучлари мажмуи ёки унинг бир қисми; қўшин, армия. Интизомли лашкар енгилмас. Мақол. Халқ лашкари халқдан кўнгили суратда тузилган ёрдамчи қўшин. Морозов ротаси халқ лашкарлари кавлаб қўйган оқоларга икки эвводни жойлаб, қолган эввод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Лашкар тортмоқ қўшин билан ҳужумга бормоқ.

**ЛАШКАРБОШИ** Қўшин ёки унинг бирор қисмининг кўмондони; ҳарбий бошлиқ, саркарда. Лашкарбоши уста бўлса, душман овғи осмонда. Мақол.

**ЛАШКАРГОҲ** [ф-т] кт. Лашкар келиб кўнадиган жой, ҳарбий қароргоҳ, лагеръ. Бу кеча лашкаргоҳда иш қайнади. Ойбек, Навоий.

**ЛАШ-ЛУШ** I Ҳар хил майда-чуйда нарса ва кийимлар. [Мен] лаш-лушларимни кўтариб Мадалихон мадрасасидан бир ҳўжра олиб, шунда тура бошладим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 с. т. Сўйилган қўй ёки молнинг қалла-почалари, ичак-човоқлари ва ш. к.

**ЛАЪЛ** [а] I Қизил қимматбаҳо тош; қизил ёқут. Тошкент ва Самарқандда қадимги замонларда .. феруза, лаъл ва бошқа тошлар сотиладиган бозорлар бўлган. «С. Ўзбекистон», 1969, 14 май. Лаъл жавоҳирот қимматбаҳо тошлар. Лаъли Бадахшон 1) Бадахшон лаъли; тоза ва қимматбаҳо лаъл; 2) куй, ашула номи. У [Турсун] «Олмача анор», «Лаъли Бадахшон» сингари ашулаларни жуда келиштириб айтди.. эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўйма: лаъли лаб тиниқ қизил лаб, ғузал лаб.— Сизга Ҳает бўлсал.— деди жувон, попукли кўкқарга шоҳи рўмоначасини лаъли лаблари орасида ярқираб турган сабаф тишилари билан қирчиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЛАЪЛИ** [ф-т<а] диал. Патнис. Бойнинг буйруғи дарров ижро қилинди, кўк чой-дамланган чойнақлар, лаъли

ва пиёлалар .. олиб келиб қўйилди. Айний, Қуллар.

**ЛАЪНАТ** [а] I Кечириб бўлмайдиган айби, ҳатти-ҳаракати, овир жинояти учун билдирилган қаттиқ қарғиш.— Бўлар иш бўлди, мени қиморбоз никоҳлаб олган эди. Отам эл лаънатидан, юрт надоматидан кўчага чиқолмай қолди.— деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қаттиқ ғазаб ва нафратли қарғашни ифодалайди. Хароб йл золим, эй, бахтингга лаънат! Зулм шоҳи разил тахтингга лаънат! Уйғун ва И. Султон, Навоий. Лаънат айтмоқ (ёки ўқимоқ) айн. лаънатламоқ.

**ЛАЪНАТИ** [ф-т<а] Кимсанинг лаънатига, қарғишига дучор бўлган, лаънатланган. У [Ойбек] лаънати кечмишни қоралади, одамзод тарихида янги давр бошлаб берган Буюк Октябрни .. улуғлади. В. Зоҳидов, Мўъжизакор. Ҳўжайилларнинг остонаси шундай лаънати бўлар экан, ҳатлайман десанг овғингдан чалар экан. Ойбек, Қутлуғ қон. | сўк. Бадбахт, малъун.— Оббо, лаънати-ей! Сотмоқчи денг, ҳали! — деди Элумурод. П. Турсун, Ўқитувчи. Лаънатининг хотин олишга ихлоси балан-у, катта чиқимга тоби йўқ. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛАЪНАТЛАМОҚ** Нафрат, ғазаб билан қораламоқ, лаънат айтиб қарғамоқ. Хотинларнинг .. ҳақни талаб қилган, зулмни, золимларни лаънатлаган овозлари дадилроқ [эшитилади]. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛАЪНАТЛАНМОҚ** лаънатламоқ фл. мажх. н. Кимсанинг нафратига, лаънатига, қарғишига дучор бўлмоқ.

**ЛАҚ** айн. лаққа II. Лақ этиб тушмоқ, Лақ этиб ишонмоқ. — Гапнинг сираси шу, хотин. Сен ҳар ким ҳар нима деса лақ тушиб, ишониб кетаверма,— деди Мамасодиқ. С. Абдуқаҳор, Санамай саккиз дема.

**ЛАҚАБ** [а] I Бирор хусусиятига кўра, кишига ҳазил қилиб ёки масҳаралаб берилган қўшимча ном. Унга «Митти» .. лақабини қайси ҳазилвон қўйган бўлсалар топиб қўйилди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. | Бирор мақсад, зарурият билан ўзгартириб олинган бошқа ном. Мен амир одамлари қўлидан қочиб, йигирма беш йилдан бери ўз жойимни ўзгартириб, «хатирчилик» лақоби билан юрмоқда эдим, шунинг учун сенлар мени ўлган деб ўйлагансизлар. Айний, Қуллар.

2 эск. айн. таҳаллус.— Муҳаммад Аминхўжани энди халқ Муқимий деб таний бошлади. Сени ҳам халққа бир лақаб билан таништириш истайм! Сенинг лақабинг Мавлавий бўлсин! — деди устоз. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 эск. айн. фамиля.

**ЛАҚАБЛАНМОҚ** Лақаб олмақ; қўшимча ном билан атанмоқ. Ҳар кун .. дўкон олдида кичкина декча қайнатиб, бир товоқ хўрда ошга қаноатланганидан, дўкондорлар орасида у сал кунда

ёқ «хўрда махсум» деб лақабланди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛАҚАЙ** Ўзбек уруғларидан бирининг номи (асосан, Тожикистон ССР территориясида ва Афғонистонда яшайдилар). | Шу уруққа мансуб киши.

**ЛАҚИЛЛАМОҚ** I Вақтни бекорга ўтказмоқ, сандироқламоқ.

2 Алданмоқ, ғўллик қилмоқ.

**ЛАҚИЛЛАТМОҚ** лақилламоқ фл. орт. н. Э, ҳали сен ошпазидинг? .. Давроний паққос лақиллатибсан-да! Аттестатим бор деб-а. П. Қодирӣ, Қадриям.

**ЛАҚИЛЛАШМОҚ** лақилламоқ фл. бирг. н. Бу ера Луқмончининг нодир хотирасига қойил бўлганлар ва анчайин лақиллашиб ўтириш ҳаваскорлари тўпланар эди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ЛАҚИМ** с. т. Лаҳм.

**ЛАҚ-ЛУҚ** кам қўлл. айн. лаш-луш.

**ЛАҚМА** I Ҳар нарсага дарров ишониверадиган, осон алданадиган. Танийдиган хотинлар бу ҳолни ҳийла ва шайтонлик эканини яхши ангаласалар ҳам, ҳовлиқма, лақма, енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар, .. ким кўринса шунга кўз ёши қилар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қалтафаҳм, ғўл. Лақма одам.

**ЛАҚМАЛИК** лақма с. белги оти. Қишлоқдан чиққандан кейин Боқижон аччиқ-тиззиқ гапириб дадасига ёпишди, уни лақмаликда, оварликда айблади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЛАҚҚА** I I Чучук сувларда яшайдиган, тангачасиз, мўйловли йиртқич баллиқ. Эрталабдан ташланган қармоқларга тўрттагина бир қаричлик лаққа илинди. Ҳ. Ғулум, Машъал. Лаққа балиқ айн. лаққа I.

2 с. т. Лаҳм. [Нор:] Хола, мени кўп чархланган-у, уварангизни кеса беринг! Оғзингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўйман. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ЛАҚҚА** II рвш Суриштирмасдан, ўйлаб кўрмасдан; осонгина; паққос. [Эркин Раънога:] Йўқ, рости билан ҳам аҳмоқман! Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим, Акрамининг домига илинармидим? О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилм.

**ЛАҚҚА** III с. т.: лаққа чўғ (ёки ўт) айн. лахча чўғ (ёки ўт) қ. лахча.

**ЛАҚҚИ** с. т. Лақма. Лаққи одам.

**ЛАҒМОН** Хамирни чўзиб ёки узун ингичка кесиб тайёрладиган, юзига қайла солиб ейиладиган махсус овқат. Қумуш оям ҳам шу ерда эдилар .. Лағмонни унча хушламаз эканлар, шекилли, яхши емадилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ЛАҒМОНХОНА** Лағмон пишириб сотиладиган ошхона.

**ЛАҲАД** [а] Қабрининг ички, жасад қўйиладиган хонаси; ғўр. Бўйинг лаҳадда чиригур! (қарғ.). — Бу—вақф. Бу — пошололик ер. Ҳайриятки, ўлганнингда лаҳаддан жой беришади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ЛАХЖА** [а] лингв. Тилнинг бир неча шева ва диалектларни ўз ичига олган, умумий хусусиятлари жihatидан маҳаллий группаси. «Ж» ловчи лаҳжа. *Ўзбек тилининг қичиқ лаҳжаси.*

**ЛАХЗА** [а] Қўз очиб юмгунча ўтган вақт; он. *Лаҳза ичида. Лаҳза ўтмасдан. Бир лаҳзада.* — *Қўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат, Бир лаҳза мазмуни бир бутун ваҳор.* Ғ. Ғулом. *Йўлчи шидан бир лаҳза бўлсин тўхтамади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЛАХЗАЛИК:** бир лаҳзалик жуда тез, бир онда бўлиб ўтадиган. *Ўзинга кетдинг, қолди ҳайда, Хумор кўлар, иссиқ боқошинга. Бир лаҳзалик дил айёмидан, Сира сўнмас ширин ёқошинга.* Зулфия.

**ЛАХИМ** [а] Ер остидан, уй ёки қалъа остидан қазиб ўтказилган тор йўл. *Маймун: Мен шу ердан лаҳим қадаб беш кечаю беш кундузда чиқаман,— дебди.* «Эртактлар».

**ЛАХИМЧИ** Лаҳим қазувчи киши. **ЛАҲИМ** [а] Суякениз, юмшоқ (гўшт ҳақида). *Гўшт сўраб келганда: «Нилинг қачи?» деб ўриштирмай, гўшти-нинг сатта юмшоқ лаҳим жойидан кесиб беранман.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ЛЕВ** Болгария Халқ Республикасида пул бирлиги.

**ЛЕГАЛ** [р. легальный] сифо. Қонун бўйича рухсат этилган. расман танилган; ошқора, оқиқча. *Легал партия. Легал матбуот.*

◆ **Легал марксизм** 19 асрнинг 90 йилларида рус буржуа интеллигенцияси ичида пайдо бўлган, марксизм нуқоби остида буржуа либерализми манфаатларини ҳимоя қилувчи пролетариатга қарши оқим.

**ЛЕДЕРИН** [р. *нем*] Китоб муқоваси учун ишлатиладиган сунъий тери.

**ЛЕЙБОРИСТ** [р. *ингл*] Англияда ўзини ишчилар синфининг вакили қилиб кўрсатадиган, сўбедатда реформа йўлини тутувчи партия аъзоси. *Лейбористлар партияси.* *Лейбористлар ҳукумати.*

**ЛЕЙКА** I [р] Ўсимлик ва гулларга сув сепиш учун ишлатиладиган, жумрагининг учу тешик-тешиқ идиш. *Муҳаббат ҳовлида гулларга лейкада сув бериб юрар эди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

**ЛЕЙКА** II [р. *нем*] Камбар лентасимон плёнкали фотоаппаратнинг бир турини.

**ЛЕЙКОЦИТЛАР** [р. *грек*] физиол. Оқ қон таначалари — қоннинг тарқибий қисми.

**ЛЕЙКОЦИТОЗ** [р] мед. Конда оқ қон таначаларининг (лейкоцитларнинг) кўпайиш касаллиги.

**ЛЕЙТЕНАНТ** [р. *фр*] Армия ва флотда старший ва младший лейтенантлар ораларидаги унвон ва шу унвонга эга бўлган офицер.

**ЛЕК** I [ф. *т*] эск. поэт. айн. лекин. **ЛЕК** II Албания Халқ Республикасида пул бирлиги.

**ЛЕКИН** [ф. *т* < а] *зид.* боғл. I Маз-

мунан бир-бирига зид бўлган содда гапларни боғлайди. *Сидиқжон билан Қанизак келганда залга одам тўлган, лекин президиум атрофида ҳеч ким йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Мазмунан бир-бирига зид бўлса-да, бири иккинчисини инкор этмайди-ган гапларни боғлайди ҳамда «шундай бўлсада», «шунга қарамай» каби маъноларни билдиради. *Уй кичкина, лекин ёруғ.* — *Тўғри, ўзи чўлоқ-ку, лекин шамолдан тез учадди, ҳайронман.. Ишини пухта қилади.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Вирор фикр ёки теманинг баёнидан бошқасига ўтишда қўлланади, шу билан бирга маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. *Энди ҳақиқат бўл, сени қидиришади.. Лекин, хафа бўлма, иним.* Ойбек, Қутлуг қон.

4 Гап бошида сўхбатдошга ёки ўзинга эътироз маъносига қўлланади. *Лекин ким билди, ота-она сиқирми остида балки кўниккандир.* Ойбек, Қутлуг қон.

5 *От вазифасида* Қилинаётган иш-ҳаракатдан бошқа мақсад қўлда тутилишини ифодалаш учун ишлатилади. [Фазлиддин:] *Пулни ундирши учун акам ишмас эди, бир нарча бог бизга унчалик керак эмас. Унинг леқини бор, йиғитча яқинда мардиқор бўлиб урушга жўнатиш мумкин.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ЛЕКСЕМА** [р. *грек*] лингв. Тил-шуносликда: шакл ва маъно жиҳатидан бир бутун ҳолда текшириладиган мустақил маъноли сўз.

**ЛЕКСИК** [р. лексический] Лексикага, тилнинг луғат составига оид; луғавий. *Сўзнинг лексик маъноси.* *Ўзбек тилининг лексик бойлиги.*

**ЛЕКСИКА** [р. *грек*] Вирор тил ёки шевадаги сўзлар мажмуи. *Ўзбек тили лексикаси.* *Тошкент шўрасида лексикаси.* | Вирор иш, фаолият, касб-хунар соҳасида қўлланиладиган сўз ва терминлар. *Касб-хунар лексикаси.* *Чорвадорлар лексикаси.* | Вирор автор асарининг сўз бойлиги. *Навоий лексикаси.*

**ЛЕКСИКОГРАФ** [р] Лексикография мутахассиси; луғатшунос.

**ЛЕКСИКОГРАФИК** [р. лексикографический] Лексикографияга, луғатчиликка оид. *Лексикографияги ишлар.*

**ЛЕКСИКОГРАФИЯ** [р. *грек*] Луғат тузиш назарияси ва луғат тузиш иши; луғатшунослиги. *Ўзбек лексикографияси.*

**ЛЕКСИКОЛОГ** [р] Лексикология мутахассиси.

**ЛЕКСИКОЛОГИК** [р. лексикологический] Лексикологияга оид. *Лексикологик тадқиқот.*

**ЛЕКСИКОЛОГИЯ** [р. *грек*] Тил билимининг лексикани ўрганувчи бўлими. *Ўзбек тилининг лексикологияси.*

**ЛЕКСИКОН** [р. *грек*] Сўз ва иборалар мажмуи, луғат бойлиги.

**ЛЕКТОР** [р. *лат*] Лекция ўқувчи киши.

**ЛЕКТОРИЙ** [р. *лат*] Омма учун лекциялар уюштирадиган муассаса ва шундай лекциялар ўқиладиган бино.

**ЛЕКЦИОН** Лекцияга оид, лекция иши билан боғлиқ. *Лекцион курс.*

**ЛЕКЦИЯ** [р. *лат*] I Олий ўқув юртида ёки омма орасида бирор тема юзасидан оғзаки баён тарзида ўтказилган машғуллот. *Мазмунли лекция. Лекция зали. Лекция тингаламоқ.* — *Бир кунги райондан доктор келиб, кундалик турмушда гигиена мавзусида лекция ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Шундай баёнотнинг ёзма ёки босма тексти.

**ЛЕНИНИЗМ** [р] Империализм ва пролетар революциялари даврида, пролетариат диктатураси, социализм ва коммунизм кураш даврида марксизмни янада ривожлантириш ва конкретлаштиришдан иборат бўлган ленинча таълимот.

**ЛЕНИНЧА** I В. И. Ленинга, В. И. Ленин таълимотига ҳос; В. И. Лениндек. *Ленинча иш услуби, || Ленинча ишламоқ.*

2 В. И. Ленин яратган, В. И. Ленин томонидан рўйбга келтирилган. *Пролетариат диктатурасининг ленинча назарияси.* *Ленинча таълимот айн. Ленинизм.* | Ленинизм принципларига мувофиқ келадиган. *Партия ахлоқининг ленинча нормалари.* *Ленинча миаллий сўбедат.*

**ЛЕНИНЧИ** Ленинизм тарафдори; В. И. Ленин йўлидан борувчи ва унинг ишларини давом эттирувчи, В. И. Ленин ишига содиқ. *Ленинчи партия.*

**ЛЕНТА** [р] I Безак учун ишлатиладиган энсиз узун мата; тасма. *Шайц лента. Қизил лента, Ордон лентаси. Лента тақмоқ.* — *Гавҳарнинг битта қилиб ўрилган узун сочи орқасида лента билан бўғиб қўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Рўзғон тўғон олдидан тортилган қизил лентани кесиб юборди.* С. Аҳмад, Қалдрон далалар.

2 Техника ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган узун энсиз тасма. *Изолляция лентаси.* *Ёзув машинасида лентаси.* *Телеграф лентаси.*

3 Баъзи бир механизмларнинг ёки транспорт мосламаларининг тўхтов-сиз ҳаракат қилиб туришини таъминлайдиган ёки юк ташишга хизмат қиладиган сервар тасмаси. *Қонвейер лентаси.* *Транспортёр лентаси.* *Пулемёт лентаси* пулемёт патронлари солиш учун икки қават матадан ораллигини хона-хона қилиб тикилган буюм, *Филатовнинг бир қўли қон оқайтган өлкасида, иккинчи қўли пулемёт лентасида, боши қўли солинган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ЛЕНТАРГИЯ** [р. *лат*] мед. Узоқ уйқуга ўхшаш касаллик, сақта касаллиги.

**ЛЕТУЧКА** [р] с. т. Зарурий маса-ла юзасидан ўтказиладиган қисқа маж-лис.

**ЛЕЯ** Руминия Социалистик Респуб-ликасида пул бирлиги.

**ЛИБЕРАЛ** I [р] I Либерализм тарафдори; либераллар партиясининг аъзоси.

2 с. т. Келишувчи, мурасасоз; ўринсиз раҳмдиллик кўрсатувчи; масалага беларво қаровчи.

**ЛИБЕРАЛ** II [р либеральный] I Либерализмга оид; либерализм ғояларини ёқловчи, ифодаловчи. *Либерал партия. Либерал буржуазия.*

2 с. т. Либерализмга оид, мурасасозликдан, келишувчиликдан иборат бўлган; мурасасоз. *Либерал муносабат.*

**ЛИБЕРАЛИЗМ** [р<лат] I Феодал-крепостнойлик ва буржуа революциялари даврида буржуазиянинг озодлиги ва ҳуқуқларини ёқлаган, буржуа ҳукмронлиги ўрнатилгандан ва пролетариатнинг революцион кураши бошлангандан кейин эса реакция тус олган сиёсий йўналиш.

2 с. т. Мурасасозлик, келишувчилик, ортиқ даражада раҳмдиллик, бировга ўринсиз ён босишлик.

**ЛИБЕРАЛЛИК** I либерал II с. *белги оти.*

2 айн. либерализм 2. Ёшлигини эътиборга олиб кеңирдик. *Ҳа, либераллик қилдик. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЛИБОС** [а] кт. I Кийим, уст-бош. *Янги либос. Байрам либоси. — Мама кўрдингизми? .. Отга жабдуқ, одамга либос, деганларича бор-да. Кийиниб, туппа-тузук одам бўлди-қўйди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Кўп ўтмай кўёв либосини кийдириши учун уни [Муқимийни] ичкарига таклиф қилдилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

2 қўйма поэт. Ҳусн, чирой берувчи нарса, безак. *Табиат баҳор либосини кийди. Шаҳар байрам либосига безанди. — Чап томонда эса, куз либосини кийган Олтинсой қишлоғи равшан кўрinarди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Наврўз эди табият гулгул, Кийиб олган ям-яшил либос. Ё. Мирза.*

**ЛИБРЕТТО** [р<итал] театр. I Опера, оперетта, оратория каби музикали асарнинг сўз тексти. I Опера, балет мазмунининг қисқа баёни.

2 Сценарий плани.

**ЛИБРЕТТОЧИ** Либретто автори.

**ЛИВИТ** тўқм. Калавадан, шунингдек тўқув дастгоҳига солинган тандадан элликта-элликта қилиб ажратилган ип ёки ипак дастаси. *Бир ливит ип. Қалавани ливита ажратилди. Танданинг ливитлари.*

**ЛИВИТЧИ** тўқм. Пиширилган ип ёки ипакни ливитларга айлантирувчи ишчи.

**ЛИДЕР** [р<ингл] I Бирор сиёсий партия ёки ташкилотнинг раҳбари, йўлбошчиси.

2 Спорт мусобақаларида олдинда боровчи киши; етакчи, пешқадам. *Турнир лидери. Мотоцикл пойғаси лидери.*

**ЛИК** айн. лип. Лик этиб 1) енгил ҳаракат қилиб, тезлик билан. *Бола, ҳолат қагирибдай лик этиб у ёққа ўтади, лик этиб бу ёққа ўтади;* 2) ҳеч қим кутмаганда; дарров. *У лик этиб япанга аралашди.*

**ЛИКАНГЛАМОҚ** I Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташланмоқ; қимирлаб, ликиллаб турмоқ. *Кўприк тахтаси киши юрганда ликанглаб турар эди.*

2 салб. Буралиб юрмоқ, кийшангламоқ, жилпангламоқ.

**ЛИКАНГЛАТМОҚ** ликангламоқ *фл. орт. н. Ит думини ликанглатиб турибди.*

**ЛИКАНГ-ЛИКАНГ** тақр.-тақл. с. Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташланиб, қимирлаб, ликиллаб туришни ифодалайди. *Ликанг-ликанг қилмоқ айн. ликангламоқ.*

**ЛИКВИДАТОР** [р<лат] Ликвидаторлик тарафдори.

**ЛИКВИДАТОРЛИК** 1908-1912 йилларда РСДРП ичида пайдо бўлган, пролетариатнинг революцион синфий курашини ва революциядаги етакчилик ролини инкор этган, яширин ишловчи революцион партияни тугатишга уринган сиёсий оқими.

**ЛИКЁР** [р<фр] Спирт, шакар шарбати ва мева ёки резавор шираси аралашмасидан тайёрланган ширин ва ўткир ичимлик.

**ЛИКИЛДОҚ** Ликиллаб турадиган. **ЛИКИЛЛАМОҚ** I Тез ҳаракат қилиб, қимирлаб, тебраниб турмоқ. *Иккинчисининг устки лаби тиртиқ, Гапиранда ликиллаб, галати кўринадди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 айн. ликангламоқ 2.

**ЛИКИЛЛАТМОҚ** ликилламоқ *фл. орт. н. Мен берган нонни у [ит] еди ва қуйруғини ликилллатиб, яна ном сўрагандай бўлиб турди. Айний, Эсдаликлар.*

**ЛИК-ЛИК** лик с. тақр. *Лик-лик қилмоқ. — Чумчуқми, читтақми, бетиним лик-лик қилади, яна йўқ бўлиб қолади. И. Қалаандаров, Шохидамас, баргида.*

**ЛИКОП** Тўгарак шаклида, яеси, қирғоғи кўтарилган майда чинни идиш; тарелка. *Ҳомтахтага терилган ликопларда ранг-баранг қанд-курсе, конфетлар. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ЛИКОПЧА** Ликопнинг майда тури. *У, тоқчалардаги чойнак-пиёла, патнисе, ликопчаларни тартиб билан терди. Ҳ. Ғуллом, Машъал. Ашуланилар ликопчаларни юзларига тутиб, дўпписини қўлига олиб, чўзиқ оҳангда халқ ашулаларини айтишмоқда. И. Раҳим, Ихлос.*

**ЛИЛИПЎТ** [р<ингл] Нонормал пачана, жуда кичик одам; митти.

**ЛИМ:** лим тўла жуда тўла, оғзиғача, лабигача тўла (асосан суюқлик ҳақида). *Қаймоқ билан лим тўла кова. Ҳовуз сув билан лим тўлди.*

**ЛИМАН** [р<грек] геогр. Дарёнинг денгизга қуйилиш жойида сувнинг кўпайиши, тошини натижасида пайдо бўлган кўрфаз. *Қишки сарой қурилишига ҳар томондан материаллар кела бошлади. Тошсонда лиманига пароход қалин тахталар келтирди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ЛИМИЛЛАМОҚ** Лабигача этиб тўл-

моқ (сув ёки дон-дун билан). *Қўл лимиллайди.*

**ЛИМИТ** [р<лат] Бирор нарсанинг чекланган нормаси, фойдаланиш учун белгиланган муайян миқдор. *Баҳо лимити. Кредит лимити. Электр энергия лимити. Лимит белангламоқ.*

**ЛИМ-ЛИМ** лим с. тақр. Ниҳоятда тўла; оғзиғача, лабигача тўлдирилган. *Сувга лим-лим ҳовуз. Сумга лим-лим тўлган челек. — Лим-лим сувдан узолмайди кўз. Зулфия.*

**ЛИММО-ЛИМ** айн. лим-лим. *Ҳовузнинг лиммо-лим суви шишадай тоза. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Бозоров лиммо-лим рюмкини Соҳиб қорига узатди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ЛИМОН** [р] I Асосан жанубий мамлакатларда ўсадиган доим яшил субтропик ўсимлик. *Лимон даракти.*

2 Шу ўсимликнинг сариқ нордон хушбўй меваси. *Лимон ҳиди. Лимон солинғай чой.*

♦ Лимон кислотаси шу ўсимлик меваси ва бошқа баъзи ўсимликлар таркибида бўладиган кислота, жавҳари лиму (оziқ-овқат, медицина ва буюкчилик ишларида қўлланилади).

**ЛИМОНАД** [р<фр] Лимон ёки бошқа хил мева шарбатидан тайёрланган ширин ичимлик.

**ЛИМОНЗОР** [р+ф-т] Лимон дарактлари эқилган майдон. *Балки жануб денгизининг лабида Уни қутар яшил гулли лимонзор. Шайхзода.*

**ЛИМОНЛИ** Лимон солинган, лимон шарбати қўшилган. *Лимонли чой.*

**ЛИМУ** [ф-т] эск. айн. лимон. *Аҳли дарьда суҳбатина бўлсин даро, Нок, анор, олма, беҳи, лиму каби. Ҳебибий.*

**ЛИМФА** [р<лат] физиол. Одам ва ҳайвон гавдасидаги тўқима ва хужайралар орасидаги бўшлиқни тўлдириб турувчи ва тўқима билан қан ўртасида модда алмашинувнинг таъминлаб турувчи шаффоф суюқлик.

**ЛИМФАТИК** [р лимфатический] Лимфага оид, лимфага тегишли. *Лимфатик система. Лимфатик безлар.*

**ЛИНГВИСТ** [р] Лингвистика мутахассиси; тилшунос.

**ЛИНГВИСТИК** [р лингвистический] Лингвистикага, тилшуносликка оид. *Лингвистик тадқиқот. Лингвистик адабиёт.*

**ЛИНГВИСТИКА** [р<фр] Тил ҳақидаги фан, тил билими; тилшунослик.

**ЛИНГЧА** диал. Кичикроқ қоп, халта. *Бир лингча гуруч.*

**ЛИНЕЙКА** [р] I Тўғри чиқиқ чизиш учун ишлатиладиган силлиқ асбоб; чизғич. *Линейка билан чизмоқ. [Ўлчаш ёки кесиблаш учун ишлатиладиган сантиметр ва миллиметрларга бўлинган шундай асбоб. Масштаб линейкаси. Логарифмик линейка.*

2 Рапорт бериш, ёки бирор топшириқни қабул қилиб олиш учун ёнма-ён бир қатор бўдиб тизилиш; саф. *Тантанали линейка саф чеккан. Мактаб директори .. ўқувчиларни ян-*

ги ўқув йили билан табриклиди. М. Худойкулов, Биринчи тонг.

**ЛИНЗА** [р<нем] Узидан ўтказадиган нурнинг йўналишини ўзгартирувчи, юзи қавариқ ёки ботиқ, шаффоф шиша (фотоаппарат, дурбин, телескоп кабиларга ишлатилади).

**ЛИНИЯ** [р] 1 Телеграф, телефон алоқаси учун ёки электр қуввати ўтказиш учун тортилган сим, кабель ва ш. к. системаси. *Тошкент—Москва телеграф линияси. Юқори вольтли электр линияси.*

2 Мудофаа ёки ўт очиш нуқталаридан иборат система. *Мудофаа линияси. Фронт линияси. Олдинги линия* жанг майдонининг душманга яқин, бевосита жанг бўлиб турадиган қисми. *Полк май ойининг охирида яна олдинги линияга чиқди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.*

3 Темир йўл, трамвай йўли; из. *Трамвай линияси.*

◆ **Демаркацион линия** қ. демаркацион.

**ЛИНКОР** [р] Йирик тўплар билан қуролланган, қалин зирхли катта ҳарбий кема.

**ЛИНОЛЕУМ** [р<лат] Нам ўтказмайдиган, пол ва деворга қопланадиган қалин материал. *Линолеум тўшалган пол.*

**ЛИНОТИП** [р<лат+грек] полигр. Ҳарфларни сатр-сатр қилиб териб қуйиб берадиган машина. *Линотип набори. Линотипда терилган текст.*

**ЛИНОТИПЧИ** Линотипда ҳарф терувчи.

**ЛИНТ** [р<ингл] Пахтанинг чигитда қоладиган туки ва ундан ҳосил қилинадиган хомашёнинг бир тури.

**ЛИНТЕР** [р<ингл] 1 Пахтаси айриб олинган чигитларнинг юзида қолган қисқа толарларни, тукларни ажратиб, чигитни тозалаб, туксизлантириб берадиган машина.

2 Шундай машинада чигитдан ажратиб олинган тола-туклардан иборат пахта. || *Линтер пахта.*

**ЛИНТЕРЧИ** Линтер машинада ишловчи ишчи.

**ЛИП** *тавс.* с. Тез ва енгил ҳаракатни билдиради. *Очиқ эшикдан Нигора халатининг этаги охири марта лип этди-ю, муюлишда кўздан ғойиб бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. **ЛИП ЭТИБ** 1) тезлик билан, бир он ичида. *Давлатёр лип этиб отга минди-ю, бир нафасда кўздан ғойиб бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *кўчма* усталлик билан, хийла билан, бир иложини қилиб. *Бунчалик табдир.. натижасиз қолмади, лип этиб Хатиб домулла шўрога [сайлов ва сайланишга] ҳақли ҳам бўлиб қолди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЛИПИЛЛАМОҚ** 1 Тез ва енгил ҳаракат қилмоқ, юрмоқ; лип-лип қилмоқ. *Раззоқ ўзини четроққа олиб турди, хотинлар оёқ учида липиллаб ўтиб кетдилар.* Ҳ. Ғуллом, Машъал.

2 Тез-тез такрорланувчи кучсиз **оий** ҳаракат қилмоқ, пирпирамоқ

(аланга ҳаракати ҳақида). *Эшик очилганда шам бир липиллади-ю, ўчди.*

**ЛИПИЛЛАТМОҚ** липилламоқ *фл. орт. н.*

**ЛИП-ЛИП** лип с. *такр. Отларнинг ёлига тегай-тегай деб синчалаклар лип-лип учиб ўтарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўқтин-ўқтин шамол қутуриб дарахт шоҳларини симларга уради, чироқлар лип-лип ўчиб ёнарди.* Ҳ. Назир, Эътиқод. **ЛИП-ЛИП ҚИЛМОҚ** айн. липилламоқ.

**ЛИППА** Иштоннинг иштонбоғ ўтказиш учун қайтариб тикниган жойи. *Бўтабой носқовогини липпасига қистирди.* А. Қаххор, Қўшчинор. **ЛИППА УРМОҚ** иштоннинг юқори қисмини кўтариб липпага қистириб олмақ. *Узоқ-узоқда .. иштонларини липпа уриб, қўлларига кетмон ушлаган йигитлар пахта суғориб юрибдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Аҳли липпа кам қўлл.** *нафр.* фикри-ёди пул топиш (пул топиб липпага қистириш) бўлган кишилар.

**ЛИРА I** [р<грек] 1 Торли, чертиб чаладиган қадимги грек чолғу асбоби.

2 Украин ва белорусларнинг камонча билан чалинадиган чолғу асбоби.

**ЛИРА II** [р<итал] Италия ва Туркияда пул бирлиги.

**ЛИРИЗМ** [р<грек] 1 Бадий асардаги лириклик, ҳис-ҳаяжон, туйғу элементлари, лирик хусусиятлар.

2 Лирик руҳий ҳолат, лирик кайфият, ҳиссиёт.

**ЛИРИК** [р] Лирик асар ёзадиган, ҳис-ҳаяжонли шеърлар ёзадиган шоир.

**ЛИРИК** [р лирический] Лирикага оид, лирикага хос хусусиятларни, ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ифодаловчи. *Лирик шеър. Лирик асар.*

**ЛИРИКА** [р<грек] 1 Поэзиянинг ҳис-туйғу, кечинмаларни тўлқинли ва жўшқин суратда ифодаловчи бир тури. *Гўзал шеърим, эрка лирика. Учиб боргил оқол ёнига. Дил боғига кўндирмагил ғам, Оро киргил дўстлар жонига.* Уйғун.

2 Шу турдаги асарлар мажмуи. *Навоий лирикаси. Пушкин лирикаси.*

**ЛИРИКЛИК** 1 **лирик** с. белги *оти.* Шеърнинг лириклиги.

2 **айн. лиризм** 1. *Халқ достонларидаги лириклик ва эпиклик уларнинг шаклига ҳам таъсир қилади.* «Адабиёт назарияси».

**ЛИСОН** [а] *эск. кт. айн. тил I.* — *Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдир,— деди Фурқат.* «К. Ўзбекистон», 1959, № 182.

**ЛИСТ** [р] 1 Полиграфияда: босиладиган, нашр этиладиган асар ёки текстнинг ўлчов бирлиги; табақ. **Автор листи** текстнинг 40 минг типографик белгидан иборат миқдори, ўлчови. **Босма лист** 16 бетдан иборат босилган текст, босилган асарнинг ҳар 16 бети.

2 Тахталанган юпқа материалнинг ҳар бир бўлаги, тахтаси.

**ЛИСТАЖ** [р] *полигр.* Текстнинг ва рақлар ёки листлар (автор листи, босма лист) миқдори билан белгиладиган ҳажм ўлчови. *Китоб листажи.*

**ЛИТВАЛИК** қ. литваликлар. || *Литвалик аёл.*

**ЛИТВАЛИКЛАР** Литва ССРнинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ, Литва халқи.

**ЛИТВАЧА** 1 Литваликларга, шу халқнинг тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Литвача рақс.*

2 Литва тили. *Сиз литвача(ни) биласизми?* || *Литвача гапирмоқ.*

**ЛИТЕР** [р<лат] Поезд, пароход ва бошқа транспортларда бепул ёки арзон билет олиб юриш учун бериладиган ва маълум ҳарфлар билан белгилаган гувоҳнома. *Темир йўл литери.*

**ЛИТИЙ** [р<грек] Юмшоқ ва жуда енгил химиявий элемент; кумуш ранг ишқорий металл.

**ЛИТОГРАФ** [р] Литография мутахассиси; литография корхонасининг ишчиси.

**ЛИТОГРАФ** [р литографический] айн. **литографик.** *Журналларнинг муқовасидаги литограф бўёқларининг ҳиди, нечукдир, димоғига хуш келар.* А. Қаххор, Сароб.

**ЛИТОГРАФИК** Литографияга оид. *Литографик портрет.*

**ЛИТОГРАФИЯ** [р<грек] 1 Тошга ўйиб туширилган босма қолип; тошбосма; шундай тошбосмада текст босиш, чоп этиш усули.

2 Шу усулда босилган текст ёки асар.

3 Шундай усулда текст нашр этадиган корхона ёки цех; тошбосмахона.

**ЛИТР** [р<фр] 1000 кубик сантиметрга тенг келадиган суюқлик ўлчов бирлиги. *Бир литр сут. Уч литр элтадиган идиш.*

**ЛИТРИЛИ** Литр ҳажмидаги, литр элтадиган. *Беш литрли идиш.*

**ЛИФТ** [р<ингл] Кўп қаватли биноларда ва шахталарда одамлар ёки юкларни юқорига олиб чиқадиган ва пастга олиб тушадиган машина.

**ЛИФТЧИ** Лифтни юргизиб турувчи ишчи.

**ЛИФЧИК** [р<голл] Хотин-қизлар кўкракларига тақадиган тортқи; кўкракпеч.

**ЛИЦЕЙ** [р<грек] 1 *тар.* Чор Россиясида: имтиёзли эрлар ўрта ёки олий ўқув юрти.

2 Ғарбий Европада: ўрта билим юрти. **ЛИҚ I**, **лиқ тўла** Бошқа снғмайдиган даражада, тирбанд, бутунлай тўлган. *Залда лиқ одам. Хона одамлар билан лиқ тўла.* — *Иккинчи отдаги катта хуржуннинг икки кўзи лиқ тўла танга эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЛИҚ II тақл. с.:** **лиқ этиб ютмоқ** бирдан ютиб юбормоқ. *Ичида биттаси бор, энди қўяверасиз, лиқ этиб ютиб юборинг келади киши!* Шўхрат, Шинелли йиллар.

**ЛИКАНГ-ЛИКАНГ** айн. **ликанг-ликанг.** *Сабил қолган шалоқ аравамиз*



қинг қўқон араваларидек лиқанг-линанг юришига ҳам қанча шодланамиз. «Машраб», 1924, № 12.

**ЛИҚИЛДОҚ** Лиқиллаб, қимирлаб турадиган, лиқиллайдиган. *Аёл дастлаб «ортиқча дахмаза» дегандек елкасини қисиб қўйди-да, лиқилдоқ табуруткага ўтириб, манглайини ушлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ЛИҚИЛЛАМОҚ** 1 Қаттиқ ўрнашмай қимирлаб, тебраниб турмоқ. *Лампаннинг пилиги ичига тушиб кетган, бурайдигани сийқаланиб, лиқиллаб қолган эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Оғзида қолган иккитагина тиши сўзлаганида лиқиллаб туради.* Ойбек, Болалик.

2 *кўчма* Бўшашиб, заифланиб, омонат бўлиб қолмоқ. — *Оламда нима гаплар бор, Қори? — деб сўради эшон. Қори лабини дўрайдириб жавоб берди: — Оқ подшонгиздан ҳам путур кетиб, тахти лиқиллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛИҚИЛЛАТМОҚ** лиқилламоқ *фл. орт. н.* Ҳамшира Гулнор «суюнчи керак эмас» дегандек, бошини лиқиллатди. М. Муҳамедов, Машқ.

**ЛИҚ-ЛИҚ** 1 *лиқ* I с. тақр. Ниҳоят тўла, тўлган; тирбанд. *Курант занг уради.. Соат нақ олти. Лиқ-лиқ автобуслар қаерга шошар?* Ж. Жабборов.

**ЛИҚ-ЛИҚ** II *лиқ* II с. тақр. *Лиқ-лиқ ютмоқ.*

**ЛИҚҚА-ЛИҚҚА** *айн. лиқ-лиқ* II. *Узумни лиққа-лиққа ютмоқ.*

**ЛИҚҚОҚ** *ичи бўшашган; сувли (узум ҳақида).*

**ЛОАҚАЛ** [а] *реш* Ҳеч бўлмаса, жуда бўлмаганда; ақалли. *Бечора катта хотин.. эридан лоақал иккита гўдаклари юзи учун бўлсин марҳамат кўрмай азобланади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лоақал ўн беш сўм турадиган қовунни тўрт ярим сўмга сотсин, бунни ҳам бировнинг аравасини тузатишига тўласин.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛОБАР** [ф-т] Хушрўй, ёқимли, дилбар. *Лобар йигит. Лобар жувон.*

**ЛОБИД** [а]: *лозим ва лобид экс. кт.* бирор ишнинг албатта бўлиши, бажарилиши зарурлигини таъкидлаш учун қўлланади. *Қутидорга ҳам бу мулоҳаза жуда маъқул тушиб — «албатта мунда бирор йил туриши лозим ва лобид!» — деб жавоб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Жаноб олийларига айтиб ўтиши лозим ва лобид бўлган.. шарт-шароитлар бу мактубни ёзишни тақозо қилди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ЛОВ** *масв. с.* Кучли аланга ҳамда шу алангадан чиқаётган товушни билдиради. **Лов этиб** 1) бирдан аланга олиб. **Лов этиб ёнмоқ;** 2) *кўчма* бирдан қизишиб, қизариб. *Шербек кўзларида фақат қалб билангина ҳис этиши мумкин бўлган алақандай эҳтирос, ҳаяжон бор эканини пайқайди-ю, юзлари лов [этиб] ёнди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛОВА** с. т. Лава.

**ЛОВДАН** *диал.* Юпқа ипак тўқима;

ҳарир. *Ўн тўрт яшар экан унинг камоли, Бошида пирпирар ловдан рўмоли.* «Алпомиш».

**ЛОВИЯ** [ф-т] Дуккакдиларга мансуб ўтсимон ўсимлик ва унинг овқат учун ишлатиладиган дони. *Ловия пояси. Ловия уруғи.*

**ЛОВ-ЛОВ** *лов с. тақр.* Ўт қўйилган уйлар биров титаётган гулҳандек, лов-лов этиб осмонга дам уради. Шухрат, Шинелли йиллар. **Лов-лов ёнмоқ** 1) шиддатли ловуллаб, аланга бериб ёнмоқ; 2) *кўчма* қизариб жило бериб турмоқ; товланмоқ, ярқирамоқ. *Эшик очилиб, жувон кириб келди.. Табасуми бирам ёқимтой, юзлари лов-лов ёнади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛОВУЛЛАМОҚ** 1 Кучли алангаланмоқ. *Элмурод печкада ловуллаб ёнаётган ўтга тикилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Куруқ ўтин бир зумда ловуллаб ёниб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Кучли ёғду сочмоқ. *Кўкда қуёш ловулламоқда.*

2 *кўчма* Қаттиқ қизимоқ. *Қуёш тик келган. Ҳаво ловуллаб ёнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қизининг юраги худди тузоққа тушган қушдек питирлаб урар, юзи ловуллаб ёнади.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

3 *кўчма* Бирдан қизишиб кетмоқ, тутақишмоқ. *Лутфинисо: «Вой жувон йлгур!» деб, лабини тишлади.* У.. шомол теккан оловдек, ловуллаб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кучаймоқ, авжга чиқмоқ. *Эҳсон у вақтда бирдангина ловуллаган муҳаббатнинг оқибатини сўраганда гапирани гап топилди андак ҳижолатликдан чиқди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЛОВУЛЛАТМОҚ** ловулламоқ *фл. орт. н.* Бўта.. ловуллашиб дам босар эди. С. Аҳмад, Хукм. *Унинг [Элмуроднинг] юзини кулоқларига ловуллаётган қизил қон ҳам тарқалди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ЛОГАРИФМ** [р<грек] *мат.* Асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қиладиган даража кўрсаткичи. *Логарифмлар жадвали.*

**ЛОГАРИФМИК** [р логарифмический] Логарифмга оид. *Логарифмик жадвал. Логарифмик линейка.*

**ЛОГИК** [р] Логика бўйича мутахассис; мантиқчи.

**ЛОГИК** [р логический] 1 Логикага оид; логика қонунларига асосланган; мантиқий. *Логик категория. Логик қонун. Логик хулоса.*

2 Бирор нарсанинг ўз хислатидан, характеридан, ўз ички қонунларидан келиб чиқадиган; зарурий, қонуний. *Логик боғланиш.*

**ЛОГИКА** [р<грек] 1 Тафаккур қонунлари ва фикрлаш формалари ҳақидаги фан; мантиқ илми. *Формал логика. Диалектик логика.*

2 Мухокаманинг бориши, хулосага келиш. *натижа чиқариш. Фикр логикаси.*

3 Ички қонуният, мантиқийлик, қонун-қоидага мувофиқлик. *Револю-*

цион даврлардаги оммавий стачкаларнинг ўз табиий логикаси бор. В. И. Ленин, Революцион кўтарилиш.

**ЛОДУН** [а+ф-т] с. т. Нодон, билимсиз. *Мен лодон қампирнинг гапини айба буюрманг, қизим!* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЛОЖА** [р<фр] Томоша залида бир неча киши ўтириши учун ажратиб ясалган махсус жой.

**ЛОЖУВАРД** [ф-т] 1 Тўқ кўк, тўқ ҳаво ранг тусли минерал (безак буюмлари учун ишлатилади). *Тоза ложувард устига олтидан бўртма нақшлар.. солинган.* Ойбек, Навоий.

2 *сфт* Тиниқ кўк, тиниқ кўк тусли. *Ложувард кўкда сайрашиб учаетган қушлар дарахтларга қўниб, .. саҳий қуёшига маҳфия айтаетгандек, басма-басга чуғурашадилар.* Н. Сафаров, *Узоқни кўзлаган қиз. Юлдузлар ложувард чодирдан осилган электр чироқларидай ёруғлашиб, кўзларни қамаштирмоқда эди.* Айний, Қуллар.

**ЛОЗИМ** I [а] *модал с.* Бажарилиши зарур бўлган; зарур, керак. — *Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғига чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади; — деди [Амин бува].* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унга [Унсинга] дардларини ўртоқлашувчи сирдош — қайғудош лозим эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛОЗИМ** II [а] *Аёлларнинг белдан паства кийиладиган юпқа ички иштони. Атлас лозим. Чит лозим. — Хотин валдирди: — Нуриой, ойнангиздан тўрт газгина чит олиб берасиз..* Лозим қилиб кияман, унутманг. Ойбек, Қутлуғ қон. *Почасига жияк тикилган лозими товонигача тушиб турибди.* Х. Фулом, Машғал.

**ЛОЗИМАНДА** с. т. Лозимомада. *Лозимандани яхшилаб берсангиз, бормасим борми?* Т. Алимов, Совга.

**ЛОЗИМЛИК** I *лозим* I с. *мавз. от.* [Қоратой] бу маҳаллада туриши унга [Йўлчига] хавфли эканини, ҳозирча шаҳарнинг четроғида яшаш лозимлигини айтди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛОЗИМЛИК** II *Лозим*, иштон бўладиган, иштон қилишга яроқли газлама. *Лозимлик сотиб олмақ. Бир лозимлик атлас.*

**ЛОЗИМОМАДА** [а+ф-т] Тўй, туғруқ, меҳмондорчилик каби маросимларга олиб бориладиган кийим-кечак, овқатлик каби совғалар. *Лозимомада қилмоқ. Лозимомада тайёрламоқ. — Бу гап ҳамроҳ бўлган беш алға ҳам маъқул тушиб, дастурхон тузаб, ҳар қайсиси ўз лозимомадасини ғамлаб жўнди.* «Едгор».

**ЛОЙ** [ф-т] 1 Нам таъсирида ёки сув билан қоришиб юмшоқ ва ёпишқоқ холга келган туپроқ; ботқоқ. *Ёмғир ёғди — кўча лой бўлди. Машина лой сачратди. — Бола сувни кўп сепиб, ерни лой қилиб юборган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Деярлик ҳар қадамда бир пой кавуши оёқдан тушиб лойга ботар, қиз энгашиб олар.. эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Йўлчи лой этиги*

билан гиламга оёқ босишдан тортиниб, гиламни қайириб, ёшиқ олдиди тиз чўкди. Ойбек, Қутлуғ қон. Лой бўлмақ 1) лой тегиб ифлосламоқ. *Адолат ажириқ кавлаган эди, бармоғи лой бўлди.* И. Раҳим, Чин мухаббат; 2) хижолатдан, уятдан қизариб ерга қарамоқ, ноқулай аҳволда қолмоқ.

2 Сув остига ўтириб қолган тоғ жинсларидан, қум, тупроқ заррачаларидан ҳосил бўлган чўкинди; балчиқ. *Ариқнинг лойини тозаласан.* | Даволаш учун ишлатиладиган шифобахш балчиқ.

3 Тупроқни сувга қориб, баъзан сомон, жун каби нарсага аралаштириб тайёрланган махсус қурилиш материали. *Сомонли лой. Кулол лой. Лой қилмоқ. Лой пишитмоқ.* || *Лой сувоқ. Лой туюқ. Мис қозонга лой туюқ бир-бирига мос келмаган, ярашмаган нарса ҳақида айтиладиган матал.*

◆ *Ишнинг тағи лой ишнинг оқибати ёмон, чатоқ. Сув бошидан лой иш юқоридан бузилган, ишни аввал бошлиқ бузган.* — *Агар комиссия расиси, — деди Шукур, — тузук одам бўлса эди, Урмон полковнинг гапига қариб суриштирмасдан, текширмасдан шунча урардимиз? — Сув бошидан лой, — деди Ғойиб.* Айний, Қуллар. **Лойга буламоқ** (ёки **беламоқ**) қораламоқ, ерга урмақ; доғ туширмақ, иснод келтирмақ. *Бутун Олтинсойга мазас бўлганингни биласанми? Ор-номусини лойга беладинг, доғ йилунча кетмайдиган бўлди.* III. Рашидов, Бўрондан кучли. *Иши битди — эшағи лойдан ўтди иши битди, энди кимсага эхтиёжи тушмайдиган бўлиб қолди (ёрдам қилган кишини унутадиган киши ҳақида).*

**ЛОЙГАРЛИК** айн. **лойгарчилик**. **ЛОЙГАРЧИЛИК** Ёғиндан ерининг лой бўлиб кетиши. *Куз лойгарчилиги.* — *Тўламат.. лойгарчилик бўлгани учун минерал ўғит тракторда ташиб келтирилганидан хабардор эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛОЙИҚ** [а] I Тўғри келадиган, мос тушадиган; арзийдиган; мувофиқ, муносиб; сазовор. *Мақтовга лойиқ иш. У ҳурматга лойиқ одам. Сизга лойиқ бир иш топдим.* — *Отабек хон қизига лойиқ бир йиғит экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тетик, зийрак, ҳулғ, доно халойиқ, Баҳо бергай билиб ҳар кимга лойиқ. Уйғун ва И. Султон, Навоий. Олий мукофотга мен бўлдим лойиқ.* Фозил шоир.

2 Ўлчамига тўғри келадиган. *Бу этик оёғингизга лойиқ экан. Бўйи бўйимга лойиқ.* | *Талабига етадиган, етарли. Уч кишига лойиқ ош қолди.* — *Анварага жабр бўлди, деб ўйласанг, бундан кейин ўзига лойиқ, оз-оз кон ёпиб тўр.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЛОЙИҒИЧА** рец Лойиқ бир ҳолда, муносиб суратда; тегишлича; кўнгиладигадай. *Оғаси буюрган ишни лойиғича адо қилувчи бир фармонбардор йиғит.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЛОЙИҲА** [а] I Вино, иншоот, ма-

шина ва ш.к.ни қуриш ёки тиклаш учун ишланган чизма, режа; проект. *Бинонинг лойиҳаси. Лойиҳа автори. Лойиҳа тузмоқ.* — *Район [районжироком] қурилиш лойиҳасини тасдиқлади.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Қарор, фармон, қонун ва ш. к. ҳужжатларнинг дастлабки хомаки тексти; проект. *Қарор лойиҳаси.*

**ЛОЙИҲАЛАМОҚ** Лойиҳа, проект тузмоқ, лойиҳа ишламоқ.

**ЛОЙИҲАЛАНМОҚ** лойиҳаламоқ *фл. мажх. н.*

**ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛМОҚ** лойиҳалаштирмақ *фл. орт. н.*

**ЛОЙИҲАЛАШТИРМОҚ** Лойиҳасини тузмоқ, лойиҳаламоқ. *Қурилишни лойиҳалаштирмақ.*

**ЛОЙИҲАЛОВЧИ** айн. лойиҳачи.

**ЛОЙИҲАЧИ** Лойиҳа, проект тузувчи. *Лойиҳачилар бригадаси.*

**ЛОЙКАШ** [ф-т] I Лой тайёрлаш, лой ташиш ишини бажарувчи шахс. *Ражабали дастлаб, икки ой заводнинг бинокорлик ишида лойкаш .. бўлиб ишлади.* Ғ. Ғулум, Очилган сирлар.

2 Сувоқчиликда: лой, ганч олиш учун ишлатиладиган металл асбоб; куракча.

**ЛОЙКАШЛИК** лойкаш с. касб *оти* **ЛОЙЛАМОҚ** кам қўлл. айн. **лойкатмоқ** I. *Сувни лойламоқ.*

**ЛОЙЛАНМОҚ** лойламоқ *фл. мажх. н.* Кийим лойланди.

**ЛОЙЛАТМОҚ** лойламоқ *фл. орт. н.*

**ЛОЙЛИ** Лой теккан, лой билан ифлосланган, лой чапланган. *Мадамин қўлидаги лойли кетмонни .. қўлмақ сувга ташлаб қўйди.* С. Аҳмад, Мастура. *Ермат, уэр сўраган каби, лойли қўлларини қоюштириб, бирдан йиғлаб юборди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛОЙХОНА** [ф-т] Лой тайёрланган ёки лойи олинган чуқур ер. *Иморатларнинг кўлангаси ва кечанинг ўртача қоронғиси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ЛОЙХУРАК** [ф-т] Тўқай, ботқоқ ерларда яшайдиган, балчиқчилар туркумига мансуб узун тумшукли қуш. *Ўрдак йўқ кўлда — лойхурак хон.* Мақол.

**ЛОЙЧАҚИР** диал. Кийимга илашган лой парчалари. *Яланг оёқларини товлайдилар, ҳўл лойчақирларини қуритадилар.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ЛОЙҚА** I Лой, тупроқ, чанг ва ш. к. зарраси араланиб булганган, лойқаланган. *Лойқа сув. Лойқа бўза.*

— *Март ўзи билан ёмғир бошлаб келди.. Жилғалардан шариллаб лойқа сел оқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пастда жуда катта лойқа кўл тўққинланиб ётар.. эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. || *Кун исиб кетди. Ҳар қадамда халқоб бўлиб ётган кўлмақлар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бошлади.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Сувда ёки суюқликда сузиб юрган лой ва ш. к.лар зарраси ва уларнинг

чўқиндиси, қуйқаси. *Ҳовуз лойқага тўлиб қолибди. Челақ тағига лойқа ўтирибди.* Мусалас лойқаси тиниб қолибди.

3 *Кўйма Ноаниқ, аралаш-қуралаш. Лойқа ҳаёлотлар чашмадай тинди. Пок-покиза юрак бир қатра симоб.* Ғ. Ғулум.

4. *Кўйма Бирор ишнинг ёмон оқибати, қолдирғи; оқова. Ишнинг лойқаси чиқди.* — *Шахсга сифинининг лойқаси тинди. Ленинча ҳақиқат абадий тинди.* Ғ. Ғулум. *Ишнинг оқибати лойқа бўлишига ақли етган Қорасоч Норйигит билан маслаҳатни бир жойга қўйди.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

**ЛОЙҚАЛАНМОҚ** айн. **лойқамоқ**, **У** [Оқсой] *гоҳ лойқаланади, гоҳ тинийди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛОЙҚАЛАНТИРМОҚ** лойқаланмоқ *фл. орт. н.*

**ЛОЙҚАЛАТМОҚ** айн. **лойқатмоқ**. *Чуқур сувни лойқалатиб бўлмас. Мақол. Саидғози уҳ тортеанида кўксидан тутун бурқсиендек бўлди. Энди унинг осуда турмушини ҳеч ким лойқалата олмайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ЛОЙҚАМОҚ** Чўқинди моддалар араланиб лойқа ҳолга келмоқ, ифлосланмоқ (сув, умуман суюқлик ҳақида). *Сув лойқа кетди.*

**ЛОЙҚАТМОҚ** I Суюқликни лойқа ҳолга келтирмақ, чўқиндиларини қўзғаб аралаштирмақ, лойламоқ. *Сувни лойқатмоқ.*

2 *Кўйма* Лойқасини чиқармоқ, пачава, расво қилмоқ, бузмақ.

**ЛОК** [ф-т] Смолани спиртда эритиб ҳосил қилинадиган, буюмларни ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик. *Қора лок. Лок суртмоқ. Лок бериб пардозламоқ.* — [Унсин] *ичкари уйда ўтириб, маҳсилара.. лок суркайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛОКАУТ** [р<ингл] *сиёс.* Ишчиларни ёппасига ишдан бўшатилган ёки қорхонани ёпиб қўйиш — буржуазиянинг ишчилар синфига қарши кураш усулларидан бири.

**ЛОКИН** [а] с. т. Лекин.

**ЛОҚЛАМОҚ** Нарсаининг юзига лок суртмоқ, лок бермоқ. *Туфлинни лоқламоқ.*

**ЛОҚЛАНМОҚ** лоқламоқ *фл. мажх. н.* Лоқланган туфли. — *Баланд иштининг лоқланган кўзусида баргларнинг хирагина шарпалари ўйнайди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ЛОҚЛАТМОҚ** лоқламоқ *фл. орт. н.* Маҳсини лоқлатмоқ.

**ЛОКОМОТИВ** [р<фр] Темир йўлда ўзига тиркалган вагонларни тертиб борадиган паровоз, электровоз, тепловоз ва ш. қ.ларнинг умумий номи.

**ЛОЛ** [а] Изаъ бўлиб, хижолатда қолиб ёки мағлубиятдан гапиролмай қолган, тили тутилган, мулазм; соқов. *Сарбасар ҳасратларинг шарҳ эткали лолдур тилим. Хислат. Зайнаб тамом, тамом лол эди. Сўз қотишга у беҳол эди.* Х. Олимжон. (Тили) лол бўлди I) тили тутилиб, гапиролмай қолди.

Тили лол бўлди-ю қолди сўздан. М. Ала-  
вния; 2) хайрон бўлиб қолмоқ. *Очил бу*  
*гапларни эшитиб лол бўлиб қолди.*  
П. Қодиров, Уч илдиэ. Лол қилмоқ  
(ёки этмоқ, қолдирмоқ, қилиб қўймоқ)  
гапиролмайдиган қилиб қўймоқ; хай-  
рон қолдирмоқ, ақл-хушнинг қочирмоқ.  
*Бунёд уйғонди дарҳол. Уни лол этди*  
*бу ҳол.* Ҳ. Олимжон.

**ЛОЛА** [ф-т] 1 бот. Йирик чиройли  
гулли баҳорги ўсимлик ва унинг қизил,  
сарик ёки тарғил гули. *Тогда ошилди*  
*лола, ҳам сабза баҳор ўлса.* Муқимий.

2 кўйма поэт. Лола рангли, қизил,  
қирмизи. *Очилмоқ истарқан лола ду-*  
*дўқлар, Жовдираб кўларинг нечун*  
*уйғоқлар, Уйғун. Лола янелиг оразинг-*  
*ми мен кўриб тасвирда, Мубтало бўл-*  
*моқлигим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза.

3 Лола (хотин-қизлар исми).

**ЛОЛАГУЛ** [ф-т] айн. лола 1.

**ЛОЛАГУН** [ф-т] поэт. айн. лола-  
ванг.

**ЛОЛАЗОР** [ф-т] Лоласи кўп, лола  
очилиб ётган жой.

**ЛОЛАРАНГ** [ф-т] Лола рангидаги,  
қизил, қирмизи. *Ҳўжабеков пиёлага*  
*лоларанг вино қуйиб, жузюнга тутди.*  
С. Анорбоев, Оқсой. [Бектемир] соф,  
лоларанг ёлқинга термилиб, .. узоқ  
ўйлади. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ЛОЛАҚИЗГАЛДОҚ** Баҳорда очила-  
диган лоласимон гулли ёввойи ўт  
ва унинг гули. *Мол боқиб юрган бола-*  
*лар, онда-сонда кўринган лолақизгал-*  
*дақ ва чучмамарларни ўлариники қи-*  
*лишига таллашиб юраддилар.* А. Қо-  
дирий, Обид кетмон.

**ЛОМ** 1 [а] Араб алфавитида «Л» хар-  
фининг номи.

◆ **Лом демай** айн. лом-мим демай  
қ. лом-мим. Ишнинг енгил кўйишига  
сезинган она, *Отабекнинг бу шартига*  
*лом демасдан кўнди.* А. Қодирий,  
Утган кунлар. Лом дея олмай қолмоқ  
жавоб қайтара олмай, гапиролмай,  
индамай қолмоқ. [Ҳасаналининг] *бу*  
*охириги жумласи Ҳомидни ерга қара-*  
*тиб, лом дейишига мажболи қалмади.*  
А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЛОМ II** [р] Бир ёки хар иккала учи  
ҳам ўтқир металл асбоб; мшеранг.  
*Лом билан ер ўймоқ.* — *Болта, арра*  
*ва лом кўтариб моҳир дурадзор Ефим*  
*тоға, уста Шохрўслар ҳам келишган*  
*эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ЛОМАҚОН** [а] Макони, турадиган  
муқим жойи йўқ. [Хатингда] *қаерда*  
*туришинг кўрсатилмаган ёки лوماқон-*  
*мисан.* «Муштум», 1925, № 9.

**ЛОМБАРД** [р] Қимматбаҳо буюмлар-  
ни гаровга олиб қарз пул берадиган  
муассаса. *Ломбардга қўймоқ.* *Ломбард-*  
*дан пул олмақ.*

**ЛОМ-МИМ** [а]: лом-мим демай ҳеч  
нарсга демай, бирор сўз айтмай, чурқ  
этмай; қаршилиқсиз, эътирозсиз. *Му-*  
*даррис домла ҳам менинг кетишимга*  
*лом-мим демай рози бўлибдилар.* М. Му-  
хаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ЛОП** тақл. с. Бирдан, бир онда,  
мамаганда юз берган ҳаракатни

ифодалайди. *Хашақ лоп этиб ёниб*  
*кетди.* *Керосинка лоп этиб ўчди.*  
*Унинг мяясига лоп этиб бир гап кел-*  
*ди.* — [Кумушнинг] *кўйлагининг чи-*  
*қарган енгилгина шамди билан*  
*ёниб турган шам лоп этди-да, кўриш-*  
*гандек, ўйнашгандек бўлди.* А. Қоди-  
рий, Утган кунлар. *Иссиқ жон, лоп*  
*этиб дунёдан ўтиб қолса нима бўлади?*  
М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

**ЛОПИЛЛАМОҚ** 1 Кўпол, бесўнақай  
чайқалиб юрмақ, лапангламоқ. *Кўна-*  
*дан биров лопиллаб ўтиб кетди.* —  
*Ойшабиби юзини рўмол билан ёпиб,*  
*лопиллаб кириб келди.* Ҳ. Ғулум, Машъ-  
ал. | *Чайқалиб, тебраниб турмоқ.*  
*Девор лопиллайди.* Кўприк лопиллаб  
турибди.

2 Кетма-кет кўтарилиб-пасаёиб тур-  
моқ, лоп-лоп қилмоқ (аланга, ёлқин  
ҳақида). *Ўт лопиллаб ёнмоқда.* — *Энди*  
*бояёи аждаҳо йўқ, унинг ўрнида ша-*  
*фаққа ўхшаб бир нарсга лопиллаб тав-*  
*ланаёттибди.* Ҳ. Ғулум, Машъал.

**ЛОПИЛЛАТМОҚ** лопилламоқ фл.  
орт. н.

**ЛОП-ЛОЙИҚ** Жуда лойиқ, қуйиб  
қўйгандек лойиқ, *Этик оёғимга лоп-*  
*лойиқ экан.*

**ЛОП-ЛОП** лоп с. тақр. *Аламга лоп-*  
*лоп кўтарилиб турибди.*

**ЛОППА-ЛОЙИҚ** айн. лоп-лойиқ.

**ЛОРД** [р<ингл] 1 Англияда: юқори  
табақа дворянларнинг наслдан-наслга  
ўтиб бораверадиган унвони ва шундай  
унвон эгаси.

2 Баъзи бир англиз давлат лавози-  
мидаги олий мансаб эгаларига берила-  
диган унвон.

**ЛОРСИЛДОҚ** 1 Кўпчиб пишган,  
иссиқ ва ўшмоқ. *Лорсилдоқ нон.*

2 Лорсиллаб турадиган, диркиллама  
(эт, бадан ҳақида).

**ЛОРСИЛЛАМОҚ** Лорс-лорс қилиб,  
диркиллаб турмоқ, диркилламоқ, бил-  
қилламоқ. *Ҳайдаб кўйилган ераар лор-*  
*силлаб ётибди.* — *Лаъли чақалоқни*  
*қўлига олиб, бағрига босди-да, лорсил-*  
*лаб турган оппоқ сийнасини тутди.*  
Ҳ. Ғулум, Машъал. | *Тўлиқиб қизар-*  
*моқ, Ойсулув ўзи ёнган номлардай лор-*  
*силлаб, қалтиғига қаради.* С. Анорбо-  
ев, Оқсой.

**ЛОРС-ЛОРС** тақл. с. Силқиниб, дир-  
киллаб турувчи ҳаракатни ифодалай-  
ди. *Бадани лорс-лорс қилади.*

**ЛОС** [ф-т] Пилла тортганда чиқа-  
диган қалта-култа ипак тодалари.  
| *Чувоқ, чиқинди ипак. [Отам] бозор-*  
*дан бир қаламдон, қамиш қалам, ..*  
*бир сийҳдон, бир бандча лос ва қоғоз*  
*олиб берди.* Айний, Эсдалиқлар. [Аваз]  
тақчадан лос солинган довод, қамиш  
[қалам] ва қоғоз олиб, хонтахта устига  
қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ЛОСОБЪ** [р] Гўшти юмшоқ, пушти  
ранг йирик баллиқ.

**ЛОТ** [а] дин. Арабларнинг ислом-  
дан илгариги маъбудалари; бут. Э бо-  
ла, .. *Қорахон поштонинг динига*  
*кирсанг, лотга иқрор бўлсанг, .. Зул-*  
*хуморни сенга берамиз.* «Равшан»

**ЛОТЕРЕЯ** [р<фр] Билет билан пул  
ёки буюмлар ютиш ўйини. *Пул-буюм*  
*лотереяси.* *Лотерея билаети.*

**ЛОТИН** айн. латин.

**ЛОГ-МАНОТ** [а] дин. Лот(лар), ма-  
нот(лар).

**ЛОТО** [р<фр] Маҳсус қартага қа-  
раб, эълон қилинган номер ёки расм-  
ларнинг юзини беркитиш йўли билан  
ўйналадиган ўйин. *Лото ўйини.* *Лото*  
*ўйнамоқ.* | *Шу ўйинда ишлатиладиган*  
*карталар ва номерданган соққа-*  
*лар.*

**ЛОТОК** [р] Чақана савдо кучма  
дўкончаси.

**ЛОФ** [ф-т] 1 Ҳақиқатга тўғри кел-  
майдиган, хаддан ташқари бўрттирил-  
ган ёлғон гап; муболаға. *Абдували ўзи*  
*тўғри чиқарган лофларига ҳаммадан*  
*кўп ўзи ишонарди.* Ф. Мусажонов,  
Лофчи.

2 Ортиқ кўпиртириб мақташчи. *Ишни*  
*асбоб қилади, эгаси лоф уради.* Мақол.  
**Лоф урмоқ** (ёки қилмоқ) 1) ҳақиқатга  
тўғри келмайдиган гапларни айтмоқ,  
ортиқ даражада бўрттириб гапирмоқ;  
муболаға қилмоқ. *Араббой .. элласа*  
*лоф уриб бировни гангитар, бирор ман-*  
*фаат чиқадиған жойдан .. қалмас эди.*  
П. Турсун, Уқитувчи; 2) ортиқ кўпир-  
тириб, бўрттириб мақтамоқ. *Йўлда*  
*чаён тошбақага лоф уриб, Дедик:*  
*«Боқсам агар ўйлаб туриб, Менча сенга*  
*сўйгули йўқ меҳрибан, Сен танч, эде,*  
*анга мен мисли жон!».* Ҳамза.

◆ **Лоф деса олақонли олиб юғради**  
ортиқ даражада ҳовлиқадиган, лоф  
қиладиган кишига нисбатан қўллана-  
диган ибора.

**ЛОФЧИ** Лоф гапирувчи, лоф урувчи.

**ЛОФЧИЛИК** 1 лофчи с. беағи оти.

2 Муболаға гаплар гапириб, лоф уриш.

**ЛОФ-ҚОФ:** лоф-қоф урмоқ ортиқ  
лоф урмоқ; қуруқ мақтанмоқ. [Ғофир  
қози, цмом, эллиқбошиларга:] *Сизлар*  
*чиқ-муҳаббат дев лоф-қоф урасиз.*  
Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ЛОЦМАН** [р<голл] Маълум участка  
доирасида к ма ва пароҳодларга йўл  
кўрсатувчи, уларни шу участкадан  
олиб ўтувчи, жойнинг шароитини яхши  
билувчи мутахассис.

**ЛОЧИН** 1 Йиртқич қушлар турку-  
мининг бир тури; овчилар уни қўлга  
ўргатиб қуш ов қиладилар.

2 кўчма Эпчил, чаққон; жасур, ғоят  
гайратли, шижоатли. *Мамажон лочин*  
*ийит, Серҳаракат, бетиним.* Қ. Му-  
хаммадий.

**ЛОЧИРА** Оширилмаган ҳамирдан  
юпқа қилиб ёниб, тандирда сингга  
қилиб пиширилган нон. *Тандирдан ло-*  
*чира сингарчи юпқа, лекин элакдай-элак-*  
*дай қатта нонларни узди-да, саватга*  
*солиб, айвонга келтирди.* Ҳ. Назир,  
Энг муҳими.

**ЛОШ** диал. Жонсиз гавда; мурда;  
ўлакса. *Қўлансойда қолди аждаҳо*  
*лоши.* «Нигор ва Замон». *Қарға, қўзғун*  
*еяр гўшинг, Муродхон, сенга айтаман,*  
*Сасиб қолаар сенинг лошинг. Қайтгин,*  
*одамзод, ўласан!* «Муродхон».

**ЛОЯМУТ** [а] эск. кт. Ўлмас, абадий яшайдиган. Ҳақиқат лоямутдир.

◆ **Кути лоямут айн. кут-лоямут. ЛОҚАЙД** [а] рвш Аҳамият, эътибор бермай; бепарволик билан, қизиқмай, бепарқ. Қизининг ички мақсадидан беҳабар она лоқайд жавоб беради. Ойбега, Қутлуғ қон. Қўнглинг сезган нарсага лоқайд қарама, ўғлим, тагиға ет. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЛОҚАЙДЛИК** лоқайд с. белиги оти. Лоқайдлик билан. — Сафарбойнинг табиатида андак бепоклик ва лоқайдлик бор. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ЛОҒАР** [ф-т] кт. Жуда ориқ, озин-тўзин кетган.

**ЛОҲАС** [а] Тоби айниган; бўшашган, ланж. Лоҳас бўлмоқ. Лоҳас қилмоқ. — Турсуной негадир ўзини лоҳас ҳис қила бошлади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. [Элмурод] эрталаб касални писанд қилмай ўрнидан турди-да, дарсга кирди, лекин лоҳас бўлиб ўтирди. П. Турсун, Уқитувчи. Қўча томондан яна сириқ ҳиди келиб, Намийнинг ҳозиргина хушбўй чойдан очилган қўнглини лоҳас қилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ЛОҲАСЛАНМОҚ** Бўшашмоқ, лоҳас бўлмоқ, ланж бўлмоқ.

**ЛУБ** [р] Қаноп, жут, зиғирпоя каби тола берадиган ўсимлик пўстлогининг умумий номи.

**ЛУБКОР** [р+ф-т] Луб экинлари экувчи. Лубкор колхозлар.

**ЛУЗА** [р<поляк] Бильярд столининг бурчак ва қирғоғидан бильярд шарлари уриб тушириладиган тўр халтача осиб қўйилган тешиклар. Шарни лузага туширмоқ.

**ЛУЗУМ** [а] кт. Зарурат, хожат. Оворагарчиликнинг лузуми йўқ. — Тўғриси, захаролуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим ва тушунишга ҳам лузум кўрмадим, чунки ғазаб устида айтилган сўзлар ақли кишиларга лойиқ муҳокама ва мурола бўлмас. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ЛУЗУМСИЗ** Лозим бўлмаган, зарурати йўқ; кераксиз. Лузумсиз ҳаракат.

**ЛУНГИ** [ф-т] 1 Ҳаммомга кирганда белдан пастни беркитиш учун боғланадиган мато. Афанди бир кунни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи уни назарга илмай эски тос, йиртиқ лунги берди. «Латифалар».

2 эск. Сартарошликда соч-соқол олдирувчи кишининг кўксига тутиладиган мато; фартук. Мўйсифид сартарош уни [Йўлчини] .. курсига ўтқазиб, кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини бўйнига илиб, бошини ишқалай бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 диал. Сочиқ, пнела сочиқ. Самоварда чойфурушининг бир ўзи могор лунгиси билан елпиниб ўтирар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Қозик лунги** қ. қозик.

**ЛУНЖ** [ф-т] 1 Бетнинг пастки жағ билан туташ қисми. Лунжи осилган. — Болалар.. лунжларини ишириб қамиш сурнай чалишар эди. А. Қаҳҳор,

Қўшчинор. Хаҳолашиб турган болалар орқасида чап лунжи қизарган Раҳим пайдо бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Бетнинг ич томонидаги бўшлиқ; оғиз. Тўлқин лунжини тўлдириб нон чайнаб туриб, жавоб бери. Ҳ. Фулом, Машғал.

◆ **Лунжи осилди** таъби хира бўлди, хафа бўлиб тумшайиб қолди. Шу дақиқадан бошлаб Шодихўжанинг таъби хира ва лунжи осилишга бошлади. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ЛУНОХОД** [р] Ойга қўндирилган ўзинор автоматик аппарат.

**ЛУПА** [р<фр] Кичкина нарсани катта қилиб кўрсатадиган, икки томони гардишли қавариқ шиша; заррабин.

**ЛУТФ** [а] 1 Илтифот, марҳамат; олижаноблик. Лутфнинг унутиб, кўксини сен пора қилибсан! С. Абдулла. Ҳаст эшон меҳрибонлик билан лутф қилиб, мени хужрайи хосларига чақирдилар. Ҳ. Фулом, Шум бола.

2 Сўз ёки гапни бир неча маънода ишлатишга асосланган сўз ўйини; қочирим. Ёшларнинг бу самимий, чиройли лутфлари Муқимийнинг завоқини келтирди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ЛУТФАН** [а] рвш, кт. Олижаноблик билан, лутф, марҳамат қилиб; хайрихоҳлик юзасидан. Орёлликлар.. 1959 йилнинг 5 августида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муҳиддин Умридиновни лутфан тақлиф этдилар. А. Раҳмат, Элик бир баҳодир.

**ЛУТФ-ҚАРАМ**, лутфу қарам кт. Кўрсатилган марҳамат, яхшилик, олижаноблик. Лутф-қарам қилмоқ (айламоқ). — Қайси бир лутфу қарамларни таманно айлайин! С. Абдулла.— Зоти олий лутф-қарам айлаб жанобларига соғва-инъом этадурлар,— деди у [фаррош] билинар-билинмас жилмайиб. М. Осим, Сехрли сўз.

**ЛУТФКОРЛИК** Яхшилик ва марҳамат кўрсатиш; хушмуомалалик, олижаноблик. Подшо уни [Навоийни] лутфкорлик билан қабул қилди. Ойбек, Навоий.

**ЛУТФКОРОНА** [а+ф-т] рвш Лутфкорлик билан, марҳамат этиб; хушмуомалалик билан; лутфан.

**ЛУХ** Қўға ўсимлиги ва унинг тўзроғи.

**ЛУЧЧАК** [ф-т] 1: луччак шафтоли туксиз, силлиқ шафтоли. Ойдинда чиройли йилтираган чиллаки луччак шафтолилар дув-дув тўкилди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўчма Кўкраги очик, чапани. Луччак арабакашлар кўкка боқиб ёўдайган, Босқай юрлмаганда хушёр, араба қурсин. Муқимий.

**ЛУҚМА** 1 [а] Бир чайнам, бир ютум, бир оғиз овқат. Ўзининг жавоб бериши лозим бўлганлигини сезган Ўсмон полвон оғзидаги луқмани тез-тез ютиб олади. А. Қодирий, Обид кетмон. | Озгина, жиндаккина, бир ошам. Ошдан бир луқма олинг. — Элмурод қайқа қарамасин овқатни кўрар, ҳиди димо-

ғига урар, лекин улاردан ўзига қачон бир луқма тегишини билмасди. П. Турсун, Уқитувчи. Луқмайи ҳалол меҳнат билан, ишлаб топилган пул, нарса, овқат.

◆ **Оғзидаги луқмани ютолмайди** шудсиз, эпсиз, лапашанг. Гўрсўхта домла.. оғзидаги луқмани ҳам эплаб ютолмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЛУҚМА** II [а] Биров гапирётганда унинг гапига жавоб, изоҳ, сўроқ тариқасида бошқа киши томонидан қўшилидиган ибора, сўз. Луқма ташламоқ (ёки солмоқ) кимсанинг гапи орасига жавоб, сўроқ, изоҳ тариқасида ибора, сўз киритмоқ.— Сен гапирганда Шербек жим ўтирган эди! — кимдир луқма ташлади. С. Анорбоев, Оқсой. Ўрмонжон луқма солди: — Нима жиҳатдан ярамайди, илми етмайдими? А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ЛУҚМОН** [а] 1: Луқмони ҳаким шарқ халқлари орасида тенги йўқ ҳаким ва донолик тимсоли ҳисобланган афсонавий шахс. [Раҳима хола:] Менинг қўлим эмас, Луқмони ҳакимнинг қўли! Чиқ! Чиқ!.. Кўзлаганинг кўзига бор,.. қорни катта бойларга бор! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 кўчма Доно, билармон одам ҳақида. Халқ учун соғлиқни сақлаш хизматида эрта-кеч бўлса, бемор аҳлига дармон бири, луқмон бири. Ҳабибий.

3 Луқмон (эркаклар исми).

**ЛУҒАВИЙ** [а] 1 Луғатга, сўзга онд; лексик; асл, туб. Сўзнинг луғавий маъноси.

2 Текстдан четга чиқмай, сўзма-сўз. Луғавий таржима.

**ЛУҒАТ** [а] 1 Биров тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алфавит тартибда) жамлаб, изоҳлаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб. Изоҳли луғат. Ўзбекча-русча луғат. Имло луғати.

2 Сўз; тилдаги барча сўзлар мажмуи. Луғат состави. | Сўз запаси, сўз бойлиги. Шу ўғзал, шу қутлуғ янги йил туни, Қалбим ҳаяжонга, севинчага тўлиб, Луғат бисотидан расо ахтардим, Бир оғиз ширин сўз айтмоқчи бўлиб. Уйғун.

**ЛУҒАТЧИ** Луғат тузувчи киши; лексикограф.

**ЛУҒАТЧИЛИК** 1 луғат с. касб оти.

2 айн. лексикография.

**ЛЮКС** [р<фр] Юқори сифатли буюм, қимматбаҳо нарсалар билан безатилган магазин, меҳмонхона номери, поезд, пароход купеси ва ш. к.ни ифодаловчи сўз.

**ЛЮМПЕН-ПРОЛЕТАРИАТ** [р<нем.] Капиталистик жамиятда ўз синфий қиёфасини йўқотган, разиллашган яланг оёқлар, саёқлар, қашшоқлар.

**ЛЮСТРА** [р<фр] Бир неча лампочкали осма чирок; чилчирок. У уйқу босганини яширишга тиришиб, гоҳ шипдаги люстраларга, гоҳ янги олинган хоразм ғилмига.. қараб қўярди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ЛЯ** [р<итал] Музыка гаммасининг олтинчи товуши ва унинг нота белгиси.

**ЛЯПИС** [р<лат] Кумуш нитрат, оқ кристалл модда (медицинада куйдириш учун ишлатилади). *Сўғални ляпис билан куйдирмоқ.*

**ЛҲК** [ф-т] Боши кичикроқ, бўйни узун, бир ўркакчи катта туя, етакчи туя. *Қаторга тиркалган лўк билан норча, Устига юкланган қирмизи нарча.* «Алпомиш».

**ЛҲКИДОН** [ф-т] с. т. Эшикни беркитиш учун ишлатиладиган жуда содда ёғоч қўлф. *Кишан қўлф синдирилиб, занбал эшик ҳам очилди, хужрадаги лўкидоннинг «тили»га тушундиган ўғри бўлса, уни ҳам очди дейлик.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ЛҲКИЛЛАМОҚ** 1 Елиб юрмоқ. *Туя лўкиллайди. От лўкиллайди.*

2 Чопиб юрмоқ. *У елкасидаги юки билан лўкиллаб бир чордевор панасига бошлади.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 *Кўчма* Овора, сарсон бўлмақ; бекорга уринмоқ. *Кўйсангчи хархашангчи. Шу вақтда лўкиллашга кимнинг ҳафсаласи бор?* О. Ёқубов, Оқ йўл.

**ЛҲКИЛЛАТМОҚ** лўкилламоқ *фл. орт. н.* Отни лўкиллашмоқ.

**ЛҲККИ** [ф-т] Лўкиллаб юрадиган (от, туя, эшак ҳақида). *Эшак бозоридан олган куррам.. арвоқ урган даванг, лўкки чиқиб қолди.* «Машраб», 1924, № 6.

**ЛҲК-ЛҲК:** лўк-лўк қилмоқ лўкиллаб юрмоқ.

**ЛҲКЧА** Еш туя. *Муна тоғда бўктарилган қормисан, Қаторга тиркалган лўкча нормисан.* «Алпомиш».

**ЛҲЛА** [ф-т]: лўла болиш ғўла шаклидаги ёстиқ. *Қарасам, лўла болишдек баҳайбат бир махлуқ.. хунук тумшугини нам тупроққа тираб, хансираб ётибди.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли. *Лўла кабоб қийма кабоб.*

**ЛҲЛИ** [ф-т] 1 қ. лўлилар. *Лўли тили.* || *Лўли аёл.*

2 *Кўчма* Уришқоқ, жанжалқаш, шаллақи (кўпинча аёлларга нисбатан ишлатилади).

**ЛҲЛИВАШ** [ф-т] *поэт.* Кишини сеҳрлаб ўзига мафтун қилувчи, шўх ва ғўзал (севгили маҳбуба ҳақида). *Лўливаш ул дилрабоининг ошиқи зори бўлиб, Телба мажнундек юруб, вайронадур маконимиз. Сайедий, Тоҳир ва Зухра.*

**ЛҲЛИЛАР** Асли хиндлардан тарқалган ва дунёнинг кўп жойларида (Осиё, Африка ва Европада) тўдалашиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирувчи халқ.

**ЛҲЛИЛИК** Уришқоқлик, жанжалқашлик. *Лўлилик қилмоқ.* — *Арзанда қиз мактабга борди. Мактабда ҳам у лўлилиги, уришқоқлиги, бебошлиги билан ном чиқарди.* Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб. *Коккила лўлилик қилиб, бировга гап бермай бидирлар, Кўзи-той эса, тўнғиллар эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**ЛҲМБОЗ** [ф-т] Том ёки пахсага босиш учун юмалоқланган бир бўлак

каттиқ лой. *Лўмбоз қилмоқ. Томга лўмбоз босмоқ.*

**ЛҲМБОЗДАЙ,** «дек с. т. Бесўнақай, катта, қўпол. *Шалоқ дарвозага лўмбоздай қўлф осиглиқ эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЛҲНДА** 1 Бўлак, бир бўлак, юмалоқ. *Бир лўнда қанд. Лўнда ғўшт яхлит, суяксиз ғўшт, лаҳм ғўшт.*

2 *Кўчма* Қисқа, аниқ-ихчам. *Лўнда гап.* || — *Лўнда қилиб айтганда менга ҳам, сизга ҳам ўқини, ўрганни зарур,— деди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. || *Мавлон ака гапнинг лўндасини айтди-қўйди: «Бойнинг шолини қаерга яширганини Қобил билади».* Х. Ғулум, Машъал.

**ЛҲНДА-ЛҲНДА** 1 Бўлак-бўлак, катта-катта, юмалоқ-юмалоқ. *Ғўштни лўнда-лўнда қилиб тўғрамоқ. Нонни лўнда-лўнда қилиб емоқ.*

2 *Кўчма* Аниқ-аниқ, ихчам-ихчам; конкрет. *Лўнда-лўнда қилиб гапирмоқ.* — *Хўжа Аҳрорнинг кирдикорларини лўнда-лўнда айтиб бераман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ЛҲП тасв. с.** «Бирдан», «томдан тараша тушгандай», «қўққисдан» каби маъноларни ифодалайди. *Лўп этиб бирдан; дарров. Биз уларни келтириб, суриштириб кўрамиз, орадан ўғри лўп этиб чиқиб қолади.* Айний, Жаллодлар.

**ЛҲППАК** Етилган, тўлишган, бўлиқ (кўпинча пахта ҳақида). *Ғўза жуда бўлиқ эди, қирққа яқин чаноқдаги пахта лўппак бўлиб турипти.* Х. Нуъмон, Фасллар.

**ЛҲППАК-ЛҲППАК** лўппак с. тақр. *Чугурчуқлар қалин дарахт шохлари ва бутоқларга қўйган лўппак-лўппак похол уяларидаги болаарининг тепасида пириллаб қолиши.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Лўппак-лўппак очилган пахтага қараб, кўз қамашади.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ЛҲППИ** 1 Дўмбоқ, семиз. *Лўппигина бола.* — *Юзи ширмой нондек лўппи, гавдаси юм-юмалоқ, кўкракдор ёш аёл [Мастура] том лабига келиб.. чўққайди.* Ойбек О. в. шабадалар. *Кўм-кўк кўзли латта қўғирчоқнинг лўппи юзи олмадек қип-қизил эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Лўппидан келган семиз, тўлагина. Лўппидан келган дўндиқ — Бир қизча расм солар.* Қ. Муҳаммадий.

2 *айн. лўппак.*  
**ЛҲПТИ** Учига пахта ўралган чўп (сиқилган ўсма, йод каби суяқ нарсага тегизиб бир нарсага суртиш учун ишлатилади). *Лўптик билан ўсма қўймоқ.*

**ЛҲТТИБОЗ** [ф-т] 1 эск. Қўғирчоқлар ўйнатиб, ўйин кўрсатувчи; фокусчи.

2 *Кўчма* Фирибгар, хийлагар, алдоқчи, найрангбоз. *Лўттибоз одам.*

**ЛҲТТИБОЗЛИК** лўттибоз с. маъв. от. *Бу ерда лўттибозлик кетмайди. Ё аттестат бировники, ё паспорт.* «Муштум», 1957, № 9.

**ЛҲЯ** диал. Ловия.

**ЛҲҚ:** кўзини лўқ қилиб кўзни бир

нуқтага тикиб, индамай, без бўлиб. *Ҳамма кўзини лўқ қилиб, отга қарайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ЛҲҚИЛЛАМОҚ** Қаттиқ-қаттиқ урмоқ, тепмоқ; санчиб-санчиб оғримок (томирнинг уриши, қаттиқ оғриқ ҳақида). *Томирим лўқиллапти. Бошим лўқиллаб оғрипти.* — *Қия ўтирган Ҳаётнинг чекка томирлари лўқиллар, беқасам камзулга тиқилиб турган бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ЛҲҚИЛЛАТМОҚ** лўқилламоқ *фл. орт. н.* Йод ярани лўқиллатди.

**ЛҲҚ-ЛҲҚ тасв. с.** Қон томирнинг қаттиқ уришини, оғриқ зарбини билдиради. *Зўр бериб малҳам сурганига ҳам қарамай, [жароҳат] ҳасмолдек лўқ-лўқ алам берарди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Лўқ-лўқ қилмоқ айн. лўқилламоқ.* *Уч коса қимиздан сўнг Шербекака бутун бадани қизиб, чакка томирлари лўқ-лўқ қилаётгандай туюлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

## М

**М** Ўзбек алфавитининг ўн тўртинчи ҳарфи; қ. эм.

**МА** унд. с. Бирор нарсани узатиб, уни олишга ундашни билдиради; ол. *Ма, бир пиёла чой ич.*

**МААЛМАМУНИЯТ** [а] эск. кт. Мамнуният билан, миннатдорлик, хурсандлик билан; қаноатланиб; бажонудли.

**МАБЛАҒ** [а] Маълум бир миқдордаги пул; сармоя. *Қурилиш учун маблағ ажратмоқ.* — *Ҳалил Жалиловнинг тақлифлари давлат учун неча юз минглаб маблағни тежайди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари.

**МАБОДО** [ф-т] 1 шарт боғл. Шарт эргаш гапни бош гапга боғлайди ва эҳтимоллик, аниқ эмасликни билдиради, маъно ва функцияси жиҳатидан «агарда», «бордию» сўзларига тўғри келади. — *Мабодо ўзим боролмаганимда ҳам, бувимага айтиб, отамни юбортираман,— деди Ғулумжон.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *модал с.* Сўзловчининг айтаётгани бўлиши мумкинлигини, лекин аниқ эмаслигини билдиради. *Мабодо келмадимми? — [Тожийой:] Хатни тушган жойига қолдириб келдимки, мабодо қўлга тушимасин деб.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**МАВЖ** [а] 1 Сув юзининг жимир-жимир ҳаракати. *Рави дарёси узоқда, кўм-кўк мавж билан, секин оқади.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Товланиш, жилва. *Арчаларнинг тоза, яшил мавжи нур билан ярқираб кетди.* Ойбек, Куёш қораймас.

3 *кам қўлл. айн. тўлқин.* *Ҳавода одамлар, қушлар ва машиналар садосидан бириккан қандайдир ёқимли бир мавж сузар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**Мавж урмоқ** 1) мавж қилмоқ, жимирламоқ, мавжланмоқ. *Денгиз мавж урмоқда;* 2) тўлқинланмоқ, тебранмоқ. *Дарё томондан ғириллаб эсиб турган шабада йўл бўйидаги ўт-ўланларни эгар, тебратор, сарғайиб бораётган арпалар мавж урар эди.* А. Қаххор, Қўшчинор; 3) кўчма тўлқинланмоқ, гулу қилмоқ. *Шикоятли нидолар ёш йиғит қалбидан ёлқинли ва дардли туйғулар мавж урганидан хабар берар эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**МАВЖЛАНМОҚ** 1 Мавж ҳосил бўлмоқ, жимирламоқ, тўлқинланмоқ. *Ховуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби . . . мавжланади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Шонага кирган ғўзалар қуёш нурида мавжланади.* — *Пешана ва чаккасида салқинган сочларининг жингалаклариди шуғлалар мавжланиб ёнар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўчма Акс этмоқ, барқ урмоқ. *Охуннинг шафқатига ҳамма чуқур сезги билан қаради, бу ҳис уларнинг кўзларида, юзларида равшан мавжланди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАВЖЛАНТИРМОҚ** мавжланмоқ *фл. орт. н.*

**МАВЖУД** [a] 1 Ихтиёрда ёки умуман воқеликда бор бўлган; бор. [Тўлаган:] *Колхозда мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишга . . . нималар тўққинлик қилаётгани тўғрисида гапириб кетди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 кесим вазифасида Бор, мухайё. *Ўқиш учун барча имкониятлар мавжуд.* — *Доирачи, раққос ва созандалар ўртасида томошабин сезмайдиغان нозик алоқа ити мавжуд.* Т. Обидов, Юсуф-жон қизик

**МАВЖУДИЯТ** [a] *эск. кт. 1 айн. мавжудот.*

2 Борлик, мавжудлик. *Менга асрдош бўлган бир киши . . . ўз мавжудиятидан, . . . инсон бўлганидан хафа.* Ғ. Ғуллом, Афсона.

**МАВЖУДЛИК** мавжуд 1 с. белги *оти айн. мавжудият* 2. [Мирзакаримбой:] *Гулнорни севаган ва у билан тил бириктирган бир йиғитнинг мавжудлигини ўша вақтларда билган бўлса ҳам унинг хотиридан йўлчи сира кечмаган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАВЖУДОТ** [a] *кт.* Олам, табнатда бор нарсалар мажмуи, дунёда мавжуд нарсалар, бутун борлик. *Мавжудотнинг яратилиши ҳақидаги афсоналар.* — *Мавжудотнинг жони — сув.* Х. Расул, Бахт нашъаси.

**МАВЗЕ** [a мавзёв, 3-ш. бирл. мавзеи] Шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган дала-боғ жойларнинг кичик райони, маҳалласи. *Ташкентнинг Аския мавзёи.* — *Ракат мавзеида отамдан қолган жой бор эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

*мавзеи қ. мавзе.*

**МАВЗОЛҲ** [p<лат] Қабр устига ишланган монументал ёдгорлик; мақбара. *В. И. Ленин мавзолейи.*

**МАВЗУ** [a мавзӯв, 3-ш. бирл. мавзуи] *айн. тема.* Мақола мавзуи. *Сухбат мавзуи.* — *Турли мавзуларда . . . дилкаш суҳбат қилишди.* Ойбек, Навоий.

*мавзуи қ. мавзу.*

**МАВЗУН** [a] *кт.* Қелишган, хушбичим, хушқомат. *Қадди мавзун.* — *Саҳнада гул-гул ёниб, бир қадди мавзун ёйнади.* Ҳабибий.

**МАВЛОНО** [a] Мусулмон шарқида: олим ва фозил кишиларни, устозларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган сўз. [Навоий:] *Келинг пириш! Келинг, мавлоно Жомий.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**МАВЛУД** [a] 1 Туғилган кун ва шу муносабат билан бериладиган зиёфат. *Мавлуд тўйи.*

2 *дин.* Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни ва унинг шарафига бериладиган зиёфат; пайғамбарнинг шундай зиёфатда ўқиладиган таржимаи холи. *Эшон . . . имомликдан ташқари . . . мавлуд ўқир эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

3 *эск. айн. таваллуд* 1.

4 Мавлуд (*эркалар исми*).

**МАВОЗА** [a] *эск.* Айирбошлаш, ўрнига ўрин олиш, алмаштириш. *Мавоза қилмоқ.*

**МАВР** [p<грек] қ. маврлар.

**МАВРИД** [a] Бирор ишининг амалга ошиши ёки оширилиши учун қудай вақт, пайт, фурсат. *Шу мавридда. Мавриди келганда. Мавриди билан.* — *Хозир томошанинг мавриди эмас эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**МАВРЛАР** Антик давр ва ўрта асрларда: Шимолий Африканинг Мисрдан ташқари қисмида яшаган туб аҳолисига, шунингдек Испанияни забт этган арабларга европаллар томонидан берилган ном.

**МАВСУМ** [a] 1 Йилнинг маълум фасли ёки вақтида бўладиган ёки амалга ошириладиган иш даври; сезон. *Пахта мавсуми. Йиғим-терим мавсуми. Қурт тутуши мавсуми.* — *Боғ мавсуми татом бўлиб, Шакархонлар ҳам шаҳар ҳовлиларига кўчиб келдилар.* Ойдин, Ўзидан кўрсин.

2 с. т. Фасл. *Куз мавсуми. Ёз мавсуми.*

**МАВСУМИЙ** [a] Маълум мавсумда бўладиган; сезонли. *Мавсумий иш.*

**МАВСУМЛИ** *айн. мавсумий.* *Йиғим-терим мавсумли иш, кечиксанг, ютқизасан.* И. Раҳим, Ихлос.

**МАВКЕ** [a мавкёв, 3-ш. бирл. мавкен] 1 Инсоннинг ёки бирор ижтимоий группа, ташкилот, воқеа-ҳодисанинг ҳаётда, жамиятда тутган ўрни, аҳамият; нуфуз, даража. *Раҳбарнинг мавкеси. Социалистик система давлатларининг халқаро муносабатлардаги мавкеси.* — [Отабек Ҳасаналига:] *. . . бизнинг оиламизда оталик мавкенидан туриб, яхшиликдан бошқани соғинмай келасиз.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Қўшиннинг жанг вақтида тутган ўрни; позиция. *Душман ўз ҳолатини англаб фронтининг бу участкасида ўз*

*мавқенини тиклашга баҳор бўйи ҳозирлик кўрди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

*мавкен қ. мавке.*

**МАВҲУМ** [a] 1 Ақл билан, фикрлаш орқали тасаввур этиладиган; ақлий, фикрий, абстракт. *Мавҳум тушунчалар. Мавҳум сонлар (мат.). Мавҳум от (грам.).*

2 Конкрет эмас, ноаниқ, мужмал. *Мавҳум жавоб.* — *Тарбиявий ишда қуруқ шиорбозлик ва мавҳум қаҳриқдан қочмоқ керак.* Ш. Рашидов, «Қ. Ўзбекистон», 1962, № 149.

**МАВҲУМОТ** [a] *эск. кт. 1* Мавҳум нарса, хаёлий тушунча.

2 Фантазия, хаёлот.

**МАГАЗИН** [p<a] 1 Турли буюмлар сотиладиган савдо дўкони ва унинг биноси. *Озиқ-овқат магазини. Санаят моллари магазини. Китоб магазини.*

2 *тех.* Қурол, аппарат ва асбобларнинг бирор нарса жойлаштириб қўйиладиган қисми (коробка, трубка ва ш. к.). *Милтиқ магазини. Фотоаппарат магазини.*

**МАГАЗИНЛИ** *тех.* Магазини бўлган, магазин билан таъминланган. *Магазинли автомат.*

**МАГАЗИНЧИ** 1 Магазин эгаси, магазини бўлган савдогар.

2 Магазинда ишловчи киши; сотувчи.

**МАГАР** [ф-т] *боғл., эск. кт. 1* Сўроқ, таажжуб, тасдиқ билдиради. *Магар истиқбол шу экан, келин, биз ҳам кирайлик, қизнинг тилини, дилини, тилак — истақларини билайлик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фақат, ёлғиз. *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Мусулмонқул даққисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рази.* А. Қодирий, Утган кунлар.

3 *айн. агар.* *Субҳ чоғида магар чиққанда ёрим тўлганиб, Гул ёқасин чок этар, булбулда афғон кўзгалур.* Ҳабибий.

**МАГИСТРАЛ** [p магистральный] Асосий, бош (канал, йўл ва ш. к. да бош ўрин тутган, асосий). *Магистрал канал.*

**МАГИСТРАЛЬ** [p<лат] 1 Қатнов йўли ва умуман тармоқланган системаларнинг асосий қисми. *Темир йўл магистрალი. Сув магистрალი.* | Катта шаҳарларда серқатнов кенг йўл, кўча.

2 Электр, телеграф, телефон, каналлизация ёки водопровод тармоқлари системасида асосий кабель ёки труба. *Газ магистрალი.*

**МАГМА** [p<грек] *геол.* Ернинг чуқур қатлами ичида ҳосил бўладиган чўғсимон суяқ модда.

**МАГМАТИК** [p магматический] Мағмадан ҳосил бўлган, магма ҳолидаги. *Магматик модда.*

**МАГНАТ** [p<лат] Европанинг баъзи мамлакатларида, хусусан крепостнойлик тузуми вақтидаги Польша ва Венгрияда, йирик феодал, катта ер эгаси, помешчик. | Йирик капиталист. *Капитал магнатлари. Финанс магнати. Нефть магнатлари.*



**МАГНЕЗИТ** [р] Магний билан карбонат кислотадан ҳосил бўлган ўтга чидамли оқ ёки сарғиш минерал.

**МАГНЁЗИЯ** [р] Магний оксиди ёки туздан иборат оқ порошок модда, медицинада ва техникада қўлланилади.

**МАГНЕТИЗМ** [р] 1 Магнит, электр токи ўтказгичлари ва электр зарядларининг баъзи жисмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусияти.

2 Магнит ходисалари ва жисмларнинг магнит хоссалари ҳақидаги таълимот. Ер магнетизми 1) Ер шарининг ўз атрофида магнит майдони ҳосил қилиш хусусияти; 2) геофизиканинг Ер шари магнит майдонини текширадиган бўлими.

**МАГНЕТО** [р<ингл] Ички ёнишли двигателларнинг цилиндрдаги ёниш ёри аралашмасини ўт олдириш учун хизмат қиладиган электромагнитли асбоб.

**МАГНИЙ** [р] Химиявий элемент, оппоқ ёруғ аланга бериб ёнадиган кумуш рангли, ялтироқ, енгил металл.

**МАГНИТ** [р<грек] Темир ва пўлат буюмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусиятига эга бўлган жисм. Табиий магнит. Сунъий магнит.

◆ Магнит аномалияси ер магнетизмининг темир рудаларига бой ерларда ҳамма жойдагидан кўра ўзгача ҳолати. Магнит бўрони физ. Кўёшда қора доғлар пайдо бўлиши натижасида ернинг магнит майдонида аҳён-аҳёнда юзага келадиган қисқа муддатли ўзгариш. Магнит меридиани физ. ер магнит майдони куч чизиғининг ер сатҳига шу куч чизиги ўтган нуқта орқали туширилган фаразий проекцияси. Магнит стрелкаси тик ўқ устида бемалол айланадиган, бир учи доим шимолга қараб турадиган чўзиқ ромб шаклидаги нозик магнит; компаснинг асосий қисми

**МАГНИТЛАМОҚ** Магнит хусусиятини бермоқ. *Компас стрелкасини магнитламоқ.*

**МАГНИТЛАНМОҚ** магнитламоқ *фл. ўзг. ва мажж. н. Магнитланган темир.*

**МАГНИТЛИ** Магнит хусусиятига эга бўлган.

**МАГНИТОФОН** [р] Овозни электромагнит усуди билан ёзиб оладиган ва эшиттирадиган аппарат. *Овозни магнитофонда ёзиб олоқ. Магнитофон ёзуви.*

**МАГНОЛИЯ** [р<лат] Иссиқ iklimда ўсадиган, барглари доим яшил дарахт ёки бута ва унинг йирик гули.

**МАДАД** [а] Моддий ёки маънавий ёрдам, кўмак, далда. *Мадад бермоқ. «Ҳа» деган — туяга мадад.* Мақол. — *Жуманинче шу ерда ўтириши унга [Адолатга] жуда катта мадад.* А. Муҳтор, Туғилиш. *Ғуломжоннинг тўкилиб турган юрагига қиз илтифоти мадад берди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**МАДАДҚОР** [а+ф-т] Мадад қилувчи, мадад берувчи; ёрдам, кўмак кўрсатувчи. *Москвадир улур пойтахт, мададқоримиз.* Ғайратий.

**МАДАНГ** эск. 1 Эшик зулфинига тиқиб қўйиладиган қалта ёғоч, ёғоч калит (тут, қайрағоч каби қаттиқ ёғочлардан қилинади). *Тол ёғоч маданг бўлмас, беғона даданг бўлмас.* Мақол.

2 Эски, қари тоқ занги. *Ерлиқларни қаттиқ сим билан ёши занг ва маданларга боғлаш керак.* Р. Мусамухамедов, Мўл ҳосил етиштиришдаги тажриба-ларим.

**МАДАНИЙ** [а] 1 Маданиятга оид, маданият соҳасидаги. *Маданий инқилб. Маданий эҳтиёжлар.* | Маданият, илм-маърифат билан боғлиқ бўлган. *Маданий савия.*

2 Маданиятли, маданиятни эгаллаган; ўқиган; ўқимишли. *Маданий одам. Маданий оила.* | Маданиятли, маданиятга эришган. *Маданий қишлоқ.* | Маданият талабларига жавоб берадиган. *Маданий ҳаёт.*

3 қ. х. Киши қўли, меҳнати билан экиладиган, етиштириладиган. *Маданий экинлар.*

**МАДАНИЙЛАШМОҚ** Маданият касб этмоқ, маданиятли бўла бормоқ.

**МАДАНИЙЛАШТИРМОҚ** маданиятлашмоқ *фл. орт. н.*

**МАДАНИЙ-МАИШИЙ** Турмуш маданиятига оид. *Маданий-маиший хизмат.*

**МАДАНИЙ-МАОРИФ** айн. маданият-оқартув.

**МАДАНИЙ-ОММАВИЙ** Омманнинг маданият эҳтиёжларига оид, шундай эҳтиёжларга қаратилган. *Маданий-оммавий ишлар.*

**МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ** Маданият, маориф тарқатиш ишларига оид. *Маданий-оқартув муассасалари.*

**МАДАНИЙ-ТАРБИЯВИЙ** айн. маданият-оқартув.

**МАДАНИЯТ** [а] 1 Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. *Совет Иттифоқи илгор маданиятга эга бўлган мамлакатдир. Ўзбекистоннинг маданияти билдан-йилга юксалмоқда.*

2 Бирор ижтимоий группа, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. *Социалистик маданият. Пролетар маданияти. Буржуа маданияти.* | Бирор хўжалик ёки ақлий меҳнат соҳасининг ривожланганлик даражаси. *Деҳқончилик маданияти. Нутқ маданияти. Музыка маданияти.*

3 Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат. *Маданиятдан орқада қоламоқ. Маданиятга эришмоқ.* | Турмушнинг маърифатли киши эҳтиёжларига мос келадиган шароитлари йиғиндиси. *Турмуш маданияти. Маишат маданияти.*

**МАДАНИЯТЛИ** Маданиятга эришган, маданиятни эгаллаган; маърифатли. *Маданиятли одам. Маданиятли оила.*

**МАДАНИЯТСИЗ** Маданияти йўқ, маданиятдан орқада қолган; маърифатсиз.

**МАДА** [а] 1 айн. йиринг.

2 *кўчма* Юракдаги ғубор.

**МАДАЛАМОҚ** айн. йирингламоқ.

**МАДДОҲ** [а] 1 дин. Бозор ва кўча-кўйларда одам тўпал диний мазмунда ваъз, панд-насихат айтиб тирикчилик қилувчи киши.

2 *кўчма салб.* Мақтовчи, мадҳ қилувчи. *Соёвқ уруш маддоҳлари.* — *Лушман фирибин ема ва маддоҳ хушомадин чин дема.* Навоий.

**МАДОР I** [а] Кишининг куч-қуввати; мажол. *Очлик ва ҳорғинликдан [Бектемирнинг] ҳатто сўзлашга ҳам мадори йўқ эди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**МАДОР II** [а] эск. айн. тропик 1. *Саратон мадори. Жад мадори.*

**МАДОРСИЗ** Мадори йўқ, қувватсиз, кучсиз, бемажол. *Баъзилари сўзлашга ҳам мадорсиз каби, жимгина мудради.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**МАДОРСИЗЛАНМОҚ** Мадорсиз бўлиб қоламоқ, мадори қуриб, ҳаракатга кучи етмай қоламоқ. *Мадорсизланиб йиғи аралаш сўзлади Гулнор.* Ойбек, Кутлуғ қон.

**МАДРАСА** [а] 1 тар. Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида, шунингдек революциягача бўлган Россиянинг кўпчилик халқи ислом динига амал қилувчи районларида диний олий ўқув юрти. *Ноҳира Анаврини ўқитмоқчи, ҳатто мадрасаларга юбормоқчи.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ўрта Осиё ва Қозоғистон диний бошқармаси қошидаги диний мактаб.

**МАДҲ** [а] кт. айн. мадҳия 1. *Тилимда мадҳу диллима муҳаббатун меҳринг.* Ҳабибий. *Мадҳ қилмоқ (ёки этмоқ), мадҳини ўқимоқ (ёки куйламоқ)* ортиқ мақтамоқ, мақтаб шеър айтмоқ, куй куйламоқ. *Чаманлар мадҳини куйлаб аубуллар, Тутмишдир лоладан ёқут шибда.* Ғайратий.

**МАДҲИЯ** [а] кт. 1 Киши, нарса, шунингдек бирор воқеани мақтаб ёзилган, айтилган шеър ёки нутқ; мадҳ, мақтов. *[Комил Нурматга:] Ғалабага марсия эмас, мадҳия муносиб.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

2 *Мадҳия (хотин-қизлар исми).* **МАДҲИЯЧИ** Мадҳия айтувчи, мақтовчи.

**МАЁВКА** [р] 1 Революциядан илгари Россияда ишчиларнинг 1 Май куни муносабати билан ўтказиладиган маҳфий йиғилиши.

2 Баҳорги дала сайили. *Раис правление номидан, Султонпошча комсомоллар номидан, мана бу кўпчиликни қурган ёшларни маёвкага тақлиф қилиб келишган экан.* А. Муҳтор, Туғилиш.

**МАЁК** [р маяк] 1 Кемаларга йўл кўрсатиш учун денгиз қирғоғи ёки оролларга қурилган ва сигнал воситалари билан жиҳозланган минора.

2 *кўчма* Йўл кўрсатиб турадиган, ўрнат, намуна, ибрат бўладиган нарса; машъал. *Кенг, бепоён шарққа маёқ Гул-гул ёнган Ўзбекистон.* Х. Расул.

**МАЖАҚ:** мажақ бўлди ёки мажағи чиқди ортиқ даражада эзilib пачағи чиқиб кетди, абжағи чиқди, мажақланди. **Мажақ қилмоқ** ёки **мажағини чиқармоқ ай.н.** мажақламоқ.

**МАЖАҚЛАМОҚ** Ортиқ даражада пачақламоқ, абжақ қилмоқ, абжағини чиқармоқ. *Танк бу ердан омон ўтса, албатта, тўпни мажақлаб ташлар эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**МАЖАҚЛАНМОҚ** мажақламоқ *фл. мажж.* н. Али тажанг бирдан ерга чўкалаб қолмаса, мажақланарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**МАЖБУР** [а] Бировнинг амри, зўри билан ёки бирор нарсанинг тақозоси туфайли қандайдир бир ишни қилиш шарт бўлган. *Мажбур бўлмоқ, Мажбур қилмоқ. Мен кетишга мажбурман.*

— [Отабек] Кумушга кулиб қараса Зайнабга ҳам шундай қилмоққа . . . мажбур эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. || — Жўн одамлар қаторида эмас. — деди [Отабек]. — мажбурилар қаторида, зўрланганлар қаторида! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАЖБУРАН** [а] *рив.* Мажбур бўлиб ёки мажбур қилиб; мажбурият орқасида. *Араббой кўпчилик кулгисидан бироз изза тортиди. Лекин у баъзи бировлардай умум кулгисига мажбуран таслим бўлиб илжаймади.* П. Турсун, Ўқитувчи. — *Фараз қилайлик, мен сени мажбуран кўёвга бердим, — деди Салимхон.* А. Қаххор, Сароб.

**МАЖБУРИЙ** [а] *Хоҳ* ихтиёрий, хоҳ ихтиёрсиз бажарилиши, амалга оширилиши шарт бўлган. *Мажбурий таълим. Мажбурий хизмат.* — СССР қонунлари ЎзССР территориясида мажбурийдир. «ЎзССР Конституцияси».

**МАЖБУРИЯТ** [а] 1 Ғайриихтиёрий вазифа, бурч ёки бирор мажбурий иш, ҳолат, эҳтиёж. **Мажбурият остида** мажбур бўлиб, мажбуран. *Анварнинг мажбурият остида Раъно билан келиши Султоналини ҳам шошириб қўйди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Меҳнат аҳлларининг бирор ишни бажариш учун берган қатъий ваъдаси. **Социалистик мажбурият.** — *Звено бўйича мажбурият ҳар ектаридан ўн бир центнер эди, ҳозир ўн тўрт бердик.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**МАЖЛИС** [а] 1 Ташкилот, корхона ёки идора аъзоларининг бирор масала муҳокамасига бағишланган йиғилиши ва унинг иштирокчилари. *Очиқ мажлис. Ёпиқ мажлис. Партия мажлиси. Колхоз мажлиси. Мажлис ўтказмоқ. Мажлис қилмоқ.*

2 *эск.* Тўй, зиёфат ёки бошқа муносабат билан уюштирилган ўтириш ва шу ўтириш қатнашчилари. *Мажлис Зиё шохичининг уйда Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йиғилган. Юсуфбек ҳожи кўтарилиб Қамбар шарбатдорга қаради ва мажлисни ер остидан кузатиб чиқиб, яна жим қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қиз(лар) мажлиси этн. келиннинг тўй муносабати билан ўз*

ўртоқларига берадиган зиёфати. *Уйда, Кумушбидининг тоғасининг уйда, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Баъзи шарқ давлатларида (*мас.*, Туркия ва Эронда) парламент, ҳукумат хайъати.

**МАЖЛИСБОЗ** [а+ф-т] Мажлисбозликни яхши кўрадиган, мажлисбозликка берилган одам.

**МАЖЛИСБОЗЛИК** Бўлар-бўлмаста мажлис қилароғиш.

**МАЖЛИСОВИШ** [а+ф-т] *эск. кт.* Мажлис ўтказиладиган ёки мажлис бўлаётган жой.

**МАЖМАҒИЛ** 1 Ўсиши, ривожли орқада қолган, яхши ўсмаган; нимжон, нимчилик. *Мажмағил ўсимлик. Мажмағил бола.*

2 *кўчма с. т.* Мухмал, мужмал, дудмол, ноаниқ. *Мажмағил жавоб.*

**МАЖМУ** [а мажмуъ, 3-ш. бирл. мажмуи] *кт.* Йиғинди, жами. *Ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуи жа-миятнинг иқтисодий тўзилишини, ҳақиқий негизини ташкил этади.* В. И. Ленин, «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар.

**МАЖМУА** [а] 1 Маълум тартибда тўпланган текстлар, маълумот ва ш. к. йиғиндиси; тўплам. *Қонунлар мажмуаси* — У жинойят қонунлари мажмуасининг ҳамма моддалари билан айбланиди. А. Қаххор, Сароб.

2 *эск.* Тўплам шаклида чиқариладиган нашр. — *Бу, отажон, мажмуа, жарийда, — деди Абдушукур, — ойда икки дафта Самарқандда босилиб, аҳли илм орасида тарқалади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МАЖМУИ** қ. мажму.

**МАЖНУН** [а] Ишқ савдоси натижа-сида девона бўлган кимса; савдон. *Бу девона шахарнинг катта-кичигидан ўзига ихлосмандлар орттирган бир мажнун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАЖНУНТОЛ** Толнинг новдалари ерга эгилиб ўсадиган бир тури.

**МАЖНУНТУТ** Тутнинг новдалари ерга эгилиб ўсадиган бир тури.

**МАЖОЗ** [а] *ад.* Сўз ёки иборанинг кўчма маънода ишлатилиши ва шундай маънода ишлатилган сўз, ибора; истиора, метафора.

**МАЖОЗИЙ** [а] Мажозга оид, мажозли, кўчма, метафорик. *Мажозий маъно.*

**МАЖОЛ** [а] Тирик организмнинг куч-қуввати; мадор. *Ўрмонжон кечга яқин шу қадар чарчадики, отлиқ юришга ҳам мажоли қолмай, уйига қайтди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**МАЖОЛИС** [а, бирл. мажлис] *кт.* Мажлис; мажлислар. «Мажолис-у-нафонс» Алишер Навоий тазкирасининг номи.

**МАЖОЛСИЗ** Мажоли йўқ, кучсиз, қувватсиз, бемадор. *У мажолсиз оёқлари билан базўр юриб, вишкнинг занжири-ни туширди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МАЖОЛСИЗЛАНМОҚ** Бемажол бўлмоқ, тинка-мадори қуриб, ҳолдан тоймоқ. *Кўзи тиниб, . . . оёғи қалтираб мажолсизланди.* С. Аҳмад, Хукм.

**МАЖОЛСИЗЛАНТИРМОҚ** мажолсизланмоқ *фл. орт. н.*

**МАЖОР** *эск.* Венгр; венгрлар.

**МАЖРУХ** [а] 1 Ярадор, жароҳатли. 2 Ногирон, майиб. *Сирож даҳбоши . . . икки мажруҳни кўздан кечирди.* С. Айний, Жаллодлар.

**МАЖРУХЛАНМОҚ** Мажрух бўлмоқ, жароҳат олмоқ; шикаст топиб майиб, ногирон бўлиб қолмоқ. *Ичкилик захри билан нозик юрак топай зарар Ошқозон мажруҳланиб, шидан чиқар соғлом жисар.* Ж. Абдулла.

**МАЖУС** [а] [а — чўзиқ] Оташпараст, ўтга топинувчи.

**МАЖУСИЙ** [а] [а — чўзиқ] Оташ-парастлик динига мансуб киши.

**МАЖХУЛ** [а] *эск. 1 кт.* Номаълум, ноаниқ. *Йўлакдаги мажхул кимса ўзини майдон ичига олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *мат.* Номаълум. *Мажхул сон.*

◆ **Мажхул феъл** (ёки даража) *грам.* ҳаракат объектини гапнинг эгасига айлантирувчи ёки бажарувчи номаълум бўлган феъл формаси.

**МАЗА** [ф-т<а] 1 Нарсаларнинг таъм-лаззат билиш органларига таъсир этиб сезги уйғотиш хусусияти; таъм, лаззат. *Пордон маза. Олманинг мазаси. Мазасини топиб кўрмоқ.*

2 Қаноат ҳисси, руҳий завқ, лаззат, роҳат. *Мунчалик мазани топа олмайди. Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам. Ғ. Ғулум. Маза қилмоқ* лаззат олмоқ, роҳатланмоқ. *Рузвон хола ўзи ҳам маза қилиб қулди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Мазаси йўқ с. т.** 1) таъми йўқ, лаззатсиз, тамсиз, бемаза. *Мазаси йўқ овқат;* 2) ярамас. *Мазаси йўқ одам;* 3) қониқарсиз, ёмов. *Ҳунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг.* Мақол — *Ҳали ҳам аёлларнинг ишга чиқишининг мазаси йўқ.* С. Аҳмад, Хукм; 4) соғлиги ёмон. **Мазаси кетди** (ёки қочди) 1) ёмонлашди. *Ишнинг мазаси кетди;* 2) соғлиги ёмонлашди. *Қўлмак суни ичган жангчилар бўшашиб қолган, Искандарнинг ҳам мазаси қочган эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**МАЗА-БЕМАЗА** Бўлар-бўлмас, бемаъни, бўлмағур. *Маза-бемаза гап.*

**МАЗАЛИ** Тами яхши, ширин; тстли, лаззатли. *Мазали шўрва.*

**МАЗА-МАТРА** (асосан инкор билдирувчи «йўқ» сўзи билан) 1 Маза, лаззат, таъм. *Бу овқатда маза-матра йўқ.* 2 *кўчма* Маъно; мантиқ. *Маза-матраси йўқ гап.*

**МАЗАММАТ** [а] *эск. кт.* Бировни ҳақ-ноҳақ ёмонлаб айтилган гап, маъломат, таъна. *Мазаммат қилмоқ* (юк-ламоқ). — *Биз кишининг шаънига бўҳтон қилиш, мазаммат юклатишдан ҳазар қиламиз.* А. Мухтор, Лаббай, чойми?

**МАЗАСИЗ** Таъми ёмов, мазаси йўқ; лаззатсиз, бемаза.

**МАЗАХ** [a] Масхара, кулги; истеҳзо. Мазах бўлмақ. — *Тожибой. мазах билан жилмайиб турган одамларга қаради.* П. Турсун, Ҳқитувчи. *Бойни мазах қилиб, нукул унинг ғазабини оширишга уриниб ўтирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**МАЗАХЛАМОҚ** Мазах, масхара қилмоқ, бировнинг устидан кулмоқ. *Боядан бери индамай ўтирган эшон бошини кўтарди ва бировни ичдан мазах-лаётгандай секингина кулди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**МАЗАХОМУЗ** [a+ф-т] Мазах аралаш, мазах билан; истеҳзоли. *Эшон лабларини бир томонга мазахомуз буриштириб кулимсиради.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**МАЗАХЧИ** кам қўл. Бировни мазах қилувчи, мазах қилишни яхши кўрадиган. *Мазахчи одам.*

**МАЗАХУРАК** [ф-т] кест. Бирор нарсанинг мазасига тушуниб қолиб, унга берилган, ўрганиб қолган. **МАЗАХУРАК БЎЛМОҚ** ёки **МАЗАХУРАККА** ўрганмоқ мазасига тушуниб ўрганиб қолмоқ; берилмоқ. — *Қатновчилар . . Махмуд аканинг мантисига мазахурак бўлиб қолган эдилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**МАЗГИЛ** с. т. Манзил. *Қанча оғир довлонлар ошиб, Мазгилига етган йўлчидай, Ҳаёт гирдобиди таланиб, Гул ўстирган кекса гулчидай Енгил нафас олди отахон.* С. Акбарий.

**МАЗДАКЧИЛИК** дин. 5—6 асрларда Эронда оқсуяларга ва руҳонийларга қарши бош кўтарган халқ ҳаракати; бу ҳаракат тарафдорлари мулкий тенгсизликни йўқотишга, хотин-қизларни озод этишга даъват қилган.

**МАЗДҮР** [ф-т] эск. кт. Ёлланиб иш қилувчи киши; батрак.— *Кошкийди, . . замон ўзгарса-ю маздурлар сийнасига шамол тегса,— деди ишчи.* Ойбек, Нур қидириб.

**МАЗИЯТ** [a] эск. кт. Ортиқлик, афзаллик. *Қизини ер-кўкка ишонмаган, унинг бутун нуқсонларини бир мазият билган онаси, Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ кўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиши учун уринар . . эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЗКҮР** [a] Зикр этилган, эслаб ўтилган, айтиб ўтилган. *Мазкур шахс. Мазкур воқеа.*

**МАЗЛУМ** [a] Зулм остида қолган, эзилган. *Мазлум халқлар.*

**МАЗЛУМА** [a] 1 Мазлум аёл.

2 Мазлума (хотин-қизлар исми).

**МАЗМУН** [a] 1 Гап ёки асарнинг умумий маъноси. *Хатнинг мазмуни. Қитобнинг мазмуни.* — *Қайин отане манга бир хат ёзибдир, ўқиб-ўқиб мазмунига тушунолмай ҳайрон бўлман.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к.-нинг моҳияти. *Ҳаёт мазмуни.*

3 *Филос.* Бирор ҳодисанинг моҳиятини белгиловчи асоси. *Шакл ва мазмун бирлиги.*

**МАЗМУНАН** [a] 1 *рви* Мазмунига кўра, мазмун нуқтал назаридан, мазмун жиҳатидан. *Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият.*

2 *кири с.* Афтидан, чамаси. [*Тожибой Холисхонга:*] *Акангиз бир-икки марта бир ой, ярим ой йўқ бўлиб, мазмунан, ахтарди шекилли, тополмай келди.* Ҳамза, Холисхон.

**МАЗМУНДОР** [a+ф-т] Мазмуни, мазмуни яхши; сермазмун. *Мазмундор шевр. Мазмундор лекция.*

**МАЗМУНИ** с. т. айн. мазмунон 1. *Мазмуни пулини ишлатасизлар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЗМУНЛИ** айн. мазмундор.

**МАЗУТ** [р] Нефтни қайта ишлаб бенин, газолин ва керосин олингандан кейин қолгани, қора мой.

**МАЗҲАБ** [a] 1 Диннинг ўзига хос қонун-қоидалари билан умумий йўналишидан фарқ қилувчи. *Исломининг иша мазҳаби.* — — *Илғари билиш керак,— деди Хатиб домла..,— Сиз имоми Авзам Абуҳанифа мазҳабларида-мисиз? Эки имоми Молик?* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *кўча* Расм, одат. *Ишқ мазҳабида куфр эрур жаҳд ила тақво.* Ҳамза.

3 *кўча* сиёс. Ҳз қарашлари ва ақидалари билан бошқалардан ажралиб қолган гуруҳ.

**МАЗҲАБЧИ** дин. Бирор мазҳабга мансуб бўлган ва шу мазҳабга амал қилувчи шахс.

**МАЗҲАБЧИЛИК** дин. Бир мазҳаб тарафдорларининг иккинчи мазҳаб тарафдорларига қарши хатти-ҳаракати, мазҳаб ажратishi.

**МАИШАТ** [a] 1 Кундалик тирикчилик; яшаш. [*Бой:*] *Мендан қолган давлат сизларнинг маишатингиз учун кифоя қилмайди.* «Эртактлар». *Отам ўлиб, маишатим тангликда қолди.* Ғ. Гулом, Тирилган мурда.

2 с. т. *Кайф-сафо, айш-ишрат. Ҳожихонни айш-ишратлар, шоҳонд маишатлар чарчатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳалло меҳнат билан қилган маишат норово бўлмас.* Ҳабибий.

**МАИШАТБОЗ** [a+ф-т] Маишатга, айш-ишратга берилган, доим маишат билан машғул одам.

**МАИШАТБОЗЛИК** 1 маишатбоз с. белги оти.

2 Маишат, айш-ишрат, ичкилик-бозлик. *Маишатбозлик қилмоқ.*

**МАИШАТГОҲ** [a+ф-т] Маишат қилинадиган жой; ишратгоҳ. *Ҳар йил ёзда пристав билан бўлисининг бу ердан извоида тоғдаги махсус маишатгоҳларига, қимизхўрликка ўтишлари тўғрисида чопар келар . . эди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**МАИШАТПАРАСТ** [a+ф-т] Маишатга берилган, маишатни яхши кўрадиган одам.

**МАИШИЙ** [a] Маишатга, тирикчиликка оид. *Маиший хизмат. Маиший ишароит.* — *Комиссия аъзоларининг бири.. колхозчиларнинг маиший аҳво-*

*лини суриштиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МАИЯТ** [a] эск. Ҳукмдорларга ҳамроҳлик қилувчи кишилар; мулозимлар. *Подшо маияти.*

**МАЙ** I [р<лат] Янгича йил ҳисобида бешинчи ой номи. **Биринчи май байрами** жаҳон меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик куни (1889 йилда II Интернационал конгресси томонидан татсиёс этилган).

**МАЙ** II [ф-т] Ҳузумдан тайёрланган ичкилик; мусаллас, вино. *Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман кўриб келар эди.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар. *Жондорбой ҳовлиқиб, ишқиф ичидан коньяк олар экан, унинг меҳмонлари кириб келишиди. Қўришмасдан илғари Жондор уларнинг ҳаммасига кичик стаканларда май қуйиб тутди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЙГУН** [ф-т] *поэт.* Май рангидаги; қизил. *Уйласам майсун лабингни, фикри маст қилар мени.* Ҳабибий.

**МАЙДА** [ф-т] 1 Бир турдаги кичик бўлақлардан иборат бўлган. *Майда тош. Майда қор. Майда қум.* — *Ташландиқ тегириқнинг чирик новидан сув майда қумуш томчиларни сачратиб, гузуллаб отилади.* Ойбек, Қутлуғ қон. || *Мирзакаримбой, савдогар назоқатиданми ёки одаланганиданми, нонни жуда майда ушатган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Унчалик катта бўлмаган; кичик. *Майда жониворлар. Майда боллар.* — *Тракторлар гуриллаб-вариллаб.. майда дарахтларни тағ-томири билан кўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 *Мавқеи, ижтимоий, иқтисодий аҳамияти жиҳатдан катта ўрин тутмайдиган. Майда буржуазия. Майда савдогар.*

4 Миқдор, сон жиҳатдан кам бўлган; бир неча нарса ёки кишидан иборат бўлган; кичик. *Майда отрядлар. Майда миллатлар.*

5 *кўча* Аҳамиятсиз, қиймат жиҳатдан арзимас. *Майда гаплар. Майда ишлар.* — *Орада бирмунча майда сўзлар сўзланган, кимнингдир «уф» деб юборгани эшитилди.* А. Қодирий, Ҳтган кунлар. *Бу яроғларнинг бир қисми . . майда ўғриллар қўлига ўтган.* Айний, Қуллар.

6 Танга-чақа ва умуман йирик пулга нисбатан кичик пул. *Майда пул.* || *Беш сўйма майдангиз йўқми?*

◆ **Майда қадам** ораси унча катта бўлмаган, лекин тез-тез ташланган қадам. *Анна Ивановна . . ёш қизлардек майда қадам билан дикиллаб келарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**МАЙДАГАП** [ф-т] Арзимас, бачкана гапларни гапириб, гапни чувалаштириб юрадиган. *Майдагап одам.*

**МАЙДАЛАМОҚ** 1 Кичик-кичик бўлақларга бўлмоқ, майда қилмоқ, ушатмоқ. *Ўтин майдаламоқ. Қанд майдаламоқ.* — *Шербек бошини кўтармай*

стол устидаги газета четими йиртиб, майдалаб ўтирарди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Йирик пулни майда пулга алиштирмоқ, ушатмоқ. *Беш сўмни майдаламоқ.*

3 с. т. Ичимлик ёки ичкиликни оз-оздан қуймоқ, оз-оздан қуйиб ичмоқ. *Эр-хотин чойни майдалаб шу бир-икки йил ичида бўлиб ўтган воқеаларни гаплашиб ўтиришиди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Майда-майда ёғмоқ. *Ёмғир майдалаб, ёзиб ёғаяпти.* И. Раҳим, Ихлос.

**МАЙДАЛАНМОҚ** майдаламоқ *фл. мажх. н.* Аёллар тош ва гишт парчаларини кўтариб, зийк ва деразаларга хужум қила кетди. Дераза ойналари майдаланиб, қум каби тўкилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЙДАЛАТМОҚ** майдаламоқ *фл. орт. н.* Пул майдалатмоқ.

**МАЙДАЛАШМОҚ** майдаламоқ 1—3 *фл. бирг. ва ўзл. н.* Улар тош майдалашаяпти. *Ёмғир майдалашди.*

**МАЙДАЛАШТИРМОҚ** майдалашмоқ *фл. орт. н.* Мингбоши сунага яқинлашганда қадамни майдалаштириб, тезлаштириб, бутун гавдаси билан букилиб олдинга югурди. М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

**МАЙДА-ЧУЙДА** 1 Турли-туман ва майда. *Майда-чуйда болалар.*

2 Арзимас, ахамиятсиз. *Майда-чуйда гаплар. Майда-чуйда ишлар. Майда-чуйда нарсалар.*

3 *от, с. т.* Майда буюмлар, у-бу нарсалар. *Майда-чуйда олмақ. Майда-чуйдага пул сарф қилмоқ.* — *Эрта билан Ҳасанали аравани қўшиб тайёрланган, майда-чуйда аравага ташилар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Кичик тафсилот, детал. *Майда-чуйдасигача гапириб бермоқ.*

**МАЙДОН** [ф-т] 1 Ҳовли-жойга яқин очиқ ер, сайхон ёки боғча; томорқа. *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби Қутидор ва қўбинисининг иморатлари орқасидан ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Умуман очиқ ер, сайхон ёки экинзор. *Пахта майдони. Экин майдони.*

3 Бирор иш-ҳаракат учун мўлжалланган ёки шундай иш-ҳаракат юз берадиган жой. *Спорт майдони. Машиқ майдони. Кураш майдони. Жана майдони. Мард майдонда билинар.* Мақол. — *Амир енгилди, аскарлари бузилиб уруш майдонидан қочдилар.* Айний, Қуллар. | Шаҳар кўчалари кесинган ердаги обод жой. *Тошкент шаҳрининг Охунбобоев майдони. Ленин майдони.*

4 *кўчма* Жабха, соҳа, доира. *Иш майдони. Мафкура майдони.* — *Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдониди қалам тебратиб келяпман.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

5 *физ.* Бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо. *Электр майдони. Магнит майдони.*

◆ **Қиз майдон** *эркл.* маҳмадона ва шўх қиз ҳақида. **Майдонга келмоқ** юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. **Майдонга ташламоқ** (ёки *отмоқ*) шпор, фикр, мулоҳаза ва ш. к.ни ўртага ташламоқ. **Майдонга чиқмоқ** 1) *айн.* **майдонга келмоқ**; 2) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ; 3) босилиб чиқмоқ, нашр этилмоқ (мақола, китоб ва ш. к. ҳақида). **Майдондан кўтармоқ** (ёки *олмоқ*) ўртадан олиб ташламоқ. *Отигагина хон бўлиб ўтирувчи Худоев . . . Мусулмонқул майдондан олинмагунча ўзининг қўғирчоқсифат юра беишини тушуниди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЙИБ** [а] 1 Жисмоний шикаст натижасида ногирон бўлиб қолган; мажруҳ. *Ерларда юмалаб ётган болаларнинг чинқириғи . . . ярадорлар ва майибларнинг инераш тинмайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Маънавий, руҳий шикаст натижасида эзилган, асаблари бузилган. [*Акбархўжа бойвачча:*] *Етим бўлсам қаттиқ дакки еб руҳий майиб қилинмаган эканда.* П. Турсун, Ўқитувчи. «*Революция*» *ғўдақларнинг қалбини майиб қилувчи мактабларни негизлагача йўқ қилиб ташлади.* А. Ҳамидхўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузилиши.

**МАЙИБЛАНМОҚ** Майиб бўлмоқ, мажруҳ, ногирон бўлиб қолмоқ.

**МАЙИЗ** Қуритилган узум. *Қора майиз.*

◆ **Тут майиз** қ. тут 2.

**МАЙИЗДАЙ**, *эдек с. т.* Мулоийм, юмшоқ, хушмуомала. *Майиздай одам.*

**МАЙИН** 1 Ипақдек юмшоқ ва нозик, қўлга мулоийм уринадиган. *Майин жун. Майин соч. Майин газмол. Майин кўн.*

2 *кўчма* Ёқимли, мулоийм. *Майин ишбада. Майин куй.* — [*Дўндиқнинг*] . . . *хаёланг юзларида майин табассум пайдо бўлди.* Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан. *Чирилдоқларнинг майин муסיқаси ҳамма ёқни тўлдирган, едў кечанинг ўзи куйлайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *кўчма* Мулоийм, юмшоқ, хушмуомала. *Майин одам.*

**МАЙИНЛАШМОҚ** Майин бўлмоқ; юмшамоқ. *Лой майинлашди.*

**МАЙИШМОҚ** Букилмоқ, эгилмоқ (асосан қомат ёки оёқ-қўл ҳақида). *Амакиси унинг елкасидан маҳкам тутди, Фотима елкасига тош тушгандай майишиди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАЙИТ** [а] *кт.* Улик, жасад, мурда. *Майитни дафн этмоқ.*

**МАЙКА** [р] Енгсиз, трикотаж ич кийим.

**МАЙЛ** [а] 1 Кишидаги нарса ёки ишга бўлган иштиёқ, қизиқиш, интилиш, ҳавас; мойиллик. *Унинг музикага майли эди. Уқишга майл қўймоқ.* — *У йеитга нисбатан менинг қалбимдаги муҳаббат ҳам бошда кўнгилнинг оддий бир майли эди.* Айний, Эсдалиқлар.

2 Истақ, хоҳиш, рағбат. *Етим болаларни ўқитишга унинг майли бўлма-*

*са ҳам, бормай иложи йўқ экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Эрк, ихтиёр. *Ўз майлига қўймоқ. Майл бермоқ.* — *Ҳар кимнинг майли ўзида,— деди Шарофат ва лабини буриб четега қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 *грам.* Ҳаракатнинг воқеликка бўлган муносабатини англатувчи феъл категорияси. *Шарт майли. Буйруқ майли. Феъл майллари.*

**МАЙЛИ** *юк.* 1 Маъқул, розиман, хўп бўлади. — *Қинога борсам майлими?* — *Майли.* — [*Майсар:*] *Энди тақсирим, [куёв] ўзи мўмин мусулмон бўлса, бечора бўлса ҳам майли.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 Нима бўлса бўлар, нима бўлса бўлди. *Энди, майли, ўтган ишга саливот.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАЙЛИГА** с. т. Майли. *Ҳеч пул бермасангиз ҳам майлига, онажон.* С. Аҳмад, Оқпадар.

**МАЙМОҚ** Оёғи ёки оёқ қафти эгри. *Маймоқ одам. Маймоқ айиқ.* — *Ерни шу маймоқ оёғим гуллатиб турибди, хўжайин.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЙМУН** 1 Тана тузилиши ва қиёфаси одамга ўхшаш, сутэмнзувчиларнинг юқори туркумига мансуб хайвон. *Одамсимон маймун.* — *Эшон ойимнинг . . . юзи. маймуннинг юзига ўхшаган тириш, бадбуруш экан.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

2 *кўчма с. т.* Бадбашара ёки серпардоз одам ҳақида.

3 Мучал йил ҳисобида тўққизинчи йил номи. *Унинг йили — маймун.* **МАЙМУН** йили мучал йил ҳисобида тўққизинчи йил (қ. мучал).

◆ **Маймун бозор** ҳаддан сртиқ бепартиблик, тўс-тўполон. **Маймун** емайди жуда кўп, ачиб ётипти. **Ҳолига маймунлар йиғлайди** жуда аянч, оғир аҳволга тушиди. *Ўғлингиз Мирзакарим аканинг илгариси Тошкентлик кўеви йлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолига маймунлар йиғласин!* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЙМУНЖОН** Танаси тиканак билан қопланган, ерда чўзилиб ўсадиган нордон, қорамтир ғуж мевали ўсимлик.

**МАЙМУНЧАҚ** *диал.* Хўжағат. **МАЙНА** 1 Чуғурчуқлар оиласига мансуб сайроқи қуш.

2 *кўчма* Мазах бўлган кимса, кулги, масхара объекти. *Майна қилмоқ. Майна бўлмоқ.* — *Ёшим етмишдан онганда сенларга майна бўлиб қолдимми энди!* Х. Назир, Бир туп ғўза.

**МАЙНАБОЗ** 1 Майна боқувчи, майнага ишқивоз киши.

2 *кўчма* Қизиқчи, масхарабоз.

3 Найрангбоз; хийлакор.

**МАЙНАБОЗЛИК** 1 **майнабоз** с. белги оти.

2 Майна боқиш ва ўйнатиш.

3 *кўчма* Енгилтаклик, қизиқчилик ёки юзакичилик билан қилинган иш-ҳаракат.

**МАЙНАБОЗЧИЛИК** айн. майна-бозлик 3, 4.

**МАЙОР** [p<лат] Капитандан бир даража юқори офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**МАЙПАРАСТ** [ф-т] эск. кт. Ичкиликка берилган киши; майхўр. Мен сизнинг пуллараст, молтарастлигингизга чидаб келдим, аммо майпараст, майшатпарастлигингизга чидабмайман. Х. Ғулум, Тошкентликлар.

**МАЙРИЛМОҚ** диал. Эгилмоқ, бухилмоқ, мункаймоқ. Энди сўзни Равшанхоннинг эмасидан... юрғи куйиб, майрилиб қолган кампирдан эшитинг. «Равшан».

**МАЙРИҚ** диал. Майрилган, мункайган. Майриқ чол.

**МАЙСА** Ут ва экиларнинг янги униб чиққани. Ариқ бўйларида, қир ётақларида ўтган йилги ўтларнинг томирдан нозик майсалар униб чиқа бошлаган. С. Анорбоев, Оқсой. Қўзда ёкилаан бугдой ва арпаларнинг майсалари қора ернинг юзини қоплаб, зангори дўҳоба ёпилгандай эди. Айний, Эсдалликлар.

**МАЙСАЗОР** Майсалар ўсиб ётган ер. У беихтиёр тўшакдий юмшоқ майсазорга ўтириб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

**МАЙТА** диал. Қўриқ, бўз ер.  
**МАЙТАРМОҚ** диал. Дилга озор бермоқ, дилни ранжитмоқ. Бу сўзни айтиб оломонни қайтарди, Нечаларнинг юрагини майтарди. «Равшан».

**МАЙХОНА** [ф-т] Ичкилик қуйиб сотиладиган, ичкилик ичиладиган жой. [Саидий] қоматини ростлади, велосипедни ётақлаб кўчанинг у юзига — майхона томонга ўтди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАЙХҲҲ** [ф-т] Майга берилган, ичкиликхўр, ичкиликбоз. Майхўр одам.

**МАЙХҲҲРЛИК** Май ичиб кайф-сафо суриш, ичкиликбозлик.

**МАЙЯ** [p<грек] Юпқа ип газлама.  
**МАЙҚУТ** Кичкина куд ранг сайроқи қуш.

**МАКАРОН** [p макарони<итал] Найча шаклида қурилган угра ва шундан тайёрланган овқат. || Макарон ишрва.

**МАКЕТ** [p<фр] Бирор нарсанинг, одатда, кичрайтириб ишланган нусхаси, моделли. Кема макети. | полигр. Босилиб чиқадиган китоб, газета, журнал ва ш. к.нинг хомаки нусхаси.

**МАКИЁН** [ф-т] 1 Урғочи қуш, парранда. Бедананинг макиёни. Қирғоқулнинг макиёни.

2 сўк. Номард, хотинчалиш (кўпинча эркакларга нисбатан ишлатилади). — Сўзга қулоқ сол, шаллақи макиён! — Ермат кўзларини найзадай қадади. Ойбек, Қўтлуғ қон.

**МАКИНТОШ** [p<ингл] Нам ўтмайдиган матодан тикилган енгил пальто.

**МАККА** диал. Маккажўхори.

**МАККАЖҲҲХОРИ** Пояси баланд, дони сўтасида бўладиган ғалла ўсим-

лиги ва унинг дони. Маккажўхори пояси. Маккажўхори сўтаси. — Қас-соб отнинг белига ўн беш пуд маккажўхори қўйиб, бозорга олиб боради. П. Турсунов, Ўқитувчи.

**МАККАИСАНО** айн. санойи макка қ. сано II.

**МАККАЙИ** диал. Маккажўхори.  
**МАККАСОЧИҚ** Қовоқсимон палак отиб ўсадиган, хосили тарракка ўхшаш экин ва унинг қозонсочик ва мочалка сифатида ишлатиладиган хосили.

**МАККАСУПҲҲРГИ** Поясидан супурги ясаладиган бошоқли ўсимлик. Остонада ётган маккасупургини олиб, табуретка устига чиққанда, бўй чўзиб, ўргимчак уясини супуриб ташлади. С. Аҳмад, Хўкм.

**МАККОР** [a] 1 Макр-хўйлага уста, айёр, доғули. Маккор одам. Маккор душман. — Маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси бир оилани тамом ишдан чиқараётганким, бу тўғрида айниқса сизга сўзлаш ортиқчадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Макр-хўйлага асосланган, макрли. Душманнинг маккор ва қўрқинчли ниятини ойнадай равшан кўрсатган харитадан хўрсиниб бошини кўтарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**МАККОРА** [a] Маккор аёл. Гулжон маҳрам... кўпни кўрган, қанча тўраларнинг сирли ишларини битказган маккора эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**МАККОРЛИК** 1 маккор с. белги оти. 2 Маккорларга ҳош иш, хатти-ҳаракат. Маккорлик қилоқ.

**МАККОРОНА** [a+ф-т] рвш Маккорларча, маккорлик билан. Маккорона илжаймоқ. || Маккорона хатти-ҳаракат. — Мاستура кўзларини маккорона ййнатиб жавоб берди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**МАКОН** [a] 1 филос. Материянинг масофа ва ҳажм билан белгиладиган асосий объектив яшаш формаларидан бири. Макон ва вақт ҳодисаларнинг оддий формаларидан иборат бўлмай, балки борлиқнинг объектив реал формаларидир. В. И. Ленин, Эмпириокритицизмнинг ва диалектик материализмнинг бўлиш назарияси.

2 Турар жой, маскан, ватан. Бирга-бирга маконима борайик, Сендайн мискиннинг кўнелин олайик. «Ширин билан Шакар». Умрим бино бўлди Озарбайжонда, Кечди болалгим у еул маконда. Шайхзода. | Уй, ин, уя. Улар [Уч оғайни ботирлар] тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор эди. «Эртақлар».

3 Бирор нарса тўпланган ёки кўп жой; кон. Кампирларнинг миш-мишларига кўра, ажина ва алвастилар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди. П. Турсунов, Ўқитувчи. Вагринг кенг, еринг олтин, оромбахш, ёғзал, обод, Вагринени, орзуийм бор, Қуйларга макон этсам. Т. Тўла.

**МАКОНСИЗ** Макони, ватани йўқ, беватан.

**МАКР** [a] Ҳийла-найранг асосига қурилган иш, хатти-ҳаракат; хийла, дасиса. Ёв макрини ёлғон жишар. Мақол. — Бас бу хийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимдан топиласин? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАКРЛИ** 1 Макрдан иборат бўлган, хийла-найранг асосига қурилган; доғули. Макрли ниятлар.

2 Маккор, айёр.

**МАКРУҲ** [a] Мусулмонлар наздида нопок, ҳаром. Саодат опага кекса хотинлардан бири... тўғри ҳаром, ёйити макруҳ... деб жирканибди. И. Раҳим, Запғори кема капитани.

**МАКРЧИ** с. т. Маккор, айёр, доғули.

**МАКСИМАЛ** [p максималный] Энг катта, энг кўп, тўлиқ, мукаммад; акси минимал. Машинанинг максимал тезлиги. Иш унумини максимал ошириш.

**МАКСИМАЛИЗМ** [p<лат] Энг катта, ҳаддан ташқари талаблар қўйиш.

**МАКСИМУМ** [p<лат] 1 Энг кўл миқдор, энг катта даража; акси минимум 1. Тезлик максимуми. Ёғин максимуми.

2 рвш Имкони борича, мумкин қадар тўлиқ. Резервалардан максимум фойдаланиш. | Ортиги билан, кўп деганда. Бу ишга максимум икки кун керак.

**МАКТАБ** [a] 1 Ёш авлодга савод ўргатиб уни маълумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси. Бошланғич мактаб. Интэрнат мактаб. Ўрта мактаб. Мактабга кирмоқ. Болани мактабга бермоқ. Олий мактаб олий ўқув юрларининг умумий номи.

2 Қасб, ҳунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти. Музика мактаби. Шофёрлар мактаби. Ҳунар мактаби.

3 Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимоий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш. Мактаб яратмоқ. Мактаб яратган олим.

4 Ўрганиш, тажриба орттириш, ўр-нак олиш маънаси. Қасбага соҳаири коммунизм мактабидир. — Ҳаёт зўр мактаб экан, ҳақиқий фикрлар вужудга келатир. Ойбек, Нур қидириб.

**МАКТАБДОР** [a+ф-т] тар. Революциядан олдин хусусий мактаби бўлган муаллим. || Солиҳ маҳдум, ўз қаторидаги мактабдор домларни асло кўролмас, уларга қарши юрагида умрлик кек сақлар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАКТАБДОРЛИК** тар. Хусусий мактаб очиб, бола ўқитиш. Солиҳ маҳдум ўттиз ёшларга борганда мактабдорлиги ҳам яхшигина шуқрат топади. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАКТАБДОШ** [a+ф-т] Бир мактабда бирга ўқиган ёки ўқиётган болалар (бир-бирига нисбатан).

**МАКТАБХОНА** [a+ф-т] Мактаб ўр-нашган жой, бино. Шу онда Моҳлар олим мактабхонадаги болалар ичидан Анварни чақиртириб олди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАКТУБ** [a] 1 кт. Қимсага ёзиб юборилган хат, нома. Мактуб юбор-

моқ. *Мактуб ёмоқ.* — *Кушбеги ер остидан хотинни қузатдида, қўлидаги мактубнинг орқа — ўнени текшириб қаради.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ёзма равишда баён қилинган муурожаат; муурожаатнома. *КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг меҳнаткашларга мактуби.*

3 Муурожаат тарзида ёзилган бадний асар. *Мактуб жанри.*

**МАЛАЙ I** 1 Хўжайини ёки бошқа бировнинг хизматларини бажарувчи киши; хизматкор. *Ҳақимбойвачча учун Йўлчи синалган, азамат бир малай ва бир чеккиси қариндош эди ҳам.* Ойбек, Кутлуг қон. — *Ким эдинг? Кимсасиз бир етим, бировнинг эшигида малай эдинг, — деди Элмурод ўз-ўзига.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 *кўчма салб.* Бировнинг манфаати учун кўр-кўрона хизмат қилувчи одам; хизматкор. *Имперализм малайлари.*

**МАЛАЙ II** қ. малайлар. *Малай халқи.* Малай тили. || *Малай аёл.*

**МАЛАЙЛАР** Малайя архипелагида ва Малакка ярим оролида яшовчи элат ва қабилалар номи.

**МАЛАЙЛИК** малай I с. *мавж.* от. *Йиғитлик бўсағасига қадам қўйган ўсмирларга янада оғирроқ меҳнат юкланар, ўзларида иш бўлмаса бирон мулкдорга малайликка топшириб, унинг ҳомийси, эгаси сифатида ҳақ олиб ердилар.* П. Турсун, Уқитувчи.

**МАЛАК** [а] I *дин.* айн. *фаришта.* [Навоий:] *Нечук безовтасан! Барвақт турибсан? Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 *кўчма* Гўзал аёл, нозанин.

**МАЛАКА** [а] Касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. *Малака ҳосил қилиш.* Малака ошириш. — *Қамбар келиб, ўзининг малака орттирган хизматини бажара бошлагач, Йўлчи қоронғи супадаги тақир нажат устига чўзилди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**МАЛАКАЛИ** Малакага эга бўлган, катта малака орттирган. *Малакали кадрлар.* Урта малакали ишчи. *Юқори малакали мутахассис.*

**МАЛАХ** [а] Булутдек ёпирилиб, келиб, экинларни еб ташлайдиган чигиртка.

**МАЛАХИТ** [р<грек] Турли зийнат буюмлари тайёрлашда шунингдек мис олишда хомашё сифатида фойдаланиладиган тўқ яшил минерал.

**МАЛИК** [а] I *эск. кт. айн. подшо(х).*

2 *Малик* (эркаклар исми).

◆ *Чўли малик* катта чўл.

**МАЛИКА** [а] I *Аёл подшоҳ.* *Маликанининг ғазабига учраган қул қай даражада эс-ҳушидан айрилса, менинг-да ҳозирги ҳолим бунинг юз даража юқорисига етди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 *Подшоҳ оиласига мансуб аёл.* [Мажиддин Қулмуҳаммадга:] *Шаҳаншоҳ ўзини падар, қизини малика қилмоқчи . . . Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

3 *Малика (хотин-қизлар исми).*  
**МАЛИҚУШУАРО** [а] *эск. кт.* Утмишда энг ўткир шоирларга берилган унwon ва саройда шундай шоирга берилган амал.

**МАЛИНА** [р] *айн. хўжагат.*

**МАЛЛА I** *сфт* Жигар рангга мойилроқ оч сариқ ранг.

2 от Бўзнинг малла ранг бир тури. || *Малла тўн.* *Малла белбоғ.* — *Булар учун исроф бўлмиш, эсиз, афсус, Бир дока салла-ю, ўттиз қарич малла.* Ҳамза.

3 *Малла* (эркаклар исми).

**МАЛЛАПУШ** Малла бўздан қилинган ёпинғич, чойшаб.

**МАЛОИК** [а] *эск. кт.* Малаклар, фаришталар.

**МАЛОИКА** [а] *эск. кт.* Малика; маликалар, фаришталар.

**МАЛОЛ** [а] I Оғир кўриш, оғирсиниш ҳисси ёки ҳолати; малоллик. *Малол келмаса (ёки бўлмаса)* агар бемалол бўлса. *Малол келмаса, бир келиб кетинг.* — *Ҳозир ишлаш эмас, қўлини кўтариб папироснинг кулини қоқши ҳам малол келар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. | *кесим вазифасида* Оғир, қийин. *Ҳозир унга гапириш ҳам малол.*

2 *Ташвиш, ғам-ғусса.* *Кундузи ҳам, ҳатто тунлар ҳам узоқ мендан ғам, андуҳ малол.* Ғайратий.

**МАЛОЛАТ** [а] *кт.* Кўнгил ғашлиги, дилтанглик. *Амир Душанбега келгач.. унинг [Абдулқофизнинг] ёш қизини олидириб келди, Темуришоҳ қизининг ўлгани сабабли кўнгелида пайдо бўлган малолати бартараф қилди.* Айний, Дохунда.

**МАЛОЛЛИК** Кимсага малол келадиган иш-ҳаракат ёки ҳолат, ортиқча ташвиш. *Малоллик келтирмоқ.*

**МАЛОМАТ** [а] Бировни ҳақ-ноҳақ ёмонлаб айтилган гап; мазамат, таъна. *Маломат қилмоқ.* *Маломатда қолмоқ.* *Маломатга қўймоқ.* — *Тегмасин ногоҳ маломат ўқлари, Сегзиру ҳушёр бўлоху каби.* Ҳабибий.

**МАЛОХАТ** [а] I Гўзалларга хос ёқимлилик. [Анвар Раънога:] *Шу ҳуснинг, шу малоҳатинг ва шу латофатинг билан талом меники бўларсан, шундайми?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *Малоҳат* (хотин-қизлар исми).

**МАЛОХАТЛИ** Малоҳати бўлган, ёқимли.

**МАЛУЛ** [а] *эск. кт.* Хафа, дилтанг.

**МАЛЪУН** [а] *кт.* Лаънати, лаънатланган. [Гулнор] *қайси бир раҳмсиз, ноинсоф малъун биз туран жойни етказганлигини билмайман.* Ойбек, Кутлуг қон. | *сўк.* Лаънати, падар лаънати.

**МАЛҲАМ** [а марҳам] I Ярага қўйиладиган ҳамирсимон юмшоқ, ёпишқоқ дор. *Ярага малҳам қўймоқ.* — *У [Ёдгор] дарднинг зўридан гавдани ҳар томонга урар ва Раҳим ёғчига ялинар жароҳатни очиб, ундан малҳамни сидириб олишни сўрарди.* Айний, Дохунда.

2 *кўчма* Даво ёки дармон бўладиган

ҳар бир нарса. *Сен ҳам онасиз ўсан экансан, болам «Она» дегин, менинг ҳам тилка-тилка бўлган юрагимга малҳам бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

**МАМЛАКАТ** [а] I Бирор давлатни ташкил қилган территория. *Советлар мамлакати.* *Социалистик мамлакат.* *Шарқ мамлакатлари.*

2 *Мамлакат* (хотин-қизлар исми). **МАММА** бол. Она эмчаги.

**МАМНУ** [а мамнуг] *эск. кт.* Маи этилган, тақиқланган, қатағон.

**МАМНУН** [а] Кўнгил тўлган, қаноатланган, хурсанд, миннатдор. *Қутидор ҳар кун Юсуфбек ҳожининг муҳлисларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мамнун эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Эргаш мамнун жилмайиб, Соттининг елкасига қўлини ташлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**МАМНУНИЯТ** [а] Кўнгил тўлган, хурсанд, мамнун бўлган ҳолат; мамнунлик, хурсандлик. *Муҳаммадражаб домла бу топшириқни мамнуният билан қабул қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАМНУНЛИК** I мамнун с. белги оти.

2 *айн. мамнуният.* *Томошабинлар янги спектаклни мамнунлик билан қабул қилдилар.* — *Раиснинг юзида мамнунлик белгилари кўринди.* С. Ахмад, Қадрдон даладар.

**МАМОНТ** [р] Ер геологик тарихининг музлик даврида яшаган, ҳозир насли қуриб кетган филсимон катта ҳайвон.

**МАМОТ** [а] *кт. айн. ўлим.* *Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора кучоғига олган қоронғу бир тун эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАН I** *диал.* Мен.

**МАН II** [а]: *ман қилмоқ* (ёки *этмоқ, айламоқ*) тўхтатиб қўймоқ, тақиқламоқ, қатағон қилмоқ.

**МАН III** [а] *эск.* Жойига қараб турли қийматга эга бўлган оғирлик ўлчови.

**МАНА I** *олми* Сўзловчининг қўлида ёки яқинида турган нарсани, бўлаётган ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодисани кўрсатишда ишлатилади. — *Қитобинг қани? — Мана. Мана кечаги айтган ўртоғим.* — *Мана, бекачим, — деди кули Тўйбека, .. Анови кунги ёш меҳмонни сенга мақтасам аччиғландинг, аммо келиб-келиб сени ўшанга бердилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 *Кўрсатиш олмошлари олдида келиб, кучайтирув ва таъкид билдиради.* *Урушга орумандмисиз, мана бу бойвачча уканизни олиб жўнай беринг, йўл очик.* Ойбек, Кутлуг қон.

3 *Ундов гапда хайрат, киноя, таажжуб каби маъноларни билдиради.* *Ана ҳусну, мана малоҳат! Мана бамаънабли!*

**МАНАВИ** с. т. [асли мана бу] *олми* Мана бу, ушбу. *Манави бола.* *Манави китобни ўқинг.*



**МАНАП тар.** Революциядан илгариги қирғизларда олий феодаллар табақасига мансуб киши.

**МАНБА** [а манбаъ, 3-ш. бирл. манбаи] 1 геогр. Дарёларнинг бошланиш жойи.

2 Бирор нарса олиннадиган, чиқадиган ёки ишлаб чиқариладиган жой, қурилма ва ш. к. *Хомашё манбаи. Газ манбалари. Электр манбаи.* | Бирор нарса ҳосил этиш учун асос бўлган омил. *Юқори ҳосил манбаи. Даромад манбаи.* | Бирор нарса, иш-ҳаракат ва ш. к.нинг юзга келиши учун асос бўлган омил; сабаб, нарса. *Ижод манбаи. Илҳом манбаи.* — Унинг ташвиқотчилигига лозим бўлган ижодни ёки илҳомни шу манба, яъни инқилобий самимият манбаи ҳада қилади. А. Қодирий, Обид кетмон. | Маълумот, хабар ва ш. к. олинган жой. *Мўътабар манбалардан олинган маълумот.*

3 махс. Илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлган асар, хужжат ва ш. к.

**МАНБАИ** қ. манба.

**МАНГ** «Ма» сўзининг хурмат ва кўплик формаси.

**МАНГЛАЙ** [мўғ] айн. пешана 1. Унинг [Ғани отанинг] қошлари чимчирилиб, серажин мангалай тагин ҳам тиришиди. Х. Ғулом, Машъал.

**МАНГУ** [мўғ] рви, кт. Абадий, умр-бод. У [Ғулнор] то сўнги нафасигача меҳнат, машаққат, азоб ичида кечирган бу дунёдан кўзларини мангу юмгунча уни, Йўлчини эслагандир. Ойбек, Қутлуғ қон. Сенсан менинг жонажон, азиз Ватаним, Ғўзал умрим баҳори, мангу чаманим. Ғайратий.

**МАНГУЛИК** кт. 1 мангу с. белги оти.

2 Абадийлик, абадият.

3 сфрт, айн. абадий. Муталнинг боши шилқ этиб лойхонага тушиди-да, мангулик уйкуга кетганлиги маълум бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАНГУС** [р мангуста] айн. мангуста. Майдонда найрангбоз қобра билан мангуснинг жангини кўрсатмоқда. Ойбек, Нур қидириб.

**МАНГУСТА** [р<фр] Жанубий Осиё ва Африкада яшайдиган, кичкина йиртқич ҳайвон.

**МАНДАРИН** I [р<исп] I Жанубда ўсадиган бир турли цитрус ўсимлиги.

2 Шу ўсимликнинг териси юпка, хушбўй меваси.

**МАНДАРИН** II [р<португ] Хитойнинг феодализм давридаги давлат арбобларига европаликлар томонидан берилган ном.

**МАНДАТ** [р<лат] Кўрсатувчининг ваколатини тасдиқловчи расмий хужжат, гувоҳнома. *Депутатлик мандати. Кўйла мандат бермоқ. Мандат комиссияси сўзд, қурултой, конгресс, конференция, сессия ва ш. к.да иштирокчиларнинг ваколатини текширувчи ҳайъат.*

**МАНДОЛИНА** [р<итал] Тўрт жуфт сим гори бўлган чолғу асбоби. *Мандолина чалмоқ.*

**МАНЕВАЛА** [а] эск. айн. ричаг 1. **МАНЁВР** [р<фр] I ҳарб. Қўшин ёки флотнинг душманга зарба бериш мақсадида энг қўлай вазиятни эгаллаш учун қиладиган ҳаракати. | Қўшин ёки флотнинг тактик машғулот, машқлари. *Манёвр ўтказиш тактикаси.*

2 т. й. Станцияда поезд улаш учун паровоз ва вагонларни у йўлдан бу йўлга кўчириш. *Далага ёйилган тракторлар темир йўл станцияларида манёвр қиладиган паровозлардай гуруллашиб ҳаракат қилмоқда. Айний, Қуллар.*

3 Самолёт, кема ва ш. к.нинг тўсиққа ёки душманга чап бериш учун ўз йўналишини ўзгартиб қиладиган ҳаракатлари. *Бутун батальон самолётнинг тепаликни қидираётганини билди, душман зенитига чап бериб манёвр қиладиганини тушунди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**МАНЖАЛАҚИ** Ҳеч кимга сўз бермайдиган, жанжалкаш, шаллақи (асосан аёллар ҳақида). *Манжалақи хотин. — Мен унга манжалақи парихон отининг гапини гапириб юрибман. А. Мухтор, Опа-сингалар.*

**МАНЖАНИК** [а] тар. Тош отадиган қадимий уруш қуроли.

**МАНЗАРА** [а] Кўзга ташланиб турган ёки тасаввур этиладиган кўриниш, тасвир. *Табиатнинг ғўзал манзаралари. — [Отабек] ўзининг очик кўзи, ўтқир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан муҳоши фалокатли манзаралар кўрар .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**МАНЗАРАЛИ** Манзараси ғўзал, кишини мафтун этадиган. *Табиатнинг манзарали ерлари. Манзарали дарахт.*

**МАНЗИЛ** [а] I Сафарда, йўлда тўхтаб ўтиладиган, кўнб туриладиган ёки етиб бориш мўлжалланган жой; мазгил. *Бир неча минутдан кейин қиз билан йигит манзила яқинлашдилар. Айний, Дохунда.*

2 кўчма Қураш, ҳаракат натижасида эришилиши мўлжалланган марра. *Коммунизмнинг шуғлалари кўриниб қолди. Манзилга яқинлашган сари, сезгимиз ўтқир, қиличимиз ўтқир бўлиши лозим. Уйғун, Навбахор.*

3 Йўлнинг бир тўхташ жойидан иккинчи бир тўхташ жойигача бўлган масофа. *Бир манзил, икки манзил йўл юриб бораётир эди, олдидан бир кампир чиқди. «Равшан»*

4 Т. ар жой, истиқоматгоҳ, ватан. *Бирдан паёнда, тоғ қазувчилар манзилидан шодига қичқирлар кўтарилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**МАНЗИЛАТ** [а] эск. кт. Мавқе; қадр-қиммат. [Тўйлахон:] Эй худо, учиб юрган паррандача қўрб, манзилат бермас экансан, нима учун хотин-қизларни яратдинг. Ҳамза, Паранжи сирларни. *Ичкари, ташқари .. ҳовлида ўсган Уринбой қалъачи қизининг кўзиди русча уйларнинг нима манзилати бор. Айний, Қуллар.*

**МАНЗИЛГОҲ** [а+ф-т] айн. манзил 1, 4. *Жонажон партиянинг муборака номи билан .. яни қадим ташладик улуг манзилгоҳ сари. Э. Раҳим.*

**МАНЗИЛХОНА** [а+ф-т] диал. Мехмонхона, мусофирхона.

**МАНЗИРАТ** [а] Такаллуф, мулозамат. *Қуруқ (қўқон) манзират. — Раҳмат, Олмижон ака. Ман уйга бораи, — Ҳакимбойвачча таклифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. Олахўжа ҳовлида юриб одамларига уни-буну буюрар, келган кетганларнинг усти-бошига қараб манзират қилар эди. П. Турсун, Уқитувчи.*

**МАНЗУМ** [а] эск. кт. Назм билан ёзилган, шетрий. *Манзум китоб.*

**МАНЗУМА** [а] эск. кт. Назм билан ёзилган асар; поэма. *Эшитмадим унинг сасини, на Қўқоннинг дарсхонасида, на ўзининг таронасида, на ёқирқан манзумасини. Шайхзода.*

**МАНЗУР** [а] Кишиларга маъқул бўладиган, ёқадиган, ёкиб тушадиган. *Манзур бўлмақ (тушмоқ). Одобли бола элга манзур. Мақол. Манзур қилмоқ (ёки этмоқ) I* ёқтирмақ, маъқул топмоқ, маъқул қилмоқ. *Ёзиб манзур асарлар халқ учун, сен борлигин билдир, Агар халқ қилса манзур, халққа миннатдорлигин билдир. С. Абдулла; 2) маъқуллатмоқ, маъқул қилмоқ. Совгани хонга манзур қилиб [Афанди] қуюқ инъом олиб, ўрдадан чиқиб кетди. «Латифалар».*

**МАНИЙ** [а] биол. Эркакларнинг жинсий безидан ажралиб чиқадиган суоқдик; сперма.

**МАНИКЮР** [р<фр] Қўл тирноқларини қирқиб текислаб ва бўяб безатиш.

**МАНИЛОВЧИЛИК** Қуруқ хаёлпарастлик, ҳаётга лоқайд қараш, лоқайдлик (Гоголнинг «Улик жонлар» асаридаги қаҳрамонлардан бири — Манилов номидан).

**МАНИФЁСТ** [р<лат] I Ҳукуматнинг жуда муҳим воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати.

2 Бирор партия ёки ижтимоий ташкилотнинг программа характеридаги ёзма мурожаати. *«Коммунистик партия манифести». Тинчлик манифести.*

**МАНКУҲА** [а] эск. кт. Никоҳдаги хотин, шаръий хотин, жуфти ҳалол.

**МАНМАН** Ўзини катта тутадиган, босар-тусарини билмай қолган; тақаббур. *Манман одам. Манманга — завол, камтарга — камол. Мақол.*

◆ **Манман** деган ном қозонган, донғи кетган. *Манман деган паҳлавон.*

**МАНМАНЛИК** I **манман** с. белги оти. *Мақтанчоқлиги, манманлиги туфайли кўлар ёқтирмайдиган енгил табиатли Мурзин келиб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 **Манман** одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Манманлик қилмоқ.*

**МАННИЙ** [р<а:] манний ёрмаси буғдой магзидан тайёрланган майда ёрма. **Манний** бўтқа манний ёрмасидан тайёрланган бўтқа.

**МАНОЛ** [a] *кт.* Тухфа қилиб олинган ёки берилган нарса; тухфа.

**МАНОМЕТР** [p<ерек] Дамланган буғ, газ ёки суюқлик босимини ўлчайдиган асбоб.

**МАНОР** [a] *кт.* Манора, минора. *Ўртада подадай сурилди халқ, Фукоро бошидан ясалди манор.* Туйғун.

**МАНОРА** [a] *эск. айн.* минор(a). Масжид манорасида мунгли азон товуши эшитилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАНОТ** I с. т., *диал.* Сўм. Бир манот.

**МАНОТ** II [a] *дик.* Араблар исломдан илгари топинган маъбудалардан бири.

**МАНПАСИ** [p монпансье] Қоғозга ўралмаган майда шаффоф ранг-баранг конфета; обаки.

**МАНСАБ** I [a] I Масъул вазифа, амал, лавозим. *Ўз мансабидан фойдаланмоқ. Мансабдан тушмоқ.* — Мулла Абдурахмон Қўқон сафарига ҳозирланаркан, кўнели Қўқонда ўзини кутиб турган уломолик шўҳратига муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 с. т. Ўзини кўрсатиш учун қилинадиган ёки ўзига маъқул иш, ҳаракат. *Манманлик у кишига бир мансаб.*

◆ **Мансабга минмоқ** (ёки ўтирмоқ) амалга тайинланмоқ, бирор амални, вазифани эгалламоқ.

**МАНСАБ** II *геогр.* Дарёнинг кўл, денгиз ёки бошқа дарёга қуйиладиган жойи.

**МАНСАБДОР** [a+ф-т] Бирор мансабга, лавозимга эга бўлган; амалдор. *Мансабдор шахс.* — Ушбу ҳукмимизни ерига етказишда сўзлик қилган мансабдор бизга итлоатдан бош тортган ҳисобланиб, эне қаттиқ жазомизга маҳкум қилинур. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАНСАБЛИ** *айн.* мансабдор.

**МАНСАБПАРАСТ** [a+ф-т] Мансабга интиладиган, мансабни яхши кўрадиган. *Мансабпараст одам.* — Ёлғиз ўз манфаати йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст.. йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАНСАБСИЗ** Мансаби йўқ, амали йўқ.

**МАНСУБ** [a] Қарашли, тегишли, таллуқли, оид, кирадиган. *Умуртқалилар синфига мансуб жонивор. Галогенларга мансуб элемент. Юқори табақчага мансуб одам.* — Девонбегилар авлодига мансуб бўлган.. Шерназарбой Исломуҳжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**МАНСУБИЯТ** [a] *кт.* Мансублик, оидлик, таалуқдорлик. *Гарчи сизнинг қипчоқ қавмига мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонқулни ҳайдашда бизга унутмаслик хайрихоҳликлар ва*

*хизматлар кўрсатдингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАНСУБЛИК** мансуб с. белги оти. *Синфий мансублик.*

**МАНТИ** Гўшт ва пиёз қиймасини хамирга тугиб қасқонда пиширилдиган овқат.

**МАНТИПАТ** Қасби манти пишириш бўлган ёки манти пиширишни яхши биладиган киши.

**МАНТИҚ** [a] I Тафаккур шакли ва қонунилари ҳақидаги фан; логика.

2 Гап, фикр, ҳаракат ва ш. к.нинг ақлга монандлиги, асослиги. *Хотинининг бу гапи Бўтабой аканинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғладию, ҳеч нарса дёлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МАНТИҚАН** [a] *рви* Мантиқ нуқтаи назаридан, мантиқ жихатидан. *Мантиқан тўғри фикр.*

**МАНТИҚИЙ** [a] I Мантиққа оид.

2 Мантиққа асосланган. *Мантиқий хулоса.* — *Мантиқий фикрларим, ғаларим хуродий-димий масалалардан устун келди.* Ойбек, Нур қидириб.

**МАНТИҚЛИ** Мантиққа эга бўлган, мантиққа асосланган, лузуми бор. *Мантиқли гап. Мантиқли ҳаракат.*

**МАНТИҚСИЗ** Мантиқи, лузуми йўқ, бемаъни. *Мантиқсиз гап. Мантиқсиз савол.*

**МАНТИҚСИЗЛИК** I мантиқсиз с. белеги оти.

2 Мантиқсиз иш, ҳаракат, гап ва ш. к. *Мен ўзимча шундай мулоҳазалар қилиб, муллаларнинг у гапларини ғаразғўйлик, мантиқсизлик ва кулеги деб билар эдим.* Айний, Эсдаликлар.

**МАНУФАКТУРА** [p<лат] I Капиталистик ишлаб чиқарушнинг йирик индустрия асосига қурилган ҳозирги формасидан олдинги ҳунармандчилик техникасига асосланган формаси.

2 Газлама, газмол, мато.

**МАНФААТ** [a] Моддий ёки маънавий, жисмоний ёки руҳий фойда, наф. *Манфаат топмоқ. Манфаат кўрмоқ. Бу ишдан ҳеч манфаат кўрмадим. Доридан яхши манфаат топдим.* — [Дадавой:] *Халқ йўлида жонни аямаслик даркор. Ўз манфаатимиздан халқ манфаатини юқори қўяйлик.* Уйғун, Навбахор.

**МАНФААТДОР** [a+ф-т] Бирор ишдан манфаати бор, манфаати бўлган. *Бизда маҳсулот чиқаришни кўпайтиришдан ҳамма манфаатдордир.* — *Ғуломжон ҳақиқатни аниқлашда ўзидан кам манфаатдор бўлмаган бошвачага ер остидан разм солиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАНФААТЛИ** Манфаати, фойдаси бор; фойдали. *Манфаатли иш.*

**МАНФААТПАРАСТ** [a+ф-т] Шахсий манфаатинигина кўзловчи.

**МАНФААТСИЗ** Манфаати, фойдаси йўқ; бефойда, фойдасиз.

**МАНФИЙ** [a] I *мат.* Нолдан кичик. *Манфий сон.*

2 *физ.* Заррачалари электрондан иборат бўлган. *Манфий заряд. Манфий электрод.*

**МАНФУР** [a] *кт.* Кишини нафратга келтирувчи, нафратга лойиқ; жирканч. *Манфур душман.* — *Бутун дунё хотин-қизлари учун «уруш» деган ёздан манфурроқ сўз йўқ.* «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 114.

**МАНҚА** I I Димоғида гапирувчи. *Манқа одам.*

2 *диал.* Мишиқ.

**МАНҚА** II *Ог* ва бошқа якка туюқли ҳайвонларда бўладиган, баъзан одамга ҳам ўтадиган юқумли касаллик.

**МАНҚАЛ** [a] Кўмир билан ёқилдиган кўчма ўчоқ. *Манқалега кўмир солмоқ. Манқалда овқат пиширмоқ.* — *Самоварчи бўшпаган чойнақларга чой дамлаб яна манқал устига қўйди.* Айний, Дохунда.

**МАНҚАЛАНМОҚ** Димоғ билан гапирмоқ, пинғллаб гапирмоқ.

**МАНҚАЛДОН** [a+ф-т] *айн.* манқал.

**МАНҒИТ** *тар.* Ўзбек қабилаларидан бирининг номи. | Шу қабилага мансуб киши.

**МАНҲУС** [a] *эск. кт.* I Бахтсизлик келтирувчи; шум, шумоёқ.

2 Манфур, жирканч. *Хўжа, эшон, манҳус бойдан зулм кўран, Тоғ эгаси сар бурғутдек йеитлар.* Ғайратий.

**МАОРИФ** [a] I Кишининг билим ва онгини ошириш, умумий савиясини кўтариш учун қаратилган таълим-тарбия, илм-урфон; маърифат. *Маориф ишлари. Маориф тарқатмоқ.* — *Эр-қизлардан етишиб ходимлар, Элга ҳақиқий маориф тарқатамиз.* Ҳамза.

2 Таълим-тарбия, мактаб ишларини бошқарувчи идора. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МАОРИФПАРВАР** [a+ф-т] Маориф тарафдори, маърифат учун хизмат қилувчи, курашувчи.

**МАОРИФЧИ** I Маориф соҳасида ишловчи киши, маориф ходими.

2 Маориф тарқатувчи киши, маърифатпарвар.

**МАОФА** [a] *тар.* Отга ўрнатилдиган бир хил кажава. *Унинг [Навойнинг] аҳволи оғирлашади. Юришга мажболи қолмай, йиқилади. Навоийни маофага солиб, Ҳиротга жўнатдилар.* Ойбек, Навоий.

**МАОШ** [a] Хизмат, иш учун берилдиган пул; иш ҳақи, ойлик. *Маош олмақ. Маош бермоқ. Маош тайинламоқ.*

**МАРАЗ** [a] *эск. кт.* I с. т. Ёиринг олган, фасод боғлаган яра. *Ҳар муроднинг бошидир, ҳар мудоанинг гавҳари, ҳар маразларнинг ишфоси яъни Луқмондир китоб.* Ҳамза.

2 *кўчма* Ярамас, зарарли нуқсон, иллат.

**МАРАЛ** Буғуларнинг катта шохли дирик бир тури.

**МАРАЛҚУЛОҚ** Пояси йўғон, барги йирик захарли ўт (ветеринарияда дори сифатида паразитларга қарши ишлатилади).

**МАРВАРАК** ай. салбия.

**МАРВАРИД** [ф-т] Баъзи моллюскларнинг чиганоғидан олинадиган оқ, сарғиш, қизғиш, баъзан қора қимматбахо садаф; мунчоқ. Қозикалон сандиқларни очиб кўрсатди, баъзисида олмос, ёқут, ақик, зумрад ва марварид .. тўла эди. Айний, Дохунда.

♦ **Марварид** гул барги зули, хушбуй, майда-майда карнай гулли ўсимлик. **Марварид** тут тутнинг майда донали кечпишар ширин бир нави.

**МАРВАРТАК** [ф-т]: марвартак тут с. т. ай. марварид тут қ. марварид. Болалар ердан жой тополмай марвартак тутларга чиқиб олганлар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАРГ** [ф-т] кт. Уйим, вафот. *Маргининг қори ёғиб, сабзанг оқармасдан бурун, Гашти оламдур ғанимат фасли сайринг сов топ.* Ҳамза.

**МАРГАНЕЦ** [р<нем] Химиявий элемент, эриши қийин бўлган мўрт кумуш ранг металл.

**МАРГАРИН** [р<грек] Мол ёғи, ўсимлик мойи ва бошқа моддалар аралашмасидан тайёрланган омехта ёғ.

**МАРГИМУШ** [ф-т] 1 Химиявий элемент, кўпгина моддалар таркибида учрайдиган захарли, қаттиқ модда.

2 Шу моддадан тайёрланган препарат (медицина ва техникада ишлатилади).

**МАРД** [ф-т] 1 Кўрқисни билмайдиган; кўрқмас, ботир. *Мард номардга тиз чўкмас.* Мақол. | Катта ишларга қодир, азамат. *Мард майдонда билинади.* Мақол.

2 Айтганининг устидан чиқадиган, танги, хотам. *Ваъдага вафо қилмоқ мардларга хос фазилат.* Ғайратий. *Сув келтирган мард киши, экин экар ҳар киши.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Буларга ўз вақтида иссиқ-иссиқ чой бериб турадиган марднинг ўзи йўқ.* Ойдин, Бечора.

♦ **Марди** майдон жанг қахрамони ёки кураш қахрамони. *Ташлагил қадам олға, ўзни марди майдон қил. Қон талаб фашистларнинг икки дийдасин қон қил.* Ғайратий.

**МАРДИКОР** [ф-т] 1 Вақтинча ёки кундалик ёлланиб ишловчи ишчи. *Далада ишининг тиғиз вақти ўтгани учун мардикорларга бундан бир неча кун илгари жавоб берилган.* Ойбек, Қутлур қон.

2 тар. 1914—1918 йиллардаги биринчи жаҳон уруши даврида чор ҳукумати томонидан мамлакат ичкарисидаги қора ишларга Урта Осиё халқларидан сафарбар этилган киши.

**МАРДИКОРЛИК** 1 мардикор 1 с. касб оти. *Виз бойларда етимлик, чоракорлик, мардикорлик, чорвадор-*

*ларда чўпонлик қилиб кун кечирамиз.* Айний, Куллар.

2 мардикор 2 с. маъв. от. *Мардикорликка олинган кишилик.*

**МАРДИКОРЧИЛИК** ай. мардикорлик 1. *Мен Авлиётага кетмасимдан бурун шу атрофда мардикорчилик қилган эдим.* А. Қаххор, Кўшчинор.

**МАРДЛАРДАЙ**, ёдек ай. мардларча.

**МАРДЛАРЧА** рвш ай. мардона 1.

**МАРДЛИК** 1 мард с. белги оти. *Мардлик жангдан билинади.* — *Сенинг элга садоқатингни, Мардлингни билар эдим мен.* Уйғун.

2 Мард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Мардлик қилмоқ. Мардлик кўрсатмоқ.*

**МАРДОН** [ф-т] 1: **сахари мардон** эрта тонг. *Саҳари мардондан туриб олмоқ. Саҳари мардонда ишга тушмоқ.*

2 Мардон (эркаклар исми).

**МАРДОНА** [ф-т] 1 рвш Мардларча, мардлар сипари. Табиш қийинчиликлар билан мардона олишган ва ўз мақсадига етган азаматларни ҳар қанча табрикласанг оз. «Қ. Ўзбекистон», 1958, № 298.

2 Эркакча, эркакларга тегишли (оёқ кийими ҳақида). *Чин арафа кечаси бутун дўқонлар тонг маҳалигача очиқ бўлар, ҳайитга нарс олишга улғура олмаганлар шу кечаси мардона, заифона ва бачкана кавуш-маҳси .. сотиб олар эди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**МАРДОНАВОР** [ф-т] *поэт.* Мардлардек, мардларча, мардона. *Она Ватан, истиқболинг, саодатинг деб, Курашадим мардонавор қарилар, ёшлар Ғайратий.* || *Ахир, сиз ҳам улғувор ишининг жонкуярисиз-ку, ахир, сиз ҳам шу ишининг рўйбега чиқисни учун мардонавор курашгансиз-ку.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**МАРДОНАЛИК** кам қўлл. ай. мардлик 2.

**МАРДУД** [а] эск. кт. Қувилган, рад этилган. *Чиқ орадан кета қол, мардуди даврон қиламан.* Ҳамза.

**МАРДУМ** 1 [ф-т] кт. Эл, халқ; кишилар. *Фақат сизнинг тинчисизланишинингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, деб ўйлай олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАРДУМ** II [ф-т] Кўз қорачиғи, гавҳари. *Ёмон кўзлар, мабодо фитна кўзгаб боқмасинлар деб, Кўзни мардумлари шўхона тиг ўйнар дема, қоши.* Ҳабибий.

**МАРДУМХҲҮР** [ф-т] эск. кт. Халқ молини, бировнинг ҳақини еювчи; текинхўр, молимардумхўр.

**МАРДУМХҲҮРЛИК** 1 мардумхўр с. белги оти.

2 Халқ мулкни талаш, бировларнинг ҳақини еиш; текинхўрлик, молимардумхўрлик.

**МАРДЧАСИГА** ай. мардларча. *Чорлади Ватан ишқи мардчасига от сур-*

*динг, Қайда бўлса мазлумлар, дил уйига меҳмон қил Ғайратий.*

**МАРЖОН** [ф-т] 1 Сув остидаги қояларга тўда-тўда бўлиб ёпишиб оля бир жойда яшайдиган денгиз жонивори.

2 Шу жониворларнинг оҳакли скелет қолдиқларидан ҳосил бўлган, мунчоқ ва бошқа безак буюмлари ясаш учун ишлатиладиган тош.

3 Мунчоқ ва ш. к.ни ишга тизиб ясалган, бўйинга тақиладиган безак буюми. *Бўйинида шода-шода маржон.*

♦ **Кўз ёшлари маржон бўлиб оқди** кўз ёшлари дув-дув оқди.

**МАРЗА** [а] қ. х. 1 Экинзор ёки унинг бир бўлагини бошқа бўлақдан ажратиш учун маълум баландликда тупроқ уйиб олинган чегара, йўл. **Марза олмоқ** (ёки тортмоқ) шундай чегара, йўл ҳосил қилмоқ.

2 Ариқ сирти, пушта. *Кенг марза МАРИ(Й) қ. мари(й)лар. Марий тили.* || *Марий аёл.*

**МАРИ(Й)ЛАР** Марий АССРнинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

**МАРИНАД** [р<фр] 1 Мева ва сабзавотларни сақлаш учун сирка ва турли дориворлардан тайёрланган сув.

2 Шу маринадга (сувга) солиб қўйилган мева ва сабзавотлар.

**МАРИНАДЛАМОҚ** Мева ва сабзавотларни маринадга солиб қўймоқ, маринад қилмоқ.

**МАРИНАДЛАНМОҚ** маринадламоқ *фл. мажх. н. Маринадланган помидор.*

**МАРКА** I [р<нем] 1 Почта ҳақи ва бошқа хил давлат йиғимларини тўлаганлигини кўрсатувчи, нархи ёзилган, одатда бирор тасвир туширилган тўртбурчак қоғозча. *Почта маркаси. Гербли марка. Беш тийинлик марка. Марка йиғмоқ.*

2 эск. Тўланадиган ҳақнинг белгиси, нишон. *Меҳнат маркаси.*

3 Мол, товарга қўйилган тамга. *Фабрика маркаси.*

4 Мол, товарнинг нави, хили. *Пўлатнинг янги маркаси.*

**МАРКА** II [р<нем] Германия ва Финляндияда пул бирлиги.

**МАРКАЗ** [а] I *мат., физ.* Геометрик шаклнинг ўқ чизиқлари кесишадиган нуқта, геометрик ёки физик нисбатларнинг ўрта нуқтаси. *Эллипс маркази. Линза маркази. Симметрия маркази. Оғирлик маркази. Марказга интилган куч айланма ҳаракат марказига йўналган куч.* Марказдан қочма куч айланма ҳаракат марказидан йўналган куч.

2 Аҳоли яшайдиган жойнинг маъмурий бинолар, савдо ва бошқа муассасалар ўрнашган асосий қисми. *Шаҳар маркази. Қишлоқ маркази.* | *Ўрта қисми, ўртаси; умуман ҳар қандай нарсанинг ўрта нуқтаси. Ҳовлининг марказида бир тул терак. Чўлнинг марказида шаҳар пайдо бўлди.*

3 Бирор фаолият соҳасида асосий иш олиб бориладиган жой. *Яқинда Ўзбекистон атом марказининг тўнғич ишиооти — республика Фанлар академияси ядро физикаси институтининг*

илий тадқиқот реактори ишга тушибди. «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

**4 айн. пойтахт.** Унинг [Мусулмонқулнинг] истибодди ўзга шаҳарларда унча сезилмас ҳам, марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Мамлакат ёки ўлканинг саноат, маданият ёки бошқа бирор соҳасида асосий ўрин тутган шаҳар, аҳоли яшайдиган йирик жой. **Саноат маркази.** Тошкент — республикамизнинг сийсий, иқтисодий ва маданий маркази.

**5** Олий бошқарув, раҳбарлик органи. **Марказ кўрсатмаларига амал қиломоқ.** Марказга тобе бўлмоқ. **Марказда ишламоқ.**

**6 физиол.** Нерв хужайраларининг организмнинг бирор фаолиятини бошқарувчи бир группаси. **Харакат маркази.** Нафас маркази. Мия пўстлоғи марказлари.

◆ **Диққат марказидаги ёки диққат марказида турган асосий диққат-эътиборни ўзига тортиб турган.** **Диққат марказидаги масала.**

**МАРКАЗИЙ** [а] 1 мат., физ. Марказга оид, марказда жойлашган. **Марказий нуқта.** **Марказий бурчак** айлананинг икки радиуси ўртасидаги бурчак.

**2** Марказда, ўртада жойлашган. **Марказий кўча.** **Шаҳарнинг марказий райони.**

**3** Асосий, муҳим. **Марказий масала.** **Марказий ўринни эгалламоқ.**

**4** Қуйи ташкилотларга раҳбарлик қилувчи, **Марказий комитет.** **Марказий орган.** | Бирор иш, фаолият соҳасидаги кичик маҳаллий бўлимларни бирлаштириб, бошқариб турувчи; бош. **Марказий сайлов комитетаси.** **Марказий статистика бошқармаси.** | Марказга, раҳбар ташкилотларга кишилар томонидан чиқариладиган. **Марказий матбуот.** — **Эркакларнинг бири марказий газетанинг муҳбири,** иккинчиси инженер, қиз эса Москвада институтни битириб, ҳозир шу инженернинг қўлида таърибга кўриб юрган экан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Марказий нерв системаси физиол.** нерв системасининг бош ва орқа миядан иборат асосий қисми.

**МАРКАЗКОМ** (М — катта), **Марказий Комитет** Давлат ёки жамоат ташкилотларининг қуйи ёки маҳаллий органларига раҳбарлик қилувчи марказий органи. **КПСС Марказкоми.**

**МАРКАЗЛАШМОҚ** Бир марказга бирлашмоқ, бир жойда тўпланмоқ. **Марказлашган таъминот.**

**МАРКАЗЛАШТИРИЛМОҚ** марказлаштирмоқ **фл. мажх. н.**

**МАРКАЗЛАШТИРМОҚ** марказлашмоқ **фл. орт. н.** **Раҳбарликни марказлаштирмоқ.**

**МАРКАЗЧИЛИК** айн. центризм. **МАРКАЛИ** 1 Маркаси бўлган, марка ёпиштирилган. **Маркали конверт.**

**2** Бирор маркага, навга тааллуқ

ли. **ДТ—54** маркали трактор. **Олий маркали чой.**

**МАРКАЛИК** Бир маркага арзирли; бир марка турадиган. **Агар шу калла-хом чопиққа уста бўлса, бир кунда икки маркалик иш қила беради.** А. Қодирий, Обид кетмон.

**МАРКИЗЕТ** [р<фр] Жуда ингичка ип ёки ипақдан тўқилган юпқа, нафис ва пишиқ газлама. **Оқ маркизетдан тикилган кўйлак.**

**МАРКСИЗМ** [р] Маркс-Энгельс таълимоти, табиат ва жамият тараққиёти қонунилари ҳақидаги, маълум ва эксплуатация қилинувчи омманнинг революцияси ҳақидаги, барча мамлакатларда социализмнинг ғалабаси ва коммунистик жамият қуриш ҳақидаги таълимот.

**МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ** [р] Маркс — Энгельс — Ленин таълимоти (қ. марксизм ва ленинизм).

**МАРКСИСТ** [р] Марксизм тарафдори.

**МАРКСИСТИК** [р марксистский] Марксизмга ва марксизмга оид. **Марксистик партия.** **Марксистик диалектика.** **Марксистик фалсафа.** | Марксизм принципларига асосланган ва уларни ифодалайдиган. **Жамият ҳодисаларига марксистик ёндашиш.**

**МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА** Марксизм-ленинизм принципларига асосланган ва уларни ифода қиладиган. **Марксча-ленинча дунёқараш.**

**МАРКСЧИ-ЛЕНИНЧИ** Марксизм-ленинизм тарафдори, марксизм-ленинизм ғояларини қувватловчи, марксизм-ленинизм принципларига асосланувчи. **Марксчи-ленинчи партиялар.**

**МАРЛИ** [р марля] Сийрак тўқилган юпқа ип-газлама, сийрак доқа.

**МАРМАР** [а] Асосан хайкалтарошлиқда ва бинокорлиқда, шунингдек баъзи бир хил зийнат буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган, ҳар хил рангда учрайдиган кристаллик тоғ жинси. **Оқ мрамор.** **Кўк мрамор.** **Ғазгон мрамори.** **Мрамордан ишланган хайкал.** || **Мрамор лавҳа.**

**МАРМАРАК** [ф-т<а] Йирик хушбўй гулли ўт ёки бутасимон бир хил ўсимлик.

**МАРМЕЛАД** [р<португ] Эзилган мева ва шакардан тайёрланадиган бир хил кондитер махсулоти.

**МАРОМ** [а] Бирор иш, фаолият ёки процесснинг нормал ўлчови, меъёри. **Иш маромга келди.** — **Неъматжон хуштабиат, уятчанг бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди.** Ж. Шарипов, Саодат. **Кўпгина колхозлар, совхозлар июнь ва июлда .. ривожланишдан кечиккан ғўзаларни маромига етказиб олдилар.** «К. Ўзбекистон», 1960, № 174.

**МАРОСИМ** [а] 1 Диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин. **Диний маросимлар.** **Тўй маросими.** **Дафн маросими.** — **Келаси жума маҳдумнинг уйида тўй ижро қилиниб, маро-**

симдан сўнге Рағно ўрдага юбориладиган бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2** Тантаналар билан ўтказиладиган расмий йиғин. **Каналнинг очилиш маросими.** **Мукофот бериш маросими.** — **Колхоз клубининг очилиш маросими бешинчи ноябрь кеч соат саккизга белгиланган эди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МАРОТАБА** [а] юқ. усл. Мартаба, дафъа, бор, қарра. **Бир мартаба.** **Қўп мартаба.**

**МАРОҚ** [а] кт. Ортиқ шавқ-завқ; хузур. **Мароқ билан қулоқ солмоқ, Мароқ билан гапирмоқ.** — **Мажлис Отабекнинг Шамай таасуротини мароқ билан эшитгач, шу кунгача ҳеч кимдан эшитилмаган унинг фикрларига ажбланган эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАРОҚЛАНМОҚ** Ортиқ завқ олмақ, завқланмоқ. **Китобни ўқиб мароқланди.**

**МАРОҚЛАНТИРМОҚ** мароқланмоқ **фл. орт. н.** Унинг ҳикояси бизни мароқлантирди.

**МАРОҚЛИ** Мароқ бағишловчи, завқ берувчи, мароқлантирувчи, завқли. **Мароқли лекция.** **Мароқли ҳикоя.**

**МАРРА** [а] 1 Югуриш мусобақаларида, пойгада босиб ўтиладиган йўлнинг охириги нуқтаси; финиш. **Маррага биринчи бўлиб бормоқ.** — **Ҳамма пойгада маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди.** С. Аҳмад, Қадрдон талалар.

**2** Сафарнинг охириги ери; манзил, маъзил. **Карвон шаҳар чоғида маррага етиб келди.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**3** Бирор ишнинг охири ёки олдиндан мўлжаллаб қўйилган ҳажми. **Колхоз планни маррага етказди.**

**4** ҳарб. Қўшин эгаллаб турган чегара, чизик, позиция. [Мурзин] баъзан ўзини ростлаш учун марраларга жони-жаҳди билан ёпишар, .. эди. Шуҳрат, Шинелий йиллар.

◆ **Марра бизники (ёки сизники ва ш. к.)** ютуқ, ғалаба бизники (сизники ва ш. к.). **Ихтиёримизда мавжуд бўлган далиллардан юз процент фойдалансак — марра бизники.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**МАРС** (М — катта) **астр.** Қуёш системасидаги тўққизта катта планеталардан бири, Қуёшдан тўртинчиси; Миррих.

**МАРСАЛА** [р<итал] Узумдан қилинадиган ширин винонинг бир тури. **Бир шиша коньяк, бир шиша марсала ва чиройли вазага қубба шаклида терилган апельсин келди.** Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАРСЕЛЬЕЗА** [р<фр] (М — катта) Француз буржуа революцияси даврида 1792 йилда эзилган, кейинчалик Франциянинг миллий гимнига айланган революцион қўшиқ. **Марселликларнинг қуролли отрядлари янги революцион қўшиқни — «Марсельезани айтиб борардилар.** «Янги тарих».

**МАРСИЯ** [a] Бирор шахснинг вафоти муносабати билан унинг хотира-сига бағишлаб ёзилган мотам шеъри.

**МАРТ** [p<лат] Янгича йил ҳисобиди учинчи ой.

**МАРТА** [a] Саноқ сонлар ва сонмиқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, такрор билдиради. *Ойда бир марта чиқадиган газета. Хатни бир неча марта ўқидим. Шу гапни бир-икки марта эшитдим.* — Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми, ё Сидиқ-жон асти қўймагани учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди. А. Қаххор, Қўшчинор. — Гадоликдан ўлим яхши, минг марта яхши, — йиғлаб деди Шоқосим. Ойбек, Қутлуғ қон. Қушбеги мактубни иккинчи марта ўқиб чиқиб, хотинга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАРТАБА I** [a] айн. марта.

**МАРТАБА II** [a] I Жамият ўртасида эришилган обрў, эътибор, нуфуз. — *Ким эдинг? Кимсасиз бир етим, .. деди Элмурод ўз-ўзига, — бугун сени буюк бир халқ, улуг рус халқининг вакили, ўртоқ деб ҳурматлаб ўтирибди. Инсон учун бундан ортиқ яна қандай улуг мартаба бор бу дунёда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Мансаб, лавозим, амал. *Олий мартаба. Мартабага эришмоқ. Мартабага минмоқ.*

**МАРТАБАЛИ** Мартаба эгаси бўлган; мансабдор, амалдор. *Соддадил овчининг ёлгон сўзлашга тили бормади. Ёлгон айтгани бухоролик баланд мартабали жанобдан кўрқди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**МАРТАЛАБ** рви Саноқ сонлар ва сонмиқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, ҳаракатнинг шу сўз билдирган сонмиқдорда бажарилганини билдиради. *Бир гапни минг марталаб қайтармоқ.*

**МАРТЕН** [p<фр]: *мартен печи* чўян ва темир-терсақдан пўлат эритиб олинган печнинг бир тури. *Мартен пўлат* мартен печида тайёрланган пўлат. *Мартен цехи* мартен печларида пўлат тайёрланадиган цех.

**МАРШ I** [p<фр] I Сафда баравар қадам ташлаб юриш. *Поход марши. Тантана марши. Марш қилмоқ.*

2 Қўшиннинг юриш қилиб бир жойдан иккинчи жойга кўчиши; поход. *Икки кунлик марш. Узоқ марш.*

3 Сафда баравар қадам ташлаб бориш учун мослаб ёзилган музика асари. *Жанговар марш. Зафар марши. Марш чалмоқ.*

**МАРШ II** [p<фр] унд. с. I Сафнинг юриш бошлаши учун бериладиган буйруқ, команда. *Олга марш!*

2 с. т. Йўқол, жўна. *Ҳозир уй-уйларингга марш!* Ойбек, О. в. шабадалар.

**МАРШАЛ** [p<фр] I СССР Олий Совети Президиуми томонидан алоҳида хизматлари учун олий қўмондонлик составидаги кишиларга бериладиган ҳарбий унвон ва шу унвон-

га эга бўлган киши. *Совет Иттифоқи Маршали. Авиация маршали. Артиллерия маршали.*

2 Баъзи давлатларда олий ҳарбий унвон ёки даража ва шу унвон ёки даражага эга бўлган киши.

**МАРШАЛЛИК** маршал с. маъв. от. Маршаллик унвони.

**МАРШРУТ** [p<фр] Автобус, поезд, самолёт, қўшин ва кишиларнинг белгиланган ва қўниш, тўхташ жойлари тайин бўлган қатнов ёки сафар йўли. *Биринчи трамвай маршрути. Автобус маршрути. Туристик маршрутлар. Янги маршрут очмоқ. Тошкент — Москва маршрути.*

**МАРШРУТЛИ** Маршрут билан юрадиган, маршрути бўлган. *Маршрутли такси.*

**МАРГУБ** [a] кт. Кишига маъқул бўладиган, кўнглига ёқадиган; матлуб, ёқимли. [У] *вазифасини ишчи тили, ишчи ифодаси билан қишлоқиларга содда, марғуб, қизқарли қилиб сўзлайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**МАРҲАБО** [a] I унд. с., кт. Хуш келибсиз, марҳамат. — *Марҳабо, марҳабо, — деди домла, чуқур самимият билан сўрашиб.* А. Қаххор, Сароб.

2 Марҳабо (*хотин-қизлар исми*).

**МАРҲАМАТ** [a] I Раҳм-шафқат юздан кўрсатиладиган ялтифот, ҳиммат, яхшилик. *Дўстларнинг марҳамати. Марҳамат кўрмоқ.* — *Агар менгиз бу хизматим хон жанобининг марҳаматига лойиқ кўрилув экан, — деди Ҳожит, — менга энг манзур бўлган муқофат ўғлимнинг овоз қилишидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 унд. с. Таклиф ёки розилик билдиради. — *Чексам майлими? — Марҳамат! — [Майсара:] Қани тақсирим, тўрага марҳамат! Ҳамза, Майсаранинг иши.*

3 Марҳамат (*хотин-қизлар исми*).

**МАРҲАМАТЛИ** Марҳамат қилувчи, марҳамат эгаси бўлган; ҳимматли; шафқатли. *Ёшлик қилибсан, марҳаматли подшоҳим ҳақини унутибсан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАРҲАМАТСИЗ** Марҳамат қилмайдиган, марҳамат қилишни билмайдиган; ҳимматсиз; шафқатсиз. *Марҳаматсиз султон. Марҳаматсиз табит. Марҳаматсиз ғазо бермоқ.*

**МАРҲАМАТСИЗЛИК** I марҳаматсиз с. белги оти.

2 Марҳаматсиз одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; шафқатсизлик.

**МАРҲУМ** [a] Вафот этган, ўлган киши. *Белбоғ олиб келган одам ўлим олдидан марҳумнинг нималар дегани .. бировни кўп тилга олганини сўзлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАРҲУМА** [a] Марҳум аёл. [Анвар:] *Сен уял, уялма барибир улар бизни жуфтлаштирадilar. Марҳума Моҳлар бибининг фотиҳаси ерда қолмас!* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАСАЛ** [a] I Кишиларга ўғит бўладиган, худосали, кичик мажозий

хикоя. *Қрилов масаллари. Ўзбек халқ масаллари.*

2 эск. кт. Матал; мақол.

**МАСАЛА** [a] I Ҳал этилиши лозим бўлган нарса, иш, вазифа, муаммо, проблема. *Уй-жой масаласи. Иқтисодий масала. Ҳаёт-мамот масаласи. Масалани ҳал қилмоқ. Бирор масала юзасидан гапирмоқ.* — [Зокир ота:] *Яхшилар! Мен боя музокарага чиқиб. Мактаб масаласини ҳам қистириб ўтсам бўлар эди, лекин бу масала алоҳида қўйилганлиги учун қистирмадим.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Баҳс, муҳокама, мунозара ва ш. к. мавзуй. *Масала яна хат устига ўтиб, Отабек Қушбегидан сўради: — Қўлингиздаги мактуб билан эҳтимол биз оқланган чиқармиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 мат. Маълум сонлар ва тегишли муносабатлар асосида номатълум сонларни топиш ҳақидаги математик вазифа. *Масалалар тўплами. Масала ечмоқ.*

4 Диний мавзудаги тортишув, мунозара ёки ваъз. *Масала айтишмоқ.*

**МАСАЛАН** [a] кири с. Мисол учун, чунончи, жумладан. [Раҳмат:] *Ўтиришга бегона кишилар ҳам айтилса мумкинми, озор чекмасмисиз? Чақирилганда ҳам ўзимизга яқин ва аҳил кишилар бўлур. Масалан, Мирзакарим қутидор каби.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАСАЛАХОНЛИК** дин. Масала айтишув, тортишув. [Уламо, мударрис, аъламлар] *арзмаган нарса устида масалахонлик қилиб, бир-бирлари билан талашади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАСАЛЛИК** Овқат пишириш учун зарур бўлган махсулот. *Бир ошлик масаллик. Янгамнинг ошини ширин қилган акамнинг масаллиғи.* Мақол. — *Масаллик яхши: ўша ёғиш, ўша гуруч, — деди Элчибек, — лекин овқатни оғизга олиб бўлмайди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**МАСАЛНАВИС** [a+ф+т] Масал ёзувчи адиб, масалчи.

**МАСАЛЧИ** айн. масалнавис.

**МАСДАР** [a] I грам. Фейлларнинг араб тилига хос инфинитив шакли.

2 эск. кт. Бирор нарсанинг содир бўлиш, келиб чиқиш ўрни, бошланиши, боши.

**МАСЖИД** [a] Мусулмонларнинг жам бўлиб, намоз ўқийдиган ибодатхонаси. *Маҳалла масжидида хуфтон азони айтилди, шундан бир оз кейин Раънолар дарвозаси ҳам фиқиллаб ошди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАСКА** [p<лат] I Юзга тutilади-ган, одам ёки хайвон қиёфаси тасвирланган ниқоб. [Ўзини танитмаслик учун юзининг юқори қисмини берки-тадиган, кўз учун икки тешик очилган махсус парда. *Қора маска. Маска киймоқ.*

2 Ҳимоя учун юзга тutilади-ган махсус мослама. *Противогаз маскаси.*

**МАСКА** диал. Сариеғ. — *Гулнор, сўз келтир! Маскани айрондан ўзим аж-*

ратанан — ..деди хотин. Айний, До-  
кунда.

**МАСКАН** [а] кт. Турар жой, яшай-  
диган жой, макон. [Қозикалон:] *Мад-  
расадан асар ҳам йўқ, динсизлар мас-  
кани бу.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**МАСКАРАД** [р] Маска, ниқоб ва  
махсус кийимлар кийиб ўтказиладиган  
сайил.

**МАСКИРОВКА** [р] ҳарб. Душман  
кўзидан паналаш, кўрилмайдиган, би-  
линмайдиган қилиш. *Тўпларни маски-  
ровка қилмоқ. Маскировка ишлари.*

**МАСКОВЧИ** с. т. тар. Революция-  
дан илгари Москва билан савдо ало-  
қасида бўлган йирик савдогар. *Нури  
еўё ўз-ўзига сўзлаган каби мингир-  
лади: — Бойликларингга ишонгим кел-  
майди. Номларинг масковчи бой бўлиб  
тарқалганига ҳайронман.* Ойбек, Қу-  
тлуғ қон.

**МАСКУН** [а]: рубъи маскун қ. рубъ.  
**МАСЛАҚ** [а] 1 Ҳақсизлик, ҳақсизлик  
билан бошқалардан ажралиб турув-  
чи ижтимоий, сийсий, илмий ёки ди-  
ний йўл, оқим.

2 кўчма Ғоя; мақсад. *Большевик  
халқ деб жонини ҳам аямайди, қийин-  
чиликлардан, машаққатлардан қўрқ-  
майди, маслагидан қайтмайди.* Ж. Ша-  
рипов, Хоразм.

**МАСЛАҚДОШ** [а+ф-т] Маслаги бир  
бўлган, бир маслакдаги; ҳаммаслак.  
*Жомбойдаги реакция гуруҳ Самар-  
қанддаги маслақдошлари билан дарҳол  
тил топди.* М. Ҳрипунжаев, Унутил-  
мас кунлар.

**МАСЛАҚСИЗ** 1 Муайян маслаги,  
ақидаси бўлмаган.

2 Муайян ғоя-мақсадни бўлмаган;  
мақсадсиз, ғоясиз. *Маслақсиз одам.*

**МАСЛАҲАТ** [а] 1 Бирор нима қан-  
дай қилиш ёки умуман нима қилиш  
кераклиги ҳақида билдирилган фикр,  
мулоҳаза; тавсия. *Яхши маслаҳат.  
Маслаҳат бермоқ (қилмоқ). Маслаҳат  
сўрамоқ (қилмоқ).*

2 кесим вазифасида Тўғри, маъқул.  
[Юсуфбек ҳожи Отабекка:] *Шуни ҳам  
айтиб қўяйки, бу тинчсизлик босил-  
магунча Тошкентга келмаслигинг ма-  
слаҳатдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кенгаш, фикр олишиш. *Маслаҳат  
билан бўлган иш бузилмас.* Мақол.  
*Маслаҳат оши этн. тўй ва бошқа ма-  
росимларни ўтказиш учун маслаҳатга  
чақирилган кишиларга бериладиган  
ош, зиёфат. Маслаҳатни бир ерга  
қўймоқ бир маслаҳатга келмоқ, ма-  
слаҳат қилиб келишиб олмоқ, бир  
фикрга келмоқ.*

**МАСЛАҲАТҒҲҲ** [а+ф-т] Масла-  
ҳат берувчи киши. *Энг етуги Назмихон  
опам Ингичка қош, бўта кўз бўйдор ..  
Маслаҳатгўй ғамхўр ва туйғун.* Ойбек,  
Қизлар. *Агитатор оддий сўхбатдош  
ёки хабарчи бўлиб қолмасдан, одам-  
ларнинг .. самимий маслаҳатгўйи бўл-  
моғи керак.* «С. Ўзбекистони», 1964,  
20 декабрь.

**МАСЛАҲАТЛАШМОҚ** Ҳазор ёки  
кимса билан маслаҳат қилмоқ; кен-

гашмоқ. *Ўқувчиларнинг қарийб ҳам-  
маси камбағалларнинг болалари бўл-  
гани учун, Ғуломжон ота-онаси билан  
маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ  
овқат қилдириб бериб турди.* М. Ис-  
моиллий, Фарғона т.о.

**МАСЛАҲАТЛИ** Маслаҳат, кенгаш  
билан қилинган, маслаҳатлашиб, кен-  
гашиб қилинган. *Маслаҳатли тўй бу-  
зилмас.* Мақол. *Маслаҳатли ош ачи-  
мас.* Мақол. *Маслаҳатли тўй тор кел-  
мас.* Мақол. | Маслаҳат билан би-  
тадиган, маслаҳатлашни зарур бўл-  
ган. *Қолхозда бирор маслаҳатли иш  
чиқиб қолгудай бўлса, раис энг олдин  
Шербекка одам югуртиради.* С. Анор-  
боев, Оқсой.

**МАСЛАҲАТЧИ** 1 Маслаҳат берувчи.  
*Чойхонада учраган маслаҳатчилардан  
бири жуда ғалати одам чиқди.* П. Тур-  
сун, Ўқитувчи.

2 Бирор идорада, муассасада ёки  
бирор лавозимли шахс ҳузурда мас-  
лаҳат, консультация бериш вазифа-  
сида ишловчи ходим. *Элчихона масла-  
ҳатчиси. Ҳарбий маслаҳатчи. Халқ  
маслаҳатчиси юр. халқ судларида кў-  
риладиган ишларда қатнашиш учун  
сайланган жамоат вакили. Ҳамма суд-  
ларда ишлар халқ маслаҳатчиларининг  
иштироки билан кўрилади.* [ЎзССР  
Конституцияси]. *Ҳозир у [Жўраҳон]  
«Женотдел», лекин ҳали қайсибир суд  
бўлимида хотин-қизлар ва оила иш-  
лари бўйича халқ маслаҳатчиси, жамоат  
қораловчиси бўлиб ишлайди.* А. Мух-  
тор, Опа-сингиллар.

**МАСНАВИЙ** [а] Жуфт қофияли байт-  
лардан иборат бўлган шеър формаси.

**МАСНАД** [а] эск. кт. 1 Юқорӣ мар-  
таба, ўрин, амал. *Нодон Анвар Ҳурда-  
дан қувланиш ерида сармуниийлик  
маснадга минмоқчи!* А. Қодирий,  
Меҳробдан чаён.

2 кўчма Таянч; асос. *Архимед  
«Менга маснад нуқтаси берингиз, ўз  
маневалам билан ерни кўтараман» де-  
ган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАСОҒА** [а] Икки нарса, икки нуқ-  
та оралиғи, бир ердан иккинчи ергача  
бўлган оралиқ. *Шаҳарлар орасидаги  
масоға. — Ҳурдагача бир ярим чақи-  
рим чамаси йўл бўлиб, Султонали бу  
масоғани йн беш дақиқа ичида босди.*  
А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**МАСОҒА** [а] эск. кт. Ер, майдон.

**МАСРУР** [а] эск. кт. Шод, севинган.

*Хоразм эли темир йўл бирла масрур.  
Ҳабибий. Уйи уйимизга қарама-қар-  
ши, Қўшимиз балқонига масрур бо-  
қаман.* Ҳ. Пўлат.

**МАССА** [р<лат] 1 физ. Механика-  
нинг энг муҳим физикавий хоссала-  
ридан бири, материяга хос вазмин-  
ликни, инерцияни характерлайдиган  
миқдор.

2 махс. Яхлит ёки бўтқасимон жисм  
ёки модда. *Қоғоз массаси. Муз массаси.*

**МАССАЖ** [р<фр] Даволаш, оғриқни  
ёзиш ва ш. к. мақсадда аъзонинг би-  
рор ерини уқалаш, силаш, ишқаш.  
*Массаж қилмоқ.*

**МАССИВ** [р<фр] 1 Тоғлик ерлар-  
нинг баланд жойларидаги текис ях-  
лит қисмлари.

2 Географик хусусиятлари ўхшаш,  
манзараси бир хил бўлган яхлит жой.  
*Сув массивлари. Ҳромон массивлари. Тоғ  
массивлари.*

3 Турар жой бинолари қуриш учун  
ажратилган ва шундай бинолар қу-  
рилган ер. *Тошкент шаҳрининг Чи-  
лонзор массиви.*

**МАСТ** [ф-т] 1 Ичкилик ёки наша,  
қорадори ва ш. к. таъсирида кайф  
қилган, кайфи бор. *Маст одам. Бир  
мастга тегма, бир жиннига.* Мақол.

— *Тантубойаачча анчагина маст бў-  
либ, оғзида келганини вадирашга бош-  
лади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Жинс жиҳатидан уйғонган; ку-  
йиккан. *Девсифат киши .. маст бўл-  
ган тундай оғиз кўптириб келар эди.*  
М. Исмоиллий, Фарғона т.о.

3 кўчма Қаттиқ таъсириланб, завқ-  
ланиб кайф қилган, наъбага чўм-  
ган. *Йигит иштифта қараб ётганича  
ширин орзуларга маст бўлди.* И. Ра-  
ҳим, Чин муҳаббат. | салб. Мағрур-  
ланиб ўзини йўқотган, босар-тусари-  
ни билмай қолган. *Ютуқларга маст  
бўлмоқ.*

◆ **Маст уйку қ. уйку 1.**  
**МАСТАВА** [ф-т] Ҳуруч, гўшт ва  
сабзавотлардан пиширилдиган суяқ  
ош (одатда қатиқлаб ичилади).

**МАСТАК I** [ф-т] Ғалла экинлари  
орасида ўсадиган дони захарли ёввойи  
ўт.

**МАСТАК II** [ф-т] Какликнинг мо-  
даси. *Сувонжоннинг қўлида қафас ..  
Ичида тилпирчилаётган нарса мастак  
каклик.* С. Анорбоев, Оқсой.

**МАСТ-АЛАСТ** Ҳазини биямас дара-  
жада маст, қаттиқ маст. *Бир ғал Ма-  
дамин райондан маст-аласт ва авзойи  
бузуқ бир ҳолда ярим тунда қайтади.*  
П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАСТЕР** [р<нем] 1 Корхоналарда  
цеҳ, смена, участка ва ш. к.га маъму-  
рий ёки техник жиҳатдан бошчилик  
қилувчи киши; уста, устакор. *Цех  
мастери. Смена мастери. Мастер ёр-  
дамчиси. Мастер бўлиб ишламоқ.*

2 Белгилли ютуқларга эришган  
спортчи ва шахматчиларга бериладиган  
унвон ва шу унвонга эга бўлган ки-  
ши. *Спорт мастери.*

**МАСТЕРОВОЙ** [р] тар. Революция-  
дан олдинги рус ҳунарманд ишчиси.  
*Ҳокимнинг боғида икки мастеровой  
битта мишрабни ўлдириб кетибди.*  
А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Қора-  
той:] *Агар ўрис мастеровойлари шу  
фикрда бўлса, биз ҳам шунга қўши-  
ламиз.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАСТЕРСКОЙ** [р мастерская] Ки-  
чик ишлаб чиқариш ёки ремонт кор-  
хонаси; устахона. [Петров] *икки йил  
илгари Тошкентга келиб, темир йўл  
мастерскойларида ишлай бошлади.*  
Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАСТОН I** [ф-т] 1 Мастона, хумор.  
*Ё энгарман, ёки кетар бу жоним,*



Боқмаса ҳам майли кўзи мастоним.  
«Кўшиқлар».

2 Мастон (*хотин-қизлар исми*).  
МАСТОН II [ф-т] фольк. Айёр, жодугар (хотинлар ҳақида). *Хабардор бўл. Ширвиннинг кўп мастони, Мастонлардан хабардор бўл, Равшанжон! «Равшан».*

МАСТОНА [ф-т] *поэт*. 1 рвш Мастларча, мастлар каби. *Бир шива билан жонон девона қилиб кетди, Ақлимни сочиб ҳарён мастона қилиб кетди. Ҳамза.*

2 сфт Ақлни оладиган даражада гўзал, чиройли, хумор. *Мастона кўзлар.*

МАСТУРА [а] 1 Ифбатли, соф, покиза, маъсума.

2 Мастура (*хотин-қизлар исми*).

МАСХАРА [а] Мазах, эрмак, кулги. *Қайначли келин — қарқара келин, қайнасанис келин — масхара келин. Мақол. — Йўлчи буларга масхара бўлмаслик учун стаканни қўлига олди-да, икки қултумда бўшатди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳамишира ишини битираеч, Дубовнинг мўйловини масхара қилиб, ҳазиллашиб жўнади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

МАСХАРАБОЗ [а+ф-т] 1 Томошахоналарда, сайилларда ва умуман халқ кўп тўпланган жойларда томошабинларни кулдирадиган, ўйинлар кўрсатувчи қизиқчи, артист. *Цирк масхарабози. — Бошқа бир жойда масхарабоз қизиқчилар ўйин кўрсатмоқдалар. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 айн. найрангбоз.  
МАСХАРАБОЗЛИК 1 масхарабоз 1 с. касб. *оти. Дор остида қизиқчилар масхарабозлик қилмоқда.*

2 айн. найрангбозлик. *Бир неча минутдан кейин Ғуломжон мингбоши олдида турар, бу масхарабозликка ҳали-ҳали тушунолмай тазанг бўлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

МАСХАРАЛАМОҚ Масхара, мазах қилмоқ, кулмоқ. *Кечаси подшо афандини масхаралаш учун унинг отининг настки жағини кесиб қўйди. «Лати-фалар».*

МАСХАРАЛАНМОҚ масхараламақ *фл. мажх. н. У [Элмурод] хўжайинлар томонидан масхараданганини эсдан чиқармас эди. П. Турсув, Ҳқитувчи.*

МАСХАРАЛИ Масхара ифодалайдиган; истехзоли. *Афгон чойфурушининг бундай масхараги пичингалари ярим соатдан бери давом этарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

МАСХАРАОМИЗ [а+ф-т] Масхара аралаш, масхара билан, истехзоли. *Масхараомиз кулги. || — Ҳа, қайқа бормоқчисиз яна? — деди Тожибой масхараомиз. П. Турсув, Ҳқитувчи.*

МАСХУР [а] *кп. кам қўлл.* Масхара қилинган, масхара бўлган, хўрланган. *Сиздек хоин дажжоллардан масхур халқ қутулурми! Ҳамза.*

МАСШТАБ [р<нем] Жойнинг, нарсанинг ҳақиқий ўлчами билан унинг картадаги, пландаги, чизмадаги кичрай-

тирилган ёки катталаштирилган ўлчами ўртасидаги нисбат. *Масштаб 1 : 10. Кичрайтирувчи масштаб. Масштаб линейкаси.*

МАСЪУД [а] 1 *кп.* Бахтли, саодатли. *Эсини танигандан бошлаб онаси билан кечираан замонлар масъуд, лекин қайтарилмас бир туш каби Йўлчининг кўз олдидан бир-бир ўтади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Масъуд (*эркаклар исми*).  
МАСЪУЛ [а] 1 Масъулият юклатилган, ўз зиммасидаги вазифа учун жавобгар. *Масъул ходим. Масъул муҳаррир. — Йўғинда шахардан махсус белгилашиб чиққан масъул ишчилар, қишлоқ комсомоллари .. шитирок қилдилар. А. Қодирий, Обид кетмон.*

2 Масъулияти бор, масъулиятли. *Билмаски, кўп масъул хизмат инсонлик. Яхшилик қилмаслик ўзи ёмонлик. Шайхзода.*

МАСЪУЛИЯТ [а] Бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жавобгарлик. *Масъулият юклатмоқ. Масъулиятни ўз устига олмақ. Масъулият сезмоқ. Масъулиятга тортмоқ.*

МАСЪУЛИЯТЛИ Масъулияти бор, масъулият талаб қиладиган; жавобгарли. *Масъулиятли вазифа. Масъулиятли пайт.*

МАСЪУЛИЯТСИЗ 1 Масъулияти йўқ, масъулият талаб қилмайдиган. *Масъулиятсиз иш.*

2 Масъулиятни, жавобгарликни сезмайдиган, ишга масъулият билан қарамайдиган; бепарво. *Масъулиятсиз киши. Масъулиятсиз бўлмақ.*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК 1 масъулиятсиз с. белги *оти.*

2 Ишга масъулиятсиз қараши; бепарводлик.

МАСЪУЛЛИК 1 масъу с. белги *оти.*

2 айн. масъулият.  
МАТА с. т. Мато, газлама. *Ил мата.*

МАТАЛ [а] 1 Тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз (мас., «қизил қор ёққанда», «туянинг думи ерга текқанда»).

2 Қисса, масал. *Кулмуроднинг маталдек бўлиб эшитилаётган дара-аламжи ҳикояси остида Шоқир қачонлар уйқу дарёсида фарқ бўлган эди. Айний, Қуллар.*

МАТАШМОҚ Бир бйрига ўралашиб, боғланиб қолмоқ.

МАТАШТИРМОҚ *маташмоқ фл. орт. н.*

МАТБАА [а] *эск. айн. босмахона. Тошкент матбааси. Матбаа хатоси.*

МАТБААЧИ *эск.* 1 Босмахона ходими, ишчиси; босмахонада ишловчи киши.

2 Босмахона эгаси.  
МАТБААЧИЛИК 1 матбаачи с. касб *оти.*

2 Босмахона, матбаа ишн.

МАТБУОТ [а] 1 Саноятнинг босма асарлар чиқарадиган тармоғи, нашриёт ва босмахона ишлари.

2 Босма асарлар; газета, журнал, китоб ва ш. к. мажмуи. *Чет эл матбуоти. Совет матбуоти. — Матбуот мамлакат янги даврга, муттасил зўр курашлар даврига киргани тўғрисида ёзаётинти. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.* Вақтли матбуот қ. вақтли. Матбуот бюроси 1) сезд, конференция, кенгаш, халқаро музокара ва ш. к. вақтида матбуотга материал, хабар бериб туриш учун тузилган муҳаррирлар ва муҳбирлар ҳайъати; 2) матбуот, телеграф, информация агентликлари ва бошқа ташкилотлар қошидаги матбуотни тайёр мақола, хабар ва бошқа материаллар билан таъминлаб турувчи доимий бўлим. Матбуот конференцияси давлат, илм-фан, маданият арбобларининг бирор ахборот бериш мақсадида вақтли матбуот ходимлари билан учрашуви.

МАТЕМАТИК [р] Математика олимни, мутахассиси.

МАТЕМАТИК [р математический] Математикага оид, математика қондаларига асосланган. *Математик формула.*

МАТЕМАТИКА [р<грек] Объектив борлиқдаги миқдорий нисбат ва фазовий шакллари ўрганиладиган фан. *Олий математика. Амалий математика. Математика муаллими.*

МАТЕРИАЛ [р<лат] 1 Бирор мақсад учун керакли хомашё, модала. *Курилиш материаллари. — У томонларда тегирмон чархининг хом материал бўлган сада кўп ва арзон эди. Айний, Эсдалиқлар.*

2 Асос ёки далил вазифасини ўтайдиган маълумот, манба ва ш. к. *Илмий иш учун материал тўплатмоқ.*

3 Газлама, мато. *Қостюмбоп материал. Шимлик материал.*

МАТЕРИАЛИЗМ [р<лат] 1 филос. Идеализмга қарама-қарши ўлароқ руҳ, онг ва тафаккурга нисбатан материянинг, табиатнинг ва умуман объектив воқеликнинг бирламчилигини, объектив воқеликнинг киши онги ва тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини, шунингдек объектив борлиқ ва унинг қонуниятларини билиш мумкинлигини тан олувчи илмий-фалсафий йўналиш. *Материализм ва идеализм. Материализм тарихи.* Диалектик материализм марксизм-ленинизмнинг табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганиш ва талқин қилишда материалистик методга ва изчил материалистик дунёқараш принципларига таянувчи фалсафий асоси. *Тарихий материализм жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги марксча-ленинча фан.*

2 с. т. Борлиққа, ҳаётга фақат моддий нуқтан назардан ёндошиш; ўзининг моддий манфаатини кўзлаб иш тутуши.

МАТЕРИАЛИСТ [р] 1 филос. Материализм тарафдори, материализм йўлидан борувчи киши.

2 с. т. Ҳаётга фақат ўзининг мод-

дий манфаати нуқта назаридан ёндошувчи киши.

**МАТЕРИАЛИСТИК** [р материалистический] Материализмга оид, материализм принципларига асосланган. *Материалистик фалсафа. Материалистик дунёқароши.*

**МАТЕРИК** [р] Ер юзини ташкил этган қуруқликнинг океан ва денгизлар билан ўралган қатта бўлақларидан ҳар бири; қитъа, континент.

**МАТЕРИЯ** [р<лат] 1 филос. Киши онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайдиган объектив борлиқ. *Материя фалсафий категориядир. Материя бирламчи, онг иккиламчидир.*

2 айн. модда. *Материянинг тузилиши.*

3 с. т. Газлама, мато, материал. *Йўл-йўл материя.*

**МАТИН** диал. Метин.

**МАТКАТАК** диал. Чўпонларнинг тошдан қурилган қулбаси.

**МАТЛА** [а матлағ, 3-ш. бирл. матлаи] 1 ад. Ҳазал, қасиданинг биринчи байти, биринчи икки мисраи, бошланмаси.

2 эск. кт. Осмон ёритқичларининг чиқиш ўрни, чиқиши.

**МАТЛАБ** [а] 1 Талаб этилган, исталган нарса; мақсад. *Қимки бир матлаб била тутса ани бешубҳа, ул истамиш орзуға ошно қилди қалам. Ҳамза. Еру ҳовли асли бойнинг матлаби.* Эргаш шоир.

2 Матлаб (эркақлар исми).

матлаи қ. матла.

**МАТЛҮБ** [а] кт. Талабга мос бўлган, исталган, кўнгилдаги, зарур. *Қитобнинг кенг тарқалиши ҳар жиҳатдан жуда ҳам матлубдир.* В. И. Ленин, А. Богданов китобига рецензия.

**МАТЛҮБОТ** [а]: матлубот кооперацияси аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун тузилган кооперация.

**МАТЛҮБОТЧИ** Матлубот кооперациясида ишловчи киши.

**МАТН** [а] эск. кт. айн. текст.

**МАТО** [а матоғ, 3-ш. бирл. матои] 1 Газлама, материал, материя. *Пахта-ипдан тўқилган мато.*

2 Мол, буюм.— *Е қудратингдан, ишонмайди-я! — деди Туробжон [хотинига] келтирган матоини титқилаб,— мана чайнаб кўр!* А. Қаҳҳор, Анор. *Ўтмас мато кераксиз, эҳтиёжи бўлмаган нарса.*

матои қ. мато.

**МАТОНАТ** [а] кт. Қаттиқ бардош, сабот, чидам. *Жанларда матонат кўрсатмоқ. Матонат билан курашмоқ.*

**МАТОНАТЛИ** кт. Матонатга эга бўлган; саботли, чидамли. *Матонатли совет халқи. Матонатли жанчилар.*

**МАТОҲ** [а] с. т. Мол, мато, буюм.

**МАТРАП** [а] Бедана, каптар каби паррандаларни ушлаш учун узун таёқ учига тўр халтали чамбарак ўрнатилган асбоб.— *Бир тарафи ҳайтлашиб ҳам келаман-ку, деган ният билан*

*ёнига тозисини ҳам қарчиғайини олиб, матрап кўтариб уч-тўрт кун далага чиқиб кетди, ..— деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**МАТРАС** [р<а] 1 Ичига пахта, жун ва ш. к. солинган қалин тўшак. 2 Қаравот ёки диваннинг иржипали ўриндиғи.

**МАТРИАРХАЛ** [р матриархальный] Матриархатга, оналик даврига оид. *Матриархал муносабатлар.*

**МАТРИАРХАТ** [р<лат+грек] Уруғчилик жамиятининг оилада ва жамиятда она бошчилик қилган, қардошлиқда она асос ҳисобланган ибтидоий формаси; оналик даври.

**МАТРИЦА** [р<лат] 1 тех. Штамплаб ёки зарб билан металл буюм ясаш, босмаҳона харфларини қуйиш ва ш. к.да ишлатилган ўйма металл қолип. *Линотип матрицаси. Монотип матрицаси.*

2 полигр. Терилган харфларнинг акси бўлган ва босма қолиб қўйиб олиш учун белгиланган картон форма. *Китобни матрицадан босиш.*

**МАТРОС** [р<голл] Ҳарбий денгиз флотига оддий аскар; гражданденгиз флотига кема командасининг аъзоси.

**МАТРОСКА** [р] Матросларнинг кенг қайтарма ёқали махсус устки кўйлагига. | Хотинлар ёки болаларнинг шу хилда тикилган кўйлагига.

**МАТЧ** [р<ингл] Шаҳмат ёки спортнинг бирор тури бўйича икки рақиб ёки икки команда ўртасидаги мусобақа. *Футбол матчи. Дунё биринчилиги учун шахмат матчи.*

**МАУЗЕР** [р<нем] Автомат тўп-пончанинг бир тури.

**МАФҚУРА** [а] Муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий қарашлари системаси; идеология. *Пролетариат мафқураси. Буржуа мафқураси.*

**МАФҚУРАВИЙ** [а] Мафқурага, идеологияга оид; бирор идеологияни ифодаловчи, унга хизмат қилувчи; идеологик. *Мафқуравий кураш.*

**МАФТУН** [а] Бировга ёки бирор нарсага ишқи тушиб эс-хушини йўқотган, юракдан берилган; шайдо. *Мафтун бўлмоқ. Мафтун қилмоқ.* — *Гулнор бутун юраги билан Йўлчиға мафтун.* Ойбек, Кутлуг қов. «Шабдалар саройи» ўзининг нақидорлиги, чиройлилиги билан бизни ўзига мафтун этди. 3. Акрамов, Хиндистон лавҳалари.

**МАФТУНКОР** [а+ф-т] Қишини мафун қиладиган, шайдо қиладиган, ёқимли. Унинг шином овози *ёғ «Кўчабоғи» учун, «Кўчабоғининг мафтунқолари оҳанги эса Ғуломжон учун яратилгандай янгар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАФҲУМ** [а] эск. кт. 1 айн. тушунча. *Ваъда, сўз деган мафҳумларнинг қиммати борми? Ойбек, Навоий.* 2 Маъно, мазмун. Унинг «Э, бор!» деганидаги юз ва тан ҳаракати «Кел қаршимда тиз чўк!» мафҳумидаги чек-

*сиз маъноларни ифода қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАҲДУМ** [а] тар. Уламо ва руҳонийлар унвони ва шу унвонга эга бўлган киши. *Солиҳ маҳдум.* — «Хўп, нон олдираман» дейишга ҳам маҳдумнинг мажоли қолмаган ҳолда бошини қўйиб солиб, жавобсиз ташқарида жўнади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**МАХЗАН** [а] кт. айн. хазина. *Хикмату фан маҳзани бўлдинг жасорат кўрсатиб, лекин ул золимлар ичра лаҳза роҳат кўрмадинг.* Ҳабибий.

**МАХЗУМ** с. т. Маҳдум.

**МАХИЗМ** [р<нем] Фалсафа ва назарий физикада 19 аср охирида пайдо бўлган субъектив-идеалистик реакцион оқим. *Идеализмнинг бир хил бўлган махизм объектив жиҳатдан реакциянинг қуролидир, реакциянинг йўл кўрсатувчиси дур.* Ленин, Биздаги тугатувчилар.

**МАХИЗТ** [р] Махизм йўлидан борувчи, махизм тарафдори.

**МАХЛУҚ** [а] 1 Инсон ва бутун жониворларнинг, тирик мавжудотнинг умумий номи. [Абдуҷамил бой:] *Ўлдирган бўлсангиз садқайи сар, .. ит деган махлуқ топилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 *Кўчма* Ўшсовсиз, хунук ёки ахлоқсиз киши ҳақида. *Бу йигит сариқ танли, уккиннинг кўзидек чаққайиб ўйнаб ва ёниб турган қизил кўзли, юзи парчинлангандек юза (пучуқ) бурунли, манглайи қанча ёсиб чиққан бўлса, юзи ўшанча ичкарига кетган, қисқаси вақтсиз яратилиб қолган бир махлуқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фуод афанди танфурушлар гунаҳтаси бўлиб, қора умрини қора ишлар билан ўтказган қабиҳ бир махлуқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | сўк. Нокас, хайвон.

**МАХЛУҚОТ** [а] Махлуқлар, жониворлар.

**МАХМУР** [а] эск. кт. 1 Маст, кайф қилган, кайфи бор.

2 *Кўчма* Сузук, хумор. *Даслатбахш махмур кўзларини.. бир нуқтага тиккан ҳолда сайраб кетди.* Ойбек, Навоий.

**МАХОВИҚ** [р] тех. Ўз салмоғи билан валнинг бир текисда айланишини таъмин этувчи ғилдирак.

**МАХОРКА** [р] Тамаки ўсимлигининг дағал барги ва новдаларидан тайёрланган паст навли чекимлик.

**МАХРАЖ** [а] 1 мат. Оддий касрда бутуннинг нечага бўлинганлигини кўрсатувчи, каср чизиги остига ёзилган рақам. *Касрларни умумий махражга келтириш.*

2 эск. грам. Артикуляция ўрни. «Б»нинг махражи.

**МАХСАР** [а] Уруғидан мой, гулидан бўёқ олинадиган тўпгулли бир йиллик ўсимлик.

**МАХСИМЧА** с. т. Қилиқлари, юриш-туриши хотинларга ўхшаган эркак; хотинчалиш. *Менине қўл остимдаги йиғитлар орасига иш кўрмаган, махсимча бир йиғит аралашиб қолди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**МАХСУМ** с. т. Махдум.

◆ **Атала махсум қ. атала.**

**МАХСУС** [а] 1 Бирор иш ёки нарсасига хос бўлган, бирор иш ёки мақсад учун белгиланган. *Махсус кўрсатма. Махсус топшириқ. Махсус комиссия.* — *Бўзагар Отабекни .. оддий бўзахўрлар ёнига ўтказмай, ўзининг махсус хўжрасига олиб кирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Атайлаб, алоҳида мақсад билан қилинган. *Мунисхон, албатта, бу гапларни махсус Саидийни хурсанд қилиш учун эткизмайди.* А. Қаххор, Сароб.

3 Бирор ихтисосга мансуб бўлган, ихтисослаштирилган. *Махсус ўқув юртлари.* | Бирор ихтисос билан боғлиқ бўлган; тегишли. *Махсус лўғатлар.*

**МАХСУСЛАШМОҚ** кам қўлл. Бирор кимса, соҳа, мақсад ва ш. к.га хос бўлиб қолмоқ; ихтисослашмоқ.

**МАХСУСЛАШТИРИЛМОҚ** махсуслаштирмоқ фл. мажх. н. Махсуслаштирилган доимий шпакчилик бригадалари.

**МАХСУСЛАШТИРМОҚ** махсуслашмоқ фл. орт. н.

**МАХФИЙ** [а] Ўзгага, бегонага билдирилмайдиган, бошқалардан сир тиладиган; хуфийа, яширин. *Махфий хат. Махфий учрашу. Махфий сир. Махфий ташиқлот.* || *Махфий иш олиб бормоқ.* — *Меҳмонхонада учта қора соя мукка тушиб, ариқ устида махфий режа туза бошладилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**МАХЧИ** айн. махист.

**МАХЧИЛИК** айн. махизм.

**МАЧИТ** с. т. Масжид.

**МАЧТА** [р<нем] 1 Кеманинг елкан осииш, кузатиш, сигнал бериш учун хизмат қиладиган металл ёки ёғоч устуни, дори.

2 тех. Электр симларини осииш, сигнализация, антенналар ўрнатиш ва ш. к. мақсад учун қурилган баланд минорасимон қурилма.

**МАЧЧОЙИ** [ф-т] Тожикистоннинг Матчо райони аҳолисига мансуб киши.

◆ **Маччойи сайил** с. т. бекорчиликдан у ёқ-бу ёқни айланиб кезиб юриш.

**МАШАК** Ботқоқликларда, тўқайларда яшайдиган, оёқлари ва тумшуғи зузун қуш.

**МАШАЛА** с. т. Машъал.

**МАШАҚҚАТ** [а] Қаттиқ қийинчилик, оғирчилик, заҳмат. *Машаққатларни енемоқ. Машаққат тортмоқ. Машаққат чекмоқ. Машаққат кўрмоқ. Машаққатга солмоқ. Тикансиз гул бўлмак, машаққатсиз — хунар.* Мақол. — *Етти яшарлигидан бери бошидан ўтган фалокатлар, машақ-*

*қатлар уни [Некқадамни] қаритган эди.* Айний, Куллар.

**МАШАҚҚАТЛАНМОҚ** кам. қўлл. Машаққат кўрмоқ, машаққат чекмоқ, қийналмоқ. *Эшикнинг қулф ва занжири бўлмағи юзига ёпиқ ҳолда турган бўлса ҳам, у [йиғит] эшикка тақилмади, машаққатланиб деворга минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАШАҚҚАТЛАНТИРМОҚ** машаққатланмоқ фл. орт. н.

**МАШАҚҚАТЛИ** Машаққати бўлган, оғир, қийин, сермашаққат. *Машаққатли ҳаёт. Машаққатли меҳнат. Машаққатли йўл.* — *Ҳарбий машқ ва таълимнинг барча машаққатли шйригидан ўттиши, янги касб, кутилмаган жанг ҳаракатлари уни албатта ўзгартириб юборган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**МАШВАРАТ** [а] эск. кт. Кенгаш, маслаҳатлашиш.

**МАШЙНА** [р<фр] 1 Энергиянинг бир турини бошқа турдаги энергияга айлантирувчи ёки фойдала иш бажарувчи механизм ёки механизмлар мажмуи. *Буғ машинаси. Тикув машинаси. Қишлоқ хўжалик машиналари. Қир ювадиган машина.*

2 с. т. Автомобиль, автомашина. *Енгил машина. Юк машинаси.* — *Станцияга олиб борадиган бу йўл серкатнов! Арава, машинадан кўпи йўқ.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

**МАШИНАЛАШМОҚ** Машина билан таъмин этилмоқ, машина асосига қурилмоқ. *Машиналашган саноат. Машиналашган дивизия.*

**МАШИНАЛАШТИРИЛМОҚ** машиналаштирмоқ фл. мажх. н. Машиналаштирилган йирик қишлоқ хўжалиги.

**МАШИНАЛАШТИРИЛМОҚ** машиналашмоқ фл. орт. н. Қишлоқ хўжалигини машиналаштирмоқ.

**МАШИНАСОЗ** [р+ф-т] Машинасозлик саноатининг ходими, ишчиси, машинасозлик саноатининг мутахассиси. *Машиналарнинг конструкциясини яхшилаш машинасозларнинг музим вазифасидир.*

**МАШИНАСОЗЛИК** Машиналар ва машина асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш. *Машинасозлик саноати. Машинасозлик корхоналари.*

**МАШИНАЧИ** Тикув машинасида кийим-кечак тикувчи уста, чевар. *Бу кўйлакни машиначидан келтирган кунни кийганда Қосимжон «Жуда ярашди, фасони ҳам ўзига мос бўлипти» деган эди.* Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йиғит.

**МАШИНАЧИЛИК** машиначи с. касб. *оти. Машиначилик қилмоқ. Машиначиликни ўрганмоқ.*

**МАШИНАШУНОС** [р+ф-т] Машинашунослик мутахассиси.

**МАШИНАШУНОСЛИК** Машина ва механизмлар тавсифи ва назарияси.

**МАШИНИСТ** [р] Локомотивни бошқариб, поезд ҳайдовчи киши. *Паровоз машинисти.* | Қран ва ш. к. машинани бошқарувчи киши. *Кран машинисти.*

**МАШИНИСТКА** [р] Ёзув машинкасида ишловчи аёл. *Машинистка олам Ҳожар, қўл бармоғи ййнаб чопар. Гўзал жажжи машинкаси — худди рояль кичкинаси.* К. Муҳаммадий.

**МАШЙНКА** [р] Хар бирнга харф ёзилган тугмачаларини бармоқ билан уриб хат ёзадиган мослама. *Ғарбий фронт ҳарбий Совети Номидан оқ қоғозга машинкада ёзилган хатни Чернецов овозини чиқариб ўқиди.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

**МАШКОБ** диал. Мешкоб.

**МАШМАША** Келишмовчилик ёки англашилмовчилик орқасида юзага келган жанжал-сурон, можаро, ғавро, тўполон. *Замира чимирилганича турар, кампир эса қизалоқлар ўртасидаги машмашани англамай саросимада эди.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

**МАШОЙИХ** с. т. Ҳикматли сўзларни айтиб ўтган улуғ ота-боболар. *Ахир қиш қишлығыни қилмаса ер тўғармиди, ер тўғармаса — эл тўғармас.* Қаранг машойихлар қандай топиб айтганлар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Эри минг яхши бўласин, барибир кундош кундошлигини қила беради.* Машойихлар билмасдан кундош демаганлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАШОҚ** Бугдойни ўриб-йиғиб олгандан кейин ерга тўкилиб қолган бошоқлар. *Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир.* Мақол. — [Йўлчи:] *Мен ёшлиқдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАШОҚЧИ** Машоқ терувчи.

**МАШРИҚ** [а] эск. кт. Шарқ, кун чиқиш. *Ҳар тонг кўзим машриқда, Кун балқиди сен ёқдан.* Т. Тўла.

**МАШРУ** [а] эск. кт. Шарнат қонунлари йўл қўядиган, шаръий. *У [Мукулмонкул] уламо орқали ўз зулмини машру бир тусга кўйган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАШШОҚ** [а] Халқ чолғу асбобларида музика чалувчи созанда. *Барот полон «додхоҳ келибди шекилли» деб самовар томонга қараган эди, дутор, танбур, ғижжак, най, доира кўтариб келадиган машшоқларга кўзи тушди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАШЪАЛ** [а] 1 Учига латта ёки бирор бошқа ёнувчи нарса ўралган, ёритиш ёки ўт ёқни ишлатиладиган таёқ. *Машъал ёқмоқ. Машъал кўтариб олмоқ.* — *Ҳокимнинг одамлари машъалларни ёндириб, қўрғоннинг ичини ва теварганини ёруғлантириб, бир қисмлари қўрғонга бостириб кирдилар.* Айний, Эсдаликлар.

2 *кўчма* Йўл кўрсатиб турадиган, намуна бўлган нарса; маёқ. *Социализм машъали, Совет Тошкент!* Шайхзода. | Меҳнатда, ишлаб чиқаришда ўрнатилган илғор одам, хўжалик ва ш. к. *Машъаллар тажрибаси мўл ҳосил олишда намуна бўлиб хизмат қила олади.* «С. Ўзбекистони», 1967, 20 июнь. || *Машъал бригадалар* ғўзани

парварии қилишни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. «Қ. Ўзбекистон», 1963, 8 август.

**МАШЪАЛА** [а] с. т. Ёқилган машъал. Аёллар машъала кўтариб, чилдирма чалиб, ғуж бўлиб келар эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАШЪУМ** [а] кт. Бахтсизлик, фалокат келтирувчи, бахтсизликдан дарак берувчи; шум; кўнгилсиз, нохуш. Машъум хабар. Машъум воқеа. ■ Булутлар орасидан душман самолётларининг таниш ва машъум садоси эшитилди. Ойбек, Қўёш қораймас.

**МАШҚ** I [а] Ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун қилинадиган иш, тайёргарлик машғулот. Ҳарбий машқ. Машқ қилмоқ, ■ Сидиқжон кўкрагини сандалга бериб хат машқ қилар, Қанизак унинг рўпарасида китоб ўқиб ўтирар эди. А. Қаххор, Қўшчинор.— Иш ёмон,— деди келган милиционер,— кўпи машқ кўрмаган, ҳали милтиқ отишни билмайдиган милиционерлар қўлидан нима келар эди. Айний, Қуллар. | Малака ошириш машғулоти учун белгиланган вазифа. Имло машқлари тўплами.

◆ Машқини олмоқ яхши малака ҳосил қилмоқ, ҳавосини олмоқ, обдан эгалламоқ.

**МАШҚ** II [а] I Чолғу куйи ва унинг ижроси. Созандалар узоқ машқдан кейин танлафус қилдилар ва чолғуларини қўйиб чой ича бошладилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Созандалар бир жуфт машқ чалгандан кейин, қўлларига лиқочча олиб «Пахтакорлар, ҳормангиз!» дея катта ашула бошладилар. И. Раҳим, Ихлос.

2 кўча Кишининг кайфияти, шахди, Ҳожиматнинг сал машқ пастроқ эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**МАШҒУЛ** [а] Бирор иш билан банд бўлган, шуғулланаётган, ишли. У ўз иши билан машғул. ■ [Йўлчи] .. савовар қўйиш, ўтин ёриш билан машғул бўлди. Ойбек, Қутлуг қон. [Кудрат] чолларни дастурхон билан машғул қилиб қўйиб, ўзи дўкон орқасидан ошқовоқнинг палласига ўқишган бир нарса олиб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАШҒУЛОТ** [а] I Иш, юмуш, касб. Мен бу ерда отам ва онамнинг машғулотлари .. тўғрисида бир оз гапириб ўтишни лозим биламан. Айний, Эсдаликлар.

2 Ўқим, ўрганиш, дарс. Навбатдаги машғулот. Амалий машғулот. Машғулот ўтказмоқ. ■ Эртаси кун Рамазон қори келиб, ўз синфида машғулот бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАШХУР** [а] Шухрат қозонган, донғи кетган, ном чиқарган; атоқли, таниқли, танилган. Машхур олим. Машхур механизматор. ■ Кампир паранжини бошига олиб, Нурини машхур «қўнғироқ» фолбинга сургади. Ойбек, Қутлуг қон. Ўзбек олим .. чала думбул табиатли бир хотин бўлса

ҳам, .. эриза ўтқирлиги билан машхур эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАЪБАД** [а] эск. кт. айн. ибодатхона.

**МАЪБУДА** [а] Аёл образида тасаввур қилинган худо. Афродита — муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси.

**МАЪВО** [а] эск. кт. Турар жой, бошпана; манзил. Меҳнаткаш азиз элни кутиб боғу маъво, Гулдас-та тутиб, манзили маъво безанибдир. Ҳабибий.

**МАЪДАН** [а] эск. I айн. минерал I, II. Нодир маъданлар. || Маъдан сув. Маъдан ўғитлар.

2 айн. металл. Жило берар маъданга зўр уста токар. Ғайратий.

3 айн. руда. Бир олим тоғ қазиб маъданлар излар, Биринчиласим очиб, ердан топар кон. С. Абдулла.

**МАЪДАНЧИ** эск. айн. қончи.

**МАЪЖУН** [а] эск. Турли зирворларга афюн қўшиб тайёрланган қувват дорн. Табиб: «бу кофар иссиқ дори, буни бир ривоятда маъжун, яна бир ривоятда чордори деб атайдилар» деди. Н. Мақсудий, Юксалиш.

**МАЪЗИРАТ** [а] эск. кт. Узр, кечирим. Маъзират сўрамоқ.

**МАЪЗУЛ** [а] эск. кт. Амалидан, вазифасидан четлатилган. [Қози:] .. Маъзул қозикалон Бурхониддин, ҳам муллалар вакили домўлла Қутбиддин ва домўлла Холмуроддан хат олдим. Айний, Қуллар.

**МАЪЗУР** [а] Узрли, кечирса бўладиган. Маъзур санамоқ. Маъзур кўрмоқ. ■ Мақтубни иситма орасида ёзганингизга тамоман қаноат ҳосил қилдим. Шунинг учун сизни айблашга ҳаққим йўқ, сиз маъзурсиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МАЪЛУМ** [а] I Ҳамама ёки тегишли кишилар билладиган, ошкор, аён. Маълум нарса. Маълум жой. Маълум қилмоқ. Ҳар қутидан етмиш саккиз килодан пилла чиқса бўладими. Сатторқул дарров району маълум қилипти. А. Қаххор, Қўшчинор. | Фанда ўрганилган, кашф этилган, очилган. Маълум ҳодиса.

2 мат. Олдиндан берилган, мавжуд. Маълум сонларни номаълумлардан ажраттиш.

3 Белгили, ўлчовли. Орадан маълум муддат ўтиб дарвозанинг сўнақайсиз тақдирлашидан [Ҳасанали] чўчиб уйғонди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Машхур, ном чиқарган. Маълум одам.

5 2-ш. ф-да маълумингиз I) камина, каминангиз. [Отабек:] Маълумингиз кечалари бўш бўлман, шунинг билан бирга отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар ижобат этишдан ўза чорам бўлмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) сизга маълумки. Маълумингиз, кеча маълис бўлган эди.

**МАЪЛУМКИ** [а+ф-т] кири с. Ҳамамага маълум нарса устида сўз борганда ишлатилади. Бизга маълумки, ...

**МАЪЛУМОТ** [а] I Ўқиш-ўрганиш натижасида олинган билим; билим даражаси. Бошланғич маълумот. Ўрта маълумот. Олий маълумот. Сўбсий маълумот. ■ «Агар Совет ҳукумати менга маълумот бермаса, мен ким бўлар эдим?!» деган фикр унинг [Элмуроднинг] миёсида такрорланди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бирор соҳага оид бўлган билим. Қиз ўн олти ёшгача бу оиллада музика муаллими бўлган камбағал амакиннинг тарбиясида ўсади, ибтидоий таҳсил кўради, музикадан ҳам бироз маълумот олади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Хабар, ахборот. Ўз аҳволи ҳақида маълумот бермоқ. | Далия бўладиган хужжат, рақам ва ш. к. материаллар. Кечкурун қишлоққа терговчи келди. Дастлаб Мели полвонни чақириб маълумот олди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАЪЛУМОТЛИ** Маълумот олган, маълумоти бор; ўқинишли. Маълумотли одам. Ўрта маълумотли бола. Олий маълумотли педагог.

**МАЪЛУМОТНОМА** [а+ф-т] Бирор соҳа ёки масала бўйича маълумот берадиган китоб, қўлланма.

**МАЪЛУМОТСИЗ** Маълумоти, билими йўқ; ўқимаган, билимсиз.

**МАЪМУР** I [а] I Бошқариш ва ижро ҳуқуқига эга бўлган мансабдор, бошлиқ. Чор маъмурлари ■ Маҳаллий маъмурлар унга [муфтига] Маъхаддан чиқиб кетишча руссатнома беришдан бош тортди. А. Ҳақимов, Илон низдан.

2 Маъмур (эркаклар исми).

**МАЪМУР** II [а] Обод ва фаровон, беками-кўст; тўқин. Юртимиз маъмур. ■ [Навоий:] Қишлоқ аҳлларига ариқлар чиқариб, халқни суға маъмур қилмоқчи бўлганимизни айтдим. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**МАЪМУРИЙ** [а] I Маъмуриятга доир, бошқариш ва ижро билан шуғулланадиган. Маъмурий бўлим. Маъмурий иш. Маъмурий ҳуқуқ.

2 Маъмурият йўли билан амалга ошириладиган. Маъмурий чора.

**МАЪМУРИЯТ** [а] Муассаса, ташкилот, корхона ва ш. к.нинг бошқармаси. Завод маъмурияти.

**МАЪМУРИЯТЧИЛИК** Маъмурий ҳуқуқларни сунистеъмом қилиш, қуруқ бўйрўқбозлик.

**МАЪМУРЛИК** I маъмур I с. мавз. от.

**МАЪМУРЛИК** II маъмур II с. белги оти.

**МАЪМУРЧИЛИК** Мўл-қўлчилик, тўқинчилик, фаровонлик, маъмурлик.

**МАЪНАВИЙ** [а] I Кишининг ички, руҳий ҳаётига оид. Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам. ■ Ёши совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағча-қўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. ахлоқий Кишининг маънавий қиёфаси.

**МАЪНАН** [а] рвш 1 Маънавий жиҳатдан, руҳан. Унинг [Юсуфбек ҳожининг] ҳар бир рағбига Нормуҳаммад қушбеги қонунан мажбур бўлмасан-да, маънанан бир мажбурият ҳис этар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Маънан ва жисман эзилган .. Анвар .. гўё ҳушсиз каби бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашиди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Маъно жиҳатдан, маъносига кўра. Маънан бир хил сўзлар.

**МАЪНИ** [а] с. т. 1 Маъно.— Гап-сўзда ҳам бир маъно бўлиши керак,— деди Гулшан. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Ақл, эс-хуш.— Соли ака, сизга қачон маъни қиради? — жаҳл билан деди Ёрмат. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЪНО** [а] Сўз билан ифодаланган тушунча. Сўзнинг тўғри маъноси. Сўзнинг кўчма маъноси. | Иш-харакат, гап, мактуб, асар ва ш. к. замиридаги мазмун. Гапнинг маъноси. Хатнинг маъноси. Фильмнинг маъноси.

— Бу сўзсизлик маъносига Ўзбек ойим тушунча олмаган эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Самандаров ер остидан Сафаровга қаради. Сафаров бу қарашнинг маъносига дарров тушунди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Моҳият; аҳамият. Самандаров заҳарханда қилди .. Бу қанақа мусобақа бўлди? Мусобақанинг маъносини биласанми ўзинг? А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Соҳибой ўзи айтади гапларига ўсал бўлиб, ортиқча ўтиришининг маъноси йўқлигини билди ўрнидан турди. Ж. Шарипов, Хоразм.

◆ Бундан маъно чиқмайди бундан фойда, натижа чиқмайди. Маъно бермоқ тушунмоқ, талқин қилмоқ. Маъно чиқармоқ худосага келмоқ, натижа чиқармоқ.

**МАЪНОДОР** [а+ф-т] айн. маъноли. Унинг [Тоҳиржоннинг] катталашган қора кўзлари чироқда аллақандай умидсиз, лекин маънодор ёнади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЪНОДОШ** [а+ф-т] Маъноси бир, маъно жиҳатидан тенг ёки яқин; синонимик. Маънодош сўзлар.

**МАЪНОЛИ** 1 Маъноси бўлган, бирор маъно билдирадиган. Маъноли гап. Чуқур маъноли ибора. Кўп маъноли сўз.

2 Чуқур мазмунга эга бўлган, сермазмун. Қисқа маъноли асар.

3 Бирор маъно ифодалайдиган, бирор нарсага ишора қилувчи, шамали. Маъноли нигоҳ. || Ҳакимбойвачча лабини тишлаб, укасига маъноли қараб қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Мантиқи бўлган, мантиқли, бамаъни. Маъноли таклиф.

4 Ақл-идроқ, мулоҳаза билан иш қиладиган, жиддий, бамаъни. Маъноли одам.

**МАЪНОСИЗ** Маъноси йўқ, маъно чиқмайдиган; бемаъни. Маъносиз гап. | Мантиқи, маъноси йўқ, беҳуда. Маъносиз иш. — Йўлчи қаёққа

бош уришини, кимнинг ёқасидан тутишини билмай, .. тенгиб юрди ... Энди унинг хаёлида ҳамма нарса бўлиб ва маъносиз эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАЪНОСИЗЛИК** маъносиз с. белги оти. Бу эътиборсизлик гапнинг маъносизлигидан эмас, бу ердаги бир паршион хотирликдан эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАЪРАКА** [а] 1 дин. Мотам маросимларининг йиғиндиси ва ҳар бири. Гулсумбиби .. қизининг бутун маъракасини ўтказгандан кейин, қабрга ҳайдасалар ҳам дадил боришга тайёрлигини сўзлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Тўй, томоша ва ш. к. муносабати билан бўладиган йиғин, маросим. — Дастурхон йиғиштирилди .. оқ тангалар қора пулдан ажратилди. Тилаларни бўлса маъраканинг ўзида маъдоҳ ўз чўнтагига солган эди. Айний, Қуллар.

3 Жанг майдони; жанг. Маърака — мардонки. Мақол.

4 Кўчма Сиёсий ёки хўжалиқ аҳамиятига эга бўлган бирор ишни амалга ошириш учун ўтказиладиган ялпи ҳаракат; кампания. Терим маъракаси бошланган кунлардан оқ Олимжон оғизга тушиб қолди. Ҳ. Назир, Қанотлар.

**МАЪРАМОҚ** «Ма-а» деган овоз чиқармоқ (моёллар ҳақида). Кўй маъради. — Подачининг товушини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб қанқаб бузоқ ҳам маъраб юборди. А. Қодирий, Утган кунлар.

◆ Еб туриб маърайди тўла-тўқис таъминлангани ҳолда нолувчи одам ҳақида.

**МАЪРАШМОҚ** маърамоқ фл. бирг. н.

**МАЪРИФАТ** [а] 1 Кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия; маориф. Маърифат яхши нарса, Матқовул ака, у одамни кўзинингича очиб қолмай, бахтини ҳам очади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Маърифат (хотин-қизлар исми).

**МАЪРИФАТПАРВАР** [а+ф-т] Маърифат учун курашувчи; маърифат ҳомийси ва тарафдори. Маърифатпарвар шоирлар. Француз маърифатпарварлари. Рус маърифатпарварлари.

**МАЪРИФАТЧИ** Маърифат учун курашувчи, маърифатпарвар одам.

**МАЪРУЗА** [а] эск. айн. доклад. Қамбағаллар билан ўрталарнинг қўша муомиласида Рафиқов кенга маъруза қилади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**МАЪРУЗАЧИ** эск. айн. докладчи. Музокарачи зўғилларнинг ер ислоҳотидаги вазифалари ҳақида маърузачи томонидан эслатилмаган масалалар тўғрисида сўзлаб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАЪРУФ** [а] 1 эск. кт. Таниқли, машҳур. Маълум ва маъруф одамлар.

2 Маъруф (эркаклар исми).  
◆ Амри маъруф қ. амр II.

**МАЪСУМ** [а] 1 кт. Бегуноҳ, пок, тоза.— Тақдир, сиз менинг мактабимни бузмадингиз, бу ерга одам бўларми-канман, илм оларми-канман, деб инсоний ният билан келган маъсумларнинг кўнглини буздингиз,— деди Гуломжон. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Номусли, ифбатли. Уша кечада шундай пок ва маъсум кўринган бу қиз бунчалик беҳад бўлиб чиқишини, унинг энг азият тўғрисидаги шунчалик ҳақорат қилишини ўйлаганимиди? О. Ёқубов, Тилла узук.

3 Маъсум (эркаклар исми).

**МАЪСУМА** [а] 1 Маъсум аёл. Ўқиб бер ўзинг каби мазлумаларга. Қўчаларда соғрилган маъсумаларга. Ғайратий.

2 Маъсума (хотин-қизлар исми).  
**МАЪСУМОНА** [а+ф-т] рвш Маъсумларча, поклик билан, пок. Маъсумона табассум қилмоқ.

**МАЪТАЛ** [а] Қутиб қараб қолган, мунтазир. Маътал бўлмоқ. Маътал қилмоқ. — Сафаров .. Самандаров ҳануз жаёвбога маътал турганини кўриб: — Колхозчиларнинг ўзларидан яхшироқ маслаҳат чиқади,— деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МАЪШУҚ** [а] кт. Икки севишганнинг бири; севиқли ёр, севиқли. Парво қилма ўлиб кетди аждаҳор, Қелиб маъшуқини топгандир Шакар. — Ширин билан Шакар.

**МАЪШУҚА** [а] Маъшуқ аёл. [Отабек:] Ой юзли рафиқам, қундуз қоғли маъшуқани Кўмушхонимга! А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЪЮБ** [а] эск. кт. айн айбдор.

**МАЪЮБ** [а] кт. Умидсизланган, ноумид; тушқун. [Отабек:] Бу ерда сўзимни эшитувчи биров ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам, «сенинг арзингани шу хонлар ижро қиладими?» деб, мени маъюб қилдилар. А. Қодирий, Утган кунлар. Қиз умид билан кўтарган бошчасини яна ёстиққа қўйди. Нон илинжида чакнаган йирик кўзлари маъюб юмилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ғамгин, хафанамо. Маъюб қараш. — У [Шарофат] .. бир ёлкаси билан деворга суяниб, оёқларини осилтириб, маъюб бир қиёфада ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || Катта-кичик ёш-қари эркак-аёллар оқими кўнглидан йиғлар, уларнинг кўз ёшларини маъюб эзилган бошлари ифода қилар эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**МАЪЮСЛАНМОҚ** Маъюс бўлмоқ, маъюсликка тушмоқ.— Кечқурун далада олисдан ўт кўрсам, овулим эсимга тушади,— маъюсланиб деди Уроз. Ойбек, Қутлуғ қон. Қизлар нимани ўйлайдилар ва нима тўғрисида маъюсланадилар, бу эса қизларнинг бизга нимаълум ички сирларидир. А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЪЮСЛАНТИРМОҚ** маъюсланиш фл. орт. н.

**МАЪЮСЛИК** маъюс с. белги оти. Отабек Зайнабнинг юзидаги маъюсликни биринчи кўришдаёқ сезди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЪЮСОНА** [a+ф-т] рвш Маъюс бўлиб, маъюслик билан, ғамгин. *Бир оз жим қолдилар .. Офтоб ойим энтикиб оғир нафас олди ва маъюсона Қумишга қаради.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЪҚУЛ** [a] 1 Қабул қилса бўладиган, маъбул: *Маъқул иш. Маъқул гап. Маъқул фикр. Маъқул бўлмоқ (келмоқ, тушмоқ).* — Мирзакаримбойнинг насихати Йўлчиға сира маъқул тушмади. Ойбек, Қутлуг қон. | Тузук, яхши. *Маъқул кўрмоқ (топмоқ, .. деб билмоқ).* — [Отабек:] *Агар мен сизнинг талабингизни маъқул қиладиган бўлсам, айниқса қизингизнинг кўнглига шубҳа келадир.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Абдурахмон каби кишиларнинг табиатига тушуниш, албатта, қийин ва тушунмаган маъқул.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Аҳмадим маъқул, мўминтой, соддадил бир йигит.* Ойбек, Нур қидириб. *Фазлидин .. ўз ичида хотиннинг сўзини маъқул кўрди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бу хат Худоёрнинг қўлига теккандан кейин хатда кўрсатилган тадбирни жуда маъқул топди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Маъқул қилмоқ** бировни маъбул деб топишга ундамоқ, мажбур этмоқ. [Муларрўзи:] .. *Агар шу шартимни бажо қилсангиз, .. бир хотин бор.* Дарров қози домлага маъқул қиламану оламан-бераман. Ҳамза, Майсаранинг иши. **Ўзиникини маъқул қилмоқ** ўз сўзини, фикрини тўғри деб ўтказишга ҳаракат қилмоқ, ўзиникини маъқулламоқ.

2 *кесим вазифасида* Майли, дуруст, хўп бўлади. [Отабек:] *Қутидор билан ишингизни тугатиб қайтишингизда унинг хатини берарсиз, тузукми?* [Уста Олим:] *Маъқул.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАЪҚУЛЛАМОҚ** Маъқул деб билмоқ, маъбул топмоқ; қувватлатмоқ. *Докладдан кейин қизгин музокара бошланиб кетди. Музокарага чиққан одамларнинг ҳаммаси правлениенинг тадбирларини маъқуллаб гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Гулсумбиби яширинча кўз қисиб, қизининг сўзини маъқуллади.* Ойбек, Қутлуг қон. **Ўзиникини маъқулламоқ** айн. **Ўзиникини маъқул қилмоқ** қ. **маъқул** 1.

**МАЪҚУЛЛАНМОҚ** маъқулламоқ фл. *мажҳ. н.* *Қарор маъқулланди. Иш маъқулланди.*

**МАЪҚУЛЛАТМОҚ** маъқулламоқ фл. *орт. н.* [Салимбойваччанинг хотини] .. *сўзини эрига маъқуллагани учун ғурурланиб, семиз, катта оёқларини дадил босиб, кўрғон томонга жўнади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МАЪҚУЛЛАШМОҚ** маъқулламоқ фл. *бирг. н.*

**МАЪҚУЛЛИК** маъқул 1, 3 с. *белги оти.*

**МАЯК** [р] айн. *маёқ.*

**МАЯТНИК** [р] 1 Юқори учи қўзғалмас нуқтага осиб қўйилган, паст-

ки учига оғир юк ўрнатилган тебранувчи стержень. *Фуко маятниги.*

2 *Қўл ва ён соатларининг юришини мунтазамлаштириб турувчи, ўз ўқи атрфидида гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга бир тартибда тебраниб турадиган деталь.*

**МАҚБАРА** [a] Қабр устига қурилган бино. *Исмоил Сомоний мақбараси. Шоҳи Зинда мақбараси.* — *Қушбеги ўтирадиган жойнинг шарқ томонида бир мақбара бўлиб, унда кечалар чироқ ёқилади.* Айний, Дохунда.

**МАҚБУЛ** [a] кт. Қабул қилса, маъқулласа бўладиган, маъқул келадиган; маъқул. *Мақбул гап. Мақбул асар. Мақбул бўлмоқ.*

**МАҚОЛ** [a] Ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гап. *Ўзбек халқ мақоллари.* — *Маҳдум .. Анварнинг бирор камбағал билан «зилишиб» ўтирганини кўрса, .. «сут билан кирган, жон билан чиқар» мақоли кўп тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАҚОЛА** [a] Тўплам, журнал, газета ва ш. к. учун ёзилган ёки уларда босилган, ҳажми унча катта бўлмаган илмий ёки публицистик асар. *Газетанинг бош мақоласи. Мақола ёзмоқ.* — *Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани яримлатмасдан кўзи сузилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Ўғат мақоласи** ўғатларда ҳар бир сўзнинг тавсифига оид тугал материал.

**МАҚОЛАНАВИС** [a+ф-т] эск. айн. журналист.

**МАҚОМ** 1 [a] 1 Мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби. *Саидий ўлтирган ерида машқ мақомига тебранар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ашула ниҳоятга етди. Лекин бир зумдан кейин, яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 «Шашмақом» деб аталган олти қисмдан иборат ўзбек классик музика асарининг ҳар бир қисми. *Наво мақоми. Мақомлардан парчалар.* — *Шерозийнинг қўларида соз, гуркирайди мақом куйлари.* Э. Раҳим.

3 Тартиб, ўлчов. *Узун сариқ капирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соати узиб-узиб данғиллай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ўйинда усулга, ритмга мос қўл, оёқ, бадан ва юз ҳаракати; муқом. *Шўх йиғитлар йўлчининг мақомига қийқириқ билан жавоб берардилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

5 *кўчма с. т.* Хатти-ҳаракат, усул; йўл. *Уста кўрмаган шоғирд Ҳар мақомга йўрғалар.* Мақол. — *Носирхон тўра жуда мунофиқ .. ивгогар одам экан. Бизга қариши курашмоқ учун ўзини ҳар мақомга солди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**МАҚОМ** II [a] кт. 1 *Ўрин, жой. 2 кам қўлл. Мартаба, мавқе. Олий мақомга эришмоқ.* — *Бу учинчи оилага кўчишда Анварни энг хурсанд қилган нарса мақтабдаги болаларнинг озор беришларидан қутулиши ва домланинг асранди ўғли мақомини олиши бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МАҚОМЧИ** «Шашмақом»ни биладиган, мақом куйларини ижро этадиган созанда, хонанда. *Мақомчилар ансамбли.*

**МАҚСАД** [a] 1 Эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса; мурод, муддао. *Мақсадимиз жаҳонда коммунизм қуришидир. Ўқиниш ўз олдига мақсад қилиб қўймоқ. Мақсадга етмоқ. Мақсадга эришмоқ.* — *Холжонбеканинг шаҳарга тушишидан мақсади Шерназарбойни бир кўриши эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 3-ш. эгалик, ў.-п. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **мақсадида**).

**МАҚСАДИДА** *кўм. вазифасида* Учун, ниятида. [Ҳасанали] *Отабек билан бирга чой ичиш мақсадида, эрталаб Ойбодоқнинг дамлаган чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини кутиб юрди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАҚСУД** [a] 1 Мақсад, мурод. *Бунда келмоғликдан яна бир мақсудимиз шулким, .. жаноблари ижозат буюрсалар, Вали аканинг ўғлини олиб кетсам.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мақсуд (эркаклар исми).

**МАҚТАЛМОҚ** мақтамоқ фл. *мажҳ. н.*

**МАҚТАМОҚ** Яхши томонларини, фазилатларини кўрсатиб гапирмоқ, яхши қилиб кўрсатмоқ. *Ўзини мақтамоқ. Ўқувчини мақтамоқ.* — [Офтоб ойим] *сўради: — Чиройли йиғит, ақли йиғит деб мақтай-мақтай Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди? А. Қодирий, Утган кунлар. Нонвойлар .. гоҳида саватларини бурнингизнинг таъига келтириб нонларини сўлақиллатиб мақтайдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАҚТАНАРЛИ** Мақтанса арзийдиган, мақтовга сазовор, лойиқ. *Мақтанарли ишлар. Мақтанарли натижалар.*

**МАҚТАНМОҚ** мақтамоқ фл. *мажҳ. ва ўзл. н.* [Тожибой] *районда ва бошқа раислар олдига «Мақтаб қураётиман» деб мақтанди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МАҚТАНЧОҚ** Ўзини ўзи мақтайдиган, мақтаншини яхши кўрадиган. *Мақтанчоқ одам.*

**МАҚТАРЛИ** Мақтаса арзийдиган, мақтовга сазовор, лойиқ. *Ховлининг кун чиқаридан кун ботишга қаратиб солинан, унча мақтарли бўлмаса ҳам, замонасининг олдинчи биналаридан ҳисобланган бир айвон билан бир уйга кўз тушади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МАҚТАШМОҚ** мақтамоқ фл. *бирг. н.*



**МАҚТОВ** Мақтаб айтилган ёки ёзилган сўз, гап. Мақтовга сазовор бўлмоқ. Мақтовни оширмоқ. — Раиснинг охири яқинловчи сўзи ҳам .. мақтовдан нари ўтмади. С. Анорбоев, Оқсой. Мақтов қоғоз ўртак бўларли ишлари, ютуқлари, хулқи учун бериладиган расмий хужжат.

**МАҚТОВЛИ** Мақтовга сазовор бўлган, мақталган. Мақтовли йигит. — Қизини мақтовли кўвга бериб, кўйлагига сўймай юрган Офтоб ойим учун кўвигина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вортага [ғирдобга] тушмоғи чидай оларлик бир ҳол эмас эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МАҚТУЛ** [а] эск. кт. Қатл этилган, ўлдирилган. || Мақтулларнинг эгалари ҳеч ишни текширмай қўйдилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МАҚТУЛА** [а] эск. кт. Қатл этилган (аёл ҳақида).

**МАҒЗАВА** 1 Кир ювилган совунли сув. [Муллаўрзи Майсарага:] Эй, худо демай йгури! Худо дейишининг ҳам жойи бор-да! бўлсан-чи! Мағзава тўқадиган жой ҳам йўқми? Бўл! Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 *кўчма салб.* Эзма ва шалвираган, ланж одам ҳақида.

**МАҒИЗ** I [ф-т] (3-ш. бирл. мағзи) 1 Данак, ёнғоқ каби қаттиқ пўчоқли меваларнинг ички қисми. Данак мағзи. Писта мағзи. Ёнғоқ мағзи.

2 Бирор нарсанing ички қисми. Миришкорлик билан таралган сув ерининг мағиз-мағзига сингиб, ғўза тупларининг ҳусни-жамолини очиб юборди. А. Шермухамедов, Пискентлик паҳлавон.

3 *кўчма* Асосий моҳият, мазмун. Масаланинг мағзи. Гапнинг мағзи. Шоир ижодининг мағзи. Мағзини чақмоқ моҳиятини, мазмунини англаб етмоқ. [Мирзакаримбой:] Ер олган кўкаради, ер сотган қурийдди. Мана бу гапнинг мағзини чақ, жиян! Ойбек, Қутлуғ қон.

♦ Сарик мағиз бугдой бугдойнинг тоза сарғиш рангли бир тури. Ҳаром мағиз с. т. орқа мия.

**МАҒИЗ** II (3-ш. бирл. мағзи) Кийим, кўрпа кабиларнинг четига икки қават қилиб тикилган, ранги шу нарсалардан бошқача бўлган тасма; адип, паровуз. Кўрпа мағзи. Икки ёнига қизил мағиз тупилган шим.

**МАҒЛУБ** [а] кт. Енгилган, мағлубиятга учраган. Мағлуб қилмоқ. Мағлуб бўлмоқ. — [Эллиқбоши:] Адолатли подшо ҳеч вақт мағлуб бўлмайдди. Адолат шундай зўр бир нарса. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАҒЛУБИЯТ** [а] Жангда, мусобақа, баҳс ва ш. к.да ютқазиш; енгилиш. Футбол командасининг мағлубияти. Мағлубиятга учрамоқ.

**МАҒОРА** эск. кт. Ғор; ғорлар. [Жамила:] Қетамиз! Мағорада яшасак ҳам ишқимни қўйлаб сизни аллай! Ҳамза, Бой ила тизматчи.

**МАҒРАМОҚ** с. т. Маърамоқ.

**МАҒРИБ** [а] эск. кт. Ғарб, кун ботар.

**МАҒРУР** [а] Кибр-ҳавоси баланд, кеккайган, ғурурли. Тожбой илгариги мағрур ва «ман-ман» Тожбой эмас, хўйлагина ҳовуридан тушган ва анча мулоимлашиб қолган эди. П. Турсун, Уқитувчи. Элмурод айниқса бугун ёғлини уйлантираётган отадек мағрур ва серташвиш эди. П. Турсун, Уқитувчи. || — Бу кунгача иккитасини жойлаштирдим, учинчисига ўтса, нима қилади? — деди Содиқ ва мағрур кулиб қўйди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МАҒРУРЛАНМОҚ** Мағрур бўлмоқ, ғурурланмоқ. Ютуқлар билан мағрурланмоқ. — Қимдир отган ўқининг қирувчи самолётга текжани билан мағрурланади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**МАҒРУРЛАНТИРМОҚ** мағрурланмоқ *фл. орт. н.*

**МАҒРУРЛИК** мағрур с. белги оти. Мирохўр очилиб, мағрурлик билан .. куюк мўйловини гоҳ ўннга, гоҳ чапга бураб қадам ташларди. Ш. Тошматов, Эрк қушн.

**МАҒРУРОНА** [а+ф-т] *рвш* Мағрурлик билан, ғурур билан, ғурурланиб. — Мен .. — деди Шокир мағрурона бир оҳанг билан, — «хурриятдан кейин Эроннинг қандай обод бўлганини газеталардан ўқиб, билиб айтмастирман. Айний, Қуллар.

**МАҲАЛ** I [а] I Пайт, вақт. Тонг маҳали. Чопиқ маҳали. Тушлик маҳали. — [Ойимхон:] Эртага ўқиш маҳалида қўлингиз тесса, бир келиб хабар олин. П. Турсун, Уқитувчи. Шу йўсин икки шўр пешана узоқ маҳалгача бир-бирдан айрилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Марта, бор (пайт эътибори билан). Ҳар кун икки маҳал овқатланмоқ. Уч маҳал дори ичмоқ.

**МАҲАЛ** II [а] Чекка, атроф жой (марказга нисбатан). Маҳаллардан келган вакиллр. Маҳаллардан олинган хабарлар.

**МАҲАЛКОМ**, маҳаллий комитет [а+р] *айн. местком.*

**МАҲАЛЛА** [а] Шаҳарнинг бир неча кўчини ўз ичига олган бир бўлаги ва унинг ахолиси. Тошкентнинг Янгиобод маҳалласи. Маҳалла комиссияси. Маҳалла активи. Маҳаллага ош бермоқ. — Кўмир тўла хумни кўтариб, Бухоронинг серқатнов тор раста бозорларидан ўтши мумкин бўлмаганидан, биз хилватроқ бўлган маҳаллалар орқали бормоқчи бўлдик. Айний, Эсдалиқлар.

**МАҲАЛЛАЛИК** Бирор маҳаллада яшовчи киши. Шу маҳаллалик йигит. Бир маҳаллалик болалар.

**МАҲАЛЛАЧИЛИК** Маҳаллага хос тартиб, борди-келди муомалалари.

**МАҲАЛЛИЙ** [а] Маҳалларга, атроф-жойларга сид. Маҳаллий вақт. Маҳаллий саноат. — Элмурод ўйчан бир ҳолда ном қовшиб, чой ичар экан,

Ойимхон иқир-чиқир маҳаллий янгиликлар тўғрисида унга маълумот берди. П. Турсун, Уқитувчи. | Ерли. Маҳаллий халқ. Маҳаллий комитет.

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРМОҚ** Маҳаллий шароитда қўлламоқ, маҳаллий шароитга мослаштирмоқ. Экинчи маҳаллийлаштириш.

**МАҲАЛЛИЙЧИЛИК** Тор маҳаллий манфаатларининг кўзлаб иш тутиш. Жойларда маҳаллийчилик кўришиларига ҳали ҳам қатъий зарба берилган эмас. «К. Ўзбекистон», 1963, 28 июль.

**МАҲБУБ** [а] кт. Севимли киши; ёр. Ўз меҳнат меванг бу [пахта] — ёрдек маҳбубдир. Ғ. Ғуллом. [Хусайн Бойқаро:] Юрак дардларини фақат май ва маҳбубларгина юпатади. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**МАҲБУБА** [а] I кт. Маҳбуб аёл; маъшуқа. Йигит маҳбубасининг кезик қўлларидан тўтиб, ўзига тортирди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Маҳбуба (*хотин-қизлар исми*).

**МАҲБУС** [а] Зиндонга солинган, қямоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган киши. Орадан беш кунлар ўтди, маҳбуслар зиндон балосидан қўтила олмасанларидек, уларнинг қамалиши сирлари ҳам ҳеч кимга билинмади. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МАҲВ** [а]: маҳв бўлмоқ кт. йўқ бўлмоқ, битмоқ. Маҳв қилмоқ (ёки этмоқ) йўқ қилмоқ, битирмоқ, орадан кўтармоқ. Босмачилар бутунлай маҳв қилиниб, от ва қуроллари ўлжага олинди. Айний, Дохунда.

**МАҲВАШ** [ф-т] *поэт.* Жамоли ойга ўхшаш, ойдек ғўзал, ой жамол; маҳпора. Маҳваш жонон.

**МАҲДУД** [а] эск. кт. Чегара билан ўралган, чегараланган, чекланган; чегарали.

**МАҲЗУН** [а] эск. кт. Ҳазин, мунгли, ғамгин. Унинг [Солиқ аканинг] соч-соқоларида биронта қора қолмаган, дард эзган, маҳзун юзи сарғайган. Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ?

**МАҲКАМ** [а] I Тезда бузилмайдиган, синмайдиган; чидамли, мустаҳкам, пухта. Маҳкам иморат. | Тезда узилмайдиган; пишиқ, пухта, мустаҳкам. Маҳкам туғун. || Маҳкам боғламоқ. | Зич, жипс. || Маҳкам беркитмоқ.

2 *кўчма* Турғун, ўзгармас, саботли. Маҳкам ирода. — Ғулломжон фикрида, қарорида маҳкам эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 *кўчма* Пишиқ, эхтиёткор. Ўзига маҳкам одам.

4 *рвш* Зўр куч билан, қаттиқ. Қўлни маҳкам қисмоқ. Маҳкам ушламоқ.

5 Маҳкам (*эркаклар исми*).

**МАҲКАМА** [а] I тар. Хукм қилувчи, хукм чиқарувчи идора; суд. Ҳоким маҳкамаси. Полиция маҳкамаси. — Ҳамма мол ва мулкни билан қўтидор Отабекка кафил бўлди ва қушбегининг ҳақиқа дуо қилиб, учовлари маҳкамадан биргалишиб чиқдилар. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Умуман бошқарма, идора. Маҳалла фуқаролари у муттаҳамдан шикоятланиб, қозихона ва бошқа маҳкамаларга аризалар топширишларига қарамай, ҳар сайловдан Олимжон сип-силлиқ чиқади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАҲКАМАЧИЛИК** Уз маҳкамасининг, идора ёки ташкилотнинг мафратинигина кўзлаб иш тутиши.

**МАҲКАМЛАМОҚ** Маҳкам қилмоқ, мустаҳкамламоқ. Гулнор очилган тоқларни ишқомга кўтариб тол пўстлоғи билан маҳкамлаб боғлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАҲКАМЛАНМОҚ** маҳкамламоқ

фл. мажх. н.

**МАҲКАМЛАТМОҚ** маҳкамламоқ

фл. орт. н.

**МАҲКУМ** [а] 1 Бирор жазога ҳукм қилинган. Қиз кечгача болохонадаги қоронғи қазноқда тешикдан мўралаб, дор ёғочи остида жаллоднинг сиртмоқ солишини кутган маҳкумдай, тақдирга тан бериб, отасини кутди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. | Умуман бирор қисмат қутаётган, шундай қисматдан қочиб кутулолмайдиган.

2 Бировнинг амрида, ҳукмида бўлган, қарам, тобе. Менинча бу—мустамлаканинг метрополияга, маҳкум миллатининг ҳоким миллатга, маълумининг элимага қарши қўзғалиши. А. Қаҳҳор, Сароб.

**МАҲКУМЛИК** маҳкум 1 с. белги оти.

**МАҲЛИЁ** Хайрат ёки завқдан эс-хуши оғиб, анграйиб қолган. Низомжон унга [Дилдора] маҳлиё бўлиб, қимирламай жавоб кутарди. С. Аҳмад, Уфқ. Бу манзарага маҳлиё бўлган Кўзибой, камарига қистириғлик китобни олиб, олдига қўйди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**МАҲЛИҚО** [ф-т+а] Ой юзли, маҳваш, маҳпора, гўзал. Келгай эдинг, эй маҳлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб, Бир неча кундир келмадинг хайрона бўлдим соғиниб. Ҳамза.

**МАҲМАДОНА** [ф-т] 1 Ўзини биллагон ҳисоблаб, билар-билмас ҳар қандай гапга аралашаверадиган. Султаноғина тили бийрон маҳмадонларнинг адабини бериб, жойига ўтқизади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Ёшига нисбатан кўп гап билладиган; гапдон, қақилдоқ. Маҳмадона бола. — «Бу ҳам маҳмадона чиқади чоғи», деб ўйлади у. А. Мухтор, Туғлиш.

**МАҲМАДОНАЛИК** маҳмадона с. белги оти. Ермат .. қизининг бундай маҳмадоналигига газабланиб, қош-қовоғини солди. Ойбек, Қутлуғ қон.— Э, бор-е, маҳмадоналигингни ўз вақтанда қил! — деди Ражаб ака. П. Қодиров, Қадрим.

**МАҲБАТ** [а] кт. 1 Ҳайбат, салобат, улуғворлик. Зўр металл заводи барпо этилди. Маҳобат гурлади унинг сасида. Ҳ. Расул.

2 Ваҳима, ваҳм. Баъзи мулалар жинни тўранинг телба-тесқари сўз-

ларини илб олиб, маҳобат қилишганди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**МАҲБАТЛИ** кт. 1 Маҳобати, салобати бор; ҳайбатли, улуғвор. Аҳён-аҳёнда маҳобатли .. телалар ўрқачини бир-бирига ўсириб ётибди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

2 Ваҳимали, ваҳимага тушган. **МАҲОЛ** [ф-т<а] Амалга оширилиши мумкин бўлмаган; қийин, мушкул. Майсаранинг айтгани тўғри. Қиз иккови бир-бирини ўлеудай яхши кўргандан кейин айириш маҳол! Ҳамза, Майсаранинг иши.

◆ Амри маҳол қ. амр II. **МАҲОРАТ** [а] Бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат; моҳирлик. Ижодий маҳорат. Ёзувчилик маҳорати. Маҳорат орттирмоқ. Маҳорат кўрсатмоқ. Маҳоратга эришмоқ. — Унинг асосий касби дурадорлик бўлиб, бу ҳунарда маҳорати катта эди. Айний, Эсдаликлар.

**МАҲОРАТЛИ** Катта маҳоратга эга бўлган; моҳир, уста. Маҳоратли шоир. **МАҲПОРА** [ф-т] поэт. Ой юзли, ойдек гўзал; маҳваш.

**МАҲР** [а] тар. Ниқоҳ вақтида кувёв томонида келинга ажратиладиган донимий ва шахсий мулк. Маҳр бермоқ. — Уйимга нимага кирасан, уйим энанг маҳрига тушеганим? Ойбек, Қутлуғ қон.

**МАҲРАМ** [а] 1 тар. Бухоро ва Хева хонлигида: сарой амалдорларининг ёзишма ишларини бошқарган лавозимли киши ва унинг мансаби. Карвонбоши амир ҳақиқага узун дуо қилгандан кейин ёнини очиб маҳрамга йигирма танга хизматона .. берди. Айний, Қуллар.

2 эск. Ишончли хизматкор, чўри. 3 эск. Сирдон дўст, ҳамдам. Ҳасанали .. Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ бир меҳрибонликка эга бўлганликдан бек билан очиқ сўзлашши фикрига келди. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 дин. Эр ёки хотиннинг шарият бўйича бир-бирини кўриши мумкин бўлган, ammo ниқоҳ нораво бўлган яқин қариндоши; акси номаҳрам.

5 этн. айн. бачча. Аввал уни [Мамарайимни] муллаваччалар судради, кейин имонсиз мударрис ўзига маҳрам қилиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАҲРУМ** [а] Муяссар, бахраманд ёки эга бўлиш ёки фойдаланиш учун имкония, ҳуқуқи бўлмаган; бебаҳра, бенасиб. Маҳрум бўлмоқ. Маҳрум қилмоқ. Ҳуқуқдан маҳрум бўлмоқ. Яқин дўстидан маҳрум бўлмоқ. — Қудрат олдида ё Сибирини қабул қилиш-у, бир неча давр революцион ҳаракатдан маҳрум бўлиши, ёки ўзини четга олиб, хавф босилгунча яшириниб туриш масаласи кўндаланг бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАҲРУМЛИК** маҳрум с. маъх. от Биз синамаган йўллардан бориб, ки-

йинчиликлар ва маҳрумликларни енгиб, тарихан қисқа муддат ичида социализм куриб олдиқ. «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 218.

**МАҲСИЧАН** Узун кўнжли, пошнасиёз, таг чарми юмшоқ, кавуш ёки калиш билан кийиладиган миллий оёқ кийими. Амирқон маҳси. Заифона маҳси. Маҳсинини ечмоқ.

**МАҲСИДЎЗ** Маҳси тикувчи касиб. Афандини отаси маҳсидўзга шогирд берди. «Латифалар».

**МАҲСИЧАН** Фақат маҳси билан, маҳси устидан кавуш ёки калиш киймасдан. Тунқотар маҳсичан оёғини ерга босиб Султанолининг ёнига келди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**МАҲСУЛ** [а] 1 Иш, фаолият, меҳнат самараси, меваси. Ижодий меҳнатнинг маҳсули. | Ишлаб чиқарилган нарса, маҳсулот. Оғир саноат маҳсули.

2 Ҳосил, унум. Деҳқон осмонга қараб яхши ҳавога суюнади, ерга қараб мўл маҳсулидан суюнади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МАҲСУЛДОР** [а+ф-т] Кўп, яхши маҳсул берадиган; сермаҳсул, серунум. Маҳсулдор ер. Маҳсулдор қора моллар. Маҳсулдор меҳнат.

**МАҲСУЛЛИ** кам қўлл. айн. маҳсулдор.

**МАҲСУЛОТ** [а] Ишлаб чиқарилган нарса; маҳсул(лар). Яяпи маҳсулот. Чорвачилик маҳсулотлари. Саноат маҳсулоти. Химия маҳсулотлари. Нефть маҳсулотлари.

**МАҲТАЛ** с. т. Маътал, кутиб қолган, мунтазир, интизор. Маҳтал бўлмоқ.

**МАҲФИЛ** [а] эск. кт. Мажлис давраси, ўтириш, мажлис.

**МАҲШАР** [а] Диний эътиқодга кўра дунё тамом бўлгандан кейин бутун ўлган кишилар тирилиб, сўроққа тўп-ланиш куни; қиёмат. Маҳшар куни.

**МАҲШАРГОҲ** [а+ф-т] дин. Маҳшар содир бўладиган ер.

**МЕБЕЛЬ** [р<фр] Диван, стол, стул, шифоньер ва ш. к. уй жиҳозлари.

**МЕВА** [ф-т] 1 Баъзи дарахт ва буталарнинг ҳосили. Ёйишли мева. Ёб бўлмайдиган мева. Ҳўл мева. Қуруқ мева. Мева шарбати. — Маржон каби қизарган меваларни кўтарга алмай, турли томонга бош эккан жийда дарахтлари узоқдан кумуш каби оқариб кўринадилар. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 кўйма Самара, натижа, маҳсул. Илоҳи бўлгасан, болам баркамол. Умримнинг меваси — бир таза ниҳол. «Равшан». — Октябрь меваларини, — деди Турғенов, сўзида давом этиб, — тортиб олмоқчи, бизни яна зулм зиндонига ташламоқчи. И. Раҳим, Чин мухаббат.

3 Шакарпазлик маҳсулотлари, ширинлик. [Ҳакимбойвачча] ранг-баранг қимматбаҳо мевалар, қаймоққа қорилган нонлар билан тўла дастурхон ёзиб, аччиқ чойни қуя бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МЕВАДОР** [ф-т] айн. мевазор.

**МЕВАЗОР** [ф-т] Мевали дарахтлар билан банд жой; мевали боғ. *Урда дарвозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хийлагина бор эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МЕВАЛИ** Мева берадиган; мева қиладиган. *Мевали дарахтга тош тегади.* Мақол.

**МЕВАСИЗ** Меваси йўқ, мева бермайдиган, қилмайдиган. *Мевасиз дарахт.*

**МЕВАФУРУШ** [ф-т] Мева сотувчи киши.

**МЕВА-ЧЕВА** Ҳар хил мевалар, турли-туман ширинликлар. *Меҳмонлар учун мева-чева, қуюқ-суяқ тортилди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МЕВАЧИЛИК** 1 Қишлоқ хўжалигининг мева етиштириш билан шуғулланган тармон. *Мевачиликни ривожлантириши. Мевачилик совхозлари.*

2 Мева сотиш, мевафурушлик.

**МЕГАЖИН** [мўғ] Ўрғочи чўчка. ] сўж. Хотин-қизларга нисбатан ишлатиладиган қаттиқ ҳақорат сўзи. [Шарофат:] *Мен у ёқда итвачча боқиб ўтирибману, бу киши [Сидиқжон] бу ерда мегажинларнинг этагини ўпиб юридилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МЕДАЛЛИ** Медали бор, медалъ билан мукофотланган. *Медалли йежит.* Қўш медалли киши.

**МЕДАЛЪ** [р<фр] Алоҳида хизматлари ёки муваффақиятлари учун бериладиган, бирор тасвир ва ёзуви бўлган нишон. *«Жасурилик учун» медали. Мактабни олтин медалъ билан титирмоқ. Мусобақада бронза медалъ олмақ.* 1 Бирор тарихий воқеа ёки шахс ёдгорлиги учун тайёрланган шу хилдаги нишон. *Москванинг 800 йиллиги медали.*

**МЕДАЛЪОН** [р<фр] Ичига расм ёки бошқа нарса солинадиган одатда доира ёки эллипс шаклидаги, бўйинга тақиладиган безак буюми. *Нормат бинтни противогаз халтасининг устки чўнтасига солиб қўйди ва медалъонни кўриб, «Номайи аълолимнинг ҳаммаси шунда» деди-да, уни шимининг соат чўнтасига бекитди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

**МЕДИАНА** [р<лат] мат. Учбурчакнинг учидан қарши томоннинг ўртасига ўтказилган кесма.

**МЕДИАТОР** [р<лат] муз. Торлн музика асбобларини чалиш учун суяқ, целлулоид ва ш. к.дан қилинган бир учи ўткир юпқа пластинка; ноҳин.

**МЕДИКАМЕНТ** [р<лат] Даволаш учун қўлланиладиган дори-дармонлар.

**МЕДИЦИНА** [р<лат] Касалликлар, уларни даволаш ва олдини олиш ҳақидаги фанлар мажмуи. *Совет медицинаси. Медицина хизмати. Медицина ёрдами. Медицина пункти. Медицина халқираси.*

**МЕДПУНКТ** [р], медицина пункти Медицина хизматини адо этувчи пункт.

**МЕДСЕСТРА** [р], медицина хамшираси Ўрта ихтисосли медицина хизмат-

чиси бўлган аёл. *Набатдаги чопиққа одам кетишидан уч кун бурун кечки пайт иккита медсестра келиб алланимага қариш ҳаммага уқол қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МЕДУЗА** [р<грек] Сезувчи, қисувчи ва овқат қамраб оладиган чангали бор, дирилдоқ таъли денгиз жонивори (Юнон афсоналаридаги илон сочли хотин қиёфасидаги махлуқ номидан).

**МЕЗНА** [а] Масжиднинг авон айтиладиган жойи. *Афанди . . бир катта шаҳарга бориб қараса, сўфи мезнада икки қулгоғини ушлаб бақирмоқда.* «Латифалар».

**МЕЗБОН** [ф-т] Меҳмон кутувчи, зиёфат, тўй эгаси. [Абдураҳул:] *. . Қутилмаган меҳмон мезбоннинг иззати дейдилар, хўжал П. Турсун, Ўқитувчи.*

**МЕЗОЗОЙ** [р<грек] Ернинг геологик тарихида палеозой билан кайнозой эралари оралиғидаги давр. *Мезозой эраси.*

**МЕЗОН** [а] 1 эск. Тарози, ўлчов. *Мезон тошлари.*

2 қўйма Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза. *Меҳнат — киши қадр-қийматининг мезонидир.* — *Дарешали, . . ҳар шера бел боғлар экансиз, элнинг манфаат ва заруриятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг.* Ойбек, Навоий.

3 (М — катта) астр. Ҳн икки буржнинг бири, Савр ва Саратон буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

4 Шамсия йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи (22 сентябрь — 21 октябрь) даврига тўғри келади). *Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.* Мақол.

5 Баъзи ўсимликларнинг кузда ҳавода сузиб юрадиган ўргимчак уясига ўхшаш спора ташувчилари. *Қуз келди. Сувлар ариқда ойнадек тиниқ шилдиради, кўкда мезонлар суэди.* Ш. Фуломов, Ташаббус.

6 Узоқ чўзилган ёз, иссиқ куз.

**МЕЛИОРАТИВ** [р мелиоративный] Мелиорацияга оид. *Мелиоратив ишлар. Мелиоратив тадбирлар.*

**МЕЛИОРАЦИЯ** [р<лат] Ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилаб деҳқончиликка мослаш ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар системаси.

**МЕЛОДИК** [р мелодичный] Оҳангдор, шуоҳанг, ёқимли. *Мелодик овоз. Мелодик музика.*

**МЕЛОДИЯ** [р<грек] Куй, оҳанг. **МЕЛОДРАМА** [р<грек] Воқеаларни ниҳоятда бўрттириб таъсирчан қилиб тасвирлайдиган, насихатомуз драма жанри ва шу жанрдаги асар.

**МЕЛОДРАМАТИК** [р мелодраматический] Мелодрамага оид. *Мелодрама-тик асар.*

**МЕМБРАНА** [р<лат] физ., тех. Теб-раиға ҳаракат қила оладиган парда ёки юпқа пластинка. *Телефон мембрана-си.*

**МЕМОРАНДУМ** [р<лат] Халқ-

ро мувосабатларда бирор ҳукуматнинг дипломатик масалалар юзасидан ўз фикрини баён этиб ёзган номаси. *Совет ҳукуматининг меморандуми. Меморандум юбормоқ.*

**МЕМОРИАЛ** [р<мемориальный<лат] Бирор шахс ёки воқеа хотирасини нишонлаш ёки абадийлаштириш учун хизмат қилувчи. *Мемориал лавҳа. Мемориал қурилиши.*

**МЕМУАР** [р мемуары<фр] Ўтмиш ҳақида, эсдаликлар формасида ёзилган адабий асар. *Бобир мемуарлари.* || *Мемуар асар.*

**МЕН** (қ. к. менинг, т. к. мени) кш. олми 1-ш. бирл. Сўзловчининг ўзини билдиради. *Мен ва сен. Мен билан ким бораси? Менга сендан эзоалик. Мендан сенга насихат.*

◆ *Менга қара менинг гапимга қулоқ сол. Менга қолса менимча, менинг фикримча. Менга қолса, ишлаб туриб ўқиганинг яхши.*

**МЕНЗЎРКА** [р<лат] Суяқликларнинг ҳажмини аниқлаш учун ишлатилган, чизиқ билан бўлимларга бўлинган шаффоф идиш.

**МЕНИКИ** эгаллик олми 1-ш. бирл. *Менга тегишли, менга қарашли. Бу китоб меники.*

**МЕНИКИ-СЕНИКИ:** меники-сеники йўқ айн. сеники-меники йўқ қ. сеники-меники.

**МЕНИМЧА** кириш с. Менинг фикримча, ўйлашимча. *Самандаров лўкма ташлади: — Шу ерда ўтирганлар ҳам колхозчи! Менимча, булардан ҳеч бири бундай фикрда эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МЕНИНГИТ** [р<грек] мед. Мия қобиғининг яллиғланиши.

**МЕНИНГЧА** айн. менимча.

**МЕНМАН:** менман деган айн. манман деган қ. манман.

**МЕНМАНЛИК** айн. манманлик.

**МЕНСИМАСЛИК** Эътиборсизлик ва паст назар билан қараш, назарпи-санд қилмаслик. У [Луқмонча] яқинлашишга юрак қилолмай узоқроқ ўтириб қолди. *Сад бор буки менсимаслик деб билди шекилли, бирдан туриб эшикка отилди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**МЕНСИМОҚ** (фақат бўлишсиз ф-да) Эътиборсизлик ва паст назар билан қарамоқ. *Нега ҳеч кимни менсимайсиз? — Ҳокимлар олдида тилининг узун бўлаганига тўла ишонган эллиқбоши фуқарони сира менсимайди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МЕНТОЛ** [р<лат] Кучли яллиз хидига эга бўлган шаффоф кристалл модда (медицинада, атторлик ва қандолатпазликда ишлатилади).

**МЕНЬШЕВИЗМ** [р] Россия социал-демократик ишчилар партиясининг II съездида РСДРПнинг большевиклар ва меньшевикларга ажралиши натижасида юзага келган оппортунистик майда буржуа оқими, реформизмнинг бир кўриниши.

**МЕНЬШЕВИК** [р] Меньшевизм тарафдори, меньшевизм йўлидан борувчи

киши, антимарксистик, оппортунистик партия аъзоси.

**МЕНШЕВИСТИК** [р] меньшевистский) Меншевизмга доир; меншевикларга хос бўлган. *Меншевистик партия. Меншевистик қарашлар.*

**МЕНЮ** [р<фр] Ресторан, ошхона ва кафеларда бериладиган овқатлар рўйхати ёзилган қоғоз.

**МЕРГАН** [мўғ] 1 Ўқни беҳато урадиган, пойлоқчи. *Кўп отган билан мерган бўлмас, кўп айтган билан чечан бўлмас.* Мақол. — *Бир ўқ билан айни мудоага урадиган мерган, бу — Муродова.* И. Рахим, Ихлос.

2 Ўқчи аскар, жангчи. *Мерганлар ўн беш дақиқа арқасини узмай миллиққа ўт бериб турдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МЕРГАНЛИК** 1 мерган 1 с. белги оти.

2 мерган 2 с. маъ. от.

**МЕРГАНЧИЛИК** с. т. Мерганлик, пойлоқчилик.

**МЕРИДИАН** [р<лат] геогр. Ер шарининг қутблари орқали экваторни тўғри бурчак кесиб ўтган фаразий чизиқ.

◆ **Осмон меридиани астр.** кoinот қутблари ва зенит орқали ўтган фаразий чизиқ.

**МЕРИНОС** [р<исп] Қўйнинг нозик ва оқ юнгли бир зоти.

**МЕРКАНТИЛИЗМ** [р<итал] 15—18 асрларда савдо буржуазиясининг ижтимоий бойлик асоси, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда эмас, балки пул жамғариш ва четга кўпроқ мол чиқариб сотишда, деган иқтисодий таълимоти ва сиёсати.

**МЕРКАНТИЛИСТ** [р] Меркантилизмга эргашувчи.

**МЕРКҮРИЙ** [р<лат] (М — катта) Қуёш системасидаги тўққизта катта планеталардан бири, Қуёшга энг яқини.

**МЕРОВ** Хушёр, зийрак бўлмаган; ангров, анқов. *Меров одам.* — *Унинг [Федоринке] хаёллараст, меров, девонасифат одам эканлиги афтидан ва қилигидан билиниб турар эди.* М. Осим, Элчилар.

**МЕРОС** [а] 1 Марҳумдан ворисларга қолган мулк. *Отадан қолган мерос.* — *Хотинимга тегадиган меросдан мани қуруқ қилишга уринишди, улар. Лекин бўйи келмайман.* Ойбек, Қутлуг қон. | Аждодлардан авлодларга қолиб келаётган нарса, ўтмиш қолдиги. *Чигир Хоразм деҳқонларига асрлардан мерос қолган, неча юз йилларнинг касофатидир.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий, маданий бойлик. *Адабий мерос. Езучининг мероси.*

**МЕРОСХҲР** [а+ф-т] 1 Мерос олишга ҳақи бўлган киши; ворис. *Чол-кампирнинг шу боладан бошқа меросхўри йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 кўйма с. т. Давом эттирувчи, ворис. *Биз совет халқлари меросхўримиз Улуғ аждодларнинг ҳар бир нафасим.*

Ғ. Ғуллом. *Акрамхон ўз отасининг бирдан-бир маънавий меросхўри эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**МЕРТИК** Чети синиб тушган, учган. *Нусратилла болишни отиб ташлаб, кўрпадан четроққа, мертик коса турган бурчакка эмаллади.* А. Мухтор, Она-сингиллар.

**МЕСТКОМ** [р], маҳаллий комитет Қасаба союзининг сайлов йўли билан ташкил этиладиган бошланғич ташкилоти.

**МЕТАЛЛ** [р<грек] Ўзига хос жилога эга бўлган, иссиқлик ва электрнинг яхши ўтказадиган, бўлгаланувчан, содда химик элемент ёки қотишма. *Рангли металллар. Қора металл.* || *Металл идиши.*

**МЕТАЛЛИЗАЦИЯ** [р] тех. Бирор буюмнинг юзини қуқунлатиб сочилган металл билан қоплаш.

**МЕТАЛЛИСТ** [р] Металл саноати ходими, ишчиси.

**МЕТАЛЛМАСЛАР** Металл бўлмаган химик элементлар, мас. азот, фосфор, йод.

**МЕТАЛЛОГРАФИЯ** [р<грек] Металл ва қотишмаларнинг ички тузилиши ва физик хусусиятларини ўрганувчи фан.

**МЕТАЛЛОИДЛАР** айн. металлмаслар.

**МЕТАЛЛУРГ** [р] Металлургия мутахассиси.

**МЕТАЛЛУРГИЯ** [р<грек] 1 Оғир саноатнинг рудадан металл олиб, унга дастлабки ишлов бериш билан шуғулланадиган тармоғи. *Қора металлургия. Рангли металлургия саноати.*

2 Саноат йўли билан металл ишлаб чиқариш ва унга дастлабки ишлов бериш усуллари ҳақидаги фан. *Металлургия курси. Металлургиядан имтиҳон бермоқ.*

**МЕТАЛЛЧИ** айн. металлист.

**МЕТАЛЛШУНОС** [р+ф-т] Металлшунослик мутахассиси.

**МЕТАЛЛШУНОСЛИК** Металлларнинг тузилиши, хоссалари ва уларнинг ўзгариш қонувларини ўрганувчи фан.

**МЕТАМОРФИЗМ** [р<грек] геол. Химик ва физик сабаблар таъсирида тоғ жинслари тузилиши ва таркибида юз берадиган ўзгаришлар. *Минераллар метаморфизми.*

**МЕТАМОРФИК** [р] метаморфический) геол. Метаморфизм натижасида вужудга келган. *Метаморфик тоғ жинслари.*

**МЕТАН** [р<грек] Углерод билан водород бирикмасидан иборат рангсиз ёнувчи газ.

**МЕТАРА** айн. меҳтара.

**МЕТАСТАЗ** [р<грек] мед. Қасал қўзовчи омилнинг қон ёки лимфа безлари орқали дастлабки жойидан бошқа жойларга кўчиб жойлашиши, шу йўсида пайдо бўлган янги касаллик ўрни. *Рак метастаз бера бошлади.*

**МЕТАТЕЗА** [р<грек] лингв. Сўз ичида товушларнинг ўрин алмашину-

**МЕТАФИЗИК** [р] Метафизика тарафдори, метафизика принципларига амал қилувчи, метафизика методларини қўловчи; акси диалектик.

**МЕТАФИЗИК** [р] метафизический) Метафизикага, метафизика принципларига асосланган. *Метафизик материализм.*

**МЕТАФИЗИКА** [р<грек] Диалектикага қарама-қарши ўлароқ табиат ва жамият ҳодисаларини ривожлантишда ва бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қарамасдан бир-биридан узилган ҳолда, турғун ва ўзгармас ҳолда олиб текширадиган, ҳодисаларнинг ички қарама-қаршиликларини инкор этувчи билим методи.

**МЕТАФОРА** [р<грек] ад. Сўз ёки иборани ўхшашлик ёки ўхшатишга асосланган кўчма маънода ишлатиш ва шундай маънода ишлатилган сўз ёки ибора; истора, мажоз.

**МЕТАФОРИК** [р] метафорический) Метафора асосида ишлатилган, метафорага асосланган; мажозий. *Метафорик ибора. Метафорик маъно.*

**МЕТЕОР** [р<грек] Космик фазодан ер атмосферасига чўғ бўлиб, тез учиб келадиган жисм; учар юлдуз.

**МЕТЕОРИТ** [р<грек] Космик фазодан ерга тушган жисм, космик жисм.

**МЕТЕОРОЛОГ** [р] Метеорология олими, мутахассиси.

**МЕТЕОРОЛОГИК** [р] метеорологический) Метеорологияга оид. *Метеорологик кузатишлар.*

**МЕТЕОРОЛОГИЯ** [р<грек] 1 Ер атмосфераси, унинг тузилиши, хусусиятлари ва унда бўладиган физик процесслар ҳақидаги фан.

2 Об-ҳаво ва уни олдиндан билиш методлари ҳақидаги фан.

**МЕТИЗАЦИЯ** [р<исп] биол. Зотини ва навини яхшилаш мақсадида турли зотдаги ҳайвонларни ва турли навдаги ўсимликларни чатиштириш; дурагайлаш.

**МЕТИЛ** [р<грек] хим. Кўпгина органик бирикмалар таркибида бўладиган, бир атом углерод ва уч атом водороддан иборат группа.

**МЕТИЛЕН** [р<грек] хим. Кўпгина органик бирикмалар таркибида бўладиган, бир атом углерод ва икки атом водороддан иборат группа.

**МЕТИН** [а] 1 от Тошлоқ ва қатиқ ерларни қазиб, тош кесиб учун ишлатиладиган учли чўкич ёки теша. *Фарҳодлар тер тўқар туну кун бунда, Метинлар зарбига чидай олмас тош.* Уйғун.

2 сфт Қаттиқ, заранг. У [Йўлчи] бу ерга олдин сув қўйиб, ер юмишадан сўнча кавлаш кераклигини англаса ҳам.. тоғанинг амридан чиқмаслик учун метин жойини кавлайверди. Ойбек, Қутлуг қон. | кўчма Мустаҳкам, бузилма. *Метин сафлар.* || Сафларимиз метин.

**МЕТИС** [р<исп] 1 Метизация йўли билан вужудга келтирилган ҳайвон ёки ўсимлик.

2 Турли ирққа — европаликлар билан индеецларга мансуб эр-хотиндан бунёдга келган авлод; дурагай.

**МЕТОД** [р<грек] 1 Табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули. *Диалектик метод. Қийсий метод.*

2 Бирор ишни бажариш, адо этиш, амалга ошириш усули ёки усуллари системаси. *Дарс бериш методи. — Бутуниттифоқ микёсида соғин сигирларни.. қўлда боқишга ўтилган бўлса-ю, биз.. бу илгор прогрессив методи қўлламай орқада қолган бўлсак! С. Анорбоев, Оксой.*

**МЕТОДИК** [р методический] Метод ва методикага оид. *Методик маслаҳатлар. Методик қўлланма.*

**МЕТОДИКА** [р] 1 Бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш методларининг, усуллариининг йиғиндиси. *Илмий-тадқиқот методикаси.*

2 Ҳақиқат усуллари ҳақидаги таълимот. *Ўзбек тили методикаси. Рус адабиёти методикаси.*

**МЕТОДИСТ** [р] Методика мутахассиси.

**МЕТОДОЛОГ** [р] Методология мутахассиси.

**МЕТОДОЛОГИК** [р методологический] Методологияга оид. *Методологик тадқиқотлар. Методологик масала. Илмий текширишнинг методологик асослари.*

**МЕТОДОЛОГИЯ** [р] Умуман илмий метод ҳақидаги, хусусан, айрим фанларнинг методлари ҳақидаги таълимот. *Марксча-ленинча методология. Тарих методологияси.*

**МЕТОНИМИК** [р метонимический] ад. Метонимиядан иборат бўлган. *Метонимик ибора.*

**МЕТОНИМИЯ** [р<грек] ад. Бирор предмет ёки ҳодиса номини шу предмет билан бир ўрин олган бошқа предмет номи билан алмаштириш; шу хилда ишлатилган сўз ёки ибора. *«Чойхона» маъносига ишлатилган «саювар» — метонимияга мисол бўла олади.*

**МЕТР** [р<грек] 1 Метрик ўлчовлар системасида: 100 сантиметрга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

2 Сантиметрларга бўлинган шу узунликдаги ўлчов асбоби; газчўл.

**МЕТРАЖ** [р] 1 Бирор нарсани метрлар билан ифодаланган узунлиги. *Кинолента метражи.*

2 Бинонинг, уйнинг квадрат метрлар билан ифодаланган сахни. *Хонанинг метражи.*

**МЕТРИК** I [р метрический] Метрга оид, асосини метр ташкил қилган. *Метрик ўлчов системаси.*

**МЕТРИК** II [р метрический] Метрикага, вазнга оид. *Метрик вазн қисқа ва чўзиқ бўғинларнинг бир тартибда такрорланишига асосланган шеърый вазн.*

**МЕТРИКА** I [р<поляк] Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома. *Кичик граждандага метрика керак, қайд қилишар расмий ҳужжатда отин. С. Акбарий.*

**МЕТРИКА** II [р<грек] ад. Шеър вазни, ўлчови ҳақидаги таълимот ва шеърый вазнининг ўзи.

**МЕТРЛАМОҚ** Метр билан ўлчамоқ. **МЕТРЛИ** Метр узунлигидаги. *Уч метрли тахта.*

**МЕТРО** [р<фр] Ер остига қурилган шаҳар электр темир йўли. *Москва метроси. Метро қурмоқ.*

**МЕТРОЛОГ** [р] Метрология олими, мутахассиси.

**МЕТРОЛОГИК** [р метрологический] Метрологияга оид. *Метрологик текширишлар.*

**МЕТРОЛОГИЯ** [р<грек] Ўлчов ва тарозилар ҳақидаги фан.

**МЕТРОПОЛИТЕН** [р<фр] айн. метро.

**МЕТРОПОЛИЯ** [р<грек] Ўзга мамлакатларни босиб олиб, ўз мустамакасига айлантирган империалистик давлат.

**МЕХАНИЗАТОР** [р] 1 Механизация мутахассиси.

2 Машина ва механизмларни бирор соҳага жорий этувчи мутахассис. *Қишлоқ хўжалик механизаторлари.*

**МЕХАНИЗАЦИЯ** [р<грек] Ишлаб чиқаришни машина ва механизмлар билан қуролантириш; қўл меҳнати воситаларини тўлиқ ёки қисман машина ва механизмлар билан алмаштириш. *Механизация халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларига жадал кириб бормоқда.*

**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ** с. т. Механизация, механизациялаштириш. *Қишлоқ хўжалигини механизациялаш. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш.*

**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШМОҚ** Машина, механизмлар билан қуролланмоқ. *Механизациялашган хўжалик тармоғи.*

**МЕХАНИЗАЦИЯЛА ШТИРИЛМОҚ** механизациялаштиришмоқ фл. мажх. н. *Механизациялаштирилган корхона. — Республикамиз далаларида барча қишлоқ хўжалик ишлари механизациялаштирилган. С. Абдуқаҳор, Қувондиқ.*

**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ** 1 механизациялаштиришмоқ фл. иш оти.

2 айн. механизация.

**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРМОҚ** механизациялашмоқ фл. орт. н.

**МЕХАНИЗМ** [р<грек] 1 Машина, асбоб, аппарат ва ш. к.нинг ички, ишга солувчи қисмлари, ички тузилиши. *Соат механизми. Станок механизми.* | Бирор ишни бажарувчи мураккаб машина. *Қурилиш механизми.*

2 кўчма Ички тузилиш, система. *Давлат механизми.*

3 Химик, физик, физиологик ва бошқа процесслар давомида юз берадиган ички ҳодисалар мажмуи. *Химик механизм.*

**МЕХАНИК** [р] 1 Механика мутахассиси. *Механикларнинг назарий тадқиқотлари.*

2 Машиналарни назорат қилувчи

ва ишга солувчи лавозимли киши, мутахассис. *Трактор бригада механиги.*

**МЕХАНИК** [р механический] 1 Механикага оид, механика фанини ўрганадиган. *Механик ҳаракат.*

2 Механизм ёрдами билан ишлайдиган. *Механик асбоб.*

3 кўчма Файрихтиёрый равишда содир бўлган, йўл қўйилган. *Механик хато.*

**МЕХАНИКА** [р<грек] 1 Физиканинг қисмлар ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини ўрганувчи бўлими. *Назарий механика. Механика қонунлари.* | Техниканинг ҳаракати ва кучлар ҳақидаги билимларини амалий вазифаларга татбиқ этиш билан шуғуланувчи тармоғи. *Бинокорлик механикаси.*

2 Машина ва механизмлар тайёрлаш ва уларни тузатишга оид. *Механика цехи. Механика заводи.*

**МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИ** Пахта териш машинасини ҳайдовчи тракторчи.

**МЕХАНИСТ** [р] Механицизм йўлидан борувчи.

**МЕХАНИСТИК** [р механистический] Механицизм принципларига асосланган. *Механистик материализм. Механистик назария.*

**МЕХАНИЦИЗМ** [р] Оламдаги турли-туман ҳодисаларни материянинг бир турдаги оддий заррачаларнинг механик ҳаракатидангина иборат деб билувчи, тараққиётнинг мураккаб қонуниятларини эса механиканинг оддий қонунлари билан тенглаштирувчи ғайри диалектик фалсафий оқим.

**МЕЧАЛ** с. т. Рахит касали. | Шу касалга йўлаққан киши.

**МЕЧКАЙ** I Еб тўймас, юхо. *Тавба, ишунча одамнинг ҳақини елётганига ҳайронмиз, ёки мечкай бўлиб қолганикин? «Муштум», 1960, № 4.*

2 с. т. Рахит. *У мечкай касалига учраган болалардай инжиқ эди. Ф. Ғуллом, Шум бола.*

**МЕШ** [ф-т] 1 Сув, қимиз ва ш. к. суюқ нарсалар солиб қўйиладиган, ташиладиган тери; саноч. *Бир меш қимиз. Мешда сув ташимоқ.*

2 Оёқ кийими астари, супра ва ш. к. нарсалар учун ишлатиладиган жўн кўй тери. *Хотин қорилган хамирни меш супрага ўраб, устига серпахта кўрпани ёғандан кейин, ерда турган чўян обдастандан қўлيني ювмоқчи бўлди. Айний, Дохунда.*

**МЕШКОБ** [ф-т] тар. Мешда сув ташувчи, кўча ва бозорларда меш кўтариб юриб сув сотувчи киши. *Елкасида сув тўла меш, қўлида сопол коса билан қичқираётган мешқобни кўрган Майна чанқаб сув ичкиси келди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**МЕШКОБЧИ** с. т. Мешқоб.

**МЕШКОБҚУШ** Курак оёқлилар туркумига мансуб тумшуғи остида мешқоби бўлган катта сув қуши; бирқозон, сақоқуш.

**МЕШЧАН** [р мешчанин] 1 Революциядан илгариги Россияда шаҳар буржуазиясига мансуб майда шавдогар,

хунарманд ва қуйи хизматчилар табақасига мансуб киши.

2 *қўйма* Тушунчаси тор, ўз шахсий манфаатлари, хусусий мулкчилик дарди билан яшовчи шахс; манфаатпараст. **МЕШЧАНЛИК** 1 мешчан 1 с. *маъв.* от.

2 **Мешчан** 2 с. *белги оти.* Мана орамизда сизга ўхшаган, — йирик социалистик объектни эмас, ўзининг мешчанлик уясини қурмоққа келган шахслар ҳам бор. А. Мухтор, Туғилиш.

**МЕЪДА** I [а] Қишининг овқат ҳазм қилиш аъзоларидан бири; ошқозон. *Саккиз-тўққиз ойлаб қовун кўрмаган меъдага одатдан ташқари кўп тиқилган янгилик ўз ишини қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ **Меъдага** (зигир ёғдек) тегмоқ обдан ёқмай қолмоқ, жонга тегмоқ. [Мулларўзи:] Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъдага зигир ёғдек тегиб турибди. Ҳамза, Майсаранинг иши. **Меъдага ўтирмаслик** дидига ёқмаслик, маъқул бўлмаслик. *Мени пахта тортадиган катта тарозига қўйдилар. Бу иш менинг меъдамега ўтирмади.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**МЕЪДА** II [а] Терида оқ ёки рангли доғлар ҳосил қиладиган касаллик.

**МЕЪЁР** [а] Ўлчовли миқдор, даража; норма. Ҳар нарса ҳам ўз меъёрида яхши. *Меъёрини билмоқ. Бир меъёрда ишламоқ. — Бизда деҳқончиликнинг.. бир кунга кесилган иш меъёри бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**МЕЪМОР** [а] *кт.* Бинокор, архитектор.

**МЕЪМОРЛИК** 1 меъмор с. *каб оти.* Меъморлик қилмоқ.

2 *айн.* архитектура.

**МЕЪМОРЧИЛИК** *айн.* архитектура. *Азим дарахтлар қучоғида ҳашаматли Кўкгеумбаз маъити — кечмиш аср меъморчилигининг нодир ёдгорлиги.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**МЕЪРОЖ** [а] *дин.* Осмонга, арш-аълога, худонинг олдига чиқиш.

**МЕЪВАР** [а] *эск. кт.* Ўқ, айланиш маркази. *Ер меъвари.*

**МЕЪМОН** [ф-т] 1 Тўй, зиёфат ёки ва ш. к. муносабат билан йўқлаб келган (борган) киши. *Меъмон бўлмоқ. Меъмон қилмоқ. Меъмон(га) айтмоқ. — Қутидор меъмонларни ихлос ва сажимият билан кутар, зиёфат қуюқ-сууюқлари билан тўла-тўқис давом этар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 **Мажлис**, йиғилиш, кенгаш ва ш.к.га четдан чақирилган киши. *Сессияга чақирилган депутат ва меъмонлар. Қурултойда меъмон сифатида қатнашмоқ.*

◆ Янги меъмон қ. янги 4.

**МЕЪМОНДОР** [ф-т] Меъмони бўлган, меъмон кутаётган киши; мезбон. **МЕЪМОНДОРЛИК** 1 меъмон с. *белги оти.*

2 *кам қўлл.* *айн.* меъмондорчилик. **МЕЪМОНДОРЧИЛИК** Меъмон куттиш, зиёфат. *Меъмондорчиликка бормоқ. — Мажлис Зиё шоҳичининга уйида*

*Отабекнинг меъмондорчилиги учун йиғилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МЕЪМОНДУСТ** [ф-т] Меъмонни, меъмон куттишни, меъмон чақиришни яхши кўрадиган; меъмонсевар. *Меъмондуст ўзбек халқи.*

**МЕЪМОНДУСТЛИК** меъмондуст с. *белги оти.*

**МЕЪМОНХОНА** [ф-т] 1 Меъмон куттиладиган уй. [Сафар бўзи] *бир неча марта келиб, Анварнинг меъмонхонасига ўрганиб қолган.. эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Мусофирларнинг вақтинча туриши учун жиҳозланган хоналардан иборат бино; мусофирхона. *Шаҳар меъмонхонаси. Меъмонхонада турмоқ.*

**МЕЪНАТ** [а] 1 Қишининг ақл ёки куч билан амалга оширган мақсадли фаолияти; иш. *Ақлий меънат. Жисмоний меънат. Меънат интизоми. Меънатда чиниқмоқ. Меънат — меънатнинг таъи роҳат. Мақол. — Меънатга ўрганган киши меънатсиз қолса, меънат хумор қилади.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

2 Бирор мақсад учун сарфланадиган куч, ғайрат, ҳаракат. *Бир томондан раиснинг обрўсини сақлаш, иккинчи томондан бу табдирдан қаттиқ норози бўлган одамларга бунинг моҳиятини тушуништириш керак бўлиб қолди. Ўрмонжон бунга ҳийлагина вақт ва меънат сарф қилади.* А. Қаххор, Кўшчинор.

◆ **Меънат кун** ёки **меънат с. т.** колхозчининг колхоз даромадидаги ҳиссасини белгиловчи, меънатини ҳисобга олиш бирлиги.

**МЕЪНАТКАШ** [а+ф-т] 1 Меънат қилиб кун кўрувчи *Меънаткашлар оммаси.* || *Меънаткаш халқ.* — [Петров] бойларнинг манфаатлари билан меънаткашларнинг манфаатлари бир-бирига зид эканини.. [Йўлчи] тушунтирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Меънат қилиб чарчамайдиган; меънатсевар. [Заргаров:] *Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меънаткаш, болаларга жуда меърибон..* А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**МЕЪНАТСЕВАР** Меънатни севадиган, меънат қилиб чарчамайдиган; меънаткаш. *Меънатсевар колхозчи. Меънатсевар халқ.*

**МЕЪНАТСЕВАРЛИК** меънатсевар с. *белги оти.* Юсуфжон қизиқ Шакаржоновни ҳаётини ва ижодий йўли камтарлик, меънатсеварлик ва халққа сидқидил хизмат қилишининг ёрқин намунасидир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**МЕЪНАТЧАН** с. т. Меънатсевар. **МЕЪНАТЧИ** *эск.* Меънаткаш, ишчи, хизматчи. *Ҳой ишчилар, эзилган меънатчилар.. Эркинги қўлдан берма.* Ҳамза. *Нияъхожи бўлса қув одам, Собиржондай меънатчи бир қаролни қўлдан чиқаришни у сира-сира истамас эди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

**МЕЪР** [ф-т] 1 Инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва уму-

ман одамга бўлган самимий муҳаббати. *Тўғатдан шужудини қамраган оналик меъри ғолиб келиб, тортган азоби ҳам эсидан қидди.* П. Турсун, Ўқитувчи. | *Сидқидилдан севиш, муҳаббат. Ватанга бўлган меър ва муҳаббат. Меър билан ўқимоқ. Ишга меър қўймоқ.*

2 Шафқат, раҳмдиллик. *Одамнинг юрагида меър бўлиши керак. Керакли вақтда қўмаклашиш керак.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Меъри тош** (ёки қаттиқ) ёки тош меър берахм, шафқатсиз.

◆ **Меърига тўймоқ** (ёки қонмоқ) дийдорига тўймоқ, кўришга бўлган хуморини ёзмоқ.

**МЕЪРИБОН** [ф-т] 1 Меър-шафқат кўрсатувчи, сидқидилдан сеувучи. *Моҳлар оймнинг Анаар билан муомаласи ҳолис ва самимий бўлиб, у Анаарга ўз боласидай меърибон эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 *айн.* ғамхўр. *Бу ерда бир меърибоним йўқки, менга қўмаклашса.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МЕЪРИБОНЛИК** 1 меърибон с. *белги оти.*

2 *айн.* меърибончилик. [Нодира:] *Ота-оналаримдан, опа-сингил, оғани, қариндош-уруғларимдан кўрмаган бу меърибонликларни ўлсам қора тулғоғим унутмасдир.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**МЕЪРИБОНЧИЛИК** Меърибон кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; ғамхўрлик; меърибонлик. *Сувонжон суви ичиб, ақли-хуши ўзига келиб, назди дилбарнинг меърибончилигини билди.* «Орзигул».

**МЕЪРИГИЁ(Х)** [ф-т] 1 Итузум гуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик (халқда шу ўсимлик донини ёнида сақлаб юрган кишига одамлар меър қўяди, деган афсона бор).

2 *қўйма* Меърни тортувчи кимса ёки нарса. [Хотин] *битта ўғил туғиб берди-ю, эр-хотин орасига меъригиё тушди-қўйди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**МЕЪРЛИ** Меър-шафқатли, меърибон. *Бир зумда болалигим дейсизми, уй, меърли.. оналар кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди.* М. Алиев, Қалб сўзлари ёзилган.

**МЕЪР-МУҲАББАТ**, меъру муҳаббат Меър ва муҳаббат, меър-шафқат.

**МЕЪРОБ** [а] Масжид ичида унинг қибла томонидаги тахмонга ўхшаш жойи (намос шу томонга қараб ўқилади).

**МЕЪТАРА** [ф-т] *диал.* Меш, сано. *Меътарога сув олиб, Бек Муродхон жўнади.* «Муродхон».

**МИ** [р<итал] Музыка гаммасининг учинчи товуши ва унинг нота белгиси **МИГРЕНЬ** [р<фр] Одатда бошнинг ярмисидида қаттиқ тутиб оғрийдиган нерв касаллиги.

**МИЁВ** 1 тақл. с. Мушукнинг овози ҳақида. *Сидқижон шундай қаттиқ кулдики, бурчакда кулча бўлиб ётан мушук шошиб ўрнидан турди ва Сидқ-*



жонга қараб «миёв» деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 бол. айн. мушук.

**МИЕВЛАМОҚ** «Миёв-миёв» демоқ. Мушук *gūit* атрофида миёвлаб юрибди.

**МИЕВЛАШМОҚ** миёвламоқ *фл.* бирг. н.

**МИЕВ-МИЕВ** миёв 1 с. тақр.

**МИЁН** [ф-т] 1 кам қўлл. Ўртаси, ўрта. Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллар тўпланишиб, мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар. Айний, Қуллар.

2 айн. бел 1. Мўрча миён хипча бел, бели ингичка.

**МИЁНА** [ф-т] 1 кам қўлл. Ўртача, ўрта. Миёна ҳол деҳқон. — Темирчи йиғитнинг қақаси миёнагина тўйга етарли бўлиб қолганида Холхўжа қўрбоши йиғитларининг хуружи бошланди. С. Аҳмад, Ҳукм. Фурқат. тўлароқ, қора соқол миёна қад, Завақий сингари хушчақчақ одам эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизич. Ўрта миёна айн. миёна 1. Миёна астар кийимнинг ичига солинадиган пахта, ватин ва ш. к.ни тутиб туриш учун уларнинг устидан қопланадиган ички астар.

2 3-ш. эгаллик ва ў.-п.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **миёнасида**).

**МИЁНАСИДА** кўм. вазифасида 1 Орасида, мобайнида, давомида. Бир-икки ой миёнасида. Уч-тўрт кун миёнасида.

2 Чамасида, тахминан. Бир ойлик маши миёнасида мукофат олдим.

**МИЁНЧА** этн. Хотинларнинг тўй дастурхонлари ичида патнисда олиб бориладиган мева, қанд-қурс. [Хадича хола:] Миёнча тайёр энди бир саватда қулча бўлса бўлгани. Т. Азимов, Хосият буви ажабланди.

**МИЖГОН** [ф-т] кт. айн. киприк. Кўрса ҳар қимда Ҳабибийдек муҳаббат шавқини, Ғамза бирла эгма қош остида мижгон кўзгалур. Ҳабибий.

**МИЖЖА** [ф-т] айн. киприк. Буни ҳайданг, қўя кўрманг! Бу чатоқ бир шумки, Қошу мижжангни териб, Кўсаю таллон қиладир. Ҳамза. | Киприк ости. Саодат дарҳол ювиниб, артиниб, ойнага қаради. Кўзлари киртайиб, мижжалари кўпчиб қолибди. И. Раҳим, Ихлос.

◆ **Мижжа** қоқмаслик ухламай, бедор ётиш. Воҳид кечаси мижжа қоқмасдан вагоннинг тамбурида папирос чекиб тонг отдирган эди. О. Ёқубов, Тилла узук.

**МИЖИҒ** Ғижимланган, ғижим. *Ми-жиг* қороз.

**МИЖИҒЛАМОҚ** айн. мижғиламоқ, **МИЖИҒЛАНМОҚ** мижғиламоқ *фл.* мажҳ. ва ўзл. н.

**МИЖОЗ** 1 Сотувчига нисбатан доний харидор ва шу харидорга нисбатан сотувчи. У[қизга] ҳар кун эрталаб қаймоқ олиб келадиган мижоз эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Доимий хў-

ранда, заказчи, қатновчи. Бу ким деб ҳамширадан сўрасам, «Эй, бу одам бизнинг тез-тез келиб турадиган мижозимиз» деб қўл силтади. Р. Файзий, Шох дарпарда. Ғози чойхонага қараб ачинди: шинавандалар, мижозлар ортирган эдим. И. Раҳим, Ихлос.

**МИЖОЗ** II с. т. Мижоз. Кенжа бу антиқа мижоз одамни ўзига яқин кўриб қолди. Х. Назир, Маёқ сари.

**МИЖҒАЛАМОҚ** диал. Мижғиламоқ, **МИЖҒИЛАМОҚ** Эзиб мижғ қилиб кўймоқ, ғижимламоқ.

**МИЖҒИЛАНМОҚ** мижғиламоқ *фл.* мажҳ. н.

**МИЖҒОВ** 1 Бир ишни дадиллик билан қила олмайдиган; ланж, мағзава. Чол болаларни яхши кўради.. Астойдил шиласанг, мижғов бўлмасанг, сени ҳам яхши кўриб қолади. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. | Муҳмал, мужмал. [Мулла Мадрахим:] Мижғов гапни ёқтирмайдиган бир сўзли бу заҳар полковникка мудбаосини очиб айтишга мажбур бўлди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Хархашаси кўп; инжиқ.

**МИЖҒОВЛАНМОҚ** Мижғовлик, инжиқлик қилмоқ, хархаша қилмоқ.— Справканинг ўша ерига,— деди [Маъмуржон] мижғовланиб,— қўл қўйсангиз. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

**МИЗАНСЦЕНА** [р<фр] Спектакль давомида актёрларнинг спектаклнинг айрим пайтларига мос жойлашуви.

**МИЗОЖ** [а] 1 Кишининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори. Савдоий мижоз одам.

2 Киши организмнинг ўзига хос талаби. [Отабек:] Марғилон ҳавоси мижожимга тўғри келмаганга ўхшайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Мижожи** иссиқ ёки иссиқ мижоз организмга, соғлиғига иссиқлик ёқадиган. **Мижожи** совуқ ёки совуқ мижоз организмга, соғлиғига совуқлик ёқадиган.

**МИЗГИМОҚ** Озгина ухламоқ, кўз илинтирмоқ. Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан Шодмон ота тонгага яқин мизғиб олди. Ж. Шарипов, Саодат.

**МИЙИҚ** диал. Мўйлов. Қашанда Тождин Қосим .. қоп-қора, йилтираган мийгини силаб .. сўради. Ойбек, Нур қидириб.

◆ **Мийиғида** кулмоқ илжаймасдан билинар-билинмас кулмоқ.

**МИКРОБ** [р<грек] Микроскоп орқалиғина кўриш мумкин бўлган жуда майда жонивор ёки ўсимлик организм. Қасал кўзғовчи микроблар. Ачитувчи микроблар.

**МИКРОБИОЛОГ** [р] Микробиология олим, мутахассиси.

**МИКРОБИОЛОГИК** [р микробиологияческий] Микробиологияга оид. Микробиологик тадқиқотлар.

**МИКРОБИОЛОГИЯ** [р<грек] Биологиянинг микроорганизмларни ўрганувчи бўлими.

**МИКРОКЛИМАТ** [р<грек] Ўрмон, дала, ботқоқлик каби кичик чегарадаги

жойларнинг ўзига хос иқлим хусусиятлари, об-ҳаво шароити.

**МИКРОКЛИМАТИК** [р микрোকлиматический] Микрোকлиматга, кичик район иқлимига оид. Микрোকлиматик текширишлар.

**МИКРОМЕТР** [р<грек] Миллиметрнинг юздан бири қадар аниқлик билан ўлчайдиган асбоб.

**МИКРОМЕТРИК** [р микрометрический] Микрометрга ва микрометрияга оид. Микрометрик ўлчалар. Микрометрик ситт.

**МИКРОМЕТРИЯ** [р<грек] Физиканинг масофаларни аниқ ўлчаш ҳақидаги бўлими.

**МИКРОН** [р<грек] Метрнинг миллиондан бир улуши.

**МИКРООРГАНИЗМ** [р] Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган жуда майда ўсимлик ёки жонивор.

**МИКРОРАЙОН** [р] Шаҳарнинг ўзига мустақил кичик райони.

**МИКРОСКОП** [р<грек] Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларни текшириш учун қўлланиладиган, катта қилиб кўрсатадиган оптик асбоб.

**МИКРОСКОПИК** [р микроскопический] 1 Микроскоп билан қилинадиган, микроскопда бўладиган. Микроскопик анализ. Микроскопик текширишлар.

2 Жуда майда, фақат микроскоп билан кўриш мумкин бўлган. Микроскопик жониворлар. Микроскопик сув ўтлари.

**МИКРОФИЛЬМ** [р<грек+ингл] Нодир ҳужжат, қўлёзма, китоб ва ш. к.нинг киноленгатага олинган нусхаси. Китоб микрофильми.

**МИКРОФОН** [р<грек] Товушни узоқ масофага узатиш ёки кучайтириш учун ишлатиладиган асбоб. Микрофонга гапирмоқ.

**МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР** [р микроэлементы<грек+лат] Ўсимлик ва ҳайвон организмда жуда кам миқдорда (юздан, мингдан ва хатто ундан ҳам кам улушда) бўладиган химик элементлар.

**МИКСТУРА** [р<лат] Бир неча хил модда аралашмасидан тайёрланган суяқ дори.

**МИЛ** I [а] эск. айн. ствол 1. Милтиқнинг милли.

**МИЛ** II [а] эск. айн. стрелка 1. Соат милли. Қопмас милли.

**МИЛ** III [р миль<ингл] Турли давлатларда турли қийматларга эга бўлган узунлик ўлчови. Ленгиз милли (1852 метр). Географик мил (7420 метр).

**МИЛДИРАМОҚ** Оз миқдорда секин оқмоқ, жиддирамоқ. Майда тошлар устидан милдираб оққан илиқ сув билан челақ тўлдиргандан кейин.. дам олгани катта тошига ўтиришди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**МИЛИТАРИЗАЦИЯ** [р] Империялистик давлатларнинг ўзга мамлакатларни босиб олиш мақсадида тинчлик даврида бутун иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётни босқинчилик уру-

шига тайёргарлик кўришга бўйсундириши; ҳарбий ташкилот методларини кундалик ишларга татбиқ қилиш. *Милитаризация сиёсати.*

**МИЛИТАРИЗМ** [*p* < *лат*] 1 Импералистик давлатларнинг қуролини урушга тайёрланишга, милитаризацияга қаратилган реакция сиёсати. 2 Капиталистик давлатларда ҳарбийлар ҳукмронлиги.

**МИЛИТАРИСТ** [*p*] Милитаризм тарафдори, милитаризм сиёсатини юритувчи.

**МИЛИТАРИСТИК** [*p* милитаристический] Милитаризмга оид. *Милитаристик сиёсат. Милитаристик ҳаракат.*

**МИЛИЦИОНЁР** [*p*] Милиция ходими. *Милиционерларга кўзи тушган Кутбия.. Ҳамдамформанинг қулоғига. — уни шу ердан тўппа-тўғри қамоқхонага узатадилар, афтидан, — деди қувониб. Айний, Куллар.*

**МИЛИЦИЯ** [*p* < *лат*] 1 СССРда: жамоат тартибини, граждандар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий мулкни қўриқлаш каби вазифаларни бажарувчи маъмурий орган. | *с. т. Шу органнинг маҳаллий бўлими, бошқармаси.*

2 *с. т. Милиционер. [Фотима:] Бориб милиция олиб келинг. Мен ҳар иккала тўхматчини бу ерга қамаб қўйдим. Ҳамза, Тухматчилар жазоси.*

**МИЛИЦИЯХОНА** [*p*+*ф-т*] *с. т.* Милиция бўлими, бошқармаси жойлашган бино. *Милиционер милтигини олиб.. милицияхона дарвозасининг бериги бурчаида қоровул бўлиб турди. Айний, Куллар.*

**МИЛК** I [*ф-т*] Тиш ўзақларини қоплаб турган эт, мушак тўқима.

◆ **Кўз милки** кўз қоқоқларининг киприк ўсиб чиққан ери. *Низомиддин юзини тескари ўегириб дастўмол олиб, кўз милкларини артди. С. Аҳмад, Ҳукм. Тирноқ милки бармоқнинг тирноқ ўсиб чиққан ери.*

**МИЛК II** [*ф-т*] Матовнинг икки ёнидан узунасига чиқарилган қирғоқ. *Милкини кўр, бўзини ол, онасини кўр, қизини ол. Мақол.*

**МИЛКАК** [*ф-т*] Тирноқ милкининг йиринглаб яллиғланиши. *Қўлимега милкак чиқди.*

**МИЛЛАТ** [*a*] 1 Тарихан ташкил топган, маданияти, тили, территорияси, иқтисодий ҳаёти ва рухий хусусиятларининг умумийлиги асосида вужудга келган кишилар группаси. *Рус миллати. Ўзбек миллати. Социалистик миллатларнинг шаклланиши. — Ешлар, кексалар .. қизлар, жувонлар орасида турли миллат вакиллари — қозоқ, қирғиз, арман ва яхудийлар ҳам кўринар .. эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Давлат, мамлакат. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.*

**МИЛЛАТДОШ** [*a*+*ф-т*] кам қўлл. Бир миллатга мансуб бўлган, миллати бир.

**МИЛЛАТЧИ** Миллатчилик тарафдори, миллатчилик йўлидан борувчи. *Буржуа миллатчилари. — Тўқсонов ўз ўтмишини ва ижтимоий чиқишини яшириб совет аппаратида кириб олган миллатчилардан экан. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**МИЛЛАТЧИЛИК** Миллат айириш, бир миллатни улуғлаб, иккинчисини ерга уришдан иборат бўлган реакция буржуа идеологияси. *Миллатчиликка қарши кураш. Буржуа миллатчилиги. Миллатчилик сиёсати. — Энди бу лаънати «миллатчилик» дегани ҳам ўша ўтмишини ярама одаларини янги замон таъсига ёпиштириб келатган чақир тиканак эмасми? П. Турсун, Ўқитувчи.*

**МИЛЛИАРД** [*p* < *фр*] 1 *снқ* сон 1 000 000 000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Икки миллиард сўм. Миллиардни миллионга бўлмоқ.*

2 Сон-саноқсиз, жуда кўп. *Миллиард юлдуз билан боқади осмон. Ж. Жабборов.*

**МИЛЛИАРДЁР** [*p* < *фр*] Миллиардлар билан ҳисобланадиган бойликка эга бўлган киши. *Америка миллиардерлари.*

**МИЛЛИГРАММ** [*p* < *лат*+*грек*] Граммнинг мингдан бир бўлагига тенг оғирлик ўлчови.

**МИЛЛИЙ** [*a*] 1 Миллатга оид; бир миллатдаги кишиларга хос бўлган. *Миллий масала. Миллий ҳаракат. Миллий тиллар.*

2 Бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятларини ифодловчи. *Миллий маданият. Миллий музыка. Миллий кийим.*

3 Бирор мамлакатга, давлат ва унинг аҳолисига оид. *СССРнинг миллий байроғи. Миллий даромад. Миллий гимн.*

**МИЛЛИЙЛАШТИРИЛМОҚ** миллийлаштирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**МИЛЛИЙЛАШТИРМОҚ** *айн.* ерлилаштирмоқ.

**МИЛЛИМЕТР** [*p* < *лат*+*грек*] Метрнинг мингдан бирига тенг узунлик ўлчови.

**МИЛЛИОН** [*p* < *фр*] 1 *снқ* сон 1 000 000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Республикамиз Ватанга 5 миллион тонна пахта етказиб берди.*

2 Сон-саноқсиз, жуда кўп. *Миллион йиллар ўтганда ҳам, тоғга йўнилган хатлар ўчиб кетганда ҳам, Ленин кишиларнинг қалбидан ўчмайди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**МИЛЛИОНЁР** [*p* < *фр*] 1 Миллионлар билан ҳисобланадиган бойликка эга бўлган киши. *Инглиз миллионерлари. Миллионер бойлар.*

2 Бойлиги, даромади миллионлаб ҳисобланадиган (колхоз ҳақида). *У [Болтабой] орадан уч кун ўтказиб, тоғаси раис бўлган миллионер колхозга борди. С. Аҳмад, Қадрдон дала.*

**МИЛЛИОНЛАБ** *чама сон.* Миллион ҳисобида, миллион билан ҳисобланадиган миқдорда. *Миллионлаб даромад олмақ.*

**МИЛЛИЯТ** [*a*] *эск. кт. айн.* миллат. **МИЛОД** [*a*] 1 *дин.* Исо пайғамбарнинг туғилган куни. *Милоддан бурун. Милоддан кейин.*

2 Милодий йил ҳисоби. *Милоднинг бешинчи асри.*

**МИЛОДИЙ** [*a*] Милоддан бошланган (йил ҳисоби ҳақида). *Милодий йил ҳисоби. || Ҳижрийни милодийга айлантирмоқ.*

**МИЛТ** *тавс. с.* Кучсиз нур, ялтйраш ҳақида. *Милт этган чироқ йўқ. Ҳ. Ғулум, Машғал. Қаро эди ўша тун. На милт этган юлдуз бор, На йилт этган бир ўқун Э. Воҳидов.*

**МИЛТИЛЛАМОҚ** *айн.* милтирамоқ. **МИЛТИРАМОҚ** 1 Пирпираб кучсиз ёниб ёки ёруғ бериб турмоқ. *[Элмурод] кооператив чироғи милтираб турган ердан узоқлашиб қишлоқ четига чиқиб қолганини пайқагач, орқага қайтди. П. Турсун, Ўқитувчи. Унда-мунда юлдузлар хира милтирар, совуқ ачиққина. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Кўзга аранг ташланмоқ, зўрға кўринмоқ. *Қоражонбек шундай бўйлаб қаради, Милтираган бир қорани кўради. «Алпомиш».*

**МИЛТИРАТМОҚ** милтирамоқ *фл. орт. н.*

**МИЛТИК** Ўқ отадиган узун стволлик қўл қуроли. *Ов милтиқ. Қўшоғиз милтиқ. Бешотар милтиқ. — Додоҳ дағаллик қилган эди, оломондан биттаси милтиқ отиб икки сипоҳни йиқиб ҳам қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**МИЛТИҚБОЗЛИК** Милтиқ билан отишиш, отишув. *Милтиқбозлик қилмоқ.*

**МИЛТИҚСОЗ** Милтиқ ясовчи уста. **МИЛТИҚСОЗЛИК** 1 милтиқсоз *с. касб оти. Милтиқсозлик қилмоқ.*

2 Милтиқ ишлаб чиқариш, милтиқ ясаш иши.

**МИЛТ-МИЛТ** *милт с. тақр.* Нариги уйда ёниб ётган шам нури дарича тирқишидан милт-милт кўзга қилинар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **МИЛТ-МИЛТ** *қилмоқ (ёки этмоқ) айн.* милтирамоқ. *Милт-милт этиб ёниб турган чироқ. — Қудрат кўчага чиқиб қараса.. офтобда сигир-бузоқлар узоқдан худди энди туғилган кўзичоқлардай милт-милт қилиб кўзга ташланарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**МИМ** [*a*] Араб алфавитининг йигирма тўртинчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

**МИМИКА** [*p* < *грек*] 1 Юз мускулларининг ҳис-туйғу, ички кайфиятни ифодаловчи ҳаракатлари. *Фикрни мимика орқали ифодалаш.*

2 Ҳис-туйғу ва кайфиятларни юз мускуллари ҳаракати билан ифода этиш санъати. *Мимикага уста артист.*

**МИМИКРИЯ** [*p* < *ингл*] биол. Баъзи ҳайвон ва ўсимликларнинг атрофдаги табиий шароит рангига ёки бошқа

хайвонлар, ўсимликлар тусига мослашувчи. Мимикрия — ҳайвон ва ўсимликларнинг табиий ҳимоя воситасидир.

**МИМИТ** бол. Кичкинагина, жимит; митти. Мимит қошиқ.

**МИМОЗА** [р<грек] Жануб томонларда ўсадиган ўт, бута ёки дарахт (баъзи турлари қўл текизилса баргини осилтириб олади).

**МИН** диал. Нуқсон, айб. [Ойдона:] Опа, ёрим бўлса ўша кишидек, Асло мин ийқ топган ёримни. «Хушкелди».

**МИНА** [р<фр] 1 Ер, сув остига қўйиладиган портловчи снаряд. Танка қарши мина. Сув ости минаси. Мина қўймоқ.

2 Миноётдан отиладиган снаряд.

3 айн. торпеда.

**МИНАЛАШТИРМОҚ** Мина қўйиб чиқмоқ, мина қўйиб ташламоқ.

**МИНБАР** [а] 1 дин. Масжидда имом ваъз айтадиган баланд жой. Ҳазрат минбардан тушиб, бетига фотима торганидан кейин масжид муаззини билан дарвозанинг ёнига бориб турди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Лекция, доклад қилинадиган, ахборот бериладиган баланд курс; трибуна. Минбарга чиқмоқ. Минбарда туриб гапирмоқ. — Умрида минбарга чиқмаган Мирвали банги ҳам, ўзича айтганда, меҳробга сўзга чиқиб, сўзининг охирида ҳаммани қулдиради. А. Қодирий, Обид кетмон. Ҳали институт минбаридан Ўнларча олимдан тинглайсиз хитоб. Ғ. Фулом.

◆ Адабий минбар газета, журнал ва ш. к. ҳақида.

**МИНБАЪД** [а] эск. кт. 1 Бундан кейин. Бир кун оқсоч хотин «Раҳимжон ака» дегани учун домладан бир тарсаки еди. Домла: «минбаъд беғим дегин» — деди. А. Қаххор, Сароб.

2 Ҳеч, сира, асло. Мен энди қилмайман, минбаъд қилмайман. А. Мухтор, Туғилиш.

**МИНГ** снқ сон 1 1000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Мингни мингга қўшмоқ. Минг сўй пул. Минг киши.

2 рви вазифасида Қўп, жуда. Мингдан-минг рози бўлмоқ. Минг яшамоқ.

— Фотима амакисининг авзойини кўриб, келганига минг тушаймон қилди. П. Турсун, Ўқитувчи | Ҳар қанча. Сен минг чиройли бўлма — етимсан. П. Турсун, Ўқитувчи. [Шарофат:] Сизга қолса дадамни ёт унсур ҳам дейсиз.. Сизнинг ўрнингизда бўлак одам бўлганда минг ёмон кўрса ҳам, .. бир бориб ўша бечорани юпатиб .. келар эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**МИНГАШМОҚ** 1 От, велоспед кабиларга минган кишининг орқасига минмоқ. Давлатёр Элмуродни эзарга миндириб, ўзи минган ҳолда жўнамоқчи бўлиб туришган эди, тўғек товушлари эшитилиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бири иккинчисининг устига чиқиб

олмоқ, шундай ҳолда айқашиб кетмоқ. Электр симлари бир-бирига мингашиб қолибди. Бир-бирига минганган ўрқач-ўрқач тоғлар.

**МИНГАШТИРМОҚ** мингашмоқ фл. орт. н. [Отам] қишлоқдан бир от топиб, мени ўзи билан мингаштириб Фиждуонга .. олиб борди. Айний, Эсдаликлар.

**МИНГБОШИ** 1 тар. 1 Даха ёки қишлоқ оқсоқоли, ҳокими. Бир гувоҳнома олиш учун Қўқча даҳамизнинг мингбошиси Нормуҳаммадининг маҳкамасига югурдим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Тешабойнинг] катта хотини .. Уктамхон.. кичиги эса Қорабулоқ мингбошиси Мадумар додхўннинг кичик қизи Тўраҳон эди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 тар. Қўшн бошлиғи. Қушбеги ва Юсуфбек ҳожиларнинг таклифи билан Мусулмонқул ўрнига Утаббой қушбеги [Марғилон ҳокими] мингбоши белгилашиб, тўртинчи кун Худоёрхон қўшини билан Қўқонга қайтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МИНГБОШИ** II Пилла қурти пилла ўраш даврида дастак қилиб қўйиладиган бир турли ўт, хашак.

**МИНГБОШИЛИК** мингбоши I с. мавз. от. Мингбошлик қилмоқ. Мингбошликка сайланмоқ.

**МИНГДЕВОНА** Ҳиди одамни гангитадиган бир хил захарли ўт (мединада ишлатилади).

**МИНГИЗМОҚ** диал. Миндирмоқ.

**МИНГЛАБ** чамасон Минг ҳисобида, минг билан ҳисобланадиган миқдорда. Заводимизда илғорлар минглаб саналади. — Азизбек тезда берилмасани (таслим бўлмагани) учун минглаб халқ ўрда атрофида силжимамай ётиб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МИНГЛИК** 1 мат. Катта сонларнинг минглар хонаси.

2 Пул, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг минг сўмлиги.

**МИНГОЁК** Бўғимоеқиларга мансуб, танаси бўйлаб икки қатор оёқлари бўлган бир хил хашарот.

**МИНГЧИ** Мавсумда бир неча минг килограмм пахта терадиган илғор термичи.

**МИНДИ-МИНДИ** 1 Болаларнинг бир-бирини миниб ўйнайдиган бир хил ўйини. Минди-минди ўйнамоқ.

2 кўчма Тумонат одам йиғилган, тикилнч, тирбанд ҳолат ҳақида. [Колхоз саройида].. фильм кўрсатилаётган эди, одам демаганингиз минди-минди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**МИНДИРИЛМОҚ** миндирмоқ фл. мавж. н. [Отабек:] Бу киноя ва захарли мактубни ёзишга сизни мажбур этган.. ва тагин аллақанча мартабаларга миндирилишларининг бош омили орзу-хавас.. шумлиғидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МИНДИРМОҚ** минмоқ фл. орт. н. Отага миндирмоқ. — [Мирзакаримбой:] Шоқосимга айт, жойини топсин, иложи бўлса эртага юк устига минди-

риб, шаҳарга олиб тушиб қўй. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МИНЕРАЛ** I [р<фр] Ер қобиғи таркибида учрайдиган табиий химик бирикма ёки элемент.

**МИНЕРАЛ** II [р минеральный] Табиий химик бирикма ёки элементларга оид, шундай элемент ёки бирикмалардан иборат бўлган, таркибида шундай элемент ёки бирикмалар бор. Минерал тузлар. Минерал ўғит. Минерал сув.

**МИНЕРАЛИЗАЦИЯ** [р] 1 Органик моддаларнинг минералга айланиши, минерал бирикмалар ҳосил қилиши. Ўсимликларнинг минерализацияси.

2 Минерал тузларга тўйиниш, тўйинтириш ёки тўйинганлик. Ернинг минерализация процесси. Сувнинг минерализация даражаси.

**МИНЕРАЛОГ** [р] Минералогия олими, мутахассиси.

**МИНЕРАЛОГИК** [р минералогический] Минералогияга оид. Минералогик тадқиқотлар.

**МИНЕРАЛОГИЯ** [р] Мине аллар ҳақидаги фан.

**МИНИАТЮРА** [р<итал] 1 Урта аср қўлёз а асарлари ва китобларда бўёқлар билан чизилган нафис расм, сурат, безакли бош харф ёки лавҳа. Навоий лирикаси ва «Ҳамса»га Беҳзод ишлаган миниатюралар ўрта аср тасвирий санъатининг қимматбахш дурдоналаридандир. Ф. Ҳусанова, Қўқон адабиёт музейида.

2 Нозик ва чиройли қилиб ишланган кичкина расм, сурат. | Шундай сурат ва расмлар солиш санъати. Миниатюра намунаси. Шарқ миниатюраси.

3 Кичик адабий ёки музика асари. **МИНИМАЛ** [р минимальный] Энг оз, энг кам, энг кичик; акси максимал. Минимал қиймат. Минимал тафовут.

**МИНИМУМ** [р<лат] 1 Энг оз, энг кичик миқдор; акси максимум 1.

2 Бирор соҳа учун лозим бўлган энг зарурий билим ёки тадбирлар йиғиндиси. Техника минимуми. Кандидатлик минимуми.

3 айн. минимал. Минимум програма. || Минимум юз килограммдан пахта терши.

**МИНИСТР** [р<фр] Министрликка бошчилик қилувчи ҳукумат аъзоси. Мудофаа министри. Маориф министри. Молия министри. Министрлар Совети.

**МИНИСТРЛИК** 1 Давлатни бошқаришнинг бирор соҳасига министр бошчилигида раҳбарлик қилувчи марказий ҳукумат органи ва шу орган жойлашган бино. Қишлоқ хўжалик министрлиги. Савдо министрлиги. Маданият министрлиги.

2 Буржуа парламентаризмда министрлар хайъати.

3 Министр вазифаси ва иши.

**МИНМОҚ** 1 Бирор нарсанинг устига (одатда от-уловга) оёқларни икки ёққа солинтириб ўтириб олмоқ. Туяга минмоқ. Мотоциклга минмоқ. От кимни-

ки — минганники. Мақол. — Ермат араванинг ҳар қисмига раж солиб, кейин чаққонлик билан отга минди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Бўтабой узим туп ёнғоққа тирмашиб, бог деворига минди.* С. Ахмад, Хўкм.

2 диал. Транспорт воситаларига чиқмоқ, ўтирмоқ. *Аравага минмоқ, Трамвайга минмоқ. Машинага минмоқ.*

3 диал. Транспорт воситаларининг бирор турини бошқармоқ, ҳайдамоқ. *Машина минмоқ, Арава минмоқ.* — Жонфигон бундан беш-олти йил бурун қайси бир идоранинг извошини минар экан, киракашлик қилиб қўлга тушгандан кейин ҳайдашибди. А. Қаҳҳор, Жонфигон.

4 эск. Қўтарилмоқ, бирор нарсанинг устига чиқмоқ. *Хон супанинг зинасига етиб, юқори минди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

♦ Амалга минмоқ қ. амал 2. Авжига минмоқ қ. авж 1. Бўйинга (ёки елкага, бошга) миниб олмақ қ. бўйин 1

**МИННАТ** [a] 1 Қилинган хизмат, яхшилик учун бўлган қарздорлик. [Юсуфбек ҳожии:] *Агар бу хизматини ўз зиммангизга олур экансиз, устимга катта миннат қўйган бўласиз.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Қилинган яхшиликни юзга солиш ёки бошқаларга гапириб юриш. *Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати кўп.* Мақол. — [Элмурод:] *Эшон менга берган бир убада чопони билан бир эски чоригини миннат қилган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МИННАТДОР** [a+ф-т] Бировнинг қилган яхшилигидан, хизматидан мамнун ва қарздор. [Мулла Обид:] *Бўғдойни тайёр унга алмаштирдингиз, миннатдорман.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

**МИННАТДОРЛИК** 1 миннатдор с. маъ. от. *Элмурод уларнинг ўқшдан миннатдорликларини кўриб хурсанд бўларди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Мамнунлик, хурсандлик ифодаси. *Миннатдорлик билдириш.* *Миннатдорлик изҳор қилмоқ.* — *Йўлчи бу қашшоқ, бу аламдийда чолнинг олижаноблиги қаршида ўз миннатдорлигини қандай ифода қилишини билмай қолди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МИННАТДОРЧИЛИК** айн. миннатдорлик 2. [Нормухаммад қушбеги] *золим душманни қўлга туширишнинг бош омили бўлган Юсуфбек ҳожига ўз миннатдорчилигини айтиб тугата олмас эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**МИННАТЛИ** Миннатга сабаб бўлган ёки бўладиган. *Миннатли ошдан миннатсиз ёвгон яхши.* Мақол.

**МИННАТСИЗ** Миннати йўқ, миннатга сабаб бўлмайдиган; беминнат. *Бу оила аъзолари бир умр шодлик: кўрмади, ҳатто миннатсиз нон ёйши нималигини билмади.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**МИНОМЕТ** [p] Мина отадиган қурол.

**МИНОМЕТЧИ** Минометдан ўқ отувчи ҳарбий хизматчи, аскар. *Минометчилар ротаси.*

**МИНОНОСЕЦ** [p] Торпеда билан қуролланган ҳарбий кема.

**МИНОР** (А) [a] Бирор биного қўшиб ёки алоҳида қурилган мезана шаклидаги баланд ишоот. *Масжид минораси. Кремль миноралари. Бухоро миноралари. Минора қуббаси.* — *Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор.* Айний, Дохунда.

**МИНТАҚА** [a] 1 геогр. Ер юзининг икки қўшни параллел оралиғидаги, бир-биридан иқлими билан фарқ қиладиган ҳар бир бўлаги. *Иссиқ минтақа. Соёқ минтақа. Уртача минтақа.*

2 Ер юзининг бирор хусусияти билан ажралиб турадиган бўлаги, зонаси.

**МИНУС** [p<лат] 1 мат. Айриш амалини ёки манфий миқдорни билдирувчи (—) белги.

2 мат. Айирув, олув. *Беш минус тўрт барабар бирга.*

3 мат. Миқдорнинг манфийлигини, ҳароратнинг нолдан пастлигини билдирувчи сўз ёки белги. *Бугун ҳарорат минус йиғирма.*

4 Ўқувчига қўйилган баҳонинг тўлиқ эмаслигини, унинг билими шу баҳога етарли эмаслигини билдирувчи сўз ёки белги. *Минус уч баҳо қўймоқ.*

**МИНУТ** [p минута<лат] 1 Соатнинг олтмишдан бир улушига тенг вақт ўлчови; дақиқа. *Ўн минут. Соат беш минута кам саккиз.* — *Соат тўққиздан ўн беш минут ўтганда дарё тепасида қоп-қора булутдек самолётлар пайдо бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Қисқа бир муддат; лаҳза, он, зум. *Йўлчи ерга қараб бир минут сукот қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон. [Йўлчи:] *Баъзи минутларда эси оққан каби кўча ўртасида қаққайиб қолар.* эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 мат. Градуснинг олтмишдан бир улушига, айлананинг йиғирма бир минг олти юздан бир улушига тенг бурчак ва ёй ўлчови бирлиги (ёзувда қисқанинг ўнг томониға, устиға қўйилади, мас., 80°30' — 80 даража, 30 минут).

**МИНУТЛАБ** рвш Минут билан, минутига қараб, ҳар минутни ҳисобга олиб. *Вақтни минутлаб ҳисобламоқ.*

**МИНУТЛИ** 1 Минутдан иборат, минут ўлчовидаги. *Ўн минутли иш. Беш минутли танаффус.*

2 Жуда қисқа, бир онли. *Минутли иш.*

**МИНГАЙМАС** Дардини, юрағидагини ёрилиб гапирмайдиган; индамас. *Моҳира ойим қизининг бирорта шидан норозилигини пайқаб, «Мингаймас, писмиқ ўлгур, тагин нима жин урди сенга?» — деб сўраганида, Зайнаб қовоқ-дудогини солиб бир оғиз ҳам жавоб бермас эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**МИНГАЙМОҚ** Қовоқ-димоғини солмоқ, лаб-лунжини осилтирмоқ, араз қилмоқ. *Ғуломжоннинг.. бир неча минутгина аввал томирларида.. қайнаган йиғитлик қонининг тиниши..*

учун Наргиснинг .. чеккада мингайиб кўриниши кифоя қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МИНГИЛЛАМОҚ** с. т. Минғирламоқ.

**МИНГИРЛАМОҚ** 1 Димоғда секин ва ноаниқ гапирмоқ; пингилламоқ. [Боӣ] *Йўлчининг саломига минғирлаб жавоб қайтарди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Норози оҳангда нолиб гапирмоқ; нолимоқ. *Кўп минғирлама.*

**МИНГИР-МИНГИР** тақл. с. 1 Димоғда айтилган паст ва ноаниқ товуш ёки гап ҳақида. *Минғир-минғир ашула.* — [Тожибой:] *Ўзим хотинчалиш одам. Гапи оғзидан тушиб кетади.* *Минғир-минғир қилади.* Гоҳо гапини одам ҳам тушуниб бўлмайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Норозилик нолиш ҳақида.

**МИОКАРД** [p<грэк] анат. Юракнинг мушак девори. *Миокард инфаркти.*

**МИОКАРДИТ** [p] мед. Юрак мушакнинг, миокарднинг яллиғланиши.

**МИР** [a] 1 «Амир» сўзининг қисқарган формаси. *Мир Алишер.*

2 Баъзи эркаклар исмининг таркибига киради, мас. *Миртемир, Мирали, Мирғиёс.*

**МИРЗА** [a+ф-т] 1 тар. Ёзув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши; котиб. *Амлоқдорнинг мирзаси белига суқилган қаламдонини очиб, қаламини қўлига олди.* Айний, Қуллар.

2 кўчма Саводли, ўқимишли одам. *Мирза йигит саводли, ўқимишли ёш кишиларға хурмат билан мурожаат этиш формаси.*

3 эск. Юқори. табақаларға мансуб киши; жаноб. *Мен чўриман, сиз мирзасиз, беквачча!* [Гўрўғли].

4 Мирза (эркаклар исми).

**МИРЗАБОШИ** тар. Ўзбек хонликларида мирзахона бошлиғи. [Сафар бўчи:] *Шаҳардаги бирорта мударрис домлани мирзабоши кўтарсалар йўқ дерми?* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**МИРЗАЛИК** мирза 1,3 с. касб оти. *Мирзалик қилмоқ.*

**МИРЗАТЕРАК** Теракнинг тик ва текис ўсадиган бир тури.

**МИРЗАХОНА** [a+ф-т] тар. Амир ва хонларнинг мирзалар ёзув ишлари олиб борадиган идораси.

**МИРЗО** [a+ф-т] 1 Мирзода, амир ўғли.

2 кт. айн. мирза. *Анвар.. нома ва арзаларнинг.. баъзиларини биринчи хонада олдиға давоат қалам қўйиб дафттар устида ўтирган мирзо, муфтиларға ҳавола қилар эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

**МИРЗОЙИ** [a+ф-т]: мирзойи кавуш эск. баланд ингичка пошнали кавуш. *Мирзойи сабзи сабзининг учи ингичка узун бир хили.* *Мирзойи этик эск. баланд ингичка пошнали этик.*

**МИРИ** [ф-т<a] тар. Беш тийинли чақа, беш тийин. *Бир мири ҳаён, уч*

мири зиён. Мақол. *Дунёники мири кам икки*. Мақол. — *Домла уч мири пул ё битта қатлама келтириб қўйганга сира индамайдилар*. П. Турсун, Ҳқи-тувчи.

◆ **Миридан сирини айирмоқ** (ёки ажратмоқ) муфассал равишда, майда-чуйдасигача текширмоқ. **Миридан-сиригача** муфассал равишда, майда-чуйдасигача, батафсил. *Зиддиллага бу ҳунар ёқиб тушган, уни миридан-сиригача эгаллаб олиш учун бутун кучи, зехнини ишга солган эди*. Х. Назир, Ҳтлар туташганда.

**МИРИЛИК** Мири қийматиға эга бўлган, мирига арзийдиган, миридан иборат. *Бир қулогига уч мирилик танга қистириб олган самоварчи йигит қўш чойнақлаб чой ташиydi*. С. Ахмад, Ҳукм. *Бир мирилик носни баҳона қилиб бозорга тушиб, бутун бир кунини беҳуда ўтказадиланлар кўп*. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**МИРИШКОР** [а+ф-т] 1 Ҳз шининг тажрибали, моҳир устаси; тажрибакор, омилкор. *Миришкор сўчи*. *Миришкор боғбон*. — *Султон бўйи .. ўз ҳунарининг миришқори ҳисобланар*.. эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 с. т. Саранжом-саринта. *Миришкор хотин*.

**МИРИҚМОҚ** Ниҳоят даражада қонмоқ, қониқмоқ, туймоқ. *Чойга мириқмоқ*. Ҳикояни мириқиб эшитмоқ. *Мириқиб ухламоқ*. — *Парваршиш етган гўзалар она сутига мириққан боладек гурқираб ўсарди*. Ш. Ғулмонов, Ташаббус.

**МИРИҚТИРМОҚ** *мириқмоқ* фл. орт. н. *Миришкор сўчи*лар гўзани кеча-кундуз сувга мириқтирмоқдалар.

**МИРОБ** [а+ф-т] Катта ариқдан, анҳордан сув тақсимлаш вазифасини бажарувчи киши.

**МИРОБОШИ** тар. Миробларга бошчилик қилган мансабдор.

**МИРОБЛИК** *мироб с. касб. оти*.

**МИРОХЎР** [а+ф-т] 1 тар. Хонликларда сарой отхоналарига бошчилик қилган мансабдор. *Мен мирохўрдан ўн беш сўм олиб, мана шу остимдаги эшакни сизга бериб кетаман*. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

2 эск. айн. *отбоқар*.

**МИРРИХ** [а] (М — катта) эск. кт. айн. *Марс*.

**МИРСАНЖАЛИ** [а+ф-т]: *мирсанжали ўрик ўрикнинг йирик ва узунчоқроқ бир нави*.

**МИРШАБ** [а+ф-т] 1 тар. Хонликларда тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи. — *Бизни кимнинг ҳукми билан ўлдирмоқчи бўлаётирсиз*, — деди .. *хатирчилик банди, миришаб одами*. Айний, Қуллар. *Миришаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қутидор қайтиб йўлакка кириши билан, .. Офтоб ойим ила Қўмушга .. жон кирган каби бўлди*. А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

2 с. т. *Миянционер*.

**МИРШАБХОНА** [а+ф-т] *Миршаб маҳкамаси ва қамоқхонаси*. *Икки миришаб Уста кулол билан Ҳамроқулни .. бутхонанинг нариги томонидаги миришабхонага томон олиб кетди*. А. Қаҳҳор, Тошоабоб.

**МИРҚУРУК** с. т. ҳазл Ёнида ҳеч пули бўлмайдиган киши ҳақида. [Рўзипаранг:] *Ўзингиз тушунган одам-у, доим мириқуруқсиз, қачонгача сизни кечириб юрамиз, хўжайин*. А. Муҳиддин, Кеҳризас.

**МИРҒАЗАБ** [а] тар. Маҳбус ва бандиларни жазолайдиган, қалтаклаб тергов қиладиган зиндон назоратчиси. *Мирғазаблар кунда келиб, уларнинг [бандиларнинг] ҳар бирини йўлдай уриб сўроқ қиладилар*. Айний, Дохунда.

**МИРҒАҚ** диал. Мурғак.

**МИС** [ф-т] Химиявий элемент, қайишқоқ ва чўкичланувчан қизғиш рангли металл. *Соф мис*. *Қизил мис*. *Сариқ мис*. || *Қамбар ишчам, ярқироқ мис чилимни олиб кетди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Миси чикди** *нопок, қалб иши фош бўлди, сирини очилди*.

**МИСВОК** [ф-т] эск. Арча ва ш. к. хушбўй дарахт ёғочидан қилинган тиш тозаллагич.

**МИСКАР** [ф-т] *Мис буюмлар ясаш ва уларни тузатиш иши билан шуғулланувчи ҳунараманд*. *Гулнор .. мискарлар томонидан самовар тахлитида ясалган қумғондан чой қуяр эди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МИСКАРЛИК** 1 *мискар с. касб оти*. *Мискарликни ўрганмоқ*. *Мискарлик қилмоқ*.

2 тар. *Мискарлар растаси*. *Мискарликдан ўтмоқ*.

**МИСКИН** [а] 1 Фақирликдан оғир аҳволга тушиб қолган, аҳволи танг, бечорахол одам. [Буғроҳож:] *Ха демай элга қаҳатчилик бўлмай .. фақир ва мискинлар ит, эшак гўштини егайлар*. М. Осим, Ҳтрон.

2 сфт *Мунглин, ҳазин*. — *Отанг боққиш чарчаб, бўлганича бўлди*, — деди она *мискин товуши билан*. П. Турсун, Ҳқитувчи.

3 *Халқ куйларидан бирининг номи*.

**МИСКИНЛИК** *мискин 1,2 с. белиги оти*.

**МИСЛ** [а] *Мисол, тимсол, ўхшаш*. *Мисли йўқ олашумул воқеа*. *Мисли топилмайдиган киши*. — *Тошкент тарихида мисли қўрилмаган Азизбек каби ваҳшийни фақат шу Мукулмонқул қўлидан олди*. А. Қодирий, Ҳтган кунлар.

**МИСЛИ** [ф-т<а] *Каби, сингари, бамисоли*. *Қалбини бир оғир ғам ўртарди мисли оташ*. Ҳ. Олимжон.

**МИСЛСИЗ** *Мисли, ўхшашни йўқ; беқийе*. *Мислсиз қаҳрамонлик*. — *Бу ҳаёт оқимида мислсиз гирдоблар учрайди*. А. Қаҳҳор, Сароб. || *Эндиги ривожланиш мислсиз бўлади*. Ойбек, О. в. шабадалар.

**МИСОЛ** [а] 1 *Тушунтириш учун ёки далил, исбот ва ш. к. тариқасида бир турли нарса, ҳодиса ва ш. к. дан олинган айрим намуна; ўрнак*. *Мисола келтирмоқ*. *Мисолага олмақ*. *Мисола учун гапирмоқ*. — [Ҳақимбойачча:] *Емонларнинг кўпайгани ҳақида шикоят қилди*. *Мисола учун Йўлчини олди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *Ечиш, машқ қилиш учун бериладиган математик ифода*. *Мисола ишламоқ*. *Ечилиши осон мисола*.

3 *кам қўлл*. *Каби, сингари, бамисоли, мисли*. *Оқ пахта мис таронаси ёйилсин тоне мисола* Т. Тўла.

**МИСОЛИ** [ф-т<а] *кўп*. (б. к. билан) *Худди, гўё, каби, сингари*. — *Ҳалиги гапимни сир деб бил! — давом этди чол*. — *Пахта бозори мисоли қайнаб тошган бир дарё*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Мунчалар шунчалик кўркам шохингни*. *Қўёшга кўтармай пастга зибсан?* *Соябон мисоли ерга тегибсан*. Шухрат.

**МИСРА** [а мисраъ, 3-ш. бирл. мисраи] *Шеърин асарининг, байтнинг бир сатри, бир қатори*. *Байтнинг биринчи мисраи*. *Шеърнинг охири мисраи*.

**МИСРАИ** қ. мисра.

**МИСРАНГ** [ф-т] Каттиқ нарсаларни кўчириш, бузиш, тешиш ва ш. к. учун ишлатиладиган бир ёки иккала томони учли темир асбоб; лом. *Мисранг билан мис кўчиримоқ*.

**МИССИОНЕР** [р<лат] *Черков томонидан, одатда ҳукумат ёрдамида бошиқа диндаги кишиларни ташвиқот қилиб христиан динига кўчатиш учун қарам ва мустамлака мамлакатларга юборилган тарғиботчи*. *Америка қитъаси янги очилган вақтларда миссионерлар ундаги заҳжиларни христиан динига кўчатиш учун турли йўллари тутганлар*. А. Қаҳҳор, Сароб.

**МИССИОНЕРЛИК** *миссионер с. мавҳ. от*.

**МИССИЯ** [р<лат] 1 *Юксам бурч, масъулиятли вазифа*. *Армиямизнинг буюк қўдрати, инсонларварлик миссияси айниқса Улуғ Ватан уруши даврида янада яққол намоён бўлди*. «С. Ўзбекистон», 1970, 22 февраль.

2 *Бир давлатнинг иккинчи давлатдаги элчи ёки ишончдан вақил бошчилик қилувчи ваколатхонаси*.

3 *Бир давлатнинг иккинчи давлатга махсус топшириқ билан юборган вакиллари*. *Саъдо миссияси*. *Ҳарбий миссия*.

4 *Миссионерлар ташкилоти*.

**МИСТЕР** [р<ингл] *Англия ва Америкада эрларга нисбатан, одатда исми ёки фамилия олдига қўшиб «жаноб» маъносига қўлланадиган сўз*.

**МИСТИК** [р] *Мистикага, тасаввуфга берилган киши; тасаввуфчи*. *Урта аср мистиклари*.

**МИСТИК** [р мистический] *Мистикага, мистицизмга оид, мистикадан, тасаввуфдан иборат бўлган, мистицизм руҳидаги*. *Мистик тушунча*. *Мистик асар*.

**МИСТИКА** [р<грек] Ғайритабиий оламга, илохлар ва илохий кучларга, инсоннинг илохият олами билан алоқа қила олишига ишонидан иборат диний эътиқод, тасаввуф. *Урта аср мистикаси. Мистикага берилиши.*

**МИСТИЦИЗМ** [р<грек] Мистикага, тасаввуфга асосланган идеалистик диний дунёқараш; мистикага мойиллик. *Мистицизм руҳидаги асар.*

**МИСҚОЛ** [а] 1 эск. 4,26 граммга тенг оғирлик ўлчови. *Полвон мисқол тухум, иккита хурмо, ярим мисқол седана, беш дона бўтакўз . . топиб бир пибла сув билан идишда қайнатишга буюрди.* А. Қахҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 кўчма Озгина, жуда оз, жиндак. *Ўзганинг ҳимматиши дарё, ўзингникини мисқол бил.* Мақол.

**МИСҚОЛИ** [ф-т<а]: мисқоли дока юқори сифатли нафис дока. *Буларнинг [отлиқларнинг] бошларида мисқоли докадан салла шолғом шаклида силлиқ қилиб ўралган эди.* Айний, Дохунда.

**МИСҚОЛЛАБ** рвш Бир мисқолдан, мисқол билан. *Оқ олтин тонналарини мисқоллаб гарамлаётган. . . «Ҳн беш мингчи»ларни одамлар ашула қилиб куйламоқда.* И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

**МИТА** 1 бот. Ғалла экинларининг донини қорайтириб юборадиган касаллик; кул.

2 зоол. Донга тушадиган зараркунанда қурт. *Омбор митаси.*

**МИТИНГ** [р<ингл] Бирор муҳим воқеага, кўпинча сиёсий масалаларга бағишланган оммавий йиғин. *Тинчлик тарафдорларининг митинги.* — *Революция қурбонлари митинг бўлган боққа кўмилиди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МИТИНГБОЗЛИК** салб. Бўлар-бўлмаста митинг ўтказавериш, иш ўрнига митингларга берилиб кетиш. *Шовқин-сурон кўтармай ва жар солмай, митингбозлик қилмай . . ташкилотчилик ишларини қўчакитириб юборишинииз керак.* «Қ. Ўзбекистон», 1961, № 279.

**МИТРОПОЛИТ** [р<грек] Православ ва католикларда епископларнинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.

**МИТТИ** Жуда кичкина; жимит. *Митти соққа. Митти китобча.*

**МИФ** [р<грек] Худодлар, афсонавий қахрамонлар, дунёнинг яратилиши ва ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимги халқ ривоятлари; афсона. *Юнон мифлари.*

**МИФИК** [р мифический] Мифга онд, мифдан иборат бўлган, мифга асосланган. *Мифик тушунча ва тасаввулар.*

**МИФОЛОГИК** [р мифологический] Мифологияга онд. *Мифологик ишлар.*

**МИФОЛОГИЯ** [р<грек] 1 Мифлар ҳақидаги фан.

2 Бирор халқнинг мифлари, афсоналари мажмуи. *Грек мифологияси. Шарқ мифологияси.*

**МИХ** [ф-т] Икки нарсани бир-бирига маҳкамлаш, бириктириш учун қоқиладиган бир томони учли, иккин-

чи томони қалпоқли деталь. *Арава миҳи. Миҳ қоқмоқ. Миҳ урмоқ. Миҳни суғуриб олмоқ.*

◆ **Ишлар миҳ с. т.** жуда яхши, жойида, миҳдай. *Ҳамма чапак чалди, демак ишларин миҳ экан-да.* «Муштум», 1959, № 5.

**МИХДАЙ**, «дек 1 Миҳ каби. *Миҳдай қадалмоқ.*

2 кўчма с. т. Жуда яхши, жойида. *Ишлар миҳдай.*

**МИХЛАМОҚ** 1 Икки нарсани бир-бирига миҳ билан маҳкамламоқ, бириктирмоқ. *Улар [колхозчилар] тўғонларни тахта ва қоқиқларни йўғиб, миҳлаб сым ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним оталар «ҳа-ҳа»лаб кўмаклашмоқдалар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 кўчма с. т. Қишини гап ёки бошқа йўл билан ерида қотирмоқ, мулзам қилмоқ. *Қўлимдан келса, мен ҳозир Ашурини бир сўз билан миҳлар эдим-у, Ғуломовнинг мушуқлини осон қилар эдим.* П. Қодиров, Қадрим.

**МИХЛАНМОҚ** 1 миҳламоқ фл. ўзл. ва мажж. н. Миҳланган қоқоқ. — *Отбек эсини бошига йиғиб миҳланган еридан қўзғолганда. . . кишилар уйларига қайта бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *От тўрт оёғи ерга миҳлангандай қимир этмасди.* Ойбек, Қутлуғ кон.

2 кўчма Қимирламасдан, кўзни узмасдан тикилиб қолимоқ. *Штабдагиларнинг кўзлари кўк ва қизил чиқиқлар билан бўялган харитага миҳланиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Халойиқ кўзи билангина эмас, бутун фикру зикри билан ҳам миғбозиға миҳланган эди.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

**МИХЧЎП** [ф-т] 1 Этикдўзликда ишлатиладиган махсус ёғоч миҳча.

2 бот. Узун баргли зубтурум.

**МИШИҚ** Бурундан оқадиган шилмишиқ суяқлик. *Эрмакчиларнинг кутгани ҳам фақат унинг [қовоқ девонанинг] ёши мишиғига, мишиғи тупуғига қўшилиб йиғлаши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Мишиғи оққан кест.** ҳали турмуш тажрибасига эга бўлмаган; ёш, гўдак, фўр.

**МИШИҚИ** 1 Бурундан мишиғи оқиб турадиган. *Мишиқи бола.*

2 айн. мишиғи оққан қ. мишиқ.

**МИШ-МИШ** Эл оғзига тушган, тўғри-нотўғрилиги номаълум хабар, гап-сўз. *Миш-миш тарқатмоқ. Миш-мишларга ишонмоқ.* — *Эрталаб яна турли гаплар эшитила бошлади . . Мадамин воқеасидан ҳам ваҳималироқ миш-мишлар тоғлар, девонларни бир кечада ошиб келиб, қишлоқнинг тор кўчаларига кирган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. || *Колхозлаштириш ҳақида миш-миш гаплар кўпайгандан кейин бунга ҳамма қизиқди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**МИЯ** 1 Одам ва баъзи ҳайвонлар нерв системасининг марказий қисмини ташкил қилувчи, бош косасида

ва умуртқа поғонасида жойлашган модда. *Бош мия. Орқа мия. Мия қоқиғи. Мия касалликлари.* | *Кишининг фикр қилиш органи. Унинг [Жалақнинг] миясиди гўё ҳеч қандай ўй, фикр йўқ эди.* А. Муҳтор, Қорақалпоқ қисаси.

2 кўчма Ақл, онг. *Миясин бор киши. Миясин бутун одам.* — [Зуннунхўжа:] *Миясин борми ўзи, Сидиқжон колхозга киргани билан ер колхозга ўтиб кетмайди, ўртада бўлади!* А. Қахҳор, Қўшчинор.

3 с. т. Бошнинг қоқ тепаси; бош, қалла. *Миясига муштламоқ. Миясиди ёнғоқ чақмоқ қ. ёнғоқ.*

◆ **Миясин жойига келди эс-хушининг йиғиштириб олди, ақли ўзига келди.** **Миясин тўлди ақли кўпайди, воёга етди, етилди.** **Миясига снғдиролмастик** тасаввур қилолмастик, кўз ўнгига келтиролмастик. **Миясини еб қўймоқ** жинни бўлмоқ; ақлдан озмоқ. **Миясини чулғади** ҳаёлини бутунлай банд қилди. **Миясини қоқиб қўлга бермоқ қ. қоқмоқ.**

**МИЯЛИ** Ақли бор, ақли ўткир, ақлли. *Мияли киши.*

**МИЯСИЗ** Ақли йўқ, ақлсиз, беақл. *Миясиз одам.*

**МИҚ**: миқ этмаслик 1) қимир этмай, қимирламай туриш. *Чойнак тош бойладими, миқ этмай туриб қолди;* 2) ҳеч гапирмаслик, бутунлай индамаслик, овоз чиқармаслик. *Тиллабой тепса-тефранмас бир одам бўлиб . . бироз гап сўрамаса, ўзи миқ этмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МИҚДОР** [а] 1 Ўлчаш, санаш мумкин бўлган нарсаларнинг оз-кўплиғи, сони, чамаси. *Иссиқлик миқдори. Сув бир миқдорда оқиб турибди.* — *Кўп миқдордаги сув. Ота-онамдан қолган кўрпа-ёстиқлардан ўзим учун ва укаларим учун керакли миқдорда олдим.* Айний, Эсдаликлар. | *Улуш, ҳисса. Бир миқдор кислотага уч миқдор сув қўймоқ.*

2 филол. Воқеликдаги предмет ва ҳодисаларнинг ҳажм, сон, тараққиёт даражаси жиҳатидан характерловчи категория. *Миқдор ва сифат. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтishi.*

**МИҚДОРИЙ** [а] Миқдорга онд, миқдор билан боғлиқ бўлган. *Миқдорий фарқ. Миқдорий ўзгаришлар. Миқдорий анализ хим. модданинг таркибий қисмлари миқдорини белгилаш учун қилинадиган анализ.*

**МИҚЁС** [а] Қўлам, масштаб. *Иш миқёси. Жаҳон миқёсида аҳамиятга эга бўлган масала. Кенг миқёсда текшириш олиб бормоқ.*

**МИҚНОТИС** [а<грек] эск. кт. айн. магнит.

**МИҚРОЗ** [а] эск. Шам сўхтасини кесадиган кичкина қайчи. *Отбек миқрози билан шам сўхтасини кесиб тузатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МИҚТИ** Серғўшт, аммо пишиқ. *Миқти ийгит.* — *Хусайн Бойқаро белидан*



юқориси кенгайиб борган қабарик кўк-ракли миқти гавдали эди. Ойбек, Навоий.

**МИҚТИЛАМОҚ** Уриб, босиб тигизламоқ, тикиб жойламоқ. *Жуда кўп хазон сипуриб, қанорларга миқтиллаб жойлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МИҚҚИ** с. т. Миққи, пишиқ.

**МИҚҚИЙ** ай. куйка 1.

**МОБАЙНИДА** кўм. (б. к. билан) Бирор вақт давомида, икки мuddат оралиғида, орасида. *Утган вақт мобайнида.* — *Бир неча ой мобайнида қиз йзи хоҳлабми, ё Сидиқжон «асти қўй-магани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қажҳор, Қўшчинор.

**МОБИЛИЗАЦИЯ** [p<лат] 1 Уруш эълон қилиниши муносабати билан запардаги ҳарбийларни ёки уларнинг бир группасини ҳақиқий хизматга чақирishi. *Мобилизация эълон қилмоқ.*

2 Куролли кучларни ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини тинч ҳолатдагидан уруш давридаги даража ва ҳолатга келтириш; сафарбар. *Умумий мобилизация.*

3 *Кўйма* Муҳим топшириқни бажариш учун аҳолини, саноятни сафарбар қилиш. *Йиғим-терим ишига мобилизация қилмоқ.*

**МОВ:** мов бўлмоқ куйикмоқ (мушук ҳақида). *Ҳамма ёқ жимжит. Аллақерда мов бўлган мушуклар вағиллаб бутун қишлоқни бошига кўтармоқда.* А. Қажҳор, Қўшчинор.

**МОВИЙ** [a] *позт.* Тиниқ кўк, ҳаво ранг. *Мовий осмон. Мовий денгиз. Мовий кўл. Мовий кўзлар.*

**МОВЛИЯТ** [a] с. т. 1 Тўй, маърака ва бошқа маросимларнинг умумий номи. [Гулнора:] *Ойим Ҳофиза хола-никига кетганлари учун кўзголомлади.* — *Нега, бирор мовлияти бор эканми?* Х. Нувмон, Фасллар.

2 Маврид, пайт, вақт.

**МОВУТ** Унг томони силлиқ, жун ёки ярми жун мато; сукно. *Бир пальтолик мовут.* || *Мовут иш.* — *У [Хўжабеков] яшил мовут ёпилган, оғир оқ мрамар сиёҳдон қўйилган ҳашаматли стол орқасида улугвор бир вазиятда ўтирарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**МОДА** [ф-т] Товуқ ва беданадан бошқа қушларнинг ургочиси. *Модасига тешигани учун томдаги каптар ҳам буқоғини чиқариб рақибининг теварагида яғрин бера бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МОДА** [p<фр] Маълум бир даврда, маълум муҳида кишиларнинг табиғи, дидига мос бўлган ва кенг тарқалган расм-одат, кийим-кечак ва ш. к. *Ҳозир бу мода эмас. Мода бўлмоқ. Модадан чиқмоқ. Мода бўйича кийинмоқ. Модага қараб соч қўймоқ.*

**МОДАЛ** [p модальный<лат] *лингв.* Модаллик ифодаловчи. *Модал сўзлар.*

**МОДАЛЛИК** *лингв.* Фикрнинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатувчи грамматик категория.

**МОДА I** [a] Жисмларни ташкил қилган нарса. *Органик мода. Портловчи моддалар. Заҳарли моддалар.*

**МОДА II** [a] 1 Расмий ҳужжат, мажмуа, текст, қонун ва ш. к.нинг рақам ёки ҳарф билан ажратиладиган муस्ताқил бўлими. *Уставнинг биринчи моддаси.* — [Жонфигон]. *жиноят қонунлари мажмуасининг аланечанчи моддаси тўғрисида гапирди.* А. Қажҳор, Жонфигон.

2 Бюджет ёки бирор молиявий ҳужжатнинг даромад манбаи ва харажат қисмларини кўрсатувчи бўлими. *Даромад моддалари.*

**МОДДИЙ** [a] 1 Моддадан иборат бўлган, моддадан тузилган. *Моддий олам. Моддий зарра.*

2 Мол ва пулдан иборат. *Моддий ёрдам. Моддий бойлик.* — *Ҳаёт ёлғиз моддий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам мислсиз бой.* Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ **Моддий далил** ай. ашёвий далил қ. далил 2.

**МОДДИЙЛИК** моддий с. белги оти.

**МОДДИОН** [a] *эск. айн.* материал 1.

**МОДДИОНЛИК** *эск. айн.* материализм.

**МОДДИОНЧИЛИК** *эск. айн.* материализм.

**МОДДИЯТ** [a] *эск. кт.* Моддийлик.

**МОДЕЛЧИ** Модель ясовчи уста, ишчи.

**МОДЕЛЬ** [p<фр] 1 Бирор нарсанинг худди ўзидек ёки кичрайтириб, катталаштириб олинган нусхаси. *Трактор модели. Станок модели.* — *Асад қўйди моделин, учди модель ҳаволаб.* Т. Тўла. | *Андаза, нусха. Қўйлакнинг янги модели.*

2 Тасвирий асар учун хомаки мза тернал бўладиган нарса. *Расмом ай асарини бошлар экан, энг аввало мълум эстетик кечинмаларни уйғотадиган, ўй суришга мажбур қилайдиган, завқ баҳи этайдиган модель танлаши керак.* А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси.

3 Қўювчиликда қолип тайёрлаш учун ёғоч ёки металлдан ясалган нусха. *Модель цехи.*

**МОДЕРНИЗАЦИЯ** [p<фр] Замоनावий талаб ва дидга мослаб ўзгартириш; замонавийлаштириш. *Ускуналарни модернизация қилиш.*

**МОДЕРНИЗАЦИЯЛАМОҚ** Модернизация қилмоқ, замонавийлаштирмоқ. *Ускуналарни модернизациялаш ва ялли ўзлаштириш йўли билан шиллаб чиқариш қувватини оширмоқ.*

**МОДЕРНИЗМ** [p<фр] Империализм даври буржуа санъати ва адабиётида реализмга қарши бўлган оқимларнинг умумий номи.

**МОДЕРНИСТ** [p] Модернизм йўлидан борувчи, модернизмга амал қилувчи.

**МОДЕРНИСТИК** [p модернистский] Модернизмга ва модернизмга оид; модернизм талабларига асосланган. *Модернистик музыка.*

**МОДИФИКАЦИЯ** [p<лат] 1 Предмет ёки ҳодисанинг асли моҳияти сақланган ҳолда шаклан ўзгариши ёки ўзгартирилиши.

2 Шундай ўзгаришга учраган предмет ёки ҳодиса, кўриниш.

**МОДОМИКИ** [a+ф-т] *юкл.* Эргаш гаплар бошида келиб, шу гап билдирган маънони таъкидлайди. *Модомики сиз рози экансиз, менинг қаршилигим йўқ.*

**МОЖАРО** [a] 1 Ҳодиса, воқеа. *Даҳшатли можаролар.* — *Зайнабнинг.. оғаси томонидан ушланиб кишанга солинган можароси эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Хатарли иш, хавфли тadbир. [Йўлчининг] *кин ва алам билан сугорилган фикрлари энг кескин чораларга, энг даҳшатли можароларга ундади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Кишининг бошидан кечирганлари, саргузаштлар. *Ишқий можаро. Кечирган можароларни гапирмоқ.*

4 с. т. Жанжал, тортишув, галва. *Шарофат.. Сидиқжоннинг гашига тегмоқчи, шу ерда бирон можаро бошлаб дод солмоқчи эди.* А. Қажҳор, Қўшчинор. | *Тўқнашув, тўқиниш. Чегара можаролари.*

**МОЖАРОЛАШМОҚ** с. т. Келишмовчилик орқасида айтишиб қолмоқ, жанжаллашмоқ. *Қўни-қўшинилар билан можаролашиб қолди.*

**МОЗИ** Болут дарахтининг баргида баъзи паразитлар таъсирида ҳосил бўладиган ёнғоқсимон ўсимта (халқ медицинасида дори сифатида ишлатилади). — [Бозордаги] *моллар ичида жаҳондаги атторликнинг ҳамма жиҳози топилади: .. мози, занжабил, санойи макка, кучала, кўз мунчоқ, .. қўйинчеи, ҳамма нарса бор,— деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**МОЗИЙ** [a] *эск. кт. айн.* ўтмиш. *Чилдухторон — ўша, қора мозиининг энг қора варағи, энг қора боби.* Уйғун.

◆ **Феъли мозиий грам.** ўтган замон феъли.

**МОЗОР** [ф-т] 1 Ўлган кишилар дафи этиладиган жой; қабристон. *Қишлоқ мазори. Болалик уй — бозор, боластиз уй — мазор.* Мақол. — *Қишлоқ олдига пайдо бўлган ўртоқлар мазорига жафокши кампирнинг ҳам жасади қўйилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Гўр, қабр. [Ёрмат] *қаёққадир, балки Гуанорнинг мазорига, илдам эшнаркан, лаблари муттасил пичирларди: — Нима иш қилдим? Гуноҳми? Савобми? Ойбек, Қутлуғ қон.*

◆ **Мазор босган** *эки мазор босиб келган с. т.* узоқдан, бошқа жойдан келган, табаррук (егулик ҳақида). *Вали полвон буркада турган қопидан «мазор босиб келган» патир билан туршак, анор олиб қўйди.* Х. Назир, Ўтлар туташганда. **Очик** «мазорда 1) ҳеч қачон, ўлганда ҳам; 2) ҳеч қарда.

**МОЗОРИСТОН** [ф-т] Қабристон, мазор. *Нуриини нақ мазористонда ёл-*

ғиз қолган каби бир *ваҳима* босди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МОЗОРОТ** [ф-т] диал. Мозористон. [Ҳакимбек:] Кеч қолган одам мазорот-да ётади дегувчи эди. «Алломиш».

**МОЙ** 1 Чорва молларидан, баъзи жониворлардан, айрим экин ва ўсимликларнинг уруғ, гул ва меваларидан ёки минераллардан олинадиган, сувда эримайдиган модда. *Думба мойи. Балиқ мойи. Пахта мойи. Эфир мойи. Минерал мойлар.*

2 Сурков ёки пардоз материали. *Машина мойи. Этик мойи.*

◆ **Мойдек ёқмоқ** жуда ёқиб тушмоқ. **Мой тўқилса ялагудек айн.** ёғ тушса (ёки томса) ялагудай қ. ёғ. **Оғзинга мой бирор янги хабар келтирган ёки яхши ният, гап айтган кишига жавоб тариқасида айтиладиган ибора.** **Оғзидан мой томади айн.** оғзидан бол томади қ. бол. **Ничоғи мой устид** маишати зўр, иши йирик. **Қозонни мой қилмоқ** маиший аҳволни яхшилаб юбормоқ. — *Шошма ҳали Қамбар қозонини мой қиларман бир кун.* — *кибрлаиб деди Обиджон.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой** маиший камчилиги йўқ, ҳамма нарса тўқин.

**МОЙЖУВОЗ** Ўсимлик уруғидан мой олинадиган жувоз ва шу жувоз жойлашган жой.

**МОЙИЛ** [а] 1 Майли, кўнгли бор, кўнгил қўйган. *Илға мойил одам.* — *Ҳакимбойвачча кўнгли билан бўлма-да, эркак орзуси, ҳирси билан Гулнорга мойил эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Ён босувчи, тарафдор. *У менинг фикримга мойил.* *Узига мойил одамларни тўйламоқ.*

2 Яқинлашиб борувчи, яқин. *Олти-етти ёшлар чамаси дўндиққина, оққа мойил юзаси иссиққина . . . бу жажжи қиз . . . қўғирчоққа ўхшар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Тез берилувчан. *Қасалликларга мойил одам.* — *Рағно табассумга мойил жоду кўзлари билан Анварга оҳиста бош кўтариб қаради.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МОЙИЛЛАНМОҚ** кам қўлл. 1 Мойил бўлмоқ, кўнгли қўймоқ.

2 Ён босмоқ, тарафини олмақ. *Масаланинг бу янелиг бошланишига ва бунинг устига эрининг [Отабекка] мойилланишига Офтоб ойим нима дейишини билмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МОЙЛАМОҚ** Мой сурмамоқ, мой бермоқ. *Машинани мойламоқ. Этик мойламоқ.*

◆ **Оғзини (ёки томоғини) мойламоқ** пора тариқасида меҳмон қилмоқ ёки пора бермоқ. — *Хумларнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин? Доридан ичар? — деди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МОЙЛАНМОҚ** 1 **мойламоқ** фл. мажх. н. *Мойланган арава. Мойланган этик.* — *Ҳоким соқоли тоза қирилиб, қора мўйлови мойлангандай йилтираб турган.. ўзбекка юзланиб бош ирғади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 **кам қўлл.** *Мой босмоқ, кирлавиб мойи чиқмоқ. Эғнида кирланиб, мойланиб йилтиллаган, доғ-дуғли . . . қора камзул.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МОЙЛАТМОҚ** **мойламоқ** фл. орт. н. *Этик мойлатмоқ.*

**МОЙЛИ** 1 Мойи бор, мой олиш мумкин бўлган. *Мойли ўсимликлар.*

2 **Мойланган, мой берилган.** *Мойли қоғаз.*

3 **Сермой, ёғли.** *Турсуной туҳум билан қовурилган мойли қўй гўштиги бир хитой лағанда келтириб, сандал устига қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МОЙХУРАҚ** Отнинг ёлида ва одамнинг бошида бўладиган тери касаллиги.

**МОЙЧЕЧАҚ** Мураккабгуллиларга мансуб, ўртаси карнайча шаклидаги сариқ ва чети косагул шаклидаги оқ гуллардан иборат тўпгулли ўсимлик ва унинг гули.

**МОЙЧИРОҚ** диал. Қора чироқ, лампа. *У [Жапақ] яна мойчироққа тикилди, яна ўзини унутди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**МОКИ** [ф-т] 1 Тўқув дўқони ёки станогнинг, газмолнинг ўришига арқоғини ўтказиш учун хизмат қиладиган ғалтаги.

2 Тикув машинасининг пастки ипини бериб турадиган ғалтакчаси.

◆ **Бўзчининг моқисидай югурмоқ (ёки қатнамоқ)** тўхтовсиз, тез бориб-келиб турмоқ, қатнамоқ.

**МОЛ** [а] 1 Йирик шоҳли уй ҳайвонлари (сигир, хўқиз, кўтос ва ш. к.); қора мол. *Мол оласи ташиди, одам оласи ичида.* Мақол. | *Умуман тўрт оёқли чорва.*

2 *Кўйма с. т.* Қўпол, тарбиясиз одам ҳақида. | *сўк.* Ҳайвон. — *Гапир, мол — деди мингобоши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бисотдаги буюм, бойлик. *Йегит мол иерда.* Мақол. — *Бу кун кечаси Тошкент қон ичида, . . . ҳукумат кишилари халқ томонидан ўдириладирлар, уйларига ўт қўйилиб моллари талонга тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Қелиннинг кийим-кечаклари; сеп. *Гапнинг сираси шуки, қизнинг молини тўлатаман деб, отангиз бир оз қоқилиб қолдилар.* «Муштум», 1959, № 15. **Мол ёр этн.** келин туширилган куннинг эртасига келин тушган уйда унинг сепини ёйиш ва хотинларга зиёфат бериш маросими. **Мол йнгар этн.** тўйдан тахминан 20—30 кун ўтгандан кейин келиннинг ёйилган сепини йнғиш муносабати билан ўтказиладиган хотинлар маросими.

4 Сотиладиган нарса, буюм; товар. *Баъзи дўқонларда, ердан шинга қадар қаланган моллар орасида ўн икки-ўн уч янгар жажжи болалар ўтиради, савдо қилади, чўт қоқади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МОЛА** Ҳайдалган ернинг кесакларини майдалаб текислаш ва зичлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби, боронанинг ёғочдан ясалган

жайдари тури. *Матқовул қишида ҳам тинмади. Узига омон йўнди, мола ясади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МОЛАЛАМОҚ** Мола билан шудгорнинг кесакларини майдалаб текисламоқ. *Мола босмоқ.*

**МОЛАЛАМНОҚ** **молаламоқ** фл. мажх. н.

**МОЛАЛАТМОҚ** **молаламоқ** фл. орт. н.

**МОЛБОҚАР** Молларга қаровчи, мол боқувчи. *Сувчилар ариқларни тозалашмоқда, молбоқарлар йўнғичқа ўрмоқда.* Айний, Қуллар.

**МОЛДОР** [а+ф-т] Моли, чорваси бор. *Молдор қолхозчи.*

**МОЛ-ДУНЁ**, молу дунё кишининг бутун бойлиги, давлати; мулк. *Юзбошининг мол-дунёси бениҳоя кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган қўриқлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МОЛЁКУЛА** [р<лат] Модданинг асосий химик хоссаларига эга бўлган энг майда зарраси.

**МОЛЁКУЛЯР** [р молекулярный] Молекулага оид. *Молекуляр оғирлик.* | Молекуларни ўрганишга оид, молекуларни ўрганиш билан шуғулланган. *Молекуляр назария. Молекуляр физика.*

**МОЛИБДЁН** [р<грек] Химиявий элемент, қаттиқ, ялтироқ қумушсимон оқ металл.

**МОЛИК** [а] кт. айн. эга. *Қатта аҳамиятга молик масала.* — *Отабекнинг . . . эгган хатини ўқиб эшитиш Қумуш учун қатта қийматга молик эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МОЛИМАРДУМХУР** [а+ф-т] айн. мардумхўр.

**МОЛИМАРДУМХУРЛИК** 1 молимардумхўр с. белги оти

2 айн. мардумхўрлик 2.

**МОЛИЯ** [а] 1 Халқ хўжалигида айланиб турган пул маблағлари. *Молия ишлари. Молия министрлиги. Молия бўлими.*

2 с. т. Пул маблағлари тўплаш, тақсимлаш каби ишлар билан шуғулланувчи давлат органи. *Молияга бормоқ. Молия системасида ишламоқ.*

**МОЛИЯВИЙ** [а] Молияга оид; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган. *Молиявий масала. Молиявий план. Молиявий ишлар.*

**МОЛИЯТ** [а] эск. кт. айн. солиқ 1. *Қиши билан чўлдан ўтин ташиб сотиб шу молият пулини зўрга тўладим.* Айний, Қуллар.

**МОЛЛЮСКА** [р моллюск<лат] Чиганок ичида бўладиган умуртқасиз юмшоқ танли жонивор. *Денгиз моллюскалари.*

**МОЛ-МАНОЛ**, молу манол эск. айн. мол-дунё.

**МОЛ-МУЛК**, молу мулк айн. мол-дунё. *Мол-мулкни мўсодара қилмоқ.*

**МОЛЮТІЛКА** [р] Ғалла янчадиган машина. *Ҳозир трактор ҳайдаётган жойларда у пайтга бориб комбайнлар сузади, пастда, кўчма уй турган ерда*

эса молотилкалар тақиллайди. О. Ёкубов, Бахор кунларидан бирида.

**МОЛПАРАСТ** [а+ф-т] Молга, дунёга берилган, фикри-зикри мол бўлган одам; дунёпараст.

**МОЛХОНА** [а+ф-т] Мол турадиган бино; офилхона, огил. *Қолхоз молхоналари.*

**МОЛҚУРА** айн. қўра 2.

**МОЛ-ХОЛ** Қишининг бисотидаги бор нарсалари. *«Қолхозга кирмаганларнинг мол-ҳоли, бутун рўзғори тортиб олинар эмиш», деган гаплар тарқалди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**МОМА** диал. 1 Ота ёки онанинг онаси; буви.

2 Қампир. *Равшанбек, моманинг сўзларига ишонмай, ҳуркиб-ҳуркиб борди.* «Равшан».

3 Қампирларга мурожаат формаси. *Чўлларда йиғлайсан бундай мингайиб, не сабабдан, мома, сочингни ёйиб?* «Алпомиш».

◆ **Мома Ҳаво** диний афсоналарга кўра, ер юзидан биринчи яратилган хотин, Одам отанинг жуфти.

**МОМАГУЛДУРАК** диал. Момақалди роқ.

**МОМАСИРКА** Момақаймоққа ўхшаш тўзғоқли бир хил ўт.

**МОМАТАЛОҚ** Қаттиқ калтак зарбидан танада қон талашиб кўкариб кетган жойлар. *Уни [Аҳмадбекни] худодан қайтган деб таёқ билан саваладилар, баданларини моматалоқ қилиб қонга буладилар.* М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**МОМАҚАЙМОҚ** Сарик тўпгулли, шамолда учиб кетадиган тўзғоқ уруғли ўт; қоқи ўт.

**МОМАҚАЛДИРОҚ** Осмонда чақмоқ чақилиши вақтида вужудга келадиган гулдурос, гумбирлаш. *Олида, ғарб томондан, осмонни икки бўлиб чақмоқ чақди, анчадан кейин момақалди роқ гулдирайди.* Ж. Ташенов, Жангчи Утеген.

**МОМИҚ** 1 Тоза оқ пахта.

2 Юмшоқ юнг, тивит. *Назокат қоракўл ёқали пальто, момик рўмол ўраб олган.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 *Кўчма* Пахтадай оппоқ, юмшоқ, лўппи, момикдай. *Момик қўллар.* — *Гуппа-гуппа ёғар эди момик қор.* Ж. Жабборов.

**МОМО** юқ. усл. Мома, она.

**МОНАНД** [ф-т] кт. 1 айн. ўхшаш. *Ўлкамиз жаннатга монанд.* Ғ. Ғулом. *Мисоли йўқ латофатда мулоим гул баданларда, Такалум қилсалар монанди йўқ ширин суханларда.* Ҳабибий. 2 Мос, мувофиқ. *Бригада аъзоларидан яна бири исми жисмига монанд Барно Ҳожиевадир.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

**МОНАРХ** [р<грек] Монархия давлатининг яқка ҳукмрони; мустабид ҳоким, подшо, қирол.

**МОНАРХИЗМ** [р] 1 Монархияни давлат тузумининг энг маъқул формаси деб ҳисобловчи реакцион сиёсий йўналиш.

2 айн. монархия.

**МОНАРХИСТ** [р] Монархизм тарафдори.

**МОНАРХИЯ** [р<грек] Яқка ҳокимиятчилик, давлат тепасида монарх, қирол, подшо турадиган ҳокимият формаси ва ҳокимиятнинг шу формасига эга бўлган давлат. **Абсолют монархия** ҳокимият бус-бутун монарх қўлида бўлган тузум. **Конституцияли (ёки конституцион) монархия** монарх ҳокимияти, унинг ҳуқуқлари конституция билан чекланган ҳокимият.

**МОНАРХИЯЧИ** Монархия тарафдори; монархист.

**МОНАСТЫР** [р монастырь<грек] 1 Тарки дунё қилган христианларнинг ўз ер-мулки, сармоясига бўлган диний жамоаси.

2 Шундай жамоага қарашли черков, турар жой, ер-мулк ва бошқалар.

**МОНАХ** [р<грек] Тарки дунё қилиб монастирда яшовчи диний жамоа аъзоси; роҳиб.

**МОНГОЛ** қ. монголлар. *Монгол тили.* || *Монгол аёл.*

**МОНГОЛЛАР** айн. мўғуллар 1.

**МОНЕ** [а] Тўсқинлик, қаршилик қилувчи, маъ этувчи нарса. *Моне бўлмақ.*

**МОНЕЛИК** Тўсқинлик, қаршилик қилиш, монe бўлиш, йўл қўймаслик. [Анвар:] *Сен билан менинг ҳар тўғрида ҳам очик сўзлашмагимизга ҳеч бир монелик бўлмас, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Раҳбарнинг машинада пахта теришга монелик қилиши ҳурматли ўқувчиларга қизиқ туюлмадан мумкинмас.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**МОНЕСИЗ** Ҳеч қандай тўсиқсиз; бемалол.

**МОНИЗМ** [р<грек] Борлиқнинг асоси битта (материя ёки рух) деб ҳисобловчи фалсафий таълимот; тақ. дуализм. *Материалистик монизм. Идеалистик монизм.*

**МОНИСТ** [р] Монизм тарафдори, издоши.

**МОНИСТИК** [р монистический] Монизмга оид, монизмга асосланган. *Монистик назария Монистик дунёқараш.*

**МОНОГРАФИК** [р монографический] Монографияга оид; монографиядан иборат бўлган. *Монографик тадқиқотлар. Монографик асар.*

**МОНОГРАФИЯ** [р<грек] Бир мавзу, бир масалага бағишланган илмий асар. *Ҳалмза ижоди ҳақидаги монография.*

**МОНОЛИТ** [р<грек] 1 Яхлит тош парчаси; харсанг. | Яхлит тошдан ташлаб ишланган предмет.

2 геол. Ер тузилишининг вертикал кесимини кўрсатувчи тупроқ қатламларининг структураси бузилмаган ер намунаси.

3 сфт, кўчма Жипс, метиндек мустаҳкам. *Монолит бирик.*

**МОНОЛОГ** [р<грек] Саҳна ёки бошқа адабий асар иштирокчиларининг ўзига, бошқа иштирокчиларга ёки томошабин-

ларга қарата нутқи. *«Навоий» пьесасидаги Навоий монолоғи.* — У [Мурзин] *аллақайси бир пьесадан монолог ўқиб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**МОНОПОЛИСТ** [р] айн. монополициячи. **МОНОПОЛИСТИК** [р монополистический] 1 Монополия принципларига асосланган. *Монополистик капитал.* 2 Монополияга оид (қ. монополия 2). *Монополистик бирлашма.*

◆ **Монополистик капитализм** айн. империализм.

**МОНОПОЛИЯ** [р<грек] 1 Савдо ёки ишлаб чиқаришнинг бирор соҳасида бир кишининг ёки бир гуруҳ кишиларнинг ёхуд давлатнинг танҳо ўзига бўлган ҳуқуқ. *Давлат монополияси. Ташқи савдо монополияси. Пўлат ишлаб чиқаришни монополия қилиб олмақ.*

2 Хўжалиқнинг бирор соҳасига яқка ҳукмронлик қилиш ва энг кўп фойда олиш мақсадида капитални бирлаштириш асосида вужудга келган йирик капиталистик бирлашма. *Капиталистик монополиялар. Монополиялар рақобати.*

**МОНОПОЛИЯЧИ** 1 Бирор соҳани танҳо монополия қилиб олган, савдо ва ишлаб чиқариш соҳаларида ёки бошқа бирор соҳада жуда катта ҳуқуқларга эга бўлган одам, ташкилот ёки давлат.

2 Йирик капиталист, монополистик капитал намояндаси. *Америка монополиячилари.*

**МОНОТЕИЗМ** [р<грек] Фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод формаси, яқка худодилик; акси **политеизм**.

**МОНОТЕИСТ** [р] Монотеизм тарафдори.

**МОНОТЕИСТИК** [р монотеистический] Монотеизмга, яқка худодилкага оид. *Монотеистик таълимот.*

**МОНОТИП** [р<грек] Ҳар бир харфнинг айрим-айрим қўйиб, териб берадиган типография машинаси.

**МОНОТИПИСТ** [р] Монотипда ҳарф терувчи ишчи.

**МОНОТИПЧИ** айн. монотипист.

**МОНТАЖ** [р<фр] 1 Машина, ускуна, иншоот ва ш. к.нинг қисмларини маълум план ёки чизма асосида йиғиш ва ўрнатиш. *Электростанция монтажи. Прокат станогини монтаж қилиши. Монтаж ишлари.*

2 Фильм, адабий ва музика асарлари, расм ва ш. к.нинг парчаларини танлаб олиб мазмун ва бадий жиҳатдан бир бутун ҳолга келтириш. | Шу усул билан тузилган фильм, расм, асар. *Адабий монтаж. Фотографик монтаж.*

**МОНТАЖЕР** [р<фр] Монтаж мутахассиси (кинематография ва фотографияда).

**МОНТАЖЧИ** Монтаж қилувчи, йиғувчи ишчи, мутахассис (қ. монтаж 1).

**МОНТЁР** [р<фр] Электр ўтказувчи ва тузатувчи ишчи, мутахассис.

**МОНУМЕНТ** [р<лат] Бирор тарихий воқеа ёки буюк шахс шарафига қўйилган катта ҳайкал ёки ёдгорлик

иншооти. *Ғалаба шарафига қўйилган монумент.* | Гўр устига гранит, мрамор ва ш.к.дан қурилган лавҳали ёдгорлик.

**МОНУМЕНТАЛ** [р монументальный] 1 Ҳашаматлиғи билан катта таассурот қолдирадиган; улкан, салобатли, мухташам. *Монументал бино.* 2 *кўчма* Асосли, чуқур мазмунли. *Монументал тадқиқот. Монументал асар.*

3 Улуғворлиги билан ажралиб турувчи ва юксак формаларда ифодаланган. *Монументал скульптура. Монументал расм.*

**МОПАРДА** [ф-т] *кт.* Ҳаёли, уятчанг. *Ишқилиб бўйида бўлмаган бўлсин. Вой қиз йлгур бало экан, ичидан пишган экан. Афтига қарасанг шундоқ мопарда, ақлли, ҳушли қизга йхнаб кўринади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МОПОР** [ф-т] *фольк.* Ер, жонон. *Ғиротингдан кам эмасди жасади, Мопор олса ёзиларди қаноти.* «Нигор ва Замон».

**МОР** [ф-т] *айн.* илон йили қ. илон. **МОРДВИН** қ. мордвинлар. *Мордвин тили.* || *Мордвин аёл.*

**МОРДВИНЛАР** Мордва АССРнинг асосий аҳолисини ташкил этувчи халқ.

**МОРЗЕ** [ингл. < атоқли отдан]: Морзе алифбеси ҳарф ва рақамлар, нуқта ва тирелар билан кўрсатиладиган шартли телеграф белгилари системаси. *Морзе аппарати* Морзе алифбеси ёрдамида сигналлар берувчи энг содда телеграф аппарати.

**МОРОЖНИЙ** [р мороженое] Қаймоқ, сут, мева суви ва ш. к.дан музлатиб тайёрланадиган ширин егулик.

**МОРФЕМА** [р < грек] *лингв.* Сўзнинг маъно англатувчи, қисмларга бўлинмайдиган бўлаги (ўзак, аффикс).

**МОРФИЙ** [р < грек] Кўкнор шира-сидан олинадиган, оғриқни босадиган ва уйқу келтирадиган наркотик дори (маълум дозадан ортиғи кишини захарлайди).

**МОРФОЛОГИК** [р морфологический] Морфологияга оид. *Морфологик анализ. Сўзнинг морфологик таркиби.*

**МОРФОЛОГИЯ** [р < грек] 1 Органнизм, аъзо, замин тузилиши ҳақидаги фан. *Экспериментал морфология.* | *Организм, аъзо, замин тузилиши. Усимлик поясининг морфологияси. Бактерия морфологияси. Замин морфологияси.*

2 Сўзларнинг состави ва ўзгариш формалари системаси, грамматиканинг сўз состави ва формаларини ўрганувчи бўлими. *Ўзбек тили морфологияси.*

**МОС** [а] 1 Бир-бирига тўғри; ўхшаш, монанд. *Икки севгучи қалбнинг орзулари, ўйлари, қарашлари ҳар масалада ғоят мос келар .. эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Муносиб, лойиқ. *Келин билан кувв бир-бирига жуда мос.* || *Мос кандидатура.*

3 Тўғри келадиган; лойиқ, боп. *Комбинезон билан резинка этик жуда катта эди, унга [Луқмончага] мосини*

*складан топишолмади.* А. Мухтор, Туғилиш.

4 Мувофиқ, уйғун. *Ҳар томондан «вит-вит», «чиги-чиги» деб сайраган қушларнинг турли қўшиқлари сойини нашъасига мос бир музика ҳосил қилган.* П. Турсун, Ўқитувчи. || *Кўкраклар оёқларнинг оҳангдош учушига мос диркиллайди.* Ойбек, Куёш қораймас.

5 Бир турдаги (ўйин қартаси ҳақида). *Қарта мос келди. Мос тушингиз.*

**МОСЛАМОҚ** Мос қилмоқ, мос, мувофиқ холга келтирмоқ, мувофиқлаштирмоқ. *Шеърни куйга мосламоқ.* — *Ҳамза ўз асарларидаги ҳажвий ролларни кўпинча Юсуфжон акага мослаб ёзарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**МОСЛАНМОҚ** мосламоқ *фл.* ўзл. ва *мажх. н.* Омборга мосланган бино. *Шароитга мосланиш.*

**МОСЛАНТИРМОҚ** мосланмоқ *фл.* *орт. н.* *Шароитга мослантирмоқ.*

**МОСЛАШМОҚ** 1 Мос холга келмоқ, мос бўлмоқ, мувофиқлашмоқ. *Шароитга мослашмоқ.*

2 *грам.* Ҳоким сўз формасига мос шакл олмоқ. *Эгага кесимнинг шахс ва сонда мослашмоғи.*

**МОСЛАШТИРИЛМОҚ** мослаштирмоқ *фл.* *мажх. н.* *Ускуналар металл ишлагига мослаштирилган.*

**МОСЛАШТИРМОҚ** мослашмоқ *фл.* *орт. н.*

**МОСЛАШУВ** 1 мослашмоқ *фл.* *иш оти.* *Шароитга мослашув.*

2 *грам.* Сўз бирикмаси ёки гапда тобе сўзнинг хоким сўз формасига мос шакл олишидан иборат синтактик алоқа.

**МОСУВО** [а] Бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган, айрилган. *У ҳамма нарсадан мосуво. Мосуво бўлмоқ. Мосуво қўлмоқ.* — [Ҳамроқул:] *Туғилиб ўсган қишлоғим, уй-жойимдан мосуво бўлдим.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қисаси.

**МОТ** [ф-т] Шаҳмат ўйинида шохнинг рақиб донаси ҳужумидан ҳимоя топполмай қолган ютқиқ ҳолати. **Мот бўлмоқ** 1) ютқизмоқ; 2) *кўчма* мунозара, аския ва бошқа тортишувларда енгилмоқ, мулзам бўлмоқ. **Мот қилмоқ** 1) ютмоқ. *Қилур майдони шахматда суриб от, Уйинчиларни беи ўн кишт ила мот.* Ҳабибий; 2) *кўчма* енгмоқ, мулзам қилмоқ. *Агар одам гапни ўз жойига қўйса, ҳар қандай одамни ҳам мот қила олади.* Айний, Дохунда.

**МОТАМ** [ф-т] 1 Яқин ёки муътабар кишининг ўлими муносабати билан бўлган азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русумлар (қора кийиш, байрам қилмаслик ва ш. к.). *Мотам байроғи. Мотам либоси. Мотам мажлиси. Мотам марши.* Ақасининг дарди билан тўйлан қалби учун, яқиндагина ўлган онасининг мотами ўз кескинлигини бир даража йўқотган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. *Менга мотам тутиб қора боғламанг, Тенгу тушим [тенг курларим] нозик бағрин доғламанг!* Ҳамза.

2 *кўчма* Қаттиқ ташвиш, ғамгинлик,

хафагарчилик. *Қайнатанинг Гулнорага уйланиш нияти улар учун катта мотам бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МОТАМЛИ** 1 Мотамга тегишли, мотам билан боғланган. *Мотамли кунлар.*

2 Мотам тутувчи, азадор. *Мотамли киши.*

**МОТАМСАРО** [ф-т] *поэт. айн.* мотамли 1. *Саломатнинг ранги сарғайган. гўё энг яқин кишисини қабрга қўйиб келаётгандек мотамсари бир қиёфада эди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**МОТАМХОНА** [ф-т] Мотам тутилдиган жой, мотамли уй.

**МОТИВ** [р < фр] Сюжетнинг таркибий элементи, асарнинг асосий мазмуни, мавзун. *Достоннинг мотиви.*

**МОТКА** [р матка] *с. т.* Қарта ўйинида: хотин киши расми солинган, катталиқда учинчи ўринда турадиган қарта.

**МОТОДРОМ** [р] Мотоцикл мусобақаси ва синови ўтказиладиган жой, майдон.

**МОТОКРОСС** [р] Паст-баланд, ўнқир-чўнқир йўлларда ўтказиладиган мотоцикллар мусобақаси. *Мотокросс ўтказмоқ.*

**МОТОПОЙГА** Мотоцикллар пойгаси, мусобақаси.

**МОТОР** [р < лат] Бирор турдаги энергияни механик энергияга айлантирадиган машина, двигатель. *Трактор мотори. Автомобиль мотори. Моторни юргизмоқ. Моторни ўчирмоқ.* — *Умарали Анорхон билан айтишиб турган чоғда. Содик сақраб «универсал»га минди, моторни тариллатиб ишда давом этди.* Й. Раҳим, Ихлос.

**МОТОРИСТ** [р] Моторга қаровчи киши; моторчи.

**МОТОРЛАШМОҚ** Механик транспорт билан таъминланмоқ (қўшни ҳақида). *Моторлашган қисмар.*

**МОТОРЛАШТИРИЛМОҚ** моторлаштирмоқ *фл.* *мажх. н.* *Моторлаштирилган дивизия.*

**МОТОРЛАШТИРМОҚ** моторлашмоқ *фл.* *орт. н.* 1 Мотор билан жиҳозламоқ. *Пароходлари моторлаштирмоқ.*

2 Қўшинни транспорт билан таъминламоқ. *Пиёда аскарларни моторлаштирмоқ.*

**МОТОРЛИ** Мотори бўлган, мотор ўрнатилган. *Моторли қайиқ. Моторли вагон.*

**МОТОРЎЛЛЕР** [р] Мотоциклнинг ғилдираги кичик, эгари билан бошқариш механизми ўртасида оёқ қўядиган очиқ оёи бўлган бир тури.

**МОТОРСИЗ** Мотори йўқ, мотор ўрнатилмаган. *Моторсиз вагон.*

**МОТОРСОЗЛИК** Мотор ишлаб чиқариш ва саноатнинг мотор ишлаб чиқарадиган тармоғи.

**МОТОРЧИ** *айн.* моторист.

**МОТОЦИКЛ** [р] Ички ёнишли двигатель кучи билан юрадиган икки ғилдиракли машина.

**МОТОЦИКЛЕТ** [р] *айн.* мотоцикл

**МОТОЦИКЛЕТЧИ** айн. мотоциклчи.

**МОТОЦИКЛЛИ** Мотоцикли бўлган, мотоцикл минган. *Мотоциклли киши.*

■ *Танклар орасида пулемётлардан ўқ узиб, мотоциклли солдатлар келадилар.* И. Раҳим. Чин муҳаббат.

**МОТОЦИКЛЧИ** Мотоцикл минган, мотоцикл ҳайдовчи ёки мотоцикл спорти билан шуғулланувчи киши.

**МОХ** [р] айн. йўсин II. *Мох босган сингари кўм-кўк арчазор жарликлар пичоқ билан қирқилгандай тикка тушиб, ўйноқи соғларга этагини солиб ётибди.* А. Мухтор, Тугилш.

**МОХОВ** I Бир турли бацилла туфайли юзага келадиган юқумли оғир тери касаллиги. | Шу касалга йўлиққан киши.

2 *кўчма с. т.* Расво, ярамас, чатоқ. *Мохов одам.* *Мохов ши.* | *Ишнинг моховини чиқармоқ.* *Моховга ошна қилмоқ* расвосини чиқармоқ.

3 Қарғиш билдиради. *Мохов бўлгур.* *Мохов бўлай.*

◆ **Якка мохов** кишиларга аралашмайдиган ёки аралаштирилмай қўйилган одам. *Қўшиллар уни [Бўрибойни] якка моховга чиқариб на таъзия ва на тўй-ҳашама айтмай қўйишган.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**МОХОРА** Нўхат, гўшт солиб тайёрланадиган бир хил суюқ ош. *Мохора шўрва.*

**МОЧА** I Урғочи эшак.

2 *сўж.* Хотин-қизларга нисбатан қўланадиган қаттиқ ҳақорат сўзи.

**МОЧАЛКА** [р] Ювиниш учун ишлатиладиган чипта ёки бошқа тола боғлами.

**МОЧАҲАР** айн. моча I.

**МОЧАҒАР** айн. моча 2. *Анови қишлоқда Чинор деган бир мочағар бор эди .. бир .. домла билан ўйнашиб юриб, унга тегиб олди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**МОШ** [ф-т] Дуккаклиларга мансуб юмалоқ тўқ яшил донли экин ва унинг овқатга ишлатиладиган дони. *Мош эмоқ.* *Бир овқатли мош.*

◆ **Кўзи мошдай очилди** I) ҳушёр тортди, ўзига келди. [Отабекнинг] кайфи тарқаландек бўлиб, кўзлари мошдек очилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) асқатиб, кунига яраб жуда хурсанд бўлди. *Кўмирни ғамлаб олган эди, совуқ тушганда кўзи мошдай очилди.*

**МОШ-ГУРУЧ** [ф-т] Оралабоқ тушган (соч-соқол ҳақида). *Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёнган баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МОШКИЧИРИ** I Мош билан гуручдан пишириладиган қуюқ овқат.

2 *кўчма* Оқ аралаш, оқ-қора аралаш, мош-гуруч (соч-соқол ҳақида). [Чол] калта мошкичири соқолини тутамлаб, қулгисини яширди. Ҳ. Назир, Узр, отахон.

3 *кўчма* Аралаш-қуралаш, аралаш-қуралаш бўлиб кетган. *Иш мошкичири бўлиб кетибди.*

**МОШОВА** [ф-т] Мош ва қовоқ солиб тайёрланадиган суюқ овқат, мош-қовоқ оши.

**МОШПОЯ** [ф-т] I Мош экиннинг пояси. *Мошпоyani юлиб олмоқ.*

2 Мош экилган ер. *Мошпояга сув қўймоқ.*

**МОШУГРА** Мош ва уградан тайёрланадиган суюқ овқат.

**МОШХУРДА** [ф-т] Мош билан гуручдан тайёрланадиган суюқ овқат. *Кечқурун Саодат кампир дўппидай ўчоқ олдида чўққайиб, мошхурда қайнатаркан, йўлчи кириб келди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МОЯ** I Урғочи туя. — *Бир қари нор пўнақлини кўрдингми? — Бизнинг элда қолган учта мояси.* «Нигор ва Замон».

**МОЯ** II [а] кт. Бирор нарсанинг асосини ташкил қилган модда, асос бўлган нарса; ўзак. | *кўчма* Бирор гуруҳнинг, коллективнинг асосини ташкил қилган шахслар. У [Абдураҳмон] кутган асосий моялар, яъни *мударрис, пешволар .. зияратчилар орасида кўз оғриғи учун ҳам кўринамдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МОЯК** I Товуқнинг тухум қилиши керак бўлган ерга қўйиладиган тухум ёки тухумга ўхшаш нарса. [Фотима:] *Келинпошиша, товуқларингизга мояк қўйдингизми? А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.*

2 *диал.* Тухум.

**МОЯНА** [ф-т] с. т. Маош. *Бир ойлик мояна.* *Мояна олмоқ.* *Мояна тўлмоқ.*

**МОЯНАХУР** кам қўлл. Фақат мояна, ойлик билан ҳаёт кечирувчи.

**МОҒОР** Туриб қолган нарсаларда ёки зах ерларда микроскопик замбуруғларнинг тўпланишдан ҳосил бўладиган ва нарсаларни чиритадиган момиксимон туклар, пўпанак. *Китоб варақларидан зах ва моғор ҳиди анқир эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **Моғор босган (ёки отган) I)** моғор билан қопланган, моғорлаган, пўпанаклаган. *«Моғор босган нон, — Сой суви .. юзини моғор босиб чармдек қотиб кетган безбет харсанларга қарши олиша-олиша, бутун ғазабини уларнинг устига тўқади.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) *кўчма* ҳаракатсизлик, ишламаслик ёки ишлатилмаслик натижасида ишдан чиққан, ўтмас бўлиб қолган, қолиб кетган. [Сидиқжон] *нега қишлоқда бўлиб ўтган ва бўлиб ўтаётган ишларга кўзини каттароқ очиб қарамапти? Ақлини моғор босгани шудир-да!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МОҒОРЛАМОҚ** I Моғор босмоқ, пўпанакламоқ. *Нон моғорлаб кетибди.*

2 *кўчма* Ишлатилмай ётиб ёки бир бурчакда қолиб кетиб эскирмоқ, ишдан чиқмоқ, занг босмоқ. [Ўрмонжон:] *Авалло Зуннунхўжанинг сандиғида ётиб ақлинг моғорлаб кетганидан кулгин!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МОҶ** [ф-т] *поэт.* айн. ой. [Гули:] *Оҳ ... Кўёйдин нур олиб кулаган каби моҳ, Қулардим сўнги бор у келса мен ҳам.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**Моҳи тобон (ёки мунаввар, анвар)** равшан нур сочувчи ой (ғўзаларнинг эпитети). *Сабо арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун.* Ҳамза.

**МОҶИЁНА** [ф-т] эск. кт. айн. маош. [Анвар] *уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тилло моҳиёна олар эмиш.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МОҶИР** [а] Юсак маҳоратга эга бўлган, маҳорат қозонган; уста. *Моҳир сувчи.* *Моҳир ёзувчи.* *Моҳир ташкилотчи.* — *Шоғирд қанча моҳир бўлса, қувонар устод.* Ф. Ғулум.

**МОҶИРОНА** [а + ф-т] *рви* Маҳорат билан, моҳирлик билан. *Мен ҳам уни [Пиракни] моҳирона рақс қилиш билан таҳсинлаб мақтадим.* Айний, Эсдаликлар.

**МОҶИЯТ** [а] I Бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз. *Асарнинг моҳияти.* *Ҳаётнинг моҳияти.* *Ишнинг моҳияти.*

2 *филос.* Нарса ва воқеаларнинг энг муҳим, мазмунан чуқур ички белгилари, ҳодисалар ўртасидаги ички боғланиш, уларнинг зуҳур этиш характери ва усулларининг белгиловчи бош омил.

**МОҶТОБ** [ф-т] Ой ёритиб турган; ойдin. *Сутдай оптоқ моҳтоб кечада оқ кийим остида келувчининг кимлигини аниқлаш мумкин эмас экан.* Айний, Эсдаликлар.

**МУАЗЗАМ** [а] I кт. Азим, улкан, улугвор. *Муаззам шаҳар.* *Муаззам иншоот.* — *Юсак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган.* Ойбек, Қўёш қораймас.

2 Муаззам (*хотин-қизлар исми*).

**МУАЗЗИН** [а] *дин.* Масжиднинг асн айтувчиси; сўфи. *Ҳазрат минбардан тушиб, бетига фотиҳа тортгандан кейин масжид муаззини билан дарвозанинг ёнига бориб турди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**МУАЙЯН** [а] I эск. кт. Тайин этилган, белгиланган, аниқланган. *Бул тақдирни ўшал муайян қатли ол соати етмагунча .. пўшида тутилмоғи маъқулдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Аниқ, тайинли, белгили, маълум. *Муайян давр.* — *Олимхоннинг муайян касби-кори йўқ.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МУАЛЛАҚ** [а] Ҳавода, бирор нарсага тегмай, осилмай туриб қолган. *Ҳозиргина дон ортиб ўтган машина орқасидан кўтарилган чанг ҳавода муаллақ туриб қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бир бечора сўфитўрғай табит кашф этган ўхшашликларнинг фарқиға етмаётгандай ҳавода муаллақ туриб вижирлайди.* Н. Фозилов, Оқим.

◆ **Муаллақ ошмоқ** сакраб ҳавода оёқни бош томондан ошириб яна ерга оёқ билан тушмоқ, умбалоқ ошмоқ.

**МУАЛЛАҚЧИ** эск. айн. ақробат.

**МУАЛЛИМ** [а] I Дарс берувчи киши; ўқитувчи, педагог. *Математика муаллими.* *Музыка муаллими.* *Университет муаллими.*

2 Таълим берувчи, бировга бирор нарса ўргатувчи киши; устод, устоз. *Йўлчи ўтган Петров ёлғиз фикрлари билангина эмас, бутун ҳаёти ва кураши билан муаллим бўлди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУАЛЛИМА** [а] Муаллим аёл.

**МУАЛЛИФ** [а] кт. Бирор асарни ёзган киши; автор.

**МУАЛЮ** [а] эск. кт. Юксак, олий.

**МУАММО** [а] ад. 1 Шеърнинг киши исми, сана ва ш. к. беркинадиган бир жанри ва шу жанрда ёзилган шеър. *Навоий муаммолари.* — [Отам] муаммо, абжод ҳисоби ва .. баъзи воқеаларни билишга боғлиқ бўлган шеърларни .. кўп биларди. Айний, Эсдалиқлар.

2 Тушуниб бўлмайдиган, жумбоқли нарса; жумбоқ. || Қумушнинг захарли муаммо мактуби бир сира Отабекнинг кўз ўнидан ўтиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳал қилиниши лозим бўлган нарса; масала, проблема. *Асарда катта муаммолар кўтарилган.* — Сув чиқариш муаммоси ҳал бўлиб, техникадан яхши ёрдам кўрсатилса, биз меҳнатдан чарчамаймиз. Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

**МУАММОЛИ** 1 Тушуниб қийин бўлган; сирли, жумбоқли. Муаммоли гап.

2 Муаммодан иборат бўлган; проблематик. Муаммоли масала.

**МУАННАС** [а] 1 эск. Хотин жинси. *Тўрмининг кўзларига уйку келмасдан .. кўчаларда кўринган аҳли муаннасларни .. кўздан кечириб ётдилар.* «Муштум», 1927, № 12.

2 грам. Араб тилида хотин жинсига оид сўз ёки сўз формаси, мас. муаллима, мураббия, сайёра; тақ. музаккар.

**МУАССАСА** [а] Хўжалик, савдо-соғина ишлари ва ш. к.нинг бирор соҳасини бошқарувчи ёки илмий, таълим-тарбия ишларини олиб борувчи, белгили штат ва маъмуриятга эга бўлган ташкилот. *Давлат муассасалари. Ижтимоий муассасалар. Илмий муассасалар. Даволаш муассасалари.*

**МУАТТАР** [а] 1 Ёқимли хид сочувчи; хушбўй. *Келди баҳор, наврўзи олам, Гул фаслидир боғлар муаттар.* Уйғун. *Бутун олам хушбўй, муаттар гуллари бурканиб олгандай.* О. Ёқубов, Каптар.

2 Муаттар (хотин-қизлар исми).

**МУАШШАХ** [а] ад. Байт ёки мисра бошидаги ҳарфларни тўплаганда киши исми чиқадиган ғазал.

**МУБОЛАҒА** [а] 1 ад. Тасвирланаётган ёки таърифланаётган кимса, нарса, ходиса ва ш. к.ни ўқувчиларга яққол, таъсирли қилиб етказиш учун уларнинг сифатларини орттириб, бўрттириб кўрсатиш; шу мақсадда ишлатилган сўз, ибора; гипербла. *Ўзбек классик адабиёти муболағаларга бой.* — [Анвар:] Агар менга ҳурмат лозим бўлса, муболаға билан эмас, яна такрор айтаман, бир қариндошингиз қа-

торида такаллуфсиз муомала қилиш билан бўлсин. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман бўрттириш, ошириб юбориш; лоф. *Муболаға қилмоқ.* — Энди гузар ва йўғинларда мулла Обиднинг кучи ҳақида муболаға бошлайдилар. А. Қодирий, Обид кетмон. *Анвар жавобни ўқиб завқланди: — Офарин, Рағно, лекин бировнинг устида ортиқчароқ муболаға қилибсан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**МУБОЛАҒАЛИ** 1 ад. Муболағадан иборат бўлган, муболағага бой; гиперболлик. *Муболағали тасвир.*

2 Бўрттириб, ошириб юборилган; лоф урилган. *Мен у вақтларда отам нақл қилган бу воқеанинг ясама ва ҳаддан ортиқ муболағали эканини сезмай, иштиганимга ишонган эдим.* Айний, Эсдалиқлар.

**МУБОЛАҒАСИЗ** Муболаға қилинмаган, орттирилмаган, бўрттирилмаган. *Муболағасиз гап.* || *Муболағасиз гапирмоқ.*

**МУБОРАЗА** [а] эск. кт. Кураш, курашиш. Синфий мубораза. — [Босмачилар] *Шўро ҳукуматига қарши очикдан-очик босмачилик йўли билан мубораза қилишдан қўл тортишга мажбур бўлиб, яширин кураш йўлини изламоқда эдилар.* Айний, Қўллар.

**МУБОРАҚ** [а] 1 Бахт келтирувчи; хайрли, эзгу, қутлуғ [Ҳасанали:] *Кўрайчи, қадамим муборақ бўлармикин,— деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Табаррук, муқаддас, азиз. *Бектемир .. халтачани, гўё муборақ жойдан келган азиз дўстининг соғва-саломни каби, ҳаяжон билан очди.* Ойбек, Қуёш қораймас. — *Ота, агар муборақ тупроғимизда сўнғи инглизнинг шўм изини ўчирмасак Покистон ватанпарварлар учун нопокдир! — деди Аҳмад Хусайн.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Табриклаш, қутлаш ибораси. [Ўзбек олим:] *Ўғил муборақ бўлсин, болам!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўрт йил жафо чеккан ватандош ўртоқ Бу йилги байраминг муборақ энди.* Ғ. Ғулом.

4 Муборақ (хотин-қизлар ва баъзан эркаклар исми).

**МУБОРАҚБОД** [а + ф-т] кт. Табриклаш, қутлаш, қутлов. *Муборақбодга бормоқ. Муборақбод учун келмоқ. Муборақбод қилмоқ (этмоқ, айламоқ).* — *Анвар девонхона саҳнига етганда ичкаридаги каттадан кичик мирзо, мунишлар янги бошлиқларини муборақбод қилғали ўринларидан қўзғалдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**МУБОРАҚНОМА** [а + ф-т] тар. Амир ёрлиғи ёки фармони. *Амирдан қозига Шифирконга бориб янги рўд қазishi ишига раҳбарлик қилиши тўғрисида муборақнома келган.* Айний, Эсдалиқлар.

**МУБОРИЗ** [а] эск. кт. Мубораза қилувчи, курашчи. *Оташин мубориз*

[Навоий] *ўзининг ҳақлиғига, ўз илғор интилиши ва ғояларининг тўғрилиғига ишонган бўлса-да, лекин тўхтовсиз ва аламли мағлубиятининг туб сабабини билмади.* В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихида.

**МУБОШИР** [а] эск. 1 айн. инспектор.

2 Бирор ишга бошчилик қилувчи; бошқарувчи, бошлиқ. *Тўйга ўзини мубошир ҳисоблаган, катта Қаримовнинг лаганбардорларидан бири унга тўн ёпинтириб, ичкаридан олиб чиқди.* С. Абдулла, Қуёвлар, келинлар.

3 тар. Солиқ йиғувчи амалдор.

**МУБОҲАСА** [а] кт. Баҳслашиш, баҳс, мунозара. *Мунозара бир мунча жиддийлашиб, мубоҳаса ҳатто домланинг обрўйига .. тўқинадиган бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**МУБАТЛО** [а] 1 Бирор иллат, касаллик ёки кўнгилсиз воқеага дучор бўлган, учраган; гирифтор. [Ғули:] *Нечун тўғдинг мени бахти қарони? Балога мубтало мотамсарони? Уйғун ва И. Султон, Навоий.* || *Бидъатга ботган мубталоларни кўролмасман.* «Муштум», 1962, № 2.

2 Мафтун, шайдо, ошиқ. *Мубталоман парирўға, қўзи бир маст, оҳуға.* Яхё. *Мубтало бўлмоқ* 1) гирифтор бўлмоқ, дучор бўлмоқ, учрамоқ. — *Чаманда ўртоқ Хўжабеков «фои қилиши» касалига мубтало бўлган кўринади,— деди райком вақили кинояли кулиб.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) мафтун бўлмоқ. *Лола янглиғ оразинани мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоғлигим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза. *Мубтало қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ)* 1) гирифтор қилмоқ, дучор қилмоқ, учратмоқ. [Отабекнинг] *умрининг энг қимматли кунларини оғуласан, икки йил бўйи давосиз дароға мубтало қилган ўз онаси эмасмиди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) мафтун этмоқ.

**МУБҲАМ** [а] кт. Мухамал, ноаниқ; чигал. *Мубҳам жавоб.* — *Ўзи тушуниб етмаган ички ғазаб ва мубҳам фикрлар тумани уни [Умидни] чулғаб ола берди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

**МУВАФФАҚ** [а]: муваффақ бўлмоқ муяссар бўлмоқ, эришмоқ. [Абдушукур:] *Мен сизга кўп дафъа гапирсам ҳам .. мақсадимни ҳали тушунтиришга муваффақ бўлган эмасман.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУВАФФАҚИЯТ** [а] Бирор ишда эришилган натижа, ютуқ, ғалаба. *Муваффақият қозонмоқ. Муваффақиятга эришмоқ.* — *Парпихўжа ёнчи пойлоқчилик, чақимчилик ишининг муваффақиятидан ғурурланиб .. сўзлаб бораркан, эллиқбоши уни тўхтатди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Душман қанчалик гангитилса, унинг ўт очилиш нуқталари қанчалик емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ялнини билан қозонилган муваффақият муваффиқият эмас, тубанлик.* Уйғун, Сўнғи пушаймон.



**МУВАФФАҚИЯТЛИ** Муваффақият билан тугаган, муваффақият келтирган, ижобий натижага олиб келган; натижади. *Муваффақиятли ҳаракат. Муваффақиятли иш. Муваффақиятли бўлмоқда.* || Уқишлар муваффақиятли бормоқда.

**МУВАФФАҚИЯТСИЗ** Муваффақияти бўлмаган; натижасиз. *Муваффақиятсиз иш.*

**МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК** 1 муваффақиятсиз с. белги оти.

2 Салбий натижа, натижасизлик. *Ишнинг муваффақиятсизлиги.* | Ютқизик, мағлубият. *Биринчи муваффақиятсизликдан кейиноқ қўлини ювиб қўлтиққа урган чемпион бўлмади.* С. Абдуқаҳор, Олтин водийларни кезганда.

**МУВАҚҚАТ** [а] Вақтинчали, доимий бўлмаган. *Муваққат ҳукумат. Муваққат иш.* || *Муваққат* фойдаланиш учун китоб олмақ. — *Бу дўстлик турмада .. турғилан тасодифий ва муваққат қадрдонлик эмасди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУВОЗАНАТ** [а] 1 Жисмларнинг қарама-қарши йўналган тенг кучлар таъсиридаги тинч, турғун ҳолати. *Турғун мувозанат (физ.). Мувозанат сақламоқ.*

2 *қўлма* Қарама-қарши кучларнинг, ҳодисаларнинг тенглашуви, уйғунлашуви туфайли содир бўладиган нисбий турғунлик, осойишталик. *Сиёсий кучлар мувозанати.*

**МУВОЗИЙ** [а] эск. айн. параллел. *Мувозий чизиқлар.*

**МУВОФИҚ** [а] 1 Мос, тўғри келадиган, муносиб, лойиқ. *Узига мувофиқ иш топмоқ.* — *Қўқонга чопар юбормоқчи бўлдилар, бу ишнинг мувофиқ кишиси, албатта, Ҳасанали бўлганлигидан чопар бўлиб белгиланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. «Читтақ» деб лақаб қўйган киши *Набиғулага жуда мувофиқ лақаб қўйипти.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. | Монанд, яраша, мос. *Гапига мувофиқ жавоб.*

2 (ж. к. билан) *қўм. вазифасида* Биноан, асосан, кўра, асосланиб. *Қонунга мувофиқ. Фармонга мувофиқ.*

◆ Мақсадга мувофиқ мақсадга, талабга жавоб берадиган, фойдали.

**МУВОФИҚЛАШМОҚ** айн. мослашмоқ. У [Саидий] қишлоққа келганида дастлаб янги музига мувофиқлашмай кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚ** мувофиқлаштирмоқ фл. мажҳ. н. *Фабрика ва заводлар замон талабларига мувофиқлаштирилмоқда.*

**МУВОФИҚЛАШТИРМОҚ** мувофиқлашмоқ фл. орт. н. *Шароитга мувофиқлаштирмоқ.*

**МУГУЗ** эск. Ҳайвон шохи. *Одам тилидан топади, ҳайвон муғузидан.* Мақол. — *Ичирик гавдалари, ҳайбатли муғузлари демасангиз, қўчқорлар танбаллик билан қовиш қайтарардилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ *Мугуз парда анат.* кўз соққасининг устки тиниқ пардаси.

**МУДАРРИС** [а] Мадрасада дарс берувчи киши, мадраса ўқитувчиси. *Катта амакиси Бухоронинг «Хўжа Порсо» мадрасасининг мударрисси бўлиб, Абдураҳмон шу кишининг тарбиясига келган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МУДАРРИСЛИК** мударрис с. касб оти. *Бу одам .. Тошкентдаги машҳур Қўқалдош мадрасасига мударрислик қила бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУДДАЙ** [а] эск. кт. Даъво қилувчи; даъвогар.

**МУДДАО** [а] Кишининг дилидаги мақсад, ният, мурод. *Унинг муддаоси нима? — Сенинг муддаонг, — деди ҳожжи [Ўзбек оймағи], — марғилонлик келишни йўлдан ажратиб юбориш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Айни муддао** қ. айни.

**МУДДАТ** [а] 1 Вақтнинг аниқ, бирор иш, нарса учун белгиланган бўлаги. *Уқиш муддати. Хизмат муддати. Бир йиллик муддат.* — *Биз икки ойдан бери пахта тераётимиз, — деди Нормурод, — шу муддатда сен ва бошқа дангасалар биз қатори ишласайдинглар қачонлар теримни тугатардик.* Айний, Куллар. | Умуман вақт бўлаги. *Уйнинг .. «безакларини йўлчи бир муддат томоша қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор нарсанинг бажарилиш ёки бўлиш пайти. *Плани муддатидан олдин бажармоқ.* — *У Замиранинг сессияни муддатидан олдин ва «аъло» яқунлаганини .. биларди.* П. Қодиров, Уч илди.

**МУДДАТЛИ** Муддатга эга бўлган, бирор вақтга, муддатга мўлжалланган, вақти, муддати чекланган. *Муддатли иш. Қисқа муддатли курс. Узоқ муддатли қарз.*

**МУДДАТСИЗ** Муддати йўқ; доимий. *Муддатсиз паспорт. Муддатсиз хизмат.*

**МУДИР** [а] Муассаса, ташкилот ёки унинг бирор бўлимининг ёхуд бирор ишни идора қилувчи, бошқарувчи киши. *Мақтаб мудири. Магазин мудири. Кафедра мудири.*

**МУДИРА** [а] Мудир аёл. *Богча мудири. Кутубхона мудири.*

**МУДИРЛИК** мудир с. маъх. от. Мудирлик қилмоқ. *Мудирликдан бўшамоқ.* — *Бобохўжа домла мудирлик вазифасига ўтгандан бери .. қорозул айтганча, димоғидан эшак қурт ёғадиган бўлиб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУДОМ** [а] рвщ, кт. Доим, ҳамма вақт, ҳаминша, тўхтовсиз. *Гоҳ қалам, гоҳи қурол ушлаб мудом ёнингдаман, Сен биландир шўхратим, шонли қўмондон партиям.* С. Абдулла, Шарқдан, ғарбдан, жанубдан мудом «Салом» дея келар меҳмонлар. Шайхзода.

**МУДОФАА** [а] 1 Душман ҳужумини даф қилиш, қайтариш. *Танк ҳужумига*

*қарши мудофаа. Мудофаадан ҳужумга ўтиш.*

2 Душмандан сақланиш, ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ёки ҳозирланган восита ва чоралар мажмуи. *Мамлакатнинг мудофаасини кучайтириш. Душман мудофаасини ёриб ўтиш.* — *Немисларнинг олти отар миномёти хурмоқда. Немис мудофаасининг ўзаги бўлган тепаликда жон асари кўринмади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Мудофаа қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) душман ҳужумини қайтармоқ, душмандан сақланмоқ. *Полак мудофаа қилиб ётган район устида баъзан душман самолётлари пайдо бўлишини эътиборга олмаганда урушдан ҳали ҳам дарак йўқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) умуман ҳимоя қилмоқ, сақламоқ. *Туркистон меҳнаткашлари ҳам социалистик революция ғалабаларини мудофаа этишига киришдилар.* И. Султонов, Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки.

**МУДОФААЧИ** Мудофаа қилувчи, ҳимоячи. *Қўрғон мудофаачилари.*

**МУДОФААЧИЛИК** сиёс. Биринчи жаҳон уруши даврида II Интернационал оппортунистик партияларининг «Ватанни мудофаа қилиш» шиори остида, аслида ишчилар синфининг манфаатига зид равишда, буржуа давлати ва миллий буржуазия манфаатини ёқлаш сиёсати.

**МУДОФЕА** [а мудофез, 3-ш бирл. мудофеи] кт. Мудофачи. *Қўрғоннинг бошидан-оёқ ясов тортган мудофеларга инъомлар улашилиб битди-да, ҳудайчи ўзининг қуруқ хуржун билан Азизбек қошига келиб қўллуқ қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**мудофен** қ. мудофе.

**МУДОХАЛА** [а] кт. 1 Бирор ишга аралашув.

2 эск. айн. интервенция.

**МУДРАМОҚ** Мудроқ босиб ярим уйғоқ, ярим уйқу қолатида бўлмоқ, пинакка кетмоқ. *Элмурод мудраб ўтириб, бир неча лўқмани зўрга ютар ва ширин уйқуга кетар, сўнг қуни бўйи далада очликдан тупузини ютиб, кўзлари тиниб юрарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУДРАТМОҚ** мудрамоқ фл. орт. н. **МУДРАШМОҚ** мудрамоқ фл. бирг. н. *Ит ақилламайди, қушлар сайрамайди. Улар ўзларини сояга олиб мудрашади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУДРОҚ** Уйқу босиб мудраган ҳолат. *Маҳдумнинг мудроғи қочиб, кўзлари катта очилди.* Ҳ. Фулом, Машъал. || [Қумуш] **мудроқ** кўзлари билан *Отабекка кулимсираб қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУДҲИШ** [а] кт. Кишини даҳшатга соладиган, даҳшатли, қўрқинчли. *Мудҳиш хабар. Мудҳиш жиноят. Мудҳиш манзара.* — *Мазор чакалагининг бир бурчагида тутаб ётган тўнча ёнида сочлари ўсиб соқолига қўшилиб кетган бир девона бу мудҳиш қоронғиликка қарши курашган каби гулханни ёндиришга тиришар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУЖАЛЛА** [а] эск. кт. айн. журнал. *Адабий мужалла.*

**МУЖАССАМ** [а] кт. Гавдаланган, мукаммал ва конкрет тус, шакл олган. *Шеврда севи, вафо, шонч ва ҳайт мужассам эди.* М. Зайниддинова, Ким эди у, демасангиз айтаман. | Ҷида гавдалантирган, Ҷида мукаммал ва конкрет акс эттирган киши ёки нарсаси. *Бизнинг мамлакатимиз коммунизм ишининг мужассами ва таянчи бўлиб қолди.* С. Ҳазратов, 1968, 15 март. *Кичрайтиб ер юзини миллион қадар, Глобус мужассам этган қуррани.* М. Аҳмедов. || *Алпомиш мардик ва қаҳрамонликнинг мужассам образидир.* «Ватан адабиёти».

**МУЖАССАМЛАНМОҚ** Бирор нарсада Ҷиннинг тўлиқ аксини топмоқ, мукаммал ва конкрет шакл, тус олмақ, гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ. *Бу ишда бутун коллектив фикр ва ақли мужассамланган.*

**МУЖАССАМЛАНТИРМОҚ** мужас-самланмоқ фл. орт. н.

**МУЖАССАМЛАШМОҚ** айн. мужас-самланмоқ.

**МУЖДА** [ф-т] поэт. айн. хушхабар. *Зафар муждаси. Мужда келтирмоқ.*

**МУЖИҚ** с. т. эск. Рус деҳқони.

**МУЖИМОҚ** Кемириб емоқ, тозаласи. *Суяк мужимоқ.* — *Бурчадаги тоқчада қаттиқ нон мужиб ўтирган сичқонни кўрсатиб ўтилмаси, бу уйда бошқа жонли зот ҳам кўринмас эди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар.

**МУЖМАЛ** [а] 1 Тушуниб бўлмайдиган, ноаниқ, муҳмал, дудмол. *Мужмал гап. Мужмал жавоб.* | Тайини йўқ, бетайин, ланж. *Мужмал иш.* — *Баъзи раислар жуда мужмал бўлади. Кўр-қоқлигидан ишни пайсалга солади.* Ж. Шарипов, Саодат.

2 с. т. Мажмағил, нимжон. *Мужмал кўчатлар.*

**МУЖМАЛЛИК** 1 мужмал с. белги оти. Гапнинг мужмаллиги.

2 Мужмал, ланж кишиларга хос иш, хатти-харакат; ланжлик.

**МУЖОДАЛАВИЙ** [а] эск. айн. диалектик. *Мужодалавий моддиончилик.*

**МУЖРИМ** [а] кт. Айбдор, гуноҳкор.

**МУЗ** 1 Сувнинг ноль даражагача совуш натижасида қотган ҳолати; ях. *Муз нарчаси. Муз ёрмоқ.* — *Қаҳратон қишда яланг оёқ муз босиб, саратонда қизгин қум кечиб .. обдан пишан бизнинг ишитни ҳам .. кун хийла бегоҳ қилган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Қишли-қировли кунлар, совуқ. *Унинг бошига муз югуриб, асаблари тиришиди.* Х. Ҳулум, Машъал. || *Йўлчи қотган қорни гарч-гурч босиб, тоза, муз ҳавони қамраб, кеза бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *Кўчма с. т.* Жуда совуқ, ёқимсиз нарсаси, одам ва ш. к. ҳақида. *Сухбат муз бўлиб кетди.* Меҳмонлар ичкиликка эйр беришиди. С. Аҳмад, Гугурт.

♦ *Муз даври* Ер тарихидаги қаттиқ

совуқлар бўлиб қуруқлик юзини қалин муз қоплаган давр.

**МУЗАЙЯН** [а] 1 юк. усл. Безалган, беақли. *Боққа кирилгандан кейин, .. киши .. музайян қардан руҳ олиш ўрнига, билғакс бир даҳшат ва хавф ҳис эта бошлар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Музайян (эркаклар исми).

**МУЗАККАР** [а] грам. эск. Араб тилида эр жинсига оид сўз ёки сўз формаси, мас. муаллим, мураббий; тақ. муаннас 2.

**МУЗАФФАР** [а] 1 юк. усл. Зафар топган, ғалаба қозонган; ғолиб. *Музаффар ўзбек пахтакорлари. Музаффар Совет Армияси.* — *Юсуфбек ҳожий бошиқ еру кўкка сизмаган музаффар халқ ўрда теварагини қураб тушиди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар.

2 Музаффар (эркаклар исми).

**МУЗАФФАРИЯТ** [а] кт. Катта зафар, тантанали ғалаба, ғолибият. *Марксизм-ленинизм ғояларининг музаффарияти. Музаффарият қозонмоқ.* — *Кексалар гузар ва маҳалларга тўнқалардан гулхан солиб, .. оломонга музаффарият тилайдилар.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар. *Музаффарият билан мағлубиятни тақдир тарозисининг икки палласига солиб кўрмоқ келди.* Х. Ҳулум, Машъал.

**МУЗАФФАРОНА** [а + ф-т] рвш, кт. Музаффарларга хос йўсинда; ғолибона, ғолибларча. [*Қушбегиға*] кўрбоши музаффарона жавоб берди: — [*Отабекни*] тутдим, тақсир. Қутидорни ҳам! А. Қодирий, Ҳатман кунлар.

**МУЗАХОНА** [фр < грек + ф-т] эск. айн. музей. *Уй жиҳозга ғоята бой, ғўе музахона тусини берар эди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар.

**МУЗД** [ф-т] эск. Хизмат ҳақи. — *Мен ҳам пахтақилиқ қилаётирман, — деди тоғам, — ёмон иш эмас. Лекин музди меҳнатига арзимади.* Айний, Эсдалиқлар.

**МУЗЕЙ** [р < грек] Санъат, техника, табиат намуналарини, тарихий ва илмий-табиий аҳамиятга эга бўлган нарсаларни йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва халққа намойиш қилиш билан шуғулланган муассаса. *Санъат музейи. Тарих музейи. Улкашунослик музейи. Табиат музейи.*

**МУЗИКА** [р музыка] 1 Воқеликни овозли, бадиий образ, куй орқали ифодаловчи санъат тури. *Симфоник музика. Музика асбоблари. Музика асари. Музика назарияси. Музика тарихи.* — *Қиз ўн олти ёшгача бу оилада .. ўсади, иптидоий таҳсил кўради, музикадан ҳам бир оз маълумот олади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Шу санъат асари ёки асарларининг мажмуи. Ҳазрат халқ музикаси. Чайковский музикаси.*

2 Шу санъатнинг чолғу билан ижро этиладиган тугал асари, куй. *Музика ва ашула.* | *Чолғу асарларининг ижроси, овози. Қатта залдаги шовқин-сурон, музика, ичимликлар .. ҳиди*

*Йўлининг бошини айлантирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *Кўчма* Ёқимли, оҳангдор овоз (лар). *Қарвон ғўнади.* Юкнинг оғирлигини, ёки гулчаларнинг ёсираганиданми, араалар ғирчиллаб, ўз музикаси ўзи билан жадал бормоқда. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. *Далалар визилдоқларнинг музикасини тинглагандай жимжит.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**МУЗИКАВИЙ** Ритм ва оҳангга эга бўлган, хушёқим; музикавий. *Музикавий оҳанг. Музикавий шеър.*

**МУЗИКАВИЙЛИК** музикавий с. белги оти. *Туроқ .. шеърнинг ритмининг ва музикавийлигини юзага келтиришда жуда кучли қуролдир.* «Адабиёт назарияси».

**МУЗИКАЛИ** Музикаси бўлган, музика жўрлигида давом этадиган. *Музикали драма. Музикали комедия.*

**МУЗИКАНТ** [р музыкант] айн. музикачи 2.

**МУЗИКАЧИ** 1 Музика мутахассиси.

2 Музикант, созанда. *Ёш музикачини томошабинларнинг салобати босиб, куйни бузмоқда.* Й. Раҳим, Чин муҳаббат.

**МУЗИКАШУНОС** [р + ф-т] Музикашунослик олими, мутахассиси. *Ёш ўзбек музикашунослари.*

**МУЗИКАШУНОСЛИК** 1 музикашунос с. маъ. от.

2 Музика назарияси, тарихини ва халқларнинг музика маданиятини ўргатувчи фан. *Музикашуносликка оид асарлар.*

**МУЗЛАМОҚ** 1 Музга айланмоқ. *Сув музлади. Ер музлади.* — *Тўсатдан тоғдан совуқ шамол эсди. Билчираб ётган далада ёйлиб юрган қўй-қўзиларнинг туёқлари, журналариға ёпишган лой музлади.* С. Анорбоев, Оқсой. | *Муз билан қопланмоқ. Дераза музлади.*

2 Қаттиқ совуқ таъсирида қотиб қолмоқ, тўнгмоқ; яхламоқ. *Қўлим музлаб қолди. Музлаб қолган сабзи.* | Қаттиқ совуқ ўтиб қақшамоқ, совқотмоқ. *Юраги сиқилган Анвар гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлаб, совуқда музлаб кетган маҳсили оёғини турли вазиятга солиб кўрар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МУЗЛАТИЛМОҚ** музлатмоқ фл. мажх. н. *Музлатилган балиқ.*

**МУЗЛАТМОҚ** музламоқ фл. орт. н. *Сувни музлатмоқ. Оёқ-қўлни музлатиб қўймоқ. Балиқни музлатмоқ.*

**МУЗЛИ** Музи бўлган. *Музли тоғ.* | *Муз солинган. Музли сув.*

**МУЗЛИК** геол. Силжувчи муз тоғ. Тоғ музлиги. *Зарафион музлиги. Федченко музлиги.*

♦ *Музлик даври* айн. муз даври қ. муз.

**МУЗЛОҚ** Муз билан қопланган ёки музлаб қолган ер. *Тоғнинг оти Музлоқ эди. Бу ном унинг ҳозирги аҳолига унча тўғри келмаси ҳам, бир вақтлари музлоқ эканидан ёки музи борлигидан да-*

лолат беради. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**МУЗОКАРА** [а] 1 Мажлисда муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикрини баён қилиш, шу муносабат билан гапирилган нутқ, сўз. *Доклад юзасидан музокара бошламоқ. Музокарага ўтмоқ.* — *Докладдан кейин қизгин музокара бошланиб кетди. Музокарага чиққан одамларнинг ҳаммаси правлененинг тадбирларини маъқуллаб гапирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

2 Шарт-шароит, томонларнинг талаблари ҳақида фикр алмашиш. *Сулҳ ҳақида музокара олиб бормоқ. Дипломатик музокаралар.* — *Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва мурося йўли билан ҳал қилинади. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**МУЗОКАРАЧИ** Мажлисда музокарага чиққан, сўз олган киши; музокара қатнашчиси. *Навбатдаги музокарачи зиёлиларнинг ер ислоҳотидаги вазифалари .. тўғрисида сўзлаб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**МУЗОФОТ** [а] эск. Область, вилоят. *Қуз охирлашиб қиш яқинлашган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳавосида ҳали ёгингарчилик бошланмаган эди. Айний, Қуллар. Тўртқўл кичик бир қўрғон эди. У тез орада ўсиб музофот ҳокими турадиган жойга айланди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**МУЗХОНА** 1 Ёзда роҳатинан тайёрлаш учун муз босиб қўйиладиган ертўла ёки чуқур. *Музхонага муз босмоқ.*

2 Иссиқда бузиладиган маҳсулотларни сақлаш учун ишлатиладиган, ҳавоси сувний равишда совутиладиган асбоб ёки хона; холодильник. *Гўшт комбинатининг музхонаси. Гастроном музхонаси. | кўчма с. т. Совуқ (бино, уй ҳақида). Уйингиз музхона экан.*

**МУК:** мук тушмоқ 1) оёқларни йиққан ҳолда юз тубан ётмоқ. *«Жинчирокни пуфлаб, Йўлчи билан Ўроз гулхан теварагида мук тушишди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) кўчма бирор нарса устида кунт билан ўтирмақ. Камол .. кейинги кунларда кўп ишлар, иш столида қорғоз устига мук тушиб тонг оттирар эди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.*

**МУКААБ** [а] эск. кт. айн. **куб.** **МУКАЛЛАФ** [а] кт. Таклиф этилган, қақирилган. *Тўйга биз ҳам мукаллаф.*

**МУКАММАЛ** [а] 1 Ҳар жиҳатдан тўлиқ, камчилиги йўқ; расо, бут. *Мукаммал тўплам. Мукаммал комплект. Мукаммал билим.* — *[Шербек] ўқиган институтда .. мукаммал .. генетика ва физиология лабораторияси бор эди. С. Анорбоев, Оқсой. || Завод ҳали мукаммал битмагани учун ФЗОчилар қурилишида ишлашни ўзларининг виждоний бурчлари деб билдилар. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.*

2 Такмиллашган, камолотга эриш-

ган; етук. *Сенинг қимматли сўзинг, ўткир фикринг мукаммал Элнинг хотирасида сақланади умрбо. Х. Расул.*

**МУКАММАЛАШМОҚ** 1 Мукаммал бўлмоқ, расоланмоқ, тўлмоқ.

2 Такмиллашмоқ, камол топмоқ, етилмоқ. *Достонлар ҳам халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари каби, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтишида ўзгаради, мукаммаллашади. «Ватан адабиёти».*

**МУКАММАЛЛАШТИРИЛМОҚ** мукаммаллаштирмоқ *фл. мажх. н.*

**МУКАММАЛЛАШТИРМОҚ** мукаммаллашмоқ *фл. орт. н.*

**МУКАММАЛЛИК** мукаммал с. белги оти. *Тўпламнинг мукаммаллиги. Фикрнинг мукаммаллиги.*

**МУКАРРАМ** [а] 1 кт. Иззату икром қилинувчи; иззатли.

2 Мукаррам (*хотин-қизлар исми*).

**МУКАРРИР** [а] эск. Мадрасада амалий машғулот олиб боровчи, тақрорлатувчи муаллим. *Абдураҳмон .. баъзи мадрасаларнинг муоаррислари, мукаррирлари билан ҳам танишдир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**МУККА:** мукка тушмоқ *айн. мук тушмоқ қ. мук. Тожиддин Қосим оёқларига мукка тушиб ялинган, нола қилган. Абдувоҳидни кўтариб турғизди. Ойбек, Нур қидириб. Мукка билан тушмоқ (ёки йиқилмоқ), муккадан йиқилмоқ (ёки тушмоқ) юз тубан йиқилмоқ. У Тўлқинни яна калтақлайди. Бу маҳал калтак Эъвозхонага ҳам тегиб, у муккасидан йиқилади. Ҳ. Ғуллом, Машғал. Муккадан кетмоқ 1) айн. мук тушмоқ қ. мук; 2) кўчма қаттиқ берилмоқ. Маиштага муккасидан кетган одам.*

**МУККАЙМОҚ** 1 Бирор иш устида мук тушмоқ. *Баъзилар муккайиб, тошларнинг ғадир-будир бетини ойнадай силлиқлаб ярқиратиш билан машғул. Ойбек, Навоий.*

2 *айн. мункаймоқ. Зах ҳиди келган кичкина даҳлизда муккайган бир кампир чарх йигириб ўтирар, ёнидаги ўчоқда тезак тутаб ётарди. С. Зунунова, Гулхан.*

**МУККАЛАМОҚ** Юз тубан йиқилмоқ. *[Дадажон] дарсдан кейин далага борганида ҳам доим қўлида китоб юради. Бирпас бўшади дегунча, китоб устига муккалайди. Р. Раҳмонов, Одат.*

**МУКОЛАМА** [а] эск. кт. 1 Сўзлашув тили; оғзаки нутқ. *[Абдушукур] русчада китоб муролаа қилолмаса ҳам, лекин муколама тилига анча-мунча эътил. Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун бир-бирга сўзлаб бериш. *Муколама ўқилган дарсларнинг маъносини мияга яхшироқ жойлаштириб олиш учун чиқарилган бир қоида .. эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш ўрнишлари.*

**МУКОФОТ** [а] 1 Эришилган муваффақиятларни, қилинган хизматларни тақдирлаб бериладиган нарса (қим-

матли буюм, пул, медаль; орден ва ш. к.). *Олий мукофот. Давлат мукофоти. Пул мукофоти. Мукофот бермоқ. Мукофот олмақ. Мукофотга тақдим этмоқ.* — *Қишлоқ тарихида биринчи кўрилган кўркам мактабнинг катта байрамга айланган тантанаси ишида ғайрат кўрсатганларга мукофотлар улашиш билан тугади. П. Турсун, Ҳқитувчи.*

2 Кишининг ўз қилмиши, хатти-харакати учун қайтган қаримта. *Қилмишига яраша мукофот олмақ. | Умуман совға, тортиқ. Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлган бир отага кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улғу мукофотдир. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**МУКОФОТЛАМОҚ** Мукофот бермоқ, мукофот билан тақдирламоқ. *Орден билан мукофотламоқ. Илғорларни пул билан мукофотламоқ.*

**МУКОФОТЛАНМОҚ** мукофотламоқ *фл. мажх. н.* Орден билан мукофотланмоқ. — *Малоҳат икки йилда уч марта мукофотланибди. А. Қаҳҳор, Жонфиғон.*

**МУЛЗАМ** [а] Мунозарада, баҳсда, тортишувда енгилиб лол бўлган, айбли, уятли иш учун хижолатда қолган. *Соли отанинг баъзи тенгқурлари, машина ҳақида қалай фикрга келдингиз, дейишса, чол ўзини анча мулзам сезиб бошини қўйи эгарди. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. Ғанижон ўша мажлисида айтиб юборган бир оғиз гапи учун озмунча таъналар эшитдим, қаерга борса, самоварда ҳам худди шу тўғрйда гапириб уни мулзам қилишади. С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.*

**МУЛК** [а] 1 Ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва бошқа бойликлар. *Жамоат мулки. Хусусий мулк. Шахсий мулк.* — *[Қомилов Қодировга:] Давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлашимиз керак. П. Турсун, Ҳқитувчи.*

2 эск. кт. Мамлакат, вилоят. **Мулки** ҳинд Ҳиндистон.

◆ **Кўнглига мулк қилмоқ** кўнглига туғиб олмақ, дилга жо қилмоқ.

**МУЛК-АМЛОК** [а] Бутун мол-мулк, мол-дунё. *Йигирма жуфтлаб қиш хўкиз дейсизми, ўн-ўн бешиб аргумоқ отлар дейсизми, .. ишқилиб, ундаги мулк-амлоқнинг ҳисобига қўт билмаган содда деҳқон етолмас экан. Ғ. Ғуллом, Тирилган мурда.*

**МУЛҚДОР** [а + ф-т] 1 Хусусий мулки бўлган давлатманд одам, катта мулк эгаси. *Хоразмда энг катта мулқдорлардан бири ҳам зокилон эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 тар. Катта ер-сув эгаси; заминдор. *Қадимги мулқдорларнинг ҳосилдор ер ва боғларигина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуруллари ҳам энди батамом колхозга ўтиши лозим эди. П. Турсун, Ҳқитувчи.*

**МУЛҚДОРЛИК** 1 мулқдор с. белги оти.

## МУЛҚИЯ

2 ай. мулкчилик 2.

**МУЛҚИЙ** [a] Мулкка оид; мулк ва унга эгаллик қилиш билан боғлиқ бўлган.

**МУЛҚПАРАСТ** [a + ф-т] айн. мол-параст.

**МУЛҚЧИ** кам қўлл. Хусусий мулк эгаси, мулкдор; хусусий мулкка берилган.

**МУЛҚЧИЛИК** 1 мужчи с. белги оти.

2 Мулкка бўлган эгалик; мулкка эгалик қилиш; мулкдорлик. Социалистик мулкчилик.

**МУЛҚЛА** [a] 1 Мадрасада тахсил кўрган киши. Мадрасани тугатгач, ошиқлар ёр васлига ошиққандек, мулла Абдурахмон ҳам ўз шаҳрига елиб-юеуриб етди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Дин арбоби, уламо. Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма. Мақол. — Чўрилиқни муллалар сенга қилдилар тақдир [қарор]. Ҳамза. Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўп-ланишиб мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар. Айний, Қуллар.

3 с. т. эск. Маълумотли, ўқинишли киши. Мулла бўлмоқ 1) мадраса маълумотига эга бўлмоқ; 2) маълумот, билим олмоқ, илми бўлмоқ; 3) кўчма таъзирини емоқ. Мулла қилмоқ 1) мадраса маълумотини бермоқ. — Хўп қизим, хўп, почаси боқмаса боқмасин, мен ўзим боқаман, ўқитиб катта мулла қиламан, — деди Моҳлар олим. А. Қодирий, Мехробдан чаён; 2) саводини чиқармоқ, маълумотли қилмоқ; 3) кўчма таъзирини бермоқ. | Ўқинишли кишига нисбатан мурожаат формаси. [Муҳиддин ака Сафарова:] Гап аризада эмас, мулла, колхозга кирамиз дедик, кирамиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

4 Ҳурмат юзасидан мурожаатда, гаплашганда кишининг исмига қўшиб айтилади. — Дунёнинг иши шунақа экан, мулла Али! — деб уни юпатиб қўйди [Отабек]. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ Мулла жиринг с. т. пул. Мулла минган эшакдай дағл. ўта даражада ювош, итоаткор.

**МУЛЛАБАЧЧА** [a + ф-т] юқ. усл. айн. муллавачча.

**МУЛЛАВАЧЧА** [a + ф-т] 1 Мадраса талабаси. Уша кеча .. қашшоқ муллаваччалар ҳам қасоб ва боққондан ош масаллигини насияга олиб палов пиширганлар. Айний, Эсдалиқлар.

2 Муллаларнинг, уламоларнинг боласи, фарзанди.

**МУЛЛАКА** [тўғриси мулла ака] 1 с. т. ўзидан катта, ўқинишли кишиларга мурожаат формаси. Маълонев ўтириши билан Ҳайдарбой шошилиб, бир чойнак чой билан пиёла келтириб, унинг олдига қўйди-да: — Хуш келибсиз, муллака! .. — деди мулозамат қилиб. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 диал. Келиннинг қайнағаси ва ўзидан катта қайниси.

## МУЛОЙИМЛИК

**МУЛЛАНАМО** [a + ф-т] Мулла кўринишига эга бўлган, муллаларга ўхшаган. Тумашта Муҳаммад Расул қирқ ёшга етиб қолган мутавозе, мулланамо киши эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУЛЛО** [a] юқ. усл. айн. мулла. [Жалолиддин:] Улуғ шайх Саъдий яхши айтган: илмига амал қилмайдиган муллодан, устига китоб орған эшак афзал. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**МУЛОЗАМАТ** [a] Кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот; эъзоз-икром, такаллуф. Мехмонга мулозамат қилмоқ. Мулозамат кўрсатмоқ. — [Ҳатамова] мехмонларни хотинларга хос мулозамат ва ширинсўзлик билан кабинетига таклиф қилди. А. Қаҳҳор, Картина. [Тўлқинжон] бор усталигини ишга солиб, илтифот ва мулозаматлар билан қизнинг кўнглини овлай бошлади. Ф. Мусаёнов, Хури.

**МУЛОЗАМАТЛИ** Мулозамат қилишни яхши биладиган; сермулозамат, сертакаллуф. Мулозаматли йигит.

**МУЛОЗИМ** [a] 1 тар. Ҳокимларнинг, амалдорларнинг хузурида уларнинг хизматига бўлган киши. Раис афанди мулозимларида дарра кўтартириб, намозсизларни текширар, фарзи айини билмаганларни урдирар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Энг кейинги извошда икки мулозим билан Абдуваҳоб жўнади. Ш. Тошматов, Эрк куши. | Сарой, маҳкама хизматчиси. — Қозихонадан бир мулозим келибдир. Полвонда ишим бор дейди, — деб даҳлиздан кирган бола Урмон полвоннинг сўзини кесди. Айний, Қуллар.

2 эск. Ходим, хизматчи. Музей мулозими бизга ажойиб бир кашифетни — Ҳиндистоннинг жуғрофий харитасини кўрсатди. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

**МУЛОЙИМ** [a] 1 Қўлга юмшоқ уринадиган, майин. Мулоийим тери.

2 кўчма Назокатли, юмшоқ, хушмуомала. Мулоийим киши. Ипақдай мулоийим бўлмоқ. | Назокат ифодаладиган, нозик, ёқимли. Мулоийим овоз. Мулоийим табассуми. || — Ота, — чолга энкайиб мулоийим гапирди Фазлиддин, — мўйсифид экансиз, қари билганни пари билмас, дейишади эскилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУЛОЙИМЛАШМОҚ** 1 Мулоийим бўлмоқ, майинлашмоқ, юмшамоқ. Тери мулоийимлашди. Лой мулоийимлашди.

2 кўчма Юмшамоқ, назокатлироқ бўлмоқ. Қори қанчалик мулоийимлашмасин, Элмурод у билан муносабатда чин кўнилдан қовушолмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. — Туринге қизим, — элқибшошининг товуши бирдан мулоийимлашди, — ота-онанинг бошини букманг. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУЛОЙИМЛИК** мулоийим с. белги оти. Юзидан мулоийимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб тур-

## МУЛЬТИПЛИКАЦИОН

ган бу хотин қутидорнинг рафиқ Офтоб олим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУЛОКОТ** [a] эск. кт. айн. учрашув. Мулоқот қилмоқ (этмоқ). — [Пирназар] болалик оинаси полвон Қулмуҳаммад билан бўлган ширин мулоқотда яна .. хон зулми ошиб кетаётганидан шикоят қилди. Мирмуҳсин, Чўри. Бир кун эрталаб Абдувоҳид ишга жўнаш олдидан хотинига деди: — [Ўғлинг] эртга барвақт .. шу адресга бориб мулоқот этсин. Ойбек, Нур қидириб.

**МУЛОҲАЗА** [a] 1 Фикран муҳокама юритиш, ўйлаш; ўй. Хўжазодасидани бу ҳолат уни [Ҳасаналини] ҳар турли мулоҳазаларга олиб кета бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Унинг [эшоннинг] узоқ мулоҳазадан кейин бир фикрга келган кишидек, кўзлари маъноли қисилди. С. Аҳмад, Хукм. Мулоҳаза қилмоқ 1) фикран муҳокама юритмоқ, ўйламоқ. [Элмурод] бир гапни айтишдан илгари ўзича мулоҳаза қилиб кўрар .. эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) андиша қилмоқ, андишага бормоқ. У [Элмурод] энди бўйни қисиб етим эмас. Энди унга мулоҳаза қилиб ўтиришдан кўра бор гапни шартта айтиб кўнглини хижолатдан бўшатми осонроқ. П. Турсун, Ўқитувчи. Мулоҳаза юритмоқ айн. мулоҳаза қилмоқ 1. Мулоҳазага бормоқ айн. мулоҳаза қилмоқ 2.

2 Бирор масала юзасидан билдирилган ёки ўйлаб қўйилган фикр. Иқтисодий масалага доир мулоҳазалар. Ўз мулоҳазасини баён этмоқ. — Аҳмад Хусайн қўлдан бадтар ожиз, забун, ҳамшиша тақдирга итоаткор фирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳайрон қолди. Ойбек, Нур қидириб.

3 айн. андиша 1. Мулоҳаза билан иш қилмоқ.

**МУЛОҲАЗАЛИ** 1 Мулоҳаза билан иш қилувчи, ўйлаб иш тутувчи, мулоҳаза юрита олувчи; андишали. Мулоҳазали одам. — [Директор:] Абдусаммад, менинча, ўғлингиз мулоҳазали бола. У ўз ўйлини топиб олади. О. Толипов, Қим айбдор?

2 Мулоҳаза натижасида вужудга келган, ўйлаб қилинган, айтилган. Мулоҳазали гап.

**МУЛОҲАЗАСИЗ** 1 Мулоҳаза қилолмайдиган, мулоҳаза юритолмайдиган, ўйламасдан иш қиладиган; бемулоҳаза. Мулоҳазасиз киши.

2 Мулоҳаза қилмасдан, ўйламасдан қилинган, айтилган. Мулоҳазасиз гап. Мулоҳазасиз иш.

**МУЛОҲАЗАСИЗЛИК** 1 мулоҳазасиз с. белги оти.

2 Мулоҳазасиз қилинган иш, айтилган гап. [Юсуфбек жожи:] Жуда тўғри айтасан ўғлим, бироқ онанинг бир мулоҳазасизлигига бешдаёқ мен лабимни тишлаб қолган эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУЛЬТИПЛИКАЦИОН** [р мультипликационный] кино Мультипликация-

га оид. | Мультитпликация йўли билан ишланган. *Мультитпликацион фильм.*  
**МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ** [р < лат] кино Ҳаракатдаги нарсаларнинг кетма-кет келадиган турли ҳолатларни акс эттирувчи сурат ёки қўғирчоқларни расмга олиш йўли билан фильм тайёрлаш ва шу йўл билан олинган кинофильм.

**МУМ** [ф-т] Асалари ўзи ишлаб чиқариб ўзига уя қурадиган сақичсимон юмшоқ модда; ўсимлик ёки ҳайвондан олинадиган шунга ўхшаш моддалар. *Асалари муми. Ўсимлик муми. Сунъий мум.* — Шаритат *Fiёс дўзахиларга ўхшаганлар қўлида ҳар қанақа шаклга кираврадиган юмшоқ мум.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Мум шамли қандилдай қуруқ лаблари. Бир қатор қиз кетар, елкада обкаш. Ғ. Ғуллом. Оқ мум нефть, торф ва кўмирдан олинадиган оқ ёки сарғиш тусдаги мумсимон модда; парафин. Қора мум қора мойга бошқа моддалар қўшиб тайёрланган сунъий мум.* ♦ *Мум тишламоқ* оғиз очмай жим қолмоқ, индамаслик. *Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизшиди. «Наҳот мен мум тишлаб ўтирсам» — деган фикр унинг ҳаёлидан ўтди. К. Раҳимов, Ўз қасбини севган йигит.*

**МУМИЁ** I [а] Халқ медицинасида, табобатда синган суякларни даволаш учун ишлатиладиган мумсимон органик модда.

**МУМИЁ** II [а] Асосан сувсиз темир оксиддан иборат, кўпинча қизғиш пўкак ранг минерал бўёқ.

**МУМИЁ** III [а] Махсус химиявий состав билан ишлаб чиримайдиغان қилиб қўйилган жасад.

**МУМИЁЛАМОҚ** Махсус химиявий состав билан ишлаб, чиримайдиغان қилмоқ (жасадини).

**МУМИЁЛАНМОҚ** мумиёламоқ *фл. мажх. н.* Мумиёланган жасад.

**МУМКИН** [а] I Имконият, имконияти бор, бўладиган, амалга ошадиган. [Йўлчи] *сингелиси билан бирга, мумкин бўлса, .. Гулсумбидини ҳам аравага солиб, қишлоққа олиб боришини истаганини айтди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Капсанчилар .. зиммаларига тушган вазибаларни мумкин қадар тезроқ бажаришга сўз бериб тарқалишди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Рухсат этилган, ижозат қилинган; жонз. *Боришингиз мумкин. Сўрашингиз мумкин.* — Шаҳарда чўчқа асраш мумкин эмас. — деди Мукаррам. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. — *Мумкинми?* — деди Сафаров хатга қўл чўзиб. Самандаров хатни унга узатди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Эҳтимоли бор, эҳтимолдан узоқ эмас. [Муҳаррир:] *Йўлдошева йигирма олтинчи йилда .. паранжи ёпиниб юрган бўлиши мумкин, бунни ҳозир таъна қилишда ҳеч қандай маъно йўқ.* А. Қаҳҳор, Бек.

**МУМКИНЛИК** I мумкин *с. мавх. от.* Ўз сирларининг Йўлчи томонидан очи-

лиши мумкинлигидан қўрққанлигидан бўлса керак *Нури туҳматни тарқатишга .. ортиқча уринмади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *с. т.* Имконият, имкон. [Марям:] *Бу кун беш-олти кундан бери сиз билан кўришармиканман, деб кўп интизор бўлсам-да мумкинлик бўлмади.* Ҳамза, Ким ўғри?

**МУМЛАМОҚ** Мум сурмамоқ, мум билан қопламоқ. *Ипни мумламоқ.*

**МУМЛАНМОҚ** мумламоқ *фл. мажх. н.* Тикишга янги бошлаган чоғларда мумланган иннинг бармоқларига ёпишуви ва тортган вақтда қуруқ қиртирлаши қизнинг гашини келтирар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**МУМЛИ** I Таркибда мум бўлган, муми бор. *Мумли асал.*

2 Мум суртилган, мумланган. *Кўзларига уйқу келган шогирд бола мумли ипни қир-қир чўзиб, қатим тортар .. эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МУМСИҚ** [а] Ўтакетган хасис, бахил, эиқна. *Мумсиқ одам.*

**МУМТОЗ** [а] I *кп.* Бирор фазилати, яхши томони билан бошқалардан ажралиб турадиган, афзалликларга эга бўлган. *Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз, Дўстпарвар, ўз сўзли ёрига содиқ.* Ғ. Ғуллом. *Янги йўлнинг раҳнамоси партия устозимиз, Ақлу донишда ягона мисли йўқ мумтозимиз.* Ҳабибий.

2 Мумтоз (эркаклар исми).

**МУНАВВАР** [а] I *кп.* Нур билан ёритилган, нурга тўлган; равшан, ёрқин. *Қуёш уфқдан қанчалик юқори кўтарилса, оламни шунчалик мунаввар қилади.* Ҳ. Ғуллом, Қуёшмонанд хақиқат. *Октябрнинг хазони йўқ, мунаввардир истиқбол, Манзил яқин, пўлат оқин давом этар йўлида.* Уйғун.

2 Мунаввар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**МУНАЖЖИМ** [а] I Астрология билан шуғулланган, юлдузларга қараб фол кўрган киши; астролог. [Навоий *Хусайн Бойқарога:*] *Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг шубҳали қуръаларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.* Уйғун ва Й. Султон, Навоий.

2 *эск. кт. айн.* астроном.

**МУНАҚА** *с. т.* Бундай. — *Ҳа, отангизга раҳмат! Гап мунақа бўлади, — деди Юсвали тоға.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУНАҚАНГИ** *с. т.* Бундай, бунақанги. *Мунақанги гапни биринчи эшитишим.*

**МУНАҚҚАШ** [а] *эск. кт.* Нақшланган, нақшли, нақшдор. *Олтин қандидаги эллиқлаб шамларнинг нури билан мунаққаш деворларнинг олтин, кумуш, кўк-қизил гуллари юлдузлардек яшнаб, уйга бир ҳаёлийлик берад эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МУНАҚҚИД** [а] *эск. кт. айн.* танқидчи. *Бу одам шу кунларда адабиёт майдонида ўзининг танқидлари билан*

*жавлон урган мунаққид Аббосхон эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**МУНГ** *эск. кт.* Ҳазинлик, маъюслик. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас, ҳамшиша унинг кўзида бир мунг ётар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Ҳабибанинг] *кўнгида яовлаги қайғудан, унинг юзи-кўзида илгариги мунгдан асар қолмаган эди.* Айний, Эсдаликлар.

**МУНГЛАНМОҚ** *кам қўлл. айн.* маъюсланмоқ.

**МУНГЛАНМОҚ** *кам қўлл.* Мунгли, маъюс аҳволга тушмоқ, маъюсланмоқ. *Анорхон ўқтин-ўқтин ҳаёл суриб кетади, бирдан мунгланиб ҳам қолади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**МУНГЛАНТИРМОҚ** мунгланмоқ *фл. орт. н.* *Зарур сармоя мени яна эсанкиратиб, мунглантириб қўядиган бўлди.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

**МУНГЛИ** *кп.* Ҳазин, ғамгин; маъюс. *Қайнарбулоқ томонидан .. мунгли най овози эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУНГРАЙМОҚ** *кам қўлл. айн.* мунгаймоқ.

**МУНДА** I *диал.* Бу ерда. *Бизнинг Тошкентдан аҳвол сўрасанг, балки Марғилонга ҳам эшитилгандир, мунда Азизбек қандоғдир бир кучга таяниб Қўқонга исён этди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Бу ерга. — *Мунда кел!* — чол қўли билан [аёни] имлади. Ойбек, Қутлуг қон.

2 *с. т.* Бунда. *Гап мунда эмас.*

**МУНДАЙ** *с. т.* Бундай. [Самандаров:] *Мундай гапирсангиз-чи, забон борми!?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МУНДАРИЖА** [а] I Китоб ёки қўл ёзманинг бошида ёки охирида унинг фасла ва бўлимларини, одагда бетларни билан кўрсатувчи рўйхат. *Китобнинг мундарижасига қарамоқ.*

2 *кам қўлл. айн.* мундарижаси. Мақоланинг мундарижаси. *Ишнинг мундарижаси.*

**МУНДЎР** [р < фр] Ҳарбий ёки расмий формали устки кийим. *Генерал мундўри.*

**МУНДОҚ** *с. т.* Бундай. — *Гулнор бузилибди .. Йўлчи икковни мана мундоқ эмиш!* — *Нури икки бармоғини бир-бирига маҳкам чирмаштириб кўрсатди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МУНИС** [а] I *эск. кт.* Яқин, сирдош дўст, ҳамдам. *Кундан-кунга ортар дарди ҳасратим, Мунис аҳли дардларимни соғиниб.* Ҳамза.

2 Мунис (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**МУНИЦИПАЛИЗАЦИЯ** [р < лат] Хусусий кишиларга қарашли ер-мулк ва бойликларни маҳаллий ҳукумат органлари ихтиёрига ўтказиш.

**МУНИЦИПАЛИТЁТ** [р] Буржуа давлатларида маҳаллий ҳукумат органи ва шу орган жойлашган бино.

**МУНҚАЙМОҚ** Букчайиб қолмоқ, буклалмоқ, эгилмоқ (киши ва унинг қомати ҳақида). *Мунқайган чол.* — *Пар-*

«Ихлўжа ёғчи .. чол бўлмаса ҳам, чоллар каби икки қўлини орқа белига қўйиб, бир оёқ мунқайиб ичкари уйга кириб кетди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУНҚАЙТИРМОҚ** мунқаймоқ *фл. орт. н.* Кечалар ва кундузлар ҳаловатидан маҳрум қилган даҳшатли қудрат бордирки, у буни [аравақашни] шундай мунқайтириб .. қўйгандир. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МУНҚАР-НАҚИР** [а] *дин.* Диний эътиқодга кўра киши ўлгандан кейин гўрда уни сўроқ қиладиган икки фаришта. Афанди мунқар-нақирнинг сўроғини ўз кўзи билан кўргиси .. келиб қолди-ю, бир очиқ гўрға кириб ётди. «Латифалар».

**МУНКИЛЛАМОҚ** Қариллик натижасида кучдан кетиб мунқаймоқ, букчайиб қолмоқ. Яқинда Қумри иш билан яна Тошкентга келди. У ҳар галдаидек қадрдон институтига бориб, мункиллаб қолган профессорини кўриб чиқди. Мирмуҳсин, Ажрим.

**МУНКИМОҚ** 1 Қоқилиб ёки мувозанагини йўқотиб, олдинга йиқила ёзмоқ ёки юз тубан йиқилмоқ. Қанал қирғоғидаги чанг босан ўтлар устида эринчаклик билан бораётган от бирдан мункиб кетди-ю, икки олдинги оёғи билан чўккалаб қолди. Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли. Қудрат қўлидаги сувли челақ билан мункиди, лекин йиқилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўйма* Нотўғри йўлга кирмоқ, тўғри йўлдан озмоқ, тоймоқ, қоқилмоқ. *Ғафлатга мункимоқ.*

**МУНҚИР** [а] *эск.* Инкор этувчи, тан олмовчи.— *Худонинг қудратига мунқирмисан? — деб Муллонаврўз ҳам Сафарга бир дўқ қилиб қўйди.* Айний, Қуллар.

**МУНКИТМОҚ** мункимоқ *фл. орт. н.* — Бу Викторнинг иккинчи марта қоқилиши,— деди Семён.— Ёшиқдан илланган иллат ҳали кўп мункитади. Ш. Ғулумов, Бўз ер уйонди.

**МУНОЖОТ** [а] 1 *дин.* Худодан нажот, мадад тилаб қилинадиган тунги ёки яширин ибодат. Қишининг кўп вақтлари .. кечалари қиблага қараб, тиз букиб ўтириб, «худога йўғлаш ва муножот қилиш билан ўтар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Афанди ёмғирда ивиган бир иморатнинг орасида худодан давлат сўраб муножот қилаётган эди, чардевордан бир ғишт тушиб, унинг боши ёрилди. «Латифалар». | Худодан нажот, шафбат тилаб ёзилган шеър. Муножот ўқилмоқ. Муножот айтмоқ.

2 *Классик куйлардан бирининг номи.* Домла .. музыканинг хумориси тутар экан, «Муножот» билан «Қари наво»ни эшитмаган куним бамисоли халтасини йўқотган девонаман, деган экан. П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУНОЗАРА** [а] *Илмий, адабий, сиёсий, диний* ва ш. к. масалалар юзасида тортишув; баҳс, дискуссия. *Илмий мунозара. Қизгин мунозаралар. Мунозара*

*олиб бормоқ. Мунозара ўтказмоқ. — Элмурод оқсоқол билан эшон ўртасидаги диний мунозарада аралашини лозим кўрмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУНОЗАРАЛИ** Мунозара билан боғлиқ бўлган, мунозара талаб этадиган, ҳал қилинмаган. *Мунозарали масалалар.*

**МУНОСАБАТ** [а] 1 Кишилар ўртасидаги алоқа, муомала. [Элмуродга] эшоннинг муносабати ҳам ўзгарди. Илгарийдайд қаттиқ сўкмай қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги борди-келди, олди-берди муомалалари; тирикчилик, моддий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ бўлган алоқа. *Оилавий муносабат. Савдо муносабатлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари. Муносабат боғламоқ. Дипломатик муносабатларни узмоқ.*

3 Қишининг воқеаларга, воқеликдаги нарсаларга, ҳодисаларга қарашни, ёндошини принципти. *Ишга коммунистик муносабатда бўлмоқ.*

4 Нарсалар, ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғланиш, алоқа. *Тафаккурнинг борлиқда муносабати. — Раҳматилла .. воқеаларнинг .. бир-бирига муносабатини, сабаб ва натижаларини яхши билмасдан, фақат узун косоғ бўлиб хизмат қилгани учун Хўжақшилоқда .. чиққан тўполон кўзига жуда катта кўринди.* А. Қаҳҳор, Кўшчнор.

5 Бирор иш, ҳаракат, гап ва ш. к.га дахли бўлган нарса, тегишли асос; боис, дахл. *Бу ишга сизнинг гапингизнинг ҳеч қандай муносабати йўқ. Байрам муносабати билан табриклаш.*

— *Тантубойвачча анчагина маст бўлиб, озига келганини валдириша бошлади. Ҳар муносабат билан ўзини мақтади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Тавҳидий бир муносабат туғдириб, .. тиллага ёзиб берган шеъри ҳақида гапирди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**МУНОСАБАТДОР** [а + ф-т] Муносабатли, алоқаси бўлган, боғланган; алоқадор, дахлдор. *Ишга муносабатдор томонлар.*

**МУНОСАБАТСИЗ** Муносабати, алоқаси, дахли йўқ; алоқасиз, дахлсиз, боғланмаган. *Муносабатсиз гап. — [Мулла Обид] гоҳо муносабатсиз бўлса ҳам, ўзича илжайинқираб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**МУНОСИБ** [а] 1 Тўғри келадиган, мос тушадиган; мувофиқ, лойиқ. *Муносиб кандидатура.* || *Исми жисмига муносиб. Муносиб кўрмоқ. — Ермат бир йилдан буён қизини муносиб жойга узатишга тиришади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Мувофиқ тушадиган, ярашадиган, ярашиқ. Олим кишига муносиб сиполик. — Уйлар ўзига муносиб безаклар билан безалан.* «Эртақлар».

2 Арзийдиган, арзирли. *Муносиб ҳисса қўшмоқ.*

**МУНОФИҚ** [а] Тили бошқа, дили бошқа, сўзи ва иши бир-бирига тўғри келмайдиган, самийийлиги йўқ; икки

юзлама. *Мунофиқ одам. — Бозор бошидаги мадрасанинг мударриси .. жуда мунофиқ, бориб турган ивгогар одам экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**МУНОФИҚЛИК** 1 мунофиқ с. белги оти.

2 Мунофиқона иш, хатти-ҳаракат. *Бу ерда самимиятсизлик ва мунофиқлик, бир-бирини алдаш Элмурод учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУНОФИҚОНА** [а + ф-т] *рви.* Мунофиқлик, иккиюзламалик билан, мунофиқлар каби; хиёнаткорона. || *Мунофиқона ҳужум. Мунофиқона муносабат.*

**МУНОҚАША** [а] *эск. кт.* Мунозара, баҳс, тортишув. *Ҳамма .. Серов билан Эҳсон орасидаги муноқашага кўз-қулоқ бўлиб тураар эди.* А. Қаҳҳор, Саҳроб.

**МУНОҚАШАЧИЛИК** *эск. кт.* Муноқаша билан машғул бўлиш, баҳслашиш. *Мажлисни муноқашачилиқдан қутқариб, дўстона руҳанттириш учун Навоий мавзунини ўзгартиб юборди ..* Ойбек, Навоий.

**МУНТАЗАМ** [а] 1 Тартибли равишда узлуксиз давом этадиган, қанда бўлмайдиган; муттасил. *Самолётларнинг мунтазам қатнови. Газета мунтазам чиқиб турибди.*

2 Белгиланган тартибда, план асосида амалга ошадиган. *Халқ хўжалигининг мунтазам ривожланиши.*

3 Системали равишда амалга ошадиган ёки ошириладиган; системали. *Мунтазам машғулотлар.*

4 *мат.* Ҳамма томонлари, ёқлари ва бурчаклари тенг. *Мунтазам кўпбурчак. Мунтазам призма.*

◆ **Мунтазам армия** (ёки кўшин) қатъий ҳарбий тартибга эга бўлган, планли ҳарбий тайёргарлик кўриб борувчи доимий армия.

**МУНТАЗИР** [а] *кт.* Орзиқиб кутувчи, интизорлик тортувчи; муштоқ, интизор. *Мунтазир бўлмоқ. — Бу хоролик жанобнинг .. Қашқа қорабайири депсиниб ўйноқларди .. Ҳаманинг эътибори шу жанобда, фармонига мунтазир.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**МУНЧА** *рви* 1 с. т. Бунча, шунчалик, бу даражада, бу миқдорда. *Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним.* Ғ. Ғулум. *Бир мунча бир оз, бир қадар, маълум даражада.* [Кумуш] *боялга қараганда анчагина енгиллашиб ичкарига кирди. Ҳаракатлари ҳам бир мунча ўзгарган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *унд. с. вазифасида* Ҳаракатнинг ҳаддан ошиқлигини, ортиқ хаяжон, таъсирланганликни ва ш. к.ни билдиради. [Хотини эрига:] *Ҳа, мунча! .. Туртмасдан гапира беринг.* А. Қаҳҳор, Анор.

**МУНЧАЛИК** с. т. Бунчалик, бу қадар. [Ўзбек оғим Отабекка:] *Келин билан ичсанг бўлар эди? Бировнинг бо-*



дасини мунчалик хўрлаш яши эмас. А. Қодирий, Утган кунлар.

**МУНЧОҚ** Шиша, тош ва ш. к. нарсалардан ясаладиган, асосан зийнат учун янга тизиб бўйинга тақиладиган думалоқ ёки бошқа шақлдаги доналар. *Шиша мунчоқ. Ипга мунчоқ тизмоқ. Дўлана мунчоқ* 1) йирик сариқ рангли ҳолдор мунчоқ; 2) дўлана данагидан тизилган мунчоқ. *Кўз мунчоқ этн.* «ёмон кўз»дан асраш учун кўзга яқин болаларга тақиладиган оқ холли қора мунчоқ. *Эшак мунчоқ* 1) от ва эшакка тақиладиган йирик мунчоқ; 2) кўчма ҳеч нарсага арзимайдиган, ярамас нарса ҳақида.

**МУНШИЙ** [а] тар. Саройда ёзув ишларини олиб борган котиб. *Анвар де-вонхона сахнига етганда ичкаридаги каттадан кичик, мирзо, мунишлар янги бошлиқларини муборакбод қилгали ўринларидан қўзғалдилар.* А. Қодирий, *Меҳробдан чаён.*

**МУНҚАРИЗ** [а] эск. кт. Инқирозга юз тугган, кризисга учраган. *Мунқариз бўлмақ.*

**МУНҒАЙМОҚ** с. т. Минғаймоқ, маъносланмоқ. *Шарофат олдини курсиларнинг бирида мунғайиб, тез-тез бурнини, кўзини арчиб, дам-бадам хўрсиниб ўтирар эди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**МУОВИН** [а] 1 Бошлиқ ёки раҳбарнинг уринбосари. *Директор муовини. Министр муовини.*

2 эск. Бировга кўмаклашувчи, ёрдамчи. *Баъзи ўқитувчилар: «Ойига ўн беш, йигирма сўм берайлик, бизга муовин бўлингиз» десалар ҳам унамадим, чунки улар менга кўпда маслакдош эмас .. эди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**МУОЛАЖА** [а] кт. Даволаш, даволашни; даво. *Муолажа қилмоқ.* ■ *Табиб муолажанинг натижасини энтиқиб кутар ва қўрбошини полвоннинг ҳар бир шартига уншга ундар эди.* А. Қаххор, Қўр кўзнинг очилиши. *Малика ўзини муолажа қилган табибининг дўконига борди.* «Эртақлар».

**МУОМАЛА** [а] 1 Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йўсини. *Яхши муомала. Дағал муомала. Муомаласи ёмон одам.* ■ *Домла машғулот вақтларида бировларга кўпроқ диққат бериб, бировларнинг кўнглини унча-мунча ўқитса ҳам, муомалада дағал эмас эди.* П. Турсун, Уқитувчи. [Ўзбек ойим] *теваракдан марғилонлик келинни кўриш учун келувчи хотинларга муомалани яна ҳам юқорироқдан туриб қила бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Иш, хизмат билан боғлиқ бўлган адоқ. *У билан тўғридан-тўғри муомалада бўлмайдиганлар, уни «райком», «райком Мавлонов» деб атасалар, яқинроқ ва кўпроқ муомалада бўладиганлар «ўртоқ Мавлонов» деб атар эдилар.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 Пул ва савдо иши билан боғлиқ муносабат, алоқа. *Ҳақимбойвачча ..*

*Абдушукруннинг хўжайини ва дўсти бўлган Жамолбой билан пул ва савдо муомаларида буни қурол қилмоқчи эди.* Ойбек, *Кутлуг қон.*

◆ **Муомалага келмоқ** (ёки юрмоқ) гапга кўнмоқ, бирор таклифга рози бўлиб келишмоқ. [Олаҳўжа:] *Сиз ҳам энди оёнгизини тираб туриб олманг, бирон муомалага келинг.* П. Турсун, Уқитувчи. **Муомаладаги пул** айни пайтда юриб, ишлатилиб турган пул.

**МУОМАЛАЛИ** 1 Муомаласи яхши; хушмуомала. *Муомалали одам.*

2 Бирор аниқловчилар билан ифодаланган муомалага эга. *Яхши муомалали одам. Дағал муомалали одам.*

**МУОҲАДА** [а] эск. Битим, келишув. *Сулҳ муоҳадаси.*

**МУРАББА** [а] мураббаъ, 3-ш. бирл. **мураббан** 1 ад. Тўрт мисрадан иборат шеър; тўртлик

2 эск. мат. Томонлари тенг тўғри тўртбурчак; квадрат, чорси. || *Тағишўр саройининг сатҳи йегирма мурабба метр келади.* Айний, *Дохунда.*

**мураббан** к. мурабба.

**МУРАББИЙ** [а] кт. айн. тарбиячи. *Раҳматилла Обидий интернатага муаллим ва мураббий бўлди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**МУРАББИЯ** [а] кт. Мураббий аёл. *Хиёбонларнинг биридан оқ халат кийган .. назиккина бир жувон қичиб қолди. Қоровул уни меҳмонларга танши-тирди. Жувон болалар боғчасининг мураббияси экан.* А. Қаххор, Қартина.

**МУРАББО** [а] Мева ва баъзи сабзавотларни шакар қиёмида, асал ёки шиннида қайнатиб тайёрланадиган суюқ ширинлик. *Олчадан қилинган мураббо. Сабзидан мураббо қайнатмоқ.* ■ *Дастурхонга турли-туман канд-қурс, мева-чева, анвои мураббо, .. бўғирсоқлар билан зеб берилган.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**МУРАКҚАБ** [а] 1 Ечилиши, тушунилиши, бажарилиши қийин; оғир, мушкул. *Мураккаб масала.*

2 Бир неча бўлакдан, элементдан иборат бўлган; таркибли. *Мураккаб модда. Мураккаб сон (мат.). Мураккаб кесим (грам.)* | Тузилиши жихатдан ғайри оддий иш. *Мураккаб машина.*

**МУРАКҚАБГУЛЛИЛАР** Уруғи икки паллали, мураккаб тўпгулли ўсимликлар (мас., кунгабоқар, дасторгул, дармана).

**МУРАКҚАБЛАШМОҚ** 1 Мураккаб бўлмоқ, қийинлашмоқ, оғирлашмоқ, мушкуллашмоқ. *Аҳвол мураккаблашди. Вазифа мураккаблашди.* ■ *Жанг ниҳоятда мураккаблашиб кетди.* А. Қаххор, *Олтин юлдуз.*

2 Тузилиш жихатидан чигаллашмоқ, мураккаб шакл олмақ. *Мураккаблаган механизм.*

**МУРАКҚАБЛАШТИРМОҚ** мураккаблашмоқ фл. орт. н. Масалани мураккаблаштирмоқ.

**МУРВАТ** эск. 1 Бириктириш учун ишлатиладиган резьбали металл де-

таль; винт. *Ражаб бобо пулат дарвоза тепасидаги мурватни куч билан буррай бошлади.* С. Аҳмад, *Қадрдон далалар.*

2 Асбоб-ускуна ва машиналарнинг бураб ишга соладиган калити ёки пружинаси. *Соат мурвати.*

**МУРДА** [ф-т] Ўлган кишининг жасди; ўлик.

**МУРДАХОНА** [ф-т] 1 Мурда турган уй.

2 Қасалхоналарда мурда сақланадиган хона.

**МУРДАШҲҲ** [ф-т] диал. этн. Ҳас-сол, ювғучи. *Бахтсиз мурдешўйларни, касалнинг ўлимига ҳеч бир дахли бўлмагани ҳолда «шум қадам» деб жанозага йўл қўймайдилар.* Айний, *Дохунда.*

**МУРДОР** [ф-т] 1 от Ҳаром ўлган мол; ўлимтик, ўлакса. *Магар мис-жидда эшитмадингмуқим, бечора, аҳ-воли танг бўлган одамларга мурдорни емак ҳалолдир, деб.* А. Қаххор, *Миллатчилар.*

2 сфм Ҳаром, нопок. [Майсара қозига:] *Сиз ҳайвонларни ҳам мурдор қиласиз. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

3 сфм, кўчма Ҳаром-ҳарийш юрадиган, ғилос ишлардан қайтмайдиган нопок одам ҳақида. *Қози, мулла текинхўр, Мурдор эшонлар, Дин, ив-рият отидан соҳиб фармонлар. Ғайратий.*

**МУРДОРЛИК** 1 мурдор с. белги оти. *Нарсанинг мурдорлиги.*

2 Мурдор, ҳаром-ҳарийш юрадиган одамларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Мурдорлик қилмоқ.*

**МУРДОРХҲ** [ф-т] 1 Мурдор еовчи, ўлакса билан овқатланувчи (ҳайвон ва қушлар ҳақида).

2 кўчма Ҳаромхўр, бойлик учун ҳар қандай мурдорликдан қайтмайдиган. *Мурдорхўр одам.*

**МУРИД** [а] дин. Рухоний, устоз, эшон, пирининг шогирди, мухлиси. *Эшон домланинг муридлари кўп бўлиб, улар ҳам тез-тез келиб назр-ниёз билан мадрасани обод қилиб тулар эдилар.* М. Мухаммаджонов, *Турмуш уринишлари.*

◆ **Мурид овламоқ** қишлоқма-қишлоқ юриб, муридларни товламоқ, улардан назр-ниёз йиғмоқ. *Туркман эшонлари ҳам мурид овлайдилар, ҳам имоматчилик қиладилар, яъни туркманларнинг никоҳ ва жаноза маросимларини бажардилар.* Айний, *Эсдаликлар.*

**МУРОД** [а] 1 Эришни, амалга ошириш кўзда тутилган орзу; мақсад, мудо-дао. [Гулнор Йўлчи:] *Ботир ёрим биланман, сиз қайгу дарёсига мандан чуқурроқ ботгандирсиз. Энди Ёлғиз муродим сизни бир кўрмоқ, сиз билан икки оғиз сўзлашмоқдир.* Ойбек, *Кутлуг қон.* **Мурод ҳосил бўлди** мақсад амалга ошди, орзу ушалди.

2 Мурод (эркаклар исми).

**МУРОДБАХШ** [а + ф-т] кт. Кишининг муродини ҳосил қиладиган. *Муродбахш зот. Муродбахш кун.*

**МУРОД-МАҚСАД** Кишининг барча мурод ва мақсадларин, орзу-тилаклари.

**МУРОЖААТ** [а] Бировга қарата айтилган гап, қилинган даъват, қақриқ ва ш. к. **Мурожаат қилмоқ** 1) бирор иш, илтимос, қақриқ ва ш. к. билан бировга қарата сўз айтмоқ. **Илтимос билан мурожаат қилмоқ.** — *Урдага ариза билан мурожаат қиладиган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам, аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён; 2) маълумот олиш учун қармоқ. **Энциклопедияга мурожаат қилмоқ.**

**МУРОЖААТНОМА** [а + ф-т] Ёзма мурожаат, мурожаат хати. **Стокгольм мурожаатномаси.** — *Хон ва уламодан .. яширин равишда Тошкент, Андижон, Марғилон ва ўзга шаҳарларнинг ишончли уламо ва бекларига .. мурожаатномалар йўланди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МУРОСА** [ф-т] Бир-бири билан тил толув асосига қурилган муносабат; келишув, келишувчилик. **Муросага келмоқ.** — [Қумуш:] *Утган хатларинда кундошим билан муросамиз келишмай турганини кулилик тарзда ёзган эдим.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. [Дадавой:] *Халқ билан муроса қилишим мумкин, аммо улар билан икки дунёда ҳам муроса қилмайман.* Уйғун, Навбахор.

**МУРОСА-МАДОРА**, **муросаю мадора** с. т. Келишувчилик. *Ишининг чапчасига кетаётганини сезган Бўронбек, «Муросаю мадора» йўлига ўтди.* Х. Гулом, Машъал.

**МУРОСАСИЗ** Муросачилик, келишувчилик қилмайдиган, муросага келмайдиган, муросага, келишувчиликка йўл қўймайдиган. **Муросасиз танқид.** || **Муросасиз курашмоқ.** — *Ҳар бир коммунист хато ва камчилиikka муросасиз бўлмоғи лозим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**МУРОСАСОЗ** айн. муросачи.

**МУРОСАСОЗЛИК** муросасоз с. белги *оти* айн. муросачилик.

**МУРОСАЧИ** I *сиёс.* Реакцион буржуазияга нисбатан муросачилик, келишувчилик сиёсатини юргизиби, ишчилар синфи манфаатларини қурбон қилувчи; оппортунист.

2 Умуман келишувчи, ён берувчи киши.

**МУРОСАЧИЛИК** I *сиёс.* Реакцион буржуазия билан тил бириктириб ва уларга нисбатан муросасозлик, келишувчилик қилиби, ишчилар синфи манфаатларини қурбон қилишдан иборат оппортунистик сиёсат.

2 Умуман принципсизлик билан ён бериш; келишувчанлик.

**МУРОФАА** [а] I *тар.* Қозихонада жиноий ёки гражданлик ишининг кўрилиши. | *эск. юр.* Суд процесси, судда ишнинг кўрилиши. **Мурофаа бўладиган кун** *Йўлдошбой ҳаммадан илгару бориб бир чеккада кутиб турди.* Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

2 *эск. кт.* Довлашув, олишув.

**МУРОҚАБА** [а] Ўзи, ўз ички дунёси ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш. **Халифа ҳали ҳам жойнамоз устида ёра қимирламайди.** **Муроқаб**а дарёсига чўмган. **Ким билсин, «жаннат, ҳуру гилмонларни» хаёл қилиб лаззат олмақдамилар.** Айний, Қуллар.

**МУРСАК** Аёллар киядиган энги калта бир хил устки миллий кийим.

**МУРТ** *диал.* Мўйлов.

**МУРТАД** [а] I *дин.* Диндан қайтган, худога шак келтирган одам. **Исломиятдан қайтган кишини китобларда муртад дейдилар.** Айний, Дохунда.

2 *сиёс.* Ўз сиёсий маслаҳидан қайтиб, душман томонига ўтган киши; сотқин; хоня.

3 Жирканч, палид. **Муртад башара.** **Муртад шахс.**

**МУРТАК** I I *айн.* эмбрион.

2 *бот.* Уруғ ичидаги униб чиқадиغان ниҳолча.

**МУРТАК** II *мед.* Шамоллаш ёки бир турли микроорганизм таъсири натижасида яллиғланган ёхуд йиринг олган томоқ безлари.

**МУРУВВАТ** I [а] *айн.* мурват. **Бино ичида монтажчилар қора мойга беланиб, аллақандай муруватларни бурайдилар.** С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**МУРУВВАТ** II [а] Одамгарчилик юзасидан қилинган яхшилик; саҳсват, ҳиммат. **Шоқосим бу нарсани бир муруват каби, севина-севина қабул қилди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Бироқ биров-бировига муруват қилишдан ожиз бўлган ўша замонда Ҳажро ота ва унинг аёлига ўхшаи инсофли одамлар ҳам бор эдилар.** Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**МУРУ-ВАТЛИ** Муруват қилувчи, саховатли, ҳимматли. **Она қачонлардир, насиб қилса бу сахий, одамгарчиликни биладиган муруватли кишига бир яхшилик қилишни дилига тугиб қўйди.** С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**МУРУВАТСИЗ** Мурувати йўқ, муруватни билмайдиган, ҳимматсиз. **Муруватсиз киши.**

**МУРУТ** с. т. Мурт, мўйлов.

**МУРЧ** Тропик ўсимлик ва унинг зирavor сифатида ишлатиладиган думалоқ аччиқ меваси ва уруғи; қора мурч. **Туйилган мурч.** **Мурч донаси.** — *Хўжақул .. катта гўшт парчасини вилкага илиб мурч сепаркан, лабларини ялаб деди: — Хўп ажойиб нарсада, кавказча шашлик.* О. Ёқубов, Учрашув.

**МУРЧДОН** Мурч солиб қўйиладиган кичкина идишча.

**МУРШИД** [а] *кт. айн.* пир I. **Турачиларми юраклариниёзни қилиб гўм? Халифаларинг, муридларинг, муридларинг, жаҳаннамга бўл гўм! Ҳамза.**

**МУРҒ** [ф-т] *айн.* товуқ йили қ. **товуқ** 5.

**МУРҒАК** [ф-т] Янги униб чиққан, ҳали қувватга кирмаган, нозик-ниҳол (ўсимлик, новда, барг ва ш. к. ҳақида). **Мурғак гўза.** **Мурғак новда.** **Мурғак**

**барг.** — *Муаттар ҳидларга бурканган баҳор Мурғак куртакларга лабларин қўйди.* Х. Расул. | **Хали суяги қотмаган, ўзини тутиб олмаган, нимжон (одам ва жониворлар ҳақида).** **Фақат қўзилар, кечагина кўз очиб ёруғ дунёни кўрган мурғак жониворларгина бу даҳшатдан беҳабар эди. И. Муқимов, Қизилқум пахлавоини. **Хирург Аҳбор Раҳматиллаев дадиллик кўрсатди, ғоят масъулиятли бўлса ҳам, тўрт ойлик мурғак чакалоқни операция қилди.** Ж. Кўчнев, Жонкуяр хирург.**

**МУСАДДАС** [а] I *эск. айн.* олтибурчак.

2 *ад.* Олти мисрадан иборат бўлган шеър; олтилик.

**МУСАЛЛАС** I [а] I *эск. айн.* учбурчак.

2 *ад.* Уч мисрадан иборат бўлган шеър; учлик.

**МУСАЛЛАС** II I *Хонаки*, қўлбола узум вноси. **Мусаллас солмоқ:** **Мусаллас** ичмоқ. — *Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзлар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Заводда тайёрланган спиртсиз виноларнинг бир нави. **Оқ мусаллас.** **Қизил мусаллас.**

**МУСАЛЛАХ** [а] *эск. кт.* Куролли, қуролланган, яроқ-аслаҳали. **Саҳн юзида уч-тўрт юз мусаллах йиғитларни бировни кутган ҳолда кўрдим.** А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**МУСАНИФИ** [а] *эск. кт.* Тасниф этувчи, китоб, музика ва ш. к. автори, тузувчи. **Китобнинг мусаннифи.** **Ушшоқнинг мусаннифи.**

**МУСАФФО** [а] *кт.* I **Жуда ҳам соф, беғубор. Мусаффо осмон. Мусаффо сув.** — *Яқингинада ишвалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо.* С. Анорбоев, Оқсой. **Мусаффо бўлмоқ** 1) соф, беғубор бўлмоқ; 2) *кўчма* бутунлай қутулмоқ, холос бўлмоқ. **Қасалдан мусаффо бўлмоқ.**

2 *кўчма* Тоза, пок. [Қундуз:] **Навошиданми? [Гули:] Ҳа, менга битибдур.** [Қундуз:] **Мусаффо ишқини изҳор этибдур.** Уйғун ва И. Султоӣ, Навоӣ.

**МУСБАТ** [а] I *мат.* Нолдан катта, нолдан юқори. **Мусбат сон.**

2 *физ.* Моддий қисмлари протон ва позитрондан иборат электрга оид. **Мусбат заряд.**

3 *кам қўлл.* айн. ижобий. **Мусбат жавоб.** **Мусбат характеристика.**

**МУСИБАТ** [а] **Мотамсаро ташвиш; кулфат. Мусибат тортмоқ.** **Мусибат чекмоқ.** — *Учқун ойисининг бошига тушган мусибатдан беҳабар.* Х. Гулом, Машъал. **Тўй бўлиб ўтди, лекин тўй билан Бозорнинг уйида аза, мусибат, мотам келиб кирди.** Айний, Дохунда.

**МУСИБАТЛИ** Бошга мусибат солган ёки келтирган, оғир, ташвишли. **Мусибатли воқеа.** **Мусибатли аҳвол.**

**МУСИЧА** Қаптарлар оиласига мансуб, одамга яқин яшайдиган қуш.

**МУСИҚА** [ф-т < грек] эск. кт. айн. **музика**. Ҳинд музикаси. Классик музика.

**МУСИҚАВИЙ** [ф-т] айн. **музикий** 2. Бир турли, бир оҳангли нафис, музикавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгариш берган эдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**МУСИҚАЧИ** эск. Музикачи, созанда. [Аваз укасига:] Қомилнинг куйларини сира ҳам эсдан чиқариб бўлмайди. Бизда Қомилга етадиган музикачи йўқ. Ж. Шарипов, Хоразм.

**МУСИҚИЙ** [ф-т] эск. 1 айн. музика. Дўст-ёрлар йиғилишиб, чағир очиб, музикавий ва рақслар билан тонг оттирадилар. Ойбек, Навоӣ.

2 Ритм ва оҳангга эга бўлган; оҳангдор, музикавий. **Музикавий шеър**. — Пишкак билан Ферузанинг бутун вужуди аллақандай музикавий ритмга мос чайқалади. С. Анорбоев, Ғўзаллик излаб.

**МУСИҚИЙЛИК** музикаий 2 с. белги оти. **Шеърлардаки музикаийлик**.

**МУСКАТ** [р < фр] 1 Ўзумнинг хушбўй бир нави.

2 Шу узумдан тайёрланган вино. **МУСКУЛ** [р < лат] Одам ва жонивор аъзоларининг, тортилиш қобилиятига эга бўлган тўқмаси; мушак.

**МУСКУЛЛИ** Мускулни тараққий қилган. **Эй, азамат, ботиб кўкрак, мускулли қўллар, .. Йўлингиз кенг, нурли йўлдор, эй, бахтли юзлар**. Туйғун.

**МУСЛИМ** [а] 1 кам қўлл. Мусулмон динидаги киши; мусулмон. **Муслим аҳли ёки аҳли муслим мусулмон(лар)**. 2 Муслим (эркаклар исми).

**МУСЛИМИН** [а] эск. Мусулмонлар, ислом динидаги кишилар. **Амирул муслимин мусулмонлар амира, халифа**. **МУСЛИН** [р < фр] Енгил, юпқа ва майин газмол. **Ипак муслин**. Юнг муслин. || **Муслин қўлак**.

**МУСОАДА** [а] эск. кт. Кўмаклашиш, имкон туғдириш. **Вақт мусоада қилса, келарман**.

**МУСОБАҚА** [а] Ким ўзиш, ким яхши натижаларга эришиш учун бўлган беллашув. **Отиш мусобақаси**. **Чопиш мусобақаси**. **Мусобақа қилмоқ**.

■ Бригадир ишларни ер текисловчиларга бўлиб бериб бошқатдан ишлашга буюрди ва бир-бирларини мусобақага чақиришни уларга маслаҳат берди. Айний, Қуллар. **Социалистик мусобақа** социалистик ҳўжаликда илғорлар тажрибасини кўпчиликка ёйиб умумий меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган меҳнат усули.

**МУСОБАҚАДОШ** [а + ф-т] Мусобақа қилувчи, ўзаро мусобақада қатнашувчи томонлар (бир-бирига нисбатан). [Шермат ака] эрталаб қишлоқдан дала томон кетар экан, унинг бригадаси билан мусобақадош бригада бошлиғи Очил акага рўбарў келди. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

**МУСОБАҚАЛАШМОҚ** Ўзаро мусобақа қилишмоқ.

**МУСОБАҚАЧИ** Мусобақада қатнашувчи, мусобақа қатнашувчиси.

**МУСОВИДА** [а] эск. кт. Дастлабки хомаки ёзув, хали оққа кўчирилмаган текст. [Бой:] **Мана, мусовидаси ҳам тайёр**. **Икки юз сўм нақд пул**. **Беш пуд гурун, икки чорак ун, битта бўрдоқи қўй!** Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Мамарайим ҳеч кимни қуруқ қайтармади, каттакон дафтар очиб, кимча нима берса мусовида қилиб борди**. М. Исмонӣ, Фарғона т. о.

**МУСОВИЙ** [а] эск. кт. Тенг, барабар. **Икки қарра икки мусовий тўрт**.

**МУСОВОТ** [а] эск. кт. айн. **тенглик**. **Қутлуғ бўлсин янги меҳнат, янги бойлик, янги турмуш, онг-билимнинг мусовоти**. Ҳамза.

**МУСОВОТЧИ** Мусовотчилар партиясига мансуб киши.

**МУСОВОТЧИЛАР** тар. Озарбайжонда 1912 йилда вужудга келиб 1920 йилда битирилган, Озарбайжон буржуазияси ва ер эгаларининг контрреволюцион партияси.

**МУСОДАРА** [а] 1 Хусусий кишиларга тегишли пул, мол-мулк ва ш. к.ни қисман ёки батамом давлат ихтиёрига олиш, умуллаштириш. — **Отамнинг бутун молу мулки мусодара қилинди, ўзи онам ва ёш укаларим билан бирга сургун этилди**. — **деди Қутбия**. Айний, Қуллар.

2 Матбуотда чиққан нарсаларни таққилаб йиғштириб олиш.

**МУСОЛАҲА** [а] эск. кт. Сулҳга келиш, сулҳ тузиш; сулҳ. **Урушувчи давлатлар мусолаҳаси**.

**МУСОФИР** [а] 1 Сафардаги киши; сайёҳ. **Ҳар шаҳардан ҳар шаҳарга юрамиз, Бир мусофир бизлар гадо бўламиз**. «Ширин билан Шакар».

2 Бошқа ердан келган ёки бошқа ерда яшовчи; келгинди. **Бундан йил саккиз йил бурун бу қишлоқнинг бир бурчагида мусофир бир темирчи бўлар эди**. А. Қаххор, Сароб. [Қумуш:] **Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўланг**. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 с. т. Ўзга, ёт (эл-юрт ҳақида). — **Раҳматли отам мусофир эларда .. менинг .. нима бўлишимни ҳам ўйламаганакан?** — **деди Ҳожи хола**. М. Исмонӣ, Фарғона т. о.

**МУСОФИРЛИК** 1 мусофир с. белги оти.

2 айн. **мусофирчилик**.

**МУСОФИРХОНА** [а + ф-т] эск. Ўзга ерлардан келган кишилар қўнадиган жой; меҳмонхона. **Эзлик тийинга файтун кира қилиб, бир мусофирхонага бордим**. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**МУСОФИРЧИЛИК** Мусофир кишининг ҳаёти, тирикчилиги, ҳолати. [Отабек:] **Келган кунимдан Марғилонингизни ҳишламай бошлаган эдим, чунки танциларим йўқ, мусофирчилик билиниб қола ёзган эди**. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**МУСОҲАБА** [а] эск. кт. 1 Сухбатлашиш, ҳамсухбатлик, суҳбат. **Олимлар ва ёзувчилар оила аъзолари билан ноҳиштага ўтирар эканлар, мусоҳабаларининг мавзуи оқ олтин бўлади**. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Давлат, жамоат, фан, маданият арбобларининг мухбир билан омmani қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган суҳбати; интервью. **Мусоҳаба ўтказмоқ**.

**МУСОҲИБ** [а] эск. кт. Ҳамсуҳбат, суҳбатдош. **Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмагил, Ҳар нафасда минг чаманда дил қушин парвоз топ**. Ҳамза.

**МУСОН** [р < фр] Мавсумга қараб йўналиши ўзгариб турадиган, ёзда денгиздан, қишда эса қуруқликдан эсадиган шамол. [Ҳиндистонда] **жазирама ёздан кейин муссон даври бошланиб, бир неча кун сурункасига жала қуйди**. 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

**МУСТАБИД** [а] Мутлақ ҳокимиятга эга бўлган ҳоким, истибодот эгаси. **Азизбек Туркистон хонлигининг энг зolim ва мустабид саналган бекларининг бири ва унинг ўз қарамоғида бўлган Тошкент аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага дoston**. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**МУСТАЖОБ** [а] дин. Қабул этиладиган, ижобат бўладиган. **Муштирақсиз, дуоларинг мустажоб, Дуо қил, қўл очиб сарвиноз қизлар**. «Хушкелди».

**МУСТАМЛАҚА** [а] Импералистик давлат томонидан босиб олинган эксплуатация қилинувчи мамлакат. **Британия мустамлакалари**. || **Мустамлақа мамлакатлар**.

**МУСТАМЛАҚАЧИ** Мустамлақа қилиб олувчи ва мустамлақа меҳнаткашларини эксплуатация қилувчи. **Мустамлақачи давлатлар**.

**МУСТАМЛАҚАЧИЛИК** Импералистик давлатларнинг ўзга мамлакатларни босиб олиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тўлиқ қарам қилиш, мустамлақага айлантириш сиёсати. **Мустамлақачиликка қарши кураш**. **Мустамлақачилик сиёсати**.

**МУСТАСНО** [а] Умумий қондадан, одатдаги тартибдан ташқари; истисно. **Ҳамма судларда ишлар халқ маслаҳатчиларининг иштироки билан кўрилади, қонунда махсус кўрсатилган ҳоллар бундан мустаснодир**. «ЎзССР Конституцияси». **Мулла Бурхон мажлисга киришга мансаби жиҳатидан лойиқ бўлмаса ҳам .. мустасно тарзда киргизилди**. М. Жўрабоев, Мулла Б. м. **МУСТАСНОСИЗ** Ҳеч бирини мустасно қилмасдан; истисносиз, беистисно.

**МУСТАҚИЛ** [а] 1 Ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган. **Мустақил давлат**. ■ **Нормуҳаммад қушбеи Қўқондан бош тоблаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди**. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Ўзга

нинг таъсиридан холи. *Мустақил фикр.* || *Мустақил ишламоқ.*

2 Ўзганинг ёрдамсиз ёки раҳбарлигисиз иш қила оладиган, ўзинча фикр юрита оладиган, яшай оладиган. *Дўстларининг жилмайган юзлари .. унинг [Элмуроднинг] ҳеч қачон ҳаёлига келмаган бир фикрни жиширлаётгандек бўлди: «Биз энди шивирдек ва мустақил одамлармиз» .. деяётгандай туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУСТАҚИЛЛИК** мустақил с. белги оти. Миллий мустақиллик. Мустақиллик эълон қилмоқ. — Совет халқи ва унинг қуроли қўллари КПСС раҳбарлиги остида социалистик Ватанинг о.одли ва мустақиллигини сақлаб қолдилар. «КПСС тарихи». Юсуфжон .. ижодий мустақиллиги, айниқса ҳаётга бўлган интилиши билан Муқимий, Фурқат, Завқийлар диққатини ўзига тортган эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**МУСТАҲАБ** [а]: мустаҳаб қилмоқ дин. таҳорат олиш учун авратларни юймоқ.

**МУСТАҲИҚ** [а] эск. кт. Сазовор, лойиқ. [Навий:] Мазлумнинг додига етиши ва золимни жазога мустаҳиқ қилишни адолат дейдилар, азизлар. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**МУСТАҲҚАМ** [а] 1 Бузилмайдиган, ёрилмайдиган; пишқ-пухта, маҳкам. *Мустаҳкам иморат. Мустаҳкам қалъа. Мустаҳкам арқон.*

2 кўчма Бузилмас, айнамас, ўзгармас, барқарор. *Мустаҳкам интизом. Мустаҳкам дўстлик. Мустаҳкам алоқа. Мустаҳкам ирода.* — Юрист Зиёдахондан шининг тафсилотини, суднинг ҳукмини эшитиб, «Хукм мустаҳкам», — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**МУСТАҲҚАМЛАМОҚ** 1 Мустаҳкам қилмоқ, маҳкамламоқ. *Эшикни мустаҳкамламоқ.*

2 кўчма Барқарор қилмоқ, жиплаштирмоқ. *Партия сафини мустаҳкамламоқ.*

3 Пухталамоқ, пухта ўзлаштириб олмақ. *Утилган дарсни мустаҳкамламоқ.* — Ҳар нарсани гапирверманг, хунарингизни мустаҳкамланг, укувли бўлинг. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

4 Имзо, печать ва ш. к. билан тасдиқламоқ, кучга киритмоқ. *Дадам .. бутун ер-сувни ва бошқа мулкларни бизга ҳужжат қилиб бериб, муҳр билан мустаҳкамласа.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МУСТАҲҚАМЛАНМОҚ** мустаҳкамламоқ фл. мажх. н.

**МУСТАҲҚАМЛИК** мустаҳкам с. белги оти. Иморатнинг мустаҳкамлиги. *Дўстликнинг мустаҳкамлиги.*

**МУСУЛМОН** [а] 1 Ислом динидаги киши. [Қози:] Сен бир камбағал мусулмонсан. Ўз жонинга жабр қилма .. деймиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳиндистон мусулмон бойлари ҳам эъзоз-ишром билан қасрлар, саройларга эга бўдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Мусулмон (эркаклар исми).

**МУСУЛМОНЛИК** 1 мусулмон с. белги оти.

2 Ислом динига мансублик, тааллуқлилик. *Мусулмонликка хилоф иш.* **МУСУЛМОНЧИЛИК** 1 айн. мусулмонлик.

2 Ислом динига, мусулмонларга ҳос тартиб, қонуи-қондалар. *Сиз мусулмон фарзандисиз .. лекин қилган ишларингиз мусулмончиликка тўғри келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУТААССИБ** [а] 1 Динга қаттиқ берилган, унга кўр-кўрона амал қилувчи. *Кўйган театрларимиз кўпчиликка ёққан бўлса ҳам мутаассиб уламолар ва чор ҳукумати амалдорлари бизга ёмон кўз билан қарар эдилар.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш урнишлар.

2 салб. Бировга кўр-кўрона эргашувчи, бирор ишга онгсиз равишда қаттиқ берилувчи, таассуб қилувчи. *Мутаассиб адиб.*

3 эск. айн. консерватор. *Муҳаррирининг ғоят мутаассиб, прогрессив ишларнинг ва зиёллиларнинг энг зўр душмани эканлигини ҳам яхши биларди.* Ойбек, Нур қидириб.

**МУТААССИР** [а] эск. кт. Бирор нарсдан таъсирланган, таъсир олган ёки таъсирланувчан. *Анвар ёш бўлса ҳам жиддий ва кичкина мияси муҳокамага қобил, бошқа кишилар устига тушган бахтсизликдан ҳам мутаассир бўлувчи эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МУТАВАЛЛИ** [а] тар. Диний мусасасаларнинг хўжалик ноэри. *Кичик мударрисимиз тўнғиздан тўқ бўлса-да, вақф даромadini тақсим қилиши чоғида мутаваллилар билан тил бириктириб, муллаваачаларни кўп қақшатар эди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш урнишлари.

**МУТАВОЗЕ** [а мутавозеъ] эск. кт. Таъзим-тавозени қанда қилмайдиган, барчага баравар тавозе билан муомала қиладиган; сертавозе; камтар. *Муҳаммад Расул қирқк ёшга етиб қолган мутавозе, мулланамо киши эди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**МУТАҚАББИР** [а] эск. кт. Ўзини катта олувчи, кибр-ҳавоси баланд, кибрли, такаббур. *Бойбўри мутақаббир, инсофсиз ва золим ҳукмдор образидир.* «Ватан адабиёти».

**МУТАҚАББИРОНА** [а + ф-т] рвш Такаббурилик билан, такаббурона. *Мутақаббирона муомала.*

**МУТАМОҚ** 1 Қирқиб, учуриб ёки кемириб парчаламоқ. *Егончи мутамоқ.* 2 кўчма Авраб бировнинг ҳақини емоқ, ўмармоқ, қаллоблик, текник хўрлик билан бировнинг ҳисобига яшамоқ. *Бас энди, жаноблар, хўб мутадингиз, Ҳақ-ҳисоб қуни ҳам яқиндир, ахир.* Ф. Ғулом.

**МУТАНОСИБ** [а] 1 Қисмларининг катта-кичиклиги, эни, бўйи, бичими бир-бирига мос ва маълум нисбатда бўлган. *Мутаносиб қадди-қомат.* — *Эргаш гапирар экан Добротворцев*

унинг пишқ гиштдай қорайиб қизарган өзгин юзига мутаносиб келмайдиган бақувват кўраги ва темирдай чайир билакларига разм солди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 эск. айн. пропорционал.

**МУТАНОСИБЛИК** мутаносиб с. белги оти. Иншоот қисмларининг мутаносиблиги. *Киши аъзоларининг мутаносиблиги.*

**МУТАСАДДИ** [а] кт. 1 тар. Ўтмишда кичик амалдор, чиновник.

2 Бирор ишни бошқариш учун тайинланган киши; ишбоши, бошлиқ. *Вақтида кўрак етказиб берилмаса, машина, одамлар ишсиз қолгудек бўлса, мутасаддиларнинг жигига тегарди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

3 эск. Бирор ишни ўз устига олган киши. — *Шартномада кўрсатилган миқдордан бир ярим баравар ҳосил олишга мутасадди бўлман, — деди Содик жиддият билан.* Айний, Қуллар.

**МУТАФАККИР** [а] кт. Чуқур фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган киши, тафаккур эгаси. *Ленин замонамизнинг геннал мутафаккиридир.*

**МУТАҲАССИС** [а] Бирор соҳада маҳсус илм ва тажрибага эга бўлган киши, бихтисос эгаси. *Физиология мутахассиси. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари. Ёш мутахассислар.*

**МУТАҲАССИСЛИК** 1 мутахассис с. маъв. от.

2 айн. ихтисос.

**МУТЕ** [а мутеъ] кт. Бировга қарам, тобе бўлган, итоат қилувчи, итоаткор. *Нусратбек бўлса кўчага чиққанда беқлик даъвосини қилиб, уйига кирганда Хушрўй бекка муте! А. Қодирий, Ўтган қулар.*

**МУТЛАҚ** [а] 1 айн. абсолют 1 2. *Ҳақиқат мутлақ бир нарса эмас. А. Қаҳҳор, Сароб. Мутлақ ҳокимият чекланмаган подшо ҳокимияти ва шундай ҳокимиятга асосланган идора усули; абсолют монархия.*

2 Бутунлай, мутлақо. *Бойнинг катта ҳовлисида, мутлақ сукунат ичида, қори, имом никоҳ ўқиди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бу гапингиз ўринли, сиз ҳақ. Карвон харжсиз юрмайди мутлақ.* Э. Раҳим.

**МУТЛАҚО** [а] 1 рвш Бутунлай, тамомила, батамом. *Гапингиз мутлақо тўғри.* — *Агар қорининг ўзи индамаса, Элмурод у билан гаплашишдан мутлақо қочар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 юк. Асло, ҳеч, сира. [Навий аслзодаларнинг бирига:] *Бирор қудуқ қавлатганмисиз? [Чол:] Йўқ. Мутлақо, юзлаб қудуқни қуритган.* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**МУТОЙИБА** [а] кт. Бир-бирига қизик, кулгили, қочирим гаплар киши, ҳазилқашлик. *Мутуйибада ойналар ҳам .. бўш келмадилар.* Ойбек, Навоий.

**МУТОЛАА** [а] Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш. *Аҳмад Хусайн ҳар хил китоблар, айниқса марксис-*

тик адабиётни мутлолаа этишига мажбур эди. Ойбек, Нур қидириб. *Отабек .. жиддий равишида Фузулий мутлолаасига берилди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**МУТРИБ** [а] эск. кт. Созанда ва ашулачи.

**МУТТАСИЛ** [а] Бир-бирига уланиб кетган; узлуксиз, тўхтовсиз. *Муттасил иш.* Муттасил қатнов. — *Матбуот мамлакат янги даврга, муттасил зўр курашлар даврига киргани тўғрисида ёзаётибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчино. || *Уч кеча-кундуз муттасил ёққан лайлак қор кунни кеча босилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**МУТТАҲАМ** [а] Олди-берди муомалаларида нопок; фирибгар, қаллоб. *Муттаҳам одам.* — *У [Мадаминхўжа] бир кўнели бориб муттаҳам қозининг тумшўғига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Муттаҳам бўлмоқ* 1) муттаҳамлик йўлига кирмоқ; 2) (ч. к. билан) с. т. мосуво бўлмоқ. *Кийимдан муттаҳам бўлдим.* *Муттаҳам қилмоқ* 1) муттаҳам деб ҳисоб қилмоқ; 2) с. т. мосуво қилмоқ. [Мулладўст:] *Тилингдан аканг, мард қизи полвон ойим! Ишқилиб, қози уйинг куйеурни муттаҳам қил, жоним тасаддуқ.* Ҳамза, Майсаранинг иши. | *сўк.* Ярамза, нокас. — *Ҳа-ҳа, ҳали йиғлашинг ҳам бормиди, муттаҳам? — деди мингбоши чоракорга захарханда қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МУТТАҲАМГАРЧИЛИК** айн. муттаҳамлик 2. *Муттаҳамгарчилик қилмоқ.*

**МУТТАҲАМЛИК** 1 муттаҳам с. белги оти.

2 Муттаҳамларга хос иш, хатти-ҳаракат; фирибгарлик, қаллоблик.

**МУТТАҲАМЧИЛИК** айн. муттаҳамлик 2.

**МУФАССАЛ** [а] Бутун тафсилоти, майда-чуйда, икир-чкиригача қамраб олган; тўлиқ, батафсил. *Муфассал изоҳот.* *Муфассал план.* — *Олтинсойликларнинг .. орзу-умидлари ва фикр, маслаҳатларини ифода этувчи тадбирлар тuzилгандан сўнг, Ойқиз Смирнов, Погонин билан бирга муфассал ёзма доклад тайёрлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Абдушукур тили қичиб, янгича тўй ҳақида, уламо, шариат ва мактаб тўғрисида муфассал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекцион сўзни Ҳақимбойвачча илиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУФАТТИШ** [а] эск. кт. Тафтиш қилувчи; ревизор, контролёр.

**МУФИД** [а] эск. кт. Фойдали, нафли. *Ҳар бобда бағоят муфид мунозара бўлди.* Ойбек, Навоий.

**МУФТ** [ф-т] эск. кт. Текин, бепул. [Худоёрхон] *мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1824 йилда Қўқон қосибларини ҳақсиз — муфт ишлатиб янги раста қурдирди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МУҲТА** [р < нем] *тех.* Вал, труба ва ш. к. ни бириктириш ёки ажратиш учун хизмат қиладиган қисм ёки мослама.

**МУҲТИ** [а] дин. Шариат қонунларини талқин қилувчи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, ғатво берувчи лавозимли уламо. *Бошда қози билан амлоқдор бир сифда, уларнинг кетидан риис билан миришаб бир сафда, улардан кейин туман муфтиши, .. миришаб йегишлари ясов тортиб келдилар.* Айний, Қуллар.

**МУҲТХҲҲҲ** [ф-т] эск. кт. айн. текинхўр. Даламизда муфтихўр ҳар кишидан мухтарамдир колхозчининг эшаги. Шайхзода.

**МУҲАММАС** [а] 1 эск. айн. бешбурчак.

2 ад. Беш мисрадан иборат бўлган шеър; бешлик. *Муҳаммас қилмоқ (ёки боғламоқ)* бирор шоир ғазалининг ҳар байтига уч мисрадан қўшиб муҳаммасга айлантирмақ.

**МУҲБИР** [а] 1 Газета, журнал, радио ва бошқа информация органларига мақола, хабар ва ш. к. ёзиб турадиган киши. *Газета мухбири.* *Махсус мухбир.*

2 Бирор кимса ёки ташкилот билан хабарлашиб, хат ёзишиб турувчи киши. *Ёзувчининг мухбири.*

◆ **Мухбир** аъзо академияларнинг умумий мажлисида сайлов йўли билан тасдиқланадиган атоқли олим ёки санъат арбобларига бериладиган, академикдан кичик унвон ва шу унвонга эга бўлган киши.

**МУҲЛИС** [а] 1 Бировга ихлос қўйган; ихлосманд. *Қутидор келгандан бери бир соат ҳам уйда бекор қолмай, ҳар кун Юсуфбек ҳожининг муҳлисларидан бирининг уйда меҳмон ва ҳожининг сўхбатидан мамнун эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Бирор нарсага қаттиқ берилган, уни жуда севувчи; муҳиб. *Поэзия муҳлислари.*

3 Мухлис (эркаклар исми).

**МУҲОЛАФАТ** [а] эск. кт. Қарама-қаршилик, хилофлик, зиддият. *Бу мухолафат .. кўп вақт ҳақнинг буйнига сиртмоқ солади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**МУҲОЛИФ** [а] кт. Қарама-қарши фикрда бўлган, қарши чиқувчи, қарши. *«Ука, биз бир-икки кўйлакни ортиқ йиртаемиз, ҳа бир оз кўрганмиз» дер, мундоғроқ муҳолифини танг аҳволга солиб қўярди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

**МУХТАСАР** [а] эск. кт. 1 Қисқа, лўнда. *Чин сўз мўътабар, яхши сўз — мухтасар.* Мақол. || *Бундан бошқа вишонни сўзга тутса «келаси даромад»нинг қўлдан кетиши эҳтимоли бор, шунга биноан маҳдум сўзни мухтасар қилмоқчи бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Бирор асарнинг қисқартирилган варианты.

**МУХТОР** [а] 1 Бирор иш қилиш ҳуқуқи бўлган, ихтиёрига бирор иш топширилган. *Мухтор вакил.* *Мухтор элчи.*

2 эск. айн. автоном. *Мухтор жумҳурият.*

3 Мухтор (эркаклар исми).

**МУХТОРИЯТ** [а] эск. Узига мустақиллик; автономия. *Қўқон мухторияти* 1917 йили Қўқонда узини «хукумат» деб эълон қилган ва Туркистонни Совет Россиясидан ажратишни мақсад қилиб қўйган контрреволюцион майда буржуазия ташкилоти.

**МУХТОРИЯТЧИ** эск. Мухторият тарафдори. *Шонли Қизил Армия отрядлари босмачиларни ва уларнинг «хукумати»ни тор-мор қилди.* *Мухториятчилар мухтаракай бўлиб кетди.* П. Турсун, Ҳўқигувчи. | *Қўқон мухторияти қатнашчиси.*

**МУЧА** эск. 1 Киши аъзоси. [Қамбар:] *Қани тортинг чилимни, мучангиз соғ бўлса ҳам, чилим суришдан бошқа ишга ярамайсиз!* Ойбек. *Қутлуғ қон.* *Тўрт муча оёқ, қўл, кўз ва қўлоқ.* *Тўрт мучаси соғ одам.*

2 грам. айн. гап бўлаг қ. бўлак. | *Ганнинг бош мучалари.*

**МУЧАЛ** 1 Ҳар бир йили бир ҳайвоннинг (сичқон, ситгир, йўлбарс, қўён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз) номи билан аталадиган ва йил боши 22 мартдан бошланадиган йил ҳисоби.

2 Кишининг шу ҳисобдаги туғилган йили. *Ҳай, Шукур кампир, мучалингиз тўнғиз бўлиб, сафар ойининг ўн бирида туғилганмисиз, нима бало, сира эл бўлмайсиз-а?* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**МУЧЧИ** диал. Упиш, бўса. *Молю дунёнг даркор эмас Оққизга, Ухшатиб бир муччи олсанг бўлади.* «Равшан».

**МУШ** [ф-т] айн. сичқон йили қ. сичқон 2.

**МУШАК** I [ф-т] айн. мускул.

**МУШАК** II [ф-т] Ранг-баранг ёнувчи мода билан тўлдирилган, ёқилганда осмонга кўтариладиган снаряд, ракета (сайил ва тантаналарда мушакбозлик учун, ҳарбий ишда эса сигнал бериш ва ёритиш учун ишлатилади). *Подшо ҳодир атрофида мушаклар оптириб, қарнай, сурнай порттириб ётди.* «Нигор ва Замон». *Салют ҳам бошланди.* *Ранго-ранг мушак Ҳисор водийсини қилди чарогон.* Аширмат.

**МУШАК** III [ф-т]: мушак сабзи сабзининг йўғон ва учи тўмтоқ тури. **МУШАКБОЗ** [ф-т] Мушакбозлик мутахассиси.

**МУШАКБОЗЛИК** Сайил ва тантаналарда ранг-баранг мушаклар отиши. [Элчи] .. *ҳоқоннинг зиёфатлари, сарой олида бўлган мушакбозлик, хитой раққосалари тўғрисида ҳикоя қиларди.* М. Осим, Утпор.

**МУШАРРАФ** [а] 1 кт. Шарафли, шонли. [Аҳмад Ҳусайн:] *Бу мушарраф пок мамлакатимизда турли тадбир-*

лар ва ислохотлар ила жамият ишларини тартибга солмоғимиз зарур. Ойбек, Нур қидириб.

2 Шарафга муяссар бўлган, шараф топган. Она хатининг мазмунидан, қизининг шунчалик ҳурматга мушарраф бўлишидан секинб, кўзига ёш олди. Р. Файзий, Фарағат.

3 Мушарраф (хотин-қизлар исми). **МУШК** [ф-т] Қийикнинг баъзи турлари эркакнинг жинсий безидан олинмаган хушбўй қорамтир модда, атир (атторлик ва медицинада ишлатилади).

**МУШК-АНБАР**, мушку анбар Мушк ва анбар. | Хушбўй моддалар. Ойимлар ўтирар хайкални осиб, Мушку анбар ҳиди ҳар ёни босиб. «Равшан».

**МУШКУЛ** [а] 1 сфм Ҳал қилиниши, ечилиши маҳол бўлган; қийин, оғир. Мушкул иш. Мушкул вазифа. Мушкул аҳвол. — Йўлчи ўзи учун мушкул масалани, яъни ҳужайин олдига кириб, ундан пул талаб қилишни ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон. Жуманга Нафиса олдига бу пулни олиш жуда мушкул бўлди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 от Қийин иш, оғир аҳвол, қийинчилик. Тўламан мўйлов Шербекнинг мушкулни бира торттишга тендек ўйга чўмди. С. Анорбасов, Оқсой. [Навоий:] Шохим, ҳар бир мушкулни ақл ва совақдонлик ҳал қилади. Уйғун ва И. Султон, Навоий. **Мушкулни осон қилмоқ** мушкул аҳволдан чиқармоқ.

3 от кам қўл. Ишқал чиқарувчи, чатоқчи, чатоқ. [Сафар бўзчи:] Бирорта мушкул ивго қилдим, закотчининг томоғи тақилладики, қўлтиғимдаги бўзни ёппа олди-қўйди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Юсуфбек:] Ҳой Тўла, хушёр бўл! Мени биласан-ку, йиғит-яланг ичида гапимни бермай юрган мушкулман. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**МУШКУЛКУШОД** [а + ф-т] дин. Кишининг мушкулни осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қилинадиган дуо ва ирим-сиримлар.

**МУШКУЛЛАШМОҚ** Мушкул бўлмоқ, қийинлашмоқ, оғирлашмоқ. Иш мушкуллашди. Вазият мушкуллашди.

**МУШКУЛЛАШТИРМОҚ** мушкуллашмоқ фл. орт. н. Ишни мушкуллаштирмоқ.

**МУШКУЛОТ** [а] 1 кт. Мушкул ишлар, нарсалар, қийинчиликлар. Ермат катта мушкулот қаршида қолган одам каби бошини тебратиб бир тутам соқолини юла бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 муз. Мақомнинг биринчи чолғу қисми. Мушкулоти «Уфур».

**МУШОИРА** [а] ад. Икки ёки бир неча шоирнинг бир мавзуда бир-бирининг фикр ва туйғуларини ривожлантирадиган шеър айтишиш мусобақаси. Хиротнинг олим ва шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, муҳим асарлар ўқилар, қизгин суҳбатлар, мушоиралар .. бўлиб турарди. Ойбек, Навоий.

**МУШОҲАДА** [а] кт. Кузатиш, кўз

билан кўриб текшириш. Канизак аксари йўл бўйидаги гўзалардан баъзилари шохлаб кетиши тўғрисидаги ўзининг мушоҳадаларини батафсил сўзлаб берди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**МУШТ** [ф-т] 1 Кафт-панжанинг зарб учун сиқилмаган ҳолати; муштум. Ботирнинг мушти ҳам яроғ. Мақол. Қўрққан олдин мушт кўтарар. Мақол.

2 Муштум зарби. Тор жойда ош егандан, кенг жойда мушт еган яхши. Мақол. — Серсоқол дов аскар билан олишиб, икки мушт билан уни гарангламди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУШТАК** 1 с. т. Кичкина, муштдек. Осмондаги бўз тўғрай Бўламансанг на бўлғай? Муштаккина жонингга Қуйламансанг на бўлғай? П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Эски вақтларда бозор тарозидорларининг сотилаётган нарсадан олдин тарози ҳақи. [Ортиқ ака:] Мен сенинг молингни бойга «тапна-тах» ўлчаб бериб, бир ҳовуч муштак олишимни билман. Айний, Қулар.

**МУШТАРАК** [а] кт. Кўпчиликка тааллуқли, ўртадаги, умумий. Муштарак ер. Муштарак чегара. Рус тили миллатлараро алоқанинг муштарак тилидир. — [Шерназарбой:] Биз олий ҳазратнинг қулимиз, унинг ҳазинасини тўлдирмоқ биз ва сизнинг муштарак вазифамиздир. Ж. Шарипов, Хоразм.

**МУШТАРИЙ** 1 [а] эск. айн. Юпитер 1.

**МУШТАРИЙ** 2 [а] эск. кт. 1 Харидор, олвучи.

2 айн. обугачи. Муштарий бўлмоқ.

**МУШТДАЙ**, -дек 1 Муштга ўхшаган, катта-кичиклиги, шакли муштдек. Муштдек ҳандалак. Муштдек олма.

2 кўчма Тирмизак, ёш, кичкина. — Мен муштдек вақтимдан ҳаммага яхшилик қилиб ўрганганман, — деди Султонмурод. С. Абдуқаҳхор, Санамай саккиз дема.

**МУШТИПАР** [ф-т] Қўлидан бирор иш келмайдиган, ожиз, бечора (аёллар ҳақида). [Тўлаҳон:] Эй худойим, мен нима қилман энди? Бир муштипар бўлсам. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**МУШТЛАМОҚ** 1 Мушт билан урмоқ. Бир рус аёл ирғиб сўрига чиқиб, ҳалиги чўққи соқолни елкасига муштлаб, сўридан итариб туширди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ефим Даниловчи столни секин муштлаб ўрнидан туриб кетди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Мушт билан ишлов бермоқ, пиштмоқ. Ҳамирни муштламоқ.

**МУШТЛАШ** 1 муштламоқ фл. иш оти. Ҳамир муштлаш.

2 Мушт солиб уришиш, ёқалашиш, уриш. Улфатлар орасида низо чиқиб, муштлаш, пичоқбозлик бошланди. Х. Фулом, Машъал.

**МУШТЛАШИШ** 1 муштлашмоқ 2 фл. иш оти.

2 Бир-бири билан мушт солиб уришиш, ёқалашиш.

**МУШТЛАШМОҚ** 1 муштламоқ 2 фл. бирг. н.

**МУШТЛАШМОҚ** 2 1 Мушт солиб уришмоқ, ёқалашмоқ. Давлатёр Олҳужонинг ўғли Маъмуржон билан муштлашмоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир-бирга ёпишиб, муштга ўхшаб қолмоқ. Конфетлар муштлашиб қолибди.

**МУШТОҚ** [а] Ташналик, сабрсизлик билан кутувчи, зориққан, интизор, мунтазир. Колхозда ёш-қари, эркак-аёл ҳамма катта олимни кўришга, унинг бирон оғиз сўзини эшитишга муштоқ бўлиб шу соатни сабрсизлик билан кутди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**МУШТОҚЛИК** муштоқ с. белги оти. Муҳаррам уни галаба билан табриклар, унинг тезроқ она шахрига қайтишига кўплар қатори муштоқлигини айтарди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**МУШТОҚОНА** [а + ф-т] рөш Муштоқлик билан. Муштоқона кутмоқ.

**МУШТУК** [р мундштук < нем.] 1 Папирос найчасининг тамаки тикилмаган, оғизга олинмаган қисми.

2 Папирос тикиб чекиладиган найча.

**МУШТУМ** [ф-т] 1 айн. мушт. Муштум кўрсатмоқ. Муштум емоқ. — Йўлчи .. Қора Аҳмаднинг башарасига, кўксига, қорнига тўқмоқдай муштуми билан тўхтовсиз тушира бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ўзбек тилида нашр этиладиган ҳажвий журнал номи. «Муштум» ўқи-моқ.

**МУШТУМЗЎР** [ф-т] эск. 1 Батрақларни, камбағал деҳқонларни эксплуатация қилувчи мулкдор, бой деҳқон; қулоқ. Ҳўжақилшоқда колхозга қарши бир тўполон чиқди-ю, бу тўполонда муштумзўрларгина эмас, ҳатто айрим камбағал деҳқонлар ҳам қатнашганлиги колхозга киришдан қўчиб турган одамларнинг қорасига фулгула солиб қўйди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Зўравон, гўшна. Муштумзўр йиғит уни [Содиқни] бир туртди-да, «юр, юр, итвачча, жинни-минни бўлдингми?» деб, судрай бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУШУК** Сичқон каби жониворлар билан свқатланадиган йиртқич уй ҳайвони.

◆ Бунга мушук ҳам офтобга чиқмайди бу овора бўлишга арзаймайди. Ичнини мушук таталайти (ёки тирна-япти) қ. ич 3. Ораларидан қора (ола) мушук ўтди ораларида низо пайдо бўлди, оралари бузилди.

**МУШФИҚ** [а] кт. Шафқат қилувчи, шафқатли. Мушфиқ она. — У мушфиқ хотиннинг дераза олдига эшикка термилиб маъюс, афтодаҳол ўтирайини ўйлаганимда бутун борлигим зирқираб кетди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**МУШШАЙМОҚ** айн. шумшаймоқ.

**МУЮЛИШ** айн. муюш.

**МУЮШ** Қўшнинг бурилиш жойи, имсратнинг ташқи бурчаги. Қашқар



дарвозасининг муъошига ҳам етган эди, ташқаридан кимнингидир дарвозани ургани эшитилиб Азизбекнинг оти .. кетишга бурилиб тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУЯССАР** [а] 1: муяссар бўлмоқ 1) қўлга кирмоқ, nasib бўлмоқ. [Хасанали:] Айби йўқ, ўғлим, муҳаббат жуда оз йиғитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) эришмоқ, муваффақ бўлмоқ. Катта ютуқларга муяссар бўлмоқ.

2 Муяссар (хотин-қизлар исми). **МУҚАДДАМ** [а] 1 (б. к. ва ч. к. билан) кўм. Бурун, илгар, олдин. Бундан уч йил муқаддам. — Гани Мардонов икки йил муқаддам отпусқа олиб ва шу билан бирга мактабдан ҳам бўшаб кетган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Муқаддам (хотин-қизлар исми). **МУҚАДДАС** [а] 1 дин. Диндорлар тасавурида илоҳият билан боғлиқ бўлган, азиз, табаррук. Муқаддас жой. — Тоқча деворига гул равишида тиширилган дуо ёки шунинг каби муқаддас калималар ёзғилиқ бир қоғоз ёпиштирилган. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 кўчма Шарафли, олижаноб, жонажон. Ватанин ҳимоя қилиш ҳар бир комсомол аъзосининг муқаддас бурчидир. «ВЛКСМ Устави». Шариф Сулаймон халқнинг чин ўғилларидан. Халққа самимий хизматдан кўра юксакроқ, муқаддасроқ нарса йўқ деб билади у. Ойбек, Нур қидириб. | Юксак, олий. Ҳозир иккиси [Йўлчи билан Гулнор] .. қалбларида йилларча сақланган муқаддас орзуларига етишганликларидан, иккиси ҳам маст каби эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Азиз, ардоқли. Муқаддас она — Ватан тупроғи.

3 Муқаддас (хотин-қизлар исми). **МУҚАДДИМА** [а] 1 Асарнинг дастлабки тушунтириш, бошланғич қисми; кириш, дебеча. Китобнинг муқаддимаси. Муқаддима бермоқ.

2 Гап ва нутқда асосий мақсадга кўчишдан олдин айтилган сўзлар, гапнинг даромади. Бўтабой қисқача бир муқаддимадан кейин мажлисни очиб, бинокорлик бригадасининг бошлиғи Тўлагана сўз берди. А. Қаххор, Қўшчинор. Мехмон гапнинг муқаддимасини яхшигина бошлаган, энди бирор йўл топиб асли мудоага ўтиши керак эди. С. Айний, Дохунда.

3 Бирор ишнинг боши, дастлабки босқичи, дебечаси. Кумушининг эрдан чиққан хабарини Кумушининг ўзидан ҳам илгари тушунган ва Отабекдан ҳам илгари сезган Ҳомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУҚАРРАР** [а] 1 Вужудга келиши, юз бериши, амалга ошиши аниқ бўлган, шубҳасиз, турган гап. Коммунизмнинг ғалабаси муқаррар. || Бугун муқаррар бораман. — Иш шу хилда борса, кайфият шу бўлса, ҳа демай капсанчилардан биронта ҳам яққахўжалик қолмаслиги муқаррар эди. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Қарор топган, турғун ҳолга келган; тайинли. Муқаррар тартиб. Муқаррар қилмоқ.

**МУҚИМ** [а] 1 Бир ерда доимий турувчи, туб жойли. Ғиждудоннинг муқим савдогарларининг дўконлари, саройлари бино бўлган чорсувда савдогарларнинг молларини қўриқлайдиган уч-тўрт нафар қоровул кўзга кўринди. Айний, Қуллар. || Йиғилишда энг яхши ёшлар бу ернинг астойдил, ижодкор хўжайинлари бўлиб муқим қолиш истагини билдиришди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Донмо бўладиган, доимий. Ўйлаб қараса, унга [Ақбарга] ҳам мавсумий иш эмас, муқим иш зарур экан. Й. Шамшаров, Ғурумсаройликлар.

3 Муқим (эркаклар исми). **МУҚОБАЛА** [а] эск. кт. Қаршилик, қарши туриш Отабек бу терс ва кўрс муқобаладан тоқатсизланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУҚОБИЛ** [а] 1 Қарши борувчи, қарши турувчи, зид. Муқобил томонлар. || Урушни бошлабон, қочди ўзи бўлмай муқобил кўр, Кочиб билмамки, охир кетди Афғон ичра Қобил кўр. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Қарама-қарши йўналган; қарама-қарши йўналишда. Муқобил юк ташини.

3 Жавоб бўлувчи, жавобан амалга оширилган. Муқобил план. Муқобил даъво.

**МУҚОВА** Китоб, дафтар ва ш. к.нинг қоғоз, чарм ва ш. к.дан қилинган сирт қисми. Қартон муқова. Чарм муқова. — Ботирали ҳисоб дафтарининг кўк муқовасига чизилган суратга тикилиб қолди. Ғ. Ғулум, Машъал. [Отам] тоқчадан ўз қўли билан турли нарсалар ёзилиб муқова қилинган бир китобни олиб ўтирди. Айний, Эсдалликлар.

**МУҚОВАЛАМОҚ** Муқова ичига олиб тикмоқ, муқова қилмоқ, муқова билан қоламоқ. Китоб(ни) муқоваламоқ.

**МУҚОВАЛАТМОҚ** муқоваламоқ фл. орт. н.

**МУҚОВАМАТ** [а] эск. кт. Қаршилик, монелик, қарши туриш. Элчилар келди, ҳеч қандай муқовамат кўрсатмасдан шаҳарни таслим этишни таклиф эттишди. Ойбек, Навоний.

**МУҚОВАСОЗ** Китоб муқовалайдиган киши, уста.

**МУҚОВАСОЗЛИК** 1 муқовасоз с. касб оти.

2 Китоб муқовалаш иши. Муқовасозликни ўрганмоқ. Муқовасозлик қилмоқ.

3 Китоб муқовалайдиган устaxonа ёки цех. Муқовасозликда ишламоқ.

**МУҚОВАЧИ** айн. муқовасоз.

**МУҚОВАЧИЛИК** 1. муқовачи с. касб оти.

2 айн. муқовасозлик 2, 3. Муқовачилик цехи. Муқовачилик қилмоқ.

**МУҚОМ** [а] Рақсда музика ритм-усулига мос ҳаракат; мақом. Муқом қилмоқ. — Сюзинг дилни қитиқловчи

ийҳ оҳангига Лолахон жуда мос муқом билан ўйнар эди. Х. Нуъмон, Фасллар.

**МУҚОЯСА** [а] Қиёс қилиш, солиштириш, қоғиштириш; қиёс. Муқояса учун мисол олмақ. Муқояса қилмоқ. — [Обид] ҳозир Хатиб домла билан Бердибойнинг ташвиқотларини бир-бирига тўқнаштириб муқояса қилиб ишлайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**МУҒ** [ф-т] эск. кт. 1 Зардушт динига мансуб киши; оташпараст. | Оташпарастрлар руҳонийси; коҳин.

2 кўчма поэт. Майхона эгаси; май-фуруш.

**МУҒАННИЙ** [ф-т] эск. кт. Нағма чалувчи созанда, нағма билан қўшиқ айтувчи хонанда.

**МУҒОЙИР** [а] эск. кт. Хилоф, тескари. Жавоб тамом ҳақиқатга муғойир ва кишини ҳайратга соларлик бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУҒОМБИР** [а муъаббир] Алдоқчилик билан иш кўрувчи; айёр, қув. Муғомбир тумшугидан илгари. Мақол. — Бир рўзгорга айланганлар ичда яхши ишлайдиганлари бор, .. муғомбирлари бор. А. Қодирий, Обид кетмон.

**МУҒОМБИРЛИК** 1 муғомбир с. белиги оти.

2 Муғомбир кишиларга хос иш, хатги-ҳаракат; қувлик. Пўлат сира-сира муғомбирлик қилолмасди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**МУҒОМБИРОНА** [а + ф-т] рвш Муғомбирлар каби, муғомбирлик билан. Араббой Фотимага, сўнг бошқаларга муғомбирона кўз югуртирди. П. Турсун, Ўқитувчи. || [Элмурод] Зокиржон қассобнинг сийсат ҳақидаги муғомбирона саволларига оқ кўнгли билан жавоб беришга тиришганини эслаб қизарар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**МУҒОН** [ф-т] эск. кт. Муғлар, оташпарастрлар.

**МУҲАББАТ** [а] 1 Қимсанинг кимсага қалбдан берилиш ҳисси; севги, ишқ; меҳр. Ватанга бўлган муҳаббат. Муҳаббат чирой танламас, уйқу ўрин. Мақол. — Қиз Йўлчини чуқур севар, унинг ёлғиз исмини эшитиши билан юраги тўлқинланар эди. Бу муҳаббат қизнинг кўнглига ёз чоғи .. саратон қуёши билан бирга кирган эди. Ойбек, Қутлуғ қон. [Отабек:] Отам бўлмасангиз ҳам, мени оталик муҳаббати билан севган содиқ ва меҳрибон бир кишимсиз, яъни маънавий отам. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бировга, бирон нарса ёки ишга берилиш, мойиллик туғуси, меҳр. Музикага муҳаббат қўймоқ. Санъатга бўлган муҳаббат.

3 Муҳаббат (хотин-қизлар исми). **МУҲАЙЁ** [а] 1 Таппа-тайёр; мавжуд. [Хадича:] Ош тайёр. Ичкарида дастурхон солиғиқ, ҳамма нарса муҳайё. Уйғун, Навбахор.

2 Муҳайё (хотин-қизлар исми) **МУҲАММАДИЙ** дин. Муҳаммад динидаги; муслмон.

**МУХАНДИС** [а] эск. айн. инженер. [Ислохўжа:] Жадид мактабларни

кўпроқ очиб, дунёвий фанларни ўқитиб, .. муҳандис, зироатчи, доктор, техник тайёрлаб чиқаришимиз лозим. Ж. Шарипов, Хоразм.

**МУХАРРАМ** [a] 1 Камарий йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи. Амир Музафариддин 1868 йил мартида, яъни мусулмонлар ҳисобича, янги йил кирадиган муҳаррам ойида Туркистон бўласини босиб олиш учун Россияга қарши ғазавот эълон қилган эди. Ш. Тошматов, Эрк қўши. **Муҳаррам ойи айн. муҳаррам** 1.

2 Мухаррам (хотин-қизлар исми). **МУХАРРИР** [a] 1 Тахрир қилган ёки қилувчи; редактор. Адабий муҳаррир: Техник муҳаррир. Бош муҳаррир. Масъул муҳаррир. — Кекса ишчи газетанинг муҳарририга қараб: — Нега бунга читтак деб лақаб қўйдиларинг? — деди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 эск. Муаллиф, автор. **Мактубининг муҳаррири**.

**МУХАҚҚАҚ** [a] эск. кт. Ҳақиқатдан иборат бўлган, ҳақиқатлиги аниқ; чин.

**МУХИБ** [a] эск. кт. 1 Севувчи, яхши кўрувчи, ишқивоз. **Китоб муҳиб**. **Шеър муҳиб**.

2 айн. дўст. Эй, муҳиблар, юрган экандур фароғатда деманг, Согиниб сизларни тун-кун уйқу йўқ бедорман. Муқимий.

**МУХИМ** [a] Алоҳида аҳамиятга эга бўлган, аҳамият жиҳатдан биринчи даражали. **Муҳим масала**. **Муҳим иш**. **Муҳим воқеа**. — Анвар .. атроф ҳокимларидан бу кун келган нома ва аризаларининг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиб, ҳудайчига топшириш учун тайёрлар .. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МУХИТ** I [a] 1 Ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ёки ижтимоий шароитлар мажмуи. **Географик муҳит**. **Ижтимоий муҳит**. — [Элмурод:] **Мактабни битиргач, ҳаммамиз ҳар ёққа тарқатиб кетамиз. Кейин ҳар ким ўз муҳитида ўз иши билан овера бўлиб кетади**. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Касб-хунари, иши, фаолияти ва ш. к.га кўра бир-бири билан боғлиқ бўлган кишилар доираси. **Мен қози домла ва Асад қори каби ҳурматли зотлар муҳитига ўзимни топшириб, дарёдан айрилиб чиққан ариқчадай халқимдан айрилиб чиқиб охири қуриб қолишга маҳкум бўлган эканман**. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

3 Ҳодиса, процесс ва ш. к. кечадиган моддий шароит. **Ёруғликнинг турли муҳитда турлича синиши**.

**МУХИТ** II [a] 1 эск. айн. океан. Бу зўр муҳитнинг кучли тўлқин Барибир сизларга бермагай омон. Ғайратий.

2 Муҳит (эркаклар исми). **МУХЛАТ** [a] Бирор иш учун тайин қилинган аниқ вақт бўлаги; мuddат. **Уч кунлик муҳлат**. **Муҳлат бермоқ**. — Кўчиб кетиш муҳлати ўн кун, —

деб бақириб қолди оқсоқол унинг кетидан. Ж. Шарипов, Хоразм.

**МУХОЖИР** [a] эск. Ўз ватанидан кетиб, бошқа юрда турувчи киши; эмигрант. **Сийёсий муҳожи**. — **Аҳмад Хусайн шаҳар сиртида муҳожи**рлар .. орасида тинчлик ҳақида муҳим, жиддий тортишувлар билан баҳсни битиргандан сўнғ ҳорғин, ёйчан қайтар эди. Ойбек, Нур қдириб.

**МУХОКАМА** [a] 1 Бирор хулосага келиш учун кўпчиликнинг фикрини олиш, фикрланиш, ҳар томонлама ўйлашиш. **Масалани муҳокамага қўймоқ**. **Аризани муҳокама қилиш**. — **Иброҳимов қаерга бормасин шундан гап очилиб, ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини айтар, Ўрмонжон айтмоқчи, масалани бутун халқ муҳокама қилар эди**. А. Қаҳҳор, Қўшчино

2 Фикр юритиш, мулоҳаза; фикр. **Муҳокамаши йўқ одам**. **Муҳокама билан иш қилмоқ**. — Баъзи енгил муҳокамаларинг онангникидан қолишмайди, **Отабек** — деди [ҳожси]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бундай ишга бениҳоят уқув, чаптастик, хўш, яна муҳокама ва моҳирлик керак**. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУХОРАБА** [a] эск. кт. Уруш, жанг. **Биринчи жаҳон муҳорабаси**. — [Абдушукр] бўлиб ўтган «Болқон муҳорабасини тилга оларкан, уруш воқеаларини тинглашни яхши кўрган Мирзакаримбой дарров унинг сўзини кесди: — Қайси қирон билан урушди? Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУХОСАРА** [a] эск. кт. Қамал, қуршов; блокада. **Ҳануз Тошкент Қўқон сипоҳлари томонидан муҳосара ҳолатида эканлиги тўғрисида хабарлар келиб турмоқда эди**. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУХОФАЗА** [a] кт. 1 Сақлаш, қўриқлаш, химоя қилиш, химоя. **Табиатни муҳофаза қилиш**. **Аёллар ва болалар соғлигини касалликдан муҳофаза қилиш**. — **Қазак аскарлар Қўҳна аркнинг ичини муҳофаза этиб турдилар**. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Эса сақлаш қобилияти; хотир, хотира. [Мавлон] эшитганини сира эсдан чиқармайдиган зеҳн-фаросатли, муҳофазаси бақувват ийгит. А. Ҳакимов, Илон изидан.

**МУХОФАЗАКОР** [a + ф-т] эск. Мутаассиб, консерватор. **Баъзи муҳофазакор колхозчилар бир неча кун .. бу қарорни миаларига сиғдиролмайд юрадилар**. А. Қодирий, Обид кетмон.

**МУХОФАЗАКОРЛИК** эск. Мутаассиблик, консерваторлик, консерватизм.

**МУХОФАЗАТ** [a] кам қўлл. айн. муҳофаза. **Эшикдан икки қуролли ийгит муҳофазатида Отабек ва Мирзакарим қутидор кўриниб, бека куллауқ қилдилар**. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МУХОФИЗ** [a] кт. **Муҳофаза**, химоя қилувчи, химоячи, қўриқчи. **Урданинг гиштин, кунгирадор қўрғонлари**

ости билан жазойирий қилч тақинган махсус муҳофиз ийгитлар айланиб, бегона кишини қўрғон яқинига йўлатмас .. эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**МУХР** [a] эск. 1 айн. печать. [Қозикалон:] **Мен қўл қўйиб, муҳр босар эдим**у лекин сиртдан туриб сизларга ёрдам берганим мақбул. Ж. Шарипов, Хоразм. | **Печать босиб туширилган белги**. — **Мулла Шарофиддиннинг муҳри бор бу васиқаларда**. **Муллажон қозининг муҳри бор!** — деди [жамий] васиқаларни титқилаб. А. Қаҳҳор, Қўшчино

2 Тамга; герб. **Бир ерда учта пул ётипти: иккитаси сийқа-сийқа бўлиб кетган, биттасининг муҳри йўқ**. «Эртаклар».

◆ **Тилиннга муҳр босилганми? нега индамайсан?, тилинг борми? Хатини олиб, муҳрига тақалган қ. хат**.

**МУХРА** [a] Болта, теша, кетмон каби асбобларнинг тинга қарама-қарши томони орқа қисми. **Онда-сонда учраган катта кесақларни кетмонининг муҳраси билан бир ур-да, кетавер!** А. Қодирий, Обид кетмон. **Аланглаб ўрнимдан туришим билан домланинг қўлидаги тесқари ушланган болтанинг муҳраси елкамга келиб тушди**. Ф. Ғуллом, Шум бола.

**МУХРДОР** [a + ф-т] тар. Феодал саройида муҳр сақловчи амалдор.

**МУХРЛАМОҚ** айн. печатламоқ.

◆ **Оғзини (ёки тилини) муҳрламоқ** мутлақо гапиртирмай, оғиз очдирмай қўймоқ, гапирмайдиган қилиб қўймоқ. **Гулнорнинг захарланганини Мирзакаримбой ва йўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ-тахудид билан муҳрлашга тиришдилар**. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МУХРЛАНМОҚ** муҳрламоқ *фл. мажх. н.* **Муҳрланган хат**. **Муҳрланган дўкон**. **Муҳрланган ҳужжат**.

**МУХРЛИ** **Муҳр босилган**; печатли. **У [Султонмурод] қўлида бир парча муҳрли қоғоз билан ревкомдан хушнуд бўлиб чиқди**. Ш. Тошматов, Эрк қўши.

**МУХРОНА** [a + ф-т] тар. **Муҳр босувчи амалдорга бериладиган пул, муҳр ҳақи**. **Сотувчи ва олувчи ўзаро келишганларидан кейин .. қозихонага бориб васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳронани бериб муҳр бостирганлар**. Айний, Эсдалиқлар.

**МУХТАРАМ** [a] 1 **Ҳурмат ва эҳтиромга сазовор, ҳурмат қилинувчи; ҳурматли**. **Муҳтарам йўқитувчилар**. **Муҳтарам ўртоқ**. — **Сенга Ҳексиз шараф бўлсин умрбод, Муҳтарам, азизим, муаллим, устод**. Х. Расул.

2 **Муҳтарам (хотин-қизлар исми)**. **МУХТАСИБ** [a] тар. **Тарози ва ўлчовлар нозир**. [Дин ва жамоат тартибининг сақловчи нозир.

**МУХТАШАМ** [a] кт. 1 **Ҳашамат билан ишланган, ҳашамат берилган, улуғвор ва серҳашам**. **Хотин .. ўрда-**

нинг улуг, мухташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўндаги айри йўлга бурилди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.  
2 *кўча айн. улугвор.* Коммунизмнинг мухташам биноси.

**МУХТОЖ** [а] 1 Бирор нарсага эҳтиёжи, зарурати бўлган, зарурат, талаб сезувчи. [Отабек] отда келган бўлса ҳам куннинг иссиқлигидан бир пиёла чойга мухтож эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизим сенинг ёрдаминга мухтожман. Ҳа, умидим катта. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Талаб қиладиган. Таҳрирага мухтож асар. — Отабекнинг қандай ҳолда қолиши изоҳга унча мухтож бўлмаса керак. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бечораҳол, қашшоқ. Золим бойлар мазах қилиб куларди. Раҳми келмай мухтожларнинг ёшига. Эргаш шоир. | Эҳтиёжини қондириш; ҳожатманд. Биз ўша вақтда мухтож бўлган бева-бечораларни йиғиб ош бериш мақсадида бир бостирма солдик. А. Қаххор, Кўшчинор.

**МУХТОЖЛИК** 1 мухтож с. белги оти. Ердамга мухтожлик сезмоқ.

2 Моддий кийинчиликдаги ҳаёт; бечорачилик. Мухтожлик тортмоқ. Мухтожликда яшамоқ. — Анвар Мурод Покистон ҳукумати, давлат ишлари устида тўхталиб, филокатларимиз кўп, айниқса халқимиз қашшоқлик, мухтожлик чаналида, деди. Ойбек, Нур қидириб.

**МЯСОРУБКА** [р] Гўшт қиймалайдиган асбоб.

**МҮЙ** [ф-т] Инсон ва ҳайвон терисидagi шох моддасидан иборат бўлган тук, қил. Махдум бўйчанг, ола гўшт, сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиқ бир домла эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Ҳар мўйи ёнга қадалган тикан. Ғ. Ғулом. Мўй қалам бўёқ юргизиш учун ишлатиладиган учига қил, мўй ёки бошқа бир шунга ўхшаш нарса ўрнатилган қалам; чўтка. Мўй қалам билан бўёқ бермоқ.

**МҮЙЛАБ** [ф-т] Мўйлов, мурт. Дарвешали бирдан бошини кўтарди, мўйлабини тишлади. Ойбек, Навоий.

**МҮЙЛАБДОР** [ф-т] Мўйловдор, мўйловли.

**МҮЙЛОВ** [ф-т] 1 Юқори лабнинг устини қоплаган мўйлар, мурт. Абдушукур .. қисқа мўйловининг икки учини ингичка бураб, бурнининг каттақлирига еткизган .. ўттиз беш ёшли ориқчана киши. Ойбек, Қутлуг қон. | Мўйловдор одам. — Ҳа-я, — деди Тўқсонов .. — ҳалиги мўйловингиз кўринмай қолдимиз? П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Баъзи ҳайвонларнинг устки лаби икки чеккасидан ўсиб чиққан, сезиш учун хизмат қиладиган мўйлари. Мунуқ мўйлови.

3 Баъзи ҳашаротларнинг бошидаги ҳид билиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган туқлари. Чумоли мўйлови.

**МҮЙЛОВДОР** [ф-т] Узун ёки қалин мўйлови бўлган, мўйловли. Михаил

Иванович Акаскин қирқ беш яшар .. мўйловдор, хушмуомала .. киши эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**МҮЙНА** [ф-т] Баъзи ҳайвонларнинг кийим-кечакка ишлатиладиган жузли териси. Тулки мўйнаси. || Мўйна ёқа. — Саркардаларнинг бош кийимлари савсар мўйнасидан бўлиб, погонлари олтин эди. Айний, Эсдалиқлар.

**МҮЙНАДУЗ** [ф-т] Мўйнадан кийим тикувчи уста. Улғуржи, чакана савдогарлар, атторлар, базозлар, мўйнадузлар қарвон келиб тушган саройлар атрофида ўймалашиб қолдилар. М. Осим, Ўтрор.

**МҮЙСАФИД** [ф-т] 1 Соч-соқоли оқарган, мўйлари оқарган. Мўйсафид одам. — Ҳақорат қилинган мўйсафид, бошларини солиштириб қайтиб кетди. М. Исмонлий, Фарғона т. о. Кўрина бошлади бошимда оқ туқлар, Мўйсафид исмини тоший бошладим. Ғ. Ғулом.

2 Кекса, чол. Кўпчилик аюғирма билан қирқ орасидаги йиллардан бўлиб, орада уч-тўртта қирқ-эллик, ҳатто олтинчи яқинлашган бир мўйсафид ҳам кўринди. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 с. т. ҳазил. Арақ. Останақул биринчи қадаҳни «Мирзакарим оинасининг саломатлигига» ичди. Кейинги қадаҳни «бу-ку мўйсафид, сен учун заҳар ичишига тайёрман!» деб кўтарди. С. Абдуқаххор, Санамай саккиз дема.

**МҮЙЧИНАК** [ф-т] Қош, туқларни териш учун ишлатиладиган қисқичча. Қарвонбоши сартарошига буғуриб, кўзи олдида буларнинг [қулларининг] сочларини таратди, қайчи билан тартибга солдирди, мўйчинак билан қошларини тердирди. Айний, Қуллар.

◆ **Мўйчинак** тишламаган турмуш аччиқ-чучугини тотмаган, тажриба кўрмаган; ёш, гўдак, гўр.

**МҮККИ** диал. Хом теридан тикиладиган кўнжи калта оёқ кийими. — Оёғим мўккиннинг ичиде музлаб қолибди, — деди чол. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири.

**МҮЛ** 1 Етарли даражада кўп; сероб. Мўл ҳосил. — Дарахтлар пакана, меваси мўл ва йирик. Ойбек, Қутлуг қон. Деҳқон осмонга қараб яхши ҳаводан кувонса, ерга қараб мўл маҳсулудан суюнади. М. Исмоний, Фарғона т. о.

2 (ч. к. билан) Ортиқ, зиёд, кўп. [Мирзакаримбой:] Бу ер чакалак эди. Утган йил ҳаммасини кесиб олдик .. Ёни-вери билан қўшилди, бир танобдан мўл ер қўлга кирди. Ойбек, Қутлуг қон. Бахтимизга бир бурчакда, эски охирининг ёнидаги қозққада бир қўлоқ мўлроқ арқон боғланиб ётар эди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 кам қўлл. Тўкин, беками-кўст, фарвон. Давлатимиз мўл бўлар, Омборлар донга тўлар. Пахтамик тўлиб ошар, Ҳосил дарёдек тошар. Қ. Муҳаммадий.

**МҮЛАЙМОҚ** айн. мўлтаймоқ. У [Шодимат] чағир кўзлари мўлтайиб, амакисиа қаради. А. Мухиддин, Ҳады.

**МҮЛЖАЛ** 1 Олдиндан кўзлаб, ўйлаб қўйилган план, режа; марра. Бу йилги мўлжал — гектаридан 45 центнердан. Мўлжалдан оширмоқ. — Элмурод душманни қирғоққа чиқармай, тошқинда тугатиб қўйишни мўлжал қилган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Аваз Эргашев Бурхонжонга:] Ахир планингизни мўлжалга етказибсиз. Туйғун, Бригадир.

2 Чама, тахмин. Мўлжал қилмоқ. Тарозининг кераги йўқ, ўзи тенг мўлжал бўлиб қолган. — У [Рўзи бахши] ҳар бир қўйни узоқдан туриб бирма-бир кўздан кечирар экан «эғиз тугади-ган қўйлар икки юздан ортиқ» деб мўлжал қилар эди. О. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

3 Нишонга олинган ёки олинадиган нарса; нишон, қора. Мўлжалга олмақ. Мўлжалга урмоқ. — Пулемёт оғзидан тинимсиз учиб бораётган ўқлар тўппа-тўғри мўлжалга бориб тегар, .. қалин шохларни сундириб ўтарди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

**МҮЛЖАЛЛАМОҚ** 1 Олдиндан ўйлаб, кўзлаб қўймоқ, белгиламоқ, планлаштирмоқ. Бир йилнинг ичиде Эҳсон мўлжаллаганидан зиёда билимга эва бўлади. А. Қаххор, Сароб.

2 Бирор мақсад учун кўзламоқ, мувофиқ топмоқ, белгиламоқ. [Содиқ] ўзини .. яшириш учун қутидорнинг йўлагини мўлжаллаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Ўйламоқ, кўзламоқ. [Йўлчи] эшикка яқин турган одамларнинг қочшига мўлжаллаётганини сизди. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Чамаламоқ, тахмин қилмоқ. Боғнинг саҳнини Салим уч ярим таноб, Фазлиддин уч таноб мўлжаллади. Ойбек, Қутлуг қон.

4 Нишонга олмақ, пойламоқ. Оқилхонтўра Бўтабойни мўлжаллаб олган ўқ Тилабувога теккан экан. А. Қаххор, Қўшчинор.

**МҮЛЖАЛЛАНМОҚ** мўлжалламоқ фл. мажх. н. Қиз мўлжалланган ишни битириб, ўрнидан турди. Ойбек, Қутлуг қон.

**МҮЛЖАЛЛИ** Олдиндан мўлжаллаб қўйилган; белгили, ўлчовли. Мўлжалли вақт.

**МҮЛ-КҮЛ** Жуда мўл, сероб, тўкин. Мамакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл. Меҳнаткашларни озиқ-овқат билан мўл-кўл таъминламоқ. — Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди. Қуёш ўз ҳаётбахш нурларини тагин мўл-кўл соча бошлади. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

**МҮЛЛАМОҚ** кам қўлл. Қўпайтирмоқ, кўп қилмоқ.

**МҮЛЛИК** мўл 1, 3 с. белги оти. Дарахтлар меванинг мўллигидан ҳар томонга эгилар. Ойбек, Навоий.

**МҮЛОҚ** с. т. 1 Чўлоқ, ногирон. Мўлоқ одам. — Бир қўли мўлоқ бўл-

гани учун, уни ҳорбий хизматга олишмади. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор ери учган, синиқ. *Мўлоқ ошиқ.*

**МЎЛТАЙМОҚ** I Аянчли қарамоқ, кўзни жовдиратиб, маъюсланиб, эзилиб қарамоқ, жовдирамоқ. У [Раҳим] атрофига безовта аланглаб, климидир ахтарди. *Лоп этиб кўзи бир чеккада мўлтайиб турган «Митти»га тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Эътиборсиз, хаёл парижонлик билан қарамоқ. *Шу чоққача мўлтайиб хаёл ичида ийғиб ўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МЎЛТИЛЛАМОҚ** айн. мўлтаймоқ I. — Ана ўша материалларни ҳалигидек катта бошини кичкина қилиб сизга мўлтиллаб турган заказчиларга кўрсатинг, ўртоқ Қўшоқов,— деди Муродов. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**МЎЛТИРАМОҚ** айн. мўлтаймоқ I. Вали ака Хадича бувининг юм-юм ёш оқиб тушадиган юзига мўлтираб туриб: .. — Хафа бўлмаган, онаси,— деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МЎЛТИРАТМОҚ** мўлтирамоқ фл. орт. н. Кампир кўзларини мўлтиратиб эрига тикилганича жим ўтиради. У. Умарбеков, Юрак сўзлари.

**МЎЛТИРАШМОҚ** мўлтирамоқ фл. бирг. н. Поезд қўзғалганда Улмасдаги қувонч ўрнини ғам эгаллади. Бу ҳол вагон деразасидан мўлтиратиш қараб туришган Файзихон билан Мелиқул оғанинг юрагини эзиб юборди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**МЎЛТ-МЎЛТ** рви Мўлтираб, жовдираб. [Ҳулумжон] онаси келганда онасининг кўзларига мўлт-мўлт қарарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МЎЛТОНИ** [ҳинд] I эск. айн. лўли. Авлод-аждоди фол очиб, фарибгарлик билан кун кўриб келган мўлтонини қолхоз ишига бўйин берармиди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлида.

2 кўчма Фарибгар, муттаҳам. *Дунё ҳаром, деб туриб, дунё йиққан мўлтониларда сажимият нима қилсин!* С. Анорбоев, Оксой.

**МЎЛЧИЛИК** Манишат, турмуш учун зарур бўлган нарсаларнинг мўлчилиги; тўкинчилик, фаровонлик. *Мўлчиликка эришмоқ.* Меҳнат — мўлчилик гарови. Мақол. ■ Мамлакатнинг ёруғ юзи, ҳуснидир пахта, Мўлчиликдан нишон бордир ҳар бир дарахтдан. Ғ. Ғулум.

**МЎМАЙ** I Яхлит ва салмоқли (пул ва даромад ҳақида). *Омборда ғалламиз, кассада мўмайеина пулимиз ҳам бор.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Осонлик билан, бемехнат топилган; бевалиска. *Машипатпараст одамга мўмай-мўмай пул бўлмаса қийин-да.* М. Иброҳимов, Эгасига тегмаган мактуб.

**МЎМИН** [а] I дин. Оллоҳнинг борлигига иқрор бўлган, имон келтирган киши; мусулмон. [Сафар бўзи:] *Шу қаббатиллонинг ичида ўтириб ёлгон гапирган одам мусулмон эмас, кишининг қасамига ишонмаган ҳам етти маз-*

ҳабда мўмин эмас. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 сфт. кўчма Ювош, беозор. *Мўмин одам.* ■ *Муҳаррам кўчада соддагина, мўмингина кўринган бу қизнинг шунчалик ингликлари .. борлигини ўзи кўрмай, биров айтганда, асло ишонмасди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Мўмин (эркалар исми).

**МЎМИНТОЙ** мўмин 2 с. эркл. *Мўминтой бола.*

**МЎМИН-ҚОБИЛ** Сўзга қирадиган ва ювош, беозор. *Мўмин-қобил одам.*

**МЎНДИ** [ф-т] Сопол кўза, хумча. *Бўзи белбоққа ёлчмас, кулол — мўндига.* Мақол.

**МЎРАЛАМОҚ** Тўсиқ, тирқиш, тешик орқали қарамоқ. *Тирқишдан мўраламоқ.* ■ *Нури палак остида ёш аёллар билан қуришган ҳолда турар, .. баъзан ялачиларга яширинча мўралаб кўлар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**МЎРАЛАШМОҚ** мўраламоқ фл. бирг. н. Хотинларнинг баъзилари қизиқанларидан чачонларини қич оқиб йўлчига яширинча мўралашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**МЎРДАК**, мўрдак арава диал. Безатилган соябонли арава.— *Жуманиёз оғанинг қизини мўрдак аравада Хивага олиб кетдилар-а? — деди Ниёзмуроднинг аммаси.* Мирмуҳсин, Чўри.

**МЎРИ** [ф-т] Ошхона, печка, ўчоқ ва ш. к.нинг тутун чиқиб кетадиган йўли; дудбўрон, мўрқон. *Улар қишлоқ ичида тор сўқмоқдан киришди: пастак деворлар, баланд-паст уйлар, пичан босилган томлар, онда-сонда тутун бурқсиган мўрилар.* Ш. Тошматов, Эрк кўши.

**МЎРҚОН** [ф-т] айн. мўри.

**МЎР-МАЛАХДАЙ** Кумурсқа ва чигиртка каби; кўплашиб, ёпирилиб. *Қотловондан чиққан янги нам туПРОҚ тоғдай бўлиб турибди, атрофида мўр-малахдай одам.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳар бири бир янгилик келтираётган бу кунларнинг шавқидан маст бўлган халойиқ ҳар қандай ишга мўр-малахдай ёпишар .. эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**МЎРТ** Эгилмасдан синадиган, синувчан. *Мўрт чўян. Мўрт ёғоч.* ■ *Дарахтлар, буталар эгилиб-букиларди, аммо уларни бир мўрт чўпдек синдириш, ёки таг томири билан ағдарш осон эмас эди.* С. Анорбоев, Оксой.

**МЎРЧА** I [ф-т] Европа типдаги ҳаммом.

**МЎРЧА** II [ф-т] диал. Чумоли, кумурсқа.

**МЎРЧАМИЁН** [ф-т] Ингичка белли, бели ингичка, хилча бел (хотин-қизлар ҳақида). [Ҳасан:] *Мана отдим, қучоғингиз очинг, қизлар, Қайримма қош, мўрчамиён сулув юзлар.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза.

**МЎЪЖАЗ** [а] I Кишини хайратга соладиган; ажиб, ажойиб. *Шоир тоқчаларига чиройли хитой идишларига, фил тишидан ишланган ажойиб мўъ-*

жаз қутчаларга разм солди. Ойбек, Навоий.

2 Ихчам, кичкина. *Супанинг қарши-сига, ўн қадамча нарига мўъжазгина бир чорпоқ қўйилли, унга самоварнинг эски-туски палослари солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**МЎЪЖИЗА** [а] I Диний тасаввуларга кўра ғайритабиий, влохий ҳодиса. | *Пайғамбарларнинг каромати.*

2 Умуман ҳар қандай одатдан ташқари, кишини хайрон қолдирувчи ҳодиса, иш ёки нарсa.

**МЎЪЖИЗАДОР** [а + ф-т] Мўъжизалар яратувчи, мўъжизакор. *Йўлнинг икки четини Ҳиндистон табиатининг мўъжизадор, сەҳркор учун яратган азим, кўркам дарахтлар безар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**МЎЪЖИЗАКОР** [а + ф-т] айн. мўъжизадор. *Мўъжизакор совет халқи.*

**МЎЪЖИЗАЛИ** Мўъжизадан иборат бўлган, кишини хайратга соладиган; ажиб, ажойиб. *Тўқимачилик самоатининг бу мўъжизали машинасини дунёда бирор мамлакат ҳаёлига келтирган эмас.* Туйғун, Юрак қўшиқлари.

**МЎЪТАБАР** [а] I кт. Эътибор топган, ишонч қозонган, эътиборли. *Мўътабар одам.* *Мўътабар мамбалардан олинган хабар. Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.* Мақол.

2 Мўътабар (хотин-қизлар исми).

**МЎЪТАДИЛ** [а] I Совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас; ўртача, ўрта-миёна. *Сунбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан Зайнаб маржон-маржон терлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу водийнинг ёғал манзараси, мўътадил иқлими, хуш ҳавоси .. ҳамма кўранларни мафтун этиб келди.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади. | Умуман ўртача. *Мўътадил босим.* *Мўътадил талаблар.*

2 Ўртача йўл тутувчи, бирор томонга ён босмайдиган. *Мўътадил либераллар.*

**МЎҒУЛ** қ. мўғуллар. *Мўғул тили.* || *Мўғул аёл.*

**МЎҒУЛЛАР** I Монголия Халқ Республикасининг ва Хитой Халқ Республикасидаги ички Монголиянинг туб аҳолиси.

2 тар. Маҳаллий туркий халқлар билан аралашиб, Еттисув вилоятида мўғуллар давлатини ташкил этган қабилалар (ҳозир бу қабилаларнинг авлодлари Совет Иттифоқининг баъзи ерларида, Афғонистонда ва қисман Ҳиндистонда, Деҳли атрофида яшайди).

3 тар. Бобирийлар сулоласининг Европа адабиётида қабул қилинган номи.

**МЎҲМАЛ** [а] кт. Ноаниқ, мужмал. *Юсуфбек ҳожиги эғнида кимҳоб чопон билан ўрдадан чиқди. Ўрдадаги «чопон муборақ бўлсин!» деб сўрагувчиларга бир турли мўҳмал жавоб берар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**МЎҲ-МЎҲ** унд. с. Баъзи уй хайвонларини чақиршида ишлатилади.

«Мўх-мўх» дера қўй ҳам тушунади. Аммо сенга сўз уқдириб бўлмайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

## Н

**Н** Ўзбек алфавитининг ўн бешинчи харфи; қ. эн.

**НА** I эск. Нима, не. Сенга бунинг на кераги бор?; На чора не чора, илож қанча, илож йўқ. — Совга қилиб келса суюнмас, чиқариб сотса куюнмас эдим. На чора, қиморбознинг куми шу! — деди Хожжи хола. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**НА** II [ф-т] айр. боғл. Уюшиқ бўлақлар ёки уюшиқ гаплар бошида тақрорланиб, уларни боғлайди ва бўлишли феъл билан инкор маъносини билдиради. Ундан на хат бор, на хабар. — Унсин, .. ягона дўсти, ҳаётда ягона умиди бўлган ақасини қучоқлаб, қонли ярасига юзини, кўзини суриб, ёта берди. На кампирнинг, на Қоратойнинг юпатишлари қор қилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАБИ** [а] I дин. Худонинг хоҳишини олдиндан айтувчи; пайғамбар. На набилар инсонга ҳақ келтирди, На табиблар шифо берди юракка. Шайхзода.

2 Наби (эрқақлар исми).

**НАБИРА** [ф-т] Ўғил ёки қизнинг фарзанди (бобога, бувига нисбатан). Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан. Икки ўғли уйланган, бир қизи эра теккан, набиралари ҳам бор. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАБОР** [р] полигр. I Текстга мувофиқ терилган харф ва белгилар йиғиндиси. Наборни сочиб юборманг. Набор қилмоқ.

2 Текстга мувофиқ харф ва белгиларни териш. Қўл ёзмани наборга бермоқ. Набор чеги.

**НАБОРШЧИК** [р наборщик] Босма-хонада харф терувчи ишчи.

**НАБОТОГ** [а] I Ўсимликлар дунёси, ўсимликлар. Хужайранинг топилуши шуни исбот қилдики, наботот, ҳашарот ва ҳайвонот, ҳамма тирик жисмлар ўсиб, кўпайиб борувчи органик кичик бўлақлар — ҳужайрадан иборатдир. «Диалектик материализм масалалари».

2 эск. айн. ботаника.

**НАБОТОТШУНОС** айн. ботаник.

**НАВ** [а] I Нарсаларнинг умумий белгилари билан бирлашувчи гуруҳи; тур, хил. Меваларнинг кеч пишар навлари.

2 Молнинг, буюғининг сифат, қиймат жиҳатдан категорияси; сорт.

◆ **Бир нави** I) мақтарли яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас, ўрта-миёна. Она бир нави яшаб турганини, қудаси Жўравой ака уч-тўрт келиб хабар олганини айтди. Х. Ғуллом, Машғал; 2) дуруст, тузук, яхши. Мастура опа келадиган меҳмонлар билан таниш

бўлганда ҳам бир нави эди. Р. Файзий, Шохи дарпарда.

**НАБАРА** [ф-т] с. т. Набира.

**НАБАТ** [а] I Бирин-кетин содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби; гал. Тегирмон навбати билан. Мақол. — ЎзССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессиялари ЎзССР Олий Совети Президиумининг ўз хоҳиши билан ёки Олий Совет депутатларининг учдан бир қисмининг талабига биноан қаққирлади. «ЎзССР Конституцияси».

2 Қаторда ишғол этилган ўрни; гал. Навбат олмоқ. Навбат кутмоқ. Эра навбат — шегра навбат. Мақол. — Тўламант мўйлов Нигора томонга кўз қирини ташлаб, Шербекнинг қулогига шивирлайди: — Энди укам, Сувоннинг тўйдан кейин навбат сеники. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Алмашини бажариладиган иш; дежурлик, смена. Ласточкин батальон итабиди постда турарди. Навбати тугагач, ким биландир гаплашиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 («бу», «шу», «ҳар», «бир» ва ш. к. с. билан) Марта, гал. Бир навбат.

◆ **Биринчи навбатда айн. биринчи галда қ. биринчи** 3.

**НАВБАТДАГИ** I Навбатда турган, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган; галдаги. Навбатдаги масалалар. Навбатдаги вазифалар. — Навбатдаги чопиққа одам кетишидан уч кун буруч, кечки пайт иккита медресга келиб, алланимага қарши ҳаммага укол қилди. А. Қаххор, Қўшчинонор.

2 Қаторда турган, қаторда маълум ўрин олган. Навбатдаги одамлар. — Навбатдаги сўз ўртоқ Раҳматовга. Ўртоқ Ҳакимова тайёрлансин. А. Қаххор, Мунофиқ.

**НАВБАТЛАШМОҚ** Бирор ишни бошқалар билан навбатма-навбат, галма-гал бажармоқ. Навбатлашиб ишламоқ. Навбатлашиб ашула айтишмоқ.

**НАВБАТМА-НАВБАТ** рехи Навбати билан, гали билан, навбатлашиб, галма-гал. Китобни навбатма-навбат ўқимоқ. — Элмурод, Эраш, Муса, Омон ўша куни бўлган намоийишда саф олдида навбатма-навбат байроқни кўтариб бордилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**НАВБАТЧИ** I Бирор ишни бошқалар билан навбатлашиб бажарувчи, ўз навбати келганда шундай ишни бажараётган шахс. Синф навбатчиси.

— Улар ишнинг навбатчига топшириб келган тракторчилар билан иссиқ саломлашгич. Погодиннинг кичик кабинетида кирдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Постда турган соқчи; қоровул, часовой. Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади — бегона кирмасин. Шухрат, Шинелли йиллар.

**НАВБАТЧИЛИК** I навбатчи с. маъ. от.

2 Навбатлашиб бажариладиган иш,

навбатлашиб бажариш; навбатчи вазифаси. Навбатчиликка ўтмоқ. Навбатчилик қилмоқ. — Шу кечасиёқ отани касалхонага олиб бориб ётқизишти, уювлари унинг бошида ўтириб, навбатчилик қилишти. С. Анорбоев, Оқсой.

**НАВБАҲОР** [ф-т] Эрта баҳор, илк баҳор, баҳорнинг боши. Навбаҳор очилди гуллар, Сабза бўлди боғлар. Муқимий.

**НАВЖУВОН** [ф-т] эск. кт. Ёш йигит; ўспирин. Кексалик келиб эрди, дилда кўп эди армон. Яшатиб, яшартиб сен, навжувон этиб келдинг. Ҳаббий.

**НАВИГАЦИЯ** [р < лат] I Кемалар қатнови.

2 Маълум сув йўлларида об-ҳаво шароити кема қатновига йўл қўядиган вақт, навсум.

3 Қемани белгиланган йўлдан тўғри ва хавф-хатарсиз юргизиш ва кема ўрнини аниқлаш усуллари ҳақидаги фан.

**НАВИСАНДА** [ф-т] эск. кт. Ёзувчи, адиб.

**НАВКАР** [ф-т] I тар. Феодал ҳукмдорларнинг харбий хизматкори, аскар. Хусайн Бойқаро «Боги Шимола» дарвозаси яқинидаги.. қодир ичида икки-уч навқари билан ўтирарди. М. Осим, Сехрли сўз | Умуман ғайрирасмий аскар. Халқ навқарлари.

2 кўчма Хизматкор, ходим. Раис дала беги эмас, дала навқари. Ойбек, О. в. шабадалар.

**НАВЛИ** I Нави, сифати жиҳатидан юқори, сара. Навли уруғлар.

2 Бирор навга навсум бўлган. Паст навли папирос. — Биз ҳам юқори навли чигитдан эксақ борми, ўттиз-ўттиз беш центнер пахта нафд экан. Р. Азизхўжаев, Ўшил чайла.

**НАВНИҲОЛ** [ф-т] I Янги ўтқазилган ёки униб чиққан кўчат; ёш дарахт. Салимхон эса, экиб парварши қилган навниҳолнинг биринчи меvasини егандай завқлар эди. А. Қаххор, Сароб.

2 кўчма Ёш йигит ёки қиз.

**НАВО** [ф-т] I Қуй, оланг; хониш. Қумрининг тўйи: Безалан уйи, Навнинг нависи Қайта-қайтадан, Чалиниб тинмай. Ф. Ғуллом. Шундан сўнгара сен қадах ушлаб, Хумор кўзла боққил самога, Тингла қўшининг эзу орзусин, Қулоқ берсин майин навога. Х. Олимжон.

2 (Н — навта) Шашмақом системадаги иккинчи мақом номи (қ. шашмақом). Дуторни сошлаш учун реза куйлардангени олиб турган машшоқ, Отабек кутмаган жойда, «Наводан бошлаб юборган эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 кам қўлл. Ғам-алам ифода этувчи аянчли овоз; нола. Қўзларида нозик бир ўт қақнади. У фахр ўтимида, ё қаҳр ўти, — билиб бўлмади. Лекин мағрур кишининг овози билан эмас, дилгир кишининг нависи билан жавоб қилди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**НАВОЗАНДА** [ф-т] *кт.* Куй ижро этувчи, наво қилувчи; созанда. *Баъзи ерларда созанда ва навозандалар миллий ашуладаги оҳанг, наво ва ашғорлардан чалган ва куйлаганлари эшитила бошлади.* Ҳамза.

**НАВОЗИШ** [ф-т] *кт.* Меҳрибонлик билан ёки лутфан қилинган муомала, мулозамат, лутф, марҳамат; эржалаш. *Азизбек одатдаги қаршилаш ёнига бир навозиш ҳам илова қилиб ҳожиёга юқоридан жой кўрсатди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Навозиш қилмоқ** 1) меҳрибонлик билан ёки лутфан муомала қилмоқ, марҳамат қилмоқ; эркаламоқ; 2) чалмоқ, куйламоқ. **Навозиш кўрсатмоқ айн.** *навозиш қилмоқ* 1. *Бекларига навозишлар кўрсатиб, сўнгара ўз ниятини ўртага ташлади.* Ойбек, Навоий.

**НАВОЙШУНОС** *ад.* Навоий ижодини ўрганувчи олим.

**НАВОЙШУНОСЛИК** *ад.* Навоий ижоди ҳақидаги адабиётшунослик илми.

**НАВРЎЗ** [ф-т] 1 Шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи кунини (март ойининг 21 кунига тўғри келади).

2 Баҳор чоғи, баҳор. *Наврўз ёмғири.* **Наврўз байрами** эски стилдаги янги йил ва баҳор муносабати билан ўтказилган байрам.

◆ **Наврўзи аҷам** ўзбек классик куйларидан бирининг номи.

**НАВРЎЗЛИК** *тар.* Эски мактабда наврўз учун талабалардан тўпланадиган пул ва бошқалар.

**НАВҚИРОН** [ф-т + а] Авжи куч-қувватга тўлган, қирчиллама, ёш. *Наби ака мўйсафидни ичкарига тақлиф қилди.* Ҳовлининг бир чеккасида ўтирган икки навқирон йиғит ҳам аста ёриб келиб мўйсафид билан сўрашди. А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари.

**НАВҲА** *эск. кт.* Йнғи; аза. *Тулкининг тавбасидан кўрқ, муғомбирнинг навҳасидан.* Мақол.

**НАҒАН** [р] Айланма барабанли тўппонча. *Забардаст қомат, озгин юзида қатъият, елкасидан қалин қайишни ошириб олган, ёнида наған, тиззасида узун сопли қилич.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**НАДИМ** [а] *кт.* 1 Яқин, сирдош дўст; ҳамсухбат.

2 *эск.* Шоҳ саройида: маслаҳатчи.

3 *Надим (эркаклар исми).*

**НАДИМА** [а] *кт.* 1 Яқин, сирдош дўгона; ҳамсухбат аёл. *Демак.. унинг хотини маликани бутун қанзаклари, надималари билан .. ўз уйига чорлайди.* Ойбек, Навоий.

2 *Надима (хотин-қизлар исми).*

**НАДОМАТ** [а] 1 Пушаймон, ўқинч; ўқиниш, афсусланиш, афсус. *Бермас кишига фойда, сўнги надомат.* Ҳабибий. *Бу харобани кўриб Курбон отанинг кўз олдига Фармонқул ва душана ўхшаган дунёга надомат билан кебиб, захмат чекиб, ҳасрат билан*

*ўтган кишилар келди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 *с. т.* Кимсани ёмонлаб айтилган, тарқатилган гап, маломат. *Қизи туфайли эшитган надоматлари, онасиниғ муттасил мизга уриб турган тўқмоқдек ғиди-бидилари жонини ҳалқумига келтириб қўйган эди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**НАЖАС** [а] 1 Ифлос, ҳаром нарса; ахлат. [Мулла Муҳсин:] *Ҳовузни ифлос сувлардан, нажас нарсалардан эҳтиёт қилинса, ҳеч боқи йўқ.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *нафр.* Разил, палид одам ҳақида.

**НАҲЖОР** [а] *эск. айн.* дурадгор. *Адибу, хуш қалам, хатмоту, рассом, Бари нозик табииат соҳиб илҳом. Яна бир қанчаси нажжору наққош, Бўломас ҳеч ким ўз даврида тенгдош.* Ҳабибий.

**НАҲЖОРБОШИ** *эск.* Ишбоши. *Энди Эгамберди нажжорбоши дурадгорларга бурунги пўписа ва эски тааддиси-ни қилиб кўрсинчи.* «Муштум», 1927, № 10.

**НАҲИБ** [а] *эск. кт.* 1 Ҳурматга сазовор, ҳурматли, муътабар, мухтарам.

2 Аслзодаларга, зодагонларга мансуб; зодагон. *Шунинг билан сизнинг нажиб оилангиз даҳшатли фожиа даврларини кечириб, энди масъуд кунлар арафасига етди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

3 *Нажиб (эркаклар исми).*

**НАҲОСАТ** [а] *айн.* нажас 1.

**НАҲОТ** [а] 1 Халос бўлиш, қутулиш. *Нажот бермоқ.* *Нажот топмоқ.* *Нажотга чиқмоқ.* — *Фарёд уриб йиғлади Шахло, Кўкни босиб кетди ноласи.* Юм-юм йиғлаб, сочини юлди, Бўлмади ҳеч нажот чораси. Т. Тўла. *Яратганинг ўзи нажот берсин, оллоҳу акбар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Уста Фарфи давом этиб деди, .. бир мактуб сабаби билан .. кутмаган жойда дор остида нажотга чиққанлар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Қутулиш ёки қутқариш учун зарур ёрдам, кўмак. *Золиддан нажот қутуши Бефойда, маҳол.* Ғайратий. *Уғлининг дарди билан чўккан Ойна ҳола нажот истаб Ёқутбиканинг олдига борди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**НАҲОТКОР** [а + ф-т] *Нажот берувчи, халос этувчи, озод этувчи; қутқарувчи.* Москва. 1918 йил 7 ноябрь. *Халқлар нажоткори ва халоскори Владимир Ильич Ленин нутқ сўзламоқда.* «К. Ўзбекистон», 1958, 7 август.

**НАҲОТСИЗ** Қутулиш учун чораси, илоҳи бўлмаган, мушуқл аҳволда қолган; ноилоҳ. *Бошпанасиз, нажотсиз етим ўғил ва қизлар бировларнинг зулми ва исканжасига, хўрлашига ноилоҳ чидар, яшамоқ учун бундан ўзга чоралари йўқ эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**НАЗАР** [а] 1 Кўз қарashi, нигоҳ. *Назар солмоқ.* *Назар ташламоқ.* — *Йиғитнинг совуқ назари Мадамин-хўжани шошириб қўйди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Йўловчи .. ёшларни*

*бирма-бир назаридан ўтказаркан, атрофга аланглаб сўради: — Идораларингиз қаерда, йиғитлар? П. Турсун, Уқитувчи.* *Бизнинг ишимизга ҳам бир назар солсангиз-чи.* П. Турсун, Уқитувчи. *Сидиқжон қип-қизариб кетди ва Зунунхўжага «гапирсангиз-чи!» деган мазмунда назар ташлади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. *Уқитувчи лекциянинг ярмига келганда, .. Йўлдошга эғиллиб турган Ҳасанга назари тушди.* Ибоҳон, Улуғ кун. **Назар(и)га** (ёки **назари**) *илмайди* менсимайди, писанд қилмайди. *«Мендай бир муштупар кампирни назарингизга илиб келибсиз, раҳмат».* С. Анорбоев, Оқсой. **Назарга олмоқ** ёки **назарда тутмоқ** эътиборга олмоқ, ҳисобга олмоқ. *Уша вақтдаги турмуш, ўша шароитдаги болаликни назарга олганда, уни «кичик меҳнаткаш» дейиши мумкин эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Назардан қолмоқ** эътибори йўқолмоқ, хайрихоҳлик, яхши муносабатдан айрилмоқ.

2 (фақат эғалик аффикси билан) Воқеа, ҳодиса, кимса, нарса ва ш. к. ҳақидаги субъектив фикр, уларга бўлган қараш. *Назримда сиз англишяписиз.*

— *Хўжайинлар назарида хизматкор ярим одам.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Ишлар Элмуроднинг назарида кўнгиладигдек давом этаётганга ўхшар эди.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 *Назар (эркаклар исми).*

◆ **Назари паст ёки паст назар қ. паст** 8. **Нуқтаи назар** 1) қарашлар системаси, факт ва ҳодисаларни англаш усули; концепция. *Масалая материалистик философия нуқтаи назаридан ёндашмоқ;* 2) жиҳат, томон. *Иқлим нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари.* — *дан қатъи назар* бирор нарсага боғлиқ бўлмаган ҳолда. *ЎзССР граждандарининг миллати ва ирқидан қатъи назар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқли бўлишлари ўзгармас қатъий қонундир.* «ЎзССР Конституцияси».

**НАЗАРИЁТЧИ** Илм-фаннинг бирор соҳасида назарий масалалар билан шуғулланувчи олим. В. И. Ленин марксизмнинг буюк назарийчидир.

**НАЗАРИЙ** [а] Назарияга онд, назарияга масалаларга боғлиқ бўлган, назарияга асосланган. *Назарий масала.* *Назарий хулоса.* *Назарий тадқиқотлар.* — *Бу назарий мулоҳазаларингизни майин жунли зотли қўйлар урчитиши устидаги ишларимизга олиб келиб боғлаганингизда ажабланмаган бўлардим,— деди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой. | Бирор соҳанинг назарияси билан шуғулланадиган. *Назарий физика.*

**НАЗАРИЯ** [а] 1 Тажриба ва ижтимоий ҳаёт практикасининг табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини акс эттирувчи логик умумлашмаси.

2 Бирор фан соҳасини ёки униг бирор қисmini ташкил этувчи умумлашган қоидалар мажмуи. *Машина ва механизмлар назарияси.* *Урмончилик*



**назарияси.** | Бирор соҳада хувар олиш, маънаёттириш, маҳоратни ошириш йўлидаги билим-қондалар мажмуи. **Музыка назарияси.** Шаҳмат назарияси. **Самолётни бошқариш назарияси.**

3 Илм-фан, санъат ва бошқа соҳаларнинг мантиқий абстракт фикрлаш йўли билан ишлаб чиқилган асослари. **Назарияни амалий иш билан боғлаш.**

4 Факт, ҳодиса ва ш. к.ни тушуниш-тушунтиришнинг умумий принципларини асослаб берувчи илмий қонун-қондалар мажмуи. **Марксча-ленинча назария.** Дарвиннинг турларнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияси. | Бирор нарсага, масалага бўлган қараш, нуқтан назар. «Санъат санъат учун» деган беҳудад назария. | Бирор нарсага, масалага, ҳар бир кишининг ўз шахсий қарашлари системаси, нуқтан назари. Унинг ҳар бир масалада ўз назарияси бор.

**НАЗАРИЯЧИ** айн. наزاریётчи.

**НАЗАРЛАНМОҚ** Хурофий тушунчага кўра «кўз тегиб» огримоқ ёки ёмон томонга ўзгармоқ. — *Сутни камайиб кетганим, касалим, билмадим. Буви «назарланган» деди дилар,— деди Мурод.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**НАЗАРЛАНТИРМОҚ** назарланмоқ фл. орт. н. Кўз-кўз қилиб, яна сизирни назарлантирманглар. Эҳтиёт бўлинглар, ҳай болаларим. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**НАЗАР-НАФАС** Хурофий тушунчага кўра, «ёмон кўз», назарлантирувчи кўз, қараш. *Буви бўлса нуқул: — Хўш, хўш, жонивор, хўш, назар-нафас қурсин, кимнинг кўзи тега қолди сенга,— дер эдилар.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**НАЗАР-ПИСАНД:** назар-писанд қилмаслик менсимаслик, назарга илмаслик, ўзини бандан тутиб паст назар билан қараш. *Отасининг остонасида юрган бир камбағал малай йигит уни назар-писанд қилмасин, унинг ялчишларини, ваъдаларини тингламасин! Ким у? Ойбек, Кутлуг қон. Утганинда бир қайрилиб кулмайсан, Ёки бизни назар-писанд қилмайсан.* Т. Тўла.

**НАЗД** [ф-т]: наздида кўм. (б. к. билан), эск. 1) олдида, қошида. *Азизбекни кўлга тушириб бериш билан қипчоқлар наздида ҳам Юсуфбек ҳожининг қадр қиймати юқориланган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) назарида, хаёлида. *Қолхоздаги ёш-яланг унга тегишган, «Хола» деб сўзлагувчи наздида тентак.* Ғ. Ғуллом.

**НАЗЗОРА** [а] эск. кт. Қараш, кўз ташлаш, назар. *Кўз учидан ул кун қилдинг наззора, Қўйингда мен йиллар кездим овора.* Хайибда.

**НАЗИРА** [а] 1 ад. Ўздан олдин ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшаш ёки унга жавоб тариқасида ёзилган янги асар. *Шоир ғазалига ёзилган назира.*

2 Назира (хотин-қизлар исми).

**НАЗЛА** [а] Кўз ёки бурун шиллик

пардасининг яллиғланиши, тумов натижасида кўз ёки бурундан оқадиган шилмишқ сариқ сув.

**НАЗМ** [а] ад. Шеъринг асар; шеърят, поэзия жанри. [Абдушукур] шоирлик истеъдодидан татом маҳрум бўлишига қарамай, у «миллатни уйғотиш» учун вазни бузуқ, фикри саз, рангсиз назмлар ёзди. Ойбек, Кутлуг қон.

**НАЗОКАТ** [а] 1 Кишининг юриш-туриш, ҳаракат ва қилиқларидаги нозиклик, латофат. *Зебонинг ўзи салобати, кўркамлиги, назокати, латофати ва табассуми билан хаёлни чулғаб келарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Мурод дарров туриб ҳожи билан сўраиди ва назокат билан унга жой кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

2 Муомаладаги нозиклик, одоб. *Комиланинг таклифиде заррача ташқи назокат сезмаган, бормоққа рози бўлди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3. Назокат (хотин-қизлар исми). **НАЗОКАТЛИ** Юриш-туриши, ҳаракати ва муомаласи нозик, латиф ва ёқимли, назокати билан кишига ёқадиган; одобли. *Назокатли аёл. Назокатли бўлмақ.* — *Гувоҳлар жавоб беришга қодир бўлсалар, бир неча масалани аниқлаб олмоқчи эдим,— деди Ғулломжон, назокатли бир кесатик билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НАЗОРА** [а] с. т. Назар, кўз қараш.

**НАЗОРАТ** [а] 1 Бирор ишнинг, нарсанинг ахлоқи, бориши, кишининг юриш-туриши ва ш. к. устидан доимо кузатиш, текшириш; контрол. *Назоратдан четда қолаш иш. Техника назорати. Назорат қилмоқ. Назорат остига олмоқ.* — *Қультивация қилиб жўяк оладиган универсаллар иши устидан алоҳида назорат ўрнатилди.* Ш. Рашидов, Бурундан кучли. *Терговнинг боришини шаҳсан Ҳалиловнинг ўзи назорат қилмоқчи.* И. Раҳим, Ихлос. [Саид] Малоҳат билан судлашибди чоғи, ўзи ҳам милиция назоратида эмиш. А. Мухтор, Чинор.

2 эск. Шундай иш олиб борувчи муассаса, бўлим; инспекция.

3 эск. Комиссарлик, министрлик. [Обидийга] маориф назоратидан каттагина бир вазифани беришди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НАЗОРАТСИЗ** Назорат остига олинмаган, назоратдан ташқари; контролсиз. *Назоратсиз болалар. Назоратсиз қолмоқ.*

**НАЗОРАТЧИ** Назорат органларида ишловчи; назорат қилувчи, Қараб, текшириб турувчи; контролёр. *Халқ назоратчилари. Темир йўл назоратчиси.*

**НАЗР** [а] дин. 1 Савоб учун ёки бирор муқддо билан худо йўлига аталган ёки берилган нарса. *Бир маҳит ҳовлисидаги қайрағоч тағида назрга кўй сўйилар эди. Улар шу ерда тўхташди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Толеим қурсин, деб ёндим, куйдим. Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Кутлуг қон.

2 Азайимхон, домла ва ш. к.га ўқиб, дам солиб қўйганлиги ва ш. к. учун берилдиган ҳақ, мол ёки пул. *Сен ҳам . . . йиш зиндини топсан ва назрини бериб, яхшилаб қайтариқ қилдирасан.* А. Қодирий, Утган кунлар. — *Назри нақдона бўлмаса, кўнглим ҳам жойига тушмайди, иш ҳам юришмайди,— деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 айн. хайр-садақа. *Кўз оғриғи уни [деванани] чўчитмас учун наридан туриб ёнчилини қалай берди.— Сизга . . . назрим бор.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**НАЗР-НИЁЗ** айн. хайр-садақа. «*Хазрати султон»* шайхларида назр-ниёлари бекорга кетмаганига, қизининг бўйида бўлганига . . . ишонди, кулимсиради. Ҳ. Ғуллом, Машъал. *Матчон тўра қуръон ўқиган қориларга назр-ниёз бериб, ташқари чиқди.* Ж. Шахрипов, Хоразм.

**НАЙКИ** [ф-т] юкл. Шубҳа, ажабланиш, ишонмаслик каби маъноларни ифодалайди; наҳотки. *Найкин фашист фақат душмангина бўлса, найкин унинг бутун қилиш-қилмишларини минг йиллардан бери одам боласига маълум бўлган «душман» калимаси ифода қила олса.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**НАЙ** [ф-т] 1 Узун ичи тошиқ нарса, ингичка труба. *Шийа най. Қамий най.* | Турли асбобларнинг шу шаклдаги қисми. *Мулла чилимнинг найини лабига бир тегизгандан кейин уни Ҳайит амин томонига буриб . . . бир жилмайди.* Айний, Қуллар.

2 Олтита тешигини бармоқлар билан бекитиб-очиб, пуфлаб чалинадиган музика асбоби; сибизга. *Набиғул келди. Унинг кетидан бири най, бири танбур, бири дутор кўтарган уч йигит кирди.* А. Қаҳҳор, Қаҳотсиз читтак. *Йўлчи чиндан ҳам най чалишни билар эди ва яхши чалар эди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**НАЙЗА** [ф-т] 1 Кўл билан отиб ёки уриб санчилладиган учи ўткир қурол. *Мудофелар қўлларидаги милтиқ, шашвар, ойболта, қилич ва найзалари билан тизилишиб олдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар. *От чопса гўмбурлар тоғнинг дараси, Ботирни инграпар найза яраси.* «Алпомиш».

2 Милтиқнинг учига ўрнатилдиган учи ўткир қисми; штик.

3 Ғазалларнинг чаққанда баданга санчилладиган аъзоси. *Ари найзаси.*

4 сфм Санчилладиган, кирадиган даражада ўткир. *Учи найза қалам.*

**НАЙЗАБАРДОР** [ф-т] Найза тутган, найза билан қуролланган аскар. *Найзабардор отликларнинг ҳаммаси, Шаҳарлардан эсиб ўтди ел каби; Пийдалар тўлқинланиб босарди, Чопар эди ёға қарши сел каби.* Шайхзода.

**НАЙЗАБОЗ** [ф-т] 1 Найза билан қуролланиб жанг қилувчи, найза билан жанг қилишга уста одам.

2 кўча с. т. Бўлар-бўлмасга тан-

қид қилишни яхши кўрадиган одам; танқидбоз.

**НАЙЗАБОЗЛИК** 1 найзабоз 2 с. *маву. от.*

2 Найза жанги, найза билан жанг қилиш. Душман солдатлари найзабозликка дош беришолмай қоча бошлади.

■ Ребров ажойиб жангчи, айниқса найзабозликда ҳеч ким унга бас келолмайдди. М. Мухамедов, Қахрамон изидан.

**НАЙЗАДАСТ** [ф-т] фольк. Найза кўтарган, абжир. Қорахон подшо салтанатли беклар билан, .. неча найзадаст ботирни билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди. «Орзиғул».

**НАЙЛАЙИН** поэт. Нима қилайин, қандай қилайин. Ғайри, ғайри жойда келдим, найлайин, Кун тушмаган сояга келдим, найлайин. «Равшан».

**НАЙМАН** Ўзбек халқининг этник составига кирган қабилалардан бирининг номи.

**НАЙНОВ** [ф-т] с. т. Бўйи баланд, новча. Инглиз укки кўз, карнай бурун, камтир дахан, қилтириқ бўйин, найнов эди. Ойбек, Нур қидириб.

**НАЙРАНГ** [ф-т] 1 эск. Кўз илғамайдиган ҳаракат, чаққонлик ва ҳийла ишлатиб кўрсатиладиган томоша, кўз боғлаш; фокус.

2 кўйма Алдамчиликка, макр-ҳийлага асосланган хатти-ҳаракат; ҳийла, лўттибозлик. Унинг [Элмуроднинг] назарида, Мадамнинг бу ҳаракати соддадил одамларга ўзини ҳукуматга «берилган» қилиб кўрсатиши учун қилган найрангга ўхшарди. П. Турсун, Ҳитувчи. — Тахт, сарой алдас, макр-ҳийла, найранг, зўравонликка асосланган, Авазхон, — деди Иван Гаврилович. Ж. Шарипов, Хоразм.

**НАЙРАНГБОЗ** [ф-т] 1 эск. Кўз боғловчи; фокусчи.

2 кўйма Алдамчилик, макр-ҳийла билан иш тутадиган; ҳийлагар, лўттибоз. [Ғулмуҳжон:] Мени бу ера келтирган найрангбоз қизингизни чақириб эл олдида, эр олдида сўроқ қилишингизни талаб этман. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НАЙРАНГБОЗЛИК** 1 найрангбоз 1 с. *касб оти.*

2 найрангбоз 2 с. *белги оти.*

3 эск. Кўзбоғлаш; фокус. Бозоршабда .. турли-туман найрангбозлик, қизиқчилик .. қилиб бериб, томошабинларни, хусусан, ёш болаларни ҳайрон қолдирар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш урнишлари.

4 кўйма Найрангга асосланган иш, хатти-ҳаракат; найранг. Найрангбозлик қилма.

**НАЙСОН** [ф-т] Ўрта баҳор; апрель ойи. Абри найсон қ. абр.

**НАЙЧА** 1 Кичик ёки ингичка най. У ерда ҳам лабораториядагидай эгри-буғри шиша найчалар, шиша идишлар, ўлчағичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар. С. Анорбоев, Оқсой.

2 махс. Ип ўраладиган найсимон асбоб ёки машина қисми. Бу ернинг бола-

-чақаси тили чиқиб, аввал билган сўзи — арқоқ билан тароғу, найча билан моки. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**НАЙЧАЛАМОҚ** Туғунча ҳосил қилмоқ, тугмоқ (қовун, бодринг, қовоқ ва ш. к. полиз экинлари ҳақида). Бодринг найчалади.

**НАЙЧИ** Най чалувчи созанда. Чалишни билмайман. Катта дадам: «Чалма, сен найчи бўласанми, ёмон кўраман» — дейди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАКАЗ** [р] Сайловчиларнинг ўзлари сайлаган депутат ёки органга берган топшириқлари, талаб ва истақлари. Халқ депутатларига сайловчиларнинг нақазлари.

**НАКИ** с. т. Негаки, нима учун десаңг. Раҳмат, юзга кир, ували-жували бўл, ўғлим .. Шу сўзинг ўзи олтидан аъло. Наки, кўнглимни кўтарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАМ** [ф-т] 1 от Бирор нарса таркибдаги ёки унга шимилган, сингиган сув. Нам емоқ. Нам тортмоқ. Ернинг нами қочибди. ■ Тупроқдаги намни сақлаш чоралари. | Сув. Нам кўрмайин, қақраб бу чўллар, Асрларни кутиб олганлар. Х. Олимжон.

2 сфт Сув шимган; хўл. Нам рўмол. ■ Оёқ остидаги нам тупроқдан инсон учун жуда яқин, қон-қариндошлик иси димоққа уриларди. С. Анорбоев, Оқсой.

◆ Нам юктирмас унча-мунча нарсига парво қилмайдиган, бетаъсир.

**НАМАК** [ф-т] диал. Туз.

**НАМАКОБ** [ф-т] Тузли сув, туз эритилган сув. Намакобда тузланган бодринг. Намакоб бўйиб кетибди. ■ Сигирингизнинг қаничарига темирлатки чиқибди, намакоб суркадим, нос суркадим — бўлмади, пичоқ билан қириб, керосин суркаш керакмиш. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**НАМАТ** [ф-т] Юнган босиб ишланган палос; китиз. || Намат патак. ■ [Нигора] чалининг олдига солинган намат устига оёқларини узатиб ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой.

**НАМГАРЧИЛИК** 1 Ёгин-чочин вақти ва шу вақтдаги захкашлик, лойгарчилик. Қоровулхондаги янги молхонага бориш учун икки томони қинғир-қийшиқ, у ер-бу ери баҳорги намгарчиликда қулаб тушган эски девор билан тўсилган кўчадан ўтилади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ёгин-сочин кўп бўлган, ёгингарчилик. Намгарчилик кўп бўладиган районлар.

**НАМИҚМОҚ** Нам тортмоқ, нам бўйиб қолмоқ. Заҳда сомон намиқиб қолибди. ■ Унинг [Шербекнинг] елкасига ва туртиб чиққан белига тердан намиққан кўйлагги ёпишиб қолган. С. Анорбоев, Оқсой.

**НАМЛАМОҚ** Нам қилмоқ, нам бермоқ, хўлламоқ. Уктамнинг боши қизиб ёнади, тер томчилари манғалайдан юналаб, киприklarини намлайди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**НАМЛАНМОҚ** намламоқ *фл. ўзл.*

ва мажх. н. Намланган рўмол. ■ Унинг [Гулсумнинг] кўз ёши билан намланган киприклари капалак қанотидай силкинди. П. Турсун, Ҳитувчи.

**НАМЛИ** Нами бор; нам, хўл. Намли ва булутли ҳавода ўримчаклар, шилликлар туғилади, шудеордан бошқа озиқ тополмаган сўнг янги ўсиб чиққан ғўзаларни қирққишга бошлайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

**НАМЛИК** 1 айн. нам 1. Тупроқдаги намлик.

2 нам с. белги оти. Қийимни намлигида дазмолламоқ.

**НАМОЁН** [ф-т] Яққол кўриниб турадиган, гавдаланадиган. Намоён бўлмоқ. Намоён қилмоқ. ■ Тонг ёришиди. Бурқиган тутун ва чанг орқали шаҳарнинг хароб гавдаси аста-секин намоён бўлди. Ойбек, Кўёш қораймас. Сайрамов эвенлар ишини, худди ойнада кўриб тургандай яққол намоён қилди. Ойбек, О. в. шабадалар. Келди очилур чоғи ўзлгинг намоён қил, Парчалаб кишиларни ҳар томон паршон қил. Хамза. || Ҳаёт бутун кўркاملги билан улар кўзи олдида намоён. Шухрат, Шинелли йиллар. Айтсам куч оламан дўстлик сўзидан, Бу сўзда ўтилган йиллар намоён. Э. Раҳим.

**НАМОЗ** [ф-т] 1 Мусулмонларнинг кунига беш маҳал қилинадиган ибодатлари мажмуи ва уларнинг ҳар бири. Эрталабки намаз. Кечки намаз. Намоз ўқимоқ. ■ — Мачитни аёлларга клуб қилиб берайлик. Шунча аёл турганда уч-тўртта рўхоний шундай катта бинони банд қилиб ётадими? Беш вақт намозларини ўйларида ўқисалар ҳам бўлаверди, — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳитувчи.

2 Умуман ибодат.

3 Намоз (эркаклар исми).

◆ Намоз кунни ҳайитнинг намаз ўқиладиган биринчи кунни.

**НАМОЗГАР** [ф-т] 1 Кун ботиш олдида ўқиладиган намаз, беш вақт намознинг учинчиси.

2 эск. Кун ботиш олдидаги пайт. Шу кунни намазгаргача .. уруш бўлиб, Асқар понсад оғзидан ўқ ёб ўлибди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НАМОЗГОҲ** [ф-т] Кўп одам йиғиладиган, катта маросимларда намаз ўқиладиган жой.

**НАМОЗЛИК** Тоза, намаз ўқишда кийиладиган кийим.

**НАМОЗХОН** [ф-т] Намоз ўқувчи; намозни қанда қилмайдиган диндор киши. — Қапанчиларда мачит йўқ, — деди Қурбон ота. — Сабаб? — Сабабки, намаз ўқийдиган одам йўқ. Маҳсум чаққонроқ юриб унинг олдида ўтди. — Мачит бўлса намозхон бўлади-да. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НАМОЗШОМ** [ф-т] 1 Кун ботиши билан ўқиладиган намаз, беш вақт намознинг тўртинчиси.

2 эск. Кун ботиб қоронғилик туша бошлаган пайт, қош қорая бошлаган вақт; оқшом. [Тиллабой] олдида қў-

йилган овқатларни хўп еб олгандан кейин, хуфтонни намозшомадаёқ чала-чулла ўқиб олиб, дарров ухлаб қолар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Дилини (ёки кўнглини) **НАМОЗШОМ ҚИЛМОҚ** дилини қоронғи қилмоқ, қаттиқ хафа қилмоқ, ражжитмоқ.

**НАМОЗШОМГУЛ** [ф-т] Гули кечқурун очялиб, эрталаб ёпиладиган кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг оқ, сариғ ёки қизил гули.

**НАМОЙИШ** [ф-т] 1 Бирор маросим ёки байрам муносабати билан ўтказиладиган оммавий юриш. *Биринчи Май намойиши*. | Бирор мақсад билан уюштирилган оммавий юриш, ҳаракат. 1902 йилда Петербург, Москва, Киев .. ва бошқа шаҳарларда стачкалар ва намойишлар бўлди. «ҚПСС тарихи».

2 Тажрибада, амалда кўрсатиш, намоеён қилиш. | *кўчма* Бирор нарсани кўрсатувчи, намоеён қилувчи далил, бирор нарсанинг мужассам ифодаси. *Декада партиямиз ленинга миллий сийсати тантанасининг ёрқин намойиши бўлди.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, 26 февраль. *Денгизга ўхшаш теп-текис ерларда занжирли тракторлар ўз қудратини намойиш қилиб, .. пароходдай сузиб юрарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**НАМОЙИШГОҲ** [ф-т] Намойиш ўтказиладиган жой.

**НАМОЙИШКОРОНА** [ф-т] *реш* Атайин ҳаммага кўрсатиб, очиқдан-очиқ. [Умида] .. биринчи қаторга, Бергернинг шундоқ рўпарасига келиб, курсини намойишкорона тарақлатиб ўтирди. А. Мухтор, Чинор.

**НАМОЙИШЧИ** Намойиш қатнашчиси. Шаҳар кўчаларида намойишчиларнинг кети узилмайди.

**НАМОЯНДА** [ф-т] Бирор ижтимоий гуруҳга ёки соҳага мансуб бўлган шахс; вакил. *Ўзбек адабиёти намояндалари. Фан намояндалари.* — Дин намояндаларида — сохта виқор ва савлат. Ойбек, Қутлуг вилор.

**НАМУНА** [ф-т] 1 Бир турдаги нарсаларнинг шу нарсалар ҳақида тасаввур бера оладиган бир нуسخаси, бўлаги, донаси. *Газлама намунаси. Галла намуналари виставкаси.* | Тимсол, мисол. *Совет Иттифоқи кўп миллатли давлат намунасибир.* — Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг ҳаётини ва ижодий йўли камтарлик, меҳнатсеварлик ва халққа сидқидил хизмат қилишининг ёрқин намунасибир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

2 Ўрнак бўла оладиган, ибрат олса, эргашса арзийдиган шахс ёки нарса; ибрат, ўрнак. *У меҳнатда новатор, ҳаммага намуна. Намуна кўрсатмоқ. Намуна олмоқ. Намуна мактаби.* — *Партиямизнинг жуда катта тарихий таҷрибаси барча мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар учун .. илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилмоқда.* «Қ. Ўзбекистон», 1963, 21 апрель.

**НАМУНАВИЙ** [ф-т] айн. *намунали.* Район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўйи намунавий колхозлар қаторига кўчади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**НАМУНАЛИ** Ўрнак бўла оладиган, ўрнак, ибрат олса бўладиган. *Намунали хўжалик.* || *Қўкламеи чигит ёкишани намунали ўтказиш.* | Ҳаммага ибрат бўлсин учун махсус ташкил этилган, уюштирилган, ўтказилган. *Намунали суд.*

**НАМХУШ** [ф-т] диал. Нямхуш. *Тўйчибой ака шу гапларни айтгунча терлаб кетди, белбоғига қистириқли намхуш рўмолчаси билан юзларини, пешанасини артди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

**НАНАЙ** қ. нанайлар. *Нанай тили.* || *Нанай аёл.*

**НАНАЙЛАР** Амур дарёси водийсида яшувчи кичик халқ.

**НАР** [ф-т] Эркак жинсли зот.

**НАРВОН** [ф-т] Икки ёни ёғоч ва унга маҳкамланган поғоналардан иборат, юқорига қиқш ва тушиш учун ишлатиладиган асбоб; шоти. *Тоғга нарвон қўйиб чиқмоқ.* — *Ўқтам ҳавога — тахта нарвондан болохонага илдам кўтарилди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**НАРГИС** [ф-т] Оқ ёки сариқ гулли кўп йиллик ўт ва унинг чиройли гули.

**НАРЁҚ** Нарғи ёқ, нарғи томон. — *Бувимлар келишимди? Ҳаёт калласи билан «ха» ишорасини қилди-ю, нарёққа ўгирилиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ариқ нарёғидан бошланган полизда қатор-қатор тузилмишган карамлар ой нурида кумушдек товланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**НАРЗАН** [р] Карбонат ангидридли минерал сув.

**НАРИ** *реш* 1 Сўзловчидан ёки сўз бораётган пайт ёки ўриндан узок, олис. *Нари тур. Ҳечқиси йўқ, бир кун нари, бир кун бери.* Вокзалдан нари. Москвадан нари. — *Анварни ўзлари турган маҳалладан бир гузар нари бўлган Солиҳ маҳдумнинг мактабига берди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Қизлар] энди «нари ёт, бери ёт» билан бир-бирларини итариб, суриб кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 (ч. к. билан) кўм. *вазифасида* Кейин; ўтгач. *Мактабдан наримиз, беримиз?*

◆ Кўздан нари одам ёки одамлар назаридан йироқ, холи, панада. *Кўздан нари — кўнгиладан нари.* Мақол. *Нари борса ёки нарис билан ортинги билан, кўпи билан, жуда бўлса. Нариси билан, ўн кунлик иш.* — *У [хотин] истараси иссиққина, нари борса, йиғирма беш ёшларда .. эди.* А. Қаҳхор, Қўшчинор. *Нари олиб бориб, бери олиб келмоқ* роса қийнамоқ, қийнаб ўласи қилмоқ. *Овқат ҳазм бўлмай, мени нари олиб бориб, бери олиб келди.* *Нари турсин у ёқда турсин,*

*тугул. Бизда милтиқ нари турсин, бир косов ҳам йўқлигини ўзингиз яхши биласиз.* Айний, Қуллар. *Ундан нари(га) ажаб бўлибди; ҳечқиси йўқ. Келса келар, келмаса ундан нари(га).*

**НАРИ-БЕРИ** *реш* 1 айн. *наридан-бери.* — *Уйга келгач, электр чойнакда чой қўйиб, нари-бери овқатландик-да, «Қани жўра ҳикоянгени бошла», дедим, — деди Шокиржон.* Ш. Ризо, Қор ёрди, излар босилди.

2 У ёқ-бу ёққа. *Нарсаларни нари-бери сурмоқ.*

◆ **Нари-бери бўлмоқ** айтишиб қолмоқ, орадан гап ўтиб тескарिलाшиб қолмоқ. *Биз у билан нари-бери бўлиб қолдик.*

**НАРИГИ** Сўзловчидан ёки сўз бораётган пайт ёки ўриндан наридаги; узокдаги, олисдаги. *Нариги уй. Нариги ҳафтада борман. Ариқнинг нарис томонига ўтмоқ.* — *Кейин чўқурнинг нарис бетида, эски қоп тағида ётган бир қанча темир погани олиб чиқиб кўрсатди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айюнинг нарис ёнидаги дарича орқали уйга кирилур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**НАРИДАН-БЕРИ** *реш* 1 *Шоша-пиша; енгил-елпи.* [Уста] *бир пиёла чойни наридан-бери ичди-да, ўрнидан турди.* О. Ёқубов, Ларза. У [Сидиқжон] *юраги ғаш бўлди-да, отхонадан отни олиб чиқди, наридан-бери эгарлади-да, .. онасининг кетидан от қўйди.* А. Қаҳхор, Қўшчинор.

2 Чалакам-чатти, чала-чулпа, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» зайлида. *Ҳар қандай масалани ўзбошимчилик билан наридан-бери ҳал қилишга тиришадиган Тожибой, бу сафар бирор кимсанинг маслаҳатига, қўллаб-қўлтиқлашига муҳтож бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**НАРИЁҚ** айн. *нарёқ.* У [Аҳмаджон] *ярим хароба уйнинг муюлишидан чиқиб, катта кўчага қараган эди, нарийёқдан югуриб келаётган ёшигина бир қизил аскарни кўриб қолди.* А. Қаҳхор, Олтин юлдуз.

**НАРКЎЗ** [р < фр] Наркотик модда. *Наркоз бериб операция қилмоқ.*

**НАРКОЗЛАМОҚ** Наркотик модда бериб беҳуш ёки оғриқ сезмайдиган қилмоқ.

**НАРКОТИК** [р] Беҳуш қиладиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган захарли модда (мас., морфий, афъюн, кокаин).

**НАРКОТИК** [р наркотический] Беҳуш қиладиган, ухлатадиган ёки вақтинча оғриқни сездирмайдиган. *Наркотик моддалар.*

**НАРОДНИК** [р] *тар.* Народниклик тарафдори.

**НАРОДНИКЛИК** *тар.* 19 асрнинг иккинчи ярмида Россияда майда буржуазия интеллигенцияси ўртасида пайдо бўлган ва деҳқонларни асосий революцион куч ҳисоблаб, революцияда ишчилар синфининг раҳбарлик ролийи

инкор этган ижтимоий-сиёсий ҳаракат.

**НАРОДОВОЛЕЦ** [р] тар. Народникларнинг «Народная воля» деб аталган яширин ташкилоти аъзоси.

**НАРСА** 1 Ҳар қандай моддий мавжудот; предмет. *Йўлдошнинг кўзи комиссарнинг тўшидаги тангадек қора нарсага тушди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Хотиннинг бериб кетган нарсаси уч-тўрт буқланган бир қоғоз эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ҳаёт, тирикчилик учун зарур ҳар қандай ашё, буюм, маҳсулот. *Ош — яхши нарса.* — *Мана сизда нарса бор экан, сотибсиз, бизда бир нарса ердан бошқа кўзга илминари ҳеч нарса йўқ эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Гражданларнинг ўз меҳнатлари билан топган даромадлари ва жамғарган .. нарсаларга шахсий эгаллик ҳуқуқини қонун қўриқлайди.* «ЎзССР Конституцияси».

3 Умуман ҳар қандай ҳодиса (ган, сўз, ўйин, қуғи, иш, воқеа, ҳодиса ва ш. к.) *Барот полвон дунёда икки нарсани яхши кўрар эди. Биринчиси кураш, иккинчиси ашула.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бегимхон хотини қайта-қайта ўқиди. Гўё хатда ҳамма нарса ёзилган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 с. т. Одам ва умуман жонли мавжудот ёки уларнинг сифатини билдирувчи сўзлар билан, қўлланилиб, уларнинг шу сўзлар ифодалаган тоифага мансублигини ифодалайди. *Сен ёш нарса, қолавер, мен кетай, эртага азон билан колхозга чиқиб кетаман.* Ойдин, Фонарь тагида. *Ўрис амалдорга тегажаклик қилишни унга ким қўйибди? Камбағал нарса чоригини судраб, тинч юрса бўлмасмиди?!* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бир нарса бўлдими?** нима қилди?, нима бўлди? *Сизга бир нарса бўлдими? Ҳеч нарса эмас!* 1) арзирли нарса эмас. *Унга қараганда бу ҳеч нарса эмас;* 2) қийин эмас, осон. *Бу менга ҳеч нарса эмас.*

**НАРХ** [ф-т] Нарсанинг, буюмнинг пуд билан ўлчанадиган қиймати; баҳо. *Ибодилла катта-кичик тароқларнинг нархларини бирма-бир айтди.* Х. Ғулом, Машғал. [Маҳдум домлага:] *Йигирма донанон керак экан. Нархи қанчадан? деб дарров сўраб кел!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. «Холислар» ҳар бир ботмон жўхорици 10 танга нарх қилдилар. Айний, Эсдаликлар. **Нарх қўймоқ** нархини белгиламоқ, баҳо қўймоқ, баҳоламоқ. *Бу молга беш сўм нарх қўйилди.*

**НАРХ-НАВО** [ф-т] Нарх, баҳо; нархлар, баҳолар. *Бозорчилар шаҳарда нарх-навонинг кўтарилаётгани тўғрисида кун сайин янги хабарлар келтирардилар.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**НАРЯД** [р] 1 Бирор ишни бажариш учун бериладиган ёзма ёки оғзак фармойиш ва шу фармойиш расмиёлаштирилган ҳужжат. *Наряд ёзиб бермоқ.* *Нарядга мувофиқ ҳақ тўламоқ.* | Бирор нарса олиш ёки топшириш

учун ёзиб берилган ҳужжат. *Складдан наряд билан мол олмақ.*

2 Ҳарб. Ҳарбий хизматчилар бажарилган ёки бажараётган топшириқ, вазифа. *Нарядда турмоқ.* — *Наряддагилардан бошқаларга дам берилсин, — деди Юрьев, тепалик гарнизонини айланиб чиққандан кейин.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ҳарб. Шундай топшириқни бажарувчи ёки бажараётган ҳарбий хизматчилар группаси. *Соқчилар наряди.* — *Паровоз тумшугига иккита пулемёт ўрнатиб, саккиз кишилик наряд юборилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**НАС** с. т. Наҳс.

**НАСАБ** [а] Келиб чиқиш, насл-насаб. — *Бу насаби пастга итоатни қачон ўқитасиз? — ўшқирди у.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Иброҳим ота ҳикояни бошлашга мажбур бўлди.* «Асл насабимиз — эронлик ўзбек..» Ж. Шарипов, Хоразм.

**НАСИБ** [а] Кишига тақдирда буюрилган хисса, улуш; тақдир. **Насиб бўлмоқ** (ёки **қилмоқ**, **этноқ**) тақдиран буюрилган хиссга муассар бўлмоқ. *Бу ер арш-аъло. Унча-мунчага насиб бўлмайдиган жой.* Ойбек, Қутлуғ қон. *«Ҳай, мен нега уни бевақф уйғотаяман, ким билсин, бу хил уйқу кенжама яна қачон насиб қилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳожид Маккаю Мадина тўғрисида гапирганда, эшон: «Насиб бўлса, биз ҳам борамиз», деб қўйди.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**НАСИБА** [а] 1 Кишининг тақдиран буюрилган ўз хиссаси, улуши. *Ишимдан хурсандман. Энди битта-яримта насибаси қўшилган хотин чиқиб қолса, уйлансам деган уйим ҳам йўқ эмас.* А. Қаххор, Қўшчинор.

2 Умуман хисса, улуш; ризқ. *Бу — сенинг насибанг.* — *Йўлчи бир сўмга ўзи нон-чой ичди-да, оч қорнини бир қадар овутиди, қолганини «Унсининг насибаси» деб белбоққа тугди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Насиба (хотин-қизлар исми).

**НАСИБАЛИ** Насибаси улуғ, ризқи баланд; бахтли.

**НАСИБАСИЗ** Насибаси, толен паст; бахтсиз. *Насибасиз қилмоқ.* *Насибасиз қолмоқ.*

**НАСИМ** [а] кт. 1 Енгил, ёқимли шамол; шабада. *Ариқ бўйлари, толзорлар оралаб учган шабадалар Самарқанд насимидай қайноқ танларга қанот уриб, эркалаб, ором бериб ўтади.* Мирмуҳсин, Умид. *Колонналар тўлиб-тошади, байроқлар баҳор насими билан ўйнашади.* Миртемир.

2 Насим (эркаклар исми).

**НАСИЯ** [а] 1 Нақд пулсиз, пулини кейин тўлаш шари билан бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи; кредит. *Молни насияга олмақ.* *Насияга сотмоқ.* — [Мирзакаримбой:] «Нақд пулга мол чаққон бўлган замонда сиз анча молни насияга сотибсиз. Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай савдо муомаласига мувофиқ тўланадиган пул, қарз. Энди

гап шу: оёқни қаттиқ тиранг. Қозоқлардан насияни тезроқ ундиринг. *дурустми?* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *Кўчма с. т.* Дархол бажарилмайдиган, қилинмайдиган, берилмайдиган. *Бу вағдаларингиз ҳаммаси насия.*

◆ **Насия савдо** амалга ошмайдиган иш; пуч, хом гап. [Мирзариим Мاستураа:] *Кел, насия савдони қўй, нақддан гапирaver!* Ҳамза, Яллагилари иши. **Хайр-маъзури насия қилмоқ** қ. хайр-маъзур.

**НАСИХАТ** [а] Яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айтилган гап; маслаҳат, панд, ўғит. *Оталар насихати. Насихат қилмоқ.* *Насихат бермоқ.* — *Тузалар деб насихатимизни аямадик, вақти келганда дўстона танқид қилдик.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўзингдан бир қўйлак ортиқ йиртган кишининг сўзига қулоқ солсанг, унинг насихатларини тингласанг, албатта, одам бўласан.* С. Айний, Қуллар.

**НАСИХАТГҲЙ** [а + ф-т] Насихат берувчи, насихат қилувчи. **НасихатгҲй одам.** — *Элмурод ҳамма вақт мулоим ва насихатгҲй бу аёлнинг бу қадар ҳаяжонга тушиганини ҳеч қачон кўрмаган эди.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**НАСИХАТГҲЙЛИК** 1 насихатгҲй с. белги оти.

2 Насихат бериш, панд, ўғит-насихат қилиш; ўғит-насихат. *Оқсоқол .. ора-сира чой ҳўлаб ўтириб, насихатгҲйликка ўтди.* П. Турсун, Ҳитувчи.

**НАСИХАТОМУЗ** [а + ф-т] Насихат йўсиндаги, насихат тарзидаги; панд-насихатга ўхшаган. **Насихатомуз гап.** || — Э, э .. қизгинам, қизгинам-э! — *Чол бу сўзларни айтarkan, чуқур уҳ тортиб, насихатомуз изоҳ бера бошлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**НАСИХАТЧИ** айн. насихатгҲй. *Иш битгач, насихатчи кўрар.* Мақол.

**НАСЛ** [а] 1 Бир авлод-аждодга мансуб кишилар уруғи, уларнинг келиб чиқиши, зоти, насаби, таги-тахти. *Наслини суриштирмоқ.* *Наслдан насла ўтмоқ.* *Қазисан — қартасан, асли наслинга тортасан.* Мақол. — *Йигитнинг наслини айбитиб бўлмайди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Келажак авлод, зурриёт. *Нимани мерос қилиб қолдирайин наслимга.* С. Акбарий, Мехриғиё. *Баҳодир насли ҳам бўлмай баҳодир. На мушкул бўлса ҳал қилмоққа қодир.* Ҳабибий.

3 Маълум белги-хусусиятларга эга, бир зотга мансуб ҳайвонлар группаси; уруғ, зот. *Ҳайвонларни дурағайлаб янги насл олиш.* — *Биз от наслини тузатишда ҳам ҳали бир иш қилмадик.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**НАСЛАН** [а] рви Насл эътибори билан, насл жиҳатидан. *Бу йигит биздан наслан анча қорчи туради.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**НАСЛДОР** [а + ф-т] 1 Насли яхши; зотли, зотдор. *Наслдор моллар.* 2 кам қўлл. Таг-тахтли, зодагон. *Тўғонбек шаҳзода хизматида бўлган*

наслдор, обрўли бекларни, мулозимларни четлатиб, тун-кун шахзадога чегарасиз ҳоқимиятга интилган қув, муғомбир руҳининг эҳтиросларини талқин этади. Ойбек, Навоий.

**НАСЛДОШ** [а + ф-т] Насли, зоти бир, бир уругдан таркаган.

**НАСЛИЙ** [а] Наслга оид, наслдан наслга ўтиб борадиган. *Наслий хусусиятлар. Наслий ўзгаришлар.*

**НАСЛЛИ** айн. наслдор I. *Наслли сизирлар.*

**НАСЛ-НАСАБ** айн. насл I. *Насл-насабини суриштирмоқ. — Мутавалли: «Баҳоваддинлик хўжалик насл-насабдан биз билан қандай баравар бўла оладилар ..», дебди. Айний, Эсдаликлар.*

**НАСЛСИЗ** Насл қолдирмайдиган, пушти йўқ. *Хачирлар наслсиз бўлади.*

**НАСЛЧИЛИК** қ. х. Ҳайвонларнинг насллини, зотини яхшилаш.

**НАСОРО** [а] Христиан динига мансуб киши, кишилар; христианлар, насроний. | Христиан дини.

**НАСОС** [р] Суюқлик ёки газни тортиб чиқариш ёки юбориш учун қўлланадиган асбоб, машина. *Велосипед насоси. Ҳаво насоси. Насос билан сув чиқармоқ. — Биламан, нефть насосларини биламан,— деди шошилиб Хусейн. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**Насос станцияси** суюқликни балангликка чиқариб бериш ёки уни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтказиш учун қурилган махсус иншоот.

**НАСР** [а] ад. Прозаик асар, проза; проза жанри. *Назма сифдиrolмагани насрда берибди. Қаерни кўрсатган бўлсам, барини ёзибди. С. Анорбоев, Оксой.*

**НАСРИЙ** [а] Проза жанрига мансуб, прозада ёзилган, прозаик. *Сизнинг насрий асарларингиз, ҳикояларингизда фикр ерқин, тил ўткир ва гўзал сатирик чизиклар бордир. Ойбек, Нур қидириб.*

**НАСРОНИЙ** [а] Христиан динига мансуб киши; насоро.

**НАТИЖА** [а] I Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисадан пировардида келиб чиққан оқибат; иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисадан келиб чиққан кўрсаткич. *Элмурод .. «бўлар иш бўлди. Энди тишини-тишга қўйиб, натижани куттиш керак» деб ўзини овутиди. П. Турсун, Ўқитувчи. | с. т. Фойда, наф; самара. Тўсатдан бошланган ҳужум яхши натижа бермади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 Фикр, муҳокаманинг мантиқий якуни; хулоса. *Натижа чиқармоқ. Натижага келмоқ. — Кўринишдан натижа чиқариб айтганда, бу қизиқ мажлий унинг [Кумуш] учун базм ўрнини эмас, аза жойини тутганди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**НАТИЖАДА** рви Охир оқибатда, пировардида. *Об-ҳаво ёмон келиб, натижада олти-етти кунлик иш йигирма кунга қўзилди.*

**НАТИЖАЛАМОҚ** Натижа чиқармоқ, якун ясамоқ; натижага, хулосага

келмоқ. *Гапни натижаламоқ. Текширувни натижаламоқ.*

**НАТИЖАЛАНМОҚ** натижаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Имтиҳонлар анча қувончли якунлар билан натижаланди. — *Отабекнинг бу синаши ўз фикрининг тўғри бўлиши билан натижаланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**НАТИЖАЛИ** Яхши натижа берган ёки берадиган; самарали. *Натижали иш.*

**НАТИЖАСИЗ** Натижаси йўқ, самарасиз; бенаतिжа. *Натижасиз уриши. — Отабекнинг йша вақтдан сўнгги Марғилон қатнашлари фақат натижасиз қуруққина бир қатнаш эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**НАТРИЙ** [р < лат] Химиявий элемент, кумушсимон юмшоқ ишқорий металл. *Эркин натрий. Натрий бирикмалари.*

**НАТУРА** [р < лат] I Расмга, кинога олиш ва ш. к. учун объект бўлган табиий манзара, нарса, одам ва ш. к. *Натурадан суратга олиш.*

2 эк. Пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот. *Натура билан ҳақ тўлаш.*

**НАТУРАЛ** [р натуральный] I Натура (мол, маҳсулот) билан олинадиган, бериладиган, тўланадиган. *Натурал даромад. Натурал солиқ.*

2 Табиий ҳолатдаги; табиий, асл, ўз. *Жимнинг натурал катталикдаги сурати.*

◆ **Натурал хўжалик** бозорга чиқариб сотиш учун эмас, балки ўз аъзоларининг эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган хўжалик.

**НАТУРАЛИЗМ** [р] Буржуа адабиёти ва санъатида 19 асрнинг 60 йилларида пайдо бўлган ва ижтимоий тараққиёт қонуларини рад этувчи, табиат қонуларини механик равишда ижтимоий тараққиётга кўчиринишга уринувчи оқим.

**НАТУРАЛИСТ** [р] I Табиатни ўрганиш билан шуғулланувчи олим, табиатшунос.

2 Натурализм тарафдори.

**НАТУРАЛИСТИК** [р натуралистический] Натурализмга оид. *Натуралистик философия.*

**НАФ** [а] Бирор иш ёки нарсадан олинган ижобий натижа, таъсир; фойда. *Янги машиналар пахтачиликда жуда катта наф келтирмоқдалар. Наф қилмоқ. Дори ҳеч наф қилмади. — Сенинг бир ҳафта ортиқ ишлаганинг ёки ишлаганингдан менга нима нафу, нима зарар? — деди бой аччиғи келган ҳолда. Айний, Куллар.*

**НАФАР** [а] нумератив с. (фақат шахс-киши билдирувчи сўз билан) Алад. Ёнига тўрт нафар ясовул олиб Султонали йўлга тушди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Амалдор маҳрам Едгорни зиндондан чиқарди, зиндондон унга тўрт нафар қуроли сарбозни соқчи қилиб берди. Айний, Дохунда.

**НАФАРМОН** [ф-т] Оч бинафша, қизғиш бинафша рангли. *Олма гули*

нафармон, Қорхонага чопарман. «Қушиқлар».

**НАФАС** [а] I Ўпкага олинадиган ва ундан чиқариладиган ҳаво; дам, тин. *Сўнги нафас. Оғир нафас олмоқ. — Яна юрак ўйнаб нафас бўғизга тикилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Жуда жабр қилади,— деди Сидиқжон чуқур олган нафасини гап билан бўшатди. А. Қаххор, Қўшчинор. Нафаси ичига тушиб кетди айн. дами ичига тушиб кетди қ. дам I I. Ораларингизда анчагина гап ўтган экан. Шунинг учун ҳам сиз у ерга кириб боришингиз билан нафаслари ичларига тушиб кетган экан. П. Турсун, Ўқитувчи. Шу ҳужрага қамалларингиз Кундузи нафас чиқармайсанлар. Ойбек, Қутлуг қон. — Нафасингни ўчир! — Туф, туф! — деди Бувииссо кўксига туфлаб. П. Турсун, Ўқитувчи. Нафаси узилди ўлди. Эшон Шайхулло дуо ўқир, бемор камлирининг нафаси узилмай ўйига етиб олишини худодан тиларди. Ш. Топматов, Тонгдаги кўланка. Нафасини ростламоқ қ. ростламоқ 2.*

2 *Кўча с. т. Бўлажак иш ҳақида офиздан чиққан гап, изҳор қилинган ният. Ёмон нафас. — [Хадича Дадавойга:] Нафасингизни совуқ қилманг! Уйғун, Навбахор. Нафасингизни иссиқ қилинг. И. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Нафасинг ўзингга урсин ёмон ният қилган, совуқ хабар келтирган кишига нисбатан айтиладиган ибора.*

3 *Жуда қисқа вақт; лаҳза, он. Бир нафасда. Бир нафасга. Нафас ўтмай. — Булути, хомуш оқимои баҳайбат қоп-қора қанотларини уфқлар устиса тез ёйиб келмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи. Мана, Мехринисо она биладилар, онам мени бир нафас олдидан қўзғатгиси келмайди. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

4 *эти. Духсон, азайимхон ва ш. к. солган дам кучи. Уйимизда бир бечора бемор бор, шайтонлаб ётибди, тақсир, бориб дам солиб келинг, шояд нафасингиздан шифо топса. Ойбек, Қутлуг қон.*

**НАФАСДОШ** кам қўлл. айн. ҳамнафас.

**НАФАСЛИК:** бир нафасляк жуда оз вақт давом этадиган, бир лаҳзали. *Бир нафаслик сукунат.*

**НАФАҚА** [а] I Ердам сифатида бериладиган пул; ердам пули.

2 Ўзидан бўлак турадиган хотин ёки эрга (сағир, балоғатга етмаган болаларни учун) ёки меҳнатга яроқсиз ота-онага совет қонуни асосида тўлаб туриладиган таъминот пули; алимент. *Нафақа бермоқ. — Мен шундоқ гумон қилманки, ё болани ташлаб кетгани келган, ё нафақа сўрагани. А. Қаххор, Қўшчинор.*

3 эк. айн. стипендия.

**НАФИС** [а] I Гўзал ва возик, латиф. *Нафис газлама. — Шамол нафис яроқларни узади, ҳавода эркинликда бир-*

пасгина улар билан ўйнашиб, эркалаб, сўнг ерга ташлайди. Ойбек, Қуёш қораймас. Унинг [Қумушининг] нафис қора сочлари орқа-ўненига тўғиб ажиб бир манзара бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Нозик ва ёқимли. Икковининг кўзларида эхтирос чақмоқ чақар, улардан гўё баҳор гулларининг нафис ҳиди анқирди. С. Анорбоев, Оқ-сой.

2 Бадийий жиҳатдан жуда юксак, гўзал ва нозик. *Нафис иш.* — Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тусиз сўзлар йиғиндисидан боқиқча бир нарса ҳам эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 эск. айн. бадийий. *Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб сўради:* — Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

**НАФИСА** [a] 1: санойи нафиса қ, санойий.

2 Нафиса (*хотин-қизлар исми*). **НАФИСЛИК** 1 нафис с белги оти. 2 айн. нафосат.

**НАФОСАТ** [a] кт. Нафислик, гўзаллик, латофат. Табиатнинг сеҳр ва нафосат тўла манзараси. — Замиранинг .. аччиланганда ҳам нафосатини йўқотмайдиган юзи жазманига янада чиройли кўринди шекилли, йиғитширин илжайди. П. Қодирий, Уч илди.

**НАФРАТ** [a] Қаттиқ ғазаб ва жирканиш туйғуси, ғазаб аралаш жирканиш. *Нафрат қилмоқ.* — Бойларнинг бўйинтуруғи остида обдан эзилган, бутун борлиги уларга қарши нафрат билан тўлган, кураш йўлини қидирган бу ақлли йиғитни [Йўлчини] Петров бутун революцион руҳи ва севисига билан тарбиялайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккинчисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё кураши акс этгандек эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Унсин Мирзақаримбой уйдан нафрат қилгани учун, бир маҳаллада бўлишига қарамай, .. сийрак қатнар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАФРАТЛАНМОҚ** Ғазаб аралаш жирканиш, нафрат қилмоқ. *Шербек йиғитнинг юзсизлигидан нафратланди.* С. Анорбоев, Оқсой. *У ерда, одамлар орасида Ҳаётнинг отаси Мадаминхўжа ҳам бу бедодликдан нафратланиб, Ғуломжонга жавдираб қараб туради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НАФРАТЛАНТИРМОҚ** нафратланмоқ фл. орт. н. Бу охишлар, бу кечишлар ўзга вақтларда Отабек учун хузур ва охиқиши бағишлаган бўлсалар, бу гал уни нафратлантирадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**НАФРАТЛИ** 1 Нафрат билан тўлиб тошган; жирканч. *Нафратли хатти-ҳаракат.*

2 Нафрат ифодаловчи. *Маҳкамас қисқа ва нафратли назар ташлади-да, шошима энганди.* П. Қодиров, Уч илди.

**НАФРАТОМУЗ** [a + ф-т] Нафрат

ифодаловчи. *Нихоят ичкаридан Малика чиқди. Эсонга нафратомуз қараб олач, Саломнинг қўлидан ушлади:* — *Кетса кетавермайдим, нима қиласиз ялиниб?* — деди у. Х. Аҳмар, Қим ҳақ?

**НАФС** [a] 1 Ейиш-ичишга, мол-дунёга бўлган эхтирос. *Қўзинг оғриси, қўлингни тий, ичинг оғриси, нафсингни тий.* Мақол. *Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладир.* Мақол. **Нафс бандаси** нафсидан бошқани ўйламайдиган. — *Нафс бандаси .. Биров шидан келса, сиз ошдан келасиз,* — деди Мели полвон жаҳли чиқиб. П. Турсун, Уқитувчи. **Нафси бузуқ** (ёки ёмон) овқатдан сира қайтмайдиган, нафсини тия олмайдиган; хирсли. *Нафси бузуқ ҳайитда ўлар.* Мақол. **Нафси ўлик** (ёки тийиқ) нафсини тия оладиган, ҳар нарсага суқ билан қарайвермайдиган. **Нафсига ўт туши** нафси ҳаддан ташқари авж олди; нафси ҳақкалак отди.

2 Шаҳвоний хирс. [*Фотима ўз-ўзига:*] .. *Бундай ўз нафсларига берилган зотлар бировнинг ҳалол хотинига кўз тикиб, ҳаётда ҳеч бўлмаган ёлгон сўзларни қилиб, ширингина бир турмушни бузмоқчи бўладилар.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

◆ **Нафси олинди** (ёки оғриди) нафсониятига теғди, кўнгли оғриди. *Бундан нафси олинган Соли ота жаҳлига чиқолмай, олдига дўмбиллаб юрган набирасини уйдан қувди.* С. Абдуқаҳор, Олтин водийларни кезганда. У [Ғуломжон] нафси оғриган киши товуши билан қулфи дилини очди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НАФСАМБИР** с. т. Нафсилар. *Бошдан оёқ янгидан иш бошлаган колхоз ёшларининг бу ғайрати, нафсамбирга, ҳайратда қоларли эди.* М. Жўра, Ўшдан нур эмганлар.

**НАФСИЗ** Фойдасиз, бекфойда.

**НАФСИЛАМР** [a] 1 Ҳақиқатга мос; тўғри, рост. — *Бэ-э-э, гўрнимни, тақсир!* — деди Сафар бўзчи, — *у гапни қўйинг, нафсиламр гап яхши.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. — *Уни қаранг, нафсиламрини айтганда, ота-бобомизнинг замонида ҳам бунақанги пахтани ҳеч ким кўрмаган,* — деди Шермат. Х.Нуъмон, Фаслар.

2 кири с. Ҳақиқатда, ҳақиқатан ҳам. *Нафсиламрга, насия жаннатдан кўра бир отим нос афзал!* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. — *Нафсиламр, гапигиз жуда тўғри ..* — деди Йўлчи. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАФСОНИЯТ** [a] Кишининг ўз назаридаги қадр-қиммати, обрў-этибори; иззати нафс. *Бўтабой ака, масалага кенгроқ, нафсониятга берилмай, холисроқ қараш керак бўлар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Барот полвон мингбошига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Айниқса иззатини билмаган деб ўйқирши нафсониятига теғди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НАФТАЛИН** [p < грек] Ўткир ҳидли оқ кристалл модда (техникада ва куя

дори сифатида қўлланади). *Билдим, аммам сандиқ очяпти .. Кўп ўтмай нафталин ҳиди анқиб турган кўйлакни ёзиб, ёнимга келди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

**НАХ** с. т. Нақ. — *Бу бир ит!* — деди уста Фарфи. — *Томдаги луқмани ўзи ҳам ёлмайди, бошқага ҳам едирмайди, нах итнинг ўзи!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [*Холмат Қодирқулга:*] *Яхши ҳам келганим, йўқса зиёфат деб нах жанонагизнинг тепасидан чиқар эканман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** [p < ингел] Айрим шахс ёки бирлашмамага қаршили ишлаб чиқариш қуроли ва воситаларини, фабрика, завод ва банкларни, ер ва бошқаларни давлат мулкига айлантириш, давлат ихтиёрига олиш. *Ерни национализация қилиши.*

**НАЧАЛЬНИК** [p] Бошчилик, раҳбарлик қилувчи ходим; бошлик. *Цех начальниги.* — *Застава начальниги ўрнанишган хонга шамол тезлигида учиб келган Эркин начальниги қаршида энтикиб-энткикиб гапирга бошлади.* А. Раҳмат, Варракчи чол.

**НАША** [a] 1 Поясидан тола, уруғидан ёғ олинадиган баланд бўйли техника ўсимлиги.

2 Шу ўсимликнинг ширасидан тайёрланадиган, кайф берадиган наркотик модда. *Қийими исқирт бу девона нашани кўп чекиб мияси айниганидан оғзига келган гапни қайтармай алжирар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уришлари.

◆ **Наша қилмоқ** қаттиқ таъсир этмок, таажжубга солмоқ; айил ботмок. *Аширнинг гапи Хўжабековага наша қилди. Хахолоб кулди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**НАШАВАНД** [a + ф-т] Наша чекувчи; банги.

**НАШАВАНДЛИК** Наша чекиш; бангилик. *Отам қилмаган шўхлик йўқ бўлса керак. Қимор ўйнаган, улоқ чопган, нашавандлик қилган .. дейишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НАШАПОЯ** [a + ф-т] 1 Нашанинг пояси.

2 Наша экилган жой, майдон. **НАШАТИРЬ** [p нашатирь] 1 Аммоний хлорид, рангсиз кристалл модда, навшадил (техника ва медицинада қўлланади). || **Нашатирь спирт** аммиакнинг сувдаги ўн процентли эритмаси.

2 с. т. Нашатирь спирт.

**НАШВАТИ** Нокнинг сершира, сувли, сариқ, қизил ёки сарғиш кўк йирик нави. | Бир турли нок дарахти.

**НАШИДА** [a] поэт. Қўшиқ, ғимн. *Баҳорнинг кўнгулларни аллаловчи нашидаси.* — *Кеча ғазаб билан юмилган лаблар, Бугун куйламоқда шўк нацидасин.* Ғ. Ғулом.

**НАШР** [a] 1 Босма асар чоп қилиш, чиқариш. *Қиёмобни нашрга бермоқ. Нашрга тайёрламоқ. Нашр этмок (қилмок).*



2 Босма асар. СССР Фанлар академияси нашири.

3 Босма асарнинг ҳар бир чиқарилиши ёки тури. *Китобнинг тўзатишган ва тўлдирилган нашири.* Илмий нашир. В. И. Ленин асарларининг тўртинчи нашири.

**НАШРИЁТ** [а] Босма асарлар тайёрлаш ва нашр этиш билан шуғулланувчи муассаса. «Фан» наشريёти. *Фафур Фулом номидаги наشريёт.*

**НАШРИЁТЧИ** Наشريёт ходими.

**НАШРИЁТЧИЛИҚ** Босма асарлар тайёрлаш ва нашр этиш иши. *Наشريётчилик кундан кунга қулоч ёймоқда.*

**НАШТАР** [ф-т] айв. ништар.

**НАШЪА** [а] поэт. Эстетик лаззат, хузур, гашт. *Ҳар шининг ўзига яраша нашъаси бор.* ■ Далаларнинг нашъасин уй ичиге билан сурдинг, Ўз бойлигине ўзингда, ишрат, сафолар қурдинг. *Ғайратий. Нашъа қилмоқ* 1) лаззат олмақ, хузур қилмоқ, гашт қилмоқ; 2) айв. наша қилмоқ қ. наша. *Саломнинг гапи борган сари унга кўпроқ нашъа қилар эди.* Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

**НАШЪАЛИ** поэт. Нашъа, хузур бағишловчи, гаштли. *Узоқ вақт жанг оловларида уйқусиз, хатарли кунларни ўтказган бу йигит учун .. сой бўйлари янада нашъали ва оромбахш туюлар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**НАШЪУ:** нашъу намо 1) юқори даражадаги эстетик лаззат, хузур, гашт. *Ҳаётнинг нашъу намолари.* ■ *Хоҳласа каклик ови қиларди.* Шундай нашъу намо билан яшарди. П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) эск. кт. тараққиёт, ривож, гуллаш. *Ҳаётнинг нашъу намоси адолат нурига боғлиқ.* Ойбек, Навоий.

**НАЪЛ** [а] эск. кт. айв. нағал.

**НАЪЛАТ** с. т. Лаънат.

**НАЪМАТАҚ** [ф-т] 1 Раънонинг бир тури.

2 Шу раънонинг қизил доривор меваси.

**НАЪРА** [а] Ларзали, ваҳимали қаттиқ овоз. *Бомбардимон кучайгандан кучайиб борди.* Унга узоқча отар замбаракларнинг наъраси қўшилди. Шўҳрат, Шинелли йиллар. *Қўкрагидан отилиб чиққан қўдратли наъра узоқ-узоқларга таралади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Наъра тортмоқ (ёки урмоқ)* ларзали товуш чиқармоқ. *Сен кетган сўнг бир озроқ уруш қилдим, Наъра тортиб мен ҳам майдонда турдим.* «Алпомиш».

**НАЯКИ** [ф-т] Най орқали чекиш; най билан тортиб чекиладиган. *Найки қилмоқ.* ■ *Уч йил ичида у [Мама-раим] кирмаган кўча қолмади.* *Наякинни ўрганди, қора дори еди, таякларга кириб кўкнори ичди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о.

**НАҚ** [а] рви 1 Айтилганнинг, кўзда тутилганнинг ўзгинаси; худди, айни.— *Отангизга раҳмат, Юсвали*

*тоға!* — деди бошини қимирлатиб Мели полвон.— *Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз!* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Лениннинг нақ ўзи юборган энг катта командир ҳақидаги хушхабарни яхшироқ яшатиш учун жим қулоқ солиб туришарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. | Қоқ, дол, худди. *Нақ ярим кечада. Нақ шу пайтда.* | *Оз бўлмаса. Нақ йиқила эдим.*

2 Роса, обдан. *Баҳорда чунонам қўш тортдики жонвор қорабайирни нақ .. терга тушириб борди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о.

3 Йўқ эса, бўлмаса, акс ҳолда. [*Самоварчи*] .. *товушини баланд қўйиб, ўзича валдирар эди:* «.. Ҳой, аравақаш бола, отингни торт, нақ тезагини дўппингга солиб бераман!» Ойбек, Қўтлуғ қон.

**НАҚАДАР** 1 олми Миқдор-даража мазмунидаги шарт эргаш гапни бош гап билан боғлаш учун хизмат қилади; маъно ва функцияси жиҳатидан «қай даражада», «қанчалик» сўзларига тўғри келади. *Бу кунларда Сидиқжон нақадар хурсанд бўлса, Канизак шу қадар хафа.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 рви Қандай, қанчалик. *Элмурод янги мактаб биноси қишлоқ тарихида нақадар улғу иш эканлигини, бу улғу ишга озми-кўпми ўз меҳнати синганини ўйлаб ўзидан-ўзи гурурланди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Тошкент тонг-отари нақадар ёғал.* Ғайратий.

**НАҚАРОТ** [а] Қўшиқнинг ҳар бир бандидан кейин қайтарилдиган қисми. *Юрагимга ишқинг уруғини Билсанг эдинг экканлигингни. Қалбимнинг ийх, саз қўшигининг Нақароти эканлигинни.* Х. Салоҳ.

**НАҚБ** [а] Ер тагидан қавланган йўл. *Мўғуллар аксари ер остидан нақб қазиб шаҳарга кириб олар, ўз аскарларига дарвозани очиб берар эдилар.* М. Осим, Ҳўрор.

**НАҚД** [а] 1 Пулни дарҳол тўлаш шарти билан бўлган ёки бўладиган савдо муомаласи. *Нақдга олмоқ. Нақдга сотмоқ.*

2 Қўлда, ихтиёрда бор, фойдаланиш ёки муомалага киритиш учун тайёр. *Нақд пул. Нақд қилмоқ.* ■ — *Бўлди, адаш, бўлди!* — деди Қолянинг олдига борган Қўдрат дўпписини осмонга ташлаб. *Рухсат .. арава ҳам нақд!* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сойма-сой жилиб, ерларни бир-бирига қўша-қўша, ҳозир эллик гектарни нақд қилдик.* Х. Назир, Маёқ сари.

**НАҚДИНА** [ф-т < а] эск. кт. Нақд пул. *Уғлим, энди бозор-ўчарнинг ҳам пайдидан бўлинг .. Нақдина пул — ҳам енгил, ҳам қиммат, ҳам яширишга осон бўлади.* Ф. Фулом, Шум бола.

**НАҚЛ** [а] 1 Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; ривоят. *Нақларга, қўшиқча, ривоятларга, Мақолларга, эртакка, ҳикоятларга Мен ум-*

*римда жуда кўп қулоқ осибман.* Шайхзода.

2 Умуман бирор кимса, нарса ёки унинг тарихи ҳақидаги гап, ҳикоя.— *Тўхтаман, мен сизга бу тельба аёлнинг нақлини айтиб берай.*— *деди ота ..* Х. Фулом, Машъал. *Умарқул Тўлқин билан Учқунни икки ёнига ўтқазиб олиб, саёҳатини нақл эта бошлади.* Х. Фулом, Машъал.

3 Халқ томонидан яратилган ҳикматли гап. *Халқимизда «Ҳисобини билмаган ҳамёндан айрилади» деган нақл бор.*

**НАҚЎИЁТ** [а] эск. 1 Халқ ҳўжалигининг юк, одам ва ш. к. ташиш билан боғлиқ бўлган тармоғи; транспорт. *Нақўиёт ширкати. Нақўиёт воситалари.*

2 Юк, одам ташиш. *У вақтларда ҳали темир йўл қурилмаган, шунинг учун нақўиёт фақат тўя карвони билан Қизил қум чўли орқали амалга оширилди.* Айний, Эсдалиқлар.

**НАҚШ** [а] Уйиб ёки буюёқ билан ишланган гул, безак. *Нафис нақшлар билан безатилган бина.* ■ *Гавҳар ойна устига солинган катта бир йўма нақш олида Маҳкамни тўхтатди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

◆ **Нақш олма** олманинг рангдор ва қизғиш йўллари бўлган бир тури. *Адолат бутунлай ўзариб кетганга ўхшайди, юзи ойдек тўйлиб, нақш олмадек қизариб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**НАҚШДОР** [а+ф-т] Нақш солинган, нақш билан безатилган, нақшланган; нақшли, нақшинкор, нақшкор, нақшин. *Шипи шарқча нақшдор уй, нақшлари эскириб, ранги хираланган, лекин ҳали диққатни тортарли ҳолда.* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Бир гал Давлатёр билан Элмурод қишлоқ оралаб кетаётганларида бир нақшдор дарвоза очилди-ю, озгин бир йигит от етаклаб чиқди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**НАҚШИН** [ф-т < а] айв. нақшдор. *Шомга яқин шу нақшин дарвоза тағиза «Форд» машинаси келиб тўхтади.* Х. Фулом, Машъал. *Қаторасиза бирдан иккинчисига қирадиган тўртта катта-кичик нақшин уй олдига баҳаво бир шийпон.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар.

**НАҚШИНКОР** [ф-т] айв. нақшдор. *Нақшинкор уй. Нақшинкор кўза.*

**НАҚШКОР** [ф-т < а] айв. нақшдор. *Олимхон эллиқбошининг кўнглидагидай зиёфат: жиҳозларга бой, ёғзал, нақшкор меҳмонхонада ўтиради, яна .. дондор бойвачча билан суҳбат!* Ойбек, Қўтлуғ қон.

2 айв. наққош. *Нақшикор уста.*

**НАҚШЛАМОҚ** Нақш бермоқ, нақш бериб безамоқ. *Деворларни нақшламоқ.*

**НАҚШЛАНМОҚ** нақшламоқ *фл. мажҳ. н.* Ҳовуздан йигирма қадамлар нарида тўрт томони очиқ, устунлари чиройли нақшланган.. *каттагина шийпон.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**НАҚШЛИ** айн. нақшдор. Саҳни торроқ, лекин тўрт томони уй-айвонлар билан ўралган ташқари ҳовлидаги нақшли.. меҳмонхонанинг бирида қат-қат шоҳи кўрпачаларда, иссиқ танчага суқилиб Мирзақаримбой ўтирар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НАҚҚОШ** [а] Нақш ишловчи, нақшкор уста. Кўзим жимирлаб кетди, Нақшларига қарасам. Дейдилар Уста Ширин Наққошини сўрасам. Қ. Муҳаммадий.

**НАҒАЛ** [а наъл] Оёқ кийимининг пошнасига ёки таг чарми учига қоқиладиган тақача. Ботинка нағалининг кўча тошларига урилиб чақиллаши эшитилди-ю, Маҳкамнинг хаёли бўлинди. П. Қодиров, Уч илди.

**НАҒМА** [а] 1 Лабда юргизиб пуфлаб чалинадиган музыка асбоби. Болалар тарқалишади. Қоровой нағмасини чадади. Витязя беради. Р. Файзий, Сен егим эмассан.

2 эск. Куй, музыка. Тол шоҳларини тўлдирган паррандалар нағмаси ҳам ортиқчалик қилди. Х. Ғуллом, Машғал. [Қомил:] Бу хушнуд нағмалардан бе-насиб бўлмаг, деб аташин уйғотдим, бир эшитиб қолин! О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим.

3 кўчма салб. Ортиқча қилиқ, хархаша. Э, бу одамнинг нағмаси кўпга ўхшаб қолди. Уйғун, Хуррият. У [Ибодилла] дорини ишлатдимни бас, турли-туман нағма чиқаради. Ж. Шарипов, Хоразм.

4 кўчма с. т. Ортиқча ташвиш, дахмаза, икир-чикир. Тўйнинг нағмаси кўп бўлар экан.

**НАҒМАГАР** [а+ф-т] диал. Созанда, музикачи. Чавандозлар катта унум қилади. Қирқ кунгача узмай тўйни беради, Уйинчи, нағмагар бари келади. «Алпомиш».

**НАҒМАЧИ** 1 Нағма чалувчи со-занда.

2 эск. Умуман музикачи.  
**НАҲ:** наҳ урмоқ ёмонлаб қадрини пастга урмоқ, ерга урмоқ, камситмоқ. Камбағал, қашшоқни наҳ уриб келдинг, Бойликнинг домасин бизларга қилдинг. «Фольклор».

**НАҲАЛ** диал. Нағал. Аламга чи-далмаган бири пошнасига наҳал қоқилган калта кўнжгли этиги билан бошига тепди. В. Ғофуров, Вафодор.

**НАҲАНГ** [ф-т] 1 айн. ақула.— За-миндорларга қарам бўлгандан кўра, наҳанг оғзига бош суққан яхши,— деди Абдулқодир ух тортиб. Ойбек, Нур қидириб.

2 кўчма Ёиртқич, юлғич; одамхўр. У [Анорхон] наҳанг, сен лаққа.. Раис-лик муҳринг билан бирга ютиб юбо-ради. И. Раҳим, Ихлос.

3 айн. балиқ йили қ. балиқ 3.  
**НАҲВ** [а] эск. айн. синтаксис.  
**НАҲВИЙ** [а] эск. айн. синтактик.  
**НАҲОР** [а] 1 Кундуз, кундуз кун. Лайлу наҳор кеча-кундуз. Сени соғин-ганда лайлу наҳорлар, Остона тубида бўлдим интизор. Т. Тўла.

2 Тонг ёришган пайт; эрта тонг. Қолхоз хазиначисин кўли-қўлига тег-мас, Танда каби уланур оқшомига на-ҳори. Ғ. Ғуллом. Кўз тутуди далада баҳор, .. Кутмақадир эл туриб на-ҳор. Х. Олимжон.

3 кўчма Эрта нонушадан олдин, нонушта қилмай, оч қоринга. Наҳор юрмоқ. Наҳорга дори ичмоқ.

**НАҲОРИ** [ф-т<а] айн. наҳорлик. [Ғулжон:] Жиндак наҳори қилайлик, шояд хордиқларингиз чиқса. Ҳамза, Яллагилар иши.

**НАҲОРЛИК** Эрталабки овқат; но-нушта. Эрталаб Аҳмад Хусайн бир пиёла чой ва бир бурда чапати билан наҳорлик қилиб ўрнидан турди. Ой-бек, Нур қидириб.

**НАҲОТ(КИ)** юкл. Сўроқ ва таажуб-шубҳа маъносини билдиради. Наҳот ўғлимга ўшандек қаттиқликни раво кўрсам! А. Қаҳҳор, Кўшчинор. [Сифат бую:] Айланай қизим, наҳотки бошингга давлат қуши кўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**НАҲР** [а] эск. кт. айн. дарё. Ёвнинг умидлари соерилади кўчка, Сен кечиб ўтганда Одер наҳридан. Жаҳоннинг тақдири тўғри ҳал бўлди, Сен мағрур ўтганда душман шаҳридан. Уйғун. Қулоғимга номинг кирганда, Қумлик каби ташна боқурман. Сенинг жаннат водийларингдан Наҳрлардай тўлиб оқурман. Х. Олимжон.

**НАҲРУЛҲАЁТ** [а] эск. кт. Ҳаёт дарёси.

**НАҲС** [а] 1 дин. Ғулс қилмаган, нопок. Наҳс босган ёки наҳсда қолган ғулс қилмаган.— Менинг ҳолимга раҳм қилинг, хўжайин! — Сен наҳсда қол-гансан. Сенга ёрдам қилишинг фойдаси йўқ. Айний, Дохунда. Чолнинг газаби тутатди. Уғлини шум қадам, наҳс босган» деб сўқди. Ойбек, О. в. шабада-лар.

2 сўк. Ифлос, нопок.— Бўлиб қол-динг, наҳс! — дейди Мирвали банги,— етти отаненинг ўраси ҳам бунчалик бугдойни кўрмаган. А. Қодирий, Обид кетмон. | Разил, палид. Йўқ бўл наҳс-лар, шумғиялар! Ҳамза.

3 кўчма с. т. Иши олдинга босма-ган, юришмаган. [Муллаўст:] Бу дунё ҳамма ёғидан бизни сафар қочди қилган, ўшанинг учун эллик тўртта кирибманки, иқболим наҳс, фалокат-дан сира ажролмайти. Ҳамза, Майса-ранинг иши.

**НЕ** сўр. олми 1 Нарса-предмет ха-қида сўроқни ифодалайди; нима? Сенга не бўлди? — Энди сенга нелар айта-йин? Х. Олимжон. Не дейди сенинг ўсган ерининг? «Ғўрўғли».

2 Белги ҳақида сўроқни билдиради; қандай? Не айби бор?

3 Маъно кучайтириш учун қўлла-нади. Акам содда деҳқон ўнгитга ўх-шайди, содда бўлгани яхши. Негаки, шумларнинг қўлига тушиб, не боло-ларга гирифтор бўлдим. Ойбек, Қут-луғ қон. [Қодирқул:] Мен учун не бахт-

ли кундирки, тўраимиз, қоронғи қул-бамни ёритдилар! Ҳамза, Бой ила хиз-матчи.

**НЕВАРА** айн. набира. Қелинлар далада; неваралар боқча ва яслида, ҳовли жимжит. И. Раҳим, Чин му-хаббат.

**НЕВАРА-ЧЕВАРА** Набира(лар) ва чевара(лар).

**НЕВРОЗ** [р<грек] мед. Марказий нерв системасининг касаллиги. Уму-мий невроз. Юрак неврози.

**НЕВРОЛОГ** [р<грек] Нерв система-сини ўрганувчи мутахассис.

**НЕВРОЛОГИК** [р неврологический] Неврологияга, нерв касалликларига оид. Неврологик клиника.

**НЕВРОЛОГИЯ** [р<грек] мед. Нерв системасининг тузилиши ва унинг фао-лияти ҳақидаги фан.

**НЕВРОПАТОЛОГ** [р<грек] Невро-патология мутахассиси, врач.

**НЕВРОПАТОЛОГИЯ** [р<грек] мед. Нерв системаси касалликлари ҳақидаги фан.

**НЕГА** сўр. олми 1 Ҳаракат ёки ҳо-дисанинг сабаби ҳақида сўроқни ифо-далайди; нима учун? Қани ростини айтчи, нега кўнмисизсан? А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Риторик сўроқли гапларда сўз-ловчининг айтилган ёки кўзда тутил-ган ҳаракат, ходиса ва ш. к.ларга салбий муносабатини билдиради. Ғам, кўрқув титроғи билан эзилган Ғулнор кўрпага ўралиб ўйлади. Нега кеча қочмадим? Ойбек, Қутлуғ қон. Мен айтаман, болам, кўлимдан шунча иш келар экан, даданг ҳаёт вақтида «нега берсанг ёйман, урсанг ўламан» деб ўтир-ган эканман! А. Қаҳҳор, Кўшчи-нор.

◆ **Нега денг** (ёки десанг) чунки, са-баби шуки. Маслаҳатга ҳаммаси чақ-қон. Нега десанг, маслаҳатга ўйлик осон нарса-де: тили қимирлайди, холос. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НЕГАДИР** ум. олми Ҳаракат ёки ходиса сабабининг ноаниқлигини бил-диради; нима сабабдандир, нима учун-дир. У негадир келмади. — Негадир бу кишининг ўзи ҳам, совғаси ҳам Навоийга ёқмаган эди. М. Осим, Сехрли сўз. Отабек тасдиқ ишорасини берган; не-гадир бир энтиқиб қўйди. А. Қоди-рий, Утган кунлар.

**НЕГАКИ** сабаб боғл. Сабаб шуки, чунки. Негаки, ҳозирда менинг кўз ёшларимгина эмас, бутун борлиғим сиёҳдир. А. Қодирий, Утган кунлар. Яхши ишласам, албатта, чакки бўл-майди. Негаки, булар қариндошларим, ҳаммадан юлсалар ҳам, менам юлмас-лар. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НЕГАТИВ** I [р<лат] Оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ бўлиб тушган фото тасвир ва шундай тасвир туши-рилган пластинка ёки плёнка. Ўқни позитив. Негативдан позитивга сурат кўчириш.

**НЕГАТИВ** II [р негативный] Оқ ўрнига қора, қора ўрнига оқ туширил-

ган; шундай фотосурат олиш учун ишлатиладиган. *Негатив сурат.*

**НЕГИЗ** 1 Бирор нарсанинг ҳамма устки қисмлар: ни тутиб, кўтариб турадиган остки қисми; фундамент, пойдевор.— *Ал-атта янги усуда,— дейди татар,— негизи ўн қаторча пишик ғишт, юқориси хом ғишт.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бирор нарсанинг асосини ташкил этган омил; база, асос. *Совет тузумининг иқтисодий негизи. Мамлакатни индустриаллаштириш негизда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш.*

3 Лнғв. Сўзнинг асосий маъносини билдирувчи, сўз ўзгартувчи қўшимчалар олмаган қисми. *Негиз ва қўшимча.*

**НЕГР** [р<исп] қ. негрлар. *Негр халқи.* || *Негр аёл.*

**НЕГРЛАР** Африканинг туб аҳолисини ташкил этувчи қора танли халқ; занжи; ҳабаш.

**НЕЙЛОН** [р<ингл] Сунъий тола ва шу толадан тўқилган газлама. *Товони қора нейлон пайпоқ чиқибди, ҳай қизлар, ким кўрди?* А. Мухтор, Туғилиш.

**НЕЙТРАЛ** [р нейтральный<лат] 1 Уруш қатнашчиларининг бирортасига ҳам қўшилмайдиган, бетараф. *Нейтрал давлатлар.*

2 Халқаро битимга асосан ҳарбий тўқнашувлар ва ҳарбий куч тўплашман этилган. *Нейтрал зондан ўтиб сойга тушдим. Атрофга кўз ташласам, нариқоқда шерикларим кўринди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

3 хим. Кислотали реакция ҳам, ишқорли реакция ҳам бермайдиган. *Нейтрал эритма.*

**НЕЙТРАЛЛАМОҚ** 1 Нейтрал, бетараф қилмоқ. *Армияни нейтралламоқ. Давлатни нейтралламоқ.*

2 хим. Ишқор таъсирида кислоталик хусусиятини ёки кислота таъсирида ишқорлик хусусиятини йўқотмоқ.

**НЕЙТРАЛЛАМОҚ** *нейтралламоқ* фл. ўзл. н. *Нейтралланиш реакцияси.*

**НЕЙТРОН** [р<лат] физ. Атом ядроси таркибидаги электр зарядидан холи бўлган зарра.

**НЕКБАХТ** [ф-т] эск. кт. Толен баянд, бахтли.

**НЕКБИН** [ф-т] кт. Ҳар нарсани яхши томондан кўрувчи, келажакка ишонувчи; оптимист. *Унинг тақдири ҳақида энг некбин бўлган Ҳайдар ҳожси, энди бадбинликка тушиб хатлар ёзди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**НЕКИ** эск. айн. *нимаики.* [Навоий:] *Халойиқ нафъидур ҳар неки билдик, Халойиқ билса бас ҳар неки қилдик.* Уйғун И. Султон, Навоий.

**НЕКРОЛОГ** [р<грек] Бирор шахсининг вафоти муносабати билан унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган мақола, таъзиҳнома.

**НЕККАДАМ** [ф-т+а] кт. Бахт келтирувчи, шарофатли (одам ҳақида).

**НЕМИС** [р немец] қ. немислар. *Немис тили. Немис халқи.* || *Немис аёл.*

**НЕМИСЛАР** Германиянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

**НЕМИСЧА** 1 Германияга, немис халқига, унинг алифбеси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Немисча ёзув.*

2 Немис тили. *Сиз немисча(ни) биласизми? Немисча гапирмоқ. Бу ўртоғим немисча билар экан, ҳозир жуда мавриди келганга ўхшаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**НЕ-НЕ** Қўп ва хилма-хил; қанчадан-қанча. *Маллаҳондан бери яшайман, болам, не-не хонларнинг, не-не бекларнинг отларини кўрганман; не-не отлар ўз қўлимдан ҳам ўтган. Аммо, бу отжон экан. Ойбек, Қутлуг қон. Улар не-не хатарли жангда Бирга ўтга кирди ёнма-ён.* З. Обидов.

**НЕНЕЦ** қ. *ненецлар. Ненец халқи. Ненец тили.* || *Ненец аёл.*

**НЕНЕЦЛАР** Ненец, Ямал-ненец ва Таймир миллий округларининг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ.

**НЕОКОЛОНИАЛИЗМ** [р] Империалистик давлатларнинг жуда наздик йўллар, хийла-найранглр билан қўллаётган янгича мустамалакчилик сиёсатлари, халқларни асоратга солишнинг жуда усталик билан ниқобланган янги формаси.

**НЕОЛИТ** [р<грек] археол. Тош асирининг энг кейинги даври.

**НЕОЛИТИК** [р неолитический] Неолитга оид. *Сергей Павловичнинг кўп ишлари Урта Осиё, Қозғистон ва ҳатто қўшни мамлакатларнинг неолитик ёдгорликларини текширишда туртки бўлиб ҳисобланди.* И. Жабборов, Кўхна харобалар сирри.

**НЕОЛОГИЗМ** [р<грек] лингв. Тилда янги пайдо бўлган сўз ёки сўз бирикмаси.

**НЕОН** [р<грек] Химиявий элемент, ҳаво таркибиде бўладиган рангсиз ва хидисиз газ (электр лампочкалари, сигнал, реклама ва ш. к. ёритиш асбобларини тўлдирши учун ишлатилади). || *Неон лампа.*

**НЕППА-НОЗИН** *диал.* Нозандек. *Энди у [Қудрат] ўн бешга кирган, рус тилини неппа-нозин билиб олган эди.* М. Исmoilий, Фарғона т. о.

**НЕПТЎН** [р<лат] (Н — *катта*) Қуёш системасининг саккизинчиси катта планетаси.

**НЕПТЎНИЙ** [р<лат] Табиий ураниннинг парчаланишидан ҳосил бўладиган кумушсимон радиоактив элемент.

**НЕРВ** [р<лат] 1 *анат., физиол.* Бош ва орқа миядан барча аъзоларга тарқалган ва уларнинг фаолиятини бошқариб турадиган жуда ингичка асаб томирлари системаси ва шу томирларнинг ҳар бири; асаб. *Кўриш нерви. Ҳаракатлантурувчи нервлар. Нерв системаси. Нерв тўқималари.*

2 Организм фаолияти ва инсон ҳатти-ҳаракатларини ўз ичига олган шундай системалар мажмуи.

**НЕСТ-НОБУД** [ф-т]: нест-нобуд бўлмоқ бекорга йўқ бўлиб кетмоқ; нобуд

бўлмоқ. *Ҳосилнинг нест-нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Нест-нобуд қилмоқ бекорга йўқ қилмоқ; нобуд қилмоқ. Олтиндан ҳам қиммат қоқ олтин» ўз вақтида ва нест-нобуд қилинмай йиғиб-териб олинди.*

**НЕТАЙ** *позт.* Нима қилай, начора. *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик ўлмай жудо бўлганга йиғлайман. Ҳамза. Сўрамай-нетмай 1) сўрамай-сурит-тирмай; 2) сўроқсиз, бесўроқ.*

**НЕТТО** [р<итал] Молнинг, товарнинг қоп-ндийдан ташқари соф оғирлиги; акси *брутто. Нетто — беш килограмм.*

**НЕФРАТ** 1 [р<грек] мед. Буйрак яллиғланиши.

**НЕФРИТ** II [р<грек] Яшил ёки оқ рангли минерал.

**НЕФТИ** Нефть саноати ишчиси, мутахассиси.

**НЕФТЬ** [ф-т] Ёқилғи сифатида ишлатиладиган ва турли маҳсулотлар (мас., керосин, бензин) олинадиган кўнғир ёки қора ёсимон суюқ минерал модда. *Боқу нефти. Нефть билан ишлайдиган двигателъ. Нефть саноати.*

**НЕЧА** *сўр. олми* 1 Сон-миқдор ҳақида сўроқни билдиради; қанча? *Қостюм неча сўм туради? Соат неча бўлди? Заводда неча йил ишладингиз? Бир неча одам. Бир неча вақт. Москва неча марта боргансиз? Мен буни сенга неча марта айтдим!* — *Хон жанобидан сўрайдирсан бир неча тилакларим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ҳис-ҳаяжонни билдирувчи гапларда миқдорнинг сон-саноксизлигини, кўплигини билдиради. [*Холмат:*] *Мен сизнинг ишқингизда неча йилдан бери куйиб юрибман-а. Энди бундан ортқ чидаша ҳеч тоқатим йўқ. Ҳамза, Ким ўғри?*

**НЕЧА-НЕЧА** Бир неча, анча-мунча кўп. *Тўйга неча-неча эркак ва аёл келиб кетди.* — *Сидиқжонни... қолхозга тортишга неча-неча ҳаракат қилди: тушунтирди, ваъда берди, яхши гапириб ҳам кўрди, ёмон гапириб ҳам кўрди — фойдаси бўлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НЕЧАНЧИ** *сўр. олми* Предметнинг тартиб ўрни ҳақидаги сўроқни билдиради. *Нечанчи синфда ўқийсиз? Нечанчи қаватда турасиз?*

**НЕЧИК** 1 *сўр. олми* Белги ҳақидаги сўроқни билдиради; қандай?, қанақа? *Сизни нечик шамол учирди?* — *Қулоқ солгин подон қўзим, сўзимга, Нечик энди айшу шират айлайин?* «Равшан».

2 *гум. олми* Сабаб ҳақидаги сўроқни билдиради; нима учун?, нима сабабдан? *Шу кечаси нечикдир унда бўш вақтларини бундан сўнғ ёзиш-чизиш ишига сарф қилиш фикри қўзғалди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

♦ *Ҳар нечик ҳар қалай, ҳар ҳолда. Ҳар нечик иш дуруст бўлиб қолди.*

**НЕЧОВ** *сўр. олми Шахс, киши сони ҳақидаги сўроқни билдиради. Сизлар нечов?* || *От суриб бу майдон ичра турарман, Сендай нечовларнинг додин берарман.* «Ширин билан Шакар».

**НЕЧОҒЛИК** *раш* 1 Нақадар, қанчалик, қандай. Ишнинг нечоғлик қийинлигини билсанг эди. Қўрдингми, нечоғлик ҳушёр бўлиш керак. — *Нечоғлик ўзини қаттиқ ушлаган Кумуш ҳам сирини жишира олмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *боғл. вазифасида* Миқдор, даража мазмундаги гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қиладди, бунда эргаш гапнинг кесмини шарт майли формасида бўлади. *Ҳожининг бу сўзи Ўзбек оймга нечоғлик еққан бўлса, Отабекни шу қадар ерга қаратган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**НЕЧТА** *сўр. олми* Дона, миқдор ҳақидаги сўроқни билдиради. *Нечта китобинг бор?* — *Арава бордими?* — *деди Урмонжон каттакон рўмолчаси билан юзини, бўйинини артиб.* — *Нечта арава борди?* А. Қаҳхор, Қўшчинор.  
**НЕЧУК** *с. т.* Нечик? Аҳволингиз нечук? Нечук, шунчи ҳам билмайсиз?  
**НЕЧУККИМ** *эск.* Негаки?, чунки?  
**НЕЧУН** Нима учун?, нима сабабдан?, нега?

**НЕЪМАТ** [а] 1 Табиат инъом этган егулик нарсалар; ноз-неъматлар. *Ширин меваларга ўрганган оғизларига бу ернинг қордон неъматлари ёқмади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Эзгу иш, яхши нарса. *Бўлакка неъмати васлинг фаровон айладиңг кетдинг.* Муқимий.

3 Неъмат (эркаклар исми).

**НИВЕЛИР** [р<фр] геод. Ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан ўлчайдиган асбо.

**НИВЕЛИРОВКА** [р] геод. Ернинг паст-баландлигини бирор нуқтага нисбатан аниқлаш.

**НИВЕЛИРОВКАЧИ** Нивелировка қилувчи мутахассис.

**НИВХ** қ. нивхлар. *Нивх тили. Нивх халқи.* || *Нивх амл.*

**НИВХЛАР** Аёл этагида ва Сахалин оролида яшовчи халқ.

**НИГИЛИЗМ** [р<лат] 19 асрнинг 60 йилларида рус разnochице-интеллигенцияси орасида вужудга келган, дворянларнинг традиция ва урф-одатларига, крепостнойликка садбий муносабатда бўлган оқим.

**НИГИЛИСТ** [р] Нигилизм тарафдори.

**НИГИЛИСТЙК** [р нигилистический] Нигилизм ва нигилистга оид. *Нигилистик қарашлар.*

**НИГИН** [ф-т] фольк. айн. узук. *Энди Равшанбек кўзининг ёшини артиб, шундай нигинга қараса, нигининг юзида хати бор.* «Равшан».

**НИГОР** [ф-т] 1 Севгили; гўзал. *Қўнғлида гўё нигори келади, ҳаётбахш узори уни бахтиёр қиладди.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о. *Ёнимда бўлсанг, нигор, жонни айлардим нисор.* Ё. Мирза.

2 Нигор (*хотин-қизлар исми*).  
**НИГОРОН** [ф-т] Зориқиб-толиқиб, интизор бўлиб кутувчи. *Нигорон кўзлар.* *Нигорон бўлмақ.* — *Ҳаёт шоҳлар орасида нигорон бўлиб ўтирган ёрини кўрди-ю, қалбида оғир чўккан дардлири тарқалгандай, шукроналик билан жилмайди.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

**НИГОҲ** [ф-т] Кўз қарashi; назар, боқиш, қараш. *Сайр этади гулзор аро Ери билан у гоҳида. Ҳавас ўти ёнар дарров йўлчилар нигоҳида.* «Кўшиқлар». *Майна бу бошиқларга рўмолини сал кўтариб, бир нигоҳ ташлади.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**НИДО** [а] *кт.* 1 Бирор кайфиятни, хис-туйғунини ифодаловчи овоз, товуш. — *Қаёқданам бу балага йўлиқдим, уф-ф,— Ҳужабеконнинг кўкрагидан тубсиз пушаймон нидоси узилиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *эск.* Чақириқ, даъват, ундов.  
**НИЁЗ** [ф-т] 1 *эск. кт.* Ёлвориш, ўтиниш. *Мен бандайи бечора дуо бирла ниёзин Оламнинг Амири шоҳи даворини айтин.* Ҳ. Фулом, Машъал.

2 *кам қўлл.* Хайр-садақа.

3 Ниёз (эркаклар исми).

**НИЗО** [а] Ўзаро келишимчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат; ихтилоф, ниφοқ. *Давлатлар ўртасидаги низолар.* *Миллий низолар.* *Низо солмоқ.* *Низо уруғини сочмоқ.* *Орадан низоларни кўтармоқ.* — *Мукулмонқул ўз гарази йўлида орада йўқ низоларни қўзғаб кубеи Шералихонни ўлдирди, гуноҳсиз Муродхонни шаҳид этди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**НИЗОЛАШМОҚ** Адоват, ихтилоф, ниφοқ туфайли ўзаро жанжаллашмоқ.

**НИЗОЛИ** Низога сабаб бўладиган, ихтилоф туғдирадиган, ниφοқ соладиган; жанжалли. *Низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилмоқ.*

**НИЗОМ** [а] 1 Маълум иш, масала бўйича қонун-қондалар, тартиблар мажмуи. *Сайлов тўғрисидаги низоми.* *Қиличбозлик низоми.* — *У уруш низомини билади.* Айний, Қуллар.

2 *эск. айн. устас.* Бухоро ҳукуматининг ҳарбий низомига кўра бузилган қуроли сарбоз ўз пулига тўзатиши лозим эди. Айний, Дохунда.

3 *эск.* Саф, қатор. *Низом тортмоқ.* — *Низом тортиб қизил аскар, Бухорога келадир.* «Фольклор».

4 Низом (эркаклар исми).  
**НИЗОМНОМА** [а+ф-т] айн. низоми, 2.

**НИКЕЛЛАМОҚ** Никель югуртирмоқ, никель билан қошламоқ. *Қоватни никелламоқ.*

**НИКЕЛЛАНМОҚ** никелламоқ *фл. мажх. н.* *Никелланган самовар.*

**НИКЕЛЬ** [р<нем] Химиявий элемент, эриши қийин, ҳавода ўзгармайдиган, ялтироқ қаттиқ металл.

**НИКОТИН** [р] Тамаки таркибида бўладиган наркотик модда.

**НИКОҲ** [а] 1 *дин.* Эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш

маросими ва шу маросимда домудла томонидан ўқитиладиган шартнома. *Никоҳ ўқимоқ.* — *Қиз никоҳ, ва унинг эртаси бўладиган бутун можарони кўз олдида келтириб, аммасининг оёғига йиқилди.* А. Қаҳхор, Қўшчинор.

2 Эр-хотиннинг юридик равишда расмийлаштирилган оилавий иттифоқи; эр-хотинлик. *Никоҳ тўғрисида гувоҳнома.*

**НИКОҲЛАМОҚ** *дин.* Оилавий иттифоқни, эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштиришмоқ, никоҳ ўқимоқ. — *Бўлар иш бўлеан, мени қиморбоз никоҳлаб олган эди...* — *деди Ҳожил хола.* М. Исмоиллий, Фаргона т. о.

**НИКОҲЛИ** *дин.* Никоҳлаб олинган, никоҳ ўқиб расмийлаштирилган. *Никоҳли хотин.*

**НИКОҲСИЗ** *дин.* Никоҳ қилинмаган, эр-хотинлиги никоҳ ўқиб расмийлаштирилмаган. *Никоҳсиз хотин.*

**НИЛ** [ф-т] 1 Баъзи ўсимликлардан химик йўл билан ажратиб олинладиган кўк бўёқ, олтин ранг билан товландиган кўк кристалл модда.

2 Кўзга сурма, юзга ясама хол қўйиш учун қўлланиладиган мис сурмачўп. *Чиройлироқ хотин-қизларни ва ёш йўлларни чўмилтирганда жуда катта аҳамият берилаар...* қошлари терилар, кўзларига сурма ва юзларига нил билан ясама холлар қўйилар эди. Айний, Қуллар.

◆ Бўёқнинг нилими? қ. бўёқчи.

**НИЛГУН** [ф-т] *эск. кт.* Нил ранг; мовий, кўк, ниллий. *Полвонлар қадамига осмон пая, Жарангар бош устида нилгун фазо.* Ғ. Фулом.

**НИЛИЙ** [ф-т] айн. нилгун.  
**НИЛУФАР** [ф-т] 1 Йирик баргли, чиройли катта-катта оқ гулли кўп йиллик сув ўсимлиги.

2 Нилуфар (*хотин-қизлар исми*).  
**НИМ** [ф-т] Ярим, нисф. У, ним қоронғи уй ўртасида чақанча этгани ҳолда, бир нималар деб шивирлар... эди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очик лаби титради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**НИМА** *сўр. олми* 1 Предмет, воқеа-ходиса ҳақида сўроқни ифодалайди. *Бу нима? Нима янгилик бор? Сизга нима керак эди? Отингиз нима?* || *Тошкентдан нималар келтирдингиз, бек ака?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нима гап?* воқеа нимадан иборат? *Нима учун?* қ. учун. *Нима бўлди?*

1) *айн. нима қилди? Унеа нима бўлди?*; 2) қандай натижа билан тугади, *Иш нима бўлди? Нима қиламан (қиласан, қилади)* менга (сенга, унга) нима кераги бор, бошимга ураманми. *Мен бунчи нима қиламан? Нима қиласан ёлгон гапириб?* — *Ҳўй, у [Йўқчи] тентакни қўтқазиб нима қиласан, жиян?* Ойбек, Қўтлуғ қон. *Нима қилди?* не бўлди?, қандай ҳодисага йўлиқди? *Сизга нима қилди?* | Риторик сўроқли гапларда инкор маъносини

билдиради. Дунёни сув босса, ўрдакка нима қайғу? Мақол. — Юрт ишига ғамхўрлик қиладиган одамлар бор. Санларга нима. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Белги ҳақида сўроқни билдиради; қандай? Нима гуноҳ қилдим? Ойбек, Қутлуғ қон. Марғилонга нима юмуш билан келган эдингиз? А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Нима қилай қандай қилай, на чора, илож қанча. Гапга кўнмаса нима қилай.

3 Қариндошлик муносабатлари маъносида «ким» ўрнида ишлатилади. У менинг нимага бўлади? Сиз Қаримнинг нимаси бўласиз?

4 Сўроқ гапларнинг бошида умумий сўроқни билдирувчи сўз-гап сифатида келиб, сўроқни кучайтиради, таъкидлайди. Нима, мадрасани битиртириб мачитга имом қиласизми? М. Исмоилий, Фарғона т. о.— Нима, бирон нарса тушиб қолдими? — бепарво сўради Салим. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Бир нима қ. бир. Нимаси? сўзловчининг бирор нарса ёки хатти-ҳаракатдан таажубланганлигини ёки норозилигини билдиради. Қанизак билан ўйнашганинг ўйнашган, Сидиқжоннинг хотинини чақиртириб икковини уриштирганнинг, Анзират хола бечорани урдирганинг нимаси? А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Нимасини айтасан (ёки айтасиз)? кириш. с. қани-я, қани энди.

**НИМАГА** сўр. олми Сабаб ҳақида сўроқни билдиради; нега?, нима учун?, нима сабабдан? Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз? Ойбек, Қутлуғ қон. [Чол:] Нимага бунақа қилганини биласизми бунинг? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НИМАГАКИ** эрг. боғл. Нима учун десангиз, шунинг учунки, чунки. Хурсанд бўлиш керак, нимагаки бугун қишлоғимизга уяз [уезд] ҳокими Фшман тўра келадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НИМАКИ** нисб. олми Қандай нарса бўлмасин, нима бўлмасин ҳаммаси. Дўстлар нимаки топсалар, баҳам кўришади. — Нимаки қилсанг тилак, Барига ўқши керак. Қ. Муҳаммадий.

**НИМАРСА** эск. айн. нарса. [Абдушукур:] Ука, менинча, гафлатдасан, ўқимаганликдан бўлса керак, фикринг кўп нимарсалардан ҳали ғофил. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НИМДОШ** [ф-т] Кийилиб, тутилиб анчагина эскирган (асосан кийим ҳақида). Бир кунни кечга томон Умурзоқ аканинг эски кўрғончаси олдидан нимдошгина солдат шинели кийган одам пайдо бўлади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Қуз кечаси... Совуқ шамол баданни тиканли тили билан тирнар, нимдош кийимдан ўтиб санчар ва қалтиратар эди. Н. Мақсудий, Лайлатулкадр.

**НИМЖОН** [ф-т] Куч-қуввати йўқ; заиф, нозик. У [Анзират хола] олмишларга бориб қолган, нимжон, юзи

жуда буришган бўлса ҳам қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ҳали ўзини тутиб олмаган, яхши ривожланмаган. Қатор-қатор ўтқазилган ёш ва нимжон ниҳоллар эндигина яроқ қижарган эдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**НИМКОСА** [ф-т] Кичик коса. У чиқариб кўкнор халтасин, Нимкосада ээди оғуни. Аввал «култ-култ» ютди анчасин, Сўнг ялади бори-ўғғини. Р. Файзий.

◆ Коса тагида нимкоса бирор гап, иш-ҳаракат ва ш. к. заминда яширинган гап ёки нарса ҳақида. Темир Акбарович коса тагидаги нимкосага энди тушунди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**НИМПОШНА** [ф-т] Паст пошна. || Нимпошна этик.

**НИМПУШТИ** [ф-т] Оч пушти. Нимпушти гуллар.

**НИМРАНГ** [ф-т] 1 Ранги оч, оч ранг. Ёз кунлари маҳдумнинг боғчаси оқ, нирманг, ола-зангор, малла-ложувард ва бошқа тус капалакларнинг ялт-юлт училлари билан алоҳида бир кўринишга кирарди. А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

2 Узумнинг бир тури.

**НИМТА** [ф-т] Сўйилган мол ёки қўй танасининг бўйлама ярми. Ҳамма ёқ кўрбоши. Ҳозир билса, нимта қилади. Йўқол, кўрмайин ҳам, қўймайин ҳам! Ш. Тожматов, Эрк қуши. Темиртош яқиндаги бир мўғулни мўлжалга олиб, ўнг томонидан от солди, етиб бориб, унинг чап елкасига қилич урди, мўғул икки нимта бўлиб, отининг оёғи остига тушди. М. Осим, Ўтрор.

**НИМТАЛАМОҚ** 1 Сўйилган мол ёки қўй танасини бўйлама икки тенг қисмга ажратмоқ.

2 кўнма Парча-парча қилмоқ, парчалаб ташламоқ. Майдон-майдон отин елсин фарзандим, Душманни нимталаб бўлсин фарзандим. «Равшан».

**НИМТАЛАНМОҚ** нимталамоқ фл. мажҳ. н. Нимталанган қўй.

**НИМТА-НИМТА** Бўлак-бўлак, парча-парча. Узинг мардсан Гиротингни елгансан, Фаним бўлса нимта-нимта бўлгансан. «Равшан».

**НИМТАТИР** 1 Унча куюқ эмас, аччиқ эмас, суюқ (дамланган чой ҳақида).

2 Унча ўткир, шўр эмас (намакоб ҳақида).

**НИМХУШК** [ф-т] Бир оз нами бор, намроқ, хўлроқ. Нимхушк тупроқ.

**НИМЧА** 1 Қўйлақ устидан, костюм, камзул ичидан кийиладиган енгисиз ва ёқасиз калта ва ихчам кийим (асосан хотинлар кияди). Эғнида узун қизил шоҳи қўйлақ, кимхоб нимча, бошида шафтоли ранг ёрқин товланган ипақ дуррана. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 эск. Тахминан 400 граммга яқин бўлган оғирлик ўлчови. Нимча гўшт.

**НИМЧИЛИК** Яхши ривожланмаган, ўсмаган; заиф, нимжон, мажмағил.— Сизга нима бўлди ўзи, сап-са-

рик, нимчилик-қу. Ё анави ўғил болани оламизми, кўхликкина экан,— деди жувон эрига. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Бу ерда экин ғовлаган, бўйга зўр беран эмас ва оч ерда ўсган ёки парваришсиз қолган ўсимликдек пакана, нимчилик эмас. Ойбек, О. в. шабадалар.

**НИМЧОРАК** [ф-т] эск. Саккиздан бир, чоракнинг ярми. Нимчорак қадоқ чой.

**НИНА** айн. игна. Шакархоннинг ангишвонаси тешилиб, бармоғига нима кириб кетмаганда, кўшиқ тоғз отгунча янграши турган гап эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Чиндан колхознинг нимасига теккан бўлса, туя қилиб нўлатаман. Биласан-ку, қаттиқ қўллимни! С. Анорбоев, Оқсой.

**НИНИ** бол. Янги туғилган бола, чақалоқ.

**НИППЕЛЬ** [р<ингл] Трубопровод ва шлангларда ҳаво, газ ва ш. к. йўлини маҳкам бекитиб турадиган деталь. Велосипед камерасининг ниппели. Радиатор ниппели.

**НИСБАТ** [а] 1 Нарсаларнинг бир-бирига нисбатан катта-кичиклиги, оз-кўплиги ва ш. к. Қучлар нисбати. — Улуғ Ватан урушида қатнашадиган кучларнинг нисбати, мақсади кун сайин илмий асосда тушунтириб борилиши керак. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 мат. Бир соннинг иккинчи сонга нисбатан қиёсий катталиги, бир соннинг иккинчи сонга бўлинмаси. Икки микдор ўртасидаги нисбат.

◆ Феъл нисбатлари грам. иш-ҳаракат билан бажарувчи шахс орасидаги муносабатни кўрсатувчи феъл формалари. Феълнинг ўзлик нисбати. Феълнинг орттирма нисбати. Нисбат бермоқ бирор кимса ёки нарсага олиб бориб боғламоқ. Менинг жунунима Мажнунни бермангиз нисбат. Нодира.

**НИСБАТАН** [а] рвш 1 Бошқаларига қиёсан; қиёсан олганда. Деворсиз боғнинг шимол томони чақалакзор бўлгани учун уни нисбатан озроқ кум босган. Айний, Эсдалиқлар.

2 кўм. вазифасида Айириб, таъкидлаб кўрсатишни ифодалайди; қараганда, кўра. Маҳкамнинг босиқлиги эса уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди. П. Қодиров, Уч илдиш. Қасий денгизиде пароходлар қатнови баҳорга нисбатан кўнайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 кўм. вазифасида Ҳаракат-ҳолатнинг нимага, кимга қаратилганлигини, муносабатини билдиради. Унсиннинг юраги акасининг юраги каби, Гулорга нисбатан тоза ҳам самимий. Ойбек, Қутлуғ қон. Элмуроднинг кўнгида, энди чола нисбатан бўлаан ҳалиги нафрат ўчиб, унинг ўрнига аянча ўхшаш бир сезги пайдо бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**НИСБИЙ** [а] 1 Бошқаларга қиёсан олинган ёки белгиланадиган, қиёсий, солиштирма. Пахтанинг нисбий намлиги. Жойнинг нисбий баландлиги. 1

Ташқи шароит, муҳит билан боғлиқ равишда ўзгарадиган; шартли. *Нисбий тушунча. Нисбий ҳақиқат (филос.)*.

2 *линв.* Нисбат, муносабат билдирувчи. *Нисбий сифат. Нисбий оллош. НИСБИЙЛИК 1 нисбий 1 с. белги оши. Тушунчаларнинг нисбийлиги.*

2 *айн.* нисбият.

**НИСБИЯТ** [а] Нисбий катталиклар, муносабатлар мажмуи; нисбийлик. *Атомлар ичиде электрон, протон ошлаган, нисбият назарияси ёзилди, нашр этилган бир вақтда буюк Ленин марксизмни давом эттириб, ривожлантириб, янги поғонага кўтарди.* «Диалектик материалнинг масалалари».

**НИСОР** [а] эск. кт. 1 *айн.* **Курбон.** Ёринга, эй нисор, вафо қил, Жонингни эт нисор, вафо қил. Ё. Мирза.

2 *айн.* **чочик** II 2. [Навоий:] Ташақкур билдириб наққошингизга, Нисор этсам бу зарни бошингизга. Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**НИСФ** [а] эск. кт. *айн.* **ярим.** Агар берсам мунга гаҳар тахтимни Оққиз, бўлмас, билгин, нисфи баҳоси. «Равшан». Чамаси, нисфи шаб асноси, дўстим деб, ёнида қиз, Султонлининг уйига келган. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**НИТРАТ** [р<грек] Азот кислотасининг тузи.

**НИТРОГЛИЦЕРИН** [р<грек] Азот ва сульфат кислотаси билан глицериндан ҳосил бўладиган ёсимон қуюқ мой (портловчи модда, дори сифатида ҳам қўлланилади).

**НИТРОН** [р<грек] Жун ўрнида ишлагилдиган пишқ сунъий тола.

**НИФОҚ** [а] Келишмовчилик, ихтилоф, низо, жанжал. *Амирлик рутбасини қабул қилсам, баъзи улуг зотларнинг кўнгли ранжур. Орада бехуда сўз кўнаюр. Дўстлик ўрнига нифоқ вужданга келур.* Ойбек, Навоий. *Нигора билан Шербекнинг ораларига нифоқ солишда унинг ҳам қўли бордир.* С. Анорбоев, Оқсой.

**НИФОҚЧИ** Нифоқ туғдирувчи, нифоқ, низо солувчи; ғаламис. || *Нифоқчи одам.* — *Партия .. бир ҳовуч нифоқчилар ва фракциячиларни тор-мор келтириб ва улоқтириб ташлаб, ўз сафларини тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаб олди.* «Қ. Ўзбекистон», 1959, № 30.

**НИЩЕЧИ** Нищечилик тарафдори.

**НИЩЕЧИЛИК** Имперализм дарида юзага келган, ўта индивидуализм ва «хаммадан юқори одам» ғоясини олдинга сурган, фашизм идеологиясининг асосларидан бири бўлган реакциянинг философик оқими.

**НИШ** [ф-т] 1 Ўткир нарсанинг учи; найза. *Қайнаётган қазига ниш урмақ.* — *Кўк стрелкаларнинг шаҳара, тепаликлар ва катта йўللарга қаратилган найзалари .. ханжар нишдай армия мудофасига санчибат турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Газандаларнинг чаққанда санчадиган азбоси; ништар. *Йўлда чаён*

*ташбақадек дўстига, урди бир-икки нишини нўстига.* Ҳамза.

3 Эндигина униб чиққан ўсимлик ёки куртак. *Тупроқни кўтариб турган ниш ғўза тагини аста кавлаб кўрсам, илдизи чирий бошлади.* С. Маҳкамов, Шогирд. *Аввал экинларнинг ниш уришидан хирмонгача бўлган жараённи тўрт кўз бўлиб кузатган бўлса, энди кишиларнинг қалбини, қарашини руҳини ўргана бошлади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 Тухумнинг учигади ўткир бўртиги, холи.

**НИШАБ** [ф-т] Юзанинг бирор томонга қиялиги; қиялик даражаси. || *Нишаб ер.* — *Янги қамиш босиб лой билан сувалган томчининг нишаби ҳовли томонда.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

♦ **Нишабини ўзига оғдирмоқ** (ёки **тўғриламоқ**) фойдани, тушумни ўз томонига қаратмоқ. *Гулдор... Мирзақаримбой хонадонига бошиқ бўлиб кеккайсин, ҳеч ким билан сўзлашмасин, туғсин, бойликнинг нишабини ўз томонига тўғриласин!.. У жуда шайтон хотин.* Ойбек, Қутлуг қон.

**НИШОЛДА** Тухумнинг оқини етмак билан кўпиртириб ва шакар қиёми қўшиб тайёрланадиган кўпиксимон қуюқ оқ ширинлик. *Ота .. нишолдага нон ботирар, самоварчи унга гулдор нишлада иссиқ, хушбўй чой узатиб турар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**НИШОЛДАЧИ** Нишолда қилувчи ва сотувчи.

**НИШОН** [ф-т] 1 Атайлаб қўйилган ёки табиий белги; аломат. *Боланинг ўнг бетига нишони бор.* — *Техник .. домланинг дарвозасига қизил нишон қўйиб кетди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Бирор нарсанинг изи, асари. *Кечаги ёмғирдан нишон ҳам қолмаган, хушбўй шабада, дилхуи манзара, оромижон табиат.* И. Раҳим, Ихлос. *Кубань бўйларидан изладим сени. Утди туну кунлар, тоғладим нишон.* Т. Тўла. | Бирор нарсдан дарак ёки далолат берувчи белги. *Ясовуллар садоқат нишони кўрсатдилар.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. *Бу байроқ ҳар бир жангчи учун шон-шараф белгиси .. ғалаба нишони.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Ўқ узиш учун мўлжалга олинган нарса; қора. *Ўқни нишонга бехато урмақ. Нишонга олмақ.* — *Тўғри қилгансиз, деб уни қўлтиқлади комиссар,— жангчининг онги қайралса, ўқи нишонга бехато тегадиган бўлади.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Кўчма* Бирор гап қаратилган объект; мўлжал. *Иноят сўзининг нишонга бориб тегаётганидан мамнун.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

4 эск. Орден; медал. *Кўкрагида яқинда олган Меҳнат Қизил Байроқ нишони.* Э. Раҳим, Янги қадам.

5 Нишон (эркаклар исми).

**НИШОНА** [ф-т] 1 *айн.* нишон 1, 2. *Шукуржоннинг .. қўйида куйган буг-*

*дой ранг юзида қандайдир теран бир қайғунинг нишонаси бор эди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Бек ва амир амалдорининг нарида туриб шивир-шивир қилаётганликларини Ҳасан овчи ёмонликдан нишонга деб тушунди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Меваали дарахтнинг биринчи марта қилган меваси. *Олма нишонга қилди.* — *Ҳали нишонга қилмаган мевани ҳисобга киритасанми? Аввал тарбия қил, гулласин, ундан кейин мевасига сават тўқисанг арзийди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**НИШОНДОР** [ф-т] эск. *айн.* **орденли.** *Топиб бахту саодат қиз-йигитлар бизда меҳнатдан, Нишондор бўлдилар кўллар, бу унвон илму фандандир.* М. Ҳасанова.

**НИШОНЛАМОҚ** 1 Байрам, қутлуг кун ва ш. кнн тантана билан ўтказмоқ, муносиб совғалар билан кутиб олмақ. *Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрамини меҳнат зафарлари билан нишонламоқ.* Тугилган кунни нишонламоқ.

2 Белги, нишон қўймоқ, белгилamoқ. *Ер этилгандан кейин отам жўяқлар жойини нишонлаб берди.* Айний, Эсдаликлар.

**НИШОНЛАНМОҚ** нишонламоқ *фл. мажх. н.* *Кун ботиб борар, лекин кўчаларда ясанган одамлар дарёси устида ҳамон қизил байроқлар қанот ёйиб сузар эди.* Бу тарихий кун ана шундай нишонланди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**НИШТАР** [ф-т] 1 Жарроҳларнинг кескир асбоби.

2 Умуман ўткир ва санчиладиган нарса. *Душман заиф жойдан ништар уради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ништардан ачиқ ботди Темирдан бўлган жавоб.* Ғайратий.

3 *айн.* **ниш** 2. *Чаён захарли ништарини бир гал ўртанча бармогининг учига, иккинчи марта кўрсаткич бармоғига санчиб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**НИШХҲҲРТ** [ф-т] Мол овқатининг қолдиғи.

♦ **Нишхўртга чиқармоқ** чиқитга чиқармоқ; исроф қилмоқ.

**НИЯТ** [а] Кўнгилдаги истак-орзу, аҳд, мақсад. *Яхши ният — ёрти мол.* Мақол. — *Ожизамиз билан мурзо Анварнинг тўйларини қилмоқ нияти-миз бор эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. [Охун:] *Беш-ўн қоғозни белимга тугиб, уст-бошимни бут қилиб, юртимга жўнаб кетай дегандим, ниятга ета олмай турибман.* Ойбек, Қутлуг қон.

**НИҚОБ** [а] 1 Ўзини танитмаслик ёки ҳимоя қилиш учун юзга тўтилдиган, кийиладиган нарса; маска, *Қарнавал ниқоби.* — *Унгул қазиевтаган бояқшиларнинг юзлари чақмоқдан яра, ғулла бўлиб кетибди, шуни тугиб олиб ишлашсин деб қилдим,— деди Қудрат, темир ниқобни чолларга узатиб.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Эй*



моҳитоб, очгил ниқоб, Қарнавалда янгарар соз. Т. Ғула.

2 кўчма Ҳақиқатни, ҳақиқий ҳол, қиёфа ва ш. к.ни пардаловчи, яширувчи нарса, восита. *Ниқобини олмоқ.* — [Руднев:] Олдин соқоли бўлмаган. *Ҳозир бўлса, соқол унинг учун бир ниқоб.* Н. Сафаров, Уйғониш. [Мутавалли] юзидаги ғазаб ва норозилик аломатларини жўрттага йўқотиб ясама шодлик ниқобини кийиб олибди. Айний, Эсдалиқлар. Бу ҳол [Ҳомиднинг] сирини очар, юзидаги ниқобини олишига, рақиблар шайх юзма-юз келишига мажбур этар эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

**НИҚОБДОР** [a+ф-т] айн. **ниқобли**. **НИҚОБЛАМОҚ** 1 Ниқоб тутиб таъниб, билди бўлмайдиган, кўринмайдиган қилмоқ. *Сувонжон қопқонни ингнинг шундай олдинасига, тулки бошини чиқариши билан бир парча гўшти н кўрдидан қилиб ўрнатди. Ут-чўп билан ниқоблади.* С. Аноров, Оқсой.

2 кўчма Яширмақ, пардаламоқ.

**НИҚОБЛАНМОҚ** **ниқобламоқ** *фл. мажх.* н. Ниқобланган душман. — Йўлда ҳарбий юк ва аскар ортан машиналарнинг кети қарийб узилмас эди. Уларнинг ҳаммаси шохлар билан жуда моҳирона ниқобланган. Ойбек, Қуёш қораймас.

**НИҚОБЛИ** Ниқоби бор, ниқоб кийган, ниқобланган.

**НИҚАЛАМОҚ** Узлуксиз ниқтамоқ, ниқталайвермоқ. *Бола кучли оёқлари билан эшакни шундай ниқталадики, жонивор.. қаттиқ йўрғалаб кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**НИҚТАМОҚ** 1 Таёқ санчиб ёки оёқлари билан икки ёнига тепкилаб юришга, илгарилашга ундамоқ (отни, уловни). У [отлиқ] шеригидан қолмаслик учун отининг тизгинини силтмайди, оёғи билан унинг бағрига ниқтайди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Мушт ёки оёқ учи билан туртмоқ.— *Фафлатда қолмай ўлинг отаси.— деди эрининг бошига ниқтаб.— «Лайлатулқадр» бизларни иззат қилиб ўз оёғи билан уйимизга кириб келган экан.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. *Баланд бўйли, пахмоқ сочили, дов казак аскарлар халқни уриб, ниқтаб орқага сўришга киришди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Тиғизлаб жойламоқ, муштлаб тиқмоқ. *Қодир, ниқтаб пахта тиқилган қанорнинг оғзини тиқиб, тарозига келтириб қўярди.* С. Маҳқамов, Дала тонғи.

**НИҲОЛ** [ф-т] 1 Ёш новда ёки кўчат. *Ёш ниҳолга усталик билан қилинган пайванд тез амал олади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Янги униб чиққан ўсимлик, экин. *Гўза ниҳоллари Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳолдан парварши қил!* Мақол. *Болаёғи ёндан асра, ниҳолни бошдан асра.* Мақол. **НОЗИК НИҲОЛ** 1) ёш новда ёки кўчат. *НОЗИК НИҲОЛ дарахтлар;* 2) кўчма *нозик қомат ва шундай қоматли киши.* *Бежирим, келишган нозик ни-*

*ҳолинг, Беқасам камзулинг ярашибди хўп.* Х. Расул.

2 кўчма Етилмаган ёш нарса; мурғак, куртак. *Ғулумжоннинг кўнгли синди, йўқ, кўнгли эмас, умр орзусининг ниҳоли синди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.— *Ишдан қайтган чоғимда Қийқиради ўғилчам,— Ҳали ниҳол боғимда Баргин ёзмаган гўнчам.* Е. Мирза.

**НИҲОН** [ф-т] *эск. кт.* Киши билмайдиган, сезмайдиган; яширин, пишхон. *Муҳаббат кўнгли ичра эрди ниҳон, Бўлиб анга ҳар дам тилим таржимон.* Ҳабибий.

**НИҲОЯ** [а] Сўнги чек, чегара, охир, поён. *Ниҳоясига етмоқ.* *Ишни ниҳоясига етказмоқ.* — *Бекнинг асабийлиги ниҳоясига етди.* Ҳ. Ғулум, Машъал.

**НИҲОСИЗ** Ниҳояси, охири, поёни йўқ; бениҳоя. *У онани қўлтиқлаб ичкарига бошлади. Ҳозир буларнинг ниҳосиз кувончларини тасвирлаш учун сўз топиш қийин эди.* Ш. Ғулумов, Ёрқин уфқлар.

**НИҲОЯТ** [а] 1 айн. **ниҳоя.** Элик-боши уруш ниҳоятида оқ подшо ғолиб келишини исбот қилишига тиришди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 *реш* Ғоят, ниҳоятда. *Элмурод уларнинг овозларидан ўз ишларидан ниҳоят хурсанд эканликларини сезд.* П. Турсун, Уқитувчи.

3 *реш* с. Охир-пировардида, охири. *Ниҳоят, ҳар минути бир кундай туюлган бир соат вақт ўтгач, бутадан йигирма-ўлттиз метрча берида қора каска кўринди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**НИҲОЯТДА** *реш* Ғоят даражада, ғоят, жуда ҳам. *Ниҳоятда оғир масала.* *Ниҳоятда яхши иш.* — *Бу гапни олтишга бориб қолган бир чолдан эшитганлиги унга [Сидиқжонга] ниҳоятда наشا қилди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**НИҲОЯТИ** Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи, айтиги, фақатгина.— *Ота,— деди Салим жерқиб,— бу нарса кўнга келган тўй. Уғлингиз ниҳояти бир неча ой ишлаб қайтади. Нимасига қайғурасиз?* Ойбек, Қутлуғ қон.— *Уғлингиз ўлима олиб бораётганим йўқ, ниҳояти бир пайла чой ичади-ю келади!* — *дедим.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**НИҲОЯТСИЗ** айн. **ниҳоясиз.** Унсин қабр тупроғига гоҳ бошини, гоҳ кўксини қўйиб ўлчовсиз, ниҳоятсиз қайғу билан узоқ ўйлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОАНИК** [ф-т+a] 1 Унча аниқ, равшан бўлмаган, ҳақиқатдагига унча мос келмайдиган. *Ноаниқ тасвир.* — *«Мажара» эмас, «можара», яъни жанжал деган сўз,— деди бир гал болаларнинг бир шеърдаги шу сўзни ноаниқ талаффуз қилганларидан гаши келиб.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Унча ишонarli эмас, шубҳага, иккиланишга ўрин қолдирадиган. *Ноаниқ гап.* *Ноаниқ маълумотлар.* | *ке-*

*сим вазифасида* Шубҳали, гумон. *Келиш келмаслиги ноаниқ.*

3 Мухмал, мужмал, лудмол. *Ноаниқ жавоб.*

**НОАНИҚЛИК** **ноаниқ** с. белги оти.

**НОАҲИЛ** [ф-т+a] Бир-бири билан унча аҳил бўлмаган; ноноқ. *Ноаҳил оила.* — *Водоқачқалардан бирини тиклашда .. ўшанчалик ноаҳил бўлган қапсанчилар ҳозир бунчалик иттифоқ бўлиб қолганларига ўзлари ҳам ҳайрон эди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**НОБАКОР** [ф-т] Хулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати ёмон одам. *Биласизки, чиқиб Ниёз баччагар Атрофига йиғилди қулбаччилар. У нобакор озор берар тинч халққа, Қирдикори нуқул зарар тинч халққа!* И. Султон, Номаълум киши. | *сўк.* Ярамас, ноқобил.

**НОБОП** [ф-т] 1 Унча мос, мувофиқ эмас; қўл келмайдиган, номувофиқ, яроқсиз. *Нобоп жой.* *Нобоп ер.*

2 Унчалик шай эмас, бузуқ.— *Дехқон ака, эҳтиёт бўлинг аравангиз нобоп ..— бошини чайқаб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Хулқ-атвори, юриш-туриши ёмон, ярамас. *Нобоп одам.* | *Йўқ, у боли кўп нобоп чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НОБУД** [ф-т]: **нобуд бўлмоқ** 1) исроф бўлмоқ, бекорга йўқ бўлиб кетмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ, ишдан чиқмоқ. *Пахтанинг бир грами ҳам нобуд бўлмаган;* 2) ҳалок бўлмоқ; ўлмоқ. *Революция йиллари ташкилотнинг кўп аъзолари нобуд бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Нобуд қилмоқ** 1) исроф қилмоқ, бекорга йўқ қилмоқ; яроқсиз ҳолга келтирмоқ, ишдан чиқармоқ. *Мулла Обид билан Усмон полвон қулунли билни миниб юришга қарши, чунки қулунлар гўзани босиб нобуд қилади, дейдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ. *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОБУДГАРЛИК** кам қўлл. айн. **нобудгарчилик.**

**НОБУДГАРЧИЛИК** Бекорга йўқ қилиб юбориш, нобуд қилиш, исрофгарчилик. *Нобудгарчилик — халқ хўжалиги учун зарар.*

**НОВ** [ф-т] 1 Сув оқиши учун ёғоч, тахта ва ш. к.дан ишланган махсус ўзан; тарнов. *Сув шунча кучайган ёдики, новни қўприб, тегирмонни босиб кетиш хавфи туғилган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Сўғориш ёки умуман сув сақлаш учун ёғоч, тахта кабилардан ишланган охур; тегана. *Нувмон движокни ишига солиб, бир-бирига шохлари тегиб турган садалар остидаги новларни сувга тўлдира бошлади.* О. Ҳусанов, Най.

**НОВАТОР** [р<лат.] Кишилик фаолиятнинг бирор ҳоҳисига янги усул, янгилик киритувчи. *Ишлаб чиқариш новаторлари.*

**НОВАТОРЛИК** новатор с. мавх. от. Новаторлик таклифлари.

**НОВВОЙ** [ф-т] Нон ёнувчи ва нон ёпиб сотиш касби билан шугулланувчи шахс. Япасқи новвой ҳар кун пешин вақтида иккита ширмой нонни боёга ташлаб кетар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Тандирдан янги узилган оби нонларнинг ёқимли ҳидларини сочиб, .. новвойлар шипиллаб ўтадилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НОВВОЙЛИК** 1 новвой с. касб оти. [Йўлчи:] Қалай, новвойликдан бир нима ортадими? Ойбек, Қутлуг қон.

2 тар. Нон ёпиладиган ва сотиладиган жой.— Рўмолчани елкага солиб, новвойликка қараб юсурдим,— деди Шум бола. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**НОВВОЙХОНА** [ф-т] Нон ёпиладиган жой, корхона. Зумрад дадасининг новвойхонасидаги хамир қорадиган йиғитлардан бирини яхши кўриб қолган эди. С. Зуннунова, Гулхан.

**НОВВОС** Икки-уч яшар буқа.  
**НОВВОТ** 1 [ф-т] Шакар қиёмидан тайёрланадиган ялтироқ қаттиқ ширинлик. Новвот чой. ■ Туяларнинг бир нечасига гурунчи, бир нечасига ун, бир нечасига шакар, қанд, новвот ва ҳолва каби ширинликлар .. юклансан эди. Айний, Эсдаликлар. Гув-гув шамол .. эшик тирқишидан уйга кириб, чироқ пилигининг новвот ранг алангасини липиллатади. Ҳ. Ғуллом, Машъал.

**НОВВОТ** II [ф-т] махс. Тўқимачилик дастгоҳида: тайёр мата ўраладиган ёғоч валик.

**НОВДА** Дарахтнинг ёш, ингичка ва узун бесутоқ тармоғи. Тол новдаси. Тоқ новдаси. Сурх новда. Новдадек йиғит. ■ Йўлчи уни [Рафиқжонни] овутиш учун, толдан бир новда кесиб олиб кичкина хуштак ясади-да: «Ма, чал, миришабларнинг хуштагидан ҳам яхши бўлди», деди. Ойбек, Қутлуг қон.

**НОВБЕЛЛА** [р<итал] ад. Қисқа, кичик ҳикоя.

**НОВУТ** с. т. Нобуд. [Заргаров:] Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи чирсиллаб турибди — бекорга новут бўлиб кетаман .. Менга раҳм қилинг! А. Қахқор, Оғриқ тишлар.

**НОВЧА** I Бўйи баланд, дароз, узун. Новча йиғит. Бўйи новча одам. ■ Ҳокимнинг новча, ҳайбатли қомати олдидан .. Тешабой ҳам одамлар назардан четда эмас эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Новча тераклар учидан ойнинг қумуш парчаси сузади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**НОВЧА** II тар. Қарол, хизматкор. Улар қишлоқдан чиқиб улгурмасданоқ, қариндош бойнинг новчалари кетмон кўтариб келиб, сотиб олинган уйларнинг том тупроғини кўкка соеуриб буза бошладилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Қанча бойниқидан новча бўлиб ишладим-у .. Ҳамма ерда тўғри ишладим. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**НОВШАДИЛ** [а] с. т. Нашатирь.

**НОВҚИРОН** с. т. Навқирон.

**НОГАХ** [ф-т] айн. ногахон. Тегмасин ногаҳ маломат ўқлари, Сезгиру хушёр бўл оху каби. Ҳабибий.

**НОГАХОН** [ф-т] Қутилмаган, тўсатдан, кўққисдан юз берган. Балои ногахон. || Оқсоқол сўзини тугата олмайди, ногахон келиб тушган ўтқири болта Шодмонбойнинг бошини баравар иккига бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**НОГАХОНИЙ** [ф-т] кам қўлл. Қутилмаганда юз берувчи, юз берган, қутилмаган. Бу ногахоний қазодан эслари чиқиб кетган бечоралар йиғлашдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**НОГИРОН** [ф-т] Ишга яроқсиз бўлиб қолган, ожиз (одам ёки унинг аъзолари ҳақида). Ногирон бола. Унинг бир қади ногирон. ■ Пўлатжон .. ногирон оёғига қараб хўрсиниб қўйди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**НОГИРОНЛИК** ногирон с. белги оти. Руҳий ногиронликни тузатиш қийин. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

**НОГОҲ** [ф-т] с. т. Ногаҳ. Ногоҳ бурчакдан кўнгироқли чоғманда гулдураб кетди. Ойбек, Қутлуг қон.

**НОГОҲОН** [ф-т] с. т. Ногахон.  
**НОДАРКОР** [ф-т] Кераги, даркори йўқ; кераксиз. Нодаркор қоғозлар.

**НОДИР** [а] I Қам топиладиган, кам учрайдиган. Нодир қўл ёзма. ■ — Нодир ўлка, ҳатто таърифлашга сўз тополмайсан,— деди Қомарова. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Қимматбахо, бебаҳо, асл. Чироқларнинг .. айриқлари товланиб турган нодир тошдек ёниб-ўчиб ҳазил қиларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 Нодир (эркаклар исми).

**НОДОН** [ф-т] I Илм-маърифатдан хабари йўқ, онги, тушунчаси паст; қолюқ. Нодон одам. Сўзлагувчи нодон бўлса, эшитувчи доно бўлсин. Мақол. ■ Нодонларни доно этган Октябрь, Яхшиликнинг йўлини тутган Октябрь. Эргаш шоир.

2 Фаҳм-фаросати кам; тушунмайдиган, тентак.— Тавба, ўз жонининг қадрини билмаган нодон,— деди Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи.

**НОДОНЛИК** I нодон с. белги оти. Ўз нодонлигини ҳамма вақт кибрлик билан бекитишга уринадиган Тожибой, ҳозир астар-авраси билан ошқора ва очиқ эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Нодон кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; аҳмоқлик. Она, кеҳирасиз-да, янелишиб бир нодонлик қилиб қўйдим. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**НОДУРУСТ** [ф-т] Унчалик дуруст эмас; чакки. Шу дуруст бўлдим, нодуруст бўлдим? Сени ўйлар эди. А. Қахқор, Сароб.

**НОЁБ** [ф-т] I Кўп учрамайдиган, жуда кам бўладиган. Ноёб талант эгаси бўлган Юсуфжон қизиқ ўз халқининг азиз фарзандларидан биридир. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Қимматли, бебаҳо. Ноёб асар.  
**НОЖИНС** [ф-т+а] I Бошқа жинсдаги, жинси бошқа.

2 кам қўлл. Ярамас, ёмон. Лампа шишаси жуда ножинс нарса: жин теккандай, кўз олдингда «чирс» этади-ю, синади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**НОЖУЯ** [ф-т] Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, умумий норма-тартибга муносиб келмайдиган; чакки. Ножўя гап. Ножўя хатти-ҳаракат.

■ Баҳодир ножўя ҳаракати билан Оқилани ҳижолатга қўйганидан қаттиқ ўкинар, лекин иш ўтган эди. М. Жалолитдинова, Кейинроқ.

**НОЗ** [ф-т] I Танноз аёлларга хос серишва ҳаракат, қилиқ; ишва, қарашма. Ноз қилмоқ. ■ Сўз билан, ноз билан, ҳангама билан йиғитларнинг кўкраккага ўт солди қирғиз қизлари. Ойбек, Қутлуг қон. Дилбар қизнинг қилиғи, нози яхши, Сўзнинг ози, машшоқнинг сози яхши! Ё. Мирза.

2 Ўз қадрини ошириш учун қилинадиган ноўрин талаб, ортиқча эркалик; таранг қилиш. Қизи борнинг нози бор. Мақол. ■ — Қасали нима, озим кетибди келинчак онамиз? — Муғомбирлик, эркалик, ноз! Ойбек, Қутлуг қон. Йўлчини ёдларкан, унинг юрагида энди ғазаб қўғалар эди .. Ким у? Нега мунча ноз қилади, кеккаяди? Ойбек, Қутлуг қон.

3 Нозик; жиззаки. Бошим тоз, кўнглим ноз. Уйғун. Ноз уйқу нозли, ширин уйқу.

**НОЗАНДАЙ**, -дек с. т. хот. Ёмон эмас, туппа-тузук, дурустгина.— Хо-тиржамгина ишингни қила бер, болам, Муҳаббатинг нозандек ўрганиб қолди янги жойга,— деди кампир. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**НОЗАНИН** [ф-т] Қадди-қомати келишган ва гўзал (қиз, аёл ҳақида). Ана шу йиғитнинг [Отабекнинг] олган хотини жуда ҳам нозанин бир қиз бўлиб, бу қизга бизнинг Ҳомид ҳам харидор экан. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Бой:] Ҳе пишмаган, хом калла! Бу нозанин уеол! Чўриликка эмас, бекачликка арзийди-я! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**НОЗИК** I [ф-т] I Юсак маҳорат ва санъат билан жуда бежирим қилиб ишланган; нафис, латиф. Искандаро ҳавас ва таажжуеб билан биноларга, бой жиҳозларга айнақса нозик санъат буюмларига, эшик ва деразаларга назир ташлаб қўярди. Ойбек, Нур қидириб.

2 Ингичка; юпқа, харир. Нозик ип. Нозик мата. ■ Дуторнинг нозик торларидан .. чиққан, «Наво» куйи ўз ноласига тушунгувчи Отабекдек йиғитларга жуда муҳтож эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Бежирим, хипча. Нозик ва ингичка Элмурод бақувват ва йўғон Мели полвоннинг белбоғига қўлини чирмаштириб олди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Бежирим ва латиф. Йиғит маҳбубасининг нозик қўлларидан тугиб, ўзига тортарди. С. Анорбоев, Оқсой. Мурзин унинг паршон сочларини нозик бўйнига ёпишган майин жонсизгина соч толаларини томоша қиларди. Шух-

рат, Шинелли йиллар. | Заиф, жони бўш, нимжон. *Нозик майса.* ■ Укамни дурустроқ жойга ўрнаштиринг, ўзи нимжон, нозикроқ бола .. шамоллаб-нетиб қолмасин. П. Турсун, Ҳақитувчи. *Нозик, ранг-баранг парвоналар, қағалаклар лампа атрофида айланар, .. эдилар.* Ойбек, Қутлуг қон.

4 Мулойим, майин ва ёқимли, назокатли. *Нозик табассум.* ■ «Дилхироқ» ўзининг майда қадами, нозик ҳаракатлари билан даврга кириб келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Халқ кўнелини овлаган, Улфата доим. Овози жонга ёқар, *Нозик*, мулойим. Қ. Муҳаммадий. || У кўйнинг сеҳрига берилиб, интизор кўзларини нозик юмди, бошини қуйи солди. Шухрат, Шинелли йиллар.

5 Салга синадиган, узилладиган, йиртиладиган; бўш, мўрт. *Нозик буюм.* ■ Олимовнинг кўйлида юклар ҳаммаикидан оғирроқ, нозикроқ эди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

6 Кўча Узига хос қийинчиликлари бўлган, алоҳида маҳорат, малака, билгим талаб этадиган. *Ўзга сурорини — нозик иш.* Ойбек, О. в. шабадалар. | Ҳақитувчи ишни майда икир-чикирларигача яхши биладиган; уста. Секретарининг отаси .. нозик гулчи эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

7 Кўча Алоҳида эҳтиёткорлик талаб этадиган; қалтис. *Нозик масала. Нозик пайт.* *Нозик аҳвол.* ■ Асрора ўйлаб қараса, кўнгли иши нозик нарса экан. С. Аҳмад, Уфқ. *Муҳаббатдек энг нозик туйғулар тўғрисида оғиз очиб бўладими!* П. Турсун, Ҳақитувчи. *Бобоқулнинг кўзларидаги нозик киноя унинг иззат нафисга ханжардек қаллади.* Ойбек, Навоий. | Алоҳида эътибор, мулозимат, тақаллуф талаб этадиган, иззатталаб. *Нозик меҳмон.* ■ — *Хўжайин банд, олдиларида нозик одам бор. Мажлис қилишяпти, — деди секретарь.* С. Абдуқаҳор, Санамай саккиз дема. *Нозик табият ёки табиати нозик* кўнгли ҳар нарсани ёқтиравермайдиган, кўтаравермайдиган. *Шу қадар зик, нозик табиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кўнгли нозик айн. нозик табият. Нозик дид ёки диди нозик* жуда ҳам сезгир, туйғун. *Нозик дидли* рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] ҳаёлини банд этди. Шухрат, Шинелли йиллар.

8 *Нозик (хотин-қизлар исми).* **НОЗИК II** [ф-т] Каштачилликда ишлатилладиган ранг-баранг майда, нафис мунчоқ. *Чойхоначи .. ипак тўри ранг-баранг нозиклар, пистонлар билан безалган тўрқовоқларни .. чакалакка осган эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ёстиги устига нозик гулли тўр ёпилган.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**НОЗИКЛАШМОҚ I** Нозик, бежирим бўлиб қолмоқ, хипчалашмоқ; нозик, жони бўш, чидамсиз бўлиб қолмоқ. [Учкун:] *Қабинетада ўтириб нозик-*

*лашиб қолганини эндигина сездим.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 *Кўча* Нозик, қалтис бўла бормоқ. *Аҳвол нозиклашди. Масала нозиклашди.*

**НОЗИКЛИК** нозик I с. белги оти. *Қиз унинг [Йўлчининг] кўзларида саккизи мийимий меҳр, қандайдир нозиклик ҳам кўрди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Масаланинг нозиклигига учовлари ҳам тушунарди ва шунинг учун иттифоқ қилгандек чуқур бир сукутга кетган эдилар.* А. Қодирий, Ҳатан қушлар.

**НОЗИР [a]** I Назорат қилиб турувчи; назоратчи, қаровчи, мудир. *Қироатхонанинг бир нозир бўлиб, газетхон, китобхон ўқувчилардан йигирма тийиндан ҳақ олиб турарди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *эск. Вазир, министр. Валихон мерган парини Бухорога элтишни, олий ҳазратларининг ўзларига соғга қилишни, эвазига тезроқ нозир ёки қушбеги бўлишни ҳаёлидан ўтказди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**НОЗ-ИСТИҒНО**, *нозу истиғно* Ноз ва истиғно, ноз ва эркалик(лар).

**НОЗ-КАРАШМА**, *нозу карашма* Ноз ва карашма; ноз ва ишва(лар). *Тўранинг кўнелига шу пайтда на ўғал ёш хотиннинг тазими, на унинг ноз-карашмаси ва на безаклари сиғар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Лаъли ўрнидан туриб, сочларини тузатди.* Чироқни пасайтирди-да, *ноз-карашма билан «Бўлди, ухланг!» деди.* Х. Ғулом, Машъал.

**НОЗЛАНМОҚ I** Ноз қилмоқ, ноз-ишва, ноз-карашма қилмоқ. *Аллақандай ёқимли овоз билан нозланиб, жавоб берди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

2 Эркалик қилмоқ; таранг қилмоқ. **НОЗЛИ I** Ишвали, серишва; тап-ноз. *Бир боқшида ақлим олган нозли жонотим ўзинг. Фуқат.* || — *Вой, сиз эплаймсангиз ким эплай оларди? — жувон Хўжабековнинг кўзларига нозли боқди-да, ерега қараб олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ортиқча эркалик талаб қилувчи, нози бор.

**НОЗ-НЕЪМАТ** Қишига табиат инъом этган неъматлар, анвои мева, озиқ-овқатлар. *Дастурхон турли ноз-неъматлар билан безатилган.* ■ *Баҳорлари, ёзлари Бир-бирдан ортиқдир, Мазали ноз-неъматни Халқимизга тортиқдир.* З. Дийр.

**НОЗ-ФИРОҚ**, *нозу фироқ* Ноз ва фироқ; ноз ва фироқлар. *Шариф, ўзимизнинг ёшигимизни эсласанг-чи. Ноз-фироқ қилиб мени куйдирган чоқларинг.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза Э, ҳали ҳам гўр экансан, болам. *Дунёда хотин зоти борки, унинг ноз-фироғи бўлмай иложи йўқ, — деди Салтанат Эрашма.* В. Раҳмонов, Қилмиш — қидирмиш.

**НОИБ [a]** *эск. Ҳиринбосар, ёрдамчи. Сен вилоятнинг ҳокими бўлсанг, мен сенинг ноибинг бўламан.* Айнинг, Дохунда.

**НОИЛ [a]:** *ноил бўлмоқ эск. кт. эришмоқ, етишмоқ, мўяссар бўлмоқ. Қуруқ томоша билан кечган унинг ой, йиллари бу кун Раъно гуллини исқаш башоратида ноил бўлгандек эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**НОИЛОЖ** [ф-т+a] *рвч I* Ҳақитувчи, эркига хоҳишига қарши, истаги бўлмагани ҳолда, мажбурият орқасида, мажбур бўлиб, мажбуран. *Ермат бир неча марта қичқириб Гулнорни чақирган, улар суҳбатни ноилож ўзинга мажбур бўлди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бирор илож, чора топа олмай, чорасиз, иложсиз. [*Шоқосим*] .. *ноилож қолиб, йўлчи ё Қоратойни тоғли учун кўчама-кўча юрганлиги, ниҳоят қайтган бу ерда ҳеч ким қолмаганини сўзлади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Билганисиз, нажотсиз етим ўғил ва қизлар бировларнинг .. хўрлигига ноилож чидар, яшамоқ учун бундан ўзга чоралари йўқ эди.* П. Турсун, Ҳақитувчи.

**НОИЛОЖЛИК I** ноилож с. белги оти.

2 Иложсиз ҳолат, иложсизлик, чорасизлик. — *Зарурлат, ноиложлик, — тушунтира бошлади Фазлиддин.* Ойбек, Қутлуг қон.

**НОИНСОФ** [ф-т+a] Инсофи йўқ, инсофсиз; виждонсиз. *Оббо ноинсоф-ай, Ширмонбулоқнинг этагидаги қоратупроқ ерларнинг барисини қўлга киритиб олди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *сўк. Ҳақорат, койиш ифодалайди. Эрталаб Хўжабеков келиб кетди. Қасал бўлсам ҳам одига чиқдим.* Омонмисан, демади-я, ноинсоф. С. Анорбоев, Оқсой. [*Насиба:*] *Кечагина нима деган эдингиз! Яна лафзингиздан қайтдингизми? Ноинсоф!* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**НОИНСОФГАРЧИЛИК** *айн. ноинсофлик 2.* — *Ўғлим билан элликбошининг олишиб турганини кўриб: — Ҳай-ҳай, бу қандай ноинсофгарчилик! Урманг! — деб ўртага тушди Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НОИНСОФЛИК I** ноинсоф с. белги оти.

2 Ноинсоф кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Ноинсофлик қилмоқ.*

**НОК [ф-т]** I Ёғочи қаттиқ мевали дарахт. *Богнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар — нок, ўрик, беҳи, жийда ва ҳоказо анчагина.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Шу дарахтнинг меваси.

**НОКАС [ф-т]** I Виждонни, инсофи йўқ, ярамас, қабиҳ, пасткаш. *Нокас одам.* || — *Хонхўжалик Сайфулла эшонни мен ўзимга устоз деб билар эдим. Асида ўша нокас мени шу йўлга олиб кирди, — деди Ёрмонбой.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдирини. | *сўк. Ярамас, аблах. Ҳа, тутуни булут кўрмаган нокас. Сенинг отанг шундай қурумсоқ эди.* П. Турсун, Ҳақитувчи.

2 Бировга ҳеч нарсасини раво кўрмайдиган; бахил, хасис, қурумсоқ. || *Нокасдан қарз бўлма — ҳам йўлди қистайди, ҳам ёўрда.* Мақол.

**НОКАСТА** айн. нокас 2. Гул даста-даста, гул бермаган нокаста. Матал.  
**НОКАУТ** [р<ингл] спорт. Боксчининг қаттиқ зарбдан йиқилиб, ўн секунд давомида ўрнидан туролмайдиган ва ютқизиқ деб ҳисобланадиган ҳолат.

**НОҚДАУН** [р<ингл] спорт. Боксчининг зарбдан йиқилган, лекин ўн секунд давомида ўрнидан туриб жангни давом эттира оладиган ҳолат.

**НОҚЗОР** [ф-т] Нуқул ноқ дарахти билан банд ер, майдон, боғ.

**НОЛА** [ф-т] 1 Ғам-алам, ҳасрат ифодаловчи аянчли овоз; афғон, фиғон, фарёд. *Инераб, ўқиб қолган она-сиз, .. Қўкка, ерга сизмас носиси.* Ҳ. Пўлат. *Ғуломжон руҳий азоб оташида қовурилиб, хўрлик жон-жонидан ўтиб кетган кезларида ўзини тутолмай нола қиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ёлвориш, ўтиниш, илтижо ифодаловчи овоз, мунгли товуш. [Мирқарим] кеча-кундуз худода ибодат ва нола қилиб, пачава бўлган ўз ишининг ўнглашишини ва тотли ўтмишининг қайтарилишини сўрарди. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

**НОЛИМОҚ** Норозилик изҳор қилмоқ, шикоят қилмоқ, зорланмоқ. *Тиллабувадан кейин сўзга чиққанларнинг бири камбағалчиликдан нолиб, яна бири .. муштумзўрлар ҳақида Тиллабуванинг сўзини қуватлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НОЛИШ** 1 **нолимоқ** фл. иш оти.— *Ношукур экансиз, опа,— деди [Зайнаб],— почмадан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга менинг кунимни солса нима қилар эдингиз?* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Нола, фиғон. *Ҳар ким титрар Ширинбек нолишига, Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.* «Ширин билан Шакар».

**НОЛОЙИҚ** [ф-т+а] Лойиқ, муносиб бўлмаган, лойиқ, муносиб келмайдиган, ярашмайдиган, номуносиб. *Ўқимишли кишига нолойиқ ҳаракат. Нолойиқ қилиқ.*

**НОЛОН** [ф-т] эск. кт. Нола, фиғон қилувчи, афғон чекувчи. *Отмаай тонг богаро азминг хиромон бўлмаса, Булбули шайдолари гул узра нолон бўлмаса.* С. Абдулла.

**НОЛЬ** [р<лат] 1 Миқдорнинг йўқлигини ифодаловчи «0» белгисининг номи.

2 Иссиқлик ва совуқлик температуралари ўртасидаги шартли чегара. *Сув ноль даражада музлайди.*

◆ **Ноль-ноль** вақтни кўрсатишда роса, аниқ, тўппа-тўғри маъносини билдиреди. *Меҳмонлар кечқурун соат еттига таклиф этилган. Ҳозир соат олти-ю ноль-ноль.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**НОМ** [ф-т] 1 Шахс ёки нарса-предметларга қўйилган от; исм. *Колхознинг номи «Октябрь».* Шаҳар номлари. *Ном қўймоқ.* *Ном бермоқ.* — *Кексайиб*

*қолган эшоннинг хотираси анча пасайганидан кўп вақт ўз ўғилларининг номларини ҳам хотинидан сўраб олар эди.* П. Турсун, Ҳўкитувчи. | Бирор соҳага, гуруҳга ондликни билдирувчи атама. *Қомсомол авъоси деган улур ном.* — *Мансур, Муслим! Сенга бир гап бўлдимиз? Шўро муаллими деган номимиз бор, шундай вақтда иш кўрсатмасак, қачон кўрсатамиз?!* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

2 Фаолиятнинг бирор соҳасида эришган ютуқ, малака даражасини кўрсатиш учун расмий йўл билан бериладиган унвон. *Фахрий ном. Ҳизмат кўрсатган артист деган ном. Классик кураш бўйича мамлакат чемпиони деган ном.*

3 Кўпчилик орасида маълум-машҳурлик; донг, доврўг, шухрат. *Номи чиққан курашчи. Ном чиқарган колхоз.* — *Очил Эшнзар.* Сибё волостининг Кўштамғали қишлоғида ном чиқарган шахс эди. М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

◆ **Номи билан** топшириғи, ваколати билан. *Революция номи билан. Ўзбекистон ССР Олий Совети номи билан. Номга шунчаки, хўжа кўрсинга, йўли учун. Номига чойхона.* — *Хури, олдин номига бироз кўнмай турар, кейин мажбуран бораётгандай юзига қайғули ифода бериб чиқиб кетарди.* Ф. Мусаёнов, Хури. *Номидан тарафидан, исмидан; топшириғи билан. Қоллектив номидан ташақкур билдирмоқ. Ўз номидан табрикламоқ.*

**НОМА** [ф-т] эск. кт. 1 Расмий ёзишма, мактуб, хат. [Мажидиддин:] *Мўминмирзони ўртага солиб, шахзода Бадиуззамонга нома юборинг.* Уйғун ва Й. Султон, Навоий. **Номаи аъмол** (л. м. амаллар, ишлар номаси, дафтари) 1) дин. гўё икки фаришта ҳар бир кишининг савобли ишларини ва гуноҳларини ёзиб борадиган дафтар; 2) кўчма эск. хизмат varaқаси, дафтарчаси (ҳар бир хизматчининг қилган ишлари, хизматлари ёзиб бориладиган varaқ ёки дафтар). *Нормат биятқи противогаз халтасининг устки чўнтағига солиб қўйди ва медальонни кўриб, «номаи аъмолимнинг ҳаммаси шунда» деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мана, Зиёдила уч соатдан бери ўз номаи аъмолини ёзипти. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

2 Китоб, асар. *Бўлди таажжуб қизиқ хангомалар. Арз этайин энди ёзиб номалар.* Муқимий. | Шу маънода қўшма отлар таркибига кирди, мас. *Бирнома, Акбарнома, Жаннома.*

**НОМАРД** [ф-т] 1 Яхшиликни, адолат-инсофни билмайдиган, қўлидан танглик келмайдиган; ноинсоф, виждонфуруш. *Номард одам.* — *Шу-шу, жувон кишим битди, зиғим лойдан ўтди, деб унутиб кетадиган номардлардан эмасмиз,* деб *Хўжабековнинг олдига келиб турадиган бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой. | сўк. Ярамас, аблаҳ, нокас.

2 Юраги йўқ, кўрқоқ. *Мард йигит қўлида аждар ўлади Номард одам ипни аждар билади.* Фозил шоир.

**НОМАРДЛИК** 1 номард с. белги оти.

2 Номард кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Иккиланми — ҳам ўлим, ҳам номардлик.* Ойбек, Күеш қораймас. *Энди орада чақиртиканак бўлишим — киройи номардлик.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**НОМАТЛУБ** [ф-т+а] кт. Кўнгилга хуш келмайдиган, кўнгилдагидек эмас; исталмаган, номақбул. *Номатлуб иш. Номатлуб шахс.*

**НОМАЪЛУМ** [ф-т+а] 1 Қимлиги, нималиги аниқ маълум бўлмаган, аниқланмаган. *Номаълум миқдор.* || *Тўғининг қачон бўлиши ҳали номаълум.* — *Номаълум кимса йўлакнинг қоронғи қисмига ўзини олиб, кўзини Сайфидан узмай тура бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Ҳали ҳеч ким билмайдиган; сирли. *Номаълум орол.* — *Қизлар нимани ўйлайдилар ва нима тўғрисида маъюсланадилар, бу эса қизларнинг бизга номаълум бўлган ички сирларидир.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 мат. Математик йўл билан топилиши зарур бўлган миқдор, катталиқ. *Маълумларни номаълумлардан ажратмоқ.*

**НОМАЪЛУМЛИ** мат. Таркибида номаълум бўлган. *Икки номаълумли тенглама.*

**НОМАЪҚУЛ** [ф-т+а] 1 Маъқул эмас, маъқул келмайдиган; нодуруст. *Ҳожи бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўтиреандан сўнг, асар маъқул тушса «хўп дейди, .. номаъқул бўлса «дуруст эмас» дейди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Ақл-идрок билан қилинмаган; ножўя, бемаъни, аҳмоқона. *Шунда мен кеча беихтиёр қилган номаъқул ишимнинг қанчалик фожияли эканини биратўла англадим.* А. Мухтор, Туғилиш.

**НОМАЪҚУЛЧИЛИК** Бемаъни, ножўя ҳаракат, иш; бемаънигарчилик. *Номаъқулчилик қилмоқ.* — *Бобом узоқ ва оғир сукутдан сўнг кампирни овутди: — Бас, йиғлама, золимлар кўп, хоинлар кўп, уларнинг шундай номаъқулчиликлари, итликлари бўлиб туради.* Ойбек, Болалик.— *Нимага саланглаб юрибсизлар? .. Бу қандай номаъқулчилик! — деб қичқирди Саид амин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**НОМАҚБУЛ** [ф-т+а] Қабул қилиб бўлмайдиган, тўғри келмайдиган; номатлуб. *Номақбул таклиф. Номақбул усул.*

**НОМАХРАМ** [ф-т+а] дин. Яқин қариндошлик алоқаси бўлмаганлиги сабабли бир-бирини кўрнш ёки бир-бирига кўриниш ман этилган; Ҳарқак ва аёл (бир-бирига нисбатан); акси маҳрам 4. *«Абдувахобнинг турқини худо кўтарсин, ундан хотин қизга-надиган ўрни йўқ. Уни номаҳрам деб бўлмайди, одам эмас — қул»* дейишар-

ди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Йўқ, йўқ. Сиз менга номаҳрамсиз. Бошқага қилинган фотиҳани бузмай туриб, менга яқинлашманг. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**НОМБА-НОМ** [ф-т] айн. номма-ном. Урмонжоннинг бу гапларини, айниқса тажрибакор чолларни номба-ном айтганини кўриб Бўтабой ичига зил кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НОМДОР** [ф-т] Ном, шуҳрат чиқарган; донгдор, шуҳратли. Бу кампирнинг етти ўғли бор эди, еттову ҳам номдор алл эди. «Алломиш».

**НОМЕНКЛАТУРА** [р<лат] 1 Ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат соҳаларидан бирида қўлланиладиган номлар, атамалар, терминлар ва шу номлар билан аталувчи нарсалар рўйхати, мажмуи. *Географик номенклатура. Заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси. Саудо тармоқларидаги моллар номенклатураси.*

2 Раҳбар ташкилотлар томондан тайинланадиган лавозим. Мақтаб директорлари маориф министрлигининг номенклатурасига қиради.

**НОМЕР** [р<лат] 1 Бир хил предметларнинг тартиб рақами. Уй номери. Телефон номери.

2 Документ, регистрация ва ш. к. белгиси сифатидаги маълум рақамлар ёзилган ёрлик, тахтача. *Машина номери. Велосипед номери.* — Шукур, эл қатори энгизимизга номер қоқилган. Ҳар қаердан бир юзу олтинчи учинчи деб хат ташласанг келади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

3 Кийим-кечак, пойабзал ва ш. к. нинг катта-кичиклигини, ўлчамини билдирувчи сон, рақам. Мен ундан икки номер катта этик кияман.

4 Меҳмонхона, ҳаммом ва ш. к. да алоҳида бўлма, хона. — Меҳмонни меҳмонхонага олиб бордим. Унга икки хонали жуда яхши номер олиб қўйилган экан, — деди Мелибой ака. А. Қаҳҳор, Думли одамлар. | с. т. ёск. айн. меҳмонхона 2. Қўқонда номерда бир ўрси инженер билан танишдим. Ойбек, Қутлуг қон.

5 Театр, концерт ва ш. к. да ҳар бир алоҳида кўрсатув. *Программа номерини эълон қилмоқ.* — Конференсье — ёшгина бир марий йигити чиқиб, «концертимизнинг биринчи номерида ўзим машқ қилиб бераман», — деди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

6 Ҳарб. Тўпчилар, пулемётчилар расчегида маълум хизматни бажарувчи жангчи.

♦ **Номери ўтмайди с. т.** найранги ўтмайди, кетмайди.

**НОМЕРЛАМОҚ** Тартиб номери қўймоқ, қўйиб чиқмоқ. *Дафтар бетларини номерламоқ.*

**НОМЕРЛАНМОҚ** номерламоқ *фл. мажх. н.* Жангчилар бўр билан номерланган вагонларга чиқашди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**НОМЕРЛИ** Номери бор, номер қўйилган, тақилган. 5 номерли уй.

**НОМЗОД** [ф-т] Сайлаш, қабул қилиш, тайинлаш учун белгиланган, кўрсатилган шахс; кандидат. *Номзод кўрсатмоқ. Номзодларни тасдиқламоқ. Номзодлар рўйхати.*

**НОМИНА** с. т. Сотиладиган мол, нарас намунаси.

**НОМИНАЛ I** [р<лат] Пул, қимматбаҳо қоғоз, мол ва ш. к. нинг белгиланган, устига ёзилган баҳоси. *Номинал билан сотмоқ.*

**НОМИНАЛ II** [р номинальный] Белгиланган, ёзиб кўрсатилган (наrx, баҳо, ўлчам ва ш. к. ҳақида). *Номинал баҳо. Номинал ўлчам.*

**НОМЛАМОҚ** Ном қўймоқ, ном бермоқ, атамоқ. *Янги кўчаларни номламоқ.*

**НОМЛАНМОҚ** номламоқ *фл. мажх. н.* Бу шароб орқали кучин кўрсатар Ўзбек деб номланган кекси соҳибкор. Ф. Гулом.

**НОМЛИ** Номи билан аталувчи, ... деб аталган, ... деган. *Охунбобоев номли мактаб.* — Бу маҳаллада унга маъқул бўлган икки киши бор эди. Бири — гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратай, иккинчиси Шоқир ота номли маҳсидўз чол. Ойбек, Қутлуг қон.

**НОММА-НОМ** [ф-т] рвш Ҳар бирининг номини айтиб, ҳар қайсисини алоҳида ўз номи билан. *Самандаров колхозга кириш учун ариза берганларни номма-ном айтиб мажлисдан ўтказди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Мудир докладининг охирида битирувчиларни номма-ном чақириб, .. гувоҳнома тақдим қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**НОМ-НИШОН**, **НОМУ НИШОН** Ном ва нишон, ном ва асар; из; дарак. *Мана уч кун бўлибдики, ундан ном-нишон йўқ.* — Уруш бўлмаганда, мана бу қалдиргочнинг уясига ўхшаган уйлардан, мана бу бўйинигага ўхшаган эшиклардан ном-нишон қолмас эди. А. Қаҳҳор, Картина.

**НОМ-НИШОНСИЗ** Хат-хабарсиз, бедому-дарак, бедарак. *Шамсиддин Иброҳимовнинг ном-нишонсиз йўқолгани ҳақидаги хабар эртаси кунги маълум бўлди.* М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**НОМСИЗ I** Номи йўқ, беном.

2 *кам қўлл.* Номи, донги чиқмаган, донгдор эмас, шуҳратсиз. *Бир вақтлар номсизроқ, ўртамиёна колхоз эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**НОМУАЙЯН** [ф-т+а] Аниқ, конкрет бўлмаган; нотайин, дудмол. *Номуайян гап. Номуайян жавоб.*

**НОМУВОФИҚ** [ф-т+а] 1 Тўғри, мос, муносиб келмайдиган, мувофиқ келмайдиган. *Номувофиқ кандидататура.*

2 Уринсиз, ноўрин. *Номувофиқ гап.* || *Номувофиқ гапирмоқ.*

**НОМУНОСИБ** [ф-т+а] 1 Муносиб, мувофиқ, мос бўлмаган, мос келмайдиган; номувофиқ. *Улар бир-бирига муносиб.* — Шербек жойига ўтирганида, Саидғозининг жисмига муносиб

*овози идорада яна дўриллади.* С. Анорбоев, Қосой.

2 Қелишмаган, ярашмаган, нолойиқ. *Ўқимшли кишига номуносиб қилиқ.*

**НОМУС** [а] 1 Кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш ҳис-туйғуси; орийат, диёнат, виждон. *Номусини ерга букмоқ. Номус ва гайрати бор одам меҳнатдан қўрқмайди.*

2 Ҳижолат тортиш ҳис-туйғуси; уят-андиша, шарм, ҳаё, ор. *Номусга қўймоқ.* — [Жамила:] *Ҳаё беномусди бўлмайди!* *Ҳаёсизда номус бўлмайди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Номус!* *Номус эр кишини ўлдирари-я!* Шуҳрат, Шинелли йиллар. [Зухра:] *Туйинининг таърифини эшитдим, шу ерда бўлсам ҳам келмас эдим. Эски тўйга боргани номус қиламан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. [Ҳайитжон:] *Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан номус қилганидан алақандай шаҳарларга бабора бўлиб, ақинда келди.* Ҳамза, Холисхон.

3 Қиз поклиги, иффат, қизлик. *Бахтсиз оналарнинг кўз ёшлари, болаларнинг, қизларнинг тақдирланган номуси учун сўнги нафасгача курашинг. Улим, тиз чўкиш йўқ!* Ойбек, Қуёш қораймас.

**НОМУСЛИ I** Орийати, диёнати, виждони бор; орийатли, виждонли. *Номусли, меҳнаткаш йигит топилса, қизни тезроқ узатишга қарор қилганини, бу хусусда кампирнинг фикрини билмоқчи эканини айтди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Уяти бор, уят-андишани билмайдиган; шармли, ҳаёли. *Отам Тошкентда экан чоғда бу гапни айтишга уялган эмисиз, .. гўё бунинг ила номусли бўлиб кўринмоқчисиз шекилли?* А. Қодирий, Утган кунлар.

**НОМУС-ОР** айн. ор-номус. *Баланд-баланд тоғнинг қори бўлиди, Мард йигитнинг номус-ори бўлади.* Фозил шoir.

**НОМУССИЗ I** Орийати, диёнати, виждони йўқ; орийатсиз, виждонсиз. [Фофир:] *Номуссиз ҳаётдан номусли ўлим минг мартаба ортиқроқ!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Уяти йўқ, уят-андишани билмайдиган; шармсиз, беҳаё. [Юсуфжон:] *Нимага сен холанега биз берамиз деган кишига тегмайман, деб эмисан? Қандай бетинг бўлди, номуссиз!* Ҳамза, Холисхон.

**НОМУССИЗЛИК I** номуссиз с. белги оти.

2 Номуссиз кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш. *Бу номуссизлик «четан» чиларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача ичдан газаба келтиради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**НОМУТАНОСИБ** [ф-т+а] 1 Мутаносиб бўлмаган, қисмлари бир-бирига мос тушмаган; бири катта, бири кичик. *Унинг калласи, жуссасига номутаносиб — кичкина бўлиб, ҳар гал кийим-кечакларини алмаштирмақчи бўлга-*

нида, энг кичик пилотка, энг катта поидфал излайвериб тинкаси курирди. В. Гофуров, Вафодор.

2 мат. Узро пропорционал бўлмаган. Номутаносиб сонлар.

**НОН** [ф-т] 1 Хамирдан тайёрланиб, тандирда, печда пишириладиган егулик. *Бугдой нон. Зоғора нон. Ширмой нон. Бўлка нон.* — [Кампир] нон ясаб бўлгунча тандир қизиди. Кейин бир чеккадан ёндим. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Умуман егулик-ичгулик, яшаш, тирикчилик учун зарур нарса.— *Матқовул ака, мен нон топармиканман, деб қорин ғамжда нон мактаб очганим йўқ, — деди у [Ғуломжон], босиғи билан. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.*

◆ **Нон гадоий** нонга зор, камбағал-қашшоқ. *У ё ўз-ўзини ўлдирарди, ё хизматкор йигит билан бир юртга қочиб, камбағалликда, нон гадоий бўлиб яшарди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Нони бутун** тирикчилик, яшаш учун зарур нарсалари бут, мухайё, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, беками-кўст, тўкис. **Нони яримта** бирор шерик ёки рақобатчи туфайли топиш-тутиши камайган, етишмай қолган. *Нима, Қобилов келиб, номимиз яримта бўлиб қолдимиз, аксинча, қўлни-қўлга бериб ишласангиз, битта номингиз иккита бўлади.* С. Маҳкамов, Шогирд. **Нон емоқ** бирор нарсадан тирикчилик ўтказмоқ, кун кечирмоқ. *Дом ҳовли, ер жанжалидан нон еб юрадиган бир элликбоши афандининг йўлини тўсиб, кўрган тушини айтиб берди.* «Латифалар».

**НОНДОН** [ф-т] Нон турадиган, сақланадиган қути, идиш. [*Отам*] нондонни очиб, бор нонни .. хуржунига солиб, — мен шаҳарга кетдим, — деган ҳолда уйдан чиқди. Айний, Эсдаликлар.

**НОНЖИҲДА** Жийданнинг йирик, сершира, гўштдор мевали тури.

**НОНКЎР** [ф-т] Бировнинг берган туз-намаги, нон тузи қадрини билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қилувчи, тузини еб, тузулғига туپурувчи; кўрнамак, нонтепки. *Бой .. қутуриб бақирди, — сан нонкўрсан, ман сани туққаним, жигарим, дедим. Овқат бердим, кийим бердим, бу — зулм эмиси!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОНКЎРЛИК** 1 **нонкўр** с. белги оти.

2 Нонкўр кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш; кўрнамаклик, нонтепкилик. *Кўрдингизми, ноқобил фарзанд, ман уни юртнинг катта бойига унаштираман, нодон қиз бир ялангоёқ билан қочибди, қулиб турган бахтига юзни тескари буриш бу қандай нонкўрлик!* Ойбек, Қутлуғ қон.— *Келинлар, табиатнинг сахийлигига нонкўрлик қилмайлик. Тогда ўсган мевали дарахтларга, .. парварши қилайлик! — деди Назаров. С. Анорбоев, Оқсой.*

**НОН-НАМАК** 1 Ризқ-рўз, насиба, улуш, хисса.

2 Ейишлик-ичишлик нарса, овқат. *Мирҳосил жиннихонага узоқ қатнади. У ҳар гал шаҳарга тушганда нон-на-*

*мак олиб, ўша ерга иттилар, Лаълининг тузалишидан умидвор бўлар.. эди. Х. Ғулом, Машъал.*

**НОН-НАСИБА** айн. нон-намак 1.— *Йўқ, йўқ! — деди домла бошини чайқаб, — бу ердаги нон-насибаимни ташлаб қайқа борамиз?! П. Турсун, Ўқитувчи. Нон-насибанг бизда бўлса, қоларсан, бўлмасан, қишлоғингемга, ё бошқа томонгами жўнарсан. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**НОНПАЗ** [ф-т] диал. Новвой.

**НОНТЕПКИ** айн. нонкўр. Сендақа, ҳукуматнинг тузини ичиб, тузлиғига туфлайдиган нонтепки керак эмас. С. Аҳмад, Хукм.

**НОНТЕПКИЛИК** 1 **нонтепки** с. белги оти.

2 айн. **нонкўрлик** 2. [*Мирзақул:*] *Бой отам, Сибирга сурегун қилинадиган гуноҳни кечириб турибдилар-у, сен нонтепкилик қиласанми, қуллуқ қил! Н. Сафаров, Уйғонини.*

**НОНУШТА** Эрталабки нон-чоё, хўрак. *Сидиқжон эрталаб нонуштадан кейин жўнамоқчи бўлган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Нонушта қилмоқ* эрталабки хўракни емоқ. *Ҳар кун эрталаб бир вақтда — бир минут кечиши ё олдин кетиши йўқ, нонушта қилмасдан дўкonga кетади, оқшом, албатта уйга қайтиб, оила билан овқатланади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОНХЎР** [ф-т] 1 Нонни яхши кўрадиган, кўп нон ейдиган. *Худоё раҳматингдан ўрғилай, ошхўрга ош, нонхўрга нон еткизурсан. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

2 Бирор оила бошлиғининг таъминотида, қарамоғида бўлган киши; хўранда, жон. [*Нарзи тоғ!*] энди олти нонхўрдан иборат жўжабирдай рўзғорининг жони учун ўз ажалидан бир кўрқса, доварак ҳамроҳининг жони учун минг қарра кўрқади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

3 *қўчма нафр.* Текинтомоқ, текинхўр. *Ўз уйида бир нонхўр ортиши маҳдумга, албатта, ёқмас эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.*

**НОНХЎРАК** [ф-т] тар. Эски усулдаги мактабда танаффус вақти ва шу вақтдаги овқатланиш.— *Нонхўракда ерсизлар, деди у, — ўғилларининг пешаналарини силб. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. [Қаромат опал] бугун тушида нонхўракка уйга келмас экан.* Ойбек, Болалик.

**НОН-ҚАТИК:** нон-қатик бўлмоқ айн. ош-қатик бўлмоқ қ. ош-қатик. *Даминжон .. бу ердаги кўп кишилар билан нон-қатик бўлиб кетган эди. А. Ҳайитметов, Пулат бармоқлар.*

**НООБОД** [ф-т] Унчалик обод бўлмаган; камхалқ. *Нообод шаҳар. Нообод ўлка.*

**НОПОК** [ф-т] 1 Тоза, озода эмас; ифлос, буланган. *Нопок кийим.* | Ҳаром. *Нопок идиш.*

2 *қўчма нафр.* Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган, ҳаром-ҳариш ишлардан ҳам қайтмайдиган; қалб. *Нопок одам.*

| Тоза, соф, пок эмас; ёмон, жирканч. *Мунаввархоннинг қора юрагида моғор босиб ётган нопок нияти «менга эр эмас, жой керак» хиргойисида ошқора бўлди. М. Иброҳимов, Йўлакдаги муҳаббат.*

**НОР** 1 1 Бир ўркачли эркак туя. **Нор туя** айн. **нор** 1 1.

2 Умуман эркак туя. *Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Мақол.*

**НОР** II [а] 1 Бадандаги туғма қизғиш доғ.

2 **Нор** (эркаклар ва аёллар исми).

**НОР** III [ф-т] айн. **анор.** *Бир боғчада олмаиди, нормиди, Мендан ўзга сенинг ғаминг ермиди? «Равшан». Нор пўст 1) анор пўсти; 2) анор пўсти рангидаги, тўқ қизил.*

**НОР** IV [а] эск. кт. Ўт, олов.

**НОРАВО** [ф-т] 1 кт. Раво кўрилмайдиган; муносиб, лойиқ ҳисобланмайдиган, номуносиб. *Бўлур меҳнат билан ҳар жойда бўлса лойиқ ҳурмат, Ҳалол меҳнат билан қилган машат нораво бўлмас. Ҳабибий.*

2 Йўл кўйиб бўлмайдиган, жойиз эмас. *Соямдан истироҳат олмоқ умид қилма, Умиди истироҳат ошиққа нораводур.* Камбарнисо.

**НОРАСИДА** [ф-т] Балоғатга, вояга етмаган. *Уруша қирон келсин. Кўнлаб норасидаларни ота-оналаридан бевақт жудо қилди. Р. Файзий, Эл меҳри.*

**НОРАСО** [ф-т] 1 Расо, тўлиқ, бут бўлмаган; комплект эмас, нотўла.

2 Ақлий ва жисмоний жиҳатдан етуқ эмас ёки нуқсонли; ноқис. *Норасо бола.* || *Уйласанг бошдан-оёқ меҳнат фазилат, ҳосият. Норасолар оқибат бўлғай расо меҳнат билан. Ҳабибий.*

**НОРАСТА** [ф-т] с. т. Норасида. *Қотилларнинг назарида Норастанинг «гуноҳи» — Ёш бола ҳам ўз юртини Муқаддас, деб билгани. Уйғун.*

**НОРБАЧЧА** 1 Туянинг боласи; бўталоқ.

2 *қўчма салб.* Лаганбардор, хушомадгўй.

**НОРДОН** [ф-т] 1 Тишни қамаштирувчи, оғизни буриштирувчи мазали; аччиқ. *Нордон анор. Нордон узум. Нордон олма.* — *Элмурод Мурзиннинг кайфи борлигини сезди. Нордон нарса чайнагандек юзи буришиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 *хим.* Таркибида водород бўлган (тузлар ҳақида).

◆ **Нордон** гап (ёки сўз, муомала) аччиқ, таъбир берадиган, қаттиқ боладиган гап.

**НОРЕАЛ** [ф-т + р < лат] Реал бўлмаган, реал эмас. *Нореал план.*

**НОРИЗО** [ф-т + а] айн. **норози.**

**НОРИН** Пиширилган ҳамир ва гўшти (одагда қазини) майда тўғраб аралаштириб тайёрланадиган овқат. *Қуруқ норин (шўрва солинмаган нўрин). Хўл норин (шўрвали норин).* — *Эркин холани мақтар, Ош-овқатчи ўхшатар. Ҳамирни пилик қилиб, Норин, лағмон, увралар, Чучвара ҳам дўлмалар.*



Қ. Муҳаммадий. *Кечки норин учун катта қозонда қазни пишади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОРИНХҲҮР** Норинни яхши кўра-диган, кўп норин ейдиган. *Норинхўр одам. || Кўрдинеми? Бир ярим пўт мой беради. Суягигача мой: эрта норинхўрлар маза қилади-да.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОРИНХҲҮРЛИК** I норинхўр с. белги оти.

2 Норин ейиш. *Айт қолинг, Авлиё ота — қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОРМА** [p<лат] I Расмийлаштирилган қонун-қонда. *Хуқуқ нормалари.* | Умум томонидан қабул қилинган, ҳамма учун мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. *Коммунистик ахлоқ нормалари.*

2 Бирор нарсанинг, ишнинг аниқ белгиланган ўлчами, миқдори, меъёри. *Қўндалик иш нормаси. Нормани ошириб бажармоқ. — Зарбдорларнинг олдда ерга қарамай, Нормадан ҳам оширдим ишни бир талай.* Ғайратий.

**НОРМАЛ** [p нормальный] I Нормага мос келадиган, норма доирасидаги, белгилли талабларга жавоб берадиган; муътадил. *Нормал шароит. Нормал ҳол. || Экинлар нормал ривожланмоқда.*

2 Ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, расо. *Нормал бола.*

**НОРМАЛАМОҚ** Бирор нарсанинг, ишнинг нормаларини, миқдорини, меъёрини белгиламоқ, норма белгиламоқ, қўймоқ. *Ишни нормаламоқ.*

**НОРМАЛАНМОҚ** нормаламоқ фл. мажх. н. *Нормалачанг иш қили.*

**НОРМАЛАШТИРИЛМОҚ** нормаллаштирмоқ фл. орт. н.

**НОРМАЛАШТИРМОҚ** Қатъий нормага солмоқ; нормага, маълум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирмоқ. *Тилни нормалаштирмоқ.*

**НОРМАЛИ** Нормага солинган, норма қўйилган, норма билан белгиланган, нормаланган. *Нормали моллар. Нормали томорқа.*

**НОРМАЛЛАШТИРМОҚ** Нормал ҳолга келтирмоқ, нормал изга солмоқ. *Дипломатик муносабатларни нормаллаштирмоқ.*

**НОРМАЛОВЧИ** Нормага солувчи, норма қўювчи. *Нормаловчи инженер.*

**НОРМАЛЪ** [p] мат. Эгри чизиқнинг ёки сиртнинг бирор нуқтасидан ўтган уринмага шу нуқта орқали ўтказилган перпендикуляр.

**НОРМАТИВ** I [p] Корхона фаолиятининг таннарх, меҳнат унумдорлиги ва ш. к. бўйича норма кўрсаткичлари мажмуи.

**НОРМАТИВ** II [p нормативный] I Нормалар ёки нормативлар (қ. *норматив* I) билан белгиланадиган. *Деталларнинг норматив запаси.*

2 Нормаларни белгилайдиган. *Норматив грамматика. Норматив лугат. Норматив ҳисоб.*

**НОРОЗИ** [ф-т+а] I Қаноат ҳосил қилмаган, кўнгли тўлмаган; хурсанд, мамнун эмас. *У сиздан норози. Норози бўлмоқ.*

2 Қўшилишмаган, қўллаб-қувватламаган; қарши.— *Бу шартга кўнмаса, мен тамом норозиман... — қўлини кескин силкиди Салим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОРОЗИЛАНМОҚ** кам қўлл. Норози бўлмоқ, ранжимоқ.— *Қаёқда юрибсан! Бу ёқда шунча нарса ётибди, эшикларинг ланг очиқ. Жуда бепарвосан-да, қизим! — норозиланди Ермат.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОРЧА** айн. норбачча.  
**НОРҒУЛ** Бўлалли ва бақувват гавдали, жуссали, барваста. *Норгул йигит. — Менинг набирам ҳам сенга ўхшаб, Аскарликда хизмат қилади. Сенга ўхшай жуссадор, норгул, Омон деса, ҳамма билади.* Уйғун.

**НОС** Тамакидан тайёрланадиган ва тил тагига ташлаб ёки бурунга искаб чекиладиган нарса. *Бектемир қўйбола носдан бир чимдим тил тагига ташлаб, кейин туپурди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Холмираза ака ичибди, «Шу ғайратинг, шу ҳимматинг бўлса икки йилда хирмон тепадан аниқ айриламиз» деб ўйлайди, бурнига нос искаб олади.* А. Қодирий, Обид кетмон. **НОС ҚОВОҚ** қ. қовоқ.

◆ **Оғзига нос солмоқ айн. оғзига толқон солмоқ** қ. толқон. *Оғзингга нос солиб ўтирасанми, Холиқ! Гапирсанг-чи! Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.*

**НОСВОЙ** айн. нос. *Қоратой, бир танга пул топиладими сенда. Носвой йўқ, эртадан бери хумориман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Аравакаш чол носвой чекиб отни қамчи билан астагина уриб қўяди.* Ойбек, Болалик.

**НОСВОЙЧИ** Нос тайёрлаш ва сотиш иши билан шуғулланувчи одам. *Дадам билан икковимиз .. чанг кўчалардан носвойчиникига қараб кетамиз.* Ойбек, Болалик.

**НОСИЛКА** [p носилки] Қасалларни олиб юриш учун мосланган махсус замбил. *Носилкаларда ярадорларни иккинчи қаватга олиб чиқишади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**НОСИР** [a] I: **носири** ерга букмоқ обрусини тўкмоқ, ерга букмоқ. *Бир кунли одамлар олдда носиримни ерга букиб: «Сиз зангалаган кетмонсиз, оловга тоблаб ўткир эғоода чархлаш керак» деса, юзсиз! Х. Назир, Ўтлар туташганда.*

2 Носир (эркаклар исми).

**НОСКАШ** Нос чекувчи. *Бувим саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.* Ғ. Ғуллом, Менинг ўғригина болам.

**НОСКИ** [p] Тўқилган калта пайпоқ. *Марасул .. кир рўмолчасини олиб Носибанинг қўлига беради, носкисини кўрсатиб, оёғини узатади.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**НОСОЗ** [ф-т] I Соз эмас, созланма-

ган ёки сози бузилган (музыка асбоблари ҳақида).

2 Бирор мақсад учун мувофиқ келмайдиган; нобоп.

3 *Кўчма* Муросаси, ораси бузуқ. *Улар бир-бири билан носоз.*

**НОСОЗЛИК** носоз 3 с, белги оти.— *Энди мен билан ҳам қўйчиқоқ бўлмоқчимисиз, ўртоқ Муҳаммедов? Яъни носозлик бошлангитими? — деди Сотиболдиев.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**НОСОҒ** кам қўлл. Соғ эмас, бирор дард-касали бор; касал, хаста.

**НОСОҒУРУШ** Нос сотувчи.

**НОСҚОВОҚ** (тўғриси нос қовоқ) қ. қовоқ I 2.

**НОТА** I [p<лат] муз. I Товушнинг шартли ёзма белгиси.

2 Музыка ёки ашулада товушнинг ўзи. *Баланд нота. Паст нота.*

3 Шундай белгилар билан ёзилган музыка асари тексти; шундай текстлар ёзилган дафтар, китоб ва ш. к.— *Композитор қайси чолғувчи қачон чилишни кўрсатиб берган, мана нотаси,— деди дирижёр Салоховга.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

**НОТА** II [p<лат] Бир давлатнинг бошқа бир давлатга ёзган расмий дипломатик мурожаатномаси. СССР ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотаси.

**НОТАВОН** [ф-т] I Ҳол-қудрати йўқ; заиф, нимжон, ноғирон. *Нотавон кампир.*

2 *Кўчма* Ночор, бечора. [*Гулбахор:*] *Мен ғурбат тортиб, бағри эзилган бир нотавонман, раҳм қилин!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

◆ **Нотавон кўнгил ёки нотавон кўнгилга қўтир жомашов** ўзига муносибидан кўра юқориқоғни, яхшироқни истаб қолган ёки ўзига муноносиб иш қилган кишига нисбатан айтиладиган ибора.— *Э-ҳе, нотавон кўнглим қурсин, шундай қаҳрамон йигит турганда, менинг Шокирвойимни бошига бошоқ қилармиди... — деди Зокир ота.* А. Муҳиддин, Зебонинг севгиси. *Билган у деди, билмаган бу. Ҳатто оғзига кучи етмаган баъзи бировлар .. «Нотавон кўнглига қўтир жомашов...» деб лўқма ташлашарди.* С. Сиёев, Райҳон.

**НОТАЙИН** [ф-т+а] I Кимлиги, нималиги ёки нима бўлиши аниқ эмас; ноаниқ, номаълум. *Нотайин шахс. Нотайин иш. — Ҳовлидаги кекса тутга чироқ шўғласи тушиб; унда нотайин бир кўланка кезар, ичкаридан «ширт-ширт» этган товуш эшитилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Ишониб бўлмайдиган, тайини, субути йўқ; бетайин. *Э.. Унинг ўзи шундақа нотайин, юзсиз одам!* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Аниқ-равшан эмас, дудмол, мужмал. *Нотайин гап.*

**НОТАМОМ** [ф-т+а] кам қўлл. Охирига етмаган, тамом этилмаган, тамом бўлмаг қолган; чўлтоқ. *Ҳикоянгиз яхши, аммо нотамом.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**НОТАНИШ** Танишлиги йўқ, аввал таниш-билиш, ошна бўлмаган, кўрилмаган; ёғ, бегона. *Нотаниш одамлар орасига келаётганидан хижолат чекибми, унинг юзлари, кенге пешанасини майда тер босган эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Адолат кўзини очганда, ўзини чоғроқ нотаниши бир уйда кўрди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**НОТАРИАЛ** [р *нотариальный*] Юридик актлар, турли ҳужжатларни расмийлаштиришга оид. *Нотариал контора.* | Нотариус томонидан гувоҳлантирилган, тасдиқланган. *Нотариал копия.*

**НОТАРИУС** [р *лат*] Нотариал актларни бажарувчи лавозимли шахс.

**НОТЕКИС** 1 Юзаси, юзи текис эмас, паст-баланд, гадири-будир, ўйдим-чуқур. *Карталарда ҳали ҳам нотекис ерлар бор. Аъзоларни паст-баландни текислашга солиб, ерни бороналашга тайёрласак.* Н. Сафаров, Хадича Ахорова.

2 Бир текисда бўлмаган, ўлчамлари ҳар хил, катта-кичик, паст-баланд. *Нотекис ёғзалар. Нотекис тақсимот. Нотекис ривожланиш.*

**НОТЕКИСЛИК** 1 нотекис с. белги оти. *Харакатнинг нотекислиги.*

2 Нотекис, паст-баланд ер, жой. *Нотекисликларни тўғриламоқ.*

**НОТИНЧ** 1 Шовқини ёки ҳаракати кўп, сершовқин, серқатнов. *Нотинч кўча.*

2 Тинчи, осойиши бузилган; безовта, бесаранжом, бетинч. *Нотинч вақт. Бемаҳал нотинч қилмоқ (этмоқ).* — Унинг [Ҳакимбойваччанинг] раниги ўчган, кўзлари аллақандай нотинч. Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ғалва, ташвиши кўп; серғалва, серташвиш, ташвишли. *Раҳматилла бирмунча вақт шаҳар маорифи бўлишида, бу ер нотинч бўлгандан кейин, музейда ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**НОТИНЧЛАНМОҚ** кам қўлл. Бетоқат, безовта бўлмоқ, ташвишланмоқ. *Бой бизларни сўқади, оёғи куйган товўқдай, нотинчланади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОТИҚ** [а] Нутқ сўзловчи. | Гапга чечан, гапга уста, сўзамол. *Тўғти холадай тўққиз ўғилнинг онаси, мажлисда нотик, теримда девкор аёлни жондан севмаслик мумкинми.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**НОТОБ** [ф-т] Тоби йўқ, касал, бетоб. *Худо берган бир ўғил, бир қизим бор. Уларни нотоб деб эшитдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОТЎҒРИ** 1 Ҳақиқатга мос келмайдиган; янглиш, хато. *Нотўғри фикр.* || Сўзни нотўғри ёзибсиз. — Бу гапингиз нотўғри, қори, сизнинг илмингиз эчкича илм. Қолхозга янгича илм керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Орқада келатган Мели полвон: — Айб ўзимизда ҳам бор, Эрмат ака. Биттамыз «Мана бу тўғри, мана бу нотўғри!» деб*

*дадил гапиролмаймиз,— деди.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Тартиб-қоидага, умумий нормага тўғри келмайдиган; ноўрин, ножўя, чакки. *Нотўғри иш. Нотўғри хатти-ҳаракат.*

**НОУМИД** [ф-т] 1 Умиди йўқ, умидсиз. *Ноумид одам.* — Хотин кишини ҳамма вақт ноумид, норози кўриб ўрганган ва буни хотинлик латофати деб билган Сидиқжонга жувоннинг бу гаплари .. унча ботмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Ишончини йўқотган ҳолда, ишончсиз равишда. *Ноумид бўлмоқ.* || *Қасқасини бошига тўнкариб, бир инграб қўйди-да, теваракка ноумид қаради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

◆ **Ноумид шайтон қ.** шайтон 1. **НОХИН** [ф-т] Танбур торини чертиб чалиш учун ишлатиладиган маҳсус металл мослама. Ахир, дуторчининг танбур нохинга бармоқларини ўргатиб олиши осонми. Х. Назир, Утлар туташганда.

**НОХОСДАН** рви Бехосдан, қўққисдан, кутилмаганда. *Нега бундай нохосдан шаҳар бормоқчи бўлдингиз?* Айний, Эсдаликлар.

**НОХОТ** с. т. Нўхат.

**НОХУНА** [ф-т] От ва молларнинг бурнида пайдо бўладиган ўсимта. *Му-сулмонлар орасида .. бир касал ҳукм суриб келаётгубди, .. бу касал қулғуна ва қайсар и нухонадан ҳам ёмонроқ.* «Муштум», 1924, № 1.

**НОХУШ** [ф-т] 1 Таъби хира, кайфияти ёмон, бузуқ. *Эрталаб Маҳкам уни нохуш аҳволда кўриб, яна муросалари келишмаганини сезди.* П. Қодиров, Уч илдиз. || *Гулсум нохуш кўринарди. Унинг кўнгли нимагадир гап экани юздан билиниб туради.* П. Турсун, Уқитувчи.

2 Хуш келмайдиган, ёқимсиз, кўнгилсиз. *Нохуш хабар. Нохуш гап.* — Унинг [Мунисхоннинг] юзи эртафарон бўлди. Айниқса, бугун эрталаб почтальон ташлаб кетган газета нохуш хабар келтирди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

3 Носоғ, бетоб, касал. [Башорат хола] кечга яқин ўзини нохуш сезиб вақтли ётиб қолди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**НОЧОР** [ф-т] 1 рви Ўз майлига, хоҳишига қарши; чорасиз, ноилож. *Қош қорайиб қолган, улар ночор шийпонга қайтишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Адолат кетгиси келмаса ҳам, ночор ўрнидан турди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 сфт Камбағал, бечора; хароб, абгор. *Ночор хўжалик.* — *Ҳовли анча ночор, уйнинг қамиш бўғотини емғир суви ўпириб тушган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**НОЧОРЛИК** 1 ночор 2 с. белги оти. — *Ер олган кўкаради, ер сотган қуриди. Мана бу гапнинг магзини чақ, жиян!* — *Ночорлик, тоға.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Ночор ахвол, муҳтожлик. **НОШАРҲӢЙ** [ф-т+а] дин. Шариятда йўл қўйилмайдиган, шариятга хилоф; ғайришарҳий. — *Бировнинг келини билан менинг ишим нима, Қулматов! Қўйинг, ношарҳий гаплар билан оғзингизни чарчатманг,— деди Ғани ота.* Х. Ғуллом, Машғал.

**НОШИР** [а] Нашр этувчи, чоп қилувчи, чиқарувчи.

**НОШОД** [ф-т] кам қўлл. кт. Шод, хурсанд эма, кайфи бузуқ. *Зотан ким ҳам буларга Қилсин марҳамат, имдод. Ўзлари каби кўплар, Таҳқирланган ва ношод.* Ғайратий.

**НОШОЁН** [ф-т] кам қўлл. кт. Но, лойиқ, номуносиб, ножўя. *Ношобён ибора.*

**НОШУД** [ф-т] Қўлидан ҳеч иш келмайдиган, ҳеч қандай ишнинг удрасидан чиқа олмайдиган; эпсиз, эпашанг, лаванг. *У ўзи танлаган уч ношуд навқари билан беш кишилашиб битта ҳам кийик урломганликларига диққат.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Шундай катта дарозхон ўрин тополмай қўлингиз бурнингга тиқиб қайтдингизми, ношуд!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**НОШУҚУР** [ф-т+а] Борига қаноат, шукур қилмайдиган; кўрнамак. — *Ношукур экансиз, она,— деди [Зайнаб],— поччамдан нолишингиз яхши эмас.* А. Қодирий, Утган кунлар. [Роҳила:] *Хой, ношукур! Бахт қуши одамнинг бошига бир марта қўнади-я!* Уқилиш ҳамма вақт бўлаверади,— магазин тўла китоб! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**НОШУҚУРЛИК** 1 ношукур с. белги оти.

2 айн. **ношукурчилик.** **НОШУҚУРЧИЛИК** Борига қаноат, шукур қилмаслик; кўрнамаклик. *Ношукурчилик бўлмасин, пулни, дон-дунни етказиб беришди, пулга нима олсан, донни нима билан ютсан дейишмайди.* И. Раҳим, Зангори кема каяитана.

**НОЯБРЬ** [р *лат*] Янгича йил ҳисобича ўн биринчи ой.

**НОУРИН** 1 Уринли эмас, ножўя, чакки; бемаврид. *Ноурин гап.*

2 Етарли асосга эга бўлмаган; асоссиз, пуч. *Ноурин даъво. Ноурин талаб.*

**НОКИЛ** [а] эск. кт. Нақд қилувчи, ҳикоя аytувчи.

**НОҚИС** [а] Камчилиги, нуқсонли бор, нуқсонли.

**НОҚОБИЛ** [ф-т+а] 1 Қобилияти, лаёқати йўқ; лаёқатсиз. *Шарқ халқларини ҳақорат қилмоқ, улар ақли, қобилияти чала, тарихий ижода ноқобил деб исботламоқ .. учун буржуазия идеологлари минг-минг томлаб китоб ёздилар.* Ш. Рашидов, *Леани ва Шарқ. Майда иша зўр берган одам каттасига ноқобил бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Сўзга кирмайдиган; ўжар, қайсар. [Ёрмат] *халқумини бўған йиғидан қийналиб базўр гапирди: — Алҳамду-*

дилло, кўрдим, тирик экансан, ноқобил болам. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Хулқи ёмон, ярамас. Ноқобил бўл. — Хали ҳам анов ... маҳсидиёзникидамисан? Аканг тентак йиғит, кўп ноқобил чиқди. Ойбек, Қутлуг қон.

**НОКУЛАЙ 1** Иш-ҳаракат учун қулайлиги йўқ; қулайлик бермайдиган, қўл келмайдиган; ўнғайсиз. *Нокулай кресло.* — Бектемир нокулай ерда узала тушиб ётар ва тинмасдан отар эди. Ойбек, Қуёш қораймас. | Мувофиқ келмайдиган, номувофиқ. *Нокулай пайт.* — Баҳорда об-ҳаво нокулай келишига қарамасдан, бу заводидаги кишиларнинг фидоикорона меҳнати натижасида пахтадан яна мўл ҳосил етиштирилди. Н. Сафаров, Курбонали.

2 Кишини ўнғайсиз аҳволга соладиган, хижолат қиладиган; хижолатли. *Бу гапни унга сиз айтинг, менга нокулай.*

**НОГОРА** [а] Туваксимон сополга тери сириб ясалган ва иккита чўп билан уриб чалинадиган бир жуфт музика асбоби. *Ногора овози.* *Ногора чалмоқ.* — Ногора чўпининг тез урилиши, баччанинг бир айланиши ва кучли, ялти қийқириқ билан базмининг биринчи қисми тугади. Ойбек, Қутлуг қон.

♦ Тўйдан кейин ногора вақти ўтгандан сўнг, ганимат фурсат қўлдан берилгандан кейин ғайрат кўрсатилганда айтиладиган ибора. Тўйдан олдин ногора чалмоқ (ёки қоқмоқ) ўзи йўқ, хали бўлмаган нарса ҳақида жар солмоқ. *Узоқ тўйга олдиндан ногора қоқши ярамайди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ногора қилмоқ жар солиб ҳаммага маълум қилмоқ, дўмбира қилмоқ.* *Қарасам айбимни оламга ногора қиладиган.* «Муштум», 1959, № 3. *Узинга боқ* — ногора қоқ аввал ўзингга қара, сўнгга бировнинг айби, камчилиги ҳақида гапир. [Бировнинг] *ногорасига ўйнамоқ* бировнинг айтганини қилмоқ, бировнинг изми, гапи билан иш қилмоқ. *Йўқ деб кўринг-чи, правление Ойқиз билан Олимжоннинг ногорасига ўйнайди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**НОГОРАЧИ** Ногора чалувчи.

**НОҲАҚ** [ф-т+а] 1 Қонунга хилоф, зид; ғайриқонуний. *Тунов кун унга [Урмон полвонга] бориб, «бизнинг ғаллаларимизни ноҳақ ва зўр билан босиб олдилар» деб арз қилган оёқ яланг дехқон, чўпон ва ўтинқашлар кириб келдилар.* Айний, Қуллар. *Кўнғил тўла армон, йўқдир дармон, Оҳ, ҳар кун ноҳақ қурбон, мудҳиш.* С. Абдулла.

2 Ҳаққоний бўлмаган, адолатсиз, нотўғри. *Ноҳақ ҳўкм.* *Ноҳақ ишга ривож йўқ.* Мақол. — *Ноҳақ ишга қуяман. Бой, камбагал, мулла, эшон демасдан ҳаммининг боласига бир текис қаралса, отамга лаънат ўғлимни юбормасам.* Ойбек, Қутлуг қон. *Маҳкам .. ноҳақ гаплардан қаттиқ норози*

*бўлиб, яна юзининг қони қоча бошлади.* П. Қодиров, Уч илди.

3 кесим вазифасида Ҳақли эмас. *Қим ҳақ, ким ноҳақ — аниқ бўлди.* *Бу масаллада сиз ноҳақсиз.*

**НОҲАҚЛИК 1** ноҳақ с. белги оти.

2 Ноҳақ иш, хатти-ҳаракат. — Ҳа, кечирасизлар, ўртоқлар, *айтгиндай, раиснинг сўзидаги ноҳақликларни айтмай бўлмайди.* — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи. *Дадаси оддий темирчи бўлса ҳам ноҳақликка қарши курашда ўз жонини аямай, янгича ҳаёт учун курашган ажойиб кишилардан бўлган!* С. Анорбоев, Оқсой.

**НУЖУМ** [а]: илми нужум эск. кт. айн. астрология. *Мадрасаларда Улугбек замонида ўқитиладиган илми нужум ва рибзиёт фанлари чиқариб ташланган, муллаваччалар фақат диний масалларинигина ўрганар эди.* М. Осим, Элчилар.

**НУР** [а] 1 Ёруглик манбадан таралган ва интиқа тола равишда таъсаввур этиладиган зиё, ёғду. *Қуёш нури. Ой хира нур сочмоқда.*

2 Умуман ёруғлик, зиё; ёруғлик энергияси. *Электр нури.* — *Балиқ тирик сув билан, Гийёҳ яшир нур билан, Денгиз равшан дур билан, Инсон эркин у билан.* Қ. Муҳаммадий.

3 кўчма Ҳақиқат, бахт-саодат, эркинлик, маърифат рамзи. *Билим нури. Октябрь нури.* — *Кўча жанги бошланганди. Зуллат билан нур тўқнашган, ҳаёт-мамонт уруши бормоқда.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

4 физ. Мусбат ёки манфий зарралар, электромагнит тебранишлар оқими. *Рентген нурлари. Қатод нурлари.*

5 Нур (эркаклар исми).

♦ Кўз нури ардоқли, кўз қорачигидай азиз киши (асосан фарзанд ҳақида). *У [она] Гулнор каби севикли қизини, кўз нурини, оловга отиб, яна унинг бахт ва саодати тўғрисида насухат қилишни керак.* Ойбек, Қутлуг қон. *Нур ало (ёки устига) нур* яна ҳам яхши, кўнгилдагидан ҳам аъло. *Ихтиёр ўзингизда, қутлайман десангиз айтиб кўринг, хўп деса нур ало нур.* М. Исmoilий, Фаргона т. о. *Нури дийда қ. дийда.* *Нур касали* радиоактив нурланиш таъсирида келиб чиқадиган касаллик. *Натижада японларнинг бир қисми нур касалига мубтало бўлиб қолган.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Кўз нурини тўқиб* узоқ вақт кўз узмай, кучини аямай қунт билан. *Кўз нурини тўқиб* ишламоқ.

**НУРАМОҚ 1** Эскириб емирилмоқ, бузилмоқ. *Бўтабой .. баҳор ёғирида нураган ўчоқни яхшилаб сувади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Келган киши, овоз чиқмагандан кейин, эшик ёнидаги нураб қолган девор устидан мўралай бошлайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Табиий куч (шамол, атмосфера ва ш. к.) таъсирида емирилмоқ, ўзгармоқ.

3 кўчма Ичдан зил кетмоқ, емирилмоқ. *Маърифат ва билимга муштоқ*

*бу йиғит, нураб кетган* эски дунёдан кўрган жафоларини хотирлаб, ўтмишига лаънатлар айтар эди. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

**НУРАТМОҚ** нурамоқ фл. орт. н. Йиллар — асларни қувиб ўтади, Томирсиз ишларни ювиб ўтади. *Аммо ювомайди, нуратолмайди, Биз кўйган гиштларни қулатолмайди.* Ғ. Ғуллом.

**НУРАФШОН** [а-|ф-т] кт. Нур сочувли, нури, порлоқ. *Марксизм-ленинизмнинг нурафшон ғоялари. Ленин асарларининг нурафшон саҳифалари.*

**НУРАШ 1** нурамоқ фл. иш оти.

2 геол. Тор жинсларининг шамол, атмосфера ҳодисалари ва ш. к. таъсирида емирилиши.

**НУРЛАНМОҚ 1** Нур сочмоқ; нур билан ёритмоқ; порламоқ. *Жаҳон Москвадан нурланиб борур, Тўё ерға бирдан қўнғандек Қуёш.* Ғ. Ғуллом.

2 физ. Узндан нури энергия чиқармоқ. *Радиоактив моддаларнинг нурланиши.*

3 кўчма Ёрқин намоён бўлмоқ, акс этмоқ, порламоқ. *Ефим Даниловичнинг юзиди оталик меҳрининг ажойиб илқлиги нурланди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**НУРЛАНТИРМОҚ 1** нурланмоқ фл. орт. н. Мана ҳовли орқасидиги чақалакдан секин-секин ой кўрина бошлади. *Кечанинг қоронғисида эриб йўқолган дарахларни нурлантириб, уларга кўркам ҳаёлий манзаралар шаклини беради.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бирор манба нурини йўналтирмақ, ёғдирмоқ (даволаш ёки бошқа бирор мақсад билан). *Оғриқ жойни кварц лампа билан нурлантирмоқ.*

**НУРЛИ 1** Нур, ёғду берадиган; ёғдули. *Нурли қуёш. Нурли энергия (физ.).*

2 кўчма Ёруғ, равшан, порлоқ. *Даданг уруида голиб бўлиб, омон-эсон қайтсин. Бу нури кунларни кўриб яйрасин.* Ойдин.

**НУРОНИЙ** [а+ф-т] Юзидан нур ёғилиб турадиган, файзли (кексалар ҳақида).

**НУРСИЗ 1** Нур бермайдиган ёки ёритилмаган; хира. *Ҳамиджон ойининг нурсиз ёруғи тушиб турган деразадан кўчага қаради.* У. Умарбеков, Чўлда бир кун.

2 кўчма Қони қочган, рангпар. | *Хира (юз, кўз ҳақида).* — *Кунимиз қурсин, Жумагул. Сен ҳам ҳалак, мен ҳам, — дерди чол нурсиз кўзларидан оққан ёшини артиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Унинг [афгон чойфурушининг] азалдан қулга ўхшаши нурсиз юзи баттар қорайиб кетгандай кўринди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 кўчма Бадий жихатда бўш, қизғи йўқ, мазмунсиз. *Нурсиз асар.*

4 кўчма Рўшноликдан йироқ, оғир. *Тийрак Ҳамиднинг нурсиз ҳаётини безаган бирдан-бир нарса онаси Қомила онанинг сўзлаган эртаклари, .. бўлди.* «Ўзбек совет адабиёти».

**НУРСИЗЛАНМОҚ** Нури кетиб, қони қочиб хираланмоқ, хира тортмоқ. *Нурсизланган юзига қон юзури тиниқланди.* А. Қаххор, Сароб.

**НУСРАТ** [а] эск. кт. 1 Ёрдам, мадад, кўмак. *Менинг нусратим, кароматим шу киндик қоним тўкилган ерга мэхрим, холос.* Н. Ёқубов, Бўсағада.

2 Ғалаба, зафар. *Бутун илму фан қайнаган, бағри кенг, Зафар ёру нусрат нишон Москва.* Ҳабибий.

3 Нусрат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**НУСҲА** [а] 1 Бир турдаги нарсалар ҳақида тасаввур берадиган намуна. *Молларнинг нусхалари.* ■ Улар бунга [альбомни] варақлаб, керакли газламаларнинг парча-пурча нусхаларини кўриб (материал) танлайдилар. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бир хил қилиб ясаш, кўчириш учун тайёрланган намуна; андаза. *Эндиги хатни нихоятда эҳтиёт билан нусхага қараб ёздирини кўнглидан ўтказди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Гул, нақш ва ш. к.нинг тури. *Ягона машаққати — қизга безак моллари тайёрлаш, янги нусхалар топдириш, чеварларга тикдириш ва ҳоказодан иборат.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Шундай гул, нақш тури билан ишланган маҳсулот. *Дўппининг чуст нусхаси.*

3 Босма ёки ёзма асарнинг ҳар бир донаси. *Қитоб минг нусха босилди.* ■ *Тошкентда бу китобдан фақат икки нусха бор, холос.* С. Аҳмад, Ҳукм.

4 Бирор нарсанинг аслидан олинган кўчирма. *Протокол нусхаси. Нусха олмоқ. Нусха кўчирмоқ.*

5 с. т. Бирор салбий тоифага мансуб одам. *Умуман олганда туҳматчи нусхалар йўқолиб борапти.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 дағл. Афғ, башара, ангор. *Нусханг қурсин. Нусхангни кўрсатма.*

**НУСҚА** с. т. Нусха.

**НУТҚ** [а] 1 Фикрни сўз орқали ифодалаш қобилияти, маҳорати. *Нутқи ёмон.* Боланинг нутқини ўстирмоқ. ■ *Очилнинг нутқи .. яхши эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 Амалдаги, сўзлашув жараёнидаги тил. ■ *Нутқ маданияти.* Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб гап тузимиз. | Тилнинг бирор жанри, услуби. *Поэтик нутқ. Бадиий нутқ. Оғзаки нутқ.* | Жамоат олдида айтладиган, ўқилладиган гап, ваъз. *Оташин нутқ. Ҳаяжонли нутқ. Нотикнинг нутқи. Нутқ сўзламақ. Нутққа тайёрланмоқ.*

**НУФУЗ** [а] Обрў-эътибор; таъсир. *Бек ўз нуфузининг йўқолиб бораётганидан диққати ошиб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишини шафқатсиз қораловчи Совет Иттифоқининг нуфузи балад.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

**НУФУЗЛИ** Обрў-эътиборли; таъсирли. *Нуфузли кишилар.*

**НУФУС** [а] айн. аҳоли. *Шаҳримиз нуфуси миллиондан ошди.*

**НУЧУК** с. т. Нечик, қандай. *Модомики шундоқ экан, қори шундоқ қилишга нучук журғат қилди?* А. Қаххор, Кўшчинор.

**НУҚРА** поэт. айн. кумуш 1.

**НУҚС** [а] Нуқсон, камчилик. *[Маҳдум] .. камина ва ожизамизда бир қанча гуноҳлар, нуқслар, узрлар бор, тақсирлар!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Домла ҳикоядаги суратларни кўрди. Сўнгра ўрта бир еридан бир-икки жумла йўқиб, тилидан нуқс топди.* А. Қаххор, Сароб.

◆ **Нуқси урди** таъсири урди, таъсири ўтди. *Шербекка меҳнат билан ўтган кунларнинг нуқси урди. Сезиларли ошди. Олдин қон томиб турган юзлари қорайиб пишди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**НУҚСОН** [а] 1 Киши номига номunosиб, уни салбий жиҳатдан характерлайдиган белги; камчилик, иллат, қусур, айб. *Унинг бир нуқсони — ёлғончилиги.* ■ *Қизини ер-кўкка шонмаган, унинг бутун нуқсонларини бир фазилат деб билган онаси .. бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қилар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Жисмоний ёки руҳий камчилик, иллат. *Унинг бир нуқсони бор: сал оқсаб юради.*

3 Сифат жиҳатидан етишмовчилик, камчилик, кам-кўст. *Ёғочнинг нуқсонлари. Йидаги нуқсонлар.*

**НУҚСОНЛИ** Нуқсони, камчилиги, иллати, айби бор; қусурли. *Нуқсонли мол. Нуқсонли бола.* ■ *Нуқсонли деб топган нуқталарни шилловчиларга малол келтирмаданига танқид қиладди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Сороҳон Саидийнинг нуқсонли бўлишидан манфаатдор эмас!* А. Қаххор, Сароб.

**НУҚТА** [а] 1 Макон ёки фазодаги маълум бир ўрин; пункт. *Бир нуқтага тикилиб қолмоқ.* ■ *Ҳар вақтдагидан кўркамроқ, тиниқроқ кўринган тўлин ой самонинг бир нуқтасида қотган каби.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Гап охирига, шунингдек қисқартиб ишлатилган сўзлар охирига қўйилладиган тиниш белги (.). *Кўп нуқта* текстда тушириб қолдирилган парча ўрнига қўйилладиган уч нуқта (...). *Икки (ёки кўш) нуқта* уюшиқ бўлакларни умумлаштирувчи сўздан кейин, шунингдек кўчирма гаплар автор гапидан сўнг келганда қўйилладиган тиниш белги (:). | Нота ёзуви, географик карта, план кабиларда бирор нарсанинг шартли ифодаси бўлган белги (.). *Москванинг планини келтириб берди ва дорилфунунга борадиган трамвай йўлини қизил сиеҳ билан чизиб, тушиладиган ерларга қизил нуқталар қўйди.* А. Қаххор, Сароб.

2 Маълум бир тармоқли системада бирор тармоқ, звено ўрнашган жой, пункт. *Пулемёт нуқтаси. Саавдо тармоқларининг нуқталари.* ■ *Артил-*

*лерия худди рўпарадан отгандай душман оқопларини, ўт очиб нуқталарини бирин-кетин тор-мор қилмоқда эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

3 Математикада, механикада, физикада ўлчов йўқ пункт, ўрин, кесмалар чегараси. *А нуқта билан Б нуқта ораси. Тўғри чизиқларнинг кесишган нуқтаси. Уриниш нуқтаси мат.* бир чизиқнинг иккинчи чизиққа уришиб ўтган ери. *Таянч нуқтаси физ.* ричаг таянган жой.

4 физ. Моддалар бир агрегат ҳолатдан бошқасига ўта бошлайдиган температура чегараси. *Қайнаш нуқтаси. Музлаш нуқтаси. Эриш нуқтаси.*

5 Воқеа, ҳодиса, ижтимоий тараққиёт ва ш. к. процессларда маълум бир пайт, чегара.

◆ **Нуқта назар қ. назар.**

**НУҚТАЛИ** Нуқтаси бор. **Нуқтали** вергул қўшма гапларда ёйиқ ва кўпроқ мустақил бўлган бўлакларни ажратишда, шунингдек гапнинг уюшиқ бўлаклари группаланганда қўлланидиган тиниш белги (:).

**НУҚУЛ** [а] рви 1 Турган-битгани, бошдан-оёқ. *Кохозимиз ерлари нуқул пахтазор:* ■ — *Ҳа,— дейди Холмирза ака,— мана шу хирмон теланинг тупроғи нуқул ёйиқ-да.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Тепалик нуқул қайинлар билан қопланган эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. | *Ҳеч нарсга аралашмаган, соф, тоза. Безаклар нуқул олтиндан.*

2 Доимий равишда, доимо, ҳа деб, фақат. *Қурбон ота .. ўзи кўрган томошаларни негадир ўрмонжон кўрмаган гумон қилиб, нуқул унга таърифлар, қайта-қайта мақтар эди.* А. Қаххор, Кўшчинор.

**НҲМАЙ** айн. мўмай.

**НҲНОҚ** Уддабурон эмас; эпсиз, ношуд. *Гапга нўноқ одам.* ■ *У гап орасида Ашир маҳрамнинг яхши томонларини таърифлаган бўлиб, лекин «хали ҳарбий ишларга нўноқ» деб қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**НҲҲАТ** [ф-т] Бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг овқатга ишлатилладиган мошдан йирик юмалоқ сариқ дони; нохот. *Қовурилган нўхат. Нўхат шўрва.*

**НҲҲАТШҲРАК** [ф-т] Нўхатни гўшт билан қайнатиб, димлаб тайёрланадиган тансиқ овқат.

**НҲҲАТШҲРАКЧИ** Нўхатшўрак пишириш ва сотиш иши билан шуғулланувчи одам. *Бир чеккада оғзи қулоғига этган .. нўхатшўракчилар ёш болаларнинг пулларини алдаб олмоқдалар.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**НҲҲТА** От-уловни боғлаш, етаклаш, хайдаш учун бошига солинадиган абзал. *Отнинг юганини бошига солиб, нўхатни хуржунга тикиб, .. отга минди.* Айний, Қуллар. *Майна зиакнинг нўхтасидан ушлаганича, нарироқда ерга қараб туради.* Ш. Тошматов, Эрк қушн.

**НҲҲТАЛАМОҚ** 1 НҲҲта солмоқ. [Зулфизар] .. қора Қашқа отни саралаб олди; эгарлаб, нҲҲталаб, ишни яхши нҲҲталаб, Истамбул кўчаларини ўрталаб, қанизлар олдиға етди. «Зулфизар билан Авазхон».

2 кўчма Уз эрк-ихтиёрига бўйсундириб олмоқ, ўз измига солиб олмоқ, жиловламоқ. *Синф раҳбари жуда зўр муаллим-ку, наҳотки, улар ҳам асовни нҲҲталаб оломасалар, а? М. Исмоилий, Бизнинг роман.*

**НҲҲТАЛАНМОҚ** нҲҲталамоқ *фл. мажх. н.*

**НҲҲ** I [ф-т]: нҲҲ айламоқ (ёки этмоқ) *эск. кт. айн. ичмоқ.*

**НҲҲ** II: нҲҲ пиёз қузда тикма қилиб экилган пиёз.

**НҲҲИМОҚ** *диал.* Туртмоқ, ниқтамоқ. — *Мингебоши! — деди у [ҳоким], қўлидаги ўрма қамчисининг юлғун сопи билан додхоҳ қорнини нҲҲқиб. — Бўлисинда ишга чиқмайдиган биттаям одам бўлмаслиги керак! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**НҲҲҲҲ** қ. нҲҲҲҲлар. *НҲҲҲҲ тили. || НҲҲҲҲ аёл. НҲҲҲҲ дўппи тепаси ясси чамбар дўппи. НҲҲҲҲ чой с. т. оқ чой, сутли чой. НҲҲҲҲ қошиқ с. т. гулли заранг (ёғоч) қошиқ.*

**НҲҲҲҲҲ** I с. т. *эск.* Татарлар. 2 Шимолий Кавказнинг шарқ районларида яшовчи турк тилида сўзлашувчи халқлардан бири.

О

**О** Ўзбек алфавитининг ўн олтинчи харфи ва шу харфнинг номи.

**О** (чўзиқ) *унд. с.* I Завқланганликни ёки мамнунликни билдиради. *О, қандай гўзал манзара! — [Вали ака:] Ассалоу алайкум, ҳорманг энди, эшон! О, баракалла, теримни туғатиб қўйибсиз-ку! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Ҳайратни, ажабланишни ифодалайди. — *О-о! — деди Олахўжа ваҳима билан Тожибойга тикилиб. — Хали гап шунақа дегин! П. Турсун, Ҳқитувчи.*

3 Мурожаатда фикрни қувватлаш, кучайтириш учун қўлланилади. — *О, Мастон — деди Турғуной, — эрим миямда данак чақса ҳам, уйда ўтирганам бир давлат эди. А. Қаҳҳор, Мастон. | Сўзнинг охирида келиб, нидони англатади. Собир-ол Собир!*

**ОБ** [ф-т, л. м. сув] I Изофат орқали от, сифат ва баъзан равишлар билан бириктиб, жуфт отлар ясади, мас. *оби-ёгон, оби-равон. Об бўлмоқ* сувда ёки ёмғирда ивиб, шалаббо бўлиб кетмоқ.

2 *махс.* Ойнанинг (кўзгунинг) орқасига берилган сир, амальгама. **Об бермоқ** сирламоқ, амальгама суртмоқ.

**ОБА** [ф-т] Каштачиликда: тўғри чизик шаклидаги нақш гул.

**ОБАКИ** I [ф-т] Узумнинг оқ чиллакига ўхшаш, ширин бир тури.

**ОБАКИ** II [ф-т] *айн.* обакидандон. **ОБАКИДАНДОН** [ф-т] Шакар қиемидан тайёрланган манпаси.

**ОББА** *унд. с.* I Тахсин билдиради. *Обба қизим-ел Дўптини ўзим тикдим дегин! — [Мирзакаримбой:] Обба жиян-ей, бизникини топиб келдинг? Ойбек, Қутлуғ қон.*

2 Ҳайратни, нафратни билдиради. *Обба падар лаънати-ей, ҳали шунақа иш қилди денг? А. Қодирий, Ҳтган кунлар.*

**ОББАҲОЛАМ** *кириш. с., с. т.* Балки, эҳтимол, бўлса ажаб эмас. *Оббаҳолам, бугун жума бўлса керак.*

**ОББО** I *айн.* оббо.

2 Зорланишни, норозиликни ифодалайди. *Оббо .. Жайнақбой, бизнинг кампирнинг тоби қочипти. Н. Сафаров, Ҳйғониш.*

**ОББО** (охирги о — чўзиқ) *бол.* Болани ухлатиш алласи. **Оббо қил ухла.** **Оббо айтмоқ** болани алла айтиб ухлатмоқ.

**ОББОЛАМОҚ** Болани оббо айтиб, аллалаб ухлатмоқ. *Аёл боласини обболамоқда.*

**ОБГАРДОН** [ф-т] Ошпазларнинг узун дастали катта, ичи чуқур чўмичи. *Шу вақтда обгардон, қапир кўтариб, бир ошпаз келиб қолди. «Орзигул».*

**ОБДАН** *реш* I Роса; хўп. *Обдан адабини бермоқ. — [Уста Бабуд] бақувват, пишшиқ, меҳнат билан обдан чиқиққан одам эди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр. | Мириқиб, тўйиб. Обдан тўйиб олмоқ. — Қиши билан қор сувиға обдан қониққан ер хамирдек кўпчиб турибди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

2 Жуда, жуда ҳам. *Шаҳарда бир маҳаллада бўлганимиз учун обдан яхши биламан. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Батамом, бутунлай; мукаммал суратда. *Кенжа бригадаси янги ерга обдан ўрнатиб олгунча қолхоздан кўпчилик ҳашара бориб турди. Ҳ. Назир, Маёқ сари. Стол турли ноз-неъматлар билан обдан ясатилаган. М. Жабборов, Севинчи ёшлари.*

**ОБДАСТА** [ф-т] Бег-қўл ювиш учун ишлатиладиган узун ва ингичка жўмракли, бўғзи тор ндиш. *Сопол обдаста. Чўян обдаста. — Битта обдастада сув келтириб ўз, қўлларимни ювдирдилар. Ойдин, Ҳзидан кўрсин. Обдаста савовар обдаста шаклидаги маҳаллий савовар. Обдаста тутмоқ* обдастандан сув қуйиб туриб қўлини ювдирмоқ.

♦ **Пучук обдаста** ўзига алоқаси йўқ ёки ақли етмайдиган гап-сўзга, ишга аралаша берадиган кишига қарата, уни камситиб, танбеҳ юзасидан айтиладиган ибора. *Сен пучук обдаста йлурга ким қўйибди, бировларнинг ишига аралашини?* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**ОБДАСТАГАРДОН** [ф-т] *этно.* Йўқолган ёки ўғирланган нарса ўғирисини «топиш» усули (бунда ичига сув солиниган обдастани бўғзидан ип боғлаб, бармоққа осиб айлантирилади, дуолар ўқилади, обдаста айланишдан тўх-

таганда унинг жўмраги даврала ўтирган гумондорлардан қайси бирининг қаршисига тўхтаса, ўша киши «ўғри» саналади). *Қапир «дуонинг зўри билан қулф очадиган» азайимхонга обдастагардон қилдиргани қатнаб, эрим қон жийда, уч елшитовоқ жўмори, икки калава ип элтиди, аммо иш чиқмади. А. Қаҳҳор, Ҳғри.*

**ОБДИРАМОҚ** Ҳзини йўқотмоқ, гангимоқ, довдирамоқ — *Нега обдираб қолдиларек? Отинглар, босинглар бу уйинг қуйғурни! — деб бақирди. С. Айний, Қуллар.*

**ОБДИРАТМОҚ** обдирамоқ *фл. орт. н.*

**ОБДИРАШМОҚ** обдирамоқ *фл. бирг. н.*

**ОБДИШ** *диал.* Чойдин, човгун. *Чол бесаранжом кириб келиб, дарров обдишга қўл урди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ОБДОВ** с. т. Ёгин суви тез оқиб тушиб кетини учун қилинадиган том қиялиги; нишаб. **Обдовини олмоқ** нишабини тўғриламоқ.

**ОБДОР** [ф-т] *эск. кт.* I Тиниқ, шаффоф, ялтиратилган (қимматбаҳо тошлар ҳақида).

2 *кўчма* Оқ юзли, гўзал. *Ҳайри Бердибой каби йиғитларнинг юрагини ўйнатарлик даражада обдор. А. Қодирий, Обид кетмон.*

3 *фольк.* Сув берилган, яхши тобланган, ўткир (қилич, пичоқ ва ш. к. ҳақида). *Қосимхон шоҳнинг аччиғи келиб, ҳар туки обдордай бўлиб, қизига бир сўз деди. «Зулфизар билан Авазхон».*

4 Учига заҳар суртилган. *Обдор ўқ.* **ОБЕД** [р] с. т. I Тушки овқат. **Обед қилмоқ** тушки овқатни емоқ, тушда овқатланмоқ.

2 Тушки овқат вақти. *Обедда бир келиб кетинг.*

**ОБЕЛИСК** [р < грек] Юқорига томон ингичкалашиб борадиган тош устун шаклидаги ёдгорлик. *Ҳалаба шарофига қўйилган обелиск.*

**ОБЖУВОЗ** [ф-т] I Сув кучи билан юрадиган, шולי оқлайдиган қурилма. *Кудвингиз обжувозда шולי оқлайпти. Тинч-омонлик, отаси! Ҳ. Ҳулом, Мащъ-ал. Шербек ўз овозидан ўзи қўрқиб кетди: юраги обжувоздек гурс-гурс урарди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 Шундай қурилма ўрнатилган хона; обжувозхона.

♦ **Қошони обжувоз қилмоқ** икки қошни галма-гал учирмоқ. *Домла .. қошларини обжувоз қилиб, Элмуродга тикилди. П. Турсун, Ҳқитувчи.*

**ОБЖУВОЗХОНА** [ф-т] Обжувоз ўрнатилган хона; обжувоз.

**ОБЖУВОЗЧИ** I Обжувозда ишловчи, обжувозда шולי оқловчи одам.

2 Обжувоз эгаси, хўжайини.

**ОБЗОР** [р] Ҳзаро бўлганган масала-ларга доир маълумотларни худосалаб, қисқача қилиб берилган оғзаки ёки ёзма ахборот. *Матбуот обзори. Ҳадқа-ро обзор. Обзор қилмоқ.*

**ОБОЗРЧИ** Журнал, газета, радио ва ш. к.га обзор мақолалар бериб турувчи мухбир. «Совет Узбекистон» газетасининг обзори. Радио обзори чиси.

**ОБИ** I [ф-т] айн. оба.

**ОБИ** II [ф-т] Тайёр ноннинг сарф қилинган унга нисбатан ошган оғирлиги.

**ОБИВАТЕЛЛАРЧА** рвш Обивателларга хос равишда. Обивателларча иш тутмоқ.

**ОБИВАТЕЛЛИК** I обиватель с. белги оти. Обивательлик қилмоқ.

2 Обивателларга хос иш, хатти-ҳаракат.

**ОБИВАТЕЛЧИЛИК** айн. обивательлик 2.

**ОБИВАТЕЛЬ** [р обыватель] нафр. Жамоатчилик ҳаётидан четда қолган, кўпчилик учун жон куйдирмайдиган, фақат ўзининг шахсий манфаатининггина кўзлайдиган. Обиватель ҳеч вақт муштажам назарияга, партиявий тактика принципларига амал қилмайди. В. И. Ленин, Сиёсий аҳвол ва ишчилар сийфининг вазибалари.

**ОБИД** [а] I эск. кт. Тоат-ибодатни қанда қилмайдиган, худоғўй, тақводор эркак.

2 Обид (эркаклар исми).

**ОБИДА** I [а] I эск. кт. Тоат-ибодатни қанда қилмайдиган, худоғўй, тақводор аёл.

2 Обида (хотин-қизлар исми).

**ОБИДА** II [а] кт. I Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик.

2 Археологик ёдгорлик, узоқ ўтмишдан қолган моддий ёдгорлик. Урта Осиё наққошлари қолдирган ва ҳозир давлат муҳофаза қилаётган обидаларда асрлар ёдгорлигининг изи бор.

**ОБИ-ДИЙДА** [ф-т] Кўз ёши, ёш. Оби-дийда қилмоқ йиғламоқ. Оғзингдаги ошини олдириб қўйиб, оби-дийда қилдасан-а! Отингни эртароқ қамчиласанг, ўлармидин! С. Аҳмад, Уфқ.

**ОБИ-ЁВҒОН** Жазисиз, ёғсиз суёқ ош; умуман фақирона овқат. Ўзи, онаси келтирган оби-ёвғонни ҳўриллатиб ичди-да, қайрағочнинг соясига чўзилади. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОБИ-ЗАМЗАМ** [ф-т+а] дин. Маккадаги Замзам булоғининг гўё «табаррук» суви. | Умуман «табаррук» саналадиган сув.

**ОБИ-НОВВОТ** [ф-т] I Ўрикнинг жуда ширин бир тури.

2 Пўсти сариг-ола, сергўшт ширин қовун; чўғири.

**ОБИНОН** [ф-т] Оширма хамирдан ёпилган юқа нон (кўпинча бозор учун ва тўй-ҳашамда тайёрланади).

**ОБИ-ОТАШ** [ф-т] Овқат пишириш ва умуман бирор нарса тайёрлашда сув ва ўтдан фойдаланиш қондаси. Ошнинг оби-оташни яхши биллиш керак. — Пахта иши ҳам оби-оташдай гап. Йилнинг қандай келишига боғлиқ. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ОБИ-РАВОН** I [ф-т] I Оқар сув. Боғлар хароб бўлар боғбон бўлмаса.

Дарёларда оби-равон бўлмаса. «Рустамхон».

2 кўйма Сувдай сероб нарса, мўл-кўлчилик. || Бу ер тўйхона, майхона, оби-равон жой. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ОБИ-РАВОН** II [ф-т] диал. Бир турли гулдор, юқа газлама, чидаганга чиқарган. Жамиланинг зенида анча эскирган оби-равон қўйлак, оппоқ бўйнида арзон баҳо маржон. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ОБИ-РАҲМАТ** [ф-т+а] Раҳмат ёғдирувчи сув (ёмғир, қор суви ҳақида).

**ОБИ-ТАОМ** [ф-т+а] Суёқ-қуюқ таомлар.

**ОБИ-ТОБ** [ф-т] Бирор ишнинг, нарсанинг етилганлик даражаси. Тандирдаги сомса ҳозир оби-тобда. — Қишлоқда ҳам сизга ўхшаган айрим бригадирлар бор, ерни оби-тобидан ўтказиб шудгорлайди, — деди раис. М. Назаров, Жилвон жилвалари. Агроном деган номингиз бор, .. ёғзанинг оби-тобига қараб иш тугини. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Оби-тобига келмоқ етилмоқ. Узумлар фарқ пишиб, оби-тобига келибди.

**ОБИ-ҲАВО** [ф-т+а] Атмосфера қуйи қатламнинг маълум вақт ва маълум жойдаги ҳолати. Қиш оби-ҳавоси. Оби-ҳаво инжиқлиги. — У [Элмурод] қайтган вақтда ёмғир тинган, лекин бу ернинг ўзига хос оби-ҳавосига мувофиқ, ёмғирдан кейин қаттиқ шамол турган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Маълум жойга хос метеорологик шароит; иқлим. Мулла Туроб бир ёз фаслида .. Самарқанд сайҳатига бориб, у шаҳарнинг оби-ҳавосини ёқтирган. С. Айний, Эсдаликлар. Оби-ҳаво бюроси оби-ҳаво ўлгарнишларини, метеорологик шароитларини ўрганиб, кузатиб борувчи махсус илмий муассаса.

**ОБИ-ҲАЁТ** [ф-т+а] I муф. Ҳаёт суви (афсонавий чашма суви; уни ичган кимса гўё абадий яшар эмиш).

2 кўйма Ҳаёт бағишловчи сув. Зўр дарёдан канал, ариқ ва эгатлар орқали ёғзаларга оби-ҳаёт олиб борилгани каби тарих дарёсидан ҳар бир бўлажак эшитувчисининг онгига оловли ҳақиқат олиб бормоқчи эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ОБИ-ҲАЁТ** [ф-т+а] I муф. Ҳаёт суви (афсонавий чашма суви; уни ичган кимса гўё абадий яшар эмиш).

2 кўйма Ҳаёт бағишловчи сув. Зўр дарёдан канал, ариқ ва эгатлар орқали ёғзаларга оби-ҳаёт олиб борилгани каби тарих дарёсидан ҳар бир бўлажак эшитувчисининг онгига оловли ҳақиқат олиб бормоқчи эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ОБКАШ** [ф-т] Икки учиди илмоғига челақ осиб, елкада сув ва бошқа нарсалар ташшиш учун мосланган ёғоч асбоб. Бир обкаш сув. Обкаш билан сув ташимоқ. — Эртасига эрталаб Элмурод икки томонига катта челақлар илинган обкашни елкасига қўйиб, мачит ҳовузига бораётган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Обкаш бўлиб кетмоқ с. т. эгилиб, буклиб кетмоқ. Белим обкаш бўлиб кетди. Бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб белни букиб, қаттиқ меҳнат, машаққат тортиб. [Қизим Райхонни] ахир не-не кўрғиликлар билан, бошимни баркаш, елкамни обкаш қилиб, вояга етказдим. С. Сиёв, Райхон.

**ОБКЎМ** [р], область комитети. Баъзи ижтимоий ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган область раҳбар органи ва унинг биноси. Партия обкоми. Обком секретари.

**ОБЛАСТЛАРАРО** Бир неча область учун умумий бўлган, бир неча областьга баравар хизмат қиладиган. Областлараро электр станцияси. Қишлоқ хўжалик ходимларининг областлараро кенгаши.

**ОБЛАСТЬ** [р] I СССРда бир неча районни ўз ичига олган йирик маъмурий-территориал бирлик. Автоном область. Самарқанд области. Тошкент области. Область ижроия комитети. Область театри.

2 с. т. Шундай маъмурий-территориал бўлинма маркази. Областан келган вакил. Областга бормоқ.

**ОБЛИГАЦИЯ** [р<лат] Ютуқ ёки маълум процент тарзида даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозларнинг бир тури. Давлат заём облигацияси.

**ОБЛИЖРОКОМ** [р+а+р], область ижроия комитети Меҳнаткашлар депутатлари советининг область ижроия комитети ва унинг биноси.

**ОБЛО** с. т. Оллоҳ. Банданинг боши — облонинг тоши. Мақол.

**ОБЛОМОВЧИЛИК** Иродасизлик, лоқайдлик, фаолиятсизлик (рус ёзувчиси И. А. Гончаровнинг «Обломов» номли романи қахрамонининг образидан).

**ОБМОТКА** [р] Тўпикдан тиззагача шимнинг почаси устидан ўраладиган пайтава. Элмурод шошганидан бир оёғига шим почасини қиймай обмотка ўраб қўйди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ОБНУС** [а<грек] Тропик мамлакатларда ўсадиган, ёғочи қорамтир ёки қора дарахт.

**ОБОД** [ф-т] I Қўркам бинолар, чиройли кўчалар, боғу роғлар билан гўзаллик касб этган, гуллаб-яшнаган. Обод шаҳар. Обод қишлоқ. — Бақақуруллоқ сердархатлици, майдондаки бириккита оқ уйлари билан. Қўғазордан хийла обод кўринар эди. А. Қаҳор, Қўшчиноор. | Яхши қаров, парварииш билан етилтирилган. Обод боғ.

— Ҳирот музофотида Хурруд бўйида бир оила томонидан каттагина бир боғ обод қилинган эди. Айний, Қуллар. Яхши ишласак, ўз турмушимиз фаровон, юрт обод бўлади. Ойбек, О. в. шабадалар. | Халқ кўп йиғиладиган, гавжум ва серфайз. Обод парк. — Қишлоқнинг бу овлоқ жойи мактаб қурилиши бошланганидан буён обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. || Қиш кечалари жуда узун, шунинг учун чойхоналар обод. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Баъзи отларга ёки айрим сифатларга қўшилиб, шаҳар, қишлоқ ва ш. к. номини ясайди, мас. Ленинобод, Ишқобод, Бегобод, Янеобод. — Улар Қурбақаобод мавзусига етиб, одамлар



дан *Норматҳўжанинг боғини суриштирди*. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОБОДЛАШМОҚ** Тобора обод бўлиб бормоқ. *Ободлашган шаҳар*. Қишлоғимиз ободлашиб қолди.

**ОБОДЛАШТИРМОҚ** ободлашмоқ фл. орт. н. Мамлакатимизни янада ободлаштирамиз.

**ОБОДОН** [ф-т] айн. обод. Юртимиз тунги, ободон, тўйинчилик. *Қурдош гурунгида биз ҳам соҳибнафасмиз*. Ғ. Ғулум.

**ОБОДОНЛИК** 1 ободон с. белги оти.

2 (кўпл. ф-да) Обод жойлар, қурилишлар. *Тоғу тоши, саҳрою чўллари гулистон айлабон, Шаҳарлар, ободонликлар, хушхаво қилди қалам*. Ҳамза.

3 Обод этиш, қурилиш ишлари. *Ободонлик ишлари*. *Шаҳар ижрокомининг ободонлик бўлими*.

**ОБОДОНЧИЛИК** айн. ободонлик 3. Қишлоқнинг янги ободончилиги ўша ердан бошлансин. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОБОЗ** [р] Ҳарбий қисмларнинг транспорт воситалари мажмуи. *Полк обози*.

**ОБОЙМА** [р] 1 ҳарб. Автоматик милтиқ ёки тўппончанинг ўқ жойланадиган ва магазин қоробкасига суқиб қўйиладиган рамкаси. *Обоймага ўқ жойламоқ*.

2 *тех.* Машина деталларининг туниб турувчи гардиш қисми. *Подшипник обоймаси*.

**ОБОРИЛМОҚ** обормоқ фл. мажх. н. **ОБОРИШМОҚ** обормоқ фл. бирг. н. **ОБОРМОҚ** с. т. Олиб бормоқ.

**ОБОРОТ** [р] 1 Пулнинг айланиши, муомалада бўлиши. *Капитал обороти*. *Оборотдаги пуллар*. | Шундай муомалада айланган ёки тўпланган пул. *Қорхонанинг йиллик обороти*. *Маблағ обороти*.

2 *лингв.* Бир синтактик бутунликни ташкил этган сўзлар группаси, ибора; ган қурилиши. *Сифатдош оборот*. *Рашишдош оборот*. *Нутқ обороти*.

**ОБОРТИРМОҚ** обормоқ фл. орт. н. **ОБОШ** бол. Тамом, одош. *Обош бўлди*.

**ОБОҒА** эск. айн. аваға. Обрўли оборағалари .. ҳам бирин-сирин мавқеларини йўқотдилар. Ойбек, Навоий.

**ОБПАРТОВ** [ф-т] Сув ҳавзалари ва гидротехник иншоотларда партов сувни чиқариб юбориш учун қурилган махсус иншоот; оқова.

**ОБРАЗ** [р] 1 Бадий асарларда яратилган тип, характер. *«Ленин Октябрда» киносида Ленин образи*. *«Навоий» постановкасида Навоий образи*. *«Алпомиш» достонидоғи Барчиной образи*.

2 Санъатнинг ўзига хос бир категорияси: санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурининг аниқ ҳис этиладиган бир тарзда гавдаланиши. *Шоир образлар орқали тафаккур этади*.

**ОБРАЗЛИ** 1 Образлар орқали тасавур этиладиган ёки тасаввур этилган. *Образли тасвир*. *Образли асар*.

2 Ерқин, жонли, ифодали, тасвирли. *Образли ибора*. *Образли қилиб гапир*

моқ. *Мақол фикрни ихчам, лўнда, об-разли қилиб берганлиги сабабли узоқ ёдда сақланади*.

**ОБРАЗЛИЛИК** образли с. белги оти. *Ҳикоянинг образлилиги*. ■ **Образлилик** — бутун санъатнинг хусусиятидир. «Адабиёт назарияси».

**ОБРАҲА** [ф-т] Сув йўли, ариқ (қўшнининг ери, ховли-жойи орқали ўтказилган ариқ).

**ОБРЕЗ** [ф-т] Уйнинг пойгагида ёки дахлизда ювиниш, юз-қўл ювиш учун махсус ясалган, усти берк ўра; ханик. *Бу ҳўжрада обреза — сув тўқадиган жўй бўлмаганидан қўл-юзимизни ҳам кўчага чиқиб ювардик*. Айний, Эсдалликлар.

**ОБРУ(Й)** [ф-т] 1 Кишининг тутган иши ва яхши хислатлари туфайли жамоатчилик қошида топган эътибори; хурмат, нуфуз. *Директоримизнинг обрўйи баланд*. *Обрўйини кўтармоқ* (оширмоқ). *Обрў(ни) сақламоқ*. ■ *Ахир, менинг ҳам ўзимга яраша обрўйим бор*; *Тошкентда кимсан — Юсуфбек ҳожининг кучиман*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Обрўйи бир (ёки уч) пул бўлди айн. обрўйи кетди*. *Обрўйи кетди (ёки тушди, тўқилди)* обрўсизланди, хурмат-эътибори кетди. *Шава кетса кетсин, обрў кетмасин!* Мақол. *Манманлик қилма — нетарсан, обрўйингдан кетарсан!* Мақол. *Обрў кўрмоқ* жамоатчилик ўртасида эътибор, хурмат қозонмоқ. *Шундай обрў кўрган бир киши келиб-келиб, наҳотки ўз қудасидан ва келинидан мунчалик обрўсизлик кўрса!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Обрў орттирмоқ* айн. *обрў кўрмоқ*. *Обрўини кетказмоқ* (ёки тўкмоқ, туширмоқ) эътиборини, хурматини йўқ қилмоқ, беобрў қилмоқ. *Обрў олмақ* ҳеч нарсага йўқлигига қарамай, бор имкониятдан фойдаланмоқ, меҳмондўстликни жойига келтирмоқ (сир бой бермаслик учун).

2 Шундай хурмат соҳиби. *Унинг [меҳмоннинг] ёнида ётган катта бир қора муқовали дафтар бу киши шубҳасиз Қамишқанининг обрўларидан эканига далолат бериб турарди*. П. Турсун, Ўқитувчи. | *Шараф, ифтихор; фахр*. *Раис бўлар колхозчининг каттаси*. *Обрў бўлар ерга эккан пахтаси*. *Фозил шоир*.

**ОБРУ(Й)ЛИ** Обруға эга бўлган; эътиборли, нуфузли. *Обрўли одам*. *Обрўли раис*. ■ *Ажаб эмас, бахти очилиб, Гулнор ҳам яхши, обрўли жойларга келин бўлса*. Ойбек, Қутлуғ қон. || *Ҳайдарбой қишлоқ обрўлиларининг олдида чой билан пиёла келтириб қўйди ва қўлини кўкрагига қўйиб, мулозамат қилди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОБРУ(Й)СИЗ** Обруғи, эътибори йўқ; эътиборсиз, нуфузсиз. *Обрўсиз одсм*.

**ОБРУ(Й)СИЗЛАНМОҚ** Обруғи кетиб, хурмат-эътибордан қолмоқ, нуфузини йўқотмоқ.

**ОБРУ(Й)СИЗЛАНТИРИЛМОҚ** обрў(й)сизлантирмоқ фл. мажх. н.

**ОБРУ(Й)СИЗЛАНТИРМОҚ** обрў(й)-сизланмоқ фл. орт. н. *Бўтани обрўсизлантириб, аёлларни колхоздан бездириши кимга зарур экан?* С. Аҳмад, Хукм.

**ОБРУ(Й)ЛИ** қ. обрў(й)ли.

**ОБРУСИСЗ** қ. обрў(й)сиз.

**ОБРУСИЗЛАНМОҚ** қ. обрў(й)сизланмоқ.

**ОБРУСИЗЛАНТИРИЛМОҚ** обрўсизлантирмоқ фл. мажх. н.

**ОБРУСИЗЛАНТИРМОҚ** обрўсизланмоқ фл. орт. н.

**ОБСЕРВАТОРИЯ** [р<лат] Махсус асбоблар ёрдами билан осмон жисмларини ва метеорологик ҳодисаларни кузатиш билан шугулланувчи илмий муассаса ва унинг биноси. *Тошкент астрономик обсерваторияси*. *Обсерватория ходими*. *Обсерватория кузатишлари*.

**ОБТОВА** [ф-т] диал. Обдаста.

**ОБУНА** Газета, журнал ва ш. к.га олдиндан ҳақ тўлаб ёзилиш. *Вақтли матбуотга обуна қабул қилиш бошланди*. *Обуна бўлмақ*. *Обуна тўпламоқ*.

**ОБУНАЧИ** Газета, журнал ва ш. к.га олдиндан ҳақ тўлаб ёзилган шахс, ташкилот. *Обуначилар сони йилдан-йилга ошмоқда*.

**ОБХОНА** [ф-т] 1 Масжид, мадраса сахнида таҳорат қилиш учун ажратилган алоҳида хона.

2 *тар.* Бухоро хонлиги даврида: алоҳида зах ва қоронғи қамоқхона, зиндон. *Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхона», «канахона» номли дўзахлари бор*. Айний, Дохунда.

**ОБШЧИНА** [р община] *тар.* Кишиларнинг асосан ибтидоий жамоатга хос бирлашиш, ўз-ўзини идора қилиш шаклларидан бири, жамоат (унда ишлаб чиқариш воситалари тугал ёки қисман коллектив суратда тасарруф этилади, ўз-ўзини идора этиш усули ҳам қисман ёки тўлиқ амалга оширилади). *Ибтидоий община*. *Деҳқонлар общинаси*. *Община ери*.

**ОБЪЕКТ** [р<лат] 1 *филос.* Биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган холда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудот; *тақ. субъект*.

2 Киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, предмет, шахс. *Буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиши керак*. А. Қаххор, Адабиёт муаллими.

3 Хўжалик ёки мудофаа аҳамияти бўлган қорхона, қурилиш, айрим участка ва ш. к. *Қурилиш объекти*. *Ҳарбий объект*.

4 *айн. тўлдирувчи* 2.

**ОБЪЕКТИВ** 1 [р<лат] *физ.* Оптик асбоб, фотоаппарат, киноаппарат ва ш. к.нинг текшириладиган ёки суратга олинаётган нарсага қаратилган бир неча линзадан иборат олд қисми. *Фо-*

*тоатпарат объективи. Микроскоп объективи. Телескоп объективи.*

**ОБЪЕКТИВ** II [р объективный] филос. I Онгдан ташқарида бўлган ва онгга бевосита борли бўлмаган. Табиатнинг объектив қонуниятли. Обьектив борлиқ (реаллик).

2 Янглиш ёки субъектив фикрдан холи бўлган; холис, холисона, бета-рафона. *Объектив баҳо. Объектив хулоса.* || Масалала объектив ёндашмоқ. **ОБЪЕКТИВИЗМ** [р] филос. Объектив воқеликни, ижтимоий ҳаётдаги воқеа, ҳодиса ва фактларни пассив, юзаки, бетарафона инъикос этиш, бузиб талқин этиш. *Буржуа объективизми.*

**ОБЪЕКТИВИСТ** [р] Объективизм тарафдори.

**ОБЪЕКТИВЛИК** объектив II с. белги оти. *Муҳокамаларнинг объективлиги.*

**ОВ** I Ёввойи ҳайвон, балиқ, қуш ва ш. к.ни турли йўллар билан тутиш ёки отиш. *Балиқ ови. Бедана ови. Мерган овада билинар, ботир — ёвда. Мақол.* || *Ов милтиқ.* — Шакар ўғлон миниб отнинг белгиса. *Авал овга борди Чибич кўлига. Уқу яроғини олиб кўлига.* «Ширин билан Шакар». **Ов қуши** илвасинга солинадиган қуш (мас. қирғий). **Ов қилмоқ** I) ов иши билан шуғулланмоқ; 2) *кўчма* бирор кимсани қўлга олиш учун унинг пайига тушмоқ.

2 Ов қилинадиган, овланадиган жонивор; илвасин. *Ова бой қўл. Шу кунларда Олой тоғида ов кам.* | *кўчма* Қўлга туширилиши мўлжалланган кимса ёки нарса. *Юмалок, қорагина одам қўлидаги тўппончани маҳкам ушлагани ҳолда гандираклаб, сўқиниб, .. «овини» қидира бошлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Овчининг ўлжаси. *Арслон оғзидан ов олинмас.* Мақол. — *Сувонжон тузоққа илинган овни чиқариб юборишидан кўрққан овчидек, қизни маҳкам қучоқлаганича, ёнғоқ томонга кета бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Мурид ови** эск. эшон ва хўжаларнинг муридларини товшлаш учун узоқ-яқиндаги муридлариникига қилган сафари. — *Ҳа, эшон нега кетди экан? — Тирикчилик-да! Ҳа, мурид овига чиқиб кетган экан-да, эски хунар!* П. Турсун, Уқитувчи. **Ови** юришди иши юришди. *Қамбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳая дови юрмас.* Мақол.

**ОВБОШИ** Овада биринчи ўлжа. **Овбоши қилмоқ** овдаги биринчи ўлжани бирор кимсага тортиқ қилиб олиб бормоқ. *Чиқариб бер, овбоши отган ғозимни, .. Бек отамага овбоши қиб борайин.* «Ширин билан Шакар».

**ОВЛАМОҚ** I Ов билан шуғулланмоқ, ов қилмоқ, ов қилиб тутмоқ. *Бедана овламоқ. Тулки овламоқ.* — *Қўлдан балиқ овлаётсанми? — сўради у.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 *кўчма* Қўлга олиш, илдинтириш мақсадида пайига тушмоқ, тутмоқ. *Бошқа ер эгалари кечалари болта кўтариб, одам овлаб юрган бир вақтда бу одамнинг [қорининг] шундоқ деб*

*чиқши қатта гап эди.* А. Қаҳхор, Қўшчинор.

3 *кўчма* с. т. Товламоқ, алдамоқ. *Қув, эпчил, дағдағали аллофлар қўллари, оғизлари, кўзлари билан ишлаб, «тош-тарозудан уриб», бева-бечорани овлайдилар.* Ойбек, Қутлуг қон. *Шу ернинг одами у. Ҳар шаҳардан дўндикларни овлайди, қўлга тушгансиз.* Тақдирда ёзилгани кўраверсиз. Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Кўнгил (ёки дил) овламоқ** қ. **кўнгил. Мурид овламоқ** қ. **мурид. Тил овламоқ** ҳарб. урушда душман кишини қўлга туширмоқ, асир олмоқ. *Граната портлади. «Тил» овлаш учун бизнинг маррамида келган фашист қароқчилардан тўрттаси тилка-пора бўлди.* Н. Сафаров, Жангчи шоир.

**ОВЛАНМОҚ овламоқ** фл. *мажх.* н. **ОВЛАТМОҚ овламоқ** фл. *орт.* н. **ОВЛАШМОҚ овламоқ** фл. *бирг.* н. Қоронғи сомонхона, молхоналарнинг шифтида яшириниб ётеан кўршапалакларгина энди яйрашар, учшар, пашша овлашар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**ОВЛОҚ** I Ов қилинадиган қуш ва ҳайвонлар сероб жой.

2 Марказдан узоқ, чет жой; кимсасиз ер. *Овлоқда яшамоқ.* — [Ёдгор:] *Милтиқ билан шаҳардан чиқиб, Қаришининг овлоқ чўллари орқали Ғузорга бораман.* Айний, Дохунда. *Илгариги замонда узоқ, овлоқ қишлоқ дехқонининг қизи қачон ва қаерда давлатнинг олий ташкилотига сайланибди?* Й. Шамшаров, Бахт излаб.

3 Пастқам, хилват жой, одамдан холи жой; пастқамлик, хилват. [Ўзбек ойм] *ҳожини овлоқроқда учратиб қолса: «Алҳазар ўғлингиздан! Уйланган хотинини қаранг!» .. деб қўяр эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. || [Ўроғли] *кейин бўлак вақтда у аёлни овлоқ жойга чақириб сўради.* «Ёдгор». **Овлоқда юрмоқ** четда юрмоқ, жамоатдан ёки ишдан ўзини олиб қочмоқ. [Акрам] *қомсомол, касабта ташкилотидан овлоқроқ юришга ҳаракат қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 *рвш.* *диал.* Кишилардан холи; танҳо. *Ойжамол овлоқ ўтирган пайтда қизига гап ташлаб кўрди.* «Ёдгор».

**ОВОЗ** [ф-т] I Гапириш, қичқириниш, қуйлаш, сайраш пайтида ўпкадан чиқётган ҳавонинг урилиши билан товуш пайчаларининг тебранишидан ҳосил бўладиган товуш; садо, сас. *Баланд овоз. Паст овоз. Майин овоз. Мусичаларнинг кукулашеан овози эшитилар эди.* — *Гулнор йўлак томондан дадасининг овозини эшитди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Янграб кетди қувноқ овозлар. Кўтаредек бўлиб саройни:* Э. Раҳим. *Қимдир қўлига тарелка олиб, овозининг борича ашула айта бошлади.* Ойдин, Болали уйда ғийбат йўқ. **Овозинг чиқмасин ёки овозингни чиқарма** жим бўл, дамингни чиқарма. **Овозинг ўчгур!** қарғ. ўлгур!, яшамагур! **Овозингни ўчир!** жим бўл! | Нидо, хи-

тоб. *Командирнинг «Диққат!» .. деган овози эшитилди.*

2 Товушнинг қуйлашдаги паст-баландлик, жарангдорлик даражаси. *Овози яхши ашулани.* Овози ўтқир. — *Тўтиқиз Ольга Петровнани кўриб: «Бу Тўфа, ўртоғим, ашулага уста, овози бор-да»,— деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Овози бузилди** I) томоқ, товуш пайчалари шамоллаши ёки зўриқиши натижасида овози ўзгарди, ишдан чиқди; 2) *кўчма* балоғатга эришиб, овози дўриллаб, йўғонлашиб қолди.

3 Вокал музика асарида ҳар бир қуйчи учун белгиланган партия. *Икки овоз учун ёзилган романс.*

4 Нарсаларнинг урилиши ёки ҳаракатидан чиқадиган товуш. *Қарсақ овози. Тўқмоқ овози. Шамол овози. Момақалдироқ овози. Соат овози. Дутор овози.* — *Аста-аста бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Узоқдан ҳар замон тўп овози эшитилар эди.* А. Қаҳхор, Олтин юлдуз.

5 *кўчма* Фикр, мулоҳаза. *Шарқ ёзувчиларининг овози.* — *Сизга ўқияш даллоллара ҳоҳат йўқ.. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз? Овозини бўғмоқчимисиз?* Ойбек, Қутлуг қон. | *Ички ҳис-туйғулар нидоси, амри. Ғуломжон юраида портлаган ғазаб уввосига эмас, инсоф овозига қулоқ солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 Давлат ва жамоатчилик ташкилотларида сайлов ўтказиш ёки бирор масалани ҳал қилишда ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи ва усули. *Ҳал қилувчи овоз. Маслаҳат овози. Бир овоздан барча қатнашувчиларнинг розилиги билан, юз процент овоз билан; бир оғиздан. Қарор бир овоздан қабул қилинди.* — *Баравар кўтарилган қўлар Элмуроднинг бир овоздан қабул қилинганини билдирди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Епиқ (ёки яширин) овоз бермоқ** сайловда бюллетень ташлаш йўли билан ўз майлини билдирмоқ. *Депутатлар сайлашда яширин овоз берилади.* «ЎзССР Конституцияси». **Овоз бермоқ** I) товуш чиқариб чақирмоқ ёки чақириниққа жавоб бермоқ. *Эшикни тақиллатдим, ҳеч ким овоз бермади;* 2) бирор масаланинг ҳал этилишига, ўртага қўйилган тақлифга ёки сайлаш, сайламасликка ўз майлини билдирмоқ. **Овозга қўймоқ** бирор масалани ҳал қилиш ёки сайлаш учун ҳозир бўлганларнинг фикрини, розилигини, майлини сўрамоқ. *Элмурод борганда, бюро тўпланган, кимнингдир номзодини овозга қўймоқда эдилар.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ОВОЗА** [ф-т] I Юрт-эл орасида бирор нарса, воқеа ва ш. к. тўғрисида тарқалган хабар, гап-сўз, миш-миш. *Уқувчилар ўз номларини ёзадиган ва газетани ҳижжалаб бўлса ҳам ўқийдиган бўлиб қолганлари қишлоқда овоза бўлгач, кечки курсга яна янги ўқувчилар кела бошлади.* П. Турсун,

Ўқитувчи. Алақандай полвон тўғри-  
сида миш-миш овозалар чиқди. Туйгун,  
Бу боғлар меники.

2 Шуҳрат, довруқ, донг. Техникамиз  
тараққийси жаҳон бўйлаб овоза. С. Аб-  
дулла. Овоза бўлди ёки овозаси кетди  
шуҳрати ҳар тарафга тарқалди, ман-  
шур бўлди; шуҳрат, донг чиқарди.  
Овоза қилмоқ бирор хабарни эл-юрт  
орасига тарқатмоқ, довруқ қилмоқ,  
ёймоқ.

**ОВОЗЛИ** Овоз чиқарадиган, овози  
бор; товушли. Овозли кино.

**ОВОЗСИЗ** Овоз чиқармайдиган, овози  
йўқ; товушсиз. Овозсиз кино.

**ОВОРА I [ф-т]** 1 Бирор жойда кўним  
топмаган; дарбадар; сарсари, саргар-  
дон. Камситилган, хўр тутилган бе-  
чоралар. *Кадрю қиймат, шон-шараф-  
сиз оворалар. Ғ. Ғулум. Ердан жудо,  
мен овора Жигарларим бўлиб пора.*  
«Ширин билан Шакар».

2 Бирор иш, ҳаракат билан банд,  
машгул. *Қураев билан Нусратилла  
юк орттириб жўнатиши билан овора.*  
А. Мухтор, Опа-сингллар. *Танҳо  
Унсин маҳси тикиши билан овора.*  
Ойбек, Қутлуғ қон. **Овора бўлмақ**  
ўзини койитмоқ; уринмоқ. *Ўн кун  
овора бўлиб далага саккиздадан ортиқ  
қўш чиқаролмади.* А. Қодирий, Обид  
кетмон. **Овора қилмоқ 1)** кимсани бирор  
ишга уринтириб қўйиб қўймоқ; ко-  
йитмоқ; 2) сарсон қилмоқ.

◆ **Икки жаҳон овораси** бирор ишни  
на у ёқли, на бу ёқли қилолмай икки  
ўртада қўйналиб қолган, сарсон бўл-  
ган, сарсон-саргардон. *Абдураҳмон-  
бой: — Улик бўлиб гўрда, тирик бў-  
либ сонда йўқ, деб шуни айтар экан,  
Мирзақул икки жаҳон овораси бўлиб  
қолди. Н. Сафаров, Уйғониш.*

**ОВОРА II [ф-т]:** икки овора с. т.  
якки кишига бир лаган (кишиларга  
овқат тортишда). *Тошкентлик Мирсоат  
заргарнинг тўйига келган кишиларга  
икки оворадан ош тортилиб, нон улаш-  
тирилибди. М. Муҳаммаджонов, Тур-  
муш урнинилари.*

**ОВОРАГАРЧИЛИК I** Бекорга овора  
бўлиш, уриниш, сарсон-саргардонлик.  
*Дўсрат сўраб-суриштиришга кириш-  
ди. Қўп оворагарчиликдан кейин лунжи  
осилган бир одамни топди. П. Турсун,  
Ўқитувчи.*

2 Бехуда меҳнат, ташвиш. *Оворагар-  
чиликка арзилайдиган иш.*

**ОВОРАЛИК I** овора с. мавҳ. от.  
2 айн. оворагарчилик.

**ОВСАР I** Гап англамайдиган, эси  
пастроқ. *Овсар бола. — Содда десам,  
содадага ўхшамайди, овсар десам —  
овсарга. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**ОВСАР II** Туя бошига кийдириб қў-  
йиладиган махсус бошвоқ. *Жигаси  
нўқрадан, овсари тилла. Мен бўламан  
ишбу норнинг эгаси. «Нигор ва За-  
мон».*

**ОВСАРЛИК** овсар I с. белги оти.  
Мингбоши ўзини овсарликка солиб кул-  
ди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОВСИН I** Ака-укаларнинг хотин-

лари (бир-бирига нисбатан). *Нурининг  
овсинлари ҳам кундош эди. Абдилла-  
бой, отаси каби икки хотинга эга эди.*  
Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Овсинлар ёки қўшни хотинлар  
орасида бир-бирига нисбатан му ро-  
жаатда ишлатилади. *Овсин, чойингиз  
қайнадимиз?*

**ОВУЛ** Кўчманчи чорвадорлар ўр-  
нашган жой; қишлоқ. *Кулунли бия  
овулга сиғмас. Мақол. Муллали овул —  
қўрқоқ, бахишли овул — ботир. Ма-  
қол. — Йиғилишда ёш Совет ходим-  
лари волостларга, қишлоқларга, овул-  
ларга ишга тақсимланди. Х. Ғулум,  
Машғал.*

**ОВУЛДОШ** Бир овулда яшовчи ки-  
ши; ҳамқишлоқ.

**ОВУЛЛАМОҚ** диал. Вовулламоқ.

**ОВУНИШМОҚ** овунимоқ *фл. бирг. н.*

**ОВУНМОҚ I** Йиғидан тўхтамоқ.  
*Она ўғлининг сўзи билан овунди. Қўз  
ёшларини артди. П. Турсун, Ўқи-  
тувчи.*

2 Бирор иш билан машғул бўлиб  
ўзини тинчитмоқ; юпанмоқ, дард-ала-  
мни унутмоқ. [Мардон:] *Беданга хў-  
бам ишқибозсан-да, а Содиқжон? [Со-  
диқ:] Шу билан овунаман, ҳовурумни  
босаман, ака. Н. Сафаров, Уйғониш.*  
*Ўктам фронтда қишлоқ одамларини  
эслар ва овунар эди. Ойбек, О. в. ша-  
бадалар.*

**ОВУНТИРМОҚ** овунимоқ *фл. орт. н.*  
*Болани овунтирмоқ. — Едгорбойдан  
хат келмай турган бўлса, кампирни  
шунақа овунтириб турганинг ҳам ту-  
зук. А. Қаххор, Асрор бобо.*

**ОВУНЧ** айн. овуноч. *Ёшига етиб,  
кимнидир ва қандайдир юпанч, овуноч  
излаган йигит қалбида ўзи ҳам маъ-  
носига тушуниб етмагани муҳаббат  
деган нарсанинг учқунни туташтаёт-  
ганини сезмай қолди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**ОВУНЧОҚ** Кишини овунтирадиган,  
юпатадиган нарса, кимса, иш; овуноч,  
юпанч. *Отинойи бирдан-бир хўнари  
ва бўш қолгандаги овуноғи — чархни  
ғириллатишга киришди. П. Турсун,  
Ўқитувчи. Ниёз эди суянаган тоғим,  
Ғарибликда бир овуноғим. Ғайратий.*

**ОВУТМОҚ I** Йиғидан тўхтатмоқ.  
*Келинойи .. йиғлаб ўтирган Фотимани  
овутди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Тасалли бериб юпатмоқ, овунтир-  
моқ. *Бўлар иш бўлди. Энди тишини  
тишга қўлиб, натижани кутиши ке-  
рак деб, ўзини овутди [Элмурод]. П.  
Турсун, Ўқитувчи. [Йўлчи] бир сўмга  
ўзи нон-чой ичди-да, оч қорнини бир  
қадар овутди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ОВУШМОҚ** диал. Алишмоқ.

**ОВУШТИРМОҚ** овушмоқ *фл. орт. н.*

**ОВЧИ** Ов иши билан шуғулланув-  
чи, ов қилувчи киши. *Милтиқ кў-  
тарган билан овчи бўлмас. Мақол.*  
*Овчининг зўри шер отар. Мақол. —  
Паррандага ўч. Ҳали қарқуноқ тутиб  
келади, ҳали бедана. Бобосининг уд-  
мини қилиб, овчи бўламан дейди. Х. На-  
зир, Сўнмас чақмоқлар. Овчи ит овга  
ўргатилган ит.*

**ОВЧИЛИК** овчи с. касб. оти. Ов-  
чилик қамишқапаликлар ҳайтида завоқ-  
ли машғулот эди. П. Турсун, Ўқи-  
тувчи.

**ОВҚАТ [а]** 1 Ризқланиш, ейиш-ичиш  
учун тайёр нарса; емиш, таом, ёмақ.  
*Тамли овқат. Иссиқ овқат. Ёнгиқ  
овқат. Диетик овқат. Хушхўр овқат.*  
*Кечки овқат. Тушки овқат. Болага  
овқат едирмоқ. — Мулла Норқўзи  
овқатини еб, чойга умидвор бўлиб  
ўтирганида, кўча эшикдан ешигина  
бир хотин кириб келди. А. Қаххор,  
Майнз емаган хотин. Бой яқши о-  
вқатларни — палов, норин, қазв-дар-  
тани емас экан. Ойбек, Қутлуғ қон.*  
**Овқат қилмоқ 1)** таом тайёрламоқ,  
пиширмоқ; 2) таом емоқ, овқатланмоқ.  
*Биз .. уларни ёнимизга бирга овқат  
қилишга қақирдик. А. Раҳмат, Соқов  
бола. | Овқатланиш. | Муҳаббат ола: |  
Овқатга кел, Фотима! — деб қақирди  
уни. Айний, Қуллар. Сидиқжон о-  
вқатдан кейин қўлиги газета олган эди,  
бир мақолани ярмилатмасдан кўзи  
сузилди. А. Қаххор, Қўшчинор.*  
**Овқат**  
устида овқат ейлаётган вақтда, даст-  
турхон устида. *Овқат устида ҳеч ким  
ортиқча сўзламади. Ойбек, Қутлуғ  
қон.*

2 Уй ҳайвонларининг ем-хашағи;  
озиқ; озуқа. *Молларга овқат солмоқ.*

3 Ейиш, ичиш, тирикчилик учун  
даркор нарсалар; озиқ. *Фуод афанди  
бизга меҳрибончилик қилиб, овқати-  
мизга қарашиб турди. М. Исмоилий,  
Фарғона т. о.*  
**Овқат(ини)** ўтказмоқ  
тирикчилик қилмоқ, кун кечирмоқ.  
*Қатта ўғли ҳар кимларга сув ташиб  
бериб, овқатини ўтказиб юрарди.*  
Ойдин, Ҳазил эмиш.

**ОВҚАТЛАНИШ I** овқатланмоқ *фл.*  
*иш оти.*

2 Овқат қилиш, кун кечирish тарзи.  
*Умумий овқатланиш.*

**ОВҚАТЛАНМОҚ** Овқат емоқ, ризқ-  
ланмоқ. *Аҳмад Ҳусайн шошиб-пишиб  
овқатланди-да, пешанасига тушган қоп-  
қора, жингалак сочларини тараб, шо-  
гирларининг дафтарларини қўздан  
кечира бошлади. Ойбек, Нур қидириб.*

**ОВҚАТЛАНТИРМОҚ** овқатланмоқ  
*фл. орт. н.* Болаларни овқатлантир-  
моқ.

**ОВҚАТЛИК** Овқат бўладиган нар-  
салар (дон-дун, ёғ-гўшт, сабзавот ва  
ш. к.). *Қишга овқатлик ғамламақ.*

**ОВҚАТ-ОЗИК** айн. озиқ-овқат.

**ОВҚАТХОНА [а+ф-т]** Овқат ейи-  
ладиган, таом ейиш учун ажратилган  
махсус хона; ошхона.

**ОГОҲ [ф-т]** I Бўлиб ўтган ёки бў-  
ладиган иш, ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва  
ш. к.дан хабари бор; хабардор, воқ-  
қиқ. *Огоҳ қилмоқ. — Алишернинг бар-  
ча яқинлари бу гаплардан огоҳлар.*  
Ойбек, Навоий. *Бойларимиз чизи ёр-  
дамда бўлсалар, яъни мактабларнинг  
ҳолдан огоҳ бўлиб турсалар. Ойбек,  
Қутлуғ қон.*

2 Ҳушёр, сергак. *Молларнинг сўйи-  
либ ёки йўқ қилиб юбормаслиги учун*

огоҳ бўлиб туриш керак. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

**ОГОҲЛАНТИРИЛМОҚ** огоҳлантормоқ фл. мавж. н.

**ОГОҲЛАНТИРИШ** 1 огоҳлантормоқ фл. иш оти.

2 Давлат ёки жамоат йўли билан ишда адашган, хато қилган ходимларни жазолаш чораси; танбех. Бу галча унга огоҳлантириш берилди.

**ОГОҲЛАНТИРМОҚ** 1 Огоҳ, хабардор қилмоқ, хабар бермоқ. Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчиларни огоҳлантириб борар .. эди. А. Қодирӣ, Ҳтган кунлар.

2 Бирор тўғрида танбех бериб қўймоқ, эслатмоқ. Зиддилла укасининг қулоғига шивирлаб, алланима демоқчи эди, Сергей нагани билан унинг биқинига туртиб, огоҳлантормоқ: «Галлашиши мумкин эмас!» Х. Ғулум, Машъал.

**ОГОҲЛАНТИРУВ** айн. огоҳлантириш.

**ОДАМ** [а] 1 Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, шу туфайли бошқа ҳамма маҳлуқотдан устун турувчи жонли зот; киши, инсон. *Ибтидоий одам*. | Кишилик жамиятининг айрим бир аъзо-си, шахс. *Яхши одам*. *Ҳалол одам*. *Асл одам*. *Аблаҳ одам*. *Одам деган ҳар нарсага аралашаверадими? Одамни хит қиладиган гап*. *Одам борки, одамларнинг нақшидур*, *одам борки, ҳайвон ундан яхшидур*. Мақол. — Сидиқжон қорол бўлса, бу [Канизак] ўзига тўқ бир одамнинг қизи. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Эшитганмисиз, бизнинг эликбошимиз қанақа одам? Бутун маҳалланинг отаси*. Ойбек, Қутлуғ қон.

Булар бу ерга ўтиргани келгани йўқ, бир одамни қидириб келишган. А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Бизнинг Набиғул одам эмас, ўзи! Ёш-да, ҳали она-оғайнигарчиликни билмайти*. А. Қаҳҳор, Қанотсиз чигтақ. **Одам боласи** (ёки **фарзанди**) 1) одамзод, инсон. *Тавба, хурсандчилик одам боласини нималар қилмайди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) чин инсоний фазилатларга эга бўлган шахс, чин инсон. *Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл!* Мақол. — *Чидай олмади мулла ака .. Мен ҳам одам фарзанди, тоқайғача тепки ейман*. Ойбек, Қутлуғ қон. **Одам бўлмоқ** ёки **одамга айланмоқ** 1) тарбият топиб яхши фазилатларга, чин инсоний хислатларга эга бўлмоқ. «Э, онажонгинам! Қани энди, сен ҳам шу ерда тирик бўлсанг-у, ўз ўғлининг қандай одам бўлганини кўрсанг ..» деб ҳаёл қилди [Элмурод]. П. Турсун, Ҳўкутувчи; 2) кўчма тузалиб, семирив, ёшариб қолмоқ. **Одам бўлмади** тузалмайдиган, шу куйи қолади. **Одам қилмоқ** 1) тарбиялаб чин инсонга, яхши фазилат соҳибига айлантирмоқ. *Бахтима Совет ҳукумати бўлди*. *Мени абадий қулликдан тортиб олди*. *Мени одам қилди*. *Менга инсон тушунчасини берди*. *Бўлмаса, мен хароб эдим*. П. Турсун, Ҳўкутувчи; 2) кўчма боқиб, тар-

биялаб катта қилмоқ. *Худойқул менинг ўз жигарим, аммадан қолган сағир*. *Етти ёшидан боқиб одам қилдим*. П. Турсун, Ҳўкутувчи.

2 Коллектив хўжалик, оила аъзоларининг ҳар бири; жон. *Одам бошига беш сўмдан*. *Харажат ва даромадларни одамга қараб тақсимламоқ*. *Ошни келган одамга қараб сузмоқ*.

3 Бирор бой-бадавлат ёки амалдор кишининг хизматкори ёки тарафдори. *Бундан кейин гапларимни уқиб олинг*, *модомки мен билан биргасиз, менинг одамимсиз, ҳар бир ишни мен билан баҳамжўшат қилинг*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Қозо одамлари билан чиқиб кетгандан сўнг, Вали ака миннатдорчилик билан ўғлининг елкасига қоқди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

♦ **Одам ота**, **Одам алайҳиссалом** диний афсоналарга кўра ер юзида биринчи яратилган эркак, Мома Ҳавонинг жуфти. **Одам отадан қолган жуда қадим замонлардан**, дақёнусдан қолган.

**ОДАМБОП** Одамга муносиб; одам туриши, яшаши учун мосланган. «*Бизнинг колхозчилар ажойиб-да*. *Қаерга қадами тесса, у ерни бир насада одамбоп қилади*»,— деб ўйлади ичида Ҳттам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ОДАМГАРЧИЛИК** 1 Одамларга муҳаббат, меҳрибонлик, инсонга яхши муносабатда бўлиш; гуманизм, инсонийлик, инсонпарварлик.— *Эрим қиморбоз бўлса ҳам, чўтир, бедово бўлса ҳам, одамгарчилиги бор эди*. *Мени яхши кўрар эди,— деди Ҳожо ҳола*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Ғофир:] *Бу ёруғ дунёга нима учун келдинг?* *Наинки, муҳаббат, дўстлик, мурувват, одамгарчилик — деган улуг гапларни .. пучак пулга сотсалар!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Одамгарчилик қилмоқ** (ёки **кўрсатмоқ**) 1) инсонпарварлик юзасидан иш қилмоқ, чин инсон каби муносабатда бўлмоқ; шафқат ва меҳрибончилик кўрсатмоқ. *Биз уни тарбият қилгин, .. хор-зор бўлмасин деб, одамгарчилик қилдик*. А. Қаҳҳор, Сароб; 2) илтифот қилмоқ, лутфан қаршиламоқ.

2 Инсоний қиёфа, юриш-туриш. **Одамгарчиликдан чиқмоқ** инсоний қиёфасини йўқотмоқ, ноҳўя юриш-туриш туфайли кишилар назаридан четда қолмоқ.— *Афюннинг кайфи курсин, домала! Сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди,— деди Абдурахмонбой*. Х. Ғулум, Машъал.

**ОДАМЖОН** [а+ф+т] Одамдан жонини ҳам аямайдиган; одамсева, меҳрибон. [Бобомирза] *оиланинг одамжони, ақлли кенжаси бўлиб, ота эшигидаги тартиботни унча ёқтирмас эди*. И. Раҳим, Тақдир.

**ОДАМЗОД** [а+ф+т] 1 Одам боласи; инсон, киши, башар. *Ер юзида одамзоднинг пайдо бўлиши*. — **Одамзодни бўғиб юборасан-да!** *Тоғжибой бўлса яна авжига чиқди: — Вой-бў-ўй, одамзоднинг жони кўп ширин экан-да, а,*

*тақсир?* П. Турсун, Ҳўкутувчи. **Одамзоднинг кўзи ёмон бўлар экан, ука**. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 с. т. Инсоният, одамият.

**ОДАМИЙ** [а] 1 *от* Чин одам, ҳақиқий инсон, одамларга жонкуяр. *Қим, кучук бирлан хўтикка қанча қилсанг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур бўлмаслар асло одамий*. Навоий.

2 сф.т Одамга, чин инсонга хос. *Одамий қиёфа*. *Одамий фазилатлар*.

**ОДАМИЙЛИК** Одамга, чин инсонга хос хислатлар; чин одамлик, инсонлик.— *У [Сергей] ҳусни, гилдонлиги, давлати билан эмас, балки шижоати, ростғўйлиги, одамийлиги билан ёқди,— деди Мария Николаевна*. Х. Ғулум, Машъал.

**ОДАМИЯТ** [а] кт. 1 Одамзод; кишилик, инсоният, башар.

2 Одамийлик, одамгарчилик. *Сизда одамият бўлса, бу ғариби нотавонга раҳм қилмаганингизда ҳам, анови шўрлик болаларнинг зорига раҳм қилишингиз керак эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОДАМКУШ** [а+ф+т] диал. 1 Одам ўлдирувчи; қотил; жаллод. *Чўпонлар: «Девларни ё ўлдирайлик, ё ўлайлик, бориб кўрайлик-чи, бу одамқушни»,— дейишти*. «Нигор ва Замон».

2 *кўчма* Раҳм-шафқатни билмайдиган; раҳмсиз, шафқатсиз.

**ОДАМЛАРЧА** *реш* Одамлардай, чин инсонга хос бир тарзда, одамийлик билан, одамийлик юзасидан. *Симхаев заводдаги ерлик ишчилар иш ҳақининг оширилишини, жарималарга барҳам берилишини, ишчиларга одамларча муомала қилинишини талаб этиб, иш ташладилар*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Менга бундай бақирма, одамларча муомала қил!* П. Турсун, Ҳўкутувчи.

**ОДАМЛИК** 1 одам с. мавж. от.

2 айн. одамийлик. *Йўлчида ўз кўчига ишонган, қайр-қимматини баланд тутган камбағал йигитнинг, одамликнинг ғурури кучли эди*. Ойбек, Қутлуғ қон. **Садқайи одамлик** (**кетсин**) одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишни қилган кимсага танбех юзасидан айтиладиган ибора.

**ОДАМОВИ** Одамдан ўзини четга олиб юрадиган, ҳеч кимга қўшилмайдиган, эл-халққа аралашмайдиган. *Ражаб боликдан камгап, одамови чиқди*. Х. Назир, Индамас. *Игитлардан кимдир Хури ҳақида гап очиб, уни одамови дебди*. Ф. Мусажонов, Ҳури.

**ОДАМОХУН** [а+ф+т] Одамгарчиликни биладиган, одамнинг иззат-ҳурматини бажо келтирадиган, биров учун жонини ҳам аямайдиган; олижаноб. *Одамохун одам*. *Одамохун оила*. — *Абдуваҳоб билан бир суҳбатлашган киши яна суҳбатлашмай дейди*. *Ажойиб одамохун, ишнаванда йигит*. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Барака топсин, янги секретарь жуда одамохун чиқиб қолди*. Уйғун, Дўстлар. || *Тавба, хўп аломат одам-да!* *Бу қўтир дунёда шунақа*

эдамохунлар борлигига ҳеч ақлим етмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОДАМПАРВАР** [a+f-m] айн. инсонпарвар. Улар шу қадар одампарвар аёл билан учрашганларидан ниҳоят руҳландилар. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ОДАМПАРВАРЛИК** одампарвар с. белги оти. Одампарварлик кўрсатмоқ. — Элмурод саволларнинг мазмунини дарров англаб, раҳбарнинг бунчаллик одампарварлиги ва зийраклигидан жуда қойил бўлди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ОДАМСАР** [a+f-m] 1 Ақли ўткир; ақлли, мияли.

2 Бошида сөчи йўқ; ялтирбош.

**ОДАМСЕВМАС** Одамини севмайдиған, одамларни ёмон кўрадиған, одамга душман.

**ОДАМСИЁК** [a] диал. Одамсимон.

**ОДАМСИМОН** Одамга ўхшаған, одам тахлитидаги; одамсифат. Одамсимон маймум.

**ОДАМСИФАТ** [a] айн. одамсимон.

**ОДАМТАХЛИТ** [a] айн. одамсимон. Одамтахлит маймум.

**ОДАМХЎР** [a+f-m] 1 Одам гўштини ейдиган; ёввойи, вахший. *Бир тоғнинг изасида одамсифат, одамхўр вахший жондорларнинг макони бор эди.* «Ёдгор».

2 кўчма Ўтакетган ёвуз, золим, қотил, жаллод. Одамхўр золимлар, беклар, ҳоқонлар Олтин қадаҳларда шароб ичарди. Уйғун.

◆ Одамхўр от яқинига одам йўлатмайдиған, тишлоғич, баджаҳл от.

**ОДАМХЎРЛИК** 1 одамхўр с. белги оти.

2 Ибтидоий тараққиёт босқичидаги одамлар ўртасида кишининг гўштини ейиш одати.

**ОДАМШАВАНДА** [a+f-m] 1 Одамининг қадрига етадиған, кишининг хурматини бажо келтирадиған; одамохун. *Одамушааванда йигит.* — Назирахон жуда одамушааванда, яхши қиз экан, шу қизни келин қилсак қандай бўларкин,— деди Саодат. Ф. Мусаёнов, Яхши қиз.

2 кўчма Одамга ўхшаған, одам қаторидаги. Қолхоз тузилгандан бери аввалда хор-зор бўлиб юрган бирмунча батрак .. одамушааванда бўлиб, қаторга кириб қолган. Х. Шамс, Харахтеристика. || Энди одамушааванда сўзлашайлик, йиги нима ҳожат! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Одамушааванда қилмоқ одам қаторига, тахлитига киритмоқ, ларбияламоқ. Хуллас, мулла Обидни бошқа эпаккага олиш, одамушааванда қилиш Тиктепа меҳнаткашлари учун арзонга тушмади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ОДАТ** [a] 1 Ўрганиш бўлиб қолган ҳаракат, қилиқ. Яхши одат. Ёмон одат. Сенинг одатинг менга маълум. Бу отнинг тишлайдиған одати бор. Одат қилмоқ. Тарки одат — амри маҳол. Мақол. — Хасаналининг ортиқча берилиб ўйлаган кезда соқолини қадириб тишлайдиған бир одати бў-

либ, ҳозир ҳам соқолини ямлаш билан машғул эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳар қандай эрга сўрамай-нетмай кириб боравериш оқсоқолга одат эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 Ота-бободан қолиб келаётган ва кишиларга сингиб кетган ёки янгида сингиб бораётган расм-рўсм, удум, тартиб. Эски одат. Бу шаҳарнинг одати сал бошқача экан. — [Элмурод:] Сиз шу ернинг биринчи активларидансиз. Қани, менга айтинг-чи, бу ярамас ваҳиёна одатлар: қалин олишлар, зўрлаб эрга беришлар қачон барҳам ейди? — деди. П. Турсун, Ҳўқитувчи. Эрталаб, одат бўйича, Нури тўр рўмол ёпишиб, бешикдаги боладан то кексаларга қадар ҳаммага салом қилар экан. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ Одатдан ташқари одатдагича эмас, ундан ўзгача; фавқулодда. *Саман йўрға йўлга тушиди, човига одатдан ташқари бир-икки қайта келиб тушган аччиқ қамчи зарбидан бир онда кўздан ёғиб бўлиб кетди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОДАТАН** [a] рви, кт. Одат бўйича, одатдагича, ҳар вақтдагидек. *Одатан кун қиёмга етганда, завод гудоқ берар эди.*

**ОДАТДА** рви Одат бўйича, одатга кўра. *Одатда кичиклар катталарга салом беради.* | Ўз одати бўйича, ўрганиш бўлиб қолганидек. *Йўлчи пинагини бузмай, одатда гапиргандай, деди: Ҳечқиси йўқ, мўйсафид, бечора одам экан, дуосини олай,— деди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОДАТДАГИ** Одатда бўладиган, одат, ўрганиш бўлиб қолган, одат ҳукмига кириб қолган; одатий. *Одатдаги иш.* *Одатдаги муомала.* — У хужрага кириб яна одатдаги жойига ўлтирди. А. Қахқор, Сароб.

**ОДАТДАГИДАЙ**, =дек айн. одатдагича. *Абдурашул одатдагидек жуда барвақт уйғонди ва меҳмон тургунча нимадир юмуш билан кўчага чиқиб кетди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ОДАТДАГИЧА** рви Ҳар вақтдагидай, одатда бўладигани каби; одат бўйича. *Гузарда одам одатдагича қалин ва суронли эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ОДАТИЙ** [a] Одат бўлиб қолган, одат ҳукмига кирган, одатда бўладиган; одатдаги. *Одатий нарса.* *Одатий байрам.* — Ҳасанали дастурхон ёзиб, қумғон киргизди. *Одатий такаллуфлар билан дастурхон ва чойга қаралди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОДАТЛАНМОҚ** Одат пайдо этмоқ, бирор ишга, нарсага ўрганиб қолмоқ. *Эрталаб барвақт туришга одатландим.* — Мирзакаримбой, савдогар назокатиданми, ёки одатланганиданми, нонни жуда майда ушатган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОДАТЛАНТИРИЛМОҚ** одатлантирмоқ фл. мажх. н. Бола катталарни ҳурмат қилишга одатлантирилмоғи керак.

**ОДАТЛАНТИРМОҚ** одатланмоқ фл.

орт. н. Болани ёшлигидан озодалшика одатлантириш керак.

**ОДДИЙ** [a] 1 Одатдаги, ҳар вақт бўлиб, учраб турадиған, ўрганиш бўлиб қолган. *Оддий машғулот.* — *Оддий ёз тонди .. Қуёш Қалқовуз суви бўйлаб ўсан қалин тоғларнинг учидан ўйнайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Юсуфбек ҳожи бекнинг уйланишини ҳам оддий гаплар қаторида эшитиб ўтказди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Англашилиши, ҳал этилиши осон, улча мураккаб бўлмаган; осон, жўн. *Оддий савол.* *Оддий масала.* — *Баъзи мунишларнинг ярим соатлик бу ўзагишидан таъажуб қилинмасинким,* бунинг сабаби оддий ва оқинқир. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Кўп қаторидаги, бошқалардан алоҳида ажралиб турмайдиған. *Оддий колхозчи.* *Оддий кетмончи.* — *Асқар ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди.* А. Қахқор, Хотинлар.

4 Сифат жиҳатида айтирли яхши эмас; жўн. *Оддий чит.* | Содда, хашамдор эмас. *Оддий устбош.* *Оддий стол.* — *Оддий бир уй, ёруғ, бепарво Ўлтиради Ленин жонанжон.* Х. Пўлат. *Гулнор оддий қизил кўзли қумуш узукни чўнтагидан олиб Унсинга берди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Қамтар, камсуқум, одми. *Оддий одам.*

◆ *Оддий аскар офицерлик унвони олмаган аскар; солдат.* *Оддий каср мат.* сурат ва махражлардангина иборат бўлган каср. *Оддий моддалар хим.* молекулалари бир хил атомлардан тузилган моддалар.

**ОДЕКОЛОН** [p<фр] Хушбўй моддаларнинг спиртдаги эритмасидан иборат суяқлик; атир. *Биначида ҳидли одеколон.* *Одеколон сепмоқ.*

**ОДИЛ** [a] 1 Бирор томонга ён босмай, қонун, адолат юзасидан холисона, ҳаққоний иш тутадиған; адолатли, беғараз, тўғри. *Одил одам.* *Одил ҳукумат.* *Одил судья.* || *Одил турмоқ.* — *Ташкилотчи деган жуда одил, ғамхўр, одамушааванда бўлиши керак.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. | Адолат билан тузилган, адолат руҳи билан суғорилган; адолатли. *Аммо бунинг учун сен таклиф этган кураш фалсафаси эмас, гўзал ва одил қонунлар, ислохотлар керак.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Одил (эркаклар исми).

**ОДИЛЛИК** 1 одил с. белги оти. *Одамлар оғзидан Элмуроднинг астойдиллиги, одамушаавандалиги, ақли, билими, одиллиги, ғайрати тўғрисида гап кўпайган, Тожибой ён босишга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

2 айн. адолат 1. *Одиллик билан иш тутмоқ.*

**ОДИЛОНА** [a+f-m] рви Одиллик билан, адолат юзасидан, ҳақиқатга асосланиб, адолатли равишда; беғараз, ҳаққоний. *Одилона суд қилмоқ.* *Одилона иш тутмоқ.* — [Навойи]: *Менинча, халқнинг талабига одилона*



**қулоқ солмоқ лозим.** Уйғун ва И. Султон, Навоий. **||** Одилона ҳукм. Одилона хатти-ҳаракат. Одилона талаб. — **Вазирни бузрук, мен хон ҳазратларининг одилона ишларини халққа кўрсатмоқ тараддудидаман.**— деди Пирназарбай. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ОДИМ 1** Олга ёки орқага, ўнг ёки сўлга оёқ ташлаб қилинган ҳаракат; қадам. **Кўчанинг бурилишида яна бир оз унинг [Отабекнинг] одимлари секинлаша ҳам, лекин олдинлашни қўймай бораверди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Одим олмақ** юра бошламоқ, юрнисида, қадам ташлашда давом этмоқ. **Бирга одим олқиқ чўққилар сари.** Т. Тўла. **Одим олмақ** (ёки ташламоқ) 1) қадам ташлаб олдинга юриб бормоқ. **Қаторда катта-катта одимлар отиб бораётган Элмурод шикоятланди:** — **Қачон бу айтганларингиз ҳаммаси ўзбекчага таржима бўлар экан?** П. Турсунов, Уқитувчи; 2) кўчма илгари силжиб бормоқ, илгари босмоқ. **Истиқбол сари ишонч билан одим ташламоқ.** **Одим қўймоқ 1)** қадам босмоқ, юрмоқ. **Бола одим қўйиб кетяпти;** 2) бирор жойга етиб бормоқ, эришмоқ. **Совет кишичи тарихда биринчи бўлиб космога одим қўйди. Одимни тезлатмоқ** юришини тезлатмоқ, тезроқ юрмоқ. **Бир қадам оралғидеги масофа; шу масофага тенг ўлчов бирлиги. Бир одим. Орамиз икки одимча келади.** — **Бойнинг дарвозасидан йиғирма одим нарибаси эски, кичкина эшик, кишининг ғашини келтирувчи тovuш чиқариб очилади.** Ойбек, Қутлуг қон.

**2 кўчма** Усиш, ривожланиш суръати. **Етти йиллик одимлари неча асрлардан бери шўр босиб ётган Мирзачўлда айниқса яққол кўринмоқда.**

**3 кўчма** Ҳаракат, қадам олиш, юриштириш. **Унинг одими бежо!**

◆ **Одимда, одим жойда (ёки сайин)** ҳар қадамда (тез-тез, учраб турадиган нарса ҳақида). **Одимда чойхона.** — **[Отабек ва Али] одим сайин бир ўликка учраб эдилар.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Одимни санаб босмоқ 1)** секин, яниллаб юрмоқ; 2) кўчма эҳтиётлик билан иш тутмоқ. **[Отабек] одимини санаб босиш, бир чўқиб саккиз ёққа қарош каби эҳтиётликларга .. ўрганиб қолган.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОДИМЛАМОҚ 1** Қадам ташлаб юрмоқ, қадам босиб бормоқ, қадам босмоқ. **Аста одимламоқ. Тез одимлаб бормоқ.** — **Даминжон машинасини шийпон олдига тўхтатиб, тўғри бригадир томонга одимлади.** А. Ҳайитметов, Пулат бармоқлар.

**2 кўчма** Олга томон жилмоқ, олдинга жилиб бормоқ, илгари босмоқ. **Иш тез суръатлар билан одимламоқда.**

**3** Одим билан ўлчамоқ, қадамлаб ўлчамоқ.

**ОДИМЛОВЧИ: одимловчи** экскаватор таянч қисмларини галма-гал одимлатиб олға силжувчи экскаватор. **У [Шерали] ҳар тонг одимловчи экскаваторнинг кабинкасига чиқиб, қош қо-**

**райғунча канал қазирди.** Х. Ғулум, Сенга интиламан.

**ОДМИ 1** Ранг-гуси, гули шўх эмас; содда, сипо. **Одми чит. Одми қўйлақ.** **Одми кийинмоқ.** — **[Соттихон] бир йўла тўрт станокда одми шўйи тўқишга ўтди.** Туйғун, Станоклар ёнида. **Ўзбек олим тўйга борадиган хотинлардек ясанган, зенида одми хотинлардек қўйлақ, бошида оқ шўхи дакана, кўзида сурма эди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**2 кўчма** Оддий, содда, камтар. **Одми одам. Одми гап.**

**ОДМИГАРЧИЛИК** Одмилиқ, содалиқ, камтарлиқ. **Одмигарчилик қилмоқ.**

**ОДОБ [a] юқ. усл. айн. адаб.** Унинг одобида, унинг хулқида **Инсоний камолот мавжуд, барқарор.** Уйғун, Муқимий.

**ОДОБЛИ** айн. адабли.

**ОДОШ с. т.** Одоқ, тамом. **Одош бўлди. Одош қилмоқ.**

**ОДОҚ с. т.** Охир, пировард, сўнг, ниҳоят. **Шу билан сўзим одоғига етди.** **У шунча кўп эртақ билардики, кети-одоғи бўлмасди.** Пулим одоқ бўлди. **Одоғи 1)** охири, пироварди; 2) энг кам деганда, кам билан. **Бизнинг колхозимиздаги ёшлар одоғи етти йиллик маълумотга эга.**

**ОЁҚ 1** Одам, ҳайвон, қуш ва умуман жонли организмлар гавдасининг таяниб туриши ва юриши ёки ўрмалаша учун хизмат этадиган аъзо. **Ўнг оёқ. Чап оёқ. Ипак куртининг оёқлари. Отнинг орқа ва олдинги оёқлари. Дўст бошга, душман оёққа боқади.** Мақол. — **Нариз ёқдан Уста Олимнинг оёқ товуши келди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **У [«фаришта»] атлас қўйлақ, лозим кийан, бош яланг, оёқ яланг, ёшига ... бир йиғит эди.** А. Қаҳхор, Майиз емаган хотин. **Шарофат .. ўзига келди-ю, оёқ учида бориб, дарчанинг ёнига чўнқайди.** А. Қаҳхор, Кўшчинор. **Оёқ остида 1)** юриш, қадам босиш лозим бўлган жойда, одамларнинг йўли устида. **Болалар, оёқ остида ўралашманлар!**; 2) ҳар қадамда. **Фалокат оёқ остида.** Мақол; 3) кўчма поймол бўлган бир ҳолда. **Бу замонда .. ҳақиқат оёқ остида қолиб кетмайди.** С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёқ босмоқ 1)** қадам ташламоқ, юрмоқ. **Бемор энди-энди оёқ босяпти.** **У ўнг оёгини босолмайди.** — **Сақлаб сукут оёқ босди; Ҳамма жимжит, бошлар қўйи.** Ғ. Ғулум, Қўкан; 2) кўчма ўйлаб, мулоҳаза билан иш тутмоқ. **Оёгинини билиб бос!**; 3) бирор жойга бормоқ, келмоқ. **Одам оёқ босмаган саҳро. Сизни кизга оёқ босмаганим бўлсин!** **Оёқ ости бўлмоқ** топталмоқ, эзилмоқ, босилмоқ, поймол бўлмоқ, босиб-янчиб ташланмоқ. **Оёқ ости қилмоқ** топтамоқ, эзмоқ, босмоқ, поймол қилмоқ, босиб-янчиб ташламоқ. **Оёққа босмоқ 1)** юра бошламоқ (ёш бола ёки бемор ҳақида); 2) кўчма йўлга, изга тушмоқ, тартибга тушиб оёқа босмоқ, ривож-

лана бошламоқ. **Колхозимиз сал оёққа босгандан кейин ўзим бориб, сизни олиб келаман.** А. Қаҳхор, Кўшчинор. **Оёққа босгирмоқ 1)** айн. оёққа турғизмоқ; 2) кўчма даволаб юргизиб юбормоқ; 3) кўчма йўлга, изга солиб ривожлантириб юбормоқ. **Тўғонни қуриб, колхозимизни оёққа бостириб олайлик, уйларингизга радио тушириб берамиз.** С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёққа турмоқ 1)** ўрнидан турмоқ. **Девонбеги .. меҳмонхонага кирганда .. бутун меҳмонхонадагилар оёққа турдилар.** Айний, Қуллар; 2) кўчма бош кўтармоқ, қўзғалмоқ, қарши чиқмоқ, оёқламоқ. **Уша кунни бутун шаҳар оёққа турди.** Ж. Шарипов, Хоразм; 3) кўчма касалдан соғайиб, юриб кетмоқ. — **Яхшилигингизни асло унутмайман,** — деди врачча бемор, оёққа туриб кетай, сизни ҳирсанд қиламан; 4) кўчма йўлга, изга тушмоқ, яхшиланмоқ. **Колхозимиз қанча оёққа турса, шу бизнинг душманга зарбамиз бўлади.** С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёққа турғизмоқ (ёки кўймоқ) қ. турғизмоқ 1.** **Колхозни колхоз қилиб, оёққа турғизувноча, эҳа, қанча қурбон бермадик!** Х. Назир, Узр, отахон. **Оёқ устида** тикка турган ҳолда. **Мана, ўртоқлар, оёқ устида, иш бошида умумий йиғилиш ҳам ўтказиб олдик.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Оёқда (ёки оёқ устида, оёқ узра) турмоқ 1)** тик(ка) турмоқ. **Оёқда турган ҳолда яна бир оз гаплашиб, сўнж Эшвой жўнаб қолди.** Ойбек, Қутлуг қон. **Отабек ҳолсизланиб, оёқ узра турар.** А. Қодирий, Утган кунлар; 2) ўзини тутиб (тик ҳолатда) турмоқ. **У, йўлдан чарчаб келганидан, оёқ устида зўрга турар эди.** А. Қаҳхор, Кўшчинор. **Оёқдан йиқитмоқ (ёки йиқмоқ) 1)** ағнатмоқ, йиқитмоқ; 2) кўчма ишдан, издан чиқармоқ, ишни бузмақ. **Бу ёлғиз Бўтани беорбўр қилиш учун эмас, колхозни оёқдан йиқитиш учун қилинган ивго.** С. Аҳмад, Ҳукм. **Оёқдан қолмоқ 1)** юрولмайдиган бўлиб қолмоқ, бир жойда ўтириб қолмоқ (қариллик, хасталик, бедармонлик сабабли). — **Бошимга бир мушкул тушиди,** — деб гап бошлади Бозор, — **буғун укам бирдан касал бўлиб, ҳам тилдан, ҳам оёқдан қолди.** Айний, Дохунда; 2) кўчма истеъмодан қолмоқ, эскирмоқ. **Граммофон оёқдан қолди.**

**2** Стол, стул, сўри, қаравот каби буюмларнинг ерга таяниб турадиган қисми, поясси. **Элмурод Абдурасулнинг ёнига ўтиб, оёқлари тарвайган «шаҳанин» бир четига ўтирди.** П. Турсунов, Уқитувчи.

**3** Охир, одоқ. **Кўчанинг бошидан оёғиғича тош терилган.** — **Отабек киши орқасидан кетди, олдинма-кетин сўзлашмасдангина кўчанинг оёғига қараб борар эдилар.** Қ. Қодирий, Утган кунлар. | **Фасл, давр ва ш. к.нинг охири, туғалган вақти. Қуз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди.** А. Қодирий, Утган кунлар. **Оёқда қолдирмоқ** орқада қолдирмоқ. **Мен**



*буларга ўргатармишман .. Мени оёқда қолдириб кетишадди, бу шумтакалар. Ҳ. Назир, Олмос. | Чет, чекка; қуйн томон; этак. Экинзорнинг оёғи. Ернинг оёғи.*

*4 Уйнинг, хонанинг эшикка яқин ўрни; пойгак; акси тўр II. Асалхон бир тўда қизлар билан оёқроқда гуж бўлиб турганини кўрган Сороҳон ўртага тушиб, йигитларни чақиб олди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан.*

*◆ Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда жуда қариб, мункиллаб қолган. Енгил (ёки суюк) оёқ ёки оёғи енгил манф. бузуқ, фоҳиша. Ёлғиз оёқ йўл қ. ёлғиз. **Оёғи олти**, қўли етти шодликдан ўзини ҳеч қасерга сигдиrolмайди, гоят хурсанд. *Зайнаб оёғи олти, қўли етти бўлагани ҳолда, эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқазиб, ёнига учта пар ёстиқни қўйди. А. Қодирий, Утган кунлар. Оёқ олиш* юриш-туриш, хатти-харакат. *Унинг оёқ олиши бежо.**

***Оёғи осмонда** с. т. қулади, йиқилди, иши чаппа. *Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда.* Мақол. **Оғир оёқ** ҳомилдор. **Совуқ оёқ айн.** шум оёқ қ. шум. *Кенг соҳилинда кезди шум оёқ.* *Синдирди нечанинг бошида таёқ.* *Ғайратий. Оёғи қуйган товуқдек* безовталик билан, зир югуриб, ўзини ҳар ёққа уриб. *Одамлар оёғи қуйган товуқдек* пишиллаб югурдилар. Ойдин, ʘзидан кўрсин. *Ўз оёғи билан ўз хоҳиши, ихтиёри билан, ўзича. Дард ариғиси келса, табиб ўз оёғи билан келади.* Мақол. **Оёғи осмондан** келди с. т. қулади, йиқилди, иши чаппасига айланди. *Чекинадиган жойи йўқ, орқада жаҳаннам, бир қадам чекинсан, оёғимиз осмондан келади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Оёқ учи билан** (ёки учнда) **кўрсатмоқ** менсимаслик, назарга илмаслик. *Чўри қиз бошимизга чиқиб, бизларни оёқ учи билан кўрсатади.* *Ойбек, Қутлуғ қон. Одамни оёқ учидан кўрсатиб, калака қилади. Ҳ. Назир, Утлар туташганда. Оёқ тирамоқ* ўз айтганида қаттиқ туриб олмақ. *Болаларнинг бўйи етиб, тўй бошлаймиз деганда, қизи қурмагур бирдан оёғини тираб олди.* *Ойбек, О. в. шабадалар. Оёғим тортмапти* боргим келмаяпти. **Оёқ узатмоқ** (ёки чўзмақ) 1) кўнгли тинчмоқ, ғам-ташвишдан холи бўлмоқ. *Офтоб ойми ҳамон оёқ узатмади. А. Қодирий, Утган кунлар;* 2) кўчма ўлмақ, жон бермоқ. **Оёқ чиқармоқ** сўроқсиз ҳар тарафга бора берадиган бўлиб қолмоқ, тартибдан чиқа бошламоқ. *Бизнинг хотин тил чиқарган десам, оёқ ҳам чиқарипти. А. Қаххор, Оғриқ тишлар. Оёқ остидан чиқмоқ* ўйга тўлиб пайдо бўлиб қолмоқ. *Душман учун кутилмаган бу фалокат худди оёқ остидан чиққандек бўлди. Н. Сафаров, Жангчи Шоқир. Оёқ кўймоқ* бирор ишга киришмоқ. *Унинг розилигини олмасдан туриб, бу ишга оёқ қўйиши мумкин эмас. А. Қодирий, Утган кунлар. Юзга оёқ кўймоқ**

кимсанинг хоҳишига қарши, унинг ҳурмати билан ҳисоблашмай иш қилмоқ. *Тургун акам билан раиснинг юзларига қандай қилиб оёқ қўя оламан. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Оёғига болта урмақ қ. болта. Оёғига бош урмақ (ёки кўймоқ) ёки оёғига йиқилмоқ* паноҳ тортиб ёки нажот излаб келмоқ; сажда қилмоқ. *Ўз оёғидан йитмоқ* ўз ихтиёри, хоҳиши билан йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. *Оёғидан тортмоқ с. т. жиноятда қатнашган шерикларини айтиб бериб, жавобгарликка торттирмоқ. Осмонга чиқсанг* оёғингдан тортаман, ерга кирсанг—қулोगингдан мендан қочиб қутулмайсан, қасерга қочсанг ҳам, барибир, тутиб оламан. [Солиқбой:] *Менинг олтинларим шундай зйрак жосус .., шундай улуғ ҳокимки, ерга кирсанг—қулוגингдан, осмонга чиқсанг, оёғингдан тортиб, менинг қўйнимга олмайди қилиб солиб қўяди!* *Ҳамза, Бой ила хизматчи. Оёғини осмондан келтирмоқ* с. т. қулатмоқ, ағнатмоқ, ўрнидан туширмоқ, ишнини чаппасига айлантирмоқ. *Оёғини кўлга олиб с. т. тез, фириллаб. У оёғини кўлга олиб, нафаси бўғзига тиқилган ҳолда шаҳарга етиб келди. Ойдин, Гулсанам. Икки оёғини бир этикка тикмоқ (ёки сукмоқ)* айтганининг дарҳол бажарилишини талаб қилмоқ, қистовга олмақ. *Отан уйлантираман деб, икки оёғини бир этикка суқиб олган, ҳол-жонимга қўймайди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ОЁҚ II** эск. 1) *Коса, идиш.*

*2 айн. қадах. Аччиғланма, бек йигит, .. ширингина таом қилиб бераман, бир-икки оёқ бўйза ҳам келтираман.* *Ойбек, Навоий. Новача йигит* сўзган бўзадан озгина татиб кўриб, биринчи оёқни *Султонга узатди.* *Ғ. Фулом, Шум бола.*

**ОЁҚЛАБ:** *икки (ёки кўш) оёқлаб* иккала оёқ билан. *Икки оёқлаб тепмоқ* (хайвон ҳақида).

**ОЁҚЛАМОҚ** *Ернинг оёқ томонига, этакига етиб бормоқ (сўв ҳақида).*

**ОЁҚЛАНМОҚ** *Бош кўтармоқ, кўз-ғалмоқ, қарши чиқмоқ. [Мансур Меҳрига:] Қамбағал батрақлар биз томонда, ҳозир ҳамма дарга [душманга] қарши оёқланган. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

**ОЁҚЛАНТИРМОҚ** *оёқланмоқ фл. орт. н. [Қушбеги:] Сиз Марғилонлик оғайниларни қипчоқларга қарши оёқлантирмоқчи бўласиз. А. Қодирий, Утган кунлар.*

**ОЁҚЛАТМОҚ** *оёқламоқ фл. орт. н.*

**ОЁҚЛИ I** *Оёғи бор. Тўрт оёқли хайвон. Узун оёқли чигиртка. — [Кампир] «миш-миш»ларни ҳар вақт эзмалик билан кўзлар эди: «.. Фалончининг келини тўрт оёқли бола туғипти!» Ойбек, Қутлуғ қон.*

*2 Пояли, тагида кўтариб турадиган қисми бор. Икки оёқли скамейка. Уч оёқли стул. — Уста кулол Ҳамроқулнинг аҳволини кўриб, дарров боққа олиб кири ва қайрағоч остидан чиёя*

*оёқли зангор эшакка ўтқизиб қўйди. А. Қаххор, Томошабоғ.*

**◆ Оғир оёқли айн.** *оғир оёқ қ. оёқ I.* **ОЁҚ-ҚУЛ I** *Оёқ ва қул(лар). Оёқ-қўлини боғламоқ. Оёқ-қўли наққон одам.*

*2 Кўчма с. т. Кўмакчи, дастёр. ʘлигимиз — бизнинг оёқ-қўлигимиз.*

**ОЖАР** *қ. ожарлар. Ожар қизи.*

**ОЖАРЛАР** *Ожаристоннинг туб аҳолиси, туб жой халқи.*

**ОЖИЗ [a]** I *Жисмоний жиҳатдан кучсиз; заиф, беқувват, нотавон. Ожиз кампир. — Қасалманд, ожиз бир маҳбусни арқонга боғлаб Солижон билан Бекжонбой тортиб олдилар. Ж. Шарипов, Хоразм. || Гулнор эса, оёқда туришга ожиз, тинкаси қуриган бир хаста қаби умидсизлик билан яна секингина ўтирди.* *Ойбек, Қутлуғ қон.*

*2 Кўчма* *Бирор иш қилиш учун ҳеч қандай чора-илож қўлидан келмайдиган; иложсиз, ноилож, заиф, нотавон. *Мадаминхўжа унинг кўзларидаги илтижонни тушунди, лексин.. хурофот, бидъат олдида ожиз эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Биров-бировга муривват қилишдан ожиз бўлган ўша замонда Ҳамро ота ва унинг оиласига ўхшаш инсофли одамлар ҳам бор эдилар. Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда. || Шу ожизнинг ким чекар ҳасратли доғин. Ғайратий. | Қурби, кучи етмайдиган, кучсиз. Тошкентимиз — бағри кенг, гўзал шаҳар. Унинг таърифига унча-мунча қалам ожиздир.* «Қ. ʘзбекистон», 1960, № 100. *Ихтиёрсиз қўйилиб келган кўз ёшларини, Гулнор баъзан зўрга яширар, баъзан яширишдан ожиз қолар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.**

*3 Бўш, кучсиз, паст. У [Қумри] ярани боғлаётганда Ботирали ожиз тоғу билан бир ингради-ю, яна жимиб қолди. Ҳ. Фулом, Машъал. | Ҳира, нурсиз. Фонарнинг хира шишасидан атрофега ожизгина қизғиш шуъла ёйилди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

*4 Кўриш қобилиятини қисман ёки батамом йўқотган; кўр. Кўзи ожиз одам.*

**—** *Майна Абдувахобнинг ёшланган ожиз чап кўзига, мулоийм тикилиб турган ўнж кўзига назар ташлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ОЖИЗА [a]** I *Ожиз аёл.*

*2 эск. с. т. Қиз фарзанд, қиз. Мирзақаримбой қичқирди: «Мулла Абдушукур, эртага ожизамизга тўй келади, марҳамат қилинг». Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ОЖИЗЛАНМОҚ** *Ожиз бўлиб қолмоқ, ожизлик қилмоқ. Қасалдан кейин ожизланиб қолди. Кўзлари ожизланиб қолди.*

**ОЖИЗЛАНТИРМОҚ** *ожизланмоқ фл. орт. н.*

**ОЖИЗЛИҚ** *ожиз с. белги оти. Кўз ожизлиги. Унинг гўзаллиги таърифидан қаламим ожизлик қилади. — Йигит унинг букилган қадида, бурушиқ юзларида оддий қариллик ожизлигини эмас, балки қулак итиробини ва*

синган гурурнинг забунлигини кўрди. Ойбек, Қуёш қораймас. Қайнатанинг пўписаси кўёнинг шахтини қайтаршига ожизлик қилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЖИЗ-НОТАВОН** [а+ф+т] Ожиз ва нотавон, жуда ҳам ожиз. [Солиқ маҳдум:] *Жанобларига ожизона узр.* Аввало камина ожиз-нотавон, афтода-ҳол, пушти паноҳ жихатларидан содир бўлган улғ марҳаматга сазовор ва лойиқ эмасдирман. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ОЖИЗОНА** [а+ф+т] 1 рвш Ожизларча, занф ва нотавонларча. [Кампир:] Оғир юк остида эзилган каби, узун бир «уз» тортиб, ожизона, шикоят оҳанги билан ўз-ўзига деди: *Эй, дунёйи бевафой!* Ойбек, Қутлуг қон.

2 сфм Итоаткорона, ҳақирона ёлвориб билан қилинган, ўтинчли. *Ожизона узр.* — Узимнинг содиқона бу хизматим эвазига жанобларидан ожизона ўтинчим шулки, бу сирни сизларга билдирувчи мен бўлганлигимни ўзларидан бошқа кимса билмасин. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОЗ** 1 Сон ёки миқдор жихатдан унча кўп бўлмаган; кам. *Оз вақт. Ҳовузда сув оз. Гап кўп, кўмир оз.* Мақол. *Оз емак — саз емак.* Мақол. — *Яқинда табибларга қўрсатган эдим, қонингиз оз, қимиз ичинг, деди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | Етарли эмас, кифоя қилмайдиган, қаноатланарли бўлмаган; кам. *Бир йигитга етмиш ҳунар оз.* Мақол. *Мақтанма, фоз, ҳунаринг оз.* Мақол. *Кўп бўлса кетар, оз бўлса етар.* Мақол. — *Икковимиз ўтказадиган олтин умрнинг олтин минутларини ҳар қанча олтин соат санаса оз!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Биз биламиз, гуноҳинг жуда ҳам катта. Бу жазолар сенга оз.* Ғайратий.

2 рвш Баъзи-баъзида; гоҳо-гоҳо, камдан-кам. *Анвар ўз тенге болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-қулмас .. эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қизлик вақтида Нури уларнинг қулбасига жуда оз чиқар эди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бир оз озгина, андак. Бир оз тузи кам бўлибди. Бир оз ухлаб олинг.*

◆ **Кўпи кетиб, ози қолди** ярмидан кўпи кетиб, ундан озроқ миқдори қолди (қийинчилик кунлар, оғир иш ва ш. к. ҳақида). *Оз бўлмаса қол бўлмаса; сал бўлмаса; нақ, худди. Оз бўлмаса ҳаром ўлар экан, жонивор, дейди у [ўйловчи], бир тутам яшил беда билан ничогини артаётиб.* П. Турсун, Уқитувчи. *Оз қолди сал қолди. Боя синфда болалардан бири ҳимоя тилаб: «Хурматли ўқитувчим!» деб юборишга оз қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Энг ози кам деганда, энг ками, ақалли. Уятни билсангиз, энг ози шунинг андишаси керак эмасми?* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОЗАЙМОҚ** 1 Миқдор, ҳажм жихатдан камаймоқ, камиб қолмоқ. *Богда*

*мевалар озаёган вақти. Ариқнинг суви озаёди.* — [Гулнор] *косани олиб, катта ёғоч қошиқ билан шошиб-пишиб ичди. Қосада ош уч элик озаёди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Кетиб-кетиб озаёиб қолган кишилар гуриллаб ичкари киради.* П. Қодиров, Уч илди.

2 Кам бўладиган, кам учрайдиган бўлиб қолмоқ; камаймоқ. *Унинг хархашаси озаёди.* | *Пасаймоқ, тушмоқ. Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озаёди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ОЗАЙТИРМОҚ** озаймоқ *фл. орт. н. Гапни озайтиринг!*

**ОЗАЙТМОҚ** озаймоқ *фл. орт. н. ОЗАР* *кп. айн. озарбайжон.*

**ОЗАРБАЙЖОН** қ. озарбайжонликлар. *Озарбайжон тили.* || *Озарбайжон аёл.* — *Қиз кўринишдан озарбайжон бўлса керак, русча гапирар, гап-сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўришиб турар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ОЗАРБАЙЖОНЛИКЛАР** Озарбайжон ССРда яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи халқ, Озарбайжон ССРнинг туб аҳолиси.

**ОЗГИНА** 1 Миқдор жихатдан жуда ҳам оз; қиттак. *Озгина сув беринг.*

2 Сал, андак, жиндай. *Озгина ухлаб олай. Остановкадан озгина нарида.* — *Ховлининг кунботар томонида харобаликдан озгина берида бўлган бояги йўлакка тираб солинган икки даричалик бир уй [бор эди]* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОЗДИР-КЎПДИР** *айн. озми-кўпми.*

**ОЗДИРМОҚ** 1 озмоқ 1 *фл. орт. н. Кўйларни оздириб қўйибсиз.*

**ОЗДИРМОҚ** II озмоқ II *фл. орт. н. Ўйладан оздиримоқ.*

**ОЗИБ-ЭЗИБ** рвш, с. т. Зўрға имкон ёки вақт топиб, замоннинг зайли билан. [Саломат:] *Озиб-эзиб бир томошага борадиган бўлганимизда иш-пиши чиқиб қолбидими-а?!* И. Аҳмедов, О. Толипов, Қим айбдор?

**ОЗИҚ** 1 Овқат бўладиган маҳсулот, овқатли дон-дун; емиш. *Озиқ маҳсулот. Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик озиқ ол!* Мақол. *Ёзнинг эзиғи — қишнинг озиғи.* Мақол. — *Йигитлардан бири дастурхон эзиб, йўлга олган озиқларини ўртага қўйди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Нима, озиқ битдим, қозон осмадингиз!* Ойбек, Қутлуг қон. | *Ҳайвонлар овқати, ем-хашак. Ҳайвонлар учун қишга озиқ таёрламоқ.* Қўртларга озиқ бермоқ.

2 Ўсимликлар ўсиш жараёнида ердан оладиган моддалар. *Ўсимликларга қўшимча озиқ бериш.*

◆ **Жон озиғи ёки жонга озиқ** роҳат. *Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи.* Мақол. — *Майин эсанг насими обу ҳавоси, Бўлур жонга озиқ завқу сафоси.* Ҳабибий. *Маънавий (ёки руҳий) озиқ* кишига маънавий завқ бағишлайдиган, унинг маънавий жихатдан ўсишига, такомиллашувига хизмат қиладиган восита. *Гўзал адабиёт—*

*руҳий озиқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Озиқ** тиш киши ва ҳайвонларнинг овқат чайнаш, эзиш учун хизмат қиладиган тиш; жағ тишлари.

**ОЗИҚЛАНМОҚ** 1 Озиқ, овқат ёб олмоқ, овқатланмоқ. *Отлар озиқланди.*

2 Ўсиш жараёнида озиқ олмоқ (ўсимликлар ҳақида).

3 *кўчма* Илҳом олмоқ, руҳланмоқ. *М. Горький ижоди пролетариатнинг революцион ҳаракатидан озиқланди.* Қ. Ўзбекистон, 1961, № 141.

**ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚ** озиқлантирмоқ *фл. мажс. н. Моллар озиқлантирилди.* Экинларимиз маҳаллий ўғитлар билан етарли озиқлантирилди.

**ОЗИҚЛАНТИРМОҚ** озиқланмоқ *фл. орт. н. Ғўзаларни озиқлантирмоқ. Руҳий озиқлантирмоқ.*

**ОЗИҚЛИ** 1 Озиғи, озиқ-овқати бор, озиқ-овқат билан таъмин этилган. *Озиқли от ҳоримас.* Мақол.

2 Таркибидан озиқ моддалари бор, озиқ бўладиган. *Озиқли моддалар.*

**ОЗИҚЛИК** Озиқ бўладиган, озиқланиш учун яроқли; емишли. *Озиқлик экинлар.*

**ОЗИҚ-ОВҚАТ** Турли озиқ ва овқатлар, емишлар. *Озиқ-овқат ҳозирлаш. Озиқ-овқат магзини. Озиқ-овқат маҳсулотлари. Озиқ-овқат санати корхоналари.* — *Пичан ўришга ажратилган одамларни тўппаб, керак-яроғини, бир ҳафталик озиқ-овқатни олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ОЗМИ-КЎПМИ** Оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, маълум миқдорда; маълум даражада. *Озми-кўпми, ёрдами тебди.* — *Мажлис қизиб кетди. Қатнашувчиларнинг кўпчилиги, озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб, гапирди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ОЗ-МОЗ** рвш Озгина, жиндай, унча-мунча. *Оз-моз ишлаб турибмиз. Оз-моз мурч сепмоқ.* — [Йўлчи] *терлаб-пишиб .. топган пулга йўлда Унсин учун атиги иккитасига юпқа, вазисиз нон, оз-моз узум ола билди.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Бир оз, сал-пал. Бир оздан кейин Ботирали ҳам оз-моз гандираклаб чиқди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Мана энди оз-моз тилим чиқди, гапирадиган бўлдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЗМОҚ** 1 Эти қочиб, озгин тортмоқ; озгинланмоқ, ориқламоқ. *Бир терининг ичида қўй неча бор семираиб, неча бор озар.* Мақол. *Озган от арғимоқ бўлмас.* Мақол. — *Гулнор сўзларкан Йўлчи унинг юзидан кўз узмайди. Қиз жуда озган, юзи сарғайган.* Ойбек, Қутлуг қон. *Ғурбатда оҳ-воҳ уриб юрган [Лутфулланинг] онаси ҳам озиб-тўзиб касалга чалинди.* Мирмуҳсин, Ғурбатдаги одам.

**ОЗМОҚ** II Тўғри йўлдан тоймоқ, адашмоқ. *Кенгаш қилган эл эмас, кенг бичилган тўғри тўзмас.* Мақол. *Эри — озади, тўғри — ўзади.* Мақол. — *Исловотхоналари .. тараққий топган мамлакатларда адашган қиз-*

лар, озган жувонлар кўпинча Фуод афанди тутган йўллар билан қўлга тушириллар эди .. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ақлдан (ёки эсдан) озмоқ қ. ақл 3. Йўлдан озмоқ 1) йўлини йўқотиб қўймоқ, бошқа йўлга кириб кетмоқ, адашмоқ; 2) кўчма нотўғри йўлга кирмоқ, нотўғри, сохта фикрга эргашмоқ, адашмоқ. Мен бола-чақали одам, янглишиб, йўлдан озиб, сизга уйланган эканман, никоҳимдан чиқдингиз, мени кутманг. Ойбек, Қутлуг қон.

◆ Кўнгли озди кўнгли айниди, беҳуд, беҳузур бўлди. Портлаш зарбидан Аҳмаджон чуқурга ағдарилиб тушди ва кўзи тиниб, бир лаҳза кўнели озди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ОЗМУНЧА** раш (кўпинча бўлишсиз ф. билан) Оз эмас, анча-мунча, кўпгина. Тошкент билан Кўқон ораси озмунча йўлми? — Коммунизм қураётган улғу халқимиз бу йилнинг ўтган мuddатида озмунча ютуқларни қўлга киритмади. Ғ. Ғуллом. Ғулломжоннинг рус тилига ишқибозлиги, зехнининг ўткирлиги ҳам бу масалада озмунча таъсир қилмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЗОД** [ф-т] 1 Ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқни ўз қўлида бўлган, озодликка эришган; эркин, хур. Озод ўлка. Озод мамлакат. Озод меҳнат. — Тоза ҳаво, тоза сув, Озод Ватан сеники. Ғ. Ғуллом. Озод халқим бошига келмас, Энди сира мусибат ва ғам. Ҳ. Олимжон. | Куллиқдан озод этилган, эркинликка чиққан, асоратдан қутилган. Хотин-қизларимиз паранжидан озод бўлдилар, ҳуқуқлари эрларники билан тенг бўлди. — Уртоқ Ленин фикри мудоом, Мазлумларни озод этмоқ. Озод бўлган эллар унга Сидқин баён қилмоқ керак. Эргаш шоир.

2 Ўз ҳолига, майлига қўйилган, бўшатиб юборилган, ҳеч қандай мажбурият билан боғланмаган; бўш. Эшоннинг заҳарханда таънасини Элмурод ерга тикилганича индамай тинглади. Бу гап унга: «Сен озодсан, кета бер!» бўлиб эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Мажлисга қатнашидан ўзларини озод ҳисоблаган кишилар бу мажлис ва унинг белгиланган вақтидан олдин бошланганига ҳам ўзларича маъно беришди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. | Холи. Тавшидан озод кишилар. — Қаламни ҳам бу ғиди-бидидан озод қилишни мувофиқ кўрдим. А. Қодирӣ, Утган кунлар. | Дархон қилинган, зиммасидаги мажбурият кечилган; дархон. Солиқдан озод қилмоқ.

3 Тутқунликдан чиқарилган, қамоқдан бўшатилаган. Шу устознинг [Лениннинг] шарофатидан, озод бўлди мангуа инсон. Э. Раҳим.

4 хим. Қўшилмаган, бирикмаган ҳолдаги. Озод кислород.

5 раш вазифасида Эркинлик билан, бемалол, даст. Йигит .. билагимдан озод кўтариб, тандирдан сугури олди. Ғ. Ғуллом, Шум бола. | Тик, тикка, кўкракни кериб. Ингичка, узун оёқ-

ларини чаққон босиб, чиройли бошини озод кўтариб келаятган қашқа саман бирдан паҳса девор томонга бурилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Озод турмоқ дадил ўриндан турмоқ, шахдам кўтарилмоқ. Устидан алак чопонини иргитиб, озод туриб кетган йигит .. тузоққа тушган беданадек питирлаб қолди. Ғ. Расул, Адолат.

6 Озод (эркаклар исми).

◆ Озод қўймоқ бўшатмоқ, жавоб бермоқ (ўқишдан). Нигор ойим ҳозиргина [ўқувчи] қизларни озод қўйиб, кўкрак боласини бағрига олган эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**ОЗОДА** [ф-т] 1 Ифлосланмаган, кир тегмаган, кирланмаган; тоза, покиза. [Хотинлар] эски, лекин озодагина кўрпа ёпилган сандал атрофида тикилишиб, секин-секин суҳбатлашарди. С. Зуннуова, Гулхан. | Супуриб-сидирилган, тоза. Уй махсус меҳмонлар кутиладигандек озода ва саришта. П. Турсун, Ўқитувчи. Яшил уфққа туташган тўппа-тўғри ва ниҳоятда озода тош йўл. А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

2 Ўзини ва ўзига қарашли ҳамма нарсани тоза тутадиган, тозалikka рия қиладиган; саранжом-саришта. Озода хотин. Соғ юрай десанг, озода бўл. Мақол.

3 Озода (хотин-қизлар исми).

**ОЗОДАГАРЧИЛИК** Озодалikka рия этиш, хар нарсани ва ўзини озода, пок тутуш.

**ОЗОДЛИК** 1 озод с. мавҳ. от. Миллий озодлик. Хотин-қизлар озодлиги. — Аҳмад Хусайннинг бутун дили, фикри, эътиқодича ҳақиқат озодлик демакдир. Ойбек, Нур қидириб. Озодликка чиқармоқ асоратдан, қўликдан чиқармоқ, эркинликка эриштирмоқ, эрк бермоқ. Совет ҳокимияти аёлларни озодликка чиқарди. Озодликка чиқмоқ асоратдан, қўликдан чиқмоқ, эркинликка эришмоқ, эрк олмақ.

2 тар. Эски мактабда ҳар пайшанба кун домлага ёки отинибига ўқувчилар томонидан келтириладиган ҳақ; пайшанбалик (пул, нон, дон каби). — Домлагаям озодлик опкелдингми? — деди бола дам дастурхонга, дам туғунга тикилиб. П. Турсун, Ўқитувчи. — Буvingга бориб айт! Агар озодлик келтирмасанг, янги сабоққа тишмайсан! — деди домла. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

**ОЗОКЕРИТ** [р < грек] Туси, ташқи кўриниши асалари мўмига ўхшаш минерал, тоғ мўми (мой, крем ва ш. к. тайёрлашда ишлатилади).

**ОЗОН** [р < грек] хим. Кислороднинг бир кўриниши, ўзига хос ҳили бўлган газ (зўр оксидланиш ва сувни зарарсизлантириш, мой ва қоғозни оқартириш хусусиятига эга).

**ОЗОР** [ф-т] Қимсага етган, етказилган жисмоний ёки руҳий азоб, жабр. Саодат боғини зулм эзди барбод. Фалакнинг жабридин, оторидин дод! Уйғун ва Й. Султон, Навонӣ. Умур-

зоқ ота кўпдан бугун юрак касалидан озор чекарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Озор бермоқ (ёки етказмоқ) азоб бермоқ, қийнамоқ ёки ранжитмоқ. Менга шунча озор бериб, эримнинг олдида мени бузуққа чиқармоқчилар. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Озор етди азоб тортди, қийналди ёки ранжиди. Гапимдан бироз озор етган бўлса, кечирасиз.

**ОЗОРИЖОН** [ф-т] Жонга озор берувчи, қийновчи, ранжитувчи.

**ОЗСИНМОҚ** Оз, етарли эмас деб билмоқ; кифоя эмас деб топмоқ; кўнгли тўлмаслик. «Е пирай, озсиндиде, қурғур» деб қўрқдим. — Ариза ўринласа, яна хизмат қилармиз, мирзобоши. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. [Алломиш ўғлига қараб:] Ўз юртингда, ота-эканг бағрида юришингни озсинма. «Едгор».

**ОЗУРДА** [ф-т] кт. Озор кўрган, ранжиган. Озулда бўлмоқ. Озулда қилмоқ (этмоқ). — Сизнинг Оқ-жарга бадрга бўлганингизни қўшилардан эшитиб, қаттиқ озулда бўлти, кўп фарёд чекибди! — деди Мававий Йўлдош Муқимийга. С. Абдулла, Мавлоно Муқимӣй.

**ОЗУҚА** ай. озик, Ғўза шоналаш ва гуллаш даврида озуқани кўп талаб қилади.

**ОЗЧИЛИК** Кишилар мажмуининг оз қисми, белгиланганга ёки мўлжалланганидан кам бўлага. Озчиликни ташкил этувчи миллатлар. Партиа устави бўйича озчилик кўпчиликка бўйсунди.

**ОЗГИН** I Эти қочган, этдан тушган; ориқ. Озгин мол. Озгин сиёир. — Нега Зайнаб семиз-у, Қумуш озгин? А. Қодирӣ, Утган кунлар. Бола озгин ючасини тириштириб, .. чўзилиб борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Қотма, камгўшт. Мадаминхўжа эса бошини солиштириб, мумдек эриб ўтиради. Фақат озгин савдаси ашўлага монанд чайқалади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Чувак, ингичка. — Дўстларим, — деди у, озгин бармоқларини қайчи қилиб йўнар экан. Ҳ. Ғуллом, Машъал.

**ОЗГИН** II кам қўлл. Йўлдан озган, тўғри йўлдан чиқиб кетган; айниган; бузуқ. Гоҳи маҳаллар юраги сиқилиб, тоғни ҳам ташлаб кетгиси келар, лекин шундай фикрга йўл қўймаслик учун ўзини айблаб, дарҳол бу озгин фикрини ўзидан қувлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЗГИНЛАНМОҚ** Ориқламоқ, озмоқ. [Қумушининг] бурунги тўллагин кетиб, озгинланган ва лекин бу озгинлик ўзинг ҳуснига камчилик бермай, билъақс юқорилатган. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ОЗГИНЛИК** озгин I с. белги оти. **ОЗГИРМОҚ** Йўлдан оздирмоқ, адаштирмоқ, йўлдан урмоқ. Бизларга пирлик қилсан, Тагин келиб энди мунча Шайтондай бўб озғирасан! Фозил шоир.

**ОНД** [а] кўм. (ж. к. билан) Тегишли, тааллуқли, доир. Ишқ-муҳаббатга оид шеърлар. Тарихга оид китоблар. — Орада ўтган шу икки ой ичида Аҳмаддон .. ҳарбий техникага оид кўп нарсалар ўрганди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ОЙЛА** [а] 1 Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон. *Аҳил оила. Санъаткорлар оиласи. Оила бошлиғи.*

— [Эшвой] камбағал бўлишига қарамай, йўлчининг оиласига .. ёрдам кўрсатар эди. Ойбек, Кутлуг қон. Оиланинг ҳар бир аъзоси ўз иши, юмуши билан машғул. Х. Ғуллом, Машғал. Бировага қизиқиш, оила қуриш .. Бу гаплар Замирани чўчитар. Очил уни ёмон йўлга бошлайётгандай туюларди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 кўчма Бир мақсад, маслак билан биришган кўп кишилар, халқлар, мамлакатлар. СССР қардош халқлар диласидир. — Бутун совет аскарлари бир оила, аҳил, меҳрибон ва қалин дўстимиз,— деди Бектемир. Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Усимликлар ва ҳайвонлар систематикасида тузилиш жиҳатидан бири-бирга ўхшаш, келиб чиқиш жиҳатидан ҳам ўзаро яқин бир неча уруғни ўз ичига олган гуруҳ. Қийиклар оиласи. Дуккаклилар оиласи. Урдактумшўқлилар оиласи. | Қардош тиллар гуруҳпаси. Туркий тиллар оиласи. Славян тиллари оиласи.

4 с. т. Рафиқа, хотин.

**ОЙЛАВИЙ** [а] Ойлага маъсуб, оилага тегишли; оилада бўладиган. *Ойлавий аҳволингиз қандай? Ойлавий йлтириш.* — Саидийни кўрганда ўзини ҳатто ўз турмушидан, ойлавий ҳаётидан жуда мамнун қилиб кўрсатишига тирришар эди. А. Қаҳҳор, Сабо.

**ОЙЛАЛИ** Оиласи, бола-чақаси ва рўзғори бор; уйланган (хотин олган ёки эрга теккан); аёлмаңд. *Самовар— келди-кетди жой. Бу ерда сиздек оилали одамга бир кун эмас, бир соат ҳам туриш малол келади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ОЙЛАЧИЛИК** 1 Оила, рўзғор ташвишлари, оила икир-чикирлари.

2 Оиладаги тартиб ва муносабатлар.

3 манф. Кадрлар танлашда, уларни ишга жойлашда, нарса, ҳақ ва ш. к. ни тақсимлаш ва ш. к. да ўз яқинларини тўплаш ва уларга имтиёз бериш каби ғайриқонуний принцип. *Ойлачиликка қарши курашиш.*

**ОЙ** 1 (О — катта) астр. Қуёшдан нур олиб, ёғду сочувчи самовий jisм, Ернинг йўлдоши. *Ун тўрт кунлик ой. Тўлин ой. Ой нури. Ой чиқди. Ой ботди.* Ойнинг юзидаги доғлар. Ойнинг Ер атрофида айланиши. *Туғилган ой — туғралган мой.* Мақол. *Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.* Мақол. — *Кечки гуллар очилиб турибди.*

*Қўқда танҳо ой кезмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **ОЙ** юз чиройли юз, гўзал юз. *Ой юзинг қора чиммат элмидан қутултурғил. Чиқ қоронғи турмушдан, нур ичинда жавлон қил.* Ҳамза. **ОЙ** деса ойма, кун деса кунга ўхшайди жуда гўзал, жуда ҳам чиройли.

2 Астрономик йилнинг ўн иккидан бирига — Ойнинг Қуёш атрофидан бир марта айланиб чиқиш муддатига тенг вақт, ўлчов бирлиги 30, 28, 29 ёки 31 кунлик давр. *Ой боши. Май ойи. Бир йил ўн икки ой. Йилнинг боши — январь ойи. Бу орада уч ой ўтди. Ез ойлари ҳам ўтиб кетди.* Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ. Мақол. — *Ғўлм бечора ой ўтмасдан бўзчининг моқисидек қатнаб турса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ойдан ой, кундан кун ўтиб** анча вақт ўтиб. **Ой-кун(лари) ўтиб** вақти, умри, ҳаёти кечиб. *Шу йўсин оромсизлик ва бесарамжонлик ичида [Отабекнинг] ой-кунлари ўтиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Уч-тўрт кунлик ой шаклидаги безак ёки белги. *Мезана устидаги ой.*

4 Аёллар исми таркибига киради, мас. *Ойпошша, Ойқиз, Ойтўти, Ойнаса.* | Аёллар номига қўшилиб эркалаш, ҳурматни билдиради, мас. *Турсуной, Ширмоной, Кундузоӣ.*

◆ **Ой бориб, омон кел** сафарга кетаётган кимсага яхшилик тилаб айтилган ибора, оқ йўл тилаш формаси. *У [Элмурод] йўлда кетар экан .. «Ой бориб, омон келинг!» деб, оқ йўл тилаб қолган Ғулсумни хийлагача йўлаб ётди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Ойи тўлди** туғиш вақти етди. *Қумушининг ойи тўлмасданок у [онаси] бешик ясаши билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ой-кун** яқин туғиш олдиди. **Ой кўрмоқ** хайз қони кўрмоқ.

**ОЙБА** Эрнинг опаси (хотинига нисбатан). | Унга мурожаат формаси.

**ОЙБОЙ** унд с., с. т. Вой-бўй.

**ОЙБОЛДОҚ** Исирганинг уч-тўрт кунлик ойма ўхшатиб ишланган, нақсиз, шокиласиз бир тури. *Олтин ойболдоқ. Ойболдоқ тақмоқ.*

**ОЙБОЛТА** 1 тар. Болтанинг тиги ой шаклида, икки учи гажак бўлиб қайрилиб келган, дастаси узун бир тури; табар (хонлик даврларида ҳарбий қуроли сифатида ишлатилган). *Елкаларига ойболта қўйган соқчилар шаҳар дарвозаси ёнида саф торган эди.* М. Осим, Элчилар.

2 Болтанинг қассоблар гўшт чопадиган ва рўзғорда ишлатиладиган кичик бир тури. *Мамасидиқ қўлидаги кетмонни ёнига суриб қўйиб, ойболта билан юлгун илдизини бир уришда узиб ташлади.* С. Маҳкамлов, Гулистон.

**ОЙБОЛТИРҒОН** Бир йиллик, баъзи турлари кўп йиллик эфирли ёввойи ўт.

**ОЙДА-ЙИЛДА** рвш Узоқ вақт да-

вомида бир марта; гоҳ-гоҳ, онда-сонда. *Ойда-йилда бир кўринади.* — *Ўзимиз ойда-йилда бир палов аймиш.* — *Ибодулла бошидаги баргикарам дучоха дўпписини тўзатар экан, гап қўшди.* Х. Ғуллом, Машғал.

**ОЙДИН** 1 сфт Ой чиқиб, ҳамма ёқ ой нури билан ёриган, ёруғ, ойдинли. *Ойдин кеча.* | *Кеча ойдин, қабристон тип-тинч.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Сутдек ойдин** беғубор, ёп-ёруғ ой ёғдуси ва шундай ёғду билан ёритилган кеча. *Йўл яхши, сутдек ойдин.* Ш. Сулаймон, Ота. **Кўр (ёки хира) ойдин** булутлар орасидан ўтиб тушаётган ой ёғдуси ва шундай ёғду билан ёритилган кеча. *Хира ойдинда қоп-қора ҳайкалдай бўлиб бир отлик кўринди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. | *от вазифасида Ой нури, ёғдуси.* [Отабек] ичидан тақинган ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинга солиб боқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олисадаги уйларнинг томлари ойдинда йилтирайди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 кўчма Аниқ, кўриниб, билиниб турган, равшан. | *Бу масала ҳамма учун ойдин.* — [Нор:] *Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам, менга ойдин.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

3 Ойдин (хотин-қизлар исми).

◆ **Ойдинда** оёғим қилади менга ҳеч қийинчилиги йўқ, кўзимни юмиб ҳам қила оламан.

**ОЙДИНЛАТМОҚ** айн. ойдинлаштирмоқ. *Кураш йўлини қидирган бу ақлли йигитни — Йўлчини Петров бутун революцион руҳи ва севгиси билан тарбиялайди, революцион кураш алаңгаси билан унинг фикрларини ойдинлатади.* Ойбек, Кутлуг қон.

**ОЙДИНЛАШМОҚ** 1 Ой ёғдуси билан ёримоқ. *Тун ойдинлашди.*

2 кўчма Аниқ-равшан бўлмоқ, очиқ-ойдин, тушунарли бўлмоқ; ечилмоқ. *Аҳвол ойдинлашди. Масала ойдинлашди.* — *Комилжоннинг фикри ойдинлашган сари кўпчилик Комилжон томонга ўта бошлади.* И. Раҳим, Ихлос. *Сергей Қамчидан кўп нарсаларни сураб олди, лекин унинг жавобларидан қишлоқдаги воқеалар ойдинлашмади.* Х. Ғуллом, Машғал.

**ОЙДИНЛАШТИРИЛМОҚ** ойдинлаштирмоқ *фл. мажх. н. Илғорларнинг иши газеталарда ва радио орқали ойдинлаштирилмоқда.*

**ОЙДИНЛАШТИРМОҚ** ойдинлашмоқ *фл. орт. н.*

**ОЙДИНЛИ** Ой чиқиб турган, ҳамма ёқ ой нури билан ёритилган; ойдин. *Қайгурма .. Бу кеча сенинг қайғули кечаларининг энг кейингиси ва ойдинли ҳам шеърятли тунларининг арафасидир, бегим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОЙДИНЛИК** ойдин с. белги оти. *Кечанинг ойдинлиги. Масалага ойдинлик киритмоқ.*

**ОЙДИНСИЗ** Ой чиқмаган, ой ёғдуси билан ёримаган. *Ер оптоқ қор. Ҳаво*

ошиқ. **Ойдинсиз кеча.** А. Қаҳҳор, Са-  
роб.

**ОЙИ с. т.** Она.— *Бироздан кейин чиқиб, ойим билан сўрашинг,— деди Қумуш.* А. Қодирый, Утган кунлар.— *Ойижон, сиз ҳеч таъини тортманг, чарчадим холос,— жавоб берди Нури.* Ойбек, Қутлуг қон. **Қатта ойи** 1) ота ёки онанинг онаси; 2) этн. катта хотин (кичик хотиннинг болаларига нисбатан); 3) кекса хотинга нисбатан мурожаат формаси. *Йўлчи пишқирган отини тўхташиб, қичқирди:— Катта ойи, йигитчаларни хурсанд қилин!* Ойбек, Қутлуг қон. **Кичик ойи этн.** кичик хотин (катта хотиннинг болаларига нисбатан). **Келин ойи қ. келинхойи.**

**ОЙИМ** 1 с. т. **ойи с.** 1-ш. *эғалик ф-си.* Буни [узункни] ёш қиз вақтимда .. ойим сотиб олиб берганди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 тар. Оқсуяқларга мансуб аёлларга мурожаатда уларнинг помига, унвонига қўшиб ишлатилган ёки унинг таркибий қисмини ташкил этадиган сўз. *Моҳлар ойим.* — Нигор ойим ҳозиргина қизларни озов қўйиб, кўчрак боласини бағрига олган эди. А. Қодирый, Мехробдан чаён. *Қатта уйда эшон ойимлар ҳам Тўраҳўжабойнинг хотини, келинлари, .. ўтириштипти.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бир вақтлар мен ҳам хоним ойимларга чўри эдим.* А. Қодирый, Утган кунлар.

3 с. т. Танноз, нозанин. **Ойим қиз** қизларга ҳурмат юзасидан ёки кесатиқ билан мурожаат формаси. [Заргаров:] *Аравани қуруқ олиб қочманг, ойим қиз!* А. Қаҳҳор, Орғиқ тишлар. **Ипак ойим** нозик, оқсуяқ аёл(лар)га нисбатан ишлатиладиган ибора.

**ОЙИМПОШША** 1 Ҳурмат юзасидан ёки кесатиқ билан аёлларга нисбатан ишлатиладиган сўз. [Дома Фо-  
тимага:] *Бироз тобим йўқ деб ёзбисиз, нима бўлди, ойимпошша?* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 **Ойимпошша** (*хотин-қизлар исми*). **ОЙИМСУПУРГИ** 1 Поясидан супурги қилинадиган, дони қизил бошқоқли ўсимлик.

2 Шу ўсимлик поясидан боғланган супурги.

3 *қўйма манф.* Супургидай эгилиб-букиладиган, мулоим одам ҳақида. [Мўмин ака:] *Нечундир, тўсатдан кирти қиёфасидан ойимсупурге қиёфасига кирган, мулоимлашиб қолаган эди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қисаси.

**ОЙИМТИЛЛА** с. т. 1 Мехнатга тоби йўқ, қўлини совуқ сувга урмайдиган аёл; оқсуяқ аёл. *Ойимтилла бу келин, Аззолига бир қаранг, Тирноқ қизил, лаб қизил, Усмандан қошлар таранг.* Ф. Комилов. [Ҳаётхон:] *Унга мен эмас, ойимтилла бўлиб уйда ўтирадиган хотин керак-да.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

2 Енгилтак, танноз аёл.— *Бу — ойимтилла тоза енгилтак экан-ку,—*

*деди ўзига-ўзи Қумри.* Мирмуҳсин, Ажрим.

3 кест. Сояпарвар, иш ёқмас, хотинчалиш эркак. *Уша оймтиллаларнинг ишини қилолмайди деб ўйлайсизми, нарҳимизни кўпам ерга ураверманг.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ОЙИМЧА** 1 Оқсуяқлар, шоҳлар, хоналар омасига мансуб ёш хотин. *Рас-таларда косиббачча, Ҳар растани ора-лайди, Қанизи билан оймча.* «Рус-там». *Ойимчалар сунбул сочини тара-шиди, атрофдан қирқ қанизи келиб қарашди.* «Нигор ва Замон».

2 эркл. Нозанин, танноз. *Богда очилган гул гунчалар.* Ҳолим билмас бир нечалар. *Олинг Гулгун оймча-лар, Болам алла-ёр, алла-ёр!* «Ширин билан Шакар».— *Дўстим, кечга меҳмонларни жўнатиб, иккаламиз, ойм-чалардан ғалатисини топиб, гашт қиламиз.*— *Қўлингени бер шоввоз!* Ойбек, Қутлуг қон.

3 кест. айн. **ойимтилла** 1. Ҳа, оймча, эра теккан бўлсам, хўп қилман, ажаб қилман. *Эра тегиб ёмон бўлганам йўқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОЙИМҚОВОҚ** Ошқовоқнинг эрта-пишар бир тури.

**ОЙНА** [ф-т] айн. **ойна.** *Гўзал Нурхон, боқиб ойнага биздан улдингми?* Ҳамза. *Ой олади дала тўшидан, Денгиз — кенг оламга сайқал ойна.* Миртемир.

**ОЙЛАБ** рвш Бир неча ой мобайнида, ойлар давомида. *Москва, Петербурга кўп қатнадим, ойлаб у шаҳарларда қолдим.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бу ўтиришдан сўнг у [Отабек] бир ойлаб бўғзоҳонага келмай кетди.* А. Қодирый, Утган кунлар. | Ойлар билан. *Вақтни ойлаб ўлчалоқ.*

**ОЙЛАБ-ЙИЛЛАБ** рвш Ой ва йиллар бўйи, ойлар ва йиллар мобайнида. *Ойлаб-йиллаб кутмоқ.*

**ОЙЛАР:** **ойлар шафтоли** диал. айн. **луччак шафтоли қ. луччак** 1.

**ОЙЛИ** 1 Ой чиқиб, ёғду сочиб турган; ойдин. *Ойли кеча. Ойли тун.* — *Бавзан қўшиқ тинглаб қолдим, ойли тунларда.* Ғайратий. *Тун шу қадар ойли эдики, Тоғларди иена йўқолса .. Қандай ухлар, ойли тун қизнинг юрагига ҳаяжон солса?* Уйғун.

2 Ой шақлидаги гули, нақши бор. *Дўппи тикдим чиройли. Гуллари ярим ойли.* «Кўшиқлар».

**ОЙЛИҚ** 1 Ой мобайнида давом этадиган. *Бир ойлик олтуска. Тўғқиз ойлик йўл.* | Бир ойма мўлжалланган. **Ойлик план.** — «*Қўшчино*р» тўғон участкасида .. *икки ойлик иш қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчино. | Ҳар ойда чиқадиган. **Ойлик журнал.**

2 Оймага тўлган, маълум бир (муддат) ой яшаган. *Бир ойлик қўзи. Икки ойлик бола.*

3 Бир ой мобайнида қилинган меҳнат учун тегадиган ҳақ, маош. *Неча пил ойлик оласиз?*

4 Бирор ижтимоий ишни бажариш, тадбир ўтказиш учун белгиланган бир

ой муддат. *Қитоб ойлиги. Тракторларни ремонт қилиш ойлиги.*

**ОЙЛИҚБАЙ** Ҳар ойда қилинган ишга ҳақ тўлаш шарти билан ёллаш-ёлланиш. *Мен ҳам ҳаммолакни ташладим-у, ғазимни ойликбай ишга урдим.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ОЙЛИҚХўР кам. қўлл.** Ойлик билан яшовчи. [Тожибой:] *«Ичини биз қиламиз-у, ойликнинг каттасини булар ейди. Ойликхўрлар!»* деб тўғиллаб ҳам қўяр эди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ОЙМОМА с. т.** Ой. Ғожижонни шундай яратганларким, кўриб қолсангиз, оймомадан узилиб тушсан бир бўлак дейсиз. «Муштум», 1925, № 10.

**ОЙНА** [ф-т] 1 Одатда дераза кўзларига ўрнатиш учун ишлатиладиган ясси шиша. *Бир тахта ойна. Дераза ойнаси. Ойна заводи. Ойна синиги.* *Ойна кесмоқ.* — *Туманланган дераза ойналарида йирик қор парчаси оқ капалакдай кўринади.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 с. т. Дераза.— *Қор-қу майли-я, бўроница нима бор,— деди блиндаж ойнасидан қараб турган Нормат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Қаршидаги предметларни акс эттирадиган, одатда киши ўз аксини кўрадиган, орқаси сирланган махсус шиша парчаси; кўзгу. *Башаронг қийишқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* Мақол. — *Бир узунчоқ тоқчада каттагина ойна билан қизил гулли патнус ёнма-ён турибди.* П. Турсун, Уқитувчи. [Забо] *ойнага қараб ўзини тузатди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 *қўйма* Бирор ҳолатни, ҳодисани акс эттириб ёки ёритиб турган нарса; кўзгу. *Дўст дўстнинг ойнасидир.* Мақол. — *Қундалик дафтар — мактаб боласининг хулқ-атворини, олган бах-холарини равшан кўрсатиб турадиган тиниқ ойна.* М. Исмонлий, **Бизнинг роман.** **Ой(ина)на жаҳон** 1) жаҳонни кўрсатувчи, бошқа жойлардаги нарсаларни, бўлиб турган ҳодисаларни кўрсатиб турувчи афсонавий ойна. *Илгари болалар орзу қиларди. Бўлса деб ўйларди Ойнаи жаҳон.* Ф. Йўлдошева; 2) с. т. телевидение; 3) с. т. телевизор.

5 с. т. **Кўзойнак. Ойна ортидан** тикилиб турган бир жуфт ўтли кўз унинг онгига анчадан кейин етди. П. Қодиров, Уч илди.

**ОЙНАБАНД** [ф-т] 1 Ойна ўрнатилган, қўйилган, солинган. **Ойнабанд айвон.** — *Ойнабанд эшиқларига номер ёзилган кабиналардан хилма-хил товушлар келади.* П. Қодиров, Уч илди.

2 Ойна ёки кўзгу қошлаб безатилган; ойнақор. **Ойнабанд зал.** — *Кўри-нар қўрғондан ям-яшил қишлоқ. Оқ уйлар нақадар сулуф ойнабанд.* Х. Ра-  
сул.

**ОЙНАВАНД** [ф-т] с. т. Ойнабанд. *Шаҳарда уч қаватли ойнаванд ёруғ бинолар қурилиб, тўғри кўчалар очилди.* Мирмуҳсин, Чиниқши.

**ОЙНАВОН** диал. Ойнабанд.

**ОЙНАДОР** [ф-т] Ойна тутилган; ойнабанд.

**ОЙНАК** [ф-т] 1 айн. ойна 2. Шу пайтда штаб томонидан келган кимдир автомобиль ойнакларидан бошини тикиб қаради. Мумтоз, Машқ. Ёрни ойнакдан қаранг, Ноз уйқуда ётганмикин. «Кўшиқлар».

2 с. т. айн. ойна 3. [Хонзода:] Сен ниманга бино қўлган? Хуснинггами? Ойнакка қара. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 айн. кўзойнак. Пойгакдаги каравотда китоб ўқиб ётган Хожги ака .. чаққонлик билан бошини кўтариб, кўздан ойнагини олди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

**ОЙНАКЛИ** Кўзойнак тутган, кўзойнакли.

**ОЙНАКОР** [ф-т] с. т. Ойнабанд. Очилак .. бориб, Холбўта туркманни кига тунди. Деразали, ойнакор меҳмонхоналар. «Очилдов».

**ОЙНАКСОЗ** [ф-т] Кўзойнакларни тузатувчи уста.

**ОЙНАЛИ** 1 Ойна солинган, ойнабанд.

2 Кўзу ўрилатилган, кўзгули. Ойнали шкаф.

3 с. т. Деразали. Уйнинг ойнали девори.

**ОЙНАСОЗ** [ф-т] диал. Ойначи.

**ОЙНАЧИ** Деразаларга ойна солувчи уста.

**ОЙПАРЧА** Ойдек гўзал, нозанин. Колхоз шийпонига йиғилган барча, Келди Гулбаҳори худди ойпарча. М. Алавия.

**ОЙПОШША** 1 айн. ойимпошша 1. — Мен сени ойпошша бўлиб ўтирадиган, қўлингни совуқ сувга урмайдиган жойга тинчитаман, дейди. — деди Ҳикоятинг намаси. Ибохон, Феруза кўзди исирга.

2 Ойпошша (хотин-қизлар исми).

**ОЙРОТ** қ. ойротлар.

**ОЙРОТЛАР** Туркий тилда сўзлашувчи, Олтой ўлкасида яшовчи халқ.

**ОЙСИЗ** 1 айн. ойдинсиз. Ойсиз кеча.

2 Маълум ой, вақт ўтмасдан. Мабода келмасангиз, бир-икки ойсиз қишлоқдан келмайман, деб маъшуқангиз Зайнаб. Ҳамза, Ким ўғри?

**ОЙҚАРА:** ойқара ёпмоқ бир барини бошга, бир барини оёққа қилиб узунасига ёпмоқ (чопон, пўстин, чакмон ва ш. к.ни). Аваз отасини Таваккал ғорига олиб бориб, ўлик суратида чалқанча ётқизиб, устига пўстинини ойқара ёпиб қўйди. «Балоғардон».

**ОЙҚУЛОҚ** Балиқ ва бошқа баъзи бир сувда яшовчи жониворларнинг нафас олиш аъзоси.

**ОКЕАН** [р<грек] геогр. Ер қитъалари орасидаги бепоён сув хавзаси. Атлантик океан. Тинч океан. Ҳинд океани.

**ОКЕАНШУНОС** [р+ф-т] Океан ва денгизларни текширувчи олим, океаншунослик мутахассиси. — Геологлар бу ерда [Қизилқумда] ҳудди оке-

аншунослар сингари триллионлар билан иш қўришади! — деди Ваҳобжон.

А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. **ОКЕАНШУНОСЛИК** Табиий географиянинг океан ва денгизларда рўй берадиган физик, химик, геологик, биологик ҳодисаларни ўрганадиган бўлими.

**ОККУПАНТ** [р<лат] Оккупация қатнашчиси, босқинчи.

**ОККУПАЦИОН** р оккупационный] Оккупация қилган ёки қилувчи. Оккупацион армия.

**ОККУПАЦИЯ** [р<лат] Бошқа давлат ерларини қуроли куч воситаси билан босиб олиб, унинг суверен ҳуқуқларини поймол қилган ёки чеклаган ҳолда эгаллаб туриш. Оккупация зонаси. Оккупация қилмоқ.

**ОККУПАЦИЯЧИ** айн. оккупант. || Оккупациячи қўшинлар.

**ОКОП** [р] Жангда ўқ ва снаряд парчаларидан сақланиш мақсадида қазилган ва олдига тупроқ уйиб тўсилган чуқурлик; хандақ. *Морозов ротаси халқ лашкарлари кавлаб қўйган окопларга икки взводни жойлаб, қолган взвод билан танкка қариш мудофаа чораларини кўра бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОКРУГ** [р] 1 Мамлакат, давлат территориясидаги маъмурий-сиёсий, ҳарбий ҳўжалик ва ш. к. бўлими. *Маъмурий-территориал округ. Туркистон ҳарбий округи. Сайлов округи.*

— *Область, ўлка ва республикаларда округлар бўлган тақдирда, бу округларда округ партия ташкилотлари тузилади. «КПСС Устави».* Эртага округ штабидан генерал келиши кутилади. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 эск. Ҳозирги область бараваридаги территориял бўлими; музофот. *Тошкент округи. Андижон округи. Округ ижрокоми.* | с. т. Шундай музофот маркази ва у ердаги ташкилот. *Яқинда унинг округга ёзган хатини менга кўрсатишди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ОКСИД** [р<грек] Химиявий элементнинг кислород билан бирикишидан ҳосил бўлган модда. *Углерод оксиди.*

**ОКСИДЛАМОҚ** Бирор элементнинг оксидини ҳосил қилмоқ. *Темирни оксидламоқ.*

**ОКСИДЛАНМОҚ** оксидламоқ *фл. мажх. ва ўзл. н. Думба қўй танасидаги ҳароратни бир меърада сақлашга, оксидланиш, модда алмашинишининг яхшиланишига ёрдан беради.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ОКСИДЛОВЧИ** Оксид ҳосил қилувчи. *Оксидловчи моддалар.*

**ОКТАВА** [р<лат] муз. 1 Диатоник гамманинг саккизинчи босқинчи. | Шу гаммада бир номли икки нота оралиги.

2 Жуда паст йўғон овоз.

**ОКТАЭДР** *мат.* Саккиз ёқлик геометрик жисм.

**ОКТЕТ** муз. 1 Саккиз асбоб ёки

саккиз овоз учун ёзилган музика асари.

2 Саккиз ижрочидан тузилган ансамбль.

**ОКТЯБРИСТ** [р] Россияда 1905 йили 17 октябрда, подшоҳ томонидан манифест эълон қилингандан сўнг, йirik буржуазия ва помешчиклар томонидан тузилган аксилинқилобий партия аъзоси ёки тарафдори.

**ОКТЯБРЬ** [р<лат] 1 Янгича календарь йили ҳисобида ўнинчи ойнинг номи.

2 (О — катта) Россияда 1917 йил 7 ноябрь (эски ҳисобда 25 октябр) куни кечаси юз берган Улуғ Октябр социалистик революцияси ва шу революция шарафига ҳар йили ўтказиладиган байрам. *Октябр байрами. Октябр олди мусобақаси. — Шўро(ни) тузган жон Октябр, Юртга меҳрибон Октябр, Доим бўлсин жон Октябр, Кўп сурсин даврон Октябр!* Эрган шоир.

**ОКТЯБРЯТ** [р октябрыта<бирл. октябрёнок] Мактабларда қуйи синф ўқувчиларининг пионерлар отряди раҳбарлигидаги гуруҳлари аъзоси.

**ОКУЧНИК** [р] Экипларни, жумладан, ғўзаларни чопиқ қиладиган қишлоқ ҳўжалик асбоби. *Аэроном Муҳаммаджонов Алижонга дам схемани, дам окучникни кўрсатарди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**ОЛ** *кт.* Қизил, қирмизи. *Ол байроқ.*

**ОЛА** 1 Оқ-қора, оқ-малла ва ш. к. қоришиқ тусли (ҳайвонлар туси ҳақида). *Ола от. Ола ўқиз. Ола товуқ сомон очар, ўз айбини ўзи очар.* Мақол. **Оқ ола** асосан оқ тус билан ажралиб турадиган ола-була. **Қора ола** асосан қора тус билан ажралиб турадиган ола-була.

2 Турли хил рангли, йўлли ёки гулли; чипор. *Ола (йўлли) беқасам. Ола алак. Илон чаққан ола арқондан кўрқар.* Мақол. — *Хонанинг тўридаги пўстак устида оплоқ соқоли кўксига тушган катта саллали, ола чопонли домла ўтирарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *кўчма* Қелишмовчилик, нифоқ, низо. *Мол оласи таида, одам оласи ичда.* Мақол. *Отовлон ола бўлса, оғиздагини олдирав.* Мақол. — *Тожибой .. Йўқ, менинг фуқаром ичда оласи йўқ, деди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Овул ити ола бўлса, бўри келса бирикар.* Мақол. **Ола чикди** иттифоқ, ораси бузилди. *Оқ пошшонинг аскарлари ўртасидан ола чиқиб, .. «Урушмаймиз, урушса пошшо билан вазирлар уруша берсин», деб турган эмиш.* Ғ. Фулом, Шум бола.

4 *кўчма* Тугал эмас, ҳақкам-дуккам, бир текис униб чиқмаган; чала. *Чигит сифатсиз экилиб, қўнат ола чиқса, кимга фойда-ю, кимга зарар?* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

♦ **Ола кўз** 1) чақчайган катта кўз; 2) шундай кўзли киши. *Элмурод атрофига қараган эди, .. ола кўз завхоз*



ҳам сахна олдидан томоша қилиб турганини кўрди-ю, ўзининг бор-йўқлигини унутди. II. Турсун, Ҳақитовчи. **Ола қарамоқ** 1) кўзларини олайтириб, ўқрайиб қарамоқ; 2) ёмон ният, ёмон кўз билан қарамоқ, кўз олайтирмоқ. — Сиз яхши кўрган бир қизга биров ола қараса, сиз нима қилардингиз? — деди. Н. Сафаров, Ҳайитовчи; 3) душманлик билан қарамоқ, бир текисда, баравар кўрмаслик. Ултонни ҳеч ким бек қилгани йўқ, у ўзи ўзини бек қилиб, Қўнғирота ола қаради. «Ёдгор». **Оқ уй, ола баргак қ. баргак II.**

**ОЛАБАЙРОҚ** Ола-була, йўл-йўл ёки катак-катак. Олабайроқ беқасам. — Иккинчи киши .. Бухоронинг олабайроқ матосидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини турмаклаган мулланамо бир зот бўлиб, бу киши яроқсиз эди. А. Қодирӣ, Ҳақитовчи. **Олабайроқ уфқнинг ранги тобора ўшиб, аста-секин қоронғиликка чўкди.** Х. Ғуллом, Маъшӯал. **Олабайроқ варрак йўл-йўл ёки катак-катак қилиб бўялган катта варрак.**

**ОЛА-БУЛА I** Оқ ва бошқа ҳар хил ранг аралаш тусли; гулли. Ола-була чит. — Айвон устунига суяниб турган ола-була ямоқ чопонли бир бола келиб унинг олдига тушди. II. Турсун, Ҳақитовчи.

2 **қўчма** Хусусиятлари жиҳатидан бир хил бўлмаган; аралаш, қурама. Утган йилларда мактаблар жуда ола-була, ўқувчиларнинг маълумотлари нотекис эди. «Қ. Ўзбекистон», 1926, № 218.

♦ **Кўзлари ола-була** кўзлари катта очилган, олайган, бесаранжом. **Бир кун отам чақ-чақ уриб кириб келди.** Кўзлари ола-була эди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Кўзини ола-була қилмоқ** кўзларини катта очиб бесаранжом ўйнатмоқ, олайтирмоқ.

**ОЛАБУҒА** Усти кўндаланг қора йўллар билан қопланган юзгичлари қизғиш, йирик тангали бир тур балик.

**ОЛАБЎЖИ I** Ёш болаларни қўриқтиш учун айтиладиган сўз (ҳайбатли, қўрқинчли бир махлуқ маъносид).

2 **қўчма** Ваҳимали, қўрқинчли нарса. — Шўр чигитни қуритади, зах илдизни чиритади, деб чўлни олабўжи қилиб кўрсатишга уринмоқдалар, — деди раис. М. Назаров, Жилвон жилвалари.

**ОЛАБЎТА** айн. шўра I. Бизнинг меҳнатимиз эвазига .. помешчик лагерга олабўта уруғи инғом қилар экан, бизга шундан кунига икки марта — эрталаб-у, кечқурун — атала қилиб беришади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ОЛАЗАРАК:** олазарақ бўлмоқ у ёқ-бу ёққа бесаранжом қарамоқ, аланг-жаланг бўлмоқ. **Кўзи олазарақ** кўзи бесаранжом, аланг-жаланг.

**ОЛАЙЛИК** кири с. вазифасида Масалан, чунончи, фараз қилайлик.

**Олайлик**, бу ерда ҳам одамлар: «Социализмга борамиз», «коммунизмга борамиз» дейишадиган бўлишди. II. Турсун, Ҳақитовчи.

**ОЛАЙМОҚ** Катта очилиб, чақчайиб кетмоқ, бесаранжом ўйнамоқ, ола-кула бўлмоқ (кўз ҳақида). Мирзонинг кўзлари олайиб, ходимгарларга қаради. А. Қаҳҳор, Мирзо. **Йўлчининг ранги ўчди, кўзлари олайиб, титроқ овоз билан қичқиришдан ўзини тийламади.** Ойбек, Қутлуғ қон. Башорат ялт этиб қайрилиб, синглисига олайиб қаради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ОЛАЙТИРМОҚ** олаймоқ **фи. орт. н. Кўз(ни) олайтирмоқ** 1) кўзларини ола-кула қилиб қарамоқ, кўзларини ўйнатмоқ, ўқрайтирмоқ. **Қиз кўзларини олайтириб Элмуроднинг юзига қаради.** II. Турсун, Ҳақитовчи; 2) **қўчма** ёмон ният, ёмон кўз билан қарамоқ. Бировнинг мол-дунёси ошиб-тошиб ётса-ю, фақирга кўз олайтирса, ҳақиқат борми, ахир, эй фалак! Ж. Шарипов, Хоразм.

**ОЛА-ҚУЛА** Бесаранжом олайган, катта очилиб ўйнаб кетган (кўз ҳақида). Бедана эгалари ва уларга пул тиккан тарафқашларнинг кўзлари ола-кула, юраклари така-пука бўлиб, нафаслари ичига тушиб кетди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. **Аҳ — а — а ...!** Валихон бўзариб кетган совуқ кўзларини ола-кула қилиб Майнага тикилди. III. Тошматов, Эрк қуши.

**ОЛАКЎЗ** Оқ қисми кўп, соққаси бирмунча кўтарилган катта кўз. | Шундай кўзли одам.

**ОЛАКЎЗАН** Сувсарлар оиласига мансуб, мўйнали, йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. Олакўзан ола бўлса ҳам, арслон бўлмас. Мақол.

**ОЛАЛАНМОҚ** кам қўлл. 1 Ола-кула бўлмоқ (кўз ҳақида). Мирҳосилнинг кўзлари оланди, медаль ярқираб турган кўкраига мушт урди. Х. Ғуллом, Сенга интиламан.

2 **Ўртага низо тушиб, иккига айрилмоқ, низолашмоқ. Шаҳарнинг олалиши хабари ўрдагача ҳам эшитилди.** А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ОЛАЛИК I** ола с. белги оти.

2 Келишмовчилик, нифоқ, низо.

**ОЛАМ** [a] 1 Бутун мавжудот, борлик, коннот, дунё. — **Айб менинг ўзимда, — деди у [бой] зардаси қайнаб. — Олам бино бўлгандан бери яхшиликка — ёмонлик, хизматга — тушмат бўлиб келган.** Айний, Дохунда. **Ун саккиз минг олам эск.** бутун коннот, бутун борлик, бутун дунё.

2 Бутун жаҳон, дунё, ер юзи ва ундаги инсонлар, халқлар. **Пахтамининг шухрати бутун оламга машхур. — Ҳақимбойвачанинг овозаси оламни тутади.** Ойбек, Қутлуғ қон. | Табиатда мавжуд бўлган нарсаларнинг алоҳида бир тўпи, дунёси. **Усимликлар олами.**

3 Ўзига хос хусусиятлари, мақсади, маслағи билан ажралиб турадиган иж-

тимой гуруҳ, жамият. **Янги олам** 1) бирор ижтимоий формация ўрнини олган иккинчи, янги формация. **Янги оламга кирган одамларнинг ҳаммаси оёғида эски оламнинг лойи билан кирган.** А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ; 2) **қўчма** янги шароит, янги муҳит. **Умрини шаҳарда, шовқинли чехларда ўтказган бу йигит учун қишлоқ мутлақо янги олам эди.** С. Аҳмад, Хукм.

4 Бирор соҳа, касб ахллари. **Илм олами. Сийёсат олами. — У энди ... Салимхондан кўп сўзлайди, ҳамто Салимхонни сийёсат оламига судрайди.** А. Қаҳҳор, Сароб.

5 дин. Бу дунё. **Оламдан ўтмоқ.**

♦ **Бир олам** 1) ўзига хос бир дунё. **[Нормат] 1940 йили Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини кўргандаёқ: «Виставканинг ўзи бир олам», деган эди.** И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) жуда кўп, беҳад кўп, кўпдан-кўп, сон-саноксиз. **Социалистик мажбурият деган икки сўзнинг замирида бир олам маъно ва мазмун бор. Бошқа олам хулқ-атвори бўлак, бошқача. От эса талом бошқа олам, айниқса менинг қорабайрим.** Х. Ғуллом, Маъшӯал. **Жумла(и) олам оламдаги ҳамма одам ёки нарсаси.** **Олтин тупроғингда жумла олам бор.** Ғ. Ғуллом. **Икки оламда ҳеч вақт, ҳеч қачон. Олам гулистон қ. гулистон.** **Оламга сигмай кетди беҳад хурсанд бўлди. Кўрмайсизми: сўнини шарпасини эшитиб, бечора [деҳқон]лар оламга сигмай кетди.** М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Олам ҳодис мабодо, эҳтимол, бўлиши мумкин, балки. Олам ҳодис, қўлга тушиб қолсанг, сўроқ кезида айбни фақат ўз бўйнингга олиб, орага мени қотиштирмайсан!** А. Қодирӣ, Утган кунлар. **Парвардигори олам қ. парвардигор. Подшоҳи олам эск. зўр подшоҳ, улўф подшоҳ. Халлоқи олам қ. халлоқ. Хусн олами хусндор кишилар, нозанинлар тоифаси. Бу узатмиш (тўй) мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун барча қизлар ўзларининг энг асл, энг нафис кийимларини кийиб, фавқуллода хусн оламини яна бир қат, яна бир қайта безабдирлар.** А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ОЛАМГИР** [a+ф-т] **кт.** 1 Оламни фатҳ этувчи, оламни оловчи; жаҳонгир.

2 **қўчма** Жаҳонни ўзига қаратувчи, мафтун этувчи. **Агар қуйлар эсам, Ширин жимирлаш бошланур танда. Бу биз — ботир, бу биз — ғолиб, бу биз — ҳар ишда оламеир.** Ғ. Ғуллом.

**ОЛАМ-ЖАҲОН** айн. олам-олам. **Тўйга олам-жаҳон одам тўйланди. Далага чиққан қиз-жувоғлар олам-жаҳон пахта териб қўйишди.**

**ОЛАМ-ОЛАМ** Беҳад кўп, жуда кўп; бир олам, олам-жаҳон. **Сиздан олам-олам миннатдорман. Ҳикматли сўзларда олам-олам маъно бор. — Унинг олам-олам тажрибаси бор эди.** **Шухрат, Шинелли йиллар.**

**ОЛАМОРО** [a+ф-т] *кт.* Оламга оро берувчи, дувёни безовчи; дувё безаги, зийнати.

**ОЛАМПАНОҲ** [a+ф-т] *эск.* Подшоҳлар, хонлар эпитети. *Узустозини билмаган бу бепадар, олампааноҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай, мазмур устозининг қиблагоҳи учун мувофиқ қўрилган қизини йўлдан оздириб, бу кун кечаси уни қочиб, менинг ҳовлимага олиб келди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ОЛАМТОБ** [a+ф-т] *кт.* Оламни ёритувчи (қуёш эпитети). **Офтоби оламтоб** 1) оламни ёритувчи қуёш; 2) кўча қуёш юзли гўзал.

**ОЛАМШУМУЛ** [a+ф-т] *кт.* Жаҳонро аҳамиятга эга бўлган, аҳамияти жуда катта; жаҳоншумул. *Ҳар кунимиз ажойиб, оламшумул воқеалар билан тўла.*

**ОЛАПАР** Ола тусли ит лақаби ва шундай лақабли ит. *Бир олапар эллик қадимча нарида алланарсани гажир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЛА-ПЕС** 1 Баданида оқ доғлари бўлган; пес.

2 Туси айниб ола-була бўлиб қолган. *Самоварчи жўмраги учига жез қопланган чойнакни ва бир ола-пес пилани йиғининг олдида дўқ этиб қўйиб кетди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ОЛАПЕСЛАНМОҚ** Ранги айниб, ала-пес тусга кирмоқ, ола-пес бўлиб қолмоқ. *Оёқларида эскириб, олапесланган амиркон маҳси, йиртиқ қалиши.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ОЛАПОШИШ** *диал.* Попишак.

**ОЛАПОШИШАК** *айн. попишак.* Юморкозиқ уни оғзида тупроқ уюми устида ўтирган олапошишак гажасини елпуғичдек ёзиб, тупроқни чўқилайди. Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

**ОЛАПУЧОҚ** Қовуннинг бир тури.

**ОЛАРМОН** *айн. олғир.*

**ОЛАСИ** Қимсадан олениши, ундирилиши керак бўлган нарса; ҳақ. *Хўжайиннинг уч-тўртта қўшини дехқонлардан олси бор экан, менга чўтми қўлатиқлатиб олдилар, орқаларидан эрашиб юрдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ОЛАСИ-БЕРАСИ** 1 Икки орада ўтишган нарса; ҳақ.

2 Олди-берди муомаласи.

**ОЛАТ** [a] *кт. айн. асбоб.* Физик олат. — Пўлат отлар, саз олатлар, Юборди сенга. Миртемир.

**ОЛАТАРОҚ** Ола-була, оқ-қора, ранго-ранг. *Эндигина ранг салмаган баркаш нондек, олатароқ тоғлар ортидан қуёш кўтарилмоқда эди.* Ҳ. Умарбеков, Ваҳор нафаси.

**ОЛАТАСИР** Бетартиб тасир-тусир товуш; бетартиб иш ва ш. к. ҳақида. *Олатасир отишма.* — *Халқ кўргонни мустаҳкамлашга киришди. Олатасир иш бошланди.* Ойбек, Навоий. *Тўйимиз бошланди. Нима бўлди-ю, олатасир қий-чув бўлиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ОЛАТУПОЛОН** Тартибсиз тўпо-

лон, ғала-ғовур, қий-чув, тартибсизлик. *Олатуполон бошланди.*

**ОЛАТУҒАНОҚ** Чумчуқсимоиллар туркумининг қарқуноқлар уругига мансуб йирткич куш.

**ОЛАЧА** 1 Йўл-йўл ип ёки жуи мата. *Бир кийимлик олача.* || *Олача қоп.* — *Ун солинган олача бўз халта ҳам оғзи очиқлигича қолиб кетаверибди.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

2 *айн. ола-була* 1. *Олача қовун.*

**ОЛАЧАЛПОҚ** 1 Дарахт барглари оралаб тушган парча-парча офтоб, ойдин ёки кўланка. *Олачаллоқ соя.* — *Хиббондаги дарахтлар орасида олачаллоқ ойдин кезади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Сундай ойдин.. Ун тўрт кунлик ой тераклар орасидан мўралаб, ҳамма ёққа олачаллоқ кўланка ташлаб турар эди.* Ғайратий.

2 Биртекис эмас; парча-пурча. *Даитнинг у ер-бу ерида олачаллоқ қор пағалари.* — *Ҳаво олачаллоқ бўлиб, унда-мунда юлдузлар кўринарди.* Айний, Доҳула.

**ОЛАЧИПОР** Оқ доғлари бор; чипор. *Олачипор илон. Олачипор товуқ.* — *Пастда полда олачипор пақир билан примус турарди.* С. Зуннуова, Гулхан. *Узоқда, сувни.. жимирлатмасдан, секин ва майин сувзан оқ, олачипор ўрдаклар ҳат томонга илдам қочибди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ОЛАЧИҚ** *кт.* Қапа, чайла. *Ҳуе бир қатор тўрт олачиқ, беш қапа.* Бу қизиқлиқнинг бошланғич бинолари. Ғ. Ғулом.

**ОЛАШОВУР** 1: олашовур ёмғир сийрак, аммо катта-катта, тасир-тусур ёққан ёмғир. *Шу вақтда сийрак булутлардан олашовур ёмғир қўйиб ўтди.* Ойбек, Навоий. *Олашовур қор* ёмғир аралаш ёққан қор. *Атроф олашовур ёққан қор билан қопланган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма айн. олагулол.* *Атрофни ҳалқа қилиб олган дехқонлар, хотин-халажлар ўртасида олашовур қиёматдай нолайи-фигон кўтарилди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Олашовур бўлмоқ шовқин-сурон бўлмоқ.*

**ОЛАҚАНОТ** Ёввойи ўрдакларнинг бир тури.

**ОЛАҚАРОҚ** 1 1 Ҳақкам-дуккам, ола-қура, сийрак, чала. *Унинг [Тўлаганнинг] қўлтиқация қилган гўзаларида олақароқ жойлари учрамайди.* Ҳ. Назир, Механизатор Тўлаган.

2 с. т. *Олазарак.* *Атрофга олақароқ кўз югуртирмоқ.* — *[Арслонқул] гўё ундан бошқа ҳеч ким Навоийни огоҳлантириши мумкин эмас каби, олақароқ бўлиб, шоирни қийирди.* Ойбек, Навоий.

**ОЛАҚАРОҚ** II От ва молларда бўладиган бир турли мия касаллиги.

**ОЛАҚАРҒА** Кора ва кул ранг патли бир тур қарға. *Том бўғотлари ва тарновлардан узун-узун сариқ сумалаклар чўзилган.* Уқтин-ўқтин шум олақарғаларнинг қутуриб қағиллашлари эшитиларди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОЛАҚОН** Қамчи ўрмининг даста билан бириккан жойи.

**ОЛАҚОРОНГИ** Бир томонига ёруғ тўшиб турган, бошқа ерлари қоронғи, ярим қоронғи. *Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб, оғилга ўхшаган олақоронги хонада ўқиб келган авлод бирданга оппоқ, ёруғ, тоза хонада тахталардан қилган ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким эшитган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЛА-ҚУРА** Турли тусдаги, ола-була. *Тонг азон бўлишига қарамасдан, бир тўда оч ола-қура итларни эргаштириб, эски каптон тамондан Малла жинни жағраб келар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ОЛА-ҚУРОҚ** 1 Турли тусдаги латта парчалари, латтақлардан улаб тикланг; қуроқ. *Ола-қуроқ пахтали тўнлар елкадан тушган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Жануб сувлари, тошқин сойи, кўм-кўк дарахтлари, қаландарларнинг чопонига ўхшаи ола-қуроқ экинлари, қори эримасан баланд тоғлари билан..— одамни ҳайратга солади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўчма* Турли парчалардан улаб-қураб бир бутун холига келтирилган; қурама. *Қишлоққа келадиган кўчма кинонинг укүвсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, ола-қуроқ кинофильм қилган эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

3 *кўчма* Ёши, касби, билими ва ш. к. жиҳатидан ҳар хил, турли-туман. *Иш юришмади, ўзи сафарбар қилиб келган турли касбдаи ола-қуроқ ёшлар уни хуш кўришмади.* А. Мухтор, Туғилмиш.

4 *айн. олақароқ* I 1. *Экинлар ола-қуроқ чиқибди.*

**ОЛАҒОВУР** Бир-бирига қовушмаган, тартибсиз гап; ғовур-ғувур, ғала-ғовур, қий-чув. *Ботирали кириши билан нотик гапдан тўхтади, олағовур ҳам тинди.* Ҳ. Ғулом, Машъал. *Олағовур қўпормоқ шов-шув, тўполон солмоқ. Мана шу гап устида ерсизлар олағовур қўпормоқчи, мулла Обидни ўз ичларидан тамомак четга чиқариб ташламоқчи бўладилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ОЛАҒОН** *айн. олғир.*

**ОЛАҲАҚҚА** *диал.* Зағизғон.

**ОЛВОЛИ** [ф-т] *диал.* Олча.

**ОЛД** 1 Нарсаларнинг қузатувчига қараган қисми; пеш, юз. *Бионинг олдига шорлар осилган. Қўлакнинг олди узунроқ бўлибди. Теримчилар олдиларига этак тўтиб олганлар.* | Нарсаларнинг илгари томонидаги ёки қисмидаги жой, ўрин. *Унинг олдини супуриб, жой қилмоқ.* — *Мастона араванинг олдидан жой беришди.* А. Қаҳҳор, Мастон. | *3-ш. бирл. ф-да* Бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к. дан олдин бўладиган, рўй берадиган, ўтказиладиган. *Байрам олди мусобақаси. Сайлов олди кампанияси.*

2 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.п. к., ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. олдига, олдида, олдиндан).

♦ **Олдин олмоқ** хавф-хатарнинг юз беришдан илгари чорасини кўрмоқ; ёмон оқибатнинг юз беришига йўл қўймаслик. *Урушнинг олдини олмоқ.* — *Хотиринг жам бўлсин, дўстим, балонинг олдини олдим.* Ойбек, Навоий. **Олд кўшимча** айн. префикс. **Тил олди товушлари** лингв. тилнинг олд қисмида ҳосил бўладиган товушлар.

**ОЛДА** айн. олдинда. *Олда бормоқ.* *Олда турган вазифалар.*

**ОЛДИДАН** айн. олдиндан. *Келажакни олдан кўрмоқ.* *Пахта ҳосилини олдан ҳисоблаб чиқмоқ.*

**ОЛДИ** Бирор нарсанинг бошқалардан илгарида турган, олдинги вазиятни ишғол этган қисми, энг олдингиси. *Энди Зайнаб бўйи етиб қолди.* *Ортимизнинг мана энг олди.* Х. Олимжон. | Бирор иш ёки ҳолатнинг бошланги арафаси, яқин еган пайти. *Уйқу олди.* *Кishi чиқар олди.* *Ёз олди.* — *Ҳой, келинг!* *Олди ёз, деразаси қурилса бас-да, печкасиз ҳам уй ҳам-мон бўйб кетади.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова.

**ОЛДИ-БЕРДИ** | Бир-бировидан нарса олиб, нарса бериб туриш, бир-бировининг ҳожатини чиқариб туриш ва шу асосдаги муомала, алоқа. *Мулла Обид каби ўз олдида деҳқончилик қилмоқчи бўлган.. келгиндилар билан уларнинг кўпда олди-бердиси бўлмайдди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 айн. олиқ-солиқ 2. — *Тўйчиқнинг олди-бердиси бир гап бўлар,— деди Эшон Сурханбойга.* И. Раҳим, Тақдир.

3 Савдо-сотиқ, савдо муомаласи. У [*Тешибой*] *савдо-сотиқ, олди-берди масалаларида, яъни бирни ўн қилиш ботида икки онани эмман қув бузоқлардан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЛДИГА** кўм. вазифасида 1 Ҳузурига, ёнига, қошига. *Ўқитувчининг олдида бормоқ.*

2 Олд томонига, олд томонидаги жойга. *Мактаб олдида гул экилди.*

♦ **Олдига тушмоқ** ўтиб кетмоқ, ўз-моқ. *Бу борада унинг олдига тушадиган одам йўқ.* *Ўз олдида ўз билгича, ўзинча, бебошлик билан.*

**ОЛДИДА** кўм. вазифасида 1 Ҳузурда, ёнида, қошида; кўз ўнгида. *Бу ишлар кўпчилиқнинг олдида бўлди.* — *Янги келган вақтингизда мени ёмон йўлдан қайтардингиз .. Бутун звено олдида тағзир бериб, одам бўл, деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. У [*минбеоши*] *кег қилиб тикилган зар кимхоб тўн ичида йўғон гавдаси билан одамлар олдида савлат тўкиб турибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Виждон олдида** виждонан. *Отабек ўзининг ёғонлашидан виждон олдида қизаринди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2. Нисбатан, қараганда. *Бу Ғуломжоннинг бояги ташиши олдида ҳеч*

*нима бўлмай қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЛДИДАН** кўм вазифасида Илгари, олдин. *Чой олдидан.* *Уруш олдидан.* **Олдиндан ўтмоқ** 1) бирор кимса ёки нарсанинг ёнидан, рўпарасидан ўтмоқ; 2) бирор иш ҳақида кимсанинг фикрини олмоқ, у билан маслаҳатлашмоқ. *Бу ишга қадам қўйишдан илгари, бир карра сизнинг олдингиздан ўтиб, раъйингизни билишга тўғри келди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ОЛДИ-КЕТИ** Олд ва орқа томони, гир атрофи. *Ҳар қанча бой бўлмасин, олди-кейти тўла набира бўлган чога дуруст оила қиз берадими?* Ойбек, Қўтлуғ қон. **Олди-кетини ўйлаб** ҳар томонлама мулоҳаза қилиб, оқибатини ўйлаб, атрофлича фикр юритиб. *Олди-кетини ўйлаб иш тутмоқ.*

**ОЛДИН** 1 рвш Олд томонда, олдинда; илгари. *У мендан олдин.* *Олдин турмоқ.* *Олдин кетмоқ.* | **Дастлаб,** биринчи галда. *Қўрққан олдин мушт кўтарар.* Мақол. — *У ёққа боргани ҳаммадан олдин бу янги ўқитувчиларнинг ўзлари уялишлари табиий эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўм. (ч. к. билан) Муқаддам, илгари, аввал, бурун. *Овқатдан олдин.* *Сиз келмасдан олдин.* *Бундан бир йил олдин.*

**ОЛДИНГА** рвш Олд томонга, олға, илгарига. *Мингбоши .. олдинга юрди,* *қўлидаги қамчинни ўхталиб, хунук овоз билан ўқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [*Гулор*] *орқага қайтиш-қайтмаслик тўғрисида бир лаҳза ўйлаб, кейин олдинга қараб юрди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ОЛДИНГИ** 1 Бошқаларга нисбатан олдинда, илгарида турган, олд томондаги; олд томонда жойлашган. *Олдинги қатор.* *Бионинг олдинги хонаси.* — *Қисм қоронғи тушгунча, душманни олдинги оқоплардан суриб чиқарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Нигора Қоплонга қаради: ит тумиугини олдинги оёқлари орасига олиб, бемалол мудраб ётибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Илгари бўлиб ўтган; аввалги, бурунги. *Тарихдан олдинги давр.* *Капитализмдан олдинги формацйялар.* *Олдинги тўрт йил ичида эришилган муваффақиятлар.*

3 кўча Бирор ишда ҳаммадан олдинда боровучи; пешқадим. *Мамлакатимизнинг олдинги кишилари.* — *Мирзакаримбой Тошкентнинг энг олдинги бойларидан.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

**ОЛДИНДА** рвш. 1 Илгари томонда; олда. *Тўрт қадамча олдинда кўприк бор.* *Олдинда йўл йўқ.*

2 Ҳаммадан илгарига, биринчи ўринда, биринчи сафда. *Ишда, ўқийда бошқалардан олдинда бормоқ.* — *Василий сафни олиб борар ва .. Ленин суратини кўтариб олдинда бораётган болаларни тез-тез алмаштириб турарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОЛДИНДАГИ** Олдинда турган; олдинда боровучи. *Олдиндаги бола.* —

*Қози қўлидаги ҳассаси билан олдиндаги столни тўқ этказиб урди-ю: — Йўқол! Йўқол ҳамманг буюндан,— деб қичқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЛДИНДАН** рвш Бирор иш, воқеа-ҳодиса бошланмасдан, рўй бермасдан илгари. *Оби-ҳавони олдиндан айтиб бермоқ.* *Бўладиган ишни олдиндан кўрмоқ.*

**ОЛДИНИГА** рвш Аввал бошда, дастлаб. *Қўрага етиб келганида бадинидаги ланжлик кучайди.* *Қўла-оёқлари зирқаб оғриди.* *Олдинга ўтиб кетар деб эътибор қилмади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ОЛДИН-КЕЙИН** айн. олдинма-кейин.

**ОЛДИН-КЕТИН** айн. олдинма-кейин. *Олдин-кетин бормоқ.* — *Мана, узоқда бомбалар олдин-кетин портлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ОЛДИНЛАМОҚ** Олдинга томон бормоқ, бормоқ, юрмоқ; илгариларга Азизбек .. қамчисини кўкрагига кўндаланг қўйиб, боши билан жавоб инораси бериб олдинлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОЛДИНЛАШМОҚ** олдинламоқ, фл. бирг. ва ўзл. н.

**ОЛДИНМА-КЕЙИН** рвш. Бирин-кетин, кетма-кет, бири кетидан бошқаси. *Меҳмонлар олдинма-кейин кириб келишди.* — *Прагер яна хотира дафтаричасини варақлади-да, олдинма-кейин эскирган бугдояларнинг ўсишидаги фарқни кўрсатиб берди.* Н. Сафаров, Дон.

**ОЛДИНМА-КЕТИН** айн. олдинма-кейин. Улар олдинма-кетин юриб, идорага кирадилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ОЛДИ-ОРТИ** айн. олди-кейти. *Олди-ортига қарамай* кетини ўйламай, суриштирмай; *пала-партиш.* *Олди-ортига қарамай иш қилмоқ.*

**ОЛДИ-ОРҚАСИ** 1 Олди ва орқа томони, атрофи. *Олди-орқасига қараб қўймоқ.* *Олди-орқаси баравар қизариб пилангон.* — *Мирзакаримбой нақшкор меҳмонхонада атлас кўрпачалар тўшалган танчада олди-орқаси тўла ёстиқ ўтирар эди.* Ойбек, Қўтлуғ қон.

2 Бирор нарсанинг ўнг ва терс томони, орқа-олди. *Гиламнинг олди-орқаси.*

♦ **Олди-орқасини ўйлаб иш тутмоқ** чуқур мулоҳаза юритиб иш қилмоқ, ўйлаб иш қилмоқ. *Акрам қилни қирқ ёрган эски йегишлардан эмасми, олди-орқасини ўйлаб боқса, келажаги хавф остида қоладиганга ўхшаб кўринди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ОЛДИРИЛМОҚ** олдиromoқ, фл. мажж. н.

**ОЛДИРМОҚ** олмоқ, фл. орт. н. *Соч олдиromoқ.* *Тиш олдиromoқ.* — *Моҳира ойм ҳар бир ҳайитда бирор ойлари илгари эрига айтиб, болаларига кийимлик олдиromoқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

♦ **Олинг,** олдиromoқ муваффақият тилаш ибораси. *Худо ҳаммангизга қувват берсин!* .. *Олинглар, олдиromoқ!*

лар! Омин! М. Исмоилий, Фаргона т. о. Оғиздагини ёки оғиздаги ошни олдиarmoқ қўлдан чиқarmoқ, бой берmoқ. Ақлсиз оғиздагини олдиар. Мақол. — Ермат уни! [Йўлчини] одамлар олдида бўи-баёвликда айблади. — Бу нима, оғиздаги ошни олдириш? — деди. Ойбек, Қўтлуғ қон. Юрак олдиarmoқ кўрқиб қолmoқ, чўчиб қолmoқ. Мадамин юрагини олдириб, ўз кўланкасидан кўрқадиган бўлиб қолди. П. Турсун, Ҳўкитувчи. Ҳўзини олдиarmoқ ориқлаб, ётдан тушиб қолmoқ. Сиқилманг, асло сиқилманг, хоним, . Акс ҳолда ўзингизни олдириб қўясиз, деди Ҳамдамий Мунавварга. С. Аноб-боев, Мехр.

**ОЛДИРТИРМОҚ** олдиarmoқ фл. орт. н. Подшоҳ миришаб орқали Афандини олдиртириб келиб, ҳеч бир сўз демай, дарралага бошлади. «Латифалар».

**ОЛДИ-СОТДИ** Нарса, мол олиш ва сотиш, савдо муомаласи; савдо. Олди-сотди қилmoқ.

**ОЛДИ-ҚОЧДИ** с. т. Хаёлий нарсалардан иборат, ўйдирма, ёлгон-яшиқ. || Олди-қочди хабарлар: — [Акрам:] Мен нима деяман ахир? .. олим одамнинг шунақа олди-қочди гапларга учиб юрганига биз ҳам ҳайронмиз-да, отахон! О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. [Шайхонтоҳурда] кино ҳам бор, турли олди-қочди картиналар кўрсатиб туради. Ойбек, Болалик.

**ОЛД-ОРКА** Олд ва орқа томон; атроф. Олд-орқанга қараб юр!

**ОЛИБСОТАР** Арзонга мол олиб, қийматга сотувчи, майда савдогар; чайковчи, спекулянт.

**ОЛИБСОТАРЛИК** 1 олибсотар с. маън. орт.

2 Чайковчилик, спекуляция.

**ОЛИГАРХИЯ** [р<грек] Бир тўда йирик аристократ эксплуататорларнинг, капиталистларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукронлиги; шу ҳукмон группанинг ўзи.

**ОЛИЖАНОБ** [а] 1 Юқори даражада одобли, хулқ-атвори, одамгарчилиги жуда баланд; улуғ, асл. Нозанинлар ичра йўқдир сен каби олижаноб. Қўрмоқ истаб айланур ҳар кун бошингдан офтоб. Ҳабибий. Эй йўл, дунёда бўлмақ истасанг олижаноб, Уқигил мактаб келиб, зинҳор ўқи, минг бор ўқи. Ҳамза.

2 Юқори даражада ҳимматли, олиҳиммат, ҳиммати баланд. Сиз олижанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматига, кўнгиш учун кулиб боқарсиз. А. Кодирий, Утган кунлар.

3 Жуда яхши, мисли йўқ. Олижаноб уй. | Эзгу, эзгули. Олижаноб гап. Олижаноб қасб. Олижаноб ши. — Механик ҳайдовчилик қасбини эгаллаш каби олижаноб ҳаракатга жуда кўп хотин-қизларимиз қўшиқдилар. «Қ. Ўзбекистон», 1960, 14 октябрь.

**ОЛИЙ** [а] 1 Маъқен, мартабаси, раҳбарлик роли ва ш. к. жиҳатидан энг юқори; бош. Ўзбекистон ССР Олий

Совети. Олий суд. Олий бош қўмондон. Олий ҳокимият органи. — Совет Иттифоқи Коммунистлар партиясининг олий органи партия съезидир. «КПСС Устави». Фармони (ёки амри) олий ёки олий фармон энг юқори ташкилот, давлат органи ёки бошлиқнинг фармони. [Салимбойвачча:] Хўй, айтинг-чи, подшонинг мардикор олишига нима дейсиз? Мана, фармони олий чиқди. Ойбек, Қўтлуғ қон. Жаноби олийлари эск. олий табақага мансуб ёки олий мансабга эга бўлган киши (подшоҳ, хон, амир, бек ва ш. к.) ва уларнинг номини улуғлаб айтиладиган муражаат формаси. Эрта билан жаноби олийга ариза ва совринимизни тортиқ қилгандан кейин, агар рухсати олий бўлса, сўнгга савдога киришармиз, деди карвонбоши. Айний, Қуллар. Зоти олийларига подшоҳ ҳазратларининг илтифотлари баланд эмиш. Ойбек, Навоий.

2 Сифат жиҳатидан энг юқори, энг яхши. Олий нав. Олий сифат. | Энг юқори даражали, энг юқори, юксак. Олий мақсад.

3 Тараққиётнинг энг юқори даражасига эришган, баркамол. Ташкилотнинг олий формаси.

4 Маориф системасида: ўрта мактабдан баланд. Олий ўқув юрти. Олий маълумот. — Укаси Қамол эса, Тошкентда олий мактабда ўқирди. Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Юқори, мураккаб. Олий математика.

6 Юқори, сўнги. Олий жаза.

**ОЛИЙМАҚОМ** [а] Юқори даражали, юксак. Эзилган халқ эдик хунхору олимлар қўл остида, Элимни қилди Октябрь билан олиймақом иқбол. Ҳабибий.

**ОЛИМ** [а] 1 Фаннинг бирор соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган киши. Ўзбекистон олимлари. Ёш олим. Тилишунос олим. | Умуман билимли киши. Олим бўлсанг, олам сеники. Мақол. Оз-оздан ўрганиб, олим бўлур. Мақол. — Афлотун ҳам, Арасту ҳам замонасининг кўп доно, кўп ақлли олимлари бўлган, шубҳасиз. П. Турсун, Ҳўкитувчи.

2 Олим (эркаклар исми).

**ОЛИМА** [а] 1 Олим аёл.

2 Олима (хотин-қизлар исми).

**ОЛИМЛАРЧА** айн. олимона. Олимларча айтилган гап.

**ОЛИМОНА** [а+ф+т] рвш Олимлар каби, олимларга хос бир йўсинда. Олимона кўриниши. Олимона мулоҳаза юритmoқ. — Мақсадинг шахбозини сайд ётали йўл изласанг, Олимона сўзларинг паррон ўқу ёдир билим. Ҳабибий.

**ОЛИМПИАДА** [р<грек] 1 Халқаро спорт мусобақаси, ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган олимпия ўйинлари.

2 Санъат, бадий ҳаваскорлик, билим соҳалари бўйича ютуқлар кўриги, мусобақаси.— Бизнинг тўғра-

рак район олимпиадасида биринчи ўринни олган! — деди .. Муҳаббат. Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

**ОЛИМПИА** [р Олимп<грек]: олимпия ўйинлари олимпиада вақтида ўтказиладиган халқаро спорт мусобақалари.

**ОЛИНМОҚ** олmoқ фл. маъж. н. Бир ҳафтадан бери иш қўлга олинмади. Унинг гапи эътиборга олинди. Нутқ плёнкага ёзиб олинди. У ишга олинди.

**ОЛИС** 1 Бирор ердан узoқда, йироқда бўлган. Олис жой. Олис қишлоқ. || [Сидиқжон:] Мактаб деган қишлоққа солинмайдими? Қишлоққа жуда олис-ку. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Узoқ давом этакдиган; давомли, узoқ. Олис йўл. Олис сафар.

◆ Олисни кўзламоқ узoқ келажакда, охирида бўладиган ишни кўзламоқ, охирини ўйламоқ. [Зикриё қори:] Эшон олсини кўзлайди. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ОЛИСДА** рвш Узoқда, йироқда. Олисида адирлардаги нефть вишкаларида чироғлар йилтирайди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ОЛИСДАГИ** Узoқдаги, йироқдаги. Олисидаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши. Мақол.

**ОЛИСДАН** рвш Узoқдан, йироқдан. Олисидан гўмбурлаб тўп овози эшитилди. — Олисидан осмонга интилган қизғиш нур борган сари авжланарди. С. Зуннунова, Гулхан.

◆ Олисидан келmoқ ёки гапни олисидан бошламоқ гапни узoқдан келтириб, батафсил, даромади билан бошламоқ. Қомил гапни олисидан бошлади. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ОЛИСЛАМОҚ** 1 Бирор ердан узoқлашmoқ, йироқ кетиб қолmoқ. Отлиқ олислаб кетди.

2 Узoқ вақт тутилиб қолmoқ, ҳаялламоқ. Қўп олислама, тез қайт.

**ОЛИСЛАШМОҚ** олисламоқ фл. бирг. ва ўзл. н. Биз шаҳардан анча олислашдик. Самолёт аэродромдан анча олислашди. Йўл олислашиб қолди.

**ОЛИСЛИК** олс с. белги оти. Мен ҳам қарши эмасман-у, бир томони — ёлғизлик, яна бир томони шаҳарнинг олсислиги. Ҳ. Фулом, Машъал.

**ОЛИС-ЯҚИН** Узoқ-яқин, йироқ-ёвуқ. Клуб олс-яқиндан келганлар билан тўлади.

**ОЛИФТА** Қиймига ва ўзига зеб берувчи; сатанг, башанг. Олифта йиғит. — Сочини иккита қилиб ўриб олган, икки чеккасида гажака қўйган бу олифта жувон туғунини сўрига ташлаб бир уҳ тортиб олган, Славиқка қараб бақрайиб қолди. И: Раҳим, Чин муҳаббат. | Шундай кишилар учун белгиланган, сатангларга хос. Олифта кийим. || Олифта кийинmoқ. — [Салимбойвачча:] олифта тикилган қора мовут чакмонга ўралиб, бир қўлида зонтик ушлаб, ҳеч қаёққа назар ташламай, гердайиб келади. Ойбек, Қўтлуғ қон,

**ОЛИФТАГАРЧИЛИК** салб. Олифталарга хос хатти-ҳаракат, юриштириш, қилиқ, Хлопкомнинг котиб русча билан деб, олифтагарчиликка ёзавери-да! С. Аҳмад, Ҳукм.

**ОЛИФТАЛИК** 1 олифта с. белги оти.

2 айн. олифтагарчилик. [Салимбойвачча] чўнтагидан арзон папиросни чиқариб, бойваччага тутди ва ўзи ҳам олифталик билан лабига қистирди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ОЛИШ-БЕРИШ** айн. олди-берди.

**ОЛИШИШ** 1 олишмоқ фл. иш оти. Бел олишиши. Яккама-якка олишиши. Фикр олишиши.

2 Даҳанаки жанг, жанжал, олишув.

**ОЛИШМОҚ** 1 олмоқ фл. бирг. н. Фикр олишмоқ. — [Ошдан] емаган бўлсангиз, сиз ҳам олишинг,— деди бек. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Уришмоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; мушгашмоқ. Ёқа олишмоқ ёқасидан тутиб бўғишмоқ, уришмоқ. Бел олишмоқ қ. бел 1 б.

3 кўчма Бахс ёки ҳақ-хуқуқ талашмоқ, тортишмоқ; бир-бирини енгил учун чалишмоқ. Ҳаким-бойваччанинг яқин дўстларидан бир киши.. Мирзакаримбойёа орқаворатдан тил текизганини эшитиб, у билан узок замон олишган. Ойбек, Қутлуг қон. Қудрат.. камбағаллар тарафини олиб, қишлоқ балоҳўрлари билан олишмаган кунини билмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Дон олишмоқ қ. дон.

**ОЛИШ-СОТИШ** айн. олди-сотди. Олиш-сотиши ишлари. Олиш-сотишга уста одам.

**ОЛИШТИРМОҚ** олишмоқ 2, 3 фл. орт. н. Рақибларни олиштирмоқ.

**ОЛИШУВ** 1 олишмоқ фл. иш оти.

2 айн. олишиш 2.

**ОЛИҚ-СОЛИҚ** 1 тар. Юртдан, аҳолидан солиқ тариқасида олинадиган, тўпланадиган пул ва бошқа нарсалар. Олиқ-солиқ тўллаш.

2 этн. Қудалар орасида бир-бирига бериладиган нарсалар ҳақидаги музокара ва шу музокара натижасида йигит томондан қиз томонга бериладиган қалин ва бошқалар.

**ОЛИҚ-СОТИҚ** айн. олди-сотди. Гоҳо ютқизишда, гоҳо ютқида, Бир-бирин англарди олиқ-сотиқда. Шайхзода. Уғлим Тошкент билан Марғилон орасида қатнаб, олиқ-сотиқ қилади. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ОЛИҲИММАТ** [а] Ҳиммати баланд, кимсага Ҳиммати, яхшиликни аямайдиган; савоватли. Олиҳиммат одам.

**ОЛҚИШЛАМОҚ** 1 Итти итга ёки бирор кимсага тезламоқ, ғусғусламоқ.

2 кўчма Кишилари бир-биринга зидламоқ, уриштириш учун ундамоқ; тезламоқ, хезламоқ.

**ОЛЛО(Х)** [а] дин. Гўё бутун мавжудотни, жумладан одам, ҳайвон ва бошқа жониворларни йўқдан бор этган, яратган ва буларнинг тақдирини

ўз қўлида тутиб турувчи деб тасаввур этиладиган илоҳий куч; худо, тангри, парвардигор. Дағвогаринг қоши бўлса дардингни оллага айт! Мақол. — Ҳар иккиси подшоҳа ва аскарларига оллагдан мадад тилади. Ойбек, Қутлуг қон. Ё олло(х) унд. с. 1) таажжуб, ҳайрат билдиради; тавба.— У мулоийм чеҳра билан жилмайди: Ё олло(х), шундай одамлар ҳам бўлар эканми? — деди. П. Турсун, Уқитувчи; 2) худога ёлвориш, сизгиниш ибораси. Олло(ху) акбар овқатдан сўнг ёки йўлга кетиш олдида ўқиладиган дуоқтиҳанинг охири ибораси. Умумий «оллоху акбар» дан сўнг Ҳасанали отми йўлга солди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ОЛМА** 1 Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт. Олма кўчати.

2 Шу дарахтнинг меваси. Оқ олма. Қизил олма. — Жувон қўлидаги олмани устама-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

◆ Кекирдак олмаси айн. куштомоқ. Олма чой олма қоқисидан қовуриб тайёрланган чой. Олма гули 1) пушти ранг. Олма гулли рўмоқ; 2) олма гуллаган пайт, палла. Тўйлари олма гулида бўлган эди.

**ОЛМАЗОР** Нуқул олма дарахти билан банд ер, майдон; олма боғи.

**ОЛМА-КЕСАК** кўзлари олма-кесак таради с. т. бесаранжом бўлиб ҳар ёққа қарайди, аланглайди. Чол бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак тара бошлади. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ОЛМАХОН** Урмонда дарахтда яшовчи узун бароқ думли кичкина кемирувчи ҳайвон.

**ОЛМОН** [фр] эск. Герман халқи, немислар.

**ОЛМОС** 1 1 Шаффоф, ялтироқ қимматбаҳо табиий тош (тарашлаб маълум шаклда келтирилгани бриллиант деб аталади). Олмос ерда қолмас. Мақол.

2 Шундай тош ўрнатилган кескич. Олмос билан ойна кесмоқ.

3 кўчма Шундай тош сингари ўткир, кескир. Олмос қилиқ. — Қўйла созим, юрагим, шеърим, Бахт китобин қилгил тарона. Замирида ҳуқуқ, эрк, номус. Ҳар бир сатри олмос, дурдона. Ғайратий.

**ОЛМОС** II Заҳарли, сариқ гулли ёввойи ўт.

**ОЛМОШ** грам. От, сифат, сон ўрнида қўлланиладиган сўз туркуми. Қишилик олмоши. Кўрсатиш олмоши. Сўроқ олмоши.

**ОЛМОҚ** 1 Нарсани ушлаб ёки бирор асбоб билан тутиб қўлга киритмоқ. Ариқдан сув олмоқ. — Ўзбек ойим бурчакда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўқиб келишга буюрди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Йўлчи кетмонни олиб, ишига жўнади. Ойбек, Қутлуг қон. Бағрига олмоқ 1) ўз кучоғига олмоқ,

қучоқламоқ; 2) кўчма ўз қарамоғига, паноҳига, ҳимоясига олиб ардоқламоқ. Қолхаз. .. буларни хурсандлик билан ўз бағрига олар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Кўлмини олмоқ қўлидан ушламоқ. Уста Олим Отабекнинг қўлини олиб сғрашди. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Қўлтиғига олмоқ 1) қўлтиғига қистирмоқ, қўлтиқламоқ; 2) кўчма ўз ёнига тортмоқ. Ермат ва Яўлчини ўз қўлтиғиса олиб, бошқаларга қарши қўйишни истар эди. Ойбек, Қутлуг қон. Қўлтиғидан олмоқ қўлтиғидан тутиб бормоқ ёки кўтармоқ. Ҳикмидогидан олмоқ хиқидогидан бўғмоқ.

2 Қабул қилмоқ; ёлламоқ. Ишга олмоқ. Болога эназа олмоқ.

3 Бўшатмоқ, бекор қилмоқ, туширмоқ. Сизни буғундан бошлаб ишдан олдик.

4 Қирқиб, кесиб, тортиб, суғуриб чиқармоқ. Тирноқ олмоқ. Қўйини жунини олмоқ. Соч олмоқ. Оёққа кирган тиканни олмоқ. — [Али охун] дўпписи ичига тўғналган игнани олди. Ойбек, Қутлуг қон. | Ечмоқ, солмоқ. Хотин бошидан жон рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Туширмоқ, бўшатмоқ; холи қилмоқ. Елкасидан юкени олмоқ. Машинадаги яшиқларни олмоқ. — Уста Олим отнинг жиловидан қўлини олиб сўради. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

6 Қўлга киритмоқ; эга бўлмоқ. Даромад олмоқ. Пахтадан мўл ҳосил олдик. — [Йўлчи] икки ярим йил бойнинг бўйинтуруғини судради. Нима олди? Ойбек, Қутлуг қон.

7 Емоқ, емоқ-ичмоқ, тановул қилмоқ. Ҳаммаси сизнинг тегишингиз, ҳеч кимга қараман. Балиқни олинг! А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

8 Ўзига сингирмоқ, қабул этмоқ. Рангни яхши олдидан итак. | Пайдо қилмоқ, ҳосил этмоқ, йиғмоқ. Яра йиринг олибди. Ғўзалар қўсак олди.

9 Уйланмоқ, хотин олмоқ. [Суҳра:] Ёш қизни олганинг бир сари, энди буни ўқшидай қўйиб курортга олиб кетаётганинг нимаси? А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

10 Харид қилмоқ. Бу пальтони неча пулга олдингиз? Ҳовли олма — қўшни ол. Мақол. — Анча нарса олдик.. Сенга бир жўра беқасам. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

11 Қўлга киритмоқ, қозонмоқ. Обрў олмоқ. Эркинлик олмоқ. Дардан «аъло» баҳо олдим. Илмий даража олмоқ. Олқин олган омондир, қарғиш олган ёмондир. Мақол. — Ун беш кунлик синодан кейин тракторчи номини олдик. А. Қаҳҳор, Хотинлар.

12 Кетказмоқ, йўқотмоқ. Чаённинг заҳрини чаён олади. Мақол. — Офтоб ойим .. кўзига қатиқ олиб чиқди ва Отабекнинг ичмаганига ҳам қўймай, «ичинг, йўл ғуборини оладир» деб қистай бошлади. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

13 Копламоқ, чулғамоқ, урамоқ, тумоқ. *Тўқайни ўт олган. Қабонинг ҳиди бутун ҳовлини олди. Мени иситма олди.* — Сен бундан кетмайсан омон, *Унегу-сўлини олса туман.* «Едгор». | Эгалламоқ, ишғол қилмоқ, банд этмоқ. *Роял кўп жойни олди.* — *Можаро устига Фосих афанди кириб қолди.* У *тўғри айвонга чиқиб, мингбошининг пинжидан жой олди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о.

14 Етакчи феъл сифатида ол туркумидаги сўзлар билан бириктириб, қўшма феъл ясади, мас. *авж олмоқ, оланга олмоқ, бахра олмоқ, бош олмоқ, ёниги олмоқ, ёш олмоқ.* **Йиғим-теримни олмоқ** экинларни ўриб, териб ҳосилни йиғиштирмоқ. У .. *йиғим-теримни олгандан кейин Фарҳодга кетиб, қиши билан ўша ерда қолиб кетди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Тескарисига олмоқ** ай. аксинга олмоқ қ. акс I 2. *Мен жўрттага баъзи гапларни тескарисига олиб кўрсам ҳам, у чурқ этмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юз олмоқ** ай. **юз тутмоқ** қ. **юз I**. *Кун баралла кўтарилди, қиёмга юз олди.* М. Исмонлий, Фарғона т. о. **Қаламга олмоқ** ёзмоқ, хатта туширмоқ. *Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олганимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслни ташлаб ўтишга мажбур бўлдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кийиғига олмоқ** аксини тутмоқ, акс иш қилмоқ.

15 Рашидош формасида бошқа феъллар билан бириктириб қўшма феъл ҳосил қилади, мас. *олиб бермоқ, олиб бормоқ, олиб келмоқ, ола билмоқ, ола бошламоқ, ола келмоқ, узум сув олиб қолди.*

16 **и(б)** аффиксли рашидошлар билан бириктириб, қўшма феъл ҳосил этади ва иш-ҳаракатнинг ўзи учун бажарилганлигини билдиради, мас. *билиб олмоқ, тортиб олмоқ, етиб олмоқ, йиғиб олмоқ, суғуриб олмоқ, ёза олмоқ, қила олмоқ.*

◆ **Кўй оғзидан чўп олмаган қ. кўй.** *Бизнинг қишлоқда Гофуржон деган, кўй оғзидан чўп олмаган, бунинг устига ҳеч кими йўқ бир йиғит бор эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

#### ОЛМУРУТ диал. Нок.

**ОЛОВ** [ф-т] I Юқори ҳароратда ёниб, нурланиб турган газ, аланга, ўт. *Олов ёқмоқ. Оловни ўчирмоқ. Кумгонни оловга қўймоқ. Оловнинг тилиши йўқ, ҳўл-қуруқ билан иши йўқ.* Мақол. | **Чўғ.** *Таңчанинг оловини очинг, тақсир, баданимда қалтироқ турди.* Х. Фулом, Маршбал. [Йўлчи] *бир қўлни қизнинг пешанасига қўйди: — Нақ оловдай, ... — деди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

2 Иссиқлик, ҳарорат. *Кўёш олови.* — *Кўёш осмондан олов қуйлатди.* С. Аҳмад, Таъзим. *Аммо сени Фарбга шу ердан, Тўрт йил бурун қузатганимда, Юзимдан ёш йўргалаб, бирдан, Олов пайдо бўлди танимда.* Уйғун. || **Йўлчи қўёшнинг олов селида чўмилиб, тўнка кавлар эди.** Ойбек, Кутлуғ қон.

3 **кўйма** *Ғайрати ичига сиғмайдиган, юрагида ўти бор, жўшқин. Олов йиғит.* — *Мана, қайлигинг ҳам урушдан қайтиб келибди. Сен олов, у олов, икки олов бир бўлиб, ҳамма ёқни йиқиб — ёндирасизлар.* Уйғун, Навбахор. *Ўзиям десанеиз, отин ойиси, олов. На бир қўрқини биллади, на бир насадан тап тортишини.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

◆ **Олов кўзлар** чарақлаб, ёниб турган кўзлар. *Ёш Ҳожия олов кўзларини чарақлатиб Онахонга тикилган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Олов нафаси** сўзи ўткир. У *айтган толлар қулапти, бош тикмоқчи бўлган мактаб-маориф соҳасига тамоман янги одамлар, олов нафаси ёшлар келипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Икки олов орасида (ёки ўртасида)** қолмоқ жуда мушкул аҳволда, нима қиларини билмай қолмоқ. *Шўрлик асирлар икки олов орасида қолган эдилар: чиқмай десалар, мўғуллар орқаларидан санчар, чиқай десалар, мудофаачиларнинг ўқ ва найзасига санчилар эдилар.* М. Осим, Ўтрор. **Кесақдан олов чиққандай** ғайрати йўқ, лоқайд одам қутилимаган бир иш қилганда айтиладиган ибора. **Уруш оловини ёқмоқ** уруш чиқариш учун халқларни бир-бирига гиж-гижламоқ, уруш чиқармоқ, урушни бошлаб бермоқ.

**ОЛОВДАЙ, здек:** оловдай кўринмоқ яқин таниш кишидай иссиқ кўринмоқ.

**ОЛОВДОН** [ф-т] Сандал, самовар, печка ва ш. к.нинг олов турадиган жойи; ўтхона.

**ОЛОВКУРАК** Чўғ солиш учун ишлатиладиган қисқа дастали металл куракча; ўткурак, хокандоз.

**ОЛОВЛАНМОҚ I** Оловдек яллиғланмоқ, қизармоқ, тафт олмақ. *Мастуранинг лўпчи юзи оловланди.* Ойбек, О. в.шабадалар.

2 **кўйма** Аланга олмоқ, кучаймоқ, зўраймоқ. *Лейтенантнинг нафрати оловланиб, нима қиларини билмасди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ҳайдарнинг кўзига кечага воқеа кўринди, унинг алами оловланди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ОЛОВЛАНТИРМОҚ** оловланмоқ *фл. орт. н. Пардоз билан қизартирилган юзларни май яна кучлироқ оловлантирди.* Ойбек, Навоий.

**ОЛОВЛИ I** Олови, ўти бор. *Оловли йўқ.*

2 Иссиғи, ҳарорати бор, иссиқ, ҳароратли. *Меҳмон унинг [Жапақнинг] қўлини олиб, иситмаси чиқиб турган оловли қафтга босандагина эсига келди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қисаси.

**ОЛОВ-ОТАШ** Ҳаддан ташқари иссиқ. *Уч ҳафтадирки, Пўлат шаҳар касалхонасида етибди. Тўрт кунгача олов-оташ бўлиб ёнди, ўзига келмади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқинлар.

**ОЛОВ-СЕЛЛИ** с. т. Жуда иссиқ, ҳароратли. *Ёз ойининг олов-селли кунлари бошланди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

#### ОЛОВХОНА ай. оташхона.

**ОЛОМОН** Ўз-ўзидан, стихияли равишда тўпланган одамлар; халойиқ. *Оломондан қочган сира қутулмас.* Мақол. — *Оломон аркка ҳужум қилди, деразаларнинг тарақлагани, .. эшитилади.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. *Намозгарга яқин кўёш катта оломон билан келди. Тўрт карнай, олти сурнайнинг шовқини кўкни тутди.* Ойбек, Кутлуғ қон.

◆ **Оломон қилмоқ** судсиз-бошқасиз кўнлашиб урмоқ, уриб ўлдирмоқ.

**ОЛТИ** *снқ сон 6* рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Олти сўм. Олти кун. Олти йил. Олтига учми қўймоқ. Олтидан иккинчи айирмоқ. Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди.* Мақол.

**ОЛТИБУРЧАК** мат. Олти бурчакли текис геометрик шакл. *Олтибурчак чизмоқ.*

**ОЛТИЁК** мат. Олти ёқли фазовий геометрик шакл.

**ОЛТИЛИК I** Олтита ҳоли бўлган карта. *Фиштининг олтилиги.*

2 Олти мисрадан иборат шеър; мусаддас.

**ОЛТИН I** Химиявий элемент, сариқ-қизғиш тусли қимматбаҳо нодир металл; зар, тилла. *Соф олтин.* || *Олтин соат. Олтин қафас. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин.* Мақол. — *Олтин пиллада боллар ичилар, Сўз сўзласа дурри гавҳар сочилар.* «Едгор». *Хомтоқ қилинган ишқомда ҳусайни узумлар олтиндек товлаймоқда.* И. Раҳим, Ихлос. | *кўйма* Ҳар қандай қимматбаҳо ёки азиз нарса ҳақида. *Ер—ҳазина, сув — олтин.* Мақол. *Дўст-ёрлар аҳил бўлса, Чўлда олтин ундирар.* Мақол. — *Қўшиқ айтиб келаман қир ёқалаб. Гул чечаклар тераман Сир ёқалаб. Тер тўкиб етиштирган «олтинимиз» Туради чаноғида бизга қараб.* «Фольклор».

2 Шу металлдан зарб қилинган пул. *Ҳомид ёнчигини чиқариб, бир қўлдан иккинчи қўлига олтинларни санаб тушира берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бунчалик дабдаба, албатта хазинадаги олтинлар кучи билан бўлган-дир, деб баъзиларнинг кўнелига келар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *сфм, кўйма* Қимматли, бебаҳо (фикр, гап, сўз, иш, вақт ва ш. к. ҳақида). *Олтин ёшлик. Ёш чоғим — олтин чоғим.* Мақол. — *Қам бўлмаг, раисим, олтин сўзларни айтдингиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Амунинг бўйда кезардим танҳо. Шу олтин дамларни сезардим танҳо.* Ғайратий.

◆ **Олтин бош** яхши идрок этадиган, яхши ишлайдиган бош, ўткир ақл; шундай бош, шундай ақл соҳиби. *Ниҳоят, Қоратой Йўлчининг елкасини дўстона қоқиб деди: «Роса бошинг бор, иним Йўлчи, олтин бошинг бор. Гапларинг бари ҳақ».* Ойбек, Кутлуғ қон. **Олтин водий** ноз-неъматларга бой, обод, яшнаган водий. **Олтин куз** йилнинг ҳамма нарса фарқ



пишган тўқин-чочин пайти, мўл-кўлчилик фасли. Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон эгасига солаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қарасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Олтин одам жуда яхши одам, тенги-мисли йўқ одам. Оқ олтин пахта. Қора олтин нефть. Қўли олтин ёки олтин қўл ҳар ишга моҳир қўл ва шундай қўли киши. Сизларни кўрганимда, .. Олтин қўл албатта тушар эсимга. Х. Салох.

**ОЛТИНГУГУРТ** Химиявий элемент, тез ёнадиган сариғ рангли металл (медицинада ва sanoatда кенг ишлатилади).

**ОЛТИНЛАМОҚ** Олтин билан қопламоқ, олтин югуртирмақ, зарламоқ, зар қопламоқ.

**ОЛТИНЛАНМОҚ** 1 олтинламоқ *фл.* мажж. н.

2 Олтин каби ярқирамоқ, сарғайиб кўринмоқ. Бургут қуёи доирасини кесиб ўтаркан бир зум ёниб кетгандай олтинланиб кўринди. А. Мухтор, Қорақолпоқ қиссаси.

**ОЛТИНЛАТМОҚ** олтинламоқ *фл.* орт. н. Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толларни олтинлатган; тоза, ёрқин ҳаво кўзни қамаштиради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОЛТИНСИМОН** Олтинга, тиллага ўхшаш, олтин рангли, ялтироқ, сап-сариг олтиндай. Қўёшини олтинсимон нурлари. Олтинсимон бугдойлар. ■ Дўстлар бир оз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстлогини артиб нон билан ея бошладилар. Ойбек, Нур қидириб.

**ОЛТИНТАМҒА** Ўзбек халқининг этник составига кирган қабилалардан бирининг номи.

**ОЛТИНЧИ** 1 *партб* сон Тартиб ўрни 6 рақами билан белгиланган, 6 номерли. Олтинчи ой. Олтинчи кун.

2 Катта-кичик нарсаларнинг бешинчидан катта еттинчидан кичик размери. Олтинчи қалиш. Олтинчи лампа.

**ОЛТИНҚОЗИҚ** (О — катта) айн. Кутб юлдузи *қ. кутб* 1.— Ҳув анов, шимолдагиси — Олтинқозик юлдузи. У осмоннинг ўқи бўлади. Шунга қараб юрган киши йўлидан адашмайди; — деди чол Шум болага. Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ОЛТИНҚУНҒИЗ** айн. тиллақунғиз.

**ОЛТИТА** дона сон Олти дона, олти нафар. Олти та стол. Олти та ўқуғчи.

**ОЛТМИШ** снқ сон 60 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. Олтмиш сўм. Олтмиш киши. Олтмишдан ўттизани олмоқ. Олтмишга кирган отадан ош сўрама. Мақол.

**ОЛТМИШИНЧИ** *партб* сон Тартиб ўрни 60 рақами билан белгиланган, 60 номерли. Олтмишинчи уй.

**ОЛТОВ** жамл. сон Олти киши ёки олти та нарса. Олтов бўлиб жўнамоқ. ■ Ҳар тарафни юрдим сўраб, Сеннинг олтовинини қараб. Олтовинг ҳам

келиб қолдинг, Қуни битган ажал ҳайдаб. «Елгор».

**ОЛТОВЛОН** бирг. сон Олти киши, олти киши бўлиб, олти киши биргалликда. Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдирад, тўртловлон тугал бўлса, учмаганин ундирад. Мақол.

**ОЛТОЙ** *қ. олтойлар. Олтой халқи. Олтой тили.* || Олтой аёл.

**ОЛТОЙЛАР** Олтой ўлкасининг Тоғли Олтой автоном области туб аҳолиси. ОЛУ [ф-т] диал. Олхўри.

**ОЛУВ** 1 олмоқ *фл.* иш оти.

2 *мат.* Бир сондан иккинчи сонни айириш амали; айирув, тарҳ. Ҳисобдан ҳам қўшув, олувларни ўрганибсиз, тузуқ! Х. Ғуллом, Машғал.

**ОЛУД** [ф-т] *кт.* Беланган, ботган. Тўғричи, захар олуд мактубингизга одамларча тушуна олмадим. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОЛХУРИ** [ф-т] 1 Мевали дарахт. Бир туп олхўри. Олхўри элмоқ.

2 Шу дарахтнинг данакли ширин меваси. Сариқ олхўри. Қора олхўри.

**ОЛЧА** [ф-т] 1 Атиргуллар оиласига мансуб мевали дарахт. Бир туп олча.

2 Шу дарахтнинг данакли, юмалоқ нордон меваси. Олча мураббоси.

**ОЛЧАЗОР** [ф-т] Нуқул олча билан банд ер, майдон, боғ.

**ОЛЧИ** Ошиқнинг ўйиқ ён томони. | Ошиқ ўйинида ошиқнинг шу томони юқорига қараб турган ютуқ вазияти. Товва пуккани ейди, олчи чиккани ейди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

♦ **Ошиғи олчи** иши ўнгдан келган, юришган, омади келган. Қодировнинг ошиғи олчи, дўпписи яримта. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ОЛЧИН** 1 Ўзбек халқининг этник составига кирган уруғлардан бирининг номи. | Шу уруққа мансуб киши.

**ОЛЧИН II: олчин тўқмоқ** дастаси узун катта ёғоч тўқмоқ.

**ОЛЧОҚ** *кт.* Утакетган разил, паст; ёвуз. Олчоқ одалар. || Домлам дарс орасида гоҳи замондан шикоят қилади, ёмонларнинг, олчоқларнинг кўпчилигини айтади. Ойбек, Болалик.

**ОЛЧОҚЛИК** 1 олчоқ с. белги. оти. 2 Олчоқ кишиларга хос хатти-ҳаракат, иш, разиллик.

**ОЛҚАМОҚ** Бировга яхшилик, бахт, саломатлик тиламоқ, муваффақиятлар тилаб қолюмоқ. Ботирларни олқайди, Ҳурматлайди бу диёр. 3. Диёр.

**ОЛҚИНДИ** Ювила-ювила юпка бўлиб кетган совун, совун қолдиги. Тонг қоронғисида кир қўйганимча олти та совундан олқинди ҳам қолмади. А. Қаҳҳор, Сароб.

♦ **Олқинди қайроқ** ейилиб кетган юпка қайроқ. Эшимкул эшикдан пичогини юпка олқинди қайроқда қайраб келган, Насимжон боши кўкка етгудай севинди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ОЛҚИШ** 1 Яхшилик тилаш сўзлари; дуо. Олқиши олган омондир, қар-

ғиш олган ёмондир. Мақол. ■ Раҳмату олқиши олиб, топди назар қизларимиз. Ҳабибий.

2 Мамнунлик, таҳсин билдирувчи қарсақлар. Мирсоатнинг ҳисоб маърузасидан кейин узоқ олқиши бўлади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ОЛҚИШЛАМОҚ** Мамнунлик, таҳсин билдирувчи, олқни сўзлари билан табрикламоқ; таҳсинлаб қарсақ чалмоқ. Ўзбекистон ССР халқ артисти Юсуфжон ака тўқсон ёшга кирган кунни халқ уни қулиб-қулиб олқишлайди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. Тонг ёришгани, дунёга нур тўлгани учун қунонётгандек осмонда тўғрайлар .. кундузни олқишлайдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОЛҚИШЛАШМОҚ** олқишламоқ *фл.* бирг. н. Улар мени гулдурас қарсақлар билан олқишлашди. М. Жабборон, Севинч ёшлари.

**ОЛҒА** 1 *реш.* Олдинга, илгари томонга. Олға юрмоқ. ■ Ўзи пулемётини судраб олға эмақлаб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Олға босмоқ 1) олдинга томон юрмоқ, илгарига қараб силжимоқ; 2) ривожланмоқ, илгариламоқ. Иш олға босмоқда.

2 *унд.* с. Илгари томон силжишга, олдинга томон юришга чақириш нидоси.

**ОЛҒИР** 1 Овни яхши оладиган. Олғир ит. Олатўғон оқлғир бўлса ҳам, қарчигаё бўлолмас. Мақол.

2 *қўйма* Ҳақини кеткизмайдиган; олагон. Бувиנסо олғир ва етчил аёллардан ўтиб, қозонга яқин йўлай олмади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *салб.* Бировнинг, жамоат ёки давлатнинг пулини, мол-мулкини юлиб, талаб олувчи; юлғич. Олғир одам. || Бу олғирлар меҳнаткашларнинг ҳаётигига човут соляпти. «Мунштум», 1959, № 16.

**ОЛҒИЧ** диал. Олғувчи, олувчи. Боғбон бўлиб қизил гулини терди, де, Жон олғич жаллодиг Шакар келди, де. «Ширин билан Шакар». Қўз олғич кўзни оладиган, кўзни хира қиладиган, қамаштирадиган. Қуёшда кўз олғич чарақлаб, дам кўкатлар орасига яширинган бу кичкина ариқнинг нашъаси бошқача эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ОЛҒИРОТ** [ф-т] айн. олхўри. Машхур боғбон Дарवेश ҳожии шафтоли, олғирот кўчатларини ўтқазмоқда. Ойбек, Навоий.

**ОМ** [a] (o — чўзиқроқ) Умум; умумга тегишли. Рухсат оМ этн. умумга рухсат (ўликни кўтариш олдида ўлик эгаси томонидан «энди истаганларга рухсат» маъносига ишлатиладиган ибора). ОМ бўлмоқ маълум бўлмоқ. Қўринди маърифат хуришиди, нури бўлди элга оМ. Ҳамза.

**ОМ** [p<нем] *физ.* Электр қаршилигининг ўлчов бирлиги.

**ОМАД** [ф-т] Ишнинг ўнгдан келиши, илгари босиши; бахт, толе. Омадингиз баланд. Ҳар айитга бир омад. Мақол. Ишнинг омади — ўз вақти.

Мақол. — Эҳҳе, иш катта-ку! Омад тилайман, чўталдан чўзасиз-да! Ойбек, Қутлуғ қон. Буни омад дейдилар: ҳам иш ундирибсан, ҳам томоша қилибсан. Ойбек, О. в. шабадалар. **Омад(и)** келди ишни ўнгидан келди, бахти келди, юришди. Рўзиқулнинг омади келиб, чўнтаги хўппая бошлади. Гайратий, Довдираш. Омади кетди ишни ўнгидан келмади, орқага кетди, бахт йўли тўсилиб қолди.

◆ **Омади гап ёки гапнинг омади** ҳолисан айтилган гап; гапнинг тўғриси, ўрни, мақоми. Мен омади гапни айтибман, ўртоқ Самандаров, албатта, мени билмайдилар. А. Қаххор, Қўшчинор. — Жаноби олий ва сизнинг давлатингиз ҳаммаси меники, нега хафа бўлайин, гапнинг омадини айтдим-да, — деди Урмон полков. Айний, Қуллар. Омад қуши бошига кўнди айин. бахт қуши бошига кўнди қ. бахт.

**ОМАДЛИ** Омади, толеи баланд; бахтли. Омадли одам.

**ОМАДСИЗ** Омади, толеи паст; бахтсиз. Омадсиз одам.

**ОМБОР** I [a] Озиқ-овқат, асбоб-анжом, мол ва ш. к. сақланадиган бино. Омбор тўла дон. Бир омбор галла. — Бу кенг бино колхознинг буғдой омбори. Ф. Гулом.

◆ **Сув омбори** сувний сув хавзаси. Каттақўрғон сув омбори.

**ОМБОР** II Девор тагидаги сув ўтадиган туйнук, қувур.

**ОМБОРХОНА** [a+ф-т] Омбор жойлашган хона, жой; омбор. Бой омборхона калидини Ойшабонуга узатди. Ж. Гулом, Машъал.

**ОМБОРЧИ** Омбор мудирй. Колхоз омборчиси. — Полвон отдан тушиб, бозордан келтирилган нарсаларни .. омборчига берди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ОМБУР** [ф-т анбур] Мих суғуриш, нарсаларни қисиб кўтариш, эгиш, синдириш каби ишлар учун қўлланадиган асбоб. Юмалоқ жағли омбур. Оғриқ тишининг давоси — омбур. Мақол. — Чолнинг қалбини аллақандай совуқ бир қўл омбур орасига олиб сикар, оғриғи юзига уриб борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гулсунбиби қизини оёқ остига олиб, унинг баданини омбур билан чўзиб тортгандай, уза бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОМИ** [a] (о — чўзиқ) Саводсиз, ўқимаган; авом. Хон ҳазратлари, мен ўқимасан ёвонлик бир оми одамман. Ж. Шарипов, Хоразм. Сизнинг ҳар бир гапингиз биздек оми одамларга ўрнак бўлиши керак. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОМИЛ** I [a] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг юзага чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса; сабаб; фактор. Отабекнинг маънавий падари бўлган Ҳасанали ота унинг махфий дардининг асли омилини излайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОМИЛ** II [a] I Бирор ишни яхши эгаллаган; уста, моҳир, омилкор. Би-

рини иккига чақиб, иккени тўрт қилиша омил ота қизини [Таннозхонни] ишлагани қўймаган эди. Қ. Махсумов, Муҳаббат қўшиғи.

2 Омил (эркаклар исми).

**ОМИЛ-КОМИЛ** Жуда омил, етук уста. У ҳар қандай ишга омил-комил одам.

**ОМИЛКОР** [a+ф-т] Омиллик, усталик билан иш кўрувчи; уста, омил. Омилкор деҳқон. Омилкор тўқувчи.

**ОМИЛКОРЛИК** омилкор с. белги оти. Пахта териш машиналаридан омилкорлик билан фойдаланмоқ.

**ОМИЛЛИК** омил II с. белги оти. Ўз ишига омиллик.

**ОМИН** [a] Фотиҳада «илоҳи шундай бўлсин, айтганингиз келсин» маъносига ишлатиладиган сўз. — Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўлманг, омин! — деди Қумуш онасига. А. Қодирий, Ўтган кунлар. — Худо ҳамангизга қувват берсин! «Олинлар, олдиранлар». Омин! — деди Алим бува. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОМИХТА** [ф-т] I Аралаш, бошқа нарса аралаштирилган (асосан ёр ҳақида). Омихта қилмоқ

2 кўчма с. т. Аралаш-қуралаш, мошкичири, қоришиқ. Турмушдаги бошқа-ю, қитобдагиси ҳаводан олинганми? Қитобдаги билан турмушдагини бир-бирига омихта қилиш кимнинг иши? Х. Назир, Кўктерак шабада-си.

**ОММА** [a] Бирор ижтимоий группанинг катта кўпчилиги, умум, кўпчилик, халқ. Мезнатқашлар оммаси. Деҳқонлар оммаси. Ишчилар оммаси. Зиёлилар оммаси. — У [Йўлчи] бўйинни чўзиб, қайноқ, асабий, ғазабли омади, зулм ўчоғини портлатишга тайёр ботиб халқни кўздан кечирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОММАБОП** Умумга, оммага тегишли, омма учун белгиланган, мўлжалланган. Оммабоп адабиёт. Оммабоп журнал. Оммабоп тилда ёзилган мақола.

**ОММАВИЙ** [a] Оммага, кўпчиликка оид; омма, кўпчилик томонидан ёки омма орасида бажарилган. Оммавий иш. Оммавий ҳаракат. | Кенг кўламдаги, кенг кўлам олган. Ишчилар ҳаракатининг бутун кучи унинг онглилигида ва оммавий характерида эканлигидаги. В. И. Ленин, Ишчилар ҳаракатидаги турли оқимларнинг кучи ҳақидаги объектив маълумотлар.

**ОММАВИЙЛАШМОҚ** Оммавий тус олмақ. Қишлоқ ёшлари ўртасида спорт оммавийлашиб бораётир.

**ОММАВИЙ-МАДАНИЙ** Омма ўртасида ўтказиладиган маданий ишларга оид, шундай ишларни амалга оширадиган. Район комитетининг оммавий-маданий бўлими. Оммавий-маданий ишлар.

**ОММАВИЙ-СИЁСИЙ** Омма ўртасида ўтказиладиган сиёсий ишларга оид,

шундай ишларни олиб борадиган. Оммавий-сиёсий ишлар.

**ОММАЛАШМОҚ** Омма, кўпчилик, халқ орасига ёйламоқ, кенг тус олмақ, кенг тарқалмоқ. Илғорларнинг тажрибаси оммалашмоқда. — Унинг ўз таърифича бу сўзлар .. эндигина оммалашган фан ва техника кўроллари, буюм ва асбоб-анжомларнинг «Ўзбекча атамаси» эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОММАЛАШТИРИЛМОҚ** оммалаштирмоқ фл. мажж. н.

**ОММАЛАШТИРМОҚ** оммалашмоқ фл. орт. н.

**ОМОН** [a] I Соғ-саломат, эсон-соғ. Бош омон бўлса, дўппи топилар. Мақол. — Қоратегиндан келдинми, опанг омонми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу бош бевафо дунёда нималарни кўрмади дейсиз. Қўп тўполонлардан омон қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Тоҳир омон, ҳеч бир ишқат еан йўқ. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. **Омон бермай** аямай, шафқатсиз равишда. Сен қўлима тушиб бўлдинг гуноҳкор, Омон бермай ўлдирман муқаррар. «Рустамхон». | Тинч, осойишта. Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас. Мақол.

2 Омон (эркаклар исми).

**ОМОНАТ** [a] I Сақлаб бериш, вақтинча фойдаланиш ёки бошқа бир кишига элтиб бериш учун топширилган. Омонат хат. Омонат пул. | Омонатга сақланган пул ва бошқа буюм. Анов кун қўйиб кетган омонатга келдим. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. Омонатларни эгаларига топширганимиздан кейин, майли, .. кудё тўра қизимни Маккага олиб борсалар ҳам монелик йўқ. И. Ўктамов, Ҳикоялар. **Омонат касса** граждандарнинг пулини вақтинча сақлаб берадиган муассаса.

2 Путурдан кетган ёки зўрға илиниб турган. Омонат бино.

**ОМОНАТЧИ** Омонат кассасига пул қўйган киши.

**ОМОНИМ** [р<грек] лингв. Шакл ва талаффузи бир, аммо маъноси бошқа-бошқа сўзлар, шаклдош сўзлар.

**ОМОНИМИК** [р омонимический] Омонимга тегишли. Сўзнинг омонимик хусусияти.

**ОМОНИМИКА** [р] лингв. 1 Бирор тилнинг омонимлари жами, йиғиндиси.

2 Тилшуносликнинг омонимларни ўрганадиган бўлими.

**ОМОНИМИЯ** [р] лингв. Маъноси турлича бўлган сўз ёки сўз шакллари-нинг товшу жиҳатидан тўла мос келиши.

**ОМОНЛАШМОҚ** I Бир-бири билан саломлашмоқ, бир-биридан ҳол-аҳвол сўрашмоқ. Элмурод челақларини ерга қўйди-да, бориб [Норжон билан] омонлашди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 днал. Видолашмоқ, хайрлашмоқ. Ана шундай қилиб, Муродхон сингисин билан омонлашиб, йўлга тушиб жўнайверди. «Муродхон».

**ОМОНЛИК 1** Соғ-саломатлик, тинч-осойишталик. Сизга омонлик тилайман.

2 Тинчлик, осойишталик, бехатарлик. Ишқилиб омонлик бўлсин! Омонлик бўлса, кўришармиз.

**ОМОН-ОМОН** Урушдан, сулҳдан кейин бошланган тинчлик вақти, тинчлик, осойишталик.— Хуррият қўёши тўғди,— деди гапирувчи,— омон-омон, озод замон бўлди. Нонни нишолда билан еяверасизлар, оғзингиз мойга тўлади. П. Турсун, Уқитувчи.

**ОМОНСИЗ** айн. беомон. Мирзакаримбой Йўлчига далда бериш учун, .. йўлим ҳар кимнинг бошида омонсиз қиличини тутиб турганлигини гапирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОМОН-ЭСОН** айн. омон 1.

**ОМОЧ** эск. Уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли примитив ёғоч асбоб. Омоч билан ер ҳайдамоқ. — Хўкиз калласини эғиб омочни тортишга уринар, қўйиши эса ҳа деб қистар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Абдурашул] дастлаб Олахўжанинг сигарларини боқадди, кейин омоч қўлогини ушлайдиган бўлган, қўйиша чиқадди. П. Турсун, Уқитувчи. Темир омоч с. т. рус омочи, плуг.

**ОМОЧ-БҮЙИНТУРУК** Ер ҳайдаш учун керакли бўлган омоч, бўйинтурук ва бошқа асбоблар мажмуи.

♦ **Тарақа гуруқ, омочга бўйинтурук** ҳазил аризмаган ишга тўплов, шовшув, тартибсизлик кўтарилганда айтиладиган иборат.

**ОН 1** [ф-т]: он ҳазрат(лар)и у олий ҳазратлари (подшоҳ, амир, хон ва ш. к. ҳақида). Мирзо Анвардан он ҳазратга номусузона бир хиёнат содир бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ОН II** [а] Қисқа бир замон; лаҳза, пайт. Бир он. Шу онда. — Бир оннинг баҳосин йлчамоқ учун, Олтиндан тарозу, олмадан тош оз. Ғ. Ғулом.

**ОНА I** Фарзанди ёки фарзандлари бўлган хотин (Ўз туққан фарзандларни нисбатан); болали хотин. Қўп болади она. Бола йиғламаса, она эмчак бермас. Мақол. Эрка тутса онаси, талтаяди боласи. Мақол. — Қиз эрталлаб туриб, дарров онасига разм солди. Ойбек, Қутлуғ қон. Онаси этн. эрнинг ўз хотинига унинг исмини айтмай мурожаат этиш формаси. Хой онаси, суюнчини ийз. Э. Раҳим, Янги қадам. **Онайи зор** меҳрибон, гамхўр она. **Онайи зор эмасми, устунни ушлаганча, .. боласининг товуши келаетган томонга термилиб қолди.** Ойдин, Мардлик — мангулик. **Қайин она айн. қайна.** Қаҳрамон она ўнга ва ундан ортиқ бола туғиб всяга етказган онага СССР Олий Совети Президиуми томондан бериладиган фахрий унвон. **Она тили** гўдакликдан ўрганган тил, туғма тил (одатда гапирувчи шахс мансуб бўлган халқ тили). **Онанг ўргилсин қ. ўргилмоқ.**

2 Ойла бошлиғи, тарбиячиси. Булар учун алоҳида қозон осилармиди.

Сиз ҳаммасининг онаси, у киши — ота. Уста болани жуда яхши кўрадилар. А. Қаҳҳор, Томошабоф.

3 Кекса аёлларга хурмат юзасидан уларнинг номига қўшилиб ишлатилади, мас. Тожихон она, Норжон она.

4 Кекса аёлларга хурмат билан мурожаат этиш формаси.

5 Бола туққан жонивор. Тойчоқнинг онаси. Она қўй. Яхши бузоқ икки онани эмар. Мақол.

♦ **Гапнинг онаси** гапнинг пўскалласи, бўлган-тургани, ҳақиқати.— Отангизга раҳмат — Юсвали тоғал — деди бошини қимирлатиб Мели полвон.— Гапнинг нақ онасини айтдингиз-қўйдингиз. П. Турсун, Уқитувчи. **Она Ватан** киши туғилиб ўсган, унинг учун муқаддас саналган мамлакат. **Онадан туғма бўлиб** ҳар қандай касалликдан ёки бало-қазолардан мусаффо, хоржж бўлиб, кўрмагандай. Бу ўзгаршидан кейин онадан туғма бўлиб, енгил тортиди. А. Қодирий, Утган кунлар. **Онаси ўлмаган қиз** бегона қўл тегмаган, пок, ифбатли қиз; бокира. Пулинг булса, онаси йлмаган малика қизлар санга қучоқ онадди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Она сугидай пок** (ёки ҳалол) ҳеч қандай нопоклик, қалбакилик аралашмаган, кишининг ўз пешана тери эвазига келган. Пулни олмадим, мизг марта розиман, сизга она сугидай ҳалол бўлсин. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Она суги оғзига келди қ. оғиз. Вой-вой, Гулнора синглингни Азизбойниқидан олиб чиққунимча нақ она сугим оғзимга келди.** Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ОНА-БОЛА** Она ва бола (бирликда). Она-бола тунни билан ҳасратлашиб, охири маслаҳатни бир ерга қўядилар. П. Турсун, Уқитувчи. **Она-боладай** она ва бола каби, бир-бирига меҳрибон; иноқ. Бу бечоранинг ҳам ҳеч кими йўқ экан. Она-боладай бўлиб қолдик. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ОНА-БОЛАЛИ** Онаси ва боласи бор, онаси ва фарзанди билан (бирликда). Совхоз дирекцияси [Қурбонали полвон оиласини] она-болали бир говмиш сугир билан. .. мукофотлади. Н. Сафаров, Қурбонали.

**ОНА-БОЛАЛИК** Она ва бола ўртасидаги муносабатларга оид, шу муносабатлар билан белгиладиган, она ва болага тегишли. Онахон уларнинг она-болалик меҳридан завқланиб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча қўлини иягига қўйиб ўтирарди. А. Муҳтор, Опа-сингиллар.

**ОНАБОШИ** с. т. I Рўзгор бошлиғи ёки бирор жамоатга бош бўлган, уни бошқариб турган хурматли аёл. Нафиса ёшлар ичиди алақачон бўлғуси оналик хурматини қозонган, гапида ҳам, ишида ҳам салмоқли, қизларгагина эмас, йиғитларга ҳам онабоши бўлиб қолган эди. А. Муҳтор, Туғилиш.

2 Болалар ўйинида: қатнашувчи икки томондан ҳар бирининг бошлиғи. «Қушим боши» шунгақа ўйин: болалар икки тўдага ажралиб, улар ичидан

иккитаси «онабоши» бўлади. Улар битта латтани қушга ўхшатиб тугади. Ҳар икки бола бир-бирига шивирлашиб бир қушининг отини яширишади. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ОНАЖОН** эрка. Онаси ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, уни жуда яқин олиб мурожаат этиш формаси. Элмурод, кампирнинг самимий муомаласини кўриб: — Саломат бўлинг, онажон! — деди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ОНАЛАРЧА** рөш. Оналар каби, оналарга хос меҳрибонлик, шафқат билан. Оналарча йўмоқ || Оналарча гамхўрлик.

**ОНАЛИК** Она мавқен, унга хос хислатлар — хомилдорлик, туғиш, болани тарбиялаш ва шунга боғлиқ она бурчи. **Оналик** ва болаликни ҳимоя қилиш. **Оналик муҳаббатни** оналик ҳисси. — Тўғатдан вужудини қамраган оналик меҳри ғолиб келиб тортеган азоби ҳам эсидан чиқди. П. Турсун, Уқитувчи. **Бу сўздан сўнг Офтоб ойимнинг оналик кўнгли эриб кетган .. эди.** А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОНАХОН I** Онани ёки кекса аёлни севиб, эркалатиб, жуда яқин олиб мурожаат этиш формаси; онагина, онажон.

2 Хотинларга бош кекса аёл. Ўзбек ойимнинг обрўси ёлғиз шулар билангина чекланиб қолмас, уни ўрда хонимлари ҳам эҳтиром қилиб, ўзларининг «онахонлари» деб билар эдилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОНАХОТИН I** Хурматли, қадрли кекса хотин; бошлик, раҳбар аёл. Рўпарамдан келмоқда расмона — онахотин, Намойишлар эгаси салобат билан босиб. Ғ. Ғулом.

2 Сергап, маҳмадона қизчаларга нисбатан айтиладиган сўз.

**ОНАҒАР** сўк. Нафрат, ғазаб, қатиқ койишни ифодалайди.

**ОНГ I I** Кишининг фикрлаш қобилияти; ақл, идрок. Боланинг онгини ўстириш.

2 Одамнинг ёки одамлар гуруҳининг ижтимоий ҳаётни тушуниши, сезиши, унга муносабати. Сиёсий онг. Синфий онг. — Бизнинг мақсадимиз кишиларга онг, тушунча бермоқ; токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажратиб оладиган бўлсин! П. Турсун, Уқитувчи.

3 Филос., психол. Воқеликнинг киши миёсига унинг бутун рухий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши. Онг мяннинг функциясиدير. Модда бирламчи, онг иккиламчидир. | Филос. Белгили бир ижтимоий синф вакили бўлган кишиларнинг психологик, сиёсий ва фалсафий нуқтаи назарлари; диний, бадний қарашлари мажмуи, системаси. Турмуш онгни белгилайди. Ижтимоий онг. Социалистик онг.

**ОНГ II** диал. Ов, илвасин. Жуда мерган эди, қушларнинг, онларнинг додини берган эди. «Равшан».

**ОНГЛИ 1** Онгга эга, ақл-идрокли. Онгли киши. — Ҳар бир онгли ишчи бизнинг улуг ҳақиқатимизнинг ташвиқотчиси бўлиши керак. Ойбек, Нур қидириб.

2 Онг, ақл-идрок билан боғланган, ақл-идрок тақозоси билан қилинадиган. Онгли ҳаёт. | Шундай онг-тушунчага асосланган. *Партия интизоми .. юзаки интизом бўлмасдан, балки онгли интизом бўлиши лозим.* «КПСС Устави».

3 Воқеликни, ижтимоий ҳаётни, ўзининг мавқеи ва тарихий бурчини тўғри тушунадиган, тушунган, онги балинд. — *Мана энди Совет ҳукумати ўқишини осон ва текин қилиб қўйди. Ҳаммаларингизни ўқишга, билим олишга, коммунизм қуриш йўлида онгли курашчилар бўлишга чақирман, — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳўқитувчи.* | Белгилари тушунчага эга, билимли, кўзи очилган, маданиятли. *Тешабой замонасининг беш-олти хотинлик қолақ бойларидан бўлмай, .. онгли бойлардан эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Онгли равишда* 1) онг, ақл-идрок тақозоси билан. Онгли равишда фикр юришмоқ; 2) атайлаб, кўра-била туриб. Онгли равишда қилинган иш.

**ОНГЛИЛИК** онгли с. белги оти. **ОНГСИ 1** Онги, ақл-идроки йўқ; ақлсиз.

2 Тушунчаси йўқ, тушунмаган, онги паст.

**ОНДА-СОНДА** рвш. 1 Баъзи-баъзида, гоҳо. *Одамлар тарқала бошлади. Онда-сонда арвақлар гижирлаб «пўшт-пўшт» деган тоеуиллар, қичқариқлар эшитилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Қишлоқда турган вақтимда ҳам онда-сонда учрашардик, — деди Раҳимов Тўғрунойга. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.*

2 У ер-бу ерда, унда-мунда, сийрак. *Онда-сонда учраган катта кесакларни кетмон .. билан бир ур-да, кетавер!* А. Қодирий, Обид кетмон. Қўриқни кўм-кўк ўт қоплаб ётган бўлса ҳам мол кам, онда-сонда битта-иккита сизир, қўй кўринар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ОНИЙ** [а] (о — чўйиқ) Жуда қисқа вақт давом этган, бир он, бир лахза. *Оний ўзгариш.* — Ҳамманинг юзида оний бир фалокат зарбини тортганларнинг ҳаяжон ва ташвишини кўрди. Ойбек, Навоий.

**ОНКОЛОГ** [р] Онкология мутахассиси, врач.

**ОНКОЛОГИК** [р онкологический] Онкологияга оид. *Онкологик диспансер.*

**ОНКОЛОГИЯ** [р<грек] Медицинанинг киши баданидаги ишлар ва уларни даволаш ҳақидаги бўлими.

**ОНТ** Муқаддас нарсалар ёки кимсаларни оғизга олиб берилган қатъий ваъда; қасам. *Онт ичмоқ.* — Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйнинга олсанг, онт билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОНТАРИЛМОҚ** онтармоқ фл. мажх.

н.

**ОНТАРМОҚ** диал. Афдармоқ, тўнтармоқ.

**ОНТАР-ТЎНТАР** диал. Афдар-тўнтар. **ОНТХҲҮР** Бўлар-бўлмасга қасам ичаверадиган, аммо қасамнинг устидан чиқмайдиган; бебурд. *Онтхўр одам.*

**ОПА 1** Бир ота-онадан туғилган фарзандлар ичидан ўздан кичикларга (укаларга, сингилларга) нисбатан катта қиз. *Опаси эрга текканда Адолат ўн бир яшар қиз эди. А. Қаҳҳор, Қизлар.*

2 Ўздан катта, баъзан кичик аёлларга ҳурмат юзасидан уларнинг исмига қўшиб ишлатилади, мас. *Мастура опа, Малика опа.*

3 Ўздан катта, баъзан кичик аёлларга ҳурмат билан мурожаат қилиш формаси. *Сўхбатда Мастоннинг салмоғи тобора ортомқда эди. Илгары «синглим» деб турган йигитлар сал ўтмай «опа» дейдиган бўлишди. А. Қаҳҳор, Мастон.*

**ОПАЛА(Р)** миф. Гуё хотин қиёфасида кўринадиган ажиналар. **Опала(р)** тегибди с. т. жин урибди, ажина чалибди.

**ОПА-СИНГИЛ** Бир ота-онанинг турли ёшдаги қизлари (бир-бирига нисбатан). *Улар опа-сингил.* — *Мастура Насимжоннинг ёш хотини билан опа-сингил тутиниб, у бойқичини шундай аврайди. Ойбек, О. в. шабадалар.* **ОПА-УКА 1** Бир ота-онанинг ёши катта қизи билан ёши кичик ўғли (бир-бирига нисбатан).

2 с. т. Опа-сингил. *Менинг хотиним онанг билан опа-ука бўлади. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ОПЕРА** [р<лат] 1 Музикали йирик драматик сахна асари. «Гулсара» операси. | Шундай асарнинг театрда ижро этилиши.

2 Шундай асар ижро этиладиган театр. *Бугун операда «Майсарани иши» қўйилади. Ўзбек давлат опера ва балет театри.*

**ОПЕРАТИВ** [р оперативный] 1 Ҳарбий операцияга оид, ҳарбий операция билан боғли бўлган. *Оператив карта. Оператив маълумот.*

2 Топшириқни ёки ўз вазифасини тез ва амалий ҳал этадиган, бажарадиган. *Оператив группа. Милиция бўлимининг оператив вакили.*

3 Тезлик билан амалга ошириладиган, қўлланиладиган. *Оператив чоралар. || Оператив ишламоқ. Масалани оператив ҳал қилмоқ.*

**ОПЕРАТИВЛИК** оператив с. белги оти. *Оперативлик кўрсатмоқ. Оперативлик билан иш қилмоқ.*

**ОПЕРАТОР** [р<лат] 1 махс. Мураккаб механизмларни бошқарувчи ёки бирор ишлаб чиқариш корхонасида ишнинг боришини идора қилиб турувчи ва унга жавобгар шахс.

2 Кинофильмни суратга олувчи. *Фильм оператори.*

**ОПЕРАЦИЯ** [р<лат] 1 Баъзи касалликларни даволаш мақсадида касалланган жойни хирургия йўли би-

лан ёриш, кесиб, тикиш. *Қўз операцияси. Аппендицит операцияси. Операция столи. Операция куроллари. Операция қилмоқ.*

2 Бирор мақсадни кўзлаб ёки бирор вазифани бажариш учун олиб бориладиган жанг ҳаракатлари мажмуи. *Жанговар операция. Операция картаси.* — [Дилбар:] *Босмачилар билан олиша-олиша операциядан кечагина қайтиб келди, бугун яна жўнаб кетади. К. Яшин, Тор-мор. Ҳар кун активе операциялар олиб борилади: Варшава йўлига пистирмалар қўйилди, миналар кўмилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 Савдо, молия, почта каби ташкилотларда маълум бир мақсадда қилинадиган тугал бир иш ёки муомала. *Банк операциялари.*

4 Техноложик процесснинг бир иш жойида бажариладиган тугал бир қисми. *Деталга сайқал бериш операцияси. Битта трансформатор ишлаб чиқариш учун қанчадан-қанча операция бажарилади.*

**ОПЕРЕТТА** [р<итал] 1 Ашуда, рақс ва сўзлашув аралаш комедия характеридаги музикали сахна асари. | Шундай асарнинг театрда ижро этилиши.

2 Шундай асар ижро этиладиган театр. *Опереттага бормоқ.*

**ОПИЙ** [р<грек] айн. афюн.

**ОПИУМ** [р<грек] айн афюн.

**ОПИЧЛАМОҚ** айн. опичмоқ 1. Мен нима қилибманки, колхозни опичлаб катта қилган одамлар қатори «Қўшчинор»нинг хўжайини бўлман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Тишда тишлаб, орқада опичлаб** кўз қорачигидай сақлаб, ардоқлаб. *Мен бу болани тишимда тишлаб, орқада опичлаб катта қилганман.*

**ОПИЧМОҚ 1** Қимсани орқасига миндириб кўтармоқ, кўтариб юрмоқ. *Болани опичмоқ.* — *Азар дунёнинг нариги бурчаида сизни опичиб боришга тўғри келса, мен суюна-суюна бажарардим.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Қимсанинг орқасига минмоқ, миниб ёпишиб бормоқ. — *Тулқинбой, — деди Ғани ота .. елкасини болага тўтиб, — қани опичиб олинг. саройга тушамиз. Х. Ғуллом, Машъал. [Катя ярадорга:] Қани, азамат, менга опич, мардона ишинг бу ерда тугади. В. Ғофуров, Вафодор.*

**ОПИЧТИРМОҚ** опичмоқ 1 фл. орт. н. Қудрат Сороқиннинг ярасини тез-тез боғлаб, кейин авайлаб опичтирди-да, автоматнинг қайишидан тишлаб олиб ўрмонга қараб илдам юриб кетди. 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ОПИЧКИЛАМОҚ** кам. қўлл. айн. опичмоқ. [Эъзозхон] *Тулқинни опичқилаб, Учқунни қўлига кўтариб олиб базўр қадам ташлаб бораётибди. Х. Ғуллом, Машъал.*

**ОПОЙИ** с. т. Опогойи.

**ОП-ОЧИҚ** айн. оппа-очик. Аёзий ўз шеърини шундай муболага билан мақтар эдики, шеърининг оп-очик ну-

қонларини ҳам танқид этмоққа киши илож тополмай қоларди. Ойбек, Назвсий.

**ОПОҚ** (оппоқ с. қисқарган ф.) 1 бол. Тоға, яхши. **Опоқ бўлиб қолдингми?** яхши бўлиб, тузалиб қолдингми? 2 Дада, буви, ойи каби қариндошлик билдирувчи сўзларга қўшилиб, «катта» сўзи ўрнида келади ёки хурмат ифодалайди. **Опоқ буви. Опоқ дада. Опоқ ойи.** — Бизнинг шахримизда чет элни кўрган, қандайдир бир чет тилни билган битта одам бор. У ҳам бўлса Ҳожи бува — Душаннинг опоқ дадаси. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ОПОҚИ** с. т. Опоғойи.  
**ОПОҒОЙИ** Ёши катта аёлларга хурмат билан мурожаатда ишлатиладиган сўз.

**ОППА-ОЙДИН** ойдин 1, 2 с. инт. *Оппа-ойдин кеча. Оппа-ойдин масала.*

**ОППА-ОСОҢ** осон с. инт. *Оппа-осон иш.* — Қўнғил деган нозик нарса. Уни ром қилмиш қийин, аммо қайтарыш оппа-осон. С. Анорбоев, Оқсой.

**ОППА-ОЧИҚ** очик с. инт. кам қўлл. айн. **очикдан-очик.** Бек.. Лаълининг қўйинини шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб келатганини оппа-очик айтди-қўйди. Ҳ. Ғулום, Маштал.

**ОППОЗИЦИОН** [p оппозиционный] Оппозицияга оид, оппозициядан иборат бўлган, оппозиция руҳидаги. **Оппозицион ҳаракат. Оппозицион блок. Оппозицион партия.**

**ОППОЗИЦИЯ** [p<лат] 1 Қарама-қарши ҳаракат; ихтилоф; ўз дунё-қарашини, сиёсатини бошқаларнинг қарашларига, сиёсатига қарши қўйиш. 2 Ҳукмрон партия ёки ҳукумат сиёсатига қарши чиқувчи партия ва гуруҳларнинг умумий номи; буржуа давлатларида — шу партияларнинг парламент фракциялари.

**ОППОЗИЦИЯЧИ** Оппозиция қатнашчиси, тарафдори. *Ўнг оппозициячилар.* || *Оппозициячи гуруҳ.*

**ОППОНЕНТ** [p<лат] Очик суҳбат ёки диспутда эътироз билдириб гапирувчи шахс. **Расмий оппонент** диссертация химоясида чиқиб гапириш учун олдиндан белгилаб қўйилган шахс.

**ОППОН-СОППОН:** оппон-соппон бўлмоқ тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ. *У ҳамма ёқ оппон-соппон бўлганда келди.* — Катта уруш оппон-соппон бўлиб, йиғитлар қайта бошладди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ОППОРТУНИЗМ** [p<лат] Ишчилар ҳаракатида: пролетариат синфи манфаатларини буржуазия манфаатига бўйсундиришга интилувчи, буржуазия билан келишувчилик, ҳамкорлик қилишга, синфий кураш, социалистик революция ва пролетариат диктатурасидан воз кечишга даъват қилувчи сиёсий оқим.

**ОППОРТУНИСТ** [p] Оппортунизм тарафдори; оппортунизм сиёсатини амалга оширувчи шахс.

**ОППОРТУНИСТИК** [p оппортунис-

тический] Оппортунизмга оид, оппортунизм руҳидаги, оппортунизм сиёсатини юргизувчи. **Оппортунистик гуруҳна. Оппортунистик назария.**

**ОППОРТУНИСТИК** 1 оппортунист с. маъ. от. *Оппортунистик қилмоқ. 2 айн. оппортунизм.*

**ОПНОҚ** оқ с. инт. *Оппоқ қор. Оппоқ ойдин.* — **Йиғит чаноқлардан тошиб чиққан оппоқ пахталарни кўрди-ю ўзининг ҳам ёш чеҳраси шу чаноқлардай очилиб кетди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Оппоғим ўз бодасини эркалатиш формаси. Кўнғиз бодасини оппоғим дейди, кирпи бодасини қишлоғим дейди.** Мақол. **Оппоқ болам, оппоқ қизим айн. оппоғим. Оппоқ қиз** ҳар қандай кизга эркалатиб мурожаат этиш формаси.

**ОПТИК** [p] 1 Оптика мутахассиси. 2 Оптик асбоблар тайёрловчи уста.

**ОПТИК** [p<оптический] 1 Оптика ходисаларига оид. *Оптик кузатишлар.* 2 Оптикага оид, оптика билан боғли. *Оптик асбоблар.*

**ОПТИКА** [p<грек] 1 Физиканинг ёруғлик ва унинг хусусият ва қонуниятлари ҳақидаги бўлими.

2 Ёруғлиkning акс этиш ва синиш қонунарига асосланган асбоб-ускуналар. *Оптика магазини.*

**ОПТИМАЛ** [p оптимальный <лат] Энг мувофиқ, энг яхши, энг қулай. *Чигит экинининг оптимал муддати. Қурт боқшининг оптимал режими.* — **Тананинг оптимал температураси нерв системасининг фаолияти туфайли вужудда келтирилади.** Э. Махмудов, Терлаш ва унинг аҳамияти.

**ОПТИМИЗМ** [p<лат] Келажакка ва умуман ҳар ишга ишонч билан қараш; ҳар бир нарсанинг яхши ва порлоқ томонини кўришга мойиллик. **Бизнинг дунёқарашимиз ҳаётбахш оптимизм билан сугорилган.** «С. Ўзбекистон». 1967, 19 апрель.

**ОПТИМИСТ** [p] Оптимизм руҳи билан сугорилган, ҳар нарсага, ҳаётга комил ишонч билан қаровчи, ундан завқланувчи киши.

**ОПТИМИСТИК** [p оптимистический] Оптимизм руҳи билан сугорилган, ҳар нарсага, ҳаётга комил ишонч билан қарайдиган, қувноқ, кўтаринки руҳдаги. **Оптимистик кайфият. Ҳаётга оптимистик кўз билан қарамоқ.**

**ОПТИМИСТИК** 1 оптимист с. белги оти.

2 айн. **ОПТИМИЗМ.**  
**ОПТОВА** [p<т] диал. Области. *Анорхон кампирни суяб турғизди, қучоқлаб сўрдан настега тўшириб, оптовада сув келтириб берди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ОР** [a] 1 Ўзига ноумосиб ёки эп қўрилмаган ишдан, нарсадан ҳижолат тортиш, уялиш туйғуси; уят, номус. **Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.** Мақол. **Ор билимоқ** ўзига эп кўрмаслик. **Мирзаасимбой билан пул юзасидан хириллашини, ёқа бўғишини [Йўлчи] ўзига ор билди.** Ойбек, Қут-

луг қон. **Ори келди уялди, номус қилди.** — **Йўқ, тоға, ўрганиб олдим.** — **деди укувезилиқидан ори келган Қўзйбой.** Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Ор қилмоқ (ёки этмоқ)** уялмоқ, номус қилмоқ, ўзига эп кўрмаслик. [Рағно:] **Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайсиёна жунунидин.** А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Обрў, факр. **Нори борнинг ори бор.** Мақол. — **Сен менинг чин ёрмисан. Дилда йўғу боримсан, Ҳам номусу оримсан. Ой бориб, омон келгил.** Т. Тўла.

**ОРА** 1 1 Икки нарса ёки нуқта ўртасидаги масофа. *Москва билан Тошкент ораси 3500 километр. Қолонийда машиналар ораси.* — **Ора узоқ, қарийб бир километрга келар эди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Нарсалар ўртасидаги жой, бўшлиқ, майдон. *Ўза қаторлари орасини юмшатини.* — **Сени унда, мени мунда яратди. Орамизда оқар даре яратди.** «Фольклор». **Супаларнинг оралирига, атрофиға анвои .. гуллар экилган.** А. Қаҳҳор, Асрор бобо. | Нарсаларнинг бир-бирига туташган жойи, ўртаси. **Этаги вишик орасига қисилиб қолди.** — **Саман оптиқ қамчисини буклаб, пиёзи чакмонининг ёқаси билан гардан орасига қистирди-да, отини қистаб деворга яқинлашди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тирноқ орасидан кир қидирмоқ қ. тирноқ.** | Нарсаларнинг ичи, ўртаси. **Беда ораси жуда иссиқ, гўё қўённинг бутун олови беда ичига яширингандай.** Ойбек, Қутлуг қон. | Нарсаларнинг ўртасидаги бўшлиқ; очик ёки тешик жой. *Булутлар орасидан ойнинг бир парча кумуши кўришиб қолди.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Қатор, саф; тўда, давра. **Орамизда ҳар хил одамлар бор. Орамиздан яқин дўстимиз кетди.** — **Буни ҳайданг, .. орадан жўралар! Яна ёлғонлар ила кўп Сизни сарсон қиладир. Ҳамза. Қўшин Тошкентга етган баъдида бизлар ташқаридан ва сизлар ичкаридан бўлиб Мусулмонкулни орадан кўтаргаймиз.** А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Икки воқеа, ходиса ёки пайт ўртасида ўтган, ўтадиган вақт, фурсат. **Меҳмонлар жўнаб, орадан сал вақт ўтмай Асрорқул келди.** А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Орадан тўққиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришиди.** А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. **Кун ора кун оша, икки кунда бир.** **Бу (ёки шу) орада** 1) шу вақт ичига, маълум вақтдан бошлаб ўтган вақт давомида. *Йккала хатада ҳам тезда жавоб кела бермади. Бу орада жанглар бўлиб, Мирзаевнинг қисми — гвардиячи қисм, ўзи гвардиячи сержант бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўк конверт; 2) бу (шу) ўртада, бу (шу) жойларда, яқин атрофда. — **Бу орада Ҳомид нима қилиб юрибдир, ўзига тузуккина бой киши эмасми эди?** — **деди Офтоб ойим.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тез орада қ. тез 1. Яқин орада** 1) яқин вақт ичига, яқин кунлар ичи шу куяларда. **Агар яқин орада ҳа-**

во очилмай сурункасига ёмғир ёғиб берса нима қиламиз? Н. Сафаров, Хадича Аҳророва; 2) бу (шу) ўртада, яқин атрофда. Яқин орадаги обжувоз пойқўшиқининг зарби ерни силкитиб тўлқин берар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа. Ҳокимлар билан ора-миз ҳам ёмон, ҳам яхши. Айний, Жаллодлар.— Ҳалиги гаплар ёлғонми! Орада ҳеч нарса .. бўлган эмасми? — сўради юмшоқлиниб она. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ора очик** 1) ўзаро ҳисоб-китоб тугади. [Бой Гофирга:] Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор. Шуларни пулга чақиб орани очик қилиб қўйсак деган эдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи; 2) орада юз берган англашилмовчилик ёки нохушлик тугади, икки томон баравар бўлди.— Сен хато қилган бўлсанг, мен ҳам хато қилдим, ора очик,— деди Тўлғадан қистаб келаятган қулгидан лаби пирпираб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Орага суқилмоқ** бошқаларнинг гапига, сухбатига ёки ишига оралашмоқ. Дув орага суқилибди Неча даллол: «Барака де, барака де, Сен сот, сен ол!» Ғ. Ғуллом. **Орага тушмоқ** (ёки кирмоқ) ўзаро мунозара қилаётган, тортишаётган ёки уришаётган кишилар орасидаги ихтилофни бартараф қилиш учун уринмоқ. Эр-хотиннинг орасига эси кетган тушибди. Мақол. — Эр-хотиннинг орасига тушган киши баъзан ўша тобда, аксари кейинчалик сўкиши эшитлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Орага одам** (ёки киши) қўймоқ икки томонни битиштириш, улар ўртасидаги иш ҳақида келишиш учун учинчи бир шахсни воситачи қилиб юбормоқ. Мендан ўзи хафа бўлган бўлса, орага киши қўйса ҳам бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Орада** (ёки орага) қора тиканақ бўлмоқ айн. тикан бўлмоқ қ. тикан. **Орада(н)** гап ўтди (ёки қочди) икки томон ўртасида нохуш, бир-бирига қаттиқ тегадиган, айил ботадиган гап бўлди. Сиз пайқамасиз .. «Орада жиндай гап қочди». А. Қаҳҳор, Миллатчилар. **Оралардан қил** (ҳам) ўтмайди қ. қил. **Ора(ни)** бузмоқ кишилар ўртасидаги алоқани, муносабатни ёмонлаштирмақ, ўртага адоват солмоқ, дўстни душманга айлантirmoқ. — **Бинойидек бош қўшиб турган икки элатнинг ораси яна бузилди-қўйди.** А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

6 3-ш. эгаллик ва ў.п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида ишлатилади (қ. **орасида**).

**ОРА** II: **ора ойн** қамария йил ҳисобидаги шаввол ва зулҳижжа оралигадаги ой; зулқарда.

**ОРАБУЗАР** Кишилар орасидаги муносабатни бузувчи, кишиларни бир-бирга ёмонлаб улар ўртасида ихтилоф туғдиришга уринувчи.

**ОРАЗ** [а] *позт.* Чирвойил юз, бет, чехра; жамол. *Оразинги, эй маҳваш, боғ аро намоён қил.* Муқимий. *Яш-*

намоқда оразинг гулзори доим навбахор, Суҳбатинг бўлса муяссар кимга, бўлғай бахтиёр. Ҳабийбий.

**ОРАЛАМОҚ** I Ўртасидан, ичидан юрмоқ, ўтмоқ; кезмоқ. Аҳмаджон.. немислар буталарни оралаб юз эллик метрча яқин келганда устама-уст икки сидра ўқ ёғдирди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қўшиқ оралайди оролма-орол.* Асрлар уйқусин бузиб уйғотиб. Т. Тула.

2 Яшириниб кирмоқ, пайдо бўлмоқ, доримоқ. Қишлоққа бўрилар оралаб қолди. | Суқилиб кирмоқ. [Домла:] Жўрабой, кўнглингизга шайтон оралаб қолибди, калима келтиринг. И. Султон, Бургутнинг парнози. | Аралашмоқ. [Ботиржон:] Қоҳоз рўзғорига ҳаром қўл оралаганини сезиб, қараб туролмадим. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

3 Битта-ярим тушмоқ, ора-сира пайдо бўлмоқ. Қори битта-иккита оқ оралаган чўққи соқолининг учини ушлаб илжайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | Икки орада, киниялар ўртасида пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. [Оноғойи:] Зайнаб сиқилмасмикин, икки рўзга совуқчилик ораламасмикин, деб қўрқади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Кун оралаб** кун оша, орадан бир кун ўтказиб, кун ора. Баъзан ҳар кун, баъзан кун оралаб кечкурун Унсинни кўргали [Йўлчи] Шокир отаникка келди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Ой оралаб** орадан бир ой ўтказиб, бир ой оша. *Журнал ой оралаб чиқади.*

**ОРАЛАТМОҚ** I **ораламоқ** I, 2 *фл. орт. н.*

2 Қатордаги киши ёки нарсалардан бирини қолдириб ўтмоқ. *Ғўзани оралатиб суғормоқ.* — *Ҳа деб менга бераверасанларми, оралатиб Жаннат опамга ҳам бериб қўй, ха-ха-ха!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ **Кун оралатиб айн.** кун оралаб қ. ораламоқ. *Кун оралатиб келиб турмоқ.*

**ОРАЛИК** I Нарсалар ўртасидаги жой, масофа. *Тоғ оралиғи.* — *Студентлар ётоқхонаси. Қичикроқ хонада икки каравот, оралиқда тумбочка.* М. Бобоев, Ғўзаллик истаб. *Ҳалиги отлиқ яна кўринди. Оралиқ тобора қисқара борди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Оралиқ шестерня тех.** икки шестерня ўртасида жойлашган учинчи шестерня.

2 Икки пайт, момент ўртасидаги вақт. *Кичик вақт оралиғи.*

**ОРАНГУТАНГ** [р<малайча] Одамсимон маймунларнинг бир тури.

**ОРАНЖЕРЕЯ** [р<фр.] Ўсимликларни қишлатиш, совуқдан сақлаш, қишда ҳам ўстириш учун қилинган ойнавон иссиқ бино.

**ОРАСИДА** *қўм. вазифасида* I Ўртасида, ичида. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзига ҳар бир маҳлудга ҳам бор.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қудрат она шу ерлик халқ ишчилари орасида революцион воқеалар*

мазмунини ўз тилида тушунтириб юрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Давомида, мобайнида. *Бу кунги беш дақиқа орасида бўлиб ўтган воқеани [Отабек] ҳеч бир йўсин билан миясига сиқдира олмас .. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Вақт шом билан хуфтон орасида эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Ўртасида, чегарасида. *Меҳмонларнинг аксари ўрта ёшли — ўттиз-қирқ орасидаги одамлар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Ичида. Қий-чув орасида заиф йиғи товуши ҳам келиб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Отабек Қумушга:] *Бу телбаларча мактуббингизни иситма орасида ёзганга ўхшайсиз.* А. Қодирий, Ўтган Кунлар. | *Ўртасида (қисқашда). Товуқ билан одам орасида қанча фарқ бўлса, бу икки жониворнинг муҳаббатини орасида ҳам шунча фарқ бор.* А. Қаҳҳор, Мاستон.

**ОРА-СИРА** *рош* I Гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида. *Турналар мулоғим овозлари билан болаларнигина эмас, катталарни ҳам ора-сира осмонга қарашга мажбур қилади.* П. Турсун, Уқитувчи. *У [Ғулумжон] томоғини ора-сира қириб, энтиқиб туриб гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Унда-мунда, у ер-бу ерда. *Анвар машиналарнинг ишини кўриб қувониб кетди. Бироқ ора-сира ғалтақлар ҳам, замбиллар ҳам кўриниб қоларди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ОРАСТА** [ф-т] Оро берилган, ясалган, безатилган; батариб. *Ҳамма ёқни ораста қилмоқ.* — *Йўлдошалининг кичкина меҳмонхонаси шинам, тоқчада турли китоблар ораста.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ОРАТОР** [р<лат] Нутқ сўзловчи, но-тик.

**ОРАТОРИЯ** [р<итал] Умумий хор, яқка ашулачи ва симфоник оркестр учун ёзилган драматик сюжетли йнрик музыка сари.

**ОРАТОРЛИК** *оратор с. белги оти.* *Ораторлик санъати.*

**ОРА-ЧОРА** *айн. ора-сира.*

**ОРБИТА** [р<лат] *астр.* Осмон жисмининг фазода бошқа бир жисмининг тортиш қуввати таъсирида қиладиган ҳаракат йўли (мас., Ернинг Қуёш атрофидаги йўли ер орбитаси дейилди). *Ракетанинг сўнги босқичи автоматик планеталарга станцияни йўл-жалдаги орбитага олиб чиқди.*

**ОРБИТАЛ** [р орбитальный], Орбитага оид, орбитага тегишли; орбитадаги. *Ер сунъий йўлдошининг орбитал ҳаракати.* Қосмик орбитал станция.

**ОРҒАН** [р<грек] I Одам, ҳайвон, ўсимлик ва умуман жонли организмларнинг маълум бир функцияни bajaradigan қисми; аъзо. *Сезги органлари. Эшитиш органи.*

2 Бирор бошқарма системаси составига кирувчи муассаса, ташкилот. *Партия ва совет органлари. Қонун чиқарувчи орган. Суд органлари. СССР*



**Олий Совети — СССР давлат ҳокимиятининг энг юқори органидир.** — Партиянинг қўйи органларидан тортиб, юқори органларигача барча раҳбарлик органлари сайланиб қўйилади. «КПСС Устави».

3 Бирор партия, ташкилот ёки муассаса томонидан нашр қилинадиган ва шу ташкилотнинг қарашларини ақс эттирадиган вақтли матбуот. «Шарқ юлдузи» журнали — Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органидир.

4 тех. Механизм ва машиналарнинг маълум вазифани бажарадиган мураккаб мустақил қисми. Тракторнинг бошқариш органи.

**ОРГАН** [p<грек] Катта-кичик турбаларига дам билан етказиб бериб туриладиган ҳаво туфайли чалинадиган клавишли катта музика асбоби.

**ОРГАНИЗМ** [p<лат] Ҳар қандай тирик мавжудот. Соғлом организм.

**ОРГАНИК** [p] Органик химия муҳассиси, олим.

**ОРГАНИК I** [p органический] I Организмга, жонли мавжудотга оид, тирик мавжудотлар билан боғлиқ бўлган; тирик, жонли. Органик дунёнинг тарққиёт қонунлари.

2 Ҳайвон ёки ўсимликларнинг чиришидан ҳосил бўлган; тирик организмлар маҳсулидан олинган. Органик модда. Органик ўғитлар.

◆ Органик химия химиянинг углевод, бирикмаларини ўрганувчи бўлими.

**ОРГАНИК II** [p органический] айн. узвий 2. Органик равишда боғланган масалалар.

**ОРГАНИСТ** [p] Орган чалувчи музикачи.

**ОРДЕН I** [p<лат] Ҳарбий ёки гражданик бурчини намунали бажарганлик учун бериладиган турли даража ва номдаги нишон. Ленин ордени. Меҳнат Қизил Байроқ ордени. «Қаҳрамон она» ордени. Орден билан мукофотламоқ.

**ОРДЕН II** [p<лат] Католик монахлар ташкилоти.

**ОРДЕНДОР** [p+ф-т] айн. орденли.

**ОРДЕНЛИ** Орден олган, орден билан мукофотланган. Қизил Байроқ орденли ўқитувчи.

**ОРДЕР** [p<фр] Бирор нарсани олиш, бериш, бирор ишни бажариш ҳақида берилган ижозат қоғози, буйруқ вақақаси. Қавартира (олиш) учун берилган ордер. Тўлов ордери. Қасса ордери. Ордер бланкаси.

**ОРДИНАРЕЦ** [p<фр.] ҳарб. Командир ёки штаб ҳузурида ҳар хил топширилган бажарувчи ҳарбий хизматчи. Тўлават урушида ... қайси бир генералга ординарец бўлган экан. С. Анорбоев, Оқсой.

**ОРДИНАТА** [p<лат] мат. Фазодаги нуқтанинг вазиятини аниқловчи уч координатадан бири.

**ОРДИНАТОР** [p<лат] Шифохоналарда (касалхона, клиника ва ш. к.да) тадқиқот ва даволаш ишнни бажарувчи,

одатда айрим бир палатага қараб турувчи врач.

**ОРДИНАТУРА** [p<лат] мед. I Ординатор иши, вазифаси; ординаторлик. 2 Амалий медицина аспирантурасининг бир тури. Клиника ординатураси.

**ОРДОНА** Эгасиз қолган, эгаси ўлган; сабил. Ордона кетмонни узат! Ордона қолгур (қолсин)! (қарғ.). — Ҳа, ордона, менинг айтганларим у ёқда қолиб, ўзингизнинг дардингизда юрган экансиз-да! Х. Назир, Ўтлар тугашганда. — Қуриб кетсин! — деди у [жувон] ийғламсираб. — Уқшинг бошингдан ордона қолсин, Мастон! А. Қаххор, Мастон.

**ОРЗИҚМОҚ** [асли орзу қилмоқ] Каттиқ истамоқ, эришиб, етишиб истаги билан ёнмоқ; интизор, муштоқ бўлмоқ. О, юрак, ёр келмай, орзиқганинг келмай туриб мунча ўртанмасан! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўз номи чақирлишини орзиқиб қутган Холмурод зипиллаб сахна олдига борди. П. Турсун, Уқитувчи.

◆ Юраги (ёки кўнгли) орзиқди юраги дуқиллади, юраги шув этиб кетди (шодлик, кўрқув, хаяжон каби туйғулардан). Балки, муҳаббат шудир? Бўлмаса нега юрагим орзиқди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ОРЗИҚТИРМОҚ** орзиқмоқ фл. орт. н. Юрагини (ёки кўнглини) орзиқтирмоқ юрагини дуқиллатиб юбормоқ, юрагини шувиллатиб юбормоқ (шодлик, кўрқув, хаяжон каби туйғулардан). Бир ёқдан хушхабар гадоллиги юрагини орзиқтирса, иккинчи ёқдан, раддида ваҳми қалбига наштаб бўлиб санчилар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОРЗУ** [ф-т] Дилдаги истак; эзгу умид; интилиш. Орзу қилмоқ. Орзуга етмоқ. Орзуга эришмоқ. Орзуга айб йўқ. Мақол. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу! Мақол. — Қанизак ййчан жавоб берди: — Москвага борсам .. Ленинни кўрсам, деган орзум бор. А. Қаххор, Қўшчинор. Орзуи ушалди қ. ушалмоқ. Бола-чақаларнинг орзусига етинг болаларни ўстириб-ундириб, уйлаб-жойлаб, тўй-томошаларини кўринг, бахтли-саодатли бўлишларига эрининг. [Нусрат хола:] Бола-чақангизнинг орзусини кўринг, оталик қилдингиз. Ойдин, Эр юрак.

**ОРЗУ-АРМОН** Дилдаги орзу ва армонлар. Бирор киши, нима қилмоқчи, қандай орзу-армонларинг бор деб сўрагани, шу ҳам одам-ку, деб гапимга қулоқ солгани йўқ. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ОРЗУ-ИСТАК** айн. орзу-армон. **ОРЗУЛАМОҚ** Орзу қилмоқ, муштоқ бўлмоқ, хаваси келмоқ. Ёқимтой бўл ҳар ерда, Мактаб, кино, лагерда. Ҳар сўзингдан бол томсин, Қўрган орзулаб қолсин. Қ. Муҳаммадий.

**ОРЗУЛИ I** Қўпдан бери орзу қилинган, орзиқиб кутилган; кўнгилдаги. Орзули тўй. — Отабекнинг орзули

келиш олдига кирмаслиги важдан Ўзбек оғим аччиғланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Орзулар билан тўлиб тошган. Орзули дунё.

**ОРЗУМАНД** [ф-т] Орзу қилувчи, истовчи; интизор, муштоқ. У сени бир кўришга орзуманд. — Суҳбатингизга орзуманд эдик, шомманг. Марҳамат қилинг! — дастурхонга ишорат қилди Олимхон. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОРЗУМАНДА** [ф-т] с. т. Орзуманд. [Тўпа хола:] Анорхон сиз билан гаплашгани орзуманда эди. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Урушга орзумандамисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнайверинг, йўл очиқ. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОРЗУ-УМИД** Дилдаги орзу ва умидлар, истақлар. Икки ешнине орзу-умидлари, гоёлари бор. Ойбек, Нур қидириб.

**ОРЗУ-ҲАВАС I** Дилдаги эзгу истак ва ниятлар. [Гулможон] қалбидаги тилак ва истақларни аёвагли кунни дидил айтолмаган бўлса, эртасига ҳаммасини — бутун орзу-ҳавасини, сегои ва сезгисини очиқ айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Орзули катта тўй-томошалар, тантанали маросимлар. Бойларнинг ўзига яраша иши бор, тирикчилиги бор, орзу-ҳаваси бор. Ойбек, Қутлуғ қон. Ҳалии мен айтган ўртоғимнинг ота-оналари .. орзу-ҳавас қидириб, бечора қизларини қаритиб қўйдилар! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Орзу-ҳавас кўрмоқ бола-чақаларини ўстириб-ундириб, уйлаб-жойлаб, барча тўй-маросимларини, қувончларини кўрмоқ. Худого шукур, тўй кўрдим, чимилдиққа кирдим, орзу-ҳавас кўрдим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Биз бурун замонда шунча давлат билан бу хилда орзу-ҳавас кўрган эмасмиз. А. Қаххор, Йиллар.

**ОРЗУ-ҲАВАСЛИ** Дабдабали тўй-маросимларни яхши кўрадиган ва уларни ўтказишга қурби етадиган. Орзу-ҳавасли жойини қидирмасдан қизларини бир кишига бериб қўя қолсалар, албатта бу савдолар йўқ эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОРИГИНАЛ I** [p<лат] Асл нусха; бирор асар ёки нарсанинг бевосита автор ёки ихтирочи томонидан яратилган нусхаси; асли. Мақоланинг оригинали. — [Ҳофиз] асарларининг оригинали билан танишишга ҳам имкон бериш ниятида китоб форс ва ўзбек тилларида нашрга тайёрланди. Ш. Шомухамедов, Ҳофиз.

**ОРИГИНАЛ II** [p оригинальный] Бошқаларга ўхшамайдиган, ўзига хос; ажойиб. Оригинал безаклар. Оригинал конструкция. || Раққосанинг оригинал портрети.

**ОРИЕНТАЦИЯ** [p<фр] I Дунё томонларига (шарқ, ғарб, шимол ва жанубга) нисбатан ўзининг турган жойини, қаердаллигини аниқлаш, белгилаш. Бир жойда туриб горизонт

томонларини топа билиш *ориентация* олиш деб аталади. «География».

2 *кўчма* Ўз фаолиятида бирор кимса, нарса, маслак, йўналиш ва ш. к.га қараб иш тутиш.

**ОРИЕНТИР** [р] Ҳаракат йўналишини, дунё томонларини, ўзи турган жойни аниқлашга ёрдам берадиган, яхши кўришиб турадиган ва қимирламайдиган нарсалар (мас., алоҳида дарахт, бино, тепалик). *Радиооператор афсусга ориентир берар эди.* А. Мухтор, Каноти синган орзу.

**ОРИЙ** I [санскр] Ҳинд-европа халқларининг умумий шартли номи.

**ОРИЙ** II [ф-т] тасд. юкл., эск. кт. Ҳа, шундоқ; рост; албатта, ҳақиқатан. *Орий, мирзам, камина бу бобда мақтанса арзийдур.* М. Осим, Сехрли сўз.

**ОРИФ** [а] I эск. кт. Маърифатли, билимдон, доно.

2 Ориф (эркаклар исми).

**ОРИЯТ** [а] I Ор-номус; иззати нафс. *Ориятинг бўлса, сен ҳам далага чиқ, кучингни кетмонда кўрсат, мен сени мард билай.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Майли, орият йўлида бир жон бўлса тикдик, оғайнилар.* Н. Сафаров, Ўйғониш. **Орият талашмоқ** ор-номус талашмоқ, ўз иззати нафсини ҳимоя қилмоқ, обрўни қўлдан бермаслик, ўз обрўйига доғ туширмаслик учун курашмоқ.

2 Уят, шарм; ор. *Боилар етимчани чўри қилишга ҳам орият қилади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Орияти келди** ор қилди, уялди.

3 *сфт*, эск. Асли ўзиники бўлмаган, бировдан вақтинча сўраб олинган. **Орият тўн.** — Масалан, Саримсоқ, унга ерни ҳуқуқат берган. *Орият ер.* А. Қаххор, Сароб.

**ОРИЯТЛИ** Ор-номусни билладиган, ўз обрўини қадрлайдиган; номусли. *Ориятли одам.*

**ОРИЯТНИШИН** [а+ф-т] кам қўлл. кт. Бировнинг уй-жойида вақтинча истиқомат қилувчи; квартирант. [Маъ-сумхўжа] ҳамма талабаларга, айниқса қашшоқ ва ориятнишинларга ҳурмат аралаш муҳаббат билан салом берар ва меҳрибончилик билан ҳол-аҳвол сўрарди. Айний, Эсдалиқлар.

**ОРИЯТСИЗ** Ор-номусни билмайдиган, ўз обрўини қадрламайдиган; номуссиз, орсиэ. *Ориятсиз одам.*

**ОРИЯТСИЗЛИК** I ориятсиз с. белги оти.

2 Ориятсиз кишиларга хос ҳатти-ҳаракат, қилиқ, иш. *Ориятсизлик қилмоқ.*

**ОРИЯТЧАН** Жуда ҳам ориятли, обрўйига доғ туширмасликка, гард юқтирмасликка қаттиқ тиришувчи; номусли.

**ОРИЯТЧИ** айн. ориятчан.

**ОРИҚ** Баданига эт битмаган; озгин, камгўшг. *Ориқ одам. Ориқ қўй. Ориқ отга чанг юқар.* Мақол. — Пўстақда сўлжайиб ўтирган ориқ боланинг нурсиз кўзлари ҳали ўртадаги

унда эди. М. Исмоилий, Фарғона Т. о.

◆ **Ориқ** ер ўсимликка керакли озик моддалари етишмайдиган, камхосил ер. **ОРИҚЛАМОҚ** Эти қочиб озгин тортмоқ; озмоқ.

**ОРИҚЛАТМОҚ** ориқламоқ фл. орт. н.

**ОРИҚ-ТИРИҚ** Жуда ҳам ориқ, рамақижон. *Биздан сўнг яна учта-тўртта дўкондор кириб келади. Ориқ-тириқ, зиқна, кўпчилиги пасткаш одамлар.* Ойбек, Болалик. *Ем-хашак йўқ, бир пой ҳўкиз ориқ-тириқ.* Ғ. Ғулум.

**ОРКЕСТР** [р<фр] I Музика асарини биргалликда ижро этувчи чолғу асбоблари йиғиндиси ва шу асбобларни чолғувчи музикачилар коллективи. *Духовой оркестр. Торли оркестр. Симфоник оркестр. Оркестр садоси.* — *Миллий чолғу асбоблар оркестри халқ куйларидан ижро этди, қизлар ўйин туйди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қисаси.

2 Театр сахнаси олдида музикачилар учун қилинган махсус жой.

**ОРЛАНМОҚ** Ор-номус қилмоқ, уялмоқ; тортинмоқ, ўзига муносиб кўрмаслик. *Билмаганим сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига зolim.* Мақол. — *Мен шу чоққача,— деди Хушрўй,— бандасида бош эгинини ва бандаси олдида тавба қилишини ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОРЛИ** айн. ориятли. *Орли одам.*

**ОРНАМЕНТ** [р<лат] Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки хайвонлар оламитдан олинган тасвирларни қўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёқли, ўйма ёки чизма нақш, безак.

**ОР-НОМУС** I Ҳижолат тортиш, уялиш туйғуси; уят, ор, номус. *Ор-номуси йўқ одам.*

2 Кишини улуғлайдиган, унга нисбатан ҳурмат туғдирадиган иш, нарса ёки хислат-фазилат; шон-шараф. [Сидик:] *Муҳаббат севгини, ор-номусни товламачи бир савдогара сотди, виждонни латта-путтага айирбош қилди.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**ОР-НОМУСЛИ** Ор ва номуси бор; ориятли, орли. *Ор-номусли одам.* || *Дунёда яхши умр сурдиги, ор-номусли, адалатли яшадиги.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ОРО** [ф-т] кт. I айн. оройиш. **Оро бермоқ** зеб бермоқ, безамоқ; пардозламақ. *Тўлган ойдек, тўлганиб, ул қомати зебо яна, Ўз жамолига бериб пардоз ила оро яна.* Ҳабибий. *Қир бағрига қўйин ёр чўпонлари, Богларига оро берар богбонлари.* Я. Қурбон.

2 Баъзи отларга қўшилиб «безак, безовчи, қизитувчи, шодлик бағишловчи» каби маънолар беради, мас. жаҳоноро, мажлисор, суҳбаторо.

**ОРОЙИШ** [ф-т] кт. Зеб, зийнат, пардоз, оро; чирой. *Яхши либос танга*

*оройиш, яхши йўлош жонга осойиш.* Мақол. *Борисов кийим-бошларини кўздан кечириб, ўзига оройиш берди-да, бигиз бўлиб уфққа санчилиб кетган йўлга қаради.* Шўхрат, Шинелли йиллар. *Қўдратли Советлар Республикаси Яшнаркан тобора топиб оройиш.* Х. Расул.

**ОРОЛ** Атрофи сув билан ўралган қуруқлик. *Сахалин ороли. Қрим ярим ороли.* — *Дала шийони кўм-кўк пахтазор ўртасида оролга ўхшаб туради.* Ш. Рашидов, Бўрдондан кучли.

**ОРОЛАНМОҚ** поэт. Безанмоқ, ясанмоқ; гўзаллашмоқ. *Яхши оролан, безан, э боғлар, мавсум учун.* «Гулистон».

**ОРОМ** [ф-т] Жон-тан роҳати, дам олишдан, тинчликдан, осойишталикдан топиладиган роҳат, хузур. *Ором бермоқ. Ором олмоқ.* — [Наварларнинг] *ҳайқариқ ва сўкинчилари .. бева-бечораларнинг оромини бузар ва чўчитарди.* Ш. Тошматов, Эрк қўши. *Сув жилдираб оқар, унинг салқини кун бўйи иссиқдан пишган қизларга ором бағишларди.* С. Зуннунова, Гулхан.

◆ **Нафси ором олди** нафси қонди. **ОРОМБАХШ** [ф-т] Ором берувчи; роҳат, хузур, осойишталик бағишловчи. *Оромбахши шабада.* — *Эй, қуёшли республикам, сен шарқ маиғали, Оромбахидир кучоқларинг, тотли, наиғали.* Ғайратий.

**ОРОМГОХ** [ф-т] Кишилар дам оладиган, роҳат қиладиган жой.

**ОРОМИЖОН** [ф-т] Жонга, танга ором берадиган, роҳат, хузур бағишлайдиган. *Кечаси ёмғирдан нишон ҳам қолмаган, хушбўй шабада, дилхуш манзара, оромижон табиот.* И. Раҳим. *Ихлос. || Бўлдим йўлингга интизор, Оромижоним, қайдасан? «Кўшиқлар».*

**ОРОМЛАНМОҚ** кам қўлл. Ором олмоқ, тинчланмоқ, роҳат қилмоқ. **ОРОМСИЗ** Оромий йўқ, нотинч, беором. *Оромсиз кунлар.*

**ОРОМСИЗЛИК** Оромини йўқотган кишининг ҳолати; нотинчлик, беоромлик; бетоқатлик. *Шу йўсин оромсизлик ва бесаранжомлик ичида унинг [Отабекнинг] ой-кунлари ўтиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОРОСТА** [ф-т] Саранжом-саришта, тартибли, безатилган. *Уйни ораста қилмоқ.* — *Кўнелим шўлдир, Мурод тепа борайин, Чилвер чўлда жой ораста солайин.* «Алломиш». **Ўзини ораста қилмоқ** 1) ўзига пардоз, зеб бермоқ; ясанмоқ; 2) эск. ўзини бирор ишга тайёрламоқ, шайламоқ.

**ОРСИЗ** Беор, ориятсиз, ори йўқ. **ОРСИЗЛИК** I орсиэ с. белги оти. 2 айн. ориятсиз 2.

**ОРТ** I Қимса ёки нарсанинг юз, бет, олд томонига тескари томон; орқа, кет. *Ортага қарамоқ. Ортага тисариломоқ. Ортада қоломоқ. Ортидан бермоқ. Юк машинанинг ортидаги прицеп.* — *Ёрмат бошини ортага, хотини то-*

монга буриб, ўқрайди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бирор нарсадан нариги томон; нариги, у ёқ. *Девор ортида бир одам бор.*

3 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланилади (қ. ортига, ортида, ортидан).

**ОРТИГА** айн. орқасига.

**ОРТИДА** айн. орқасида. Егани олдида, емагани ортида қ. емоқ.

**ОРТИДАН** айн. орқасидан 3. *Уринбой бир сўзни икки қилмай хайл суриб чиқиб кетди, раис унинг ортидан илжайиб қолди.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

**ОРТИЛМОҚ** 1 ортмоқ II фл. машх. н. *Десант ортилан паром қўзғалганда, Днепр чайқалди.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал. *Бу аризаларда Урмонжонга ортилмаган жиноят қолмаган.* А. Қаххор, Қўшчино.

2 Ҳз огирлигини солиб босмоқ ёки осилмоқ. *Сталга ортилма.*

**ОРТИШМОҚ** ортмоқ II 1, 2 фл. бирг. н. *Йигитлар пахталарни бирпасда машиналарга ортишди.*

**ОРТИҚ** I рви I Белгили миқдордан, меъёрдан зиёд; ошиқ, кўп. *Йигилишга юздан ортиқ киши келди.* — Адолат касалхонада бир ойдан ортиқ ётди. С. Зуннунова, Гулхан. [Элликбоши] *дарроғ зовлини ўз бахосидан анча ортиққа олипти.* А. Қаххор, Қўшчино. **Ортиғи билан** 1) ошиғи билан, ошириб; белгиланган миқдордан ҳам кўпайтириб. *План ортиғи билан бажарилди;* 2) кўп деганда, жуда борса, нари борса. *Бу мақола, ортиғи билан, ўн бет бўлади.*

2 Меъёридан ёки керагидан ошиқ, хаддан ташқари. *Ортиқ даражада қайғурмоқ. Хаддан ортиқ қулмоқ.* — *Ҳар ҳолда Тошкент аҳолиси Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайди!* А. Қодирий, Ҳатман, Ҳатман кунлар.

3 (ч. к. билан, фақат қислашда) Зиёд, яхши, афзал, аъло. *Унинг сендан ортиқ жойи йўқ. Сени жонимдан ортиқ севаман.* Ақлдан ортиқ бойлик йўқ. Мақол. — *Бебахра гуёҳдан яхшидир япроқ, муҳаббатсиз жондан ортиқдир тупроқ.* «Муродхон». || *Тегса арзийдирган йигит. Бундан ортиғини топармидим, дедим, кўнғил қўйдим.* Ойдин, Садаганг бўлай, командир. — *Зулм, хўрланш, ҳақорат шунчалик бўлар, Қоратой ака! Бундан ортиғини каллам сиғдирмайди, — газабдан титраб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Кучли, зўр.* [Холсхон:] *Ҳақиқат: ишқ ўти ортиқ экан дўзах ўтидан — ким, Қуйиб бағрим, кулим кўкларга соғурилганга йиғлайман.* Ҳамза, Холсхон.

4 Бўлиб ўтгандан, кўрилгандан, ке-чирилгандан ташқари, ундан ошиқ. *Ортиқ чора йўқ эди. У, истар-истамас, Гулнордан воз кечди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бу тўғрида [Юсуфбек ҳожи*

*ҳақида] ортиқ баҳс қилинмади ва сўз бошқа хусусларга ўтди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар. [Бадрий:] *Мен бундай ҳақоратга ортиқ чидаммайман!* Э. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

5 Ортиқча, беҳуда, ўринсиз. *Емоннинг бир қилиғи ортиқ.* Мақол. — *Худо ўша қора қўнни ҳам ортиқ кўриб, қаҳрига олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОРТИҚ** II 1 Баданда ёки бирор аъзода бўртиб, ўсиб чиққан жой (кўпинча тугма бўлади). *Унг қоши устидаги кичкина ортиқ ҳам қуруқ қолмади, қоп-қора хол бўлиб, тиниқ юзда «мана мен» деб ўз рассомини кувонтирди.* Ойдин, Қўнғил тўлдими, яхши йигит. *У [Раис] ҳар гал бизниқига келганда ортиғи бор дағал қўллари билан елкамга қоқиб, хафи бўлма, Наби, .. дер эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

2 Ортиқ (эрқақлар исми).

**ОРТИҚЛИК** ортиқ I 1—3 с. белги оти. *Иссиғим ортиқлигидан сув устига сув ичардим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОРТИҚЧА** I Белгили миқдордан ортиқ; кўп. *Ортиқча пул. Ортиқча харажат.*

2 Керагидан, йўл қўйилиши мумкин бўлганидан ортиқ, хаддан зиёд. *Содда одам ортиқча хурсандчиликдан ҳам ўзини йўқотиб қўйса ажаб эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи. || *Эрининг бу сўзига Ўзбек ойим ортиқча қизишади, лаби-лабига тегмай бобиллаб беради.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар. *Бизники [томорқа] нормадан уч хисса ортиқча.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Кераксиз, фойдасиз. *Ортиқча гап.*

— *Қирқилган қулогу теп-текис бўлиб кетган, бу унинг [Қўлмат қорининг] силлиқ калласига шундай ярашганки, соғ қулогу худди ортиқчадай кўринарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳасанали эндиғи ўтиришни ортиқча топиб ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар.

**ОРТИҚЧАЛИК** ортиқча с. белги оти. *Улар .. радио эшитиб қувнаисса, жаҳонда нима кечаётганидан хабар топиб туришса ортиқчалик қиладими?* С. Анорбоев, Оқсой.

**ОРТМАЧОҚЛАМОҚ** диал. Ортмоқламоқ. *Ниёзмурод каттакон хумчани ортмачоқлаб, Бибиғул кетидан Тошқудуқ томон жўнади.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ОРТМОҚ** I 1 Қўпаймоқ, ошмоқ. *Меҳнатдан дўст ортар, гийбатдан — душман.* Мақол.

2 *Кўчма* Кучаймоқ, ошмоқ, ўсмоқ; мустаҳкамланмоқ. *Отабек тўғрисидаги ташвиш боягидан ўн қайта ортган эди.* А. Қодирий, Ҳатман кунлар. *Иссиқ тобора ортар, «ғир» этган шамол йўқ.* Ойбек, Қутлуг қон. | *Кўчма* Устига қўшилмоқ, юкланмоқ. *Саримсоққа яна бир янги вазифа ортди.* А. Қаххор, Сароб. | Устун келмоқ, ошиб тушмоқ. *Уйиничининг санъати дафчиникидан, дафчиники ўйиничини-*

*кидан ортар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ошиб қолмоқ, ортиқча бўлиб қолмоқ. *Бу оти ўн кишига етиб ортади. Харажатлардан беш сўм пул ортди.* | *Етиб ва ошиб қолиб тўпланмоқ. Қалай, ноновойликдан бир нима ортдими?* Ойбек, Қутлуг қон.

4 Маълум бир чегара, миқдор ёки меъёрдан ошмоқ, ўтмоқ. *Уста Баҳромнинг юракбуруғ бўлаганига ўн беш кунчадан ортибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОРТМОҚ** II 1 Юкни транспорт воситасининг устига ёки ичига жойламоқ, юкламоқ. *Машинага кўмир ортмоқ.* — *Уқ дориларни отларга ортиб, қолганларини ўзимиз елкалаб олдик.* И. Раҳим, Чип муҳаббат. *Пахта ортган сон-саноксиз Қарвонлар қатор. Ғайратий.*

2 *Кўчма* Зиммасига юкламоқ, бўйнига қўймоқ, тақмоқ. — *Билсане, — деди Ҳожи, — менинг устимга мундоғ тухмат ортишдан уял, бола!* А. Қодирий, Ҳатман кунлар.

◆ [Бирова] *огирлигини ортмоқ қ. огирлик 3.*

**ОРТМОҚЛАМОҚ** Орқасига олиб кўтармоқ; елкасига ортиб олмоқ. *Хотинлар ҳам, эрқақлар ҳам болаларини ортмоқлаган, йўлга тушишга тайёр.* С. Нуров, Дурдона.

**ОРТОПЕДИЯ** [р<ерек] Медицинанинг қўл, оёқ ва умуртқа поғонасининг нотўғри ўсиши туфайли танада рўй берадиган нуқсонларни ўрганиш ва уларни даволаш билан шуғулланадиган бўлими.

**ОРТТИРИЛМОҚ** I орттирмоқ I фл. машх. н. *Бу соҳада анча тажриба орттирилди.*

**ОРТТИРИЛМОҚ** II орттирмоқ II фл. машх. н. *Юк вагонларга орттирилди.*

**ОРТТИРМА:** сифатларнинг орттирма даражаси грам. белгининг бошқа предметлардагига нисбатан ортиқ эканлигини билдирувчи сифат формаси, мас. *Энг яхши китоб. Фёсларнинг орттирма нисбати грам.* ишнинг бирор восита ёки бошқа шахс орқали бажарилишни билдирадиган формалари, мас. *ёз-дирмоқ, ўқитмоқ.*

**ОРТТИРМОҚ** I 1 ортмоқ I 1—3 фл. орт. н. *Ихлосни орттирмоқ. Кувончини орттирмоқ. Шубҳани орттирмоқ.* — [Раис:] *Гўё кўринишида иш қиласиз, ҳақиқатда бошқаларга иш орттирасиз.* Н. Сафаров, Халича Ахророва. *У [Саодатхон] устаси Александр Михайловичнинг кўрсатмаларини кўн-гилдагидан кўра ҳам орттириб бажарар .. эди.* Н. Сафаров, Уйғонниш.

2 Тежаб-тергаб, иқтисод қилиб кўпайтирмоқ, оз-оздан йиғиб тўпламоқ. *Бир қанча танга орттириб қола билса, рўзғорга харжлайди.* Ойбек, Қутлуг қон. [Али] *ўзининг бахтсизлигидан, топганини рўзгордан орттиролмай, шу кунгача уйланолмай келишидан*

ҳасрат қилиб кетди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Топмоқ, эришмоқ, ҳосил қилмоқ; қозонмоқ, Обрӯ орттирмоқ, Хунар орттирмоқ, | Тўплатмоқ, топмоқ; эғалламоқ. Боисжон Эрашев Совет Армияси сафида хизмат қила бошлаган йилининг дастлабки ойидаёқ, янги ихтисос орттириб олди. Н. Сафаров, Янги ер.

**ОРТТИРМОҚ II** ортмоқ II фл. орт. н. Вагонларга юк орттирмоқ.

**ОРТҚИ** Кейинги, орқадаги. Ортқи айилнинг боғанини эгаси эмас, от билар. Мақол.

**ОРФОГРАФИК** [р орфографический] Орфографияга, имлога оид, тўғри ёзиш қоидалари билан боғлиқ бўлган, шунга хизмат қиладиган. Орфографик луғат. Орфографик хатолар.

**ОРФОГРАФИЯ** [р <грек] Сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар; имло. Узбек орфографияси. Орфография қоидалари.

**ОРФОЭПИК** [р орфоэпический] Орфоэпияга, талаффузга доир, тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ бўлган, шунга хизмат қиладиган. Орфоэпик луғат.

**ОРФОЭПИЯ** [р <грек] Сўзларни тўғри талаффуз қилиш ҳақидаги қоидалар; тўғри талаффуз.

**ОРҚА I** Гавданинг қоринга нисбатан терс томони, бўйнидан думғазагача бўлган қисми. Қўлни орқасига қилиб юрмоқ. — Мингебоши ерда ғужанак бўлиб ётган Матқовулнинг орқасига қамчини шилп эткизиб туширди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Саудий эшикка орқасини бериб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Нарсаларнинг терс ёқдаги қисми, юз, бет, олд томонига тескари томони, тескариси. Суратнинг орқаси. Тешанинг орқаси. — Самандаров чироқнинг пилегини кўтарди, қаламнинг орқаси билан столни қоқиб ғовурни босди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Она шу сўзларни айтиб, ўтирган еридан кафтларининг орқасини ерга тираб турди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Нарса ёки кимсанинг юз, бет олд томонига қарши томон; орт. Орқага қарамоқ. — Шу онда орқасидан гуриллаб автомобиль келиб қолди. А. Қаҳҳор, Қаработ. Йўлдош орқадан аста келиб, Элмуроднинг кўзини икки қўли билан бекитди. Шухрат, Шинелли йиллар. || Уйнинг орқа девори. Велосипеднинг орқа ғилдирағи. Тил орқа товушлари (грам.). | Ортда қолган, ўтилган йўл; шахс ёки предмет чиқиб келган томон; ҳаракат йўналган томоннинг акси. [Отабек] эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда ўйланиб тўхтади ва эшикни очмай орқасига қайтди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Олға босиш ҳар ҳолда орқага қайтишидан хатарли эмас. А. Қаҳҳор, Мастон. Орқада қолмоқ қ. қолмоқ 9.

4 кўйма Ҳомий, суянчиқ, тирак. Тогдан орқаси бўлганининг тойдан юраги бўлар. Мақол. — Ленин бобом

отамиз, Тошни кесар болтамиз; Большевиклар орқамиз, Энди кимдан қўрқамиз. Ҳамза. Орқа қилмоқ бирор шахс ёрдамга, химоясига, кучига ишонмоқ, унга таяниб иш тутмоқ. Сени орқа қилиб бунда юраман, Орт-сиртиндан кўп химоят қиламан. «Алпомыш».

5 3-ш. эғалик ва ж. к., ў.п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида ишлатилади (қ. орқасига, орқасида, орқасидан). ♦ Фронт орқаси ҳарб. мамлакатнинг жанг ҳаракатларидан йироқ ичкари қисми. Юраги орқасига тортиб кетди қ. юрак. Орқага кетмоқ таназулга юз тутмоқ, олға босишдан тўхтамоқ. [Отабек:] Бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзаро низоимиз сабаб бўлмоқда. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Орқага сурмоқ (ёки ташламоқ, қилмоқ) бирор ишни пайсалга солмоқ, кечиктирмоқ. Бунинг ҳар иккиси ҳам колхозлаштириш ишини орқага суриши, хийлагина орқага суриши мумкин эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Оғирликни орқага ташламоқ қийинчиликларга парво қилмай, ўзини дадил тутмоқ, уларни дадиллик билан енгмоқ. [Гуландом:] Укаларимни, дадамни севганимдан ҳар қандай оғирликни орқага ташладим. Ойбек, Қутлуг қон. Орқасидан кўймоқ ўзи йўғида масхара қилмоқ, мазах қилмоқ. [Гулнор:] Ойи, сиз сезасизми, бойниқиди орқадан куллилади, гапиришади, пичинг, кесатиқ-месатиқ. Ойбек, Қутлуг қон. [Бировнинг] орқасидан кесак (ёки тош) отмоқ иккинчи қайтиб келмаслигини тилаб лаънатламоқ. Орқасидан кўймоқ етишиш, эришиш пайига тушмоқ.

**ОРҚАВОРОТДАН** рви I Бировнинг орқасидан, ўзи йўғида; зимдан. Унинг шопдай мўйловига қараб орқаворотдан Муҳиддин мўйлов деб атаймиз. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. Улар [мардикорлар] Ерматнинг кўз олдида унга қарши бир нима демасалар ҳам, орқаворотдан уни маскаралашар, ҳатто сўкишар эди. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Бевосита эмас, балки биров орқали, бировлардан. Николай ағдариллади, деган миш-миш гапларни орқаворотдан эшитиб турдик. Х. Худойбердиев, Халқ манфаати учун курашда.

**ОРҚАДОШ I** Кўмакдош, кўмак, ёрдам берувчи; ўртоқ. Бўлурмиз биз бақувват орқадошлар, Қиар албатта ёвни жангчи ёшлар. Ҳаббий.

2 Ўсиб келаётган ёш авлод, кекса авлоднинг ўринбосари. Кекса отахон-онахонларимиз дунёдан ўтадилар. Урнига орқадошлар ўтирадилар. «С. Ўзбекистон», 1965, 16 июль.

**ОРҚАЛАМОҚ** Орқасига олиб кўтармоқ. Ғулможон орқалаб чиққан тошини энди ағдариб қақдини ростлаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Пулемёт станозини орқалаган Асқар полков бошини қўйи солиб, одати бўйича, оғир ва йирик одим отарди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ОРҚАЛАНМОҚ I** орқаламоқ фл. мажҳ. н. Орқаланган юкни ерга қўймоқ.

2 диал. Бировга орқа қилмоқ, суянмоқ, таянмоқ, Орқали орқаланиб сўзлар, орқасиз қўрқиб сўзлар. Мақол.

**ОРҚАЛАТМОҚ** орқаламоқ фл. орт. н. Қопни орқалатиб юборинг. — Ермат терлаб-пишиб юларни аравага ташинга бошлади. Уй ичидан уни-бунни олиб чиқишга, юкларни орқалатишга қизини ҳам мажбур қилди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ОРҚАЛАШМОҚ** орқаламоқ фл. бирг. н. Эркаклар, хотинлар кўрпа-ёстиқларини орқалатишиб дала шўпонлариёга кўчиб чиқшиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ОРҚАЛИ** кўм. (б. к. билан) I Биров нарсаининг ичидан, орасидан, ўртасидан ёки устидан, бирор нарса оралаб, бир томонидан иккинчи томонига. Боққа ховли орқали кирилади. — [Элмурод] эртасига Красноводск орқали Тбилисига — ҳарбий хизматга жўнади. Шухрат, Шинелли йиллар: Халойиқ гуриллаб .. уч эшик орқали залга кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Биров кимса ёки нарса воситасида, ёрдамида, ёрдами билан. Телефон орқали гаплашмоқ. Хат орқали хабардор қилмоқ. — Элмурод шу кунни кечқурун бир бола орқали Давлатёрни йз ҳўзурига чақирди. П. Турсун, Ўқитувчи. | Туфайли, сабабли. [Юсуфбек ҳожги:] Сен билан ифтихор қилмасанда, сен орқали хижолат чекмасимизга ишондик. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Мен ҳали ёш боламан, Кўп жойни кўрганам йўқ. Лекин китоб орқали Билдим талай йўл-йўриқ. Қ. Муҳаммадий.

**ОРҚАМА-КЕТИН** рви Бири орқасидан иккинчиси, бирин-кетин, кетма-кет. Орқамаркетин бормоқ.

**ОРҚАМА-ОРҚА** рви I Бири орқасидан иккинчиси; кетма-кет, изма-из. Маъмуржон улар [Райҳонбиби ва Ойпошшалар] билан орқамар-орқа ЗАГСа кириб келди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қаторасига, узлуксиз. Орқамар-орқа йўқ узмоқ.

**ОРҚА-ОЛД** айн. олд-орқа. Онахон орқа-олдига қараб олди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

♦ Орқа-олдини ўнглаб олмоқ айн. орқа-ўнгини олмоқ қ. орқа-ўнг. Бу кунларда [халққа] ўттиз икки қора пул солиш ҳам оғир. Юрт беш-ўн кун орқа-олдини ўнглаб олсин. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ОРҚАСИГА** кўм. вазифасида Орқа томонига, кетига, ортига. Ой булут орқасига яширинди.

**ОРҚАСИДА** кўм. вазифасида Оқибат(и)да, натижа(си)да. [Гулнор] бошидан кечган даҳшатли воқеалар орқасида оёқларида заррача мадор сезмас эди. Ойбек, Қутлуг қон. Кечанинг ўта қоронғуси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин

эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. | Туфайли, сабабли; шарофати билан. ■ Тирикчилигимиз шу боғ орқасида бир нав ўтиб турарди. Ойбек, Қутлуг қон. [Хонзода:] Гофиржоннинг ошиги олчи! Хотини орқасида бой бўлайпти? Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ОРҚАСИДАН** кўм. вазифасида 1 Нарғи, орқа томонидан. Булутлар орқасидан ой кўринди.

2 Кетидан, кейинидан. Бировнинг орқасидан эргашмоқ. Шўрва орқасидан ош келди. Кун орқасидан кун ўтди. Қайғу орқасидан шодлик келди. ■ [Ўрмонжон Сидиқжонга:] Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқаларингдан етиб бораман. А. Қахҳор, Қўшчинор.

3 Кетидан, изидан. Бировнинг орқасидан бормоқ.

**ОРҚА-ЎНГ** айн. олд-орқа. Орқа-ўнгига қарамоқ. ■ Унинг [Кумушининг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб ажиб бир манзара бердилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

◆ Орқа-ўнгини олмоқ ўзини, хўжалигини ўнглаб, тиклаб олмоқ, нафасини ростламоқ.

**ОСЕТИН** қ. осетинлар. Осетин тили. || Осетин аёл.

**ОСЕТИНЛАР** Шимолий Осетия АССР ва Жанубий Осетия автоном областининг туб аҳолиси; осетин халқи.

**ОСЕТР** Гўшти ва икриси туфайли кадрланадиган йирик ов балиғи; бакра.

**ОСИЙ** [a] 1 айн. гуноҳкор 1. Осий банди.

2 эск. кт. Гуноҳкор, айбли. [Отабек Кумуш қаршисида] осийлар каби кўзини ера тикди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 эск. кт. айн. исёнкор. Оналар йиғлади ҳасратли маҳзун, Осиллар ё дорға кетди, ё сургун. Шайхзода.

**ОСИЛИШМОҚ** осилмоқ фл. бирг. н. **ОСИЛМОҚ** 1 осмоқ 1 фл. ўзл. н.

2 осмоқ 2, 3, 4 фл. мажҳ. н. Дарахтларга осилган катта лампалар кўзни қамаштиради. Ойбек, Қутлуг қон. Қамарда кумуш сопи қилич осилиб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Ўз оғирлиги билан эгилиб ёки солиниб турмоқ. Анор дарахтларида инор шигил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб осилиб ётибди. А. Қахҳор, Анор.

4 Бирор кимса ёки нарсага маҳкам ёпишиб, чирмашиб ўз оғирлигини ортмоқ. Маймунлар баланд дарахт шоқларига осилиб ўйнашади. Бир бола югуриб келиб опанинг бўйнига осилди. ■ Қори қийқириб унинг [Сидиқжоннинг] елкасига осилди. А. Қахҳор, Қўшчинор. Раҳим бўлса Қудратлар келган машинага анча ергача осилиб борди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

5 кўчма с. т. Хиралик билан бирор нарса сўрамоқ, бирор нарса сўраб ёпишиб олмоқ. Жон ўртоқ, ҳозир олиб бор касалхонага! — деб [Валивой] унга [Жўрага] осилди. Ҳ. Назир, Онаизор. | Шилқимлик билан бировга ёпишмоқ.

Сен тикка Раҳмонбердининг уйига бориб, хотинига осилибсан. А. Қахҳор, Сароб.

6 кўчма салб. Бировни ҳа деб айблайвермоқ, бировга айб тақамоқ. [Со-диқ:] Хой, менга осилма. Хафа қиламан! Н. Сафаров, Уйғонини.

◆ Қовоғи осилди ёки қош-қовоғи осилди хафа ёки норози бўлиб ўшшайди.

**ОСИЛТИРМОҚ** 1 осилмоқ фл. орт. н.

2 Пастга солиштирмоқ, қуйи солмоқ. Оёқларини осилтириб ўтирмоқ. Қўлларини осилтирмоқ. Бошини осилтирмоқ. Йт иссиқдан тилини осилтириб ҳаллослайди.

◆ Қовоғини осилтирмоқ қ. қовоқ 11. **ОСИШМОҚ** осмоқ фл. бирг. н. Деворларга эълон осиишбди. ■ Ясовуллар ўғрини топиб дорға осиишди. «Эртактлар».

**ОСИҚ** Осиб қўйилган, осилдиқ.

**ОСИҒЛИҚ** Осиб қўйилган, осилган ҳолдаги; осилган ҳолда. Эшиқдан кирравершида ўнг қўлда эркак кишининг костюми осилғиқ турибди. С. Зуннунова, Гулхан. Бобоқўл ота ўзининг темир ҳасаси билан йўғон тут-дарахтига осилғиқ чўян зангни чалмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. — Ўйронбек Арслонбеков, — деди у, елкасига осилғиқ чарм сумкасини очаркан. Ҳ. Гулом, Машъал.

**ОСКОЛКА** [р осколок] Замбарак ўқи, миная бомба ва ш.к.нинг портлашидан пайдо бўлган металл парча. — Душман бомбаси шундай блиндаж усига тўшиди. Уч-тўрт жойимга осколка тегди, — деди раис. Ҳ. Умарбеков, Севгим, севғилган.

**ОСМА** Осиб қўйилган, осиб қўйиш учун мувофиқлаштириб ясалган. Олма широк. Олма календарь. Олма культиватор. Олма соат. | махс. Осиб қўйилган. Гуломжон баландда кесиб ўтган темир йўл олма кўпригига етмай, бир табақалик кичик эшикни очиб ичкари кирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОСМИЙ** [р <эрек] Химиявий элемент, кўкимтир-кул ранг оғир металл.

**ОСМОН** [ф-т] 1 Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турган мовий фазо; само, фалак, кўк. Осмон гумбази. Осмонни булут қоплади. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Мақол. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Мақол. ■ Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. И. Раҳим, Чин мухабат. [Бой Жамилага:] Менинг олтинларим шундай.. улуг бир ҳокимки, ерга кирсане қулоғингдан, осмонга чиқсанг, оёгингдан тортиб, менинг қўйнимга олмадай қилиб солиб қўяди! Ҳамза, Бой ила хизматчи. | Ер атрофини ўраб олган олам фазоси (астрономик жисмлар макони). Юлдузлар осмони. Осмон механикаси.

2 кўчма с. т. Жуда баланд, етиб бўлмайдиган даражада юқори. Варрак осмонга чиқиб кетди. — [Еқут] ҳали ҳам осмонда — деди Ҳамро Қароматга. Ҳ. Раҳимов, Чин хаёт.

◆ Дуди осмонга чиқди айн. фиғони осмонга чиқди қ. фиғон. Мана шу ерда мингошининг дуди осмонга чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ер билан осмонга фарқи бор жуда катта фарқи бор. Оёғини осмондан келтирмоқ қ. оёқ.

Осмонга устун бўлармидинг айн. дунёга устун бўлармидинг қ. дунё. — Нима бўлади, осмонга устун бўладими? — деди Ашур Мирзо ошқ бир киноя билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Осмондан юрмоқ** ўзини катта фаҳмлаб, кеккайиб юрмоқ, ҳеч кимни менсимаслик. **Осмондан келмоқ** жуда баланддан келмоқ, ўзини баланд олиб, мағрурланиб гапирмоқ. [Ҳоликўв] гоҳи баралла қаҳқаҳлайди, баъзан «Мен ундай қилдим, мен бундай қилдим, қотиридим, дўндиридим» деб осмондан келади. А. Муҳиддин, Чап чўнтак. **Осмондан олиб гапирмоқ** тахминан гапирмоқ; омилиз, асоссиз гапирмоқ. **Осмондан (осилиб ёки оёғини узатиб) тушган кест.** ҳаммадан юқори, улуг. Ҳа, мунча! .. Хотинингиз осмондан тушшганими? Биз ҳам одам боласи, турибмиз. А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ОСМОНИЙ** [ф-т] кт. 1 Осмонга доир, осмондаги, осмонда бўладиган. Осмоний жисмлар. 2 Мовий, кўк. Осмоний ранг. **ОСМОНЛАМОҚ** Осмонга кўтаришмоқ, ерда баланд кўтаришмоқ. Бургут осмонлаб учди. **ОСМОН УПАР** Жуда баланд, осмонга етгудек баланд кўтарилган. Осмонўпар биналар. ■ Мана қадрдон Кавказ! Унинг осмонўпар тоғлари беҳисоб лолалар ичида кўмилиб кетган. Н. Ғойибов, Айлазма кинопанорама.

**ОСМОҚ** 1 Бўйшидан сиртмоққа илиб ўлдирмақ. Дорға осмоқ. ■ [Азизбек] ҳазина ҳисобини олчи учун келган девонбекларни ўлдириб, ўрда дарвозасига осди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Зуннунхўжа] уйимга ўт қўяман! Узимни осаман! Уғлим, жон ўғлим, мен сизни шу умид билан ўғлим деганмидим. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Маҳкамлаб, миҳлаб ёки илиб осилтириб қўймоқ. Деворга соат осмоқ. Дорға галам осмоқ. Қозикқа сочиқ осмоқ. Арчага ўйинчоқ ва лампочкалар осдик. Қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Мақол.

3 Бел, бўйин ёки елкага илиб кўтариб юрмоқ, тақмоқ. Белга қилич осмоқ. ■ Йигитлар милтиқларини пайпаслаб топиб елкага осдилар ва кўчага отилдилар. Ойбек, Кўёш қораймас. | Тақмоқ, илмоқ. Қулоққа исирга осмоқ. ■ Нури олтин занжирни бўйнига осди, соат кўкраидан пастроқда юлдуздай ярқиради. Ойбек, Қутлуг қон. Бўйнига осиб лола Келди шу гўзал кўжам. Файратий.

4 махс. ўрнатмоқ, илмоқ. Тракторга культиватор оamoқ. Қозон осмоқ. ◆ Кулоқ осмоқ айн. кулоқ солмоқ қ. кулоқ 1 1. Қовоқ осмоқ айн. қовоқ солмоқ қ. қовоқ 11.

**ОСОЙИШ** [ф-т] кт. Уриш-жанжалдан, ғавфо-ташвишдан холилик; тинчлик, хотиржамлик; тиним. *Осойиш топмоқ.* Бировнинг осойишини бўзмоқ. — [Юсуфбек ҳожид] элининг осойиши ва мамлакатнинг ободлиги номига бу таклифни бўйнига олди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Аммо [Элмуроднинг] кўнгли осойиш топмади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ОСОЙИШТА** [ф-т] I Уриш-жанжалдан, ғавфо-ташвишдан холи; тинч, бехавотир, хотиржам. *Осойишта шаҳар.* || Юрт осойишта. || Осойишта яшамок. — Шундай пайтда кишининг бу хилда осойишта ва ҳатто хотиржам бўлишини тасаввур қилиш қийин эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Ҳаяжондан, изтиробдан холи; бешвиш. Бу қоматни [Фотимани] кўриш биланоқ Элмуроднинг осойишта қабдида нимадир кўзгалди. П. Турсун, Ҳитувчи. | Хотиржам, бамайлихотир, босиқ. *Осойишта суҳбат.* — — *Қимсан ўзинг? Мадамин?* — деди Абдурасту анча осойишта товуш билан. П. Турсун, Ҳитувчи. || Сергей ўрнидан туриб олдинги стулнинг суянчигига қўлини қўйди-да, осойишта гапира бошлади. П. Қодиров, Уч илдиш.

3 Сокин, ҳаракатсиз. || *Денгиз осойишта дам олмақда.* — Чанг аралаш тутун ҳалқа-ҳалқа бўлиб кўкка, осойишта бўйлиққа итилар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ОСОЙИШТАЛИК** осойишта с. белги оти. [Оилада] осойишталик бузилди ва бунга сабаб, кампирнинг гуноҳига Сидиқжоннинг онаси эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Ҳузурда осойишталик йўқолди. Унинг кичкина ва тор кўчаларида ярим кечагача отларнинг дупури тинмади. Ш. Тошмагов, Эрк қўши. Ҳамма осойишталик билан экин-тинкинга қаради. М. Муҳамедов, Машқ.

**ОСОН** [ф-т] Ечилиши, бажарилиши жиҳатидан унча қийин, мураккаб бўлмаган, ечилиши, бажарилиши унча кўп меҳнат, куч ёки билим талаб қилмайди; содда, жўн, енгил. *Осон масала. Осон вазифа. Осон иш.* || Бу ёқнинг тоши у ёқники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўй, ғўраша эди. Шунинг учун тошлар осон кўчиб, осон йиқилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Қийин эмас, жўн. Тилангандан тилинган осон. Мақол. Қасалнинг келиши осон, кетиши қийин. Мақол. *Одам бўлиш осон, одами бўлиш қийин.* Мақол. **Осон қилмоқ** 1) осонлаштирмоқ, енгиллаштирмоқ; 2) ишдан чиқармоқ; 3) ўлдирмоқ. **Мушқули осон бўлди** қийинчиликдан қутулди. Унинг [Сидиқжоннинг] бутун мушқули осон бўлгандай, қувониб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Мушқулини осон қилмоқ** қ. мушқул 2.

♦ **Осон кўчмоқ айн. енгил кўчмоқ** қ. енгил 7. *Қани энди, сенга ўхшаш қизлар врач, ҳамширалар бўлса .. касал*

ларни доволаш ҳам осон кўчарди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ОСОНЛАШМОҚ** Осон бўлиб қолмоқ; содалашмоқ, енгиллашмоқ, [Саидий] мағлубитга учраса, Аббасхоннинг иши қанча осонлашар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ОСОНЛАШТИРИЛМОҚ** осонлаштирмоқ фл. мажх. н. Иш осонлаштирилди.

**ОСОНЛАШТИРМОҚ** осонлашмоқ фл. орт. н. Машиналар деҳқончилик ишларини осонлаштирди.

**ОСОНЛИК** осон с. белги оти. Ишининг осонлиги. — *Гулсум осонлик билан ҳарфларни ўрганибди.* П. Турсун, Ҳитувчи. Чамаси, Азизбек, осонлик билан жон берадиган кўринмайди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ОСОНЛИКЧА** раш I Осонлик билан, кўп куч, меҳнат сарфламасдан; осонгина, жўнгина, бемашқақат. *Ютуқлар осонликча қўлга кирмади.* — *Ғулмқориннинг ашуласини жуда соғиниб қолди.* Бир-икки ашула қилиб бермаса, биздан осонликча қутулмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қаршилик кўрсатмай-нетмай. *Бизнинг қишлоқда қатта ер эгалари осонликча жон бергани йўқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ОСОП** [а] эск. кт. Асарлар, белгилар, нишонлар. *Қим билурди одаму олам надул, ҳайвон нечүк? Бўлмаса эрди агар инсонда нечү осори илм.* Ҳамза. **Осори атиқа** қадим дунё нишонлари, қадимдан, антик дунёдан қолган ёдгориликлар, обидалар. *Ўрта Осиё осори атиқалари.*

**ОСТ** I Нарсаларнинг таг қисми, таги, туби. *Қурбон ота энгашиб самоварнинг остига сим тиккаётган эди, қаддини ростлаб Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Нарсаларнинг қўйи қисмига, тагига яқин жой. *Гулмор дераза остига кўрпача солиб, қизни ўтқазди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Нарсаларнинг яқин-атрофи, тевараги. *Йўлчи, қулоқлари остида ўқ узилиб тураркан, томирларида жўшқин куч, юрағида юксак ҳисларнинг, орзуларнинг бўронини сезд.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 Нарсалар эгаллаб, босиб ёки қоплаб турган жой, нарсаларнинг тагидаги жой; таг. *Дарахтларнинг ости салқин эди.*

4 Нарсаларнинг ички қисми, ичи, ораси, қаъри. *Ер ости суви. Ер ости бойлиқлари.* — *Беоғим ер остида илон қимирласа биладиган қув хотин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Уни [тоғни] ер ости зилзиллари ҳам халқ овозидек титратмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Таг, туб (сув хавзаларида). *Денгиз ости.* — *Кўп одамлар бу дарёнинг остида ер тишлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.п. к. ва ч. к. аффикслари билан кўмакчи вази-

фасида қўлланилади (қ. *остиға, остида, остидан*).

**ОСТАНОВКА** [р] Транспорт воситаларининг пассажир ёки юк тушириш ва олиш учун тўхтайдиган жойи; бекат. *Автобус остановкаси.*

**ОСТИГА** кўм. вазифасида Тагига, тагидаги жойга. *Оёқ остига поёндоз солмоқ.*

**ОСТИДА** кўм. вазифасида I Бирор ҳаракат ёки ҳодиса ва ш. к.нинг бошқаси билан бирга ёки унга боғлиқ ҳолда содир бўлишнинг ифодаланиш учун ишлатилади. *Хижолат остида қолмоқ.* *Раҳбарлиги остида ишламоқ.* — *Кўёв қаттиқ қарсақлар остида бориб, келиннинг ёнига ўтирди.* А. Қаҳҳор, Тўй.

2 Бирор ҳаракат ёки ҳолатни юзага чиқарган бошқа бир ҳаракат, ҳолат ёки кечинманни ифодаланишда ишлатилади. *Қим билади, [Гулмор] ота-она сиққиғи остида балки [боёга турмушига чиқишга] кўнжикандир.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қарим ўзининг диққат бўлиб турганлигини сездирмаслик учун мажбурийят остидагина бир илжайди-да, қўл бериб кўришди.* Ойдин, Фонарь тағида.

♦ **Оёқ остида** қ. оёқ I I. **Қаноти остида** бўлмоқ қ. қанот. **Қўл остида** қ. қўл 8.

**ОСТИДАН** кўм вазифасида Тагидан, ичидан. *Пальто остидан костюм киймоқ.*

♦ **Ер остидан қарамок** (ёки разм солмоқ, кўз қирини ташламоқ) зимдан қарамок. *Ҳожид йўлакдаги ойимга ер остидан кўз қирини ташлади.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ОСТИН-УСТИН** I сфм Бири устидан иккинчиси; икки қаватли, қават-қават. *Остин-устин иморатлар.*

2 раш Ҳароб, вайрон, яқсон-талқон; тўс-тўполоқ. *Ҳамма ёқ остин-устин. Остин-устин қилмоқ.* *Остин-устин бўлмоқ.* — *Гапингиз тўғри, ўғлим. Фақат Ленингина эски дунёни остин-устин қилди,— деди [чо].* П. Турсун, Ҳитувчи.

**ОСТИРИЛМОҚ** остирмоқ фл. мажх. н.

**ОСТИРМОҚ** осмоқ фл. орт. н. Тракторларга культиваторларни остирмоқ. *Қозон остирмоқ.* — *— Кун сайин неча гуноҳсизларни остирган, кестирган, балаларимизни етим, оналаримизни қон йиғлатган сен эмасмидинг?* — дер эди халқ [Азизбекка]. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ОСТКИ** Оstda, пастки томонда жойлашган; пастдаги, қуйидаги, пастки. *Бинонинг остки қавати.* — *Тешабой остки лабини тишлаб пича ййланиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОСТЛИК** Бирор нарсанинг остига қўйиладиган бошқа нарса. *Дазмол остлиги.*

**ОСТОНА** [ф-т] I Эшик, дарвоза чорчўпининг остки кўндаланг ёғочи; бинога, ховлига қираверишдаги ерга кўндаланг ётқизилган ёғоч, тахта,



харсанг ва ш. к.; бўсага. *Баланд остона. Уй остонаси. Қўча эшик остонаси.* — Эшик қаттиқ тепки билан очилади-ю, остонада чуволчангадай чувак .. бир киши пайдо бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Соғиларга Мадамхўжанинг остонасидан хатлаб ўтини насиб бўлмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *кўча* Уй, хонадон; даргоҳ. — *Шу ер туйфайли бизлар сенинг остонамга бош эгиб, қуллуқ қилиб келдик.* — деди Ойимхон. П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Остонамга келибман, арз-ҳол айлаб кетай.* Ҳўжинангдан дилбарим, уч-тўрт савол айлаб кетай. Ҳамза.

3 *кўча* Қишлоқ ёки шаҳарга кираверишдаги жой; бўсага. *Чекинган душман, қишлоқ остонасидаги тепаликка чиқиб олиб, қаршилик кўрсата бошлади.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев.

4 *кўча* Бирор воқеа ёки ҳодисанинг бошланишига яқин қолган пайт; арафа. *Ҳали эсини танимаган, ўт-лоғ бола шу ерда балағат остонасига етди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

5 *геопр.* Дарё остидаги, баъзан сувдан чиқиб кўриниб турадиган ва сув оқимини тезлаштириб, кемалар қатновини қийинлаштирадиган дўнглик.

**ОСТ-УСТ** айн. **остин-устин.** *Ҳовлимни у [Зиёхўжабой] ўзиникига қўшиб ост-уст иморат қурмоқчи, яйраб-лишмоқчи.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Унинг [Султонмуроднинг] бу қарашлари халқ бўрони ичида ост-уст бўлди.* Ойбек, Навоий.

**ОСУДА** [ф-т] кт. Тинч, беташвиш; хотиржам. [Навоий:] *Ҳайҳот, бирор осуда дам йўқ. Кўнгли йўғлади-ю, кўзларда нам йўқ.* Уйғун ва И. Султон, Навоий. || *Бутун шаҳар халқи сокин уйқуда, Ором олмоқдасан сен ҳам осуда.* Х. Расул.

**ОТ** I I Якка туёқлиларга мансуб сутэмизувчи йирик иш-улов ҳайвони. *Оқ от. Қора от. Қашқал от. Йўрға от. От абзали. Отга тақа қоқмоқ. Отга минмоқ. Отни эгарламоқ. Ёли қуюқ эшакдан, яғири бўлган от яхши.* Мақол. *Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.* Мақол. *Итни қопмас деб бўлмас, отни тепмас деб бўлмас.* Мақол. — *Сидиқжон эгарга яхшироқ ўрнашиб, отнинг жиловини силкиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Узоқдан от елдириб келувчи отликни кўрган Содиқ кўчанинг ўртасида тўхтади.* А. Қодирий, Утган кунлар. **От заводи** от наслини яхшилаш ва кўпайтириш билан шуғулланувчи хўжалик, корхона. **От кучи махс.** 75 кг м секундага ёки 0,736 квтга тенг қувват. *80 от кучига эга бўлган трактор. От ўйин эск.* 1) айн. **цирк.** — *Шу театр дегани нима, от ўйиними?* — Абдушукордан сўради чойфуруш Садриддин бўвайча. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) айн. **карусель.**

2 Отнинг бошига ўхшатиб ясалган шахмат донаси; асп. **Отни юрмоқ. От билан шоҳ бермоқ.**

3 Мучал йил ҳисобида еттинчи йил номи. *Унинг йили от. От йили мучал йил* ҳисобида еттинчи йил (қ. мучал).

◆ **От солмоқ айн.** от **қўймоқ** 2. **От совуғар** оғир меҳнатдан кейин ўзини рослаб олиш учун аста-секин ишлаш. **От қўймоқ** 1) отнинг жиловини бўш қўйиб елдирмақ; 2) мянган отини бирор кимса томон йўналтириб хужум қилмоқ. *Кеча-кундуз тоғма-тоғ қўрбошига қарши от қўйиб уруш очамиз.* М. Муҳамедов, Машқ. **Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди** илгариги мавқеи ёки мартабасидан тушгандан кейин ҳам тақабурлигини ташламаган киши ҳақида. **Отни қамчиламоқ қ. қамчиламоқ** 3.

**ОТ** II I Қишининг шахсий исми; ном. *Чақалоққа от қўймоқ. Оти(не) ўчсин (ўчаур)! қарғ. Оти(не) курсин (куреур)! қарғ. — [Мирзакаримбўй:] Отинг нима, жиян? — Отим Йўлчи.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Уй ёки урғатлиган хайвонларнинг номи; лақаб. *Булнинг оти Тўрткўз эмас, Арслон.* | Умуман нарсаларнинг, ҳодисаларнинг номи, ном билдирувчи сўз. *Бу .. тоғнинг оти Музлоқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мингўрик маззуси отидан ҳам маълум — бунда минг чоғлиқ ўрик дарахти ўсгани учун .. эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. | *[Сафар бўёчи:] Чўзма кекирдагинени, буқоқ .. андишанинг отини қўрқоқ қўйдингми?! А. Қодирий, Мехробдан чаён. [Жаннат она:] Қиҳ .. ҳалиги оти курсин .. Маликбойнинг майдонида! А. Қодирий, Утган кунлар. Отига(ғина) шунчаки, кўринишга, номига. У отигагина раис, ҳамма иш муовин қўлида. — Отигагина хон бўлиб ўтирувчи Худоёр Мусулмонқул майдондан олинмагунча ўзининг қўғирчоқ сифат юра беришини тушунди.* А. Қодирий, Утган кунлар. **Оти йўқ** эф. чаён ҳақида айтилади. **Отимни бошқа қўяман** қасам, отни ифодаловчи ибора. **Бошлаган ишни охиригача олиб бормасам, отимни бошқа қўяман.** Ойдин, Садағанг бўлай, командир. **От қўймоқ** ном бермоқ, атамоқ.

2 Унвон, мансаб, ном. *Бир қари одамга «кўвёлик» отини бериш ҳам уни кўвё бўлгандай қувонтиради.* Айний, Қуллар.

3 с. т. Зот, уруғ. [Суннат:] *Кел, ўша Мухарраминг бўлмаса, бошқаси-да, қиз оти қуриб кетибдими!* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 Шухрат, донг. *Яхшидан от қолар, ёмондан дод қолар.* Мақол. — *Шоирга муяссар олий мукофот, Ленин орденли бўб шоир топди от.* Фозил шоир. *Излар бўлдим Қоражоннинг қизини, От кўтарган Зулхуморнинг ўзини.* Эргаш шоир. **От чикароқ** ном чикароқ, донг тарағмоқ, шухрат қозонмоқ, машхур бўлмоқ, танилмоқ. *Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!* Эргаш шоир. | Шаън, номус, гурур. [Уста Олим:] *Сизга хабар бериб ўтиришини*

*йигитлик отига эп билмай, менга ҳам бир нарса сездирмаган.* А. Қодирий, Утган кунлар.

5 *грам.* Предметни билдириб, «ким?» ёки «нима?» сўроғига жавоб бўладиган сўз. *Турдош от. Атоқли от. Абстракт от. Иш-ҳаракат оти. От қўйшимчалари.*

**ОТА** I I Фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан). *Ўз (туққан) ота. Ўғай ота. Қайин ота.* || *Ота касб. Ота мерос. Ота бўлмай, ота қадрини билмас.* Мақол. — *Сиз отамисиз, нимасиз ахир, ўғлингизни тийиб олиш сира эсингизга келадими?* А. Қодирий, Утган кунлар. *Қатта бўлгач, ҳаммоллик менга ҳам ота касб бўлиб қолди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. **Отаси этн.** хотиннинг ўз эрига муружаат этиш формаси.

2 Ёши катта кишиларни ҳурматлаш учун ишлатилади. *Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.* Мақол. — *Майда болалардан тортиб кекса муаллимларгача «ота» деб атайдиган новча ва қотма чол — қоровул келар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Қоратой Ўрозни дарров Шокир отага юборди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Ўғил болани эркалатиш учун ишлатилади.

3 *кўча* Бирор иш ёки ҳаракатни бошлаб берган, унга асос солган киши ҳақида. *Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг отасидир.* Жуковский — рус авиациясининг отаси.

4 *кўча* Мехрибон бошлиқ, раҳнамо ҳақида. *У [Михаил Маркович] колхозчиларга ота бўлди, ғамхўрлик қилди, иш ўргатди.* Ойдин, Мардлик — мангулик. | Эл-юртга бошчилик қилувчи ёши ёки мансаби улуг зот ҳақида. [Ёрмат:] *Тайёрлан, қизим. Санга юрт отаси элликбошимиз гапирдилар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бор отанга, бор онанга** сансалорликни ифодалаш учун ишлатилади. **Ота гўри қозихонами?** қ. гўр. **Отанга раҳмат** кимсадан мамнуният ифодаловчи олқши ибораси. **«Отанг яхши, онанг яхши» қилиб** ялиниб-ёлвориб; олқаб-мақтаб.

**ОТА** II айн. **орол.**

**ОТАБЕЗОРИ** Безорлиги ва дилзорлиги учун хатто ўз отаси ҳам юз ўғирган; оқпадар. *Сен ҳали шунақа ўзбошимча бўлиб қолдингми? Бундай ишни отабезорилар қилади.* Б. Исмоилов, Очерк яратиш маҳоратига доир.

**ОТА-БОБО(ЛАР)** Илгари яшаб ўтган кишилар; аждодлар. [Рўзимат:] *Э, Сидиқжон аха, бизга иш топилади, ота-боболаримиз қилмай, қилолмай бизга ташлаб кетган иш кўп!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ОТА-БУВА(ЛАР)** с. т. Ота-бобо(лар).

**ОТАЛАРЧА** раш. Ўз отасидай, ўз отаси каби. *Оталарча насихат қилмоқ.* || *Оталарча ғамхўрлик* — *Ҳалим бобо Ойқизнинг қўлларини сийпалаб, оталарча эркалади.* Ш. Рашидов, Бўрдондан кучли.

**ОТАЛИ** Отаси бор, отаси ҳаёт. *Улган аллим тирилиб келар дейман, ёр-ёр. Ёдгоржоним отали бўлар дейман, ёр-ёр.* «Алпомиш».

**ОТАЛИК** Отанинг ўз фарзандига бўлган муносабатлари ва шу муносабатларга боғлиқ ҳолатлар. *Оталик бурчи. Оталик муҳаббати.* — *Қутбиддиновнинг оталик меҳри жўш уриб кетди, Суярнинг бошидан, юзидан ўнди, қучоқлади. А. Қаҳҳор, Ужар. Оталик қилмоқ* 1) отага хос вазифаларни ўтамоқ, боқмоқ, кийинтирмоқ, тарбияламоқ (фарзандига нисбатан); 2) оталарча ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқ, ёрдам бермоқ (бошқа кишига нисбатан). *Бола-чақангизнинг орзусини кўринг, оталик қилдингиз.* Ойдин, Эр юрак.

**ОТАЛИК** 1 Моддий, маданий ёки бошқа хил ёрдам кўрсатишни кўзда tutиб ташкилот ёки кишиларни бир-биринга боғлаш асосидаги ижтимоий фаолият, ижтимоий бурч. *Оталиққа олмоқ.* — *Ҳар биримизни алоҳида-алоҳида тўқувчи мастер хотинлар оталиққа олшиди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.* «*Қизил Октябрь»* бизнинг оталигимиздаги колхоз. Н. Мақсудий, Юксалиш. | Шундай ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олган киши ёки ташкилот.

2 тар. Хонлар саройида юқори амаллардан бири; хоннинг маслаҳатчиси.

**ОТАМЛАШМОҚ** Ҳасратлашмоқ, ыракдаги дард-аламларни ўртоқлашмоқ. *У [Умурзоқ ота] ҳар гал Ғани самоварчининг ҳужрасига тушар, у билан отамлашиб, дардини ёзиб келарди. Х. Ғулом, Машғал.* | Ёзилиб, мириқиб, кўнгилли суҳбат қилмоқ, улфатлашмоқ. — *Ҳа, қаёққа, — деди Мадамин ҳам шовқин солиб, — отамлашиб ўтирайлик, ахир, бирпас!* П. Турсун, Уқитувчи.

**ОТА-ОНА** Боланинг ота ва онаси. *Ота-оналар мажлиси.*

**ОТАР** 1 **отмоқ** фл. сфтди. *Тонг отар чоғи. Олти отар миномёт.*

2 от, с. т. Катта базм. *Отар тонг отгунча давом этди. Отар пули тўй ёки базмда хизмат қилган машшоқ, хонанда, ўйинчиларга тушган пул.*

**ОТАР** II Яйловда боқиладиган қўйларнинг ҳар бир йирик тўдаси; йирик пода. *Отар серўтроқ жойда кўчирилди.* — *Рўзи бобо бутун отарга бир ўзи қараб, чўпонларни пичан ўриш, йиғишга солган. О. Кўчқорбеков, Чўпон Рўзи Бахши.*

**ОТ-АРАВА** От ва арава; от қўшиқли арава. *Қовуним пишиб чириб кетди.. Қўшиқидан от-аравани бир кунга тилаб олган эдим. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ОТАРЧИ** с. т. Тўй ва базмларда бибалиска пул топишга ўрганган музикачи, ашулачи, раққоса. Эй, отарчи машшоқлар, қишлоққа чиқиб туринг, Виждонни жигилдонга, пулни ҳамёнга уринг. — М. Икром.

**ОТАХОН** 1 Кекса кишиларга хурмат учун қўлланадиган мурожаат фор-

маси. [Урмонжон:] *Отахон, дейман, ўйинга уста экансиз-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Кишилар ўз отасидай ҳурмат қиладиган кекса одам. *Қулги таққа тўхтади, қаёқдандир, темир ҳассасини дўқиллатиб Бобоқул ота — қишлоқ болаларининг яқин отахони пайдо бўлди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.* | *Ўз соҳасида ёшларга раҳнамо кекса киши. Отахон шоиримиз.*

3 Тутинган ота. *Йўловчиларга сув бериб ўтирувчи бир кекса отахоним бор эди, ўзим билан бирга олиб кетиб, унга яхшилик қилмоқчи бўлдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.*

4 Отахон (эркаклар исми).

**ОТАШ** [ф-т] кт. 1 Ут, олов. *Одам ишдан, маъдан оташдан бахт топади. Мақол.* — *Пўлат, ахир, тобланмайди кўрмай оташ. Ё. Мирза. Юрвев батареялари ёпиқ позициялардан туриб, ёв устига жаҳаннам оташи ёғдирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.* 2 *кўйма* Дилни ёндирадиган, ўртантирадиган ҳароратли ҳис-туйғу. *Ҳижрон оташи.*

**ОТАШАРАВА** [ф-т+a] с. т. эск. Паровоз; поезд.

**ОТАШГОҲ** [ф-т] кт. Ут, олов ёниб турган жой.

**ОТАШДОН** [ф-т] айн. ўтхона.

**ОТАШЗАБОН** [ф-т] кт. Нутқи ўткир, таъсирчан; сўзга уста, сўз билан қалбларни ҳаяжонга келтирадиган. *Оташзабон нотик.* — *Сочма шеър ёзганда ростдан ҳам Миртемир оташзабон шоирга айланади. Т. Жалолов, Миртемир.*

**ОТАШИН** [ф-т] кт. Қалб ҳарорати билан иситилган; қизгин, жўшқин, алангали. *Оташин салом. Оташин муҳаббат.* | *Эхтиросли. Оташин нутқ.* — *Сўзлар қарсақларга, қарсақлар оташин хитобларга улашиб кетди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.* | Бутун қалби, жони-гани билан берилган, қалби олов. *Оташин революционер.*

**ОТАШҚУРАК** Ёниб ёки қизиб турган нарсани, чўғни қисиб олиш, оловни тузатиш учун ишлатиладиган уй-рўзғор асбоби. *Оташқурак билан чўғ олмоқ.*

**ОТАШЛАНМОҚ** поэт. Оташдек ёнмоқ, жўш урмоқ.

**ОТАШЛИ** кт. Оловли, ўтли, қизгин, жўшқин. *Оташли йиллар.*

**ОТАШНАФАС** [ф-т+a] 1 Нафаси, дами оташдек иссиқ, ҳароратли. *Чўлдан воҳзага гармсел деб аталадиган оташнафас шамол эсиб туради.*

2 Нутқи ўткир, таъсирли, эхтиросли. *Машраб гоҳ пиёда, гоҳ эшакда кўп ўлкаларни кезган оташнафас бир шоир. Ойбек, О. в. шабадалар.*

3 эск. дин. Гўё дуоси ижобат бўладиган, нафаси дардга даво бўладиган. *Одамлар Султондеванони «оташнафас» валий деб мақташар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ОТАШПАРАСТ** [ф-т] Ўтга топинувчи, ўтга сажда қилувчи. *Оташпараст қабилалар.*

**ОТАШХОНА** [ф-т] айн. ўтхона. *Паровознинг оташхонаси.* — *Самоварнинг оташхонасига чўп тикаётган Ражаб бобо ҳам унга қараб кўлди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ОТАШҚАЛБ** [ф-т+a] поэт. Қалби оташ, юрагида ўти бор; оташин. *Оташқалб ёшлар.*

**ОТБОҚАР** Отларга қаровчи, отларни парвариш қилиш билан шуғулланувчи киши. *Отбоқар фонусини орва қўйиб жузуремчи отхонига кирди ва ҳаял ўтмай бир отни етаклаб чиқди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.*

**ОТДЕЛЕНИЕ** [р] ҳарб. Энг кичик ҳарбий бўлинма, взводнинг бир қисми. *Пулемёт отделенияси. Отделение командири.* — *Тургенев отделенияси бугун кечаси билан блиндажда дам олиши керак. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ОТДОШ** Бошқа биров билан исми бир, бир хил исмли кишилар ёки нарсалар; адаш. — *Итингенг оти ўз тусига муносиб экан-ку-я, — деди Қулмурода Шоқир, — эскизи Қушбегининг ўғли билан отдош экан. Айний, Қуллар.*

**ОТЗОВИЗМ** [р] 1905 йил революциясидан кейин пайдо бўлган ва большевик депутатларни Давлат думасидан чақириб олишни, оммавий-партия ишларини очиб суратда олиб боришдан воз кечишни талаб этган, партияни кенг оммадан ажратиб қўйиш сиёсатини тутган оппортунистик оқим.

**ОТЗОВИСТ** [р] Отзовизм тарафдори. *Отзовистлар билан ультиматистларнинг ҳатоси марксизмдан принцип жиҳатдан қайтиши масаласи бўлиб қолди. В. И. Ленин, Большевикизмга карикатура.*

**ОТИЗ** диал. Бир марза ер; марза. *Бекжон кетмон билан отиздан отизга ўтиб, кичик ариқларни боғлайди, чарчаган отасининг ўрнини босади. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ОТИЛМА** геол. Вулканлардан отилиб чиққан; отқинди. *Отилма тоғ жинслари.*

**ОТИЛМОҚ** 1 **отмоқ** 1, 3—5, 7—10 фл. мажж. н. Яқинда учта бўри отилди. *Айтилган сўз — отилган ўқ. Мақол.* — *Оғзи катта қора тўплар Отилди майдон ичинда, Мард йигитнинг ширин жони Сотилди майдон ичинда. «Равшан».*

2 **отмоқ** 2 фл. ўзл. н. Шу вақт команда берилди: «Сафлан!» *Нормат Адолатнинг ширмон юзидан ўнди ва она бағрига отилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. [Рафиқ] .. Босмачилар устига шердек отилди. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. | Ўзини бирор томонга урмоқ. Йўлчи кескин ҳаракат билан қайрилиб ташқарига отилди. Ойбек, Қутлуғ қон.*

3 Шиддат билан юқорига кўтарилмоқ. *Қайнаб чиқар нефть булоқлари,*

Фонтан бўлиб отилар тикка. Ё. Мирза.

4 кўчма Ўз ихтиёри билан талабгор бўлиб чиқмоқ, сафарбар бўлмоқ. У биринчи отилиб чиқиб паранжи ташлаган хотин. — Халққа эрк учун, нон учун, маданият учун кураша отилмоқ керак. Ойбек, Нур қидириб.

**ОТИМ** Бир отишли, бир чекишли. Бир отим нос. — [Ниёз қушбеги] нос қовоғини қоқа-қоқа бир отимини тилининг тагига ташлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОТИН** 1 тар. Октябрь революциясига қадар ва революциядан кейинги дастлабки йилларда уйда (эски) мактаб-тутган, болаларни ўқитган аёл. Хар кун қўшимиз отин бибида қиёмгача ўқиб, кейин то кечгача кўпинча кечалари ҳам аямнинг ёнига кириб тиқиш тикдим. Ойбек, Қутлуг қон. **Отин биби** (ёки буви, ойн) уйда мактаб тутган аёл. — Ўзини билмайми? — Қайдан билади, қишлоғимизда отин буви бўлмаса, ўқимаган-да. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 этн. Хотинлар йиғинида ишқий ёки диний-мистик ғазаллар ўқувчи аёл.

3 с. т. Хар қандай ўқимишли ёки ўқитувчи аёл. Шу чинорга чиққанга. Чиқиб уни йиққанга, Сўзсиз хотин бўлман, Гўзал отин бўлман. Х. Олимжон. — Ойинг ҳам отин бўлади, — Мавлон ака Қароматнинг гапидан завқланиб кулиб қўйди. Х. Ғуллом, Машъал. || Гулнор .. Йўлчига хат ёзишга қарор қилган ва сўзларини айтиб турган, отин қиз эса Гулнор сўзларини силлиқлаб қозоғга кўчирган. Ойбек, Қутлуг қон.

4 ўқимишли, обрўли аёлларга мурожаатда ёки улар тўғрисида гап бурганда исмига қўшиб ишлатилган сўз. Шакар отин. Фотима отин. — [Юсуфбек ҳожми:] Болам, Зайнаб отин, сиздан ҳали ёшлик ғурури кетмаган. лекин менинг болам бўлганингизни сиз ҳам унутманг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОТИНБУ** с. т. Отин биби, отин буви (қ. отин 1).

**ОТИНЧА** ўқимишли ёш хотин ёки қиз. Энди ўзи ўқимаса ҳам, отинча бўлиб болаларни ўқитади. «Қахрамонлар». — Ҳа, айланай отинчадан! — кўкрагига бир урди бойвачча. Ойбек, Қутлуг қон. Отинча қизим-ҳо, ўзимнинг отинча қизим, қанисан? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОТИНЧАХОН** айн. отинча

**ОТИШ** 1 отмоқ фл. иш оти. Диск отиши. Найза отиши.

2 Жанговар қуроллардан ўқ узиш, ўқни мўлжалга уриш машқи, маҳорати. Отишни ўрганмоқ. Отишдан аъло баҳо олмақ. — Қомандир отиш қондасини бир-бир сўраб чиқди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 айн. отишма.

**ОТИШМА** Жангдаги икки томоннинг бир-бирига қарши узлуксиз ўқ узиши, ўқ отиши, ўқ ёғдириши; отиш,

отишув. Артиллерия отишмалари. — Отишмалар Нормат ётган ердан узоқлашиди-ю, бир оздан кейин яна яқинлашиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Эрталабга яқин крепость атрофида қаттиқ отишма бўлиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОТИШМОҚ** отмоқ 1—5, 7, 8, 10, 11 фл. бирг. н. Қизлар жангларда йигитлар билан ёнма-ён туриб отишадилар. Ойдин, Ўзидан кўрсин. Ёшу яланг, қарию қартанглар .. бир-бирларига гап отишади, аския қилишади, қуйлашади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОТИШУВ** 1 отишмоқ фл. иш оти. 2 айн. отишма.

**ОТЛАМОҚ** 1 Қадам ташламоқ, одимламоқ. Энг олдинда, байроқ тағидда Тикка отлаб ўғлим боради. Х. Пўлат.

2 кам қўлл. Сакрамоқ, ирғимоқ, хатламоқ. От отламоқ отда юрмоқ; от хатлатмоқ. [Ўзбек ойлми:] Марғилон деган юртдан от отлаб, туя қўмлаб кел эмиш-да, бир ойёна турмай кет эмиш! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОТЛАНИШМОҚ** отланмоқ фл. бирг. н. Тўлқинни етаклаб, удега кирган Адолат Эъвозхон билан қизининг тоқадан дафтар-қалам олиб, йўлга отланишайётганини кўриб, ҳайратда қолди. Х. Ғуллом, Машъал.

**ОТЛАНМОҚ** 1 Отга минмоқ. Ўрмонжон [Аҳмедовнинг] бир гапини .. отлангани узангига оёқ қўётганида эслади. А. Қаххор, Қўшчинор.

2 кўчма Бирор жойга бориш учун шайланмоқ, тайёрланмоқ, хозирлик кўрмоқ. [Ольга Петровна:] Сиз келмасдан олдин мен бир ера отланиб турган эдим. М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Кумушга онаси:] Тур, бўлмаса, юз-қўлингени ювиб отлан, худо ўлим берсин уятсиз эрингга! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 кўчма Бирор ишни бажариш учун шайланмоқ, жазм қилмоқ. Янги ғабалалар сари отланмоқ.

◆ **Жни** (ёки ажинаси) отланди айн. жини кўзиди қ. жин I I. [Набижон] уни [Отажонни] кўрдими, ажинаси отланаверадиган бўлиб қолган эди. Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

**ОТЛАНТИРМОҚ** отланмоқ фл. орт. н. Қишлоқ меҳнаткашларини пахта учун курашга отлантирмоқ. — Эгарлаб берайин Чибор отингни, Отлантирай сендай валламатимни. Фозил шоир.

**ОТЛИ** I Оти бор; от қўшилган. [Салимбойвачча:] Кўй отли извоини қира қилиб ясаниб «шўхлик» қилиш учун янги шаҳарга жўнаб қолди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ОТЛИ** II Исмли, номли; исм ёки номга эга бўлган; .. деб аталадиган. [Тўра:] Ёвонимизда Жумагул отли бир қиз бор. Ж. Шарипов, Хоразм. Ёмон отли бўлмоқ эл-юрт ичида ёмон от чиқармоқ, бадном бўлмоқ. Ахир, бош олиб кетадиган бўлса, бир умр ёмон отли бўлади-ку, эл олдида шармандай-шармисор бўлади-ку, уят ўлим-

дан қаттиқ дейдилар. Ш. Рашидов, Бўрондап кучли.

**ОТЛИҚ** От минган; сувори. Икковга биров ботолмас, отлиққа яёв етолмас. Мақол. || Отлиқ аскар. Отлиқ полк. — Ҳайдарбой чойхона олдида бир отлиқнинг отдан тушайётганини хабар қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. У [Тўла-мат] урида ҳам отлиқ армияда хизмат қилган, қайси бир генералга ординарец бўлган экан. С. Анорбев, Оқсой.

◆ **Отлиққа ҳам йўқ** ҳеч қаерда йўқ, сира топиб бўлмайди. Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пидда-ку! А. Қаххор, Анор.

**ОТМОҚ** 1 Қўлни силтаб ёки қулочкашлаб қўлдаги нарсани узоққа ёки мўлжалга иргитмоқ, улоқтирмоқ. Тош отмоқ. Гранат отмоқ. Қўнга кесак отма. Матал. — Ермат пичоқни суғуриб олиб, узоққа отди. Ойбек, Қутлуг қон. | Ташламоқ, иргитиб юбормоқ. Тантубойваччи кўрпачага бежалол ўтириб, дўпписини бир чеккага отди. Ойбек, Қутлуг қон. **Ошиқ отмоқ** қ. ошиқ II 2.

2 Шивдат билан бирор томонга, жойга ташламоқ ёки ташланмоқ, отилмоқ. Гулнор ҳусисланган каби, бошини онанинг тиззасига отди. Ойбек, Қутлуг қон. От ўзини дарёга отди. Ойбек, Қутлуг қон.

3 Қўтариб ерга урмоқ, йиқитмоқ (курашда). У [Сидиқжон] ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб отган. А. Қаххор, Қўшчинор. Қўтасни отмади, зўр билан уни майдоннинг четига-қаттиқ ерга судради. А. Қаххор, Сароб.

4 с. т. Чекмоқ; тортмоқ. Нос отмоқ. — Шу вақтда кимдир, бурнаки отгандек қайта-қайта апишурди. Ойбек, Навоий. | Тортмоқ, ичмоқ (ичкилик ҳақида).

5 кўчма кам қўлл. Улоқтириб ташламоқ, тарк этмоқ, йиғиштирмоқ. Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил, болам, ёмонликни от! Эргаш шоир.

6 кўчма Чиқармоқ, ёзмоқ, ёймоқ (асосан ўсимлик ҳақида). Чечак отмоқ. Палак отмоқ. Қуртак отмоқ. — Ҳа демай карнайгуллар жуда ҳафсала билан чиройли қилиб тортилган ипларга чирмашиб катта-катта япроқлар отди. А. Қаххор, Қўшчинор. Зилол сувли шаршара ёнида икки баҳайбат чинор, Бобир замонидан гувоҳлик бериб, шох отиб турибди. Х. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. Томир отмоқ қ. томир 5.

7 Бирор қурол воситасида ўқ, тош, снаряд, миная ва ш. к. узоқ. Сопқон отмоқ. Қамалак отмоқ. Милтиқ отмоқ. Замбарак отмоқ. Миномет(дан) отмоқ. Отган ўқ қайтмас. Мақол. Ётиб қолгунча, отиб қол! Мақол. — Танкларимиз душманнинг олдинги окопларидан ўтиб, танкка қарши отадиган батареяни тўпга тутта бошлади. А. Қаххор, Оттин юлдуз.

8 Отиш қуроли воситасида уриб шикастламоқ ёки ўлдирмоқ. *Урдак отмоқ. Куён отмоқ.* — [Йўлчи] тишини қисирлатиб деди: «Туннинг оғзига қўйиб отиб юборинглар мани, қонхўрлар!» Ойбек, Қутлуг қон.

9 Куч билан итариб, итқитиб чиқармоқ; учириб юбормоқ. *Шиша пробкасини отиб юборди. Вулқон юз тонналаб оловланган тоғ жинсларини ҳавога отди.*

10 Кўчама Қўймоқ, ташламоқ. *Широт отмоқ. Масалани ўртага отмоқ.* — Дастлаб бу гапни дадангиз ўзлари ўртага отдилар. Ойбек, Қутлуг қон.

11 Учмоқ, сирғанмоқ. *Яхмалак отмоқ. Коньки отмоқ.*

◆ **Нафси ҳақкалак отади нафр.** мазахўракка ўрганиб, нафсини тиёлмайди.

**ОТНОН** эск. От шаклида пиширилган ширин кулча. *Холвафурушлар бақиршиб, кунжут ҳолва, мағиз ҳолва, пашмак, отнон сотмоқдалар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. — Сенинг келишинени билганимда хўровқандми, отнонми олиб келарканман, — деди почча Ҳамидага. С. Анорбоев, Мехр.

**ОТ-ОТАКАМ** Бири иккинчисининг эгагидан ушлаб от қилиб ёки ёғоч от миниб чопишдан иборат болалар ўйини. *Қудрат билан Қоля тоб новдасини миниб от-отакам ўйнашиб кўча чангитиб юришган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ОТПУСКА** [р отпуск] Дам олиш, даволаниш ва ш. к. учун ишчи ва хизматчиларни маълум муддатга ишдан озод қилиш. *Бир ойлик отпусका. Ёзи отпуска. Декрет отпускази. Отпускази даври. Отпускази пули. Отпускази олмоқ. Отпусказига чиқмоқ. Отпусказидан қайтмоқ.* — Ишчилар ва хизматчиларга маош тўланган ҳолда ҳар йил отпускази берилиши .. дам олиш ҳуқуқини таъминлайди. «ЎзСРР Конституцияси».

**ОТРЕЗ** [р] с. т. Қийим тиктириш учун мўлжалланган бир бўлак мато, бир кийимлик газмол. *Бир костюмлик отрез.*

**ОТРЯД** [р] 1 Махсус харбий группа. *Денгизчилар отряди. Парашютичлар отряди.* *Отряд командири.* — — *Йўқ, — деди командир, — ҳозир фурсат йўқ .. Ҳозирча буларни олиб от чоптириб тезроқ отрядга ет.* Айний, Қуллар. *Шу вақт унинг бахтига партизанлар отрядининг рақиисидан хабар келиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор иш, фаолият, хизмат учун уюшган кишилар группаси; коллективи. *Геологлар отряди. Пионерлар отряди.* | Умуман жамиятнинг маълум белгилар билан бирлашган группаси. *Коммунистик партия ишчилар синфининг илгор отрядидир.*

3 зоол. Хайвонлар систематикасида: маълум белгилар билан бирлашган группа. *Қемирувчилар отряди.*

**ОТТИРМОҚ** отмоқ фл. орт. н. Тош оттирмоқ. *Соққон оттирмоқ.* — *Бу хунук сўз Жўраҳонни шартта оттириб юборди.* М. Исмоний, Фарғона т. о.

◆ **Тонг оттирмоқ** тонг отгунча ухламай чиқмоқ. *Ухлай олмай тонг оттирдим. Қитоб ўқиб тонг оттирдим.*

**ОТТИСК** [р] Журнал, тўплам ва ш. к.да босилган мақоладан олинган алоҳида нусха. — *Хўй? — деди Саидий, — қўлидаги оттискларни олаётим.* А. Қаххор, Сароб.

**ОТУВЧИ** 1 отмоқ фл. ш. оти.

2 Жанговар қурооллардан, мас. милтиқдан ўқ уза биладиган, яхши отадиган киши. [Қўрқмас:] *Ўртоқ командир, яхши отувчи бўлиш учун кишининг икки қўли бўлиши шартми?* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ОТ-УЛОВ** Миниладиган иш ҳайвонлари (от, эшак, хачир ва ш. к.).

**ОТХОНА** Отлар сақланадиган бино; оғилхона. *Зиёдулла отхонадан қора йўғрасини етаклаб чиқди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Йўлчи уларга [отларга] беда ташлади, кейин курак ва сугурчи олиб отхонани тозалайбошлади.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ОТЧОПАР** От чопиш ва отда машқ қилиш учун махсус жиҳозланган майдон; ипподром. *Тошкент отчопари.*

**ОТҚИН** геол. Лаванинг ер остидан отилиб чиқиш ҳодисаси; отилиш. *Вулқонда яна отқин бошланди.*

**ОТҚИНДИ** геол. Вулқондан отилиб чиққан моддаларнинг (лаванинг) совшидан ҳосил бўлган тоғ жинслари. *Вулқан отқиндилари.* || *Отқинди тоғ жинслари.*

**ОТҚУЛОҚ** Отнинг қулоғига ўхшаш катта-катта ва узун баргли кўп йиллик ёввойи ўт.

**ОФАРИН** [ф-т] 1 Мамнунликни, завқланганликни, қойил қолганликни ифodalovчи олқини сўзи; тахсин, тасанно. *Офарин айтмоқ (ўқимоқ).*

2 унд. с. вазифасида Балли, баракалла. — *Офарин, Мавлононинг даъволари исбот бўлди, — деб юборди ҳамма.* М. Осим, Сехрли сўз. *Чаққон, эпчил ишлаётган аскарлар олдида тўхтаб: «Офарин, баҳодирлар!» — деб мақтаб ўтарди генерал.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ОФАТ** [а] Бошга кулфат солувчи ёки халокатга олиб келувчи бахтсизлик; бало. *Табиий офатлар.* — *Халқ бошига кўп офатлар келтирган Андижон зилзаси Қорабулоқни сувдан маҳрум қилиб қўйди.* М. Исмоний, Фарғона т. о. **Жон офати** қ. **офатжон.**

**ОФАТИЖОН** [а+ф-т] Ўзига мафтун қилиб, дилдан урадиган ғоят гўзал аёл. *Шу ондаёқ айланди бошим, Шу ондаёқ бўлдим паршоним. Шу ондаёқ ўртанди таним, Қайдан келдине эй, офатижон?* Уйғун. [Бой ўз-ўзига:] *Во ажабо! Бу ким бўлди. Чўрими, ёки бир офатижон фариштами? Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**ОФАТЛИ** Офат билан ўтган, офат бошлаб келган ёки келадиган. *Офатли йил.*

**ОФИЦЁР** [р<лат] Армия ва флотда командирлар составига мансуб ҳарбий хизматчи. *Артиллерия офицери. Алоқа офицери. Денгиз флоти офицери.* — *Полковник солдат ва офицерларнинг жанговар тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**ОФИЦИАНТ** [р<лат] Ресторан, кафе ва ш. к.да хўрандаларга хизмат қилувчи, улардан буюртма олиб, овқат келтириб берувчи ходим. *Официант бир шиша коньяк, бир шиша қизил вино олиб келди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ОФИЦИАНТКА** [р] Аёл официант.

**ОФИЯТ** [а] эск. кт. Соғлиқ; соғ-саломатлик.

**ОФОҚ** [а] эск. кт. Дунёнинг ҳар томони; дунё, жаҳон. **Ягонаи офоқ** дунёда ягона, тенги йўқ. **Забардасти офоқ** дунёда энг зўр.

**ОФТОБ** [ф-т] 1 Куёш, кун. *Оданинг юзи офтобдан иссиқ.* Мақол. — *Офтоб чиқди олама, Юеуриб бордим холамга. «Фольклор». Палатага кирдик. Шу пайт офтоб яна булут остиса кирди-ю, палатани шом қоронғулиги босди.* А. Қаххор, Минг бир жон. **Офтобни оламтоб қ. оламтоб.**

2 Куёш тарқатаётган нур; куёш харорати. *Танаси икки катта қулочга сиғмайдиган бир туп сада тевааракка тангадай офтоб туширмайди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Устидаги гимнастёркаси ёмғирда ювилиб, офтобда ўнгиб, оқариб кетган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аям мени бундақа офтобда жисгинак бўлиш учун туққан эмас.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Офтоб урибди** офтоб харорати касал қилибди.

3 Куёш нури тушиб турган, куёш иситиб турган жой. *Офтобда исинмоқ. Текинада мушук ҳам офтобга чиқмайди.* Мақол. — *Урида қармоқ ушламаган чоллар офтобда ўтириб тўр ямашга тушди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Кўм-кўк барелар орасида тизилиб, ғун-ғун бўлиб, офтобда садафдек ярқираб турган тутни кўриб жувоннинг ҳам оғзи сув очди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

◆ (Орқасига) **офтоб тегди** ёруғликка, рўшноликка чиқди; иши юришиб кетди. *Мана энди мўрзам оталиқ қилиб, ўрдадан бирор иш топиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса эжаб эмас.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ОФТОБА** [ф-т] диал. Обдаста. *Шавкат уйғониши билан қизлар олтин офтобада сув келтирдилар.* «Эртақлар». *Қомил айвон олдида турган мис офтоба билан мис даштани олиб, Саид афандининг қўлига сув қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ОФТОБАЧИ** тар. Хонлар саройида мехмонларга офтоба тутувчи лавозимли шахс.

**ОФТОБИ** [ф-т] диал. Офтобда қури-тилган мевалар, мас. туршак, қоқн; тақ, сояки.

**ОФТОБЛИ** Офтоб чиқиб турган, куёшли. *Офтобли кун.*

**ОФТОБПАРАСТ** [ф-т] 1 Куёшга топинувчи, куёшга сажда қилувчи.

2 *диал.* Кунгабоқар.

**ОФТОБПАРАСТЛИК** офтобпараст 1 с. белги *оти.*

**ОФТОБРҮЙ** [ф-т] *айн.* офтобрўя.

**ОФТОБРҮЯ** [ф-т] 1 Куёшга қараган, куёш нури кўп тушадиган; кунгай. *Офтобрўя уй.* — Роза ўша бир жуфт донни офтобрўя ерга экиб қўйди. С. Маҳкамов, Бир жуфт дон.

2 *айн.* **офтобчувоқ.** Чивиллар офтобрўяда ўтирган одамларни гингиллаб нотинч этишарди. Айний, Қуллар.

**ОФТОБТИГА** [ф-т] Офтоб нури тик тушиб турадиган ер. Қишининг охирлари эди; ҳали баҳор бошланган бўлмаса ҳам, устма-уст келадиган офтобли кунлар офтобтигалардаги қорларни эритган. Айний, Қуллар.

**ОФТОБЧУВОҚ** [ф-т] Баҳорги таъсир кучи кам, ёқимли офтоб.

**ОФТОБШУВОҚ** *айн.* офтобчувоқ.

**ОХАЛТАКА** Туркманистонда қадимдан маълум от наслларидан бири (жуда кўркам, бардошли чопқир от).

**ОХИР** I [а] I Чўзиқ нарсаларнинг сўнгги чегараси, энг кетинги қисми, поёни. *Йўлнинг охири кўринмайди. Қолоннинг охири. Эшелоннинг охири.* | Давомили нарсаларнинг сўнгги қисми, хотинаси. *Достоннинг охири. Спектаклнинг охири.* — [Уста Олим] хатнинг охирида: Сиздан бир кун сўнг Хомид ўлди .. деб ёзар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к.нинг сўнггиси, охириги дами, ниҳоят. *Йилнинг охири. Қишининг охири. Охир бўлмоқ.* — *Отам .. умрининг охиригача тўқинчилиқни кўрмади.* М. Ҳусанхўжаев, Большевиклар кўрсатган йўлдан бориб. **Охир замона қ. охирзамон.** — *Охир замона деб шуни айтадилар-да. Қизларда шарм-ҳаё йўқ. Фалончи очиллибди, писмадончи паранжисини ташлабди, деган гаплар кўпайиб кетяпти.* — деди Тўтибу. С. Зуннунова, Гулхан. **Охир пешин қ. пешин** I. *Бунда суҳбат охир бўлиб қолади, Куннинг ўзи айн пешин бўлади.* «Алпомиш»: | Оқибат, натижа; пировард. *Ёмон шининг охири вой.* — *Ҳай, шикилиб, охири бахайр бўлсин.* — деди Махсум. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОХИР II** [ф-т] с. т. Охур.

**ОХИРАТ** [а] *дин.* Гўё киши ўлгандан кейин бошланадиган ҳаёт, нариги дунё; қиёмат. [Азизбой:] *Бу фоний дунёда оч ўлди нима-ю, тўқ ўлди нима? Охирати бахайр, имони басаломат бўлсин.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. — *Бу дунё беи кунлик, ёлгон дунё. Охиратни эсдан чиқарманг, ҳа! — деди домла.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Охиратда** I) нариги дунёда; қиёматда. *Йигирма сўм қарз эди, охиратда ҳам жавобини беради.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) сира, ҳеч вақт. *У охиратда ҳам тузалмайди.*

◆ **Охират оши** ҳаётнинг сўнгги дамида ейилган овқат. **Охират тарнов** ҳазил жуда новча одам ҳақида.

**ОХИРГИ** Нарса ёки ҳодисалар қаторининг энг сўнггидаги; сўнгги, энг кейинги. *Охирги курс. Охирги сўз. Романнинг охири боби.* — *Чекинмаймиз. Охирги томчи қонимиз қолгунча курашамиз!* — деди Чернецов. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ҳамдамформа .. ариқ қазининг охири кунинда шидан қайтиб уйига кириб овқат эди.** Айний, Қуллар.

**ОХИРДА** *рви* Охири, ахири, пировардида. *Зайнабнинг ўн беш дақиқали муомаласида Отабек юқориги каби «эсдан чиқариш» ҳолатига бир неча қайта учради ва охирда сўрамоққа мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОХИРЗАМОН** [а] *дин.* Дунёнинг, ҳаёт ва борлиқнинг сўнгги дамлари, қиёматга яқин қолган замон. *Бизнинг замонамиз «охирзамон» бўлгани учун ҳеч бир киши вали бўлмас ва шунинг учун шоир ҳам бўлмас экан.* Айний, Эсдаликлар.

**ОХИРИ** *рви* Охир-пировардида, ахир. *«Сабр туби олтин» мақолига амал қилиб, арқонни узун ташлаб қўйган эдик. Охири сабр қосамиз тўйиб-тошиб кетди.* «Муштум», 1959, № 6. | **Бориб-бориб, ниҳоят.** *Тақдир шамоли уни [Зағчақўзни] турли бурчакка учирди ва охири, мана шу Камшиқапага келтириб ташлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОХИРЛАМОҚ** Охирига, поёнига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ. *Қиш охирламоқда. Қурлиши охираб қолди.* — *Пахта йиғим-терими охираб турганда, Ойқиз Бойчиборга миниб райондан қайтарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ОХИРЛАШМОҚ** *айн.* охирламоқ. *Қуз охирлашиб қиш яқинлашган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳавосида ҳали ёгингарчилик бошланмаган эди.* Айний, Қуллар.

**ОХИРУЛАМР** [а] *эск. кт.* Охири, охир пировардида, ниҳоят. *Охируламр бу кун бир чор деворга кириб, ўлиб ётган зинакни кўриб, гўштидан бир миқдор кесиб уйга келтирдим.* А. Қаҳор, Бошсиз одам.

**ОХРА** [р < грек] Сарик ёки қизил тусдаги табиий минерал буюқ.

**ОХРАНКА** [р] *тар.* Чор Россиясида яширин полиция ташкилоти.

**ОХУН(Д)** [ф-т] I *эск.* Ўқимишли, илмли киши; мулла, домла. *Қозоқлар орасида бахшилар, жировлар, охунлар элли оралаб тентираб юриб, тиричилик ўтказадилар.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари. | Ўқимишли, илмли кишилар исмига қўшиб айтилдиган сўз. *Юсуфбек ҳожи билан қутидор Солиҳбек охуннинг Қўжалдош хужрасига меҳмон бўлиб кетганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 с. т. **Халқ ичиди уйғурларга қўйилган лақаб.**

**ОХУР** [ф-т] Уй қайионларига еми-хашак солиб бериш учун яшиқ ёки сулов тарзида қилинган жой. *От охури. Мол охури.* — *Ғуломжон отхонага кириб, тўқилган бедаларни охурга териб солди, қоронғида ҳам кўллари чақнаб турган саманни пешанасидан силаб, сўйиб қўйди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ **Баланд (ёки катта) охурдан** емеган (ёки сув ичган) катталар боёнлар билан яқин алоқада бўлиб кеккайган ёки ўзи катта, боён бўлиб ўтган. [Урмонсан:] *Сен катта охурдан емеб ўргангансан, чидолмайсан.* А. Қаҳор, Кўшчинор.

**ОХУРЧУП** [ф-т] Пойабзалнинг дастаги маҳкам, тик туриши учун унинг ичига (авра-астар орасига) қўйиб тикиладиган юпқа эгилувчан тахтача, картон ёки қаттиқ чарм. *Муслмон усталар қаушнинг дастагига охурчўп қўйиб тикидилар.* Айний, Эсдаликлар.

**ОЧ** I I Қорнида, меъдасида овқат қолмаган, очқиб, овқат тусаб қолган, очикқан. *Оч одам. Оч тус. Оч қолмоқ. [Оч қолдирмоқ. Оч қўймоқ. Оч қоринга ачиқ саримсоқ. Мақол. Оч қорним — тинч қулоғим. Мақол. Хунарли киши оч қолмас. Мақол. || Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ. Мақол. — Сувоғжон қўрага хужум қилган бир оч бўрини отиб олибди. С. Анорбоев, Оқсой. [Йўлчи] бир сўйма ёши нон-чой олиб ичди-да, оч қорнини бир қадар оевтиди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Тўқлар қулади, олар йиғлайди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Оч биқин қ. биқин.**

2 **Очлик** ҳолати. *Ҳамма халқ очдан ўлмаслик учун бир амал-тақал қилиб турибди.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Ингичка, кичик (тешикка нисбатан кичиклик-ингичкалик қилган соп, вал ва ш. к. ҳақида). **Соп оч келди** соп ингичкалик қилди.

**ОЧ II** Кучсиз, нимхуш (ранг-тус ҳақида). *Оч кўк. Оч сариқ. Оч қизил. Оч яшил барлар.*

**ОЧАМБИТИ** *айн.* жағ-жағ.

**ОЧАР** Мевадан, кўпинча беҳидан пиширилган мураббо. *Икки қозонда тўғралган беҳидан очар пиширилди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**ОЧАРЧИЛИК** Уруш ёки бирор табиий офат натижасида ёки ғалла битмай қолганлиги сабабли озиқ-овқат етишмаслиги; қаҳатчилик. *Революциядан кейинги илк йиллар. Вайрона қилинган мамлакатда очарчилик ҳукм суради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. **ОЧАТКИ** Очликдан озиб-тўзган. **Очатқи қўй.**

**ОЧЕРЕДЬ** [р] I *ҳарб.* Автомат ёки пулемётдан бир йўла, бирин-кетин отилган ўқ; шу зайлда ўқ узини. *Узоқда гоҳ-гоҳ автомат очереди тарақлаб қўйди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Ун иккита патроннинг ўн биттасини уч қисқа очередда нишонга жойлабди Э. Мурод. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 с. т. Навбат. Очередь олмоқ.

**ОЧЕРК** [р] Хаёсий фактларнинг қисқача тасвирдан иборат кичикроқ бадиий асар. Ҳарбий очерк. Биографик очерк. Библиографик очерк.

**ОЧЕРКЎСТ** [р] айн. очеркчи.

**ОЧЕРКЧИ** Очерк ёзиш билан шуғулланувчи журналист ёки адиб.

**ОЧИЛИБ-ЁЗИЛИБ** айн. очилиб-сочилиб. [Генерал] расмиятчиликка йўл қўймай, очилиб-ёзилиб ўтиришни буюрди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ОЧИЛИБ-СОЧИЛИБ** очик чехра билан, хурсандлик билан, ўйнаб-кулиб. Тўла кейинги вақтларда .. негадир очилиб-сочилиб юрмас эди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ОЧИЛИШМОҚ** очилмоқ 4, 10 фл. бирг. н.

**ОЧИЛМОҚ** 1 очмоқ 1—8 фл. мажх. н. Эшик очилди. Сандиқ, очилди. Семафор очилди. Йўл очилди. Янги мактаб очилди. Буз ва қўриқ ерлар очилди. Қинғир иш қирқ ўйлдан кейин ҳам очилади. Мақол. — Лекин канал очилган кун исингизда борми? А. Қахҳор, Кўшчинор. Яқинроғингизда ўлмоқ учун .. душман томонидан уйингизга очилган тўйункчага кирдим. А. Қодирий, Утган кунлар. [Хасанали] узоқ ўйлагандан сўнг шининг очилмай қолган қисмини ечиниш бошқа вақтга қолдирмоқчи бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 очмоқ 1, 2, 9—12 фл. ўзл. н. Фикри очилди. Ранги очилди. — Қелди очилур чоғинг, ўзлингиз намоён қил, Парчаллаб кишанларни ҳар томон паршон қил. Ҳамза. Очилган хотин-қизлар фабрикага жойлансин. «Фольклор». Томлардаги .. лолалар қип-қизил бўлиб очилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Сўнги кўёшли кунларда пахта яна қийғос очилди. И. Раҳим, Ихлос.

3 Кўринмоқ, намоён бўлмоқ. Йўлчининг кўзига «жаннатдай» катта боғ манзараси очилди, томоша қилиб, кекса тоғанинг орқасидан юра берди. Ойбек, Қутлуғ қон. Агар мана шу Музлақ тоғнинг .. сиртиса чиқилса, кишининг кўзи олдида бири-бирига зид икки дунё очилади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Хафалиги ёки қаҳр-ғазаби йўқлиб хушнуд бўлмоқ, ёзилмоқ:— Гоҳо бирон киши [бувимнинг] кўнглини оғритганда мен унга бир оғиз юшоқ гап айтсам, ўша замони очилиб кетаюларди,— деди Кенжа. Х. Назир, Енгамиз хурофотни, бидъатни. Элмурод унинг [Гулсумнинг] бу қадар очилиб кулашини биринчи кўриши эди. У бундан роҳат қилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чехраси очилди кайфияти яхши бўлди, чехраси ёришди.

5 Хўснига хўсн қўшилиб тобора чиройли бўлмоқ, гўзаллашмоқ. Зуннуновнинг назарида Саодатхон янада очилиб кетганга ўхшайди. И. Раҳим, Ихлос. Қора қўйлак ичида бўғилиб ётган экансан. Қара, нақ шафтоли гулидек очилибсан, кел, пардоз қиламиз.

Н. Сафаров, Шарқ тонги. Хира, саҳтиён махсилар пардоздан сўнг йилтирайди, очилади. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Бахтинг очилсин қ. бахт** 1. Кўзи очилди қ. кўз. Ҳаво очилди ҳаво булутдан тозаланди. Осмонни қоплаган чанг-тўзон аллақачон ғойиб бўлди, ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ОЧИЛТИРМОҚ** очилмоқ 3—5 фл. орт. н. Пахтани очилтириб термоқ. Кирни очилтириб ювмоқ.

**ОЧИН-ТЎКИН** рвш Тўйиб овқат емасдан, чала-ярим овқат еб, оч холда. Мардикорларнинг бир қанчалари очин-тўкин деворга суяниб ётиб қолар эдилар. О. Содиқов, Қашшоқликда, муҳтожликда.

**ОЧИНҚИРАМОҚ** Сал очикмоқ, очлик сеза бошламоқ.

**ОЧИРИЛМОҚ** очирмоқ фл. мажх. н. Инкубаторда ўн минг жўжа очирилади. Қурт уруги очирилади.

**ОЧИРИШМОҚ** очирмоқ фл. бирг. н. Опа-синел уч қути қурт очиришди. Жўжа очиришди.

**ОЧИРМОҚ** очмоқ 12 фл. орт. н. Жўжа очирмоқ. Қурт уругини очирмоқ.

◆ **Кўз очирмайди** 1) атрофга қараши, кўриши учун имкон бермайди. Шамол кўз очирмайди; 2) тинчлик бермайди; у-бу деб доим хафа қилади, аччиғини келтиради. Уялин! Илгарилари бўғоғинг бор деб, кўз очиргани қўймас эдингиз-ку! Неча марта йўғлатгансиз? А. Қахҳор, Жонфигон.

**ОЧИШМОҚ** очмоқ 1—9 фл. бирг. н. Эшикни зўрға очишибди. Сандиқни очишмабди. Янги йўлни очишибди.

**ОЧИҚ** 1 Ҳеч нарса билан «бекитилмаган, тўсилмаган. Икки томони очик шийпон. Тенаси очик йўлак. | Бекитилмаган, маҳкамланмаган, кулфланмаган. Очик дарвоза. Очик дераза. | Яланғоч. Очик бадан. — Полиция бошлиғи .. пишиқ ўрилган чарм қалчин билан Йўлчининг очик қўррагини ва бўйинини узиб олди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Очик эшик** ҳамма учун кириш мумкин бўлган жой.

2 кесим вазифасида Берк эмас, очилган холда. Дарвоза ланг очик. Мажлис очик. — Эшик ва даричалар очик бўлса ҳам уйда биров кўринмади. А. Қодирий, Утган кунлар. Кечаги боржом оғзи очик қолпти, газни чиққандан кейин бир пулга қиммат. А. Қахҳор, Санъаткор.

3 *кўчма* Равшан; аниқ; аён; кўриниб, биллиб турадиган. Қишлоқ аҳолиси Мулла Усар деган очик фикрли ўрта деҳқонни комиссар қилиб сайладилар. М. Уринхўжаев, Унутилмас кунлар. У ўзини жуда эркин тутар ва ҳар бир саволага очик, тўғри жавоб беради. Ойдин, Икки кўзи шунда. || Қоронғу бўлса ҳам Ўзбек оймағининг тусидоғи шодлик белгилари очик кўриниб турар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. | Тўғри, ҳақиқий. Очик гап. || **Очик гапирмоқ** (ёки айтмоқ, сўзламоқ)

яширмасдан, ҳаммасини айтмоқ; тўғрисиини айтмоқ. Элмурод кўнглидагини очик айтиб қўя қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. || **Очиғини айтганда, мен сиз билан сира учрашмоқчи эмас эдим.** Н. Сафаров, Шарқ тонги.

4 Ҳеч кимдан яширилмаган. Очик муносабатлар. Очик қаршилик. — [Душманлар] колхоз тузишга қарши турадилар. Очик ҳаракат қилишга эса халқдан қўрқадилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

5 *кўчма* Ҳамма, хоҳлаган киши қатнашса бўлаверадиган. Очик савдо. Очик суд. — Урмонжон .. ақтивлар иштироки билан бўладиган очик партия мажлисининг вазифасини тушунтириб берибди. А. Қахҳор, Кўшчинор.

6 Ранги тиниқ, шўхчанг. Очик чит.

7 Хушфёъл, юрагида кири йўқ; хушчақчақ. Очик қиз. — У [Али] ичи кирсиз, серкулеи, очикгина бир йигит .. эди. А. Қодирий, Утган кунлар. **Очик кўнгли** ёки **кўнгли очик қ. кўнгли** 1.

8 тар. Паранжи ташлаган, озодликка чиққан (хотин-қизлар ҳақида). Бир кун и беш-олтита очик хотин орасига тушиб қолиб, не вақтгача кўнглим ғаш, таъбим кир бўлиб юрдим. А. Қахҳор, Майиз емаган хотин. || Йўғилганларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлиб, улар орасида очиклар ҳам, паранжликлар ҳам бор эди. С. Зуннунова, Гулхан.

◆ **Беги (ёки юзи) очик** уят-номусни билмайдиган, беҳаё, одобсиз. **Боши очик** 1) ҳали унаштирилмаган, никоҳ қилинмаган. Энди у [Мунаввар] боши очик қиз бола эмас. Оилли. С. Анорбоев, Мехр; 2) ҳеч ким ҳали савдо қилиб олмаган, сотилмаган. **Боши очик мол.** Кўзи очик қ. кўз 1. Масалани очик қолдирмоқ масалани ҳал қилишни кейинга қолдирмоқ. **Очик ҳаво** 1) булутсиз, беғубор осмон. **Совуқ бир оз юшиб тушган, қуёш очик ҳавода ҳаракат этмоқда** эди. А. Қодирий, Утган кунлар; 2) усти ёпилмаган жой, ташқари, дала. **Мана чинакам болалик:** .. мактаб саҳнида очик ҳавода физкультура машқлари қилиш, шашка-шаҳмат ўйнаш, қўшиқлар айтиш. П. Турсун, Ўқитувчи. **Очик хат** ҳамма ўқиши учун олатда матбуотда эълон қилинадиган расмий хат. **Чакаги очик** айн. жағи очик қ. жағ. **Қўли очик қ. қўл.**

**ОЧИҚАРЛИ** с. т. Киши оч қоладиган, еярли бирор нарса топилиши мушкул. Давлат тўғрисида бўлса, очикарли ерда эмасмиз. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОЧИҚГУЙ** кам қўл. Очиғини айтадиган, юрагидагини ҳеч яширмайдиган; тўғри сўз.

**ОЧИҚДАН-ОЧИҚ** рвш 1 Аниқ-равшан, шак-шубҳасиз. || Бу очикдан-очик тушма. — Дарҳақиқат, унинг [Зайнабнинг] бу иши очикдан-очик болаларча кетган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.



2 Ошкора, намоёншкорона; рўй-рост. **Очиқдан-очиқ қаршилик қилмоқ.** — **Очиқдан-очиқ Акбаровга қаратилган бу истеҳзо Зуфар Ҳакимовични алланечук яйратиб юборди.** П. Қодиров, Уч ялди. | Тап тортмасдан, ибо қилмасдан, уялмай-нетмай. **Очиқдан — очиқ сўжинмоқ.**

**ОЧИҚ-ЕРУҒ** айн. **очиқ-ойдин.**

**ОЧИҚЛИК** 1 **очиқ с.** белги оти. **Ҳавонинг очиқлиги.** — Биров оқсоқолнинг очиқлигини яхши кўрса, биров ёқтирмасди. П. Турсун, Уқитувчи.

2 Очиқ, эркин жой, эркинлик. **Зиндондаги ширин-шарбатдан очиқликдаги ситам, гурбат яхшироқмасми? Ҳамза, Майсаранинг иши.**

3 Оралиқдаги жой, оралиқ. **Тоғуш пайчалари ўртасидаги очиқлик.**

◆ **Кўзим очиқлигида** тириклигимда, ҳаётлигимда.

**ОЧИҚЛОВЧИ** эск. грам. Аниқловчини аниқлаб келувчи сўз.

**ОЧИҚМОҚ** **Оч қолмоқ,** қорни очиб овқат тусаб қолмоқ. **Йўлдан очиқиб келган кишининг димоғига қилинаётган овқат ҳиди киранда, тезроқ пиша қолса эди, деб безовта бўлади.** М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ОЧИҚ-ОЙДИН** Аниқ-равшан; шубҳасиз. **Очиқ-ойдин масала. Очиқ-ойдин жавоб.** — У [Нури] келин бўлиб борғуси оиланинг бойлигини ўйламаган, чунки бу нарса у учун очиқ-ойдин эди. **Ойбек, Қутлуғ қон.** | Очиқ, рўй-рост. **Очиқ-ойдин гап.** || Манави сабил аризада очиқ-ойдин ёзиб қўйилган. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ОЧИҚ-ОШКОР** рвш Яширмасдан, рўй-рост, ошкора. **Очиқ-ошкор муҳаббат ихзор қилмоқ.**

**ОЧИҚТИРМОҚ** **очиқмоқ фл. орт. н. ОЧИҚЧА** айн. **очиқчасига.** У [Гулнор] билан очиқча сўзлашув керак. **Ойбек, Қутлуғ қон.**

**ОЧИҚЧАСИГА** рвш 1 Яширмасдан, тўппа-тўғри, очиқ, рўй-рост. **Очиқчасига танқид қилмоқ.** — Газетани ўқиймиз, ҳамма гапни очиқчасига гаплашамиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Тап тортмасдан, уялмасдан; ҳаёсизлик билан.— **Рост, қизлар,— деди Қумри очиқчасига ўтиб,— вофуруш Қилтириқ маҳсумни ўша вақтдаёқ ахта қилдирган дейишди.** А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ОЧИҚ-ЧОЧИҚ** Йиғиштирилмаган, бесаражом. **Ҳамма нарса очиқ-чочиқ эди.** — **Қор-хайри бор одам ҳам уйни шунақа очиқ-чочиқ ташлаб кетадими?!** — **деди Қаромат.** Ҳ. Раҳимов, Чин ҳаёт.

**ОЧИҒИ** 1 Гапнинг тўғриси, тўғри гап, очиқ гап. **Очиғини айтганда.** — **Мен сизга очиғини айтсам, шу кеча-кундузда ёс-ҳўшим сизда бўлиб қолди.** П. Турсун, Уқитувчи.

2 кириш с. Тўғриси, очиғини айтганда, гапнинг пўскалчаси. **Очиғи, ўзи туғилиб ёсган, ўрганган уйдан кетиши Қудратга осон эмасди.** Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ОЧИҒИЧА** рвш 1 Очиқ, ёпилмаган қолда; очиқлиғича. **Эшик очиғича қолди. Қозон очиғича турган экан.**

2 Ҳал қилинмасдан, ечилмаганча. **Иккинчи масала очиғича қолдирилди.**

**ОЧҚО** [р] 1 Уйида, спорт мусобақаларида ютуқни кўрсатувчи ҳисоб бирлиги. **Раҳим хиёл ўйлашиб қолди. Энди у, икки метрга сакраб, етти очко олишни эмас, балки биратўла олти кататка сакраб, ўн бир очко эгаллашни чамаламоқда эди.** Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 с. т. Қарта ўйинининг бир тури; йнгирма бир. **Очко ўйнамоқ.**

**ОЧҚУЗ** 1 **Еб тўймайдиган, нафсини тиёлмайдиган, нафси бузуқ, суқ. Очқўз бўри. Очқўз ит.**

2 Бирор нарсага ўч, ҳар нарсага ортиқча хирс қўйган. **Соҳиб қори молпараст, очқўз одам.** И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОЧҚУЗЛИК** **очқўз с.** белги оти. **Очқўзлик қилмоқ.**

**ОЧЛИК** 1 **оч с. мавҳ. от.** **Очликдан сулаймоқ.** Бир очликнинг бир тўқлиги бор. **Мақол.** — [Ғофир:] **Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялинмайман.** Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Очлик эълон қилмоқ** қамоқда норозилик билдириб овқат ейнидан бош тортмоқ.

2 айн. **очарчилик.** **Революциядан кейинги илк йиллар. Вайрона қилинган мамлакатда очарчилик ҳукм сурарди.** Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ОЧМОҚ** 1 Йўлни тўсиб турган нарсаи бир томонга суриб, кўтариб қўйиб кириш ёки чиқишга имкон туғдирмоқ. **Дарвозани очмоқ. Деразани очмоқ. Эшикни очмоқ.** | **Олиш-қўйиш йўлини, оғзини бекитиб турган тикин, қопқоқ, қулф ва ш. к.ни кўтариб, суриб қўймоқ,** бўшатмоқ ёки олиб ташламоқ. **Чемоданин очмоқ. Шишанинг оғзини очмоқ.** — У [Аҳмаджон] эшик ёнига чўнқайиб ўтирди-да, милтигининг затворини бир неча мартаба очиб ёпди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Бўшатмоқ; ечмоқ. **Қопни очмоқ.** — **Қори тўғунчани очиб ўрикдан иккитасини Сидиқжонга узатди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Уралган, қопланган, паналанган ёки кўмилган нарсаларни бекитиб, ўраб, қоплаб турган нарсдан холи қилмоқ, яланғочламоқ. **Ток очмоқ. Қўкракни очмоқ.** — [Гуландом] атлас кўйдакнинг кенг енгини тирсақка қадар шимариб .. **ғўзал билақларини очиб дуторни чертди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Ҳамма кулиб юборди. Кўрпани бир оз очиб қараган Гулшан ҳам .. ичи қотиб қулди.** А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. **Табиб кетди, Отабек телбаларча югуриб, Қумушнинг бошига келди, юзини очиб, манглайини босди ва ўпди.** А. Қодирӣ, Утган кунлар. | Кўтармоқ, сурмоқ ёки олиб ташламоқ (парда, ниқоб ва ш. к.ни). **Пардани очмоқ.**

3 Тўсиқни, говни олиб ташламоқ, тақиқни бекор қилиб ўтиш, юриш учун

имкон бермоқ. **Йўлни очмоқ. Чегарани очмоқ. Семафорни очмоқ.** | Бирор нарсанинг ҳаракатига йўл бермоқ, йўл қўймоқ, қўйиб юбормоқ, бўшатмоқ. **Газни очмоқ. Жўмракни очмоқ.** — **Яна кечаидек сувни очиб, ўзи уриб кетди, деб ўлтирадиган бўлсан сен мендан яхшилик кутма!** Н. Сафаров, Уйғониш.

4 Ёзмоқ, ёймоқ, кермоқ (тахланган, букланган, йиғилган, юмулган нарсалар ҳақида). **Зонтикни очмоқ. Қафтани (қўлини) очмоқ. Қанотини очмоқ. Емондан қоч, яхшига қулоч оч. Мақол.** — **Кумуш айвон томонга қайтар экан, очиқиб хатти очди.** А. Қодирӣ, Утган кунлар. **Режиссёр яна дафтариши очиб, бир нималарни ёзиб қўйди.** А. Қаҳҳор, Қартина.

5 Қуриб, солиб, битириб, ишга туширмоқ. **Мақтаб очмоқ. Санаторий очмоқ. Янги йўл очмоқ.** — [Ҳасанали] .. **гузардин баққоллик дўқони очган эди.** А. Қодирӣ, Утган кунлар. **Мени гафлат уйқуси босмаган бўлса, нега бир гаиллик пахсени кесар эмишлар-да, ва бошимдан туйнук очар эмишлар-да, мен ҳеч нарса сезмас эмишман!** А. Қодирӣ, Утган кунлар. | Расмий равишда ишга туширмоқ. **Виставкани очмоқ. Стадионни очмоқ.**

6 Қашф этмоқ, топмоқ. **Янги юлдуз очмоқ. Қон очмоқ.**

7 Янги бир нарса яратмоқ, бошлаб бермоқ. **Ахир сиз билан биз катта иш қиляпмиз, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида бутун бир давр очяпмиз.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. | **Қўпчилик ишгирокида бирор ишни бошлаб бермоқ, бошлаб юбормоқ; очиқ деб эълон қилмоқ. Мунозара очмоқ. Митинени очмоқ. Парадини очмоқ.** — **Ўзбек ойим қора кийиб, тавзия очди.** А. Қодирӣ, Утган кунлар. **Мажлисни Иброҳимов очди ва кун тартибинин эълон қилди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

8 Нарса, волеа, ҳодиса ва ш. к.нинг қандайдир томонларини ёритиб баён, ошкор қилмоқ, аниқламоқ. **Масаланинг моҳиятини очмоқ. Асар ҳаҳрамонларининг характерини очмоқ. Ҳақиқатни очмоқ. Гапнинг тагини гап очар.** **Мақол.** | **Очиқ ихзор қилмоқ, айтмоқ. Йўлчи ақсар вақт, шидан қутилгач, у [Қоратой] билан вақт кечирар, қайғусини, севинчини унга очар эди.** Ойбек, Қутлуғ қон. **Агар улар [Тешабойлар] бу мақсадларини очиб айтмаётган бўлсалар, балки бунда бир сирлари бордир.** М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. **Юрагини очмоқ** юракдаги қайғу-ҳасратини, орзу-умидларини, тилак-истагини билдирмоқ. | **Фош қилмоқ, ҳаммага маълум қилмоқ. Жиноятни очмоқ. Камчиликларни очмоқ. Сир(нинг) учини сўз очар.** **Мақол.** **Ола товук сомон сонар, ўз айбини ўзи очар.** **Мақол.** — **Йўқ, бунда бир сир бор. Мен бу ишни, албатта, очман, деб ўйлар эди Нури.** Ойбек, Қутлуғ қон.

9 тар. **Паранжи ташлатмоқ, паранжисиз юришга имкон ёки руҳсат бермоқ. Мулла Норқўзи жаҳл билан унинг**

[хотинининг] аламини босмоқчи бўлди: — Э, ҳали мен сени очман деб юрибман-ку. А. Қаххор, Майиз емаган хотин.

10 Ҳуснига хусн қўшмоқ, гўзаллаштирмоқ, кўрк бермоқ. *Ловулаган гилам уйни жуда очиб юборди. Кийим қиз Ҳуснани яна-да очибди. Эр юзини ер очар, ер юзини эр очар.* Мақол.

11 Кучайтирмоқ, ривожлантирмоқ, ўдирмоқ. *Қиши фикрини китоб очади. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар.* Мақол. — *Мактаб, анжуман борғил, Унда фикр очиб гоҳи, Илму фан тиги бирлан жаҳа бағрини қон қил.* Ҳамза.

12 Тухум босиб, ундан жўжа чиқармоқ. *Товуқ ўнта жўжа очибди. Мусича бола очибди.* — *Биз ёруғ дунёни кўриш учун туғилганмиз, Турғуной! — деди Масмон.* — *Биз товуқ эмасмизки, қандай тухум бостирса, шуни очиб чиқарсак.* А. Қаххор, Масмон.

◆ **Америка очмоқ с. т.** аллақачон маълум бўлган нарсаларни янглик деб эълон қилмоқ. *Биқнингдан (ёки қуллогиннинг тағидан) дарча очиб кўйими қ. дарча. Очди қилмоқ* ким ҳақ, ким ноҳақлигини кўпчилик ўртасида ҳал қилмоқ. *Бутун гапларни орада очди қилмасак, тавна-тавалардан қутилмайдиёганга ўхшайман.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташида. *Қорни оч очқиди, оч қолди. Қўрик очмоқ қ. кўрик* 5.

**ОЧ-НАХОР** *рви* 1 Эрта билан понушта, нахорлик қилмасдан.

2 *Очин-тўқин, оч. Ҳар кун қармоқ ташлайман, ўғлим оч-нахор келса тўйдираман деб.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ОЧОФАТ** Утакетган очқўз, еб тўямас, баднафс. *Очофат ит.* — *Мунаввар уларни [аёлларни] очофат шайхлар ҷангалдан — хурофот, жаҳолат тузғидан қутқариб олишни ўйлайди.* С. Анорбоев, Мехр.

**ОЧТИРИЛМОҚ** *очтирмоқ* *фл.* *мажж. н.*

**ОЧТИРМОҚ** *очмоқ* 1—5, 7—9, 12 *фл.* *орт. н.*

**ОЧ-ЯЛАНҒОЧ** Овқат ва кийимга ёлчимаган, зор, муҳтож; тирикчилиги оғир, қашшоқ. *Оч-яланғоч, эшикларда кўплар гадо, Кўролмайин бир дақиқа завқу сафо.* Ғайратий.

**ОЧҚАМОҚ** *диал.* Очиқмоқ. *Бир кунни тулки бўрининг олдига келса, бўри жуда очқаб турган экан. «Эртактлар».*

**ОЧҚИЧ** *айн.* қалит.

**ОШ** I [*ф-т*] I Қозонда пиширилган иссиқ овқат. *Гўжа ош. Ёвғон ош. Уғра ош. Хўрда ош. Сўк оши. Ош тузи.* || *Ош хамир.* — *Совчиларни яхши сўзлар ва қуюқ-сууюқ ошлар билан жўнатиб, иккинчи келишига ўйлашиб жавоб берадиган бўлдилар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. | Умуман ҳар қандай овқат, таом. *Ошинг ҳоло бўлса кўчада ич!* Мақол. *Элга берсанг ошингни, Эрлар силар бошингни.* Мақол. *Жон бўлса, жаҳон топилар, ош бўлса, қозон этонилар.* Мақол. *Подачининг оши*

ҳазил оралаш-қуралаш овқат (қадим замонларда подачи пода қайтганда эшикма-эшик юриб мол эгаларидан йи-радиган бир идишдаги хар хил овқатлар).

2 *айн. палов. Ош дамламоқ.* — [Холсхон:] Дарров бир сиқим ош қила-сан, тузукми. Ҳамза, Холсхон. — *Ултиринг, ўлтиринг, меҳмон! — деди усди Фарфи.* — *Ошга сабзи босилди — пишди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Юртга ош бермоқ* тўй ва бошқа маъракаларда катта қозонда ош дамлаб юртни зиёфат қилмоқ. *Ана холос, қози поччанг, юртга ош бераётган бўлсаар, туюннинг думи ерга тегибди-ку.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | *эйн.* Баъзи муносабатлар билан ўтказиладиган зиёфатлар номига киради, мас. *қиз оши, хотин оши, арвоҳ оши, маслаҳат оши.*

◆ **Ош бўлсин** еган-ичганинг татисин, сингсин, ёқсин каби маъноларда ишлатиладиган ибора. *Зарра бировнинг ҳақи ўзага ош бўлмагай, Охири шармандалик, кимки ҳазар қилмаса.* Ҳабибий. **Ош қилмоқ** 1) ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ; 2) салб. бировнинг молини, пулини еб кетмоқ, ўзлаштириб юбормоқ. **Оғзидаги ошни олдирмоқ** қ. олдирмоқ.

**ОШ II** махс. Тери ошланди ишлатиладиган модда.

**ОША I ошмоқ** *фл.* *рви*диш. *План амалга оша бошлади.*

2 *кўм.* (б. к. билан) Устидан ёки ичидан ўтиб; орқали. *Шу пайт ўша дарахтзорлар оша эсан шамол йи-гитнинг қулогига енгил кўшиқ тўлқинини келтириб урди.* Ш. Фуломов, Азим дарёман дёбон. *Қалам ва қалб соҳиби бениҳоя хилма-хил йўллар ва сўқмоқлар оша бетиним ўз чўққисини излайди, меҳнат ва машаққат билан унга етади.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

3 *кўм.* (б. к. билан) Давомида, мобайнида, бўйи. *Чақалоқлар оч ва яланғоч, Ер ва сув деб ўтди дехқонлар, Йиллар оша, асрлар оша, Ҳукм сурди, шундай замонлар.* Э. Раҳим. | *Орадан маълум вақт ўтказиб, орада маълум вақт қолдириб. Кун оша. Ой оша. Йил оша.*

4 *рви, диал.* Жуда, ўта; ҳаддан ташқари. *Хуройимнинг дарди оша ёмондир, Рустамни кўрмоғи унинг гумондир.* «Рустамхон».

5 *рви, диал.* Узоқ, йироқ, бегона (юрт, эл, мамлакат ҳақида). *Оша юртдан келдим сени сўроқлаб. Пиёда ўйл юрдим бағримни доғлаб.* Фозил шоир.

**ОШАЛАМОҚ** *айн.* **ошамоқ** 1. Тутни ошаламоқ. — [Бектемир] янасқи рӯс дарахтлардан нўхатдай қизил ва қора мевалар териб ошалади. Ойбек, Куёш қораймас.

**ОШАМ** Бир марта ошаш учун мўлжаллаб сиқимланган қуюқ овқат (ош, шавла, норин ва ш. к.). — *Сиз Фиждунданмисиз, Бурхон ота? — деди ошам ошни оғзига солаётган Қаримхोजи*

*жилмайиб.* Жўрабоев, Мулла Б. м *Ош ўхшалган эди. Биринчи ошамдаёқ, маҳдум, Нигор ойимни тақдир этди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. **Бир** (ёки бир-икки) ошам озгина, арзимаган. *Афанди мардикорчилик қилар эди, бир хасис одам уни ярим танга пул, бир ошам ошга баҳолашди.* «Латифалар».

**ОШАМЛАМОҚ** Ошам-ошам сиқимлаб олиб ёмоқ. *Эр-хотин лаганга қўл чўзиб, ошамлаб ея бошлашади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**ОШАМОҚ I** Қўл билан ошамлаб олиб ёмоқ. *Бармоқ бўғинларидан ёр оқишиб ошни катта-катта ошади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қизил чиллакини иштаҳа билан ошаб, сўзни давом эттирди Фазлиддин.* Ойбек, Қуллуғ қон. | Умуман ёмоқ. *Нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас.* Мақол. *Яхши бўлсанг яшарсан, насибангни ошарсан.* Мақол.

2 Бировнинг қўлидан бир ошам ош ёмоқ. | *эйн.* Гапда бировнинг қўлидан бир ошам ош еб галдаги зиёфатни ўз устига олимоқ.

◆ **Ешни яшаб ошини ошаган қ.** 5 || 1.

**ОШАТМОҚ** *ошамоқ* *фл.* *орт. н.* *Ерга ошатсанг — ош битар, ошатмасанг — тош битар.* Мақол. — *Табаррук қўлингиз билан [ошдан] битта оштингиз!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ОШАТТИРМОҚ** *ошатмоқ* *фл.* *орт. н.*

**ОШДАМГИР** *айн.* дамгир. *Йккита оқ пиёзни майда тўғради, унга пича мурч сепди, пиёзни гурунчининг бир чеккасига кўмиб ошдамгирни ётди.* Ойдин, Кўнгал тўлдими, яхши йигит.

**ОШЁН** [*ф-т*] *кт.* I Қуш уяси; ин, Олдилар ҳар ерда бўлбул ошённинг зоглар. Муқимий. *Чегара билмаган озод қалдириғоч Ошён топади бўғотимизда.* Ф. Фулом.

2 *кўчма* Яшириниб, жон сақлаб қолса бўладиган жой, мақон, бошпана. *Хандақлар оралаб изладим сени, Совуқ блиндажлар бўди ошён.* Т. Тўла. *Турмуш қиламан десанг, жонон эмас, жон қидир, Қапалак мижоз бўлмай, севгига ошён қидир.* С. Акбарий.

3 *кўчма* Оила, уй-жой, оилавий ҳаёт. *На бир панох, на бир ошён; На бир ғамхўр, На бир меҳрибон!* .. *Ҳеч ким-саси йўқ эди, ёлғиз Тутқун бўлиб қолган эди қиз.* Ҳ. Олимжон.

**ОШЁНА** [*ф-т*] *кт.* эск. Бинонинг юқори қавати; юқори қаватдаги хона. **ОШИЛМОҚ** *ошмоқ* 3, 6, 7 *фл.* *мажж. н.* Иккинчи довондан ошилди.

**ОШИРИЛМОҚ** *оширмоқ* *фл.* *мажж. н.* *Ўқитувчиларнинг малакаси оширилди.* — *Симхаев заводидидаги ерлик ишчилар иш ҳақи оширилишини .. талаб этиб иш ташладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОШИРМА** Хамири оширилиб, кўпчитиб тайёрланган. *Оширма нон.*

**ОШИРМОҚ I** *ошмоқ* 1—5, 7—10 *фл.* *орт. н.* Ойликни оширмоқ. *Товуқлар сонини оширмоқ.* *Ҳосилни оширмоқ.* *Дарё сувини баҳор тоширар, одам қад-*

рини меҳнат оширар. Мақол. — Степан яширин группани икки кишидан оширолмади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Князь сув пулини уч баравар ошириб юборипти. А. Қаҳхор, Қўшчинор. Зарбдорларнинг олдиди Ерега қарамай, Нормадан ҳам оширдиди Ишни бир талай. Файратий. Бедев мингин сағрисини тошириб, Манзилга етказар қирдан ошириб. «Рустамхон». Бошидан (ёки ўзидан, елкасидан) оширмоқ масъулиятни бировга юклаб, ўзини ташвишдан, ишдан холи қилмоқ.

2 с. т. Бировга бериб, ўтказиб юбормоқ; пулламоқ, сотмоқ. — Агар .. қуттичани бирор ерга оширган бўлсанг, ҳали ҳам яхшиликча ўрнига қайтар, — деди Ҳожи бобо Шум болага. Ғ. Гулом, Шум бола. [Марасул:] Хуморхон иунақа нарсаларга ўч, ўшанга оширамиз. А. Қаҳхор, Оғриқ тишлар.

3 Бўрттирмоқ, муболага қилмоқ. Мақтовини оширмоқ. — Йўқ, сиз жуда ошириб юбордингиз, Сайфуллаҳуҷа, — деди бошини чайқаб, — сизларникида кунца уч-тўрт маҳал эмас бир маҳалгина иссиқ оқват ер эдим. П. Турсун, Ўқитувчи.

◆ Амалга оширмоқ қ. амал 1. **ОШИФТА** [ф-т] кт. Севиб, мафтун бўлиб қолган, эс-хушидан адашган; ошиқ, шайдо; паришон. *Ошифта бу дил сатрини сайқалласа зора, Бўстон бўйи кокиллари, тўхтаган, менга навбат!* Т. Тўла.

**ОШИФТАХОЛ** [ф-т+а] кт. Хаяжонга тушган, эс-хушидан адашган, паришон хотир. *Харобат аро кирдим ошифтаҳол, Май истарга илкимда синган сафол.* Навоий.

**ОШИҚ** 1 [а] 1 Бировни жуда севиб, унга шайдо бўлиб қолган, бировга муҳаббат қўйган киши; ухштор. *Ошиқи беқарор.* — *Кул учун озодликдан, ошиқ учун ўз жонони висолдан яхшироқ нарса йўқ.* Айний, Дохунда. *Танишинлар! Бу ўтирган-баҳодир, Хон оқиған мишхор ошиқ мард Тоҳир.* С. Абдулла. [Тухфа:] *Мирзо Анарга ошиқ бўлган экансан, Нозик! А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

2 кўчма Бирор нарсани жуда яхши кўриб қолган, унга берилган. *Шеър ошиғи. Музыка ошиғи.* — *Ботирали! Эъвозхон! Қани, бери келинлар!* — деб [Фофур ота] гул ошиқларини ўз ҳузурига чақирди. Х. Гулом, Машъал. *Ойқиз бу қизга узоқ тикилган, уни ашула ва дўтор ошиғи бўлса керак, деб ўйлади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ОШИҚ** 2 1 анат. Айрим хайвонларнинг орқа оёғи тизза бўғимидаги бириктирувчи чорқирра суякча. Эчкининг ошиғи. Туянинг ошиғи.

2 Шундай суякча (одатда қўй ошиғи) воситасида ўйналадиган ўйин. — *Ошиқ отмоқ.* — *Эски бир кўк дарвоза йўлагида ўнтакча бола ошиқ ўйнашарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Товба! Эмон «гардам» деб ошиқ отадими, а? Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ОШИҚ** 3 Белгили миқдордан кўп; ортиқ, ортиқча. *Мажлисга юздан ошиқ одам қатнашди.* Бу китобни ёзишга беш йилдан ошиқ вақт сарф бўлди. | Белгиланган нархдан юқори, ўз нархидан ортиқ, қиммат. *Мендан беш тийин ошиқ олибсиз. Ошиқ баҳо билан сотмоқ. Ошиғи билан* 1) маълум миқдордан ошириб; ортиғи билан. *План ошиғи билан бажарилди;* 2) кўп деганда, кўпи билан, нари борса. *Ремонт учун ошиғи билан бир ой кетади.* Бу нарса ошиғи билан минг сўм туради.

**ОШИҚИНОМ** кам қўлл. Сабрсизлик билан интилом, опшиқмоқ, интиқмоқ. *Мулла Абдурахмон Қўқон сафарига ҳозирланаркан, кўнгли Қўқонда ўзини кутиб турган уламолик шухратига: муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқинар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ОШИҚЛИК** 1 **ошиқ** 1 с. белги оти. *Ошиқликдан жинни бўлай даяпти.* Ойдин, Садаган бўлай, командир. Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан. *Бошимга тушганда билдим, — деди [йиғит].* П. Турсун, Ўқитувчи. — *Йўлчиға ачинаман, — деди чол, — ошиқлик йўлга кирганини билар эдим.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОШИҚЛИК** 2 **ошиқ** 3 с. белги оти. *Ҳосилнинг пландагидан анча ошиқлиги аниқланди.*

**ОШИҚ-МАЪШУҚ** [а] Бир-бирини севган, бир-бирига муҳаббат боғлаган икки киши (йигит билан қиз). *Қоронғилик, ошиқ-маъшуқ суҳбатга машғул.* Ғ. Гулом, Шум бола. *Иккиси ошиқ-маъшуқ .. манга қолса айб Йўлчида эмас, айб Гулдор шайтонда [деди Нури].* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОШИҚ-МОШИҚ** [а] Эшик, дераза каби нарсаларни ўрнатгиш ва уларнинг очилиб-ёпилиши учун хизмат қиладиган металл буюм. *Бу вақт ҳовли эшиги тарақ этиб очилиб, бир тавақаси ошиқ-мошиқдан учиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Унинг [Собир темирчининг] қўлидан ҳамма нарса келар: қулф ясаи, .. ошиқ-мошиқ, чиройли патнуслар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ОШИҚМОҚ** Қўзланган ишнинг, мақсаднинг тез амалга ошуви учун интилом, сабрсизлик билан ҳаракат қилмоқ; шошилмоқ, интиқмоқ. *Ёрдам беришга ошиқмоқ. Ошиққаннинг ошиғи олчи бўлмайди.* Мақол. — *Тўхта хола .. қанчалик ошиқмасин, чолларга ета олмади, улар идорага кириб кетишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Юраги ошиқди** юраги бесаранжом бўлди, ҳовлиқди. [Ҳожи хола:] *Эртасига .. Фуод афандининг келишини ё чақиртиришини кутмасдан-ла юрагим ошиқиб, ҳўжрасига кириб бордим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОШИҚОНА** [ф-т<а] рвш Ошиқлар каби, ошиқлардек, ошиқларча. *Ошиқона куйламоқ.* || *Ошиқона хат.* — *Мулла Бурхон.. қизининг топшириғига*

*мувофиқ, унинг ҳақида бир ошиқона ғазал ёзилти.* Айний, Эсдаликлар.

**ОШИҚТИРМОҚ** **ошиқмоқ** фл. орт. н. *Қишлоғига, ота-онасининг бағрига борши уни [Турсунбойни] ошиқтирар эди.* Мирмуҳсин, Монтажи. *Қилдирма юракни нимагадир ошиқтириб, Гулсин қизининг айғаллаши борлиқ азғони зириллатадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОШИҚЧА** 1 **Керагидан** ортиқ, кўп; ортиқча. *Ошиқча юк. Ошиқча ҳаракат.* | **Кераксиз**, **беҳуда.** *Ошиқча гап.* || *Вазири бузрук Шерназарбойнинг мулдаосини пайқайди, энди у билан ошиқча сўзлашиб ўтиришининг фойдаси йўқлигини билди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 **Қўшимча**, ортиқча. *Пландан ошиқча маҳсулот.* || *Ошиқча ҳақ тўламоқ.*

**ОШИҒИЧ** **Тез** бажарилиши, тезда амалга оширилиши лозим бўлган, кечиктириб бўлмайдиган; шошилтич, зуд. *Ошиғич телеграмма.* *Ошиғич чоралар.* — *Уктам колхоз правленчиси ва активларини идорага ошиғич мажлис учун чақираётган вақтда .. ҳақсираб Рустам Сайрамлов этиб келди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Имом ошиғич суратда хат ёзмоққа киришди.* Айний, Қуллар.

**ОШҚОР** [ф-т] 1 **сфт** **Ҳаммага** маълум, кўриниб турган; аён; очиқ-ойдин. *Ошқор иш.* *Ошқор зиддият.* *Ошқор муҳаббат.* *Қасални яширсанг иситмаси ошқор қилади.* Мақол. — *Ғулможоннинг кўзларида шавқ ўти ёнди, у ошқор бир ҳайрат билан: «Олга Петровна!» — деб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бора-бора қорним дўппайиб, иккиқатлигим ошқор бўлди, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Анна Ивановна Элмуродни севиб қилишга икром эди-ю, ошқор қилишга журғат этолмасди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 рвш **Яширмасдан**, рўй-рост; ошқора. *Бу гал, эл-юрт олдидан ошқор, тортинмай узоқ ўпишдилар.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Домла .. захарли экани ошқор сезилиб турган бу чўчма кулгага эътибор қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОШҚОРА** [ф-т] 1 **айн.** **ошқор** 2. *Ошқора сўзлашмоқ.* — *Ўз нодонлигини ҳамма вақт кибрик билан беркитишга уринадиган Тожибой, ҳозир аста-авраси билан ошқора ва очиқ эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 **сфт** **Очиқ-ойдин**, ҳаммага маълум бўлиб, кўриниб турган; аён. *Яширин дўстдан, ошқора душман яхши.* Мақол. — *Шахарнинг кўп хуфия ва ошқора савдоарлари Мухаммадаражага қойил қоладилар.* А. Қаҳхор, Сароб. [Нури] *қизининг юразидаги сирларни бутунлай ошқора қилишни истади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОШҚОРАЛИК** **ошқора** с. белги оти. *Суднинг ошқоралиги.*

**ОШҚУК** **Овқатга** солинадиган, овқат билан қўшиб ейиладиган кашнич, барра пиёз, укроп каби кўкатлар.

**ОШЛАМОҚ** I Махсус моддалар, эритмалар билан хом терига ишлов бермоқ, терининг жунини тўкмоқ, терини яланғочламоқ. *Кеч билан ўзим бош бўлиб таначани сўйиб, ёг-гўштини хума-урдик. Терисини эшон, вақти келганда пишириб махси қиларман, деб ошлагаша буюрди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ОШЛАМОҚ** II с. т. Ош едирмоқ, овқат бермоқ; боқмоқ. *Солиб мактаб неча ерда, ўқитиб камбағалларни, Бериб ойлқини, оғзин ошлаган Ленин биродардир.* «Фольклор».

**ОШЛАНМОҚ** **ошламоқ** I *фл. мажх. н.* Ошланган тери. — [Дарвозабон] ошланган кўй пўстагидан пўстин кийиб, белига .. калид осган туркман попоқли бир киши. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОШЛАТМОҚ** **ошламоқ** I *фл. орт. н.* **ОШЛИК** Ош қилиш учун етарли масаллиқ, нарса. *Бир ошлик масаллиқ. Икки ошлик туз.*

**ОШЛИК** эск. кт. Ғалла, дон.— *Ўт-рор қалғаси ичида озуқа кўп. Чориклар ҳам бир йиллик ошлигин ғамлаб олган,— деди Бадриддин, гўё озиқ-овқатнинг кўплигидан норози кишидай тумтайиб.* М. Осим, Ўттор.

**ОШЛОВЧИ** I **ошламоқ** I *фл. ш. оти.* Тери ошловчи ишчилар.

2 Тери ошлагда ишлатиладиган, ошлагаша ёрдам берадиган. *Ошловчи модда.*

**ОШМОҚ** I Миқдор ёки ҳажм жиҳатидан кўпаймоқ; ўсмоқ; ортмоқ. *Факултетдаги студентлар сони беш юздан ошди.* — *Пахта пилдан йилга мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Иши бошидан ошиб ётибди (ёки кетди) иши жуда кўп, жуда кўпайиб кетди. Директорнинг пешаналари тиришди-ю, салгина норозилик маъносидан ўзига-ўзи деди: «Мана ишлар ҳам бошимдан ошиб кетди».* Ш. Рашидов, Бўрданан кучли. *Набиралик бўладиган Ўзбек ойқининг иши бошидан ошган .. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. | **Ортноқ**, ортиб қолмоқ. *Харажатдан беш сўм ошиб қолди.* | **Кўтарилмоқ.** *Ҳар кун мол нархи ошди, бозорда савдогарларнинг қулуги тиккайган.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Маълум бир пайт чегарасидан ўтмоқ; кечмоқ; оғмоқ. *Вақт ярим кечадан ошди. Соат учдан ошди.* *Иш бошлаганимга беш ойдан ошди.* *Ёшим қирқ бешдан ошди.* — *Соат олтига белгиланган тўй соат йндан ошганда бошланибди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

3 Мол сотиб олшда унинг баҳосини оширмоқ, нархига нарх қўшмоқ, орттирмоқ. *Бошқа бир рақиб илмасин, деган андиша билан баққол ҳам бир тангалар ошаверди.* Ойбек, Қутлуг қон. **Ким ошди савдоси** молни очик савдога қўйиб, энг юқори нарх қўйган кишига сотиш усули; аукцион.

4 Кучаймоқ, зўраймоқ; янада сезиларли, таъсирли бўлмоқ. *Алами ошди. Завқим ошди. Ихлосим ошди.*

*Қайфи ошди. Ғайрати ошди. Ишга ҳаваси ошди.* — *Айниқса тоққа кетганингиздан кейин безовталишим яна ошди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Такомиллашмоқ, яхшиланмоқ; юқори бошқича кўтарилмоқ. *Сотувчининг малакаси ошди. Сибсий онемиз ошмоқда. Кадрласанг қадринг ошар. Мақол.* — *Бу ҳужжатни бутун районга тарқатмоқчимиз, Шер, обрўйинг ошиб, чўққига кўтарилмаётганингни билмасанми?* И. Раҳим, Ихлос.

6 Бирор жиҳатдан ёки бирор соҳада бошқалардан ўтиб кетмоқ, ўзмоқ, зўр чиқмоқ, орқада қолдирмоқ. *Агар енгсанг, зўр келсанг, ошсанг, доим сени тўйга бошлайман.* Э. Раҳим, Янг қадам. **Ошиб тушмоқ** қ. тушмоқ 24.

7 Маълум бир тўсик, чегара ёки баландликдан ўтмоқ. *Довон (дан) ошмоқ. Девордан ошмоқ. Тоғ (дан) ошмоқ. Сув тўғндан ошиб тушяпти.* *Қимирлаган қир ошар.* Мақол. — [Мутал:] *Дарвозасидан кириб бўлмаси, томидан ошиб тушамиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саломат қизлар билан боғма-боғ ошиб келиб девор раҳнасидан қўшиққа қулоқ соларди.* С. Аҳмад, Хукм. **Ўмбалоқ ошмоқ** қ. умбалоқ.

8 Қўлдан-қўлга, бир ташкилотдан бошқасига ўтмоқ. *Иш терговдан судга ошди.*

9 Кўпмоқ, кўпчимоқ (хамир [ҳақида]).

◆ **Амалга ошмоқ** қ. амал 1.

**ОШНА** [ф-т] I Таниш, таниш-билиш. *Норбўтанинг қизи докторликка ўқийди, мингта ошнасиз бор десанг-чи!* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. | **Ўртоқ**, дўст. *Ошни кўз танийди, ошнани кўнги танийди.* Мақол. — *Ўрмонжоннинг отаси Омон ака Сидиқжоннинг отаси Соҳибжон ака билан жуда қалин ўртоқ эди, икки ошна ўлиб кетгандан кейин, Ўрмонжон билан Сидиқжон чинакам ака-укабай бўлиб қолишан эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинол. *Аҳмад Хусайн Искандаро олдиға бориб келиб, қалин ошна бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Ўз тенгқурларига нисбатан мурожаат формаси.

3 Илгаридан маълум, таниш. *Сафаргалдига бу қумлар чақалоқ вақтидан ошна. Қорақумда унинг кикдик қони тўйқилган.* Ж. Шарипов, Хоразм. | *Хабардор. Анвар .. яхшигина форсхон ва бир даразжа араб тилига ошна эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Менингда, машинанинг «иллати» тўғрисида гапириб юривчилар техникага ошна бўлмаган кишилар бўлса керак.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

◆ **Моховга ошна қилмоқ** қ. мохов. **ОШНА-ОҒАЙНИ** Яқин таниш-билишлар, дўст-биродар, қадрдонлар. *Ошна-оғайниларнинг ҳашари билан данғиллама қилиб, бир уй, бир айвон солиб олдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда. *Нормат қадрдон батальонига келиб, ошна-оғайнилари билан учрашаркан, севинчини юрагига сиғдирилмай, жуда*

*гаддон бўлиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОШНА-ОҒАЙНИГАРЧИЛИК** I Ошна-оғайнилар, дўстлар ўртасидаги муносабатлар; борди-келди алоқалари. *Бизнинг Набиул одам эмас ўзи! Ёш-да, ҳали ошна-оғайнигарчиликни билмайди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Ошна-оғайнилар манфаатини кўзлаб, ишга зарар келтириш, ошна-оғайнилар манфаатини хизмат манфаатидан юқори қўйиш. *Ишда ошна-оғайнигарчилик бўлмади.*

**ОШНА-ОҒАЙНИЛИК** айн. ошна-оғайнигарчилик.

**ОШНА-ОҒАЙНИЧИЛИК** айн. ошна-оғайнигарчилик.

**ОШНАЧИЛИК** айн. ошна-оғайнигарчилик I. *Мен бироз билан ошначилиқ қилсам, ҳатто, ундам жонимни ҳам аямай, кўнглимни олмоққа тиришиман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОШНО** [ф-т] юқ. усл. айн. ошна. *Эсимга тушди ёру ошнолар.* Фурқат.

**ОШПАЗ** [ф-т] I Катта йиғинларда, ошхоналарда иссақ овқат тайёрлашни касб қилиб олган киши. *Ошпазлар қозонлар яқинида ўтириб, бирлари савзи-пиёз, бирлари гўшт тўғраб, бирлари занглаган қозонларни ювиш билан машғул бўдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Овқат пиширишга уста одам; пазанда. *Шавла жуда тотли туялди — ошпазни мактадилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ОШПАЗЛИК** ошпаз I с. касб оти. *Ошпазлик — касборим, Меҳнатим — ифтихорим.* Т. Тўла.

**ОШПИЧОҚ** Ошпазлар ишлатадиган махсус катта пишоч.

**ОШСИРАМОҚ** с. т. Ош истаб қолмоқ, ошни тусамоқ; очикмоқ.— *А, — деди мингбоши, ғижиниб,— ошсираб қолдинми? Очмисан?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОШ-СУВ** Ейиш ёки мехмонларга тортиш учун тайёрланган куюқ-суяқ овқат, ош-нон; зиёфат. [Слаҳўжа:] *Тезроқ тўй қилиб, ош-сув билан халойиқнинг оғзини мойлаши керак.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОШТАХТА** [ф-т] Хамир ёйиш ва ундан лағмон, угра, шилилдоқ ва ш. к. кесишда фойдаланиладиган махсус тахта.

**ОШХАМИР** Лағмон, угра, чучвара каби таомлар қилиш учун мослаб тайёрланган пишоч хамир.

**ОШХОНА** [ф-т] I Овқат тайёрлаш учун мосланган, ўчоқ ва тандир қурилган махсус ҳона ёки бино. *Нури .. сирли умидлари билан қарорсизланган, маст бўлган каби ҳовлида кезди, ошхонага кирди.* Ойбек, Қутлуг қон. *Бу хонадоннинг ошхонаси бўлмагани учун бўлса керак, ҳалиги айвоннинг бир бурчагига ўчоқ қурилган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умумий овқатланиш муассасаси. *Завод ошхонаси. Ошхона мудири.*

**ОШХҶР** [ф-т] Паловни яхши кўра-  
диган киши.

**ОШХҶРАК** [ф-т] 1 Овқат еяётганда  
устивошга тегизмаслик учун бўйинга  
боғлаб олинадиган, кўкракни ёпиб  
турадиган фартукча. *Болага ошхҶрак  
боғламоқ.*

2 эск. Ҳуқувчиларга овқатланиб олиш  
учун берилдиган танаффус.

**ОШХҶРЛИК** 1 ошхҶр с. белги оти.

2 Улфатлашиб ош қилиб ейиш.  
*Назирқул яна ошхҶрлик бўлишидан се-  
виниб тилдираганича Азим бойвачанин-  
нинг ҳовлисига қараб кетди.* С. Аҳмад,  
Хуқм.

**ОШ-ҚАТИҚ** Тирикчилик учун зарур  
озик-овқат. *Энди беш-олти кунлик ош-  
қатиққа нафи тегмаса нима қилиб  
ўстирдим бунни?* П. Турсун, Ҳқитувчи.

◆ **Ош-қатиқ бўлмоқ** бирор шахс  
билан борди-келди қилмоқ, яқин муно-  
сабатда бўлмоқ. *Қуллогинизда бўлсин-  
ки, мана шу Турғунбоевнинг бир бош-  
лиғи бор, зинҳор у билан ош-қатиқ бўла  
кўрманг.* А. Муҳиддин, Тўғри таъ-  
бир.

**ОШҚОВОҚ** (тўғриси **ош қовоқ**) қ.  
**қовоқ** 1 1. *Ошқовоқ билан тошқовоқ-  
ни фарқ қилмайди, деб ўйлайсизми?*  
Ойбек, О. в. шабадалар.

**ОШҚОЗОН** анат. Инсон ва ҳайвон-  
ларнинг қопчасимон овқат хазм қилиш  
органи. *Ошқозон касалликлари. Ош-  
қозон ости безлари.*

**ОЯТ** [а] дин. Кўрзонда ёзилган на-  
сихат ва ривоятлардан ҳар бири.  
*Баъзилар чўккалаб ўтириб олиб, ўзла-  
ри билган оятни тилловат қилмоқда.*  
М. Муҳаммадзонов, Турмуш уриниш-  
лари.

**ОҚ** 1 1 *сфт* Қор, суг, пахта ранги-  
даги. *Оқ доқа. Оқ қозоқ. Оқ нон. Оқ ит,  
қора ит — бари бир ит.* Мақол. — *Са-  
лимбой .. йўғон ўштдор қўлларини  
қордай оқ сурп тўшалган столга қўйди.*  
Ойбек, Қутлуг қон. [Кумушинге] ..  
*илжайишидан ёқутдек лаблари ости-  
даги садаф каби оқ тишлари бир оз  
кўришиб қўйдилар.* А. Қодирӣ, Утган  
қушлар. 1 Шу тусга мойил, тиниқ (юз,  
бадан туси ҳақида). *Оқ бадан. Оқ тан-  
ли. Оқ юзли.* — *Хотин ўтирмақчи  
бўлган эди, паранжи ичидан унинг  
атлас кўйлаклари ва нафис оқ қўллари  
кўришиб кетди.* А. Қодирӣ, Утган  
қушлар. **Оқ билақ** қўлини совуқ сувга  
урмайдиган, фақат ўзига оро беради-  
ган (аёл ҳақида).

2 *от, с. т.* Ароқ. *Хоҳи пиво, хоҳи  
вино, хоҳи коньяк, хоҳи оқ, Нўзи этиб  
уйга келурман, ерда турмайдуру оёқ.*  
Ҳабийӣ.

3 *сфт, кўчма тар.* Подшо тарафини  
олувчи; контрреволюционер. *Оқ амал-  
дорлар. Оқ гвардиячилар. — 1918 йи-  
лда Колесов воқеасида Чоржўйдан Зи-  
рабулоқчага темир йўли бузишга раҳ-  
барлик қилганлар ҳам рус оқ инженер-  
лари ва Англия намояндлари эди. Ай-  
ний, Қушлар. Оқлар (фақат кўп. ф.)  
оқ гвардиячилар. Раззоқ Қизил Армия-  
га кўнгилли бўлиб ёзилди, оқларга*

*қарши курашаман деб қолибди.* Х. Гу-  
лом, Машғал.

4 *сфт* Охириги, тоза (қўлдан чиқариш  
ёки пардозлаш учун қилинган охириги  
ин ҳақида). || *Оққа кўчирмоқ. — Му-  
ҳаммад энгилланиб ўрнидан турди ва  
сўнги шеърини бир оз тузатиб, оққа  
кўчирши учун уйга бормоғи керакли-  
гини айтди.* Ойбек, Нур қидириб.  
**Оқ сувоқ** қора сувоқ устидан берилди-  
ган текис сувоқ, пардоз сувоқ.

5 *от* Гуноҳсиз, шаънига доғ тушма-  
ган киши. *Текишрамит:* оқни оққа,  
қорани қорага ажратамиз. С. Аҳмад,  
Хуқм. | Тўғри, яхши иш; ҳақиқат.  
**Оқ-қорани таниган қ. танимоқ. Оқдан  
қорани ажратмоқ** ёмон билан яхшини,  
дўст билан душманни, фойда билан  
зиённи фарқламоқ, тушунмоқ. — *Би-  
нинг мақсадимиз кишиларга оғ, ту-  
шунча бермоқ, токи ҳар бир киши ях-  
шилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи  
ажрата оладиган бўлсин!* — деди Эл-  
мурод. П. Турсун, Ҳқитувчи.

6 *от* Оқарган тук, мўй; соч ва соқол-  
нинг оқарган қисми. *Сочнинг оқи. Со-  
қолнинг оқи. — «Отни един» дедим  
ичимда. Бошқаси бўлса, қамчин билан  
солар эдим, лекин соқолнинг оқини ҳур-  
мат қилдим.* Ойбек, Қутлуг қон. *Сочи-  
га (ёки соқолига) оқ кирган (ёки тушган,  
оралаган) сочи ёки соқоли оқара бош-  
лаган. [Эшикни] сочига битта-иккита  
оқ оралаган хотин чиқиб оиди.* А. Қах-  
хор, Қайғулар. У, қирқ беш ёшларда,  
новча, соқол, мўйловларига анчагина оқ  
тушган эди. Ойбек, Қутлуг қон.

7 *от* Кўзнинг қорачиқни ўраган  
тиниқ рангдаги қисми. *Кўзнинг  
оқи.*

8 *от* Баъзи касаллик натижасида  
кўз қорачиғида пайдо бўладиган оқиш  
доғ, парда. *Унинг кўзига оқ тушибди.*  
— *Бечоранинг жидек айби бор экан:  
юзи чўтир, ўн кўзида нўхатдақкина  
оқи бор экан.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

9 *от* Тухумнинг оқсил моддаси.

◆ **Кўзнинг оқу қораси қ. кўз.**  
**Оқ йўл қ. йўл. Оқ киймоқ этн.**  
таъзия муддати тугаган, қора кийимни  
оқ кийим билан алмаштирмақ, мотам  
либосини ташламоқ. **Оқ кўнгил қ.**  
**кўнгил 1. Оқ олтин пахта. Оқ подшо**  
Россия подшоси. [Асрорқул:] *Оқ ношино  
тахтидан тушгани билан, оқ амин  
аминлигидан тушмапти.* А. Қаххор,  
Асрор боёқ. **Оқ сутини оққа, кўк сутини  
кўкка соғмоқ** берган сутига, боққанига  
норози бўлмоқ, фарзандидан норози  
бўлиб, ундан юз ўғирмоқ. [Отабекнинг  
онаси:] *Энди менга мундоқ ўғил керак  
эмас .. оқ сутимни оққа, кўк сутимни  
кўкка соғдим .. Энди Тошкентга келма-  
син.* А. Қодирӣ, Утган қушлар. **Оқ  
фотиха қ. фотиха 3. Оқ чой 1)** сут қў-  
шилган чой; 2) *диал.* кўк чой. **Оқ ичмоқ**  
(ёки **урмоқ**) қадаҳда қолдирай ҳам-  
масини ичмоқ, сипқирмоқ. [Шариф:]  
*Дарҳақиқат, ўртоқ Қамолов, пахта-  
корларнинг меҳнати энгиллашсин деб,  
янги ихтиро яратган экан, келинг ўст-  
лар, оқ ичайлик!* Н. Сафаров, Қимга

тўй, кимга аза. **Тишининг оқини кўр-  
сатмоқ қ. тиш 1.**

**ОҚ 1): оқ қилмоқ** ўз фарзандини лаъ-  
натламоқ, нафрат ўқиб ундан юз ўғир-  
моқ, воз кечмоқ. *Ғийсибдин Бухоронинг  
девой беги мадрасасида тахсил кўриб  
ўқиб юрган пайтларида отаси уни оқ  
қилади.* С. Аҳмад, Хуқм.

◆ **ОҚ 1 куч. юкл. (унлилардан кейин —  
ёёқ)** Пайт билдирувчи сўзларга қўпи-  
либ, иш-ҳаракатнинг дарҳол бажари-  
лишини ифодалайди. *Мусобақага ҳозир-  
даноқ тайёрланмоқ керак.*

2 **(н)б** аффиксли равишдошларга  
қўшилиб, кейинги иш ҳаракатнинг бе-  
восита шу равишдош ифодалаган иш  
ҳаракатдан кейин бажарилишини бил-  
диради. *У уйга келибоқ ўғлини йўқла-  
ди.*

**ОҚАР 1 оқмоқ** *фл. сфтдш.*

2 Оқадиган, доим оқиб турадиган.  
**Оқар дарё.** — *Демак, бизнинг қилган  
ишимиз исзис кетмайдиған, умримиз  
оқар сувдек бекорга оқмайдиған бўлиб-  
ди.* П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ОҚАРИШМОҚ 1 оқармоқ** *фл. бирг. н.*

2 Ғира-шира оқармоқ, сал оқармоқ;  
оқара бошламоқ. *Салимжоннинг оқа-  
ришган юзига қон югурди.* А. Қаххор,  
Сароб.

**ОҚАРМОҚ 1** Оқ тусга кирмоқ, оқ  
тус олмоқ. *Қор ёғиб, ерлар оқариб қо-  
либди. — Биз меҳнатда тондик бах-  
тимиз, Меҳнатда соч оқарса, майли!*  
Е. Мирза, Ғўл мсҳри. [Турғун:]  
*Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жидек оғиб  
яна ҳам чиройли бўлибсиз.* Н. Сафаров,  
Ҳаёт мактаби. Чинни пиёласимон ча-  
ноқлар оқариб кўзга ташланади.  
С. Қодиров, Тонг ўлдузлари.

2 Қонсизланиб ёки қони қочиб қи-  
зилликни йўқотмоқ, ранги ўчмоқ, бў-  
зармоқ. *Унинг ранги оқариб кетди.*  
— *Умри бир оқарди, бир қизарди-ю,  
мени қуочқаб йўғлади.* А. Қаххор,  
Хотинлар. *Икки еридан яраланган ба-  
ҳодир командир Қуръев, қонсизликдан  
ранги оқариб кетган бўлса-да, жангга  
раҳбарлик қиларди.* Н. Сафаров, Ко-  
миссар Қорабоев.

3 Унғмоқ, рангини йўқотмоқ, айни-  
моқ (кўпинча, бўялган нарсалар ҳа-  
қида). *Устидаги гимнастёркаси ёғир-  
да ювилиб, офтобда ўқиб, оқариб кет-  
ган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Ёруғ бўлмоқ, ёришмоқ. *Кечаси  
соат тўртданоқ шарқ томон оқара  
бошлади. Ҳа демай тун оқарди.*  
— *Адир томондан уфқ, худди парда  
орқасидан чирғ ёққандек, оқариб кел-  
япти.* С. Аҳмад, Хуқм.

◆ **Қосаси оқармаган 1)** уйда соғин  
сигири бўлмаган; қосаси сут кўрмаган;  
2) топангига барака кирмаган, бири  
икки бўлмаган. *Уз ота-онасининг раъ-  
ийни қайтарган боланинг ҳеч қачон  
қосаси оқармайди!* Мирмуҳсин, Чини-  
қиш. **Оғзи оқариб қолди** сигири туғди  
ёки уйда соғин сигир пайдо бўлди;  
донм сут-қатиқ ичадиган бўлиб қолди.  
*Ола бузоқ туғиб олди, Оқзимиз ҳам  
оқариб қолди.* Ф. Ғулום.

**ОҚАТИРИЛМОҚ** оқатирмоқ *фл. мажх. н.*

**ОҚАТИРМОҚ** I оқармоқ *фл. орт. н. Уйни оқатирмоқ.* — Пешиндан бери ёгаётган ҳўл қор том бўғотларини, ариқ бўйларини оқатирди. Ҳ. Гулом, Машъал. *Ой яна ҳам юқориқоқ кўтарилиб, ер юзини сўтдек оқатирибди.* Айний, Эсдалиқлар.

2 *махс.* Қалай югуртирмоқ, қалай югуртириб металл буюмлар сиртинини қохламоқ. *Мис тоғарани оқатирмоқ.* 3 *кўчма* Билим-маърифат бермоқ, онгини оширмоқ. *Қора элларни оқатирмоқлик учун Белги мажхам боғлаб шилов кун, бу кун. Ҳамза.*

**ОҚАРТМОҚ** оқармоқ *фл. орт. н. айн. оқартирмоқ.*

**ОҚАРТУВ** I оқартмоқ *фл. иш оти.* 2 Халқнинг билим ва онгини оширишга қаратилган иш; маърифат. *Мадавний оқартув ишлари.*

**ОҚБОШ** Бўйи ярим метрча келадиган, сербарг, майда оқ тўпуғли ёввойи ўт. *Ернинг бор бисоти — оқбош, қамши, янтоқ.* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак.

**ОҚИБАТ** I [а] Қадрдонлик, дўстлик туйғуси, меҳр, муҳаббат ва шундан келиб чиқадиган яхши муносабат; мурувват. *Ҳа шуми ҳали, Бўтабой ака, орамизда пулдан ҳам каттароқ нарса — меҳру оқибат бор эди-ку.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор. — *Мунаввархон, қочқиндик, сиздан келган оқибат шуми? Боққа бир бординеиз-у, бадар кепдингиз,— деб гинахонлик қилиб кўришиди амма.* С. Анорбоев, Меҳр.

**ОҚИБАТ** II [а] I Охириги якун, натижа. *Ишининг оқибати.* — *Оқибат унинг муддаосидагидек бўлиб чиқмайди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Адолат арзасининг оқибатини кутиб юрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *рвш* Ҳамма нарса (воқеа ёки ҳаракатлар) бўлиб ўтгандан кейин, охири, натижада, охир-пировардида, ниҳоят. *Оқибат шу натижага келинди: майли, Саидийни қисман хабардор қилиш керак.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Тищенко уни бирмунча вақт шофёрлар курсига тайёрлабди, оқибат кирегиб ҳам қўйибди.* А. Қаҳҳор, Жонфиғон. *Тушиди сени деб бошимга жабру ситам, ҳадис азоб, Ақлу ҳушимдан оқибат бегона бўлдим соғиниб. Ҳамза.*

**ОҚИБАТДА** *рвш* Охир-пировардида, охири, натижада, ниҳоят. *Оқибатда иш қалай бўларкин? Оқибатда ҳамма нарсалардан ажралди.*

**ОҚИБАТСИЗ** I оқибатни, яхшиликка яхшилик қайтаришни билмайдиган; бемеҳр, мурувватсиз. *Оқибатсиз одам.*

**ОҚИБАТСИЗ** II *рвш* Эътибор берилмасдан, текширилмасдан, натижасиз. *Салиманинг Тўла тўғрисида онасига куйиниб айтган сўзлари оқибатсиз қолиб кетди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ОҚИЗИЛМОҚ** оқизмоқ *фл. мажх. н.* Дарё суви янги ерларга оқизилди. — *Бу ерга қолхоз ёшларининг ҳаракати би-*

лан .. чиғир билан сув оқизилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОҚИЗИШМОҚ** оқизмоқ *фл. бирг. н.* *Қувониб ишлар хотин билан эр, Эркин меҳнатда оқизишар тер.* Ғайратий.

**ОҚИЗИҚ** геол. Сувда эриб ва сув билан бирга оқиб келиб ўрнашган жинслар.

**ОҚИЗМАЙ-ТОМИЗМАЙ** *рвш* Бир оғиз сўзни ҳам тушириб қолдирмай, бутун тафсилоти билан; батафсил. *Ғуломжон қишлоқда бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай сўзлаб берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ОҚИЗМОҚ** оқмоқ I *фл. орт. н.* Ариқдан сув оқизмоқ. *Кўз ёшини оқизмоқ.* Пешана тери оқизмоқ. — *Ёрмат носвойини тўплаб, сўлагини соқолларига оқизиб қичқирди: — Қанақа Унсин? Ойбек, Кутлуг қон. Сувга оқизмоқ қ. сув.*

**ОҚИЗОҚ** I Бирор нарсани илға боғлаб сувга ташлаб оқизиш уйини. *Оқи-зоқ ўйнамоқ. Оқизоқ қилмоқ. Шунда ҳаелима келди — буимга «Зогора нон ётиб бери!» десаним, Иссиқ кулчаларни анҳор сувига Оқизоқлар қилиб, сўриб еганим.* С. Акбарий.

2 *қ. х.* Эгатлардан узоқ вақт сув оқизиб кўйиб экинларни қондириб суғориш усули.

**ОҚИЛ** [а] I Уткир ақл соҳиб; ақл-ли, доно (эркак ҳақида). *Оқил одам. || Оқиллар ва фозиллар.*

2 Ақл билан айтилган, қилинган; бамаъни. *Ерни сўзлаб дема, оқил сўзи бўлмас, Тотли бўлмас таом, агар тузи бўлмас.* Ё. Мирза.

3 Оқил (эркаклар исми).

**ОҚИЛА** [а] I Уткир ақл соҳибаси; ақл-ли, доно (аёл ҳақида).

2 Оқила (хотин-қизлар исми).

**ОҚИЛОНА** [а+ф-т] *рвш* Оқил кишилар каби, оқилларча ўйлаб, ақл билан. *Оқилона маслаҳат бермоқ. Маблағларни оқилона ва шининг кўзини биллиб ўзлаштирмоқ. || Оқилона гап. Оқилона тадбир.*

**ОҚИМ** I Маълум бир томонга оқабётган сув, суяқлик ёки газ жараёни. *Иссиқ оқим. Совуқ оқим. Газ оқими.* — *Рашид қайиқни оқим ихтиёрига қўйиб юборди.* Шухрат, Шинелли йиллар. I Шундай жараён йўналган томон, йўналиши. *Чавандоз отини орқага буриб, сув оқимига қараб кетди ва юз қадамча юргандан кейин юганини тортиб қамчи урди.* Ҳ. Гулом, Машъал. I *махс.* Зарралаб, физик ходисалар жараёни. *Ёруғлик оқими. Электронлар оқими. Магнит куч чизиқлари оқими.*

2 *кўчма* Маълум бир томонга йўналган киши ёки нарсалар жараёни. *Одамлар оқими. Хатлар оқими.* — *Майдон атрофидаги кўчаларда, паркларда халқ оқими тошар, чайқалар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Пул оқимини Алиқулнинг ўзи бошқарарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

3 *кўчма* Ижтимоий фаолият, илм-фан, назария ва ш. к.нинг бирор соҳасидаги йўналиши; қараш. *Революцион оқим. Реакцион оқим. Сийсий оқим. Замон*

*оқими.* — *Материализм идеалистик философиянинг хилма-хил оқим ва йўналишларига қарши курашиб ёрди.* «Диалектик материализм масалалари». **Оқимга қарши юрмоқ** (ёки сузмоқ) жамятда устун йўналишга қарши ҳаракат қилмоқ.

♦ **Гапнинг оқими** гапнинг йўналиши, бориши, омади. *Саидгози бунин дарров пайқади, гапнинг оқимини ўзгартирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ОҚИМТИР** айн. оқиш I. *Оқимтир тутун.*

**ОҚИН** I I *сфт* Тўхтамай оқиб турадиган; оқар. *Оқин дарё.* — *Шоҳиста оқин сувдай шарақлаб кулиб кириб келди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Пахта майдон, боғу бўстондир Ватаннинг бойлиги, Бўлмаай бу бойлик аммо то оқин сув бўлмас.* Ҳабибий.

2 айн. оқим I, 2. *Қуёшга оқмоқда мнинг дарё оқин. Шу оқин ичида бир томчи мен ҳам.* Қ. Муҳаммадий. *Халқ оқини — энг кучли оқин.* Ҳ. Пўлат. *Умид Эргашдан. Лекин Эргаш оқинга қарши якка туrolадимми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ОҚИН** II [ф-т] Халқ шоири; бахши.

**ОҚИНДИ** Қорхона ёки хонадовлар ҳовлисидан ўтган ариқлардан оқиб чиқаётган чиқинди ёки ёгин сувлари.

**ОҚИШ** I Оққа мойил, ним оқ; оқимтир, оқчил. *Оқиш булут. Оқиш бўёқ. Оқиш қоғоз.* — *Осмон ўзининг ёзи тиниқлигини йўқотган, оқиш хира.* С. Анорбоев, Оқсой. *Далабан илон изи бўлиб кетган оқиш йўлининг уфқида бир нима «йилт» этди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ОҚИШ** II оқмоқ *фл. иш оти.* *Сувининг оқишига қара, халқнинг хоҳишига қара.* Мақол.

**ОҚИШОҚ** Майдаланган, яримтаки гуруч; гуручнинг майдаси. *Оқишоқдан ош бўлмас.* Мақол. — *Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сизирининг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сўйлади.* Ҳ. Гулом, Машъал.

**ОҚҚАЛТАК-ҚОРАҚАЛТАК:** оққалтак-қорақалтак бўлмоқ тўғри келган нарса билан қуролланиб урушмоқ; савалашмоқ. *Тангриқул ҳожи бошиқ оломон оққалтак-қорақалтак бўлиб, водокачкага қараб юрпти.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ОҚҚИЯР** *диал.* Оқсолар. *Айвонда кампир Жўраҳонга Шопўлат далло-нинг «оққиярида» Парихон отининг гапирган гапларини, .. сўзлаб берди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ОҚЛАМОҚ** I Охак, бўр каби оқ тусга киритувчи нарсалар билан бўямоқ. *Деворни оқламоқ. Уйни оқламоқ.*

2 Овқатга қатиқ қўшмоқ, қатикламоқ. *Мошхўрдани оқламоқ.* I Чойга сут аралаштирмоқ. [Кутидор:] *Тўйбека, Қумушининг чойини оқлаб берчи.* А. Кодирий, Утган кунлар.

3 *махс.* Металл нарсаларнинг сиртига қалайи югуртирмоқ. *Мис қозонни оқламоқ.*



**4** Донни, ғаллани туйиб пўстини ажратмоқ, тозаламоқ. *Кувингиз обжувозда шולי оқлапти. Тинч-омонлик, отаси.* Х. Ғулум, Мағьал.

**5** *Кўчма* Бирор кишининг гуноҳсиз эканлигини тасдиқламоқ, кимсани айбдор эмас деб топмоқ. *Суд гуноҳсизларни оқлади.* — [Ҳамида:] *Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига, ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман.* А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. *Қодир Набиғула «Холинга вой» дегандай қилиб қаради.* Буни *Набиеул фаҳмаб, ўзини оқлаша киришди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз чнттак.

**6** Бирор ҳаракат ёки ҳолатнинг тўғрилигини тасдиқламоқ, ҳақ, тўғри деб топмоқ. *Қизига бўлган ғазабини юраги оқласа, ақли қораларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ *Ишончи оқламоқ* билдирилган ишончга муносиб иш қилмоқ. *Она сутини оқламоқ* онага мардларча хизмат қилиб уни рози қилмоқ, фарзандлик бурчини бажармоқ. *Тузини оқламоқ* ўз паноҳига олиб боққан, тарбия қилган кишининг хизматиға яраша хизмат қилмоқ. *Улуғ бурчим тузинени оқламоқдир,* *Ҳамиша хурматинени сақламоқдир.* Ҳабибий.

**ОҚЛАНМОҚ** оқламоқ *фл. мажх. н.* *Айбдор оқланди.* — *Кўёш нури .. оплоқ оқланган деворларда кўзни тиндирувчи ёлқин билан жимирлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ОҚЛАТИЛМОҚ** оқлатмоқ *фл. мажх. н.* *Уй оқлатилди.*

**ОҚЛАТМОҚ** оқламоқ *1—4 фл. орт. н.* *Сатторқул аканг уйини .. оқлатди,* *дарчанинг ўрнига дераза қурди,* *печка олиб кирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ОҚЛАШМОҚ** оқламоқ *фл. бирг. н.* *Уйни болаларнинг ўзлари оқлашди.* — *Ҳаммаси Бўтани оқлашди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ОҚЛИК** оқ *1, 4, 5 с. белги оти.* *Қорнинг оқлиги.* *Сочнинг оқлиги.* *Қўнғилнинг оқлиги.* — *Отбек билан Утабой қушбеги Қўқонга чақуриладиларда, сўроқдан сўнг яна оқликка чиқадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ОҚЛИК** *1* Сут ва суддан тайёрланадиган маҳсулотлар (қатиқ, қаймоқ ва ш. к.). *Агар бўлса оқлиғинг, билинмайди йўқлиғинг.* Мақол. — *Мана колхоз бўлгандан буён .. мол-ҳол кўриб оғзимиз оқликқа тегди.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

**2** Пиширилган сутни ивтиш (қатиқ қилиш) учун унга солинадиган озгина қатиқ; томизги. — *Ҳозир сут соққандирсиз, ахир.— Соғдими .. Пишириб оқлик солиб қўйган эдим.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**3** *Этн.* Тўйга розилик белгиси сифатида совчиларга совға қилинадиган оқ ёки оч, очик рангли газлама, рўмол, кийим-кечак. [Эшон] *қўйнидаги бир кийим читни Сурхонбойнинг олдига қўйдида, гап бошлади: — Мана бу*

*хамир учидан патир, хожим .. Оқлик .. Кудда бўлмоқчимиз.* И. Рахим, Тақдир.

**4** *Этн.* Кўмиш маросимига, азага келганларга бўлиб бериладиган рўмолчабоп газлама; йиртиш. *Оқлик йиртши.*

**ОҚЛОВ** *1* оқламоқ *фл. иш оти.*

**2** *Кўчма* Оқлайдиган, гуноҳсизликни исботлайдиган. *Адвокатнинг оқлов нутқи.*

**ОҚЛОВЧИ** *1* оқламоқ *фл. иш оти.* *Уй оқловчи.* *Шоли оқловчи.*

**2** Юр. Судда бирор киши ёки тарафни химоя қилувчи юрист, адвокат. [Орипов:] *Дуруст, дуруст .. Аслида-ку қораловчибоп киши сиз-у, оқловчи бўлиб бекорга умрингиз ўтати-да!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ОҚМА** Доим йиринглаб, маддаси бир ердан тешиб чиқиб оқиб турадиган суяк касаллиги.

**ОҚМИЯ** *айн. эшакмия.*

**ОҚМОҚ** *1* Паст томонга қараб сурункасига ҳаракат қилмоқ, юрмоқ (суюқлик ҳақида). *Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ.* Мақол. — *Филатовнинг бир қўли қон оқаётган елкасида, иккинчи қўли пулемёт лентасида, боши қуйи солинган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Тез-тез томмоқ, биринкетин юмаламоқ (томчилар ҳақида). [Қизинг] *кўзларидан оққан томчилар қўёида инжуздай ёнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | [Гулсумби:] *Нимага йиғламай, қоши қўшим оқиб тушса, ҳеч нимани кўрмасам.* Ойбек, Қутлуғ қон. | Сув оқими билан бирга сўлжи-моқ, сузмоқ. *Қолганлардан бир қисми сойнинг ўртасига етмасдан қайтишига мажбур бўлди.* Икки киши оқиб кетаётди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. | Қуйилиб келмоқ; ўтмоқ. *Ўтказгичлардан электр токи оқа бошлади.* | *Кўчма* Келиб, тушиб турмоқ. *Конвейерлардан дон оқади.* — *Хона ичига қўёининг илиқ ёрқин ипаги жимгина оқди.* Ойбек, Навоий.

**2** Жараён тарзида, кўплашиб бирор томонга юрмоқ, ўтмоқ. *Эрталабдан бошлаб қишлоқ аҳолиси мактаб томон оқди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** *Кўчма* Ўтмоқ, кечмоқ. *Ҳаёт бир маромда, бир изда оқа бошлади.* С. Абдуқаҳҳор, Қўзлар.

**ОҚОВА** *1* Ҳовуз, экинзор каби жойларга бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетадиган сув; партов сув. *Оқова қилиб сугориш* экинни эгатлардан сув оқизиб кўйиб, мириқтириб сугориш.

**2** *Кўчма* с. т. Бўлиб ўтган ишнинг қолдиқ асари, оқибати. *Бултурги ишинг оқоваси.*

**ОҚПАДАР** *1* Отаси оқ қилган, лаънатлаган, юз ўғирган.

**2** *Сўж. айн.* Ўзлати.

**ОҚПАЛАК** Ўсимликларнинг баргларига оқш доғлар тушириб, сўлдирадиган ва қуритадиган касаллик (визт касаллининг бир хили). *Оқпалак бўлаёзан пахтани ўғит сепиш билан соғайтириш мумкин.* Айний, Қуллар.

**ОҚПАР** Оқиш, оққа мойил, оқ аралашган. *Оқпар чой* оқ гулбарглар аралашган хушбўй аъло навли чой. *Оқпар чойга тўлган кўк чойнак Менга азиз чин армуғондек.* Шайхзода.

**ОҚСАМОҚ** *1* Бир оёғи калталиги, майиб ёки касаллиги туфайли чайқалиб, чўлоқланиб юрмоқ, оқсоқланмоқ. *Бизнинг туямиз оқсаб, қорвондан орқада қола бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Командир Стеклов оқсарди.* *У баъзан беихтиёр равишда тиззасини чаналлар, юзлари, еўё алам гижимлагандай бир он буришиб кетарди.* Ойбек, Қўёш қораймас.

**2** *Кўчма* Суслашмоқ, орқада қолмоқ, қониқарсиз ёки паст савияда бормоқ. *Иш оқсалпти.* | Ноқислик қилмоқ. *Неги ҳар бир нарсача етган ақлинг шунги қолганда оқсайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** (ч. к. билан) с. т. Қамчилик, етишмовчилик туфайли қийналмоқ, йўқликдан поилож қолмоқ. *Пулдан оқсамоқ.*

**ОҚ-САРИҚ** Оққа мойил сариқ, оч сариқ. *Сўнги юмланган айтганда генералнинг оқ-сарик юзидаги сийрак ажинларини табассум тўйдирди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Нариги томонда эса, кун нурида қизган оқ-сарик қумлар ястаниб ётарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ОҚСАТМОҚ** оқсамоқ *фл. орт. н.* *Ботинка оёғини сиқиб, оқсатиб қўйди.* *Ишни оқсатиб қўйибсиз.* — *Қўғазорлик Тўлаған ака деган киши ҳатто отининг оёғига мих қоқиб оқсатиб қўйибди.* *Намижада олти-етти кунлик иш йиғирма саккиз кунга чўзилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. **Бирор** *нарсадан оқсатмоқ* бирор нарсага зориқтирмоқ, бирор нарса билан ўз вақтида таъминламаслик.

**ОҚСАШМОҚ** оқсамоқ *фл. бирг. н.* **ОҚСИЛ** *1* Биол. Ҳайвон ва ўсимликлар организмнинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этган мураккаб органик модда. *Оқсил ҳужайралар тузилиши учун зарур бўлган моддидир.* И. Исmoilов, Қасалларни парвариш қилиш.

**ОҚСИЛ** *II* Чорва моллари ва чўчкаларда бўладиган юқумли касаллик.

**ОҚСИМ** *I* с. т. *айн.* оқсыл *I.*

**ОҚСИМ** *II* с. т. *айн.* оқсыл *II.*

**ОҚСИЧҚОН** Сувсарлар оиласига мансуб, оқ мўйнали кичкина йиртқич сутэмизувчи ҳайвон. *Оқсичқон оламоқ.* | *Шу* *ҳайвоннинг териси, мўйнаси.* *Оқсичқон териси.*

**ОҚСОЛАР** Мотам муддати (бир йил) ўтиши муносабати билан ўтказиладиган маросим (бунда марҳумнинг яқин кишилари бир-бирларига оқ кийимлик тақдим қиладилар ва мотам либосларини ташлаб, оқ оддий кийимларини киядилар).

**ОҚСОЧ** *тар.* Бойлар, зодагонлар оиласида ёланиб хизмат қилувчи аёл, хизматкор аёл; чўри. *Холисонинг онаси Ёрмозор қишлоқлик бир бойнинг*

зишида оқсоч эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ОҚСОҚ 1** Оқсаб юрадиган; бир оёғи калта ёки чўлоқ. Оқсоқ қоровул ундан кўзини олмай, қўлтиқ таёғини тўқиллатганича, зинадан тўшдию, анҳор кўпригидан беридан тўхтаб қолди. А. Қаххор, Қартина. || Жангичлар ҳалиги кичкина, ориқ, юпун оқсоққа «ўртоқ майор» деб мурожаат қилардилар. Ойбек, Қуёш қораймас.

**2** кўйма Орқада қолаётган, қониқарсиз, паст даража ёки савиядаги. Оқсоқ соҳа. Ишини оқсоқ томонлари.

**ОҚСОҚЛАМОҚ с. т.** Оқсоқланмоқ.

**ОҚСОҚЛАНМОҚ** Оқсаб, чўлоқланиб юрмоқ. Унинг [Отабекнинг] оёғ олишида ҳам бир оз оқсоқланиш сезилар эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Қизиқ ва .. ўрндан туриб унинг [масхарабознинг] орқасидан оқсоқланиб жўнади. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ОҚСОҚЛИК** оқсоқ с. белги оти. Назокат оқсоқлигимни билса, мендан айнаб қолади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ОҚСОҚОЛ 1** Соч-соқоли оқарган кекса одам; мўсафид.

**2 тар.** Октябрь революциясига қадар: бир ёки бир неча маҳалла ёки қишлоққа бошлиқ бўлган маҳаллий амалдор. Қишлоқ оқсоқоли. — Илгари оқсоқол бўлиб кўп одамларни қон йиғлатган экан бу! — деди Давлатёр. П. Турсун, Уқитувчи.

**3** кўйма Бирор соҳада кўп ишлаган, меҳнати синган кекса киши. Эртасига Қамишкапага Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев келди. П. Турсун, Уқитувчи.

**4** Кексаларга ёки улуг кишиларга нисбатан ўз тенгқурлари томонидан ишлатиладиган мурожаат формаси.

**ОҚСОҚОЛЛИК 1** оқсоқол 1 с. белги оти.

**2 оқсоқол 2 с. мавз. от.** Ҳозир, мана бу, оқсоқолликдан тушиб ювош қашқир бўлиб қолган чоғи. П. Турсун, Уқитувчи.

**ОҚСУЯК** Эксплуататорлик жамиятида имтиёзли табақаларга, зодагонларга мансуб киши; аристократ. Хўжалар илгаридан «биз араб авлодимиз, оқсуякмиз» деб ўзларини балинд тутиб келади. П. Турсун, Уқитувчи.

**ОҚУВЧАН** Оқиб кетадиган, яхши оқадиган. Эриган чўян оқувчан бўлади ва қопини яхши тўлдиради.

**ОҚУВЧАНЛИК** Суоқликнинг ўз оғирлик кучи таъсирида ёйрилиб кетиш хоссаси. Суоқликнинг асосий хоссаси — оқувчанликдир. «Физика».

**ОҚУРУҒ** Қовуннинг пўсти оқиш, уруғи, эти оқ ширин бир тури.

**ОҚЧЕЧАК** Заранг дарахтининг Ўрта Осиёда учрайдиган гули оқ тури.

**ОҚЧИЛ 1** Оққа мойил; оқиш, оқимтир. Оқчил мата.

**2** Рангсиз, рангпар; оқдан келган. Шоқир .. оқчил юзини қоплаб олган қалин ва узун соқолини тутамлаб. — Ёши элликдан ошган одамнинг со-

қолига оқ тушмайди [деди]. Айний, Қуллар.

**ОҚЧОР** айн. оқчорлоқ. Танаффус маҳалда оқчорлар галаси қўнган денгиз ёқасини элатувчи ҳашаматли мактаб бир зумда тинди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ОҚЧОРЛОҚ** Балиқ ва ҳашаротлар билан тирикчилик қиладиган, сув билан боғлиқ қуш; балиқчи. — Мен умримда денгизни, оқчорлоқни кўрган эмасман .. — деди Аҳмад. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ОҚШОМ 1** Қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғира-шира ёруғ пайт. Қуёш ботган, лекин кун ҳали ёруғ, ҳар ёққа оқшом сукунати чўзилган. Ойбек, Қутлуг қон.

**2** Кеч, кечқурун. [Ойсара] жисман заифлигига қарамай, кўп юмуш қилар, ҳар оқшом ўз болалари билан танча аτροφдини тўдириб, китоб ўқир эди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ОҚШОМГУЛ диал.** Намозшомгул. **ОҚШОМЛАБ рвш. диал.** Қоронғу тушгандан кейин; кечлатиб. Бойбўрига билдирмаймиз, оқшомлаб жўнаймиз. «Алпомиш».

**ОҚШУВОҚ** Оқиш майда баргли, ўтқир ҳидли, аччиқ, пояси пишик, ингичка ва узун ёввойи ўт (ундан супурги қилинади).

**ОҚҚУВ айн. оққуш.** Кўк юзида паға булут, оқ булут .. Бир қарасанг осмон тўла оққувар. Миртемир.

**ОҚҚУЙРУК** Кийикларнинг бир тури. Орол денгизидеги «Борса келмас» оролида оққуйруқ ва жайранлар заповедниги вужудда келтирилган. М. Музаев, Ўзбекистон ССР.

**ОҚҚУШ** Ўрдаксимонлар оиласига мансуб, патлари оқ, бўйни узун йирик сув қуши; қув.

**ОҚҚУТОН** Узун оёқлилар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб, пати оқ, бўйни ва тумшуги узун ўлак-сахўр йиртқич қуш.

**ОҒ** Иштон ёки шмнинг икки почаси қўшиладиган жойи, чови.

**ОҒА 1 айн. ака.** Ширин уканг келди оғасин излаб, Кўрар кўзим, жоним акам, бормисан? «Ширин билан Шакар».

**2** Туғишган акадай яқин, қадрдон киши. Қўни-қўшини, кичик-катта. Оғамларга салом айтинг! Ҳамза. [Салимбойвачча:] Сиз ёғиз почма эмас, ҳам дўстим, ҳам оғамсиз. Ойбек, Қутлуг қон. Ватанимиз — онамиз, Мехрибон рус оғамиз. К. Муҳаммадий.

**3 тар.** Юртнинг, элнинг каттаси, ҳокими. Мени билсанг Қўнғиротларнинг оғаси. Бошимда бор эр йигитнинг жигаси. «Алпомиш». Юрт оғаси айн. оға **3.** У ўзини юрт оғасидек эркин, сарбаст тутайтган Тешабойнинг мингбоши бўлиб келганми-йўқлигини билишни истар, лекин билолмай тажанг бўларди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**4 тар.** Турли лавозим ва унвон номлари таркибига кирди, мас. ҳарам оғаси, эшик оғаси.

**5** Ўздан катталарга нисбатан мурожаат формаси.

**ОҒА-ИНИ 1 айн. ака-ука.** [Нодира:] Қиёматлимиз, туғиб ўстирган ота-оналаримдан, опа-сингил, оға-ини, қариндош-уруғларимдан кўрмаган бу меҳрибонликларни ўлсам қора тупроғим учутмасдир. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**2** Туғишгандек, ака-укадек бир-бирига яқин, қадрдон кишилар. Совет халқлари бир-бирига оға-ини, биродар.

**ОҒА-ИНИГАРЧИЛИК айн. оға-инилик 2.**

**ОҒА-ИНИЛИК 1** оға-ини с. белги оти.

**2** Ака-укалар, оға-инилар ўртасидаги қариндошлик ҳисси ва муносабатлари, оға-иниларнинг бир-бирига оқибати, муруввати.

**ОҒАЙНИ** Яқин ошна, ўртоқ; дўст. Оғайни тутиммоқ. — Кўй, нима қиласан .. Қиёматлик оғайним бўлсанг, сўзимни ўдирмайсан! Тур! А. Қаххор, Оғайнилар.

♦ **Етти оғайни қ. етти.** Тўрт оғайни қамария йил ҳисобида учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ойларининг (раб-биулавал, раббисоний, жумодилавал, жумодисоний) умумий номи. **Қирқ оғайни** атиргулнинг жуда сершоқ ва сергул бир тури.

**ОҒАЙНИГАРЧИЛИК айн. ошна-оғайнигарчилик.** Ҳозир ўша улфатлар, ўша оғайнилар кўчада кўрса тескари қараб ўтади. Шуми оғайнигарчилик! А. Қаххор, Оғайнилар.

**ОҒАЙНИЛАШМОҚ** Оға-ини бўлиб кетмоқ, ака-укалардек, яқин, қадрдон бўлиб кетмоқ, дўстлашмоқ.

**ОҒАЙНИЛИК 1** оғайни с. мавз. от.

**2** Оғайнилар, дўстлар ўртасидаги муносабатлар, оғайниларнинг бир-бирига оқибати, муруввати. У менга оғайнилик қилди.

**ОҒАЙНИЧИЛИК айн. ошна-оғайнигарчилик.**

**ОҒАЛИК 1** оға с. мавз. от.

**2** Оғаларнинг иниларга муносабати, оғаларга хос оқибат, мурувват. Оғалик қилмоқ.

**ОҒАЛИК тар.** Хонга яқин мансаблардан бири, хон маслаҳатчиси.

**ОҒАЧА тар.** 1 Хон саройи ёки бойлар эшигидаги хизматкор аёл; чўри.

**2** Бой уйғурлар оиласида кекса хотин.

**ОҒДИРМОҚ 1** оғмоқ 1—4, 6 фл. орт. н. Шамол кемани оғдирди. — Эҳтимол, бирортаси Муниснинг йўлига ғов солиб, унинг содда кўнглини ўзи томон оғдиргандир деб ўйларди Қудрат. **3.** Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**2** кам қўлл. Ҳайдаб кетмоқ. Чатоқ бобонинг неваралари отарларни Балхияк йаловларига оғдириб кетишиди. С. Нуров, Дурдона.

**ОҒЗАКИ 1** Нутқ воситасида қилинадиган, амалга ошириладиган, ёзма эмас. Оғзаки буйруқ. Оғзаки имтиҳон. Халқ оғзаки ижодиёти. Оғзаки жанг айн. даҳанаки жанг қ. даҳанаки. Шу

кунг кечаси уйимизда оғзаки жанг бўлди. Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

2 с. т. салб. Куруқ расмият учун айтилган; пуч. *Оғзаки гап.* — Замира оғзаки қуруққична сўрашди, Очил ҳам расмий салом берди. П. Қодиров, Уч илди.

**ОҒИЗ I** (3-ш. бирл. оғзи) I Икки жағ ўртасидаги, овқатланиш, сўзлаш ёки овоз чиқариш учун хизмат қиладиган бўшлиқ. *Балиқнинг оғзи. Одамнинг оғзи. Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади.* Мақол. *Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.* Мақол. — *Йўлчи узумдан бир неча донани оғзига ташлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Икки лаб ва уларнинг бир-бирига тегиб турган жойи ва атрофи. *Оғиздан ўпмоқ.* — *Гулнорнинг кичкина чиройли оғзи ҳайратдан бир нафас очилиб, кўзлари, «ростми?» деган каби Нурига тикилди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 кўчма Сўзловчи киши, одам. *Кўп оғиз-бир бўлса, бир оғиз енгилди.* Мақол. — *Ҳа, баракалла. Шунинг учун бундай гапларни фақат оғизма-оғиз, ўшанда ҳам фақат sinalган, ишончли оғиз орқали етказилади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 кўчма Бировнинг қарамоғида бўлган одам; хўранда, нохўр. *Баззоз почоннинг бекорчи оғзига тоби йўқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 Милтиқ, тўппонча, миномёт, замбарак каби отиш қуролларининг ўқ отилиб чиқадиган тешиги, ствол. *[Йўлчи] тишини қисирлатиб деди: «Тўпнинг оғзига қўйиб отиб юборинглар мани, қонхўрлар!»* Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Ички бўшлиғи, ичи бўлган нарсаларнинг кириш-чиқиш учун хизмат қиладиган жойи, тешиги. *Ўранинг оғзи. Ғорнинг оғзи.* — *[Кўнгиз] ҳамма вақт уясининг оғзига сиқмайдиган тезакка ёпишади.* А. Қахқор, Сароб. | *Идишларнинг нарса олиш-қўйиш учун хизмат қиладиган тешиги. Шиишнинг оғзи.*

7 Кўчанинг, йўлнинг бошланиш, киравериш жойи. *Кўча оғзи.*

◆ **Балонинг оғзи** жуда хавфли, қўрқинчли жой. *Бир (ёки икки) оғиз гап (ёки сўз) озгина гап, қисқа гап. Сайланганидан бери бир оғиз ҳисоботини эшитганимиз йўқ,— деган гаплар эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Ширмонжон:] Ашурхон, ишларингизни кейин қиларсиз. Келин, сиз билан икки оғиз гаплашай деб келдим. С. Зуннуова, Олов. Дарвоза оғзи тар. шаҳар, қалъа дарвозаси ёки умуман дарвоза яқинидаги жой. Назарида, худди шу дарвоза оғзида велосипед устаси бордай бўлди.* А. Қахқор, Сароб. **Катта оғиз ёки оғзи катта** унча-мунчани писанд қилмайдиган; катта гапиришга ўрганган; мақтанчок. *Отасининг давлати, катта оғиз, ҳовлиқма ва такаббур онасининг эркалаши қўйилиб, қизга ортиқча ғурур берган, ҳаракатларига ўзбошимчалик, қилиқларига ноз-караши*

ма бағишлаган эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**Оғзи бемаза қ. бемаза** 4. **Оғзи билан иш битирадиган** ишни осон фаҳмлайдиган, ҳар қандай ишни гап билан битирадиган. **Оғзи билан юрадиган ёмон гап тарқатадиган;** ғийбатчи. **Оғзи ботир қ. ботир** 1. **Оғиз боғлар диал. этн.** тўй қилиш ҳақида қиз томоннинг розилигини олиш, унаштириш маросими, фотиха. **Оғзи бузук (ёки ёмон) айн.** оғзи шалоқ қ. шалоқ 3. **Оғзи бўш қ. бўш. Оғзи куйган** панд еган. *Оғзи куйган қатиқни пуфлак ичди.* Мақол. — *Тўғриси, бу ишни у [Йиғитали] ҳеч кимга, ҳатто Сафарбарова ҳам ишонмади. Чунки бу борада унинг неча марта оғзи куйган.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. **Оғзи очик** рўза тутмаган киши; кўза. **Оғзи бормайди айн. тили бормайди қ. тил** 2. **Оғзи кўпиртирмоқ қ. кўпиртирмоқ. Оғзи очилиб қолди** хайрон бўлиб, хуши кетиб қолди, ханг-манг бўлди. *Эшитиб, Ғузрдагиларнинг оғзи очилиб қолади.* Ш. Тошматов, Эрк куши. **Оғиз очмоқ** 1) гапирмоқ, сўзлай бошламоқ. *Мулла Абдураҳмон яна оғиз очолмади. Чунки Сафар бўёни «китоб сўзи» билан уни энгиб қўйди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён; 2) дин. шом пайтида бирор нарса истеъмол қилмоқ, рўзани очмоқ (рўза тутган кишилар ҳақида). **Оғиз солмоқ** бировнинг қизини келинликка ёки ўғлини кувёликка сўрамоқ, сўратмоқ. *Тўғри сўзлаб, мен гапирдим юзингга, Оғиз солдим уйда турган қизингга.* «Ёдгор». **Оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган** ҳеч нарсага ақли етмайдиган, анқов. **Оғзи қулоғига етди с. т.** жуда хурсанд бўлди, суянди. *Ғулможон тўғри суғага борди. Суяноғидан оғзи қулоғига етиб куларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Эллик оғиз гап (ёки сўз) кўп гап, эзмачилик. Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор. Мақол. **Беш бармоқни (ёки панжасини) оғзига урмоқ қ. беш** 1. «Олма пиш, оғзимга туш», деб ўтирмоқ ишни тезроқ бажариш учун жон куйдирмаслик, ўзи бўлар, деб бепарво ўтиравериш. *Узлари ҳам олма пиш, оғзимга туш, деб қўларини қовуштириб ўтиравермасинлар-да, ахир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Она сути оғзига келди** жуда кўп уринди, қўйналди, машаққат чекди. *Бу атласларни Отабойдан ундиреунча нақ Қўзибойнинг она сути оғзига келди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. **Оғзинга ёғ (ёки мой)** бирор яхши хабар келтирган кишига миннатдорлик билдириб айtilадиган ибора. *Вой оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормиким!* А. Қахқор, Қўшчинор. **Оғзига кучи етмайдиган** ноҳўя ёки сир гапни айтишдан ўзини тийлайдиган, тутуруқсиз. *Кўйинг, хафта бўлмаг, хола, бунга йўрағда теккан касал бу...* *Оғзига кучи етмаган киши ҳар нарсани гапираверади.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари. **Оғзига олмоқ** 1) емоқ, ичмоқ. *Асли мени [ичишига] хўжайин ўргатди. Илгари бир қатра***

*оғзимга олмас эдим.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) бирор гапни гапирмоқ, айтмоқ; 3) бировнинг номини айтиб эсламоқ, йўқламоқ. *Орада бир неча кун ўтди — Муҳаммабраҳаб жим, Мирзамухиддинни оғзига ҳам олмади.* А. Қахқор, Сароб. **Оғзига сиққанича** кўнглига келганича, хоҳлаганича (ошириб). *Ҳар ким ўз қаҳрамонлиги ҳақида оғзига сиққанича сўзлай бошлади.* «Латифалар». **Оғзига ёки оғзи тегди** ейиш, ичинга мўъясар бўлди; еди, ичди, етишди. *[Муаттар Гулчеҳрага:] Эркак кишининг оғзига тегдими ... Юринг, боққа чиқамиз.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Оғзига тушмоқ** ҳамма ерда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолмоқ, гап бўлмоқ. *Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келаётган эдим, энди айтмасам бўлмайди, чунки бу миш-миш оғзига тушиб бораётипти.* А. Қахқор, Қўшчинор. **Оғзига урмоқ** 1) сўзлаш учун йўл қўймастик, сўзлатмай қўймоқ. *У-бу дейдиган одамнинг оғзига уриш керак. Қим нима деса, мен ҳамма вақт оғзига урман.* А. Қахқор, Қўшчинор; 2) айн. **оғзини мойламоқ.** *Тўраларнинг оғзига уриш учун пулни бойвачча беради. Мандан нима кетади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Оғзига қарамок (ёки тикилмоқ)** 1) сўзини диққат билан тингламоқ. *Сидиқжон юзларча киши оғзига қараб турган мажлисни кўз олдига келтириб жуда катта таъвишга қолдию, дами ичиша тушиб кетди.* А. Қахқор, Қўшчинор; 2) бировдан бирор гап кутмоқ, бировнинг бирор нарса дейишини пойламоқ; 3) бировнинг тагига қараб иш тутмоқ. *Заводда ишлайдиган мингдан ортиқ эркак, шулар қатори эри ҳам ўшанинг [Қароматнинг] оғзига қараиди.* А. Қахқор, Қизлар. **Оғзинга қараб гапир!** қ. гапирмоқ 1. **Оғзига қоқмоқ айн.** оғзига урмоқ 1. **Оғзига** фақат тил унча, шунчаки; юзди. *Айниқса бу колхозда мусобақа оғизда, қоғазда.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Гапи (ёки сўзи) оғзида қолди қ. гап I I.** **Оғзидагини (ёки оғзидаги ошни) олдирмоқ қ. олдирмоқ.** Бир оғиздан айн. бир овоздан қ. овоз 7. **Оғиздан гулламоқ қ. гулламоқ II.** **Оғиздан-оғизга кўчмоқ (ёки ўтмоқ)** 1) бир авлоддан иккинчи авлодга оғзаки равишда ўтиб келмоқ. *Ўзбек халқ эртаклари оғиздан-оғизга ўтиб асрлар бўйи сақланиб келмоқда;* 2) одамлар орасига тарқаб кетмоқ, гап бўлмоқ. *Оқсоқолнинг қандай ажойиб томоналари кўргани, қандай меҳмонхонага тушгани тўғрисидаги гаплари қулоқдан қулоққа, оғиздан-оғизга ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Гапини (ёки сўзини) оғиздан олмоқ (ёки илиб кетмоқ) қ. гап I I.** Гапи оғиздан тушиб кетадиган гапини эшлаб гапиролмайдиган; ношуд, ландобур. **Оғзиндан чиқарма** ҳеч кимга айта кўрма. *Бўлар иш бўлтипти, энди ҳеч кимга оғзиндан чиқарма.* А. Қахқор, Қўшчинор. **Оғзини мойламоқ (ёки ёлмоқ) қ. мойламоқ. Оғзини пойламоқ айн.** оғзига қарамок 2. **Кампир ҳамон келиннинг оғзи-**

ни пойлади. Лекин келиндан ҳеч бир ҳасрат қиладиган гап чиқмади. Ойдин, Мардлик — мангулик. **Оғзининг суви келди** бирор нарсани кўриб жуда ҳавас келди, егиси ёки ичкиси келди; кўнгли суст кетди. **Оғзининг таноби қочди** жуда хурсанд бўлди, суюниб кетди; илжайди. **Тўпанисо, ўзи ҳақидаги мақтовга келганда, оғзининг таноби қочиб:** «Мен нима қилибман? .. Менда нима гап? .. Ҳеч-да»,— деди. А. Қаххор, Қўшчинор.

**ОҒИЗ II** (3-ш. бирл. оғизи) Янги гуққан сирининг уч-тўрт кунли сутини йиғиб пиширилган пишлоқсимон таом. **Эрталаб Тозагул меҳмон опани янги туққан сирининг оғизи ва ўғирдан иссиққина чиққан оқишоқ толқон билан сийлади.** Ҳ. Ғулום, Машғал. **Оғиз сути** янги туққан сирининг хом сути.

**ОҒИЗ-БУРУН** Оғиз ва бурун. **Оғзи-бурунни қоп-қора қон қилмоқ.** **Оғиз-бурун ўпишмоқ салб.** жуда иноқ бўлиб кетмоқ, топишиб олмақ. **Бойлар, руҳонийлар, катта ер эгалари; амалдорларнинг ҳаммаси бир-бири билан оғиз-бурун ўпишади.** М. Ҳунарабаев, Унутилмас кунлар. **Оғиз-бурунни мойламоқ** айн. **оғзини мойламоқ қ.** мойламоқ. **Хумпарнинг оғзи-бурунни мойлаб қўлга олиб бўлмасмикан?** П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ОҒИЗЛИК** диал. Сувлиқ.  
**ОҒИЗМА-ОҒИЗ** **реш** Бир-бирнга айтиш, ҳабар қилиш йўли билан, оғиздан оғизга ўтиб ёки ўтказиб. **Ҳа, баракалла.** **Шунинг учун бундай гаплар фақат оғизма-оғиз .. етказилади.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Оғи бароридан келган кишининг қилган иши дарҳол оғизма-оғиз бутун қисмга тарқалди.** А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**ОҒИЛ** Уй ҳайвонларини сақлаш ва боқиш учун қурилган махсус бино; молхона, ёғилхона. **Мирҳомидхўжа оғилнинг эшигини секин ёпди-да, имо билан Қамбаралини бир чепкага қақирди.** А. Қаххор, Қўшчинор.

**ОҒИЛХОНА** айн. **оғил.**

**ОҒИР I** Вазни катта бўлган, тош босадиган; ваззли, вазмин. **Оғир юк.** **Оғир от.** Юки оғир арава. **Оғир ваззли курашичи.** Олтин кумушдан оғир. **Оғир тошини сув элтмас.** Мақол. — **Яна жимлик ҳукм сурди.** Бу сукунат оғир тегирмон, тоши бўлиб мулла Норқўзини янгиб юборди. А. Қаххор, Майнз эмаган хотин. **Бойвачча қавакчадан чўп тиқиб замжирни туширди, каттагина оғир дарвоза «ғурр» этиб очилди.** Ойбек, Қўтлуғ қон.

**2** Қўп куч ёки билим талаб қиладиган; қийин, машаққатли, сермашаққат. **Оғир иш.** — **У [Йўлчи] ҳар хил оғир юмшларни қилиб ўрганган бўлса ҳам, тўнка қаваламаган эди.** Ойбек, Қўтлуғ қон. **Шундай қилиш керакки, халқнинг пешана тери билан, оғир меҳнати билан чиқариладиган сув битта ё бир неча балоҳўр қўлига ўтиб кетиб қолмасин.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Чўл**

**ботирларига оғир синов кун келди.** Ойбек, О. в. шабадалар. || **Аравалар оғир кўчади,** **Кум тепалик гўё исканжа.** Э. Раҳим, Янги қадам. | **Мушкул;** **масъулиятли.** **Оғир масала.** — **Баҳорда, қизим, бундан буён кун исийверади,**— қизини оғир ҳолатдан чиқаришга тиришиди она. Шухрат, Шинелли йиллар. || **Элмурода машғулотлар оғир туюлмади.** Шухрат, Шинелли йиллар. **Йил оғир келди-ю,** **бригадир шийпонда тўнаб қоладиган бўлди.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || **Оғирини енгил қилмоқ** мушкулени осон қилмоқ, ёрдам бермоқ. — **Биздан лозими:** қўлимиздан келганича халқ оғирини енгил қилиш,— деди Қудрат. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**3** Салмоқли, салобатли. **Ҳовли ичкарироқ бўлганидан, ҳамма ухлаб қолганидан, дарвозанинг оғир гўмбурига ичкаридан ҳеч ким чиқмади.** Ойбек, Қўтлуғ қон. — **Бунисини қўяверинг, қори, худо ишингизни ўнгласа ҳеч гап эмас, гард юқтирмай чиқиб кетасиз,— даяр эди оғир, салмоқли товуш.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. | **Секин, шошмасдан қилинган; босиқ, вазмин.** **Оғир қадам.** || **Юсуфжон қизик .. чилдирмани гоҳ тез, гоҳ оғир, салобатли чертар эди.** Т. Обидов, Юсуфжон қизик. **Ғулумжон бошини оғир кўтариб уста Баҳромга қаради.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**4** Кўчма Ўзини тутта биладиган; сипо, вазмин, босиқ. **Аминжон, ўзи ёш бўлса ҳам, жуда пишққ, оғир, ғайратли.** А. Қаххор, Хотинлар. **Қамган, оғир, ҳеч кимга ҳақини юбормайдиган қиз.** Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || **Қамтар ва камсухан, гўзал Искандаро қулоқ солиб жиддий ва оғир ўтирарди.** Ойбек, Нур қириб. **Оғир бўл ўзининг бос, сабр қил.** **Одамлар Тожибойни тартибга қақаришиб чуғурлашди:** «**Ҳа, ҳа, бир оз тишини-тишса қўйиш керак.**» «**Ҳа, сал оғир бўлинг.**» П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**5** Кўчма Ёмон оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган; жиддий, хавфли. **Оғир жароҳат.** **Оғир дард.** — **Отаси оғир касалликдан сўнж вафот этди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **У [Элмурод] ҳеч нарсани билмас, аҳволи оғир эди.** П. Турсун, Ҳўқитувчи. || **Иван Иванович оғир ярадор бўлиб, икки оёқдан ажради.** С. Аҳмад, Ҳукм. **У [Салтонбу] шундай бақириб юбордики, уй бурчидан оғир ётган ўн уч яшарли .. қизи чўчиб кетар деб ҳам ўйламади.** М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**6** Кўчма Мураккаб, мушкул, жиддий. **Қуролли қўзғолон бошланиш вақтида вазият анча оғир эди.** О. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси.

**7** Кўчма Қаттиқ жазолашни талаб қиладиган, жуда катта. **Оғир гуноҳ.** **Оғир жинойят.** | **Қаттиқ, бешафқат.** **Оғир жазо.**

**8** Кўчма Машаққатли, уқубатли, азобли. **Оғир кун.** **Оғир ҳаёт.** — **Элмурод оиласи ва ўзининг оғир ўтмишини**

**қисқача тасвирлаб келиб, охирида шундай деган.** П. Турсун, Ҳўқитувчи. | **Нотинч, ташвишли, ҳаяжонли.** **Оғир туш.** **Оғир ҳаёл.** **Оғир ўй.** — **Чолнинг юрак яраларини охирида ўзини айбли санаган Йўлчининг кўкраги оғир тўйғулар билан тўлди.** Ойбек, Қўтлуғ қон. | **Ғамгин, муңгли, қайғули.** **Оғир сукунат.**

**9** Кўчма Қаттиқ тегадиган, хафа қиладиган, кўнгилсиз; малолли. **Ҳар иккисини йўқотинг кўздан, Қўтилайин бу оғир сўздан.** Ғайратий. || **Қамбар бирдан кулиб юборди.** Унинг кулиши Йўлчиға оғир тегди. Ойбек, Қўтлуғ қон. **Назаров эшитдингизми, дегандай қараш қилди.** Назаровнинг шу боқини Шербекка оғир ботди. С. Анорбоев, Оқсой. **Оғир гап 1)** малол келадиган, қаттиқ тегадиган гап; **2)** хал қилиш қийин бўлган масала; **3)** кўнгилсиз, ачинарли воқеа. **Кўнгилга оғир олмақ қ.** **кўнгил.**

**10** Кўчма Ҳаддан зиёд, киши бардшо беролмайдиган; қаттиқ. **Оғир алам.** **Оғир жудолик.** **Оғир кулфат.** **Оғир мусибат.** — **Инсон ҳаётидаги энг оғир қайғу — онадан айрилиқ қайғуси.** П. Турсун, Ҳўқитувчи. — **Энди билдим, ошиқлик оғир дард экан.** **Бошимга тушганда билдим,— деди [йигит].** П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**11** Кўчма Куч келадиган, қийин; дардли. **Оғир нафас.** || **Оғир энтикмоқ.** — **Зиёдилла кетгандан кейин Ботирали бешик тебратиб ўтирган хотинининг ёнига чўкиб, оғир уф тортиди.** Ҳ. Ғулום, Машғал. **Қизил қониға бўялган қархондан пулемётчи оғир нафас олмақда эди.** Н. Сафаров, Қахрамоннинг туғлиши.

◆ **Оғир артилерия** узоққа отадиган катта тўп ва замбараклар. **Оғир қарвон** сира ҳам шошмайдиган, шошмасдан, бамайлихотир иш қиладиган; секин қимирлайдиган, имяллаган; сусткаш. — **Йўқ, менга сира ўхшамайди,— деди Шарофатбиби ишкотланган оҳангда.— Оғир қарвон у.** Ойбек, О. в. шабадалар. **Оғир кўчмоқ** қийинчилиқ билан хал бўлмоқ (бирор иш ёки масала ҳақида). **Сидиқжоннинг оғир кўчишига, тархашлик қилишига сабаб Қанизакнинг ҳар баҳона билан Иброҳимовнинг уйига бораверишини хушламаганлиги эди.** А. Қаххор, Қўшчинор. **Оғир оёқ қ. оёқ.** **Оғир саноят айн.** **оғир индустрия қ.** **индустрия.** **Оғир танк** йирик тўп ва пулемётлар билан қуролланган катта танк. **Қулоғи оғир** гапни яхши эшитмайди, қарроқ; кар. **Ҳавоси оғир** жой ҳавоси бузылган, нафас олиш қийин бўлган жой.

**ОҒИРБҮЙ** диал. айн. **оғир оёқ қ. оёқ.** **Озодaxon оғирбўй бўлишига қармай, юзуриб-елиб чой дамлади.** Ф. Насриддинов, Ота ўғли.

**ОҒИРЛАТМОҚ** Юкини ёки вазнини оширмақ; оғирлаштирмақ.

**ОҒИРЛАШМОҚ I** Вазни, оғирлиги ошмоқ, оғирроқ бўлиб қолмоқ, оғир тортмоқ; вазминлашмоқ. **Еғоч бўкиб анча оғирлашди.** — **Қордан кичкина юмалоқ ясаб думалата-думалата ўз**

бўйларидан баланд катта курра ясаганлар. У жуда оғирлашган. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ошмоқ, кўпаймоқ, ошиб кетмоқ. Машинанинг юки оғирлашиб кетди.

2 кўчма Тобора машаққатли бўлмоқ. Ботиралининг хаёли унинг елкасига оғир юк бўлиб тушди ва бу юк кундан-кун оғирлашарди. Утешев, Оқ йўл тилайман.

3 Қийнлашмоқ, мураккаблашмоқ. Иш оғирлашди.

4 Оғир тоғмоқ, мушкуллашмоқ. Беморнинг нафас олиши оғирлашди. | Ночор ҳолга тушиб қолмоқ; машаққатли, уқубатли бўлиб қолмоқ. Аям ўлгандан кейин аҳволимиз яна оғирлашди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Ноқулай, қийин бўлиб қолмоқ. Энди қизининг олдига кириб унинг бетига қараш унга [қутидорга] жуда ҳам оғирлашган эди, чунки бу фожианинг бош омили деб ўзини таниган эди. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Хавфли тус олмоқ, хавфли, хатарли бўлиб қолмоқ, жиддийлашмоқ. Аҳвол борган сари оғирлашди. Погодин қўшинлари ярим ҳалқа ичида қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.— Бойларнинг чақғи билан Йўлчининг иши оғирлашди,— деди Шокир ота. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Кучаймоқ, зўраймоқ, тузалиши маҳол бўлиб қолмоқ. Бемор кундан-кунга оғирлашяпти. Қасалнинг ҳоли оғирлашди.

7 Қаттиқлашмоқ, кучаймоқ. Жиноят оғирлашди. Жазо чоралари оғирлашди.

8 Кўчма Бўшашмоқ, ўзини ёмон ҳис этмоқ. Киши дардини англатолмаса оғирлашади. А. Қаҳҳор, Сароб. Қосмадан, келган Смирнов бу сўзларни эшитган, оғирлашиб кетгандай бўлди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Боши (ёки калласи) оғирлашди боши гангиди, ғовлаб кетди. Чинни коса беш-олти бор қўлдан-қўлга ўтгандан кейин, ҳар икковининг ҳам боши хийла оғирлашиб, кайф ғалаба қила бошлади. Х. Ғуллом, Машъал.

**ОҒИРЛАШТИРМОҚ** оғирлашмоқ фл. орт. н. Содиқнинг жавоби унинг устидаги юкни тагин ҳам оғирлаштиргандек сезилиб, у бошини қуйга энгашитирди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ерма туюнов кунги ёққан ёлғирнинг таъсири бор. Жангчиларнинг юришини оғирлаштиради. Шухрат, Шинелли йиллар. Халқ суди Иброҳимов ишни яна оғирлаштирди. Эринг отилса эҳтимол. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ОҒИРЛИК** 1 оғир с. белги оти. Ишнинг оғирлиги. Масаланинг оғирлиги. Аҳволнинг оғирлиги. Кераклик тошининг оғирлиги йўқ. Мақол. ■ Карвон жўнади. Юкнинг оғирлигиданми, ёки гўлчаклари ёғсиреганданми, аравалар ғирчиллаб, ўз музикаси ўзи билан жадал бормоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Тошкентдан уйланганимдан сўнг, ёлғиз бошимга ҳам Тошкентдан, ҳам Мар-

ғилондан икки хотин ушлаб туриш оғирлик қила бошлади. А. Қодирий, Утган кунлар. Қалланг оғирлик қиялтими жонингдан умидинг йўқми, ўлгинг қиялтими.

2 физ. Жисмларнинг ерга тортилиш кучи.

3 кўчма Ташвиш, малоллик. [Дилбар:] Ҳа, Ботиржон ака, уйланса сенга нима оғирлиги бор? Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. Ҳар кун эрталаб ишга кетаятганимда [болани боғчага] элтиб қўйсан, қайтганимда олиб кетасан. Шундоқ қилсанг ўзингдан бошқа ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчнор. [Бировга] оғирлигини ортмоқ 1) бировга осилмоқ, устига чиқиб (миниб ёки опичлаб) олмоқ; 2) кўчма боқинди, қарам бўлиб олмоқ, ўз ташвишини бировнинг зиммасига юкламоқ. Мунாவвар Йўлдошга оғирлигини ортмаслик учун ўзига иш ҳам топди: туғруқхонага доя бўлиб кирди. С. Анорбоев, Мехр.

4 кўчма Мушкул, қийин аҳвол; қийинчилик. Утар оғирлик билан Куз этаги судралаб. Қолар кўплар турли ғам, Турли дардаё ўралаб. Ғайратий. | Қийинчилик, азоб-уқубат. Сизнинг шодлигингиз йўлдан қар бир оғирликларга бу бахти қора қизингиз ризодир, онажон! А. Қодирий, Утган кунлар. | Ноқулай аҳвол, ноқулайлик. Улар бир-бирларига қаршиб, илжайишдилар. Нигор олим ҳам оғирликдан чиқди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

5 кўчма Ўзини тутга билиш, сиполик; босиқлик, вазминлик. Кимнинг ному-си, кимнинг ақли, кимнинг сабри, оғирлиги уни шармандаликдан қутқариб қолди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ботирали оғирлик билан онасига қаради. Утешев, Оқ йўл тилайман. У, қўлларидаги нарсаларни стол устига қўйган, оғирлик ва босиқлик билан Турсун ҳола ёнига борди. О. Отабеков, Кам бўлмагур ўғил. Ўзини оғирликка солмоқ ёки оғирлик қилмоқ ўзини босмоқ, ўзини қўлга олмоқ, сабр қилмоқ. У ўзини оғирликка солиб, хотинининг бош-кўзини силади, эркалатди. Ойдин, Қўнғли тўлдими, яши йигит. Тагин ҳам Даминжон оғирлик қилди, деди ўзича Шермат ака. А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

**ОҒИРЎҚ** (тўғриси оғир оёқ) с. т. Ҳомиладор.

**ОҒИРСИНМОҚ** 1 Оғир, қийин деб билмоқ.

2 айн. оғирномқ.

**ОҒИРЧИЛИК** Қийинчилик, оғир, мушкул аҳвол; машаққат. Оғирчилик кўрган одам. ■ Ўғлининг тирик етим қилма. Боланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса устинга ол. А. Қаҳҳор, Қўшчнор.

**ОҒИШ** 1 оғмоқ фл. иш оти. Нурнинг турли муҳитларда турлича оғиши.

2 махс. Меридиан чизиги билан компас стрелкаси йўналишлари орасида ҳосил бўладиган бурчак. Магнит стрелкасининг оғиши.

♦ Орамизда оғишимиз бор диял. бир-биримизга ўтишганимиз бор, бир-биримизда қарзимиз бор.

**ОҒИШМАЙ** 1 оғишмоқ фл. ривиди.

2 рвш Изчиллик билан, иккиланмасдан, чекинмасдан. Сёвд қарорларини оғишмай амалга оширмоқ.

**ОҒИШМОҚ** 1 оғмоқ 3, 6 фл. бире. н. Улар тўғри йўдан оғишмади. Ота-она келин томон оғишди. ■ [Отабек] онасининг нима бўлса ҳам Марғилон тарафга оғишганини ва ўзининг кучли бир душмандан қутулаётганини .. пайқайди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 Бирор томонга қийшаймоқ, оғмоқ. Дунё ўқи горизонтега оғишган ва шунинг учун ёриткичлар осмон эҳмбазининг жанубий томонида ҳаммадан баландроқ кўтарилади. «Астрономия».

3 кам қўлл. Бирор томонга юрмоқ, йўл олмоқ, ўтмоқ. Хомид ўзининг нажот томонига оғишганини сезиб энттиқди. А. Қодирий, Утган кунлар.

4 диял. Алмашмоқ, адашмоқ, узгармоқ. Қийимлари оғишиб қолибди.

5 диял. Узаро олдидан-берди қилиб бир-бирига қардор бўлмоқ, ўтишмоқ ёки ўтишган қарз-қуръларини бир-бирига тўлаб, ора очиқ қилмоқ. Шунга айтмай-тибман-да! Қийналиб қолманг, менда бор, бериб турай, кейин оғиши кетирмиз. Ўйгун, Сўнгги пушаймон.

**ОҒИШТИРМОҚ** оғишмоқ 1, 3, 4, фл. орт. н. Чўпон подани қирнинг у томониغا оғиштирди. ■ [Хушрўд] зафта, ўн кун ўтмасдан эрини ўз томонига оғиштириб қундошини ёнига киргизмаёқ қўйдир. А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОҒМА** 1 с. т. айн. оғмачи 1.

2 мат. Бирор тўғри чизиқни 90°дан кичик бурчак ҳосил қилиб, кесиб ўтадиган иккинчи тўғри чизиқ. Оғма призма. Оғма цилиндр.

3 сфт. Ётиқ, қия. Оғма минора. **ОҒМАХОН** Ғалла ўсимликларига зарар келтирувчи каламушдан каттароқ кемйрувчи ҳайвон.

**ОҒМАЧИ** 1 Бир гапта турмайдиган, ха деб айнийверадиган иродасиз одам, иккиланувчи; иккиюзламачи.

2 сифс. Бош йўлдан чекинувчи, четга чиқувчи, оғувчи. Ўнг оғмачилар. Сўла оғмачилар.

**ОҒМАЧИЛИК** 1 оғмачи с. белги оти.

2 сифс. Бош йўлдан чекиниш, четга чиқиш, оғиш. Ўнг оғмачилик. Сўла оғмачилик.

**ОҒМОҚ** 1 Бирор томонга ётиб қия ҳолат олмоқ, қийшаймоқ, энгашмоқ, ёнбошламоқ. Қема ўнг томонга оғди. Девор оғиб қолди. | Бирор томонга, пастга сирғаниб осилиб тушмоқ. Қоринбоғ бўшаб, отнинг эгари чап томонга оғиб кетибди.

2 Тўғри, тик йўлдан ёки белгили йўналишдан четга чиқмоқ. Самолёт курсдан оғди.

3 кўчма Тўғри йўлдан адашмоқ, четга чиқмоқ, тоймоқ. | Бирор сифсий оқимдан, маслакдан тоймоқ, қайтмоқ. Менинча, ўртоқлар, Қўчқорлов партия йўлдан оғиб, ёт унсурлар таъсирига

тушиб қолган одам. С. Анорбоев, Оқ-сой.

**4** Бирор томонга йўналмоқ, қарамоқ (кўз ҳақида). *Ҳожини хола, Тўрахоннинг хайлдан кўзларига кириб олиб, жавоб кутди. Жувон кўзлари секин ерга огди: «Розиман». М. Исмоилий, Фарғона т. о.* Рағнонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилди, яна ерга огди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**5** Энг юқори нуқтадан, зенитдан ўтмоқ (Қуёш, Ой ва юлдузлар ҳақида). *Кун қиёмдан огди. — Тўлин ой фарбага томон оққан, ҳамма ёқ сундай оплоқ. Ж. Шарипов, Хоразм. Уфққа оққан қуёш кўнни тутган тутун .. орасидан егй қора шиша орқали кўринганга йхшайди. Ойбек, Қуёш қораймас. | Маълум бир муддатдан, пайтдан ўтмоқ, ошмоқ. Вақт ярим кечадан оққан эди. М. Мухамедов, Қаҳрамон изидан. Кун асрдан оғиб шомга яқин, шунинг учун гузардаги дўконлардан очиги уч-тўртта .. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кун огди кундузининг ярмидан кўпи ўтди, кеч кира бошлади. Кун оғиб, ерга соя тушиши билан Ҳамро опанинг юраги питирчила қолди. Ойдин, Ўзидан кўрсин. Тун огди кечанинг ярмидан кўпи ўтди, ярим кечадан ошди. Тун оққач, батальон келди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**6** Кўчма Бирор томонга ўтмоқ, унга мойил бўлмоқ ёки ён босмоқ. *Бу замонда кимнинг жин чақаси кўп бўлса, одамлар ўшанга огди.* Ойбек, Қутлуғ қон. Саломат қақшоқ ўгай она билан чиқшиолмади. Ҳар кун жанжал, зиттамадан гапи, емаган турткини қолмади. Ота ҳам суюкни хотин томонга оғиб кетди. С. Аҳмад, Ҳужум.

**◆ Боши оғиб** фалакнинг гардиши билан; бейхтиёр, ўйламай-нетмай, боши айланми. *Боши оғиб келиб қолди. Бош оққан томонга кетмоқ қ. бош. Кўнгли огди 1)* мойил бўлди, муҳаббат қўйди. *Қизинг, туркман элдан биров топилди, Қизинг кўнгли шу туркманга оғилди. «Равшан»; 2) айн. эси огди 1. Эси (ёки хушин) огди ёки эсида (ёки хушидан) огди 1)* эс-хушини йўқотиб қўйди, махлиё бўлиб қолди. *Мен, эсим оғиб, унинг оғзига тикилганимча қимирламай ўтириб қолдим. Ойдин, Садаганг бўлай, командир; 2) ақлдан озди. Адолатнинг бир нуқтага тикилган кўзларига қараб кўрқиб кетди: эсидан оғиб қолсан-я! Хали бу кўреулик ҳам бормиди унга. С. Зуннунова, Гулхан.*

**ОҒОЗ** [ф-т]: оғоз қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ) эск. кт. бошламоқ, (бажаришга, ижро этишга) киришмоқ.

**ОҒОЧ** кт. 1 айн. дарахт. Олма оғочи. — *Кўм-кўк оғочларнинг қалин шохидан Қанотли куйчилар сайрашда эди. Миртемир.*

**2** эск. Ёғоч, хола.

**ОҒРИМОҚ** 1 Қасал бўлмоқ, бирор касалликка йўлиқмоқ, дардга чалинмоқ. *Ишламай еган, оғримай ўлар. Мақол. Кўзинг оғриси, қўлиниг тий, ичинг оғриси, нафсиниг тий. Мақол.*

*Борнинг боши оғрийд, йўқнинг қорни оғрийд. Мақол. — Бирдан Зеби хола оғриб қолди-ю, ўша этганча ўрнидан турмади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**2** Қасалланиб, шикастланиб, жароҳатланиб ёки чарчаб оғриқ бермоқ, оғриққа кирмоқ. *Оёғим оғриятти. Пи-чокни аввал ўзинга ур, оғримаса, бировага ур! Мақол. — Бутун баданим зирқираб оғрийд, энди жуда кучайди оғриқ. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**3** Қасалланиб ёки қурт еб тўкилмоқ (хўл мевалар ҳақида). *Оғриман олма.*

**◆ Бели оғриманнинг нон ейишига қара қ. бел 1 1.** Дили (ёки кўнгли) оғриди хафа бўлди, ранжиди, дили озор чекди. *Гулнорни олмоқчи экан, олсин. Ука, биз тўсиқ бўлмайлик, чолнинг дили оғримасин. Ойбек, Қутлуғ қон. Жони оғриди* азоб чекди, қийналди.

**ОҒРИНМОҚ** 1 Норозилик ёки малоллик билан бирор ишни бажармоқ. *Султонқул қасосбага бир сўм ширинкома — чой-чақани зўрға оғриниб узатди-да, қўй бўйнидан эски жуи арқонни ечиб олиб, бозордан узоқлашди. С. Абдулла, Соялар.*

**2** Ўзига оғир олиб ранжимоқ, хафа бўлмоқ. *Мен бу гапга унча оғримадим, эркак киши баъзан шунақа юраги торлик қилади, деб кўя қолдим. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

**ОҒРИНТИРМОҚ** оғринмоқ фл. орт. н. Саидий алақачон салом беришга қарор берди, аммо сўрашиш кераки, ё бўлмаса сўрашиш улғу кишини йўлдан қўйиб оғринтириш бўладими? А. Қаҳҳор, Сароб.

**ОҒРИТИШМОҚ** оғритмоқ фл. бирг. н. Буғун ҳам худди шу мақсадда йиғилишиб дечка қайнатиш гамида бош оғритишарди. Ойбек, Навоий.

**ОҒРИТМОҚ** 1 оғритмоқ фл. орт. н. Намгарлик аъзойи баданимни зирқиратиб оғритаяпти. Этик оёғимни оғритди. *Ўзи тўймаганинг салқити қорин оғритади.* Мақол. — *Йиғлама, Турсунной, йиғлама. Йиғи бошни оғритиб, кишини лоҳас қилади. А. Қаҳҳор, Маштон.*

**2** кам қўлл. Хафа қилмоқ, ранжитмоқ, дилига озор бермоқ. *Кўнглини оғритмоқ. — Олдиндан ким чиқса бесалом ўтма! Бир ғарибни кўрсанг, зинҳор оғритма! «Равшан». [Кумуш Отабекка:] Шу яқин орадаги унинг [Зайноб] билан бўладиан мастуд дақиқаларингизда худо йўлига ваъда олдингиз — мени оғритмасин, рақибам келди деб йўламасин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ука, ман уч-тўрт кундан кейин Фарғонага жўнайман. Лекин, сан чолнинг кўнглини заррача оғритма, дурустми? Ойбек, Қутлуғ қон. Бош оғритмоқ қ. бош 2.*

**ОҒРИШМОҚ** оғримок фл. бирг. н. **ОҒРИК** 1 Қасалланиш, шикастланиш, жароҳат ёки чарчаш натижасида сезиладиган жисмоний азоб, дард. *Оёғингиз оғриғи босилди. Ярам яна оғриққа кирди. — Ярадорлар даҳшатли оғриққа чидай олмай инерашарди.*

*Ойбек, Қуёш қораймас. У ўз азобига, куюк оғриғига чидаб, бардош қилиб, ўзига-ўзи далда берар. Н. Сафаров, Водиялик қаҳрамон. | Қасаллик, хасталик, дард. Бел оғриғи. Кўз оғриғи. Оёқ оғриғи. Оғриққа чалинмоқ. — Оғриқнинг биринчи кунни Кумуш ҳеч қандай сездирмай юрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Юрак оғриғи 1) дил касаллиги, юрак хасталиги; 2) с. т. меъда бузилиши, ич кетиши; 3) кўчма с. т. ланж одам. — Қорангни кўрсатмай қўйдинг. Нима бўлди, шунақа юрак оғриғимдинг? — деди қорақош йигит ўспиринга. Х. Назир, Ўтлар туташганда.*

**2** Бемор, касал, хаста. *Улар оғриқнинг ўлгани яхши, уйдағиларнинг тингани яхши. Мақол. || Оғриқ тишининг давоси омбур. Мақол. — Бу воқеанинг учинчи кунни Кумушбиби йиллаб ётувчи оғриқлардек сарғайиб озган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сидиқжон ўрнидан туриб кўча эшиги томон йўналган эди, айвонда кўз оғриқ боласини эмизиб ўтирган хотини тўхтади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор. Бирон жойда ишлаш у ёқда турсин, «кўчага чиқай» деган ўйнинг ўзи унинг учун оғриқ кўз билан офтобга қарашдай ёқимсиз эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**3** Кўчма Рухий азоб, дард, алам. *Элмурод Фотима билан тенгашиб олган, бир энтикди-да, егй қалбини жиниллатиб турган оғриқни битталай олиб ташлаётгандай гапирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чолнинг қалбини алақандай совуқ бир қўл омбур орасига олиб сиқар, оғриғи юзига уриб борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | кам қўлл. Ташвиш, гам. — Ажабо, маккажўҳоридан бошқа оғригим йўқми, — деди раис ўзига-ўзи. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**◆ Бош оғриғи қ. бош. Бош оғриғи қилмоқ с. т.** ичкиликдан кейинги қарахтликни тарқатиш учун яна бироз ичмоқ, захар босати қилмоқ.

**ОҒУ** айн. захар. *Қабиҳ фалак оғу қўйди ошимма. «Алломиш». [Зухра:] Сенсиз бу олам бўлди қоронгу, Ҳар луқма ошим сенсиз оғу. С. Абдулла.*

**ОҒУЛАМОҚ** 1 Захар солмоқ, захар қўшмоқ.

**2** Кўчма Захарга, оғуга айланттирмоқ, захарламоқ. *Умрининг энг қимматли кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дарда мубтало қилган .. ўз онаси эмасиди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ОҒУЛАНМОҚ** оғуламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Босмачиларнинг қароргоҳлари шаҳардан анча узоқ, аҳолиси жуда нодон ва диний хурофотлар билан оғуланган хилват жойларда бўлур эди. Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**ОҒУЛИ** 1 Захар солинган, захар қўшилган; захарли. *Оғули ош. — Бу оддий раиҳ эмас, бу бўҳтон кучи, Кўксига қадалар оғули тикан! Ж. Жабборов.*

**2** Кўчма Захарга, оғуга айланган, захарланган; захарли. *Оғули гап.*



**ОҒУШ** [ф-т] кт. Кучоқ; қўйин, бағр. *Ўз оғушига олмоқ. Табиат оғушида яйрамоқ.* — Раъно жавоб бермай, Анварнинг оғушидан ўзини қутқазиб ўрнидан турди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қўп ўтмасдан ўлим ўз оғушига тортди.* Ойбек, Навоий. *Алламаҳалгача ана шу сўнги йўқ ўй оғушида ёнди, ўртанди Эъвозон.* Х. Ғулум, Машъал. **Оғуш қилмоқ** эск. кучоқламоқ, кучоғига олмоқ, бағрига босмоқ.

**ОҒ** унд. с. 1 Қувонч, завқ, қойил қилиш каби хис-туйғуларни ифодалайди. *Оғ, у дамлар! .. Эсласам, қалбимни қувонч, руҳимни шодлик қучади.* Ж. Жабборов, Севинч ёшлари. *Мен нур дедим, сен оқиздинг дарё-дарё нур, Нур қўйнида эркин юздим оғ, қандай ҳузур.* Х. Пўлат. *Оғ, ёйсал жонон ҳаёт, сенда эғур озод киши.* З. Дийр.

2 Соғиниш, интизорлик каби маъноларни ифодалайди. — *Кел, бир ўпай! — деди Абдуманноф.* — *Оҳ! .. Азиз оғайним!* А. Қаҳҳор, Оғайнилор. *Баъзи вақтда унча-мунча пул ҳам сўраб оламан. Лекин, ширт-пирт бўлиб қўлдан учади-кетади. Оҳ, пул! Ойбек, Қутлуғ қон. Қора туپроқ ости яхши! Оҳ! Ажал. Ҳамза.*

3 Ачиниш, дард-алам, ҳасрат туйғусини ифодалайди. — *Қани Гулнор? Қани жонони? — Оҳ, у йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Оғрик, дард туйғусини ифодалайди.* [Заргаров дарров креслога ўтириб:] *Оҳ! Воҳ! Суғур! Суғурсанг-чи!* [Марасул омбурни чоғлаб:] *Ҳозир ... Ҳозир.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

4 *от вазифасида* Дод-фиғон, нола, афғон, зорланиш. *Оҳ тортмоқ* (урмоқ, чекмоқ). — *Эй, телба кечмишининг тилсиз гувоҳи, Тинглана қалбингдан йилларнинг оҳи.* Ғайратий. *Саид Жалолхон ишонган тоғи хусусидаги бу хабарни эшитиб оҳ тортди.* А. Қаҳҳор, Башорат. *Оҳ урсам, тўқилар кўзимнинг ёши, Илоҳим, қурисин подшоҳлар иши.* «Алпомиш».

**ОҲАК** [ф-т] Оҳактошни пиширишдан ҳосил бўладиган оқ модда — кальций оксиди (қурилиш материали). *Очилган оҳак. Оҳак қоримаси. Оҳак сути* пиширилган оҳактошнинг сувдаги эритмаси, сув қуйиб очирилган оҳак. *Баъзи бир захарловчи моддалар оҳак сути билан йўқотилади.*

**ОҲАКИ** [ф-т]: **оҳаки** намак оҳак сути билан намлаб қотирилган сифати наст кигиз.

**ОҲАКЛАМОҚ** 1 Оҳак билан оқламоқ.

2 *махс.* Ерни оҳак билан ўғитламоқ. 3 *махс.* Тери, намак каби нарсаларга оҳак суви билан ишлов бермоқ.

**ОҲАКЛАНМОҚ** оҳакламоқ *фл. мажх. н.*

**ОҲАКЛАТМОҚ** оҳакламоқ *фл. орт. н.*

**ОҲАКЛИ** Таркибида оҳак бўлган, оҳак аралашган; оҳакдан қилинган. **Оҳакли сув** тиндирилган оҳак сути, ўловчи кальцийнинг тиниқ эритмаси.

**ОҲАКТОШ** Таркибида оҳак бўлган чўкинди тоғ жинси.

**ОҲАНГ** [ф-т] 1 Бир-бирига уланган, уйғунлашган ёқимли товушлар оқими. *Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Турли товушларнинг маълум бир тартибда уйғунлашиб, мусиқий бутунлик ташкил этган бирикмасидан иборат музика асар; куй. *Бу ашуланинг оҳанги жуда яхши экан.* — *Буларнинг [шеърларнинг] ҳаммаси деярли газетада босилар, баъзиларини болалар оҳангга солиб, саҳналарда ашула қилиб айтар эдилар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 Нутқда маънога қараб овознинг кўтарилиши ва пасайиши; интонация. *Буйруқ оҳанги. Сўроқ оҳанги. Тинч (босиқ) оҳангга сўзламоқ.* — *У вақтларда мен шеърларнинг маъносини тўла тушунмасам ҳам, уларнинг ўқишдаги оҳанги мени завқлантиради.* Айний, Эсдалиқлар. *Зийдадон .. баъзи жумлаларни маъносига мос келмайдиган оҳангга ўқиб, тингловчиларга уқдира олмасан учун, ҳикоянинг давомини Иброҳимовнинг ўзи ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. | *Сўзловчининг ички хис-туйғуларини ифодалайдиган талаффуз услуби. Аразлаган оҳангга сўзламоқ. Йиғламсираган оҳангга гапирмоқ.* — *Қулмуроднинг сўз оҳангидаги пичинг Шоқирни қизитиб юборди.* Айний, Қуллар. *Гулнор тўғрисида сўзлаганда, товушига сирли оҳанг берди.* Ойбек, Қутлуғ қон. — *Кечир демоқчисиз, — деди Инобат майин, аламли оҳанг билан.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

4 *кўчма кам қўлл.* Нарсаларнинг ўзаро қўшилмишидаги мослик, уйғунлик. *Бўёқларнинг нафис оҳанги .. бениҳоят нозик товланар эди.* Ойбек, Навоий.

◆ **Ҳар** (ёки юз, минг) оҳангга солмоқ гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ қилиб кўрмоқ. *Дангасага иш буюрсанг, ўзини ҳар оҳангга солади.*

**ОҲАНГДОР** 1 Қулоққа ёқадиған, хуш келадиган, ҳузур бағишлайдиган; ёқимли, мусиқий. — *Гуландом оҳангдор, жарангли овоз билан сўзлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. | *Оҳанги яхши. Оҳангдор музика.*

2 Маълум оҳангга эга бўлган, маълум оҳанг билан талаффуз қилинадиган; оҳангли, жарангли. *Оҳангдор шеър.* || *Соқолли кампир бир қўлини Нурининг бошига енгил қўйиб, баланд .. товуш билан худди куйлагандек, сўзларни оҳангдор ибтибори билан қичқирди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОҲАНГДОШ** [ф-т] 1 Айтилиши ўхшаш, талаффуздаги оҳангги бир хил. *Оҳангдош номлар. Оҳангдош сўзлар.* 2 Маълум оҳангга, куйга мос тушган, мос келадиган. *Оҳангдош ашулалар.* | *кўчма* Бир-бирига мос, уйғун, ҳамоҳанг. *Оҳангдош бўёқлар.*

**ОҲАНГДОШЛИК** 1 оҳангдош с. белги оти. *Сўзларнинг оҳангдошлиги.*

2 эск. айн. сингармонизм.

**ОҲАНГЛИ** Маълум бир оҳанг ёки куйга эга, маълум бир оҳанг, куй билан ифодаланадиган, чалинадиган, айтиладиган; оҳангдор. *Бир турли, бир оҳангли нафис, мусиқавий товушлар қишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгартиш берган эдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ОҲАНЖАМА** [ф-т] с. т. 1 Ажойиб-ғаройиб безак, бежама. *«Оқтой» чиндан ҳам оқиб бўлиб, шалланган қулоқлари хаширларникидай узун, оҳанжамаси зўр эди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Ажойиб-ғаройиб иш, ҳаракат, тартиб, қилиқ, ғалва. *Тўғининг оҳанжамаси кўп.*

**ОҲАНРАБО** [ф-т] 1 эск. айн. мағнинг.

2 *кўчма* Ўзинга тортувчи, ўзинга жалб этувчи, мафтун этувчи; ғусункор. *Оҳанрабо куй.* — *Узоқ кетдим, бахт келтирай деб сенга, Оҳанрабо муҳаббатинг бор учун.* Т. Тўла.

**ОҲ-АФҒОН, оҳу афғон** Оҳу нола, оҳу фиғонлар. *Оҳ-афғон қилмоқ.*

**ОҲ-ВОХ, оҳу воҳ** айн. **оҳ-афғон.** *Бундан қутулиш учун оҳ-воҳ, йиғи-сиғи сира фойда бермайди. Қулчиликдан чиқмоқчи бўлсанг, қурашга бел боғлашимиз керак.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ОҲ-ЗОР, оҳу зор** айн. **оҳ-афғон.** [Мамат:] *Менинг оҳу зорларим, бундай қулай ғурсатларни келтирди.* Ҳамза, Холисхон.

**ОҲИСТА** [ф-т] *рвш* 1 Аста, қаттиқ овоз чиқармасдан, секингина. *Оҳиста гапирмоқ. Деразани оҳиста ёпмоқ.* — *Раҳмат .. Раҳимжон ака! — деди Раъно секин. Деди-ю, энтиқди, сўнгера чуқур нафас олиб оҳиста такрорлади.* — *Катта раҳмат!* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

2 Шошмасдан, секин, аста; шов-шув кўтармасдан. *Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, сунага суянди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ҳури .. Қумрига унча ишонмай, атрофеда аланглаб оҳиста ечина бошларди.* Ф. Музажонов, Ҳури.

3 Билинар-билимас, сал-пал, зўрға пайқаб оладиган даражада. *Кўзни оҳиста очиб, юммоқ. Бошини оҳиста чайқамоқ. Ой оҳиста силжимоқда.*

4 Ҳовлиқмасдан, босиқлик билан, ётиғи билан. *Воқеани оҳиста баён қилмоқ.* — *Сизга шундай вазифа юкланди: укангиз, сингелингиз, хўш яна ким бор, шуларга оҳиста тушунтирасиз, яъни улар Мирзақаримбой отамга араз қилмасинлар, мана шу.* Ойбек, Қутлуғ қон.

5 Билдирмай, билдирмай, ошкор қилмай, яширинча. *Оҳиста ишора қилмоқ.* — *Замира Очилнинг ўтли қарашларини аввалдан ҳис қилар, лекин уларда суҳлик сезмас, аксинча кўз-кўзга тушганда йиғит оҳиста кўзини олиб қочар ва уялиб, ўзини мумкин қадар тортиб юрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

6 Эҳтиётлик билан, авайлаб, астагина. *Ярани оҳиста боғламоқ. Беморни*

оҳиста ётқизмоқ. — Қайғу билан чарчаган қизнинг кўзлари юмла бошлади. Йўлчи унинг бошини кир ёстиққа оҳиста қўйди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қамчи билан Мавлон ака Ботиралини оҳиста кўтариб аравага олдилар. Ҳ. Ғулум, Маъшал.

**ОҲ-НОЛА**, оху нола айн. оҳ-афғон. Ох-нола қилмоқ.

**ОҲО** унд. Кутилмаган воқеа ёки ходисадан таажжубланганликни ифодалайди. [Маҳкам:] Салом алайкум. Оҳо, яни меҳмонлар-ку! Т. Сафаров, Уйғонини. — Оҳо, агрономча,— деди Хамдам [Комилга] қошини чиғириб,— далада роса пишибсан-ку. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ОҲОР** [ф-т] 1 махс. Ип, газлама ёки кийимга пардоз бериш ёки қотириш учун ишлатиладиган модда; крахмал. **Оҳор бермоқ** оҳорлаб пардоз бермоқ, крахмалламоқ. *Чит тўқилгандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак. Ойдин, Сухбати жонон.*

2 Шундай модда билан янги нарсга, кийимга берилган ишлов, пардоз. **Оҳори кетган** (ёки тўқилган) ёки оҳордан тушган кийилган, тутилган, эски. *Оҳори кетган дўппи. Оҳори тўқилмаган ёки оҳордан тушмаган* 1) янги, пардозни кетмаган, кўп ишлатилмаган. *Болтавий энди оҳори тўқилмаган бекасма тўн ўрнига елкасига ямоқ тушган гуппи қиядиган бўлди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Унинг [Элмуроднинг] солдатча камари ҳали оҳордан тушмаган эди. Шухрат, Шинелли йиллар; 2) кўчма обрўси кетмаган, ҳурмати сақланган, баобрў; 3) кўчма илгари ишлатилмаган, тутилмаган, янги. *Оҳори тўқилмаган гап. Оҳорини тўқмоқ* 1) янги нарсани кийиб, тутиб эскиртмоқ, пардоздан туширмоқ; 2) кўчма обрўсини тўқмоқ, беҳўрмат қилмоқ. *Оғзингизга қараб гапиринг, ўғлимнинг оҳорини тўқясиз. Уғлим санъаткорларнинг султони бўлади. Ш. Саъдулла, Икки билангузук.**

**ОҲОРЛАМОҚ** Ип, газлама ёки кийимни оҳор бериб пардозламоқ, қотиarmoқ; крахмалламоқ. *Ташқаридан ип оҳорлаётган хотинларнинг ўзаро гапи, чархларнинг гув-гувлаб айланиши, савағичларнинг гуп-гупи эшитиларди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ОҲОРЛАНМОҚ** оҳорламоқ фл. мажҳ. н. *Оҳорланган ёқа.*

**ОҲОРЛАТМОҚ** оҳорламоқ фл. орт. н. *Кўйлакни оҳорлатмоқ.*

**ОҲОРЛИ** 1 Оҳор берилган, оҳорланган. *Оҳорли чит.*

2 Оҳори кетмаган, тутилмаган; кийилмаган, янги. *Гўзал, оппоқ оҳорли бир қоғозман, ёшига турли буйруқ бопу созман. Ҳабибий. Тўхта холанинг ўзи ҳам оҳорли кўйлагини кийиб, оқ доқа рўмолини ўраб олган. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ОҲОРСИЗ** Оҳор берилмаган, пардозланмаган; крахмалланмаган.

**ОҲУ** [ф-т] Бичими келншган, чи-

ройли қора кўзли кийик. — *Масалан, тоғлардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, чамандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар,— деди Анвар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қўлини тортиб, яна юзига парда қилди ва оҳу чаққонлиги билан йиғит ёнидан ўтиб, ишпиллаганичи юзуриб кетди. М. Исмоиллий, Фарғона т. о. Оҳу кўз оҳу кўзига ўхшаш чиройли кўз.*

**ОҲ-ҲИҒОН**, оху фиғон Оҳ-воҳ ва афғон; оҳ-воҳ ва афғонлар. *Оҳ-фиғон қилмоқ. — Таъсир айламас дилхаста Нихон, Қилганинг билан минг оху фиғон. Ҳамза.*

**ОҲ-ҲО** айн. оҳо. *Оҳ-ҳо, қиз бечоранинг ички дунёсини беш қўлдай билар экансиз-ку? А. Мухтор, Туғлиш.*

## П

П Ўзбек алфавитининг ўн еттинчи харфи; қ. пе.

**ПА** [р<фр] Рақсда оёқларнинг ритмик ҳаракати, муқоми.

**ПАВИАН** [р<нем] Тумшуғи узун йирик маймун; Африка ва Арабистонда яшайди.

**ПАВИЛЬОН** [р<фр] 1 Чакана савдо учун мўлжаллаб қурилган усти берк энгил бино, дўкон. *Минерал сувлар павильони. — Қўчанинг Охунбобоев канили кесиб ўтган ерида мороженое павильони, тиш техникни будкаси очилган. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

2 Боғ ва паркларда қурилган энгил бино, кўшк, шийпон.

3 Виставкада алоҳида бинода жойлашган бўлим. *Мўйсафид боғбон.. Москвадаги қишлоқ хўжалиги кўрғазмасида Ўзбекистон павильонини ишлаган усталардан бири солган шийпонга олиб чиқди. А. Қаҳҳор, Қартина.*

4 Киносъемка учун жиҳозланган махсус бино. *Бадиий фильмлар суратга олинадиган павильон. Павильонда кинога олиши.*

**ПАДАР** [ф-т] кт. айн. ота I. *Сизнинг таъбирингизча, маънавий бир падар ўз ўғлига ёмонлик соғинарми, бу тўғрида жавоб берингиз-чи? А. Қодирий, Утган кунлар. Падари бузруквор қ. бузруквор* 2. *Падар лаънат(и) сўк* отаси лаънатланган, лаънатининг ўғли. *Падар лаънати ҳаромзода Собиржон сизнинг қадрингизни билмади. Туйғун, Зулфизар. Падар(и) қусур ҳазил-мuto-иба тарзидаги энгил сўқши.*

**ПАДАРҚУШ** [ф-т] кт. Ўз отасини ўлдирган қотил.

**ПАЁК** [р] Маълум вақтга белгиланган норма билан бериладиган озик-овқат. *Бир ҳафталик паёк. — [Комсомоллар] ўз маошларидан пул, паёқларидан овқат ажратдилар. А. Ҳамид-хўжаев, Туркистонда комсомолнинг тузилиши.*

**ПАЁМ** [ф-т] эск. кт. айн. пайғом. *Жабрланган шикасталардан, Қўзи ёшли, дилхасталардан Келтирдик биз дў-*

стлик саломин, Ғойибона дуо паёман. Ғайратий.

**ПАЖМУРДА** [ф-т] кт. Сўлғин, но-тавон. *Шўрлик онангининг Пажмурда гавдаси Қўзинг ўнгида Бутун даҳшатига Акс этар энди? Ғ. Ғулум. || Паранжи балосидан дарднок чеҳранинг пажмурда кўрмоқ биз бўстони маърифат аҳли учун мусибатдир. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ПАЗАНДА** [ф-т] Лазиз таомлар пичириш санъатини яхши эгаллаган киши, мохир ошпаз. *Пазанда аёл. || Журналда] ҳар хил таомларни қандай пичириши ҳақида пазандаларнинг тажрибалари босилади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**ПАЗАНДАЛИК** 1 пазанда с. каоб оти. *Қудрат Хадича аянинг пазандалигини энди билаётган бўлса-да, унинг бошқача таърифини илгари эшитган эди. Ҳ. Аҳмад, Сўнмас чақмоқлар.*

2 Лазиз таомлар тайёрлаш санъати. *Пазандалик илми.*

**ПАЗАНДАЧИЛИК** Лазиз таомлар тайёрлаш санъати ва sanoати.

**ПАЙ** I 1 анат. Тана мушакларини суякка бириктириб турувчи мустаҳкам, эластик тўқима. *Сўйилган қўйни пайдан осмоқ.*

2 сфт, кўчма Меҳнатда пишиган; чайир. *У қон-қора, қотма, вужуди пай бир йиғит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинон.*

◆ **Пайини қирқмоқ** қаттиқ шикаст етказмоқ, зарба бермоқ. *Мустамлакка халқларининг озодлик учун кураши империализмни кучсизлантиради, унинг пайини қирқади.*

**ПАЙ** II [ф-т] (асосан ў.п. ва ж.к. ф-да) Бирор мақсадни амалга ошириш йўлидаги астойдил ҳаракат, уриниш, қасд. *Холдор ишга кириши пайида уч-тўрт жойга учради. И. Раҳим, Зангори кема капитани. У [Қўзибой] чўққига чиқиб «Тошбулоқни топишда ҳам биринчи бўлиши пайида эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Пайига тушмоқ* 1) айн. пайида(н) бўлмоқ. *Билим олиши пайига тушмоқ. Пул топиш пайига тушмоқ. — Оқсоқол Ғиёсиддинни кув қилиш пайига тушиб, тез-тез уйига чақирадиган бўлди. С. Аҳмад, Ҳукм; 2) изига тушмоқ, из қувмоқ. — Милиция пайимизга тушганга ўхшайди,— деди шофёр орқага аланглаб. Ё. Шукуров, Уч савол. Пайида юрмоқ* бирор мақсад билан кетига тушиб, пайт пойлаб юрмоқ. *У бир нарсанинг пайида юрибди. — Агар билсанг, у пайинида юрибди. «Муродхон». Пайида(н) бўлмоқ* бирор мақсадни кўзламоқ, бирор мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқ, уринмоқ. *Уқшининг пайида(н) бўлинг, болалар!*

**ПАЙ** III [ф-т]: пай урмоқ ерга ёйиб териб қўймоқ (узум, қовун, тарвуз, олма, нок ва ш. к. ҳақида). *Узумларни пай урмоқ.*

**ПАЙ** IV [ф-т] эск. Шерикчилик асосидаги ишга қўшилган ҳисса, улун.

Қириш пайи. Пай пули. Пай қўшмоқ.

**ПАЙВАНД** [ф-т] 1 Бирор ўсимликнинг новда ёки куртагини бошқа ўсимлик танасига ўтказиш, улаш усули ва шу усулда улаб ўстирилган ўсимлик. *Искана пайванд. Куртак пайванд. Қаламча пайванд. Наъматакка гулни пайванд қилмоқ.* — Олмани беҳига пайванд қилинганини ҳам бизда кўрасиз. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

2 *тех.* Металл бўлақларини эритиб ёки парчинлаб бир-бирига ёпиштириш, бириктириш, улаш усули ва шу усулда ҳосил қилинган чок. *Электр пайванд.*

3 *махс.* Уланган бўлак, улоқ. *Шогирд бола лаб-лунжини осилтириб .. энди пайванд тикишга бошлади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 *сфт.* кўчма Ўзаро, боғланган, пайваста. *Навоийнинг дили билан халқнинг дили ҳамини пайванддир.* Ойбек, Навоий.

**ПАЙВАНДИ** [ф-т] қ. х. Пайванд қилинган, уланган. *Пайванди дарахт.* — У ёғи Тўлқинжоннинг пайванди қантаклари, бу томон Эркинжоннинг кишиши, чарос тоқлари. Қ. Муҳаммадий.

**ПАЙВАНДЛАМОҚ** 1 қ. х. Бирор ўсимликнинг куртак ёки новдасини бошқа ўсимлик танасига уламоқ, пайванд қилмоқ. *Гилосни олмага пайвандламоқ.*

2 *тех.* Металл бўлақларини эритиб ёки парчинлаб бир-бирига ёпиштирмоқ, уламоқ. *Рельсни пайвандламоқ. Деталларни пайвандламоқ.* — У [ишичи] қувурни қўлига олиб бир нафасда учини пайвандлаб бекитди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ПАЙВАНДЛАНМОҚ** пайвандламоқ *фл. мажх. н.* Пайвандланган олма. *Пайвандланган пўлат каркаслар.*

**ПАЙВАНДЛАТМОҚ** пайвандламоқ *фл. орт. н.* Дарахтларни пайвандлатмоқ. *Рельсни пайвандлатмоқ.*

**ПАЙВАНДЛЮВЧИ** айн. пайвандчи.

**ПАЙВАНДТАГ** Бошқа ўсимликнинг куртаги ёки новдаси пайванд қилинадиган асосий ўсимлик.

**ПАЙВАНДУСТ** [ф-т] Пайвандтагга пайванд қилиб ўстириладиган новда ёки куртак.

**ПАЙВАНДЧИ** Улаш, пайванд қилиш иши билан шуғулланувчи мутахассис. *Иқбол ҳам ўша вақтда ГЭСда пайвандчи эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ПАЙВАСТ** [ф-т] Туташ, уланиб кетган, бириккан. *Пайваст қошлар.*

**ПАЙВАСТА** [ф-т] Ўзаро боғланган, туташ. *Бунда икки катта ва ўн тўрт кичик гумбазли жой бўлиб, пишиқ гиштан қалин қилиб ишланган пайваста арklar бор.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу йиғит [Салимбойвачча] рангпар, қисик кўзли, қуюқ, пайваста қошли, пешанаси торроқ йиғит эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПАЙГИР** [ф-т] тар. Трубка шакли-

да ўралган узун қоғозга ёзилган ёрлик.

**ПАЙДАР-ПАЙ** [ф-т] *рвш* Бирин-кетин, кетма-кет, узлуксиз. *Одамлар пайдар-пай келиб туришибди.* — *Хуштак чалиб учган бомбанинг овози зийтилди, пайдар-пай тўрт марта бомба портади.* Н. Сафаров, Жанговар сархифалар. *Шаҳарнинг машҳур «авбош»ларидан бир тўғи бир-бирлари билан баҳслашгандай, косаларни пайдар-пай сипқиришди.* Ойбек, Навоий.

**ПАЙДО** [ф-т]: пайдо бўлмоқ 1) юзага келмоқ, яратилмоқ. *Қолхозларда янги машиналар пайдо бўлмоқда.* — [Бой:] *Бу Эшмат, бу Тошмат деб кўрсата берсак, орамизда фитна пайдо бўлади.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) қаердандир келиб қолмоқ, ҳозир бўлмоқ. *Шу он эшик очилиб, чопонини ёпинган зишон унинг ёнида пайдо бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 3) кўринмоқ, кўзга ташланмоқ. *Қўп қаватли бинолар гоҳ булутлар соясига қўйилиб йўқ бўлиб кетади, гоҳ яна қуёш чиқиб, оламга иссиқ-иссиқ нур соғганда қайтадан пайдо бўлади.* П. Қодиров, Уч илди; 4) яратилмоқ, келиб чиқмоқ. *Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши;* 5) намоён бўлмоқ, акс этмоқ (хис-туйғу, кечинма ва ш. к. ҳақида). *Алим бува ялт этиб Ҳасан сўфига қаради.* Буларнинг юзида шундай бир ҳаяжон пайдо бўлди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Пайдо қилмоқ** (ёки этмоқ) вужудга, юзага келтирмоқ, чиқармоқ. *Қанот пайдо қилмоқ. Ҳаваас пайдо қилмоқ. Ҳасад пайдо қилмоқ.*

**ПАЙДОР** [ф-т] Мушақлари ривож топган; бақувват, чайир. *Отиний чўққайанича челақ тузатувчининг бақувват пайдор қўлларига тикилиб қолган эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАЙКАЛ** [ф-т] қ. х. Марза, ариқ, йўл ва ш. к. билан ажратилган катта экин майдони; пол, чек. *Ғўза пайкали.* — *Пайкалда ғўза барлари, чаноқлар қовоқ солиб, энгишиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ПАЙМОН** [ф-т] Аҳд, ваъда.

**ПАЙМОНА** [ф-т] *позт.* Ичкилик ичяладиган идиш; қадах, пиёла. *Фаровон кунларнинг наъшаси билан Шарбат селобига тўлди паймонам.* Ғайратий.

◆ **Паймонаси тўлди қ. тўлмоқ** 4. **ПАЙПАСЛАМОҚ** 1 Қўл билан ушлаб ёки силаб кўрмоқ. *Чўнтакни пайпаслаб гугурт ахтармоқ.* — *Аҳмаджон милтигини пайпаслаб кўрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бекитишга, юмшатишга уринмоқ, хаспўшламоқ. *У ўз айбини пайпасламоқчи бўлди.*

**ПАЙПОҚ** 1 Тўпиқ, болдир ёки сонгача беркитадиган, асосан тўқиб тайёрланадиган оёқ кийими. *Жун пайпоқ.*

2 Панжа устини, тўпиқни қоплаб турувчи пат (паррандаларда).

**ПАЙПОҚДОР** Панжа усти-тўпиқдан узун пат ўсиб чиққан (парранда ҳақида). *Пайпоқдор каптар.* — *Ҳайтовур домла иштонбоғини маҳкам бор-*

*ламагани учун, чопиши вақтида оёғига тушиб кишан бўлиб пайпоқдор товуқдай қаловлаб қолди-да, мен қочиб қутулдим,— деди Шум бола.* Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ПАЙРАҲА** [ф-т] 1 Ёғоч-тахта чопилганда, рандаланганда ҳосил бўладиган чиқинди. *Назар ота пайраҳаларга кўмилиб пойтеши чопаетган уста Шоқосим билан гаплашиб турган экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Самандарбой .. қайрағоч устига пайраҳа йиғиб ўт қўйибди.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

2 Лойгарчиликда, қорда одамлар юравериб ҳосил қилган қуруқ сўқмоқ йўл. *Ерга пайраҳа тушибди.* — *Шундай пайтларда МТС ҳовлиси ҳам қиш либосини кияр, устахона ёки чехдан бошқа бир жойга бормоқчи бўлсангиз, девор тағидан, .. пайраҳа «йўлкадан» юришга тўғри келарди.* С. Маҳкамов, Дала тонги.

3 Юпқа кесилган нарса (нон, яхна гўшт, сир ва ш. к.); япроқ. *Бир пайраҳа қази.*

**ПАЙРОВ** [ф-т] 1 Кетма-кет келувчи, эргашувчи, издош. *Ёзга пайров куз эди, қишга ҳам баҳор.* Уйғун.

2 Аския учун танлаб олинган маълум тема. *Ашула пайрови.* **Пайров қилмоқ.** *Пайровдан чиқмоқ.* — *Жўра қизиқ қовун пайров қилиб, Фаттоҳ полвонни аския қиларди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз. *Болабой суҳбатнинг гули, қўшиқ айтса одамни сел қиладиган аскияда пайровдан чиқмайдиған йиғит эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Гап ёки суҳбатдан келиб чиқадиған маъно, кузатилган мақсад, хулоса. *Гапнинг пайровини кутмоқ.* — *Бу [Алиқул] гапнинг пайровини келтириб анча эиди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАЙРОВЛИК** пайровлик қилмоқ бировнинг кўнглига қарамоқ, унинг изми, хоҳиши билан иш тутмоқ. *Неча йиллар пайровлигини қилганман.* «Муродхон».

**ПАЙСА** [ф-т] 1 *эск.* Тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *Беш пайса емни аязан кезларингда қор кураб, илдиз топиб бердим уларга.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Етмиш икки хунаринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ!* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 тар. Бухоро хонлигида: беш тийинли чақа.

**ПАЙСАЛ:** пайсалга солмоқ турли баҳоналар билан кечиктирмоқ, кейинга қолдирмоқ, чўзмоқ, судрамоқ, галга солмоқ.— *Ёқубжоннинг ерига ўтганда сурбатни пайсалтиринг, ишни пайсалга солинг.* Ахир, тракторчининг баҳонаси кўп бўлади-ку,— деди Хайри Юсуфга. Б. Раҳмонов, Ҳасад ва муҳаббат.

**ПАЙСАЛИК** 1 *эск.* Бир пайса турадиган, баҳоси, нархи бир пайса бўлган. *Икки пайсалик чой.*

**ПАЙСАЛИК** 2 *эск.* Пайса оғирлигидаги, оғирлиги бир пайса бўлган. *Беш пайсалик тош.*

**ПАЙСАЛЛАМОК** Ишни судрамоқ, кечиктирмоқ, галга солмоқ. *Улар қандай фармон беришмасин—колхоз уставига хилофми, хилоф эмасми, бош тортмасдан бажарган одам уларнинг жондими! Озгина пайсалласа борми!* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ПАЙСАЛЧИ** кам қўлл. Ишни орқага судрайдиган одам.

**ПАЙСА-ПАЙСА:** пайса-пайса қилмоқ уриб, чақиб қавартириб юбормоқ. *Чивин ҳамма ёғимни пайса-пайса қилиб юборди.*

**ПАЙТ** 1 Муайян вақт, фурсат, он. *Туш пайти. Уқ отилган пайт.* — *Элмурад .. ҳовлига қараб юрди. Шу пайти Фотиманинг шовқинлаб гапиргани ишитилди.* П. Турсун, Ҳақитувчи.

2 Муайян шароит билан боғлиқ бўлган давр, замон. [Заргаров:] *Жоним! Пайт нозик, хотин-қизлар масаласи ширсиллаб турибди—бекорга нобуд бўлиб кетаман.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

3 Бирор ишни амалга ошириш учун қулай фурсат, имконият. *Пайт топмоқ. Пайтни қўлдан бермоқ. Пайти келганда айтмоқ.* — *Пайтдан фойдаланган Ашир маҳрам авалдан тайёрлаб қўйилган тилхат ва аризаларни ёш хўжанинг олдига қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм *Мен пайт пойлаб, қочини мўлжаллаб борардим.* Х. Аҳмар, Ким ҳақи?

◆ **Пайт равиши** грам. пайт билдирувчи равиш. **Пайт эргаши** гап грам. мазмунидан пайт, вақт англашиладиган эргаши гап.

**ПАЙТАВА** [ф-т] Қўнжли пойафзал кийганда оёққа ўраладиган мато. *Мурзин этигини чиқариб, сувни тўқди, пайтавасини сиқиб, қайтадан кийиб олди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Санобархон оёғига пайтава ўраб, маҳсусини кийди.* С. Зуннунова, Гўлхан.

◆ **Пайтава қулоқ дағл.** гапни дарров уқий олмайдиган, фаҳми етавермайдиган, галварс. [Мулладуст Мулларўзига:] *Хафтада бирини қўйиб, иккинчи олаверасизлар .. Бизга лоқал, йўлакка тўнжак бўлган пайтава қулоғиям тегмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Пайтавасига қурт туши** диванга бевовта бўлиб, елиб-югуриб қолди. *Худайчи жўнағач, қўрғон бегининг пайтавасига қурт тушиб, типирчилаб қолди ва у ёқдан-бу ёққа югура бошлади.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ПАЙЧА:** товуш пайчалари анат. бўғизнинг ён деворларига жойлашган ва овоз чиқариш учун хизмат қиладиган иккита ўзаро параллел эластик мушакча.

**ПАЙЧИ** Шерикчилик асосидаги иш учун пай қўшган киши; ҳиссадор.

**ПАЙШАНБА** [ф-т пажшанба] Ҳафтанинг чоршанбадан кейинги тўртинчи куни.

**ПАЙШАНБАЛИК тар.** Эски мактабларда пайшанба куни болалар домуллага келтирадиган пул, нон ва ш. к. инъомлар.

**ПАЙҚАЛМОҚ пайқамоқ** фл. мажҳ. н. *Ҳар иккаласи пахта майдонида .. шу чоққача пайқалмаган бирон нарса топишга уринар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ПАЙҚАМОҚ** 1 Ҳис қилмоқ, сезмоқ, билмоқ. *У сезгир одам, нима бўлса дарров пайқайди.* — *Ефим Данилович унинг кўзларидан қайтариб бўлмайдиган бир истакни пайқаб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Отабек бундай сўроқларнинг бекорга эмаслигини пайқаб, бунинг таъсиди қандай бўлса ҳам бир гап борлигига ишонди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Иегиш ҳеч нима сезмади. Кўзларини очган вақтда тупроққа кўмилиб ётганини пайқайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Маъносини англамоқ, уқмоқ, тушуномоқ. *Унинг нима деганини пайқай олмадим.* — [Султонали:] *Шоирингизнинг пичинларини пайқайсизми?* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ПАЙҚАШМОҚ пайқамоқ** фл. бирг. н.

**ПАЙҒАМБАР** [ф-т] дин. Диний эътиқодларга кўра гўё худонинг хоҳиш-иродасини бандаларига етказувчи илоҳий вакили; наби.

**ПАЙҒАМБАРЛИК** 1 пайғамбар с. мажҳ. от. *Бу кун менинг пайғамбарлигимга ваҳий келди.* «Латифалар».

2 қўйма кест. Олдиндан айтиш, каромат. *Бир қанча француз газеталари ҳам ҳозирги сессиянинг муваффақиятсизликка учраши эҳтимоли ҳақида умидсизлик билан пайғамбарлик қилаётлар.* «К. Ўзбекистон», 1946, № 121.

**ПАЙҒОМ** [ф-т] эск. кт. Хабар, мужда. *Тарки пайғом ўлғонига, эй биродарлар сабаб, Мунда бўлдим муддати уч-тўрт ой беморман.* Муқимий.

**ПАЙҲОН:** пайҳон қилмоқ айн. пайҳонламоқ. Экинларни пайҳон қилмоқ. **ПАЙҲОНЛАМОҚ** Босиб-янчиб оёқ ости қилмоқ, топтамоқ, эзмоқ, пайҳон қилмоқ. *Қўйлар анчагина жойнинг пахтасини пайҳонлаган экан.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ПАҚАНА** [ф-т] 1 Бўйи ўртачадан паст, бўйи ўсмай қолган. *Пақана йиғит.*

2 Унча банд бўлмаган, пастак. *Пақана уй.* — *Нарироқда, қуюқ ўтлар, пақана дарахтчалар орасида яна уч жасадни кўрди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ПАҚҒАҒУЗ** [р<нем] Темир йўл станциялари, порт ва ш. к.да юклар вақтинча сақланадиган омбор, склад. — *Металлургия заводи қайқанда? — деб сўради Эргаш пақгауздан чиқиб келган юкчиларнинг бирини тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПАКЕТ** [р<фр] 1 Қоғоз халта. — *Чойларингизни ширинлагани келдим,— деди Бозоров.* — *Мана бир пакет новот.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Расмий хат, ҳужжат ва ш. к. юбориладиган катта конверт ва шундай конвертдаги хат-ҳужжат. *Пақанагина абжир йегиш ҳовлиқиб кириб*

[Сергейга] *Кумқшилоқ Шўросининг пакетини топширди.* Х. Ғулом, Машъал.

◆ **Индивидуал пакет** мед. ярадорларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун тайёрланган махсус бинт.

**ПАККА** с. т. 1 Мусобақа ва спорт ўйинларида олдиндан белгиланган марра; финиш. *У пақкага биринчи бўлиб етиб келди.*

2 Ишнинг олдиндан белгилаб қўйилган чамаси; мўлжал, план. *Ишни пақкага етказмоқ.* — *Ҳар бир кўсак, ҳосил берган ҳар чигит. Бизнинг кўзга илашмасдан қолмайди, Пақкасига тўлдирмасдан толмайди, Биздаги ҳар хотин-қиз ҳам эр йиғит!* Ғ. Ғулом.

**ПАККИ** диал. Тиғи сопи ичига қайириб ёпиб қўйиладиган пичоқча; қаламтарош.

**ПАК-ПАҚАНА** Бўйи жуда паст, жуда ҳам пақана. *У сўзини тугатган пақ-пақана бир қизикчи чиқади-да, салом беради.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ПАКТ** [р<лат] Одатда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган халқаро шартнома, битим. *Хужум қилмаслик ҳақида пакт. Пакт тузмоқ. Пактни ратификация қилиш.*

**ПАЛАК** 1 [ф-т] Қовун, бодринг ва ш. к. ўсимликларнинг ерда ёйилиб ўсадиган тана, шох ва барглари. *Қовун палак отибди. Палак ёзган тарвуз. Палакка йилан бодринг.* — *Ишқом ва шифтолилар участка четидоги қовун-тарвуз палаклари устидан ўз сояларини йиғиб олмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илди.

◆ **Туп кўйиб палак отмоқ** мустаҳкам ўрнашиб бола-чақали бўлиб кетмоқ.

**ПАЛАК** 2 [ф-т] Доира шаклида гул-нақш билан қопланган, одатда уй деворларига безак учун осиладиган кашгачилик маҳсулоти. *Уйнинг тўрт деворига палак ва сўзаналар тугилган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ПАЛАКҚУШ фольк.** Қуш кўринишига эга бўлган афсонавий учар аппарат. *Тўрт қиз палакқушга миниб, тўққиз кеча-кундузда Чамбилга етдилар.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ПАЛАНГ** 1 [ф-т] айн. йўлбарс. *Паланг йили айн. барс йили қ. барс* 2. **Паланг от фольк.** афсонавий учар от. *Келиб паланг отни созлаб кўради, Паланг отни миниб бундан жўнади.* «Ширин билан Шакар».

**ПАЛАНГ** 2 [ф-т] Орқалаб юк ташишда ишлатиладиган махсус ёстиқча.

**ПАЛА-ПАРТИШ** 1 Бир-бирига боғланмаган, қовушмаган; пойма-пой, ғализ. *Пала-партиш жумлалар.* || **Пала-партиш** гапирмоқ. — *Пала-партиш гапга чечан Араббой яна бир нарса топиши мумкин эди.* П. Турсун, Ҳақитувчи.

2 Айқаш-уйқаш, тартибсиз, бетартиб. || *Узиям [уй] анчадан бери супурилмаган, .. стуллар ҳам жойларидан сурилган, пала-партиш қўйилганди.* О. Ёқубов, Аямажиз.

3 Уйламай-нетмай қилинган; бемулоҳаза, чала-чулпа. *Пала-партиши иш.* | *Пала-партиши иш қилмоқ.* | Уйламай-нетмай, чала-чулпа иш қиладиган, тартибсиз. *Пала-партиши одам.*

**ПАЛАПОМ** с. т. 1 Паррандаларнинг ҳади пат ва қанот чиқармаган боласи; жиш.

2 *кўчма беткллф.* ҳазил Ҳеч нарса билмайдиган, тажрибасиз. *Урта мактабдан яқинда учирма бўлган, лекин ҳали чинакам турмуш нимагани билмайдиган бу палапомларга нима десин?* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Бесўнақай катта, салмоқлиниб, лапанглаб юрадиган; кўпол. *Палапом товук.*

4 Одатдагидан катта. *Палапом ёнрок.*

**ПАЛАТА** I [p<лат] I Баъзи мамлакатларда: қонун чиқарувчи олий давлат органини (мас. парламентни) ташкил этувчи, турли табақа вакилларида ёки депутатларидан иборат давлат муассасаси. *Умум палатаси* Англия парламентининг қўйи палатаси. *Лордлар палатаси* Англия парламентининг юқори палатаси.

2 СССРда: Олий Совет составига кирувчи тенг ҳуқуқли энг юқори қонун чиқарувчи орган. *СССР Олий Совети икки палатадан ташкил топган: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети.* «СССР Конституцияси».

3 Баъзи муассасаларнинг номи. *Бунтниттифоқ китоб палатаси* СССРда: нашр этиладиган барча босма асарларни ҳисобга олиб, уларга библиография тузиб борувчи муассаса. *Ўлчов ва тарози палатаси* ўлчов асбобларини текширадиган ва тартибга соладиган муассаса.

**ПАЛАТА** II [p<лат] I Даволаш ва дам олиш муассасаларида беморлар ёки дам олувчилар ётадиган алоҳида бўлма, хона. *Уша кунни .. Нина Ивановна Епишкина қўлидаги рўйхатга қараб қизларни палаталарга бўлиб чиқди.* Ойдин, Асл ёр.

2 *айн.* *палатка.* *Шамол палаталарни варракдек титратади.* М. Назаров, Сирли хат. *Старший лейтенант генералдан чўчимаслики яна бир марта солдатларга таъкидлаб, палатадан чиқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

3 *эск.* Баъзи ҳашаматли катта уй, бинолар номи. *Кремлдаги Грановитая палата.* *Яроғ-аслаҳа палатаси.*

**ПАЛАТКА** [p] Сув ўтмайдиган пишик матодан тикилган, одатда тиргакларга тортиб қўйиладиган, асосан ёзги қапа; чодир. *Ана ҳозир қамиш капалар, брезент палаткалар, ертўлалар кўришиб қолар деб келяпман.* Х. Назир, Чул ҳавоси.

**ПАЛАХМОН** [ф-т] Тош отиш учун яшлатилган жуда қадимий ибтидоий қурул. *Кўрғон ҳимоячилари ўқ-ёй ва тош отадиган палахмон билан қурулланган эдилар.* М. Оснм, Аждодларимиз қиссаси. *Қиз бола палахмоннинг тоши, дейдилар: Қаерга отса шу ерга*

*бориб тушади,— деди Уринжон хола.* С. Йўлдошев, Қиз қалби.

**ПАЛАХСА** Ер чопиш ёки ҳайдашда уваланмасдан, бутун ҳолда кўчган катта япалоқ кесак. *Ер палахса-палахса бўлиб кўчяпти.* *Ерни палахса-палахса қилиб ағдариб ҳайдамоқ.* — *Чўл қушларининг қилиғи қизик:* улар палахса-палахса ағдарилиб, қалайдай йилтираб ётган шудгорда ўлжа ташишади. Х. Назир, Бир туп гўза. | Умуман ҳар қандай қаттиқ нарсанинг ундан ажралган яхлит япалоқ парчаси. *Бир палахса мрамор.* — *Ғуломжон ҳар гурзи урганда тоғ палахса-палахса бўлиб ағдарилар, одамлар қийқиришиб, югуришиб ташишар эмиш.* М. Исмоялий, Фарғона т. о.

**ПАЛАҒДА** [ф-т] I Айниган, бузилган, сасиган (тухум ҳақида). *Палағда тухум.* — *Уни қанақа чиройли сўзларга ўрамасин, палағда тухумга мурч сепиб бергандай гап-барибир еб бўлмади.* А. Қаххор, Бек. *Қомилжон бостирган тухумлар жўжа бўлмай палағда чиқиб қолдики?* И. Раҳим, Ихлос.

2 Унмайдиган, қуруқ (уруғликлар ҳақида). *Палағда уруғ.*

3 *кўчма* Пўнғиллаган, ноаниқ, ёқимсиз (овоз ҳақида). *Чол кафтини тўлдириб нос отди-да, палағда товуш билан гапга тушиб кетди.* С. Аҳмад, Хукм. *Товушда йша палағда оҳанг, ҳамон сўзларни бура-бураб ташлайди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 *кўчма* Ҳеч нарсага ярамайдиган; фойдасиз. *Нижонбой, бу саволиғи палағда чиқди.* А. Қаххор, Қўшчинор.

**ПАЛЕОГРАФИЯ** [p<грек] Қадимги қўлёзмалик ёзувини ва уларнинг ташқи кўринишини ўрганадиган фан.

**ПАЛЕОЗОЙ** [p<грек] геол. Ер геологик тарихининг қадимги учинчи эраси (бу эрада Ер юзюда папоротниклар, яланғоч уруғли биринчи игнабарглилар, балиқлар, амфибиялар пайдо бўлган). *Палеозой эраси.*

**ПАЛЕОЛИТ** [p<грек] геол. Тош асрининг энг қадимги даври (бу даврда ибтидоий одамлар тошдан турли қуруллар ясай бошлаган). *Палеолит даври.*

**ПАЛЕОНТОЛОГ** [p] Палеонтология олими, мутахассиси.

**ПАЛЕОНТОЛОГИК** Палеонтологияга оид. *Палеонтологик экспедиция.* *Палеонтологик таҳлил.*

**ПАЛЕОНТОЛОГИЯ** [p<грек] Тухуми қуриган ўсимлик ва ҳайвонларни, уларнинг қазилб топилган қолдиқларига қараб ўрганадиган фан.

**ПАЛЁН** [p] полено) Ғўланинг ёриб ажратилган бир бўлағи. *Бир палён ўтин.*

**ПАЛИД** [ф-т] I Ортиқ даражада кир, ифлос. *Палид нарса.* *Палид жой.*

2 *кўчма* Утакетган ярамас, қабих, разял. *Палид одам.* — [Миркомил] эндиликда кўришпалакдек тунда изғиб юрган зараркунанда, палид! Х. Фулом, Машғал.

**ПАЛЙТРА** [p<фр] Расм солишдан

аввал бўёқларни суюлтириб аралаштириб олиш ва синаб кўриш учун хизмат қиладиган махсус тахтакач.

**ПАЛЛА I** [ф-т] I Муайян давр, вақт. *Ешлик палласи.* *Шу паллада.* — *Далада ёз палласида ёйлиб ўтириш роҳат.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Чирчиқ соҳилларида кун ботиш палласи шундай бошланади.* Х. Фулом, Машғал.

2 Босқич, фаза. *Тарихий тараққиётнинг янги палласи.*

**ПАЛЛА II** [ф-т] I Тарозининг нарса қўйиладиган тарелкаси. *Тарози палласига тош қўймоқ.* *Тарози палласини мувозанатга келтирмоқ.* *Тарози палласига қараб иш тутадиган одам.*

— *У тарозининг икки палласини ҳам баб-баробар кўздан кечириб, шундан кейингина тош қўйдиган тақтиканинг тарафдори эди.* И. Раҳим, Чип муҳаббат.

2 Юмалоқ нарсанинг тенг иккига бўлинган қисмларидан бири, ярми. *Ермат .. тарвузни кесди. Бир палласини ўзи олиб, иккинчи палласини йўли ва Уроз олдига қўйди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қўзим ича ботиб кетган, худди қуруқ икки ёнғоқ палласи.* Т. Фаттоҳ.

3 *бот.* Уруғнинг мустақил муртакли ҳар бир бўлағи.

**ПАЛЛАДИЙ** [p<грек] Химиявий элемент, оқ олтин гуруҳасига мансуб, водородни кўп сингдирадиган кумушсимон оқ металл.

**ПАЛОВ** [ф-т] Асосий масаллиғи гуруч, сабзи, ёғ ҳам гўштдан иборат бўлган, қовуриб, қайнатиб ва дамлаб тайёрланадиган қуюқ оват; ош. *Нўхатли палов.* *Майизли палов.* — *Хотинлар паловни дамлаган вақтда, бой келиб қолади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Нигор ойм сопол лаганда палов келтириб, ҳаммалари бирга оша ўтирдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ивита палов* олдиндан ивитиб қўйилган гуручдан тайёрланган юмшоқроқ палов. *Самовар палов* чойхонада сара масаллиғлардан яхши пазанда тайёрланган таърифи палов. *Унинг илгариги чойхўрлари, бирга самовар палов ейишган улфатлари Ёвариқ бўйида тўкин дастурхон атрофида ўтиришибди.* И. Раҳим, Ихлос. *Халта палов* гуручини алоҳида халтада сувда қайнатиб пишириб олинган палов. *Қовурма палов* масаллиқни обдан қовуриб, гуручини ивитамай тайёрланадиган палов.

**ПАЛОВХЎР** [ф-т] Паловни яхши кўрадиган, кўпроқ палов ейдиган одам.

**ПАЛОВХЎРЛИК** Тўйиб палов ейиш, паловга тўйиш. *Маҳаллада ҳар кун тўй, ҳар кун паловхўрлик.* — *Раис мажнунтол тагидаги паловхўрликдан кейин ажойиб бир ҳодисага дуч келибди.* М. Мухамедов, Юрак сўзлари.

**ПАЛОС** [ф-т] I Катта жун шолча, туксиз гилам. *Бўш турган айвонлар ҳам турли-туман гиламлар, палослар билан безалган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Супада қизил гилам, палослар, парқуларга ёнбошлаган бир кекса. Ғ. Ғулом.

2 Умуман ерга, полга тўшаладиган буюм (гилам, кигиз, шолча ва ш. к.нинг умумий номи). Бир вақтлар дошқозонлар қуриладиган ўчоқлари, палос тўшаладиган супалари ҳам йўқ. И. Раҳим, Ихлос. *Узун айвондан палос ўрнига қора қум солиниб, бошдан оёқ қум қолиплар тизилган.* Ойдин, Бечора.

**ПАЛОЧ** диал. Бошоғи тўкилиб кетган ёки юлинган бугдой, арпа пояси.

**ПАЛПИС** 1 Пок-нопокнинг фарқига бормайдиган; бефарқ. *Палпис одам.*

2 Ишни эплаймайдиган; уқувсиз, ношуд.

**ПАЛУБА** [р] Кема корпусининг горизонталь ҳолда тахта тўшалган юзаси, сахни. *Юқори палуба. Қуйи палуба.*

**ПАЛЧ** тақл. с. Қуюқ нарсанинг бирор жойга тушишдан чиққан товуш ҳақида. *Дафтанга ўрнидан туриб .. оғзидан носни палч этиб йилтираб турган полга ташлади.* И. Қаландаров, Шоҳидамас, баргида.

**ПАЛЪМА** [р<лат] Жануб томонларда ўсадиган доим яшил, катта баргли баланд дарахт. *Юқори синф шогирдларидан бир нечаси адил, юксак пальма дарахтлари остида .. жиддий суҳбатлашмоқда эдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

**ПАЛЪТО** [р<фр] Одатда кўйлак ёки костюм устидан кийиладиган устки кийим. *Қишлоқ пальто. Демисезон пальто.*

**ПАЛЪТОБОП** Пальто тикиладиган, пальто бўладиган; пальтолик.

**ПАЛЪТОЛИК** Пальто қилинадиган; пальтобоп. *Пальтолик мато.* | Битта пальтога етадиган. *Бир пальтолик драп.*

**ПАМИЛДОР** с. т. Помидор.

**ПАМФЛЕТ** [р<ингл] Бирор шахсга, ижтимоий тузумга ёки ҳаётнинг айрим иллатларига қарши қаратилган ўткир сатирик, бадий-публицистик асар.

**ПАМФЛЕТЧИ** Памфлетлар автори.

**ПАН** [р<поляк] тар. 1 Польшада, революциягача Украина ва Беларусияда: катта бой, помешчик.

2 Шундай кишиларга мурожаат қилганда «жаноб», «тақсир» каби маънода ишлатиладиган сўз.

**ПАНА** [ф-т] 1 От Бошқаларнинг назардан яширадиган ёки бирор нарса таъсиридан сақлайдиган, химоя қиладиган жой; тўсиқ. *Ёмғирдан пана изламоқ. Панада турмоқ. Томнинг панасига яширишмоқ.* ■ *Бояги самолёт яна таяғач тепасидан гувиллаб ўтди. Нормат ўзини панага олди-да, унга ўқ уза бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Лаъли шу зулмат кучоғига кирганда, ўзини бир дарахт панасига олиб, орқасига қаради.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

2 сфт Бировнинг назари тушмайдиغان ёки бирор нарса таъсиридан паналанган, химоя қилинган, тўсилган. *Қўздан пана жой. Пана бўлмоқ. Пана қилмоқ.* ■ *Мадамин тун ярмида киши-*

*доққа келганида пана йўллар билан ўз томорқасидаги чорвоққа ўтган эди.* П. Турсун, Уқитувчи. — *Пана бўл — қизига буюрди Ёрмат.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Маҳмуд қўшидан кўзларини пана қилиб, тикилади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Фақир киши панада** ҳар нарсага аралашвермай, ўзини четга олиб юрадиган одам ҳақида. *Ақли бор одам «фақир киши панада» қабилида ўзини бир четга олиб, ишини ўйшатиб юраверади.* В. Ғофуров, Вафодор.

**ПАНАЛАМОҚ** 1 Назардан, бирор киши ёки нарсадан яширишмоқ, беркишмоқ. *Машинани ёмғирдан паналамоқ.* | *Ўзини панага олмоқ, четланмоқ.* Бирон тайинли хулосага келолмагач, паналаб маслаҳатгўйи Азимбойваччанинг қўрғонига жўнади. С. Аҳмад, Ҳукм. | *Ўзини бирор нарса панасига олмоқ, орқасига яширишмоқ.* Шербек йўғон, ичи қавак толни паналаб тўхтади. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Тўсиб, бекитиб турмоқ. *Маъсумоини паналаб турган пионер қизча қизил галстугини шошилаб тутади-да, олдинга чиқди.* Н. Сафаров, Дон.

**ПАНАЛАНМОҚ** паналамоқ фл. мажр. ва ўзл. н. Сергей: .. девор тагида паналаниб турди-да, кейин қовоқхона томонга юриб, қия очилиб турган якка тавақа қизғиш ишкдан ичкарига кириб кетди. Ҳ. Ғулом, Машъал.

**ПАНАМА** [р<фр] Сербар соябонли ёзлик шляпаннинг бир тури. *Жанчилар май байрами олдида олган панамаларини ҳўлаб олган.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ПАНБАРХАТ** [р] Духобага ўхшаш, тукли юпқа шойи мато. *Зокир Фаридага пушти гулли панбархат ҳая қилган .. эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ПАНГ** 1 Ўзгаи қуриб бўш бўлиб қолган. *Панг сабаги. Панг редиска.*

2 *кўчма* Ноаниқ, пўнғиллаган, ёқимсиз. *[Амин] неадир устунни қимирлатиб ҳам кўрди, сўнгера Қобилбобони чақирди ва панг товуши билан деди.* А. Қаххор, Ўғри.

**ПАНД** I [ф-т] кт. Ўғитли гап, ўғит, насихат. *Панд бермоқ (айламоқ).* ■ *Қол, деганда қонлар ютиб қолмадим, Отам пандин қулоғимга олмадим.. Беш юз йиллик йўлдор сенинг маконинг.* «Фольклор». *Мана буеун яна бир панд бериб, насихат қилмоқчи бўлиб келган эдим, тузук, иш ўнғилиб кетганга ўхшайди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ПАНД** II [ф-т]: панд бермоқ алдамоқ, алдаб зиён келтирмоқ, фириб бермоқ. Вафо бўлмас хоиннинг сегегида ҳеч! Панд беради бир кунги, хоҳ эрта, хоҳ кеч. Шухрат. [Миша:] *Миёнгени ишлат, ҳўйла билан душманга панд бер.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. *Панд емоқ алданмоқ; алданиб, зарар-зиён кўрмоқ, фириб емоқ.* *Яхшидан қанд ейсан, ёмондан — панд (ейсан).* Мақол.

**ПАНДАВОҚИ** [ф-т] Гапга, унча-мунчага тушунавермайдиган; калтафаҳм, анқов. *Узи ҳам пандавоқи, гўл эди, у билан мозорга шамчироқ бўлар-*

*мидингиз?* А. Мухтор, Тугилиш. — *Ўзингизни гўлликка солман!* — деди йиғит жерқиб. — *Е ҳеч нарса тушунмайдиган пандавоқи деб ўйлаясизми?* У. Назаров, Биринчи учрашув.

**ПАНД-НАСИХАТ** Панд ва насихат(лар), ўғит ва насихат(лар). — *Хўш, тақсир, нима дедиди? .. бир оз панд-насихат қилиб қўйдингизми?* — деди Мадамин. П. Турсун, Уқитувчи.

**ПАНЕЛЛИ** Панели бўлган, панеллардан қурилган. *Йирик панелли уй.*

**ПАНЕЛЬ** [р<нем] 1 бк. Хона деворининг тахта қоқланган ёки бўёқ бериб ишланган пасти киюзи. *Кўк бўёқли панель. Ёнғоқ дарахтидан ишланган панель.*

2 бк. Қурилишда ишлатиладиган темир-бетон ёки ёғоч плита. *Йирик панеллардан қурилган уй.*

3 эл. Электр тармоқларининг бошқариш пулти, прибори ва ш. к.нинг қисмлари ўрнатиладиган олд девори.

**ПАНЖА** [ф-т] 1 Қўлнинг қафт ва бармоқлардан иборат қисми. *Раис .. кенг панжаси билан пиёлани қоплади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 с. т. Бармоқ. *Бунга у беш панжасидай билади.* ■ *Зақот бобидаги барча таомил, қонда ва тартиб каминга беш панжадай аён.* Ойбек, Навоий. *Элмуроднинг панжалари орасида пуфакчалар пайдо бўлибди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Оёқларидаги яралари яллиғлиниб, панжалари шишиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Баъзи ҳайвон ва қушлар оёғининг уч қисми; чангал. *Айиқнинг панжаси. Бургутнинг панжаси. Еш қўл — арслон панжаси.* Мақол.

4 *кўчма* Истибод, ҳукмронлик рамзи. *Бир минг етти юз деан савил шундай эўравонки, унинг панжасидан Ғофирнинг ўзига эмас, авлод-аждоди қутула олмайди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Унлаб қишлоқни ўз панжасида ушлаб турган Саид Жалолхон эшоннинг панд-насихатлари кучлилик қиларди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

◆ **Беш панжани оғизга урмоқ** (ёки тикмоқ) қ. беш I. **Панжа орасидан қарамоқ** ишга, масалага расмиятчилик, совуққонлик, бепарволик билан қарамоқ. *Нега унинг қилмишларига панжа орасидан қарайсиз!* Ш. Рашидов, Бурондан кучли.

**ПАНЖАРА** [ф-т] Орасини очик қилиб ёнма-ён бириктирилган сим, таёқ ёки тахтачалардан қилинган ёки ўйиб ясалган тўсиқ. *Темир панжара. Дераза панжараси.* ■ *Полиция эшиги берк; яшил мой билан сирланган ёғоч панжаралар олдида тутаққан халқ қайнайди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Дугоналар тез-тез одимлаб панжара деворли катта ҳовлига яқинлашганда, директор уларни тўхтатди.* Н. Орифзонов, Ҳаловат.

◆ **Панжара гулчин қ. гулчин.** **ПАНЖАРАДОР** [ф-т] айн. панжарали. *Баланд қад кўтарган минора ва қуббалар, панжарадор чиройли боло-*



жоналар унинг кўз олдидан бирма-бир ўтаверди. П. Турсун, Уқитувчи.

**ПАНЖАРАЛИ** Панжараси бўлган. панжара ўрнатилган, панжара билан тўсилган. *Панжарали ҳовли. Панжарали дераза.* — Парк ёпилишига яқин иккови кўла ушлаши яшил панжарали дарвозадан шод-хуррам чиқиб кетишиди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ПАНЖШАНБА** [ф-т] *кт. айн. пай-шанба.*

**ПАНИСЛОМЎЗМ** [р<грек+а] *сибс.* 19 асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқда пайдо бўлган ва мусулмон меҳнаткашларининг синфий курашини сўндириш мақсадида ислом динидаги барча халқларни бир давлат қилиб бирлаштиришни тарғиб қилиб келган реакция диний-сиёсий оқим.

**ПАНИСЛОМЎСТ** [р] Панисломизм тарафдори.

**ПАНИСЛОМЧИ** *айн. панисломист.* Британия қуролига суянаган миллатчилар ҳам, амирнинг тахтага қайтишига умидвор панисломчилар ҳам босмачилар сафига ўтадилар. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ПАННО** [р<фр] 1 *архит.* Девор ёки шифтнинг атрофи ҳошия билан ўралган ва сурат ёки нақшлар билан безатилган қисми.

2 Девор ёки шифтга ўрнатиш учун тайёрланган катта сурат, нақш.

**ПАНОГОҲ** [ф-т] *кт.* Ўз паноҳида, ҳимоясида сақлайдиган, ҳимоя, паноҳ топиш мумкин бўлган жой, нарса, кимса. *Паногоҳ топмоқ.*

**ПАНОРАМА** [р<грек] 1 Бирор жойнинг узоқ уфққа қадар кўриниб турадиган теварак-атроф манзараси. — *Бу ердан ҳамма ёқ яққол кўринади, — деди у [Комилжон], йироқ-йироқларга қулоқ ёйган қурилиш панорамасини кўрсатиб.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Кечқурун дарёдан қараганда шаҳарнинг гўзал панорамаси чирой кўрсатади.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

2 Доира шаклидаги бинонинг ички деворига ишланган, девор этагидаги предметлар билан бирга томошабинга ҳақиқий манзарадай бўлиб кўринадиган жуда катта сурат. *Севастополь панорамаси.*

3 *ҳарб.* Тўп, замбарак ва ш. к. отиш қуроллари аниқ мўлжалга олиш учун хизмат қиладиган оптик бурчак ўлчаш асбоби.

◆ **Панорама кинотеатри** панорама фильмларини намойиш этишга мўлжалланган кинотеатр. **Панорама фильми** катта ярим доира экранларда ёки томошабинлар чор атрофини ўраб оладиган экранларда намойиш этишга мўлжалланган, махсус аппаратларда суратга олинган фильм.

**ПАНОҲ** [ф-т] 1 Сақлаш, ҳимоя қилиш қобилиятига ёки қудратига эга бўлган кимса, нарса, ҳимоя; ҳомий. *Иссиқдан паноҳ топмоқ.* — *Улар [солдатлар] танк тўпларининг паноҳида*

ғовларни бузиб, йўл очишга уриндилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 *кўчма* Ҳимоя, ҳомийлик. *Барча улугларга ялдим, ёлвордим, йиғладим-сиқтадим. Мана энди охирида сизнинг паноҳингизга келдим.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Беш болали бир аёлнинг Элмуродга жон куйдириб, уни ўз паноҳига олмоқчи бўлгани тўғрисидаги гаплар Бувинисога жуда хуш келди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Пушти паноҳ** энг ишончли ҳимоячи, ҳомий. *Унинг мактаб тилга оладиган бирдан-бир пушти паноҳи шу Тўрахўжабой эди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Паноҳ тортоқ** ҳимоясига суянмоқ. *Ҳеч бўлмаста бирон ишга жойлаб қўйинг. Мен сизни паноҳ тортиб келдим.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ПАНСИОН** [р<фр] 1 Баъзи чет мамлакатларда ва революциягача бўлган Россияда: ўқувчиларни ётоқ, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлайдиган ёпиқ ўрта билим юрти. | Революциягача бўлган баъзи ўрта мактаблар қошидаги пулли ётоқхона.

2 Чет мамлакатларда ва революциягача бўлган Россияда: истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат билан таъминлайдиган меҳмонхона.

**ПАНСИОНАТ** [р] Истиқомат қилувчиларни озиқ-овқат, ётоқ, автомашинаси учун жой билан тўла таъминлайдиган меҳмонхона, санаторий, дам олиш муассасаси ва ш. к.

**ПАНТЕИЗМ** [р<грек] Худони табиат билан бир деб ҳисоблайдиган ва табиат худонинг режиссамланган ҳолати деб қарайдиган диний-фалсафий таълим.

**ПАНТЕИСТ** [р] Пантеизм тарафдори. **ПАНТЕИСТИК** [р пантеистический] Пантеизм ва пантеистга оид.

**ПАНТОМЙМА** [р<грек] Кишининг кечинма ва фикрлари, ҳаёт лавҳалари, инсон характерларини фақат ҳаракат, мимика ва имо-ишоралар билан ифода этиладиган сўзсиз театр томошаси.

**ПАНТОМИМЙК** [р пантомимический] Пантомимага оид. **Пантомимик томоша.** **Пантомимик ҳаракат.**

**ПАНТУРҚИЗМ** [р] Турк буржуазия ва помещиклари орасида 20 аср бошларида пайдо бўлган ва туркий тилда сўзлашувчи барча халқларни Туркия ҳукмронлигига бўйсундириш, турк давлатига бирлаштириш идеясини тарғиб қилувчи реакция шовинистик назария.

**ПАНТУРҚИСТ** [р] Пантуркизм тарафдори.

**ПАНШАҲА** [ф-т] Одатда бешта эгри санчиғи бўлган узун сопли асбоб (пахта, хашак ва ш. к. олиш, суриш учун ишлатилади). *Оплоқ соқолли чол қўлидаги пахта ағдариб турган паншаҳасини бош узра кўтариб бир-икки силкиди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

◆ **Қўлини паншаҳа қилмоқ** қўлни тингловчи томон чўзиб, бармоқларини

қериб дағдаға билан гапирмоқ. *Қора қўлини паншаҳа қилиб ўзини оқлай бошлади.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ПАПА I** *бол. айн. куш.*

**ПАПА II:** папа қилмоқ *бол.* яширмоқ, бекитмоқ. *Қоптоқни папа қил.*

**ПАПА** [р<фр] Ватикан ва Рим-католик черковининг бошлиғи. *Рим папаси.*

**ПАПАЛАМОҚ** *с. т.* Пахтахламоқ, ардоқламоқ, авайламоқ. *Бевалиғига қарамай, папалаб ўстирайдиган тўғич қизининг дарди Солиа опани гангитиб қўйган эди.* А. Муҳиддин, Х. Тожибоев, Оташ қалбли кизт.

**ПАПАХ** Мўйнаси сиртга қилиб тикилган чўзинчоқ телпак. *Туркманчи папах.* — *Бошига қоракўл папах кийган бир турк офицери нима ҳақидадир қизишиб гапирмоқда.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ПАПИРОС** [р папироса<нем] Чекиш учун ичига тамаки тиқилган қоғоз найча. *Папирос чекмоқ.*

**ПАПИРУС** [р<грек] 1 Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган қамншесимон ўсимлик.

2 Қадимги мисрликлар ва бошқа халқлар томонидан шу ўсимликдан тайёрланган ва қоғоз ўрнида фойдаланилган материал. | Шундай материалга ёзилган қадимги текст. *Миср папирусларини ўрганиш.*

**ПАПКА** [р<нем] Қоғоз, хат-ҳужжатлар солиб қўйиладиган картон, чарм ва ш. к.дан ясалган жилд ёки муқова. *Комитет секретари унинг қўлидан аризасини олиб, қайта-қайта ўқиш, «ватанпарвар қизларнинг аризалари» папкасига солиб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. | *Ичига қоғоз ва бошқа нарсалар солиб юриладиган тутқичсиз портфель.*

**ПАПОРТНИК** [р] Гулсиз, спорали, йирик баргли ўсимлик.

**ПАР I** [ф-т] Парранда танасини қоплаб турадиган юмшоқ ва нафис пат. *Товуқнинг пари.* | *Пар ёстиқ.* *Пар тўшак.* — *Яйраб ҳаволарда бир куш учади .. Чарчаркан, симларни секин қучади, юмишқ парлар билан ётиб юзини.* Х. Олимжон.

**ПАР II** [р пара] 1 *айн. жуфт 3.* *Бир пар этик.* — *Кечқурун .. пар отли извош кўчанинг бошида тўхтаб, ундан терговчи туюди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Уйда оёқ кийими бир неча пар: Чувак, маҳси, сандал, калиш, туфиллар.* Ғ. Ғуллом. | *Бирга ишлатиладиган иккита бир хил нарсанинг бири, биттаси.* *Пари йўқ пайпоқ.*

2 Ўз хислатлари билан бир-бирига мос, тенг икки кишининг бири. *Бу йиғит сенга пар эмас.* — *Қизим бор эди якка, исми Қамар, Оз эрди ҳусн бобида унга пар.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**ПАР III** [р] *с. т.* Буг. *Суяқликнинг парга айланиши.* *Хонани пар билан иситмоқ.* | Каттиқ моддаларнинг бугга айланган ҳолати. *Камфара пари. Симоб пари.*

**ПАРАБОЛА** [р<грек] *мат.* Конусни ясовчига параллел текислик билан ке-

санига ҳосил бўладиган ёпиқ эгри чизиқ.

**ПАРАБОЛИК** [р параболический] мат. Парабола шаклига эга бўлган, парабола шаклидаги. *Параболик орбита.*

**ПАРАВУЗ** диал. Адип.

**ПАРАГРАФ** [р <грек] Китоб, мақола ва ш. к. текстнинг маъно жihatдан мустақилликка эга бўлган, одатда § белгиси орқали ёки тартиб сон билан кўрсатиладиган қисми. | § белгисининг ўзи.

**ПАРАД** [р <фр] Кўшиларнинг жанговар тайёргарлигини текшириш мақсадида ўтказиладиган тантанали кўрик. | Спортчилар, мактаб ўқувчилари ва ш. к.нинг тантанали юриш кўриги. *1-Май паради.* — *Кунлардан бирида Москвада Бутунитифоқ физкультурачилар парадида бўлиб қайтган институтдоши Муҳаррамни кўриб қолди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ПАРАДИГМА** [р <грек] грам. Бирор сўзнинг турланиш ёки тусланиш формалари, конструкциялари.

**ПАЗИТ** [р <грек] 1 биол. Бошқа организмларнинг танасида ёки ичида яшаб, унинг ҳисобига озикланувчи жонивор ёки ўсимлик. || *Паразит ўсимлик.*

2 *кўчма* Бошқалар меҳнати ҳисобига яшовчи; ҳаромтомоқ, текинхўр. || *Паразит синфлар.* | сўк. Текинхўр, балохўр.

**ПАРАЗИТИЗМ** [р] биол. Бирор паразит организмнинг бошқа организм танасида, унинг ҳисобига яшаши.

**ПАРАЗИТОЛОГ** [р] Паразитология олимни, мутахассисни.

**ПАРАЗИТОЛОГИЯ** [р <грек] биол. Паразитлар ва паразитизм ҳодисалари ҳақидаги фан.

**ПАРАЛЛЕЛ** [р параллельный] 1 мат. Бир текисликда ётган ва ўзаро сира кесишмайдиган; мувозий, ёндош. *Параллел тўғри чизиқлар.* *Параллел текисликлар.*

2 Бир томонга қараб йўналган ва бир-биридан деярли тенг узоқликда ёнма-ён жойлашган. *Параллел кўча.* *Параллел жўяқлар.*

3 *кўчма* Айни бир вақтда мавжуд бўлган ёки давом этадиган ҳодиса (бир-бирига нисбатан). *Ўқши йилининг ярмида «А», «Б» бўлиб келган параллел синфлардан ўн олти киши тегиб олиниб, қолганлари бирлаштирилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАРАЛЛЕЛЕПИПЕД** [р <грек] мат. Ҳамма ёқлари параллелограммдан иборат бўлган олти ёкли геометрик жисм.

**ПАРАЛЛЕЛИЗМ** [р] 1 мат. Тўғри чизиқ ёки текисликларнинг ўзаро параллеллиги. *Текисликлар параллелизми.* *Чизиқлар параллелизми.*

2 *кўчма* Айни бир ишнинг икки киши ёки икки ташкилот томонидан ўзаро келишмасдан бир вақтда бажарилиши, бир-бирини такрорлаш. *Ишдаги параллелизм.*

**ПАРАЛЛЕЛОГРАММ** [р <грек] мат.

Қарама-қарши томонлари тенг ва параллел бўлган тўртбурчак.

**ПАРАЛЛЕЛЬ** [р <грек] 1 мат. Ўзаро ёндош чизиқларнинг ҳар бири. *Бирор чизиққа параллель ўтказмоқ.*

2 *геогр.* Ер юзасидан экваторга параллел ҳолда ўтказилган фаразий чизиқлардан ҳар бири. *Боку билан Тошкент бир параллелда ётади.* «География».

**ПАРАМЕТР** [р <грек] 1 мат. Математик формулага кирадиган ва ўзининг маълум қийматида шу тенглама билан ифодаланган муносабатлардан муайян бирига олиб келадиган миқдор.

2 *физ., тех.* Бирор предмет ёки ходисанинг асосий хусусиятларидан бирини характерлайдиган миқдор. *Электр лампа параметрлари.*

**ПАРАНЖИ** [а] этн. Революциядан илгари ўзбек аёллари бегона эркакларга очиқ кўринмаслик учун бошига ёпиниб юрадиган сохта энгли тўнсимон узун ёпинғич. — *Болаларни рўйхатга олиб келамиз,— деди Тозагул, қозикдан паранжисини олиб, бошига ёпина туриб.* Х. Ғулум, Машъал.

**ПАРАНЖИЛИ** Паранжи ёпинган ёки ёпинадиган. *Ёшлар, кексалар, паранжисиз ва паранжили қизлар, жувонлар .. бир қайғу, бир алам доғини чекар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАРАНЖИСИЗ** Паранжи ёпинмаган ёки ёпинмайдиган; бепаранжи, очиқ. *Паранжисиз аёл.* || *Чол:* *Биз сизлардек чоғимизда етти-саккиз яшар қиз бола ҳам кўчага паранжисиз чиқа олмас эди-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАРАТИФ** [р <грек] мед. Ич терлама касаллигига ўхшаш, бациллалар кўзгайдиган оғир юқумли касаллик.

**ПАРАФИН** [р <лат] Нефддан ёки торф, кўнғир кўмир маҳсулотларидан олинадиган оқич, баъзан сарғиш мумсимон модда. *Парафин билан даволаш.* || *Парафин шам.*

**ПАРАШЮТ** [р <фр] Учши аппаратларидан сакраш ва юк тушириш учун белгиланган, ҳавода сояновсимон очилиб кетадиган, пишиқ тўқимадан ясалган мослама. *Парашют спорти.* *Парашют билан сакрамоқ.* *Парашютда тушмоқ.* *Парашютда озиқ-овқат ташламоқ.*

**ПАРАШЮТИЗМ** [р] Парашютда самолёт ва ш. к.дан сакраш санъати ва спорти, парашютдан фойдаланиш қоидалари ва практикаси; парашютчилик.

**ПАРАШЮТЧИ** Парашют билан самолёт ва ш. к.дан сакрайдиган, парашютда ерга тушадиган киши. *Парашютчилар спорти.*

**ПАРАШЮТЧИЛИК** айн. парашютизм.

**ПАРАҲА** диал. айн. пайраҳа 1, 3. Тоғам менга қаради. Оғзимнинг суви қочиб, дастурхондаги бир параҳа нонга тикилиб турганимни сизди. С. Нуров, Башорат.

**ПАРВАРДА** [ф-т] Ун ва қиёмдан тайёрланадиган маҳаллий ширинлик.

**ПАРВАРДИГОР** [ф-т] дин. Борлиқ-

ни яратувчи (худонинг эпитетларидан бири). *Парвардигори олам.* — *Тожибой сўзида давом этди: сени парвардигорим менинг учун яратган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАРВАРИШ** [ф-т] Асраш, ўстириш, воёга етказиш ва ш. к. мақсадда қилинадиган ҳаракат; қаров, боқув, тарбия. *Ғўза парвариши.* *Техника парвариши.* *Парвариш қилмоқ.* *Ўсимликни парвариш қилмоқ.* *Касални парвариш қилмоқ.* *Машинани парвариш қилмоқ.* *Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил!* Мақол. — *Ҳар бир машина .. ўз эгасидан меҳр ва парвариш кутади.* Х. Назир, Янги саҳифа. **Парвариш топмоқ** тарбия топмоқ, тарбиясида ўсмоқ, унмоқ, воёга етмоқ. *Кўзим олдида ўдинг-у, Кўлимда парвариш топдинг.* Т. Тўла.

**ПАРВАРИШЛАМОҚ** Парвариш қилмоқ, қарамоқ, боқмоқ, тарбиялаб ўстирмоқ, ундирмоқ, воёга етказмоқ, оёққа қўймоқ. *Борни парваришламоқ.* *Беморни парваришламоқ.* — *Она Ватан шундай уч қизини Парваришлаб йўлга узатди.* Х. Тўла.

**ПАРВАРИШСИЗ** Парвариши йўқ, қаровсиз. *Парваришсиз дарахт.* || *Ипак кўрти бир кун ҳам парваришсиз қолмасин.*

**ПАРВИН** [П — катта] астр. Савр юлдузлар туркумидаги етти юлдуз.

**ПАРВО** [ф-т] Қимса ёки нарсга бўлган диққат-эътибор, қизиқиш, назар-писанд. *Қорни очдан қорни тўқини нима парвои бор.* Матал. — *Мулла Обиднинг қайночаси ва бошқа келган-кетганлар билан парвои йўқ, фақат хирмон тепага хўмрайиб қаради.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Парво қилмоқ** ёки **парвоийга келтирмоқ** диққат-эътибор бермоқ, диққат эътибор билан қарамоқ, назар-писанд қилмоқ. *Ҳар хил гапларга парво қилаверманг.* *Боласа парво қилмоқ.* — *Унинг [Бўйрбекнинг] отга парво қилиб, ўзига бепарволигини кўрган Лаъли бекни қорабайрга рашиқ қилди.* Х. Ғулум, Машъал. *Шу масалада бошинеизни тошга уриб гапиринг — парвоийга келтирмайди.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

◆ **Парвоий фалак қ. фалак.**

**ПАРВОЗ** [ф-т] Осмонга кўтарилиш, учини. *Парвоз қилмоқ (этмоқ).* — *Бургуннинг парвози ўзига яраша: у зогизагондай ер бағирлаб учомайди асло.* Т. Ҳамид, Арслонтоғ бургутлари. *Бошларидан учар оқ тўғи қалдириб, Парвоз қилармиди, бўлмаса қанот.* Шукрулло.

**ПАРВОНА** I [ф-т] Шуъла ёки чироқ атрофида айланувчи тун капалаги. *Тоқчадаги бешинчи чироқ пириллаб ёнар, унинг атрофида катта бир парвона айланар эди.* А. Қаҳҳор, Анор.

◆ **Парвона бўлмоқ айн. гирдиқапалак бўлмоқ қ. гирдиқапалак.**

**ПАРВОНА** II [ф-т] тар. Амир, хон фармони, ёрлиғи.

**ПАРВОНАЧИ** тар. Амир, хоннинг муҳим топшириқларини бажарувчи амалдор, мансабдор.

**ПАРВОСИЗ** айн. бепарво. *Парвосиз одам*. || *Султонали кўрган остидаги йиғитларга кўз қирини ташлаб, уларни ўзидан парвосиз топди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Парвосиз қарамоқ** диққат-эътибор, аҳамият бермай, бепарволик, аҳамиятсизлик билан қарамоқ. *Онахон бу гапга парвосиз қаради, қайтага чеҳраси очилди*. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ПАРГАР** [ф-т] эск. айн. циркуль. **ПАРДА** [ф-т] 1 Дераза, эшик ва ш. к.га зийнат ёки тўсиш учун тугилдиган буюм. *Эшик пардаси*. *Духоба парда*. *Чий парда*. *Парда тутмоқ*. *Пардадан очмоқ*. — *Анвармурод кенг деразаларнинг шоҳи пардаларини кўтарди*. Ойбек, Нур қидириб.

2 *кўчма* Борлиқни кўздан беркингиб, тўсиб турган нарса, мас. қоронғилик, туман, булут. *Кеч. Қоронғи. Дарахтлар, уйлар, ҳовлиларни қора парда чулғаган*. Ж. Шарипов, Хоразм. *Ана, кўкка туташган чўққиларни палахса-палахса булутлар қоплаб, бутун олам кул ранг пардага ўралгандай бўлди*. Х. Назир, Сўнас чакмоқлар.

3 *с. т.* Экран, кино экрани.

4 *анат.* Организмда айрим органларни қоплаб, ўраб ёки бир-биридан ажратиб турадиган юпқа тўқима. *Упка пардаси*. *Ўрдакнинг панжасидаги сузиш пардаси*. *Юрак пардалари*. *Қулоқ пардаси*.

5 Саҳна асарининг, фильмнинг мустақил воқеликдан иборат бўлган тугал бир қисми. *Пьесанинг учинчи парда олтинчи кўриниши*. «*Шоҳи сўзана*» пьесаси тўрт пардадан иборат.

6 *муз.* Торли чолғу асбоблари дастасидаги товуш ноталарини белгиловчи бўғимлар. *Ўткинчи бир мусофир Тор қоронғу хўжрада*. *Ўқирди янги дoston Ўйнаб қўли пардада*. Ғайратий. *Шодлик кўйчисан, бахт булбулсан, Айни авж пардада жаранлар созинг*. Ўйғун.

**ПАРДАВОР** [ф-т] кам қўлл. Пардаланган, пардали. *Қандайдир ўзга мақсадлари борлиги ҳақида жуда туманли, пардавдор қилиб мингиллади*. Ойбек, Навоий.

**ПАРДАЛАМОҚ** 1 кам қўлл. Парда билан тўсмоқ, парда тутмоқ. *Деразани пардаламоқ*.

2 *кўчма* Очиқ-ойдин ифодаламай, шама ёки қочирим билан айтмоқ; ниқобламоқ. *Мен кўкламда Сумбула билан бўлган воқеани бироз пардалаб бўлса ҳам, сўзладим*. Ойдин, Икки кўзи шунда. *Мингабоши ўзининг қандай қилиб босмачига қатнашганлигини роса пардалаб айтиб ўтди*. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**ПАРДАЛАНМОҚ** пардаламоқ *фл. мажх. н.* Пардаланган деразалар. *Пардаланган гап*. — *У кўзлари ёш билан пардаланганини ҳис этди*. О. Ёқубов, Ота изидан. — *Кўз олдим пардаланиб, томоғимга ёнғоқдай бир нарса келиб тиқилди*. — *деди Учқун*. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

**ПАРДАЛИ** 1 Парда тугилган, парда билан тўсилган, ажратилган. [*Ҳамдамформа*] *ҳовлининг орқасига ўтиб, ёвона қараб очиладиган оқ пардали бир деразани тирноғининг орқаси билан бир икки чертди*. Айний, Қуллар.

2 Органик пардага эга бўлган, парда билан қопланган. *Ҳознинг пардали панжаси*.

3 Мустақил пардалардан, қисмлардан иборат бўлган. *Тўрт пардали саҳна асари*.

4 *кўчма* Очиқ-ойдин ифодаланмай, шама, қочирим билан айтилган; ниқобланган, ниқобли. *Пардали қилиб гапирмоқ*. — *Бошим ишшган. Сенинг бу пардали гаплариндан ҳеч нарса тушунолмаётирман*. Айний, Дохунда. [*Усайн Бойқаро*] *баъзи яқинларидан пардали ишқоят қилди*. Ойбек, Навоий.

**ПАРДАЛИ** II *муз.* Товуш ноталарини, белгиловчи бўғимларга эга бўлган, парда боғланган (торли чолғу асбоблари ҳақида). *Пардали чолғу асбоби*.

**ПАРДАСИЗ** I 1 Парда тугилмаган, пардаси йўқ. *Пардасиз дераза*.

2 *кўчма* Очиқ-ойдин айтилган; ниқобланмаган, дағал. *Пардасиз гап*. || *Пардасиз гапирмоқ*.

**ПАРДАСИЗ** II *муз.* Пардаси йўқ, парда боғланмаган. *Пардасиз чолғу асбоби*.

**ПАРДЕВОР** [ф-т] Бир қатор ғишт ёки синчли юпқа девор. *Пардевор билан ажратилган уй*.

**ПАРДОЗ** [ф-т] 1 Нарсалар сиртини бўяш, силлиқлаш ва ш. к. йўллар билан уларни чиройли, кўркем қилиш ва шундай ишловнинг ўзи. *Пардозни бузилмаган этик*. *Пардозни яхши буюм*. *Тайёр махсулотларга пардоз бермоқ*. — *Хира сахтиён маҳсиллар пардоздан сўнча ялтирайди, «очилади»*. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Ҳусни очиш ёки сунъий гўзаллик ҳосил қилиш учун ўсма, хина, упалик суртиш, бўяш, ўзига оро, зеб бериш ва шундай зеб-оронинг ўзи. *Хотиннинг ёши ўттиздан ошган бўлса-да, упалиги, пардозни билан ёироқ кўринар эди*. Ойбек, Қутлуг қон. *Ёқутойим каттакон тош ойна олдида ўтириб, ҳар кунги одати бўйича пардоз қилаётган эди*. С. Анорбоев, Оқсой.

**ПАРДОЗ-АНДОЗ** [ф-т] Ҳаддан ортиқ пардоз, зеб-оро. *Пардоз-андоз қилмоқ*. — *Улар [қизлар] олдида мен ҳеч нарса билмайдоган, дунёга фақат зеби-зийнат, пардоз-андоз учун келган бир кимса бўлиб қолдим*. С. Аҳмад, Севгинга содиқман.

**ПАРДОЗЛАМОҚ** 1 Пардоз бермоқ, силлиқлаб, бўяб чиройли қилмоқ. [*Унсин*] *ичкари уйда ўтириб маҳсиларга шон қоқади, шон туширади, пардозлайди: қора гул, лок сурқайди*. Ойбек, Қутлуг қон.

2 Пардоз қилмоқ, ўзига зеб-оро бермоқ. *Сочларини ювдириб, гул суви билан пардозлаб .. кўйлак кийдирди*. Ойбек, Навоий.

3 *кўчма* Ишлов бериб мукамаллаштирмоқ, бадий қийматини оширмоқ, силлиқламоқ. *Халқ ижодчилари .. кўйлакиб келган асарларга ўзгариш ва янгиликлар киритганлар, уларни пардозлаганлар*. «Ватан адабиети».

**ПАРДОЗЛАНМОҚ** пардозламоқ *фл. мажх. н.* У Шокир ота ёнида қатор тизилган, пардозланиб ялтираган маҳсиларни кўрсатди. Ойбек, Қутлуг қон.

**ПАРДОЗСИЗ** айн. бепардоз. *Ҳайт, бир кун илгари қўйган ўсма қошлариди сал-пал беллиниб тургани бўлмаса, одатдагича, пардозсиз эди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПАРДОЗЧИ** 1 Нарсаларни силлиқлаб, бўяб чиройли, кўркем қилувчи, пардоз берувчи. *Пардозчи ишчи*.

2 Пардозга берилган, пардоз қилиб юришни яхши кўрадиган. *Пардозчи хотин*.

**ПАРИ** [ф-т] 1 *миф.* Жуда гўзал қиз қиёфасидаги, гўё нурдан яратилган, кишиларни инс-жинслардан сақлайдиган афсонавий махлуқ. *Қари билганини пари билмас*. Мақол. — *Букри домла Майнани жинми, парими деб ўйлади шекилли, турган жойидан силжимай, алақандай дуони пичирлади*. Ш. Тожматов, Эрк қуши. *Сув париси сувда яшайдиган пари*. *Илҳом париси поэт*. ижодкорга илҳом берувчи кимса ёки парса.

2 *кўчма* Жуда гўзал, хушрўй қиз; нозанин. — *Сизни шу парига уйлантириб қўяйми? — деди Тожибой ва оғзини очиб, носни тилининг тагига ташлади*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Анвар .. ўйин-кулгини бир дақиқа қўйиб туролмаган парининг санъаткор шу вазиятга кулимсираган куйи анча қараб турди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ПЕРИВАШ** [ф-т] *кт.* Парига ўхшаш, жуда гўзал, хушрўй нозанин. *Периваш хотин*. || *Азизбек бўлса жавоҳир қадаланган тожлар, олтин тахтлар, нозанин паривашлар, дондор маҳрамлар ҳақидагина ўйлар эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ПЕРИЗОД** [ф-т] 1 *миф.* Паридан туғилган. *Перизод десангиз ҳам ишонаман*. Ойбек, Навоий.

2 *кўчма* Париваш, гўзал.

3 Паризод (*хотин-қизлар исми*).

**ПЕРИК** [р < фр] Бошга кийиш учун матага ёпиштирилган ясама соч. *Театр париклари*. *Перик киймоқ*. — *Анвар .. парик кийиб, орқасига сўкма остида, «юринелар» деди*. А. Мухтор, Туғилиш.

**ПЕРИЛЛАМОҚ** 1 Тез қанот қоқиб, «парр» этган товуш чиқармоқ (парранда ҳақида). *Тоғ жилғаларининг катта тошлар панасида [Элмурод] тишиб ётиб, каклик пойлар ва жилғадан-жилғага париллаб учган какликларга ўқ узар эди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тез югуриб кетмақ, елдек учмоқ, ғирилламоқ. *Сувсиз чўда Ғиркўк от бораётир париллаб*. «Равшан».

**ПЕРИПАЙКАР** [ф-т] Парига ўхшаш, гоят гўзал; париваш. [*Бой Жад*

милага:] Мен сендай бир парипайкарни ўша гадо Гофирга бериб қараб ўтирмайман! Гапнинг пўскалласи шу! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ПАРИРҮ(Й)** [ф-т] Паричехра, париваш, гўзал. Мубталоман парирўга, ул кўзлари оҳуға. Яхё.

**ПАРИХОН** [ф-т] этн. Гўё пари, жин каби ғайритабиий кучлар ёрдамида беморларни касалликлардан халос қиладиган; дуохон, азаймхон, фолбин. «Ўғри қариса сўфи, ғар қариса парихон бўлади»,— деб бекорға айтилмаган-да. Ғ. Ғулом, Шум боло.

**ПАРИЧЕХРА** [ф-т] эск. Жамоли парига ўхшаш, ғоят гўзал; париваш, парирў. Паричехра қиз. | Сизлардек паричехралар шундай ёмон тиканларнинг панжасига тушмаса, бизга бундай базмларни гўрда насиб қилармиди? Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ПАРИШОН** [ф-т] 1 Ҳар томонга сочилган, тўзғинган, тартибсиз. Кумушнинг кўзи юмук, сочлари юзи устида парিশон ҳолатда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қора сочлари тўзғиб, Сочилганди парিশон. Ғайратий. Қелди очилур чоғинг, ўзелинг намоен қил, Парчалаб кишанларни ҳар томон парিশон қил. Ҳамза.

2 кўча Бир ерга тўпланмаган, бўлинган, сочилган, йиғноқ эмас, тарқоқ (фикр-хаёл, диққат-эйтибор ҳақида). Хотини парিশон. Кўнгли парিশон. — Йўлчининг бу ера ҳангамалашини учун келганини билсач, йиғитнинг кўнглини парিশон қилишга ботинмай анча вақтгача қийналди. Ойбек, Қутлуг қон. (Хаёли) парিশон хаёли тарқоқ, фикри-хаёли жойида эмас, бўлинган, сочилган. Сал ўтмай хотин кирди, ҳақиқатан ҳам унинг кўзи қизариб, парিশон хотир ҳолда эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ўзининг парিশон хаёлига берилиб, кимсасиз ҳовлида кеза бошлади. Ойбек, Қутлуг қон. Вали ака .. ўглининг гўзалар ичида парিশон турганлигини кўриб, уни ёнига чақирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПАРК** [р<ингл] 1 Гулзор, дарахтзор ва хиёбонлари бўлган; дам олиш, кўнгли очиш учун мосланган катта боғ. Парк оқшомда ясан-тусан одамлар, ранг-баранг чироқлар, хилма-хил ажойиботлар билан тўлиб, жуда катта кўринар экан. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 Транспорт воситалари (трамвай, автобус, такси ва ш. к.) турадиган ва ремонт қилинадиган жой. Троллейбус парки. — Элмурод Муҳаррам билан хайрлашиб Хадрага келганда, трамвайлар паркка кириб кетмоқда эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Халқ хўжалиги, саноат тармоғи; завод, фабрика ва ш. к.га қарашли транспорт ёки ишлаб чиқариш воситалар мажмуи. Станоклар парки. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари парки.

4 ҳарб. Ҳарбий машиналар, қурол-яроғлар мажмуи. | Стационар ёки кўчама ҳарбий склад. Артиллерия парки.

**ПАРКЁТ** [р<фр] 1 Биноларнинг поли юзига турли геометрик шаклда зич қилиб ётқизиладиган силлиқ тахтачалар. Дуб паркет. Пола паркет термоқ. — Палатанинг поли паркет .. ёки оддий тахтадан ясалиб, устига линолеум солинган бўлиши яхшироқдир. Н. Исмоилов, Қасалларни парварини қилиши.

2 Шундай тахтачалар ётқизилган пол.

**ПАРЛАМЕНТ** [р<фр] сиёс. Буржуа мамлакатларида: бутунлай ёки қисман сайлов асосида тузиладиган, қонун чиқарувчи олий давлат органи. Англия парламенти. Парламент аъзоси. Парламент мажлиси.

**ПАРЛАМЕНТАРИЙ** [р парламентарный] Парламентаризмга асосланган. Парламентар республика. Парламентар тузум.

**ПАРЛАМЕНТАРИЗМ** [р] сиёс. Давлат органларига раҳбарлик қилиш роли конституция бўйича формал жihatдангина парламентга тааллуқли бўлган буржуа давлат тузуми. Буржуа парламентаризми. — Буржуазия капитал ҳукмронлигини таъмин этиши учун бюрократияни эмас, балки парламентаризмни хоҳлайди. В. И. Ленин, Революцион қоғозбозлик ва революцион иш.

**ПАРЛАМЕНТЁР** [р<фр] Ўзаро урушаётган томонлардан бирининг бошқа томон билан музокара олиб бориш учун юборган вакили, элчи.

**ПАРЛАМОҚ** Жуфт-жуфт қилмоқ, жуфтламоқ.

**ПАРЛАНМОҚ** I парламоқ *фл. мажх. н.*

**ПАРЛАНМОҚ** II с. т. Буғга айланмоқ, буғланмоқ. Ғўза сурғорилгандан кейин сувнинг 20—35 проценти ер бетидан парланиб кетади.

**ПАРМА** [ф-т] 1 Айланма ҳаракат қилиб, тиғи билан нарсаларни тешадиган асбоб. Кичкина парма. Парма тиғи. — У [Икромхўжа] айғонлиги билмакдай ва узунлиги бир олчин сада ёғочнинг ичини парма билан тешиб «тўп-понча» ясади. Айний, Эсдалиқлар.

2 с. т. Бурғи. Газободда газнинг киндиги қаердалигини аниқлаб олгач, бирданига уч жойга парма вишиқаси тиклади. И. Раҳим, Тақдир.

**ПАРМАКАШ** [ф-т] Парма, бурғи билан ер қазувчи уста, ишчи.

**ПАРМАЛАШМОҚ** I Парма билан тешмоқ. Ёғочни пармаламоқ. — Ҳайдар унинг [Умаралининг] қаршилигига қарамай, ўрта уйини деворини пармалай бошлади. И. Раҳим, Илос.

2 с. т. Бурғи билан кавламоқ, бурғиламоқ. Нефть ва газ қудуқларини пармаламоқ.

**ПАРМАЛАНМОҚ** пармаламоқ *фл. мажх. н.*

**ПАРМАЛАТМОҚ** пармаламоқ *фл. орт. н.*

**ПАРМАЛАШМОҚ** пармаламоқ *фл. бирг. н.* Усталар тахталарни пармалашиди. Қудуқ пармалашмоқ.

**ПАРМАЛОВЧИ** Пармалаш учун белгиланган, пармалаш билан шуғулланувчи. Пармаловчи станок. Пармаловчи ишчи.

**ПАРМАНЧАК** [ф-т] диал. Маймунжон. Бунда [лагерда] икки юздан ортиқ бола дам олади. Бири чўмилиб шамолласа, бошқаси, парманчак терман, деб оёқ-қўлини тимдалатиб келади. С. Аҳмад, Зумрад.

**ПАРМИ** диал. Пакана, бўйи паст, пастак.

**ПАРМУДА** [ф-т] Гўштли қўшалоқ сомса. Пармуданинг таърифи *Айта-берсам деманг лоф. С. Абдулла.*

**ПАРНИК** [р] Кўчат, эрта пишар сабзавот ва резавор экин экиб ўстириш учун қурилган ойнавон ёпиқ жой, хона. Парник ва теплицаларда кўчатлар етиштириш.

**ПАРОВОЗ** [р] Темир йўл поездларини тортиш учун белгиланган, буғ двигател билан ҳаракатга келадиган машина, буғ двигателли локомотив. Паровоз буғ чиқариб, чўзиқ судраб берди-да, катта қизил составни судраб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПАРОВОЗОЗЛИК** Паровоз ва унинг қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда транспорт машинасозлигининг паровоз ишлаб чиқарадиган тармоғи.

**ПАРОВОЗЧИ** Паровозда ишловчи ишчи, паровоз хайдовчи.

**ПАРОДИЯ** [р<грек] Бирор асарга тақлидан ёзилган ва унинг заиф томонларини ҳажв қиладиган асар; сатирик ўхшатма.

**ПАРОКАНДА** [ф-т] кт. Турли томонга, дуч келган ёққа тарқаган, тўзган, тарқоқ, тартибсиз. У даҳшатли қуюндан ярим-ёрти саломат қолган пароканда карвонни тартибга солди. Ойбек, Кўёш қораймас. Ўтнинг шиддатидан душман танқлари пароканда бўла бошлади. Ойбек, Кўёш қораймас. Улар [народниклар] ҳукуматни қўрқитиши ва пароканда қилиши йўли билан ҳокимиятни ўз қўлларига олишни йўлар эдилар. «КПСС тарихи».

**ПАРОЛЪ** [р<фр] Ҳарбий хизматда ёки яширин ташилотларда ўз кишиларини таниш учун учрашганда айтиладиган ва олдиндан белгилаб қўйиладиган шартли мафий сўз.

**ПАРОМ** [р] Одамларни, от арава ва бошқа юкларни дарё ва кўллардан ўтказиб қўйиш учун белгиланган махсус восита, сол.

**ПАРОМЧИ** Паромни бошқарувчи, паром хайдовчи киши. Чакмонли елкага ташлаб қумгон ташига ўт қалаётган паромчи чол от дунурини эшитиб ўрнидан турди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

**ПАРОТЎТ** [р<грек] Қулоқ ости безларининг яллиғланиши билан ўтадиган юқумли касаллик; тепки.

**ПАРОХОД** [р] Буғ двигателли ўрнатилган кема. Дарё пароходи. — Каспий денгизида пароходлар қатқови баҳорга нисбатан кўпайди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ПАРОХОДЧИЛИК** Пароход транспорт ва унда йўловчи ҳамда юк ташиш билан шуғулланадиган муассасалар мажмуи. *Термиз давлат пароходчилиги.*

**ПАР-ПАР I парр** с. тақр. *Пар-пар учар чумчуқлар, Ҳам тинмайин чурқ-чурқлар.* З. Диев.

2 тасв. с. Нурнинг, шуъланинг парпираши, жилваси ҳақида. *Матлуба нам киприклари орасидан пар-пар ёниб турган кўзларини сузиб қаради.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. *Москважон, деганман, нурланиб, ёнар пар-пар.* Кундан узилиб тушган олтин кўймага ўхшар. С. Акбарий.

**ПАРПАША** [ф-т] Дастгоҳда тўқилган юпка ва пишиқ мато. *Бир кийимлик парпаша.* || *Парпаша тўн.*

**ПАРПИ I бот.** Таркибида бир турли алкалоид бўлган ўтсимон кўп йиллик ўсимлик.

2 Парпи (*эркаклар исми*).

**ПАРПИРАМОҚ I** Ёруғ нур таратиб ёнмоқ, нур сочиб турмоқ. *Ярим тун.. юлдузлар жимирлар кўкда. Чироқлар парпиради вишкаларда ҳам.* Ж. Жаббаров.

2 айн. *ҳилпирамоқ.* *Парпирайди донг чиқарган байроғим, Асли маҳкам юксак суянган тоғим.* Ҳабибий.

3 кўчма *Жилваланмоқ, жилва қилмоқ.* *Ўн саккису йигирмада ёшлари, парпирайди ўйнаб кўзу қошлари.* Ҳабибий.

**ПАРР** тақл. с. Учәётган парранда қанотидан, айланаётган паррак ва ш. кдан чиқадиган товуш ҳақида. *Чумчуқ парр этди.* — *Қушлар парр этиб осмонга кўтарилди.* Ойбек, Навоий.

**ПАРРАК** [ф-т] I Сув ёки шамол кучи билан айланадиган куракли содда механизм. *Сув тегирмонининг парраги. Шамол тегирмонининг парраги.* Уйинчоқ паррак. *Тунука паррак.* — *Маҳсим тегирмон паррагига қўлбола динамосини қўндириб, ундан чинор шохига сим тортиб лампочка илди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 с. т. Замонавий машиналарнинг шу шаклдаги қисми. *Вентилятор парраги. Самолёт парраги.* — *Даланинг у бошида парраги чарх уриб, комбайн ўрмаларди.* С. Анорбоев, Оқсой.

◆ **Бурун парраги** бурун хатакларининг икки четидаги мускул. *Нафас олишда қийналаётган бўлса керак, бурун парраклари учиб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ПАРРАНДА** [ф-т] Куш зоти, қушлар; қуш. *Уй паррандаси.* *Ов паррандаси.* — *Мушукка қанот битса, ҳеч бир паррандани қўймас экан.* П. Турсун, Ҳўитувчи. *Жўхорини ўз вақтида сўғориб турган бўлсам ҳам, ун паррандалар ҳужумидан сақлаб қолиш жуда қийинлик қилмоқда эди.* Айний, Эсдаликлар.

**ПАРРАНДАБОЗ** [ф-т] Парранда тутиш, боқиш ва ўргатишга ишқибоз киши.

**ПАРРАНДАЧИ** Парранда боқиш ва

уни кўпайтириш иши билан шуғулланувчи мутахассис.

**ПАРРАНДАЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг уй паррандаларини боқиш ва кўпайтириш иши билан шуғулланадиган тармоғи. *Паррандачилик фермаси. Паррандачилик курси.*

**ПАРРОН** [ф-т]: тиги паррон учиб келаётган, тешиб ўтадиган ўқ. *Тиги парронга учрагур қарг.* балонинг ўқиға учрагур, ўлгур.

**ПАРР-ПАРР** қ. пар-пар.

**ПАРТ I:** парт бўлмоқ қайноқ сувда куймоқ. *Қайнаб турган самовар оғанаб, оёғи парт бўлди.* **Парт қилмоқ** қайноқ сувда куйдирмоқ. *Товуқни парт қилиб патини юлмоқ.*

**ПАРТ II:** шартн кетиб парти қолган қ. шарт II.

**ПАРТ III тақл. с.** Кескин қанот қоқиш пайтида чиқадиган «парр» этган товуш ҳақида. **Парт этиб I)** парт деган овоз чиқариб. *Жуволдиз қонга парт этиб кирди. Бедана қўлдан парт этиб учиб кетди;* 2) кутилмаганда, тўсадан. *[Тулки] шошилиб бориб, тишлаб тортиб эди, парт этиб тумшугидан илиниб қолди.* «Эртақлар».

**ПАРТА** [р] Мактабларда ўқувчилар учун белгиланган, устга тахтаси олд томонга бироз қия ўрнаштирилган, остки қисми скамейкаси билан бирлаштирилган махсус стол. *Бир партада ўқиған болалар.* — *Синф учун парталар қилдираётган эдик.* *Уста икки-уч кундан бери келмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПАРТАВ** [ф-т] эск. кт. Нур, шуъла. *Унинг [Қушчибинини] кўз ўнгида жой олан қоралиқлар шу ёқила бошлаган нажот шамлари партави билан ўз-ўзларидан йўқолгандек кўринарлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ПАРТАК** [ф-т] Чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўтсимон ўсимлик.

**ПАРТАКТИВ** [р] Партия активи. *Район партактивининг мажлиси.* | Партия активларининг йиғилиши. *Масалани партактивда муҳокама қилмоқ.* **ПАРТБИЛЁТ** [р], **партия билети** Коммунистик партия аъзосининг партия билети.

**ПАРТБЮРО** [р], **партия бюроси** Бошланғич партия ташкилотининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи. *Партбюро аъзолари. Партбюро секретари.* | Шу органнинг мажлиси. *Масалани партбюрода муҳокама қилмоқ.*

**ПАРТВЗНОС** [р] Коммунистик партия аъзосининг ҳар ойда тўлайдиган аъзолук ҳақи. *Партвзнос тўламоқ.*

**ПАРТЁР** [р<фр] I Театр, томоша зали ва ш. книнг қуйи қавати ва шу қаватдаги ўринлар.

2 спорт. Курашувчи спортсменнинг йиқилиб ётган ёки икки қўли ва тиззаларини ерга тираб турган ҳолати.

**ПАРТИЗАН** [р<фр] Душман босиб олган жойларда озодлик (учун кўнгили равишда қуроли кураш олиб борувчилар отрядининг аъзоси. *Улур Ватан уруши партизанлари. Парти-*

*занлар отряди.* || *Партизан қиз.* — *Қуролланган етти партизан оғир қадамлар ташлаб хилват ва сўқмоқ йўллардан юриб, Мостовойнинг отрядига қараб бормоқда.* А. Раҳмат, Соқов бола.

**ПАРТИЗАНЛИК** партизан с. мавҳ. от. *Ҳасанжонни масъулиятли ишлардан чиқарган бўлсалар ҳам, комсомоллигини, ота-бобосининг қул бўлиб келганлигини, отасининг партизанлигини назарда тутиб, ишини бости-бости қилиб юборган эдилар.* Айний, Қўллар.

**ПАРТИЗАНЧИЛИК I с. т.** Партизанлик.

2 кўчма салб. *Ишда ўзбошимчалик, бебошлик, ҳар ким ўз бошига ҳаракат қилиши.*

**ПАРТИЯ I** [р<нем] Маълум синфнинг сиёсий ташкилот бўлиб уюшган ва шу синф манфаатларини ифодалайдиган, химоя қиладиган, унинг душман синфлар билан курашига раҳбарлик қиладиган энг актив қисми. *Коммунистик партия. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси. Консерваторлар партияси.* — *Жонажон совет эли Бахтимиз бизнинг.. Партия йўлбошимиз Биз йўл-қизини.* И. Муслим. *Январнинг бошларида область партия комитетидан вакил келиб, қишлоқ совети раиси Самандаровнинг уйига тушиди.* А. Қаҳхор, Қўшчинор.

**ПАРТИЯ II** [р<нем] I Бирор мақсадда бирлашган, бирга иш олиб борувчи кишилар группаси, отряди. *Геология-қидирув партияси.*

2 Нарса, товар ва ш. книнг маълум (одатда кўп) миқдордаги тўпи, тўдаси. *Завод «Жигули» енгил автомобиллини партиясини ишлаб чиқаради.*

3 муз. Кўп овозли музыка асарининг якка созанда ёки хонанда ижро этадиган қисми ва унинг нотаси. *Онегин партияси.*

4 Бир қур ўйин. *Бир партия шахмат ўйнамоқ.*

**ПАРТИЯВИЙ I** Маълум партиянинг, синфнинг манфаатларига, идеологиясига мос бўлган. *Энг янги фалсафа ҳам бундан икки минг йил илгириги бўлгани каби партиявийдир.* В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.

2 Коммунистик идеологияга мос, коммунистик идеология билан суғорилган, коммунистик партия принципларини амалга оширадиган. *Партиявий тушунча. Партиявий дунёқараш. Партиявий адабиёт.*

3 Коммунистик партия аъзосига хос. *Партиявий ахлоқ. Ишга партиявий муносабатда бўлиш.*

**ПАРТИЯВИЙЛИК I** партиявий с. белги оти. *Адабиётнинг партиявийлиги. Санъатнинг партиявийлиги.* — *Партиявийлик юксак даражада ривож топан синфий қарама-қаршиликларнинг натижаси ва сиёсий ифодасидир.* В. И. Ленин, «Партиясиз» бойқотчиларнинг ногўфри муҳокамалари.



2 Бирор партиёга мансублик, аъзолик.

**ПАРТИЯЛИ** Партиё аъзоси. Қолхоз янги тузилганда бутун қишлоқда тўрттагина партиёли бор эди. А. Қодирй, Обид кетмон.

**ПАРТИЯЛИЛИК** айн. партиёвийлик 2.

**ПАРТИЯСИЗ** Партиёга аъзо эмас, партиё аъзоси бўлмаган. Партиё аъзоси қуйидагиларни бажариши лозим: .. партиё сиёсати ва қарорларининг маъносини партиёсиз омага тушунтириб туриш.. «КПСС Устави». || Партиё .. группаларининг вазифаси партиёсизлар ўртасида партиё таъсирини ҳар тарафлама кучайтиришдан иборатдир. «КПСС Устави». | Бирор сиёсий партиёга қирмайдиған. Бутуниттифоқ Ленинни Коммунистик Ёшлар Союзи ўз сафларига илғор совет ёшларининг кенг табақаларини бирлаштирган оммавий партиёсиз ташкилотдир. «ВЛКСМ Устави».

**ПАРТИЯСИЗЛИК** партиёсиз с. мавз. от.

**ПАРТКОМ** [р] 1 Партиё комитети, йирик бошланғич партиё ташкилотининг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи. Партком аъзоси.

2 Партиё комитети ўрнашган бино, хона.

3 с. т. Партиё ташкилотининг секретари.

**ПАРТНЁР** [р<фр] Бирор ишда ёки ўйинда бирга иштирок этувчилардан ҳар бири (бир-бирига нисбатан); шерик. Шахматчи партнёрлар.

**ПАРТОВ** [ф-т]: партлов ер аввал экин экилиб келган, кейин қаровсиз қолиб кетган ташландиқ ер. Партлов ерларни ўзлаштирмақ.

**ПАРФЮМЁР** [р] 1 Парфюмерия корхонасининг ишчиси ёки ходими.

2 эск. Парфюмерия моллари сотувчи; аттор.

**ПАРФЮМЁРИЯ** [р<фр] 1 Атир, одеколон, упа-элик ва шу каби пардоз моллари. Парфюмерия савдоси. Парфюмерия моллари.

2 Шундай моллар ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи.

**ПАРХИШ** [ф-т] Ўсимликнинг узун шохини ерга кўмиб, учини наридан чиқариш йўли билан янги ўсимлик туپи ҳосил қилиш.

**ПАРЧА I** [ф-т] 1 Бутундан кесиб, қирқиб, йиртиб, синдириб олинган ёки ўзи ажраган қисм; бўлак, бўлакча. Қоғоз парчаси. Бомба парчаси. — Кекса ишчи сўнги геўит парчасини оғзига солди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтақ. Дераза ойналарига йирик қор парчалари оқ капалакдай уринади. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир парча унча катта бўлмаган; кичкина, озгина, арзимайдиган. Бир парча ер. — — Бир парча нон учун сенинг эшигингда чўрилик қилиб, болаларининг қирини юганман,— деди Ойимхон. П. Турсун, Ҳўитувчи.

2 ад. Асарнинг тугал маъмуни кичик қисми. Романдан парча.

◆ Парча гулли йирик-йирик гулли.

Парча гулли лас.

**ПАРЧА II** [ф-т] Зар ип аралаштириб тўқилган қалин ипак мато, кимхобнинг бир тури. Қаторга тиркадик лўк билан норча, устима юкладик қирмизи парча. «Алпомиш».

**ПАРЧАЛАМОҚ I** Кесиб, қирқиб, йиртиб, синдириб майда қисмларга, бўлакларга бўлмақ, ажратмоқ; тилка-пора қилмоқ, бурдаламоқ. Ойнани парчаламоқ. Фиштини парчаламоқ. Қоғозни парчаламоқ. — Келди очилур чоғинг, ўзленинг намоеён қил, Парчалаб кишанларни ҳар томон наришон қил. Ҳамза. | Бўлак-бўлак қилиб юбормоқ, пароканда қилмоқ. Бектемир душманни ўк билан урди, найза билан санчди, гранаталар билан парчалади. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 хим. Таркибий қисмларга ажратмоқ, бирикмадан ажратиб олмоқ. Атомни парчаламоқ. — Фермент жирларни глицерин ва жирли кислоталарга парчалайди. «Анатомия».

3 Мустақил қисмларга ажратмоқ, бўлиб юбормоқ. Юртни парчаламоқдан азим ғуноҳ йўқ. Ойбек, Навоий.

4 кўйма Йўқ қилиб юбормоқ, махв этмоқ, емирмоқ, битирмоқ, тугатмоқ. [Йўлчи] «хамёни зўрлар»нинг ҳокимиятини парчаламоқ учун бел боғлаган курашчиларга табиий бир ички интилиш билан яқинлашади. Ойбек, Қутлуғ қон. Зулмат тунин парчалади кучли кўёш. Ғайратий. | Пучга, йўққа чиқармоқ. Октябрь Социалистик революцияси ёш ғиламфурушининг умид ва тилақларини парчалади. П. Турсун, Ҳўитувчи.

**ПАРЧАЛАНМОҚ** парчаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. Тош парчаланиб кетди. Реакцион ҳокимият парчаланди. — Фронт парчаланиб, ўз чеараси, либиясини йўқотди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Бу ерда парчаланган сеғимни қайси кўз билан томоша қилиб юра оламан. П. Турсун, Ҳўитувчи. Модда эриганда айрим молекулаларга парчаланади. «Анатомия».

**ПАРЧА-ПАРЧА** Парчаларга бўлинган; бўлак-бўлак, бурда-бурда, тилка-пора, чилпарчин. Парча-парча булутлар. Пйёла парча-парча бўлди.

**ПАРЧА-ПУРЧА** Катта-кичик парчалардан иборат, ҳар хил гагаликдаги парчаларга бўлинган; бўлтак-сўлтак. Чўнтакдан .. катта-кичик миҳлар, парча-пурча тахтачалар чиқди. Ойдин, Ҳзи монанд. Ердан бир қарич кўтарилган торгина сахнда, парча-пурча чирик наमतлар солинган .. айвонга паранжисини отди. Ойбек, Қутлуғ қон. Арава ҳам кўўна, ямоқ-ясоқ, ғилдирак темиридан унда-мунда парча-пурча қолган; кегайлари шалоқ. Ойбек, Қутлуғ қон. | Арзимайдиган, кичкина, озгина. Ҳозирча очан ерларни, менимча парча-пурча деб ҳисоблаш керак. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ПАРЧИН** [ф-т] 1: парчин қилмоқ айн. парчинламоқ 2. Пйёлани ерга уриб

парчин қилди. Ер парчин бўлиб ётмоқ қимирлашга холи бўлмай ётмоқ.

2 диал. Тақа; нағал. Отамнинг қўлида бир от турипти, Оёғига темир парчин урипти. «Алпомиш». Парчин миҳ нарсаларни бириктиргач, учли томони ялпоқлаб қўйиладиган деталь.

**ПАРЧИНЛАМОҚ I** Парчин билан бириктирмоқ, маҳкамламоқ. | Умуман маҳкамлаб қўймоқ, бириктирмоқ. Эшикни парчинлаб ташлади. — Саидийни факультетга парчинлаган катта миҳ — Мунисхон. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 кўйма Қапиштириб, ёпиштириб юбормоқ, эзиб ташламоқ, дабдала, ер билан яқсон қилмоқ; парчин қилмоқ. Тўғимиз миллионлаб ёвни парчинлар. Ф. Ғулум.

**ПАРЧИНЛАНМОҚ** парчинламоқ фл. мажҳ. н. Хусайн Бойқор олтин камара бир қўлини тираган ҳолда, эзилган, парчинлангандек бўлиб, кўзларини қайга яширишни билмай қолди. Ойбек, Навоий. Бу ййигит сариқ танли .. қизил кўзли, юзи парчинлангандек; юза бурунли эди. А. Қодирй, Ҳтган кунлар.

**ПАРҚИН** фольк. Отнинг қўлтиғи, қўлтиқ (афсонавий «учар» отда қанот ўрнашган жойи). Шакарбекнинг миңган оти Ҳар тарафга олиб қонди, Парқинидан кўлик сочди. «Ширин билан Шакар».

**ПАРҚУ** [ф-т] 1 сфм Оққушнинг пари билан тўлдирилган (ёстиқ, тўшак ҳақида). Парқу ёстиқ.

2 от Пар солиб тикилган болиш, пар ёстиқ. Сунабоп туркман гилам, кўрпа-тўшақлар қатма-қат, Ҳлттириб сўзлашгани ёнбошда парқу ҳам шинам. С. Абдулла. Ҳтирдилар бари, ёнбошда парқу Бошин қўйса, кишини элтәр уйқу. М. Алавия.

**ПАРХЕЗ** [ф-т] Соғлиққа тўғри келмайдиган овқатлардан ўзини тийиш ва унинг тартиби. Пархезни касалликка қараб врач бууоради. || Пархез овқат. Пархез овқат ейдиган кишилар учун молаштирилган ошхона. Пархез қилмоқ 1) соғлиғига тўғри келмайдиган овқатдан ўзини тиймоқ; 2) кўйма ҳазар қилмоқ, жирканмоқ. Бу киши ҳеч нарсадан пархез қилмайди.

**ПАРХЕЗДОР** [ф-т] Пархез билан овқатланадиган, пархездаги. Пархездорлар ошхонаси.

**ПАРХЕЗҚОР** [ф-т] эск. Ҳаёт лаззатларидан, маншатдан ўзини тиювчи; тақводор.

**ПАРХЕЗЛИ I** Пархезга оид, пархездорлар учун белгиланган. Пархезли овқат.

2 айн. пархездор. Пархезли бемор. || Бу ерда ёвгон шўрва ичадиган пархездилар йўқ. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ПАСАЙМОҚ I** Баландлиги нисбатан камайиб қолмоқ, чўкмоқ, Ҳтирмоқ. Ер зичланиб анча пасайди. — Ҳамма вақт шосулада талтайиб ўтирадиган йўғон гавдаси мана энди кичрайди, нортунядек новча бўйи пасайди. М. Ис-



молий, Фаргона т. о. | Пастроқ тушмоқ. *Самолёт пасайди.*

2 Камаймоқ, кучсизланмоқ, қайтмоқ (ходисаларнинг кучи, шиддати, даражаси, миқдори ва ш. к. ҳақида). *Оғригим пасайди. Кўйи ҳарорати ҳали пасайгани йўқ. Шамол анча пасайди. Боланинг иссиғи пасаймади. Радионинг овози пасайиб қолди. — Йўлдошевнинг йўғиси борган сари пасайиб, ниҳоят .. хўрсина-хўрсина жим бўлди. Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. Унинг вужудини қамраб олган ўт аста-секин пасайиб, кўнгли тобора совийбошлади. Х. Ғуллом, Машъал.*

3 Юқори амалдан пастроқ амалга тушиб қолмоқ. *Мартабаси пасайди.*

4 *Кўчма* Қибри-ҳавоси йўқолиб, шахти қайтиб, эпақага келиб қолмоқ, ҳовуридан тушмоқ. *Бир оз пасайинг. У анча пасайиб қолди. Попуги пасайди* шахтидан қайтди, ҳовуридан тушди, бўшашиб қолди. *Даъвогарнинг попуғи пасайди.*

**ПАСАЙТИРИЛМОҚ** пасайтирмоқ *фл. мажх. н.* Нархлар пасайтирилди.

**ПАСАЙТИРМОҚ** пасаймоқ *фл. орт. н.* *Аргимчоқни пасайтирмоқ.* Дори беморнинг ҳароратини пасайтирди. — Анча кўтиши керакми, — овозини пасайтириб сўради йигит. Ф. Мусажонов, Ҳури.

**ПАСАЙТМОҚ** пасаймоқ *фл. орт. н.* **ПАСПОРТ** [р<фр] 1 Эгасининг шахси ва граждонлигини кўрсатувчи ва тасдиқловчи ҳужжат. *Муддатсиз паспорт. Паспорт столи. Паспорт олмақ.*

2 Машина, асбоб ва ш. к.нинг қаерда ишланганлиги, қандай қисмлари борлиги ва тузилиши каби асосий маълумотлар қайд этилган регистрация гувоҳномаси. *Автомобиль паспорти. Қўл машина паспорти. Радиоло паспорти.*

**ПАССАЖ** [р<фр] Икки томонида қатор савдо дўконлари жойлашган ёпиқ бино, раста.

**ПАССАЖИР** [р<нем] Поезд, самолёт, пароход ва ш. к. транспорт воситаларида борувчи, қатновчи киши; йўловчи. *Пассажирларга хизмат кўрсатиши. — Бу хилват жойга поезд келтириб ташлаган уч пассажир; бир йигит, унинг хотини ва ўғли эди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Яна бир состав келиб пассажир поезд билан ёнма-ён тўхтади-да, Эргашнинг станцияга тушадиган йўлини тўсиб қўйди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ПАССАТ** [р<нем] *геоғр.* Тропик кенгликдан экваторга томон эсиб турадиган иссиқ шамол.

**ПАССИВ** I [р<лат] *бухг.* Бухгалтерияда: балансинг буромад, харажат, чиқим қисми; корхона, муассаса ва ш. к.нинг мажбурият ва қарзлари мажмуи; *акси актив III. Банк пассиви. Пассивга ёзмоқ.*

**ПАССИВ** II [р<пассивный] Воқеликка, ишга лоқайд қарайдиган; ғайратсиз, фаолиятсиз, юрагида ўти йўқ; *акси актив II. Пассив киши. Ишга юзакми, пасив қараш.*

**ПАССИВЛАШМОҚ** Ўз фаолиятини сусайтирмоқ, пассив, лоқайд бўлиб қолмоқ.

**ПАССИВЛИК** пассив II с. *белги оти.* *Ишдаги пассивлик. Пассивлик кўрсатмоқ.*

**ПАСТ** [ф-т] 1 Юқори томон ўлчами, қадди, бўйи унча баянд бўлмаган, баландлиги, бўйи нисбатан қисқа; пакана, пастак. *Паст девор. Паст бўйли дарахт. Бўйи паст одам. — Богнинг атрофи эски, паст, лекин ямалиб-яқалиб бутунланган деворлар билан ўралган.* Ойбек, Қутлуг қон. | Унча чуқур бўлмаган, саёз. *Паст дарё.*

2 Миқдори, даражаси унча катта бўлмаган, нисбатан кам, оз, қуйи. *Нархи паст мол. — Абдулвоҳид Хусайн.. оддий котиб бўлиб, паст маоши ила ишлар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Тузи паст тузи кам, керагидан оз туз солинган.*

3 Шиддати, кучи, даражаси унча катта бўлмаган, нисбатан кучсиз, заиф (иссиқлик, босим ва ш. к. ҳақида). *Паст температура.* | Унча баянд бўлмаган, бўш (овоз, нота ва ш. к. ҳақида). *Қулматқора эса гўр ичидан гапиргандай паст ва йўғон овоз билан давом этди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Сифати унчалик яхши бўлмаган; оддий, жўн. *Паст ипақдан тўқилган мато. Паст мол. — Менда паст нарса бўлмайти,— деди хўжайин.* Ойбек, Қутлуг қон.

5 («бахт», «омад», «толе» ва ш. к. сўзлар билан) Унчалик яхши эмас, юришмаган. *Толги паст.*

6 Серёғин, ёмон. *Бу йил ҳаво паст келди.*

7 тар. Синфий жамиятда: келиб чиқиши, насли-насаби, имтиёзли табақаларга хос бўлмаган, ноаслзода. *Зоти (таги) паст. — Муқимий терс йегирилиб чиқиб кетаркан, Ҳожид афандининг: Паст авом! — деб бақирганини эшитиб қолди.* Туйғун, Шоир ҳақида рақиқатлар. [Имом:] *Отасини кўндирмақиз, унинг таги паст, жазоси пулда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

8 салб. Арзимаган нарсанинг юзига борувчи; пасткаш. *Ҳаммага ҳам қилинган шуми, ёки мени шундай паст хотин деб ўйладингизми?* Ойдин, Икки кўзи шунда. *Паст кишида одамият нима қилсин!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Назари паст ёки паст назар айн.* паст 8. *Арзу ҳолинг эшитмас, Унда ишинг ҳеч битмас. Шунчалик назари паст — Нима берсанг олар у.* «Муштум», 1962, № 3.

9 от Нисбатан қуйи ўрнашган жой; пастлик; чуқурлик. *Пастга тушмоқ. — Тоғдан кумуш томчилар Пастга ғилдираб қолди.* Уйғун. | с. т. Ер, пол. *Челакни пастга қўй.*

10 от Уйнинг кираверишидаги эшикка яқин жой; пойгак. *Ибодилла ҳам акасидан бир қадам пастда тиз чўка қолди.* Х. Ғуллом, Машъал. *Этиги лой бўлганидан Йўлчи танчага ўтир-*

*май, наमतнинг учини қайириб, пастроққа чўкалади.* Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Авжи паст** 1) ўсиш, ривожланиш жиҳатидан орқада қолган, унча яхши ривожланмаган. *Авжи паст экинлар; 2) кўчма* кайфияти бузуқ, хар вақтдагидан кўра ҳафсаласи йўқроқ, суств. *Буғун дўстимнинг авжи пастроқ кўринади. Машқи паст айн. авжи паст* 2. **Қўли паст** 1) иши ўнгидан келмаган, омад кулиб боқмаган; 2) ютқизиш ҳолига келган, ютқизиш олдидан турган. **Паст келмоқ** бўш келмоқ, ён бермоқ (бахсада, жанжалда). **Паст тушмоқ** жахлидан, ҳовуридан тушмоқ. **Пастга урмоқ** камситмоқ, ерга урмоқ. [Вали ака:] *Бировнинг уйига бостириб кириб-ки, шунчалик пасткашлик қилишяптими, қўйинг, гаплашманг, нима қиласиз ўзингизни пастга уриб, жон ўғлим!* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ПАСТА** [р<итал] Медицина, косметика, расомлик ва ш. к.да қўлланиладиган ҳамирсимон масса (дўри, бўёқ ва ш. к.). *Тиш пастаси. Совун пастаси. Антисептик паста. Бўёқ пастаси.*

**ПАСТАК** [ф-т] с. т. Бўйи унчалик баянд бўлмаган, паст, пакана. *Элмурод Дўстматов, лой ва тор кўчада нотаниш ўстириш орқасидан одамлар экан, туман ичида .. пастак деворлар унинг кўз ўнгидан ўтар эди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Улар шўрсудан ўтиб, маълум боғнинг пастак четан эшиги олдидан тўхтаиди.* Х. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ПАСТАРИН** [ф-т] *эск. кт.* 1 Сифати, даражаси, маъқеи унчалик баянд бўлмаган; оддий. *Пастарин мол.*

2 Пасткаш одамларга хос; тубан, разил. *Азизбек .. қамалнинг иккинчи кўни ўрда томига чиқди, энг кейинги, ҳам энг пастарин чорани кўрмакчи эди, бу хоқон.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ПАСТ-БАЛАНД** I Бўйи, баландлиги хар хил, хар хил баландликдаги. *Паст-баланд болалар. — Уфқни ўз гавдаси билан тўсган паст-баланд тоғлар қоп-қорайиб, ридо кийгандек силлиқ кўринади.* Шухрат, Шинелли йиллар. | Турли табақадаги одамлар, катта-кичиклар. [Оқилова:] *Сиз маҳалланинг паст-баландини биласиз.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

2 Пастлик ва баландликлардан иборат; ўйдим-чуқур, нотекис. *Паст-баланд йўл.*

3 Турли икир-чикир, борди-келдилардан иборат бўлган. *Паст-баланд гаплар.*

**ПАСТ-БАЛАНДЛИК** Паст-баланд, нотекис жой. *Улар паст-баландликлардан туртиниш-суртиниш ошиб, қурилишдан узоқлашдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ПАСТКАШ** [ф-т] I Арзимаган нарсанинг ҳам юзига борадиган, арзимас нарсаларга ҳам ўзини, урадиган, назари паст. *Биздан сўнг яна учта-тўртта дўкандор кириб келади: ориқ-тирриқ, зикна, кўпчилиги пасткаш одамлар.* Ойбек, Болалик. | *сўк.* Разил, ярамас.

Шунақа бибурд, пасткамшидинг, Невматжон, илон бўлиб авраган экансан-ку мени. А. Муҳиддин, Куёв қочди.

**ПАСТКАШЛАШМОҚ** Пасткаш, назари паст бўла бормоқ, разиллашмоқ.

**ПАСТКАШЛИК** пасткаш с. белги оти. Пулдорларга эгилиш пасткашлик эмасми? Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПАСТКИ** 1 Пастда ўрнашган, нисбатан қуйидаги. Бинонинг пастки қавати. Дарахтнинг пастки шоҳлари.

— Сихларда кабоб келгач, Бозоров жаваоннинг пастки тортмасини очиб, бир шиша беш юлдузли коньяк олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Мингбоши пастки лабиниң ўнг қиррасини тишлаб, пича ямлиниб турди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Қуйи, бошланғич. Пастки курс. — Қори пастки синфларни ўқитар ва ҳар ёз ўқитувчилар қайта тайёрлов курсида ўқиб билимини ошириб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАСТЛАМОҚ** 1 Пастроқ тушмоқ, пастга томон ҳаракат қилмоқ; пасаймоқ. Самолёт пастлаб учиб ўтди. — Шу йўлдан пастлаб кетаверишда, маҳалла хонадонлари тугагач, .. узун бино кўрасиз. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 кўча Паст тушиб, пасайиб кетмоқ. Иш суръати пастлаб кетди. Сўнги йилларда у пастлаб кетди.

**ПАСТЛАНМОҚ** пастламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. кам қўл. Ҳали машинанинг қораси кўздан ўчмасдан, бирдан икки самолёт пастланди. Ойбек, Куёв қораймас.

**ПАСТЛАТМОҚ** пастламоқ фл. орт. н. Қанотини пастламоқ. Чироқни пастламоқ. — Ҳайдарбой эшикдан чиқар-чиқмас яна ҳовлиқиб ичкари кирди-да, .. овозини пастлатиб маълум қилди: — Райком экан! П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПАСТЛАШМОҚ** 1 пастламоқ фл. ўзл. н. Унинг авжи анча пастлашди. Самолёт пастлашди. Ҳаво пастлашди.

2 айн. пасткашлашмоқ, **ПАСТЛИК** 1 паст с. белги оти. — Бу одамгарчиликдан, виждондан эмас, бу пастлик, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Паст ер, ўр, чуқурлик. Қанизак пастликка тушиб кетганида орқасига бир қайрилиб қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Улар сув ёқалаб бориб пастликка тушдилар. Шухрат, Шинелли йиллар. Йўлчи отни елдириб, тепаликда кетаркан, орқада қолган пастликдаги боққа беихтиёр қаради. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПАСТКАМ** 1 Киши назари тушмайди-ган; одамлар кам бўладиган; хилват, овлоқ. Қаллақесарлар ишларини бажариб, Исломхўжанинг ўлигини мазори-стон ичида қолдириб, пасткам кўчалардан қочдилар. Ж. Шарипов, Хоразм. || Ҳоза қараб кампир ўғли жўнади. Пасткамдан паналаб кетиб боради. «Алпомиш».

2 диал. Унча баланд бўлмаган, пастак, паст ва кўримсиз (уй ва бинолар

ҳақида). Ўз шеърининг пасткам уйларда жаранлаганидан Аваз бениҳоя хурсанд, бу нарса унга яна илҳом бағишлар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. | Теварак атрофга нисбатан паст, чуқур. Пасткам жар лабида шум толу Анор ҳамда бир Итбурун ўсарди қатор. Я. Қурбон.

**ПАСТКАМЛИК** 1 пасткам с. белги оти. Кўчаларнинг пасткамлиги.

2 Киши назардан узоқ, пасткам жой. Сидиқжон Баҳрабодга кечки пайт, пасткамликдан, қалин дарахтзор ва адир оралиқларидан бошланган шом қоронғуси бердиққа тарқала бошлаганда, кирди келиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**ПАСХА** [р<қадимги яхудийча] дин. 1 Христиан динининг афсонавий асосчиси Христос тирилишига бағишланган байрам.

2 Яхудийларда: баҳорги диний байрам.

**ПАТ** 1 1 Парранданинг дум ва қанотларини ташкил қилган, мугузсимон узун найчанинг икки ёнидан икки қатор бўлиб ўсиб қақнадиган парлардан иборат аъзоси. Товуқ папи. Дум патлари. — Саид Амин сўйилган ўнчача беданани олдиға уйиб қўйиб патларини юлмоқда. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мато, гилам ва ш. к.нинг юзини қоплаб олган сунъий тук. Гиламнинг папи. — Чўққи соқол, бошига папи тўзиб кетган сурма ранг духоба дўппи кийган, кўзойнакли, олтинши ёшлардаги чол велосипед миниб келиб қолди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

◆ **Патини юлмоқ** бор-йўғини олиб қўймоқ, шилмоқ. Қитиқ патини юлмоқ нозик жўйини топиб тилини қисиб қилиб қўймоқ, мулойим қилиб қўймоқ. [Берди:] Мен буларининг қитиқ патини юлиб, ром қилиб олмоқчиман! А. Қодирий, Обид кетмон.

**ПАТ** II [р<лат] Шахматда: ўйин дуранг ҳисобланишининг бир тури. Ўйин пат бўлди.

**ПАТАК** 1 Оёқ кийими ичига тўшаладиган, қалин ва юмшоқ матодан, мас. кигиздан қирқиб солинадиган нарса.

2 сфт Чигиллашиб, бир-бирига ёпишиб кетган (соч, соқол, юнг ва ш. к. ҳақида). Чолнинг патак соқоли кирликдан оқини йўқотган. Ойбек, Қутлуғ қон. Унг қўлини аста узатиб, унинг патак бўлиб кетган сочларини силади. А. Мухтор, Туғилиш. Патак илдиз йўғон илдиздан Усиб чиққан майда зич илдизчалар.

◆ **Патагига қурт тушди айн. пайтава-** сига қурт тушди қ. пайтава.

**ПАТАРАТ:** патарат топмоқ с. т. пароканда бўлиб маҳв бўлмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ. Патарат топган бойлар. Эски урф-одатлар патарат топиб кетди.

— Омбор, сушилка қуриш учун берилган материалларни ўз ўрнида фойдаланмай патарат топтириб хижолат бўлиб юрган бетайин раисларни ҳам биламиз. А. Муҳиддин, Ошналар.

**ПАТЕНТ** [р<лат] 1 Ихтирочининг ўз ихтироси учун олган ҳуқуқини тас-

диқловчи ҳужжат. Қашфиётни ушун патент олмақ.

2 тар. Савдо-сотиқ ёки бирор касб-хунар билан шуғулланиш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. Илгариги катта дўконини ёпиб, патентини топширди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ПАТЕФОН** [р<фр] Граммофон пластинкасига ёзиб олинган музика, ашула, нутқ ва ш. к.ни эшиттирадиган аппарат. Патефон пластинкаси. Патефон қўймоқ. Патефон эшитмоқ. — Сенинг сапёрлигинг менинг созандалигимга ўхшаса керак. Мен ҳам патефон бўлса, ҳар қандай куйни нотасиз чала-вераман. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПАТИЛА** Ўрилмаган, шокила (соч, гажим ҳақида).

**ПАТИЛА-ПАТИЛА** Ўрилмаган, шокила-шокила. Рустам уни дарров таниди: Катя! Ўзи! Қўнғир сочлари патила-патила, новий кўзларида қуёш ёнади. В. Ғофуров, Вафодор.

**ПАТИЛЛАМОҚ** Пат-пат овоз чиқармоқ, патирламоқ. Ора-сира мотоцикл патилаб ўтиб қолади-да, чўл бағрига ўқдек санчилиб, бир зумда йўқ бўлиб кетади. С. Аҳмад, Чўл бургути. Хотин чарс беданадай патиллаб, қочмоқчи бўлганида юзини карнайғулнинг поясиға уриб олди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

**ПАТИЛЛАТМОҚ** патилламоқ фл. орт. н. — [Шамси] мотоциклни патиллатиб сулувиңизнинг олдиға кетди. — деди чол меҳмонга. С. Аҳмад, Чўл шамоллар.

**ПАТИНЖОН** диал. Потинжон.

**ПАТИР** I, патир нон Оширилмаган хамирдан чекичлаб тайёрланган юпқа нон. Ёғли патир. — [Жондор] хамири нуқул қаймоққа қорилиб оғизда эриб кетувчи оппоқ патир нонларни .. ушатиб ташлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Патир ушатиш этн.** унашиш, унаштириш маросими. Ҳадича келин Шакархоннинг сочини ўриб туриб: — Ҳа, нима гап, яна патир ушатиши бўляптими? — деди. Ойдин, Ўзи монанд. Хамир учидан патир катта нарсанинг, ишининг бошламаси, дастлабки кичик бир қисми, улуши. Бу ўтириш хамир учидан патир, катта зийфат кейин бўлади. — Бу хамирнинг учидан патир, ўз қўлим билан эккан ҳандалакнинг тўнғич ҳосили. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ПАТИР** II тақл. с. Кескин қанот қоқиш, тез айланиш ва ш. к. ҳаракат ва улардан чиқадиған товуш ҳақида. Қаттар патир этиб қўлдан чиқди.

**ПАТИРЛАМОҚ** 1 «Патир-патир» овоз чиқармоқ, патилламоқ. Бодроқ патирлаб очила бошлади. — Ўрмон шитирлаб қолди, Барглар патирлаб қолди. Ҳ. Олимжон.

2 Тез ва кетма-кет пайдо бўлмоқ. Тиниқ кўк жзида юлдузлар патирлай-бошлади.

**ПАТИРЛАТМОҚ** патирламоқ фл. орт. н. Мотоциклни патирлатиб кетмоқ.

**ПАТИРЛАШМОҚ** патирламоқ *фл.* бирг. н. Товуқлар патирлашиб тўрт тарафга учди, қатиқ солинган коса супадан тушиб, чил-чил бўлди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ПАТИР-ПАТИР** патир II с. тақр. Кушлар патир-патир учиб кетди. — Метин, беллар патир-патир Ишлайди канал ичинда. «Фольклор». Фаранг милтиқ патир-патир Отилди майдон ичинда. «Равшан».

**ПАТИР-ПУТУР** тақл. с. Тез, кескин ҳаракат ва ундан ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Хўрозларнинг патир-пугури. || Патир-пугури отишма. — Кунлардан бир кун қош қорайганда .. каптархона ичи бирдан тўс-тўполон, патир-пугури бўлиб қолди. Мирмуҳсин, Чинқиш. Патир-пугури ишламоқ тез, апиля-тапиля ишламоқ.

**ПАТЛИ** I Пат билан қопланган, патли бўлган. Қўркам патли қуш.

2 Сунғий тук билан қопланган, тукли. *Патли мовут.* — У [Аҳмад маҳдум] мадраса томининг жануби-шарқий бурчасида .. супа устига патли силлапча ёзиб ўтирган эди. Айний, Эсдалиқлар.

**ПАТНИС** [р поднос] I Идиш-товуқларни солиб ташиш ёки нон, қанд-қурс солиб дастурхонга қўйиш учун белгиланган кенг, ясси, чеглари сал қайрилган металл буюм. *Гулдор патнис.* — Хилма-хил, ранг-баранг қимматбахо мева-чевалар билан лим тўлган патнислар кетма-кет етказилиб турилади. Ойбек, Қутлуғ қон. Адолат ичкари кириб патнис тузаб, дастурхонга ўраб чиқди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ғуломжон қулиб туриб, олдидиги бўш қовуни қосаларини патнисга солди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Мехмонларнинг олдига қўйиш учун тузалган шундай идиш. Унинг [Мирзакаримбойнинг] кампири патнис ва бир чойнак чой олиб чиқди. Ойбек, Қутлуғ қон. Самовар патнис самовар остига қўйиладиган патнис.

3 Духовкада пишириладиган нарса териб қўйиладиган ясси тулука. *Сомсаларни патнисга териб духовкага қўймоқ.*

**ПАТОГЕНЕЗ** [р <грек] *мед.* Касалликнинг, касаллик жараёнининг пайдо бўлиши ва тадрижий такомилли, шунингдек, патологиянинг шу жараёни ўрганадиган бўлими.

**ПАТОЛОГ** [р] Патология врач, му-тахассиси.

**ПАТОЛОГИК** [р патологический] *мед.* I Патологияга оид. *Патологик анатомия. Патологик физиология.*

2 Нормадан ташқари, носог организмга хос. *Патологик белгилар. Патологик ҳодиса.*

**ПАТОЛОГИЯ** [р <грек] *мед.* I Организмдаги касаллик жараёнининг, нормадан чиқиш ҳолатлари ва сабабларини ўрганадиган фан.

2 Нормадан четга чиқиш ҳолати, анормал тузилиш; анормаллик.

**ПАТ-ПАТ** тақл. с. Мотордан отилиб чиқаётган газнинг узиқ-узиқ товуши

ҳақида. *Раъно идорага яқинлашар экан, бирдан пат-пат қилган мотор товуши жимликни бузди.* О. Еқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**ПАТРАК** *диал.* Варрак.

**ПАТРИАҲ** [р <грек] I тар. Уруғчилик жамиятида уруғ бошлиғи.

2 Православ черковида: энг олий ҳуқуққа эга бўлган руҳоний ва унинг уновони.

**ПАТРИАРХАЛ** [р патриархальный] Патриархатга, хўжалик ва ижтимоий муносабатларда эрларнинг ҳукмронлик даврига оид. *Патриархал тузум. Патриархал шаҳар.*

**ПАТРИАРХАТ** [р <грек] I тар. Ибтидоий тузумнинг патриархатдан кейинги, оилада, хўжалик ва ижтимоий муносабатларда эрлар ҳукмронлик қилган давр, оталик даври; тақ. *матриархат.*

2 Патриарх қўл остидаги черков.

**ПАТРОН** [р <фр] I ҳарб. Гильза ва унга жойланган порох заряди, пистон ва отилиб чиқадиغان ўқ. *Милтиқ патрони. Пистолет патрони. Унта патрон жойланадиган магазинли автомат.* — *Қоровуллар қўлларидиги милтиқларни яна бир карра кўздан кечириб, эҳтиёт патронларини ҳозирладилар.* Айний, Қуллар.

2 *тех.* Токарлик ёки пармалаш станокларининг ишлов бериладиган детални ёки кесувчи асбобни тутиб турадиган қисқичи. *Парман патронга ўрнаштирамоқ.*

3 Электр лампочкасини бураб киритиладиган ва уни электр тармоғига уланадиган қисм.

**ПАТРОНАЖ** [р <фр] Уйда даволанаётган беморларга ва шунингдек уйда тарбияланаётган гўдакларга кўрсатиладиган медицина хизмати.

**ПАТРОНТАШ** [р <нем] Милтиқ ва тўппонча ўқлари жойлаб олиб юриладиган махсус асбоб ёки камар, ўқдон. *Лола югуранчица ўтовига кириб, қозиқдан милтиқ, патронташни олиб чиқди.* Е. Шукуров, Довюррак қиз. *Ўқ-дорилар ҳам етарли эканлиги кўриниб турарди: баъзилар катта патронташларини елкага осиб .. олган эдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПАТРУЛЬ** [р <фр] Маълум районнинг хавфсизлигини таъминлаш ва тартиб сақлаш учун қўйилган кишилар ёки самолёт, кема ва ш. к. группаси. *Қуролли патруль. Милиция патрули. Дружиначилар патрули.* — *Билагига қизил лента боғлаган патруль — матрослар вокзалга яқин келган халқ тўлқинини кузатар ва тартибга солиб турар эди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

**ПАТТА** с. т. I Билет; чек; талон. *Поезд паттаси. Бозор паттаси.*

2 Гувохонма, хужжат. — *Кўвинг Маъмуржон билан заеснинг никоҳ паттасини оласизлар, — деди Мамасайд.* П. Турсун, Уқитувчи.

◆ **Паттасини (қўлига) бермоқ (ёки тутқизмоқ)** рухсатини бермоқ, бўшат-

моқ, ҳайдамоқ, жўнатмоқ. *Ғиди-биди қилса, паттаси ўша кун қўлига тутқазилади.* — *Раиснинг паттасини қўлига бериб юборганимизга бу йил роса тўрт йил бўлди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. **Паттаси (қўлига)** тегди рухсат берилди, бўшатилди, жўнатилди.

**ПАТТАЧИ** с. т. Патта, билет, чек, талон берадиган киши. — *Бунга [трамвайга] тушиб, бир гашт қилардик, мулла жириг йўқ. Осилсик паттачидан калтак еймиз, — деди ўртоқларимиздан бири.* Ойбек, Болалик. — *Бозор дарвозаси олдига туран паттачидани олдига қовун билан тароузани омонат қўйиб ичкари кирдик, — деди Шум бола.* Ғ. Ғуллом, Шум бола.

**ПАТТОЙИ:** паттоийи кавушичи *судраб қолмоқ* бор-йўғидан айрилиб, почор ахволга тушиб қолмоқ, миррасига тақалмоқ.

**ПАУЗА** [р <лат] I Нутқ орасидаги узилиш, танаффус, сукут. *Пауза қўзилиб кета бошлагандан кейин Ғавҳар ўрнидан туриб, орқасига ўеирилди да: — Ҳа, қани, ким қайси мавзуга қизиқади? — деб сўради.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

2 муз. Қуй, ашула ўртасида узилиш, тўхташ ва унинг нотадаги белгиси.

**ПАФОС** [р <грек] *кт.* Кўтаринки рух, жўшқинлик, завқ-шавқ. *Пафос билан гапирмоқ.* — *Ҳамма тиримда унумли меҳнат пафоси билан яшамокда.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ПАФОСЛИ** *кт.* Завқ-шавқ билан тўлган, кўтаринки, жўшқин. *Пафосли шеърлар.*

**ПАХМАЙМОҚ** Тартибсиз ўсиб кетмоқ, чигал ва тўзиган ҳолга келмоқ, хурпаймоқ (соч, соқол, юнг ҳақида). *Қийимларим йиртилиб, тиззаларимнинг кўзи шиллиниб, соқолларим пахмайиб кетди.* И. Раҳим, Оловкор.

**ПАХМАЙТИРМОҚ** пахмаймоқ *фл.* орт. н. *Социни пахмайтириб қўймоқ.*

**ПАХМОҚ** I I Тартибсиз ўсиб кетган, ўсиқ, хурпайган (соч, соқол, юнг ҳақида). *Пахмоқ соч.* — *Чўпон ота .. пахмоқ соқолларини силаб, багрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади.* Ойдин, Ширинга мактуб. *Қози поччам айтадилар: «Кўйдингми аҳмоқ?» — «Кўймас эдим, жон тўражон, сочлари пахмоқ».* «Фольклор». I Шох-шаббаси тартибсиз ўсиб тарвақайлаган сада шаклидаги. *Сидиқжон катта йўлдан анча четда, каттакон пахмоқ бир дарахт остида милтиллаб турган чирроққа томон бурилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон.

2 Юнги ёки соч-соқоли ўсиқ, бароқ. *Жунлари ўсиқ пахмоқ қўйлар бўйинларини чўзганча сув тўлатилган охурларга интилади.* С. Анорбоев, Ҳаракатда баракат. *Тупроққа қоришиб ётган катта, пахмоқ кучук занжириини шалдиратиб ўрнидан турди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПАХМОҚ** II Бир томони тукли ип газлама; бумазей. *Пахмоқ қўйлак.*

**ПАХСА** [ф-т] Пишитилган лойдан устма-уст босиб қурилган девор ва унинг ҳар бир қаваги, қатори. *Бир пахса девор. Пахса қўймоқ (урмоқ).*

— *Икки пахса бўлган пастигина девор бир ирғишда ошилди.* Айний, Қуллар. Пахса деворлар нураб, қатор туяларнинг ўрқачларидек баланд-наст бўлиб қолган. Х. Фулом, Машъал.

◆ **Қўлини пахса қилмоқ** қўлини тингловчи томон чўзиб дағдаға билан гапирмоқ. Қомил ўрнидан дик этиб турди-да, қўлини пахса қилиб, раисни сўқди. Х. Фулом, Машъал.

**ПАХСАЗАН** [ф-т] эск. Пахсакаш, деворзан.

**ПАХСАКАШ** [ф-т] Пахса девор урувчи, деворзан.

**ПАХСАЛИ** Пахсалардан қурилган. *Ичкари ҳовли тўққиз пахсали девор билан ўралган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Хув оқарган қўшқаватли қўрғонча, Деворлари тўрт пахсали, мустақкам.* Ф. Фулом.

**ПАХСАЧИ** Пахса девор урувчи, деворзан.

**ПАХТА** 1) Ғўза ўсимлигининг чигитда ҳосил бўладиган толалардан ташкил топган оппоқ юмшоқ маҳсули. *Узун толали пахта. Чигитли пахта. Чигитсиз пахта. Пахта териш. Эски пахта бўз бўлмас, асли душман дўст бўлмас.* Мақол. — *У кечқурун терган пахтасини табелчиға ўтказиб, ювиниб-тараниб .. қишлоққа жўнади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ипак пахта** толаси ингичка, узун ва пишиқ пахта. *Тилда дoston Фарғона — Ипак пахта диёри.* Ё. Мирза. **Пахта тозалаш** 1) пахтани ҳас-хашак, чанг-тўзондан тозалаш; 2) пахтани чигитдан айриш. *Пахта тозалаш заводи.*

2) Чигитдан ажратилган шу маҳсулот; момиқ. *Пахтадан ип иширмоқ.*

3) с. т. айн. ғўза 1. *Узоқ-узоқда ҳали кун кўтарилмаганига қарамай, .. қўларига кетмон ушлаган йиғитлар пахта суғуриб юрийдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ **Қўзининг пахтасини чиқармоқ** қ. кўз. **Пахта олма** узоқ сақланмайдиган эрта пишар маҳаллий олма нави. *Пахта олма пишиди, шотут қизарди, Учинчи чопиқни бошладик кеча.* Ф. Фулом.

**ПАХТАДОҒ** Пахтани ўтга тоблаб ёки қизитилган ёққа булаб, шишга, ярага қўйилдиган иситувчи компресс. *Пахтадоғ шишни қайтаради. Пахтадоғ қилмоқ* қизитилган ёққа булаган ёки ўтга тобланган пахта билан компресс қилмоқ.

**ПАХТАЗОР** Ғўза экилган жой, ғўза билан банд ер, дала. || *Пахтазор водий. Муҳаббат опа ўрнидан туриб пахтазорга қаради, унинг ҳали пахта терайтганини кўргач: — Овқатга кел, Фотима! — деб чақирди уни.* Айний, Қуллар.

**ПАХТАК** Дуккаклиларга мансуб бўёқчиликда хомашё сифатида ишлатилдиган бута.

**ПАХТАКАШ** тар. Чувилмаган кўсақларни сотиб олиб, чувиб ёки чувитиб, баъзан чигитдан ҳам ажратиб сотиш билан шуғулланган киши, савдогар; пахтафуруш. — *Илоҳи товба, — деди бир пахтакаш, бола-чақалар бир ҳафта тирноқ кўчириб ғўза чувиганлар.* Айний, Қуллар.

**ПАХТАКОР** 1) Чигит экиш иши билан шуғулланувчи, пахта етиштирувчи деҳқон. || *Пахтакор бригада. — Олтин пахта ифтихоринг, Шухратлидир пахтакоринг, Кундек равшан истиқболинг, Камол топгин республикам.* Ё. Мирза. *«Биз хўжалик йилида колхозимизни каттакор бақувват пахтакор колхозга айлантиришимиз .. керак», — деди [Бўтабой].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2) Чигит экиб пахта етиштирилади-ган. *Пахтакор ерлар.*

**ПАХТАКОРЛИК** 1) пахтакор с. касб оти. *Донддор пахтакорлигимиз оламга машхур.*

2) айн. пахтачилик 2.

**ПАХТАЛИ** Пахтаси бўлган, пахта солинган. *Пахтали шим. Пахтали чопон. — Очил эса ёқаси ва енгларига қўнғир клеёнкадан жияк қўйиб тикилган эски пахтали фуфайкада, оддий трико шим ва фуражкада эди.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ПАХТАЛИК** с. т. Авра ва астар орасига пахта солиб тикилган қишлоқ уст кийим. *Кумуш тонг билан бирга уйғонган Фароғат калта пахталигини кийиб, далага чиқиб кетди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси.

**ПАХТАТИКАН** Пояси қисқа, барглари майда тиканли ёввойи ўт.

**ПАХТАФУРУШ** 1) тар. Пахта савдоси билан шуғулланган киши. *Мен Абдурашид пахтафуруш деган бойнинг аравасини минар эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2) Пахта сотувчи.

**ПАХТАЧИ** 1) эск. Пахта тозалаш ва пахта савдоси билан шуғулланган бой. *Дада, энди пахта заводи қурмасак бўлмайди. Модомики, пахтачи бўлдим, заводсиз илож йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2) с. т. Ғўза экиш, пахта етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон; пахтакор. *Қампирнинг бир қизи колхоз раиси, бири қишлоқ советининг аъзоси, биттаси колхознинг сут фермасида ишлайди, ўғли тажрибакор пахтачи.* Ф. Расул, Тўнғич ўғил.

**ПАХТАЧИЛИК** 1) пахтачи с. касб оти. *Пахтачилик билан шуғулланмоқ.*

2) Қишлоқ хўжалигининг ғўза экиш, пахта етиштириш иши билан шуғулланувчи тармоғи. *Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликдир. Пахтачиликнинг ривожланиши. Пахтачиликни механизациялаштириши. Пахтачилик совхози. Пахтачилик илмий-текишириш институти.*

**ПАХТАШУНОС** Пахта илми ва пахтачилик иши билан шуғулланувчи му-тахассис.

**ПАЦИФИЗМ** [р<лат] Ҳар қандай урушни, шу жумладан, миллий озодлик, революцион ва бошқа адолатли урушларни рад этувчи, капиталистик тузум шароитида ҳам тинчлик бўлиши мумкин деб тарғиб қилувчи буржуа оқими. *Ишчилар синфини аҳмоқ қилиш формаларидан бири — пацифизм ва сулҳ тўғрисида абстракт тарғибот юргизишдир.* В. И. Ленин, РСДРП чет эл секцияларининг конференцияси.

**ПАЦИФИСТ** [р] Пацифизм тарафдори.

**ПАЦИФИСТИК** [р пацифистский] Пацифизмга ва пацифистга оид. *Пацифистик қараш. Пацифистик ҳаракат.*

**ПАЧАВА** Ниҳоят даражада ёмон, расво (иш, аҳвол ҳақида). *[Шокир ота] Ёлғиз ўзи эмас, балки бутун аҳли касибнинг аҳволи пачава эканини очиб ташлади.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Пачава-си чикди** ниҳоят даражада ёмонлашди, расво бўлди, расвоси чиқди. *Ахир, салгина ношудлик ишининг пачавасини чиқариб қўяди.* Н. Фозилов, Оқим.

**ПАЧАКИЛАШМОҚ** Бекорга тортишмоқ, ади-бади айтишмоқ. *Соҳиб қори бетга чопар Бегимхон билан пачакилашиб ўтиргиси келмай, ташкарига чиқа бошлаган эди, Бегимхон уни этагидан судраб яна айвонга олиб чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Э, шу билан пачакилашиб ўтирадиган аҳмоқ борми.* Н. Сафаров, Уйғониш.

**ПАЧАҚ** 1) Букилиб, эзилиб ёки синиб ичига ботган; мажақ. *Пачақ челақ. Машинанинг қаноти урилиб пачақ бўлибди. — Йигит узоқда ҳайбатли темир уюмлари сингари ағанаб ётган пачақ паровозларга тикилди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *У [самоварчи] устанининг қўлига туша-туша хўп эзилган, қорни пачақ, чиркин катта самоварнинг олдида ёғоч елкасини қисиб ўтирарди.* Ойбек, Қутлуғ қон. | **Синиқ, синган. Пачақ, тухум. Пачағи чикди** 1) пачақ бўлди. *Челақнинг пачағи чиқди; 2) кўчма абжағи чикди, тор-мор бўлди. Урушда пачағи чиққан бу «эобит»лар ҳали ҳам ўзларини кўкларда ҳис қилар, ҳали ҳам ғолилардек мағрур эдилар.* Х. Фулом, Машъал. | **Уринган, эзилган. Пачақ олма.**

2) кўчма Яхши ўсмай, ривожланмай майда бўлиб қолган; реза, ушоқ. *Пачақ бола. Пачақ ўсимлик. — Ҳавас қилиб келган Бургутим ҳар қуни кўриб юрган оддий кишилардай, жуссаси ҳам, юзи ҳам, кўзи ҳам, қарашлари ҳам оддий, пачақ бир йигит бўлиб чиқди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ПАЧАҚЛАМОҚ** 1) Пачақ қилмоқ, мажақ қилмоқ, эзмоқ. *Бола тухумни пачақлади.*

2) кўчма Тор-мор қилмоқ, абжағини чиқармоқ. *Душман армиясини пачақламоқ.*

**ПАЧАҚЛАНМОҚ** пачақламоқ фл. мажх. н. Ойим бошимга жўва билан урганда қалтоқ тагида бўлган тухум пачақланган эди. Ф. Фулом, Шум бола.

**ПАЧАҚ-ПАЧАҚ** Ҳамма ёғи пачақ бўлган, пачағи чиққан; абжақ. *Тарелка тошга урилиб пачақ-пачақ бўлди.* — *Шашвар тўқмоқ билан бошига урдим, боши пачақ-пачақ бўлиб кетди.* «Эртақлар».

**ПАЧКА** [р] Тахланган, ўралган, боғланган ёки қутигага жойланган бир турдаги нарсалар. *Ун пачка қалам. Тўрт пачка папирос. Бир пачка чой.*

**ПАЧКАЛМОҚ** Бир хилдаги нарсаларни тахлаб, ўраб боғламоқ ёки қутичаларга жойламоқ. *Уч сўмликларни пачкаламоқ. Дафтарларни пачкаламоқ. Сигареталарни пачкаламоқ. Чой пачкаламоқ.* — *Зоҳир ака қирқиб четин, Пачкалаб тез бирин-кетин, Ҳар томонга жўнатади, Китобхонни қувантади.* О. Юнусов.

**ПАЧКАЛИ** Пачкаларга жойланган, пачкаланган. *Пачкали қалам. Пачкали печенеъ.*

**ПАШМАҚ I** [ф-т] Ёғда қовурилган ун ва қиёмдан тайёрланган тола-тола маҳаллий ширинлик. *Боққоллар кичкина-кичкина дўжончаларида ярим кечага қадар савдо қиладилар. Пашмақ, турли-туман.. ҳовалар, ниста-бодом, ачиқ-чуқ мағизлар, новотлар, парвардалар, отнон, хўроз қандлар сероб.* Ойбек, Болалик.

**ПАШМАҚ II** [ф-т] бот. Шўралар оиласига мансуб, танаси қалин тола ва тангачалар билан қопланган, бир йиллик ўсимлик.

**ПАШМАЛОҚ** Бошқаларга нисбатан энг кейинги ўринда турган, ҳали кўзга кўринмаган, мавқеи, мартабаси паст; оддий. *Пашмалоқ савдогар.* — *Мен энди.. мадрасада пашмалоқ маҳдумлардан бўлиб қолдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ПАШША** [ф-т] Ёзда жуда кўпайиб кетадиган қўш парда қанотли ҳашарот. *Йўл пашиша. Пашишаларни қўримоқ. Қора пашиша.* — *Атрофда гув-гув пашиша: оёқларга ёпишади, бурун катакаларига суқулади, қулоқни узади.* Ойбек, Қутлуг қон. *Ҳаммаёқ жим. Фақат пашиша ғинғилайди.* А. Қаҳҳор, Бемор.

◆ **Ошга пашиша тушди** бегона киши аралашиб ишни бузди, ишнинг белига тепди. — *Эсизгина, энди гаплаша бошлаган эдик-а. Ошга пашиша тушди,— деди Элмурод бошини чайқаб.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Пашиша қўриб ўтирмоқ* бекор кун ўтказмоқ. [Бобоқул ота:] *Ҳамма далага ёпишиб ётган бўлса-ю, мен идорада пашиша қўриб ўтирсам келишимас.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Пашшадан фил ясамоқ ёки пашшани (ёки пашшадай нарсани) фил қилмоқ* арзимас нарсани ошириб юбормоқ, улғайтириб кўрсатмоқ, ҳаддан ташқари муболаға қилмоқ. *Уззукун пашишани фил қилиб, қайқдаги гапларни чулғатиб юрдингиз, мана энди эл олдида юзингиз шувут.* А. Муҳиддин, Қўнғиллар.

**ПАШШАХОНА** [ф-т] Пашша ва чивиндан сақланиш учун тутиладиган

махсус чодир. *Пашишахонада ухламоқ.* — *Пашишахонага қамалиб олган искабтопар, Иқболнинг юзини чақиб, уйғотиб юборган эди.* С. Абдулла, Иқбол.

**ПАШШАХҲУРДА** [ф-т] Бирор жойга тез-тез келиб турадиган, хира бўлиб ёпишиб олган одам. *Пашишахўрда бўлмоқ.* — [Уста:] *Пашишахўрдларни қувиб, полвоннинг жиловини тортиб қўясан.* О. Ёқубов, Ларза. *Қарвонсаройларда нияти бузуқ, шубҳали одамлар ҳам пашишахўрда бўларди.* М. Осим, Утрор.

**ПАШШАҚҲУНМАС** Тиканақли, хушбуй йирик гулли бутасимон ўсимлик.

**ПАҚ тақл. с.** Портлаш, отилиш ва ш. к. ҳолларда эшитиладиган кескин товуш ҳақида. *Шар «пақ» этиб ёрилиб кетди.* — *Милтиқидан «пақ» этган овоз чиққан, бир одам дарахтнинг катта томирига.. мункиб тушиб, қимирламай қолди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Эндигина қизикнинг оёғи бошига етганда, бир нарсани «пақ» этиб кетади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**ПАҚИЛЛАМОҚ** «Пақ» этган товуш чиқармоқ. *Йўлнинг ярмига борганда мотор, тумов бўлгандек бир-икки пақиллаб, машина тўхтаб қолди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Аваллига пақиллаган, кейин вишиллаган, сўнг қўлт-қўлт этган овоз чиқди.* С. Маҳкамов, Естиқ ичида игна.

**ПАҚИЛЛАТМОҚ** пақилламоқ *фл. орт. н.* *Милтиқ билан пақиллатиб отмоқ.*

**ПАҚИР I** Сув ва бошқа суюқликлар ташиш ва асраш учун ишлатиладиган, бандли цилиндрик идиш; челақ. *Афанди бир кун кечаси, қудуқдан сув олгани пақир солган эди, сувда ойнинг аксини кўрди.* «Латифалар».

**ПАҚИР II** эск. Икки тийинлик чақа. *Сўзима ишон, бошқа бир пақир ҳам пулим йўқ.* И. Акрам, Адолат. *Шундай хурсандликдан бир-икки марта бўлса, менинг ёнимда бир пақир ҳам қолмас экан.* «Латифалар».

◆ **Бир пақирга қиммат (ёки арзимайди)** ҳеч нарсага арзимайди, жуда ёмон, арзимас.

**ПАҚПАҚ I** Болаларнинг бир бўлак лойни пиёла шаклига келтириб, тўнтариб ерга уриб пақиллатиш ўйини. *Пақпақ ўйнамоқ.*

**ПАҚПАҚ II** Қўсақка ўхшаш ичи бўш мевали кўп йиллик ўсимлик.

**ПАҚҚОС** рви Бус-бутун, қолдиқсиз; бутунлай. *Семиз кийикнинг юмшоқ ёштидан пиширилган овқат, ҳазил ва кулги аралаш, паққос ейилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Унинг ёнида бўлсанг, ўтмишини паққос унутасан, соб бўлган одам эмаслигини дарров пайқайсан.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ПАҒА I** эск. Чархда ип йиғириш учун тахтакачада пилталаб, юмалоқлаб қўйилган бир сиқим чигитсиз пахта, пахта пилтаси.

2 Пахта каби юмшоқ ёки тарқалув-

чан нарсаларнинг бир парчаси, уюми ёки тўдаси. *Пахта пағалари. Тутун пағаси.* — *Даштнинг у ер-бу ерида.. қор пағалари ётар эди.* Х. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси. *Тоғ томонидан кўтарилиб, қуёш бетини қоплаб турган бир паға булут чўкканда, Тиктепа ерлари нур ичига чўмиб кўринади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ПАҒАМОЛ** эск. Чигитсиз пахташи химариб, пилталаб, юмалоқлаш учун ишлатиладиган қаламсимон асбоб; пилтакач.

**ПАҒА-ПАҒА** Тўда-тўда, парча-парча (пахта, булут, тутун ва ш. к. ҳақида). *Паға-паға пахта. Паға-паға қор.* — *Паға-паға тутунлар Қўтарилар мўридан.* С. Акбарий. || *Паға-паға тарилар тутун, Қушдай сузиб борар паровоз.* Ё. Мирза. *Қорамтир булутлар.. паға-паға бўлиб тез сузиб кетди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ПАҒАЧУП** айн. пағамол.

**ПАҒЛАВОН** [ф-т] I Барваста ва зарбардаст; баҳодир. *Пағлавон ўғлон.* — *Ўзи ҳам худди шерга ўхшаган, чиройли пағлавон йигит экан.* С. Исмоил, зода, Темур.

2 Ботир, қаҳрамон. *Пағлавон жангчи.* — *Болалигида у дадасини киноларда кўргани пағлавон қомат яловбардорлар қиёфасида тасаввур қиларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Йигит куйласин жангда Чин пағлавон бўлдим, деб.* Ҳ. Пўлат.

**ПАҒЛАВОНЛАРДАЙ**, -дек айн. пағлавонларча.

**ПАҒЛАВОНЛАРЧА** рви Пағлавонлар каби, пағлавонлардек. [Бадрий:] *1919 йилдан бери партия сафида туриб, босмачилар билан пағлавонларча курашган мендек бир зиёлига бу қадар тўхмат!* Н. Сафаров, Ўғғонич.

**ПАҒЛАВОНЛИК** пағлавон с. белги оти. *Пағлавонлик кўрсатмоқ.*

**ПАҒПАҒЛАМОҚ** с. т. Ҳаддан ташқари аямоқ, авайламоқ, ардоқламоқ. *Болани пағпағлаб ўстирмоқ.*

**ПАҒПАҒЛАТМОҚ** пағпағламоқ *фл. орт. н.*

**ПЕ** «П» ҳарфининг номи.

**ПЕДАГОГ** [р] Ўқитувчилик қиладиган, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланадиган киши; ўқитувчи. *Моҳир педагог. Мактаб педагоглари коллективи.*

**ПЕДАГОГИК** [р педагогический] I Педагогга оид. *Педагогик коллектив. Педагогик фаолият. Педагогик маҳорат. Педагогик практика. Педагогик институт.*

2 Педагогикага оид. *Педагогик адабиётлар. Педагогик билимлар.*

**ПЕДАГОГИКА** [р<грек] Ёш авлоднинг тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан.

**ПЕДАГОГИК** педагог с. касб оти. *Педагогик қилмоқ.*

**ПЕДАЛЬ** [р<фр] Машина, музыка асбоблари ва ш. к.нинг оёқ билан босиладиган ричағи, тепкиси. *Велосипед педали. Пианино педали. Педальни босмоқ.*



**ПЕДА́НТ** [p] Расмиятга, амалдаги тартиб ва қоидаларга изчил риоя қилувчи, ўтакетган синчков одам.

**ПЕДА́НТИЗМ** [p<итал] Расмиятга, амалдаги тартиб ва қоидаларга ёпишиб олиш, ўтакетган синчковлик, расмиятчилик.

**ПЕДА́НТЛИК** *педант с. белги оти.*

**ПЕЙЗАЖ** [p<фр] 1 Бирор жойнинг умумий кўриниши; кўриниш, манзара. *Тоғ пейзажи. Индустрия пейзажи.*

2 Тасвирий санъатнинг табиат манзараларини тасвирлаш билан шуғулланувчи жанри ва шу жанрга оид тасвир. | Шундай манзаранинг бадий тасвири. *Ҳамид Олимжон бу шеърда Ўзбекистоннинг пейзажини яратишда моҳир бир санъаткор сифатида гавдаланади. «Ватан адабиёти».*

**ПЕЙЗАЖЧИ** Пейзаж чизадиган раском.

**ПЕНИЦИЛЛИН** [p<лат] Баъзи пўпанак замбуруғидан олинadиган, асосан яллиғланиш, йирингаш билан боғлиқ бўлган касалликларни даволаш учун қўлланадиган дори.

**ПЕНСИОНЕР** [p] Пенсия олувчи киши. *Мен 72 ёшдаман, пенсионерман. Лекин, уч ой бўлди, яна заводда ишга қайтдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПЕНСИЯ** [p<лат] Гражданларнинг қариганлиги, ишга яроқсиз бўлиб қолганлиги ва ш. к. учун давлат томонидан бериб туриладиган пул; нафақа. *Давлат пенсияси. Пенсия олмақ. Пенсияга чиқмоқ.*

**ПЕНЯ** [p] Тўловни белгиланган вақтда тўламаганлик учун маълум процент миқдорда олинадиган жарима.

**ПЕРГАМЕНТ** [p<грек] 1 Қоғоз ихтиро қилинмаган вақтларда махсус йўл билан тайёрланиб, қоғоз ўрнида ишлатилган хайвон териси; тери қоғоз.

2 Шундай териға ёзилган қадимги қўлёзма.

3 Сув ва мой ўтказмайдиган пишиқ юпка қоғоз.

**ПЕРЕВОД** [p] Почта ёки телеграф орқали пул юбориш ҳамда шу йўл билан юборилган ёки олинган пул. *Перевод қилмоқ.*

**ПЕРЕСАДКА** [p] Мўлжалланган манзилга бориш учун йўлда бир транспортдан бошқасига ўтиш.

**ПЕРИГЕЙ** [p<грек] *астр.* Ер атрофида орбита бўйлаб айланувчи жисмларнинг, Ой ёки сунъий йўлдошнинг Ерга энг яқин нуқтаси; *акси апогей.*

**ПЕРИМЕТР** [p<грек] *мат.* Ясси геометрик шаклнинг ҳамма томонлари узунлигининг йиғиндиси.

**ПЕРИМЕТРИК** [p периметрический] *мат.* Периметрга оид. *Периметрик ўлчов.*

**ПЕРМАНЕНТ** [p перманентный] Узок ва узлуксиз давом этадиган; узлуксиз. *Перманент революция. Перманент ривожланиш.*

**ПЕРО** [p] Сиёҳ, тушь ва ш. к. билан хат ёзиш учун ручка учига ўрнатиб ишлатиладиган ёзув-чизув асбоби. *Пў-*

*лат перо. Чизмакашлик пероси. Перо билан ёзмоқ.*

**ПЕРПЕНДИКУЛЯР** I [p<лат] *мат.* Бирор тўғри чизиқ ёки текислик билан тўғри бурчак ҳосил қилувчи чизиқ. *Текисликка перпендикуляр туширмоқ.*

**ПЕРПЕНДИКУЛЯР** II [p перпендикулярный] Тик, шоқул. *Перпендикуляр чизиқ. Ўзаро перпендикуляр текисликлар.*

**ПЕРРО́Н** [p<фр] Темир йўл станциясида: поезд келиб тўхтайдиган ва жўнайидиган майдонча, поезд кутувчи йўловчилар турадиган платформа. *Поезд келишидан хабар топган пассажирлар бирин-кетин перронга чиқа бошлади. Ў. Ҳошимов, Пўлат изларда: Қизнинг назарида она перронда ҳамон рўймоғ силкиб тургандек эди. С. Аҳмад, Кадрон даладар.*

**ПЕРСОНАЖ** [p<фр] Бадий асарда (хикоя, роман, пьеса, кинофильм ва ш. к.да) иштирок этувчи шахс. *Пьеса персонажлари. А. П. Чехов асарларидаги персонажлар.*

**ПЕРСОНАЛ** I [p<лат] Корхона, муассаса ходимлари ёки уларнинг ихтисосига кўра бир группаси. *Театр персонали. Ўқитувчилар персонали. Маъмурий персонал.*

**ПЕРСОНАЛ** II [p персональный] Бирор кишига тегишли, унинг ўзи учун белгиланган, шахсий. *Персонал пенсия.*

**ПЕРСПЕКТИВ** [p перспективный] Келгусида қилинадиган ишларга доир, келгусидаги тараққиётни кўзда тутувчи; истиқболдаги. *Перспектив план.*

**ПЕРСПЕКТИВА** [p<фр] I Келажакдан кутялган ёки келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад, ният, режа, келажакнинг плани; келажак, истиқбол. *Тараққиёт перспективаси. — В. И. Ленин партиёга бундан кейинги курашнинг равшан перспективасини кўрсатиб берди. «КПСС тарихи».*

2 *геом.* Нарсанинг, у ҳақиқатда қандай кўринса, худди шундай тасаввур берадиган тасвири ва чизмакашлик. | Геометриянинг шундай тасвирлар ясаш қоидалари ҳақидаги бўлими.

**ПЕС** I *мед.* Пигмент етишмаслиги натижасида терида пайдо бўладиган оқ доғ. — *Куймуқда тангадек песи бор.. — Пес эмас. Яранинг ўрни эди-ку А. Қаххор, Қўшчинор.*

2 Шундай касали бўлган киши. [Мордордаги] *қудуқнинг суви фақат касалларнинг, айниқса пес ва қўш оғриганларнинг «шифоланишлариға» ва зиёратчиларнинг «табаррук» деб олиб боришлариға сарф қилинар эди. Айний, Эсдалиқлар.*

3 *сўк.* Ярамас, мохов. [Нор:] *Паранжиси курсин, қайдам шу песни ёпишиб суқмозорға бордим-у, ўзимға дардсарни орттирдим-келдим. Ҳамза, Ялчачилар иши. || Гулнорни севгишнинг биларди-я, пес чол. Ойбек, Қулғуф қон.*

**ПЕСО** Аргентина, Куба, Мексика, Уругвай, Доминикана республикаси ва Филиппин оролларида пул бирлиги.

**ПЕССИМИЗМ** [p<лат] Келажакка ишончсизлик, умидсизлик билан қараш, рухий тушкунлик.

**ПЕССИМИСТ** [p] Рухий тушкунликка юз тутган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган киши.

**ПЕССИМИСТИК** [p пессимистический] Пессимизм руҳи билан суғорилган. *Пессимистик кайфият. Пессимистик характердаги асар.*

**ПЕССИМИСТЛИК** I пессимист о. белги оти.

2 *айн.* пессимизм.

**ПЕТИТ** [p<фр] Майда босма ҳарфлар.

**ПЕТИЦИЯ** [p<лат] Олий давлат органиға ёки ҳукумат бошлиғига кўпчилик томонидан биргаликда берилган расмий ариза, илтимоснома.

**ПЕТИЦА** [p] Формали кийим ёқасига чатиладиган, хизмат тури ёки унвонни кўрсатадиган рангли тўртбурчакли бир бўлак мато. *Темир йўлчилар петлицаси. — Курсантлар .. чамадон, одекolon, тарoқ, устара, топилса командир петлицаси харид қилар эдилар. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**ПЕТРОГРАФ** [p] Петрография олими, мутахассиси.

**ПЕТРОГРАФИК** [p петрографический] Петрографияға оид. *Петрографик қидирув ишлари.*

**ПЕТРОГРАФИЯ** [p<грек] *геол.* Геологиянинг тоғ жинслари — минераллар ва тошларнинг кимёвий таркибини, тарқалиш ва келиб чиқиш қонуниятларини ўрганувчи тармоғи.

**ПЕЧ** [ф-т] Бошға ўралган салланинг чеккадан осилтириб қўйилган қисми, учи. *Узун печи осилган катта саллали бошини чайқади. Ойбек, Навоий.*

**ПЕЧАК** I [ф-т] Ўсимлик танасига ва бошқа нарсаларға чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик; чирмовиқ. [Навоий:] *Гулимнинг қабриға эккан чечаклар очилгандур бу чоқ .. оҳим печаклар Каби кўк тоқига чирмасинму?! Ўйғун ва И. Султон, Навоий.*

**ПЕЧАК** II [ф-т], печак ҳандалак Ҳандалакнинг лўсти кўнғир-сарғиш тусли майдароқ бир турн. *Асад қори элдида турган печак косасини олдиға тортиб, ундан бир тилимини олди-да, оғзини катта очиб тиқиб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ПЕЧАКГУЛ** [ф-т] Карнайгуллар оиласига мансуб, чирмашиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик ва унинг гули; карнайгул. *Марказий кўчадаги уйларнинг деразаларида оқ пардалар ҳиллирайди, деворлариға печакгуллар тирмашиб ётибди. И. Раҳим, Тақдир.*

**ПЕЧАН** Ишни, гапни ўринлатадиган; уста, чечан. *Ишға печан. — Мулла Аъзам ҳамма каллар сингари гапға печан, қочирқиқ гапларни гапириб, .. пешқадамларни ҳам қулдирар эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш урянишлари.*

**ПЕЧАНЛИК** печан с. белги оти. *Рақис, ундан шундай иш чиқишини, Абдулла индамасхоннинг гапға шундақанги*



печанилигини билмаган эди. Т. Пўлат, Хижолат.

**ПЕЧАТЛАМОК** 1 Печать босмоқ, печатъ босиб тасдиқламоқ. *Справкани печатламоқ.*

2 Фойдаланишни тақиқлаш ёки бошқалар очмаслиги учун беркитиб печатъ босиб, тамғалаб қўймоқ. *Эшикларни печатлаб қўймоқ.* — *Комхоздан одам келиб, бўш экан деб [уйни] печатлаб кетибди.* А. Каххор, Сароб.

**ПЕЧАТЛАНМОҚ** печатламоқ *фл. мажх. н.*

**ПЕЧАТЛАТМОҚ** печатламоқ *фл. орт. н.*

**ПЕЧАТЬ** [р] 1 Хат-хужжат ва ш. к.га босиб расмийлаштириш учун юзига сўз ва белгилар ўйилган тамга; муҳр. *Идора печати. Конверт устига печать босмоқ.* — *Столинне тортмасини ҳидиравериш, илма-тешик қилиб юбордим; печать йўқ,* — деди Миращир. О. Толибов, Анқов. | Шундай тамғанинг қозоғга ёки бошқа нарсага босиб туширилган акси, изи. *Справканинг печати хира экан, ўқиб бўлмади.*

2 Фойдаланишни тақиқлаш ёки бошқалар очмаслиги учун қўйилган ёки урилган тамга, сурғуч. *Бойлар бой бўлиб, илмиз яшаб, Ориқларини семизли ошаб, Олти кун ўтмай ҳовлида печать, Ҳаж кетар хотин-болани ташаб.* Ҳамза.

**ПЕЧЁНЬЕ** [р] Кўпинча ширин хамирдан кичик тўгарак, тўртбурчак ва бошқа шаклларда тайёрланадиган маҳсулот. *Ширин печенье. Печенье билан чай ичмоқ.* — *Уй бекаси ўзининг асл руҳига кирди, жангчиларни қиём ва печенье билан мەхмон қилди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**ПЕЧКА** [р] Бино ва хоналарни иситиш ёки овқат пишириш учун ишланган қурилма. *Тунука печка. Ғишт печка. Голландча печка. Газ печкаси.* — *Адолат уйига келганда печкага ўт қалаётган аясини кўрди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**ПЕЧКАЧИ** Печка қуриш ва ремонт қилиш иши билан шуғулланувчи ишчи, мутахассис.

**ПЕЧЬ** [р] Материалларни қиздириш, эритиш ёки уларга ишлов бериш учун қурилган махсус иншоот. *Тоблаш печи. Темир эритиладиган печь. Домна печи айн. домна. Мартен печи айн. мартен.*

**ПЕШ** I [ф-т] Баъзи нарсаларнинг олдинга қараган томони, лаби, чети, қирғоғи. *Айвоннинг пеши.* — *Жўрабой ота айвон пешидаги кўрпачага келиб ўтириши билан, Роҳатбиби унга қараб гапира кетди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Сафарбаровнинг кўзи тиниб ўтириб қолди. Утирди-ю, пешанасига алланима тақиллаб тегди; кетмоннинг пешини босганда, дастаси келиб урилган экан.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. | Олд этаги, бар. *Майдончада қийқаришиб яхмалак уйнаётган болалар пальтосининг ёқаси, тўнининг пешига ёпишган қорни қоқа-қоқа уй-уйларига*

*тарқалишди.* Н. Назаров, Жилвон жилвалари. *Енелари шимарилган Комилжон, этазининг пешини қайириб олган Давроненг олдинда борарди.* И. Раҳим, Ихлос.

◆ **Пеш қилмоқ** мақтаниб гапирмоқ, дастак қилмоқ, рўкач қилмоқ. *Ўз хизматларини пеш қилмоқ. Пеш келтирмоқ* далил қилиб кўрсатмоқ, исбот сифатида фойдаланмоқ. — *Аероном илми ҳам ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда, дейди,* — деди халқ мақолини пеш келтириб Сотиболди ота. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

**ПЕШ** II [ф-т] *реш* (бирин-кетин содир бўладиган иш-ҳаракатни билдирувчи икки феъл олдида такрорланганда) Фурсат ўтмасдан, дарров. *Пеш терилган пахтани пеш топшириб турмоқ.* — *У [Олтиной] теримнинг қандай бораётганини сўради. Маъруф ота пеш очилгани пеш терилаётганини айтди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ПЕША** [ф-т] *эск. кт.* Иш, машғулот; касб, хунар. *Эл дерки: нодон дўст — бошинга жафо, Қора кунда чин дўст — пешаси вафо!* Миртемир.

**ПЕШАЙВОН** [ф-т] Уй ёки иморат олдида қурилган айвон. *Майдонга туташган баландликда қончиларнинг муҳташам клуби — бутун шаҳар кўрки. Баланд, половон оқ устунлар пешайвонни кўтариб турибди.* И. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

**ПЕШАНА** [ф-т] 1 Юзининг қошдан сочгача бўлган қисми; манглай. *Кенг пешана. Пешана суяги. Қўйқор бўлар кўзининг пешанаси дўнг бўлур, оға бўлар йигитнинг пешанаси кенг бўлур.* Мақол. *Пешанани боғлаб ишга киришмоқ* астойдил, енг шимариб, белни боғлаб ишга киришмоқ. *Пешанасини силамоқ айн. бошини силамоқ қ. бош.*

2 *Кўчма* Диний-хурофий тасаввурларга кўра қисмат, тақдир, ёзмиш. [Гулнор:] *Уни [Йўлчини] яна бир кўриш пешанамга ёзилганмикан?* Ойбек, Қутлуғ қон. *Пешанамдан кўрдим!* 1) таваккал, нима бўлса бўлар; 2) тақдирда ёзилган шу экан, на чора.

3 *с. т.* Бисот, буду шуд. *Чолнинг пешанасида биргина қизи бор, бу қиз Сожида эди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил. *Пешанасига сизмади айрилди, жудо бўлди.*

◆ **Пешанаси ёруғ** омади келган, бахтли. *Пешанамиз ёруғ экан, ўғлим.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги. *Пешана тери* меҳнат ва унинг маҳсули. *Оз бўлса ҳам пешана терим билан топаман, суктойлик, мўлтониликка сира юрмайман.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Пешана тери* тўкмоқ меҳнат қилмоқ. *Пешанаси шўр ёки шўр пешана* бахтсиз. *Пешанаси деворга тегди айн. боши тошга тегди қ. тош. Пешанаси очилди* иши юришди, омади келди, бахти очилди. *Бой ҳам шу мулкнинг бадалига, пешанам очилиб бирор иш-нишга тушиб кетганимча бирор йил чамаси боқмоқчи бўлибди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ПЕШАНАБОҒ** Пешана билан танғиб ўраладиган кичик рўмол. *Пешанабоб бошида, Доим меҳнат қошида. Ғайратли бу чечан қиз, Энди ўн беш ёшида. «Кўшиқлар».*

**ПЕШБАНД** I [ф-т] *эск. айн. фартук.* **ПЕШБАНД** II [ф-т] *эск.: пешбанд қилмоқ* қўлини олдида қилиб боғламоқ. *Бошқа бандиларнинг қўллари ҳам пешбанд қилинганда кейин, уларни миришабхона дарвозасидан ташқарига — кўчага чиқардилар.* Айний, Қуллар.

**ПЕШБУРУН** *бнк.* Эшик ёки дераза тавақаларининг бириккан жойдаги тирққини беркитиш учун ёнига ёки ёғин сувидан сақлаш учун тепасига қоқиладиган энсиз тахтача. *Дераза пешбуруни.* — [Санамнинг] дарвоза пешбурунидан осилиб тушган сумалакка кўзи тушиди. Ш. Холмирозев, Тўлқинлар.

**ПЕШВО** [ф-т] *кт.* 1 Маълум бир соҳа ёки ишда етакчи, илгор киши. *У барча мавжуд илмларни эгаллаб, замона олимларининг пешвоси .. бўлишга тиришади.* Ойбек, Навоий. *Дин пешволари* диний ҳимоя қилувчи руҳонийлар, уламо-хукамолар. *Шаҳар хотин-қизлари орасида Жўраҳон — вақила деб ном чиқарган очик хотиннинг келиши .. шарият пешволарининг ваҳимасини оширди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Йўлбошчи, дохий. *Халқ пешвоси.* **ПЕШВОЗ** [ф-т]: *пешвоз турмоқ* туриб қарши олмақ, кутмоқ. *Раҳмонқулов кириши билан Элчибек бошқаларга жавоб берди, жилмайиб пешвоз турди.* А. Мухтор, Тўғилиш. **Пешвоз чиқмоқ** истиқболига, йўлга чиқиб қарши олмақ, истиқболига чиқмоқ. *Бизга баланд бўйли рус киши пешвоз чиқди.* П. Қодиров, Қадрим. *Шийпон ёнига иккита трактор келиб тўхтади. Бригада аъзолари гур этиб унга пешвоз чиқишди.* Р. Файзий, Қишиларимиз қиссаси.

**ПЕШВОЗЛИК:** *пешвозлик қилмоқ* биринчи бўлиб гапирмоқ, гап бошламоқ.

**ПЕШГИР** [ф-т] *эск. айн. фартук.* *Фотима пешеиридаги пахтани қопларга солиб .. енеларини тирсагидан юқригача шимариб яна ишга киришди.* Айний, Қуллар.

**ПЕШДОР** [ф-т] *эск. ҳарб.* Қўшин олдида борувчи, илгор; авангард. *Илим барлос .. катта сувори тўданинг бошида чанг кўтариб, пешдор аскар сифатида илдам йўлга тушиди.* Ойбек, Навоий.

**ПЕШИН** [ф-т] 1 Куннинг ярми ўтган пайт. *Кун оғиб пешин бўлди. Кеча ёққан қордан бугун пешинга қадар ҳовлида из қолмаган эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. **Охир** (ёки *кеч*) пешин куннинг ярмидан кўпни ўтган, кечки пайт. — *Вақт охир пешин бўлиб қолган эди. Қорним очган .. — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *дин.* Кун ярмида ўқиладиган намоз. *Пешинни ўқимоқ.* — *Ўзимиз ҳам тамадди қилиб олайлик,* — деди Мах-

сум пешин намозиға ҳозирлик кўраётиб. С. Анорбоев, Оқсой.

**ПЕШИНЛИК** Пешинда ейладиган овқат. Бу камбағаллар овқати бўлиб, уларнинг тушилиги ҳам, пешинлиги ҳам шу эди. Урик билан зогорани иштаҳа билан едилар. П. Турсун, Уқитувчи.

**ПЕШКАШ** [ф-т] эск. кт. Ҳада тарзда бериладиган нарса; тортиқ, совға. Келсанг, ўзинг келмай, ёринг билан кел. Дилкашларинг қўлида торинг билан кел. Кел, сенга даламиз, лоламиз пешкаш. Гибёлар ичида аъломиз пешкаш. Т. Сулаймон.

**ПЕШЛАМОҚ** Теша, кетмон каби асбобларни болғалаб уриб тигини, дамини тикламоқ, пеш чиқармоқ. Кетмонни пешламоқ. — Соёга тушиб қараса, Ботирнинг қиличи ётипти, олиб темирчиға берди. — Тезда сен буни пешла! — деди. «Эртақлар».

◆ **Ақлини пешламоқ** ақл-идроқни ўстирмоқ, зехни очмоқ, ўткирламоқ. Бува саксон олти ёшида ҳам меҳнатдан қолгани йўқ, мудом ёш пахтакор аёлдининг ақлини пешлаб, ўз хикматлари билан уларнинг тажрибасини бойитиб, карвон олдига юрибди. Й. Шамшаров, Кўрк меъморлари.

**ПЕШЛАНМОҚ** пешламоқ фл. мажҳ. н. Қолхоз механик-слесари Қарим темирчи пешланган кетмонлар, чархланган ўроқ ва барекесар чопқилар устига қозқодаш қора сатин тўғини ташлади. Й. Раҳим, Ихлос.

**ПЕШЛАТИЛМОҚ** пешлатмоқ фл. мажҳ. н. Кетмонлар пешлатилди.

**ПЕШЛАТМОҚ** пешламоқ фл. орт. н. Кетмонни пешлатмоқ.

**ПЕШМА-ПЕШ** [ф-т] рвш Пеш келганини пеш бажариб, тўхтатмай, кетини узмай, кетма-кет. Элмурод ... ҳар томондан тушаётган саволарга пешма-пеш жавоб берди. П. Турсун, Уқитувчи. У қуртилган пахталарни қолаб, пешма-пеш пункта жўнатиш билан банд бўлиб, тушилиқда ҳам аъзолари билан бирга бўлмаган эди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ПЕШМАТ** [ф-т] Тиззагача тушадиган, хипча бел устки кийим, узун камзул. [Бўрихўжа] ҳамма вақт узун пешмат ва мош ранг духоба дўппи кияди. Мирмуҳсин, Чиниқиш. [Эшон олим] оқ шоҳи қўйлақ устидан қора духоба пешмат, бошида майин мисқоли дока рўмол устидан товар дуррача танган — олифта. Ойбек, Болалик.

**ПЕШНОП** [ф-т] Кўйнинг киндик атрофидан олинган ёғли гўшт. [Муллажон:] Шу қарздан узилди, ундан кейин ёғит дўқонига ишга қираман, еганинг пешноп, кийганинг атлас бўлади. С. Аҳмад, Муллажон. || Сихкабоб, кунжутли нон, пешноп сомсалардан еб қолинг. Й. Раҳим, Ҳаёт боғчалари.

**ПЕШОБ** [ф-т] айн. сийдик. Пешоб қилмоқ.

**ПЕШРАВ** [ф-т] кт. Бошлаб борувчи, етакловчи; нишона. Соқол оқи ўлимга пешравдир. Тириклик сабзаси узра қировдир. Навоий.

**ПЕШТАЛҚИН** [ф-т] муз. Жўр бўлиб қўшиқ айтганда — бошловчи хонанда. Жўр бўлиб қўшиқ айтса қардош улуслар, Гаронага пешталқин бўлмишдир руслар. «К. Ўзбекистон», 1946, № 44.

**ПЕШТАҲА** [ф-т] Дўқонда, мағзинда, бозорда соғувчини харидорлардан ажратиб турадиган, устига сотиладиган моллар қўйиладиган, харидор томони ёпиқ махсус стол; прилавка.

**ПЕШТАҲАМ** [ф-т] Оғзига келган ноҳўя, уятли сўзларни қайтармай айтиверадиган, оғзи бузуқ. Пештаҳам одам. || Ҳа, атрофида бидъатга муккасидан кетган беш-ўнта нодон, иғвогар, шилқим .. пештаҳамлари ҳам бор. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Оғзини пештаҳам қилмоқ** уятли сўзлар айтмоқ, сўкинмоқ. Қамчи: «Менимча, бу тўғингиз ёлғиз эмас, шериклари бор», деганда, Қобил бир ижирганиб яна оғзини пештаҳам қилди. Ҳ. Гулом, Маънаб.

**ПЕШТОҚ** [ф-т] архит. Биноларнинг олд томонидаги серхашам юқори қисми; арк. Ҳашамдор пештоқни кўтариб бошга Азамат устунлар савлат тўқиди. З. Обидов. Пештоқларда Ленин сурати, Ҳилпирайди қирмизи байроқ. Э. Раҳим.

**ПЕШҚАДАМ** [ф-т+а] Ишда, ўқишда ва ш. к. да бошқалардан олдинда борувчи, ўрناق кўрсатувчи; илғор. Пешқадам ишчилар. Пешқадам теримчилар. Пешқадам колхозлар.

**ПЕШҚАДАМЛИҚ** пешқадам с. мавҳ. от. Пешқадамлик учун курашмоқ. Пешқадамликни қўйдан бермай ишламоқ.

**ПИАНИНО** [р<итал] муз. Тик қўйилган баланд яшиқ шаклида, торлари вертикал тортилган, клавишли музыка асбоби, фортепьянонинг бир тури. Дам олиш минутларида Фарода унга пианино чалиб берар.. эди. П. Қодиров, Уч илди. Эшиқнинг ўнг томонидаги тўғри девор ёнида пианино, нота этажержаси.. бор эди. М. Исмоилов, Фарғона т. о.

**ПИАНИНОЧИ** Пианино, рояль чалувчи созанда.

**ПИАНИСТ** [р] айн. пианиночи. **ПИВО** [р] Кўпинча ундириб янчилган арпадан тайёрланган кам спиртли ичимлик. Жигули пивоси. Пиво заводи.

**ПИВОХОНА** [р+ф-т] Пиво сотиб олиб ичиладиган махсус дўқон, майхона. Қеча қайси пивохонада ичиб қолганингизни ҳам мендан сўрайсизми? А. Каҳҳор, Сароб.

**ПИГМЕНТ** [р<лат] Ҳайвон ва ўсимлик организмда бўладиган ва шу организм тўқималарига ранг берадиган бўёқ модда. Томирида ёввойи архарнинг қони бўлган кўк гибрид қўчқор билан кўк қўйдан турилган қўзида .. тезда пигмент ўзгариши юз беради. С. Анорбоев, Директорнинг даввоси.

**ПИГМЕНТАЦИЯ** [р] Ҳайвон ва ўсимлик организмнинг пигментлар таъсирида тегишли тусга кириши, рангининг ўзгариши.

**ПИДЖАК** [р] Қайтарма ёқали, олди очик, тугмаланадиган калта уст кийим — эрлар костюмининг бир қисми. Олимжон пиджасини еди-ю, мулоимлик билан Ойқизининг елкасига ташлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кушли.

**ПИЁВА** [ф-т] Пиёздоғ ва сувдан тайёрланган гўштсиз суюқ овқат; ёғгон шўрва. «Атала», «умоч», «қоқурум» ва пиёва каби суюқ ошларнинг масаллиғи кам бўлганлиги сабабли, революцияга қадар, «камбағал овқати» деб юритиларди. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ПИЁДА** [ф-т] 1 рвш Уловсиз, ўз оёғи билан; яёв. Биз колхозга пиёда бордик. — Энг нишоб эрга келганда аравакаш отдан, .. икки йиғит аравадан тушиб пиёда юришди. А. Қаҳҳор, Мастон. Чарчадинг-а? Сизни шунча пиёда олиб юрдим-а? Келинг троллейбусга чиқайлик. П. Қодиров, Уч илди. || Тоққа қараб кетган ҳудди шу сийёғочли йўлда бир пиёда йўловчи бормоқда. П. Турсун, Уқитувчи.

2 от, ҳарб. (асосан кўпл. ф-да) Яёв жанг қилиш учун белгиланган қўшин тури. Гулдўрос билан келаётган танклар орқасидан пиёдалар югурди. Ойбек, Қуёш қораймас. || Самолётлардан сўнг танклар ҳужумга кирди. Унинг орқасидан пиёда роталар қўзғалди. Й. Раҳим, Чин муҳаббат. Шу чоқ қишлоқнинг кун ботиши томонидан баланд «ура» овози эшитилди ва қишлоққа мўр-малахдай ёпирилиб келаётган пиёда аскарларимиз кўринди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 от Шахмат ўйинида: энг кучсиз дон. Уйин билмасанг, пиёдан сур. Мақол. — Гарде ... — деди Мухторхон ва Саидийга энди жавоб бераман, деб турганида Мирза Муҳиддин бир пиёда суриш билан уни илгариги ҳолатда қолдирди. А. Қаҳҳор, Сароб.

◆ **Пиёда ўчоқ** 1) ошхонада бошқа ўчоқлардан алоҳида қурилган ўчоқ ва шунингдек очик ҳовлидаги алоҳида ўчоқ; 2) ерга қурилган, оғзи осмонга қараган тандир.

**ПИЁДАЛАБ** фольк. Пиёда юриб, пиёда, яёв. Пиёдалаб Ҳақиқ тоғдан жўнади, Борар ернинг тайинини билмади. «Ширин билан Шакар».

**ПИЁДАЛАШМОҚ** Кўпчилик бўлиб пиёда юрмоқ, бормоқ, айланмоқ.

**ПИЁЗ** [ф-т] 1 Барглари найчасимон узун бўлиб ўсадиган, илдиз бўғзида юпқа қат-қат пўстлардан юмалоқ туғунак ҳосил қиладиган, туғунаги ва ёш барги овқатга истеъмол қилинадиган полиз ўсимлиги. Оқ пиёз. Қизил пиёз. Барра пиёз. Қўк пиёз. Топган гул келтирар, топмаган — бир боғ пиёз. Мақол. — Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, қарам ва ҳоказо резавор экиб, мўжмин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, «пул» қилишга тиришар эди. Ойбек, Қутлуғ қон. Саримсоқ пиёз айн. саримсоқ 1. Пиёзи ансурий Ўрта Осиёнинг тоғли районларида ўсадиган, туғунак ҳосили овқатга ишлатиладиган сервитамин ёввойи пиёз.

2 Баян ўсимликларнинг пиёзсимон илдизи, тугунаги. Лола пиёзи.

◆ **Пиёзнинг пўстидай жуда юпқа.** *Пиёзнинг пўстидай парда. Қорни пиёзнинг пўстидай бўлди қорни ниҳоят очди. Аммо қасамёд қилиб айталикми, қоринларимиз пиёзнинг пўстидай бўлиб кетди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ПИЁЗГУЛ** [ф-т] Лолагулллар онласига мансуб узун пояли, пиёз илдизли декоратив ўсимлик ва унинг карнайсимон йирик гули.

**ПИЁЗДОҒ** Ёғда қовурилган пиёз. *Пиёздоғ қилмоқ.* — Пиёздоғининг ҳидлари димоғимга кириб, иштаха ҳам намозшомгулнинг карнайдидай очилиб кетган. Ғ. Ғулом, Шум бола. Қўшни ҳовлида кимдир жаз-буз қилиб пиёздоғ қилмоқда. С. Аҳмад, Хукм.

**ПИЁЗИ** [ф-т] Жундан юпқа қилиб тўқилган (мато ҳақида). Унинг бошида Бухоро амалдорлариникидек ўралган дока салла, зенида пиёзи мовутдан чакмон, оёғида сариқ қауши-мауси. Айний, Дохунда. *Пиёзи чакмонининг барини қатимиغا қисиб, қора бахмал хошияли оқ қалпоғини бостириб олган хушрўй йиғит баланд пахсадан осилиб тушган беҳи шоҳига қараб борар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПИЁЛА** [ф-т <қадамги грек] Тубидан юқорига томон кенгайиб борган, косадан кичик идиш (асосан чой ичиш учун ишлатилади). Чинни пиёла. Сопол пиёла. — Учоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачаларда кичкина бир сариқ, бужур одам кўк пиёлдан чой хўрлаб ўтирибди. П. Турсув, Уқитувчи. *Йебит портфелидан бир ишша вино олиб, хотиннинг ҳай-ҳайлашига қарамай, икки пиёлани устма-уст ишмирди.* А. Қаҳҳор, Қайғулар.

**ПИЁН** [р пьяный] с. т. Қайфи ошган. маст. *Пиён бўлмоқ. Пиён улфат бепоён кулфат.* Мақол.

**ПИЁНИСТА** [р пьяница] с. т. Спиртли ичимликни кўп ичадиган; ичкиликбоз, майпараст. *Пиёниста одам.*

**ПИЁНИСТАЛИК** *пиёниста с. белги оти. Пиёнисталикка барҳам бермоқ.*

**ПИЖАМА** [р <ингл] Қасалхона ва уйда кийиш учун мўлжалланган шим ва калта ҳалатдан иборат юмшоқ матодан тикилган кийим. *Штапель пижамаси. Қишлоқ пижамаси.* — [Борис Александрович] ўридан туриб чироқни ёқди. Энида йўл-йўл пижамаси, кўзойнагини кўтариб-кўтариб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. С. Анорбоев, Мехр.

**ПИЗИЛЛАМОҚ** Жуда тез юрмоқ, елдай югурмоқ; зипилламоқ, зингилламоқ. *Дарвозасидан қарасам, пешанасига шоҳи белбоғини танғиб олиб, ҳовлида яқтакчанг пизиллаб юрибди.* И. Раҳим, Ҳилола. *Ун қадамча наридан шябўри кўзларини ёндириб, жар томонга пизиллаб ўтди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташиганда.

**ПИЙМА** [р пимы] Жундан босиб тайёрланган, кўнжли, иссиқ қишлоқ оёқ кийим.

**ПИЙПАЛАМОҚ** 1 Босиб-янчиб ёки

уриб-туртиб эзгиламоқ, эзмоқ. *Мард бўлсанг, тўғрини эмас, ўғрини пийпала. Мақол.* — *Кейин бировлар консервани пийпалаб кетди, бировлар уйда тартиб ўрнатшига уннадди.* А. Мухтор, Тугилиш.

2 *айн. пайпасламоқ* 1. **ПИЙПАЛАМОҚ** *пийпаламоқ* *фл. мажх. н. Ҳали вақт кўп, тиқилинчда пийпаланиб нима қиламан, деб ярим йўлда тушиб қолдим-да, папирос тутатиб секин пиёда кета бошладим.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

**ПИЙПАЛАТМОҚ** *пийпаламоқ* *фл. орт. н. Ўзини пийпалатиб қўядиганлардан эмас.*

**ПИЙПАЛАШМОҚ** *пийпаламоқ* *фл. бирг. н.*

**ПИЙПАМОҚ** *айн. пийпаламоқ.* Чўлоқ девни пийпаб олди остига. «Нигор ва Замон».

**ПИЙПАСЛАМОҚ** *айн. пайпасламоқ.* Бир пайт бола уйқусираб ингеради, кўзларини очмасдан кўрпанинг четини пийпаслаб ушлаб, юзига тортиди. Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Адолат аста ва беихтиёр яқинлашиб, акасининг энгени, кифтини, худди тириклигига яна бир ишонгиси келгандай аста пийпаслай бошлади.* А. Мухтор, Тугилиш. *Саври хола овсинининг хафалиғини бир оз ёзиш учун пийпаслаб гапирга кетди. Шаттакилимим йўсин, овсин, гапирераман. Аслида ўзи шу яхши.* Ф. Файзий, Қайнана.

**ПИКЕТ** [р <фр] 1 ҳарб. Кичик соқчилар отряди.

2 Забастовка юз берган районда қорувулик қилиб юрувчи ишчи группаси. **ПИКИРОВКА** [р <фр] қ. х. Янги униб чиққан кўчаларни олиб, бошқа жойга ўтказиш; расад қилиш.

**ПИЛДИРАМОҚ** 1 Кўз илғамас даражада тез айланмоқ, тез ҳаракат қилмоқ. *Моторлар гулдираб, гилдираб пилдираб, цехда яна иш бошланди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

2 Майда қадам билан тез юрмоқ (кўпинча болалар ҳақида). *Қарим энтикканича кўрқангиса дадам кетидан пилдираб кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Эъвозхон отряддан қолишмай, пилдираб бораркан, Ботирали унга деди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ПИЛДИРАТМОҚ** *пилдирамоқ* *фл. орт. н. Ёнғоқни пилдирамоқ.* — У [Бургут] чойдан бўшаган пиёлани пилдираб бир иргитиб, илиб олди-да, хайр, деб қиқиб кетди. С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ПИЛДИРАШМОҚ** *пилдирамоқ* *фл. бирг. н. Болалар у ёқдан-бу ёққа пилдирашар эди.*

**ПИЛДИРОҚ** с. т. Пирилдоқ. **ПИЛЕСОС** [р пилесос] Қийим-кечак, гилам, мебель ва ш. к.ларни чангдан тозалайдиган аппарат.

**ПИЛИК** 1 Бир учи ёритқич асбоб ичидаги керосинни ёки мойни шимиб, иккинчи — ёнувчи учига ўтказиб берадиган лентасимон мато ёки эшилган пахта. *Қора чироқ, пилиги. Шамнинг*

*пилиги. Лампа пилиги.* — *Мойи тугаб пилиги сўхта бўлган чироқ бир лип этиб сўнди.* С. Аҳмад, Хукм. *Самени бўлса, юз-кўзи қурум, титроқ қўли билан керосинканинг пилигини қирқшига уринарди.* А. Мухтор, Тугилиш.

2 Соч ўрими ечилиб жетмаслиги учун унинг учига қўшиб ўрилган пахта. [16 ёшлардаги бир қиз] сочини майда ўриб, учига пилик таққан .. эди. С. Аҳмад, Хукм. [Салимжон] Лобарни кўриб қолди. Унга астойдил тиқилди: ўши юриш .. *Лекин бу сочига пахта пилик, тумор тақиб юрадиган Лобар эмас!* А. Мухтор, Давлат қораловчиси.

3 *дин. Арвоқларга, инсу-жинсларга атаб ёқиш учун бир учига пахта ўраб ёққа ботирилган чўп. Қамзулининг: чўптагидан қамишага ўралган бир неча пиликни олиб, учтасини Сурмахон қабрининг бош томонига тақиб, ёндириб қўйди.* И. Раҳим, Ихлос.

4 Қош, киприк бўйш учун ишлатиладиган учига пахта ўралган чўп.

**ПИЛИКЛИ** 1 Пилиги бўлган; пилик воситасида ёнадиган. *Ҳар маҳаллага шаҳар думахонаси ўтқазган хира фонусларнинг ичида биттадан еттинчи пиликли керосин лампа ёнар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 Учига пилик қўшиб ўрилган (соч ўрими ҳақида). *Уша йили сочим эди — оқ пиликли жамалак Ғ. Ғулом.*

**ПИЛЛА** 1 [ф-т] Ипак қурти ғумбака айланмиш даврида ўз устига ўраб ҳосил қилган ипакли қобик, ипак қуртининг махсули. *Пахтанинг ҳар шонаси — Мўл ҳосил нишонаси. Пилланинг ҳар толаси — Шойи атлас онаси.* «Кўшиқлар». || *Пилла қуртлар сўрида, Уйимзининг тўрида, Тут барг ейди вишиллаб.* Қ. Ҳикмат. **Пўчок** *пилла* ичидан капалаги тешиб чиқиб кетган пилла. **Тўк** *пилла* девори қалин етук пилла. *Пилла тортоқ* *пиллани* махсус йўл билан ишлаб, ипак толасига айлантормоқ.

**ПИЛЛА** II [ф-т] *мед.* Тиш оғриғи ёки шамоллаш натижасида милқда ҳосил бўлган пуфак иши.

**ПИЛЛАҚАШ** [ф-т] 1 Пиллани махсус йўл билан ишлаб, ундан ипак олувчи, пилла тортувчи киши. [*Низомжоннинг*] қиладиган иши *пиллақашларнинг қозонига ўт қалаш.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *айн. пиллачи.*

**ПИЛЛАҚАШЛИК** 1 *пиллақаш с. касб оти.* *Пиллақашлик қилмоқ. Пиллақашлик билан шуғулланмоқ.*

2 Пилла тортиш, ундан ипак олиш иши, шу иш билан шуғулланувчи соҳа. *Пиллақашликни автоматлаштириш.*

3 Ипак қурти боқини, пиллачилик. *Пиллақашлик бригадаси.*

**ПИЛЛАПОЧА** Пиллапоя, поғона.

**ПИЛЛАПОЯ** [ф-т] Зина ёки нарвоннинг ҳар бир поғонаси, босқичи; поғона. *Жўрабой уйқусизлиқдан мудраб, зинанинг икки-уч пиллапоясига барабар оёқ ташлаб юборган эди, қалқиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бир оёғини вагоннинг юқориги, бир оёғини наст-*

ки пиллапоясига қўйиб турган Саодатнинг кўзи онасида эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ПИЛЛАЧЧИ** Ипак кўрти боқиш ва пилла етиштириш билан шуғулланувчи киши.

**ПИЛЛАЧИЛИК** 1 пиллачи с. касб оти. Халқимиз пиллачилик билан қадимдан шуғулланади.

2 Қишлоқ хўжалигининг пилла етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. Пиллачиликни янада ривожлантира- миз.

**ПИЛОРАМА** [р] Ғўла ёғочдан тахта тиладиган машина арра. Пилорамада тахта тилмоқ.

**ПИЛОТАЖ** [р<фр] Учиш санъати, самолёт, планёр, дирижабль каби учуш аппаратларини бошқариш санъати ва шунингдек учуш аппаратларининг пар- воз хиллари. Олий пилотаж.

**ПИЛОТКА** [р] Харбий хизматчиларнинг (дастлаб учувчиларнинг) ёзлик бош кийими. [Аскар ўйишт] ўсиқ қош- ларигача тушган пилоткасини кўтар- ди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ПИЛ-ПИЛ** Тез ва енгил такрор- ланадиган оний ҳаракатни билдиради. Уртадаги катта текис тош устида фонарь пил-пил ёнмоқда. С. Анорбоев, Оқсой.

**ПИЛПИЛЛАМОҚ** 1 «Пил-пил» ёки «лип-лип» қилиб ёнмоқ, липпилламоқ, милтилламоқ. Ёмғир шабадасида пил- пиллаб турган лампанинг хира нурида чол полвона ажабланиб боқди. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

2 Тез-тез ҳаракатланмоқ, пирпира- моқ, учмоқ (мас., киприк ҳақида). Қо- зининг туссиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклар пилпиллади, лаблари пичирлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Тез-тез юмилиб очилиб пирпирамоқ (кўз ҳақида).

**ПИЛПИЛЛАТМОҚ** пилпилламоқ фл. орт. н. Шамол шамни пилпиллатади. Кипригини пилпиллатмоқ. — Қалпоқ- ли киши қисик кўзларини пилпиллатди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПИЛТА** [ф-т] 1 Пилтакачга ўраб дўппи тепчигига, баъзан тўн ёқасининг қаविғига тикиладиган қоғоз. Ёқага урилган пилта. Дўппи пилтаси.

— Дўппи ёмон эмас,— дейди Мусавой.— Пилталарини қара, шалди роқ қоғоздан шекилли. Ойбек, Болалик. Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб пилтаси кўриниб туради. А. Қодирӣ, Обид кетмон. **Пилтаси чиққан** 1) эскириб, йиртилиб тўзган (асосан дўппи, тўн ҳақида). Мирза Муҳиддин унинг пилтаси чиққан дўпписини яқин тож ўрнида кўрар эди. А. Қахҳор, Сароб; 2) кўйма чағоғи, миси чиққан, айби, сирӣ очилган.

2 Бирор нарсага маълум масофадан туриб ёндириш ёки портлатиш учун ишлатиладиган ёнувчи чизимча, шнур. Милтиқнинг пилтасига ўт тегизмоқ.

3 ай. пиллик 1. Тумишқларнинг ҳар бирида бир пилта ёниб туриб, ҳар икки томонни — ҳам ғўза чувувчилар

олдини, ҳам чиғириқлар олдини баравар ёритарди. Айний, Эсдалиқлар. **Пилта чироқ** пилтигадан тутаб ёнадиган шиша- сиз чироқ; қора чироқ. **Липиллаб ёниб турган пилта чироқ** торгина уйни аранг ёритарди. Мирмуҳсин, Чўри.

4 эск. Чархда ип йиғириш учун пил- такача юмалоқланган бир бўлак пахта, паға. Онам шу қадар тез, шу қадар ингичка йиғирар эдики, пилтадан чи- қадган ипни кўзим илғамасди. Ё. Шу- куоров, Қасос. **Элмурод унга** [отинийги- га] савалдан пахтадан пилта ўраб бе- риб ўтирди. П. Турсун, Ҳқитувчи.

**ПИЛТАКАЧ** [ф-т] Қоғоздан пилта ўраб уни тепчик орасига тикиш учун ишлатиладиган дастали ингичка сим. Тепа пилтакач. Қизак пилтакач.

— Расмий қишлоқ бозори: .. қўлларидан пахта тўшакдан тортиб, пилтакачага кўтариб юрган олиб-сотарлар; то- вуқфуручилар, хуллас, ажойиб «универ- саль магазин». Ш. Ризо, Қор ёғди, из- лар босилди.

**ПИЛТАЛИ** 1 Авраси билан астари орасига пилта урилган. Майда пилта- ли дўппи. Ёқаси пилтали тўн.

2 Пилта билан отиладиган. Пилтали милтиқ.

**ПИЛЧИЛЛАМОҚ** «Пилч-пилч» қил- моқ, «пилч-пилч» овоз чиқармоқ. Оёқ остида лой пилчиллайди. Пилчиллаган лой. Қор эриб ҳамма ёқ пилчиллаб кет- ди.

**ПИЛЧИЛЛАТМОҚ** пилчилламоқ фл. орт. н. Лойни пилчиллашиб юрмоқ.

**ПИЛЧ-ПИЛЧ** тақл. с. Суюқ, ёпиш- қоқ лойдан юрганда оёқ остидан чиқадиган товушлар ҳақида. Пилч-пилч лой. Этик жиққа ҳўл, қа- дам боссанг пилч-пилч қилади. — [Кў- ча] тунда қатқалоқ бўлган, қушида эриб пилч-пилч лой бўлган эди. Ойбек, Навоӣй.

**ПИНАК** Уйқу элтган ҳолат; мудроқ. Пинакка кетмоқ 1) уйқуга кетмоқ, мудрамоқ. [Собиур] пинакка кетиб қол- ган Ғулом акани уйғотди. Х. Тўхта- боев, Фельбетондан сўнг; 2) хаёлга бе- рилиб борлиқни унутмоқ. Қария пи- накка кетди: оқ сочили бошини қўллари билан сиқиб, кўзларини юшиб, узоқ ўйга толди. Ойбек, Нур қидирӣб. **Пинак сурмоқ** айн. пинакка кетмоқ 2. Қамолиддин маҳдум, пинак сураёт- ганда шарпадан чўчиган банеидай, ула- мо шарпасини зийтиб бирдан сеска- ниб туйди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

◆ Пинагини бузмай парво қилмай, аҳамият бермай. Соҳибқори бир-икки томоқ қирса ҳам, хотини пинагини бузмади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПИНГ-ПОНГ** [р<ингл] Целлулоид копточкани ракетка билан уриб, стол ўртасига тортилган сеткадан ошириб, столга тушириб ўйналадиган ўйин; стол теннисӣ.

**ПИНЖ** 1 Бирор кимса ёки нарсага энг яқин бўлган жой, кимса ёки нар- санинг ёни, биқини, бағри. Бир вақт- лари Тошкентнинг шундайгина пин-

жидаги Курбақаобод дейилган қиш- лоқчада Ҳидоят ака деган камбағал киши яшарди. С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда. Майна она пин- жига ёпишган ўғилмасининг бошини силади. Ш. Тошматов, Эрк қу- ши.

2 кўйма Паноҳ, химоя. **Пинжига олмоқ** 1) ёнига, бағрига олмоқ. Паль- тосини елкасига солди-да, қизни ҳам пинжига олди. А. Мухтор, Тугилиш; 2) кўйма паноҳига, химоясига олмоқ. Акам бизни пинжига олиб ардоқлади.

**Пинжига кирмоқ** (ёки суқилмоқ, ти- қилмоқ) 1) ёнидан жой олмоқ, бағрига кирмоқ. Бой қўрбошининг пинжига кириб, уни туртар эди. А. Қахҳор, Кўр кўзининг очилиши. Болалар ҳар вақтдагидай Марҳаматнинг пинжига тиқилишди. Х. Назир, Сўнамас чақмоқ- лар. Пўстин устида ёнма-ён ўтирган Ойсулвув Сувонжоннинг пинжиса суқил- ди. С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўйма бир- овнинг кўнглини, тилини топиб, унга яқинлашмоқ, бировнинг ҳомийлигида паноҳ топмоқ. Ҳамдам катталар ва ўқитувчиларнинг пинжиса кириб ол- диган бўлиб қолди. Х. Аҳмар, Қим ҳақ?

**ПИНҒИЛЛАМОҚ** Димоғи билан се- кин овоз чиқариб гапирмоқ; пўнғилла- моқ, тўнғилламоқ. Содиқ амин.. нарёққа қараб пинғиллади. М. Исмои- лий, Фарғона т. о. У димоғида гапирар эди. Унинг овози пинғиллаб эшитилган учун Бегимхон пиқиллаб кулди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПИНҒИЛЛАТМОҚ** пинғилламоқ фл. орт. н. Соли совуқ .. бақа бурнидан пинғиллашиб шу сўзларни чиқарди: — Шундоғ сизни бир кўриб чиқай деб кирувдим-да. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПИНҒИЛЛАШМОҚ** пинғилламоқ фл. бирг. н. Бурчак-бурчакда пинғиллашиб юрмоқ.

**ПИНХОН** [ф-т] Қишининг назари- дан яширинган, кўзга кўринмайдиган; яширин. Совет Иттифоқида фан ва саноят ривожланганлиги .. ойнинг одам кўзидан пинхон томонини фото билан суратга олишга имкон берди. «К. Ўзбекистон», 1960, № 76. | Қиши- лардан маҳфий тугтилган, сир сақлан- ган; маҳфий. Сири пинхон. Дарди пин- хон. Пинхон бўлмоқ. Пинхон тутмоқ. — Узининг пинхон севисини фош қилишга ботинмади. Шўҳрат, Шинелли йиллар. || Барча табдирни пинхон тутмоқ маъқул. Ойбек, Навоӣй.

**ПИНХОНА** [ф-т] рвш Кишилардан маҳфий равишда, бировга билдирмай; яширинча. Бу суҳбатимиз пинхона сақлангай, — деб таъкидлади қозы- калон. Ж. Шарипов, Хоразм. Учтра маҳбусни олдиға солиб икки отилиқ конвой пинхона йўлга туйди. М. Ис- моилий, Фарғона т. б. || Этимолог, у юраги тўла пинхона дард билан ар- монда кетгандир. Эй воҳ! .. Нега ўжарлик қилдим? И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**ПИНХОНИЙ** [ф-т] *кт.* Пинхон тугилган, сир сақланган, яширинган; махфий. Кейинги кунларда эрининг меҳру-муҳаббат тўла кўзларида сўғинлик, пинхоний изтиробнинг таъсири сезилиб қолди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар.

**ПИОНЕР** [р < инг.] 1 Кўнгилли болалар коммунистик ташкилотининг аъзоси. *Пионерлар отряди.* || Пионер қизлар. — Бир отрядда пионер эдик, Машхур эдик биз Асакада. Ё. Мирза. 2 Бирор ишни, нарсани биринчи бўлиб бошлаган, биринчи текширган, кашф этган, бошлаб берувчи. *Мирза-чўлини ўзлаштириши пионерлари.* Рус олимлари космосни ўзлаштириши пионерларидир.

**ПИОНЕРЛИК** пионер с. *мавҳ. от.* Пионерлик саломи. Пионерликка қабул қилмоқ.

**ПИПЭТКА** [р < фр] Дори томизиш учун ишлатиладиган, бир томонига оғзи берк резина қалпоқча кийдирилган шиша найча.

**ПИР** I [ф-т] 1 Узок умр кўрган одам; кекса, қари. *Пир бадавлат бўлинг узок умр кўринг ва роҳатда-фароҳатда яшанг.— Қўчқордек ўғилларнинг соясиди пир бадавлат бўлиб яшанг,— деди Эргаш Қоратойга.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

2 *дин.* Диний мазҳаб бошлиғи, диний раҳбар. *Мадамин:* «Агар шаҳардаги кўл берган донциманд пирим келиб; «Хой, Мадамин, бир кун эмас бир кун мол-мулдан, амалдан ажраб, халқ олдига бўйин эгасан» деб каромат қилса, уни ҳам қамчи билан роса савалардим»,— дер эди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Арвоҳ пир қ. арвоҳ* I. Ё пирим қ. ё IV 1.

3 Бирор касбнинг асосчиси, хомийси деб тушуниладиган, кўпинча афсонавий ёки афсоналаштирилган шахс. *Мискарлар, чегачилар, тунукасозлар кўп антиқа гапларни ҳар қайсарини ўзларининг пирларини, рисоаларини яхши биладилар.* Ойбек, Болалик.

4 *кўчма* Бирор иш, касб ёки соҳани жуда яхши эгаллаган киши, шу соҳада энг моҳир уста одам; устоз. *Шукурпўлат машинанинг ҳам пир, унинг қўлига тушган «пўлат от» миқ этмай ишлай беради.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Қизик, илмсиз, ҳатто кўл қўйишни билмайдиган одам қандай қилиб сиздек илми одамга пир бўлади?* Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ *Пир урган энг ёмон, арвоҳ урган, ярамас.* Зиқнанинг пир урани эди. *Хасислигини, исқиртлигини ҳамма билади. Қимсан, терифуруши фалончи бо!* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПИР II:** ҳафсаласи пир бўлди 1) ишончи, эътимони йўқолди, кўнгли қолди. *Энг ишонган кишисидан ҳам ҳафсаласи пир бўлди;* 2) ҳафсаласи қолмади. *Ишдан ҳам ҳафсаласи пир бўлди.*

**ПИР III тақл.** с. Майда қушларнинг қанот қоқишидан, паррак ва ш. к.нинг айланишидан чиқадиغان товуш ҳа-

қида. *Чумчуқ пир этса, юраги шир этади.* Матал. — *Қора байирнинг туюқлари остидан пир этиб бедана учди.* С. Анобоев, Оқсой.

**ПИРАМИДА** [р < грек.] I *мат.* Асоси кўпбурчак, ён ёқлари эса умумий учда бирлашган учбурчаклардан иборат геометрик шакл. *Беш ёқли пирамида.*

2 Шундай шаклдаги жисм. *Кристалл пирамидалар.* | Шундай шаклда устма-уст терилган нарсалар. *Гуьуртлар пирамидаси.*

3 Қадимги Мисрда Фиръавларнинг шу шаклда ясалган улкан тош мақбараси; ихрам.

4 *ҳарб.* Милтиқлар тик ҳолда териб қўйиладиган махсус қуролма, шунингдек учлари тугаштириб тик турғизиб қўйилган милтиқлар. *Милтиқлар пирамида қилиб қўйилди.*

5 Спортчилар бир-бирларини кўтариб вужудга келтирган акробатик ёки гимнастик шакл. *Физкультурачи пионерлар пирамидалар тайёрладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Бильярд ўйинининг бир тури, шунингдек ўйин бошида учбурчак қилиб терилган бильярд шарлари. *Пирамидани буюмоқ.*

**ПИРАМОН** [ф-т] Дераза ёки эшик тепасидаги тоқча. *Тоқчалар ва пирамонларнинг зиҳлари ганчан қабартма қилиб ишланган эди.* М. Осим, Утрор. | Бўғот остидаги бўш, очик жой. *Айвон пирамонига хас ташигетган бир жуфт мусича супа атрофида беозор айланиб юрарди.* Мирмуҳсин, Чинқиш.

**ПИРИЛДОҚ** Шамол, пружина ёки қўл кучи билан ҳаракатга келиб, ўз ўқи атрофида тез айланадиган ўйинчоқ.

**ПИРИЛЛАМОҚ** I «Пир-пир» овоз чиқариб тез қанот қоқмоқ ёки айланмоқ. *Пирлидоқ пириллаб айланди.* — *Қуш ҳам итга тутқич бермай яна пириллаб учди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Титраганнамо ҳаракат қилмоқ, ҳилпирамоқ. *Шамол стол устидаги дафтар, китобларнинг саҳифаларини иштирлатиб арақлади, дераза нардаси бетўхтов пириллаб бошлади.* Ф. Мусажонов, Дарадаги қишлоқда. *Майин ел иштирлаб бошиндан эсса, Рўмонинг пириллаб ўйнаб кетади.* Уйғун.

3 Пирпирамоқ, учмоқ (мас., киприк, мускул ҳақида). *Чолнинг кўзлари асабий пириллади, туриб аста уйга кирди.* Ҳ. Аҳмар, Қим ҳақ? *Салимбойвачанинг кўзлари ола-кула бўлиб, юзидаги гўштилари пириллади, бу қандай гап?* Ойбек, Қутлуғ қон.

4 Майда қадам ташлаб тез юрмоқ; пилдирамоқ. *Бобомирзо елкасида сочиқ, олдида фартук, дўпписини яримта қилиб пириллаб юрибди.* И. Раҳим, Тақдир.

**ПИРИЛЛАТМОҚ** I пирилламоқ *фл. орт. н.* Бола пирпиракни пириллатиб юеуриб кетди. — Улар киприкларини

тинмай пириллатиб, соқчиллик қилардилар. С. Анобоев, Оқсой.

2 Тез, фириллатиб олиб бормоқ, олиб кетмоқ. *Алижон ўз кучига ишониб, бир обқаш сувни пириллатиб олиб кетиши билан мақтанадиган, кучини мансаб билиб юрадиган йигит эканлигини ҳамма билади.* Мирмуҳсин, Чинқиш.

**ПИРЛИК** пир I с. *мавҳ. от.* Бизларча пирлик қиласан. Тағин келиб энди мунда, Шайтондай бўлиб оғтираман. «Фольклор».

**ПИРОВАРД** [ф-т] Тугалиш, охир, ниҳоя, сўнг. *Галнинг пироварди.* *Иш пировардида етди.* Уқиниши пировардида етказмоқ. — *Элмурод мактубни шеър ўқигандай ўқиб келиб, пировардида баландроқ овоз билан тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йигилмиши пировардида Қодирқулнинг шубҳаси чиппака чиқди.* А. Муҳиддин, Йисон қалби оташ. **Пировард буюмоқ** тугамоқ, охирига, ниҳоясига етмоқ. *Сўзбатимиз ҳам пировард бўлди.*

**ПИРОГ** [р] Қийма, мева, қиём ва ш. к. солиб духовкада пишириладиган нон. *Гўшти пирос.* | *Ширин пирос.*

**ПИРОЖНИЙ** [р пирожное] Ёғ, сут, тухум ва шакар аралаштириб қорилган ҳамирдан турли шаклда тайёрланган, баъзан юзига кремдан гуллар солинган кондитер маҳсулоти.

**ПИРОК** [асли буроқ] фольк. Афсонавий учар от. *Асли зотинг сенинг пирос,* Арзурум шаҳар кўп йирос; *Келгин юганга сен тезроқ.* «Нигор ва Замон». || *Эшон бедога қамчилар уриб, тинмайин чўлда юриб, чоптириб пирос отти, кун тушилида Майманоққа етди, супа бўйда отни тўхтатди.* «Зулфизар Авазхон».

**ПИР-ПИР** пир III с. *такр.* Чумчуқлар пир-пир учмоқда. — *Лаб пир-пир учиб рангидан қони қонди.* Қ. Раҳимов, Ўз касбини севган йигит. *Ғазабдан Мирзақаримбойнинг кўзлари пир-пир учди, ранги оқарди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПИРПИРАК** Тўрт қанотли паррак шаклида қоғоздан ясалган, шамол ҳаракати билан пириллаб айланадиган ўйинчоқ.

**ПИРПИРАМОҚ** I Кўз илғамас даражада тез-тез ҳаракатланиб, силкиниб, елпиниб турмоқ, хилпирамоқ. *Ойнинг дастлабки шубҳаси тўғоннинг тепасида пирпираб турган байроқча тушди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Уларнинг тепаларида . . . кўк ва қизил рангдаги ҳисобсиз қоғоз гуллар оёқларидан илинган қишчаларга ўхшаш пирпираб турадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Титрашга ўхшаш ҳаракат қилмоқ, учмоқ (мас., мускул, кўз ҳақида). *Элмурод аввалига эсанқирагандек юзининг гўшти пирпираб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар. Унинг лаблари сўзга келмасдан пирпираб уча бошлади. О. Ёқубов, Мирза терак.

**ПИРПИРАТМОҚ** пирпирамоқ *фл. орт. н.* Пириллаб турган иссиқ даст шабадаси калта кўк камзул остидан



чиқиб турган этагини пирпиратади. А. Қаҳор, Мостон. Эраши киприегини пирпиратиб дўкондорга яна тикилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ПИРРА** 1 Қаргалар сони ва айрим хиллари ҳисобига очко йиғишдан иборат қарта ўйини.

2 Шу ўйиннинг ютуқ билан тугалланиши. **Пирра қилмоқ** 1) белгиланган миқдорда кўп очко тўлаб маррага етмоқ, ютмоқ; 2) кўчма дағл. қойил қилиб бажармоқ, дундирмоқ. *Паловхонтўра, қайнатма шўрва, чучвара ва ҳоказо .. оёқатларни пирра қилади, қўлинг дард кўрмагур!* М. Муҳамедов, Мулзам.

**ПИРСИЁН** с. т. эск. Эронда яшайдиган, форсий тилда сўзлашадиган халқ вакили; форс, эроний. У ўзбекка ҳам ўхшамайди. Ё армани, ё пирсиён бўлса керак, бу хотин. С. Зуннунова, Гулхан.

**ПИРСИЛЛАМОҚ** «Пирс-пирс» товуш чиқармоқ. *Хўл ўтин пирсиллайди.*

**Пирс-Пирс** тақл. с. Паст узуқ-узуқ товуш ҳақида. *Жиққа хўл ўтин ёлғиз «пирс-пирс» қилиб, ачиққ заҳар тунун буруқтиради.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПИРТ** тақл. с. Игна, мих каби нарсалар санчилганда ёки тортиб олинганда, данак ва ш. к. нарсалар ситиб чиқарилганда эшитиладиган товуш ҳақида. *Игна пирт этиб санчилди. Олча данаги пирт этиб учиб кетди.*

**ПИРТИНГ-ЧИРТИНГ** с. т. Унчалик муҳим бўлмаган, арзимайдиган, бўлар-бўлмас, беҳуда; майда-чуйда. *Пиртинг-чиртинг гаплар. Пиртинг-чиртинг ишлар билан оворга бўлмоқ.* || *Пулми пиртинг-чиртингга сарф қилмоқ.*

**ПИРХОНА** [ф-т] Пирнинг (қ. пир 1) даргоҳи, хонадони. [Мирзараим:] *Шундай пирхонани қўйиб, бошқа жойни нима қиласан?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ПИРҚ** тақл. с. Бурун тортиганда ёки йиғлаганда димоғдан чиқадиган узуқ-узуқ овоз ҳақида.

**ПИРҚИЛЛАМОҚ** Бурнидан пишқирган овоз чиқармоқ, пишқирмоқ. *Йўлга тушиди қирқ ботиб Бедов отлар пирқиллаб.* «Хушкелди».

**ПИРҚИРАМОҚ** айн. пирқилламоқ. *Ҳасан юрар гур-гураб, Фирқўк оти пирқираб.* «Равшан».

**ПИРҚ-ПИРҚ** пирқ с. тақр. *Пирқ-пирқ йиғламоқ.*

**ПИС** тақл. с. Тор тешиктан ҳаво, буғ, газ чиққанда, чўгга сув сепилганда эшитиладиган товуш ҳақида. *Велосипед камерасининг дами пис этиб чиқиб кетди.* — *Дала кўнхясидан ахён-ахён тушаётган чўғ ёмғир тегиб, пис ўчиб, кўмирга айланарди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон издан.

**ПИСАНД** [ф-т] (фақат бўлишсиз ф-да) Диққат-этибор, назар-этибор). *Хон ҳеч қулоқ солмади, Писандига олмади.* Ҳ. Олимжон. **Писанд эмас** 1) кўнглига сифмайди, кўзига кўринмайди. *Унга ҳозир уй ҳам, боғ ҳам,*

*машина ҳам писанд эмас; 2) назари илмайди, менсимайди. Унга ҳеч ким писанд эмас; 3) ҳеч гап эмас, осон. Бу иш менга писанд эмас.* — *Дунёда одамнинг қўлидан келмайдиган иш бор эканми! Фақат истак бўлсин, Қўпчиликка ҳеч нараса писанд эмас,— деди Абдураул. П. Турсун, Ўқитувчи. Писанд қилмаслик назарга илмаслик, менсимаслик. У ҳеч кимни писанд қилмайди, бу ерда ит ўлтираемми, эшак ўлтираемми парвосига келтирмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ПИСАНДА** [ф-т] Олдиндан қўйилган талаб, шарт. *Уларнинг ўзаро писандларига мувофиқ янги ерлар, чиқариладиган сувлар Тешабойга текин ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | **Талаб ёки шарт тарзида айтиладиган баҳона. Писанда қиломоқ** 1) олдиндан бирор талаб ёки шарт қўймоқ; 2) таъкидламоқ; 3) луғма ташламоқ. — *Қори хайр иши давлатга қарамайди, оғайни,— писанда қилди мулла Бердиёр — ҳимматга қарайди, ҳимматга.* «Муштум», 1961, № 10.

**ПИСИЛЛАМОҚ** «Пис» ёки «пис-пис» овоз чиқармоқ. *Ҳар бир челақ сув сепилганда олов харилар, синчларнинг қолдиқлари писиллаб ўчар, бир оз тутун сочиб, кейин бутунлай жимиб қоларди.* Х. Ғулом, Машъал.

**ПИСМИҚ** Мақсадини, сирини бировга айтмайдиган, индамай ишини битирадиган, ичидан пишган. *Писмиқ одам.* || *Содда сирни тилида, писмиқ сақлар дилида.* Мақол. — *Кундошиннинг кўриниши баёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан ... Бундай одамдан албатта ҳазар керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ПИСМИҚЛИК** писмиқ с. белги оти. *Қимдир [Шамсининг] писмиқлигига мослаб «фитнаи охир замон» деб лақаб қўйибди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. — *Очиқ ҳаракат қилишга ... халқдан кўрқадилар. Писмиқлик билан, кўзбўймачилик билан иш кўрадилар,— деди Алексей. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ПИСМОҚ** 1 Узини панага олмоқ; бекинмоқ, яширинмоқ. *Баҳодир йигит оғви учида турган гранаталарни олиб чаққонлик билан душманга қарши иргитди, ўзи эса траншеяга писди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

2 Индамай қолмоқ, жим бўлмоқ. *Аҳмад соқов ... чойхонанинг бир четида гуноҳкордек писиб, кўзларини Муҳаммадқаримдан яширишга уринарди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**ПИС-ПИС** пис с. тақр. *Уй ичида жинчирок липиллаб турар, ўртада пис-пис қилиб хўл ўтин — гулхан ёнмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ПИСТА** [ф-т] 1 бот. Жануб тоғларида ўсадиган паст бўйли дарахт. Табиатнинг меҳри билан ясалган кўм-кўк арчазорлар ва тоғ ариқларидаги жарлар ёқасида саф тортиган писта зумраддек товланиб, кўзларни қамаш-

тирар эди. Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

2 Шу дарахтнинг қаттиқ қобиқли да-наги. *Ана ширинлик, мана ширинлик деб мураббо-ю нишолда, писта-ю мағиз, қанд-курс, яна алланималарни ҳеч суриштирмасдан аралаш-қуралашига пок-покиза тушираверибди.* Н. Мақсудий, Мечкай эшон. **Хандон писта қ.** хандон.

3 с. т. Пистачка.

◆ **Писта даҳан** оғзи кичик ва келишган. [Холмат:] *Оби равон, .. писта даҳан, нозик адо, пари жаҳон яъни исм шарифлари Жамилахон Ҳамза, Бой ила хизматчи. Писта кўмир қ. кўмир 1. Писта пўчоқжо қилмоқ (ёки жойламоқ) гап билан оғиз очдирмай бир бурчакка тикиб қўймоқ.*

**ПИСТАЗОР** [ф-т] Писта дарахтлари билан банд ер, майдон. *Ўрмон хўжалигига қарашли пистазорлар.* || *Тун яримдан оғди. Ой пистазор тоғларнинг орқасига аста-секин яширинди.* Ё. Шукуров, Юраклар така-пука.

**ПИСТАЧКА** [р фисташка < ф-т] с. т. Кунгабоқарнинг уруғи. *Хом пистачка. Ковурилган пистачка.*

**ПИСТИРМА** Тўсатдан хужум қилиш ёки ов пойлаш учун фойдаланадиган яширин қурилма, жой. *Тулки овлаш учун пистирма қўймоқ. Пистирмадаги танк.* — *Бекнинг юраги ёмон тегиб, ўз пистирмасидан сўқмоқни кузата бошлади.* Х. Ғулом, Машъал.

**ПИСТОЛЁТ** [р < фр] Яқиндаги нишонга ўқ узиш учун белгиланган, ёнда олиб юриладиган қурол, тўппонча. *Етти ўқли автоматик пистолет. Пистолет-пулемёт* автоматик равишда бирин-кетин ўқ узадиган, яқин масофадаги жангларда қўлланадиган отиш қуроли. *Самолётлар машиналар тўпланган жойга хужум бошлаган ҳамон фронт томонидан кетайётганларнинг бири: «Огоны! Огоны!» деб қичқириб, пистолет-пулемётдан ўқ узи бошлади.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

**ПИСТОН** [р < фр] 1 Зарядни ёндириш учун зарбдан портлаб кетадиган модда солиб ўқ тубига ўрнатиладиган металл қисм; капсуля. *Милтиқ ўқининг пистони. Снаряд пистони.* Чақилган пистон.

2 Ўйинчоқ милтиқ ёки тўппончада отиш учун белгиланган зарядли қоғоз тангача.

3 Қийим-кечак, парда ва ш. к.га зийнат учун қадаладиган йилтироқ пластинкача. *Дўппица пистон қадам.* — *У [қиз] тушаётганида бошидаги қора тўр пардага қадалган олтин пистонлар йилтираб, жилава сочди.* Мирмуҳсин, Чўри. **Пистон тугма** бир-бирига қадаб қўйиладиган икки қисмдан иборат тугма; шиқ-шиқ тугма.

4 Пуфлаб чалинадиган музыка асбобининг қўл билан босиб очиб-ёпиб турадиган тугмаси.

**ПИСТОҚИ** [ф-т] Писта мағзи рангидаги, оч баргикарам, очиқ яшил. *Пистоқи ипак.* — *Кўк, қизил, зан-*



гори, сариқ, ок, пушти, жигар ранг, гўлос, писток — боринки, дунёда қанча ранг бўлса, . . . тўтининг патида бер эди, — деди Шум бола. *Г. Фулом, Шум бола.*

**ПИСҚИН** диал. эск. Аччиқ киноя; пичинг.

**ПИТИЛЛАМОҚ** айн. питирламоқ. **ПИТИЛЛАТМОҚ** питилламоқ *фл. орт. н.*

**ПИТИЛЛАШМОҚ** питилламоқ *фл. бирг. н.*

**ПИТИРЛАМОҚ** I Жон талвасасида ўзини ҳар ёнга урмоқ, сапчимоқ, питир-питир қилмоқ; типирчиламоқ. *Сўйилган товуқни кўрганмисан? Питирлайди, кўтарилиб-кўтарилиб тушади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

2 *кўчма* Тез, шошилич ёки безовта ҳаракат қилмоқ, шошилиб, ҳовриқиб қолмоқ. *Оёғи куйган товуқдай питирламоқ. — Уйда Анзират кампир билан Хожия ўтирарди. Улар аҳволни кўриб питирлаб қолишди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Раимжон ҳам питирлаб қолди, унинг кўзи олазарак эди. Ш. Фуломов, Комсомол иродаси.*

**ПИТИРЛАТМОҚ** питирламоқ *фл. орт. н.*

**ПИТИРЛАШМОҚ** питирламоқ *фл. бирг. н.* Тўрдаги балиқлар ҳамон питирлашар эди. Ойдин, Бечора.

**ПИТИР-ПИТИР** тасв. с. I Жон талвасасидаги кескин, нотинч ҳаракат ҳақида. *Питир-питир қилмоқ. Тўрға тушган бедана питир-питир қиларди.*

2 *кўчма* Тез, шошилич ёки безовта ҳаракат ҳақида. *Мунча питир-питир қиласан.*

3 с. т. Ўрнида тинч турмайдиган; серҳаракат; ҳар нарсага уринадиган, питирак. *Питир-питир бола. || Бу одам мунча питир-питир экан.*

**ПИТОМНИК** [р] Ўсимлик ёки ҳайвонлар ўстириладиган ва кўпайтириладиган жой. *Мева дарахтлари питомниги. Балиқчилик питомниги.*

**ПИТПИЛДИҚ** Бедананинг сайраши, битбилдиқ. *Махсум беданаларнинг питпилдигига қулоқ солганча, бир чойнак чойни эрмак қилиб ўтирди. В. Ғофуров, Вафодор.*

**ПИТПИЛІҚ** айн. питпилдиқ. *Дашта жимлик ҳукм сурмоқда, бу жимликни фақат боғларнинг чайлаларига осилган тўрқовоқлардан чиққан «вавағ, вавағ, питпилик, питпилик» садолари бузиб турар эди. Айний, Қулар.*

**ПИТРА** Ов милтиқ ўқи ва снарядлар учун ишлатиладиган юмалоқ қўрғошнинг донаси; сочма ўқ. *Маида питра. Йирик питра. Гильзасига питра солмоқ.*

**ПИТРАҚ** диал. Серҳаракат, уринчоқ. *Кундуз ёш бўлса ҳам, жуда питрақ қиз. Ойдин, Бечора.*

**ПИТРУЗА** [ф-т] с. т. айн. **ФИТРИ** рўза қ. **ФИТР** 2. *Валлоҳи ағлам, жами мусулмонларга аёндирки, питрўза тўламоқ фарздир. «Муштум», 1962, № 2.*

**ПИХ** I Айрим эркак паррандаларнинг оёғида бўладиган мугузсимон учли ўсимта. *Хўрознинг пихи.*

♦ **Пихи қайрилган ёки пих(ни)** ёрган кўп иш кўрган, кўп ишларни бошдан кечириб айёр, қув бўлиб кетган. *Ҳар ҳолда, пих ёрган жиноятчи ойдим тунда оқ илондай бир гап. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.*

**ПИХ** II: **пих қилмоқ** бол. Кесмоқ, сўймоқ. *Қовунни пих қилмоқ.*

**ПИХ** III *тақл. с.* Мушукнинг ўз рақибини кўрқитиш учун хурпайиб олиб томоқ қириб чиқарадиган товуши ҳақида. *Бошқа бири орқадан мушуксимон «пих» деб мени чўчитмоқчи бўлди. Ойбек, Болалик.*

**ПИХ** IV *диал.* Пўпанак, моғор. *Пих боғлаган нон.*

**ПИХИЛЛАМОҚ** I Хурпайиб томоқ қириб пих деган товуш чиқармоқ (мушук ҳақида). *Мушук итга қараб пихиллади.*

2 Томоғидан бўғиқ товуш чиқариб, хириллаб нафас олмақ; хирилламоқ. *Юмалоқ оқсоқол ёқасини ушлаб, бош чайқатди, ҳам одамларга кўз оқини ўйнатиб пихиллади. Ойбек, Навоий.*

**ПИХИЛЛАШМОҚ** пихилламоқ *фл. бирг. н.*

**ПИЧА** рвш I Оз миқдорда, озгина. *Иккита оқ пиёзни майда тўғради, унга пича муруч сепди, пиёзни гурунчининг бир чеккасига кўмиб, ошдамеирни ёпди. Ойдин, Ёнгит.*

2 Оз вақт, бир оз, андаккина, андак. *Мингбоши пича кутди, Матқовул гапирмагандан кейин яна бақирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Жуда чарчадинг, пича ухлаб, дам олсанг бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

3 Оз даражада, сал. *Кўнглим пича тинчиди.*

**ПИЧАН** Ҳайвонларга озуқа бўладиган ўт; ўриб қуритилган ўт; хашак. *Бир боғ пичан. Пичан ғарами. Пичан ўриш машинаси. — [Шербек] пичан ўришга ажратилган одамларни тўп-лаб, керак-яроғини, бир ҳафталик озиқ-овқатини олди. С. Анорбоев, Оқсой. Жангчиларнинг кўпи овқатланишни ҳам унутиб, қалин пичан устига юмалаб ухлаб қолишди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ПИЧАНЗОР** Пичанбоп ўт ўсган майдон; ўтзор. *Қишлоққа яқин жойдаги пичанзорлар билан бедаялардаги бедани ўриб йиғиштиришга раисимиз .. ўзлари раҳбарлик қилсалар. С. Анорбоев, Оқсой. || Мана, кўз ўнгимизда кўёшининг ҳайъабаш тафтига тоб бериб кенг пичанзор водий ястаниб ётибди. А. Шермухамедов, Ут-ўланлар водийси.*

**ПИЧАНХОНА** Пичан сақланадиган хона, бино. *Пичанхонага кириб, эшикни тамбалаб, қалин, майин ва хушбўй пичанга болани кўмон: «Ухла! Йиғлама!» Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ПИЧИНГ** Бировнинг шахсига тегиш, ғашини келтириш, масхаралаш

учун айтилган илмоқли гап; қочирим, қочирик. *Уста юрагидаги гапларни кўпчилик ўртасида бирма-бир айтиб ташламоқчи эди, аммо раиснинг пичинги шаштини қайтарди. С. Маҳкамов, Дала танги. Пичинг отмоқ (ёки қилмоқ) бировнинг шахсига тегадиган, ғашини келтирадиган ёки масхаралаш учун илмоқли гап айтмоқ. У қизнинг ҳазил аралаш пичинг отаётганини пайқаб қолди-ю, бирдан тўтоқиб кетди. О. Ёқубов, Мирза терак.*

**ПИЧИНГЧИ** Пичинг қилишни яхши кўрадиган, пичингга одатланган киши. *Оббо сизлар-эй! .. Ишларнинг мазаси бўлмаса керакки, пичингчи бўлиб қолибсизлар. И. Раҳим, Тақдир.*

**ПИЧИР** Сўзловчи билан тингловчидан бошқа одам эшитмайдиган қилиб, паст овоз билан айтилган гап; пичир-пичир, шивир-шивир. *Гапнинг ёмони пичир, этнинг ёмони қичир. Мақол. Ёнимда ўтирган икки қизнинг пичири қулоғимга чалинди. М. Жалолитдинова, Журъат. | Бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз. — Қасали нима экан, озиб кетибди келинчак онамиз? — пичир билан сўради Салимбойвачча. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**ПИЧИРЛАМОҚ** Бошқалар эшитмайдиган даражада паст овоз билан гапирмоқ; шивирламоқ. *Хадича бувининг қуришган лаблари яна алланималар деб пичирлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. — Ҳа, бир нарса ўйлаб топши керак, — дейди Юсуфжон ва энгашиб унинг қулоғига бир нарсаларни пичирлади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

**ПИЧИРЛАТМОҚ** пичирламоқ *фл. орт. н.* *Олдинда Санам отин қилбага қараб намоз ўқирди. Майна ҳам лабларини пичирлатиб Санам отинга эргашди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ПИЧИРЛАШМОҚ** пичирламоқ *фл. бирг. н.* *Хўжақул швейцар билан ниманидир пичирлашди-ю, ичкарига кириб кетди. О. Ёқубов, Учрашув.*

**ПИЧИР-ПИЧИР** пичир с. тақр. I Шивирлашиб сўзлашганда чиқадиган паст товуш ҳақида. *Ўтириб китобни тиззасига қўйди ва пичир-пичир дуо ўқиб юзини сийпади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 Узаро хуфий гап; шивир-шивир. *Нодира хола ханг-манг бўлиб қолди. Унинг қулоғи остида домланинг гўнғир-гўнғир, пичир-пичири эшитилгандай бўлди. «Муштум», 1961, № 22.*

**ПИЧМОҚ** диал. Бичмоқ. [Алиохун:] *Сизни эгам сўзга пичиб қўйган экан-да. Ойбек, Қутлуғ қон. Авзоимизни кўрган киши индамасдан ҳамманенинг ишинга нарх пичиб қўя қолади. И. Раҳим, Ихлос.*

**ПИЧОҚ** I Дастага ўрнатилган ясси ва узун тигли рўзғор асбоб. Қассоб пичоғи. Ошихона пичоғи. Йўқолган пичоқнинг сопи олин. Мақол. *Утмас пичоқ қўл кесар. Мақол. Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар. Мақол. — [Ёр-*

мат] ҳар вақт мақтайдиган пичоғини қинидан суғуриб, тарвуэни кесди. Ойбек, Қутлуғ қон. **Пичоқ тортмоқ** (ёки қўймоқ) пичоқ билан кесмоқ, сўймоқ. *Мабодо ҳўкиз ёмонлаб қолгудай бўлса, бориб, дарров бўғзига пичоқ тортиб юборасан.* Ғ. Ғулум, Шум бола. **2 тех.** Турли асбобларнинг кесувчи қисми. *Мясорубка пичоғи.*

◆ **Пичоқ (бориб) суякка етди қ. суяк.** Пичоғи мой устида қ. мой. **Утмас пичоқ билан сўймоқ** чидаб бўлмас даражада азобламоқ. [Одилжон:] *Қаёқдан ҳам тўйда! ўша қиз билан ашула айтдим, ўйин тушдим, ўшандан бери Гулчеҳра мени ўтмас пичоқ билан сўйиб юрибди.* У. Назаров, Ғурур. **Пичоққа илинмайди** арзимайди, арзигули ери йўқ. *Пичоққа илинмайдиган ҳосил.*

**ПИЧОҚБОЗЛИК** Бир-бирига пичоқ уриш, пичоқ билан хужум қилиш. *Уфатлар орасида низо чиқиб, муштлаш, пичоқбозлик бошланди.* Ҳ. Ғулум, Машғал.

**ПИЧОҚЛАМОҚ** Пичоқ билан жароҳатламоқ ёки ўлдирмоқ, пичоқ урмоқ. *Болтахўжа бир кунги, [Хурихон] аёллар мажлисидан қайтганида, шундай дарвозасининг тағиди пойлаб турган экан, ўн икки жойидан пичоқлаб ташлабди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. *Ёдгор ота қозихонада ўзини пичоқлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қизлар.

**ПИЧОҚЛАНМОҚ** пичоқламоқ *фл. мажҳ. н.*

**ПИЧОҚЛАШМОҚ** пичоқламоқ *фл. бирг. н.* Бизнинг молимизага кўз олайтирган ўғриллар беш-олти киши бўлиб, уйни тешаётган вақтларида ораларица низо тушиб, бир-бирлари билан пичоқлашган бўлсалар керак. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

**ПИЧОҚСОЗ** айн. пичоқчи.

**ПИЧОҚЧИ** Пичоқ ясовчи хунарманда, пичоқсоз уста. *Пичоқчи уста.* — *Кези келса пичоқчи, кези келса сувоқчи.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ПИЧОҚЧИЛИК** 1 пичоқчи с. касб *оти.* Пичоқчилик қилмоқ.

**2 тар.** Бозорда пичоқчилар растаси.

**ПИШАК** [ф-т] диал. Мухук. Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар Магар ажал қўмсаб келса сичқонга. «Алпомиш».

**ПИШАНГ** эск. айн. ричаг. Яна тушқи сменага ўтган кунларимиз эди. Вишқанинг тепасидаги пишангнинг ўқи сал қўйшайиб қолган экан. П. Қодиров, Кадрим.

**ПИШИЛЛАМОҚ** Бурун орқали «пиш-пиш» товуш чиқариб нафас олмақ, «пиш-пиш» товуш чиқармоқ. *Уй ичи жимжит, .. Кенжа пишиллаб, чиройли ухлапти.* Н. Фозилов, Оқим. *Олаҳўжа вишкка тикилиб оғир пишиллади.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ПИШИЛМОҚ** *пшмоқ* II *фл. мажҳ. н.* Табиат чиндан ҳам бевақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга пишилган паррандадек жабрлаган эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ПИШИМОҚ** I I Ишлов билан ёки ривожланиб етилмоқ, меъёрига, обитобига етмоқ, фойдаланса бўладиган ҳолга келмоқ. *Лой яхши пишиди. Ип ҳали пишмабди.* — [Раис:] *Қалай? Ерлар кўнмадагидай пишидими? Ойдин, Юрагиди Ути бор.*

**2 кўча** Кўни кўриб, бошдан кечириб бой тажриба орттириб, вояга етмоқ, етуклик даражасига эришмоқ, етишмоқ. У [Сулаймон] *еш бўлса-да, халқ революцияси тўлқинида пишиди.* Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда. *Шаҳдам қадам босиб минбарга чиқшидан, гап оҳангидан бунақа дарага кўп тушиб хийла пишиган, сержриба кўринади.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. | **Чиниқмоқ**, **тобланмоқ.** Қиши меҳнатда пишиди. *Ешсан пишарсан, бу дамнингдан тушарсан.* Мақол. — *Утеген жанг оғирликларини кўрган сайин пишиди.* Ж. Ташенов, Жангчи Утеген. **Кўзи пишимоқ** қ. кўз. **Қулоғи пишиди** 1) эшитавериб кўникиб қолди. *Хўжайилларининг тағналарини эшитавериб, етимнинг қулоғи пишиган, эти кўниккан эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи; 2) кўп эшитиб уқиб олмоқ, қулоғига қўйиб олмоқ. *Фотиманинг қулоғи ўзи кўрмаган харидорлари тўғрисидаги гаплар билан пиши борди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**ПИШИМОҚ** II *кам қўлл.* Сувга ботиб жиққа ивимоқ. *Ёмғирда қолиб роса пишидим.*

**ПИШИРИЛМОҚ** *пиширмоқ* *фл. мажҳ. н.* Ош пиширилди. Иш пиширилди. — *Бўғдойдан гўжа ош қайнатса бўлади.* Ун қилиб атала, умоч, уера ош, хуллас ўттиз икки хил овқат пиширилса бўлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПИШИРИШМОҚ** *пиширмоқ* *фл. бирг. н.* Опа-сингил бирпасда палов пиширишиди. — *Бу ердагилар ҳам юққани мазали пиширишар экан.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПИШИРМОҚ** *пшмоқ* I 2, 3, 4—7 *фл. орт. н.* Ошни пиширмоқ. Масалани пиширмоқ. — *У қайроқ бўғдой ундан ёлги патир, сомса ёнди, қатламалар пиширди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ганни аввал Муродова билан пишириб қўйган экансан-ку, нега менга илгарироқ айтмадинг.* И. Раҳим, Ихлос.

**ПИШИТИЛМОҚ** *пишитмоқ* *фл. мажҳ. н.* Лой пишитилди. Боланинг қулоғи пишитилди. — *Ҳе, гапингиз бор бўлсин, бу томонни пишитилмай бўладими, ака,— деди Матқарим.* «Сирлар».

**ПИШИТМОҚ** I *пшмоқ* I *фл. орт. н.* Ипакни пишитмоқ. Ерни пишитмоқ. *Лойни пишитмоқ.* **Қулоғини пишитмоқ** қ. қулоқ I 1.

**2** Олдиндан гаплиниб, желишиб маслаҳатни бир ерга қўймоқ, аниқ-равшан, пухта қилмоқ. *Ганни пишитмоқ.* — *Қурилишни эсон-омон тугатиб топширсам бас, трестга ип этиб ўтаман-кетаман.* Кеча боранида яна пишитдим. А. Мухтор, Туғилиш.

**ПИШИҚ** I Пишган, пишиб етилган (мева, сабзавот, дон ва ш. к. ҳақида). *Олмани хом, пишиқ аралаш термоқ.* — [Амлоқдор:] *Ўғриллар,.. подшоҳлик ҳақини аниқламасдан бурун, хом демай, пишиқ демай, кўзга кўринган нарсани еверасанларми?! Айний, Қуллар. | от вазифасида (полиэ экинлари, мева, сабзавот ва ш. к. номи билан)* Пишган вақти, мавсуми. *Қовун пишиғи. Тут пишиғи. Авжи ўрик пишиғи.* — *Бўғдой, жўхори пишиғида.. енгил чархини елкасига солиб, ўғилчасини етаклаб дала айланади, ўроқ чархлайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2** Тезда синмайдиган, йиртилмайдиган, узилмайдиган, бузлмайдиған; пухта, мустаҳкам, қаттиқ, чидамли. *Пишиқ чит. Пишиқ чарм.* — *Мастон .. оғғидаги пишиқ ағдарма этикни кўздан кечирди.* А. Қаҳҳор, Мастон. || [Унсин] *маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мулли ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқлари билан «қир-қир» тортиб қўяди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**3** Эшилган, пишитилган, чийратма. **Пишиқ ип** 1) пухта ип; 2) чийратма ип.

**4** Утда пиширилган. *Пишиқ ғишт.* **5** Жисмоний жиҳатдан бақувват, миқти, чайир. У [Абдураҳман] *ёнди турмушининг оғир кулфатларини енгил, пишиқ ғишт бўлиб етишган эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**6** Кўча Уз ишига пухта, бировга сўзини бермайдиган, ҳақини олдирмайдиган. *Пишиқ, сўзамол камтир, ҳар хил баҳона топиб, кунда бир-икки марта бойниқига қирар.. эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Мирсоатнинг бир оз ёшлиги бўлмаса, у ҳам пишиқ бола.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Пишиқ бўл.* *Нима мақсадда юрганингни ҳеч ким билмасин.* П. Турсун, Ҳўқитувчи. | *Ўз нарсасини, меҳнатини бировга анойи қилмайдиган, қаттиқ. Қузда тоғандан пул олиб юбораман-да. Лекин қариндошларимиз ўлгудай пишиқ одамларга ўхшайди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**7** Кўча Асосли равишда ишланган; пухта. *Пишиқ асар.* || *Пишиқ иш қилмоқ.* — [Ҳақимов] *Эшонбоев тез ўсиб келаётган кадрлардан эканини, анча пишиқ илмий иш ёзганини айтди.* П. Қодиров, Уч илдиэ. | *Яхши, асосли. Мен бошқа нарсга демоқчман: ишнинг кўзини биладиган одам, пишиқ, хат-саводи бор, .. шу одамни секретарликка тавсия қилсам демоқчман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

◆ **Етти қовун пишиғи бор** ҳали узоқ, кўп бор.

**ПИШИҚЛАМОҚ** Бирор ишни пишиқ-пухта бажариш учун йўл-йўриқ кўрсатмоқ; пишиқ-пухта ўргатмоқ, тайинламоқ. *Олдиндан пишиқлаб қўйилган бўлса ҳам гапидан адашини кетди.*

**ПИШИҚМОҚ** I *кам қўлл.* Зўриқиб ёки бошқа бирор сабаб билан бўртмоқ. *Унинг [Баширатнинг] эрталабки совуқдан ва ҳовлиққанидан қит-қизил бўлиб пишиққан лўпчи юзида тоқат-*

*сизлик билиниб турар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Пишимоқ, чиниқмоқ, тобланмоқ. *Меҳнатда пишиқмоқ.*

**ПИШИҚ-ПИШИҚ** *рви* Гапни ўз урнига қўйиб, пишиқ-пuxта, бурро-бурро. *Пишиқ-пишиқ гапирмоқ.* — *Ўзбекча сўзларни секин ва пишиқ-пишиқ айтиб берди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ПИШИҚ-ПУХТА** 1 *айн.* пишиқ-пишиқ. *Пишиқ-пuxта гапирмоқ.*

2 *айн.* пишиқ 2, 5, 6, 7. *Пишиқ-пuxта этик.* — Мулла Мухсин хатиб домла каби пишиқ-пuxта, яъни замона ишларида тушунганини киши эмас. А. Қодирий, Обид кетмон.

**ПИШИҚТИРМОҚ** 1 *пишиқмоқ* *фл. орт. н.*

2 *айн.* пишиқламоқ. *Сир сақлаш учун болани пишиқтириб қўймоқ.* — Мингебоши. *Жўраҳонни ҳам сўроққа талаб қилиб қилишлари мумкинлигини ўйламаган эди.* Қизининг қулгоғини пишиқтириб қўйганига мана энди афсус еб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПИШИҚЧИЛИК** Мева, сабзавот ва ш.к.нинг фарқ пишган пайти. *Тўй пишиқчилиқда бўладиган бўлди.* — *Асал бувининг ўзи .. айна пишиқчилик вақтида қелди қишлоққа.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ПИШҚАК** Қув дастаси. У бошини эгиб, пишқакни жадал билан ўраётганда, узун сочлари олдида тушиб, пишқакка ўралар ва халал берарди. Айний, Дохунда.

**ПИШЛОҚ** Сутни махсус ачитиб тайёрланадиган сирга ўхшаш овқат. *Фермаишда сутлардан қатиқ, қаймоқ ишлаймиз, Жангчиларга чарчмай мой ва пишлоқ ишлаймиз.* 3. Днёр.

**ПИШЛОҚЧИ** Пишлоқ тайёрловчи киши.

**ПИШМОҚ** I 1 *Ўсиб, ривожланиб истеъмол қилиш ёки ишлатиш учун яроқли ҳолга келмоқ, етилмоқ* (мева, сабзавот, дон ва ш.к. ҳақида). *Қулупнай пишиди. Помидор пишагани йўқ.* — [Қиз:] *Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қора гилослар фарқ пишиб, шохлари томга тушиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. | Ривожланиб етилмоқ. *Пишмаган новда. Пишган уруғ.* — *Эгатлардаги тутларнинг новдалари пишибди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 *Қайнатиш, қовуриш, димлаш* ва ш.к. натижасида истеъмол учун тайёр бўлмоқ. *Палов пишиди. Тухум пишиди.* Нон қизариб пишиди. Бермаснинг оши пишмас, пишса ҳам қозондан тушмас. Мақол. *Пишган ошининг умри қисқа. Мақол.* — *Кечки норин учун катта қозонда ёғли қазни пишади.* Ойбек, Қутлуғ қон.

3 *Ўтда ишлов еб, зарур технологик хусусият касб этмоқ.* *Гишт яхши пишибди.*

4 *Тобланмоқ, қораймоқ; чиниқмоқ.* *Оқтобда роса пишидик.* — *Оҳо агро-*

*номча,— деди Ҳамдам қошини чиқариб,— далада роса пишибсанку.* Ҳ. Ахмар, Қим ҳақ?

5 *с. т.* Тўлишиб ёрилиш даражасига келмоқ (яра-чиқиқ ҳақида). *Малҳам қўйилса, чиққон тез пишади.*

6 *кўчма* Умри охирига етиб, қартайиб, ўлими яқинлашмоқ. *Эшон аянинг бирдан-бир нияти — қўлда қолган қўр-қутларни сақлаб қолиш, пишиб, ҳилвираб турган эшонни ўз масканига қўйиб, бойликларга эга бўлиш.* С. Аҳмад, Ҳукм.

7 *кўчма* с. т. Ҳал бўлмоқ, тайёр бўлмоқ. *Иш пишиди — Тешабойнинг ўрнига сизни бригадири қилмоқчи бўлдиқ.* Уйғун, Дўстлар. *Шундай қилиб масала пишиди. Умурзоқова ва унинг дўстлари пешаналарини қашиганича қолаверадилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мунаввар Назокат фожиясини ўз фожиясидий юраига яқин олди. Шунгами, постановка тез пиша қолди.* С. Анорбоев, Меҳр.

◆ *Ичи пишиди қ. ич 3. Ичдан пишган қ. ич 3. Қўзи пишмоқ қ. кўз.*

**ПИШМОҚ** II *Сувга, суюқликка ботириб ҳўл қилмоқ. Дўпписини сувга пишиди.*

**ПИШ-ПИШ** I *унд. с.* Мушукни чақирриш учун ишлатилади.

**ПИШ-ПИШ** II *тақл. с.* Бурундан нафаснинг бўғилиб, сиқилиб ўтаётганда ҳосил бўлган товуш ҳақида. *Пиш-пиш ухламоқ.* — *Алихон жим қурди чордона, Қур-қур тортди чилми бирпас. Сигмай кетди гўё кенг уйга, Пиш-пиш олди чуқур бир нафас.* Ҳ. Пўлат.

**ПИШПИШЛАМОҚ** *Пиш-пиш* деб гапирмоқ. *Мушукни пишпишлаб чақирмоқ.*

**ПИШТ** *унд. с.* Мушукни ҳайдаш учун ишлатилади. *Мушукка «пишт» демаган, товуққа «кишт» дермиди?* Мақол.

**ПИШҚИРИШМОҚ** *пишқирмоқ* *фл. бирг. н.* *Отлар сувга тўйди, пишқиритиб, тушушларини силкитди.* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил.

**ПИШҚИРИҚ** I *Бурундан чиққан бўғиқ баланд товуш. От пишқирити.*

2 *кўчма* Қаттиқ босим билан пишпилаб чиққан бугнинг кучли товуши. *Паровоз пишқиритидан кишилар бир-бирининг товушини эшитмайди.*

**ПИШҚИРМОҚ** I *Бурундан кучли бўғиқ товуш чиқармоқ* (от, қорамол ҳақида). *Қанадан ҳам кўра сизир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди,— бошини силкиydi, пишқиради.* А. Қаххор, Адабийт муаллими. *От бўлса ҳавонинг бузилганини сезибми, йўлнинг ёмонлигидан нолибми, қаттиқ-қаттиқ пишқиритиб қўяркан.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Пишқиритққа ўхшаш қаттиқ товуш чиқармоқ. *Паровоз худди чарчаган отдай бир пишқирит тўхтади.* Ж. Шарипов, Саодат. | *Шиддат билан шовулламоқ, вишилламоқ. Ҳамма пишқирит ёнаётган оловни ўчиришга ёпишиди.*

3 *кўчма* Ҳайқириб гапирмоқ, бақирмоқ. — *Дорисидан кечдим! — деди қўрбоши пишқириб.* А. Қаххор, Кўр кўзнинг очилиши.

4 *кўчма* салб. Шошилиб кетмоқ, босар-тусарини билмай қолмоқ. *Пишқирган бойлар.*

**ПИҚ** *тақл. с.* Кулгандаёки йиғлаганда томоқдан портлаб чиққан қисқа, бўғиқ товуш ҳақида. *Рагно онасининг сўзи билан пиқ этиб кулди.* А. Қодирий *Меҳробдан чаён. Анзират кампир пиқ этиб йиғлаб юборди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ПИҚИЛЛАМОҚ** *Кулги ёки йири аралаш қисқа, бўғиқ товуш чиқармоқ, «пиқ-пиқ» этмоқ. Сотиболди ҳарчанд ўзини туттишга» ҳаракат қилса ҳам бўлмади — пиқиллаб кулиб юборди.* А. Қаххор, Қўшчинор. *Ўзилган қайишларнинг улогини улогига тўғри қилиб тикмоқда ва пиқиллаб ўпкамини тутиб ололмади йиғламоқда эдим.* Ҳ. Ғулум, Тирилган мурда.

**ПИҚИЛЛАШМОҚ** *пиқилламоқ* *фл. бирг. н.* *Мадрасанинг ҳовлисига кирсам, сабоқдош шерикларимдан бир нечаси пиқиллашиб, йиғлашиб ўтиришибди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. — *Эски дард,— деди алаким, қизлар пиқиллашиб юбордилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ПИҚИР** *тақл. с.* Кулги ёки йиғидан ўзини тутма қолганда чиқариладиган қисқа, паст товуш ҳақида. *Пиқир этиб кулмоқ.*

**ПИҚИРЛАМОҚ** *Кулги ёки йиғидан ўзини тутма қолмай қисқа, паст товуш чиқармоқ, пиқир этмоқ. Мастура пиқирлаб кулиб юборди, яна кулди, ёш боладай ўзини тутолмай қиқирлар эди.* А. Қаххор, Минг бир жон.

**ПИҚИР-ПИҚИР** *пиқир с. тақр.* *Қизлар.. нималарнидир аста-аста сўзлашиб, пиқир-пиқир кулишарди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

**ПИҚ-ПИҚ** *пиқ с. тақр.* *Лаъли Утапнинг саволига жавоб бермади, хўрланганига хўрлиги келиб, пиқ-пиқ йиғлади.* Ҳ. Ғулум, Машғал. *Можародан хабардор Утамбой пиқ-пиқ кулиб, бир четга кетишга мажбур бўлади, Холмирза ака илжайиб ерга қарайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ПЛАГИАТ** [р (лат)] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатиш, адабий, ижодий ишдаги ўғирлик.

**ПЛАГИАТОР** [р] Бировнинг асарини ёки ундаги фикрларни ўзиники қилиб кўрсатувчи автор.

**ПЛАГИАТОРЛИК** *плагиатор с. мавҳ. от.*

**ПЛАЗМА** [р (грек)] 1 *биол.* Қоннинг суюқ таркибий қисми. 2 Юқори даражада ионлашган мода.

**ПЛАКАТ** [р (нем)] Тарғибот, ахборот ёки реклама мақсадларида кўча ва жамоат муассасаларига илиб қўйиладиган қисқа текстли сурат. *Революцион плакат. Иямий-атеистик пла-*

кат. Агитацион плакат. — У [Холмат] .. орқасига қайрилиши билан, девордаги плакатга кўзи тушиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПЛАКАТЧИ** Плакатлар чизувчи рассом.

**ПЛАН** [р < лат] 1 Жой, нарса, иншоот ва ш.к.нинг устдан кўриниши, маълум масштабда тасвирланган чизма, чертёж. *Бионинг плани. Шаҳарнинг плани.* — Қишлоқнинг планини, кўчаларини, уйлари кўрдингиз. *Мана бу кўча ҳозирги ёйристоннинг бир чеккасидан ўтади.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ.

2 Иш, тадбир, программа ва ш.к.нинг бажарилиш вақти ва тартиби олдида белгилаб қўйилган режа. *Халқ хўжалигининг беш йиллик плани. Пахта тайёрлаш плани. Ташкилотнинг иш планини тузмоқ.* — Қасаба союз .. комитети уй-жой ва маданий-маиший қурилиш пландарининг бажарилишини текшириб туради. «СССР Олий Совети ведомостлари».

3 Бирор ишни амалга ошириш тартиби. *Саёҳат плани.* | Баён этиш, тасвирлаш тартиби. *Диссертация плани. Лекция плани. Ҳикоя плани. Дарс плани.*

4 кино Кинокадрда суратга олинган объектнинг катта-кичиклик масштаби. *Тасвирларни ўртача планда бермоқ. Юзни йирик планда суратга олмақ.*

**ПЛАНЕРИЗМ** [р] Планёрда учини санъати (спорт тури). *Планеризм билан шуғулланмоқ.*

**ПЛАНЕРИСТ** [р] Планёрда учувчи, планеризм билан шуғулланувчи киши.

**ПЛАНЕРЧИ** айн. планерист.

**ПЛАНЕТА** [р < грек] астр. Кўёш атрофида айланувчи ва ундан тушган ёруғликни акс эттирувчи осмон жисми; сайёра. *Планеталар ғоят катта шарлардир, улар ўлчамлари ва ёруғлик нури чиқармаслиги жиҳатидан Ерга ўхшайди.* «Астрономия».

**ПЛАНЕТАЛАРАРО** 1 Планеталар ўртасида бўладиган. *Планеталараро саёҳат.*

2 Планеталар ўртасида жойлашган. *Планеталараро бўйлиқ.*

**ПЛАНЕТАРИЙ** [р] 1 Планеталар ва бошқа осмон жисмларини, уларнинг ҳаракатини гумбаз шакли бино шипидаги экранда кўрсатувчи аппарат.

2 Шундай аппарат ўрнатилган ва ишлатиладиган бино. *Тошкент планетарийси.*

**ПЛАНЁР** [р < фр] Ҳавода моторсиз учадиган аппарат.

**ПЛАНИМЕТРИЯ** [р < лат + грек] Геометриянинг текисликдаги шакллари ўрганадиган бўлими.

**ПЛАНИРОВКА** [р] 1 Нарса, жой ёки иншоотнинг айрим қисмларини бир-бирига нисбатан маълум тартибда жойлаштириш, режалаш; режа. *Паркнинг планировкаси. Колхоз марказининг планировкаси.*

2 қ. х. Ерни, далани кенгайтириш, яхлитлаш, текислаш ва ш. к. ишлар.

**ПЛАНЛАШТИРИЛМОҚ** планлаштирмоқ фл. маъж. н. Ишлар планлаштирилди.

**ПЛАНЛАШТИРМОҚ** 1 Жой, нарса, иншоот ва ш. к.нинг планини чизмоқ, тузмоқ. *Завод қурилишини планлаштирмоқ. Янги истироҳат боғини планлаштирмоқ. Шаҳарни планлаштирмоқ.*

2 Иш, тадбир, программа ва ш.к.нинг планини тузмоқ, белгиламоқ. *Дарсни планлаштирмоқ. Дала ишларини планлаштирмоқ. Ишлаб чиқаришни планлаштирмоқ.*

3 Амалга оширишни, бажаришни кўзда тутмоқ. *Сайли майга планлаштирмоқ.*

**ПЛАНЛИ** План асосига қурилган, олдиндан планлаштирилган, план асосида қилинадиган, муайян тартибли, режали. *Планли иш. Планли юриш. Бутун ишларни планли равишда олиб бормоқ.* | Панда кўрсатилган, кўзда тутилган, планга қиритилган. *Аввал планли ишлар бажарилади.*

**ПЛАНСИЗ** Панда асосланмаган, олдиндан планлаштирилмаган, план билан қилинмайдиган, беллан, режасиз. *Плансиз уй. Плансиз иш — қолдирма.* | Панда кўрсатилмаган, кўзда тутилмаган, планга қирмайдиган, пландан ташқари.

**ПЛАНТАЖ** [р < лат] қ. х. Ерни, кўпинча мевазор тупроғини чуқур қилиб ағдариб ҳайдаш, оғдарма қилиш. *Илгари кучли машиналар бўлмаганидан тоқзорларнинг ери плантаж қилинмас эди.* Р. Мусамухамедов, Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим.

**ПЛАНТАЦИЯ** [р < лат] 1 Умуман махсус парварини талаб қиладиган экинлар экилган ҳар қандай катта ер майдони. *Чўллорда кўз илғамас пахта плантациялари бунёда келади.*

2 Бирор техник экин, мас. шарқармиш, пахта, чой, кофе ва ш. к. экин етиштирадиган йирик капиталистик деҳқончилик хўжалиги.

**ПЛАНШЁТ** [р < фр] 1 геод. Жойни планга олишда чизма қоғози маҳкамлаб қўйиладиган юпқа тўртбурчак тахта.

2 Геодезик ўлчовлар натижасида тайёрланган план.

3 Харита жойлаб, ёнга осиб юриладиган, бир юзи юпқа тиниқ нарса билан қопланган ясси сумка. *Чернецов планшетадан харитасини чиқарди ва генерал Погодин қўйган белгиларни кўздан кечирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПЛАСТИК** [р пластический] 1 Пластикага, ўймакорликка, ҳайкалтарошликка оид. *Пластик санъат.*

2 Тананинг нафосатли ритмик ҳаракатларига асосланган; гўзал, мулоим. *Пластик ҳаракат. Пластик пантомималар.*

3 Босим остида ҳар қандай шаклга кира оладиган ва босим тўхтагач шу

шаклини сақлаб қоладиган. *Пластик масса. Пластик модда.*

4 мед. Қасал терини олиб ташлаб, ўрнига соғ тери ўрнатиш билан боғли бўлган. *Пластик хирургия. Пластик операция.*

**ПЛАСТИКА** [р < грек] 1 Ўймакорлик ва ҳайкалтарошлик санъати. *Ўзбек пластикаси. Пластика мактаби.*

2 Санъатда ҳажмли шакллар яратишда уйғунлик, ифодалилиқ; таъсирчанлик.

3 Тананинг мулоим ва нафис ҳаракатлари ҳамда шундай ҳаракатлар санъати (рақс, балет, гимнастика катталари).

**ПЛАСТИЛИН** [р < грек] Лой, мум ва мой-бўёқлардан тайёрланадиган, тез қуринадиган пластик масса. *Пластилиндан ҳайкалчалар ясамоқ.* — *Тугмачининг изи .. пластилинга туширилиб, унинг катта сурати олинди.* В. Умаров, Жиноятчи қочиб қутулмайди.

**ПЛАСТИНКА** [р] 1 Металл, шиша ва ш. к.нинг юпқа ялпоқ нафчаси, тахтаси. *Кўрғошин пластинка. Шиша пластинка.*

2 Патефон, радиолога қўйиб эшитиш учун овоз ёзилган, одатда пластмассада ясаладиган доира шакли юпқа диск. *Анорхон радиолога пластинка танламоқда.* И. Раҳим, Ихлос. *Тоғушим ёмон бўлса, нега пластинкага олди?* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

3 Фотографик расм олиш учун ёруғ, сезгир модда билан қопланган ойна. *Пластинкага олинган негатив.*

**ПЛАСТИКАЛИ** Пластинка билан ишлайдиган, пластинкаси бўлган. *Пластикали фотоаппарат.*

**ПЛАСТИРЬ** [р пластырь] Ярага, чипқонга ёпиштириб қўйиладиган, ёпишқоқ малҳам дори суртилган махсус лента.

**ПЛАСТМАССА** [р] Босим остида ҳар қандай шаклга кира оладиган ва шу шаклини сақлаб қоладиган материал; пластик масса. *Пластмассадан қурилган эксперименталь уйлар.* || *Пластмасса идиши. Пластмасса ғидирак.*

**ПЛАТИНА** [р < исп] Химиявий элемент, қаттиқ, чўзилувчан, баланд температурада эрийдиган, кул ранг металл.

**ПЛАТФОРМА** [р < фр] 1 Темир йўл станцияларида пассажирларнинг поездга чиқиши ёки тушиши, юк тушириш ёки ортиш учун ишланган узун саҳн, майдонча. *Юк платформаси. Йўловчилар платформаси.* — *Платформадан чиққандан сўнгра Саидий булардан ажралиб қочиб йўлини излади ва эпини қилиб қочди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Ён деворлари унча баланд бўлмаган, усти очик юк вағони. *Платформаларга юк ортмоқ.*

3 Бирор сиёсий партия ёки гуруҳнинг дунёқараши, маслаги, тутган йўли, иш, ҳаракат программаси. *Большевик платформаси. — Меншиевлар 1914—1918 йиллардаги уружда*

очиқдан-очиқ мудофаачилик платформасини тутиша тайёрланган эдилар. «КПСС тарихи».

**ПЛАЦДАРМ** [р < фр] Душманга хужум бошлаш учун қулай ва мустаҳкамланган район. | Хужум бошлаш ва урушга тайёргарлик кўриш учун фойдаланиладиган территория. *Империялистларнинг чет давлат территорияларидаги плацдармлари.*

**ПЛАЦКАРТА** [р < нем] т. й. Вагонда ётиб, дам олиб кетиш мумкин бўлган алоҳида жойни эгаллаш ҳуқуқини берадиган билет ёки билетга қўшимча қвитанция.

**ПЛАЦКАРТАЛИ** Алоҳида жойни эгаллаш ҳуқуқини берадиган. *Плацкартали билет.*

**ПЛАШ(Ч)** [р плаш] Сув ўтказмайдиган материалдан тикилган ёмғирда кийиладиган уст кийим. У [Раҳмонқулов] уч бурчак қалпоғи гарданида осилиб турган брезент плаш, эски қора фуражка кийган, паканароққина киши эди. А. Мухтор, Туғлиш.

**ПЛЕБИЦИТ** [р < лат] Бирор масалани умумхалқ ўртасида овозга қўйиб ёки умумхалқ фикрини тўплаб ҳал қилиш; референдум. *Плебицит ўтказмоқ.*

**ПЛЕВРА** [р < грек] анат. Ўпкани ва кўкрак қафасининг ички томонини ўраб турувчи юпка парда.

**ПЛЕВРИТ** [р] мед. Плевранинг яллиғланиши. *Куруқ плеврит. Йирингли плеврит.*

**ПЛЕНАР** [р пленарный] Бирор ташкилотнинг сайлаб қўйилган барча аъзолари, илмий сессия ва ш.к.нинг барча иштирокчилари қатнашган; ялпи, умумий. *Илмий конференциянинг пленар ва секция мажлислари.*

**ПЛЕНУМ** [р < лат] Бирор ташкилотнинг сайлаб қўйилган барча аъзолари иштирокидаги ялпи мажлиси ёки пленар кенгаши. *Район партия комитетининг пленуми. Ёзувчилар союзининг пленуми. Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси Марказий Комитетининг камида олти ойда бир пленум мажлиси бўлади.* «КПСС Устави».

**ПЛЕЯДА** [р < грек] Бирор соҳада маълум бир даврда кўзга кўринган атоқли арбоблар группаси. *Рус революционерларининг шонли плеядаси.*

**ПЛЁНКА** [р] 1 Фотосуратлар олиш учун мўлжалланган, ёруғ сезгир қатлам билан қопланган эластик лента. [Кудратнинг] тоғда олган расмлари ҳали фотоальбом учун етарлимас, борларини ҳам плёнкадан чиқариш учун уйда лабораторияси йўқ. Х. Назир, Сунмас чақмоқлар.

2 Умуман хар қандай юпка парда. *Полэтилен плёнка.*

**ПЛЁНКАЛИ** Плёнка билан ишлайдиган, плёнкаси бўлган. *Плёнкали фотоаппарат.* ■ Қимдир унга район кинотеатридан плёнкали гардиш туника қутичалар бериб кетди. Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**ПЛИНТУС** [р < грек] Пол билан девор орасидаги тирқишни бекитиш учун қоқиладиган узун ингичка тахта, жаспак.

**ПЛИТА** [р] 1 Катта, ясси, текис тош, темир ва ш. к. бўлаги. *Мрамор плита. Пўлат плита. Темир-бетон плиталар ётқизилган кўча.*

2 Овқат тайёрланадиган уй печкасининг бир тури. *Газ плита. Чўян плита. Электр плита. Плитада овқат пиширмоқ.*

**ПЛИТКА** [р] 1 Кичик тўртбурчак шаклидаги ясси нарса. *Шоколад плиткаси.*

2 айн. кошин. *Нақшдор плиткалар.*

3 Овқат пишириш ёки сув қайнатип учун белгиланган электр иситиш асбоби. *Электр плиткада чой қайнатмоқ.*

**ПЛОМБА** [р < лат] 1 Беркитилган эшик, яшик ёки ўралган молнинг очиладиган жойига ёпиштирилган ва печат ёки тамға босиб қўйилган қўроқчин.

2 Тиш қавагини маҳкамлаб беркитиб қўйиш учун қаттиқ моддадан қўйилган асоқ.

**ПЛОМБАЛАОҚ** 1 Беркитилган эшик, яшик ва ш.к.га плomba ёпиштириб тамғалаб беркитмоқ. *Счётчикни плombaламоқ.*

2 Тиш қавагини плomba билан беркитиб, маҳкамлаб қўймоқ. *Тишини плombaламоқ.*

**ПЛОМБАЛАНМОҚ** плombaламоқ *фл. мажх. н. Пломбаланган эшик. Пломбаланган тиш.*

**ПЛОМБАЛАТМОҚ** плombaламоқ *фл. орт. н. Эшикни плombaлатмоқ. Тишини плombaлатмоқ.*

**ПЛОМБАЛИ** 1 Пломба ёпиштирилган, плomba ёпиштириб тамғалаб беркитилган. *Пломбали яшик.*

2 Қаваги плomba билан маҳкамланган. *Пломбали тиш.*

**ПЛОТИНА** [р] Сув оқимини тўсиш учун қурилган иншоот; катта тўғон. *Майли, танги турамиз, плотинани чин дил билан, чин виждон билан қурганмиз.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ПЛУГ** [р] Ер хайдаш учун белгиланган махсус тишли ёки дискли қишлоқ хўжалик асбоби. *Унинг орқасидан катта, кучли плуг ернинг ҳосилдор қатламни ағдариб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ПЛУТОКРАТ** [р] Плутократия давлатида энг бой табақа вақили.

**ПЛУТОКРАТИК** [р плутократический] Плутократияга онд, плутократия ҳокимиятига асосланган. *Александр II даврида рус чоризми «плутократик» монархияга айлана бошлади.* В. И. Ленин, Буржуазиянинг «сўллашуви» ва пролетариатнинг вазифалари.

**ПЛУТОКРАТИЯ** [р < грек] сиёс. Меҳнаткаш халқ буғунлай ҳуқуқсиз бўлгани ҳолда сиёсий ҳокимият батамом мулкдор табақа вақиллари — плутократлар қўлида бўлган давлат тузуми, бойлар ҳукмронлиги.

**ПЛУТОН** [грек] (П — катта) Кўёш системасининг тўққизинчи энг катта планетаси.

**ПЛУТОНИЙ** [р < лат] Радиоактивлик хусусиятига эга бўлган, сунъий йўл билан олинган химиявий элемент.

**ПЛЮС** [р < лат] 1 мат. Икки сон орасида келганда уларнинг бир-бирига қўшилишини кўрсатадиган белги (+) номи; қўшув белгиси. *Тўрт плюс икки.* | Соғларнинг мусбат эканлигини ёки миқдорнинг ошиб боришини ифодалайдиган белги.

2 Иссиқликнинг молдан юқори эканлигини яъни иссиқликни ифодоловчи белги. *Буғун кун — плюс ўттиз даража.*

3 кўчма Ижобий натижа, ютуқ. *Ҳар чизиги — Қурилишдан бир белги, Ютуқлардан плюс.* Г. Ғулум.

**ПЛЯЖ** [р < фр] Денгиз, дарё, кўл ва умуман сув бўйида чўмилиб чиққач қўёш ваннаси қабул қилиш учун қулай бўлган, кўпинча махсус жиҳозланган жой; қумтоқ, офтобруё соҳил.

**ПНЕВМАТИК** [р пневматический] 1 Сиқилган ҳаво ёрдами билан ҳаракат қиладиган, ишлайдиган ёки амалга ошириладиган. *Пневматик насос. Пневматик тормоз. Пневматик бурғилиш.* ■ Ҳозирги вўқтда пневматик усул билан ишлайдиган пахта териш машиналарини синиш мақсадида яратилган намуналар бор. «Фан ва турмуш», 1959, № 9.

2 Сиқилган ҳаво билан тўлдириладиган, дамлама. *Пневматик ғилдирак.*

**ПНЕВМАТИКА** [р < грек] Пневматик механизмлар, мосламалар.

**ПНЕВМОКОКК** [р < грек] мед. Пневмония (зотилжам) касалини кўзга тувчи бактерия.

**ПНЕВМОНИЯ** [р < грек] мед. Ўпканинг яллиғланиши; зотилжам.

**ПОВ** тақл. с. Шиддатли жараён, тез ёниш ва ш. к.да чиқадиغان товуш ҳақида. *Гулхан керосиндан пов этиб ёнди.*

**ПОВЁСТКА** [р] Чақирилганлик ҳақида қисқача ёзма хабар; чақирёқ қоғози. *Элмурод уйда келиб, столи устида ҳарбий комиссарликнинг повесткасини кўрди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Саккизинчи майда Сидиқжонга суддан повестка келди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ПОВЕСТЬ** [р] ад. Романга нисбатан кичикроқ, сюжети соддароқ бадиий насрий асар; қисса.

**ПОВИДЛО** [р] Майда тўғралган ёки қирилган, эзилган хўл мевани шакар билан қайнатиб тайёрланган қуюқ ширин таом, қуюқ шиннининг бир тури. *Олма повидлоси. Олхўри повидлоси.*

**ПОВИЛЛАМОҚ** «Пов» этган товуш чиқармоқ. *Сут челақка повиллаб ёнар эди.*

**ПОВИЛЛАТМОҚ** повилламоқ *фл. орт. н. У [Утап] кўрага кириши билан рўпарадаги бостирмада повиллатиб сизир соғайган Тозағулга кўзи тушди.* Х. Ғулум, Машғал.

**ПОВ-ПОВ** пов с. тақр. *Пов-пов сут соғайган Тошхоннинг челаги тўлай*

деб қолганда, Тарғил курғур шарт тепди-ю, ҳаммасини ағдариб юборди. А. Мирахмедов, Ут юраклар.

**ПОГОН** [р] Ҳарбийларнинг, милиция, суд, темир йўл ходимлари ва ш.к.нинг форма кийими елкасига тақиладиган, касб тури, даража ёки унвонни билдирувчи белги. Темирйўлчилар погони. *Офицерлар погони.*

**ПОГРОМ** [р] Аҳолининг бирор миллий группаси ёки элатига қарши қаратилган, қирғин қилиш ва мол-мулкни талашдан иборат реакция, шовинистик ҳаракат. Чор полицияси помещик ва капиталистлар билан иттифоқ бўлиб, яхудий погромларини уюштирар эди. В. И. Ленин, Яхудийларга қарши погромга гиж-гижлаш ҳақида.

**ПОГРОМЧИ** Погром қатнашчиси ёки ташкилотчиси. *Погромчиларга армия погром куроли сифатида керак.* В. И. Ленин, Армия ва халқ.

**ПОГРОМЧИЛИК** Погромчиларга хос иш, хатти-ҳаракат; погром, қирғин ва талончилик.

**ПОДА** [ф-т] Чорва молларининг бирга ҳайдаб бориладиган ёки бирга ўтлаб юрган, одадга бир турга оид тўдаси. *Қўй подаси.* ■ *Йўллардан пода чанг-тўзон кўтариб ўтмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Подалар ҳам қайтар, қўй ва қўзилар Қишлоқ кўчасини тўлдирди ўтар.* Файратий. *Ён бағрида ўтлайди колхоз подаси, Янграйди чўпон найин майин садоси.* Ҳ. Салоҳ.

◆ **Подадан олдин чанг чиқармоқ** бирор иш, воқеа ва ш. к. ҳақида улар содир бўлмасдан олдин ҳовлиқиб гапириб юрмоқ. *Кўзибойнинг гоҳо подадан олдин чанг чиқариш одати борлигидан, баъзилар уни «сўнги ахборот» деб ҳам аташаркан.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ПОДАГРА** [р (грек)] *мед.* Организмда модда алмашинининг бузилиши ва туз тўланиши натижасида бўғинларнинг зирқираб оғриши, бодга ўхшаш оғрик берадиган касаллик.

**ПОДАХОНА** [ф-т] Пода турадиган жой ёки бино.

**ПОДАЧИ** Подани ҳайдаб олиб юрувчи, пода боқувчи. *Кекса подачи шўхлик қилган молларни гаврон билан савалаб, узун оёғини унда-мунда қўйиб кетмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ПОДАЧИЛИК** подачи с. касб *оти.* *Босқончиликми, подаччиликми, кетмончиликми, қандай иш бўлса ҳам майли.* И. Раҳим, Ихлос.

**ПОДБОР** [р] Пахта теримида ерга тўкилган пахталарни йиғиб-тешиб олиш.

**ПОДБОРКА** [р] *полигр.* Бир сарлавҳа остида бирлаштирилган, бир темага оид бир неча мақола. *Конференция материалларига бағишланган подборка.*

**ПОДБОРШЧИК** [р подборщик] *тех.* Пахта териш машинаси ёки комбайнларнинг терим жараёнида тўкилган пахта ёки донни ерга туширмай илиб оладиган ёки йиғиб кетадиган қисми.

Пахта териш машинасининг подборшчиги.

**ПОДВАЛ** [р] 1' Бинонинг остидаги, ер юзасидан паст жойлашган хона ёки хоналардан иборат қисми; ертўла. *Аҳмаджон подвалнинг ёнига бориб, икки тешikka иккита граната ташлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 *полигр.* Газета саҳифаларининг алоҳида мақола босилган пастки қисми ва унда босилган мақола. *Мақолани Зоҳидов газетга элтиб берди ва у бир ҳафтадан кейин «Қизил Ўзбекистон» газетасида бир подвал фельетон бўлиб босилиб чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Газетанинг икки подвалини банд қилган бу мақолада Саидий, Ёқубжон ва округ газетасининг муҳаррири исмлари бутун колонкаларни чиפור қилиб юборган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ПОДПОЛКОВНИК** [р] ҳарб. Майордан юқори офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**ПОДПОЛЧИ** [р подпольщик] Подполье шароитида ишловчи киши; подполье қатнашчиси.

**ПОДПОЛЬЕ** [р] Ўта махфий шароитда олиб бориладиган ва давлатга қарши қаратилган ҳаракат, фаолият ва шундай ҳаракат қатнашчиларининг яширин ҳолатдаги ҳаёти.

**ПОДПОРУЧИК** [р] *тар.* ҳарб. Чор армиясида: прапорщикдан юқори офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

**ПОДРУЧКА** [р под ручку] *реш. с. т.* Қўлтиқлашган ҳолда. *Йўлларда ёш рус йигитлари чиройли қизларни подручка олиб юрдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *И-ҳа, эсим қурсин, дурустроқ бир жой чиққан эди, подручка қилиб юрсин деб унаштириб қўйдик, холос.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар.

**ПОДСТАНЦИЯ** [р] *тех.* Электростанциялардан келаётган ток кучланиши ва турини ўзгартириб берадиган электротехник қўрилмалар, ёрдамчи электр станция. 1) Алоқа линияларининг айрим пунктларига ўрнатилган алоқа қўрилмалари, ёрдамчи телефон станцияси.

**ПОДШЙПНИК** [р] *тех.* Машина ва механизмларнинг вал, ўқ каби айланувчи қисмининг тутиб турадиган ва уларнинг айланишини енгиллаштирадиган, раволаштирадиган ёрдамчи деталь.

**ПОДШО** қ. подшо(х).

**ПОДШОЛИК** қ. подшо(х)лик.

**ПОДШОПАРАСТ** қ. подшо(х)параст.

**ПОДШО(Х)** [ф-т] Баъзи шарқ мамлакатларида мутлақ ҳокимлик қилувчи ҳукмрон унвон ва шундай унвонга эга шахс, шоҳ. *Эрон подшохи (тар.).*

■ *Мен ер юзига подшо бўлсам, бу дилоромнинг ҳар қадамига минг-минг одам боласини сўяр эдим.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Оқ подшо рус императорининг ўзбеклар орасидаги номи. Худод йлим берсин оқ подшояинг Мекалайга. Қайт эмиш-а, эркак бўл-*

санг, йўл бошла! Ойбек, Қутлуғ қон. **Ярим подшо** қ. *ярим.* *Мен оқ подшонинг юзига ва у кишининг Тошкентдаги вакили ярим подшо генерал-губернаторнинг юзига қандай қарайман.* М. Жўрабоев, Мулла Б. м.

**ПОДШО(Х)ЛИК** 1 подшо(х) с. *мавхот.* Подшолик унвони. *Подшо(х)лик — қонхўрлик.* Мақол.

2 Шоҳ қўл остидаги давлат. *Рус подшолиги қўшини бўлмаганда амир, бек ва уларнинг мансабдорлари, ҳар ҳолда, тортиниброқ турардилар.* Ғ. Расул, Адолат.

3 Шоҳ қўл остидаги давлатга тегишли нарса; хазина. *Бухорода ўлган ҳар бир ҳиндининг моли-пули ўз меросхўрига юборилмай, подшолик қилинади.* Айний, Дохунда.

**ПОДШО(Х)ПАРАСТ** [ф-т] Мамлакатда подшо ҳукмрон бўлишини ёқловчи, подшога таянувчи. *Подшопараст бой.* ■ *[Йўлчи] бойлар, амалдорлар ўз подшосига ён босади, подшоҳ уларга ён босади. Бойларнинг подшопараст бўлиши бекорга эмас.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПОЕЗД** [р] Бир-бирига кетма-кет тиркалган ва локомотив ёрдамида юрадиган темир йўл вагонлари состави. *Скорий поезд. Метро поезди. Поезд билети.* ■ *Тўхта хола поезд кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам темир йўл изларига тикилиб туриб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Поезд йўл с. т.** поезд, трамвай ва шу каби транспорт воситалари юриши учун махсус ўрнатилган темир из, темир йўл.

**ПОЁН** [ф-т] 1 Жой, масофа, йўл ва ш.к.нинг пировард чегараси, этаги, охири. *Поёни кўринмайдиган дала.* ■ *Йўлнинг поёнига етмоқ.* *Менинг сўзим поёнига етинлар.* «Муродхон». *Йўл .. борган сари узоқлашиб кетаётгандек, сира поёни кўринмасди.* С. Аҳмад, Қадрон далалар. *Деразалари кўчага, айвони ғарба қараган бу европача ўзининг саҳни унча катта бўлмаган ҳам, ҳар хил гуллар экиб ташланганиданми, поёни йўқ гулзорга ўхшаб кўринди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Иш, гап, воқеа-ҳодиса ва ш.к.нинг охири, интиҳоси. *Ҳикояни поёнига еткимоқ.* ■ *Полвон йиғим-терим поёнига етай деб қолган кунларда ҳам фақат зиммага олинган мажбуриятни .. ўйларди.* А. Шермухамедов, Пискентлик пахлавон. *[Майсара:] Шу хиёнаткорларнинг жазосини бериш учун бошлаган ишимни поёнига етказай.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 *кўчма* Сўнгиғичек, ниҳоя (хис-туйғу, кечинма ва ш.к. ҳақида). *Ҳазабининг поёни йўқ.* ■ *Едгор ҳам хурсанд. Хурсандлигининг ҳадду поёни йўқ эди.* Айний, Дохунда.

**ПОЁНСИЗ** *айн.* бепоён. *Поёнсиз пайкаллар.* *Поёнсиз йўл.* *Поёнсиз кенг чўл.*

■ *Азим тажанг даҳшат тўла қонли кўзлар билан Фуломжонга ўқрайиб қаради. Лекин унинг юзида поёнсиз бир нафрат борлигини кўриб, юзини қай-*



натасига бурди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. || Шундай деган Паризод, Хон бўлди поёнсиз шод. Х. Олимжон.

**ПОЗИТИВ I** [р позитив] Негативдан кўчирилган ва нарсанинг ҳақиқий тусини акс эттирадиган фотосурат ва шундай сурат туширилган пластинка ёки плёнка; акси негатив I.

**ПОЗИТИВ II** [р позитивный] Негативдан кўчирилган ва нарсанинг ҳақиқий кўринишини акс эттирадиган. *Позитив фотосурат.*

**ПОЗИТИВ III** [р позитивный] Фактларга, тажрибага асосланган. *Позитив мулоҳаза.*

**ПОЗИТИВИЗМ** [р < лат] Обьектив борлиқни, нарсаларнинг моҳиятини билиш мумкинлигини инкор этадиган, тажрибани эса субъектив сезги ва тасавурлар йиғиндиси сифатида талқин қиладиган, фаннинг ролини факт ва ҳодисаларни тавсифлаш билан чеклаб қўядиган, факт ва ҳодисаларни англаш мумкинлигини рад этадиган идеалистик фалсафий оқим.

**ПОЗИТИВИСТ** [р] Позитивизм тарафдори.

**ПОЗИТРОН** [р < лат] физ. Массаси электрон массасига, заряди электрон зарядига тенг, аммо ишораси унга қарама-қарши бўлган моддий заррача; мусбат электрон.

**ПОЗИЦИОН** [р позиционный] 1 ҳарб. Узоқ муддат ишғол этиб турилган ҳарбий позицияларда олиб бориладиган. *Позицион жанг. Позицион мудофаа.*

2 шахм. Секин-аста яхши позицияни қўлга кирита боришга асосланган. *Позицион устуликка эга бўлмоқ. Позицион ютуқ.*

**ПОЗИЦИЯ** [р < лат] 1 ҳарб. Кўшиннинг жанг вақтида ишғол этган жойи. *Душман позицияларини тўпга тутмоқ. Душманни ўз позицияларидан уриб чиқармоқ. — Душман беҳисоб танклар ҳимоясида батальон позициясини бир неча бор ёриб ўтишига уринди, бироқ солдатларимизнинг матоңати ва фидокорлиги билан ҳаргал улоқтириб ташланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 с. т. Ҳар қандай кимса ёки нарсанинг тутган ўрни, ишғол қилиб турган жойи, мавқеи, вазияти. *Қулай позиция. Ноқулай позиция.*

3 Шаҳмат ва шашка ўйинининг маълум пайтида доналарнинг жойланиш ҳолати. *Ун олти юришдан кейин юзага келган позиция.*

4 кўчма Бирор масалада тутилган йўл, нуқтаи назар. *Революцион позиция. Материалистик позиция. — «Меҳнатни озод қилиш» группаси революцияда деҳқонларнинг тутадиган ўрнини нотўғри тушуниб, бу масалада бесубут ва зидма-зид позиция тутган эдилар. «КПСС тарихи»*

**ПОЙ** [ф-т] 1 Жуфт ҳолда ишлатиладиган нарсанинг ҳар бири, бир тоқаси (асосан пойабзал ҳақида, одатда «бир» сўзи билан ишлатилади). [Бир] пойи йўқ этик. Маҳсининг бир пойи. —

*Бобомурод .. қолпига тортилган бир пой этикни, мени урмоқчи бўлиб, мен томонга отган эди.* Айний, Қуллар. *Афанди сой бўйида оёғини юзиб ўтирган эди, бир пой кавуши сувга тушиб кетди.* «Латифалар».

2 эск. кт. айн. оёқ 1. *Куйибди, ёнибди минг афсус билан Салима пойига ташлабди ўзин. Дебди: — «Кечир, жоним, мен адашганман, Минг афсус, жуда кеч очилди кўзим».* Ж. Жабборов. *Интилганнинг топанинда нега пойига бош қўйиб арзи дил этмайсан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пойи пийёда яёв юриб. Шакарни излаб кетди пойи пийёда.* «Ширин билан Шакар».

3 (эгалки ва ў.-п.к. аффикси билан) Бировнинг ихтиёрида, қўлида ёки оёғи остида. *Лекин асло қилма армон. Армон қилма, гул жамол, Пойингдадир ёруғ жаҳон, Кенг жаҳонга назар сол.* Ҳ. Шарипов. *Шарққа ёпирилганда бадбахт сарсар, — Осиё кўксига босганда оёқ, Русия, Русия сен бўлдинг паноҳ* Бўлмадик ғарбийлар пойида мажож. М. Шайхзода.

**ПОЙАБЗАЛ** [ф-т + а] Оёқ кийими. *Ёзлик пойабзал. Спорт пойабзали. Пойабзал магазини.*

**ПОЙАБЗАЛЧИ** Пойабзал саноати ходими, ишчиси.

**ПОЙАНДОЗ** [ф-т] 1 Алоҳида хурматга сазовор кишини кутиб олиш учун унинг йўлига, оёғи остига солинган ёки солинадиган палос. *Йўллариغا пойандоз солмоқ.*

2 диал. Кўрпача.

**ПОЙАФЗАЛ** эск. кт. айн. пойабзал.

**ПОЙГА** [ф-т] 1 спорт. Ким ўзди мусобақаси. *Юеурши пойгаси. Автомобиль пойгаси. Велосипед пойгаси. — Ҳамма пойгада маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. **ПОЙГА** қилмоқ (ёки кўймоқ) бир-бирдан ўтиб, ўзиб кетиш учун мусобақалашмоқ; тезликни ошириб, ўтиб кетишга уринмоқ.

2 кўчма Бошқаларга нисбатан юқори натижаларга, кўрсаткичларга эришиш учун бўлган ҳаракат; мусобақа. *Пахта теримида Фаргона пойганинг олдида боряпти.* 1 Бир-бирдан ўзиш, устун туриш учун бўлган ҳаракат, рақобат. *Куролланиш пойгаси.*

**ПОЙГАК** [ф-т] с. т. Пойгаҳ. *Давранинг тўрида ўтириб келган Қомилжон эдик. Энди пойгакка тушиб қолдикми?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ПОЙГАЧИ** Пойга қатнашчиси; пойгада қатнашадиган. *Ҳамма пойгачилар жам бўлиб, Алтомшининг танидан Қоражон пойгага бормоқчи бўлди.* «Алпомиш». *Бир кун ўз отимни ми-нарман. Учқур бўлмас, улоқчи, пойгачи бўлмас, ёмонроқ бўлар.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПОЙГАҲ** Хонанинг эшикка яқин қисми, паст томони; акси тўр II. *Ичкарида пойгаҳда тизилишиб тикка турган ўнае яқин кишилар ҳам Саидийни шундай қарши олишди ва сандалнинг*

*тўридан жой кўрсатишди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ПОЙДЕВОР** [ф-т] 1 Бино, иншоот ёки уларнинг айрим қисми остига таъияч учун қуриладиган мустахкам асос; фундамент. *Тош пойдевор. Устун пойдевори. — Шошманглар бўлмаса, — деди Мавлонов, — борди-ю, фақат пойдеворица пишиқ ғишт ишлатиб, бошқасига хом ғишт қўйиб қўя қолсаларингиз нима бўлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Замин; негиз, база. *Ўғир саноат экономиканинг пойдеворидир. Меҳнат—роҳатнинг пойдевори. Мақол. — В. И. Ленин асарлари партиясининг ғоят катта ғоявий бойлиги, унинг мустахкам назарий пойдевори бўлди.* «КПСС тарихи». *Синфсиз жамиятнинг пойдеворини Қуриб, бизлар кўтардик ифтихорини.* Ғайратий.

**ПОЙДОР** [ф-т] кт. Мустахкам асосга, заминга эга бўлган, барқарор. *Рус халқи бор, Москва бор, Бахтимиз пойдор.* Ғайратий.

**ПОЙНТАР-СОЙНТАР I** Мазмунни бир-бирига қовушмаган, боғланмаган; пойма-пой, маълумсиз. *Пойнтар-сойнтар гап.* || *Пойнтар-сойнтар ҳикоя қилиб бермоқ. — Муҳаббатдан маст, қарахт бўлган Отабой ЗАГС мудирининг саволлариға пойнтар-сойнтар жақоблар бериб эсанкирайверган.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

2 с. т. Гандираклаган, алпон-талпон. *Пойнтар-сойнтар қадам ташламоқ. Пойнтар-сойнтар юрмоқ.*

**ПОЙКЎП** [ф-т] Обжувознинг шולי янчадиган, бир учи босилганда иккинчи учи кўтарлиб тушадиган қисми, обжувознинг гурзиси. *Яқин орадаги обжувоз пойкўпининг зарби ерни силкитиб-силкитиб тўлқин берар эди.* А. Қодирий, Утган кулар.

**ПОЙКЎПХОНА** [ф-т] диал. Жувозхона, обжувоз.

**ПОЙКЎПЧИ** диал. айн. жувозкаш. **ПОЙЛАМОҚ I** Бирор кимса ёки нарсанинг келишини кутмоқ. *Трамвай пойламоқ. — Муҳаррам Элмурод келиб қолар, деб нонуштадан кейин анча пойлаб ўтирди.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Гулнор:] *Уша куни Шоқосим аканинг ҳужрасида сизни пойлаб, қишлоққа учишга қанотланиб ўтирганамда, дадам билан маҳалла эллиқбошиси офатдай бирдан босиб келишди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор воқеа ёки ходисанинг содир бўлишини, рўй беришини кутмоқ. *Ёмғирнинг тишинини пойламоқ. — Бошқа уйларда қариндош-уруғлар ва никоҳни пойлаб ётган .. хотинлар бор эди.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Пайт пойламоқ* қулай фурсатни кутмоқ. *Чумчуқнинг уясини бузмақчи бўлганимда, тепамда учиб юрган чумчуқ пайт пойлаб туриб бошимга тепган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини сақламоқ, қўриқламоқ. *Нега бойлар уйин пойлаб,*

Томда шамдек қотамиз! Ҳамза: Минг-бошининг дарвозасини миришаб пойлаб турибди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

4 Зимдан қузатмоқ, таъқиб қилмоқ; пайнда бўлмоқ. Уни бирдан қўрқув босди: гўё аллақандай яширин кўзлар тевааракдан уларни пойлаб турагандек сезилди. Ойбек, Қутлуг қон. *Биласиз-ку, иш кўп. Хар хил мажлислар ҳам кўп, .. у мени хотинлар билан юрган деб гумон қилади. Ҳатто кетимдан юриб пойлайди ҳам.* Ойдин, Қўнгли тўлдими, яхши йигит.

5 с. т. Мўлжалга, нишонга олмоқ, мўлжалламоқ. Айиқнинг оёғини пойлаб ўқ узмоқ. *Олмани пойлаб тош отмоқ. Қўённи пойлаб отмоқ.*

◆ Гап пойламоқ бировларнинг гапига зимдан қулоқ солиб маълумот тўпламоқ, гап ўғирламоқ. *Гап пойламоқ сиздан лозимми, ахир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғзини пойламоқ* бировнинг белғили бир масала юзасидан нима дейишини, қандай мулоҳаза билдиришини ёки жавоб айтишини кутмоқ. *Ўзи Давроновнинг оғзини пойлаб, унинг биргина сўзини кутиб турар эди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ПОЙЛАНМОҚ** пойламоқ *фл. мажҳ. н.*

**ПОЙЛАТМОҚ** пойламоқ *фл. орт. н.* Уй пойлатмоқ. *Одамни кўп пойлатиб қўйдингиз.*

**ПОЙЛАШМОҚ** пойламоқ *фл. бирг. н.* Аввалига ҳамширалар уни шу ўртададир, деган ҳаёл билан роса пойлашибди, кейин қидиришибди. М. Алнев, Қалб сўзлари ёзилган мактуб.

**ПОЙЛОҚ** Пойлоқчи турадиган жой. Соқчилик. *Тўра [навкарларга] .. нонушта қилишни, отларни суғоришни буюрди. Беш отликни пойлоққа қўйди.* Мирмуҳсин, Ҷури.

**ПОЙЛОҚЧИ** 1 Бирор кимса, нарса ёки жойни сақлаб, қўриқлаб турадиган, бирор хавф юз берганда уни даф қилиш учун чора кўрадиган киши; соқчи. *Командир .. ҳозир мактаб биносидан ўнта душман пойлоқчиси борлиги ва мактаб биносига бир неча яшиқ анжом қўйилганини эслаб, шу ерга тунда ҳужум қилиш режасини тузиб борарди.* А. Раҳмат, Мардлар марди.

2 кам қўлл. Айғоқчи, жосус. *Сардор буларни Ҳирот ва Тежан йўли томонларига пойлоқчи қилиб юборган эди.* Айний, Қуллар.

3 с. т. Аниқ мўлжалга олувчи; мерган.

**ПОЙЛОҚЧИЛИК** 1 пойлоқчи 2 с. мажҳ. *от.* Қуртларни чумчуқлардан қўриш учун бир киши муттасил пойлоқчилик қилиши зарур экан. Н. Назаров, Замон. *Партихўжа ёғчи пойлоқчилик, чақимчиликнинг муваффақиятидан гурурланиб, кўз учи, қулоғи билан тўпланган маълумотини сўзлаб бораркан, элликбоши уни тўхтатди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 пойлоқчи 3 с. касб *оти.*

**ПОЙМА-ПОЙ** [ф-т] 1 Бир-бирига жуфт ёки мос бўлмаган, жуфти, пойи

аданган, бошқа-бошқа, адаш (жуфт ҳолда ишлатилмайдиган нарсалар ҳақида). *Пойма-пой туфли. Пойма-пой қўлқоп. Пойма-пой пайпоқ.* // *Домла гўлдираб, бир нави дуо қилди-да,.. калишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бошқатдан тўғрилаб олди.* Ҳ. Ғулום, Машъал.

2 кўчма Мазмуни бир-бирига боғланмаган, қовушмаган, пойинтар-сойинтар, телва-тесқари. *Пойма-пой гап.* // *Пойма-пой сўзлаб бермоқ.* — *Алтириш дуторни олиб .. пойма-пой яллаларини бир қатордан айтиб чиқди.* Ғайратий, Менинг ёшлигим.

**ПОЙМОЛ** [ф-т]: **поймол бўлмоқ** 1) оёқ остида эзилмоқ, босилмоқ, топталмоқ; пайҳон бўлмоқ. *Поймол бўлган экинлар;* 2) оёқ ости бўлмоқ, барбод бўлмоқ, йўққа чиқмоқ; таҳқирланмоқ. [Воҳид] *ҳамма орзу-умидлари поймол бўлишини тасаввур этмаган эди.* О. Ёқубов, Тиλλα узук. **Поймол қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) оёқ остига олиб эзмоқ, босмоқ, топтамоқ; пайҳон қилмоқ. *Экинзорни поймол қилмо;* 2) оёқ ости қилмоқ, барбод қилмоқ, йўққа чиқармоқ; таҳқирламоқ. *Одоб, ҳаё-чи? Ота-она олдида одобни унутсин, ҳаёни поймол қилсинми? «Менга фалончини олиб беринглари!» десинми?* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

**ПОЙНАК** [ф-т] 1 Тухумнинг тўмтоқ томони, кети. *Қарга тухумининг пойнак томонида оқсил тухум пўчоғига етмайди.* «Зоология».

2 мажс. Пичоқ, ханжар, қилич ва ш. к. асбоблар қинининг учига кийгизиб қўйиладиган, уни тешилишдан сақлайдиган металл учлик. Мис пойнак.

**ПОЙНОВ** [ф-т] Ариқ, ховуз ва ш. к.нинг суви оқиб чиқиб кетадиган томони, этағи. *Суви эгтарларда оқмоқда, қақраган тупроққа сингиб, эгатнинг пойновига томон аста йўл олмоқда.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Опаси қўлтиқ таёғини остига қўйгани ҳолда ховузнинг пойнови томонда ўлтирар ва қурумли қўлларини латта билан секин-секин ишқар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. // **Пойнов ариқ диал.** ортиқча сув оқиб чиқиб кетадиган ариқ, оқова ариқ.

**ПОЙТАХТ** [ф-т] Давлатнинг ҳукумат ва марказий идоралари жойлашган бош шаҳри. *Совет Иттифоқининг пойтахти — Москва. УЗССРнинг пойтахти Тошкент шаҳридир.* // **Пойтахт шаҳар.**

**ПОЙТЕША** [ф-т] Тик туриб ёғоч йўниш ва текислаш учун ишлатиладиган дастаси узун катта телма.

**ПОЙ-ЧОҒ:** пой-чоғини олмақ *айн. азмойиш(ини) олмоқ қ азмойиш.*

**ПОЙҚАДАМ** [ф-т+а] 1 Оёқ; оёқ изи, йўл. [Ғофир:] *Ёлғиз гавхардан тиниқ, қушдан ҳам юксак муҳаббатим бор, холос! Сенинг пойқадамингга сочмоқ учун зарларим йўқ!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Қадам қўйиш, ташриф буюриш, келиш. *Сизнинг пойқадамингиз билан бемор енгил тортди.* — — Сенинг пой-

қадаминг хосиятли келди ўғлим, золим Асфандиёр зулми барбод бўлди, — дер эди Қурбон ата. Н. Сафаров, Севги.

**ПОК I** [ф-т] *кт.* 1 Топ-тоза, гард-губор, кир-чанг ва ш. к.дан холи; покиза. *Пок булоқлар. Пок идишлар.* — *Қурумсиз пок оиҳона, Биллим, онг, меҳнат — яроқ, Фабрика-завод порлоқ.* Ғ. Ғулום.

2 кўчма Номига гард юкмаган, соф виждонли, ҳалол, соф, тўғри. *Бу замонда Навоий жанобларидек пок одам ҳаргиз топилмас!* Ойбек, Навоий. | Чинакам виждоний, соф, мусаффо. *Пок муҳаббат. Пок дўстлик.* — *Дунёда пок виждон билан яшаш муқаддас иш, оғайним.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Она сунтидай пок бизнинг дўстлик ҳам, Элинг саодати, ҳузурини шунда.* М. Алавия.

**ПОК II** [ф-т] *реш, с. т.* Бутунлай, батамом, паққос. — *Яхши ҳам чол шаҳарга ўрганмаган итни, адашиб кетишидан қўрқиб, эшакнинг қанжигасига боғлаб олган экан, бўлмаса пок титигимни чиқарар экан, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулום, Шум бола.

**ПОКДИЛ** [ф-т] Қўнгида кири йўқ, виждони, дили пок, софдил ва самий. *Покдил кишилар.*

**ПОКДОМОН** [ф-т] *кт.* Ор-номусини сақлаган; ифбатли, тўғри. *Покдомон хотин.*

**ПОКИЗА** [ф-т] 1 Топ-тоза, пок. *Покиза идиш. Покиза кийим.* — *Салқиндан покиза танлар Тўйиб-тўйиб ҳузур қилади.* Ҳ. Салоҳ. // *Меъдани покиза айлаб, иштаҳани келтуруб, Қўз гизо қилгани қилғай рангини ҳумро анор.* Муқимий.

2 кўчма Ҳалол, пок, тўғри. *Халқ хизматида юрган покиза бир ҳиз ҳақида ивго тарқатишга қандай ҳаққониз бор?* С. Анорбоев, Оқсой. | Чинакам виждоний, соф, мусаффо. *Покиза дўстлик.*

3 Озодаликка қаттиқ риоя қиладиган, озода. *Покиза аёл.*

**ПОКИЗАЛАМОҚ** Покиза қилмоқ, тозаламоқ. *Баданини покизаламоқ. Уйни покизаламоқ.*

**ПОКИЗАЛАНМОҚ** покизаламоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Ювиниб покизаланмоқ.

**ПОКИЗАЛИК** покиза с. белги *оти.* Қийимнинг покизалиги. *Идиш-товоқнинг покизалиги.*

**ПОКЛАМОҚ** *кт.* Пок, тоза қилмоқ. *Муниҳон ўз устидан оғир бир юк тўшгандай яйраб кетди-да, шу ондаёқ бу гуноҳнинг бутун ғуборидан кўнглини поклашга шошилди.* А. Қаҳҳор, Сароб. [Хусайний:] *Фақат меҳнат одамни ҳар қусурдан поклайди, меҳнат!* М. Бобоев, Ғўзаллик истаб.

**ПОКЛАНМОҚ** покламоқ *фл. ўзл. ва мажҳ. н.* Гуноҳлардан покланмоқ.

**ПОКЛИК** пок I с. белги *оти.*

**ПОК-ПОКИЗА** I Топ-тоза, ниҳоятда покиза. *Пок-покиза ҳусндек Тун-қун ҳаёлимдасан.* С. Акбарий.

**ПОК-ПОКИЗА** II *рив.*, с. т. Бутунлай, батамом, пок, паққос. *Паловни пок-покиза туширди.*

**ПОКРИШКА** [р покрышка] Гилдирак шинасининг камерани қолаб, тутиб турувчи, қалин резинадан ишланган жилд қисми. | Футбол ёки волейбол түпининг камерасини қолаб, тутиб турувчи чарм жилди. *Покришканинг ичига камерани қўймоқ.*

**ПОЛ** I қ. х. I Экин майдонининг атропо марзалар билан тўрт бурчак шаклида кўтарилган ва бостириб сўғориш учун мосланган бир бўлаг. *Бир пол шоти. Икки пол пивё. Пола сув қўймоқ. — Бу бурдой кимники? — деб сўради, бир пол ерни кўрсатиб амлокдор халқдан. С. Айний, Қуллар. Пол олмақ (ёки қилмоқ) атропофини марза билан ўраб ерни пол шаклига келтирмоқ. Пол олиб, пивё уруғи сепмоқ.*

2 с. т. Марза. *Пастга экдим шolini, Баланд кўтар полини. «Кўшиқлар».*

**ПОЛ** II [р] Уйнинг, хонанинг оёқ босиб юриладиган ва ўтириладиган сатҳи. *Тахта пол. Паркет пол. Цемент пол. — Бека уларнинг ийманганларини сезган, дарров стол-стулларни бир чеккага қалаштириб, полга жой солди. Ойбек, Қуёш қораймас. Зал. «Риорита» куйининг шўх садоларидан жаранглайди, паркет полда шип-шип қилётган оёқ товушлари эшитилади. П. Қодиров, Уч илдиэ. | с. т. Уйнинг, хонанинг тахта қопланган сатҳи. *Пол тахтаси. Пол қоқмоқ.**

**ПОЛВОН** [ф-т] I Жисмоний жиҳатдан кучли, бақувват киши; баҳодир, паҳлавон. *Тўнкани бир полвон ёради, бир донишманд ёради. Мақол. | Хар ишга қодир, забардаст одам. Қирқ қолхозга сув суран [Эртўғон ота] Миробларнинг полвони. Қ. Муҳаммадий. Меҳнатсевар полвон шахтёрлар Тез забардаст ташлайти қадам. Х. Салоҳ.*

2 Кураш тушадиган спортчи. *Супаларда бузунги курашда қатнашувчи полвонлар чой ичиб ўтиришибди И. Раҳим, Ихлос.*

3 с. т. Экскаватор, кўтаргич кран каби машиналарга халқ томонидан берилган ном. — *Миша, полвонингни томири бўшаб, хирллаб қолмадими? — деб сўради Валентин етиб келгач. Ш. Ғуломов, Азим дарёман дебон.*

**ПОЛВОНЛИК** I полвон 1, 2, с. белги оти. *Салобатидан полвонлиги кўриниб турарди.*

2 Полвонларга хос иш, хатти-ҳаркат, қаҳрамонлик. *Душман бўлса омон кетмас қўлимдан, Полвонлик бобида мени кам дема! «Ёдгор».*

**ПОЛИГОН** [р < грек] ҳарб. Отиш машқлари ўтказиладиган, шунингдек янги отиш қуроллари синаб кўриладиган махсус жой, майдон. *Артиллерия полигони.*

**ПОЛИГРАФИСТ** [р] Полиграфия саноатининг ишчиси; полиграфия муҳассиси.

**ПОЛИГРАФИЯ** [р < грек] Техни-

канинг китоб, газета ва ш. к. босма маҳсулоти чоп қилиш билан боғлиқ ҳамма соҳаларини ўз ичига олган тармоғи. *Полиграфия саноати.*

**ПОЛИЗ** [ф-т] Қовун, бодринг каби палак отиб ўсадиган экинлар экилган жой. *Полиэ экинлари. Полиэни сўғормоқ.*

**ПОЛИЗЧИЛИК** Полиэ экинлари экиш ва етиштириш; полиз хўжалиғи.

**ПОЛИКЎЙНИКА** [р < грек] Катнаб даволанувчиларга, шунингдек уйдаги беморларга турли касалликлар бўйича медицина ёрдами кўрсатадиган даволаш муассасаси ҳамда шу муассаса жойлашган бино. *Поликлиникага даволаниш учун қатнамоқ. Поликлиника врач.*

**ПОЛИМЕР** [р < грек] қ. полимерлар. *Полимер моддалар айн. полимерлар. Полимер моддаларнинг молекулалари .. бир неча минг ва миллионлаб атомлардан таркиб топгандир. «Фан ва турмуш», 1963, № 1.*

**ПОЛИМЕРЛАР** хим. Химиявий состави бир хил, аммо молекулаларидаги атомлар миқдори билан бир-бирдан фарқланувчи моддалар (синтетик материаллар, пластмассалар ва ш. к.).

**ПОЛИОМИЕЛИТ** [р < грек] мед. Кўпинча болalarda бўладиган фалаж касаллиғи, орқа миёдаги моддалардан бир хилининг яллиғланишида болани фалаж қилиб қўядиган оғир юқумли касаллик.

**ПОЛИСЕМАНТИК** [р полисемантический] лингв. Кўп маънога эга бўлган; кўп маъноли. *Полисемантик сўзлар.*

**ПОЛИСЕМИЯ** [р < грек] лингв. Бир сўзнинг бир неча маънога эга бўлиши, кўп маънолилиқ.

**ПОЛИТЕИЗМ** [р < грек] Бир неча худога сийгинувчи, бир неча худони эътироф этувчи диний эътиқод формаси, кўп худолилиқ; акси монотеизм.

**ПОЛИТЕХНИЗМ** [р < грек] Ўқувчиларни ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари билан таништиришга асосланган таълим системаси.

**ПОЛИТЕХНИК** [р политехнический] 1 Политехнизмга оид. *Политехник таълим.*

2 Техниканинг турли соҳаларини ўрганиш ва турмушга татбиқ қилиш билан боғланган. *Политехник институт. Политехник музей.*

**ПОЛИТЕХНИКА** [р политехнический] Техника тармоқлари мажмуи. *Политехника музейи. Политехника таълими. Политехника институти.*

**ПОЛИТЕХНИКУМ** [р < грек] Ўрта политехник билим юрти.

**ПОЛИТРУК** [р] Совет Армиясида: ҳарбий қисм ва бўлинмаларга сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича раҳбарлик қилувчи, қисм ёки бўлинманинг сиёсий ва жанговар тайёргарлиғи учун командир билан тенг жавоб берувчи шахс (1942 йилга қадар). *Мен чекишни машаққатига бардош беролмай, поли-*

*трукдан сўрадим: — Яна неча кунгача чекинамиз? И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ПОЛИТУРА** [р < лат] Егоч буюмлар сиргини пардозлаш учун ишлатиладиган спиртли лак.

**ПОЛИЦИЯ** [р < нем] I Айрим мамлакатларнинг давлат хавфсизлигини сақлаш маъмурий органи. *Чор полицияси. Махфий полиция. — Қиз полициянинг даҳшатини яхши билар, уларга кўп учраган ва кўп дафта турли ҳийлалар билан қочган. Ойбек, Нур қидириб. Полиция мажлис бўлиб турган жойни ўраб олибди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Полициячилар группаси, отряди. *Ичкарига қамалиб, деразалар орқасида тўппонча тутиб турган миришаблар, полициялар ва бошқа тўраларнинг ҳаракатларида бениҳоя саросима, кўрқув. Ойбек, Кутлуғ қон.*

**ПОЛИЦИЯЧИ** Полиция хизматидаги киши, полиция ходими.

**ПОЛИЦИЯЧИЛИК** Полиция кучига, жандармерияга таяниб иш кўришга асосланган идора усули; зўравонлик. *Полициячилик ҳужжатлари.*

**ПОЛИЦЕЙСТЕР** [р < нем] Чор Россияси ва баъзи Ғарбий Европа давлатларида: катта шаҳарлар полициясининг бошлиғи.

**ПОЛК** [р] Одатда дивизия ёки бригада составига кирадиган ва бир неча батальон ва ротадан ташкил топган алоҳида ҳарбий қисм. *Пивё аскарлар полки. Танкчилар полки. — Полк икки кунли маридан кейин бепоён, кун тушмас қалин бир ўрмонга ўрнашганича қолиб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**ПОЛКА** [р] I Идиш-товоқ, китоб ва ш. к. қўйиш учун деворга ёки шкафга ўрнатилган тахта тоқча.

2 Вагонда одам ётадиган ёки юклар қўйиладиган алоҳида жой.

**ПОЛКОВНИК** [р] ҳарб. Подполковникдан юқори, генерал-майордан қуйи старший офицерлик унвони ва шундай унвонга эга бўлган ҳарбий киши. *Полковник солдат ва офицерларнинг жангга тайёргарлиги қандай бораётганлигини текширади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Армия штабининг бошлиғи полковник Снегов штаб харитасини кўтариб келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ПОЛЛИ** Тағига тахта қоқилган, пол қилинган. *Мактабга янги болалар келиб, ётоқхоналарни эгаллай бошлаган, Элмурод ҳам эртароқ полли ётоққа кириб олган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ПОЛОСА** [р] полгёр. Терилган ёки босилган текст саҳифаси. *Мақола газетанинг икки полосасини эгаллади. Полоса ўқимоқ.*

**ПОЛОТНО** [р] I Ҳар бир арқоғи ҳар бир ўриши билан маташтириб тўқилган пишиқ ва силлиқ газлама. *Инакли полотно. Штапель полотно. || Полотно кўйлак. — Духоба, кредешин, панбархат, полотно, шотландкалар тўқиймиз, .. — дегизишибди чеварлар. Ш. Ғуломов, Ёрқин йўллар.*

2 Одатда бўзсимон махсус матога чизиладиган катта яхлит сурат. *Маиҳур рассом полотнолари.*

3 *кўча* Бирор нарсани, ходисани кенг ва ҳар томонлама тасвирлаган бадий асар.

4 Темир йўл ёки шоссенинг тош, шағал ва ш. кдан кўтариб ишланган асоси, кўтармаси. *Олисларга чўзилиб уфққа сингиб кетган темир йўл полотноси ҳаёлимни олиб кетди.* С. Ахмад, Қадрдон далалиб.

**ПОЛЬКА I** [*p < чех*] 1 Икки чорак такта асосланган тез рақс ва шундай рақс учун ёзилган музика. *Андижон полькасига ўйнамоқ.*

2 Шу рақс ритмидаги музика аса-ри.

**ПОЛЬКА II** [*p*] Эркакларнинг соч кўйиш турларидан бири (бунда чакка ва орқадаги соч сал олиб текисланади).

**ПОЛЯК** қ. поляклар. *Поляк халқи. Поляк тили.* || *Поляк аёл.*

**ПОЛЯКЛАР** Польшанинг асосий аҳолисини ташкил қилган, ғарбий славянарга мансуб халқ.

**ПОМЕШЧИК** [*p помешик*] Революциядан илгариги Россияда, шунингдек ер хусусий мулк бўлган мамлакатларда катта ер эгаси. *Русия ишчилари оғир ва даҳшатли курашларда капиталистлар ва помещикларни тор-мор этиб, озодлик байроғини қўлга олганлар.* Ойбек, Нур қидириб.

**ПОМИДОР** [*p < итал*] Итузумлар оиласига мансуб сабзавот ўсимлиги ва шу ўсимликнинг олмасимон юмалоқ, етилганда қизарадиган меваси.

**ПОНА** Нарсаларни ёриш, керинш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тигли ёғоч ёки темир. *Темир пона. Ёғоч пона. Пона қоқмоқ. Пона қоқиб маҳкамламоқ.* — *Унинг бир қўлида мушук калласидай калтасоп болга, бошқа бир қўлида темир пона.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Замон тош қатламларини пона уриб кўчирар, икки ёни бўшатиб гурзига йўл очиб берарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПОНСАД** [*f-m*] тар. Хонлик даврларида: аскар бошлиқларига берилган унвонлардан бири ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**ПОНТОН** [*p < лат*] Вақтинчалик кўприк, иншоот ва ш.к.ни сув юзида кўтариб туриш учун таянч сифатида ишлатиладиган таги ясси қайиқ. | Шундай қайиққа ўрнатилган вақтинчалик кўприк. *Бир чеккада устига понтонлар ортаган юк машиналари елиб боряпти, сапёрлар кечув жойларини қидирмоқда, пивда аскарлар оқоп қазимоқда.* М. Мухамедов, Одерга.

**ПОП I** [*p < грек*] Христианларнинг ўрта даражали руҳонийси.

**ПОП II тақл.** с. Бирор нарсага юмшоқроқ нарса билан урилганда чиқадиغان товуш ҳақида. *Қопқоқ поп этиб ёпилди.*

**ПОПИЛЛАМОҚ** «Поп-поп» этган товуш чиқармоқ. *Қитоблар попиллаб ерга тушиди.*

**ПОПИЛЛАТМОҚ** попилламоқ *фл. орт. н. Тўла ўртоғининг юпун пальто тағидан сўяги тўртиб чиққан елкасига попиллатиб урди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ПОПИЛТИРИҚ** с. т. 1 Баъзи ўсимликларнинг пояси учида ҳосил бўладиган, етилганда момиксимон түз-ғоққа айланадиган тўп гули, попуғи. [*Қамишининг*] *ғўдая-ғўдая эришган мартабаси шу бўлдики, бошига ялтйроқ попилтириқ битди.* В. Рўзиматов, Қамиш.

2 Шокила, попук. *От ёнигининг попилтириғи.*

**ПОПИШАК** Олачиפור патли, елпигичсимон тожли, қайрилма тумшукли хашаротхўр қуш; сассиқпопишақ.

**ПОПЛИН** [*p < фр*] Арқоғи йўғонроқ, ўриши ингичкароқ ип ёки ипақдан тўқилган газмол. *Ипақли поплин.* || *Поплин кўйлак.*

**ПОПОП** [*p Попов* номидан]: попоп машина матоларга илма игна билан гул тикадиган машина. *Набиеулнинг акаси Қодирга попоп машина билан гул солинган чора баҳмал бир рўйжа кўрсатди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ПОП-ПОП** поп II с. тақр. *Поп-поп қилмоқ.*

**ПОПУК I** Нарсаларга безак учун тақилдиган бир боғлам тола, пат, ип ва ш. к. *Дўппи попуғи.* — *Шарофат, паранжининг попуғини эшиб, ерга қараганича ўтирар, афтидан, бу саволга жавоб бермоқчи эмас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Гажим, шокила. *Байроқ попуғи.* — *Зайнаб гиламнинг попуғини чирмаб ниманингдир хаёлини сурар.* А. Қодиррий. *Ўтган кунлар. Қаромат она .. дастурхон попуғини ўйнашда давом этди.* Т. Алимов, Совчи. | *Еш қизларга нисбатан эрқалаш маъносига қўлланади. Олдинда сизлар, ой попуқларим.* Ойбек, О. в. шабадалар. || — *Сиз, попуқ қизим, этакингизга памилдори, ловия териб чиқинг, — деди амма Мунавварга.* С. Анорбоев, Меҳр.

3 Шокилани қорозга уралган конфет. *Бир кампир сепкилдор боланинг чап ёнидаги украинча кўйлак кийган қизчага попуқ узатади, кейин уни кўтариб олади.* Р. Файзий, Сен егим эмасан.

4 Попук (хотин-қизлар исми).

◆ **Попуғи пасайди қ. пасаймоқ 4.**

**ПОРА** [*f-m*] (о — узун) 1 Парчаланган нарсанинг бир қисми; бўлак, парча. *Пора бўлмоқ. Пора қилмоқ.* — *Кудрат, тахта пораси устида ҳушсиз қолган Фарҳоддай, ўз ихтиёрини унга бериб ожиз қолди.* З. Фатхуллин, Сўмас юлдуз. *Жигарларим бўлиб пора, сарсон қилиб кетдинг мени.* «Ширин билан Шакар». *Бургут уни чангалга олиб, Мушук жағин қилибди пора.* Я. Қурбон. [*Кундуз:*] *Қиши гар кўксини юз пора қилсун, Фалакнинг зулмига не чора қилсун? Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

2 *эск. кт. Тўда, тўп. Мен бир пора*

*йигитларни олиб, ёвнинг орқасига ўта билдим.* Ойбек, Навоий.

3 *эск. кт. Асарнинг тугал қисмларидан бири; қисм, бўлим; боб. Паркент қишлоғида уч кунда ўттиз пора кўрғонни юмалоқ-ясси қилиб туширилди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш урнинилари.

**ПОРА** [*f-m*] Лавозимли кишига қонундан ташқари бирор ишини битириб бергани учун берилган парса ёки пул; ришват. *Пора олмоқ. Пора бермоқ. Пора емоқ.* — *Бой ҳокимга пора тиқиб сойлиқларни қаматиб юборган эмиш.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Отам билан онам: «Тоза шарманда бўлди. Беш-олти йилга кестириб юборса сени қандай қилиб қутқариб оламиз. Порага мол-дунёмиз бўлмаса...» дейишди.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ПОРАЛАМОҚ** кам қўлл. *Пора-пора қилмоқ, парчаламоқ. Кўйлакни пораламоқ.*

**ПОРАЛАНМОҚ** пораламоқ *фл. мажх. н. Ясовуллар калтак остида эзилган, ятаклари пораланган.* Яшан ва М. Раҳмон, Сирдарё.

**ПОРА-ПОРА** [*f-m*] *рвш* Бўлак-бўлак, парча-парча, чилпора. *Бошидан ошириб ерга уради, Тушиб ерга пора-пора бўлади.* «Алпомиш». *Биттадан чўқиганларингда ҳам мени пора-пора қилиб қўясизлар.* Ойбек, Навоий.

**ПОРАХЎР** [*f-m*] Пора оладиган, порага ўрганган. *Порахўр одам.* — *Ғиёс каллага ўхшаш порахўр қози бўлар, шу-да!?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. || *Қобилжон дадиллашди: «Бу беномус порахўрнинг нўстагини энди қоқман»* деган қатъий фикр билан сўзини давом эттирди. С. Ахмад, Чўл бургути.

**ПОРАХЎРЛИК I** порахўр с. белги *оти. Порахўрлик қилмоқ.*

2 Амалидан фойдаланиб пора олиш, пора ейиш. — [*Ҳомид*] *у ерда [Кўқонда] ҳам тинч ётмай, Утаббой қушбегини порахўрликда айблаб, Мусылмон чўлоққа ариза берган, — деди [Уста Фарфи].* А. Қодиррий, Ўтган кунлар.

**ПОРИЛЛАМОҚ I** Нур сочиб, ёниб турмоқ. *Минг-минг чиқоқ кўча узра пориллайди.* З. Днёр.

2 *кўча* Ялтирамоқ, ярқирамоқ, ёнгандай бўлиб кўринмоқ. *Оқ, сарғиш дур ва марваридлар пориллайди, ёқутлар, гавҳарлар ранг-баранг ёнади.* Ойбек, Қутлуғ қон. *Қасал қизингиз қўзлари пориллади.* *Қоронги кулбага қандайдир ёруғ киргандай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПОРЛАМОҚ I** Ерқин нур сочиб турмоқ, равшан ёнмоқ. *Булуғсиз кўкда қуёш порлайди.* — *Бир минутдан кейин қайтиб кирди [бола], хона ўртасидаги катта стол устида электр чироқ порлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўча* Нур сочмоқ, барқ урмоқ, балқимоқ. *Унинг ёноқлари совуқдан қизариб, гулдек очилган катта кўзлари порлаб турарди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат. *Ўрик, олма, шафтолилар*

нинг кўркам гўлдасталари, тоза руҳли, қувноқ табиатнинг мўл-кўл ёйган гўзаллик сепи қўёида турли ранг ва нур билан порлайди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПОРЛАТМОҚ** порламоқ *фл. орт. н.* Ёшигина бир аёл қулиб турган кўзларини порлатиб: — Хадичахон, холам узр сўраятдилар, эшитинглар, ўртоқлар,— деди. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

**ПОРЛОҚ** 1 Порлаб, нур сочиб турадиган, нурдек равшан. Муборақ қалбингиз порлоқ, мунаввар. Ҳабибий.

2 кўчма Бахт-саодат, истиқбол сари бошловчи; равнақли, нурафшон. Порлоқ келажак. — У [Элмурод] Гулсумда эўр талант, зеҳн ва порлоқ истиқбол борлигига ишонди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПОРОМ** Дидга мос келадиган, кўнгилдагидек, ёқимли. Пором келмоқ. — [Водийнинг] ҳамшиша баҳорни эслатиб турувчи сўлим табиати, пором ҳавоси, жонга ҳузур иқлимидамикин? Х. Назир, Олмос. [Йўлчи] Тоҳир каби хасталарга, қузун оғриқларга дала, тоғ ҳавосининг пором келишини эшитган эди, бунга ишонар эди ҳам. Ойбек, Қутлуғ қон. — Бу ер менга пором келиб қолди. Хизматни аямадим,— деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.

**ПОРОХ** [р] Патрон ва снарядлар тайёрлаш учун ишлатиладиган портловчи модда. Тутунсиз порох. Қора порох.

**ПОРОШОҚ** [р] 1 Кукун холидаги қаттиқ модда. Графит порошоғи. Бўр порошоғи. Тиш порошоғи тишини тозалаш учун ишлатиладиган махсус порошоқ.

2 Кукунланган дори.

**ПОРСИЛЛАМОҚ** Торс-торс ёрилмоқ (тери ҳақида). Лабларим порсиллаб ётибди.

**ПОРСИЛЛОҚ** Терининг қуруқшаб торс-торс ёрилишидан иборат касаллик. У бир-бирига ёпишган лабини остдан тили билан ҳўллаб, юмшатиб қонатмасдан ажратишга уринганда, лабларининг порсиллоқ боғлаганини сезди. А. Қахҳор, Сароб.

**ПОРСИН** айн. порсиллоқ. Лабларим порсин боғлабди.

**ПОРТ** I [р < фр] Сув йўлларида кемалар, пароходлар тўхтайдиган, пасажир олиш, юк ортиш ва тушириш учун махсус жиҳозланган жой. Денгиз порти. Ҳаво порти айн. аэропорт.

**ПОРТ II тақ. с.** I Юмшоқ идишдаги газ ёки суюқликнинг куч билан отилиб чиқиши, тўқиманинг бирдан ёрилиши ва ш. к. да ҳосил бўладиган товуш ҳақида. Қоп порт этиб ёрилиб кетди.

2 айн. парр. Бедана порт этиб учиб кетди.

**ПОРТАТИВ** [р портативный] Ихчам, енгил. Портатив фотоаппарат.

**ПОРТЛАМОҚ** Кучли реакция ёки алангаланиш натижасида юзага келган газларнинг жуда тез кенгайишидан ёрилиб парча-парча бўлмоқ, бўлак-

ларга ажралиб сочишмоқ. Порох портлаб кетди. Газ портлаб кетди. — Броньтешарлар нишонга олиб, энди ўқ узмоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. Биринчи дарахт йиқилиши билан иккита мина портлаб, бир неча кишини учириб кетди. И. Раҳим, Чин мухаббат.

**ПОРТЛАТМОҚ** портламоқ *фл. орт. н.* Портловчи модда қўйиб портлатмоқ. Бомба ташлаб портлатмоқ. — Қисмларимиз шундай шиддатли зарбалар берар, шундай қисиб борар эдики, душман йўлларни бузгани, кўприкларни портлатгани улгуралмас, кўн жойларда яроқ-аслаҳасини ташлаб қочар эди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**ПОРТЛОВЧИ** I Портлаш хусусиятига эга бўлган, портлайдиган. Портловчи моддалар.

2 лингв. Нутқ органилари орасидан хавонинг сиқилиб портлаб чиқиши билан ҳосил бўладиган, портлаб чиқадиган (нутқ товушлари ҳақида). Портловчи нуношлар.

**ПОРТРЕТ** [р] I Бир ёки бир неча кишининг расмом ёки фотограф томонидан ишланган тасвири, сурати.

2 кўчма Адабий асарда персонажлар қиёфасининг тасвири. А. Толстой портрет устаси эди.

**ПОРТРЕТИСТ** [р] айн. портретчи.

**ПОРТРЕТЧИ** Портрет устаси.

**ПОРТСИГАР** [р < фр] Сигара ёки папирос солиб юриладиган қутича; папирос қути. Чарм портсигар. Кумуш портсигар. — Терговчининг газаби қайнаб кетди. Аммо буни сездирмаслик учун портсигаридан папирос олиб тутатди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ПОРТУГАЛ** қ. португаллар. Португал халқи. Португал тили. || Португал аёл.

**ПОРТУГАЛИЯЛИК** қ. португалияликлар. || Португалиялик аёл.

**ПОРТУГАЛИЯЛИКЛАР** Португалиянинг туб аҳолисини ташкил этган, роман тиллари группасига мансуб тилда сўзлашувчи халқ; португал халқи.

**ПОРТУГАЛЛАР** айн. португалияликлар.

**ПОРТФЕЛЬ** [р < фр] I Китоб, дафтар, хужжат ва ш. к. солиб олиб юриладиган, дастали махсус сумка. Кўча бўм-бўи, орқароқда дўпнайган портфелини кўтариб, мактабдан қайтаётган бир қизчадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Нашриётларда, газета, журнал редакцияларида навбатдаги нашр учун тўпланган материаллар мажмун. Редакция портфелида анчагина мақола бор.

**ПОРЦИЯ** [р] I Бирор нарсанинг ўлчовли миқдори. Доривор порциялари.

2 Бир кишига мўлжалланган маълум миқдордаги овқат. Икки порция шўрва. Тўрт порция лағмон.

**ПОРЦИЯЛИ** Ошхона ёки ресторанларда бир кишига мўлжаллаб алоҳи-

да тайёрланадиган, махсус буюртилган ёки буюртириладиган. Порцияли овқатлар.

**ПОРШЕНЬ** [р] Насос, двигатель, компрессор ва ш. к. асбоб ва машиналарнинг цилиндри ичида ҳаракат қиладиган, ўлчамлари шу цилиндрга мос стакаксимон деталли. Чўян поршень. Трактор двигателининг поршени. Поршень ҳалқаси.

**ПОСАНГИ** [ф-т] I Паллаларни тенглаштириш ёки идиш оғирлигини чиқариб ташлаш учун тарозининг бир томонига қўйиладиган қўшимча тош. Тарозига посанга қўймоқ. — Тарозибон гангиб қолиб, посанги тошни шимининг чўнтагига солди. М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат.

2 айн. балансир 2.

**ПОСБОН** [ф-т] кт. I Бирор кимса ёки нарсанинг хавфсизлигини, дахлсизлигини таъминлаш учун тоғда турган киши; кўриқчи, соқчи, қоровул. Бири кўжда шунқор .. Бири чегарада юрт посбони. С. Абдулла.

2 кўчма Муҳофаза, ҳимоя қилувчи; сақловчи, ҳомий. Совет медицина ходимлари — халқ саломатлигининг зийрак посбонларибур. Совет Армияси — Ватаннинг содиқ посбонидир. — [Майсара:] Биз ҳам одам боласимиз .. Хали сизми шарратнинг посбони! Минг лағнат сизга! Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ПОСБОНЛИК** посбон с. мавҳ. от. Посбонлик қилмоқ. Посбонликда турмоқ.

**ПОСЁЛКА** [р посёлок] I Одатда шахар ёки катта қишлоқдан унча узокда бўлмаган кичик қишлоқ. Устахона ишчиларининг посёлкаси ҳам Башоратга энди бошқача кўрина бошлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Шахар типидagi катта қишлоқ. Луначарск посёлкаси. — Посёлка атрофида дарёдан чиққан каналлар билан заводга борадиган темир йўллар чапишиб ётар, табиат ҳам, механизмлар ҳам айниқса кечаси қудратли товуш берарди. П. Қодиров, Уч илди.

**ПОСИЛКА** [р посылка] Яшикка жойлаб ёки ўраб почта орқали юборилган нарса. Посилка юбормоқ. Китобларни посылка қилмоқ. — Чиннихон уйларидан посылка олиб турар эди. П. Қодиров, Юракдаги қуёш.

**ПОСИРА** I I тар. Катта ер эгалари томонидан батрақларга, уларнинг меҳнати эвазига вақтинча фойдаланиш учун ажратилган ер участкаси.

2 диал. Томорқа. Янги ерлар ўзлаштирдик — сизга посира, Пахта, галла ташвишини тортмангиз сира. Т. Н. Қори Ниёзий.

**ПОСИРА** II Йиғилган, ғамланган нарса; кўр. Посира қилмоқ.

**ПОСТ** [р < фр] I Қоровул, часовой, кузатувчи турадиган жой. Қоровул .. бирон икки соатдан кейин қайтиб келмоқчи бўлиб, постига кетди. А. Қахҳор, Картина.

**2** Қўриқлаш, кузатиш учун қўйилган ёки ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилган кишилар группаси. Санитария постлари.

**3** Масъулиятли лавозим, вазифа. Директорлик пости. Раҳбарлик постлари.

**ПОСТАМЕНТ** [р < лат] Хайкал, ёдгорлик, обида ва ш. к. ўрнатилган махсус қурилган пойдевор, асос. Гранит постамент. Қаҳрамон танк хотира учун постаментга қўйилди.

**ПОСТАНОВКА** [р] 1 Тошоабинларга кўрсатиш учун тайёрланган сахна асари, спектакль. Цирк ўқувчилар учун турли томошалар, постановка кўрсатади.

**2** Драматик асарни, пьесани тайёрлаб сахнага қўйиш. Пьесанинг янги постановкаси. Постановка қилмоқ.

**ПОСТАНОВКАЧИ** Пьеса, фильм ва ш. к. ни постановка қилишга, сахнага қўйишга тайёрловчи ёки тайёрлаган киши; режиссер.

**ПОСТОВОЙ** [р] Постда турган киши; соқчи. || Постовой милиционер.

**ПОТАШ** [р < инг.] хим. Ишқор хусусиятига эга бўлган оқ порошок-симон модда.

**ПОТЕНЦИАЛ** I [р потенциал < лат] I физ. Электр ёки магнит майдонининг маълум нуқтадаги ҳолатини характерлайдиган миқдор. Торттиш кучи потенциалли. Потенциаллар айирмаси.

**2** кўчма кт. Импониятлар, куч-қудрат даражаси; фойдаланилиши мумкин бўлган воситалар, ресурслар жаммуи. Мамлакатнинг sanoat потенциалли. Иқтисодий потенциаллар.

**ПОТЕНЦИАЛ** II [р потенциалный] Намоён бўлиши, фойдаланилиши мумкин бўлган, ammo рўёбга чиқмаган. Потенциал энергия. Потенциал импонициятлар.

**ПОТИНЖОН** I айн. бақлажон. Потинжон икраси.

**2** диал. Памилдори, помидор.

**ПОХОД** [р] I Бир группа кишиларнинг маълум мақсадда, муайян вазифани бажариш учун уюшган ҳолдаги юриши, сафари. Туристик поход. Ҳарбий поход. Пионерлар походи. Поход қўшиғи. Походага чиқмоқ. — Поход неча километра эканини ҳеч ким билмас эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**2** с. т. Бир мамлакат қўшинининг бошқа мамлакатга қарши юриши, ҳарбий ҳаракат; уруш. Алтанта походлари. Петр I нинг Азов походи.

**ПОХОЛ** Бўғдой, шоли ва ш. к. бошоқли ўсимликларнинг дони янчиб олингандан кейин қолган қуруқ пояси. Бир бог похол. Молга похол солмоқ. || Похол тўшак. Похол шляпа. — Уч куннинг ичида шоли ташлиб битганидек, похол ҳам шоликорнинг муносишга фарамланади. А. Қодирий, Обид кетмон.

◆ Олдига похол солмоқ қуруқ гап, ваъдалар билан алдамоқ, лақиллат-

моқ, кишини аҳмоқ қилмоқ. Олахўжа маҳсум: «Қарга қарганинг кўзини чўқмайди», деб нодонларнинг олдига похол солиб туради...— деди Абдурасул. П. Турсун, Ҳўнтувчи.

**ПОЧА** [ф-т] I Хайвонлар оёғининг тиззадан пастки қисми. Бўри қўйининг почасидан олибди. Улоқчи, қамчиннинг дастасини тишлаб, улоқнинг почасидан тортди.

**2** Оёқнинг тизза билан тўпиқ ўртасидаги қиеми; болдир. Ит почамдан олди.

**3** Шимнинг, шалварнинг тиззадан пастки қисми. У тиззадан лойга ботган, юзига ҳам, ўсиқ сочларига ҳам лой сачраган, бир почаси шимариғлик. А. Мухтор, Туғилиш. Почасига жияк тикилган лозими товониғача тушиб турибди. Ҳ. Гулом, Машъал.

**4** Устки узун кийимнинг этагига тикилган жияк, ҳошия. [Шоир] шоҳи тўн устидан... кундуз почаси бор пўстинини кийди. Ойбек, Навоий.

**5** Поя, оёқ. Стул почаси.

**6** Пиллапоя, поғона. Мирзиёд .. оёғини нарвон почасидан аста олди. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.

◆ Қизил почаси т. ўз вақтида парвариш қилинмай ривожланишдан орқада қолган, ўсмайдиган, пакана (ёш гўза ҳақида).

**ПОЧАПУСТИН** [ф-т] Тулки ва бошқа хайвонларнинг оёғи мўйнасидан тикилган сирма пўстин. Бухороликлар эғиларига кўк мовут сирилган почапўстин, бошларига қоракўл телпак кийган бўлсалар ҳам, жунжикиб турар эдилар. М. Осим, Элчилар.

**ПОЧАҚИРҚАР** Сертикан, оқ гулли наъматак.

**ПОЧИН** [р] I Бирор соҳада биринчи бор бошланган иш; ташаббус. Комсомол ташкилотлари В. И. Лениннинг Коммунистик Ёшлар Союзи ҳар бир ишда ўз ёрдамини кўрсатадиган, ўз ташаббусини, ўз починини кўрсатадиган зарбдор группа бўлмоғи керак деган васиятини оғишмай эмалга оширади. «ВЛКСМ Устави».

**2** с. т. Бирор шининг бошламаси.— Ҳар нарсадан ишқал топадиган бўлибди,— деди Нафиса.— Ҳар ҳолда ташаббус ахир! Ибрат, почин! А. Мухтор, Туғилиш. Почин қилмоқ 1) биринчи бор бошлаб бермоқ; 2) савдон очмоқ.

**ПОЧТА** [р < поляк] I Хат, посилка, хужжат, пул ва ш. к. ни қабул қилиб, тайинланган кишига ёки жойга етказиб берадиган алоқа муассасаси ва шу муассаса жойлашган бино. Шаҳар почтаси. Дала почтаси. — Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бу ёққа келишда у Гавҳар билан ёзишиб туришга ваъдалашган, иккови ҳам хатларни почтадан «До востребования» бўйича оладиган бўлган эди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**2** Шундай муассаса томонидан етказиб берилган нарсалар (хат, посилка

ва ш. к.) Бу, Юрьев батальони тепаликни мудофаа қила бошлагандан бери, биринчи марта келган почта эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. — Ҳе,— деди Гулсум,— маҳкамага борай-чи, почта келган бўлса, менга хат олиб келганмикин. П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**ПОЧТАЛБОН** [р] Хат, газета, журнал ва ш. к. ни эгаларига етказиб берувчи почта ходими. Қимнинг номига хат ёки бошқа нарса келса, почталбон адресат номининг бош ҳарфи ёзилган яшиққа қўйиб, юбориладиган хат бўлса олиб кетар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Почталбондан сўраб турман. Портматдан хат келса, дарров менга йиштади,— деди Эргаш. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПОЧТАМТ** [р < нем] Шаҳарнинг марказий почтаси, марказий почта идораси.

**ПОЧТАХОНА** [р + ф-т] Почта ўрнатилган бино. Мирзо шаҳар почтахоналарининг бирини муттасил қатнашга ва ҳар қимнинг қўлига қараб, адрес ёзиб бериш ва бланка тўлдиришга ўз хизматини тақдим қилишга мажбур бўлди. А. Қаҳҳор, Мирзо.

**ПОЧТАЧИ** айн. почталбон. Эшикни очиши билан почтачи унинг қўлига қалин бир журнални тутқизди. Ойдин, Садаған бўлай, командир.

**ПОЧАН** I Опанинг эри. [Ҳамида] ҳомиладор хотинга самовар кўтартириб қараб ўтирган почасидан ўлкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

**2** Эрнинг акаси (келинга нисбатан).

**3** эск. Оғларга қўшилиб хурмат маъносини билдиради. Баззоз почанинг бекорчи оғизга тоби йўқ эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Озена таҳаммул қилсинчи, бек почча. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**4** диал. Ўзидан катталарга мурожаат формаси.

**ПОШНА** [ф-т] Оёқ кийимининг товонига тагчармдан баландроқ қилиб қоқилган қаттиқ чарм ёки бошқа бирор нарса. Ботинканинг пошнаси. Этикнинг пошнаси. — Замира шошиларди .. Баланд пошнаси ҳўл асфальтга урилиб, машинкадай чиқилларди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ПОШНАЛАМОҚ** I Пошна қўймқ, пошна қоқмоқ. Этикни пошналамоқ. **2** Пошна билан ниқтамқ, босмоқ, тепмоқ. Аваз отини ўйнатоқ, Пошналаб чўлда жўнатди. «Зулфизар билан Авазхон». [Малай] .. уни [отини] қамчилаб, пошналаб қистаб суриб бир зумда кўздан ғойиб бўлган. Айний, Эсдалиқлар.

**ПОШНАЛАТМОҚ** пошналамоқ I фл. орт. н. Этикни пошналамоқ.

**ПОШНАЛИ** Пошнаси бор; пошнаси баланд. Резина пошнали этик. — Ёнидаги икки қиз бир хилда кийинган: оқ илақ полотнодан .. кўйлак, оёғида ҳошияли носки, пошнали малла ранг туфли. Ойдин, Ўзидан кўрсин.



**ПОШША** 1 Хотин-қизларга мурожаатда ҳурмат ёки эркалиштиш ифодалайди. *Пошша қиз. Нодира пошша.* — Унинг [Кумушининг] .. қоматига .. хотиннинг қўллари зўрга етди-да, «эсонмисиз, омонмисиз, пошша қиз» деб сўради. А. Қодирий, Утган кунлар. Юрнинг, келин пошша, уйингизни кўрсатинг. Х. Ғулум, Машъал.

2 Пошша (*хотин-қизлар исми*).

**ПОШШАХОН** 1 Хотин-қизларга мурожаатда ҳурмат ёки эркалиштишни билдиради. *Қўзимиз тўрт бўлди, пошшахон, базминеизга муштоқмиз, қани ўтиринг.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 с. т. Энг яхши, сара. *Элмурод ҳам йиғитларнинг пошшахони-да! Майли, иккови қовушин.* Шухрат, Шинелли йиллар. — *Хуснда тенге ийқ.* Қизларнинг пошшахони. — *Билар экансиз, ҳазратим. Ўзи ҳам ўн еттидан ўн саккизга ўтиб турибди.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ПОШШО** с. т. Подшо.

**ПОЭЗИЯ** [р < грек] 1 Бадий ижоднинг шеърий формаси; шеърият, назм. *Поэзия назарияси.*

2 Бирор шоирнинг, халқнинг ёки даврнинг шеърий асарлари мажмуи; шеърлар. *Фурқат поэзияси. Пушкин поэзияси. Ўзбек поэзияси.*

**ПОЭМА** [р < грек] Воқеа ҳикоя тарзида баён қилинадиган шеърий асар жанри, сюжетли шеърий асар, шеърий қисса. *Лирик поэма. Эпик поэма. Х. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмаси.*

**ПОЭТИК** [р поэтический] Поэзияга, шеъриятга оид, поэзияга хос бўлган; шеърий. *Поэтик асар. Мақоллар халқ поэтик ижодининг энг сеvimлли оммабон жанридир.*

**ПОЭТИКА** [р < грек] 1 Адабиёт ҳақидаги фаннинг поэтик асарлар структурасини, поэтик шакллари, поэтик санъат усулларини ўрганувчи қисми.

2 Бирор шоир ёки адабий мактабнинг поэтик шакл ва принциплари системаси. *Романтизм поэтикаси. Маяковский поэтикаси.*

**ПОЯ** [ф-т] 1 Ўсимликнинг шохларини, барг, гул ва мевасини кўтариб турадиган, тик ўсадиган ер усти қисми. *Жўжори пояси. Шоли пояси.* — *Бугдой қип-қизариб пишган, пояларигача қовдек қовурилган эди.* Айний, Қуллар.

2 Ишқом ёки сўрининг бағазлар макмаланадиган ёғочи. *Ёғда саккиз узун ишқом, ҳаммасининг поялари яхши шўйланган, пушталари чопилган.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 Оёқ, почта. *Қаравот пояси.* | Устун. *Рўзвон хола аста юриб келиб, Онахднинг қаршисидан дўкон поясига суянди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 *Вил. айн. почта* 1. *Бир нечалар кетар қўшиб, Ботир юрар жардан кечиб, Ўстидаги минган оти.* Поясидан қонни кечиб. «Муродхон».

5 Замбил, тобут ва ш. книнг тутқичи, дастаси.

6 Поғона, пиллапоя.

7 *кўчма* Поғона, даража, босқич.

*Тарбиялаб, етиштирди вояга, Топди шуҳрат, чиқди буюк пояга.* Ҳабибий. *Ҳар қайсилари обрўларининг юксак поясида ярқираб турардилар.* Ойбек, Навоий.

8 Баъзи ўсимликларнинг номи билан бирикни, улар экилган ер, майдон маъносини ифодаловчи кўшма сўз ясади, мас. *шолпоя, бедапоя.*

**ПОЯКИ** [ф-т] этн. Чилим кўтариб юриб, кашандаларга чекдириб тирикчилк қилган киши. *У вақтларда бозорларда баъзи кишилар чилим кўтариб юрар, чекувчиларга чектириб, бирор нарса олардилар. Бундай одамларни «пояки» дер эдилар.* Айний, Эсдаликлар.

**ПОЯКИЛИК** 1 *пояки с. кааб оти.* 2 Бозорда тамаки ва носвой дўконлари, растаси. *Поякиликдан носвойни олма-да, таниш ипакфуруш яхудийдан онам буюрган ипакларни харид қилгани жўнайман.* Ойбек, Болалик.

**ПОЯС** [р] 1 *геогр.* Ер шарни юзасининг ёнма-ён жойлашган икки меридиан оралигидаги қисми. *Меридианлар Ер юзини 24 поясга бўлади. Вақтнинг пояс ҳисоби. Пояс вақти.* | Ер шарни юзасининг меридианлар билан ажратилган, табиий-иқлимий шароитлари бир хил қисми; минтақа. *Мўътадил пояс. Иссиқ пояс.*

2 эк. Мамлакатнинг маълум иқтисодий белгиларига кўра ажратилган қисми. *Тариф пояси. Пояс нархлари.*

**ПОГОНА** [ф-т] 1 Зинанинг, нарвоннинг оёқ қўйиб чиқиладиган ва тушиладиган пояларидан ҳар бири; пиллапоя, почта. *Нарвоннинг поғонаси.* — *Мирақаримбойнинг хотини, ҳарсиллаб-гурсиллаб, нарвончанинг ҳар поғонасига қадам қўйганда «бисмилло»ни тақроғлаб аравага ўтирди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 *кўчма* Ўсиш, юксалиш, тараққиёт ва ш. к. тадрижий процессларнинг ҳар бир босқичи. *Тараққиёт поғоналари. Юксалишининг энг юқори поғонаси.* | Амал, унвон, мартаба ва ш. книнг ҳар бир босқичи. *Бюро тарқалиб, Борисов уни табриклаганда, Элмурод ҳаётида ўзини яна бир поғона юқори кўтариладек ҳис қилди.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Бирин-кетин содир бўладиган иш-ҳаракатнинг ҳар бир босқичи. Қиз эскичасига яширин равишда сотилди. Энди энг сўнги поғона — домла имомнинг никоҳ ўқиши қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ПОГОНАЛИ** 1 Поғоналари бўлган, поғонадан иборат. *Қирқ поғонали зина. Ўн поғонали нарвон.*

2 *кўчма* Босқичлари бўлган; тадрижий. *Поғонали сайловлар.*

**ПРАВЛЕНИЕ** [р] Баъзи ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органи ва шундай орган жойлашган бино. *Колхоз правлениеси.* | с. т. Шундай органнинг мажлиси, йиғилиши. *Ишни правлениеда ҳал қилмоқ.* — *Хўп, бу тўғрида эртага правлениеда гаплашамиз.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**ПРАВО** [р] Қимсага автомобиль, мотоцикл ва ш. к.ни бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, гувоҳнома. *Шофёрлик правоси.*

**ПРАВΟΣЛАВИЕ** [р] Христиан динининг Византияда шаклланган, Ғарбдаги католицизмдан фарқ қиладиган маъхаби. *Православие руҳонийлари.*

**ПРАКТИК** [р] Ўз ишида, соҳасида катта тажрибага эга бўлган, омилкор, тажрибакор мутахассис; шунингдек фақат амалий иш орқали тажриба, билим орттирган киши. *Практик олим. Практикларнинг назарий билимларини ошириши.*

**ПРАКТИК** [р практический] Практикага, тажрибага асосланган; амалий. *Практик машғулот. Практик метод.*

**ПРАКТИКА** [р < грек] 1 *филос.* Жамиятнинг янаши учун зарур шароитларни яратинга қаратилган фаолият мажмуи; амалиёт. *Назария билан практиканинг боғланиши.* — *Практика, ҳар қачонсидай, назариядан олдинда борди.* В. И. Ленин, Москва кўзголюнининг сабаблари.

2 Илмий-назарий ҳулоса, қоида ва ш. к.ни ҳаётга татбиқ қилиш, ишда, амалда қўллаш, амалий иш; текшириш ёки амалга ошириш соҳалари; турмуш, амалий иш; тажриба, амал. *Таклифни практикада текшириб кўрмоқ. Институтда олган маълумотни практикада қўллай билмоқ.*

3 Амалий иш, фаолият. *Механизаторларнинг тажрибаси ва маҳорати термининг муваффақиятини белгилашини практика кўрсатиб турибди.*

4 Олий ва махсус ўрта ўқув юртларида ўқиш-ўқитиш процессининг корхона ва муассасаларда амалий иш жараёнида ўтказиладиган таркибий қисми. *Ишлабчиқариш практикаси. Студентларнинг педагогик практикаси. Практикага бормоқ. Практикага раҳбарлик қилмоқ.*

**ПРАКТИКАНТ** [р] Практика ўтаётган ўқувчи, студент ва ш. к. *Врач практикантлар билан касал кўрмоқда.* — *Шаҳардан чиққан бир тўда практикант-студентлар .. «Москва оқшомлари»-ни айтишар .. эди.* С. Ахмад, Тоғларда.

**ПРАКТИКУМ** [р < грек] Олий ўқув юртларида: бирор ўқув предмети бўйича ўтказиладиган практик машғулотлар мажмуи. *Химия практикуми. Практикум раҳбари.*

**ПРЕДМЕТ** [р] 1 Сизги органлари орқали хис қилинадиган ҳар қандай конкрет моддий нарса. *Дунё тайёр, мукамал предметлардан иборат эмас, балки процесслар тўғрисида иборатдир.* В. И. Ленин, Карл Маркс.

2 Айрим ўқув фанини ташкил этган билимлар мажмуи; ўқув фани, дарс. *Ҳамма предметдан «беш» баҳо олмақ.*

**ПРЕДОХРАНИТЕЛЬ** [р] Отиш қуролни, электр тармоғи ва ш. книнг хавфсизлигини таъминловчи мослама.

*Электр предохранители. Милтиқ предохранители.*

**ПРЕЗИДЕНТ** [р < лат] 1 Баъзи илмий муассаса ёки жамиятнинг маълум мuddатга сайлаб қўйилган бошлиғи, раҳбари. *Фанлар академиясининг президенти.*

2 Республика формасида идора қилинадиган баъзи мамлакатларнинг маълум мuddатга сайлаб қўйиладиган давлат бошлиғи. *АҚШ президенти.*

**ПРЕЗИДЕНТЛИК** президент с. мавз. от. Президентликка сайламоқ.

**ПРЕЗИДИУМ** [р < лат] 1 Съезд, мажлис, кенгаш ва ш. к. катта йиғилишларни бошқариб бориш учун сайланган кишилар гуруҳи; ҳайъат. *Мажлиси президиуми. Гурултой президиуми. Президиум сайламоқ.*

2 Баъзи ташкилот ёки муассасанинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлик органи. *ҚПСС МҚ Президиуми. Фанлар академияси Президиуми. Олий Совет Президиуми.*

**ПРЕЙСКУРАНТ** [р < нем] Товарнинг турлари, навлари ва нархлари кўрсатилган ёрлиқ, маълумотнома, справочник.

**ПРЕМЬЕРА** [р < фр] Пьеса, фильм ва ш. к.нинг биринчи бор намоиш қилиниши. *«Хамза» спектаклининг премьераси.*

**ПРЕМЬЕР-МИНИСТР** [р < фр] Хукумат бошлиғи, министрлар совети ёки министрлар кабинетининг раиси, бош министр.

**ПРЕПАРАТ** [р < лат] 1 хим. Лаборатория ёки фабрикада тайёрланган химиявий ёки фармацевтик маҳсулот. *Дори-дармон препаратлари.*

2 Химиявий жиҳатдан ўрганиш, текшириш учун тайёрланган модда намунаси. *Радиоактив препарат.*

3 Жонивор ёки ўсимлик организмнинг ўқиш-ўқитиш процессида кузатиш ёки текшириш учун тайёрланган қисми. *Анатомик препарат. Бақа юрагининг препарати. Препаратлар кўргазмаси.*

**ПРЕСС** [р < лат] 1 Материалларни босим билан (босиб, сиқиб) ишлайдиган машина; исканжа. *Қўл пресси. Штамповка пресси. Прессда сиқиб олинган кунжара.*

2 с. т. Пресс-папье.

**ПРЕССЛАМОҚ** Пресс билан ишлов бермоқ ёки босиб жойламоқ, тахламоқ, исканжаласмоқ. *Деталь прессиламоқ. Пахтани прессиламоқ.*

**ПРЕССЛАНМОҚ** прессиламоқ фл. мажх. н. Пахтани тойлаш учун уни махсус машинада прессиладиган.

**ПРЕСС-ПАПЬЕ** Босма қоғоз қистирилган канцелярия асбоби; босма.

**ПРЕФИКС** [р < лат] грам. Сўзнинг ўзак олдиндан қўйиладиган қисми; олд қўшимча.

**ПРИБОР** [р] 1 Ўлчаш, бошқариш, кузатиш ва ш. к. мақсадлар учун ишлатиладиган махсус қурилма, асбоб. *Ўлчаш прибори. Оптик прибор. Иштиш прибори. Пахтанинг намлигини,*

*сортини ва ифлослигини аниқлайдиган приборлар.*

2 Маълум бир иш ёки мақсад учун қўлланадиган нарсалар мажмуи, комплекти. *Ёзув прибори.*

**ПРИЁМНИК** [р] 1 тех. Радиотехника ва телемеханикада сигнал, нутқ, музыка, тасвир ва ш. к.ни қабул қилиш учун ишлатиладиган аппарат.

2 с. т. Радиоприёмник. *Қараса кун ёйилган .. Махдум ака «Москвич» приёмнигини бурар, приёмник қаттиқ хуштак чалар ва қитир-қитир қиларди. П. Қодиров, Уч илди.*

**ПРИЗМА** [р < грек] 1 мат. Икки тенг параллел асосдан, ён ёқлари эса параллелограмдан иборат бўлган кўп ёқлик. *Уч ёқли призма. Кўп ёқли призма.*

2 физ. Худди шундай шаклга эга бўлган, ёруғлик нурининг йўналишини ўзгартириш, мураккаб нурни спектрга ажратиш учун хизмат қиладиган, турли оптик, спектрал асбоб ва аппаратларда ишлатиладиган махсус шиша ёки шишасимон ўта тиниқ жисм. *Нурни призма орқали спектрларга ажратмоқ.*

**ПРИЗМАТИК** [р призматический] 1 мат., физ. Призма шаклига эга бўлган; призма шаклидаги. *Призматик жисм. Призматик кристаллар.*

2 Призма билан таъминланган (қ. призма 2). *Призматик бинокль.*

**ПРИКАЗЧИК** [р] эск. 1 Савдогарларга ёлланган ва уларнинг савдо-сотик ишларини олиб борган хизматчи; гуашта. *Улар харидор билан битишгандан сўнг, қолган ҳамма шини.. приказчик Саидмурод бажарар эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

2 Помешчикнинг ер-мулкни бошқарувчи, хўжалик ишларини бажарувчи хизматчи.

**ПРИЛАВКА** [р прилавок] айн. пештахта. *Мирзакаримбой ақсар вақт устига гиламча ёйилган прилавканинг бир четида .. чордона қуриб ўтирар эди. Ойбек, Қутлуг қон.*

**ПРИМИТИВ** [р примитивный < лат] 1 Замонавий талабларга жавоб бермайдиган, жуда содда, ибтидоий. *Примитив асбоб.*

2 Илмга асосланмаган; оддий, содда. *Примитив қарашлар.*

**ПРИМУС** [р < лат] Рўзғорда овқат пишириш, сув иситиш учун белгиланган, керосин билан ишлайдиган асбоб. *Мария Николаевна примус ёқиб, това қиздирди, саримойга тўрт-бешта тухум чақиб, қуймоқ пиширди. Х. Гулом, Машъал.*

**ПРИНЦИП** [р < лат] 1 Назария, таълимот, фан ва ш. к.нинг асосий қонун-қондаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун-қондаси. *Партиянинг ташкилий тузиллишининг раҳбар принципи демократик-централизмдир.*

2 Киши қаттиқ ушлаб олган, оғишмай амал қиладиган қоида, нуқтаи назар, қараш, маслак. *Принципи йўқ*

*одам. Принцип юзасидан ш ш тутмоқ.*

**ПРИНЦИПАЛ** [р принципиальный] 1 Принципдан келиб чиқадиган, зўр аҳамиятга эга бўлган; муҳим, жиддий. *Принципиал қарам-қаршиликлар. Принципиал масала.*

2 Принципга қаттиқ риоя қиладиган, бир принципда маҳкам турадиган. *Принципиал одам.*

**ПРИНЦИПАЛЛИК** 1 принципиал с. белги оти. *Масаланинг принципиаллиги.*

2 Ишла ўз принципини изчиллик билан амалга ошириш, бир принципда маҳкам туриш. *Раҳбарнинг принципиаллиги. — Онгли ишчилар учун ҳаммадан олдин ва ҳаммадан кўра қимматли бўлган нарса ҳар бир матбуот органининг принципиаллигидир. В. И. Ленин, Либералларнинг ишчилар онгини заҳарлаши.*

**ПРИНЦИПЛИ** айн. принципиал 2.

**ПРИНЦИПСИЗ** Бир фикрда маҳкам тура олмайдиган; бурди йўқ, бебурд. *Принципсиз киши.*

**ПРИСТАВ** [р] тар. Революциядан олдинги Россияда: маҳаллий полиция бошлиғи. *Ҳар йил ёзда пристав билан бўйсизнинг бу ердан извошда .. ўтишларида .. оқсоқол ва элликбошилар барча катти-кичикни йўлнинг икки томонида бўйинини эгиб туришга мажбур қилардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ПРИСТАНЬ** [р] Қемалар тўхтайдиган махсус жой. *Амударё пристанлари.*

**ПРИСТУФ** с. т. Пристав.

**ПРИЦЕП** [р] Транспорт воситаларига тиркалган арава; моторсиз вагон, тракторга тиркалган машина, қурол. *Пахтани прицеплар билан ташинмоқ.*

**ПРОБА** [р] 1 Қотишмадаги қимматбахо металл миқдорини билдирувчи рақам. *96 пробаги олтин.* | Шундай рақам кўрсатилган тамага. *Пробаси ўчиб кетган олтин қошиқ.*

2 Синаш, текшириш учун олинган намуна. *Текшириш учун газ пробасини олмоқ.*

**ПРОБИРКА** [р] Лаборатория ишларида қўлланадиган бир томони берк юпқа шиша найча.

**ПРОБКА** [р] 1 Бутилка, шиша ва ш. к. идишларнинг қопқоғи; тиқин. *Пробкаси отилиб, қиттак шароб тўкилди, Ранжима қиз, доғ бўлмас, ширин гулоб тўкилди. Е. Мирза. Шишанинг оғзига қараб интилган муз пробкани итариб чиқаради. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

2 с. т. Электр сақлагичи.

3 айн. пўкак 1.

**ПРОБЛЕМА** [р < грек] Ҳал қилиниши зарур бўлган муҳим назарий ёки практик масала, муаммо. *Илмий проблема. Тинчлик проблемаси. Халқаро проблемалар.*

**ПРОБЛЕМАТИК** [р проблематичный] Ҳал қилиниши зарур, аммо ҳали ҳал қилинмаган, ечилмаган, муаммо бўлиб турган. *Проблематик масала.*

**ПРОБЛЕМАТИКА** [р] Проблемалар мажмуи; муаммолар.

**ПРОВИНЦИАЛИЗМ** [р] кам қўлл. 1 Провинцияларга, чекка жойларга хос ҳаёт, тартиб-қоида ва хусусиятлар. *Бизнинг ишмиз — .. традиция, хурофот, қолоқ провинциализм таъсирига қарши курашиб, ҳаракатни уюштиришдан ва яхлитлашдан иборатдир.* В. И. Ленин, Биринчи рус революциясида с.-д. аграр программаси.

2 *лингв.* Маҳаллий шевадагина ишлатиладиган сўз, ибора, диалектизм.

**ПРОВИНЦИЯ** [р < лат] 1 тар. Қадимги Римда: римликлар забот этиб олган ва уларнинг ноиблари томонидан бошқарилган территориялар; ўзга мамлакат.

2 Баъзи давлатларда ва 18 асдаги Россияда: маъмурий-территориал бўлинма, вилоят, область.

3 Пойтахтдан узоқ жойлар, чекка ўлкалар.

**ПРОВОДНИК** [р] Пассажирлар вагонига қаровчи ва пассажирларга хизмат қилувчи темир йўл ходими. *Вагон проводниги ўтиб қолган эди, қайрилиб гапирди.* Ойдин, Суҳбати жонон.

**ПРОВОКАТОР** [р] 1 Ифво-провокация йўли билан иш қўрувчи; ифвогар, фитначи, ғаламас.

2 Провокация уюштириш мақсадида революцион ташкилотга суқилиб кириб олган махфий агент; сотқин.

**ПРОВОКАЦИОН** [р] провокационный) Провокацияга оид; провокациядан иборат бўлган, провокацияга асосланган. *Провокацион ҳаракат.*

**ПРОВОКАЦИЯ** [р < лат] Қасдан уюштирилган ва оғир оқибатларга олиб келадиган хойнона иш ёки ҳатти-ҳаракат; фитна, ифвогарлик. | Революцион ташкилотга суқилиб кириб олган полиция махфий агентларнинг революцион ҳаракат ва ташкилотларнинг бўшаштиришга, тор-мор қилишга қаратилган жосуслик ва фитначиликдан иборат сотқинлик ҳаракати.

**ПРОГНОЗ** [р < грек] Бўлажак воқеа ёки ҳодисаларнинг қандай кечишини, ривожланиши ва оқибатини мавжуд далиллар ва маълумотларга асосланиб олдиндан айтиб бериш; олдиндан чиқарилган хулоса. *Оби ҳаво прогнози. Сийсий ёққалар прогнози. Қасаллик прогнози.*

**ПРОГРАММ** [р программный] Программа бўла оладиган, программага асос қўладиган, программани белгилувчи. *Программ нутқ. Партияларнинг программ ва ташкилий принциплари.* ■ *Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги программ широр революцион курашда партиянинг кучлик ҳуроли бўлди.* «КПСС Устави».

**ПРОГРАММА** [р < грек] 1 Қилинадиган иш-ҳаракатнинг режаси, плани. *Индустрияни ривожлантириш программаси.*

2 Сийсий партия, ҳукумат, жамоат ташкилоти ёки айрим давлат, жамоат

арбобининг дунёқарашлари, вазифа ва мақсадлари баён қилинган ҳужжат. *КПСС Программаси.* ■ *Партиянинг программа ва уставини танийдиган, программа ва уставнинг амалга оширилишига актив ёрдам берадиган, партиянинг ташкилотларидан бирида ишлайдиган ва партиянинг барча қарорларини бажарадиган ҳар бир меҳнаткаш .. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси бўла олади.* «КПСС Устави».

3 Съезд, конференция ва ш.к.нинг кун тартиби; кўриладиган масалалар рўйхати, рўзнама.

4 Концерт, цирк томошалари ва ш. к.да ижро этиладиган номерлар мажмуи, ҳамда ижро этувчилар рўйхатини ўз ичига олган варақа ёки китобча. ■ *Бу пайт Ефим Данилович билан Абдусамат концерт программаси ҳақида гаплашишарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Радио эшиттиришлари ва телевидение кўрсатувлари йиғиндиси, мундарижаси. Эшиттиришлар программаси.*

5 Ўқув юртларида: ўтиладиган бирор фан ёки курснинг қисқача мазмуни. *Ун уч ёшида мактаб программасини битириб, ёш бўлса ҳам, Анвар халфалик, яъни домлага кўмакчилик қила бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | Ўқув фани ёки предметнинг белгиланган ҳажми ва уни ўз ичига олган варақа ёки китобча. *Математикадан программа. Бешинчи синф она тили программаси.*

**ПРОГРЕСС** [р < лат] Тараққиёт, каморат сари йўналган ҳаракат, ривожланиш; тараққиёт, ривож. *Техника прогресси.*

**ПРОГРЕССИВ** [р прогрессивный] 1 Жамиятнинг тараққиёти, прогресси учун интиладиган, унга ёрдам берадиган; илғор, тараққийпарвар. *Прогрессив ёзувчи. Прогрессив инсоният. Прогрессив ҳаракат.* ■ *Бир вақтлар камтар бир муаллим, прогрессив интеллигент, бир неча ёшларни зиёфатга таклиф этган экан.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Мунтазам равишда ўсиб борадиган, тобора ривожланадиган. | Тобора кўпроқ фойда келтирадиган, меҳнат унумини оширадиган. *Прогрессив технология. Пахта етиштиришнинг прогресси усуллари. Прогрессив иш ҳақи.*

**ПРОГРЕССИВЛИК** прогрессив с. белги оти. *Янги усулнинг прогрессивлиги.*

**ПРОГРЕССИЯ** [р < лат] мат. Ҳар бири олдинги сонга белгили сонни қўшиш натижасида ёки кўпайтириш натижасида ҳосил бўлган сонлар сираси. *Арифметик прогрессия. Геометрик прогрессия.*

**ПРОГУЛ** [р] Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолиш. *Эртасига кечроқ бўлса ҳам ишга бордим. Аммо картошка кавлашганимда бир-икки кун боролмадим. Мана шу жуда ёмон бўлди: бошқа прогулларни ҳам кўзга кўрса-*

*тиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтақ. *Тошпўлат шу кунгача бир соат ҳам прогул қилмади.*

**ПРОГУЛЧИ** Ишга ёки ўқишга сабабсиз келмай қолган, прогул қилган киши. *Жонфигон охири инсофга келиб, шу бу иш қишда ном заводига ишга кирибди, аммо бир ой ишласдан прогулчи тарзда шидан ҳайдалибди.* А. Қаҳҳор, Жонфигон.

**ПРОЁКТ** [р < лат] 1 Иншоот, бино, машина ва ш. к.ни қуриш ёки реконструкция қилиш учун ишлаб чиқилган лойиҳа. *Ҳайкал проекти. Қурилиш проекти.*

2 Иш, асар, ҳужжат ва ш. к.нинг дастлабки, тахминий, ҳомаки тексти. *Қонун проекти. Шартнома проекти. Қарор проекти.* ■ *Биз конференцияда сўй қанотни туздик, ҳамда ўз резолюциямизни ва манифест проектини тақдим қилдик.* В. И. Ленин, «Социалистик пропаганда лигаси» секретари-га.

**ПРОЕКТЛАМОҚ** Проектини ишлаб чиқмоқ, проект тузмоқ. *Қишлоқ қурилишини проектламоқ.*

**ПРОЕКТЛАНМОҚ** проектиламоқ фл. мажх. н.

**ПРОЕКЦИОН** [р проекционный] Проекция ҳосил қилувчи (қ. проекция 2.). *Проекцион тисвир. Проекцион фонарь.*

**ПРОЕКЦИЯ** [р < лат] 1 мат. Фазовий шаклларнинг текисликдаги акси, тасвири. *Нуқта проекцияси. Чизиқ проекцияси. Цилиндрнинг горизонтал текисликка проекцияси.* ■ *Проекциялари тенг бўлган икки оғма тенгдир.* «Геометрия».

2 Оптик асбоблар воситаси билан экранга туширилган тасвир.

**ПРОЕКЦИЯЛАМОҚ** Проекцияснни туширмоқ, ясамоқ, ҳосил қилмоқ. *Детали горизонтал текисликка проекцияламоқ.*

**ПРОЕКЦИЯЛАНМОҚ** проекцияламоқ фл. ўзл. ва мажх. н. *Тўғри чизиқ перпендикуляр текисликка нуқта равишда проекцияланади.*

**ПРОЖЕКТОР** [р < ингл] Нурни, шуълани тўплаб маълум томонга йўналтирадиган кучли ёритиш асбоби. *Прожекторлар ҳар ёқдан гигант нур парчаларини узатиб чексиз кўкни пийнаслайди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Кўкда ялт этиб чақмоқ чаққандек бўлди. Бу — учар юлдуз каби из ёзиб, Москва осмонини душман самолётларидан қўриқлаб турган прожектор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПРОЗА** [р < лат] Наср билан ёзилган бадний асар (ҳикоя, роман ва ш. к.). *Бадний проза. Проза билан ёзилган асар.* ■ «Миллий роман» асида ўзбек адабиётида, ўзбек прозасида янгилик эди. Ю. Султон, Ҳамза. *Фафур Ғуломнинг ўзбек прозаси тараққиётидаги ўрни ва ролин белгилашга .. бағишланган қатор илмий мақолалар, асарлар ёзилган.* С. Мамажонов, Фафур Ғулом прозаси.

**ПРОЗАИК** [р] Проза, насрий асар ёзувчи адиб; прозачи.

**ПРОЗАИК** [р прозаический] Проза жанрига оид; наср, проза билан ёзилган. *Прозаик асар.*

**ПРОЗАЧИ** айн. проза́ик.

**ПРОКА́Т** I [р] *тех.* I Прокатка қилиб тайёрланган металл махсулот (металл лист, тўсин, рельс, сим ва ш. к.). *Прокат тўшлаб чиқариш.*

2 айн. прокатка.

**ПРОКА́Т** II [р] Рўзгор буюмлари, машина, мотоцикл ва ш.к.ни маълум миқдордаги ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун бериб ёки олиб туриш. *Спорт буюмлари прокати. Прокатга машина олмоқ.*

**ПРОКА́ТКА** [р] *тех.* Айланувчи икки валик орасидан сиқиб ўтказиш йўли билан турли шаклдаги металл махсулот ишлаб чиқариш, прокат ҳосил қилиш. *Тунука прокатка қилмоқ. Прокатка қилинган труба. Металлни прокатка қилиш.*

**ПРОКАТКАЧИ** айн. прокатчи.

**ПРОКАТЧИ** *тех.* Прокатка қилувчи ишчи, прокатка мутахассиси.

**ПРОКЛАМА́ЦИЯ** [р < лат] Сиёсий мазмундаги агитацион варақа.

**ПРОКУРАТУ́РА** [р < лат] Мамлакатда қонунга тўла амал қилиниши устидан назорат қилиб турувчи ва судда давлат номидан тузилган айбномани ҳимоя қилувчи орган. *Район прокуратураси. Прокуратура органлари.* — *Мирсаид унинг прокуратурада ишлайдиган Маннонов эканини пайқадую, шоша-пиша изоҳ берди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ПРОКУРО́Р** [р] I Қонунга тўла амал қилиниши устидан давлат назорати олиб борувчи лавозимли киши. *Республика прокурори.* — *Қонунларнинг аниқ бажарилишини юқоридан назорат қилиш бевосита СССР генерал прокурори .. орқали амалга оширилади.* «ЎзССР Конституцияси». Ҳа, беворанинг бошига мушкул тушиб турибди. Иши прокурорда. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

2 Суд жараёнида давлат қораловчиси.

**ПРОЛЕТА́Р** [р пролетарий] Капиталистик жамятда ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган, ёлланма ишчи. *Пролетар революцияси.*

**ПРОЛЕТА́РИАТ** [р < нем] Капиталистик жамятда: буржуазия томонидан эксплуатация қилинадиган, ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум ёлланма ишчилар синфи; пролетарлар синфи.

**ПРОЛЕТА́РЛАШМОҚ** Пролетарга айланмоқ; камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ.

**ПРОЛО́Г** [р < грек] Адабий-бадий асар ёки куйда муқаддимаси; муқаддима.

**ПРОПАГА́НДА** [р < лат] Бирор ғоя, назария, таълимот ва ш. к.ни кенг омма орасида тарқатиш, тушунтириш, тарғиб қилиш; тарғибот. *Атеистик пропаганда. Пропанганда ишлари.* —

*Ҳамма граждандлар.. динга қарши эркин суратда пропаганда юрғизишга ҳақлидирлар.* «ЎзССР Конституцияси». 1917 йил апрель ойининг бошида Қўқонда социал-демократик ташкилот таркиб топида ва бу ташкилот большевиктик руҳда жуда катта агитация ва пропаганда ишини олиб борди. А. Раҳмат, Ҳаёт лаҳзалари.

**ПРОПАГАНДИСТ** [р] Пропанганда билан шугулланувчи, пропаганда юргизувчи, пропаганда ишлари олиб борувчи; тарғиботчи. *Пропангандист партия маорифида марказий фигурадир.* || *Пропангандист кадрлар.*

**ПРОПЕ́ЛЛЕР** [р < ингел] Самолёт, аэроचना, глиссер ва ш. к.ни ҳаракатга келтирадиган ҳаво парраги. *Эҳ, жанговар пропеллерлар товуши. Нав бўсадай ширин туюлди.* А. Мухтор. *Ҳашаротнинг қанотлари самолётнинг қанотларига ўхшамайди, ҳашарот қанотларидан ҳар бири — ўнг ва чап қаноти алоҳида-алоҳида ишлайдиган пропеллерлардир.* «Фан ва турмуш», 1963, № 6.

**ПРОПИС́КА** [р] Қимсанинг маълум адресда яшаб турганлигини уй дафтарида расмий суратда қайд қилиш ва шу ҳақда паспортга қўйилган белги. *Прописка итмамни. Тошкентда прописка билан яшамоқ. Прописка қилмоқ. Пропискадан ўтмоқ.*

**ПРОПОРЦИОНА́Л** [р пропорциональный] I *мат.* Миқдорлардан бири ошса ёки камайса, бошқаси ҳам шунча ўзгарадиган; мутаносиб. *Тўғри пропорционал миқдорлар. Тесқари пропорционал миқдорлар.*

2 Қисмлари, ўлчамлари ўзаро маълум нисбатда бўлган; бўйи энига мос; мутаносиб, уйғун; келишган. *Пропорционал қомат.* || *Пропорционал тақсимламоқ.* — *Ижтимоий тараққиёт қонуниятини беш бармоқдай билиш керак .. энг зарури — халқ ҳўжаличимизни — планли пропорционал ривожлантириш объектив қонунлари билан қуролланиш керак.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ПРОПОРЦИОНА́ЛЛИК** пропорционал с. белги оти. *Миқдорларнинг пропорционалиги.* — *Капитализм дунёсида ҳеч вақт на текислик, на гармониялик, на пропорционаллик бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас.* В. И. Ленин, Учнинг интернационал ва унинг тарихда тутган ўрни.

**ПРОПОР́ЦИЯ** [р < лат] I *мат.* Икки нисбатнинг тенглиги. *Арифметик пропорция. Геометрик пропорция.*

2 Қисмларнинг, ўлчамларнинг ўзаро нисбати, умуман нарсалар ўртасидаги миқдорий муносабат.

**ПРОПУ́СК(А)** [р пропуск] I Бирор жойга кириш ёки бориш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, рухсатнома. *Залга пропусқа билан киришмоқ.*

2 Бирор ердан бирор нарса олиб чиқиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. *Складдан пропусқа билан мол олиб чиқмоқ.*

**ПРОРА́Б** [р] Қурилишда ишни ташкил қилувчи ва қурувчиларга бевосита раҳбарлик қилувчи техник ёки инженер; ишбоши. *Прораб «халақит берсан» деб неча марта мени девордан қувиб туширар, мен эса яна тирмашиб чиқаверардим.* С. Аҳмад, Кадрдон дала-лар.

**ПРОРÉКТОР** [р < лат] Олий ўқув юртлирида: ректорнинг маълум соҳа бўйича ўринбосари. *Илмий ишлар бўйича проректор. Сиртдан ўқуш бўйича проректор.* — *Хушхабар бўлганда қандоқ.— деди проректор қувони билан,— Обид Йўлдошевнинг гипотезаси тўғри чиқди. Бекилиб қолган қадимги бир кон шу гипотеза асосида очилди.* П. Қодиров, Уч, илдиз.

**ПРОСПÉКТ** I [р < лат] Шаҳарларда кенг, катта ва тўғри кўча.

**ПРОСПÉКТ** II [р < лат] Нашрга тайёрланаётган ёки ёзилаётган асарнинг қисқача баёни ёки кенг ва мукамал плани. *Адабиёт дарслигининг проспекти. Журнал проспекти.*

**ПРОСТОКВА́ША** [р] Томизғи солинмасдан ивителиган, чўчук қатиқ.

**ПРОТÉЗ** [р < лат] Организмнинг зарарланган, олиб ташланган аъзоси ўрнига қўйилган сунъий аъзо (мас., сунъий қўл, сунъий оёқ, сунъий тиш).

**ПРОТЕ́ЗИСТ** [р] Протезлар тайёрловчи мутахассис.

**ПРОТЕ́КТОРА́Т** [р < лат] сиёс. I Кучли давлатнинг кучсиз давлатга формал ҳомийлиги — амалда империалистик давлатларнинг кучсиз мамлакатларни бўйсундириш, мустамлакачилик формаларидан бири.

2 Бирор давлатнинг ҳомийлигидаги, бирор давлатга қарам бўлган бошқа давлат ёки территория. *Россия Афғонистонга таъсир ўтказиш юзасидан бўлган ҳамма даъволардан воз кечди ва Англиянинг Афғонистон устидан протекторатини амалда тан олди.* «Янги тарих».

**ПРОТÉСТ** [р] Қатъий норозилик ва шу ҳақдаги расмий баёнот.

**ПРОТИВОГАЗ** [р] Заҳарловчи модда, газ, тутун ва ш. к.дан нафас олиш органларини, юзу кўзини асрайдиган филтёрли ниқоб. *Оксиген тўлдирилган нўлат баллонли противогаз.* — *У ерда бир тўп противогаз таққан йигитлар ҳарбий машқ учун сафланмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ПРОТОКО́Л** [р < грек] I Мажлисда, йиғилишда ёки сўроқ ва ш. к.да айтилган гап, қабул қилинган қарор ва ш. к. тўлиқ ёзиб олинган ҳужжат. *Мажлис протоколи.* — *Сергей кабинетда ёлғиз қолиб, кейинги кунлардаги сўроқ протоколларини шошмадан бирма-бир варақлади.* Х. Ғулом, Машвал. *Эшонбоев деканнинг бетараф қолиш сабабини протоколга яхшилаб ёзиб қўйди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Бирор фактни тасдиқлаш учун тузилган ҳужжат. *Экспертларнинг протоколи.*

3 Жамоат тартиби ва қонунчи-

лигини бузганлик ҳақида акт. *Автоинспекция протоколи.*

4. Халқаро битишувлар, келишувлар ҳақидаги хужжат. *Савдо муносабатлари ҳақидаги протокол.*

**ПРОТОН** [p < грек] физ. Атом ядросининг мусбат электр зарядига эга бўлган таркибий қисми; водород атомининг ядроси.

**ПРОТОПЛАЗМА** [p < грек] биол. Жонивор ва ўсимлик ҳужайраларидаги ҳаёт учун энг зарур бўлган модда.

**ПРОТОТИП** [p < грек] ад. Адабий образ яратишда ёзувчига манба, намуна бўлган шахс ёки бошқа бадиий образ. «*Фарғона тонг отунча*» романидаги Ғулмуҳоммад образининг прототиби Хамза Ҳакимзода Ниёзий.

**ПРОФЕССИОНАЛ** [p профессиональный] 1 Бирор касбга оид, хос, бирор касб билан боғли бўлган. *Профессионал одат. Профессионал касалик. Профессионал маҳорат.*

2 Бирор ишни ўзига касб қилиб олган, бирор иш билан муттасил шуғулланганидан, шу ишга жуда омил бўлиб қолган. *Профессионал ашулачи.*

**Профессионал революционер** рус пролетар социализми тарихида ўз ишини бажарди. В. И. Ленин, «12 йил ичида» номли тўпламга сўзбоши.

**ПРОФЕССОР** [p < лат] Олий ўқув юртлирида: энг малакали ўқитувчиларга, шунингдек тадқиқот ишларига раҳбарлик қилувчи илмий ходимларга бериладиган унвон ва шундай унвонга эга бўлган шахс. *Университет профессори.*

**ПРОФИЛАКТИК** [p профилактический] Профилактикага оид; касалик ёки бирор бошқа ҳодисанин олдин олиш учун хизмат қиладиган. *Профилактик эмлаш. Профилактик ремонт. Профилактик тадбирлар. Боғларга профилактик ишлов бериш.*

**ПРОФИЛАКТИКА** [p < грек] 1 Касаликнинг олдини олиш, унинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун кўриладиган тадбирлар системаси. [Шербек:] *Сиз касал кўргани, профилактика ўтказгани хонадонларга кўп кирасиз.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Умуман бирор ҳодисанин олдини олиш учун кўриладиган чоралар. *Ғўза зараркунандалари ва касаликларига қарши профилактика.*

**ПРОФИЛЬ** [p < итал] 1 Нарсанин ёки нарса юзининг ён томондан кўриниши. *Ҳайкалнинг профили.*

2 Бирор нарсанин тиккасига кесилгандаги умумий кўрinishи. *Йўлнинг профили. Бинонинг профили.*

3 Ҳайси соха, касб ёки мутахассисликка оид эканликни белгилайдиган асосий хусусиятлар; касб ёки соҳанин асосий йўналиши. *Журналларнинг профили. Қолхозмизининг асосий профили — пахтачилик.*

**ПРОХОДКАЧИ** айн. проходчи.  
**ПРОХОДЧИ** Фойдали қазилмалар кавлаб чиқарувчи ёки туннель қазувчи

мутахассис, ишчи; проходкачи. *Метро қурувчи проходчилар.*

**ПРОЦЕНТ** [p < лат] 1 Бирор сон ёки миқдорнинг юздан бир хиссаси, улуши (% белгиси билан ифодаланган). *Планнинг бир проценти.* — *Унинг октябрда йиллик пахта шартнома-мизининг саксон процентини бериб битирамиз.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кўпи билан бир ой ичида биронта ҳам якка хўжалик қолмаслиги, ҳамма юз процент колхоз бўлиши керак* [деди Шодиев]. А. Қахҳор, Қўшчинор.

2 Қарзга олинган пулдан фойдаланганлик учун пул эгасига тўлаб туриладиган ҳақ, фойда. [Фазлиддин]. *Кеча Абдулла акам йиштингани тўтиб, ота қарзини уз, деб маҳкамроқ ушлабди. Кейин ҳисоблаб қарашса, йиштинганин гарданига процент билан роса саккиз юз сўм пул тушибди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ПРОЦЕНТЛИ** 1 мат. Процентга оид; процент билан ифодаланган. *Сонларнинг процентли нисбати.*

2 Белгилли процент ҳисобида фойда келтирадиган. *Уч процентли заём.* [Таркибидаги асосий модал миқдори процент билан ифодаланган. *Уч процентли сирка. Қирқ процентли ўғит.*

**ПРОЦЕНТЧИ** 1 Ишни ошири билан бажариб, маълум процентга етказувчи ишчи. *Бизда икки юз процентчилар сон-саноксиз.*

2 эск. Белгилли роцент ҳисобида фойда олиш шарти билан қарз берувчи; судхўр.

**ПРОЦЕСС** [p < лат] 1 Воқеа ва ҳодисаларнинг изчиллик билан ўзгариши, алмашиниб туриши; ўзгариш, ривожланиш жараёни; жараён. *Тафаккур процесси. Ўсимликнинг ривожланиш процесси.*

2 Маълум мақсадга эришиш учун изчиллик билан амалга ошириладиган иш ёки ҳаракатлар мажмуи. *Технологик процесс. Ишлаб чиқариш процесси. Ўқув-тарбия процесси.*

3 Судда ишнинг кўрилиши ва судда кўриладиган ишнинг ўзи. *Гражданлик процесси. Жиноий процесс. Намунали процесс. Процессда қатнашмоқ.*

**ПРОЦЕССУАЛ** [p процессуальный] Суд процессига оид; суд процесси билан боғлиқ бўлган, судда ишнинг кўрилиши тартибини белгилловчи. *Процессуал муддат. Процессуал кодекс.*

**ПРУЖИНА** [p] Машина, механизм ва ш. к.нинг пўлат тасма ёки симдан спирал шаклида ўралган ёки устма-уст терилган, ўз шакли куч билан ўзгаририлган тақдирда яна аслига қайтишга ҳаракат қиладиган қайишқоқ қисми, детали. *Соат пружинаси. Эшик пружинаси. Патефон пружинаси.* — *Ичкарида Самандаровнинг олдиди яна икки киши ўтирган экан. Сафаров булар билан ҳам саломлашди-да, титилиб, пружиналари кўришиб ётган диванга ўтириб панирос чекди.* А. Қахҳор, Қўшчинор.

**ПРУЖИНАЛИ** Пружинаси бўлган,

пружина воситасида ҳаракат қиладиган, ишлайдиган. *Пружинали каравот. Пружинали йилмоқ.* — *Эшик қаршисидаги девор олдиди устига майда ёстиқчалар ташлаб қўйилган, пружинали диван, унинг икки ёнида китоб жавонлари бор эди.* М. Исmoilий, Фарғона т. о.

**ПРЯНИК** [p] Зиравор, асал, шакар, қиём ёки шинни қўшиб тайёрланган кондитерлик маҳсулот.

**ПСИХИАТР** [p] Рухий касалликлар врачлари, мутахассиси. — *Уни [Ботировни] хирург эмас, психиатр даволаши керак,— деди Раҳимов Николаевга.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

**ПСИХИАТРИК** [p психиатрический] Психиатрияга оид; рухий касалликларга оид. *Психиатрик клиника.*

**ПСИХИАТРИЯ** [p < грек] Рухий касалликлар ва уларни даволаш ҳақидаги фан.

**ПСИХИК** [p психический] Психикага, рухий ҳолатга оид; рухий. *Психик фаолият. Психик касалик.* — *Физик олам, органик материянинг олий формаларининг олий маҳсули бўлмиш психик нарса пайдо бўлмадан илгари мавжуд бўлган.* В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.

**ПСИХИКА** [p < грек] Объектив воқеликнинг онгда акс этишидан ҳосил бўлган рухий кечинмалар мажмуи, рухий ҳолат. *Соғлом психика. Боланин психикаси. Киши психикасини ўрганмоқ.*

**ПСИХОЛОГ** [p] 1 Психология врачлари, мутахассиси.

2 кўча Кишининг психологиясини, аҳвол-руҳиясини яхши билладиган, шунга қараб муомала қиладиган сезгир одам.

**ПСИХОЛОГИК** [p психологический] 1 Психологияга оид. *Психологик анализ. Психологик тадқиқот.*

2 Персонажлар психологиясини, рухий ҳолат ва кечинмаларини чуқур тасвирлаш асосида майдонга келган, ёзилган. *Психологик роман. Психологик драма.*

**ПСИХОЛОГИЯ** [p < грек] 1 Психик фаолиятнинг қонуниятлари, жараёни ва тараққийи ҳақидаги фан. *Элмурод институтдан психологиядан лекция тинглар экан, профессор Иванов: «Киши характерини белгилловчи омиллардан бири унинг нуқта»,— деган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Бирор фаолият билан боғлиқ бўлган психик процесслар мажмуи. *Меҳнат психологияси. Санғат психологияси.*

3 Кишининг ички дунёси, кечинмалари, рухий ҳолат, аҳвол-руҳия.

**ПСИХОПАТОЛОГИЯ** [p < грек] Рухий касалликларни ўрганиш ҳақидаги умумий фан, таълимот.

**ПСИХОТЕРАПИЯ** [p < грек] Рухий таъсир қилиш (мас., гипноз қилиш) йўли билан даволаш усули.

**ПУБЛИЦИСТ** [p] Ижтимоий-сиёсий темаларда асар ёзувчи адиб. *Публицист ёзувчи.*

**ПУБЛИЦИСТИК** [р публицистический] Публицистикага ёки публицистга оид. *Публицистик асар.*

**ПУБЛИЦИСТИКА** [р < лат] 1 Адабиётнинг муҳим замонавий ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган тури. *Публицистика сиёсий қурашнинг ўткир қуролидир.* Бошқа жанрга оид асарларда учрайдиган ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид парчалар, элементлар, хусусиятлар.

2 Шу жанрга хос асар ёки асарлар мажмуи. *И. Эренбург публицистикаси. Х. Олимжон публицистикаси.*

**ПУД** [р] эск. Метрик ўлчовлар системаси қабул қилинганга қадар қўлланган, 16 килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. *Бир тонна — салкам 66 пуд.* — [Кампир:] *Дастмаом бир пуд ун эди, тунон кун бирдан йигирма беш қадоққа тушиб қолди.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ПУДЛИ** 1 Пуд оғирлигидаги. *Икки пудли тош.*

2 Маълум пуд юк элтадиган, кўтарадиган. *Хўжабеков кунни билан елкасидан беш пудли қоп тушмаган юкчидай эшикнинг кесакисига суянди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ПУДРАТ** [р подряда] Бирор ишни маълум ҳақ эвазига батамом қўлдан чиқариб бериш учун зиммасига олинган мажбурият ва шу асосда бажариладиган ишнинг ўзи. *Пудратни ўз вақтида бажармоқ. Ишни пудратга олмоқ. Пудратга бермоқ. Бинони пудратга олган қурилиш ташкилоти.*

**ПУДРАТЧИ** [р подрядчик] Пудрат асосида ишлайдиган киши ёки муассаса. *Асосий пудратчи. Пудратчи ташкилотлар.* — *Туркистон шаҳрига етиб олиш учун маблағ керак эди, шу сабабдан Тошкент янги шаҳарда бир пудратчининг қўлида мардикор ишладим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Эски пудратчи бойлардан экан-да. Ке, шу билан ғиди-биди қилиб ўтирмай дейман.* П. Турсун, Уқитувчи.

**ПУК(КА)** Ошиқнинг чиккага қарама-қарши, дўмбоқ томони. *Товға пуккани ейди; олчи чиккани ейди дегандек, бой берсангиз нима, сиз ҳам ютиб юргансиз.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ошиғим пукка тушса ҳам розиман, деб турган эдим, бирдан олчи бўлиб кетди.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

**ПУЛ** 1 [ф-т < грек] 1 Савдо ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги; ақча. *Қоғоз пул. Танга пул. Нақд пул. Пул майдаломоқ. Пул бўлса, чангалда шўрва.* Мақол. *Пули куйган қалампир чайнар.* Мақол. — *Сидиқжон .. кечки пайт кўчага чиқмоқчи бўлган эди, Анзират хола, унинг пули йўқлигини билгандай, соч олдиргани пул берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Йўл кирага пулимиз, нибда қайтишга иложимиз бўлмаганидан, қолиб кетдик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Пул бўлмоқ** пулга алмашинмоқ, сотилмоқ. *Нарса сот-*

*санг пул бўлади, эрта-индин кул бўлади.* Мақол. **Пул қилмоқ** 1) пул ҳисобига бермоқ, сотмоқ, пулламоқ. *Уйни безашдан бошқа нарсага ярамайдиган асбобларни йиғиштирдим, барини сотиб пул қилдим.* Ойбек, Қутлуг қон; 2) ишлаб ёки бошқа йўл билан пулни қўлга киритмоқ, пул тўпламоқ.

2 **Капитал, маблағ. Қурилишга пул ажратмоқ.** — **Пулчи?** *Пул ҳам туғади. Жуда кўп туғади, тез туғади, айниқса, бу замонда пул сертухум бўлиб кетган.* Ойбек, Қутлуг қон.

3 с. т. **Иш ҳақи; маош. Қоровул пули. Бугун пул оладиган кунимиз.**

4 эск. Баъзи ерларда ярим тийинга, баъзи ерларда бир тийинга тенг бўлган пул ўлчов бирлиги ва шу қийматдаги майда пулнинг ўзи. *Нарх билиб келган болга яигирма пул бериб, орқаси куймаганини олиш шарти билан нонга юборди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Йиқитган болаларга икки пулдан соврун бериб томоша қилиб ётган икки бойинча бири шу Ниёзмат Хожни бўлиб, ҳаждан янги келган йиллари эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. **Бир (ёки икки, уч) пул** 1) бир ёки икки, уч тийин. *Бир пул бериб йиғлатдим, минг пул бериб тиндирдим.* Мақол; 2) ҳеч нарсага арзимайдиган, аҳамиятсиз, бир тийинга ҳам қиммат. *Бу гаплар унга бир пул. Ҳамма унга бир пул.* — *Жўрабоев, Юсуфийнинг далилларини бир пул қиладиган мақола ёзибди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

◆ **Пулга чакмоқ қ. чакмоқ** 1. **Пулни пул билан ўйнамоқ** дағл. мехнат қилмай осонлик билан пул топиб, бебилиска сарф қилмоқ, унча-мунча пулни назарга олмаслик. **Пулнинг сассиғига ётолмайди** с. т. жуда бой, серпул одам ҳақида.

**ПУЛ II** [ф-т] эск. кт. айн. **кўприк. Пули сирот қ. сирот.**

**ПУЛДОР** [ф-т] **Кўп пулга эга бўлган, пули кўп. Пулдор одам** — қанотли одам, бу қанот билан мағрибдан машриққача унсан, ҳар ерда ойна-оғайни, дўст-ёр топасан. Ойбек, Қутлуг қон. || **Пулдорлар ҳар бир нарсани ўз вақтида ғамлаб, арзонга туширишади.** Ойбек, Қутлуг қон.

**ПУЛЕМЕТ** [р] Автоматик тез отар қурол. *Қўл пулемёти. Лентали пулемёт.* — *Бу орада халқ оқими Урда томонга йўл олди. Аллақерда пулемёт тарилади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тепаликнинг этагида писиб ётган немис пулемёти нибда аскарларимизни ёнбошдан ўққа тутта бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ПУЛЕМЕТЧИ** Пулемёт отувчи, пулемёт билан қуролланган аскар. **Пулемётчилар** вазоди. — **Узоқда машҳур пулемётчи Абдуллаев, унинг орқасидан Асқар полков пулемётни судраб борарди.** Ойбек, Кўёш қораймас.

**ПУЛЛАМОҚ** с. т. **Нарсани пул эвазига бермоқ, сотмоқ. Маҳсини уч кун ҳайитда кийиб, сақлаб қўйгандим,**

*ана уни пуллаб, тағ чарм оламан.* Ойбек, Қутлуг қон.

**ПУЛЛИ** 1 Пули бўлган, пули бор. *Пулли — ботиб, пулсиз — ётиб.* Мақол.

2 Пул тўланадиган, пул эвазига олинган, бериладиган ёки қилинадиган. *Пулли концерт. Пулли лекция.* — *Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ташкил қилинган пулли поликлиникага директор қилиб тайинлашни сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 (фақат миқдор ифодаловчи сонлар билан) Пул, тийин қийматидаги. *Тўғқиз пулли носвой. Уч пулли аҳамияти йўқ нарса.* — *Олти пулли тақадек, Қўзи иргиб бақадек, Оч муҳлиснинг қўлида .. Утмай қолган чақадек Шаҳх ҳазратларига салом.* Ҳамза.

**ПУЛПАРАСТ** [ф-т] Пулга ўч, пул тўплаш пайига тушган. **Пулпараст одам.** — **Уғил отасига йхшаган хасие, пулпараст, судхўр эмас. Бироқ виждонсизлик, хасислик ва шафқатсизликда отасидан сира қолишмайди.** М. Қодиров, Бой ва судхўрларнинг фош этилиши.

**ПУЛСИЗ** 1 Пули бўлмаган, пули йўқ. *Пулдор одам Москвага, Варшавага боради. Пулсиз одам ўз жойидан бир қадам силжисинчи!* Ойбек, Қутлуг қон.

2 с. т. **Пул тўланмайдиган, текки, бепул. Пулсиз концерт. Пулсиз лекция.** || **Пулсиз тарқатилган брошюра.**

**ПУЛСИЗЛИК** **пулсиз с. бели оти.** *Саидий бир сўм ишласа, оила ўн сўм талаб қилади. Саидий ўн сўм ишласа, оила пулсизликдан қон-қора қақшайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ПУЛЬВЕРИЗАТОР** [р < лат] Суюқ ёки кукун моддаларни пуркайдиган ёки чангитиб сепадиган асбоб; пуркагич. *Дарахтларга дори сепадиган пульверизатор. Пульверизатор билан бўёқ бермоқ.*

**ПУЛЬС** [р < лат] Юракнинг ҳар бир қисқаришида ундан келётган қон оқими таъсири билан қон томири деворчаларининг силкинishi, тепиши, уриши, шунингдек баданнинг томир тепкиси сезиладиган жойи. **Пульс** — **саксон. Беморнинг пульсини кўрмоқ. Пульсни йлмоқ.**

**ПУЛЬТ** [р < нем] 1 Ноталар қўйиш учун ишлатиладиган, бир томонга нишаб, узун оёқли столча. **Дирижёр пульта.**

2 **тех.** Бошқариш асбоблари, аппаратлари ўрнатилган жой (стол, стенд ва ш. к.). **Бошқариш пульта. Диспетчерлик пульта.**

**ПУНКТ** [р < лат] 1 Ер юзидagi ёки фазодаги алоҳида белгиси, хусусияти билан ажралиб турадиган нўта, маълум бир жой, ер. **Географик пункт. Стратегик пункт. Аҳоли яшайдиган пункт.**

2 Бирор иш, машғулот, тадбир ва ш. к.лар учун белгиланган, махсус ускуналанган бino ёки жой. **Телефон станциясининг гаплашиш пункти.**



Медицина ёрдами пункти. Пахта пункти. Қоманда пункти. — Полковник Грейдер ўз кузатиш пунктида туриб стереотруба орқали жангни кўздан кечирди. И. Рахим, Чин муҳаббат.

3 Текст, қонун, қарор ва ш. к.нинг рақам ёки ҳарф билан белгиланган алоҳида қисми; параграф, модда. Уч пунктдан иборат қарор. Йигирма пунктдан иборат қарор.

**ПУНКТИР** [р < лат], пунктир чизиқ Кисқа чизиқ ва нуқталардан ташкил тошган узун чизиқ. Пунктир билан чизилган тасвир. — Агар ёйилмани пунктир чизиқлар бўйича керакли тарзда бўксак, унда тўрт бурчакли тўғри призма деб аталувчи геометрик жисм ҳосил қиламиз. «Геометрия».

**ПУНКТУАЦИОН** [р пунктуационный] Пунктуацияга, тиниш белгиларига оид. Пунктуацион қодалар. Пунктуацион белгилар. Пунктуацион хаттолар.

**ПУНКТУАЦИЯ** [р < лат] Тиниш белгиларини қўйиш тартиби ва қодалари мажмуи. Ўзбек тили пунктуацияси.

**ПУРВИҚОР** [ф-т + а] кт. Виқорли, сервиқор. Кексалар бир қатор бўлиб ҳовлига киришди. Ҳаманинг кўзи пурвиқор Раббонийда. Мирмуҳсин, Раббоний. || Бўйдор қарағайлар кучли қўлларини ёруғликка чўзгандай яна ҳам азамат ва пуриқор кўриндилар. Ойбек, Кўёш қораймас.

**ПУРИЗМ** [р < лат] Бирор нарсани (мас., тилни) консервативлик билан ўзгаришсиз, соф ҳолда сақлашга, уни ҳар қандай янгиликлардан ҳимоя қилишга уринувчи оқим.

**ПУРКАГИЧ** Усимликларга сув ва суюқ моддалар пуркаш учун ишлатиладиган мослама, асбоб. Пуркагич билан экин майдонида дори сепмоқ.

**ПУРКАЛМОҚ** пуркамоқ фл. мажҳ. н.

**ПУРКАМОҚ** Сув ёки бошқа суюқ нарсани куч билан зарраларга айлантириб сочмоқ. Вилта қариши дори пуркамоқ. — [Чол] териға сув пуркайди ва кўёа билан дўқ-дўқ уриб чармни текислайди. Ойбек, Қутлуғ қон. | поэт. Сепмоқ, сочмоқ, таратмоқ. Ҳозиргина дилга нур пуркаган ййлар яна кўнглини гаш қилувчи оғир гумонлар билан алмашинганди. О. Ёқубов, Ларза.

**ПУРКАШМОҚ** пуркамоқ фл. бирг. н. Сув пуркашмоқ.

**ПУСМОҚ** диал. Писмоқ. Унга шундай «мусулмонбод» кунларни вағда қилган Холхўжа қўрбоши тоғ орасига пушиб, қафасга тушган бўридек бўлиб қолди. С. Аҳмад, Хўкм.

**ПУТ I** [ф-т] диал. I айн. оёқ I. Лайлакнинг юришини қилман деб читтакнинг пути йирлибди. Матал.

2. Икки оёқ оралиғи. Уккининг оёқларини бириктириб боғлаб, бошини путига қистирган. Ф. Ғулום, Соляр.

**ПУТ II** [р] с. т. Пул. [Қўй] бир ярим пут мой беради. Суягигача мой: эртага норинхўрлар маза қилади-да. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПУТЁВКА** [р] I Бирор жойга, мас. ўқишга, дам олиш уйига, ишга юбориладиган кишига бериладиган махсус хужжат, йўлланма. Санаторий путёвкиси. Пионерлар лагерига путёвка бермоқ. — [Пўлатжон] учувчилик мактабини яқинда битириб, Тошкент аэропортига путёвка олармиш. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 махс. Автомашина ва бошқа транспорт воситалари хайдовчиларининг қўлига бериладиган, маршрут ва бажарилиши зарур бўлган иш ёзиб қўйилган варақа.

**ПУТУР** с. т. Футур, шикаст, зарар.

**ПУФ** тақл. с. Иккилаб орасидан кучли босим билан ҳаво чиқарганда эшитиладиган товуш ва шу ҳаракатнинг ўзи ҳақида. Мулла Саид Жалолхон .. бурнига қўнган пашишани қўлидаги рўмолча билан қўриш малол келди шекилли, остки лабини чўзиб «пуф» деди. А. Қахҳор, Башорат [Гулнор] ёнидаги чирғини «пуф» деб ўчирди. Ойбек, Қутлуғ қон.

◆ **Пуф сассиқ** давл. ёқмай қолган, ёмонга, яроқсизга чиқарилган кимса, нарса ҳақида айтилидиган ибора. — Ёшироғини топдингизми? — деди Қимматхон [Умматалиға] дабдурустандан. — Сен топангиндай менга ҳам насиб қилгани бордир. Ҳар ким ўз кўнгли тортаган ошини ичди. — Ҳо-о, — деди Қимматхон чўзиб, — энди мен «пуф сассиқ» бўлдимми? Шухрат, Жаннат қидирганлар. **Пуф деса** Бухорға учди жуда енгил, юпқа, шаларак.

**ПУФАК** I анат. Одам ва хайвонлар организмиде суюқлик тутиб турувчи юпқа қопчиқ. Ут пуфаги. Сийдик пуфаги. — Урта мия пуфаги одамда ва юқори хайвонларда бош миёнининг нисбатан жуда оз қисмини ҳосил қилади. «Анатомия».

2 Ичига ҳаво ёки енгил газ тўлдириб шиширилган юпқа чўзилувчан нарса; шар. Совун пуфаклари. — Пайт баҳор эди, Ёмғир тушиди-да, Томчидан улкан Бир пуфак шишиди. Нурбек. Бирпасдан кейин лагерь устида думига каттакон пуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

**ПУФАКЧА** пуфак с. кичр. Совун пуфакчалари. Мия пуфакчаси. — Элмуроднинг .. панжалари орқасида пуфакчалар пайдо бўлибди. Шухрат, Шинелли йнлар.

**ПУФАЛМОҚ** I Икки лаб орасидан кучли босим билан ҳаво чиқармоқ, дам урмоқ. Чирғоқни пуфлаб ўчирмоқ. Шарни пуфлаб шиширмоқ. Халқ пуфласа бўрон бўлар. Мақол. — Рафиқ пуфлаган эди [ҳуштак] жуда каттиқ чуруллади. Бола бениҳоят суюнди. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Оғзидаги нарсани ўпқадан чиқаётган ҳаво оқими билан чиқариб, тушлаб ташламоқ. Абдуманноп иштаҳа билан чайнаб турган гўштини пуфлаб ташлади. А. Қахҳор, Оғайнилар. У. Саидийнинг шарбатини сўриб бўлди.

Энди пўчғини пуфлаб ташлаши керак. А. Қахҳор, Сароб.

**ПУФЛАНМОҚ** пуфламоқ фл. мажҳ. н. Имомнинг ҳасад ўти тўрт томондан пуфланди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**ПУФЛАШМОҚ** пуфламоқ фл. бирг. н. Чуқурча теварағида Уроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб тўймайиб галма-гал пуфлашарди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПУХТА** [ф-т] I Узоқ чидайдиган қилиб ишланган; пишиқ, мустаҳкам. Пухта газлама. Пухта арқон. Пухти иморат. || Пухта тўқилган пайтоқ. — Куннинг қизғида кенг тош йўлда пухта этикларини қалдирашиб илдам юрган аскар йигит .. терлаган юзида бирдан шабада нафасини сезди. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ҳар тарафлама ўйлаб иш қиладиган, пишиқ. Пухта одам. Пухта ташкилотчи. || Пухтанинг иши беш, шоиманинг иши бўи. Мақол.

3 Агрофлича чуқур ўйланган, асосли; пишиқ. Пухта фикр. Пухта иш. Пухта асар. — Хатиб домли ҳақсизликка қарши .. пухта табдиларни кўради. А. Қодирий, Обид кетмон. Нурматов .. кўп маъноли, пухта гаплар бўлаётганига ишора қилиб бош қимирлатар эди. А. Қахҳор, Мунофиқ. || Йўл-йўлакай қиз жуда кам гапирар, фақат саволларга жавоб беради эди, жавобларни ҳам олдин пухта ўйлаб, кейин айтарди. Ф. Мусаёнов, Ҳури. | Камчилиги, кам-кўсти бўлмаган, беками-кўст; тўла-тўқис. Назарий жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлган мутахассис кадрлар. || Қишлоғе пухта тайёргарлик кўрмоқ.

**ПУХТАЛАМОҚ** I Пухта қилмоқ, пиширмоқ. [Мастура:] Айтмоқчи, биз поччангиз билан хўп маслаҳатни пухталаб қўйганмиз. Ҳамза, Холисон.

2 Пухта ўзлаштирмоқ. Билимини пухталамоқ. — Холиқ чираниб дейди: — Осонгина қираман. Уч ой пухталаб ўқиб, Монтёр, радист бўлман. Қ. Муҳаммадий.

◆ **Оғзини пухталамоқ** ошиқча сўз демайдиган, сир айтмайдиган қилмоқ. Боланинг оғзини пухталаб қўймоқ.

**ПУХТАЛАМОҚ** пухталамоқ фл. мажҳ. н. Иш бошдан пухталанган, қандай ерга бораётганлари айтилган экан, хайрият! Ойдин, Мардлик — мангулик.

**ПУХТАЛИК** пухта с. белги оти. Асарнинг пухталлиги. Пухталиқ билан иш олиб бормоқ.

**ПУЧ** I Ичи бўш, мағзи йўқ ёки тўлиб етилмаган. Пуч ёнғоқ. Пуч данак. Пуч уруғ. Пуч пилла. Пуч калла ақлдан, билимдан холи калла.

2 Кўчма Асоссиз; амалга ошмайдиган; хом, қуруқ, ёлғон. Пуч даъво. Пуч вағда. — Олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч хайл бўлса ҳам ундан воз кеча олмадим. Ойбек, Нур қидириб. Пучга чиқмоқ асоссиз бўлиб чиқмоқ,

амалга ошмай қолмоқ, йўқ бўлмоқ Сидиқжоннинг бу вазоҳати Зуннун-хўжаанинг ўйини пуча чикарди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ. Таги пуч 1) асоси йўқ, асоссиз. Таги пуч гап; 2) замири бўш, таянчи йўқ. Оқ подионинг таги пуча ўхшайди. Ойбек, Қутлуғ қон. Кўйинни пуч ёнғоққа тўлдирмоқ қ. ёнғоқ.

**ПУЧАЙМОҚ** Шишган, қаппайган ҳолатидан бўшаб кичрайиб қолмоқ; бўшашиб, шалвираб кичраймоқ. Қоп-ток пучайиб қолибди. Қорни пучайиб қолибди. Дами чиққан пуфакдек пучаймоқ.

◆ Илиги пучаймоқ айн. илиги қури-моқ қ. илик. Ариқ қазувчиларнинг овқатдан силлалари қуриб, иликлари пучайган.. дармонсиз эдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Қармони пучайди қармонида ҳеч нарса қолмади.

**ПУЧАЙТИРМОҚ** пучаймоқ фл. орт. н. Шарни пучайтирмоқ.

**ПУЧАК** 1 Ичи бўш; пуч. Пучак шар. Баллон пучак бўлди.

2 Кўчма Ҳеч нарсага арземайдиган, қиммати тушиб кетган; қадрсиз, пуч. [Ғофир:] Бу ёруғ дунёга нима учун келдик? Наинки муҳаббат, дўстлик, муруват, одамгарчилик деган улуг гапларни бозора олиб чиқсалар, пучак пуга сотсалар! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 Кўчма Асоссиз, пуч. У [Маиҳадий] султонларни, бекарни .. пучак, лекин кўз қамаштиргич ялтироқ сўзлар билан маҳф этмоққа моҳир. Ойбек, Навоий. | Қўлидан иш келмайдиган; қуруқ. Шундай улур ишларда кишиларнинг сараи саракка, пучаги пучакка чиқади. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ПУЧАКИ** айн. пучак. Пучаки чигит. Пучаки пул. Пучаки гап. Пучаки одам.

**ПУЧМОҚ** эск. кт. Чет, пастқам жой, овлоқ; бурчак. Қишлоқнинг қоронги пучмоғи.

**ПУЧУК** 1 Ясси, ёпишган ёки шикастланган (бурун ҳақида). Раҳимжон .. жуда хунук эди — қил-қизил гўшит, пучук бурнида доғлар, бошида тук. А. Мухтор, Тугилиш. | Қаншари паст, бурни ясси, ёпишган, кичик ёки шикастланган. Пучук бола. — Кўса ва пучук хоннинг бошидаги қимматбаҳо тожи худди сизга урилган эгардек бесўнақай қўнқайиб турарди. М. Осим, Элчилар. || Пучуқнинг келишдан мақсади фақат шу ёзиб бериладиган хатгина эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Болаларга нисбатан эркалаш, суйиш маъносида қўлланади. Пучук қизим, мунча ширинсан.

3 Жўмраги синган ёки учган. Пучук чойнак. — Бояги гапни айт, деялман! Сен пучук обдаста ўлеурга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашшини? С. Аҳмад, Чўл шамоллар.

**ПУЧҚОК** айн. пуч 1. Пучқоқ ёнғоқ.

**ПУШАЙМОН** [ф-т] Ўз қилмиши учун руҳий эзилиш ҳисси; афсусланиш; афсус, надомат. Пушаймон бўл-

моқ (емоқ, қилмоқ). Сўнги пушаймон ўзинга душман. Мақол. — Иқрор бўлдим гуноҳим йўқдир; Оқиқ юриб топган кишимдан Ва беизин қилган ишимдан Пушаймоним ва оҳим йўқдир. Ҳ. Олимжон. Гулнор айтганига пушаймон қилди, хатосини тўғрилаш учун сўзлашмоққа мажбур бўлди. Ойбек, Қутлуғ қон. Қудратнинг ўзи ҳам кўчиб келиганига пушаймон эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ПУШМОН** с. т. Пушаймон.

**ПУШТ** [ф-т] 1 Одам ёки жониворнинг уруғ ёки тухумида бўладиган, маълум шароитда ривожлани болага айланадиган, ўз ривожланишининг бошланғич босқичидаги организм; эмбрион. Одамнинг пушти. Товуқнинг пушти. Пушти қуйиш бирор касаллик натижасида бола кўрмайдиган бўлиб қолиш. Пушти камар 1) оталик уруғи, сперма; 2) кишининг ўз фарзанди.

2 Қимса ёки оиланинг ўзидан аввалги аждоди ва кейинги авлоди, авлод-ажлод; насл. — Менинг эрим .. тўплаган мол-дўнёси икки пуштга этади, — деди Қумуш. Т. Жалолов, Олтин қафас. Етти пушт етти авлод ва аждод. Падарқушининг етти пуштига лағнат ётади. Мақол.

◆ Пушти паноҳ қ. паноҳ 2.

**ПУШТА** [ф-т] қ. х. Ёнма-ён жўяклар орасидаги, одатда қатор қилиб экин экиладиган узун ер бўлаги, экин палак отиши учун қолдирилган бўш жой. Қовун пуштаси. — Пуштага ёзилган палаклар ичида болаларнинг коптоғи сингари қовун-тарвузлар кўри-ниб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Икки ток қатори орасидаги ёки ишқом ўртасидаги бўш жой. Богда саккиз узун ишқом, ҳаммасининг поялари яхши ишланган, пушталари чо-пилган. Ойбек, Қутлуғ қон.

**ПУШТАН** [ф-т] Эгарнинг от қорнидан айлантириб ўтқизиб боғлаб қўйиладиган тасмаси; қоринбоғ. [Қулму-ров] .. босилган эгар устидан айил, пуштанларни тортиб, унинг устидан хуржунни ташлади. Айний, Қуллар. Бисмилло деб тортиди отнинг белидан Ун саккиз қуббали чағатой пуштан. «Алпомиш».

**ПУШТИ** [ф-т] Шафтоли гули рангидаги; оч қизил. Пушти гул. Пушти лента. — Қулманглар, қизлар, бу-нинг гапига, — деди жимгина ўтириб, кўк бахмалга пушти ипақдан атир гул тикаётган жувон. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПЪЕСА** [р < фр] 1 ад. Саҳнага қўйиш учун мулжалланган драматик асар. Тўрт пардали пьеса. Қомил Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» пьесаси.

2 муз. Кичик ҳажмли музика аса-ри.

**ПҶК** 1 1 Ичи чириган ёки қавак. Пўк дарахт. Пўк ёғоч. Бу толнинг ичи пўк.

2 Бирор касаллик туфайли дарахт танаасидан ўсиб чиқадиغان, ғовак тўқимадан иборат ўсимта; дарахт буқоғи.

Толнинг пўки. Тут пўкидан сариқ бўёқ сифатида фойдаланилган.

3 Кўчма Хом семиз. Лапашанг ва пўк бола.

4 дил. Пўкак, тиқин. Тарелка ёнида ётган пичоқни олиб, унинг учи билан ишига озғибдай пўкни олмақчи бўлди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

◆ Пўк бермоқ кўрқини ёки қатъият-сизлик -орқасида оғзидан гулламоқ, валдирамоқ, сир бой бермоқ. — Нима бало бўлди, эринг икковимизнинг ишми-мизни сезиб қолганми дейманов, ёки пўк бериб қўйдинми? — деди йиғит жувонга. Ғ. Ғулом, Шум бола. Пўк учмоқ ёлгон гапга ишонмоқ, лаққа тушмоқ, лақилламоқ. — Омон ҳам менинг гапимга «пўк» учган бўлса керак, икки гапнинг бирида «ҳаҳаҳаҳа», деб қўяр эди, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

**ПҶК** 1 тақл. с. Ичи бўш ёки қавак парсани урганда, қиздирилмаган чилдирмани чертганда, юрак тепиши ва ш. к. холларда чиқадиغان товуш ҳақида. Пишган қовоқ чертилса пўк этади.

**ПҶКАК** 1 Қорақайинлар оиласига мансуб доим яшил бир турли дарахтининг (пўкак дубининг) пўстлоғидан тайёрланадиган енгил материал. Пўкакнинг енгил, шовқин ва иссиқликни ўтказмаслик хусусиятлари.

2 Шундай материалдан қилинган тиқин; пробка.

3 Ичи қавак, пўк. Инқилоб бўлиб, Ғиёсиддин сўянадиган толлارнинг ичи пўкак бўлиб, нураб қолган эди. С. Аҳмад, Ҳўкм.

**ПҶКАЧ** [р пугач], пўкак тўппонча Ёлгондакам ўқдан фақат қуруқ овоз чиқарадиган ўйинчоқ тўппонча.

**ПҶКИЛЛАМОҚ** «Пўк-пўк» этган товуш чиқармоқ. Қизлар бир-бирини ўйинга тартади, чилдирма пўкиллайдди. Н. Фозилов, Оқим.

**ПҶКОН** Йўғон ичак. Пўкондан қилинган ҳасин.

◆ Пўконидан ел ўтмаган қийинчилик кўрмаган; меҳнат қилмаган; меҳнати сингмаган. — Пўконидан ел ўтмаганларнинг гапи-да бу, — деди аёлнинг гапига жавобан кекса бир суёчи. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**ПҶК-ПҶК** пўк 1 с. тақр.

**ПҶЛА** Зарб еб ёки пишиб ўтаб кетиб ичи тушган, ичи бўш. Пўла қовун.

◆ Боши пула бўлди мияси қаттиқ зарбдан чайқалди, лат еди.

**ПҶЛАТ** [а] 1 Темирнинг маълум миқдордаги углерод билан қўшилишидан ҳосил бўлган, кул ранг, чуқичланувчи қаттиқ металл. Зангламайдиған пўлат. || Пўлат сим. Пўлат қанаъ.

Пўлат тиш. Пўлат пичоқ қандаз қолмас. Мақол. — Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир. Эски тақалар, темиртерсақлар билан зўрға қимирлаб турибмиз. М. Йсмоилий, Фарғона т. о. Пўлат из поэт. темир йўл. Янги машиналар келар бирин-кетин. Дўстлик қўра олган пўлат излардан. Зул-

фия. Пўлат *от поэт. айн.* трактор. Пўлат *отни ўйнатиб,* Тракторчи бўлман. К. Муҳаммадий. Пўлат *сандиқ қ. сандиқ.* Пўлат *куш поэт. айн.* самолёт.

2 фольк. Қилич, шамшир. Қалан-дарлар белга бойлар Биттадан олмос пўлатни. «Ширян билан Шакар». Остингда юз алвон ўйнайди отинг, Белингда ярқирай кескир пўлатинг. «Алпомиш».

3 кўча Метиндай мустаҳкам, бузилмас, енгилмас. Пўлат қалға. | Кучли, забардаст. Пролетарнинг пўлат кўли янчиб ташлар, суради. Синфий кураш ўти албат ўз ишини кўради. Ғайратий. Бизнинг пўлат қудратимиз бирлигимизда. Шайхзола.

4 Пўлат (эркаklar ва хотин-қизлар исми).

**ПҮЛОТИЙ** Сарик мағиз бугдой ундан тайёрланган, чакич билан юзига гул солиб ёпилган йирик нон. Самарқанднинг сариқ мағиз бугдойидан пишirilган, ҳар биттаси ойбаркаш нусха пўлотий, осийий нонларини еганмисиз? Ғ. Ғулум, Самарқанд сайқали. Чойхоначи бир чойнак кўк чой билан патнисда тўрт чақмоқ қанд ва янги узилган нони пўлотийдан келтириб қўйди. У. Умарбеков, Севгим, севгилим.

**ПҮМ** бол. Бир-бири билан гаплашмай қўйган, уришиб қолган; араз. Биз у билан пўммиз. Пўм бўлмоқ (чиқмоқ).

**ПҮНҒҚАРҒА** диал. Қора қарға, гўнқарға. Қассоб дўқони олдидаги қанорада уч-ўртта пўнғқарға ивирсираб сакрайди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ПҮНҒИЛЛАМОҚ** Норози кайфиятда димоғ билан секин ва ноаниқ сўзламоқ, гўнғиламоқ, пинғилламоқ. Қора Аҳмад бир нима деб пўнғиладида, ҳовлининг четидан юриб, бир ўйча олдидан тўхтади. Ойбек, Қутлуг қон. Генералнинг тўпидан чанг кечиб пиёда юрганига адъютантнинг гоҳо жаҳли чиқиб қўяр ва ўзинча нима-ларнидир пўнғиллаб .. қўярди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**ПҮНҒИЛЛАШМОҚ** пўнғилламоқ *фл.* бирг. н.

**ПҮНҒИРЛАМОҚ** айн пўнғилламоқ. Бегимхон ёнидаги ғовур-ғувурдан уйғониб кетди. У, пўнғирлаб: «Бировнинг уйқусини бузиб ғувурлашга нима бор», — деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ПҮПАК** диал. айн. попук 1. Бу туяларнинг .. бўйинларига ва тиззаларига кўчмуш.. кўнғироклар, нўхталарига чўпакчи қизил пўпақлар тақилган экан. Айний, Эсдаликлар. Сўйла, Сўйла, боқайин, Бошинга пўпақ тақайин. М. Алавия.

**ПҮПАНАК** 1 *бот.* Зах ерларни қоплаб ўсадиган яшил ранг замбуруғ ёки ўйсин. Ёшит кўприк ёнбошидаги ҳаммомнинг гумбазларини пўпакак босиб кетган. С. Аҳмад, Хўкм. Пўпакак ўт замбуруғ ва сув ўсимлигининг бир-биридан фойдаланиб бирга яшашидан

вужудга келган кўк моғорсимон ўсимликлар. Ҳовузнинг четларини ҳар хил пўпакак ўтлар босиб кетган. Ғ. Ғулум, Шум бола.

2 диал. Моғор. Пўпакак босган 1) пўпакак билан қопланган, моғорланган. Етоқда, айниқса полада ётадианларнинг тўшаги доим нам, қуримаган этикларни эрталабгина пўпакак босиб қолади. А. Мухтор, Туғилиш; 2) кўчма ишлатилмасдан узоқ туриб қолган, чанг босган. Уч тонна кўнжара нега оморда пўпакак босиб ётади? И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ПҮПИСА** Шунчаки қўрқитиб қўйиш учун қилинган дўқ, юзаки дағдаға. Петр Петрович қўрсаткич бармоғини силтаб пўписа қилди. П. Қодиров, Қадрим. Ҳокимнинг боя қилган зўғуми хўжа кўрсинга қилинган қуруқ пўписа эканини билгани учун зигирча ҳам кўнгли чўкмади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ПҮРКИ** [р форма] с. т. Башанг, олифта. Улардан бири шимига гард юқтирмаклик учун икки ёнидан кўтариб олган, авайлаб қадам босаётган пўрим йигит Шавкат эди. Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. | Зеб берилган, хашамдор. Биздан нари уч қишлоқнинг колхозида Ҳисобчимши, пўрим ойнак шум кўзида. Ғ. Ғулум. — Сиз, — деди Азмиддин калта сийрак соқолини пўрим тарашидан Бўронбекка қараб. — Сиз, Бек жаноблари, Комил билан бирга .. Раҳмонқул қароргоҳида жўнайсиз. Х. Ғулум, Машъал.

**ПҮРСИЛДОҚ** I Дуккаклярга мансуб, ҳосилни пуфакка ўхшаш бута.

**ПҮРСИЛДОҚ** II Теридаги қавариқ, шиш; қавариб, қуруқшаб, ёрилган жой. Горчичник қўйилган жойда ҳосил бўлган пўрсилдоқлар. || Пўрсилдоқ лаблар. Пўрсилдоқ боғламоқ шишмоқ, қавармоқ, қавариб, қуруқшаб ёрилмоқ. Совуқда кўкариб пўрсилдоқ боғлаган лабларини кўз олдига келтирди. А. Мухтор, Туғилиш.

**ПҮРСИЛДОҚ** III Кўпчиб, бўртиб турган, билқиллама, юмшоқ. Пўрсилдоқ бўғирсоқ. Пўрсилдоқ бугдой нон. — Азамат теракларга чирмашган аймоқи узумлар, пахса деворлар орқасида ёқутдек ялтираган олчапар, пўрсилдоқ оқ ўрликлар. С. Аҳмад, Қадрдон далапар.

**ПҮРСИЛЛАМОҚ** Бўртиб қаваринқирамоқ, кўпчиб, билқиллаб турмоқ. Даладан ҳалослаб Ҳакима ҳам келди. Унинг юзи иссиқдан, тердан пўрсиллаган эди. Ойбек, О. в. шабадалар. Пўрсиллаб қабарган сахро яшил гиламлар билан қопланди. Ойбек, Навоий.

**ПҮРТ** тақл. с. Игна, тикан ва ш. к. ўткир нарса кирганда, тешганда эшитиладиган товуш ҳақида. Игна қўлимга пўрт этиб кириб кетди.

◆ Пўрт учмоқ дарҳол ҳушидан кетмоқ, донг қоғмоқ; тил торتماй ўлмоқ. Маст бўлиб, пўрт учди. — Парвардигор нега бу шайтонларни пўрт учи-

риб юбормапти? Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ПҮРТАНА** [итал] Кучли денгиз тўлқини; довул, бўрон. Денгиз пўртанаси. — Упирилади, уваланди қирғоқлар: даҳшат — тантана, ҳайқиради бўйдоқ қаҳ-қаҳ билан пўртана. Ғ. Ғулум. Шунингчун ҳаётинг қуванатди бизни, Севинчлар жўш урди мисли пўртана. Зулфия.

**ПҮРТАХОЛ** [а] эск. айн. апельсин. **ПҮСКАЛЛА** [ф-т]; гапнинг пўскаллеси с. т. гапнинг лўндаси, қисқаси, хулласи; асосий мақсад. Саидхон дудуқланиб қолди. Бирдан гапнинг пўскаллесини айтишига юраги бетламади. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. — Гапнинг пўскаллеси шуки, — деди Қудрат, — Сарижўй беги қизининг таърифини эшитиб, унга толиб бўлган. Айний, Дохунда.

**ПҮСТ** [ф-т] 1 Мева, сабзавот ёки дон сиртини ўраб турувчи қатлам, юпка пўчоқ. Олмаданг пўсти. — Қизча пўсти арчилмаган сабзи кемириб турибди. П. Туреун, Ўқитувчи. Дўстлар бир оз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстларини ариб, нон билан ея бошладилар. Ойбек, Нур қидириб. — Боғ колхозга қанча даромад беради, — деди режиссёр ҳил-ҳил бўлиб пишган шафтолининг пўстини арчаётми. А. Қаҳҳор, Қартина.

2 Одам ва жониворларнинг тапасини қоплаб турувчи юпка тўқима, тери устидаги юпка парда. Унча-мунча гап менга юкмайди-да. Чунки терим пўст ташлайвериб, чарма айланиб кетган. М. Иброхимов, Эгасига тегмаган мактуб. [Зўҳридиннинг] илон пўстига ўхшаш носкисига кўзи тушди. С. Аҳмад, Бош оғриғи. | Тери. Оқ пўст одам. Ишонмагин дўстингга, сомон тўқар пўстингга. Мақол. Пўсти устухонга ёпишган айн. устухони қолган қ. устухон.

3 анат. Мия ярим шарларининг қобиғи. Мияча ва катта мия ярим шарларининг юзаси остида ёки умумий айтилишича, пўст остида ҳам кулранг модда тўпламлари бор. «Анатомия».

4 геол. Ер қобиғи. Ернинг совуши билан устида қаттиқ пўст пайдо бўлиши натижасида бу форма сақланиб қолган. «Астрономия».

◆ Илон пўст ташлайди қ. илон. **ПҮСТАК** [ф-т] Ўсиқ жунли ошланган тердан иборат тўша. Айиқ пўстаги. Эчки пўстаги. — Чол шаҳзоданинг отини дарахтга боғлаб, уйдан бир пўстак чиқариб ариқ бўйига ёзди. «Эртақлар». Она-бола пўстагда пишиллаб ухлаб ётган Учқуннинг ениса келиб ўтирдилар. Ғ. Ғулум, Машъал.

◆ Пўстагини қокмоқ бошлаб танқил қилмоқ, астар-пахтасини ағдармоқ. — Раис бўла туриб, чуларнинг [колхозчиларнинг] сиёсий онига қарамайси, лекция, докладлар ўтказмайси, деб пўстагини қоқди, — деди раис Мақсумжонга. Ғайратий, Довдираш. Бола-

-чака пўстакнинг жунини ейдими қ. жуи.

**ПУСТДУМБА** Қўй думбасининг пишириб ейиладиган ёғли териси. *Пўстдумба солинган шавла. — Мамадали ҳам бувасида ўхшаб паловни яхши кўради. Айниқса пўстдумба солинганини. Ҳ. Умарбеков, Бббоёғоқ.*

**ПУСТИН** [ф-т] Мўйнали ошланган теридан тикилган узун, иссиқ устки қишяк кийим. *Сирма пўстин. Поча пўстин. Одамни пўстин эмас, иш қиздирар. Мақол. — [Дарвозабон] ошланган қўй пўстагидан пўстин кийиб .. белбоғига ярим газ чамали калид осган туркман папахли бир киши. А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.*

**ПУСТИНБОП** Пўстин тикиш учун ярайдиган. *Пўстинбоп тери. Пўстинбоп қўйлар.*

**ПУСТИНДЎЗ** [ф-т] Пўстин тикадиган уста, мўйнадўз. *Пўстиндўзга буюртма бермоқ.*

**ПУСТИНЛИК** Пўстига етарли (тери, мўйна ҳақида). *Икки пўстинлик тери.*

**ПУСТЛОҚ** Ҳасимликнинг танасини, новда ва илдизларини қоплаб турган қисми; пўст, қобиғ. *Тол новдасининг ёш пўстлоғи. Терак пўстлоғи. Зиғир-поя пўстлоғи. — Шохлари синиб, пўстлоқлари арчилиб кетган, ўқ ва снаряддан танаси титилган қарагайлар тагидан икки нарса қорайиб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ПУТА** 1 Косиб ва кўнчиларда 9,3 квадрат дециметрга тенг сатҳ ўлчов брлиги. *Беш пўта тери.*

2 с. т. Фўта.

**ПҮЧОҚ** 1 Мева, сабзавот, данак ва ш. к.нинг устини қоплаб, уни ташқи таъсирдан химоя қилувчи қаттиқ қобиғи, қалин ва зич пўст. *Тарвузнинг пўчоғи. Картошка пўчоғи. Тухум пўчоғи. Чигит пўчоғи. Ёнғоқ пўчоғи. Писта пўчоғи. Ғўза пўчоғи. — Сидиқжон акам тупроқ таший қолсинлар, ўзим яхши ошқовоқ пўчоққа узун ип боғлаб берман. А. Қахҳор, Қўшчинор.*

2 Мева, сабзавот қолдиғи, чиқинди. *Қўйга пўчоқ бермоқ. Пўчоқ йиғиштирмоқ.*

◆ **Пўчоқ пул с. т.** Қиймати тушиб кетган, қадрсизланган пул.

**ПҮШТ** [ф-т] *унд. с. 1* Одамларни йўлдан қочариш учун қилинадиган хитоб. *Пўшт, арава келяпти!*

2 *этн.* Эрлар бегона ховлига кирганларнида аёлларни яширинишга огоҳлантириш учун айтиладиган хитоб. *Эшон меҳмонга вишик очмай туриб отинойига қичқирди: «Пўшт! Пўшт!» Бу: «эркак одам кираётинти, қочинг» — деган сўз эди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**ПҮШТ-ПҮШТЛАМОҚ** Одамларни йўлдан қочариш ёки панага ўтказиш учун «пўшт-пўшт» демоқ. *Отлик сарбозлар халқ орасида пўшт-пўштлаб борардилар. М. Жўрабобоев, Мулла Б. м.*

## Р

**Р** Ҳузбек алфавитининг ўн саккизинчи ҳарфи; қ. эр 1.

**РАБ(Б)** [а, л. м. эга, хўжайин] *дин.* Худо, тангри, парвардигор. *Ё раббим! — Кимсан, раббинг ким? — деди мункарнакир. — Уста Турдиали бўлман. А. Қахҳор, Қабрдан товуш.*

**РАББАНО** [а] *дин.* Бизнинг раббимиз, тангримиз, худомиз. *Суйганим олдимга келди, Раббандон ўргилай. «Кўшиқлар».*

**РАББИЙ**, **ё раббий** Ё худо, ё парвардигор. *[Кулмуҳаммад:] Балҳда Дарвиш Али бош кўтарибди. [Гули:] Ё раббий! Алишер қаерда? Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

**РАББИМСАН**: раббимсан деб зўр бериб, ҳа деб. *[Йиғишлар] раббимсан деб, чунонам кетмон чопишди-ки, ҳаш-наш дегунча аллақанча ерни чўлдан юлиб олишди. С. Аҳмад, Чўл бургути.*

**РАБИУЛАВВАЛ** [а] Қамария йил ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи.

**РАБИУЛҲОХИР** [а] *айн. рабиуссоний.*

**РАБИУССОНИЙ** [а] Қамария йил ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи.

**РАБОТ** [а] *тар.* 1 Мустаҳкамланган кўргонларда соқчилар турадиган жой ёки бир-биридан маълум масофада жойлашган истеҳком; кўргон. *Мирзачўлдаги ҳар бир дарахт, уй,.. раббот жуда кўп номаълум қаҳрамонларни тилсиз ҳикоя қилиб бериши мумкин. С. Акбарий, Шодлик давоми.*

2 Савдо йўлларидаги мустаҳкамланган мазгил, карвонсарой. *[Навоий:] Ариқ қазмоқдамиз, чўлларда иш кўп. Работу мадраса, йўлларда иш кўп. Уйғун ва И. Султон, Навоий.*

3 Шаҳардан чегроқдаги турар жой. *Шаҳарнинг меҳнаткаш хўнарамандлар яшайдиган янги қисми — рабботда ҳёт қайнайди. М. Аминжонова, Шиваннинг кашф этилиш тарихидан.*

**РАБФАК** [р], **ишчилар факультети тар.** 1919—1936 йилларда ишчи ва деҳқонларни тезлик билан олий ўқув юртыларига кириш учун тайёрлаган махсус ўқув юрти. *Техникумдан раб-факка ўтибсан деб эшитдим, ростми? А. Қахҳор, Адабиёт муаллими.*

**РАВ** [ф-т] 1 Бир он вақт, бир лаҳза, бир дам, бир зум.

2 *рвш* Қисқа вақтга, дарров, тез. *Рав келиб, рав кетмоқ. — Мен рав бориб келаман. Андак кутасизлар.*

3. Тошматов, Эрк қуши. *Бир рав сиз билан учрашиб кетай дедим. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**РАВАК-РАВАК** [ф-т]: равак-равак бўлмоқ тилка-пора бўлмоқ. **Равак-равак қилмоқ** тилка-пора қилмоқ.

**РАВЗА** [а] *эск. кт. 1* Гулзор, гулшан; боғ.

2 *дин.* Жаннат, беҳишт.

3 *Равза (хотин-қизлар исми).*

**РАВИШ** [ф-т] 1 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, процесс ва ш. к.нинг боришидаги ўзига хос хусусият, юриш-туриш тахлити; турқ. *Секретарь ҳавонинг равишиги, ноз ва қилиқларини олдидан сезишга интилар эди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Усул, тарз, йўсин. *Шу равишда. Ҳикоя равишида. Рационал равишда. — Пичоқ тегиши билан қовун ҳар томонга тартибсиз равишда чатнаб ёрилди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

3 *грам.* Иш-ҳаракатнинг белгисини, пайтини, ўрнини, ҳолатини, даража ва миқдорини билдирадиган сўз туркуми. *Ўрин-пайт равиши. Ҳол равиши. Равиш эргаш гап.*

**РАВИШДОШ** [ф-т] *грам.* Иш-ҳаракатнинг равишини билдирадиган феъл формаси.

**РАВИШ-РАФТОР** [ф-т] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса, процесс ва ш. к.нинг боришидаги ўзига хос хусусият, юриш-туриш тахлити; турқ. *Қушларнинг равиш-рафтори. Кузнинг равиш-рафтори.*

**РАВНАҚ** [ф-т] *кт. 1* Порлаш; ялтироқлик; хусн, кўрк. *Энди кечалар тўпланиб жумбоқ ечишлар.. тугаган, мадрасадан равнақ кетган эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

2 Мислсиз тараққиёт, ривож, барқ уриш, гуллаб яшнаш. *Социалистик маданият равнақи. Равнақ топмоқ.*

**РАВНАҚЛИ** 1 *кт.* Порлоқ; кўркама.

2 Тараққий этаётган, ривожланаётган, гуллаб-яшнаётган.

**РАВО** [ф-т] 1 Йўл қўйилиши мумкин бўлган; ўринли, жоиз. *Насиҳатим ачиқ, аммо даводир, Ҳарна десам, отангизман, раводир. Ҳабибий.*

2 Муносиб, лойиқ бўлган, тўғри келадиган; мос. *Кишилларга ҳамма на-шўу намо ҳар чоқ раво бўлса, Менга қоғиш насиб бўлмиш, сафони нораво тутмиш. С. Абдулла. Раво кўрмоқ* 1) жоиз деб ҳисобламоқ, ўринли деб топмоқ; 2) лойиқ, муносиб деб билмоқ, лойиқ топмоқ. *Пирнафас ака умрида хотинига хафаликни раво кўрмаганиди. Ж. Шарипов, Хоразм; 3) феъл бўлишсиз ф-да келиб, «аямоқ», «арзит-маслик» маъноларини ифодалайди. Уртоғингиз хўжрасини биздан аямас, лекин бошқалар бизга ҳеч нимани раво кўрмайдилар. Ойбек, Қутлуг қон. Ҳожатини раво қилмоқ* ҳожатини чиқармоқ, тилагини амалга оширмоқ. *Ўғлон, мақсадинг не бўлса тутмайдиган қалам, Чунки жумла ҳожатинг бори раво қилди қалам. Ҳамза.*

**РАВОН** [ф-т] 1 Бир текисда ва тўхтовсиз борадиган ёки бораётган, ёйлиқ. *Равон ҳаракат. || Машина равон ишляпти. Зангори кемалар пахтазорда равон сузмақда. Ғўзалар равон ўсмоқда. / Тинч ва бир текисда оқаетган. Равон сув. Оби равон. Унинг кўз ёши равон. || Тўйқинлар шовиллар, сўнг оқар равон, Туташган беш денгиз, ўнлаб дарёлар. Х. Расул. Кечаси чарх-*

палак янги жойга кўчирилди ва тонгортарда даштага бир жўяк сув равон оқди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Тўғри ва текис (йўл ҳақида). Равон йўл. Ёмон йўлдош ёв бўлар, равон йўлда гоё бўлар. Мақол. — Хайри ундан жавоб кутмай, ой нури тушиб турган равон томон юра бошлади. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

3 Мантиқ ва услуб жиҳатидан пухта ва силлиқ, бир-бирига яхши боғланган. Равон шеър. Равон услуб. || Унинг нутқи равон. || Равон ўқимоқ. — Дарёйи сўзи равон Муқимий, Халқ ичра шириң забон Муқимий. С. Абдулла. Муҳаррам равон гапирарди. Унинг бундай нутқни биринчи марта сўзламаётгани кўриниб турарди. Шухрат, Шинелли йиллар. Янги ерда янги чаман яратган қизлар, Янграмоқда янги, равон куйларингиз! Т. Тўла.

4 Осон ва текис ҳаракатланган, ишлайдиган. Равон эшик. || Чархи равон.

5 айн. равона. Девнинг аслаҳасин Шакар олади, Отланиб Шакарбек равон бўлади. «Шириң билан Шакар».

◆ Рухи равон жон, ҳаёт. Фидойи халқни ўласин танда жоним, Бўлиб кўрбон анга руҳи равоним. Ж. Шарипов, Хоразм. Сарви равон сарвдек хушқомат ва юриши, ҳаракати ўзига келишган. Эй, сарви равон, надир хайлине, Жон ўртади вағдаи висолинге. Нодира.

**РАВОНА** [ф-т]: равона бўлмоқ 1) бирор томонга йўл олмоқ, жўнамоқ, кетмоқ. Ҳожиди бобо қистаб қўймади, бирга ўтириб чой ичишиди. Кейин бозорга қараб равона бўлдим. Ф. Гулом, Шум бола; 2) оқмоқ. Ҳовуз суви.. оқмоқ кўпиклар сачратиб канага равона бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**РАВОТ** айн. работ.

**РАВОК** [а] I Бинонинг олд томондаги пештоқ ва устунал билан безатилган кўркем қисми. Боққа қирилгандан кейин тўғридаги янги ўрданинг дарвозаси, муҳташам.. тоқ ва равоқлар кўзни қамаштирар.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Ҳашаматли бино; сарой, қаср. Ўзганинг тоқу равоқидан, ўзинининг айвонинг яхши. Мақол.

**РАВШАН** [сўғ] I Ёркин нур сочадиган; ёруғ, ёркин. Равшан чироқ. || Равшан ёнмоқ. / Яхши ёритилган, ёп-ёруғ. Равшан тун. — Кўндек равшан иштиқболинг, Қамол топ, республикам. Ё. Мирза.

2 Яхши кўрадиган, ўткир (кўз ҳақида). || Кўзим равшан. Кўзим равшан тортди.

3 кўчма Аниқ, тушунарли, тушунинш осон бўлган. Равшан фикр. Равшан жавоб. || Фикри равшаннинг сўзи равшан. Мақол. — Онанинг барча ташвишли йўлари совун кўпизидай ўнди. Воқеа равшан эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Элмуроднинг кўнчилидан: «бу подшолар дажжолдан ҳам ёмон экан-

-дан деган.. фикр ўтди, унинг гўдак ақли буни равшан ифодалашга ожиз эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўчма Кўзга яққол ташланган; очиқ-ойдин, аниқ, яққол. Равшан сурат. — Погодиннинг лабларида ҳали ҳам эрталабки шафақни эслатувчи равшан табассум кўриниб турарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. || Ойдинда уларнинг паранжили иккита хотин эканлиги равшан кўриниб турар эди. М. Исмовлий, Фарғона т. о.

5 кесим вазифасида, кўчма Яшириб, сир тутиб бўлмайдми, маълум, ошкор. Бунинг хатолиги равшан. — Аҳволимиз сизга равшан, — бемор йўтала-йўтала.. чолга ишорат қилди. Ойбек, Қутлуғ қон.

6 Равшан (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

◆ Кўнгли (ёки дили, таъби, табиати, дунёси) равшан бўлди (ёки топди) кўнглида ҳафачилик ёки шубҳа аломати қолмади, кўнгли, дили ёришди, кўнгли тинчиди. Гуломжон айвонга чиқиб, дарёдан қарилар уйига қулоқ солди. Отасининг хуррагини эшитиб кўнгли равшан топди. М. Исмовлий, Фарғона т. о. Раҳматилла унинг хуш қабул қилишидан, муомалаларидан кўп саволларига жавоб топди, дунёси равшан бўлди. А. Қаҳхор, Қўшчинор. **Кўнглини** (ёки таъбини) равшан қилмоқ кўнглидаги ҳафагарчиликни, шубҳани йўқотмоқ, кўнглини тинчитмоқ, кўнглини, дилини очмоқ. [Холмат Рузвонга:] Бу одамнинг таъбини жуда равшан қилади. Мана бу товуқ гўштидан олинг, жуда соз бўлибди-да. Ҳамза, Ким ўғри?

**РАВШАНЛАНМОҚ** Равшан бўлмоқ, равшан тортмоқ. Чироқ равшанланди. — Навоийдан дилим равшанланди, — деди Аваз устозларига эътироми эўрлигини билдириб. Ж. Шарипов, Хоразм.

**РАВШАНЛАНТИРМОҚ** равшанланмоқ фл. орт. н.

**РАВШАНЛАШМОҚ** I Тобора равшан бўлмоқ, ёруғ бўлмоқ. Хона равшанлашди. Тун равшанлашмоқда.

2 Яхши кўрадиган бўлиб бормоқ, тузалмоқ, очилмоқ, равшан тортмоқ (кўз ҳақида). Унинг кўзи равшанлашди.

3 кўчма Аниқ, очиқ-ойдин бўлиб бормоқ, ойдинлашмоқ. Масала равшанлашди. — Эрининг феъли, мижоз-табиати кун сайин унга [Нурига] равшанлашди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**РАВШАНЛАШТИРИЛМОҚ** равшанлаштирмоқ фл. мажж. н.

**РАВШАНЛАШТИРМОҚ** равшанлашмоқ фл. орт. н. Кўши нури хонани равшанлаштирган эди.

**РАВШАНЛИК** равшан с. белги оти. Юлдузларнинг равшанлиги. Кўзнинг равшанлиги. Хотонинг равшанлиги. Масалого равшанлик киритмоқ.

**РАД** [а, 3-ш. бирл. радди] Инкор ёки қайтариш. Радди бало балони қайтарувчи, даф этувчи. Ҳар замон яқин-йироқдан гадоёй товуши эшитилади:

«Хей дўст, шайдулло баноми олло, садақа — радди бало». А. Қаҳхор, Бемор. **Радди маърака** жамиятдан сурилган, кишилар назаридан қолган. Рағвоёй радди маърака одам. Рад жавоби инкорни ёки қайтаришни, қабул этмаганликни билдирувчи жавоб. Қизнинг рад жавоби йигит қалбига тушиб қолган ишқ чўғини шўх шамолдек алангага айлантирарди. Ф. Мусажонов, Хури. **Рад этмоқ** (ёки қилмоқ) 1) инкор қилмоқ. «Хар бир гапиди рад этиб бўлмайдиган мантиқ бор», деди у ўзига-ўзи С. Анорбоев, Оқсой; 2) қайтармоқ, қабул қилмаслик. Тақлифни рад этмоқ. — Унинг илтижосини рад этиши учун жиддий асос йўқ-ку. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 3) қайтармоқ, даф этмоқ. Этикчи бошини эғиб бу ҳамлани рад қилди, бўлмаса боши торт ёрилар эди. Айний, Қуллар; 4) воз кечмоқ. Бироқ, мулла Обид бой ва домлаларнинг қутқуси биланми, ёки ўзининг диний таассуби орқасиданми бахорҳол ерни рад қилди. А. Қодирий, Обид кетмон. **Рад бермоқ** 1) чап бермоқ; чап бериб енгмоқ. Қиличга бу рад бериб, Бошига синарин тутди. «Шириң билан Шакар»; 2) қайтармоқ, даф қилмоқ. Рад берарман кўқдан келган балога. «Малика Айёр».

**ради қ. рад.**

**РАДИЯ** [а] I Бирор хабар, маълумот ва ш. к.ни рад этувчи, уларнинг нотўғрилигини ёки асоссизлигини исботловчи расмий баёнот. ТАСС радияси.

2 Рад жавоби. Бир ёқдан хушхабар.. юрагини ортиқтирса, иккинчи ёқдан раддия ваҳми қалбига нашта бўлиб санчилар эди. М. Исмовлий, Фарғона т. о.

**РАДИАЛ** [р радиальный] Радиус бўйлаб йўналган, тарқалган. Радиал нурлар. Радиал тезлик.

**РАДИАТОР** [р < лат] тех. I Двигателдаги сувни совитувчи асбоб. Самолёт радиатори.

2 Иситиш системасининг иссиқ сув ёки буғ билан хонани иситувчи қисми.

**РАДИАЦИОН** [р радиационный] Радиацияга оид.

**РАДИЦИЯ** [р < лат] Бирор нурланувчи жисмдан, мас. қуёшдан чиқадиган электромагнит нур, энергия. Кўёш радиацияси.

**РАДИЙ** [р < лат] Радиоактив хусусиятга эга бўлган химиявий элемент, иссиқлик ва нур энергияси сочадиган металл. Радий билан дололаш.

**РАДИКАЛ** I [р < лат] I Туб ва кескин ўзгаришлар тарафдори.

2 Радикализмга асосланган партия аъзоси ёки шундай партия тарафдори (қ. радикализм 2). Радикаллар партияси.

**РАДИКАЛ** II [р < лат] I мат. Илдиз чиқариш амалининг белгиси ( $\sqrt{\quad}$ ) ва шу амалнинг натижаси, илди-зи.

2 хим. Бир химиявий бирикмадан иккинчи химиявий бирикмага ўзга-

ришсиз ўтадиган турғун атомлар группаси.

**РАДИКАЛ III** [p радикальный] Қатъий, кескин, туб. *Радикал чоралар. Радикал ўзгаришлар.*

**РАДИКАЛИЗМ** [p] I Буржуа давлати маънаётларини кўзлаб ва буржуа давлати доирасидагина демократик реформалар ўтказишни талаб этувчи буржуа ёки майда буржуа оқими.

2 Назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда туб ва кескин чора кўришни талаб қилиш.

**РАДИО** [p < lat] I Сигнал, овозни узоқ масофаларга электромагнит тўлқинлар тарзида симсиз узатиш ва қабул қилиш воситалари мажмуи. *Тошкент радиоси. Радио орқали бошқариш. Радио алоқаси.*

2 Шундай воситалар орқали берилган эшиттириш. *Радио эшитмоқ.*

3 с. т. Радиоприёмник; репродуктор. *Узоқдан, радиодан майин, ёқимли музика оқар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

**РАДИОАКТИВ** [p радиоактивный] Радиоактивликка оид. *Радиоактив парчаланиш.* I Радиоактивлик хусусиятига эга бўлган. *Радиоактив элементлар.*

**РАДИОАКТИВЛИК** Атом ядроларининг ўз-ўзидан ёки сунъий равишда парчаланиб нур сочиш, нурланиш хосласи.

**РАДИОГРАММА** [p < lat + грек] Радиотелеграф орқали берилган хабар. *Шу кеча душман полки дислокация қилинаётгани ҳақида радиограмма кўлга туширилди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**РАДИОЗОНД** [p] Ҳаво шари ёрдамида кўтарилиб, атмосферанинг юқори қатламларидаги ҳодисалар ҳақида радио орқали маълумот бериб турадиган метеорологик асбоб. *Ҳозирги вақтда турли мамлакатлар атмосфера қатламларидаги босим, температура ва намликни ўлчади.. радиозондлардан фойдаланмоқдалар.* «Фан ва турмуш», 1962, № 6.

**РАДИОКАРНАЙ** с. т. Репродуктор.

**РАДИОЛА** [p] Радиоприёмник ва электр патефон бирикмасидан иборат аппарат. *Анорхон радиолога пластинка танламоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

**РАДИОЛАШМОҚ** Радио тоқчалари билан таъминланмоқ. *Қишлоғимиз ёнпасига радиолашди. Радиолашган колхоз.*

**РАДИОЛАШТИРИЛМОҚ** радиолаштирмоқ *фл. орт. н. Радиолаштирилган қишлоқ.*

**РАДИОЛАШТИРМОҚ** радиолашмоқ *фл. орт. н. Районни радиолаштирмоқ.*

**РАДИОЛОКАТОР** [p] Узоқдаги объектларнинг, мас. самолёт, кема ва ш. к.нинг қардалигини улардан қайтган радио тўлқинлари ёрдами билан аниқлайдиган асбоб.

**РАДИОЛОКАЦИОН** [p радиолокационный] Радислокацияга оид. *Радислокацион станция.*

**РАДИОЛОКАЦИЯ** [p] Узоқдаги объектларнинг, мас. самолёт ва ш. к.нинг қардалигини улардан қайтган радио тўлқинлари ёрдами билан аниқлаш усули ва воситалари.

**РАДИОНАВИГАЦИОН** [p радионавигационный] Радионавигацияга оид. *Радионавигацион система.*

**РАДИОНАВИГАЦИЯ** [p < lat] Пароход ва самолётларни радиотехника воситаси ёрдамида бошқариш.

**РАДИОПЕРЕДАТЧИК** [p] Нутқ, товуш, сигнал ва ш. к.ни радио орқали узатиш аппарати, қурилмаси.

**РАДИОПРИЁМНИК** [p] Радио орқали берилган эшиттиришларни қабул қилиб оладиган аппарат.

**РАДИОСИГНАЛ** [p] Радио орқали берилган сигнал.

**РАДИОСТАНЦИЯ** [p] Радио тўлқинларини узатувчи ёки қабул қилувчи мослама ва қурилмалар мажмуи ҳамда улар ўрнатилган жой, бино.

**РАДИОТЕЛЕГРАФ** [p] I Телеграф кодидан фойдаланиб радио орқали хабар узатувчи алоқа системаси.

2 Шундай алоқа мосламалари жойлашган бино.

**РАДИОТЕХНИКА** [p] Электромагнит тўлқинлари воситасида радиосигналлар бериш, радио эшиттириш ва қабул қилиш ҳақидаги фан.

**РАДИОУЗЕЛ** [p] Бирор жой ёки корхона, колхоз чегарасида марказий радио станциялар программасини олиб эшиттириш ва маҳаллий эшиттиришлар олиб бориш учун қурилган симли радио тармоғи ва унинг маркази. *Колхоз радиоузели.*

**РАДИОЧЕ** айн. радист.

**РАДИОЭЛЕКТРОНИКА** [p] Радиотехника ва электроника асосида юзага келаятган алоҳида фан тармоқларининг умумий номи.

**РАДИСТ** [p] Радио аппаратларини бошқарувчи мутахассис. *Радист юғуриб келиши билан буюрди, — фронтга дарҳол хабар қил, Қлязьмага самолёт чақир.* И. Раҳим, Чин муҳаббат

**РАДИУС** [p < lat] мат. Айлана нуқтасини унинг маркази билан туташтирувчи тўғри чизиқ.

**РАДИФ** [a] ад. Шеър мисраларида асосий қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз ёки сўзлар.

**РАЁҲИН** [a, бирл. райхон] эск. поэт. Райхонлар; хушбўй ўсимликлар.

**РАЖАБ** [a] I Камария йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи.

2 Ражаб (эркаклар исми).

**РАЖО** [a] эск. кт. Умид, орзу, тилак. *Ражо қилмоқ (этмоқ).*

**РАЗВЕДКА** [p] I Ер ости бойлиқларини қидириш.

2 ҳарб. Душман ва унинг қўшинлари, уларнинг кучи, жойлашган ва ш. к. тўғрисида маълумот тўплаш учун айрим ҳарбий қисмлар, бўлинмалар ёки жангчилар томонидан олиб бориладиган оператив иш, ҳарбий ҳаракат. *Разведка қилмоқ. Разведкага чиқмоқ. — Юрьевнинг бундан чиқар-*

*ган хулосаси шу бўлдики, у дарҳол разведка уюштирди, кузатув пунктларининг хабарларини тўплади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Шундай иш олиб борувчи ҳарбий қисм, бўлинма.

4 Узга мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини ҳамда ҳарбий имкониятларини ўрганиш билан шуғулланувчи ташиқлот.

**РАЗВЕДКАЧИ** I ҳарб. Разведка ишлари билан шуғулланувчи киши (қ. разведка 2, 4). *Довжурак разведкачи.*

2 Разведка учун белгиланган самолёт ёки кема. *Разведкачи самолёт.*

3 геол. Қидирувчи. *Нефть разведкачилари.*

**РАЗВЕРСТКА** [p] Бирор нарсанинг планли тақсироти; планли равишда тақсимлаш. *Развёрстка билан мол олмақ.*

**Озиқ-овқат развёрсткаси** тар. 1918—1921 йилларда, яъни ҳарбий коммунизм даврида қўлланилган озиқ-овқат тайёрлаш системаси. *Озиқ-овқат развёрсткаси бўйича камбағал деҳқонларнинг бир қисми дон топшириб бўлганлар.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**РАЗЗОҚ** [a] I дин. Ризқ-рўз берувчи (худо эпитетларидан бири). *Ё раззоқ!*

2 Раззоқ (эркаклар исми).

**РАЗИЛ** [a] I Кишини жиркантирадиган; ярамас, қабиҳ, паст, тубан. *Разил одам. Разил хатти-ҳаракат.*

*Разил ниётлар.*

2 Манфур, малъун. *Разил душман.* ■ [Ғули:].. хароб ўл золим, эй, бахтинга лаънат! Зулм шоҳи разил тахтинга лаънат! Уйғун ва И. Султон, Навоий.

**РАЗИЛЛАШМОҚ** Тобора разил бўлиб бормоқ, разилик йўлига ўтмоқ.

**РАЗИЛЛАШТИРИЛМОҚ** разиллаштирмоқ *фл. мажҳ. н.*

**РАЗИЛЛАШТИРМОҚ** разиллашмоқ *фл. орт. н.*

**РАЗИЛЛИК** I разил с. белги оти.

2 Разил хатти-ҳаракат, разолат. *Разиллик билан. Разиллик қилмоқ.*

**РАЗИЛОНА** [a + ф-т] рвш Разилларга хос бир равишда; разилларча.

!! *Разилона ҳаракат. Разилона ши.*

**РАЗМ** [ф-т]: разм солмоқ (ёки кўймоқ, солиб қарамоқ) диққат билан қарамоқ, кузатмоқ, кўздан кечирмоқ. *Самандаров унга бошдан-оёқ разм солди-ю, бошқа гап сўрамади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор. *Жўрабоев ҳам жимгина ўтириб, ҳаммага разм соларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Онахон ҳовлидаги ўзгаришларга разм солди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**РАЗМЕР** [p] Уст-бош, пойафзал ва ш. к.нинг катта ёки кичиклигини билдирувчи ўлчов, номер. *Маҳкам ҳам Очил каби энди йигирма иккига қадди кўйган,.. кийимни ҳам Очилдан иккига размер катта қияди.* П. Қодиров, Уч илдің.

**РАЗНОЧИНЕЦ** [p] тар. 18—19 асрларда Россияда: дворян бўлмаган табақалардан — савдогарлар, мешчанлар, рухонийлар, шунингдек майда чиновниклардан етишиб чиққан зиёли,



интеллигент. *Бизнинг овозлик ҳаракатимизда различиницларнинг дворянларни бутунлай сиқиб чиқаришини крепостной ҳуқуқ вақтидйёқ бошлаб берган киши В. Г. Белинский эди. В. И. Ленин, Россиядаги ишчилар матбуоти-нинг ўтмишидан.*

**РАЗОЛАТ** [a] Ярамас, жирканч хатти-ҳаракат, қабих, разил иш; тубанлик, разиллик. [Навий Мансурга:] *Нақадар разолат! Менинг ўлимим, сенга нечун керак бўлди, қотил! Уйғун ва И. Султон, Навий. [Зухра:] Айни ўрни-да! Сен менинг оғзимга урма! Бундай разолатни кўра туриб, юз буриб кетолмайман. Н. Сафаров, Қимга тўй, қимга аза. Разолатга тушмоқ тубанликка юз тутмоқ.*

**РАЗРЯД** I [p] I Предмет, ходиса ва ш. к.нинг ўзаро бирор белги ёки ўх-ташланига кўра тури, даражаси, категорияси. *Иш разрядлари. Тариф разрядлари.*

2 Касб-хунар, ихтисос, спорт ва ш.к. бўйича малака, квалификация даражаси. *Иккинчи разрядга эга бўлган дурадеор. Шахмат бўйича биринчи разряд олмақ.*

**РАЗРЯД** II [p] физ. Электр зарядини йўқотиш, зарядсизланиш, электрсизланиш. *Разряд токи.*

**РАЗРЯДЛИ** Бирор разрядга, даражага эга бўлган. *Олтинчи разрядли тоқар. Биринчи разрядли шахматчи.*

**РАЗЪЕЗД** [p] т. й. Карамат-қарши томондан келаётган поездларнинг ўтиб кетиши учун ҳизмат қиладиган, иккига ажралган йўл; кичик станция. *Станциядан ўн беш километр наридаги разъездега етганда паровоз тормоз берди. О. Хусанов, Кўшиқчининг тақдири.*

**РАИС** [a] I Баъзи орган, ташкилот, идора, жамият ва ш. к.нинг бошлиғи, раҳбари. *Қолхоз раиси. Жамият раиси. — Оқсоқол қишлоқ советининг раиси эди. А. Қаххор, Хотинлар.*

2 Мажлисни бошқарувчи шахс. *Мажлис раиси. — Нутқ. давомида раис мажлис аҳлини икки марта тартибга чақирди. А. Қаххор, Нутқ.*

3 тар. Дний маросим ва урф-одатларнинг бажарилишини кузатиб борувчи, шунингдек ўлчов ва тош-тарозиларнинг тўғрилигини текширувчи мансабдор шахс. *Ўқ!.. Ҳар қандай қийинчилик билан бўлса-да, ўқ! Лекин қози бўлма! Раис бўлма! Ижон бўлма! Агар мударрис бўлсанг, майли. Айний, Эсдалиқлар.*

**РАИСА** [a] I Раис аёл. *Қолхоз раисай.*

2 Раиса (хотин-қизлар исми).

**РАИСЛИК** раис с. касб оти. *Раислик қилмоқ. — Ер ислоҳоти ўтказилиш олдида қишлоқ қамбағаллар уюшмаси тузилади ва уюшманинг раислигига Бердибой сайланади. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**РАИСОНА** [a + ф-т] тар. Раис маҳкамаси, идораси (қ. раис 3). *Жаноби олий замонларидаги раис қочган-*

дан кейин раисхона таланганда мен шу даррани олиб бир ерга яшириб қўйиб эдим. Айний, Қуллар.

**РАЙЯТ** [a] эск. кт. Бирор ўлка ёки мамлакатда яшовчи халқ, фуқаро. *Хон ҳали ички ўрдадан чиқмаган, ҳамма раият «жаноби олийни» кутиб мухташам дарвозага кўз тиккан эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**РАЙИЖРОКОМ** [p + a + p] Район ижроия комитети. *Райижроком қарори.*

**РАЙКОМ** [p] I Район комитети. *Райком мажлиси. Райком секретари. — Адолат аризасининг оқибатини кутиб юрди. Ҳа деганди жавоб кела бермади. У райкомега, военкоматга яна хат юборди. И. Раҳим, Чин мухаббат.*

2 с. т. Район комитетининг секретари. *Йўлдош барака топсин, хўп райкомимиз бор-да! Уйғун, Дўстлар.*

**РАЙКОМХОЗ** [p] Район ижроия комитетининг коммунал хўжалиги бўлими.

**РАЙОН** [p < фp] I СССРда: область, ўлка, республика, шунингдек ййрик шаҳарларнинг таркибий қисми бўлган маъмурий-территориал бўлинма. *Тошкент шаҳар райони. Фарғона область Ленинград райони. Район газетаси.*

2 с. т. Шундай бўлинманинг маъмурий маркази. *Райондан келган вакил.*

3 Бирор географик, иқтисодий ва ш. к. белгилар билан ажралиб турадиган жўл, территория. *Мамлакатнинг муҳим иқтисодий райони. — Қизил Армиянинг қишки ҳужуми бу районда [Орёл, Тула] немисларнинг биқинига ўтқир ханжар қадаб қўйди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.*

**РАЙОНЛАРАРО** [p + ф-т] Бир неча район учун умумий бўлган, бир неча район ўртасидаги. *муштарак. Районлараро электрстанция.*

**РАЙОНЛАШТИРИЛМОҚ** районлаштирмоқ фл. мажх. н.

**РАЙОНЛАШТИРМОҚ** I Бирор территорияни маъмурий-территориал районларга ажратмоқ.

2 Қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва моллари учун энг мувофиқ об-ҳаво, иқлим, тупроқ шароитларини ҳисобга олиб, уларни мамлакат территориясида тўғри жойлаштирмоқ.

**РАЙОН** [p] Район ижроия комитетининг халқ маориф бўлими.

**РАЙСОВЕТ** [p] Халқ депутатлари район совети. *Бир одам райсоветнинг раисига зағда қилган экан. А. Қаххор, Қанотсиз читтак.*

**РАЙХОН** [a] I бот. Ошқўк учун экинладиган бир йиллик хушбўй ўсимлик. *Ош райхон.*

2 Райхон (хотин-қизлар исми).

**РАЙХОНИЙ** [a]: райхоний ранг яшил ранг. *Хатти райхоний сарлавҳаларда ва нарсаларнинг устига хат ёзишда ишлатиладиган ёзув тури. Ёқути райхоний қ. ёқут I.*

**РАК** [p] мед. Одам ёки ҳайвонларнинг ички ёки ташқи аъзоларида пайдо

бўладиган бадсифат ўсма; саратон касаллиги.

**РАКААТ** [a] дин. Намознинг бир қисми, бўлаги. *Афанди бир кунни икки ракаат пешин намозни ўқигандан кейин, саждадан бош кўтармай ёта берди. «Латифалар».*

**РАКЕТА** [p < нем] I Ичидаги заряди ёнганда осмонга кўтариладиган, мушакбозликда ёки ҳарбий ишларда сигналлар бериш ва керакли жойларни ёритиш учун қўлланиладиган снаряд; мушак. *Қишлоқнинг кун ботиши томонидagi ўрмон бурчагидан икки марта оқ ракета отилди. И. Раҳим, Чин мухаббат.*

2 Реактив двигателга эга бўлган учини апарати, снаряди. *Космик ракета. Баллистик ракета.*

**РАКЕТАСОЗЛИК** Саноатнинг ракеталар ишлаб чиқарадиган тармоғи.

**РАМА** [p] Машина, вагон ва ш.к.нинг ҳамма қисмларини тутиб турувчи асосий қисми. *Автомобиль рамиси.*

**РАМАЗОН** [a] I Камарий йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи (бу ой давомида шариятга кўра мусулмонлар рўза тутадилар). *Тез орада рамазон ойи бошланиб, ҳаммалари рўза тутушига киришдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Шу ойда болалар ёки гадойлар эшикма-эшик юриб айтадиган диний кўшиқ. *Рамазон айтмоқ.*

3 Рамазон (эркаklar исми).

**РАМАКИ** [ф-т < a] Ниҳоят даражада озган, холдан тойган, эти бориб суякка тақалган. *У рамақи бўлиб қолибди.*

**РАМАКИЖОН** [ф-т] айн. рамаки. *Рамақижон бузоқ. — Шўрнғ қурғур ўкам мардикорликдан рамақижон бўлиб қайтиб келди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**РАМЗ** [a] I Бирор ғоя, тушунча, ходиса ва ш.к.ни ифодаловчи, еслатувчи шартли белги, ишора; символ. *Дўстлик рамзи. Қаптар — тинчлик рамзи. — Бу тугмага жо бўлган юлдуз Саодатнинг рамзи ва нақши. Ё. Мирза.*

2 Қочиряқ ёки ишора билан айтилган гап; имо-ишора, шама. *Рамз билан гапирмоқ. — Латифа аския, рамзу киноя, Утар улфатлар ичра бениҳоя. Ҳабибий. Саидий гарчи кейинчалик Ёқубжоннинг рамзида тушунган бўлса ҳам, бу гапни ҳақоратга қарши ҳақорат тарзида айтди. А. Қаххор, Сароб.*

3 Рамз (эркаklar исми).

**РАМЗИЙ** [a] Рамздан иборат бўлган; рамзли, символик. *Йўлнинг ҳам, манзилнинг ҳам ўз рамзий маъноси бор. Х. Ғулмон, Сенга интиламан.*

**РАМЗЛИ** I Рамзга эга, рамзи бўлган; символик. *Рамзли тасвир.*

2 Қочиряқ ёки ишора билан айтилган; шамали. *Рамзли гап.*

**РАМКА** [p] I Портрет, расм ва ш. к. солинадиган тўрт бурчакли мослама. *Зарҳал рамкадан қулиб қараб турган онасининг суратига [Кундуз-*

нинг] кўзи тушиди. С. Ахмад, Қадрдон далалар.

2 Иш-ҳаракат, фаолият, воқеа-ҳодиса ва ш.к. доираси; чек, чегара. Рамкага солмоқ. Рамкадан чиқармоқ. ■ Зокирнинг бутун иши ўз қўли остидаги комсомолларни маълум инструкциялар рамкасида тутушдан иборат эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**РАНГ I** [ф-т] I Бўйаш учун ишлатилган модда; бўёқ. Куруқ ранг. Ипак бўйайдиган ранг. Қизил рангага бўйямоқ. Ранг бермоқ. | Нарсаларга суртилган ёки сингдирилган бўёқ, ыр. Шили шарқча нақшдор уй, нақшлари эскириб, ранги хираланган, лекин ҳали диққатни тортарлик ҳолда. Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Бирор нарсанинг ўзига хос бўёғи; тус. Спектр ранглари. Ранги сариқ рўмол. Хайвонларнинг муҳитга мослашадиган ранги. Олмаларга ранг кириб қолади. ■ Овқат пийди. Қозоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киризолмади. А. Қаххор, Анор.

3 Кишининг юзидаги қизиллик даражаси. Унинг рангида қони йўқ. Унинг ранги қип-қизил. Ранг кўр, ҳол сўр. Мақол. Ёндошмагин ёмонга, рангине ўхшар сомонга. Мақол. ■ Бизда йўқ, дину, ирку, ранг. Ғ. Ғулом. Турсуной билан Шарафатнинг ранги бўздай оқарди. Ойбек, Қутлуғ қон. Ранги ўчиб кетди 1) ранги оқариб, бўзариб кетди; 2) кўйма озайиб қолди, баракаси учиб кетди. Пулнинг ранги ўчиб кетди. ■ Икки-уч олиндиёқ лаванинг ранги ўчиб кетди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

4 Кўйма Гап, нутқ, оҳанг ва ш. к. даги нозик бўёқ, тус; жилва. Бир зумдан кейин яна айти товуш парвоз қилди. Аммо, ўзга мақома... кўнелини яна қаттиқроқ сеҳрловчи... ранглар билан. Ойбек, Қутлуғ қон. Бир-икки кун миёнасидаги кечинмалар турли ранг билан унинг уйқули димоғида акслана бошладилар. А. Қодирий, Утган кунлар.

5 Кўйма Жонлилиқ, файз. Тошкентлик машҳур бир бойнинг хасислиги ҳақида энг кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чатилмаган латиғалар суҳбатда «ранг» бериб турар эди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**РАНГ II** [р < нем] ҳарб. Унвон, рутба даражаси. Биринчи ранг капитани.

**РАНГ III** [ф-т] Қиёққа ўхшаш ёввойи ўсимлик.

**РАНГ-БАРАНГ** [ф-т] I Турли ранг-даги, ранги ҳар хил. Ранг-баранг бўёқлар. || Ранг-баранг товланмоқ. 2 Турли-туман, хилма-хил, ҳар хил. Ранг-баранг фойдали қазилмалар. ■ Таом иштаҳа билан ейилгандан сўнг, ранг-баранг қимматбахо мевалар.. билан тўла дастурхон ёзиб, [Ҳаким-бойвачча] аччиқ чойни қуя бошлади. Ойбек, Қутлуғ қон.

**РАНГВОР** [ф-т] Бирор мақсад учун зарур бўёқлар мажмуи. Шакарпазлик рангворлари.

**РАНГДОР** [ф-т] I Бирор рангга эга бўлган ёки бўйланган; рангли. Рангдор қоғоз. Рангдор қаламлар. | Турли рангларга эга бўлган ёки бўйланган, ранг-баранг. Рангдор сурат.

2 Кўйма Бежамали, жилвали, тамтароқли, баландпарвоз (гап, сўз, услуб ва ш. к. ҳақида). Сайрамов болликда, узун қиш кечалари.. чолнинг ўзига хос рангдор сўзи ва услубини диққат билан тингларди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**РАНГИН** [ф-т] айн. рангдор I. Рангин плакатлар. ■ Қосалар, пиёлалар, қадаҳларнинг гуллари баҳор чамонларидай бой, нафис рангин эди. Ойбек, Навоий.

**РАНГЛАМОҚ** с. т. Ранг бермоқ, бўйямоқ.

**РАНГЛИ** айн. рангдор. Рангли қалам. Рангли чит. ■ Самолётда илк марта учган қиз ўз таасуротини жонли ва рангли тасвир этиб Уктамни кулдириди. Ойбек, О. в. шабадалар.

◆ Рангли металллар темир, пўлат ва чуъндан бошқа хамма металллар.

**РАНГО-РАНГ** [ф-т] айн. ранг-баранг. Уктам столи бир насда ранго-ранг мевалар билан яшнатиб юборди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**РАНГПАР** [ф-т] Ранги захил, синиққан, рангсиз. Аширнинг рангпар юзига биланар-билинмас қизил югурди. С. Анорбоев, Оқсой. Рангпар чол бошини кескин кўтариб бир лаҳза қўлидаги тупроққа тикилган, қаршидаги кишини оғидан бошигача кузатиб чиқади. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**РАНГ-РУХСОР** [ф-т] айн. ранг-рўй.

**РАНГ-РҮЙ** [ф-т] Қиши юзининг ранги ва кўриниши. Унинг ранги-рўйи яхши. Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас. Мақол. ■ Бобомнинг ранг-рўйи кечагидан дуруст, кўнгли хотиржам кўринади. Х. Назир, Утлар туташганда. — Маликам, олинг, энг, ранг-рўйингиз бир ҳолатда бўлиб қолибди, — деб қистайди энага. Ж. Шарипов, Хоразм.

**РАНГИСIZ** I Бирор рангга эга бўлмаган; туссиз. Рангсиз суюқлик. | Ранги номаълум, хира. Рангсиз чит. 2 Ранги кетган, ранги йўқ. Қалтакесакдек рангсиз, қонсиз мавлоно Шахобиддиннинг кайфи жойида эди. Ойбек, Навоий.

3 Кўйма Тил ёки услуб жиҳатидан бўш; туссиз. [Абдушукур] шоирлик истеъдодидан тамом маҳрум бўлишига қарамай... вазни бузуқ, фикри саёз, рангсиз назмлар ёзди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Нисбатан ожиз, бўш. Унинг назарида севи сўзи Ҳаёт севагиси олдидан рангсиз, туссиз эди. М. Исмоний, Фаргона т. о.

**РАНГИЗЛИК** рангсиз с. белги оти. [Абдурахмон домла] рангсизлик ортириб йегирма сақсиз ёшида «хатми кутуб» қилишига муваффақ бўлди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**РАНГ-ТУС** Ранг ва тус(лар). Ранг-тус билдирувчи сифатлар (грам.).

**РАНГ-ҚУТ** Кишининг ранги-рўйи ва файзи. Ранги-қути ўчиб дир-дир қалтираб турган йигитча қоғозларга қўл қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм. Энди хотиннинг ранги-қути жойига келган ва башарасидан кўрқши аломати йўқолган эди. Лйний, Қуллар.

**РАНДА** [ф-т] Ёғоч ва тахталарни текис қилиб йўниш, силлиқлаш учун ишлатилгандаги ўртасига пўлат тиг ўрнатилган дастали асбоб. Мушт ранда. Дароз ранда. ■ Коля гапга аралашмай, жингала-жингала қириндилар сиратиб, тахтача устидан ранда юрттарди. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**РАНДАЛАМОҚ** Ёғоч-тахталарнинг сиртини ранда билан текисламоқ, силлиқламоқ. Тахтани рандаламоқ.

**РАНДАЛАНМОҚ** рандаламоқ фл. мажх. н. Рандаданан тахта.

**РАНДАЛАТМОҚ** рандалатмоқ фл. орт. н. Тахтани рандалатмоқ.

**РАНЕЦ** [р < нем] Елкага тасма билан осиб юриладиган ҳарбийлар ёки ўқувчилар сумкаси. Ранецга ортиқча нарса солиб қўйилгандай орқага тортади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**РАНЖ** [ф-т] I Кўнгилга етган озор, алам. Оламда ҳар нарса эсдан чиқishi, ҳар қандай ранж, кулфат кўнгилдан кўтарилиши мўлкин, лекин уи ярим яшар бўлиб юлган фарзанд доғи... йўқ! А. Қаххор, Қабрдан товуш. Кўнглини ранж қилмоқ бировни ранжитмоқ, кўнглига озор бермоқ. [Бировдан] ранж топмоқ (ёки чекмоқ) бировдан ранжимоқ, озор топмоқ. Мард атаймиз кимки турса аҳду паймон устида, Чекса ҳам ранж, узмагай меҳрин қадрдон устида. Хабибий.

2 Эск. Меҳнат, машаққат. Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила, Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила. Навоий.

**РАНЖИДА** [ф-т]: қадам ранжида қилмоқ бир ёққа таширф буюрмоқ, бормоқ, келмоқ. — Шу шарт биланки, кейин бизнига ҳам қадам ранжида қиласиз... — жавоб берди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар.

**РАНЖИМОҚ** Бировдан ёки бирор кўнгилсиз иш, ноҳўя хатти-ҳаракатдан озор чекмоқ, узма бўлмоқ. Унинг кўнгли нимадан ранжиди? ■ Бектемир қизни.. эслади. Суратини юбермаганидан ундан боладек ранжиди. Ойбек, Қуёш қораймас. Эҳтимол, уялаётгандир, эҳтимол, анов кўнгли воқеадан ранжигандир.. Нега шундай қилдинг, онажон, нега Адолатни.. ндан қочирдинг? И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**РАНЖИТИЛМОҚ** ранжитмоқ фл. мажх. н.

**РАНЖИТМОҚ** ранжимоқ фл. орт. н. Бировнинг кўнглини ранжитмоқ. ■ Кўнгилини очинг, отажон, қачон сизни ранжитдим, қачон? И. Раҳим, Янги қадам.

**РАНЖИШМОҚ** ранжимоқ фл. бирг. н.

**РАП** с. т. Раф. *Элмурод* .. полк ҳовлисига қараган дераза рапига икки тиhrsаини қўйиб, бошини, кафтлари орасига олганча, эртаги машғулот юасидан китоб кўрар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**РАПИДА** [ф-т] Тандирга нон ёпиш учун ишлатиладиган, матодан тикилган қалин тўғарак шаклдаги қўлқоп. [Мехрихон] рапидадаги ноннинг юзига сув селиб, саватга ташлади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**РАПОРТ** [р < фр] 1 Куйи унвошли харбий хизматчининг юқори унвошли харбий хизматчига доклади.— *Взвод тайёр!* — деди Морозов капитанга рапорт бериб. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 План, мажбурият ва ш. к.нинг бажарилганлиги ҳақидаги расмий доклад.

**РАППА-РАСО** рви (фақат сонлар ва миқдор билдирувчи сўзлар билан) Тўппа-тўғри, расо. *Мажлис раппа-расо икки соат давом этди. Пул раппа-расо минг сўм чиқди.*

**РАСАД I** [а] кт. астр. Осмон жисмларини кузатиш, астрономик кузатишлар.

**РАСАД II** [р расада]: **расад қилмоқ** с. т. униб чиққан кўчатларни тез етилтириш учун яшиқдан ёки кўчатхонадан олиб ерга сийрақроқ қилиб қайта ўтказмоқ, сайиш қилмоқ.

**РАСАДХОНА** [а+ф-т] айн. обсерватория. *Улугбек расадхонаси.*

**РАСАМАД** [а+ф-т] с. т. Тақсимотда хар бир киши ёки хар бир нарасага тўғри келган қисм; улуш. *Расамад қилмоқ.* — *Уртоқларимга яхши кўришини учун, расамадда кўрсатилмаган бўлса ҳам, ёғ ёнига тухумни қўшиб олиб боришни ўзимга маъқул қилган эдим,* — деди Шум бола. Ф. Ғулум, Шум бола. **Расамади билан I** тўғри тақсимлаб, бўлиб. *Ерга расамади билан ўғит солмоқ.* — *Уртага қабоб келди. Аъзамжон ака ўз қўли билан икки-икки сихдан расамади билан меҳмонларнинг ликопчасига қўйди.* С. Аҳмад, Гугурт; 2) тартиби билан. *Унинг [янги шаҳарнинг] кўчалари тўғри ва кенг. Иморатлари расамади билан солинган.* 3. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

**РАСВО** [ф-т] I Ножўя хатти-харақати, юриш-туриши билан эл назаридан қолган; ярамас, разил. *Расво одам.*

2 Жуда ҳам ёмон, танқиддан тубан. *Расво гап.*

3 Жуда ҳам ёмон, ярамас; нокас. *Жайдари ғўзадай мижғов, расво экинни ёққон боласи билмаса керак.* Ф. Ғулум, Алиқулнинг қарзи.

4 Издан чиқиб кетган, ёмон аҳволга тушиб қолган; ёмон, пачава. [Урмон Дадавоёга:] *Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик. Қаердаки интизом бузилди, у ерда иш расво.* Уйғун, Навбахор.

5 Бузуқ, бадахлоқ. **Расво бўлди ёки расвоси чиқди I** эл назаридан қолди,

эл назаридан шармандан шармисор бўлди. *Ана шундай қилиб эрдан ҳам ажрарсиз, .. эл ичиди кулгиса ҳам қолурсиз, расво ҳам бўлурсиз!* А. Қодирий, Утган кунлар; 2) ишдан чиқди; бузилди. *Лой сачраб кийими расво бўлди;* 3) пачава бўлди, бузилди. — *Башарти хат душман қўлига тушгудай бўлса-ми, шимиз расво бўлади,* — деди унга командир вазифани тушунтирар экан. А. Раҳмат, Варракчи чол; 4) бузилди, ёмон йўлга кирди. **Расво қилмоқ ёки расвосини чиқармоқ I** шармандан шармисор қилмоқ. — *Лозимидан бўлак ҳамма ёғини ечириб, расво қилиб чиқаришибди,* — деди *Ҳожиги хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) кирдикорларини очиб ташламоқ. — *Ҳароми мени тоза расво қилганга ўхшайди,* — деди ўзича [ҳожиги]. А. Қаҳҳор, Йиллар. — *Расвомизни чиқаришибди,* — деди Саидваққос энтиқиб [Обидхўжага]. *Сўнг чўнтагидан газета чиқарди. Фельетон қилишибди.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг; 3) ишдан чиқармоқ, ёмон, ярамас аҳволга келтирмоқ. — *Вой-бу, ҳовлини расво қилибсизлар-ку,* — дейди *Фотима опа тоғора изларини кўриб.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. 4) издан чиқармоқ, бузмоқ, пачава қилмоқ. *Шошгансиз, ҳовлиққансиз. .. Натижада бутун ишни расво қилгансиз!* П. Турсун, Уқитувчи. 5) бузмоқ, ёмон йўлга солмоқ. — *Чакки қилади Шоқосим ака. Наша бир кунни уни расво қилади.* Ойбек, Қутлуг қон.

◆ **Расво олам** (ёки жаҳон) бўлмоқ ҳамманинг олдидан шармандан шармисор бўлмоқ, обрўси тўкилмоқ. *Буларни ўйлаганда Тожибойнинг ичини қоронғи босиб, кўз олди тиниб кетди. Йўқ, кимсан Тожибой оқсоқол тундай расвои жаҳон бўлиш учун тугилган эмас.* П. Турсун, Уқитувчи.

**РАСВОГАРЧИЛИК I** Одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари иш, ножўя хатти-харақат; шармандалиқ.

2 Бошбошдоқлик, бебошлиқ.

3 Бузуқлик, фаҳш.

**РАСВОЛИК I** расво с. белги оти. *Ёқут ая ўз расволигига аччиқ-аччиқ, юмма-юмма йиғлади.* Ф. Ғулум, Соялар.

2 айн. **расвогарчилик.** — [«Мусулмон лигаси»] уламолар билан бираллашиб, яна Америка «ердамини» бош усти қабул этишига фатво берди, бу қандай расволик! — деди Муҳаммад Жамол. Ойбек, Нур қидириб.

**РАСВОЧИЛИК** айн. **расвогарчилик.** **РАСИДА** [ф-т] эск. кт. I Етук, баркамол.

2 айн. **расга II.**

**РАСКЛАДУШКА** [р] Енгил букма қаравот. *Жувон .. шафтоли тагидаги раскладушкага жой қилиб, чироқни ўчирди.* С. Аҳмад, Таъзим.

**РАСМ I** [а] Қўлда чизилган, босма ёки фотографик тасвир, сурат. *Расмлар билан безатилган китоб. Расм дарси. Расм олмоқ. Расм солмоқ.* ■

[Қўзибойнинг] ишлаган расмларидан битта-яримтаси гоҳо деворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**РАСМ II** [а] Бирор жамиятда одат ҳукмига кирган тартиб-қоида; урф, удум, таомил. *Меҳмон олдига дастурхон ёниш ота-боболаримиздан қолган расм.* — У [Латофат] кирни бувиларидан қолган расм билан жомашовда, чўққайиб ўтириб ювмайди. Шухрат, Шинелли йиллар. *Унинг онаси жомашнинг қадимги расмига мувофиқ, камбағал қариялардан бир нечасини чақириб, олдиларига бир лагин оти қўйди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Расм бўлмоқ I** одат ҳукмига кирмоқ, одатга айланмоқ. *Уша вақтларда расм бўлган бўлмағур одатларни: епти, йиғирма, қирқ оши, ифторлик, ҳайит, йил ошини қиламан деб буди-шудларидан айрилдилар.* М. Осим, Утрор; 2) кенг тарқалмоқ, ёйилмоқ; мода бўлмоқ. *Унинг [Дилдорнинг] эғиди ўша пайтларда расм бўлган пушти крепдешин кўйлак, оёғида баланд пошнани туфли.* С. Аҳмад, Уфқ. **Расм қилмоқ I** одат ҳукмига киритмоқ, одатга айлантирмоқ. — *Бўш вақтларда шундай физкультурчилар кийимида майдонда тўп ўйнашни бошқаларга ҳам расм қиласан!* — деди Уктам. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) кенг тарқатмоқ, ёймоқ. *Зулҳумор шу вақт йиғитларга қалпоқни расм қилди.* «Равшан».

◆ **Расми қушод** этн. бирор нарсанинг тантанали очилиш маросими. *Янги ҳовлининг «расми қушоди»-да иштирок қилган Мирвали бани хўштикдек чилимини кўтариб келади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**РАСМАН** [а] рви I Расмий равишда, расмиятга мувофиқ. *Амир Абдулаҳад .. ҳалиги қоидани расман бузмагани ҳолда, .. хар йил аввалги йилга кўра кўпроқ солиқ талаб қиларди.* Айний, Эсдалиқлар.

2 Қуруқ, расмият юзасидан, расмиятчилик билан. *Расман, юзак иш кўришларга, ваъдалар беришга, .. қатъиян хотима бериш керак.* «С. Ўзбекистони», 1966, 8 февраль.

**РАСМАНА** [а+ф-т] с. т. Расмона. *Расмана кетмон.*

**РАСМИ** рви, с. т. Одатга кўра, одатда. *Дадам қулиб гапиди давом этади: — Расми овулга меҳмон келса — танишим, нотанишим, отдами, пидедами, бари бир — қозоқлар уни яхши қабул қилишади.* Ойбек, Болалик.

**РАСМИЙ** [а] I Ҳукумат, давлат ёки бирор ташкилотга оид, шулар томонидан белгиланган. **Расмий вақил.** — *Урдага ариза билан мурожаат қиладиган хар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам аввал маслаҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | Ҳукумат, давлат органлари ёки бирор ташкилот томонидан эълон қилинган, чиқарилган, тарқа-

тилган. *Расмий маълумот. Расмий ахборот.*

2 Қонуний равишда тасдиқланган, расмийлаштирилган. *Расмий ҳужжатлар. Расмий ташкилот.* | Ҳамма қоидаларга, расмият талабларига риоя қилиб бажарилган, ўтказилган. *Расмий тақлиф. Расмий мажлис.* — Меҳмонлар билан вакилларнинг қизғин табриклари, хайрли тилақларидан кейин кечанинг расмий қисми тугади. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *Кўча* Куруқ расмият юзасидан бажарилган, куруқ расмиятдан иборат бўлган; формал. *Уқшини ҳам кўпроқ расмий талаблар доирасида тушуниб, .. комсомол ишини эса ўзига топширилган сектор рамкасида олиб борарди.* П. Қодиров, Уч илдиш. | Куруқ, совуқ. *Замира оғзаки куруққина сўради, Очил ҳам расмий салом берди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

4 Давлат йўли билан олиб бориладиган муомала, ёшиша ва ҳужжат тилда хос бўлган; мактубий. *Расмий услуб.* — *Маълум бўлишича .. бу одам ҳам мажкур тилни расмий, қаердадир тасдиқланган тил деб билар, бу тилда сўзланадиган йлик нутққа жон киргизгани қилинадиган ҳар бир ҳаракатни «куюшқондан ташқари чиқин» деб ҳисоблар .. экан.* А. Қаххор, Куюшқон.

5 Одатдаги, оддий, расмана. *Расмий уй.* — *Мана, кўрмайсанми, расмий одамдан бунинг нима фарқи бор?* Ойдин, Кўнгли тўлдим, яхши йнгит.

**РАСМИЙЛАШМОҚ** Расмий йўл билан тасдиқланмоқ, расмий тус олмақ. *Ҳужжатлар расмийлашди. Расмийлашган ташкилот.*

**РАСМИЙЛАШТИРИЛМОҚ** расмийлаштирмоқ *фл. мажх. н.* *Ҳужжатлар расмийлаштирилди.*

**РАСМИЙЛАШТИРМОҚ** расмийлашмоқ *фл. орт. н.* Қарорни расмийлаштирмоқ. *Бировни ишга расмийлаштирмоқ.*

**РАСМИЯТ** [а] Бирор ишни, актни бажариш учун ўрнатилган тартиб-қоида, ишнинг расмий, формал томони. *Бутун расмиятларга риоя қилмоқ.* — *Агар ўртада расмият бўлмаганда .. бизларни кучмоқчи экани [Лутфилининг] қийфасидан сезилиб турарди.* Мирмуҳсин, Созанда. | Куруқ расмият учун, ҳўжа кўрсинга, юзаки.

**РАСМИЯТЧИ** Куруқ, расмиятга ёки тақаллуфга риоя қилувчи; формалист, бюрократ. *Бутун юриш-туриши, кўз қарашларидан ғирт тўра, расмиятчиша ўхшаб кўрилган одамнинг «Санъатингизни ўргатинг» деган сўзи [Тешавойга] мойдек ёқиб тушди.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

**РАСМИЯТЧИЛИК** Куруқ расмиятга ёки тақаллуфга берилиб кетиш; формализм, бюрократлик. *Расмиятчиликка чек қўймоқ.* — *Хабарингиз бор, Ахророва маҳаллий ўғит ғамлашга киришган вақтда бошқа бригадада бунга расмиятчилик билан қарадилар.*

Н. Сафаров, Хадича Ахророва. [Генерал] *расмиятчиликка йўл қўймай, очилиб-ёшилиб ўтиришни бурди, папирос чекди.* Э. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**РАСМЛИ** Расм билан таъминланган; расм солинган. *Расмли китоб.*

**РАСМОНА** [а+ф-т] Рисоладаги, оддий, расмана. *Қиз расмона кетмон билан тез ва пишиқ ишлаб кетди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**РАСМ-РУСУМ** [а] Расм ва таомиллар, урф-одатлар. *Кўп камбағаллар бу эски расм-русум ва одатларни бажо келтираман деб, неча йиллар қиз чикара олмай, ўғилларини уйлантира олмай сарсон бўлардилар.* М. Мухаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**РАСМЧИ** с. т. 1 Расм олувчи, сураткаш; фотограф.

2 Рассом.

**РАСО** [ф-т] 1 Камия йўқ, тўлиқ, бут. *Расо пачкалар.* | *Пул расо чиқди.* — [Алишернинг] *кетганига бугун расо бир ой бўлди. Нега бунча ҳаяллади экан?* Уйғун ва И. Султон, Навоий.

2 Етуқ, баркамол. *Ақли расо барно қиз, жоним сенга тасаддуқ.* А. Пўлат. *Қадди расо қ. қад. Расо қилмоқ* 1) бут қилмоқ, тўлдирмоқ, расоламоқ. *Пачкани расо қилмоқ;* 2) вояга етказмоқ, камолотга эриштирмоқ, етилтирмоқ. *Афтидан, буларни машқ қилдиришга, машқини тезроқ расо қилиб фронтга жўнатишга ҳеч ким шошилмас ва лозим ҳам кўрмас эди.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**РАСОЛАМОҚ** Бут қилмоқ, расо қилмоқ, тўлдирмоқ. *Асбоблар комплектини расоламоқ.*

**РАСОЛАНМОҚ** расоламоқ *фл. мажх. н.*

**РАСОЛИК** расо с. белги оти. *Фикримни дарҳол қувватлагани ақли расолигидан, донолигидан далолат берарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. [Ферузанинг] *ўзи озгин, бели нозик бўлса ҳам, болдирлари, билаклари тўлишиб, қаддига ажиб расолик бахш этади.* Х. Фулом, Сенга интиламан.

**РАССОМ** [а] Расм солувчи санъаткор; сураткаш. *Ўзбек халқ рассомлари.* — *Нўноққина бир рассом ўша вақтда қизил аскарлар кийган қалпоқнинг суратини ҳам солибди.* А. Қаххор, Хотинлар. *Нозик дидли рассомларни ҳам ҳайратда қолдирадиган ойнадаги нақш [Элмуроднинг] ҳаёлини банд этди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**РАССОМЛИК** рассом с. касб оти. *Рассомлик санъати.* — *Ҳа, иннайке-ийн. Кўзбой рассомликдаям чаканмас-да. Ишлаган расмларидан битта-яримтаси гоҳо деворий газета редколлегиясига маъқул тушиб қолади.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**РАСТА** I [ф-т] Бозорларда бир турдаги мол билан савдо қиладиган дўконлар қатори ва улар ўртасидаги бозор кўча. *Чит растаси.* — *Аҳмад Хусайн раста оралаб дўконларнинг бири олдида тўхтади.* Ойбек, Нур

қидириб. *Бозорда «аҳли раста» ишлатадиган кўп сўзлар .. унга ё маъносиз, ё сирли туюлар эди.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**РАСТА II** [ф-т] с. т. Балоғатга етган пайти; балоғат. *Раста бўлмоқ* балоғатга етмоқ.

**РАСТА-РАСТА** [ф-т] Қатор-қатор, кетма-кет. *Ховлининг ёнида чорбоғ, чорбоғда раста-раста қилиб ҳавозага кўтарилган тиклар, қатор ўтқазилган мевали дарахтлар.* Айний, Қуллар.

**РАСТРАТ** [р растрата] Давлат ёки жамоат пулини, мол-мулкнинг қонунга хилоф равишда сарфлаш, ўзлаштириш, кириштириб юбориш, еб қўйиш. *Растрат қилмоқ. Растратни ундирмоқ.*

**РАСТРАТА** [р] айн. *растрат.*

**РАСТРАТ(А)ЧИ** Растрат(а) қилган киши.

**РАСУЛ** [а] I *дин.* Худонинг вакили, элчиси (Мухаммад пайғамбарнинг эпитети). — *Хунарингиз гоҳ худо-ю расул, гоҳ ғамза-ю усул эканда, генерал,— деди Мардонбек.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

2 Расул (эрақлар исми).

**РАСЧЁТ I** [р] I *тех.* Лойиҳалаш маҳалидаги ҳисоблаш. *Буг қозонининг расчётти. Илмий расчётга асосланган беш йилликлар.*

2 *бухг.* Ҳисоб-китоб. *Расчёт счёти.* — *Ғани ака тушунтирди: — Гузарда завхоз бизни учратди-ю, Инжиқободаги мактаб боғига олиб бориб, алмаларнинг тагини чоптирди. Ундан кейин шеригимизга расчёт бериб, менга мактаб орқасидаги ариқларни тозалатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 с. т. *Ўч олиш, ҳисоблашни.* *Ҳа, бир мушт урдим, ўртоқ полковник, икки муштни кўтара олмас эди. Чаласига биз қарздор, Расчётни Берлинда қиламан.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**РАСЧЁТ II** [р] ҳарб. Тўп, пулемёт, миномёт ва ш. к. ҳарбий қуроолларда хизмат қилувчи жангчилар группаси. *Танк қора қуртдай ҳар чоқ заҳар солишга тайёр ҳолда ўрмалаганича Аҳмаддон пулемёти расчётига томон кела бошлади.* А. Қаххор, Олтин юлдуз.

**РАТИФИКАЦИЯ** [р<лат] Ахдлашувчи давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартноманинг олий ҳокимият томонидан тасдиқланиши. *Ратификация қилмоқ.*

**РАТУША** [р<полякча<нем] I Баъзи чет эл мамлакатларида ва 18—19 асрларда Россияда: шаҳар бошқармаси.

2 Баъзи Ғарбий Европа ва Бойлик бўйи мамлакатларда: шаҳар бошқармасининг биноси.

**РАФ** [ф-т] Дераза тоқчаси. *Қатта дераза рафидоги тувакда ўсган бодринг палак отиб ишифта етай деб қолибди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**РАФИНАД** [р<фр] Турли шаклларда тайёрланган оқ қанд.

**РАФИҚ** [а] *кт.* 1 Ұртоқ, дўст. — Эй, муҳтарам рафиқларим, дўстларим,— дея муурожаат этди Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб.

2 Умр йўлдоши; эр. [Марям Қодир-жонга:] Мен ҳам ўқиган, тўғри рафиқ истоган хотинман. Ҳамза, Ким ўғри?

**РАФИҚА** [а] *кт.* 1 Дугона, ўртоқ, дўст.

2 Умр йўлдоши, хотин. Юзидан мулоимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин кутибдорнинг рафиқаси — Офтоб ойим. А. Қодирий, Утган кунлар.

**РАФТ-ОМАД**. рафту омад [ф-т] *кт.* 1 Борди-келди муносабатлари, бориш-келиш. У билан бизнинг рафт-омадимиз йўқ.

2 Юриш-туриш, оёқ олиш. Йигитнинг рафт-омадига қараганда .. шохона бир участкани зақуниска [қонуний] йўл билан қуриб, баъзи таъна-маломатларни даф айлабдир. Ғайратий, Довдираш.

◆ **Рафт-омадини олмоқ** раъзм солиб, кузатиб, бутун сиру асрорини билиб олмоқ, азмойишини, пой-қоғини олмоқ.— Уғлим,— дедилар [эшон Шум болага] — мана энди бизга анча хизматинг сингди. Ички-ташқининг рафт-омадини олдинг. Ғ. Ғулум, Шум бола.

**РАФТОР** [ф-т] *эск. кт.* Хатти-харакат, юриш-туриш, қадам олиш. Аскар ота бу ҳурматли жувон бошқа хотинлардан рафтори билан ажралиб турар деган бир уйда эди. А. Қаххор, Хотинлар. Нақадар дилоро, нақадар дардманд Рафторинг, қарашинг, кечинмаларинг. Х. Расул.

**РАХ** [ф-т] 1 *айн.* рахт 1.

2 Эшик, девор ва ш. к.нинг бурчаги, қирраси, зиҳи. Рах чиқармоқ. — Ахири қизнинг тинкаси қуриб, эшик раҳига суяниб қолди. У. Назаров, Биринчи учрашув.

**РАХИТ** [р<грек] Ёш болалар организмда минерал моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган касаллик.

**РАХНА** [ф-т] 1 Ҳийилган, ўпирилган жой, тешик-ёриқ. Рахналарига янтоқ ва шох босилган наст деворли ҳовлиларнинг бузилган уйлари ташқаридан кўриниб турар эди. Айний, Қуллар. [Отабек] хароба иморатларнинг ўрта бир еридаги рахнадан ошиб тўшиши қулайроқ бўлгани учун шунинг остига шумшайиб ўтирди. А. Қодирий, Утган кунлар.

2 кўчма Путурдан кетган, бўшашган жой, нозик ер.

◆ **Рахна солмоқ** путур етказмоқ, тагидан зил етказмоқ. Биринчи рус революцияси маглубията учрашига қарамай, самдоржавие тузумига тиринчи рахна солинган эди. «ҚПСС тарихи». Юракка рахна солмоқ юракни яраламоқ, юракни доғ қилмоқ. Мақсад — юракларга солишдир рахна, Мудҳиш қабиҳликнинг кирдикоридан. Ж. Жабборов.

**РАХТ** [ф-т] 1 Пойабзалнинг тагчарм

билан бошлиғи бириккан еридаги гир айлана нақшдор бўртиги. Рахт солиб тикилган этик.

2 Зийнат, хашам. Кулоҳ кийиб йўл бошладим, Очилмади меннинг бахтим! Бузиладандир бунда рахтим! Балки сабил бўлган тахтим! «Ширий билан Шакар».

**РАХТЛИ** Рахт солиб тикилган, рахт солинган. Рахтли этик.

**РАЦИОН** [р<нем] Маълум вақтга мўлжалланган, миқдори ва таркиби белгиланган овқат. Кўп сут согиб олишининг сири кўп, бунинг учун сигирларни рацион асосида боқиш лозим.

**РАЦИОНАЛ** [р рациональный] Мақсадга мувофиқ, тўғри, маъқул. Ишнинг рационал усули. Механизмлардан рационал фойдаланиш.

**РАЦИОНАЛИЗАТОР** [р] Рационализация қилувчи, ишлаб-чиқариш процессларини ихчамлаштирувчи ва такомиллаштирувчи.

**РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК** рационализатор с. маъв. от. Рационализаторлик тақлифлари.

**РАЦИОНАЛИЗАЦИЯ** [р] Бирор ишни, ишлаб чиқариш процессини тобора такомиллаштириш, ихчамлаштириш, мақсадга энг мувофиқ равишда ташкил этиш.

**РАЦИОНАЛИЗМ** [р<лат] Тафаккурни идрокдан, тажрибадан ажратиб қўядиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган идеалистик философик оқим.

**РАЦИОНАЛИСТ** [р] Рационализм тарафдори.

**РАЦИОНАЛЛАШМОҚ** Рационализация натижасида такомиллашмоқ, ихчамлашмоқ. Рационаллашган иш методлари.

**РАЦИОНАЛЛАШТИРИЛМОҚ** рационаллаштирмоқ *фл. мажх. н.*

**РАЦИОНАЛЛАШТИРМОҚ** рационаллашмоқ *фл. орт. н.*

**РАЦИЯ** [р] Қабул қилувчи ва эшиттирувчи кўчма радиостанция. Рациядан ўрмон шовқинини босиб, янраган олқишлар эшитиларди. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**РАШК** [ф-т] 1 Яхши кўрган кишини бировдан қизганиш; кунчилик. Севги бор ерда, рашк бор. Мақол. — Эсингизни олиб қўйишган десам, тилингизни ҳам боғлаб қўйишибди! — деди Жўраҳон, кундош рашкини эслатувчи бир заҳарханда билан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.— Элмурод Тошкентда қизлар билан юрмасмиди? — рашк қилгандек сўради Зебо. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Кўролмаслик, ғашлик, ҳасад. [Канизак:] Биламан, мусобақадор икки кишидан бирининг ютуғи иккинчисининг рашкини эмас, ҳавасини, ғайратини келтиришни керак. А. Қаххор, Кўшчинор. Отимнинг қанотиға юеурик булутлар рашк қиларди. Ойбек, Навоий.

**РАШҚЛИ** 1 Севгилси, ёри ёки яхши

кўрган кишини ҳеч кимга ишонмай-диган; қизғанчиқ, кунчи.

2 Ҳасад қиладиган, кўролмайдиган; ҳасадчи. Рашкли одам.

**РАШҚИН** *айн.* рашкли.

**РАШК-ҲАСАД** Рашк ва ҳасад, ўта кетган кўролмаслик. Мен: «улар мени қолдириб, ўзлари созандаларга қўшилиб бошқа тўйхонага боргандирлар» деб ўйлаб, рашк-ҳасад билан безовта бўли бошладим. Айний, Эсдалликлар.

**РАЪЙ** [а] Хохиш, майл; рағбат. Бирөөнинг раъйига қарамоқ. Раъйига юрмоқ. — Онаси қизининг раъйини қайтармади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Иншоолло, бул андишамиз киромларга маъқул тушган тақдирда жаноби тождорнинг ҳам раъйларини олмоқ .. маъқулдир. А. Қодирий, Утган кунлар. Катта ўғли урушида бедарак йўқолиб кетгандан кейин у юрагини олдириб қўйган. к. ичк ўғлини бағридан эшитишига ҳеч раъйи йўқ. Ҳ. Назир, Маёқ сари.

**РАЪНО** [а] 1 Атиргуллар оила-сига мансуб кўп йиллик ўсимлик ва унинг сариқ ёки қизил хушбўй гули.

2 кўчма Ғўзал, барно аёл ҳақида. Чаманга баҳи этди беқиёс камол, Бир раъно ишқидога қўйиб-ёниши. М. Икром.— Меники муболага эмас,— деди Анвар,— масалан, сен ҳозир гуллар ёнидасан, ҳам чиндан-да гулларнинг раъносисан. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Раъно (*хотин-қизлар исми*).

**РАЪЯ** [а] с. т. *айн.* рия 1. Раъя қилмоқ. — Бой экан деб қўрқиб, ҳурмат қилманглар, Амалдорни раъя қилиб турманглар! «Матқарим полвон».

**РАЪЯ-АНДИША** Ҳурмат юзасидан ёки бирор кимса билан босиқ ва тортиниброқ қилинадиган муомала. Раъя-андиша қилмоқ. У раъя-андишани билмайди.

**РАҚАМ** [а] 1 Сонни ифодаловчи график белги. Араб рақамлари. Рим рақами. — Мен абжадхонлигимда ўрганганим тўққиз рақам ва бир сифр [нольдан бошқа нарсани ёза олмадим. Айний, Эсдалликлар. Бир вақт Замира девордаги тўртбурчак электр соатига қараб, унинг милини тўққиз рақамида кўрди-да, юраги шув этиб кетди. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Бирор сон билан ифодаланган миқдор, кўрсаткич. Контрол рақамлар. — Раиснинг охириги ақунловчи сўзи ҳам Кўчқоровнинг нутқидай рақамлар, муваффақиятлар, мақтовдан нари ўтмади. С. Анорбоев, Оқсой. 3 *эск.* Бир турдаги предметларга тартиб билан қўйилган сон; номер. Тартиб рақами.

**РАҚАМЛАМОҚ** *эск.* Тартиб билан рақам қўйиб чиқмоқ; номерламоқ. Қитоб бетларини рақамламоқ.

**РАҚАМЛАНМОҚ**, рақамламоқ *фл. мажх. н.*

**РАҚАМЛИ** 1 Сонлар, рақамлар билан ифодаланган, рақамга эга бўлган. Рақамли ҳисоблаш машинаси.

2 эск. Тартиб рақамлари қўйилган, рақамланган, номерланган, номерли. *Иккинчи рақамли уй.*

**РАҚИБ** [a] 1 Спорт ўйинлари, тортишув, мунозара ва ш. к.да қарама-қарши томонлар (бир-бирига нисбатан). *Рақиб деганнинг кийриги айтишига сўзи, муштлашишга мушти бўлса.* Х. Ғулум, Машғал. *Полвон ўз рақибидан бўш келмади. Ҳатто уни бир кўтариб ҳам ташлади.* Ж. Шарипов, Хоразм. | Бирор нарса, кимса учун талашувчилар, курашувчилар, рақобат қилувчилар (бир-бирига нисбатан). *Сўрсаниш ҳолим, азизлар, сийноси афғорман, Қоработирдир рақибим, Зухра қизга ёрман.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. *Бошқа бир рақиб илмасин деган андиша билан баққол ҳам бир тангалаб ошаверди.* Ойбек, Қутлуг қон.

2 Душман, ағёр, ёв. *Сийсий рақиблар.* — *Отабек қўлларини бўшатувчи қўрбошининг бунчалик титраб-қалтирашидан ўз рақибларидан биттаси шу киши бўлганини ўйлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**РАҚИБА** [a] Рақиб аёл.

**РАҚИБЛИК** рақиб с. белги оти. *Рақиблик қилмоқ.*

**РАҚОБАТ** [a] 1 Басма-басликка беллашув; ким ўзди. *Бош мақолада баъзи звенолар социалистик мусобақа ўрнига рақобат қилишиб, бир-бирларининг ишларига ҳалал бераётганликлари алоҳида қайд қилинган.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноқ. | Талабгорлар, рақиблар кураши. *Кундошлик рақобати.* — *Кумушининг рақобат ўти бир өз ўча тушган эди, уч-тўрт кунлик можародан яхшигина ҳасрат очилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Капиталистик жамиятда: капиталистларнинг кўпроқ фойда олиши, бозорларни, хомашё манбаларини эгаллаш ва ш. к. учун ўзаро курашиш. *У [Мирқарим] келасида ота касбини давом этдирибгина қолмай, балки, бошқа бойлар билан рақобат қилиб, уларни синдиришга қасд этар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**РАҚОБАТЧИ** Рақобат қилувчи киши ёки томон. *Бир-икки ойдан кейин бўлса ҳам уларга [яна бир] рақобатчи [Анвар] ортади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**РАҚС** [a] 1 Санъатнинг ифодали тан ҳаракатлари воситасида бадий образлар яратувчи тури. *Ўзбек миллий рақслари. Рақс тарихи.*

2 Турли мақомлар билан бажариладиган ритмик ҳаракат; оёқ ўйин ва шундай ўйин учун ёзилган музика. *Рақс музикаси. Рақс(га) тушмоқ. Рақс қилмоқ.* — *Қобил ҳам қизишиб, билар-билмас фарғоначасига рақсга туша бошлади.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ўртада бир неча қиз рақс тушмоқда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Оёқ ўйин, танса кечаси, базм. *Рақслар боиланур, гул ўйин, чапак,*

*Хунарин кўрсатар қиз, жувон, хоним.* Ғ. Ғулум.

**РАҚҚОСА** [a] Рақсга тушувчи санъаткор эркак; ўйинчи. *Зангиота сайридаги базмда ногора ва чилдирма авжга чиққан, сурнайлар тийиллаган, ўртада ёш раққослар ўйин тушиб турар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**РАҚҚОСА** [a] Раққос аёл. *Қизикчилар келиб етишсин, Раққосалар ўйинга тушсин.* Э. Раҳим.

**РАҒА** Япоқ ва меваларда доғ қолдирадиган замбуруғ касаллиги ва шу касаллик натижасида ҳосил бўлган доғлар. *Раға тушган олма.*

**РАҒАТ** Яқин муносабатлар билан бирлашган кишилар гуруҳи; қатор, саф. *Рағатга кирмоқ. Рағатга қўшилмоқ.*

**РАҒБАТ** [a] Бирор ишга бўлган хоши, истак, майл, раъй. *Менинг бу ишга рағбатим йўқ.* — *Гуллама яшнаб Ватан то элда меҳнат бўлмаса, Ҳар иш олға босмагай меҳнатга рағбат бўлмаса.* Ҳабибий.

**РАҒБАТЛАНМОҚ** Манфаатдорлик ошуви ёки тақдирлаш натижасида қизикмоқ, рағбати ошмоқ. *Муваффақиятдан рағбатланган пахтакорлар ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар.*

**РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚ** рағбатлантирмоқ *фл. мажх. н.*

**РАҒБАТЛАНТИРИМОҚ** рағбатланмоқ *фл. орт. н.*

**РАҲБАР** [ф-т] 1 Бирор давлат, ташкилот, гуруҳ, жамоа ва ш. к.га йўл кўрсатиб, бошчилик қилиб борувчи, раҳбарлик қилувчи; йўлбошчи, раҳнамо. *Партия ва ҳукумат раҳбарлари.* || *Раҳбар органлар. Раҳбар ходимлар.* — *Уста Ҳазратқул янги посёлканинг ташаббускори ва раҳбари Ойқиз келаетганини кўрди-ю, тезгина юриб қаршисига чиқди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. | Бошлиқ; мудир. *Бўлим раҳбари.*

2 Таълим-тарбия берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи; устоз. *Музика раҳбари. Илмий раҳбар. Яхши раҳбар — чин падар.* Мақол. **Синф раҳбари** синф болаларининг ўзлаштиришини ва интизомини кузатиб бориш ва уларга доимий раҳбарлик қилиб туриш учун беркитилган ўқитувчи.

**РАҲБАРЛИК** раҳбар с. мавҳ. от. *Сийсий раҳбарлик.* — *[Набиғул Қодирга:] Уртоқжон, мен сенинг раҳбарлигинда одам бўлман, деб этагингни маҳкам ушлаганман.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Икки еридан яраланган баҳодир командир Қурчев қонсизликдан ранги оқариб кетган бўлса-да, жангга раҳбарлик қиларди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**РАҲМ** [a] Аянч ёки мушкул аҳволдаги кимсага, нарсага нисбатан ачиниб туйғуси ва шундай туйғу таъсирида кўрсатилган шафқат, марҳамат. *Сизни озги қон бўри дедим, чунки сизда раҳм йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У бошига тушган мусибатни ҳикоя*

қилганда одамларнинг раҳми келди. П. Турсун, Ўқитувчи. **РАҲМ қилмоқ** 1) шафқат қилмоқ, марҳамат қилмоқ. *Сизда одамият бўлса, бу ғариби нота-вонга раҳм қилмаганингизда ҳам, анови шўрлик болаларнинг зорига раҳм қилишингиз керак эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о; 2) аямоқ, ачинмоқ. *Биров зулм қилса, биров раҳм қилар экан, биров ош берса, биров нон берар экан.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**РАҲМАТ** [a] 1 *унд. с.* Ташаккур ва миннатдорчиликни ифодалайди. *Қатта раҳмат! Отанга раҳмат! Раҳмат айтмоқ.* — *Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ташаккур, миннатдорчилик. *[Ойимхон] Мадамнинг хотинларининг ҳовлисини супуриб, сувини ташиб берган, ammo раҳмат ўрнига қарғиш ва эжеркиш эшитган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 *дин.* Марҳамат, мурувват. *[Ҳидоят ўз-ўзига:] Худоё раҳматингдан ўргилдай, ошхўрага — ош, нонхўрага — нон эткизурсан.* Ҳамза, Майсародин иши. *Худо раҳмат қилсин худо ўз марҳаматига сазовор қилсин (вафот этган киши ҳақида).*

**РАҲМАТЛИ** *дин.* Худонинг раҳматига лойиқ, мўмин (вафот этган киши ҳақида). *Дадам раҳматли баққол эди [деди Мирзақаримбой].* Ойбек, Қутлуг қон.

**РАҲМДИЛ** [a+ф-т] Бировга озор бермайдиган; кўнгли юмшоқ, раҳмли, шафқатли. *Раҳмдил одам.* — *Шундай қилиб бу раҳмдил дўстимнинг сояи паноҳида Тошкентга келиб олдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**РАҲМЛИ** Бировга раҳм қиладиган; кўнгли юмшоқ, раҳмдил. *Раҳми одам.*

**РАҲМСИЗ** Раҳм-шафқатни билмайдиган; бераҳм, шафқатсиз! *Раҳмсиз одам. Раҳмсиз суратда шиллатмоқ.* | *Шафқатсизликни ифодалайдиган. Хушрўйнинг раҳмсиз муҳокамасидан оққан бу ҳақиқатлар Зайнабни йиғлатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**РАҲМ-ШАФҚАТ** Кимсага ёки нарсага кўрсатилган меҳрибончилик ва марҳамат. *Эъвозхон Зиедилланинг кўзларига қарайди, уларда раҳм-шафқатдан асар ҳам йўқ.* Х. Ғулум, Машғал.

**РАҲНАМО** [ф-т] *кт.* Йўл кўрсатувчи, бошчилик қилувчи; раҳбар. *[Навой:] Халқ ҳақсизликка қарши бош кўтарар экан, унга кимдир раҳнамо бўлиши муқаррар.* Уйғун ва И. Султон, Навой. *Коммунистлар партияси, Ленин партияси раҳнамо бўлган Улуг Октябрь социалистик революцияси кишилик тарихида янги давр очди.* Ш. Рашидов, Ленин ва шарқ.

**РАҲНАМОЛИК** раҳнамо с. мавҳ. от. *Раҳнамолик қилмоқ.*

**РЕ** [p<лат] Музика гаммасининг иккинчи товуши ва унинг нота белгиси.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** [p<лат] *юр.*



Суд йўли билан ёки маъмурий тартибда аввалги ҳуқуқларини қайтариб бериш, қайтариб олиш, ноҳақ жазоланган кишини оқлаш. *Реабилитация қилмоқ.* — *Тошев масаласига аралашиб қамалган Умаров .. реабилитация бўлиб олгани келибди.* П. Қодиров, Уч илди.

**РЕАКТИВ I** [*p* <лат] *хим.* Бошқа моддалар билан бирга маълум химик реакцияни вужудга келтирувчи ва шу тариха реакцияда изланаётган модданинг бор-йўқлигини аниқлаб берувчи модда.

**РЕАКТИВ II** [*p* реактивный] *I* Химиявий анализда реактив (*қ.* реактив I) бўлиб хизмат қиладиган. *Реактив моддалар.*

2 Буғ, газ ва ш. к. оқимининг тепки кучи натижасида ва шу тепки кучи билан ҳаракат қиладиган. *Реактив двигател.* *Реактив самолёт.*

**РЕАКТОР** [*p* <лат] *I* Ўзгарувчан ток занжирида қисқа туташув содир бўлганда токни чеклаб қўядиган электр аппарат.

2 *хим.* Муайян температура ва босим шароитида химик ва биохимик реакциялар ҳосил қилиш учун ишлатилган аппарат.

3 *физ.* Бошқарувчи радиоактив реакция амалга ошириладиган қурилма. *Ҳозир ядро реакторларида уран ядроларининг парчаланиши туфайли жуда кўп радиоактив моддалар олинади.* «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

**РЕАКЦИОН** [*p* реакционный] Реакция манфаатлари учун курашувчи, эски, ўлиб бораётган тартибларни сақлаб қолишга ёки тиклашга уринувчи, тесқаричи. *Ислоҳ динининг реакцион моҳияти.* *Реакцион ғоя.*

**РЕАКЦИОНЁР** [*p*] Сиёсий реакция тарафдори ёки қатнашчиси; прогрессив, илғор ҳаракат, демократия душмани.

**РЕАКЦИЯ I** [*p* <лат] Ўлиб бораётган ёки революцияда энгилган эксплуататор синфларнинг ўз сиёсий ҳукмронлик ва ҳуқуқларини, эски, умри тугаган тартибларни сақлаб қолиш ёки қайтадан тиклаш йўлидаги ҳаракати, революцияга, демократияга қарши кураши.

**РЕАКЦИЯ II** [*p* <лат] *I хим.* Икки ёки бир неча модда ўртасидаги ўзаро химик таъсир: моддаларнинг бириктириши, ажралиши ва ш. к. *Химик реакциялар.* *Реакцияга кирмоқ (киришмоқ).*

2 Акс таъсир, таъқи таъсирга жавобан кўрсатилган акс таъсир. *Организмнинг ташқи таъсирга реакцияси.*

**РЕАЛ** [*p* реальный] *I* Ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган; ҳақиқий, чин, воқеий. *Реал воқелик.* *Реал даромад.*

■ *Кўргиликдан, таваккалдан, тақдирдан воз кечиб, халқ реал нарсаларга аҳамият берадиган бўлди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 *Амалий; амалга ошадиган, бажарилиши мумкин бўлган.* *Реал план.* *Реал вазифа.*

**РЕАЛИЗМ** [*p* <лат] Адабиёт ва санъатда: воқеликни, ҳаётни унинг типик томонлари асосида бадий образлар билан ҳаққоний ва тўғри тасвирлаб беришни талаб этувчи йўналиш.

**РЕАЛИСТ** [*p*] *I* Реализм тарафдори, реализмга амал қилувчи. *Реалист санъаткорлар.*

2 Ўз фаолиятида реал воқеликни шарт-шароитларни, мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб иш кўрувчи. *Реалист одам.*

**РЕАЛИСТИК** [*p* реалистический] *I* Реализм принципларига асосланган, реализмга ҳос. *Реалистик асар.* II *Ҳаётни реалистик акс эттирмоқ.*

2 Реал, амалий. *Ҳаётда реалистик қараш.* *Реалистик сиёсат.*

**РЕАЛЛАШМОҚ** Ҳақиқий, реал тус олмақ, реал равишда намоён бўлмақ, аниқланмоқ, амалга ошмоқ. *План реаллашди.* *Сўзнинг маъноси контекстда реаллашди.*

**РЕАЛЛАШТИРМОҚ** реаллашмоқ *фл. орт. н.*

**РЕАЛЛИК** *I* реал с. *белги оти.* *Фикрнинг реаллиги.* — *Элмуродда бошланган шунинг реаллигига қатъий ишонч туғилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Реал ҳақиқат, воқелик. *Объектив реаллик.*

**РЕВАНШ** [*p* <фр] Бирор жанг, уруш, спорт ва ш. к. да мағлубиятга учраган томоннинг қаримта қайтариш, ўч олиш учун қилган ҳаракати. *Реванш олмақ.*

**РЕВАНШИЗМ** [*p*] *сиёс.* Урушда енгилган томоннинг янги уруш очиб ва шу йўл билан илгари қўлдан кетган территорияларини қайтариб олишга, илгариги маъқени тиклашга интилиши.

**РЕВАНШИСТ** [*p*] Реваншизм тарафдори, реваншизм сиёсатини юргизувчи; қаримта қайтаришга интилувчи. *Реваншистлар сиёсати.*

**РЕВАНШИСТЛИК** реваншист с. *мавх. от.* *Реваншистлик сиёсати.*

**РЕВИЗИОН** [*p* ревизионный] Ревизия, тафтиш қиладиган. *Ревизион комиссия.*

**РЕВИЗИОНИЗМ** [*p* <лат] *сиёс.* Ишчилар ҳаракатида: марксизм-ленинизм таълимотини ревизия (*қ.* ревизия 2) қилиш йўли билан уни бузишга, унинг революцион моҳиятини йўққа чиқаришга уринувчи оппортунистик оқим.

**РЕВИЗИОНИСТ** [*p*] Ревизионизм тарафдори, ревизионизмга амал қилувчи.

**РЕВИЗИЯ** [*p* <лат] *I* Ташкилот ёки бирор мансабдор кишининг иш фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, тафтиш. *Ревизия акти.* *Ревизия қилмоқ.*

2 Бирор таълимот ёки назарияни ўзгартиш, унинг асосларини бузиш ниятида қайтадан кўриб чиқиш.

**РЕВИЗОР** [*p*] *I* Ревизия ўтказиш учун тайинланган лавозимли шахс. *Ревизор бухгалтер.* — [*Махзумов*] *цахдаги ревизорлар олийдан кўзгалолмагани учун поликлиникага машина ғизиллатди* Ғайратий, Довдираш.

2 Темир йўл соҳалари бўйича контр-ролёр ходим.

**РЕВКОМ** [*p*], революцион комитет Гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида Совет ҳокимиятининг маҳаллий фавулолда органи. *Когон коммунистик ташкилати ва Когон ревкоми бу операцияда қатнашиши учун комсомолларнинг жаъговар учлик группасини уюштиришни Мадёровага буюрган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**РЕВМАТИЗМ** [*p* <грек] Юрак-томир системаси, бўгин ва пайларнинг яллиғланиши натижасидаги оғир касаллик; бод. *Ревматизм оғриги.*

**РЕВОЛВЁР** [*p* <ингл] Бир неча ўқ жойлашадиган айланувчи ўқдонли, кўп отар ярим автомат қўл қуроли. *Револьвердан ўқ узмоқ.*

◆ *Револьвер станок тех.* кесувчи асбоблар ўрнатиладиган қисми айланми, турли кескичлар галма-гал ишга солинадиган станок.

**РЕВОЛЮЦИОН** [*p* революционный] *I* Революцияга оид, революция ғояларини ифодоловчи, революция руҳи билан сугорилган; инқилобий. *Революцион ишчилар ҳаракати.* *Революцион кураш.* *Революцион ташкилот.* — *Қудрат деподаги революцион ишчиларнинг яширин тўғарагида тобланиб, у ерда ўрганганларини маҳаллий ишчилар орасида кенг ёйиб юрган кунларининг бирида уни жандарма исковичлари тутиб қамадилар.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Тубдан ўзгаришларга олиб келувчи. *Техникада революцион ўзгариш.*

**РЕВОЛЮЦИОНЁР** [*p*] Революцион ҳаракат қатнашчиси, революция арбоби; инқилобчи. *Эзувчи синфлар буюк революционерларни тирик чоқларида доимо таъқиб қилиб келдилар.* В.И. Ленин, Давлат ва революция.

**РЕВОЛЮЦИОНЛАШМОҚ** Революция ғояларини уқмоқ, революцион руҳ, тус олмақ; революцион руҳда тарбияланмоқ.

**РЕВОЛЮЦИОНЛАШТИРМОҚ** революционлашмоқ *фл. орт. н.*

**РЕВОЛЮЦИОНЛИК** революцион с. *белги оти.*

**РЕВОЛЮЦИЯ** [*p* <фр] *I* Эскирган, умри тугаган ижтимоий тузумни афдариб, унинг ўрнига янги, прогрессив тузумни бунёд қиладиган, ҳокимиятни бир (реакцион) синф қўлидан олиб, бошқа бир (прогрессив) синф қўлига берадиган, жамият ҳаётидаги тубдан ўзгариш; инқилоб. *Пролетар революцияси.* *Буржуа-демократик революцияси.* — *Ҳар қандай революция, агар у ҳақиқий революция бўлса, синфий ўзгаришдан иборат бўлади.* В. И. Ленин, Синфий ўзгариш. *Ленин Туркистондаги меҳнатқиллар оммасининг революцияга келишига тўққинлик қилган қийинчиликларни миңглаб километр наридан бехато кўра олган.* П. Қодиров, Уч илди.

2 *кўчма* Фан, техника, санъат ва

умуман кишилик фаолиятининг бирор соҳасида юз берган тубдан ўзгарши. *Маданий революция.* — *Ҳамма биладики, Ғарбий Европада социал революция кун сайин эмас, соат сайин этилмоқда.* В. И. Ленин, Шарқ халқларининг II Бутунроссия съезидидаги доклад.

**РЕГИОНАЛ** [*p* региональный] Алоҳида область, ўлка ёки қўшни мамлакатларга оид; маҳаллий. *Регионал кенгаш.* **Регионал пакт** маълум географик райондаги бир неча давлат ўртасида тузилган халқро битим.

**РЕГИСТРАТОР** [*p*] Регистрация ишларини олиб борувчи, рўйхатга олувчи киши.

**РЕГИСТРАТУРА** [*p* <лат] Корхона, муассаса ва ш.к.да регистрация ишлари олиб бориладиган бўлим. *Поликлиника регистратураси.*

**РЕГИСТРАЦИЯ** [*p* <лат] Рўйхат қилиш, рўйхатга олиш, қайд этиш; рўйхат. *Регистрация дафтари.* *Регистрациядан ўтмоқ.* — [Заргаров:] *Кубе билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Регистрация қилинг, бўлак гап йўқ!* А. Қаххор, Оғриқ тишлар.

**РЕГЛАМЕНТ** [*p* <фр] Йиғилиш, мажлис, кенгаш ва ш. к.ни олиб бориш, ўтказиш тартиби. *Мажлис регламенти.* *Регламент белгиламоқ.* *Съезднинг кун тартиби ва иш регламенти тасдиқланади.*

**РЕГРЕСС** [*p* <лат] 1 Орқага қайтиш, орқага кетиш; таназзул, инқироз.

2 *юр.* Бирор киши ёки ташкилотнинг мажбуриятини бажарган киши ёки идоранинг шу ишни бажариш учун қилинган харажатларни тўлашни талаб қила олиш ҳуқуқи.

**РЕГРЕССИВ** [*p* регрессивный] Ўз тараққиётида орқага кетган, таназзулга, инқирозга юз тугган; таназзулга, инқирозга олиб келувчи. *Регрессив харакат.* | Реакцион, антидемократик. *Регрессив ҳодиса.*

**РЕГУЛЯТОР** [*p* <лат] Механизмнинг бир текис ишлашини таъминлаб турадиган ёки температура, босим, тезлик ва ш.к.ни бирдай сақлайдиган асбоб, мослама.

**РЕДАКТОР** [*p* <фр] 1 Бирор текстни тахрир қилган киши; муҳаррир. *Техник редактор.*

2 Китоб, журнал, газета ва ш. к. мазмунига жавобгар муҳаррир ёки раҳбар ходим. *Бош редактор. Масъул редактор. Газета редактори.*

**РЕДАКТОРЛИК** редактор с. касб оти. *Редакторлик қилмоқ.*

**РЕДАКЦИОН** [*p* редакционный] 1 Нашриёт редакциясига мансуб. *Редакцион совет.* | Редакция томонидан тайёрланган. *Редакцион мақола.*

2 Тахрир процессига оид; тахририй. *Редакцион тузатиш.*

**РЕДАКЦИЯ** [*p* <фр] 1 Тахрир процесси, тахрир. *Редакция қилмоқ.*

2 Фикрнинг, текстнинг бирор инфодаси. *Буйруқнинг тузатилган редакцияси.*

3 Асарнинг бирор варианты. *Романинг янги редакцияси.*

4 Нашриёт органларининг нашр ишини олиб борувчи, қўлёзма текстларни ишлаб, нашрга тайёрлаб берувчи ва нашр процессида терилган текстларнинг тўғрилигини текширувчи ходимлар мажмуи. *Журнал редакцияси. Редакция мажлиси.* — *Редакциянинг бир ходими икки ойлик отпусказга кетган, Очил унинг ўрнига ишга кирмоқчи эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. | Шундай орган жойлашган бино.

**РЕДИСКА** [*p*] Одатда эрта кўкларда экиладиган полиз экинни ва унинг ейишли думалоқ ёки чўзинчоқ оқ, қизил рангли хосили.

**РЕДКОЛЛЕГИЯ** [*p*], редакцион коллегия Китоб, журнал, газета ва ш. к.ни биргалликда тахрир қилувчи коллектив; тахрир хайъати. *Редколлегия аъзоси.* — *Василийнинг таклифи билан «Еш авлод» номли деворий газета чиқаришга қарор қилиниб, редколлегияга Эргаш Хамроқулов, Фотима Шарипова, Элмурод Дўстматовлар сайланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тўла ишэрини редколлегияга топшириб, газетада чиқилиши сабрсизлик билан кутиб юрди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**РЕДУКТОР** [*p* <лат] *тех.* 1 Тишли ёқдираклар ёрдами билан бир валдан иккинчи валга ҳаракат ўтказадиган механизм.

2 Трубопроводдан оқаётган суюқлик ёки газнинг босимини камайтириш ёки бир хилда сақлаб туриш учун белгиланган асбоб, мослама.

**РЕЕСТР** [*p* <лат] Қайд дафтари; рўйхат.

**РЕЖА** [*ф-т*] 1 Қилинаётган ишнинг тўғри чиқиши учун тортилган ип, сим, чизик ва ш. к. *Режа олмақ. Режа солмоқ.* — *Бектурди ака,— дерди у [Қозқобой] ғишт тераётган устаса қараб,— ғиштни яхши тераётган бўлсангиз ҳам режа ипини тортиб олманганингиз ёмон.* М. Қўшоқов, Уста йигит.

2 Бирор ишни тартиби билан ва ўз вақтида бажариш учун олдиндан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал; план. *Эртанги ишга бугун режа туз.* Мақол. — *Бўрон режаларимизни бузомайди, тақдиримиз ҳам бўроннинг қўлида эмас.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Адолат қизларга ўз режасини тушунтирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Белгили тартиб, қоида, ўлчов. *Иш режага туиди.* — *Бу оилада ейиш-ичиш белгили тартиб ҳам режага тобе эса-да, ҳар кун ширин-ширин овқатлар тайёрланади.* Ойбек, Қутлуг қон

**РЕЖАЛАМОҚ** 1 Олдиндан режа тузмоқ; планлаштирмоқ. *У [Солижон] вақтинги фаслдек, Ёйиб қўйган режа-лаб.* Қ. Мухаммадий.

2 Режа солиб ўлчамоқ, режа солмоқ, режа солиб иш қилмоқ. *Мақтаб*

*ер участкасини режалаш. Режалаб чигит элмоқ.*

3 Тартибга, режага солмоқ, системага туширмоқ.

**РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚ** режалаштирмоқ *фл. мажх. н.* Иккинчи завоно аъзолари дарсдан кейин ишни режалаштирилмаса улеуриш қийин, деган фикрга келдилар. Н. Назаров, Замон.

**РЕЖАЛАШТИРМОҚ** Маълум режага солмоқ; планлаштирмоқ. *Ислонхўжа. йўлларни тузатиш, темир кўприклар қурдириш ишларини режалаштирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**РЕЖАЛИ** 1 Маълум бир режа; план асосига қурилган; планли, тартиблы. *Режали иш. Режали иш бузилмас.* Мақол.

2 Тежаб сарф қиладиган, режа билан иш тутадиган; тадбиркор, миришкор. *Режали аёл.*

**РЕЖАСИЗ** 1 Режа билан қилинмаган, плансиз, тартибсиз. *Режасиз иш. Қолипсиз ғишт чиқмас, режасиз иш битмас.* Мақол.

2 Тежаб-тергашни билмайдиган, тежамсиз. *Режасиз одам.*

**РЕЖАСИЗЛИК** 1 режасиз с. белги оти.

2 Тежаб-тергаб қилинмаган иш; тежамсизлик. *Ўғитлардан фойдаланиш ишидаги режасизлик.. колхоз ва совхозларнинг фаолиятидаги катта камчиликдир.* «Қ. Ўзбекистон», 1963, 27 декабрь.

**РЕЖАЧИ** Режа, план тузувчи киши. — *Ражабекникидаги мажлисда, деди заҳарханда билан [Отабек], — бу йиртқиликнинг режачиси ким эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**РЕЖАЧУП** [*ф-т*] айн. газчўп 1.

**РЕЖИМ** [*p* <фр] 1 Давлатни бошқариш, идора этиш усули; тузум. *Демократик режисм.*

2 Иш, меҳнат, дам олиш, овқатланиш, ухлаш ва умуман ҳаётнинг аниқ белгиланган тартиби. *Овқатланиш режиси. Режим билан ухлаш.*

3 Иш фаолияти ёки ҳаёт шароити. *Ўсимликларнинг иссиқлик режиси. Машинанинг иш режиси.*

**РЕЖИССЁР** [*p* <фр] Саҳна ёки кино асарини саҳналаштирувчи бадий раҳбар, асарни тайёрлаш, саҳнага қўйиш билан боғлиқ бўлган ижодий ишларнинг ташқиловчиси, бошлиғи. *Постановкачи режиссёр. Кино режиссёри.*

**РЕЖИССЁРЛИК** режиссёр с. касб оти. *Режиссёрлик қилмоқ.*

**РЕЖИССҮРА** [*p*] 1 Режиссёрлик иши, фаолияти.

2 Фильм, спектакль ва ш. к.нинг бирор режиссёр томонидан тайёрланган постановкаси.

**РЕЗ** [*ф-т*] 1 Музыка асбобларидан бир ритмда чиқадиган узуқ-uzuқ қисқа садолар. *Ногораларнинг .. рези, сурнайнинг бир маромдаги мунгли ноласи ҳозир қандайдир қалтич ўйин бўлишидан дарак беради.* М. Қодиров, Асака дорбозлари.

2 Шу турдаги куй номи. Бу вақтда *Резистонда турган сарбозларнинг музика тўдаси миллий исбобларни «рез» ҳавосида чала бошладилар.* Айний, Эсдаликлар.

**РЕЗА** [ф-т] 1 сфт Унча катта бўлмаган; майда, кичик. *Яноқларини реза тер қоплаган қизлар жимгина қўшиққа қулоқ солар . . эди.* С. Аҳмад, Қадридон далалар. *Норматовнинг қисташи билан Алитириш дуторини олиб, реза куйларга тушиди.* Ғайратий, Менинг ёшлигим. [Алижонни] ичкари уйга бошлаб кирди-да, олдига қази билан тузланган бодринг келтириб қўйди.— Мана буларни реза қилиб туринг,— деди Ҳалима. Х. Назир, Утлар туташганда.

2 от Майда нарса. *Кучли кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, ўсиқ киприги жуфтланди, кули ва ўчоқ ҳарорати билан икки юзи қизил олмага айланиб, латиф бурни устида марварид резалар ҳосил бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**РЕЗАВОР** [ф-т] 1 Майда-чуйда. *Резавор моллар.*

2 Овқатга солиш учун ишлатиладиган кўкат ва сабзавот. || *Резавор экинлар.*

3 Боғчачилик экинлари ва уларнинг мевалари. || *Резавор боғ. Резавор мевалар.*

4 айн. **ЗИРАВОР.**

**РЕЗАВОРФУРУШ** [ф-т] Майда-чуйда резавор моллар билан савдо қилувчи киши; резаворчи.

**РЕЗАВОРЧИ** 1 айн. **РЕЗАВОРФУРУШ.**

2 Кўкат ва сабзавот экинлари етиштирувчи ва сотувчи киши.

3 Зираворлар савдоси билан шуғулланувчи киши.

**РЕЗАВОРЧИЛИК** *резавор с. касботи.* *Резаворчилик қилмоқ.* *Резаворчиликни ўрганмоқ.*

**РЕЗАЛАМОҚ** Майдалаб тўғрамоқ, майдаламоқ. *Пиёзни резаламоқ.*

**РЕЗАЛАНМОҚ** *резаламоқ* *фл. мажҳ.* ва *ўзл. н.* *Резаланган пиёз.* ■ *Қиз бурни устида резаланиб турган ёмғир томчисини артиб, қаддини ростлади.* У. Назаров, Одамлар.

**РЕЗАПАРВАР** [ф-т] *Резавор экинларни яхши парвариш қиладиган; миришқор. Резапарвар одам.*

**РЕЗГИ** Қийқинди чарм; қийқим-қийқим чармлар. *Пошнабоп резгилар.* ■ *Хар хил синиқ-миниқ қолиплар, чарм резгиси, ширач коса, маҳси ичига ёпиштирадиган эски латталар ва ҳоказо дўконхона юзини тутган.* Ойбек, Қутлуғ қон.

**Одамнинг резгиси ёки резги одам ҳазон** *ўсмай қолган ёки кичкина одам.* **Хазон резги қ.** *хазонрезги.*

**РЕЗЕРВ** [р<фр] 1 Янги, ҳали ишга солинмаган куч, маблағ, бойлик ва ш. к. манбан. *Ишлаб чиқариш резервлари.* *Пахта етиштиришни кўнай-тирувчи резервлар.* ■ *Қодирали икки нарсадан беҳад хурсанд бўлди. Биринчидан, бўш қолган жойларни тўлди-*

*риш учун катта резерв топилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Зарур пайтда ишга солинадиган, фойдаланиш учун сақлаб, эҳтиёт қилиб қўйилган нарса. *Озиқ-овқат резервлари.*

3 Ҳарбий бурчни ўтаб, запасга ўтган, зарур вақтда хизматга чақирилиши мумкин бўлган кишилар.

4 Қўшиннинг зарур пайтда жангга киритиш учун қўмондонлик ихтиёрида қолдирилган қисми. *Юрьев батальони «алоҳида ўқчи баталгон» номи билан армия резервида эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

◆ **Меҳнат резервлари** хунар мактабларида ўқиб, ихтисос олаётган ёшлар.

**РЕЗИДЕНЦИЯ** [р<лат] Давлат бошлиғи ёки ҳукуматнинг, шунингдек катта мансаб эгаларининг доимий қароргоҳи, турар жойи, саройи. *Президент резиденцияси.*

**РЕЗИНА** [р] Каучукни вулканизация қилиш йўли билан олинadиган эластик материал. *Дағал резина.* || *Резина этик.* ■ *Эмин қаради: автоматчи немислар дарёнинг кун чиқши қирғоғидан резина қайиқда шу томонга тўпна-туғри босиб келаяпти.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**РЕЗИНКА** [р] 1 Ёзилган ёки чизилган нарсани ўчириш учун ишлатиладиган махус резина бўлаги. *Сийё ўчирадиган резинка.*

2 Торғатда чўзиладиган резинали шнур, ип ва ш. к.

3 с. т. *Резина. Унинг оёғида тағи резинка қора туфли.* П. Қодиров, Уч илдиш.

◆ **Резинка қилмоқ** (ёки қилиб чўзмок) 1) бирор ишни вақтида бажармай чўзиб турмоқ, пайсалга солмоқ.— *Бу монтажчилари тушмағур газ плитаси ўрнатилиши роса резинка қилиб чўзишса бўладими,— деди Афзал ака.* А. Шайхон, Ушовидан тушови қиммат; 2) гапни чўзмок. *Мунча резинка қилиб чўзмасане!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**РЕЗОЛЮЦИЯ** [р<лат] 1 Кенгаш, мажлис, съезд ва ш. к.да муҳокама бўлган масала юзасидан қабул қилинган қарор. *Мажлис резолюцияси.*

2 Ариза, справка, йўлланма ва ш. к. хужжатларга раҳбар ходим томонидан ёзилган ёзма буёруқ ёки кўрсатма. *Аризага резолюция қўймоқ.*

**РЕЗОНАНС** [р<фр] 1 физ. Маълум шаронга жисмининг мажбурий тебранишлари амплитудасининг кескин ошиб кетиши.

2 Бинонинг товушни кучайтириш қобилияти. *Залнинг резонанси яхши.*

3 *кўчма* Акс садо. *Унинг нутқи катта ижтимоий резонанс уйғотди.*

**РЕЗОНАТОР** [р<лат] 1 тех. Резонанс ходисаси содир бўладиган тебраниш системаси.

2 физ. Товушни кучайтирадиган асбоб.

**РЕЗЬБА** *тех.* Болт, гайка ва ш.

к.нинг бурама кертиги. *Метрик резьба.* Болт *резьбаси.*

**РЕЗЬБАЛИ** Резьбаси бор, резьба кесилган. *Ун резьбали болт.*

**РЕЙД** [р<ингл] 1 Давлат ёки жамоат ташкилотлари ёки матбуот органлари топшириғига мувофиқ тўсатдан ўтказиладиган текшириш. *«Қизил Ўзбекистон» газетасининг рейд бригадаси.* *Рейд ўтказмоқ.*

2 *ҳарб.* Душманнинг базаларига, штаб ва бошқа объектларига қарши жапговар иш олиб бориш мақсадида аскарлар, кўпинча отликлар ёки партизан отрядларининг душман орқасига ўтishi.

**РЕЙКА** [р] 1 Юпқа, энсиз узун тахта. *Рейкалардан қилинган девор.*

2 *махс.* Даражаларга бўлинган ва ернинг, сувнинг паст-баландлигини аниқлашда қўлланиладиган сғоч.

**РЕЙС** [р<нем] Кема, самолёт, машина каби транспорт воситаларининг маълум маршрут бўйича қатнов йўли. *Қурилиш ва техника материаллари ташиб турган автомашиналар ҳар сменада ўн беш-ўн олти рейс қилади.* А. Мухаддин, Ҳадя.

**РЕКВИЗИЦИЯ** [р<лат] Хусусий кишилар ёки жамоат ташкилотларининг мулкни доимий ёки вақтинча давлат ихтиёрига олиш.

**РЕКЛАМА** [р<лат] 1 Турли йўллар билан кенг суратда эълон қилиш, билдириш, ҳаммининг диққатини тортиш. *Савдо рекламаси.* *Сийсий реклама.* *Газетанинг реклама ва эълонлар бўлими.* *Реклама қилмоқ.*

2 Шу мақсадда чиқарилган эълон, плакат ва ш. к. *Реклама осмоқ.*

**РЕКОГНОСЦИРОВКА** [р<лат] 1 *ҳарб.* Дushman ҳақида маълумот олиш учун шахсан командир томонидан қилинадиган разведка.

2 *геод.* Ернинг планини олишдан олдин жойни текшириб чиқиш.

**РЕКОМЕНДАЦИЯ** [р<лат] 1 Бирор ташкилотга ёки янги жойга ишга киришда берилadиган ёзма ёки оғзаки тавсия.

2 айн. **ТАВСИЯНОМА.** *Рекомендация бермоқ.*

**РЕКОНСТРУКЦИЯ** [р<лат] 1 Мажбур нарсани яхшилаш, такомиллаштириш мақсадида уни қайта қуриш, тубдан ўзгартириш, бутунлай янги ташкил қилиш, қайтадан усқуналаш. *Реконструкция даври.* ■ *Сув танқислигига барҳам бериш ниятида Катта Фарғона канали реконструкция қилинди.* С. Абдуқаҳҳор, Инсоннинг қўли гул.

2 Қадимги иншоот, санъат асари ва ш. к.ни уларнинг хозиргача сақланиб келган айрим бўлақларига, тавсифларига ёки тасвирларига асосланиб қайта тиклаш ва шундай тикланган нусханинг ўзи.

**РЕКОНСТРУКЦИЯЛАМОҚ** Реконструкция қилмоқ. *Ҳайкални реконструкцияламоқ.*

**РЕКОНСТРУКЦИЯ ЯЛАНМОҚ** реконструкцияламоқ *фл. мажх. н.*

**РЕКОРД** [*p<ингл*] Хўжаликнинг бирор соҳасида ишлаб чиқариш планини ёки айрим топириқни бажаришда, бирор мусобақада (мас., спорт ўйинида) эришилган энг катта муваффақият, энг яхши натижа, энг юқори кўрсаткич. *Жаҳон рекорди. Янги спорт рекорди қўймоқ.* || *Ўзбек пахтакорлари пахтадан рекорд ҳосил олмоқдалар.*

**РЕКОРДЛИ** Рекорд бўладиган, энг катта, энг юқори. *Рекордли учум.*

**РЕКОРДЧИ** Рекорд кўрсаткичга эришган киши. *Жаҳон рекордчиси. Рекордчи пиллачилар.*

**РЕКТОР** [*p<лат*] Университет ва олий ўқув юрларининг маъмурий раҳбари.

**РЕКТОРАТ** [*p*] Ректор раҳбарлик қиладиган административ орган. *ТошДУ қирқ ёшга тўлган шонли тарихий кунда унинг ректоратини, профессорларини, студентлар коллективини чин кўнгилдан қизгин қутлайман. М. Аvezов, Чин кўнгилдан қутлайман.* | Шу орган жойлашган бино.

**РЕЛЁ** [*p<фр*] *тех.* Маълум ҳодисаларга сезгирлик кўрсатиб, электр токини улайдиган ёки узадиган автоматик асбоб.

**РЕЛЬЁФ** [*p<фр*] 1 Ер сиртидаги турли нотекисликлар — баландлик, пастилик, тоғ ва ш. к. йиғиндиси. *Тоғли рельеф. Ўзбекистон рельефининг тузилиши хилма-хилдир.*

2 *снп* Бўртма нақш.

**РЕЛЬС** [*p<ингл*] Трамвай, поезд ва ш. к.нинг юриши учун ўрнатилган параллел пўлат из ва шундай из учун ишлатиладиган шаклдор пўлат. *Трамвай рельслари.*

**РЕЛЬСЛИ** Рельси бўлган, рельс ўрнатилган; рельсларда юрадиган. *Рельсли йўл. Рельсли транспорт.*

**РЕЛЬССИЗ** Рельси бўлмаган, рельси йўқ. *Рельсиз транспорт.*

**РЕЛЯТИВИЗМ** [*p<лат*] Билиш назариясида барча билимларни нисбий, шартли билимлардир деб ҳисоблаб, объектив борлиқни билиш мумкинлигини инкор этадиган идеалистик философик таълимот. *..релятивизмни билиш назариясига асос қилиб олиш — ўзингни муқаррар суратда ё абсолют скептицизмга, аеностицизмга ва софистикага, ёки субъективизмга маҳкум қилиш демокдир. В. И. Ленин, Материализм ва эмпириокритицизм.*

**РЕЛЯТИВИСТ** [*p*] Релятивизм тарафдори.

**РЕЛЯТИВИСТИК** [*p* релятивистский] Релятивизмга оид. *Релятивистик қарашлар.*

**РЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** [*p*] *сиёс.* Қайтадан қуроллантириш, милитаризация йўлига қайтариш, қуролсизлантирилган томоннинг, мамлакатнинг армиясини, флогини, ҳарбий саноят ва истеҳкомларини қайтадан тиклаш. *Ремилитаризация қилмоқ.*

**РЕМОНТ** [*p<фр*] Бузилган, ишдан

чиққан, синган ва ш. к. нарсаларни тузатиш, тиклаш. *Капитал ремонт. Профилактик ремонт. Ремонт қилмоқ. Ремонтдан чиқармоқ.* ■ *Бўрондан лат еган томлар, тахта деворлар ремонт қилинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**РЕМОНТХОНА** [*p+ф-т*] Ремонт ишлари олиб бориладиган ишхона, ремонт устaxonаси.

**РЕМОНТЧИ** Ремонт қилувчи уста, ишчи.

**РЕНЕГАТ** [*p<лат*] Ўз маслагидан қайтиб, душманларнинг лагерига ўтиб кетган одам; муртад, хонин. *Барча революцион партияларда, барча мамлакатларда ҳам ренегатлар бўлади ва улар ўртасида дабдабали гап устлари ҳам доим топилади. В. И. Ленин, Рус террорчисининг карьераси.*

**РЕНЕГАТЛИК** *ренега́т с. белги оти.* *Албатта, ликвидаторлик гоёвий жихатдан ренегатлик билан, программа ва тактикадан воз кечиши билан, оппортунизм билан боғлиқдир. В. И. Ленин, Жанжалли масалалар.*

**РЕНТА** [*p<нем*] 1 *эк.* Капитал, мулк ёки ердан уларнинг эгаларига ҳеч қандай меҳнатсиз келадиган даромад. *Дифференциал рента. Абсолют рента. Ер рентаси.*

2 *фин.* Капиталистик жамиятда: эгаларига доимий даромад келтириб турадиган мuddатсиз давлат заёми.

**РЕНТАБЕЛ** [*p* рентабельный] Хўжалик жихатдан мақсадга мувофиқ, ўз харажатини ўзи қоплайдиган ва фойда келтирадиган. *Қишлоқ хўжалигининг рентабел тармоқлари. Рентабел корхона.* || *Республикамизнинг ҳамма совхозлари рентабел ишлайдиган корхонага айланди.*

**РЕНТАБЕЛЛИК** *рентабел с. белги оти.* Корхоналарнинг рентабеллиги.

**РЕНТАБЕЛСИЗ** Иқтисодий жихатдан фойдасиз, харажатини қопламайдиган, фойда келтирмайдиган. *Рентабелсиз корхона.*

**РЕНТАБЕЛСИЗЛИК** *рентабелсиз с. белги оти.*

**РЕНТГЕН** [*p<нем*] 1 Тиниқмас материалдан ўтиш хусусиятига эга бўлган, қисқа электромагнитик тўлқинидан иборат кўзга кўринмас нурлар; рентген нурлари. | Шундай нурлар билан кўриш, текшириш.

2 Шундай нурлар билан текшириш аппарати. *Қасални рентгенга солиб текшириш.*

3 *физ.* Рентген нурлари ва гамма-нурларнинг ўлчов бирлиги.

**РЕНТГЕНОГРАММА** [*p*] Рентген нурлари ёрдами билан олинган фото тасвир.

**РЕНТГЕНОГРАФИК** [*p* рентгенографический] Рентгенографияга оид; рентгенография усулига асосланган, шу усулда бажарилган. *Рентгенографик анализ.*

**РЕНТГЕНОГРАФИЯ** [*p*] Рентген нурлари ёрдамида тиниқмас нарсаларнинг

ички тузилишини расмга, суратга олиш.

**РЕНТГЕНОЛОГ** [*p*] Рентгенология ва рентгенотерапия мутахассиси. *Рентгенолог врач.*

**РЕНТГЕНОЛОГИЯ** [*p*] Рентген нурлари ва улардан фойдаланиш йўлларини ўрганадиган фан бўлими.

**РЕНТГЕНОСКОПИК** [*p* рентгеноскопический] Рентгеноскопияга оид. *Рентгеноскопик текшириш.*

**РЕНТГЕНОСКОПИЯ** Тиниқмас нарсаларнинг ички тузилишини текшириш, буюмларнинг ички нуқсонини аниқлаш, касалликларни топиш мақсадларида рентген нурлари ёрдамида маҳсуус экранга уларнинг тасвирини тушириб текшириш.

**РЕНТГЕНОТЕРАПИЯ** [*p*] Рентген нурлари билан даволаш.

**РЕОСТАТ** [*p<грек*] *физ.* Ток кучини ёки кучланишни ўзгартирувчи ашират. *Лампали реостат. Реостат токи.*

**РЕПАРАЦИЯ** [*p<лат*] *сиёс.* Урушда кўрилган зарарларни тўла ёки қисман қоплаш учун сингилан ва айбдор мамлакат томонидан голиб мамлакатга тўланадиган товон. *Репарация тўловлари. Репарация тўламоқ.*

**РЕПАТРИЦИЯ** [*p<лат*] *сиёс.* Ҳарбий ёки граждандаслар ва қонқинларни ўз ватанига қайтариш. | Тегишли мамлакатларнинг ўзаро келишуви асосида эмигрантларни граждандлик ҳуқуқларини ҳам тиклаб, ўз юртига қайтариш. *Репатриция қилмоқ.*

**РЕПЕРТУАР** [*p<фр*] 1 Бирор театр ва ш. к. томонидан қўйилиши, кўрсатилиши мўлжалланган ёки қўйилаётган пьеса ва ш. к. мажмуи. *Театр репертуари. Халқ ансамбли репертуари.*

2 Бирор артист бажарадиган ролар, асарлар мажмуи. *Ёш ижрочи репертуари.*

**РЕПЕТИЦИЯ** [*p<лат*] Бирор асарни сахнага қўйиш ёки ижро этиш олдидан қилинадиган тайёргарлик. *Репетиция қилмоқ.* ■ *Яхши келдинеиз, Ефим Данилович.. репетиция! А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бадиий ҳаваскорларнинг сўнги репетицияси бормоқда. А. Алиев, Диққат, репетиция борапти.*

**РЕПОРТАЖ** [*p*] Матбуот, радио, телевидениеда: содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан олиб бериладиган маҳаллий мавзулардаги хабар, мақола. *Газета илғор теримчилар ҳақида репортажлар босиб бормоқда. Футбол матчи ҳақида репортаж.*

**РЕПОРТЁР** [*p<ингл*] Кундалик матбуот, радио ёки телевидение учун репортаж ёзувчи ёки репортаж берувчи мухбир. *Газета репортёри.*

**РЕПОРТЁРЛИК** репортёр с. қасб оти. *Репортёрлик вазифаси. Репортёрлик қилмоқ.*

**РЕПРЕССИВ** [*p* репрессивный] Репрессиядан иборат бўлган, жазо тариқасида қўлланадиган. *Репрессив чоралар.*

**РЕПРЕССИЯ** [*p<лат*] Давлат органларин томонидан амалга ошириладиган қамок, сургун каби жазо чоралари. *Репрессия чоралари. Репрессия қилмоқ.*

**РЕПРОДУКТОР** [*p<лат*] Радио эшиттиришни кучайтирувчи аппарат; радиокарнай. *Маҳкам .. икки дераза оралигига осилган кичкина репродукторни буради. П. Қодиров, Уч илдиш. У [Шербек] кўчага чиққанида узқондан репродукторнинг товуши эшитилар эди. «Клубда пластинка қўйишяпти», — деди ўзига-ўзи. С. Анорбоев, Оқсой.*

**РЕПРОДУКЦИЯ** [*p<лат*] 1 Фотография, клише ва ш. к.дан полиграфия ёки фотография йўли билан нуска олиш. *Репродукция қилмоқ.*

2 Шундай нуханинг ўзи. *Репродукциялар альбоми.*

**РЕПС** [*p<фр*] Пишиқ чивик газлама.

**РЕСПИРАТОР** [*p<лат*] Нафас олиш, кўриш ва эшитиш аъзоларини захарли газлардан ва чангдан сақлайдиган асбоб.

**РЕСПУБЛИКА** [*p<лат*] Ҳокимиятнинг олий органлари маълум муддатга сайланадиган давлат тузуми ва шундай давлатнинг ўзи. **Совет Социалистик республикаси** бутун ҳокимият меҳнаткашларнинг қўлида бўлган, ҳокимият негизини халқ депутатларининг советлари ташкил қилган давлатнинг бошқариш формаси. *Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси. Республика комсомол активи. Халқ-демократик республикаси* негизини халқ советлари ва халқ мажлислари ташкил этган давлат. **Буржуа-демократик республикаси** ҳақиқий ҳокимият буржуазия қўлида бўлган давлат тузуми.

**РЕСПУБЛИКАЧИ** 1 Республика тарафдори, республика тузумини ёқловчи.

2 Баъзи буржуа мамлакатларида, мас., АКШда: республикачилар партиясининг аъзоси.

**РЕССОРА** [*p<фр*] Экипаж, автомобиль, вагон ва ш. к.нинг гилдираклари ўқи билан кузови оралигига ўрнатилган ва амортизация вазифасини ўтайдиган эгилувчан қисм. *Автомобиль рессораси. Рессора болти.*

**РЕСТАВРАТОР** [*p*] 1 Эскирган ёки бузилган бадий асарларни, архитектура ёдгорликларини тикловчи, асл ҳолига келтирувчи мутахассис.

2 *сиёс.* Реставрация (қ. **реставрация** 2) тарафдори, революция йўли билан ағдариб ташланган тузумни тиклаш учун курашувчи.

**РЕСТАВРАЦИЯ** [*p<лат*] 1 Даврларнинг ўтиши билан эскирган ва бузилган санъат асари ёки архитектура ёдгорликларини дастлабки ҳолатига келтириш, тикдаш ва тикданган асарларнинг ўзи. *Реставрация қилмоқ.*

2 *сиёс.* Революция йўли билан ағдариб ташланган эски тузумни тиклаш. *Реставрациядан қимн бўлиш*

*учун бирдан-бир гарантия — Ғарбда социалистик ўзгариш бўлишидир. В. И. Ленин, РСДРПнинг бирлаштирувчи съезди.*

**РЕСТОРАН** [*p<фр*] Овқат, ичимлик ва ичкиликлар сотиладиган ошхона тури ва унинг биноси.

**РЕСТОРАНЧИ** *аск.* Ресторан хўжайини ёки ходими.

**РЕСУРС** [*p<фр*] Зарурият туғилганда фойдаланиш учун мавжуд бўлган имконият, бойлик. *Ички ресурслар. Хомашё ресурслари. Ўзбекистоннинг табиий ресурслари.*

**РЕТРАНСЛЯЦИЯ** [*p<лат*] Марказий радио ёки телевизион станция эшиттиришларининг маҳаллий станциялар томонидан олиб эшиттирилиши ва шундай эшиттиришларнинг ўзи. *Москва эшиттиришларини ретрансляция қилмоқ.* — *Узоқ масофаларда алоқа боғлашнинг халқаро системаларини вужудга келтирмоқ учун Ернинг сунъий йўлдошларидан ретрансляция станциялари сифатида фойдаланилади. «Фан ва турмуш», 1962, № 6.*

**РЕТУШЛАМОҚ** Ретушь йўли билан негатив ёки суратнинг кам-кўстини тўғриламоқ, тузатмоқ.

**РЕТУШЛАНМОҚ** ретушламоқ *фл. мазҳ. н.*

**РЕТУШЧИ** Ретушь қилувчи, ретушловчи киши.

**РЕТУШЬ** [*p<фр*] Негатив ёки суратнинг кам-кўстини тушъ ва ш. к. билан тўғрилаш, тузатиш. *Ретушь қилмоқ.*

**РЕФЕРАТ** [*p<лат*] 1 Бирор асар, илмий иш ва ш. к.нинг қисқача оғзаки ёки ёзма мазмуни.

2 Ўқилган асар, китоб ва ш. к. ҳақидаги қисқача доклад.

**РЕФЕРЕНДУМ** [*p<лат*] Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар юзасидан умумхалқ фикрини олиш, шундай масалаларни ялпи овозга қўйиш. *ЎзССР Олий Совети Президиуми .. сўроқ йўли билан умумхалқ фикрини олади (референдум ўтказида). «ЎзССР Конституцияси».*

**РЕФЕРЕНТ** [*p<лат*] 1 Ўз рефератини ўқиб бераётган киши.

2 Маълум масалалар бўйича маслаҳат берувчи, тегишли маълумотлар тўпловчи лавозимли киши; консультант.

**РЕФЛЕКС** [*p<лат*] Организмнинг ташқи таъсирга жавобан олий нерв системаси иштирокида кўрсатадиган реакцияси. *Рефлекс марказлари. — Чайнашнинг аҳамияти шуки, ошқозон шираси рефлекс орқали чиқа бошлайди. Н. Исмонов, Қасалларни парварош қилиш.*

**РЕФЛЕКТИВ** [*p* рефлексивный] Рефлекс орқасида рўй берадиган, беихтиёр. *Рефлексив ҳаракат.*

**РЕФЛЕКТОР** [*p<лат*] 1 Ёруғлик манбаидан келаётган нурларни қайтарадиган ботинқи юза, ёруғликни акслантирувчи асбоб.

2 Электр лампа ва акслантирувчидан иборат иситиш асбоби.

3 Ботинқи кўзгу воситасида осмон жисмларининг тасвирини ҳосил қиладиган телескоп.

**РЕФЛЕКТОРЛИ** Рефлекторга эга бўлган, рефлектор ўрнатилган. *Рефлекторли лампа.*

**РЕФОРМА** [*p<фр<лат*] Қайтадан қуриш, ислох қилиш, ислохот. | *сиёс.* Ҳукмрон синфларнинг ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида ўтказадиган ва мавжуд давлат тузумини ўзгартирмайдиган ислохлари. *Реформа тушунчасига, шубҳасизки, революция тушунчасига қарама-қаршидир. В. И. Ленин, Юбилей тўғрисида. Покистон давлати олдида ғоят катта-катта тадбирлар ва реформалар турибди. Ойбек, Нур қидириб.*

**РЕФОРМАТОР** [*p<лат*] Реформа қилувчи, ислох қилувчи, ислохотчи.

**РЕФОРМАЦИЯ** [*p<лат*] *тар.* 16 асрда Ғарбий Европада феодализмга қарши олиб борилган ва папа ҳокимияти ва католик черковига қарши диний кураш тусини олган социал-сиёсий ҳаракат. *Реформация даври.*

**РЕФОРМИЗМ** [*p*] Ишчилар ҳаракатидаги революцион марксизмга, ишчилар синфининг туб манфаатларига душман бўлган оппортунистик оқим (бу оқим революцион синфий ва сиёсий курашни инкор этиб буржуазия билан келишиш асосида, капиталистик тузумни ўзгартирмай майда-чуйда реформалар билан кифояланиш сиёсатини юргизади).

**РЕФОРМИСТ** [*p*] Реформизм тарафдори. *Реформистлар партиясси. — Экономистлар ҳам пролетариатнинг туб манфаатларига хиёнат қилган реформистлар эдилар. «КПСС тарихи».*

**РЕФОРМИСТИК** [*p* реформистский] Реформистга ва реформизмга оид, реформизмга асосланган, реформизм руҳи билан суғорилган. *Реформистик программа. — Реформистик ўзгариш ҳукмрон синфнинг ҳокимияти асосларини қўприб ташламайдиган ўзгариш бўлиб, ҳукмрон синфнинг ҳукмронлиги сақланган ҳолда, унинг ён беришидангина иборатдир. В. И. Ленин, Миллий сиёсат ва пролетар интернационализм масалалари.*

**РЕФРАКТОР** [*p<лат*] *астр.* Линзалар воситасида осмон жисмларининг тасвирини ҳосил қиладиган телескоп.

**РЕФРАКЦИЯ** [*p<лат*] 1 *физ.* Ёруғлик нурларининг бир мухитдан иккинчи мухитга ўтишида синиши, шунингдек товуш тўлқинлари йўналишининг турли мухитда ўзгариши.

2 *астр.* Ер атмосферасидан ўтиб келадиган нурларнинг синиши натижасида осмон жисмларининг ўрнидан силжиганга ўхшаб кўриниши.

**РЕФРИЖЕРАТОР** [*p<фр<лат*] 1 Холдильникларнинг суяқликни буғлатиб, паст температура ҳосил қиладиган қисми, буғлаткичи.

2 Гушт, сут каби тез бузиладиган маҳсулотларни ташиш учун махсус

холодильниклар билан жиҳозланган кема, вагон ёки автомобиль.

**РЕЦЕНЗЕНТ** [р] Рецензия ёзувчи, рецензия автор; тақризчи.

**РЕЦЕНЗИЯ** [р<лат] Бадний ёки илмий асарларга, спектакльларга, кинофильмларга ва ш. к.га танқидий нуқтаи назардан қараб берилган ёзма баҳо; тақриз. *Ижобий рецензия. Рецензия ёзмоқ.* — Рецензия деган ана шунанга тиш-тирноқли, тишлоб оладиган бўлса,— деди муҳаррир. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**РЕЦЕПТ** [р<лат] 1 Беморга врач ёзиб берган, дозалари ва қабул вақтлари кўрсатилган дори қоғози. *Рецепт билан дори олмақ. Рецепт ёзиб бермоқ.* — Одамлардан рецептларни қабул қилиб олиб, дафтарга қайд этиши, тайёр дориларни эгаларица бериши, дориларни қандай тайёрлаш — бари кишидан қунт талаб қилади. С. Анорбоев, Мехр.

2 Бирор нарсани тайёрлаш учун кетадиган нарсалар, мас., масаллик, доривор ва ш. к. *Пиво рецепти.*

3 *кўчма с. т.* Тайёр йўл-йўриқ, қолип, андаза.

**РЕЦИДИВ** [р<лат] 1 Бирор нарсанинг, ҳодисанинг такрорланиши, такрор юз бериши.

2 мед. Касалликнинг қайталаниши, узлуқиб қолиши.

3 юр. Бирор жиноят учун жазоланган кишининг яна шундай ёки бошқа-чароқ жиноят қилиши; такрорланган жиноят.

**РЕЦИДИВИСТ** [р<лат] Такрор жиноят қилган киши.

**РЕЧИТАТИВ** [р<итал] Баъзи вокал музыка асарларининг, асосан операнинг куй билан айтиладиган ёки бадний оҳангда ўқиладиган сўзлари.

**РЕША** эск. кт. Илдиз, томир. *Бориб анага кесди яғоч решасин, Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин.* Гулханий.

**РИАЛ** Эронда ва Яманда пул бирлиги.

**РИБО** [а] эск. кт. 1 Ғайриқонуний фойда, ўлжа.

2 Қарзга берилган пулдан олинадиган фойда; процент, суд.

**РИБОХЎР** [а+ф-т] эск. кт. Фойдахўр, судхўр.

**РИВОЖ** [а] 1 Бир ҳолатдан иккинчи, юқори ҳолатга ўтиш, ўсиш, юксалиш; тараққийёт, равнақ. *Фан ва техника ривож.* Ноҳақ ишга ривож йўқ. Мақол. — [Сафаров] *хўжайин бўлгандан кейин киши ўз хўжалигининг кам-кўсти, унинг ривожига тўғрисида ўйлайди, жон куйдиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

2 Ўсиб-униш, улғайиш, авж. *Пахтанинг ривож.* яхши.

3 Муваффақият; равнақ. *Орадан беш-олти ой ўтгач: «Фармонкул ака, сизнинг ҳам ривожинииз наст, ўрнингизга мана шу ўртоқни сайламоқчимиз, деб қолишди, нима дерим, хўп дейман-да».* С. Махкамов, Шоғирд. **Ривож олмоқ** (ёки топмоқ) ёки **ривожга мин-**

**моқ** 1) равнақ топмоқ, юксалмоқ, ўсмоқ, тараққий этмоқ. *Совет даврида ўзбек маданияти зўр ривож топди.*

— *Ха майли, ишқилиб ишларинг ривожига миниб, станцияларинг битсин.* С. Ахмад, Қадрдон далалар; 2) кучаймоқ, зўраймоқ, авж олмоқ. *Боғиофзал қишлоқларида қадимги замонларда бир неча катта бойлар бўлиб, улар орасида қулдорлик жуда ривож топган экан.* Айний, Эсдаликлар; 3) ўсиб унмоқ, улғаймоқ. *Ғўзалар яхши ривож олмоқда; 4) муваффақият қозонмоқ. Асриян ишга қанчалик диққат бермасин ривож топмади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**РИВОЖЛАНМОҚ** 1 Равнақ топмоқ, тараққий этмоқ, ўсмоқ; юксалмоқ, гуллаб-яшнамоқ. *Ўзбекистонда пахтачилик тез ривожланиб бормоқда. СССРда космонавтика фани ривожланаёттир.* Иш яхши ривожланмоқда.

2 Ўсиб-унмоқ, улғаймоқ, авж олмоқ. *Экинлар яхши ривожланмоқда.*

**РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚ** **ривожлантормоқ** фл. мажх. н. Тошкент қайта қурилмоқда ва ривожлантирилмоқда.

**РИВОЖЛАНТИРМОҚ** **ривожланмоқ** фл. орт. н. Қишлоқ хўжалигини ривожлантормоқ. — *Азмиддин دادасингга таънасида қарамай, ўз фикрини ривожлантормоқ.* Х. Ғулом, Машғал.

**РИВОЧ** [ф-т] Йирик баргли, илдизи йўғон ўтсимон кўп йиллик ўсимлик (банди нордон, ейишли, илдизидан дори сифатида фойдаланилади). *Меҳмон жойи — тўр, жавзо келмай, ривоч сўр.* Мақол. — *Қир этакларида ўсган ривочни топиб чайнаб кўрдим. Бу ўт менга сув ўрнини босандай бўлди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар.

**РИВОЯ** [а] Адабий асарда воқеаларни изчиллик билан сўзлаб бериш, баён этиш; баён.

**РИВОЯТ** [а] 1 Авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя; нақл, афсона. *Мавлоно Лутфий каби кекса шоир ҳали гўдак Навоийнинг ўз тилидаги бир байти учун ўзининг .. жамика ғазаларидан воз кечишга тайёр эканини билдирган экан. Бу ривоятга не дейсиз? Ойбек, Навоий.* Баъзи ривоятларга қараганда .. *фаршталар, жаннатдаги кавсар сувидан қумғонларимизга қуйиб кетар эмиш!* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. | Умуман оғиздаги гап, хикоя. *Бир ривоятга қараганда, у бетоб эмиш ва шу сабабдан шаҳарнинг Қўшча маҳалласидаги «кулбайи-вайронасида тоат-ибодатга муккасидан кетган эмиш.* Х. Ғулом, Машғал.

2 дин. Бирор масала юзасидан шарнат қонунари асосида чиқарилган ҳукм, ҳулоса. [Ғофир қозига:] *Бу қандай зулм, .. севган хотинини золим бой тортиб олмоқчи бўлса-ю, менга ёрдам бериш ўрнига боининг ёнини оласиз!* Ривоятлар топасиз! *Фатволар айсиз!* .. Шуми камбағалга шафқат! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Уламолар Ёдгор ва унга эргашиб

*келган хотинни тошбўрон қилиш тўғрисида ривоят ёзиб эшон Султонга бердилар.* Айний, Дохунда.

**РИВОЯТЧИ** Ривоят тўқувчи, ривоят айтувчи; ровий.

**РИДО** [а] Шайхлар елкасига ёпинадиган чойлабсимон ёпинчик, либос. | Дарвишларнинг устки кийими. *Баъзи бурчакларда қора ридо кийган роҳиблар китоб варақлар, у ер-бу ерда олимлар қўл ёзмаларга қабарик, шимшлар орқали тикилиб ўтирарди.* Х. Ғулом, Куба ҳақида хикоялар. *Уфқни ўз гавдаси билан тўсган наст-баланд тоғлар қоп-қорайиб ридо кийгандек силлиқ кўринади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**РИЕЛЬ** [р] Кампучияда пул бирлиги.

**РИЁ** [а] Мунофиқона хатти-харакат; иккиюзламачилик. *Эй, қалбига риё бегона, Табиатнинг боқира қизи.* Сулфия. *Анаар самимий ва риё аралаш табриклардан анча унғайсизланган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аҳли риё ёки риё аҳли мунофиқлар, риёкорлар. Самимий ошнмоман деб, ҳамшиша айбонг истовчи, Тил дилга мувофиқ бўлмаган аҳли риёдан кел!* Ҳабибий. **Риё қилмоқ** 1) иккиюзламачилик, мунофиқлик қилмоқ; 2) риёкорлик билан эзгу ишни йўққа чиқармоқ.

**РИЁЗАТ** [а] 1 Қийинчилик, машаққат, захмат. [Домла Фотимага:] *Йўқ, йўқ, पोшшахон! Камина неча йиллар мадрасаларда риёзат чекиб, мана шундай ойим-пошшахонларга даркор бўлар эканмиз-ми, деб ўқиганмиз-ба?* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

2 дин. Дунёвий ишлардан ўзини, нафсини тийиб қийналиш, ўзини қийнаш.

**РИЁЗИЁТ** [а] эск. айн. математика. *Дилшоднинг онаси адабиёт ва риёзиёт мударриси машхур Самандар доманинг қизи эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**РИЁЗИЙ** [а] эск. айн. математик.

**РИЁКОР** [а+ф-т] Мунофиқона иш қилувчи, мунофиқларча иш тутувчи одам; иккиюзламачи. [Обидахон:] *Эй, сен риёкор, маккор! Бир тўйни азага айланттириб, мағрур эдинг. Мана бу тўй, абадий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. || — Шу бугунчи орани очди қиламан, риёкор хотин,— деди Қамолдидин Нурига. С. Юнусов, Осон ишнинг охи бор.

**РИЁКОРЛИК** 1 риёкор с. белги оқи. Риёкорлик қилмоқ.

2 Мунофиқона хатти-харакат, иккиюзламачилик. *Уларнинг авом халқ вақтдаги ҳудожўйликлари ҳам риёкорликдан бошқа нарса эмаслигига гувоҳиним қолмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**РИЁКОРОНА** [а+ф-т] рвш Риёкорлик билан, иккиюзламачилик билан; мунофиқона. *Риёкорона иш тутмоқ.* || Риёкорона хатти-харакат.

**РИЗО** [а] 1 Розилик жавоби, розилик. *Ризо қилмоқ. Ризо бўлмоқ. Сукот — аломати ризо.* Мақол. — **Олимдон ака-**



нинг олдида сўз бердим. Ота ризоси — фотиҳа билан баравар. Ойбек, Қутлуг қон.

2 кесим вазифасида Рози, рози бўлди, кўнди. Онажон, сизнинг шодлигиниз йўлида ҳар бир оғирликларга бу бахти қора қизингиз ризодур, онажон! А. Қодирий, Утган кунлар.

**РИЗОЛИК** айн. **розилик**. Ризолик бермоқ. Ризолигини олмоқ. — Фуломжон онасининг ризолигини юраги ўйнаб туриб эшитди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**РИЗҚ** [а] 1 Ҳаёт учун зарур озуқ, озуқа, овқат. Иши йўқнинг ризқи йўқ. Мақол. Кўн билан ўран хунар, хунардан ризқинг унар. Мақол. — Ота-онадан ажралган жабр-дийда Абу.. ризқ излаб, қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дайдиб кетди. Мирмуҳсин, Она.

2 кўчма Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. учун асос бўлган нарса; озуқа, озуқ. Кудрат .. ялмоғиз қашшоқликнинг захарли томирлари ўз ризқини қаердан ва қандай олишини яхши билиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 дин. Диний эътиқодларга кўра худо ҳар бир киши, жонивор учун атаган насиба. Қарвон кўп, ризқи бўлак. Мақол. — Нон-насибанг бизда бўлса, қоларсан, бўлмаса, қишлоқингизга, ё бошқа томонга жўнурсан. Ризқингни олло-таоло қаерга сочсан, биз биламизми? Ойбек, Қутлуг қон. Узингиз ҳам жуда тезлик қилгансиз, махсум, ахир чўмич ялаган билан ризқингиз камайиб қолармиди! Ғайратий, Довдираш.

**РИЗҚЛАНМОҚ** 1 Ризқ, озуқа олмоқ, озуқланмоқ, овқатланмоқ. Тупроқдаги бактериялар ҳаводаги азот билан ризқланиб азотли бирикмаларни ҳосил қилади. — Тақсир, мен хон берётган пулга қизиқмайман, у пул ўзимни ҳам тўйғизмайди. Мени хунарим қизиқтиради, ундан ризқланман. Ж. Шарипов, Хоразм.

2 кўчма Бирор иш, ҳаракат ва ш. к. учун озуқ, озуқа олмоқ.

**РИЗҚЛИ** Озуқа, овқат моддасига бой бўлган; тўйимли. Ризқли моддалар.

**РИЗҚ-РЎЗ** [а+ф-т], **ризқи рўз** Кундалик ҳаёт учун зарур озуқ, овқат. Отасиз қолганда унга [Валивоёга] ризқ-рўз топиб берган, ювиб-тараган, кийинтирган, гўдакликдан балоғат остонийсига етаклаб борган ана шу сеҳрли заҳматкаш қўл эмасми! Х. Назир, Оназор. Ҳофиз ризқи рўз топши йўқдадида нонвоёга шогирд тушди. В. Абдуллаев, Шарқнинг улкан шоир.

**РИҚША** [р<Японча] Осненинг айрим шарқий ва жанубий мамлакатларида йкки ғилдиракли қўл аравада одам ва юк ташувчи ҳаммол. [Ҳиндистонда] рикидан тортиб, Ялшироқ енгил автомобилларгача — ҳаммаси бор. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

**РИМ** [р римский]: рим рақами қа-

димги римликлардан олинган I, II, III, IV, V каби рақамлар.

**РИНГ** [р<ингл] спорт. Бокс мусобақалари ўтказиладиган майдонча.

**РИНД** [ф-т] эск. кт. Шарият қондаларига бўйсунмовчи; эркин фикр юритувчи; зийрак, хушёр. [Абдуваҳобнинг] ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб турган Мирҳайдар унинг ўзига яраша ринд табиатли киши эканини пайқайди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

**РИОЯ** [а] 1 Ҳурмат ёки юз-хотирлик юзасидан қилинган муомала; ҳурмат, андиша. Улим деган нарса кўз ўнига келиб тўхтамайдиган кейин Отабекдек меҳмонлар риояси кўнглидан ювилур, сўзининг тўғриси айтишига мажбур бўлурлар. А. Қодирий, Утган кунлар. У [Азимжон] мастликда ҳеч кимни риоя қилмаслигини мингбоши яхши билар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бўйсунини, амал қилиш, сақлаш. Қонунга риоя қилмоқ. Тартибга риоя қилмоқ. — Аҳмаджон, командирнинг буйруғига қаттиқ риоя қилиб, жанг майдонини диққат билан кузатар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**РИОЯГАРЧИЛИК** Бирор кимсага ёки бир-бирига риоя қилиш, риоя, андиша билан муомалада бўлиш; юз-хотирчилик, андишагарчилик.

**РИОЯЛИ** Риоя, андиша қиладиган, андишали. Риояли одам.

**РИОЯСИЗ** Риоя, андиша қилмайдиган, андишасиз, беандиша. Риоясиз аёл.

**РИОЯСИЗЛИК** 1 риоясиз с. белги оти. Бу қадар риоясизлигингиз кишига қаттиқ таъсир қиладир. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Риоясиз кишиларга хос хатти-ҳаракат; андишасизлик. Риоясизлик қилмоқ.

**РИСОЛА** [а] 1 тар. Бирор касбга, соҳага ва унинг тартиб-қоидаларига оид китобча, устав. Темиричлар рисо-ласи. Кўнчилар рисоласи. — Мискарлар, тунукасоллар кўп антиқа гап-ларни, ҳар қайсилари ўларининг .. рисодаларини яхши биладилар. Ойбек, Болалик.

2 Умуман китоб; трактат. [Восифий:] Рост айтдингиз, шайх Бехлўл! Яхши ном китобнинг хусни турур. Китобхон рисоланинг номига қараб сотиб олур, мазмунига қараб баҳо берур. М. Осим, Зулмат ичра нур. Бахтйёр ҳаётнинг рисоласига, Лебона бўлалгай албатта фарзанд. С. Абдулла.

3 эск. Брошюра, китобча. ◆ Рисоладаги рисолада кўрсатилганига жуда мос, оддий, расмана. [Йўлчи:] Хўжайиннинг самани яхши, агар от танисанг, рисоладаги саман — шу. Ойбек, Қутлуг қон.

**РИТМ** [р<грек] Бирор ходиса ёки иш-ҳаракат элементларининг маълум тартибда ва маълум вақт оралигида ўлчовли равишда бир текис такрорланиб туриши ва шундай такрорли-нинг ўзи. Музыка ритми. Иш ритми.

Юрак ҳаракатининг ритми. — Усуллар рақсларнинг ритмларидир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Бармоқ вазида ритм мисрадаги бўғинларнинг сони, миқдорига, группаланиб такрорланишига боғлиқдир. «Лабийет хрестоматияси».

**РИТМЛИ** Маълум бир ритмга эга бўлган. Ритмли музыка.

**РИТОРИК** [р риторический] Риторикага, потиқлик санъатига оид; риторика қоидаларига асосланган. Риторик нутқ. Риторик услуб.

**РИТОРИКА** [р<грек] Нотиқлик парияси.

**РИХТАГАР** [ф-т] Қуйма металл буюмлар тайёрловчи уста; қуймачи.

**РИЦАРЬ** [р рыцарь <нем] тар. Урта асрларда Ғарбий Европада: ҳарбий-дворянар табақасига мансуб феодал.

**РИЧАГ** [р ричаг] 1 физ. Бирор таянч нуқтаси атрофида айланадиган ва оз куч билан кўп кучни мувозанатга келтирадиган дастак; пишанг. Юкни ричаг ёрдами билан кўтармоқ.

2 Бошқариш учун хизмат қиладиган дасталн пишанг. Ғанижон ака отдан сақраб тушиб, плугларнинг ричагини туширди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**РИЧАГЛИ** Ричакка эга бўлган, ричаг билан таъминланган. Ричагли тарози.

**РИШВА(Т)** [а] эск. Бирор ишни битириш амалдор манфаатдор киши томонидан ачулдорга яширин ва гайриқонуний равишда берилган пул ёки ашё; пора. [Қори:] Ҳукуматимиз даврида адал адолат барқарор бўлди. Лекин афсус ва надоматлар бўлсин-ким, ришват, яхши пора отлик бало адолат қалъасига раҳна солмоқда. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**РИШВА(Т)ХҲР** [а+ф-т] эск. айн. порахўр.

**РИШТА** [ф-т] 1 эск. Ип, каноп. Пардалари риштаси эл жонидин. Ойбек, Навоий.

2 Терн остида пайдо бўладиган, ип каби узун қурт. | мед. Шу қурт орқали тарқаладиган касаллик.

3 кўчма Икки нарса, кимса, ходиса ва ш. к.ни ўзаро узвий боғловчи восита; боғланиш. Дўстлик риштаси. — Қилча бўлса ҳам узилмас риштаи меҳру вафо, Гар ёмон бўлса, Ҳабибий, яхши бўл сен то абад. Ҳабибий.

◆ Кўнгил риштаси анат. кўнгил ипи, юрак томири.

**РОБИТА** [а] эск. кт. Ўзаро муносабат, алоқа, боғланиш. Гарчи Алишер жаноблари билан фақирнинг орасида муносабат ва робита унчалик барпо бўлмаган эсада... у жанобнинг ҳаёт-ларига доир баъзи жиҳатлардан хабардорман. Ойбек, Навоий. — Лекин, — деди Қулмурод ўз сўзининг давомида, — сизий бўлим бу жиноят орасида бир робита топмоқчи бўлиб кўп ишлади. Айний, Қуллар.

**РОБОТ** [р<чех] Мураккаб ҳаракатларни худди одамдек бажарадиган автомат; машина одам.

**РОВИЙ** [a] эск. кт. айн. ривоятчи. **РОВОН** Деразалар билан ўралган айвон, ойнабанд айвон. *Хўжабеков .. ровондан ўтиб, алақачон соя тушган супага бориб ўтирди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**РОВОЧ** диал. Ривоч.

**РОГАТКА** [p] Кичик тош, кесак ва ш. к. отиш учун айри ёғочга резинка ўрнатиб ясалган асбоб. *Рогатка отмоқ.*

**РОЗ** [ф-т] кт. Махфий тутилган нарсаси; сир. | Дилдаги орзу, тилак, дард. *Унга [Ғуломжонга] тасалли бердими, розига роз айтувчи бўлмади. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Рози дил ёки дил рози дилдаги орзу, истак, дард. Рози дил айтмай десам хилват қилолмай догман. Муқимий.*

**РОЗЕТКА** [p] тех. Турли электр асбобларни электр тармоғига улаш учун уларнинг вилкаси суқиб қўйилган икки тешикли мослама.

**РОЗИ** [a] (кўпинча кесим вазифасида) I Мамнун, хурсанд, шод. *У турмушидан рози. — Мирзакаримбой жиянининг ишга тайёрлигидан рози каби кулди-да, индамасдан ичкарни кириб келди. Ойбек, Қутлуғ қон. Раҳматилла унинг хуш қабул қилишидан, муомалаларидан кўп саволларига жавоб топди, дунёси равшан бўлди, лекин суҳбатидан унча рози бўлмади. А. Қаххор, Қўшчинор. [Хожо:] Уғил деган шундоқ бўлсин, отасини рози қилсин. Кўп хурсанд бўлдим. А. Қаххор, Йялар.*

2 Розилик берди, унади, кўнди. *Ота рози — худо рози. Мақол. — Нисо буви .. нима бўлди-ю, уста Абдурахмон киши қўйганда дарров рози бўла қолди. А. Қаххор, Бошсиз одам.*

**РОЗИДИЛ** (тўғриси рози дил) қ. роз.

**РОЗИЛАШМОҚ** Бир-бири билан рози-ризолик тилаб, видолашмоқ. — *Туғилиб ўсган жойлардан кетиши кўзимга ўлимдан ҳам ёмон кўринаётгани учунми, билмадим, ҳамма билан розилашми келяпти, — деди Салтанат. О. Ёқубов, Бир фелбетон қиссаси.*

**РОЗИЛИК** I Мамнунлик, хурсандлик. *Йўлчи унинг ҳар бир сўзида, овозида, кулгисида қувонч ҳам тақдирдан розилик сездди. Ойбек, Қутлуғ қон. Розилик тиламоқ (ёки сўрамоқ) бир-бирдан қилишларини кечирини сўраб видолашмоқ, розилашмоқ.*

2 Унаганлик, кўнганлик ҳақидаги тасдиқ жавоби; унаганлик, кўнганлик, ризолик. *Ўз розилиги билан. Розилигини олмоқ. — Оғайним эрта-ю кеч илтимос қилавергач, розилик бердим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

**РОЗИ-РИЗОЛИК** Ўлим ёки видолашиш олдидан бир-бирдан розилик сўраш; розилашиш. *Эртасига қариндош-уруғлар билан рози-ризолик айтишиб, .. бутун оила йўлга тушди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бизларни йиғиб рози-ризолик тилаш даражасига етганларидан, онам бечоранинг қистови билан отамни «чилёсин» қилдирдик.*

М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**РОЗИЧИЛИК** айн. розилик 2.

**РОЗМАРИН** [p<ерек] Қишга сақланадиган ширин, хушбўй олманинг бир тури.

**РОЙ(И)** с. т. Раъй. **Ройи** келди раъйи келса, хушига ёқса жуда яхши; раъйи тез ўзгарадиган. *Ройи келди одам. — Қўзбойни болалар аълочилиги учунгина эмас, ҳеч ким билан уришиб-талашмайдиган, ройи келди бўлгани учун ҳам ёқтирсалар керак. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.*

**РОЙКОРЧИ** салб. Ҳар кимга ақл ўргатаверадиган, ақл ўргатишни, йўл-йўриқ кўрсатишни яхши кўрадиган; маслаҳатгўй. *Ройкорчи одам.*

**РОЙИШ** [ф-т] с. т. I от Майл, мойиллик, раъй. *Кечгача Элмуроднинг ройишига қарамай унга уч-тўрт телефон қоқди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 сфт Сўзга кирадиган; мўмин, мўминтой. *Ройиш бола.*

**РОКИРОВКА** [p<ф-т] Шахмат ўйинида: шох билан рухнинг ўрнини алмаштиришдан иборат бир юриш. *Катта рокировка. Кичик рокировка. Рокировка қилмоқ.*

**РОЛИК** [p<нем] I Электр шнурини маҳкамлаш учун ишлатиладиган чинни ёки сопол галтак.

2 Машина, механизм, детал ва ш.к.нинг цилиндрлик қисми. *Подшипник ролиги.*

**РОЛИКЛИ** Ролиги бўлган, ролик билан таъминланган. *Роликли подшипник.*

**РОЛЬ** [p<фр] I Саҳна асариди ёки кинофильмда актёр гавдалантирадиган образ. *Қиз ролини бажармоқ. Пьесада бош роли ёш актёр ўйнади. — Тўғароқ қатнашчилари пьесани қўйишга қарор қилганларидан кейин, роллар тақсимланди. Обиджонга хизматкор роли топширилди. Ф. Жўраев, Обид Жалилов.*

2 Аҳамият, хизмат, тутган ўрин; вазифа. *Тарихда шахснинг роли. — Полиция шохдилари ролини фақат кадетлар думасигина ўйнади. В. И. Ленин, Кадетлар думаси погромчилар ҳукуматига пул берди. Эргашнинг назарида ҳозирги пайтда авангардликнинг роли ҳам, шакли ҳам ўзгарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳақиқатан ҳам Рафиқовда инқилобий самимият ёки пролетар соф кўнғиллиги катта роль ўйнайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**РОМ** I [ф-т]: ром қилмоқ (ёки этмоқ)

1) ўзига қаратмоқ, ўзига мойил қилмоқ, огдирмоқ. *Садосиз, фақат сезиши мумкин бўлган бу куй алақандай сеҳрли қудрат билан дилларни ром қиларди. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси;* 2) ўзига, қўлга ўргатмоқ. *Мартен пичининг ҳайбат билан ўт сочиб, вағилаб ёниши ром қилинган ёлдор шерни эслатади. Мирмуҳсин, Қизил дурралар;* 3) бўйсундирмоқ. *Сенинг режане билан жўшқин сувларни, Оқиздик ром*

қилиб ҳаёт боғига. Ғайратий. **Ром бўлмоқ** 1) мойил бўлмоқ, оғмоқ; 2) ўрганмоқ. *Буни [Ёдоғорни] саркарданнинг мирзахонасига олиб бор .. Сўнгера қайта бу ерга олиб кел. То ром бўлгунча бизнинг уйда хизмат қилиб юрди. Айний, Дохунда. Ҳеч кишига бўлмағай чун ваҳими ром ўлсун бу от. Муқимий;* 3) бўйсунмоқ. *Агар қийинчиликдан қўрқилмасачи, инсонга ром бўлмаган нарсаси айқ экан. Х. Назир, Васият. Ром келмоқ кўнглига ёқмоқ, мос келмоқ. Менга нима ром келишини ўзим ҳам билмайман. Ойбек, Қутлуғ қон.*

**РОМ** II [a рамл] Бировнинг ўлгини ва келажаги ҳақида гўё қолгандан айтиб бериш; фол. *Ром очмоқ. Ром кўрмоқ. Ромчининг ромидан ўзининг хом ҳаёлига яхши. Мақол. — Намозхон йилдан-йилга камадиб маҳит ўз-ўзидан ёпилиб қолгандан кейин маҳсум ўликлар «хизматига» ўтди ва баъзан битта-яримтага ром очиб билан тириklar «хизматини» ҳам қилиб юрар эди. А. Қаххор, Қўшчинор.*

**РОМ** III [p рама] Ойна ўрнатилмаган дераза. *Икки кундан кейин араваларда тахта, эшик ва ром, тунука олиб келдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Оёқлар гиштилarga, ёғочларга, эшикларга ва дераза ромларига қоқилади. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**РОМ** IV [p<ингл] Шакарқамиш шираси ёки ачитмасидан тайёрланадиган кучли спиртли ичимлик.

**РОМАН** [p<фр] Ҳажми анча катта, мураккаб сюжетли, одатда проза йўли билан ёзилган асар. *Тарихий роман. Шеърый роман. Ойбекнинг «Навоий» романи. — Романлар бизда йўқ, — доно-доно гапирди Мустафо Содик, — жиддий ва ижтимоий аҳамияти зўр бўлган қиссалар ҳам йўқ. Ойбек, Нур қидириб.*

**РОМАНС** [p<фр] муз. Бирор шеърга ёзилган кичик лирик ёки лирик-драматик вокал асар. *Глинка романслари.*

**РОМАНТИЗМ** [p<фр] I Европа санъати ва адабиётида 19 асрнинг биринчи чорагида юзага келган, классицизм қонун-қоидаларига қарши ўлароқ миллий ва индивидуал ўзига хосликка, ҳақиқий қахрамон ва ҳистуйғуларни тавсифлашга интилган йўналиш. *Байрон романтизми.*

2 Адабиётда ва санъатда: оптимизм руҳи билан сўғорилган ва инсоннинг юксак бурчини ёрқин образларда тасвирлашга интилган йўналиш. *Горькийнинг революцион романтизми.*

**РОМАНТИК** [p] Романтизм тарафдори (қ. романтизм 1).

**РОМАНТИК** [p романтический] I Романтизмга оид, романтизм руҳи билан сўғорилган, романтизм руҳидаги. *Романтик музика. Романтик поэзия.*

2 Романтика таъсирига берилган. *Романтик қахрамон.*

**РОМАНТИКА** [p] Зўр кўтаринки руҳ уйғотадиган, кишини улугликка ил-

ҳомлангирувчи гоя ва хис-туйғулар билан тўлиб тошган нарса. Қураш романтикаси.

**РОМАНЧИ** Роман ёзувчи адиб.

**РОМАНЧИЛИК** 1 романчи с. касб оти.

2 Роман жанри. Ойбек прозамиз соҳасида янги романчиликни яратган забардаст адибларимиздан биридир.

**РОМБ** [р<грек] 1 мат. Ҳамма томонлари тенг, лекин бурчаклари тўғри бўлмаган параллелограмм.

2 тар. 1943 йилга қадар: СССР Ҳарбий кучлари олий командирлар составининг ёқага тақилган шу шаклдаги белгиси.

**РОМБИК** [р ромбический] Ромб шаклидаги.

**РОМЧИ** Ром очувчи, ром кўрувчи; фолбин. Ромчининг ромидан ўзининг хом хаёлини яхши. Мақол.

**РОНДО** [р<итал] муз. Ассий тема кўп марта такропланадиган музика асари.

**РОНДО** [р<фр] 1 ад. Ҳар бир бандида бир хил шеър маълум тартибда қайтариладиган шеър формаси.

2 Юмалоқ ҳарф, юмалоқ шрифт.

3 Учи кесик перо.

**РОСА** [ф-т расо] рвш, с. т. 1 Беқами-кўст, тўлиқ, тўла. Зарҳал кўринар сохта, роса билиб сўнг мақта. Мақол. — Жангчилар кўзларини роса очмасдан, милтиқларига ёпишдилар. Ойбек, Қуёш қораймас! Тугал, тўла, тўлиқ; тўппа-тўғри. Олаҳўжабойнинг ҳовлисига қадам босмаганимга роса йиғирма йил бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Дилбар:] Уйғотаймикан? Йўқ, пича ухлаб ором олсин, роса бир ой бўлдики, от устидан тушмайди. Яшин, Тор-мор.

2 Нихоят даражада, ниҳоятда, жуда. Роса чарчадим. | Тўйгунча, мириқиб. Роса ўйнадик. — Мавлон мингбоши .. тасодифан лойга сирганиб йиқилди. Кишилар роса кулишиди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 Хўп, яхши. Олой бозорига роса қовчулар келипти-да! М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**РОСАЛАМОҚ** с. т. Расоламоқ, бутламоқ.

**РОСАЛИК** с. т. Расолик, бутлик.

**РОСЛАМОҚ** с. т. Ростламоқ.

**РОСТ** 1 [ф-т] 1 сфм Тўғри, адил, тик. Бу кун сиз айтган ўшал Офарин эмас устоз, Мусибат остида рост қомати дуто кўринур. С. Абдулла. || Тўла қаддини рост тутган ҳолда калласини хиёл зеиб, эркакча тавъзим қилди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

2 сфм Ҳақиқатдан иборат бўлган, ҳақиқатга асосланган; тўғри, чин. Рост гап. Рост сўз — ҳаққа қарор. Мақол. Ёлгончининг рост сўзи ҳам ёлгон бўлур. Мақол. — [Шарофат:] Бояги семиз одам айтган гаплар рост экан, — деди ичиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. || Муса иқрор бўлди: — Рост айтасан! — Одамлар «дин-шариат»,

урф-одат», деб алданиб келдилар, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 от Ҳақиқат, ҳақ. Ростга завол йўқ. Мақол. Ростини айт, китобни ўқидингми? — Маҳкам биргина шу Акбаров ва Тошев масаласидаги ҳақни ноҳақдан, ростни ёлгондан ажратиб, тўғри баҳолаш учун қанча куч, вақт, кунт, ирода кераклигини энди аниқ кўз олдига келтирди. П. Кодиров, Уч илдив.

4 кири с. вазифасида Тўғри. [Саодат:] Вой, нима деб алжирайсан? Авжи ўйнаб-қулдаман чоғинг-ку. Рост, баъзи вақтда дунёдан чиқиб кетгани келади. Дунё курсин, ғам кўп. Ойбек, Қутлуғ қон. | Гапнинг рости ёки ростини айтсан гапнинг очиги, очигини, тўғрисини айтсан. Гапнинг рости, бугун лекция қулогимга кирмаяпти.

◆ Рост келмоқ тўғри келмоқ, мос келмоқ; ёқиб тушмоқ. Бу гапнинг менга рост келмади. Рост кўтармоқ бемалол, азот кўтармоқ. Юкни рост кўтармоқ. Рост кўча қолиб паст кўча билан алдам-қалдамлик билан, чап бериб. Нега ўзингизни гўлликка соласиз? Ҳамма эрталаб далага шошилса, сиз.. рост кўча қолиб паст кўча билан бозорга чопасиз. «Муштум», 1961, № 1.

**РОСТ** II [ф-т] (р — катта) Шашмақом системасидаги бешинчи мақом номи (қ. шашмақом).

**РОСТАКАМ** с. т. 1 сфм Ҳақиқий, чин. Бу ўйинчоқ ростакам самолётга ўхшайди.

2 рвш Ҳақиқатан, чиндан ҳам, жиддий. Боланинг ростакам жаҳли чиқди — Турсуной аввал ишонмагандай кўзларини катта очиб қаради-ю, кейин Ефим тоғанинг ростакам ичкари бош-лаётганини кўриб ишонди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**РОСТАКАМИГА** айн. ростакам 2. Тўртинчи кучи кенга яқинлаб қолгандагина ёмғир ростакамига тинди. Ш. Ғуломов, Ташаббус.

**РОСТҒҲҲ** [ф-т] Ростини, ҳақиқатни гапирадиган; тўғри сўз. Ростғўй бола. **РОСТҒҲҲҲҲ** Ростғўй с. белги оти.

**РОСТДАН** 1 рвш Ҳақиқатан, чиндан ҳам. — Рафиқ, найни ким чалди? — Йўлчи акам. — А! Ростданми! Ал-дама! Ойбек, Қутлуғ қон.

2 кири с. вазифасида Ҳа, айтгандай. — Ҳа ростдан ҳам, қизлар, фронтда ҳеч кимингиз борми? — деди комиссар. Ойдин, Асл. ёр.

**РОСТЛАМОҚ** 1 Тўғриламоқ, тикламоқ. Беш-ўн йигит шохариқ, ўқариқларни ростлаб тут тағига чиқшиди. Й. Шамшаров, Қўрк меъморлари.

2 кўча Ишини, хўжалигини ўнгламоқ, тиклаб олмоқ. У институтни битиргач, ўзини анча ростлаб олди. | Тартибга солмоқ, тузатмоқ. Қилич ботир шошильмасдан ўзини ростлаб олиб, уйга кирса, Оқбилак ойим ухлаб ётипти. «Эртақлар». **Нафасини ростламоқ** 1) дам олиб нафасини жойига келтирмоқ. Саломат нафасини ростлаб яна йўл юрди. С. Аҳмад, Ҳукм; 2) ўзини

ўнглаб олмоқ. Полк командири, душман нафасини ростлаб олмасдан туриб, қарши ҳужумга ўтиш тўғрисида бўйруқ берди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Қаддини (ёки белини) ростламоқ** 1) қаддини кўтармоқ, тикламоқ. Ғуломжон орқалаб чиққан тошини афдариб, қаддини энди ростлаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) ўзини, хўжалигини тикламоқ, оёққа турғизмоқ. Музокарага чиққанлардан бир-икки киши сўз ҳали қаддини ростлай олмаган колхозлар тўғрисида кетганда «Қўшчинор» колхозини ҳам тилга олди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. — Бу ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам Совет ҳукумати тўғрисида қаддини ростлаб олган кишилар, — деди Абдурашул. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 с. т. Адабини бермоқ, бопламоқ. Шошмай тур, сени бир ростлайки дунёга келганимга юз пушаймон қил. Ҳамза, Майсаранинг иши.

4 тех. Қурилма, механизм ва ш. к.ни тўғри ишлайдиган ҳолга келтирмоқ. Тормозларни ростламоқ.

◆ **Жуфтакни ростламоқ қ. жуфтак.** Оғиз ростламоқ айн. оғиз жўпламоқ қ. жўпламоқ. Ҳайдар оти шунни [чилими] сўрай деб энди оғиз ростлаган эди, кампирга кўзи тушиб қолди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**РОСТЛАНМОҚ** ростламоқ фл. мажҳ. н. Унинг қадди ростланди.

**РОСТЛИК** рост 1—3 с. мавҳ, от. Гапнинг ростлиги. Мистлик — ростлик. Мақол.

**РОСТЧИ** с. т. Рост гапирадиган; ростғўй. Биз ёлгончи-ю, сен ростчи бўлдингми? М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**РОТА** [р<поляк] Бир неча взводдан ташкил топган, одатда батальон составига қирадиган ҳарбий бўлима, қисм. Пулеметчилар ротаси. Рота командири. — Ракитин ўзи билан бирга қишлоққа кирган учинчи ротадан келар экан, немис пулеметини орқалаб келаётган Турдиевни учратди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**РОТАПРИНТ** [р<лат+ингл] полигр. Машинкада кўчирилган текстдан нашр қилувчи машина ва шундай машинада чоп қилиш усули.

**РОТАТОР** [р] полигр. Турли чизма, расм, қўл ёзма ва ш. к.ни кўнайтирадиган аппарат. Ротаторда босмоқ.

**РОТАЦИОН** [р ротационный]: ротацион машина полигр. газета, китоб ва ш.к.ни кўп нусхада босадиган айланма машина.

**РОТАЦИЯ** [р<лат] айн. ротацион машина қ. ротацион.

**РОТМИСТР** [р<поляк] тар. Чор армияси ва жандармериясида: отлик аскар офицерларига берилган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**РОТОР** [р<лат] тех. Турбина, динамомашина ва ш. к.нинг айланадиган қисми.

**РОШ** диал. Ариқ тозалаш ёки қазини вақтида унинг ичидан олиб, икки четига ташланган тупроқ, лойқа. Ёп [канал]

ичида чумолидай ҳаракат қилаётган халқ бирдан рои устига чиқиб от қораси кўринган томонга тиз чўкиб қолди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**РОЯЛИЗМ** [р<фр] Қирол ҳокимиятига тарафдорлик, қирол ҳокимиятини ёқлаш; монархизм.

**РОЯЛИСТ** [р] Роялизм тарафдори; монархист.

**РОЯЛЬ** [р<фр] Металл торлари горизонтал тортилган, клавишли музика асбоби. Рояль чалмоқ.

**РОХ** [ф-т] кт. кам қўлл. айн. йўл.

**РОХАТ** [а] 1 Эстетик завқ ёки ором берадиган нарсалардан олинадиган лаззат, хузур, гашт. *Севгин айтмаслик қизлар одати, Нозу караимаси — йигит роҳати.* М. Алавия. *Кундузлари иссиқдан беҳол бўлган одамлар кечадан роҳат кутадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Куч, роҳат олар эдим, Ипак соқларинг силаб.* Ғайратий. *Аваз Собир акалар сингари ҳунарманд меҳнатқашлар гурунғидан роҳат топади.* Ж. Шарипов, Хоразм. || *Ўтирганлар ажойиб овоз билан айтилган лирик ашулани роҳат қилиб тинглайдилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Қиз [Сулув] бошини орқага ташлаб, баланд кўксини тўлатиб роҳат нафас олар эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Хузур-халоват, фароғат, тинч ва фаровон ҳаёт. *Роҳатда яшамоқ. Меҳнат, меҳнатнинг тағи роҳат.* Мақол. *Меҳнатсиз роҳат йўқ.* Мақол. — *Энди сенлар омон бўлинглар. Дунёнинг роҳатини сенлар кўринглар.* Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. [Пулдорларнинг] қорнилари тўқ. *Бола-чақалари роҳатда, уйларида қазичарга қайнайди.* Ойбек, Кутлуг қон. || *Шундай роҳат турмушимиздан, шундай ширин умримиздан дарров бир йили кетдим!* А. Қахқор, Нутқ.

3 Роҳат (*хотин-қизлар исми*).

◆ **Роҳати бадан айн. роҳатбадан 1. РОХАТБАДАН** [а+ф-т] 1 от Одатда олма гулли кўйлакбоп ҳарир газлама. || *Роҳатбадан кўйлак.* — *Поплин дейсизми, .. чидаганга чиқарган дейсизми, роҳатбадан дейсизми, .. кеп қолинг, харидор!* — деб [Хуснибий] бозорни бошига кўтариб, бақариб юрар эди. Ф. Фулом, Шум бола.

2 сфт Баданга роҳат бағишлайдиган. *Пирпираб роҳатбадан шабада қирғоқлаб эсиб, Шарқираб ўйнаб тўйиб, тўйқин уриб кулгу келур.* Ҳабнибий.

**РОХАТБАХШ** [а+ф-т] Роҳат бағишлайдиган, киши хузур қиладиган; оромбахш. *Роҳатбахш жой.* *Роҳатбахш куй.* — *Бектемира нозоҳ ҳаво фавқуллода ёқмили, роҳатбахш туюлди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**РОХАТИЖОН** [а+ф-т] 1 от Шиннига муз қириб солиб тайёрланадиган морознийсимон овқат.

2 сфт Жонга роҳат бахш этадиган, жонга роҳат бағишлайдиган. У [Низора] *ипакдай майин, шишадай тиниқ роҳатижон илиқ булоқ сувини кучоқ-*

лар, оппоқ тўшига босиб яйрар. С. Анорбоев, Оқсой.

**РОХАТЛАНМОҚ** Роҳат қилмоқ, хузур, гашт қилмоқ. *Музикадан роҳатланмоқ. Роҳатланиб дам олмоқ.* — *Ҳозиргина иссиқ ҳаммомдан чиқиб, роҳатланиб ўтирган Мурзин хатанинг кичкина, очилмас тўрт кўзли деразасидан қизни кўриб қолди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Соҳилларни айлануб, Утирамиз оқшомлар. Қеч лаззатига қониб Роҳатланади танлар.* Т. Тўла.

**РОХАТЛАНТИРМОҚ** роҳатланмоқ фл. орт. н.

**РОХАТЛИ** Кишига роҳат берадиган; оромли. *Донг таратган ударник Аллақачонлар, Қеҳирмақда меҳнат-ла Роҳатли онлар.* Ғайратий.

**РОХАТ-ФАРОҒАТ** Тинч ва фаровон ҳаёт, хузур-халоват. *Роҳат-фароғатда яшамоқ.*

**РОҲИБ** [а] Христиан динидаги монах. | Умуман монах, зоҳид. *Бизнинг эрамиздан икки аср бурун будда роҳиблари қояларни ўйиб, ибодатхона ва монастырлар қурганлар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**РОҲИБА** [а] Роҳиб аёл

**РОҲИЛА** [а] 1 От-улов, юк ҳайвони.

2 Роҳила (*хотин-қизлар исми*).

**РУБИДИЙ** [а] Химиявий элемент, кумушимон оқ металл.

**РУБИЛЬНИК** [р] Электр токини узиб-улаб турадиган дастаки очқич. *Ҳайдар деворга қоқиб, қулфлаб қўйилган яшиқни очиб рубильникни босди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**РУБОБ** [ф-т] Медиатор билан чертиб чалинадиган беш торли музика асбоби. *Қашқарча рубоб. Рубоб тароналари. Рубоб чалмоқ.* — *Сўйла, рубоб, ким экан Юрагимни тортеувчи. Севги, армон, ҳасратини, Бошларимга ортеувчи!* Ғайратий.

**РУБОБЧИ** Рубоб чалувчи созанда.

**РУБОЙЁТ** [ф-т<а] Бирор шоирнинг рубойилари мажмуи. *Умар Ҳайём рубойёти.*

**РУБОЙИ** [а] ад. Тўрт мисрадан иборат, тугал маъно ифодаловчи, биринчи, иккинчи, тўртинчи ёки тўрттала мисраси қофиядош бўлган мустақил шеър. *Навоий рубойилари.*

**РУБОЙИНАВИС** [а+ф-т] Рубойи ёзувчи шоир.

**РУБРИКА** [р<лат] Газета, журнал ва ш. к.да: бирор бўлимнинг сарлавҳаси; боб.

**РУБЪ:** рубъи масқун [а] эск. кт. Ер шаридаги қуруқликнинг инсон яшайдиган обод қисми. *Рубъи масқунда Хиротдек шаҳри азим йўқ.* Ойбек, Навоий.

**РУДА** [р] Таркибида металл ва унинг бирикмалари бўлган табиий минерал қомаш. *Темир рудалари.* — *Бир грамм соф радий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади.* «Фан ва турмуш», 1959, № 10.

**РУДАЛИ** Таркибида руда бўлган. *Рудали қатлам.*

**РУЖУ** [а ружуъ, 3-ш. бирл. ружуй] Бирор нарсага бўлган ортиқ майл, берилиш. [Нурматов] *яна ичкиликка ружу* қилди. Ж. Шарипов, Саодат.

ружуи қ. ружу.

**РУКН** [а] эск. 1 Устун, колонна.

2 кўчма Асос, таянч. *Дин рукнлари.* — *Юсуфбек ҳожи қоқорида ўтган гапларни қуруқ ва асосиз сўзламаган, балки шу турмушнинг рукн ва асосини бир даража айтиб ўтган, Отабек эса бунини шу муҳитнинг бир ўғли бўлиб эшитган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 ад. Шеър банди.

**РУКУ** [а рукуъ, 3-ш. бирл. рукуй] дин. Намозда бошни ёғиш, икки бўкилиш. *Руку қилмоқ. Рукуга кетмоқ.* — *Дарवेश удайчи, дарвоза ёнига ўтириб, рукуга борди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

рукуи қ. руку.

**РУЛЁТКА** [р<фр] тех. Ўраладиган тасма шаклидаги узунлиқни ўлчаш асбоби. *Уйнинг бўйини рулетка билан ўлчамоқ.*

**РУЛОН** [р<фр] Юмалоқ қилиб ўралган қоғоз ва ш. к. || *Рулон қоғоз.*

**РУЛЧИ** с. т. Рулни бошқарувчи киши; ҳайдовчи.

**РУЛЬ** [р<фр] Кема, автомобиль, самолёт ва ш. к.нинг башқариш механизми. *Трактор рули. Руль чамбарсиги.* — *Жўрабой бир оз ўйлаб туриб, велосипеднинг рулини ушлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.— *Қани, меҳмон, марҳамат,— деди машина эшигини очиб, рудла ўтирган йигит.* С. Анорбоев, Оқсой.

**РУМИН** қ. руминлар. *Румин халқи. Румин тили.* || *Румин аёл.*

**РУМИНЛАР** Руминиянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

**РУНИК** [р рунический<қадимги скандинав] Скандинавия халқларининг ва бошқа айрим халқларнинг тош, қурол, идиш ва ш. к.да сақланиб қолган қадимги ёзувларига оид. *Руник хат. Руник ёзувлар.*

**РУПИЯ** [санскр] Ҳиндистон, Покистон, Цейлон, Индонезия ва Непалда пул бирлиги.

**РУПОР** [р<голл] Овозни кучайтириб берадиган карнай.

**РУПОҲ** [ф-т] Ипак тўқиманиннг бир тури. *Сариқ рупоҳ атлас кўйлакнинг устидан унинг [қизнинг] ўртача кўраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**РУС** қ. руслар. *Рус халқи. Рус тили.* || *Рус аёл.* — *Оғамиз рус — бахтлар бобони, У тўғайли кўзимизда кўр.* Ё. Мирза.— *Қаерликсан болам? Рубога ўхшайсан,— кампир кўз ишларини айтиб, унга яқинлашди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**РУСЛАР** РСФСРнинг асосий аҳолисини ташкил этган шарқий славян халқи ҳамда Совет Иттифоқининг бошқа республикаларида яшайдиган халқ.

**РУСЛАШТИРИШ** Рус тили ва рус урф-одатларини сингдириш, рус тили ва одатларига бўйсундириш.

**РУСТА** [ф-т] Ичига ўрик ёки бодом маъзи солиб тайёрланган парварда.

**РУСТАМ** [ф-т] 1 Баходир, паҳлавон (шу номдаги эпик асарнинг афсонавий қаҳрамони исмидан). Унинг ўзоқ юртида, қуёш ва гуллар дийри Ўзбекистонда қолган дуоғўй кампир онаси уни — ёлғиз ўғлини эркалар экан, ҳар вақт: «Рустам тойим! Арслон тойим!» деб атамасмиди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Рустам (эркаклар исми).

**РУСТАМДАЙ**, -дек Паҳлавон каби, баходирлардек. *Рустамдай йигит. || Рустамдай курашмоқ.*

**РУСТАМОНА** [ф-т] рви Паҳлавонларга хос бир равишда; баходирона. Сизлар учун бу йигитлик, мардоналик, рустамона қаҳрамонлик! Ойбек, Навоий.

**РУСУМ** [а] Расм ва одатлар, расм-русумлар. *Мўғуллар шаҳарни жанг русумига мувофиқ қамал қилишга киришди. М. Осим, Ўтрор.*

**РУСУМОТ** [ф-т<а] эск. кт. Русум; русумлар. *Русумоти жанг.*

**РУСЧА** 1 Русларга, рус халқи, тили ва маданиятига оид, рус халқига хос бўлган. *Русча рақс. Русча кийим.*

2 Рус тили. *Русча(ни) биласизми? || Русча гапирмоқ.*

**РУСЧАЛАМОҚ** с. т. Рус тилида гапирмоқ. [*Полиция*] одамларга ўтириши учун қўполигина ишорат қилди. Кейин тўхтовсиз сўқиб, жаҳл билан йўлчиға русчалаб бир нима деди. Ойбек, Қутлуғ қон.

**РУТБА** [а] эск. Унвон, даража, мартаба. *Ўлтиришда ҳар ким ўз рутбасига муносиб ўринни ишғол этди. Ойбек, Навоий. Николай II хонга генераллик рутбасини бериб, олий ордён билан ленталар тақди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**РУТУБАТ** [а] Бирор нарсадаги намлик, захлик. *Хавонинг рутубати. — Урмонда бирдан қоронғилик қуюқлашди, совуқ ва рутубат кучайди. Ойбек, Қуёш қораймас. Чорбурчак гиштлар нам тортиб, деворлардан рутубат ҳиди анқиб турар, ер остидан инграган бир овоз эшитиларди. М. Осим, Элчилар.*

**РУТУБАТЛИ** Рутубати бўлган; нам, зах. *Тўғонбек ичкари киргач, рутубатли бўғиқ ҳаво бурнига урди. Ойбек, Навоий.*

**РУХ** I [ф-т] Шахмат ўйинида: тахтанинг икки четки қатор охиридаги ҳонада жойлашадиган ва вертикал ҳамда горизонтал йўналишда исталганча юра оладиган сипоҳ; тўра. *Рухни сурмоқ. Рухни юрмоқ.*

**РУХ** II [ф-т] эск. поэт. Кишининг юзи; рухсор. *Гул рух гул юзли, гулрў.*

**РУХСАТ** [а] 1 Бирор ишни бажариш, қилиш, амалга ошириш учун шу ишга тааллуқли ёки жавобгар киши, орган, ташкилот ва ш. к. томонидан берилган ижозат, розилик жавоби. *Рухсат бермоқ. Рухсат олмақ. — Бўлмаса менга рухсат этасиз,—*

*деди Элмурод ва ўрнидан турди-да гапира бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Гангур-гунгур суҳбат билан паловни еб, Абдушукур кетишга рухсат сўради. Ойбек, Қутлуғ қон. Мен Беғижонинг рухсати билан хатни очиб кўздан кечирдим. Н. Сафаров, Севги.*

2 кесим вазифасида Жавоб, ижозат («сиз бўшсиз», «кетишингиз мумкин» маъносинда). *Сизга рухсат! — Менга рухсатми, бек? — Азизбек йўл устида ҳожиға қаради: — Рухсат, эртага чойни ўрдага келиб ичинг! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**РУХСАТНОМА** [а+ф-т] Ёзма равишда берилган ижозат, рухсат.

**РУХСАТСИЗ** Рухсат сўрамай; рухсат берилмагани холда, ижозатсиз. *Уста Олим қутидорға кулимсираб олгач,— Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз,— деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**РУХСОР** [ф-т] 1 Кишининг юзи; бет; афт-ангор. *Рухсори хунук бўлса ҳам яхшиға ёндош!* Мақол. — *Азиз бир кишининг рухсорига тўйиб-тўйиб тикилиш нақадар яхши!* У. Назаров, Ғурур.

2 кўчма Қўриниш, қиёфа. *Ҳозирги Мирзачўлнинг рухсори бус-бутун бўлакча. М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.*

**РУЧКА** [р] 1 Бир учига перо ўрнатилган ёзув қуроли. У, дераза пардаларини тортиб қўйди-да, стулга ўтиргач, сочларини тузатиб, блокнот ва рўкани ҳозирлаб, қабулни бошлади. Ш. Рашидов, Бўрондан куяли.

2 с. т. Даста. *Эшик рўкчаси.*

**РУХ** I [а] 1 Кишининг ички холатини, психик кечинмаларини, ҳис-туйғуларини акс эттирувчи кайфияти. *Баланд рух. Кўтаринки рух. Баланд рух билан. Унинг руҳи кўтарилди. Унинг руҳи тушмоди. — Дарҳақиқат, кишининг қиёфаси ва сўзларига қараб унинг руҳини билиш бошқа. П. Турсун, Ўқитувчи. Сафаров одамларнинг авзойига зехн солди: одамларнинг руҳи тетик. А. Қаҳҳор, Қўшчинор. Қутидор ҳали ҳам Отабекнинг руҳига тушуна олмаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Йўлчининг].. кўкси гоҳ юпантирувчи кечинмалар билан, бутун руҳига синган тотли ҳасрат билан тўла эди. Ойбек, Қутлуғ қон. | Кишининг ички дунёсини, маънавий қиёфасини, ўй-фикрларини, маслак ва мақсадларини акс эттирувчи кайфияти. *Революцион рух. Миллий рух. Халқларни интернационал дўстлик руҳида тарбиялаш. — [Ҳожи] мажлисининг Ниёз қушбеги руҳида борганлигини яхши сезди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. 1917 йил апрель ойининг бошида Қўқонда социал-демократик ташкилот таркиб топди ва бу ташкилот большевиктик руҳда жуда катта агитация ва пропаганда ишини олиб борди. А. Раҳмат, Ҳаёт лавҳалари. | Кибр-ҳаво, димоғ. Манманлик руҳи. Катталик руҳи.**

2 Кишининг умумий кайфияти, кайф-аҳволи. *Руҳи сўғинининг иши сўғин, руҳи тетикнинг иши тетик. Мақол. Рухи енгил торти (ёки енгиллашди) 1) соғайиб, тузалиб ёки хордиқ олдид ўзини енгил, дуруст ҳис қилди. Бугунги осойишта уйқу Пўлатжонга анча қувват киреизди, ўзини тетик, руҳини енгил сеза бошлади. Ойдин, Садағанг бўлай, командир; 2) ишн енгиллашиб, ўнгланиб, хотири жам, кайфи чоғ бўлди. *Сергей Петрович унинг кўнглини кўтариб, ҳазиллашар, у эрдан Адолатнинг руҳи енгил бўлиб чиқарди. С. Зупнунова, Гулхан. | Бардамлик, тетиклик. Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш эйё унинг бағрига синиб кетган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шўро шиор отди майдонга эрк-хурлик, Мазлумалар дилига берди руҳ ва жасурлик. Ғ. Фулом.**

3 кўчма Жонлилиқ, фэйз. *Навоий уй ичига кириши билан мажлисга руҳ кирди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Уйин қизиб борар эди, уйнинг дарица эшиклари бекланиб тоқчаларга шам ёқилгандан сўнғ, бозмнинг руҳи яна ошди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Ортиқ завқ; пафос. [*Султонмурод*] дўстининг шеърларида бўлган нуқсонларини едириб кетиш учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқинишга тиришиди. Ойбек, Навоий.

5 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к.нинг боришидаги, йўналишидаги характерли хусусият *Замон руҳи. — [Йўлчи] айниқса, кейинги воқтларда бу улғу куннинг руҳини ўз юраги билан чуқур сезиб, ҳар ерда — маҳаллада, чойхонада, бозорда — ўзи каби эзилганлар, аламдийдаларнинг кўкрагини бу руҳнинг оташи билан ёндиришга интилмаганмиди? Ойбек, Қутлуғ қон. — Иншооло, шу йигит мирабобиш бўлар! — деди Сафар бўзчи суҳбатнинг руҳини билмаган ҳолда А. Қодирий, Меҳробдан чаён. | Маслак, таълимот, ҳужжат ва ш. к.нинг асосий моҳияти, улар негиздаги белгилувчи ғоя. Қонуннинг руҳи. Конституциянинг руҳи.*

6 Идеалистик философия ва диний тушунчага кўра: киши ҳаётида у билан бирга, киши вафотидан кейин эса, тандан чиқиб абадий яшайдиган ғайритабиий асос; арвоҳ. *«Ўганимдан кейин руҳимга бир калима қуръон ўқиса, бир вақтлар Ҳасанали ота ҳам бор эди деб ёдласа, менга шуниси кифоя!»* деб қарор берган .. оқ кўнглили бир кул эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бечора мазлумлар учун Сонсиз жафолар чеккан ул, Хизмат қилиб унинг руҳин Кўп шодмон қилмоқ керак. Эргаш шоир.

7 Материалистик фалсафа ва психологияда: юқори даражада уюшган материянинг маҳсули деб қаралувчи онг, тафаккур. *Материя руҳнинг маҳсули эмас, балки руҳнинг ўзи материянинг олий маҳсулигинадир. В. И. Ленин,*

Эмпириокритицизмнинг ва диалектик материализмнинг билиш назарияси. | Идеалистик фалсафада: материяга нисбатан бирламчи деб қараладиган ва гўё бутун борлиқнинг негизини ташкил этган гайри моддий асос, илоҳий куч. **Абсолют рух.** — Идеализм нуқтаи назаридаги философлар .. аввал тафаккур, фикр, онг, идея, рух, ундан сўнра унинг натижаси ўлароқ, модда, нарса, ашёлар — борлиқ келиб чиққан деб даъво қилдилар. Диалектик материализм масалалари.

◆ **Рухи равои қ. равои.**

**РУХ** II [а] Химиявий элемент, юқори температурада эрийдиган, кумушсимон оқ рангли металл.

**РУХАН** [а] рвш I Рухий жиҳатдан; рухий. *Шербек бир боқишда унинг [Низоранинг] нимадандир руҳан қаттиқ азоб чекаётганини пайқайди.* С. Анорбоев, Оксой. *Йигитлар сурнай овозига қўлоқ солиб, бир-бирларига маъноли қараб оладилар, руҳан берилиб тебранадилар.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Хаёлан, фикран. [Йўлчи] *кўкракдан оққан қонча беланиб ётса ҳам, у фикран, руҳан, жангда — курашда эди.* Ойбек, Кутлуг қон.

**РУХАФЗО** [а+ф-т] кт. Рухни кўтарадиган, жонга рух бағишлайдиган, жонлантирадиган. *Рухафзо ҳаво. Рухафзо манзара.* — Тунов кун Бадиуззамон Мирзо ўз чортоғида руҳафзо бир мажлис тартиб бермишди,— деди Зайниддин. Ойбек, Навоий.

**РУХИЙ** [а] I Кишининг руҳига, психик кайфиятига, ички кечинмаларига онд, улар билан боғли бўлган. *Рухий ҳолат. Рухий кўтаринкилик. Рухий эзиллиш.* — *Ракитин Элмуроднинг ортиқ даражада руҳий кечинмага берилганини фаҳмлаб, кўнглини кўтарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Фосих афанди руҳий кураш оловида жавлон уриб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Рухий касаллик** марказий нерв системаларининг бузилиши ёки ишдан чиқши натижасида вужудга келадиган касаллик.

2 айн. маънавий I. *Рухий озиқ.* — *Тил билмаслик биринчи ҳафталарда уларни [рус билан Йўлчини] қаттиқ қўйнади. Лекин сўзлашув учун уларда кучли орзу, руҳий зарурият бўлганидан бу қийинлик аста-секин йўқолаверди.* Ойбек, Кутлуг қон.

◆ **Рухий атака** кишиларнинг руҳига таъсир қилиш, кўрқитиш, ваҳимага солиш воситаларини қўллаб қилинадиган атака.

**РУХИЯ** [а]: аҳволи руҳия эск. кт. қ. аҳвол 3. *Бировнинг аҳволи руҳиясига қараб иш қилмоқ.*

**РУХЛАМОҚ** Рух билан қопламоқ, рух югуртирмоқ (қ рух II). *Тунуқани рухламоқ.*

**РУХЛАНМОҚ** I рухламоқ фл. мажх. н. *Рухланган челақ.*

**РУХЛАНМОҚ** II Рухий кўтаринкилик касб этмоқ; илҳомланмоқ, рағбат-

ланмоқ. [Элмурод] *Гулсумнинг ҳар бир сўзини жони-дили билан тинглашидан рухланди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**РУХЛАНТИРМОҚ** рухламоқ II фл. орт. н. *Мусанинг сўзлари Элмуродни рухлантирмади, балки унга мазаҳдай эшитилди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**РУХЛИ** Кўтаринки руҳдаги, руҳи баланд. *Йигитли жой салобатли, қаҳрамон руҳли бўлади.* Шухрат, Шинелли йиллар. | *Жонли тус олган, жонли, завқ-шавқли. Тўй жуда ҳам руҳли.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. *Қурилиш кундан-кунга қизикроқ, руҳлироқ давом этди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**РУХОНИЙ** [а] Дин пешвоси, дин йўлида, диний лавозимда хизмат қилувчи, уни тарғиб этувчи диний киши; диндор. *Озодлик душмани! Ет унсур! Рухоний!* А. Қаххор, Кўшчинон.

**РУХСИЗ** Рухи наст, жонли тус олмаган, шавқ-завқсиз. *Рухсиз тўй. Рухсиз ҳаёт.* — *Мажлис очилмаган, очилса ҳам рухсизроқ.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. || *Уста Сирожиддин «Наво»ни дарҳақиқат, рухсиз, ёмон чалди.* Мирмуҳсин, Созанда. *Абдурахмон .. бир неча ойлار ниҳоятда рухсиз, кайфсиз ва дарсиға ҳам ҳафсаласиз давом этиб юрди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. | *Бўш, лажж. Ҳўзининг рухсиз товуши билан Ойша буви ҳам гаёга аралашди.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

**РУХСИЗЛАНМОҚ** Рухий тушқунлик кайфиятига берилиб умдсизланмоқ, дадилликни қўлдан бермоқ. — *Ҳўқумат .. етим ва йўқил болаларни йиғайтипти.* — деди қори рухсизланиб. П. Турсун, Ҳўқитувчи. | *Жонлиликни, қизгинликни йўқотиб, қизиқарсиз, ўлик тус олмоқ. Мажлиснинг бунчалик рухсизланиб, маъносият ичида қолишига Гулсунбиби чидаб туюлмади.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар.

**РУХСИЗЛАНТИРМОҚ** рухсизланмоқ фл. орт. н.

**РУХСИЗЛИК** рухсиз с. белги оти. *Уйга келсангиз алақандай кўнглисиз, эжимжит, рухсизлик сизни қарши олади.* Ойдин, Икки кўзи шунда.

**РЮКЗАК** [р<нем] Орқага осиб юриладиган сумка, юк халта. *Қоля каттагина брезент рюкзак ва чарм папкасини тасма билан елкасига осиб олган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**РЮМКА** [р<голл] Спиртли ичимликлар ичиладиган кичкина шиша идиш; кичкина қадах. *Бозоров лим-лим рюмкани Соҳиб қорига узатди.* — *Қани олинг, айрилмас дўстликка!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. — *Қани, Зокиржон,* — деди [Мирсаид]. — *Биринчи рюмкани сиз учун кўтарамиз.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**РЯДОВОЙ** [р] Оддий аскар, солдат. **РУБАРУ** [ф-т] Қарама-қарши томон; қарши, рўпара. *Рўбарў бўлмоқ. Рўбарў келмоқ. Рўбарў қилмоқ.* — *Мудофаада турган душманга рўбарўдан берилаётган зарба билан бир вақт-*

*да, отлиқ аскарларимиз унинг орқа томонидан ҳам зарба бермоқда эдилар.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг турилиши.

**РУВАК** [ф-т] I Бир турли попукли ўсимлик.

2 Базми ўсимликларнинг (мас., қамишининг) попуғи. *Гуллаш олдидан [қамиш] пояси учида рўвак ҳосил қилди.* М. Тўйчиев, Қамиш.

**РУДАПО** [ф-т] I Сўрғичли саккизта катта пайпаслагич бўлган денгиз ҳайвони. *Кўйда, оёқлари маталарда айтиладиган рўдапонинг оёқларидай, бир-бирига ўралиб бораётган қўрқинчли бир аjoyиб нарсани кўрдим.* Лйний, Қуллар.

2 *Кўйма* Ҳар қандай бахайбат, ваҳимали нарса. — *Бир оёғим тўрда-ю, бир оёғим гўрда, ажал деган рўдапо эшикнинг тирқишидан мўралаб турибди-ю, қолган беш қўнимга шуқур қилмай, яна орзу-хаёс қилайми, айланай оёғим?* — деди Шуқур кампир. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *У танкнинг мотор қисмига ёндирувчи бутилка ташлади шекилли, ловқалаган темир рўдапонинг қорнидан офицер ўзини улоқтирди-да, тўплоқчасини тепадаги аллакима берди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

3 *Кўйма* Бичими келишмаган, беўхшов, беёўнақай кийим ёки ёпинчиқ. — *Баҳрингиз очилипти, ойи.* — *Очилганда қандай! Шу рўдапони ёпиниб, умримни хазон қилган эканман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. || *Туркистонда .. аёллар ҳамон ичкари зиндонда, ҳамон бошида рўдапо паранжи, юзида от ёлидан тўқилган қора нарда.* Ҳ. Гулом, Мағбал.

4 Кўпол, қовушмаган одам. *Ҳабиба хоним .. Валихоннинг кўз очиб кўргани, Тезрон ва Қобилга номи кетган савдогарнинг қизи. Майна-чи? Қишлоқ, саҳроий, рўдапо бир қиз.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**РУЁБ** [ф-т]: рўёбга чиқмоқ I) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ; ушалмоқ. *Турмушда кишининг тузган режалари ҳамма вақт ҳам рўёбга чиқа бермас экан.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат; 2) намоён бўлмоқ. *Фикр тил материали базасидагина рўёбга чиқади;* 3) айн. **рўшноликка чиқмоқ** қ. **рўшнолик.** *Боёқши анча рўёбга чиқиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**РУЖА** [ф-т] с. т. Рўйжо. *Эрталаб Тўпа хола ўзини бир оз енгил ҳис қилди. Ҳамма ёқ озода, оқ рўжа, тувакда гуллар.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**РУЗ** [ф-т] кт. Кун, бир кун. *Рўзингени сот, рўшнолик ол. Мақол.* — *Ул муртадин .. жаноби тождорда ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир.* А. Қодирий, Ҳўтан кунлар. [*Мастура Мирзасарамга:*] *Сизни деб қора бўлақ бу юзларимни байтуллоа суркамдй ўлсам, рўзи қиёматда қандай бөөи кўтараман?* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**РҶЗА** [ф-т] I дин. Мусулмонларнинг ҳар йили бутун рамазон ойи давомида дунёвий ишлардан ўзини тийиб, бутун



кун ҳеч нарса емай-ичмай юриш урф-одати. Рўза тутмоқ. Рўзани очмоқ. Оши йўқ рўза тутар, иши йўқ намоз ўқир. Мақол.

2 с. т. Рамазон ойи. [Саҳоватли бойларини] у рўзадан бу рўзага берадиган садақаси дарёдан томчи эмасми? Ойбек, Кутлуг қон.

**РҶЗНОМА** [ф-т] Мажлиснинг кун тартиби. [Любовь Ивановна:] Николай Васильевич, сиз совет мажлисининг рўзномасини сўраган эдингиз. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**РҶЗҶОР** [ф-т] Ўзига мустақил ҳар бир оила, ҳар бир хўжалик. Хотинлик рўзғор гулдир, хотинсиз рўзғор чўлдир. Мақол. — Биз, тағи шу ерликмиз, ўрганиб қолганмиз. Шундоқ ҳам овдлимизда ўн уч рўзғор қолган, ҳолос. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Шундай оила ёки хўжаликка тегишли ва унинг тирикчилиги учун зарур анжом-ашёлар, икир-чикирлар. Уй рўзғори. Колхоз рўзғори. Рўзғор анжомлари. — Ҳа айланай, не қилай, Рўзғор қурғур ғор экан. Ғ. Ғулом. [Али] ўзининг бахтсизлигиндан, топганини рўзғордан орттирмамай, шу кунгача уйланолмай келишидан ҳасрат қилиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дадам кексайиб қолган, рўзғорга қараша олмас эди. С. Зуннунова, Гулхан. Рўзғор қилмоқ 1) оила қурмоқ. Қарим қандай ақли йигит. Бечора ота-онаси етим ўсди. Рўзғор қилишни тоқатсизлик билан кутяпти. Ш. Рашидов, Ўрондан кучли; 2) ўз хўжалиги учун зарур анжом тўпламоқ, бойлик орттирмоқ. Шунчалик рўзғор қилиб, лоақал юшиқроқ нон едирмасак.. Киши жуда ҳам уялади! А. Қодирий, Мехробдан чаён. Рўзғор тебратмоқ оилани иқтисодий жиҳатдан таъминламоқ, оилани боқмоқ. У [Маҳмуд Торобий] ўзининг Муҳаммад ва Али исмли икки укаси билан саҳардан то шомгача меҳнат қилиб, катта рўзғорини тебратиб турарди. М. Осим, Маҳмуд Торобий.

**РҶЗҶОРЛИ** Рўзғорга эга бўлган, рўзғор қилган; оилали. Уй-рўзғорли киши.

**РҶЗҶОРЧИЛИК** Рўзғор, кундалик ҳаёт ташвишлари, икир-чикирлари, рўзғорга оид иш ва ташвишлар.

**РҶЙ** [ф-т] Бирор нарсанинг сиртқи томони, юзи. Офтоб рўйи. Рўйи жаҳон (ёки замин) ер юзи, дунё, олам, жаҳон. Яша ийро, яша ийро! Сен яшайдиган замон. Иши йўғли шуҳратинедан Балқисин рўйи жаҳон. Ҳамза. Оташ арава, жилтик, тўп, ўқ, калиш, газлама,.. бевиниғи шу рўйи заминда кўриниб турган илми-хунар шулардан чиқади. А. Қодирий, Обид кетмон. Рўй бермоқ нонё бўлмоқ, содир бўлмоқ, юз бермоқ. Аҳмаджон қандай ҳодиса рўй берганини дарҳол фаҳмлаб, орқа ёқдан томга чиқди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**РҶЙЖО** [ф-т] Гулдор ёки сидирга чойшаб.— Нима бу? — деди хотин, рўйжони ёзиб.— Қаравотнинг те-

пасига осгани шундақа бир нарса қидириб юрган эдинг шекилли. Жуда ажойиб нарса. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**РҶЙНАТАН** [ф-т] Ўтакетган маккор, қув. Рўйинатан одам.

**РҶЙИРОСТ** [ф-т] рви 1 Бирор андишага бормасдан, юз-хотир қилмасдан; тўппа-тўғри, дангал, очиқ. Рўйи-рост гапирмоқ. — Кеча сиз.. роса соат 11да қаерда эдингиз? Кўчадамингиз, ё шихонадами? Шу саволга коллектив олдида рўйи-рост жавоб беринг. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

2 Тикка; бор бўйича. Йигитлардан бири.. кўзларини чаққайтириб, оғзини катта очиб, йўғон товуш билан атрофга бонг урди: «Юравер! Йигитлар, юравер! Майдонга рўйи-рост чиқиб, ҳақимизни дов қиламиз!» Ойбек, Кутлуг қон.

3 Чинакамига, астойдил. Унинг [Сидижоннинг] кулиши Ўрмонжоннинг рўйи-рост ғашини келтирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**РҶЙИХОТИР** [ф-т+а] Андиша, риюя, юз-хотир, Рўйихотир қилмоқ.

**РҶЙИХУШ** [ф-т] Очиқ чеҳра ва илтифот. Элмуроднинг Анна Ивановна билан бир оз гаплашиб ўтиргиси, унинг эндиғи режалари билан танишиши нияти ҳам йўқ эмасди. Қарасаки, унинг рўйихуши йўқ. Шухрат, Шинелли йиллар. Рўйихуш бермоқ очиқ чеҳра билан илтифот қилмоқ, майл билдирмоқ. У [Вали полвон] раисга борган экан, раис ҳам унча рўйихуш бермай, «майли, қурилишда синаб кўрамиз» дебди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**РҶЙИХУШЛИК** рўйихуш с. мавҳ. от. Рўйихушлик билан қаршиламоқ. — Эшонбоев Зокирнинг нега бу ерда турганига энди тушунди ва ўзи бошқа одамага руҳсат олмоқчи бўлгани учун рўйихушлик бермади. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**РҶЙХАТ** [ф-т+а] Нарсаларни, кимсаларни маълум тартиб билан ҳисобга олиб, ёзиб чиқиш ва шунинг натижаси бўлган шундай ҳужжат. Тавсия этилган адабиёт рўйхати. Аҳоли рўйхати. Рўйхатга олмақ. Рўйхатдан ўтмоқ. — Зокир Жумаевнинг рўйхатдан қандай тушиб қолганини қисқа ва лўнда қилиб айтиб берди. П. Қодиров, Уч илдиэ.

**РҶЙХАТЧИ** Рўйхатга олувчи, рўйхат тузувчи киши.

**РҶКАЧ** [ф-т] Кўз-кўз қилиб, ёмонини яшириш учун ажратиб олдинга қўйилган сара нарса; молининг, нарсанинг сараси. Кулупнайнинг рўкачи. — [«Четан» колхозин] район бўйича эмас, Ўзбекистон бўйича энг обрўли намунавий колхозлар қаторига кўчади. Районга .. келган меҳмонларга районнинг рўкачи бўлиб қолади. А. Қодирий, Обид кетмон. Рўкач қилмоқ 1) пеш қилмоқ, дастак қилмоқ. [Ботир:] Ҳа деб қўққорлигингизни рўкач қилаверасизми, Валихўжа ака! Қамтарлик ҳам керак кишига! Н. Сафаров, Ҳаёт

мактаби; 2) баҳона қилмоқ. Уруш вақтининг қийинчиликларини рўкач қилиб, ўз ишига бепарво қарайдиган кишиларнинг хатоларини кечирши ярамайди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**РҶМОЛ** [ф-т+а] 1 Аёллар бошга ўрайдиган, одатда, тўртбурчак шаклидаги мато. Дока рўмол. Шоҳи рўмол. Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг қуриши. Мақол. — Хотин бошидаси жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради. М. Исмоилов, Фаргона т. о.— Жавоб айтиб кет, Раъно! — Ҳа, шундай! — деди Раъно [Анварга] гул ёнида рўмолини тўғрилаб. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Умуман шундай мато, парча. Унинг [Тошматнинг] боши дока билан ўралган, чап қўли рўмол билан елкасига осиб қўйилган эди. Ҳ. Ғулом, Мангъал.

**РҶМОЛЧА** Кичкина рўмол, дастрўмол. Ўрмонжон рўмолчаси билан бўйини аста-секин артиб, ўйлиниб қолди-да, бирдан: — Ярашасанми? — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор.

**РҶПАРА** [ф-т] Бир нарсага ёки кузатувчига, сўзловчига қарама-қарши томон; қарши. Рўпарадиги уй. Рўпара бўлмоқ (ёки келмоқ) 1) юзма-юз учрашмоқ, учрашиб қолмоқ. Бироқ унинг тили қисик; онасига сўз қайтариш эмас, рўпара бўлишга ҳам юраи безиллар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор; 2) дуч келмоқ, йўлиқмоқ. Шу-шу Лдолат Бегимхон билан гаплашмай қўйди. Мана энди улар яна рўпара келдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Рўпара қилмоқ 1) юзма-юз қилмоқ, учраштирмоқ. Сен менга Сулувни рўпара қилаверчи [деди Аллон Палмонга]. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 2) дуч келтирмоқ, йўлиқтирмоқ. Жапақдан қутилдик, Элгелди энди унга қизини эмас, ажалани рўпара қилади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси; 3) тўғри қилмоқ; кўрсатмоқ. Эшоннинг «жилоё» тўғрисидаги фикри Элмуроднинг газабини келтирди. Энди у дангал фактларни рўпара қилишга қарор берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**РҶПОЧ** [ф-т] диал. Таннозлик билан юзини бекитувчи аёл. [Холисхон Тожибойга:] Отим ҳалиғидақа.. бўлса ҳам, ўзим бир рўпочдан ортиқман. Ҳамза, Паранжи сирлари.

**РҶШНОЛИК** Бахтли, фаровон ҳаёт; ёруғлик.— Қарғиш теккан бебахт хотин эканман, дунёга келиб бир рўшнолик кўрмадим,— деди Холниса хола. Мирмуҳсин, Чинкиш. Рўшноликка чиқмоқ юзага чиқиб, бахтли фаровон ҳаётга эришмоқ, ёруғликқа чиқмоқ.

**РҶЯ** [ф-т] Юз, юза, бет. Ҳовли рўяси. Офтоб рўя офтоб тушиб, тегиб турадиган жой, томон.

**РҶЯН** [ф-т] Бир йилда икки марта гуллаб, икки марта ҳосил берадиган сариқ гулли ўсимлик (медицинада буйрак тошини эригувчи кислота олиш учун, халқ хўжалигида бўёқ модда олиш учун ишлатилади).

Саид Фазыл  
АҚАБИРОВ  
Тешабай  
АЛИКУЛОВ  
Сабирджан  
ИБРАГИМОВ и др.

**ТОЛҚОВЫЙ  
СЛОВАРЬ  
УЗБЕКСКОГО  
ЯЗЫКА**

Редакция языков народов СССР

Заведующая редакцией

Н. М. СЕМЁНОВА

Ст. редакторы:

Л. А. БОГДАНОВА,

Д. П. ЛУКАШЕВИЧ

Редакторы:

Н. Т. ДЕНИСОВА,

Г. А. МАТВЕЕНКО

Мл. редактор

Л. М. КАВЕР

Художественный редактор

В. Д. АДАМОВА

Технический редактор

Э. С. СОБОЛЕВСКАЯ

Корректоры:

Т. О. ТАРАСОВА,

О. Н. ШУШУНОВА

ИБ № 880

Сдано в набор 14.08.78. Подписано в печать 19.11.80.  
Формат 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Бумага книжно-журн. № 2. Гарнитура  
литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 66,4. Уч.-изд.  
л. 116,48. Тираж 43 000 экз. Заказ № 906. Цена 7 р. 30. к.  
Издательство «Русский язык», 103009, Москва, К-9,  
Пушкинская ул., 23. Набрано и сматрицировано в ордена  
Октябрьской Революции и ордена Трудового Красного  
Знамени Первой Образцовой типографии имени А. А. Жданова  
Союзполиграфпрома при Государственном комитете  
СССР по делам издательств, полиграфии и книжной  
торговли. Москва, М-54, Валовая, 28. Отпечатано в Ленин-  
градской типографии № 2 головном предприятии ордена  
Трудового Красного Знамени Ленинградского объединения  
«Техническая книга» им. Евгении Соколовой Союзполи-  
графпрома при Государственном комитете СССР по делам  
издательств, полиграфии и книжной торговли. 198052, г. Ле-  
нинград, Л-52, Измайловский проспект, 29.